قرآن كريم

ҚУРЪОНИ КАРИМ

маъноларининг таржима ва тафсири

Тошкент
2004

القرآن الكريم

قرآن كريم

ҚУРЪОНИ КАРИМ

маъноларининг таржима ва тафсири

ҚУРЪОНИ КАРИМ

قرآن كريم

ترجمة و تفسير معانيه الى
اللغة الاوزبيكية

Таржима ва тафсир муаллифи:
Абдулазиз МАНСУР

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдурашид қори Бахромов	Нажмиддин Комилов
Раҳматуллоҳ қори Обидов	Зуҳриддин Ҳусниддинов
Неъматилла Иброҳимов	Абдулҳай Абдуллаев
Хайриддин Султонов	Зоҳиджон Исломов
Ҳамидулла Кароматов	Ботирбек Ҳасанов

Мамлакатимизда бебаҳо адабий меросимизни ўрганиш ва ундан халқимизни баҳраманд қилишдек хайрли ишларга катта эътибор берилмоқда. Қуръони карим маъноларини ўзбек тилига таржима ва тафсир қилиш анъанасининг давом этаётгани сўзимиз далилидир. Юртимиз уламоларидан Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган ушбу таржима ва тафсир ўзига хос хусусиятлари билан китобхонларга маънавий ва маърифий бойлик бахш этади деган умиддамиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар ҳайъати ва Тошкент ислом университети Илмий кенгаши қарорига биноан нашрга тавсия этилди.

Тошкент
2004

©“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004 й.

بســـــم الله الرحمن الرحيـــــم

Муқаддима

Маълумки, Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга 23 йил мобайнида сура ва оятлар тарзида элчи фаришта-Жаброил алайҳиссалом воситаси ила илоҳий ваҳий сифатида, араб тилида, оғзаки нозил қилинган. Ислом дини таълимотининг асосий манбаи саналмиш бу Каломи шарифнинг тил ва баён жиҳатидан илоҳий мўъжизалиги у араб тилида ўқилиб, маънолари тушуниб борилганда тўла намоён бўлади. Бошқа ҳар қандай тилга ўгирилганда араб тилига хос хусусиятлар, назмий услуб, мафтункор оҳанг ва руҳий таъсир ўз кучини қисман бўлса-да йўқотади. Таржимон ҳар қанча маҳоратли, тажрибали, луғатга бой бўлмасин, оятларнинг арабча ҳолатидаги мазмунини бошқа тилда мукаммал ифода этиши мушкул. Араб тилида ўқиш ва мазмунини англаш эса, ҳамманинг ҳам имконият даражасида эмас. Ҳатто арабларнинг ўзлари ҳам Қуръон оятларини мукаммал тушуна олмасликларини тан оладилар. Улуғ саҳобалар ҳам кўпдан-кўп оятлар мазмунида баҳслашиб, бир ечимга кела олмаганларида, жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзларидан сўраб, уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаб олганлари саҳиҳ ҳадислардан маълумдир.

Қуръони каримни бошқа тилларга таржима ва тафсир қилиш ҳаракати анча қадимдан бошланган. Айниқса, араб бўлмаган халқларнинг исломга киришлари бу ҳаракатга асосий омиллардан бири бўлган.

Кейинги асрларда Қуръони карим жаҳон халқларининг кўпгина тилларига ўгирилди. Шунингдек, ўзбек тилида ҳам бир неча таржима ва тафсирлар ёзилди. Бизнинг асримизда бу жараён янада фаоллашиб бориши табиий. Бас, шундай экан, бу соҳада кун сайин илмий тараққиёт сари интилиш мақсадга мувофиқдир. Аввалги хато ва камчиликларни такрорламаган ҳолда, тобора сифатли таржима ва тафсирларни таълиф этиш янги аср уламоларининг шарафли ва масъулиятли вазифаларидандир.

Бинобарин, шу жараённи давом эттиришдек мураккаб ишни зиммамизга олар эканмиз, унга масъулият ва омонатдорлик билан ёндошиб, бор илм ва тажрибаларимизни бу хайрли ишга сафарбар қилишга ҳаракат қилдик.

Ушбу нашрнинг ўзига хос хусусиятлари асосан қуйидагилардан иборат:

1. У ҳанафий мазҳабига мансуб машҳур муфассирларнинг тафсир китобларига асосланган ҳолда тайёрланди. Бошқа мазҳабларга доир тафсирлардан ҳам керакли жойларда фойдаланилди. Фиқҳий масалалар бўйича тўрт мазҳаб ўртасидаги фарқлар бақадри имкон қайд этиб борилди.

2. Оятларнинг таржимасида арабча матн маъноси имкони борича сўзма-сўз ифода этилди. Қўшимча ёрдамчи сўз ва изоҳлар қавс ичида берилди.

3. Тафсир китоблар ва бошқа фойдаланилган манбаларнинг номлари иқтибослардан кейин қисқартма шаклда рамзий ҳарфлар билан берилди.

4. Мутахассисларнинг фойдаланишига қулайлик яратиш мақсадида таржима ва тафсирлар Қуръони каримнинг арабча матни билан бир саҳифада ёнма-ён берилди.

5. Амалда бўлиб келган кирилл ёзуви қоидаларига риоя қилинди. Яъни 1990 йиллардан бошлаб, асосан диний адабиётларда ўзгара бошлаган ўзбек ёзуви имлолари қайта тикланди. Масалан, Исо, имон, раб, расул, саҳиҳ, Арафот, салавот каби арабчадан ўтиб қолган сўзларни баъзилар араб талаффузига мосламоқчи бўлиб, кейинги пайтда Иисо, иймон, робб, росул, саҳийҳ, Арофат, солават шаклида ёза бошлаган эдилар. Бу нашрни тайёрлашда китобхонларимиз тақдим этган фикр ва мулоҳазаларни ҳам эътиборга олдик.

Таҳрир ҳайъати

Фотиҳа сураси

Маккада нозил қилинган. 7 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман)**.

1. Ҳамд* оламларнинг* Рабби – Аллоҳгаким,

2. (У) меҳрибон, раҳмли

3. ва жазо (ва мукофот) куни (қиёмат)нинг эгасидир*.

4. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз.

5. Бизни шундай тўғри йўл (ҳидоят)га бошлагинки,

6. (у) Сен инъом этган зотларнинг йўлидир*,

7. ғазабга учраган ва адашганларнинг эмас!*

سُورَةُ الفَاتِحَةِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ١
ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ٢ مَٰلِكِ يَوۡمِ ٱلدِّينِ ٣
إِيَّاكَ نَعۡبُدُ وَإِيَّاكَ نَسۡتَعِينُ ٤ ٱهۡدِنَا
ٱلصِّرَٰطَ ٱلۡمُسۡتَقِيمَ ٥ صِرَٰطَ ٱلَّذِينَ أَنۡعَمۡتَ
عَلَيۡهِمۡ ٦ غَيۡرِ ٱلۡمَغۡضُوبِ عَلَيۡهِمۡ
وَلَا ٱلضَّآلِّينَ ٧

وَآيَاتُهَا سَبۡعٌ

1. ФОТИҲА СУРАСИ

Бу сура Муҳаммад (а.с.) га икки марта: Маккада Меърож кечасида, ҳамда ҳижратларидан кейин Мадинада, қибла ўзгартирилганда такроран нозил қилинган. Шунинг учун ҳам бу суранинг бир номи “ас-сабъул-масоний”, яъни “икки бор нозил қилинган етти оятли сура”.

Суранинг ўнга яқин номлари бўлиб, улардан энг машҳури – “Фотиҳа”, яъни “Очувчи”. Қуръони карим шу сура билан бошлангани учун мазкур ном берилган. Ислом дини кўрсатмаларининг асосини ташкил этгани учун унга “Уммул-Қуръон”, яъни “Қуръоннинг онаси” номи ҳам берилган.

"Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим" жумласи бизнинг ҳанафий мазҳабимизга кўра “Фотиҳа” сурасининг биринчи ояти ҳисобланмайди, балки “Намл” сурасининг 30-ояти таркибида келган бир жумла бўлиб, у сураларни бир-биридан ажратиб туриш учун ҳар бир сура бошига табаррукона ёзиб келинган. “Фотиҳа” сурасини намоз қироатида тўла ўқиш ҳанафий мазҳаби бўйича вожиб, бошқа мазҳабларда эса, у фарздир.

1-оят. “Ҳамд”нинг луғавий маъноси “мақтов” бўлиб, у асосан Аллоҳга нисбатан қўлланилади. “Шукр” сўзи эса, миннатдорчилик билдириш бўлиб, у бирор яхшилик ёки эҳсон муқобилига айтилади. Ҳамд айтиш учун мақталувчи томонидан бирор неъмат ато этилган бўлиши шарт эмас, балки мақтовга лойиқ бўлишининг ўзи кифоядир. Инсон ёки бошқа нарсалар мақталганда “мадҳ” сўзи ишлатилгани маъқул. Зеро, у мақталувчида мавжуд бўлмаган яхши сифатларни ҳам қўшиб мақташдир.

Оятдаги "оламлар"дан мурод Аллоҳдан бошқа бутун борлиқ, коинот ва мавжудотдир.

3-оят. “Эгаси” сўзини билдирувчи араб тилидаги “молик” калимаси бошқа бир қироатда “малик” шаклида ўқилиб, маъноси “подшоҳ” демакдир. Унга кўра, Аллоҳ жазо (қиёмат) кунининг подшоҳи, деган маъно чиқади. Лекин машҳур қироатларда, жумладан, бизнинг диёримизда “молик” шаклида ўқиб келинади.

6-оят. Аллоҳ инъом этган кишилар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалардир.

7-оят. Аллоҳнинг ғазабига учраганлар – Мусо қавмининг итоатсизларидир (“Бақара” сураси, 61-оятга қаралсин).

Адашганлар эса, Исо қавмининг "Аллоҳнинг фарзанди бор" деб эътиқод қиладиганларидир.

“Фотиҳа” сурасини тиловат қилингандан сўнг “омин”, яъни “қабул эт” деб қўйиш суннатдир. Фақат уни ҳанафий мазҳабида махфий, бошқа мазҳабларда эса, жаҳрий (овоз чиқариб) айтилади.

Бақара сураси

Мадинада нозил қилинган. 286 оят

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман)*.*

1. Алиф, Лом, Мим*.

2. Ушбу Китоб (Қуръон) шубҳадан холи ва (у шундай) тақводорлар учун ҳидоят (манбаи)дир-ким,

3. улар (Муҳаммад (а.с.) келтирган хабарларга) ғойибона имон* келтирадиган, намозни бар-камол ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиладиганлардир.

4. Яна, улар Сиз (Муҳаммад)га ва Сиздан илгари (ўтган пайғамбарларга) нозил қилинган нарса (илоҳий китоб ва саҳифалар)га имон келтирадиган ҳамда охират (қиёмат куни)га қатъий ишонадиганлардир.

5. Айнан улар Парвардигорлари* томонидан (ато этилган) ҳидоят узра (барқарор)дирлар ва ана ўшалар (охиратда) нажот топувчилардир.

---

2. БАҚАРА СУРАСИ

"Бақара" сигир демакдир. Сурада Мусо (а.с.) билан қавми ўрталарида кечган ибратли воқеалардан бири сигир воқеаси бўлгани сабабли унга рамзий маънода шу ном берилган.

У Қуръондаги энг йирик сура бўлиб, унда эътиқод, ибодат, иқтисод, муомала, ахлоқ, никоҳ, талоқ, идда каби масалалар билан бир қаторда Мусо (а.с.), Фиръавн ва Бани Исроил қавми ўртасидаги можаролар ўз аксини топган.

1-оят. Алиф, Лом, Мим. Қуръонда 29 та сура шу каби мустақил ҳарфлар номи билан бошланади. Улар "Ҳуруфи муқаттаот", яъни "таркибдан ажратилган ҳарфлар" деб аталади. Бу ҳарфларни таржима ва тафсир қилиш шаръан ман этилган. Уларнинг маъноси Аллоҳнинг илмига ҳавола этилади. Лекин баъзи муфассирлар яхши ниятда уларни изоҳлашга ҳам ҳаракат қилиб кўрганлар.

3-оят. Абу Ҳанифа (Имом Аъзам), Абу Мансур Мотуридий ва бошқа сунний-ҳанафий мазҳабида ижод этган уламолар наздида имоннинг рукни (шарти) иккита – Пайғамбаримиз (а.с.) Аллоҳ таоло тарафидан келтирган барча хабарларни дил билан тасдиқ этиб, тил билан иқрор қилишдир. Ибодатлар ва бошқа хайрли, савобли амаллар имон таркибига кирмайди. Лекин айрим мужтаҳид олимлар ибодат ва савобли ишлар ҳам имон таркибига киради ва учинчи рукн сифатида белгиланади, деб ҳисоблайдилар.

Имоннинг кўпайиб ёки камайиб туриши ҳам шу каби ихтилофли масаладир. Ҳанафий-мотуридий мазҳаби бўйича савобли ишлар қанча кўп қилинса, имоннинг нури ёки кучи шунча ортиб боради. Аксинча, гуноҳ-маъсият ишлар кўп қилингани сари имон заифлашиб, хиралашиб боради (Мд.).

Савобли амаллар жаннатга кириш учун сабаб бўла олмайди, балки унга Аллоҳнинг фазли ва имон сабаб бўлади. Амаллар эса жаннатга киргандан кейин бериладиган мақом, даража ва марта-баларни белгилаш учун васила бўлади. Айрим гуноҳкор мўминлар жазога маҳкум бўлсалар-да, лекин имонлари шарофатидан Аллоҳ белгилаган муддатдан кейин озод этилиб, жаннатга дохил бўлажаклар.

5-оят. Бу ва бошқа оятларда "Парвардигор" сўзидаги "лар" қўшимчаси Парвардигор сўзининг кўплиги эмас, балки барча бандаларга тааллуқлидир.

6. Ҳақиқатан, куфр (имонсизлик)даги кишилар – уларни огоҳлантирсангиз ҳам, огоҳлантирмасангиз ҳам, уларга барибир – имон келтирмагайлар.

7. Уларнинг диллари ва қулоқларига Аллоҳ муҳр уриб қўйган. Кўзларида эса парда (бор). Улар учун улкан азоб (тайёрлаб қўйилгандир).

8. Одамлар орасида шундайлар ҳам борки, улар «Биз Аллоҳга ва охиратга имон келтирдик», – дейдилар. Ваҳоланки, ўзлари мўмин эмаслар.

9. Улар (бу билан) Аллоҳни ва имон келтирганларни алдамоқчи бўладилар. Лекин ўзлари сезмаган ҳолда ўзларинигина алдайдилар.

10. Уларнинг дилларида иллат (шубҳа ва такаббурлик) бор. Аллоҳ уларга (шу) иллатни зиёда қилди. (Мўминмиз, деб) ёлғон гапирганлари учун уларга (охиратда) аламли азоб бордир.

11. Уларга: «Ер юзида фасод (бузғунчилик) қилмангиз!», – дейилса, улар: «Албатта, биз чин ислоҳчилармиз», – дейдилар.

12. Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин (буни ўзлари) сезмайдилар.

13. Уларга: «Сизлар ҳам (ана у) одамлардек имон келтирингиз», – дейилса, «Биз (шу) нодонларга ўхшаб имон келтирамизми?!», – дейдилар. Огоҳ бўлингки, уларнинг ўзлари нодондирлар, лекин (буни ўзлари) билмайдилар*.

14. Имон келтирган кишиларга дуч келиб қолганларида: «Биз ҳам имон келтирдик», – дейдилар. Ўз шайтонлари (бошлиқлари) билан холи қолганларида эса: «Биз, албатта, сизлар билан биргамиз, фақат биз (мўминларни) мазах қилувчилармиз, холос», – дейдилар.

15. Аллоҳ уларни «мазах қилади»* ва уларнинг шу (ҳаддан ошган) туғёнларида адашиб юришларига қўйиб беради.

16. Ҳидоят (тўғри йўл) ўрнига залолат (нотўғри йўл)ни сотиб олганлар ўшалардир, (лекин) бу савдолари фойда қилмади ва ҳақ йўлга юрувчи ҳам бўлмадилар.

13-оят. Билол, Суҳайб каби қуллар ва бошқа баъзи бечораҳол кишилар имон келтирганларида, мунофиқлар уларнинг сафига қўшилишдан ор қилганлар.

15-оят. Аллоҳнинг «мазах қилиши» уларнинг қилмишларига яраша жазо беришидир. Туғён ҳолатларида давом этишлари эса бериладжак жазонинг ортишига сабаб бўлади. Аллоҳ уларни шу ҳолатда давом эттириши уларнинг зараригадир.

Суранинг 1–5 - оятларида комил имонли мусулмонлар, 6,7-оятларда имон келтиришдан очиқ-ошкора бош тортган кофирлар, 8–20 - оятларда эса, мунофиқлар, яъни жону молларини асраб қолиш ёки бошқа ёмон ниятлар билан ўзларини мўмин қилиб кўрсатувчи кимсалар ҳақида сўз боради. Охиратда кофир ва мушриклардан ҳам мунофиқларнинг жазолари қаттиқроқ бўлиши ҳақида “Нисо” сураси, 145-оятида хабар берилган.

مَثَلُهُمْ كَمَثَلِ ٱلَّذِى ٱسْتَوْقَدَ نَارًا فَلَمَّآ أَضَآءَتْ مَا حَوْلَهُۥ
ذَهَبَ ٱللَّهُ بِنُورِهِمْ وَتَرَكَهُمْ فِى ظُلُمَٰتٍ لَّا يُبْصِرُونَ ﴿١٧﴾ صُمٌّۢ
بُكْمٌ عُمْىٌ فَهُمْ لَا يَرْجِعُونَ ﴿١٨﴾ أَوْ كَصَيِّبٍ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ فِيهِ
ظُلُمَٰتٌ وَرَعْدٌ وَبَرْقٌ يَجْعَلُونَ أَصَٰبِعَهُمْ فِىٓ ءَاذَانِهِم مِّنَ ٱلصَّوَٰعِقِ
حَذَرَ ٱلْمَوْتِ وَٱللَّهُ مُحِيطٌۢ بِٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٩﴾ يَكَادُ ٱلْبَرْقُ يَخْطَفُ
أَبْصَٰرَهُمْ كُلَّمَآ أَضَآءَ لَهُم مَّشَوْا۟ فِيهِ وَإِذَآ أَظْلَمَ عَلَيْهِمْ قَامُوا۟
وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَذَهَبَ بِسَمْعِهِمْ وَأَبْصَٰرِهِمْ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ
شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٠﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱعْبُدُوا۟ رَبَّكُمُ ٱلَّذِى خَلَقَكُمْ
وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢١﴾ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ
ٱلْأَرْضَ فِرَٰشًا وَٱلسَّمَآءَ بِنَآءً وَأَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجَ
بِهِۦ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ رِزْقًا لَّكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا۟ لِلَّهِ أَندَادًا وَأَنتُمْ
تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾ وَإِن كُنتُمْ فِى رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا
فَأْتُوا۟ بِسُورَةٍ مِّن مِّثْلِهِۦ وَٱدْعُوا۟ شُهَدَآءَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ
إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٢٣﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا۟ وَلَن تَفْعَلُوا۟ فَٱتَّقُوا۟
ٱلنَّارَ ٱلَّتِى وَقُودُهَا ٱلنَّاسُ وَٱلْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٤﴾

17. Улар бамисоли бир олов ёққан кимса (йўловчи)дирки, олов унинг атрофини ёритганида, Аллоҳ (бехосдан олов) нурини кетказиб, уларни зулматлар ичра (ҳеч нарсани) кўролмайдиган ҳолда қолдирган.

18. (Улар маънан) кар, соқов ва кўрдирлар. Бас, улар зинҳор (ҳидоятга) қайтмагайлар*.

19. Ёки (яна бир ўхшатиш:) осмондан жала келтирувчи булут кабидирки, унда қуюқ зулмат, момақалдироқ ва чақмоқ бўлиб, (уларнинг таъсири ва) яшинлар туфайли ўлишдан қўрқиб, бармоқларини қулоқларига тиқиб олурлар. Аллоҳ эса кофирларни (ҳар томонлама) қуршаб олувчидир.

20. Чақмоқ уларнинг кўзларини кўр қилгудек даражада бўлиб, (у) ҳар гал ёритганида (озгина) юриб оладилар, қоронғуликка кирганларида эса (юра олмай) туриб қоладилар. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, (момақалдироқ овози, чақмоқ ва яшин билан) уларни қулоқ ва кўзларидан маҳрум қилган бўлур эди. Зеро, Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир*.

21. Эй, инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни тақволи бўлишингиз учун яратган Раббингизга ибодат қилингиз!*

22. У сизлар учун Ерни “пойандоз”, осмонни «бино» қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар (мевали дарахтлар)ни ундирди. Бас, билиб туриб, Аллоҳга (ибодатда) бошқа (сохта маъбуда)ларни тенглаштирмангиз!

23. Агар бандамиз (Муҳаммад)га туширган нарсамиз (Қуръон)дан шубҳада бўлсангиз, бас, сиз ҳам унга ўхшаш (биргина) сура (ёзиб) келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг – агар ростгўй бўлсангиз*.

24. Борди-ю, (бу ишни) қилмасангиз – зинҳор қила олмайсиз ҳам – у ҳолда ёнилғиси одамлар ва тош (бут ва санам)лардан иборат, кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқингиз!

18-оят. Уларнинг карлиги – ҳақ гапларни тингламасликлари, соқовликлари – ҳақ гапни гапирмасликлари, кўрликлари эса ҳақ нарсани кўриб, тасдиқ этмасликларидир.

20-оят. Оятда Аллоҳ таолонинг мунофиқларга нисбатан айтган таъсирли гаплари чақмоққа ўхшатилмоқда (Мд.).

21-оят. Аллоҳ таоло инсонни яратиб, Ўзини танитгач, Ундан қўрқиб, тақволи бўлишини ирода этган. Аллоҳ таоло: “Мен бир махфий хазина эдим. Бас, танилишни ирода этиб, барча мавжудот ва махлуқотни яратдим” – деган. Бу “ҳадиси мукошафа” бўлиб, “Руҳул-баён” тафсирининг муаллифи Исмоил Ҳаққий (вафоти 1127 ҳ.й.) ўзининг “Канзи махфий” номли рисоласида уни кенг таҳлил этган.

23-оят. Таврот, Забур, Инжил қисман-қисман эмас, балки яхлит китоб шаклида, Қуръони карим эса, 23 йилда сура ва оятлар шаклида нозил қилинган.

Қуръони карим оятларининг 114 та катта ва кичик сураларга бўлиб қўйилганлигининг сабаби – қироат қилувчи ҳар бир сурани ўқиб бўлганидан кейин ўзида бир енгиллик ва фароғатни сезиб, кейинги сурани ўқишга тетиклик ҳосил қилишидир (Мд.).

وَبَشِّرِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّـٰتٍ
تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ كُلَّمَا رُزِقُوا۟ مِنْهَا مِن ثَمَرَةٍ
رِّزْقًا ۙ قَالُوا۟ هَـٰذَا ٱلَّذِى رُزِقْنَا مِن قَبْلُ ۖ وَأُتُوا۟ بِهِۦ مُتَشَـٰبِهًا ۖ
وَلَهُمْ فِيهَآ أَزْوَٰجٌ مُّطَهَّرَةٌ ۖ وَهُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٢٥﴾
۞ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَسْتَحْىِۦٓ أَن يَضْرِبَ مَثَلًا مَّا بَعُوضَةً فَمَا
فَوْقَهَا ۚ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ فَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ ٱلْحَقُّ مِن
رَّبِّهِمْ ۖ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَيَقُولُونَ مَاذَآ أَرَادَ ٱللَّهُ
بِهَـٰذَا مَثَلًا ۘ يُضِلُّ بِهِۦ كَثِيرًا وَيَهْدِى بِهِۦ كَثِيرًا ۚ
وَمَا يُضِلُّ بِهِۦٓ إِلَّا ٱلْفَـٰسِقِينَ ﴿٢٦﴾ ٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهْدَ
ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مِيثَـٰقِهِۦ وَيَقْطَعُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ
وَيُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ أُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَـٰسِرُونَ ﴿٢٧﴾
كَيْفَ تَكْفُرُونَ بِٱللَّهِ وَكُنتُمْ أَمْوَٰتًا فَأَحْيَـٰكُمْ ۖ
ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٨﴾ هُوَ
ٱلَّذِى خَلَقَ لَكُم مَّا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا ثُمَّ ٱسْتَوَىٰٓ إِلَى
ٱلسَّمَآءِ فَسَوَّىٰهُنَّ سَبْعَ سَمَـٰوَٰتٍ ۚ وَهُوَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٩﴾

25. Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга хушхабар берингки, улар учун остиларидан анҳорлар (суви) оқиб турувчи жаннат боғлари бордир. Ризқ этилган мевалардан ҳар гал тановул қилганларида: «Бу илгари бизга ризқ қилиб берилган меваларнинг худди ўзи-ку», – дейдилар*. Зеро, уларга (сурати) бир-бирига ўхшаш мевалар берилади. Яна улар учун у ерда покиза жуфтлар (хотинлар) бордир ва улар у ерда абадий қолувчилардир.

26. Аллоҳ чивин, балки ундан ҳам «юқори» нарсалар ҳақида зарбул-масал айтишдан уялмайди*. Имонли кишилар-ку, у (масал)ни ҳақиқатан уларнинг Рабби томонидан (юборилган) ҳақ нарса деб биладилар. Кофирлар эса: «Бу масал билан Аллоҳ нима демоқчи, ўзи?», – дейдилар. У (масал) билан Аллоҳ кўпларни адаштиради* ва у билан кўпларни (тўғри йўлга) ҳидоят қилади. Лекин (Аллоҳ) у билан фақат (аслида бетавфиқ) фосиқ кимсаларни адаштиради,

27. қайсики, (улар) Аллоҳ аҳдини, унинг битимидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган* ва Ер (юзи)да бузғунчилик қиладиган кимсалардир. Улар, албатта, зиён кўрувчилардир.

28. (Эй, мушриклар!) Ўлик эканингизда сизни тирилтирган, сўнгра сизга (яна) ўлим берадиган, кейин сизни тирилтиргач, сиз ҳузурига қайтариладиган Аллоҳни қандай инкор этасиз?!

29. У шундай зотки, сизлар учун Ердаги барча нарсаларни яратди*. Сўнгра само сари «турди-да», уни етти (қават) осмондан иборат қилиб қўйди. У барча нарсани билувчи (доно)дир.

25-оят. Жаннат аҳли ноз-неъматлардан ҳар гал тановул қилганларида, уларнинг нав ва сифатда бир-биридан фарқсиз ҳолда кўриб, "бу олдинроқ еган нарсаларимизнинг ўзи-ку," – деб таажжуб қилар эканлар.

Иккинчи тафсири шуки, жаннатдаги ноз-неъматларнинг ташқи кўриниши худди ёруғ дунёдагига ўхшаш бўлиб, мазасининг тотлилиги билан фарқ қилар экан. Тановул қилмай туриб: "Бу олдин (дунёда) тановул қилган нарсаларимизнинг ўзи-ку!" – дер эканлар. Еб кўрганларидан кейин эса, жаннат меваларининг мислсиз тотли эканига амин бўлар эканлар.

26-оят. Бу оят икки хил таҳлил этилади. Биринчидан, Аллоҳ чивин ва ундан катта нарсалар мисолида зарбул-масал айтишдан уялмайди. Иккинчидан, чивин ва ундан ҳам кичик нарса мисолида зарбул-масал айтишдан уялмайди.

*"Аллоҳнинг адаштириши" деганда Унинг адашиб, залолат йўлларида юрган одамни ўз ҳолига ташлаб қўйиши, фазлу карами билан уни ҳидоят сари йўллаб қўймаслигидир, деб тушуниш керак.

27-оят. Боғланишига буюрган нарсалари қавм-қариндошлар билан боғланиб, уларга силаи раҳм қилиш, мўмин-мусулмонлар билан яхши муносабатда бўлиш, пайғамбарларни ажратмай ҳаммасига баробар имон келтириш каби амаллардир.

29-оят. Бу оятни баъзи адашган оқимлар ер юзидаги барча нарсалар ҳамманинг мулки, хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар. Улардан бири "Ибоҳия" оқимидир (Ақ.).

وَإِذۡ قَالَ رَبُّكَ لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٞ فِي ٱلۡأَرۡضِ خَلِيفَةٗۖ
قَالُوٓاْ أَتَجۡعَلُ فِيهَا مَن يُفۡسِدُ فِيهَا وَيَسۡفِكُ ٱلدِّمَآءَ وَنَحۡنُ
نُسَبِّحُ بِحَمۡدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَۖ قَالَ إِنِّيٓ أَعۡلَمُ مَا لَا تَعۡلَمُونَ
٣٠ وَعَلَّمَ ءَادَمَ ٱلۡأَسۡمَآءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمۡ عَلَى ٱلۡمَلَٰٓئِكَةِ
فَقَالَ أَنۢبِـُٔونِي بِأَسۡمَآءِ هَٰٓؤُلَآءِ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ٣١ قَالُواْ
سُبۡحَٰنَكَ لَا عِلۡمَ لَنَآ إِلَّا مَا عَلَّمۡتَنَآۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلۡعَلِيمُ ٱلۡحَكِيمُ
٣٢ قَالَ يَٰٓـَٔادَمُ أَنۢبِئۡهُم بِأَسۡمَآئِهِمۡۖ فَلَمَّآ أَنۢبَأَهُم بِأَسۡمَآئِهِمۡ قَالَ
أَلَمۡ أَقُل لَّكُمۡ إِنِّيٓ أَعۡلَمُ غَيۡبَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَأَعۡلَمُ مَا
تُبۡدُونَ وَمَا كُنتُمۡ تَكۡتُمُونَ ٣٣ وَإِذۡ قُلۡنَا لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ ٱسۡجُدُواْ
لِأٓدَمَ فَسَجَدُوٓاْ إِلَّآ إِبۡلِيسَ أَبَىٰ وَٱسۡتَكۡبَرَ وَكَانَ مِنَ ٱلۡكَٰفِرِينَ
٣٤ وَقُلۡنَا يَٰٓـَٔادَمُ ٱسۡكُنۡ أَنتَ وَزَوۡجُكَ ٱلۡجَنَّةَ وَكُلَا مِنۡهَا رَغَدًا
حَيۡثُ شِئۡتُمَا وَلَا تَقۡرَبَا هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ٣٥
فَأَزَلَّهُمَا ٱلشَّيۡطَٰنُ عَنۡهَا فَأَخۡرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِۖ وَقُلۡنَا ٱهۡبِطُواْ
بَعۡضُكُمۡ لِبَعۡضٍ عَدُوّٞۖ وَلَكُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ مُسۡتَقَرّٞ وَمَتَٰعٌ إِلَىٰ حِينٖ ٣٦
فَتَلَقَّىٰٓ ءَادَمُ مِن رَّبِّهِۦ كَلِمَٰتٖ فَتَابَ عَلَيۡهِۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ٣٧

30. Эсланг, (эй, Муҳаммад,) Раббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», – деганида, (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қонлар тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз*. (Аллоҳ) айтди: «Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман».

31. (Аллоҳ) Одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: «Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!»

32. (Улар) дедилар: «Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, Сен илмли ва ҳикматли зотдирсан».

33. (Аллоҳ) айтди: «Эй, Одам, уларга (мазкур нарсаларнинг) номлари билан айтиб бер». Уларга номларини айтиб берганида, (У) деди: «Мен осмонлар ва Ер сирларини, сизлар ошкор қилаётган ва яшириб юрган нарсаларингизни билурман, демаганмидим?!»

34. Эсланг, (эй, Муҳаммад,) Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, такаббурлик қилди ва кофирлардан бўлди*.

35. Биз яна айтдик: «Эй, Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда яшангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан (неъматларидан) бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга* яқинлашмангиз, (акс ҳолда) золимлардан бўлиб қолурсиз».

36. Бас, шайтон иккисини (васваса билан) ундан чалғитиб, турган жойларидан (жаннатдан) чиқарди. Биз (уларга) айтдик: «Бир-бирингизга (келажак зурриётингиз билан ўзаро) душман ҳолингизда, (Ерга) тушингиз! Маълум вақтгача (ажал етгунча) сизлар учун Ерда қарор топиш ва (ундан) фойдаланиш (бордир).

37. Бас, Одам Раббидан (тавбага доир) калималарни қабул қилганидан сўнг (Аллоҳ) унинг тавбасини ижобат этди. Албатта, У тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдир.

30-оят. Одамзотнинг бузғунчилик қилишини фаришталар қаердан билишди, деган табиий саволга шундай жавоб қилинади: уларга Одам ҳақида Аллоҳнинг ўзи хабар бериб, унинг сифатларини ҳам баён қилган ёки "Лавҳул-маҳфуз" дан ўқиб, билиб олганлар ёхуд одамзотни ҳам жинларга таққослашган, зеро, Одам Атодан илгари бир гуруҳ жинлар яратилган бўлиб, улар итоатсизлик билан кўп ёвуз ишларни қилгач, йўқ қилинган экан. Фаришталар инсонни жинга таққослаганлар (Мд.).

34-оят. Бу оятни "кофирлардан эди" деб тушуниш ҳам мумкин. Унда "Иблис олдиндан қалбида куфрни яшириб юрар эди",– деган маъно чиқади.

35-оят. Тақиқланган дарахт – узум ё анжир ёки олма ёхуд буғдойдир, деб изоҳланган.

قُلْنَا ٱهْبِطُوا۟ مِنْهَا جَمِيعًا ۖ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُم مِّنِّى هُدًى فَمَن تَبِعَ
هُدَاىَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٣٨﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَآ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٣٩﴾
يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتِىَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَوْفُوا۟ بِعَهْدِىٓ
أُوفِ بِعَهْدِكُمْ وَإِيَّٰىَ فَٱرْهَبُونِ ﴿٤٠﴾ وَءَامِنُوا۟ بِمَآ أَنزَلْتُ
مُصَدِّقًا لِّمَا مَعَكُمْ وَلَا تَكُونُوٓا۟ أَوَّلَ كَافِرٍۭ بِهِۦ ۖ وَلَا تَشْتَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِى
ثَمَنًا قَلِيلًا وَإِيَّٰىَ فَٱتَّقُونِ ﴿٤١﴾ وَلَا تَلْبِسُوا۟ ٱلْحَقَّ بِٱلْبَٰطِلِ
وَتَكْتُمُوا۟ ٱلْحَقَّ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٤٢﴾ وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟
ٱلزَّكَوٰةَ وَٱرْكَعُوا۟ مَعَ ٱلرَّٰكِعِينَ ﴿٤٣﴾ ۞ أَتَأْمُرُونَ ٱلنَّاسَ بِٱلْبِرِّ
وَتَنسَوْنَ أَنفُسَكُمْ وَأَنتُمْ تَتْلُونَ ٱلْكِتَٰبَ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٤٤﴾
وَٱسْتَعِينُوا۟ بِٱلصَّبْرِ وَٱلصَّلَوٰةِ ۚ وَإِنَّهَا لَكَبِيرَةٌ إِلَّا عَلَى ٱلْخَٰشِعِينَ
﴿٤٥﴾ ٱلَّذِينَ يَظُنُّونَ أَنَّهُم مُّلَٰقُوا۟ رَبِّهِمْ وَأَنَّهُمْ إِلَيْهِ رَٰجِعُونَ ﴿٤٦﴾
يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتِىَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتُ عَلَيْكُمْ وَأَنِّى فَضَّلْتُكُمْ
عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٧﴾ وَٱتَّقُوا۟ يَوْمًا لَّا تَجْزِى نَفْسٌ عَن نَّفْسٍ شَيْـًٔا وَلَا
يُقْبَلُ مِنْهَا شَفَٰعَةٌ وَلَا يُؤْخَذُ مِنْهَا عَدْلٌ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٤٨﴾

38. «У ердан (жаннатдан) ҳаммангиз* тушингиз», – дедик. Бас, сизларга Мендан ҳидоят келганда, ҳидоятимга эргашганларга хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар.

39. Кофир бўлган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – айнан ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар унда (дўзахда) абадий қолурлар.

40. Эй, Исроил авлоди*, сизларга инъом этган неъматимни эслангиз, аҳдимга вафо қилингиз, токи Мен ҳам сизларнинг аҳдингизга вафо қилай ва Мендангина қўрқингиз!

41. Ўзингиздаги нарса (Таврот ва Инжил)ни тасдиқ этувчи ҳолда нозил қилган нарсам (Қуръон)га имон келтирингиз. Уни биринчи бўлиб инкор этувчи бўлмангиз. Оятларимни (ўзгартириш эвазига бериладиган) озгина баҳога сотмангиз ва Мендангина қўрқингиз!

42. Ҳақни ноҳақлик билан қориштирмангиз ҳамда била туриб, ҳақиқатни яширмангиз!*

43. Намозни баркамол ўқингиз, закот берингиз ва рукуъ қилувчилар (намозхонлар) билан бирга рукуъ қилингиз (намоз ўқингиз)!

44. Китоб (Таврот ва Инжил)ни ўқиб туриб, одамларни яхшиликка буюрасиз-у, ўзингизни унутасизми?! Ақлни ишлатмайсизми?!

45. (Аллоҳдан) сабр ва намоз ила ёрдам сўрангиз. Дарҳақиқат, у (намоз) оғир ишдир. Илло, итоатли (хокисор) кишиларга (оғир) эмас.

46. Улар (итоатлилар) Раббиларига (охиратда) юзма-юз бўлишларини ва Унинг ҳузурига қайтажакларини (ҳақ деб) билурлар.

47. Эй, Исроил авлоди, сизларга инъом этган неъматимни ва сизларни оламлар узра афзал қилганимни эслангиз!*

48. Бирор жон бирор нарсада бошқа жоннинг ўрнига ўтмайдиган, ундан шафоат ҳам қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) бадал ҳам олинмайдиган ҳамда уларга ёрдам берилмайдиган кундан (қиёмат кунидан) қўрқингиз!

38-оят. Бу ерда иккита сўзни изоҳ қилиш лозим. Бири – "ҳаммангиз". Одам билан Ҳаввога нега кўплик шакли ишлатилди, деган саволга, у иккисидан кейинчалик пайдо бўладиган авлоду зурриётлари назарда тутилган, деб жавоб айтилган.

Иккинчиси – "жаннатдан чиқингиз!" ўрнига "тушингиз!" дейилишидан жаннатнинг Ердан юқорида эканлигига ишорат бордир.

40-оят. Исроил авлоди Яъқуб (а.с.)нинг авлоди демакдир.

42-оят. Ҳақиқатни яширганлари – қўлларидаги Тавротдан Муҳаммад (а.с.)нинг сифатлари ёзилган оятларни ўчириб юборганларидир. Яҳудийлар охирги пайғамбар уларнинг миллатидан эмас, араблардан чиққани туфайли ҳасад қилиб, шундай ёмон ишларга қўл урганлар.

47-оят. Оятда Исроил авлодининг ўз замонларидаги бошқа қавмларга нисбатан имтиёзлари эслатилмоқда. Яъни уларга илм, имон, солиҳ амал каби сифатлар ато этилгани ва улар ичидан пайғамбарлар ва одил подшоҳларнинг чиққани ҳамда осмондан ноз-неъматларнинг тушиб тургани назарда тутилмоқда.

وَإِذْ نَجَّيْنَٰكُم مِّنْ ءَالِ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ
يُذَبِّحُونَ أَبْنَآءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَآءَكُمْ ۚ وَفِى ذَٰلِكُم بَلَآءٌ
مِّن رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿٤٩﴾ وَإِذْ فَرَقْنَا بِكُمُ ٱلْبَحْرَ فَأَنجَيْنَٰكُمْ
وَأَغْرَقْنَآ ءَالَ فِرْعَوْنَ وَأَنتُمْ تَنظُرُونَ ﴿٥٠﴾ وَإِذْ وَٰعَدْنَا مُوسَىٰٓ
أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ثُمَّ ٱتَّخَذْتُمُ ٱلْعِجْلَ مِنۢ بَعْدِهِۦ وَأَنتُمْ ظَٰلِمُونَ
﴿٥١﴾ ثُمَّ عَفَوْنَا عَنكُم مِّنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٢﴾
وَإِذْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْفُرْقَانَ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿٥٣﴾
وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦ يَٰقَوْمِ إِنَّكُمْ ظَلَمْتُمْ أَنفُسَكُم
بِٱتِّخَاذِكُمُ ٱلْعِجْلَ فَتُوبُوٓا۟ إِلَىٰ بَارِئِكُمْ فَٱقْتُلُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ ذَٰلِكُمْ
خَيْرٌ لَّكُمْ عِندَ بَارِئِكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ
﴿٥٤﴾ وَإِذْ قُلْتُمْ يَٰمُوسَىٰ لَن نُّؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ نَرَى ٱللَّهَ جَهْرَةً
فَأَخَذَتْكُمُ ٱلصَّٰعِقَةُ وَأَنتُمْ تَنظُرُونَ ﴿٥٥﴾ ثُمَّ بَعَثْنَٰكُم مِّنۢ
بَعْدِ مَوْتِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٥٦﴾ وَظَلَّلْنَا عَلَيْكُمُ
ٱلْغَمَامَ وَأَنزَلْنَا عَلَيْكُمُ ٱلْمَنَّ وَٱلسَّلْوَىٰ ۖ كُلُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا
رَزَقْنَٰكُمْ ۚ وَمَا ظَلَمُونَا وَلَٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٥٧﴾

49. Сизларни (Мусо қавмини) оғир азоблар билан қийнаган, қизларингизни тирик қолдириб, ўғилларингизни қатл этаётган Фиръавн навкарларидан қутқарганимизни ҳам эслангиз*. Бунда Раббингиздан сизларга улкан синов бордир.

50. Сизлар сабабли (ўтиб олишларингиз учун) денгизни (ўн икки йўлакка) бўлиб, сизларни қутқарганимиз, кўз ўнгингизда Фиръавн лашкарини ғарқ қилганимизни ҳам эслангиз*.

51. Мусо билан қирқ кеча ваъдалашганимиз, ундан (ҳузуримизга кетганидан) кейин, сизлар (ўзларингизга) зулм қилган ҳолингизда бузоққа сиғинганингизни эслангиз.

52. Сўнгра, ўшандан кейин ҳам шукр қиларсиз, деб, сизларни афв этдик.

53. Тўғри йўлга тушарсизлар, деб, Мусога Китоб (Таврот)ни ва (ҳақ билан ноҳақни ажратувчи) Фурқонни берганимизни эслангиз.

54. Мусонинг ўз қавмига: «Эй, қавмим, сизлар бузоққа сиғиниш билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириш билан Яратувчингизга тавба қилингиз. Яратувчингиз наздида шу (қатл) сизлар учун яхшироқдир», – деган сўзини эсланг. Шундай қилиб, Аллоҳ тавбангизни қабул этди. Албатта, У кечиримли ва раҳмлидир.

55. «Эй, Мусо, Аллоҳни ошкора кўрмагунимизча, сенга ҳеч ҳам ишонмаймиз» – дейишингиз билан кўз ўнгингизда сизларни чақмоқ урганини ҳам эслангиз.

56. Сўнгра шукр қилурсизлар, деб, ўлганингиздан кейин яна сизларни тирилтирдик.

57. Шунингдек, устингизга булутларни соябон қилдик, самовий ноз-неъматлар* ва (пиширилган) беданалар нозил этиб, «Сизларга ризқ сифатида берилган пок нарсаларни енглар» (дедик). Улар (Исроил авлоди) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларигагина зулм қилдилар.

49-оят. Фиръавн тушида Қуддусдан бир олов чиқиб, Мисрдаги барча қибтий миллатини ҳалок этганини кўради. Коҳинлар Исроил авлодидан туғилажак бир йигит қибтийлар шоҳи – Фиръавнни ўлдиради, деб таъбир қиладилар. Шундан бошлаб у туғилган барча яҳудий ўғил болаларни қатли ом этишга буйруқ беради. Фиръавн ҳузурига қибтий қариялари келиб, яҳудийлар қирилиб кетса хизматкорлик бизнинг зиммамизга тушиб қолиши мумкин, деб огоҳлантиришгач, у йил оралаб қатл этишга буюради. Мусо (а.с.)нинг акаси Ҳорун қатл қилинмайдиган йилда туғилади. Мусо (а.с.) қатл йилида туғилса-да, Аллоҳнинг ҳимояси билан Фиръавн қарамоғида омон қолади (Бғ.).

50-оят. Денгиздан айнан ўн иккита йўлак очилишининг сабаби – Исроилга мансуб ўн икки "сибт" – уруғ бўлганидир. Мусо (а.с.)дан ўз қавми сув сўраганида бир тошни уриб, ўн икки чашма чиқарганларининг сабаби ҳам шудир.

57-оят. Оятдаги арабча "манн" лафзи русчада "манна", яъни ундир.

وَإِذۡ قُلۡنَا ٱدۡخُلُواْ هَٰذِهِ ٱلۡقَرۡيَةَ فَكُلُواْ مِنۡهَا حَيۡثُ شِئۡتُمۡ رَغَدٗا
وَٱدۡخُلُواْ ٱلۡبَابَ سُجَّدٗا وَقُولُواْ حِطَّةٞ نَّغۡفِرۡ لَكُمۡ خَطَٰيَٰكُمۡۚ
وَسَنَزِيدُ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ٥٨ فَبَدَّلَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ قَوۡلًا
غَيۡرَ ٱلَّذِي قِيلَ لَهُمۡ فَأَنزَلۡنَا عَلَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ رِجۡزٗا مِّنَ
ٱلسَّمَآءِ بِمَا كَانُواْ يَفۡسُقُونَ ٥٩ ۞ وَإِذِ ٱسۡتَسۡقَىٰ مُوسَىٰ
لِقَوۡمِهِۦ فَقُلۡنَا ٱضۡرِب بِّعَصَاكَ ٱلۡحَجَرَۖ فَٱنفَجَرَتۡ مِنۡهُ
ٱثۡنَتَا عَشۡرَةَ عَيۡنٗاۖ قَدۡ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٖ مَّشۡرَبَهُمۡۖ كُلُواْ
وَٱشۡرَبُواْ مِن رِّزۡقِ ٱللَّهِ وَلَا تَعۡثَوۡاْ فِي ٱلۡأَرۡضِ مُفۡسِدِينَ ٦٠
وَإِذۡ قُلۡتُمۡ يَٰمُوسَىٰ لَن نَّصۡبِرَ عَلَىٰ طَعَامٖ وَٰحِدٖ فَٱدۡعُ لَنَا رَبَّكَ
يُخۡرِجۡ لَنَا مِمَّا تُنۢبِتُ ٱلۡأَرۡضُ مِنۢ بَقۡلِهَا وَقِثَّآئِهَا وَفُومِهَا
وَعَدَسِهَا وَبَصَلِهَاۖ قَالَ أَتَسۡتَبۡدِلُونَ ٱلَّذِي هُوَ أَدۡنَىٰ
بِٱلَّذِي هُوَ خَيۡرٌۚ ٱهۡبِطُواْ مِصۡرٗا فَإِنَّ لَكُم مَّا سَأَلۡتُمۡۗ
وَضُرِبَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلذِّلَّةُ وَٱلۡمَسۡكَنَةُ وَبَآءُو بِغَضَبٖ مِّنَ
ٱللَّهِۗ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ كَانُواْ يَكۡفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَيَقۡتُلُونَ
ٱلنَّبِيِّـۧنَ بِغَيۡرِ ٱلۡحَقِّۗ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَواْ وَّكَانُواْ يَعۡتَدُونَ ٦١

58. Биз сизларга: «Ушбу қишлоққа (Қудсга) кирингиз ва унда хоҳлаган жойларингизда лаззатланиб, еб-ичингиз. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда кириб, (Аллоҳга) «афв эт!» деб айтингиз, (шунда) Биз хатоларингизни кечирамиз ва эзгулик қилувчиларга (ажру савобни ҳам) зиёда қилурмиз», – деганимизни эслангиз.

59. Шунда золим кимсалар уларга айтилган сўзни бошқа сўзга алмаштирдилар*. Бас, қилган бу бузғунчиликлари туфайли Биз зулм қилганлар узра осмондан бало ёғдирдик.

60. Эсланг, (эй, Исроил авлоди!) Мусо ўз қавми учун сув сўраганида, «Асоингни тошга ур!» дедик. Бас, ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди*. (Ўн икки уруғдан) ҳар бир гуруҳ ўз сувини билиб (тақсимлаб) олди. Яна «Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз! (дедик)»

61. Яна эсланг, «Эй, Мусо, биз бир (хил) таом (ейиш)га сабр қила олмаяпмиз. Раббингдан дуо қилиб сўра, бизга Ер (ўзидан) ундириб чиқарадиган бодринг, саримсоқ, мош-ловия, пиёз каби сабзавотлардан етиштириб берсин», – деганингизда, у: «Яхши нарсани паст нарсага алмаштирмоқчимисизлар, (бирор) шаҳарга тушингиз, (у ерда) сизлар учун сўраган нарсангиз бор», – деган эди. Уларга (бу ношукрликлари туфайли) хорлик ва мискинлик битиб қўйилди ҳамда Аллоҳнинг ғазабига учрадилар. Бунга уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва пайғамбарларни ноҳақ қатл этганлари сабаб бўлди*. Яна бошқа сабаби эса уларнинг итоатсизликлари ва тажовузкорликларидир.

59-оят. Уларга шаҳар дарвозасидан киришда бошларини эгиб, таъзим билан кириш буюрилганда улар буйруққа хилоф равишда ерга ўтириб, судралган ҳолда кирганлар. Уларга кечирим сўраш маъносини англатадиган "ҳитта" сўзини айтиш буюрилганда эса, улар буғдой маъносини билдирадиган "ҳинта" сўзини айтиб, шаккоклик қилганлар.

60-оят. Мусо (а.с.)нинг мўъжизакор таёғи тўғрисида Сўфи Оллоёр шундай деганлар:

Калим илгидаги қутлуғ асое,
Гаҳи кўприк эди, гаҳ аждаҳое.

Асонинг узунлиги Мусо (а.с.)нинг бўйи билан тенг, яъни 10 газ бўлиб, у жаннатдаги "Ос" деб аталувчи бута дарахтининг шохидан олинган, учидаги айрининг ҳар биридан тунда нур таралиб, йўлни ёритиб берар эди. Яна унинг хислатларидан бири тошдан сув чиқариш бўлиб, Мусо (а.с.) ўзлари билан тўртбурчакли бир тошни олиб юрар, унинг ҳар бир томонида учтадан тешикча бўлиб, сув зарур бўлганда шу тошга асоларини уришлари билан 12 тешикдан Исроил авлодининг 12 уруғи учун сув отилиб чиқар эди. Бу асо аслида Аллоҳ томонидан Одам (а.с.)га берилган бўлиб, пайғамбарлардан қўлма-қўл ўтиб, Мусо (а.с.)га қайнатаси Шуайб (а.с.)дан мерос бўлиб қолган эди. Асонинг суянчиқ бўлиш, подани қўриш, дарахтлар баргини қоқиш ва бошқа хислатлари ҳам бўлган (Хз.).

61-оят. Шеъё (Ашеъё), Закариё ва Яҳё (а.с.)ларни улар ноҳақ қатл қилганлар (Мд.).

Ҳаммаси бўлиб улар 70 та пайғамбарни қатл этганлари маълумдир (Хз.).

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَٱلَّذِينَ هَادُواْ وَٱلنَّصَٰرَىٰ وَٱلصَّٰبِـِٔينَ
مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ
عِندَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٢﴾ وَإِذْ
أَخَذْنَا مِيثَٰقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمُ ٱلطُّورَ خُذُواْ مَآ ءَاتَيْنَٰكُم
بِقُوَّةٍ وَٱذْكُرُواْ مَا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٦٣﴾ ثُمَّ تَوَلَّيْتُم مِّنۢ
بَعْدِ ذَٰلِكَ فَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ لَكُنتُم مِّنَ
ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٦٤﴾ وَلَقَدْ عَلِمْتُمُ ٱلَّذِينَ ٱعْتَدَوْاْ مِنكُمْ فِى ٱلسَّبْتِ
فَقُلْنَا لَهُمْ كُونُواْ قِرَدَةً خَٰسِـِٔينَ ﴿٦٥﴾ فَجَعَلْنَٰهَا نَكَٰلًا لِّمَا
بَيْنَ يَدَيْهَا وَمَا خَلْفَهَا وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٦٦﴾ وَإِذْ قَالَ
مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَن تَذْبَحُواْ بَقَرَةً قَالُوٓاْ أَتَتَّخِذُنَا
هُزُوًا قَالَ أَعُوذُ بِٱللَّهِ أَنْ أَكُونَ مِنَ ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٦٧﴾ قَالُواْ
ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّن لَّنَا مَا هِىَ قَالَ إِنَّهُۥ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ لَّا فَارِضٌ
وَلَا بِكْرٌ عَوَانٌۢ بَيْنَ ذَٰلِكَ فَٱفْعَلُواْ مَا تُؤْمَرُونَ ﴿٦٨﴾
قَالُواْ ٱدْعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّن لَّنَا مَا لَوْنُهَا قَالَ إِنَّهُۥ يَقُولُ
إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَآءُ فَاقِعٌ لَّوْنُهَا تَسُرُّ ٱلنَّٰظِرِينَ ﴿٦٩﴾

62. Албатта, мўминлар, шунингдек, яҳудийлар, насронийлар ва собиийлардан* кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса ҳамда солиҳ амалларни қилса, уларга Раббиларидан ажр бордир, уларга хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

63. Эсланг, (эй, Исроил авлоди!) Биз аҳду паймонингизни олган эдик ва тепангизда Тур (тоғи)ни* кўтариб туриб: Сизга келтирган нарсамиз (Таврот)ни маҳкам тутинг ва ундаги нарса (оятлар)ни зикр этинг – шояд (шунда) тақволи бўлсангиз», – деган эдик.

64. Кейин, ўшандан сўнг (вафодан) юз ўгирдингиз. Агарда сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида эди, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолар эдингиз.

65. Шанба (куни)да сизлардан тажовуз қилганларни билдингиз*. Биз уларга: «Қадрсиз маймунларга айланингиз!», – дедик.

66. Биз буни улардан олдинги ва кейинги давр учун (ибратли) жазо, тақволи кишилар учун эса насиҳат (манбаи) қилдик.

67. Эсланг, Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ сизларни (бир) сигир сўйишга буюрди», – деганида, улар: «Бизни истеҳзога тутяпсанми?» – дедилар. (Мусо) деди: «Жоҳиллардан бўлиб қолишимдан мени Аллоҳ асрасин!»*

68. Улар дедилар: «Раббингдан биз учун дуо қилиб сўра, бизга у (сигир) ималигини баён қилсин!». (Мусо) деди: «(У) айтмоқдаки, у қари ҳам, ёш ҳам бўлмаган ўрта ёш сигирдир. Бас, сизга буюрилган нарса (иш)ни қилингиз!»

69. Улар дедилар: «Раббингдан биз учун дуо қилиб сўра, бизга унинг рангини баён қилсин!» (Мусо) деди: «У айтмоқдаки, у ярқироқ, сарғиш рангли сигир бўлиб, кўрганлар (кўзи)ни қувонтирур».

62-оят. Собиийлар – яҳудий ва насроний динларидан воз кечиб, фаришталарга сиғинувчи тоифа кишилари. Баъзи олимлар уларни юлдузларга сиғинувчилар деб таърифлайдилар.

63-оят. Мисрнинг Синай ярим оролидаги Қизил денгизга туташ тоғ.

65-оят. Исроил авлодининг бир тоифасини синов учун Аллоҳ таоло шанба куни балиқ ови билан шуғулланмасликка буюради. Улар яшайдиган Айла деган қишлоқ ёнидаги денгизнинг махсус ов жойига шанба куни балиқ кўп келар эди. Улар шанба куни балиқ тутмасдан бир неча ҳовуз ковлаб, уларга сув очиб қўядилар. Шанба куни оқиб келган балиқлар ҳовузларга тушиб қолади. Якшанба куни уларни осонгина тутиб оладилар. Бу ҳийла Аллоҳга хуш келмайди. Натижада уларни маймунларга айлантириб қўяди.

67-оят. Сигир қиссаси шундай бўлган: Мусо (а.с.) замонида бир бой кишининг ягона қашшоқ амакиваччасидан бошқа меросхўри бўлмайди. У тезроқ бойиш мақсадида бойни ўлдириб, мурдани қўшни қишлоққа элтиб ташлайди. Аллоҳ таоло уларга бир сигирни сўйиб, унинг бир бўлагини олиб, бойнинг мурдасини у билан урсалар, у тирилиб, ўз қотилини айтиб беришини билдиради.

70. Улар дедилар: «Раббингдан биз учун дуо қилиб сўра, унинг қанақалигини баён қилсин, зеро, бизга сигирлар бир-бирига ўхшаш туюлди. Худо хоҳласа биз, албатта, тўғри йўлни топувчилармиз».

71. (Мусо) айтди: «У айтмоқдаки, у шундай сигирки, ер ҳайдашга ҳам, экинларни суғоришга ҳам ўргатилмаган, нуқсонсиз, унда (сарғиш рангидан бошқа) ранг йўқ». Улар: «Энди ҳақиқатни келтирдинг», – деб уни (ўша сифатларга эга сигирни зўрға топиб) сўйдилар, ваҳоланки, (бу ишни) қила олмасликларига сал қолган эди.

72. Эсланг, бир инсонни (ноҳақ) ўлдириб*, шу сабабли жанжаллашиб қолган эдингиз, ҳолбуки, Аллоҳ сиз яширган нарсаларни (сирларни юзага) чиқарувчидир.

73. Дедик: «Уни (мурдани) унинг (сўйилган сигирнинг) бир бўлаги билан урингиз»*. Аллоҳ ўликларни (худди) шу каби (осонгина) тирилтиради ва ақл ишлатишингиз (фикр юритишингиз) учун сизларга (бу дунёда) ўз аломатларини кўрсатади.

74. Сўнгра, шундан (мўъжизаларни кўргандан) кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, улар (баъзи диллар) тош кабидир, балки ундан ҳам қаттиқроқдир. Зеро, шундай тош ҳам борки, ундан анҳорлар отилиб чиқади, яна шундайи ҳам борки, ёрилиб ундан сув чиқади ва яна шундайи ҳам борки, Аллоҳдан қўрқиб (жойидан) қулайди. Аллоҳ сизларнинг қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.

75. Улар (Исроил авлоди)нинг сизларга ишонишидан умид қилаяпсизми (эй, мусулмонлар)?! Ваҳоланки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитиб, англаб олганларидан сўнг, била туриб, уни ўзгартирар эдилар-ку!

قَالُواْ ٱدۡعُ لَنَا رَبَّكَ يُبَيِّن لَّنَا مَا هِيَ إِنَّ ٱلۡبَقَرَ تَشَٰبَهَ عَلَيۡنَا وَإِنَّآ
إِن شَآءَ ٱللَّهُ لَمُهۡتَدُونَ ﴿٧٠﴾ قَالَ إِنَّهُۥ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٞ لَّا ذَلُولٞ
تُثِيرُ ٱلۡأَرۡضَ وَلَا تَسۡقِي ٱلۡحَرۡثَ مُسَلَّمَةٞ لَّا شِيَةَ فِيهَاۚ قَالُواْ
ٱلۡـَٰٔنَ جِئۡتَ بِٱلۡحَقِّۚ فَذَبَحُوهَا وَمَا كَادُواْ يَفۡعَلُونَ ﴿٧١﴾ وَإِذۡ
قَتَلۡتُمۡ نَفۡسٗا فَٱدَّٰرَٰٔتُمۡ فِيهَاۖ وَٱللَّهُ مُخۡرِجٞ مَّا كُنتُمۡ تَكۡتُمُونَ ﴿٧٢﴾
فَقُلۡنَا ٱضۡرِبُوهُ بِبَعۡضِهَاۚ كَذَٰلِكَ يُحۡيِ ٱللَّهُ ٱلۡمَوۡتَىٰ وَيُرِيكُمۡ
ءَايَٰتِهِۦ لَعَلَّكُمۡ تَعۡقِلُونَ ﴿٧٣﴾ ثُمَّ قَسَتۡ قُلُوبُكُم مِّنۢ بَعۡدِ ذَٰلِكَ
فَهِيَ كَٱلۡحِجَارَةِ أَوۡ أَشَدُّ قَسۡوَةٗۚ وَإِنَّ مِنَ ٱلۡحِجَارَةِ لَمَا يَتَفَجَّرُ
مِنۡهُ ٱلۡأَنۡهَٰرُۚ وَإِنَّ مِنۡهَا لَمَا يَشَّقَّقُ فَيَخۡرُجُ مِنۡهُ ٱلۡمَآءُۚ وَإِنَّ
مِنۡهَا لَمَا يَهۡبِطُ مِنۡ خَشۡيَةِ ٱللَّهِۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعۡمَلُونَ
﴿٧٤﴾ ۞ أَفَتَطۡمَعُونَ أَن يُؤۡمِنُواْ لَكُمۡ وَقَدۡ كَانَ فَرِيقٞ مِّنۡهُمۡ
يَسۡمَعُونَ كَلَٰمَ ٱللَّهِ ثُمَّ يُحَرِّفُونَهُۥ مِنۢ بَعۡدِ مَا عَقَلُوهُ
وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ﴿٧٥﴾ وَإِذَا لَقُواْ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ قَالُوٓاْ ءَامَنَّا
وَإِذَا خَلَا بَعۡضُهُمۡ إِلَىٰ بَعۡضٖ قَالُوٓاْ أَتُحَدِّثُونَهُم بِمَا فَتَحَ
ٱللَّهُ عَلَيۡكُمۡ لِيُحَآجُّوكُم بِهِۦ عِندَ رَبِّكُمۡۚ أَفَلَا تَعۡقِلُونَ ﴿٧٦﴾

76. Улар имонли кишилар билан учрашганларида: «Имон келтирдик», – дейишар, ўзлари холи қолганларида эса (бир-бирларига): «Раббингиз ҳузурида Сиз билан баҳслашишлари учун уларга (мусулмонларга) Аллоҳ сизларга очган (Тавротда билдирган) нарса (Муҳаммад ҳақидаги башорат) тўғрисида гапиряпсизми?! Ақлни ишлатмайсизми?!», – дейишар эди.

72-оят. Ҳанафий мазҳабига кўра бирор қишлоқ ёки маҳаллада номаълум шахс томонидан одам ўлдириб кетилган бўлса, ўша қишлоқ ёки маҳалла бошлиғи ўша ер аҳолиси ичидан эллик нафар лафзи ҳалол ишончли кишига, уни бизнинг одамларимиз ўлдирган эмас, деб қасам ичишни таклиф этади. Қасам ичсалар даъво бекор қилинади. Қасамдан бош тортсалар даъвогарга юзта туядан иборат “дия” (“хун”) ундириб берилади.

73-оят. Сўйилган сигир гўштидан бир бўлагини олиб, у билан мурдани урганларида у тирилади ва ўз қотили номини айтиб, яна олдинги ҳолатига қайтади. Агар улар сигирнинг қанақалиги, ёши, ранги, хусусиятларини суриштирмай бирорта сигир сўйганларида уни топишга қийналмаган бўлур эдилар. Сигирнинг эгаси уни сотиш учун териси тўла тилло эвазига кўнган эди (Бғ.).

أَوَلَا يَعۡلَمُونَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعۡلِنُونَ ٧٧
وَمِنۡهُمۡ أُمِّيُّونَ لَا يَعۡلَمُونَ ٱلۡكِتَٰبَ إِلَّآ أَمَانِيَّ وَإِنۡ هُمۡ
إِلَّا يَظُنُّونَ ٧٨ فَوَيۡلٞ لِّلَّذِينَ يَكۡتُبُونَ ٱلۡكِتَٰبَ بِأَيۡدِيهِمۡ
ثُمَّ يَقُولُونَ هَٰذَا مِنۡ عِندِ ٱللَّهِ لِيَشۡتَرُواْ بِهِۦ ثَمَنٗا قَلِيلٗاۖ
فَوَيۡلٞ لَّهُم مِّمَّا كَتَبَتۡ أَيۡدِيهِمۡ وَوَيۡلٞ لَّهُم مِّمَّا يَكۡسِبُونَ
٧٩ وَقَالُواْ لَن تَمَسَّنَا ٱلنَّارُ إِلَّآ أَيَّامٗا مَّعۡدُودَةٗۚ قُلۡ
أَتَّخَذۡتُمۡ عِندَ ٱللَّهِ عَهۡدٗا فَلَن يُخۡلِفَ ٱللَّهُ عَهۡدَهُۥٓۖ أَمۡ تَقُولُونَ
عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ٨٠ بَلَىٰۚ مَن كَسَبَ سَيِّئَةٗ
وَأَحَٰطَتۡ بِهِۦ خَطِيٓـَٔتُهُۥ فَأُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ هُمۡ
فِيهَا خَٰلِدُونَ ٨١ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَنَّةِۖ هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ٨٢ وَإِذۡ
أَخَذۡنَا مِيثَٰقَ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ لَا تَعۡبُدُونَ إِلَّا ٱللَّهَ وَبِٱلۡوَٰلِدَيۡنِ
إِحۡسَانٗا وَذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡيَتَٰمَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَقُولُواْ
لِلنَّاسِ حُسۡنٗا وَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُواْ ٱلزَّكَوٰةَ ثُمَّ
تَوَلَّيۡتُمۡ إِلَّا قَلِيلٗا مِّنكُمۡ وَأَنتُم مُّعۡرِضُونَ ٨٣

77. Аллоҳ уларнинг яширган ва ошкора қилган нарсаларини билиб турувчи зот эканини билмайдиларми?!

78. Уларнинг ичида ёзувни билмайдиган, фақат хаёлот билан гумонсирабгина юрадиган омилари ҳам бор, албатта.

79. Аммо ўз қўллари билан ёзувни битиб, сўнгра уни арзимаган баҳога сотиш учун: «Бу (китоб) Аллоҳ ҳузуридандир», – дейдиган кимсаларнинг ҳолига вой! Бас, ўз қўллари билан ёзганлари ҳам, топган (фойда)лари ҳам ўзларига фалокат бўлур*.

80. Улар (яҳудийлар) дейдилар: «Бизларга дўзах ўти саноқли (оз) кунлардагина тегар». (Уларга) айтинг: «Аллоҳ ҳузурида (шунга) аҳд қабул қилганмисизки, Аллоҳ аҳдига хилоф қилмаса ёки Аллоҳ номидан билмаган нарсаларингизни гапираяпсизми?!»

81. Йўқ, асло! Кимки ёмонлик касб этса ва гуноҳлари уни ўраб олган бўлса, бас, ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар у ерда абадий қолувчилардир.

82. Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар эса, айнан улар жаннат аҳлидирлар ва улар у ерда абадий қолувчилардир.

83. Эсланг, (Биз) Исроил авлодидан: «Фақат Аллоҳгагина сиғинасиз, ота-она, қариндош, етим* ва мискинларга яхшилик қиласиз, одамларга ширинсўз бўлинг, намозни баркамол ўқинг, закот беринг», – деб аҳд олган эдик. Кейин (сиз, эй, Исроил авлоди,) озчилик қисмингиздан бошқангиз (ушбу аҳддан) юз ўгирдингиз.

79-оят. Оятдаги арабча “Вайл” сўзининг бир маъноси “Ҳолига вой!” бўлса, яна бир маъноси жаҳаннамдаги бир водийдир. Ҳадиси шарифда айтилишича, “Вайл” жаҳаннамнинг қаърига етишга қирқ йиллик масофа қолганда келадиган бир водийдир (Бғ.).

Демак, дунёнинг арзимаган матоҳига эга бўлиш илинжида Таврот оятларини яхши англаган ҳолда ўзгартирган аҳли китоб олимларига берилажак жазо тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Имом Бағавий мазкур оят тафсирида шундай ёзади: Муҳаммад (а.с.) Мадинага келганларидан кейин яҳудий уламолари ўз диндошларининг янги пайғамбарга эргашиб кетмасликлари учун Тавротдаги Муҳаммад (а.с.) нинг сифатларига доир оятларни ўзгартирганлар. Масалан, ундаги “Юзи чиройли, сочи кўркам, кўзлари сурма тортилгандек қора, сарвқомат” деган жумлалар ўрнига “Новча, кўккўз, сочи силлиқ” деб ёзганлар.

83-оят. Етим деб шариатда балоғат ёшига етмай отаси вафот этган сағир ва сағираларга айтилади. Ҳадиси шарифда: “Балоғат ёшидан сўнгра етимлик йўқ” дейилган (Мд.).

Ўғил болалар учун балоғат ёши шариатда 12 билан 15 ёш ўртасида эҳтилом билан, қиз болалар учун эса, 9 билан 12 ёш ўртасида ҳайз кўриши билан белгиланади. Лекин балоғат ёши бу турмуш қуриш ёши деб қаралмаслиги керак. Турмуш қуриш ва фарзанд тарбияси учун балоғат ёшининг ўзи кифоя қилмайди, балки унинг учун алоҳида шарт-шароитлар мавжуд бўлиши зарур.

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَٰقَكُمْ لَا تَسْفِكُونَ دِمَآءَكُمْ وَلَا تُخْرِجُونَ
أَنفُسَكُم مِّن دِيَٰرِكُمْ ثُمَّ أَقْرَرْتُمْ وَأَنتُمْ تَشْهَدُونَ ٨٤
ثُمَّ أَنتُمْ هَٰٓؤُلَآءِ تَقْتُلُونَ أَنفُسَكُمْ وَتُخْرِجُونَ فَرِيقًا
مِّنكُم مِّن دِيَٰرِهِمْ تَظَٰهَرُونَ عَلَيْهِم بِٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ
وَإِن يَأْتُوكُمْ أُسَٰرَىٰ تُفَٰدُوهُمْ وَهُوَ مُحَرَّمٌ عَلَيْكُمْ
إِخْرَاجُهُمْ ۚ أَفَتُؤْمِنُونَ بِبَعْضِ ٱلْكِتَٰبِ وَتَكْفُرُونَ
بِبَعْضٍ ۚ فَمَا جَزَآءُ مَن يَفْعَلُ ذَٰلِكَ مِنكُمْ إِلَّا خِزْىٌ
فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ يُرَدُّونَ إِلَىٰٓ أَشَدِّ ٱلْعَذَابِ ۗ
وَمَا ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ٨٥ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ٱشْتَرَوُا۟
ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا بِٱلْءَاخِرَةِ ۖ فَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ
يُنصَرُونَ ٨٦ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ وَقَفَّيْنَا مِنۢ
بَعْدِهِۦ بِٱلرُّسُلِ ۖ وَءَاتَيْنَا عِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ ٱلْبَيِّنَٰتِ وَأَيَّدْنَٰهُ
بِرُوحِ ٱلْقُدُسِ ۗ أَفَكُلَّمَا جَآءَكُمْ رَسُولٌۢ بِمَا لَا تَهْوَىٰٓ أَنفُسُكُمُ
ٱسْتَكْبَرْتُمْ فَفَرِيقًا كَذَّبْتُمْ وَفَرِيقًا تَقْتُلُونَ ٨٧ وَقَالُوا۟
قُلُوبُنَا غُلْفٌۢ ۚ بَل لَّعَنَهُمُ ٱللَّهُ بِكُفْرِهِمْ فَقَلِيلًا مَّا يُؤْمِنُونَ ٨٨

84. Эсланг, сизлардан «Бир-бирингизнинг қонингизни тўкмайсиз, ўзларингизни (бир-бирингизни) юртингиздан бадарға қилмайсиз», – деган аҳдингизни олган эдик. Сўнгра ўзларингиз гувоҳлик бериб, уни эътироф ҳам этган эдингиз.

85. Сўнгра сизлар яна ўша, ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдираяпсиз, бир қисмингизни юртларидан чиқариб юбораяпсиз, уларга қарши гуноҳ ва зулм ила ҳамкорлик қилаяпсиз. Сизга (уларнинг душманларига қарашли) асирлар келса, товон билан қутқариб юбораяпсиз, ваҳоланки, уларни чиқариб юбориш сизларга тақиқланган эди*. Ёки китоб (Таврот)нинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор этасизми?! Сизлардан ким шундай қилса, унинг жазоси шу дунёда шарманда бўлиш, қиёмат кунида эса, қаттиқ азобга гирифтор бўлурсиз. Аллоҳ (бу) қилмишларингиздан ғофил эмасдир.

86. Улар, ҳақиқатан, охират ўрнига (фоний) дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Шундай экан, уларга бериладиган азоб-уқубатлар енгиллаштирилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмагай.

87. Ҳақиқатан, Биз Мусога китоб (Тавротни) бериб, унинг ортидан (бир неча) пайғамбарлар юбордик*. Исо ибн Марямга ҳам ҳужжатларни бердик* ва уни Руҳул-қудус (Жаброил) билан қувватладик. Ҳар гал бирор пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар)ни келтирса, кибр қилиб, бир қисмини ёлғончига чиқариб, бир қисмини қатл қилаверасизми?!*

88. «Дилларимиз (Ислом учун) ёпиқ», – дейдилар. Йўқ, балки куфрлари боис уларни Аллоҳ лаънатлаган. Бинобарин, уларнинг озчилик қисмигина имон келтирадилар.

85-оят. Улардан Аллоҳ таоло тўрт хил нарсага риоя этишга аҳд-паймон олган эди: ноҳақ қон тўкмаслик, юртдан бадарға қилмаслик, ошкора гуноҳ қилмаслик ва асирларни озод қилиш. Улар тўртинчи шартни бажариб, қолган учтасига вафо қилмадилар. Асирларни ҳам ўзларининг фойдасига озод қилдилар (Мд.).

87-оят. Мусодан кейин Ювшаъ, Ашмавил, Шамъун, Довуд, Сулаймон, Шеъё (Ашеъё), Армиё, Узайр, Ҳазқил, Илёс, Ал-Ясаъ, Юнус, Закариё, Яҳё ва бошқа пайғам-барлар юборилган (Мд.).

* Исо (а.с.)га берилган ҳужжатлардан мурод мўъжизалардир. Ул зотга ўликларни тирилтириш, кўрларга шифо бахш этиш, пес ва моховларни тузатиш, ғойиб нарсалар тўғрисида хабар бериш каби мўъжизалар ато этилган бўлиб, ўша даврда тараққий этган тиббиёт намояндаларини ожиз қолдирган эдилар. Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарга ўз замонасида энг тараққий этган илм-фан, касб-ҳунар, сеҳржоду каби синоатларни доғда қолдирадиган мўъжизаларни берганки, улар орқали ўзларининг барҳақ пайғамбар эканларини исбот этганлар. Мусо (а.с.)га мўъжизакор асо бериб, сеҳргарларнинг ясаган сохта илонларини юттириб юборгани, Муҳаммад (а.с.)га Қуръони карим мўъжизасини бериб, ўша даврдаги сўз усталари ва нотиқликда шуҳрат қозонган араб шуаро ва хутаболарини сўзамоллик мусобақасида ожиз қолдиргани бунга мисол бўла олади.

* Улар Исо ва Муҳаммад (а.с.)ларни ёлғончига чиқардилар. Закариё ва Яҳё (а.с.)ларни эса, қатл қилган эдилар (Мд.).

وَلَمَّا جَآءَهُمۡ كِتَٰبٞ مِّنۡ عِندِ ٱللَّهِ مُصَدِّقٞ لِّمَا مَعَهُمۡ وَكَانُواْ
مِن قَبۡلُ يَسۡتَفۡتِحُونَ عَلَى ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فَلَمَّا جَآءَهُم
مَّا عَرَفُواْ كَفَرُواْ بِهِۦۚ فَلَعۡنَةُ ٱللَّهِ عَلَى ٱلۡكَٰفِرِينَ ٨٩
بِئۡسَمَا ٱشۡتَرَوۡاْ بِهِۦٓ أَنفُسَهُمۡ أَن يَكۡفُرُواْ بِمَآ أَنزَلَ
ٱللَّهُ بَغۡيًا أَن يُنَزِّلَ ٱللَّهُ مِن فَضۡلِهِۦ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦۖ
فَبَآءُو بِغَضَبٍ عَلَىٰ غَضَبٖۚ وَلِلۡكَٰفِرِينَ عَذَابٞ مُّهِينٞ
٩٠ وَإِذَا قِيلَ لَهُمۡ ءَامِنُواْ بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ قَالُواْ نُؤۡمِنُ بِمَآ
أُنزِلَ عَلَيۡنَا وَيَكۡفُرُونَ بِمَا وَرَآءَهُۥ وَهُوَ ٱلۡحَقُّ مُصَدِّقٗا
لِّمَا مَعَهُمۡۗ قُلۡ فَلِمَ تَقۡتُلُونَ أَنۢبِيَآءَ ٱللَّهِ مِن قَبۡلُ إِن كُنتُم
مُّؤۡمِنِينَ ٩١ ۞ وَلَقَدۡ جَآءَكُم مُّوسَىٰ بِٱلۡبَيِّنَٰتِ
ثُمَّ ٱتَّخَذۡتُمُ ٱلۡعِجۡلَ مِنۢ بَعۡدِهِۦ وَأَنتُمۡ ظَٰلِمُونَ ٩٢
وَإِذۡ أَخَذۡنَا مِيثَٰقَكُمۡ وَرَفَعۡنَا فَوۡقَكُمُ ٱلطُّورَ خُذُواْ
مَآ ءَاتَيۡنَٰكُم بِقُوَّةٖ وَٱسۡمَعُواْۖ قَالُواْ سَمِعۡنَا وَعَصَيۡنَا
وَأُشۡرِبُواْ فِي قُلُوبِهِمُ ٱلۡعِجۡلَ بِكُفۡرِهِمۡۚ قُلۡ
بِئۡسَمَا يَأۡمُرُكُم بِهِۦٓ إِيمَٰنُكُمۡ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ٩٣

89. Қачонки, уларга Аллоҳ ҳузуридан ўзларидаги нарса (Таврот)ни тасдиқ этувчи Китоб (Қуръон) келганида, илгари кофирларга қарши (худди) шу китоб (воситаси) билан ёрдам сўраб юрар эдилар*. Ўзларига таниш зот (Муҳаммад) келганда, (уни инкор этиб) кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

90. Аллоҳ ўз бандаларидан хоҳлаганига фазли (ваҳийси)дан юборишига ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил қилган нарса (Қуръон)ни инкор этдилар. Ўзларини сотган бу нарсалари нақадар ёмон?! Бас, ғазаб узра ғазаб билан қайтдилар. Кофирларга хор этувчи азоб муқаррардир.

91. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага имон келтиринг», – дейилса, «Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага имон келтирамиз», – дейдилар ва кейин келган, улардаги нарса (Таврот)ни тасдиқ этадиган Ҳақ (Қуръон)ни инкор этадилар. Уларга айтинг (эй, Муҳаммад!): «Агар мўмин бўлсангиз, нега илгари Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирар эдингиз?»*

92. Мусо сизларга ҳужжатлар (оятлар ва мўъжизалар)ни келтирганидан кейин (ҳам) золим бўлиб (куфрга ботиб), бузоққа сиғиндингиз.

93. Эсланг, (эй, Исроил авлоди!) Биз (ўшанда) аҳду паймонингизни олгач, тепангизда Тур (тоғи)ни кўтариб (туриб): «Келтирган нарсамиз (Таврот оятлари)ни маҳкам тутинг ва эшитинг», – деганимизда, (боболарингиз:) «эшитдик ва (лекин) бўйсунмадик», – дедилар. Куфрлари туфайли дилларига бузоққа (сиғиниш ҳаваси билан) суғорилган эди. Айтинг: «Агар мўмин бўлсангиз, сизларга "имонингиз" буюрган нарса бунча ҳам ёмон?!»*

89-оят. Аҳли китоблар Аллоҳга: "Эй, бор Худоё, Таврот китобимизда сифатлари битилганидек, охирги замонда келадиган пайғамбаринг ҳурмати дуоларимизни ижобат эт!" –деб, Ундан ёрдам сўрар эдилар ва душманлари саналмиш мушрикларга қараб: "Янги пайғамбарнинг замони яқинлашди. У келиб бизнинг гапимизни тасдиқлайди. Шунда биз унга қўшиб сизларни ҳам Од ва Ирам аҳлини қатл қилгандек қириб ташлаймиз", – дер эдилар (Мд.).

Билиб қўйиш лозимки, аҳли китоблар бузуқ эътиқодда бўлсалар-да, Аллоҳнинг яккалигига ва ўзларига нозил қилинган илоҳий китобларни Унинг томонидан юборилганлигига ишонар эдилар. Мушриклар эса, бирорта илоҳий китобга имон келтирмас, балки сохта маъбудаларга сиғинишлари билан аҳли китоблардан ҳам, мусулмонлардан ҳам фарқ қилганлар.

91-оят. Яъни ота-боболарингиз нега пайғамбарларни ўлдирганлар? Булар қотиллик қилмаган бўлсаларда, ота-боболарининг эътиқодида турганликлари ва уларнинг қилмишларига рози эканликлари туфайли жиноятларига маънан шерикдирлар.

93-оят. Таврот китобида Аллоҳнинг тавҳидига буюрилган бўлиб, Унга ширк келтириш тақиқланган эди. Бу ерда аҳли китобларни ёлғончилик ва ҳасадлари сабабли келтирган куфрлари танқид этилмоқда (Мд.).

قُلْ إِن كَانَتْ لَكُمُ ٱلدَّارُ ٱلْءَاخِرَةُ عِندَ ٱللَّهِ خَالِصَةً مِّن
دُونِ ٱلنَّاسِ فَتَمَنَّوُا۟ ٱلْمَوْتَ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٩٤﴾
وَلَن يَتَمَنَّوْهُ أَبَدًۢا بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ
﴿٩٥﴾ وَلَتَجِدَنَّهُمْ أَحْرَصَ ٱلنَّاسِ عَلَىٰ حَيَوٰةٍ وَمِنَ ٱلَّذِينَ
أَشْرَكُوا۟ ۚ يَوَدُّ أَحَدُهُمْ لَوْ يُعَمَّرُ أَلْفَ سَنَةٍ وَمَا هُوَ بِمُزَحْزِحِهِۦ
مِنَ ٱلْعَذَابِ أَن يُعَمَّرَ ۗ وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾ قُلْ
مَن كَانَ عَدُوًّا لِّجِبْرِيلَ فَإِنَّهُۥ نَزَّلَهُۥ عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ ٱللَّهِ
مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ
﴿٩٧﴾ مَن كَانَ عَدُوًّا لِّلَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَرُسُلِهِۦ وَجِبْرِيلَ
وَمِيكَىٰلَ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَدُوٌّ لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٩٨﴾ وَلَقَدْ أَنزَلْنَآ
إِلَيْكَ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ ۖ وَمَا يَكْفُرُ بِهَآ إِلَّا ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٩٩﴾
أَوَكُلَّمَا عَٰهَدُوا۟ عَهْدًا نَّبَذَهُۥ فَرِيقٌ مِّنْهُم ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ
لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٠﴾ وَلَمَّا جَآءَهُمْ رَسُولٌ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ
مُصَدِّقٌ لِّمَا مَعَهُمْ نَبَذَ فَرِيقٌ مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ
كِتَٰبَ ٱللَّهِ وَرَآءَ ظُهُورِهِمْ كَأَنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٠١﴾

94. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Агар Аллоҳ ҳузурида охират диёри (жаннат) бошқа одамларга эмас, фақат сизларга хос бўлса ва (бу даъволарингизда) ростгўй бўлсангиз, (унга эришиш учун тезроқ) ўлишни орзу қилингиз!»*

95. Ўз қўллари тақдим этган нарса (гуноҳ) сабабли улар уни (ўлимни) сира орзу қила олмайдилар. Аллоҳ золимларни (яхши) билувчидир.

96. Уларни одамлардан ва мушриклардан ҳам* ҳаётга (яшашга) ҳирс қўйганроқ ҳолда топасиз. Баъзилари минг йил умр кўришни хоҳлайди. Ваҳоланки, умрининг узунлиги уни азобдан узоқлаштирувчи эмас. Аллоҳ (эса) уларнинг қилмишларини кўриб турувчидир.

97. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Ким Жаброилга душман бўлса*, ахир, у уни (Қуръонни) қалбингизга Аллоҳнинг изни билан ўзидан аввалги (илоҳий китоблар)ни тасдиқ этадиган, мўминларга ҳидоят ва хушхабар ҳолида нозил қилдику!

98. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Мекоилга душман бўлса, (билиб қўйсинки) Аллоҳ ҳам (ундай) кофирларга душмандир».

99. Ҳақиқатан, Биз Сизга аниқ оятларни нозил қилдик. Уларни фақат фосиқларгина инкор этурлар.

100. Ҳар гал бирор аҳд-паймон қилсалар, улардан бир гуруҳи уни бузаверадими?! Аслида уларнинг аксарияти имон келтирмаслар.

101. Аллоҳ томонидан улардаги нарсани тасдиқ этувчи Пайғамбар (Муҳаммад) келиши билан, китоб (Таврот) берилганлардан бир гуруҳи Аллоҳнинг китоби (Қуръон)ни худди билмагандек ортларига улоқтирдилар.

94-оят. Дарҳақиқат, борадиган жойи жаннат экани аниқ бўлган киши охиратга тезроқ боришга шошилиши керак эди. Улардаги узоқ умр кўриш иштиёқидан маълум бўладики, охиратдан умидлари йўқ. Тилларида эса, бунинг аксини даъво қиладилар. Улар қилган гуноҳлари туфайли жазо олишлари муқаррар бўлган даргоҳга боришни мутлақо хоҳламайдилар.

96-оят. Қилмишларига яраша жазо берилиш кунининг тез келиб қолишини ёқтирмаган аҳли китоблар дунёда минг йиллаб роҳатда яшаб ўтишни орзу қиладилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло мушриклардан кўра кўпроқ илоҳий таълимотдан хабардор бўлган аҳли китобларни дунёпарастликда айблайди (Мд.).

97-оят. Яҳудийлар Жаброил (а.с.)ни ўзларига душман деб билишар эди. Зеро, у Муҳаммад (а.с.)га келтирган ваҳийларида, уларнинг сир-асрорларини фош қилар, уларга ёқмайдиган аҳкомларни келтирар эди. Ояти карима шунга ишорат қиладики, ислом ақоиди бўйича фаришталарга нисбатан адоватда бўлиш худди пайғамбарларга нисбатан душманлик қилиш каби куфр ҳисобланади. Негаки, уларга нисбатан душманлик – бу, Аллоҳга нисбатан душманлик билан баробардир (Мд.).

وَٱتَّبَعُواْ مَا تَتْلُواْ ٱلشَّيَٰطِينُ عَلَىٰ مُلْكِ سُلَيْمَٰنَ وَمَا كَفَرَ
سُلَيْمَٰنُ وَلَٰكِنَّ ٱلشَّيَٰطِينَ كَفَرُواْ يُعَلِّمُونَ ٱلنَّاسَ
ٱلسِّحْرَ وَمَآ أُنزِلَ عَلَى ٱلْمَلَكَيْنِ بِبَابِلَ هَٰرُوتَ وَمَٰرُوتَ
وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَآ إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ
فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِۦ بَيْنَ ٱلْمَرْءِ وَزَوْجِهِۦ
وَمَا هُم بِضَآرِّينَ بِهِۦ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ وَيَتَعَلَّمُونَ
مَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنفَعُهُمْ وَلَقَدْ عَلِمُواْ لَمَنِ ٱشْتَرَىٰهُ
مَا لَهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنْ خَلَٰقٍ وَلَبِئْسَ مَا شَرَوْاْ بِهِۦٓ
أَنفُسَهُمْ لَوْ كَانُواْ يَعْلَمُونَ ١٠٢ وَلَوْ أَنَّهُمْ ءَامَنُواْ
وَٱتَّقَوْاْ لَمَثُوبَةٌ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ خَيْرٌ لَّوْ كَانُواْ يَعْلَمُونَ
١٠٣ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَقُولُواْ رَٰعِنَا وَقُولُواْ
ٱنظُرْنَا وَٱسْمَعُواْ وَلِلْكَٰفِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ ١٠٤
مَّا يَوَدُّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ وَلَا ٱلْمُشْرِكِينَ
أَن يُنَزَّلَ عَلَيْكُم مِّنْ خَيْرٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَٱللَّهُ يَخْتَصُّ
بِرَحْمَتِهِۦ مَن يَشَآءُ وَٱللَّهُ ذُو ٱلْفَضْلِ ٱلْعَظِيمِ ١٠٥

102. Яна (улар), Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқийдиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Сулаймон кофир бўлмади, *лекин одамларга сеҳр (жоду)ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир бўлдилар**. (У икки фаришта): «биз фақатгина синов (воситаси)миз, (бизга ишониб) кофир бўлиб қолма!», – *деб (огоҳлантирмагунча) ҳеч кимга (сеҳрни) ўргатмас эдилар*. Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганар эдилар. *Лекин улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар*. (Хуллас) ўзларига фойдаси йўқ, балки зарарли нарсаларни таълим олар эдилар. Уни (Аллоҳ китобини сеҳрга) алмашганларга охиратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз (насиба)ларини қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!

103. Агарда улар имон келтириб, тақво йўлини тутганларида, Аллоҳ тарафидан бериладиган савоб (улар учун) яхшироқ эди.

104. Эй, имон келтирганлар! «Роино» демай, «Унзурно» деб айтингиз* ҳамда (Муҳаммад сўзини) тинглангиз. Кофирларга эса (охиратда) аламли азоб бордир.

105. Аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар)нинг кофирлари ва мушриклар сизларга Раббингиз тарафидан бирор яхшилик (ваҳий) тушишини асло ёқтирмайдилар. Аллоҳ эса, раҳматига Ўзи хоҳлаган (киши)ни хос этади. Аллоҳ буюк фазл соҳибидир.

102-оят. Шайх Абу Мансур Мотуридий (рҳ.) айтадиларки, сеҳрнинг ўзи эмас, балки унинг ҳаром эканлигини инкор этиш ҳам қўшилсагина куфр ҳисобланади. Сеҳргарнинг тавбаси Фиръавн сеҳргарларининг тавбаси каби қабул қилинади (Мд.).

Ривоятга кўра, инсонлар қилган гуноҳ ишларнинг ҳисоботи осмонга олиб чиқилганда, фаришталар Аллоҳга: “Сен яратган Одам фарзандлари тоат ўрнига маъсият қиладилар, деб айтмаганмидик?!” деган эканлар. Аллоҳ уларга: “Агар сизларга инсонга берган хусусиятларни бериб, ер юзига туширсам, Сизлар ҳам гуноҳ ишларни қилган бўлур эдингиз” дебди. Улар: “Зоти покинг ҳаққи, биз гуноҳ қилмас эдик” дебдилар. Шунда Аллоҳ таоло Ҳорут ва Морут исмли икки фариштани ер юзига қози сифатида туширади. Иккисининг ҳузурига Заҳра деган чиройли бир аёл масала сўраб келади. Улар унинг жамолига мафтун бўлиб, васлини сўрашганда аёл бунинг учун уларга санамга сиғиниш, одам ўлдириш ва май ичишни шарт қилади. Майни ичишгач, санамга сиғиниб, инсонни ҳам ўлдирадилар ва аёл билан ҳам зинокорлик қиладилар (Хз.).

104-оят. Расулуллоҳ кўпинча мўминларга ваъз-насиҳат қилган пайтларида улар: “Роино”, – деб айтар эдилар. Яъни “Бизнинг ҳолимизга риоя қилинг”, – деган маънода мурожаат қилиб турар эдилар. Яҳудийлар тилида “Роино” сўкишганда ишлатиладиган сўз бўлиб, масхара қилиш нияти билан Расулуллоҳ гапирганларида шу сўзни айтиб турар эдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло мусулмонларга бу сўз ўрнига “унзурно”, яъни “Ҳолимизга боқинг!” – деган сўзни айтишга буюрди (Мд.).

106. (Эй, Муҳаммад!) Бирор оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқартирсак, ундан яхшироғини (умматингизга муносиброғини) ёки ўшанинг (айнан) ўзига тенг (бошқа оят)ни келтираверамиз*. Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини билмадингизми?!

107. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга хос экани ва сизлар учун Аллоҳдан бошқа бирор дўст ёки ёрдамчи йўқ эканини билмас эдингизми?!

108. Ёки (эй, Макка аҳли!) илгари Мусодан сўралганидек, Пайғамбарингиздан ҳам сўрашни хоҳлайсизми?* Ким имонни куфрга алмаштирса, тўғри йўлдан адашиши муқаррардир.

109. Аҳли китобларнинг кўпчилиги имон келтирганингиздан кейин ва уларга ҳақиқат равшан бўлгандан сўнг ҳам ҳасад юзасидан сизларни (яна) куфрга қайтаришни истайдилар*. Бас, Аллоҳ Ўз амрини келтиргунча уларни афв этиб, (хатоларидан) ўтинг. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

110. Намозни баркамол ўқингиз ва закотни берингиз! Ўзингиз учун нимаики яхшилик* қилган бўлсангиз, уни (яъни савобини) Аллоҳ ҳузурида топажаксиз. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

111. Улар: «Жаннатга фақат яҳудий ёки насроний бўлганлар киради», – *дедилар**. Бу уларнинг орзулари. Айтинг (уларга): «Агар ростгўй бўлсангиз, далилингизни келтиринг!»

۞ مَا نَنسَخۡ مِنۡ ءَايَةٍ أَوۡ نُنسِهَا نَأۡتِ بِخَيۡرٖ مِّنۡهَآ أَوۡ مِثۡلِهَآۗ
أَلَمۡ تَعۡلَمۡ أَنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٌ ١٠٦ أَلَمۡ تَعۡلَمۡ أَنَّ ٱللَّهَ لَهُۥ
مُلۡكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۗ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِن
وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٍ ١٠٧ أَمۡ تُرِيدُونَ أَن تَسۡـَٔلُواْ رَسُولَكُمۡ
كَمَا سُئِلَ مُوسَىٰ مِن قَبۡلُۗ وَمَن يَتَبَدَّلِ ٱلۡكُفۡرَ بِٱلۡإِيمَٰنِ
فَقَدۡ ضَلَّ سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ١٠٨ وَدَّ كَثِيرٞ مِّنۡ أَهۡلِ
ٱلۡكِتَٰبِ لَوۡ يَرُدُّونَكُم مِّنۢ بَعۡدِ إِيمَٰنِكُمۡ كُفَّارًا حَسَدٗا
مِّنۡ عِندِ أَنفُسِهِم مِّنۢ بَعۡدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ ٱلۡحَقُّۖ فَٱعۡفُواْ
وَٱصۡفَحُواْ حَتَّىٰ يَأۡتِيَ ٱللَّهُ بِأَمۡرِهِۦٓۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ
١٠٩ وَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُواْ ٱلزَّكَوٰةَۚ وَمَا تُقَدِّمُواْ لِأَنفُسِكُم
مِّنۡ خَيۡرٖ تَجِدُوهُ عِندَ ٱللَّهِۗ إِنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ
١١٠ وَقَالُواْ لَن يَدۡخُلَ ٱلۡجَنَّةَ إِلَّا مَن كَانَ هُودًا أَوۡ نَصَٰرَىٰۗ
تِلۡكَ أَمَانِيُّهُمۡۗ قُلۡ هَاتُواْ بُرۡهَٰنَكُمۡ إِن كُنتُمۡ
صَٰدِقِينَ ١١١ بَلَىٰۚ مَنۡ أَسۡلَمَ وَجۡهَهُۥ لِلَّهِ وَهُوَ مُحۡسِنٞ
فَلَهُۥٓ أَجۡرُهُۥ عِندَ رَبِّهِۦ وَلَا خَوۡفٌ عَلَيۡهِمۡ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ ١١٢

112. Йўқ, кимки юзини (ўзини) Аллоҳга бўйсундирса, Робби ҳузурида унга ажр муҳайёдир. Уларга хавф ҳам йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар.

106-оят. Аллоҳ таоло ўз бандаларининг ҳол-аҳволлари, дунёқарашлари, имкон ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти билан ўз ҳукм ва буйруқларини ўзгартириб турган. Масалан, Одам Ато замонида эркаклар ўз опаси ёки синглисига уйланиши мумкин эди. Кейин бу ман этилди. Нуҳ (а.с.)га барча ҳайвонот гўшти ҳалол қилинган эди. Мусо (а.с.)дан бошлаб баъзи ҳайвонлар гўшти ҳаром қилинди. Арақ ҳам бирданига ҳаром қилинмади. Уч босқич билан, яъни у аста-секин кўниктириш йўли билан ман этилди.

108-оят. Қурайш мушриклари Муҳаммад (а.с.)дан мўъжиза сифатида Сафо тепалигини олтинга айлантириш ва Макка ерини кенгайтириб беришни сўраганлар (Мд.).

Яҳудийлар Муҳаммад (а.с.)дан мўъжиза сифатида Қуръонни яхлит китоб шаклида нозил қилинишини ёки Аллоҳни улар кўзига ҳиссан кўрсатишларини сўрашган (Хз.).

109-оят. Аҳли китоблар Уҳуд жангида мусулмонлар қўшини мағлубиятга учраганидан кейин уларга: “Агар сизларнинг динингиз ҳақ бўлганда эди, сизларга Аллоҳ ёрдам бериб, ғалаба қозонган бўлур эдингиз. Яхшиси қайтиб, бизнинг динимизга кира қолингиз” деганлар (Мд.).

110-оят. Бу ердаги “яхшилик”дан мурод намоз, закот ва садақадир (Мд.).

111-оят. Яҳудийлар: “Жаннатга фақат биз кирамиз”, – десалар, насронийлар: “Улар эмас, биз кирамиз”, – дер эдилар.

وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ لَيْسَتِ ٱلنَّصَٰرَىٰ عَلَىٰ شَيْءٍ وَقَالَتِ ٱلنَّصَٰرَىٰ
لَيْسَتِ ٱلْيَهُودُ عَلَىٰ شَيْءٍ وَهُمْ يَتْلُونَ ٱلْكِتَٰبَ ۗ كَذَٰلِكَ قَالَ
ٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ مِثْلَ قَوْلِهِمْ ۚ فَٱللَّهُ يَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ
فِيمَا كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١١٣﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن مَّنَعَ مَسَٰجِدَ
ٱللَّهِ أَن يُذْكَرَ فِيهَا ٱسْمُهُۥ وَسَعَىٰ فِى خَرَابِهَآ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ مَا كَانَ
لَهُمْ أَن يَدْخُلُوهَآ إِلَّا خَآئِفِينَ ۚ لَهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا خِزْىٌ
وَلَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١١٤﴾ وَلِلَّهِ ٱلْمَشْرِقُ وَٱلْمَغْرِبُ ۚ
فَأَيْنَمَا تُوَلُّوا۟ فَثَمَّ وَجْهُ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿١١٥﴾
وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدًا ۗ سُبْحَٰنَهُۥ ۖ بَل لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۖ كُلٌّ لَّهُۥ قَٰنِتُونَ ﴿١١٦﴾ بَدِيعُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ
وَإِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿١١٧﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ
لَا يَعْلَمُونَ لَوْلَا يُكَلِّمُنَا ٱللَّهُ أَوْ تَأْتِينَآ ءَايَةٌ ۗ كَذَٰلِكَ
قَالَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِم مِّثْلَ قَوْلِهِمْ ۘ تَشَٰبَهَتْ قُلُوبُهُمْ ۗ
قَدْ بَيَّنَّا ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴿١١٨﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَٰكَ
بِٱلْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا ۖ وَلَا تُسْـَٔلُ عَنْ أَصْحَٰبِ ٱلْجَحِيمِ ﴿١١٩﴾

113. Яҳудийлар: «Насронийлар ҳеч нарсада йўқ» – *десалар*, насронийлар: «Яҳудийлар ҳеч нарсада йўқ» – *дейдилар*, ваҳоланки, улар (ҳар икки тоифа) китоб ўқийдиган (саводхон) эдилар. Шунингдек, (ўқишни) билмайдиганлар (бошқа сохта динларга мансуб кимсалар) ҳам уларнинг гапига ўхшаш гапни айтдилар*. Уларнинг (бу каби) келиша олмаган нарсалари юзасидан қиёмат куни Аллоҳ ҳукм қилур.

114. Аллоҳнинг масжидларида Унинг номи зикр этилишига қаршилик қиладиган ва уларни хароб қилишга уринадиганлардан ким ҳам золимроқдир?!* Ахир, бу (каби) кимсалар учун у ерлар (Каъба ёки Байтул-Мақдис)га фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари мумкин эди. Улар учун бу дунёда шармисорлик, охиратда эса, буюк азоб (бордир)*.

115. Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг «юзи» мавжуддир. Албатта, Аллоҳ (фазли) кенг, доно зотдир.

116. «Аллоҳнинг фарзанди бор», – *дедилар**. У (Аллоҳ) эса, (уларнинг иддаосидан) пок зотдир. Балки, осмонлар ва Ердаги нарсалар Унинг мулкидир. Ҳамма(си) Унга бўйсунувчидир.

117. (У) Еру осмонларнинг Яратувчисидир. Бирор ишни қиладиган бўлса, (фақатгина унга) «Бўл!» деса, бас, у бўлади.

118. Билмайдиган (нодон) кимсалар: «Аллоҳ бизга (бевосита) гапирса эди ёки бирор аломат келса эди», – *дейдилар*. Улардан олдингилари ҳам уларнинг гапларига ўхшаш гапларни айтган эдилар – *дилларида ўхшашлик бор*. Биз чинакам ишонадиган кишилар учун оятларни баён қилдик.

119. Албатта, Биз Сизни ҳақ билан (Қуръон, тавҳид, Ислом билан) хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзах аҳли ҳақида Сиз сўроққа тутилмайсиз.

113-оят. Бу ерда Аллоҳ таоло аҳли китобларнинг саводлилари устидан "кулиб", уларни саводсиз оддий кишилар билан тенглаштирмоқда (Мд.).

114-оят. Бу оятнинг бир неча тафсирлари мавжуд: Байтул-Мақдисга насронийларнинг турли ифлос нарсаларни ташлаганликлари ва унинг ичида намоз ўқишдан одамларни қайтарганликлари; Ҳудайбия воқеаси йили мушрикларнинг Расулуллоҳга Каъба масжидига киришга қаршилик кўрсатишгани ва ҳк.

Оятдаги масжиддан мурод Байтул-Мақдис ёки Каъба масжидидир (Мд.).

*Бу дунёдаги шармисорликдан мурод уларнинг жанглардаги мағлубияти, асирга олиниши, шунингдек, зиммийлар деб аталувчи аҳли китобларга жизя солиғини юклатилишидир. Охиратдаги азобдан мурод эса, дўзахга маҳкум бўлишликдир.

116-оят. Яҳудийлар: "Узайр – Аллоҳнинг ўғли", – деган бўлсалар, насронийлар: "Исо – Аллоҳнинг ўғли", – деб, Аллоҳга ширк келтирдилар. Бу эса, ислом динининг асосий ғояси бўлмиш тавҳидга зид этиқоддир.

وَلَن تَرۡضَىٰ عَنكَ ٱلۡيَهُودُ وَلَا ٱلنَّصَٰرَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمۡۗ قُلۡ إِنَّ
هُدَى ٱللَّهِ هُوَ ٱلۡهُدَىٰۗ وَلَئِنِ ٱتَّبَعۡتَ أَهۡوَآءَهُم بَعۡدَ ٱلَّذِي جَآءَكَ
مِنَ ٱلۡعِلۡمِ مَا لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٍ ١٢٠ ٱلَّذِينَ ءَاتَيۡنَٰهُمُ
ٱلۡكِتَٰبَ يَتۡلُونَهُۥ حَقَّ تِلَاوَتِهِۦٓ أُوْلَٰٓئِكَ يُؤۡمِنُونَ بِهِۦۗ وَمَن يَكۡفُرۡ بِهِۦ
فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡخَٰسِرُونَ ١٢١ يَٰبَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱذۡكُرُواْ نِعۡمَتِيَ ٱلَّتِيٓ
أَنۡعَمۡتُ عَلَيۡكُمۡ وَأَنِّي فَضَّلۡتُكُمۡ عَلَى ٱلۡعَٰلَمِينَ ١٢٢ وَٱتَّقُواْ يَوۡمٗا
لَّا تَجۡزِي نَفۡسٌ عَن نَّفۡسٖ شَيۡـٔٗا وَلَا يُقۡبَلُ مِنۡهَا عَدۡلٞ وَلَا تَنفَعُهَا
شَفَٰعَةٞ وَلَا هُمۡ يُنصَرُونَ ١٢٣ ۞ وَإِذِ ٱبۡتَلَىٰٓ إِبۡرَٰهِـۧمَ رَبُّهُۥ بِكَلِمَٰتٖ
فَأَتَمَّهُنَّۖ قَالَ إِنِّي جَاعِلُكَ لِلنَّاسِ إِمَامٗاۖ قَالَ وَمِن ذُرِّيَّتِيۖ قَالَ لَا
يَنَالُ عَهۡدِي ٱلظَّٰلِمِينَ ١٢٤ وَإِذۡ جَعَلۡنَا ٱلۡبَيۡتَ مَثَابَةٗ لِّلنَّاسِ
وَأَمۡنٗا وَٱتَّخِذُواْ مِن مَّقَامِ إِبۡرَٰهِـۧمَ مُصَلّٗىۖ وَعَهِدۡنَآ إِلَىٰٓ إِبۡرَٰهِـۧمَ
وَإِسۡمَٰعِيلَ أَن طَهِّرَا بَيۡتِيَ لِلطَّآئِفِينَ وَٱلۡعَٰكِفِينَ وَٱلرُّكَّعِ
ٱلسُّجُودِ ١٢٥ وَإِذۡ قَالَ إِبۡرَٰهِـۧمُ رَبِّ ٱجۡعَلۡ هَٰذَا بَلَدًا ءَامِنٗا وَٱرۡزُقۡ
أَهۡلَهُۥ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ مَنۡ ءَامَنَ مِنۡهُم بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِۚ قَالَ وَمَن كَفَرَ
فَأُمَتِّعُهُۥ قَلِيلٗا ثُمَّ أَضۡطَرُّهُۥٓ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلنَّارِۖ وَبِئۡسَ ٱلۡمَصِيرُ ١٢٦

120. Яҳудий ва насронийлар, то уларнинг динларига кирмагунингизгача, Сиздан сира рози бўлмайдилар. Айтинг: «Тўғри йўл – бу, Аллоҳнинг йўлидир». Қасамки, агар Сизга келган (тўғри) маълумотлардан кейин ҳам уларнинг хоҳишларига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан Сизга бирор дўст ҳам, ёрдам берувчи ҳам бўлмагай.

121. Биз китоб (Таврот, Инжил ёки Қуръон) берган кишилар (мўминлар) уни тўғри (бузмай) тиловат қиладилар. Улар унга (Муҳаммадга ва Китобга) имон келтирадилар. Ким уни инкор этса, ана ўшалар зиён кўрувчилардир.

122. Эй, Исроил авлоди, сизларга инъом этган неъматимни ва сизларни (бутун) оламлар узра афзал қилганимни эслангиз!*

123. Биров бирор нарсада ўзганинг ўрнига ўта олмайдиган, (гуноҳкор учун) бадал ҳам олинмайдиган, унга шафоат ҳам фойда бермайдиган ҳамда уларга ёрдам ҳам берилмайдиган кун (қиёмат)дан қўрқингиз!

124. Эсланг, Иброҳимни бир неча сўзлар* билан Рабби имтиҳон қилганида, уларни мукаммал адо этди. Шунда (Аллоҳ): «Албатта, Мен сени одамларга имом (пешво) қиламан», – деди. (Иброҳим) «Зурриётимдан ҳамми?» – деб сўради. (Аллоҳ) айтди: «Менинг аҳдим золимларга тегишли эмас».

125. Эсланг, Байт (Каъба)ни одамлар учун зиёратгоҳ ва хавфсиз жой қилиб қўйдик. «Иброҳим мақоми»ни* намозгоҳ қилиб олингиз! Иброҳим билан Исмоилга: «Тавоф, эътикоф* ва рукуъ-сужуд қилувчилар учун Байтимни поклангиз!» – деб буюрдик.

126. Эсланг, Иброҳим: «Эй, Раббим, бу (Макка)ни тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларга (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!», – деганида, Аллоҳ: «Кофирларни эса бироз ризқлантириб, сўнгра дўзах азобига мубтало этурман. Бу ўта ёмон оқибатдир», – деди.

122-оят. Исроил авлодига Аллоҳ берган неъматлардан мурод Мусо (а.с.) даврида уларнинг аждодларини ўз замонасининг азизу мукаррам кишилари этгани, Фиръавн зулмидан озод қилгани, уларнинг гуноҳ ва жиноятларини авф этиб, устиларига тоғни қулатмагани ва ҳк.

124-оят. Оятдаги “имтиҳон сўзлари”дан мурод – мўйлабни қисқартириш, оғиз ва бурунни чайиш, мисвок билан тиш тозалаш, тирноқларни, қўлтиқ ва қовуқ юнгларини олиб туриш, хатна ва истинжо. Ибн Аббос (рз.) уларни ўттизтага етказганлар. У сифатлар “Тавба”, “Аҳзоб” ва “Маориж” сураларида чин мўминларнинг сифатлари шаклида берилган (Мд.).

125-оят. "Иброҳим мақоми" Каъба эшигидан тахминан 20 қадам наридаги бир жой бўлиб, Иброҳим (а.с.) шу ерда туриб дуо қилганлар. Ҳозиргача ўша жой осори атиқалардан саналиб, бир тош устига Иброҳим (а.с.)нинг оёқ излари рамзий акс эттирилган ва ойнали қубба билан ёпиб қўйилган.

Эътикоф – бу, суннат амаллардан бўлиб, Каъбада ёки бошқа масжидларда рўзадорнинг махсус тартибда ибодат билан машғул бўлишидир.

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَٰهِۦمُ ٱلْقَوَاعِدَ مِنَ ٱلْبَيْتِ وَإِسْمَٰعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ
مِنَّآ ۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١٢٧﴾ رَبَّنَا وَٱجْعَلْنَا مُسْلِمَيْنِ
لَكَ وَمِن ذُرِّيَّتِنَآ أُمَّةً مُّسْلِمَةً لَّكَ وَأَرِنَا مَنَاسِكَنَا وَتُبْ عَلَيْنَآ ۖ
إِنَّكَ أَنتَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٢٨﴾ رَبَّنَا وَٱبْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا
مِّنْهُمْ يَتْلُوا۟ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ
وَيُزَكِّيهِمْ ۚ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٢٩﴾ وَمَن يَرْغَبُ عَن
مِّلَّةِ إِبْرَٰهِۦمَ إِلَّا مَن سَفِهَ نَفْسَهُۥ ۚ وَلَقَدِ ٱصْطَفَيْنَٰهُ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ
وَإِنَّهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٣٠﴾ إِذْ قَالَ لَهُۥ رَبُّهُۥٓ أَسْلِمْ ۖ
قَالَ أَسْلَمْتُ لِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٣١﴾ وَوَصَّىٰ بِهَآ إِبْرَٰهِۦمُ بَنِيهِ
وَيَعْقُوبُ يَٰبَنِىَّ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصْطَفَىٰ لَكُمُ ٱلدِّينَ فَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا
وَأَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٣٢﴾ أَمْ كُنتُمْ شُهَدَآءَ إِذْ حَضَرَ يَعْقُوبَ
ٱلْمَوْتُ إِذْ قَالَ لِبَنِيهِ مَا تَعْبُدُونَ مِنۢ بَعْدِى قَالُوا۟ نَعْبُدُ
إِلَٰهَكَ وَإِلَٰهَ ءَابَآئِكَ إِبْرَٰهِۦمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ إِلَٰهًا
وَٰحِدًا وَنَحْنُ لَهُۥ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٣﴾ تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ ۖ لَهَا
مَا كَسَبَتْ وَلَكُم مَّا كَسَبْتُمْ ۖ وَلَا تُسْـَٔلُونَ عَمَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٣٤﴾

127. Эсланг, Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргаликда Уй (Байтуллоҳ)нинг пойдеворини кўтарганларида, (шундай дуо қилдилар): «Эй, Раббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи ва доно зотдирсан!

128. Эй, Раббимиз, бизни Ўзингга бўйин сунувчи қилгин ва зурриётимиздан ҳам Сенга итоат қиладиган уммат (чиқаргин)! Шунингдек, бизга (ҳажга доир) ибодатларимизни кўрсатиб бер ва тавбаларимизни қабул эт! Албатта, Сен тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдирсан.

129. Эй, Раббимиз, уларга (келажак умматларга) ўзларидан (чиққан), уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикмат (Қуръон ва Ҳадис)ни ўргатадиган ва уларни (куфр ва гуноҳлардан) поклайдиган бир пайғамбарни юборгин!* Албатта, Сен қудрат ва ҳикмат эгасидирсан».

130. Иброҳимнинг динидан фақат ўз қадрини билмайдиган кишиларгина юз ўгирадилар. Биз уни дунёда (пайғамбарлик учун) танлаб олдик ва у охиратда (ҳам), албатта, солиҳ (банда)лардан бўлур.

131. Эсланг, Рабби унга: «Бўйин сун!» – деганида, у: «(Барча) оламларнинг Раббига бўйин сундим», – деди.

132. Иброҳим* ўз ўғилларига, шунингдек, (набираси) Яъқуб ҳам шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмонлик ҳолингиздагина дунёдан ўтингиз!»*

133. (Эй, Исроил авлоди!) Ёки Яъқубга ўлим келганда, ўғилларига: «Мендан кейин нимага сиғинасиз?» – деганида, улар: «Сенинг илоҳинг ва боболаринг – Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқнинг илоҳи бўлмиш ягона Аллоҳга сиғинамиз ва бизлар фақат Унинг ўзигагина бўйин сунувчилармиз», – деб жавоб берганларида (уларга) гувоҳ бўлганмидингиз?!

134. Улар ўтиб кетган уммат(лар)дир. Уларнинг аъмоллари – ўзларига ва сизларнинг аъмолларингиз ҳам ўзингизга (қайтур). Сизлар уларнинг қилмишлари учун жавоб бермайсиз.

129-оят. Аллоҳ таоло Иброҳим (а.с.)нинг ушбу дуоларини ижобат этиб, Муҳаммад (а.с.)ни уларга пайғамбар қилиб юборди.

132-оят. Иброҳим (а.с.)нинг Сора исмли хотини 123 ёшда Шоми шарифда вафот этган. Ундан Исҳоқ (а.с.) туғилган. Ҳожар исмли хотинлари эса, Сорадан олдинроқ Маккада вафот этган. Ундан Исмоил (а.с.) туғилган. Канъонлик Яхтон қизи Қатурдан Якшон, Замрон, Маддон, Мадд, Ашяқ, Вашух исмли 6 ўғил туғилган. Ҳажун исмли араб хотинидан Кайсон, Фаррух, Аҳйам, Лавтон, Нофас исмли 5 ўғил туғилган. Демак, Иброҳим (а.с.)нинг 13 нафар ўғли бўлган (Саъл.).

* Улар васият қилган дин ислом дини эди. Улардан кейинги авлод бу динни ўзини ҳам, исмини ҳам ўзгартириб юборганлар. Аслида яҳудийлик ва насронийлик динлари ҳам тавҳидга асосланган ислом динидир. Пайғамбарларнинг шариатлари бир-биридан қисман фарқ қилган бўлса-да, лекин барчаларига юборилган динлар бир хилдир.

وَقَالُوا۟ كُونُوا۟ هُودًا أَوْ نَصَٰرَىٰ تَهْتَدُوا۟ ۗ قُلْ بَلْ مِلَّةَ إِبْرَٰهِـۧمَ
حَنِيفًا ۖ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٣٥﴾ قُولُوٓا۟ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ
أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَآ أُنزِلَ إِلَىٰٓ إِبْرَٰهِـۧمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ
وَٱلْأَسْبَاطِ وَمَآ أُوتِىَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَآ أُوتِىَ ٱلنَّبِيُّونَ
مِن رَّبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُۥ مُسْلِمُونَ ﴿١٣٦﴾
فَإِنْ ءَامَنُوا۟ بِمِثْلِ مَآ ءَامَنتُم بِهِۦ فَقَدِ ٱهْتَدَوا۟ ۖ وَّإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّمَا
هُمْ فِى شِقَاقٍ ۖ فَسَيَكْفِيكَهُمُ ٱللَّهُ ۚ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ
﴿١٣٧﴾ صِبْغَةَ ٱللَّهِ ۖ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ ٱللَّهِ صِبْغَةً ۖ وَنَحْنُ لَهُۥ
عَٰبِدُونَ ﴿١٣٨﴾ قُلْ أَتُحَآجُّونَنَا فِى ٱللَّهِ وَهُوَ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ
وَلَنَآ أَعْمَٰلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَٰلُكُمْ وَنَحْنُ لَهُۥ مُخْلِصُونَ ﴿١٣٩﴾ أَمْ
تَقُولُونَ إِنَّ إِبْرَٰهِـۧمَ وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ
وَٱلْأَسْبَاطَ كَانُوا۟ هُودًا أَوْ نَصَٰرَىٰ ۗ قُلْ ءَأَنتُمْ أَعْلَمُ أَمِ ٱللَّهُ ۗ
وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن كَتَمَ شَهَٰدَةً عِندَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ ۗ وَمَا ٱللَّهُ
بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٠﴾ تِلْكَ أُمَّةٌ قَدْ خَلَتْ ۖ لَهَا مَا كَسَبَتْ
وَلَكُم مَّا كَسَبْتُمْ ۖ وَلَا تُسْـَٔلُونَ عَمَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٤١﴾

135. (Яҳудийлар ва насронийлар): «Яҳудий ёки насроний бўлинг, шунда ҳидоят топасиз», – дедилар. Сиз (эй, Муҳаммад!) айтинг: «Асло йўқ! Биз тўғри йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим динига эргашамиз».

136. Айтингиз (эй, мўминлар!): «Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Китоб)га, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусога, Исога ва (барча) пайғамбарларга Парвардигорларидан берилган нарсаларга имон келтирдик (ишондик). Биз улар ўртасидан бирортасини (пайғамбар эмас деб) ажратиб қўймаймиз ва биз Унга (Аллоҳга) бўйин сунувчилармиз».

137. Агар улар (аҳли китоблар) сизлар имон келтирган нарсаларга имон келтирсалар, тўғри йўлни топган бўладилар. Борди-ю, юз ўгирсалар, у ҳолда, демак, сизларга нисбатан адоватлари бордир. Сизни улардан (ҳимоя этишга) Аллоҳнинг ўзи кифоя қилур. У эшитувчи ва донодир.

138. Аллоҳнинг «бўёғи»га (динига кирингиз!)* Аллоҳникидан яхшироқ «бўёқ» (дин) борми?! Биз Унгагина сиғинувчилармиз.

139. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Раббингиз бўлмиш Аллоҳ ҳақида биз билан тортишасизми?! Бизнинг аъмолларимиз – бизга, сизнинг аъмолларингиз – сизга. Биз фақат Унгагина ихлос қилувчилармиз».

140. Ёки сизлар (Исроил авлоди): «Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди (ҳаммаси) яҳудий ёки насроний бўлган» дейсизми? Айтинг (эй, Муҳаммад!): «(Уларнинг динларини) сизлар билувчироқми ёки Аллоҳми? Гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ким ҳам золимроқдир?!» Аллоҳ қилаётган ишларингиздан (нотўғри гувоҳлик беришингиздан) ғофил эмасдир.

141. Улар ўтиб кетган уммат(лар)дир. Уларнинг аъмоллари – ўзларига ва сизларнинг аъмолларингиз ҳам ўзингизга (қайтур). Сизлар уларнинг қилмишлари учун жавоб бермайсиз.

138-оят. Насронийлар янги туғилган фарзандни махсус сариқ сувга ботириб оладилар ва бу маросимни "маъмудия" – "чўқинтириш" деб атайдилар. Уларнинг эътиқодига кўра шундан кейин бола ҳақиқий насроний саналади. Оятдаги "бўёқ" ўша одатга муқобил равишда дин ёки имон маъносидадир.

Ривоятларга қараганда, Усмон (р.а.) ўз мусҳафининг шу оятлар битилган саҳифасини ўқиб турганларида, шаҳид бўлганлар. Тошкентда сақланаётган Усмон мусҳафининг 137–138-оятлари ёзилган саҳифада қон доғлари сақланиб қолган.

142-оят. Мусулмонларнинг қибласи Каъба томонга ўзгаргандан кейин яҳудийлар, мушриклар ва мунофиқлар таъна қилдилар. Бунинг жавобига мазкур оят нозил қилинган.

143-оят. "Ўрта уммат" – умматларнинг яхшиси демакдир. Зеро, ҳар бир нарсада ўртаҳоллик яхшидир. Яна бир маъноси – қиблангизни Ер куррасининг ўрта қисмида қилганимдек, ўзларингни ҳам ўртаҳол уммат қилдим. Яъни яҳудийлардек Марямни зинокорга ҳам чиқармайдиган,

۞ سَيَقُولُ ٱلسُّفَهَآءُ مِنَ ٱلنَّاسِ مَا وَلَّىٰهُمْ عَن قِبْلَتِهِمُ ٱلَّتِى كَانُوا۟
عَلَيْهَا ۚ قُل لِّلَّهِ ٱلْمَشْرِقُ وَٱلْمَغْرِبُ ۚ يَهْدِى مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٍ
مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٤٢﴾ وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَٰكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِّتَكُونُوا۟
شُهَدَآءَ عَلَى ٱلنَّاسِ وَيَكُونَ ٱلرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا ۗ وَمَا
جَعَلْنَا ٱلْقِبْلَةَ ٱلَّتِى كُنتَ عَلَيْهَآ إِلَّا لِنَعْلَمَ مَن يَتَّبِعُ ٱلرَّسُولَ
مِمَّن يَنقَلِبُ عَلَىٰ عَقِبَيْهِ ۚ وَإِن كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى ٱلَّذِينَ
هَدَى ٱللَّهُ ۗ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَٰنَكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِٱلنَّاسِ
لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤٣﴾ قَدْ نَرَىٰ تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِى ٱلسَّمَآءِ ۖ
فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَىٰهَا ۚ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ ٱلْمَسْجِدِ
ٱلْحَرَامِ ۚ وَحَيْثُ مَا كُنتُمْ فَوَلُّوا۟ وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُۥ ۗ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ
أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّهِمْ ۗ وَمَا ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ
عَمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٤٤﴾ وَلَئِنْ أَتَيْتَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ بِكُلِّ
ءَايَةٍ مَّا تَبِعُوا۟ قِبْلَتَكَ ۚ وَمَآ أَنتَ بِتَابِعٍ قِبْلَتَهُمْ ۚ وَمَا بَعْضُهُم
بِتَابِعٍ قِبْلَةَ بَعْضٍ ۚ وَلَئِنِ ٱتَّبَعْتَ أَهْوَآءَهُم مِّنۢ بَعْدِ
مَا جَآءَكَ مِنَ ٱلْعِلْمِ ۙ إِنَّكَ إِذًا لَّمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٤٥﴾

ИККИНЧИ ПОРА

142. Одамларнинг нодонлари: «Улар (мусулмонлар) илгари юзланган қиблаларидан воз кечишларига боис нима экан?» дейишади*. Айтинг: «Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. У ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга бошлайди».

143. Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун "ўрта уммат" қилиб қўйдик*. Сиз юзланган олдинги қиблани Биз фақат орқага қайтиб кетаётганлар ичида ким пайғамбарга эргашар экан, деб қилдик (қайта тикладик)*. Албатта, бу (ўз қибласини ўзгартириш) Аллоҳ ҳидоят этган кишилардан ўзгалар учун оғир ишдир. Аллоҳ имонларингизни (Байтул-Мақдисга қараб ўқиган олдинги намозларингиз ажрини) зое кетказмас. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибон ва раҳмлидир.

144. Гоҳо юзингизни (ваҳий кутиб) осмон бўйлаб ўгириб турищингизни кўраяпмиз. (Хотиржам бўлинг) Сизни ўзингиз рози бўладиган қибла (Каъба)га (юз) ўгиртирамиз. Юзингизни Масжиди Ҳаром (Каъба) томонга буринг! (Эй, мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангиз, юзларингизни ўша тарафга бурингиз! Аҳли китоблар буни Парвардигорлари томонидан (келган) ҳақиқат (илоҳий фармон) эканини яхши биладилар. Аллоҳ уларнинг қилмишларидан ғофил эмасдир.

145. Қасамки, агар Сиз аҳли китобларга ҳар қандай ҳужжат келтирсангиз ҳам, улар қиблангизга эргашмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига эргашувчи эмассиз. Улар (яҳудийлар ва насронийлар) бир-бирларининг қиблаларига тобе эмаслар. Борди-ю, Сизга келган илм (ваҳий)дан кейин ҳам уларнинг хоҳишларига эргашиб кетсангиз, у ҳолда, албатта, Сиз золимлардандирсиз.

насронийлардек Исони Аллоҳнинг ўғли деб илоҳийлаштирмайдиган ўрта, адолат мақомида бўлурсизлар. Яна бошқача таъвиллар ҳам бор. Бошқа умматларга гувоҳ бўлишингиз, дегани қиёмат куни бошқа пайғамбарларнинг имон келтирмаганлари ўз пайғамбарларига тухмат қилиб: "Бизга улар Аллоҳнинг буйруқларини етказмаган", – деб даъво қилар эканлар. Шунда Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.) умматидан сўраганда: "Биз гувоҳлик берамизки, ўтган ҳамма пайғамбарлар Аллоҳнинг буйруқларини ўз умматларига мукаммал етказганлар", – дер эканлар. "Сизлар буни қаердан биласиз?" – дейилганда, улар: "Бизга Муҳаммад (а.с.) Қуръон орқали билдирганлар" – дея Расулуллоҳни гувоҳ қилиб кўрсатар эканлар.

Қиблани ўзгариши мўминларни синаш учун эди. Шундан кейин кўп мунофиқлар диндан қайтиб кетдилар. Пайғамбарга эргашиб, унинг қибласига ҳеч иккиланмай ўгирилганларнинг чин мусулмон эканлиги аён бўлди.

* Қибланинг қайта тиклангани – Муҳаммад (а.с.) Маккада дастлаб Каъбага қараб намоз ўқир эдилар. Мадинада ҳам биринчи кунлари Байтул-Мақдис томонига қараб ўқиб юрганларидан яҳудийлар мамнун эди. Сўнгра қибла яна Каъбага кўчирилгач, улар бундан ранжидилар.

ٱلَّذِينَ ءَاتَيۡنَٰهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ يَعۡرِفُونَهُۥ كَمَا يَعۡرِفُونَ أَبۡنَآءَهُمۡۖ وَإِنَّ
فَرِيقٗا مِّنۡهُمۡ لَيَكۡتُمُونَ ٱلۡحَقَّ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ١٤٦ ٱلۡحَقُّ مِن
رَّبِّكَۖ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡمُمۡتَرِينَ ١٤٧ وَلِكُلّٖ وِجۡهَةٌ هُوَ مُوَلِّيهَاۖ
فَٱسۡتَبِقُواْ ٱلۡخَيۡرَٰتِۚ أَيۡنَ مَا تَكُونُواْ يَأۡتِ بِكُمُ ٱللَّهُ جَمِيعًاۚ
إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ١٤٨ وَمِنۡ حَيۡثُ خَرَجۡتَ فَوَلِّ
وَجۡهَكَ شَطۡرَ ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِۖ وَإِنَّهُۥ لَلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَۗ وَمَا
ٱللَّهُ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعۡمَلُونَ ١٤٩ وَمِنۡ حَيۡثُ خَرَجۡتَ فَوَلِّ وَجۡهَكَ
شَطۡرَ ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِۚ وَحَيۡثُ مَا كُنتُمۡ فَوَلُّواْ وُجُوهَكُمۡ
شَطۡرَهُۥ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَيۡكُمۡ حُجَّةٌ إِلَّا ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ
مِنۡهُمۡ فَلَا تَخۡشَوۡهُمۡ وَٱخۡشَوۡنِي وَلِأُتِمَّ نِعۡمَتِي عَلَيۡكُمۡ وَلَعَلَّكُمۡ
تَهۡتَدُونَ ١٥٠ كَمَآ أَرۡسَلۡنَا فِيكُمۡ رَسُولٗا مِّنكُمۡ
يَتۡلُواْ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتِنَا وَيُزَكِّيكُمۡ وَيُعَلِّمُكُمُ ٱلۡكِتَٰبَ
وَٱلۡحِكۡمَةَ وَيُعَلِّمُكُم مَّا لَمۡ تَكُونُواْ تَعۡلَمُونَ ١٥١ فَٱذۡكُرُونِيٓ
أَذۡكُرۡكُمۡ وَٱشۡكُرُواْ لِي وَلَا تَكۡفُرُونِ ١٥٢ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ ٱسۡتَعِينُواْ بِٱلصَّبۡرِ وَٱلصَّلَوٰةِۚ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ١٥٣

146. Биз китоб берган ўша (золим кимса)лар уни (Муҳаммадни) худди ўз фарзандларини танигандек танийдилар ва улардан бир гуруҳи била туриб, (китобларидаги) ҳақиқатни сир тутадилар.

147. Ҳақиқат – бу, Раббингиздан (келган хабардир). Бас, (Сиз) шубҳаланувчилардан бўлманг!

148. Ҳар бир (диндор) учун ўзи юзланадиган тарафи (қибласи) бор. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз! Қаерда бўлмангиз, Аллоҳ ҳаммангизни (маҳшаргоҳга) келтиражак. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

149. Қайси жойдан (сафарга) чиқсангиз ҳам, (намозда) юзингизни Масжиди Ҳаром* (Каъба томон)га ўгиринг! Ушбу (буйруқ) Парвардигорингиз томонидан (айтилган) ҳақиқатдир. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.

150. Қайси жойдан (йўлга) чиқсангиз, юзингизни (намозда) Масжиди Ҳаром томонга ўгиринг! (Эй, мўминлар!) Қаерда бўлсангиз, юзларингизни ўша (Каъба) томонга ўгирингиз, токи ғаразли одамларда сизларга қарши ҳужжат бўлмасин. Магар, улар ичида золимлари (ҳам) борки, сизлар улардан қўрқмангиз, балки Мендан қўрқингиз. Бу сизларга неъматларимни (янада) мукаммал қилиб беришим ва ҳидоят йўлини топиб олишларингиз учундир.

151. Шунингдек, сизларга ўзингиздан бўлмиш бир пайғамбар юбордикки, у сизларга оятларимизни ўқиб беради, сизларни (ширк ва гуноҳлардан) поклайди, сизларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикмат (Ҳадис)ни таълим беради ва билмаганларингизни* билдиради.

152. Бас, Мени ёд этингиз, (Мен ҳам) сизларни ёд этурман*. Менга шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!

153. Эй, имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўрангиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир.

149-оят. Каъбанинг номлари:
1. Масжиди Ҳаром – гуноҳ ишларни қилиш тақиқланган ҳурматга сазовор масжид;
2. Қибла – ибодатда юзни ўгирадиган тараф;
3. Байтуллоҳ – “Аллоҳнинг уйи”;
4. Хонаи Каъба – Каъба уйи;
5. Ал-байтул-атиқ – қадимий уй.

151-оят. Уларнинг билмагани диний таълимот бўлиб, уни Пайғамбар (а.с.)га нозил қилинган илоҳий ваҳий орқалигина билиш мумкин эди. Аммо дунёвий билимлар бундан мустасно бўлиб, уларни фақат пайғамбар орқали эмас, балки илмий кашфиётлар ва ҳукамолар орқали ҳам ўрганиш мумкиндир.

152-оят. Яъни Мени гуноҳларингизга тавба қилиш, ҳожатларингизни сўраш, ихлос-эътиқод, илтижо ва муножот билан ёд этингиз, Мен сизларни кечирим, ҳожатбарорлик, нажот, ижобат ила ёд этурман (Мд.).

Бу ерда ёд этиш “зикр” лафзи билан келган. Зикр эса, тил билан ва дил билан бўлади.

Тасаввуфда икки хил зикр бўлиб, бири – жаҳрий (товуш билан), иккинчиси – хафий (товушсиз) зикрлардир.

وَلَا تَقُولُوا۟ لِمَن يُقْتَلُ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ أَمْوَٰتٌۢ ۚ بَلْ أَحْيَآءٌ وَلَٰكِن
لَّا تَشْعُرُونَ ﴿١٥٤﴾ وَلَنَبْلُوَنَّكُم بِشَىْءٍ مِّنَ ٱلْخَوْفِ وَٱلْجُوعِ
وَنَقْصٍ مِّنَ ٱلْأَمْوَٰلِ وَٱلْأَنفُسِ وَٱلثَّمَرَٰتِ ۗ وَبَشِّرِ ٱلصَّٰبِرِينَ
﴿١٥٥﴾ ٱلَّذِينَ إِذَآ أَصَٰبَتْهُم مُّصِيبَةٌ قَالُوٓا۟ إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّآ إِلَيْهِ رَٰجِعُونَ
﴿١٥٦﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَٰتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٧﴾ ۞ إِنَّ ٱلصَّفَا وَٱلْمَرْوَةَ مِن شَعَآئِرِ ٱللَّهِ ۖ
فَمَنْ حَجَّ ٱلْبَيْتَ أَوِ ٱعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَن يَطَّوَّفَ
بِهِمَا ۚ وَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ ٱللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ ﴿١٥٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
يَكْتُمُونَ مَآ أَنزَلْنَا مِنَ ٱلْبَيِّنَٰتِ وَٱلْهُدَىٰ مِنۢ بَعْدِ مَا بَيَّنَّٰهُ
لِلنَّاسِ فِى ٱلْكِتَٰبِ ۙ أُو۟لَٰٓئِكَ يَلْعَنُهُمُ ٱللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ ٱللَّٰعِنُونَ
﴿١٥٩﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ وَأَصْلَحُوا۟ وَبَيَّنُوا۟ فَأُو۟لَٰٓئِكَ أَتُوبُ
عَلَيْهِمْ ۚ وَأَنَا ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٦٠﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَمَاتُوا۟ وَهُمْ
كُفَّارٌ أُو۟لَٰٓئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ ٱللَّهِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ
﴿١٦١﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۖ لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ
﴿١٦٢﴾ وَإِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ ۖ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلرَّحْمَٰنُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٦٣﴾

154. Аллоҳ йўлида қатл этилувчи (шаҳид)лар ҳақида: «(Улар) ўликдир», – демангиз! Йўқ! (Улар) тирикдир, лекин сизлар (буни) сезмайсиз.

155. Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз*. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй, Муҳаммад)!

156. Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз», – дейдилар.

157. Айнан ўшаларга Парвардигорлари томонидан салавот (мағфират) ва раҳмат бордир ва айнан улар, ҳидоят топувчилардир.

158. Албатта, Сафо ва Марва (тепаликлари) Аллоҳнинг шиорларидандир*. Бас, ким Ҳаж ёки Умра қилганида у иккисини тавоф этса, унга гуноҳ йўқдир. Ўз ихтиёри билан бирор хайрли иш (нафл ҳаж ёки умра) қилса, албатта, Аллоҳ шукрни қабул этувчи, доно зотдир*.

159. Биз нозил қилган оятлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни (Муҳаммаднинг барҳақ пайғамбар эканини) одамларга Китоб (Таврот)-да аниқ қилиб берганимиздан кейин (уни) яширганларни, шубҳасиз, Аллоҳ лаънатлагай ва уларни лаънатловчилар (фаришталар ва мўминлар) ҳам лаънатлагайлар.

160. Илло, қайсилари тавба қилиб, хатоларини тузатиб, (ҳақиқатни) баён қилсалар, уларнинг тавбаларини қабул этурман. Мен тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдирман.

161. Куфрда бўлиб, кофирлик ҳолида ўлиб кетганларга барчанинг – Аллоҳ, фаришталар ва одамларнинг лаънатлари бўлгай.

162. У ерда (дўзахда) абадий қолурлар, улардан азоб енгиллаштирилмас ва улар (жазо вақтидан) кечиктирилмаслар*.

163. Илоҳингиз ягона илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) меҳрибон ва раҳмлидир*.

155-оят. Ҳадиси шариф: “Қайси бир бандага Аллоҳ таоло яхшиликни раво кўрса, унга шу дунёнинг ўзида жазо ва уқубат беради. Ёмонликни раво кўрса, охиратга қолдиради” (Хз.).

158-оят. Сафо билан Марва тепаликлари қадимдан жоҳилият ақидасига мувофиқ ширк аралаш тавоф этилар эди. Мусулмонлар ҳаж пайтида бу икки тепалик ўртасида юриб “саъй” қилсак гуноҳкор бўлиб қолмасмиканмиз, деб, иккиланиб турганларида, шу оят нозил қилинган.

* Арабчадаги “Шокир” сўзини “шукрни қабул қилувчи ва озгина хайрли иш эвазига кўпгина савоб берувчи” деб тафсир қилиш ҳам мумкин.

162-оят. Оятнинг арабча лафзидан “узр айтишларини кутиб турилмас” ва “Аллоҳ томонидан раҳмат назари билан боқилмас” каби маъноларни ҳам олиш мумкин (Мд.).

163-оят. Ҳадиси шарифда айтилади: “Ушбу оятда ва “Оли Имрон” сурасининг бошида Исми аъзам яширилган” (Дв. Тр.).

إِنَّ فِي خَلۡقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَٱخۡتِلَٰفِ ٱلَّيۡلِ وَٱلنَّهَارِ
وَٱلۡفُلۡكِ ٱلَّتِي تَجۡرِي فِي ٱلۡبَحۡرِ بِمَا يَنفَعُ ٱلنَّاسَ وَمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ
مِنَ ٱلسَّمَآءِ مِن مَّآءٖ فَأَحۡيَا بِهِ ٱلۡأَرۡضَ بَعۡدَ مَوۡتِهَا وَبَثَّ فِيهَا
مِن كُلِّ دَآبَّةٖ وَتَصۡرِيفِ ٱلرِّيَٰحِ وَٱلسَّحَابِ ٱلۡمُسَخَّرِ
بَيۡنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلۡأَرۡضِ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يَعۡقِلُونَ ١٦٤ وَمِنَ
ٱلنَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَندَادٗا يُحِبُّونَهُمۡ كَحُبِّ ٱللَّهِۖ
وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَشَدُّ حُبّٗا لِّلَّهِۗ وَلَوۡ يَرَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓاْ إِذۡ يَرَوۡنَ
ٱلۡعَذَابَ أَنَّ ٱلۡقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعٗا وَأَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعَذَابِ ١٦٥
إِذۡ تَبَرَّأَ ٱلَّذِينَ ٱتُّبِعُواْ مِنَ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُواْ وَرَأَوُاْ ٱلۡعَذَابَ
وَتَقَطَّعَتۡ بِهِمُ ٱلۡأَسۡبَابُ ١٦٦ وَقَالَ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُواْ لَوۡ أَنَّ
لَنَا كَرَّةٗ فَنَتَبَرَّأَ مِنۡهُمۡ كَمَا تَبَرَّءُواْ مِنَّاۗ كَذَٰلِكَ يُرِيهِمُ ٱللَّهُ
أَعۡمَٰلَهُمۡ حَسَرَٰتٍ عَلَيۡهِمۡۖ وَمَا هُم بِخَٰرِجِينَ مِنَ ٱلنَّارِ ١٦٧
يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ كُلُواْ مِمَّا فِي ٱلۡأَرۡضِ حَلَٰلٗا طَيِّبٗا وَلَا تَتَّبِعُواْ
خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِۚ إِنَّهُۥ لَكُمۡ عَدُوّٞ مُّبِينٌ ١٦٨ إِنَّمَا يَأۡمُرُكُم
بِٱلسُّوٓءِ وَٱلۡفَحۡشَآءِ وَأَن تَقُولُواْ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ١٦٩

164. Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, одамлар учун фойдали нарсалар ортилган кемаларнинг денгизда сузишида, Аллоҳ осмондан тушириб, у сабабли «ўлик» ерни тирилтирган сувда, турли жонзотларни унда (ерда) тарқатиб қўйишида, шамолларни (турли томонга) йўналтиришида* ва осмон билан Ер орасидаги бўйин сундирилган булутда ақлни ишлатадиган кишилар учун аломатлар (Аллоҳнинг вужуди ва қудратига далиллар) бордир*.

165. Одамлар орасида Аллоҳдан ўзга (сохта маъбуда)ларни Унга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадиган кимсалар ҳам бордир. Имон келтирганларнинг Аллоҳга бўлган севгилари эса (уларникидан) кучлироқдир*. (Қиёмат куни) золимлар азобни кўрган пайтларида бутун куч-қудрат Аллоҳга хослиги ва Аллоҳнинг азоби (ўта) қаттиқ эканини билганларида эди...

166. (Ўша куни) азобни кўриб, пешволар ўз эргашувчиларидан тонадилар ва (уларни бирлаштириб турувчи) алоқалар узилади.

167. Эргашганлар: «Қани эди бир бор (дунёга) қайтиш мумкин бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак»,– дейдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларини ўзларига ҳасрат узра ҳасрат қилиб кўрсатади. Улар дўзахдан чиқувчи эмаслар.

168. Эй, одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан тановул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир*.

169. У сизларни фақатгина ёмонлик ва бузуқликка ва Аллоҳ шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизга буюради.

164-оят. Шамолнинг турлари кўп. Баъзи шамол Аллоҳнинг раҳмати, баъзиси эса Унинг азоби рамзида намоён бўлади.

* Мазкур ва бошқа табиий қилиб қўйилган жараёнларни кузатганда Аллоҳнинг чексиз қудратига, тубсиз ҳикматига ва Унинг яккаю ягоналигига нисбатан ҳар бир инсоннинг имони ва ихлоси зиёда бўлади. Бу эса, ақл-идрок ва тафаккурсиз ҳосил бўлмайди.

Ҳадиси шарифда айтилади: “Ҳар ким мазкур оятни ўқиб, унда зикр этилган ашё ва жараёнлар хусусида тафаккур қилмаса, унинг ҳолига вой!” (Мд.).

165-оят. Мушрикларнинг ўз маъбудаларига нисбатан севгилари кучли эмаслигига далил шуки, уларнинг бошига бирор мусибат тушса, маъбудаларидан юз ўгириб, Аллоҳга илтижо қилишга ўтадилар. Мўминларнинг Аллоҳга нисбатан севгилари кучли эканига далил шуки, уларнинг бошига ҳар қандай оғир мусибат тушса ҳам Аллоҳдан юз ўгирмай, Унинг ўзидангина мадад сўрайдилар.

168-оят. Шайтоннинг изларидан эргашиш деганда, унинг инсон қалбига йўналтирган васвасаларига амал қилиш, деб тушуниш лозим.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱتَّبِعُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ قَالُوا۟ بَلْ نَتَّبِعُ مَآ أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ
ءَابَآءَنَآ ۗ أَوَلَوْ كَانَ ءَابَآؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْـًٔا وَلَا
يَهْتَدُونَ ﴿١٧٠﴾ وَمَثَلُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ كَمَثَلِ ٱلَّذِى يَنْعِقُ
بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَآءً وَنِدَآءً ۚ صُمٌّۢ بُكْمٌ عُمْىٌ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ
﴿١٧١﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُلُوا۟ مِن طَيِّبَـٰتِ مَا رَزَقْنَـٰكُمْ
وَٱشْكُرُوا۟ لِلَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿١٧٢﴾ إِنَّمَا حَرَّمَ
عَلَيْكُمُ ٱلْمَيْتَةَ وَٱلدَّمَ وَلَحْمَ ٱلْخِنزِيرِ وَمَآ أُهِلَّ بِهِۦ
لِغَيْرِ ٱللَّهِ ۖ فَمَنِ ٱضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَلَآ إِثْمَ عَلَيْهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٧٣﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ مِنَ
ٱلْكِتَـٰبِ وَيَشْتَرُونَ بِهِۦ ثَمَنًا قَلِيلًا ۙ أُو۟لَـٰٓئِكَ مَا يَأْكُلُونَ
فِى بُطُونِهِمْ إِلَّا ٱلنَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ ٱللَّهُ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ
وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٤﴾ أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
ٱشْتَرَوُا۟ ٱلضَّلَـٰلَةَ بِٱلْهُدَىٰ وَٱلْعَذَابَ بِٱلْمَغْفِرَةِ ۚ فَمَآ
أَصْبَرَهُمْ عَلَى ٱلنَّارِ ﴿١٧٥﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ نَزَّلَ ٱلْكِتَـٰبَ
بِٱلْحَقِّ ۗ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ ٱخْتَلَفُوا۟ فِى ٱلْكِتَـٰبِ لَفِى شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿١٧٦﴾

170. Уларга (мушрикларга): «Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар)га эргашингиз!» – дейилса, улар: «Йўқ, биз ота-боболаримизни не узра топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», – дейдилар*. Ота-боболари агар ҳеч нарсага ақллари етмайдиган ва тўғри йўлдан юрмайдиган бўлсалар-чи?!

171. (Ҳақиқатан ҳам) кофир бўлган кимсалар (ваҳийдан таъсирланмасликда) худди ҳайвонларга қичқираётган кишининг овозидан ва ҳайқириғидан ўзга нарсани эшитмаётгани кабидир*. (Улар маънан) кар, соқов ва кўрлардирки, (гапни) англамайдилар.

172. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳгагина ибодат қилувчи бўлсангиз, сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан еб, Унга шукр қилингиз!

173. У сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (истеъмол қилишни қатъий) ҳаром қилди. Аммо, зулмкор ва тажовузкор бўлмаган ҳолда, заруратан, мажбур бўлса (очлик танглиги юзасидан тановул қилса), унга гуноҳ йўқдир*. Дарҳақиқат, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

174. Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)даги нарсани (Муҳаммад тўғрисидаги оятларни) сир тутадиган ва уни озгина баҳога сотадиганлар, албатта, ўз қоринларига олов еган бўлурлар*. Аллоҳ қиёмат кунида улар билан сўзлашмайди* ва уларни (гуноҳларидан) покламайди ҳам. Уларга аламли азоб (берилур).

175. Ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалар ана ўшалардир. Бас, дўзах (азоби)га бунча ҳам «тоқатли» бўлмасалар!*

176. Бу (жазо) – Аллоҳнинг Китоб (Таврот)ни ҳақиқатан нозил қилгани ва бу Китоб хусусида ихтилоф қилувчилар (ҳақиқатдан) жуда ҳам узоқда бўлганлари учундир.

170-оят. Мушриклар дин-диёнатда ота-боболарига тақлид қилиб, улар сиғиниб келган сохта маъбудаларни ўзларига илоҳ қилиб олган эдилар.

171-оят. Ҳайвонларга ҳар қанча гапирилса ҳам фақат овоздан бошқа нарсани англамаганлари каби бетавфиқ кишилар ҳам фойдали гапларни тинглаб, англаш ўрнига ночорликдан эшитиб қўя қоладилар.

173-оят. Ҳаром қилинган нарсаларни зарурат тақозоси билан жонни сақлаб қолгудек миқдорда истеъмол қилишга шариат рухсат беради.

174-оят. Оятларни ўзгартириш ёки йўқ қилиш эвазига олган бойликлари қанчалик катта маблағ бўлмасин, каломуллоҳга нисбатан қадр-қиммати йўқлиги сабабли оз деб билинур. Зеро, оятларни ҳеч қандай баҳо билан тенглаштириб бўлмайди.

* Аллоҳнинг сўзлашмаслиги – ғазаби келгани ва раҳмат назари билан боқмаслигидир.

175-оят. Бу ибора уларга истеҳзо шаклида айтилмоқда. Зеро, дўзах азобига тоқат қила оладиган жонзот бўлиши мумкин эмас. Залолат билан азобни ихтиёр этганлар охират азобини ўйлаб қўйсинлар, деб танбеҳ берилмоқда.

۞ لَّيْسَ ٱلْبِرَّ أَن تُوَلُّوا۟ وُجُوهَكُمْ قِبَلَ ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ وَلَـٰكِنَّ
ٱلْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةِ وَٱلْكِتَـٰبِ
وَٱلنَّبِيِّـۧنَ وَءَاتَى ٱلْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِۦ ذَوِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَـٰمَىٰ
وَٱلْمَسَـٰكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ وَٱلسَّآئِلِينَ وَفِى ٱلرِّقَابِ وَأَقَامَ
ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَـٰهَدُوا۟ ۖ
وَٱلصَّـٰبِرِينَ فِى ٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَحِينَ ٱلْبَأْسِ ۗ أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
صَدَقُوا۟ ۖ وَأُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُتِبَ
عَلَيْكُمُ ٱلْقِصَاصُ فِى ٱلْقَتْلَى ۖ ٱلْحُرُّ بِٱلْحُرِّ وَٱلْعَبْدُ بِٱلْعَبْدِ وَٱلْأُنثَىٰ
بِٱلْأُنثَىٰ ۚ فَمَنْ عُفِىَ لَهُۥ مِنْ أَخِيهِ شَىْءٌ فَٱتِّبَاعٌۢ بِٱلْمَعْرُوفِ وَأَدَآءٌ
إِلَيْهِ بِإِحْسَـٰنٍ ۗ ذَٰلِكَ تَخْفِيفٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ ۗ فَمَنِ ٱعْتَدَىٰ
بَعْدَ ذَٰلِكَ فَلَهُۥ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٨﴾ وَلَكُمْ فِى ٱلْقِصَاصِ حَيَوٰةٌ
يَـٰٓأُو۟لِى ٱلْأَلْبَـٰبِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٧٩﴾ كُتِبَ عَلَيْكُمْ
إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ ٱلْمَوْتُ إِن تَرَكَ خَيْرًا ٱلْوَصِيَّةُ لِلْوَٰلِدَيْنِ
وَٱلْأَقْرَبِينَ بِٱلْمَعْرُوفِ ۖ حَقًّا عَلَى ٱلْمُتَّقِينَ ﴿١٨٠﴾ فَمَنۢ بَدَّلَهُۥ
بَعْدَمَا سَمِعَهُۥ فَإِنَّمَآ إِثْمُهُۥ عَلَى ٱلَّذِينَ يُبَدِّلُونَهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٨١﴾

177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўкис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир-енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхшилик (аҳли)дир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордирлар.

178. Эй, имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан. Биродари томонидан авф этилса (хун тўлашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйин суниш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир). Бу (ҳукм) Раббингиз томонидан енгиллик ва марҳаматдир. Бас, кимки шундан кейин ҳам ҳаддидан ошса*, унга аламли азоб (берилур).

179. Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй, ақл эгалари! (Бу билан) шояд (қотилликдан) сақлансангиз*.

180. Қайси бирингизга ўлим ҳозир бўлса (яқинлашса) ва (ўзидан кейин) бирор яхшилик (бойлик) қолдираётган бўлса, ота-она ва қариндошларига маълум миқдорда васият қилишлик битилди (фарз қилинди)*. Бу тақволи кишилар зиммасидаги бурчдир.

181. Кимки уни (васиятни) эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларга бўлур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва доно зотдир.

178-оят. Яъни шу енгиллик ва илоҳий марҳаматлардан кейин ҳам, қотил ва бошқалардан ўч олса ёки хун олгандан кейин ҳам қасос олса, охират азобига маҳкумдир.

Шофиий мазҳаби бўйича қулнинг эвазига ҳур кишидан қасос олинмайди. Ҳанафий мазҳаби бўйича эса, қасосда ҳур билан қулнинг фарқи йўқ. “Моида” сурасининг 45-оятидаги “жонга-жон” жумласи бунга далилдир. Шунингдек, бир тўда кишилар бир кишини ноҳақ қатл қилса, унинг қасоси учун тўданинг ҳаммаси қатлга маҳкумдир (Мд.).

179-оят. Қасос шариат кўрсатмаларига мувофиқ равишда ижро этилса, кўпчиликнинг қони ноҳақ тўкилишдан сақланиб қолиши назарда тутилган. Акс ҳолда, бир инсон қони эвазига икки томондан ҳам кўплаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб кетиши мумкин.

180-оят. Бу оятдаги мерос олиш учун васият қилишнинг фарзлиги “Нисо” сурасининг 7–12-оятларидаги мерос ҳукмлари нозил бўлгач, бекор қилинган. Шунга кўра маййит васият қилса-қилмаса ўз-ўзидан меросхўрларга шариат кўрсатмаси бўйича мерос тақсим қилинаверади. Бегона кишига қолдираётган бойлигидан беришни васият қилган бўлса, ўша миқдорнинг учдан бири берилади.

فَمَنْ خَافَ مِن مُّوصٍ جَنَفًا أَوْ إِثْمًا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِثْمَ
عَلَيْهِ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٨٢﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُتِبَ
عَلَيْكُمُ ٱلصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ
لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَٰتٍ فَمَن كَانَ مِنكُم
مَّرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى ٱلَّذِينَ
يُطِيقُونَهُۥ فِدْيَةٌ طَعَامُ مِسْكِينٍ فَمَن تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ
لَّهُۥ وَأَن تَصُومُوا۟ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٤﴾ شَهْرُ
رَمَضَانَ ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ فِيهِ ٱلْقُرْءَانُ هُدًى لِّلنَّاسِ
وَبَيِّنَٰتٍ مِّنَ ٱلْهُدَىٰ وَٱلْفُرْقَانِ فَمَن شَهِدَ مِنكُمُ ٱلشَّهْرَ
فَلْيَصُمْهُ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ
أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ ٱللَّهُ بِكُمُ ٱلْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ
ٱلْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا۟ ٱلْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا۟ ٱللَّهَ عَلَىٰ مَا
هَدَىٰكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾ وَإِذَا سَأَلَكَ
عِبَادِى عَنِّى فَإِنِّى قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ ٱلدَّاعِ إِذَا دَعَانِ
فَلْيَسْتَجِيبُوا۟ لِى وَلْيُؤْمِنُوا۟ بِى لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴿١٨٦﴾

182. Аммо кимки васият қилувчи томонидан бирор хатолик ёки гуноҳ содир бўлишидан қўрқиб, (васиятни ўзгартириб бўлса ҳам) оралариниислоҳ қилиб қўйса, унга гуноҳ йўқдир. Албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

183. Эй, имон келтирганлар! сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби* сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз.

184. Саноқли кунларда*. Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир. Мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир. Кимки ихтиёрий равишда зиёда хайр қилса (лозим бўлганидан ортиқ фидя берса), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз (фидя бериб тутмаганингиздан) яхшироқдир*.

185. Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи* ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг) саноғи бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди. Бу – ҳисобни тўлдиришингиз ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир (ҳамду сано) айтишингиз ва шукр қилишингиз учундир.

186. Сиздан (эй, Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман. Бас, улар ҳам Мени (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга имон келтирсинлар, шояд (шунда) тўғри йўлга тушиб кетсалар*.

183-оят. Бу оятдан маълум бўладики, рўза тутиш ибодати Одам (а.с.)дан бошлаб то Муҳаммад (а.с.) давригача ўтган барча пайғамбар ва умматларга фарз қилинган экан. Лекин рўза тутишнинг шарт ва қоидалари турлича бўлган. Айрим умматлар Рамазон ойи ёзнинг иссиқ кунларига тўғри келиб қолганида Аллоҳдан ёки Унинг пайғамбаридан беижозат шаккоклик ила уни бошқа ойларга кўчириб, бу қилмишларининг жаримаси учун ўзларича яна ўн кун қўшимча рўза тутишган. Сўнгра подшоҳларидан бири бемор бўлиб, агар тузалиб кетсам рўзага яна етти кун қўшиб қўяман деб назр қилади. Тузалгач, рўзанинг муддати унинг қўшимчаси билан 47 кунга айланади. Ундан кейинги подшоҳ яна уч кун қўшгач, 50 кун бўлган (Хз.).

184-оят. Саноқли кунлар – бу Рамазон ойи кунларидир.

* Рўза тутиш ёки тутмасдан фидясини тўлаш ихтиёрий бўлган. Лекин бу ҳукм кейинроқ бошқа оят билан бекор қилиниб, узрсиз кишига рўза тутиш “фарзи айн”га айланган.

185-оят. “Ажрим этувчи” ибораси бу ерда ҳақиқат билан сохталик, яхшилик билан ёмонлик, савоб билан гуноҳ ўртасидаги фарқни белгилаб берувчи ҳакам маъносидадир.

186-оят. Оятда мўминлар учун улкан башорат бордир. У ҳам бўлса дуо ва илтижо қилувчиларнинг сўровларини ато этишга берилган илоҳий ваъдадир.

أُحِلَّ لَكُمْ لَيْلَةَ ٱلصِّيَامِ ٱلرَّفَثُ إِلَىٰ نِسَآئِكُمْ هُنَّ لِبَاسٌ
لَّكُمْ وَأَنتُمْ لِبَاسٌ لَّهُنَّ عَلِمَ ٱللَّهُ أَنَّكُمْ كُنتُمْ تَخْتَانُونَ
أَنفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنكُمْ فَٱلْـَٔـٰنَ بَـٰشِرُوهُنَّ
وَٱبْتَغُوا۟ مَا كَتَبَ ٱللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكُمُ
ٱلْخَيْطُ ٱلْأَبْيَضُ مِنَ ٱلْخَيْطِ ٱلْأَسْوَدِ مِنَ ٱلْفَجْرِ ثُمَّ أَتِمُّوا۟ ٱلصِّيَامَ
إِلَى ٱلَّيْلِ وَلَا تُبَـٰشِرُوهُنَّ وَأَنتُمْ عَـٰكِفُونَ فِى ٱلْمَسَـٰجِدِ
تِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ فَلَا تَقْرَبُوهَا كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ ءَايَـٰتِهِۦ
لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿١٨٧﴾ وَلَا تَأْكُلُوٓا۟ أَمْوَٰلَكُم بَيْنَكُم
بِٱلْبَـٰطِلِ وَتُدْلُوا۟ بِهَآ إِلَى ٱلْحُكَّامِ لِتَأْكُلُوا۟ فَرِيقًا مِّنْ
أَمْوَٰلِ ٱلنَّاسِ بِٱلْإِثْمِ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٨﴾ ۞ يَسْـَٔلُونَكَ
عَنِ ٱلْأَهِلَّةِ قُلْ هِىَ مَوَٰقِيتُ لِلنَّاسِ وَٱلْحَجِّ وَلَيْسَ ٱلْبِرُّ
بِأَن تَأْتُوا۟ ٱلْبُيُوتَ مِن ظُهُورِهَا وَلَـٰكِنَّ ٱلْبِرَّ مَنِ ٱتَّقَىٰ
وَأْتُوا۟ ٱلْبُيُوتَ مِنْ أَبْوَٰبِهَا وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ
تُفْلِحُونَ ﴿١٨٩﴾ وَقَـٰتِلُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ يُقَـٰتِلُونَكُمْ
وَلَا تَعْتَدُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْمُعْتَدِينَ ﴿١٩٠﴾

187. Сизларга рўза кечасида хотинларингиз билан қовушиш ҳалол қилинди*. Улар сизлар учун либос, сизлар улар учун либосдирсиз. Сизларнинг ўзингизга хиёнат қилаётганингизни Аллоҳ билди ва тавбангизни қабул қилиб, сизларни афв этди. Энди, улар билан (рўза кечаларида бемалол) қовушиб, сизлар учун Аллоҳ ёзган (тақдир этган) нарсани (фарзандни) умид этаверингиз. Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз. Сўнгра, рўзани кечгача (қуёш ботгунча) мукаммал тутингиз! Масжидларда эътикофда бўлган пайтларингизда (кечалари ҳам) улар (хотинлар) билан қўшилмангиз!* Булар (айтилган ҳукмлар) Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, уларга яқинлашмангиз! Одамлар (ман этилган ишлардан) сақланишлари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай аниқ баён қилади.

188. Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!*

189. Сиздан (эй, Муҳаммад!) ҳилоллар (янги ойлар) ҳақида сўрайдилар. «Улар одамларга (йил ҳисоби) ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир», – деб айтинг*. Уйларга орқа томондан киришингиз яхшилик эмас, балки яхшилик тақво қилган одам(нинг яхшилиги)дир. Уйларга (уларнинг) эшикларидан кирингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд (шунда охиратда) нажот топсангиз.

190. Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай*.

187-оят. Бу оят нозил бўлгунга қадар Рамазон ойида рўзадорларга кечалари ҳам жинсий алоқа ман этилган эди. Лекин бунга кўпчилик риоя қилмас эди.

* Масжидда эътикоф нияти билан ўтирган рўзадорга бир неча ишлар ман этилади. Жумладан, ҳожат тақозо қилмаганда ташқарига чиқиш, савдогарлик қилиш (молни келтирмасдан савдо қилиши мумкин), сукут сақлаш, беҳуда гапириш, жинсий алоқа қилиш кабилар.

Аёл киши ўз уйида эътикоф ўтириши мумкин. Эътикофнинг энг оз муддати бир кундир.

188-оят. Ҳадиси шарифда ҳам айтилган: “Мен ҳам бир инсонман. Менинг ҳузуримга ҳақ талашиб, даъво билан келиб турасизлар. Сўзга усталик қилиб, ноҳақлик билан ўзгалар ҳақини ўзлаштириб олсангиз, билиб қўйингки, ўша нарса дўзахнинг бир чўғидир. Хоҳлаган уни олсин, хоҳламаган олмасин” (Бх. Мс.).

189-оят. Улар ойларнинг моҳияти, шакл ва шамойили ҳақида сўраб, Пайғамбар илмини синамоқчи бўлдилар. Лекин Аллоҳ таоло уларга ойларнинг моҳияти ва тавсифи хусусида эмас, балки уларнинг вазифа ва фойдалари тўғрисида хабар беришни буюрди. Дарҳақиқат, шариат аҳкомларида шакл-шамойил эмас, балки мақсад ва ғояга эътибор бериш тавсия этилади.

190-оят. Ислом динида инсоф, адолат ва инсонпарварлик қоидаларига ҳатто ёв билан жанг қилиш асносида ҳам риоя қилинади. Аллоҳ таоло ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаддан ошмаслик ва тажовузкорликка ўтмасликка буюради. Бу ҳамма учун жуда ибратли танбеҳдир.

وَٱقۡتُلُوهُمۡ حَيۡثُ ثَقِفۡتُمُوهُمۡ وَأَخۡرِجُوهُم مِّنۡ حَيۡثُ أَخۡرَجُوكُمۡۚ وَٱلۡفِتۡنَةُ
أَشَدُّ مِنَ ٱلۡقَتۡلِۚ وَلَا تُقَٰتِلُوهُمۡ عِندَ ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِ حَتَّىٰ يُقَٰتِلُوكُمۡ
فِيهِۖ فَإِن قَٰتَلُوكُمۡ فَٱقۡتُلُوهُمۡۗ كَذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلۡكَٰفِرِينَ ١٩١ فَإِنِ ٱنتَهَوۡاْ
فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ١٩٢ وَقَٰتِلُوهُمۡ حَتَّىٰ لَا تَكُونَ فِتۡنَةٞ وَيَكُونَ
ٱلدِّينُ لِلَّهِۖ فَإِنِ ٱنتَهَوۡاْ فَلَا عُدۡوَٰنَ إِلَّا عَلَى ٱلظَّٰلِمِينَ ١٩٣ ٱلشَّهۡرُ ٱلۡحَرَامُ
بِٱلشَّهۡرِ ٱلۡحَرَامِ وَٱلۡحُرُمَٰتُ قِصَاصٞۚ فَمَنِ ٱعۡتَدَىٰ عَلَيۡكُمۡ فَٱعۡتَدُواْ
عَلَيۡهِ بِمِثۡلِ مَا ٱعۡتَدَىٰ عَلَيۡكُمۡۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ
ٱلۡمُتَّقِينَ ١٩٤ وَأَنفِقُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلَا تُلۡقُواْ بِأَيۡدِيكُمۡ إِلَى ٱلتَّهۡلُكَةِ
وَأَحۡسِنُوٓاْۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ١٩٥ وَأَتِمُّواْ ٱلۡحَجَّ وَٱلۡعُمۡرَةَ لِلَّهِۚ
فَإِنۡ أُحۡصِرۡتُمۡ فَمَا ٱسۡتَيۡسَرَ مِنَ ٱلۡهَدۡيِۖ وَلَا تَحۡلِقُواْ رُءُوسَكُمۡ حَتَّىٰ يَبۡلُغَ
ٱلۡهَدۡيُ مَحِلَّهُۥۚ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوۡ بِهِۦٓ أَذٗى مِّن رَّأۡسِهِۦ فَفِدۡيَةٞ
مِّن صِيَامٍ أَوۡ صَدَقَةٍ أَوۡ نُسُكٖۚ فَإِذَآ أَمِنتُمۡ فَمَن تَمَتَّعَ بِٱلۡعُمۡرَةِ إِلَى ٱلۡحَجِّ
فَمَا ٱسۡتَيۡسَرَ مِنَ ٱلۡهَدۡيِۚ فَمَن لَّمۡ يَجِدۡ فَصِيَامُ ثَلَٰثَةِ أَيَّامٖ فِي ٱلۡحَجِّ وَسَبۡعَةٍ
إِذَا رَجَعۡتُمۡۗ تِلۡكَ عَشَرَةٞ كَامِلَةٞۗ ذَٰلِكَ لِمَن لَّمۡ يَكُنۡ أَهۡلُهُۥ حَاضِرِي
ٱلۡمَسۡجِدِ ٱلۡحَرَامِۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ١٩٦

191. Уларни (Макка мушрикларини) қаерда топсангиз, ўлдирингиз ва сизларни чиқарган жойдан (Маккадан) уларни чиқарингиз! Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир. Улар (биринчи бўлиб) бошламагунча, Масжиди Ҳаромда улар билан урушмангиз. Агар урушни (Ҳарамда*) бошласалар, у ҳолда уларни ўлдирингиз! Кофирларнинг жазоси шундайдир.

192. Агар (ширк ва тажовузкорликдан) қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

193. Фитна босилиб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар, улар билан урушингиз! Бас, агар (урушишдан) тинсалар, у ҳолда золимлардан бошқага нисбатан адоват қилишлик (Исломда) йўқ.

194. (Уруш) ман этилган ой – (уруш) ман этилган ой билиндир (унда урушсалар, сизлар ҳам шу ойда урушингиз), (топталган) ҳурматлар (жазоси) – қасосдир*. Ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам уларга ўша меъёрда тажовуз қилинг! Аллоҳга тақво қилингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир.

195. Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради.

196. Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун мукаммал адо этинг! Агар (касаллик ёки қароқчилар туфайли) қуршовда қолсангиз, қурбингиз етган бирор (бўталоқ, сигир, қўй каби) жонлиқ сўйинг. (Ўша) қурбонлик (сўйиладиган) жойига етиб бормагунича, бошларингизни (сочингизни) қирманг! Сизлардан кимдир (ҳажда) касал бўлса ёки бошидан (бит ёки бирор дарддан) азият чекса (сочини олдинроқ олдириши ёки қисқартириши мумкин, лекин у), рўза ёки садақа ёхуд қурбонлик билан фидя тўлайди. (Қуршовдан) хотиржам бўлганингиздан кейин (ҳаж вақтигача) кимки умра қилиб таматтуъ қилса (эҳромдан вақтинча чиқиб олса), муяссар бўлган қурбонликни қилсин! Ким (бунга имконият) топа олмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганларингиздан кейин рўза (тутсин)! Шулар (ҳаммаси) роса ўн кундир. Бу (ҳукмлар) оиласи (яшаш жойи) Масжиди Ҳаромда бўлмаганлар учундир. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, Аллоҳ азоби шиддатли зотдир.

191-оят. Ҳарам – бу, Каъбанинг атрофидаги маълум масофагача белгиланган ҳудуддир. Унинг чегараси Байтуллоҳнинг шарқ томонидан олти мил, шимол томонидан ўн икки мил, ғарб томонидан ўн саккиз мил, жануб томонидан йигирма тўрт мил масофадир. Бошқа ривоятда шимол томонидан уч ёки тўрт мил деб белгиланган. “Танъим” масжиди Ҳарам ҳудудидан ташқаридадир (Ж.р.).

194-оят. Уруш ман этилган ой – Зулқаъда ойи. Бу оятнинг бошқача тафсири ҳам мавжуд. Яъни “Ҳижратнинг олтинчи йили мазкур ойда умра учун борганларингизда, Макка мушриклари йўлларингизни тўсиб, умрага келаси йили келингиз, деганларидан сўнг, еттинчи йили келиб, шу ойда умрани адо этишингизда фарқ йўқдир”.

ٱلْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَٰتٌ ۚ فَمَن فَرَضَ فِيهِنَّ ٱلْحَجَّ فَلَا رَفَثَ
وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِى ٱلْحَجِّ ۗ وَمَا تَفْعَلُوا۟ مِنْ خَيْرٍ
يَعْلَمْهُ ٱللَّهُ ۗ وَتَزَوَّدُوا۟ فَإِنَّ خَيْرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقْوَىٰ ۚ وَٱتَّقُونِ
يَٰٓأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿١٩٧﴾ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن
تَبْتَغُوا۟ فَضْلًا مِّن رَّبِّكُمْ ۚ فَإِذَآ أَفَضْتُم مِّنْ
عَرَفَٰتٍ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ عِندَ ٱلْمَشْعَرِ ٱلْحَرَامِ ۖ
وَٱذْكُرُوهُ كَمَا هَدَىٰكُمْ وَإِن كُنتُم مِّن قَبْلِهِۦ
لَمِنَ ٱلضَّآلِّينَ ﴿١٩٨﴾ ثُمَّ أَفِيضُوا۟ مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ
ٱلنَّاسُ وَٱسْتَغْفِرُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٩٩﴾
فَإِذَا قَضَيْتُم مَّنَٰسِكَكُمْ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَذِكْرِكُمْ
ءَابَآءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا ۗ فَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن
يَقُولُ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِى ٱلدُّنْيَا وَمَا لَهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ مِنْ
خَلَٰقٍ ﴿٢٠٠﴾ وَمِنْهُم مَّن يَقُولُ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِى ٱلدُّنْيَا
حَسَنَةً وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿٢٠١﴾
أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا۟ ۚ وَٱللَّهُ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿٢٠٢﴾

197. Ҳаж (мавсуми учун) маълум ойлар (белгиланган)*. Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса (ҳажни ният қилса), ҳаж давомида хотинига яқинлашиш, гуноҳ-маъсият ва жанжал (каби ишларга рухсат) йўқ. Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур. (Ҳаж сафарига) озуқа олиб чиқинг*. Энг яхши озуқа тақводир. Тақвони Менга қилингиз (Мендан қўрқингиз), эй, оқиллар!

198. (Ҳаж мавсумида тижорат билан) Раббингиздан фазл тилашингизда сизларга (ҳеч қандай) гуноҳ йўқдир. Арафотдан тушганингизда, Машъари Ҳаромда (Муздалифада) Аллоҳни (талбия, таҳлил, такбир, сано билан) зикр этинг! У сизларни гарчи илгари адашганлардан бўлсангиз-да, ҳақ йўлга ҳидоят қилгани каби, сизлар ҳам Уни ёд этингиз!

199. Сўнгра одамлар тушган ердан (Арафотдан) тушингиз* ва Аллоҳдан мағфират сўрангиз. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

200. (Ҳажга оид) ибодатларингиздан фориғ бўлганингиздан кейин Аллоҳни гўё ота-боболарингизни (мадҳиялар билан) ёд этганларингиздек, балки ундан ҳам зиёдроқ ёд этингиз! Одамлар орасида шундайлари ҳам борки, улар: «Эй, Раббимиз, бизга шу дунёда бергин», – дейдилар. Ваҳоланки, уларга охиратда насиба йўқдир*.

201. Яна шундайлари ҳам борки, улар: «Эй, Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин», – дейдилар*.

202. Айнан ўшаларга қилган ишларидан насиба (савоб) бордир. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир*.

197-оят. Ҳаж ойлари Шаввол, Зулқаъда ойлари ва Зил-ҳижжанинг бошидан ўн кун.

* Яман юртидан келадиган ҳожилар ўзлари билан бирга егулик озуқа олмасдан бошқалардан тамагирлик қилар эдилар. Шу сабабдан бу оят нозил қилинган (Мд.).

199-оят. Бу ердаги буйруқ Макка аҳлига қаратилган, зеро, улар одатда, Арафотда тўхтаб ўтмасдан Муздалифа деган яқинроқ жойдан қайтар эдилар.

200-оят. Бу ояти каримада ҳажга борувчиларнинг муқаддас ерларда қиладиган дуо ва илтижолари фақат дунё бойлиги ва дунёвий ҳожатларни сўрашдан иборат бўлиб қолмаслиги тўғрисида огоҳлантирилмоқда.

201-оят. Бу ояти каримада эса, ҳаж ибодати асносида Аллоҳдан бу дунёда илм, ибодат, мағфират, охиратда эса, имон бутлиги, шафоат ва жаннат неъматларини илтижо ила сўровчи ҳожилар мадҳ этилмоқда.

202-оят. Бир ривоятда бир қўйни соғиб бўлгунча, иккинчисида кўзни очиб юмгунга қадар ўтган муддат ичида барча инсонларни ҳисоб-китоб қилиб улгурар экан, дейилган (Мд.).

Аллоҳ таолога вақт ва замоннинг дахли йўқ. Шунинг учун бандаларига жуда узоқ бўлиб туюлган муддат Унга бир лаҳзачалик ҳам эмасдир. Ваҳоланки, айрим бандаларнинг ҳисоб-китоби қиёматда жуда узоқ ва қийин кечар.

۞ وَٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ فِيٓ أَيَّامٖ مَّعۡدُودَٰتٖۚ فَمَن تَعَجَّلَ فِي
يَوۡمَيۡنِ فَلَآ إِثۡمَ عَلَيۡهِ وَمَن تَأَخَّرَ فَلَآ إِثۡمَ عَلَيۡهِۖ لِمَنِ ٱتَّقَىٰۗ
وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّكُمۡ إِلَيۡهِ تُحۡشَرُونَ ٢٠٣ وَمِنَ
ٱلنَّاسِ مَن يُعۡجِبُكَ قَوۡلُهُۥ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا وَيُشۡهِدُ ٱللَّهَ
عَلَىٰ مَا فِي قَلۡبِهِۦ وَهُوَ أَلَدُّ ٱلۡخِصَامِ ٢٠٤ وَإِذَا تَوَلَّىٰ سَعَىٰ
فِي ٱلۡأَرۡضِ لِيُفۡسِدَ فِيهَا وَيُهۡلِكَ ٱلۡحَرۡثَ وَٱلنَّسۡلَۚ وَٱللَّهُ
لَا يُحِبُّ ٱلۡفَسَادَ ٢٠٥ وَإِذَا قِيلَ لَهُ ٱتَّقِ ٱللَّهَ أَخَذَتۡهُ ٱلۡعِزَّةُ
بِٱلۡإِثۡمِۚ فَحَسۡبُهُۥ جَهَنَّمُۖ وَلَبِئۡسَ ٱلۡمِهَادُ ٢٠٦ وَمِنَ
ٱلنَّاسِ مَن يَشۡرِي نَفۡسَهُ ٱبۡتِغَآءَ مَرۡضَاتِ ٱللَّهِۚ وَٱللَّهُ
رَءُوفُۢ بِٱلۡعِبَادِ ٢٠٧ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱدۡخُلُواْ
فِي ٱلسِّلۡمِ كَآفَّةٗ وَلَا تَتَّبِعُواْ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِۚ
إِنَّهُۥ لَكُمۡ عَدُوّٞ مُّبِينٞ ٢٠٨ فَإِن زَلَلۡتُم مِّنۢ بَعۡدِ
مَا جَآءَتۡكُمُ ٱلۡبَيِّنَٰتُ فَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ
٢٠٩ هَلۡ يَنظُرُونَ إِلَّآ أَن يَأۡتِيَهُمُ ٱللَّهُ فِي ظُلَلٖ مِّنَ ٱلۡغَمَامِ
وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَقُضِيَ ٱلۡأَمۡرُۚ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرۡجَعُ ٱلۡأُمُورُ ٢١٠

203. Саноқли (маълум) кунларда Аллоҳни (кўпроқ) зикр қилингиз!* Кимки икки кунда шошилса (ҳаж ишларини тугатиб кетса), унга гуноҳ йўқ. Ким (учинчи кунгача) кечикса, унга ҳам гуноҳ йўқдир, башарти тақволи бўлса. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, сизлар, албатта, Унинг ҳузурига (қиёматда) йиғилурсиз.

204. Одамлар орасида шундай кимса* ҳам борки, унинг дунё ҳаёти тўғрисидаги гапи Сизга қизиқарли бўлади. Дилидаги «имони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки, ўзи (Исломга) душманларнинг ашаддийсидир.

205. (Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди*.

206. Унга «Аллоҳдан қўрққин!» дейилса, ғурури уни гуноҳ ишларга ундайди. Унга фақат жаҳаннам бас келур. Нақадар мудҳиш жой у!*

207. Одамлар орасида Аллоҳнинг розилигини истаб, жонини берадигани ҳам бор*. Аллоҳ бандаларга меҳрибон зотдир.

208. Эй, имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир.

209. Агар сизларга ҳужжатлар (оятлар) келгандан кейин ҳам янглишсангиз, билингизки, албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

210. Улар (ҳақни инкор этувчилар) балким, соябон булутлар остида Аллоҳ* ва фаришталар келганда иш тугашини (қиёматни) кутаётгандирлар. Барча ишлар Аллоҳга оширилажак, албатта.

203-оят. Саноқли кунлар – ташриқ кунлари. Улар ҳанафий мазҳаби бўйича Зил-ҳижжа ойининг 10,11,12-кунлари, шофиий мазҳабида эса, шу ойнинг 11,12,13-кунларидир.

204–205-оятлар. Бу оятлар мунофиқ Ахнас ибн Шариқ хусусида нозил бўлган. У Пайғамбар (а.с.) ҳузурида чиройли гапларни гапириб, ташқарига чиққач, бузғунчилик ишлари билан шуғулланар эди. Масалан, Сақиф қабиласи одамлари билан унинг ўртасида адоват бўлгани сабабли ярим кечада қабиланинг чорва молларини ўлдириб, экинларини ёндириб кетади (Мд.).

206-оят. Ахнас Пайғамбар (а.с.)га ўзини содиқ кўрсатиб, дилидаги ёвуз ғаразларини яширган пайтда, Аллоҳ таоло Ўз Расулини бундан огоҳ қилган.

207-оят. Бу ояти карима мусулмонлардан Суҳайб ибн Синон Румий ҳақида нозил қилинган. У билан бирга бўлган бир гуруҳ мўминларни мушриклар қириб ташлаганда у бор мол-мулкини мушрикларга бериб, ўз жонини Аллоҳ йўлида улардан сотиб олган ва Румдан Мадина шаҳрига келган эди.

210-оят. Бу ерда Аллоҳ лафзидан мурод Унинг Ўзи эмас, балки амри ва фармонидир. Осмонни қоплаган қора булутлар орасидан азоб фаришталарининг намоён бўлиши гуноҳкор бандаларга вазиятни мудҳиш ҳолатда тасаввур этишлари учун келтирилган (Мд.).

211. Исроил авлодидан сўранг, уларга қанчалик кўп аниқ мўъжизалар берибмиз! Ким Аллоҳнинг неъмати келгандан кейин уни ўзгартирар (ношукрлик қилар) экан, албатта, Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир.

212. Кофир бўлганларга бу дунё зийнатли қилиб қўйилган. Улар имон келтирганлар устидан куладилар. Ҳолбуки, қиёмат куни тақволи бўлганлар улардан баланддирлар. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур.

213. Одамлар бир миллат (бир хил динда, яъни Исломда) эдилар*. Сўнгра (улар бузилиб кетгач,) Аллоҳ ҳам хушхабар берувчи, ҳам огоҳлантирувчи пайғамбарларни юборди*. Яна улар билан бирга одамлар орасида чиққан келишмовчиликларни ҳал этадиган ҳукмларни чиқарсин деб (илоҳий) Китобни ҳам ҳақиқатан нозил қилди. Ҳужжатлар (оятлар) келгандан кейин, шу китоб берилганларнинг ўзи ҳаддан ошиб (ҳасад қилиб), у тўғрида ихтилоф қилдилар. Лекин Аллоҳ имон келтирганларни улар ихтилоф қилган нарсалар (ичи)дан Ўз изни (илми) билан ҳидоят сари йўллади. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга йўллагай.

214. Ёки (эй, мўминлар!) сизлардан илгари ўтганларнинг куни (бошларингизга) келмай туриб, жаннатга (осонгина) кирамиз, деб ўйлайдингизми? Уларга бало ва мусибатлар келиб, шунчалик ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва имонли кишилар: «Аллоҳнинг ёрдами қачон (келар экан)?» деган эдилар*. Огоҳ бўлингки, Аллоҳнинг ёрдами (ҳамиша) яқиндир.

سَلْ بَنِيٓ إِسْرَٰٓءِيلَ كَمْ ءَاتَيْنَٰهُم مِّنْ ءَايَةٍۭ بَيِّنَةٍۗ وَمَن يُبَدِّلْ نِعْمَةَ
ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْهُ فَإِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٢١١﴾ زُيِّنَ لِلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا وَيَسْخَرُونَ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ۘ وَٱلَّذِينَ
ٱتَّقَوْا۟ فَوْقَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِۗ وَٱللَّهُ يَرْزُقُ مَن يَشَآءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ
﴿٢١٢﴾ كَانَ ٱلنَّاسُ أُمَّةً وَٰحِدَةً فَبَعَثَ ٱللَّهُ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مُبَشِّرِينَ
وَمُنذِرِينَ وَأَنزَلَ مَعَهُمُ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ ٱلنَّاسِ
فِيمَا ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِۚ وَمَا ٱخْتَلَفَ فِيهِ إِلَّا ٱلَّذِينَ أُوتُوهُ مِنۢ بَعْدِ
مَا جَآءَتْهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ بَغْيًۢا بَيْنَهُمْۖ فَهَدَى ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
لِمَا ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ مِنَ ٱلْحَقِّ بِإِذْنِهِۦۗ وَٱللَّهُ يَهْدِى مَن يَشَآءُ إِلَىٰ
صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٢١٣﴾ أَمْ حَسِبْتُمْ أَن تَدْخُلُوا۟ ٱلْجَنَّةَ وَلَمَّا
يَأْتِكُم مَّثَلُ ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلِكُمۖ مَّسَّتْهُمُ ٱلْبَأْسَآءُ وَٱلضَّرَّآءُ
وَزُلْزِلُوا۟ حَتَّىٰ يَقُولَ ٱلرَّسُولُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ مَتَىٰ نَصْرُ ٱللَّهِۗ
أَلَآ إِنَّ نَصْرَ ٱللَّهِ قَرِيبٌ ﴿٢١٤﴾ يَسْـَٔلُونَكَ مَاذَا يُنفِقُونَۖ قُلْ
مَآ أَنفَقْتُم مِّنْ خَيْرٍ فَلِلْوَٰلِدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينِ
وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِۗ وَمَا تَفْعَلُوا۟ مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٢١٥﴾

215. Сиздан (эй, Муҳаммад!) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: «Нимаики хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир».

213-оят. Бу оятдаги "бир миллат" иборасига турли хил тафсирлар айтилган. Биринчиси, Идрис ва Нуҳ (а.с.)лар замонида одамлар бир хил кофир миллат эдилар. Иккинчиси, Иброҳим (а.с.) замонларида кўпчилик одамлар бир миллат, яъни Ислом динида эдилар. Яна бошқа тафсирда Одам (а.с.) даврида ҳамма мусулмон эди. Ўғли Қобил ўз биродари Ҳобилни ўлдиргандан кейин ер юзида кофирлар сафи кўпая бошлаган.

* Ҳаммаси бўлиб, ер юзидаги халқларга Аллоҳ таоло томонидан 124 000 пайғамбар юборилган бўлиб, улардан 28 тасининг номи Қуръони каримда қайд этилган (Хз.).

214-оят. Муҳаммад (а.с.) ҳузурларига мушриклар таъқибидан захмат чеккан бир гуруҳ мусулмонлар келиб: "Бизга ёрдам тилаб, ҳаққимизга дуо қилмайсизми?!" деганларида Расул (а.с.) айтдиларки, сизлардан олдинги ўтган умматларнинг баъзиларини темир тароқ билан баданларининг гўшт ва суяклари аралаш тирнашар, арра билан икки бўлиб чуқурга ташлашар, шунда ҳам улар ўзларининг ҳақ динларидан воз кечмас эдилар. Аллоҳ таоло вақти келиб бу динни камолига етказганида, отлиқ одам Санъодан то Ҳазрамавтгача якка йўлга чиққанда ҳам Аллоҳ ва бўридан ташқари ҳеч нарсадан қўрқмай, хавфу хатарсиз йўл босадиган вақт келгунича сизлар шошиляпсизлар (Бх.).

كُتِبَ عَلَيْكُمُ ٱلْقِتَالُ وَهُوَ كُرْهٌ لَّكُمْ ۖ وَعَسَىٰٓ أَن تَكْرَهُوا۟
شَيْـًٔا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ وَعَسَىٰٓ أَن تُحِبُّوا۟ شَيْـًٔا وَهُوَ شَرٌّ لَّكُمْ ۗ
وَٱللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٢١٦﴾ يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلشَّهْرِ
ٱلْحَرَامِ قِتَالٍ فِيهِ ۖ قُلْ قِتَالٌ فِيهِ كَبِيرٌ ۖ وَصَدٌّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ
وَكُفْرٌۢ بِهِۦ وَٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ وَإِخْرَاجُ أَهْلِهِۦ مِنْهُ أَكْبَرُ
عِندَ ٱللَّهِ ۚ وَٱلْفِتْنَةُ أَكْبَرُ مِنَ ٱلْقَتْلِ ۗ وَلَا يَزَالُونَ يُقَٰتِلُونَكُمْ
حَتَّىٰ يَرُدُّوكُمْ عَن دِينِكُمْ إِنِ ٱسْتَطَٰعُوا۟ ۚ وَمَن يَرْتَدِدْ
مِنكُمْ عَن دِينِهِۦ فَيَمُتْ وَهُوَ كَافِرٌ فَأُو۟لَٰٓئِكَ حَبِطَتْ
أَعْمَٰلُهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ
هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢١٧﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱلَّذِينَ
هَاجَرُوا۟ وَجَٰهَدُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ أُو۟لَٰٓئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَتَ
ٱللَّهِ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢١٨﴾ ۞ يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْخَمْرِ
وَٱلْمَيْسِرِ ۖ قُلْ فِيهِمَآ إِثْمٌ كَبِيرٌ وَمَنَٰفِعُ لِلنَّاسِ وَإِثْمُهُمَآ
أَكْبَرُ مِن نَّفْعِهِمَا ۗ وَيَسْـَٔلُونَكَ مَاذَا يُنفِقُونَ قُلِ ٱلْعَفْوَ ۗ
كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١٩﴾

216. Сизларга (ёв билан) жанг қилиш фарз қилинди, ваҳоланки, у сизлар учун ёқимсиздир. Балким, сизлар ёқтирмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши, ёқтирган нарсангиз эса (аслида) сизлар учун ёмон бўлиб чиқар. Аллоҳ билур, сизлар эса билмайсизлар.

217. Сиздан «Шаҳри Ҳаром»да жанг қилиш (ҳукми) ҳақида сўрамоқдалар*. Айтинг: «Унда жанг қилиш катта гуноҳдир. (Лекин одамларни) Аллоҳ йўлидан қайтариш, Унга куфр келтириш ва (ҳожиларни) Масжиди Ҳаромдан тўсиш ҳамда аҳолисини қувиб чиқариш Аллоҳ наздида (улардан ҳам) каттароқ гуноҳдир. Фитна эса қотилликдан ҳам каттароқ (гуноҳ)дир. Улар имкон топсалар, то динингиздан қайтармагунларича, сизлар билан жанг қилаверадилар. Сизлардан кимда-ким ўз (Ислом) динидан қайтиб, кофир ҳолида ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари (тоат-ибодатлари) дунёю охиратда беҳуда кетар. Улар дўзах аҳлидирлар ва унда мангу қолурлар.

218. Имон келтирган, (Маккадан Мадинага) ҳижрат қилган ва Аллоҳ (тоати) йўлида жидду жаҳд қилган кишилар – айнан ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умид қилурлар. Аллоҳ (эса) кечирувчи ва раҳмли зотдир.

219. Сиздан май (маст қилувчи ичимлик) ва қимор ҳақида сўрамоқдалар. Айтинг: «У иккисида катта гуноҳ ва одамлар учун (баъзи) фойдалар бор. Иккисининг гуноҳи фойдасидан каттароқдир»*. Сиздан яна нимани эҳсон қилишлари тўғрисида сўрамоқдалар. (Ўзингиздан) ортганини, деб жавоб беринг*. Шундай қилиб, Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади, шояд фикр юритсангиз

217-оят. Расулуллоҳ Ражаб ойи кирмасдан туриб, Қурайш мушриклари келаётган карвон йўлига улардан ўч олиш мақсадида бир гуруҳ аскарни юборганлар. Улар Ражаб ойи кириб қолганидан бехабар ҳолда уларга ҳужум қилиб, мағлубиятга учратганлар. Бу воқеадан кейин мушриклар таъна қилиб: ”Муҳаммад муқаддас ойда жанг қилди. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол деб билди”, – деганларида, Аллоҳ таоло мушрикларнинг қилмишлари мусулмонларнинг бу камчиликларидан баттар эканлигини баён қилмоқда.

219-оят. Май ичишнинг ман этилиши бир оят билан ҳал қилинган эмас, балки у уч босқич билан тақиқланган: Умар ибн Хаттоб (р.а.) ва баъзи бошқа саҳобалар май ақл ва бойликни кетказувчи офат эканидан Пайғамбар (а.с.)га шикоят қилганларидан кейин “Бақара” сурасининг мазкур ояти ваҳий қилинган. Иккинчи босқич – Абдураҳмон ибн Авф маст ҳолда имомлик қилганларида, оятни кўпол равишда бузиб қироат қилган. Шундан кейин “Нисо” сурасининг 43-оятида маст ҳолатда намозга яқинлашмаслик буюрилган. Учинчи ва охирги босқич – Атбон ибн Молик деган саҳобийнинг уйида зиёфат пайтида маст бўлиб қолган меҳмонлар ўзаро жанжаллашиб қолганлар. Шундан кейин Умар ибн Хаттоб (р.а.) Аллоҳга илтижо билан: “Эй, худойим, май тўғрисида кескин бир ҳукм нозил эт!” – деб дуо қилганларида Моида сурасининг 90-ояти билан май ичиш қатъий ман этилган (Мд.).

* Ўз эҳтиёжидан ортиқ бойликни эҳсон қилиш фарзлигини ифода этувчи бу оят ҳукми закот ояти билан бекор қилинган.

فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ۗ وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْيَتَامَىٰ ۖ قُلْ إِصْلَاحٌ لَّهُمْ
خَيْرٌ ۖ وَإِن تُخَالِطُوهُمْ فَإِخْوَانُكُمْ ۚ وَاللَّهُ يَعْلَمُ الْمُفْسِدَ مِنَ
الْمُصْلِحِ ۚ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَأَعْنَتَكُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٠﴾
وَلَا تَنكِحُوا الْمُشْرِكَاتِ حَتَّىٰ يُؤْمِنَّ ۚ وَلَأَمَةٌ مُّؤْمِنَةٌ خَيْرٌ
مِّن مُّشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبَتْكُمْ ۗ وَلَا تُنكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ
يُؤْمِنُوا ۚ وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّن مُّشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ ۗ أُولَٰئِكَ
يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ ۖ وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ بِإِذْنِهِ ۖ
وَيُبَيِّنُ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢٢١﴾ وَيَسْأَلُونَكَ
عَنِ الْمَحِيضِ ۖ قُلْ هُوَ أَذًى فَاعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيضِ ۖ
وَلَا تَقْرَبُوهُنَّ حَتَّىٰ يَطْهُرْنَ ۖ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ
أَمَرَكُمُ اللَّهُ ۚ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ ﴿٢٢٢﴾
نِسَاؤُكُمْ حَرْثٌ لَّكُمْ فَأْتُوا حَرْثَكُمْ أَنَّىٰ شِئْتُمْ ۖ وَقَدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ ۚ
وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُم مُّلَاقُوهُ ۗ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ
﴿٢٢٣﴾ وَلَا تَجْعَلُوا اللَّهَ عُرْضَةً لِّأَيْمَانِكُمْ أَن تَبَرُّوا
وَتَتَّقُوا وَتُصْلِحُوا بَيْنَ النَّاسِ ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٢٤﴾

220. дунё ва охират ҳақида. Сиздан, шунингдек, етимлар тўғрисида сўрамоқдалар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизга) уларнинг молларини қўшиб юборсангиз (зарари йўқ), зеро, улар (бамисоли) ўз биродарларингиздир. Аллоҳ бузғунчи билан ислоҳ этувчини (фарқини) билади. Агар Аллоҳ хоҳласа, сизларни қийинчиликка солиб қўйган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир*.

221. Мушрика аёлларни, то имон келтирмагунларича, никоҳингизга олманг. Зеро, ҳур мушрика аёлдан кўра имонли чўри яхшироқдир, гарчи у (мушрика) сизларга манзур туюлса ҳам. Мушрик эркакларга ҳам, то имон келтирмагунларича, (мўмина қизларни) никоҳлаб бермангиз. Зеро, ҳур мушрикдан кўра имонли қул яхшироқдир, гарчи у (мушрик) сизларга манзур туюлса ҳам. Улар (мушриклар) дўзахга чорлайдилар. Аллоҳ (эса) ўз изни билан жаннатга ва мағфиратга чорлайди ва эслатма олишлари учун одамларга ўз оятларини баён этади.

222. Сиздан ҳайз тўғрисида сўрамоқдалар. Айтинг: «У (эр ва хотин учун) азиятдир*. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича, уларга яқинлашмангиз! Поклангандаридан кейин уларга Аллоҳ буюрган равишда келаверингиз (қовушаверингиз). Албатта, Аллоҳ (шунгача билмай йўл қўйган хатоларидан) чин тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади».

223. Хотинларингиз сизлар учун зироатгоҳдир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз ва ўзингиз учун (савобли ишларни) тақдим этингиз. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, сиз У билан мулоқот қилувчидирсиз*. Мўминларга (охират мукофотлари ҳақида) хушхабар беринг (эй, Муҳаммад)!

224. Эзгу иш қилишингиз, тақвода бўлишингиз ва одамлар ўртасини ислоҳ этишингиз борасидаги қасамларингиз учун Аллоҳ (номи)ни кўндаланг қилавермангиз!* Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир.

220-оят. Бу тўғрида яна “Нисо” сурасининг 10-оятига қаралсин.

222-оят. Шариат бўйича ҳайзнинг энг оз муддати уч кечаю уч кундуз, энг кўп муддати эса, ўн кечаю ўн кундуз. Ҳайзли аёлларга намоз, рўза, Қуръонни ушлаш, уни тиловат қилиш, жинсий алоқа, Каъбани тавоф қилиш каби ишлар тақиқланади. Поклангач, намознинг қазоси ўқилади, рўзанинг қазоси тутилмайди (Мх.).

223-оят. Бу ояти каримада Аллоҳ таоло аёлларни зироатгоҳга ўхшатади. Дарҳақиқат, экинзорларга қанақа уруғ экилса, ўша уруғнинг ҳосили униб чиқади. Деҳқон ҳосил олиш учун ўз ерининг хоҳлаган томонидан келиб ишлов бериб, дон сепиб деҳқончилик қилаверганидек, эрлар ҳам ўз хотинларидан фарзанд орттириш мақсадида хоҳлаган шаклда яқинлик қилишлари мумкин. Қайси томондан келса ҳам айнан зироатгоҳ қасд қилиниши керак.

224-оят. Ислом таълимоти бўйича зарурат тақозо қилмагунича қасам ичишдан сақланишга буюрилади. Хайрли ва савобли ишларни қилмасликка ичилган қасамни бузиб, каффоратини бериш тавсия этилади.

226-оят. Тўрт ой ўтгунича қасамидан қайтмаса ўз-ўзидан талоқ тушади. Унгача яқинлик қилиб қўйсалар, тегишли каффорат (жарима) тўланади, лекин талоқ тушмайди (Мх.).

لَّا يُؤَاخِذُكُمُ ٱللَّهُ بِٱللَّغْوِ فِيٓ أَيْمَٰنِكُمْ وَلَٰكِن يُؤَاخِذُكُم بِمَا كَسَبَتْ
قُلُوبُكُمْ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٢٥﴾ لِّلَّذِينَ يُؤْلُونَ مِن نِّسَآئِهِمْ تَرَبُّصُ
أَرْبَعَةِ أَشْهُرٍ ۖ فَإِن فَآءُو فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٢٦﴾ وَإِنْ عَزَمُوا۟
ٱلطَّلَٰقَ فَإِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٢٧﴾ وَٱلْمُطَلَّقَٰتُ يَتَرَبَّصْنَ
بِأَنفُسِهِنَّ ثَلَٰثَةَ قُرُوٓءٍ ۚ وَلَا يَحِلُّ لَهُنَّ أَن يَكْتُمْنَ مَا خَلَقَ ٱللَّهُ فِيٓ
أَرْحَامِهِنَّ إِن كُنَّ يُؤْمِنَّ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۚ وَبُعُولَتُهُنَّ أَحَقُّ بِرَدِّهِنَّ
فِي ذَٰلِكَ إِنْ أَرَادُوٓا۟ إِصْلَٰحًا ۚ وَلَهُنَّ مِثْلُ ٱلَّذِي عَلَيْهِنَّ بِٱلْمَعْرُوفِ ۚ
وَلِلرِّجَالِ عَلَيْهِنَّ دَرَجَةٌ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٢٨﴾ ٱلطَّلَٰقُ مَرَّتَانِ ۖ
فَإِمْسَاكٌۢ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٌۢ بِإِحْسَٰنٍ ۗ وَلَا يَحِلُّ لَكُمْ أَن
تَأْخُذُوا۟ مِمَّآ ءَاتَيْتُمُوهُنَّ شَيْـًٔا إِلَّآ أَن يَخَافَآ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ
ٱللَّهِ ۖ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ ٱللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا ٱفْتَدَتْ
بِهِۦ ۗ تِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا ۚ وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ ٱللَّهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢٢٩﴾ فَإِن طَلَّقَهَا فَلَا تَحِلُّ لَهُۥ مِنۢ بَعْدُ حَتَّىٰ تَنكِحَ
زَوْجًا غَيْرَهُۥ ۗ فَإِن طَلَّقَهَا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَآ أَن يَتَرَاجَعَآ إِن ظَنَّآ أَن
يُقِيمَا حُدُودَ ٱللَّهِ ۗ وَتِلْكَ حُدُودُ ٱللَّهِ يُبَيِّنُهَا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٢٣٠﴾

225. Аллоҳ сизларни (тилингиз учида айтган) беҳуда қасамларингиз учун жавобгар қилмайди. Балки, дилларингиз касб этган нарса (қасамларингиз) учун жавобгар қилур. Аллоҳ кечиримли ва ҳалим зотдир.

226. Хотинларидан қасам билан воз кечганлар учун тўрт ой муҳлат бор. Агар (шу муддат ичида қасамларидан) қайтсалар (жоиздир), зеро, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

227. Бордию талоқ қилишга азму қарор қилган бўлсалар, (буни ҳам) Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

228. Талоқ қилинган аёллар ўзларига қараб, уч ҳайз муддати (ўтишини) кутиб ўтирадилар. Агар улар Аллоҳга ва охират кунига ишонсалар, бачадонларида Аллоҳ яратган нарса (ҳомила ёки ҳайз)ни яширишлари ҳалол (иш) эмас. Агар эрлари ислоҳни (оилани тиклашни) хоҳласалар, шу муддат ичида уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар*. Аёллар учун (белгиланган ҳуқуқлар) ўз меъёрида эркаклар (ҳуқуқи) билан тенгдир. Аёлларга нисбатан эркакларда бир даража (зиёдалик) бор*. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

229. Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (мумкин). Уларга берган нарсалардан (маҳрларидан) бирор нарсани қайтариб олишларингиз сизларга ҳалол эмас, магар (эр-хотин) Аллоҳнинг (оила тўғрисидаги) буйруқларини бажара олмасликдан қўрқсалар (бу ундан мустасно). Агар уларнинг Аллоҳ буйруқларини бажара олмасликларидан қўрқсангиз (эридан талоқ олиш ниятида) эваз беришида (ва эрнинг шу эвазни олишида) эр-хотин учун гуноҳ йўқ*. Бу Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳудуд (чегара)ларидир. Улардан (ошиб) тажовуз қилмангиз! Кимки Аллоҳнинг ҳудудидан тажовуз қилса, ана ўшалар золимлардир.

230. Агар уни (учинчи марта) талоқ қилса, (у аёл) то бошқа эр билан никоҳланмагунича* (ва ундан ҳам талоқ олмагунча), унга ҳалол бўлмайди. Бас, агар (кейинги эр) уни талоқ қилса, (қаралади,) агар Аллоҳнинг буйруқларини бажара олишга ишонсалар, (аввалги эр билан) турмушга қайтишларида гуноҳ йўқдир. Булар Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) ҳудуди бўлиб, биладиган қавм (одамлар) учун уларни баён қилур.

228-оят. Бир ёки икки талоқ қўйган эрлар идда чиққунга қадар сўз ёки ҳаракат билан қайтиб, никоҳни янгиламасдан турмушни давом эттиришлари мумкин. Аммо бир ёки икки "боин" (қатъий) талоқ қўйган бўлса никоҳни янгилаш шартдир. Уч талоқ ёки ундан ортиқ ададни айтиб қўйган бўлса, эр-хотин ўртасидаги шаръий никоҳ бекор бўлиб, бирга турмуш қуриш мумкин бўлмай қолади. Бундай тақдирда, албатта, шариат пешволарига мурожаат қилиб, маслаҳат олиш зарур.

* Аёлларга нисбатан эркакларга қайси жиҳатлардан устунлик берилгани ҳақида "Нисо" сураси, 34-оят тафсирига қаралсин.

229-оят. Бу эвазни шариат тилида "хулъ" дейилади. Эр ажралишни хоҳламаган тақдирда хотини талоқ сўраса, эваз ёки бадални тўлаб, эрни кўндириш шаръан жоиздир.

230-оят. Бу ердаги никоҳдан мурод ҳанафий мазҳаби бўйича никоҳдан кейин жинсий яқинлик, шофеий мазҳабида эса никоҳнинг ўзи кифоя.

وَإِذَا طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ أَوْ
سَرِّحُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ ۚ وَلَا تُمْسِكُوهُنَّ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا۟ ۚ وَمَن يَفْعَلْ
ذَٰلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُۥ ۚ وَلَا تَتَّخِذُوٓا۟ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ هُزُوًا ۚ وَٱذْكُرُوا۟
نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَآ أَنزَلَ عَلَيْكُم مِّنَ ٱلْكِتَٰبِ وَٱلْحِكْمَةِ
يَعِظُكُم بِهِۦ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٣١﴾
وَإِذَا طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَبَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا تَعْضُلُوهُنَّ أَن يَنكِحْنَ
أَزْوَٰجَهُنَّ إِذَا تَرَٰضَوْا۟ بَيْنَهُم بِٱلْمَعْرُوفِ ۗ ذَٰلِكَ يُوعَظُ بِهِۦ مَن كَانَ
مِنكُمْ يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۗ ذَٰلِكُمْ أَزْكَىٰ لَكُمْ وَأَطْهَرُ ۗ وَٱللَّهُ
يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٢٣٢﴾ ۞ وَٱلْوَٰلِدَٰتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَٰدَهُنَّ
حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ ۖ لِمَنْ أَرَادَ أَن يُتِمَّ ٱلرَّضَاعَةَ ۚ وَعَلَى ٱلْمَوْلُودِ لَهُۥ رِزْقُهُنَّ
وَكِسْوَتُهُنَّ بِٱلْمَعْرُوفِ ۚ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَا ۚ لَا تُضَآرَّ
وَٰلِدَةٌۢ بِوَلَدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَّهُۥ بِوَلَدِهِۦ ۚ وَعَلَى ٱلْوَارِثِ مِثْلُ ذَٰلِكَ ۗ
فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَن تَرَاضٍ مِّنْهُمَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا ۗ وَإِنْ
أَرَدتُّمْ أَن تَسْتَرْضِعُوٓا۟ أَوْلَٰدَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَّمْتُم مَّآ
ءَاتَيْتُم بِٱلْمَعْرُوفِ ۗ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٣٣﴾

231. Хотинларни талоқ қилганингизда (улар идда) муддатига етсалар, бас, уларни яхшилик билан олиб қолингиз ёки яхшилик билан жавобларини берингиз. Уларга зулм қилиб, зарарлантириш ниятида ушлаб турманг! Ким шундай қилса, демак, ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил билмангиз! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизларга насиҳат сифатида нозил қилган Китоб ва Ҳикматни* ёдингизда тутингиз, Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи зотдир.

232. Хотинларни талоқ қилганингизда (идда) муддатига етган бўлсалар, (эй, ота-она ва қариндошлари!) улар ўзаро яхшиликча келишиб олган бўлсалар, эрларига (қайта) никоҳланишларида уларга тазйиқ ўтказмангиз! (Бу гаплар) сизлардан Аллоҳга ва охират кунига имон келтирганларга насиҳат сифатида айтилмоқда. Бу сизлар учун энг беғубор ва пок (ҳукм)дир. Аллоҳ билур, сизлар эса билмайсизлар.

233. Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар*. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин! Меросхўрнинг зиммасида ҳам худди шундай (нафақа масъулияти бор)*. Агар ота-она ўзаро келишиб, маслаҳат билан (болани сутдан) ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (бегона аёлга) эмиздирмоқчи бўлсангиз, ҳаққини меъёрида тўлаб турсангиз, гуноҳкор бўлмайсиз. Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчи зотдир.

231-оят. Бу ердаги “ҳикмат”дан мурод Расулуллоҳнинг суннат (ҳадис)ларидир.

233-оят. Чақалоқни икки ёшигача она сути билан эмизиш нақадар фойдали эканига ояти каримада ҳам ишорат этилмоқда. Лекин шариат бўйича онани эмизишга мажбур қилинмайди, балки у хоҳламаган тақдирда ота чақалоқни эмизиш учун энага ёллаши керак бўлади. Бу одат арабларда кенг тарқалган эди. Муҳаммад (а.с.)нинг оналари ҳам тирик бўла туриб, Саъд қабиласига мансуб Ҳалима исмли аёлга эмизиб, тарбия қилишга берилганлари ислом тарихидан маълумдир. Чақалоқни икки ярим ёшга етгунига қадар эмизган аёлларнинг номларини ёдда тутиш зарур бўлади. Зеро, эмизган аёлнинг бошқа болалари билан у эмишган бола ака-ука ёки опа-сингил ҳисобланиб, уларнинг ўзаро турмуш қуришлари ножоиз бўлиб қолади (Мх.).

Шу хусусда форсий байт:

Аз жониби ширдеҳ ҳама хеш шаванд,
Ваз жониби шерхора завжону фуруъ.

Маъноси: “Эмизувчи томонидан оила аъзоларининг ҳаммаси, эмган томондан эса, эр-хотин ва фарзандлар уларга яқин қариндош ҳукмида бўлиб қолурлар”.

* Шофиий мазҳабига кўра туғишган яқин қариндошлардан бошқа меросхўрлар зиммасига етимларнинг нафақаси вожиб бўлмайди (Мд.).

وَٱلَّذِينَ يُتَوَفَّوْنَ مِنكُمْ وَيَذَرُونَ أَزْوَٰجًا يَتَرَبَّصْنَ بِأَنفُسِهِنَّ
أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَعَشْرًا فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ
فِيمَا فَعَلْنَ فِىٓ أَنفُسِهِنَّ بِٱلْمَعْرُوفِ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ
﴿٢٣٤﴾ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ فِيمَا عَرَّضْتُم بِهِۦ مِنْ خِطْبَةِ ٱلنِّسَآءِ
أَوْ أَكْنَنتُمْ فِىٓ أَنفُسِكُمْ عَلِمَ ٱللَّهُ أَنَّكُمْ سَتَذْكُرُونَهُنَّ
وَلَٰكِن لَّا تُوَاعِدُوهُنَّ سِرًّا إِلَّآ أَن تَقُولُوا۟ قَوْلًا مَّعْرُوفًا
وَلَا تَعْزِمُوا۟ عُقْدَةَ ٱلنِّكَاحِ حَتَّىٰ يَبْلُغَ ٱلْكِتَٰبُ أَجَلَهُۥ
وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِىٓ أَنفُسِكُمْ فَٱحْذَرُوهُ وَٱعْلَمُوٓا۟
أَنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿٢٣٥﴾ لَّا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ
مَا لَمْ تَمَسُّوهُنَّ أَوْ تَفْرِضُوا۟ لَهُنَّ فَرِيضَةً وَمَتِّعُوهُنَّ عَلَى ٱلْمُوسِعِ
قَدَرُهُۥ وَعَلَى ٱلْمُقْتِرِ قَدَرُهُۥ مَتَٰعًۢا بِٱلْمَعْرُوفِ حَقًّا عَلَى ٱلْمُحْسِنِينَ
﴿٢٣٦﴾ وَإِن طَلَّقْتُمُوهُنَّ مِن قَبْلِ أَن تَمَسُّوهُنَّ وَقَدْ فَرَضْتُمْ
لَهُنَّ فَرِيضَةً فَنِصْفُ مَا فَرَضْتُمْ إِلَّآ أَن يَعْفُونَ أَوْ يَعْفُوَا۟
ٱلَّذِى بِيَدِهِۦ عُقْدَةُ ٱلنِّكَاحِ وَأَن تَعْفُوٓا۟ أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ
وَلَا تَنسَوُا۟ ٱلْفَضْلَ بَيْنَكُمْ إِنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٣٧﴾

234. Сизлардан вафот этиб, хотинларини қолдирган бўлсалар, (бева хотинлари) тўрт ою ўн кун ўзларини кузатиб (идда сақлаб) ўтирадилар. (Идда) муддатларини ўтаб бўлгач, улар ўз (турмуш)лари хусусида яхшилик билан қилган ишларида сизлар учун (эй, маййит эгалари!) гуноҳ йўқдир*. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.

235. (Тул) хотинларга совчиликни ишора (таклиф) қилишингизда ёки (уни) ичингизда пинҳон сақлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Аллоҳ, у (хотин)ларга (совчилик ҳақида) гапиришингизни билур. *Лекин улар билан хуфёна ваъдалашмангиз!** Фақат (уларга) яхши гап гапиришингиз (мумкин). То битик (идда) ўз муддатига етмагунча, никоҳ боғлашга азму қарор қилманг ва билингизки, албатта, Аллоҳ ичларингиздаги нарсани ҳам билур. Бас, Ундан (азобидан) эҳтиёт бўлинг ва яна билиб қўйингизки, албатта, Аллоҳ кечиримли ва ҳалимдир.

236. Агар хотинларингизни, қовушмай туриб ёки уларга маҳр* белгиламай туриб, талоқ қилсангиз сизлар учун гуноҳ йўқдир. *Лекин*, уларни моддий жиҳатдан таъминланг: бой ҳам, камбағал ҳам ўз ҳолларига қараб (таъминласин). Эзгулик қилувчи (яхши одам)лар зиммасига юкланган ҳуқуқ (шудир).

237. Агар уларга маҳрни белгилаган бўлсангиз-у, *лекин* қовушмай туриб талоқ қилган бўлсангиз, белгиланган маҳрнинг ярми (зиммангиздадир). Магар улар (шу ярмини олишдан ҳам) кечиб юборса ёки никоҳ ўз ихтиёрида бўлган киши (яъни эр ўша ярим маҳрдан) воз кечса (уни мукаммал тўласа, жоиздир). Кечиб юборишингиз тақвога яқинроқдир. Ўзаро бир-бирингизга фазл (мурувват) қилишни унутмангиз. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

234-оят. Яъни аёлларнинг шариат ҳудудидан чиқмаган ҳолда совчиларга ёки куёвликка номзод эркакларга кўринишлари ва уларни суриштиришлари каби ишлар шаръан жоиздир.

235-оят. Бу ерда иддада ўтирган аёлларга совчилик ва турмуш ҳақида гапириш мумкинлиги ва жинсий алоқа тўғрисида ташвиқот қилиш ножоизлиги тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Зеро, бу идда чиқишидан олдин турмушга чиқишига ёки идда муддатининг бузилишига сабаб бўлиб қолиши мумкин.

236-оят. Ҳанафий мазҳаби бўйича келинга куёв томонидан бериладиган маҳрнинг энг кам миқдори фиқҳ китобларида ўн дирҳам тилла ёки шунинг қийматига баробар буюм ёки бошқа ашёлар билан белгиланган. Энг кўп миқдори белгиланмаган.

Маҳрнинг миқдори ҳар бир жойда турлича белгиланган бўлиши мумкин. Бир келинга маҳр белгиланаётганда унинг ёши, ҳусни, касби, моддий шароити каби жиҳатлари одатда бошқа шундай хусусиятларга эга бўлган келинлар қанча миқдорда маҳр олаётган бўлсалар шу миқдорда белгиланади. Бу “маҳри мисл”дир.

Маҳрни талаб қилиш вақти қовушишдан олдинги ёки эрхотиндан бирининг вафот этиш пайти ҳисобланади (Мх.).

حَٰفِظُواْ عَلَى ٱلصَّلَوَٰتِ وَٱلصَّلَوٰةِ ٱلۡوُسۡطَىٰ وَقُومُواْ لِلَّهِ
قَٰنِتِينَ ﴿٢٣٨﴾ فَإِنۡ خِفۡتُمۡ فَرِجَالًا أَوۡ رُكۡبَانٗاۖ فَإِذَآ أَمِنتُمۡ
فَٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمۡ تَكُونُواْ تَعۡلَمُونَ
﴿٢٣٩﴾ وَٱلَّذِينَ يُتَوَفَّوۡنَ مِنكُمۡ وَيَذَرُونَ أَزۡوَٰجٗا وَصِيَّةٗ
لِّأَزۡوَٰجِهِم مَّتَٰعًا إِلَى ٱلۡحَوۡلِ غَيۡرَ إِخۡرَاجٖۚ فَإِنۡ خَرَجۡنَ
فَلَا جُنَاحَ عَلَيۡكُمۡ فِي مَا فَعَلۡنَ فِيٓ أَنفُسِهِنَّ مِن
مَّعۡرُوفٖۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٞ ﴿٢٤٠﴾ وَلِلۡمُطَلَّقَٰتِ مَتَٰعُۢ
بِٱلۡمَعۡرُوفِۖ حَقًّا عَلَى ٱلۡمُتَّقِينَ ﴿٢٤١﴾ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ
ٱللَّهُ لَكُمۡ ءَايَٰتِهِۦ لَعَلَّكُمۡ تَعۡقِلُونَ ﴿٢٤٢﴾ ۞ أَلَمۡ تَرَ
إِلَى ٱلَّذِينَ خَرَجُواْ مِن دِيَٰرِهِمۡ وَهُمۡ أُلُوفٌ حَذَرَ ٱلۡمَوۡتِ
فَقَالَ لَهُمُ ٱللَّهُ مُوتُواْ ثُمَّ أَحۡيَٰهُمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَذُو فَضۡلٍ عَلَى
ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَشۡكُرُونَ ﴿٢٤٣﴾
وَقَٰتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٞ ﴿٢٤٤﴾
مَّن ذَا ٱلَّذِي يُقۡرِضُ ٱللَّهَ قَرۡضًا حَسَنٗا فَيُضَٰعِفَهُۥ لَهُۥٓ أَضۡعَافٗا
كَثِيرَةٗۚ وَٱللَّهُ يَقۡبِضُ وَيَبۡصُۜطُ وَإِلَيۡهِ تُرۡجَعُونَ ﴿٢٤٥﴾

238. (Барча) намозларни, хусусан ўрта намозни сақлангиз (ўз вақтида ўқингиз)* ва (намозда) Аллоҳга бўйин суниб (камтарлик билан) турингиз!

239. Агар (душман ҳужумидан) хавфда бўлсангиз, бас, пиёда ёки уловда (намоз ўқийверингиз). (Хавфдан) бехавотир бўлганингиздан кейин, билмаганларингизни сизларга таълим берганидек Аллоҳни (намозда) зикр этингиз.

240. Сизлардан вафот этиб хотинларни қолдирадиганлар хотинларига бир йилгача (эрининг уйидан) чиқарилмай таъминланадиган миқдордаги нарсани васият қилсинлар. Агар улар (хотинлар) ўзлари (ихтиёрий равишда) чиқиб кетиб, ўзларига тегишли (зийнат, пардоз ва совчиларга кўриниш каби) жоиз ишларни қилишса, сизларга гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

241. Талоқ қилинган аёлларни меъёрида таъминлаш тақводор (эр)ларнинг зиммаларидаги ҳақ (бурч)дир*.

242. Шу тариқа Аллоҳ сизларга ўз оятларини баён этади, шояд (шунда) ақл юритсангиз.

243. Кўрмадингизми (эй, Муҳаммад), ўлимдан қўрқиб, ўз юртларидан чиқиб кетган минглаб кишиларга Аллоҳ: «Ўлингиз!» – деди. Сўнгра уларни тирилтирди*. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан фазлу карамлидир. Лекин кўп одамлар (бунга) шукр қилмайдилар.

244. Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

245. Аллоҳга “чиройли қарз” берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши бормики, унга бир неча баробар кўп қилиб қайтарса? Ҳолбуки, Аллоҳ (ризқни) танг ҳам, кенг ҳам қилур ва (сизлар) Унинг ҳузурига қайтарилажаксиз.

238-оят. Ўрта намоз қайсилиги тўғрисида турли ривоятлар мавжуд. Унинг аср намози эканига далил кўпроқ. Ҳанафий мазҳабида ҳам у аср намози деб ҳисобланади.

241-оят. Нафақа талоқ қилинган аёлнинг иддаси чиққунча тўланади.

243-оят. Ўлимдан қўрқиб, деганда жангдаги ёки вабо касаллигидан ўлиш хавфидан қочиш деб тафсир қилинади.

Тафсир китобларида ёзилишича, ўтган замонда Довардон деб аталувчи бир қишлоқ аҳолиси ўртасида вабо касали тарқаган экан. Ундан қочиб бир гуруҳ одамлар шаҳардан ташқарига чиқиб кетиб омон қолибдилар. Шаҳарда қолганларнинг бир гуруҳи ҳалок бўлибди. Шунда буни кўрган кишилар агар яна шундай касаллик келса биз ҳам шаҳардан чиқиб кетамиз, деб қарор қилибдилар. Келаси йили яна шу қишлоқда вабо касали тарқалибди. Аҳолининг ҳаммаси вабо йўқ жойга чиқиб кетибдилар. Ногоҳ улар жойлашган водийнинг остидан бир фаришта, устидан бир фаришта Аллоҳнинг амри билан “Ўлингиз!” деб нидо қилибдилар. Шунда ҳаммаси баробар ҳалок бўлган экан. Ҳадиси шарифда: “Вабо тарқалган жойга бормангиз, сиз турган жойда вабо тарқалса, ундан чиқиб кетмангиз” дейилган (Хз.).

أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلۡمَلَإِ مِنۢ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ مِنۢ بَعۡدِ مُوسَىٰٓ إِذۡ قَالُواْ
لِنَبِيّٖ لَّهُمُ ٱبۡعَثۡ لَنَا مَلِكٗا نُّقَٰتِلۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۖ قَالَ
هَلۡ عَسَيۡتُمۡ إِن كُتِبَ عَلَيۡكُمُ ٱلۡقِتَالُ أَلَّا تُقَٰتِلُواْۖ
قَالُواْ وَمَا لَنَآ أَلَّا نُقَٰتِلَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَقَدۡ أُخۡرِجۡنَا
مِن دِيَٰرِنَا وَأَبۡنَآئِنَاۖ فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيۡهِمُ ٱلۡقِتَالُ تَوَلَّوۡاْ
إِلَّا قَلِيلٗا مِّنۡهُمۡۚ وَٱللَّهُ عَلِيمُۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ ٢٤٦ وَقَالَ
لَهُمۡ نَبِيُّهُمۡ إِنَّ ٱللَّهَ قَدۡ بَعَثَ لَكُمۡ طَالُوتَ مَلِكٗاۚ
قَالُوٓاْ أَنَّىٰ يَكُونُ لَهُ ٱلۡمُلۡكُ عَلَيۡنَا وَنَحۡنُ أَحَقُّ بِٱلۡمُلۡكِ
مِنۡهُ وَلَمۡ يُؤۡتَ سَعَةٗ مِّنَ ٱلۡمَالِۚ قَالَ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصۡطَفَىٰهُ
عَلَيۡكُمۡ وَزَادَهُۥ بَسۡطَةٗ فِي ٱلۡعِلۡمِ وَٱلۡجِسۡمِۖ وَٱللَّهُ
يُؤۡتِي مُلۡكَهُۥ مَن يَشَآءُۚ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٞ ٢٤٧
وَقَالَ لَهُمۡ نَبِيُّهُمۡ إِنَّ ءَايَةَ مُلۡكِهِۦٓ أَن يَأۡتِيَكُمُ
ٱلتَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٞ مِّن رَّبِّكُمۡ وَبَقِيَّةٞ مِّمَّا
تَرَكَ ءَالُ مُوسَىٰ وَءَالُ هَٰرُونَ تَحۡمِلُهُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُۚ
إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لَّكُمۡ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ٢٤٨

246. Мусодан кейинги Исроил авлодидан бўлмиш зодагонларни кўрмайсизми?! Улар ўзларининг пайғамбарига: «Бизга бир подшоҳ юборгин, (у билан) бирга Аллоҳ йўлида жанг қилайлик»,– дейишди*. «Балким сизларга уруш фарз қилинса, урушмассиз», – деди (пайғамбар). Улар: «Юртимиздан ва фарзандларимиздан жудо қилиниб турибмиз-ку, нега Аллоҳ йўлида урушмас эканмиз?» – дедилар. Уруш фарз қилинганда эса, озгина кишидан ташқарилари (жангга чиқишдан) бош тортдилар. Аллоҳ золимларни яхши билувчидир.

247. Уларга пайғамбарлари: «Аллоҳ сизларга Толутни подшоҳ* этиб юборди», – деса, улар: «Унга устимиздан қандай ҳам подшоҳлик бўлсин, ахир ҳукмронликка биз ундан ҳақлироқмиз-ку, (бундан ташқари) унга мол-мулк ҳам мўл-кўл берилмаган», – дейишди. Пайғамбар айтди: «Аллоҳ уни сизларга Ўзи танлаб, уни илм ва жисмоний жиҳатдан зиёда этди. Аллоҳ (халқ) подшоҳлигини Ўзи хоҳлаган кишига беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир».

248. Пайғамбарлари уларга айтди: «Унинг подшоҳлик белгиси шуки, сизларга бир сандиқ келади. Унда Раббингиздан таскин* ва Мусо ҳамда Ҳорун оилаларидан қолган қолдиқлар жойлашган бўлиб, уни (сандиқни) фаришталар кўтариб турадилар. Агар мўмин бўлсангиз, шубҳасиз, бунда сизлар учун белги бор».

246-оят. Уларнинг пайғамбари ким бўлганлиги тўғрисида турлича тафсир қилинади. Баъзи муфассирлар Шамъун десалар, бошқалари Ювшаъ ёки Ашмавил дейдилар (Мд.).

Мусо (а.с.) вафоти олдидан ўз ишларини давом эттириш учун ўз ўрнига Ювшаъ ибн Нун исмли ёрдамчисини тайин этиб кетади. У ҳам Таврот китоби асосида дин ишларига раҳнамолик қилади. Унинг вафотидан кейин Илёс, ал-Ясаъ, Халуф каби пайғамбарлар юборилади. Ўша даврда Исроил авлоди қавмида кўп бузғунчиликлар содир бўлади. Уларга ашаддий душман бўлган Балсоса қавми Жолут бошчилигида катта қўшин билан уруш очади. Толут бошчилигидаги мўминлар қўшини озчилик бўлишига қарамай ёвнинг кўп сонли қўшини устидан ғалаба қозонади (Хз.).

Толут бир солиҳ, оддий чўпон йигит бўлиб, қўйларига нисбатан ғамхўрлиги пайғамбарга маъқул келиб, уни подшоҳ этиб тайинлайди. Толутга ато этилган мўъжиза, яъни ичида Таврот китоби сақланган сандиқнинг осмондан унинг қўлига тушиши сабабли унинг бу ишга лойиқ экани эътироз билдирганлар олдида исботланади.

247-оят. Ояти каримага кўра пайғамбарнинг вазифаси бошқа, подшоҳнинг вазифаси бошқа эканлиги маълум бўлади. Агар подшоҳга хос ишларни пайғамбар қилиши мумкин бўлганда эди, ҳарбий ишларни бошқариш учун мазкур воқеада алоҳида подшоҳ юборилиши сўралмаган бўлур эди.

248-оят. Таскиндан мурод шуки, сандиқ қаерда бўлса, ўша ердаги одамлар хотиржамлик ва хавфсизликда бўлар эдилар. Бинобарин, уни ёв билан тўқнашганда ҳам ўзлари билан бирга олиб юриб, ундан мудофаа учун фойдаланар эдилар.

فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ بِٱلْجُنُودِ قَالَ إِنَّ ٱللَّهَ مُبْتَلِيكُم
بِنَهَرٍ فَمَن شَرِبَ مِنْهُ فَلَيْسَ مِنِّى وَمَن لَّمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُۥ
مِنِّىٓ إِلَّا مَنِ ٱغْتَرَفَ غُرْفَةًۢ بِيَدِهِۦ ۚ فَشَرِبُوا۟ مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا
مِّنْهُمْ ۚ فَلَمَّا جَاوَزَهُۥ هُوَ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ قَالُوا۟
لَا طَاقَةَ لَنَا ٱلْيَوْمَ بِجَالُوتَ وَجُنُودِهِۦ ۚ قَالَ ٱلَّذِينَ
يَظُنُّونَ أَنَّهُم مُّلَٰقُوا۟ ٱللَّهِ كَم مِّن فِئَةٍ قَلِيلَةٍ
غَلَبَتْ فِئَةً كَثِيرَةًۢ بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿٢٤٩﴾
وَلَمَّا بَرَزُوا۟ لِجَالُوتَ وَجُنُودِهِۦ قَالُوا۟ رَبَّنَآ أَفْرِغْ
عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَٱنصُرْنَا عَلَى ٱلْقَوْمِ
ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٢٥٠﴾ فَهَزَمُوهُم بِإِذْنِ ٱللَّهِ وَقَتَلَ
دَاوُۥدُ جَالُوتَ وَءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ٱلْمُلْكَ وَٱلْحِكْمَةَ
وَعَلَّمَهُۥ مِمَّا يَشَآءُ ۗ وَلَوْلَا دَفْعُ ٱللَّهِ ٱلنَّاسَ بَعْضَهُم
بِبَعْضٍ لَّفَسَدَتِ ٱلْأَرْضُ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ ذُو
فَضْلٍ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٢٥١﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ
نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِٱلْحَقِّ ۚ وَإِنَّكَ لَمِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٢٥٢﴾

249. Толут лашкарлари билан (шаҳардан) чиққач, айтди: «Аллоҳ сизларни дарё билан синаб кўрувчидир. Бас, ким ундан ичса, у мендан (тобеларимдан) эмас ва ким ундан ичмаса, албатта, у мендандир. Магар қўли билан бир ҳовуч олса (жоиздир). Бас, озчиликдан ташқари ҳаммалари ундан ичдилар. У (Толут) мўминлар билан дарёдан ўтгач, (аскарлар) айтдилар: «Бу кун бизда Жолут ва унинг лашкарига тоқат йўқ». (Шунда) Аллоҳга (қиёмат куни) юзма-юз бўлишларига ишонадиган кишилар айтдилар: «Қанчадан-қанча кам сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳлар устидан ғалаба қозонган. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир».

250. Жолут ва унинг лашкарлари билан тўқнашганларида: «Эй, Раббимиз! Бизга сабр (ва тоқат ёмғири)ни ёғдир, қадамларимизни собит қил ва кофирлар қавми устидан бизга ғалаба ато эт!», – дедилар.

251. Шундай қилиб, Аллоҳнинг изни билан улар устидан ғалаба қозондилар. Довуд* Жолутни ўлдирди ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик ва пайғамбарлик ҳамда Ўзи хоҳлаган нарсаларни ўргатди. Агар Аллоҳ одамларнинг бирини иккинчиси билан даф этиб турмас экан, шубҳасиз, Ер фасодга (бузғунчилик ва харобага) айланган бўлур эди, лекин Аллоҳ (барча) оламларга (нисбатан) фазл эгасидир*.

252. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга (эй, Муҳаммад), ҳаққоний равишда тиловат қилмоқдамиз. Сиз, албатта, пайғамбарлардандирсиз.

251-оят. Довуд (а.с.) Яъқуб (а.с.)нинг авлодидан бўлиб, у милоддан тахрибан 1000 йил олдин пайғамбарлик қилган ҳамда биринчи бўлиб Яҳудия давлатини таъсис этиб, уни бошқарган. Отасининг исми Ийшо. Довуд (а.с.)га илоҳий китоб – Забур нозил қилинган. Яна унга темирчилик, овчилик касблари ҳамда мафтункор ва ёқимли овоз ато этилган бўлиб, у Забурни тиловат қилганда нафақат инсонлар, балки қуш ва ҳайвонлар ҳам тинглаб ҳузур қилар экан. Подшоҳ этиб тайинланган Толут ёв билан тўқнашганда яккама-якка жанг қилиш учун ҳар икки томондан вакил талаб қилинади. Толутнинг таклифига биноан Жолут билан Довуд жанг қилади ва уни йўлдан териб келган учта табаррук тош билан уриб қатл этади. Толут шартига биноан ўз қизини Довудга узатади ва ярим подшоҳликни ҳам унга бахш этади (Мд. Хз.).

* Яъни Ер юзида бузғунчилик қиладиган ёвуз ниятли кишиларнинг таъсирини Аллоҳ таоло эзгу ниятли яхши кишилар билан даф этиб турмаса, рўйи замин харобага айланиши мумкин.

Ҳадиси шарифда айтилишича, битта солиҳ мусулмоннинг шарофати туфайли Аллоҳ таоло унинг юзта қўшнисини офат ва балолардан асраб турар экан (Аҳ.).

Аллоҳнинг фазли деганда Унинг ўз бандаларига нисбатан кечиримли ва марҳаматли бўлиши назарда тутилади. Масалан, гуноҳкорларни авф этиши, осий ва жофий бандаларга ҳам моддий ва маънавий неъматлар ато этиши ҳамда ризқу насибаларини мунтазам етказиб туриши кабилар Унинг фазлидандир.

۞ تِلْكَ ٱلرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِّنْهُم مَّن كَلَّمَ ٱللَّهُ
وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَٰتٍ وَءَاتَيْنَا عِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ ٱلْبَيِّنَٰتِ
وَأَيَّدْنَٰهُ بِرُوحِ ٱلْقُدُسِ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا ٱقْتَتَلَ ٱلَّذِينَ
مِنۢ بَعْدِهِم مِّنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ وَلَٰكِنِ ٱخْتَلَفُوا۟
فَمِنْهُم مَّنْ ءَامَنَ وَمِنْهُم مَّن كَفَرَ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا ٱقْتَتَلُوا۟
وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴿٢٥٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَنفِقُوا۟
مِمَّا رَزَقْنَٰكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ يَوْمٌ لَّا بَيْعٌ فِيهِ وَلَا خُلَّةٌ وَلَا
شَفَٰعَةٌ وَٱلْكَٰفِرُونَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٢٥٤﴾ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ
ٱلْحَىُّ ٱلْقَيُّومُ لَا تَأْخُذُهُۥ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا
فِى ٱلْأَرْضِ مَن ذَا ٱلَّذِى يَشْفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ
أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَىْءٍ مِّنْ عِلْمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا
شَآءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَلَا يَـُٔودُهُۥ حِفْظُهُمَا
وَهُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْعَظِيمُ ﴿٢٥٥﴾ لَآ إِكْرَاهَ فِى ٱلدِّينِ قَد تَّبَيَّنَ ٱلرُّشْدُ
مِنَ ٱلْغَىِّ فَمَن يَكْفُرْ بِٱلطَّٰغُوتِ وَيُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ فَقَدِ
ٱسْتَمْسَكَ بِٱلْعُرْوَةِ ٱلْوُثْقَىٰ لَا ٱنفِصَامَ لَهَا وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٥٦﴾

УЧИНЧИ ПОРА

253. Ўша пайғамбарларнинг баъзиларидан баъзиларини афзал этдик. Улар ичида (Мусо каби) Аллоҳ (у билан) гаплашгани ва (Муҳаммад каби) даражасини (бошқа пайғамбарлардан) юқори қилгани бор. Марямнинг ўғли Исога мўъжизалар бердик ва уни Руҳул-қудус (Жаброил) билан қувватладик. Агар Аллоҳ хоҳлаганда эди, (одамлар) пайғамбарлар (юборилгани)дан кейин, уларга ҳужжатлар келгач (ўзаро) уришишмаган бўлур эди. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Улар орасида имон келтирганлари ҳам, куфрга кетганлари ҳам бор. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, (улар) уришишмаган бўлур эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилур.

254. Эй, имон келтирганлар! На савдо-сотиқ, на ошна-оғайничилик ва на шафоат (қилиб ўртага тушиш) бўлмайдиган кун (қиёмат) келишидан олдин сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан (шу дунёда) эҳсон қилингиз! Кофирлар эса, улар золимлардир.

255. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У ҳамиша) тирик ва абадий турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида (қиёмат куни) ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг рухсатисиз шафоат қилмас. (У) улардан (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсаларни билур. (Одамлар) Унинг илмидан фақат (У) истаган миқдорича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси* осмонлар ва Ерни (ҳам) ўз ичига сиғдирур. У иккисини тутиб туриш Уни толиқтирмас. У олий ва буюк зотдир.

256. Динда зўрлаш йўқ*, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли ҳалқани тутибди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

255-оят. Бу оятдаги “Курсий” сўзининг луғавий маъноси ўриндиқ, тахт, таянч, курси. Бу ерда ундан мурод нима экани ҳақида турли тафсирлар бор: 1. Аршнинг иккинчи номи. 2. Аршдан кичикроқ алоҳида нарса. 3. Аллоҳнинг илми. 4. Унинг қудрати. 5. Ҳукмронлиги ва ҳоказо.
“Оятал-Курсий”нинг фазилат ва хислатлари тўғрисида кўпгина ҳадиси шарифлар мавжуд. Жумладан, “Кимки ҳар бир фарз намозидан кейин бу оятни ўқиб юрса, жаннатга кириши учун фақат ўлим тўсқинлик қилиб турган бўлади. Тунда ухлашдан олдин ўқиб ётса, Аллоҳ унинг ўзини ва қўшниларини бало-қазодан асрайди. Бу оят ўқилган уйга сеҳр-жоду таъсир этмайди”.

256-оят. Оятнинг нозил бўлиш сабаби шуки, мадиналик Абул Ҳусайн деб аталувчи бир мусулмон киши насроний динидаги икки ўғлини ислом динига киришларига мажбур қилганида улар бунга кўнмаганлар. Шунда ота ва ўғиллар бу муаммони ҳал қилиб бериш учун Пайғамбар (а.с.)га мурожаат қилишган. Ул ҳазрат ўғилларини исломга киришга мажбур қилишдан отани қайтарганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) бу оят кейинчалик мансух этилган, деганлар (Мд.).
Бу оятнинг сабаби нузули тўғрисида бошқача ривоятлар ҳам бор.

ٱللَّهُ وَلِيُّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ يُخۡرِجُهُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِۖ
وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ أَوۡلِيَآؤُهُمُ ٱلطَّٰغُوتُ يُخۡرِجُونَهُم مِّنَ
ٱلنُّورِ إِلَى ٱلظُّلُمَٰتِۗ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ هُمۡ فِيهَا
خَٰلِدُونَ ٢٥٧ أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِي حَآجَّ إِبۡرَٰهِـۧمَ فِي رَبِّهِۦٓ
أَنۡ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ٱلۡمُلۡكَ إِذۡ قَالَ إِبۡرَٰهِـۧمُ رَبِّيَ ٱلَّذِي يُحۡيِۦ
وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا۠ أُحۡيِۦ وَأُمِيتُۖ قَالَ إِبۡرَٰهِـۧمُ فَإِنَّ ٱللَّهَ يَأۡتِي
بِٱلشَّمۡسِ مِنَ ٱلۡمَشۡرِقِ فَأۡتِ بِهَا مِنَ ٱلۡمَغۡرِبِ فَبُهِتَ ٱلَّذِي
كَفَرَۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ٢٥٨ أَوۡ كَٱلَّذِي مَرَّ
عَلَىٰ قَرۡيَةٖ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّىٰ يُحۡيِۦ هَٰذِهِ ٱللَّهُ
بَعۡدَ مَوۡتِهَاۖ فَأَمَاتَهُ ٱللَّهُ مِاْئَةَ عَامٖ ثُمَّ بَعَثَهُۥۖ قَالَ كَمۡ لَبِثۡتَۖ
قَالَ لَبِثۡتُ يَوۡمًا أَوۡ بَعۡضَ يَوۡمٖۖ قَالَ بَل لَّبِثۡتَ مِاْئَةَ عَامٖ
فَٱنظُرۡ إِلَىٰ طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمۡ يَتَسَنَّهۡۖ وَٱنظُرۡ إِلَىٰ
حِمَارِكَ وَلِنَجۡعَلَكَ ءَايَةٗ لِّلنَّاسِۖ وَٱنظُرۡ إِلَى
ٱلۡعِظَامِ كَيۡفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكۡسُوهَا لَحۡمٗاۚ فَلَمَّا
تَبَيَّنَ لَهُۥ قَالَ أَعۡلَمُ أَنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ٢٥٩

257. Аллоҳ имон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматдан нур сари чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлар (бутлар)дир. Уларни (кофирларни) нурдан зулмат сари чиқарадилар. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда мангу қолувчилардир.

258. Аллоҳ салтанат берганидан (ғурурланиб), Иброҳим билан унинг Рабби хусусида баҳслашган кимсани (Намрудни) кўрмайсизми?! Қайсики, Иброҳим: «Менинг Раббим тирилтиради ҳам, ўлдиради ҳам», – деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», – *деди**. Иброҳим айтди: «Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқаради, сен уни Мағрибдан чиқаргинчи?» Бас, (ўша) кофир (гап тополмай) *лол* бўлиб қолди. Аллоҳ золим кишиларни ҳидоят сари йўлламагай.

259. Ёки бошқа бир киши (Узайр) кабики, (у) томлари йиқилиб, вайронага айланган қишлоқдан (Байтул-Мақдисдан) ўтиб бораркан: «Аллоҳ бу харобага айланган қишлоқ (аҳли)ни қандай тирилтирар экан-а?» – *деди**. Шунда Аллоҳ уни (Узайрни) юз йил (муддатга) ўлдирди. Сўнгра уни тирилтириб деди: «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?» «Бир кун ёки ярим кун», – деди у. Аллоҳ: «Йўқ, юз йил турдинг. Таоминг ва ичимлигингга қара, бузилмаган. Энди, эшагингни (чириб кетганини) кўр! (Бу мўъжизаларни) одамларга сени ибрат қилишимиз учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнгра уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин». Қачонки, унга (бу ишлар) аён бўлгач: «Мен (энди) биламан (эътиқод қиламан)ки, Аллоҳ ҳамма нарсага қодир зот экан»,– деди.

258-оят. Иброҳим (а.с.) билан баҳслашган ва худолик даъвосини қилган бу кофир шоҳнинг номи Намруд ибн Канъон бўлиб, у: “Мен ҳам тирилтираман ва ўлдираман”, – деб, зиндонда ётган асирлардан тўрт нафарини чиқариб, иккитасини озод қилиб, “Бу тирилтиришим”, – деди. Қолган иккитасини қатл қилдириб, “Бу ўлдиришим”, – деган эди.

259-оят. Узайр (а.с.) бу сўзни Аллоҳнинг қудратига шак келтирганлари учун эмас, балки Иброҳим (а.с.) Аллоҳдан сўраганларидек, қалблари хотиржам бўлиши учун ва бошқаларга ҳам бу тўғрида маълумот ҳосил бўлиши учун сўраганлар.

Аллоҳ таоло ўзининг чексиз қудратини исботлаш мақсадида Узайр (а.с.) нинг ўзи, таоми ва улови мисолида чирик мурдаларни тирилтириш Унинг учун қийин эмаслиги, ҳатто, бунинг учун вақтнинг оз ёки кўплиги ҳам аҳамиятсиз экани ҳақида хабар бермокда.

Дарҳақиқат, вақт, замон ва макон Аллоҳнинг ўзи учун эмас, балки, бандалари ва яратган мавжудотлари учун керакдир.

Али ибн Усмон Ўший (вафоти 569 ҳ.й.) ўзининг “Бадъул-Амолий” номли ақоидга оид манзума асарида таъкидлаганидек, Аллоҳ таолога на вақт, на замон, на ҳолат кечар. Яъни Аллоҳнинг зоти ҳам, сифатлари ҳам азалий бўлиб, ҳеч қачон фаноға юз тутмас ва ўзгармас. Йил, ой, ҳафта, кун ва соат каби вақт ўлчовлари инсониятга зарур бўлгани учун Аллоҳ таоло Ер ва осмонларни яратган куниёқ, бир йилни 12 ойга тақсим қилиб, замон ва макон қонуниятини жорий этган.

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ رَبِّ أَرِنِي كَيْفَ تُحْيِ ٱلْمَوْتَىٰ ۖ قَالَ أَوَلَمْ
تُؤْمِن ۖ قَالَ بَلَىٰ وَلَـٰكِن لِّيَطْمَئِنَّ قَلْبِي ۖ قَالَ فَخُذْ أَرْبَعَةً مِّنَ
ٱلطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ ٱجْعَلْ عَلَىٰ كُلِّ جَبَلٍ مِّنْهُنَّ جُزْءًا
ثُمَّ ٱدْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا ۚ وَٱعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٦٠﴾
مَّثَلُ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ
أَنۢبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سُنۢبُلَةٍ مِّا۟ئَةُ حَبَّةٍ ۗ وَٱللَّهُ يُضَـٰعِفُ
لِمَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٢٦١﴾ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ
فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ثُمَّ لَا يُتْبِعُونَ مَآ أَنفَقُوا۟ مَنًّا وَلَآ أَذًى ۙ لَّهُمْ
أَجْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ
﴿٢٦٢﴾ ۞ قَوْلٌ مَّعْرُوفٌ وَمَغْفِرَةٌ خَيْرٌ مِّن صَدَقَةٍ يَتْبَعُهَآ
أَذًى ۗ وَٱللَّهُ غَنِيٌّ حَلِيمٌ ﴿٢٦٣﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تُبْطِلُوا۟
صَدَقَـٰتِكُم بِٱلْمَنِّ وَٱلْأَذَىٰ كَٱلَّذِي يُنفِقُ مَالَهُۥ رِئَآءَ ٱلنَّاسِ
وَلَا يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ ۖ فَمَثَلُهُۥ كَمَثَلِ صَفْوَانٍ عَلَيْهِ
تُرَابٌ فَأَصَابَهُۥ وَابِلٌ فَتَرَكَهُۥ صَلْدًا ۖ لَّا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ
شَيْءٍ مِّمَّا كَسَبُوا۟ ۗ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِي ٱلْقَوْمَ ٱلْكَـٰفِرِينَ ﴿٢٦٤﴾

260. Эсланг (эй, Муҳаммад!), Иброҳим: «Эй, Раббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», – деганида, Аллоҳ: «Ишонмадингми?» – деди*. Иброҳим айтди: «Йўғ-е, лекин дилим янада таскин топсин». Аллоҳ айтди: «Тўртта қушни олиб, ҳузурингга жамла* (ва уларни майдалаб), сўнгра (атрофингдаги) ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин-да, кейин уларни чақиргин, (улар тирилиб) дарҳол ҳузурингга келадилар. Билгинки, албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

261. Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики*, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир.

262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, кейинчалик берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун Парвардигорларидан мукофот бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

263. (Садақа бермасдан) яхши гап (қилиш) ва (бера олмагани учун) кечирим (сўраш) кетидан озор етказиладиган садақадан яхшироқдир. Аллоҳ беҳожат ва ҳалимдир.

264. Эй, имон келтирганлар! Молини одамлар кўрсин деб берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, (берган) садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!* У (риёкор) устини тупроқ қоплаган силлиқ қояга ўхшайди; устига жала ёққанда, (тупроқ ювилиб,) сип-силлиқ тошнинг ўзини қолдиради. Улар топган (ва сарфлаган) бойликларидан ҳеч нарсага эга бўла олмайдилар. Зотан, Аллоҳ кофирлар қавмини ҳидоят сари йўлламагай.

260-оят. Иброҳим (а.с.) Аллоҳнинг қудрати чексиз эканига, ўликларни тирилтириш Унинг учун қийин эмаслигига ишончи комил бўла туриб, мазкур саволни беришига боис – жавобидан бошқалар ҳам эшитиб баҳраманд бўлишлари эди. Шунингдек, эшитиш билан ҳосил қилинган билимга мушоҳада ҳам қўшилса, инсон қалбидаги таскин ва барқарорлик зиёда бўлади (Мд.). Иброҳим (а.с.) дарранда қушлар томонидан парча-парча қилиб ташланган ўлаксани кўргач, Аллоҳ таолога мазкур саволни бердилар. Бу гўё мўмин-мусулмонларнинг имонлари бут бўла туриб, пайғамбар ва Аллоҳ таоло жамолини кўришга муштоқ эканликларига ўхшаш бир талаб эди (Хз.).

*Тўрт қуш – хўроз, қарға, товус ва каптар.

261-оят. Аллоҳ таоло бу мисол билан битта хайрли иш учун битта эмас, то 700 ва ундан ортиқ савоб ато этиши мумкинлигини билдирмоқда.

264-оят. Савобли ишни риёкорлик ва одамлар ичида обрў орттириш нияти билан бажарилса, у Аллоҳнинг наздида қабул қилинмайди, балки унинг савобини кетказиб қўйиши ҳам муқаррардир.

وَمَثَلُ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمۡوَٰلَهُمُ ٱبۡتِغَآءَ مَرۡضَاتِ ٱللَّهِ
وَتَثۡبِيتٗا مِّنۡ أَنفُسِهِمۡ كَمَثَلِ جَنَّةِۭ بِرَبۡوَةٍ أَصَابَهَا وَابِلٞ
فَـَٔاتَتۡ أُكُلَهَا ضِعۡفَيۡنِ فَإِن لَّمۡ يُصِبۡهَا وَابِلٞ فَطَلّٞۗ
وَٱللَّهُ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٌ ٢٦٥ أَيَوَدُّ أَحَدُكُمۡ أَن تَكُونَ
لَهُۥ جَنَّةٞ مِّن نَّخِيلٖ وَأَعۡنَابٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ لَهُۥ
فِيهَا مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ وَأَصَابَهُ ٱلۡكِبَرُ وَلَهُۥ ذُرِّيَّةٞ ضُعَفَآءُ
فَأَصَابَهَآ إِعۡصَارٞ فِيهِ نَارٞ فَٱحۡتَرَقَتۡۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ
لَكُمُ ٱلۡأٓيَٰتِ لَعَلَّكُمۡ تَتَفَكَّرُونَ ٢٦٦ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوٓاْ أَنفِقُواْ مِن طَيِّبَٰتِ مَا كَسَبۡتُمۡ وَمِمَّآ أَخۡرَجۡنَا
لَكُم مِّنَ ٱلۡأَرۡضِۖ وَلَا تَيَمَّمُواْ ٱلۡخَبِيثَ مِنۡهُ تُنفِقُونَ وَلَسۡتُم
بِـَٔاخِذِيهِ إِلَّآ أَن تُغۡمِضُواْ فِيهِۚ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ
٢٦٧ ٱلشَّيۡطَٰنُ يَعِدُكُمُ ٱلۡفَقۡرَ وَيَأۡمُرُكُم بِٱلۡفَحۡشَآءِۖ
وَٱللَّهُ يَعِدُكُم مَّغۡفِرَةٗ مِّنۡهُ وَفَضۡلٗاۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٞ ٢٦٨
يُؤۡتِي ٱلۡحِكۡمَةَ مَن يَشَآءُۚ وَمَن يُؤۡتَ ٱلۡحِكۡمَةَ فَقَدۡ
أُوتِيَ خَيۡرٗا كَثِيرٗاۗ وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّآ أُوْلُواْ ٱلۡأَلۡبَٰبِ ٢٦٩

265. Молларини Аллоҳ ризолигини истаб, самимий дилларидан чиқариб сарф қиладиган кишилар адирдаги боққа ўхшар: унга жала қуйгач, ҳосилини икки баробар етиштирар. Агар унга жала ёғмаган бўлса, томчилаб ёққан ёмғир ҳам (ўзига яраша ундирар). Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

266. Остидан анҳорлар оқиб турадиган, хурмою узумлари бор, турли хил мевалари мўл боғ эгаси кексайиб, нотавон (ёш) болалари билан қолган пайтида ўша боғини оловли тўфон уриб, ёниб кетишини хоҳлайдими?! Тафаккур қилурсиз, деб, Аллоҳ ўз оятларини сизларга шундай баён қилади*.

267. Эй, имон келтирганлар! Ўз қўл меҳнатингиз ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсаларнинг яхшиларидан эҳсон қилингиз! Ўзингиз фақат кўзингизни чирт юмибгина оладиган даражадаги ёмон нарсаларни (эҳсон қилишга) танламангиз! Шунингдек, билингизки, албатта, Аллоҳ ғаний ва мақтовга лойиқ зотдир*.

268. Шайтон сизларни (хайр-эҳсон қилишда) камбағал бўлиб қолишдан қўрқитади ва фаҳш ишларга ундайди. Аллоҳ (эса) сизларга Ўзидан мағфират ва фазл (бойлик) ваъда қилади. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир.

269. У Ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (пайғамбарлик ёки Қуръон илми) беради. Кимга (мазкур) ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар.

266-оят. Бу мисол савобли ишларни риёкорлик билан амалга оширган кишига нисбатан келтирилган. Не умидлар билан парвариш қилинган боғ-роғидан маҳрум бўлган кишидек, риёкор одам охиратда ажру савобдан маҳрум бўлиши тўғрисида огоҳлантирилмоқда.

267-оят. Баъзи кишилар закот ёки садақа берадиган бўлсалар, сифатли ва марғуб моллардан эмас, балки нуқсонли ва паст навли нарсаларидан берадилар. Ваҳоланки, ўша нарсалар ўзларига берилса олмас ёкиноиложликдан олган бўлур эдилар. Бу ояти кариманинг нозил бўлишига сабаб баъзи мусулмонларнинг ўша даврда закотга бериш учун энг паст навли хурмоларни ажратишлари бўлган.

Аллоҳнинг ғанийлиги, яъни бой ва беҳожат экани тўғрисида қайд этилишининг сабаби Унинг бутун борлиқ ва мулкка эга экани ҳамда одамларнинг берадиган эҳсон ва садақаларига мутлақо муҳтож эмаслиги, балки қилинадиган хайр-эҳсонлар ва закоту ушрлар бандалардан олиниб яна уларнинг муҳтожларига берилишидир. Шунга кўра, халқ орасида “Берган Аллоҳга ёқибди” деган нақл ноўриндир.

Билимдон эканини эслатишидан мурод бандаларига буюрган ёки уларга тақиқлаган ишларини У билим ва ҳикмат асосида қилишини, бирор ишни беҳуда ёки бесабаб қилмаслигини эслатишдан иборатдир (Мд.).

Қуръони каримда Аллоҳ таоло Ўзининг зотий ва феълий сифатларидан муносиб ўринларда битта, иккита ва ундан ортиқ зикр этиши илмий аҳамиятга эгадир.

وَمَآ أَنفَقْتُم مِّن نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُم مِّن نَّذْرٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ
يَعْلَمُهُۥ ۗ وَمَا لِلظَّـٰلِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ ﴿٢٧٠﴾ إِن تُبْدُوا۟
ٱلصَّدَقَـٰتِ فَنِعِمَّا هِىَ ۖ وَإِن تُخْفُوهَا وَتُؤْتُوهَا ٱلْفُقَرَآءَ
فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ وَيُكَفِّرُ عَنكُم مِّن سَيِّـَٔاتِكُمْ ۗ
وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٧١﴾ ۞ لَّيْسَ عَلَيْكَ هُدَىٰهُمْ
وَلَـٰكِنَّ ٱللَّهَ يَهْدِى مَن يَشَآءُ ۗ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِنْ خَيْرٍ
فَلِأَنفُسِكُمْ ۚ وَمَا تُنفِقُونَ إِلَّا ٱبْتِغَآءَ وَجْهِ ٱللَّهِ ۚ
وَمَا تُنفِقُوا۟ مِنْ خَيْرٍ يُوَفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنتُمْ لَا تُظْلَمُونَ
﴿٢٧٢﴾ لِلْفُقَرَآءِ ٱلَّذِينَ أُحْصِرُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ
لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا فِى ٱلْأَرْضِ يَحْسَبُهُمُ
ٱلْجَاهِلُ أَغْنِيَآءَ مِنَ ٱلتَّعَفُّفِ تَعْرِفُهُم بِسِيمَـٰهُمْ
لَا يَسْـَٔلُونَ ٱلنَّاسَ إِلْحَافًا ۗ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِنْ خَيْرٍ
فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٢٧٣﴾ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُم
بِٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِندَ
رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٤﴾

270. Эҳсон қилган ҳар бир нафақангиз (садақангиз) ёки атаган назрингизни, албатта, Аллоҳ билади. (Хайр-эҳсон қилмай ўзига) зулм қилувчиларга эса, ёрдам берувчилар йўқдир.

271. Садақаларингизни агар ошкора берсангиз, жуда яхши. Бордию камбағалларга пинҳона берсангиз – ўзингиз учун янада яхшироқдир* ва (У) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир.

272. Уларнинг ҳидояти Сизнинг зиммангизда эмас (эй, Муҳаммад!), балки Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларни ҳидоятга йўллагай*. Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса, у ўзларингиз учундир. Фақат Аллоҳнинг «юзи» учунгина эҳсон қилгайсиз. Қилган ҳар бир хайр-эҳсонингиз (савоби) сизларга адолатсизлик қилинмаган ҳолда мукаммал қайтарилур.

273. (Садақа ва эҳсонлар) Аллоҳ йўлида (жанг билан) банд бўлиб, (тижорат учун) сафарга чиқа олмайдиган, иффатлари (тортинчоқликлари) сабабли билмаган одам бой деб гумон қиладиган фақирлар учундир*. Уларнинг (фақир эканликларини) сиймоларидан (ташқи кўринишдаги белгиларидан) билиб оласиз. (Улар) одамлардан қаттиқ туриб олиб тиланмайдилар. Қилган хайр-эҳсонингизни Аллоҳ билиб турувчидир.

274. Мол (бойлик)ларини кечаю кундуз, пинҳона-ю ошкора эҳсон қиладиган кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида (махсус) мукофотлари муҳайёдир. Уларга (охиратда) хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

271-оят. Оятнинг зоҳиридан садақаларнинг барча турларини ошкора ёки пинҳона беришнинг жоизлиги, аммо пинҳона садақанинг афзаллиги маълум бўлади. Лекин баъзи уламолар фарз ёки вожиб қилинган садақалар, яъни закот, хирож, ушр, фитр садақаси ва каффоратларни ошкора берган афзал, ихтиёрий нафл садақаларни эса пинҳона берилгани яхшидир, дейдилар. Зеро, вожиб садақалар пинҳона берилса, одамларда закот бермайди, деган шубҳалар туғилиши мумкин. Аммо нафл садақалар ҳам баъзида бошқалар кўриб ўрнак олсин деган ният билан ошкора берилгани яхшидир (Мд.).

272-оят. Пайғамбарнинг вазифаси ўз умматини ҳидоят йўлига далолат қилишдир. Аммо уни қабул қилиш ёки қилмаслик ҳар бир инсоннинг ихтиёридаги ишдир. Аллоҳ таоло ўз фазлу карами билан хоҳлаган бандасини ҳидоятга мушарраф этиши ҳам мумкин. Аксинча, ўз ҳолига қўйиб, залолатдан қутқармаслиги ҳам мумкин. У ҳеч кимни залолат йўлига ёки гуноҳ ишларни қилишга мажбур этмайди.

273-оят. Оятдаги фақирлардан мурод “Асҳоби суффа”, яъни Маккада уй-жойлари ва бойликларини қолдириб, Мадинага ҳижрат қилиб келган бошпанасиз мискин ҳолатидаги муҳожирлар деган тафсир ҳам бор. Улар тўрт юз кишидан иборат бўлиб, Расулуллоҳ (а.с)нинг масжиди олдидаги супада ибодат ва зикр билан машғул бўлиб, Аллоҳ ва Пайғамбарининг буйруқларини кутиб ўтирар эдилар (Мд.).

ٱلَّذِينَ يَأْكُلُونَ ٱلرِّبَوٰا۟ لَا يَقُومُونَ إِلَّا كَمَا يَقُومُ ٱلَّذِى
يَتَخَبَّطُهُ ٱلشَّيْطَـٰنُ مِنَ ٱلْمَسِّ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوٓا۟ إِنَّمَا ٱلْبَيْعُ
مِثْلُ ٱلرِّبَوٰا۟ ۗ وَأَحَلَّ ٱللَّهُ ٱلْبَيْعَ وَحَرَّمَ ٱلرِّبَوٰا۟ ۚ فَمَن جَآءَهُۥ مَوْعِظَةٌ
مِّن رَّبِّهِۦ فَٱنتَهَىٰ فَلَهُۥ مَا سَلَفَ وَأَمْرُهُۥٓ إِلَى ٱللَّهِ ۖ وَمَنْ عَادَ
فَأُو۟لَـٰٓئِكَ أَصْحَـٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٢٧٥﴾ يَمْحَقُ
ٱللَّهُ ٱلرِّبَوٰا۟ وَيُرْبِى ٱلصَّدَقَـٰتِ ۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ كُلَّ كَفَّارٍ أَثِيمٍ ﴿٢٧٦﴾
إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ
وَءَاتَوُا۟ ٱلزَّكَوٰةَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ
وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٢٧٧﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ
وَذَرُوا۟ مَا بَقِىَ مِنَ ٱلرِّبَوٰٓا۟ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٧٨﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا۟
فَأْذَنُوا۟ بِحَرْبٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۖ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ
أَمْوَٰلِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ ﴿٢٧٩﴾ وَإِن كَانَ
ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرَةٌ إِلَىٰ مَيْسَرَةٍ ۚ وَأَن تَصَدَّقُوا۟ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ
إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٨٠﴾ وَٱتَّقُوا۟ يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى
ٱللَّهِ ۖ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٨١﴾

275. Судхўрлар* (қиёмат куни қабрларидан) жин чалиб кетган одам каби (ҳолатда) қўпадилар. Бунинг сабаби – уларнинг: «Байъ (савдо-сотиқ) ҳам судхўрликнинг худди ўзи» деган гаплари (ақидалари)дир. Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни (эса) ҳаром қилган*. Бас, ким Раббидан насиҳат етгач, (судхўрликдан) тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани– ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким яна (судхўрликка) қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир.

276. Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади. Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб билувчи) кофирни ва (уни давом эттирувчи) гуноҳкорни ёқтирмайди.

277. Албатта, имон келтирган, яхши ишларни қилган, намозни баркамол ўқиб, закотни берганлар учун Парвардигорларининг ҳузурида (махсус) мукофотлари бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

278. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (чинакам) мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитидан воз кечингиз!

279. Мабодо (бу буйруққа итоат) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва Пайғамбари томонидан (сизларга қарши бўлажак) урушни (азобни) билиб қўйингиз! Агар тавба қилсангиз, дастмояларингиз – ўзингизга. Зулм ҳам қилмайсиз, зулм қилинмайсиз ҳам.

280. Агар (қарздор) қийналса, бойигунга қадар кутиш лозим. Агар билсангиз, (берган қарзингизни қарздорга) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир.

281. (Барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан (қиёматдан) қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жон (эгаси)га қилган амалларига яраша нарса (мукофот ёки жазо) берилур ва уларга зулм қилинмас.

275-оят. Рибо (устама, фоиз) шуки, унда савдолашаётган томонларнинг бири ўзи берган нарсаси баробарига худди шу нарсанинг ўзидан ортиқроғи билан қайтариб олишни шарт қилишидир. Масалан, бир тонна буғдой баробарига биру чорак тонна буғдой беришни шарт қилса, бу рибо ҳисобланиб, у шаръан ҳаромдир. Бу иш билан шуғулланувчи кишини форс-тожик ва ўзбек тилларида судхўр дейилади.

* Рибо бир неча хил бўлиб, унинг тақиқланишига қатор сабаблар бор. Масалан, ўзганинг молини эвазсиз ўзлаштиргани, тижоратсиз осон йўл билан бойлик орттиргани, савоб саналган эвазсиз қарз бериш одатини тарк этгани ва ҳоказо.

Қарз беришда ортиғи билан қайтариш шарт қилинса бу ҳам рибодир (Хз.).

Ҳанафий мазҳаби бўйича рибога буғдой, арпа, хурмо, туз, олтин, кумуш каби ўлчов ва вазн билан қилинадиган савдо муомалалари киради. Жинси бир хил нарсаларнинг савдосида миқдорнинг бир хил бўлиши шартдир (Хд.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا تَدَايَنتُم بِدَيْنٍ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى
فَٱكْتُبُوهُ ۚ وَلْيَكْتُب بَّيْنَكُمْ كَاتِبٌۢ بِٱلْعَدْلِ ۚ وَلَا يَأْبَ
كَاتِبٌ أَن يَكْتُبَ كَمَا عَلَّمَهُ ٱللَّهُ ۚ فَلْيَكْتُبْ وَلْيُمْلِلِ
ٱلَّذِى عَلَيْهِ ٱلْحَقُّ وَلْيَتَّقِ ٱللَّهَ رَبَّهُۥ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْـًٔا ۚ
فَإِن كَانَ ٱلَّذِى عَلَيْهِ ٱلْحَقُّ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ
أَن يُمِلَّ هُوَ فَلْيُمْلِلْ وَلِيُّهُۥ بِٱلْعَدْلِ ۚ وَٱسْتَشْهِدُواْ شَهِيدَيْنِ
مِن رِّجَالِكُمْ ۖ فَإِن لَّمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَٱمْرَأَتَانِ
مِمَّن تَرْضَوْنَ مِنَ ٱلشُّهَدَآءِ أَن تَضِلَّ إِحْدَىٰهُمَا فَتُذَكِّرَ
إِحْدَىٰهُمَا ٱلْأُخْرَىٰ ۚ وَلَا يَأْبَ ٱلشُّهَدَآءُ إِذَا مَا دُعُواْ ۚ وَلَا تَسْـَٔمُوٓاْ
أَن تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَىٰٓ أَجَلِهِۦ ۚ ذَٰلِكُمْ أَقْسَطُ
عِندَ ٱللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهَٰدَةِ وَأَدْنَىٰٓ أَلَّا تَرْتَابُوٓاْ ۖ إِلَّآ أَن تَكُونَ
تِجَٰرَةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ
أَلَّا تَكْتُبُوهَا ۗ وَأَشْهِدُوٓاْ إِذَا تَبَايَعْتُمْ ۚ وَلَا يُضَآرَّ كَاتِبٌ
وَلَا شَهِيدٌ ۚ وَإِن تَفْعَلُواْ فَإِنَّهُۥ فُسُوقٌۢ بِكُمْ ۗ وَٱتَّقُواْ
ٱللَّهَ ۖ وَيُعَلِّمُكُمُ ٱللَّهُ ۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٨٢﴾

282. Эй, имон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз*! Ўрталарингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдиргандек ёзишдан бош тортмасин, албатта, ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши айтиб турсин, Рабби бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва ундан бирор нарсани камайтириб ёзмасин! Агар гарданида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш ёки ўта кекса) бўлса, ёки (кар, соқовлиги ё тил билмаслиги туфайли айтиб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий-вакили адолат билан айтиб турсин! Сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини гувоҳ қилинглар. Агар икки эркак топилмаса, бир эркак билан икки аёлдир – бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади. Гувоҳлар чақирилганда, (келиб гувоҳлик беришдан) бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддатигача ёзиб қўйишдан эринмангиз. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ (иш)дир. Лекин ўртангиздаги айланма нақд савдо бўлса, уни ёзмаслигингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Ўзаро савдо-сотиқ қилганда ҳам гувоҳ келтиринг!* Котиб ҳам, гувоҳ ҳам зарарланмасин. Агар шундай қилсангиз (зарарлантирсангиз), бу сизнинг фосиқлигингиздир. Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (шундай) таълим беради. Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи зотдир.

282-оят. Ислом динида садақа беришдан кўра қарз беришнинг савоби кўпроқдир. Зеро, садақа ва эҳсонлар ихтиёрий равишда муҳтож ва номуҳтож кишиларга берилаверади. Аммо қарз фақат муҳтож кишиларгагина берилади. Қарз беришнинг савоб ва фазилатлари тўғрисида кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Жумладан:

“Кимки қиёмат кунининг қийинчиликларидан Аллоҳ нажот берсин деса, қарз олиб, қайтаришга қийналиб турган қарздорга тўлаш муддатини узайтириб қўйсин ёки бутунлай қарздан кечиб юборсин” (Мс.).

“Кимки камбағалнинг қарз узиш муддатини узайтириб қўйса, соя бўлмайдиган кун (қиёмат) да Аллоҳ таоло унга соя ато этади” (Мс.).

“Узиш нияти билан қарз олган кишининг қарзини Аллоҳ узади. Қайтармаслик нияти билан қарз олган кишининг бойлигини Аллоҳ барбод этади” (Бх.).

“Қодир бўла туриб олган қарзини бермай юришлик зулмдир” (Бх. Мс.).

“Пайғамбаримиз (а.с.) бир кишидан бир ёшли туя қарз олган эдилар. Бир кун келиб Расул (а.с.)га дағал сўзлар айтиб қарзини қистай бошлади. Бундан жаҳли чиққан баъзи саҳобалар уни урмоқчи бўлдилар. Шунда Он ҳазрат уларни қайтариб: ҳақдор одамнинг гапиришга ҳаққи бордир. Унга бир ёшли туя бериб юборинглар, дедилар. Улар бир ёшли туя топа олмагач, каттароқ туяни бериб юборишга амр этдилар ва айтдиларки, қарзини яхшилаб адо этувчиларингиз сизларнинг энг яхшиларингиздир” (Бх.Мс.).

*Бу ердаги буйруқ қатъий эмас, балки мандуб – ихтиёрийдир. Шунга кўра, савдони гувоҳсиз қилиш мумкин. Лекин уни гувоҳлар ҳузурида қилишлик ҳар эҳтимолга қарши тавсия этилади.

۞ وَإِن كُنتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَانٌ مَّقْبُوضَةٌ ۖ
فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ الَّذِي اؤْتُمِنَ أَمَانَتَهُ وَلْيَتَّقِ
اللَّهَ رَبَّهُ ۗ وَلَا تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ ۚ وَمَن يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُ
آثِمٌ قَلْبُهُ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ ﴿٢٨٣﴾ لِّلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ
وَمَا فِي الْأَرْضِ ۗ وَإِن تُبْدُوا مَا فِي أَنفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ
يُحَاسِبْكُم بِهِ اللَّهُ ۖ فَيَغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَاءُ ۗ
وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٨٤﴾ آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ
إِلَيْهِ مِن رَّبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ ۚ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ
وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ ۚ وَقَالُوا سَمِعْنَا
وَأَطَعْنَا ۖ غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾ لَا يُكَلِّفُ
اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ۚ لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ ۗ
رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا ۚ رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ
عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا ۚ رَبَّنَا وَلَا
تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ۖ وَاعْفُ عَنَّا وَاغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا ۚ
أَنتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٨٦﴾

283. Агар сафарда бўлиб, котиб топа олмасангиз, (қарз эвазига) нақд гаров* (берингиз)! Агар бир-бирингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатни қайтарсин ва Рабби бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким уни яширса, бас, унинг қалби осий (гуноҳкор)дир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни яхши билиб турувчидир.

284. Осмонлар ва Ердаги бор нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани ошкора қилсангиз ёки яширсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни у билан ҳисоб-китоб қилур*. Сўнгра Ўзи хоҳлаган кишини мағфират қилиб, Ўзи хоҳлаган кишини азоблар. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.

285. Пайғамбар (Муҳаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди ва мўминлар ҳам. (Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди. «Эшитдик ва итоат этдик. Эй, Раббимиз, мағфиратингни (сўраймиз). Қайтишлик фақат Сенинг ҳузуринггадир», – дедилар.

286. Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди. Унинг касб этгани (яхшилиги) – ўзига ва орттиргани (ёмонлиги) ҳам ўзигадир. (Яна дедилари:) «Эй, Раббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, бизни койима! Эй, Раббимиз, биздан илгари ўтганларнинг зиммасига ортган машаққатни бизнинг зиммамизга ортма! Эй, Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарсани бизга юклаб ташлама! Бизларни афв эт ва кечир ҳамда бизларга раҳм қил! Сен бизнинг хожамизсан. Бас, бизларга кофирлар қавми устидан ғолиблик ато эт!»

283-оят. Гаров (раҳн) — қарз олганда ишонч учун қарз берувчига қўйилган нарсанинг номи. Гаров ҳам байъ каби "ижоб ва қабул" орқали икки томоннинг розилиги билан боғланиши шарт. Раҳнга қўйилган нарса ҳалок бўлса раҳн қўювчига раҳннинг баҳоси билан қарзнинг қайси бири оз бўлса, ўша миқдорда тўланиши керак. Раҳн билан қарзнинг баҳоси бир хил бўлиб раҳн олувчи қўлида ҳалок бўлса, қарз олувчининг зиммасидан қарз тушар, раҳн эса қарз берувчида қолур. Раҳнга қўйилган нарсани яна бировга раҳнга бериш мумкин эмас (Мх.).

284-оят. Оятнинг зоҳиридан инсон қалбидан ўтказган савоб ва гуноҳга доир хотиралари учун, гарчи уларни амалга оширмаган бўлса ҳам Аллоҳнинг олдида жавобгар экани маълум бўлади. Бу ақидавий масалалар сирасидан бўлиб, Шайх Абу Мансур Мотуридий ва Шамсул-аимма Ҳалвонийдан қилинган ривоятга кўра инсон бирор гуноҳ ишни дилига келтирса, гуноҳкор бўлмайди, балки уни амалга оширишликка азму қарор қилсагина гуноҳкор бўлади. Бунга далил сифатида "Нур" сурасининг 19-оятида мўминлар обрўсини тўкадиган ёмон гапларнинг ёйилишини истайдиган кимсаларга дунё ва охиратда жазо белгилаганини келтирадилар. Баъзи муфассирлар бу оят шу суранинг 286-ояти билан мансух бўлган дейдилар (Мд.).



Оли Имрон сураси

Мадинада нозил қилинган. 200 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

***1**. Алиф, Лом, Мим.*

***2**. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У тирик ва абадий турувчидир.*

***3**. (У) Сизга (эй, Муҳаммад!) Китоб (Қуръон)ни ҳақиқатан ўзидан олдинги (илоҳий китоблар)ни тасдиқловчи ҳолида нозил қилди. Олдин Таврот ва Инжилни нозил қилиши эса,*

***4**. одамларга ҳидоят (манбаи) бўлиши учун эди. (Энди эса) ҳақ билан ноҳақликни ажрим этувчи (Қуръон)ни нозил қилди. Ҳақиқатан, Аллоҳнинг оятларини инкор этувчиларга ашаддий азоб бордир. Аллоҳ қудратли ва интиқом соҳибидир.*

***5**. Дарҳақиқат, на Ерда ва на осмонда бирор нарса Аллоҳга махфий (номаълум) эмасдир.*

***6**. У сизларга бачадонларда бўлган пайтингизда хоҳлаган шаклни берадиган зотдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У қудратли ва ҳикматли зотдир.*

***7**. У Сизга Китоб (Қуръон)ни нозил қилган зотдир. Унда шу Китобнинг «онаси» саналмиш (маъноси) аниқ оятлар ва (шу билан бирга) бошқа муташобиҳ (маъноси Ўзидан ўзгага номаълум) оятлар ҳам бор*. Аммо дилларида оғиш бор кимсалар одамларни фитнага солиш ва ўз талқинига мувофиқ маънолар бериш учун унинг (Қуръоннинг) муташобиҳ оятларига эргашадилар. Ҳолбуки, ундай оятлар таъвили (асл маъноси)ни фақат Аллоҳнинг Ўзигина билур. Илмда мустаҳкам (ҳаққоний олим)лар эса дейдилар: «Унга имон келтирдик. Ҳамма (оятлари) Раббимиз ҳузуридандир». (Бундан) фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар.*

***8**. «Эй, Раббимиз, бизни ҳидоят йўлига солганингдан кейин дилларимизни (тўғри йўлдан) оғдирма ва бизга ҳузурингдан раҳмат ато эт! Албатта, Сен (барча неъматларни) ато этувчи зотдирсан.*

***9**. Эй, Раббимиз, албатта, Сен одамларни бешак (келадиган) Кун (қиёмат)га йиғувчидирсан. Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмагай».*

---

3. ОЛИ ИМРОН СУРАСИ

Имрон – Марямнинг отаси. “Оли Имрон” Имрон оиласи демакдир. Бу сурада Бадр ва Уҳуд жанглари, Исо (а.с.) қиссалари, Аллоҳга ширк келтиришнинг энг қаттиқ гуноҳ эканлиги, шариат аҳкомлари ва бошқа кўп маълумотлар баён қилинган.

7-оят. Қуръони каримда маъноси аниқ ва равшан оятлар билан бир қаторда баъзан "муташобиҳ" – иштибоҳли оятлар, яъни зоҳирий ва луғавий маъноси номаълум мураккаб оятлар ҳам мавжуд. Масалан, “Тоҳо” сурасининг 5-оятида: "Раҳмон бўлмиш зот Арш узра муставий бўлди", – дейилади. Бу ердаги "муставий бўлди" иборасини тик турди, тўғри бўлди, ўрнашди, эгаллади каби мазмунда таржима қилиш мумкин бўлса-да, булардан қайси бири тўғри экани ёки бошқа маъноси борлиги фақат Аллоҳнинг ўзига маълум. Бу каби оятларга фақат имон келтириб, Аллоҳдан эканлигини тасдиқлаб қўйишнинг ўзи кифоядир. Лекин Ибн Аббос (рз.), Мужоҳид ибн Жабр ва Имом Нававий уларни тафсир қилиш жоиз деганлар (Улумул-Қуръон).

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَن تُغْنِيَ عَنْهُمْ أَمْوَٰلُهُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُهُم
مِّنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۖ وَأُوْلَٰٓئِكَ هُمْ وَقُودُ ٱلنَّارِ ﴿١٠﴾ كَدَأْبِ ءَالِ
فِرْعَوْنَ وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ ۗ
وَٱللَّهُ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿١١﴾ قُل لِّلَّذِينَ كَفَرُواْ سَتُغْلَبُونَ
وَتُحْشَرُونَ إِلَىٰ جَهَنَّمَ ۚ وَبِئْسَ ٱلْمِهَادُ ﴿١٢﴾ قَدْ كَانَ
لَكُمْ ءَايَةٌ فِى فِئَتَيْنِ ٱلْتَقَتَا ۖ فِئَةٌ تُقَٰتِلُ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ
وَأُخْرَىٰ كَافِرَةٌ يَرَوْنَهُم مِّثْلَيْهِمْ رَأْىَ ٱلْعَيْنِ ۚ وَٱللَّهُ
يُؤَيِّدُ بِنَصْرِهِۦ مَن يَشَآءُ ۗ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَعِبْرَةً لِّأُوْلِى
ٱلْأَبْصَٰرِ ﴿١٣﴾ زُيِّنَ لِلنَّاسِ حُبُّ ٱلشَّهَوَٰتِ مِنَ ٱلنِّسَآءِ
وَٱلْبَنِينَ وَٱلْقَنَٰطِيرِ ٱلْمُقَنطَرَةِ مِنَ ٱلذَّهَبِ وَٱلْفِضَّةِ
وَٱلْخَيْلِ ٱلْمُسَوَّمَةِ وَٱلْأَنْعَٰمِ وَٱلْحَرْثِ ۗ ذَٰلِكَ مَتَٰعُ
ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَٱللَّهُ عِندَهُۥ حُسْنُ ٱلْمَـَٔابِ ﴿١٤﴾ ۞ قُلْ
أَؤُنَبِّئُكُم بِخَيْرٍ مِّن ذَٰلِكُمْ ۚ لِلَّذِينَ ٱتَّقَوْاْ عِندَ رَبِّهِمْ جَنَّٰتٌ
تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا وَأَزْوَٰجٌ مُّطَهَّرَةٌ
وَرِضْوَٰنٌ مِّنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِٱلْعِبَادِ ﴿١٥﴾

10. Кофир бўлганларнинг мол-мулклари ҳам, фарзандлари ҳам уларни асло Аллоҳ (азоби)дан қутқара олмагай. Дўзахнинг ёнилғиси ана ўшалардир.

11. (Уларнинг ҳоли) худди Фиръавн зодагонлари ва улардан олдин ўтган (кофир)лар ҳоли кабидир: улар оятларимизни ёлғонга чиқаришгач, Аллоҳ уларни гуноҳлари (куфрлари) туфайли жазолаган эди. Аллоҳ жазоси шиддатли зотдир.

12. Кофир бўлганларга айтинг: «Сизлар, албатта, (бу дунёда) мағлуб бўлурсиз* ва (охиратда) жаҳаннамга жам қилинурсиз. Нақадар ёмон жой у!»

13. Сизлар учун (эй, Макка мушриклари!) икки тўқнашган гуруҳ (воқеаси)да ибрат бор*. Қайсики, улардан бири Аллоҳ йўлида жанг қилувчи, иккинчиси эса кофир эди. Уларнинг (мушрикларнинг) кўзига улар (мусулмонлар) икки баробар кўп бўлиб кўринди. Аллоҳ хоҳлаган кишиларни Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлагай. Албатта, бунда кўзли (доно) кишилар учун ибрат бордир.

14. Одамларга аёллар, фарзандлар, уюм-уюм олтин-кумушлар, саман отлар, чорва моллари ва экинларга нисбатан меҳр қўйиш зийнатли қилиб қўйилди*. Булар (аслида) дунё ҳаётининг (ўткинчи) матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса (бундан-да) чиройли жой (жаннат) бордир.

15. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Сизларга бу-лардан ҳам яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Тақводор кишилар учун Парвар-дигорлари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий яшаладиган боғлар (жаннат боғлари), пок хотинлар ва Аллоҳ тарафидан ризолик* (мўминлар учун улуғ неъмат—ризвон) бор. Аллоҳ бандаларни кўриб (кузатиб) турувчидир».

12-оят. Аллоҳ таолонинг бу башорати ўз тасдиғини топиб, ҳижратнинг иккинчи йили Макка мушриклари томонидан уюштирилган катта Бадр жангида мусулмонлар ғалаба қозонди.

13-оят. Сўз Бадр жанги тўғрисида бормоқда. Бу жангда мусулмонлар сони Макка мушрикларидан кам бўлишига қарамай, Аллоҳ таоло мусулмонлар миқдорини ёв кўзига икки баробар кўп кўрсатиб юракларига ғулғула солди. Бу ширк аҳли мағлубиятининг сабабларидан бири бўлди.

14-оят. Уларни ким зийнатли қилиб қўйди, деган табиий саволга кўпчилик уламолар Аллоҳнинг ўзи бандаларини имтиҳон қилиш учун дунё матоҳларини марғуб ва жозибали қилиб яратган, деб таъкидлайдилар. Ҳасан Басрий (рҳ.) эса, бу оят тафсирида инсонга дунёни яхши кўрсатувчи Аллоҳ эмас, балки шайтондир, деганлар. Ҳар икки тафсир ҳам таъвил билан жоиздир (Мд.).

15-оят. Жаннат неъматларининг ичида энг улуғи Аллоҳнинг ризолигидир. Ҳадиси шарифда айтилади: "Аллоҳ таоло жаннат аҳлидан сўраб, Ундан мамнун ва рози эканликларини билгач, бундан ҳам афзалроқ неъматим – бу, Менинг ризвонимдирки, энди мудом сизлардан розидирман, сизларга асло ғазаб қилмасман, дейди" (Бғ.).

ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَآ إِنَّنَآ ءَامَنَّا فَٱغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَا وَقِنَا
عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿١٦﴾ ٱلصَّٰبِرِينَ وَٱلصَّٰدِقِينَ وَٱلْقَٰنِتِينَ
وَٱلْمُنفِقِينَ وَٱلْمُسْتَغْفِرِينَ بِٱلْأَسْحَارِ ﴿١٧﴾ شَهِدَ
ٱللَّهُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ وَأُو۟لُوا۟ ٱلْعِلْمِ قَآئِمًۢا بِٱلْقِسْطِ ۚ
لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٨﴾ إِنَّ ٱلدِّينَ عِندَ
ٱللَّهِ ٱلْإِسْلَٰمُ ۗ وَمَا ٱخْتَلَفَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ إِلَّا مِنۢ
بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْعِلْمُ بَغْيًۢا بَيْنَهُمْ ۗ وَمَن يَكْفُرْ بِـَٔايَٰتِ
ٱللَّهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿١٩﴾ فَإِنْ حَآجُّوكَ فَقُلْ أَسْلَمْتُ
وَجْهِىَ لِلَّهِ وَمَنِ ٱتَّبَعَنِ ۗ وَقُل لِّلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْأُمِّيِّۦنَ
ءَأَسْلَمْتُمْ ۚ فَإِنْ أَسْلَمُوا۟ فَقَدِ ٱهْتَدَوا۟ ۖ وَّإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّمَا
عَلَيْكَ ٱلْبَلَٰغُ ۗ وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِٱلْعِبَادِ ﴿٢٠﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْفُرُونَ
بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَيَقْتُلُونَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَيَقْتُلُونَ
ٱلَّذِينَ يَأْمُرُونَ بِٱلْقِسْطِ مِنَ ٱلنَّاسِ فَبَشِّرْهُم
بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٢١﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ حَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ
فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٢٢﴾

16. (Улар дунёда): «Эй, Раббимиз, бизлар Сенга имон келтирганмиз. Бас, бизнинг гуноҳларимизни кечир ва бизни дўзах азобидан асра!» – деб (Аллоҳга илтижо қилар) эдилар.

17. (Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва саҳар чоғларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиган кишилар эди*.

18. Аллоҳ адолатда (барқарор) туриб, шундай гувоҳлик берди: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир». Фаришталар ва илм эгалари ҳам (шундай деб таъкидладилар). (Албатта), қудратли ва ҳикматли Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.

19. Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (дини)дир. Аҳли китоблар (яҳудий ва насронийлар)га маълумот (тавҳид ва Муҳаммад тўғрисидаги ваҳий) келгандан кейин ўзаро ҳасад юзасидан ихтилоф (инкор) қилишга ўтдилар. Ким Аллоҳнинг оятларини инкор этса, (билиб қўйсинки) Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир.

20. Агар Сиз билан (дин ҳақида) баҳслашсалар, «(Мен) ва менга эргашганлар ўзимизни Аллоҳга бўйин сундирдик», – деб айтинг! Сўнгра, аҳли китоблар ва (китоб берилмаган) саводсиз (мушрик араб)лардан: «Исломга кирдингизми?» – деб сўранг. Агар Исломга кирсалар, демак, тўғри йўлни топибдилар. Агар бош тортсалар, бас, Сизнинг бурчингиз, фақат (уларга менинг амрларимни) етказиб қўйишдир. Аллоҳ бандаларни кўриб (кузатиб) турувчи зотдир.

21. Аллоҳнинг оятларини инкор этадиган, пайғамбарларни ноҳақ қатл қиладиган ва адолатга чақирувчи кишиларни ўлдирадиган кимсаларга аламли азоб ҳақида «башорат» беринг!

22. Қилган амаллари бу дунё ва охиратда беҳуда кетадиган ва уларга ёрдамчилар ҳам бўлмайдиган кимсалар ана ўшалардир.

17-оят. Ислом таълимотига кўра саҳар вақти, яъни туннинг охирги қисми, тонг отишидан олдинги вақт ибодат ва дуо қабул қилинадиган улуғ дақиқалар ҳисобланади. Шу хусусда эслаб ўтиш жоизки, Луқмони ҳаким ўғлига қилган насиҳатларидан бирида: "Эй, ўғлим, хўроз сендан чаққонлик қилиб, саҳар чоғида сен уйғонмай туриб қичқирмасин" деган экан (Мд.).

Бинобарин, улуғ кишилар тунлари билан таҳажжуд намозларини ўқиб, субҳдан олдин саҳар чоғида дуо ва истиғфор билан машғул бўлар эканлар.

Ҳадиси шарифда айтилган: "Ҳар кеча туннинг охирги учинчи бўлагида Аллоҳ таоло биринчи осмонга "тушиб" хитоб қиладики, ким дуо қилса ижобат қиламан, ким сўраса бераман, ким истиғфор айтса гуноҳидан кечаман" (Бх. Мс.).

Ҳадисда қайд этилган "Аллоҳнинг осмонга тушиши" мажозий маънода бўлиб, дуо қилувчи бандага Ўзининг нақадар яқин эканини билдириш учун айтилган иборадир.

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло беш хил тоифадаги мўминларни мадҳ этган. Яъни сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва саҳархез кишиларнинг ҳар бирини мустақил равишда мақтаган. Бошқа жойларда уларни солиҳ, тақводор ёки аброр деб атаган.

23. Кўрмадингизми (эй, Муҳаммад!) Китоб (Таврот илми)дан насиба берилган кимсалар ўз ораларида ҳакамлик қилиш учун Аллоҳнинг Китобига чақирилганларидан кейин уларнинг бир гуруҳи юз ўгириб кетдилар?!

24. Бу (юз ўгиришлари)нинг сабаби – «Бизга дўзах ўти фақат саноқли кунлардагина тегади», – деган гапларидир*. Ўзлари тўқиган уйдирма гаплари уларни динда алдаб қўйди.

25. Уларни шубҳасиз (келадиган) Кун (қиёмат)га тўплаганимизда ва ҳар бир жонга зулм қилинмаган ҳолда* ўз амалларига яраша тўла жазо ва мукофот берилганда, (ҳоллари) не кечаркин?!

26. Айтинг: «Эй, ҳукмронлик эгаси – Аллоҳ, Сен хоҳлаган кишига ҳукмронлик ато этурсан ва хоҳлаган кишингдан ҳукмронликни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан ва хоҳлаган кишингни хор этурсан. Эзгулик Сенинг қўлингдадир. Албатта, Сен ҳамма нарсага қодир зотдирсан*.

27. Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан. Ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда хоҳлаган кишингга беҳисоб ризқ берурсан»*.

28. Мўминлар турганида мўминлар кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай қилса, Аллоҳга ҳеч қандай дахли қолмас. Магар, улардан эҳтиёт бўлиш учун (юзаки яхши муомала қилсангиз) мумкиндир. Аллоҳ сизларни «Ўзидан» огоҳлантиради. Аллоҳ (ҳузури)га қайтишлик муқаррардир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ نَصِيبًا مِّنَ ٱلْكِتَٰبِ يُدْعَوْنَ إِلَىٰ كِتَٰبِ
ٱللَّهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ يَتَوَلَّىٰ فَرِيقٌ مِّنْهُمْ وَهُم مُّعْرِضُونَ ﴿٢٣﴾
ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُوا۟ لَن تَمَسَّنَا ٱلنَّارُ إِلَّآ أَيَّامًا مَّعْدُودَٰتٍ ۖ وَغَرَّهُمْ
فِى دِينِهِم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٢٤﴾ فَكَيْفَ إِذَا جَمَعْنَٰهُمْ
لِيَوْمٍ لَّا رَيْبَ فِيهِ وَوُفِّيَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ
لَا يُظْلَمُونَ ﴿٢٥﴾ قُلِ ٱللَّهُمَّ مَٰلِكَ ٱلْمُلْكِ تُؤْتِى ٱلْمُلْكَ
مَن تَشَآءُ وَتَنزِعُ ٱلْمُلْكَ مِمَّن تَشَآءُ وَتُعِزُّ مَن تَشَآءُ وَتُذِلُّ
مَن تَشَآءُ ۖ بِيَدِكَ ٱلْخَيْرُ ۖ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٦﴾ تُولِجُ ٱلَّيْلَ
فِى ٱلنَّهَارِ وَتُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِى ٱلَّيْلِ ۖ وَتُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ
وَتُخْرِجُ ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ ۖ وَتَرْزُقُ مَن تَشَآءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٢٧﴾
لَّا يَتَّخِذِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلْكَٰفِرِينَ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۖ وَمَن
يَفْعَلْ ذَٰلِكَ فَلَيْسَ مِنَ ٱللَّهِ فِى شَىْءٍ إِلَّآ أَن تَتَّقُوا۟ مِنْهُمْ
تُقَىٰةً ۗ وَيُحَذِّرُكُمُ ٱللَّهُ نَفْسَهُۥ ۗ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿٢٨﴾ قُلْ
إِن تُخْفُوا۟ مَا فِى صُدُورِكُمْ أَوْ تُبْدُوهُ يَعْلَمْهُ ٱللَّهُ ۗ وَيَعْلَمُ مَا فِى
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٩﴾

29. Айтинг: «Кўксингиздаги нарсани хоҳ яширинг, хоҳ ошкор қилинг, Аллоҳ уни билур. Осмонлардаги ва Ердаги нарсаларни ҳам (У) билур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.

24-оят. Уларнинг бузуқ эътиқодларига биноан, уларга дўзахда атиги 40 кун ёки 7 кун жазо берилар эмиш.

25-оят. Зулм сўзи Қуръони каримнинг кўп оятларида жабрситам маъносида эмас, балки ўзганинг ҳаққига хиёнат қилиш мазмунида келган. Ушбу оятда ҳам Аллоҳ таоло ҳар бир бандининг бу дунёда қилган савоб ва гуноҳ ишларини охиратда ҳисоб-китоб учун мукаммал ҳолда муҳайё қилишини баён этмоқда. Магар Аллоҳ таоло ўзининг фазли билан инсоннинг савобларини зиёдаси билан ёздириши ёки баъзи гуноҳларини кечириб, номаи аъмолидан ўчириб қўйиши мумкин. Шунингдек, баъзи бандаларнинг гуноҳ ишларини савоб ишларга айлантириб қўйиши ҳам мумкин. “Фурқон”, 70-оятга қаралсин.

26-оят. Аллоҳ таоло нозил этган баъзи китобларида шундай хитоб бор экан: “Мен Аллоҳман. Барча подшоҳларнинг қалблари ва инон-ихтиёрлари Менинг қўлимдадир. Агар бандалар Менга итоат қилсалар подшоҳларни уларга меҳрибон қилиб қўяман. Менга итоатсизлик қилсалар подшоҳларни уларга азоб-уқубат манбаи қилиб қўяман. Бас, подшоҳларни сўкмангиз, балки Менга тавба қилингиз, шунда уларни сизларга меҳрибон қилиб қўяман” (Мд.).

27-оят. Бир томчи жонсиз шаҳват сувидан жонзотни яратиши, тухумдан жўжа чиқариши, кофирдан мўминни дунёга келтириши ва бунинг акси кабилар назарда тутилмоқда (Мд.).

يَوۡمَ تَجِدُ كُلُّ نَفۡسٖ مَّا عَمِلَتۡ مِنۡ خَيۡرٖ مُّحۡضَرٗا وَمَا عَمِلَتۡ
مِن سُوٓءٖ تَوَدُّ لَوۡ أَنَّ بَيۡنَهَا وَبَيۡنَهُۥٓ أَمَدَۢا بَعِيدٗاۗ وَيُحَذِّرُكُمُ
ٱللَّهُ نَفۡسَهُۥۗ وَٱللَّهُ رَءُوفُۢ بِٱلۡعِبَادِ ٣٠ قُلۡ إِن كُنتُمۡ تُحِبُّونَ ٱللَّهَ
فَٱتَّبِعُونِي يُحۡبِبۡكُمُ ٱللَّهُ وَيَغۡفِرۡ لَكُمۡ ذُنُوبَكُمۡۚ وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ
٣١ قُلۡ أَطِيعُواْ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَۖ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ
ٱلۡكَٰفِرِينَ ٣٢ ۞ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصۡطَفَىٰٓ ءَادَمَ وَنُوحٗا وَءَالَ إِبۡرَٰهِيمَ
وَءَالَ عِمۡرَٰنَ عَلَى ٱلۡعَٰلَمِينَ ٣٣ ذُرِّيَّةَۢ بَعۡضُهَا مِنۢ بَعۡضٖۗ وَٱللَّهُ
سَمِيعٌ عَلِيمٌ ٣٤ إِذۡ قَالَتِ ٱمۡرَأَتُ عِمۡرَٰنَ رَبِّ إِنِّي نَذَرۡتُ لَكَ
مَا فِي بَطۡنِي مُحَرَّرٗا فَتَقَبَّلۡ مِنِّيٓۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ٣٥ فَلَمَّا
وَضَعَتۡهَا قَالَتۡ رَبِّ إِنِّي وَضَعۡتُهَآ أُنثَىٰ وَٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِمَا وَضَعَتۡ
وَلَيۡسَ ٱلذَّكَرُ كَٱلۡأُنثَىٰۖ وَإِنِّي سَمَّيۡتُهَا مَرۡيَمَ وَإِنِّيٓ أُعِيذُهَا بِكَ
وَذُرِّيَّتَهَا مِنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ٣٦ فَتَقَبَّلَهَا رَبُّهَا بِقَبُولٍ
حَسَنٖ وَأَنۢبَتَهَا نَبَاتًا حَسَنٗا وَكَفَّلَهَا زَكَرِيَّاۖ كُلَّمَا دَخَلَ عَلَيۡهَا
زَكَرِيَّا ٱلۡمِحۡرَابَ وَجَدَ عِندَهَا رِزۡقٗاۖ قَالَ يَٰمَرۡيَمُ أَنَّىٰ لَكِ هَٰذَاۖ
قَالَتۡ هُوَ مِنۡ عِندِ ٱللَّهِۖ إِنَّ ٱللَّهَ يَرۡزُقُ مَن يَشَآءُ بِغَيۡرِ حِسَابٍ ٣٧

30. Ҳар бир жон ўзи қилган яхши ва ёмон амаллари (номаи аъмолида) ҳозир қилинган Кун (қиёмат)да улар (ёмон амаллари) билан унинг ўртаси узоқ масофа бўлишини орзу қилади. Аллоҳ сизларни «Ўзидан» огоҳлантиради. Аллоҳ бандаларга меҳрибондир.

31. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир».

32. Айтинг: «Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат этингиз!» Агар юз ўгирсалар, Аллоҳ, шубҳасиз, кофирларни севмас.

33. Албатта, Аллоҳ Одам ва Нуҳни ҳамда Иброҳим ва Имрон авлодларини оламлар узра (пайғамбарлик учун) танлади.

34. Улар бир-бирларига зурриётдирлар*. Аллоҳ эшитувчи ва билимдон зотдир.

35. Эсланг, (эй, Муҳаммад!) Имроннинг хотини (Ҳанна): «Эй, Раббим, мен қорнимдаги нарсани (ҳомилани дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим. (Уни) мендан қабул эт! Албатта, Сен эшитувчи ва билимдон зотдирсан», – деб дуо қилди.

36. Кўзи ёригач, деди: "Эй, Раббим, мен қиз туғдим», – ваҳоланки, Аллоҳ унинг нима туққанини билувчироқ эди. Ахир, (у кутган) ўғил бу қиздек (хислатли) бўлмасди. – «Мен унга Марям деб исм қўйдим ва унга ҳамда зурриётига қувғин этилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан сўрайман».

37. Бас, Парвардигори уни (Марямни назрликка) яхши қабул этиб, яхши парвариш қилди ва Закариё* қарамоғига топширди. Закариё ҳар гал (Марямнинг) олдига – масжидга кирганида, олдида ризқ (мухайё) турганини кўрар эди. У: «Эй, Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» – деб сўраса, (Марям): «Булар Аллоҳ ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур», – деб жавоб берар эди.

34-оят. Мусо билан Ҳорун Имрондан, Имрон Ясҳардан, Ясҳар Қоҳасдан, Қоҳас Ловайдан, Ловай Яъқубдан, Яъқуб Исҳоқдан. Шунингдек, Исо Марямдан, Марям Имрондан, Имрон Мосондан, Мосон Яҳудога бориб етади, Яҳудо эса Яъқуб ўғиллаларидандир. Уларнинг ҳаммаси Иброҳим (а.с.)га зурриётдир.
Иккинчи тафсири шуки, улар бир-бирларига дин юзасидан зурриётдирлар. Зеро, ҳаммасининг дини ҳам тавҳидга асосланган илоҳий диндир.

37-оят. Имроннинг икки қизи бўлиб, бирининг номи Ашбоъ (Закариё пайғамбарнинг хотини), иккинчисининг номи Марям эди. Иккисини ҳам Ҳанна туққан. Шунга кўра, Исо (а.с.) Закариёнинг ўғли Яҳё пайғамбарга холавачча бўлади. Марямни ўз қарамоғига олиб, тарбия қилган Закариёга бир гуруҳ яҳудийлар зинокорлик туҳматини уюштириб, уни ўлдирмоқчи бўладилар. Моҳир дурадгор бўлган Закариё қочиб бир дарахтнинг кавагига кириб яшириниб олади. Иблис уларга йўл кўрсатиб топиб бергач, дарахтга қўшиб Закариёни арралаб ўлдирадилар (М.з.).

هُنَالِكَ دَعَا زَكَرِيَّا رَبَّهُۥۖ قَالَ رَبِّ هَبۡ لِي مِن لَّدُنكَ ذُرِّيَّةٗ
طَيِّبَةًۖ إِنَّكَ سَمِيعُ ٱلدُّعَآءِ ٣٨ فَنَادَتۡهُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَهُوَ قَآئِمٞ
يُصَلِّي فِي ٱلۡمِحۡرَابِ أَنَّ ٱللَّهَ يُبَشِّرُكَ بِيَحۡيَىٰ مُصَدِّقَۢا بِكَلِمَةٖ مِّنَ
ٱللَّهِ وَسَيِّدٗا وَحَصُورٗا وَنَبِيّٗا مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ٣٩ قَالَ رَبِّ
أَنَّىٰ يَكُونُ لِي غُلَٰمٞ وَقَدۡ بَلَغَنِيَ ٱلۡكِبَرُ وَٱمۡرَأَتِي عَاقِرٞۖ قَالَ
كَذَٰلِكَ ٱللَّهُ يَفۡعَلُ مَا يَشَآءُ ٤٠ قَالَ رَبِّ ٱجۡعَل لِّيٓ ءَايَةٗۖ
قَالَ ءَايَتُكَ أَلَّا تُكَلِّمَ ٱلنَّاسَ ثَلَٰثَةَ أَيَّامٍ إِلَّا رَمۡزٗاۗ وَٱذۡكُر
رَّبَّكَ كَثِيرٗا وَسَبِّحۡ بِٱلۡعَشِيِّ وَٱلۡإِبۡكَٰرِ ٤١ وَإِذۡ قَالَتِ
ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يَٰمَرۡيَمُ إِنَّ ٱللَّهَ ٱصۡطَفَىٰكِ وَطَهَّرَكِ وَٱصۡطَفَىٰكِ
عَلَىٰ نِسَآءِ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٤٢ يَٰمَرۡيَمُ ٱقۡنُتِي لِرَبِّكِ وَٱسۡجُدِي
وَٱرۡكَعِي مَعَ ٱلرَّٰكِعِينَ ٤٣ ذَٰلِكَ مِنۡ أَنۢبَآءِ ٱلۡغَيۡبِ نُوحِيهِ
إِلَيۡكَۚ وَمَا كُنتَ لَدَيۡهِمۡ إِذۡ يُلۡقُونَ أَقۡلَٰمَهُمۡ أَيُّهُمۡ يَكۡفُلُ
مَرۡيَمَ وَمَا كُنتَ لَدَيۡهِمۡ إِذۡ يَخۡتَصِمُونَ ٤٤ إِذۡ قَالَتِ
ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يَٰمَرۡيَمُ إِنَّ ٱللَّهَ يُبَشِّرُكِ بِكَلِمَةٖ مِّنۡهُ ٱسۡمُهُ ٱلۡمَسِيحُ
عِيسَى ٱبۡنُ مَرۡيَمَ وَجِيهٗا فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِ وَمِنَ ٱلۡمُقَرَّبِينَ ٤٥

38. Ўша жойда Закариё Раббига илтижо қилиб, деди: «Раббим, менга (ҳам) ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчидирсан».

39. Сўнгра, масжидда туриб намоз ўқиётганида, фаришталар унга нидо қилиб, дедилар: «Аллоҳ сенга Яҳё (исмли фарзанд) хушхабарини бермоқдаким, у Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган, (ўз қавмига) пешво бўлиб, (шаҳватлардан) ўзини тиядиган солиҳ пайғамбарлардан (бўлур)».

40. (У деди): «Раббим, ўзим кексайган, хотиним эса туғмас бўлса, менга ўғил қаёқдан бўлсин?» (Аллоҳ) деди: «Шундай, (лекин) Аллоҳ хоҳлаган ишини қилур».

41.(У) деди: «Раббим, менга (ҳомиладан дарак берувчи) бирор белги бергин». (Аллоҳ) айтди: «Сенга белги шуки, уч кун имо-ишорадан ташқари одамларга гапира олмайсан. Раббинг зикрини кўп қил ва эртаю кеч тасбеҳ айт!»*

42. Фаришталар: «Эй, Марям*, Аллоҳ сени (фазли учун) танлаб олди ва (ёмон ишлардан) поклади ҳамда сени бутун олам аёлларининг сараси этди.

43. Эй, Марям, Раббингга итоат эт, сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қил!» – деганларини эсланг!

44. (Эй, Муҳаммад!) ғайб хабарларидан бўлмиш бу (қисса)ни Сизга ваҳий қилмоқдамиз. Зеро, Марямга қайсилари кафил бўлсин (аниқлаш) учун қаламларини (қуръа ниятида) ташлаганларида улар ҳузурида бўлмагансиз, (шу хусусда) низолашганда ҳам улар ҳузурида бўлмагансиз*.

45. Эсланг, фаришталар: «Эй, Марям, Аллоҳ сенга Ўзининг «калимаси»* хушхабарини берадиким, унинг исми Исо Масиҳ ибн Марям бўлиб, (у) дунёю охиратда обрўли ва (Аллоҳга) яқин кишилардандир.

41-оят. Закариё (а.с.)нинг тили Аллоҳга зикр ва тасбеҳ айтишга бемалол келар, одамлар билан гаплашмоқчи бўлганида эса соқов бўлиб қолар эди.

42-оят. Марям туғилгач, она кўкрагини эма олмаган, балки унинг ризқи жаннатдан келиб турган. Закариё Марямнинг тарбиясини ўз зиммасига олиб, унинг учун тайёрлаб берган масжиднинг махсус жойига хабар олиш учун келиб турар эди. Марямнинг ҳузурида таом турганини кўриб, унинг қаердан келиб қолганини сўраганда Марям чақалоқ ҳолатида бўлишига қарамай катта одамлардек гапириб "у Аллоҳнинг ҳузуридандир" деб жавоб қайтарган (Хз.).

44-оят. Закариё бир куни одамлар олдига чиқиб, ўзининг қариб қолгани туфайли Марямни қўлда кўтара олмай қолгани ва бундан кейин унга кафиллик қила олмаслиги ҳақида арз қилиб, улардан бирортаси кафилликни олишини таклиф этади. Қуръа ташлашганларида у Юсуф исмли бир дурадгорнинг номига чиқади ва у Марямни кафилликка олади (Хз.).

45-оят. Аллоҳнинг калимасидан мурод Исо (а.с.)ни отасиз, "Бўл!" деган калимаси билан яратганидир (Лс.).

وَيُكَلِّمُ ٱلنَّاسَ فِى ٱلْمَهْدِ وَكَهْلًا وَمِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٤٦﴾
قَالَتْ رَبِّ أَنَّىٰ يَكُونُ لِى وَلَدٌ وَلَمْ يَمْسَسْنِى بَشَرٌ ۖ قَالَ كَذَٰلِكِ
ٱللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ إِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٤٧﴾
وَيُعَلِّمُهُ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ وَٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ ﴿٤٨﴾
وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ أَنِّى قَدْ جِئْتُكُم بِـَٔايَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ ۖ
أَنِّىٓ أَخْلُقُ لَكُم مِّنَ ٱلطِّينِ كَهَيْـَٔةِ ٱلطَّيْرِ فَأَنفُخُ فِيهِ
فَيَكُونُ طَيْرًۢا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۖ وَأُبْرِئُ ٱلْأَكْمَهَ وَٱلْأَبْرَصَ
وَأُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۖ وَأُنَبِّئُكُم بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدَّخِرُونَ
فِى بُيُوتِكُمْ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَةً لَّكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٤٩﴾
وَمُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَىَّ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ وَلِأُحِلَّ لَكُم
بَعْضَ ٱلَّذِى حُرِّمَ عَلَيْكُمْ ۚ وَجِئْتُكُم بِـَٔايَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ
فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿٥٠﴾ إِنَّ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبُّكُمْ فَٱعْبُدُوهُ ۗ
هَٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٥١﴾ ۞ فَلَمَّآ أَحَسَّ عِيسَىٰ مِنْهُمُ
ٱلْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنصَارِىٓ إِلَى ٱللَّهِ ۖ قَالَ ٱلْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ
أَنصَارُ ٱللَّهِ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَٱشْهَدْ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٥٢﴾

46. Одамлар билан гўдаклик чоғида ҳам, вояга етганда ҳам гаплашадиган, солиҳ бандалардан бўлур», – *дедилар**.

47. (Марям) *деди*: «Раббим, менга инсон (қў*ли* ҳам) тегмаган бўлса, қаёқдан менга фарзанд бўлсин?» *Аллоҳ* айтди: «Шундай, (*лекин*) *Аллоҳ* Ўзи хоҳлаган нарсани яратаверади. Қачон бирор ишни тақдир этса (истаса), фақатгина унга «Бў*л*!» деса, бас, у бўлаверади».

48. Унга (Исога *Аллоҳ*) ёзишни, (и*лму*) ҳикматни, Таврот ва Инжилни таълим беради.

49. Шунингдек, уни Исроил авлодига пайғамбар (қилиб юборади ва у айтади): «Мен сизларга Раббингиз ҳузуридан (пайғамбарлигимга далолат қилувчи) мўъжиза билан келдим; мен сизларга лойдан қуш шаклини ясаб, унга дам урсам, у Аллоҳнинг изни билан (чинакам) қуш бўлади. Кўр ва песни тузатаман. Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман* ҳамда сизларнинг еяётган ва захирада сақлаётган нарсаларингизни айтиб бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бу ишларда сизлар учун аломат бордир.

50. (Мен) ўзимдан олдинги (нозил этилган) Тавротни тасдиқлаш ва сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиб бериш учун келдим*. Яна, сизларга Раббингиздан ҳужжат келтирдим. Шундай экан, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат қилингиз!

51. Дарҳақиқат, Аллоҳ менинг Раббим ва сизнинг ҳам Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилингиз! Тўғри йўл шудир».

52. Исо улардан куфрни сезгач, айтди: «Аллоҳ сари (боришимда) менга ёрдамчилар ким?» Ҳаворийлар* айтдилар: «Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтирдик ва Аллоҳга (бўйин сунувчи) мусулмон эканимизга (сен) гувоҳ бўлгин (эй, Исо)!

46-оят. Исо (а.с.)нинг қиёматга яқин осмондан Ерга тушиши ҳақ эканига шу оятни далил сифатида келтирадилар (Хз.).

49-оят. Исо (а.с.)га берилган мўъжизалардан бири ўликни тирилтириш бўлиб, Нуҳ (а.с.)нинг ўғли Сомни одамларнинг кўз ўнгида тирилтиргани ва ким қачон нима егани ҳамда нимани захира қилиб яшириб қўйгани тўғрисида кўрмасдан хабар бериш каби кўрсатган мўъжизалари билан ақлни лол қолдирганлари нақл этилади (Мд.).

50-оят. Бани Исроил қавмига жазо юзасидан ҳайвон ёғи, туя гўшти, балиқ ва туёқли ҳайвонлар гўшти ҳаром қилинган эди. Исо (а.с.) яҳудийларга тақиқланган кўп нарсаларнинг ҳалол қилинишига сабабчи бўлдилар. Мусо (а.с.) шариатидаги бир неча ҳукмлар ўзгартирилди. Яҳудийларнинг байрам куни саналмиш шанба куни якшанба кунга ўтказилди (Хз.).

52-оят. Ҳаворийлар Исо (а.с) нинг яқин ёрдамчилари бўлиб, улар аслида балиқ овлаш билан шуғулланар эдилар. Уларга мўъжиза кўрсатилгач, имон келтириб доимо Исо (а.с.)нинг хизматида бўлишган. Уларнинг кийимлари оқ рангда бўлгани ёки диллари пок бўлгани учун ҳаворийлар дейилган. Зеро, араб тилида “ҳавор” сўзи оқ рангни билдиради (Хз.).

رَبَّنَآ ءَامَنَّا بِمَآ أَنزَلْتَ وَٱتَّبَعْنَا ٱلرَّسُولَ فَٱكْتُبْنَا مَعَ
ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٥٣﴾ وَمَكَرُوا۟ وَمَكَرَ ٱللَّهُ ۖ وَٱللَّهُ خَيْرُ
ٱلْمَٰكِرِينَ ﴿٥٤﴾ إِذْ قَالَ ٱللَّهُ يَٰعِيسَىٰٓ إِنِّى مُتَوَفِّيكَ وَرَافِعُكَ
إِلَىَّ وَمُطَهِّرُكَ مِنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَجَاعِلُ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوكَ
فَوْقَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ۖ ثُمَّ إِلَىَّ مَرْجِعُكُمْ
فَأَحْكُمُ بَيْنَكُمْ فِيمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٥٥﴾ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ فَأُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَمَا
لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٥٦﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ ۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٧﴾
ذَٰلِكَ نَتْلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ ٱلْءَايَٰتِ وَٱلذِّكْرِ ٱلْحَكِيمِ ﴿٥٨﴾ إِنَّ
مَثَلَ عِيسَىٰ عِندَ ٱللَّهِ كَمَثَلِ ءَادَمَ ۖ خَلَقَهُۥ مِن تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ
لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٥٩﴾ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكَ فَلَا تَكُن مِّنَ ٱلْمُمْتَرِينَ ﴿٦٠﴾
فَمَنْ حَآجَّكَ فِيهِ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَكَ مِنَ ٱلْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا۟ نَدْعُ
أَبْنَآءَنَا وَأَبْنَآءَكُمْ وَنِسَآءَنَا وَنِسَآءَكُمْ وَأَنفُسَنَا وَأَنفُسَكُمْ
ثُمَّ نَبْتَهِلْ فَنَجْعَل لَّعْنَتَ ٱللَّهِ عَلَى ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٦١﴾

53. Эй, Раббимиз, нозил қилган нарсангга имон келтирдик ва Пайғамбарга эргашдик. Шундай экан, бизни гувоҳлик берувчилар билан бирга (қўшиб) ёзгин!»

54. (Яҳудий кофирлари Исонинг қатли борасида) макр қилдилар. Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг яхшисидир.

55. Аллоҳ айтди: «Эй, Исо! Мен сени вафот эттирувчинг*, Ўзим сари кўтарувчинг, инкор этганлардан сени покловчинг (халос этувчинг) ҳамда сенга эргашганларни қиёмат кунигача кофирлардан юқори қўювчидирман*. Сўнгра, Менга қайтурсиз. Ўшанда сизлар ихтилоф қилган (келиша олмаган) нарсалар борасида ўртангизда ҳакамлик қилурман.

56. Бас, кофир бўлганларни дунё ва охиратда шиддатли азоб билан азоблагайман. Улар учун ёрдамчилар бўлмас.

57. Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга эса (Аллоҳ) мукофотни мукаммал берур. Аллоҳ золимларни ёқтирмас».

58. Бу Сизга тиловат қилаётган оятларимиз ва ҳикматли зикр жумласидандир.

59. Албатта, Исонинг (отасиз туғилиш) мисоли, Аллоҳ наздида бамисоли Одам (а.с.) кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, (у) бўлди.

60. (Бу) Ҳақ (Сўз) Раббингиздандир. Бас, шубҳа қилувчилардан бўлманг!

61. Сизга келган шу (ҳаққоний) билимдан кейин (насронийлардан) ким Сиз билан (Исо) тўғрисида баҳслашмоқчи бўлса, (ундай кимсаларга) айтинг: «Келинглар, ўғилларимиз билан ўғилларингизни, хотинларимиз билан хотинларингизни, ўзимиз билан ўзларингизни чорлаб, сўнгра (биргаликда) илтижо қиламиз, бас, ёлғончиларга Аллоҳ лаънатини тилаймиз»*.

55-оят. Баъзи муфассирлар: “Бу ердаги “вафот” сўзи уйқу маъносидадир. Уни олдин ухлатиб қўйиб, сўнгра кўтарган ёки вафот эттириши осмонга кўтарилганидан кейиндир" – десалар, бошқалари жонсиз ҳолда кўтарилган, деб таъкидлайдилар. Биз – ҳанафийларнинг ақидамиз бўйича, Исо (а.с.) тирик ҳолда кўтарилган, деймиз. Оятни эса: "Эй, Исо! Мен сени ўз ажалинг билан вафот эттирувчиман, уларнинг қатли билан эмас”, – деб таъвил қиламиз.

*** Оятдаги “эргашганлар”дан мурод Исо (а.с.)га имон келтирган мусулмонлар ёки насронийларнинг исломга кирганларидир. Шунингдек, оятда насронийлар ва уларнинг нотўғри эътиқод қилиб келаётган насроний дини қиёмат кунигача боқий қолишига ишорат ҳам бордир (Тб. Бғ.).

61-оят. Нажрон қабиласининг епископи Оқиб бошчилигида насронийлар баҳслашув белгиланган жойга яқинлашганларида Пайғамбаримиз набиралари – Ҳасан, Ҳусайн ва қизлари Фотима билан келаётганини кўришади. Шунда Оқиб ўз издошларига: “Эй, насронийлар жамоаси! Ортингизга қайтаверингиз! Мен биз сари келаётган шундай зотларни кўраяпманки, улар агар Аллоҳдан тоғни кўчиришни сўрасалар ҳам ижобат қилур", – деб қайтиб кетишган экан (Мд.).

إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلْقَصَصُ ٱلْحَقُّ ۚ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّا ٱللَّهُ ۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَهُوَ
ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٦٢﴾ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٦٣﴾
قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ تَعَالَوْا۟ إِلَىٰ كَلِمَةٍ سَوَآءٍۭ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ
أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا ٱللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِۦ شَيْـًٔا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا
بَعْضًا أَرْبَابًا مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۚ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقُولُوا۟ ٱشْهَدُوا۟ بِأَنَّا
مُسْلِمُونَ ﴿٦٤﴾ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لِمَ تُحَآجُّونَ فِىٓ
إِبْرَٰهِيمَ وَمَآ أُنزِلَتِ ٱلتَّوْرَىٰةُ وَٱلْإِنجِيلُ إِلَّا مِنۢ بَعْدِهِۦٓ ۚ أَفَلَا
تَعْقِلُونَ ﴿٦٥﴾ هَٰٓأَنتُمْ هَٰٓؤُلَآءِ حَٰجَجْتُمْ فِيمَا لَكُم بِهِۦ
عِلْمٌ فَلِمَ تُحَآجُّونَ فِيمَا لَيْسَ لَكُم بِهِۦ عِلْمٌ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ
لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾ مَا كَانَ إِبْرَٰهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَٰكِن كَانَ
حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٦٧﴾ إِنَّ أَوْلَى ٱلنَّاسِ
بِإِبْرَٰهِيمَ لَلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُ وَهَٰذَا ٱلنَّبِىُّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ۗ وَٱللَّهُ وَلِىُّ
ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٦٨﴾ وَدَّت طَّآئِفَةٌ مِّنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ لَوْ يُضِلُّونَكُمْ
وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٦٩﴾ يَٰٓأَهْلَ
ٱلْكِتَٰبِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَأَنتُمْ تَشْهَدُونَ ﴿٧٠﴾

62. Албатта, бу воқеий қиссадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат эгасидир.

63. (Шунда ҳам) агар юз ўгирсалар, албатта, Аллоҳ бузғунчиларни (яхши) билувчидир.

64. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Эй, китоб аҳли (яҳудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг ўртамизда (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга* келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб бир-бирларимизни илоҳ қилиб олмайлик!» Агар (бу таклифдан) юз ўгирсалар, (сизлар уларга): «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз», – деб айтиб қўйингиз!

65. Эй, аҳли китоблар, нима учун Иброҳим ҳақида (у бизнинг динимизда бўлган деб) баҳслашасизлар? Ахир, Таврот билан Инжил ундан кейин нозил бўлган-ку! Ақлни ишлатмайсизми?!

66. Эй, сиз (аҳли китоблар) – ўзингиз биладиган нарсалар (Мусо ва Исо) ҳақида (билиб-билмай) баҳслашдингиз. Нега энди билмаган нарсангиз (Иброҳим дини) ҳақида баҳслашасиз? Аллоҳ билур, сизлар эса билмассизлар.

67. Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган, балки тўғри йўлдан toймаган (ҳаниф) мусулмон бўлган ва мушриклардан бўлмаган.

68. Одамлар ичида Иброҳимга дўстроғи – унга эргашганлар, ушбу пайғамбар (Муҳаммад) ва имон келтирганлардир. Аллоҳ (эса) мўминларнинг дўстидир.

69. Аҳли китоблардан бир тоифаси сизларни (тўғри йўлдан) чалғитишни истайдилар. Лекин ўзлари сезмаган ҳолда фақат ўзларинигина чалғитадилар.

70. Эй, аҳли китоблар, нима учун Аллоҳнинг (Тавротдаги Муҳаммад ҳақида келган) оятларини инкор этасиз, ваҳоланки, ўзларингиз (олдинроқ унга) гувоҳлик бераётган эдингиз-ку?!

64-оят. Бу оятдаги аҳли китоблардан мурод асосий аҳолиси насроний динига эътиқод қилувчи Яман диёрининг Нажрон водийсида яшовчи насронийлар ёки мадиналик яҳудийлардир. Ҳотамтойнинг ўғли Адий Пайғамбаримиз (а.с.)га эътироз билдириб, оятдаги “бир-биримизни илоҳ қилиб олмайлик“ деган иборанинг мазмунини аниқлаб олиш учун “улар у пайтда бир-бирларига сиғинмаганлар-ку!?” дейди. Расул (а.с.) ундан “сизларга руҳонийлар ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол қилиб берганларида сизлар шу ҳукмларни қабул қилиб олганмидингиз!?” деб сўрайдилар. Шунда Адий “ҳа” деб жавоб беради. “Шу қабул қилишингиз бир-бирларингизни илоҳ қилиб олиб сиғинганингиздир” деб, изоҳ берадилар Расул алайҳиссалом (Мд.).
Ҳотамтой мислсиз сахийлиги билан тарихда ном қолдирган машҳур шахс бўлиб, у Пайғамбаримизнинг даврларига етиб келмаган, балки жоҳилият даврида исломдан бенасиб ҳолда дунёдан ўтган. Унинг ўғли Адий эса, имон келтириб саҳобалар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لِمَ تَلۡبِسُونَ ٱلۡحَقَّ بِٱلۡبَٰطِلِ وَتَكۡتُمُونَ ٱلۡحَقَّ
وَأَنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ﴿٧١﴾ وَقَالَت طَّآئِفَةٞ مِّنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ ءَامِنُواْ
بِٱلَّذِيٓ أُنزِلَ عَلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَجۡهَ ٱلنَّهَارِ وَٱكۡفُرُوٓاْ ءَاخِرَهُۥ
لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ ﴿٧٢﴾ وَلَا تُؤۡمِنُوٓاْ إِلَّا لِمَن تَبِعَ دِينَكُمۡ قُلۡ إِنَّ
ٱلۡهُدَىٰ هُدَى ٱللَّهِ أَن يُؤۡتَىٰٓ أَحَدٞ مِّثۡلَ مَآ أُوتِيتُمۡ أَوۡ يُحَآجُّوكُمۡ
عِندَ رَبِّكُمۡۗ قُلۡ إِنَّ ٱلۡفَضۡلَ بِيَدِ ٱللَّهِ يُؤۡتِيهِ مَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ
عَلِيمٞ ﴿٧٣﴾ يَخۡتَصُّ بِرَحۡمَتِهِۦ مَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ ذُو ٱلۡفَضۡلِ
ٱلۡعَظِيمِ ﴿٧٤﴾ ۞ وَمِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ مَنۡ إِن تَأۡمَنۡهُ بِقِنطَارٖ
يُؤَدِّهِۦٓ إِلَيۡكَ وَمِنۡهُم مَّنۡ إِن تَأۡمَنۡهُ بِدِينَارٖ لَّا يُؤَدِّهِۦٓ إِلَيۡكَ إِلَّا
مَا دُمۡتَ عَلَيۡهِ قَآئِمٗاۗ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَالُواْ لَيۡسَ عَلَيۡنَا فِي ٱلۡأُمِّيِّـۧنَ
سَبِيلٞ وَيَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلۡكَذِبَ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ﴿٧٥﴾
بَلَىٰۚ مَنۡ أَوۡفَىٰ بِعَهۡدِهِۦ وَٱتَّقَىٰ فَإِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُتَّقِينَ ﴿٧٦﴾ إِنَّ
ٱلَّذِينَ يَشۡتَرُونَ بِعَهۡدِ ٱللَّهِ وَأَيۡمَٰنِهِمۡ ثَمَنٗا قَلِيلًا أُوْلَٰٓئِكَ لَا
خَلَٰقَ لَهُمۡ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ ٱللَّهُ وَلَا يَنظُرُ إِلَيۡهِمۡ
يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمۡ وَلَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿٧٧﴾

71. Эй, аҳли китоблар, нима учун ўзингиз *била туриб*, ҳақни ноҳақлик билан ўраб, ҳақиқатни яширасиз?!

72. Аҳли китоблардан бир тоифаси (бирбирларига шундай) дейишди: «Мўминларга нозил қилинган нарса (Қуръон)га куннинг бошида имон келтириб, охирида уни инкор этингиз, шояд (шунда) улар (ҳам имондан) қайтсалар*

73. ва динингизга эргашганлардан бошқаларга ишонмангиз». Айтинг (эй, Муҳаммад): «Тўғри йўл – бу Аллоҳнинг йўли». (Аҳли китоблар давом этиб дедилар): «Токи бирор кишига сизларга берилган маълумот берилмасин ёки Парвардигорингиз ҳузурида сизлар билан ҳужжатлашиб юрмасин». Айтинг: «Албатта, фазл Аллоҳнинг «қўли»дадир. Уни хоҳлаган кишиларига берур. Аллоҳ фазли кенг, энг билимдон зотдир.

74. Раҳматини (пайғамбарлик ёки Исломни) Ўзи хоҳлаган кишига беради. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.

75. Аҳли китоблар орасида шундайи (ҳам) борки, унга катта миқдордаги пулни омонат берсанг, сенга (хиёнатсиз яна) қайтаради. *Лекин*, шундайи (ҳам) борки, унга бир динор (пул)ни омонат берсанг, то устида қаттиқ туриб олмагунинггача, сенга қайтариб бермайди*. Бунинг сабаби: «Омилар (мусулмон бўлганлар)-га бизга (даражамизга етишга)ча йўл бўлсин», – дейишларидир. Улар била туриб, Аллоҳ ҳақида ёлғон гапирадилар.

76. Аслида эса ким (Аллоҳ) аҳдига вафо қилса ва тақволи бўлса, албатта, Аллоҳ (бу каби) тақводорларни севади.

77. Аллоҳга берган аҳдлари ва қасамларини озгина баҳога алмаштирадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. (Қиёмат куни) Аллоҳ улар билан гаплашмайди, уларга (раҳмат назари билан) боқмайди ва уларни оқламайди ҳам. Улар учун аламли азоб бордир*.

72-оят. Яъни сизларга тақлид қилиб улар ҳам ўз динларидан қайтсалар ажаб эмас, деган маънода бир-бирларига тавсия этдилар. Бу қибланинг Каъба томонга ўзгариши хусусида эди. Аҳли китоблар шу йўл билан мусулмонларни чалғитмоқчи бўлганлар.

75-оят. Бу оят омонатга хиёнат қилмайдиган, кейинроқ исломга кирган яҳудий Абдуллоҳ ибн Салом ҳамда хиёнаткор Финҳос ибн Озуро ҳақида нозил бўлган. Ислом динига ўтганлардан олган қарзларини аҳли китоблар жазо сифатида қайтармасдан еб юборар эдилар. Бу билан аҳли китоблар ўзларини устун билиб, бошқа динга ўтганларни камситиш ва ҳақларига хиёнат қилиш мумкин, бунинг учун уларга гуноҳ ёзилмайди, деган ботил ақидани рўёбга чиқармоқчи бўладилар (Мд.).

77-оят. Бу ояти карима Таврот ва Инжил китобларидаги Муҳаммад (а.с.)га таалluқли оятларни олиб ташлаган ёки ўзгартирган аҳли китоблар ҳақида нозил этилган. Улар Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлиб танилмасларидан олдин, агар у дунёга келса, албатта, унга имон келтирамиз ва ёрдам берамиз деб қасамёд этган эдилар (Мд.).

وَإِنَّ مِنْهُمْ لَفَرِيقًا يَلْوُۥنَ أَلْسِنَتَهُم بِٱلْكِتَٰبِ لِتَحْسَبُوهُ
مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَمَا هُوَ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَيَقُولُونَ هُوَ
مِنْ عِندِ ٱللَّهِ وَمَا هُوَ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ وَيَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ
وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٧٨﴾ مَا كَانَ لِبَشَرٍ أَن يُؤْتِيَهُ ٱللَّهُ ٱلْكِتَٰبَ
وَٱلْحُكْمَ وَٱلنُّبُوَّةَ ثُمَّ يَقُولَ لِلنَّاسِ كُونُوا۟ عِبَادًا لِّى مِن
دُونِ ٱللَّهِ وَلَٰكِن كُونُوا۟ رَبَّٰنِيِّۦنَ بِمَا كُنتُمْ تُعَلِّمُونَ ٱلْكِتَٰبَ
وَبِمَا كُنتُمْ تَدْرُسُونَ ﴿٧٩﴾ وَلَا يَأْمُرَكُمْ أَن تَتَّخِذُوا۟ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ
وَٱلنَّبِيِّۦنَ أَرْبَابًا ۗ أَيَأْمُرُكُم بِٱلْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿٨٠﴾
وَإِذْ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلنَّبِيِّۦنَ لَمَآ ءَاتَيْتُكُم مِّن كِتَٰبٍ
وَحِكْمَةٍ ثُمَّ جَآءَكُمْ رَسُولٌ مُّصَدِّقٌ لِّمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ
بِهِۦ وَلَتَنصُرُنَّهُۥ ۚ قَالَ ءَأَقْرَرْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ إِصْرِى ۖ
قَالُوٓا۟ أَقْرَرْنَا ۚ قَالَ فَٱشْهَدُوا۟ وَأَنَا۠ مَعَكُم مِّنَ ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٨١﴾
فَمَن تَوَلَّىٰ بَعْدَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٨٢﴾
أَفَغَيْرَ دِينِ ٱللَّهِ يَبْغُونَ وَلَهُۥٓ أَسْلَمَ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ طَوْعًا وَكَرْهًا وَإِلَيْهِ يُرْجَعُونَ ﴿٨٣﴾

78. Улар (аҳли китоблар)нинг яна бир гуруҳи* Китобдан (Тавротдан) бўлмаган нарсани Китобдан деб ўйлашингиз учун Китобни тилларини бураб (ўзгартириб) ўқийдилар ҳамда уни «Аллоҳ ҳузуридан» дейдилар. Ваҳоланки, у – Аллоҳ ҳузуридан эмас. (Улар) била туриб, Аллоҳ номидан ёлғон сўзлайдилар.

79. Ҳеч бир башар зотига (пайғамбарга) Аллоҳ Китоб, Ҳикмат ва пайғамбарлик берганидан кейин у одамларга: «Аллоҳни қўйиб, менга банда бўлингиз!» – дейиши мумкин эмас, балки уларга «Китобдан таълим бериб ва ўзингиз ҳам ўрганиб юрганингиз сабабли раббоний кишилар (Парвардигорга сиғинувчилар)дан бўлингиз!» (дейиши жоиздир)*.

80. (Ўша пайғамбар) сизларга фаришталар ва пайғамбарларни маъбуд қилиб олишингизни ҳам буюрмайди. Ахир, мусулмон бўлганингиздан кейин сизларни куфрга (қайтишликка) буюрармиди?!

81. Эсланг, Аллоҳ (пайғамбарлардан)* шундай аҳд олган эди: «Мен сизларга Китоб ва Ҳикмат берган бўлсам, эндиликда сизлардаги (Китоб)ни тасдиқ этувчи бир пайғамбар (Муҳаммад) келганда, албатта, унга имон келтирасиз ва унга ёрдам берасиз!» (Аллоҳ): «Тан олдингизми ва аҳдномамни шу (шарт) билан қабул қилдингизми?» – деганида, улар: «Тан олдик»,– деб жавоб бердилар. Аллоҳ деди: «Гувоҳ бўлингиз, Мен ҳам сизлар билан бирга гувоҳлардандирман».

82. Бас, ким шундан (аҳдлашганидан) кейин юз ўгирса, ана ўшалар фосиқлардир.

83. Аллоҳнинг (ҳақ) динидан ўзга динни истайдиларми?! Ваҳоланки, осмонлару Ердаги барча зотлар (фаришталар, инсу жинлар) хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий Унга бўйин сунгандир ва Унинг ҳузурига қайтарилурлар.

78-оят. Улар Каъб ибн Ашраф, Молик ибн Сайф, Ҳайй ибн Ахтаб ва бошқалар эди. Улар Тавротдаги Муҳаммад (а.с.) тўғрисида келган тавсифлар ва ражм оятларини ташлаб ёки ўзгартириб ўқиб берар эдилар. Бу саҳифадаги олти оятнинг ҳаммаси аҳли китоблар хусусидадир (Мд.).

79-оят. Яманнинг Нажрон водийсида яшовчи насронийлар Исо (а.с.)га сиғинишларини оқлаш учун "буни бизга Исо пайғамбарнинг ўзи буюрган" деб даъво қилган эканлар (Хз.).

Яҳудийлардан Абу Рофиъ ва насронийлардан Саййид Нажроний Муҳаммад (а.с.)га: "Сенга маъбуд сифатида сажда қилсак бўладими?" деб сўраганларида мазкур оят нозил қилинган (Қз.).

81-оят. Аллоҳ таоло аҳдни пайғамбарларнинг ўзларидан ёки авлодларидан, яъни Исроил авлодидан олган деб билиш мумкин (Мд.).

Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбардан ўзидан кейин келадиган пайғамбарга имон келтириб, ишларида ёрдам бериш хусусида, агар ўзлари кўриша олмасалар, қавмларига васият қилишлари ёки ҳамма пайғамбарлар Муҳаммад (а.с.)га имон келтиришлари хусусида аҳд-паймон олган (Хз.).

Мазкур оятлардан маълум бўладики, барча пайғамбарлар тавҳидга асосланган бир хил дин – ислом дини билан юборилган.

قُلْ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ عَلَيْنَا وَمَآ أُنزِلَ عَلَىٰٓ إِبْرَٰهِيمَ
وَإِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ وَٱلْأَسْبَاطِ وَمَآ أُوتِىَ
مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَٱلنَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ
مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُۥ مُسْلِمُونَ ﴿٨٤﴾ وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ ٱلْإِسْلَٰمِ
دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾
كَيْفَ يَهْدِى ٱللَّهُ قَوْمًا كَفَرُوا۟ بَعْدَ إِيمَٰنِهِمْ وَشَهِدُوٓا۟
أَنَّ ٱلرَّسُولَ حَقٌّ وَجَآءَهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ ۚ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٨٦﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ جَزَآؤُهُمْ أَنَّ عَلَيْهِمْ لَعْنَةَ ٱللَّهِ
وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿٨٧﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا لَا يُخَفَّفُ
عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿٨٨﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ مِنۢ
بَعْدِ ذَٰلِكَ وَأَصْلَحُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٨٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ بَعْدَ إِيمَٰنِهِمْ ثُمَّ ٱزْدَادُوا۟ كُفْرًا لَّن تُقْبَلَ تَوْبَتُهُمْ
وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلضَّآلُّونَ ﴿٩٠﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَمَاتُوا۟ وَهُمْ
كُفَّارٌ فَلَن يُقْبَلَ مِنْ أَحَدِهِم مِّلْءُ ٱلْأَرْضِ ذَهَبًا وَلَوِ
ٱفْتَدَىٰ بِهِۦٓ ۗ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٩١﴾

84. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарса (ваҳий)га имон келтирдик. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмаймиз ва биз Унинг ўзигагина бўйин сунувчилармиз».

85. Кимки исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у дин) сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўрувчилардандир.

86. Имон келтириб, Пайғамбарнинг барҳақлигига гувоҳлик берганларидан ва уларга ҳужжатлар келганидан кейин кофир бўлганларни Аллоҳ қандай (қилиб) ҳидоятга йўлласин?! Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоятга йўлламагай.

87. Ана ўшаларнинг жазоси – Аллоҳ, фаришталар ва барча одамларнинг уларга нисбатан (айтадиган) лаънатларидир.

88. Улар унда (лаънат ёки дўзахда) абадий қолувчилардир, уларнинг азоблари енгиллаштирилмас ва кечга ҳам сурилмас*.

89. Илло, шундан (куфрдан) кейин тавба қилиб, (хатоларини) тузатсалар, албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

90. Албатта, имон келтирганларидан кейин (яна) куфрга қайтган, сўнгра куфрларини зиёда қилган* кимсаларнинг тавбалари сира қабул қилинмас. Ана ўшалар адашган (гумроҳ)лардир.

91. Албатта, кофир бўлган ва кофир ҳолларида ўлганларнинг бирортасидан (қиёмат азобидан қутулиши учун) агарда ер юзи тўла олтинни бадал сифатида берса ҳам, асло қабул қилинмас*. Ана ўшаларга аламли азоб бор-у, ёрдам берувчилар йўқдир.

88-оят. Бу оятдаги охирги жумла: “уларга Аллоҳ тарафидан раҳмат назари билан боқилмас” деган тафсирни ҳам кўтаради.

90-оят. Яъни кофирларнинг ўлим олдидан келтирган калималари ва имонлари Аллоҳнинг наздида қабул қилинмагай.

91-оят. Ҳадиси шарифда хабар берилишича, қиёмат куни кофир кимсадан: “Агар дўзахга тушишдан қутулишинг учун сендан ер юзи тўла олтинни бадал сифатида талаб этилса рози бўлармидинг?” деб сўралади. У бажонидил розилигини билдиргач, унга: “Сендан ёруғ дунёда бундан енгилроқ нарса талаб этилган эди, лекин сен унга рози бўлмаган эдинг”, дейилар экан (Мд.).

Инсондан Аллоҳ таоло бу дунёда кўп нарса талаб қилмайди. Балки Унинг биру борлигига имон келтириб, пайғамбари келтирган буйруқ ва тақиқларга риоя қилиб, зиммасидаги вазифаларни адо этиб ўтса кифоя. Инсон тоқатидан ортиқча амал ва тоатибодатга мажбур этилмайди.

Ҳақиқатан, охиратда Аллоҳнинг ваъда ва ваъидлари ҳақ эканлигига тўла ишонч ҳосил қилган мўминлар ҳам, кофирлар ҳам ёруғ дунёда кўп умрларини зое ўтказганлари учун пушаймонда бўладилар; кофирлар имон келтирмаганлари учун, мўминлар савобли ишларни кўпроқ қилмаганлари учун.

لَن تَنَالُوا۟ ٱلْبِرَّ حَتَّىٰ تُنفِقُوا۟ مِمَّا تُحِبُّونَ ۚ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِن شَىْءٍ
فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٩٢﴾ ۞ كُلُّ ٱلطَّعَامِ كَانَ حِلًّا لِّبَنِىٓ
إِسْرَٰٓءِيلَ إِلَّا مَا حَرَّمَ إِسْرَٰٓءِيلُ عَلَىٰ نَفْسِهِۦ مِن قَبْلِ أَن تُنَزَّلَ
ٱلتَّوْرَىٰةُ ۗ قُلْ فَأْتُوا۟ بِٱلتَّوْرَىٰةِ فَٱتْلُوهَآ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٩٣﴾
فَمَنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٩٤﴾ قُلْ صَدَقَ ٱللَّهُ ۗ فَٱتَّبِعُوا۟ مِلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ حَنِيفًا
وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٩٥﴾ إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِى
بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَٰلَمِينَ ﴿٩٦﴾ فِيهِ ءَايَٰتٌۢ بَيِّنَٰتٌ مَّقَامُ
إِبْرَٰهِيمَ ۖ وَمَن دَخَلَهُۥ كَانَ ءَامِنًا ۗ وَلِلَّهِ عَلَى ٱلنَّاسِ حِجُّ ٱلْبَيْتِ
مَنِ ٱسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا ۚ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِىٌّ عَنِ ٱلْعَٰلَمِينَ
﴿٩٧﴾ قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لِمَ تَكْفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَٱللَّهُ شَهِيدٌ
عَلَىٰ مَا تَعْمَلُونَ ﴿٩٨﴾ قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لِمَ تَصُدُّونَ عَن
سَبِيلِ ٱللَّهِ مَنْ ءَامَنَ تَبْغُونَهَا عِوَجًا وَأَنتُمْ شُهَدَآءُ ۗ وَمَا ٱللَّهُ
بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٩٩﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِن تُطِيعُوا۟
فَرِيقًا مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ يَرُدُّوكُم بَعْدَ إِيمَٰنِكُمْ كَٰفِرِينَ ﴿١٠٠﴾

ТЎРТИНЧИ ПОРА

92. Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизгача сира яхшилик (жаннат)га ета олмайсизлар. Ниманики эҳсон қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир.

93. Таврот нозил бўлмай туриб, Исроил (Яъқуб) ўзига ҳаром қилиб олган нарса (туя гўшти ва сути)дан бошқа барча таомлар Исроил авлодига ҳалол эди*. «Агар ўзларингизни (инкорингизда) ростгўй деб билсангиз, Тавротни келтириб, ўқиб кўрингиз», – деб айтинг.

94. Шундан кейин ҳам кимки Аллоҳга ёлғон тўқиса, ана ўшалар золимлардир.

95. «Аллоҳ рост сўзлар. Бас, ҳақ йўлда собит бўлмиш Иброҳимнинг динига эргашингиз! У мушриклардан бўлмаган», – деб айтинг.

96. Албатта, одамлар (ибодати) учун қурилган биринчи Уй – Бакка (Макка)даги муборак ва оламлар учун ҳидоят (манбаи) бўлмиш (Каъба)дир.

97. Унда аниқ аломатлар – «Мақоми Иброҳим» бордир*. Унга (Каъбага) кирган киши омонда бўлур. Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир.

98. Айтинг: «Эй, аҳли китоблар! Аллоҳ қилаётган кирдикорларингизга гувоҳ бўлатуриб, нега Аллоҳнинг оятларини инкор этасиз?»

99. Айтинг: «Эй, аҳли китоблар! Нега имон келтирганларни Аллоҳ йўлидан тўсасиз ва ўзингиз гувоҳ бўла туриб, уни (йўлни) қинғирлаштиришга интиласиз? Қилаётган ишларингиздан Аллоҳ ғофил эмас-ку!»

100. Эй, имон келтирганлар! Агар Китоб берилганларнинг бирор гуруҳига бўйин сунсангиз, имон келтирганингиздан кейин сизларни (яна) кофирликка қайтарадилар*.

93-оят. Бу мусулмонлар туя гўшти ва сутини истеъмол қилганлари туфайли яҳудийларнинг қилган таъналарига жавобан нозил бўлган оятдир. Яъқуб (а.с.) фақат ўзлари учун истисно сифатида туя гўшти ва сутини ҳаром қилган. Бунга икки сабаб кўрсатилган. Биринчиси – Яъқуб (а.с.) бир оғир касалликка учраганида, "Агар соғайиб кетсам, ўзимга энг ёқимли бўлмиш туя гўшти ва сутини истеъмол қилмаслик йўли билан нафсимни қийнайман", – деб назр қилгани. Назр эса қасамнинг бир тури. Иккинчиси — мазкур оғир касалликдан фориғ бўлиш учун табиблар парҳезга буюришгани.

97-оят. Дарҳақиқат, Макка шаҳрида Мақоми Иброҳим, Замзам булоғи, Ҳажарул-асвад, Сафо, Марва каби осори атиқалар мавжудким, улар узоқ ўтмишнинг аломатларидан ҳисобланади.

100-оят. Шос ибн Қайс исмли бир яҳудий Мадинадаги Авс ва Хазраж қабилаларининг мусулмонлари ёнидан ўта туриб бир йигитга: "Уларга олдин ўрталарида ўтган қабила жангини бир эслатиб қўй", – дейди. У эслатгандан сўнг улар бир-бирлари билан жанжаллашиб, ҳатто қилич яланғочлашгача борадилар. Шунда Расулуллоҳ: "Мен ҳали орангизда туриб, яна жоҳилият даврига қайтмоқчимисиз?!", – деб танбеҳ берадилар.

وَكَيْفَ تَكْفُرُونَ وَأَنتُمْ تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ وَفِيكُمْ
رَسُولُهُۥ ۗ وَمَن يَعْتَصِم بِٱللَّهِ فَقَدْ هُدِىَ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ١٠١
يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ تُقَاتِهِۦ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُم
مُّسْلِمُونَ ١٠٢ وَٱعْتَصِمُوا۟ بِحَبْلِ ٱللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا۟ ۚ
وَٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنتُمْ أَعْدَآءً فَأَلَّفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ
فَأَصْبَحْتُم بِنِعْمَتِهِۦٓ إِخْوَٰنًا وَكُنتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِّنَ ٱلنَّارِ
فَأَنقَذَكُم مِّنْهَا ۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمْ ءَايَٰتِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ
١٠٣ وَلْتَكُن مِّنكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى ٱلْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ
وَيَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ١٠٤ وَلَا
تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ تَفَرَّقُوا۟ وَٱخْتَلَفُوا۟ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْبَيِّنَٰتُ ۚ
وَأُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ١٠٥ يَوْمَ تَبْيَضُّ وُجُوهٌ وَتَسْوَدُّ
وُجُوهٌ ۚ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ٱسْوَدَّتْ وُجُوهُهُمْ أَكَفَرْتُم بَعْدَ إِيمَٰنِكُمْ
فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ١٠٦ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ ٱبْيَضَّتْ
وُجُوهُهُمْ فَفِى رَحْمَةِ ٱللَّهِ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ١٠٧ تِلْكَ ءَايَٰتُ
ٱللَّهِ نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِٱلْحَقِّ ۗ وَمَا ٱللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِّلْعَٰلَمِينَ ١٠٨

101. Аллоҳнинг оятлари сизларга ўқиб турилган, ораларингизда Унинг пайғамбари турган бир пайтда қандай қилиб (динни) инкор этасиз?! Ким Аллоҳ (дини)ни маҳкам тутса, демак, у тўғри йўлга йўлланибди.

102. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан чинакам қўрқув билан қўрқингиз ва мусулмон бўлмай дунёдан ўтмангиз!

103. Ҳаммангиз Аллоҳнинг «арқони» (Қуръони)ни маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг ҳамда ўзаро адоватда бўлган пайтларингизда дилларингизни (туташтириб) ошно қилиб қўйган Аллоҳнинг неъматини ёдда тутинг. Унинг неъмати туфайли биродарларга айландингиз. Дўзах чоҳи ёқасида турганингизда, сизларни ундан қутқарди. Шояд ҳақ йўлни топгайсизлар, деб, Аллоҳ Ўз оятларини сизларга шундай баён қилади.

104. Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин!* Айнан улар (охиратда) нажот топувчилардир.

105. Ҳужжатлар келгандан кейин ҳам бўлиниб, ўзаро ихтилофга берилган кимсаларга ўхшамангиз! Ана ўшаларга улкан азоб бордир.

106. Баъзи юзлар оқарадиган ва баъзи юзлар қораядиган Кун (қиёмат)ни эсланг: юзи қорайганларга: «Имон келтиргандан кейин яна куфрга қайтган эдингизми? Куфрингиз туфайли мана шу азобларни тотиб кўринг, энди!» (дейилур).

107. Юзлари оқарган зотлар эса Аллоҳнинг раҳмати (жаннати)дадирлар. Улар у ерда абадий қолувчилардир.

108. Бу Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққоний равишда ўқиб бермоқдамиз. Аллоҳ оламларга зулмни раво кўрмагай.

104-оят. Бу ердаги «сизлардан» сўзидан араб тили қоидаси бўйича икки хил маъно олиш мумкин. Яъни сизлардан бир жамоат чиқиб, яхшиликка даъват қилиш, амри маъруф, наҳйи мункар ишлари билан шуғуллансин, деб ҳам тушуниш мумкин. Бу тафсирга кўра амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланиш фарзи кифоя саналиб, умматнинг ҳаммаси эмас, балки маълум бир қисми – уламолар шуғулланса, шунинг ўзи кифоя қилиб, бошқаларнинг зиммасидан бу вазифа соқит бўлади.
Яна, Имом Бағавий (вафот. 516 ҳ.й.) каби бу оятдан "сизлар ҳаммангиз мазкур ишларни қиладиган уммат бўлингиз", деган маънони олиш ҳам жоиз. Муфассирларнинг аксарияти шу иккинчи тафсирни қўллаб-қувватлаганлар. Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳам шу иккинчи тафсирга биноан амри маъруф ва наҳйи мункар билан шуғулланишни фарзи айн, яъни ҳар бир мусулмон зиммасидаги фарздир, деб билганлар.
Жумладан, Абу Мансур Мотуридий ҳазратлари ҳам «Таъвилоту Аҳлис-сунна» номли тафсир китобларида шу суранинг 110-, "Моида" сурасининг 79-оятлари ва бир неча ҳадиси шарифлардан далил келтириб, амри маъруф, наҳйи мункар ишларини қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи айн қилинган, деб таъкидлаганлар.

وَلِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرۡجَعُ ٱلۡأُمُورُ
١٠٩ كُنتُمۡ خَيۡرَ أُمَّةٍ أُخۡرِجَتۡ لِلنَّاسِ تَأۡمُرُونَ بِٱلۡمَعۡرُوفِ
وَتَنۡهَوۡنَ عَنِ ٱلۡمُنكَرِ وَتُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِۗ وَلَوۡ ءَامَنَ
أَهۡلُ ٱلۡكِتَٰبِ لَكَانَ خَيۡرٗا لَّهُمۚ مِّنۡهُمُ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ
وَأَكۡثَرُهُمُ ٱلۡفَٰسِقُونَ ١١٠ لَن يَضُرُّوكُمۡ إِلَّآ أَذٗىۖ
وَإِن يُقَٰتِلُوكُمۡ يُوَلُّوكُمُ ٱلۡأَدۡبَارَ ثُمَّ لَا يُنصَرُونَ ١١١ ضُرِبَتۡ
عَلَيۡهِمُ ٱلذِّلَّةُ أَيۡنَ مَا ثُقِفُوٓاْ إِلَّا بِحَبۡلٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَحَبۡلٖ مِّنَ ٱلنَّاسِ
وَبَآءُو بِغَضَبٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَضُرِبَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلۡمَسۡكَنَةُۚ ذَٰلِكَ
بِأَنَّهُمۡ كَانُواْ يَكۡفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَيَقۡتُلُونَ ٱلۡأَنۢبِيَآءَ بِغَيۡرِ
حَقّٖۚ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَواْ وَّكَانُواْ يَعۡتَدُونَ ١١٢ ۞ لَيۡسُواْ سَوَآءٗۗ
مِّنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ أُمَّةٞ قَآئِمَةٞ يَتۡلُونَ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ ءَانَآءَ ٱلَّيۡلِ
وَهُمۡ يَسۡجُدُونَ ١١٣ يُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ
وَيَأۡمُرُونَ بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَيَنۡهَوۡنَ عَنِ ٱلۡمُنكَرِ وَيُسَٰرِعُونَ
فِي ٱلۡخَيۡرَٰتِۖ وَأُوْلَٰٓئِكَ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ١١٤ وَمَا يَفۡعَلُواْ
مِنۡ خَيۡرٖ فَلَن يُكۡفَرُوهُۗ وَٱللَّهُ عَلِيمُۢ بِٱلۡمُتَّقِينَ ١١٥

109. Осмонлар ва Ердаги нарсалар Аллоҳникидир ва (барча) ишлар Аллоҳга қайтарилур (Аллоҳ ҳукмига оширилур).

110. Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхшиси бўлдингиз, (эй, мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар аҳли китоблар (ҳам) имон келтирганларида эди, ўзлари учун яхши бўлур эди. Улар орасида (Муҳаммадга имон келтирган) мўминлари ҳам бор*, кўпчилиги эса фосиқлардир.

111. Улар сизларга (бироз) озор беришдан бошқа зарар етказа олмайдилар*. Агар сизлар билан урушсалар, чекиниб қочурлар. Сўнг, уларга ёрдам берилмас.

112. Аллоҳ ва (мусулмон) одамлар ҳимоясига олинмаган тақдирда, (улар) қаерда бўлишларидан қатъиназар, хорликка маҳкумдирлар*. Улар Аллоҳнинг ғазабига учрадилар ва мискинликка маҳкум бўлдилар. Бунга сабаб – Аллоҳ оятларини инкор этишлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдиришлари, итоатсизликлари ва тажовузкорликларидир.

113. Уларнинг ҳаммаси баробар эмас. Аҳли китоблар орасида туни билан сажда (ибодат) қиладиган, Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб чиқадиган тўғри жамоа ҳам бор*.

114. (Улар) Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадилар, яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарадилар ва хайрли ишлар сари шошиладилар. Айнан улар солиҳ кишилардандир*.

115. Нимаики яхшилик қилган бўлсалар, (унинг савобидан) маҳрум бўлмайдилар. Аллоҳ тақводорларни (яхши) билувчидир*.

110-оят. Яҳудийлардан Абдуллоҳ ибн Салом билан унинг биродари, Саълаба ибн Саид, насронийлардан Нажоший ва бошқалар ўзларининг пайғамбарларига имон келтириш билан бирга Муҳаммад (а.с)га ҳам имон келтириб ислом динини қабул қилганлар.

111-оят. Уларнинг мусулмонларга берган озорлари деганда яҳудийларнинг Узайр (а.с)ни Аллоҳнинг ўғли дейишлари, насронийларнинг Исо (а.с)ни Аллоҳнинг ўғли дейишлари ва Муҳаммад (а.с) келтирган илоҳий хабарларни инкор этиш билан ақидавий масалаларда нотўғри мафкурага эга бўлишлари тушунилади (Тб.).

112-оят. Мусулмон мамлакатлари ҳимоясида яшайдиган ғайридинлар зиммийлар деб аталади. Уларнинг ҳақ- ҳуқуқлари ислом ҳуқуқшунослигида белгиланган қоидалар билан ҳимоя этиб келинган.

113,114,115-оятлар. Машҳур тобеий Ато ибн Аби Рабоҳ мазкур оятлар тафсирида шундай деганлар: “Яманнинг Нажрон водийсида яшовчи миллати араб бўлган қирқ нафар, ҳабашлардан ўттиз икки нафар ва румликлардан саккиз нафар ва мадиналик араблардан бир неча ансорийлар насроний динига мансуб ҳолда Исо (а.с) динига мувофиқ равишда яшар эдилар ва олдиндан тавҳид динида бўлиб, унинг шариатига риоя этар эдилар (Хз.).

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَن تُغْنِىَ عَنْهُمْ أَمْوَٰلُهُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُهُم
مِّنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۚ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ١١٦
مَثَلُ مَا يُنفِقُونَ فِى هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا كَمَثَلِ رِيحٍ فِيهَا
صِرٌّ أَصَابَتْ حَرْثَ قَوْمٍ ظَلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فَأَهْلَكَتْهُ ۚ وَمَا
ظَلَمَهُمُ ٱللَّهُ وَلَٰكِنْ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ١١٧ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ لَا تَتَّخِذُوا۟ بِطَانَةً مِّن دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا
وَدُّوا۟ مَا عَنِتُّمْ قَدْ بَدَتِ ٱلْبَغْضَآءُ مِنْ أَفْوَٰهِهِمْ وَمَا تُخْفِى
صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ ۚ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ ۖ إِن كُنتُمْ تَعْقِلُونَ ١١٨
هَٰٓأَنتُمْ أُو۟لَآءِ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِٱلْكِتَٰبِ كُلِّهِۦ
وَإِذَا لَقُوكُمْ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَوْا۟ عَضُّوا۟ عَلَيْكُمُ ٱلْأَنَامِلَ
مِنَ ٱلْغَيْظِ ۚ قُلْ مُوتُوا۟ بِغَيْظِكُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ١١٩
إِن تَمْسَسْكُمْ حَسَنَةٌ تَسُؤْهُمْ وَإِن تُصِبْكُمْ سَيِّئَةٌ يَفْرَحُوا۟
بِهَا ۖ وَإِن تَصْبِرُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ لَا يَضُرُّكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْـًٔا ۗ
إِنَّ ٱللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ١٢٠ وَإِذْ غَدَوْتَ مِنْ أَهْلِكَ
تُبَوِّئُ ٱلْمُؤْمِنِينَ مَقَٰعِدَ لِلْقِتَالِ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ١٢١

116. Кофир бўлганларни мол-дунёлари ва фарзандлари Аллоҳ (азоби)дан сира қутқара олмайди*. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар. У ерда абадий қолувчилар ҳам ўшалардир.

117. Уларнинг бу дунёда (риёкорлик билан) қилган эҳсонлари изғиринга ўхшайди: ўзларига зулм қилган қавмнинг экинига тегиб, уни ҳалок қилур. Уларга Аллоҳ зулм қилмади, балки (улар) ўзларига зулм қилмоқдалар.

118. Эй, имон келтирганлар! Ўзингиздан ўзгаларни (мунофиқларни) яқин дўст (сирдош) тутмангиз! Улар сизларга нисбатан бузғунчилик қилишда кучларини аямайдилар ва ҳолларингиз забун бўлишини истайдилар. Сизларни ёмон кўришлари оғизлари (сўзлари)дан аён бўлди, дилларидаги яширган (адоват)лари эса янада каттароқдир. Агар ақлингизни ишлатадиган бўлсангиз, (Биз) сизларга оятларни (муфассал) баён қилиб бердик*.

119. Эй, сизлар! (Улар) сизларни яхши кўрмасалар-да, (сизлар) уларни яхши кўраяпсиз ҳамда ҳамма (илоҳий) китобларга имон келтираяпсиз. (Улар) сизларга йўлиққанларида: «Имон келтирдик», – дейишади. Ўзлари холи қолишганда эса, аччиқларидан сизлардан дилтанг бўлиб, бармоқларини тишлайдилар. «Шу аччиқларингиз билан ўлиб кетинг!» – деб айтинг. Албатта, Аллоҳ дилларнинг қаъридаги гапларни (ҳам) билувчи зотдир.

120. Агар сизларга яхшилик етса, бу уларни хафа қилади. Борди-ю, сизларга ёмонлик етса, бундан улар хурсанд бўладилар. Агар сабр билан тақвода бўлсангиз, уларнинг макрлари сизларга ҳеч қандай зарар етказмайди. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилмишларини иҳота қилувчи зотдир.

121. (Эй, Муҳаммад!) Саҳарлаб оила-аҳлингизни тарк этиб, мўминларни жанг жабҳаларига жойлаб юрган (кезлар)ингизни эсланг! Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир*.

116-оят. Мадинада яшовчи Бани Қурайза ва Бани Назир қабилаларига мансуб яҳудийлар Муҳаммад (а.с.)га нисбатан қилган адоватларининг асосий сабаби бойлик орттириш ва юқори мансабларни эгаллаш бўлгани учун бу оятда уларнинг бу уринишлари бефойда экани баён қилинмоқда.

Бу оят Макка мушрикларидан Абу Жаҳл ва Абу Суфён каби Бадр ва Уҳуд жангида мушрикларга моддий ёрдам берган зодагонлар ҳақида нозил қилинган, деган тафсир ҳам бор.

Бошқа бир тафсирда оятдаги танқид Макка ва Мадинадаги барча куфр аҳлига тегишли дейилади (Хз.).

118-оят. Бу ва кейинги икки оят Мадинада яшовчи яҳудийлар қавми билан исломдан олдин дўстлашиб юрган ва шу дўстликни давом эттираётган мадиналик мусулмонларни огоҳлантириш учун нозил қилинган (Мд.).

121-оят. Бу оятдаги жангдан мурод Уҳуд ёки Хандақ жангларидан биридир (Лс.).

إِذْ هَمَّت طَّآئِفَتَانِ مِنكُمْ أَن تَفْشَلَا وَٱللَّهُ وَلِيُّهُمَا ۗ وَعَلَى
ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٢٢﴾ وَلَقَدْ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ بِبَدْرٍ وَأَنتُمْ
أَذِلَّةٌ ۖ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢٣﴾ إِذْ تَقُولُ لِلْمُؤْمِنِينَ
أَلَن يَكْفِيَكُمْ أَن يُمِدَّكُمْ رَبُّكُم بِثَلَٰثَةِ ءَالَٰفٍ مِّنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ
مُنزَلِينَ ﴿١٢٤﴾ بَلَىٰٓ ۚ إِن تَصْبِرُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ وَيَأْتُوكُم مِّن فَوْرِهِمْ
هَٰذَا يُمْدِدْكُمْ رَبُّكُم بِخَمْسَةِ ءَالَٰفٍ مِّنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ مُسَوِّمِينَ
﴿١٢٥﴾ وَمَا جَعَلَهُ ٱللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ قُلُوبُكُم بِهِۦ ۗ وَمَا
ٱلنَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِندِ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَكِيمِ ﴿١٢٦﴾ لِيَقْطَعَ طَرَفًا
مِّنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَوْ يَكْبِتَهُمْ فَيَنقَلِبُوا۟ خَآئِبِينَ ﴿١٢٧﴾ لَيْسَ لَكَ
مِنَ ٱلْأَمْرِ شَىْءٌ أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ أَوْ يُعَذِّبَهُمْ فَإِنَّهُمْ ظَٰلِمُونَ
﴿١٢٨﴾ وَلِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ يَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ
وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢٩﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ لَا تَأْكُلُوا۟ ٱلرِّبَوٰٓا۟ أَضْعَٰفًا مُّضَٰعَفَةً ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ
لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٣٠﴾ وَٱتَّقُوا۟ ٱلنَّارَ ٱلَّتِىٓ أُعِدَّتْ لِلْكَٰفِرِينَ
﴿١٣١﴾ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٣٢﴾

122. Сизлардан икки тоифа (Уҳуд жангида) ҳадиксирай бошлади, ваҳоланки, Аллоҳ уларнинг ҳомийси эди*. Мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар!

123. Бадр* (жанги)да (ҳарбий) кучингиз оз бўлса-да, Аллоҳ сизларни ғолиб қилди-ку! Бас, Аллоҳдан қўрқиб, зора шукр қилсангиз.

124. Мўминларга: «Раббингиз (осмондан) туширилган уч минг нафар фаришта билан сизларга мадад бергани кифоя эмасми?!» – деган пайтингизни эсланг!

125. Йўғ-е (кифоя қилур)! Агар сабрли бўлиб, Аллоҳдан қўрқсангиз, улар (душманлар) бехос ҳужум қилиб қолсалар – Раббингиз сизларга беш мингта белгили* фаришта билан мадад берур.

126. Бу (мадад)ни Аллоҳ сизларга хушхабар бўлиши ва дилларингиз у билан таскин топиши учун берди. Ғалаба эса фақат қудратли ва ҳикматли Аллоҳ ҳузуридангина (келур).

127. Кофирларнинг бир қисмини ҳалок қилиш ёки зарба бериб, ноумид ҳолда қайтишларига мажбур қилиш учун (мадад берилди).

128. Сиз учун (эй, Муҳаммад!) бу ишда бирор ихтиёр йўқдир. Аллоҳнинг Ўзи уларнинг тавбаларини (балким) қабул қилар ёхуд жазолар. Зеро, улар золимлардир.

129. Осмонлару Ердаги борлиқ Аллоҳникидир. Ўзи хоҳлаган кишини мағфират қилади, хоҳлаган кишини жазолайди. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

130. Эй, имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама шаклида еб юбормангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангиз.

131. Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан сақланингиз!*

132. Аллоҳга ва Пайғамбарга итоат қилинг, шояд, шунда сизларга раҳм қилинса.

122-оят. Биринчи тоифа Мадина шаҳрининг Хазраж қабиласидан бўлмиш Бану Салама маҳалласига мансуб мусулмонлар, иккинчиси – Авс қабиласидан бўлмиш Бану Ҳориса маҳалласига мансуб мусулмонлар (Мд.).

123-оят. “Бадр” Мадина шаҳрининг жануби-ғарбий тарафидаги бир жойнинг номи бўлиб, ҳижратнинг иккинчи йили Макка мушриклари билан бўлган жангда мусулмонлар ғалаба қилган.

Бадр жангида мусулмонларнинг сони уч юз ўн атрофида, мушриклар эса, мингга яқин бўлиб, юзта отлиқ аскари ҳам бор эди. Мусулмонларда эса фақат битта от бўлиб, ҳарбий қуроллари ҳам оз эди. Шунга қарамай, мўминлар сабр ва тақвода бўлдилар, натижада Аллоҳ ўзи ваъда қилган беш минг нафар фаришта билан уларга ўз нусратини нозил қилди (Мд.).

125-оят. Фаришталар минган отларнинг ёллари ва думлари оқ рангда, фаришталарнинг саллалари сариқ рангда бўлган (Мд.).

131-оят. Абу Ҳанифа (рҳ.) ушбу оят мусулмонларни огоҳликка чақирадиган оятлардан бири деган эканлар.

۞ وَسَارِعُوٓاْ إِلَىٰ مَغۡفِرَةٖ مِّن رَّبِّكُمۡ وَجَنَّةٍ عَرۡضُهَا
ٱلسَّمَٰوَٰتُ وَٱلۡأَرۡضُ أُعِدَّتۡ لِلۡمُتَّقِينَ ١٣٣ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ
فِي ٱلسَّرَّآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَٱلۡكَٰظِمِينَ ٱلۡغَيۡظَ وَٱلۡعَافِينَ
عَنِ ٱلنَّاسِۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ١٣٤ وَٱلَّذِينَ إِذَا
فَعَلُواْ فَٰحِشَةً أَوۡ ظَلَمُوٓاْ أَنفُسَهُمۡ ذَكَرُواْ ٱللَّهَ فَٱسۡتَغۡفَرُواْ
لِذُنُوبِهِمۡ وَمَن يَغۡفِرُ ٱلذُّنُوبَ إِلَّا ٱللَّهُ وَلَمۡ يُصِرُّواْ عَلَىٰ
مَا فَعَلُواْ وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ١٣٥ أُوْلَٰٓئِكَ جَزَآؤُهُم مَّغۡفِرَةٞ
مِّن رَّبِّهِمۡ وَجَنَّٰتٞ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ
فِيهَاۚ وَنِعۡمَ أَجۡرُ ٱلۡعَٰمِلِينَ ١٣٦ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِكُمۡ سُنَنٞ
فَسِيرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَٱنظُرُواْ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلۡمُكَذِّبِينَ
١٣٧ هَٰذَا بَيَانٞ لِّلنَّاسِ وَهُدٗى وَمَوۡعِظَةٞ لِّلۡمُتَّقِينَ ١٣٨
وَلَا تَهِنُواْ وَلَا تَحۡزَنُواْ وَأَنتُمُ ٱلۡأَعۡلَوۡنَ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ
١٣٩ إِن يَمۡسَسۡكُمۡ قَرۡحٞ فَقَدۡ مَسَّ ٱلۡقَوۡمَ قَرۡحٞ مِّثۡلُهُۥۚ
وَتِلۡكَ ٱلۡأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيۡنَ ٱلنَّاسِ وَلِيَعۡلَمَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَيَتَّخِذَ مِنكُمۡ شُهَدَآءَۗ وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلظَّٰلِمِينَ ١٤٠

133. Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат* сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз!

134. Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар.

135. Улар бирор фаҳш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир.

136. Айнан уларнинг мукофотлари – Парвардигорларидан мағфират ва остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннат боғлари бўлиб, ўша жойда абадий бўлурлар. (Солиҳ) амал қилувчиларнинг мукофоти нақадар яхши!

137. Сизлардан илгари кўп (ибратли) воқеалар бўлиб ўтган. Ер юзи бўйлаб сайр қилингиз ва (ҳақни) ёлғонга чиқарувчилар оқибати қандай бўлганига (ибрат назари билан) боқингиз!

138. Бу (Қуръон ёки мазкур гаплар) одамлар учун баёнот ҳамда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат (манбаи)дир.

139. Агар (чин) мўмин бўлсангиз, ўзингиз олий (даражада) бўла туриб, (баъзи мағлубиятларингиз сабабли) сустлашмангиз ҳам, ғамгин ҳам бўлмангиз*.

140. Агар сизларга (Уҳуд жангида) жароҳат (мағлубият) етган бўлса, у қавмга ҳам (Бадр жангида) худди шундай жароҳат (мағлубият) етган. Имонли кишиларни билиш (синаш) ва сизлардан шаҳидларни саралаб олиш учун (Биз) шу (ғалаба) кунларни (кетма-кет) алмаштириб турамиз. Аллоҳ золимларни севмагай.

133-оят. Жаннатнинг кенглиги нисбий маънода етти қават осмон ва етти қават ернинг энига тенг дейилган. Ваҳоланки, Еру осмонларнинг эни ёки бўйи деган тушунча йўқ. Лекин бу ерда ташбеҳ учун жаннатнинг эни Еру осмонлар кенглигини қўшгандаги ҳажмга тенг бўлса, унинг бўйи ундан-да узоқ масофани ташкил этиши муқаррар эканини таъкидлаш учун Аллоҳ таоло мисол келтирмоқда. Зеро, одамлар наздида бу дунёда уларга маълум бўлган энг катта кенглик – бу, Еру осмонлар орасидаги кенгликдир. Жаннат етти қават осмон билан Аршнинг ўртасида, дўзах эса, етти қават ернинг остида дейилиши ҳам нисбий таърифдир (Мд. Хз.).

139-оят. Бу оят билан Аллоҳ таоло мўминларга Уҳуд жангида мағлубиятга учраганлари сабабли кўнгиллари чўкмаслиги учун тасалли берган. Бадр жанги 2 ҳ.й., Уҳуд жанги 3 ҳ.й.да кечган.

Бу ердаги “олийлик” Бадр жангидаги ғалабалари туфайли ёки охир-оқибатда ғалаба қилишлари ёхуд уларнинг Аллоҳ йўлида ва имон калимасини юқори қилиш мақсадида жанг қилишлари сабабли обрўларининг юқори бўлиши билан изоҳланади (Мд.).

وَلِيُمَحِّصَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَيَمۡحَقَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ١٤١ أَمۡ
حَسِبۡتُمۡ أَن تَدۡخُلُواْ ٱلۡجَنَّةَ وَلَمَّا يَعۡلَمِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ جَٰهَدُواْ
مِنكُمۡ وَيَعۡلَمَ ٱلصَّٰبِرِينَ ١٤٢ وَلَقَدۡ كُنتُمۡ تَمَنَّوۡنَ ٱلۡمَوۡتَ مِن
قَبۡلِ أَن تَلۡقَوۡهُ فَقَدۡ رَأَيۡتُمُوهُ وَأَنتُمۡ تَنظُرُونَ ١٤٣ وَمَا مُحَمَّدٌ
إِلَّا رَسُولٞ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِهِ ٱلرُّسُلُۚ أَفَإِيْن مَّاتَ أَوۡ قُتِلَ
ٱنقَلَبۡتُمۡ عَلَىٰٓ أَعۡقَٰبِكُمۡۚ وَمَن يَنقَلِبۡ عَلَىٰ عَقِبَيۡهِ فَلَن يَضُرَّ
ٱللَّهَ شَيۡـٔٗاۗ وَسَيَجۡزِي ٱللَّهُ ٱلشَّٰكِرِينَ ١٤٤ وَمَا كَانَ
لِنَفۡسٍ أَن تَمُوتَ إِلَّا بِإِذۡنِ ٱللَّهِ كِتَٰبٗا مُّؤَجَّلٗاۗ وَمَن يُرِدۡ
ثَوَابَ ٱلدُّنۡيَا نُؤۡتِهِۦ مِنۡهَا وَمَن يُرِدۡ ثَوَابَ ٱلۡأٓخِرَةِ نُؤۡتِهِۦ
مِنۡهَاۚ وَسَنَجۡزِي ٱلشَّٰكِرِينَ ١٤٥ وَكَأَيِّن مِّن نَّبِيّٖ قَٰتَلَ مَعَهُۥ
رِبِّيُّونَ كَثِيرٞ فَمَا وَهَنُواْ لِمَآ أَصَابَهُمۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَمَا ضَعُفُواْ
وَمَا ٱسۡتَكَانُواْۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلصَّٰبِرِينَ ١٤٦ وَمَا كَانَ قَوۡلَهُمۡ
إِلَّآ أَن قَالُواْ رَبَّنَا ٱغۡفِرۡ لَنَا ذُنُوبَنَا وَإِسۡرَافَنَا فِيٓ أَمۡرِنَا وَثَبِّتۡ
أَقۡدَامَنَا وَٱنصُرۡنَا عَلَى ٱلۡقَوۡمِ ٱلۡكَٰفِرِينَ ١٤٧ فَـَٔاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ
ثَوَابَ ٱلدُّنۡيَا وَحُسۡنَ ثَوَابِ ٱلۡأٓخِرَةِۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ١٤٨

141. Аллоҳ мўминларни (гуноҳларидан) поклаш ва кофирларни барбод қилиш учун (мазкур ишларни қилди)*.

142. Ёки сизларнинг ичингиздан (Унинг тоати йўлида) жидду жаҳд қилганлар ва (қийинчиликларга) сабр қилувчиларни Аллоҳ билмай (синамай) туриб жаннатга кираверамиз, деб ўйладингизми?

143. Сизларга ўлим келмай туриб, уни (шаҳидликни) орзу қилар эдингиз. Мана, энди (Уҳудда) уни кўз ўнгингизда кўриб турибсиз*.

144. Муҳаммад пайғамбардир, холос. Ундан олдин ҳам пайғамбарлар ўтган. Мабодо, у ўлса ёки ўлдирилса, ортингиз (куфр)га қайтиб кетасизми?! Ортига қайтгани билан ҳеч ким Аллоҳга сира зарар етказа олмас. Аллоҳ шукр қилувчиларни, албатта, мукофотлагай*.

145. Ҳар бир жон (эгаси) Аллоҳнинг изни билангина муҳлати белгилаб қўйилган битик (ажал) етганда ўлади. Ким дунё савоби (ўлжа)ни ирода қилса, унга ўшандан берурмиз. Ким охират савобини ирода қилса, унга (ҳам) ўшандан берурмиз. Шукр қилувчиларни, албатта, мукофотлаймиз.

146. Қайси бир пайғамбар (ўтган бўлса), у билан бирга кўп жамоалар жанг қилганлар. (Лекин) Аллоҳ йўлида уларга етган нарсалар сабабли сустлик, заифлик қилмаганлар, (ёвга) таслим ҳам бўлмаганлар. Аллоҳ (эса) сабрлиларни севгай.

147. Уларнинг гаплари фақат қуйидагича бўлди: «Эй, Раббимиз! Бизнинг гуноҳларимизни ва ишимиздаги исрофгарчилигимизни (бандачиликдаги хатоларимизни) кечир, (жанг асносида) бизни собитқадам қил ва бизга кофирлар қавми устидан ғалаба насиб эт!»

148. Бас, Аллоҳ уларга ҳам бу дунёнинг савоби (ғалаба ва ўлжа)ни, ҳам охиратнинг чиройли савоби (мағфират ва жаннат)ни берди. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар.

141-оят. Яъни мўминлар мағлуб бўлиб, жангда қурбон берсалар, бу улар учун гуноҳлардан покланиш, шаҳидлик ва ажр-савобларга эришиш демакдир. Бордию ғолиб бўлсалар, куфр аҳли сонининг камайиши каби манфаатлар борлиги уқтирилмоқда (Хз.).

143-оят. Бу хитоб Бадр жангида иштирок этмаган, лекин олдиндан Пайғамбар (а.с.) билан бирга жангларда иштирок этишни орзу қилиб юрган мусулмонларга қаратилган (Мд.).

144-оят. Уҳуд жангида “Муҳаммад қатл қилинди” деган миш-миш гап тарқалади. Шундан кейин бир тоифа мусулмонлар жангни тарк этиб кета бошлайдилар. Баъзилари “Пайғамбар ўлган бўлса, унинг дини ҳам тугабди” деган фикрда бўлиб, исломдан воз кечишга ҳам ўтган эдилар. Оятда Муҳаммад (а.с.) оламдан ўтган тақдирда ҳам ҳеч қайси мусулмон у келтирган диндан қайтмаслиги зарур эканлиги таъкидланмоқда. Бу хусусда қадимда ўтган пайғамбарларнинг имонли, садоқатли умматларидан ўрнак олишга чақирилмоқда (Мд.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تُطِيعُواْ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ
يَرُدُّوكُمْ عَلَىٰٓ أَعْقَٰبِكُمْ فَتَنقَلِبُواْ خَٰسِرِينَ ١٤٩
بَلِ ٱللَّهُ مَوْلَىٰكُمْ ۖ وَهُوَ خَيْرُ ٱلنَّٰصِرِينَ ١٥٠ سَنُلْقِى
فِى قُلُوبِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ ٱلرُّعْبَ بِمَآ أَشْرَكُواْ بِٱللَّهِ
مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ سُلْطَٰنًا ۖ وَمَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ ۚ وَبِئْسَ
مَثْوَى ٱلظَّٰلِمِينَ ١٥١ وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ ٱللَّهُ
وَعْدَهُۥٓ إِذْ تَحُسُّونَهُم بِإِذْنِهِۦ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا فَشِلْتُمْ
وَتَنَٰزَعْتُمْ فِى ٱلْأَمْرِ وَعَصَيْتُم مِّنۢ بَعْدِ مَآ أَرَىٰكُم
مَّا تُحِبُّونَ ۚ مِنكُم مَّن يُرِيدُ ٱلدُّنْيَا وَمِنكُم
مَّن يُرِيدُ ٱلْءَاخِرَةَ ۚ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ لِيَبْتَلِيَكُمْ ۖ
وَلَقَدْ عَفَا عَنكُمْ ۗ وَٱللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ
١٥٢ ۞ إِذْ تُصْعِدُونَ وَلَا تَلْوُۥنَ عَلَىٰٓ أَحَدٍ
وَٱلرَّسُولُ يَدْعُوكُمْ فِىٓ أُخْرَىٰكُمْ فَأَثَٰبَكُمْ
غَمًّۢا بِغَمٍّ لِّكَيْلَا تَحْزَنُواْ عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ
وَلَا مَآ أَصَٰبَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ١٥٣

149. Эй, имон келтирганлар! Агар кофирларга бўйин сунсангиз, сизларни ортингизга (куфрга) қайтарурлар. (Натижада) зиён кўрувчиларга айланиб қолурсиз.

150. Аслида Аллоҳ ҳимоячингиздир ва У ёрдам берувчиларнинг яхшисидир.

151. Аллоҳ ҳужжат нозил қилмаган (бут, санам каби) нарсаларни* Унга шерик қилганлари учун кофирларнинг дилларига ваҳима солурмиз. Уларнинг борар жойлари дўзахдир. Золимларнинг жойи нақадар ёмон!

152. Сизлар Унинг изни билан улар (кофирлар)ни тор-мор қила бошлаганингизда, Аллоҳ ўз ваъдасига содиқ чиқди*. Лоқайдлик қилиб, (Пайғамбар) буйруғидан чиқиб, тортиша бошламагунингизча ва ёқтирган нарсангиз (ғалаба)ни сизларга кўрсатгунга қадар (ютуқ сизлар томонда бўлди). Ораларингизда дунёни ёқтирадиганлар ҳам, охиратни ёқтирадиганлар ҳам бор эди. Сўнгра сизларни синовдан ўтказиш учун (ғалабангизни мағлубият сари) буриб юборди ва гуноҳларингиздан ўтди. Аллоҳ мўминларга нисбатан фазл соҳибидир.

153. Ўшанда (Уҳуд жангида) ҳеч кимга қайрилиб боқмай, (жойингиздан) тез жилиб кетдингиз. Пайғамбар эса ортингиздаги (ҳарбий) бўлинмадан (туриб) сизларни чақирганича қолди. Қўлингиздан кетган нарсалар (ғалаба, ўлжалар) ҳамда сизларга етган мусибатлар учун ташвиш тортманг, деб, (Аллоҳ) сизларга ғам устига яна ғам бериб жазолади. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.

151-оят. Ушбу ва бошқа бир неча шу мазмундаги оятларда Аллоҳдан ўзгага сиғинишнинг жоиз эмаслигини “Аллоҳ таоло ҳужжат нозил қилмаган” каби иборалар билан таъбир этилади. Зоҳирий маъноси – Аллоҳ ижозат бермаган нарсаларни Унга шерик қилиш, дегандек туюлади. Лекин бундан Аллоҳ ижозат берган ширк ҳам бор эканда, деган хулосани чиқармаслик керак. Зеро, бу балоғат фанига доир хусусиятлардан бўлиб, маъноси: “Аллоҳ ўзига ҳеч бир нарсани ширк келтиришга ижозат бермайди” деганидир (Мд.).

152-оят. Уҳуд жангида мусулмонлар ғалаба қила бошлайди. Лекин жанг сўнггида баъзи мусулмонларнинг айби билан мағлубиятга учрайдилар. У ҳам бўлса, Расулуллоҳ бир гуруҳ камончиларни Уҳуд ҳудудидаги ҳозирда “Румот” деб аталадиган тепаликда туришга буюрганларида, уларнинг кўпчилиги итоатсизлик қилиб, Пайғамбар (а.с.)дан буйруқ келишини кутмасдан ўз жойларидан ўлжа томон жилиб кетишади. Уларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Жубайр билан бирга ўн нафардан камроқ камончилар ўз жойларида қоладилар. Ҳарбий интизомнинг бузилиши мусулмонларнинг мағлубиятига сабаб бўлади. Камончиларнинг жойи бўшаб қолганини пайқаган ёв қўшинлари ўша тарафдан ҳужум уюштирадилар ва натижада Расулуллоҳнинг амакилари буюк саркарда Амир Ҳамза ва бошқалар шаҳид бўладилар. Расул (а.с.)нинг муборак тишлари шу жангда синади (Мд.).

ثُمَّ أَنزَلَ عَلَيْكُم مِّنۢ بَعْدِ ٱلْغَمِّ أَمَنَةً نُّعَاسًا يَغْشَىٰ طَآئِفَةً
مِّنكُمْ ۖ وَطَآئِفَةٌ قَدْ أَهَمَّتْهُمْ أَنفُسُهُمْ يَظُنُّونَ بِٱللَّهِ غَيْرَ
ٱلْحَقِّ ظَنَّ ٱلْجَٰهِلِيَّةِ ۖ يَقُولُونَ هَل لَّنَا مِنَ ٱلْأَمْرِ مِن شَىْءٍ ۗ
قُلْ إِنَّ ٱلْأَمْرَ كُلَّهُۥ لِلَّهِ ۗ يُخْفُونَ فِىٓ أَنفُسِهِم مَّا لَا يُبْدُونَ لَكَ ۖ
يَقُولُونَ لَوْ كَانَ لَنَا مِنَ ٱلْأَمْرِ شَىْءٌ مَّا قُتِلْنَا هَٰهُنَا ۗ قُل لَّوْ كُنتُمْ
فِى بُيُوتِكُمْ لَبَرَزَ ٱلَّذِينَ كُتِبَ عَلَيْهِمُ ٱلْقَتْلُ إِلَىٰ مَضَاجِعِهِمْ ۖ
وَلِيَبْتَلِىَ ٱللَّهُ مَا فِى صُدُورِكُمْ وَلِيُمَحِّصَ مَا فِى قُلُوبِكُمْ ۗ
وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿١٥٤﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ تَوَلَّوْا۟ مِنكُمْ
يَوْمَ ٱلْتَقَى ٱلْجَمْعَانِ إِنَّمَا ٱسْتَزَلَّهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ بِبَعْضِ مَا
كَسَبُوا۟ ۖ وَلَقَدْ عَفَا ٱللَّهُ عَنْهُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٥٥﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَقَالُوا۟ لِإِخْوَٰنِهِمْ إِذَا
ضَرَبُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ أَوْ كَانُوا۟ غُزًّى لَّوْ كَانُوا۟ عِندَنَا مَا مَاتُوا۟ وَمَا
قُتِلُوا۟ لِيَجْعَلَ ٱللَّهُ ذَٰلِكَ حَسْرَةً فِى قُلُوبِهِمْ ۗ وَٱللَّهُ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ ۗ
وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١٥٦﴾ وَلَئِن قُتِلْتُمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ
أَوْ مُتُّمْ لَمَغْفِرَةٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَحْمَةٌ خَيْرٌ مِّمَّا يَجْمَعُونَ ﴿١٥٧﴾

154. Сўнгра (Аллоҳ) бу ғамнинг кетидан сизларга бир хотиржамлик – мудроқни нозил этдики, у сизларнинг бир қисмингизни қоплаб олди (ухлатиб қўйди)*. Бошқа бир қисм (мунофиқлар) эса жон талвасасига тушиб, Аллоҳнинг шаънига ноҳақ, жоҳилона бадгумонлик қилдилар ва айтдиларки: «Энди бизга бу ишдан бирор нарса (ғалаба) бўлармиди?!» Айтинг: «Барча иш Аллоҳга (оид)дир». Улар ичидаги сирларини Сиздан яширадилар. Айтадиларки: «Агар бизда бу иш юзасидан ихтиёр бўлганда эди, бу ерда қатл қилинмаган бўлур эдик». Айтинг: «Агар уйларингизда бўлганингизда ҳам (тақдирда) қатл қилиниш ёзилган кимсалар ўзларининг (ўладиган) жойларига бориб қолган бўлар эди». Кўксингиздаги (имон)ни синаш ва дилларингизни (шайтон васвасасидан) поклаш учун (Аллоҳ шу мағлубиятни раво кўрди). Аллоҳ кўнгиллардаги кечинмаларни (ҳам) яхши билувчидир.

155. Икки (ҳарбий) бўлинма тўқнашган кунда орангиздан баъзи қилмишлари билан (тайин этилган жойдан) юз ўгириб кетганларни шайтон янглиштирган эди*. Аллоҳ уларни афв этди ҳам. Зеро, Аллоҳ кечирувчан ва ҳалим зотдир.

156. Эй, имон келтирганлар! Ўзлари кофир бўлиб, Ер (юзи) бўйлаб сафарга ёки ғазот (жанг)га кетган биродарлари ҳақида: «Агар биз билан қолганларида ўлмаган ва қатл қилинмаган бўлур эдилар», – деб, уларнинг дилларига Аллоҳ ҳасрат (надомат) солишини хоҳловчи кишилар каби бўлмангиз! Аллоҳ тирилтиради ҳам, ўлдиради ҳам. Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб турувчидир.

157. Албатта, Аллоҳ йўлида қатл қилинсангиз ёхуд ўлсангиз, Аллоҳнинг мағфирати ва раҳмати (ўзгаларнинг) тўплаган нарса (бойлик)ларидан афзалроқдир.

154-оят. Уҳуд жангида мағлубиятга учраган мусулмонлар қаттиқ қайғуда қоладилар. Улардан бу аламни аритиш мақсадида Аллоҳ таоло уларни мудраш ҳолатига солиб қўяди. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда саҳобийлардан Абу Талҳа гувоҳлик бериб айтади: “Мен жангчилар сафида турган ҳолимда уйқу босиб, бир неча марта қўлимдан қиличим ерга тушиб кетганида уни ердан кўтариб олганимни эслайман”.

Бу мудраш билан имонда собит қадам мусулмонлар ўзларидан ташвишни кетказиб, дилларига таскин бериб роҳатда бўлдилар (Мд. Хз.).

155-оят. Қуръони каримда шундай ояти карималар мавжудким, уларни машҳур муфассирлар ҳам бир хил тафсир қилишмаган. Балки турлича таъвил ва таъбир этишга тўғри келган. Бунинг боиси оят ва ҳадисларда ёки саҳобийлардан аниқ тафсир қилинмагани натижасида муфассирларнинг араб тили нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз раъй ва ижтиҳодларига суяниб тафсир қилганларидир. Ушбу оят ҳам бир неча хил тафсир қилинган. Масалан, Қозий Байзовий тафсирида камончиларни шайтон янглиштирган дейилади.

وَلَئِن مُّتُّمْ أَوْ قُتِلْتُمْ لَإِلَى ٱللَّهِ تُحْشَرُونَ ﴿١٥٨﴾ فَبِمَا رَحْمَةٍ مِّنَ
ٱللَّهِ لِنتَ لَهُمْ ۖ وَلَوْ كُنتَ فَظًّا غَلِيظَ ٱلْقَلْبِ لَٱنفَضُّوا۟ مِنْ حَوْلِكَ ۖ
فَٱعْفُ عَنْهُمْ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِى ٱلْأَمْرِ ۖ فَإِذَا عَزَمْتَ
فَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُتَوَكِّلِينَ ﴿١٥٩﴾ إِن يَنصُرْكُمُ ٱللَّهُ
فَلَا غَالِبَ لَكُمْ ۖ وَإِن يَخْذُلْكُمْ فَمَن ذَا ٱلَّذِى يَنصُرُكُم مِّنۢ
بَعْدِهِۦ ۗ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٦٠﴾ وَمَا كَانَ لِنَبِىٍّ أَن
يَغُلَّ ۚ وَمَن يَغْلُلْ يَأْتِ بِمَا غَلَّ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ ثُمَّ تُوَفَّىٰ كُلُّ
نَفْسٍ مَّا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٦١﴾ أَفَمَنِ ٱتَّبَعَ رِضْوَٰنَ
ٱللَّهِ كَمَنۢ بَآءَ بِسَخَطٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَمَأْوَىٰهُ جَهَنَّمُ ۚ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ
﴿١٦٢﴾ هُمْ دَرَجَٰتٌ عِندَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١٦٣﴾
لَقَدْ مَنَّ ٱللَّهُ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ إِذْ بَعَثَ فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْ أَنفُسِهِمْ
يَتْلُوا۟ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتِهِۦ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلْكِتَٰبَ
وَٱلْحِكْمَةَ وَإِن كَانُوا۟ مِن قَبْلُ لَفِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿١٦٤﴾
أَوَلَمَّآ أَصَٰبَتْكُم مُّصِيبَةٌ قَدْ أَصَبْتُم مِّثْلَيْهَا قُلْتُمْ أَنَّىٰ هَٰذَا ۖ
قُلْ هُوَ مِنْ عِندِ أَنفُسِكُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٦٥﴾

158. Қасамки, агар ўлсангиз ёки қатл этилсангиз ҳам (барибир) Аллоҳ ҳузурига, албатта, жам этилурсиз.

159. Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй, Муҳаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар. Бас, уларни афв этинг, (гуноҳлари учун) кечирим сўранг ва улар билан кенгашиб иш қилинг!* (Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг, зеро, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар.

160. Агар сизларга Аллоҳ мадад берса, ҳеч ким сизларга ғолиб бўлмас. Бордию ёрдамсиз қолдирса, бас, сизларга Ундан ўзга ким ҳам мадад берар эди?! Мўминлар таваккулни Аллоҳгагина қилсинлар!

161. Пайғамбар (ўлжа тақсимида) хиёнат қилиши мумкин эмас. Кимда-ким хиёнат қилса, қиёмат куни ўша хиёнати билан бирга (ҳузуримга) келур. Сўнгра барча жон (эгалари) Ўз амалларига (яраша) мукаммал жазо олурлар. Улар (ҳаққи)га зулм қилинмагай.

162. Аллоҳнинг ризосини излаган киши билан Аллоҳнинг ғазабига учраган кимса баробар бўлурми?! Унинг (ғазабга учраганнинг) борар жойи – жаҳаннам! Нақадар беҳузур жой у!

163. Улар Аллоҳ ҳузурида (турли) даражалар (соҳибидирлар). Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини кўриб турувчидир.

164. Аллоҳ ўз ичларидан Аллоҳнинг оятларини ўқиб берадиган, уларни (ширк ва гуноҳлардан) мусаффо қиладиган ҳамда уларга Китоб ва Ҳикматни таълим берадиган Пайғамбарни юбориш билан, мўминларга инъом этди*. Улар эса бундан олдин аниқ гумроҳликда эдилар.

165. Сизларга (Уҳуд жангида) бир мусибат етган бўлса – сизлар (уларга Бадр жангида) унинг икки баробарига тенг мусибат етказгансиз. «Бу (мусибат) қаёқдан келди?» – дейсизми?! «У – ўзингиздан», – деб айтинг! Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

159-оят. Яъни Сиз, эй, Муҳаммад, Уҳуд жангида қилган итоатсизликлари ва ҳарбий интизомни бузганликлари учун ёронларингизни жазолаш ёки танбеҳ бериб, дағал муомала билан хафа қилиш ўрнига Менинг Сизга ато этган раҳматим ва шафқатим туфайли уларга юмшоқ муносабатда бўлдингиз. Акс ҳолда улар Сиздан юз ўгириб, ҳатто диндан ҳам қайтиб кетишлари мумкин эди. Мазкур воқеада йўл қўйган хато ва камчиликларини авф этинг ва гуноҳларини кечиришни Мендан сўранг. Мендан кўрсатма берилмаган ишларда улар билан бамаслаҳат иш тутинг. Маслаҳатлашиб бир қарорга келгандан кейин Менга таваккал қилиб ўша ишни амалга ошираверинг. Зеро, Мен барча ишларини Менга таваккал қилган ҳолда қилувчиларни дўст тутаман, деб Ҳақ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад (а.с.)га хитоб қилмоқда (Хз.).

164-оят. Оятдаги пайғамбардан мурод Муҳаммад (а.с.)дирлар.

وَمَآ أَصَٰبَكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡتَقَى ٱلۡجَمۡعَانِ فَبِإِذۡنِ ٱللَّهِ وَلِيَعۡلَمَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ
١٦٦ وَلِيَعۡلَمَ ٱلَّذِينَ نَافَقُواْۚ وَقِيلَ لَهُمۡ تَعَالَوۡاْ قَٰتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ
أَوِ ٱدۡفَعُواْۖ قَالُواْ لَوۡ نَعۡلَمُ قِتَالٗا لَّٱتَّبَعۡنَٰكُمۡۗ هُمۡ لِلۡكُفۡرِ
يَوۡمَئِذٍ أَقۡرَبُ مِنۡهُمۡ لِلۡإِيمَٰنِۚ يَقُولُونَ بِأَفۡوَٰهِهِم مَّا لَيۡسَ
فِي قُلُوبِهِمۡۗ وَٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِمَا يَكۡتُمُونَ ١٦٧ ٱلَّذِينَ قَالُواْ لِإِخۡوَٰنِهِمۡ
وَقَعَدُواْ لَوۡ أَطَاعُونَا مَا قُتِلُواْۗ قُلۡ فَٱدۡرَءُواْ عَنۡ أَنفُسِكُمُ
ٱلۡمَوۡتَ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ١٦٨ وَلَا تَحۡسَبَنَّ ٱلَّذِينَ قُتِلُواْ فِي
سَبِيلِ ٱللَّهِ أَمۡوَٰتَۢاۚ بَلۡ أَحۡيَآءٌ عِندَ رَبِّهِمۡ يُرۡزَقُونَ ١٦٩ فَرِحِينَ
بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضۡلِهِۦ وَيَسۡتَبۡشِرُونَ بِٱلَّذِينَ لَمۡ يَلۡحَقُواْ
بِهِم مِّنۡ خَلۡفِهِمۡ أَلَّا خَوۡفٌ عَلَيۡهِمۡ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ ١٧٠
۞ يَسۡتَبۡشِرُونَ بِنِعۡمَةٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَفَضۡلٖ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجۡرَ
ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ١٧١ ٱلَّذِينَ ٱسۡتَجَابُواْ لِلَّهِ وَٱلرَّسُولِ مِنۢ بَعۡدِ مَآ
أَصَابَهُمُ ٱلۡقَرۡحُۚ لِلَّذِينَ أَحۡسَنُواْ مِنۡهُمۡ وَٱتَّقَوۡاْ أَجۡرٌ عَظِيمٌ ١٧٢
ٱلَّذِينَ قَالَ لَهُمُ ٱلنَّاسُ إِنَّ ٱلنَّاسَ قَدۡ جَمَعُواْ لَكُمۡ فَٱخۡشَوۡهُمۡ
فَزَادَهُمۡ إِيمَٰنٗا وَقَالُواْ حَسۡبُنَا ٱللَّهُ وَنِعۡمَ ٱلۡوَكِيلُ ١٧٣

166. Икки (сизлардан ва Макка мушрикларидан иборат ҳарбий) бўлинма (Уҳуд жангида) тўқнашган куни сизларга етган мусибат (мағлубият), албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билан (содир бўлган) ва шунингдек, чинакам мўминларни аниқлаши

167. ҳамда мунофиқларни билиб қўйиши учун эди*. Уларга: «Келинг, Аллоҳ йўлида жанг қилинг ёки (душманни) даф этинг!» – дейилса, (улар): «Агар (жиддий) уруш бўлишини билганимизда, ортингиздан борган бўлур эдик», – деган эдилар. Ўша куни улар имондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Улар дилларида йўқ нарсаларни оғизлари билан гапирадилар. Аллоҳ (эса) яширган нарсаларини яхшироқ билувчидир.

168. Биродарларига: «Агар (Уҳуд жангида ҳалок бўлган мусулмонлар) бизга бўйин суниб (урушдан чиқиб кетганларида) ўлдирилмаган бўлур эдилар», – деб, (ўзлари жангда қатнашмай, уйларида) ўтирган кимсаларга айтинг: «Агар гапларингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни даф этинглар-чи?!»

169. Аллоҳ йўлида ўлдирилганларни асло ўликлар деб ҳисобламанг! Аслида (улар) тирикдир – Парвардигорлари ҳузурида (жаннат неъматларидан) ризқланиб турурлар.

170. (Мазкур қатл этилган шаҳидлар) Аллоҳ ўз фазли билан ато этган нарса (неъматлар)дан хушнуд, ортларида (тирик) қолиб, ҳали уларга қўшилмаган (ғозийлар)га (қиёматда) хавф ва ташвиш бўлмаслиги ҳақида башорат берган ҳолларида (яшайдилар).

171. (Яна бир) башоратлари Аллоҳ берадиган неъмат, фазл ва мўминларнинг мукофотини Аллоҳ зое қилмаслиги ҳақидадир.

172. Уларга жароҳат етгандан кейин ҳам Аллоҳ ва Пайғамбар (буйруқлари)га итоат этган эдилар. Уларнинг чиройли иш қилиб, тақволи бўлганларига улкан мукофотлар бордир.

173. Уларга одамлар: «Сизларга қарши (ҳужум учун) одамлар (Макка мушриклари лашкар) тўпладилар. Улардан қўрқингиз!» – деганларида, (бу гап) уларнинг имонларини янада зиёда қилди ва айтдиларки: «Бизга Аллоҳнинг ўзи кифоя. У вакилликка ўта лойиқдир!»*

167-оят. “Аллоҳ таолонинг билиши, билиб қўйиши, аниқлаши учун...” каби ибораларда унгача Аллоҳ улардан бехабар экан-да, деган фикрга бормаслик керак. Зеро, Аллоҳга барча бўлган ва бўладиган ишлар азалдан маълумдир. Оятни “Аллоҳнинг илмидаги нарса рўёбга чиққан пайтида” деб тушуниш лозим.

173-оят. Абу Суфён Уҳуд жангидан қайтаётиб келаси йили Бадр майдонида яна тўқнашамиз деб айтган эди. Келаси йили унинг дилига қўрқув тушиб аҳдидан қайтади ва Наъим ибн Масъуд исмли кимсани Мадинага юбориб бу ҳақда огоҳлантириб қўйишни буюради. У бориб мушриклар жангга тайёргарлик кўряпти деб айтади. Муҳаммад (а.с.) 70 та отлиқ аскар билан Бадрга бориб, ёвни учратмагач, урушсиз қайтадилар (Мд. Хз.).

فَٱنقَلَبُوا۟ بِنِعْمَةٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَفَضْلٍ لَّمْ يَمْسَسْهُمْ سُوٓءٌ وَٱتَّبَعُوا۟
رِضْوَٰنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَظِيمٍ ﴿١٧٤﴾ إِنَّمَا ذَٰلِكُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ
يُخَوِّفُ أَوْلِيَآءَهُۥ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونِ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٧٥﴾
وَلَا يَحْزُنكَ ٱلَّذِينَ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْكُفْرِ ۚ إِنَّهُمْ لَن يَضُرُّوا۟ ٱللَّهَ
شَيْـًٔا ۗ يُرِيدُ ٱللَّهُ أَلَّا يَجْعَلَ لَهُمْ حَظًّا فِى ٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ
عَظِيمٌ ﴿١٧٦﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱشْتَرَوُا۟ ٱلْكُفْرَ بِٱلْإِيمَٰنِ لَن يَضُرُّوا۟
ٱللَّهَ شَيْـًٔا وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٧﴾ وَلَا يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟
أَنَّمَا نُمْلِى لَهُمْ خَيْرٌ لِّأَنفُسِهِمْ ۚ إِنَّمَا نُمْلِى لَهُمْ لِيَزْدَادُوٓا۟ إِثْمًا ۚ
وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٧٨﴾ مَّا كَانَ ٱللَّهُ لِيَذَرَ ٱلْمُؤْمِنِينَ عَلَىٰ مَآ
أَنتُمْ عَلَيْهِ حَتَّىٰ يَمِيزَ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ ۗ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُطْلِعَكُمْ
عَلَى ٱلْغَيْبِ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يَجْتَبِى مِن رُّسُلِهِۦ مَن يَشَآءُ ۖ فَـَٔامِنُوا۟ بِٱللَّهِ
وَرُسُلِهِۦ ۚ وَإِن تُؤْمِنُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ فَلَكُمْ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٧٩﴾ وَلَا
يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ هُوَ خَيْرًا
لَّهُم ۖ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ ۖ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخِلُوا۟ بِهِۦ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ
وَلِلَّهِ مِيرَٰثُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٨٠﴾

174. Улар (Бадрдан жангсиз) Аллоҳнинг неъмати ва фазли ила бирор ёмонликка учрамай қайтдилар. (Улар) Аллоҳнинг ризосини излаган эдилар. Аллоҳ, албатта, буюк фазл эгасидир.

175. Албатта, ўша шайтон ўз дўстлари (мунофиқлар)ни хавфлантиради. Агар (чинакам) мўмин бўлсангиз улардан (ёвдан) қўрқмангиз, (балки) Мендан қўрқингиз!

176. Куфрда тез ҳаракат қилаётганлар Сизни ғамгин этмасин! Улар Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Аллоҳ уларга охиратда бирор насиба (савоб) бермасликни хоҳлайди. Уларга улкан азоб (муҳайёдир).

177. Албатта, имонни куфрга алмаштирганлар Аллоҳга зинҳор зарар етказа олмайдилар. Уларга аламли азоб (бордир).

178. Кофир бўлганлар, уларга муҳлат бериб турганимизни яхшилик деб ўйламасинлар! Муҳлатни уларга гуноҳлари янада кўпайиши учун берамиз. Уларга (охиратда) хор қилувчи азоб (бордир).

179. Аллоҳ мўминларни сизлардаги ҳозирги ҳолат узра ташлаб қўювчи эмас. У ҳали пок ким-у, нопок ким ажрим этади*. Аллоҳ сизларни илми ғайбдан хабардор қилмади, лекин Аллоҳ Ўз пайғамбарлари ичидан хоҳлаганларини (илми ғайбдан қисман билдириш учун) танлаб олади. Бас, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтирингиз! Имон келтириб, тақволи бўлсангиз, сизларга (охиратда) буюк мукофот (бордир).

180. Аллоҳнинг фазли билан берган нарсаси (бойлиги)дан бахиллик қилувчилар буни ўзларига яхши деб ҳисобламасинлар! Асло! Бу улар учун ёмондир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари (ўз бўйинларига) бўйинтуруқ қилиб илиб қўйилади*. Осмонлар ва Ернинг мероси Аллоҳга (қолур). Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир.

179-оят. Мадинада мусулмонлар сони кўпайиб бориши билан бирга бойлик ва жонларини сақлаб қолиш ниятида зоҳирида мусулмон, лекин қалбида куфр барқарор турган мунофиқлар ҳам кўп бўлган. Улар намозларни ўқиб, жиҳодларда ҳам иштирок этар эдилар. Мўминлар уларнинг баъзиларидан шубҳа қилсаларда, буни исбот эта олмас эдилар. Зеро, зоҳирида мусулмонликни намойиш этаётган кимсалардан бадгумон бўлиш шаръан тақиқланган.

180-оят. Оятда бойлиги шариатда белгиланган нисоб миқдорига етган бойларнинг закот беришга бахиллик қилишлари ўзлари учун нақадар зарарли экани таъкидланмоқда.

Ҳадиси шарифда: “Қиёмат куни закот бермаган кишининг дунёда тегишли жойларга сарф этмай қолдириб кетган хазинаси бўйнига икки тишли илон шаклида ўралиб олиб, уни чаққан ҳолда дўзах сари тортиб кетади” дейилади (Мд.).

Бошқа ҳадисларда билган илмини сўраганлардан яширган олим ҳам энг ашаддий бахиллардан ҳисобланиб, қиёмат куни ундайларнинг оғизлари олов билан жиловлаб қўйилиши зикр этилган (Тр. Дв.).

لَّقَدْ سَمِعَ ٱللَّهُ قَوْلَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَآءُ ۘ
سَنَكْتُبُ مَا قَالُوا۟ وَقَتْلَهُمُ ٱلْأَنۢبِيَآءَ بِغَيْرِ حَقٍّ وَنَقُولُ
ذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلْحَرِيقِ ﴿١٨١﴾ ذَٰلِكَ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيكُمْ
وَأَنَّ ٱللَّهَ لَيْسَ بِظَلَّامٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿١٨٢﴾ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ
ٱللَّهَ عَهِدَ إِلَيْنَآ أَلَّا نُؤْمِنَ لِرَسُولٍ حَتَّىٰ يَأْتِيَنَا بِقُرْبَانٍ
تَأْكُلُهُ ٱلنَّارُ ۗ قُلْ قَدْ جَآءَكُمْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِى بِٱلْبَيِّنَٰتِ
وَبِٱلَّذِى قُلْتُمْ فَلِمَ قَتَلْتُمُوهُمْ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٨٣﴾
فَإِن كَذَّبُوكَ فَقَدْ كُذِّبَ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ جَآءُو بِٱلْبَيِّنَٰتِ
وَٱلزُّبُرِ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُنِيرِ ﴿١٨٤﴾ كُلُّ نَفْسٍ ذَآئِقَةُ ٱلْمَوْتِ ۗ
وَإِنَّمَا تُوَفَّوْنَ أُجُورَكُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۖ فَمَن زُحْزِحَ
عَنِ ٱلنَّارِ وَأُدْخِلَ ٱلْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ ۗ وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ
إِلَّا مَتَٰعُ ٱلْغُرُورِ ﴿١٨٥﴾ ۞ لَتُبْلَوُنَّ فِىٓ أَمْوَٰلِكُمْ
وَأَنفُسِكُمْ وَلَتَسْمَعُنَّ مِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ
مِن قَبْلِكُمْ وَمِنَ ٱلَّذِينَ أَشْرَكُوٓا۟ أَذًى كَثِيرًا ۚ
وَإِن تَصْبِرُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ فَإِنَّ ذَٰلِكَ مِنْ عَزْمِ ٱلْأُمُورِ ﴿١٨٦﴾

181. «Аллоҳ – фақир, биз – боймиз» деган одамларнинг гапини Аллоҳ эшитди*. Уларнинг (бу) гапларини ҳамда пайғамбарларни ноҳақ қатл этганларини ёзиб қўямиз ва (қиёматда): «Дўзах азобини тотиб кўринг!», – деймиз.

182. Бу – ўз қилмишларинг маҳсули ва Аллоҳнинг бандаларга зулм (ноҳақлик) қилувчи эмаслигидандир.

183. «Бирор пайғамбар келса, (уни синаб кўриш учун) қилган қурбонлигини (осмондан тушган) олов еб битирмагунча унга ишонмаслигимиз учун Аллоҳ биз билан аҳдлашган», – деган кимсаларга айтинг: «Мендан олдин ҳам сизларга (аждодларингизга) пайғамбарлар ҳужжатлар ва сизлар айтган нарса (қурбонлик каби мўъжизалар) билан келган эдилар. Гапларингиз рост бўлса, нима учун уларни қатл этдингиз?»*

184. Агар Сизни ёлғончига чиқараётган бўлсалар, (хафа бўлманг, зеро,) Сиздан илгари ҳужжатлар, илоҳий битиклар ва нур таратувчи китоб келтирган (қатор) пайғамбарлар ҳам ёлғончига чиқарилгандирлар.

185. Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир. Қиёмат кунида, албатта, мукофотларингиз сизларга тўла-тўкис берилур. Бас, (ўша куни) ким дўзахдан узоқлаштирилиб, жаннатга киритилса, демак, у (катта) ютуққа эга бўлибди. Бу дунё ҳаёти эса, фақат ғурур (алдов) матоҳидир*.

186. Мол-мулкларингиз ва жонларингиз (офати ва мусибати) ила синалурсизлар. Шунингдек, сизлардан олдин Китоб берилганлар ва мушриклардан кўп азиятли (аччиқ) гапларни эшитасизлар. Агар сабр қилсаларингиз ва тақволи бўлсаларингиз, албатта, бу ишларнинг пухталигидандир.

181-оят. Оятни тўғри англамаган айрим яҳудийлар “Муҳаммаднинг худоси биздан қарз сўраяпти. Демак, у фақир, биз эса боймиз” дейишган. Ваҳоланки, мазкур оятлар мажозий маънода бўлиб, мазмуни: “Кимки муҳтожларга Аллоҳнинг ризосини топиш мақсадида закот ва садақот берса, У охиратда уни бир неча баробар савоби билан мукофотлагай” демакдир. Эҳсон беришни қарз беришга ўхшатишдан мурод қарзни қайтариш қанчалик шарт бўлса, қилинган садақа ва эҳсонларнинг ажр ва савобини қайтариш шунчалик аниқ ва қатъий эканини билдиришдир.

183-оят. Аждодлари қилган гуноҳ ва жиноятлари юзасидан уларнинг бир неча аср кейин дунёга келган авлодларини сўроққа тутишнинг ҳикмати – авлодлар ота-боболарининг бузуқ эътиқодларини давом эттириб, уларнинг қилмишларига рози бўлиб юришлари ва Муҳаммад (а.с.) келтирган таълимотни қабул қилмаганликларидир. Бундай ҳолатда хитоб дунёдан ўтиб кетганларга эмас, тирикларга қаратилгани айни ҳикматдир (Хз.).

185-оят. Дунёнинг алдов матоҳи экани бойликка ҳирс қўювчи, дунёни охиратдан устун билувчи дунёпараст кимсаларга нисбатан айтилган таърифдир (Мд.).

187. Эсланг, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳ аҳли китоблардан, уни (Таврот ва Инжилни) одамларга, албатта, аниқ баён қиласиз, уни (ҳеч кимдан) сир тутмайсиз, деб аҳд олган эди. Лекин, улар уни (берган ваъдаларини) ортларига улоқтириб, озгина баҳога уни сотиб юбордилар. Бу савдолари нақадар нохуш!*

188. Ўз қилмишлари билан мағрурланадиган, қилмаган (яхши) ишлари учун мақталишни севадиганлар азобдан халос бўладилар деб, ҳисобламанг, асло! Уларга (охиратда) аламли азоб (бордир).

189. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга тегишлидир. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

190. Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир*.

191. Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар* ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юритадилар (ва дуо қиладилар:) «Эй, Раббимиз! Бу (коинот)ни беҳуда яратмагансан. Сен (айблардан) пок зотдирсан. Бас, бизни дўзах азобидан сақлагин!

192. Эй, Раббимиз! Кимни Сен дўзахга киргизсанг, албатта, уни хор қилган бўласан. Золимларга эса ёрдамчилар йўқдир.

193. Эй, Раббимиз! Биз «Раббингизга имон келтиринг!» деб, имонга чорлаган жарчи (Муҳаммад)ни эшитдик ва дарҳол унга имон келтирдик. Эй, Раббимиз! Бизнинг гуноҳларимизни кечир, хатоларимизни ўчир ва бизларни солиҳ кишилар қаторида вафот эттир!

وَإِذۡ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ لَتُبَيِّنُنَّهُۥ لِلنَّاسِ
وَلَا تَكۡتُمُونَهُۥ فَنَبَذُوهُ وَرَآءَ ظُهُورِهِمۡ وَٱشۡتَرَوۡاْ بِهِۦ ثَمَنٗا
قَلِيلٗاۖ فَبِئۡسَ مَا يَشۡتَرُونَ ﴿١٨٧﴾ لَا تَحۡسَبَنَّ ٱلَّذِينَ يَفۡرَحُونَ
بِمَآ أَتَواْ وَّيُحِبُّونَ أَن يُحۡمَدُواْ بِمَا لَمۡ يَفۡعَلُواْ فَلَا تَحۡسَبَنَّهُم
بِمَفَازَةٖ مِّنَ ٱلۡعَذَابِۖ وَلَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿١٨٨﴾ وَلِلَّهِ مُلۡكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٌ ﴿١٨٩﴾ إِنَّ فِي
خَلۡقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَٱخۡتِلَٰفِ ٱلَّيۡلِ وَٱلنَّهَارِ لَأٓيَٰتٖ
لِّأُوْلِي ٱلۡأَلۡبَٰبِ ﴿١٩٠﴾ ٱلَّذِينَ يَذۡكُرُونَ ٱللَّهَ قِيَٰمٗا وَقُعُودٗا
وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمۡ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلۡقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ
رَبَّنَا مَا خَلَقۡتَ هَٰذَا بَٰطِلٗا سُبۡحَٰنَكَ فَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿١٩١﴾
رَبَّنَآ إِنَّكَ مَن تُدۡخِلِ ٱلنَّارَ فَقَدۡ أَخۡزَيۡتَهُۥۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنۡ
أَنصَارٖ ﴿١٩٢﴾ رَّبَّنَآ إِنَّنَا سَمِعۡنَا مُنَادِيٗا يُنَادِي لِلۡإِيمَٰنِ أَنۡ
ءَامِنُواْ بِرَبِّكُمۡ فَـَٔامَنَّاۚ رَبَّنَا فَٱغۡفِرۡ لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرۡ عَنَّا
سَيِّـَٔاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ ٱلۡأَبۡرَارِ ﴿١٩٣﴾ رَبَّنَا وَءَاتِنَا مَا وَعَدتَّنَا
عَلَىٰ رُسُلِكَ وَلَا تُخۡزِنَا يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۖ إِنَّكَ لَا تُخۡلِفُ ٱلۡمِيعَادَ ﴿١٩٤﴾

194. Эй, Раббимиз! Яна бизларга (барча ўтган) пайғамбарларингга (уларнинг воситаси ила) ваъда қилган нарсаларингни (савоб ва ёрдамингни) ато эт ва бизларни қиёмат кунида шармисор қилмагин! Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмагайсан».

187-оят. Бу оятда илоҳий китобларда битилган Муҳаммад (а.с.)нинг сифат ва сийратларига доир оятларни арзимаган дунёвий ашё ва ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида йўқ қилган аҳли китобларнинг руҳонийлари танқид қилинмоқда.

Аллоҳнинг хитоби гарчи оятда аҳли китобларга қаратилган бўлса-да, диний китоблардаги барча маълумотни диндорларга тўла ҳолда етказишнинг зарурлиги барча ислом уламоларига ҳам тааллуқлидир.

190-оят. Аллоҳ таоло ушбу ва бошқа қатор оятларда ўзининг борлиги ва бирлигини фақат нақлий далиллар билан эмас, балки ақлий далиллар билан ҳам исботлашга даъват этади. Исломий фанлар орасидан калом илмининг ўрин олишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳам шу илоҳий кўрсатмалардир.

Ҳадиси шарифда “Аллоҳнинг яратган махлуқот ва мавжудотлари тўғрисида тафаккур қилишга тенг келадиган бирор ибодат йўқдир” дейилади (Мд.).

191-оят. Имкониятга қараб намозлар тик ҳолда ёки ўтириб ўқилади. Унга ҳам ожиз бўлган киши ётган ҳолда имо-ишора билан ўқийверади. Бошқа бир тафсири шуки, бу ердаги зикрдан мақсад намоз эмас, балки Аллоҳни ёд этиш, дуо ва илтижо, тасбеҳ каби зикрлардир (Мд.).

فَٱسۡتَجَابَ لَهُمۡ رَبُّهُمۡ أَنِّي لَآ أُضِيعُ عَمَلَ عَٰمِلٖ مِّنكُم مِّن
ذَكَرٍ أَوۡ أُنثَىٰۖ بَعۡضُكُم مِّنۢ بَعۡضٖۖ فَٱلَّذِينَ هَاجَرُواْ وَأُخۡرِجُواْ
مِن دِيَٰرِهِمۡ وَأُوذُواْ فِي سَبِيلِي وَقَٰتَلُواْ وَقُتِلُواْ لَأُكَفِّرَنَّ
عَنۡهُمۡ سَيِّـَٔاتِهِمۡ وَلَأُدۡخِلَنَّهُمۡ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا
ٱلۡأَنۡهَٰرُ ثَوَابٗا مِّنۡ عِندِ ٱللَّهِۚ وَٱللَّهُ عِندَهُۥ حُسۡنُ ٱلثَّوَابِ ١٩٥
لَا يَغُرَّنَّكَ تَقَلُّبُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فِي ٱلۡبِلَٰدِ ١٩٦ مَتَٰعٞ قَلِيلٞ
ثُمَّ مَأۡوَىٰهُمۡ جَهَنَّمُۖ وَبِئۡسَ ٱلۡمِهَادُ ١٩٧ لَٰكِنِ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ
رَبَّهُمۡ لَهُمۡ جَنَّٰتٞ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا
نُزُلٗا مِّنۡ عِندِ ٱللَّهِۗ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ خَيۡرٞ لِّلۡأَبۡرَارِ ١٩٨ وَإِنَّ مِنۡ
أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ لَمَن يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيۡكُمۡ وَمَآ
أُنزِلَ إِلَيۡهِمۡ خَٰشِعِينَ لِلَّهِ لَا يَشۡتَرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ثَمَنٗا
قَلِيلًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ أَجۡرُهُمۡ عِندَ رَبِّهِمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ
سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ١٩٩ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱصۡبِرُواْ
وَصَابِرُواْ وَرَابِطُواْ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٢٠٠

سُورَةُ النِّسَاءِ — ترتيبها ٤ — آياتها ١٧٦

195. Бас, Парвардигорлари уларни (дуоларини) ижобат этиб, (деди:) «Албатта, Мен сизлардан амал қилувчининг – хоҳ эркак бўлсин ва хоҳ аёл бўлсин – амалини зое қилмасман*. (Маккадан) ҳижрат қилган, (юртидан) бадарға қилинган, Менинг йўлимда азият чеккан, жанг қилган ва қатл этилганларнинг гуноҳларини каффорат қилурман ва Аллоҳнинг мукофоти сифатида уларни остиларидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий яшаладиган жаннат (боғлари)га киргизурман. Аллоҳнинг ҳузурида (солиҳ амаллар учун) яхши савоблар (бордир).

196. Кофир бўлганларнинг шаҳарма-шаҳар сайр этиб (яйраб) юришлари Сизни зинҳор алдаб қўймасин!*

197. Арзимас роҳат. Кейин эса борадиган жойлари – жаҳаннам. Нақадар мудҳиш жой у!

198. Лекин Парвардигорларидан қўрққан (тақволи)лар учун эса остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат (боғлари) бўлиб, (улар) у ерда абадий бўлурлар. Бу Аллоҳ томонидан берилажак зиёфатдир. Аллоҳнинг ҳузуридаги (махсус савоблар эса) яхшилар учун (ҳаммасидан) афзалдир.

199. Дарвоқе, аҳли китоблар ичида Аллоҳга, сизларга нозил қилинган (Қуръон)га ҳамда ўзларига нозил қилинган (Китоблар)га ишониб, Аллоҳга итоат ила таъзим этувчилар ҳам бор: улар Аллоҳ оятларини озгина баҳога сотиб юбормайдилар*. Айнан улар учун Парвардигорлари ҳузурида мукофот муҳайёдир. Албатта, Аллоҳ ҳисоб-китобда тезкордир.

200. Эй, имон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, зора (охиратда) нажот топсангиз!

Нисо сураси

Мадинада нозил қилинган. 176 оят.

195-оят. Яъни қилган хайрли ишларининг савобини албатта ато қилурман. Умму Салама (рз.) Расулуллоҳдан: "Нима учун Аллоҳ таоло ҳижрат қилган эркакларни мақтайверади, лекин аёлларни мақтамайди?", – деб сўраганларида шу оят нозил қилинган.

196-оят. Бу оятдаги тақиқ Муҳаммад (а.с.)га ёки барча мўминларга қаратилган бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз (а.с.) куфр аҳлининг фаровон ҳаёт кечиришларини кўриб, уларни ҳавас ҳам, армон ҳам қилмас эдилар. Хитоб у кишига қаратилган тақдирда тақиқ Пайғамбар (а.с.)га эмас, балки у зот орқали умматларига тегишли бўлади (Мд.).

199-оят. Оятдаги аҳли китоблардан мурод Ҳабашистон подшоҳи Нажошийдир, деган тафсир ҳам бор. Исломни пинҳона қабул қилган бу шахс ўлганда Пайғамбар (а.с.) Мадинадаги Жаннат-ул-Бақиъ қабристони ёнида саҳобалари билан бирга ғойибона жаноза ўқиганлар (Хз.).

4. НИСО СУРАСИ

Нисо – аёллар.

Бу сурада асосан оила, турмуш, мерос масалалари, етимларга муносабат, эр-хотин ҳуқуқлари, фаҳш ва зино ишларининг зарарлари ва бошқа маълумотлар ўз аксини топган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱتَّقُوا۟ رَبَّكُمُ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن نَّفْسٍ وَٰحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا
زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَآءً ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ٱلَّذِى تَسَآءَلُونَ
بِهِۦ وَٱلْأَرْحَامَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾ وَءَاتُوا۟ ٱلْيَتَٰمَىٰٓ أَمْوَٰلَهُمْ ۖ
وَلَا تَتَبَدَّلُوا۟ ٱلْخَبِيثَ بِٱلطَّيِّبِ ۖ وَلَا تَأْكُلُوٓا۟ أَمْوَٰلَهُمْ إِلَىٰٓ أَمْوَٰلِكُمْ ۚ إِنَّهُۥ
كَانَ حُوبًا كَبِيرًا ﴿٢﴾ وَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تُقْسِطُوا۟ فِى ٱلْيَتَٰمَىٰ فَٱنكِحُوا۟
مَا طَابَ لَكُم مِّنَ ٱلنِّسَآءِ مَثْنَىٰ وَثُلَٰثَ وَرُبَٰعَ ۖ فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا تَعْدِلُوا۟
فَوَٰحِدَةً أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْ ۚ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰٓ أَلَّا تَعُولُوا۟ ﴿٣﴾ وَءَاتُوا۟
ٱلنِّسَآءَ صَدُقَٰتِهِنَّ نِحْلَةً ۚ فَإِن طِبْنَ لَكُمْ عَن شَىْءٍ مِّنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ
هَنِيٓـًٔا مَّرِيٓـًٔا ﴿٤﴾ وَلَا تُؤْتُوا۟ ٱلسُّفَهَآءَ أَمْوَٰلَكُمُ ٱلَّتِى جَعَلَ ٱللَّهُ لَكُمْ
قِيَٰمًا وَٱرْزُقُوهُمْ فِيهَا وَٱكْسُوهُمْ وَقُولُوا۟ لَهُمْ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿٥﴾ وَٱبْتَلُوا۟
ٱلْيَتَٰمَىٰ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغُوا۟ ٱلنِّكَاحَ فَإِنْ ءَانَسْتُم مِّنْهُمْ رُشْدًا فَٱدْفَعُوٓا۟
إِلَيْهِمْ أَمْوَٰلَهُمْ ۖ وَلَا تَأْكُلُوهَآ إِسْرَافًا وَبِدَارًا أَن يَكْبَرُوا۟ ۚ وَمَن كَانَ
غَنِيًّا فَلْيَسْتَعْفِفْ ۖ وَمَن كَانَ فَقِيرًا فَلْيَأْكُلْ بِٱلْمَعْرُوفِ ۚ فَإِذَا
دَفَعْتُمْ إِلَيْهِمْ أَمْوَٰلَهُمْ فَأَشْهِدُوا۟ عَلَيْهِمْ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ حَسِيبًا ﴿٦﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир.

2. (Вояга етган) етимларга мол-мулкларини (қайтариб) берингиз, пок нарсани нопок нарсага алмаштирмангиз! Уларнинг молларини ўз молларингизга қўшиб ҳам емангиз! Зеро, бу катта гуноҳдир.

3. Агар етимларга (нисбатан) адолатли бўла олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга, иккита, учта, тўрттадан уйланаверингиз. Борди-ю, (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўрилар (билан кифояланинг). Шу (адолатдан) оғиб кетмаслигингизга яқинроқдир*.

4. Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар сизларга ўзлари ундан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни бемалол, иштаҳа билан тановул қилаверингиз.

5. (Қарамоғингиздаги) ақли норасоларга Аллоҳ сизларга (ҳаёт) туруми қилиб қўйган молларингиз (етимларнинг омонат моллари)ни бериб қўймангиз, балки ўша (моллар)дан едиринг, кийдиринг ҳамда уларга яхши гапиринг!

6. Етимларни, то балоғат ёшига етгунларига қадар назорат қилиб (вояга етиш вақтини кузатиб) турингиз: вояга етганларини сезсангиз, (қўлингиздаги омонат) мол-мулкларини ўзларига топширингиз! Уларни исроф қилиб ва (улғайиб қолмасинлар деб) шошқалоқлик билан еб юбормангиз! Ким бой бўлса, (етимнинг мулкидан ейишдан) сақлансин. Агар камбағал бўлса, яхшиликча (меъёрида олиб) есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда, уларга гувоҳ чақирингиз. Аллоҳ ҳисоб-китобда кифоя қилувчи зотдир.

3-оят. Маълумки, Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлиб келмасларидан олдинги жоҳилият даврида аёллар ҳуқуқи поймол қилинар эди. Бир эрга ўнлаб аёллар чўридек тутқин эди. Бунинг устига тез-тез бўлиб турадиган жангларда эркаклар қурбон бўлиб кетар, тул аёллар сони эса ортиб борар эди. Ислом дини ўша даврнинг ижтимоий ҳаётидаги бу муаммони одилона ҳал этиш йўлини кўрсатиб берди. Кўпхотинликка берилган бу рухсат муаммони ҳал қилиш йўлларидан бири эди. Яъни моддий жиҳатдан имконияти етарли бўлишининг ўзи кўпхотинлик учун асосий шарт ўрнини боса олмайди. Балки бу ерда биринчи оила аъзоларининг моддий ва маънавий жиҳатларига салбий таъсир кўрсатмаслигини ва ўзи яшаб турган жамиятдаги шарт-шароитларни ҳам эътиборга олиш керак бўлади.

لِّلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ
مِّمَّا تَرَكَ الْوَالِدَانِ وَالْأَقْرَبُونَ مِمَّا قَلَّ مِنْهُ أَوْ كَثُرَ نَصِيبًا
مَّفْرُوضًا ﴿٧﴾ وَإِذَا حَضَرَ الْقِسْمَةَ أُولُو الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ
وَالْمَسَاكِينُ فَارْزُقُوهُم مِّنْهُ وَقُولُوا لَهُمْ قَوْلًا مَّعْرُوفًا
﴿٨﴾ وَلْيَخْشَ الَّذِينَ لَوْ تَرَكُوا مِنْ خَلْفِهِمْ ذُرِّيَّةً ضِعَافًا
خَافُوا عَلَيْهِمْ فَلْيَتَّقُوا اللَّهَ وَلْيَقُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٩﴾
إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي
بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا ﴿١٠﴾ يُوصِيكُمُ اللَّهُ
فِي أَوْلَادِكُمْ لِلذَّكَرِ مِثْلُ حَظِّ الْأُنثَيَيْنِ فَإِن كُنَّ نِسَاءً
فَوْقَ اثْنَتَيْنِ فَلَهُنَّ ثُلُثَا مَا تَرَكَ وَإِن كَانَتْ وَاحِدَةً فَلَهَا
النِّصْفُ وَلِأَبَوَيْهِ لِكُلِّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ مِمَّا تَرَكَ إِن
كَانَ لَهُ وَلَدٌ فَإِن لَّمْ يَكُن لَّهُ وَلَدٌ وَوَرِثَهُ أَبَوَاهُ فَلِأُمِّهِ الثُّلُثُ
فَإِن كَانَ لَهُ إِخْوَةٌ فَلِأُمِّهِ السُّدُسُ مِن بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِي
بِهَا أَوْ دَيْنٍ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ لَا تَدْرُونَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ لَكُمْ
نَفْعًا فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١١﴾

7. Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир*. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир.

8. Мерос тақсимига узоқ қариндошлар, етимлар ва мискин (бечора ҳол)лар ҳозир бўлсалар, уларни ҳам у (мерос)дан баҳраманд қилиб, уларга яхши гапирингиз!*

9. (Васийлар) мабодо заиф (норасида) фарзандларни қолдириб, (вафот этганларида ўзлари ҳам) улардан хавотир олганлари каби, (ўзга етимларнинг ҳаққини ейишда) Аллоҳдан қўрқсинлар ва (уларга) тўғри гапирсинлар.

10. Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар.

11. Аллоҳ фарзандларингизга (мерос тақсимида) бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида (беришни) буюради*. Агар (меросхўрлар) иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга (марҳум) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми (берилур). Агар (марҳумнинг) фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган нарса (мерос)нинг олтидан бири (берилур). Агар фарзанди бўлмай, фақат ота-онаси меросхўр бўлса, у ҳолда онасига учдан бир (мерос) тегур. Агар (марҳумнинг) ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир (ҳисса) тегур. (Бу тақсимотлар марҳумнинг) қилган васияти ёки* қарзи (адо этилган)дан сўнг (ижро этилур). Ота-оналарингиз ва фарзандларингиздан қайси бирлари сизлар учун манфаатлироқ эканини билмайсизлар. (Шунинг учун мерос тақсими) Аллоҳнинг (ўзи) томонидан (белгиланди ва) фарз қилиб қўйилди. Албатта, Аллоҳ билимдон ва ҳаким зотдир.

7-оят. Ушбу оятдан то 14-оятгача ва сурани охирги ояти мерос тақсимига оид оятлардир.

8-оят. Ушбу оят мансух бўлгани ёки бўлмагани тўғрисида ихтилоф бор. Мансух эмас деган уламолар мерос олмайдиган узоқ қариндошлар, бегона етимлар ва мискин-бечораларга ҳам меросдан маълум миқдорда бериш мустаҳабдир, дейдилар.

Бу оят мансух қилинган деювчи уламолар эса, дастлабки даврда юқоридагиларга ҳам меросдан улуш бериш вожиб қилинган эди. Лекин у кейинги мерос оятлари билан мансух қилинган, дейдилар (Мд.).

11-оят. Қиз фарзандларнинг ярим улуш олиши зоҳиран адолатсизликдек туюлади. Аммо барча нафақалар эркак зиммасида экани ва аёл киши шаръан барча нафақалардан озод экани назарга олинса, унинг нақадар ҳикматли тақсим экани маълум бўлади.

* Оятдаги "ёки" лафзи мантиқ бўйича икки томондаги сўзларнинг олдин-кейинлигини ифода этмайди. Ҳадиси шарифда: "Қарзни бериш васиятдан муқаддамдир", – дейилган. Бинобарин, шариат кўрсатмаси бўйича қарзни васиятдан муқаддам адо этишлик ва бегона одамга қилинган васиятдаги миқдорнинг учдан бирини бериш жорий қилинган.

۞ وَلَكُمْ نِصْفُ مَا تَرَكَ أَزْوَاجُكُمْ إِن لَّمْ يَكُن
لَّهُنَّ وَلَدٌ فَإِن كَانَ لَهُنَّ وَلَدٌ فَلَكُمُ الرُّبُعُ مِمَّا
تَرَكْنَ مِن بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصِينَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ
وَلَهُنَّ الرُّبُعُ مِمَّا تَرَكْتُمْ إِن لَّمْ يَكُن لَّكُمْ وَلَدٌ
فَإِن كَانَ لَكُمْ وَلَدٌ فَلَهُنَّ الثُّمُنُ مِمَّا تَرَكْتُم
مِّن بَعْدِ وَصِيَّةٍ تُوصُونَ بِهَا أَوْ دَيْنٍ وَإِن كَانَ
رَجُلٌ يُورَثُ كَلَالَةً أَوِ امْرَأَةٌ وَلَهُ أَخٌ أَوْ أُخْتٌ فَلِكُلِّ
وَاحِدٍ مِّنْهُمَا السُّدُسُ فَإِن كَانُوا أَكْثَرَ مِن ذَٰلِكَ
فَهُمْ شُرَكَاءُ فِي الثُّلُثِ مِن بَعْدِ وَصِيَّةٍ يُوصَىٰ بِهَا
أَوْ دَيْنٍ غَيْرَ مُضَارٍّ وَصِيَّةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَلِيمٌ
﴿١٢﴾ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ
يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ
خَالِدِينَ فِيهَا وَذَٰلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٣﴾
وَمَن يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ
نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٤﴾

12. Сизларга хотинларингиз қолдирган (мерос)дан – агар уларнинг фарзанди бўлмаса – ярми (тегур). Агар уларнинг фарзандлари бўлса, сизларга улар қолдирган (мерослари)дан тўртдан бир (ҳисса) тегур. (Бу тақсимот) улар (марҳумалар)нинг васияти ёки қарзи (адоси)дан кейин (ижро этилур). У (хотин)ларга сизлар қолдирган (мерос)дан – агар фарзандларингиз бўлмаса – тўртдан бир (ҳисса) тегур. Агар фарзандингиз бўлса, уларга сиз қолдирган (мерос)нинг саккиздан бири тегур. (Бу тақсимот) сизлар қилган васият ёки қарз (адоси)дан кейин (ижро этилур). Агар (вафот этган) эркак ёки аёлнинг ота-онаси ҳам, фарзандлари ҳам бўлмай, (балки она томонидан) битта ака ёки укаси ёхуд опа ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир (ҳисса тегур). Агар (улар) бундан (биттадан) ортиқ бўлсалар, улар (мероснинг) учдан бир (ҳиссаси)да тенг шерик бўлурлар. (Бу тақсимот меросхўрларга) зарар етказилмасдан қилинган васият ёки қарз (адоси)дан кейин Аллоҳнинг буйруғига биноан (ижро этилур). Аллоҳ билимдон ва ҳалим зотдир*.

13. Ана шулар Аллоҳнинг ҳудуд (чегара)ларидир. Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоат этса, уни остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга (жаннатга) киритур. (Улар) у ерда абадий (бўлурлар). Бу улкан ютуқдир*.

14. Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоатсизлик қилса ва ҳудудларидан тажовуз қилса, уни дўзахга абадий (қолиши учун) киритур ва унинг учун хор қилувчи азоб (бордир)*.

12-оят. Мерос тақсимлашга доир илм – фароиз деб аталади. Зеро, марҳум ва марҳумалар қолдирган меросни тақсим қилишдек мураккаб масалани Аллоҳ таоло инсонларнинг ўзларига ҳавола қилиб қўймасдан, оятлар орқали уни меросхўрларга адолат билан Ўзи тақсимлаб, унга амал қилишликни “фариза”, яъни фарз қилиб қўйди. “Фариза”нинг кўплиги “фароиз”дир.

13,14-оят. Ушбу оятлар орқали Аллоҳ таоло мерос тақсими бўйича баён қилган кўрсатмаларига амал қилиш нақадар зарур эканини таъкидлаб, унга амал қилганларга жаннат, амал қилмаганларга эса дўзах азоби муқаррар эканини билдиришлик билан огоҳлантирмоқда. Демак, мазкур илоҳий тақсимотга риоя қилмаслик улкан гуноҳ ва ўзгалар ҳаққига хиёнат қилиш ҳисобланади.

Аммо меросхўрлар ўзаро келишиб, мазкур тартибда эмас, балки ҳар бир меросхўрнинг иқтисодий ҳолатига қараб ёки ўзлари яшаб турган мамлакатнинг жорий қонун ва қоидаларига биноан тақсимлаб олсалар ва ҳар бири шунга рози бўлиб, кейинчалик ҳеч қандай даъво қилмасликка сўз берсалар, бу ишлари шаръан жоиз ҳисобланиб, ҳеч ким гуноҳкор бўлмайди.

Ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Бир киши 70 йил солиҳ амалларни қилган ҳолда умр ўтказиб, ўлими олдидан меросхўрларига ношаръий васиятни қилиб дунёдан ўтган бўлса, унинг номаи аъмолига ёмон ишларни қилиб ўтди, деб муҳр босилади. Агар киши 70 йил умрини ёмон ишлар билан ўтказиб, ўлими олдидан шаръий ва адолатли васият қилган бўлса, унинг номаи аъмолига умрини яхши ишларга бағишлади, деб муҳр босилади” (Аҳ.).

وَٱلَّٰتِي يَأۡتِينَ ٱلۡفَٰحِشَةَ مِن نِّسَآئِكُمۡ فَٱسۡتَشۡهِدُواْ
عَلَيۡهِنَّ أَرۡبَعَةٗ مِّنكُمۡۖ فَإِن شَهِدُواْ فَأَمۡسِكُوهُنَّ فِي
ٱلۡبُيُوتِ حَتَّىٰ يَتَوَفَّىٰهُنَّ ٱلۡمَوۡتُ أَوۡ يَجۡعَلَ ٱللَّهُ لَهُنَّ سَبِيلٗا
١٥ وَٱلَّذَانِ يَأۡتِيَٰنِهَا مِنكُمۡ فَـَٔاذُوهُمَاۖ فَإِن تَابَا
وَأَصۡلَحَا فَأَعۡرِضُواْ عَنۡهُمَآۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ تَوَّابٗا رَّحِيمًا
١٦ إِنَّمَا ٱلتَّوۡبَةُ عَلَى ٱللَّهِ لِلَّذِينَ يَعۡمَلُونَ ٱلسُّوٓءَ بِجَهَٰلَةٖ
ثُمَّ يَتُوبُونَ مِن قَرِيبٖ فَأُوْلَٰٓئِكَ يَتُوبُ ٱللَّهُ عَلَيۡهِمۡۗ وَكَانَ
ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمٗا ١٧ وَلَيۡسَتِ ٱلتَّوۡبَةُ لِلَّذِينَ
يَعۡمَلُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ حَتَّىٰٓ إِذَا حَضَرَ أَحَدَهُمُ ٱلۡمَوۡتُ
قَالَ إِنِّي تُبۡتُ ٱلۡـَٰٔنَ وَلَا ٱلَّذِينَ يَمُوتُونَ وَهُمۡ كُفَّارٌۚ
أُوْلَٰٓئِكَ أَعۡتَدۡنَا لَهُمۡ عَذَابًا أَلِيمٗا ١٨ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ لَا يَحِلُّ لَكُمۡ أَن تَرِثُواْ ٱلنِّسَآءَ كَرۡهٗاۖ وَلَا تَعۡضُلُوهُنَّ
لِتَذۡهَبُواْ بِبَعۡضِ مَآ ءَاتَيۡتُمُوهُنَّ إِلَّآ أَن يَأۡتِينَ بِفَٰحِشَةٖ
مُّبَيِّنَةٖۚ وَعَاشِرُوهُنَّ بِٱلۡمَعۡرُوفِۚ فَإِن كَرِهۡتُمُوهُنَّ فَعَسَىٰٓ
أَن تَكۡرَهُواْ شَيۡـٔٗا وَيَجۡعَلَ ٱللَّهُ فِيهِ خَيۡرٗا كَثِيرٗا ١٩

15. Хотинларингиздан фоҳишалик қилганларига ўзларингиздан (эркаклардан) тўрт кишини гувоҳ қилингиз. Агар улар гувоҳлик берсалар (ва зино қилганлари ўз исботини топса), то уларга (хотинларга) ўлим келгунга қадар ёки Аллоҳ бирор йўл қилгунча, уларни (ўзлари яшаётган) уйларда сақлаб турингиз*.

16. Сизлардан ўша (зинокорлик)ни қилганларнинг иккиси (эркак ва аёл)га (койиш ва таъзирларини бериш билан) азият (жазо) берингиз. Агар улар тавба қилиб, (ўзларини) тузатсалар, уларни тинч қўйингиз. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи, раҳмли зотдир*.

17. Албатта, Аллоҳнинг тавба қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир.

18. Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки, бирорталарига ўлим келганда, «Энди тавба қилдим» дейдиган, шунингдек, кофирлигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмагай. Ана ўшалар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз.

19. Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир*. Яна, уларга берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиб кетиш ниятида хотинларингизга тазйиқ қилмангиз! Агар улар аниқ бузуқлик қилсалар (бу мустаснодир). Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин.

15-оят. Зинокорлик ҳукмлари тўғрисида яна "Нур" сурасининг 2 –10- оятларига қаралсин.

16-оят. Бу зино тўғрисида илк нозил бўлган оятлардандир. Унга кўра зинокорларни даб-дурустдан дарра уриш ёки тошбўрон қилиш билан жазоламаслик, балки биринчи марта койиб, уялтириб, огоҳлантириб қўйишга буюрилган. "Нур" сурасида бу оят ҳукми бекор қилиниб, жазонинг қатъий турлари баён этилади.

19-оят. Жоҳилият даврида бир аёлнинг эри ўлса, унинг ўгай ўғли ёки бошқа бир қариндоши келиб бева аёлнинг ёки чодирининг устига ўз чопонини ташлаб қўйиш билан уни мерос қилиб олар экан. Сўнгра хоҳласа маҳрсиз унга ўзи уйланар, хоҳласа бошқага эрга бериб, маҳрини ўзи олар ёки узоқ вақт эрсиз қолдириб, беванинг қўлидаги биринчи эридан қолган мероси ёки бошқа бойлиги эвазига уни озод қиларди. Агар аёл мазкур кишиларнинг чопон ёпишидан олдинроқ уйдан чиқиб кетишга улгурса, шундагина ихтиёри ўз қўлида бўлиб, эрининг ўғли ёки қариндошига мерос бўлиб қолишдан қутилар экан. Шундай аёллардан Абу Қайснинг хотини Кабиша исмли бир бева аёл Муҳаммад (а.с.)нинг ҳузурларига эрининг ўғлидан шикоят қилади. Мазкур масалага жавоб тариқасида шу оят нозил бўлади (Бғ.).

وَإِنْ أَرَدتُّمُ ٱسْتِبْدَالَ زَوْجٍ مَّكَانَ زَوْجٍ وَءَاتَيْتُمْ
إِحْدَىٰهُنَّ قِنطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا۟ مِنْهُ شَيْـًٔا ۚ أَتَأْخُذُونَهُۥ
بُهْتَـٰنًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿٢٠﴾ وَكَيْفَ تَأْخُذُونَهُۥ وَقَدْ أَفْضَىٰ
بَعْضُكُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ وَأَخَذْنَ مِنكُم مِّيثَـٰقًا
غَلِيظًا ﴿٢١﴾ وَلَا تَنكِحُوا۟ مَا نَكَحَ ءَابَآؤُكُم مِّنَ
ٱلنِّسَآءِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ فَـٰحِشَةً وَمَقْتًا
وَسَآءَ سَبِيلًا ﴿٢٢﴾ حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَـٰتُكُمْ
وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَٰتُكُمْ وَعَمَّـٰتُكُمْ وَخَـٰلَـٰتُكُمْ وَبَنَاتُ
ٱلْأَخِ وَبَنَاتُ ٱلْأُخْتِ وَأُمَّهَـٰتُكُمُ ٱلَّـٰتِىٓ أَرْضَعْنَكُمْ
وَأَخَوَٰتُكُم مِّنَ ٱلرَّضَـٰعَةِ وَأُمَّهَـٰتُ نِسَآئِكُمْ
وَرَبَـٰٓئِبُكُمُ ٱلَّـٰتِى فِى حُجُورِكُم مِّن نِّسَآئِكُمُ
ٱلَّـٰتِى دَخَلْتُم بِهِنَّ فَإِن لَّمْ تَكُونُوا۟ دَخَلْتُم بِهِنَّ
فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ وَحَلَـٰٓئِلُ أَبْنَآئِكُمُ ٱلَّذِينَ
مِنْ أَصْلَـٰبِكُمْ وَأَن تَجْمَعُوا۟ بَيْنَ ٱلْأُخْتَيْنِ
إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٣﴾

20. Агар бир хотинни (талоқ қўйиб), ўрнига бошқа хотинни алмаштирмоқчи бўлсангиз, аввалгисига гарчи уюм-уюм молни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз ҳам, ундан бирор нарсани қайтариб олмангиз. Уни бўҳтон ва аниқ гуноҳ билан оласизми?!*

21. Ахир, бир-бирингиз билан қовушиб, у (хотин)лар сизлардан қатъий аҳд олганларидан сўнг қандай қилиб у (маҳр)ни (қайтариб) оласиз?!

22. Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг*. Магар илгари ўтган бўлса (улар кечирилади)*. Албатта, бу қабиҳ, жирканч ва ёмон йўлдир.

23. Сизларга (никоҳи) ҳаром қилинган (аёл) лар – бу, оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган «она»ларингиз, эмишган «опа-сингил»ларингиз, қайноналарингиз, жинсий яқинликда бўлган хотинларингизнинг қарамоғингизда бўлган қизлари – жинсий яқинликда бўлмаган бўлсангиз, сизларга гуноҳ бўлмас – яна, ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларидир. Икки опа-сингилни қўшиб (никоҳлаб) олишингиз (ҳам ҳаром қилинди). Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв этар)*. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва марҳаматли зотдир.

20-оят. Ҳазрат Умар ибн Хаттоб (рз.) бир куни масжид минбаридан туриб, ўз хутбасида аёлларга маҳрни кўп бермаслик кераклиги ҳақида сўзлайдилар. Шунда бир аёл киши туриб: “Эй, Умар, Аллоҳ Қуръонда аёллар маҳрини уюм-уюм деб таърифлаб турганда сен уни тақиқлаб қўйишга нима ҳаққинг бор?”, деб эътироз билдиради. Умар “Одамлар билганини мен билмас эканман” деб мазкур тақиқдан тилларини тиядилар.

Лекин аёл маҳрининг енгилроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, Ҳадиси шарифда “Хотинларнинг баракалироғи – сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганидир” дейилган (Аҳ.).

22-оят. Бу ерда оталарингиз уйланган хотин деган шартга отанинг никоҳли ёки никоҳсиз зино йўли билан ёхуд чўри сифатида яқинлик қилган аёллари тўғри келади.

* Оятдан маълум бўладики, исломгача арабларда оталаридан қолган аёлларга ўғилларининг уйланиш одати бўлган.

23-оят. Опа-сингилни қўшиб хотин қилиш одати ҳам арабларда исломгача мавжуд бўлгани ушбу оятдан маълум бўлади. Отадан қолган хотинга уйланиш ва опа-сингилни қўшиб хотин қилиш одатлари оят билан тақиқлангандан сўнг бу ишлар барҳам топган бўлса-да, айрим мусулмонлар жоҳилият даврида қўл уриб қўйган мазкур қабиҳ ишлари кечириладимикан, деб хавотирга тушганлари сабабли Аллоҳ таоло исломдан олдинги ношаръий ишларни авф этиши тўғрисида башорат берган. Ҳанафий мазҳаби бўйича зино қилган эркакка зино қилинган аёлнинг онаси, қизи ва опа-сингилларининг никоҳи ҳам жоиз эмас. Шаҳвоний ҳирс билан бир-бирининг баданини ушлаган эркак ва аёлнинг ҳукми ҳам шу кабидир (Мх.).

۞ وَٱلۡمُحۡصَنَٰتُ مِنَ ٱلنِّسَآءِ إِلَّا مَا مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُكُمۡۖ
كِتَٰبَ ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡۚ وَأُحِلَّ لَكُم مَّا وَرَآءَ ذَٰلِكُمۡ أَن تَبۡتَغُواْ
بِأَمۡوَٰلِكُم مُّحۡصِنِينَ غَيۡرَ مُسَٰفِحِينَۚ فَمَا ٱسۡتَمۡتَعۡتُم بِهِۦ
مِنۡهُنَّ فَـَٔاتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ فَرِيضَةٗۚ وَلَا جُنَاحَ عَلَيۡكُمۡ
فِيمَا تَرَٰضَيۡتُم بِهِۦ مِنۢ بَعۡدِ ٱلۡفَرِيضَةِۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا
حَكِيمٗا ٢٤ وَمَن لَّمۡ يَسۡتَطِعۡ مِنكُمۡ طَوۡلًا أَن يَنكِحَ
ٱلۡمُحۡصَنَٰتِ ٱلۡمُؤۡمِنَٰتِ فَمِن مَّا مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُكُم مِّن
فَتَيَٰتِكُمُ ٱلۡمُؤۡمِنَٰتِۚ وَٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِإِيمَٰنِكُمۚ بَعۡضُكُم مِّنۢ
بَعۡضٖۚ فَٱنكِحُوهُنَّ بِإِذۡنِ أَهۡلِهِنَّ وَءَاتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ
بِٱلۡمَعۡرُوفِ مُحۡصَنَٰتٍ غَيۡرَ مُسَٰفِحَٰتٖ وَلَا مُتَّخِذَٰتِ
أَخۡدَانٖۚ فَإِذَآ أُحۡصِنَّ فَإِنۡ أَتَيۡنَ بِفَٰحِشَةٖ فَعَلَيۡهِنَّ نِصۡفُ
مَا عَلَى ٱلۡمُحۡصَنَٰتِ مِنَ ٱلۡعَذَابِۚ ذَٰلِكَ لِمَنۡ خَشِيَ
ٱلۡعَنَتَ مِنكُمۡۚ وَأَن تَصۡبِرُواْ خَيۡرٞ لَّكُمۡۗ وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ
٢٥ يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيُبَيِّنَ لَكُمۡ وَيَهۡدِيَكُمۡ سُنَنَ ٱلَّذِينَ
مِن قَبۡلِكُمۡ وَيَتُوبَ عَلَيۡكُمۡۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٢٦

БЕШИНЧИ ПОРА

24. Яна, эрли хотинлар (никоҳи ҳам ҳаром қилинди), магар қарамоғингиздаги жориялар (бундан мустасно)*. Бу (мазкурларнинг ҳаммаси) Аллоҳнинг битиги (фарзи)дир. Ана шулардан бошқа аёлларга зинокорона эмас, (балки) молларингиз (маҳр) билан уйланишингиз сизларга ҳалол қилинди*. Улар билан (никоҳ орқали) яқинлик қилишингиз биланоқ, белгиланган ҳақларини (маҳрларини) берингиз*. (Маҳр) белгилангандан кейин ўзаро келишсангиз (хотин ўз маҳридан кечса), сизлар учун гуноҳ йўқдир. Албатта, Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир.

25. Сизлардан кимда-ким озод, мўмина аёлларга уйланиш имкониятига эга бўлмаса, қўл остингиздаги мўмина жориялардан бирига (уйланаверсин)*. Аллоҳ имонингизни билувчироқдир. Сизлар бирингиз бирингиздандирсиз (яъни сиз ҳам, жориялар ҳам бир инсонсиз). Бас, улардан ўзларини тутган, фоҳишалик қилмайдиган ва махфий ўйнашлари йўқларига хожаларининг рухсати билан уйланаверингиз ва маҳрларини меъёрида берингиз. Эрли бўлганларидан кейин, агар бузуқлик қилсалар, уларга озод аёлларга бериладиган жазонинг ярми (берилур). Бу (жорияларга уйланиш) сизлардан қийинчилик (бузилиб кетиш)дан қўрққан киши учундир. (Жорияга уйланишдан) сабр қилишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли зотдир.

26. Аллоҳ сизларга (шариат аҳкомларини) баён қилиш, сизларни илгари ўтган (ҳақ йўлдаги) зотларнинг йўлларига ҳидоят этиш ва тавбаларингизни қабул қилишни хоҳлайди. Аллоҳ доно ва ҳаким зотдир.

24-оят. Жорияни никоҳлаб олмоқчи бўлган киши унинг иддаси тугашини кутади. Зеро, одатда жориялар жангларда енгилган кофир эрларини ташлаб келган бўлади. Уларда ҳомила бўлиш эҳтимолидан иддага буюрилган.

* Оятдан маҳрсиз никоҳ бўлмаслиги маълум бўлади. Бинобарин, ҳанафий мазҳаби бўйича никоҳ ўқилган пайтда маҳр тўғрисида ҳеч қандай гап айтилмаса ҳам урф-одатда жорий бўлган миқдордаги маҳр эрнинг зиммасига ўз-ўзидан тушаверади. Борди-ю, маҳр миқдори белгиланса, ўша миқдордаги маҳрни адо этиш эр зиммасига тушади. Бошқа мазҳабларда никоҳ ўқилган пайтда маҳр миқдорини белгилаш шартдир. Усиз никоҳ дуруст ҳисобланмайди (Мд.).

* Бу оятнинг зоҳирий маъноси "мутъа" – муваққат никоҳнинг жоизлигига ҳам далолат қилади. Хайбар жангидан кейин Расул (а.с.) илк ислом даврида рухсат берилган мутъа никоҳини ва хонаки эшак гўштини истеъмол қилишни тақиқлаганлар (Бғ.).

25-оят. Бу ердаги жориялардан мурод ўзининг эмас, балки ўзга мусулмонларнинг қўл остидаги жорияларидир. Зеро, ўзининг сотиб олган жорияси билан никоҳсиз жинсий алоқа қилишга рухсат этилган. Ибн Аббос (рз.): "Мусулмонларнинг яҳудия, насрония ва жория қизларга уйланишларига рухсат берилиши динимизнинг бағрикенглик тамойилларидан биридир", деган эканлар. Бинобарин, ҳанафий мазҳаби бўйича китобия аёлларга уйланиш жоиздир (Мд. Хз.).

وَٱللَّهُ يُرِيدُ أَن يَتُوبَ عَلَيۡكُمۡ وَيُرِيدُ ٱلَّذِينَ يَتَّبِعُونَ
ٱلشَّهَوَٰتِ أَن تَمِيلُواْ مَيۡلًا عَظِيمٗا ٢٧ يُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُخَفِّفَ
عَنكُمۡۚ وَخُلِقَ ٱلۡإِنسَٰنُ ضَعِيفٗا ٢٨ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ لَا تَأۡكُلُوٓاْ أَمۡوَٰلَكُم بَيۡنَكُم بِٱلۡبَٰطِلِ إِلَّآ أَن
تَكُونَ تِجَٰرَةً عَن تَرَاضٖ مِّنكُمۡۚ وَلَا تَقۡتُلُوٓاْ أَنفُسَكُمۡۚ
إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِكُمۡ رَحِيمٗا ٢٩ وَمَن يَفۡعَلۡ ذَٰلِكَ عُدۡوَٰنٗا
وَظُلۡمٗا فَسَوۡفَ نُصۡلِيهِ نَارٗاۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ
يَسِيرًا ٣٠ إِن تَجۡتَنِبُواْ كَبَآئِرَ مَا تُنۡهَوۡنَ عَنۡهُ نُكَفِّرۡ
عَنكُمۡ سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَنُدۡخِلۡكُم مُّدۡخَلٗا كَرِيمٗا ٣١
وَلَا تَتَمَنَّوۡاْ مَا فَضَّلَ ٱللَّهُ بِهِۦ بَعۡضَكُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖۚ لِّلرِّجَالِ
نَصِيبٞ مِّمَّا ٱكۡتَسَبُواْۖ وَلِلنِّسَآءِ نَصِيبٞ مِّمَّا ٱكۡتَسَبۡنَۚ
وَسۡـَٔلُواْ ٱللَّهَ مِن فَضۡلِهِۦٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِكُلِّ شَيۡءٍ
عَلِيمٗا ٣٢ وَلِكُلّٖ جَعَلۡنَا مَوَٰلِيَ مِمَّا تَرَكَ ٱلۡوَٰلِدَانِ
وَٱلۡأَقۡرَبُونَۚ وَٱلَّذِينَ عَقَدَتۡ أَيۡمَٰنُكُمۡ فَـَٔاتُوهُمۡ
نَصِيبَهُمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ شَهِيدًا ٣٣

27. Аллоҳ тавбаларингизни қабул этишни хоҳлайди, шаҳвоний ҳиссиётга тобе бўлганлар эса, (тўғри йўлдан) ўта оғиб кетишларингизни хоҳлайдилар.

28. Аллоҳ сизларга (шариат аҳкомларини) енгиллатишни хоҳлайди. Ахир, инсон заиф яратилган-да!

29. Эй, имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни* (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир*.

30. Кимда-ким шу (қотиллик)ни адоват ва зулм юзасидан қилса, албатта, Биз уни дўзахда куйдирамиз*. Бу (эса) Аллоҳга осондир.

31. Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангиз, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз ва сизларни роҳатбахш манзил (жаннат)га киритурмиз.

32. Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар. (Ҳасад қилиш ўрнига) Аллоҳнинг фазлидан сўрангиз. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчидир.

33. Ҳар бир киши учун ота-она ва қариндошлар қолдириб кетган нарса (мерос)дан (олувчи) меросхўрларни пайдо қилдик. Қасамёд (аҳду паймон) қилган кишиларнинг эса, улушларини берингиз!* Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага гувоҳлик қилувчи зотдир.

29-оят. Бу ердаги “ўзларингизни ўлдирмангиз!” жумласи бир неча хил тафсир қилинган:

1. “Бир-бирингизни ўлдиришингиз ўзингизни ўлдирганингиз билан баробардир. Зеро, ҳammангиз бир хил динга мансуб кишиларсиз”.
2. “Ўз жонингизга ўзингиз қасд қилмангиз”. Яъни ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай ёки бирор нарсанинг аламига чидаёлмай ўзини ўзи ўлдириш тақиқланмоқда.
3. “Мол-мулкларингизни ўзаро ноҳақ йўллар билан еийишингиз ўзингизни ўзингиз қатл қилишингиз билан баробардир”.
4.”Ҳавойи нафсга берилмангиз. Зеро, бу сизларни ҳалокатга олиб келади” (Мд.).

* Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.) умматига енгиллик бахш этди. Бани Исроил қавмига эса, жиноят қилганларида каффорат сифатида ўзларини ўзлари ўлдиришга буюрган эди (Мд.).

30-оят. Қотилликни ҳалол деган эътиқод билан қилса, бу ислом ақоиди бўйича куфр ҳисобланиб, жазоси дўзахда абадий қолишдир. Аммо уни Аллоҳ томонидан тақиқланганини иқрор қилган ҳолда ва гуноҳ эканини била туриб, бошқа гуноҳлардек ҳисоблаб қилган бўлса, қотил дўзах азобига мустаҳиқ бўладиган иш қилган бўлади, лекин Аллоҳ уни ўз фазли билан кечириб юбориши ҳам мумкин (Мд.).

33-оят. Бу мансуха оятдир. Яъни оятда белгилаб қўйилган қариндошлардан бошқа ҳеч ким мерос олишга ҳақли эмас.

ٱلرِّجَالُ قَوَّٰمُونَ عَلَى ٱلنِّسَآءِ بِمَا فَضَّلَ ٱللَّهُ بَعۡضَهُمۡ
عَلَىٰ بَعۡضٖ وَبِمَآ أَنفَقُواْ مِنۡ أَمۡوَٰلِهِمۡۚ فَٱلصَّٰلِحَٰتُ
قَٰنِتَٰتٌ حَٰفِظَٰتٞ لِّلۡغَيۡبِ بِمَا حَفِظَ ٱللَّهُۚ وَٱلَّٰتِي تَخَافُونَ
نُشُوزَهُنَّ فَعِظُوهُنَّ وَٱهۡجُرُوهُنَّ فِي ٱلۡمَضَاجِعِ
وَٱضۡرِبُوهُنَّۖ فَإِنۡ أَطَعۡنَكُمۡ فَلَا تَبۡغُواْ عَلَيۡهِنَّ سَبِيلًاۗ
إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيّٗا كَبِيرٗا ٣٤ وَإِنۡ خِفۡتُمۡ شِقَاقَ
بَيۡنِهِمَا فَٱبۡعَثُواْ حَكَمٗا مِّنۡ أَهۡلِهِۦ وَحَكَمٗا مِّنۡ أَهۡلِهَآ إِن
يُرِيدَآ إِصۡلَٰحٗا يُوَفِّقِ ٱللَّهُ بَيۡنَهُمَآۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا خَبِيرٗا
٣٥ ۞ وَٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ وَلَا تُشۡرِكُواْ بِهِۦ شَيۡـٔٗاۖ وَبِٱلۡوَٰلِدَيۡنِ
إِحۡسَٰنٗا وَبِذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡيَتَٰمَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱلۡجَارِ
ذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡجَارِ ٱلۡجُنُبِ وَٱلصَّاحِبِ بِٱلۡجَنۢبِ
وَٱبۡنِ ٱلسَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُكُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن
كَانَ مُخۡتَالٗا فَخُورًا ٣٦ ٱلَّذِينَ يَبۡخَلُونَ وَيَأۡمُرُونَ
ٱلنَّاسَ بِٱلۡبُخۡلِ وَيَكۡتُمُونَ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ
مِن فَضۡلِهِۦۗ وَأَعۡتَدۡنَا لِلۡكَٰفِرِينَ عَذَابٗا مُّهِينٗا ٣٧

34. Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир*. (Аёллар ичида) солиҳалари – бу (Аллоҳга ва эрига) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир. Хотинларнинг итоатсизлигидан қўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнгра (бу таъсир қилмаса,) уларни ўринларда (алоқасиз) тарк этингиз, сўнгра (бу ҳам кор қилмаса) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтармангиз*. Албатта, Аллоҳ олий ва улуғ зотдир.

35. Агар улар (эр-хотин)нинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар (эр-хотин)ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай. Албатта, Аллоҳ билимдон ва хабардор зотдир.

36. Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди.

37. (Улар) ўзлари бахиллик қилиш билан бирга (бошқа) одамларни (ҳам) бахилликка буюрадиган ва Аллоҳнинг Ўз фазли билан берган (неъмат)ларини яширадиган (кимса)лардир. Кофирларга (эса) хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

34-оят. Эркак зотининг аёл кишидан баъзи хусусиятларда ортиқ қилиб яратилганлигида бир неча ҳикматлар мавжуд. Тафсирларда жумладан, қуйидаги шаръий нуктаи назардан эркакларга хос хусусиятлар қайд этилган: пайғамбарлик, халифалик, жисмоний куч-қувват, оила нафақасига масъуллик, ақлу идрок, хотира ва тафаккурнинг зиёдалиги, имом-хатиблик, муаззинлик, жамоат билан намоз ўқиш, жума намозининг вожиб бўлиши, ташриқ такбирини айтиш, жангларда қатнашиш, тўлиқ гувоҳлик, талоқ бериш ҳуқуқига эга бўлиш, оила номини унга нисбат берилиши, намоз ва рўзани узрсиз адо этиш ва бошқалар. Шу ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиб, аёл кишининг эрига нисбатан итоатли, ҳимоятли ва иффатли бўлиб, оила тотувлиги йўлида доимий ҳаракатда бўлиши диёнат жиҳатидан талаб этилган.

* Баъзи кишилар Қуръонда "урингиз" дейилган, деб уни суиистеъмол қилишга уринадилар. Бу хатодир. Ҳар қандай оилавий можарони тинч йўл билан оқилона ҳал этиш мумкин.

"Видолашув хутбаси"да Пайғамбаримиз (а.с.) жумладан шундай деганлар: "...Аёлларингизга яхшилик қилишни тавсия этаман. Улар сизларнинг барча ишларингизда ёрдамчиларингиздир. Фақат итоатсизлик ва ахлоқсизлик қилганларида уларни енгилгина уриб қўйингиз" (Тр. Хз.).

وَٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ رِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَلَا يُؤْمِنُونَ
بِٱللَّهِ وَلَا بِٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۗ وَمَن يَكُنِ ٱلشَّيْطَٰنُ لَهُۥ قَرِينًا فَسَآءَ
قَرِينًا ﴿٣٨﴾ وَمَاذَا عَلَيْهِمْ لَوْ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَأَنفَقُوا۟
مِمَّا رَزَقَهُمُ ٱللَّهُ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِهِمْ عَلِيمًا ﴿٣٩﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَظْلِمُ
مِثْقَالَ ذَرَّةٍ ۖ وَإِن تَكُ حَسَنَةً يُضَٰعِفْهَا وَيُؤْتِ مِن لَّدُنْهُ
أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٤٠﴾ فَكَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِن كُلِّ أُمَّةٍۭ بِشَهِيدٍ
وَجِئْنَا بِكَ عَلَىٰ هَٰٓؤُلَآءِ شَهِيدًا ﴿٤١﴾ يَوْمَئِذٍ يَوَدُّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ وَعَصَوُا۟ ٱلرَّسُولَ لَوْ تُسَوَّىٰ بِهِمُ ٱلْأَرْضُ وَلَا يَكْتُمُونَ
ٱللَّهَ حَدِيثًا ﴿٤٢﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَقْرَبُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ
وَأَنتُمْ سُكَٰرَىٰ حَتَّىٰ تَعْلَمُوا۟ مَا تَقُولُونَ وَلَا جُنُبًا إِلَّا عَابِرِى
سَبِيلٍ حَتَّىٰ تَغْتَسِلُوا۟ ۚ وَإِن كُنتُم مَّرْضَىٰٓ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَآءَ
أَحَدٌ مِّنكُم مِّنَ ٱلْغَآئِطِ أَوْ لَٰمَسْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَلَمْ تَجِدُوا۟ مَآءً
فَتَيَمَّمُوا۟ صَعِيدًا طَيِّبًا فَٱمْسَحُوا۟ بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ ۗ إِنَّ
ٱللَّهَ كَانَ عَفُوًّا غَفُورًا ﴿٤٣﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ نَصِيبًا مِّنَ
ٱلْكِتَٰبِ يَشْتَرُونَ ٱلضَّلَٰلَةَ وَيُرِيدُونَ أَن تَضِلُّوا۟ ٱلسَّبِيلَ ﴿٤٤﴾

38. Мол-мулкларини одамлар кўрсинга (риёкорлик билан) эҳсон қиладиган, (аслида эса) Аллоҳга ҳам, охират кунига ҳам имон келтирмайдиганларни (Аллоҳ севмайди). Кимгаки шайтон дўст бўлса, нақадар ёмон дўст у!

39. Мабодо (улар) Аллоҳга ва охират кунига имон келтириб, Аллоҳ ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилган бўлганларида, улар (зарари)га нима ҳам бўлар эди?! Аллоҳ уларни яхши билувчидир.

40. Албатта, Аллоҳ бир зарра миқдорида (ҳам бировга) зулм қилмагай. Агар (ўша миқдорда) яхшилик бўлса, уни (бир неча баробар) кўпайтирур ва Ўз ҳузуридан улуғ мукофот (жаннат) ато этур.

41. Ҳар бир умматдан (ўз пайғамбарини) гувоҳ сифатида келтирганимизда ва Сизни (эй, Муҳаммад!) уларга гувоҳ қилиб келтирганимизда, (уларнинг ҳоли) не кечур?!*

42. Кофир бўлганлар ва пайғамбарга итоатсизлик қилганлар ўша куни ер билан яксон бўлишни орзу қиладилар. (У ерда улар) Аллоҳдан бирор гапни (сирни) яшира олмайдилар.

43. Эй, имон келтирганлар! Токи гапираётган гапингизни (ўзингиз) биладиган бўлгунингизгача, маст ҳолларингизда намозга яқинлашмангиз!* Яна жунуб (нопок) ҳолларингизда ҳам, то покланмагунча (намозга яқинлашмангиз). Магар сафарда бўлсангиз (бу мустаснодир). Борди-ю, бетоб ё сафарда бўлсангиз ёки сизлардан бирортангиз ҳожатхонадан чиққан бўлса, ёхуд хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангиз-у, (ғусл қилишга) сув топа олмасангиз, покиза ер (тупроқ, тош, қум, чанг кабилар) билан таяммум қилиб, юзларингиз ва қўлларингизга суртинг. Албатта, Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчидир.

44. Китоб (Таврот)дан насибадор бўлган кишилар гумроҳликни сотиб олаётганлари ва (тўғри) йўлдан адашишларингизни хоҳлаётганларини кўрмайсизми?!

41-оят. Бу ҳолат қиёмат кунида рўй бериши бошқа оятларда, яъни "Наҳл" сурасининг 84,89-оятлари, "Ҳаж" сурасининг 78-оятида ҳам баён қилинган. Уларнинг мазмунига биноан барча пайғамбарлар ва уларнинг умматлари маҳшаргоҳга тўпланган куни Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарнинг умматидан, Менинг буйруқларимни сизларга юборилган пайғамбар етказганми, деб сўрар экан. Улардан имон келтирганлари, ҳа, деб, кофирлари эса, йўқ, деб инкор этар эканлар. Шунда Муҳаммад (а.с.)нинг умматлари ўтган пайғамбарларнинг ҳаммаси ўз умматларига Сенинг буйруқларингни етказганлар. Биз буни Қуръондан ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.)дан эшитиб билганмиз, дер эканлар. Аллоҳнинг амри билан Муҳаммад (а.с.) уларни тасдиқлаб гувоҳлик берар эканлар (Хз. Бғ.).

Расул (а.с.) Қуръоннинг шу оятига келганда йиғлаб юборар эканлар.

43-оят. Ичкилик "Моида" сурасининг 90,91-оятлари билан қатъий тақиқланиб, ҳаром қилинган.

وَٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِأَعۡدَآئِكُمۡۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَلِيّٗا وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ نَصِيرٗا ﴿٤٥﴾
مِّنَ ٱلَّذِينَ هَادُواْ يُحَرِّفُونَ ٱلۡكَلِمَ عَن مَّوَاضِعِهِۦ وَيَقُولُونَ
سَمِعۡنَا وَعَصَيۡنَا وَٱسۡمَعۡ غَيۡرَ مُسۡمَعٖ وَرَٰعِنَا لَيَّۢا بِأَلۡسِنَتِهِمۡ
وَطَعۡنٗا فِي ٱلدِّينِۚ وَلَوۡ أَنَّهُمۡ قَالُواْ سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَا وَٱسۡمَعۡ وَٱنظُرۡنَا
لَكَانَ خَيۡرٗا لَّهُمۡ وَأَقۡوَمَ وَلَٰكِن لَّعَنَهُمُ ٱللَّهُ بِكُفۡرِهِمۡ فَلَا يُؤۡمِنُونَ
إِلَّا قَلِيلٗا ﴿٤٦﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ ءَامِنُواْ بِمَا نَزَّلۡنَا
مُصَدِّقٗا لِّمَا مَعَكُم مِّن قَبۡلِ أَن نَّطۡمِسَ وُجُوهٗا فَنَرُدَّهَا
عَلَىٰٓ أَدۡبَارِهَآ أَوۡ نَلۡعَنَهُمۡ كَمَا لَعَنَّآ أَصۡحَٰبَ ٱلسَّبۡتِۚ وَكَانَ أَمۡرُ
ٱللَّهِ مَفۡعُولًا ﴿٤٧﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغۡفِرُ أَن يُشۡرَكَ بِهِۦ وَيَغۡفِرُ مَا دُونَ
ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُۚ وَمَن يُشۡرِكۡ بِٱللَّهِ فَقَدِ ٱفۡتَرَىٰٓ إِثۡمًا عَظِيمًا
﴿٤٨﴾ أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ يُزَكُّونَ أَنفُسَهُمۚ بَلِ ٱللَّهُ يُزَكِّي مَن يَشَآءُ
وَلَا يُظۡلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٤٩﴾ ٱنظُرۡ كَيۡفَ يَفۡتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلۡكَذِبَۖ
وَكَفَىٰ بِهِۦٓ إِثۡمٗا مُّبِينًا ﴿٥٠﴾ أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ أُوتُواْ نَصِيبٗا
مِّنَ ٱلۡكِتَٰبِ يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡجِبۡتِ وَٱلطَّٰغُوتِ وَيَقُولُونَ
لِلَّذِينَ كَفَرُواْ هَٰٓؤُلَآءِ أَهۡدَىٰ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ سَبِيلًا ﴿٥١﴾

45. Аллоҳ душманларингиз (ким экани)ни яхшироқ билувчидир. Аллоҳнинг Ўзи етарли дўст, Аллоҳнинг Ўзи етарли ёрдамчидир.

46. Яҳудий бўлганлар орасида шундайлари (ҳам) борки, Аллоҳнинг сўзини ўз ўрнидан ўзгартирадилар ва тилларини буриб, динга таъна етказиш ғаразида: «Эшитдик ва бўйин сунмадик. Эшитилмас (сўзлар)ни эшит ва бизни асра», – дейдилар*. Агар улар: «Тингладик ва бўйин сундик, эшит ва бизга ҳам назар қил», – деганларида, ўзлари учун яхшироқ ва тўғрироқ бўлар эди. Лекин уларни Аллоҳ куфрлари сабабли лаънатлади. Бас, (уларнинг) озгина (қисми)дан бошқалари имон келтирмайдилар*.

47. Эй, Китоб берилган кимсалар! Юзларни сидириб, тескари қилиб юборишимиздан ёки уларни худди «Шанба эгалари»ни* лаънатлаганимиздек лаънатлашимиздан олдин сизлардаги нарса (Таврот)ни тасдиқловчи ҳолида нозил қилган Китобимиз (Қуръон)га имон келтиринглар. Аллоҳнинг амри, албатта, адо этилувчидир.

48. Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди.

49. Ўзларини «поклаётган» кимсаларни кўрмайсизми? Ҳақиқатан, Аллоҳ кимни хоҳласа (ўшани) поклайди, (Аллоҳ томонидан) хурмо данагининг ипича ҳам зулм қилинмайди*.

50. Аллоҳ (шаъни)га қандай ёлғон тўқишларини кўринг!* Шу (туҳматнинг ўзи) аниқ гуноҳ учун етарлидир.

51. Китоб (Таврот)дан насибадор бўлганларнинг «Жибт» ва «Тоғут»га* сиғинишларини ва кофирларга «Шулар мўминлардан кўра тўғрироқ йўлдадир» дейишларини кўрмадингизми?!

46-оят. Оятдаги “Аллоҳнинг сўзини ўз ўрнидан ўзгартирадилар” жумласига, Тавротдаги Муҳаммад (а.с.)нинг исм ва сифатлари тўғрисидаги оятларни олиб ташлаб ёки ўзгартириб юборганларидир, деган тафсирлар ҳам бор (Мд. Хз.).

* Яҳудийларнинг имон келтирган – Абдуллоҳ ибн Салом ибн ал-Ҳорис Тавротни яхши биладиган руҳонийлардан эди. У Расулуллоҳ (а.с.)нинг ҳижратларидан озгина муддат олдин имон келтириб, машҳур саҳобалар қаторидан жой олган ва унинг жаннат аҳлидан экани тўғрисида Расул (а.с.) башорат берганлар. Вафоти ҳижратнинг 43-санасидадир (С.а.н.).

47-оят. Шанба эгалари воқеаси билан танишиш учун “Бақара” сурасининг 65-ояти изоҳига қаралсин.

49-оят. Арабларда оз нарсани хурмо данаги ичидаги ип ёки зарра каби нарсаларга ўхшатилган.

50-оят. Тўқиган ёлғон ва бўҳтонларидан бири – бу, уларнинг “Биз Аллоҳнинг фарзандлари ва дўстларимиз”, – деган даъволаридир.

51-оят. “Жибт” – уларнинг сиғинадиган сохта маъбудалари. “Тоғут” эса, шайтондир.

Бошқа тафсирларда “Жибт” ва “Тоғут”дан мурод яҳудийларнинг пешволари дейилган.

أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُۖ وَمَن يَلۡعَنِ ٱللَّهُ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ نَصِيرًا ﴿٥٢﴾
أَمۡ لَهُمۡ نَصِيبٞ مِّنَ ٱلۡمُلۡكِ فَإِذٗا لَّا يُؤۡتُونَ ٱلنَّاسَ نَقِيرًا ﴿٥٣﴾ أَمۡ
يَحۡسُدُونَ ٱلنَّاسَ عَلَىٰ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضۡلِهِۦۖ فَقَدۡ ءَاتَيۡنَآ
ءَالَ إِبۡرَٰهِيمَ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَءَاتَيۡنَٰهُم مُّلۡكًا عَظِيمٗا ﴿٥٤﴾
فَمِنۡهُم مَّنۡ ءَامَنَ بِهِۦ وَمِنۡهُم مَّن صَدَّ عَنۡهُۚ وَكَفَىٰ بِجَهَنَّمَ سَعِيرًا
﴿٥٥﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِـَٔايَٰتِنَا سَوۡفَ نُصۡلِيهِمۡ نَارٗا كُلَّمَا نَضِجَتۡ
جُلُودُهُم بَدَّلۡنَٰهُمۡ جُلُودًا غَيۡرَهَا لِيَذُوقُواْ ٱلۡعَذَابَۗ إِنَّ ٱللَّهَ
كَانَ عَزِيزًا حَكِيمٗا ﴿٥٦﴾ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
سَنُدۡخِلُهُمۡ جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدٗاۖ
لَّهُمۡ فِيهَآ أَزۡوَٰجٞ مُّطَهَّرَةٞۖ وَنُدۡخِلُهُمۡ ظِلّٗا ظَلِيلًا ﴿٥٧﴾ ۞إِنَّ
ٱللَّهَ يَأۡمُرُكُمۡ أَن تُؤَدُّواْ ٱلۡأَمَٰنَٰتِ إِلَىٰٓ أَهۡلِهَا وَإِذَا حَكَمۡتُم بَيۡنَ
ٱلنَّاسِ أَن تَحۡكُمُواْ بِٱلۡعَدۡلِۚ إِنَّ ٱللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُم بِهِۦٓۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ سَمِيعَۢا
بَصِيرٗا ﴿٥٨﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَطِيعُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُواْ ٱلرَّسُولَ وَأُوْلِي
ٱلۡأَمۡرِ مِنكُمۡۖ فَإِن تَنَٰزَعۡتُمۡ فِي شَيۡءٖ فَرُدُّوهُ إِلَى ٱللَّهِ وَٱلرَّسُولِ إِن كُنتُمۡ
تُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِۚ ذَٰلِكَ خَيۡرٞ وَأَحۡسَنُ تَأۡوِيلًا ﴿٥٩﴾

52. Ана ўшалар Аллоҳ лаънатлаган кимсалардир. Кимни Аллоҳ лаънатлаган бўлса, унга (ҳеч қандай) ёрдамчи топа олмайсиз.

53. Ёки уларда (бирор) ҳукмронликдан улуш борми?! Мабодо, бўлганда ҳам одамларга (ундан) заррача бермаган бўлур эдилар.

54. Ёки (улар) Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қилишадими? Ахир, Биз (илгари ҳам) Иброҳим наслига (Юсуф, Довуд, Сулаймон каби зотларга) Китоб, Ҳикмат бериб, яна уларга буюк мулк (ҳукмронлик) ҳам ато этган эдик-ку!

55. Бас, улар ичида унга (Муҳаммадга) имон келтирганлари ҳам, ундан юз ўгирганлари ҳам бўлди. Жаҳаннам (улар учун) етарли оловдир.

56. Албатта, оятларимизни инкор этувчиларни дўзахда куйдиргаймиз. Азобни тотсинлар деб, терилари куйиб битиши билан ўрнига бошқа (янги) териларни алмаштириб турамиз. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир*.

57. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларни эса абадий яшаладиган, остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар (жаннат)га киритурмиз. Улар учун у ерда покиза жуфтлар бор ва уларни қалин сояларга киритурмиз.

58. Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир.

59. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! Борди-ю, бирор нарсада (дин ишида) келиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва Пайғамбарига ҳавола қилингиз. Мана шу яхшироқ ва ечими чиройлироқ (иш)дир*.

56-оят. Оятнинг зоҳиридан дўзах аҳлининг терилари бир марта куйиши билан улар ўрнига куйганларидан бошқа янги терилар қопланиб куйдирилади, деб тушуниш мумкин. Лекин аслида бундай эмас, балки ўша куйган терининг ўзини қайта-қайта асл ҳолига келтирилиб, такроран куйдириб турилади. Акс ҳолда гуноҳ қилмаган терилар куйдирилган бўлур эди (Ҳз.).

59-оят. Бу оятдан Аллоҳ ва Унинг расулининг буйруқларига итоат қилиш билан бирга мусулмонлар ўзларидан бўлган дин ва давлат бошлиқларига ҳам итоат қилишнинг вожиблиги маълум бўлади. Модомики, раҳбар ёки ота-оналар гуноҳ ишларга буюрмас эканлар, уларга итоат этиш шаръан вожибдир (Таҳовий "Ақоиди"га қаралсин).

Мазкур ояти каримадан шариатнинг асосий тўрт манбаига ҳам ишорат мавжудлиги аниқланган. Аллоҳга итоат этишдан – Қуръони карим, Пайғамбарига итоат этишдан – Суннат (ҳадис), раҳбарларга итоат этишдан – Ижмоъ, низоли масалани Аллоҳ ва Расулига ҳавола қилишдан Қиёс усуллари олингандир.

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا۟ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ
وَمَآ أُنزِلَ مِن قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَن يَتَحَاكَمُوٓا۟ إِلَى ٱلطَّٰغُوتِ
وَقَدْ أُمِرُوٓا۟ أَن يَكْفُرُوا۟ بِهِۦ وَيُرِيدُ ٱلشَّيْطَٰنُ أَن يُضِلَّهُمْ
ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا ﴿٦٠﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا۟ إِلَىٰ مَآ أَنزَلَ
ٱللَّهُ وَإِلَى ٱلرَّسُولِ رَأَيْتَ ٱلْمُنَٰفِقِينَ يَصُدُّونَ عَنكَ
صُدُودًا ﴿٦١﴾ فَكَيْفَ إِذَآ أَصَٰبَتْهُم مُّصِيبَةٌۢ بِمَا
قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ ثُمَّ جَآءُوكَ يَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ إِنْ أَرَدْنَآ إِلَّآ
إِحْسَٰنًا وَتَوْفِيقًا ﴿٦٢﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ يَعْلَمُ ٱللَّهُ مَا
فِى قُلُوبِهِمْ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَعِظْهُمْ وَقُل لَّهُمْ فِىٓ
أَنفُسِهِمْ قَوْلًۢا بَلِيغًا ﴿٦٣﴾ وَمَآ أَرْسَلْنَا مِن رَّسُولٍ إِلَّا
لِيُطَاعَ بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَلَوْ أَنَّهُمْ إِذ ظَّلَمُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ
جَآءُوكَ فَٱسْتَغْفَرُوا۟ ٱللَّهَ وَٱسْتَغْفَرَ لَهُمُ ٱلرَّسُولُ
لَوَجَدُوا۟ ٱللَّهَ تَوَّابًا رَّحِيمًا ﴿٦٤﴾ فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ
حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا۟
فِىٓ أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا۟ تَسْلِيمًا ﴿٦٥﴾

60. Ўзларини, Сизга нозил қилинган (Қуръон) ва Сиздан олдин нозил қилинган (илоҳий китоблар)га имон келтирган, деб ҳисоблайдиганларнинг ҳукм сўраб, Тоғут (шайтон)* ҳузурига боришни хоҳлаётганларини кўрмадингизми? Ваҳоланки, уни инкор этишга буюрилган эдилар. Шайтон эса, уларни (тўғри йўлдан) узоқ (муддат) адаштиришни хоҳлайди.

61. Уларга: «Аллоҳ нозил этган (Қуръон) ва Пайғамбар (сўзларини музокара қилиш)га келингиз», – дейилса, мунофиқларнинг Сиздан (қочиб) тескари қараб кетишларини кўрасиз.

62. Ўз қилмишлари туфайли бошларига бирор мусибат тушгандан кейин, Сизга келиб: «Биз фақат яхшиликни ва ўртани ислоҳ этишни хоҳлаган эдик», – деб, Аллоҳ (номи) билан қасам ичишларида қандай (баҳона) бўларкин?!

63. Ана ўшаларнинг дилларидаги нарса (мунофиқлик)ни Аллоҳ билур. Бас, Сиз улардан юз ўгиринг, уларга насиҳат қилинг ва ўзлари ҳақида етук сўз айтинг!

64. Қайси бир пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни билан унга итоат қилиниши учун (юборганмиз). Агар улар ўзларига зулм қилгач, дарҳол Сизга келишиб, Аллоҳдан кечирим сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун кечирим сўраганда, Аллоҳни кечирувчи ва раҳм-шафқатли эканини билган бўлур эдилар.

65. Бас, Раббингиз ҳаққи, улар ўрталаридан чиққан низоларга Сизни ҳакам қилмагунларича ва сўнгра чиқарган ҳукмингиздан дилларида танглик сезмай, тўла таслим бўлмагунларича, зинҳор имон келтирмагайлар*.

60-оят. Бир яҳудий билан бир мунофиқ ўзаро жанжал қилиб, кимнинг ҳузурига бориб ҳукм талаб қилишликда тортишиб қолишади. Яҳудий Муҳаммад (а.с.) ҳузурига, мунофиқ эса, Каъб ибн Ашраф ҳузурига боришни таклиф қилади. Охири, Расул (а.с.) ҳузурига боришади. Ҳукм яҳудийнинг фойдасига чиқарилгач, мунофиқ рози бўлмай Ҳазрати Умар (рз.) ҳузурига боришни таклиф қилади. У киши ҳам Пайғамбар (а.с.) чиқарган ҳукмни таъкидлайдилар (Мд. Хз.).

65-оят. Зубайр ибн Авом билан мадиналик бир киши (ансорий) экинзорларини суғориш пайтида сув навбатини талашиб, ҳакам бўлишларини сўраб Расулуллоҳ (а.с.) ҳузурига келишади. Ул зот биринчи бўлиб Зубайр, иккинчи бўлиб ансорий суғориб олишига буюрадилар. Шунда ансорий: “Зубайр аммангнинг ўғли бўлгани учун унга биринчи навбатни бердингми?”, деб норозилик билдиргач, Расул (а.с.)нинг юзлари қизариб кетади ва Зубайрга: “Сен биринчи бўлиб экинзорингни суғор. Сув деворларнинг остигача чиқсин” дейдилар. Шу ҳадисга илова қилиб, Имом Бухорий (рҳ.) айтадилар: “Расул (а.с.) ҳар икки даъвогарга ҳам енгиллик бўлсин деб, Зубайр биринчи суғорса ҳам тезлик билан навбатни ансорийга беришга буюрган эдилар. Ансорий норозилик билан ношойиста сўз айтгандан кейин Зубайрга тегишли сув ҳаққидан мукаммал фойдаланишга, беодоблиги туфайли ансорийни узоқ навбат кутишга буюрганлар” (Хз.).

وَلَوْ أَنَّا كَتَبْنَا عَلَيْهِمْ أَنِ اقْتُلُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ أَوِ اخْرُجُوا۟ مِن
دِيَٰرِكُم مَّا فَعَلُوهُ إِلَّا قَلِيلٌ مِّنْهُمْ ۖ وَلَوْ أَنَّهُمْ فَعَلُوا۟ مَا يُوعَظُونَ
بِهِۦ لَكَانَ خَيْرًا لَّهُمْ وَأَشَدَّ تَثْبِيتًا ﴿٦٦﴾ وَإِذًا لَّءَاتَيْنَٰهُم مِّن
لَّدُنَّآ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٦٧﴾ وَلَهَدَيْنَٰهُمْ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٦٨﴾
وَمَن يُطِعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِم
مِّنَ النَّبِيِّـۧنَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَآءِ وَالصَّٰلِحِينَ ۚ وَحَسُنَ
أُو۟لَٰٓئِكَ رَفِيقًا ﴿٦٩﴾ ذَٰلِكَ الْفَضْلُ مِنَ اللَّهِ ۚ وَكَفَىٰ
بِاللَّهِ عَلِيمًا ﴿٧٠﴾ يَٰٓأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا۟ خُذُوا۟ حِذْرَكُمْ
فَانفِرُوا۟ ثُبَاتٍ أَوِ انفِرُوا۟ جَمِيعًا ﴿٧١﴾ وَإِنَّ مِنكُمْ لَمَن لَّيُبَطِّئَنَّ
فَإِنْ أَصَٰبَتْكُم مُّصِيبَةٌ قَالَ قَدْ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيَّ إِذْ لَمْ أَكُن مَّعَهُمْ
شَهِيدًا ﴿٧٢﴾ وَلَئِنْ أَصَٰبَكُمْ فَضْلٌ مِّنَ اللَّهِ لَيَقُولَنَّ كَأَن
لَّمْ تَكُنۢ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُۥ مَوَدَّةٌ يَٰلَيْتَنِى كُنتُ مَعَهُمْ فَأَفُوزَ
فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧٣﴾ ۞ فَلْيُقَٰتِلْ فِى سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ
يَشْرُونَ الْحَيَوٰةَ الدُّنْيَا بِالْءَاخِرَةِ ۚ وَمَن يُقَٰتِلْ فِى
سَبِيلِ اللَّهِ فَيُقْتَلْ أَوْ يَغْلِبْ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٧٤﴾

66. Агар Биз уларга: «Ўзларингизни ўлдиринг ёки юртингиздан чиқиб кетинг», – деб буюрганимизда эди, оз қисмидан бошқаси уни қилмаган бўлур эдилар*. Борди-ю, улар айтилган насиҳатларга мувофиқ иш қилганларида эди, ўзлари учун яхшироқ ва (имонлари) мустаҳкамроқ бўлур эди.

67. Ўшанда (Биз ҳам) уларга Ўз ҳузуримиздан улкан мукофот берган бўлур эдик.

68. Шунингдек, уларни тўғри йўлга ҳидоят қилган бўлур эдик.

69. Кимда-ким Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат этса, айнан ўшалар Аллоҳнинг инъомига эришган зотлар, яъни пайғамбарлар, сиддиқлар*, шаҳидлар ва солиҳ кишилар билан биргадирлар. Улар ҳамроҳ сифатида нақадар гўзалдир!

70. Бу Аллоҳдан (бўлган) фазлдир. Аллоҳ етарли (даражада) билимдондир.

71. Эй, имон келтирганлар! (Ёвга нисбатан) эҳтиёт чорасини кўргач, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёки ҳаммангиз жам бўлиб қўзғалингиз!*

72. Дарҳақиқат, ичларингизда (жангга бормай) ортда қоладиган, сизларга бирор мусибат етса, «Аллоҳ ёрлақаб улар билан бирга (жангга) ҳозир бўлмадим», – дейдиган киши ҳам бор.

73. Борди-ю, сизларга Аллоҳдан фазл (ғалаба) етса, худди сизлар билан унинг ўртасида алоқа бўлмаганидек, «Кошки эди, мен ҳам улар билан бирга бўлганимда, улкан ютуқ (ўлжа)га эришган бўлар эдим»,– деб, айтиши ҳам аниқ.

74. Аллоҳ йўлида дунё ҳаёти эвазига охиратни «сотиб оладиганлар» жанг қилсинлар!* Кимда-ким Аллоҳ йўлида жанг қилса-ю, ўлдирилса ёки ғалаба қилса, албатта, унга улкан мукофот ато этажакмиз.

66-оят. Яъни “Мабодо биз Макка аҳлига Мусо (а.с.)нинг қавмига ўзингизни ўзингиз ўлдирингиз ёки ватанингиз – Мисрдан чиқиб кетингиз, деган буйруқни берганимизда эди, жуда озчилик кишилар бу ишни бажарган бўлур эдилар. Бинобарин, улар айтилган насиҳатларга тўла амал қилсалар ўзла-рига ҳам осон ва пухта иш қилган бўлур эдилар”, дейилмоқда.

69-оят. “Сиддиқлар” илоҳий маълумотларга чин дилдан ишониб, тасдиқ этувчи ва амал қилувчи, тили билан дили бир зотлардир. Тасаввуфда сиддиқлик мартабасига биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ (рз.) эришганлар.

Оятдаги “пайғамбарлар”дан мурод – Муҳаммад (а.с.), “сиддиқлар”дан – Абу Бакр (рз.), “шаҳидлар”дан – Умар, Усмон, Али (рз.), “солиҳ кишилар”дан қолган саҳобийлардир, деган тафсир ҳам мавжуд (Хз.).

71-оят. Бу ва кейинги оятларда Мадинага кўчиб келган муҳожирлар ва мадиналик (ансор)лардан иборат мусулмонларга Макка шаҳрида зулм ўтказган мушрикларга қарши ҳаракатларда иштирок этишга ундаш билан бирга ундан бош тортувчилар танқид қилинади.

74-оят. Ушбу оятни аксинча тафсир қилиш ҳам мумкин. Унда: “Охиратни бериб, унинг ўрнига дунёни сотиб олувчи мунофиқлар, бу ниятларини тарк этиб, Аллоҳ йўлида жанг қилсинлар” деган маъно чиқади.

وَمَا لَكُمْ لَا تُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ ٱلرِّجَالِ
وَٱلنِّسَآءِ وَٱلْوِلْدَٰنِ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَآ أَخْرِجْنَا مِنْ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِ
ٱلظَّالِمِ أَهْلُهَا وَٱجْعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ وَلِيًّا وَٱجْعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ
نَصِيرًا ﴿٧٥﴾ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱلطَّٰغُوتِ فَقَٰتِلُوٓا۟ أَوْلِيَآءَ ٱلشَّيْطَٰنِ ۖ إِنَّ كَيْدَ
ٱلشَّيْطَٰنِ كَانَ ضَعِيفًا ﴿٧٦﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ قِيلَ لَهُمْ كُفُّوٓا۟ أَيْدِيَكُمْ
وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ فَلَمَّا كُتِبَ عَلَيْهِمُ ٱلْقِتَالُ إِذَا فَرِيقٌ
مِّنْهُمْ يَخْشَوْنَ ٱلنَّاسَ كَخَشْيَةِ ٱللَّهِ أَوْ أَشَدَّ خَشْيَةً ۚ وَقَالُوا۟ رَبَّنَا لِمَ
كَتَبْتَ عَلَيْنَا ٱلْقِتَالَ لَوْلَآ أَخَّرْتَنَآ إِلَىٰٓ أَجَلٍ قَرِيبٍ ۗ قُلْ مَتَٰعُ ٱلدُّنْيَا
قَلِيلٌ وَٱلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ لِّمَنِ ٱتَّقَىٰ وَلَا تُظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٧٧﴾ أَيْنَمَا
تَكُونُوا۟ يُدْرِككُّمُ ٱلْمَوْتُ وَلَوْ كُنتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشَيَّدَةٍ ۗ وَإِن تُصِبْهُمْ
حَسَنَةٌ يَقُولُوا۟ هَٰذِهِۦ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا۟
هَٰذِهِۦ مِنْ عِندِكَ ۚ قُلْ كُلٌّ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ ۖ فَمَالِ هَٰٓؤُلَآءِ ٱلْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ
يَفْقَهُونَ حَدِيثًا ﴿٧٨﴾ مَّآ أَصَابَكَ مِنْ حَسَنَةٍ فَمِنَ ٱللَّهِ ۖ وَمَآ أَصَابَكَ مِن
سَيِّئَةٍ فَمِن نَّفْسِكَ ۚ وَأَرْسَلْنَٰكَ لِلنَّاسِ رَسُولًا ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿٧٩﴾

75. Сизларга не бўлдики, Аллоҳ йўлида ва «Эй, Раббимиз, аҳолиси золим бўлган ушбу шаҳардан бизни чиқаргин, бизга Ўз ҳузурингдан бир дўст бергин ва бизга Ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи ато этгин!» – деяётган бечора эркак, аёл ва болалар (озодлиги) учун жанг қилмайсизлар?!*

76. Имон келтирганлар Аллоҳ йўлида жанг қиладилар. Кофирлар (эса) Тоғут (шайтон) йўлида жанг қиладилар. (Сизлар) шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз! Албатта, шайтоннинг макри заифдир.

77. «Қўлларингизни (жангдан) тийиб, (ҳозирча) намоз ўқиб, закот бериб турингиз!» дейилган (киши)ларни кўрмадингизми?* Уларга жанг фарз қилингач эса, бир қисми худди Аллоҳдан қўрққандек ёки ундан ҳам кўпроқ одамлардан қўрқа бошладилар ва айтдиларки: «Эй, Раббимиз! Нега бизга жангни фарз қилдинг? Бизни (ажалимизни) озгина муддатга кечиктирсанг бўлмасмиди?» Айтинг: «Дунё лаззати қисқадир. Тақволи кишига эса, охират яхшидир. Хурмо данагининг ипича ҳам (Аллоҳ тарафидан) зулм қилинмайсиз».

78. Қаерда бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топади, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам. Уларга бирор яхшилик етса, «Бу – Аллоҳдан», – дейдилар. Агар уларга бирор нохушлик етса, «Бу – Сиздан», – деб айтадилар. «Ҳаммаси Аллоҳдандир», – денг (уларга). Бу қавм кишиларига нима бўлдики, гапни англай олмайдилар?!

79. Сизга қандай яхшилик етса, у Аллоҳдандир. Сизга қандай нохушлик етса, у ўзингиздандир. Сизни одамларга пайғамбар қилиб юборганмиз. Гувоҳликка (эса) Аллоҳ (Ўзи) етарлидир.

75-оят. Маккадан Мадинага ҳижрат қилишга ожизлик қилиб, мушриклардан етадиган тазйиқ остида жабр-зулм кўраётган мусулмонларга енгиллик бахш этиш учун мусулмонларни Макка мушрикларига қарши чиқишга ва улардан ўч олишга даъват қилинмоқда. Мушриклар билан мусулмонлар ўртасида кечган барча жангларнинг асосий сабабларидан бири ҳам шудир.

77-оят. Маккада қолган мусулмонларнинг бир қисми "Қани энди, бизга мушриклар билан жанг қилишга Аллоҳ томонидан рухсат берилганда эди", деганларида, Пайғамбар (а.с.), ҳозирча намоз ва закот каби ибодатларни адо этиб турингиз, деган эдилар. Мадинага келганларида эса, ўзлари сўраган нарсадан бош тортиб, жангга чиқмаслик учун баҳона қидиришга ўтдилар.

Абу Мансур Мотуридий (рҳ.) ушбу оят тафсирида шундай деганлар: "Мусулмонларнинг жангга чиқишдан қўрқиб, бу сўзларни айтишлари динга шак келтириш ёки ундан воз кечиш ниятида эмас, балки инсон табиатига хос жон талвасаси туфайли бўлиб, буни Аллоҳнинг ҳукмини қабул қилмаслик деб тушунмаслик керак. Зеро, уларнинг эътиқодлари бутун эди" (Мд.).

مَّن يُطِعِ ٱلرَّسُولَ فَقَدۡ أَطَاعَ ٱللَّهَۖ وَمَن تَوَلَّىٰ فَمَآ أَرۡسَلۡنَٰكَ
عَلَيۡهِمۡ حَفِيظٗا ٨٠ وَيَقُولُونَ طَاعَةٞ فَإِذَا بَرَزُواْ مِنۡ
عِندِكَ بَيَّتَ طَآئِفَةٞ مِّنۡهُمۡ غَيۡرَ ٱلَّذِي تَقُولُۖ وَٱللَّهُ يَكۡتُبُ
مَا يُبَيِّتُونَۖ فَأَعۡرِضۡ عَنۡهُمۡ وَتَوَكَّلۡ عَلَى ٱللَّهِۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا
٨١ أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلۡقُرۡءَانَۚ وَلَوۡ كَانَ مِنۡ عِندِ غَيۡرِ ٱللَّهِ لَوَجَدُواْ
فِيهِ ٱخۡتِلَٰفٗا كَثِيرٗا ٨٢ وَإِذَا جَآءَهُمۡ أَمۡرٞ مِّنَ ٱلۡأَمۡنِ
أَوِ ٱلۡخَوۡفِ أَذَاعُواْ بِهِۦۖ وَلَوۡ رَدُّوهُ إِلَى ٱلرَّسُولِ وَإِلَىٰٓ أُوْلِي
ٱلۡأَمۡرِ مِنۡهُمۡ لَعَلِمَهُ ٱلَّذِينَ يَسۡتَنۢبِطُونَهُۥ مِنۡهُمۡۗ وَلَوۡلَا فَضۡلُ
ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ وَرَحۡمَتُهُۥ لَٱتَّبَعۡتُمُ ٱلشَّيۡطَٰنَ إِلَّا قَلِيلٗا ٨٣
فَقَٰتِلۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ لَا تُكَلَّفُ إِلَّا نَفۡسَكَۚ وَحَرِّضِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَۖ
عَسَى ٱللَّهُ أَن يَكُفَّ بَأۡسَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْۚ وَٱللَّهُ أَشَدُّ بَأۡسٗا
وَأَشَدُّ تَنكِيلٗا ٨٤ مَّن يَشۡفَعۡ شَفَٰعَةً حَسَنَةٗ يَكُن لَّهُۥ
نَصِيبٞ مِّنۡهَاۖ وَمَن يَشۡفَعۡ شَفَٰعَةٗ سَيِّئَةٗ يَكُن لَّهُۥ كِفۡلٞ مِّنۡهَاۗ
وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ مُّقِيتٗا ٨٥ وَإِذَا حُيِّيتُم بِتَحِيَّةٖ فَحَيُّواْ
بِأَحۡسَنَ مِنۡهَآ أَوۡ رُدُّوهَآۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٍ حَسِيبًا ٨٦

80. Кимда-ким Пайғамбарга итоат этса, демак, у Аллоҳга итоат этибди. Кимда-ким бош тортса, Сизни улар устидан қўриқловчи қилиб юборганимиз йўқ.

81. «Итоат (этамиз)» дейдилар, лекин ҳузурингиздан чиққанларида, уларнинг бир тоифаси Сиз айтган гапнинг тескарисига тил бириктирадилар. Аллоҳ (уларнинг) тил бириктиришларини ёзиб қўйган. Сиз эса, улардан юз ўгириб, Аллоҳга таваккул қилинг. Аллоҳ вакилликка кифоя этувчи зотдир.

82. Қуръон (оятларининг маънолари) ҳақида (чуқурроқ) фикр юритмайдиларми?! Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг ҳузуридан (келган) бўлса эди, унда кўпгина қарама-қарши гапларни топган бўлур эдилар*.

83. Уларга (жанг майдонидан) омонлик ёки хавфли иш (хабари) келса, уни ёйиб юборадилар. Агар уни Пайғамбарга ёки ўзларидан бўлган амирларга етказсалар, уни билиб олишни истовчилар ўшалардан (сўраб) билаверар эдилар. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаса эди, озчиликни ҳисобга олмаганда, (кўпларингиз) шайтонга эргашиб кетган бўлар эдингиз.

84. Бас, Аллоҳ йўлида жанг қилинг! (Сиз) Ўзингиздан бошқалар учун жавобгар эмассиз. Мўминларни (жангга) ундаng, шояд (шунда) Аллоҳ кофирларнинг шиддатини сўндирса. Аллоҳнинг шиддати энг кескин ва жазоси ашаддийдир.

85. Кимда-ким яхши шафоат ила (бировни) ҳимоя қилса, унга ҳам ўша (ҳимояси)дан насиба (савоб) бўлур. Кимда-ким ёмон шафоат ила (бировни) ҳимоя қилса, унга ҳам ўша (ҳимояси)дан насиба (гуноҳ) бўлур. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

86. Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз*. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи зотдир.

82-оят. Мана, ўн тўрт аср ўтаётган бўлса-да, илоҳий мўъжиза – Қуръони карим оятларида келтирилган маълумотларда бирорта хато жумла топилгани йўқ, топилмайди ҳам. Фалакиёт, коинот, ҳайвонот, наботот, илоҳиёт ва табииётга доир оятларнинг нақадар тўғри ифода этилгани кун сайин ўз тасдиғини топиб келаётир.

86-оят. Салом берувчи "Ассалому алайкум" деса, "Ва алайкумус-салому ва раҳматуллоҳ" деб алик олинади. Агар у "Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ" деб салом берса, "Ва алайкумус-салому ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ" деб алик олинади. Салом берувчи "ва баракотуҳ" қўшимчасини ҳам қўшса, алик олувчи ҳам фақат ўша қўшимчани қўшади. Пиёдага суворий (уловдаги одам), кўпчиликка озчилик, ўтирган ёки ўрнида турганга юрган кишилар салом бериши кабиларга риоя этиш тавсия этилади. Лекин кичикдан олдин катта ёшдаги одам камтарлик учун салом берса, бу фазилатдир. Салом беришлик суннат, алик олишлик эса, фарз.

ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۚ لَيَجۡمَعَنَّكُمۡ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِ لَا رَيۡبَ فِيهِۗ
وَمَنۡ أَصۡدَقُ مِنَ ٱللَّهِ حَدِيثٗا ٨٧ ۞ فَمَا لَكُمۡ فِي ٱلۡمُنَٰفِقِينَ
فِئَتَيۡنِ وَٱللَّهُ أَرۡكَسَهُم بِمَا كَسَبُوٓاْۚ أَتُرِيدُونَ أَن تَهۡدُواْ مَنۡ
أَضَلَّ ٱللَّهُۖ وَمَن يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ سَبِيلٗا ٨٨ وَدُّواْ لَوۡ
تَكۡفُرُونَ كَمَا كَفَرُواْ فَتَكُونُونَ سَوَآءٗۖ فَلَا تَتَّخِذُواْ مِنۡهُمۡ أَوۡلِيَآءَ
حَتَّىٰ يُهَاجِرُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۚ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَخُذُوهُمۡ وَٱقۡتُلُوهُمۡ
حَيۡثُ وَجَدتُّمُوهُمۡۖ وَلَا تَتَّخِذُواْ مِنۡهُمۡ وَلِيّٗا وَلَا نَصِيرًا ٨٩
إِلَّا ٱلَّذِينَ يَصِلُونَ إِلَىٰ قَوۡمِۭ بَيۡنَكُمۡ وَبَيۡنَهُم مِّيثَٰقٌ أَوۡ جَآءُوكُمۡ
حَصِرَتۡ صُدُورُهُمۡ أَن يُقَٰتِلُوكُمۡ أَوۡ يُقَٰتِلُواْ قَوۡمَهُمۡۚ وَلَوۡ شَآءَ
ٱللَّهُ لَسَلَّطَهُمۡ عَلَيۡكُمۡ فَلَقَٰتَلُوكُمۡۚ فَإِنِ ٱعۡتَزَلُوكُمۡ فَلَمۡ يُقَٰتِلُوكُمۡ
وَأَلۡقَوۡاْ إِلَيۡكُمُ ٱلسَّلَمَ فَمَا جَعَلَ ٱللَّهُ لَكُمۡ عَلَيۡهِمۡ سَبِيلٗا ٩٠
سَتَجِدُونَ ءَاخَرِينَ يُرِيدُونَ أَن يَأۡمَنُوكُمۡ وَيَأۡمَنُواْ قَوۡمَهُمۡ كُلَّ
مَا رُدُّوٓاْ إِلَى ٱلۡفِتۡنَةِ أُرۡكِسُواْ فِيهَاۚ فَإِن لَّمۡ يَعۡتَزِلُوكُمۡ وَيُلۡقُوٓاْ إِلَيۡكُمُ
ٱلسَّلَمَ وَيَكُفُّوٓاْ أَيۡدِيَهُمۡ فَخُذُوهُمۡ وَٱقۡتُلُوهُمۡ حَيۡثُ
ثَقِفۡتُمُوهُمۡۚ وَأُوْلَٰٓئِكُمۡ جَعَلۡنَا لَكُمۡ عَلَيۡهِمۡ سُلۡطَٰنٗا مُّبِينٗا ٩١

87. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) сизларни, албатта, қиёмат кунига йиғажакким, унда шубҳа йўқдир. Ким ҳам Аллоҳдан кўра рост гапирувчироқ экан?!

88. Сизларга не бўлдиким, мунофиқларга нисбатан икки гуруҳ (бўлиб олдингиз)?! Ҳолбуки, Аллоҳ уларни қилмишлари туфайли (олдинги ҳолларига-куфрга) қайтарди. Аллоҳ адаштирган кимсаларни ҳидоятга солмоқчимисиз? Кимни Аллоҳ адаштирган бўлса, унга сира йўл топа олмайсиз*.

89. Улар ўзлари кофир бўлганларидек, сизларнинг ҳам кофир бўлиб, (улар билан) баробар бўлишингизни истайдилар. То Аллоҳ йўлида ҳижрат қилмагунларича, улардан (ҳеч кимни) дўст тутмангиз! Агар бош тортсалар, уларни қаерда топсангиз, тутиб ўлдирингиз! Улардан (ўзингизга) ҳеч қандай дўст ва ёрдамчи тутмангиз!

90. Фақат ораларингизда аҳднома бўлган қавмга келиб қўшилган ёки сизлар билан ёхуд ўз қавми билан урушавериб, диллари танг бўлгач, ҳузурларингизга (қайтиб) келганлар бундан мустаснодир*. Агар Аллоҳ хоҳласа, уларни устингизга ҳукмрон қилиб қўйган ва улар, албатта, сизларга қарши жанг қилган бўлур эдилар. Агар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай, сулҳни таклиф қилсалар, Аллоҳ сизларга улар узра (қарши чиқишга) йўл бермайди.

91. Яна (улардан) бошқа (мунофиқ)ларни ҳам учратасизларки, улар сизлардан ҳам хотиржам, ўз қавмларидан ҳам хотиржам бўлишни хоҳлайдилар. Қачон бир фитна (куфр)га буриб қўйилсалар (чақирилсалар), ўзларини унга отурлар. Агар улар сизлардан четланмасалар, сулҳни (ҳам) таклиф қилмасалар ва қўлларини ҳам (сизларга қарши урушишдан) тиймасалар, уларни тутиб, қаерда топсангиз ўлдираверингиз! Ана ўшалар устидан сизларга аниқ ҳукмронлик бериб қўйдик*.

88-оят. Бир гуруҳ мунофиқлар Бадр жангига чиқиш учун Расулуллоҳдан рухсат олиб, жанг қилиш ўрнига, бориб мушриклар сафига қўшилиб кетган. Мусулмонлар шу хусусда ихтилоф қилиб турганларида мазкур оят нозил бўлган (Мд.).

90-оят. Оятдаги аҳдлашган қавмдан мурод Аслам қабиласи кишиларидир. Улар билан Расулуллоҳ (а.с.) ўрталарида келишув битими мавжуд эди. Пайғамбар (а.с.) Макка сафарига чиқишларидан олдин қабила бошлиғи Ҳилол ибн Увзаймир деган кофирга омонлик бериб, ундан бетарафликда юриши учун сўз олгандилар. Унга бориб қўшилганларга ҳам омонлик берилгани тўғрисида мусулмонларга эълон қилган эдилар (Мд.). Аҳдлашган қавм Хузоа ёки Бани Бакр қабиласи деган ривоятлар ҳам бор.

91-оят. Мунофиқлар ўзларининг дилларидаги куфрни фош қилмагунларича, уларга қарши боришга рухсат берилмаган эди. Ушбу оятда ҳам то улар куч ишлатмагунларича, уларга қарши жанг қилмаслик зарурлиги таъкидланмоқда.

92. Мўмин (иккинчи бир) мўминни фақат янглишибгина ўлдириб қўйиши мумкин. Кимда-ким мўминни янглишиб ўлдирган бўлса, (унинг зиммасига) бир мўмин қулни озод қилиш ва у (марҳум)нинг оиласига – агар кечиб юбормасалар – хун тўлаш (фарздир). Агар (марҳум) сизнинг душманингиз қавмидан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Агар у сизлар билан улар ўртасида сулҳ (тузилган) қавмдан бўлса, унинг оиласига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Кимда-ким (қул) топмаса, икки ой муттасил рўза тутиш (билан кифояланади)*. Бу Аллоҳ томонидан кечирим ўрнидадир. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

93. Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай*.

94. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳ йўлида сафарга чиққанингизда, аниқ иш тутингиз! Сизларга салом берган (ёки таслим бўлган) кишига бу дунё матоҳини (ўлжани) кўзлаб: «Мўмин эмассан», – демангиз! Аллоҳнинг ҳузурида кўп ўлжалар (бордир). Илгари сизлар ҳам шундай (имонингизни сир тутар) эдингиз, (сўнгра) сизларга Аллоҳ неъмат ато этди. Бас, аниқлаб иш тутингиз! Албатта, Аллоҳ (барча) ишларингиздан хабардордир*.

وَمَا كَانَ لِمُؤۡمِنٍ أَن يَقۡتُلَ مُؤۡمِنًا إِلَّا خَطَـٔٗاۚ وَمَن قَتَلَ
مُؤۡمِنًا خَطَـٔٗا فَتَحۡرِيرُ رَقَبَةٖ مُّؤۡمِنَةٖ وَدِيَةٞ مُّسَلَّمَةٌ إِلَىٰٓ
أَهۡلِهِۦٓ إِلَّآ أَن يَصَّدَّقُواْۚ فَإِن كَانَ مِن قَوۡمٍ عَدُوّٖ لَّكُمۡ
وَهُوَ مُؤۡمِنٞ فَتَحۡرِيرُ رَقَبَةٖ مُّؤۡمِنَةٖۖ وَإِن كَانَ
مِن قَوۡمِۭ بَيۡنَكُمۡ وَبَيۡنَهُم مِّيثَٰقٞ فَدِيَةٞ مُّسَلَّمَةٌ
إِلَىٰٓ أَهۡلِهِۦ وَتَحۡرِيرُ رَقَبَةٖ مُّؤۡمِنَةٖۖ فَمَن لَّمۡ يَجِدۡ
فَصِيَامُ شَهۡرَيۡنِ مُتَتَابِعَيۡنِ تَوۡبَةٗ مِّنَ ٱللَّهِۗ وَكَانَ
ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمٗا ﴿٩٢﴾ وَمَن يَقۡتُلۡ مُؤۡمِنٗا
مُّتَعَمِّدٗا فَجَزَآؤُهُۥ جَهَنَّمُ خَٰلِدٗا فِيهَا وَغَضِبَ
ٱللَّهُ عَلَيۡهِ وَلَعَنَهُۥ وَأَعَدَّ لَهُۥ عَذَابًا عَظِيمٗا ﴿٩٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا ضَرَبۡتُمۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَتَبَيَّنُواْ وَلَا تَقُولُواْ
لِمَنۡ أَلۡقَىٰٓ إِلَيۡكُمُ ٱلسَّلَٰمَ لَسۡتَ مُؤۡمِنٗا تَبۡتَغُونَ
عَرَضَ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا فَعِندَ ٱللَّهِ مَغَانِمُ كَثِيرَةٞۚ
كَذَٰلِكَ كُنتُم مِّن قَبۡلُ فَمَنَّ ٱللَّهُ عَلَيۡكُمۡ
فَتَبَيَّنُوٓاْۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعۡمَلُونَ خَبِيرٗا ﴿٩٤﴾

92-оят. Яъни хун тўлаш билан бирга икки ой муттасил рўза тутади. Муттасил деганда бир кун тутиб, иккинчи кун тутмай эмас, балки 60 кун узлуксиз тутиш бир қул озод қилганнинг ўрнига ўтади. Бу билан Аллоҳнинг кечиримига сазовор бўлади.

Оятдан ҳанафий мазҳабида мусулмонлар диёрида яшаётган ғайридинлар, яъни зиммийлар билан мусулмонлар дияси (хуни) ўртасида фарқ йўқлиги тўғрисидаги ҳукмни олганлар.

Дия – ўлдирилган кишининг қариндошларига ўлдирган томоннинг жон баробарига тўлайдиган хун ҳақидир.

Битта ўлдирилган ҳур кишининг хуни ҳанафий мазҳаби бўйича 100 та туя ёки минг динор тилла ёхуд ўн минг дирҳам кумушдир.

93-оят. Ақоидга кўра гуноҳи кабира қилган мўмин кофир бўлмайди. Лекин тақиқланган гуноҳ ишни ҳалол деб эътиқод қилса ёки фарзлардан бирини инкор этса кофир бўлиб қолади. Оятда ноҳақ қатл қилишни ҳалол деган эътиқодда қотиллик қилган киши тўғрисидаги ҳукм баён этилмоқда (Мд.).

Ҳадиси шарифда: “Қиёмат куни биринчи савол ноҳақ тўкилган қон тўғрисида бўлур” (Бх.).

94-оят. Бир неча саҳобалар Мадина ташқарисига чиққанларида бир гуруҳ мушрикларга дуч келадилар. Саҳобалардан қўрқиб тарқаб кетишганда, Мирдос исмли мушрик қолиб, уларга салом беради ва Имон калимасини айтади. Шунга қарамай, уни ўлдириб, нарсаларини ўлжа қилиб келтирган Зайд (ёки Микдод)ни Расул алайҳиссалом қаттиқ койийдилар.

Оятда мушриклар ичида ҳам пинҳона имон келтирган, лекин уни ошкор қилишга қулай фурсат топа олмай юрганлар ҳам бўлган. Мўмин эканини изҳор қилган пайтда кофирликда айбламаслик зарурлиги таъкидланмоқда.

لَّا يَسْتَوِى الْقَٰعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُولِى الضَّرَرِ وَالْمُجَٰهِدُونَ
فِى سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَٰهِدِينَ بِأَمْوَٰلِهِمْ
وَأَنفُسِهِمْ عَلَى الْقَٰعِدِينَ دَرَجَةً وَكُلًّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَىٰ وَفَضَّلَ اللَّهُ
الْمُجَٰهِدِينَ عَلَى الْقَٰعِدِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٩٥﴾ دَرَجَٰتٍ مِّنْهُ وَمَغْفِرَةً
وَرَحْمَةً وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٩٦﴾ إِنَّ الَّذِينَ تَوَفَّىٰهُمُ الْمَلَٰٓئِكَةُ
ظَالِمِىٓ أَنفُسِهِمْ قَالُوا۟ فِيمَ كُنتُمْ قَالُوا۟ كُنَّا مُسْتَضْعَفِينَ فِى الْأَرْضِ
قَالُوٓا۟ أَلَمْ تَكُنْ أَرْضُ اللَّهِ وَٰسِعَةً فَتُهَاجِرُوا۟ فِيهَا فَأُو۟لَٰٓئِكَ مَأْوَىٰهُمْ
جَهَنَّمُ وَسَآءَتْ مَصِيرًا ﴿٩٧﴾ إِلَّا الْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ
وَالنِّسَآءِ وَالْوِلْدَٰنِ لَا يَسْتَطِيعُونَ حِيلَةً وَلَا يَهْتَدُونَ سَبِيلًا ﴿٩٨﴾
فَأُو۟لَٰٓئِكَ عَسَى اللَّهُ أَن يَعْفُوَ عَنْهُمْ وَكَانَ اللَّهُ عَفُوًّا غَفُورًا ﴿٩٩﴾
۞ وَمَن يُهَاجِرْ فِى سَبِيلِ اللَّهِ يَجِدْ فِى الْأَرْضِ مُرَٰغَمًا كَثِيرًا وَسَعَةً
وَمَن يَخْرُجْ مِنۢ بَيْتِهِۦ مُهَاجِرًا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ثُمَّ يُدْرِكْهُ الْمَوْتُ
فَقَدْ وَقَعَ أَجْرُهُۥ عَلَى اللَّهِ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٠٠﴾ وَإِذَا ضَرَبْتُمْ
فِى الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَقْصُرُوا۟ مِنَ الصَّلَوٰةِ إِنْ خِفْتُمْ
أَن يَفْتِنَكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنَّ الْكَٰفِرِينَ كَانُوا۟ لَكُمْ عَدُوًّا مُّبِينًا ﴿١٠١﴾

95. Узрсиз бўла туриб (уйида) ўтирувчи мўминлар билан Аллоҳ йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод* қилувчилар тенг бўлмайдилар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жиҳод қилувчиларни (уйида) ўтирувчилардан (кўра) ортиқ даражали қилди. Ҳаммасига ҳам Аллоҳ чиройли (савоб) ваъда қилди. Аллоҳ улкан мукофот (тақсими)да ўтирувчилардан кўра мужоҳидларни буюк ажр билан афзал этди.

96. Ундан (Аллоҳдан берилмиш) даражалар, мағфират ва раҳмат (ҳам шулар жумласидандир). Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

97. Албатта, ўзларига (ҳижратдан бош тортиб) зулм қилувчиларнинг жонини олган фаришталар* (уларга): «Қайси ҳолда бўлдингиз?» – десалар, улар: «Ер юзида бечораҳол эдик», – деб айтадилар. (Фаришталар): «Аллоҳнинг ери унда ҳижрат қилишларинг учун (етарлича) кенг эмасмиди?» – дейдилар. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар нохуш жой у!

98. Фақат бирор чора-тадбирга қодир бўлмаган ва (ҳижратга) йўл топа олмайдиган ночор эркак, аёл ва болалар борки,

99. айнан ўшаларни, шояд Аллоҳ афв этса. Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчи зотдир.

100. Кимда-ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер (юзи)да кўп бошпана ва кенглик топади. Ҳар ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сари ҳижрат қилиб, (ўз) уйидан чиқса-ю, сўнгра (йўлда) унга ўлим етса, албатта, унинг мукофоти Аллоҳ зиммасидадир. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмли зотдир.

101. Ер (юзи) бўйлаб сафар қилганингизда, агар кофирларнинг сизларга фитна (ҳужум) қилишидан қўрқсангиз, намозни қаср (қисқа) қилишингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир*. Зеро, кофирлар сизларга аниқ душмандир.

95-оят. «Ҳаж» сурасининг 39-40-оятларига мувофиқ, Макка мушрикларидан қаттиқ азият чеккан мусулмонларга, Мадинага келиб қарор топганларидан кейин улардан қасос олишга Аллоҳ томонидан рухсат этилади. “Жиҳод” сўзи ҳамма вақт ҳам жанг ва уруш мазмунида эмас, балки жидду жаҳд, саъй-ҳаракат, ижтиҳод, кураш маъноларида ҳам келади. Бу ерда у қасос мақсадидаги жанг маъносида келган.

97-оят. Мадинага ҳижрат қилиш фарз қилингандан кейин Макка шаҳрида узрсиз қолганлар кофирлардан деб ҳисобланган. Ушбу оятда улар “ўзларига зулм қилганлар” деб аталмоқда.

101-оят. Сафарда тўрт ракъатли фарз намозларни икки ракъатли қилиб қисқартирилади. Бунга "қаср" дейилади. Яна Рамазон ойининг рўзасини ҳам тутмасдан, кейин қазосини тутишга рухсат этилади. Пайғамбаримиз (а.с.) дан сафарда витр ва бомдод намозининг суннатидан бошқа суннат намозларни ўқимаганлари ривоят қилинган. Саҳобалар, тобеинлар ва мужтаҳидлар ўртасида ҳам бу масала хусусида ихтилоф бор. Бинобарин, сафарда бемалоллик пайтларида суннат намозларининг ўқилишида ҳеч қандай зарар йўқдир.

وَإِذَا كُنتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ ٱلصَّلَوٰةَ فَلْتَقُمْ طَآئِفَةٌ
مِّنْهُم مَّعَكَ وَلْيَأْخُذُوٓا۟ أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا۟ فَلْيَكُونُوا۟
مِن وَرَآئِكُمْ وَلْتَأْتِ طَآئِفَةٌ أُخْرَىٰ لَمْ يُصَلُّوا۟
فَلْيُصَلُّوا۟ مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا۟ حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ وَدَّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ
عَلَيْكُم مَّيْلَةً وَٰحِدَةً وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن كَانَ بِكُمْ
أَذًى مِّن مَّطَرٍ أَوْ كُنتُم مَّرْضَىٰٓ أَن تَضَعُوٓا۟ أَسْلِحَتَكُمْ
وَخُذُوا۟ حِذْرَكُمْ إِنَّ ٱللَّهَ أَعَدَّ لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ١٠٢
فَإِذَا قَضَيْتُمُ ٱلصَّلَوٰةَ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ قِيَٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ
جُنُوبِكُمْ فَإِذَا ٱطْمَأْنَنتُمْ فَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ إِنَّ ٱلصَّلَوٰةَ
كَانَتْ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ كِتَٰبًا مَّوْقُوتًا ١٠٣ وَلَا تَهِنُوا۟
فِى ٱبْتِغَآءِ ٱلْقَوْمِ إِن تَكُونُوا۟ تَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا
تَأْلَمُونَ وَتَرْجُونَ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا
حَكِيمًا ١٠٤ إِنَّآ أَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ بِٱلْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ
ٱلنَّاسِ بِمَآ أَرَىٰكَ ٱللَّهُ وَلَا تَكُن لِّلْخَآئِنِينَ خَصِيمًا ١٠٥

102. Ҳар қачон Сиз (эй, Муҳаммад!) улар (саҳобаларингиз) орасида бўлиб, намозларига имомлик қилсангиз, (уларни икки қисмга бўлинг!) улардан бир қисми Сиз билан бирга (намозга) турсин! (Иккинчи қисми) қуролларини олсин (ва ёвдан мудофаа қилиб турсин). Сажда қилишгач (яъни, бир ракъат ўқишгач), ортингизга (қўриқлаш учун) бориб турсинлар. Ўқимаган қисм келиб, Сиз билан (намозни) ўқисин! Яна, эҳтиёт чораларини кўриб, қуролларини (қўлга) олсинлар*. Кофирлар сизлар қурол ва анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда бирданига ҳамла қилишни хоҳлайдилар. Агар ёмғирдан азият чексангиз ёки бемор бўлсангиз, қуролларингизни (ечиб) қўйсангиз, сизларга гуноҳ бўлмас. (Аммо) эҳтиёт чораларингизни кўриб қўйинг! Албатта, Аллоҳ кофирлар учун хорловчи азобни тайёрлаб қўйгандир.

103. Намозни адо этиб бўлганингиздан сўнг, турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларингизда (ҳам доимо) Аллоҳни ёд этинг!* (Ёв хавфидан) хотиржам бўлсангиз, намозни (мукаммал) адо этингиз. Зеро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир.

104. Қавм (ёв)нинг изига тушишда сустлик қилмангиз! Агар (урушдан) азоб чекаётган бўлсангиз, улар ҳам худди сизлардек азоб чекмоқдалар. Сизлар Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қиласиз*. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

105. Албатта, Биз Сизга ушбу Китоб (Қуръон)ни одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун барҳақ нозил этдик. Хиёнатчиларга эса, ҳимоячи бўлманг!*

102-оят. Оятда баён этилган мазкур жамоат намози араб тилида “Салотул-хавф” дейилади. Оятдаги буйруқ Пайғамбаримизга қаратилган бўлса-да, у барча мусулмонларга тегишли деб қабул қилинган. Мужтаҳидлардан фақат Абу Юсуф ва Ҳасан ибн Зиёд (рҳ.)лар хавф намози Расулуллоҳнинг ўзларига хосдир, деб билганлар. Бошқалар Пайғамбар (а.с.) вафотларидан кейин ҳам саҳобаларнинг хавф намози ўқиганларини далил қилиб келтирадилар (Мд.). Имом Музаний хавф намозига доир бу оят мансух этилган, деганлар (Хз.).

103-оят. “Ёд этинг” лафзидан мурод “намоз ўқинг”дир деган тафсир ҳам бор. Демак, намозни аввало тик туриб ўқиш, унга қодир бўлмаса, ўтириб, унга ҳам мажоли етмаса, ётган ҳолда имо-ишора билан ўқиш жоиздир.

104-оят. Улар умид қилмаган нарсалар турига шаҳидлик ва жаннат неъматлари киради.

105-оят. Тўъма ибн Убайриқ ўз қўшниси Қатода ибн Нўъмоннинг совутини ўғирлаб, Зайд ибн Самин деган бир яҳудийнинг уйига олиб бориб, яшириб қўяди. Совутни ун солинган қоп ичига солиб кетаётганда қоптешигидан ун тўкилиб боради. Совутнинг эгаси Тўъмадан шубҳаланиб, совутини сўраганида у бўйнига олмай қасам ичади. Тўкилган ун бўйлаб боришгач, совутни Зайднинг уйидан топадилар. Сўралганда у совутни Тўъма қўйиб кетганини айтади. Бунга бошқа яҳудийлар ҳам гувоҳлик берадилар.

وَٱسۡتَغۡفِرِ ٱللَّهَۖ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورٗا رَّحِيمٗا ﴿١٠٦﴾ وَلَا تُجَٰدِلۡ
عَنِ ٱلَّذِينَ يَخۡتَانُونَ أَنفُسَهُمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ
خَوَّانًا أَثِيمٗا ﴿١٠٧﴾ يَسۡتَخۡفُونَ مِنَ ٱلنَّاسِ وَلَا يَسۡتَخۡفُونَ
مِنَ ٱللَّهِ وَهُوَ مَعَهُمۡ إِذۡ يُبَيِّتُونَ مَا لَا يَرۡضَىٰ مِنَ ٱلۡقَوۡلِۚ وَكَانَ
ٱللَّهُ بِمَا يَعۡمَلُونَ مُحِيطًا ﴿١٠٨﴾ هَٰٓأَنتُمۡ هَٰٓؤُلَآءِ جَٰدَلۡتُمۡ
عَنۡهُمۡ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا فَمَن يُجَٰدِلُ ٱللَّهَ عَنۡهُمۡ يَوۡمَ
ٱلۡقِيَٰمَةِ أَم مَّن يَكُونُ عَلَيۡهِمۡ وَكِيلٗا ﴿١٠٩﴾ وَمَن يَعۡمَلۡ
سُوٓءًا أَوۡ يَظۡلِمۡ نَفۡسَهُۥ ثُمَّ يَسۡتَغۡفِرِ ٱللَّهَ يَجِدِ ٱللَّهَ غَفُورٗا
رَّحِيمٗا ﴿١١٠﴾ وَمَن يَكۡسِبۡ إِثۡمٗا فَإِنَّمَا يَكۡسِبُهُۥ عَلَىٰ نَفۡسِهِۦۚ
وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمٗا ﴿١١١﴾ وَمَن يَكۡسِبۡ خَطِيٓـَٔةً أَوۡ إِثۡمٗا
ثُمَّ يَرۡمِ بِهِۦ بَرِيٓـٔٗا فَقَدِ ٱحۡتَمَلَ بُهۡتَٰنٗا وَإِثۡمٗا مُّبِينٗا ﴿١١٢﴾ وَلَوۡلَا
فَضۡلُ ٱللَّهِ عَلَيۡكَ وَرَحۡمَتُهُۥ لَهَمَّت طَّآئِفَةٞ مِّنۡهُمۡ أَن
يُضِلُّوكَ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمۡۖ وَمَا يَضُرُّونَكَ مِن
شَيۡءٖۚ وَأَنزَلَ ٱللَّهُ عَلَيۡكَ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَعَلَّمَكَ
مَا لَمۡ تَكُن تَعۡلَمُۚ وَكَانَ فَضۡلُ ٱللَّهِ عَلَيۡكَ عَظِيمٗا ﴿١١٣﴾

106. Яна, Аллоҳдан кечирим сўранг*. Албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир.

107. Ўзларига хиёнат қилувчилар ҳақида тортишиб ўтирманг. Албатта, Аллоҳ хиёнатчи ва жиноятчи бўлган кимсани севмайди*.

108. (Жиноятларини) одамлардан яширадилар, (лекин) Аллоҳдан яшира олмайдилар. (Аллоҳ) рози бўлмайдиган гаплар режасини хуфёна тузаётганларида (ҳам) У улар билан бирга эди. Аллоҳ уларнинг қилмишларини қамраб олувчидир.

109. Эй, сизлар! (Бу) дунё ҳаётида-ку уларнинг ёнини олдингиз. Қиёмат кунида уларни ким ҳимоя қилиб, ёнларини олур ёки уларга ким вакил бўлур?!

110. Кимда-ким бирор ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан кечирим сўраса, Аллоҳнинг (қанчалик) кечирувчан ва раҳмли эканини идрок этади.

111. Ҳар ким гуноҳ (иш) қилса, фақат ўзининг зарарига қилган бўлур. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

112. Ҳар ким бирор хатолик ёки гуноҳ ишга қўл урса-ю, сўнгра унда бегуноҳ одамни айбласа, албатта, бўҳтон ва аниқ гуноҳни (бўйнида) кўтарган бўлур.

113. Агар Сизга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида эди, уларнинг бир тоифаси Сизни адаштиришга азму қарор қилган эдилар. Улар ўзларинигина адаштирадилар. Сизга эса бирор зарар етказмайдилар. Аллоҳ Сизга Китоб ва Ҳикматни нозил қилди ва билмаганингизни билдирди. Аллоҳнинг Сизга (нисбатан) фазли буюкдир.

106,107-оятлар. Мазкур совутни ўғирлаган Тўъманинг қабиласи – Бани Зафар кишилари ўғирлик ошкор бўлганидан кейин Расулуллоҳ (а.с.) ҳузурларига келиб, Тўъмани ҳимоя қилиб, оқлаб юборишни қаттиқ туриб илтимос қиладилар. Агар оқламасалар, бир яҳудий оқланган, мусулмоннинг эса, номи қора бўлиб қолишини уқтирганларида Пайғамбар (а.с.) совутни ўғирлаган Тўъмани ҳимоя қилиб, оқлашга ҳаракат қилган пайтларида мазкур оят нозил қилинган. Расул (а.с.) Тўъмани озод қилиб, совутни уйида сақлаган яҳудий Зайд ибн Саминга дарра уришни буюрмоқчи бўлиб турганларида Аллоҳ таоло ваҳий билан жазони тўхтатади ва йўл қўйган шу кичкина хатолари учун Пайғамбар (а.с.)ни кечирим сўрашга буюради.

Расул (а.с.) қайси айблари учун кечирим сўрашлари лозим бўлди? Тасаввуфда шундай ҳикматли нақл бор: “Оддий солиҳ кишилар (аброрлар)нинг савобли ишлари буюк (муқарраб) кишиларнинг гуноҳ ишлари билан баробардир”. Демак, пайғамбарлар, азиз-авлиёлар каби Аллоҳга яқин кишиларнинг оддий, кичкина хато ва камчиликлари ҳам бошқа мусулмонларнинг катта гуноҳлари билан баробар ҳисобланар экан. Улар оддий солиҳ кишилар қилиб юрган савобли амаллардан фарқли ўлароқ қўшимча тоат-ибодат, хайр-эҳсон, сабр-тоқатли бўлиш, жабр-ситамларга бардош бериш фазилатларига ҳам эга бўлишлари шарт экан (Мд. Хз. Абс.).

۞ لَّا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِّن نَّجْوَىٰهُمْ إِلَّا مَنْ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ
أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَٰحٍۭ بَيْنَ ٱلنَّاسِ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ
ٱبْتِغَآءَ مَرْضَاتِ ٱللَّهِ فَسَوْفَ نُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١١٤﴾ وَمَن
يُشَاقِقِ ٱلرَّسُولَ مِنۢ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ ٱلْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ
سَبِيلِ ٱلْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِۦ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصْلِهِۦ جَهَنَّمَ ۖ وَسَآءَتْ
مَصِيرًا ﴿١١٥﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرَكَ بِهِۦ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ
ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُ ۚ وَمَن يُشْرِكْ بِٱللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا
﴿١١٦﴾ إِن يَدْعُونَ مِن دُونِهِۦٓ إِلَّآ إِنَٰثًا وَإِن يَدْعُونَ
إِلَّا شَيْطَٰنًا مَّرِيدًا ﴿١١٧﴾ لَّعَنَهُ ٱللَّهُ ۘ وَقَالَ لَأَتَّخِذَنَّ
مِنْ عِبَادِكَ نَصِيبًا مَّفْرُوضًا ﴿١١٨﴾ وَلَأُضِلَّنَّهُمْ وَلَأُمَنِّيَنَّهُمْ
وَلَءَامُرَنَّهُمْ فَلَيُبَتِّكُنَّ ءَاذَانَ ٱلْأَنْعَٰمِ وَلَءَامُرَنَّهُمْ
فَلَيُغَيِّرُنَّ خَلْقَ ٱللَّهِ ۚ وَمَن يَتَّخِذِ ٱلشَّيْطَٰنَ وَلِيًّا
مِّن دُونِ ٱللَّهِ فَقَدْ خَسِرَ خُسْرَانًا مُّبِينًا ﴿١١٩﴾
يَعِدُهُمْ وَيُمَنِّيهِمْ ۖ وَمَا يَعِدُهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ إِلَّا غُرُورًا ﴿١٢٠﴾
أُو۟لَٰٓئِكَ مَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ وَلَا يَجِدُونَ عَنْهَا مَحِيصًا ﴿١٢١﴾

114. Уларнинг кўп шивирлашиб гаплашишларида яхшилик йўқдир. Магар садақа беришга, эзгуликка ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлсалар, бу яхшидир. Кимда-ким Аллоҳ ризоси учун шу ишларни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз.

115. Кимга ҳидоят аниқ бўлгандан кейин Пайғамбарга мухолифлик қилса ва мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса*, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва (охиратда) уни жаҳаннамда куйдирамиз. Нақадар нохуш жой у!

116. Албатта, Аллоҳ ўзига (бирор нарса) шерик қилинишини кечирмайди. Бундан ўзга (гуноҳлар)ни (Ўзи) хоҳлаган кишилар учун кечиргай*. Кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у (тўғри йўлдан) жуда узоққа адашибди.

117. Улар (мушриклар) Аллоҳни қўйиб, фақат аёллар (Лот, Уззо ва Манот отли бут-санамлар)га сиғинадилар ёки исёнкор шайтонга сиғинадилар*.

118. Аллоҳ уни (шайтонни) лаънатлади. (У) деди: «Албатта, бандаларингдан белгиланган (маълум) улушимни олурман,

119. уларни адаштираман, уларни ҳою ҳавасга чўктираман. Уларга буюраман – ҳайвонларнинг қулоқларини кесадилар. Уларга буюраман – Аллоҳнинг яратганларини ўзгартирадилар»*. Кимки Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса (унинг айтганларини бажарса), демак, у аниқ зиён қилибди.

120. Уларга (шайтон) ваъда беради, уларни ҳою ҳавасга солади. Шайтон уларга ғурур (васвасаси)дан ўзга нарсани ваъда қилмайди.

121. Ана ўшаларнинг жойи жаҳаннамдир. Ундан қутулишга чора топа олмайдилар.

115-оят. “Мўминлар йўли” жумласидан “Ижмоъ” ҳам шариатнинг учинчи манбаси экани маълум бўлади (Мд.).

116-оят. Ақоидга кўра, мусулмон одам каттами, кичикми, гуноҳ қилса, кофир бўлмайди, балки гуноҳкор бўлади. Гуноҳни эса кечириш ёки кечирмаслик Аллоҳнинг ихтиёридадир. Кечирилмайдиган гуноҳ – бу ширк ва куфрдир. Мазкур оят шу ақидавий масалага асос бўлади.

117-оят. Араб қабилаларидаги бут-санамларни Аллоҳнинг қизлари деб атар эдилар.

119-оят. “Ҳайвонларнинг қулоқларини кесиш” деганда бизнинг минтақамиздаги кесишлар эмас, балки арабларда жорий бўлган эски одат назарда тутилган. Улар туянинг бешинчи боласи эркак туғилса, она туяни “Баҳира” деб номлаб, қулоқларини кесиб ёки тешиб қўйишар ва уни ишлатмасдан қўйиб юборар эканлар.

“Аллоҳнинг яратганини ўзгартириш” деганда эркаклик ва аёллик жинсларини, шакл ва қиёфани ўзгартириш, одамзодни бичиш ёки Аллоҳнинг дини – Исломда кўрсатилган ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол деб ўзгартириш кабилар киради. Истисно сифатида шариат баъзи моддий манфаатларни назарда тутиб, ҳайвонларни бичишга рухсат берган (Мд.).

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ سَنُدۡخِلُهُمۡ
جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدٗاۖ وَعۡدَ
ٱللَّهِ حَقّٗاۚ وَمَنۡ أَصۡدَقُ مِنَ ٱللَّهِ قِيلٗا ١٢٢ لَّيۡسَ بِأَمَانِيِّكُمۡ
وَلَآ أَمَانِيِّ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِۗ مَن يَعۡمَلۡ سُوٓءٗا يُجۡزَ بِهِۦ
وَلَا يَجِدۡ لَهُۥ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلِيّٗا وَلَا نَصِيرٗا ١٢٣ وَمَن
يَعۡمَلۡ مِنَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِن ذَكَرٍ أَوۡ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤۡمِنٞ
فَأُوْلَٰٓئِكَ يَدۡخُلُونَ ٱلۡجَنَّةَ وَلَا يُظۡلَمُونَ نَقِيرٗا ١٢٤ وَمَنۡ
أَحۡسَنُ دِينٗا مِّمَّنۡ أَسۡلَمَ وَجۡهَهُۥ لِلَّهِ وَهُوَ مُحۡسِنٞ وَٱتَّبَعَ
مِلَّةَ إِبۡرَٰهِيمَ حَنِيفٗاۗ وَٱتَّخَذَ ٱللَّهُ إِبۡرَٰهِيمَ خَلِيلٗا ١٢٥ وَلِلَّهِ مَا
فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَيۡءٖ
مُّحِيطٗا ١٢٦ وَيَسۡتَفۡتُونَكَ فِي ٱلنِّسَآءِۖ قُلِ ٱللَّهُ يُفۡتِيكُمۡ
فِيهِنَّ وَمَا يُتۡلَىٰ عَلَيۡكُمۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ فِي يَتَٰمَى ٱلنِّسَآءِ
ٱلَّٰتِي لَا تُؤۡتُونَهُنَّ مَا كُتِبَ لَهُنَّ وَتَرۡغَبُونَ أَن تَنكِحُوهُنَّ
وَٱلۡمُسۡتَضۡعَفِينَ مِنَ ٱلۡوِلۡدَٰنِ وَأَن تَقُومُواْ لِلۡيَتَٰمَىٰ
بِٱلۡقِسۡطِۚ وَمَا تَفۡعَلُواْ مِنۡ خَيۡرٖ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِهِۦ عَلِيمٗا ١٢٧

122. Имон келтириб, солиҳ ишларни қилганларни (эса) остидан анҳорлар оқадиган жаннат боғларига киритурмиз – улар у ерда абадий қолиб яшарлар. Бу Аллоҳнинг ҳаққоний ваъдасидир. Аллоҳдан кўра ким ростгўйроқдир?!

123. (Бу) – сизларнинг орзуларинг билан ҳам эмас, аҳли китобларнинг орзулари билан ҳам (эришадиган нарса) эмасдир. Кимки ёмонлик қилса, ўша (ёмонлик) билан жазоланур. Ўзига Аллоҳдан ўзга на бирор дўст топади ва на бирор ёрдамчи*.

124. Кимки у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл – мўминлик ҳолида савобли ишлар қилса, айнан улар жаннатга кирурлар ва уларга хурмо данагининг ипича ҳам зулм қилинмагай*.

125. Эзгу иш қилувчи ҳолида юзи (ўзи)ни Аллоҳга бўйин сундирган ва тўғри йўл (саналмиш) Иброҳим динига эргашган кишидан бошқа кимнинг дини чиройлидир?! Ваҳоланки, Аллоҳ Иброҳимни (Ўзига) дўст тутгандир.

126. Осмонлар ва Ердаги борлиқ Аллоҳникидир. Аллоҳ ҳар нарсани иҳота этувчи (қамраб олувчи)дир.

127. Сиздан (эй, Муҳаммад!) аёллар тўғрисида фатво сўрайдилар. Айтинг: «Улар тўғрисида сизларга Аллоҳ фатво берур, шунингдек, Китоб (Қуръон)да тиловат қилинадиган (оятлар) ҳам: етим аёллар, улар учун фарз қилинган нарса (маҳр)ни бермасдан никоҳингизга олишга қизиқишингиз, заиф болалар ва етимларга нисбатан адолатли туришингиз (зарурлиги ҳақида). Нимаики яхшилик қилсангиз, Аллоҳ, албатта, уни билувчидир.

123-оят. Бу оятдаги ёмонлик қилувчилардан мурод мушрик ва кофирлардир. Зеро, қиёмат куни дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмайдиганлар, дейилганда доимо ўшалар назарда тутилади. Мўминлар тўғрисида эса, кейинги оятда баён этилади.

124-оят. Оятда Мотуридия таълимотига мансуб “Солиҳ амаллар имон таркибига кирмайди” деган эътиқодий тушунча учун асос бўладиган мазмун бордир (Мд.).

125-оят. Аллоҳ таоло ўзининг ҳаққоний ва илоҳий динига Қуръони каримда асосан Иброҳим (а.с.)нинг “ҳаниф” динини мисол қилиб келтиради. Зеро, Иброҳим (а.с.) ширкка асосланган барча ботил динларни инкор этиб, тавҳидга асосланган “ҳаниф”, яъни ҳаққа моил динга қаттиқ риоя этганлар. Бинобарин, Аллоҳ уни Халилим, яъни дўстим деб атаган. Бу эса, буюк шарафдир. Улуғ пайғамбарларнинг бир нечтасида шу каби унвонлар бор. Масалан, Одам сафиюллоҳ, Нуҳ набиюллоҳ, Мусо калимуллоҳ, Исмоил забиҳуллоҳ, Исо руҳуллоҳ, Муҳаммад ҳабибуллоҳ. Ҳадиси шарифда айтилади: “Иброҳим (а.с.) меҳмондўст, серсалом ва сернамоз бўлганлари учун Аллоҳ таоло уни дўстим деган”. Иброҳим (а.с.)нинг ўзига Аллоҳ таоло ваҳий орқали “Сени ўзимга дўст тутинганимнинг сабаби, сен олишни эмас, беришни яхши кўришинг ва одамлардан ҳеч нима тиланмаслигингдир”. Бундан бошқа ривоятлар ҳам бор (Мд.).

وَإِنِ ٱمۡرَأَةٌ خَافَتۡ مِنۢ بَعۡلِهَا نُشُوزًا أَوۡ إِعۡرَاضًا فَلَا جُنَاحَ
عَلَيۡهِمَآ أَن يُصۡلِحَا بَيۡنَهُمَا صُلۡحًاۚ وَٱلصُّلۡحُ خَيۡرٌۗ وَأُحۡضِرَتِ
ٱلۡأَنفُسُ ٱلشُّحَّۚ وَإِن تُحۡسِنُواْ وَتَتَّقُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ
بِمَا تَعۡمَلُونَ خَبِيرًا ﴿١٢٨﴾ وَلَن تَسۡتَطِيعُوٓاْ أَن تَعۡدِلُواْ
بَيۡنَ ٱلنِّسَآءِ وَلَوۡ حَرَصۡتُمۡۖ فَلَا تَمِيلُواْ كُلَّ ٱلۡمَيۡلِ
فَتَذَرُوهَا كَٱلۡمُعَلَّقَةِۚ وَإِن تُصۡلِحُواْ وَتَتَّقُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ
كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٢٩﴾ وَإِن يَتَفَرَّقَا يُغۡنِ ٱللَّهُ كُلًّا
مِّن سَعَتِهِۦۚ وَكَانَ ٱللَّهُ وَٰسِعًا حَكِيمًا ﴿١٣٠﴾ وَلِلَّهِ مَا فِي
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ وَلَقَدۡ وَصَّيۡنَا ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡكِتَٰبَ
مِن قَبۡلِكُمۡ وَإِيَّاكُمۡ أَنِ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ وَإِن تَكۡفُرُواْ فَإِنَّ لِلَّهِ
مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ وَكَانَ ٱللَّهُ غَنِيًّا حَمِيدًا ﴿١٣١﴾
وَلِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا ﴿١٣٢﴾
إِن يَشَأۡ يُذۡهِبۡكُمۡ أَيُّهَا ٱلنَّاسُ وَيَأۡتِ بِـَٔاخَرِينَۚ وَكَانَ
ٱللَّهُ عَلَىٰ ذَٰلِكَ قَدِيرًا ﴿١٣٣﴾ مَّن كَانَ يُرِيدُ ثَوَابَ ٱلدُّنۡيَا فَعِندَ
ٱللَّهِ ثَوَابُ ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِۚ وَكَانَ ٱللَّهُ سَمِيعَۢا بَصِيرًا ﴿١٣٤﴾

128. Қайси бир хотин эридан (унга нисбатан) кўнгилсизлик ёки воз кечишидан қўрқса, иккисининг ўртасини ислоҳ қилиб олишларида уларга гуноҳ йўқдир. Сулҳ (ажралишдан) яхшироқдир. Нафсларга бахиллик (қизғанчиқлик) битилган*. Агар (хотинларингизга) яхшилик (чиройли муомала) қилсангиз ва Аллоҳдан қўрқсангиз, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир (яъни ажрини беради).

129. Ҳар қанча истасангиз ҳам хотинларингиз ўртасида адолатли (ҳаммасига бир хил муносабатда) бўла олмайсиз. Бас, (бирига) бутунлай берилиб кетиб, (иккинчисини) муаллақ ҳолда ташлаб қўймангиз! Агар (улар билан муносабатингизни адолат асосида) тузатсангиз ва тақволи бўлсангиз, албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

130. Агар иккиси (эр-хотин бирор сабаб билан) ажралишиб кетса, Аллоҳ (уларнинг) ҳар бирини ўз кенглигидан (ризқи билан) таъминлаб қўяди*. Аллоҳ (карами) кенг ва ҳикмат соҳибидир.

131. Осмонлар ва Ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Сизлардан олдинги Китоб берилганларга ва сизларга ҳам, Аллоҳдан қўрқингиз, деб амр қилганмиз. Агар куфрни ихтиёр этсангиз, бас, албатта, осмонлару Ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Аллоҳ беҳожат ва ҳамд эгасидир*.

132. Осмонлар ва Ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Зотан, Аллоҳ вакилликка кифоядир.

133. Агар (У) хоҳласа, эй, инсонлар, сизларни кетказиб (йўқ қилиб), бошқаларни келтиради. Аллоҳ бунга қодирдир.

134. Кимки бу дунё савобини истаса, (билиб қўйсинки) Аллоҳ ҳузурида ҳам бу дунёнинг, ҳам охиратнинг савоби бордир. Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир.

128-оят. Аллоҳ таоло инсонга “нафс” деб аталувчи бир табиатни бериб қўйганки, у фақат роҳат-фароғат, шахсий манфаатни жалб қилади, бахиллик, ҳасад, кўролмаслик каби салбий сифатлар унда мужассам. Инсон бутун умрида ўз нафси билан курашиб ўтади. Шу кураши сабабли ажру савоб ва улуғ мартабаларга эришади. Оятда нафснинг энг ашаддий жиҳатларидан бири, бу бахиллик бўлиб, у оилавий можароларнинг асосий сабаби қилиб кўрсатилмоқда. Мана шу бахилликни енгган одам оилада ҳам, ҳаётда ҳам фаровонликка эришади.

130-оят. Қандайдир сабаб билан турмуши бузилган эр-хотинлар учун ушбу оят тасалли беради. Зеро, Аллоҳ таоло шундай ҳолатга тушганларга Ўзининг фазлу карами билан моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлашни ваъда қилмоқда.

131-оят. Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида Аллоҳ таоло ўзининг бой экани, бирор нарсага ҳожати тушмаслиги, балки унга бошқаларнинг эҳтиёжи доимо тушиб туришини таъкидлайди. Тақво ва ибодатларга буюриши ҳам Ўзининг эҳтиёжи сабабли эмас, балки инсонлар манфаати учундир. Бутун дунё аҳли ёппасига куфрга ўтиб кетган тақдирда ҳам Унга ҳеч қандай зарар етмайди.

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُونُواْ قَوَّٰمِينَ بِٱلْقِسْطِ شُهَدَآءَ لِلَّهِ
وَلَوْ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ أَوِ ٱلْوَٰلِدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ ۚ إِن يَكُنْ غَنِيًّا
أَوْ فَقِيرًا فَٱللَّهُ أَوْلَىٰ بِهِمَا ۖ فَلَا تَتَّبِعُواْ ٱلْهَوَىٰٓ أَن تَعْدِلُواْ ۚ وَإِن
تَلْوُۥٓاْ أَوْ تُعْرِضُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ١٣٥ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ ءَامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلَّذِى نَزَّلَ
عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ مِن قَبْلُ ۚ وَمَن يَكْفُرْ
بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ فَقَدْ ضَلَّ
ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا ١٣٦ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ثُمَّ كَفَرُواْ ثُمَّ ءَامَنُواْ
ثُمَّ كَفَرُواْ ثُمَّ ٱزْدَادُواْ كُفْرًا لَّمْ يَكُنِ ٱللَّهُ لِيَغْفِرَ لَهُمْ وَلَا لِيَهْدِيَهُمْ
سَبِيلًۢا ١٣٧ بَشِّرِ ٱلْمُنَٰفِقِينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ١٣٨ ٱلَّذِينَ
يَتَّخِذُونَ ٱلْكَٰفِرِينَ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۚ أَيَبْتَغُونَ
عِندَهُمُ ٱلْعِزَّةَ فَإِنَّ ٱلْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا ١٣٩ وَقَدْ نَزَّلَ عَلَيْكُمْ فِى
ٱلْكِتَٰبِ أَنْ إِذَا سَمِعْتُمْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ يُكْفَرُ بِهَا وَيُسْتَهْزَأُ بِهَا فَلَا
تَقْعُدُواْ مَعَهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُواْ فِى حَدِيثٍ غَيْرِهِۦٓ ۚ إِنَّكُمْ إِذًا مِّثْلُهُمْ ۗ
إِنَّ ٱللَّهَ جَامِعُ ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْكَٰفِرِينَ فِى جَهَنَّمَ جَمِيعًا ١٤٠

135. Эй, имон келтирганлар! Адолатда барқарор туриб, ўзларинг ёки ота-оналаринг ва қариндошларинг зарарига бўлса-да, Аллоҳ учун (тўғри) гувоҳлик берингиз! У (гувоҳлик берилувчи) бой бўладими, камбағал бўладими, Аллоҳ у иккисига (огоҳлик жиҳатидан) яқинроқдир. Бас, адолатли бўлишингиз учун ҳавойи нафсга берилиб кетмангиз! Агар (тилларингизни) бурсангиз ёки (гувоҳликдан) бош тортсангиз, албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир*.

136. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига, (шу) Пайғамбарига нозил қилган Китоб (Қуръон)га ҳамда илгари нозил қилган Китобга имон келтирингиз! Кимки Аллоҳни, фаришталарини, китобларини, пайғамбарларини ва "Охирги кун (қиёмат)"ни инкор этса, демак, у жуда узоқ (қаттиқ) адашибди.

137. Дарҳақиқат, имон келтириб, сўнгра куфрга кетган, кейин яна имон келтириб, сўнгра яна кофир бўлган, сўнгра куфрлари ортиб борганларга (нисбатан) Аллоҳ сира мағфират этадиган ва тўғри йўлга соладиган эмасдир*.

138. Мунофиқлар учун аламли азоб борлиги ҳақида уларга «башорат» бериб қўйинг!

139. (Улар) мўминларни қўйиб, кофирлар билан дўст тутинадилар. Ўша (кофир)лардан куч-қувват излайдиларми?! Бор куч-қудрат Аллоҳники-ку!*

140. Аллоҳ сизларга Китобда: «Аллоҳнинг оятлари инкор этилаётгани ва мазах қилинаётганини эшитсангиз, то бошқа гапга ўтмагунларича, улар билан бирга ўтирмангиз!» – деб, (оят) нозил қилган эди*. Албатта, сизлар унда (бирга ўтирганда), улар билан (гуноҳда) тенгсиз. Албатта, Аллоҳ барча кофирлар ва мунофиқларни жаҳаннамга жам қилувчидир.

135-оят. Гувоҳлик берганда ёлғон гапириб, сохта гувоҳлик бериш ёки билиб туриб, гувоҳлик беришдан бош тортиш гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Ҳадиси шарифда: "Гувоҳларнинг яхшиси – чақирилмай туриб, гувоҳлик берадиганидир" дейилган (Мс. Аҳ.).

137-оят. Оятдаги имон билан куфр ўртасида бўлганлардан мурод Бани Исроил қавми бўлиб, улар Мусо (а.с.)га имон келтирганларидан кейин ул зотнинг ғойиблигида, бузоққа сиғиниб, кофир бўлганлар. Сўнгра яна Мусо (а.с.)га имон келтириб, кейинроқ Исо (а.с.)ни инкор этиб, кофир бўлганлар. Сўнгра Муҳаммад (а.с.)ни инкор этиб, куфрларини зиёда этганлар. Оятнинг бошқача тафсири ҳам бор. Яъни улардан мурод мунофиқлар бўлиб, зоҳирида мусулмон, дилларида эса, куфрлари дам-бадам зиёда бўлиб турар эди (Мд.).

139-оят. Араб тилида "иззат" сўзи "куч-қувват, қудрат" маъноларида келади. "изз" сўзи эса, ўзбек тилидаги "иззат, обрў" маъноларини англатади.

140-оят. Бу тақиқ мусулмонларга Маккада яшаётган пайтларида нозил бўлган эди. Мадинага келганларидан кейин ҳам у таъкидлаб қўйилмоқда.

ٱلَّذِينَ يَتَرَبَّصُونَ بِكُمۡ فَإِن كَانَ لَكُمۡ فَتۡحٞ مِّنَ ٱللَّهِ قَالُوٓاْ أَلَمۡ
نَكُن مَّعَكُمۡ وَإِن كَانَ لِلۡكَٰفِرِينَ نَصِيبٞ قَالُوٓاْ أَلَمۡ نَسۡتَحۡوِذۡ
عَلَيۡكُمۡ وَنَمۡنَعۡكُم مِّنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَۚ فَٱللَّهُ يَحۡكُمُ بَيۡنَكُمۡ يَوۡمَ
ٱلۡقِيَٰمَةِۗ وَلَن يَجۡعَلَ ٱللَّهُ لِلۡكَٰفِرِينَ عَلَى ٱلۡمُؤۡمِنِينَ سَبِيلًا ١٤١
إِنَّ ٱلۡمُنَٰفِقِينَ يُخَٰدِعُونَ ٱللَّهَ وَهُوَ خَٰدِعُهُمۡ وَإِذَا قَامُوٓاْ إِلَى
ٱلصَّلَوٰةِ قَامُواْ كُسَالَىٰ يُرَآءُونَ ٱلنَّاسَ وَلَا يَذۡكُرُونَ ٱللَّهَ إِلَّا
قَلِيلٗا ١٤٢ مُّذَبۡذَبِينَ بَيۡنَ ذَٰلِكَ لَآ إِلَىٰ هَٰٓؤُلَآءِ وَلَآ إِلَىٰ هَٰٓؤُلَآءِۚ
وَمَن يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ سَبِيلٗا ١٤٣ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
لَا تَتَّخِذُواْ ٱلۡكَٰفِرِينَ أَوۡلِيَآءَ مِن دُونِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَۚ أَتُرِيدُونَ
أَن تَجۡعَلُواْ لِلَّهِ عَلَيۡكُمۡ سُلۡطَٰنٗا مُّبِينًا ١٤٤ إِنَّ ٱلۡمُنَٰفِقِينَ
فِي ٱلدَّرۡكِ ٱلۡأَسۡفَلِ مِنَ ٱلنَّارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمۡ نَصِيرًا ١٤٥
إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُواْ وَأَصۡلَحُواْ وَٱعۡتَصَمُواْ بِٱللَّهِ وَأَخۡلَصُواْ
دِينَهُمۡ لِلَّهِ فَأُوْلَٰٓئِكَ مَعَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَۖ وَسَوۡفَ يُؤۡتِ ٱللَّهُ
ٱلۡمُؤۡمِنِينَ أَجۡرًا عَظِيمٗا ١٤٦ مَّا يَفۡعَلُ ٱللَّهُ بِعَذَابِكُمۡ
إِن شَكَرۡتُمۡ وَءَامَنتُمۡۚ وَكَانَ ٱللَّهُ شَاكِرًا عَلِيمٗا ١٤٧

141. Улар (мунофиқлар) сизларни кузатиб турадилар: агар сизларга Аллоҳдан фатҳу зафар (ғалаба) бўлса, «сизлар билан бирга эмасмидик? (Ўлжадан бизга ҳам берингиз)», – дейишади. Борди-ю, (ғалабадан) кофирларга насиб этса: «Сизлардан устун турган ва сизларни мўминлардан ҳимоя қилган биз эмасми?» – дейишади*. Улар ҳақида Аллоҳнинг (Ўзи) қиёмат куни ҳукм чиқаради. Аллоҳ кофирлар учун (қиёмат куни) мўминларга қарши сира йўл бермайди.

142. Дарҳақиқат, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдаб қўювчидир»*. (Улар) намозга турсалар ҳам дангасалик билан одамлар кўрсинга турадилар ва Аллоҳни жуда кам эсга оладилар.

143. Улар оралиқда сарсондирлар: на у ёқлик эмаслар ва на бу ёқлик. Кимники Аллоҳ адаштирса, унга сира йўл (чора) топа олмайсиз.

144. Эй, имон келтирганлар! Мўминлар қолиб, кофирлар билан дўст тутинмангиз! Ўзингизга қарши Аллоҳ учун аниқ ҳужжат пайдо қилмоқчимисиз?!

145. Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар. Уларга (ўшанда бирор) ёрдамчи топмайсиз.

146. Илло, (шу дунёда) тавба қилиб ўзларини тузатган, Аллоҳ билан боғланиб, динларини Аллоҳ учун холис қилганлар, айнан улар мўминлар билан бирга бўлурлар. Мўминларга эса, Аллоҳ буюк мукофот ато этур.

147. Агар шукр қилсангиз ва имон келтирсангиз, Аллоҳ сизларни азоблаб нима ҳам қилади?! Аллоҳ шукрни қабул этувчи ва билувчи зотдир.

141-оят. Яъни мунофиқлар жангда мусулмонлар ғалаба қилсалар ҳам, кофирлар ғалаба қилсалар ҳам, ўлжа олишга ҳаракат қилар эдилар. 146-оятгача мунофиқлар тўғрисида маълумот берилган. Мунофиқ, бу исломий истилоҳда тилида имон келтириб, мусулмонлар ичида юрадиган, дилида эса, имон келтирмаган, балки куфрга содиқ қолган кимсадир. Мусулмон киши гарчи одамлар билан қилган муомалаларида дунёвий фойда орттириш мақсадида хушомадгўйлик қилиб юрса ҳам уни мунофиқ деб атаб бўлмайди. Зеро, мусулмон одамни мунофиқ дейиш мушрик ёки кофир дегандан ҳам оғир ҳақоратдир. Афсуски, одатда лоқайдлик қилиб, бу иснодни мусулмонларга нисбатан истеъмол қилувчилар ҳам бор.

142-оят. Аллоҳнинг “алдаб қўйиши” – уларни бу дунёда сирларини фош қилиб шарманда қилмасдан ва қилмишларига яраша жазони бермасдан охиратга қолдиришидир. Балоғат фани қоидасига кўра, Аллоҳ таологa бирор салбий сифатнинг нисбати берилса, бу албатта, мажози ақлий ҳисобланиб, унинг зоҳирий маъноси олинмайди, балки Аллоҳнинг азалий сифатларига муносиб маънода таъвил қилинади. Бу оятда ҳам алдовчи одамнинг ғолиблиги назарда тутилиб, Унга нисбатан ҳам шу ибора ишлатилган. Зотан, Ҳақ таоло ҳеч кимни алдаши жоиз эмас (Ақ.).

۞ لَّا يُحِبُّ ٱللَّهُ ٱلْجَهْرَ بِٱلسُّوٓءِ مِنَ ٱلْقَوْلِ إِلَّا مَن ظُلِمَ ۚ وَكَانَ
ٱللَّهُ سَمِيعًا عَلِيمًا ﴿١٤٨﴾ إِن تُبْدُوا۟ خَيْرًا أَوْ تُخْفُوهُ أَوْ تَعْفُوا۟ عَن
سُوٓءٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَفُوًّا قَدِيرًا ﴿١٤٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْفُرُونَ
بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ وَيُرِيدُونَ أَن يُفَرِّقُوا۟ بَيْنَ ٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ
وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ
أَن يَتَّخِذُوا۟ بَيْنَ ذَٰلِكَ سَبِيلًا ﴿١٥٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَٰفِرُونَ
حَقًّا ۚ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿١٥١﴾ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ وَلَمْ يُفَرِّقُوا۟ بَيْنَ أَحَدٍ مِّنْهُمْ أُو۟لَٰٓئِكَ سَوْفَ
يُؤْتِيهِمْ أُجُورَهُمْ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿١٥٢﴾ يَسْـَٔلُكَ
أَهْلُ ٱلْكِتَٰبِ أَن تُنَزِّلَ عَلَيْهِمْ كِتَٰبًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ ۚ فَقَدْ سَأَلُوا۟
مُوسَىٰٓ أَكْبَرَ مِن ذَٰلِكَ فَقَالُوٓا۟ أَرِنَا ٱللَّهَ جَهْرَةً فَأَخَذَتْهُمُ
ٱلصَّٰعِقَةُ بِظُلْمِهِمْ ۚ ثُمَّ ٱتَّخَذُوا۟ ٱلْعِجْلَ مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَتْهُمُ
ٱلْبَيِّنَٰتُ فَعَفَوْنَا عَن ذَٰلِكَ ۚ وَءَاتَيْنَا مُوسَىٰ سُلْطَٰنًا مُّبِينًا ﴿١٥٣﴾
وَرَفَعْنَا فَوْقَهُمُ ٱلطُّورَ بِمِيثَٰقِهِمْ وَقُلْنَا لَهُمُ ٱدْخُلُوا۟ ٱلْبَابَ سُجَّدًا
وَقُلْنَا لَهُمْ لَا تَعْدُوا۟ فِى ٱلسَّبْتِ وَأَخَذْنَا مِنْهُم مِّيثَٰقًا غَلِيظًا ﴿١٥٤﴾

ОЛТИНЧИ ПОРА

148. Аллоҳ ёмонликни сўз билан ошкора айтишни суймайди. Зулм қилинган (жабрланган) киши бундан мустасно*. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир.

149. Яхшиликни ошкора қилсангиз ҳам, пинҳона қилсангиз ҳам ёки ёмонликни афв этсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ афв этувчи ва қудратли зотдир.

150. Аллоҳга ва пайғамбарларига куфр келтирувчилар, Аллоҳ билан пайғамбарлари ўртасини узишни хоҳловчилар, бирига ишонамиз, бирига ишонмаймиз, деб ўртача йўл тутувчилар,

151. ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир. Кофирларга эса хор этувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

152. Аллоҳга ва пайғамбарларига имон келтирган, улардан бирортасини ажратиб қўймаганлар эса, айнан уларга мукофотларини, албатта, берур. Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

153. Аҳли китоблар Сиздан осмондан китоб туширишингизни сўрайдилар. Мусодан ҳам бундан каттароқ нарсани сўраб: «Бизга Аллоҳни очиқ кўрсат!» – дейишган эди. Шунда (бу) зулмлари сабабли уларни чақмоқ урган эди. Сўнгра (аниқ) ҳужжатлар келгандан кейин бузоқни (маъбуд қилиб) олишди. Шуни ҳам кечирдик ва Мусога аниқ салтанат (ҳужжат) бердик.

154. Аҳдлари (олиниши) учун тепаларига Тур (тоғи)ни кўтариб турдик ва уларга: «Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда киринг!», – дедик. Яна уларга: «Шанба куни (синови)да ҳаддан ошманг!», – дедик ва улардан қаттиқ аҳд олдик*.

148-оят. Яъни сўккан кишини сўкиш мумкин. Фақат ундан ошириб юбормаслик шарт. Борди-ю, сўккан одамга раддия қилмай, кечирса, бу фазилат ҳисобланади. Абу Бакр Сиддиқ (рз.) Пайғамбаримиз билан бирга ўтирган пайтларида бир безори одам келиб, у кишини ҳақорат қилаверади. Бироз сукут сақлаб, сўнгра ҳақоратга яраша раддия берадилар. Шунда Расул (а.с.) ўринларидан туриб бошқа жойга равона бўладилар. Сабабини сўраганларида Абу Бакрга қараб: "Сени ҳақорат қилаётган кишига сукут қилиб турганингда сенинг ўрнингга бир фаришта жавоб қайтариб турган эди. Раддия бера бошлаганингдан кейин фаришта кетиб, ўрнига шайтон келди. Шунинг учун мен туриб кетдим" деган эканлар. Мазкур оятнинг нозил бўлишига шу воқеа сабабдир, дейилган (Хз.).

150-оят. Ҳадиси шарифда аҳли китоблар Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлганларидан кейин ўзларининг пайғамбарлари – Мусо ва Исо (а.с.)ларга имон келтирганларидек у кишига ҳам имон келтирсалар, икки ҳисса ажру савобга эга бўлишлари ҳақида таъкидланган.

154-оят."Шанба куни" тўғрисидаги воқеа билан кенгроқ танишиш учун "Бақара" сураси, 65, "Нисо" сураси, 47-оятлар тафсирига қаралсин.

فَبِمَا نَقْضِهِم مِّيثَٰقَهُمْ وَكُفْرِهِم بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَقَتْلِهِمُ ٱلْأَنۢبِيَآءَ
بِغَيْرِ حَقٍّ وَقَوْلِهِمْ قُلُوبُنَا غُلْفٌۢ ۚ بَلْ طَبَعَ ٱللَّهُ عَلَيْهَا بِكُفْرِهِمْ
فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٥٥﴾ وَبِكُفْرِهِمْ وَقَوْلِهِمْ عَلَىٰ مَرْيَمَ
بُهْتَٰنًا عَظِيمًا ﴿١٥٦﴾ وَقَوْلِهِمْ إِنَّا قَتَلْنَا ٱلْمَسِيحَ عِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ
رَسُولَ ٱللَّهِ وَمَا قَتَلُوهُ وَمَا صَلَبُوهُ وَلَٰكِن شُبِّهَ لَهُمْ ۚ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ
ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ لَفِى شَكٍّ مِّنْهُ ۚ مَا لَهُم بِهِۦ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا ٱتِّبَاعَ ٱلظَّنِّ ۚ
وَمَا قَتَلُوهُ يَقِينًۢا ﴿١٥٧﴾ بَل رَّفَعَهُ ٱللَّهُ إِلَيْهِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا
﴿١٥٨﴾ وَإِن مِّنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ إِلَّا لَيُؤْمِنَنَّ بِهِۦ قَبْلَ مَوْتِهِۦ ۖ وَيَوْمَ
ٱلْقِيَٰمَةِ يَكُونُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا ﴿١٥٩﴾ فَبِظُلْمٍ مِّنَ ٱلَّذِينَ هَادُوا۟
حَرَّمْنَا عَلَيْهِمْ طَيِّبَٰتٍ أُحِلَّتْ لَهُمْ وَبِصَدِّهِمْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ
كَثِيرًا ﴿١٦٠﴾ وَأَخْذِهِمُ ٱلرِّبَوٰا۟ وَقَدْ نُهُوا۟ عَنْهُ وَأَكْلِهِمْ أَمْوَٰلَ ٱلنَّاسِ
بِٱلْبَٰطِلِ ۚ وَأَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٦١﴾ لَّٰكِنِ
ٱلرَّٰسِخُونَ فِى ٱلْعِلْمِ مِنْهُمْ وَٱلْمُؤْمِنُونَ يُؤْمِنُونَ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَآ
أُنزِلَ مِن قَبْلِكَ ۚ وَٱلْمُقِيمِينَ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ وَٱلْمُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ
وَٱلْمُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ أُو۟لَٰٓئِكَ سَنُؤْتِيهِمْ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٦٢﴾

155. Аҳдни бузганлари, Аллоҳнинг оятларини инкор этганлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганлари ва «Дилларимиз ёпиқ» деганлари сабабли (уларни жазоладик). Йўқ! Балки куфрлари туфайли Аллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйгандир. Шунинг учун оз қисмидан бошқалари имон келтирмайдилар.

156. Яна уларнинг куфрлари ва Марям (шаъни)га нисбатан айтган улкан бўҳтон гаплари* сабабли,

157. шунингдек, Аллоҳнинг пайғамбари Исо Масиҳ ибн Марямни биз ўлдирдик, деган гаплари туфайли (жазоладик). Ҳолбуки, уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ*. Фақат (бошқа бир киши Исога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта, унинг тўғрисида баҳслашганлар у ҳақда шубҳададирлар. Уларда гумонга эргашишдан бошқа бирор (тўғри) маълумот йўқ. Аниқки, уни ўлдиришмаган.

158. Балки, уни Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтарди. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

159. Ҳеч бир аҳли китоб йўқки, ўлимидан олдин унга имон келтирмаса. Қиёмат куни эса, у (Исо) уларга қарши гувоҳ бўлади.

160. Яҳудий бўлганларнинг золимликлари ва кўп (кишилар)ни Аллоҳ йўлидан тўсганлари сабабидан уларга (олдин) ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик.

161. (Яна бошқа) сабаблари – уларнинг устама (фоиз) олишлари ва одамларнинг мол-мулкларини ноҳақ еганларидир. Уларнинг кофирларига аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз.

162. Лекин улар (яҳудийлар) орасида илмда мустаҳкам бўлган кишилар ҳамда Сизга нозил қилинган нарсага ва Сиздан илгари нозил қилинган нарсага имон келтирадиган мўминлар, хусусан, намозни барпо қилувчилар, закотни адо этувчилар, Аллоҳга ва “Охирги кун” (қиёмат)га имон келтирувчилар ҳам борки, айнан уларга, албатта, улкан мукофот ато этурмиз.

156-оят. Марям шаънига улар Исони эрга тегмасдан туққани учун зинокор деб туҳмат қилганлар.

157-оят. Исо (а.с.)га “Масиҳ” лақабини берилишига боис – Жаброил (а.с.) барака тилаб у зотни силаб қўйганлар. Иккинчи тафсири шуки, кар, соқов, кўр, пес кишиларни қўллари билан силаб қўйсалар, дарҳол шифо топар эди. Зеро, “Масиҳ” сўзи араб тилида “силанган” ва “силовчи” маъноларини билдиради. Яҳудийлардан бир жамоаси Исо билан Марям (а.с.)ларни ҳақорат қилганларида Исо (а.с.) уларни лаънатлаб қарғайдилар. Улар чўчқа ва маймунларга айланиб қолишади. Шундан кейин қолган яҳудийлар Исо (а.с.)дан ўч олиш мақсадида уни қатл этишга азму қарор қиладилар. Аллоҳ таоло уларнинг қасдини билдириб, уни осмонга кўтаришини айтади. Исо (а.с.) ҳаворийларга, ким менинг қиёфамга кириб қатл этилиш ёки

۞ إِنَّآ أَوۡحَيۡنَآ إِلَيۡكَ كَمَآ أَوۡحَيۡنَآ إِلَىٰ نُوحٖ وَٱلنَّبِيِّـۧنَ مِنۢ بَعۡدِهِۦۚ
وَأَوۡحَيۡنَآ إِلَىٰٓ إِبۡرَٰهِيمَ وَإِسۡمَٰعِيلَ وَإِسۡحَٰقَ وَيَعۡقُوبَ
وَٱلۡأَسۡبَاطِ وَعِيسَىٰ وَأَيُّوبَ وَيُونُسَ وَهَٰرُونَ وَسُلَيۡمَٰنَۚ
وَءَاتَيۡنَا دَاوُۥدَ زَبُورٗا ١٦٣ وَرُسُلٗا قَدۡ قَصَصۡنَٰهُمۡ عَلَيۡكَ
مِن قَبۡلُ وَرُسُلٗا لَّمۡ نَقۡصُصۡهُمۡ عَلَيۡكَۚ وَكَلَّمَ ٱللَّهُ مُوسَىٰ
تَكۡلِيمٗا ١٦٤ رُّسُلٗا مُّبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ
لِلنَّاسِ عَلَى ٱللَّهِ حُجَّةُۢ بَعۡدَ ٱلرُّسُلِۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمٗا
١٦٥ لَّٰكِنِ ٱللَّهُ يَشۡهَدُ بِمَآ أَنزَلَ إِلَيۡكَۖ أَنزَلَهُۥ بِعِلۡمِهِۦۖ
وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يَشۡهَدُونَۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ١٦٦ إِنَّ ٱلَّذِينَ
كَفَرُواْ وَصَدُّواْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ قَدۡ ضَلُّواْ ضَلَٰلَۢا بَعِيدًا
١٦٧ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَظَلَمُواْ لَمۡ يَكُنِ ٱللَّهُ لِيَغۡفِرَ لَهُمۡ وَلَا
لِيَهۡدِيَهُمۡ طَرِيقًا ١٦٨ إِلَّا طَرِيقَ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدٗاۚ
وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٗا ١٦٩ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدۡ جَآءَكُمُ
ٱلرَّسُولُ بِٱلۡحَقِّ مِن رَّبِّكُمۡ فَـَٔامِنُواْ خَيۡرٗا لَّكُمۡۚ وَإِن تَكۡفُرُواْ
فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمٗا ١٧٠

163. (Эй, Муҳаммад!) албатта, Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби Сизга ҳам ваҳий юбордик. Шунингдек, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди, Исо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ҳам ваҳий юборганмиз. Довудга эса Забур (китобини) бердик.

164. (Бир қатор) пайғамбарлар ҳақида қиссаларни Сизга илгари айтдик. (Айрим) пайғамбарлар қиссаларини эса айтганимиз йўқ*. Аллоҳ Мусо билан (бевосита) гаплашди.

165. Пайғамбарлар (келган)дан кейин одамларда Аллоҳга қарши ҳужжат бўлмасин деб пайғамбарларни хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб (юбордик). Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

166. Лекин Аллоҳ Сизга нозил қилган нарса (Қуръон)га Ўз илми билан гувоҳлик беради. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Аллоҳ (Ўзи) етарли гувоҳдир.

167. Албатта, кофир бўлган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсганлар узоқ (қаттиқ) адашгандирлар.

168. Албатта, кофир бўлган ва золимлик қилганларни Аллоҳ кечирмайди ва (тўғри) йўлга ҳидоят қилмайди.

169. Аксинча, (уларни) жаҳаннам йўлига (равона қилур). У ерда эса абадий қолурлар. Бу (иш) Аллоҳга осондир.

170. Эй, одамлар! Пайғамбар сизларга Раббингиздан ҳақ нарса (Ислом)ни келтирди. Бас, имон келтирингиз. (Шунда) ўзингиз учун яхши бўлур. Борди-ю, инкор этсангиз, бас, осмонлару Ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир.

осиб ўлдирилишга рози бўлса, унга жаннат муқаррардир, дейдилар. Улардан бири бунга рози бўлгач, ўлдирилади. Бошқача тафсири шуки, ҳаворийлар ичида бир мунофиқ киши бўлиб, ўша одам қотилларни бошлаб Исо (а.с.)нинг уйига олиб келади. Шу пайтда Аллоҳ таоло Исони самога кўтариб, мунофиқни унинг қиёфасига киритиб қўяди. Уни осиб ўлдирадилар. Ўша ондан бошлаб яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам уни ўлдирилган деб эътиқод қилиб келадилар (Мд.).

164-оят. Машҳур саҳобийлардан Абу Зарр (рз.) бир куни Расулуллоҳдан ўтмишда нечта набий ва расул ўтган, деб сўрайди. Ул зот айтадиларки, 124000 пайғамбар ўтган бўлиб, улардан 313 таси расул (китоб ёки саҳифа туширилган пайғамбар), қолгани набий, яъни китобсиз пайғамбарлардир. Биринчиси – Одам (а.с.), охиргиси сизларнинг пайғамбарингиз – Муҳаммад (а.с.)дир. Ҳуд, Солиҳ, Шуайб ва Муҳаммад араблардан. Оятдан маълум бўлишича, ўтган барча пайғамбарларни номманом билиш биз учун шарт эмас экан. Акс ҳолда уларнинг номлари Қуръонда ёки ҳадисларда тўлиқ баён этилган бўлур эди. Лекин ўтган барча пайғамбарларни барҳақ деб имон келтириш шартдир (Мд.).

يَٰٓأَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ لَا تَغۡلُواْ فِي دِينِكُمۡ وَلَا تَقُولُواْ
عَلَى ٱللَّهِ إِلَّا ٱلۡحَقَّۚ إِنَّمَا ٱلۡمَسِيحُ عِيسَى ٱبۡنُ مَرۡيَمَ رَسُولُ
ٱللَّهِ وَكَلِمَتُهُۥٓ أَلۡقَىٰهَآ إِلَىٰ مَرۡيَمَ وَرُوحٞ مِّنۡهُۖ فَـَٔامِنُواْ بِٱللَّهِ
وَرُسُلِهِۦۖ وَلَا تَقُولُواْ ثَلَٰثَةٌۚ ٱنتَهُواْ خَيۡرٗا لَّكُمۡۚ إِنَّمَا ٱللَّهُ إِلَٰهٞ
وَٰحِدٞۖ سُبۡحَٰنَهُۥٓ أَن يَكُونَ لَهُۥ وَلَدٞۘ لَّهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلٗا ١٧١ لَّن يَسۡتَنكِفَ
ٱلۡمَسِيحُ أَن يَكُونَ عَبۡدٗا لِّلَّهِ وَلَا ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ ٱلۡمُقَرَّبُونَۚ
وَمَن يَسۡتَنكِفۡ عَنۡ عِبَادَتِهِۦ وَيَسۡتَكۡبِرۡ فَسَيَحۡشُرُهُمۡ
إِلَيۡهِ جَمِيعٗا ١٧٢ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
فَيُوَفِّيهِمۡ أُجُورَهُمۡ وَيَزِيدُهُم مِّن فَضۡلِهِۦۖ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ
ٱسۡتَنكَفُواْ وَٱسۡتَكۡبَرُواْ فَيُعَذِّبُهُمۡ عَذَابًا أَلِيمٗا وَلَا
يَجِدُونَ لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَلِيّٗا وَلَا نَصِيرٗا ١٧٣ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ
قَدۡ جَآءَكُم بُرۡهَٰنٞ مِّن رَّبِّكُمۡ وَأَنزَلۡنَآ إِلَيۡكُمۡ نُورٗا مُّبِينٗا ١٧٤
فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱللَّهِ وَٱعۡتَصَمُواْ بِهِۦ فَسَيُدۡخِلُهُمۡ
فِي رَحۡمَةٖ مِّنۡهُ وَفَضۡلٖ وَيَهۡدِيهِمۡ إِلَيۡهِ صِرَٰطٗا مُّسۡتَقِيمٗا ١٧٥

171. Эй, аҳли китоблар! (Исони илоҳийлаштириб) динингизда ҳаддан ошиб кетмангиз! Аллоҳ (шаъни)га эса фақат ҳақ (гап)ни айтингиз! Албатта, Исо Масиҳ ибн Марям фақат Аллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга туширган «Калимаси» ҳамда Унинг томонидан (келмиш) руҳдир, холос. Бас, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтирингиз! «(Илоҳлар) учта» демангиз! Қайтингиз – ўзларингизга яхши бўлур! Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир! У фарзандли бўлишдан покдир*. Осмонлардаги-ю Ердаги нарсалар Уникидир. Аллоҳ вакилликка кифоядир.

172. Масиҳ Аллоҳга банда (қул) бўлишдан сира ор қилмайди, муқарраб (Аллоҳга яқин) фаришталар ҳам. Кимки Унга банда бўлишдан ор қилса ва кибрланса, (У) уларнинг барчасини, албатта, Ўз ҳузурига жам қилажак.

173. Ана ўшанда имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга мукофотларини мукаммал бериш билан бирга, яна Ўз фазлидан уларга зиёдалик ато этур. Аммо (имон келтиришдан) ор қилган ва кибрли бўлганларни аламли азоб билан жазолагай. Ўзлари учун Аллоҳдан бошқа на дўст топадилар ва на ёрдамчи.

174. Эй, одамлар! Сизларга Раббингиздан ҳужжат (Пайғамбар ва мўъжизалар) келди. Сизларга яна равшан нур (Қуръон)ни ҳам нозил этдик.

175. Аллоҳга имон келтирган ва Унга боғланган (динини маҳкам тутган)ларни (У шу дунёда) Ўзининг раҳмати ва фазлига мушарраф этиб, уларни тўғри йўлга йўллагай.

171-оят. “Илоҳлар – учта” дейишларида икки хил тафсир бор. Биринчиси – “Аллоҳ, Марям, Исо” демоқчи бўлганлар. Иккинчиси – “Ота, ўғил, муқаддас руҳ” дан иборат уч иконага мансуб ақидалардир. Отадан – зот, ўғилдан – илм, муқаддас руҳдан – ҳаётни назарда тутганлар (Қз).

Ушбу оят насронийларнинг асосий бузилган ақидаларига тўла зид бўлиб, унда уларнинг Аллоҳ ва Исо шаънига тўқиган уйдирмаларига кескин раддия берилган. Демак, Исо (а.с.) Аллоҳнинг ўғли эмас, балки бандаси ва пайғамбари, Марям ҳам Аллоҳнинг хотини эмас, бир солиҳа банда. Исо (а.с.)ни “Аллоҳнинг калимаси” деб аталишига боис у зот Аллоҳнинг “Кун!”, яъни “Бўл!” деган сўзи туфайли дунёга келгани ёки у зотга айтилган сўз билан ҳидоятга йўллаш жоиз бўлгани учундир (Хз.Мд.).

“Унинг томонидан келмиш руҳ” жумласини тўғри англаш учун ушбу ривоят билан танишиш лозим. Ҳорун ар-Рашид ҳузурида хизмат қилаётган бир насроний бола мазкур оятни эшитиб: “Қуръонингизда Исо Аллоҳнинг руҳидан пайдо бўлгани тўғрисида оят бор экан”, – деганида сарой уламоларидан Али ибн Ҳусайн ибн Воқид оятнинг мазмуни “Исо Аллоҳ яратган руҳдир” деб изоҳ берган экан (Мд.).

يَسۡتَفۡتُونَكَ قُلِ ٱللَّهُ يُفۡتِيكُمۡ فِي ٱلۡكَلَٰلَةِۚ إِنِ ٱمۡرُؤٌاْ هَلَكَ
لَيۡسَ لَهُۥ وَلَدٞ وَلَهُۥٓ أُخۡتٞ فَلَهَا نِصۡفُ مَا تَرَكَۚ وَهُوَ يَرِثُهَآ
إِن لَّمۡ يَكُن لَّهَا وَلَدٞۚ فَإِن كَانَتَا ٱثۡنَتَيۡنِ فَلَهُمَا ٱلثُّلُثَانِ مِمَّا تَرَكَۚ
وَإِن كَانُوٓاْ إِخۡوَةٗ رِّجَالٗا وَنِسَآءٗ فَلِلذَّكَرِ مِثۡلُ حَظِّ ٱلۡأُنثَيَيۡنِۗ
يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمۡ أَن تَضِلُّواْۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمُۢ ١٧٦

ترتيبها ٥ — سُورَةُ المَائِدَةِ — آياتها ١٢٠

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَوۡفُواْ بِٱلۡعُقُودِۚ أُحِلَّتۡ لَكُم بَهِيمَةُ
ٱلۡأَنۡعَٰمِ إِلَّا مَا يُتۡلَىٰ عَلَيۡكُمۡ غَيۡرَ مُحِلِّي ٱلصَّيۡدِ وَأَنتُمۡ حُرُمٌۗ إِنَّ ٱللَّهَ
يَحۡكُمُ مَا يُرِيدُ ١ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تُحِلُّواْ شَعَٰٓئِرَ ٱللَّهِ
وَلَا ٱلشَّهۡرَ ٱلۡحَرَامَ وَلَا ٱلۡهَدۡيَ وَلَا ٱلۡقَلَٰٓئِدَ وَلَآ ءَآمِّينَ ٱلۡبَيۡتَ
ٱلۡحَرَامَ يَبۡتَغُونَ فَضۡلٗا مِّن رَّبِّهِمۡ وَرِضۡوَٰنٗاۚ وَإِذَا حَلَلۡتُمۡ فَٱصۡطَادُواْۚ
وَلَا يَجۡرِمَنَّكُمۡ شَنَـَٔانُ قَوۡمٍ أَن صَدُّوكُمۡ عَنِ ٱلۡمَسۡجِدِ
ٱلۡحَرَامِ أَن تَعۡتَدُواْۘ وَتَعَاوَنُواْ عَلَى ٱلۡبِرِّ وَٱلتَّقۡوَىٰۖ وَلَا تَعَاوَنُواْ
عَلَى ٱلۡإِثۡمِ وَٱلۡعُدۡوَٰنِۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ٢

176. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: «Аллоҳ сизларга отаси ҳам, фарзанди ҳам бўлмаган одам тўғрисида (шундай) фатво беради: агар фарзандсиз бўлган бир эркак ҳалок бўлса (ўлса), агар синглиси (қолган) бўлса, қолдирган мероснинг ярмини олур. Агар синглисининг фарзанди бўлмаса, у (акаси) меросхўр бўлур. Агар (сингиллар) иккита бўлса, уларга (ака) қолдирган нарсанинг учдан иккиси (тегур). Агар (меросхўрлар) ака-ука ва опа-сингиллар бўлса, (ҳар) бир эркакка икки аёл ҳиссаси (берилур). Янглишиб кетмасликларингиз учун Аллоҳ сизларга (мерос ҳукмларини Ўзи) баён этади. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир.

Моида *сураси*

Мадинада нозил қилинган. 120 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, имон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз! Сизлар учун чорва (хонаки) ҳайвонлар (гўшти) ҳалол қилинди. Сизларга (номлари) ўқилажак (ҳайвонлар) бундан мустасно*. Эҳром (ҳаж ибодати)да бўлганларингизда ов қилишни ҳалол деб санамагайсиз. Албатта, Аллоҳ ирода қилган нарсага ҳукм қилур.

2. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳнинг (ҳажга доир) шиорларини, "Ҳаром ой" (ҳаж ойлари)ни, қурбонликларни, (уларга тақиб қўйилган) тақинчоқларни, Парвардигорларининг фазли ва розилигини топиш нияти билан Байтул-Ҳаром (Каъба)га борувчиларни (уларга қаршилик қилишни) ҳалол деб ҳисобламангиз! Ҳалол (қилинган ҳолат)га чиққанларингизда эса, ов қилаверингиз. Сизларни Масжидул-Ҳаромдан тўсувчи қавмнинг адовати таjовуз қилишингизга ундамасин!* Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ зотдир.

---

5. МОИДА СУРАСИ

Моида – дастурхон демакдир.

Сурада Ислом мафкурасига оид масалалар, шаръий ҳукмлар, ҳаж, умра, таҳорат, никоҳ, жиноят, жазо, ичкилик, қимор ҳукмлари, пайғамбарлар қиссаси ва бошқа маълумотлар баён этилади.

1-оят. Истисно тариқасида гўштлари ҳаром қилинган ҳайвонларнинг номлари шу сурани 3-оятида санаб ўтилган.

2-оят. Ҳижратнинг 6-йили Макка мушриклари билан мусулмонлар ўртасида Ҳудайбия сулҳи тузилган эди. Бунга Макка мушрикларининг Муҳаммад (а.с.) билан бирга борган мусулмонларга умра зиёратини бажаришлари учун Каъбага қўйилмаганлиги сабаб бўлган. Икки томон ўртасида сулҳ тузилиб, шартнома қабул қилинган бўлсалар-да, мусулмонлар бундан аламзада эдилар. Шу нарса мусулмонларни уларга нисбатан тажовузкорликка ундаб, мушрикларнинг жону молларини олишга сабаб бўлмасин, деб огоҳлантирилмоқда.

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنزِيرِ وَمَا أُهِلَّ لِغَيْرِ اللَّهِ
بِهِۦ وَالْمُنْخَنِقَةُ وَالْمَوْقُوذَةُ وَالْمُتَرَدِّيَةُ وَالنَّطِيحَةُ وَمَا أَكَلَ
السَّبُعُ إِلَّا مَا ذَكَّيْتُمْ وَمَا ذُبِحَ عَلَى النُّصُبِ وَأَن تَسْتَقْسِمُوا
بِالْأَزْلَامِ ذَٰلِكُمْ فِسْقٌ الْيَوْمَ يَئِسَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِن دِينِكُمْ
فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَاخْشَوْنِ الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ
عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا فَمَنِ اضْطُرَّ فِي
مَخْمَصَةٍ غَيْرَ مُتَجَانِفٍ لِإِثْمٍ فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣﴾
يَسْأَلُونَكَ مَاذَا أُحِلَّ لَهُمْ قُلْ أُحِلَّ لَكُمُ الطَّيِّبَاتُ وَمَا عَلَّمْتُم
مِّنَ الْجَوَارِحِ مُكَلِّبِينَ تُعَلِّمُونَهُنَّ مِمَّا عَلَّمَكُمُ اللَّهُ فَكُلُوا مِمَّا أَمْسَكْنَ
عَلَيْكُمْ وَاذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ
﴿٤﴾ الْيَوْمَ أُحِلَّ لَكُمُ الطَّيِّبَاتُ وَطَعَامُ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حِلٌّ
لَّكُمْ وَطَعَامُكُمْ حِلٌّ لَّهُمْ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُحْصَنَاتُ
مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِن قَبْلِكُمْ إِذَا آتَيْتُمُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ
مُحْصِنِينَ غَيْرَ مُسَافِحِينَ وَلَا مُتَّخِذِي أَخْدَانٍ وَمَن يَكْفُرْ
بِالْإِيمَانِ فَقَدْ حَبِطَ عَمَلُهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٥﴾

3. Ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди, илло (шаръан) сўйганингиз (ҳалолдир)*. Яна, бут-санамларга атаб сўйилган ҳайвонлар (гўшти) ва фол чўпларидан қисматингизни исташингиз* (ҳам ҳаром қилинди). Бу ишингиз фосиқликдир. Бугунга келиб, энди кофирлар динингиз (мағлубияти)дан ноумид бўлдилар. Шунинг учун улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз! Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим. Кимки, гуноҳга мойиллигидан эмас, балки очарчиликда (мазкур ман этилган нарсалардан ейишга) мажбур бўлса, албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

4. Сиздан (ўзларига) ҳалол қилинган нарсалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Сизларга покиза нарсалар ва Аллоҳ сизларга билдирганидан сизлар ўргатган йиртқичлар (келтирган овлар) ҳалол қилинди. Бас, улар сизлар учун тутган (овлар)идан «Бисмиллоҳ»ни айтиб еяверингиз* ва Аллоҳдан қўрқингизлар. Зеро, Аллоҳ ҳисоб-китобни тез қилувчи зотдир.

5. Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, Аҳли Китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир. Зинокорлик ва махфий ўйнаш қилиб олиш учун эмас, балки маҳрларини берсангиз, мўмина аёлларнинг иффатлилари ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг иффатли аёллари (ҳам ҳалолдир). Кимки, имондан куфрга қайтса, (қилган савобли) иши, албатта, зое бўлур ва у охиратда зиён кўрувчилардандир.

3-оят. Яъни охирги беш ҳолатдаги ҳайвонларнинг жони чиқмай туриб, типирчилаб турган пайтида топиб, “бисмиллоҳ”ни айтиб сўйишга улгурсангиз уларнинг гўшти ҳалол ҳисобланади (Мд.).

*Фол чўплари билан тақдирни аниқлаш одати жоҳилият даврида мавжуд бўлган. Фол чўпларидан учтасига аломат қўйилади: сафарга, жангга, тижоратга ёки совчиликка чиқиш олдидан чўпларнинг биринчисига “Раббим менга буюрди”, иккинчисига “қайтарди”, учинчисига “ёпиқ” деб ёзиб, қуръа ташлар эканлар. Биринчи ёзув чиқса мақсад сари равона бўлишар, иккинчиси чиқса боришмас, учинчиси чиқса, қайтадан чўп ташлар эканлар. Демак, бу қисматни аниқлаш учун бўлганидан шариатда тақиқланган (Мд.).

Бу одат тўғрисида ўзгача таърифлар ҳам бор.

4-оят. Бу ердаги “бисмиллоҳ”ни айтиш вақти тўғрисида бир неча хил тафсирлар бор. Ҳанафий мазҳабига кўра ўргатилган ов ҳайвони тутган овнинг жони узилмай туриб уни топган киши “бисмиллоҳ”ни айтиб сўяди. Иккинчи тафсири – ов ҳайвонини юборишдан олдин айтишдир (Мд.).

Ов ҳукмлари билан тўлароқ танишиш учун фиқҳий китобларга мурожаат қилинг.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا قُمْتُمْ إِلَى ٱلصَّلَوٰةِ فَٱغْسِلُواْ
وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى ٱلْمَرَافِقِ وَٱمْسَحُواْ بِرُءُوسِكُمْ
وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى ٱلْكَعْبَيْنِ ۚ وَإِن كُنتُمْ جُنُبًا فَٱطَّهَّرُواْ ۚ
وَإِن كُنتُم مَّرْضَىٰٓ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَآءَ أَحَدٌ مِّنكُم مِّنَ ٱلْغَآئِطِ
أَوْ لَٰمَسْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَلَمْ تَجِدُواْ مَآءً فَتَيَمَّمُواْ صَعِيدًا طَيِّبًا
فَٱمْسَحُواْ بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُم مِّنْهُ ۚ مَا يُرِيدُ ٱللَّهُ
لِيَجْعَلَ عَلَيْكُم مِّنْ حَرَجٍ وَلَٰكِن يُرِيدُ لِيُطَهِّرَكُمْ
وَلِيُتِمَّ نِعْمَتَهُۥ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ٦
وَٱذْكُرُواْ نِعْمَةَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمِيثَٰقَهُ ٱلَّذِى وَاثَقَكُم
بِهِۦٓ إِذْ قُلْتُمْ سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۖ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ
ٱلصُّدُورِ ٧ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُونُواْ قَوَّٰمِينَ لِلَّهِ
شُهَدَآءَ بِٱلْقِسْطِ ۖ وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَـَٔانُ قَوْمٍ عَلَىٰٓ
أَلَّا تَعْدِلُواْ ۚ ٱعْدِلُواْ هُوَ أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ ۖ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ٨ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ ۙ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ ٩

6. Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз, албатта, юзларингизни, қўлларингизни тирсакларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни тўпиқларигача (ювингиз)! Агар жунуб бўлсангиз, обдон покланингиз (чўмилингиз)! Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз ёки сизлардан бирор киши ҳожатхонадан (чиқиб) келса, ёхуд хотинларингиз билан суркалишган (қовушган) бўлсангиз-у, (лекин) сув топмасангиз, пок тупроққа таяммум қилиб, ундан юзларингиз ва қўлларингизга суртинг! Аллоҳ сизларга бирор қийинчилик (пайдо) қилишни раво кўрмайди, аксинча, сизларни поклаш ва неъмат(лар)ини сизларга мукаммал беришни хоҳлайди, зора шукр қилсангиз*.

7. Аллоҳнинг сизларга берган неъматини ва «Эшитдик ва бўйин сундик» деб битишган аҳдингизни эслангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ кўнгиллар зоти (сири)ни билувчидир.

8. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳ учун (тўғриликда) собит турувчи, одиллик билан гувоҳлик берувчи бўлингиз: бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундамасин! Адолатли бўлингиз! Зеро, у (адолат) тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ ишларингиздан хабардордир.

9. Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга Аллоҳ мағфират (кечирим) ва улкан мукофот ваъда қилди.

6-оят. Таҳорат фарзларидан саналмиш қўл ва оёқларни ювишда уларнинг қайси жойигача сув етиши шарт деган масалада мужтаҳидлар ихтилоф қилганлар. Оятда "қўлларингизни тирсакларигача, оёқларингизни тўпиқларигача" дейилган. Абу Ҳанифа (рҳ.) шу "гача" қўшимчасини "билан" деб тафсир қилганлар ва тирсак, тўпиқлар ҳам қўшиб ювилишини фарз деб ҳисоблаганлар. Имом Молик, Зуфар, Шаъбий, Ибн Жарир ат-Табарий каби олимлар эса тирсак ва тўпиқлар ювилиши фарз доирасига кирмайди, деганлар. Ҳар икки томон ҳам ўз далилларига эгадирлар.

Таҳоратда ният ҳукмига келсак, Абу Ҳанифа (рҳ.): "Ният таҳоратда фарз эмас", – деганлар. Имом Шофиий (рҳ.) эса: "у фарз",– дейдилар.

Бошга масҳ тортиш фарзида ҳам мужтаҳид уламолар ўртасида ихтилоф мавжуд.

Ҳанафий мазҳабида бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарздир. Моликий мазҳабида бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш фарздир. Шофеий мазҳабида бошнинг озгина қисмига, ҳатто, сочнинг уч толаси узра масҳ тортса ҳам фарзни адо этган ҳисобланади. Уларнинг барчалари ҳам мўътабар ва мақбул далиллар билан ўз ҳукмларини исботлаганлар.

Бу оятда таяммум қилиш тўғрисида ҳам сўз юритилган. Таяммум – бу сув бўлмаганда, тоза тупроқ ёки чангга ёхуд тоза матоҳга икки қўл кафтлари билан бир зарб уриб, юзга суртиш ва яна бир зарб уриб, икки қўлнинг тирсаклари билан қўшиб силаб чиқишдир (Хд. Мх.).

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَآ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ
ٱلۡجَحِيمِ ١٠ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱذۡكُرُواْ نِعۡمَتَ
ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ إِذۡ هَمَّ قَوۡمٌ أَن يَبۡسُطُوٓاْ إِلَيۡكُمۡ أَيۡدِيَهُمۡ
فَكَفَّ أَيۡدِيَهُمۡ عَنكُمۡۖ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلۡيَتَوَكَّلِ
ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ١١ ۞ وَلَقَدۡ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ بَنِيٓ
إِسۡرَٰٓءِيلَ وَبَعَثۡنَا مِنۡهُمُ ٱثۡنَيۡ عَشَرَ نَقِيبٗاۖ وَقَالَ ٱللَّهُ
إِنِّي مَعَكُمۡۖ لَئِنۡ أَقَمۡتُمُ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَيۡتُمُ ٱلزَّكَوٰةَ
وَءَامَنتُم بِرُسُلِي وَعَزَّرۡتُمُوهُمۡ وَأَقۡرَضۡتُمُ ٱللَّهَ قَرۡضًا
حَسَنٗا لَّأُكَفِّرَنَّ عَنكُمۡ سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَلَأُدۡخِلَنَّكُمۡ
جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُۚ فَمَن كَفَرَ بَعۡدَ
ذَٰلِكَ مِنكُمۡ فَقَدۡ ضَلَّ سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ١٢ فَبِمَا
نَقۡضِهِم مِّيثَٰقَهُمۡ لَعَنَّٰهُمۡ وَجَعَلۡنَا قُلُوبَهُمۡ قَٰسِيَةٗۖ
يُحَرِّفُونَ ٱلۡكَلِمَ عَن مَّوَاضِعِهِۦ وَنَسُواْ حَظّٗا مِّمَّا
ذُكِّرُواْ بِهِۦۚ وَلَا تَزَالُ تَطَّلِعُ عَلَىٰ خَآئِنَةٖ مِّنۡهُمۡ إِلَّا قَلِيلٗا مِّنۡهُمۡۖ
فَٱعۡفُ عَنۡهُمۡ وَٱصۡفَحۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ١٣

10. Куфрга кетган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса, ана ўшалар жаҳим (дўзах) аҳлидир.

11. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳнинг сизларга (берган) неъматини эслангиз: бир қавм (кишилари) сизларга қўл кўтариш (ҳужум қилиш)ни ният қилганида, қўлларини сизлардан қайтарган эди*. Аллоҳдан қўрқингиз! Мўминлар фақат Аллоҳга таваккул қилсинлар!

12. Аллоҳ Исроил авлодидан аҳд олди ва Биз улардан ўн икки йўлбошчини (танлаб) юбордик*. (Сўнгра) Аллоҳ деди: «Дарҳақиқат, Мен сизлар билан биргаман. Агарда намозни баркамол адо этсангиз, закот берсангиз, пайғамбарларимга имон келтирсангиз ва уларни шарафлаб, мадад берсангиз ҳамда (савобли ишлар қилиб) Аллоҳга чиройли «қарз» берсангиз, албатта, гуноҳларингизни кечаман ва остидан анҳорлар оқадиган боғлар (жаннат)га киритурман. Шундан кейин ҳам сизлардан кимки куфрга кетса, тўғри йўлдан бешак озган бўлур».

13. Ўз аҳдларини бузганлари сабабли уларни лаънатладик ва қалбларини бешафқат (меҳрсиз) қилиб қўйдик. Сўзларнинг ўринларини ўзгартирадилар, уларга эслатилган нарсадан бир (катта) қисмини унутдилар. Мана, улардан бир қисмигина мустасно, (қолганлари) хиёнат қилаётганини мудом кузатаяпсиз. Уларни афв этинг ва кечиринг!* Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади.

11-оят. Бу оятнинг нозил бўлишига бир неча сабаблар айтилган. Улардан бири – Расулуллоҳ, Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (рз.)лар билан Бани Қурайза қабиласига икки мусулмон хунини ундириш масаласи билан келадилар. Улар ҳийла ишлатиб, меҳмон қилиш баҳонаси билан уларни бир ерга ўтқазиб қўйгач, Амр ибн Жаҳҳош исмли бир мунофиқ катта тошни олиб, Расулуллоҳнинг бошларига урмоқчи бўлганда, Аллоҳ таоло Жаброил (а.с.) орқали Расулини огоҳ этиб, нажот берган (Мд.). “Саҳиҳи Бухорий”да бундан бошқача ривоятлар ҳам мавжуд.

12-оят. Мазкур қисса шундай нақл қилинади: Фиръавн сувга ғарқ бўлиб ўлганидан кейин Мусо (а.с.) қавми хотиржам ҳолда Мисрда истиқомат қиладилар. Ногоҳ Аллоҳдан уларга Шомнинг Ариҳо деган ерига бориб, у ердаги канъонлик золим кишилар билан жанг қилишларига буйруқ берилади. Қавм ичидан 12 кишини олдинроқ бориб, у ердаги вазиятни ўрганиб келиш учун танлаб олиш ҳам буюрилган эди. 12 уруғнинг ҳар биридан бир кишидан вакил олинади. Аллоҳ таоло уларга ёрдам беришни ваъда қилади. Улар йўлга тушиб, Ариҳога яқинлашгач, Мусо билан Ҳорун (а.с.)лар қолиб, қолганларини юборадилар. Бориб жуда баҳайбат кимсаларни кўришади. Айниқса, Иваж ибн Унуқ исмли барзангининг калласи булут орасида бўлиб, чанқаса булут сувидан ичиб олар экан. Денгиздан кит балиқларни олиб қуёшга тоблаб пишириб еяр экан. Нуҳ тўфони унинг тиззаси баробарига чиққан, дейилади. 3000 йил яшаган бу инсон Мусо

وَمِنَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّا نَصَٰرَىٰٓ أَخَذْنَا مِيثَٰقَهُمْ
فَنَسُوا۟ حَظًّا مِّمَّا ذُكِّرُوا۟ بِهِۦ فَأَغْرَيْنَا بَيْنَهُمُ ٱلْعَدَاوَةَ
وَٱلْبَغْضَآءَ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ وَسَوْفَ يُنَبِّئُهُمُ ٱللَّهُ
بِمَا كَانُوا۟ يَصْنَعُونَ ﴿١٤﴾ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ
قَدْ جَآءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ كَثِيرًا مِّمَّا
كُنتُمْ تُخْفُونَ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَيَعْفُوا۟ عَن
كَثِيرٍ ۚ قَدْ جَآءَكُم مِّنَ ٱللَّهِ نُورٌ وَكِتَٰبٌ
مُّبِينٌ ﴿١٥﴾ يَهْدِى بِهِ ٱللَّهُ مَنِ ٱتَّبَعَ رِضْوَٰنَهُۥ
سُبُلَ ٱلسَّلَٰمِ وَيُخْرِجُهُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى
ٱلنُّورِ بِإِذْنِهِۦ وَيَهْدِيهِمْ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ
﴿١٦﴾ لَّقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْمَسِيحُ
ٱبْنُ مَرْيَمَ ۚ قُلْ فَمَن يَمْلِكُ مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا إِنْ أَرَادَ
أَن يُهْلِكَ ٱلْمَسِيحَ ٱبْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُۥ وَمَن فِى
ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا ۗ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ
وَمَا بَيْنَهُمَا ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٧﴾

14. «Биз – насронийлармиз» деганлардан (ҳам) аҳдларини олдик*. Уларга эслатилган нарсадан (катта) бир қисмини унутдилар. Шундан кейин уларнинг ўрталарида қиёмат кунигача адоват ва нафрат қўзғатдик*. Кейин Аллоҳ уларни ўз қилмишларидан хабардор қилажак.

15. Эй, аҳли китоблар! Сизларга расулимиз (Муҳаммад) келиб, Китобдаги кўпгина сиз яширган (оятлар)ни сизларга баён қилмоқда ва (хатоларингизнинг) аксариятини афв этмоқда. Аллоҳдан сизларга Нур* ва равшан Китоб келдики,

16. у билан Аллоҳ ризосини топишга интилганларни (У) тинчлик ва саломатлик йўлларига йўллаб, Ўз изни билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва тўғри йўлга ҳидоят қилур.

17. «Аллоҳ – Марямнинг ўғли Масиҳ» деганлар куфрга кетдилар. Айтинг: «Агар Аллоҳ Марямнинг ўғли Масиҳни, унинг онасини ва Ердаги ҳамма (одамлар)ни ҳалок этишни ирода қилса, ким ҳам бирор нарсага қодир бўлар эди?!» Осмонлар, Ер ва улар ўртасидаги борлиқ устидан ҳукмронлик фақатгина Аллоҳга тегишлидир. Хоҳлаган нарсани яратади, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

(а.с.) қўлида ҳалок бўлади. Бу шундай бўлган экан: Мусо (а.с.) лашкарини янчиб ташлаш учун у тоғдан бир катта тошни олиб боши узра кўтарган пайтда Аллоҳ таоло бир ҳудҳудни юборади. У тумшуғи билан тошни чўқигач, у қулаб Иважнинг бўйнига тушиб кетади. У йиқилгач, Мусо (а.с.) келиб, унинг бошини қирқиб ташлайди. Мусо (а.с.) билан 12 вакил қайтиб келишгач, улар Аллоҳга берган аҳд-паймонларини бузиб, кўрган-билганларини ўз уруғлари ичида эълон қиладилар. Фақат улардан Ювшаъ ибн Нун билан Колиб ибн Ювфанно кўрганларини сир сақлайдилар (Мд. Хз.).

13-оят. Ушбу афв ояти мансуха оятлардан экани тўғрисида машҳур муфассир Қатода ибн Диома (60-118 ҳ.й.)дан ривоят қилинган. Лекин Ибн Жарир Табарий ўз тафсирларида унинг сўзини рад этади. Имом Насафий эса, “Мадорик” тафсирида бу оятни “мўминларни авф этинг” ёки “боболарининг айблари туфайли буларни жавобгар деб билманг” деб таъвил этади.

14-оят. Ушбу оятдан маълум бўладики, Исо (а.с.)нинг қавмига Аллоҳ таоло эмас, балки, ўзлари “насронийлар” деб ном қўйиб олган эканлар. Уларнинг берган аҳдлари – Аллоҳга ва барча пайғамбарларига имон келтириб, солиҳ амалларни қилиш эди.

* Улар ўртасида қўзғатилган ва қиёматгача давом этадиган адоват ва нафрат насронийлар билан яҳудийлар ўртасидами ёки насроний динига мансуб мазҳаблар ўртасидаги ихтилофлармиди?! Бу ҳақда тафсирлар мавжуд. Ҳар икки тафсир ҳам мақбул. Лекин Ибн Жарир Табарий иккинчисини маъқул деб ёзган (Тб.).

15-оят. Кўпчилик муфассирлар бу оятдаги “Нур”дан мурод Муҳаммад (а.с.)дир, деб ёзганлар. Дарҳақиқат, бошқа кўпгина оятларда ҳам у зот нур ва чироқ каби нурафшон нарсаларга ўхшатилган (“Аҳзоб” сураси, 46-оятга қаралсин).

وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ وَٱلنَّصَـٰرَىٰ نَحْنُ أَبْنَـٰٓؤُا۟ ٱللَّهِ وَأَحِبَّـٰٓؤُهُۥ ۚ قُلْ
فَلِمَ يُعَذِّبُكُم بِذُنُوبِكُم ۖ بَلْ أَنتُم بَشَرٌ مِّمَّنْ خَلَقَ ۚ يَغْفِرُ لِمَن
يَشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ ۚ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ
وَمَا بَيْنَهُمَا ۖ وَإِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٨﴾ يَـٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَـٰبِ قَدْ جَآءَكُمْ
رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ عَلَىٰ فَتْرَةٍ مِّنَ ٱلرُّسُلِ أَن تَقُولُوا۟ مَا جَآءَنَا
مِنۢ بَشِيرٍ وَلَا نَذِيرٍ ۖ فَقَدْ جَآءَكُم بَشِيرٌ وَنَذِيرٌ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ
شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٩﴾ وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦ يَـٰقَوْمِ ٱذْكُرُوا۟
نِعْمَةَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَعَلَ فِيكُمْ أَنۢبِيَآءَ وَجَعَلَكُم مُّلُوكًا
وَءَاتَىٰكُم مَّا لَمْ يُؤْتِ أَحَدًا مِّنَ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٢٠﴾ يَـٰقَوْمِ ٱدْخُلُوا۟
ٱلْأَرْضَ ٱلْمُقَدَّسَةَ ٱلَّتِى كَتَبَ ٱللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَرْتَدُّوا۟ عَلَىٰٓ أَدْبَارِكُمْ
فَتَنقَلِبُوا۟ خَـٰسِرِينَ ﴿٢١﴾ قَالُوا۟ يَـٰمُوسَىٰٓ إِنَّ فِيهَا قَوْمًا جَبَّارِينَ
وَإِنَّا لَن نَّدْخُلَهَا حَتَّىٰ يَخْرُجُوا۟ مِنْهَا فَإِن يَخْرُجُوا۟ مِنْهَا
فَإِنَّا دَٰخِلُونَ ﴿٢٢﴾ قَالَ رَجُلَانِ مِنَ ٱلَّذِينَ يَخَافُونَ
أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمَا ٱدْخُلُوا۟ عَلَيْهِمُ ٱلْبَابَ فَإِذَا دَخَلْتُمُوهُ
فَإِنَّكُمْ غَـٰلِبُونَ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَتَوَكَّلُوٓا۟ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٣﴾

18. Яҳудийлар ва насронийлар: «Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва ҳабибларимиз», – дейдилар. Айтинг: «(Ундай бўлса), нега гуноҳларингиз туфайли сизларни азоблайди?* Йўқ! Сизлар ҳам У яратган одамлардансиз. Хоҳлаган (бандаси)-ни кечиради, хоҳлаганини азоблайди. Осмонлар, Ер ва улар ўртасидаги борлиқ устидан ҳукмронлик Аллоҳгагина тегишлидир ва Қайтиш ҳам фақат Унинг ҳузуригадир».

19. Эй, аҳли китоблар! Сизларнинг: «Бизларга на башоратчи ва на огоҳлантирувчи (пайғамбар) келмади» деганингиз учун сизларга Расулимиз (олдинги) пайғамбарлардан бир муддат ўтгач, баён этувчи бўлиб келди. Мана, сизларга башоратчи ҳам, огоҳлантирувчи ҳам келди. Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир.

20. Мусо ўз қавмига айтганини эсланг: «Эй, қавмим! Аллоҳнинг сизларга берган неъмати – ичингиздан пайғамбар чиқаргани, сизларни (баъзиларингизни) подшоҳ қилгани ва оламлардан ҳеч бир (кимса)га бермаганини сизларга ато этганини эслангиз!*

21. Эй, қавмим! Аллоҳ сизлар учун битиб (ёзиб) қўйган муқаддас ер (Байтул-Мақдис)га кирингиз ва ортингизга қайтиб кетмангизки, зиён кўрувчиларга айланиб қолурсиз».

22. Айтдилар: «Эй, Мусо! У ерда баҳайбат (золим) қавм бор. Улар у ердан чиқмагунларича, биз у ерга сира кирмаймиз. Агар у ердан чиқсаларгина, биз кирувчилардирмиз».

23. (Ўн икки йўлбошчи ичидан Аллоҳдан) қўрқадиган ва Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлганларидан икки киши* шундай деди: «Улар устига (шаҳарга) дарвозадан кирингиз. Унга кириб олишингиз билан сизлар ғолиб бўласиз. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккул қилингиз!»

18-оят. Яъни “Ундай бўлса, ўзларингиз даъво қилганингиздек, қиёматда саноқли кунлар бўлсада, азобланишларингизни қандай тушуниш керак?! Ахир, ота ўз ўғилларини оловда куйдирадими?! – деб айтинг” (Мд.).

20-оят. Ушбу оятдан то 26-оятгача, яна 12 оят ва унинг тафсиридаги қисса такроран баён этилади. Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони каримда пайғамбарлар қиссаларини бир жойда эмас, балки бир неча сураларда оз-оздан баён этади. Кўп воқеалар такроран зикр этилишининг ҳикматларидан бири – бу оятларнинг айримлари бошқаларига тафсир сифатида аниқлик киритиб, керакли маълумотлар билан бойитади.

Мусо (а.с.) қавмига бориши буюрилган муқаддас ер – Байтул-Мақдис ёки Шом ёхуд Арихо эканида турли тафсирлар бор. Калбийнинг ёзишича, Иброҳим (а.с.) Ливан тоғига чиққанларида Аллоҳ айтган: “Кўзинг етган жойларнинг ҳаммаси муқаддасдир ва зурриётингга меросдир” (Хз.).

23-оят. Икки кишидан мурод – Ювшаъ ибн Нун билан Колиб ибн Ювфанно. Улар Мусо лашкарининг шаҳар дарвозасига кирсалар ғолиб бўлишини Мусо (а.с.)-дан эшитиб, билиб олган эдилар.

قَالُوا۟ يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّا لَن نَّدْخُلَهَآ أَبَدًا مَّا دَامُوا۟ فِيهَا ۖ فَٱذْهَبْ
أَنتَ وَرَبُّكَ فَقَٰتِلَآ إِنَّا هَٰهُنَا قَٰعِدُونَ ﴿٢٤﴾ قَالَ رَبِّ
إِنِّى لَآ أَمْلِكُ إِلَّا نَفْسِى وَأَخِى ۖ فَٱفْرُقْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ ٱلْقَوْمِ
ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٢٥﴾ قَالَ فَإِنَّهَا مُحَرَّمَةٌ عَلَيْهِمْ ۛ أَرْبَعِينَ سَنَةً ۛ
يَتِيهُونَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ فَلَا تَأْسَ عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْفَٰسِقِينَ
﴿٢٦﴾ ۞ وَٱتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ٱبْنَىْ ءَادَمَ بِٱلْحَقِّ إِذْ قَرَّبَا قُرْبَانًا
فَتُقُبِّلَ مِنْ أَحَدِهِمَا وَلَمْ يُتَقَبَّلْ مِنَ ٱلْءَاخَرِ قَالَ لَأَقْتُلَنَّكَ ۖ
قَالَ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ ٱللَّهُ مِنَ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٢٧﴾ لَئِنۢ بَسَطتَ إِلَىَّ يَدَكَ
لِتَقْتُلَنِى مَآ أَنَا۠ بِبَاسِطٍ يَدِىَ إِلَيْكَ لِأَقْتُلَكَ ۖ إِنِّىٓ أَخَافُ ٱللَّهَ
رَبَّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٢٨﴾ إِنِّىٓ أُرِيدُ أَن تَبُوٓأَ بِإِثْمِى وَإِثْمِكَ فَتَكُونَ
مِنْ أَصْحَٰبِ ٱلنَّارِ ۚ وَذَٰلِكَ جَزَٰٓؤُا۟ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢٩﴾ فَطَوَّعَتْ
لَهُۥ نَفْسُهُۥ قَتْلَ أَخِيهِ فَقَتَلَهُۥ فَأَصْبَحَ مِنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٣٠﴾
فَبَعَثَ ٱللَّهُ غُرَابًا يَبْحَثُ فِى ٱلْأَرْضِ لِيُرِيَهُۥ كَيْفَ يُوَٰرِى
سَوْءَةَ أَخِيهِ ۚ قَالَ يَٰوَيْلَتَىٰٓ أَعَجَزْتُ أَنْ أَكُونَ مِثْلَ هَٰذَا
ٱلْغُرَابِ فَأُوَٰرِىَ سَوْءَةَ أَخِى ۖ فَأَصْبَحَ مِنَ ٱلنَّٰدِمِينَ ﴿٣١﴾

24. Айтдилар: «Эй, Мусо! Модомики, (улар) у ерда эканлар, биз сира у ерга кирмагаймиз*. Сен (ўзинг) ва Раббинг бориб, (улар билан) жанг қилаверингиз. Биз эса, шу ерда ўтирувчилармиз».

25. (Мусо) айтди: «Эй, Раббим! Мен фақат ўзим ва биродарим (Ҳорун)га эгалик қилурман. Бас, бизни у фосиқлар қавмидан (Ўзинг) ажрим қилгин!»

26. (Аллоҳ) деди: «Албатта, у (Байтул-Мақдис) энди улар учун қирқ йилга (кириши) тақиқлангандир. Ер (юзи) бўйлаб сарсонликда юрадилар. Сен (бу каби) фосиқлар қавми учун қайғурма!»*

27. Уларга Одамнинг икки ўғли (Қобил ва Ҳобил) ҳақидаги хабарни ҳақиқати билан ўқиб беринг! Иккиси қурбонлик қилганларида, биридан қабул қилинди, унисидан эса қабул қилинмади. (Қурбонлиги қабул бўлмаган Қобил укаси Ҳобилга): «Сени, албатта, ўлдиражакман!» – деди. (Ҳобил) эса: «(Қурбонликни) Аллоҳ аслида тақволи кишилардан қабул қилур.

28. Агар мени ўлдириш учун қўлингни мен томонга чўзсанг, мен сени ўлдириш учун Сен томонга қўлимни чўзувчи эмасман. Ахир, мен оламлар рабби – Аллоҳдан қўрқаман.

29. Мен ўзимнинг гуноҳимни ҳам, ўз гуноҳингни ҳам (зиммангга) олиб кетишингни ва дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Золимларнинг жазоси шудир», – деди.

30. Унинг (ҳавойи) нафси биродарини ўлдиришни хуш кўрсатди ва дарҳол, уни ўлдирди. Шу билан у зиён кўрувчилардан бўлиб қолди.

31. Шундан сўнг, Аллоҳ унга биродари авратини (мурдасини) қандай кўмишни кўрсатиш учун ерни кавловчи бир қарғани юборди. «Ҳолимга вой! Наҳот шу қарғачалик бўлишдан ожиз бўлсам? (Мен ҳам) биродарим жасадини (тупроққа) кўма қолай», – деди. Шундай қилиб (у) пушаймон қилувчилардан бўлиб қолди*.

24-оят. Мусо (а.с.) лашкари ёки қавми Аллоҳ буюрган муқаддас ерга киришдан бош тортдилар. Агар кирганларида у ердаги душман устидан ғалаба қилишларида Аллоҳ нусрат ваъда қилган эди. Шу билан бирга улар агар буйруқни бажарганларида, мустақил мамлакатга ҳам эга бўлишлари аниқ эди.

26-оят. Мусо (а.с.) узр айтиб, қавмининг тақдирини Аллоҳнинг ўзига ҳавола қилгач, У уларга жазо сифатида қирқ йилгача мазкур муқаддас ерга кира олмай, турли томонларда саргардонликда юришларини ирода этди.

31-оят. Қобилнинг пушаймон бўлиши қилган жинояти туфайли эмас, балки қотиллиги сабабли унга нисбатан ота-онаси ва биродарларининг койиганлари учун эди (Хз.).

32. Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукмни битиб қўйдик: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир»*. Уларга расулларимиз (илоҳий) ҳужжатларни келтирганлар. Сўнгра уларнинг кўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир.

33. Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши жанг қиладиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрувчиларнинг жазоси – ўлдирилиш ё чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувғин қилинишдир*. Ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалик ва охиратда улар учун улкан азоб (ҳам бор)дир.

34. Аммо сизлар улар устидан қодир бўлишингиз (қўлга туширишларингиз)дан олдин тавба қилганлар (бундан мустасно). Билиб қўйингизки, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

35. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва Унга (яқинлаштирувчи савобли ишлардан) васила (восита) изланги ҳамда Унинг йўли (тоати)да жидду жаҳд қилингиз, токи (охиратда) нажот топгайсиз!

36. Дарҳақиқат, куфрда бўлганлар қиёмат кунининг азобидан тўлаб қутилиш учун мабодо Ер (юзи)даги (ҳамма) нарсанинг икки баробарига эга бўлганларида ҳам, улардан қабул қилинмагай. Улар учун аламли азоб (тайёрлаб қўйилгандир).

مِنْ أَجْلِ ذَٰلِكَ كَتَبْنَا عَلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ أَنَّهُۥ مَن قَتَلَ
نَفْسًۢا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِى ٱلْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ
ٱلنَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَآ أَحْيَا ٱلنَّاسَ
جَمِيعًا ۚ وَلَقَدْ جَآءَتْهُمْ رُسُلُنَا بِٱلْبَيِّنَٰتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرًا
مِّنْهُم بَعْدَ ذَٰلِكَ فِى ٱلْأَرْضِ لَمُسْرِفُونَ ﴿٣٢﴾ إِنَّمَا
جَزَٰٓؤُا۟ ٱلَّذِينَ يُحَارِبُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَيَسْعَوْنَ فِى ٱلْأَرْضِ
فَسَادًا أَن يُقَتَّلُوٓا۟ أَوْ يُصَلَّبُوٓا۟ أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ
وَأَرْجُلُهُم مِّنْ خِلَٰفٍ أَوْ يُنفَوْا۟ مِنَ ٱلْأَرْضِ ۚ ذَٰلِكَ
لَهُمْ خِزْىٌ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ وَلَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ
﴿٣٣﴾ إِلَّا ٱلَّذِينَ تَابُوا۟ مِن قَبْلِ أَن تَقْدِرُوا۟ عَلَيْهِمْ ۖ فَٱعْلَمُوٓا۟
أَنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱبْتَغُوٓا۟ إِلَيْهِ ٱلْوَسِيلَةَ وَجَٰهِدُوا۟ فِى سَبِيلِهِۦ
لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٣٥﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْ أَنَّ
لَهُم مَّا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُۥ مَعَهُۥ لِيَفْتَدُوا۟ بِهِۦ مِنْ
عَذَابِ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ مَا تُقُبِّلَ مِنْهُمْ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٣٦﴾

32-оят. Бу ҳукм аслида Исроил авлодига қарата айтилган бўлсада, у барча мусулмонлар учун ҳам тегишлидир. Оятнинг тақозо этишига кўра, ер юзида фитна-фасод, бузғунчилик, қотиллик, кўпорувчилик, қароқчилик каби ишларни қилган кимсаларни қатл этиш жоиз бўлади (Мд.).

Шайтон алдовига учиб, илк бор оловга сиғинган шахс Ҳобилдир.

Оятдаги "исроф қилмангиз" буйруғидан мурод – мол-дунёни исроф қилиш эмас, балки умрни гуноҳ ва жиноий ишлар билан исроф қилиб ўтказишдир.

33-оят. Бу оят нозил бўлишининг сабаби Имом ал-Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилганидек, Укл ва Урайна қабилаларидан бир гуруҳ одамлар Мадинага келиб, Расулуллоҳ ҳузурида ёлғондан имон келтирадилар. Сўнгра Мадина ҳавоси ёқмай, қорин оғриқ касалига учраганларини айтгач, Расулуллоҳ шаҳар ташқарисига чиқиб, ўзлари учун садақага келган туялар сутидан ичишга рухсат берганларида, улар бориб туякаш чўпонни ўлдириб, туяларни ҳайдаб олиб кетадилар. Диндан қайтган бу мунофиқлар ортидан бир гуруҳ мусулмонларни юбориб уларга жазо беришни буюрадилар. Бориб, уларнинг қўлоёқларини кесиб, кўзларини ҳам ўйиб чалажон ҳолларида шаҳардан ташқаридаги Ҳарра деган жойда қолдириб кетадилар. Қатода айтади, шундан кейин Расул (а.с.) кўз ўйиш, қулоқ ва бурунни кесиш каби қийноқларни тақиқлаб, садақа ва эҳсон беришга тарғиб этдилар.

يُرِيدُونَ أَن يَخْرُجُوا۟ مِنَ ٱلنَّارِ وَمَا هُم بِخَٰرِجِينَ مِنْهَا ۖ
وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٣٧﴾ وَٱلسَّارِقُ وَٱلسَّارِقَةُ فَٱقْطَعُوٓا۟
أَيْدِيَهُمَا جَزَآءًۢ بِمَا كَسَبَا نَكَٰلًا مِّنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ
﴿٣٨﴾ فَمَن تَابَ مِنۢ بَعْدِ ظُلْمِهِۦ وَأَصْلَحَ فَإِنَّ ٱللَّهَ يَتُوبُ
عَلَيْهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٩﴾ أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ لَهُۥ مُلْكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ يُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ وَيَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ ۗ
وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤٠﴾ ۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرَّسُولُ
لَا يَحْزُنكَ ٱلَّذِينَ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْكُفْرِ مِنَ ٱلَّذِينَ
قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِأَفْوَٰهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِن قُلُوبُهُمْ ۛ وَمِنَ ٱلَّذِينَ
هَادُوا۟ ۛ سَمَّٰعُونَ لِلْكَذِبِ سَمَّٰعُونَ لِقَوْمٍ
ءَاخَرِينَ لَمْ يَأْتُوكَ ۖ يُحَرِّفُونَ ٱلْكَلِمَ مِنۢ بَعْدِ مَوَاضِعِهِۦ ۖ
يَقُولُونَ إِنْ أُوتِيتُمْ هَٰذَا فَخُذُوهُ وَإِن لَّمْ تُؤْتَوْهُ فَٱحْذَرُوا۟ ۚ
وَمَن يُرِدِ ٱللَّهُ فِتْنَتَهُۥ فَلَن تَمْلِكَ لَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَمْ يُرِدِ ٱللَّهُ أَن يُطَهِّرَ قُلُوبَهُمْ ۚ لَهُمْ فِى
ٱلدُّنْيَا خِزْىٌ ۖ وَلَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٤١﴾

37. Дўзахдан чиқишни истайдилар. Ҳолбуки, улар ундан чиқувчи эмаслар. Уларга муқим (абадий) азоб (белгилангандир).

38. Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг – қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан (берилган) азоб сифатида – қўлларини кесингиз!* Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

39. Кимки (бу) зулмидан кейин тавба қилса ва (ўзини) тузатса, албатта, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва марҳаматли зотдир.

40. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга хос экани, (бинобарин) хоҳлаган кишини азоблаб, хоҳлаган кишини кечиришини билмадингизми? Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.

41. Эй, Расул! Оғизлари билан: «Имон келтирдик» дейдиган, (лекин) диллари имон келтирмаганлар ва яҳудийлардан (бир қисми) куфр сари интилаётганлари Сизни хафа қилмасин! (Улар) ёлғон (тўқиш) учун (Сизнинг гапларингизни) эшитиб олувчи ва ҳузурингизга келмаган, ўз ўринларига қўйилган сўзларни кейин ўзгартирадиган бошқа қавм (яҳудийлар) учун (гапларингизни) эшитиб олувчилардир. Айтадилар: «Агар шу (ўзгартирилган ҳукм) сизларга берилса, (қабул қилиб) олингиз. Бордию, берилмаса, сақланингиз!» Кимники Аллоҳ (фитнада) синашни истаса, Сиз унинг учун Аллоҳдан ҳеч нарсага эга бўла олмайсиз. Ана ўшаларнинг қалбларини поклашни Аллоҳ ирода қилмаган. Улар учун бу дунёда шармисорлик ва улар учун охиратда улкан азоб (муқаррардир)*.

38-оят. Шариатда бу жазо учун белгиланган ўғрилик миқдори – 10 дирҳамлик пул буюм ёки шунча баҳоланувчи бошқа матоҳ бўлиб, уни ўғирлаган шахс балоғат ёшига етган бўлиши, ўғирланган нарса аниқ бировнинг мулки бўлиб, уни кўчадан эмас, сақланадиган жойидан махфий равишда олган бўлиши шарт. Шу шартлар мукаммал бўлгандан кейин ўғрининг ўзи иқрор қилиб, тан олса ёки инкор қилган тақдирда икки киши гувоҳлик берсагина мазкур жазо ижро этилиши белгиланган.

41-оят. Бу ояти кариманинг мазмунига аниқлик киритиш учун ушбу ҳадисда келтирилган қисса билан танишиб чиқиш ўринлидир: Пайғамбар (а.с.) ҳузурларига бир гуруҳ яхудийлар келиб, улардан бир эркак, бир аёл зино қилганларини айтадилар. Улардан ўз китобингиз – Тавротда бу ҳақда нима дейилган, деб сўраганларида, улар, шармисор қилиб, юзига қора суртиб, дарра урилади, деб ёзилгани ҳақида хабар берадилар. Шунда улардан исломга кирган Абдуллоҳ ибн Салом уларнинг ёлғон гапираётганларини айтиб, Таврот китобини келтиришни талаб қилади. Бир руҳоний зино хусусидаги оятни очиб, тошбўрон қилинсин, деган жойини қўли билан ёпиб туриб ўқийди. Абдуллоҳ ибн Салом қўлини кўтаришга мажбур қилгач, ўқисалар "ражм ояти" ёзилган бўлади. Бундан ҳаммалари хабардор бўлганларидан кейин "ражм"га, яъни икки зинокорни тошбўрон қилишга қарор қиладилар. (Бх. Мс.).

سَمَّٰعُونَ لِلْكَذِبِ أَكَّٰلُونَ لِلسُّحْتِ ۚ فَإِن جَآءُوكَ
فَٱحْكُم بَيْنَهُمْ أَوْ أَعْرِضْ عَنْهُمْ ۖ وَإِن تُعْرِضْ عَنْهُمْ فَلَن
يَضُرُّوكَ شَيْـًٔا ۖ وَإِنْ حَكَمْتَ فَٱحْكُم بَيْنَهُم بِٱلْقِسْطِ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُقْسِطِينَ ﴿٤٢﴾ وَكَيْفَ يُحَكِّمُونَكَ وَعِندَهُمُ
ٱلتَّوْرَىٰةُ فِيهَا حُكْمُ ٱللَّهِ ثُمَّ يَتَوَلَّوْنَ مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ ۚ
وَمَآ أُو۟لَٰٓئِكَ بِٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٣﴾ إِنَّآ أَنزَلْنَا ٱلتَّوْرَىٰةَ فِيهَا
هُدًى وَنُورٌ ۚ يَحْكُمُ بِهَا ٱلنَّبِيُّونَ ٱلَّذِينَ أَسْلَمُوا۟ لِلَّذِينَ
هَادُوا۟ وَٱلرَّبَّٰنِيُّونَ وَٱلْأَحْبَارُ بِمَا ٱسْتُحْفِظُوا۟ مِن كِتَٰبِ
ٱللَّهِ وَكَانُوا۟ عَلَيْهِ شُهَدَآءَ ۚ فَلَا تَخْشَوُا۟ ٱلنَّاسَ
وَٱخْشَوْنِ وَلَا تَشْتَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِى ثَمَنًا قَلِيلًا ۚ وَمَن لَّمْ يَحْكُم
بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿٤٤﴾ وَكَتَبْنَا عَلَيْهِمْ
فِيهَآ أَنَّ ٱلنَّفْسَ بِٱلنَّفْسِ وَٱلْعَيْنَ بِٱلْعَيْنِ وَٱلْأَنفَ
بِٱلْأَنفِ وَٱلْأُذُنَ بِٱلْأُذُنِ وَٱلسِّنَّ بِٱلسِّنِّ وَٱلْجُرُوحَ
قِصَاصٌ ۚ فَمَن تَصَدَّقَ بِهِۦ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لَّهُۥ ۚ وَمَن
لَّمْ يَحْكُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٤٥﴾

42. (Улар) ёлғон (тўқиш учун Сиз)га қулоқ соладиган ва ҳаромни (порани) ейдиганлардир. Агар Сизга (ҳукм сўраб) келсалар, ўрталарида ҳукм чиқаринг ёки улардан воз кечинг! Агар улардан воз кечсангиз (ҳам), Сизга сира зарар етказмайдилар. Агар ҳукм қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг! Албатта, Аллоҳ одилларни севади*.

43. Ўзларида Таврот ва унда Аллоҳнинг ҳукми бўла туриб, нечук Сизни ҳукм чиқаришга ундайдилар ва сўнгра юз ўгирадилар (ҳукмингизга амал қилмайдилар)?! Ана ўшалар (Сизга ва Тавротга) асло имон келтирувчи эмаслар.

44. Дарвоқе, Биз (уларга) Тавротни нозил қилдик. Ундаги ҳидоят ва нур (аҳкомлар изоҳи) билан итоаткор набийлар, зоҳидлар ва уламолар яҳудий бўлганларга Аллоҳнинг Китобидан ёд олдирилган (билимлари)га биноан ҳукм баён этурлар. Ўзлари бунга гувоҳдирлар. Бас, (эй, ҳукм чиқарувчилар!) одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз ва Менинг оятларимни озгина баҳога алмаштирмангиз!* Аллоҳ нозил қилган нарса (оятлар) билан ҳукм қилмаганлар – ана ўшалар кофирлардир*.

45. Биз унда (Тавротда) уларга жонга–жон, кўзга–кўз, бурунга–бурун, қулоққа–қулоқ, тишга–тиш ва жароҳатларга қасос (олинур) деб, битиб қўйдик. Кимки у (қасос)ни садақа қилиб (кечиб) юборса, у (гуноҳларига) каффоратдир*. Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар – ана ўшалар золимлардир.

42-оят. Оятда Аллоҳ таоло Пайғамбар (а.с.)дан аҳли китоблар Аллоҳнинг ҳукмини сўраб қолсалар, Қуръони карим ҳукмлари асосида жавоб беришлари ёки жавоб бермасликлари ҳам мумкинлиги, борди-ю, ўз ихтиёрлари билан ҳукм сўраб келиб қолсалар, одилона ҳукм баён қилишларига буюрмоқда. Абу Ҳанифа (рҳ.) ҳам оятнинг мазмунига асосланиб, биз чиқарган ҳукмга рози бўлишмаса, аҳли китоблар ўртасида ҳукмимизни баён қилмаймиз, деганлар (Лс.).

44-оят. Яъни “оятларимни пора эвазига ўзгартириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қилмангиз!”

* Бу оятнинг тақозосига кўра, оятларга мувофиқ ҳукм чиқармаган киши кофир саналади. Лекин Ибн Аббос (рз.)дан шу оят хусусида нақл қилинадики, Аллоҳнинг ҳудуди (ҳукмлари)дан бирортасини инкор этган киши кофир бўлади. Аммо инкор этмай иқрор ва тасдиқ этган ҳолда уларга мувофиқ ҳукм қилмаса кофир бўлмайди, балки фосиқ (гуноҳкор) бўлади (Лс.).

Оятлар мазмунига қараганда, Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)ни пайғамбар қилиб юборгандан кейин ҳам аҳли китоблар Қуръон ва Муҳаммад (а.с.)га имон келтиришга буюрилган бўлсалар-да, ўзларининг илоҳий китобларидаги ҳукмларга биноан амал қилишлари ҳам жоиз бўлган, балки уларга шундай қилиш буюрилган.

45-оят. Каффоратнинг маъноси эваз, бадал, афвдир. Демак, қасос олмай кечиб юборса, қилган гуноҳларига афв ато этилар экан.

وَقَفَّيۡنَا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم بِعِيسَى ٱبۡنِ مَرۡيَمَ مُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ يَدَيۡهِ مِنَ
ٱلتَّوۡرَىٰةِۖ وَءَاتَيۡنَٰهُ ٱلۡإِنجِيلَ فِيهِ هُدٗى وَنُورٞ وَمُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ
يَدَيۡهِ مِنَ ٱلتَّوۡرَىٰةِ وَهُدٗى وَمَوۡعِظَةٗ لِّلۡمُتَّقِينَ ٤٦ وَلۡيَحۡكُمۡ
أَهۡلُ ٱلۡإِنجِيلِ بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ فِيهِۚ وَمَن لَّمۡ يَحۡكُم بِمَآ أَنزَلَ
ٱللَّهُ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡفَٰسِقُونَ ٤٧ وَأَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ ٱلۡكِتَٰبَ
بِٱلۡحَقِّ مُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ يَدَيۡهِ مِنَ ٱلۡكِتَٰبِ وَمُهَيۡمِنًا
عَلَيۡهِۖ فَٱحۡكُم بَيۡنَهُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُۖ وَلَا تَتَّبِعۡ أَهۡوَآءَهُمۡ
عَمَّا جَآءَكَ مِنَ ٱلۡحَقِّۚ لِكُلّٖ جَعَلۡنَا مِنكُمۡ شِرۡعَةٗ وَمِنۡهَاجٗاۚ
وَلَوۡ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَلَٰكِن لِّيَبۡلُوَكُمۡ فِي مَآ
ءَاتَىٰكُمۡۖ فَٱسۡتَبِقُواْ ٱلۡخَيۡرَٰتِۚ إِلَى ٱللَّهِ مَرۡجِعُكُمۡ جَمِيعٗا
فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمۡ فِيهِ تَخۡتَلِفُونَ ٤٨ وَأَنِ ٱحۡكُم بَيۡنَهُم بِمَآ
أَنزَلَ ٱللَّهُ وَلَا تَتَّبِعۡ أَهۡوَآءَهُمۡ وَٱحۡذَرۡهُمۡ أَن يَفۡتِنُوكَ عَنۢ
بَعۡضِ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ إِلَيۡكَۖ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَٱعۡلَمۡ أَنَّمَا يُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُصِيبَهُم
بِبَعۡضِ ذُنُوبِهِمۡۗ وَإِنَّ كَثِيرٗا مِّنَ ٱلنَّاسِ لَفَٰسِقُونَ ٤٩ أَفَحُكۡمَ
ٱلۡجَٰهِلِيَّةِ يَبۡغُونَۚ وَمَنۡ أَحۡسَنُ مِنَ ٱللَّهِ حُكۡمٗا لِّقَوۡمٖ يُوقِنُونَ ٥٠

46. Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда издош қилиб юбордик ва унга Инжилни – ичида ҳидоят ва нури билан ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат (манбаи) қилиб бердик.

47. *Инжил аҳли ундаги Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар) билан ҳукм қилсинлар! Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар* – ана ўшалар фосиқлардир*.

48. Сизга (эса, эй, Муҳаммад!) ўзидан олдинги Китоб(лар)ни тасдиқ этувчи ва у (китоблар)ни мувофиқлаштирувчи сифатида Китоб (Қуръон)ни ҳақиқатан нозил қилдик. Бас, улар ўртасида Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилинг. Сизга келган ҳақиқатдан (четлаб), уларнинг ҳавойи (фикрлари)га эргаша кўрманг! Сизлардан ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (таъйин) қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шариатда) қилиб қўйган бўлур эди. *Лекин Ўзи берган нарса (шариатлар)да сизларни синаш учун* (бир хил қилмади). Бас, хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз! Ҳаммангизнинг қайтадиган жойингиз Аллоҳнинг ҳузуридир. Ўшанда (У) сизларга *келиша олмай юрган нарсаларингизнинг* хабарини беражак.

49. *Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар) билан ҳукм қилинг. Уларнинг ҳавойи (фикрлари)га эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган (ҳукмлари)нинг баъзиларидан Сизни чалғитишларидан эҳтиёт бўлинг!* Агар юз ўгирсалар, билингки, *Аллоҳ уларга баъзи гуноҳлари туфайли мусибат етказишни истайди. Албатта, одамларнинг кўпчилиги* фосиқ (итоатсиз)дирлар.

50. *Жоҳилият (даври) ҳукмини қўмсаяптиларми?!* Чиндан ишонувчи кишилар учун *Аллоҳдан кўра ким ҳукмда чиройлироқ экан?!*

47-оят. Саҳобий Бароъ ибн Озиб (рз.) айтган эканки, Аллоҳ нозил этган оятлар билан ҳукм қилмаганларнинг кофир, золим, фосиқ кишилар экани тўғрисидаги уч оятнинг ҳаммаси кофирларга нисбатан нозил қилингандир (Мс.).

Тобеъинлардан Икрима (ваф. 104 ҳ.й.) ҳам Аллоҳнинг нозил қилган оятлари билан ҳукм қилмаган одам агар инкор юзасидан бўлса, кофир бўлади. Борди-ю, оятларни иқрор қилган ҳолда улар билан ҳукм қилмаса, у ўзига золим ва гуноҳкор бўлур, деган экан. Яна, оятларни яхши тушунмай ёки адашиб оятга хилоф ҳукм чиқариб қўйган киши ҳам кофир саналмайди (Хз.).

Демак, оятлардан ҳукм олиш ёки уларни тафсир қилиш жуда мураккаб ва масъулиятли ишдир. Араб тилини билган ёки диний саводини чиқарган ҳар бир киши Қуръон ёки ҳадисдан ўзича ҳукм чиқариб олиши мумкин эмас. Балки фиқҳий китобларда ёзилган аҳкомларга риоя қилиши лозим бўлади. Зеро, бизгача мазкур икки манбадан барча ҳукмлар олиниб, ҳаётга татбиқ этиб бўлинган.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ ٱلۡيَهُودَ وَٱلنَّصَٰرَىٰٓ أَوۡلِيَآءَۘ بَعۡضُهُمۡ
أَوۡلِيَآءُ بَعۡضٖۚ وَمَن يَتَوَلَّهُم مِّنكُمۡ فَإِنَّهُۥ مِنۡهُمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ
ٱلظَّٰلِمِينَ ٥١ فَتَرَى ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٞ يُسَٰرِعُونَ فِيهِمۡ
يَقُولُونَ نَخۡشَىٰٓ أَن تُصِيبَنَا دَآئِرَةٞۚ فَعَسَى ٱللَّهُ أَن يَأۡتِيَ بِٱلۡفَتۡحِ أَوۡ أَمۡرٖ
مِّنۡ عِندِهِۦ فَيُصۡبِحُواْ عَلَىٰ مَآ أَسَرُّواْ فِيٓ أَنفُسِهِمۡ نَٰدِمِينَ ٥٢
وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَهَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ أَقۡسَمُواْ بِٱللَّهِ جَهۡدَ أَيۡمَٰنِهِمۡ
إِنَّهُمۡ لَمَعَكُمۡۚ حَبِطَتۡ أَعۡمَٰلُهُمۡ فَأَصۡبَحُواْ خَٰسِرِينَ ٥٣ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَن يَرۡتَدَّ مِنكُمۡ عَن دِينِهِۦ فَسَوۡفَ يَأۡتِي ٱللَّهُ بِقَوۡمٖ يُحِبُّهُمۡ
وَيُحِبُّونَهُۥٓ أَذِلَّةٍ عَلَى ٱلۡمُؤۡمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى ٱلۡكَٰفِرِينَ يُجَٰهِدُونَ فِي
سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوۡمَةَ لَآئِمٖۚ ذَٰلِكَ فَضۡلُ ٱللَّهِ يُؤۡتِيهِ مَن يَشَآءُۚ
وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ٥٤ إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱلَّذِينَ
يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤۡتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُمۡ رَٰكِعُونَ ٥٥ وَمَن يَتَوَلَّ ٱللَّهَ
وَرَسُولَهُۥ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ فَإِنَّ حِزۡبَ ٱللَّهِ هُمُ ٱلۡغَٰلِبُونَ ٥٦ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ دِينَكُمۡ هُزُوٗا وَلَعِبٗا مِّنَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ
ٱلۡكِتَٰبَ مِن قَبۡلِكُمۡ وَٱلۡكُفَّارَ أَوۡلِيَآءَۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ٥٧

51. Эй, имон келтирганлар! Яҳудийлар ва насронийлар билан дўст тутинмангиз! (Уларнинг) баъзилари баъзилари билан дўстдирлар. Сизлардан кимки улар билан дўст тутинса, у албатта улардан (бўлиб қолур). Албатта, Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят сари йўлламагай*.

52. Дилларида «касаллик» бор кимсалар: «Бизга бирор офат етиб қолишидан қўрқамиз», – деб, улар томон интилаётганини кўрасиз. Ахир, Аллоҳ (мусулмонларга) ғалаба ато этиб ёки Ўз ҳузуридан бирор буйруқ бериб қолса, ичларида сир тутган нарсаларига пушаймон бўлувчиларга айланиб қолишлари мумкин-ку!

53. (Ана ўшанда) имон келтирганлар: «Сизлар билан биргамиз дея зўр бериб, қасам ичганлар ана шуларми?» – дегайлар. Уларнинг (савобли) ишлари елга кетди, натижада зиён кўрувчиларга айланиб қолдилар.

54. Эй, имон келтирганлар! Сизлардан кимки динидан қайтса, Аллоҳ шундай бир қавмни келтирурки, уларни Аллоҳ севадиган ва улар ҳам Уни севадиган, мўминларга (нисбатан) камтар, кофирлардан эса (ўзларини) юқори тутувчи, Аллоҳнинг (тоати) йўлида жидду жаҳд қилувчи, маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган бўлурлар*. Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган (бандалари)га берур. Аллоҳ (карами) кенг, доно зотдир.

55. Дарвоқе, сизларнинг дўстингиз фақат Аллоҳ, Унинг Расули ва имон келтирганлар ҳамда намоз ўқийдиган ва рукуъ қилган ҳолларида ҳам закот (садақа) берувчилардир*.

56. Кимки Аллоҳни, Расулни ва имон келтирганларни дўст тутса, албатта, Аллоҳнинг (бу) ҳизби* чинакам ғолиблардир.

57. Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдин Китоб берилганлардан динингизни мазах ва ўйин қилиб олганлар ҳамда кофирлар билан дўст тутинмангиз. Мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан қўрқингиз!

51-оят. Уҳуд жангига оид бу оятдаги тақиқ орқали яҳудий ва насронийларнинг дини ёки миллати туфайли эмас, балки унгача мусулмонлар билан холис дўстона алоқада бўлиб, келган мазкур одамлар билан, модомики, икки ўртада жанг бошланган экан, дўстлашмаслик зарурати тўғрисида огоҳлантирилмоқда.

54-оят. Дарҳақиқат, Расул (а.с.) вафот этмасдан турибоқ исломдан қайтган, ҳатто, пайғамбарлик даъво қилувчилар ҳам пайдо бўлган эди. Вафотларидан кейин эса, муртадларнинг сони кўпайди. Абу Бакр Сиддиқ (рз.) уларни исломга қайтариш учун кўп заҳмат чекдилар (Мд. Қз.).

55-оят. Бу оят Ҳазрат Али ибн Аби Толиб (рз.) хусусида нозил қилинган. У киши намозда рукуъга энгашиб турганларида, бир гадо келиб тиламчилик қилади. Ҳазрат Али бармоғидаги узукни чиқариб, гадо томонга отиб юборадилар (Мд.).

56-оят. “Ҳизб” сўзининг луғавий маъноси гуруҳ, партия, тобе кишилар демакдир. Оятдаги Аллоҳнинг ҳизбидан мурод Унинг пайғамбари ва имон келтирган барча мусулмонлардир (Мд.).

وَإِذَا نَادَيْتُمْ إِلَى ٱلصَّلَوٰةِ ٱتَّخَذُوهَا هُزُوًا وَلَعِبًا ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ
لَّا يَعْقِلُونَ ﴿٥٨﴾ قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ هَلْ تَنقِمُونَ مِنَّآ إِلَّآ أَنْ ءَامَنَّا
بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَآ أُنزِلَ مِن قَبْلُ وَأَنَّ أَكْثَرَكُمْ فَٰسِقُونَ ﴿٥٩﴾ قُلْ
هَلْ أُنَبِّئُكُم بِشَرٍّ مِّن ذَٰلِكَ مَثُوبَةً عِندَ ٱللَّهِ مَن لَّعَنَهُ ٱللَّهُ وَغَضِبَ
عَلَيْهِ وَجَعَلَ مِنْهُمُ ٱلْقِرَدَةَ وَٱلْخَنَازِيرَ وَعَبَدَ ٱلطَّٰغُوتَ أُوْلَٰٓئِكَ شَرٌّ
مَّكَانًا وَأَضَلُّ عَن سَوَآءِ ٱلسَّبِيلِ ﴿٦٠﴾ وَإِذَا جَآءُوكُمْ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا
وَقَد دَّخَلُوا۟ بِٱلْكُفْرِ وَهُمْ قَدْ خَرَجُوا۟ بِهِۦ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا كَانُوا۟ يَكْتُمُونَ
﴿٦١﴾ وَتَرَىٰ كَثِيرًا مِّنْهُمْ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ وَأَكْلِهِمُ
ٱلسُّحْتَ لَبِئْسَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٦٢﴾ لَوْلَا يَنْهَىٰهُمُ ٱلرَّبَّٰنِيُّونَ
وَٱلْأَحْبَارُ عَن قَوْلِهِمُ ٱلْإِثْمَ وَأَكْلِهِمُ ٱلسُّحْتَ لَبِئْسَ مَا كَانُوا۟
يَصْنَعُونَ ﴿٦٣﴾ وَقَالَتِ ٱلْيَهُودُ يَدُ ٱللَّهِ مَغْلُولَةٌ غُلَّتْ أَيْدِيهِمْ وَلُعِنُوا۟
بِمَا قَالُوا۟ بَلْ يَدَاهُ مَبْسُوطَتَانِ يُنفِقُ كَيْفَ يَشَآءُ وَلَيَزِيدَنَّ كَثِيرًا
مِّنْهُم مَّآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ طُغْيَٰنًا وَكُفْرًا وَأَلْقَيْنَا بَيْنَهُمُ ٱلْعَدَٰوَةَ
وَٱلْبَغْضَآءَ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ كُلَّمَآ أَوْقَدُوا۟ نَارًا لِّلْحَرْبِ أَطْفَأَهَا ٱللَّهُ
وَيَسْعَوْنَ فِى ٱلْأَرْضِ فَسَادًا وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٦٤﴾

58. (Улар) намозга азон айтсангиз, уни (намозни ёки азонни) мазах ва ўйин қилиб оладилар. Бу уларнинг ақлсиз қавм эканидан (далолат)дир.

59. Айтинг: «Эй, аҳли китоблар! Аллоҳга, бизга нозил қилинган (Қуръон)га ва олдин нозил қилинган (Китоблар)га имон келтирганимиз, сизларнинг аксариятингиз эса фосиқ (итоатсиз) бўлганингиз туфайли биздан интиқом олмоқчимисиз?»

60. Айтинг: «Аллоҳ наздида бундан ҳам ёмонроқ «савоб» (жазо олувчилар) тўғрисида сизларни хабардор қилайми? (Улар) Аллоҳ лаънатлаган, ғазаб қилган, улардан (баъзиларини) маймун* ва чўчқаларга айлантирган ҳамда шайтонга ибодат қилганлардир. Ана ўшалар макони ёмон ва тўғри йўлдан кўпроқ адашган кимсалардир.

61. Ҳузурингизга келганларида: «Имон келтирдик», – дейишади. Ваҳоланки, куфр билан кириб, куфр билан чиқиб кетадилар. Аллоҳ улар яшириб юрган нарса (мунофиқликлари)ни яхши билувчидир.

62. Уларнинг аксарияти гуноҳ, адоват ва ҳаромхўрлик сари суръат билан интилаётганларини кўрасиз. Қилаётган ишлари ўта ёмон ишдир.

63. Руҳоний ва олимлари уларни гуноҳ гаплари ва ҳаромхўрликларидан қайтарсалар бўлмайдими? Қилаётган сир-синоатлари жуда ёмондир.

64. Яҳудийлар: «Аллоҳнинг «қўли» боғлиқ (бахил)», – дедилар. Ўзларининг қўллари боғланур ва (бу) гаплари сабабли лаънатланурлар*. Аслида (Аллоҳнинг) «икки қўли» очиқ. Қандай хоҳласа, (шундай) эҳсон қилаверади. Сизга Раббингиздан нозил этилган нарса (Қуръон) улардан кўпларининг гумроҳлиги ва куфрини орттирди, холос. Уларнинг ораларига, то қиёмат кунигача (давом этадиган) адоват ва нафрат солиб қўйдик. Уруш оловини ёқишлари билан, уни дарҳол Аллоҳ ўчириб туради. Яна (улар) Ер юзида фасод (ишларни қилиш)га ҳаракат қиладилар. Аллоҳ (эса) бузғунчиларни яхши кўрмайди.

60-оят. Ушбу оят далолат қиладики, одам маймундан эмас, балки тарихда баъзи осий кишилардан маймун ва чўчқалар пайдо бўлган. Тафсирларда айтилишига қараганда, шанба куни балиқ овлашдан қайтарилган бир қабила яҳудийлари Аллоҳга ҳийла ишлатиб итоатсизлик қилганлари учун Аллоҳ уларни маймун шаклига киритиш билан жазолаган. Исо (а.с.)га нозил бўлган дастурхон неъматларига ношукрчилик қилган кофирларни эса Аллоҳ таоло жазолаб, чўчқа шаклига киритиб қўйган (Мд.).

64-оят. Яҳудийлар таънасига жавобан айтилган бу жумлани "ўзларининг қўллари боғлансин, яъни қиёмат куни қўллари занжирбанд бўлсин" ёки "ўзларига бахиллик тамғаси урилсин" каби Аллоҳнинг қарғиши деб ҳам тафсир қилиш мумкин (Мд. Қз. Хз.).

65. Агар аҳли китоблар имон келтирганларида ва тақво қилганларида эди, албатта, уларнинг гуноҳларини кечирган ва (жаннатдаги) сўлим боғларга киритган бўлур эдик.

66. Агар улар Таврот, Инжил ва Парвардигорлари томонидан уларга нозил қилинган нарса (Қуръон)га риоя қилишганида, тепаларидан (маънавий), оёқлари остидан (моддий) таъминланган бўлур эдилар*. (Дарвоқе), улар ичида мўътадил (имонли) тоифа ҳам бор. (Лекин) улардан кўпчилигининг қилаётган ишлари ўта ёмондир.

67. Эй, Расул! Раббингиздан Сизга нозил қилинган нарса (оятлар)ни (одамларга) етказинг! Агар (буни) қилмасангиз, Унинг рисоласи (топшириғи)ни етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлагай*. Албатта, Аллоҳ кофирлар қавмини ҳидоят сари йўлламагай.

68. Айтинг: «Эй, аҳли китоблар! Токи Таврот, Инжил ва Раббингиз томонидан сизларга нозил қилинган нарсаларни барпо этмагунингизгача ҳеч бир нарса (дин)да муқим эмассизлар». Сизга Раббингиз томонидан нозил қилинган нарса (Қуръон) уларнинг кўпларида фақат ҳаддан ошиш ва куфрнигина орттираётир. Бас, кофирлар қавмига (нисбатан) таассуфда бўлманг!

69. Албатта, имон келтирганлар*, шунингдек, яҳудий бўлганлар, собиийлар (фаришталарга сиғинувчилар) ва насронийлардан Аллоҳ ва охирги Кунга имон келтириб, савобли иш(лар)ни қилганлари учун (охиратда) хавф йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар.

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْكِتَابِ آمَنُوا وَاتَّقَوْا لَكَفَّرْنَا عَنْهُمْ
سَيِّئَاتِهِمْ وَلَأَدْخَلْنَاهُمْ جَنَّاتِ النَّعِيمِ ﴿٦٥﴾ وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا
التَّوْرَاةَ وَالْإِنجِيلَ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْهِم مِّن رَّبِّهِمْ لَأَكَلُوا مِن
فَوْقِهِمْ وَمِن تَحْتِ أَرْجُلِهِم ۚ مِّنْهُمْ أُمَّةٌ مُّقْتَصِدَةٌ ۖ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ
سَاءَ مَا يَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾ ۞ يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ
مِن رَّبِّكَ ۖ وَإِن لَّمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ ۚ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ
مِنَ النَّاسِ ۗ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ ﴿٦٧﴾ قُلْ يَا أَهْلَ
الْكِتَابِ لَسْتُمْ عَلَىٰ شَيْءٍ حَتَّىٰ تُقِيمُوا التَّوْرَاةَ وَالْإِنجِيلَ
وَمَا أُنزِلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ ۗ وَلَيَزِيدَنَّ كَثِيرًا مِّنْهُم مَّا أُنزِلَ
إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ طُغْيَانًا وَكُفْرًا ۖ فَلَا تَأْسَ عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ
﴿٦٨﴾ إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَادُوا وَالصَّابِئُونَ وَالنَّصَارَىٰ
مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَا خَوْفٌ
عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٦٩﴾ لَقَدْ أَخَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي
إِسْرَائِيلَ وَأَرْسَلْنَا إِلَيْهِمْ رُسُلًا ۖ كُلَّمَا جَاءَهُمْ رَسُولٌ بِمَا
لَا تَهْوَىٰ أَنفُسُهُمْ فَرِيقًا كَذَّبُوا وَفَرِيقًا يَقْتُلُونَ ﴿٧٠﴾

70. Исроил авлодининг аҳдларини олдик ва уларга пайғамбарлар юбордик. Ҳар гал пайғамбар уларга (ҳавойи) нафслари хуш кўрмайдиган нарса (ҳукм)ни келтирганида, бир қисмини ёлғончига чиқариб, (бошқа) бир қисмини эса, қатл қиладилар.

66-оят. Яъни аҳли китоблар ўзларига нозил қилинган илоҳий китоблардаги ҳукмларга амал қилишганда эди, бошдан оёқ моддий ва маънавий неъматларга кўмилган бўлур эдилар. Оятдан Аллоҳнинг итоатида бўлиш ризқнинг фаровон бўлишига сабаб экани ҳам маълум бўлади (Мд.).

67-оят. Аллоҳ таоло ўзининг расулига берган мана шу ваъдасига биноан энг оғир дамларда, у зотга бир неча бор суиқасд уюштирганларида ўз паноҳида асраб қолган.

69-оят. “Имон келтирганлар” жумласини икки хил тафсир қилиш мумкин. Биринчиси, тили ва дили билан имон келтирганлар. Бунда кейинги учта тоифаларнинг имон келтирганлари уларга қўшилиб, Аллоҳ томонидан ваъда қилинган мукофотларга шерик бўладилар. Иккинчиси, дили билан эмас, фақат тили билан имон келтирган мунофиқлар бўлиб, бунда айтилган шарт (имон ва амал) мазкур тўрт тоифанинг ҳаммасига баробар тегишли бўлади. “Бақара” сурасининг 62-ояти ҳам худди шундай тафсир қилиниши керак.

وَحَسِبُوٓاْ أَلَّا تَكُونَ فِتۡنَةٞ فَعَمُواْ وَصَمُّواْ ثُمَّ تَابَ ٱللَّهُ
عَلَيۡهِمۡ ثُمَّ عَمُواْ وَصَمُّواْ كَثِيرٞ مِّنۡهُمۡۚ وَٱللَّهُ بَصِيرُۢ بِمَا
يَعۡمَلُونَ ٧١ لَقَدۡ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ
ٱلۡمَسِيحُ ٱبۡنُ مَرۡيَمَۖ وَقَالَ ٱلۡمَسِيحُ يَٰبَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱعۡبُدُواْ
ٱللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمۡۖ إِنَّهُۥ مَن يُشۡرِكۡ بِٱللَّهِ فَقَدۡ حَرَّمَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِ
ٱلۡجَنَّةَ وَمَأۡوَىٰهُ ٱلنَّارُۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنۡ أَنصَارٖ ٧٢
لَّقَدۡ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ ثَالِثُ ثَلَٰثَةٖۘ وَمَا مِنۡ
إِلَٰهٍ إِلَّآ إِلَٰهٞ وَٰحِدٞۚ وَإِن لَّمۡ يَنتَهُواْ عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ
ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنۡهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٌ ٧٣ أَفَلَا يَتُوبُونَ
إِلَى ٱللَّهِ وَيَسۡتَغۡفِرُونَهُۥۚ وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٧٤
مَّا ٱلۡمَسِيحُ ٱبۡنُ مَرۡيَمَ إِلَّا رَسُولٞ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِهِ
ٱلرُّسُلُ وَأُمُّهُۥ صِدِّيقَةٞۖ كَانَا يَأۡكُلَانِ ٱلطَّعَامَۗ
ٱنظُرۡ كَيۡفَ نُبَيِّنُ لَهُمُ ٱلۡأٓيَٰتِ ثُمَّ ٱنظُرۡ أَنَّىٰ
يُؤۡفَكُونَ ٧٥ قُلۡ أَتَعۡبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا
يَمۡلِكُ لَكُمۡ ضَرّٗا وَلَا نَفۡعٗاۚ وَٱللَّهُ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ٧٦

71. Яна (уларга ҳеч қандай) фитна (жазо) етмайди, деб ҳисобладилар ва оқибатда «кўр ва кар» бўлиб қолдилар. Сўнгра Аллоҳ уларни кечиргандан кейин ҳам кўплари (яна) «кўр» ва «кар» бўлиб олдилар. Аллоҳ (эса) улар қилаётган ишларни кўриб турувчидир*.

72. «Аллоҳ бу – Масиҳ ибн Марям», – деганлар кофир бўлдилар*. Масиҳ уларга деди: «Эй, Исроил авлоди! Раббим ва Раббингиз (бўлмиш) Аллоҳга ибодат қилингиз!» Кимки Аллоҳга ширк келтирса, албатта, унга Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзахдир. Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас.

73. «Аллоҳ Учтанинг (Аллоҳ, Марям ва Исонинг ёки Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳнинг) биридир», – деганлар (ҳам) кофир бўлдилар*. Ягона Илоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Агар айтаётган (гап)ларидан қайтмасалар, улар орасидан кофир бўлганларига (охиратда) аламли азоб етиши муқаррардир.

74. Аллоҳга тавба қилиб, Ундан кечирим сўрамайдиларми?! (Ахир,) Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зот-ку?!

75. Масиҳ ибн Марям фақат расул (Аллоҳнинг элчиси)дир. Ундан олдин (ҳам) расуллар ўтган. Онаси сиддиқа (имонда содиқ аёл)дир. Иккиси ҳам (бошқа инсонлар каби) таом ер эдилар. Қаранг, уларга ҳужжатларни қандай аниқ баён этаяпмиз. Сўнгра қаранг, (улар ҳақ йўлдан) қаёққа қараб оғаяптилар?!

76. Айтинг: «Аллоҳ қолиб, сизларга на зарар ва на фойда (келтириш)га эга бўлмаган нарсаларга ибодат қиласизми?» Аллоҳ – У эшитувчи ва билувчи зотдир.

71-оят. Яъни пайғамбарларни қатл қилиш, бузоққа сиғиниш ва бошқа итоатсизликларни қилганларидан кейин кечирим сўраганларида Аллоҳ ўз жазосини юбормади. Шундан кейин яна Аллоҳнинг қаҳридан қўрқиш ўрнига олдинги бузуқ ҳолатларига қайтаверганлари эслатилмоқда. Кейинги оятларда насронийларнинг нотўғри ақидалари тўғрисида маълумот берилади.

72-оят. Аллоҳга ширк келтириб, Уни “уч илоҳ”дан бири деб эътиқод қилувчи насронийлар тўғрисида яна “Нисо” сураси, 171-оят тафсирига мурожаат қилинг.

73-оят. “Аллоҳ учтанинг биридир” деган иборани тўғри ниятда айтган одам кофир бўлмайди. Зеро, “Мужодала” сурасининг 7-оятида: “Уч кишининг ўзаро шивирлашиб гаплашишида, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир, беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир” дейилган. Яна Пайғамбаримиз (а.с.) Абу Бакр Сиддиқ (рз.) билан ғорга яширинган пайтларида: “Эй, Абу Бакр икки кишининг учинчиси Аллоҳ бўлгандан кейин яна қандай ҳам ёмон гумонларга борасиз?”, –деганлар. Бинобарин, “Аллоҳ учтанинг биридир” ёки “тўрттанинг биридир” ва ҳк. деганда ширк маъносида айтмаган бўлса зарари йўқдир (Хз.).

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لَا تَغْلُوا۟ فِى دِينِكُمْ غَيْرَ ٱلْحَقِّ
وَلَا تَتَّبِعُوٓا۟ أَهْوَآءَ قَوْمٍ قَدْ ضَلُّوا۟ مِن قَبْلُ وَأَضَلُّوا۟
كَثِيرًا وَضَلُّوا۟ عَن سَوَآءِ ٱلسَّبِيلِ ٧٧ لُعِنَ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ مِنۢ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ عَلَىٰ لِسَانِ دَاوُۥدَ وَعِيسَى
ٱبْنِ مَرْيَمَ ۚ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَوا۟ وَّكَانُوا۟ يَعْتَدُونَ ٧٨
كَانُوا۟ لَا يَتَنَاهَوْنَ عَن مُّنكَرٍ فَعَلُوهُ ۚ لَبِئْسَ
مَا كَانُوا۟ يَفْعَلُونَ ٧٩ تَرَىٰ كَثِيرًا مِّنْهُمْ
يَتَوَلَّوْنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ لَبِئْسَ مَا قَدَّمَتْ لَهُمْ أَنفُسُهُمْ
أَن سَخِطَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ وَفِى ٱلْعَذَابِ هُمْ خَٰلِدُونَ ٨٠
وَلَوْ كَانُوا۟ يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلنَّبِىِّ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْهِ
مَا ٱتَّخَذُوهُمْ أَوْلِيَآءَ وَلَٰكِنَّ كَثِيرًا مِّنْهُمْ فَٰسِقُونَ
٨١ ۞ لَتَجِدَنَّ أَشَدَّ ٱلنَّاسِ عَدَٰوَةً لِّلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱلْيَهُودَ
وَٱلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟ ۖ وَلَتَجِدَنَّ أَقْرَبَهُم مَّوَدَّةً لِّلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّا نَصَٰرَىٰ ۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّ مِنْهُمْ
قِسِّيسِينَ وَرُهْبَانًا وَأَنَّهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ ٨٢

77. Айтинг: «Эй, аҳли китоблар! Динингизда ҳаддан ошмангиз* ва олдиндан адашган ва кўпларни адаштирган ҳамда тўғри йўлдан чалғиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашмангиз!»

78. Исроил авлодидан кофир бўлганлар Довуд ва Исо ибн Марям тили билан лаънатландилар*. Бунга итоатсизликлари ва тажовузкор бўлишлари сабаб (бўлди).

79. (Яна улар) қилиб юрган мункар (ношаръий) ишлардан бир-бирларини қайтармас эдилар*. Қилиб юрган ишлари нақадар ёмон!

80. Уларнинг аксариятини кофирлар билан дўстлашганини кўрасиз. Нафслари уларга orттирган нарса шунчалик ёмон бўлдики, уларга (нисбатан) Аллоҳнинг ғазабини келтирди. Улар шу азобда абадий қолувчилардир.

81. Агар улар Аллоҳга, Пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсаларга имон келтирган бўлганларида, ўшаларни ўзларига ҳомий қилиб олмаган бўлур эдилар. Лекин уларнинг кўпчилиги фосиқлардир.

82. Имон келтирганларга (нисбатан) энг ашаддий адоватда бўлувчилар яҳудийлар ва ширк келтирганлар эканини кўрасиз. Имон келтирганларга нисбатан дўстликда яқинроқлар – «Биз насронийлармиз» деганлар эканини (ҳам) кўрасиз. Бунинг сабаби – улар (насронийлар) ичида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ва уларнинг кибрга берилмаслигидир.

77-оят. Аҳли китобларнинг диний жиҳатдан ҳаддан ошишлари икки муҳим хусусият – эътиқод ва амал билан белгиланади. Насронийлар Исо (а.с.)нинг мавқеларини ҳаддан зиёд кўтариб, ҳатто, илоҳий мақомга етказган бўлсалар, яҳудийлар Мусо (а.с.)нинг мартабаларини ҳаддан ташқари пастлатишга ҳаракат қилганлар. Шу бузуқ эътиқодларига биноан қилган итоатсизликлари амалларининг ҳам ношаръийлигини билдиради.

78-оят. Шанба куни синовидан ўта олмаган Айла қишлоғидаги бир тоифа яҳудийлар ҳаққига Довуд (а.с.) дуои бад қилганида улар маймунларга айланиб қолишган. Исо (а.с.)нинг қавмидан бир тоифаси дастурхон неъматига ношукрлик қилганларида у зот: “Уларга дунёда ҳеч кимга берилмаган жазони бергин!”, деб қарғаганларида улар чўчқаларга айланиб қолишган. Уларнинг сони беш минг нафар эди, деган ривоят бор (Мд.).

79-оят. Абу Мансур Мотуридий (рҳ.) “Оли Имрон” сурасининг 104-оятига қилган тафсирларида амри маъруф ва наҳйи мункарнинг фарзи айнлигига шу оятни ҳам далил қилиб келтирганлар.

Ҳадиси шарифда: “Аллоҳ таоло айрим кишиларнинг айби билан кўпчиликни жазоламайди. Лекин кўпчиликнинг кўз ўнгида қилинаётган гуноҳ ва жиноий ишларни тақиқлаб қўйишга қодир бўла туриб, наҳйи мункар қилмасалар барчани оммавий равишда жазолайди”, дейилган (Мс).

Яна бир ҳадиси шарифда: “Гуноҳ ёки жиноий иш қилаётган кишини кўрган одам аввало қўли билан, унга қодир бўлмаса, тили билан, унга ҳам қодир бўлмаса дили билан тўхтатсин. Охиргиси имони заиф кишидир”, дейилган (Аҳ.).

وَإِذَا سَمِعُوا مَا أُنزِلَ إِلَى الرَّسُولِ تَرَىٰ أَعْيُنَهُمْ تَفِيضُ مِنَ
الدَّمْعِ مِمَّا عَرَفُوا مِنَ الْحَقِّ يَقُولُونَ رَبَّنَا آمَنَّا فَاكْتُبْنَا مَعَ
الشَّاهِدِينَ ﴿٨٣﴾ وَمَا لَنَا لَا نُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا جَاءَنَا مِنَ الْحَقِّ
وَنَطْمَعُ أَن يُدْخِلَنَا رَبُّنَا مَعَ الْقَوْمِ الصَّالِحِينَ ﴿٨٤﴾ فَأَثَابَهُمُ
اللَّهُ بِمَا قَالُوا جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا
وَذَٰلِكَ جَزَاءُ الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٥﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا
بِآيَاتِنَا أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ ﴿٨٦﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا
لَا تُحَرِّمُوا طَيِّبَاتِ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ
لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٨٧﴾ وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا
وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَنتُم بِهِ مُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾ لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ
بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَٰكِن يُؤَاخِذُكُم بِمَا عَقَّدتُّمُ الْأَيْمَانَ
فَكَفَّارَتُهُ إِطْعَامُ عَشَرَةِ مَسَاكِينَ مِنْ أَوْسَطِ مَا تُطْعِمُونَ
أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ فَمَن لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامُ
ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ذَٰلِكَ كَفَّارَةُ أَيْمَانِكُمْ إِذَا حَلَفْتُمْ وَاحْفَظُوا
أَيْمَانَكُمْ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٨٩﴾

ЕТТИНЧИ ПОРА

83. Расул (Муҳаммад)га нозил қилинган нарса (Қуръон)ни эшитганларида, унинг ҳақлигини англаганларидан кўзлари ёшга тўлаётганини кўрасиз. Айтадилар: «Эй, Раббимиз! (Биз Муҳаммадга) имон келтирдик. Бизни шаҳодат аҳли билан бирга ёзгин!

84. Аллоҳга ва бизга келган ҳақ (пайғамбар)-га қандай ҳам имон келтирмайликки, ўзимиз Раббимиздан солиҳларга қўшиб (жаннатга) киритишини умид қилаётган бўлсак?!»*

85. Айтган (шу) гаплари туфайли* Аллоҳ уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари билан мукофотлагай ва у ерда абадий қолурлар. Бу чиройли иш қилувчиларнинг мукофотидир.

86. Кофир бўлганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар – ана ўшалар дўзах аҳлидирлар.

87. Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди.

88. Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг ҳалол ва покларини тановул қилингиз ва ўзларингиз имон келтирган Аллоҳдан қўрқингиз!

89. Қасамларингиздаги беҳуда сўзлар учун Аллоҳ сизларни жавобгар қилмайди, балки сидқидилдан боғлаган қасамлар (бузилгани) учун сизларни жавобгарликка тортади. Бунинг каффорати (жаримаси) – оилангизни озиқлантириш учун лозим таомларнинг ўртача миқдорида ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг кийимлари ёхуд бир қулни озод қилишдир*. Кимки (буларни) топа олмаса, уч кун рўза тутиши (мумкин). Ана шу ичган (ва бузган) қасамларингизнинг каффоратидир. Қасамларингизни асрангиз! Аллоҳ сизларга Ўз оятларини шундай баён қилади, токи шукр қилгайсиз.

84-оят. Ҳабашистон ҳукмдори Нажоший ҳузурига Макка шаҳридан бир гуруҳ мазлум мусулмонлар келиб, паноҳ сўрашган пайтда, насроний динига эътиқод қилувчи Нажоший атрофида турган мушриклар гувоҳлигида муҳожирлардан: "Китобингизда Марям тўғрисида нима дейилган?" – деб сўраган. Шунда Жаъфар ибн Аби Толиб "Марям" ва "Тоҳо" сураларидан Мусо (а.с.) Марям ва Исо (а.с.) ҳақидаги оятларни ўқиб берган. Нажоший зимдан имон келтириб, кўз ёши қилган. Сўнгра унинг қавмидан эллик нафар киши Расул (а.с.) ҳузурларига боришганида уларга "Ёсин" сураси ўқиб берилганда ҳам уларнинг кўзлари ёшга тўлган эди (Мд.).

85-оят. Адашган фирқалардан бири "Карромия" шу оятни далил қилиб, имон бу, фақат иқрорнинг ўзи, дейдилар. Бу айни хато. Зеро, тилда иқрор қилгани билан дилда ўз тасдиғини топмаса бу айни мунофиқликдир. Насронийларнинг йиғиси дилларидаги имоннинг тасдиғидан далолат эди (Мд.).

89-оят. Бир кунлик таом ҳанафий мазҳабида 2 кг. буғдойдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّمَا ٱلْخَمْرُ وَٱلْمَيْسِرُ وَٱلْأَنصَابُ وَٱلْأَزْلَٰمُ رِجْسٌ
مِّنْ عَمَلِ ٱلشَّيْطَٰنِ فَٱجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩٠﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ
ٱلشَّيْطَٰنُ أَن يُوقِعَ بَيْنَكُمُ ٱلْعَدَٰوَةَ وَٱلْبَغْضَآءَ فِى ٱلْخَمْرِ وَٱلْمَيْسِرِ
وَيَصُدَّكُمْ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ وَعَنِ ٱلصَّلَوٰةِ ۖ فَهَلْ أَنتُم مُّنتَهُونَ ﴿٩١﴾ وَأَطِيعُوا۟
ٱللَّهَ وَأَطِيعُوا۟ ٱلرَّسُولَ وَٱحْذَرُوا۟ ۚ فَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا عَلَىٰ
رَسُولِنَا ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ ﴿٩٢﴾ لَيْسَ عَلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّٰلِحَٰتِ جُنَاحٌ فِيمَا طَعِمُوٓا۟ إِذَا مَا ٱتَّقَوا۟ وَّءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّٰلِحَٰتِ ثُمَّ ٱتَّقَوا۟ وَّءَامَنُوا۟ ثُمَّ ٱتَّقَوا۟ وَّأَحْسَنُوا۟ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ
﴿٩٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَيَبْلُوَنَّكُمُ ٱللَّهُ بِشَىْءٍ مِّنَ ٱلصَّيْدِ تَنَالُهُۥٓ
أَيْدِيكُمْ وَرِمَاحُكُمْ لِيَعْلَمَ ٱللَّهُ مَن يَخَافُهُۥ بِٱلْغَيْبِ ۚ فَمَنِ ٱعْتَدَىٰ بَعْدَ
ذَٰلِكَ فَلَهُۥ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٩٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَقْتُلُوا۟ ٱلصَّيْدَ
وَأَنتُمْ حُرُمٌ ۚ وَمَن قَتَلَهُۥ مِنكُم مُّتَعَمِّدًا فَجَزَآءٌ مِّثْلُ مَا قَتَلَ مِنَ ٱلنَّعَمِ
يَحْكُمُ بِهِۦ ذَوَا عَدْلٍ مِّنكُمْ هَدْيًۢا بَٰلِغَ ٱلْكَعْبَةِ أَوْ كَفَّٰرَةٌ طَعَامُ
مَسَٰكِينَ أَوْ عَدْلُ ذَٰلِكَ صِيَامًا لِّيَذُوقَ وَبَالَ أَمْرِهِۦ ۗ عَفَا ٱللَّهُ عَمَّا
سَلَفَ ۚ وَمَن عَادَ فَيَنتَقِمُ ٱللَّهُ مِنْهُ ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ ذُو ٱنتِقَامٍ ﴿٩٥﴾

90. Эй, имон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз*.

91. Шайтон май билан қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди. Бас, энди, сизлар (май ичишдан) тийилувчимисиз?*

92. Аллоҳга итоат қилингиз ва Расулига итоат қилингиз ҳамда (ман этилган нарсалардан) сақланингиз! Агар бош тортсангиз, билиб қўйингизки, Расулимиз (зиммаси)га фақатгина аниқ етказиб қўйишлик (юклатилган)дир.

93. Имон келтирган ва савобли ишларни қилганлар учун – агар ширкдан сақланиб, имонда ва савобли ишларда давом этсалар, сўнгра (май ва қимордан) сақланиб, (ҳаромни ҳаром деб) имон келтирсалар, сўнгра (барча ҳаром ва шубҳалардан) сақланиб, (одамларга) эзгулик қилсалар олдин еб-ичган (ҳаром) нарсаларида гуноҳ йўқдир*. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади.

94. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳ Ўзидан ғойибона қўрқадиганларни билиш учун сизларни (эҳромдаги ҳолларингизда) қўлларингиз ва найзаларингиз етганича олинадиган нарса билан овда синайди*. Шундан кейин кимки ҳаддан ошса, унга аламли азоб (бордир).

95. Эй, имон келтирганлар! Эҳромда бўла туриб, овни ўлдирмангиз! Сизлардан кимки уни қасддан ўлдирса, (жазоси) худди (хонаки) ҳайвон ўлдириш билан баробар жазодир: у (ҳам бўлса) Каъбага (юриб) бора оладиган қурбонлик бўлиб, унга ўзларингиздан икки адолатли киши ҳакамлик қилур ёки (жазоси) каффорат: мискинларни овқатлантириш ёки ўша баробарида рўза тутишдир. (Буларнинг ҳаммаси) қилмишининг уволини тотиб кўриши учундир. Аллоҳ ўтган (ов жиноятлари)ни кечирди. Кимки (яна овга) қайтса, Аллоҳ ундан ўч олур. Аллоҳ қудратли ва интиқом эгасидир.

90, 91-оятлар. Бу икки оят майнинг тақиқланиши бўйича учинчи ва охирги босқич ҳисобланади. Биринчи босқич “Бақара” сураси, 119-оятида, иккинчи босқич “Нисо” сураси, 43-оятида келган. Шу оят охиридаги саволга жавобан мусулмонлар дарҳол: “Тийилдик-тийилдик”, деган эканлар.

Ҳадиси шарифда: “Ҳар қандай маст қилувчи нарса ҳаромдир”, дейилган (Бх. Мс.).

93-оят. Расулуллоҳ (а.с.) ҳузурларига келиб: “Бу оят нозил бўлишидан олдинроқ май ичиб юрган ва ҳозирда вафот бўлиб кетганларнинг ҳукми қандай бўлади”, деб сўрганларида шу оят нозил қилинган экан (Тр.).

94-оят. Ҳижратнинг олтинчи йили Ҳудайбия сафарида эҳромда бўлган мусулмонлар карвони атрофи ов ҳайвонлари билан тўлиб кетган бўлиб, Аллоҳ уларни синовдан ўтказиш учун овни тақиқлаган эди (Ҳз).

أُحِلَّ لَكُمْ صَيْدُ الْبَحْرِ وَطَعَامُهُ مَتَاعًا لَّكُمْ وَلِلسَّيَّارَةِ وَحُرِّمَ
عَلَيْكُمْ صَيْدُ الْبَرِّ مَا دُمْتُمْ حُرُمًا وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي إِلَيْهِ
تُحْشَرُونَ ﴿٩٦﴾ جَعَلَ اللَّهُ الْكَعْبَةَ الْبَيْتَ الْحَرَامَ
قِيَامًا لِّلنَّاسِ وَالشَّهْرَ الْحَرَامَ وَالْهَدْيَ وَالْقَلَائِدَ ذَٰلِكَ لِتَعْلَمُوا
أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَنَّ اللَّهَ بِكُلِّ
شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٩٧﴾ اعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ وَأَنَّ اللَّهَ
غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٩٨﴾ مَّا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مَا
تُبْدُونَ وَمَا تَكْتُمُونَ ﴿٩٩﴾ قُل لَّا يَسْتَوِي الْخَبِيثُ وَالطَّيِّبُ
وَلَوْ أَعْجَبَكَ كَثْرَةُ الْخَبِيثِ فَاتَّقُوا اللَّهَ يَا أُولِي الْأَلْبَابِ
لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠٠﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَسْأَلُوا
عَنْ أَشْيَاءَ إِن تُبْدَ لَكُمْ تَسُؤْكُمْ وَإِن تَسْأَلُوا عَنْهَا حِينَ يُنَزَّلُ
الْقُرْآنُ تُبْدَ لَكُمْ عَفَا اللَّهُ عَنْهَا وَاللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٠١﴾ قَدْ
سَأَلَهَا قَوْمٌ مِّن قَبْلِكُمْ ثُمَّ أَصْبَحُوا بِهَا كَافِرِينَ ﴿١٠٢﴾
مَا جَعَلَ اللَّهُ مِن بَحِيرَةٍ وَلَا سَائِبَةٍ وَلَا وَصِيلَةٍ وَلَا حَامٍ وَلَٰكِنَّ
الَّذِينَ كَفَرُوا يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ وَأَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٣﴾

96. Ўзингиз ва сайёҳ (ўткинчи)лар фойдаланиши учун сизларга денгиз ови ва таоми (балиқлари) ҳалол қилинди. Бироқ, модомики, эҳромда экансиз, сизларга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурига қайтишларингиз аниқ бўлган Аллоҳдан қўрқингиз!

97. Каъба, яъни Байтул-Ҳаромни, шунингдек, "ҳурматли ой"ни*, қурбонликни ва (унга доир) белгиларни Аллоҳ одамлар учун (муҳим) мақом қилиб қўйди. Бу – Аллоҳнинг осмонлар ва Ердаги нарсаларни билиши ва Аллоҳ ҳар нарсада билимдон эканини билиб қўйишингиз учундир.

98. Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳнинг жазоси қаттиқ ҳамда Аллоҳ кечиримли ва раҳмли ҳамдир.

99. Расул зиммасига фақат (Аллоҳ буйруқларини одамларга) етказиб қўйиш (юклатилган)дир. Аллоҳ ошкор қилган нарсаларингизни ҳам, яширган нарсаларингизни ҳам билур.

100. Айтинг: «Гарчи нопок нарсанинг кўплиги сени ажаблантирса ҳам, нопок нарса пок нарса билан тенг бўлмайди». Аллоҳдан қўрқингизлар, эй, ақл эгалари, шояд (охиратда) нажот топурсиз!

101. Эй, имон келтирганлар! Сизларга (жавоби) аён қилинса, сизларга хуш келмайдиган нарсалар ҳақида (савол) сўрамангиз! Қуръон (оятлари) нозил бўлиб турган кезларда улар ҳақида сўрасангиз, (жавоби) албатта, аён қилинади. Уларни (олдинги сўраганларингизни) Аллоҳ кечирди. Аллоҳ кечиримли ва ҳалимдир.

102. У нарсалар ҳақида сизлардан олдинги қавм ҳам сўраган эди. Сўнгра ўша нарсаларга (нисбатан) кофир бўлиб қолган эдилар*.

103. Аллоҳ на «баҳира», на «соиба», на «васила» ва на «ҳомий» (каби одатлар)ни (қилишга амр) қилмаган*. Лекин куфрдаги кишилар Аллоҳ номидан ёлғон тўқийдилар ва (уларнинг) аксарияти ақлларини ишлатмайдилар.

97-оят. "Ҳурматли ой" – ҳаж ойи, яъни Зил-ҳижжа ойидир. Ундан барча ҳурматли ойлар мурод бўлиши ҳам мумкин. Яъни Ражаб, Зул-қаъда, Зил-ҳижжа, Муҳаррам ойлари.

102-оят. Бу ерда Исроил авлодининг қилмишларига ишорат қилинмоқда.

103-оят. "Баҳира" – туянинг эркак туғилган бешинчи боласи. Унинг қулоғини тешиб холи қўйиб юборишар эди. Уни сўйиш ҳам ман этилар эди. "Соиба" – сафардан саломат қайтилса ёки касалликдан фориғ бўлинса, бир туяни баҳира каби холи қўйиб юборишар эди. Шундай туяга соиба дер эдилар. "Васила" – Қўй етти бор туққач, еттинчиси эркак бўлса, сўйиб ер эдилар. Агар урғочи бўлса, подага қўшиб юборардилар. Шу подага қўшилган қўйнинг оти василадир.

"Ҳомий" – ўн марта туққан чорва ҳайвонини минмасдан, юк юкламасдан, яйловга эркин қўйиб юборилар эди. Шу ҳимояланган жониворни ҳомий дер эдилар.

Буларнинг ҳаммаси жоҳилият давридан қолган эскилик сарқитлари экани ҳақида мусулмонлар огоҳлантирилмоқда.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْاْ إِلَىٰ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ وَإِلَى ٱلرَّسُولِ قَالُواْ
حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ ءَابَآءَنَآ أَوَلَوْ كَانَ ءَابَآؤُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ
شَيْـًٔا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٠٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ عَلَيْكُمْ أَنفُسَكُمْ
لَا يَضُرُّكُم مَّن ضَلَّ إِذَا ٱهْتَدَيْتُمْ إِلَى ٱللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا
فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٠٥﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ شَهَٰدَةُ
بَيْنِكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ ٱلْمَوْتُ حِينَ ٱلْوَصِيَّةِ ٱثْنَانِ ذَوَا
عَدْلٍ مِّنكُمْ أَوْ ءَاخَرَانِ مِنْ غَيْرِكُمْ إِنْ أَنتُمْ ضَرَبْتُمْ فِى ٱلْأَرْضِ
فَأَصَٰبَتْكُم مُّصِيبَةُ ٱلْمَوْتِ تَحْبِسُونَهُمَا مِنۢ بَعْدِ ٱلصَّلَوٰةِ
فَيُقْسِمَانِ بِٱللَّهِ إِنِ ٱرْتَبْتُمْ لَا نَشْتَرِى بِهِۦ ثَمَنًا وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ
وَلَا نَكْتُمُ شَهَٰدَةَ ٱللَّهِ إِنَّآ إِذًا لَّمِنَ ٱلْءَاثِمِينَ ﴿١٠٦﴾ فَإِنْ عُثِرَ عَلَىٰٓ
أَنَّهُمَا ٱسْتَحَقَّآ إِثْمًا فَـَٔاخَرَانِ يَقُومَانِ مَقَامَهُمَا مِنَ ٱلَّذِينَ
ٱسْتَحَقَّ عَلَيْهِمُ ٱلْأَوْلَيَٰنِ فَيُقْسِمَانِ بِٱللَّهِ لَشَهَٰدَتُنَآ أَحَقُّ
مِن شَهَٰدَتِهِمَا وَمَا ٱعْتَدَيْنَآ إِنَّآ إِذًا لَّمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٠٧﴾ ذَٰلِكَ
أَدْنَىٰٓ أَن يَأْتُواْ بِٱلشَّهَٰدَةِ عَلَىٰ وَجْهِهَآ أَوْ يَخَافُوٓاْ أَن تُرَدَّ أَيْمَٰنٌۢ بَعْدَ
أَيْمَٰنِهِمْ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَٱسْمَعُواْ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿١٠٨﴾

104. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарса (Қуръон) ва Расул (ҳукми)га келингиз (уларга ҳавола қилингиз)», – дейилса, (улар): «Ота-боболаримизни қайси нарса (одат) узра топган бўлсак, ўша бизга кифоя», – дейишади. Агар Ота-боболари бирор (ҳақ) нарсани билмайдиган ва тўғри йўлдан юрмайдиган бўлсалар-чи?!

105. Эй, имон келтирганлар! Ўзингизга қарангиз! Модомики, ҳидоят топган экансиз, адашганларнинг сизларга зарари йўқ*. Қайтар жойингиз Аллоҳнинг ҳузуридир. Ўшанда Аллоҳ сизларни қилган ишларингиздан хабардор қилур.

106. Эй, имон келтирганлар! Бирортангизга ўлим келганда, васият пайтида ўртаингиз-даги гувоҳлик: ўзларингиздан (мусулмонлардан) иккита одил киши (бўлсин!) Ер юзи бўйлаб сафарда бўлганингизда, сизларга ўлим мусибати етса, бошқа (ажнабий)лардан иккитаси (гувоҳ бўлсин!) Уларни намоздан кейин ушлаб турасиз ва шубҳалансангиз, улар Аллоҳ (номи) билан қасамёд қиладиларки, «агар қариндош бўлса ҳам уни (қасамни) озгина баҳога алмаштирмаймиз ва Аллоҳнинг бу гувоҳлигини яширмаймиз. Акс ҳолда, бешак, гуноҳкорлардан бўлиб қолурмиз», – деб*.

107. Агар у иккисининг гуноҳ (нотўғри гувоҳлик) содир этганлари фош бўлиб қолса, уларнинг ўринларига (меросга) ҳақлилардан бошқа иккита муносиброқ киши (гувоҳликка ўтсин). (Улар ҳам) Аллоҳ (номи) билан қасамёд қиладиларки, «бизнинг гувоҳлигимиз, албатта, у иккисининг гувоҳлигидан лойиқроқдир ва (адолатдан) тажовуз қилмаймиз. Акс ҳолда биз, албатта, золимлардан бўлиб қолурмиз», – деб.

108. Ана шу – гувоҳликни ўз йўли бўйича (хиёнатсиз) беришларига ёки қасамлардан кейин яна қайта қасам ичилишдан қўрқишларига яқинроқ (тадбир)дир. Аллоҳдан қўрқингиз ва (қабул қулоғи билан) эшитингиз! Аллоҳ фосиқлар қавмини ҳидоят қилмагай.

105-оят. Имон келтириб, ҳидоят топганлар залолатда қолаётган кишиларга нисбатан ачиниб ташвиш чеккан пайтларида Аллоҳ таоло ўзингизни билингиз, сиз ҳидоят топган бўлсангиз, уларнинг ҳидоятдан узоқда бўлишларининг зарари йўқ, деб тасалли берган. Бу амри маъруф, наҳий мункар қилмаслик керак, дегани эмас, албатта (Мд.).

106-оят. Амр ибн Ос (рз.)нинг озод қилган қули Бадил Шомга қилган сафарида насроний динига мансуб Адий ва Тамим билан ҳамроҳ эди. У ўлими олдидан у иккисига юкини оиласига бериб қўйишни васият қилади. Бир саҳифага юки ичида бир кумуш идиш ҳам борлиги тўғрисида ёзиб қўшиб қўяди. Иккиси хатдан бехабар идишни олиб қўядилар. Сотиб пулини ҳам бўлиб олишади. Бадилнинг оиласи томонидан идиш талаб қилингач, улар инкор этадилар. Даъво билан Расул (а.с.)га арз қилишганида мазкур оят нозил қилинади (Мд. Хз).

۞ يَوْمَ يَجْمَعُ ٱللَّهُ ٱلرُّسُلَ فَيَقُولُ مَاذَآ أُجِبْتُمْ قَالُوا۟ لَا عِلْمَ
لَنَآ إِنَّكَ أَنتَ عَلَّٰمُ ٱلْغُيُوبِ ﴿١٠٩﴾ إِذْ قَالَ ٱللَّهُ يَٰعِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ
ٱذْكُرْ نِعْمَتِى عَلَيْكَ وَعَلَىٰ وَٰلِدَتِكَ إِذْ أَيَّدتُّكَ بِرُوحِ
ٱلْقُدُسِ تُكَلِّمُ ٱلنَّاسَ فِى ٱلْمَهْدِ وَكَهْلًا وَإِذْ عَلَّمْتُكَ
ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ وَٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ وَإِذْ تَخْلُقُ
مِنَ ٱلطِّينِ كَهَيْـَٔةِ ٱلطَّيْرِ بِإِذْنِى فَتَنفُخُ فِيهَا فَتَكُونُ طَيْرًۢا
بِإِذْنِى وَتُبْرِئُ ٱلْأَكْمَهَ وَٱلْأَبْرَصَ بِإِذْنِى وَإِذْ تُخْرِجُ
ٱلْمَوْتَىٰ بِإِذْنِى وَإِذْ كَفَفْتُ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ عَنكَ إِذْ
جِئْتَهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ
مُّبِينٌ ﴿١١٠﴾ وَإِذْ أَوْحَيْتُ إِلَى ٱلْحَوَارِيِّۦنَ أَنْ ءَامِنُوا۟ بِى
وَبِرَسُولِى قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا وَٱشْهَدْ بِأَنَّنَا مُسْلِمُونَ ﴿١١١﴾ إِذْ قَالَ
ٱلْحَوَارِيُّونَ يَٰعِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ هَلْ يَسْتَطِيعُ رَبُّكَ أَن
يُنَزِّلَ عَلَيْنَا مَآئِدَةً مِّنَ ٱلسَّمَآءِ قَالَ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ إِن كُنتُم
مُّؤْمِنِينَ ﴿١١٢﴾ قَالُوا۟ نُرِيدُ أَن نَّأْكُلَ مِنْهَا وَتَطْمَئِنَّ قُلُوبُنَا
وَنَعْلَمَ أَن قَدْ صَدَقْتَنَا وَنَكُونَ عَلَيْهَا مِنَ ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿١١٣﴾

109. Аллоҳ (охиратда) пайғамбарларни йиғиб, «(Умматингиздан) қандай жавоб олдингиз?» – деб сўрайдиган Куни (улар): «Бизда илм йўқ*. Фақат Сен Ўзинг ғойиб (нарса)ларнинг алломасидирсан», – дейдилар.

110. Эсланг, Аллоҳ: «Эй, Исо ибн Марям! Сенга ва онангга берган неъматимни ёдингга ол, қайсики, Сени Руҳул-Қудус (Жаброил)* билан қувватладим, одамларга бешикда ва вояга етганингда гапирдинг. Сенга ёзувни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни таълим бердим. Менинг изним билан лойдан қуш шаклини ясадинг. Сўнгра унга дам урганингда, у Менинг изним билан (чинакам тирик) қушга айланди. Менинг изним билан кўр ва песни тузатдинг. Менинг изним билан ўликларни (қабрларидан тирик ҳолда) чиқардинг. Шунингдек, Исроил авлодига ҳужжатларни келтирганингда, сени улар (ғазаби)дан асраганимни эсла. Уларнинг кофирлари: «Бу аниқ сеҳрдан бошқа нарса эмас», – деган эдилар.

111. Ҳаворийларга: «Менга ва Расулим (Исо)га имон келтирингиз», – деб ваҳий юборганимда, улар: «Имон келтирдик. Бизнинг ихлосли (мўмин) эканлигимизга Ўзинг гувоҳ бўл!» – деганларини (ҳам) ёдингизга келтиринг!

112. Ҳаворийлар*: «Эй, Исо ибн Марям! Раббинг бизга осмондан бир дастурхон нозил қила оладими?» – деганларида, (Исо): «Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан қўрқингиз!» – деганини (ҳам) эсланг!

113. Улар дедилар: «Биз ундан (зиёфатдан) еб, кўнглимиз хотиржам бўлишини ва сенинг ростгўйлигингни билиб, (сўнгра) унга (дастурхонга) гувоҳлик* беришни истаймиз».

109-оят. Яъни қиёмат куни Аллоҳ таоло пайғамбарлардан “Қавмларингизга менинг буйруқларимни етказганингизда улардан қандай жавоб олдингиз?”, деб сўраганида улар: “Умматларимизни Сен биздан яхши биласан. Сенинг илминг олдида бизда илм йўқдир”, деб жавоб берадилар.

110-оят. Жаброил (а.с.)нинг қўшимча номларидан бири – “Руҳул-Қудус”, яъни Қудуснинг руҳи. Қудус – бу Аллоҳ. “Аллоҳнинг руҳи”, дейилиши мажозий маънода бўлиб, “Байтуллоҳ” каби таъзим юзасидан Аллоҳга нисбат берилгандир. “Руҳул-Қудус”ни бошқача тафсир қилиш ҳам мумкин. Масалан, муқаддас, покиза, нуроний руҳ маъносида. Бу тақдирда у Жаброил (а.с.)нинг номи эмас, балки Исо (а.с.)ни Аллоҳ таоло шундай руҳ билан хос этган бўлади (Хз.).

Исо (а.с.)га ўттиз ёшларида пайғамбарлик келган. Ўттиз ой (икки ярим йил)дан кейин осмонга кўтарилганлар (Хз.).

112-оят. Улар ўн икки нафар солиҳ мўминлар бўлиб, Исо (а.с.)нинг энг яқин ёрдамчилари бўлган. Улар ҳақида яна “Оли Имрон” сурасининг 52-ояти тафсирига қаралсин.

113-оят. Яъни ўзимиздан кейинги авлодга дастурхон тушганлиги тўғрисида гувоҳлик бермоқчимиз.

قَالَ عِيسَى ٱبۡنُ مَرۡيَمَ ٱللَّهُمَّ رَبَّنَآ أَنزِلۡ عَلَيۡنَا مَآئِدَةٗ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ
تَكُونُ لَنَا عِيدٗا لِّأَوَّلِنَا وَءَاخِرِنَا وَءَايَةٗ مِّنكَۖ وَٱرۡزُقۡنَا وَأَنتَ
خَيۡرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ﴿١١٤﴾ قَالَ ٱللَّهُ إِنِّي مُنَزِّلُهَا عَلَيۡكُمۡۖ فَمَن يَكۡفُرۡ بَعۡدُ
مِنكُمۡ فَإِنِّيٓ أُعَذِّبُهُۥ عَذَابٗا لَّآ أُعَذِّبُهُۥٓ أَحَدٗا مِّنَ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿١١٥﴾
وَإِذۡ قَالَ ٱللَّهُ يَٰعِيسَى ٱبۡنَ مَرۡيَمَ ءَأَنتَ قُلۡتَ لِلنَّاسِ ٱتَّخِذُونِي
وَأُمِّيَ إِلَٰهَيۡنِ مِن دُونِ ٱللَّهِۖ قَالَ سُبۡحَٰنَكَ مَا يَكُونُ لِيٓ أَنۡ
أَقُولَ مَا لَيۡسَ لِي بِحَقٍّۚ إِن كُنتُ قُلۡتُهُۥ فَقَدۡ عَلِمۡتَهُۥۚ تَعۡلَمُ مَا فِي
نَفۡسِي وَلَآ أَعۡلَمُ مَا فِي نَفۡسِكَۚ إِنَّكَ أَنتَ عَلَّٰمُ ٱلۡغُيُوبِ ﴿١١٦﴾ مَا
قُلۡتُ لَهُمۡ إِلَّا مَآ أَمَرۡتَنِي بِهِۦٓ أَنِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمۡۚ وَكُنتُ
عَلَيۡهِمۡ شَهِيدٗا مَّا دُمۡتُ فِيهِمۡۖ فَلَمَّا تَوَفَّيۡتَنِي كُنتَ أَنتَ ٱلرَّقِيبَ
عَلَيۡهِمۡۚ وَأَنتَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ شَهِيدٌ ﴿١١٧﴾ إِن تُعَذِّبۡهُمۡ فَإِنَّهُمۡ عِبَادُكَۖ
وَإِن تَغۡفِرۡ لَهُمۡ فَإِنَّكَ أَنتَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ﴿١١٨﴾ قَالَ ٱللَّهُ هَٰذَا يَوۡمُ
يَنفَعُ ٱلصَّٰدِقِينَ صِدۡقُهُمۡۚ لَهُمۡ جَنَّٰتٞ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ
خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدٗاۖ رَّضِيَ ٱللَّهُ عَنۡهُمۡ وَرَضُواْ عَنۡهُۚ ذَٰلِكَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ ﴿١١٩﴾
لِلَّهِ مُلۡكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا فِيهِنَّۚ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرُۢ ﴿١٢٠﴾

114. Исо ибн Марям деди: «Эй, Раббимиз – Аллоҳ! Бизга осмондан (бир) дастурхон туширгинки, у аввалу охиримиз учун байрам ҳамда Сендан (бизга) мўъжиза бўлсин. Бизни (ундан) ризқлантир! Сен ризқлантирувчиларнинг яхшисидирсан».

115. Аллоҳ деди: «Мен уни сизларга туширувчиман. (Лекин) кимки (шундан) кейин (ҳам) куфрга кетса, уни шу қадар азоблайманки, бутун оламда ҳеч кимни ундай азобламаган бўлурман»*.

116. Аллоҳ: «Эй, Исо ибн Марям! Одамларга, сен Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни икки илоҳ қилиб олингиз, деб айтдингми?» – деганида, (Исо) деди: «Сен барча нуқсонлардан покдирсан. Ҳаққим йўқ нарсани айтиш менга жоиз эмас. Агар уни айтган бўлсам, Сен уни билган бўлардинг. Сен дилимдагини билурсан, Мен «дилингдагини» билмасман. Албатта, Сен Ўзинг ғойиб нарсаларнинг билимдонидирсан.

117. Мен уларга фақат Ўзинг буюрганларингни, яъни: «Раббим ва Раббингиз – Аллоҳга ибодат қилингиз», – деб айтдим. Улар орасида бўлган онларимда, уларга гувоҳ бўлиб турдим. Мени "вафот эттирганингда" эса*, Сенинг Ўзинг улар устидан кузатувчи бўлдинг. Сен ҳар нарсага гувоҳдирсан.

118. Агар уларни азобласанг, албатта, улар (Ўз) бандаларинг. Борди-ю, уларни кечирсанг, албатта, Сен Ўзинг қудрат ва ҳикмат эгасидирсан».

119. Аллоҳ деди: "Бу кун содиқ (мўмин)ларга содиқлиги фойда берадиган кундир". Улар учун остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари бордир. (Улар) у ерда абадий бўлурлар». Улардан Аллоҳ рози ва улар Аллоҳдан рози бўлурлар. Бу буюк ютуқдир.

120. Осмонлар ва Ернинг ҳамда улардаги борлиқнинг ҳукмронлиги Аллоҳга хосдир. У ҳар нарсага қодирдир.

115-оят. Осмондан дастурхон туширилгандан кейин ҳам куфрда бўлганларга Аллоҳ таоло ҳеч кимга берилмаган жазони берди. Уларни чўчқаларга айлантириб қўйди, деган ривоят машҳур. Лекин Ҳасан Басрий билан Мужоҳид ибн Жабр дастурхон нозил қилинмаган, чунки улар унинг шукрини қила олмасдан Аллоҳнинг азобига дучор бўлиб қолмайлик, деб қўрқиб талабларидан қайтишган, деганлар. Қолган муфассирлар дастурхон тушган, деб таъкидлаганлар. Имом Термизий (рҳ.) келтирган ҳадисда: "Дастурхон тушгач, Исо (а.с.) ундаги нон ва гўштдан ейишга, лекин эртанги кунга олиб қўймасликка буюрганлар. Қавмлари бунга риоя қилмагач, мазкур жазо берилган" дейилади. Гўштдан бошқа нарсалар нозил қилинган, деган ривоят ҳам бор. Мазкур жазони олганлар уч кундан сўнг ҳалок бўлганлар (Хз.).

117-оят. "Вафот эттириш" иборасининг изоҳи "Оли Имрон" сурасининг 95-ояти тафсирида берилган.



Анъом сураси

Маккада нозил қилинган. 165 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

***1**. Ҳамд осмонлар ва Ерни яратган, зулматлар ва нурни пайдо этган Аллоҳга (хос)дир*. Сўнгра кофир бўлганлар (сохта маъбудаларни) Парвардигорларига тенглаштирмоқдалар.

***2**. (У) Сизларни (Одам Атони) лойдан яратиб, сўнгра ажал (муддати)ни ҳал қилган зотдир. Белгиланган ажал (қиёмат бўлиш вақти ва бошқа ҳисоблар) ҳам Унинг ҳузуридадир. (Шундан) кейин (ҳам) сизлар шак қилмоқдасизлар.

***3**. У осмонларда ҳам, Ерда ҳам Аллоҳдир*. Сир тутгану ошкор қилган нарсаларингизни билур. Қилаётган ишларингизни (ҳам) билур.

***4**. Уларга (Макка мушрикларига) Парвардигорларининг далилларидан (қандай бир) далил келмасин, (барибир) ундан юз ўгирувчи бўлдилар.

***5**. Уларга ҳақиқат (Қуръон) келиши билан уни ёлғонга чиқардилар. Уларга ўзлари мазах қилиб юрган нарса (Қуръон)нинг хабарлари* тез орада келиб қолур.

***6**. Улардан олдин неча аср (кишилари)ни* ҳалок этганимизни кўрмадиларми?! Уларга Ерда сизларга бермаган имкониятларни бердик, устиларига осмон (ёмғир)ни ёғдирдик ва остиларидан анҳорларни оқизиб қўйдик. Сўнгра гуноҳлари туфайли уларни ҳалок қилдик ва улардан кейин бошқа аср (кишилари)ни келтирдик.

***7**. Борди-ю, Сизга (эй, Муҳаммад!) қоғозга (ёзилган) битикни туширсагу уни қўллари билан сийпалаб кўрганларида ҳам (барибир) кофир бўлганлар: «Бу аниқ сеҳрдан бошқа (нарса) эмас», – деган бўлур эдилар.

***8**. Яна улар: «Унга (Муҳаммадга гувоҳлик бериш учун) бирор фаришта тушса эди», – дедилар. Агар фаришта туширсак, иш ҳал бўлиб, сўнгра уларга муҳлат берилмас эди.

---

6. АНЪОМ СУРАСИ

“Анъом” – чорва моллари. Улар ҳақида бир неча оятлар бўлгани учун сура шу ном билан аталган.

Сурада Ислом ақидаси асослари, шариат аҳкомлари, оилавий масалалар, жиҳод аҳкомлари, ғайридинларга доир кўрсатмалар, қиёмат, охират, пайғамбарлар, дунё ва ҳаёт моҳиятига тааллуқли маълумотлар ўз ифодасини топган.

1-оят. Яъни айтилса-айтилмаса ҳамд Аллоҳга хосдир. Зеро, У зотан шунга лойиқдир. (Мд.).

3-оят. Унинг улуҳияти (илоҳлиги) бутун оламга тааллуқлидир.

5-оят. Нимани мазах ва масхара қилиб юрганларини бу дунё ва охиратда, ислом дини равнақ топганда биладилар.

6-оят. Араб тилида “қарн” 70 ёки 80 йиллик муддатдир. “Аср” 100 йиллик муддат. Лекин ҳар иккиси бир-бирининг ўрнида ишлатилаверади. “Қарн” авлод маъносида ҳам келади (Қз. Хз.).

9. Борди-ю, уни (Пайғамбарни) фаришта қилганимизда ҳам, уни эркак (киши суратида) қилган ва уларга шубҳали бўлган нарсани (яна) шубҳалилигича қолдирган бўлур эдик*.

10. Сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам истеҳзо (мазах) қилинган. Сўнгра уларни масхара қилганларни ўша мазах қилган нарсалари (яъни ҳақиқат) қамраб олди (ҳалок этди).

11. Айтинг: «Ерни сайр қилиб (айланиб) чиқингиз. Сўнгра (пайғамбарни) ёлғончига чиқарганларнинг (охир-)оқибати не бўлганини кўрингиз!»

12. Айтинг: «Осмонлар ва Ердаги бор нарса кимники?» Айтинг: «Аллоҳники». (У) раҳматни (бор мавжудотга раҳм-шафқат қилишни) Ўзига ёзди (зиммасига олди)*. Сизларни, албатта, Қиёмат кунига жам қилажак. Бунда шак йўқдир. Ўзларига (нисбатан) зиёнкор бўлганлар (бунга) имон келтирмайдилар.

13. Кеча ва кундузда сокин турувчи нарсалар (ҳам) Уникидир. У эшитувчи ва билувчи зотдир.

14. Айтинг: «Осмонлару Ерни ихтиро этган, (ўзгаларга) едириб, Ўзи емайдиган – Аллоҳдан ўзгани дўст тутайинми?!» Айтинг: «Дарҳақиқат, мен мусулмонларнинг биринчиси бўлишга буюрилдим. Асло мушриклардан бўлманг! (деб ҳам)»

15. Айтинг: «Албатта, мен Раббимга итоатсизлик қилишга улуғ Кун (қиёмат)нинг азобидан қўрқаман».

16. Ўша куни кимдан у (азоб) четлатилган бўлса, демак, (Аллоҳ) унга раҳм қилибди (нажот берибди). Бу аниқ ютуқдир.

وَلَوْ جَعَلْنَٰهُ مَلَكًا لَّجَعَلْنَٰهُ رَجُلًا وَلَلَبَسْنَا عَلَيْهِم مَّا
يَلْبِسُونَ ﴿٩﴾ وَلَقَدِ ٱسْتُهْزِئَ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَحَاقَ
بِٱلَّذِينَ سَخِرُوا۟ مِنْهُم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿١٠﴾
قُلْ سِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ ثُمَّ ٱنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ
ٱلْمُكَذِّبِينَ ﴿١١﴾ قُل لِّمَن مَّا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ قُل لِّلَّهِ ۚ
كَتَبَ عَلَىٰ نَفْسِهِ ٱلرَّحْمَةَ ۚ لَيَجْمَعَنَّكُمْ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ
لَا رَيْبَ فِيهِ ۚ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ
﴿١٢﴾ ۞ وَلَهُۥ مَا سَكَنَ فِى ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ ۚ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ
﴿١٣﴾ قُلْ أَغَيْرَ ٱللَّهِ أَتَّخِذُ وَلِيًّا فَاطِرِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَهُوَ يُطْعِمُ
وَلَا يُطْعَمُ ۗ قُلْ إِنِّىٓ أُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَسْلَمَ ۖ وَلَا
تَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٤﴾ قُلْ إِنِّىٓ أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ
رَبِّى عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥﴾ مَّن يُصْرَفْ عَنْهُ يَوْمَئِذٍ فَقَدْ
رَحِمَهُۥ ۚ وَذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْمُبِينُ ﴿١٦﴾ وَإِن يَمْسَسْكَ ٱللَّهُ بِضُرٍّ
فَلَا كَاشِفَ لَهُۥٓ إِلَّا هُوَ ۖ وَإِن يَمْسَسْكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ
قَدِيرٌ ﴿١٧﴾ وَهُوَ ٱلْقَاهِرُ فَوْقَ عِبَادِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْخَبِيرُ ﴿١٨﴾

17. Агар Аллоҳ Сизга бирор зарар (мусибат) етказса, Ундан ўзга уни бартараф этувчи йўқдир. Агар Сизга бирор хайриятлик етказса, (билингки) У ҳамма нарсага қодирдир.

18. Бандалари устидан У ғолибдир. У ҳикматли ва хабардордир.

9-оят. Яъни туширилган фариштани эркак суратида қилганимиздан кейин улар: "бу фаришта эмас", – деб яна қайсарлик қилган бўлур эдилар. Жаброил (а.с.) кўпинча инсон суратида, яъни саҳобий Деҳятул-Калбий (ваф. 45 ҳ.й.) қиёфасида келиб Расул (а.с.)га намоён бўлар эдилар (Мд.). Иброҳим, Довуд, Лут (а.с.)лар ҳузурига келган фаришталар ҳам инсон суратида эдилар. Муҳаммад (а.с.) Жаброил (а.с.)ни ўз суратида кўрганларида хушдан кетиб қолган эканлар (Хз.).

12-оят. Ҳадисда айтилишича, Аллоҳ таоло оламни яратмай туриб: “Раҳматим ғазабимдан ортиқдир” деб ёзиб, шу битикни Арш устига қўйган (Бх.).

Бошқа бир ҳадисда: “Аллоҳ таоло ўз раҳматини 100 бўлакка бўлиб, бир бўлагини инсу жин, ҳайвону ҳашоратларга туширган. Ўша бир бўлаги билан ваҳший ҳайвонлар ўз боласига меҳрибонлик қилади. 99 бўлагини қиёмат куни бандаларига раҳм қилиш учун олиб қўйган” (Мс.) .

قُلْ أَيُّ شَيْءٍ أَكْبَرُ شَهَٰدَةً ۖ قُلِ ٱللَّهُ ۖ شَهِيدٌۢ بَيْنِى وَبَيْنَكُمْ ۚ وَأُوحِىَ إِلَىَّ هَٰذَا
ٱلْقُرْءَانُ لِأُنذِرَكُم بِهِۦ وَمَنۢ بَلَغَ ۚ أَئِنَّكُمْ لَتَشْهَدُونَ أَنَّ مَعَ ٱللَّهِ
ءَالِهَةً أُخْرَىٰ ۚ قُل لَّآ أَشْهَدُ ۚ قُلْ إِنَّمَا هُوَ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ وَإِنَّنِى بَرِىٓءٌ مِّمَّا
تُشْرِكُونَ ﴿١٩﴾ ٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ يَعْرِفُونَهُۥ كَمَا يَعْرِفُونَ
أَبْنَآءَهُمُ ۘ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ
مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِـَٔايَٰتِهِۦٓ ۗ إِنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ
﴿٢١﴾ وَيَوْمَ نَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ نَقُولُ لِلَّذِينَ أَشْرَكُوٓا۟ أَيْنَ شُرَكَآؤُكُمُ
ٱلَّذِينَ كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٢٢﴾ ثُمَّ لَمْ تَكُن فِتْنَتُهُمْ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ وَٱللَّهِ
رَبِّنَا مَا كُنَّا مُشْرِكِينَ ﴿٢٣﴾ ٱنظُرْ كَيْفَ كَذَبُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ ۚ وَضَلَّ
عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٢٤﴾ وَمِنْهُم مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ ۖ وَجَعَلْنَا عَلَىٰ
قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً أَن يَفْقَهُوهُ وَفِىٓ ءَاذَانِهِمْ وَقْرًا ۚ وَإِن يَرَوْا۟ كُلَّ ءَايَةٍ
لَّا يُؤْمِنُوا۟ بِهَا ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوكَ يُجَٰدِلُونَكَ يَقُولُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنْ هَٰذَآ
إِلَّآ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٥﴾ وَهُمْ يَنْهَوْنَ عَنْهُ وَيَنْـَٔوْنَ عَنْهُ ۖ وَإِن
يُهْلِكُونَ إِلَّآ أَنفُسَهُمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٦﴾ وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ وُقِفُوا۟ عَلَى ٱلنَّارِ
فَقَالُوا۟ يَٰلَيْتَنَا نُرَدُّ وَلَا نُكَذِّبَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّنَا وَنَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٢٧﴾

19. Айтинг: «Гувоҳлик бўйича қайси нарса каттароқ?» (Яна ўзингиз) айтинг: «Аллоҳ*. (У) мен билан сизларнинг ўртамизда гувоҳдир. Сизларни ва (даъватим) етиб борганларни огоҳлантириш учун менга ушбу Қуръон ваҳий қилинди. Сизлар ҳақиқатан ҳам, Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳлар (ҳам) бор, деб гувоҳлик берасизми?» Айтинг: «(Мен) гувоҳлик бермайман». Айтинг: «Дарҳақиқат, У ягона илоҳдир. Мен эса, сизлар келтираётган ширкдан безорман».

20. Биз Китоб берган (яҳудий ва насроний)лар уни (Муҳаммадни) ўз ўғилларини таниганидек танийдилар. Ўзларига зиён қилганларгина (унга) имон келтирмайдилар.

21. Аллоҳ (шаъни)га ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга йўйувчи кимсадан ким ҳам золимроқ экан? Албатта, золимлар (охиратда) нажот топмагайлар.

22. Уларнинг ҳаммасини йиғиб, кейин ширк келтирганларга Биз: «(Аллоҳ деб) ҳисоблаб юрган шерикларинг қани?» – дейдиган Кунни (эсланг!)

23. Сўнгра уларнинг фитнаси («узри») фақат: «Раббимиз бўлмиш Аллоҳга қасамки, (биз) мушрик бўлмаганмиз!» – дейишлари бўлур.

24. Ўзлари номидан ёлғон гапиришларини ва тўқиб юрган (сохта маъбуд)ларнинг улардан йўқолиб кетганини кўринг!

25. Улар ичида (Қуръон ўқиганингизда) Сизга қулоқ соладиганлари ҳам бор*. Уни фаҳмламасликлари учун қалбларига парда, қулоқларига оғирлик (пайдо) қилдик. Ҳар (турли) мўъжизани кўрсалар (ҳам) унга ишонмайдилар. Ҳаттоки, Сиз билан баҳслашгани ҳузурингизга келганларида, куфрга кетганлар: «Бу (айтганлари) аввалгилардан қолган афсоналардан бошқа нарса эмас», – дейдилар.

26. Улар ундан (Исломдан) қайтарадилар ва ундан (ўзлари ҳам) узоқлашадилар. Сезмаган ҳолларида фақат ўзларинигина ҳалок қиладилар.

27. Дўзах узра тўхтатиб қўйилганда, «Оҳ, кошки эди (дунёга) қайтарилсак, Раббимиз оятларини ёлғонга чиқармайдиган мўминлардан бўлсак», – деганларини кўрганингизда эди!

19-оят. Ушбу оят мазмуни бўйича Аллоҳни “нарса” деб аташ мумкин. Зеро, бор ва мавжудни “нарса” дейилади. Йўқни “нарса” дейилмайди. Лекин Аллоҳни нарса деганда ҳеч қайси бошқа нарсаларга ўхшамаслигини назарда тутиш шартдир (Ақ.).

25-оят. Бу оятнинг нозил бўлиш сабаби Абу Суфён, Абу Жаҳл, Валид ибн Муғира, Назр ибн Ҳарс ва бошқа мушриклар биргаликда Қуръонни бироз тинглашиб, Назрдан: “Муҳаммад нима деяпти?”,-деб сўрашганда у: “Менга ўхшаб қадим замондан қолган чўпчакларни айтиб бермокда”,-деган (Мд. Хз.).

بَلْ بَدَا لَهُم مَّا كَانُوا۟ يُخْفُونَ مِن قَبْلُ ۖ وَلَوْ رُدُّوا۟ لَعَادُوا۟ لِمَا نُهُوا۟ عَنْهُ
وَإِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿٢٨﴾ وَقَالُوٓا۟ إِنْ هِىَ إِلَّا حَيَاتُنَا ٱلدُّنْيَا وَمَا نَحْنُ
بِمَبْعُوثِينَ ﴿٢٩﴾ وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ وُقِفُوا۟ عَلَىٰ رَبِّهِمْ ۚ قَالَ أَلَيْسَ هَٰذَا
بِٱلْحَقِّ ۚ قَالُوا۟ بَلَىٰ وَرَبِّنَا ۚ قَالَ فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ
﴿٣٠﴾ قَدْ خَسِرَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِلِقَآءِ ٱللَّهِ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَتْهُمُ ٱلسَّاعَةُ
بَغْتَةً قَالُوا۟ يَٰحَسْرَتَنَا عَلَىٰ مَا فَرَّطْنَا فِيهَا وَهُمْ يَحْمِلُونَ أَوْزَارَهُمْ
عَلَىٰ ظُهُورِهِمْ ۚ أَلَا سَآءَ مَا يَزِرُونَ ﴿٣١﴾ وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا
لَعِبٌ وَلَهْوٌ ۖ وَلَلدَّارُ ٱلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يَتَّقُونَ ۗ أَفَلَا تَعْقِلُونَ
﴿٣٢﴾ قَدْ نَعْلَمُ إِنَّهُۥ لَيَحْزُنُكَ ٱلَّذِى يَقُولُونَ ۖ فَإِنَّهُمْ لَا يُكَذِّبُونَكَ
وَلَٰكِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ ﴿٣٣﴾ وَلَقَدْ كُذِّبَتْ
رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ فَصَبَرُوا۟ عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا۟ وَأُوذُوا۟ حَتَّىٰٓ أَتَىٰهُمْ نَصْرُنَا ۚ
وَلَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَٰتِ ٱللَّهِ ۚ وَلَقَدْ جَآءَكَ مِن نَّبَإِى۟ ٱلْمُرْسَلِينَ
﴿٣٤﴾ وَإِن كَانَ كَبُرَ عَلَيْكَ إِعْرَاضُهُمْ فَإِنِ ٱسْتَطَعْتَ أَن تَبْتَغِىَ
نَفَقًا فِى ٱلْأَرْضِ أَوْ سُلَّمًا فِى ٱلسَّمَآءِ فَتَأْتِيَهُم بِـَٔايَةٍ ۚ وَلَوْ شَآءَ
ٱللَّهُ لَجَمَعَهُمْ عَلَى ٱلْهُدَىٰ ۚ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلْجَٰهِلِينَ ﴿٣٥﴾

28. Йўқ! Уларнинг олдиндан яшириб юрган (сир)лари* уларга фош бўлиб қолди. Борди-ю, (дунёга) қайтарилсалар ҳам, (яна ўша) тақиқланган нарсаларга қайтган бўлур эдилар. Улар, ҳақиқатан, ёлғончилардир!

29. Яна: «Шу дунё ҳаётидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Биз (қайта) тирилтирилувчи эмасмиз», – деган бўлур эдилар.

30. Парвардигорлари ҳузурига турғизиб қўйилганларида (Аллоҳ): «Шу (қайта тирилиш) ҳақ эмас эканми?» – деганида, (улар): «Йўғ-е, Раббимиз ҳаққи!» – деганларини, (Аллоҳ): «Куфрда бўлганингиз сабабли шу азобни тотингиз!» – дейишини кўрсангиз эди!

31. Дафъатан қиёмат келиб қолганда, гуноҳларини орқаларига ортган ҳолларида: «Ё ҳасрато, унда (ёруғ дунёда) қосирлик қилган эканмиз», – деб айтадиган пайтларига қадар Аллоҳга йўлиқишни ёлғонга чиқарганлар зиён кўрадилар. Қаранг, қандай ёмон нарсани орқалайдилар!*

32. Бу дунё ҳаёти фақат беҳуда ўйин-кулгидир. Тақволилар учун эса охират диёри яхшидир. Ақл юритмайсизларми?!

33. Айтган гаплари Сизни маъюс (хафа) қилаётганини яхши билурмиз. Улар, аслида, Сизни ёлғончига чиқармаяптилар, балки (бу) золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор этаётирлар.

34. Сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам ёлғончига чиқарилганлар. То уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунга қадар ёлғончига чиқарилганларига ва берилган азиятларга сабр қилдилар. Аллоҳнинг сўзлари (ваъдалари)ни ўзгартирувчи (куч) йўқдир. Сизга (ўтган) пайғамбарлар хабаридан (қисман) келди.

35. Агар уларнинг эътирозлари Сизга оғир ботаётган бўлса, Ерга тешик ёки осмонга нарвон излаб (бўлса ҳам) уларга бирор мўъжиза келтира олсам, дейсиз*. Агар Аллоҳ истаганида эди, уларни ҳидоят узра жам қилган бўлур эди. Бас, (бунинг ҳикматини билмайдиган) жоҳиллардан бўлманг!

28-оят. Одамлардан яшириб юрган нарсалари – қабиҳ ишлари, мунофиқликлари, билиб туриб Муҳаммад (а.с.)га имон келтирмаганлари (Мд.).

31-оят. Қиёмат куни кофир ўз қабридан қўпганда уни бир мудҳиш, бадбўй махлуқ қарши олиб: “Мен дунёда қилган қабиҳ ишларингман. Унда мени сен бошқарган эдинг. Энди сени мен бошқараман”, – дер экан (Мд. Хз.).

Оятдаги “гуноҳларини орқаларига ортган” иборасидан қилган гуноҳлари махлуқ сифатида ўз эгаларига уловнинг устига мингандек миниб олиб, хоҳлаган томонга юриши ҳам чиқади.

35-оят. Уларнинг имондан юз ўгиришлари Пайғамбар (а.с.)га оғир ботганда, нима қилишларини билмай қолар эдилар. Оятдаги ибора ўзбекчадаги "ер қаттиқ, осмон узоқ" иборасига ўхшаб кетади. Иккинчи маъноси – мўъжиза сифатида ерни тешиш ёки осмонга кўтарилиш билан уларни лол қолдириб, барҳақ пайғамбар эканларини исботлашни орзу қилганлар.

۞ إِنَّمَا يَسْتَجِيبُ ٱلَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَٱلْمَوْتَىٰ يَبْعَثُهُمُ ٱللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ
يُرْجَعُونَ ﴿٣٦﴾ وَقَالُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦ قُلْ إِنَّ ٱللَّهَ
قَادِرٌ عَلَىٰٓ أَن يُنَزِّلَ ءَايَةً وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٧﴾ وَمَا
مِن دَآبَّةٍ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا طَٰٓئِرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّآ أُمَمٌ أَمْثَالُكُم
مَّا فَرَّطْنَا فِى ٱلْكِتَٰبِ مِن شَىْءٍ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يُحْشَرُونَ ﴿٣٨﴾
وَٱلَّذِينَ كَذَّبُوا بِـَٔايَٰتِنَا صُمٌّ وَبُكْمٌ فِى ٱلظُّلُمَٰتِ مَن يَشَإِ ٱللَّهُ
يُضْلِلْهُ وَمَن يَشَأْ يَجْعَلْهُ عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٣٩﴾ قُلْ
أَرَءَيْتَكُمْ إِنْ أَتَىٰكُمْ عَذَابُ ٱللَّهِ أَوْ أَتَتْكُمُ ٱلسَّاعَةُ أَغَيْرَ ٱللَّهِ
تَدْعُونَ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٤٠﴾ بَلْ إِيَّاهُ تَدْعُونَ فَيَكْشِفُ مَا
تَدْعُونَ إِلَيْهِ إِن شَآءَ وَتَنسَوْنَ مَا تُشْرِكُونَ ﴿٤١﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَآ
إِلَىٰٓ أُمَمٍ مِّن قَبْلِكَ فَأَخَذْنَٰهُم بِٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ لَعَلَّهُمْ يَتَضَرَّعُونَ
﴿٤٢﴾ فَلَوْلَآ إِذْ جَآءَهُم بَأْسُنَا تَضَرَّعُوا وَلَٰكِن قَسَتْ قُلُوبُهُمْ
وَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾ فَلَمَّا
نَسُوا مَا ذُكِّرُوا بِهِۦ فَتَحْنَا عَلَيْهِمْ أَبْوَٰبَ كُلِّ شَىْءٍ
حَتَّىٰٓ إِذَا فَرِحُوا بِمَآ أُوتُوٓا أَخَذْنَٰهُم بَغْتَةً فَإِذَا هُم مُّبْلِسُونَ ﴿٤٤﴾

36. Албатта, (гапни қабул қулоғи билан) эшитадиганлар (даъватингизни) қабул қилурлар. Ўликларни эса, Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Унинг ҳузурига қайтарилурлар*.

37. Айтдилар: «Унга Рабби томонидан бирор мўъжиза туширилса эди». Айтинг: «Албатта, Аллоҳ мўъжиза туширишга қодирдир. Лекин, уларнинг аксарияти (буни) билмайдилар».

38. Ердаги бирор жонивор ва бирор икки қаноти билан учадиган парранда йўқки, (улар ҳам) сизлар каби умматлар бўлмасалар*. Китобда (Лавҳул-Маҳфузда) бирор нарсани (ёзмасдан) қолдирмаганмиз. Сўнгра (ҳамма умматлар) Парвардигорлари (ҳузури)га жамланурлар.

39. Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганлар зулматлар ичидаги кар ва соқовдирлар. Аллоҳ хоҳлаган кишини адаштирур ва хоҳлаган кишини тўғри йўл узра (собит) қилур.

40. Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, ўйладингизми, агар сизларга Аллоҳнинг азоби келса ёки сизларга қиёмат келса, Аллоҳдан ўзгага илтижо қилган бўлармидингиз?»

41. Йўқ! Унинг ўзигагина илтижо қилган бўлардингиз. У эса, хоҳласа, сўраган нарсангиз (бало)ни даф этар эди. (Бундай ҳолатда) келтириб юрган ширкингизни унутасиз.

42. Сиздан олдинги умматларга ҳам (пайғамбарлар) юборганмиз. Кейин зора (тавба-)тазарру қилсалар деб, уларни бало ва офатларга дучор қилганмиз*.

43. Уларга Бизнинг баломиз келганда, (тавба-)тазарру қилсалар бўлмасмиди?! Лекин диллари қотди ва шайтон уларга қилиб юрган ишларини зийнатли қилиб кўрсатди.

44. (Улар) эслатилган нарса (синов кунлари)ни унутганларида уларга ҳар нарсанинг эшикларини очиб қўйдик*. Токи уларга берилган нарса (нозу неъмат)лар билан шоду хуррам бўлиб турганларида, уларни бирдан забт этдик. Бас, (энди) улар ноумиддирлар.

36-оят. Ўликлар – кофирлар. Яъни улар бу дунёда эшитмаслар. Уларни Аллоҳ таоло тирилтирган куни (охиратда) эшитишга ва иқрор қилишга мажбур бўлурлар.

38-оят. Бу ердаги ўхшатиш, албатта, ҳамма жиҳатдан эмас, балки хилқат, ҳаёт, ўлим, Аллоҳга эҳтиёжли бўлиш, Уни таниб, ҳамду сано ва тасбеҳ айтиш, бирбирлари билан яқин алоқада бўлиш ва кўп сифатларда улар билан инсонлар ўртасида ўхшашлик бор. Паррандалар сафига сувдаги жониворлар ҳам киради. Зеро, улар ҳам худди қушлар ҳавода сузганидек сувда сузиб юрадилар (Хз.).

42-оят. Яъни уларни қаҳатчилик, очлик, касаллик, ўлим, фақирлик каби мусибатлар билан синаганмиз.

44-оят. Аллоҳнинг бу услубда инъом этиши “истидрож” дейилади. Яъни осий бандага ўз неъматларини беҳисоб бериб боради. Гуноҳлари кўпайгач, хоҳ эрта, хоҳ кеч пайдар-пай жазо бериши жоиз бўлиб қолади.

45. Зулм қилган қавмнинг думи қирқилди (тугади), оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳга – ҳамд!

46. Айтинг: «(Ўйлаб) кўрдингизми, борди-ю, Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса ва дилларингизни муҳрлаб қўйса, Аллоҳдан бошқа уни (қайта жойига) келтирадиган илоҳ ким экан?» Оятларни қандай тасарруф қилаётганимизга, сўнгра уларнинг юз ўгириб кетишларига (бир) боқинг!

47. Айтинг: «Ўзларингизни (бир ўйлаб) кўрдингизми – агар Аллоҳнинг азоби бирданига ёки ошкора келса, золимлар қавмидан бошқаси ҳалок қилинармиди?!»

48. Биз элчи (пайғамбар)ларни фақат (одамларга) хушхабар элтувчи ва огоҳлантирувчилар сифатида юборурмиз. Кимки имон келтириб, (хатоларини) тузатса, у (каби)ларга хавф ҳам йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар.

49. Оятларимизни ёлғонга чиқарувчиларга эса, бузғунчилик қилганлари сабабли азоб етар.

50. Айтинг: «Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор ҳам демайман ва ғайбни ҳам билмайман. Шунингдек, сизларга: «Мен фариштаман» ҳам демайман. Мен фақат, менга ваҳий қилинган нарсаларгагина эргашурман». Айтинг: «Кўр билан кўрувчи тенг бўлурми? Бас, фикр юритмайсизми?»

51. Улар учун Аллоҳдан бошқа дўст ҳам, оқловчи ҳам бўлмаган ҳолда Парвардигорлари ҳузурига жам бўлишларидан қўрқадиганларни у (ваҳий) билан огоҳлантиринг, зора тақволи бўлсалар!

فَقُطِعَ دَابِرُ ٱلْقَوْمِ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ۚ وَٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٥﴾
قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِنْ أَخَذَ ٱللَّهُ سَمْعَكُمْ وَأَبْصَٰرَكُمْ وَخَتَمَ عَلَىٰ قُلُوبِكُم
مَّنْ إِلَٰهٌ غَيْرُ ٱللَّهِ يَأْتِيكُم بِهِ ۗ ٱنظُرْ كَيْفَ نُصَرِّفُ ٱلْءَايَٰتِ
ثُمَّ هُمْ يَصْدِفُونَ ﴿٤٦﴾ قُلْ أَرَءَيْتَكُمْ إِنْ أَتَىٰكُمْ عَذَابُ ٱللَّهِ
بَغْتَةً أَوْ جَهْرَةً هَلْ يُهْلَكُ إِلَّا ٱلْقَوْمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٤٧﴾ وَمَا
نُرْسِلُ ٱلْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ ۖ فَمَنْ ءَامَنَ وَأَصْلَحَ
فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٤٨﴾ وَٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا
يَمَسُّهُمُ ٱلْعَذَابُ بِمَا كَانُوا۟ يَفْسُقُونَ ﴿٤٩﴾ قُل لَّآ أَقُولُ لَكُمْ
عِندِى خَزَآئِنُ ٱللَّهِ وَلَآ أَعْلَمُ ٱلْغَيْبَ وَلَآ أَقُولُ لَكُمْ إِنِّى مَلَكٌ ۖ
إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰٓ إِلَىَّ ۚ قُلْ هَلْ يَسْتَوِى ٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْبَصِيرُ ۚ
أَفَلَا تَتَفَكَّرُونَ ﴿٥٠﴾ وَأَنذِرْ بِهِ ٱلَّذِينَ يَخَافُونَ أَن يُحْشَرُوٓا۟
إِلَىٰ رَبِّهِمْ ۙ لَيْسَ لَهُم مِّن دُونِهِۦ وَلِىٌّ وَلَا شَفِيعٌ لَّعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ
﴿٥١﴾ وَلَا تَطْرُدِ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُم بِٱلْغَدَوٰةِ وَٱلْعَشِىِّ يُرِيدُونَ
وَجْهَهُۥ ۖ مَا عَلَيْكَ مِنْ حِسَابِهِم مِّن شَىْءٍ وَمَا مِنْ حِسَابِكَ
عَلَيْهِم مِّن شَىْءٍ فَتَطْرُدَهُمْ فَتَكُونَ مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٢﴾

52. Эртаю кеч (доимо) Парвардигорларининг «юзи»ни истаб, Унга дуо (ибодат) қилаётганларни (ҳузурингиздан) ҳайдаманг! Сиз уларнинг (ишлари) ҳисоботидан бирор нарсага (масъул) эмассиз. Улар (ҳам) Сизнинг (ишларингиз) ҳисоботидан бирор нарсага (масъул) эмаслар. Уларни ҳайдаб, ситамкорлардан бўлиб қолманг!*

52-оят. Улардан мурод бу ерда Билол, Суҳайб, Аммор, Хаббоб каби ҳолати ночор, заиф мусулмонлардир. Макка зодагонлари Муҳаммад (а.с.)га уларни ҳузурингдан ҳайдаб юборсанг, сен билан суҳабатлашамиз, ёнингда паст мартабали қуллар ўтирганда биз сен билан гаплашишга ор қиламиз, деганлар. Расулуллоҳ (а.с.) уларнинг таклифини рад этганларида улар, ундай бўлса, бир кунни улар билан, бир кунни биз билан ўтказ ва шунга кўнсанг, буни ўртамиздаги келишилган битим сифатида ёзиб қўй, дейдилар. Дарҳол Али ибн Аби Толиб (рз.)ни чорлаб ёздира бошлаган пайтларида мазкур оят нозил қилинади. Бу қарорлари Аллоҳ таолога мақбул бўлмаганини билганларидан кейин битим ёзилган саҳифани олиб йиртиб ташлайдилар ва бир четда маъюс ҳолда турган мазкур заиф мусулмонларни қучоқлаб бағриларига босиб, яна ҳар куни бирга бўлишларини айтиб дилларини шод этадилар (Мд. Хз.).

وَكَذَٰلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لِّيَقُولُوٓا۟ أَهَٰٓؤُلَآءِ مَنَّ ٱللَّهُ
عَلَيْهِم مِّنۢ بَيْنِنَآ ۗ أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِأَعْلَمَ بِٱلشَّٰكِرِينَ ﴿٥٣﴾ وَإِذَا
جَآءَكَ ٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِنَا فَقُلْ سَلَٰمٌ عَلَيْكُمْ ۖ كَتَبَ
رَبُّكُمْ عَلَىٰ نَفْسِهِ ٱلرَّحْمَةَ ۖ أَنَّهُۥ مَنْ عَمِلَ مِنكُمْ سُوٓءًۢا
بِجَهَٰلَةٍ ثُمَّ تَابَ مِنۢ بَعْدِهِۦ وَأَصْلَحَ فَأَنَّهُۥ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٥٤﴾
وَكَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ وَلِتَسْتَبِينَ سَبِيلُ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٥٥﴾
قُلْ إِنِّى نُهِيتُ أَنْ أَعْبُدَ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ ۚ قُل لَّآ أَتَّبِعُ
أَهْوَآءَكُمْ ۙ قَدْ ضَلَلْتُ إِذًا وَمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلْمُهْتَدِينَ ﴿٥٦﴾
قُلْ إِنِّى عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّى وَكَذَّبْتُم بِهِۦ ۚ مَا عِندِى مَا
تَسْتَعْجِلُونَ بِهِۦٓ ۚ إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ۖ يَقُصُّ ٱلْحَقَّ ۖ وَهُوَ خَيْرُ
ٱلْفَٰصِلِينَ ﴿٥٧﴾ قُل لَّوْ أَنَّ عِندِى مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِۦ لَقُضِىَ
ٱلْأَمْرُ بَيْنِى وَبَيْنَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٨﴾
۞ وَعِندَهُۥ مَفَاتِحُ ٱلْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَآ إِلَّا هُوَ ۚ وَيَعْلَمُ مَا فِى
ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ ۚ وَمَا تَسْقُطُ مِن وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٍ
فِى ظُلُمَٰتِ ٱلْأَرْضِ وَلَا رَطْبٍ وَلَا يَابِسٍ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٥٩﴾

53. «Бизларнинг ичимиздан (келиб-келиб) Аллоҳ ўшаларга неъмат ато этибдими?!» – дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Шукр қилувчилар (ким экани)ни Аллоҳ билувчироқ эмасми?!

54. Ҳузурингизга оятларимизга имон келтираётганлар келганларида, айтинг: «Сизларга салом (саломатлик)! Раббингиз раҳмат (қилиш)-ни Ўзига ёзди: сизлардан кимки жоҳилликда ёмонлик (гуноҳ иш) қилган бўлиб, сўнгра ўша (гуноҳи)дан кейин тавба қилиб, (ўзини) ислоҳ этса, бас, албатта, У кечиримли ва раҳмлидир».

55. Ана шундай (услубда) оятларимизни батафсил (баён) қилурмиз ва гуноҳкорлар йўли ойдинлашиши учун ҳам (баён қилурмиз).

56. Айтинг: «Мен Аллоҳни қўйиб, сизлар сиғинаётган (маъбуда)ларга ибодат қилишдан қайтарилганман». Айтинг: «Сизларнинг хоҳишларингизга эргашмайман. Зеро, унда мен адашган бўлиб, ҳидоят топганлардан бўлмай қолурман».

57. Айтинг: «Мен Раббимдан (келмиш) ҳужжат узрадирман. Сизлар (эса) уни ёлғонга чиқардингиз. Сизлар қистаётган (азоб) менинг ҳузурим (ихтиёрим)да эмас*. Ҳукм Аллоҳдан ўзганики эмас. (У) ҳақ (нарса)ни баён қилур. У ажрим этувчиларнинг яхшисидир».

58. Айтинг: «Агар сизлар қистаётган нарса менинг ҳузуримда бўлганда эди, мен билан сизлар ўртамиздаги иш (аллақачон) ҳал бўлган бўлур эди*. Аллоҳ золимларни яхши билувчидир».

59. Ғайб (яширин иш ва нарсалар) калитлари Унинг ҳузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри)даги уруғ бўлмасин, ҳўлу қуруқ бўлмасин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-Маҳфуз)да (ёзилган)дир*.

57-оят. Улар қистаб сўраётган нарса: "Агар ҳақ пайғамбар бўлсанг, Раббингдан сўра – устимизга осмондан тош ёғдирсин!" – деган талабларидир.

58-оят. Яъни Мен сизларга жазо тариқасида аллақачон осмондан тош ёғдириб, сизларни ҳалок қилган бўлар эдим. Лекин бу иш Аллоҳнинг ихтиёрида. У Ўзининг илоҳий ҳикмат тақозоси билан бандаларига лойиқ жазони беришга шошилмайди.

59-оят. Ғайб илмларини Аллоҳ таолонинг ўзигина билур. Пайғамбарларининг ҳам фақат айримларига бу илмдан ато этган.

Оятда Аллоҳ таолонинг азалий "илм" сифати билан ошкораю пинҳона нарсалардан доимий равишда огоҳ экани билдирилмоқда. Шу илмига биноан қиёматгача бўладиган ишларни "Лавҳул-маҳфуз"га олдиндан битиб қўйган (Ақ.).

Инсонлар тақдирини Аллоҳ таоло буйруқ тариқасида эмас, балки васф ва таъриф сифатида ёзган. Масалан, фалон кимса ўз ихтиёри билан шайтон васвасасига берилади, деб ёзилган. "Берилсин!" деб ёзилмаган. Акс ҳолда банда жавобгар бўлмас эди.

60. У тунда сизларни «вафот эттирадиган*» (ухлатиб руҳингизни вақтинча оладиган), кундузи қилган ишларингизни биладиган зотдир. Сўнгра белгиланган муҳлат (умр) адо этилиши учун унда (кундузи) сизларни (яна) «тирилтирур» (уйғотур). Кейин Унга қайтиш (бор). Сўнгра сизларга қилган ишларингиз хабарини берур.

61. У бандалари устидан (барча ишда) ғолибдир. Устингизга (савоб ва гуноҳларингизни битиб) сақловчи (фаришталар)ни юборади*. Бирорталарингизга ўлим келган пайтда, уни элчи (фаришта)ларимиз эринмай (ўз вақтида) вафот эттирурлар*.

62. Сўнгра (улар) ҳақиқий эгалари – Аллоҳ (ҳузури)га қайтарилурлар. Ҳукм эса Уникидир. У ҳисобловчиларнинг тезкоридир.

63. Айтинг: «Қуруқлик ва денгиз зулмат (даҳшат ва фалокат)ларидан – Унга ошкора ёлвориб ва хуфёна: «Агар бизга шу (хатар)дан нажот берса, қасамки, албатта, шукр қилувчилардан бўлар эдик», – деб дуо қилганингизда, ким сизларни қутқаради?»

64. Айтинг: «Сизларни улардан Аллоҳ қутқаради. Сўнгра сизлар (эса яна) ширк келтиравересиз».

65. Айтинг: «У сизларга тепангиздан ёки оёқларингиз остидан азоб юборишга ёхуд сизларни (турли) фирқаларга айлантириб, баъзингизга баъзилар зарарини тотдиришга (ҳам) қудрати етадиган зотдир». Кўринг, англаб етсинлар деб оятларни қандай (атрофлича) баён қиламиз.

66. Қавмингиз уни (Қуръонни ёки азобни) ёлғонга чиқарди. Ҳолбуки, у ҳақ эди. Айтинг: «Мен сизларга вакил (соқчи) эмасман.

وَهُوَ ٱلَّذِي يَتَوَفَّىٰكُم بِٱلَّيۡلِ وَيَعۡلَمُ مَا جَرَحۡتُم بِٱلنَّهَارِ ثُمَّ
يَبۡعَثُكُمۡ فِيهِ لِيُقۡضَىٰٓ أَجَلٞ مُّسَمّٗىۖ ثُمَّ إِلَيۡهِ مَرۡجِعُكُمۡ
ثُمَّ يُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٦٠ وَهُوَ ٱلۡقَاهِرُ فَوۡقَ عِبَادِهِۦۖ
وَيُرۡسِلُ عَلَيۡكُمۡ حَفَظَةً حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَحَدَكُمُ ٱلۡمَوۡتُ تَوَفَّتۡهُ
رُسُلُنَا وَهُمۡ لَا يُفَرِّطُونَ ٦١ ثُمَّ رُدُّوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ مَوۡلَىٰهُمُ ٱلۡحَقِّۚ
أَلَا لَهُ ٱلۡحُكۡمُ وَهُوَ أَسۡرَعُ ٱلۡحَٰسِبِينَ ٦٢ قُلۡ مَن يُنَجِّيكُم مِّن
ظُلُمَٰتِ ٱلۡبَرِّ وَٱلۡبَحۡرِ تَدۡعُونَهُۥ تَضَرُّعٗا وَخُفۡيَةٗ لَّئِنۡ أَنجَىٰنَا مِنۡ هَٰذِهِۦ
لَنَكُونَنَّ مِنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ٦٣ قُلِ ٱللَّهُ يُنَجِّيكُم مِّنۡهَا وَمِن كُلِّ كَرۡبٖ
ثُمَّ أَنتُمۡ تُشۡرِكُونَ ٦٤ قُلۡ هُوَ ٱلۡقَادِرُ عَلَىٰٓ أَن يَبۡعَثَ عَلَيۡكُمۡ عَذَابٗا
مِّن فَوۡقِكُمۡ أَوۡ مِن تَحۡتِ أَرۡجُلِكُمۡ أَوۡ يَلۡبِسَكُمۡ شِيَعٗا وَيُذِيقَ بَعۡضَكُم
بَأۡسَ بَعۡضٍۗ ٱنظُرۡ كَيۡفَ نُصَرِّفُ ٱلۡأٓيَٰتِ لَعَلَّهُمۡ يَفۡقَهُونَ ٦٥
وَكَذَّبَ بِهِۦ قَوۡمُكَ وَهُوَ ٱلۡحَقُّۚ قُل لَّسۡتُ عَلَيۡكُم بِوَكِيلٖ ٦٦ لِّكُلِّ
نَبَإٖ مُّسۡتَقَرّٞۚ وَسَوۡفَ تَعۡلَمُونَ ٦٧ وَإِذَا رَأَيۡتَ ٱلَّذِينَ يَخُوضُونَ فِيٓ
ءَايَٰتِنَا فَأَعۡرِضۡ عَنۡهُمۡ حَتَّىٰ يَخُوضُواْ فِي حَدِيثٍ غَيۡرِهِۦۚ وَإِمَّا يُنسِيَنَّكَ
ٱلشَّيۡطَٰنُ فَلَا تَقۡعُدۡ بَعۡدَ ٱلذِّكۡرَىٰ مَعَ ٱلۡقَوۡمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ٦٨

67. Ҳар бир хабарнинг қарор топадиган ўрни (ва вақти) бор. Тез фурсатда билиб олурсиз».

68. Оятларимизга (нисбатан менсимасликка) киришиб кетаётганларни кўрсангиз, то бошқа гапга кўчмагунларигача, улардан юз ўгиринг! Агарда шайтон ёдингиздан чиқарса, эслаганингиздан кейин золимлар қавми билан ўтирманг!*

60-оят. Ухлатишни Аллоҳ таоло “вафот эттириш” деб атамоқда. Ухлаганда руҳ танадан чиқиб кетармиш, деган гапни кўпчилик билади. Ундай бўлса ухлаган одам ҳам нафас олади-ку!, - деган савол туғилади. Бунга калом илми олимлари шундай жавоб берганлар: “Инсондаги бешта сезги аъзоларининг ҳар бирида алоҳида руҳ бўлиб, шу руҳлар уйқу пайтида олиб қўйилади ва уйғонганда қайтарилади. Аммо умумий танадаги руҳ фақат белгиланган ажал тугаган пайтдагина олинади” (Мд.).

61-оят. Сақловчи фаришталардан мурод "кироман котибин" деб аталмиш ҳар бир инсоннинг икки елкасида турувчи ва унинг қилган гуноҳ ва савоб ишларини мунтазам ёзиб борувчи икки фариштадир.

* Элчи фаришталар эса, жон олувчи малоикалардир. Уларнинг ҳар бирини "малакул-мавт" дейилади. Жон олувчи фаришталар ҳақида яна "Нозиот" сурасидан ўқинг.

68-оят. Бу хитоб фақат Пайғамбаримиз (а.с.)га эмас, балки барча мусулмонларга ҳам тегишли деган тафсир ҳам бор.

وَمَا عَلَى ٱلَّذِينَ يَتَّقُونَ مِنْ حِسَابِهِم مِّن شَيْءٍ وَلَٰكِن
ذِكْرَىٰ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ ﴿٦٩﴾ وَذَرِ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟
دِينَهُمْ لَعِبًا وَلَهْوًا وَغَرَّتْهُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا ۚ وَذَكِّرْ بِهِۦٓ
أَن تُبْسَلَ نَفْسٌۢ بِمَا كَسَبَتْ لَيْسَ لَهَا مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلِىٌّ
وَلَا شَفِيعٌ وَإِن تَعْدِلْ كُلَّ عَدْلٍ لَّا يُؤْخَذْ مِنْهَآ ۗ أُو۟لَٰٓئِكَ
ٱلَّذِينَ أُبْسِلُوا۟ بِمَا كَسَبُوا۟ ۖ لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ
أَلِيمٌۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ ﴿٧٠﴾ قُلْ أَنَدْعُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ
مَا لَا يَنفَعُنَا وَلَا يَضُرُّنَا وَنُرَدُّ عَلَىٰٓ أَعْقَابِنَا بَعْدَ إِذْ هَدَىٰنَا ٱللَّهُ
كَٱلَّذِى ٱسْتَهْوَتْهُ ٱلشَّيَٰطِينُ فِى ٱلْأَرْضِ حَيْرَانَ لَهُۥٓ أَصْحَٰبٌ
يَدْعُونَهُۥٓ إِلَى ٱلْهُدَى ٱئْتِنَا ۗ قُلْ إِنَّ هُدَى ٱللَّهِ هُوَ ٱلْهُدَىٰ ۖ
وَأُمِرْنَا لِنُسْلِمَ لِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٧١﴾ وَأَنْ أَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ
وَٱتَّقُوهُ ۚ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٧٢﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى
خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ ۖ وَيَوْمَ يَقُولُ كُن
فَيَكُونُ ۚ قَوْلُهُ ٱلْحَقُّ ۚ وَلَهُ ٱلْمُلْكُ يَوْمَ يُنفَخُ فِى ٱلصُّورِ ۚ
عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ ۚ وَهُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْخَبِيرُ ﴿٧٣﴾

69. Тақво қилувчилар зиммасида улар (*золимларнинг қилмишлари*)дан ҳеч қандай ҳисобот (бериш) йўқ. *Лекин* (мазкур гуноҳлардан) сақланишлари учун эслатма (*билан огоҳлантириш лозим*)дир.

70. Динларини ўйин ва беҳуда нарса қилиб *олган ва бу дунё ҳаёти алдаб* қўйганларни қўяверинг (*уларга парво қилманг*)! Ҳар бир жон (ўз) қилмиши сабабли ҳалок бўлиши, Аллоҳдан бошқа ҳеч дўст ва оқловчи бўлмаслиги, бадалнинг ҳаммасини берса ҳам ундан олинмаслигини у (Қуръон) орқали эслатинг! (Ўз) қилмишлари сабабли азобланадиганлар ана ўшалардир. Улар учун куфрда бўлганлари туфайли қайноқ сувдан иборат ичимлик ва аламли азоб (бордир).

71. Айтинг: «Аллоҳни қўйиб, бизга фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдиган нарсага *илтижо қиламизми** ва Аллоҳ бизни ҳидоят йўлига солгандан кейин (яна) ортимизга қайтариламизми?! (Унда) худди жинлар чалиб кетгач, ерда ҳайронликда юрганда ўртоқлари: «Биз томонга *кел!*» – деб тўғри йўлга чақирган кимсага ўхшаб қоламиз-ку! Айтинг: «Аллоҳнинг ҳидоятигина (ҳақиқий) ҳидоятдир. (Биз эса) бутун оламларнинг Раббига бўйин сунишга буюрилганмиз».

72. (Бизга яна): «Намозни мукаммал адо этингиз ва Ундан қўрқингиз! У ўша ҳузурига сизлар жам бўладиган зотдир» (деб буюрилган).

73. У осмонлар ва Ерни ҳикмат билан яратган зотдир. «Бўл!» – деган онда* (истагани) бўлади. Унинг сўзи ҳақдир. Сур* чалинадиган куни ҳукмронлик фақат Уникидир. Яширин ва ошкора (нарсаларни) билувчидир. У ҳаким ва хабардор зотдир.

71-оят. Абу Бакр Сиддиқ (рз.) нинг ўғли Абдурраҳмон мушрик бўлиб, ота-онасини ҳам бутпарастликка даъват қилар эди. Бу оят билан Аллоҳ таоло Абу Бакр (рз.)га Муҳаммад (а.с.) орқали ўғлига қандай жавоб айтишни таълим бермоқда (Абс).

Бу келтирилган мисолдаги жин чалиб кетган кимсадан мурод – ширкда, залолатда қолган Абдурраҳмонга ўхшаган мушриклар. Ҳидоятга чақириб “Биз томонга кел!”, -деб чақираётган кишилардан мурод – мусулмонлар. Шайтоннинг гапига кирса, ширкда қолиши керак. Ислом чақириғига қулоқ солса, ҳидоят топиши муқаррар. Мазкур кимсани икки ўртада ҳайронликда қолгани тасвирланмоқда.

73-оят. Оятнинг арабчасида “Бўл! деган куни” ёзилган. Бу ерда “кун” пайт маъносидадир.

* “Сур” – ўзбекчада ҳайвоннинг шохи шаклидаги сурнай. Исрофил (а.с.)га қиёмат куни уни икки бор чалиш амр қилинади. Биринчисида Ер юзасидаги барча тирик жон ўлади. Иккинчисида эса, Одам (а.с.)дан то Қиёмат кунигача ўтганларнинг барчаси тирилади.

“Сур чалинадиган куни ҳукмронлик фақат Уникидир” жумласидан унгача Аллоҳнинг ҳукмрон эмаслиги чиқмайди. Лекин Ундан бошқа ҳам ер юзида ҳукмронлар кўп бўлади. Аммо қиёмат куни якка Аллоҳдан бўлак ҳукмронликни даъво қиладиган бирор кимса бўлмайди (Хз.).

۞ وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِيمُ لِأَبِيهِ ءَازَرَ أَتَتَّخِذُ أَصْنَامًا ءَالِهَةً ۖ إِنِّىٓ
أَرَىٰكَ وَقَوْمَكَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٧٤﴾ وَكَذَٰلِكَ نُرِىٓ إِبْرَٰهِيمَ
مَلَكُوتَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلِيَكُونَ مِنَ ٱلْمُوقِنِينَ ﴿٧٥﴾
فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ ٱلَّيْلُ رَءَا كَوْكَبًا ۖ قَالَ هَٰذَا رَبِّى ۖ فَلَمَّآ أَفَلَ قَالَ
لَآ أُحِبُّ ٱلْـَٔافِلِينَ ﴿٧٦﴾ فَلَمَّا رَءَا ٱلْقَمَرَ بَازِغًا قَالَ هَٰذَا
رَبِّى ۖ فَلَمَّآ أَفَلَ قَالَ لَئِن لَّمْ يَهْدِنِى رَبِّى لَأَكُونَنَّ مِنَ ٱلْقَوْمِ
ٱلضَّآلِّينَ ﴿٧٧﴾ فَلَمَّا رَءَا ٱلشَّمْسَ بَازِغَةً قَالَ هَٰذَا رَبِّى هَٰذَآ
أَكْبَرُ ۖ فَلَمَّآ أَفَلَتْ قَالَ يَٰقَوْمِ إِنِّى بَرِىٓءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ ﴿٧٨﴾
إِنِّى وَجَّهْتُ وَجْهِىَ لِلَّذِى فَطَرَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ
حَنِيفًا ۖ وَمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٧٩﴾ وَحَآجَّهُۥ قَوْمُهُۥ ۚ قَالَ
أَتُحَٰٓجُّوٓنِّى فِى ٱللَّهِ وَقَدْ هَدَىٰنِ ۚ وَلَآ أَخَافُ مَا تُشْرِكُونَ بِهِۦٓ
إِلَّآ أَن يَشَآءَ رَبِّى شَيْـًٔا ۗ وَسِعَ رَبِّى كُلَّ شَىْءٍ عِلْمًا ۗ أَفَلَا
تَتَذَكَّرُونَ ﴿٨٠﴾ وَكَيْفَ أَخَافُ مَآ أَشْرَكْتُمْ وَلَا
تَخَافُونَ أَنَّكُمْ أَشْرَكْتُم بِٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ عَلَيْكُمْ
سُلْطَٰنًا ۚ فَأَىُّ ٱلْفَرِيقَيْنِ أَحَقُّ بِٱلْأَمْنِ ۖ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨١﴾

74. Иброҳим отаси – Озарга: «Санамларни илоҳ қилиб оласизми? Мен Сизни ва қавмингизни залолатда кўраяпман», – деганини эсланг!*

75. Шу тарзда Иброҳимга осмонлар ва Ернинг мулкини (ажойиботларини) кўрсатурмиз*. Чинакам ишонувчилардан бўлиши учун (шундай қилдик).

76. Тун зулмати уни қоплаганда юлдузни кўриб: «Мана шу – раббим», – *деди*. (У) ботиб кетганда эса: «Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман», – *деди*.

77. Чиқаётган ойни кўриб: «Мана шу – раббим», – *деди*. Ботиб кетганда эса: «Агарда Раббим мени ҳидоятга солмаса, албатта, адашганлар қавмидан бўлиб қолурман», – *деди*.

78. Чиқаётган қуёшни кўриб: «Мана шу – раббим. Шу каттароқ-ку!» – *деди*. Ботиб кетганда эса: «Эй, қавмим, албатта, мен сизлар келтираётган ширкдан безордирман*.

79. Мен тўғри йўлни танлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни ихтиро этган Зотга қаратдим. Мен мушриклардан эмасман», – *деди*.

80. Қавми у билан баҳслашди. (Шунда) у *деди*: «Мен билан Аллоҳ ҳақида баҳслашасизми? Ахир, (У) мени ҳидоятга йўллаган бўлса?! Мен сизлар келтирган ширкдан қўрқмайман. Илло, Раббим бирор нарсани хоҳласа (ўша бўлур). Раббим илм жиҳатидан ҳар нарсани қамраб олган. (Буни) эслаб кўрмайсизларми?

81. Сизлар келтирган ширкдан қандай ҳам қўрқайинки, сизларга бирор ҳужжат қилиб туширмаган нарсани Аллоҳга шерик қилишдан қўрқмаётган бўлсангиз?!» (Бу) икки гуруҳнинг қайсиниси (қўрқмай) хотиржам бўлишга ҳақлироқдир? Биладиган бўлсангиз (айтинг!)

74-оят. Иброҳим (а.с.)нинг отаси Озарнинг иккинчи номи Торих. Баъзи тарихчилар иккисидан бири унинг лақаби, дейдилар. У Куфанинг Кусо деган қишлоғидан бўлиб, буттарошлик билан шуғулланган. Халилуллоҳ ўз отасини бутпарастликдан қайтаришга кўп ҳаракат қилганлар. Лекин у қайтмаган.

75-оят. Иброҳим (а.с.)га Еру осмонлардаги ажойиботлар кўрсатилган пайтда ер юзида бир кишини фаҳш устида кўриб, уни дуои бад қилганларида у ўлиб қолади. Яна икки киши ҳам худди шундай дуои бадлари билан ҳалок бўлади. Шунда Аллоҳ: "Эй, Иброҳим, сенинг дуоинг мустажоб. Бандаларимни дуои бад қилма! Улар уч хил: Бири тавба қилади, қабул қиламан. Бошқасидан менга ибодат қилувчи насл чиқараман. Учинчисини охиратга қолдириб, хоҳласам кечираман, хоҳласам азоблайман" (Хз.).

78-оят. Иброҳим (а.с.) улуғ пайғамбарлардан бўла туриб нечун қуёш, ой, юлдузларни раббим деди, деган савол туғилиши табиий. Жавобига муфассирлар айтмишларки, Халилуллоҳ бу сўзларни чин диллари билан эътиқодан айтганлари йўқ, балки уларга сиғинадиган мушрикларни масхара қилиб, "шу ҳам парвардигор бўлдими, ботиб кетишини қаранг" – демоқчи бўлганлар (Мд.).

ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَلَمۡ يَلۡبِسُوٓاْ إِيمَٰنَهُم بِظُلۡمٍ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱلۡأَمۡنُ
وَهُم مُّهۡتَدُونَ ﴿٨٢﴾ وَتِلۡكَ حُجَّتُنَآ ءَاتَيۡنَٰهَآ إِبۡرَٰهِيمَ عَلَىٰ
قَوۡمِهِۦۚ نَرۡفَعُ دَرَجَٰتٖ مَّن نَّشَآءُۗ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٞ ﴿٨٣﴾
وَوَهَبۡنَا لَهُۥٓ إِسۡحَٰقَ وَيَعۡقُوبَۚ كُلًّا هَدَيۡنَاۚ وَنُوحًا
هَدَيۡنَا مِن قَبۡلُۖ وَمِن ذُرِّيَّتِهِۦ دَاوُۥدَ وَسُلَيۡمَٰنَ وَأَيُّوبَ
وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَٰرُونَۚ وَكَذَٰلِكَ نَجۡزِي ٱلۡمُحۡسِنِينَ ﴿٨٤﴾
وَزَكَرِيَّا وَيَحۡيَىٰ وَعِيسَىٰ وَإِلۡيَاسَۖ كُلّٞ مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٨٥﴾
وَإِسۡمَٰعِيلَ وَٱلۡيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطٗاۚ وَكُلّٗا فَضَّلۡنَا عَلَى
ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٨٦﴾ وَمِنۡ ءَابَآئِهِمۡ وَذُرِّيَّٰتِهِمۡ وَإِخۡوَٰنِهِمۡۖ وَٱجۡتَبَيۡنَٰهُمۡ
وَهَدَيۡنَٰهُمۡ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ﴿٨٧﴾ ذَٰلِكَ هُدَى ٱللَّهِ يَهۡدِي
بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦۚ وَلَوۡ أَشۡرَكُواْ لَحَبِطَ عَنۡهُم مَّا كَانُواْ
يَعۡمَلُونَ ﴿٨٨﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ءَاتَيۡنَٰهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحُكۡمَ وَٱلنُّبُوَّةَۚ
فَإِن يَكۡفُرۡ بِهَا هَٰٓؤُلَآءِ فَقَدۡ وَكَّلۡنَا بِهَا قَوۡمٗا لَّيۡسُواْ بِهَا بِكَٰفِرِينَ
﴿٨٩﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ هَدَى ٱللَّهُۖ فَبِهُدَىٰهُمُ ٱقۡتَدِهۡۗ قُل لَّآ
أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ أَجۡرًاۖ إِنۡ هُوَ إِلَّا ذِكۡرَىٰ لِلۡعَٰلَمِينَ ﴿٩٠﴾

82. Имон келтирган ва имонларига зулм (ширк)ни аралаштирмаганлар – айнан ўшаларга хавфсизлик (бордир) ва улар ҳидоят (тўғри йўл) топган зотлардир.

83. Иброҳимга қавми устидан берган ҳужжатимиз ана шудир. Хоҳлаган кишимизни даражаларга кўтарурмиз. Албатта, Раббингиз ҳикмат ва илм соҳибидир.

84. Унга (Иброҳимга) Исҳоқ* ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нуҳни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз.

85. Закариё, Яҳё, Исо ва Илёсни (ҳам ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаси солиҳлардандир.

86. Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик*.

87. Шунингдек, уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва ака-укаларидан (баъзиларини ҳам афзал қилдик). Уларни танлаб олиб, тўғри йўлга (ҳақ динга) бошладик.

88. Аллоҳнинг ҳидояти шудир. У билан хоҳлаган бандаларини йўлга солади. Агар мушрик бўлганларида қилган (савобли) амаллари йўққа чиққан бўлур эди.

89. Ана ўшалар Биз Китоб, ҳукм (Ҳикмат) ва пайғамбарлик берган зотлардир. Агар уларни ана улар (Макка мушриклари) инкор этсалар, уларни инкор этмайдиган қавмни* уларга вакил қилиб қўйганмиз.

90. Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоятга бошлаган зотлардир. Бас, (Сиз ҳам) уларнинг йўлига иқтидо қилинг! Айтинг: «Сизлардан унинг (пайғамбарлик хизмати) учун ҳақ сўрамайман. У фақат оламлар учун эслатмадир».

84-оят. Исҳоқ (а.с.) Иброҳим (а.с.)нинг Сора исмли хотинидан туғилган ўғли. Яъқуб (а.с.) Исҳоқ (а.с.)нинг ўғлидир.

86-оят. Юқорида 18 нафар пайғамбарнинг исмлари келтирилди. Лекин яшаган даврларига хос тартиб билан эмас, балки уларга ато этилган фазилат ва неъматларга қараб зикр этилди. Масалан, Нуҳ, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб (а.с.)лар қолган пайғамбарларнинг бобокалонлари ҳисобланади. Сўнгра подшоҳлик, қудрат ва салтанат эътибори билан Довуд, Сулаймон (а.с.)лар зикр этилди. Сабр-бардош бўйича Айюб, Юсуф (а.с.)лар. Сўнгра кўп мўъжизалар соҳиблари Мусо ва Ҳорун (а.с.)лар. Сўнгра зоҳидлик эътибори билан Закариё, Яҳё, Исо, Илёс (а.с.)лар улардан сўнг издош ва тобелари ҳам, алоҳида шариатлари ҳам бўлмаган Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус, Лут (а.с.)лар каби пайғамбарлар зикр этилди (Хз.).

89-оят. Яъни номлари зикр этилган пайғамбарларни. Иккинчи тафсири – барча мўмин-мусулмонларни. Учинчи тафсири – араб бўлмаган халқларни. Тўртинчи тафсири – фаришталарни уларга ўринбосар қилурмиз. Сўнгра улар имон келтириб, солиҳ амалларни қилурлар (Мд.).

وَمَا قَدَرُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِۦٓ إِذْ قَالُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ عَلَىٰ بَشَرٍ مِّن شَىْءٍ ۗ
قُلْ مَنْ أَنزَلَ ٱلْكِتَٰبَ ٱلَّذِى جَآءَ بِهِۦ مُوسَىٰ نُورًا وَهُدًى لِّلنَّاسِ ۖ
تَجْعَلُونَهُۥ قَرَاطِيسَ تُبْدُونَهَا وَتُخْفُونَ كَثِيرًا ۖ وَعُلِّمْتُم مَّا لَمْ تَعْلَمُوٓا۟
أَنتُمْ وَلَآ ءَابَآؤُكُمْ ۖ قُلِ ٱللَّهُ ۖ ثُمَّ ذَرْهُمْ فِى خَوْضِهِمْ يَلْعَبُونَ ﴿٩١﴾
وَهَٰذَا كِتَٰبٌ أَنزَلْنَٰهُ مُبَارَكٌ مُّصَدِّقُ ٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ وَلِتُنذِرَ
أُمَّ ٱلْقُرَىٰ وَمَنْ حَوْلَهَا ۚ وَٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ يُؤْمِنُونَ بِهِۦ ۖ
وَهُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ ﴿٩٢﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى
ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ قَالَ أُوحِىَ إِلَىَّ وَلَمْ يُوحَ إِلَيْهِ شَىْءٌ وَمَن قَالَ سَأُنزِلُ
مِثْلَ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ ۗ وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذِ ٱلظَّٰلِمُونَ فِى غَمَرَٰتِ ٱلْمَوْتِ
وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ بَاسِطُوٓا۟ أَيْدِيهِمْ أَخْرِجُوٓا۟ أَنفُسَكُمُ ۖ ٱلْيَوْمَ
تُجْزَوْنَ عَذَابَ ٱلْهُونِ بِمَا كُنتُمْ تَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ غَيْرَ ٱلْحَقِّ
وَكُنتُمْ عَنْ ءَايَٰتِهِۦ تَسْتَكْبِرُونَ ﴿٩٣﴾ وَلَقَدْ جِئْتُمُونَا فُرَٰدَىٰ
كَمَا خَلَقْنَٰكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَتَرَكْتُم مَّا خَوَّلْنَٰكُمْ وَرَآءَ ظُهُورِكُمْ ۖ
وَمَا نَرَىٰ مَعَكُمْ شُفَعَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُمْ أَنَّهُمْ فِيكُمْ شُرَكَٰٓؤُا۟ ۚ
لَقَد تَّقَطَّعَ بَيْنَكُمْ وَضَلَّ عَنكُم مَّا كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٩٤﴾

91. Аллоҳни қадрига лойиқ қадрламадилар, дедиларки: «Аллоҳ башар (зоти)га ҳеч нарса нозил қилган эмас»*. Айтинг: «Одамлар учун нур ва ҳидоят сифатида Мусо келтирган, сизлар уни саҳифа-саҳифа қилиб олиб (бир қисмини) ошкора, кўпини эса махфий тутган ва (унда) ўзларингиз ва ота-боболарингиз билмаган (илм)лар билдирилган Китоб (Таврот)ни ким нозил қилган эди?» (Яна ўзингиз:) «Аллоҳ (нозил қилган эди)», – деб айтинг! Сўнгра уларни ўз ҳолларига қўйиб беринг – ўйнаб (адашиб) юраверсинлар.

92. Бу (Қуръон) бир муборак, ўзидан олдинги (илоҳий китоблар)ни тасдиқловчи, Уммулқуро* (деб аталмиш Макка аҳли)ни ва унинг атрофидаги кишиларни огоҳлантиришингиз учун Биз нозил қилган Китобдир. Охиратга имон келтирадиганлар унга (ҳам) имон келтирадилар ва улар намозларини муҳофаза қиладилар (давоматли ўқийдилар).

93. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган, ҳеч нарса ваҳий қилинмаган бўлса-да, «Менга ваҳий қилинди», – деган, шунингдек, «Аллоҳ нозил этган каби (мен ҳам оятларни) нозил қиламан», – деган кимсалардан ким ҳам золимроқдир?* Бу золимларни ўлим исканжасида (қолганларида) фаришталар қўлларини (уларга) чўзиб: «Жонларингни чиқарингиз! Бугун Аллоҳ шаънига ноҳақ (нолойиқ сифатлар)ни гапирганингиз ва Унинг оятларига (амал қилишдан) кибрланганингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланасиз», – деб турган ҳолатларини (бир) кўрсангиз эди!

94. Аллоҳ қиёмат куни айтур: «Ҳузуримизга сизларни биринчи марта қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз-ёлғиз келдингиз. Сизларга (мулк қилиб) берган (бойлик)ларни ортингизда қолдирдингиз. Ораларингизда (Аллоҳга) шерик деб гумон қилиб юрган шафоатчи (оқловчи)ларингизни сизлар билан бирга кўрмаяпмиз. Орангиз узилиб қолибди. (Оқлайди деб) ўйлаб юрган (бут)ларингиз (эса) сизлардан ғойиб бўлибди».

91-оят. Бу оятнинг нозил бўлиши сабабларидан бири, тафсирларда айтилишича, Муҳаммад (а.с.)нинг ҳузурига яҳудий динининг Молик ибн ас-Сайф деган бир пешвоси келиб, аҳмоқона баҳс бошлайди. Расул (а.с.) ундан: "Тавротда Аллоҳ таоло семиз руҳонийни ёқтирмайди, дейилмаганми?", – деб сўрайдилар. У: "(Ҳа, шундай) дейилган", – деб жавоб беради. Расул (а.с.): "Сен ҳам семиз руҳоний экансан" – деганларида, у дарғазаб бўлиб: "Аллоҳ ҳеч кимга шу жумладан, Мусога ҳам илоҳий китоб (Таврот) туширган эмас", – деб ҳатто ўз динига ҳам шаккоклик қилган. Аҳли китоблар уни маломат қилишиб, руҳонийликдан четлатадилар ва унинг ўрнига Каъб ибн Ашрафни сайлайдилар (Мд.Хз.).

92-оят. "Уммул-қуро" – шаҳарлар онаси.

93-оят. Оятда қаралаётган шахс пайғамбарлик даъво қилган Мусайлиматул-каззоб ёки Аллоҳдан ваҳий нозил бўлди, деб даъво қилган Абдуллоҳ ибн Саъд экани тўғрисида ихтилоф бор.

إِنَّ ٱللَّهَ فَالِقُ ٱلْحَبِّ وَٱلنَّوَىٰ ۖ يُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ وَمُخْرِجُ
ٱلْمَيِّتِ مِنَ ٱلْحَىِّ ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٩٥﴾ فَالِقُ ٱلْإِصْبَاحِ
وَجَعَلَ ٱلَّيْلَ سَكَنًا وَٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ حُسْبَانًا ۚ ذَٰلِكَ تَقْدِيرُ
ٱلْعَزِيزِ ٱلْعَلِيمِ ﴿٩٦﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلنُّجُومَ لِتَهْتَدُوا۟
بِهَا فِى ظُلُمَٰتِ ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ ۗ قَدْ فَصَّلْنَا ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ
﴿٩٧﴾ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنشَأَكُم مِّن نَّفْسٍ وَٰحِدَةٍ فَمُسْتَقَرٌّ وَمُسْتَوْدَعٌ ۗ
قَدْ فَصَّلْنَا ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَفْقَهُونَ ﴿٩٨﴾ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ
مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجْنَا بِهِۦ نَبَاتَ كُلِّ شَىْءٍ فَأَخْرَجْنَا مِنْهُ
خَضِرًا نُّخْرِجُ مِنْهُ حَبًّا مُّتَرَاكِبًا وَمِنَ ٱلنَّخْلِ مِن طَلْعِهَا
قِنْوَانٌ دَانِيَةٌ وَجَنَّٰتٍ مِّنْ أَعْنَابٍ وَٱلزَّيْتُونَ وَٱلرُّمَّانَ مُشْتَبِهًا
وَغَيْرَ مُتَشَٰبِهٍ ۗ ٱنظُرُوٓا۟ إِلَىٰ ثَمَرِهِۦٓ إِذَآ أَثْمَرَ وَيَنْعِهِۦٓ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكُمْ
لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٩٩﴾ وَجَعَلُوا۟ لِلَّهِ شُرَكَآءَ ٱلْجِنَّ وَخَلَقَهُمْ ۖ
وَخَرَقُوا۟ لَهُۥ بَنِينَ وَبَنَٰتٍۭ بِغَيْرِ عِلْمٍ ۚ سُبْحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا
يَصِفُونَ ﴿١٠٠﴾ بَدِيعُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ أَنَّىٰ يَكُونُ لَهُۥ وَلَدٌ
وَلَمْ تَكُن لَّهُۥ صَٰحِبَةٌ ۖ وَخَلَقَ كُلَّ شَىْءٍ ۖ وَهُوَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٠١﴾

95. Аллоҳ дон ва уруғларни ёрувчи (ва ундирувчи)дир. Ўликдан тирикни чиқаради ва (У) тирикдан ўликни чиқарувчидир*. Ана ўша Аллоҳдир. Бас, қаёққа оғиб кетаяпсиз?

96. (У) тонг оттирувчидир. Тунни оромгоҳ, қуёш ва ойни эса ҳисоб белгилари қилиб қўйди. Бу қудратли ва доно зотнинг ўлчовидир.

97. У сизлар учун қуруқлик ва денгиз қоронғуликларида йўл топишингиз учун юлдузларни яратган зотдир. Биладиган кишилар учун оятларни батафсил баён қилдик.

98. У сизларни бир жон (Одам а.с.)дан пайдо қилган зотдир. Демак, (инсон учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонатгоҳ (экан). Фаҳмлайдиган қавм учун оятлар тафсилотини бердик.

99. У осмондан сув (ёмғир) туширган зотдир. У билан ҳар нарсани (ердан) ундириб чиқардик. Ундан яшил гиёҳ (полиз экинлари)ни чиқардик. Ундан (бошоқ каби) зич таркибли донларни чиқарамиз. Хурмодан эса, унинг шохидаги (мева) бошлари (ерга) яқини (ва яқин бўлмаганлари) бор. Шунингдек, узумзор боғлар, бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни (чиқардик). Уларнинг мевалагандаги (ғўр) мевасига ва пишганига (ибрат кўзи билан) боқинг! Шу (билган)ларингизда, албатта, имон келтирувчи қавмлар учун аломатлар бордир.

100. Аллоҳга жинларни* шерик қилдилар. Ваҳоланки, уларни (Ўзи) яратган. Билмаган ҳолда Унга ўғил ва қизларни тўқиб чиқардилар. У (Аллоҳ) булар тавсиф этаётган (сифат)лардан пок ва аълодир.

101. (У) осмонлар ва Ернинг ихтирочисидир. Унинг ёри (жуфти) бўлмаган бўлса, қаёқдан унга фарзанд бўлсин?! Ҳамма нарсани яратди. У ҳамма нарсанинг билимдонидир.

95-оят. Бу оятдаги “ўлик” ва “тирик” ибораларини кўпнарсага йўйиш мумкин. Масалан, қуруқ дон ёки уруғдан ўсимлик, экин ва дарахтларнинг униши. Шунингдек, бир томчи “сув”дан инсон ёки ҳайвоннинг дунёга келиши ва ундан яна жонсиз “сув”нинг пайдо бўлиши ёки тухумдан қушнинг, қушдан тухумнинг пайдо бўлиши, ёхуд кофирдан мусулмон, мусулмондан кофирнинг туғилиши деб билиш мумкин (Мд. Абс).

100-оят. Оятдаги “жинлар”дан мурод – фаришталар. Зеро, фаришталар Аллоҳнинг қизлари деган эътиқод билан уларга сиғинганлар. Фаришталар ҳам кўзга кўринмайдиган мавжудот бўлгани боис уларни ҳам жинлар деб аташ мумкин. Фахриддин Розий ёзади: “Фаришталарга сиғиниш зиндиқ ва мажусийларнинг эътиқоди. Зеро, Зардўшт осмондан тушган деб билган китобни “Зинд”, унга эътиқод қилувчини “зиндий” деб атаган. Уни араб тилига “зиндиқ” шаклида кўчирганлар” (Хз.).

ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ خَٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ
فَٱعْبُدُوهُ ۚ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ وَكِيلٌ ﴿١٠٢﴾ لَّا تُدْرِكُهُ
ٱلْأَبْصَٰرُ وَهُوَ يُدْرِكُ ٱلْأَبْصَٰرَ ۖ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ ٱلْخَبِيرُ ﴿١٠٣﴾
قَدْ جَآءَكُم بَصَآئِرُ مِن رَّبِّكُمْ ۖ فَمَنْ أَبْصَرَ فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَنْ عَمِىَ
فَعَلَيْهَا ۚ وَمَآ أَنَا۠ عَلَيْكُم بِحَفِيظٍ ﴿١٠٤﴾ وَكَذَٰلِكَ نُصَرِّفُ
ٱلْءَايَٰتِ وَلِيَقُولُوا۟ دَرَسْتَ وَلِنُبَيِّنَهُۥ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١٠٥﴾
ٱتَّبِعْ مَآ أُوحِىَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ وَأَعْرِضْ عَنِ
ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٦﴾ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَآ أَشْرَكُوا۟ ۗ وَمَا جَعَلْنَٰكَ عَلَيْهِمْ
حَفِيظًا ۖ وَمَآ أَنتَ عَلَيْهِم بِوَكِيلٍ ﴿١٠٧﴾ وَلَا تَسُبُّوا۟ ٱلَّذِينَ
يَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ فَيَسُبُّوا۟ ٱللَّهَ عَدْوًۢا بِغَيْرِ عِلْمٍ ۗ كَذَٰلِكَ زَيَّنَّا
لِكُلِّ أُمَّةٍ عَمَلَهُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّهِم مَّرْجِعُهُمْ فَيُنَبِّئُهُم بِمَا كَانُوا۟
يَعْمَلُونَ ﴿١٠٨﴾ وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ لَئِن جَآءَتْهُمْ ءَايَةٌ
لَّيُؤْمِنُنَّ بِهَا ۚ قُلْ إِنَّمَا ٱلْءَايَٰتُ عِندَ ٱللَّهِ ۖ وَمَا يُشْعِرُكُمْ أَنَّهَآ إِذَا
جَآءَتْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠٩﴾ وَنُقَلِّبُ أَفْـِٔدَتَهُمْ وَأَبْصَٰرَهُمْ كَمَا لَمْ
يُؤْمِنُوا۟ بِهِۦٓ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَنَذَرُهُمْ فِى طُغْيَٰنِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١١٠﴾

102. Ана ўша Раббингиз – Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У ҳамма нарсанинг яратувчисидир. Бас, Унга ибодат қилингиз! У ҳар нарса устидан вакил (кузатувчи)дир.

103. Кўзлар Уни идрок этмас*. Кўзларни У идрок этар. У дақиқ нарсаларни билувчи ва (ҳамма ишдан) хабардордир.

104. Раббингиздан сизларга дилкаш далиллар келди. Кимки (қалб кўзи билан) кўра олса, ўзига (яхши). Кимки кўрлик қилса, ўзига (ёмон)дир. Мен устиларингизда қўриқчи эмасман.

105. Сизга (олдинги илоҳий китоблардан) дарс олиб ўргангандирсан, дейишлари учун ва билувчи қавмга баён қилиб беришимиз учун (бу) оятларни мана шундай тасарруф қилмоқдамиз.

106. Раббингиздан Сизга ваҳий этилган нарса (оят)ларга эргашинг. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Мушриклардан (эса) четланинг!

107. Агар Аллоҳ истаса, (улар) ширк келтирмаган бўлур эдилар. Сизни эса улар устидан қўриқчи қилиб қўйганимиз йўқ. Сиз уларга вакил (соқчи) ҳам эмассиз.

108. Аллоҳдан ўзгага сиғинадиганлар (бутлари)ни сўкмангиз! Акс ҳолда, улар ҳаддан ошиб, билмасдан Аллоҳни сўкиб юборадилар. Шунга ўхшаб ҳар бир уммат ишини ўзига чиройли кўрсатиб қўйдик. Сўнгра қайтар жойлари Парвардигорлари ҳузуригадир. Ана ўшанда уларга қилган ишларининг хабарини берур.

109. Агар уларга оят келса, албатта, имон келтиришлари ҳақида жидду жаҳд билан Аллоҳга қасам ичадилар. «Оятлар Аллоҳнинг ҳузуридадир», – деб айтинг! Қайдан ҳам билурсизлар, (оятлар) келганда ҳам, балки имон келтирмаслар.

110. Биринчи марта унга имон келтирмаганларидек, диллари ва кўзларини тескари қилиб қўямиз ва ўз туғёнларида гангиб юрган ҳолларида уларни тарк этурмиз.

103-оят. Мўътазилийлар ушбу оятни далил қилиб, инсонлар Аллоҳни ҳеч қачон кўрмайди, дейдилар. “Аҳли сунна” эътиқодига кўра, бу оят Аллоҳни кўриб бўлмаслик учун далил бўла олмайди. Зеро, бу ерда Аллоҳни кўриш эмас, барча жиҳатдан Уни идрок ва иҳота этиш мумкин эмас, дейилмоқда. Зотан кўриш – бу, кўрилувчи тўғрисида ҳар томонлама маълумот ҳосил қилиш дегани эмас. Аллоҳнинг жамолини кўриш жоизлигига доир оят ва ҳадислар кўп. Фақат Аллоҳни кўриш бу дунёда эмас, охиратда жаннат аҳлига насиб этгай (Ақ).

Аллоҳни охиратда кўриш жоизлиги ҳақида яна “Юнус” сурасининг 26-ояти, “Қиёмат” сурасининг 22, 23-оятларига қаралсин.

Ҳадисда: “Яқинда Раббингизни ўн тўрт кунлик ойни кўргандек, кўрасизлар. Ўшанда сизларда мутлақо шак-шубҳа қолмагай”, дейилган.

۞ وَلَوْ أَنَّنَا نَزَّلْنَآ إِلَيْهِمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ وَكَلَّمَهُمُ ٱلْمَوْتَىٰ وَحَشَرْنَا
عَلَيْهِمْ كُلَّ شَىْءٍ قُبُلًا مَّا كَانُوا۟ لِيُؤْمِنُوٓا۟ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ وَلَٰكِنَّ
أَكْثَرَهُمْ يَجْهَلُونَ ﴿١١١﴾ وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِىٍّ عَدُوًّا
شَيَٰطِينَ ٱلْإِنسِ وَٱلْجِنِّ يُوحِى بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ زُخْرُفَ
ٱلْقَوْلِ غُرُورًا ۚ وَلَوْ شَآءَ رَبُّكَ مَا فَعَلُوهُ ۖ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ
﴿١١٢﴾ وَلِتَصْغَىٰٓ إِلَيْهِ أَفْـِٔدَةُ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ
وَلِيَرْضَوْهُ وَلِيَقْتَرِفُوا۟ مَا هُم مُّقْتَرِفُونَ ﴿١١٣﴾ أَفَغَيْرَ ٱللَّهِ
أَبْتَغِى حَكَمًا وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ إِلَيْكُمُ ٱلْكِتَٰبَ مُفَصَّلًا ۚ
وَٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ يَعْلَمُونَ أَنَّهُۥ مُنَزَّلٌ مِّن رَّبِّكَ بِٱلْحَقِّ ۖ
فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمُمْتَرِينَ ﴿١١٤﴾ وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ صِدْقًا
وَعَدْلًا ۚ لَّا مُبَدِّلَ لِكَلِمَٰتِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿١١٥﴾ وَإِن
تُطِعْ أَكْثَرَ مَن فِى ٱلْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ إِن
يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿١١٦﴾ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ
أَعْلَمُ مَن يَضِلُّ عَن سَبِيلِهِۦ ۖ وَهُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُهْتَدِينَ ﴿١١٧﴾
فَكُلُوا۟ مِمَّا ذُكِرَ ٱسْمُ ٱللَّهِ عَلَيْهِ إِن كُنتُم بِـَٔايَٰتِهِۦ مُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾

САККИЗИНЧИ ПОРА

111. Мабодо, Биз уларга фаришталарни туширсак ва ўликлар (тирилиб) уларга гапирса ҳамда ҳамма нарсани кафил сифатида уларга (уларнинг муқобилига) жам қилганимизда ҳам Аллоҳ хоҳлаганидан бошқалари имон келтирмаган бўлур эдилар*. Лекин уларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

112. Шунингдек, ҳар бир пайғамбарга инсу жиннинг шайтонларини душман қилиб қўйдик. Улар алдаш мақсадида сохта хушсуханлик билан бир-бирларига васваса қиладилар. Агар Раббингиз хоҳласа, (бундай) қилмаган бўлур эдилар. Уларни ҳам, тўқиётган (бўҳтон)ларини ҳам қўяверинг!

113. У (сохта сўзлар)дан охиратга ишонмайдиганларнинг диллари таъсирланиши ва у билан қаноатланиб, қиладиган нарса (гуноҳ)ларини қилишлари учун (васваса қилдилар).

114. (Уларга айтинг): «Аллоҳдан бошқа ҳакам излайинми, ҳолбуки, У сизларга Китоб (Қуръон)ни батафсил нозил қилган зотдир». Биз Китоб берган (Аҳли Китоб)лар у (Қуръон)нинг ҳақиқатан Раббингиздан нозил қилинганини биладилар. Бас, (Сиз) асло шак қилувчилардан бўлманг!

115. Раббингиз сўзи ростлик ва адолат жиҳатидан камолга етди. Унинг сўзларини ўзгартирувчи (куч) йўқ. У эшитувчи ва билувчидир.

116. Ер (юзи)даги кўп кишилар (сўзи)га итоат қиладиган бўлсангиз, Сизни Аллоҳ йўлидан янглиштирадилар. (Улар) фақат гумонга бериладилар ва фақат ёлғончилик қиладилар.

117. Албатта, Раббингиз Унинг йўлидан янглишган кимсани ҳам яхши билувчи ва У ҳидоят топганларни ҳам яхши билувчидир.

118. Бас, (эй, мусулмонлар!) Агар Унинг оятларига имон келтирувчи бўлсангиз, (сўйишда) Аллоҳнинг номи айтилган нарса (ҳалол ҳайвонлар гўшти)дан тановул қилингиз!*

111-оят. Ушбу оятга биноан "Аҳли сунна" уламолари имон келтириш ҳам, куфрни ихтиёр этиш ҳам Аллоҳнинг хоҳишига боғлиқ, деганлар. Муътазила ва қадария фирқалари эса, Аллоҳ уларнинг имон келтиришларини ирода қилган, лекин улар рад этган, деган эътиқоддалар (Ҳз.).

118-оят. Ато ибн Аби Рабоҳ (рҳ.) каби баъзи уламолар оятнинг зоҳирий мазмунига қараб "Бисмиллоҳ"сиз ейилган таом ҳам, ичилган ичимлик ҳам ҳаром, деб ҳисоблаганлар. Ибн Сирин, Шаъбий, Имом Молик (рҳ.)лардан қилинган ривоятда хоҳ қасддан, хоҳ унутиб "Бисмиллоҳ"ни айтмаса сўйилган ҳайвон гўшти ҳаром, дейилган. Абу Ҳанифа ва Суфён Саврий (рҳ.)лар эса, қасддан айтмаса – ҳаром, унутиб айтмаган бўлса ҳалол, деганлар (Ҳз.).

Кофирлар ўлимтикнинг гўшти мусулмонлар сўйган ҳайвон гўштидан ҳалолроқ, зеро, ўлимтикни Аллоҳ ўлдирган, ҳайвонни эса, одам, деб янглишганлар (Лс.).

119. Сизларга не бўлдики, Аллоҳнинг номи айтилган нарса (ҳайвон гўштлари)дан емайсизлар?! Ваҳоланки, (У) сизларга ҳаром қилган нарсаларни, зарурат ҳолатингиз мустаснолигини батафсил баён қилган эди. Албатта, кўпчилик ўз ҳавою хоҳишлари туфайли билмасдан (ўзларини) янглиштирадилар. Албатта, Раббингиз тажовузкорларни билувчироқдир.

120. Гуноҳнинг ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам тарк этингиз! Албатта, гуноҳ қилганлар қилмишлари туфайли жазоланурлар.

121. Аллоҳнинг номи айтилмаган нарсалардан емангиз! Зеро, у фосиқликдир. Шайтонлар эса, ўз дўстлари (мушриклар)ни сизлар билан баҳслашишлари учун васваса қилурлар*. Агар уларга итоат қилсангиз, албатта, сизлар (ҳам) мушрикларсиз.

122. Ўлик (кофир) бўлган одамни (ҳидоят билан) тирилтириб, унга одамлар ичида ўзи билан олиб юрадиган нур (имон)ни берганимиздан кейин (у) зулматлар ичида (қолиб,) ундан чиқмайдиган кимсага ўхшайдими?!* Шунга ўхшаш, кофирларга ўз ишлари зийнатли (кўринадиган) қилиб қўйилди.

123. Шунингдек, ҳар бир қишлоқда, унинг йирик жиноятчиларини у ерда макр қиладиган этиб қўйдик. (Ўзлари) сезмаган ҳолда (улар) фақат ўзларигагина макр қиладилар.

124. Уларга бирор оят (ёки мўъжиза) келса, айтадилар: «Бизга Аллоҳнинг (бошқа) пайғамбарларига берилгани каби оят (ёки мўъжиза)-

وَمَا لَكُمْ أَلَّا تَأْكُلُوا۟ مِمَّا ذُكِرَ ٱسْمُ ٱللَّهِ عَلَيْهِ وَقَدْ فَصَّلَ
لَكُم مَّا حَرَّمَ عَلَيْكُمْ إِلَّا مَا ٱضْطُرِرْتُمْ إِلَيْهِ ۗ وَإِنَّ كَثِيرًا لَّيُضِلُّونَ
بِأَهْوَآئِهِم بِغَيْرِ عِلْمٍ ۗ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُعْتَدِينَ ﴿١١٩﴾
وَذَرُوا۟ ظَٰهِرَ ٱلْإِثْمِ وَبَاطِنَهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَكْسِبُونَ ٱلْإِثْمَ
سَيُجْزَوْنَ بِمَا كَانُوا۟ يَقْتَرِفُونَ ﴿١٢٠﴾ وَلَا تَأْكُلُوا۟ مِمَّا لَمْ يُذْكَرِ
ٱسْمُ ٱللَّهِ عَلَيْهِ وَإِنَّهُۥ لَفِسْقٌ ۗ وَإِنَّ ٱلشَّيَٰطِينَ لَيُوحُونَ إِلَىٰٓ
أَوْلِيَآئِهِمْ لِيُجَٰدِلُوكُمْ ۖ وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ ﴿١٢١﴾
أَوَمَن كَانَ مَيْتًا فَأَحْيَيْنَٰهُ وَجَعَلْنَا لَهُۥ نُورًا يَمْشِى بِهِۦ فِى
ٱلنَّاسِ كَمَن مَّثَلُهُۥ فِى ٱلظُّلُمَٰتِ لَيْسَ بِخَارِجٍ مِّنْهَا ۚ كَذَٰلِكَ
زُيِّنَ لِلْكَٰفِرِينَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢٢﴾ وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا
فِى كُلِّ قَرْيَةٍ أَكَٰبِرَ مُجْرِمِيهَا لِيَمْكُرُوا۟ فِيهَا ۖ وَمَا
يَمْكُرُونَ إِلَّا بِأَنفُسِهِمْ وَمَا يَشْعُرُونَ ﴿١٢٣﴾ وَإِذَا جَآءَتْهُمْ
ءَايَةٌ قَالُوا۟ لَن نُّؤْمِنَ حَتَّىٰ نُؤْتَىٰ مِثْلَ مَآ أُوتِىَ رُسُلُ ٱللَّهِ ۘ ٱللَّهُ
أَعْلَمُ حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُۥ ۗ سَيُصِيبُ ٱلَّذِينَ أَجْرَمُوا۟
صَغَارٌ عِندَ ٱللَّهِ وَعَذَابٌ شَدِيدٌۢ بِمَا كَانُوا۟ يَمْكُرُونَ ﴿١٢٤﴾

лар берилмагунича, сира имон келтирмаймиз». Аллоҳ пайғамбарликни қаерга қўйиш (раво кўриш)ни яхши билувчидир. Жиноят қилганларга макр қилганлари сабабли Аллоҳ ҳузурида хорлик ва шиддатли азоб муҳайёдир.

121-оят. Икрима (рз.)нинг айтишича, ўлимтикнинг ҳаромлиги тўғрисидаги оят нозил бўлганда форс мажусийлари Қурайш мушрикларига хат ёзиб, унда: “Муҳаммаднинг олдига бориб, сен ўлдирган ҳайвон гўшти ҳалолу, Аллоҳ ўлдирган ҳайвон гўшти ҳаромми, деб баҳслашингиз”, – деб тайинлайдилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилиб, у орқали уларни шайтонларга, таклифларини эса шайтоннинг васвасасига ўхшатиб мусулмонларни огоҳлантиради (Хз.).

122-оят. Ибн Аббос (рз.) тафсирига кўра, оятдаги ҳидоят билан “тирилган” киши Пайғамбаримиз (а.с.)нинг амакиси Амир Ҳамза бўлиб, у мушрик эди. Бир кун Абу Жаҳлнинг Расул (а.с.) намоз ўқиб турганларида устиларига ҳайвоннинг ичакчавоқларини ташлагани ҳақидаги хабар унга етади. Амакилик ҳамияти жўш уриб, дарғазаб ҳолда Абу Жаҳлни бориб ов камони билан ура кетади. Абу Жаҳл унга ялиниб, Муҳаммад маъбудаларимизни ҳақорат қилаяпти, дейди. Ҳамза, Аллоҳ қолиб, тошга сиғинган одамдан ҳам эси паст кимса бўладими, деб имон калимасини айтиб мусулмон бўлади. Бу оят Умар ибн Хаттоб ёки Аммор ибн Ёсир (рз.)лар ҳақида нозил бўлган, деган тафсирлар ҳам бор (Хз.).

فَمَن يُرِدِ ٱللَّهُ أَن يَهْدِيَهُۥ يَشْرَحْ صَدْرَهُۥ لِلْإِسْلَٰمِ ۖ وَمَن يُرِدْ
أَن يُضِلَّهُۥ يَجْعَلْ صَدْرَهُۥ ضَيِّقًا حَرَجًا كَأَنَّمَا يَصَّعَّدُ
فِى ٱلسَّمَآءِ ۚ كَذَٰلِكَ يَجْعَلُ ٱللَّهُ ٱلرِّجْسَ عَلَى ٱلَّذِينَ
لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٢٥﴾ وَهَٰذَا صِرَٰطُ رَبِّكَ مُسْتَقِيمًا ۗ قَدْ فَصَّلْنَا
ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾ ۞ لَهُمْ دَارُ ٱلسَّلَٰمِ عِندَ رَبِّهِمْ ۖ
وَهُوَ وَلِيُّهُم بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢٧﴾ وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا
يَٰمَعْشَرَ ٱلْجِنِّ قَدِ ٱسْتَكْثَرْتُم مِّنَ ٱلْإِنسِ ۖ وَقَالَ أَوْلِيَآؤُهُم
مِّنَ ٱلْإِنسِ رَبَّنَا ٱسْتَمْتَعَ بَعْضُنَا بِبَعْضٍ وَبَلَغْنَآ أَجَلَنَا ٱلَّذِىٓ
أَجَّلْتَ لَنَا ۚ قَالَ ٱلنَّارُ مَثْوَىٰكُمْ خَٰلِدِينَ فِيهَآ إِلَّا مَا شَآءَ ٱللَّهُ ۗ إِنَّ
رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿١٢٨﴾ وَكَذَٰلِكَ نُوَلِّى بَعْضَ ٱلظَّٰلِمِينَ بَعْضًۢا
بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿١٢٩﴾ يَٰمَعْشَرَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ أَلَمْ يَأْتِكُمْ
رُسُلٌ مِّنكُمْ يَقُصُّونَ عَلَيْكُمْ ءَايَٰتِى وَيُنذِرُونَكُمْ لِقَآءَ
يَوْمِكُمْ هَٰذَا ۚ قَالُوا۟ شَهِدْنَا عَلَىٰٓ أَنفُسِنَا ۖ وَغَرَّتْهُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا
وَشَهِدُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ أَنَّهُمْ كَانُوا۟ كَٰفِرِينَ ﴿١٣٠﴾ ذَٰلِكَ
أَن لَّمْ يَكُن رَّبُّكَ مُهْلِكَ ٱلْقُرَىٰ بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا غَٰفِلُونَ ﴿١٣١﴾

125. Аллоҳ кимни ҳидоятга йўллашни ирода этса, унинг кўкси (қалби)ни Ислом учун (кенг) очиб қўяди. Кимни адаштиришни ирода этса, кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва сиқиқ қилиб қўяди*. Шундай қилиб, Аллоҳ имон келтирмайдиганларга (лойиқ) жазони раво кўргай.

126. Раббингизнинг тўғри йўли шудир. Эслатма олувчи қавм учун оятларни батафсил баён этдик.

127. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида тинчлик диёри (жаннат) бордир. Қилган (солиҳ) амаллари сабабли, У уларнинг дўстидир.

128. Уларнинг ҳаммасини жам этадиган Кунда (айтамиз): «Эй, жинлар тўдаси! Инсонлардан (сиз чалғитганлар сонини) кўпайтирдингиз-ку?» (Шунда) уларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: «Эй, Раббимиз! (Биз шунчаки) бир-биримиздан фойдаландик* ва Ўзинг биз учун белгилаган муддатга етиб келдик», – деганларида, (Аллоҳ) айтади: «Жойингиз – дўзах, у ерда мангу қолурсиз, илло Аллоҳ хоҳлаган (вақтлар) бундан мустаснодир*. Албатта, Раббингиз ҳикмат ва илм соҳибидир».

129. Шундай қилиб, золимларнинг қилмишлари сабабли бирини бирига яқин (рўбарў) қилиб қўямиз.

130. Эй, жинлар ва инсонлар жамоаси! Сизларга ўзингиз (ўз жинсингиз)дан пайғамбарлар келиб, сизларга оятларимни айтиб, ушбу Кунингизга йўлиқишингиздан огоҳлантирган эмасмидилар? Улар (жавоб бериб): «Ўзимизга қарши гувоҳлик берамиз», – дейдилар. Уларни (шу) дунё ҳаёти алдаб қўйган. (Натижада) ўзларининг зарарига, кофир бўлганлари бўйича гувоҳлик бердилар.

131. Бу (ишимизнинг боиси) Раббингизнинг аҳолиси ғофил (огоҳлантирилмаган) қишлоқларни зулм билан ҳалок қилувчи эмаслигидир.

125-оят. Бу ояти каримадаги "кўксини гўё осмонга кўтарилиб кетаётгандек тор ва сиқиқ қилиб қўяди" – деган жумла Қуръони каримнинг энг юксак илоҳий мўъжиза эканига далолат қилади. Зеро, кўкка кўтарилган сайин ҳавонинг сийраклашуви назарияси физика ва астрономия фанида инсоният томонидан у даврда кашф қилинмаган эди.

Ушбу оят Аллоҳ таоло инсон томонидан маъсият содир бўлишини ҳам ирода қилиши жоизлигига далилдир. Мўътазила фирқаси буни инкор этади (Мд.).

128-оят. Инсонлар билан жинлар бу дунёда турли услубда бир-бирларидан фойдаланадилар. Масалан, жоҳилият даврида чекка жойларга бориб қолган одам жинлардан қўрқиб, уларнинг бошлиғидан паноҳ тилаб илтижо қилар эди. Бундан жинлар хурсанд бўлар ва фахрланар эдилар. Яна, жинлардан фолбинликда фойдаланишар эди. Жинлар эса, инсонларни алдаганлари билан шодланар эдилар. Яна, оятдан инсонлар ўзаро бир-бирларидан фойдаланишар эди, деб тафсир қилиш ҳам мумкин (Хз.).

* Мангу азобдан истисно қилинган вақтлардан мурод қайси вақтлар экани тўғрисида турли ноаниқ тафсирлар мавжуд.

وَلِكُلٍّ دَرَجَٰتٌ مِّمَّا عَمِلُوا۟ ۚ وَمَا رَبُّكَ بِغَٰفِلٍ عَمَّا
يَعْمَلُونَ ١٣٢ وَرَبُّكَ ٱلْغَنِىُّ ذُو ٱلرَّحْمَةِ ۚ إِن يَشَأْ
يُذْهِبْكُمْ وَيَسْتَخْلِفْ مِنۢ بَعْدِكُم مَّا يَشَآءُ كَمَآ
أَنشَأَكُم مِّن ذُرِّيَّةِ قَوْمٍ ءَاخَرِينَ ١٣٣ إِنَّ مَا
تُوعَدُونَ لَءَاتٍ ۖ وَمَآ أَنتُم بِمُعْجِزِينَ ١٣٤ قُلْ يَٰقَوْمِ
ٱعْمَلُوا۟ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّى عَامِلٌ ۖ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ
مَن تَكُونُ لَهُۥ عَٰقِبَةُ ٱلدَّارِ ۗ إِنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ
١٣٥ وَجَعَلُوا۟ لِلَّهِ مِمَّا ذَرَأَ مِنَ ٱلْحَرْثِ وَٱلْأَنْعَٰمِ
نَصِيبًا فَقَالُوا۟ هَٰذَا لِلَّهِ بِزَعْمِهِمْ وَهَٰذَا لِشُرَكَآئِنَا ۖ
فَمَا كَانَ لِشُرَكَآئِهِمْ فَلَا يَصِلُ إِلَى ٱللَّهِ ۖ
وَمَا كَانَ لِلَّهِ فَهُوَ يَصِلُ إِلَىٰ شُرَكَآئِهِمْ ۗ
سَآءَ مَا يَحْكُمُونَ ١٣٦ وَكَذَٰلِكَ زَيَّنَ
لِكَثِيرٍ مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ قَتْلَ أَوْلَٰدِهِمْ
شُرَكَآؤُهُمْ لِيُرْدُوهُمْ وَلِيَلْبِسُوا۟ عَلَيْهِمْ دِينَهُمْ ۖ
وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا فَعَلُوهُ ۖ فَذَرْهُمْ وَمَا يَفْتَرُونَ ١٣٧

132. Ҳар (ким) учун қилган амалларидан (келиб чиқиб белгиланган) даража (мақом)лар бор*. Раббингиз (уларнинг қилаётган амал (иш)ларидан ғофил эмасдир.

133. Раббингиз бой ва марҳаматлидир. Агар хоҳласа, сизларни кетказиб (йўқ қилиб), сизлардан кейин (ўрнингизга) худди сизларни бошқа қавм зурриётидан пайдо қилгани каби Ўзи хоҳлаган (авлод)ни келтиради*.

134. Албатта, сизларга ваъда қилинаётган нарса (охиратдаги ишлар) келувчидир. Сизлар (ўлиб кетиш билан бизни) ожиз қолдирувчи эмассиз.

135. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Эй, қавмим! Маконингизда (ўз ақидангизда) туриб, амал қилаверинг. Мен (ҳам), албатта, амал қилувчиман. Диёр (охират)нинг оқибати кимга бўлишини билажаксиз. Албатта, золимлар нажот топмагайлар».

136. (Мушриклар У) яратган экин ва чорвалардан Аллоҳга улуш ажратиб(ўз ақидалари бўйича): «Бу Аллоҳ учун, буниси шерик (бут)ларимиз учун», – дейдилар*. Бас, бутлари учун бўлгани Аллоҳга етиб бормайди. Аллоҳ учун бўлгани шерик (бут)ларига «етиб» боради. Қилган ҳукмлари нақадар ёмон!

137. Шундай қилиб, кўп мушрикларга ўз шерик (бут)лари уларни ҳалокатга учратиш ва динларини чалкаштириб юбориш учун ўз болаларини ўлдириш (каби нохуш ишлар)ни чиройли (маъқул) кўрсатиб қўйдилар. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, буни қилмаган бўлур эдилар. Уларни ҳам, бўҳтонларини ҳам (ўз ҳолларига) қўяверинг!

132-оят. Оятдаги даража ва мақом берилувчилардан мурод – инсонлар экани тўғрисида кўпчилик муфассирлар бир хил фикрдалар. Лекин Абу Юсуф билан Муҳаммад (рҳ.)лар юқоридаги 130-оятда хитоб жин билан инсонларга қаратилгани боис, ушбу оят жинларнинг ҳам савобли ишлари ва тоат-ибодати учун ажр ва даражалар берилишига далилдир, дейдилар (Мд.).

133-оят. “Бошқа қавм зурриёти” Нуҳ (а.с.)нинг кемасида тирик қолган кишилардир. Кейинги авлод ўшалардан тарқалиб, ундан олдинги куфр аҳли тўфон билан тамомила йўқ қилинган эди. Бу албатта уммат учун қаттиқ огоҳлантиришдир. Оятнинг бошқа тафсирлари ҳам бор. Жумладан, бутунлай тирик инсонлар ва жинларни йўқ қилиб, янгидан яратишга ҳам қодир экани тўғрисида баён қилаётган бўлиши мумкин (Мд. Хз.).

136-оят. Мушриклар Аллоҳ учун ҳам, бутлар учун ҳам садақа ажратишар, Аллоҳ учун ажратганларидан меҳмон ва муҳтожларга сарфлаб, Аллоҳ садақаларимизга муҳтож эмас, дер эдилар. Бутларга атаганларини ҳеч кимга сарфламас эдилар. Мабодо бирор сабаб билан камайиб қолса, ўрнини дарҳол тўлдириб, маъбудаларимиз бунга муҳтождир, дер эканлар (Хз.).

Қатода (рҳ.)дан “Мушриклар очарчилик йилида Аллоҳга атаган садақаларини еб қўйганлар” деган ривоят бор (Бғ.).

وَقَالُوا۟ هَٰذِهِۦٓ أَنْعَٰمٌ وَحَرْثٌ حِجْرٌ لَّا يَطْعَمُهَآ إِلَّا مَن
نَّشَآءُ بِزَعْمِهِمْ وَأَنْعَٰمٌ حُرِّمَتْ ظُهُورُهَا وَأَنْعَٰمٌ لَّا يَذْكُرُونَ
ٱسْمَ ٱللَّهِ عَلَيْهَا ٱفْتِرَآءً عَلَيْهِ ۚ سَيَجْزِيهِم بِمَا كَانُوا۟
يَفْتَرُونَ ﴿١٣٨﴾ وَقَالُوا۟ مَا فِى بُطُونِ هَٰذِهِ ٱلْأَنْعَٰمِ
خَالِصَةٌ لِّذُكُورِنَا وَمُحَرَّمٌ عَلَىٰٓ أَزْوَٰجِنَا ۖ وَإِن يَكُن
مَّيْتَةً فَهُمْ فِيهِ شُرَكَآءُ ۚ سَيَجْزِيهِمْ وَصْفَهُمْ ۚ إِنَّهُۥ
حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿١٣٩﴾ قَدْ خَسِرَ ٱلَّذِينَ قَتَلُوٓا۟ أَوْلَٰدَهُمْ
سَفَهًۢا بِغَيْرِ عِلْمٍ وَحَرَّمُوا۟ مَا رَزَقَهُمُ ٱللَّهُ ٱفْتِرَآءً عَلَى ٱللَّهِ ۚ
قَدْ ضَلُّوا۟ وَمَا كَانُوا۟ مُهْتَدِينَ ﴿١٤٠﴾ ۞ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ
أَنشَأَ جَنَّٰتٍ مَّعْرُوشَٰتٍ وَغَيْرَ مَعْرُوشَٰتٍ وَٱلنَّخْلَ وَٱلزَّرْعَ
مُخْتَلِفًا أُكُلُهُۥ وَٱلزَّيْتُونَ وَٱلرُّمَّانَ مُتَشَٰبِهًا وَغَيْرَ
مُتَشَٰبِهٍ ۚ كُلُوا۟ مِن ثَمَرِهِۦٓ إِذَآ أَثْمَرَ وَءَاتُوا۟ حَقَّهُۥ يَوْمَ
حَصَادِهِۦ ۖ وَلَا تُسْرِفُوٓا۟ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿١٤١﴾
وَمِنَ ٱلْأَنْعَٰمِ حَمُولَةً وَفَرْشًا ۚ كُلُوا۟ مِمَّا رَزَقَكُمُ
ٱللَّهُ وَلَا تَتَّبِعُوا۟ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيْطَٰنِ ۚ إِنَّهُۥ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿١٤٢﴾

138. Улар ўз (ақида)ларича: «Бу чорва ва экинлар ҳаром. Уларни фақат биз раво кўрганларгина ейдилар. Бу ҳайвонларни эса миниш ҳаром қилинган. (Сўйишда) Аллоҳнинг номи айтилмайдиган ҳайвонлар ҳам бор», – деб, У (Аллоҳ)нинг шаънига бўҳтон тўқийдилар. Тўқиган бўҳтонлари сабабли (У) уларни жазолагай.

139. Яна айтадиларки: «Бу ҳайвонларнинг қоринларидаги нарсалар фақат эркакларимиз учундир. Хотинларимизга улар ҳаром қилингандир». Агар (қориндаги нарса) ўлик бўлса, ҳаммалари (эру хотинлар) шерик эмиш. Бу васфларига (яраша Аллоҳ уларни) жазолагай. Албатта, У ҳикмат ва илм соҳибидир.

140. Ўз болаларини билмасдан жоҳилона ўлдирган* ва Аллоҳга туҳмат қилиб, улар учун Аллоҳ ризқ қилиб берган (ҳайвонлар)ни ҳаромга чиқарганлар, албатта, (ўзларига) зиён қилдилар. (Улар) ҳақиқатан адашдилар ва тўғри йўлга юрувчи бўлмадилар.

141. У (Аллоҳ) шундай зотки, (сўритокларга) кўтариб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди. Мева ҳосил қилганда, мевасидан тановул қилингиз! Ҳосил йиғиш кунида (муҳтожларга) ҳаққини (ушри ва хирожини) берингиз* ва исроф қилмангиз! Албатта, У исроф қилувчиларни севмайди.

142. Ҳайвонлардан эса, юк кўтарадиган ва (сўйиш учун) ётқизиладиганларини (пайдо қилди). Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берганларидан еяверингиз, шайтон изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир.

140-оят. Икрима (рз.) айтади: Рабиа ва Музар қабилаларида туғилган қиз болаларни кўмиб юбориш одати бор эди. Кимгадир қиз бола керак бўлса, бегонадан бирорта қизини тирик қолдиришини сўрар эди. Эр хотинига мен қайтиб келгунимча қизингни кўммасанг, сен менга онамнинг қорнидек ҳаромсан, деб қасам ичар эди. Эрсиз қолишдан қўрқиб, у ўз боласини тиригича чуқурга кўмар эди.

Қатода (рҳ.) айтади: жоҳилият даврида ўғил болаларни ҳам камбағалликдан ёки асирга тушиб зое бўлишидан қўрқиб ўлдириб юборар эдилар.

Шу каби ваҳшиёна одатлар жоҳилликлари туфайли бўлгани учун ўша даврга “жоҳилият даври” деб ном қўйилган (Хз.).

Расул (а.с.)га бир одам келиб, жоҳилият даврида орият юзасидан вояга етган қизини қудуққа ташлаб ўлдирганини айтиб берганида, Он ҳазрат ва ҳозир бўлган саҳобалар йиғлаб юборган эканлар ва отага қараб: “Агар жоҳилият давридаги жиноят учун жазолашга буюрилган бўлганида сени жазолаган бўлур эдим”, – деган эканлар (Лс.).

141-оят. “Ушр” – бу, олинадиган ҳосилнинг ўндан бирини Аллоҳ йўлига садақа қилиш. “Хирож“ эса, ушрдан кўпроқ, то ҳосилнинг ярмигача миқдордаги садақани бериш демакдир.

143. Саккиз жуфт (ҳайвонлар) – қўйдан икки (жинс) ва эчкидан (икки жинс)ни (яратди). Айтинг: «Шу икки эркагини ҳаром қилганми ёки икки урғочисиними ёхуд иккала урғочи бачадонларидаги (ҳомила)ними? Агар ростгўй бўлсангиз, илм (ҳужжат) билан менга хабар берингиз!»*

144. Шунингдек, туядан икки (жинс), қора молдан икки (жинсни) яратди. Айтинг: «Шу икки эркагини ҳаром қилганми ёки икки урғочисиними ёхуд иккала урғочи бачадонларидаги (ҳомила)ними? Ёки Аллоҳ шу (ҳукм)ни буюраётганига гувоҳмисизлар? Одамларни адаштириш учун илмсизлик билан Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?!» Албатта, Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят этмагай.

145. Айтинг: «Менга ваҳий қилинган нарса (Қуръон)дан таом ейдиган кишига ўлимтик, тўкилган қон*, чўчқа гўшти – у, албатта, палид – ва (сўйишда) Аллоҳдан ўзганинг номи аталган «фисқ» (“ҳайвон”)дан бошқа ейиш ҳаром қилинган нарсани топмаяпман». Бас, кимки заруратда қолиб, (бошқага) зулм қилмаган ва (зарурат) ҳаддидан ошмаган ҳолда (уларни еса), албатта, Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир.

146. Яҳудий бўлмиш кимсаларга барча туёқли (ҳайвон)ларни ҳаром қилдик. Сигир ва қўйлардан ёғларини уларга ҳаром қилдик. Илло, биқинларидаги ё ичларидаги ёки суякка қапишган нарса (ёғлар)ни (ҳаром қилмадик). Бу уларнинг тажовузкорликлари сабабли жазолаганимиздир. Биз, албатта, ростгўйдирмиз.

ثَمَٰنِيَةَ أَزْوَٰجٍ مِّنَ ٱلضَّأْنِ ٱثْنَيْنِ وَمِنَ ٱلْمَعْزِ ٱثْنَيْنِ
قُلْ ءَآلذَّكَرَيْنِ حَرَّمَ أَمِ ٱلْأُنثَيَيْنِ أَمَّا ٱشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ
أَرْحَامُ ٱلْأُنثَيَيْنِ نَبِّـُٔونِى بِعِلْمٍ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٤٣﴾
وَمِنَ ٱلْإِبِلِ ٱثْنَيْنِ وَمِنَ ٱلْبَقَرِ ٱثْنَيْنِ قُلْ ءَآلذَّكَرَيْنِ
حَرَّمَ أَمِ ٱلْأُنثَيَيْنِ أَمَّا ٱشْتَمَلَتْ عَلَيْهِ أَرْحَامُ ٱلْأُنثَيَيْنِ
أَمْ كُنتُمْ شُهَدَآءَ إِذْ وَصَّىٰكُمُ ٱللَّهُ بِهَٰذَا فَمَنْ
أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا لِّيُضِلَّ ٱلنَّاسَ بِغَيْرِ
عِلْمٍ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٤٤﴾ قُل لَّآ أَجِدُ
فِى مَآ أُوحِىَ إِلَىَّ مُحَرَّمًا عَلَىٰ طَاعِمٍ يَطْعَمُهُۥٓ إِلَّآ أَن يَكُونَ
مَيْتَةً أَوْ دَمًا مَّسْفُوحًا أَوْ لَحْمَ خِنزِيرٍ فَإِنَّهُۥ رِجْسٌ أَوْ
فِسْقًا أُهِلَّ لِغَيْرِ ٱللَّهِ بِهِۦ فَمَنِ ٱضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَإِنَّ
رَبَّكَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤٥﴾ وَعَلَى ٱلَّذِينَ هَادُوا۟ حَرَّمْنَا
كُلَّ ذِى ظُفُرٍ وَمِنَ ٱلْبَقَرِ وَٱلْغَنَمِ حَرَّمْنَا عَلَيْهِمْ
شُحُومَهُمَآ إِلَّا مَا حَمَلَتْ ظُهُورُهُمَآ أَوِ ٱلْحَوَايَآ أَوْ مَا
ٱخْتَلَطَ بِعَظْمٍ ذَٰلِكَ جَزَيْنَٰهُم بِبَغْيِهِمْ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿١٤٦﴾

143-оят. Жоҳилият даврининг асоссиз одатларидан бири ҳайвонларнинг гоҳ эркагини, гоҳ урғочисини турли баҳоналар билан ўзларига ҳаром қилиб олиш эди. Шу каби бефойда одатлар на ақлга ва на шариатга тўғри келмаслиги баён этилмоқда. Бу оятда Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)га улар билан ақлий мунозара қилишга буюриб, гўё агар тақиқлашларининг сабаби урғочилик бўлса, нега ҳамма урғочи ҳайвонларни тақиқлашмайди? Агар сабаби эркаклик бўлса, нега ҳамма эркак ҳайвонларни тақиқлашмайди? Агар сабаби ҳомила бўлса, нега барча ҳомилали ҳайвонларни тақиқлашмайди, деган савол билан уларнинг пуч ва саёз ақидаларини йўққа чиқаришга буюрган (Лс.).

Жоҳилият даври кишилари баъзи ҳайвонлар гўштини эркакларга, баъзиларининг гўштини эса, аёлларга асоссиз равишда тақиқлаб қўяр эдилар. Мазкур оят нозил бўлгач, улар номидан Молик ибн Авф деган кимса Расул (а.с.) ҳузурларига келиб, мазкур одатларини қайси асос билан тақиқлангани тўғрисида баҳс юритади. Қониқарли жавоб олгач, таслим бўлади (Бғ.).

145-оят. Яъни ҳайвонни сўйилганда танадан ажралиб оққан қоннинг ҳаромлиги айтилмоқда. Аммо гўштнинг ички қисмида, томирларида қолган қонлар ҳаром эмас. Икрима (рз.): “Агар шу оят бўлмаганида мусулмонлар ҳам яхудийлар каби гўшт томирларидаги қолган қонлардан ҳазар қилиб, емаган бўлур эдилар”, – деганлар (ИК).

فَإِن كَذَّبُوكَ فَقُل رَّبُّكُمْ ذُو رَحْمَةٍ وَٰسِعَةٍ وَلَا يُرَدُّ
بَأْسُهُۥ عَنِ ٱلْقَوْمِ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿١٤٧﴾ سَيَقُولُ ٱلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟
لَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَآ أَشْرَكْنَا وَلَآ ءَابَآؤُنَا وَلَا حَرَّمْنَا مِن شَىْءٍ
كَذَٰلِكَ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ حَتَّىٰ ذَاقُوا۟ بَأْسَنَا
قُلْ هَلْ عِندَكُم مِّنْ عِلْمٍ فَتُخْرِجُوهُ لَنَآ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا
ٱلظَّنَّ وَإِنْ أَنتُمْ إِلَّا تَخْرُصُونَ ﴿١٤٨﴾ قُلْ فَلِلَّهِ ٱلْحُجَّةُ ٱلْبَٰلِغَةُ
فَلَوْ شَآءَ لَهَدَىٰكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿١٤٩﴾ قُلْ هَلُمَّ شُهَدَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ
يَشْهَدُونَ أَنَّ ٱللَّهَ حَرَّمَ هَٰذَا فَإِن شَهِدُوا۟ فَلَا تَشْهَدْ
مَعَهُمْ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَٱلَّذِينَ
لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ وَهُم بِرَبِّهِمْ يَعْدِلُونَ ﴿١٥٠﴾ ۞ قُلْ
تَعَالَوْا۟ أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبُّكُمْ عَلَيْكُمْ أَلَّا تُشْرِكُوا۟ بِهِۦ
شَيْـًٔا وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا وَلَا تَقْتُلُوٓا۟ أَوْلَٰدَكُم مِّنْ
إِمْلَٰقٍ نَّحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ وَلَا تَقْرَبُوا۟ ٱلْفَوَٰحِشَ
مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَلَا تَقْتُلُوا۟ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى
حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾

147. Агар Сизни ёлғончига чиқарган бўлсалар, айтинг: «Раббингиз кенг раҳмат эгасидир. Унинг азоби (эса) жиноятчилар қавмидан аритилмайди».

148. Ширк келтирган кимсалар: «Аллоҳ хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам мушрик бўлмаган ва бирор (ҳалол) нарсани ҳаром қилмаган бўлур эдик», – дейишади*. Улардан олдингилар ҳам, то азобимизни тотмагунларича, (пайғамбарларни) худди шундай ёлғончига чиқарганлар. Айтинг: «Сизларда бизга чиқарадиган (кўрсатадиган) илм (ҳужжат) борми? (Сизлар) фақат гумонга эргашмоқдасиз ва сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз».

149. Айтинг: «Етук ҳужжат фақат Аллоҳникидир. Агар хоҳлаганда эди, ҳаммангизни ҳидоятга йўллаган бўлур эди».

150. Айтинг: «Мана шу (нарсалар)ни Аллоҳ ҳаром қилганига гувоҳлик берувчи гувоҳларингизни келтирингиз!» Агар гувоҳлик берсалар, (Сиз) улар билан бирга гувоҳлик берманг. Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган ва охиратга ишонмайдиганларнинг ҳавойи (нафс)ларига эргашманг! Улар Парвардигорларига (ўзгаларни) тенглаштираётирлар.

151. Айтинг: «Келингиз, Раббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: Унга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни қашшоқликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз – фаҳш ишларнинг ошкорасига ҳам, пинҳонасига ҳам яқинлашмангиз, Аллоҳ тақиқлаган (жон)ни ноҳақ қатл қилмангиз! Ақл юритишингиз учун (Аллоҳнинг) ҳукм қилгани шу(лар)дир.

148-оят. Мушрикларнинг айтган узрлари қабул қилинмайди. Зеро, улар бу сўзларни эътиқод юзасидан эмас, балки масхара қилиш мақсадида айтганлар. Улар Аллоҳнинг хоҳишини ҳужжат қилмоқдалар. Бу нотўғри ва бефойда уриниш. Чунки оятдаги “хоҳиш” розилик маъносидадир. Яъни “биздан ва ота-боболаримиздан ширк пайдо бўлишига рози бўлмади” деганлари бўлади. Ширк келтиришларини Аллоҳ ирода қилган, лекин рози бўлмаган ҳолда. Бу гўё “Аллоҳ хоҳлаганида ҳаммангизни ҳидоят сари йўллаб қўяр эди”, деган оят кабидир. Демак, ҳаммадан эмас айримларидан имон ҳосил бўлишини, айримларидан куфр ҳосил бўлишини хоҳлаган. Бинобарин, Аллоҳ таоло бандаларини содир бўладиган гуноҳ ишлардан рози бўлмагани ҳолда амалга оширишларини ирода этавериши мумкин экан (Мд.).

Мазкур оятни нозил қилиб, узрларини оқлайдиган тоифалар – булар, Қадария, Мўътазила ва Муржиа фирқаларидир. Банда Аллоҳнинг хоҳиши билан шуғулланиш ўрнига унинг буйруқларини бажариб, тақиқларидан сақланишга ҳаракат қилаверса, энг маъқул ва мақбул ишни қилган бўлади (Хз.).

وَلَا تَقْرَبُوا۟ مَالَ ٱلْيَتِيمِ إِلَّا بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُۥ ۖ
وَأَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ وَٱلْمِيزَانَ بِٱلْقِسْطِ ۖ لَا نُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا
وُسْعَهَا ۖ وَإِذَا قُلْتُمْ فَٱعْدِلُوا۟ وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ ۖ وَبِعَهْدِ
ٱللَّهِ أَوْفُوا۟ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٢﴾
وَأَنَّ هَٰذَا صِرَٰطِى مُسْتَقِيمًا فَٱتَّبِعُوهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعُوا۟ ٱلسُّبُلَ
فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَن سَبِيلِهِۦ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ
تَتَّقُونَ ﴿١٥٣﴾ ثُمَّ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ تَمَامًا عَلَى ٱلَّذِىٓ
أَحْسَنَ وَتَفْصِيلًا لِّكُلِّ شَىْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لَّعَلَّهُم بِلِقَآءِ
رَبِّهِمْ يُؤْمِنُونَ ﴿١٥٤﴾ وَهَٰذَا كِتَٰبٌ أَنزَلْنَٰهُ مُبَارَكٌ فَٱتَّبِعُوهُ
وَٱتَّقُوا۟ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿١٥٥﴾ أَن تَقُولُوٓا۟ إِنَّمَآ أُنزِلَ ٱلْكِتَٰبُ
عَلَىٰ طَآئِفَتَيْنِ مِن قَبْلِنَا وَإِن كُنَّا عَن دِرَاسَتِهِمْ لَغَٰفِلِينَ
﴿١٥٦﴾ أَوْ تَقُولُوا۟ لَوْ أَنَّآ أُنزِلَ عَلَيْنَا ٱلْكِتَٰبُ لَكُنَّآ أَهْدَىٰ مِنْهُمْ ۚ
فَقَدْ جَآءَكُم بَيِّنَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ ۚ فَمَنْ
أَظْلَمُ مِمَّن كَذَّبَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَصَدَفَ عَنْهَا ۗ سَنَجْزِى ٱلَّذِينَ
يَصْدِفُونَ عَنْ ءَايَٰتِنَا سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ بِمَا كَانُوا۟ يَصْدِفُونَ ﴿١٥٧﴾

152. То вояга етгунича* етимнинг молига яқинлашмангиз, магар чиройли йўл билан (яқинлашишингиз мумкин). Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла адо этингиз! Ҳеч бир жонни тоқатидан ташқарисига таклиф (амр) қилмаймиз. Гапирганингизда (гувоҳ сифатида) гарчи қариндошингиз бўлса ҳам, адолатли бўлинг! Аллоҳнинг (олган) аҳдига эса вафо қилинг. Эслатма олишингиз учун (Аллоҳ) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир.

153. Албатта, мана шу (Менинг) Тўғри йўлимдир. Унга эргашингиз! (Бошқа турли) йўлларга эргашмангиз! Акс ҳолда, улар сизларни Унинг йўлидан айириб қўяди. Тақволи бўлишингиз учун (Аллоҳнинг) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир».

154. Сўнгра, чиройли (савобли) амал қилган(лар)га (неъматларимизни) мукаммал бериш ва барча нарса тафсилоти учун ҳамда ҳидоят ва раҳмат бўлиши учун Мусога Китоб (Таврот)ни бердикки, шояд улар (Исроил авлоди) Парвардигорлари билан мулоқотда бўлишларига имон келтирсалар.

155. Мана бу Биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашингиз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсиз.

156. «Биздан олдинги икки тоифага китоб нозил қилинган эди. Биз эса уларни ўрганишдан ғофилмиз», – дейишингиз*

157. ёки: «Агар бизга (ҳам) китоб нозил қилинганда эди, биз улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», – дейишингиз (Бизга азалдан маълум бўлгани учун Қуръонни нозил этдик)*. Албатта, сизларга Раббингиздан ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди. Бас, Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўгиргандан кўра ким золимроқ экан?! Оятларимиздан юз ўгирганларни, юз ўгириб юрганлари туфайли ёмон азоб билан жазолагаймиз.

152-оят. Вояга етиш ёши мужтаҳидлар томонидан турлича белгиланган. Масалан, 15, 18-30, 18-40, 18-60, 20, 30, 33 ёш. Ҳанафий мазҳаби бўйича у балоғат ёшидир. Абу Ҳанифа (рҳ.)дан нақл қилинган бир ривоятда етимнинг вояга етган ёши 25 ёш деб кўрсатилган (Мд. Хз.Лс.).

156-оят. Макка аҳли: “Яҳудийлар ва насронийларга ўз тилларида китоб нозил қилдинг биз улар тилини билмаганимиз учун ўрганмадик ва Сенинг буйруқларингни била олмадик”, – деб узр айтмасинлар деб Аллоҳ таоло Қуръони каримни уларга араб тилида нозил қилгани тўғрисида хабар бермоқда.

Имом Насафий (рҳ.): “Ушбу оят мажусийлар аҳли китоб эмасликлари учун далилдир”, – деб ёзганлар (Мд.).

157-оят. Макка аҳлининг имон келтирмаганлари Қуръон нозил қилинмай туриб шу гапни айтган эдилар, деган тафсирдан ташқари улар бу гапни қиёмат куни ўзларини оқлаш учун айтадилар, деган тафсир ҳам бор (Абс.).

هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّآ أَن تَأْتِيَهُمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ أَوْ يَأْتِىَ رَبُّكَ أَوْ يَأْتِىَ
بَعْضُ ءَايَٰتِ رَبِّكَ يَوْمَ يَأْتِى بَعْضُ ءَايَٰتِ رَبِّكَ لَا يَنفَعُ نَفْسًا إِيمَٰنُهَا
لَمْ تَكُنْ ءَامَنَتْ مِن قَبْلُ أَوْ كَسَبَتْ فِىٓ إِيمَٰنِهَا خَيْرًا قُلِ ٱنتَظِرُوٓا۟
إِنَّا مُنتَظِرُونَ ﴿١٥٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ فَرَّقُوا۟ دِينَهُمْ وَكَانُوا۟ شِيَعًا لَّسْتَ
مِنْهُمْ فِى شَىْءٍ إِنَّمَآ أَمْرُهُمْ إِلَى ٱللَّهِ ثُمَّ يُنَبِّئُهُم بِمَا كَانُوا۟ يَفْعَلُونَ
﴿١٥٩﴾ مَن جَآءَ بِٱلْحَسَنَةِ فَلَهُۥ عَشْرُ أَمْثَالِهَا وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ
فَلَا يُجْزَىٰٓ إِلَّا مِثْلَهَا وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٦٠﴾ قُلْ إِنَّنِى هَدَىٰنِى رَبِّىٓ
إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ دِينًا قِيَمًا مِّلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ
ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٦١﴾ قُلْ إِنَّ صَلَاتِى وَنُسُكِى وَمَحْيَاىَ وَمَمَاتِى لِلَّهِ
رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦٢﴾ لَا شَرِيكَ لَهُۥ وَبِذَٰلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا۠ أَوَّلُ ٱلْمُسْلِمِينَ
﴿١٦٣﴾ قُلْ أَغَيْرَ ٱللَّهِ أَبْغِى رَبًّا وَهُوَ رَبُّ كُلِّ شَىْءٍ وَلَا تَكْسِبُ كُلُّ
نَفْسٍ إِلَّا عَلَيْهَا وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُم مَّرْجِعُكُمْ
فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿١٦٤﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى جَعَلَكُمْ
خَلَٰٓئِفَ ٱلْأَرْضِ وَرَفَعَ بَعْضَكُمْ فَوْقَ بَعْضٍ دَرَجَٰتٍ لِّيَبْلُوَكُمْ
فِى مَآ ءَاتَىٰكُمْ إِنَّ رَبَّكَ سَرِيعُ ٱلْعِقَابِ وَإِنَّهُۥ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌۢ ﴿١٦٥﴾

158. Улар фақат (жон олувчи) фаришталар келишини ё Раббингиз (азоби) келишини ёки Раббингиз белгилари (қиёмат аломатлари)дан баъзиси келишинигина кутмоқдалар*. Раббингиз белгиларидан баъзиси келган куни эса, олдин имон келтирмаган ёки имонида яхшилик орттирмаган жонга (бу) имони фойда бермайди. Айтинг: «Кутаверингиз, биз ҳам кутувчилармиз».

159. Динларини (фирқаларга) бўлиб, (турли) гуруҳларга айланганлар (учун) бирор нарсада (Сиз масъул) эмассиз. Уларнинг иши Аллоҳга (ҳавола). Сўнгра (У) уларни қилиб юрган амалларидан огоҳ қилур.

160. Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур). Кимки (бир) ёмон (гуноҳ иш) қилса, фақат ўша (гуноҳ) миқдорида (бир гуноҳга яраша) жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмагай.

161. Айтинг: «Раббим мени Тўғри йўлга, рост динга, Иброҳимнинг ҳаниф – ҳаққоний динига йўллади. (У) мушриклардан эмас эди».

162. Айтинг: «Албатта, намозим, ибодатим ва ҳаёту мамотим оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳ учундир.

163. Унга (ҳеч қандай) шерик йўқдир. Мана шу(ақида)га буюрилганман ва мен (Аллоҳнинг буйруқларига) таслим этувчиларнинг аввалиман»*.

164. Айтинг: «Аллоҳдан ўзга парвардигор қидирайинми, ваҳоланки, У ҳамма нарсанинг Парвардигори бўлса?!» Ҳар бир жон (инсон) фақат ўзи учун иш қилади. (Ҳеч бир) кўтарувчи (гуноҳкор) ўзга (жон)нинг юки (гуноҳи)ни кўтармайди. Сўнгра қайтиш жойингиз Аллоҳ ҳузуридир. Ўшанда сизларга келиша олмай юрган (иш)ларингиздан хабар берур.

165. У сизларни Ернинг халифалари қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан (юқори) даражаларга кўтарган зотдир. Албатта, Раббингиз жазода тезкор ва У кечиримли ва раҳмли зотдир.

158-оят. Қиёматнинг аломатлари тўғрисида талайгина ҳадислар мавжуд. Масалан: “Қуёш мағриб томондан чиқмагунича қиёмат қоим бўлмайди. Қуёшни кўргач, ер юзидаги барча одамлар имон келтирадилар” (Бх.).

Аломатларидан яна бири Дажжол исмли бир кимсанинг пайдо бўлиши ва ер юзидаги барча ҳидоят йўлидан адашганларни ўз ортидан эргаштириб, Имом Махдий бошчилигидаги мусулмонлар билан жанг қилиши ва осмондан Исо (а.с.) тушиб, уни қатл қилиши тўғрисида ҳадис ва ақоид китобларида баён этилган.

Расул (а.с.) бир ҳадиси шарифларида Аллоҳ таолога илтижо қилиб, дангасалик, қарз, қабр азоби, дўзах, қашшоқлик каби офатлардан паноҳ сўраганларида Дажжолнинг фитнасидан ҳам паноҳ сўраганлар (Бх. Мс. Тр.).

163-оят. Яъни ўзим даъват қилаётган динга ўзим биринчи бўлиб кирганман.

Аъроф сураси

Маккада нозил қилинган. 206 оят.



بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
الٓمٓصٓ ١ كِتَٰبٌ أُنزِلَ إِلَيۡكَ فَلَا يَكُن فِي صَدۡرِكَ حَرَجٞ مِّنۡهُ
لِتُنذِرَ بِهِۦ وَذِكۡرَىٰ لِلۡمُؤۡمِنِينَ ٢ ٱتَّبِعُواْ مَآ أُنزِلَ إِلَيۡكُم
مِّن رَّبِّكُمۡ وَلَا تَتَّبِعُواْ مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءَۗ قَلِيلٗا مَّا تَذَكَّرُونَ ٣
وَكَم مِّن قَرۡيَةٍ أَهۡلَكۡنَٰهَا فَجَآءَهَا بَأۡسُنَا بَيَٰتًا أَوۡ هُمۡ قَآئِلُونَ
٤ فَمَا كَانَ دَعۡوَىٰهُمۡ إِذۡ جَآءَهُم بَأۡسُنَآ إِلَّآ أَن قَالُوٓاْ إِنَّا كُنَّا
ظَٰلِمِينَ ٥ فَلَنَسۡـَٔلَنَّ ٱلَّذِينَ أُرۡسِلَ إِلَيۡهِمۡ وَلَنَسۡـَٔلَنَّ
ٱلۡمُرۡسَلِينَ ٦ فَلَنَقُصَّنَّ عَلَيۡهِم بِعِلۡمٖۖ وَمَا كُنَّا غَآئِبِينَ ٧
وَٱلۡوَزۡنُ يَوۡمَئِذٍ ٱلۡحَقُّۚ فَمَن ثَقُلَتۡ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلۡمُفۡلِحُونَ ٨ وَمَنۡ خَفَّتۡ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓاْ
أَنفُسَهُم بِمَا كَانُواْ بِـَٔايَٰتِنَا يَظۡلِمُونَ ٩ وَلَقَدۡ مَكَّنَّٰكُمۡ
فِي ٱلۡأَرۡضِ وَجَعَلۡنَا لَكُمۡ فِيهَا مَعَٰيِشَۗ قَلِيلٗا مَّا تَشۡكُرُونَ ١٠
وَلَقَدۡ خَلَقۡنَٰكُمۡ ثُمَّ صَوَّرۡنَٰكُمۡ ثُمَّ قُلۡنَا لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ ٱسۡجُدُواْ
لِأٓدَمَ فَسَجَدُوٓاْ إِلَّآ إِبۡلِيسَ لَمۡ يَكُن مِّنَ ٱلسَّٰجِدِينَ ١١

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Мим, Сод.

2. (Бу Қуръон) Сизга нозил қилинган Китобдир. У билан (умматингизни) огоҳлантиришингизда кўксингизда ундан танглик (шак) бўлмасин. У (Қуръон) мўминлар учун (илоҳий) эслатма ҳамдир.

3. Раббингиздан сизларга нозил қилинган нарса (Қуръон таълимоти)га эргашингиз, ундан бошқа «дўстлар»га эргашмангиз! Эслатмадан жуда кам таъсирланмоқдасизлар.

4. Қанчадан-қанча қишлоқ (аҳли)ни ҳалок қилдик – уларга азобимиз тунда ёки кундузи уйқуда ётганларида келди*.

5. Уларга азобимиз келганда дуолари: «Биз ўзимиз золим эдик», – дейишдан ўзга бўлмади.

6. Албатта, (пайғамбар) юборилганлар билан ҳам, пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз.

7. Уларга, албатта, (қилмишларини) билган ҳолда сўзлаб берурмиз. Биз ғойиб эмасмиз.

8. Ўша куни вазн (амалларнинг тарозида тортилиши) ҳақиқатдир. Кимнинг мезонлари (амаллари) оғир келса, айнан ўшалар нажот топувчилардир*.

9. Кимнинг мезонлари (амаллари) енгил келса, ана ўшалар оятларимизга зулм (инкор) қилганлари сабабли, ўзларига зиён қилганлардир.

10. Албатта, сизларни ерда қарор топтирдик ва унда сизлар учун маиший воситаларни (пайдо) қилдик. (Лекин сизлар) жуда оз шукр қилурсиз.

11. Албатта, (Биз) сизларни (Одамни) яратдик, сўнгра сизларга (унга) суврат бердик, сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!» – дедик. (Улар) сажда қилдилар, илло Иблис сажда қилувчилардан бўлмади.

---

7. АЪРОФ СУРАСИ

Аъроф – жаннат билан дўзахни ажратиб турадиган девор, арасот. Бу жой жаннатга ҳам, дўзахга ҳам кирмаган, яъни вақти-соати келиб, Аллоҳ таоло уларни жаннатга киритгунга қадар маълум муддат турадиган кишиларнинг жойидир. Сурада Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Лут, Шуайб ва Мусо пайғамбарларнинг қиссалари, тавҳид, имон-эътиқод, қиёмат, ҳисоб-китоб масалалари ва бошқа маълумотлар берилади.

4-оят. Тун уйқуси ва кундузги уйқу вақтлари инсоннинг ғафлатдаги ҳолатларидир. Шундай пайтда юборилган азоб ашаддийроқ бўлади. Лут (а.с.)нинг қавмига тунда, Шуайб (а.с.)нинг қавмига эрталабки уйқу пайтларида азоб юборилган (Мд.).

8-оят. Тарозида амаллар битилган саҳифалар ёки амалларнинг ўзига сурат ва шакл берилиб, сўнгра тортилади (Хз.).

قَالَ مَا مَنَعَكَ أَلَّا تَسۡجُدَ إِذۡ أَمَرۡتُكَۖ قَالَ أَنَا۠ خَيۡرٞ مِّنۡهُ خَلَقۡتَنِي مِن نَّارٖ
وَخَلَقۡتَهُۥ مِن طِينٖ ﴿١٢﴾ قَالَ فَٱهۡبِطۡ مِنۡهَا فَمَا يَكُونُ لَكَ أَن تَتَكَبَّرَ
فِيهَا فَٱخۡرُجۡ إِنَّكَ مِنَ ٱلصَّٰغِرِينَ ﴿١٣﴾ قَالَ أَنظِرۡنِيٓ إِلَىٰ يَوۡمِ يُبۡعَثُونَ
﴿١٤﴾ قَالَ إِنَّكَ مِنَ ٱلۡمُنظَرِينَ ﴿١٥﴾ قَالَ فَبِمَآ أَغۡوَيۡتَنِي لَأَقۡعُدَنَّ لَهُمۡ
صِرَٰطَكَ ٱلۡمُسۡتَقِيمَ ﴿١٦﴾ ثُمَّ لَأٓتِيَنَّهُم مِّنۢ بَيۡنِ أَيۡدِيهِمۡ وَمِنۡ خَلۡفِهِمۡ
وَعَنۡ أَيۡمَٰنِهِمۡ وَعَن شَمَآئِلِهِمۡۖ وَلَا تَجِدُ أَكۡثَرَهُمۡ شَٰكِرِينَ ﴿١٧﴾ قَالَ
ٱخۡرُجۡ مِنۡهَا مَذۡءُومٗا مَّدۡحُورٗاۖ لَّمَن تَبِعَكَ مِنۡهُمۡ لَأَمۡلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنكُمۡ
أَجۡمَعِينَ ﴿١٨﴾ وَيَٰٓـَٔادَمُ ٱسۡكُنۡ أَنتَ وَزَوۡجُكَ ٱلۡجَنَّةَ فَكُلَا مِنۡ حَيۡثُ
شِئۡتُمَا وَلَا تَقۡرَبَا هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٩﴾ فَوَسۡوَسَ
لَهُمَا ٱلشَّيۡطَٰنُ لِيُبۡدِيَ لَهُمَا مَا وُۥرِيَ عَنۡهُمَا مِن سَوۡءَٰتِهِمَا وَقَالَ
مَا نَهَىٰكُمَا رَبُّكُمَا عَنۡ هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةِ إِلَّآ أَن تَكُونَا مَلَكَيۡنِ أَوۡ تَكُونَا
مِنَ ٱلۡخَٰلِدِينَ ﴿٢٠﴾ وَقَاسَمَهُمَآ إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ ٱلنَّٰصِحِينَ ﴿٢١﴾
فَدَلَّىٰهُمَا بِغُرُورٖۚ فَلَمَّا ذَاقَا ٱلشَّجَرَةَ بَدَتۡ لَهُمَا سَوۡءَٰتُهُمَا وَطَفِقَا
يَخۡصِفَانِ عَلَيۡهِمَا مِن وَرَقِ ٱلۡجَنَّةِۖ وَنَادَىٰهُمَا رَبُّهُمَآ أَلَمۡ أَنۡهَكُمَا
عَن تِلۡكُمَا ٱلشَّجَرَةِ وَأَقُل لَّكُمَآ إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ لَكُمَا عَدُوّٞ مُّبِينٞ ﴿٢٢﴾

12. (Аллоҳ) айтди: «Сенга буюрганимда сажда қилишингга нима монелик қилди?» У деди: «Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг»*.

13. Айтди: «Ундан (жаннатдан) чиқ! У ер (жаннат)да сенга такаббурлик қилишинг жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта, сен (энди) ҳақирлардандирсан».

14. (У) деди: «Менга (инсонлар) тирилтириладиган кунгача (қиёматгача) муҳлат бер!»

15. Айтди: «Албатта, сен (жазо кунигача) муҳлат берилганлардандирсан».

16. У (аламидан) деди: «Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Тўғри йўлинг (Ислом дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман.

17. Сўнгра, уларга олдиларидан, ортларидан, ўнг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман. (Натижада) уларнинг аксариятини шукр қилувчи ҳолда топмайсан».

18. Айтди: «Ундан (жаннатдан) айбланган ва ҳайдалган ҳолингда чиқ! Қасамёд этаманки, кимки сенга эргашса, сизларнинг барчангиз билан жаҳаннамни тўлдиражакман».

19. (Биз дедик): «Эй, Одам! Жуфтинг (Ҳавво) билан жаннатда турингиз ва хоҳлаган жойингиздан тановул қилинг! Фақат ушбу дарахтга (мевасидан ейиш учун) яқинлашмангиз. Акс ҳолда золимлардан бўлурсиз!»

20. Сўнгра шайтон уларнинг ёпилган авратларини очиб юбориш (шарманда қилиш) учун иккисига васваса қилди* ва айтди: «Раббингиз сизларни фаришталарга айланиб қолмасин ёки (жаннатда) мангу қолувчилардан бўлиб қолмасин дебгина сизларни ушбу дарахтдан (ейишни) ман этди».

21. Яна, иккисига қасам билан: «Мен сизларга (холис) насиҳатгўйлардандирман», – деди.

22. Шундай қилиб (шайтон) уларни (ноқулай ҳолатга) туширди. Дарахт (меваси)дан тотиб кўришлари биланоқ, иккисининг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар*. Шунда уларга Парвардигорлари: «Сизларни ўша дарахтдан ман этмаганмидим ва шайтон сизларнинг яққол душманингиз, демаганмидим?!», – деб нидо қилди.

12-оят. Биринчи бўлиб шайтон ақлий қиёс қилган. Лекин қиёси нотўғри эди. Зеро, у лойнинг оловдан яхши эканига ақли етмади. Оловнинг табиатида енгиллик, ҳавойилик, ўткирлик бўлгани учун Иблис ўзини юқори олиб, такаббурлик қилди. Тупроқда оғирлик, камтарлик, ҳилм, сабр каби фазилатлар бор. Шунинг учун ҳам Одам (а.с.) айбига иқрор бўлиб тавба қилди. Тупроқ ёки лой оловни ўчиради. Олов тупроқни йўқ қила олмайди.

20-оят. Бундан маълум бўладики, авратни ёпиб юриш Одам (а.с.)дан бошланган экан (Мд).

22-оят. Тақиқланган мевадан егач, бўшалиш асносида авратларини ёпиш учун анжир ёки банан япроғидан фойдаланадилар.

قَالَا رَبَّنَا ظَلَمْنَآ أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ
ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٢٣﴾ قَالَ ٱهْبِطُوا۟ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ ۖ وَلَكُمْ فِى
ٱلْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتَٰعٌ إِلَىٰ حِينٍ ﴿٢٤﴾ قَالَ فِيهَا تَحْيَوْنَ وَفِيهَا
تَمُوتُونَ وَمِنْهَا تُخْرَجُونَ ﴿٢٥﴾ يَٰبَنِىٓ ءَادَمَ قَدْ أَنزَلْنَا عَلَيْكُمْ لِبَاسًا
يُوَٰرِى سَوْءَٰتِكُمْ وَرِيشًا ۖ وَلِبَاسُ ٱلتَّقْوَىٰ ذَٰلِكَ خَيْرٌ ۚ ذَٰلِكَ مِنْ
ءَايَٰتِ ٱللَّهِ لَعَلَّهُمْ يَذَّكَّرُونَ ﴿٢٦﴾ يَٰبَنِىٓ ءَادَمَ لَا يَفْتِنَنَّكُمُ
ٱلشَّيْطَٰنُ كَمَآ أَخْرَجَ أَبَوَيْكُم مِّنَ ٱلْجَنَّةِ يَنزِعُ عَنْهُمَا لِبَاسَهُمَا
لِيُرِيَهُمَا سَوْءَٰتِهِمَآ ۗ إِنَّهُۥ يَرَىٰكُمْ هُوَ وَقَبِيلُهُۥ مِنْ حَيْثُ لَا تَرَوْنَهُمْ ۗ
إِنَّا جَعَلْنَا ٱلشَّيَٰطِينَ أَوْلِيَآءَ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٧﴾ وَإِذَا فَعَلُوا۟
فَٰحِشَةً قَالُوا۟ وَجَدْنَا عَلَيْهَآ ءَابَآءَنَا وَٱللَّهُ أَمَرَنَا بِهَا ۗ قُلْ إِنَّ ٱللَّهَ
لَا يَأْمُرُ بِٱلْفَحْشَآءِ ۖ أَتَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٢٨﴾ قُلْ
أَمَرَ رَبِّى بِٱلْقِسْطِ ۖ وَأَقِيمُوا۟ وُجُوهَكُمْ عِندَ كُلِّ مَسْجِدٍ
وَٱدْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ ۚ كَمَا بَدَأَكُمْ تَعُودُونَ ﴿٢٩﴾ فَرِيقًا
هَدَىٰ وَفَرِيقًا حَقَّ عَلَيْهِمُ ٱلضَّلَٰلَةُ ۗ إِنَّهُمُ ٱتَّخَذُوا۟ ٱلشَّيَٰطِينَ
أَوْلِيَآءَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَيَحْسَبُونَ أَنَّهُم مُّهْتَدُونَ ﴿٣٠﴾

23. Иккиси айтдилар: «Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз».

24. (Аллоҳ) деди: «Бир-бирингизга нисбатан душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Сизлар учун (маълум) вақт (ажалингиз етгун)гача Ерда қарор топиш ва фойдаланиш (бордир)».

25. (Яна) деди: «Унда яшайсиз, унда ўлурсиз ва ундан (охиратда) чиқарилурсиз*.

26. Эй, Одам авлоди! Сизларга авратларингизни беркитадиган либос ва патлар (зийнат кийимлари)ни туширдик*. (Аммо) тақво либоси – бу, яхшироқдир. Бу(лар) Аллоҳнинг мўъжизаларидандир. Шояд (буни) эслаб кўрсалар!

27. Эй, Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиб (уялтириб) жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Зеро, у ва унинг тўдаси сизлар уларни кўра олмайдиган тарафдан сизларни кўрадилар. Биз шайтонларни имон келтирмайдиганларга дўст қилиб қўйдик».

28. (Мушриклар) бирор фаҳш иш қилсалар: «Ота-боболаримизни шу (одат) узра топганмиз, уни бизга Аллоҳ (Ўзи) буюрган», – дейдилар*. (Сиз уларга): «Аллоҳ асло фаҳш ишларга буюрмайди. Аллоҳ шаънига ўзингиз билмаган (гап)ларни айтаверасизми?!» – деб айтинг!

29. (Яна) айтинг: «Раббим адолатли бўлишга буюрган. Ҳар бир масжид (намоз) олдидан юзларингиз (дилларингиз)ни тўғри қилинг! Унга (Аллоҳга) динни холис қилган ҳолларингизда дуо қилингиз. Сизларни (аввал бошда ярата) бошлаганидек, (қиёматда мангу ҳаётга) қайтурсизлар».

30. Бир гуруҳни ҳидоятга йўллади, (бошқа) бир гуруҳга эса залолат (битилгани) ҳақ бўлиб чиқди. Зеро, улар Аллоҳни қўйиб шайтонларни дўст қилиб олиб, уларни тўғри йўл топганлар деб ўйлайдилар.

25-оят. Яъни Ерда яшаб, Ерга кўмилиб, сўнгра қиёматда яна Ердан тирилтирилган ҳолатда ҳисоб-китоб учун чиқарилурсиз.

26-оят. Оятдан маълум бўладики, авратларни ёпадиган кийим инсон учун асосий кийим, бошқа қўшимча кийим-кечаклар эса, зебу зийнат ҳисобланар экан. "Лекин, – дейди Парвардигор, – бу либосларингиз уятдан, иссиқ-совуқдан сақласа, "тақво либоси" охират азобидан сақлайди." Бу ерда маънавий либос назарда тутилган бўлиб, у имон, эътиқод ва солиҳ амаллардир. Тафсирларда "тақво либоси"га турли изоҳлар берилган. Лекин зоҳирий маънода тақво либоси билан ўзини ўраб, доимо парҳезкорлик, солиҳ амаллар билан юксак ахлоқли бўлиб юришнинг афзаллиги маълум бўлади.

28-оят. Мушриклар Аллоҳни қўйиб, сохта маъбудаларга сиғиниш ва Каъбани яланғоч ҳолда тавоф қилишни ота-боболаридан уларга қолган мерос деб даъво қилар ва шу бузуқ ақидаларини ҳимоя қилар эдилар.

۞ يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ خُذُواْ زِينَتَكُمۡ عِندَ كُلِّ مَسۡجِدٖ وَكُلُواْ وَٱشۡرَبُواْ
وَلَا تُسۡرِفُوٓاْۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلۡمُسۡرِفِينَ ٣١ قُلۡ مَنۡ حَرَّمَ زِينَةَ ٱللَّهِ
ٱلَّتِيٓ أَخۡرَجَ لِعِبَادِهِۦ وَٱلطَّيِّبَٰتِ مِنَ ٱلرِّزۡقِۚ قُلۡ هِيَ لِلَّذِينَ ءَامَنُواْ
فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا خَالِصَةٗ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۗ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلۡأٓيَٰتِ
لِقَوۡمٖ يَعۡلَمُونَ ٣٢ قُلۡ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ ٱلۡفَوَٰحِشَ مَا ظَهَرَ مِنۡهَا وَمَا
بَطَنَ وَٱلۡإِثۡمَ وَٱلۡبَغۡيَ بِغَيۡرِ ٱلۡحَقِّ وَأَن تُشۡرِكُواْ بِٱللَّهِ مَا لَمۡ يُنَزِّلۡ بِهِۦ
سُلۡطَٰنٗا وَأَن تَقُولُواْ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ٣٣ وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٞۖ
فَإِذَا جَآءَ أَجَلُهُمۡ لَا يَسۡتَأۡخِرُونَ سَاعَةٗ وَلَا يَسۡتَقۡدِمُونَ ٣٤
يَٰبَنِيٓ ءَادَمَ إِمَّا يَأۡتِيَنَّكُمۡ رُسُلٞ مِّنكُمۡ يَقُصُّونَ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتِي فَمَنِ
ٱتَّقَىٰ وَأَصۡلَحَ فَلَا خَوۡفٌ عَلَيۡهِمۡ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ ٣٥ وَٱلَّذِينَ
كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا وَٱسۡتَكۡبَرُواْ عَنۡهَآ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ هُمۡ
فِيهَا خَٰلِدُونَ ٣٦ فَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوۡ كَذَّبَ
بِـَٔايَٰتِهِۦٓۚ أُوْلَٰٓئِكَ يَنَالُهُمۡ نَصِيبُهُم مِّنَ ٱلۡكِتَٰبِۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَتۡهُمۡ
رُسُلُنَا يَتَوَفَّوۡنَهُمۡ قَالُوٓاْ أَيۡنَ مَا كُنتُمۡ تَدۡعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِۖ
قَالُواْ ضَلُّواْ عَنَّا وَشَهِدُواْ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمۡ أَنَّهُمۡ كَانُواْ كَٰفِرِينَ ٣٧

31. Эй, Одам авлоди! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз! Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зеро, У исроф қилувчиларни севмагай*.

32. Айтинг: «Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнатини ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?» Айтинг: «У (зийнат ва пок ризқлар) бу дунёда имон келтирганлар (ва бошқалар) учун, қиёмат кунида эса, холис (мўминларнинг ўзлари учун бўлур)». Шундай қилиб, оятларни биладиган қавмларга муфассал баён қилурмиз.

33. Айтинг: «Раббим, албатта, фаҳш ишларнинг ошкораю пинҳонасини, гуноҳ (ишлар)ни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарса(лар)ни Унга шерик қилишингизни ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилди».

34. Ҳар бир умматга (жазо учун) муҳлат (белгиланган). Қачонки, уларнинг муҳлати келар экан, (уни) бирор соат кечга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар.

35. Эй, Одам авлоди! Агар сизларга ўзингиздан (инсон зотидан) бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сизларга ўқиган ҳолда келсалар, (билиб қўйингизки) кимки тақволи бўлиб, (ўзини) тузатса, у (каби)ларга (охиратда) хавф йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмагайлар.

36. Оятларимизни ёлғонга чиқарган ва улардан (ўзларини юқори тутиб) кибр қилганлар – ана ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар у ерда мангу (қолувчи)дирлар.

37. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарган (одам)дан кўра ким ҳам золимроқдир?! Ана ўшаларга Китобдаги (яшаш) насибалари битгач, вафот эттирувчи фаришталаримиз уларга келганларида: «Аллоҳни қўйиб илтижо қилган нарса (бут)ларинг қани?!», – деганларида, улар: «Биздан йўқолдилар», – дейишади. Кофир бўлганлари тўғрисида ўзларига-ўзлари гувоҳлик берурлар.

31-оят. Еб-ичишдаги исроф – қорин тўқ бўла туриб, устига яна таом ейиш, деган тафсир ҳам бор. Ҳорун ар-Рашиднинг бир насроний ҳозиқ табиби бор эди. У бир куни уламолардан Али ибн Ҳусайн ибн Воқидга: "Қуръон китобларингизда табобат хусусида ҳеч нарса йўқ. Ваҳоланки, илм икки хилдир. Бири – дин илми, иккинчиси – бадан, яъни тиб илми", деганида, у жавобига: "Аллоҳ таоло табобатнинг ҳаммасини яримта оятга жойлаб қўйган", – деб, мазкур оятни ўқиб берганида табиб: "Пайғамбарингиз бу хусусда ҳеч нима демаган", – дебди. Шунда олим: "Аксинча. Ошқозон дард манбаи, парҳез – барча давонинг боши. Баданни унга мос нарса билан парвариш қил!" деган ҳадисларини ўқиб берибди. Шунда табиб: "Китобингиз билан Пайғамбарингиз Жолинус ҳакимга табобатдан ҳеч нарса қолдирмабди", – деган экан (Мд.).

قَالَ ٱدۡخُلُواْ فِيٓ أُمَمٖ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِكُم مِّنَ ٱلۡجِنِّ وَٱلۡإِنسِ
فِي ٱلنَّارِۖ كُلَّمَا دَخَلَتۡ أُمَّةٞ لَّعَنَتۡ أُخۡتَهَاۖ حَتَّىٰٓ إِذَا ٱدَّارَكُواْ فِيهَا
جَمِيعٗا قَالَتۡ أُخۡرَىٰهُمۡ لِأُولَىٰهُمۡ رَبَّنَا هَٰٓؤُلَآءِ أَضَلُّونَا فَـَٔاتِهِمۡ
عَذَابٗا ضِعۡفٗا مِّنَ ٱلنَّارِۖ قَالَ لِكُلّٖ ضِعۡفٞ وَلَٰكِن لَّا تَعۡلَمُونَ ٣٨
وَقَالَتۡ أُولَىٰهُمۡ لِأُخۡرَىٰهُمۡ فَمَا كَانَ لَكُمۡ عَلَيۡنَا مِن فَضۡلٖ
فَذُوقُواْ ٱلۡعَذَابَ بِمَا كُنتُمۡ تَكۡسِبُونَ ٣٩ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ
بِـَٔايَٰتِنَا وَٱسۡتَكۡبَرُواْ عَنۡهَا لَا تُفَتَّحُ لَهُمۡ أَبۡوَٰبُ ٱلسَّمَآءِ وَلَا يَدۡخُلُونَ
ٱلۡجَنَّةَ حَتَّىٰ يَلِجَ ٱلۡجَمَلُ فِي سَمِّ ٱلۡخِيَاطِۚ وَكَذَٰلِكَ نَجۡزِي
ٱلۡمُجۡرِمِينَ ٤٠ لَهُم مِّن جَهَنَّمَ مِهَادٞ وَمِن فَوۡقِهِمۡ غَوَاشٖۚ
وَكَذَٰلِكَ نَجۡزِي ٱلظَّٰلِمِينَ ٤١ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ
ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَا نُكَلِّفُ نَفۡسًا إِلَّا وُسۡعَهَآ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ
ٱلۡجَنَّةِۖ هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ٤٢ وَنَزَعۡنَا مَا فِي صُدُورِهِم مِّنۡ غِلّٖ
تَجۡرِي مِن تَحۡتِهِمُ ٱلۡأَنۡهَٰرُۖ وَقَالُواْ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي هَدَىٰنَا لِهَٰذَا
وَمَا كُنَّا لِنَهۡتَدِيَ لَوۡلَآ أَنۡ هَدَىٰنَا ٱللَّهُۖ لَقَدۡ جَآءَتۡ رُسُلُ رَبِّنَا بِٱلۡحَقِّۖ
وَنُودُوٓاْ أَن تِلۡكُمُ ٱلۡجَنَّةُ أُورِثۡتُمُوهَا بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٤٣

38. (Уларга Аллоҳ) айтади: «Сизлардан олдин ўтган жин ва инсдан иборат (кофир) умматлар ичида (сизлар ҳам) дўзахга киринглар!» Ҳар бир гуруҳ (дўзахга) кирганда, шеригини лаънатлайди. *У ерда бир-бирлари билан жам бўлиб топишишгач, охирги (гуруҳ) ўзидан олдингиси ҳақида: «Эй, Раббимиз! Ана ўшалар бизни адаштирганлар. Уларга дўзах азобини кўпайтириб бергин!» – дейдилар.* (Шунда Аллоҳ): «Ҳар бир (гуруҳ) учун (азоб ҳам) кўпайтирилгандир, *лекин* (сизлар бунинг ҳикматини) билмайсиз», – дегай.

39. Аввалгилари (адаштирганлари) кейингиларига (адашганларга) айтадилар: «Сизларнинг бизлардан ортиқлигингиз йўқ. Қилмишларингизга яраша (белгиланган) азобни тотаверингиз!»

40. Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарган ва улардан кибрланиб бош тортганлар учун осмон эшиклари сира очилмагай ва нина кўзидан туя ўтмагунга қадар жаннатга кирмаслар*. *Жиноятчиларни ана шундай жазолагаймиз.*

41. Уларга жаҳаннам (ўти)дан (остиларига) пояндоз ва устиларига ёпинчиқ (бўлур). *Золимларни ана шундай жазолагаймиз.*

42. Имон келтирган ва солиҳ (савобли) ишларни қилганлар эса, (дарвоқе) ҳеч бир жонни тоқатидан ортиққа мажбур этмаймиз, айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар. *Улар у ерда мангу* (қолувчи)лардир.

43. *Дилларидаги* (ўзаро) адоват (туйғулари)ни суғуриб ташлаймиз*. Остиларидан анҳорлар оқажак. (Шунда) айтурларки: «Ушбу (ҳидоят)га бизни бошлаган Аллоҳга ҳамд (айтамиз). Агар бизни (Ўзи) бошламаганида, тўғри йўлни топа олмаган бўлур эдик*. Раббимизнинг пайғамбарлари ҳақиқатни келтирган эканлар». Уларга нидо қилинурки: «Мана шу – жаннат. Қилган (савобли) амалларингиз сабабли у сизларга мерос қилиб берилди».

40-оят. “Нина тешигидан туя ўтмагунга қадар” деб шарт қўйиш ўша ишнинг ҳеч қачон амалга ошмаслигидан далолатдир. Яъни оятларимизни инкор этувчи мутакаббирлар ҳеч қачон жаннатга кирмаслар, дейилмоқда.

43-оят. Жаннатда ҳар бир кишининг амалларига ва Аллоҳнинг фазлига кўра мақом ва даражалар берилади. Улар бир хил бўлмай, балки бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Лекин жаннат аҳлидан ҳеч ким ўзидан юқори мақомдаги кишига ҳасад қилмайди. Чунки уларнинг дилларидан ҳасад туйғулари олиб ташланади. Ҳар бир киши ўзига берилган мақомни камол даражасида кўриб, мамнун ва миннатдор ҳолда яшайди (Хз).

* Ҳадисда: “Ҳар бир дўзах аҳлига жаннатдаги унга ажратилган жой кўрсатилганда, қани эди мени ҳам Аллоҳ ҳидоятга йўллаганида, шу жойда бўлар эдим, деб ҳасрат қилар экан. Ҳар бир жаннат аҳлига дўзахдаги унга ажратилган жой кўрсатилганда, агар Аллоҳ ҳидоят насиб этмаганида жойим шу ерда бўлар экан-да, деб шукр қилади”, дейилган (Тб.).

وَنَادَىٰٓ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَنَّةِ أَصۡحَٰبَ ٱلنَّارِ أَن قَدۡ وَجَدۡنَا مَا وَعَدَنَا رَبُّنَا حَقّٗا
فَهَلۡ وَجَدتُّم مَّا وَعَدَ رَبُّكُمۡ حَقّٗاۖ قَالُواْ نَعَمۡۚ فَأَذَّنَ مُؤَذِّنُۢ بَيۡنَهُمۡ أَن
لَّعۡنَةُ ٱللَّهِ عَلَى ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٤﴾ ٱلَّذِينَ يَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَيَبۡغُونَهَا
عِوَجٗا وَهُم بِٱلۡأٓخِرَةِ كَٰفِرُونَ ﴿٤٥﴾ وَبَيۡنَهُمَا حِجَابٞۚ وَعَلَى ٱلۡأَعۡرَافِ
رِجَالٞ يَعۡرِفُونَ كُلَّۢا بِسِيمَىٰهُمۡۚ وَنَادَوۡاْ أَصۡحَٰبَ ٱلۡجَنَّةِ أَن سَلَٰمٌ عَلَيۡكُمۡۚ
لَمۡ يَدۡخُلُوهَا وَهُمۡ يَطۡمَعُونَ ﴿٤٦﴾ ۞ وَإِذَا صُرِفَتۡ أَبۡصَٰرُهُمۡ تِلۡقَآءَ
أَصۡحَٰبِ ٱلنَّارِ قَالُواْ رَبَّنَا لَا تَجۡعَلۡنَا مَعَ ٱلۡقَوۡمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٧﴾ وَنَادَىٰٓ أَصۡحَٰبُ
ٱلۡأَعۡرَافِ رِجَالٗا يَعۡرِفُونَهُم بِسِيمَىٰهُمۡ قَالُواْ مَآ أَغۡنَىٰ عَنكُمۡ جَمۡعُكُمۡ
وَمَا كُنتُمۡ تَسۡتَكۡبِرُونَ ﴿٤٨﴾ أَهَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ أَقۡسَمۡتُمۡ لَا يَنَالُهُمُ
ٱللَّهُ بِرَحۡمَةٍۚ ٱدۡخُلُواْ ٱلۡجَنَّةَ لَا خَوۡفٌ عَلَيۡكُمۡ وَلَآ أَنتُمۡ تَحۡزَنُونَ
﴿٤٩﴾ وَنَادَىٰٓ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِ أَصۡحَٰبَ ٱلۡجَنَّةِ أَنۡ أَفِيضُواْ عَلَيۡنَا
مِنَ ٱلۡمَآءِ أَوۡ مِمَّا رَزَقَكُمُ ٱللَّهُۚ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ حَرَّمَهُمَا عَلَى
ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٥٠﴾ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ دِينَهُمۡ لَهۡوٗا وَلَعِبٗا
وَغَرَّتۡهُمُ ٱلۡحَيَوٰةُ ٱلدُّنۡيَاۚ فَٱلۡيَوۡمَ نَنسَىٰهُمۡ كَمَا نَسُواْ
لِقَآءَ يَوۡمِهِمۡ هَٰذَا وَمَا كَانُواْ بِـَٔايَٰتِنَا يَجۡحَدُونَ ﴿٥١﴾

44. Жаннат аҳли дўзах аҳлига (қиёмат куни): «Раббимиз бизга ваъда қилган нарса (жаннат)нинг ҳақ эканини топдик. (Сизлар ҳам) Раббингиз ваъда қилган (огоҳлантирган дўзах)нинг ҳақ эканини топдингизми?» – деб нидо қилурлар. Улар: «Ҳа», – дейдилар. Сўнгра ўрталаридан бир жарчи (фаришта чиқиб) жар солади: «Золимлар узра Аллоҳнинг лаънати (ёғилсин)!

45. Зеро, улар (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган, уни қинғир қилишни истайдиган, охиратга эса ишонмайдиган эдилар».

46. (Жаннат ва дўзах аҳлари) ўрталарида тўсиқ (бордир)*. Аъроф (арасот) узра (жаннат ва дўзахдагиларнинг) ҳар бирини сиймолари (аломатлари)дан таниб оладиган кишилар (бўлур). Улар жаннат аҳлига: «Сизларга салом!», – дейдилар-у, (киришдан) тамагир бўлиб, кира олмайдилар.

47. Кўзлари дўзах аҳли тарафига бурилиб қолса, айтадилар: «Эй, Раббимиз! Бизни бу золимлар қавми билан бирга қилиб қўймагин!»

48. Арасот аҳли сиймоларидан таниш кишиларга айтадилар: «Тўплаган (бойлик)ларингиз ва қилган кибрларингиз сизларга (кунингизга) ярамабди-ку!

49. Аллоҳ уларга раҳматини етказмайди, деб сиз қасам ичиб юрган (фақир мусулмон)лар ана улармиди?»* (Шундан сўнг Аллоҳ арасот аҳлига дейди): «Жаннатга кирингиз! Сизларга хавф йўқ ва сизлар ташвиш ҳам чекмайсиз!»

50. Дўзах аҳли жаннат аҳлига: «Бизнинг устимизга сувдан ёки Аллоҳ сизларни ризқлантирган нарсадан тўкингиз», – деб нидо қилурлар. Улар (жавобига): «Аллоҳ (сиз сўраган) ҳар икки (нарса)ни кофирларга –

51. динларини ҳазил ва ўйин қилиб олган ва фоний дунё алдаб қўйганларга ҳаром (ман) этган», – дейдилар. Бугун ушбу Кун мулоқотини унутганлари ва оятларимизни инкор этганлари каби (Биз ҳам) уларни «унутамиз».

46-оят. Жаннат билан дўзах ўртасидаги девор ёки тўсиқ устида махсус бир жой бўлиб, унинг номи “Аъроф”, яъни “Арасот”дир. У ерда қандай инсонлар туриши хусусида турли ривоятлар бор. Ибн Масъуд ва Ҳузайфа (рз.)лар сўзига қараганда улар савоблари билан гуноҳлари баробар келиб қолган кишилардир. Ота-оналаридан бирини норози қилганлар ёки пайғамбарлар ёхуд жаннат билан дўзах аҳли устидан томоша қилишга қизиққан авлиё ва уламолар экани тўғрисида нақл қилинган (Хз.).

49-оят. Макка кофирлари ислом динига кирган қашшоқ кишилар, қуллар устидан кулиб, уларни ҳатто Аллоҳ ўз раҳматига мушарраф қилмайди, дер эдилар. Валид ибн Муғира, Абу Жаҳл, Умайя, Убай ибн Халаф кабилар имон келтирган Салмон, Суҳайб, Аммор каби бечораҳол мусулмонларни назар-писанд қилмас эдилар.

“Бақара” сурасининг 13-оятида ҳам худди шундай кишиларнинг дунёдаги гаплари зикр этилган.

وَلَقَدْ جِئْنَٰهُم بِكِتَٰبٍ فَصَّلْنَٰهُ عَلَىٰ عِلْمٍ هُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ
يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾ هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا تَأْوِيلَهُۥ ۚ يَوْمَ يَأْتِى تَأْوِيلُهُۥ يَقُولُ
ٱلَّذِينَ نَسُوهُ مِن قَبْلُ قَدْ جَآءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِٱلْحَقِّ فَهَل لَّنَا
مِن شُفَعَآءَ فَيَشْفَعُوا۟ لَنَآ أَوْ نُرَدُّ فَنَعْمَلَ غَيْرَ ٱلَّذِى كُنَّا نَعْمَلُ ۚ
قَدْ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٥٣﴾
إِنَّ رَبَّكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ فِى سِتَّةِ
أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ عَلَى ٱلْعَرْشِ يُغْشِى ٱلَّيْلَ ٱلنَّهَارَ يَطْلُبُهُۥ حَثِيثًا
وَٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ وَٱلنُّجُومَ مُسَخَّرَٰتٍۭ بِأَمْرِهِۦٓ ۗ أَلَا لَهُ ٱلْخَلْقُ
وَٱلْأَمْرُ ۗ تَبَارَكَ ٱللَّهُ رَبُّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٥٤﴾ ٱدْعُوا۟ رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا
وَخُفْيَةً ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾ وَلَا تُفْسِدُوا۟ فِى
ٱلْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَٰحِهَا وَٱدْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا ۚ إِنَّ رَحْمَتَ
ٱللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى يُرْسِلُ
ٱلرِّيَٰحَ بُشْرًۢا بَيْنَ يَدَىْ رَحْمَتِهِۦ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَقَلَّتْ سَحَابًا
ثِقَالًا سُقْنَٰهُ لِبَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَنزَلْنَا بِهِ ٱلْمَآءَ فَأَخْرَجْنَا بِهِۦ مِن كُلِّ
ٱلثَّمَرَٰتِ ۚ كَذَٰلِكَ نُخْرِجُ ٱلْمَوْتَىٰ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٥٧﴾

52. Уларга (кофирларга) ишонадиган қавм учун ҳидоят ва раҳмат (манбаи) сифатида Ўзимиз муфассал баён қилган Китоб (Қуръон)ни илмий асосда келтирдик*.

53. Улар (эса) унинг (аниқ маънолари қолиб) таъвили (бошқача мазмун берилиши)ни кутадилар. Таъвили келган куни (қиёмат)да уни (Қуръонни) илгари унутган (менсимаган)лар айтадилар: «Раббимизнинг пайғамбарлари ҳақиқатни келтирган эканлар. Бас, қани (энди) оқловчи (бут-санам)лар (бўлса-ю) бизни оқласалар ёки (дунёга яна) қайтарилсаг-у қилган ишларимиздан ўзгача иш қилсак?» (Улар) ўзларига зиён қилдилар ва тўқиб юрган бўҳтон (маъбуда)лари улардан ғойиб бўлди.

54. Дарҳақиқат, Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда* яратган, сўнгра Арш узра “муставий”* бўлган, кунга тунни қоплайдиган – уни (яъни кунни тун) шитоб билан қувади – қуёш, ой, юлдузларни Ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир. Огоҳ бўлингизки, яратиш ва буюриш Унга хосдир. Оламларнинг Рабби бўлмиш Аллоҳ баракотлидир.

55. Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай.

56. Ерни (Аллоҳ хайрли ишларга) яроқли қилиб қўйгандан кейин (унда) бузғунчилик қилмангиз! Унга (Аллоҳга) ҳам қўрқинч ва ҳам умид билан дуо қилингиз! Аллоҳнинг раҳмати эзгу иш қилувчиларга яқиндир.

57. У ўз раҳматининг даракчиси сифатида шамолларни юборувчи зот бўлиб, (шамоллар) оғир булутларни кўтариб олгач, уни ўлик (чанқоқ) шаҳар (усти)га ҳайдаймиз. Бас, унга сув (ёмғир) ёғдириб, у сабабли меваларнинг ҳар туридан чиқарурмиз. Ўликларни ҳам (қабрларидан) шу тарзда чиқарурмиз, шояд (улардан) эслатма олсангиз.

52-оят. Шунинг учун ҳам илм-фан ривожланган сари Қуръони каримдаги маълумотлар ўз тасдиғини топиб бормоқда.

54-оят. Яъни Ер ва осмонлар ҳамда улар ўртасидаги мавжудотларни якшанбадан бошлаб жума кунигача яратган. Озгина муддатда яратишга қодир бўла туриб, олти кунга чўзганининг сабабларидан бири фаришталар кўриб, кузатиб, танишиб боришлари учун шунча вақт ўтиши лозим бўлган ёки бандаларига сабр-қаноатли бўлишни таълим бериш мақсадида шундай қилган (Мд.).

Яратишни шанба кунидан бошлаб, пайшанба куни тугатган, деган ривоятлар ҳам бор (Мс.).

Мазкур олти куннинг ҳар бир куни бизнинг ҳисоб бўйича минг йилга тўғри келади. Бизнинг кунларимиз билан мазкур кунларнинг узунлиги бир хил, деган ривоят ҳам бор (Хз.).

Аллоҳ таолонинг илк яратган нарсаси нима экани тўғрисида ҳам турли ривоятлар бор.

* “Муставий бўлди” сўзини таржима ва тафсир қилишни салаф уламолари жоиз эмас, деб билганлар (Ақ.).

وَٱلۡبَلَدُ ٱلطَّيِّبُ يَخۡرُجُ نَبَاتُهُۥ بِإِذۡنِ رَبِّهِۦۖ وَٱلَّذِي خَبُثَ لَا يَخۡرُجُ
إِلَّا نَكِدٗاۚ كَذَٰلِكَ نُصَرِّفُ ٱلۡأٓيَٰتِ لِقَوۡمٖ يَشۡكُرُونَ ﴿٥٨﴾
لَقَدۡ أَرۡسَلۡنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوۡمِهِۦ فَقَالَ يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم
مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرُهُۥٓ إِنِّيٓ أَخَافُ عَلَيۡكُمۡ عَذَابَ يَوۡمٍ عَظِيمٖ ﴿٥٩﴾
قَالَ ٱلۡمَلَأُ مِن قَوۡمِهِۦٓ إِنَّا لَنَرَىٰكَ فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ﴿٦٠﴾ قَالَ
يَٰقَوۡمِ لَيۡسَ بِي ضَلَٰلَةٞ وَلَٰكِنِّي رَسُولٞ مِّن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ
﴿٦١﴾ أُبَلِّغُكُمۡ رِسَٰلَٰتِ رَبِّي وَأَنصَحُ لَكُمۡ وَأَعۡلَمُ مِنَ ٱللَّهِ
مَا لَا تَعۡلَمُونَ ﴿٦٢﴾ أَوَعَجِبۡتُمۡ أَن جَآءَكُمۡ ذِكۡرٞ مِّن رَّبِّكُمۡ عَلَىٰ
رَجُلٖ مِّنكُمۡ لِيُنذِرَكُمۡ وَلِتَتَّقُواْ وَلَعَلَّكُمۡ تُرۡحَمُونَ ﴿٦٣﴾ فَكَذَّبُوهُ
فَأَنجَيۡنَٰهُ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥ فِي ٱلۡفُلۡكِ وَأَغۡرَقۡنَا ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ
بِـَٔايَٰتِنَآۚ إِنَّهُمۡ كَانُواْ قَوۡمًا عَمِينَ ﴿٦٤﴾ ۞ وَإِلَىٰ عَادٍ أَخَاهُمۡ
هُودٗاۚ قَالَ يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرُهُۥٓۚ أَفَلَا تَتَّقُونَ
﴿٦٥﴾ قَالَ ٱلۡمَلَأُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِن قَوۡمِهِۦٓ إِنَّا لَنَرَىٰكَ فِي
سَفَاهَةٖ وَإِنَّا لَنَظُنُّكَ مِنَ ٱلۡكَٰذِبِينَ ﴿٦٦﴾ قَالَ يَٰقَوۡمِ
لَيۡسَ بِي سَفَاهَةٞ وَلَٰكِنِّي رَسُولٞ مِّن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٦٧﴾

58. Яхши шаҳар (ери)нинг гиёҳи Раббининг изни билан (униб) чиқаверади. Ёмон (шаҳар ери эса) фақат унумсиз бўлур. Шукр қилувчи қавм учун оятларни шу тарзда такрор-такрор баён этурмиз*.

59. Дарвоқе, Нуҳни ўз қавмига (элчи қилиб) юбордик*. Шунда у деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Мен сизларга буюк Кун (қиёмат) азоби (берилиши)дан қўрқаман».

60. Қавмининг зодагонлари: «Биз сени очиқ янглиш узра кўрмоқдамиз», – дедилар.

61. (Нуҳ) деди: «Эй, қавмим! Менда янглиш йўқ. Лекин, мен оламлар Рабби (томони)дан элчи (пайғамбар)дурман.

62. Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказурман ва сизларга насиҳат қилурман ҳамда Аллоҳдан (келган ваҳий орқали) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман.

63. Сизларни огоҳлантириш, тақволи бўлишингиз ва раҳм қилишингиз учун сизларга Раббингиздан (келмиш) эслатма ўзларингиздан (бўлмиш) бир киши зиммасида келганидан ажабландингизми?!»

64. Шунда уни ёлғончига чиқардилар. Бас, (Биз) уни ва у билан бирга (имон келтирган)-ларни кема ичида (сақлаб, тўфондан) қутқардик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни (сувга) ғарқ қилдик. Улар (қалби) кўр кишилар эди*.

65. Од (қавми)га уларнинг биродари Ҳудни* (элчи қилиб юбордик). (У) деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!»

66. Қавмининг кофир бўлган зодагонлари айтдилар: «Биз сени нодонликда (эканингни) кўраяпмиз. Биз сени ёлғончилардanмикан, деб гумон қилаяпмиз».

67. (У) айтди: «Эй, қавмим! Менда нодонлик йўқ. Лекин мен оламлар Раббидан (юборилган) элчидирман.

58-оят. Бу ташбеҳдан мурод панд-насиҳат яхши одамга, яъни мўмин кишига таъсир қилади, куфрдаги кимсага эса таъсир қилмайди, деган маънодир.

59-оят. Нуҳ (а.с.) уч ота воситаси билан Идрис (а.с.)га зурриёт саналади. Унинг касби дурадгорлик бўлиб, Идрис (а.с.) билан ораларида бошқа пайғамбар ўтмаган. Пайғамбарлик келганда ёши нечада эканида ихтилоф бор. Яъни 40, 50, 100, 200, 250 ёш каби саналар кўрсатилган. "Нуҳ" сўзининг маъноси "кўп нола қилувчи"дир (Бғ.).

64-оят. Нуҳ (а.с.)нинг кемасида 9 киши, бир ривоятда 40 эркак ва 40 аёл бўлган. Улардан учтаси ўғиллари – Сом, Ҳом, Ёфас ва уларнинг хотинлари ва бошқа имон келтирган кишилар эди, деган ривоят ҳам бор. Тўртинчи ўғли – Канъон имон келтирмаган ва тўфонда ҳалок бўлган. Нуҳ (а.с.) 950 ёки 1000 йил умр кўрган, деган ривоят ҳам бор.

65-оят. Ҳуд (а.с.) бир неча авлод орқали Нуҳ (а.с.)нинг ўғли – Сомга зурриётдир.

أُبَلِّغُكُمْ رِسَٰلَٰتِ رَبِّي وَأَنَا۠ لَكُمْ نَاصِحٌ أَمِينٌ ﴿٦٨﴾ أَوَعَجِبْتُمْ
أَن جَآءَكُمْ ذِكْرٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ مِّنكُمْ لِيُنذِرَكُمْ
وَٱذْكُرُوٓاْ إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَآءَ مِنۢ بَعْدِ قَوْمِ نُوحٍ وَزَادَكُمْ
فِي ٱلْخَلْقِ بَصْۜطَةً فَٱذْكُرُوٓاْ ءَالَآءَ ٱللَّهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
﴿٦٩﴾ قَالُوٓاْ أَجِئْتَنَا لِنَعْبُدَ ٱللَّهَ وَحْدَهُۥ وَنَذَرَ مَا كَانَ
يَعْبُدُ ءَابَآؤُنَا فَأْتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ
﴿٧٠﴾ قَالَ قَدْ وَقَعَ عَلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ رِجْسٌ وَغَضَبٌ
أَتُجَٰدِلُونَنِي فِيٓ أَسْمَآءٍ سَمَّيْتُمُوهَآ أَنتُمْ وَءَابَآؤُكُم
مَّا نَزَّلَ ٱللَّهُ بِهَا مِن سُلْطَٰنٍ فَٱنتَظِرُوٓاْ إِنِّي مَعَكُم مِّنَ
ٱلْمُنتَظِرِينَ ﴿٧١﴾ فَأَنجَيْنَٰهُ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥ بِرَحْمَةٍ مِّنَّا
وَقَطَعْنَا دَابِرَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا وَمَا كَانُواْ مُؤْمِنِينَ
﴿٧٢﴾ وَإِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَٰلِحًا قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُواْ ٱللَّهَ
مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥ قَدْ جَآءَتْكُم بَيِّنَةٌ مِّن
رَّبِّكُمْ هَٰذِهِۦ نَاقَةُ ٱللَّهِ لَكُمْ ءَايَةً فَذَرُوهَا تَأْكُلْ
فِيٓ أَرْضِ ٱللَّهِ وَلَا تَمَسُّوهَا بِسُوٓءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٣﴾

68. Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказаяпман ва мен сизларга ишончли насиҳатгўйдирман*.

69. Сизларни огоҳлантириш учун ўзларингиздан (бўлмиш) бир киши зиммасида сизларга Раббингиздан эслатма келганидан ажабланаяпсизми?! Аллоҳ сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилиб қўйган ва сизларни жисмонан зиёда қилганини эслангиз!* Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз, токи (охиратда) нажот топгайсиз».

70. Айтдилар: «Фақат ягона Аллоҳга сиғинишимиз ва ота-боболаримиз сиғиниб келган нарса (бут-санамлар)ни тарк этишимизга (даъват қилиш учун) бизнинг ҳузуримизга келдингми?* Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга (ўша) ваъда қилган (қўрқитган) нарсангни келтир!»

71. (Ҳуд) айтди: «Сизларнинг устингизга Раббингиз (томони)дан азоб ва ғазаб ёғилиб бўлган. Сизлар ва ота-боболарингиз номларини атаб (сиғиниб) юрган, Аллоҳ уларга бирор ҳужжат (ҳукм) туширмаган (бут-санамлар) тўғрисида мен билан баҳслашмоқчимисиз?! (Азоб келишини) кутингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчилардандирман».

72. Уни (Ҳудни) ва у билан бирга бўлган (мўмин)ларни Биздан бўлмиш раҳмат билан (азобдан) халос этдик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса қириб ташладик. (Улар) мўмин бўлмадилар*.

73. Самуд қавмига биродарлари Солиҳни (пайғамбар этиб юбордик). (У) деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғининг! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Раббингиздан сизларга ҳужжат келди. Ушбу – Аллоҳнинг мўъжиза тарзидаги туяси. Уни (ўз ҳолига) қўйингиз – Аллоҳнинг ерида ўтласин! Унга ёмонлик (нияти) билан тега кўрмангиз! Акс ҳолда, сизларни аламли азоб тутгай»*.

68-оят. Ушбу оятларда жоҳил кишилар билан ҳам дағал муомалада бўлмаслик, балки чиройли мунозара, ширинсўзлик билан гап укдириш лозимлиги баён этилмоқда. “Тоҳо” сурасининг 44-оятида ҳам Аллоҳ таоло Мусо билан Ҳорун (а.с.) ларга Фиръавн ҳузурига бориб, унга юмшоқ сўз сўзлангиз! Шояд, у эслатма олса ёки қўрқса, деб буюрган. Бу каби оятларда инсонларнинг ўзаро алоқа ва муносабатлари учун сабоқ бордир.

69-оят. Улардан энг паканасининг бўйи олтмиш, новчасининг бўйи юз газ бўлган (Мд. Хз.).

70-оят. Оятдан маълум бўладики, Муҳаммад (а.с.) Ҳиро ғорида хилватда бўлиб, сўнгра пайғамбар бўлганларидан кейин қавмларига келиб, даъват қилганлари каби Ҳуд (а.с.) ҳам шаҳардан ташқаридаги махсус ибодатгоҳидан келиб, даъват қилган.

72-оят. Ҳуд қавми узра Аллоҳнинг шамол азоби келгач, улардан бирорта қолмасдан қирилиб кетган.

73-оят. Солиҳ (а.с.) туялари ҳақидаги қисса "Шамс" сурасида ҳам баён этилган.

وَٱذْكُرُوٓا۟ إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَآءَ مِنۢ بَعْدِ عَادٍ وَبَوَّأَكُمْ
فِى ٱلْأَرْضِ تَتَّخِذُونَ مِن سُهُولِهَا قُصُورًا وَتَنْحِتُونَ
ٱلْجِبَالَ بُيُوتًا ۖ فَٱذْكُرُوٓا۟ ءَالَآءَ ٱللَّهِ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ
مُفْسِدِينَ ﴿٧٤﴾ قَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ مِن
قَوْمِهِۦ لِلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوا۟ لِمَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ أَتَعْلَمُونَ
أَنَّ صَٰلِحًا مُّرْسَلٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۚ قَالُوٓا۟ إِنَّا بِمَآ أُرْسِلَ بِهِۦ
مُؤْمِنُونَ ﴿٧٥﴾ قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوٓا۟ إِنَّا بِٱلَّذِىٓ
ءَامَنتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿٧٦﴾ فَعَقَرُوا۟ ٱلنَّاقَةَ وَعَتَوْا۟ عَنْ
أَمْرِ رَبِّهِمْ وَقَالُوا۟ يَٰصَٰلِحُ ٱئْتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ
ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٧٧﴾ فَأَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا۟ فِى دَارِهِمْ
جَٰثِمِينَ ﴿٧٨﴾ فَتَوَلَّىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَٰقَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ
رِسَالَةَ رَبِّى وَنَصَحْتُ لَكُمْ وَلَٰكِن لَّا تُحِبُّونَ ٱلنَّٰصِحِينَ
﴿٧٩﴾ وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ أَتَأْتُونَ ٱلْفَٰحِشَةَ مَا سَبَقَكُم
بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِّنَ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٠﴾ إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلرِّجَالَ
شَهْوَةً مِّن دُونِ ٱلنِّسَآءِ ۚ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ ﴿٨١﴾

74. Сизларни (*Аллоҳ*) Од (қавми)дан кейинги халифа (авлод) қилгани ва текисликларида қасрлар (қуриб) олишингиз, тоғлардан ўйиб уйлар ясаб олишингиз учун сизларга Ердан жой берганини* эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва Ер (юзи)да бузғунчилик қилиб юрмангиз!

75. Қавмининг мутакаббир зодагонлари уларнинг имон келтирган бечораҳол кишиларига: «Солиҳни Раббидан (юборилган) элчи деб биласизми?» – *дедилар*. (Улар) айтдилар: «Биз у орқали юборилган нарса (ваҳий)га ишонувчилармиз».

76. Кибрга берилганлар эса: «Биз сизлар имон келтирган нарса (дин)га куфр келтирамиз», – *дедилар*.

77. (*Шундай деб*) туяни сўйиб юбордилар ва Парвардигорларининг амридан бош тортдилар ҳамда айтдилар: «Эй, Солиҳ! Агар пайғамбарлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсанг (азоб)ни келтир!»

78. Бас, уларни мудҳиш зилзила тутди ва ўз юртларида (ўтирганларича) гум бўлдилар.

79. (Солиҳ) улардан безиб *деди*: «Эй, қавмим! Мен сизларга Раббимнинг топшириғини етказдим, сизларга насиҳат қилдим, лекин (сизлар) насиҳатгўйларни ёқтирмайсиз».

80. *Лутни ҳам* (пайғамбар қилиб юбордик). Ўз қавмига айтди: «Шундай (ёмон) фаҳш ишни қиласизми? Сизлардан олдин бутун оламда ҳеч ким уни қилмаган эди.

81. Сизлар хотинлар қолиб, шаҳват билан (нафсни қондириш учун) эркакларга «келасиз». Ҳа, сизлар исрофгар қавмдирсизлар».

74-оят. Од қавми ҳалок бўлгандан кейин Ҳуд (а.с.) билан бирга саломат қолган мўминлар Яманнинг Шаҳр деган жойига келиб яшаганлар. Ҳуднинг қабри Яманнинг Ҳазрамавт деган минтақасида. Али ибн Аби Толиб ҳам буни тасдиқлаган. Лекин Абдураҳмон ибн Шабобанинг сўзига қараганда, Каъба атрофидаги Рукн, Мақом, Замзам оралиғида 99 та пайғамбар дафн қилинган. Ҳуд, Солиҳ, Шуайб, Исмоил (а.с.) лар ҳам ўша даргоҳга дафн қилинганлар. Қайси пайғамбарнинг қавми ҳалок бўлиб кетса, тирик қолган солиҳ бандалар билан Каъбага келиб, умрлари тугагунча ибодат билан машғул бўлганлар, деган ривоят ҳам бор (Хз.).

Од қавми ҳалокидан кейин Аллоҳ таоло Самуд деб аталувчи қавмга Солиҳ (а.с.)ни пайғамбар қилиб юборди. Уларнинг эътиқодини синаш учун мўъжиза сифатида тош ичидан чиқарилган туяни ўз ҳолига қўйишга, сўйиб емасликка буюриладилар. Лекин қавм Аллоҳнинг амрига бўйин сунмасдан уни сўйиб еб юборишади. Шундан кейин Аллоҳ таоло уларни зилзила балоси билан ҳалок этади.

Расул (а.с.) Самуд қавми ҳалок этилган жойдан ўтганларида мусулмонларга у ердаги қудуқ сувларидан истеъмол қилишни тақиқлаганлар (ИК).

وَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِۦٓ إِلَّآ أَن قَالُوٓاْ أَخْرِجُوهُم مِّن
قَرْيَتِكُمْ إِنَّهُمْ أُنَاسٌ يَتَطَهَّرُونَ ﴿٨٢﴾ فَأَنجَيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥٓ
إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ كَانَتْ مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٨٣﴾ وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِم
مَّطَرًا فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٨٤﴾
وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُواْ ٱللَّهَ
مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥ قَدْ جَآءَتْكُم بَيِّنَةٌ مِّن
رَّبِّكُمْ فَأَوْفُواْ ٱلْكَيْلَ وَٱلْمِيزَانَ وَلَا تَبْخَسُواْ
ٱلنَّاسَ أَشْيَآءَهُمْ وَلَا تُفْسِدُواْ فِى ٱلْأَرْضِ بَعْدَ
إِصْلَٰحِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ
﴿٨٥﴾ وَلَا تَقْعُدُواْ بِكُلِّ صِرَٰطٍ تُوعِدُونَ وَتَصُدُّونَ
عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ مَنْ ءَامَنَ بِهِۦ وَتَبْغُونَهَا عِوَجًا
وَٱذْكُرُوٓاْ إِذْ كُنتُمْ قَلِيلًا فَكَثَّرَكُمْ وَٱنظُرُواْ
كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٨٦﴾ وَإِن كَانَ طَآئِفَةٌ
مِّنكُمْ ءَامَنُواْ بِٱلَّذِىٓ أُرْسِلْتُ بِهِۦ وَطَآئِفَةٌ لَّمْ يُؤْمِنُواْ
فَٱصْبِرُواْ حَتَّىٰ يَحْكُمَ ٱللَّهُ بَيْنَنَا وَهُوَ خَيْرُ ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿٨٧﴾

82. Қавмининг жавоби: «Уларни (Лут* ва мўминларни) шаҳрингиздан чиқариб юборингиз, зеро, улар покликни даъво қилувчи одамлардир», – деган сўзлари бўлди, холос!

83. Уни ва хотинидан бошқа аҳли (оиласи)ни қутқариб қолдик. У (нинг хотини азобда) қолувчилардан бўлди.

84. Улар устига (азобни) ёмғирдек ёғдирдик*. Бас, жиноятчилар оқибати қандай бўлганига боқинг!

85. Мадян (қабиласи)га биродарлари Шуайбни (элчи қилиб юбордик)*. У айтди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизларга Раббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозини тўла-тўкис ўлчангиз, одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва яроқли қилиб қўйилгандан сўнг Ер (юзи)да бузғунчилик қилмангиз! Агар (чин) мўмин бўлсангиз, ана шу сизлар учун яхшидир.

86. (Одамларни) қўрқитиш, Аллоҳга имон келтирганларни Унинг йўлидан тўсиш ва уни қинғир қилиш мақсадида ҳар кўчада ўтирмангиз! Озчилик эканингизда, (Унинг) кўпайтирганини эслангиз ва (ўтган) бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига (бир) боқингиз!

87. Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган нарса (ваҳий)га имон келтириб, бошқа бир тоифа имон келтирмаган бўлса, ўртамизда Аллоҳ ҳукм қилгунга қадар сабр қилингиз! У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир».

82-оят. Лут (а.с.) Иброҳим (а.с.)нинг биродари – Ҳороннинг ўғли эди. Лут яшаган минтақа серҳосил, унумли ер бўлганидан у ерга атрофдан бегона одамлар кўчиб кела бошлаган. Уларни келтирмаслик учун шайтон келганларни қийноққа солишга, фаҳш ишларни қилишга ундайди. Улар дастлаб бегона, ёт кишиларга нисбатан шундай ишларни қилганлар. Кейинчалик бу қилиқ ўзларининг ораларида ҳам кенг тарқалгач, улар Аллоҳнинг ғазабига учраб, осмондан устиларига тош ёғилиб барчаси ҳалок бўлган (Хз.).

Лут (а.с.) Иброҳим (а.с.) билан бирга Шоми шарифга ҳижрат қилиб келганларидан кейин Аллоҳ таоло ул зотни Ўлик денгиз ёнидаги Садум деган жой кишиларига пайғамбар қилиб юборади. Уларни ҳар қанча имон ва солиҳ амалларни қилишга даъват қилсалар ҳам улар ўзларининг бузуқ ақидалари ва фаҳш ишларидан қайтмаганлар (ИК).

84-оят. Юрган одамлар устига тош ёғдирилди, ўтирганларни эса ер ютди (Мд.).

85-оят. Мадян Иброҳим (а.с.) ўғилларидан бирининг исми, кейинчалик у қабилага ном бўлиб қолган. Шуайб (а.с.) Иброҳим (а.с.) қавмидан бўлиб, кўзлари кўр, лекин нотиқликда "Пайғамбарлар хатиби" деган унвон олган экан. Бу зотнинг қавми куфр ва маъсиятда ҳаддан ошган, олди-сотди ишларида ўлчов ва тарозидан уриб қолиш каби ёмон сифатларга эга бўлган экан. Шуайб (а.с.) кўп даъват ва насиҳат қилсалар ҳам уларга кор қилмагач, қилмишларига жавобан зилзила азоби билан жазоланиб, ҳалок бўлдилар.

۞ قَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ مِن قَوْمِهِۦ لَنُخْرِجَنَّكَ يَٰشُعَيْبُ
وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَكَ مِن قَرْيَتِنَآ أَوْ لَتَعُودُنَّ فِى مِلَّتِنَا ۚ قَالَ أَوَلَوْ
كُنَّا كَٰرِهِينَ ﴿٨٨﴾ قَدِ ٱفْتَرَيْنَا عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا إِنْ عُدْنَا فِى مِلَّتِكُم
بَعْدَ إِذْ نَجَّىٰنَا ٱللَّهُ مِنْهَا ۚ وَمَا يَكُونُ لَنَآ أَن نَّعُودَ فِيهَآ إِلَّآ أَن يَشَآءَ
ٱللَّهُ رَبُّنَا ۚ وَسِعَ رَبُّنَا كُلَّ شَىْءٍ عِلْمًا ۚ عَلَى ٱللَّهِ تَوَكَّلْنَا ۚ رَبَّنَا ٱفْتَحْ
بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمِنَا بِٱلْحَقِّ وَأَنتَ خَيْرُ ٱلْفَٰتِحِينَ ﴿٨٩﴾ وَقَالَ ٱلْمَلَأُ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن قَوْمِهِۦ لَئِنِ ٱتَّبَعْتُمْ شُعَيْبًا إِنَّكُمْ إِذًا لَّخَٰسِرُونَ
﴿٩٠﴾ فَأَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا۟ فِى دَارِهِمْ جَٰثِمِينَ ﴿٩١﴾
ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ شُعَيْبًا كَأَن لَّمْ يَغْنَوْا۟ فِيهَا ۚ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ شُعَيْبًا
كَانُوا۟ هُمُ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٩٢﴾ فَتَوَلَّىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَٰقَوْمِ لَقَدْ
أَبْلَغْتُكُمْ رِسَٰلَٰتِ رَبِّى وَنَصَحْتُ لَكُمْ ۖ فَكَيْفَ ءَاسَىٰ
عَلَىٰ قَوْمٍ كَٰفِرِينَ ﴿٩٣﴾ وَمَآ أَرْسَلْنَا فِى قَرْيَةٍ مِّن نَّبِىٍّ إِلَّآ
أَخَذْنَآ أَهْلَهَا بِٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ لَعَلَّهُمْ يَضَّرَّعُونَ ﴿٩٤﴾ ثُمَّ
بَدَّلْنَا مَكَانَ ٱلسَّيِّئَةِ ٱلْحَسَنَةَ حَتَّىٰ عَفَوا۟ وَّقَالُوا۟ قَدْ مَسَّ
ءَابَآءَنَا ٱلضَّرَّآءُ وَٱلسَّرَّآءُ فَأَخَذْنَٰهُم بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٩٥﴾

ТЎҚҚИЗИНЧИ ПОРА

88. Унинг (Шуайбнинг) қавмидан кибрга берилган зодагонлари айтишди: «Эй, Шуайб! Қасамки, сени ва сен билан бирга имон келтирганларни шаҳримиздан чиқариб юборамиз ёки динимизга қайтасизлар!» У деди: «Динингизни ёқтирмайдиган бўлсак-чи?

89. Динингиздан Аллоҳ бизни қутқаргандан кейин яна унга қайтсак, Аллоҳга ёлғон тўқиган бўламиз-ку? Унга қайтишимиз мумкин эмас, илло, Раббимиз – Аллоҳ хоҳлагани бўлур. Раббимиз ҳамма нарса бўйича илми кенг зотдир. Таваккулни Аллоҳга қилдик. Эй, Раббимиз! Биз билан қавмимиз ўртасида ҳаққоний ҳукм қил! Сен ҳукм қилувчиларнинг яхшисидирсан».

90. Қавмининг кофир бўлган зодагонлари: «Қасамки, агар Шуайбга эргашсангиз, демак, сизлар зиён кўрувчи экансиз», – дедилар.

91. Бас, уларни мудҳиш зилзила тутди. Натижада ўз жойларида ўтирганларича ер билан яксон бўлдилар*.

92. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар гўё у ерда (олдин) яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ана ўшалар зиён кўрувчи бўлдилар.

93. (Шуайб) улардан безди ва деди: «Эй, қавмим! Сизларга (мен) Раббимнинг топшириқларини етказдим ва сизларга насиҳат қилдим. Бас, энди кофирлар қавмига қандай қилиб ҳамдард бўлайин?!»

94. Бирор юртга пайғамбар юборган бўлсак, албатта, унинг аҳолиси тазарру қилар деб, (уларни) қашшоқлик ва касаллик (каби мусибатлар)га тутганмиз.

95. Сўнгра (мазкур) ёмонлик ўрнига яхшиликни алмаштирганимиздан кейин, мўл-кўл бўлиб кетишди ва: «Ота-боболаримизга (ҳам шу каби) қашшоқлик ва касаллик (каби мусибатлар) етишиб турар (ва яна даф бўлиб кетар) эди», – дедилар. Шундан сўнг бехос уларни ўзлари сезмаган ҳолда (азобга) тутдик.

91-оят. Ибн Аббос (рз.) сўзига қараганда, Шуайб (а.с.) қавмини ҳалок этишни ирода қилгач, Аллоҳ таоло улар томонга жаҳаннамдан бир эшик очиб қўяди. Ҳароратдан бетоқат бўлиб, сув, салқин жойларга ўзларини уришлари ҳам фойда бермайди. Ертўлага кирсалар, у ташқаридан ҳам иссиқ. Яна очиқ ҳавога чиқиб юрганларида Аллоҳ таоло уларнинг устига бир булутни соябон қилиб юборади. Ундан ёқимли совуқ шамол эсарди. Ҳаммаси шу булут соясига жам бўлганда шамол ўтга айланиб, уларни куйдира бошлайди. Ер силкинади. Қоврилган чигирткалардек ҳаммаси куйиб, кулга айланади. Қатода (рҳ.) сўзига кўра, Шуайб (а.с.) икки қабилага юборилган: “Айка” – “ўрмон” аҳлига ва Мадян аҳлига. Айка қабиласи кишилари булут, яъни осмон балоси билан, Мадян аҳолиси эса, ер силкиниши билан ҳалок бўлган (Хз.).

وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ الْقُرَىٰ آمَنُوا وَاتَّقَوْا لَفَتَحْنَا عَلَيْهِم بَرَكَاتٍ
مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ وَلَٰكِن كَذَّبُوا فَأَخَذْنَاهُم بِمَا كَانُوا
يَكْسِبُونَ ﴿٩٦﴾ أَفَأَمِنَ أَهْلُ الْقُرَىٰ أَن يَأْتِيَهُم بَأْسُنَا بَيَاتًا
وَهُمْ نَائِمُونَ ﴿٩٧﴾ أَوَأَمِنَ أَهْلُ الْقُرَىٰ أَن يَأْتِيَهُم بَأْسُنَا
ضُحًى وَهُمْ يَلْعَبُونَ ﴿٩٨﴾ أَفَأَمِنُوا مَكْرَ اللَّهِ ۚ فَلَا يَأْمَنُ
مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٩٩﴾ أَوَلَمْ يَهْدِ لِلَّذِينَ
يَرِثُونَ الْأَرْضَ مِن بَعْدِ أَهْلِهَا أَن لَّوْ نَشَاءُ أَصَبْنَاهُم
بِذُنُوبِهِمْ ۚ وَنَطْبَعُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿١٠٠﴾
تِلْكَ الْقُرَىٰ نَقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنبَائِهَا ۚ وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم
بِالْبَيِّنَاتِ فَمَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا بِمَا كَذَّبُوا مِن قَبْلُ ۚ
كَذَٰلِكَ يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِ الْكَافِرِينَ ﴿١٠١﴾ وَمَا وَجَدْنَا
لِأَكْثَرِهِم مِّنْ عَهْدٍ ۖ وَإِن وَجَدْنَا أَكْثَرَهُمْ لَفَاسِقِينَ
﴿١٠٢﴾ ثُمَّ بَعَثْنَا مِن بَعْدِهِم مُّوسَىٰ بِآيَاتِنَا إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَئِهِ
فَظَلَمُوا بِهَا ۖ فَانظُرْ كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴿١٠٣﴾
وَقَالَ مُوسَىٰ يَا فِرْعَوْنُ إِنِّي رَسُولٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٠٤﴾

96. Агарда (мазкур) юртларнинг аҳолиси имон келтирган ва тақво қилганларида эди, улар устига осмонлар ва Ердан баракотлар (эшиклари)ни очиб юборган бўлур эдик*. Лекин (улар пайғамбарларни) ёлғончига чиқардилар. Натижада қилмишлари сабабли уларни (азобга) тутдик.

97. (У) юртларнинг аҳолиси тунда ухлаётганларида, уларга азобимиз келиб қолишидан хотиржаммилар?!

98. Ёки (у) юртларнинг аҳолиси чошгоҳ пайтида ўйин-кулги ичра турганларида, уларга азобимиз келиб қолишидан хотиржаммилар?!

99. Аллоҳнинг «макри»дан (ҳам) хотиржаммилар?! Аллоҳнинг «макри» (азоби)дан фақат зиён кўрувчилар қавмигина «хотиржам» бўлурлар.

100. Ерни олдинги аҳолисидан кейин мерос қилиб олувчиларни, хоҳласак гуноҳлари сабабли уларга (бало) етказа олишимиз тўғри йўлга солмадими?! Уларнинг дилларини муҳрлаб қўямиз. Натижада улар (ҳақ гапни) эшитмайдилар.

101. Ана ўша юртларнинг хабарлари қиссасини Сизга айтмоқдамиз. Уларга пайғамбарлари ҳужжатларни (мўъжизаларни) келтирган эдилар. (Лекин) олдиндан уларни ёлғончига чиқарганлари сабабли* имон келтирмадилар. Аллоҳ кофирларнинг дилларини ана шундай муҳрлаб қўяди.

102. Уларнинг кўпларида аҳд (вафодорлик)-ни топмадик. Кўпларини фосиқ эканликларини топдик (билдик).

103. Сўнгра улардан (Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Шуайбдан) кейин Мусони мўъжизалар билан Фиръавн ва унинг зодагонларига (элчи қилиб) юбордик. Уларга зулм қилдилар*. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!

104. Мусо айтди: «Эй, Фиръавн! Мен оламлар Раббидан (юборилган) элчидирман.

96-оят. Бу оятда катта ибрат бордир. Аллоҳ таоло бандаларидан жуда кўп ва оғир нарсани талаб қилмади. Имон келтириб, ширк ва гуноҳлардан ўзларини тийсалар бас. Шу ишлари эвазига Еру осмондан баракот ато этаман, деб ваъда қилмоқда. Бу шарт ва мукофот ваъдаси то қиёматгача дунёга келиб кетувчи барча бандаларга ҳам тегишлидир.

101-оят. Олдиндан пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларидан мурод нима экани хусусида турли тафсирлар бор. Имом Табарий (рҳ.) мақбул топган хулоса – Аллоҳ уларнинг тақдирини азалдан билган. Яъни пайғамбар юборилганда уларга кўпчилик умматлар имон келтирмаслигини Ҳақ таоло олдиндан билган ва уларнинг шу хоҳиш ва ихтиёрлари рўёбга чиқишини ирода қилган. Оятда шу азалий илмининг тасдиғи айтилмоқда (Хз.).

103-оят. Бу ерда “зулм” куфр маъносидадир. Яъни улар мўъжизаларга куфр келтирдилар.

حَقِيقٌ عَلَىٰٓ أَن لَّآ أَقُولَ عَلَى ٱللَّهِ إِلَّا ٱلْحَقَّ قَدْ جِئْتُكُم
بِبَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ فَأَرْسِلْ مَعِىَ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿١٠٥﴾ قَالَ إِن كُنتَ
جِئْتَ بِـَٔايَةٍ فَأْتِ بِهَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١٠٦﴾ فَأَلْقَىٰ
عَصَاهُ فَإِذَا هِىَ ثُعْبَانٌ مُّبِينٌ ﴿١٠٧﴾ وَنَزَعَ يَدَهُۥ فَإِذَا هِىَ بَيْضَآءُ
لِلنَّٰظِرِينَ ﴿١٠٨﴾ قَالَ ٱلْمَلَأُ مِن قَوْمِ فِرْعَوْنَ إِنَّ هَٰذَا لَسَٰحِرٌ
عَلِيمٌ ﴿١٠٩﴾ يُرِيدُ أَن يُخْرِجَكُم مِّنْ أَرْضِكُمْ فَمَاذَا تَأْمُرُونَ ﴿١١٠﴾
قَالُوٓا۟ أَرْجِهْ وَأَخَاهُ وَأَرْسِلْ فِى ٱلْمَدَآئِنِ حَٰشِرِينَ ﴿١١١﴾ يَأْتُوكَ
بِكُلِّ سَٰحِرٍ عَلِيمٍ ﴿١١٢﴾ وَجَآءَ ٱلسَّحَرَةُ فِرْعَوْنَ قَالُوٓا۟ إِنَّ
لَنَا لَأَجْرًا إِن كُنَّا نَحْنُ ٱلْغَٰلِبِينَ ﴿١١٣﴾ قَالَ نَعَمْ وَإِنَّكُمْ
لَمِنَ ٱلْمُقَرَّبِينَ ﴿١١٤﴾ قَالُوا۟ يَٰمُوسَىٰٓ إِمَّآ أَن تُلْقِىَ وَإِمَّآ أَن
نَّكُونَ نَحْنُ ٱلْمُلْقِينَ ﴿١١٥﴾ قَالَ أَلْقُوا۟ فَلَمَّآ أَلْقَوْا۟ سَحَرُوٓا۟
أَعْيُنَ ٱلنَّاسِ وَٱسْتَرْهَبُوهُمْ وَجَآءُو بِسِحْرٍ عَظِيمٍ ﴿١١٦﴾
۞ وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنْ أَلْقِ عَصَاكَ فَإِذَا هِىَ تَلْقَفُ مَا
يَأْفِكُونَ ﴿١١٧﴾ فَوَقَعَ ٱلْحَقُّ وَبَطَلَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١١٨﴾ فَغُلِبُوا۟
هُنَالِكَ وَٱنقَلَبُوا۟ صَٰغِرِينَ ﴿١١٩﴾ وَأُلْقِىَ ٱلسَّحَرَةُ سَٰجِدِينَ ﴿١٢٠﴾

105. Аллоҳ номидан фақатгина ҳақ (гап)ни гапиришга ҳақлидирман. Сизларга Раббингиздан ҳужжат келтирдим. (Эй, Фиръавн!) Исроил авлодини мен билан бирга (муқаддас юртлари – Шомга) жўнатгин!»*

106. (Фиръавн): «Агар ростгўйлардан бўлиб мўъжиза келтирган бўлсанг, уни келтир (кўрсат)!» – деди.

107. Бас, (Мусо) асосини ташлаган эди, бирдан у аниқ (чин) аждаҳога айланди.

108. Қўлини (қўйнидан) чиқарган эди, бирдан у қараб турганларга оппоқ (нурли) кўринди.

109. Фиръавн қавмининг зодагонлари: «Бу жуда билимдон сеҳргар», – дедилар.

110. (Фиръавн): «Сизларни ўз ерингиздан чиқармоқчи, нима буюрасиз?» – деди.

111. Айтдилар: «Уни ва акаси (Ҳорун)ни ҳозирча қўятур, Мадоин (шаҳри)га йиғиб келувчиларни юбор!

112. (Улар) сенга барча билимдон сеҳргарларни олиб келсинлар!»

113. Фиръавн ҳузурига сеҳргарлар келиб: «Агар биз ғолиб бўлсак, бизга мукофот борми?» – дедилар.

114. «Албатта! – деди (у): – Сизлар (менга) яқинлардан бўлурсиз».

115. Айтдилар: «Эй, Мусо! (қўлингдаги асони биринчи сен) ташлайсанми ёки биз (қўлимиздагиларни) ташлагувчи бўлайликми?»

116. (Мусо): «Ташлангиз!» – деди. Бас, ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини сеҳрлаб, уларни чўчитиб юбордилар – улкан сеҳр келтирдилар.

117. Мусога: «Асоингни ташла!» – деб ваҳий қилдик. Бирдан у (аждаҳога айланган асо) уларнинг сохта (илон)ларини комига торта бошлади (юта бошлади)*.

118. Бас, ҳақиқат воқе бўлди, уларнинг қилган ишлари эса ботил (барбод) бўлди.

119. Шундай қилиб, (сеҳргарлар) енгилдилар ва забун ҳолатга тушдилар.

120. Сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида (ерга) ташландилар.

105-оят. Юсуф (а.с.) вафот этгач, Мисрда Фиръавн яҳудийлар устидан зулмни кучайтириб юборган. Мисрга Юсуф (а.с.) келиши билан Мусо (а.с.) келишининг оралиқ муддати тўрт юз йил. Қуръони каримнинг кўплаб оятларида Мусо (а.с.) билан Фиръавн ўртасида кечган можаролар, яҳудийларнинг қандай қилиб унинг қўлидан халос этиб, ўз юртларига кўчириб келганлари тўғрисида маълумот берилган.

117-оят. Мусо (а.с.)нинг мўъжизаларидан бири унинг қўлидаги таёғи эди. У катта аждаҳога айланиб сеҳргарлар ясаган сохта илонларни ютиб юборгани оятларда аниқ баён этилган. Лекин тафсирларда асо тўғрисида ортиқча муболағалар ҳам бор.

قَالُوٓاْ ءَامَنَّا بِرَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿١٢١﴾ رَبِّ مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ﴿١٢٢﴾ قَالَ
فِرۡعَوۡنُ ءَامَنتُم بِهِۦ قَبۡلَ أَنۡ ءَاذَنَ لَكُمۡۖ إِنَّ هَٰذَا لَمَكۡرٞ مَّكَرۡتُمُوهُ
فِي ٱلۡمَدِينَةِ لِتُخۡرِجُواْ مِنۡهَآ أَهۡلَهَاۖ فَسَوۡفَ تَعۡلَمُونَ ﴿١٢٣﴾ لَأُقَطِّعَنَّ
أَيۡدِيَكُمۡ وَأَرۡجُلَكُم مِّنۡ خِلَٰفٖ ثُمَّ لَأُصَلِّبَنَّكُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿١٢٤﴾
قَالُوٓاْ إِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا مُنقَلِبُونَ ﴿١٢٥﴾ وَمَا تَنقِمُ مِنَّآ إِلَّآ أَنۡ ءَامَنَّا
بِـَٔايَٰتِ رَبِّنَا لَمَّا جَآءَتۡنَاۚ رَبَّنَآ أَفۡرِغۡ عَلَيۡنَا صَبۡرٗا وَتَوَفَّنَا مُسۡلِمِينَ
﴿١٢٦﴾ وَقَالَ ٱلۡمَلَأُ مِن قَوۡمِ فِرۡعَوۡنَ أَتَذَرُ مُوسَىٰ وَقَوۡمَهُۥ لِيُفۡسِدُواْ
فِي ٱلۡأَرۡضِ وَيَذَرَكَ وَءَالِهَتَكَۚ قَالَ سَنُقَتِّلُ أَبۡنَآءَهُمۡ وَنَسۡتَحۡيِۦ
نِسَآءَهُمۡ وَإِنَّا فَوۡقَهُمۡ قَٰهِرُونَ ﴿١٢٧﴾ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوۡمِهِ
ٱسۡتَعِينُواْ بِٱللَّهِ وَٱصۡبِرُوٓاْۖ إِنَّ ٱلۡأَرۡضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَن
يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦۖ وَٱلۡعَٰقِبَةُ لِلۡمُتَّقِينَ ﴿١٢٨﴾ قَالُوٓاْ أُوذِينَا
مِن قَبۡلِ أَن تَأۡتِيَنَا وَمِنۢ بَعۡدِ مَا جِئۡتَنَاۚ قَالَ عَسَىٰ رَبُّكُمۡ
أَن يُهۡلِكَ عَدُوَّكُمۡ وَيَسۡتَخۡلِفَكُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ
فَيَنظُرَ كَيۡفَ تَعۡمَلُونَ ﴿١٢٩﴾ وَلَقَدۡ أَخَذۡنَآ ءَالَ فِرۡعَوۡنَ
بِٱلسِّنِينَ وَنَقۡصٖ مِّنَ ٱلثَّمَرَٰتِ لَعَلَّهُمۡ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٣٠﴾

121. (Сўнгра) айтдилар: «(Биз) оламларнинг Раббига,

122. (яъни) Мусо ва Ҳоруннинг Раббига имон келтирдик»*.

123. Фиръавн деди: «Мен сизларга рухсат беришимдан олдин имон келтирдингизми?! Албатта, бу (ишингиз) шаҳардан унинг аҳолисини чиқариб юбориш учун қилган макрингиздир. Тез орада биласизлар!

124. Қасамки, (бир) қўлларингиз ва (бир) оёқларингизни тескаричасига кесдириб ташлайман*, сўнгра ҳаммангизни (дорга) осиб юбораман!»

125. (Улар) дедилар: «Биз (ўлсак), албатта, Раббимиз (ҳузури)га қайтувчимиз.

126. Сен фақатгина Раббимиз оятлари келганда, уларга имон келтирганимиз учунгина биздан ўч олмоқчисан. Эй, Раббимиз! Устимизга сабр (ёмғирини) ёғдир ва бизни мусулмонлик ҳолимизда вафот эттир!»

127. Фиръавн қавмининг зодагонлари айтдилар: «(Эй, Фиръавн!) Мусо ва (унинг) қавмини Ер (юзи)да бузғунчилик қилишига ҳамда сени ва илоҳларингни* (тан олмай) тарк этишига қўйиб берасанми?» (Фиръавн) деди: «Уларнинг ўғилларини (қатли ом қилиб) қириб ташлаб, хотинларини тирик қолдирамиз ва биз улар устидан ғолибдирмиз!»

128. Мусо (ўз) қавмига деди: «Аллоҳдан мадад сўрангиз ва сабрли бўлингиз! Ер Аллоҳникидир! Уни (Ўзи) хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат (яхшиликлари) эса тақводорларга (тегишли)дир».

129. (Улар Мусога) дедилар: «(Сен) бизга келмасингдан олдин ҳам, келганингдан кейин ҳам озорландик»*. (Мусо) деди: «Раббингиз душманингизни ҳалок этиб, сизларни (Миср-дек) ерга ўринбосар қилажак ва қандай иш қилишингизни кўражак».

130. Фиръавн қавмини зора эслатма олсалар, деб (қаҳатчилик) йилларига ва меваларнинг тақчиллигига дучор этдик.

122-оят. Сеҳргарлар Мусо (а.с.)нинг бу мўъжизасини кўриб, дарҳол тушуниб етдиларки, бу сеҳр эмас, Аллоҳнинг қудрати. Шундан кейин иккиланмай имон келтирадилар. Бу мусобақа Искандарияда ўтказилган (Хз.).

124-оят. Яъни ўнг қўл билан чап оёқ ёки чап қўл билан ўнг оёқ. Шу тарзда кесилганда одам роса тўмтоқ бўлиб қолишини билган. Лекин Фиръавн сеҳргарларга шу жазони берган ёки бермагани аниқ эмас (Хз.).

127-оят. Фиръавн Миср аҳолисига санамлар ясатиб берган эди. Уларни Фиръавн билан қавм ўртасида воситачи, шафоатчи деб билардилар (Хз.).

129-оят. “Келмасингдан олдин”, яъни туғилмасингдан олдин. Чунки ўша йили туғилган барча ўғил чақалоқлар Фиръавн амри билан қатл этилган эди.

فَإِذَا جَآءَتۡهُمُ ٱلۡحَسَنَةُ قَالُواْ لَنَا هَٰذِهِۦۖ وَإِن تُصِبۡهُمۡ سَيِّئَةٞ
يَطَّيَّرُواْ بِمُوسَىٰ وَمَن مَّعَهُۥٓۗ أَلَآ إِنَّمَا طَٰٓئِرُهُمۡ عِندَ ٱللَّهِ وَلَٰكِنَّ
أَكۡثَرَهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ١٣١ وَقَالُواْ مَهۡمَا تَأۡتِنَا بِهِۦ مِنۡ ءَايَةٖ
لِّتَسۡحَرَنَا بِهَا فَمَا نَحۡنُ لَكَ بِمُؤۡمِنِينَ ١٣٢ فَأَرۡسَلۡنَا عَلَيۡهِمُ
ٱلطُّوفَانَ وَٱلۡجَرَادَ وَٱلۡقُمَّلَ وَٱلضَّفَادِعَ وَٱلدَّمَ ءَايَٰتٖ مُّفَصَّلَٰتٖ
فَٱسۡتَكۡبَرُواْ وَكَانُواْ قَوۡمٗا مُّجۡرِمِينَ ١٣٣ وَلَمَّا وَقَعَ عَلَيۡهِمُ
ٱلرِّجۡزُ قَالُواْ يَٰمُوسَى ٱدۡعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِندَكَۖ لَئِن
كَشَفۡتَ عَنَّا ٱلرِّجۡزَ لَنُؤۡمِنَنَّ لَكَ وَلَنُرۡسِلَنَّ مَعَكَ بَنِيٓ
إِسۡرَٰٓءِيلَ ١٣٤ فَلَمَّا كَشَفۡنَا عَنۡهُمُ ٱلرِّجۡزَ إِلَىٰٓ أَجَلٍ
هُم بَٰلِغُوهُ إِذَا هُمۡ يَنكُثُونَ ١٣٥ فَٱنتَقَمۡنَا مِنۡهُمۡ فَأَغۡرَقۡنَٰهُمۡ
فِي ٱلۡيَمِّ بِأَنَّهُمۡ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا وَكَانُواْ عَنۡهَا غَٰفِلِينَ ١٣٦
وَأَوۡرَثۡنَا ٱلۡقَوۡمَ ٱلَّذِينَ كَانُواْ يُسۡتَضۡعَفُونَ مَشَٰرِقَ
ٱلۡأَرۡضِ وَمَغَٰرِبَهَا ٱلَّتِي بَٰرَكۡنَا فِيهَاۖ وَتَمَّتۡ كَلِمَتُ رَبِّكَ
ٱلۡحُسۡنَىٰ عَلَىٰ بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ بِمَا صَبَرُواْۖ وَدَمَّرۡنَا مَا كَانَ
يَصۡنَعُ فِرۡعَوۡنُ وَقَوۡمُهُۥ وَمَا كَانُواْ يَعۡرِشُونَ ١٣٧

131. Бас, уларга яхшилик келганда: «Бу бизга хос», – дейдилар. Агар уларга бирор нохушлик етса, Мусо ва у билан бирга (имон келтирган) кишилардан шумланадилар. Огоҳ бўлингки, уларнинг (яхши-ёмон) амал(лар)и Аллоҳнинг ҳузуридадир. Лекин (буни) аксариятлари билмайдилар.

132. (Улар Мусога) айтдилар: «Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтирувчи эмасмиз».

133. Шундан кейин улар устига тўфон, чигиртка, бит, бақалар ва қон (балолари)ни аниқ мўъжизалар сифатида юбордик*. (Шундан) сўнг (ҳам улар) кибр қилдилар. (Улар олдиндан) жиноятчилар қавми эди.

134. Улар устига азоб тушганда дедилар: «Эй, Мусо! Раббингга сендаги берган аҳди (ҳурмати) билан биз учун дуо қил! Қасамки, агар бизлардан (шу) азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирамиз ва сен билан бирга Исроил авлодини (ўз юртларига) жўнатамиз!»

135. Улардан ўзлари етиб келаётган (маълум) муддатгача азобни кўтарганимизда эса, ногоҳ улар (яна аҳдни) бузаяптилар.

136. Бас, (Биз) улардан «ўч олдик» – оятларимизни ёлғонга чиқарганлари ва улардан ғафлатда бўлганлари сабабли уларни денгизга ғарқ қилдик.

137. Ернинг (Биз) баракотли қилиб қўйган мағриб ва машриқларига камситилаётган қавм (Мусо қавми)ни меросхўр қилиб қўйдик. Сабр қилганлари сабабли Исроил авлодига Раббингизнинг чиройли сўзлари (берган ваъдаси)* ўз адосини топди. Фиръавн ва (унинг) қавми қурган (бино)лари ҳамда кўтарган (қасру бурж)ларини вайрон қилдик.

133-оят. Мусо (а.с.) томонидан кўрсатилган мўъжизалардан кейин ҳам Фиръавн қавми – қибтийлар куфрда давом этдилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло уларга тўфон, яъни сув тошқини юборган. Қибтийларнинг уйлари сувда оқиб, яҳудийларнинг уйларига қўшилиб кетган. Бу ҳолат етти кун давом этган. Тўфондан мурод ўлим ёки вабо ёхуд чечак касаллиги деган тафсирлар ҳам бор. Мусо (а.с.)нинг дуолари билан тўфон даф бўлгач, бир ой тинч турадилар. Шундан сўнг чигиртка балоси келади. У экинлару мевали дарахт ва бошқа матоҳларни кемиради. Яна ёлворишиб дуо сўрашгач, бир ой тинчиб турадилар. Яна айнишгач, бит балоси юборилади. У ўзларини чақиб, таомларини булғайди. Етти кундан кейин бу бало ҳам дуо туфайли даф бўлади. Ундан сўнг бақалар юборилиб, кўп азоб тортадилар. Тавба қилишгач, бало даф бўлади. Яна аҳдни бузишгач, қон балоси юборилади. Нил дарёсининг суви ва қудуқдаги сувлар ҳам қонга айланади. Мусо (а.с.) дуоси билан бало даф бўлади, лекин улар узоққа бормай, яна куфрга қайтадилар (Хз.).

137-оят. “Чиройли сўзлар” “Аъроф” сурасининг 129-ояти ёки “Нур” сурасининг 55-оятида душманни ҳалок этиб, уларни ерга ўринбосар қилиши тўғрисидаги Аллоҳнинг сўзларидир.

وَجَٰوَزْنَا بِبَنِيٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱلْبَحْرَ فَأَتَوْا۟ عَلَىٰ قَوْمٍ يَعْكُفُونَ عَلَىٰٓ
أَصْنَامٍ لَّهُمْ ۚ قَالُوا۟ يَٰمُوسَى ٱجْعَل لَّنَآ إِلَٰهًا كَمَا لَهُمْ ءَالِهَةٌ ۚ
قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ ﴿١٣٨﴾ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ مُتَبَّرٌ مَّا هُمْ فِيهِ وَبَٰطِلٌ
مَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٣٩﴾ قَالَ أَغَيْرَ ٱللَّهِ أَبْغِيكُمْ إِلَٰهًا
وَهُوَ فَضَّلَكُمْ عَلَى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٤٠﴾ وَإِذْ أَنجَيْنَٰكُم
مِّنْ ءَالِ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوٓءَ ٱلْعَذَابِ ۖ يُقَتِّلُونَ
أَبْنَآءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَآءَكُمْ ۚ وَفِى ذَٰلِكُم بَلَآءٌ مِّن
رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿١٤١﴾ ۞ وَوَٰعَدْنَا مُوسَىٰ ثَلَٰثِينَ لَيْلَةً
وَأَتْمَمْنَٰهَا بِعَشْرٍ فَتَمَّ مِيقَٰتُ رَبِّهِۦٓ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً ۚ وَقَالَ
مُوسَىٰ لِأَخِيهِ هَٰرُونَ ٱخْلُفْنِى فِى قَوْمِى وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ
سَبِيلَ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿١٤٢﴾ وَلَمَّا جَآءَ مُوسَىٰ لِمِيقَٰتِنَا وَكَلَّمَهُۥ
رَبُّهُۥ قَالَ رَبِّ أَرِنِىٓ أَنظُرْ إِلَيْكَ ۚ قَالَ لَن تَرَىٰنِى وَلَٰكِنِ ٱنظُرْ
إِلَى ٱلْجَبَلِ فَإِنِ ٱسْتَقَرَّ مَكَانَهُۥ فَسَوْفَ تَرَىٰنِى ۚ فَلَمَّا تَجَلَّىٰ
رَبُّهُۥ لِلْجَبَلِ جَعَلَهُۥ دَكًّا وَخَرَّ مُوسَىٰ صَعِقًا ۚ فَلَمَّآ أَفَاقَ
قَالَ سُبْحَٰنَكَ تُبْتُ إِلَيْكَ وَأَنَا۠ أَوَّلُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٤٣﴾

138. Исроил авлодини денгиздан ўтказганимизда*, (сигир шаклидаги) ўз санамларига сиғинаётган бир қавм устидан чиқиб қолдиларда, *айтдилар*: «Эй, Мусо! Уларнинг илоҳлари каби бизга ҳам илоҳ ясаб бер!» (Мусо): «Сизлар, ҳақиқатан, жоҳил қавм экансиз.

139. Зеро, уларнинг (сиғиниб) турган нарсалари барбод бўлувчи ва қилаётган ишлари ботил (беҳуда иш)дир».

140. (Мусо яна) *деди*: «Сизлар учун оламлар узра сизларни афзал қилиб қўйган Аллоҳдан ўзга илоҳ қидирайинми?!»

141. Ўғил болаларингизни ўлдириб, қизларингизни қолдириш билан сизларни қаттиқ қийноққа солган Фиръавн аҳли (лашкари)дан халос этганимизни эслангиз! Сизларнинг бу (воқеа)ларингизда улкан синов бордир.

142. Мусо билан ўттиз кеча ваъдалашдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик*. Шундай қилиб, Раббининг “қирқ кеча” *дея* белгилаган вақти камолига етди. Мусо (кета туриб) ўз биродари Ҳорунга: «Қавмимда (сен қолиб) менинг ўринбосарим бўлгин, (хатоларини) ислоҳ эт ва бузғунчилар йўлига эргашмагин!» – *деди*.

143. Мусо Биз белгилаган вақтда (Тур тоғига) келгач, у билан Робби бевосита гаплашди*. Мусо: «Раббим! (Ўзингни) менга кўрсатгин, Сенга бир назар қилай!» – *деди*. (Аллоҳ): «Мени кўра олмайсан*. *Лекин* (ана у) тоққа (бир) боқ! Агар Мен унга бир жилва қилганимда (тоқат қилиб) ўз ўрнида тура олса, сен ҳам мени кўрасан», – *деди*. Робби тоққа тажаллий (кичик бир кўриниш) қилган эди, уни майдалаб ташлади. Мусо (бундан таъсирланиб) беҳуш ҳолда йиқилди. Ҳушига келгач, *деди*: «Сенга тасбеҳ айтурман, Сенга тавба қилдим ва мен мўминларнинг биринчиси (пешвоси)дурман».

138-оят. Денгиздан саломат ўтган кунлари “Ошуро” кунига тўғри келади. Шукрона сифатида шу куни рўза тутадилар (Мд.).

142-оят. Мусо (а.с.) ўз қавмига агар Аллоҳ бизни Фиръавндан халос этса сизларга Унинг ҳузуридан Китоб келтираман, Унинг оятларидан буйруқ ва тақиқларни билиб оласиз, деб ваъда қилган эдилар. Шу китобни сўраганларида Аллоҳ таоло ўттиз кун рўза тутишга буюради. Бу зул-қаъда ойи эди. Рўзаларини очиш вақтида оғизлари ҳидланиб қолганини билиб, мисвок билан тозалайдилар. Шунда Аллоҳ: “Рўзадорнинг оғзидан келадиган ноxуш ҳид Менинг наздимда мушку анбардан ҳам хушбўйлигини билмаганмидинг?”, – деб, яна 10 кун рўза тутишга буюради. Бошқа ривоятда ўттиз кунлик рўзаларидан сўнг гаплашиш учун яна ўн кун қўшган ва илоҳий битикларни берган (Мд. Хз.).

143-оят. Бу сўзлашув инсонларнинг ўзаро суҳбатларига таққосланмайди, балки Аллоҳнинг зоти ва сифатларига хос равишда гаплашилган.

* Яъни бу дунёдаги фоний кўзларинг билан Мени кўра олмайсан, балки жаннатда боқий кўзларинг билан кўрурсан, деб Аллоҳ таоло раддия беради.

قَالَ يَٰمُوسَىٰٓ إِنِّي ٱصۡطَفَيۡتُكَ عَلَى ٱلنَّاسِ بِرِسَٰلَٰتِي وَبِكَلَٰمِي
فَخُذۡ مَآ ءَاتَيۡتُكَ وَكُن مِّنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ﴿١٤٤﴾ وَكَتَبۡنَا
لَهُۥ فِي ٱلۡأَلۡوَاحِ مِن كُلِّ شَيۡءٖ مَّوۡعِظَةٗ وَتَفۡصِيلٗا لِّكُلِّ
شَيۡءٖ فَخُذۡهَا بِقُوَّةٖ وَأۡمُرۡ قَوۡمَكَ يَأۡخُذُواْ بِأَحۡسَنِهَاۚ سَأُوْرِيكُمۡ
دَارَ ٱلۡفَٰسِقِينَ ﴿١٤٥﴾ سَأَصۡرِفُ عَنۡ ءَايَٰتِيَ ٱلَّذِينَ يَتَكَبَّرُونَ
فِي ٱلۡأَرۡضِ بِغَيۡرِ ٱلۡحَقِّ وَإِن يَرَوۡاْ كُلَّ ءَايَةٖ لَّا يُؤۡمِنُواْ
بِهَا وَإِن يَرَوۡاْ سَبِيلَ ٱلرُّشۡدِ لَا يَتَّخِذُوهُ سَبِيلٗا وَإِن يَرَوۡاْ
سَبِيلَ ٱلۡغَيِّ يَتَّخِذُوهُ سَبِيلٗاۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا
وَكَانُواْ عَنۡهَا غَٰفِلِينَ ﴿١٤٦﴾ وَٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا وَلِقَآءِ
ٱلۡأٓخِرَةِ حَبِطَتۡ أَعۡمَٰلُهُمۡۚ هَلۡ يُجۡزَوۡنَ إِلَّا مَا كَانُواْ
يَعۡمَلُونَ ﴿١٤٧﴾ وَٱتَّخَذَ قَوۡمُ مُوسَىٰ مِنۢ بَعۡدِهِۦ مِنۡ حُلِيِّهِمۡ
عِجۡلٗا جَسَدٗا لَّهُۥ خُوَارٌۚ أَلَمۡ يَرَوۡاْ أَنَّهُۥ لَا يُكَلِّمُهُمۡ وَلَا يَهۡدِيهِمۡ
سَبِيلًاۘ ٱتَّخَذُوهُ وَكَانُواْ ظَٰلِمِينَ ﴿١٤٨﴾ وَلَمَّا سُقِطَ
فِيٓ أَيۡدِيهِمۡ وَرَأَوۡاْ أَنَّهُمۡ قَدۡ ضَلُّواْ قَالُواْ لَئِن لَّمۡ يَرۡحَمۡنَا
رَبُّنَا وَيَغۡفِرۡ لَنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿١٤٩﴾

144. «Эй, Мусо! Мен сени одамлар узра рисолаларим (Таврот битиклари) ва гаплашганим билан мумтоз (имтиёзли) этдим*. Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукр қилувчилардан бўлгин!» – деди (Аллоҳ).

145. Унинг учун лавҳларда (Таврот саҳифаларида)* насиҳат ва барча нарсанинг тафсилоти сифатида ҳар соҳадан битиб қўйдик*. Бас, (Эй, Мусо!) Уларни қувват (жиддийлик) билан олгин ва қавмингга уларнинг яхши (битилган аҳком)ларини тутиш (татбиқ этиш)ларига буюргин! Сизларга фосиқлар диёри (қандай ҳалокатга юз тутгани)ни кўрсатажакман.

146. Ер (юзи)да ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар (онги)ни оятларимиз (идроки)дан четлатиб қўяжакмиз. (Улар) ҳар қандай мўъжизани кўрсалар ҳам унга имон келтирмагайлар. Агар тўғри йўлни кўрсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб олмагайлар. Мабодо нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб олгайлар. Бу(нинг сабаби) оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлганларидир.

147. Оятларимизни ва охират мулоқотини ёлғонга чиқарганларнинг (қилган савобли) амаллари барбод бўлур. Фақат қилмишларига (ярашагина) жазоланурлар.

148. Мусо қавми ундан (Тур тоғига кетгандан) сўнг ўзларининг безакларидан бир маъраййдиган бузоқ жасадини (маъбуда қилиб) олдилар. Унинг улар билан гаплашмаслигини, уларни бирор йўлга бошламаслигини кўрмаганмидилар?! Уни (илоҳ сифатида) тутдилар. (Улар олдиндан) золим эдилар.

149. Қўлларидан («тарвузлари») тушиб (пушаймон бўлиб), ўзларининг адашганларини кўрганларида, айтдилар: «Қасамки, агар Раббимиз бизга раҳм қилмаса ва (гуноҳимизни) кечирмаса, албатта, зиён кўрувчилардан бўлишимиз аниқдир».

144-оят. Мусо (а.с.)нинг илоҳий тажалли таъсиридан беҳуш ҳолда йиқилганлари арафа куни, Тавротни олганлари эртасига – ҳайит кунига тўғри келган. Ҳорун (а.с.) вазир бўлганлари учун имтиёз нисбати Мусо (а.с.)нинг ўзларига берилди (Мд.).

145-оят. Тавротнинг саҳифалари 2, 7, 9, 10, 12 саҳифа бўлгани ҳақида ихтилофли ривоятлар бор. Ҳажми тўғрисида ҳам худди шундай. Унинг узунлиги Мусо (а.с.)нинг бўйлари билан тенг, яъни ўн газ бўлиб, оғирлигидан етмишта туяга юклаб олиб юрилар эди. Тавротни пайғамбарлардан Мусо, Ювшаъ, Узайр ва Исо (а.с.)лар тўла ёд олганлар, деган тафсирлар мавжуд. Унинг оятлари ёзилган лавҳ ёки саҳифалари жаннатдан чиқарилган бўлиб, улар ёғоч, кўк забаржад, қизил ёқут, зумрад ёки забаржаддан экани тўғрисида ҳам ихтилоф қилинган (Мд. Хз.).

* Тавротнинг асл нусхасида амр, наҳий, ҳалол, ҳаром ва бошқа шариат аҳкомлари билан бирга Муҳаммад (а.с.) ва умматларининг сифатлари тўғрисида ҳам оятлар борлиги ривоят қилинган (Хз.).

وَلَمَّا رَجَعَ مُوسَىٰٓ إِلَىٰ قَوْمِهِۦ غَضْبَٰنَ أَسِفًا قَالَ بِئْسَمَا خَلَفْتُمُونِى
مِنۢ بَعْدِىٓ ۖ أَعَجِلْتُمْ أَمْرَ رَبِّكُمْ ۖ وَأَلْقَى ٱلْأَلْوَاحَ وَأَخَذَ بِرَأْسِ
أَخِيهِ يَجُرُّهُۥٓ إِلَيْهِ ۚ قَالَ ٱبْنَ أُمَّ إِنَّ ٱلْقَوْمَ ٱسْتَضْعَفُونِى وَكَادُوا۟
يَقْتُلُونَنِى فَلَا تُشْمِتْ بِىَ ٱلْأَعْدَآءَ وَلَا تَجْعَلْنِى مَعَ ٱلْقَوْمِ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٥٠﴾ قَالَ رَبِّ ٱغْفِرْ لِى وَلِأَخِى وَأَدْخِلْنَا فِى
رَحْمَتِكَ ۖ وَأَنتَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿١٥١﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُوا۟
ٱلْعِجْلَ سَيَنَالُهُمْ غَضَبٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَذِلَّةٌ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۚ
وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُفْتَرِينَ ﴿١٥٢﴾ وَٱلَّذِينَ عَمِلُوا۟ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ثُمَّ
تَابُوا۟ مِنۢ بَعْدِهَا وَءَامَنُوٓا۟ إِنَّ رَبَّكَ مِنۢ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ
﴿١٥٣﴾ وَلَمَّا سَكَتَ عَن مُّوسَى ٱلْغَضَبُ أَخَذَ ٱلْأَلْوَاحَ ۖ وَفِى
نُسْخَتِهَا هُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلَّذِينَ هُمْ لِرَبِّهِمْ يَرْهَبُونَ ﴿١٥٤﴾ وَٱخْتَارَ
مُوسَىٰ قَوْمَهُۥ سَبْعِينَ رَجُلًا لِّمِيقَٰتِنَا ۖ فَلَمَّآ أَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ
قَالَ رَبِّ لَوْ شِئْتَ أَهْلَكْتَهُم مِّن قَبْلُ وَإِيَّٰىَ ۖ أَتُهْلِكُنَا بِمَا فَعَلَ
ٱلسُّفَهَآءُ مِنَّآ ۖ إِنْ هِىَ إِلَّا فِتْنَتُكَ تُضِلُّ بِهَا مَن تَشَآءُ وَتَهْدِى
مَن تَشَآءُ ۖ أَنتَ وَلِيُّنَا فَٱغْفِرْ لَنَا وَٱرْحَمْنَا ۖ وَأَنتَ خَيْرُ ٱلْغَٰفِرِينَ ﴿١٥٥﴾

150. Мусо ўз қавми сари (Тур тоғидан) қайтар экан, (қавмининг қилмишларидан) ғазабланган ва таассуфланган ҳолда: «Менга ортимдан қандай ҳам ёмон ўринбосар бўлдингиз-а?! Раббингиз амри (келмай туриб) шошқалоқлик қилдингизми?» – деб (қўлларидаги) лавҳларни ташлаб, акасининг боши (сочи)дан тутиб ўзига тортди. (Акаси Ҳорун) деди: «Эй, онамнинг ўғли!* Бу қавм мени заиф билиб, ўлдиришларига сал қолди. Энди, сен (ҳам) мени душманларга кулги қилмагин ва мени золимлар (сафи)га қўшмагин!»

151. (Мусо) деди: «Эй, Раббим! Мени ва биродаримни мағфират қилиб, бизни раҳматингга киритгайсан. Сен раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан!»

152. Албатта, бузоқни илоҳ қилиб олганларга Парвардигорлари (тарафи)дан ғазаб ва дунё ҳаётида хорлик етгусидир. (Ёлғон ва бўҳтон) тўқувчиларни шу тарзда жазолагаймиз.

153. Гуноҳларни қилиб, сўнгра улардан кейин тавба қилган ва имон келтирган кишилар учун, шулардан кейин (ҳам) Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир.

154. Мусонинг ғазаби сўнгач, лавҳларни (ердан) олди. Ундаги битикда Парвардигорларидан қўрқадиганлар учун ҳидоят ва раҳмат бор эди*.

155. Мусо белгилаган вақтимиз (ва жойимизга келиш) учун қавмидан етмиш кишини танлади*. Уларни қаттиқ зилзила тутган пайтда (Мусо) деди: «Эй, Раббим! Хоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам олдинроқ ҳалок қилган бўлур эдинг. Ичимиздаги нодонларнинг қилмишлари учун бизларни ҳалок қиласанми?! Бу фақат бир синовингдирки, у орқали хоҳлаган кишингни адаштирасан ва хоҳлаган кишингни ҳидоят қиласан. Ўзинг эгамизсан. Бас, бизларни мағфират эт (кечир) ва бизларга раҳм қил. Сен кечирувчиларнинг (энг) яхшисидирсан.

150-оят. Бир ота ва бир онадан туғилган бўлишса-да, Ҳорун укасини: “Эй, онамнинг ўғли!” деб чақиришининг сабаби она номини эшитиб, кўпроқ раҳми келармикин деб умид қилганидир (Хз.).

154-оят. Ривоят қилинишича, Таврот етти қисмдан иборат бўлган. Мусо (а.с.) уни ерга ташлаб юборганларида улар синиб, парчаланиб кетган. Олти қисмини териб олган ва улардан нусха кўчирган. Бир қисми ерда қолиб кетган. Олган қисмларида ғайб хабарлари, қолган бир қисмида насиҳат, ҳалол, ҳаром, шариат аҳкоми бўлган. Фахриддин Розий (рҳ.) ўз тафсирида Мусо (а.с.) лавҳларни ерга ташлаганида улар синиб кетмаган, деб ёзади (Хз.).

155-оят. Исроил авлодининг ўн икки уруғидан олти кишидан олиб, Мусо (а.с.) Тури Сино тоғига борадилар. Мақсадлари бузоққа сиғинган қавми учун Аллоҳдан кечирим сўраш эди. Улар бунинг ўрнига Аллоҳни кўрсатишни талаб қилишади. Шунда уларни зилзила тутади. Мусо (а.с.)нинг илтижоларидан кейин улар яна тириладилар (Хз.).

۞ وَٱكْتُبْ لَنَا فِى هَٰذِهِ ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ إِنَّا
هُدْنَآ إِلَيْكَ ۚ قَالَ عَذَابِىٓ أُصِيبُ بِهِۦ مَنْ أَشَآءُ ۖ وَرَحْمَتِى
وَسِعَتْ كُلَّ شَىْءٍ ۚ فَسَأَكْتُبُهَا لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ وَيُؤْتُونَ
ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلَّذِينَ هُم بِـَٔايَٰتِنَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٥٦﴾ ٱلَّذِينَ يَتَّبِعُونَ
ٱلرَّسُولَ ٱلنَّبِىَّ ٱلْأُمِّىَّ ٱلَّذِى يَجِدُونَهُۥ مَكْتُوبًا عِندَهُمْ
فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ وَٱلْإِنجِيلِ يَأْمُرُهُم بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَىٰهُمْ
عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ
ٱلْخَبَٰٓئِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَٱلْأَغْلَٰلَ ٱلَّتِى كَانَتْ
عَلَيْهِمْ ۚ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِهِۦ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَٱتَّبَعُوا۟
ٱلنُّورَ ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ مَعَهُۥٓ ۙ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٥٧﴾ قُلْ
يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنِّى رَسُولُ ٱللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا ٱلَّذِى
لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ ۖ
فَـَٔامِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِ ٱلنَّبِىِّ ٱلْأُمِّىِّ ٱلَّذِى يُؤْمِنُ بِٱللَّهِ
وَكَلِمَٰتِهِۦ وَٱتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٨﴾
وَمِن قَوْمِ مُوسَىٰٓ أُمَّةٌ يَهْدُونَ بِٱلْحَقِّ وَبِهِۦ يَعْدِلُونَ ﴿١٥٩﴾

156. Бизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни ёзгин*. Биз Сенга қайтдик». (Аллоҳ) деди: «Азобимни хоҳлаган кишимга етказурман. (Аммо) раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир. Уни (раҳматимни) тақвода бўлувчилар, закот берувчилар ва оятларимизга имон келтирувчиларга ёзажакман.

157. Улар саводсиз* элчига – исми ўзларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган пайғамбарга (Муҳаммадга)* эргашадилар. У (пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда уларнинг юкларини ва устиларидаги кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди. Бас, унга имон келтирган, уни улуғлаган, унга ёрдам берган ва у билан бирга нозил қилинган нур (Қуръон)га эргашганлар, айнан ўшалар (охиратда) нажот топувчи кишилардир».

158. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Эй, одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси)дирман. У (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Ўз қўлида бўлган зотдирки, ундан ўзга (ҳеч бир) илоҳ йўқ. (У) тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтирингиз! У (расули) Аллоҳга ва Унинг калималари (илоҳий китоблари)га ишонадиган саводсиз пайғамбардир. Унга эргашингиз, токи ҳидоят топгайсиз!»

159. Мусо қавми ичида шундай уммат (гуруҳ) ҳам борки, (улар одамларни) ҳақ (сўз) билан ҳидоятга бошлайдилар ва у (ҳақ) билан (ҳукмларда) одиллик қиладилар.

156-оят. Яъни бу дунёда бизга яхши ҳаёт ва тоат-ибодат қилишни муваффақ айла! Охиратда эса, бизни жаннатга дохил эт!

157-оят. Муҳаммад (а.с.) ҳақиқатан "уммий", яъни ўқишни, ёзишни, ҳисоб илмини билмайдиган саводсиз бўлганлар. Ҳадиси шарифда ўзлари: "Биз ёзишни, ҳисобни билмайдиган саводсиз умматмиз", – деганлар (Бх. Мс.).

Расул (а.с.)нинг саводсиз бўла туриб оятларни ўқиб, тафсир қилиб беришларининг ўзи катта мўъжиза. Зеро, агар ёзишни, ўқишни, шеър ижод қилишни билганларида, оятларни ўзи тўқияпти ёки кимдандир кўчириб олиб, бизга ўқиб беряпти, деган шубҳа туғилган бўлур эди.

* Абдуллоҳ ибн Амр (рз.)нинг сўзларига қараганда, Тавротда Муҳаммад (а.с.) жумладан шундай таърифланган: "Эй, пайғамбар! Мен сени гувоҳ, хушхабар берувчи, огоҳлантирувчи ва саводсиз кишиларга ҳомий қилиб юбордим. Сен Менинг бандам ва расулимсан. Сени "Мутаваккил", яъни "таваккалчи" деб номладим... У дағал ҳам, қўпол ҳам, бозорларда бақириб-чақириб юрувчи ҳам эмас. Ёмонликка ёмонлик қайтармайди, балки афв этади ва кечиради. То хато йўлдаги миллатни "ло илоҳа иллаллоҳ" калимаси билан тўғрилаб қўймагунга қадар уни Аллоҳ вафот эттирмагай. У билан кўр кўзлар, кар қулоқлар, ёпиқ диллар очилур" (Хз.).

وَقَطَّعْنَاهُمُ اثْنَتَيْ عَشْرَةَ أَسْبَاطًا أُمَمًا ۚ وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ
إِذِ اسْتَسْقَاهُ قَوْمُهُ أَنِ اضْرِب بِّعَصَاكَ الْحَجَرَ ۖ
فَانبَجَسَتْ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا ۖ قَدْ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٍ
مَّشْرَبَهُمْ ۚ وَظَلَّلْنَا عَلَيْهِمُ الْغَمَامَ وَأَنزَلْنَا عَلَيْهِمُ الْمَنَّ
وَالسَّلْوَىٰ ۖ كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ ۚ وَمَا
ظَلَمُونَا وَلَٰكِن كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١٦٠﴾ وَإِذْ
قِيلَ لَهُمُ اسْكُنُوا هَٰذِهِ الْقَرْيَةَ وَكُلُوا مِنْهَا حَيْثُ
شِئْتُمْ وَقُولُوا حِطَّةٌ وَادْخُلُوا الْبَابَ سُجَّدًا نَّغْفِرْ
لَكُمْ خَطِيئَاتِكُمْ ۚ سَنَزِيدُ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٦١﴾
فَبَدَّلَ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ قَوْلًا غَيْرَ الَّذِي قِيلَ لَهُمْ
فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِجْزًا مِّنَ السَّمَاءِ بِمَا كَانُوا
يَظْلِمُونَ ﴿١٦٢﴾ وَاسْأَلْهُمْ عَنِ الْقَرْيَةِ الَّتِي كَانَتْ
حَاضِرَةَ الْبَحْرِ إِذْ يَعْدُونَ فِي السَّبْتِ إِذْ تَأْتِيهِمْ
حِيتَانُهُمْ يَوْمَ سَبْتِهِمْ شُرَّعًا وَيَوْمَ لَا يَسْبِتُونَ ۙ
لَا تَأْتِيهِمْ ۚ كَذَٰلِكَ نَبْلُوهُم بِمَا كَانُوا يَفْسُقُونَ ﴿١٦٣﴾

160. Уларни ўн икки уруғ-уммат қилиб бўлиб ташладик* ва Мусодан қавми сув талаб қилганда, унга: «Асойинг билан тошни ургин!» – деб ваҳий қилган эдик, (ургач) ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди. Ҳар бир (уруғга тегишли) одамлар ўз сув ичадиган жойини билиб олдилар. Улар узра булутларни соябон қилдик ва устиларидан ширинлик ва беданалар ёғдириб: «Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан тановул қилингиз!» (дедик). Улар (итоат қилмай) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қиладиган бўлдилар.

161. Уларга: «Шу шаҳар (Байтул-Мақдис)да истиқомат қилингиз ва ундаги хоҳлаган жойингиздан озиқланингиз ҳамда «кечир» деб, сажда қилган ҳолингизда дарвозадан кирингиз, шунда сизларнинг хато (гуноҳ)ларингизни кечирамиз. Эзгу амал қилувчиларга (савобимизни) зиёда қилурмиз», – дейилганини (эсланг).

162. Бас, улардан золим бўлганлари уларга айтилган сўзни бошқа сўзга алмаштирдилар. Натижада зулм қилганлари сабабли уларга осмондан азоб юбордик.

163. Улардан денгиз бўйида жойлашган қишлоқ (аҳли) ҳақида сўранг!* Қайсики, шанбалик (байрами) ўтказган (ов қилмаган) кунларида балиқлари улар сари сув бетида оқиб келар, шанбалик қилмаган кунида эса (балиқлари) улар сари келмас эди. Ана шу шанбаликда (улар) ҳаддан ошар эдилар. Шу тарзда уларни фисқу фужурлари билан синаймиз.

160-оят. Яъни Яъқуб (а.с.)нинг ўн икки ўғлидан ўн икки “сибт”, яъни уруғ ёки қабила пайдо бўлган (Мд.).

163-оят. Шанба куни воқеасининг қисқача мазмуни шундан иборатки, Довуд (а.с.) замонларида Айла қишлоғи ёки Мадян шаҳрининг яҳудий халқига улар учун улуғ саналмиш шанба кунида балиқ овлаш синов мақсадида Аллоҳ тарафидан ман этилган эди. Улар балиқлар ов қилинадиган қирғоққа шанба куни кўп, бошқа кунлари оз келишини билиб қоладилар. Шанба кунги овни бой бермаслик учун турли ҳийлаларни ўйлаб топишга киришадилар. Шайтон уларга шанба куни овламасалар-да, лекин сувнинг бир томонидан ҳовузлар ковлаб, оқиб келган балиқларни шанба куни овламай, ҳовузга кириб қолишига имконият бериб, якшанба куни уларни йиғиб олишни ўргатади. Натижада бу қилган ҳийла ва маъсиятлари учун улар Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлиб, маймунга айланиб қоладилар.

Балиқ ови тақиқлангандан кейин улар уч тоифага бўлиниб олган эдилар. Биринчи тоифа – мазкур ҳийла билан ов қилиш тарафдорлари, иккинчи тоифа – ов қилмайдиган ва бошқаларни ҳам ундан қайтарувчилар. Учинчи тоифа – ўзлари ҳам овламай, бошқаларни ҳам ундан қайтармайдиганлар. Кейинги оятда иккинчи ва учинчи тоифалар ўртасидаги мунозара жараёни баён этилган (Мд. Хз.).

Муҳаммад (а.с.)нинг шанба куни бўлиб ўтган қисса ва бошқа воқеаларни оятлар орқали аҳли китобларга сўзлаб беришлари катта мўъжизалардан ҳисобланади. Зеро, агар барҳақ пайғамбар бўлмаганларида, қадим замонда бўлиб ўтган воқеаларни бунчалик аниқ тарзда айтиб бера олмаган бўлур эдилар (Хз.).

وَإِذۡ قَالَتۡ أُمَّةٞ مِّنۡهُمۡ لِمَ تَعِظُونَ قَوۡمًا ٱللَّهُ مُهۡلِكُهُمۡ أَوۡ مُعَذِّبُهُمۡ
عَذَابٗا شَدِيدٗاۖ قَالُواْ مَعۡذِرَةً إِلَىٰ رَبِّكُمۡ وَلَعَلَّهُمۡ يَتَّقُونَ ١٦٤
فَلَمَّا نَسُواْ مَا ذُكِّرُواْ بِهِۦٓ أَنجَيۡنَا ٱلَّذِينَ يَنۡهَوۡنَ عَنِ ٱلسُّوٓءِ
وَأَخَذۡنَا ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ بِعَذَابِۭ بَـِٔيسِۭ بِمَا كَانُواْ يَفۡسُقُونَ
١٦٥ فَلَمَّا عَتَوۡاْ عَن مَّا نُهُواْ عَنۡهُ قُلۡنَا لَهُمۡ كُونُواْ قِرَدَةً خَٰسِـِٔينَ
١٦٦ وَإِذۡ تَأَذَّنَ رَبُّكَ لَيَبۡعَثَنَّ عَلَيۡهِمۡ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِ مَن
يَسُومُهُمۡ سُوٓءَ ٱلۡعَذَابِۗ إِنَّ رَبَّكَ لَسَرِيعُ ٱلۡعِقَابِۖ وَإِنَّهُۥ
لَغَفُورٞ رَّحِيمٞ ١٦٧ وَقَطَّعۡنَٰهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ أُمَمٗاۖ مِّنۡهُمُ
ٱلصَّٰلِحُونَ وَمِنۡهُمۡ دُونَ ذَٰلِكَۖ وَبَلَوۡنَٰهُم بِٱلۡحَسَنَٰتِ
وَٱلسَّيِّـَٔاتِ لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ ١٦٨ فَخَلَفَ مِنۢ بَعۡدِهِمۡ خَلۡفٞ
وَرِثُواْ ٱلۡكِتَٰبَ يَأۡخُذُونَ عَرَضَ هَٰذَا ٱلۡأَدۡنَىٰ وَيَقُولُونَ سَيُغۡفَرُ لَنَا
وَإِن يَأۡتِهِمۡ عَرَضٞ مِّثۡلُهُۥ يَأۡخُذُوهُۚ أَلَمۡ يُؤۡخَذۡ عَلَيۡهِم مِّيثَٰقُ ٱلۡكِتَٰبِ
أَن لَّا يَقُولُواْ عَلَى ٱللَّهِ إِلَّا ٱلۡحَقَّ وَدَرَسُواْ مَا فِيهِۗ وَٱلدَّارُ ٱلۡأٓخِرَةُ
خَيۡرٞ لِّلَّذِينَ يَتَّقُونَۚ أَفَلَا تَعۡقِلُونَ ١٦٩ وَٱلَّذِينَ يُمَسِّكُونَ
بِٱلۡكِتَٰبِ وَأَقَامُواْ ٱلصَّلَوٰةَ إِنَّا لَا نُضِيعُ أَجۡرَ ٱلۡمُصۡلِحِينَ ١٧٠

164. Улардан бир гуруҳи: «Нима учун Аллоҳ ҳалок этмоқчи бўлган ёки қаттиқ азоб билан қийнамоқчи бўлган қавмга насиҳат қиляпсизлар?» – дейишганда, (насиҳатгўйлар): «Раббингизга («Айтдик, лекин итоат қилишмади», – деб) узр айтишлар ва тақво қилишлар деган умидда (насиҳат қилдик)», – дедилар.

165. Уларга эслатилган нарсани унутишгач, ёмонликдан қайтарувчиларга нажот бердик ва зулм қилганларни эса, фисқу фужурлари сабабли ёмон азобга тутдик.

166. Уларга ман этилган ишдан (қайтмасдан) ўжарлик қилганларида: «Қадрсиз маймунларга айланингиз!» – деб уларга (қарғиш сўзини) айтдик*.

167. Раббингиз улар устига то қиёмат кунигача уларни қаттиқ азоб билан қийнайдиган кишиларни юбориб туражагини эълон қилди*. Албатта, Раббингиз жазоси тез ва албатта, У кечиримли ва раҳмли ҳамдир.

168. Уларни (Исроил авлодини) Ер юзи бўйлаб турли халқларга бўлиб ташладик. Улар ичида солиҳ (яхши)лари ҳам, ундан берилари ҳам бор*. Уларни зора (тўғри йўлга) қайтсалар, деб яхшилик (неъмат)лар ва ёмонлик (мусибат)лар билан синаб кўрдик.

169. Улар ортидан Китоб (Таврот)га меросхўр бир авлод келиб, бу дунё матоҳини оладиган ва «Биз кечириламиз» дейдиган (бўлдилар). Агар уларга унинг баробарида (яна) матоҳ келиб қолса, уни ҳам олаверадилар. Ахир, улардан Аллоҳ шаънига фақат ҳақ (гаплар)ни айтишлари учун Китоб (Таврот) аҳди олинмаганмиди? Ундаги (оят)ларни ўрганган ҳам эдилар-ку! Охират диёри тақво қилувчилар учун (дунё матоҳидан) яхшидир. Бас, (буни) англамайсизми?!

170. Китоб (Таврот)ни маҳкам тутиб, намозни баркамол ўқийдиганлар эса, (билиб қўйсинларки) Бизислоҳотчилар (солиҳ бандалар) мукофотини зое қилмагаймиз*.

166-оят. Уларнинг ёшлари маймунларга, кексалари чўчқаларга айланганидан уч кун кейин ҳаммаси ўлиб кетган. Улар ўлмаган, балки яшаб насл ҳам қолдирганлар, деган ривоят ҳам бор (Мд.).

167-оят. Улар Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлгунларигача мажусийларга “жизя” солиғини тўлаб яшаганлар. Кейин эса, Расул (а.с.) ҳам улар зиммасига “жизя” тайин этганлар. Бошқача тафсирлар ҳам бор. Масалан, уларни Бухтунассир, Санҳариб, Рум ҳукмдорлари қаттиқ азоблагани; қиёматга яқин Дажжол чиққан пайтда улар уни илоҳийлаштириб, озгина муддат сохта шоншавкатга эга бўлишлари, лекин бу қилмишлари сабабли яна гуноҳлари кўпайгач, Дажжол билан бирга ҳалокатга учрашлари каби тафсирлар (Хз.).

168-оят. Яҳудийлар қавми ичида солиҳ кишилар ҳам бўлиб, улар Муҳаммад (а.с.)ни тасдиқ этиб имон келтирганлар.

170-оят. Яъни Абдуллоҳ ибн Салом каби Тавротни ҳам ўзгартирмаган ва Қуръони каримга ҳам имон келтирганларга икки баробар ажр ато қилурмиз.

۞ وَإِذْ نَتَقْنَا ٱلْجَبَلَ فَوْقَهُمْ كَأَنَّهُۥ ظُلَّةٌ وَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُۥ وَاقِعٌۢ بِهِمْ
خُذُوا۟ مَآ ءَاتَيْنَٰكُم بِقُوَّةٍ وَٱذْكُرُوا۟ مَا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٧١﴾
وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنۢ بَنِىٓ ءَادَمَ مِن ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ
عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ ۖ قَالُوا۟ بَلَىٰ ۛ شَهِدْنَآ ۛ أَن تَقُولُوا۟ يَوْمَ
ٱلْقِيَٰمَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَٰذَا غَٰفِلِينَ ﴿١٧٢﴾ أَوْ تَقُولُوٓا۟ إِنَّمَآ أَشْرَكَ
ءَابَآؤُنَا مِن قَبْلُ وَكُنَّا ذُرِّيَّةً مِّنۢ بَعْدِهِمْ ۖ أَفَتُهْلِكُنَا بِمَا فَعَلَ
ٱلْمُبْطِلُونَ ﴿١٧٣﴾ وَكَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ وَلَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ
﴿١٧٤﴾ وَٱتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ٱلَّذِىٓ ءَاتَيْنَٰهُ ءَايَٰتِنَا فَٱنسَلَخَ مِنْهَا
فَأَتْبَعَهُ ٱلشَّيْطَٰنُ فَكَانَ مِنَ ٱلْغَاوِينَ ﴿١٧٥﴾ وَلَوْ شِئْنَا
لَرَفَعْنَٰهُ بِهَا وَلَٰكِنَّهُۥٓ أَخْلَدَ إِلَى ٱلْأَرْضِ وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ ۚ فَمَثَلُهُۥ
كَمَثَلِ ٱلْكَلْبِ إِن تَحْمِلْ عَلَيْهِ يَلْهَثْ أَوْ تَتْرُكْهُ
يَلْهَث ۚ ذَّٰلِكَ مَثَلُ ٱلْقَوْمِ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا ۚ فَٱقْصُصِ
ٱلْقَصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧٦﴾ سَآءَ مَثَلًا ٱلْقَوْمُ ٱلَّذِينَ
كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَأَنفُسَهُمْ كَانُوا۟ يَظْلِمُونَ ﴿١٧٧﴾ مَن يَهْدِ ٱللَّهُ
فَهُوَ ٱلْمُهْتَدِى ۖ وَمَن يُضْلِلْ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿١٧٨﴾

171. Эсланг, (Эй, Муҳаммад!) улар устига тоғни соябон янглиғ суриб келтирдик. Улар уни устиларига тушиб кетади, деб ўйладилар. (Шунда Биз айтдик): «Сизларга келтирган нарсамиз (Таврот)ни маҳкам тутингиз ва тақволи бўлишингиз учун ундаги нарса (оятлар)ни зикр этингиз!».

172. Раббингиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб: «Мен Раббингиз эмасманми?» (деди). (Улар): «Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик»*, – дедилар. Қиёмат куни: «Биз бундан ғофил (бехабар) эдик

173. ёки, Олдиндан ота-боболаримиз мушрик бўлганлар. Биз улардан кейин келган зурриёт эдик. (Ўша) ноҳақ кишиларнинг феъллари сабабли бизни ҳалок қиласанми?», – дейишларини (билганимиз учун шундай қилдик).

174. Шу тарзда оятлар тафсилотини қилурмиз ва шояд (улар ёмон йўлдан) қайтсалар.

175. (Эй, Муҳаммад!) Оятларимизни келтирганимизда улардан чиқиб кетган (амал қилмаган) одамни* шайтон (ўзига) эргаштириб олгани, натижада (у) адашганлардан бўлиб қолгани (ҳақидаги қисса)ни уларга ўқиб беринг!

176. Агар хоҳлаганимизда, уни улар (оятлар) сабабли (мартабасини) кўтарган бўлур эдик. *Лекин*, у ерга ҳирс қўйди ва (нафс) ҳавосига эргашди. Унинг мисоли гўё бир итдирки, унга ҳамла қилсанг ҳам (тилини осилтириб) ҳансирайди, ўз ҳолига қўйсанг ҳам ҳансирайверади. Бу ўша оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм кишиларининг мисолидир. Бу қиссаларни (уларга) айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар!

177. Оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм кишиларининг мисоли қандай ҳам хунукдир?! (Улар) ўзларига зулм қилар эдилар.

178. Кимники Аллоҳ ҳидоят қилган бўлса, бас, ўша (одам) тўғри йўл топувчидир. Кимни адаштирган бўлса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчилардир.

172-оят. Аллоҳнинг руҳлар билан мана шу гаплашувини "Ал-Мийсоқ" дейилади. “Мийсоқ”- аҳдлашув. Бу аҳдлашувнинг ҳикматларидан бири шуки, қиёмат куни мушриклар: "Биз Аллоҳнинг ягоналигини ва У бизнинг ҳам раббимиз эканини билмай, ота-боболаримиз каби мушрик ҳолда ўтибмиз, уларнинг хатосига бизларни ҳам шерик қиласанми?", – дейишлари мумкин бўлган даъволарига жавобан Аллоҳ таоло мазкур оят орқали ўша аҳдлашув жараёнини эслатиб қўймоқда.

175-оят. У Исроил авлодига мансуб бир руҳоний бўлиб, исми Балъам ибн Боуро эди. У “исми аъзам”ни билар ва дуоси мустажоб эди. Мусо (а.с.) Канъон кофирларига қарши борганларида канъонликлар уни пора билан алдашиб, Мусо (а.с.) ва мўминларни дуои бад қилишга ундаганлар. У шайтон васвасаси ва нафс балосига берилиб, ўз дини ва эътиқодига зид иш қилган. Оятда унинг мисолида Аллоҳ таоло барча уламоларни ҳам огоҳлантирмоқда (Мд.).

وَلَقَدۡ ذَرَأۡنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرٗا مِّنَ ٱلۡجِنِّ وَٱلۡإِنسِۖ لَهُمۡ قُلُوبٞ
لَّا يَفۡقَهُونَ بِهَا وَلَهُمۡ أَعۡيُنٞ لَّا يُبۡصِرُونَ بِهَا وَلَهُمۡ ءَاذَانٞ لَّا يَسۡمَعُونَ
بِهَآۚ أُوْلَٰٓئِكَ كَٱلۡأَنۡعَٰمِ بَلۡ هُمۡ أَضَلُّۚ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡغَٰفِلُونَ ١٧٩
وَلِلَّهِ ٱلۡأَسۡمَآءُ ٱلۡحُسۡنَىٰ فَٱدۡعُوهُ بِهَاۖ وَذَرُواْ ٱلَّذِينَ يُلۡحِدُونَ فِيٓ
أَسۡمَٰٓئِهِۦۚ سَيُجۡزَوۡنَ مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ١٨٠ وَمِمَّنۡ خَلَقۡنَآ أُمَّةٞ
يَهۡدُونَ بِٱلۡحَقِّ وَبِهِۦ يَعۡدِلُونَ ١٨١ وَٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا
سَنَسۡتَدۡرِجُهُم مِّنۡ حَيۡثُ لَا يَعۡلَمُونَ ١٨٢ وَأُمۡلِي لَهُمۡۚ إِنَّ
كَيۡدِي مَتِينٌ ١٨٣ أَوَلَمۡ يَتَفَكَّرُواْۗ مَا بِصَاحِبِهِم مِّن جِنَّةٍۚ إِنۡ
هُوَ إِلَّا نَذِيرٞ مُّبِينٌ ١٨٤ أَوَلَمۡ يَنظُرُواْ فِي مَلَكُوتِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَيۡءٖ وَأَنۡ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ قَدِ ٱقۡتَرَبَ
أَجَلُهُمۡۖ فَبِأَيِّ حَدِيثِۭ بَعۡدَهُۥ يُؤۡمِنُونَ ١٨٥ مَن يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَلَا
هَادِيَ لَهُۥۚ وَيَذَرُهُمۡ فِي طُغۡيَٰنِهِمۡ يَعۡمَهُونَ ١٨٦ يَسۡـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلسَّاعَةِ
أَيَّانَ مُرۡسَىٰهَاۖ قُلۡ إِنَّمَا عِلۡمُهَا عِندَ رَبِّيۖ لَا يُجَلِّيهَا لِوَقۡتِهَآ إِلَّا هُوَۚ ثَقُلَتۡ
فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ لَا تَأۡتِيكُمۡ إِلَّا بَغۡتَةٗۗ يَسۡـَٔلُونَكَ كَأَنَّكَ حَفِيٌّ
عَنۡهَاۖ قُلۡ إِنَّمَا عِلۡمُهَا عِندَ ٱللَّهِ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ ١٨٧

179. Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпчилигини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (*лекин*) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (*лекин*) улар билан «кўрмайдилар». Уларда қулоқлар бор, (*лекин*) улар билан «эшитмайдилар»*. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар (*янада*) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир.

180. Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (*исм*)лар билан атангиз! Унинг исмларида ҳақдан оғиб кетувчиларни қўяверингиз! (*Улар*) қилмишларига (*яраша*) жазоланурлар.

181. Яратган (*банда*)ларимиз ичида ҳақ (*йўл*)га ҳидоят қиладиган ва у (*ҳақ*) билан адолат қиладиган уммат (*жамоат*) ҳам бордир.

182. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса, (*улар*) билмайдиган жиҳатдан «даражали» қилиб (*ўз ҳолига вақтинча қўйиб бериб*) турамиз.

183. Уларга муҳлат бераман. «Макрим» эса қаттиқдир.

184. Тафаккур қилмайдиларми?! Уларнинг соҳиби (*Муҳаммад*)да ҳеч қандай мажнунлик йўқ. У фақат аниқ огоҳлантирувчидир.

185. Осмонлар ва Ернинг мулку салтанатига, Аллоҳ яратган ҳар (*бир*) нарса ва ажал (*муддат*)лари яқинлашиб қолганига (*бир*) назар ташламадиларми?! Ундан (*Қуръон инкоридан*) кейин (*яна*) қайси гапга ишонар ҳам эдилар?!

186. Кимни Аллоҳ адаштирган бўлса, уни тўғри йўлга солиб қўювчи (*одам*) йўқдир. У (*кабиларни ўз туғёни (*ҳаддан ошган ҳоллари*)да гангиб юришларига қўйиб беради.

187. Сиздан (*эй, Муҳаммад!*) қиёмат ҳақида, унинг қачон қоим бўлишини сўрашади. Айтинг: «Унинг илми Раббим ҳузуридадир. Унинг вақти (*келгани*)да уни Ўзи билдиради. (*Қиёмат*) осмонлар ва Ерга оғирлик (*тушкунлик*) қилур. Сизларга (*у*) тўсатдан келиб қолур». Сиздан гўё у ҳақда вакил (*хабардор бўлганингиз*)дек сўрашади. Айтинг: «Унинг илми (*аниқ маълумоти*) Аллоҳ ҳузуридадир. *Лекин* одамларнинг аксарияти (*буни*) билмайдилар».

179-оят. Оятдаги “англамайдилар”, “кўрмайдилар”, “эшитмайдилар” феъллари мажозий маънода айтилган бўлиб, ҳақ гапни эшитсалар-да, тафаккур қилмаганлари, ҳидоят ва тўғри йўлни кўрсалар-да, унга юрмаганлари, панду насиҳатни эшитсалар-да, унга амал қилмаганлари қораланмоқда. Уларнинг куфрда бўлишларини азалдан билгани ва шундай бўлишига ирода этгани сабабли Аллоҳ таоло “уларни жаҳаннам учун яратганман” деб хабар бермоқда. Демак, жаҳаннам йўлини танлаганларнинг ўзлари бунга сабабчи экан. Зеро, ўз ихтиёрлари билан нима иш қилишларини Ҳақ таоло азалдан билган ва тақдирга битиб қўйган. Аллоҳ таоло ҳеч кимни ҳеч қачон куфр ёки гуноҳ ишларга мажбурий равишда ундамайди (Ақ.).

188. Айтинг: «Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари ўзим учун (бирор) фойда ва зарар (келтириш)га эга эмасман. Агар ғайб (илми)ни билсам эди, хайрли ишларни кўп қилган бўлур эдим ва менга ёмонлик (ҳам) етмаган бўлур эди. Мен фақат имон келтирадиган қавм учун огоҳлантирувчи ва хушхабар берувчидирман».

189. У (Аллоҳ) сизларни бир жондан яратиб, ундан унинг жуфтини унга (уйланиб) таскин топиши учун пайдо қилган зотдир. Унга яқинлик қилгач, у (Ҳавво) енгил ҳомилали бўлди ва у билан (бир муддат) юрди. (Юки) оғирлашганда, ҳар иккиси (Одам ва Ҳавво) Раббилари (бўлмиш) Аллоҳга дуо қилиб: «Агар бизга солиҳ (фарзанд) берсанг, албатта, шукр қилувчилардан бўлажакмиз» (дедилар).

190. Иккисига солиҳ (фарзанд) ато этгач, иккисига ато этган нарсасида Унга «шерик»ларни (нисбат) бердилар*. Аллоҳ (эса) улар келтирган ширкдан олий (пок)дир.

191. Бирор нарсани яратмайдиган, балки ўзлари яратилувчи бўлган нарсани (Аллоҳга) шерик қиладиларми?!

192. (Бут ва санамлар) улар учун (мушриклар учун бирор) ёрдам кўрсатишга ярамайдилар ва ўзларига ҳам ёрдам қилмайдилар.

193. Агар уларни ҳидоят сари чорласангиз, сизларга эргашмайдилар. Уларни чорлайсизми ёки сизлар жим турувчимисиз – сизлар учун (иккиси) баробардир.

194. Аллоҳни қўйиб сиғинаётган (бут)ларингиз ўзларингизга ўхшаш бандалардир. Агар ростгўй бўлсангиз, уларга илтижо қилиб кўрингиз – улар сизларга ижобат қилсин!

قُل لَّآ أَمۡلِكُ لِنَفۡسِي نَفۡعٗا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَآءَ ٱللَّهُۚ وَلَوۡ كُنتُ
أَعۡلَمُ ٱلۡغَيۡبَ لَٱسۡتَكۡثَرۡتُ مِنَ ٱلۡخَيۡرِ وَمَا مَسَّنِيَ ٱلسُّوٓءُۚ إِنۡ
أَنَا۠ إِلَّا نَذِيرٞ وَبَشِيرٞ لِّقَوۡمٖ يُؤۡمِنُونَ ١٨٨ ۞ هُوَ ٱلَّذِي خَلَقَكُم
مِّن نَّفۡسٖ وَٰحِدَةٖ وَجَعَلَ مِنۡهَا زَوۡجَهَا لِيَسۡكُنَ إِلَيۡهَاۖ فَلَمَّا
تَغَشَّىٰهَا حَمَلَتۡ حَمۡلًا خَفِيفٗا فَمَرَّتۡ بِهِۦۖ فَلَمَّآ أَثۡقَلَت دَّعَوَا
ٱللَّهَ رَبَّهُمَا لَئِنۡ ءَاتَيۡتَنَا صَٰلِحٗا لَّنَكُونَنَّ مِنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ١٨٩
فَلَمَّآ ءَاتَىٰهُمَا صَٰلِحٗا جَعَلَا لَهُۥ شُرَكَآءَ فِيمَآ ءَاتَىٰهُمَاۚ فَتَعَٰلَى
ٱللَّهُ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ١٩٠ أَيُشۡرِكُونَ مَا لَا يَخۡلُقُ شَيۡـٔٗا وَهُمۡ يُخۡلَقُونَ
١٩١ وَلَا يَسۡتَطِيعُونَ لَهُمۡ نَصۡرٗا وَلَآ أَنفُسَهُمۡ يَنصُرُونَ ١٩٢
وَإِن تَدۡعُوهُمۡ إِلَى ٱلۡهُدَىٰ لَا يَتَّبِعُوكُمۡۚ سَوَآءٌ عَلَيۡكُمۡ أَدَعَوۡتُمُوهُمۡ
أَمۡ أَنتُمۡ صَٰمِتُونَ ١٩٣ إِنَّ ٱلَّذِينَ تَدۡعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ
عِبَادٌ أَمۡثَالُكُمۡۖ فَٱدۡعُوهُمۡ فَلۡيَسۡتَجِيبُواْ لَكُمۡ إِن
كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ١٩٤ أَلَهُمۡ أَرۡجُلٞ يَمۡشُونَ بِهَآۖ أَمۡ لَهُمۡ أَيۡدٖ
يَبۡطِشُونَ بِهَآۖ أَمۡ لَهُمۡ أَعۡيُنٞ يُبۡصِرُونَ بِهَآۖ أَمۡ لَهُمۡ ءَاذَانٞ
يَسۡمَعُونَ بِهَاۗ قُلِ ٱدۡعُواْ شُرَكَآءَكُمۡ ثُمَّ كِيدُونِ فَلَا تُنظِرُونِ ١٩٥

195. Уларнинг оёқлари бормики, улар билан юрсалар ё қўллари бормики, улар билан куч кўрсатсалар, ёки кўзлари бормики, улар билан кўрсалар, ёхуд қулоқлари бормики, улар билан эшитсалар?!* Айтинг: «Ширк (бут ва санам)ларингизни чақирингиз ва менга муҳлат бермасданоқ менга макр қилингиз!

190-оят. Ҳавво онамизда бола турмагач, Иблис келиб исмини "Абдулҳарс", яъни "Деҳқончилик қули" деб қўйишга ундайди. Ҳавво худди шундай қиладилар. Бу оятда бу ишни гўё ширк келтириш дейилмоқда. Бу каби исм қўйиш то Муҳаммад (а.с.) даврларигача ҳам давом этиб келган. Масалан, Абду Маноф, Абдул-Уззо, Абдуд-дор ва ҳоказо. Лекин уламолар оятда келтирилган қиссадан Одам ва Ҳаввони ширк келтирганлари чиқмайди. Зеро, бу ибодатдаги иш эмас, деҳқончиликни улар ҳеч қачон раббимиз деб билмаганлар. Она ва боланинг саломат қолишларига сабаб бўлармикан деган ният билан мазкур исмни қўйишган, деб тафсир қилганлар (Хз.).

195-оят. Инсонда шу тўрт аъзо –оёқ, қўл, кўз ва қулоқ, яъни тўрт муча унинг муҳим аъзолари ҳисобланади. Бут ва санамларда эса, шу аъзолар йўқ. Улар ясама шаклда бор бўлса-да, унда сезги ва туйғу йўқ. Демак, уларнинг инсонлардан паст даражада экани ўз-ўзидан маълум бўлади.

إِنَّ وَلِـِّۧيَ ٱللَّهُ ٱلَّذِي نَزَّلَ ٱلۡكِتَٰبَۖ وَهُوَ يَتَوَلَّى ٱلصَّٰلِحِينَ ١٩٦
وَٱلَّذِينَ تَدۡعُونَ مِن دُونِهِۦ لَا يَسۡتَطِيعُونَ نَصۡرَكُمۡ وَلَآ
أَنفُسَهُمۡ يَنصُرُونَ ١٩٧ وَإِن تَدۡعُوهُمۡ إِلَى ٱلۡهُدَىٰ لَا يَسۡمَعُواْۖ
وَتَرَىٰهُمۡ يَنظُرُونَ إِلَيۡكَ وَهُمۡ لَا يُبۡصِرُونَ ١٩٨ خُذِ ٱلۡعَفۡوَ وَأۡمُرۡ
بِٱلۡعُرۡفِ وَأَعۡرِضۡ عَنِ ٱلۡجَٰهِلِينَ ١٩٩ وَإِمَّا يَنزَغَنَّكَ مِنَ
ٱلشَّيۡطَٰنِ نَزۡغٞ فَٱسۡتَعِذۡ بِٱللَّهِۚ إِنَّهُۥ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ٢٠٠ إِنَّ
ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ إِذَا مَسَّهُمۡ طَٰٓئِفٞ مِّنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ تَذَكَّرُواْ
فَإِذَا هُم مُّبۡصِرُونَ ٢٠١ وَإِخۡوَٰنُهُمۡ يَمُدُّونَهُمۡ فِي ٱلۡغَيِّ ثُمَّ
لَا يُقۡصِرُونَ ٢٠٢ وَإِذَا لَمۡ تَأۡتِهِم بِـَٔايَةٖ قَالُواْ لَوۡلَا ٱجۡتَبَيۡتَهَاۚ
قُلۡ إِنَّمَآ أَتَّبِعُ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيَّ مِن رَّبِّيۚ هَٰذَا بَصَآئِرُ مِن رَّبِّكُمۡ
وَهُدٗى وَرَحۡمَةٞ لِّقَوۡمٖ يُؤۡمِنُونَ ٢٠٣ وَإِذَا قُرِئَ ٱلۡقُرۡءَانُ
فَٱسۡتَمِعُواْ لَهُۥ وَأَنصِتُواْ لَعَلَّكُمۡ تُرۡحَمُونَ ٢٠٤ وَٱذۡكُر رَّبَّكَ
فِي نَفۡسِكَ تَضَرُّعٗا وَخِيفَةٗ وَدُونَ ٱلۡجَهۡرِ مِنَ ٱلۡقَوۡلِ بِٱلۡغُدُوِّ
وَٱلۡأٓصَالِ وَلَا تَكُن مِّنَ ٱلۡغَٰفِلِينَ ٢٠٥ إِنَّ ٱلَّذِينَ عِندَ رَبِّكَ
لَا يَسۡتَكۡبِرُونَ عَنۡ عِبَادَتِهِۦ وَيُسَبِّحُونَهُۥ وَلَهُۥ يَسۡجُدُونَ ۩ ٢٠٦

196. Менинг эгам Китоб нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ кишиларни дўст тутар.

197. Уни қўйиб сиғинаётган нарсаларингиз сизларга ёрдам кўрсатишга ҳам ярамайди, ўзларига ҳам ёрдам бермайди».

198. Уларни (санамларни) ҳидоят сари чорласангиз, эшитмайдилар. Сизга қараб турсаларда, лекин кўрмасликларини кузатасиз.

199. Афвни (қабул қилиб) олинг*, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!

200. Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ тиланг!* Албатта, У эшитувчи ва билувчидир.

201. Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшанда улар (ҳақни) кўрувчидирлар.

202. Уларнинг дўстлари йўлдан уришда уларга ёрдам берадилар. (Бу ишда) сустлик қилмайдилар.

203. Уларга оят келтирмасангиз, «Уни ўзинг танлаб (тўқиб) қўя қолмайсанми?!» – дейишади. Айтинг: «Мен фақат Раббимдан менга ваҳий қилинган нарсаларгагина эргашурман. Бу (Қуръон) имон келтирадиган қавм учун Раббингиздан кўрсатмалар, ҳидоят ва раҳмат (манбаи)дир».

204. Қуръон ўқилганда уни тинглангиз ва сукут сақлангиз! Шояд (шунда) раҳм қилингайсиз!

205. Раббингизни ичингизда тазарру ва қўрқинч билан ҳамда гапирганда овозни кўтармасдан эртаю кеч зикр (ёд) этинг! Ғофиллардан бўлманг!

206. Ҳақиқатан, Раббингиз ҳузуридаги (фаришта)лар Унинг ибодатидан кибр (ибо) қилмайдилар. Унга тасбеҳ айтадилар ва Унга сажда қиладилар*.

199-оят. Оятдаги “афв” сўзининг тафсири турлича келган. Баъзи муфассирлар у – бағрикенглик билан ўзгаларнинг узрини қабул қилиш, оғирликни ўзига олиб, бошқаларга енгиллик бахш этиш десалар, бошқалари закот вожиб қилинмасдан олдин бойлардан олинадиган садақалар деб изоҳлаганлар. Лекин биринчи тафсир маъқулроқдир. Шу оят нозил бўлгач, Муҳаммад (а.с.) Жаброил (а.с.)дан уни шарҳлаб беришни сўраган эканлар. Ул зот жумладан: “Аллоҳ таоло Сизга буюриб айтмоқдаки, Сизга зулм қилган кишини Сиз афв этинг, Сизга бермаган кишига Сиз беринг, Сиздан узилиб кетган кишига Сиз яқинлашинг!“, – деган эканлар (Тб.).

200-оят. Афв этишга буюрилганларидан кейин Расул (а.с.) Аллоҳга илтижо қилиб: “Эй, Раббим, бу амрингни қандай бажараман?”, – деб сўраганларида шу оят орқали, агар шайтон афв этишдан қайтариб, ғазабингизни келтирса, Аллоҳдан паноҳ тиланг, шайтонга бўйин сунманг, деб буюрган экан (Бғ.).

206-оят. Бу оят ҳанафий мазҳаби бўйича сажда оятларидан.

Анфол сураси

Мадинада нозил қилинган. 75 оят.



بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
يَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْأَنفَالِ قُلِ ٱلْأَنفَالُ لِلَّهِ وَٱلرَّسُولِ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ
وَأَصْلِحُوا۟ ذَاتَ بَيْنِكُمْ وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ إِن كُنتُم
مُّؤْمِنِينَ ﴿١﴾ إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ
قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُهُۥ زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ
يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾ ٱلَّذِينَ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ
يُنفِقُونَ ﴿٣﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَّهُمْ دَرَجَٰتٌ عِندَ
رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٤﴾ كَمَآ أَخْرَجَكَ رَبُّكَ
مِنۢ بَيْتِكَ بِٱلْحَقِّ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ لَكَٰرِهُونَ ﴿٥﴾
يُجَٰدِلُونَكَ فِى ٱلْحَقِّ بَعْدَمَا تَبَيَّنَ كَأَنَّمَا يُسَاقُونَ إِلَى ٱلْمَوْتِ
وَهُمْ يَنظُرُونَ ﴿٦﴾ وَإِذْ يَعِدُكُمُ ٱللَّهُ إِحْدَى ٱلطَّآئِفَتَيْنِ أَنَّهَا
لَكُمْ وَتَوَدُّونَ أَنَّ غَيْرَ ذَاتِ ٱلشَّوْكَةِ تَكُونُ لَكُمْ
وَيُرِيدُ ٱللَّهُ أَن يُحِقَّ ٱلْحَقَّ بِكَلِمَٰتِهِۦ وَيَقْطَعَ دَابِرَ ٱلْكَٰفِرِينَ
﴿٧﴾ لِيُحِقَّ ٱلْحَقَّ وَيُبْطِلَ ٱلْبَٰطِلَ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٨﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Сиздан (эй, Муҳаммад!) ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Аллоҳ ва Пайғамбарникидир. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ораларингизни тузатингиз! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳ ва (Унинг) расулига итоат этингиз!*

2. Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганида – дилларида қўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган, Парвардигорларигагина (барча ишларида) таваккул қиладиган,

3. намозни баркамол ўқийдиган ва ризқ қилиб берганимиздан (садақа ва) эҳсон қиладиган кишилардир.

4. Айнан ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида даражалар ва фаровон ризқ (бордир).

5. (Бу) Раббингиз уйингиздан Сизни ҳақ (йўл) билан чиқаргани кабидир. Мўминлардан бир гуруҳи эса, (бу чиқишни) ёқтирмайдиганлардир.

6. Сиз билан ҳақ тўғрисида (у) аён бўлгандан кейин баҳслашмоқдалар. (Бу) гўёки, қараб турган ҳолларида, уларни ўлим сари ҳайдалаётгандекдир.

7. Аллоҳнинг “икки тоифадан бири сизларнинг фойдангизга бўлади”, деб ваъда қилганини эсланг*. (Сизлар эса) шавкатли бўлмагани сизларга бўлишини истайсиз. Аллоҳ (эса) ўз калима (амр)лари билан ҳақни ҳаққа чиқариш ва кофирларни тор-мор қилишни хоҳлайди.

8. Жиноятчилар (мушриклар) ёқтирмасалар ҳам (Аллоҳ) ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ (эканини исбот) этиш учун (шу ишларни қилади).

---

8. АНФОЛ СУРАСИ

“Анфол” – ўлжалар.

Сурада жанг, ўлжа тақсимоти, имон, эътиқод, тақво, солиҳ амал ва бошқа масалалар ҳақида илоҳий кўрсатмалар берилган. Унда асосан Бадр жанги воқеалари батафсил баён этилган. Маълумки, Бадр жанги ҳижратнинг иккинчи йили рамазон ойида Мадинага яқин Бадр қишлоғида кечган. Бу жангда мусулмонлар озчилик, кам қуролланган бўлишига қарамасдан, кўпсонли ва пухта қуролланган мушриклар тўдаси устидан ғалаба қозонганлар. Ёв қўшинларидан етмиш киши ҳалок этилиб, яна етмиш киши асир олинган ва катта ўлжа қўлга киритилган.

1-оят. Бадр жангидан сўнг тушган ўлжалар тақсимида ёш жангчилар билан кекса жангчилар ўртасида бироз келишмовчилик рўй берган. Муҳаммад (а.с.) уларни сулҳга келтириб, ўлжани ҳамма жангчиларга баробар тақсим қилганлар.

7-оят. Икки тоифанинг биринчиси – мушриклар карвони, иккинчиси – Маккадан мусулмонларга қарши жанг қилишга отланган мушриклар аскари.



9. Раббингизга (ёрдам сўраб) фарёд қилганингизда: «Мен сизларга кетма-кет (келувчи) минг нафар фаришта билан мадад берувчидирман», – деб (дуоингизни) ижобат этганини эслангиз!

10. Аллоҳ (бу ёрдамни) фақат (сизларга) хушхабар бўлиши ва дилларингиз таскин топиши учун қилди. Ғалаба фақат Аллоҳ ҳузуридангина (бўлур). Аллоҳ, албатта, қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

11. Унинг тарафидан хотиржамлик учун сизларни мудроқ бостиргани, устингизга осмондан сув (ёмғир) тушириб, у билан сизларни поклаш, шайтоннинг васвасасини сизлардан даф этиш, дилларингизга (ўзаро) алоқа пайдо қилиш ва у билан қадамларингизни собит (мустаҳкам) қилишни ирода этганини эслангиз!

12. Раббингиз фаришталарга ваҳий қилиб: «Мен сизлар билан биргадирман. Бас, имон келтирганларни саботга ундангиз! Куфрга кетганларнинг дилларига қўрқув солиб қўяжакман. Бўйинлар узра урингиз (қатл этингиз) ва уларнинг ҳар бир бармоғига (ҳар тарафлама) зарба берингиз», – деганимни эсланг!

13. Бу шунинг учунки, улар Аллоҳ ва Расулига мухолиф бўлдилар. Кимки Аллоҳ ва Расулига мухолифлик қилса, бас, Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир.

14. Ана шу – сизларга! Уни тотиб кўрингиз! Кофирлар учун дўзах азоби муқаррардир.

15. Эй, имон келтирганлар! Кофир бўлганлар тўдаси билан тўқнашганингизда, улардан ортга қараб чекинмангиз!

16. Кимки ўша куни улардан ортга чекинса – жанг иши билан четлаган ва бирор бўлинмага қўшилишга борганлар бундан мустасно – Аллоҳнинг ғазаби билан (бирга) қайтган бўлиб, жойи жаҳаннам бўлур. Қандай ҳам ёмон тақдирдир бу?!

Мадинада ҳижратдан кейин Ислом ривож топиб, мусулмонлар қад ростлаб олганларидан кейин мушриклардан қасос олиш фурсати етган эди. Зеро, мусулмонлар Маккада уй-жойларини, ер ва боғларини ташлаб ҳижрат қилиб кетган эдилар. Макка мушриклари уларнинг қолдириб кетган мол-мулк ва бойликларини ўзлаштириб олган эдилар. Шунинг учун ҳам мушриклар савдогарлик йўли билан карвонларда Мадина атрофидан ўтиб қолсалар, муҳожир мусулмонлар уларнинг йўлларини тўсиб, ўз мол-мулклари эвазига мушрикларнинг матоҳ ва ашёларини ўлжа қилиб олишга ҳаракат қилар эдилар. Бунга Аллоҳ ва Расули томонларидан рухсат берилган эди.

Шомдан қайтаётган Макка мушрикларига қарши Расулуллоҳ бир гуруҳ саҳобалар билан йўлга чиқадилар. Иккинчи томондан Макка мушриклари ҳам катта қўшин тўплаб, Мадина сари йўл оладилар. Шунда Пайғамбар (а.с.) Аллоҳнинг амри билан карвонни қўйиб, ёв лашкари билан жанг қилишни ихтиёр этадилар. Баъзи саҳобалар эътироз билдириб: "Тайёр карвон ўлжаси турганда, ёвнинг катта қўшини билан тўқнашамизми?", – деб норозилик билдирган эдилар.

فَلَمْ تَقْتُلُوهُمْ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ قَتَلَهُمْ ۚ وَمَا رَمَيْتَ إِذْ رَمَيْتَ
وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ رَمَىٰ ۚ وَلِيُبْلِىَ ٱلْمُؤْمِنِينَ مِنْهُ بَلَآءً حَسَنًا ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٧﴾ ذَٰلِكُمْ وَأَنَّ ٱللَّهَ مُوهِنُ كَيْدِ
ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٨﴾ إِن تَسْتَفْتِحُوا۟ فَقَدْ جَآءَكُمُ ٱلْفَتْحُ ۖ
وَإِن تَنتَهُوا۟ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ وَإِن تَعُودُوا۟ نَعُدْ وَلَن تُغْنِىَ عَنكُمْ
فِئَتُكُمْ شَيْـًٔا وَلَوْ كَثُرَتْ ۚ وَأَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٩﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَلَا تَوَلَّوْا۟ عَنْهُ وَأَنتُمْ
تَسْمَعُونَ ﴿٢٠﴾ وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ قَالُوا۟ سَمِعْنَا وَهُمْ
لَا يَسْمَعُونَ ﴿٢١﴾ ۞ إِنَّ شَرَّ ٱلدَّوَآبِّ عِندَ ٱللَّهِ ٱلصُّمُّ ٱلْبُكْمُ
ٱلَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٢٢﴾ وَلَوْ عَلِمَ ٱللَّهُ فِيهِمْ خَيْرًا لَّأَسْمَعَهُمْ ۖ
وَلَوْ أَسْمَعَهُمْ لَتَوَلَّوا۟ وَّهُم مُّعْرِضُونَ ﴿٢٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ ٱسْتَجِيبُوا۟ لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ ۖ
وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ ٱلْمَرْءِ وَقَلْبِهِۦ وَأَنَّهُۥٓ إِلَيْهِ
تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾ وَٱتَّقُوا۟ فِتْنَةً لَّا تُصِيبَنَّ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟
مِنكُمْ خَآصَّةً ۖ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٢٥﴾

17. Уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки уларни Аллоҳ ўлдирди. Отганингизда Сиз отмадингиз (эй, Муҳаммад!) балки Аллоҳ отди. Мўминларни Ўзининг яхши синови билан (бир) синаш учун (шундай қилди). Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир*.

18. Сизларга – шу! Аллоҳ эса кофирлар макрини сусайтирувчидир*.

19. Агар ёрдам сўрасангиз, мана сизларга ёрдам келди*. Агар тийилсангиз, унда у сизлар учун яхшидир. Борди-ю, (яна) қайтсангиз, (Биз ҳам) қайтамиз. Сизларга тўдангиз бирор фойда бермайди, гарчи кўпчилик бўлса ҳам. Аллоҳ эса, мўминлар билан биргадир.

20. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга ва (Унинг) Расулига итоат этингиз! Ўзларингиз эшитиб туриб, Ундан юз ўгириб кетмангиз!

21. Ўзлари эшитмасалар-да, «Эшитдик» дейдиганлардан бўлмангиз!

22. Аллоҳнинг наздида жонзотларнинг энг ёмони бу ақлни ишлатмайдиган «кар» ва «соқов»лардир.

23. Агар Аллоҳ уларда яхшилик (бўлиши)ни билса эди, уларни эшитадиган қилиб қўяр эди. Эшитадиган қилганда ҳам (улар) бош тортиб, юз ўгирган бўлур эдилар.

24. Эй, имон келтирганлар! Сизларни тирилтирувчи нарса (илм олиш) учун чорлаганларида, Аллоҳга ва Расулга (лаббай деб) жавоб қилингиз! Яна билиб қўйингизки, Аллоҳ инсон билан унинг дили (ўртаси)да «парда» бўлиб туради* ва Унинг (ҳузурига) жамулжам бўлурсиз.

25. Сизлардан фақат золимларгагина хос бўлмаган (балки ҳаммаларингизга оммавий бўладиган) фитна (азоб)дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (зот)дир*.

17-оят. Муҳаммад (а.с.) ёв лашкари билан тўқнаш келганларида, қўлларига бир ҳовуч тупроқ олиб: "Шоҳатил – вужуҳ!" - яъни юзларинг қурсин! – деб улар томон сочиб юборганлар. Аллоҳнинг амри билан лашкарлар кўзи чанг билан тўлган. Оятда шу каби илоҳий мададлар эслатилмоқда.

18-оят. Бу ерда Макка аҳлига қарата хитоб қилинмоқда.

19-оят. Макка аҳли Каъбапўшга осилган ҳолда Аллоҳга илтижо қилиб: “Агар Муҳаммад ҳақ бўлса, унга ёрдам бер. Агар биз ҳақ бўлсак, бизга мадад бер!”, – деб сўраган эдилар (Мд.).

24-оят. Яъни Аллоҳ шу қадар инсонга яқин ва ҳозиру нозирдир.

25-оят. Бу оят Муқотил (рҳ.)нинг тафсирига биноан Али, Талҳа ва Зубайр (рз.)лар хусусида нозил бўлган. Заҳҳок (рҳ.) ривоят қилишича, Умар (рз.) Абу Зарр (рз.)нинг қўлини сиқиб: “Эй, фитнанинг қулфи!” дегач, сабаби сўралганда: “Сенинг ҳақингда Расул (а.с.), модомики, орангизда у бор экан, фитна бўлмайди” деганларини эслатган (Лс.).

وَٱذۡكُرُوٓاْ إِذۡ أَنتُمۡ قَلِيلٞ مُّسۡتَضۡعَفُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِ تَخَافُونَ
أَن يَتَخَطَّفَكُمُ ٱلنَّاسُ فَـَٔاوَىٰكُمۡ وَأَيَّدَكُم بِنَصۡرِهِۦ وَرَزَقَكُم
مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ لَعَلَّكُمۡ تَشۡكُرُونَ ٢٦ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
لَا تَخُونُواْ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ وَتَخُونُوٓاْ أَمَٰنَٰتِكُمۡ وَأَنتُمۡ تَعۡلَمُونَ
٢٧ وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّمَآ أَمۡوَٰلُكُمۡ وَأَوۡلَٰدُكُمۡ فِتۡنَةٞ وَأَنَّ ٱللَّهَ
عِندَهُۥٓ أَجۡرٌ عَظِيمٞ ٢٨ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تَتَّقُواْ
ٱللَّهَ يَجۡعَل لَّكُمۡ فُرۡقَانٗا وَيُكَفِّرۡ عَنكُمۡ سَيِّـَٔاتِكُمۡ وَيَغۡفِرۡ
لَكُمۡۗ وَٱللَّهُ ذُو ٱلۡفَضۡلِ ٱلۡعَظِيمِ ٢٩ وَإِذۡ يَمۡكُرُ بِكَ ٱلَّذِينَ
كَفَرُواْ لِيُثۡبِتُوكَ أَوۡ يَقۡتُلُوكَ أَوۡ يُخۡرِجُوكَۚ وَيَمۡكُرُونَ وَيَمۡكُرُ
ٱللَّهُۖ وَٱللَّهُ خَيۡرُ ٱلۡمَٰكِرِينَ ٣٠ وَإِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡ ءَايَٰتُنَا
قَالُواْ قَدۡ سَمِعۡنَا لَوۡ نَشَآءُ لَقُلۡنَا مِثۡلَ هَٰذَآ إِنۡ هَٰذَآ إِلَّآ
أَسَٰطِيرُ ٱلۡأَوَّلِينَ ٣١ وَإِذۡ قَالُواْ ٱللَّهُمَّ إِن كَانَ هَٰذَا
هُوَ ٱلۡحَقَّ مِنۡ عِندِكَ فَأَمۡطِرۡ عَلَيۡنَا حِجَارَةٗ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ
أَوِ ٱئۡتِنَا بِعَذَابٍ أَلِيمٖ ٣٢ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمۡ
وَأَنتَ فِيهِمۡۚ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ مُعَذِّبَهُمۡ وَهُمۡ يَسۡتَغۡفِرُونَ ٣٣

26. Яна, сизлар ерда (Маккада) озчилик ва заифлашган ҳолингизда, одамлар (мушриклар) сизларни талон-тарож қилиб кетишларидан қўрқиб турганингизда, (Аллоҳ) сизларга (Мадинадан) жой бериб, ёрдами билан сизларни қувватлагани ва шукр қиларсиз, деб пок нарса (ўлжа)лар билан ризқлантирганини эслангиз!

27. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга (буйруқларига) хиёнат қилмангиз ва (бир-бирингиздаги қўйиган) омонатларингизга (ҳам) билиб туриб хиёнат қилмангиз!*

28. Билиб қўйингизки, албатта, мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фитна (гуноҳ, азоб ва машаққат манбаи)дир*. Аллоҳнинг ҳузурида (эса) улкан мукофот (бордир).

29. Эй, имон келтирганлар! Агар Аллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун (ҳақ билан ноҳақликни) ажрим этувчи (ёрдам)ни берур ва гуноҳларингиздан ўтиб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улкан фазл соҳибидир.

30. Кофир бўлганларнинг Сизни асир олиш ё ўлдириш ёки (юртдан) чиқариб юбориш учун қилган макрларини эсланг! (Улар) макр қиладилар, Аллоҳ (ҳам) “макр” қилади*. Аллоҳ “макр” қилувчиларнинг яхшисидир.

31. Уларга оятларимиз ўқиб берилса, «Эшитдик, бас! Хоҳласак, (биз ҳам) шунга ўхшаш (оят-лар)ни айтар эдик. Бу аввалгиларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас»,– дейишади.

32. Улар: «Эй, Аллоҳ! Агар шу (Қуръон) Сенинг ҳузурингдан экани ҳақ бўлса, (майли) устимизга осмондан тош ёғдир ёки бизга аламли азоб келтир»,– деганларини эсланг!

33. Уларнинг ичида Сиз бўла туриб, Аллоҳ уларни азобловчи эмас. Улар истиғфор айтиб (кечирим сўраб) турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азобловчи эмас.

27-оят. Ҳадиси шарифда айтилади: “Омонат берган кишига омонатини қайтаринг! Сизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг!” (Дв.).

28-оят. Дарҳақиқат, инсоннинг фитна, гуноҳ, машаққат ва захматга йўлиқиб қолишининг асосий сабабчиси мол-дунё, фарзандлар экани маълум. Бойликка ортиқча ҳирс қўйиш, фарзанд ва зурриётни фаровон турмуш билан таъминлаш йўлида ҳеч нарсадан ҳазар қилмаслик оқибатида Аллоҳнинг кўрсатмаларига тўла риоя қилиш мушкул бўлиб қолади. Оятдаги “фитна” сўзининг яна бир маъноси синовдир. Демак, Аллоҳ таоло бойлик ва фарзандлари бўлган бандаларини улар орқали синовдан ўтказади ва охиратда ютуқ эгаларини улкан мукофот билан тақдирлайди. Бойлик ҳар қанча кўп бўлса ҳам, унга ҳирс қўйилмай, уни эзгу йўлларга сарф этса, фарзандларни яхши тарбиялаб солиҳ кишилар қаторига қўшса, албатта, имтиҳондан яхши ўтган бўлади. Ҳадиси шариф: “Ҳалолдан топилган бойликнинг солиҳ киши қўлида бўлиши нақадар яхши!”

وَمَا لَهُمْ أَلَّا يُعَذِّبَهُمُ ٱللَّهُ وَهُمْ يَصُدُّونَ عَنِ ٱلْمَسْجِدِ
ٱلْحَرَامِ وَمَا كَانُوٓا۟ أَوْلِيَآءَهُۥٓ ۚ إِنْ أَوْلِيَآؤُهُۥٓ إِلَّا ٱلْمُتَّقُونَ
وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٤﴾ وَمَا كَانَ صَلَاتُهُمْ
عِندَ ٱلْبَيْتِ إِلَّا مُكَآءً وَتَصْدِيَةً ۚ فَذُوقُوا۟ ٱلْعَذَابَ
بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٣٥﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يُنفِقُونَ
أَمْوَٰلَهُمْ لِيَصُدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ فَسَيُنفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ
عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلَبُونَ ۗ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِلَىٰ جَهَنَّمَ
يُحْشَرُونَ ﴿٣٦﴾ لِيَمِيزَ ٱللَّهُ ٱلْخَبِيثَ مِنَ ٱلطَّيِّبِ وَيَجْعَلَ
ٱلْخَبِيثَ بَعْضَهُۥ عَلَىٰ بَعْضٍ فَيَرْكُمَهُۥ جَمِيعًا فَيَجْعَلَهُۥ
فِى جَهَنَّمَ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٣٧﴾ قُل لِّلَّذِينَ
كَفَرُوٓا۟ إِن يَنتَهُوا۟ يُغْفَرْ لَهُم مَّا قَدْ سَلَفَ وَإِن يَعُودُوا۟
فَقَدْ مَضَتْ سُنَّتُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣٨﴾ وَقَٰتِلُوهُمْ حَتَّىٰ
لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ ٱلدِّينُ كُلُّهُۥ لِلَّهِ ۚ فَإِنِ
ٱنتَهَوْا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٣٩﴾ وَإِن تَوَلَّوْا۟
فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ مَوْلَىٰكُمْ ۚ نِعْمَ ٱلْمَوْلَىٰ وَنِعْمَ ٱلنَّصِيرُ ﴿٤٠﴾

34. Уларга не бўлдики, (мўминларни) Масжиди Ҳаром (зиёрати)дан тўссалар ҳам, уларни Аллоҳ азобламаслиги керак эмиш?! Ваҳоланки, улар унинг (Масжиди Ҳаромнинг) эгаси эмаслар*. Унинг эгалари фақат тақволи (мўмин) кишилардир. Лекин, уларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

35. Уларнинг Байт (Каъба) олдидаги намозлари фақат ҳуштак ва чапак чалишдан иборат эди*. Бас, (эй, мушриклар, Бадр жанги куни) куфрингиз сабабли азобни тотингиз!

36. Кофир бўлганлар мол-мулкларини Аллоҳ йўлидан тўсиш учун сарфлайдилар. Бас, уларни сарфлайдилар-у, (лекин) ўзларига (бу) ҳасрат бўлиб, сўнгра мағлубиятга учрайдилар. Кофир бўлганлар жаҳаннамга (ҳайдалиш учун) жам қилинурлар.

37. (Бу) Аллоҳнинг нопокни покдан ажрим этиши ва нопок (кимса-кофир)ларни бир-бирларига қўшиб, қалашган ҳолларида ҳаммасини жаҳаннамга ташлаши учундир. Ана ўшалар зиён кўрувчилардир!

38. Кофир бўлганларга айтинг, агар (куфрдан) қайтсалар, ўтмиш (гуноҳ)лари кечирилур*. Борди-ю, (куфрга) қайтсалар, (унда) олдингиларнинг йўли (сабоқ сифатида) ўтган.

39. Фитна (ширк) йўқ бўлгунича ва дин бутунлай Аллоҳга бўлгунга қадар* улар билан уришингиз! Агар (куфр)дан қайтсалар, албатта, Аллоҳ уларнинг ишларини кўриб турувчидир.

40. Борди-ю, (улар) юз ўгирсалар, билиб қўйингизки, Аллоҳ хожангиздир. (У) нақадар яхши хожа ва нақадар яхши мададкор!

34-оят. Оятда Расул (а.с.)нинг Ҳудайбия йили бир гуруҳ мусулмонлар билан Каъба зиёратига борганларида мушриклар йўлларини тўсиб, Маккага киришга имконият бермаганлари тўғрисида эслатилмоқда. Байтуллоҳга эга бўлиш, яъни у ерда ибодат қилишга имон ва эътиқодли мўмин-мусулмонлар ҳақлироқдир. Жоҳилият давридан қолган, ислом дини таълимотига зид равишда яланғоч ҳолда тавоф қилувчи мушрикларга у ерда энди ўрин йўқ, деб Аллоҳ таоло ислом аҳлига башорат бермоқда.

35-оят. Яъни Расулуллоҳ Каъбада намоз ўқисалар, улар қироатдан янглиштириш мақсадида ҳуштак ва чапак чалишларини янада кучайтирар эдилар (Мд.).

38-оят. Абу Ҳанифа (рҳ.) ушбу оятни далил қилиб, муртад одам қайта исломни қабул қилса, қазо бўлган намозларини ўқиши лозим эмас, деганлар (Мд.).

39-оят. “Дин бутунлай Аллоҳга бўлгунга қадар” дейишдан мақсад – ботил динлар ўрнига Ислом дини келгунига қадар демакдир. Шу оятни далил қилиб Абдуллоҳ ибн Зубайр (рз.)га қарши чиқувчилар сафига Абдуллоҳ ибн Умар (рз.)ни ундаганларида: “Биз фитна йўқ бўлиб, дин Аллоҳга бўлгунига қадар уришдик. Сизлар эса, аксинча мусулмонлар орасида фитна тарқатиш ва дин Аллоҳдан бошқаларга бўлиши учун ҳаракат қилмоқдасизлар”, деб, уларнинг таклифларини рад этиб, ўзини сақлаган эканлар (ИК).

۞ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا غَنِمْتُم مِّن شَىْءٍ فَأَنَّ لِلَّهِ خُمُسَهُۥ وَلِلرَّسُولِ
وَلِذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ إِن
كُنتُمْ ءَامَنتُم بِٱللَّهِ وَمَآ أَنزَلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا يَوْمَ ٱلْفُرْقَانِ
يَوْمَ ٱلْتَقَى ٱلْجَمْعَانِ ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤١﴾ إِذْ
أَنتُم بِٱلْعُدْوَةِ ٱلدُّنْيَا وَهُم بِٱلْعُدْوَةِ ٱلْقُصْوَىٰ وَٱلرَّكْبُ
أَسْفَلَ مِنكُمْ ۚ وَلَوْ تَوَاعَدتُّمْ لَٱخْتَلَفْتُمْ فِى ٱلْمِيعَٰدِ ۙ
وَلَٰكِن لِّيَقْضِىَ ٱللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا لِّيَهْلِكَ مَنْ
هَلَكَ عَنۢ بَيِّنَةٍ وَيَحْيَىٰ مَنْ حَىَّ عَنۢ بَيِّنَةٍ ۗ وَإِنَّ ٱللَّهَ
لَسَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٤٢﴾ إِذْ يُرِيكَهُمُ ٱللَّهُ فِى مَنَامِكَ قَلِيلًا ۖ
وَلَوْ أَرَىٰكَهُمْ كَثِيرًا لَّفَشِلْتُمْ وَلَتَنَٰزَعْتُمْ فِى ٱلْأَمْرِ
وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ سَلَّمَ ۗ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٤٣﴾ وَإِذْ
يُرِيكُمُوهُمْ إِذِ ٱلْتَقَيْتُمْ فِىٓ أَعْيُنِكُمْ قَلِيلًا وَيُقَلِّلُكُمْ
فِىٓ أَعْيُنِهِمْ لِيَقْضِىَ ٱللَّهُ أَمْرًا كَانَ مَفْعُولًا ۗ وَإِلَى ٱللَّهِ
تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿٤٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا لَقِيتُمْ فِئَةً
فَٱثْبُتُوا۟ وَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٤٥﴾

ЎНИНЧИ ПОРА

41. Агар Аллоҳга ва ажрим куни* – икки қўшин тўқнашган куни бандамиз (Муҳаммад)га нозил қилган нарсамиз (оятлар, фаришталар, ғалаба)га имон келтирган бўлсангиз, билиб қўйингизки, ўлжа қилиб олган нарсаларингизнинг бешдан бири Аллоҳга, Расулга, қариндош(лари), етимлар, мискинлар ва мусофирларга (тегишли)дир*. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

42. Қайсики, сизлар (Мадина)га яқинроқ томонда, улар (мушрик)лар узоқроқ томонда, отлиқлар эса, сизлардан пастроқда эдилар. Агар (мушриклар билан) ваъдалашганингизда ҳам (барибир) ваъда жойи ва вақтида келиша олмаган бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ (жанг сабабли) ҳалок бўлганлар ҳам ҳужжат билан ҳалок бўлишлари, тирик қолганлар ҳам ҳужжат билан тирик қолишлари учун бўладиган ишни (тақдир)ни тамомига етказиш мақсадида (ёв билан тасодифан тўқнаштириб қўйди). Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

43. Тушингизда Аллоҳ уларни Сизга озчилик қилиб кўрсатганини эсланг! Агар уларни Сизга кўпчилик қилиб кўрсатганда эди, сизлар сустлашиб қолган ва бу иш (жанг) тўғрисида низолашган бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ сизларни (бундан) саломат қилди. Албатта, У сийналар (диллар)даги сирларни билувчидир.

44. Бўладиган иш (тақдир)ни рўёбга чиқариш учун (ёв билан) тўқнашганингизда, кўзингизга уларни озчилик қилиб кўрсатгани ва уларнинг кўзларига сизларни озчилик қилиб кўрсатганини эсланг! (Барча) ишлар Аллоҳга қайтарилур.

45. Эй, имон келтирганлар! Бирор тўдага тўқнаш келсангиз, сабот (ва матонат) билан турингиз ва Аллоҳни кўп ёд этингиз, шояд (шунда) нажот топсангиз!

41-оят. Ажрим куни – Бадр жанги куни. Ўша куни ҳақ билан ботил ажрим бўлган. Бадр жанги рамазон ойининг 17 ёки 19 нчиси, жума куни кечган. Расул (а.с.) биринчи марта бу хилдаги жангда қатнашганлар. Мушриклар сони 1900 нафар бўлиб, уларга Утба ибн Рабиа қўмондонлик қилган. Мусулмонларнинг сони 315 нафар атрофида бўлиб, Аллоҳнинг нусрати билан улар ғалаба қилган эканлар (Хз.).

* Тушган ўлжа Расулуллоҳ (а.с.) замонларида беш қисмга бўлиниб, биринчи қисми Пайғамбар (а.с.)га, иккинчи қисми ул зотнинг қариндошларига, яъни боболари Ҳошим ва Мутталибларнинг авлодига, қолган уч қисми етим, мискин ва мусофирларга берилар эди. Абу Ҳанифа (рҳ.) ижтиҳодларига кўра, Расул (а.с.)нинг вафотларидан кейин ул зотнинг ва қариндошларининг ҳиссаси соқит (бекор) бўлган. Имом Молик (рҳ.) ижтиҳодларига кўра, вафотларидан кейинги тушган ўлжалар ихтиёри подшоҳда бўлиб, у лозим кўрган жойларга сарфланади. Абул-Олия (рҳ.) ўлжа олти қисмга бўлиниб, Аллоҳнинг улуши Каъбага сарфланади, қолган беш қисми ҳам ўз жойида қолади, деган (Мд. Хз.).

وَأَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَلَا تَنَٰزَعُوا۟ فَتَفْشَلُوا۟ وَتَذْهَبَ رِيحُكُمْ
وَٱصْبِرُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿٤٦﴾ وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ
خَرَجُوا۟ مِن دِيَٰرِهِم بَطَرًا وَرِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَيَصُدُّونَ
عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿٤٧﴾ وَإِذْ زَيَّنَ لَهُمُ
ٱلشَّيْطَٰنُ أَعْمَٰلَهُمْ وَقَالَ لَا غَالِبَ لَكُمُ ٱلْيَوْمَ مِنَ
ٱلنَّاسِ وَإِنِّى جَارٌ لَّكُمْ ۖ فَلَمَّا تَرَآءَتِ ٱلْفِئَتَانِ نَكَصَ
عَلَىٰ عَقِبَيْهِ وَقَالَ إِنِّى بَرِىٓءٌ مِّنكُمْ إِنِّىٓ أَرَىٰ مَا لَا تَرَوْنَ
إِنِّىٓ أَخَافُ ٱللَّهَ ۚ وَٱللَّهُ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٤٨﴾ إِذْ يَقُولُ
ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ غَرَّ هَٰٓؤُلَآءِ دِينُهُمْ ۗ
وَمَن يَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٤٩﴾
وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ يَتَوَفَّى ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۙ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يَضْرِبُونَ
وُجُوهَهُمْ وَأَدْبَٰرَهُمْ وَذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلْحَرِيقِ ﴿٥٠﴾ ذَٰلِكَ
بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيكُمْ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَيْسَ بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٥١﴾
كَدَأْبِ ءَالِ فِرْعَوْنَ ۙ وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ
فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ بِذُنُوبِهِمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ قَوِىٌّ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٥٢﴾

46. Аллоҳга ва Расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз, акс ҳолда сустлашиб кетурсиз ва “шамолингиз” (обрўйингиз) кетиб қолур*. Сабр қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир.

47. Ўз юртларидан – кибр ва риёкорлик билан чиққан ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадиганлар каби бўлмангиз! Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларини қамраб (ҳисобга) олувчидир*.

48. Ўшанда шайтон уларга (мушрикларга) қилаётган ишларини зийнатли қилиб кўрсатиб: «Бу кун одамлар ичида сизларга ғолиб келадигани йўқ. Мана, мен ёнингиздадирман!» – деди. Икки тўп (лашкарлар) тўқнашганда эса (шайтон) ортига чекиниб: «Мен сизлардан безорман. Мен сизлар кўрмаган нарсани кўраяпман*. Мен Аллоҳдан қўрқаман. Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир», – деди.

49. Мунофиқлар ва дилларида «иллат» бор кимсалар: «Ана у (мусулмон)ларни (ўз) динлари мағрурлантириб қўйибди», – деб юрганларини эсланг!* Кимки Аллоҳга таваккул этса (У инобатга олади), албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматли зотдир.

50. Фаришталар кофир бўлганларнинг юзлари ва кетларига уриб жонларини олаётганларини кўрганингизда эди. (Фаришталар ўша пайтда айтадилар:) «Ёнғин (дўзах) азобини тотингиз!»

51. Бу – ўз қўлларингиз билан қилган қилмишларингиз туфайлидир. Аллоҳ эса, бандаларга зулм этувчи эмасдир.

52. (Уларнинг бу ҳоллари) Фиръавн зодагонлари ва улардан олдингиларнинг қилмишлари кабидир. (Улар) Аллоҳнинг оятларини инкор қилишгач, Аллоҳ уларни гуноҳлари сабабли тутган эди. Албатта, Аллоҳ қувватли ва жазоси қаттиқ зотдир.

46-оят. Низолашиш, келишмовчилик ва ўзаро адоват доимо кишиларнинг заифлашувига, обрўларининг тўкилишига сабаб бўлиб келган. Оятдаги “реҳ” сўзи обрў, куч-қувват маъноларини билдиради. Унинг луғавий маъноси “шамол”дир. Ўзбек тилида ҳам “шамол” мажозий маънода ишлатилади. Масалан, “Тагидан шамол ўтиб турибди”, “Кўкрагига шамол тегди” каби нақлларда у обрў, омад, фаровонлик маъноларида ишлатилган.

47-оят. Гап Макка мушриклари устида бораётир.

48-оят. Шайтоннинг кўрган нарсаси – осмондан тушаётган фаришталар эди. Улар мусулмон лашкарларига қўшилиб, ёв билан урушгач, ғалаба қозонилган.

49-оят. Мусулмонлар озчилик бўлишларига қарамай кўпсонли ёв қўшини билан тўқнашишга қарор қилганларида, баъзи мунофиқ ва дили бузуқ кишилар: “мусулмонлар сони оз бўлишига қарамай шундай кўпсонли ёв қўшини билан тўқнашишга журъат қилишларидан уларнинг калтабинликлари ва динлари уларни мағрурлантириб қўйгани маълум бўлади” деган эдилар.

ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ لَمۡ يَكُ مُغَيِّرٗا نِّعۡمَةً أَنۡعَمَهَا عَلَىٰ قَوۡمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُواْ
مَا بِأَنفُسِهِمۡ وَأَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٞ ٥٣ كَدَأۡبِ ءَالِ
فِرۡعَوۡنَ وَٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۚ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمۡ فَأَهۡلَكۡنَٰهُم
بِذُنُوبِهِمۡ وَأَغۡرَقۡنَآ ءَالَ فِرۡعَوۡنَۚ وَكُلّٞ كَانُواْ ظَٰلِمِينَ ٥٤
إِنَّ شَرَّ ٱلدَّوَآبِّ عِندَ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فَهُمۡ لَا يُؤۡمِنُونَ ٥٥
ٱلَّذِينَ عَٰهَدتَّ مِنۡهُمۡ ثُمَّ يَنقُضُونَ عَهۡدَهُمۡ فِي كُلِّ مَرَّةٖ
وَهُمۡ لَا يَتَّقُونَ ٥٦ فَإِمَّا تَثۡقَفَنَّهُمۡ فِي ٱلۡحَرۡبِ فَشَرِّدۡ بِهِم
مَّنۡ خَلۡفَهُمۡ لَعَلَّهُمۡ يَذَّكَّرُونَ ٥٧ وَإِمَّا تَخَافَنَّ مِن
قَوۡمٍ خِيَانَةٗ فَٱنۢبِذۡ إِلَيۡهِمۡ عَلَىٰ سَوَآءٍۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلۡخَآئِنِينَ
٥٨ وَلَا يَحۡسَبَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ سَبَقُوٓاْۚ إِنَّهُمۡ لَا يُعۡجِزُونَ ٥٩
وَأَعِدُّواْ لَهُم مَّا ٱسۡتَطَعۡتُم مِّن قُوَّةٖ وَمِن رِّبَاطِ ٱلۡخَيۡلِ
تُرۡهِبُونَ بِهِۦ عَدُوَّ ٱللَّهِ وَعَدُوَّكُمۡ وَءَاخَرِينَ مِن دُونِهِمۡ
لَا تَعۡلَمُونَهُمُ ٱللَّهُ يَعۡلَمُهُمۡۚ وَمَا تُنفِقُواْ مِن شَيۡءٖ فِي سَبِيلِ
ٱللَّهِ يُوَفَّ إِلَيۡكُمۡ وَأَنتُمۡ لَا تُظۡلَمُونَ ٦٠ ۞ وَإِن جَنَحُواْ
لِلسَّلۡمِ فَٱجۡنَحۡ لَهَا وَتَوَكَّلۡ عَلَى ٱللَّهِۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ٦١

53. Бу (жазоларнинг сабаби) Аллоҳнинг бир қавмга инъом этган неъматини, то улар ўзларидаги нарсани (муносабатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмагунларича, ўзгартирувчи бўлмаганидандир. Шунингдек, яна Аллоҳнинг эшитувчи ва билувчи эканидандир*.

54. (Бу) Фиръавн зодагонлари ва улардан олдингиларнинг ҳолатлари кабидирки, (улар) Парвардигорларининг оятларини ёлғонга чиқаришгач, (шу) гуноҳлари сабабли уларни ҳалок этдик ва Фиръавн зодагонларини (сувга) ғарқ қилдик. Ҳаммаси золим эдилар.

55. Аллоҳнинг наздида жонзотларнинг энг ёмони – бу кофир бўлган кимсалардир. Бас, (шунинг учун ҳам улар асло) имон келтирмайдилар.

56. Уларнинг ичида Сиз билан аҳдлашгандан сўнг, тақвосизлик қилиб, ҳар гал аҳдларини бузаверадиганлари бордир.

57. Бас, агар уларни жангда топсангиз, уларни (ҳалок қилиш) билан ортларидаги (ҳимоячи)ларни тум-тарақай қилинг! Шояд (шунда) улар эслатма олсалар.

58. Агар (бирор) қавм тарафидан (аҳдга) хиёнат (бўлиши)дан қўрқсангиз, уларга (аҳд бекор қилингани тўғрисидаги хабарни) баробар тарзда ташланг! Албатта, Аллоҳ хоинларни яхши кўрмагай.

59. Кофир бўлганлар «ўзиб кетдик» деб ўйламасинлар. Улар (Аллоҳни) сира ожиз қолдира олмайдилар.

60. Улар учун имконингиз борича (ҳарбий) куч ва отлиқ бўлинмаларни тайёрлаб қўйингиз! Бу билан Аллоҳнинг ва ўзингизнинг душманингизни ва улардан ўзга сиз билмайдиган, лекин Аллоҳ биладиган (душман)ларни ҳам қўрқувга солган бўлурсиз. Аллоҳнинг йўлида нимани сарф қилсангиз, сизларга (унинг савоби) зулм қилинмаган ҳолингизда тўлатўкис берилур.

61. Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг!* Албатта, У эшитувчи ва билувчидир.

53-оят. Мушрикларнинг ҳолати Муҳаммад (а.с.) келмасларидан олдин ҳам яхши эмас эди. Чунки улар куфр, ширк, бутпарастлик гирдобида яшар эдилар. Шунга қарамай, Аллоҳ таоло уларга азоб юбормасдан муҳлат берар эди. Янги пайғамбар келганидан кейин эса, уларнинг ҳолати баттар ёмонлашди. Бунга ўзлари сабаб бўлдилар. Зеро, ул зотга озор бердилар, жонларига қасд қилдилар, мўъжизаларига қарамай ёлғончига чиқардилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло уларга ўзининг азобини юборди (Мд.).

* Оятни янада кенгроқ англаш учун “Раъд” сурасининг 11-ояти таржимаси ва тафсирига қаралсин.

61-оят. Сулҳ тузгандан кейин душман томонидан у бузилиб қолса, ҳолимиз не кечади, деб хавотир бўлмасликка, балки Аллоҳга таваккул қилишга буюрилмоқда. Зеро, Аллоҳ ул зотни асрашни ваъда қилган (Хз.).

وَإِن يُرِيدُوٓاْ أَن يَخۡدَعُوكَ فَإِنَّ حَسۡبَكَ ٱللَّهُۚ هُوَ ٱلَّذِيٓ أَيَّدَكَ
بِنَصۡرِهِۦ وَبِٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٦٢ وَأَلَّفَ بَيۡنَ قُلُوبِهِمۡۚ لَوۡ أَنفَقۡتَ
مَا فِي ٱلۡأَرۡضِ جَمِيعٗا مَّآ أَلَّفۡتَ بَيۡنَ قُلُوبِهِمۡ وَلَٰكِنَّ
ٱللَّهَ أَلَّفَ بَيۡنَهُمۡۚ إِنَّهُۥ عَزِيزٌ حَكِيمٞ ٦٣ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ حَسۡبُكَ
ٱللَّهُ وَمَنِ ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٦٤ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ حَرِّضِ
ٱلۡمُؤۡمِنِينَ عَلَى ٱلۡقِتَالِۚ إِن يَكُن مِّنكُمۡ عِشۡرُونَ صَٰبِرُونَ
يَغۡلِبُواْ مِاْئَتَيۡنِۚ وَإِن يَكُن مِّنكُم مِّاْئَةٞ يَغۡلِبُوٓاْ أَلۡفٗا مِّنَ
ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِأَنَّهُمۡ قَوۡمٞ لَّا يَفۡقَهُونَ ٦٥ ٱلۡـَٰٔنَ خَفَّفَ
ٱللَّهُ عَنكُمۡ وَعَلِمَ أَنَّ فِيكُمۡ ضَعۡفٗاۚ فَإِن يَكُن مِّنكُم مِّاْئَةٞ
صَابِرَةٞ يَغۡلِبُواْ مِاْئَتَيۡنِۚ وَإِن يَكُن مِّنكُمۡ أَلۡفٞ يَغۡلِبُوٓاْ أَلۡفَيۡنِ
بِإِذۡنِ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ مَعَ ٱلصَّٰبِرِينَ ٦٦ مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَن يَكُونَ
لَهُۥٓ أَسۡرَىٰ حَتَّىٰ يُثۡخِنَ فِي ٱلۡأَرۡضِۚ تُرِيدُونَ عَرَضَ ٱلدُّنۡيَا
وَٱللَّهُ يُرِيدُ ٱلۡأٓخِرَةَۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٞ ٦٧ لَّوۡلَا كِتَٰبٞ مِّنَ
ٱللَّهِ سَبَقَ لَمَسَّكُمۡ فِيمَآ أَخَذۡتُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ٦٨ فَكُلُواْ مِمَّا
غَنِمۡتُمۡ حَلَٰلٗا طَيِّبٗاۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٦٩

62. Агар (улар) Сизни алдамоқчи бўлсалар, бас, албатта, Сизга Аллоҳ (Ўзи) кифоядир. У Сизни (Ўз) ёрдами ва мўминлар билан қувватлантирган

63. ва уларнинг дилларини (ўзаро) яқинлаштирган зотдир. Агар (Сиз) ердаги (ҳамма) нарсани сарфлаганингизда ҳам (уларнинг) дилларини (бир-бирига) боғлай олмаган бўлур эдингиз*. Лекин Аллоҳ уларнинг ўртасини боғлади. Албатта, У қудратли ва ҳикматли зотдир.

64. Эй, Пайғамбар! Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Аллоҳ кифоядир.

65. Эй, Пайғамбар! Мўминларни жангга (Бадр жангига) ундaнг! Агар сизлардан йигирма нафар сабрли (киши) бўлса, икки юз нафар (душман)ни енгар. Агар сизлардан юз нафар бўлса, кофир бўлганлардан мингтасини енгар. Сабаб – уларнинг англамайдиган қавм эканидир.

66. Энди, Аллоҳ сизлардан (юкингизни олиб) енгиллаштирди. Сизларда ожизлик бор эканини билди. Бас, сизлардан юз нафар сабрли (жангчи) бўлса, икки юзта (ёв)ни енгар. Агар сизлардан минг нафар бўлса, Аллоҳнинг изни билан икки минг (ёв)ни енгар. Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир.

67. Бирор Пайғамбар учун, то ерда (душманларга) зарба бермагунича, асирларга эга бўлиш мумкин эмас. (Сиз – мўминлар) дунё матоҳини истайсиз. Аллоҳ эса, (сизлар учун) охиратни раво кўради. Аллоҳ қудратли ва ҳикматли зотдир.

68. Агар Аллоҳнинг (тақдирда хатони кечириши тўғрисидаги) битиги бўлмаганида, албатта, сизларга олган (товон)ларингиз учун улкан азоб етган бўлур эди.

69. Олган ўлжаларингиздан ҳалол-пок ҳолида тановул этингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

63-оят. Жоҳилият даврида арабларда ҳамият, ғурур, мутаассиблик, гина, адоват жуда кучли бўлган. Бир қабила кишиси бегона қабилага мансуб кишининг юзига бир тарсаки уриб қўйса, бутун қабила оёққа туриб, то ўч олмагунча қўймас эди. Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлиб келган вақтдан бошлаб ул зотга имон келтириб, суннатларига амал қилганларидан кейин мазкур ҳолат ижобий томонга ўзгариб, гаплари бир жойдан чиқадиган бўлди. Гина, адоват, ҳасадгўйлик ўрнини Аллоҳнинг йўлида дўстлашиш, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат эгаллади. Хусусан, Авс билан Хазраж қабилалари ўртасида бир юз йигирма йиллик адоват сақланиб келар эди. Ислом дини шарофати билан уларнинг ҳаммаси дўсту биродарларга айланишди. Оятда Аллоҳ таоло уларни бунчалик даражага олиб келиш Пайғамбарнинг қўлидан келмаслиги, бунга Аллоҳнинг ўзи муваффақ этгани тўғрисида хабар бермоқда (Мд. Хз.).

Бадр жангига қадар ўтмишда ҳеч кимга Аллоҳ ўлжани ўзлаштиришни жоиз қилмаган (Лс.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ قُل لِّمَن فِيٓ أَيۡدِيكُم مِّنَ ٱلۡأَسۡرَىٰٓ إِن يَعۡلَمِ ٱللَّهُ
فِي قُلُوبِكُمۡ خَيۡرٗا يُؤۡتِكُمۡ خَيۡرٗا مِّمَّآ أُخِذَ مِنكُمۡ وَيَغۡفِرۡ لَكُمۡۚ
وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٧٠ وَإِن يُرِيدُواْ خِيَانَتَكَ فَقَدۡ خَانُواْ
ٱللَّهَ مِن قَبۡلُ فَأَمۡكَنَ مِنۡهُمۡۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ٧١ إِنَّ ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَهَاجَرُواْ وَجَٰهَدُواْ بِأَمۡوَٰلِهِمۡ وَأَنفُسِهِمۡ فِي سَبِيلِ
ٱللَّهِ وَٱلَّذِينَ ءَاوَواْ وَّنَصَرُوٓاْ أُوْلَٰٓئِكَ بَعۡضُهُمۡ أَوۡلِيَآءُ بَعۡضٖۚ وَٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَلَمۡ يُهَاجِرُواْ مَا لَكُم مِّن وَلَٰيَتِهِم مِّن شَيۡءٍ حَتَّىٰ يُهَاجِرُواْۚ
وَإِنِ ٱسۡتَنصَرُوكُمۡ فِي ٱلدِّينِ فَعَلَيۡكُمُ ٱلنَّصۡرُ إِلَّا عَلَىٰ قَوۡمِۭ
بَيۡنَكُمۡ وَبَيۡنَهُم مِّيثَٰقٞۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ٧٢ وَٱلَّذِينَ
كَفَرُواْ بَعۡضُهُمۡ أَوۡلِيَآءُ بَعۡضٍۚ إِلَّا تَفۡعَلُوهُ تَكُن فِتۡنَةٞ فِي
ٱلۡأَرۡضِ وَفَسَادٞ كَبِيرٞ ٧٣ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَهَاجَرُواْ
وَجَٰهَدُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلَّذِينَ ءَاوَواْ وَّنَصَرُوٓاْ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلۡمُؤۡمِنُونَ حَقّٗاۚ لَّهُم مَّغۡفِرَةٞ وَرِزۡقٞ كَرِيمٞ ٧٤ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مِنۢ
بَعۡدُ وَهَاجَرُواْ وَجَٰهَدُواْ مَعَكُمۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ مِنكُمۡۚ وَأُوْلُواْ ٱلۡأَرۡحَامِ
بَعۡضُهُمۡ أَوۡلَىٰ بِبَعۡضٖ فِي كِتَٰبِ ٱللَّهِۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمُۢ ٧٥

70. Эй, Пайғамбар! Қўлларингиздаги асирларга айтинг: «Агар Аллоҳ дилларингизда яхшилик (имон борлиги)ни билса, сизлардан олинган (товон)дан яхшироқ нарса берур ва сизларни кечирур. Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир».

71. Агар (асирлар) Сизга хиёнат қилмоқчи бўлсалар, улар илгари ҳам (куфрга қайтиш билан) Аллоҳга хиёнат қилган эдилар. Шунда улардан (жазога) имконият ҳосил бўлган эди. Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир.

72. Албатта, имон келтирган, ҳижрат қилган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида (душманга қарши) курашган ва (муҳожирларга) жой бериб ёрдам кўрсатган (мадиналик ансор)лар, айнан ўшалар бир-бирларига дўстдирлар. Имон келтирган-у, лекин ҳижрат қилмаганлар, то ҳижрат қилмагунларига қадар, улар билан дўстлик қилиш сизлар учун жоиз эмасдир*. Агар (улар) сизлардан дин хусусида ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш сизнинг зиммангиздадир. Илло, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳдлашув бўлган қавм зиддига (ёрдамлашиш жоиз) эмас. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

73. Кофир бўлганлар (ҳам) бир-бирларига дўстдирлар. Агар шуни қилмасангиз, ерда фитна ва катта фасод бўлур*.

74. Имон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида (ёвга қарши) курашганлар ҳамда (муҳожирларга) жой бериб ёрдам қилганлар, айнан ўшалар ҳақиқий мўминдирлар. Улар учун мағфират ва фаровон ризқ бордир.

75. Кейинроқ имон келтириб, ҳижрат қилган ва сизлар билан бирга (ёв билан) курашганлар*, айнан ўшалар (ҳам) сизлардандирлар. Қариндошлар эса, Аллоҳнинг Китобида бир-бирларига яқинроқдирлар*. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсани билувчи зотдир.

72-оят. Маккалик мусулмонлар зиммасидаги Мадинага ҳижрат қилиш (кўчиб кетиш) фарзлиги саккизинчи ҳижрий йили, яъни Макка фатҳ этилганидан кейин мансух (бекор) қилинган.

73-оят. Яъни аҳли куфрларни эмас, аҳли ислом биродарларингизни дўст тутмасангиз ер юзида осойишталик ўрнига нотинчлик, бузғунчилик, иғвогарлик ишлари давом этаверади. Зеро, мусулмонлар тавҳид ва имонни ҳимоя қилиб, ширк ва куфрга қаршилик қилмас эканлар, худосизлик авж олиб, фитна-фасод зиёда бўлаверади (Мд. Бғ.).

75-оят. Ҳижрат қилиш бир неча босқич билан амалга оширилган. Биринчиси – Ҳудайбия сулҳидан олдинги ҳижрат. Иккинчиси – Ҳудайбия сулҳидан кейинги, Макка фатҳидан олдинги ҳижрат. Баъзи мусулмонлар икки ҳижрат эгалари ҳисобланадилар. Яъни Ҳабашистонга ва Мадинага ҳижрат қилганлар. Олдинги оятдаги ҳижрат қилганлар биринчи босқич, кейинги оятдагилар эса, иккинчи ҳижрат эгаларидир (Бғ.).

* Яъни қариндошлар бир-бирларидан мерос олишга бошқалардан кўра ҳақлидирлар.

Тавба сураси

Мадинада нозил қилинган. 129 оят.

سُورَةُ التَّوْبَةِ

بَرَآءَةٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦٓ إِلَى ٱلَّذِينَ عَٰهَدتُّم مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ١
فَسِيحُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ أَرْبَعَةَ أَشْهُرٍ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعْجِزِى
ٱللَّهِ وَأَنَّ ٱللَّهَ مُخْزِى ٱلْكَٰفِرِينَ ٢ وَأَذَٰنٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦٓ
إِلَى ٱلنَّاسِ يَوْمَ ٱلْحَجِّ ٱلْأَكْبَرِ أَنَّ ٱللَّهَ بَرِىٓءٌ مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ
وَرَسُولُهُۥ فَإِن تُبْتُمْ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَٱعْلَمُوٓا۟
أَنَّكُمْ غَيْرُ مُعْجِزِى ٱللَّهِ وَبَشِّرِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ
٣ إِلَّا ٱلَّذِينَ عَٰهَدتُّم مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ثُمَّ لَمْ يَنقُصُوكُمْ
شَيْـًٔا وَلَمْ يُظَٰهِرُوا۟ عَلَيْكُمْ أَحَدًا فَأَتِمُّوٓا۟ إِلَيْهِمْ عَهْدَهُمْ إِلَىٰ
مُدَّتِهِمْ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُتَّقِينَ ٤ فَإِذَا ٱنسَلَخَ ٱلْأَشْهُرُ ٱلْحُرُمُ
فَٱقْتُلُوا۟ ٱلْمُشْرِكِينَ حَيْثُ وَجَدتُّمُوهُمْ وَخُذُوهُمْ وَٱحْصُرُوهُمْ
وَٱقْعُدُوا۟ لَهُمْ كُلَّ مَرْصَدٍ فَإِن تَابُوا۟ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ
وَءَاتَوُا۟ ٱلزَّكَوٰةَ فَخَلُّوا۟ سَبِيلَهُمْ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ٥
وَإِنْ أَحَدٌ مِّنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ٱسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّىٰ يَسْمَعَ
كَلَٰمَ ٱللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُۥ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَّا يَعْلَمُونَ ٦

1. (Бу) Аллоҳ ва (Унинг) Пайғамбаридан сизлар (билан) аҳдлашган мушрикларга (нисбатан) ора очиқдир*.

2. (Эй, мушриклар! Уруш тақиқланган) тўрт ойда ер (юзи) бўйлаб саёҳат қилингиз ва билиб қўйингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз ва Аллоҳ кофирларни шармисор этувчидир!

3. Шунингдек, (бу) Аллоҳ ва (Унинг) Пайғамбаридан «Ҳажжи акбар» (Қурбон ҳайити) куни одамларга Аллоҳнинг ва Расулининг мушриклардан безор эканликларини эълони (ҳам)дир. Агар тавба қилсангиз, бу сизлар учун яхшидир. Борди-ю, (тавбадан) бош тортсангиз, у ҳолда билиб қўйингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз. (Эй, Муҳаммад!) Кофир бўлганларга аламли азоб ҳақида «хушхабар» беринг!

4. Аммо сизлар (мўминлар) аҳдлашган мушриклар кейин сизларга бирор нарсада ноқислик (вафосизлик) қилмасалар ва сизларга қарши ҳеч ким билан ҳамкорлик қилмасалар, у ҳолда уларнинг аҳдларини (белгиланган) муддатларигача етказингиз! Албатта, Аллоҳ тақволиларни яхши кўргай.

5. (Уруш) тақиқланган ойлар чиқиши билан мушрикларни топган жойингизда ўлдирингиз, тутингиз (асир олингиз), қамал қилингиз ва ҳар қандай пистирмаларда уларни кузатиб турингиз! Агар тавба қилиб, намозни баркамол адо этсалар ва закот берсалар, уларни қўйиб юборингиз! Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

6. Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг! Бу уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари сабаблидир.

---

9. ТАВБА СУРАСИ

Сурада тавбанинг қабул қилиниши тўғрисида башорат бўлгани учун унга "тавба сураси" деб ном берилган. У "Бароат" сураси деб ҳам аталади. Бароат – оранинг очиқлиги.

Сура "Бисмиллоҳ"сиз бошланишининг сабаби тўғрисида турли фикрлар айтилган. Баъзилар сура олдинги "Анфол" сураси нинг давоми бўлгани учун десалар, бошқалар сурада кўпроқ уруш, жанг, қатл зикр этилгани учун бу жойда "Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим" каби Аллоҳнинг раҳмли ва меҳрибонлигига далолат қиладиган оят ўқилиши муносиб эмас, деб изоҳ берадилар. Расулуллоҳдан эса, бу тўғрида аниқ кўрсатма берилмаган.

Сурада, асосан, Табук воқеаси, масжид қуриш, имон, куфр, савоб-гуноҳ, тавба-тазарру ва бошқа мавзулар баён этилган.

1-оят. Оранинг очиқлиги, мушриклар сулҳ бўйича тузган аҳдномаларини бузганларини мусулмонлар билиб қўйсинлар, деб, огоҳлантирилмоқда.

كَيْفَ يَكُونُ لِلْمُشْرِكِينَ عَهْدٌ عِندَ ٱللَّهِ وَعِندَ
رَسُولِهِۦٓ إِلَّا ٱلَّذِينَ عَٰهَدتُّمْ عِندَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ ۖ فَمَا
ٱسْتَقَٰمُوا۟ لَكُمْ فَٱسْتَقِيمُوا۟ لَهُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُتَّقِينَ
﴿٧﴾ كَيْفَ وَإِن يَظْهَرُوا۟ عَلَيْكُمْ لَا يَرْقُبُوا۟ فِيكُمْ إِلًّا
وَلَا ذِمَّةً ۚ يُرْضُونَكُم بِأَفْوَٰهِهِمْ وَتَأْبَىٰ قُلُوبُهُمْ وَأَكْثَرُهُمْ
فَٰسِقُونَ ﴿٨﴾ ٱشْتَرَوْا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَصَدُّوا۟
عَن سَبِيلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُمْ سَآءَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٩﴾ لَا يَرْقُبُونَ
فِى مُؤْمِنٍ إِلًّا وَلَا ذِمَّةً ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُعْتَدُونَ ﴿١٠﴾
فَإِن تَابُوا۟ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَوُا۟ ٱلزَّكَوٰةَ فَإِخْوَٰنُكُمْ
فِى ٱلدِّينِ ۗ وَنُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿١١﴾ وَإِن نَّكَثُوٓا۟
أَيْمَٰنَهُم مِّنۢ بَعْدِ عَهْدِهِمْ وَطَعَنُوا۟ فِى دِينِكُمْ فَقَٰتِلُوٓا۟
أَئِمَّةَ ٱلْكُفْرِ ۙ إِنَّهُمْ لَآ أَيْمَٰنَ لَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَنتَهُونَ
﴿١٢﴾ أَلَا تُقَٰتِلُونَ قَوْمًا نَّكَثُوٓا۟ أَيْمَٰنَهُمْ وَهَمُّوا۟
بِإِخْرَاجِ ٱلرَّسُولِ وَهُم بَدَءُوكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ ۚ
أَتَخْشَوْنَهُمْ ۚ فَٱللَّهُ أَحَقُّ أَن تَخْشَوْهُ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾

7. Аллоҳ наздида ва Расули наздида қандай ҳам мушрикларда (вафоли) аҳд бўлсин?! Аммо сизлар (билан) Масжиди Ҳаром (Каъба) олдида аҳдлашганлар модомики (улар аҳдларида) сизлар учун тўғри турар эканлар, (сизлар ҳам) улар учун тўғри турингиз! Албатта, Аллоҳ тақводорларни севгай.

8. Қандай ҳам (уларда аҳд бўлсин)?! Ваҳоланки, агар сизларни енгсалар, сизлар учун на аҳдни ва на шартни риоя қиладилар. Оғизларида сизларни рози қиладилар-у, диллари (буни) инкор этиб туради. Аксариятлари эса, фисқу фужурдаги кишилардир.

9. Аллоҳнинг оятларини озгина баҳога сотадилар-да, Унинг йўлидан (одамларни) тўсадилар. Уларнинг қилмишлари нақадар ёмон!

10. Мўмин (одам) ҳақида на аҳдга ва на шартга риоя қиладилар. Ана ўшалар тажовузкор (ҳам)дирлар.

11. Агар тавба қилсалар ва намозни баркамол адо этиб, закот берсалар, у ҳолда (улар) сизларнинг дин жиҳатдан биродарларингиздир*. Биладиган қавм учун оятларни батафсил баён этурмиз.

12. Агар аҳдлашганларидан кейин (уни) бузсалар ва сизларга динингизни таъна қилсалар, унда (бу каби) куфр пешволарига қарши жанг қилингиз! Зеро, улар учун (ҳеч қандай муқаддас) қасамлар йўқдир. Шояд (шунда қилмишларидан) қайтсалар.

13. (Эй, мўминлар!) Қасамларини бузган ва Пайғамбарни (Маккадан) чиқариб юборишга қасд қилган ҳамда ўзлари биринчи бўлиб сизларга қарши (жанг) бошлаганлар билан жанг қилмайсизми?! Улардан қўрқасизми?! Бас, қўрқишингизга Аллоҳ муносиброқдир, агар мўмин бўлсангиз.

11-оят. Ибн Масъуд (рз.) шу оятни далил қилиб, закотга қодир бўла туриб, уни бермаган кишининг намози қабул бўлмайди, деган. Ибн Аббос (рз.) эса, бу оят “аҳли қибла” бўлган кишиларнинг қатл этилишини тақиқлайдиган оятдир, дейди. Абу Ҳурайра (рз.) ривоятига кўра, Расул (а.с.) вафотларидан кейин Абу Бакр (рз.)га Умар (рз.): “Пайғамбар (а.с.), имон калимасини айтгунларига қадар одамлар билан урушаман. Уни айтишлари билан мендан жонлари ва молларини сақлаб қоладилар. Исломдаги ҳақлар бундан мустасно. Ҳисоб-китоблари эса, Аллоҳга ҳавола, деганлар. Нега сиз закот бермаганлар билан урушаяпсиз?”, деганида Абу Бакр (рз.), Пайғамбаримизга адо этиб юрган закотларидан бир қўзини кам берсалар ҳам улар билан урушавераман, деганида Умар (рз.), Абу Бакр (рз.) кўнглига бу ишни Аллоҳ солганини билиб, у ҳақ эди, деган экан. Ҳадисда: “Намозимизни ўқиган, қибламизга юзини ўгирган, биз сўйган ҳайвон гўштини еган одам Аллоҳ ва Расулининг аҳдидаги мусулмондир”, дейилган (Бғ. Хз.).

14. Улар (Макка мушриклари) билан урушингиз, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг қўлларингиз билан азоблайди, (асирга тушириб) шармисор қилади ва сизларни улар устидан ғалаба қозонтиради ҳамда мўминлар қавми сийналарига шифо беради

15. ва дилларидаги аламни кетказади. Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларнинг тавбасини қабул этади*. Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир.

16. Ёки сизлардан (Ҳақ йўлида) курашган ва Аллоҳдан, Расулидан ва мўминлардан ўзгаларни дўст (сирдош) тутмаганларни Аллоҳ билмай (синамай) ўз ҳолларингизга ташлаб қўйиласиз, деб ҳисобладингизми? Аллоҳ қилаётган ишларингиздан огоҳдир.

17. Мушриклар ўзларининг кофирликларига гувоҳ бўла туриб, Аллоҳнинг масжидларини обод* қилишлари мумкин эмас. Ана ўшаларнинг қилган ишлари ҳабата (беҳуда) кетиб, улар дўзахда мангу қолувчилардир.

18. Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққан кишилар обод қилурлар. Айнан ўшалар ҳидоят топувчилардан бўлишлари мумкин.

19. Ҳожига сув улашиш ва Масжиди Ҳаромни обод қилиш (вазифаларини ўтаётганлар)ни Аллоҳга ва охират кунига ишонган ва Аллоҳ йўлида курашганлар билан тенг қилдингизми?! Аллоҳ наздида (улар) тенг бўлмайдилар. Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят этмагай*.

قَٰتِلُوهُمْ يُعَذِّبْهُمُ ٱللَّهُ بِأَيْدِيكُمْ وَيُخْزِهِمْ وَيَنصُرْكُمْ
عَلَيْهِمْ وَيَشْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُّؤْمِنِينَ ﴿١٤﴾ وَيُذْهِبْ
غَيْظَ قُلُوبِهِمْ ۗ وَيَتُوبُ ٱللَّهُ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ
﴿١٥﴾ أَمْ حَسِبْتُمْ أَن تُتْرَكُوا۟ وَلَمَّا يَعْلَمِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ جَٰهَدُوا۟
مِنكُمْ وَلَمْ يَتَّخِذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلَا رَسُولِهِۦ وَلَا ٱلْمُؤْمِنِينَ
وَلِيجَةً ۚ وَٱللَّهُ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾ مَا كَانَ لِلْمُشْرِكِينَ
أَن يَعْمُرُوا۟ مَسَٰجِدَ ٱللَّهِ شَٰهِدِينَ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِم بِٱلْكُفْرِ ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ وَفِى ٱلنَّارِ هُمْ خَٰلِدُونَ ﴿١٧﴾
إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسَٰجِدَ ٱللَّهِ مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ
وَأَقَامَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا ٱللَّهَ ۖ فَعَسَىٰٓ
أُو۟لَٰٓئِكَ أَن يَكُونُوا۟ مِنَ ٱلْمُهْتَدِينَ ﴿١٨﴾ ۞ أَجَعَلْتُمْ سِقَايَةَ
ٱلْحَآجِّ وَعِمَارَةَ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ كَمَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ
وَجَٰهَدَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ لَا يَسْتَوُۥنَ عِندَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٩﴾ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَهَاجَرُوا۟ وَجَٰهَدُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ
بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ أَعْظَمُ دَرَجَةً عِندَ ٱللَّهِ ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَآئِزُونَ ﴿٢٠﴾

20. Имон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида (тоатида) моллари ва жонлари билан курашганлар Аллоҳ наздида даражалари улкан зотлардир ва айнан ўшалар ютуқ эгаларидир.

15-оят. Бу яқин келажакда Макка мушрикларининг айримлари тавба қилиб, имон келтиришларидан дарак эди. Дарҳақиқат, Макка фатҳидан сўнг Абу Суфён, Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима, Суҳайл ибн Амр кабилар исломга кирдилар. Мўътазилийларнинг “Кофирларнинг тавба қилишларини Аллоҳ хоҳласа-да, улар ўз ихтиёрлари билан тавба қилмайдилар”, деган ақидасига ушбу оят раддия бўлади (Мд.).

17-оят. Масжидни обод қилишни икки хил тушуниш мумкин: уни қуриш, жиҳозлаш, таъмирлаш; унинг ичига кириш. Ҳар иккисини амалга ошириш ҳам кофирга мумкин эмас. Агар кофир одам масжид қуришга васият қилиб ўтган бўлса, ижро этилмайди. Кофир киши мусулмонларнинг рухсатисиз масжидга киритилмайди. Расул (а.с.) Самома ибн Асол деган кофирни ушлаб, масжид устунига боғлаб қўйганлари сабаб, кофирларни рухсат билан масжидга киритиш жоиз, дейилган (Хз.).

19-оят. Аббос, Шайба каби Макка мушрикларини Али ибн Аби Толиб (рз.) Пайғамбарга қарши курашганликда айблагач, улар: «Биз ҳам ҳожиларга сув улашиш, Каъбанинг ободончилиги каби савобли ишларни қиляпмиз-ку!», – дея эътироз билдирганларида, мазкур оят нозил этилган (Хз.).

يُبَشِّرُهُمۡ رَبُّهُم بِرَحۡمَةٖ مِّنۡهُ وَرِضۡوَٰنٖ وَجَنَّٰتٖ لَّهُمۡ فِيهَا
نَعِيمٞ مُّقِيمٌ ٢١ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًاۚ إِنَّ ٱللَّهَ عِندَهُۥٓ أَجۡرٌ
عَظِيمٞ ٢٢ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُوٓاْ ءَابَآءَكُمۡ
وَإِخۡوَٰنَكُمۡ أَوۡلِيَآءَ إِنِ ٱسۡتَحَبُّواْ ٱلۡكُفۡرَ عَلَى ٱلۡإِيمَٰنِۚ
وَمَن يَتَوَلَّهُم مِّنكُمۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ٢٣ قُلۡ إِن
كَانَ ءَابَآؤُكُمۡ وَأَبۡنَآؤُكُمۡ وَإِخۡوَٰنُكُمۡ وَأَزۡوَٰجُكُمۡ وَعَشِيرَتُكُمۡ
وَأَمۡوَٰلٌ ٱقۡتَرَفۡتُمُوهَا وَتِجَٰرَةٞ تَخۡشَوۡنَ كَسَادَهَا وَمَسَٰكِنُ
تَرۡضَوۡنَهَآ أَحَبَّ إِلَيۡكُم مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَجِهَادٖ
فِي سَبِيلِهِۦ فَتَرَبَّصُواْ حَتَّىٰ يَأۡتِيَ ٱللَّهُ بِأَمۡرِهِۦۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي
ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡفَٰسِقِينَ ٢٤ لَقَدۡ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ فِي مَوَاطِنَ
كَثِيرَةٖ وَيَوۡمَ حُنَيۡنٍ إِذۡ أَعۡجَبَتۡكُمۡ كَثۡرَتُكُمۡ فَلَمۡ
تُغۡنِ عَنكُمۡ شَيۡـٔٗا وَضَاقَتۡ عَلَيۡكُمُ ٱلۡأَرۡضُ
بِمَا رَحُبَتۡ ثُمَّ وَلَّيۡتُم مُّدۡبِرِينَ ٢٥ ثُمَّ أَنزَلَ ٱللَّهُ سَكِينَتَهُۥ
عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَعَلَى ٱلۡمُؤۡمِنِينَ وَأَنزَلَ جُنُودٗا لَّمۡ تَرَوۡهَا
وَعَذَّبَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْۚ وَذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلۡكَٰفِرِينَ ٢٦

21. Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан раҳмат, ризолик ва улар учун неъматлари доимий (бўлмиш) жаннат (боғ)лари тўғрисида хушхабар берур.

22. (Улар) ўша жойларда мангу қолурлар. Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридагина улкан мукофот(лар) бордир.

23. Эй, имон келтирганлар! Агар имондан куфрни яхшироқ кўрсалар, ота-оналарингиз ва ака-укаларингизни (ҳам) дўст тутмангиз! Сизлардан кимки уларни дўст тутса, бас, ана ўшалар ўзига зулм қилувчилардир.

24. Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Агар оталарингиз, фарзандларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, қариндошларингиз, меҳнат билан топган мол-мулкларингиз, касод бўлишидан қўрққан тижоратингиз ва ёқтирган масканларингиз, сизлар учун Аллоҳ ва Расулидан (Мадинага ҳижрат қилишдан), Унинг (тоати) йўлидаги жидду жаҳд қилишдан (кўра) суюклироқ бўлса, (унда) то Аллоҳ ўз амри (азоби)ни келтиргунига қадар кутиб турингиз! Аллоҳ (эса) фосиқлар қавмини ҳидоят этмагай»*.

25. Аллоҳ сизларни кўп жойларда ва (хусусан) Ҳунайн* кунида ғолиб этди. Ўшанда (сон жиҳатдан) кўплигингиз сизларни мағрурлантирган эди, аммо (бу) сизлардан бирор нарсани даф қила олмади ва ўзининг (шунча) кенглиги билан ер (сизларга) танглик қилиб қолди. Сўнгра ортингизга чекиндингиз.

26. Сўнгра Аллоҳ Расулига ва мўминларга Ўзининг таскини (хотиржамлиги)ни нозил этди ҳамда сизлар олдин кўрмаган лашкарлар (фаришталар)ни туширди ва кофир бўлганларни азоблади. Бу кофирларнинг жазосидир.

24-оят. Бу ояти карима Маккадан Мадинага ҳижрат қилишдан бош тортган мусулмонларга таҳдид сифатида нозил бўлган. Зеро, ўша пайтда Мадинага ҳижрат қилиш мусулмонлар зиммасига фарз қилинган бўлиб, Маккада қолиш гўёки Исломдан қайтиш, мусулмонлар сафини камайтириш, мушриклар сонини кўпайтириш деб ҳисобланган.

25-оят. “Ҳунайн” Макка теварагидаги водий бўлиб, бу ерда Ҳавозин қабиласи бошлиғи Молик тўрт минг кишилик лашкари билан, мусулмонларнинг ўн икки минг ёки ўн олти минг аскари билан ўрталарида ҳарбий тўқнашув рўй берган.

Имом Бухорий билан Имом Муслим (рҳ.)лар ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “Расул (а.с.) Ҳунайн жангини ғалаба билан якунлаганларидан кейин ундан тушган ўлжани тақсимлаган пайтларида “муаллафати қулубуҳум”, яъни дилларини дўстлашишга моил қилиш ниятида садақа, закот берилувчи кофирларга ҳам ўлжадан улуш бердилар, лекин мадиналик мусулмонларга, яъни “ансорлар”га бирор нарса бермадилар. Бундан уларнинг ранжиганларини англаган Пайғамбар (а.с.) уларни йиғиб туриб, жумладан уларга: “Эй, ансорлар! Сизларни залолатдан ҳидоятга чиқармадиммi... Бошқалар туя, қўй билан кетиб, сизлар Расулуллоҳ билан кетишга розимисиз?”, – деганларида улар рози бўлдилар” (Хз.).

ثُمَّ يَتُوبُ ٱللَّهُ مِنۢ بَعۡدِ ذَٰلِكَ عَلَىٰ مَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ غَفُورٞ
رَّحِيمٞ ٢٧ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِنَّمَا ٱلۡمُشۡرِكُونَ
نَجَسٞ فَلَا يَقۡرَبُواْ ٱلۡمَسۡجِدَ ٱلۡحَرَامَ بَعۡدَ عَامِهِمۡ هَٰذَاۚ
وَإِنۡ خِفۡتُمۡ عَيۡلَةٗ فَسَوۡفَ يُغۡنِيكُمُ ٱللَّهُ مِن فَضۡلِهِۦٓ إِن
شَآءَۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٢٨ قَٰتِلُواْ ٱلَّذِينَ
لَا يُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِ وَلَا بِٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ
ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ ٱلۡحَقِّ مِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ
ٱلۡكِتَٰبَ حَتَّىٰ يُعۡطُواْ ٱلۡجِزۡيَةَ عَن يَدٖ وَهُمۡ صَٰغِرُونَ
٢٩ وَقَالَتِ ٱلۡيَهُودُ عُزَيۡرٌ ٱبۡنُ ٱللَّهِ وَقَالَتِ ٱلنَّصَٰرَى
ٱلۡمَسِيحُ ٱبۡنُ ٱللَّهِۖ ذَٰلِكَ قَوۡلُهُم بِأَفۡوَٰهِهِمۡۖ
يُضَٰهِـُٔونَ قَوۡلَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِن قَبۡلُۚ قَٰتَلَهُمُ
ٱللَّهُۖ أَنَّىٰ يُؤۡفَكُونَ ٣٠ ٱتَّخَذُوٓاْ أَحۡبَارَهُمۡ
وَرُهۡبَٰنَهُمۡ أَرۡبَابٗا مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَٱلۡمَسِيحَ ٱبۡنَ
مَرۡيَمَ وَمَآ أُمِرُوٓاْ إِلَّا لِيَعۡبُدُوٓاْ إِلَٰهٗا وَٰحِدٗاۖ
لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۚ سُبۡحَٰنَهُۥ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ٣١

27. Сўнгра, ўша (жанг)дан кейин Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаганларнинг тавбасини қабул этади. Аллоҳ кечиримли ва раҳмли зотдир.

28. Эй, имон келтирганлар! Албатта, мушриклар нажас (нопок)дирлар*. Шу йилларидан кейин (улар) Масжиди Ҳаром (Каъба)га яқинлашмасинлар! Агар (сизлар) фақирликдан қўрқсангиз, Аллоҳ хоҳласа, Ўз фазли билан сизларни бойитажак. Албатта, Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир*.

29. Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром санамайдиган, ҳақ дин (Ислом)ни дин қилиб олмайдиган аҳли китоблардан иборат кишиларга қарши – то улар ўзларини паст тутиб, жизя (солиқ)ни нақд бергунларига қадар жанг қилингиз!

30. Яҳудийлар: «Узайр – Аллоҳнинг ўғли», – дедилар, насронийлар: «(Исо) Масиҳ – Аллоҳнинг ўғли», – дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ботил) гапларидир. (Бу гаплари) худди аввалги кофир бўлганларнинг гапига ўхшайди. Аллоҳ урсин уларни! (Улар) қаёққа оғиб кетмоқдалар?!

31. (Улар) Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандлари ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни рабб (илоҳ) қилиб олдилар. Ваҳоланки, Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга буюрилган эдилар. Ундан ўзга илоҳ йўқ! (Уларнинг) келтирган ширкларидан У покдир.

28-оят. Бу ердаги нопоклик маънавий жиҳатдан изоҳланадиган бўлса, мушриклар қалбидаги ширк бамисоли нажасдирким, у тавҳидга зиддир. Уни моддий жиҳатдан изоҳланса, ширк ва куфр аҳли аксари ҳолларда нопок юришлари назарда тутилган бўлади. Масалан, жанобатдан ғусл қилмаслик, шаръан ҳалол ва ҳаром саналган нарсаларнинг фарқига бормаслик каби. Ҳижратнинг тўққизинчи йилидан бошлаб уларга Каъба ва унинг ҳарамига кириш тақиқланди (Мд.).

* Баъзи мусулмонлар Каъба атрофига мушрик тужжорлари келмайдиган бўлса, кундалик эҳтиёж молларига танқислик ҳосил бўлишидан хавотирга тушганларида мазкур оят нозил қилинди.

Ҳанафий мазҳаби бўйича мушрикларга фақат Каъбага кириб ҳаж ва умра ибодатларини адо этиш тақиқланади аммо Масжиди Ҳаромга ва бошқа масжидларга уларнинг кириши тақиқланмаган. Шофиий мазҳабида уларга фақат Масжиди Ҳаромга кириш тақиқланади. Моликий мазҳабида эса, унга ҳам, бошқа масжидларга ҳам аҳли куфр ва аҳли ширкларнинг киришлари жоиз эмас.

Ҳижратнинг 9 йили Муҳаммад (а.с.) буйруқларига биноан Абу Бакр Сиддиқ (рз.) бошчилигида бир гуруҳ мусулмонлар ҳаж ибодатини адо этиш мақсадида Маккаи мукаррама томон равона бўлишади. Шу аснода “Тавба” сураси нозил бўлиб, унда мазкур мушрикларга доир чекловлар баён қилинган бўлади. Ҳожиларнинг ортидан Али (рз.) юборилиб, сура ўқиб берилади (Лс.).

يُرِيدُونَ أَن يُطْفِـُٔوا۟ نُورَ ٱللَّهِ بِأَفْوَٰهِهِمْ وَيَأْبَى ٱللَّهُ إِلَّآ
أَن يُتِمَّ نُورَهُۥ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٣٢﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ
أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ ٱلْحَقِّ لِيُظْهِرَهُۥ عَلَى ٱلدِّينِ
كُلِّهِۦ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْمُشْرِكُونَ ﴿٣٣﴾ ۞ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوٓا۟ إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ ٱلْأَحْبَارِ وَٱلرُّهْبَانِ لَيَأْكُلُونَ
أَمْوَٰلَ ٱلنَّاسِ بِٱلْبَـٰطِلِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۗ
وَٱلَّذِينَ يَكْنِزُونَ ٱلذَّهَبَ وَٱلْفِضَّةَ وَلَا يُنفِقُونَهَا
فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣٤﴾ يَوْمَ يُحْمَىٰ
عَلَيْهَا فِى نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ
وَظُهُورُهُمْ ۖ هَـٰذَا مَا كَنَزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا۟ مَا كُنتُمْ
تَكْنِزُونَ ﴿٣٥﴾ إِنَّ عِدَّةَ ٱلشُّهُورِ عِندَ ٱللَّهِ ٱثْنَا عَشَرَ
شَهْرًا فِى كِتَـٰبِ ٱللَّهِ يَوْمَ خَلَقَ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ
مِنْهَآ أَرْبَعَةٌ حُرُمٌ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ ۚ فَلَا تَظْلِمُوا۟ فِيهِنَّ
أَنفُسَكُمْ ۚ وَقَـٰتِلُوا۟ ٱلْمُشْرِكِينَ كَآفَّةً كَمَا
يُقَـٰتِلُونَكُمْ كَآفَّةً ۚ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٣٦﴾

32. (Улар) Аллоҳнинг нури (дини)ни оғизлари (инкорлари ва ширклари) билан ўчирмоқчи (йўқ қилмоқчи) бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар ёқтирмасалар-да, Ўз нурини камолига етказмасдан қўймагай.

33. У Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар ёқтирмасалар-да – барча динлар узра ғолиб қилиш учун юборган зотдир.

34. Эй, имон келтирганлар! (Аҳли китоблар ичидаги) руҳоний ва роҳибларнинг кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақлик билан ейдилар ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсадилар*. Олтин ва кумушларни кон (махфий хазина) қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб ҳақида «хушхабар» беринг!*

35. (Мазкур олтин-кумушлар) жаҳаннам ўтида қизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари, орқалари куйдирилган куни: «Бу ўзларингиз учун сақлаган хазинангиздир. Сақлаган хазинангиз (мазасини) тотингиз!» (дейилади).

36. Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кунидаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлардир*. Ана шу тўғри диндир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар, (сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!*

34-оят. Аҳли китобларнинг руҳоний ва роҳиблари илоҳий китобларидаги Муҳаммад (а.с.) тавсифларини ўзгартириш ёки йўқ қилиш ёки саводсиз аҳли китобларга шариат аҳкомларини осонлаштириб бериш эвазига улардан пора олиш йўли билан бойлик орттирар эдилар (Хз. Мд).

* Бу оят юқорида зикри ўтган аҳли китоблар ҳақида нозил бўлганми ёки мусулмонлар хусусидами? Бу ҳақда ҳатто Абу Зарр, Муовия ва бошқа саҳобалар ўртасида ҳам тортишувлар бўлган. Закоти бериб туриладиган бойлик бу жазодан мустасно қилинган. Ўзи ҳам емай, муҳтожларга ҳам бермай кетадиган хасис бойлар тўғрисида ушбу ва кейинги оятдаги жазо турлари жуда катта огоҳлантириш ҳисобланади (Мд. Хз.).

36-оят. Уруш тақиқланган тўрт ой – Зул-қаъда, Зил-ҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойларидир.

Бу ойларни қадимдан қадрлашар, урушларни тўхтатишар эди. Лекин бу оят ҳукми мансух этилгани тўғрисида деярли барча муфассирлар бир хил фикрдалар. Бунга далил Расул (а.с.)-нинг Тоифни қуршовга олганлари, Ҳавозинга ғазот қилганлари Шаввол ва Зул-қаъда ойларида кечганидир (Қз. Хз.).

* Ушбу оят далолат қиладики, Исломда мушриклар билан жанг қилиш, балки умуман урушишга фақат зарурат тақозоси билан рухсат этилади ва шунда ҳам мусулмонларни тақвони қўлдан бермаслик ва тажовузкорликка ўтмасликка буюрилади.

إِنَّمَا ٱلنَّسِىٓءُ زِيَادَةٌ فِى ٱلْكُفْرِ ۖ يُضَلُّ بِهِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
يُحِلُّونَهُۥ عَامًا وَيُحَرِّمُونَهُۥ عَامًا لِّيُوَاطِـُٔوا۟ عِدَّةَ مَا حَرَّمَ ٱللَّهُ
فَيُحِلُّوا۟ مَا حَرَّمَ ٱللَّهُ ۚ زُيِّنَ لَهُمْ سُوٓءُ أَعْمَٰلِهِمْ ۗ وَٱللَّهُ
لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٣٧﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمُ ٱنفِرُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱثَّاقَلْتُمْ
إِلَى ٱلْأَرْضِ ۚ أَرَضِيتُم بِٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا مِنَ ٱلْءَاخِرَةِ ۚ
فَمَا مَتَٰعُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا فِى ٱلْءَاخِرَةِ إِلَّا قَلِيلٌ ﴿٣٨﴾
إِلَّا تَنفِرُوا۟ يُعَذِّبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَيَسْتَبْدِلْ قَوْمًا
غَيْرَكُمْ وَلَا تَضُرُّوهُ شَيْـًٔا ۗ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ
قَدِيرٌ ﴿٣٩﴾ إِلَّا تَنصُرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ ٱللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ثَانِىَ ٱثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِى ٱلْغَارِ إِذْ
يَقُولُ لِصَٰحِبِهِۦ لَا تَحْزَنْ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَنَا ۖ فَأَنزَلَ
ٱللَّهُ سَكِينَتَهُۥ عَلَيْهِ وَأَيَّدَهُۥ بِجُنُودٍ لَّمْ تَرَوْهَا
وَجَعَلَ كَلِمَةَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ٱلسُّفْلَىٰ ۗ
وَكَلِمَةُ ٱللَّهِ هِىَ ٱلْعُلْيَا ۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٤٠﴾

37. Албатта, (уруш ҳаром қилинган ойларни) кечиктириш ҳаддан ортиқ кофирликдир. У билан кофир бўлганларни чалғитилур. (Улар) уни бир йил ҳалолга, бир йил ҳаромга чиқариб, Аллоҳ ҳаром қилган (ойлар) ададига (ўзларича) мослаб оладилар. Шу тарзда Аллоҳ ҳаром қилган нарсани «ҳалоллаб» оладилар. Уларга (бу) ёмон ишлари зийнатли (туюладиган) қилиб қўйилди. Аллоҳ кофирлар қавмини ҳидоятга бошламагай.

38. Эй, имон келтирганлар! Сизга не бўлдики, Аллоҳ йўлида (ёвга қарши) қўзғалингиз, дейилса, ерга оғирлигингизни соласиз (чиқмай ўтирасиз)?! Охиратдан (кечиб) дунё ҳаётига рози бўласизми? Охиратга нисбатан дунё ҳаётининг матоҳи (лаззати жуда) оздир!*

39. Агар қўзғалмасангиз, (Аллоҳ) сизларни аламли азоб билан азоблаб, ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтирур. Сизлар (эса) Унга бирор нарсада зарар етказа олмайсиз. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.*

40. Агар сизлар унга (Муҳаммадга) ёрдам қилмасангиз, Аллоҳ (Ўзи) унга ёрдам қилган. Қачонки, уни кофирлар икки кишининг бири сифатида (ватанидан) чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб, (Муҳаммад) ҳамроҳи (Абу Бакр)га: «Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!» – деган эди*. Шунда Аллоҳ унга таскин (хотиржамлик) нозил этди ва сизлар кўрмаган лашкарлар (фаришталар) билан уни қувватлади ҳамда кофир бўлганлар сўзини тубан қилди. Аллоҳнинг сўзи эса, у юксакдир. Аллоҳ қудратли ва ҳикматли (зот)дир.

38-39-оятлар. Табук воқеасига доир оятлар.

Табук – Мадина билан Шом ўртасидаги бир воҳа.

Ҳижратнинг тўққизинчи йили Византия ҳарбий қўшини мусулмонлар устига бостириб келаётгани ҳақидаги овоза Расул (а.с.)га етиб келгач, кўп сонли қўшин тўплаб, дин ва юрт мудофааси учун мазкур водийга етиб келадилар. Лекин Византиянинг ҳеч қандай босқинчилик нияти йўқлиги маълум бўлгач, тўқнашувсиз қайтиб кетадилар. Бу воқеа асносида мусулмонлар орасидаги кўплаб мунофиқларнинг сирлари фош бўлади.

40-оят. Макка мушриклари мусулмонларга қанчалик тазйиқ ўтказмасинлар, улар диндан қайтмайдилар. Охири Муҳаммад (а.с.)нинг жонларига қасд қилишга қарор қиладилар. Шундан кейин Аллоҳ томонидан Мадинага ҳижрат қилиб кетишга изн берилади. Абу Бакр Сиддиқ билан бирга йўлга чиққанларида, уларнинг изига тушган мушриклардан сақланиш учун Макка чеккасидаги Савр тоғининг бир ғорига кириб яширинадилар. Душман изқуварлари ғор оғзигача излаб келадилар. Лекин Аллоҳнинг марҳамати билан ғор оғзи ўргимчак тўрлари билан ўралиб қолади. Буни кўриб улар орқага қайтиб кетадилар. Абу Бакр Сиддиқ ғор оғзига келиб қолган душманлар Расулуллоҳга озор етказишади, деб қаттиқ ҳаяжонланадилар. Шунда Расул (а.с.) тасалли бериб, мазкур оятдаги сўзларни айтганлар.

ٱنفِرُوا۟ خِفَافًا وَثِقَالًا وَجَٰهِدُوا۟ بِأَمْوَٰلِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ
فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾
لَوْ كَانَ عَرَضًا قَرِيبًا وَسَفَرًا قَاصِدًا لَّٱتَّبَعُوكَ وَلَٰكِنۢ بَعُدَتْ
عَلَيْهِمُ ٱلشُّقَّةُ ۚ وَسَيَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ لَوِ ٱسْتَطَعْنَا لَخَرَجْنَا
مَعَكُمْ يُهْلِكُونَ أَنفُسَهُمْ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ إِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿٤٢﴾
عَفَا ٱللَّهُ عَنكَ لِمَ أَذِنتَ لَهُمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَكَ ٱلَّذِينَ
صَدَقُوا۟ وَتَعْلَمَ ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٤٣﴾ لَا يَسْتَـْٔذِنُكَ ٱلَّذِينَ
يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ أَن يُجَٰهِدُوا۟ بِأَمْوَٰلِهِمْ
وَأَنفُسِهِمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلْمُتَّقِينَ ﴿٤٤﴾ إِنَّمَا يَسْتَـْٔذِنُكَ ٱلَّذِينَ
لَا يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَٱرْتَابَتْ قُلُوبُهُمْ فَهُمْ
فِى رَيْبِهِمْ يَتَرَدَّدُونَ ﴿٤٥﴾ ۞ وَلَوْ أَرَادُوا۟ ٱلْخُرُوجَ
لَأَعَدُّوا۟ لَهُۥ عُدَّةً وَلَٰكِن كَرِهَ ٱللَّهُ ٱنۢبِعَاثَهُمْ فَثَبَّطَهُمْ
وَقِيلَ ٱقْعُدُوا۟ مَعَ ٱلْقَٰعِدِينَ ﴿٤٦﴾ لَوْ خَرَجُوا۟ فِيكُم
مَّا زَادُوكُمْ إِلَّا خَبَالًا وَلَأَوْضَعُوا۟ خِلَٰلَكُمْ يَبْغُونَكُمُ
ٱلْفِتْنَةَ وَفِيكُمْ سَمَّٰعُونَ لَهُمْ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٧﴾

41. Енгил ва оғир ҳолатда (ҳам ёвга қарши) қўзғалингиз* ва Аллоҳ йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қилингиз! Агар билсангиз, ана шу (иш)ингиз сизлар учун яхшидир.

42. Агар (эй, Муҳаммад! Сиз таклиф қилган нарса) яқиндаги буюм ёки ўртача (масофадаги оддий) сафар бўлганда эди, (улар) Сизга эргашган бўлур эдилар. Лекин уларга масофа узоқлик қилди. Албатта, улар ўзларини ҳалок қилиб (чарчатиб): «Қодир бўлганимизда, сизлар билан бирга (жангга) чиқар эдик», – деб Аллоҳ номига қасам ичадилар. Аллоҳ эса, уларнинг (ғирт) ёлғончи эканликларини билур.

43. Аллоҳ Сизни афв этди. (Лекин) Сизга ростгўйлар аниқланиб, ёлғончиларни билмагунингизгача, нега уларга (жангдан қолишга) рухсат бердингиз?

44. Аллоҳга ва охират кунига имон келтирувчилар моллари ва жонлари билан жиҳод қилишдан (қолиш учун) Сиздан рухсат сўрамайдилар. Аллоҳ тақводорларни (яхши) билур.

45. Балки, Сиздан Аллоҳга ва охират кунига имон келтирмайдиган ва диллари шак-шубҳали бўлганларгина (жангдан қолиш учун) рухсат сўрайдилар. Улар ўз шубҳаларида иккиланиб юраверадилар.

46. Агар (улар) чиқишни истаганларида, унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлур эдилар. Лекин Аллоҳ (уларнинг) қўзғалишларини ёқтирмайди, уларни сусайтириб қўйди ва уларга: «Ўтирувчилар* билан бирга ўтираверингиз!» – дейилди.

47. Агар улар сизларга қўшилиб (жангга) чиққанларида ҳам, сизларга фақат бузғунчиликни зиёда қилиб, ораларингизга (раҳна) солиб, сизларни фитнага дучор қилган бўлур эдилар. Сизларнинг ичингизда эса, уларга қулоқ соладиган (ишонувчи)лар бор. Аллоҳ золимларни билувчидир.

41-оят. “Енгил” билан “оғир” ҳолатдан мурод нима экани тўғрисида турли тафсирлар бор. Масалан, жангга қизиқиб чаққон ва енгил қўзғалиш билан унинг оғирлигини ўйлаб шошмасдан чиқиш; оила ва фарзандсизликдаги енгиллик билан серфарзандликдаги оғирлик; қуролсиз ва қуролли; уловда ва пиёда; ёшлик ва қариликда; озғинлик ва семизликда; соғлом ва бетобликда; камбағал ва бой ҳолатда. Ибн Аббос (рз.) бу оят шу суранинг 122-ояти билан мансух бўлган, деган. Суддий (рҳ.) эса бу оят 91-оят билан мансух бўлган, деган. Мансух бўлмаган тақдирда оятдаги буйруқ “надб” яъни жангга чиқиш узрли кишилар учун мустаҳаб: чиқсалар савоб оладилар, чиқмасалар гуноҳкор бўлмайдилар, деб тушуниш лозим бўлади (Мд. Хз.).

46-оят. Яъни жангга чиқмаганлар қаторида ўтираверингиз, дейилди. Бу гапни ким айтгани тўғрисида баҳслар бор. Баъзи тафсирда улар бир-бирига, бошқасида, Расул (а.с.) айтганлар ёки уларни шайтон васваса қилиб мазкур таклифни берган, дейилади (Мд.).

لَقَدِ ٱبۡتَغَوُاْ ٱلۡفِتۡنَةَ مِن قَبۡلُ وَقَلَّبُواْ لَكَ ٱلۡأُمُورَ حَتَّىٰ
جَآءَ ٱلۡحَقُّ وَظَهَرَ أَمۡرُ ٱللَّهِ وَهُمۡ كَٰرِهُونَ ٤٨
وَمِنۡهُم مَّن يَقُولُ ٱئۡذَن لِّي وَلَا تَفۡتِنِّيٓۚ أَلَا فِي ٱلۡفِتۡنَةِ
سَقَطُواْۗ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمُحِيطَةُۢ بِٱلۡكَٰفِرِينَ
٤٩ إِن تُصِبۡكَ حَسَنَةٞ تَسُؤۡهُمۡۖ وَإِن تُصِبۡكَ
مُصِيبَةٞ يَقُولُواْ قَدۡ أَخَذۡنَآ أَمۡرَنَا مِن قَبۡلُ وَيَتَوَلَّواْ
وَّهُمۡ فَرِحُونَ ٥٠ قُل لَّن يُصِيبَنَآ إِلَّا مَا كَتَبَ
ٱللَّهُ لَنَا هُوَ مَوۡلَىٰنَاۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلۡيَتَوَكَّلِ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ
٥١ قُلۡ هَلۡ تَرَبَّصُونَ بِنَآ إِلَّآ إِحۡدَى ٱلۡحُسۡنَيَيۡنِۖ وَنَحۡنُ
نَتَرَبَّصُ بِكُمۡ أَن يُصِيبَكُمُ ٱللَّهُ بِعَذَابٖ مِّنۡ عِندِهِۦٓ
أَوۡ بِأَيۡدِينَاۖ فَتَرَبَّصُوٓاْ إِنَّا مَعَكُم مُّتَرَبِّصُونَ ٥٢ قُلۡ
أَنفِقُواْ طَوۡعًا أَوۡ كَرۡهٗا لَّن يُتَقَبَّلَ مِنكُمۡ إِنَّكُمۡ كُنتُمۡ
قَوۡمٗا فَٰسِقِينَ ٥٣ وَمَا مَنَعَهُمۡ أَن تُقۡبَلَ مِنۡهُمۡ نَفَقَٰتُهُمۡ
إِلَّآ أَنَّهُمۡ كَفَرُواْ بِٱللَّهِ وَبِرَسُولِهِۦ وَلَا يَأۡتُونَ ٱلصَّلَوٰةَ
إِلَّا وَهُمۡ كُسَالَىٰ وَلَا يُنفِقُونَ إِلَّا وَهُمۡ كَٰرِهُونَ ٥٤

48. (Улар) олдин ҳам фитна қўзғатмоқчи бўлган ва улар ёқтирмаган ҳолларида то ҳақ (ғалаба) келиб, Аллоҳнинг амри (дини) ғолиб бўлгунича ҳам ишларингизни (макр-ҳийла, иғво билан) остин-устун қилган эдилар.

49. Улар ичида: «Менга изн беринг, мени фитнага қўйманг!» – дейдиганлар ҳам бор*. (Улар жангдан қолиш билан) фитнага тушдилар-ку! Албатта, жаҳаннам кофирларни (ўзига) қамраб олувчидир.

50. Агар Сизга бирор яхшилик (ғалаба ёки ўлжа) етишса, (бу) уларга ёқмайди. Агар Сизга бирор мусибат етишса: «Ишнинг олдини олибмиз», – деб хурсанд ҳолларида юз ўгириб кетадилар.

51. Айтинг: «Бизга Аллоҳнинг ёзиб қўйганидан ўзга нарса етмайди. У хожамиздир. Аллоҳга эса, фақат мўминлар таваккул этсинлар!»

52. Айтинг: «Сизлар биз учун икки хайрли ишдан бири (бўлиши)ни кутмоқдасиз*. Биз ҳам сизлар учун Аллоҳнинг Ўз ҳузуридан ёки бизнинг қўлимиз билан сизларга (етадиган) бирор азобни кутмоқдамиз. Бас, кутаверингиз! Биз ҳам сизлар билан бирга кутувчилармиз».

53. Айтинг: «Хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий ҳолда нафақа (садақа) қилингиз, (барибир) сизлардан сира қабул қилинмагай*. Зеро, сизлар фосиқлар қавми бўлдингиз».

54. Нафақа (садақа)ларининг қабул қилинишидан тўсган нарса бу – уларнинг Аллоҳга, Расулига куфр келтирганлари, намозга фақат суст ҳолда келишлари ва нафақа (садақа)ни фақат ёқтирмаган ҳолларида беришларидир.

49-оят. Бу оят Жадд ибн Қайс исмли мунофиқ хусусида нозил қилинган. Расул (а.с.) уни Табук жангига таклиф қилганларида у сохта узр айтиб, шундай деган: “Мен аёлларга ўчроқ одамман. Агар Рум ҳудудига борсам у ердаги Асфарнинг қизларига мафтун бўлиб, гуноҳ иш қилиб қўйишим мумкин. Ундан кўра мен сизларга бу сафарингизда моддий маблағ билан ёрдам қилайин-у, ўзим уйда қолай” – деганида Расул (а.с.) унга изн берганлар. Ушбу оят билан Аллоҳ таоло унинг мунофиқлигини фош қилмоқда. Асфар Румнинг бир минтақасига ҳоким бўлиб олган бир ҳабаший бўлиб, румлик аёлга уйланган, ундан туғилган қизлари оқ-қора аралаш жозибали экани кўпчиликка маълум эди (Мд. Лс. Хз.).

52-оят. “Икки хайрли иш”нинг бири – душман устидан қозониладиган ғалаба ва шаҳидлик. Мусулмонларга бу иккисининг қайси бири насиб этса ҳам хайрли эди. Кофир ва мунофиқлар учун Аллоҳ томонидан кутилаётган жазо ҳам икки турлидир. Бири бевосита уларга юборадиган Ўзининг азоби, иккинчиси мусулмонлар қўли билан бериладиган жазо.

53-оят. Яъни Жадд ибн Қайс ва унга ўхшаган мунофиқларга айтингки, уларнинг қилган эҳсон ва садақаларини Аллоҳ қабул қилмайди. Зеро, улар ибодат ва эҳсонни имон ва ихлос билан қилмайдилар.

فَلَا تُعۡجِبۡكَ أَمۡوَٰلُهُمۡ وَلَآ أَوۡلَٰدُهُمۡۚ إِنَّمَا يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيُعَذِّبَهُم
بِهَا فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا وَتَزۡهَقَ أَنفُسُهُمۡ وَهُمۡ كَٰفِرُونَ ٥٥
وَيَحۡلِفُونَ بِٱللَّهِ إِنَّهُمۡ لَمِنكُمۡ وَمَا هُم مِّنكُمۡ وَلَٰكِنَّهُمۡ
قَوۡمٞ يَفۡرَقُونَ ٥٦ لَوۡ يَجِدُونَ مَلۡجَـًٔا أَوۡ مَغَٰرَٰتٍ
أَوۡ مُدَّخَلٗا لَّوَلَّوۡاْ إِلَيۡهِ وَهُمۡ يَجۡمَحُونَ ٥٧ وَمِنۡهُم مَّن يَلۡمِزُكَ
فِي ٱلصَّدَقَٰتِ فَإِنۡ أُعۡطُواْ مِنۡهَا رَضُواْ وَإِن لَّمۡ يُعۡطَوۡاْ مِنۡهَآ إِذَا
هُمۡ يَسۡخَطُونَ ٥٨ وَلَوۡ أَنَّهُمۡ رَضُواْ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ
وَرَسُولُهُۥ وَقَالُواْ حَسۡبُنَا ٱللَّهُ سَيُؤۡتِينَا ٱللَّهُ مِن فَضۡلِهِۦ
وَرَسُولُهُۥٓ إِنَّآ إِلَى ٱللَّهِ رَٰغِبُونَ ٥٩ ۞ إِنَّمَا ٱلصَّدَقَٰتُ
لِلۡفُقَرَآءِ وَٱلۡمَسَٰكِينِ وَٱلۡعَٰمِلِينَ عَلَيۡهَا وَٱلۡمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمۡ
وَفِي ٱلرِّقَابِ وَٱلۡغَٰرِمِينَ وَفِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱبۡنِ ٱلسَّبِيلِۖ
فَرِيضَةٗ مِّنَ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٦٠ وَمِنۡهُمُ
ٱلَّذِينَ يُؤۡذُونَ ٱلنَّبِيَّ وَيَقُولُونَ هُوَ أُذُنٞۚ قُلۡ أُذُنُ خَيۡرٖ
لَّكُمۡ يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَيُؤۡمِنُ لِلۡمُؤۡمِنِينَ وَرَحۡمَةٞ لِّلَّذِينَ
ءَامَنُواْ مِنكُمۡۚ وَٱلَّذِينَ يُؤۡذُونَ رَسُولَ ٱللَّهِ لَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ٦١

55. Бас, Сизни уларнинг мол-мулклари ҳам, фарзандлари ҳам таажжублантирмасин! Зеро, Аллоҳ ўшалар сабабли дунё ҳаётида уларни азоблашни* ва кофирлик ҳолларида жонлари чиқишини ирода қилур.

56. Улар: «Сизларданмиз», – деб, Аллоҳ номига қасам ичадилар. Ваҳоланки, улар сизлардан (мусулмонлардан) эмаслар. Балки, улар (жазодан) қўрқадиган қавмдир*.

57. Агар улар бошпана ё ғорлар ёки кирадиган жой топсалар, ўша ерга (жазодан қочиб) шитоб билан кетган бўлур эдилар.

58. Улар ичида (тарқатиладиган) садақалар хусусида Сизга таъна қиладиганлар ҳам бор. Уларга у (садақа)лардан берилса, рози бўладилар. Борди-ю, уларга улардан берилмаса, унда улар бирдан аччиқланадилар.

59. Агар улар Аллоҳ ва Расули уларга ато этган нарсага рози бўлиб: «Бизга Аллоҳ кифоя. Бизга, албатта, Аллоҳ ўз фазлидан ато этур ва Расули ҳам. Биз Аллоҳ (розилиги)гагина рағбат қилувчилармиз», – десалар эди (ўзларига яхши бўлур эди).

60. Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошна қилинувчи (кофир)лар, (пул тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчига (мусофирга бериш) Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди)*. Аллоҳ илмли ва ҳикматли зотдир.

61. Улар ичида Пайғамбарга азият етказадиган ва «У – қулоқ» (эшитганига ишонаверадиган) дейдиганлар ҳам бор. Айтинг: «(У) яхшилик қулоғи, Аллоҳга имон келтирувчи, мўминларга ишонувчи ва сизлардан имон келтирганларингиз учун раҳмат (манбаи)дир. Аллоҳнинг Расулига азият етказадиганлар – улар учун аламли азоб бордир».

55-оят. Бойлик ва серфарзандлик ташвишлари эслатилмоқда. Зеро, бойлик ва фарзандлар доим ҳам жонга роҳат бўлавермайди, баъзида роҳатидан кўра заҳмати ошиб кетиш ҳоллари ҳам кузатилади. Айниқса, охиратни ўйламайдиганлар учун улар кони азоб. Оятда мазкур мунофиқларнинг бойлик ва фарзандларининг мўл ва фаровонлиги ҳавас қилиб бўлмайдиган нарса экани айтилмоқда.

56-оят. Юзаки бўлса ҳам имон келтириб, мусулмонлар ичида юрмасак, молу жонларимиздан ажралиб қолишимиз мумкин, деб қўрқишлари назарда тутилган.

60-оят. Бу кўрсатилган кишиларга закот, хирож, фитр ва ушр каби садақотлар берилиши керак. Улардан "диллари ошна қилинувчилар" мансух этилган. Яъни Ислом аввалида закот ва вожиб садақаларни Абу Суфён ибн Ҳарб, Ақраъ ибн Ҳобис, Уяйна ибн Ҳисн, Аббос ибн Мирдос, Сафвон ибн Умайя, Адий ибн Ҳотам, Забарқон ибн Бадр каби кофирларга ҳам берилар, бу билан уларнинг дилларини Исломга мойил қилиш мақсад қилинар эди. Кейинроқ Абу Бакр (рз.) халифалиги даврида саҳобалар ижмоси билан унинг ҳукми бекор қилинган (Ҳд.).

62. Улар (мунофиқлар) сизларни қониктириш учун (Пайғамбарга азият етказмадик, деб) қасам ичадилар. Агар мўмин бўлсалар, (билиб қўйсинларки) қониктиришларига Аллоҳ ва Расули лойиқроқдир.

63. Кимки, Аллоҳ ва Расули (белгилаган) ҳаддан тажовуз этса, унинг учун мангуликдаги жаҳаннам олови бўлишини билмаганмидилар?! Бу улкан шармисорлик-ку!

64. Мунофиқлар ўзлари ҳақида дилларидаги нарса (мунофиқлик)ни фош қиладиган сура нозил қилинишидан қўрқиб турадилар*. Айтинг: «Масхара қилаверингиз, Аллоҳ сиз қўрқаётган (ўша) нарсани (юзага) чиқарувчидир».

65. Қасамки, агар улардан (нега масхара қиласиз, деб) сўрасангиз, албатта, улар: «Биз фақат (баҳсга) чўмиб, ҳазиллашяпмиз», – дейишади. Айтинг: «Аллоҳни, оятларини ва Расулини масхара қилаётган эдингиз-ку?!»*

66. Узр айтмангиз! Имонингиздан кейин (яна) куфрга кетгансиз. Агар сизлардан бир тоифани (тавба қилгач) афв этсак, бошқа бир тоифани жиноятчи бўлганлари сабабли азоблаймиз.

67. Мунофиқ эркаклар билан мунофиқ аёллар бир-бирларидандирлар*. (Улар одамларни) ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан қайтарадилар ва қўлларини (хайр-эҳсондан) тиядилар. Аллоҳни унутишгач, (У) ҳам уларни «унутади». Мунофиқлар, албатта, фосиқдирлар.

يَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ لَكُمْ لِيُرْضُوكُمْ وَٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ أَحَقُّ
أَن يُرْضُوهُ إِن كَانُوا۟ مُؤْمِنِينَ ﴿٦٢﴾ أَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟ أَنَّهُۥ
مَن يُحَادِدِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَأَنَّ لَهُۥ نَارَ جَهَنَّمَ خَٰلِدًا فِيهَا ۚ
ذَٰلِكَ ٱلْخِزْىُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٦٣﴾ يَحْذَرُ ٱلْمُنَٰفِقُونَ
أَن تُنَزَّلَ عَلَيْهِمْ سُورَةٌ تُنَبِّئُهُم بِمَا فِى قُلُوبِهِمْ ۚ قُلِ ٱسْتَهْزِءُوٓا۟
إِنَّ ٱللَّهَ مُخْرِجٌ مَّا تَحْذَرُونَ ﴿٦٤﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُمْ
لَيَقُولُنَّ إِنَّمَا كُنَّا نَخُوضُ وَنَلْعَبُ ۚ قُلْ أَبِٱللَّهِ وَءَايَٰتِهِۦ
وَرَسُولِهِۦ كُنتُمْ تَسْتَهْزِءُونَ ﴿٦٥﴾ لَا تَعْتَذِرُوا۟ قَدْ كَفَرْتُم
بَعْدَ إِيمَٰنِكُمْ ۚ إِن نَّعْفُ عَن طَآئِفَةٍ مِّنكُمْ نُعَذِّبْ طَآئِفَةًۢ
بِأَنَّهُمْ كَانُوا۟ مُجْرِمِينَ ﴿٦٦﴾ ٱلْمُنَٰفِقُونَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتُ
بَعْضُهُم مِّنۢ بَعْضٍ ۚ يَأْمُرُونَ بِٱلْمُنكَرِ وَيَنْهَوْنَ
عَنِ ٱلْمَعْرُوفِ وَيَقْبِضُونَ أَيْدِيَهُمْ ۚ نَسُوا۟ ٱللَّهَ فَنَسِيَهُمْ ۗ
إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٦٧﴾ وَعَدَ ٱللَّهُ
ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتِ وَٱلْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ
فِيهَا ۚ هِىَ حَسْبُهُمْ ۚ وَلَعَنَهُمُ ٱللَّهُ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٦٨﴾

68. Мунофиқлар, мунофиқалар ва кофирларга Аллоҳ (улар) абадий қоладиган жаҳаннам оловини ваъда қилди. Уларга у кифоядир. Уларни Аллоҳ лаънатлади. Улар учун яна доимий азоб бордир.

64-оят. "Тавба" сурасининг яна бир номи "Фозиҳа", яъни "фош этувчи" эканига сабаб – мунофиқларнинг сирларини шу сура орқали Муҳаммад (а.с.)га фош этганидир.

65-оят. Расул (а.с.) Табук сари равона бўлганларида бир тўда отлиқ мунофиқлар ул зотнинг олд томонларида бир-бирларига: "Ана у кишига қаранг, шу кетишда бориб, Шомнинг қаср ва қалъаларини фатҳ этар эмиш" – деб, ўзаро Расул (а.с.) устиларидан кулиб, масхара қиладилар. Бу тўғрида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (а.с.)га ваҳий орқали билдиради. Дарҳол уларни тўхтатишга буюрадилар. Олдиларига келиб, пинҳона гапирган гапларини ўзларига айтиб, шу гаплар билан масхара қилаяпсизми, деганларида улар қилмишларидан тониб, йўлни яқин қилиш учун ўзаро гаплашиб, ҳазиллашиб кетаяпмиз, деб баҳона қилишган экан (Мд. Хз. Тб.).

67-оят. Бу оятдан маълум бўлишича, мунофиқлар куфрда бир-бирларидан фарқ қилмайдилар ва улар мўминлардан эмаслар. Ўша даврда мунофиқларнинг умумий сони уч юз киши бўлиб, улардан бир юз етмиштаси аёллардан эди (Мд.).

Сурада сирлари фош бўлган мунофиқлар хусусида баён этилди. Аммо куфрлари зоҳир бўлмаса, куфрга ҳукм қилинмайди.

كَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ كَانُوٓا۟ أَشَدَّ مِنكُمْ قُوَّةً وَأَكْثَرَ
أَمْوَٰلًا وَأَوْلَٰدًا فَٱسْتَمْتَعُوا۟ بِخَلَٰقِهِمْ فَٱسْتَمْتَعْتُم بِخَلَٰقِكُمْ
كَمَا ٱسْتَمْتَعَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُم بِخَلَٰقِهِمْ وَخُضْتُمْ
كَٱلَّذِى خَاضُوٓا۟ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَٰلُهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا
وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٦٩﴾ أَلَمْ يَأْتِهِمْ
نَبَأُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ وَقَوْمِ
إِبْرَٰهِيمَ وَأَصْحَٰبِ مَدْيَنَ وَٱلْمُؤْتَفِكَٰتِ ۚ أَتَتْهُمْ
رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ ۖ فَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظْلِمَهُمْ وَلَٰكِن
كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٧٠﴾ وَٱلْمُؤْمِنُونَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتُ بَعْضُهُمْ
أَوْلِيَآءُ بَعْضٍ ۚ يَأْمُرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ
وَيُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَيُطِيعُونَ ٱللَّهَ
وَرَسُولَهُۥٓ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ ٱللَّهُ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٧١﴾
وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا
ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا وَمَسَٰكِنَ طَيِّبَةً فِى جَنَّٰتِ عَدْنٍ ۚ
وَرِضْوَٰنٌ مِّنَ ٱللَّهِ أَكْبَرُ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٧٢﴾

69. (Сизлар, эй, мунофиқлар!) Худди сизлардан олдинги (мунофиқ)ларга ўхшайсизлар. (Улар) сизлардан қувватлироқ, мол-мулклари ва фарзандлари кўпроқ эди. Бас, улар ўз насибаларидан баҳраманд бўлдилар. Сизлардан олдингилар насибаларидан баҳраманд бўлганлари каби сизлар ҳам (ўз) насибаларингиздан баҳраманд бўлдингиз ва (улар) ботган нарса (залолат)га (сизлар ҳам) ботдингиз. Ана ўшаларнинг (дунёда қилган савобли) амаллари беҳуда кетди. Зиён кўрувчилар ҳам ана ўшалардир.

70. Уларга ўзларидан олдингилар – Нуҳ, Од, Самуд қавмлари, Иброҳим қавми, Мадян (шаҳри) аҳолиси (Шуайб қавми) ҳамда остин-устун бўлган шаҳарлар (Лут қавми)нинг хабарлари (етиб) келмабдими?! Уларга ўз пайғамбарлари ҳужжатлар (мўъжизалар)ни келтирган эдилар. Бас, Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, балки ўзларига зулм қилувчи бўлдилар.

71. Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз(лар)ни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир.

72. Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидаги ёқимли масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг ризоси эса, (ҳаммасидан) буюкроқдир. Ана шу(лар) улкан ютуқдир*.

72-оят. Ушбу оятни тафсир қилиб бериш сўралганида Расул (а.с.): “Жаннатда бир қаср бўлиб, унда етмишта қизил ёқутдан ясалган ҳовли бор. Ҳар бир ҳовлида етмишта яшил зумраддан ясалган хона бор. Ҳар бир хонада етмишта сўри бор. Ҳар бир сўрида етмишта ранги бир-бирига ўхшамайдиган пояндоз-кўрпача бор. Ҳар бир кўрпачада бир ҳур қиз бўлиб, у ўзига аталган аҳли жаннатга мунтазир бўлиб ўтирур”, – деб жавоб берган эканлар (Хз.).

Имом Табарий (рҳ.) ривоят қилган ҳадисда: “... ҳар бир хонада етмишта дастурхон, ҳар бир дастурхонда етмиш хил таом. Ҳар бир хонада етмишта қиз бўлиб, бир кечада ҳар бир жаннат аҳлига аталган шу миқдордаги ҳурларга кифоя қиладиган куч-қувват ато этилади”, – дейилган. Оятдаги “жанноту Адн” иборасини бундан бошқа тафсирлари ҳам бор. Ибн Масъуд (рз.): “Адн – бу, жаннатнинг ўртаси”, – деган. Фахруддин Розий (рҳ.) хулоса қилиб: “Адн жаннатдаги бир муайян жойнинг номи ёки жаннатнинг сифатидир”, – деган. У бир анҳорнинг номи, деган тафсир ҳам бор (Тб. Хз.).

“Адн” жаннатдаги бир шаҳар ёки қаср бўлиб, унинг беш мингта дарвозаси бор. Унга фақат пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиқлар, ҳидоятга бошловчи раҳнамолар кирадилар, деган ривоят ҳам бор (Тр.)

Оятнинг давомида жаннатдаги барча ноз-неъматлардан ҳам буюкроқ нарса Аллоҳнинг ризоси экани қайд этилган. Дарҳақиқат, Аллоҳ бандасидан рози бўлса, бундан ортиқ бахт йўқдир.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ جَٰهِدِ ٱلْكُفَّارَ وَٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱغْلُظْ عَلَيْهِمْ ۚ
وَمَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٧٣﴾ يَحْلِفُونَ بِٱللَّهِ
مَا قَالُوا۟ وَلَقَدْ قَالُوا۟ كَلِمَةَ ٱلْكُفْرِ وَكَفَرُوا۟ بَعْدَ إِسْلَٰمِهِمْ
وَهَمُّوا۟ بِمَا لَمْ يَنَالُوا۟ ۚ وَمَا نَقَمُوٓا۟ إِلَّآ أَنْ أَغْنَىٰهُمُ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ
مِن فَضْلِهِۦ ۚ فَإِن يَتُوبُوا۟ يَكُ خَيْرًا لَّهُمْ ۖ وَإِن يَتَوَلَّوْا۟ يُعَذِّبْهُمُ
ٱللَّهُ عَذَابًا أَلِيمًا فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْءَاخِرَةِ ۚ وَمَا لَهُمْ فِى ٱلْأَرْضِ
مِن وَلِىٍّ وَلَا نَصِيرٍ ﴿٧٤﴾ ۞ وَمِنْهُم مَّنْ عَٰهَدَ ٱللَّهَ لَئِنْ
ءَاتَىٰنَا مِن فَضْلِهِۦ لَنَصَّدَّقَنَّ وَلَنَكُونَنَّ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٧٥﴾
فَلَمَّآ ءَاتَىٰهُم مِّن فَضْلِهِۦ بَخِلُوا۟ بِهِۦ وَتَوَلَّوا۟ وَّهُم مُّعْرِضُونَ
﴿٧٦﴾ فَأَعْقَبَهُمْ نِفَاقًا فِى قُلُوبِهِمْ إِلَىٰ يَوْمِ يَلْقَوْنَهُۥ بِمَآ أَخْلَفُوا۟
ٱللَّهَ مَا وَعَدُوهُ وَبِمَا كَانُوا۟ يَكْذِبُونَ ﴿٧٧﴾ أَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟
أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَىٰهُمْ وَأَنَّ ٱللَّهَ عَلَّٰمُ
ٱلْغُيُوبِ ﴿٧٨﴾ ٱلَّذِينَ يَلْمِزُونَ ٱلْمُطَّوِّعِينَ مِنَ
ٱلْمُؤْمِنِينَ فِى ٱلصَّدَقَٰتِ وَٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ إِلَّا
جُهْدَهُمْ فَيَسْخَرُونَ مِنْهُمْ ۙ سَخِرَ ٱللَّهُ مِنْهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٩﴾

73. Эй, Пайғамбар! Кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга нисбатан (Сиз ҳам) дағаллик қилинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар мудҳиш қисмат бу!*

74. (Ёмон сўз) айтмадик, деб қасам ичадилар. Ваҳоланки, куфр сўзини айтганлар ва ислом (динини қабул қилган)ларидан кейин (яна) куфрга қайтганлар ҳамда ета олмаган нарсаларига* қасд қилганлар. Аллоҳ ва (Унинг) Расули уларни (Пайғамбар ва саҳобаларини) фазли (ўлжалар) билан бойитиб қўйгани учунгина (мунофиқлар) уларни ёқтирмадилар. Бас, агар тавба қилсалар, ўзлари учун яхши. Борди-ю, бош тортсалар, Аллоҳ уларни ҳам бу дунё, ҳам охиратда аламли азоб билан азоблагай. Ер (юзи)да уларга на бир дўст ва на ёрдам берувчи бор.

75. Улар орасида: «Агарда бизга (Аллоҳ) фазли (бойлиги)дан берса, албатта, садақа қилурмиз ва солиҳ (киши)лардан бўлурмиз», – деб Аллоҳ билан аҳдлашадиганлар ҳам бор.

76. Аллоҳ уларга фазлидан берганда эса, (улар) унга бахиллик қилдилар ва юз ўгириб кетдилар.

77. Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлғончилик қилганлари сабабли уларга, то Уни учратадиган кунлари (қиёмат)гача дилларида мунофиқлик бўлишини қисмат қилиб қўйди.

78. Аллоҳнинг улар яширган ва шивирлаганларини ҳам билишини ва Аллоҳ ғайб нарсаларнинг ҳам алломаси эканлигини билмаганмидилар?!

79. Мўминлардан ихтиёрий иона қилувчиларини ва зўрға топиб-тутувчиларини истеҳзо ила масхаралайдиганларни Аллоҳ «масхара» қилади ва улар учун аламли азоб (бор)дир.

73-оят. Макка ва Мадинадаги куфр ва нифоқ аҳли Расул (а.с.) ва мусулмонларга озор бериш, дағал муомала қилиш, масхаралашда ҳаддан ошганларидан кейин уларнинг муқобилига шундай муносабат билан жавоб қайтаришга буюрилди. Мушрик ва кофирлар зулмига қарши қасос олиш мақсадида жанг қилишга Аллоҳ томонидан рухсат берилди. Лекин мунофиқларга қарши жазо белгиланмади. Зеро, улар дилларида куфрни яшириб юрган бўлсалар-да, тилларида мусулмонлик даъвосини қилар эдилар. Ислом эса, зоҳирига қараб муомала қилишга буюради. Шундай бўлгач, оятдаги буйруқни “кофирлар билан жанг орқали, мунофиқлар билан эса, баҳс-мунозара ва ҳужжатлар воситаси билан курашиш” деб тушуниш лозим бўлади. Ибн Масъуд (рз.): “Улар билан аввало қўл кучи билан, унинг иложи бўлмаса тил билан, унинг ҳам иложи бўлмаса дили билан, унга ҳам имконият бўлмаса уларнинг юзига хўмрайиб боқиш билан курашилади”, – деган (Хз.).

Ибн Масъуд ушбу оятдаги “жиҳод” сўзини “жидду жаҳд” деб тафсир қилган. Зеро, бу ерда жиҳоднинг қуролли жанг дейиш учун далил йўқдир (Тб.)

74-оят. Ета олмаган нарсалари – Муҳаммад (а.с.)ни қатл этишга бўлган ҳаракатлари эди.

اسْتَغْفِرْ لَهُمْ أَوْ لَا تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ إِن تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ سَبْعِينَ مَرَّةً
فَلَن يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ
وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿٨٠﴾ فَرِحَ الْمُخَلَّفُونَ
بِمَقْعَدِهِمْ خِلَافَ رَسُولِ اللَّهِ وَكَرِهُوا أَن يُجَاهِدُوا بِأَمْوَالِهِمْ
وَأَنفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَقَالُوا لَا تَنفِرُوا فِي الْحَرِّ قُلْ نَارُ جَهَنَّمَ
أَشَدُّ حَرًّا لَّوْ كَانُوا يَفْقَهُونَ ﴿٨١﴾ فَلْيَضْحَكُوا قَلِيلًا وَلْيَبْكُوا كَثِيرًا
جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٢﴾ فَإِن رَّجَعَكَ اللَّهُ إِلَىٰ طَائِفَةٍ
مِّنْهُمْ فَاسْتَأْذَنُوكَ لِلْخُرُوجِ فَقُل لَّن تَخْرُجُوا مَعِيَ أَبَدًا وَلَن
تُقَاتِلُوا مَعِيَ عَدُوًّا إِنَّكُمْ رَضِيتُم بِالْقُعُودِ أَوَّلَ مَرَّةٍ فَاقْعُدُوا
مَعَ الْخَالِفِينَ ﴿٨٣﴾ وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِّنْهُم مَّاتَ أَبَدًا وَلَا تَقُمْ
عَلَىٰ قَبْرِهِ إِنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَمَاتُوا وَهُمْ فَاسِقُونَ
﴿٨٤﴾ وَلَا تُعْجِبْكَ أَمْوَالُهُمْ وَأَوْلَادُهُمْ إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَن يُعَذِّبَهُم
بِهَا فِي الدُّنْيَا وَتَزْهَقَ أَنفُسُهُمْ وَهُمْ كَافِرُونَ ﴿٨٥﴾ وَإِذَا
أُنزِلَتْ سُورَةٌ أَنْ آمِنُوا بِاللَّهِ وَجَاهِدُوا مَعَ رَسُولِهِ اسْتَأْذَنَكَ
أُولُو الطَّوْلِ مِنْهُمْ وَقَالُوا ذَرْنَا نَكُن مَّعَ الْقَاعِدِينَ ﴿٨٦﴾

80. Улар учун (Сиз) хоҳ кечирим сўранг, хоҳ кечирим сўраманг – агар етмиш бор улар учун кечирим сўрасангиз ҳам – Аллоҳ сира уларни кечирмагай*. Бу уларнинг Аллоҳ ва Расулига куфр келтирганларидандир. Аллоҳ эса, фосиқлар қавмини ҳидоят қилмагай.

81. (Жангдан сохта узрлар билан) қолганлар* Аллоҳнинг расулига хилоф қилиб ўтиришларидан (ўзлари) шод бўлдилар ва молларию жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ёқтирмадилар ва (бошқаларга ҳам): «Иссиқ ҳавода қўзғалмангиз!» – дейишди. Айтинг: «Агар англасалар, жаҳаннам олови (ундан) иссиқроқдир».

82. Бас, (улар) қилмишларининг жазоси учун (бу дунёда) оз кулсинлар ва (охиратда) кўп йиғласинлар!

83. Бас, агар Аллоҳ Сизни (яна) бирор тоифа (ёв)га (тўқнашиш учун) қайтарганида Сиздан (жангга) чиқишга изн сўрасалар, айтинг: «Мен билан бирга (энди) сира чиқмайсиз ва Мен билан бирга бирор душманга қарши урушмайсиз ҳам. Зеро, сизлар аввалги гал (жангга чиқмай) ўтиришга рози бўлдингиз. Яна қолувчилар билан (қолиб) ўтираверингиз!»

84. Улардан ўлган бирор кишига зинҳор жаноза намозини ўқиманг ва қабри устида ҳам турманг! Зеро, улар Аллоҳга ва Расулига куфр келтирдилар ҳамда фосиқлик ҳолларида ўлдилар.

85. Уларнинг мол-мулклари ва фарзандлари (кўплиги) Сизни таажжублантирмасин! Зеро, Аллоҳ уларни (шу дунёда) ўшалар (ташвишлари) сабабли азоблашни ва кофирлик ҳолларида жонлари чиқишини ирода этади.

86. «Аллоҳга имон келтирингиз ва Расули билан бирга жиҳод қилингиз!» – деган (мазмундаги) сура (оят) нозил қилинса, уларнинг иқтидорли (бой)лари (дарҳол) изн сўраб: «Бизни қўйгин, ўтирувчилар билан бирга бўлайлик!», – дейдилар.

80-оят. Бу оят нозил бўлишининг сабаби тўғрисида бир неча тафсирлар бор. Масалан, Абдуллоҳ ибн Убай Расул (а.с.) ҳузурларига келиб, куфрдаги отаси ўлим тўшагида ётганини айтиб, унинг истиғфор айтиб, гуноҳларига кечирим сўраб беришни илтимос қилганида шу оят нозил бўлган (Мд.). Бошқа тафсирга кўра, мунофиқларнинг сири очилиб қолгач, улар Расул (а.с.) ҳузурларига келиб, узр айтишиб, Аллоҳдан кечирим сўраб беришни илтимос қилишганда нозил бўлган (Хз.). Заҳҳок (рҳ.) тафсирига кўра, мазкур оят нозил бўлгач, Расул (а.с.) етмиш марта истиғфор айтсам кечирмайдиган бўлса, ундан кўпроқ айтсаммикан, деб турганларида “Мунофиқун” сурасининг 6-оятини нозил қилиб, унда улар учун истиғфор айтсалар ёки айтмасалар ҳам сира кечирилмаслигини билдирган (Бғ.).

81-оят. Яна Табук воқеасига доир оятлар баён этилмоқда.

Бу ҳақда суранинг 38–39-оятлари тафсирига қаралсин.

87. (Улар) қолувчи (аёл ва бола)лар билан бирга бўлишга рози бўлдилар. Диллари эса муҳрлаб қўйилди. Бас, улар (жиҳоднинг фазлини) англамайдилар.

88. Лекин Расул ва у билан бирга имон келтирганлар жонлари ва моллари билан жиҳод қилдилар. Яхшиликлар ана ўшалар учундир ва нажот топувчи кишилар ҳам айнан ўшалардир*.

89. Аллоҳ улар учун остидан анҳорлар оқадиган, унда мангу қолинадиган (жаннатдаги) боғларни тайёрлаб қўйгандир. Ана ўша – улкан ютуқдир.

90. Аъробий (бадавий)лардан уларга рухсат берилиши учун узр кўрсатувчилар* келди ва (шундай қилиб) Аллоҳга ва Расулига ёлғон гапирганлар (жангга чиқмай уйларида) ўтирдилар. Албатта, улардан кофир бўлганларига аламли азоб етгусидир.

91. Заифлар, беморлар ва (жанг учун) харж қилишга нарса топа олмайдиганларга – Аллоҳ ва Расулига содиқ турган бўлсалар – қийинчилик (мажбурлик) йўқ*. Эзгу иш қилувчилар (шаъни)га (таъна учун) йўл йўқ. Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

92. Шунингдек, Сизнинг ҳузурингизга уларни уловли қилиб қўйишингиз учун келганларида, «сизларни уловли қилишга нарса топа олмайман», – дедингиз. Улар эса сарф қилишга нарса топа олмаганлари учун ғамгин бўлиб, кўзларидан ёш оқиб қайтиб кетдилар. Уларга ҳам (таъна йўқ).

رَضُوا۟ بِأَن يَكُونُوا۟ مَعَ ٱلْخَوَالِفِ وَطُبِعَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ
لَا يَفْقَهُونَ ﴿٨٧﴾ لَٰكِنِ ٱلرَّسُولُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مَعَهُۥ
جَٰهَدُوا۟ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱلْخَيْرَٰتُ ۖ
وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٨٨﴾ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى
مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٨٩﴾ وَجَآءَ
ٱلْمُعَذِّرُونَ مِنَ ٱلْأَعْرَابِ لِيُؤْذَنَ لَهُمْ وَقَعَدَ ٱلَّذِينَ كَذَبُوا۟
ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ ۚ سَيُصِيبُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
﴿٩٠﴾ لَّيْسَ عَلَى ٱلضُّعَفَآءِ وَلَا عَلَى ٱلْمَرْضَىٰ وَلَا عَلَى ٱلَّذِينَ
لَا يَجِدُونَ مَا يُنفِقُونَ حَرَجٌ إِذَا نَصَحُوا۟ لِلَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۚ
مَا عَلَى ٱلْمُحْسِنِينَ مِن سَبِيلٍ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٩١﴾
وَلَا عَلَى ٱلَّذِينَ إِذَا مَآ أَتَوْكَ لِتَحْمِلَهُمْ قُلْتَ لَآ أَجِدُ
مَآ أَحْمِلُكُمْ عَلَيْهِ تَوَلَّوا۟ وَّأَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ ٱلدَّمْعِ
حَزَنًا أَلَّا يَجِدُوا۟ مَا يُنفِقُونَ ﴿٩٢﴾ ۞ إِنَّمَا ٱلسَّبِيلُ عَلَى
ٱلَّذِينَ يَسْتَـْٔذِنُونَكَ وَهُمْ أَغْنِيَآءُ ۚ رَضُوا۟ بِأَن يَكُونُوا۟
مَعَ ٱلْخَوَالِفِ وَطَبَعَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٩٣﴾

93. (Таъна учун) йўл – ўзлари бой бўла туриб, Сиздан рухсат сўрайдиганлар (шаъни)гадир. (Улар) қолувчи (аёл)лар билан бирга бўлишга рози бўлдилар. Аллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйди. Бас, улар (шунинг учун савоб билан гуноҳ фарқини) билмайдилар.

88-оят. Диний истилоҳга кўра “жиҳод” уч хил бўлади. Биринчиси – нафс билан курашиш; иккинчиси – шайтон билан; учинчиси – ёв билан курашиш. Қуръони карим оятларидаги “жиҳод” сўзи мазкур уч хил душман билан курашиш маъноларида келади. Шаҳидликнинг кўпгина турлари бўлгани каби жиҳоднинг ҳам турлари кўпдир. Яна “Нисо” сураси, 95-оят тафсирига қаралсин.

90-оят. Оятдаги “узр кўрсатувчилар” тўғрисида ҳам турли тафсирлар айтилган. Заҳҳок (рҳ.) улар Омир ибн Туфайл қавмидан бўлиб, Расул (а.с.) ҳузурларига келиб: “Агар биз сиз билан бирга жангга чиқсак, Тай қабиласи йигитлари келиб, аёлларимиз ва чорваларимизга ҳужум қилишларидан қўрқамиз”, – деб сохта узр айтганлар. Уларга жавобан Он ҳазрат: “Менга сизлар ҳаққингизда Аллоҳ билдирди”, – деганлар. Яъни уларнинг сохта баҳоналарини билганлар (Бғ.).

91-оят. Ибн Аббос (рз.) ушбу оятнинг тафсирида “заифлар” дан мурод сурункали оғир касаллар, ўта кексалар ва жангга ожизлик қилувчи кишилар, деган. Бошқалар балоғат ёшига етмаган болалар ёки аёллар деб изоҳ берганлар (Бғ. Мд.).

يَعْتَذِرُونَ إِلَيْكُمْ إِذَا رَجَعْتُمْ إِلَيْهِمْ قُل لَّا تَعْتَذِرُوا
لَن نُّؤْمِنَ لَكُمْ قَدْ نَبَّأَنَا اللَّهُ مِنْ أَخْبَارِكُمْ وَسَيَرَى
اللَّهُ عَمَلَكُمْ وَرَسُولُهُ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عَالِمِ الْغَيْبِ
وَالشَّهَادَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٤﴾ سَيَحْلِفُونَ
بِاللَّهِ لَكُمْ إِذَا انقَلَبْتُمْ إِلَيْهِمْ لِتُعْرِضُوا عَنْهُمْ فَأَعْرِضُوا
عَنْهُمْ إِنَّهُمْ رِجْسٌ وَمَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ جَزَاءً بِمَا كَانُوا
يَكْسِبُونَ ﴿٩٥﴾ يَحْلِفُونَ لَكُمْ لِتَرْضَوْا عَنْهُمْ فَإِن
تَرْضَوْا عَنْهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَرْضَىٰ عَنِ الْقَوْمِ الْفَاسِقِينَ
﴿٩٦﴾ الْأَعْرَابُ أَشَدُّ كُفْرًا وَنِفَاقًا وَأَجْدَرُ أَلَّا يَعْلَمُوا
حُدُودَ مَا أَنزَلَ اللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٩٧﴾ وَمِنَ
الْأَعْرَابِ مَن يَتَّخِذُ مَا يُنفِقُ مَغْرَمًا وَيَتَرَبَّصُ بِكُمُ الدَّوَائِرَ
عَلَيْهِمْ دَائِرَةُ السَّوْءِ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٩٨﴾ وَمِنَ
الْأَعْرَابِ مَن يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَتَّخِذُ
مَا يُنفِقُ قُرُبَاتٍ عِندَ اللَّهِ وَصَلَوَاتِ الرَّسُولِ أَلَا إِنَّهَا قُرْبَةٌ
لَّهُمْ سَيُدْخِلُهُمُ اللَّهُ فِي رَحْمَتِهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٩٩﴾

ЎН БИРИНЧИ ПОРА

94. Улар ҳузурига қайтганингизда, сизларга узр айтадилар*. Айтинг: «Узр айтмангиз! Сизларга сира ишонмаймиз. Аллоҳ бизга сизларнинг хабарларингиздан билдирди. Албатта, Аллоҳ ва Расули ишларингизни кўргай. Сўнгра ғойиб ва ошкора (ишлар)ни билувчи (зот – Аллоҳ)га қайтарилурсиз. Бас, (У) сизларга қилган ишларингиз хабарини берур».

95. Улар ҳузурига қайтганингизда улардан (узр қабул қилиб) бепарво бўлишингиз учун Аллоҳ (номи) билан қасам ичадилар. Майли, уларга парво қилмангиз! Зеро, улар нопокдирлар. Жойлари эса, қилмишларига яраша, жаҳаннамдир.

96. Улардан қаноат ҳосил қилишларингиз учун сизларга қасамёд этадилар. Сизлар улардан қаноатлансангиз ҳам, Аллоҳ фосиқлар қавмидан сира рози бўлмагай.

97. Аъробийлар* (одатда) куфр ва нифоқда кучлироқ ва Аллоҳнинг Расулига нозил қилган нарсалар ҳудудини билмасликлари аниқроқдир. Аллоҳ (эса) илмли ва ҳикматли зотдир.

98. Аъробийлар ичида қилган садақасини зарар (ортиқча чиқим) деб биладиган ва сизларга мусибатлар бўлишини кутиб турадиганлари ҳам бор. Улар узра ёмон бало келсин! Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

99. Аъробийлар ичида Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадиган, қилган садақаларини Аллоҳ ҳузурида яқинлик ва Расул олқиши деб биладиганлари ҳам бор*. Албатта, у улар учун (Аллоҳга) яқинликдир. Аллоҳ уларни, албатта, ўз раҳмати (жаннати)га киргизур. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

94-оят. Табук ғазотига боришдан бош тортиб, узр айтган мунофиқларнинг адади Имом Бағавий (рҳ.) тафсирига кўра, саксон нафардан ошиқроқ эди (Хз.).

97-оят. Бу ва кейинги оятда Асад, Ғатфон ва Тамим қабилаларига мансуб аъробийларнинг аслида кофир ва мунофиқ экани баён этилмоқда (Хз.).

99-оят. Бу оятда аъробийларнинг ҳаммаси ҳам юқоридагилардек эмаслиги, балки чин ихлосли мўминлари ҳам борлиги билдирилмоқда. Улар Мужоҳид (рҳ.) тафсирига кўра, Музайна вилоятининг Бани Муқрин қабиласи кишиларидир. Калбий (рҳ.) эса Аслам, Ғифор ва Жуҳайна қабилаларидаги аъробийлар, деб айтган. Ҳадисда шундай дейилади: "Аслам, Ғифор, Жуҳайнанинг бир қисми ва Музайна қиёмат кунида Тамим, Асад, Ҳавозин ва Ғатфон қабилаларидан афзал экани маълум бўлур" (Бғ.).

Шаҳар ва қишлоқларда яшайдиган арабга "Эй, аъробий!", –дейилса хафа бўлади. Шунингдек, саҳрода яшайдиган аъробий ёки бадавийга "Эй, араб!", – дейилса хурсанд бўлар экан (Хз.).

Тафсирларда аъробийлар дағал муомалали, қўпол ва беҳаё бўлишларининг сабаби уларнинг шаҳарликлардек аҳли фазл кишилар суҳбатида бўлмаганларидир.

وَٱلسَّٰبِقُونَ ٱلْأَوَّلُونَ مِنَ ٱلْمُهَٰجِرِينَ وَٱلْأَنصَارِ وَٱلَّذِينَ
ٱتَّبَعُوهُم بِإِحْسَٰنٍ رَّضِيَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا۟ عَنْهُ وَأَعَدَّ
لَهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِي تَحْتَهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا
ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١٠٠﴾ وَمِمَّنْ حَوْلَكُم مِّنَ ٱلْأَعْرَابِ
مُنَٰفِقُونَ وَمِنْ أَهْلِ ٱلْمَدِينَةِ مَرَدُوا۟ عَلَى ٱلنِّفَاقِ لَا تَعْلَمُهُمْ
نَحْنُ نَعْلَمُهُمْ سَنُعَذِّبُهُم مَّرَّتَيْنِ ثُمَّ يُرَدُّونَ إِلَىٰ عَذَابٍ
عَظِيمٍ ﴿١٠١﴾ وَءَاخَرُونَ ٱعْتَرَفُوا۟ بِذُنُوبِهِمْ خَلَطُوا۟ عَمَلًا صَٰلِحًا
وَءَاخَرَ سَيِّئًا عَسَى ٱللَّهُ أَن يَتُوبَ عَلَيْهِمْ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٠٢﴾
خُذْ مِنْ أَمْوَٰلِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِم بِهَا وَصَلِّ عَلَيْهِمْ
إِنَّ صَلَوٰتَكَ سَكَنٌ لَّهُمْ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٠٣﴾ أَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟
أَنَّ ٱللَّهَ هُوَ يَقْبَلُ ٱلتَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِۦ وَيَأْخُذُ ٱلصَّدَقَٰتِ وَأَنَّ
ٱللَّهَ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٠٤﴾ وَقُلِ ٱعْمَلُوا۟ فَسَيَرَى ٱللَّهُ عَمَلَكُمْ
وَرَسُولُهُۥ وَٱلْمُؤْمِنُونَ وَسَتُرَدُّونَ إِلَىٰ عَٰلِمِ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ
فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٠٥﴾ وَءَاخَرُونَ مُرْجَوْنَ لِأَمْرِ
ٱللَّهِ إِمَّا يُعَذِّبُهُمْ وَإِمَّا يَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٠٦﴾

100. Муҳожирлар ва ансорларнинг дастлабки пешқадамлари* ҳамда улар ортидан эзгулик билан борганлардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна улар учун остида анҳорлар оқувчи, (улар) унда абадий мангу қоладиган жаннат (боғ)ларни тайёрлаб қўйди. Ана ўша улкан ютуқдир.

101. Теварагингиздаги* аъробийлар ва Мадина аҳолиси ичида мунофиқлар бор. (Улар) нифоқда бардавомдирлар. Уларни (Сиз) билмайсиз, уларни Биз биламиз. Албатта, уларни икки бор азоблаймиз*. Сўнгра (қиёматда) улкан азоб (дўзах)га қайтарилурлар.

102. Яна бошқалари ҳам борки, гуноҳларини тан олурлар. Яхши ишни бошқаси – ёмонига аралаштириб юборганлар. Аллоҳ уларнинг тавбаларини шояд қабул қилса. Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

103. Мол-мулкларидан уларни у сабабли поклашингиз ва тозалашингиз учун садақа олинг ва улар (ҳаққи)га дуо қилинг! Албатта, дуоингиз уларга таскин (тасалли)дир. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

104. Улар Аллоҳнинг бандалари томонидан (қилинадиган) тавбани қабул этишини, садақаларни олишини ҳамда Аллоҳ тавбаларини қабул этувчи ва раҳмли эканини билишмаганмидилар?!

105. Айтинг: «Ишлангиз! Албатта, Аллоҳ, Расули ва мўминлар ишларингизни кўражаклар. Шунингдек, албатта, ғойиб ва ошкора (ишлар)ни билувчи (зот) ҳузурига қайтарилурсиз. Бас, (ўшанда) сизларга қилган ишларингиз хабарини берур.

106. Яна Аллоҳнинг амрига ҳавола этилган бошқалари ҳам борки, уларни ё азоблар ёки тавбаларини қабул этар. Аллоҳ билимли ва ҳикматлидир.

100-оят. Улар ҳар икки қибла – Масжиди Ақсо ва Масжиди Ҳаром томонга қараб намоз ўқиш насиб бўлган мусулмонлар ёки Бадр жангида иштирок этганлар ёхуд “Ризвон” байъатида қатнашганлардир. Ҳудайбия сулҳи тузилган йили мусулмонлар Расул (а.с.) ҳузурларига бир-бир келиб байъат, яъни қасамёд қилганлар. Шу байъат “Ризвон байъати” дейилади (Мд.). Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлганларидан кейин биринчи бўлиб Хадича онамиз, сўнгра Али ибн Аби Толиб ёки Абу Бакр ёхуд Зайд ибн Ҳориса имон келтирганлар, дейилади. Абу Бакр (рз.) 38 ёшда, Ҳазрат Али (рз.) 10 ёшда бўлган. Зайд эса, Расул (а.с.) нинг тутинган ўғиллари эди. Абу Бакр (рз.)нинг даъватлари билан Усмон, Зубайр, Абдурраҳмон, Саъд, Талҳа, Билол (рз.)лар исломга мушарраф бўлганлар (Хз.).

101-оят. Мадина теварагида Асад, Ғатафон, Жуҳайна, Аслам, Ашжаъ, Ғифор қабилалари жойлашган эди.

* Икки бор азоблаш деганда, уларнинг қатли билан қабр азоби ёки уларни шармисор қилиш билан қабр азоби ёхуд маъмурий ва жиноий жазо кўзда тутилади. Бошқача тафсирлар ҳам бор.

وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مَسْجِدًا ضِرَارًا وَكُفْرًا وَتَفْرِيقًا بَيْنَ
الْمُؤْمِنِينَ وَإِرْصَادًا لِّمَنْ حَارَبَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ مِن قَبْلُ
وَلَيَحْلِفُنَّ إِنْ أَرَدْنَا إِلَّا الْحُسْنَىٰ وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١٠٧﴾
لَا تَقُمْ فِيهِ أَبَدًا لَّمَسْجِدٌ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ
يَوْمٍ أَحَقُّ أَن تَقُومَ فِيهِ فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَن يَتَطَهَّرُوا
وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَّهِّرِينَ ﴿١٠٨﴾ أَفَمَنْ أَسَّسَ بُنْيَانَهُ
عَلَىٰ تَقْوَىٰ مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانٍ خَيْرٌ أَم مَّنْ أَسَّسَ بُنْيَانَهُ
عَلَىٰ شَفَا جُرُفٍ هَارٍ فَانْهَارَ بِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي
الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿١٠٩﴾ لَا يَزَالُ بُنْيَانُهُمُ الَّذِي بَنَوْا رِيبَةً
فِي قُلُوبِهِمْ إِلَّا أَن تَقَطَّعَ قُلُوبُهُمْ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١١٠﴾
۞ إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَىٰ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُم
بِأَنَّ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ
وَيُقْتَلُونَ وَعْدًا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَاةِ وَالْإِنجِيلِ
وَالْقُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَىٰ بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَبْشِرُوا
بِبَيْعِكُمُ الَّذِي بَايَعْتُم بِهِ وَذَٰلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١١١﴾

107. Яна шундайлар ҳам борки, улар (мўминларга) зарар етказиш, куфр, мўминлар орасига тафриқа солиш ва олдин Аллоҳ ва (Унинг) Расулига қарши урушган (бир) кишига кўз тутиш учун масжид қуриб олдилар. Яна: «Фақат (бундан) яхшиликни истаган эдик», – деб қасам ҳам ичадилар. Аллоҳ гувоҳлик берадики, улар, албатта, ёлғончилардир!*

108. (Эй, Муҳаммад!) зинҳор (Сиз) унда (намоз ўқиш учун) турманг! Биринчи кундан тақвога асосланган масжид эса, унда туришингизга лойиқроқдир. Унда покланишни хуш кўрадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севар.

109. Биноларини Аллоҳдан (берилувчи) тақво ва розилик асосида қурган киши яхшироқми ёки биноларига қулаётган жар ёқасини асос қилиб олган ва шу сабабли (ўзи ҳам) жаҳаннам ўтига қулаган кишими?! Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят қилмагай.

110. Қурган бинолари (бузиб ташлангач) то юраклари ёрилгунга (ўлгунга) қадар дилларида шак бўлиб қолур. Аллоҳ билимли ва ҳикматлидир.

111. Аллоҳ мўминлардан жонлари ва молларини жаннат эвазига «сотиб олди» – Аллоҳ йўлида жанг қиладилар. Бас, ўлдирадилар ва ўлдириладилар. Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини берган Аллоҳдан кўра ким аҳдига вафодорроқдир?! Бас, битишган бу савдоларингиздан шодланингиз! Ана ўша улкан ютуқдир!

107-оят. Расул (а.с.) Мадинага ҳижрат қилиб келган кунларидан бошлаб Қубо масжидини қуришга киришганлар. Масжид битгач, ўзлари келиб жамоат билан намоз ўқишни бошлаб берганлар. Буни кўрган 17 нафар мунофиқлар мусулмонларга ҳасад қилиб, бошқа жойга алоҳида масжид қуриш учун турли сохта узрларни кўрсатиб Расул (а.с.) дан рухсат оладилар. У битгач, Шомга кетган Абу Омир исмли бир роҳибнинг келишини кутадилар. Расул (а.с.) уни роҳиб эмас, фосиқ деб аташга буюрган эдилар. Кейинчалик у Он ҳазратнинг дуои бадлари билан кофирлик ҳолида ўлган. Мунофиқлар шу фосиқнинг келиши ва масжидга имом бўлишини кутган эдилар. Расул (а.с.)га масжид битгани тўғрисида хабар бериб, ўзлари имом бўлиб намозни бошлаб беришларини сўраган пайтларида оят нозил бўлиб, уларнинг сирларини фош этади.

Мунофиқлар қурган бу масжид Ислом тарихида "Масжиди зирор", яъни "зарар келтирувчи масжид" номи билан танилган. Расул (а.с.)нинг ўз амакилари Амир Ҳамза (рз.)ни қатл этиб, сўнгра исломни қабул қилган Вахший, Маан ибн Адий ва бошқаларни юбориб мунофиқлар қурган масжидни бузиб, ёндириб юбориш ва ўрнини ахлатхонага айлантириб қўйишга буюрганлар. Пайғамбаримиз (а.с.) томонидан Мадина яқинида қурилган Қубо масжиди эса, ислом тарихида биринчи қурилган масжид сифатида ҳозиргача фаолият кўрсатиб келмоқда (Лс. Мд. Хз.).

ٱلتَّٰٓئِبُونَ ٱلۡعَٰبِدُونَ ٱلۡحَٰمِدُونَ ٱلسَّٰٓئِحُونَ
ٱلرَّٰكِعُونَ ٱلسَّٰجِدُونَ ٱلۡأٓمِرُونَ بِٱلۡمَعۡرُوفِ
وَٱلنَّاهُونَ عَنِ ٱلۡمُنكَرِ وَٱلۡحَٰفِظُونَ لِحُدُودِ ٱللَّهِۗ
وَبَشِّرِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ١١٢ مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَن
يَسۡتَغۡفِرُواْ لِلۡمُشۡرِكِينَ وَلَوۡ كَانُوٓاْ أُوْلِي قُرۡبَىٰ مِنۢ بَعۡدِ
مَا تَبَيَّنَ لَهُمۡ أَنَّهُمۡ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَحِيمِ ١١٣ وَمَا كَانَ
ٱسۡتِغۡفَارُ إِبۡرَٰهِيمَ لِأَبِيهِ إِلَّا عَن مَّوۡعِدَةٖ وَعَدَهَآ إِيَّاهُ
فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُۥٓ أَنَّهُۥ عَدُوّٞ لِّلَّهِ تَبَرَّأَ مِنۡهُۚ إِنَّ إِبۡرَٰهِيمَ لَأَوَّٰهٌ حَلِيمٞ
١١٤ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُضِلَّ قَوۡمَۢا بَعۡدَ إِذۡ هَدَىٰهُمۡ حَتَّىٰ
يُبَيِّنَ لَهُم مَّا يَتَّقُونَۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٌ ١١٥ إِنَّ ٱللَّهَ
لَهُۥ مُلۡكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۖ يُحۡيِۦ وَيُمِيتُۚ وَمَا لَكُم مِّن
دُونِ ٱللَّهِ مِن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٖ ١١٦ لَّقَد تَّابَ ٱللَّهُ عَلَى
ٱلنَّبِيِّ وَٱلۡمُهَٰجِرِينَ وَٱلۡأَنصَارِ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُ فِي
سَاعَةِ ٱلۡعُسۡرَةِ مِنۢ بَعۡدِ مَا كَادَ يَزِيغُ قُلُوبُ فَرِيقٖ
مِّنۡهُمۡ ثُمَّ تَابَ عَلَيۡهِمۡۚ إِنَّهُۥ بِهِمۡ رَءُوفٞ رَّحِيمٞ ١١٧

112. (Улар) тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд (шукрона) айтувчилар, саёҳатчилар*, рукуъ этувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюрувчилар, ёмонликдан қайтарувчилар ва Аллоҳнинг ҳудуди (буйруқлари)ни риоя қилувчилардир. Мўминларга (Аллоҳнинг мукофотлари ҳақида) хушхабар беринг!

113. На пайғамбар ва на мўминлар мушриклар учун, гарчи улар қариндошлари бўлса ҳам – уларнинг дўзах аҳли эканлари маълум бўлгандан кейин – истиғфор (гуноҳларини кечиришини) сўрашлари жоиз эмас*.

114. Иброҳимнинг (ўз) отаси учун истиғфор сўраши фақат унга қилган ваъдаси туфайли эди. Аллоҳнинг душмани экани билингандан кейин ундан (отасидан) воз кечди. Албатта, Иброҳим оққўнгил ва ҳалимдир.

115. Аллоҳ бирор қавмни ҳидоят қилгандан кейин то уларга нимадан сақланишларини баён қилмагунича, уларни адаштирмаган. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсани билувчидир.

116. Албатта, осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга хосдир. (У) тирилтиради ва ўлдиради. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир.

117. Аллоҳ Пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул этди. Улардан бир гуруҳининг диллари чалғиёзгандан кейин оғир (бир) соатда унга эргашган эдилар. Сўнг тавбаларини қабул этди. Албатта, У уларга мушфиқ ва раҳмлидир.

112-оят. “Саёҳатчилар”дан мурод рўза тутувчилардир. Зеро, Расул (а.с.) бир ҳадисларида: “Умматимнинг саёҳати – бу, рўза” деганлар. Улардан мурод илм излаб юрган талабалар ёки ибрат кўзи билан дунёни мушоҳада этиб юрувчи сайёҳлар бўлиши ҳам мумкин. Ато ибн Аби Рабоҳ (рҳ.) улардан мурод ғозий ва мужоҳидлар, деган (Мд. Хз.).

113-оят. Бу оят нозил бўлишининг сабаби бир ривоятда Муҳаммад (а.с.)нинг амакилари Абу Толиб ўлим тўшагида ётганида Расул (а.с.) келсалар, Абу Жаҳл, Абдуллоҳ ибн Умайя ва бошқа мушриклар ҳам ўша жойда ўтиришган бўлади. Абу Толибга қараб: “Эй, амаки! “Ло илоҳа иллаллоҳ” деб айтинг, токи мен Аллоҳнинг ҳузурида шуни ҳужжат қилиб, Сизни шафоат қилай” деганларида Абу Жаҳл билан Абдуллоҳ, ота-боболаринг динидан қайтма, дейдилар. Бу жараён кўп такрорланади. Охири Абу Толиб Абдулмутталиб динида, яъни ширкда қоламан, дейди. Шунда Расул (а.с.): “Ундай бўлса, то Аллоҳ мени қайтармагунича амаким ҳақида истиғфор айтиб, Аллоҳдан кечирим сўрайман”, – деб турганларида мазкур оят орқали ширк ва куфр аҳлига истиғфор айтиш тақиқланган. Абу Толиб хусусида яна “Қасас” сурасининг 56-оятида “Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз” дейилган (Хз. Мд.).

Расул (а.с.) оналари қабри ёнида истиғфорга рухсат кутиб ўтирганларида нозил қилинган деган ривоят ҳам бор (Хз.).

وَعَلَى ٱلثَّلَٰثَةِ ٱلَّذِينَ خُلِّفُواْ حَتَّىٰٓ إِذَا ضَاقَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلۡأَرۡضُ
بِمَا رَحُبَتۡ وَضَاقَتۡ عَلَيۡهِمۡ أَنفُسُهُمۡ وَظَنُّوٓاْ أَن لَّا مَلۡجَأَ
مِنَ ٱللَّهِ إِلَّآ إِلَيۡهِ ثُمَّ تَابَ عَلَيۡهِمۡ لِيَتُوبُوٓاْۚ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلتَّوَّابُ
ٱلرَّحِيمُ ﴿١١٨﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَكُونُواْ مَعَ
ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١١٩﴾ مَا كَانَ لِأَهۡلِ ٱلۡمَدِينَةِ وَمَنۡ حَوۡلَهُم
مِّنَ ٱلۡأَعۡرَابِ أَن يَتَخَلَّفُواْ عَن رَّسُولِ ٱللَّهِ وَلَا يَرۡغَبُواْ بِأَنفُسِهِمۡ
عَن نَّفۡسِهِۦۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ لَا يُصِيبُهُمۡ ظَمَأٞ وَلَا نَصَبٞ
وَلَا مَخۡمَصَةٞ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلَا يَطَـُٔونَ مَوۡطِئٗا يَغِيظُ
ٱلۡكُفَّارَ وَلَا يَنَالُونَ مِنۡ عَدُوّٖ نَّيۡلًا إِلَّا كُتِبَ لَهُم
بِهِۦ عَمَلٞ صَٰلِحٌۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجۡرَ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ﴿١٢٠﴾
وَلَا يُنفِقُونَ نَفَقَةٗ صَغِيرَةٗ وَلَا كَبِيرَةٗ وَلَا يَقۡطَعُونَ
وَادِيًا إِلَّا كُتِبَ لَهُمۡ لِيَجۡزِيَهُمُ ٱللَّهُ أَحۡسَنَ مَا كَانُواْ
يَعۡمَلُونَ ﴿١٢١﴾ ۞ وَمَا كَانَ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ لِيَنفِرُواْ كَآفَّةٗۚ
فَلَوۡلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرۡقَةٖ مِّنۡهُمۡ طَآئِفَةٞ لِّيَتَفَقَّهُواْ فِي ٱلدِّينِ
وَلِيُنذِرُواْ قَوۡمَهُمۡ إِذَا رَجَعُوٓاْ إِلَيۡهِمۡ لَعَلَّهُمۡ يَحۡذَرُونَ ﴿١٢٢﴾

118. Яна (жангга чиқмай) қолган уч кишининг ҳам (тавбаларини қабул этди)*. Уларга Ер (шунча) кенглиги билан торлик қилган, диллари танг бўлган ва Аллоҳ (ғазаби)дан фақат Ўзига қочиш билан паноҳ топилишини билишгандан сўнгра улар тавба қилувчилардан бўлишлари учун Аллоҳ тавбаларини қабул этди. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул этувчи ва раҳмли зотдир.

119. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (имонда) содиқ кишилар билан бирга бўлингиз!

120. Мадина аҳолиси ва уларнинг теварагидаги аъробийлар учун Аллоҳнинг Расулидан қолишлари ва ундан кечиб ўзлари билан машғул бўлишлари жоиз эмас эди. Бунинг боиси – уларга Аллоҳ йўлида бирор ташналик, қийинчилик, очлик етса ва кофирларнинг жаҳлини чиқарадиган қадам боссалар, душманга бирор мусибат етказсалар, албатта, уларга шу сабабли яхши амал ёзилур. Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчилар мукофотини зое қилмагай.

121. Бирор кичик ёки катта садақа қилсалар ёки (Аллоҳ йўлида) бирор водийни босиб ўтсалар, албатта, қилган яхши ишлари сабабли Аллоҳ уларни мукофотлаши учун уларга (савоб) ёзилур.

122. Мўминлар ёппасига (жангга) чиқишлари шарт эмас. Уларнинг ҳар бир гуруҳидан бир тоифа чиқмайдими?! (Қолганлари Пайғамбардан) динни ўрганиб, қавмлари уларга (жангдан) қайтиб келгач, (гуноҳдан) сақланишлари учун уларни огоҳлантирмайдиларми?!

118-оят. Уч киши – Каъб ибн Молик, Мирора ибн ар-Рабиъ, Ҳилол ибн Умайя бўлиб, уларнинг ҳаммаси мадиналик ансорлардан. Улар Табук сафаридан узрсиз қолган мусулмонлар эди. Улар ҳақидаги тафсир ва тарих китобларида келган қиссалар асосан Каъб ибн Молик айтиб берган саргузаштлар асосида ёзиб келинган. Унинг сўзига кўра, Табук сафаридан қолгани учун пушаймон ва хижолат бўлиб юрганда Расул (а.с.) сафардан келадилар. Ҳузурларига кўпчилик келиб, Табук юришига бора олмагани учун чин ва ёлғон узрларни айтишар эди. Каъб ҳам бориб Расул (а.с.)га узрсиз бўла туриб уйда қолганини тан олиб, ўзининг тақдири ҳақида сўраганида Он ҳазрат Аллоҳдан ваҳий келгунига қадар мендан узоқроқ юриб тур, дейдилар. Расул (а.с.) Каъбнинг саломига алик ҳам олмай қўядилар. Буни кўрган бошқа мусулмонлар ҳам у билан мутлақо гаплашмай қўядилар. Иккита шериклари – Мирора билан Ҳилол ҳам худди шу ҳолатда уйларида пушаймон бўлиб, йиғлаб ўтиради. Орадан 40 ёки 50 кун ўтгач, мазкур оят нозил бўлади. Мусулмонлар бундан шодланиб, бориб уни табриклашади. Расул (а.с.) ҳузурларига келиб, ўзларидан ҳам бу хушхабарни эшитгач, суюнчисига бор бойлигини садақа қилиб юбормоқчи бўлганида Расул (а.с.) ўзига ҳам бир қисмини олиб қолишга буюрадилар (Хз. Лс.).

123. Эй, имон келтирганлар! Яқинингиздаги (Мадина ва унинг атрофидаги) кофирларга қарши жанг қилингиз!* Улар сизлардан дағалликни топсинлар! Яна билиб қўйингизки, албатта, Аллоҳ тақволилар билан биргадир.

124. Бирор сура нозил қилинса, улар ичида: «Бу (сура) қайси бирингизнинг имонингизни зиёда этди?», – дейдиган (мунофиқ)лар ҳам бор. Аммо имон келтирганларнинг имонларини бу (сура) зиёда қилур ва улар шод бўлурлар.

125. Аммо дилларида иллат (шак ва нифоқ) бўлганларнинг эса, ифлосликлари (куфрлари)-га яна ифлослик (куфр) қўшилади ва улар кофирлик ҳолларида ўлурлар.

126. Кўрмайдиларми, (улар) ҳар йили бир ёки икки марта синовга учрамоқдалар. (Шундан) сўнг (ҳам) на тавба қиладилар ва на эслатма оладилар.

127. Бирор сура нозил қилинса: «Сизларни бирор киши кўрмаяптими?», – деб бир-бирларига қараб олиб, сўнгра (уйларига) қайтадилар. Англамайдиган қавм бўлганлари сабабли Аллоҳ уларнинг дилларини (аксига) буриб қўйгандир.

128. (Эй, Макка аҳли!) Ҳақиқатан, сизларга ўзларингиздан* (чиққан), қийинчиликларингиздан алам чекадиган, сизлар билан (ҳидоят топишингиз билан) қизиқувчи, мўминларга мушфиқ ва раҳмдил Расул келди.

129. Бас, (шунда ҳам) юз ўгирсалар, (уларга) айтинг: «Менга Аллоҳ кифоядир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унга таваккул қилдим. У буюк Аршнинг парвардигоридир!».

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ قَٰتِلُوا۟ ٱلَّذِينَ يَلُونَكُم مِّنَ ٱلْكُفَّارِ
وَلْيَجِدُوا۟ فِيكُمْ غِلْظَةً ۚ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿١٢٣﴾
وَإِذَا مَآ أُنزِلَتْ سُورَةٌ فَمِنْهُم مَّن يَقُولُ أَيُّكُمْ زَادَتْهُ هَٰذِهِۦٓ
إِيمَٰنًا ۚ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ فَزَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَهُمْ يَسْتَبْشِرُونَ
﴿١٢٤﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ فَزَادَتْهُمْ رِجْسًا
إِلَىٰ رِجْسِهِمْ وَمَاتُوا۟ وَهُمْ كَٰفِرُونَ ﴿١٢٥﴾ أَوَلَا يَرَوْنَ
أَنَّهُمْ يُفْتَنُونَ فِى كُلِّ عَامٍ مَّرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ
لَا يَتُوبُونَ وَلَا هُمْ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٢٦﴾ وَإِذَا مَآ أُنزِلَتْ
سُورَةٌ نَّظَرَ بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ هَلْ يَرَىٰكُم مِّنْ أَحَدٍ
ثُمَّ ٱنصَرَفُوا۟ ۚ صَرَفَ ٱللَّهُ قُلُوبَهُم بِأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَّا يَفْقَهُونَ
﴿١٢٧﴾ لَقَدْ جَآءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ عَزِيزٌ
عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُم بِٱلْمُؤْمِنِينَ
رَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢٨﴾ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقُلْ حَسْبِىَ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ
إِلَّا هُوَ ۖ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ ۖ وَهُوَ رَبُّ ٱلْعَرْشِ ٱلْعَظِيمِ ﴿١٢٩﴾

ترتيبها ١٠ — سُورَةُ يُونُسَ — آياتها ١٠٩

Юнус сураси

Маккада нозил қилинган. 109 оят.

123-оят. Ибн Аббос (рз.) Қурайза, Назир, Хайбарга ўхшаш Мадинага яқин жойлардан бошлаш назарда тутилган, деган. Ибн Умар (рз.) Рум музофотига кирувчи Шом Мадинага Ироқдан кўра яқинроқдир, дейди. Баъзи уламолар бу оят барча мушрикларга қарши курашишга буюрилгандан кейин мансух бўлган, десалар, бошқа муҳаққиқ олимлар, мансух бўлмаган, балки яқиндагилардан бошлаб, секин-аста узоқдагиларга ўтиш йўли кўрсатилмоқда, деганлар.

128-оят. Ибн Аббос (рз.): "Бирор араб қабиласидан чиққан пайғамбар йўқки, Муҳаммад (а.с.)нинг наслу насаблари билан туташмаса", – деган. Ҳадисларида: "Менинг зоту насабимга жоҳилият одатлари аралашмаган. Ота-боболаримнинг ҳаммаси айнан исломдаги никоҳ қоидаларига мувофиқ равишда мени дунёга келишимга сабабчи бўлганлар", –деганлар (Бғ.).

Охирги икки оят Қуръоннинг энг охирги нозил бўлган оятлари деган ривоят бор (Тб.).

10. ЮНУС СУРАСИ

Сурада Юнус (а.с.) ва бошқа пайғамбарлар қиссаси, имон, эътиқод, илоҳий китоблар, қиёмат, қайта тирилиш, жазо, жаннат, дўзах каби масалалар баён этилади. Унда асосан тавҳидга даъват, ширк ва куфрга нафрат ғоялари талқин этилади.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
الٓر تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْحَكِيمِ ﴿١﴾ أَكَانَ لِلنَّاسِ عَجَبًا
أَنْ أَوْحَيْنَآ إِلَىٰ رَجُلٍ مِّنْهُمْ أَنْ أَنذِرِ ٱلنَّاسَ وَبَشِّرِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟
أَنَّ لَهُمْ قَدَمَ صِدْقٍ عِندَ رَبِّهِمْ ۗ قَالَ ٱلْكَٰفِرُونَ إِنَّ هَٰذَا
لَسَٰحِرٌ مُّبِينٌ ﴿٢﴾ إِنَّ رَبَّكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ
فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ عَلَى ٱلْعَرْشِ ۖ يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ ۖ مَا مِن شَفِيعٍ
إِلَّا مِنۢ بَعْدِ إِذْنِهِۦ ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ فَٱعْبُدُوهُ ۚ أَفَلَا
تَذَكَّرُونَ ﴿٣﴾ إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا ۖ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقًّا ۚ إِنَّهُۥ
يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ لِيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
بِٱلْقِسْطِ ۚ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ
أَلِيمٌۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ ﴿٤﴾ هُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ ٱلشَّمْسَ
ضِيَآءً وَٱلْقَمَرَ نُورًا وَقَدَّرَهُۥ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوا۟ عَدَدَ ٱلسِّنِينَ
وَٱلْحِسَابَ ۚ مَا خَلَقَ ٱللَّهُ ذَٰلِكَ إِلَّا بِٱلْحَقِّ ۚ يُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ
لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٥﴾ إِنَّ فِى ٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ وَمَا خَلَقَ
ٱللَّهُ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَّقُونَ ﴿٦﴾

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбу (зикр этилажак гап)лар ҳикматли Китоб оятларидир.

2. Ўзларидан (бўлмиш) бир кишига (Муҳаммадга), одамларни огоҳлантиринг ва имон келтирганларга Парвардигорлари ҳузурида “содиқлик қадами”* борлиги ҳақида хушхабар беринг, деб ваҳий юборганимиз одамларга ажабланарли бўлдими?! Кофирлар эса: «Албатта, бу (Муҳаммад) аниқ сеҳргардир», – дедилар.

3. Албатта, Раббингиз осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра “муставий” бўлган Аллоҳдир*. Иш тадбирини (пухта) қўрар. Унинг изнисиз бирор шафоат қилувчи бўлмас. Ана ўша Аллоҳ Раббингиздир, Унга ибодат қилингиз! Бас, (бундан) эслатма олмайсизми?!

4. Барчангизнинг қайтиш жойингиз Унинг ҳузуридир. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. У яратишни бошлайди, сўнгра имон келтириб, эзгу иш қилганларни адолат билан мукофотлаш учун уни (барча яратганларини) яна (ҳаётга) қайтаради. Кофир бўлганларга эса, қайноқ сувдан иборат ичимлик ва кофир бўлганлари сабабли аламли азоб бордир.

5. У қуёшни зиё (таратувчи) ва ойни нур (сочувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ва замонга доир) ҳисобни билишларингиз учун уни (ойни) манзилларга (бўлиб) ўлчаб қўйган зотдир*. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур.

6. Албатта, тун ва куннинг алмашиб туришида ҳамда осмонлар ва Ердаги Аллоҳ яратиб қўйган нарсаларда Аллоҳдан қўрқадиган қавм учун аломатлар бор.

2-оят. “Содиқлик қадами”дан мурод нима экани тўғрисида Ибн Аббос (рз.) амаллари учун бериладиган ажру савоб деса, Заҳҳок (рҳ.) содиқлик савоби, дейди. Мужоҳид (рҳ.) ибодатлари деса, Ҳасан Басрий (рҳ.) олдин қилган солиҳ амаллари, дейди. Зайд ибн Аслам (рҳ.) Муҳаммад (а.с.)нинг шафоатлари, деса, Абу Убайда (рҳ.) олдин қилган яхши ва ёмон ишлари, деб тафсир қилган (Хз.). Имом Табарий (рҳ.) Мужоҳид (рҳ.)дан нақл қилинган “солиҳ амаллар” тафсири маъқулроқ деб ёзади.

3-оят. Ушбу оят “муташобиҳ” оятлардан бўлиб, “Муставий бўлди” сўзини таржима ва тафсир қилишни салаф уламолари жоиз эмас, деб билганлар (Ақ.)

5-оят. Ойнинг ўн икки буржи ва йигирма саккизта манзили бор. Буржлар – ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадий, далв, ҳут. Ҳар бир буржда иккию учдан бир манзил бўлиб, ой ҳар кеча шу манзиллардан бирига тушиб ўтади. Агар ой 30 кун бўлса, икки кеча ой кўринмайди. 29 кун бўлса, бир кеча кўринмайди. Қуёш мазкур манзиллардан ҳар бирида 13 кун ва 1/3 кунда қўниб ўтади. 28 та манзилнинг кунлари қўшилиб бир йил бўлади (Бғ.).

إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا وَرَضُوا۟ بِٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَٱطْمَأَنُّوا۟
بِهَا وَٱلَّذِينَ هُمْ عَنْ ءَايَٰتِنَا غَٰفِلُونَ ﴿٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ مَأْوَىٰهُمُ
ٱلنَّارُ بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ يَهْدِيهِمْ رَبُّهُم بِإِيمَٰنِهِمْ ۖ تَجْرِى مِن
تَحْتِهِمُ ٱلْأَنْهَٰرُ فِى جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٩﴾ دَعْوَىٰهُمْ فِيهَا سُبْحَٰنَكَ
ٱللَّهُمَّ وَتَحِيَّتُهُمْ فِيهَا سَلَٰمٌ ۚ وَءَاخِرُ دَعْوَىٰهُمْ أَنِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ
رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠﴾ ۞ وَلَوْ يُعَجِّلُ ٱللَّهُ لِلنَّاسِ ٱلشَّرَّ
ٱسْتِعْجَالَهُم بِٱلْخَيْرِ لَقُضِىَ إِلَيْهِمْ أَجَلُهُمْ ۖ فَنَذَرُ ٱلَّذِينَ
لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا فِى طُغْيَٰنِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿١١﴾ وَإِذَا مَسَّ
ٱلْإِنسَٰنَ ٱلضُّرُّ دَعَانَا لِجَنۢبِهِۦٓ أَوْ قَاعِدًا أَوْ قَآئِمًا فَلَمَّا كَشَفْنَا
عَنْهُ ضُرَّهُۥ مَرَّ كَأَن لَّمْ يَدْعُنَآ إِلَىٰ ضُرٍّ مَّسَّهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ زُيِّنَ
لِلْمُسْرِفِينَ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٢﴾ وَلَقَدْ أَهْلَكْنَا ٱلْقُرُونَ
مِن قَبْلِكُمْ لَمَّا ظَلَمُوا۟ ۙ وَجَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ وَمَا كَانُوا۟
لِيُؤْمِنُوا۟ ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْقَوْمَ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿١٣﴾ ثُمَّ جَعَلْنَٰكُمْ
خَلَٰٓئِفَ فِى ٱلْأَرْضِ مِنۢ بَعْدِهِمْ لِنَنظُرَ كَيْفَ تَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

7. Албатта, Биз билан мулоқотда бўлишни кутмай, дунё ҳаёти билан қаноатланган ва у билан (дили) таскин топганлар ҳамда оятларимиздан ғофил бўлган (кофир)лар,

8. ана ўшаларнинг жойлари – қилмишлари туфайли – дўзахдир.

9. Имон келтирган ва эзгу ишларни қилганларни эса, имонлари сабабли Парвардигорлари ҳидоят қилур, неъмати мўл жаннат (боғ)ларда остиларидан анҳорлар оқиб тургай.

10. У ердаги дуолари: «Эй, Аллоҳ! Сенга тасбеҳ айтамиз» дейиш ва у ердаги сўрашишлари «Салом-алик»дир. Дуоларининг охири эса: «Оламлар Парвардигори – Аллоҳга ҳамд!» дейишдир*.

11. Мабодо Аллоҳ одамларга ёмонликни (улар) яхшиликка шошилганлари каби тезлаштирганда эди, албатта, уларнинг ажаллари битган бўлур эди. Бас, Бизнинг мулоқотимизни кутмаганларни ўз туғён (тажовузкорлик)ларида гангиб юришларига ташлаб қўямиз.

12. Инсонга зарар етганда, ётган ҳолда ё ўтириб ёки тик туриб ҳам Бизга илтижо қилади. Ундан зарарини кетказганимизда эса, гўё етган зараридан Бизга дуо қилмагандек кетаверади. Мана шу тарзда исрофчи (тажовузкор)ларга ўз қилмишлари зийнатли (чиройли) қилиб кўйилди.

13. Сизлардан олдинги авлодларни (ҳам) зулм қилганларида ва пайғамбарлари (илоҳий) ҳужжатларни келтиргач, инонмаганларида, ҳалок қилганмиз. Шу тарзда жиноятчилар қавмини жазолагаймиз.

14. Сўнгра қандай иш қилишингизни кузатишимиз учун сизларни улардан кейин Ерга халифа (ўринбосар) қилдик*.

10-оят. Жаннат аҳли бирор нарса ейишни истаб қолсалар тасбеҳ айтар эканлар. Яъни “Субҳонакаллоҳумма” дейишлари билан кўнгиллари истаган таом ва бошқа ноз-неъматлар муҳайё бўлар экан. Муаккал хизматкорлар уларнинг тасбеҳларини эшитишлари билан дастурхонларда етмиш минг хил бир-бирига ўхшамаган таомларни келтирар эканлар. Таомдан фориғ бўлиб Аллоҳга ҳамд айтишлари билан хизматкорлар дастурхонларни йиғиштириб олиб кетар эканлар. Оятнинг бошқача тафсири – жаннат аҳли Аллоҳнинг зоту сифатларига лойиқ ҳамду сано ва тасбеҳларни айтишдан роҳатланар эканлар. Демак, бу зикрлари хурсандлик ва мамнуният аломатлари экан. Ҳадисда: “Жаннат аҳли еб ичадилар, лекин улардан ҳеч қандай чиқинди, ахлат каби нарсалар чиқмайди. Балки еган овқатлари мушку анбар ҳиди каби буғ ва ел шаклида чиқиб кетади”, – дейилган (Хз. Лс.).

14-оят. Ушбу оят Муҳаммад (а.с.) уммати учун огоҳлантиришдир. Зеро, унинг мазмуни: “Сизлардан олдинги умматларни Аллоҳга ва пайғамбарларига итоатсизлик қилганлари сабабли турли бало ва азоблар юбориб, ҳалок қилдим. Энди синов навбати сизларга келди” деган маънони тақозо этади (Лс.).

وَإِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡ ءَايَاتُنَا بَيِّنَٰتٖ قَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَرۡجُونَ
لِقَآءَنَا ٱئۡتِ بِقُرۡءَانٍ غَيۡرِ هَٰذَآ أَوۡ بَدِّلۡهُۚ قُلۡ مَا يَكُونُ لِيٓ
أَنۡ أُبَدِّلَهُۥ مِن تِلۡقَآيِٕ نَفۡسِيٓۖ إِنۡ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰٓ إِلَيَّۖ إِنِّيٓ
أَخَافُ إِنۡ عَصَيۡتُ رَبِّي عَذَابَ يَوۡمٍ عَظِيمٖ ١٥ قُل لَّوۡ شَآءَ
ٱللَّهُ مَا تَلَوۡتُهُۥ عَلَيۡكُمۡ وَلَآ أَدۡرَىٰكُم بِهِۦۖ فَقَدۡ لَبِثۡتُ
فِيكُمۡ عُمُرٗا مِّن قَبۡلِهِۦٓۚ أَفَلَا تَعۡقِلُونَ ١٦ فَمَنۡ أَظۡلَمُ
مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوۡ كَذَّبَ بِـَٔايَٰتِهِۦٓۚ إِنَّهُۥ
لَا يُفۡلِحُ ٱلۡمُجۡرِمُونَ ١٧ وَيَعۡبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ
مَا لَا يَضُرُّهُمۡ وَلَا يَنفَعُهُمۡ وَيَقُولُونَ هَٰٓؤُلَآءِ شُفَعَٰٓؤُنَا
عِندَ ٱللَّهِۚ قُلۡ أَتُنَبِّـُٔونَ ٱللَّهَ بِمَا لَا يَعۡلَمُ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا
فِي ٱلۡأَرۡضِۚ سُبۡحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ١٨ وَمَا كَانَ
ٱلنَّاسُ إِلَّآ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ فَٱخۡتَلَفُواْۚ وَلَوۡلَا كَلِمَةٞ
سَبَقَتۡ مِن رَّبِّكَ لَقُضِيَ بَيۡنَهُمۡ فِيمَا فِيهِ يَخۡتَلِفُونَ
١٩ وَيَقُولُونَ لَوۡلَآ أُنزِلَ عَلَيۡهِ ءَايَةٞ مِّن رَّبِّهِۦۖ فَقُلۡ إِنَّمَا
ٱلۡغَيۡبُ لِلَّهِ فَٱنتَظِرُوٓاْ إِنِّي مَعَكُم مِّنَ ٱلۡمُنتَظِرِينَ ٢٠

15. Уларга Бизнинг оятларимиз аниқ қилиб ўқиб берилса, мулоқотимизни кутмаганлар: «Бундан бошқа қуръон келтир ёки уни (Қуръон оятларини) ўзгартир!», – дейдилар*. Айтинг: «Уни ўз томонимдан ўзгартириш менга мумкин эмас. Мен фақат, менга ваҳий қилинган оятларгагина эргашурман. Мен, агар Раббимга итоатсизлик қиладиган бўлсам, улуғ кун (қиёмат) азобидан қўрқаман».

16. Айтинг: «Агар Аллоҳ хоҳлаганда эди, мен уни (Қуръонни) ўқимас эдим ва сизларга ҳам (Аллоҳ) уни билдирмаган бўлур эди. (Ахир) ундан олдин ҳам умр бўйи сизларнинг орангизда (яшаб) турдим-ку! Бас, (бунга) ақлни ишлатмайсизми?!».

17. Аллоҳ номидан ёлғон тўқиган ёки оятларини ёлғонга йўйган кимсадан ҳам золимроқ киши борми?!* Зотан, жиноятчилар (ҳеч қачон) нажот топмагайлар.

18. Аллоҳни қўйиб, уларга зарар ҳам, фойда ҳам келтира олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва «Ана шулар Аллоҳ ҳузурида бизни шафоат қилувчиларимиз», – дейдилар. Айтинг: «Аллоҳга осмонлар ва Ердаги У билмайдиган нарсаларни билдириб қўймоқчимисиз?! Аллоҳ улар келтираётган ширкдан пок ва юксакдир!»

19. Одамлар ягона уммат (бир динда) эдилар*. Сўнгра турли хил бўлиб кетдилар. Агар Раббингиздан (қиёматгача қўйиб бериш ҳақида) сўз кечмаганида, тортишаётган нарсалари ҳақида (аллақачон) ҳукм қилинган бўлур эди.

20. «Унга (Муҳаммадга) Парвардигоридан бирор мўъжиза туширилса эди!», – дейишади. Бас, айтинг: «Албатта, ғайб (ишлари) Аллоҳга хосдир. Кутингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман».

15-оят. Бу гапни айтишларига сабаб – оятлардаги кофир ва мушриклар ҳамда бут-санамлар тўғрисида келган илоҳий ҳукмлар уларга ёқмас эди (Мд.).

Фахриддин Розий (рҳ.) тафсирига кўра, Макка мушрикларининг бу таклифлари икки хил эҳтимолдан холи эмас: биринчидан, бу гапни улар Расул (а.с.)ни масхара қилиш ниятида айтишган ёки тажриба-синов учун, яъни агар улар айтган талабни қилсалар, демак, Қуръон оятлари Аллоҳ томонидан туширилади, деган гаплари ёлғон бўлиб чиқади, деб ўйлашган. Расулуллоҳ (а.с.)нинг раддия жавобларидан кейин ўзлари мулзам бўлдилар (Хз.).

17-оят. Заҳҳок (рҳ.) тафсирига кўра, Аллоҳга бўҳтон тўқиган золим шахс Мусайлима исмли каззобдир. У ўзини пайғамбар деб эълон қилган ва Муҳаммад (а.с.)га пайғамбарликни иккига бўлиб олишни таклиф қилган эди (Лс.).

19-оят. Яъни Одам (а.с.) даври бўлиб, то Қобил Ҳобилни қатл этгунга қадар давом этган ёки Нуҳ (а.с.) тўфондан омон қолган мусулмонлар билан яшаган давр бўлиб, ўша пайтда омон қолганлар ислом динида бўлган эдилар (Мд. Хз. Лс.).

وَإِذَآ أَذَقۡنَا ٱلنَّاسَ رَحۡمَةٗ مِّنۢ بَعۡدِ ضَرَّآءَ مَسَّتۡهُمۡ إِذَا لَهُم مَّكۡرٞ فِيٓ
ءَايَاتِنَاۚ قُلِ ٱللَّهُ أَسۡرَعُ مَكۡرًاۚ إِنَّ رُسُلَنَا يَكۡتُبُونَ مَا تَمۡكُرُونَ
٢١ هُوَ ٱلَّذِي يُسَيِّرُكُمۡ فِي ٱلۡبَرِّ وَٱلۡبَحۡرِۖ حَتَّىٰٓ إِذَا كُنتُمۡ فِي ٱلۡفُلۡكِ
وَجَرَيۡنَ بِهِم بِرِيحٖ طَيِّبَةٖ وَفَرِحُواْ بِهَا جَآءَتۡهَا رِيحٌ عَاصِفٞ
وَجَآءَهُمُ ٱلۡمَوۡجُ مِن كُلِّ مَكَانٖ وَظَنُّوٓاْ أَنَّهُمۡ أُحِيطَ بِهِمۡ دَعَوُاْ
ٱللَّهَ مُخۡلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ لَئِنۡ أَنجَيۡتَنَا مِنۡ هَٰذِهِۦ لَنَكُونَنَّ مِنَ
ٱلشَّٰكِرِينَ ٢٢ فَلَمَّآ أَنجَىٰهُمۡ إِذَا هُمۡ يَبۡغُونَ فِي ٱلۡأَرۡضِ بِغَيۡرِ
ٱلۡحَقِّۗ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّمَا بَغۡيُكُمۡ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمۖ مَّتَٰعَ ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَاۖ ثُمَّ إِلَيۡنَا مَرۡجِعُكُمۡ فَنُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٢٣
إِنَّمَا مَثَلُ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا كَمَآءٍ أَنزَلۡنَٰهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ فَٱخۡتَلَطَ بِهِۦ
نَبَاتُ ٱلۡأَرۡضِ مِمَّا يَأۡكُلُ ٱلنَّاسُ وَٱلۡأَنۡعَٰمُ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَخَذَتِ ٱلۡأَرۡضُ
زُخۡرُفَهَا وَٱزَّيَّنَتۡ وَظَنَّ أَهۡلُهَآ أَنَّهُمۡ قَٰدِرُونَ عَلَيۡهَآ
أَتَىٰهَآ أَمۡرُنَا لَيۡلًا أَوۡ نَهَارٗا فَجَعَلۡنَٰهَا حَصِيدٗا كَأَن لَّمۡ تَغۡنَ
بِٱلۡأَمۡسِۚ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلۡأٓيَٰتِ لِقَوۡمٖ يَتَفَكَّرُونَ ٢٤ وَٱللَّهُ
يَدۡعُوٓاْ إِلَىٰ دَارِ ٱلسَّلَٰمِ وَيَهۡدِي مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ٢٥

21. Одамларга* етишган зарар (қаҳатчилик) кетидан раҳмат (мўлчилик)ни тоттирсак, ногоҳ уларда оятларимизга нисбатан макр (инкор) намоён бўлади. Айтинг: «Аллоҳ тезроқ «макр» қилувчидир.» Элчи (фаришта)ларимиз қилаётган макрингизни, албатта, ёзиб қўюрлар.

22. У сизларни қуруқлик ва денгизда сайр қилдирур. Сизлар кемаларда бўлган пайтингизда ва улар майин шамол билан уларни (сизларни)* олиб кетаётганида ва улар бундан шодланиб турганларида, қаттиқ шамол ҳамда ҳар томондан тўлқин келганда, улар қуршовда қолганларини билиб: «Агар шундан бизни халос қилсанг, албатта, шукр қилувчилардан бўлурмиз!», – деб ихлос билан Аллоҳга илтижо қилурлар.

23. Аллоҳ уларни халос этгач, бехос (яна) Ер юзида ноҳақдан тажовузкорлик қилурлар. Эй, одамлар! Бу тажовузингиз фақат ўзингизга зарардир. (Бу роҳат) дунё ҳаётининг матоҳи (овунчоғи)дир. Сўнгра қайтиш жойингиз Бизнинг ҳузуримиздир. Бас, (ўшанда) қилган ишларингиз хабарини сизларга берурмиз.

24. Ҳақиқатан, дунё ҳаётининг мисоли худди Биз осмондан туширган сув (ёмғир) бўлиб, одамзот ва ҳайвонот ейдиган нарсалардан иборат ер гиёҳлари у билан аралашиб, то ер ясаниб ва зийнатлангач, ер эгалари ўзларини унга қодир деб билган бир пайтда, ерга тунда ёки кундузи Бизнинг амримиз келиб, уни кечаги куни обод бўлмагандек (йиғиб олинган) ҳосилга айлантириб қўйганимизга ўхшайди. Тафаккур қилувчи қавм учун (Биз) оятларни шу тарзда батафсил баён қилурмиз.

25. Аллоҳ (одамларни) тинчлик диёри* (жаннат)га чорлайди ва хоҳлаган кишини тўғри йўлга ҳидоят этади.

21-оят. Макка кофирлари бошига келган етти йиллик қаҳатчилик ва қурғоқчиликдан кейин ёмғирни сероб қилиб мўлчилик пайдо қилгани учун Аллоҳга шукр айтиш ўрнига яна куфр, фасод ва макр ишларига берилиб кетган ва серобгарликни ўзимиз пайдо қилдик, деган эдилар (Мд. Хз.).

22-оят. "Сизларни" сўзи ўрнига "уларни" деб иккинчи шахсдан учинчи шахсга ўтиш, балоғат илмида "илтифот" деб аталади. Ўзбек тилида ҳам "мен" ўрнига "биз", "сиз" ўрнига "улар" сўзи қўлланилади. Ҳаж сафаридан келган кишига: "Ҳаж қилибсизда!" ўрнига "Ҳаж қилибдиларда!", – дейилиши каби.

25-оят. "Тинчлик диёри"нинг арабчаси оятда "Дорус-салом" дейилган. Уни турлича тафсир қилганлар. Масалан, "ас-Салом" Аллоҳнинг номларидан бири, "дор" жаннат. Демак, унинг маъноси, "Аллоҳнинг жаннати" бўлади. "ас-Салом" саломатлик, тинчлик маъноларини ҳам билдиради. Ҳадиси шарифда: "Кўзим уйқуда, қалбим уйғоқ пайтида қулоғимга овоз келди. У бир хожа ҳовли қурди, дастурхон ёзди ва зиёфатга таклиф этиш учун жарчи юборди. Таклифни қабул этган киши келиб, дастурхон узра меҳмон бўлади. Хожа бу – Аллоҳ, ҳовли – ислом, дастурхон – жаннат, жарчи – Муҳаммад", – дейилган (Лс.).

۞ لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا۟ ٱلْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ ۖ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوهَهُمْ قَتَرٌ
وَلَا ذِلَّةٌ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢٦﴾ وَٱلَّذِينَ
كَسَبُوا۟ ٱلسَّيِّـَٔاتِ جَزَآءُ سَيِّئَةٍۭ بِمِثْلِهَا وَتَرْهَقُهُمْ ذِلَّةٌ ۖ مَّا لَهُم مِّنَ
ٱللَّهِ مِنْ عَاصِمٍ ۖ كَأَنَّمَآ أُغْشِيَتْ وُجُوهُهُمْ قِطَعًا مِّنَ ٱلَّيْلِ مُظْلِمًا ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢٧﴾ وَيَوْمَ نَحْشُرُهُمْ
جَمِيعًا ثُمَّ نَقُولُ لِلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟ مَكَانَكُمْ أَنتُمْ وَشُرَكَآؤُكُمْ ۚ فَزَيَّلْنَا
بَيْنَهُمْ ۖ وَقَالَ شُرَكَآؤُهُم مَّا كُنتُمْ إِيَّانَا تَعْبُدُونَ ﴿٢٨﴾ فَكَفَىٰ بِٱللَّهِ
شَهِيدًۢا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ إِن كُنَّا عَنْ عِبَادَتِكُمْ لَغَٰفِلِينَ ﴿٢٩﴾
هُنَالِكَ تَبْلُوا۟ كُلُّ نَفْسٍ مَّآ أَسْلَفَتْ ۚ وَرُدُّوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ مَوْلَىٰهُمُ
ٱلْحَقِّ ۖ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ ﴿٣٠﴾ قُلْ مَن يَرْزُقُكُم
مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ أَمَّن يَمْلِكُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَمَن يُخْرِجُ
ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ وَمَن يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ ۚ
فَسَيَقُولُونَ ٱللَّهُ ۚ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣١﴾ فَذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمُ ٱلْحَقُّ ۖ
فَمَاذَا بَعْدَ ٱلْحَقِّ إِلَّا ٱلضَّلَٰلُ ۖ فَأَنَّىٰ تُصْرَفُونَ ﴿٣٢﴾ كَذَٰلِكَ
حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى ٱلَّذِينَ فَسَقُوٓا۟ أَنَّهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٣﴾

26. Эзгу иш қилганларга чиройли нарса (жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўриш) бордир*. Уларнинг юзларини қоралик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар. Улар у ерда мангудирлар.

27. Гуноҳ ишларни қилганларга эса, ҳар бир гуноҳга ўша баробарида жазо (бордир) ва уларни хорлик қоплагай. Улар учун Аллоҳ тарафидан сақловчи йўқ. Уларнинг юзлари гўё зулматли туннинг бир бўлаги билан қопланган-декдир. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар. Улар у ерда мангу қолувчилардир.

28. Уларнинг ҳаммасини ўша кун (қиёмат)да тўплаб, сўнгра ширк келтирганларга: «Сизлар ва (Аллоҳга) шерик қилиб олган (бут)лариңгиз, жойингизда турингиз!», – деб уларнинг ораларини ажрим қиламиз. (Сиғинилган) шерикларингиз айтур: «Бизга сиғинмас эдингиз.

29. Бас, Аллоҳнинг ўзи биз билан сизларнинг ўртамизда гувоҳликка кифоядирки, сизларнинг (бизга қилган) ибодатингиздан ғофил (бехабар) эдик».

30. Ана ўша ерда ҳар бир жон (эгаси) қилиб ўтган ишини синаб кўрар ва (ҳаммаси) ҳаққоний эгалари – Аллоҳга қайтарилур. Тўқиб юрган (бут)лари ҳам улардан ғойиб бўлур.

31. Айтинг: «Сизларга осмон ва Ердан ризқ бераётган ким ёки қулоқ ва кўзларингизга эгалик қилаётган ким?! Ўликдан тирикни чиқарадиган ва тирикдан ўликни чиқарадиган ва ишнинг тадбирини кўрадиган кимдир?!» Улар, албатта: «Аллоҳ», – дейдилар. Шунда айтинг: «Бас, (шундай экан) қўрқмайсизми?!»

32. Бас, ана ўша ҳақиқий Аллоҳ ва Раббингиздир. Ҳақиқатдан ўзгаси эса гумроҳликдир. Бас, қаёққа оғиб кетаяпсиз?!

33. Шундай қилиб, имон келтирмаганлари сабабли фосиқлик қилганлар устидан Раббингизнинг («азоблайман» деган) сўзи ҳақ бўлиб чиқди.

26-оят. Абу Бакр, Ҳузайфа, Ибн Аббос, Абу Мусо, Убода (рз.) каби буюк саҳобийлар ва муфассирлар оятдаги “зиёдалик”дан мурод Аллоҳнинг жамолини кўриш, деб тафсир қилганлар. Ҳадисда: “Жаннат аҳли ўз жойларини эгаллаб бўлганларидан кейин Аллоҳ таоло уларга, яна бирор нарса истайсизми, деб сўрар экан. Улар, юзимизни ёруғ қилдинг, жаннатга мушарраф этдинг, дўзахдан паноҳ бердинг, яна нимани истаймиз, деганларида ўртадан пардани кўтариб, Ўзини намоён этар экан. Жаннат аҳли бундан ёқимлироқ неъмат йўқлигини идрок этар эканлар”. Расул (а.с.) шундай деб, мазкур оятни далил сифатида ўқиб берган эканлар. Имом Насафий (рҳ.) тафсир китобида: “Имом Замахшарий ушбу ҳадисни бошқача иборалар билан зикр этиб, уни “мадфуъ”, яъни рад этилган ҳадис, деб баҳолаганига тааажжуб қиламан”, – деб ёзади (Мд.).

Мўътазилийлар дунёда ҳам, охиратда ҳам Аллоҳни кўриш жоиз эмас, деб ҳисоблайдилар (Ақ.).

قُلْ هَلْ مِن شُرَكَآئِكُم مَّن يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ ۚ قُلِ ٱللَّهُ يَبْدَؤُا۟
ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ٣٤ قُلْ هَلْ مِن شُرَكَآئِكُم مَّن يَهْدِىٓ
إِلَى ٱلْحَقِّ ۚ قُلِ ٱللَّهُ يَهْدِى لِلْحَقِّ ۗ أَفَمَن يَهْدِىٓ إِلَى ٱلْحَقِّ أَحَقُّ أَن
يُتَّبَعَ أَمَّن لَّا يَهِدِّىٓ إِلَّآ أَن يُهْدَىٰ ۖ فَمَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ٣٥
وَمَا يَتَّبِعُ أَكْثَرُهُمْ إِلَّا ظَنًّا ۚ إِنَّ ٱلظَّنَّ لَا يُغْنِى مِنَ ٱلْحَقِّ شَيْـًٔا ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
عَلِيمٌۢ بِمَا يَفْعَلُونَ ٣٦ وَمَا كَانَ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانُ أَن يُفْتَرَىٰ مِن دُونِ
ٱللَّهِ وَلَٰكِن تَصْدِيقَ ٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ ٱلْكِتَٰبِ لَا رَيْبَ
فِيهِ مِن رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ٣٧ أَمْ يَقُولُونَ ٱفْتَرَىٰهُ ۖ قُلْ فَأْتُوا۟ بِسُورَةٍ
مِّثْلِهِۦ وَٱدْعُوا۟ مَنِ ٱسْتَطَعْتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ٣٨
بَلْ كَذَّبُوا۟ بِمَا لَمْ يُحِيطُوا۟ بِعِلْمِهِۦ وَلَمَّا يَأْتِهِمْ تَأْوِيلُهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ كَذَّبَ
ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۖ فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلظَّٰلِمِينَ ٣٩
وَمِنْهُم مَّن يُؤْمِنُ بِهِۦ وَمِنْهُم مَّن لَّا يُؤْمِنُ بِهِۦ ۚ وَرَبُّكَ أَعْلَمُ
بِٱلْمُفْسِدِينَ ٤٠ وَإِن كَذَّبُوكَ فَقُل لِّى عَمَلِى وَلَكُمْ عَمَلُكُمْ ۖ
أَنتُم بَرِيٓـُٔونَ مِمَّآ أَعْمَلُ وَأَنَا۠ بَرِىٓءٌ مِّمَّا تَعْمَلُونَ ٤١ وَمِنْهُم مَّن
يَسْتَمِعُونَ إِلَيْكَ ۚ أَفَأَنتَ تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ وَلَوْ كَانُوا۟ لَا يَعْقِلُونَ ٤٢

34. Айтинг: «Шерик (бут, санам)ларингиз ичида олдин яратиб, (ўлгандан кейин) яна (ҳаётга) қайтара оладигани борми?!» Айтинг: «Аллоҳ олдин яратиб, сўнгра қайтара олади. Бас, қаёққа оғиб кетмоқдасиз?!»

35. Айтинг: «Шерик (бут, санам)ларингиз ичида ҳақ йўлга соладигани борми?!» Айтинг: «Аллоҳ ҳақ йўлга солади. Ҳақ йўлга сола оладиган Зот эргашилишга ҳақлироқми ёки йўлга сола олмайдиган, балки ўзи йўлга солинишга муҳтож нарсами?!* Бас, сизларга не бўлди?! Қандай ҳукм қилмоқдасиз (ўзи)?!»

36. Уларнинг аксарияти фақат гумон ортидан эргашадилар. Гумон эса, бирор нарсада ҳақиқат ўрнига ўтмайди. Албатта, Аллоҳ уларнинг ишларидан огоҳдир.

37. Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа кимнингдир томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки, у (бутун) оламлар Парвардигори томонидан (келган), шубҳасиз, ўзидан олдинги нарса (илоҳий китоблар)ни тасдиқловчи ва батафсил (баён этилган) китобдир.

38. Ёки: «Уни (Муҳаммад) тўқиган», – дейдиларми?! Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангиз, унга тенг биргина сура келтириб, Аллоҳдан бошқа кимга имконингиз бўлса, ўшаларни (ёрдамга) чорлангиз!»

39. Балки, (улар Қуръон) илмини эгалламай ва таъвили (тафсири) келмай туриб, (Қуръонни) ёлғонга йўйгандирлар. Улардан олдингилар ҳам (пайғамбарларини) худди шундай ёлғончига чиқарган эдилар. Золимларнинг тақдири қандай бўлганига боқинг!

40. Улар ичида унга (Қуръонга) имон келтирганлари бор ва улар ичида унга имон келтирмайдиганлари ҳам бор. Раббингиз эса, бузғунчиларни билувчироқдир.

41. Агар Сизни ёлғончига чиқарсалар, айтинг: «Менинг амалим – менга. Сизларнинг амалларингиз – сизларга! Сизлар менинг қилаётган ишимга дахлсиздирсизлар, мен сизларнинг ишларингизга дахлсиздирман».

42. Улар ичида Сизга (бепарволик билан) қулоқ соладиганлари ҳам бор. Ўзлари ақл юргизмаганларидан кейин Сиз «карлар»га (гап) эшиттира олармидингиз?!

35-оят. Бут ва санамлар жонсиз ашё бўлса, уларнинг йўлга солиши ва солиниши қандай тасаввур қилинади? Бу саволга бир неча хил жавоб берилган. Масалан, бут ва санамларга нисбати берилаётган “йўл кўрсатиш” бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши. Яъни уларнинг ўзи кўчмайди, балки кимдир кўтариб кўчиришига муҳтож.

Иккинчи жавоб – бу ердаги “йўлга солиш” ёки “солиниш” мажозий маънода қўлланилган. Яъни бутпарастларнинг ақидаси бўйича муомала қилинмоқда. Учинчи жавоб – бу ердаги “шериклар”дан мушрикларнинг раҳбарлари назарда тутилган бўлиши мумкин (Хз.).

وَمِنْهُم مَّن يَنظُرُ إِلَيْكَ أَفَأَنتَ تَهْدِى ٱلْعُمْىَ وَلَوْ كَانُوا۟
لَا يُبْصِرُونَ ﴿٤٣﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَظْلِمُ ٱلنَّاسَ شَيْـًٔا وَلَٰكِنَّ
ٱلنَّاسَ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٤٤﴾ وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ كَأَن لَّمْ يَلْبَثُوٓا۟ إِلَّا
سَاعَةً مِّنَ ٱلنَّهَارِ يَتَعَارَفُونَ بَيْنَهُمْ قَدْ خَسِرَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِلِقَآءِ ٱللَّهِ
وَمَا كَانُوا۟ مُهْتَدِينَ ﴿٤٥﴾ وَإِمَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ ٱلَّذِى نَعِدُهُمْ أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ
فَإِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ ثُمَّ ٱللَّهُ شَهِيدٌ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ ﴿٤٦﴾ وَلِكُلِّ
أُمَّةٍ رَّسُولٌ فَإِذَا جَآءَ رَسُولُهُمْ قُضِىَ بَيْنَهُم بِٱلْقِسْطِ وَهُمْ
لَا يُظْلَمُونَ ﴿٤٧﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ
﴿٤٨﴾ قُل لَّآ أَمْلِكُ لِنَفْسِى ضَرًّا وَلَا نَفْعًا إِلَّا مَا شَآءَ ٱللَّهُ لِكُلِّ أُمَّةٍ
أَجَلٌ إِذَا جَآءَ أَجَلُهُمْ فَلَا يَسْتَـْٔخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٤٩﴾
قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِنْ أَتَىٰكُمْ عَذَابُهُۥ بَيَٰتًا أَوْ نَهَارًا مَّاذَا يَسْتَعْجِلُ مِنْهُ
ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٥٠﴾ أَثُمَّ إِذَا مَا وَقَعَ ءَامَنتُم بِهِۦٓ ءَآلْـَٰٔنَ وَقَدْ كُنتُم بِهِۦ
تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٥١﴾ ثُمَّ قِيلَ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلْخُلْدِ
هَلْ تُجْزَوْنَ إِلَّا بِمَا كُنتُمْ تَكْسِبُونَ ﴿٥٢﴾ ۞ وَيَسْتَنۢبِـُٔونَكَ
أَحَقٌّ هُوَ قُلْ إِى وَرَبِّىٓ إِنَّهُۥ لَحَقٌّ وَمَآ أَنتُم بِمُعْجِزِينَ ﴿٥٣﴾

43. Улар ичида Сизга (шунчаки) назар ташлаб турадиганлари ҳам бор. Ўзлари кўрмаса-лар, кўрларни йўлга сола олармидингиз?!*

44. Албатта, Аллоҳ одамларга бирор нарсада зулм (ноҳақлик) қилмайди. Лекин одамлар ўзларига зулм қиладилар.

45. Уларни жамлайдиган кунда (қиёматда ўзларини бу дунёда) гўё кундуз куннинг бир соатича тургандек сезишиб, бир-бирларини таний бошлайдилар. Аллоҳ билан мулоқотда бўлишни инкор этганлар зиён кўрдилар, ҳидоят топганлардан бўлмадилар.

46. Агар Биз уларга ваъда қилаётган (азоб)нинг бир қисмини Сизга кўрсатсак ёки (олдинроқ) Сизни вафот эттирсак ҳам, барибир уларнинг қайтиб борадиган жойи Бизнинг ҳузуримиздир. Сўнгра (қолганига) Аллоҳ уларнинг кирдикорларига гувоҳдир.

47. Ҳар бир уммат учун пайғамбар (юборилган). Бас, пайғамбарлари келганда, уларга (умматларига) зулм (ноҳақлик) қилинмаган ҳолда ўрталарида одилона ҳукм қилинур*.

48. «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда (азоб) қачон (бўлади)?», – дейдилар.

49. Айтинг: «Аллоҳ хоҳламас экан, мен (ҳатто) ўзимга (ҳам) на зарар ва на фойда етказишга асло эга бўлмасман. Ҳар бир уммат учун (муайян) ажал (муддат) бордир. Ажаллари етганда, бирор соат кечиктира олмайдилар ҳам, олдинга ҳам сура олмайдилар».

50. Айтинг: «Кўрдингизми, агар Унинг азоби сизларга кечаси ёки кундузи келса, жиноятчилар у (азоб)нинг нимасига шошиладилар?!»

51. Қачон (ўша азоб) рўй бергандан сўнг унга имон келтирдингизми?! Эндими?! Уни (қачон бўлади деб) қистаган эдингиз-ку!

52. Сўнгра зулм қилганларга: «Мангу азобни тотингиз! Қилган қилмишларингиз сабаблигина жазоланурсиз», – дейилади.

53. Сиздан: «У (азоб) ҳақми?» – деб сўрайдилар. Айтинг: «Раббимга қасамки, ҳа, у албатта ҳақдир. Сизлар эса, ожиз қолдирувчи (ундан қутулувчи) эмассиз».

43-оят. Бу ерда гап маънавий кўрлик ҳақида бормокда. Зеро, кўзи ожиз бўла туриб, қалб кўзи очиқ кишилардан яхшилик кутиш мумкин. Маънан кўр ва кар кишиларни, ҳатто, пайғамбарлар ҳам тўғри йўлга солишлари қийин экани тўғрисида бундан бошқа оятлар ҳам кўп. Бундан олдинги оятда ўзини карликка солган кишиларда ақл ҳам бўлмаслиги, ушбу оятда эса, ўзини кўрликка солганларнинг кўзлари ожиз деб тавсиф берилишида қулоқнинг кўздан, эшитиш қобилиятининг кўриш қобилиятидан устун эканига ишорат бордир. Бу оятлар “жавомиул-калим”, яъни сўзи қисқа, лекин пурҳикмат маънога эга оятлардандир (Лс.).

47-оят. Исломий эътиқод бўйича, пайғамбар ёки илоҳий китоб етиб келмаган ва диндан мутлақо бехабар ўтган одам ўз ақли билан Аллоҳни танимаган бўлса, охиратда Аллоҳ ҳузурида унинг узри қабул қилинмайди (Ақ.).

وَلَوْ أَنَّ لِكُلِّ نَفْسٍ ظَلَمَتْ مَا فِي ٱلْأَرْضِ لَٱفْتَدَتْ بِهِۦ ۗ وَأَسَرُّوا۟
ٱلنَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ ۖ وَقُضِىَ بَيْنَهُم بِٱلْقِسْطِ ۚ وَهُمْ
لَا يُظْلَمُونَ ﴿٥٤﴾ أَلَآ إِنَّ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ أَلَآ إِنَّ
وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٥﴾ هُوَ يُحْىِۦ وَيُمِيتُ
وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٥٦﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَتْكُم مَّوْعِظَةٌ
مِّن رَّبِّكُمْ وَشِفَآءٌ لِّمَا فِي ٱلصُّدُورِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ
﴿٥٧﴾ قُلْ بِفَضْلِ ٱللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِۦ فَبِذَٰلِكَ فَلْيَفْرَحُوا۟ هُوَ خَيْرٌ مِّمَّا
يَجْمَعُونَ ﴿٥٨﴾ قُلْ أَرَءَيْتُم مَّآ أَنزَلَ ٱللَّهُ لَكُم مِّن رِّزْقٍ
فَجَعَلْتُم مِّنْهُ حَرَامًا وَحَلَٰلًا قُلْ ءَآللَّهُ أَذِنَ لَكُمْ ۖ أَمْ عَلَى ٱللَّهِ
تَفْتَرُونَ ﴿٥٩﴾ وَمَا ظَنُّ ٱلَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ
يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ
لَا يَشْكُرُونَ ﴿٦٠﴾ وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُوا۟ مِنْهُ مِن قُرْءَانٍ
وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا إِذْ تُفِيضُونَ
فِيهِ ۚ وَمَا يَعْزُبُ عَن رَّبِّكَ مِن مِّثْقَالِ ذَرَّةٍ فِي ٱلْأَرْضِ وَلَا فِي
ٱلسَّمَآءِ وَلَآ أَصْغَرَ مِن ذَٰلِكَ وَلَآ أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٦١﴾

54. Зулм қилган ҳар бир жон (эгаси ихтиёри)да Ердаги бор нарса бўлган тақдирда (азобдан қутулиш учун), албатта, уни тўлаган бўлур эди. Азобни кўришгач, армонларини ичларида сақлайдилар. Ўрталарида уларга ноҳақлик қилинмасдан одилона ҳукм қилинур.

55. Огоҳ бўлингизки, осмонлар ва Ердаги нарсалар, албатта, Аллоҳникидир. Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир, лекин уларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

56. У тирилтирур ва ўлдирур ҳамда (охиратда) Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз.

57. Эй, одамлар! Сизларга Раббингиздан ваъз (насиҳат), диллардаги нарса (ширк ва бошқа иллатлар)га шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди*.

58. Айтинг: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта), шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик)-ларидан яхшироқдир*.

59. Айтинг: «Кўрдингизми, Аллоҳ сизлар учун нозил қилган ризқдан (бирини) ҳаром, бошқасини ҳалол қилиб олдингиз». Айтинг: «Бас, кўрдингизми, сизларга Аллоҳ рухсат бердими ёки Аллоҳга туҳмат қиляпсизларми?!»

60. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиганларнинг қиёмат куни ҳақидаги гумонлари нимадан иборат экан?! Албатта, Аллоҳ одамларга (нисбатан) фазл соҳибидир, лекин уларнинг аксарияти шукр қилмайдилар.

61. Қайси бир машғулотда бўлманг, ундан (Қуръондан) бирор (оят) тиловат қилманг, (умуман) қандай иш қилманг, илло ўшанга киришганингиздаёқ (Биз) сизларга шоҳид бўлурмиз. Ерда, хоҳ осмонда бирор зарра миқдорида ёхуд ундан кичикроқ нарса ҳам Раббингиздан четда қолмайди, балки (у) аниқ битик (Лавҳулмаҳфуз)да бордир.

57-оят. Дарҳақиқат, Қуръон оятларида келтирилган ваъз-насиҳат, эслатма, амр ва наҳйлар унга амал қилувчиларга моддий ва маънавий жиҳатдан фойдалидир. Айниқса, дилларидаги бузуқ ақидалар, салбий иллатлар тузатилар экан, инсоннинг диний ва дунёвий ишлари ўз-ўзидан изга тушиб, икки дунё саодатига эришиш имконияти туғилади. Бунинг учун фақат чин имон ва тўғри эътиқод бўлиши зарур.

58-оят. Бу оятда Аллоҳнинг икки улуғ неъмати зикр қилинаётир. Бири – фазлу карами, яъни Ислом дини. Иккинчиси – раҳмати, яъни Қуръони карим. Ҳадиси шарифда айтиладики, кимга Аллоҳ таоло Ислом дини ва Қуръон илмини насиб этган бўлса-ю, у камбағалман деб нолиса, Аллоҳ то қиёмат кунигача унинг икки кўзи ўртасига (пешонасига) фақирлик тамғасини босиб қўяр.

Ибн Аббос (рз.), Ҳасан Басрий ва Қатода (рҳ.)лар оятдаги “Аллоҳнинг фазли” – ислом. “Унинг раҳмати” – Қуръон, деб тафсир қилганлар. Абу Саид ал-Худрий (рз.) эса, Аллоҳнинг фазли – Қуръон, Унинг раҳмати – Қуръонга аҳл бўлишдир, деган. Бундан бошқача тафсирлар ҳам мавжуд (Хз.).

أَلَآ إِنَّ أَوۡلِيَآءَ ٱللَّهِ لَا خَوۡفٌ عَلَيۡهِمۡ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ
٦٢ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَكَانُواْ يَتَّقُونَ ٦٣ لَهُمُ ٱلۡبُشۡرَىٰ
فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا وَفِي ٱلۡأٓخِرَةِۚ لَا تَبۡدِيلَ لِكَلِمَٰتِ ٱللَّهِۚ
ذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ ٦٤ وَلَا يَحۡزُنكَ قَوۡلُهُمۡۘ إِنَّ
ٱلۡعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًاۚ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ٦٥ أَلَآ إِنَّ لِلَّهِ
مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِي ٱلۡأَرۡضِۗ وَمَا يَتَّبِعُ ٱلَّذِينَ
يَدۡعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ شُرَكَآءَۚ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا
ٱلظَّنَّ وَإِنۡ هُمۡ إِلَّا يَخۡرُصُونَ ٦٦ هُوَ ٱلَّذِي جَعَلَ لَكُمُ
ٱلَّيۡلَ لِتَسۡكُنُواْ فِيهِ وَٱلنَّهَارَ مُبۡصِرًاۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ
لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يَسۡمَعُونَ ٦٧ قَالُواْ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدٗاۗ
سُبۡحَٰنَهُۥۖ هُوَ ٱلۡغَنِيُّۖ لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ
إِنۡ عِندَكُم مِّن سُلۡطَٰنِۭ بِهَٰذَآۚ أَتَقُولُونَ عَلَى ٱللَّهِ مَا
لَا تَعۡلَمُونَ ٦٨ قُلۡ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَفۡتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلۡكَذِبَ
لَا يُفۡلِحُونَ ٦٩ مَتَٰعٞ فِي ٱلدُّنۡيَا ثُمَّ إِلَيۡنَا مَرۡجِعُهُمۡ ثُمَّ
نُذِيقُهُمُ ٱلۡعَذَابَ ٱلشَّدِيدَ بِمَا كَانُواْ يَكۡفُرُونَ ٧٠

62. Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари (дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар*.

63. Улар имон келтирган ва тақволи бўлганлардир.

64. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам башорат (хушхабар) бордир. Аллоҳнинг сўзларида ўзгартириш йўқдир. Ана шу буюк ютуқдир.

65. Уларнинг (кофирларнинг) гапи Сизни хафа қилмасин! Куч-қудратнинг ҳаммаси Аллоҳдадир. У эшитувчи ва билувчидир.

66. Огоҳ бўлингизки, албатта, осмонлар ва Ердаги барча жонзотлар Аллоҳникидир. Аллоҳни қўйиб, шерик (бут-санам)ларга эргашиб, илтижо қиладиганлар фақат гумон (нарса)га эргашадилар ва улар фақат тахмин қиладилар.

67. У сизларга ором олишларингиз учун кечани ва (иш-ҳаракатингиз учун) ёруғлик берадиган қилиб кундузни яратган зотдир. Албатта, бунда эшитувчи қавм учун аломатлар бордир.

68. «Аллоҳ фарзанд тутди», – дедилар. У (бу туҳматдан) мутлақо покдир. У ғаний (бой)дир. Осмонлар ва Ердаги нарсалар Уникидир. Сизларнинг ҳузурингизда бу тўғрида (Аллоҳнинг фарзандли эканини исботлайдиган) ҳеч қандай ҳужжат йўқдир. Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларингизни гапирасизми?!

69. Айтинг: «Албатта, Аллоҳ номидан ёлғон тўқиётганлар нажот топмаслар».

70. (Улар учун) бу дунёда озгина баҳрамандлик бор. Сўнгра, қайтишлари Бизнинг ҳузуримизгадир. (Шундан) сўнг кофир бўлганлари учун уларга қаттиқ азобни тоттирурмиз.

62-оят. “Аллоҳнинг дўстлари”, яъни авлиёлар кимлиги хусусида турли таърифлар мавжуд. Жумладан, улар тоат-ибодат билан Аллоҳга яқин бўлувчи, Аллоҳ эса, уларга фазлу кароматиби билан яқин бўлган кишилардир. Кўпчилик уламолар фикрига кўра, валийлар Аллоҳ йўлида дўстлашган кишилар бўлиб, уларни боғлаб турувчи нарса бойлик ҳам эмас, қариндошлик ҳам, балки Аллоҳнинг ризолигидир. Бунга далил қилиб, ушбу ҳадисни келтирадилар: “Аллоҳнинг шундай бандалари ҳам борки, қиёмат куни уларнинг Аллоҳга яқинлигини кўриб пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳам уларнинг мақом ва мартабаларини ҳавас қиладилар. Улар ўзаро қариндош ҳам эмаслар, бир-бирлари билан бойлик жиҳатдан ҳам олди-бердилари бўлмаган, лекин улар Аллоҳнинг йўлида дўстлашган кишилардир. Уларнинг юзлари нуроний, ўзлари ҳам нури раббоний узра барқ уриб турурлар. Одамлар (қиёмат ваҳимасидан) қўрққанда улар қўрқмаслар, одамлар (гуноҳларидан) ташвиш чекканда улар ташвиш чекмаслар”, деб Расул (а.с.) мазкур оятни ўқиб берган эканлар (Дв. Хз.).

Валийлар ёки авлиёлар таърифи тасаввуфда ўзига хос тарзда акс эттирилган. Ҳар икки таъриф ўртасида муайян муносабат бор.

۞ وَٱتۡلُ عَلَيۡهِمۡ نَبَأَ نُوحٍ إِذۡ قَالَ لِقَوۡمِهِۦ يَٰقَوۡمِ إِن كَانَ كَبُرَ عَلَيۡكُم
مَّقَامِي وَتَذۡكِيرِي بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَعَلَى ٱللَّهِ تَوَكَّلۡتُ فَأَجۡمِعُوٓاْ
أَمۡرَكُمۡ وَشُرَكَآءَكُمۡ ثُمَّ لَا يَكُنۡ أَمۡرُكُمۡ عَلَيۡكُمۡ غُمَّةٗ ثُمَّ ٱقۡضُوٓاْ
إِلَيَّ وَلَا تُنظِرُونِ ٧١ فَإِن تَوَلَّيۡتُمۡ فَمَا سَأَلۡتُكُم مِّنۡ أَجۡرٍۖ إِنۡ
أَجۡرِيَ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِۖ وَأُمِرۡتُ أَنۡ أَكُونَ مِنَ ٱلۡمُسۡلِمِينَ ٧٢
فَكَذَّبُوهُ فَنَجَّيۡنَٰهُ وَمَن مَّعَهُۥ فِي ٱلۡفُلۡكِ وَجَعَلۡنَٰهُمۡ خَلَٰٓئِفَ
وَأَغۡرَقۡنَا ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَاۖ فَٱنظُرۡ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلۡمُنذَرِينَ
٧٣ ثُمَّ بَعَثۡنَا مِنۢ بَعۡدِهِۦ رُسُلًا إِلَىٰ قَوۡمِهِمۡ فَجَآءُوهُم بِٱلۡبَيِّنَٰتِ
فَمَا كَانُواْ لِيُؤۡمِنُواْ بِمَا كَذَّبُواْ بِهِۦ مِن قَبۡلُۚ كَذَٰلِكَ نَطۡبَعُ عَلَىٰ قُلُوبِ
ٱلۡمُعۡتَدِينَ ٧٤ ثُمَّ بَعَثۡنَا مِنۢ بَعۡدِهِم مُّوسَىٰ وَهَٰرُونَ إِلَىٰ
فِرۡعَوۡنَ وَمَلَإِيْهِۦ بِـَٔايَٰتِنَا فَٱسۡتَكۡبَرُواْ وَكَانُواْ قَوۡمٗا مُّجۡرِمِينَ ٧٥
فَلَمَّا جَآءَهُمُ ٱلۡحَقُّ مِنۡ عِندِنَا قَالُوٓاْ إِنَّ هَٰذَا لَسِحۡرٞ مُّبِينٞ ٧٦
قَالَ مُوسَىٰٓ أَتَقُولُونَ لِلۡحَقِّ لَمَّا جَآءَكُمۡۖ أَسِحۡرٌ هَٰذَا وَلَا يُفۡلِحُ
ٱلسَّٰحِرُونَ ٧٧ قَالُوٓاْ أَجِئۡتَنَا لِتَلۡفِتَنَا عَمَّا وَجَدۡنَا عَلَيۡهِ ءَابَآءَنَا
وَتَكُونَ لَكُمَا ٱلۡكِبۡرِيَآءُ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَمَا نَحۡنُ لَكُمَا بِمُؤۡمِنِينَ ٧٨

71. (Эй, Муҳаммад!) Уларга Нуҳ ҳақидаги хабарни ўқиб беринг! У (ўз) қавмига айтганди: «Эй, қавмим! Агар сизларга (менинг орангизда) туришим ва Аллоҳнинг оятларини (сизларга) эслатишим оғирлик қилган бўлса, бас, Аллоҳга таваккул қилдим. Шерик (бут ва санам)ларингиз билан бир бўлиб ишларингизни қилаверингиз! Кейин ишларингиз сизларга ғам-ташвиш* бўлмасин, тағин! Сўнгра ҳукмингизни менга ижро этаверингиз, мени кутиб ўтирмангиз!

72. Бас, агар юз ўгирсангиз, сизлардан (мен хизматим учун) ҳақ сўраганим йўқ. Менинг (тегишли) ҳаққим (савобим) Аллоҳнинг зиммасидадир. (Мен Аллоҳга) таслим этувчилардан бўлишга буюрилганман».

73. Бас, уни (Нуҳни) ёлғончига чиқаришгач, Биз уни ва у билан кемада бирга бўлганларни халос этдик ва уларни (ер юзида) ўринбосарлар қилдик. Оятларимизни ёлғонга йўйганларни эса (тўфонга) ғарқ қилдик. Огоҳлантирилганларнинг оқибатини (тақдирини) кўринг!

74. Сўнгра ундан кейин (кўпгина) пайғамбарларни (ўз) қавмларига юбордик*. Бас, уларга ҳужжатларни келтирдилар. Улар олдин ёлғонга йўйган нарсаларига (энди ҳам) имон келтирмадилар. Тажовузкорларнинг дилларини шу тарзда муҳрлаб қўямиз.

75. Сўнгра, уларнинг ортидан Мусо билан Ҳорунни Фиръавн ва (унинг) зодагонлари ҳузурига мўъжизаларимиз билан бирга юбордик*. Бас, (улар) кибрландилар ва жиноятчи қавм бўлдилар.

76. Бизнинг ҳузуримиздан уларга ҳақиқат келганида эса, «бу аниқ сеҳр», – дедилар.

77. Мусо деди: «Сизларга ҳақиқат келганда (унинг инкорига) сўз қиласизларми?! Сеҳрми шу?! Сеҳргарларнинг омади юришмайди-ку!»

78. Айтдилар: «Ота-боболаримизнинг биз унда топган нарса (динлари)дан бизни буриш ва икковингизга Ерда катталик (ҳукмронлик) бўлиши учун бизга келдингми? Биз иккингизга (ҳам) ишонувчи эмасмиз».

71-оят. "Ишларингиз сизларга ғам-ташвиш бўлмасин" жумласидаги "ғам-ташвиш" бошқа маънода ҳам тафсир қилинган. Масалан, "махфий бўлмасин" деган маънода. Бунга қараганда, жумланинг маъноси Нуҳ (а.с.) ўз қавмига: "Мени ҳалок қилишга бўлган ниятингиз махфий эмас, ошкора бўлсин", – деган бўладилар. Нуҳ (а.с.) ўз қавми орасида 950 йил турган (Мд.).

74-оят. Нуҳ (а.с.)дан кейин Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Шеъё (Ашеъё) каби пайғамбарлар юборилгани ва уларнинг кўпчилик қавми Аллоҳга ва пайғамбарларига итоатсизлик қилгач, Унинг ғазабиган учраб ҳалок этилгани айтилиб, Макка мушриклари огоҳлантирилмоқда (Мд.).

75-оят. Бу ерда зикр этилган Мусо (а.с.)нинг мўъжизалари қўлларидан таралувчи ёруғлик, асолари, тўфон, чигиртка, битбурга, қурбақа, қон, қаҳатчилик кабилар эди (Абс.).

وَقَالَ فِرۡعَوۡنُ ٱئۡتُونِي بِكُلِّ سَٰحِرٍ عَلِيمٖ ﴿٧٩﴾ فَلَمَّا جَآءَ ٱلسَّحَرَةُ
قَالَ لَهُم مُّوسَىٰٓ أَلۡقُواْ مَآ أَنتُم مُّلۡقُونَ ﴿٨٠﴾ فَلَمَّآ أَلۡقَوۡاْ قَالَ
مُوسَىٰ مَا جِئۡتُم بِهِ ٱلسِّحۡرُۖ إِنَّ ٱللَّهَ سَيُبۡطِلُهُۥٓۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُصۡلِحُ
عَمَلَ ٱلۡمُفۡسِدِينَ ﴿٨١﴾ وَيُحِقُّ ٱللَّهُ ٱلۡحَقَّ بِكَلِمَٰتِهِۦ وَلَوۡ كَرِهَ
ٱلۡمُجۡرِمُونَ ﴿٨٢﴾ فَمَآ ءَامَنَ لِمُوسَىٰٓ إِلَّا ذُرِّيَّةٞ مِّن قَوۡمِهِۦ عَلَىٰ
خَوۡفٖ مِّن فِرۡعَوۡنَ وَمَلَإِيْهِمۡ أَن يَفۡتِنَهُمۡۚ وَإِنَّ فِرۡعَوۡنَ لَعَالٖ
فِي ٱلۡأَرۡضِ وَإِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلۡمُسۡرِفِينَ ﴿٨٣﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ يَٰقَوۡمِ إِن كُنتُمۡ
ءَامَنتُم بِٱللَّهِ فَعَلَيۡهِ تَوَكَّلُوٓاْ إِن كُنتُم مُّسۡلِمِينَ ﴿٨٤﴾ فَقَالُواْ عَلَى ٱللَّهِ
تَوَكَّلۡنَا رَبَّنَا لَا تَجۡعَلۡنَا فِتۡنَةٗ لِّلۡقَوۡمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٨٥﴾ وَنَجِّنَا
بِرَحۡمَتِكَ مِنَ ٱلۡقَوۡمِ ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٨٦﴾ وَأَوۡحَيۡنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰ وَأَخِيهِ
أَن تَبَوَّءَا لِقَوۡمِكُمَا بِمِصۡرَ بُيُوتٗا وَٱجۡعَلُواْ بُيُوتَكُمۡ قِبۡلَةٗ
وَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَۗ وَبَشِّرِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٨٧﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ
رَبَّنَآ إِنَّكَ ءَاتَيۡتَ فِرۡعَوۡنَ وَمَلَأَهُۥ زِينَةٗ وَأَمۡوَٰلٗا فِي ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَا رَبَّنَا لِيُضِلُّواْ عَن سَبِيلِكَۖ رَبَّنَا ٱطۡمِسۡ عَلَىٰٓ أَمۡوَٰلِهِمۡ
وَٱشۡدُدۡ عَلَىٰ قُلُوبِهِمۡ فَلَا يُؤۡمِنُواْ حَتَّىٰ يَرَوُاْ ٱلۡعَذَابَ ٱلۡأَلِيمَ ﴿٨٨﴾

79. Фиръавн: «Барча билимдон сеҳргарларни менга келтирингиз!» – деди.

80. Бас, сеҳргарлар келгач, Мусо уларга: «Ташламоқчи бўлган нарсангизни ташлангиз!», – деди.

81. (Қўлларидаги нарсаларни) ташлаганларида, Мусо деди: «Сизлар келтирган нарса – бу сеҳрдир. Аллоҳ, албатта, уни ботил (барбод) қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини ислоҳ этмагай.

82. Гарчи жиноятчилар ёқтирмасалар-да, Аллоҳ ўз сўзлари (амрлари) билан ҳақиқатни рўёбга чиқарур».

83. Мусога қавмидан фақат биргина зурриёт кишилари Фиръавн ва унинг зодагонлари фитна қилишларидан хавфсираган ҳолда имон келтирдилар*. Зеро, Фиръавн ерда «олий» (мутакаббир) ва у исрофгар (тажовузкор)лардандир.

84. Мусо деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга имон келтирган экансиз, бас, Унга таваккул ҳам қилингиз, агар мусулмон бўлсангиз, албатта».

85. Бас, улар дедилар: «Аллоҳгагина таваккул қилдик. Эй, Раббимиз! Золимлар қавмига бизни фитна (алданувчи) қилиб қўймагин!

86. Ўз раҳматинг билан бизни кофирлар қавмидан халос этгин!»

87. Мусо ва унинг биродарига ваҳий орқали: «Қавмингиз учун Мисрда уйлар ҳозирлангиз ва уйларингизни қибла (намозгоҳ) этиб, намозни баркамол ўқингиз* ва мўминларга эса (ғалаба ҳақида) хушхабар беринг!», – деб айтдик.

88. Мусо деди: «Эй, Раббимиз! Сен Фиръавн ва унинг зодагонларига бу дунёда зебу зийнат ва мол-мулк ато этдинг. Эй, Раббимиз! (Бу эса, одамларни) Сенинг йўлингдан оздиришларига сабаб бўлди*. Эй, Раббимиз! Мол-мулкларини барбод эт ва дилларини қаттиқ қил, токи (қиёматда) аламли азобни кўрмагунларича имон келтирмасинлар».

83-оят. Имон келтирган бир зурриёт кишилари кимлар экани тўғрисида бир неча тафсирлар бор. Улар Мусонинг қавмидан, яъни Исроил авлодидан, Фиръавн қатл этганлардан омон қолганлари, яъни қибтийларга яҳудийлар қатлдан қочиб берган ўғил болалари улғайиб, мўъжизани кўргач, имон келтирганлари ёки Фиръавн зурриёти, яъни унинг хотини Осия, лашкарбошиси, хазинабони ва унинг хотини ҳамда пардозчи аёл. Уларни зурриёт деб аталишининг сабаби уларнинг оталари қибтий, оналари Исроил авлодидан эди. Фарзанд у пайтларда она ва тоғалар наслига мансуб бўлар эди (Мд. Хз. Бғ.).

87-оят. Мусо қавми Фиръавндан яширинча уйларида Каъба томонга юзланиб, намоз ўқир эдилар. Бу билан етган мусибатлардан халос қилишни Аллоҳдан сўраш эди (Мд.).

88-оят. "Сабаб бўлди" жумласини "сабаб бўлсин!", – деб дуо шаклида таржима қилиш ҳам мумкин (Хз.).

قَالَ قَدۡ أُجِيبَت دَّعۡوَتُكُمَا فَٱسۡتَقِيمَا وَلَا تَتَّبِعَآنِّ سَبِيلَ
ٱلَّذِينَ لَا يَعۡلَمُونَ ﴿٨٩﴾ ۞ وَجَٰوَزۡنَا بِبَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱلۡبَحۡرَ
فَأَتۡبَعَهُمۡ فِرۡعَوۡنُ وَجُنُودُهُۥ بَغۡيٗا وَعَدۡوًاۖ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَدۡرَكَهُ
ٱلۡغَرَقُ قَالَ ءَامَنتُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱلَّذِيٓ ءَامَنَتۡ بِهِۦ بَنُوٓاْ إِسۡرَٰٓءِيلَ
وَأَنَا۠ مِنَ ٱلۡمُسۡلِمِينَ ﴿٩٠﴾ ءَآلۡـَٰٔنَ وَقَدۡ عَصَيۡتَ قَبۡلُ وَكُنتَ
مِنَ ٱلۡمُفۡسِدِينَ ﴿٩١﴾ فَٱلۡيَوۡمَ نُنَجِّيكَ بِبَدَنِكَ لِتَكُونَ لِمَنۡ
خَلۡفَكَ ءَايَةٗۚ وَإِنَّ كَثِيرٗا مِّنَ ٱلنَّاسِ عَنۡ ءَايَٰتِنَا لَغَٰفِلُونَ ﴿٩٢﴾
وَلَقَدۡ بَوَّأۡنَا بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ مُبَوَّأَ صِدۡقٖ وَرَزَقۡنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ
فَمَا ٱخۡتَلَفُواْ حَتَّىٰ جَآءَهُمُ ٱلۡعِلۡمُۚ إِنَّ رَبَّكَ يَقۡضِي بَيۡنَهُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ
فِيمَا كَانُواْ فِيهِ يَخۡتَلِفُونَ ﴿٩٣﴾ فَإِن كُنتَ فِي شَكّٖ مِّمَّآ أَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ
فَسۡـَٔلِ ٱلَّذِينَ يَقۡرَءُونَ ٱلۡكِتَٰبَ مِن قَبۡلِكَۚ لَقَدۡ جَآءَكَ
ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡمُمۡتَرِينَ ﴿٩٤﴾ وَلَا تَكُونَنَّ
مِنَ ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَتَكُونَ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ
﴿٩٥﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ حَقَّتۡ عَلَيۡهِمۡ كَلِمَتُ رَبِّكَ لَا يُؤۡمِنُونَ
﴿٩٦﴾ وَلَوۡ جَآءَتۡهُمۡ كُلُّ ءَايَةٍ حَتَّىٰ يَرَوُاْ ٱلۡعَذَابَ ٱلۡأَلِيمَ ﴿٩٧﴾

89. (Аллоҳ) деди: «Иккингизнинг дуоингиз ижобат этилди*. Энди, (даъват қилишда) собит бўлингиз! Билмайдиганларнинг йўлига зинҳор эргашмангиз!»

90. Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари улар ортидан зўравонлик ва зулм юзасидан эргашдилар. Унга (Фиръавнга) ғарқ бўлиш (соати) етишганда айтди: «Имон келтирдимки, Исроил авлоди имон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонлларданман».

91. (Аллоҳ деди): «Эндими?! Ахир, сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузғунчилардан эдинг-ку!

92. Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз*. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятларимиздан ғофилдирлар».

93. Албатта, Исроил авлодини қулай жойга (Миср ва Шомга) жойлаштирдик ва уларга пок нарсалардан ризқ қилиб бердик. Уларга, то илм (Таврот) келмагунча, ихтилоф қилмадилар. Албатта, Раббингиз ихтилоф қилган нарсалари ҳақида қиёмат куни ўрталарида ҳукм чиқаражак.

94. (Эй, Муҳаммад!) Агар Сизга нозил этган нарса (тарихий воқеалар) хусусида шубҳа қилсангиз, Сиздан олдинги Китобни ўқийдиганлардан сўранг! Раббингиздан Сизга ҳақиқат (ваҳий) келгандан кейин (энди) сира шубҳаланувчилардан бўлманг!

95. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга йўйядиганлардан ҳам бўлмангки, (акс ҳолда) зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсиз!

96. Албатта, (тақдирларида) Аллоҳнинг (“кофир бўлурлар” деган) сўзи муқаррар бўлганлар имон келтирмагайлар.

97. Уларга барча мўъжизалар келса ҳам, то (қиёматда) аламли азобни кўрмагунларича (куфрда давом этаверадилар).

89-оят. Мусо (а.с.) дуо қилди. Ҳорун (а.с.) “омин!” деб турди. Дуолари қирқ йилдан кейин ижобат бўлиб, Фиръавн зулмидан халос топдилар (Мд.).

Бу оятда биз мусулмонлар учун бир ибратомуз ишорат бор. У ҳам бўлса икки буюк пайғамбарнинг дуосини Аллоҳ қирқ йилда ижобат қилган бўла туриб, биз дуоларимизнинг тез ижобат бўлмаётганидан нолишимиз аклан ва шаръан номақбул эканидир.

92-оят. Фиръавннинг қилмиши ва жазосини кейинги авлод эслаб юрсин деган маънода Аллоҳ таоло унинг жасадини денгиздан чиқариб қўйишини ваъда қилган. Британия музейига унинг мумиёсиз ҳам ҳалигача чиримаган жасади топиб қўйилгани тўғрисида матбуотда эълон қилинганига анча бўлди.

Кунлардан бир кун Фиръавн ҳузурига Жаброил (а.с.) инсон шаклида келиб, ундан: “Хожасининг ноз-неъматини еб, улғайгач, унга нонкўрлик қилиб, ундан ўзини юқори ҳисоблаган қулга қандай жазо берилиши керак”, – деб фатво сўраганларида, Фиръавн: “Ундай қулни сувга ғарқ қилиш керак”, – деб фатво хати берган экан. Жон бериш олдидан ўша хатни ўзига кўрсатиб қўйилган экан (Хз.).

فَلَوْلَا كَانَتْ قَرْيَةٌ ءَامَنَتْ فَنَفَعَهَآ إِيمَٰنُهَآ إِلَّا قَوْمَ يُونُسَ لَمَّآ
ءَامَنُوا۟ كَشَفْنَا عَنْهُمْ عَذَابَ ٱلْخِزْىِ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَمَتَّعْنَٰهُمْ
إِلَىٰ حِينٍ ﴿٩٨﴾ وَلَوْ شَآءَ رَبُّكَ لَءَامَنَ مَن فِى ٱلْأَرْضِ كُلُّهُمْ
جَمِيعًا ۚ أَفَأَنتَ تُكْرِهُ ٱلنَّاسَ حَتَّىٰ يَكُونُوا۟ مُؤْمِنِينَ ﴿٩٩﴾ وَمَا
كَانَ لِنَفْسٍ أَن تُؤْمِنَ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَيَجْعَلُ ٱلرِّجْسَ
عَلَى ٱلَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٠٠﴾ قُلِ ٱنظُرُوا۟ مَاذَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۚ وَمَا تُغْنِى ٱلْءَايَٰتُ وَٱلنُّذُرُ عَن قَوْمٍ لَّا يُؤْمِنُونَ ﴿١٠١﴾
فَهَلْ يَنتَظِرُونَ إِلَّا مِثْلَ أَيَّامِ ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلِهِمْ ۚ
قُلْ فَٱنتَظِرُوٓا۟ إِنِّى مَعَكُم مِّنَ ٱلْمُنتَظِرِينَ ﴿١٠٢﴾ ثُمَّ نُنَجِّى
رُسُلَنَا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ۚ كَذَٰلِكَ حَقًّا عَلَيْنَا نُنجِ ٱلْمُؤْمِنِينَ
﴿١٠٣﴾ قُلْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمْ فِى شَكٍّ مِّن دِينِى فَلَآ أَعْبُدُ ٱلَّذِينَ
تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلَٰكِنْ أَعْبُدُ ٱللَّهَ ٱلَّذِى يَتَوَفَّىٰكُمْ ۖ وَأُمِرْتُ
أَنْ أَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٤﴾ وَأَنْ أَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا
وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٥﴾ وَلَا تَدْعُ مِن دُونِ ٱللَّهِ
مَا لَا يَنفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ ۖ فَإِن فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذًا مِّنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٠٦﴾

98. (Биз ҳалок қилган қишлоқлардан) бирор қишлоқ (аҳли) имон келтирганда эди, имони унга фойда берган (ва ҳалок бўлмаган) бўлур эди. Илло, Юнус* қавми (шундай қилди). Имон келтиришгач, улардан дунё ҳаётидаги хорлик азобини кетказдик ва уларни (маълум) вақтгача (ҳаёт лаззатидан) баҳраманд қилдик.

99. Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!

100. Аллоҳнинг изнисиз ҳеч бир жон (инсон) имон келтира олмас. Азобни эса (Аллоҳ) ақл юритмайдиганларга раво кўрар.

101. Айтинг: «Осмонлар ва Ердаги нарсаларга (ибрат назари билан) боқингиз! (Аммо) имон келтирмайдиган қавм учун мўъжизалар ҳам, огоҳлантиришлар ҳам фойда бермагай».

102. (Улар) ўзларидан олдин (имон келтирмай) ўтганларнинг кунларига ўхшаш (азоб ёғилган) кунларнигина кутмоқдалар. Айтинг: «Кутаверингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман».

103. Сўнгра (қиёматда) пайғамбарларимиз ва имон келтирганларга нажот берурмиз. Шундай қилиб, мўминларга нажот бериш Бизга ҳақ (муқаррар) бўлди.

104. Айтинг: «Эй, одамлар! Агар менинг динимдан шакда бўлсангиз, бас, сизларнинг Аллоҳни қўйиб сиғинаётган (бут-санам)ларингизга (мен) сиғинмайман, балки сизларни вафот эттирадиган зот – Аллоҳга сиғинаман ва менга мўминлардан бўлиш буюрилган.

105. Шунингдек, (менга буюрилганки) юзингизни (ўзингизни) тўғри бўлмиш динда муқим тутинг, асло мушриклардан бўлманг!

106. Аллоҳни қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам етказа олмайдиган нарсаларга илтижо қилманг! Агар қилсангиз, унда, албатта, Сиз золимлардандирсиз.

98-оят. Юнус (а.с.) Ироқнинг Мусил вилояти ҳудудидаги Найново шаҳри кишиларига пайғамбар қилиб юборилган эди. Юнус (а.с.) уларни ҳақ динга даъват қилди, лекин улар бут-санамларга сиғинишни тарк этмадилар. Пайғамбар улардан озорланиб, аччиқланган ҳолда шаҳардан чиқиб кетади. Кетишдан олдин эрта тонгдан бошлаб азоб келиши тўғрисида қавмини огоҳлантиради. Эртасига қора тутун аралаш ёмғир ёғиб, ҳамма ёқни қорага бўяб юборади. Бундан қўрқиб кетган қавм тавба қилиб, ислом динига ўтишга бошлайди. Кейин ҳаммаси бир тепаликка тўпланиб, дуо қилишга ўтади. Бир аллома шайх уларга: “Ё Ҳайй, ҳийна ло ҳайй, ваё Ҳайй, Муҳйилмавто, ваё Ҳайй, ло илоҳа илло Ант” деган дуони ўргатади.

Фузайл (қ.с.) сўзига кўра, дуолари: “Эй, Аллоҳ! Гуноҳимиз буюк, лекин Сен ундан-да буюкроқсан. Бизга Ўзингга лойиқ ишни қил, бизга лойиқ бўлган ишни қилма!” эди. Юнус (а.с.) келиб уларга кўринишдан ор қилиб, диллари танг бўлган ҳолда ўзини сувга ташлайди. Қирқ кун ўтгач, азоб кўтарилади (Мд.Хз.Тб.Лс.).

107. Агар Аллоҳ Сизга бирор зарар етказса, бас, Унинг Ўзидан бошқа уни кетказадиган (куч) йўқдир. Агар Сизга бирор яхшилик (етказиш)ни истаса, Унинг фазлини қайтарувчи (куч) ҳам йўқдир. Уни (фазлини) бандаларидан хоҳлаганига етказур. У кечиримли ва раҳмлидир».

108. Айтинг: «Эй, одамлар! Сизларга Раббингиздан ҳақиқат (Қуръон ва Пайғамбар) келди. Бас, кимки ҳидоят йўлига кирса, фақат ўзи учун ҳидоят йўлига кирган бўлади. Кимки янглишса, бас, ўзининг зарарига янглишган бўлади. Мен сизларга вакил (муаккал) эмасман».

109. Сизга ваҳий этилган нарсага эргашинг ва то Аллоҳ ҳукм қилгунича сабр қилинг! Албатта, У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир.

وَإِن يَمْسَسْكَ ٱللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُۥٓ إِلَّا هُوَ ۖ وَإِن
يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَآدَّ لِفَضْلِهِۦ ۚ يُصِيبُ بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۚ
وَهُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٠٧﴾ قُلْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَكُمُ
ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ ۖ فَمَنِ ٱهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِى لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن
ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۖ وَمَآ أَنَا۠ عَلَيْكُم بِوَكِيلٍ ﴿١٠٨﴾ وَٱتَّبِعْ
مَا يُوحَىٰٓ إِلَيْكَ وَٱصْبِرْ حَتَّىٰ يَحْكُمَ ٱللَّهُ ۚ وَهُوَ خَيْرُ ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿١٠٩﴾

Ҳуд сураси

Маккада нозил қилинган. 123 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

سُورَةُ هُودٍ

آياتها ١٢٣ — ترتيبها ١١

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓر ۚ كِتَٰبٌ أُحْكِمَتْ ءَايَٰتُهُۥ ثُمَّ فُصِّلَتْ مِن لَّدُنْ حَكِيمٍ خَبِيرٍ ﴿١﴾
أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّا ٱللَّهَ ۚ إِنَّنِى لَكُم مِّنْهُ نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ ﴿٢﴾ وَأَنِ ٱسْتَغْفِرُوا۟
رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوٓا۟ إِلَيْهِ يُمَتِّعْكُم مَّتَٰعًا حَسَنًا إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى وَيُؤْتِ
كُلَّ ذِى فَضْلٍ فَضْلَهُۥ ۖ وَإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنِّىٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ
كَبِيرٍ ﴿٣﴾ إِلَى ٱللَّهِ مَرْجِعُكُمْ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤﴾ أَلَآ إِنَّهُمْ
يَثْنُونَ صُدُورَهُمْ لِيَسْتَخْفُوا۟ مِنْهُ ۚ أَلَا حِينَ يَسْتَغْشُونَ ثِيَابَهُمْ
يَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعْلِنُونَ ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٥﴾

1. Алиф, Лом, Ро. (Бу) оятлари мустаҳкам (қатъий) қилинган, сўнгра ҳикмат эгаси ва (ҳамма нарсадан) хабардор бўлмиш зот томонидан батафсил баён этилган Китобдир.

2. (Қисқача баёни эса): «Аллоҳдан ўзгага асло сиғинмангиз!» (деган хитобдир). Албатта, мен (Муҳаммад) Унинг номидан огоҳлантирувчи ва хушхабар берувчидирман.

3. (Аллоҳ буюрадики), Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз, шунда (У) сизларни маълум муддат (ажалларингиз охири)гача чиройли баҳра билан баҳраманд қилур ва ҳар бир фазлли (карамли, сахий) кишига Ўз фазлини ато этур. Агар юз ўгирсангиз, бас, мен сизларга Улуғ кун (қиёмат) азоби (етиши)дан қўрқаман.

4. Қайтиш жойингиз Аллоҳнинг ҳузуридир. У эса ҳар нарсага қодирдир.

5. Огоҳ бўлингизки, албатта, улар (кофирлар сирларини) Ундан махфий тутиш учун кўкракларини (бошқа томонга) бурадилар. Огоҳ бўлсинларки, кийимларига ўраниб олганларида ҳам (Аллоҳ) яширган ва ошкор қилган нарсаларини билур. Албатта, У кўкрак (дил)лардаги сирларнинг билимдонидир.

---

11. ҲУД СУРАСИ

Ҳуд – пайғамбар номи.

Сура Яманда яшаган Од қабиласига юборилган пайғамбар Ҳуд (а.с.) номи билан аталган. Унда ширк, куфр, тавҳид, имон, ислом, шариат аҳкомлари, пайғамбарлар қиссаси, Қуръони карим тавсифи ва бошқа маълумотлар баён этилган. Ибн Аббос (рз.) ривоятига кўра, Абу Бакр (рз.) Расул (а.с.)га: "Сочингиз оқариб кетибди-ку!", – деганида Он ҳазрат: "Менинг сочимни оқартирган "Ҳуд", "Воқеа", "Мурсалот", "Амма" ва "Таквир" сураларидир", – деган эканлар. Яъни мазкур сураларда баён этилган қиёмат, ҳисоб-китоб, жаннат ва дўзах ҳақидаги маълумотлардан таъсирланишлари натижасида сочлари оқариб кетган бўлиши мумкин (Хз.).

۞ وَمَا مِن دَآبَّةٖ فِي ٱلۡأَرۡضِ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ رِزۡقُهَا وَيَعۡلَمُ مُسۡتَقَرَّهَا
وَمُسۡتَوۡدَعَهَاۚ كُلّٞ فِي كِتَٰبٖ مُّبِينٖ ٦ وَهُوَ ٱلَّذِي خَلَقَ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٖ وَكَانَ عَرۡشُهُۥ
عَلَى ٱلۡمَآءِ لِيَبۡلُوَكُمۡ أَيُّكُمۡ أَحۡسَنُ عَمَلٗاۗ وَلَئِن قُلۡتَ
إِنَّكُم مَّبۡعُوثُونَ مِنۢ بَعۡدِ ٱلۡمَوۡتِ لَيَقُولَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ
إِنۡ هَٰذَآ إِلَّا سِحۡرٞ مُّبِينٞ ٧ وَلَئِنۡ أَخَّرۡنَا عَنۡهُمُ ٱلۡعَذَابَ إِلَىٰٓ
أُمَّةٖ مَّعۡدُودَةٖ لَّيَقُولُنَّ مَا يَحۡبِسُهُۥٓۗ أَلَا يَوۡمَ يَأۡتِيهِمۡ لَيۡسَ
مَصۡرُوفًا عَنۡهُمۡ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُواْ بِهِۦ يَسۡتَهۡزِءُونَ ٨
وَلَئِنۡ أَذَقۡنَا ٱلۡإِنسَٰنَ مِنَّا رَحۡمَةٗ ثُمَّ نَزَعۡنَٰهَا مِنۡهُ إِنَّهُۥ
لَيَـُٔوسٞ كَفُورٞ ٩ وَلَئِنۡ أَذَقۡنَٰهُ نَعۡمَآءَ بَعۡدَ ضَرَّآءَ
مَسَّتۡهُ لَيَقُولَنَّ ذَهَبَ ٱلسَّيِّـَٔاتُ عَنِّيٓۚ إِنَّهُۥ لَفَرِحٞ فَخُورٌ ١٠
إِلَّا ٱلَّذِينَ صَبَرُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُم مَّغۡفِرَةٞ
وَأَجۡرٞ كَبِيرٞ ١١ فَلَعَلَّكَ تَارِكُۢ بَعۡضَ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيۡكَ
وَضَآئِقُۢ بِهِۦ صَدۡرُكَ أَن يَقُولُواْ لَوۡلَآ أُنزِلَ عَلَيۡهِ كَنزٌ أَوۡ جَآءَ
مَعَهُۥ مَلَكٌۚ إِنَّمَآ أَنتَ نَذِيرٞۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ وَكِيلٌ ١٢

ЎН ИККИНЧИ ПОРА

6. Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳул-Маҳфуз)да (ёзилган)дир*.

7. У (Аллоҳ) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ (яхшироқ) иш қилишингизни синаш учун осмонлар ва Ерни олти кунда яратган зотдир. (У пайтда) Арши сув устида эди*. Агарда Сиз: «Албатта, сизлар ўлгандан кейин тирилтирилурсиз», – десангиз, куфрга кетганлар: «Бу сеҳрдан ўзга нарса эмас!», – дейишлари аниқ.

8. Борди-ю, улардан азобни маълум муддатгача кечиктирсак, улар: «Уни (азобни) нима ушлаб турибди?», – дейдилар. Огоҳ бўлсинларки, (азоб) келадиган кунида (уни) улардан қайтариб бўлмас ва масхара қилиб юрган нарсалари (азоб) уларни қамраб олур.

9. Агарда биз инсонга Ўз марҳаматимизни тоттириб, сўнгра (яна) уни тортиб олсак, (қарабсизки) у ноумид ва ношукр (бўлиб қолур).

10. Агарда унга бирор зарар келиб кетгандан кейин неъматларни тоттириб қўйсак: «Ёмонликлар мендан (ўзича) кетди», – дейди, албатта. Зеро, у мағрур ва фахрланувчидир.

11. Илло, сабрли бўлган ва эзгу ишларни қилганларга, айнан ўшаларга мағфират ва катта мукофот бордир.

12. Балким, Сиз «Унга бирор хазина тушса эди ёки у билан бирга (гувоҳ сифатида) бирор фаришта келса эди»,– деганлари учун Сизга ваҳий қилинаётган оятларнинг баъзиларини тарк этмоқчидирсиз ва шу сабабли юрагингиз сиқилаётгандир. Сиз, ахир, фақат огоҳлантирувчисиз, Аллоҳ эса ҳар нарсага вакил (гувоҳ)дир.

6-оят. Лавҳул-маҳфуз – Аллоҳ таоло барча мавжудотни яратмасдан олдин, то қиёматгача яратиладиган ашёларни, қиладиган ишларини, инсонлар тақдирини, илоҳий китоблар матни ва бошқа маълумотларни ёзиб қўйган манбанинг номи.

7-оят. Аллоҳ таоло Еру осмонларни якшанба кунидан бошлаб жума кунигача, яъни олти кунда яратган. Аҳли китобларнинг баъзилари Аллоҳ еттинчи куни, яъни шанба куни дам олган десалар, бошқалари душанба кунидан бошлаб шанба куни тугатган ва якшанба куни дам олган, деб ҳисоблайдилар. Ислом дини таълимоти бўйича бу хил гаплар мутлақо нотўғридир. Зеро, Аллоҳ таоло ҳеч қачон чарчамайди ва У дам олишга, ухлашга, роҳатга муҳтож эмасдир. Олти кунда яратган нарсаларини бир зумда яратиб қўйишга ҳам қодир эди, лекин бандаларига намуна бўлсин учун қудрати ета туриб шунча муддатда яратгани сабр-тоқатга ташвиқ этиш ва биз билмаган яна бошқа ҳикматлар сабаблидир. Бандаси эса, қудрати етмаса ҳам доимо шошилади.

أَمْ يَقُولُونَ ٱفْتَرَىٰهُ ۖ قُلْ فَأْتُوا۟ بِعَشْرِ سُوَرٍ مِّثْلِهِۦ مُفْتَرَيَٰتٍ
وَٱدْعُوا۟ مَنِ ٱسْتَطَعْتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٣﴾
فَإِلَّمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَكُمْ فَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَآ أُنزِلَ بِعِلْمِ ٱللَّهِ وَأَن لَّآ إِلَٰهَ
إِلَّا هُوَ ۖ فَهَلْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٤﴾ مَن كَانَ يُرِيدُ ٱلْحَيَوٰةَ
ٱلدُّنْيَا وَزِينَتَهَا نُوَفِّ إِلَيْهِمْ أَعْمَٰلَهُمْ فِيهَا وَهُمْ فِيهَا لَا يُبْخَسُونَ
﴿١٥﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ إِلَّا ٱلنَّارُ ۖ وَحَبِطَ
مَا صَنَعُوا۟ فِيهَا وَبَٰطِلٌ مَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾ أَفَمَن كَانَ
عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّهِۦ وَيَتْلُوهُ شَاهِدٌ مِّنْهُ وَمِن قَبْلِهِۦ كِتَٰبُ
مُوسَىٰٓ إِمَامًا وَرَحْمَةً ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِۦ ۚ وَمَن يَكْفُرْ بِهِۦ
مِنَ ٱلْأَحْزَابِ فَٱلنَّارُ مَوْعِدُهُۥ ۚ فَلَا تَكُ فِى مِرْيَةٍ مِّنْهُ ۚ إِنَّهُ ٱلْحَقُّ
مِن رَّبِّكَ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿١٧﴾ وَمَنْ
أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ يُعْرَضُونَ
عَلَىٰ رَبِّهِمْ وَيَقُولُ ٱلْأَشْهَٰدُ هَٰٓؤُلَآءِ ٱلَّذِينَ كَذَبُوا۟ عَلَىٰ
رَبِّهِمْ ۚ أَلَا لَعْنَةُ ٱللَّهِ عَلَى ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٨﴾ ٱلَّذِينَ يَصُدُّونَ
عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَيَبْغُونَهَا عِوَجًا وَهُم بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ كَٰفِرُونَ ﴿١٩﴾

13. Ёки: «Уни (ваҳийни Муҳаммад) тўқиб чиқаряпти», – дейдиларми? Айтинг: «Агар гапларингиз рост бўлса, шунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтириб, Аллоҳдан ўзга имконингиз етган кишини (ёрдамга ёки гувоҳликка) чақирингиз!»*

14. Бас, агар (улар) сизларга жавоб қилмасалар*, билингизки, албатта, нозил қилинган нарса (Қуръон) Аллоҳнинг илми билан (ваҳий қилинган) экан ва Ундан ўзга илоҳ йўқ экан. Бас, энди сизлар мусулмонмисиз?!

15. Кимки дунё ҳаёти ва унинг зийнатини истаса, у (каби)ларга амаллари (савоби)ни шу (дунё)да мукаммал берурмиз ва улар унда (дунёда) зиён қилмайдилар*.

16. Ана ўшаларга охиратда дўзахдан бошқа (нарса) йўқдир. Қилган (савобли) ишлари ҳабата (барбод) ва қилиб юрган амаллари ботил (зое) бўлур.

17. Парвардигори томонидан ҳужжатга эга бўлган, кетидан Ундан гувоҳ (Қуръон) келган, ундан олдин пешво ва раҳмат саналмиш Мусо китоби (Таврот) ҳам бўлган киши (фақат дунё неъматларини истовчилар билан баробарми?!) Айнан ўшалар унга (Қуръонга) имон келтирадилар. Гуруҳлардан кимки уни инкор этса, бас, унга аталган жой дўзахдир. Бас, унда шак қилманг! Албатта, У Раббингиздан (келмиш) ҳақиқатдир. Лекин одамларнинг аксарияти (бунга) имон келтирмайдилар.

18. Аллоҳ номидан ёлғон тўқигандан ҳам золимроқ киши борми?! Ана ўшалар (қиёматда) Парвардигори билан юзма-юз қилинурлар ва гувоҳлар: «Ана шулар Парвардигорлари номидан ёлғон гапирганлар», – дейдилар. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳнинг лаънати золимларга (бўлур).

19. (Улар) Аллоҳнинг йўлидан (одамларни) тўсиб, уни (йўлни) чалкаштирмоқчи бўладилар ва улар охиратни инкор этувчилардир.

13-оят. "Бақара" ва "Юнус" сураларида айтилишича, Расул (а.с.) уларни биргина сура келтиришга таклиф этганларида келтира олмаган эдилар. Бу ерда улардан ўнта сура тўқиб келтириш талаб қилинишининг сабаби эса, олдинги сўралган сура ғайбдан хабар бериш, шариат аҳкомлари, ваъда-ваъид каби мураккаб маълумотларни ўз ичига олган сура бўлиши талаб қилинган эди. Бунга кучлари етмагач, ушбу оятда ўнта, лекин мазкур мураккаб маълумотларсиз, фақат фасоҳат ва балоғатли суралар келтириш таклиф этилган (Бғ.).

14-оят. Жавоб қилмаганлар – кофирларнинг ўзлари ёки улар ёрдамга чақирган олимлари бўлиши мумкин (Хз.).

15-оят. Яъни қилган савоблари учун ажрни ҳам шу дунёда олиб, охиратдан бенасиб бўлурлар.

Бу оят савобли амалларни охират учун эмас, шу дунёда обрў ва шухрат орттириш мақсадида қилувчи риёкор кишилар учун ҳам огоҳлантиришдир (Мд.).

أُوْلَٰٓئِكَ لَمْ يَكُونُواْ مُعْجِزِينَ فِي ٱلْأَرْضِ وَمَا كَانَ لَهُم مِّن
دُونِ ٱللَّهِ مِنْ أَوْلِيَآءَۘ يُضَٰعَفُ لَهُمُ ٱلْعَذَابُۚ مَا كَانُواْ يَسْتَطِيعُونَ
ٱلسَّمْعَ وَمَا كَانُواْ يُبْصِرُونَ ﴿٢٠﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓاْ
أَنفُسَهُمْ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُواْ يَفْتَرُونَ ﴿٢١﴾ لَا جَرَمَ أَنَّهُمْ
فِي ٱلْأٓخِرَةِ هُمُ ٱلْأَخْسَرُونَ ﴿٢٢﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ
ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَأَخْبَتُوٓاْ إِلَىٰ رَبِّهِمْ أُوْلَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِۖ
هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٢٣﴾ ۞ مَثَلُ ٱلْفَرِيقَيْنِ كَٱلْأَعْمَىٰ
وَٱلْأَصَمِّ وَٱلْبَصِيرِ وَٱلسَّمِيعِۚ هَلْ يَسْتَوِيَانِ مَثَلًاۚ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ
﴿٢٤﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦٓ إِنِّي لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٢٥﴾
أَن لَّا تَعْبُدُوٓاْ إِلَّا ٱللَّهَۖ إِنِّيٓ أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ أَلِيمٍ
﴿٢٦﴾ فَقَالَ ٱلْمَلَأُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِن قَوْمِهِۦ مَا نَرَىٰكَ إِلَّا بَشَرًا
مِّثْلَنَا وَمَا نَرَىٰكَ ٱتَّبَعَكَ إِلَّا ٱلَّذِينَ هُمْ أَرَاذِلُنَا بَادِيَ
ٱلرَّأْيِ وَمَا نَرَىٰ لَكُمْ عَلَيْنَا مِن فَضْلِۭ بَلْ نَظُنُّكُمْ كَٰذِبِينَ
﴿٢٧﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ أَرَءَيْتُمْ إِن كُنتُ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّن رَّبِّي وَءَاتَىٰنِي رَحْمَةً
مِّنْ عِندِهِۦ فَعُمِّيَتْ عَلَيْكُمْ أَنُلْزِمُكُمُوهَا وَأَنتُمْ لَهَا كَٰرِهُونَ ﴿٢٨﴾

20. Ана ўшалар Ер юзида (ҳеч кимни) ожиз қолдира олмаган ва улар учун Аллоҳдан ўзга дўстлар ҳам бўлмаганлардир. Уларга азоб зиёдаси билан берилур. (Улар ҳақ гапни) эшита олмас ва (ҳақ нарсани) кўрмас эдилар*.

21. Ана ўшалар ўзларига зиён қилганлардир ва (қиёмат куни) улардан тўқиб юрган (бут ва санам)лари ғойиб бўлур.

22. Шубҳа йўққи, улар охиратда кўпроқ зиён кўрувчилардир.

23. Албатта, имон келтириб, эзгу ишларни қилган ва Парвардигорлари (тоати)га бўйин сунганлар – айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар, улар у ерда мангудирлар.

24. Иккала гуруҳ (кофир ва мўмин)ларнинг мисоли худди кўр билан кар ва кўрувчи билан эшитувчилар кабидир. Иккиси мисолда баробар бўладими?! Эслаб кўрмайсизларми?!

25. Дарҳақиқат, Нуҳни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик*. (У деди): «Мен сизларга аниқ огоҳлантирувчиман.

26. Аллоҳдан ўзгага сиғинмангиз! Мен сизларга аламли азоб (келиши)дан қўрқаман».

27. Бас, қавми орасидаги куфрга кетган зодагонлари дедилар: «Сени (биз) худди ўзимиздек (оддий) инсон деб биламиз ва сенга фақат бечораҳол кишиларгина (ўйламай) бир кўришда эргашаётганини кўраяпмиз. Сизларнинг биздан ортиқ жойингизни кўрмаяпмиз. Балки сизларни ёлғончи деб гумон қилмоқдамиз».

28. (Нуҳ) деди: «Эй, қавмим! Қани айтинг-чи, агар Раббимдан (юборилган) ҳужжатга эга бўлсам ва У менга ўз даргоҳидан раҳмат (пайғамбарлик) ато этган бўлса-ю, сизларга (бу) мавҳум қилиб кўрсатилган бўлса, Сизлар уни ёқтирмаган ҳолингизда уни сизларга мажбурлаймизми?!

20-оят. Ҳадисда охират куни номаи аъмоллар ўз эгаларига берилиш ҳолати жумладан, шундай тасвирланган: “Қиёмат куни мўмин киши Аллоҳга шунчалик яқин бўладики, ҳатто, Аллоҳ таоло унга дунёда қилган гуноҳларини бирма-бир эслатганида у ҳаммасини тан олади. Шунда Парвардигор унга, гуноҳларингни дунёда ёпдим, одамларга фош қилмадим. Мана, энди бугун уларни кечирдим, деб қўлига фақат савоблари ёзилган номаи аъмолини берар экан. Кофир ва мунофиқларнинг қилмишларини эса, фаришталар ёки Аллоҳнинг ўзи халойиққа эълон қилиб, фалон-казо ишларни қилган, Парвардигорни инкор этган кимсалар – ана шулардир. Ўзига зулм қилганларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай, дер экан” (Бх. Мс.).

25-оят. Нуҳ (а.с.) Ибн Аббос (рз.) ривоятига кўра, 480 ёшида пайғамбар бўлган. 120 йил қавмини тавҳидга асосланган динга даъват қилган. 600 ёшида кемага минган. Тўфондан сўнг 350 йил умр кўриб, ҳаммаси бўлиб, 950 йил яшаган. Ваҳб ибн Мунаббаҳ (рҳ.) сўзига қараганда Нуҳ (а.с.) 1050 йил умр кўрган (Лс.).

Нуҳ (а.с.)нинг пайғамбарлик асносида кўрган-кечирганлари яна “Нуҳ”сурасида берилган.

وَيَٰقَوۡمِ لَآ أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ مَالًاۖ إِنۡ أَجۡرِيَ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِۚ وَمَآ
أَنَا۠ بِطَارِدِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْۚ إِنَّهُم مُّلَٰقُواْ رَبِّهِمۡ وَلَٰكِنِّيٓ أَرَىٰكُمۡ
قَوۡمٗا تَجۡهَلُونَ ٢٩ وَيَٰقَوۡمِ مَن يَنصُرُنِي مِنَ ٱللَّهِ إِن طَرَدتُّهُمۡۚ
أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ٣٠ وَلَآ أَقُولُ لَكُمۡ عِندِي خَزَآئِنُ ٱللَّهِ وَلَآ
أَعۡلَمُ ٱلۡغَيۡبَ وَلَآ أَقُولُ إِنِّي مَلَكٞ وَلَآ أَقُولُ لِلَّذِينَ تَزۡدَرِيٓ
أَعۡيُنُكُمۡ لَن يُؤۡتِيَهُمُ ٱللَّهُ خَيۡرًاۖ ٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِمَا فِيٓ أَنفُسِهِمۡ إِنِّيٓ إِذٗا
لَّمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ٣١ قَالُواْ يَٰنُوحُ قَدۡ جَٰدَلۡتَنَا فَأَكۡثَرۡتَ
جِدَٰلَنَا فَأۡتِنَا بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ٣٢ قَالَ
إِنَّمَا يَأۡتِيكُم بِهِ ٱللَّهُ إِن شَآءَ وَمَآ أَنتُم بِمُعۡجِزِينَ ٣٣ وَلَا يَنفَعُكُمۡ
نُصۡحِيٓ إِنۡ أَرَدتُّ أَنۡ أَنصَحَ لَكُمۡ إِن كَانَ ٱللَّهُ يُرِيدُ أَن يُغۡوِيَكُمۡۚ
هُوَ رَبُّكُمۡ وَإِلَيۡهِ تُرۡجَعُونَ ٣٤ أَمۡ يَقُولُونَ ٱفۡتَرَىٰهُۖ
قُلۡ إِنِ ٱفۡتَرَيۡتُهُۥ فَعَلَيَّ إِجۡرَامِي وَأَنَا۠ بَرِيٓءٞ مِّمَّا تُجۡرِمُونَ ٣٥
وَأُوحِيَ إِلَىٰ نُوحٍ أَنَّهُۥ لَن يُؤۡمِنَ مِن قَوۡمِكَ إِلَّا مَن قَدۡ ءَامَنَ
فَلَا تَبۡتَئِسۡ بِمَا كَانُواْ يَفۡعَلُونَ ٣٦ وَٱصۡنَعِ ٱلۡفُلۡكَ بِأَعۡيُنِنَا
وَوَحۡيِنَا وَلَا تُخَٰطِبۡنِي فِي ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓاْ إِنَّهُم مُّغۡرَقُونَ ٣٧

29. Эй, қавмим! Сизлардан у (пайғамбарлик хизмати) учун мол-дунё сўрамайман. Менинг мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир. Мен (сизларнинг талабингиз билан) имон келтирганларни (ҳузуримдан) қувиб чиқарувчи эмасман*. Зеро, улар Парвардигорлари билан рўбарў бўлувчилардир. Лекин сизларнинг жоҳил қавм эканингизни кўриб турибман.

30. Эй, қавмим! Агар уларни ҳайдасам Аллоҳ (азоби)дан (қутилишимда) менга ким ёрдам беради? Бас, (буни) эсламайсизми?!

31. (Мен) сизларга, ҳузуримда «Аллоҳнинг хазиналари бор» ҳам демайман. Ғайбни ҳам билмайман. «Мен фариштаман» ҳам демайман*. Назарингизга илинмаётган (фақир) кишилар тўғрисида, Аллоҳ уларга бирор яхшилик бермайди ҳам демайман. Уларнинг ичларидаги (имон ва ихлос)ни Аллоҳ яхшироқ билур. Мен (биламан десам), у ҳолда золимлардан бўлиб қолурман».

32. Улар (Нуҳ қавми) дедилар: «Эй, Нуҳ! Биз билан баҳслашдинг, лекин баҳсни кўп қилиб юбординг. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ўша чўчитган нарсанг (азоб)ни келтир!»

33. (Нуҳ) деди: «Уни Аллоҳ хоҳласа, албатта, келтиради. Сизлар эса, ожиз қолдирувчи (енгувчи) эмассиз.

34. Агар Аллоҳ сизларни оғдиришни истаб турган бўлса, (мен) сизларга насиҳат қилишни истаганим билан сизларга насиҳатим фойда бермайди. У Раббингиздир ва Унинг ҳузурига қайтарилажаксиз».

35. Ёки (кофирлар): «Унинг (Нуҳнинг) ўзи тўқияпти» дейишяптими? Айт: «Агар тўқиган бўлсам, жиноятим ўзимга-ку! Мен сизларнинг қилаётган жиноятингиз (куфрингиз)дан покдурман»*.

36. Нуҳга ваҳий қилинди: «Қавмингдан (ҳозиргача) имон келтирганларидан бошқа ҳеч ким энди имон келтирмас. Бас, уларнинг қилаётган ишлари туфайли ташвиш чекма!

37. Бизнинг кузатувимиз ва ваҳиймиз (амримиз) билан кемани ясагин ва зулм қилганлар ҳақида Менга (асраш тўғрисида) хитоб қилмагин! Улар, албатта, ғарқ қилинувчилардир!»

29-оят. Пайғамбар ҳузуридаги камтар, камсуқум мўминларни кофирлар назарга илмасдан, уларни ўз ҳузуридан ҳайдаб юборишни талаб қилар эдилар.

31-оят. Баъзи тоифалар Нуҳ (а.с.)нинг шу сўзларини далил қилиб, фаришталар пайғамбарлардан юқори мартабада деб гумон қиладилар. Аслида эса, бу сўзни Нуҳ (а.с.) кофирларнинг “Сен ҳам биз каби башар зотидансан” деган гапларига жавобан “Мен ўзимни фариштаман, демайман. Балки менинг сизлардан фарқим пайғамбар эканимда”, демоқчи бўлган (Хз.)

35-оят. Баъзи тафсирларда бу оятдаги сўзлар Нуҳ (а.с.)нинг эмас, балки Муҳаммад (а.с.) сўзлари дейилган.

وَيَصْنَعُ ٱلْفُلْكَ وَكُلَّمَا مَرَّ عَلَيْهِ مَلَأٌ مِّن قَوْمِهِۦ سَخِرُوا۟
مِنْهُ ۚ قَالَ إِن تَسْخَرُوا۟ مِنَّا فَإِنَّا نَسْخَرُ مِنكُمْ كَمَا تَسْخَرُونَ ﴿٣٨﴾
فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ مَن يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ
مُّقِيمٌ ﴿٣٩﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَمْرُنَا وَفَارَ ٱلتَّنُّورُ قُلْنَا ٱحْمِلْ فِيهَا
مِن كُلٍّ زَوْجَيْنِ ٱثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَن سَبَقَ عَلَيْهِ ٱلْقَوْلُ
وَمَنْ ءَامَنَ ۚ وَمَآ ءَامَنَ مَعَهُۥٓ إِلَّا قَلِيلٌ ﴿٤٠﴾ ۞ وَقَالَ ٱرْكَبُوا۟
فِيهَا بِسْمِ ٱللَّهِ مَجْر۪ىٰهَا وَمُرْسَىٰهَآ ۚ إِنَّ رَبِّى لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٤١﴾ وَهِىَ
تَجْرِى بِهِمْ فِى مَوْجٍ كَٱلْجِبَالِ وَنَادَىٰ نُوحٌ ٱبْنَهُۥ وَكَانَ
فِى مَعْزِلٍ يَٰبُنَىَّ ٱرْكَب مَّعَنَا وَلَا تَكُن مَّعَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٤٢﴾
قَالَ سَـَٔاوِىٓ إِلَىٰ جَبَلٍ يَعْصِمُنِى مِنَ ٱلْمَآءِ ۚ قَالَ لَا عَاصِمَ
ٱلْيَوْمَ مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ إِلَّا مَن رَّحِمَ ۚ وَحَالَ بَيْنَهُمَا ٱلْمَوْجُ فَكَانَ
مِنَ ٱلْمُغْرَقِينَ ﴿٤٣﴾ وَقِيلَ يَٰٓأَرْضُ ٱبْلَعِى مَآءَكِ وَيَٰسَمَآءُ
أَقْلِعِى وَغِيضَ ٱلْمَآءُ وَقُضِىَ ٱلْأَمْرُ وَٱسْتَوَتْ عَلَى ٱلْجُودِىِّ ۖ وَقِيلَ
بُعْدًا لِّلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٤﴾ وَنَادَىٰ نُوحٌ رَّبَّهُۥ فَقَالَ رَبِّ إِنَّ
ٱبْنِى مِنْ أَهْلِى وَإِنَّ وَعْدَكَ ٱلْحَقُّ وَأَنتَ أَحْكَمُ ٱلْحَٰكِمِينَ ﴿٤٥﴾

38. Кемани ясай бошлади. Қавмининг зодагонлари ҳар гал унинг олдидан ўтганларида уни масхара қилардилар. (Нуҳ) деди: «Агар бизни масхара қилсангиз, сизлар масхара қилганингиздек, биз ҳам (яқинда) сизларни масхара қилажакмиз.

39. Бас, яқинда кимга хорловчи азоб келиб, унга мангу азоб тушишини билурсиз».

40. То Бизнинг буйруғимиз (азобимиз – тўфон) келиб, ишлар кескинлашгач*, айтдик: «(Эй, Нуҳ!) Унга (кемага) ҳар бир (жонивор)дан бир жуфт – иккитадан ва аҳлинг (оила аъзоларинг)ни, илло (аҳлингдан кимларга ғарқ бўлиши ҳақида Биздан) сўз кечган бўлса, улар мустасно*, ҳамда имон келтирганларни орт!» Ваҳоланки, у (Нуҳ) билан бирга имон келтирганлар оз эди.

41. (Нуҳ) деди: «Унга (кемага) мининглар! Унинг сузиши ҳам, тўхташи ҳам Аллоҳнинг исми биландир*. Албатта, Раббим кечиримли ва раҳмлидир».

42. У (кема) уларни тоғлардек тўлқинлар ичида олиб борар экан, Нуҳ четкада турган (Канъон исмли) ўғлини чақириб деди: «Эй, ўғилчам! Биз билан бирга (кемага) мингин! Кофирлар билан бирга бўлмагин!»

43. У (ўғли) деди: «Мени сувдан сақлайдиган бирор тоққа (чиқиб) паноҳ топарман». (Нуҳ) деди: «Бугун У раҳм қилганлардан бошқасига Аллоҳнинг амридан сақлаб қолувчи (ҳеч қандай куч) йўқдир». (Шу пайт) иккисининг ўртасини бир тўлқин тўсди ва (ўғли) ғарқ қилинганлардан бўлди.

44. (Сўнгра) айтилди: «Эй, Ер! Сувингни ютгин! Эй, осмон! Ўзингни тутгин (ёғишни бас қил!)» Сув қуриди, буйруқ адо этилди ва (кема) Жувдий (тоғи)* узра қўнди ҳамда «Золимлар қавмига – ҳалокат!», – дейилди.

45. Нуҳ Раббига нидо қилиб деди: «Раббим! Ўғлим менинг аҳлимдан. Сенинг (оиламни сақлашга берган) ваъданг эса ҳақ ва Сен ҳукм қилувчиларнинг энг доноси (ва одили)сан».

40-оят. Ишнинг кескинлашуви оятда "тандир қизиб кетгач" деган маънони англатувчи ибора билан келтирилган.

* Ғарқ бўлиши тақдирда белгиланганлар ичида Нуҳ (а.с.) нинг бир Воила деган хотини ва Канъон деган ўғли ҳам бор эди. Ҳаммаси бўлиб кемада соғ-саломат қолганлар адади тўғрисида турли ривоятлар мавжуд. Масалан, 7, 8,10, 72, 78, 80 киши. Имом Табарий (рҳ.) сўзига кўра, муайян бир адад тайин этилмагани яхши (Хз.).

41-оят. Бу оят бошқача тафсирни ҳам кўтаради. Масалан, "Аллоҳнинг исми билан" жумласи тепага қўшилса, Аллоҳнинг исми билан минингиз, бўлади.

44-оят. Жувдий тоғи қаерда экани тўғрисида ҳам аниқ маълумот йўқ. У Шомда, Ироқнинг Мосул шаҳрида, Ҳиндистонда, Араратда, Омулда дейилган.

Нуҳ (а.с.) Ражаб ойининг ўнинчи куни кемага миниб, олти ойдан кейин Муҳаррам ойининг ўнинчи куни тушган. Бинобарин, шу куни рўза тутадилар (Хз. Қз.).

قَالَ يَٰنُوحُ إِنَّهُۥ لَيۡسَ مِنۡ أَهۡلِكَۖ إِنَّهُۥ عَمَلٌ غَيۡرُ صَٰلِحٖۖ فَلَا تَسۡـَٔلۡنِ
مَا لَيۡسَ لَكَ بِهِۦ عِلۡمٌۖ إِنِّيٓ أَعِظُكَ أَن تَكُونَ مِنَ ٱلۡجَٰهِلِينَ ٤٦
قَالَ رَبِّ إِنِّيٓ أَعُوذُ بِكَ أَنۡ أَسۡـَٔلَكَ مَا لَيۡسَ لِي بِهِۦ عِلۡمٌۖ وَإِلَّا
تَغۡفِرۡ لِي وَتَرۡحَمۡنِيٓ أَكُن مِّنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ٤٧ قِيلَ يَٰنُوحُ
ٱهۡبِطۡ بِسَلَٰمٖ مِّنَّا وَبَرَكَٰتٍ عَلَيۡكَ وَعَلَىٰٓ أُمَمٖ مِّمَّن مَّعَكَۚ
وَأُمَمٞ سَنُمَتِّعُهُمۡ ثُمَّ يَمَسُّهُم مِّنَّا عَذَابٌ أَلِيمٞ ٤٨ تِلۡكَ
مِنۡ أَنۢبَآءِ ٱلۡغَيۡبِ نُوحِيهَآ إِلَيۡكَۖ مَا كُنتَ تَعۡلَمُهَآ أَنتَ وَلَا قَوۡمُكَ
مِن قَبۡلِ هَٰذَاۖ فَٱصۡبِرۡۖ إِنَّ ٱلۡعَٰقِبَةَ لِلۡمُتَّقِينَ ٤٩ وَإِلَىٰ عَادٍ
أَخَاهُمۡ هُودٗاۚ قَالَ يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ
غَيۡرُهُۥٓۖ إِنۡ أَنتُمۡ إِلَّا مُفۡتَرُونَ ٥٠ يَٰقَوۡمِ لَآ أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ
أَجۡرًاۖ إِنۡ أَجۡرِيَ إِلَّا عَلَى ٱلَّذِي فَطَرَنِيٓۚ أَفَلَا تَعۡقِلُونَ ٥١
وَيَٰقَوۡمِ ٱسۡتَغۡفِرُواْ رَبَّكُمۡ ثُمَّ تُوبُوٓاْ إِلَيۡهِ يُرۡسِلِ ٱلسَّمَآءَ
عَلَيۡكُم مِّدۡرَارٗا وَيَزِدۡكُمۡ قُوَّةً إِلَىٰ قُوَّتِكُمۡ وَلَا تَتَوَلَّوۡاْ
مُجۡرِمِينَ ٥٢ قَالُواْ يَٰهُودُ مَا جِئۡتَنَا بِبَيِّنَةٖ وَمَا نَحۡنُ
بِتَارِكِيٓ ءَالِهَتِنَا عَن قَوۡلِكَ وَمَا نَحۡنُ لَكَ بِمُؤۡمِنِينَ ٥٣

46. (Аллоҳ) деди «Эй, Нуҳ! У сенинг аҳлингдан эмас!* Албатта, у (унинг қилгани) яхши иш эмас. Бас, Мендан ўзинг (яхши) билмаган нарсани сўрамагин! Мен сенга жоҳиллардан бўлишингдан (қайтариб) насиҳат қиламан».

47. (Нуҳ) айтди: «Раббим! Мен Сендан ўзим (яхши) билмаган нарсани сўрашимдан паноҳ тилайман. Агар мени кечирмасанг ва менга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурман».

48. Айтилди: «Эй, Нуҳ! Биздан (бўлмиш) саломатлик ва сенга ва сен билан биргаликдаги жамоаларга (аталган) баракотлар билан (кемадан ерга) тушгин! (Умматингдан келажакда шундай кофир) жамоалар ҳам бўладики, уларни озгина баҳраманд қилурмиз, сўнгра уларни Биздан (юборилувчи) аламли азоб тутар».

49. (Эй, Муҳаммад!) Булар Сизга ваҳий қилаётган Биздаги ғайб хабарларидандир. Буларни илгари на Сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, сабр қилинг! Албатта, оқибат (ютуқ) тақводорларникидир.

50. Од (қабиласи)га биродарлари Ҳудни (пайғамбар этиб юбордик). У айтди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир! Сизлар (сохта илоҳларни) фақат ўзларингиз тўқиб олувчисиз.

51. Эй, қавмим! Сизлардан (элчилик хизмати учун) ҳақ сўрамайман. Менинг ажрим (мукофотим) фақат мени яратган Зот зиммасидадир. Ақлни ишлатмайсизларми?!

52. Эй, қавмим! Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз, шунда У осмондан (ёмғир) ёғдирар ва қувватингизга қувват қўшар. Жиноятчи бўлиб кетмангиз!»*

53. (Улар) дедилар: «Эй, Ҳуд! Бизга бирор ҳужжат келтирмадинг. Биз сенинг (қуруқ) гапинг билан илоҳларимизни тарк этувчи ҳам, сенга ишонувчи ҳам эмасмиз.

46-оят. Ибн Аббос (рз.), Икрима, Саид, Заҳҳок (рҳ.)лар Канъон Нуҳ (а.с.)нинг пушти камаридан бўлган ўғли эмас эди, деган фикрларни рад этганлар. Зеро, Аллоҳ таоло кофирдан мўминни, мўминдан кофирни дунёга келтириши жоиздир. Чунончи, Озардан Иброҳим (а.с.), Одам (а.с.)дан Қобилни пайдо қилгани каби (Хз.).

Абу Мансур Мотуридий (рҳ.) айтадилар: "Нуҳ (а.с.)нинг ўғли Канъон мунофиқ эди. Лекин буни отаси билмас эди. Акс ҳолда уни кемага ҳам чорламаган бўлур эди. У ўзини зоҳирда отаси динига эътиқод қиладиган қилиб кўрсатгани учун Нуҳ (а.с.) уни ўз аҳлидан ҳисоблаб, мазкур муомалани қилган эди" (Мд.).

Нуҳ (а.с) кемасининг узунлиги 300, эни 50 , баландлиги 30 газ бўлиб, уч қават: биринчисида йиртқич ҳайвонлар, иккинчисида ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, учинчисида одамлар билан Одам (а.с.)нинг жасади бўлган (Абс.).

52-оят. Истиғфор айтиб тавба қилиш серобгарчиликка, серфарзандликка сабаб бўлиши ҳақида яна "Нуҳ" сурасининг 10,11,12-оятларига қаралсин.

إِن نَّقُولُ إِلَّا ٱعۡتَرَىٰكَ بَعۡضُ ءَالِهَتِنَا بِسُوٓءٖۗ قَالَ إِنِّيٓ أُشۡهِدُ ٱللَّهَ
وَٱشۡهَدُوٓاْ أَنِّي بَرِيٓءٞ مِّمَّا تُشۡرِكُونَ ﴿٥٤﴾ مِن دُونِهِۦۖ فَكِيدُونِي
جَمِيعٗا ثُمَّ لَا تُنظِرُونِ ﴿٥٥﴾ إِنِّي تَوَكَّلۡتُ عَلَى ٱللَّهِ رَبِّي وَرَبِّكُمۚ مَّا
مِن دَآبَّةٍ إِلَّا هُوَ ءَاخِذُۢ بِنَاصِيَتِهَآۚ إِنَّ رَبِّي عَلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ
﴿٥٦﴾ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَقَدۡ أَبۡلَغۡتُكُم مَّآ أُرۡسِلۡتُ بِهِۦٓ إِلَيۡكُمۡۚ وَيَسۡتَخۡلِفُ
رَبِّي قَوۡمًا غَيۡرَكُمۡ وَلَا تَضُرُّونَهُۥ شَيۡـًٔاۚ إِنَّ رَبِّي عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٍ حَفِيظٞ
﴿٥٧﴾ وَلَمَّا جَآءَ أَمۡرُنَا نَجَّيۡنَا هُودٗا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥ بِرَحۡمَةٖ
مِّنَّا وَنَجَّيۡنَٰهُم مِّنۡ عَذَابٍ غَلِيظٖ ﴿٥٨﴾ وَتِلۡكَ عَادٞۖ جَحَدُواْ بِـَٔايَٰتِ
رَبِّهِمۡ وَعَصَوۡاْ رُسُلَهُۥ وَٱتَّبَعُوٓاْ أَمۡرَ كُلِّ جَبَّارٍ عَنِيدٖ ﴿٥٩﴾ وَأُتۡبِعُواْ
فِي هَٰذِهِ ٱلدُّنۡيَا لَعۡنَةٗ وَيَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۗ أَلَآ إِنَّ عَادٗا كَفَرُواْ رَبَّهُمۡۗ أَلَا
بُعۡدٗا لِّعَادٖ قَوۡمِ هُودٖ ﴿٦٠﴾ ۞ وَإِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمۡ صَٰلِحٗاۚ قَالَ
يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرُهُۥۖ هُوَ أَنشَأَكُم مِّنَ ٱلۡأَرۡضِ
وَٱسۡتَعۡمَرَكُمۡ فِيهَا فَٱسۡتَغۡفِرُوهُ ثُمَّ تُوبُوٓاْ إِلَيۡهِۚ إِنَّ رَبِّي قَرِيبٞ مُّجِيبٞ
﴿٦١﴾ قَالُواْ يَٰصَٰلِحُ قَدۡ كُنتَ فِينَا مَرۡجُوّٗا قَبۡلَ هَٰذَآۖ أَتَنۡهَىٰنَآ أَن
نَّعۡبُدَ مَا يَعۡبُدُ ءَابَآؤُنَا وَإِنَّنَا لَفِي شَكّٖ مِّمَّا تَدۡعُونَآ إِلَيۡهِ مُرِيبٖ ﴿٦٢﴾

54. Сени балким илоҳларимиздан бирортаси чалиб кетгандир, деб биламиз.» (Ҳуд) деди: «Мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сизлар ҳам гувоҳ бўлингизки, мен сизлар келтираётган ширкдан безорман.

55. (Зеро, у) Аллоҳдан ўзгадир. Бас, энди ҳаммангиз менга макр қилаверинг, сўнгра менга (уни) кечиктириб ўтирмангиз!

56. Мен Раббим ва Раббингиз – Аллоҳга таваккул қилдим. Ўрмаловчи (жонивор) борки, унинг инон-ихтиёри (тасарруфи) Унинг қўлидадир. Албатта, Раббим тўғри йўлдадир.

57. Агар сизлар (имон ва тавбадан) бош тортсангиз, бас, сизларга етказишим топширилган нарсани сизларга етказиб бўлдим. Раббим сизлардан бошқа қавмни ўринларингизга халифа қилиб келтирур. Сизлар эса, Унга зарар етказа олмайсиз. Албатта, Раббим ҳамма нарсани қўриқловчидир».

58. Амримиз (шамол азоби) келгач, Ҳудни ва у билан бирга имон келтирганларни Биздан (бўлмиш) марҳамат туфайли халос этдик ва уларга қаттиқ азобдан нажот бердик*.

59. Ана шулар Од (қабиласи)дир*. (Улар) Парвардигорларининг оятларини инкор этдилар, пайғамбарларига итоатсизлак қилдилар ва ҳар қандай золиму қайсарларнинг буйруқларига эргашдилар.

60. Уларга ушбу дунёда ҳам, қиёмат кунида ҳам лаънат етиб турур. Огоҳ бўлинг, албатта, Од (қабиласи) Парвардигорларини инкор этган эдилар. Огоҳ бўлинг, Ҳуднинг қавми – Од (қабиласи)га ҳалокат муқаррардир!*

61. Самуд (қабиласига) биродарлари Солиҳни (пайғамбар этиб юбордик). (У) айтди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди*. Бас, Ундан кечирим сўрангиз, сўнгра Унга тавба этингиз! Албатта, Раббим (бандаларига) яқин ва (дуоларни) ижобат этувчидир».

62. (Улар) дедилар: «Эй, Солиҳ! Бундан олдин умид қилинадиган киши эдинг. (Энди) бизга боболаримиз сиғинадиган нарсаларга сиғинишимизни ман этасанми? Биз сен даъват этаётган нарсангдан шак-шубҳадамиз».

58-оят. Мўминлар сони 400 киши бўлган (Мд.).

59-оят. Аллоҳнинг Од қабиласига ишора қилишига қараганда, ғазабга учраган бу қавмнинг қабрлари ва асоратлари Расулуллоҳ давриларигача ҳам Яман тоғларида сақланиб қолган (Мд.).

60-оят. Од қавми икки қабила бўлиб, биринчи ва қадимийси Ҳуд (а.с.) қавми. Иккинчиси эса, Ирам қабиласидир (Мд. Хз.).

61-оят. Ўша пайтдаги одамларнинг умри 300 дан 1000 атрофида бўлар экан. Форс мамлакатининг золим шоҳлари арик қазиб сув чиқариш, дарахт экиш билан шуғулланишар экан. Ўша давр пайғамбари Аллоҳдан уларнинг узоқ умр кўришлари сабабини сўраганида, У: "Улар бандаларим учун ободончилик ишлари билан шуғулланадилар", – деб жавоб берган экан (Мд.).

قَالَ يَٰقَوۡمِ أَرَءَيۡتُمۡ إِن كُنتُ عَلَىٰ بَيِّنَةٖ مِّن رَّبِّي وَءَاتَىٰنِي
مِنۡهُ رَحۡمَةٗ فَمَن يَنصُرُنِي مِنَ ٱللَّهِ إِنۡ عَصَيۡتُهُۥۖ فَمَا تَزِيدُونَنِي
غَيۡرَ تَخۡسِيرٖ ٦٣ وَيَٰقَوۡمِ هَٰذِهِۦ نَاقَةُ ٱللَّهِ لَكُمۡ ءَايَةٗۖ
فَذَرُوهَا تَأۡكُلۡ فِيٓ أَرۡضِ ٱللَّهِۖ وَلَا تَمَسُّوهَا بِسُوٓءٖ فَيَأۡخُذَكُمۡ
عَذَابٞ قَرِيبٞ ٦٤ فَعَقَرُوهَا فَقَالَ تَمَتَّعُواْ فِي دَارِكُمۡ
ثَلَٰثَةَ أَيَّامٖۖ ذَٰلِكَ وَعۡدٌ غَيۡرُ مَكۡذُوبٖ ٦٥ فَلَمَّا جَآءَ
أَمۡرُنَا نَجَّيۡنَا صَٰلِحٗا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥ بِرَحۡمَةٖ مِّنَّا
وَمِنۡ خِزۡيِ يَوۡمِئِذٍۚ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ ٱلۡقَوِيُّ ٱلۡعَزِيزُ ٦٦ وَأَخَذَ
ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ ٱلصَّيۡحَةُ فَأَصۡبَحُواْ فِي دِيَٰرِهِمۡ جَٰثِمِينَ
٦٧ كَأَن لَّمۡ يَغۡنَوۡاْ فِيهَآۗ أَلَآ إِنَّ ثَمُودَاْ كَفَرُواْ رَبَّهُمۡۗ أَلَا بُعۡدٗا
لِّثَمُودَ ٦٨ وَلَقَدۡ جَآءَتۡ رُسُلُنَآ إِبۡرَٰهِيمَ بِٱلۡبُشۡرَىٰ قَالُواْ
سَلَٰمٗاۖ قَالَ سَلَٰمٞۖ فَمَا لَبِثَ أَن جَآءَ بِعِجۡلٍ حَنِيذٖ ٦٩ فَلَمَّا
رَءَآ أَيۡدِيَهُمۡ لَا تَصِلُ إِلَيۡهِ نَكِرَهُمۡ وَأَوۡجَسَ مِنۡهُمۡ خِيفَةٗۚ
قَالُواْ لَا تَخَفۡ إِنَّآ أُرۡسِلۡنَآ إِلَىٰ قَوۡمِ لُوطٖ ٧٠ وَٱمۡرَأَتُهُۥ قَآئِمَةٞ
فَضَحِكَتۡ فَبَشَّرۡنَٰهَا بِإِسۡحَٰقَ وَمِن وَرَآءِ إِسۡحَٰقَ يَعۡقُوبَ ٧١

63. (Солиҳ) айтди: «Эй, қавмим! (Ўйлаб) кўрдингизми, мабодо Раббим томонидан ҳужжатим бўлиб, Ўзи томонидан раҳмат (пайғамбарлик) берган бўлса-ю, (мен) Унга итоатсизлик қилсам, Аллоҳ (жазоси)дан (қутилишимда) менга ким ёрдам беради (қутқаради)? Менга (сизлар) зиёндан бошқа (нарса) орттирмаяпсиз.

64. Эй, қавмим! Мана бу – Аллоҳнинг мўъжизали туяси. Бас, уни Аллоҳнинг ерида ўтлаб юришига қўйиб берингиз ва унга бирор ёмонлик етказмангиз. Акс ҳолда сизларни яқин (фурсатда) азоб тутар».

65. Бас, уни (туяни) сўйдилар*. (Солиҳ) деди: «Уйларингизда уч кун (ҳаётдан) баҳраманд бўлиб турингиз! Бу ёлғон эмас (чин) ваъдадир».

66. Буйруғимиз (азобимиз) келгач, Солиҳни ва у билан бирга имон келтирганларни Биздан бўлмиш раҳмат билан (азобдан) ва ўша куннинг шармандалигидан халос этдик. Албатта, Раббингиз кучли ва қудратлидир!

67. Зулм қилганларни қичқириқ* тутди. Бас, (улар ўз) уйларида мурдага айландилар.

68. Гўё у ерда (олдин) яшамагандек (излари ўчиб кетди). Огоҳ бўлингизки, Самуд (қабиласи) Парвардигорини инкор этган эди. Огоҳ бўлингизки, Самуд (қавми)га ҳалокат етсин!

69. Иброҳимга элчиларимиз* (фарзандли бўлиши ҳақида) хушхабар келтирдилар ва «Салом!» дедилар. У ҳам «Салом!» деди-да, ҳеч қанча вақт ўтмай, бир бузоқ (гўштининг) кабобини келтирди*.

70. Унга (таомга) қўл чўзишмаганини кўргач, (Иброҳим) улардан ётсиради ва улардан қаттиқ қўрқиб кетди*. (Улар) дедилар: «Қўрқма! Биз Лут (қавми)га юборилганмиз».

71. Хотини (Сора) турган эди, кулиб юборди. Унга Исҳоқ (номли фарзанд) ва Исҳоқнинг орқасидан Яъқуб (исмли набира беришимиз) ҳақида хушхабар бердик.

65-оят. Солиҳ (а.с.) итоатдан бош тортиб, туяни сўйиб юборган қавмига: “Уч кундан сўнг сизларга Аллоҳнинг азоби келади. Эртага биринчи куни юзларингиз сарғайиб кетади. Иккинчи куни қизаради. Учинчи куни қорайиб кетади”, – дейди. Айтганларига мувофиқ тўртинчи куни улар устига Аллоҳнинг азоби – қичқириқ келади ва улар ҳалок бўладилар (Хз.).

67-оят. Жаброил (а.с.) бир наъра тортиб қичқириши билан улар ҳалок бўлдилар (Мд.).

69-оят. Элчилар – Жаброил, Мекоил, Исрофил ёки Жаброил билан бирга ўн икки фаришта.

Бошқа тафсирларда улар адади турлича берилган (Мд. Хз.).

* Иброҳим (а.с.)нинг чорвачилиги фақат қорамоллардан иборат эди. Шунинг учун меҳмонларга дарҳол бузоқ сўйиб, гўштини офтобда қиздирилган тошга ёпиб пишириб келган. Ердан чуқур кавлаб унга офтобда қиздирилган тошларни ташлаб, димлаб пиширар эдилар (Лс. Хз.).

70-оят. Иброҳим (а.с.) улар айрим гуноҳкор умматларини ҳалок этгани келишдимикан, деб қўрқиб кетган эдилар.

قَالَتْ يَٰوَيْلَتَىٰٓ ءَأَلِدُ وَأَنَا۠ عَجُوزٌ وَهَٰذَا بَعْلِى شَيْخًا ۖ إِنَّ هَٰذَا
لَشَىْءٌ عَجِيبٌ ﴿٧٢﴾ قَالُوٓا۟ أَتَعْجَبِينَ مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ ۖ رَحْمَتُ ٱللَّهِ
وَبَرَكَٰتُهُۥ عَلَيْكُمْ أَهْلَ ٱلْبَيْتِ ۚ إِنَّهُۥ حَمِيدٌ مَّجِيدٌ ﴿٧٣﴾ فَلَمَّا ذَهَبَ
عَنْ إِبْرَٰهِيمَ ٱلرَّوْعُ وَجَآءَتْهُ ٱلْبُشْرَىٰ يُجَٰدِلُنَا فِى قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٤﴾
إِنَّ إِبْرَٰهِيمَ لَحَلِيمٌ أَوَّٰهٌ مُّنِيبٌ ﴿٧٥﴾ يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ أَعْرِضْ عَنْ هَٰذَآ ۖ إِنَّهُۥ
قَدْ جَآءَ أَمْرُ رَبِّكَ ۖ وَإِنَّهُمْ ءَاتِيهِمْ عَذَابٌ غَيْرُ مَرْدُودٍ ﴿٧٦﴾ وَلَمَّا
جَآءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِىٓءَ بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالَ هَٰذَا
يَوْمٌ عَصِيبٌ ﴿٧٧﴾ وَجَآءَهُۥ قَوْمُهُۥ يُهْرَعُونَ إِلَيْهِ وَمِن قَبْلُ كَانُوا۟
يَعْمَلُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ۚ قَالَ يَٰقَوْمِ هَٰٓؤُلَآءِ بَنَاتِى هُنَّ أَطْهَرُ لَكُمْ ۖ
فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَلَا تُخْزُونِ فِى ضَيْفِىٓ ۖ أَلَيْسَ مِنكُمْ رَجُلٌ رَّشِيدٌ
﴿٧٨﴾ قَالُوا۟ لَقَدْ عَلِمْتَ مَا لَنَا فِى بَنَاتِكَ مِنْ حَقٍّ وَإِنَّكَ لَتَعْلَمُ مَا نُرِيدُ
﴿٧٩﴾ قَالَ لَوْ أَنَّ لِى بِكُمْ قُوَّةً أَوْ ءَاوِىٓ إِلَىٰ رُكْنٍ شَدِيدٍ ﴿٨٠﴾ قَالُوا۟
يَٰلُوطُ إِنَّا رُسُلُ رَبِّكَ لَن يَصِلُوٓا۟ إِلَيْكَ ۖ فَأَسْرِ بِأَهْلِكَ بِقِطْعٍ
مِّنَ ٱلَّيْلِ وَلَا يَلْتَفِتْ مِنكُمْ أَحَدٌ إِلَّا ٱمْرَأَتَكَ ۖ إِنَّهُۥ مُصِيبُهَا
مَآ أَصَابَهُمْ ۚ إِنَّ مَوْعِدَهُمُ ٱلصُّبْحُ ۚ أَلَيْسَ ٱلصُّبْحُ بِقَرِيبٍ ﴿٨١﴾

72. (Сора) деди: «Вой, ўлмасам! Ўзим кампир ва бу эрим қария бўлатуриб, туғаманми?! Бу жуда қизиқ нарса-ку!»

73. (Фаришталар) дедилар: «Аллоҳнинг ишидан ажабланасанми?! Эй, хонадон аҳли, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин! Албатта, У ҳамд ва улуғлик эгасидир».

74. Иброҳимдан қўрқув кетиб, унга хушхабар етгач, Биз билан Лут қавми (ҳалокати) тўғрисида баҳслаша бошлади.

75. Албатта, Иброҳим ҳалим, серқайғу ва сертавбадир.

76. (Фаришталар): «Эй, Иброҳим! Бу (баҳс)дан қайт! Зеро, Раббингнинг амри (Лут қавмига атаган азоби) келиб бўлган. Уларга қайтарилмас азоб келгусидир!»

77. Элчиларимиз Лутнинг ҳузурига келганларида улар сабабли (ҳолати) ёмонлашди ва улар туфайли ташвиш чекди* ҳамда «Бу – оғир кун!» – деди.

78. Унинг (Лутнинг) олдига қавми югуриб келдилар. Олдиндан (улар) ёмон ишлар (баччабозлик) қилар эдилар. У (Лут) деди: «Эй, қавмим! Ана улар – қизларим, (уларга уйланинггиз), улар сизлар учун покроқдир*. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва меҳмоним олдида мени шарманда қилмангиз! Сизларда бирорта тўғри йўл топган киши йўқми?!»

79. (Улар) дедилар: «Бизнинг қизларингга ҳожатимиз йўқлигини биласан ва бизнинг мақсадимиз ҳам сенга маълум»*.

80. (Лут) деди: «Қани эди, сизларга қувватим етса ёки кучли бир суянчиққа суяна олсам...»

81. (Фаришталар) айтдилар: «Эй, Лут! Биз Раббингнинг элчиларимиз. (Қавминг) сенга сира ета олмаслар (тега олмаслар). Бас, туннинг бир қисмида оилангни олиб кет! Сизлардан бирор киши ортига боқмасин! Хотинингни эса қўявер! Зеро, уларга етган нарса (азоб) унга ҳам етгусидир. Уларга ваъда қилинган вақт бомдод вақтидир. Бомдод яқин эмасми?!»

77-оят. Ташвишлари – қавми буларни ҳам бузиб қўймасмикан, деб ўйлашлари эди. Зеро, улар хушрўй ёш йигитлар шаклида келган эдилар. Уларнинг фаришта эканини билмай, қавм тарафидан ёмон иш содир этилишидан хавфсиради. Элчиларга Аллоҳ таоло: "Лут ўз қавми устидан тўрт марта ёмон эди, деб гувоҳлик бермагунича азоб қилмагайсиз", – деб буюрган эди. Лут (а.с.) элчиларни ўз манзилига бошлаб келгунига қадар тўрт бор, бу қавм ер юзидаги энг ёмон қавм, деб гувоҳлик бергач, қавмга азоб юборилган (Мд.).

78-оят. Лут (а.с.) ўз қизларини кофир қавмига эрга беришга рози бўлишларининг сабаби қадим даврдан то Муҳаммад (а.с.) нинг илк пайғамбарлик замонларигача мусулмон қизни кофирга никоҳи жоиз бўлган. Расул (а.с.) қизларидан бирини Абу Лаҳабнинг ўғлига никоҳлаб, кейинроқ ажратиб олганлари Ислом тарихидан маълум.

79-оят. Мақсадлари – эркак жинси билан бўлишлик эди.

فَلَمَّا جَآءَ أَمۡرُنَا جَعَلۡنَا عَٰلِيَهَا سَافِلَهَا وَأَمۡطَرۡنَا عَلَيۡهَا
حِجَارَةٗ مِّن سِجِّيلٖ مَّنضُودٖ ﴿٨٢﴾ مُّسَوَّمَةً عِندَ رَبِّكَۖ
وَمَا هِيَ مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ بِبَعِيدٖ ﴿٨٣﴾ ۞ وَإِلَىٰ مَدۡيَنَ أَخَاهُمۡ
شُعَيۡبٗاۚ قَالَ يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرُهُۥۖ
وَلَا تَنقُصُواْ ٱلۡمِكۡيَالَ وَٱلۡمِيزَانَۚ إِنِّيٓ أَرَىٰكُم بِخَيۡرٖ
وَإِنِّيٓ أَخَافُ عَلَيۡكُمۡ عَذَابَ يَوۡمٖ مُّحِيطٖ ﴿٨٤﴾ وَيَٰقَوۡمِ
أَوۡفُواْ ٱلۡمِكۡيَالَ وَٱلۡمِيزَانَ بِٱلۡقِسۡطِۖ وَلَا تَبۡخَسُواْ
ٱلنَّاسَ أَشۡيَآءَهُمۡ وَلَا تَعۡثَوۡاْ فِي ٱلۡأَرۡضِ مُفۡسِدِينَ ﴿٨٥﴾
بَقِيَّتُ ٱللَّهِ خَيۡرٞ لَّكُمۡ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَۚ وَمَآ أَنَا۠ عَلَيۡكُم
بِحَفِيظٖ ﴿٨٦﴾ قَالُواْ يَٰشُعَيۡبُ أَصَلَوٰتُكَ تَأۡمُرُكَ أَن
نَّتۡرُكَ مَا يَعۡبُدُ ءَابَآؤُنَآ أَوۡ أَن نَّفۡعَلَ فِيٓ أَمۡوَٰلِنَا مَا نَشَٰٓؤُاْۖ
إِنَّكَ لَأَنتَ ٱلۡحَلِيمُ ٱلرَّشِيدُ ﴿٨٧﴾ قَالَ يَٰقَوۡمِ أَرَءَيۡتُمۡ إِن
كُنتُ عَلَىٰ بَيِّنَةٖ مِّن رَّبِّي وَرَزَقَنِي مِنۡهُ رِزۡقًا حَسَنٗاۚ وَمَآ أُرِيدُ أَنۡ
أُخَالِفَكُمۡ إِلَىٰ مَآ أَنۡهَىٰكُمۡ عَنۡهُۚ إِنۡ أُرِيدُ إِلَّا ٱلۡإِصۡلَٰحَ
مَا ٱسۡتَطَعۡتُۚ وَمَا تَوۡفِيقِيٓ إِلَّا بِٱللَّهِۚ عَلَيۡهِ تَوَكَّلۡتُ وَإِلَيۡهِ أُنِيبُ ﴿٨٨﴾

82. Фармонимиз (азобимиз) келганида у ерни остин-устун қилиб юбордик ва у ерга қиздирилган лой қотишмасидан иборат тошларни пайдар-пай ёғдирдик*.

83. (Азоб тошлари) Раббингиз ҳузурида белгили қилиб қўйилган эди. Улар золимлардан узоқ эмасдир*.

84. Мадян (қавми)га биродари Шуайбни (элчи – пайғамбар этиб юбордик). (У) деди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ўлчов ва вазндан уриб қолмангиз. Мен сизларни (ҳозирча) яхшилик (фаровонлик)да кўриб турибман ва мен сизларга (ҳаммани) қамраб олувчи кун (қиёмат)нинг азоби (бўлиши)дан қўрқаман.

85. Эй, қавмим! Ўлчов ва вазнни адолат билан тўла берингиз! Одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва Ерда фасод ишлари билан бузғунчилик қилмангиз!»

86. Агар мўмин бўлсангиз (билиб қўйингизки), Аллоҳнинг (ҳалол касбдан) қолдиргани сизлар учун яхшидир. Мен эса, сизларга (бойликларингизга) қўриқчи эмасман»*.

87. (Улар) дедилар: «Эй, Шуайб! Ота-боболаримиз сиғиниб келаётган нарса (маъбуда)ларни тарк этишимизга ёки мол-мулкларимизни қандай хоҳласак, шундай бошқаришимизга қарши сенга намозинг буйруқ бераяптими?* Ахир, сен ҳалим ва тўғри йўлдаги одам эдинг-ку?!»

88. (Шуайб) деди: «Эй, қавмим? (Ўйлаб) кўрдингизми, ахир (мен) Раббим томонидан ҳужжатга эга бўлсам ва (У) мени яхши ризқ билан таъминлаган бўлса (қандай қилиб сизларни ёмон ишлардан қайтармайин?). Мен сизларга мухолифлик қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим қилишни истамайман. Имконим борича, ислоҳдан ўзга ҳеч нарсани хоҳламасман. (Бунга) муваффақ қилиш эса, Аллоҳнинг ихтиёридадир. Унга таваккул этдим ва Унга инобат қилдим (ихтиёримни топширдим).

82-оят. Аллоҳ таоло Жаброил (а.с.)га буйруқ бергач, у бир қаноти билан Лут қавми яшайдиган Мадоин юртининг йирик қишлоғи Садумни остидан осмону фалак бўйлаб кўтариб туриб тескаричасига ерга ташлайди. Бир ривоятда унинг қавмидан бу ҳодисада 400 минг, бошқа ривоятда тўрт миллион киши ҳалок бўлади (Мд. Хз.).

83-оят. Ҳар бир тошга у билан ҳалок бўлувчи золимнинг исми ёзиб қўйилган эди. Шундай жазо Макка мушрикларига ёки ҳар қандай золим, ситамкорга ҳам етиши мумкин (Мд.).

86-оят. Бойликнинг қўриқчиси – бу, ҳалол касб. Бу оят билан Аллоҳ таоло ҳалол меҳнат, пешона тери билан орттирилган бойликнинг фойдали экани, ҳалолдан топилган бойликнинг баракали бўлиши ҳақида баён этмоқда.

87-оят. Мушриклар бу сўзлари билан Шуайб (а.с.) ўқийдиган намозини масхара қилган. Шуайб (а.с.) уларга намоз барча ёмон ишлардан қайтариб, эзгу ишларга ундайди, дегани билан улар бунга ишонишмас ва ундан таъсирланмас эдилар (Мд.).

وَيَٰقَوْمِ لَا يَجْرِمَنَّكُمْ شِقَاقِيٓ أَن يُصِيبَكُم مِّثْلُ مَآ أَصَابَ
قَوْمَ نُوحٍ أَوْ قَوْمَ هُودٍ أَوْ قَوْمَ صَٰلِحٍۚ وَمَا قَوْمُ لُوطٍ مِّنكُم
بِبَعِيدٍ ﴿٨٩﴾ وَٱسْتَغْفِرُواْ رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوٓاْ إِلَيْهِۚ إِنَّ رَبِّي
رَحِيمٌ وَدُودٌ ﴿٩٠﴾ قَالُواْ يَٰشُعَيْبُ مَا نَفْقَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ
وَإِنَّا لَنَرَىٰكَ فِينَا ضَعِيفًاۖ وَلَوْلَا رَهْطُكَ لَرَجَمْنَٰكَۖ وَمَآ أَنتَ
عَلَيْنَا بِعَزِيزٍ ﴿٩١﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ أَرَهْطِيٓ أَعَزُّ عَلَيْكُم مِّنَ
ٱللَّهِ وَٱتَّخَذْتُمُوهُ وَرَآءَكُمْ ظِهْرِيًّاۖ إِنَّ رَبِّي بِمَا تَعْمَلُونَ
مُحِيطٌ ﴿٩٢﴾ وَيَٰقَوْمِ ٱعْمَلُواْ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّي عَٰمِلٌۖ
سَوْفَ تَعْلَمُونَ مَن يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَمَنْ هُوَ
كَٰذِبٌۖ وَٱرْتَقِبُوٓاْ إِنِّي مَعَكُمْ رَقِيبٌ ﴿٩٣﴾ وَلَمَّا جَآءَ
أَمْرُنَا نَجَّيْنَا شُعَيْبًا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥ بِرَحْمَةٍ مِّنَّا وَأَخَذَتِ
ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ ٱلصَّيْحَةُ فَأَصْبَحُواْ فِي دِيَٰرِهِمْ جَٰثِمِينَ ﴿٩٤﴾
كَأَن لَّمْ يَغْنَوْاْ فِيهَآۗ أَلَا بُعْدًا لِّمَدْيَنَ كَمَا بَعِدَتْ ثَمُودُ ﴿٩٥﴾ وَلَقَدْ
أَرْسَلْنَا مُوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَا وَسُلْطَٰنٍ مُّبِينٍ ﴿٩٦﴾ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ
وَمَلَإِيْهِۦ فَٱتَّبَعُوٓاْ أَمْرَ فِرْعَوْنَۖ وَمَآ أَمْرُ فِرْعَوْنَ بِرَشِيدٍ ﴿٩٧﴾

89. Эй, қавмим! Менга хилоф қилишингиз сизларга Нуҳ қавмига ё Ҳуд қавмига ёки Солиҳ қавмига етганга ўхшаган балолар етишига олиб келмасин, тағин! Лут қавми ҳам сизлардан узоқ эмас.

90. Раббингиздан мағфират сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз! Албатта, Раббим раҳмли ва (мўминларни) дўст тутувчи зотдир».

91. Дедилар: «Эй, Шуайб! Сенинг айтаётганларингдан кўпини яхши англамаяпмиз* ва биз сенинг орамиздаги бир ожиз (инсон) эканлигингни кўрмоқдамиз. Агар қариндошларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилган бўлур эдик. Сен биз учун азиз одам эмассан».*

92. (Шуайб) деди: «Эй, қавмим! Сизлар учун қариндошларим Аллоҳдан ҳам азизроқми? (Шунинг) учун Уни ортингизга (эътиборсиз) ташлаб қўйдингизми? Албатта, Раббим қилмишларингизни қамраб олувчидир*.

93. Эй, қавмим! Мақомингизда (эътиқодингизда) туриб иш қилаверингиз! Мен ҳам иш қилувчиман. Сўнгра кимга хор қилувчи азоб келиши ва ким ёлғончи эканини билурсиз. (Кутиб) кузатиб турингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кузатувчидирман».

94. Амримиз (азобимиз) келганда эса, Шуайбга ва у билан бирга имон келтирганларга Биздан (бўлмиш) раҳмат сабабли нажот бердик. Зулм қилганларни эса, қичқириқ* тутди. Бас, (улар ўз) уйларида мурдаларга айландилар.

95. Гўё у ерда (олдин) яшамагандек (излари ўчиб кетди). Огоҳ бўлингизки, Самуд (қавми)га ҳалокат етгани каби Мадян (қавми)га ҳам ҳалокат етсин!

96. Дарвоқе, Мусони оятларимиз ва аниқ ҳужжат (мўъжизали асо)* билан элчи қилиб,

97. Фиръавн ва унинг зодагонлари ҳузурига юбордик*. Улар эса, Фиръавннинг буйруғига эргашдилар. Ваҳоланки, Фиръавннинг буйруғи тўғри эмас эди.

91-оят. Шуайб (а.с.)нинг қавми ичида ўз қариндошлари ҳам бўлган. Улар мушрик бўлсалар ҳам пайғамбарни ҳимоя қилишлари мумкин, деб кофирлар ҳадиксираб турар эдилар. Яъни ичимиздаги мушрик қариндошларинг ҳурматидан сенга ҳужум қилмай турибмиз, дейишган.

Мушриклар Шуайб (а.с.)нинг айтган сўзларини жуда яхши тушунар эдилар. Зеро, у зот "пайғамбарлар хатиби" деган унвонга сазовор бўлган юқори малакали нотиқ эди. Уларнинг "англамаяпмиз" дегани "гапларинг тўғри эканига ақлимиз етмаяпти" деган маънодадир (Мд.).

92-оят. Яъни қилмишларингизга яраша бу дунё ёки охиратда тегишли жазони берувчидир.

94-оят. Жаброил (а.с.)нинг қичқириқларидан ҳалок бўлдилар.

96-оят. У бошқа мўъжизаларининг сараси эди.

97-оят. Мусо (а.с.) билан Фиръавн ўрталарида ўтган воқеалар ҳаммага ибратли бўлгани боис уларнинг қиссалари такрорий равишда зикр этилади.

يَقْدُمُ قَوْمَهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ فَأَوْرَدَهُمُ ٱلنَّارَ ۖ وَبِئْسَ ٱلْوِرْدُ
ٱلْمَوْرُودُ ﴿٩٨﴾ وَأُتْبِعُوا۟ فِى هَـٰذِهِۦ لَعْنَةً وَيَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ ۚ بِئْسَ
ٱلرِّفْدُ ٱلْمَرْفُودُ ﴿٩٩﴾ ذَٰلِكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلْقُرَىٰ نَقُصُّهُۥ عَلَيْكَ ۖ
مِنْهَا قَآئِمٌ وَحَصِيدٌ ﴿١٠٠﴾ وَمَا ظَلَمْنَـٰهُمْ وَلَـٰكِن ظَلَمُوٓا۟
أَنفُسَهُمْ ۖ فَمَآ أَغْنَتْ عَنْهُمْ ءَالِهَتُهُمُ ٱلَّتِى يَدْعُونَ مِن دُونِ
ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ لَّمَّا جَآءَ أَمْرُ رَبِّكَ ۖ وَمَا زَادُوهُمْ غَيْرَ تَتْبِيبٍ ﴿١٠١﴾
وَكَذَٰلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَآ أَخَذَ ٱلْقُرَىٰ وَهِىَ ظَـٰلِمَةٌ ۚ إِنَّ أَخْذَهُۥٓ
أَلِيمٌ شَدِيدٌ ﴿١٠٢﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَةً لِّمَنْ خَافَ عَذَابَ ٱلْـَٔاخِرَةِ ۚ
ذَٰلِكَ يَوْمٌ مَّجْمُوعٌ لَّهُ ٱلنَّاسُ وَذَٰلِكَ يَوْمٌ مَّشْهُودٌ ﴿١٠٣﴾ وَمَا
نُؤَخِّرُهُۥٓ إِلَّا لِأَجَلٍ مَّعْدُودٍ ﴿١٠٤﴾ يَوْمَ يَأْتِ لَا تَكَلَّمُ نَفْسٌ
إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ فَمِنْهُمْ شَقِىٌّ وَسَعِيدٌ ﴿١٠٥﴾ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ شَقُوا۟ فَفِى
ٱلنَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٠٦﴾ خَـٰلِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ
ٱلسَّمَـٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ إِلَّا مَا شَآءَ رَبُّكَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ فَعَّالٌ لِّمَا يُرِيدُ
﴿١٠٧﴾ ۞ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ سُعِدُوا۟ فَفِى ٱلْجَنَّةِ خَـٰلِدِينَ فِيهَا مَا دَامَتِ
ٱلسَّمَـٰوَٰتُ وَٱلْأَرْضُ إِلَّا مَا شَآءَ رَبُّكَ ۖ عَطَآءً غَيْرَ مَجْذُوذٍ ﴿١٠٨﴾

98. У (Фиръавн) қиёмат куни (ўз) қавмини эргаштириб, уларни дўзахга туширур. (Улар) тушадиган ер қандай ҳам ёмон ер?!

99. Уларга ушбу (дунё)да ҳам, қиёмат кунида ҳам лаънат етказилур. Берилган (бу) «ёрдам» қандай ҳам ёмон ёрдам?!

100. Ана шу Биз Сизга (эй, Муҳаммад!) қиссасини айтаётган шаҳарларнинг хабарларидандир. Улардан (ҳозиргача сақланиб) тургани ва (йўқ бўлиб) кетгани бор.

101. Уларга Биз зулм қилмадик, балки ўзларига (ўзлари) зулм қилдилар. Раббингиз амри (азоби) келганда эса, Аллоҳни қўйиб сиғинган (маъбуда)лари ҳеч ҳам фойда бермади ва уларга зиёндан бошқа нарсани орттирмади.

102. Аҳолиси золим юртларни (азобга) тутганда Раббингизнинг тутиши шундайдир. Албатта, Унинг (азобга) тутиши аламли ва шиддатлидир.

103. Албатта, бунда охират азобидан қўрққанлар учун ибрат бордир. Бу кун одамлар тўпланадиган ва ҳозир бўлинадиган кундир.

104. У (кун)ни фақат саноқли муддатгача кечиктирамиз.

105. (У) келган куни ҳеч бир жон (эгаси) Унинг рухсатисиз гапирмас*. Улар ичида бахтсиз ҳам, бахтли (инсонлар) ҳам бўлур.

106. Бас, ўшанда бахтсиз бўлганлар (кофирлар ва гуноҳкор мўминлар) дўзахда бўлурлар ва улар у ерда инграб-ҳанграб турурлар*.

107. Модомики (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, (улар) у ерда мангудирлар, илло Раббингиз хоҳлагани (мўминларни ундан чиқариши) бундан мустаснодир. Албатта, Раббингиз истаган нарсасини амалга оширувчидир!

108. Аммо бахтли бўлганлар эса, бас, жаннатда, токи (охиратдаги) осмонлар ва ер бор экан, у ерда мангу турурлар, илло Раббингиз хоҳлагани (дўзахда бўлган вақтлари) бундан мустаснодир. (Бу) битмас-туганмас неъматдир.

105-оят. Бу оятдаги “гапирмас” сўзини баъзи муфассирлар “шафоат қилмас” деб тафсир қилган. “Умуман гапирмас” деб тафсир қилганлар ҳам бор. Бошқа оятда “ҳар бир жон ўзини ҳимояси учун баҳслашади” дейилган. Бу икки бир-бирига зид мазмундаги оятларга шундай тафсир берилган: Қиёмат кунининг муддати жуда узун. Ҳисоб-китоб тугагунга қадар одамлар ҳар хил ҳолатда бўлади. Масалан, шундай ҳолат бўладики, ўша пайтда мутлақо гапира олмайдилар. Яна бир ҳолат бўладики, гапиришга рухсат берилади. Яна шундай ҳолат бўладики, хавф-хатар енгиллашади ва улар ўзларини мудофааси учун баҳслашадилар, айбларидан тонишга ҳаракат қиладилар (Мд. Хз.).

Қиёматдаги баҳс, албатта, бу дунёдагидек кечмайди. У ерда ёлғон гап, сохта ҳужжат, таниш-билиш, ҳийла-найранг ўтмайди. У кун ҳақ билан ботил ажрим этиладиган кундир.

106-оят. Яъни эшак овозига ўхшаш нохуш овоз қилурлар.

فَلَا تَكُ فِي مِرْيَةٍ مِّمَّا يَعْبُدُ هَٰٓؤُلَآءِ مَا يَعْبُدُونَ إِلَّا كَمَا يَعْبُدُ
ءَابَآؤُهُم مِّن قَبْلُ وَإِنَّا لَمُوَفُّوهُمْ نَصِيبَهُمْ غَيْرَ مَنقُوصٍ ١٠٩
وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ فَٱخْتُلِفَ فِيهِ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ
سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ لَقُضِيَ بَيْنَهُمْ وَإِنَّهُمْ لَفِي شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ
١١٠ وَإِنَّ كُلًّا لَّمَّا لَيُوَفِّيَنَّهُمْ رَبُّكَ أَعْمَٰلَهُمْ إِنَّهُۥ بِمَا يَعْمَلُونَ
خَبِيرٌ ١١١ فَٱسْتَقِمْ كَمَآ أُمِرْتَ وَمَن تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا۟
إِنَّهُۥ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ١١٢ وَلَا تَرْكَنُوٓا۟ إِلَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟
فَتَمَسَّكُمُ ٱلنَّارُ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِنْ أَوْلِيَآءَ ثُمَّ
لَا تُنصَرُونَ ١١٣ وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ طَرَفَيِ ٱلنَّهَارِ وَزُلَفًا مِّنَ
ٱلَّيْلِ إِنَّ ٱلْحَسَنَٰتِ يُذْهِبْنَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ذَٰلِكَ ذِكْرَىٰ لِلذَّٰكِرِينَ
١١٤ وَٱصْبِرْ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ ٱلْمُحْسِنِينَ ١١٥ فَلَوْلَا
كَانَ مِنَ ٱلْقُرُونِ مِن قَبْلِكُمْ أُو۟لُوا۟ بَقِيَّةٍ يَنْهَوْنَ عَنِ ٱلْفَسَادِ
فِي ٱلْأَرْضِ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّنْ أَنجَيْنَا مِنْهُمْ وَٱتَّبَعَ ٱلَّذِينَ
ظَلَمُوا۟ مَآ أُتْرِفُوا۟ فِيهِ وَكَانُوا۟ مُجْرِمِينَ ١١٦ وَمَا كَانَ
رَبُّكَ لِيُهْلِكَ ٱلْقُرَىٰ بِظُلْمٍ وَأَهْلُهَا مُصْلِحُونَ ١١٧

109. Ана ўша (мушрик)лар сиғинаётган нарса туфайли шубҳада қолманг? (Улар) олдин ота-боболари сиғингандек сиғинаверадилар. Биз ҳам уларнинг улушларини камайтирмасдан тўла берувчидирмиз.

110. Мусога ҳам Китоб (Таврот) берган эдик. Бас, у ҳақда ихтилоф қилинди*. Агар Раббингиздан (кечиктириш ҳақида) сўз кечмаганда эди, уларнинг ўрталарида (шу дунёда) ҳукм чиқарилган бўлур эди. Улар у (Қуръон ёки азоб) тўғрисида шак-шубҳададирлар.

111. Албатта, Раббингиз барчага амаллари (мукофоти ва жазоси)ни мукаммал берур. Зеро, У (уларнинг) қилаётган ишларидан хабардордир.

112. Бас, (эй, Муҳаммад!) буюрилганингиздек тўғри бўлинг!* Сиз билан бирга тавба қилганлар ҳам (тўғри) бўлсинлар! Ҳаддан ошиб кетмангиз, (эй, мўминлар!) У қилаётган ишларингизни, албатта, кўриб турувчидир.

113. Зулм (ноҳақлик) қилганларга суянмангиз, токи сизларга (дўзахдан) олов етмасин! Сизлар учун Аллоҳдан ўзга дўст йўқдир. Сўнгра сизларга (қиёматда ҳам) ёрдам берилмас.

114. Куннинг ҳар икки тарафида (яъни, эртаю кеч) ва туннинг бир бўлагида намоз ўқинг!* Албатта, савобли ишлар гуноҳларни кетказади. Бу ёд этувчилар учун ёдномадир.

115. Сабр қилинг! Бас, албатта, Аллоҳ эзгу иш қилувчилар мукофотини зое қилмагай.

116. (Қани энди) сизлардан олдинги асрларда ўтган фазилат эгалари ер (юзи)даги фасод (ишлар)дан қайтарганларида эди? Лекин улар ичида Биз нажот берганлардан озчилиги (бу) ишни қилдилар. (Ўзларига) зулм қилганлар ўз роҳат-фароғатлари кетидан кетдилар ва жиноятчи бўлиб қолдилар.

117. Раббингиз аҳолиси ислоҳотчи бўлган шаҳарларни (аҳолисини) ноҳақлик билан ҳалок этувчи эмасдир.

110-оят. Яъни Тавротга баъзилар имон келтирди, баъзилар уни инкор этди. Қуръони каримга нисбатан Макка аҳли ҳам худди шундай муносабатда бўлдилар. Бу оятлар билан Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)га ташвишларидан тасалли бермоқда (Мд.).

112-оят. Расул (а.с.) тўғри бўлишга буюрилишлари ул зотга қаттиқ таъсир қилган. Айнан шу оятни кўп ўйлаганларидан “Ҳуд” сураси сочимни оқартирди” деганлар. Суфён Сақафий (рз.) Пайғамбар (а.с.)га: “Менга исломдан шундай бир сўз айтингки, Сиздан кейин у ҳақда ҳеч кимдан сўрамайин” деганида Он ҳазрат: “Аллоҳга имон келтирдим, дегин-у, сўнгра тўғри бўлгин!”, – деган эканлар (Мд. Хз.).

Дарҳақиқат, инсон ҳамма ишида тўғри бўлса, унинг икки дунёси ҳам тўғри бўлиб, бахтли инсонлардан бўлиши муқаррардир.

114-оят. Оят мазмунидан беш маҳал намоз вақтларини чиқарганлар. Зеро, куннинг икки тарафини бомдод билан пешин, аср намозлари вақти, туннинг бир бўлагини эса, шом ва хуфтон намозлари вақти, деб таъвил қилиш мумкин (Мд.).

118. Агар Раббингиз хоҳлаганида эди, (барча) одамларни бир уммат (бир дин) қилган бўлур эди. (Улар) мудом турлича (ҳар хил эътиқодда) бўлиб борурлар.

119. Раббингиз раҳм қилган кишилар эса, бундан мустаснодирлар. Уларни шунинг учун яратгандир. Раббингизнинг «Жаҳаннамни барча (куфрда ўтган) жинлар ва одамлар билан тўлдиражакман», – деган сўзи ҳақдир.

120. Сизга (эй, Муҳаммад!) Пайғамбарларнинг хабарларидан дилингизга сабот бахш этадиганларини айтиб бермоқдамиз. Бу (қиссалар)да ҳақиқат, мўминлар учун насиҳат ва эслатма келгандир.

121. Имон келтирмайдиганларга айтинг: «Ўз ҳолингизча иш қилаверингиз! Биз ҳам иш қилувчилармиз.

122. Кутаверингиз ҳам. Биз ҳам кутувчилармиз».

123. Осмонлар ва Ернинг ғайбий сири (унинг илми) Аллоҳга хосдир. Барча иш Унгагина қайтарилур. Бас, Унга ибодат қилинг ва Унга таваккул этинг! Қилаётган ишларингиздан (эса) Раббингиз ғофил эмасдир.

وَلَوۡ شَآءَ رَبُّكَ لَجَعَلَ ٱلنَّاسَ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗۖ وَلَا يَزَالُونَ مُخۡتَلِفِينَ
﴿١١٨﴾ إِلَّا مَن رَّحِمَ رَبُّكَۚ وَلِذَٰلِكَ خَلَقَهُمۡۗ وَتَمَّتۡ كَلِمَةُ رَبِّكَ
لَأَمۡلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ ٱلۡجِنَّةِ وَٱلنَّاسِ أَجۡمَعِينَ ﴿١١٩﴾ وَكُلّٗا نَّقُصُّ
عَلَيۡكَ مِنۡ أَنۢبَآءِ ٱلرُّسُلِ مَا نُثَبِّتُ بِهِۦ فُؤَادَكَۚ وَجَآءَكَ فِي هَٰذِهِ
ٱلۡحَقُّ وَمَوۡعِظَةٞ وَذِكۡرَىٰ لِلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿١٢٠﴾ وَقُل لِّلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ
ٱعۡمَلُواْ عَلَىٰ مَكَانَتِكُمۡ إِنَّا عَٰمِلُونَ ﴿١٢١﴾ وَٱنتَظِرُوٓاْ إِنَّا مُنتَظِرُونَ
﴿١٢٢﴾ وَلِلَّهِ غَيۡبُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَإِلَيۡهِ يُرۡجَعُ ٱلۡأَمۡرُ كُلُّهُۥ
فَٱعۡبُدۡهُ وَتَوَكَّلۡ عَلَيۡهِۚ وَمَا رَبُّكَ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعۡمَلُونَ ﴿١٢٣﴾

سُورَةُ يُوسُفَ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓرۚ تِلۡكَ ءَايَٰتُ ٱلۡكِتَٰبِ ٱلۡمُبِينِ ﴿١﴾ إِنَّآ أَنزَلۡنَٰهُ قُرۡءَٰنًا عَرَبِيّٗا
لَّعَلَّكُمۡ تَعۡقِلُونَ ﴿٢﴾ نَحۡنُ نَقُصُّ عَلَيۡكَ أَحۡسَنَ ٱلۡقَصَصِ
بِمَآ أَوۡحَيۡنَآ إِلَيۡكَ هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانَ وَإِن كُنتَ مِن قَبۡلِهِۦ
لَمِنَ ٱلۡغَٰفِلِينَ ﴿٣﴾ إِذۡ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ يَٰٓأَبَتِ إِنِّي رَأَيۡتُ
أَحَدَ عَشَرَ كَوۡكَبٗا وَٱلشَّمۡسَ وَٱلۡقَمَرَ رَأَيۡتُهُمۡ لِي سَٰجِدِينَ ﴿٤﴾

Юсуф сураси

Маккада нозил қилинган. 111 оят.



Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбулар аниқ Китобнинг оятларидир.

2. Албатта, Биз уни (Китобни) англашингиз учун арабий Қуръон тарзида нозил қилдик.

3. Биз Сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз. Сиз эса, (эй, Муҳаммад!) ундан (ваҳийдан) олдин бехабарлардан (бири) эдингиз.

4. Эсланг, Юсуф (ўз) отаси (Яъқуб)га деди: «Эй, отажон! Мен (тушимда) ўн битта юлдуз, қуёш ва ойнинг менга сажда қилган ҳолларида кўрдим».

12. ЮСУФ СУРАСИ

Юсуф – пайғамбар номи.

"Гўзал қисса" деб таърифланувчи ушбу сурада асосан Яъқуб (а.с.) нинг ўғли Юсуф (а.с.) нинг бошидан кечирган воқеалари акс эттирилади. Сурада оталик ва биродарлик меҳри, ишқ-муҳаббат, аёллар макри, туш таъбири, сахийлик ва кечиримли бўлиш каби инсоний хусусиятлар ўз ифодасини топган. Бу сурадан илҳомланган шоир ва ёзувчилар қадимдан "Юсуф ва Зулайхо қиссаси" рукнида турли достонлар ижод этганлар. Улар ичида Абдураҳмон Жомий, Фузулий, Фирдавсий, Рабғузий, Дурбек, Балхий каби шоирларнинг асарлари диққатга сазовордир.

Суранинг нозил бўлиш сабаби икки хил кўрсатилган. Биринчиси – саҳобийларнинг талаб ва истаклари асосида. Иккинчиси – яҳудийлар томонидан Яъқуб (а.с.), у зотнинг фарзандлари ва Юсуф (а.с.) тўғрисида Расул (а.с.)дан маълумот сўралганда нозил қилинган (Мд. Хз.).

قَالَ يَٰبُنَيَّ لَا تَقۡصُصۡ رُءۡيَاكَ عَلَىٰٓ إِخۡوَتِكَ فَيَكِيدُواْ لَكَ كَيۡدًاۖ
إِنَّ ٱلشَّيۡطَٰنَ لِلۡإِنسَٰنِ عَدُوّٞ مُّبِينٞ ٥ وَكَذَٰلِكَ يَجۡتَبِيكَ
رَبُّكَ وَيُعَلِّمُكَ مِن تَأۡوِيلِ ٱلۡأَحَادِيثِ وَيُتِمُّ نِعۡمَتَهُۥ عَلَيۡكَ
وَعَلَىٰٓ ءَالِ يَعۡقُوبَ كَمَآ أَتَمَّهَا عَلَىٰٓ أَبَوَيۡكَ مِن قَبۡلُ إِبۡرَٰهِيمَ وَإِسۡحَٰقَۚ
إِنَّ رَبَّكَ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ٦ ۞ لَّقَدۡ كَانَ فِي يُوسُفَ وَإِخۡوَتِهِۦٓ
ءَايَٰتٞ لِّلسَّآئِلِينَ ٧ إِذۡ قَالُواْ لَيُوسُفُ وَأَخُوهُ أَحَبُّ إِلَىٰٓ
أَبِينَا مِنَّا وَنَحۡنُ عُصۡبَةٌ إِنَّ أَبَانَا لَفِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ٨ ٱقۡتُلُواْ
يُوسُفَ أَوِ ٱطۡرَحُوهُ أَرۡضٗا يَخۡلُ لَكُمۡ وَجۡهُ أَبِيكُمۡ وَتَكُونُواْ مِنۢ
بَعۡدِهِۦ قَوۡمٗا صَٰلِحِينَ ٩ قَالَ قَآئِلٞ مِّنۡهُمۡ لَا تَقۡتُلُواْ يُوسُفَ
وَأَلۡقُوهُ فِي غَيَٰبَتِ ٱلۡجُبِّ يَلۡتَقِطۡهُ بَعۡضُ ٱلسَّيَّارَةِ إِن كُنتُمۡ
فَٰعِلِينَ ١٠ قَالُواْ يَٰٓأَبَانَا مَا لَكَ لَا تَأۡمَ۫نَّا عَلَىٰ يُوسُفَ وَإِنَّا لَهُۥ
لَنَٰصِحُونَ ١١ أَرۡسِلۡهُ مَعَنَا غَدٗا يَرۡتَعۡ وَيَلۡعَبۡ وَإِنَّا لَهُۥ
لَحَٰفِظُونَ ١٢ قَالَ إِنِّي لَيَحۡزُنُنِيٓ أَن تَذۡهَبُواْ بِهِۦ وَأَخَافُ
أَن يَأۡكُلَهُ ٱلذِّئۡبُ وَأَنتُمۡ عَنۡهُ غَٰفِلُونَ ١٣ قَالُواْ لَئِنۡ
أَكَلَهُ ٱلذِّئۡبُ وَنَحۡنُ عُصۡبَةٌ إِنَّآ إِذٗا لَّخَٰسِرُونَ ١٤

5. (Отаси) айтди: «Эй, ўғилчам! Тушингни биродарларингга* сўзлаб бермагин! Акс ҳолда сенга қаттиқ макр қилишади. Зеро, шайтон инсонга аниқ душмандир*.

6. Шу (тушингда кўрганинг) каби Раббинг сени танлаб олади, сенга гаплар (тушлар ёки илоҳий китоблар) мазмунини ўргатади ва икки боболаринг – Иброҳим ва Исҳоққа тўла бергани каби, сенга ва Яъқуб наслига (Ўзининг) неъматини тўла бахш этади. Албатта, Раббинг билим ва ҳикмат эгасидир».

7. Ҳақиқатан, Юсуф ва (унинг) биродарлари (қиссаси)да сўровчилар учун аломатлар бордир.

8. Ўшанда (акалари) айтдилар: «Юсуф ва унинг укаси (Бинямин) отамизга биздан кўра суюклироқдир. Ваҳоланки, биз бир тўп (кўпчилик)миз. Ҳақиқатан, отамиз аниқ гумроҳлик узрадир».

9. (Кимдир деди): «Юсуфни ўлдирингиз ёки уни бирор ерга чиқариб ташлангиз, шунда отангизнинг ўзи сизларга қолар (фақат сизларга меҳр қўяр). Ундан кейин (яна) солиҳ (киши)лар қавми бўлурсиз»*.

10. Улардан бир сўзловчи* деди: «Юсуфни ўлдирмангиз, балки агар (бирор нарса) қилмоқчи бўлсангиз, уни қудуқ қаърига ташлангиз, (шунда) уни баъзи йўловчилар олиб кетар!»

11. Дедилар: «Эй, отамиз! Нечун Сиз Юсуфни бизга ишонмайсиз? Ахир, биз унга жуда хайрихоҳмиз-ку!

12. Эртага уни биз билан бирга жўнатинг, яйраб ўйнасин! Биз унинг учун қўриқловчилармиз».

13. (Яъқуб) деди: «Уни олиб кетишингиз мени жуда ташвишлантираяпти, сизлар ундан ғафлатда бўлган чоғингизда (ногоҳ) уни бўри еб кетишидан қўрқаман».

14. Айтдилар: «Биз бир тўда бўла туриб, мабодо уни бўри еб кетса, унда биз роса зиён кўрувчилар бўлиб қоламиз-ку?!»

5-оят. Биродарларининг исмлари – Рубил, Шамъун, Яхудо, Ловий, Забулун, Яшжар бўлиб, бу олтовлон Яъқуб (а.с.)нинг Лая деган хотини (тоғасининг катта қизи)дан туғилган. Яна Зулфа ва Балҳа деган чўриларидан тўрт ўғил – Дон, Нифтоли, Жод, Ошар. Лая вафот этгандан кейин унинг синглиси Роҳилга уйланадилар. Ундан Юсуф ва Бинямин туғилади. Ҳаммаси бўлиб Юсуфнинг 10 акаси ва бир укаси бўлган. Шу ўн икки биродарларни "Асбот" дейилади (Кр. Мд.).

* Яъқуб (а.с.) Юсуфни ақл-заковати, ҳусну сийрати, ахлоқ-одоби юқори даражада бўлганидан жуда севар эди. Бу меҳрни пайқаган биродарлари Юсуфга ҳасад қилишар эди. Шунинг учун кўрган тушини билсалар, ҳасадлари янада ошиб кетмасин, деб, уни огоҳлантириб қўйди.

9-оят. Бу маслаҳатни Шамъун ёки Дон ёхуд Рубил берган (Мд. Бғ. ИК. Тб.).

10-оят. Сўзловчи – Яхудо ёки Шамъун ёхуд Рубил, деган ривоятлар бор (Лс. ИК. Хз.).

فَلَمَّا ذَهَبُوا۟ بِهِۦ وَأَجْمَعُوٓا۟ أَن يَجْعَلُوهُ فِى غَيَٰبَتِ ٱلْجُبِّ ۚ وَأَوْحَيْنَآ
إِلَيْهِ لَتُنَبِّئَنَّهُم بِأَمْرِهِمْ هَٰذَا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٥﴾ وَجَآءُوٓ
أَبَاهُمْ عِشَآءً يَبْكُونَ ﴿١٦﴾ قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَآ إِنَّا ذَهَبْنَا نَسْتَبِقُ
وَتَرَكْنَا يُوسُفَ عِندَ مَتَٰعِنَا فَأَكَلَهُ ٱلذِّئْبُ ۖ وَمَآ أَنتَ
بِمُؤْمِنٍ لَّنَا وَلَوْ كُنَّا صَٰدِقِينَ ﴿١٧﴾ وَجَآءُو عَلَىٰ قَمِيصِهِۦ
بِدَمٍ كَذِبٍ ۚ قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنفُسُكُمْ أَمْرًا ۖ فَصَبْرٌ جَمِيلٌ ۖ
وَٱللَّهُ ٱلْمُسْتَعَانُ عَلَىٰ مَا تَصِفُونَ ﴿١٨﴾ وَجَآءَتْ سَيَّارَةٌ فَأَرْسَلُوا۟
وَارِدَهُمْ فَأَدْلَىٰ دَلْوَهُۥ ۖ قَالَ يَٰبُشْرَىٰ هَٰذَا غُلَٰمٌ ۚ وَأَسَرُّوهُ بِضَٰعَةً ۚ
وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ وَشَرَوْهُ بِثَمَنٍۭ بَخْسٍ
دَرَٰهِمَ مَعْدُودَةٍ وَكَانُوا۟ فِيهِ مِنَ ٱلزَّٰهِدِينَ ﴿٢٠﴾ وَقَالَ
ٱلَّذِى ٱشْتَرَىٰهُ مِن مِّصْرَ لِٱمْرَأَتِهِۦٓ أَكْرِمِى مَثْوَىٰهُ عَسَىٰٓ
أَن يَنفَعَنَآ أَوْ نَتَّخِذَهُۥ وَلَدًا ۚ وَكَذَٰلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِى
ٱلْأَرْضِ وَلِنُعَلِّمَهُۥ مِن تَأْوِيلِ ٱلْأَحَادِيثِ ۚ وَٱللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰٓ
أَمْرِهِۦ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢١﴾ وَلَمَّا بَلَغَ
أَشُدَّهُۥٓ ءَاتَيْنَٰهُ حُكْمًا وَعِلْمًا ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٢٢﴾

15. Бас, уни олиб кетишгач ва уни қудуқнинг қаърига ташлашга келишиб олишгач (уни амалга оширдилар)* (Биз) унга: «Бу ишлари тўғрисида уларга (кези келганда), албатта, хабар берурсан, ваҳоланки, улар (Юсуф эканингни) сезмайдилар», – деб ваҳий қилдик.

16. Оталари ҳузурига оқшом пайтида йиғлаб келишди.

17. Айтдилар: «Эй, отамиз! Биз Юсуфни матоҳларимиз олдида қолдириб қувалашиб кетсак, уни бўри еб кетибди. Рост гапирсак ҳам, (барибир) сиз бизга ишонувчи эмассиз».

18. Унинг кўйлаги узра сохта қон (қўзичоқ қони) билан келдилар. (Яъқуб) деди: «Йўқ! Сизларни (ўз) нафсингиз (бундай мудҳиш) ишга ундаган. Бас, (менинг бурчим) чиройли сабрдир. Сизлар тавсифлаётган нарсага (сабр қилишга) Аллоҳ (менга) мададкордир».

19. (Юсуф қудуқда уч кун ётгач) бир карвон келди. Сув келтирувчини юборган эдилар, у челагини (қудуққа) туширгач: «Хушхабар! Бу бола-ку!», – деди. Уни (бозорбоп) матоҳ сифатида сир тутдилар. Аллоҳ эса қилаётган ишларини билувчидир.

20. Уни (Миср бозорида) арзон – саноқли дирҳамларга сотдилар ва (бу ишда гўё улар) тарки дунё қилувчилардан бўлдилар.

21. Мисрда уни сотиб олган киши (Миср азизи Қитфир)* хотини (Зулайхо)га: «Унга яхши жой бер, зора бизга фойдаси тегса ёки уни ўғил қилиб олсак», – деди. Шундай қилиб, Юсуфни ерга (Мисрга) жойлаштирдик ва гаплар (тушлар ёки илоҳий китоблар) таъвили (изоҳи)ни билдиришимиз учун (шундай қилдик). Аллоҳ (Ўз) ишида ғолибдир, лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

22. Вояга етгач, унга ҳукм (ҳакамлик) ва илм ато этдик. Чиройли иш қилувчиларни (Биз доимо) шу тарзда мукофотлаймиз.

15-оят. Юсуф (а.с.)ни қудуққа ташлаганда ёши нечада экани тўғрисида турли тахминлар бор. Масалан 6, 12, 15, 17, 18 каби. Яъқуб (а.с.) бобоси Иброҳим (а.с.)дан қолган куйлакни Юсуф (а.с.)нинг бўйнига тумор шаклида ёки қамиш найи ичига солиб осиб қўйган эди. Бу куйлак Иброҳим (а.с.)ни кийимсиз ҳолда оловга ташлаганларида Жаброил (а.с.) жаннатдан олиб чиқиб кийдириб қўйган бўлиб, уни Исҳоқ (а.с.)га қолдирган, у эса, Яъқуб (а.с.)га берган эди. Юсуфнинг куйлагини ечиб, ўзини қудуққа ташлаганда Жаброил (а.с.) келиб, унинг бўйнидаги мазкур тумор ичидан кўйлакни олиб эгнига кийдиради. Юсуф (а.с.) қудуқда уч кун қолади. Унга Жаброил (а.с.) ёки акаси Яҳудо овқат келтириб турган. Бошқа ривоятда қудуқ остидаги сув унга таом ўрнига ўтган, дейилади. Якка қолганда қўрқмаслиги учун Жаброил (а.с.) унга ўқиши учун махсус дуоларни ўргатади. Уларни ўқиганида фаришталар келиб уни овутиб турадилар.

وَرَٰوَدَتۡهُ ٱلَّتِي هُوَ فِي بَيۡتِهَا عَن نَّفۡسِهِۦ وَغَلَّقَتِ ٱلۡأَبۡوَٰبَ
وَقَالَتۡ هَيۡتَ لَكَۚ قَالَ مَعَاذَ ٱللَّهِۖ إِنَّهُۥ رَبِّيٓ أَحۡسَنَ مَثۡوَايَۖ
إِنَّهُۥ لَا يُفۡلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ ٢٣ وَلَقَدۡ هَمَّتۡ بِهِۦۖ وَهَمَّ بِهَا
لَوۡلَآ أَن رَّءَا بُرۡهَٰنَ رَبِّهِۦۚ كَذَٰلِكَ لِنَصۡرِفَ عَنۡهُ ٱلسُّوٓءَ
وَٱلۡفَحۡشَآءَۚ إِنَّهُۥ مِنۡ عِبَادِنَا ٱلۡمُخۡلَصِينَ ٢٤ وَٱسۡتَبَقَا
ٱلۡبَابَ وَقَدَّتۡ قَمِيصَهُۥ مِن دُبُرٖ وَأَلۡفَيَا سَيِّدَهَا لَدَا ٱلۡبَابِۚ
قَالَتۡ مَا جَزَآءُ مَنۡ أَرَادَ بِأَهۡلِكَ سُوٓءًا إِلَّآ أَن يُسۡجَنَ أَوۡ عَذَابٌ
أَلِيمٞ ٢٥ قَالَ هِيَ رَٰوَدَتۡنِي عَن نَّفۡسِيۚ وَشَهِدَ شَاهِدٞ مِّنۡ
أَهۡلِهَآ إِن كَانَ قَمِيصُهُۥ قُدَّ مِن قُبُلٖ فَصَدَقَتۡ وَهُوَ مِنَ
ٱلۡكَٰذِبِينَ ٢٦ وَإِن كَانَ قَمِيصُهُۥ قُدَّ مِن دُبُرٖ فَكَذَبَتۡ وَهُوَ
مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ٢٧ فَلَمَّا رَءَا قَمِيصَهُۥ قُدَّ مِن دُبُرٖ قَالَ إِنَّهُۥ
مِن كَيۡدِكُنَّۖ إِنَّ كَيۡدَكُنَّ عَظِيمٞ ٢٨ يُوسُفُ أَعۡرِضۡ عَنۡ
هَٰذَاۚ وَٱسۡتَغۡفِرِي لِذَنۢبِكِۖ إِنَّكِ كُنتِ مِنَ ٱلۡخَاطِـِٔينَ
٢٩ ۞ وَقَالَ نِسۡوَةٞ فِي ٱلۡمَدِينَةِ ٱمۡرَأَتُ ٱلۡعَزِيزِ تُرَٰوِدُ فَتَىٰهَا
عَن نَّفۡسِهِۦۖ قَدۡ شَغَفَهَا حُبًّاۖ إِنَّا لَنَرَىٰهَا فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ٣٠

23. У (Юсуф) уйида бўлган аёл (Зулайхо) ундан нафсини (қондиришини) талаб қилди ва эшикларни қулфлаб: «Қани кел!», – деди. (Юсуф) деди: «Аллоҳ сақласин! Ахир, у (эринг) хожам-ку?! Менга яхши жой берган бўлса?! Золимлар*, зотан, нажот топмаслар».

24. (Зулайхо) унга мойил, у (Юсуфнинг дили) ҳам бунга мойил бўлганди*. Агар Раббининг ҳужжатини* кўрмаганда (бўлар иш бўлар эди). Шу тарзда ундан ёмонлик ва фаҳшни буриб юбордик. Албатта, у (дили) холис бандаларимиздандир.

25. (Иккиси) эшик томон қувалашиб кетди (Юсуф қочди, у қувди) ва (Зулайхо) унинг кўйлагини орқа томондан йиртиб юборди. Эшик олдида хожаси (эри)га йўлиқдилар. (Зулайхо) деди: «Оилангга ёмонликни раво кўрган кишининг жазоси ҳибсга олиниш ёки аламли азобдан бошқа бўлмаслиги керак».

26. (Юсуф) деди: «Унинг ўзи мендан нафсимни (жинсий яқинлик қилишимни) талаб қилди». Унинг (Зулайхонинг) қариндошларидан бири* гувоҳлик бериб: «Агар унинг кўйлаги олд (томони)дан йиртилган бўлса, у (Зулайхо) рост сўзлаган, у (Юсуф) эса ёлғончилардандир.

27. Борди-ю, кўйлаги орқа (томони)дан йиртилган бўлса, у (Зулайхо) ёлғон сўзлаган, у эса ростгўйлардандир»*.

28. (Зулайхонинг эри Миср азизи унинг) кўйлаги орқа томонидан йиртилганини кўргач: «Албатта, бу сиз (аёллар)нинг макрингиздир. Ҳақиқатан, сизларнинг макрингиз улкандир.

29. Юсуф! Бу (иш)ни қўйгин, сен эса (эй, Зулайхо,) гуноҳинг учун кечирим сўра. Зеро, сен янглишганлардан бўлдинг», – деди.

30. Шаҳардаги аёллар: «Миср азизининг (хазинабоннинг) хотини ўз хизматкори билан ўйнашмоқчи бўлибди. Юрагидан уриб қўйибди. Албатта, биз уни аниқ гумроҳликда деб билурмиз», – дедилар.

21-оят. Сарой хазинабонини “Азиз” деб атаганлар. Ўзининг исми Қитфир ёки Итфир. Шоҳнинг исми Райён ибн Валид.

23-оят. Оятдаги "золимлар"дан мурод хоинлар ёки зинокорлардир (Мд.).

24-оят. Юсуфдаги мойиллик дилда ҳосил бўладиган, лекин уни ижро этиш нияти бўлмаган табиий мойиллик, Зулайходаги мойиллик эса, уни амалга ошириш нияти билан эди (Мд. Хз.).

* “Раббининг ҳужжати” – отасининг сиймоси эди, яъни мазкур мойиллик пайдо бўлган заҳоти бехос кўзларига отаси Яъқуб (а.с.) нинг бармоғини тишлаб турган қиёфаси кўриниб, гўё "бу ишдан қайт!", – дегандек туюлди. Оятдаги “ҳужжат” сўзининг бошқача тафсирлари ҳам бор (Хз.).

26-оят. Гувоҳлик берган қариндоши – ўз амакисининг ёки тоғасининг бешикдаги ўғли эди.

27-оят. Олд томондан йиртилгани – эркак кишининг ўзи бу ишга ҳаракат қилгани ва аёлнинг қаршилик қилганининг белгиси. Орқа томондан йиртилгани эса, эркак бу ишдан қочганида, аёлнинг унинг ортидан қувганидан далолат, деб гувоҳлик берилган.

فَلَمَّا سَمِعَتْ بِمَكْرِهِنَّ أَرْسَلَتْ إِلَيْهِنَّ وَأَعْتَدَتْ لَهُنَّ مُتَّكَـًٔا وَءَاتَتْ
كُلَّ وَٰحِدَةٍ مِّنْهُنَّ سِكِّينًا وَقَالَتِ ٱخْرُجْ عَلَيْهِنَّ فَلَمَّا رَأَيْنَهُۥٓ أَكْبَرْنَهُۥ
وَقَطَّعْنَ أَيْدِيَهُنَّ وَقُلْنَ حَٰشَ لِلَّهِ مَا هَٰذَا بَشَرًا إِنْ هَٰذَآ إِلَّا مَلَكٌ
كَرِيمٌ ﴿٣١﴾ قَالَتْ فَذَٰلِكُنَّ ٱلَّذِى لُمْتُنَّنِى فِيهِ وَلَقَدْ رَٰوَدتُّهُۥ عَن
نَّفْسِهِۦ فَٱسْتَعْصَمَ وَلَئِن لَّمْ يَفْعَلْ مَآ ءَامُرُهُۥ لَيُسْجَنَنَّ وَلَيَكُونًا
مِّنَ ٱلصَّٰغِرِينَ ﴿٣٢﴾ قَالَ رَبِّ ٱلسِّجْنُ أَحَبُّ إِلَىَّ مِمَّا يَدْعُونَنِىٓ
إِلَيْهِ وَإِلَّا تَصْرِفْ عَنِّى كَيْدَهُنَّ أَصْبُ إِلَيْهِنَّ وَأَكُن مِّنَ ٱلْجَٰهِلِينَ
﴿٣٣﴾ فَٱسْتَجَابَ لَهُۥ رَبُّهُۥ فَصَرَفَ عَنْهُ كَيْدَهُنَّ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ
ٱلْعَلِيمُ ﴿٣٤﴾ ثُمَّ بَدَا لَهُم مِّنۢ بَعْدِ مَا رَأَوُا۟ ٱلْءَايَٰتِ لَيَسْجُنُنَّهُۥ
حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٣٥﴾ وَدَخَلَ مَعَهُ ٱلسِّجْنَ فَتَيَانِ قَالَ أَحَدُهُمَآ
إِنِّىٓ أَرَىٰنِىٓ أَعْصِرُ خَمْرًا وَقَالَ ٱلْءَاخَرُ إِنِّىٓ أَرَىٰنِىٓ أَحْمِلُ فَوْقَ
رَأْسِى خُبْزًا تَأْكُلُ ٱلطَّيْرُ مِنْهُ نَبِّئْنَا بِتَأْوِيلِهِۦٓ إِنَّا نَرَىٰكَ مِنَ
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٣٦﴾ قَالَ لَا يَأْتِيكُمَا طَعَامٌ تُرْزَقَانِهِۦٓ إِلَّا نَبَّأْتُكُمَا
بِتَأْوِيلِهِۦ قَبْلَ أَن يَأْتِيَكُمَا ذَٰلِكُمَا مِمَّا عَلَّمَنِى رَبِّىٓ إِنِّى تَرَكْتُ
مِلَّةَ قَوْمٍ لَّا يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَهُم بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ كَٰفِرُونَ ﴿٣٧﴾

31. Бас, (Зулайхо) уларнинг макрларини эшитгач, улар* ҳузурига (одам) юборди ва уларга суянчиқ (таом ёки мева) ҳозирлади ҳамда улардан ҳар бирига биттадан пичоқ бериб (Юсуфга): «Улар ҳузурига чиққин!» – *деди*. Бас, уни кўришгач, унга маҳлиё бўлдилар ва қўлларини кесиб олдилар ҳамда : «Ё, Аллоҳ! Бу башар эмас! Бу (азизу) мукаррам фариштанинг ўзгинаси-ку!», – *дедилар*.

32. (Зулайхо) *деди*: «Мени у тўғрида маломат қилганларинг шу (йигит) эди*. Ҳақиқатан, ундан нафси (жинсий яқинлиги)ни талаб қилганимда, у сақланди. Қасамки, агар (у) менинг буйруғимни бажармас экан, албатта, зиндонбанд қилиниб, ҳақирлардан бўлиб қолур».

33. (Юсуф) *деди*: «Эй, Раббим! Менга таклиф этишаётган нарсадан кўра зиндон маъқулроқдир. Агар уларнинг макрларини мендан дариғ тутмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қолурман».

34. Бас, Рабби (дуосини) ижобат қилди ва у (аёл)ларнинг макрларини ундан бартараф этди. Албатта, У эшитувчи ва билувчидир.

35. Сўнгра уларда (Қитфир ва сарой аъёнларида *жиноятга оид*) аломатларни кўргандаридан сўнг уни (маълум) бир вақтгача зиндонбанд қилиб туриш (фикри) пайдо бўлди.

36. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит (туҳмат билан) тушди. Улардан бири (шоҳнинг соқийси): «Мен тушимда май тайёрлаётган эмишман», – *деди*. Униси (шоҳнинг новвойи) эса: «Мен бошимда нон кўтариб турган эмишман. Қушлар ундан еяётган эмиш. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб бер! Зеро, биз сени эзгу иш қилувчилардан эканингни кўриб турибмиз», – *деди*.

37. (Юсуф) айтди: «Мен сизларга озуқа бўладиган таом олдингизга келишидан бурун унинг (қандайлиги) таъвилини айтиб берурман. Бу Раббимнинг менга билдирган нарсаларидандир. Мен Аллоҳга имон келтирмайдиган ва охиратни инкор этувчи қавм динини тарк этдим.

31-оят. Аёллар олдинги оятдаги таъна гаплари билан ҳийла ишлатиб, Юсуфни кўришга имкон топдилар. Зулайхо уни аёлларга кўрсатмаётган эди. Қилган ғийбатлари макр ўрнида бўлди. Аёллар беш нафар – соқий, новвой, отбоқар, зиндонбон ва дарвозабонларнинг хотинлари бўлиб, Зулайхо уларга Юсуф (а.с.)-ни таърифлаб, севиб қолганини айтган эди (Мд.).

* Зулайхо мазкур бешта аёлдан ташқари зиёфатга яна 35 нафар аёлни таклиф этди (Мд. Хз.).

32-оят. Юсуфнинг ҳусну жамоли таърифида муболағали нақллар кўп. Жумладан, у Миср кўчаларида юрганида унинг юзидан барқ уриб чиқаётган нурнинг акси кўча деворларида намоён бўлар эди. Бошқа инсонларга нисбатан унинг ҳусни бамисоли ўн тўрт кунлик тўлин ойнинг юлдузларга нисбатан ортиқлигидек эди, деб баҳо берилган (Мд.).

وَٱتَّبَعْتُ مِلَّةَ ءَابَآءِيٓ إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ ۚ مَا كَانَ
لَنَآ أَن نُّشْرِكَ بِٱللَّهِ مِن شَيْءٍ ۚ ذَٰلِكَ مِن فَضْلِ ٱللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى
ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٣٨﴾ يَٰصَٰحِبَيِ
ٱلسِّجْنِ ءَأَرْبَابٌ مُّتَفَرِّقُونَ خَيْرٌ أَمِ ٱللَّهُ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّارُ
﴿٣٩﴾ مَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِهِۦٓ إِلَّآ أَسْمَآءً سَمَّيْتُمُوهَآ أَنتُمْ
وَءَابَآؤُكُم مَّآ أَنزَلَ ٱللَّهُ بِهَا مِن سُلْطَٰنٍ ۚ إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ۚ
أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ
ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٠﴾ يَٰصَٰحِبَيِ ٱلسِّجْنِ أَمَّآ أَحَدُكُمَا
فَيَسْقِى رَبَّهُۥ خَمْرًا ۖ وَأَمَّا ٱلْءَاخَرُ فَيُصْلَبُ فَتَأْكُلُ ٱلطَّيْرُ
مِن رَّأْسِهِۦ ۚ قُضِىَ ٱلْأَمْرُ ٱلَّذِى فِيهِ تَسْتَفْتِيَانِ ﴿٤١﴾ وَقَالَ لِلَّذِى
ظَنَّ أَنَّهُۥ نَاجٍ مِّنْهُمَا ٱذْكُرْنِى عِندَ رَبِّكَ فَأَنسَىٰهُ
ٱلشَّيْطَٰنُ ذِكْرَ رَبِّهِۦ فَلَبِثَ فِى ٱلسِّجْنِ بِضْعَ سِنِينَ
﴿٤٢﴾ وَقَالَ ٱلْمَلِكُ إِنِّىٓ أَرَىٰ سَبْعَ بَقَرَٰتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ
سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعَ سُنۢبُلَٰتٍ خُضْرٍ وَأُخَرَ يَابِسَٰتٍ ۖ
يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمَلَأُ أَفْتُونِى فِى رُءْيَٰىَ إِن كُنتُمْ لِلرُّءْيَا تَعْبُرُونَ ﴿٤٣﴾

38. Шунингдек, аждодларим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг динига эргашдим*. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмасдир. Бу Аллоҳнинг бизларга ва одамларга (нисбатан) фазлидир, лекин аксарият одамлар шукр қилмайдилар.

39. Эй, икки ҳамзиндонларим! Турли-туман «илоҳлар» яхшими ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми?

40. Сизлар Уни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар (бут-санамлар)гагина сиғинаяпсиз. Уларга Аллоҳ бирор ҳужжат туширмаган бўлса?! (Ибодат ва дин тўғрисидаги) ҳукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир. (У) Ўзидан бошқага сиғинмасликка буюрган. Тўғри дин – мана шу! Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар*.

41. Эй, икки ҳамзиндонларим! Энди, сизларнинг бирингиз (кўрган туш)га келсак, (у озод этилиб, яна) хожасига соқийлик қилур. Униси бўлса, (дорга) осилади ва унинг бошидан қушлар (чўқиб) ейди. Сизлар жавобини сўраган иш (туш таъбири) тугади».

42. Икковидан халос топувчи деб ҳисоблаган (соқийга Юсуф): «Хожанг (Миср шоҳи)* ҳузурида менинг тўғримда гапир!», – деди. Лекин шайтон хожасига айтишни унуттирди. Натижада (Юсуф) бир неча йил* зиндонда қолди.

43. Шоҳ (бир куни) деди: «Мен тушимда еттита озғин сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа (еттита) қуриган бошоқларни кўрдим. Эй, аъёнлар! Агар туш таъбирини айтувчи бўлсангиз, тушим тўғрисида фатво (жавоб) берингиз!»

38-оят. Мазкур пайғамбарнинг дини тавҳидга асосланган ислом дини эди. Кейинги икки оятдан маълум бўлишича, Юсуф (а.с.) тавҳид динига даъват қилишни зиндонда ётган пайтидан бошлаганлар.

40-оят. Демак, инсон билим олиш имкониятига эга бўла туриб, билишга ҳаракат қилмаса ва билмаганидан гуноҳ иш қилиб қўйса ҳам гуноҳ ёзилаверади. Билмаслиги узрга ўтмайди.

42-оят. Оятда “хожанг” маъносини берадиган “раббинг” сўзи ишлатилган. Муҳйиддин ибн Арабий сўзига кўра, ўша даврда Аллоҳдан бошқаларга ҳам шу сўзни ишлатиш жоиз бўлган. Зеро, “рабб” сўзи парвардигор маъноси билан бирга хожа, эга, молик маъноларини ҳам англатади.

* “Бир неча йил” тафсирларда етти йил деб кўрсатилган. Бунинг боиси зиндондан озод этилиб кетаётган соқий орқали шоҳга ўзини эслатиш ва шу сабабли озодликка чиқишни ирода этгани эди. Бу ишлари Аллоҳга хуш келмагани тўғрисида Жаброил (а.с.) келиб, Юсуф (а.с.)га айтган. Олдинги беш йил билан бу етти йил қўшилиб, ўн икки йил зиндонда ётган бўлади. Юсуф (а.с.) ўн етти ёшида харид қилинди. Миср азизи – Қитфир уйида 13 йил турди. Шоҳ уни 31 ёшида ўзига вазир қилиб олиб, барча хазиналар ихтиёрини унга топширди. 33 ёшида Аллоҳ таоло унга илму ҳикмат ато этди. 120 ёшида оламдан ўтди (Мд.).

قَالُوٓا۟ أَضْغَٰثُ أَحْلَٰمٍ ۖ وَمَا نَحْنُ بِتَأْوِيلِ ٱلْأَحْلَٰمِ بِعَٰلِمِينَ ﴿٤٤﴾
وَقَالَ ٱلَّذِى نَجَا مِنْهُمَا وَٱدَّكَرَ بَعْدَ أُمَّةٍ أَنَا۠ أُنَبِّئُكُم بِتَأْوِيلِهِۦ
فَأَرْسِلُونِ ﴿٤٥﴾ يُوسُفُ أَيُّهَا ٱلصِّدِّيقُ أَفْتِنَا فِى سَبْعِ بَقَرَٰتٍ
سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعِ سُنۢبُلَٰتٍ خُضْرٍ
وَأُخَرَ يَابِسَٰتٍ لَّعَلِّىٓ أَرْجِعُ إِلَى ٱلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾ قَالَ
تَزْرَعُونَ سَبْعَ سِنِينَ دَأَبًا فَمَا حَصَدتُّمْ فَذَرُوهُ فِى سُنۢبُلِهِۦٓ إِلَّا
قَلِيلًا مِّمَّا تَأْكُلُونَ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ يَأْتِى مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ سَبْعٌ شِدَادٌ يَأْكُلْنَ
مَا قَدَّمْتُمْ لَهُنَّ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تُحْصِنُونَ ﴿٤٨﴾ ثُمَّ يَأْتِى مِنۢ بَعْدِ ذَٰلِكَ
عَامٌ فِيهِ يُغَاثُ ٱلنَّاسُ وَفِيهِ يَعْصِرُونَ ﴿٤٩﴾ وَقَالَ ٱلْمَلِكُ ٱئْتُونِى
بِهِۦ ۖ فَلَمَّا جَآءَهُ ٱلرَّسُولُ قَالَ ٱرْجِعْ إِلَىٰ رَبِّكَ فَسْـَٔلْهُ مَا بَالُ
ٱلنِّسْوَةِ ٱلَّٰتِى قَطَّعْنَ أَيْدِيَهُنَّ ۚ إِنَّ رَبِّى بِكَيْدِهِنَّ عَلِيمٌ ﴿٥٠﴾ قَالَ
مَا خَطْبُكُنَّ إِذْ رَٰوَدتُّنَّ يُوسُفَ عَن نَّفْسِهِۦ ۚ قُلْنَ حَٰشَ لِلَّهِ
مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ مِن سُوٓءٍ ۚ قَالَتِ ٱمْرَأَتُ ٱلْعَزِيزِ ٱلْـَٰٔنَ حَصْحَصَ
ٱلْحَقُّ أَنَا۠ رَٰوَدتُّهُۥ عَن نَّفْسِهِۦ وَإِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٥١﴾ ذَٰلِكَ
لِيَعْلَمَ أَنِّى لَمْ أَخُنْهُ بِٱلْغَيْبِ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى كَيْدَ ٱلْخَآئِنِينَ ﴿٥٢﴾

44. (Аъёнлар) айтдилар: «(Бу) чалкаш тушлар. Биз (бундай) тушлар таъбирига олим эмасмиз».

45. Икки (маҳбуслар)дан озод бўлгани (соқий) бир қанча муддат (етти йил) ўтгач, (Юсуфни) эслаб деди: «Унинг таъбирини мен айтиб берурман. Мени (Юсуф ҳузурига) юборингиз!»

46. (У бориб деди): «Юсуф! Эй, ростгўй одам! Бизга еттита озғин сигир еттита семиз сигирни егани ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа (етти) қуруқлари тўғрисидаги (туш) фатвоси (таъбири)ни айтиб бергин. Шояд, одамлар олдига борганимда зора, улар ҳам (буни) билиб олишса».

47. (Юсуф) айтди: «Одатларингиз бўйича етти йил зироат қилаверасиз. Олган ҳосилингизни (омборда) бошоғи билан қолдирингиз. Фақат озгина ўзингиз ейдиганингизни (янчиб олингиз!)

48. Сўнгра, ундан кейин қаттиқ етти (йил) келади ва шу (қаҳатчилик йил)лар учун ғамлаб қўйган захирангизни еб кетади. Фақат озгина асраб қўйганингиздан (қолур).

49. Сўнгра, ундан кейин бир йил келиб, одамлар унда ёмғирга сероб бўлурлар ва унда (мевалардан) шарбат олурлар».

50. Шоҳ (бу жавобларни эшитиб): «Уни ҳузуримга олиб келингиз!» – деди. Чопар унинг олдига келгач, у (Юсуф) деди: «Хожанг ҳузурига қайтиб боргин-да, ундан қўлларини кесиб олган аёллар иши нима бўлганини сўра!* Албатта, Раббим уларнинг макрларини билувчидир».

51. (Шоҳ аёлларни чорлаб, уларга) деди: «Юсуфдан шаҳвоний майллик талаб қилганингизда не бўлган эди?» Айтдилар: «Аллоҳ сақласин! Унда бирор ёмонлик борлигини билмадик». Азизнинг хотини (Зулайхо) деди: «Мана энди, ҳақиқат рўёбга чиқди. Ундан мен (жинсий) майллик талаб қилган эдим. У, ҳақиқатан, (сўзида) содиқлардан экан».

52. (Шундан кейингина Юсуф деди): «Буни мен (Миср азизи) ғойиблигида унга хиёнат қилмаганимни ва Аллоҳ (Зулайхо ва аёллардек) хиёнатчилар макрини раво қилмаслигини (Азиз ёки шоҳ) билиши учун (қилдим).

50-оят. Ҳадисда Пайғамбармиз (а.с.): "Агар мен Юсуф (а.с.) ўтирган муддат миқдорида зиндонда ўтирган бўлганимда, чопарни қайтариб юбориш ўрнига дарҳол у билан бирга озодликка чиққан бўлур эдим" деб, камтарлик билан Юсуф (а.с.)нинг сабр-бардошларига таҳсин айтган эканлар (Мд. Хз.).

Юсуф (а.с.) зиндонга тушишига сабабчи бўлган Зулайхо тўғрисида сўрамай, қўлларини кесиб олган аёллар ҳақида сўраши ҳам одоб-ахлоқининг нақадар юксаклигидан даракдир (Мд.).

Юсуф (а.с.) зиндондан чиқмай туриб, аёллар макрини фош қилиш билан бирга ўзининг ҳибсда шунча муддат сақланишига арзийдиган жиноят қилмагани ва покдомон эканини ҳам исботлаб, ёруғ юз билан чиқишга ҳаракат қилдилар (Қз.).

وَمَآ أُبَرِّئُ نَفۡسِيٓۚ إِنَّ ٱلنَّفۡسَ لَأَمَّارَةُۢ بِٱلسُّوٓءِ إِلَّا مَا رَحِمَ
رَبِّيٓۚ إِنَّ رَبِّي غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٥٣ وَقَالَ ٱلۡمَلِكُ ٱئۡتُونِي بِهِۦٓ أَسۡتَخۡلِصۡهُ
لِنَفۡسِيۖ فَلَمَّا كَلَّمَهُۥ قَالَ إِنَّكَ ٱلۡيَوۡمَ لَدَيۡنَا مَكِينٌ أَمِينٞ ٥٤ قَالَ
ٱجۡعَلۡنِي عَلَىٰ خَزَآئِنِ ٱلۡأَرۡضِۖ إِنِّي حَفِيظٌ عَلِيمٞ ٥٥ وَكَذَٰلِكَ
مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي ٱلۡأَرۡضِ يَتَبَوَّأُ مِنۡهَا حَيۡثُ يَشَآءُۚ نُصِيبُ
بِرَحۡمَتِنَا مَن نَّشَآءُۖ وَلَا نُضِيعُ أَجۡرَ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ٥٦ وَلَأَجۡرُ
ٱلۡأٓخِرَةِ خَيۡرٞ لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَكَانُواْ يَتَّقُونَ ٥٧ وَجَآءَ إِخۡوَةُ
يُوسُفَ فَدَخَلُواْ عَلَيۡهِ فَعَرَفَهُمۡ وَهُمۡ لَهُۥ مُنكِرُونَ ٥٨ وَلَمَّا
جَهَّزَهُم بِجَهَازِهِمۡ قَالَ ٱئۡتُونِي بِأَخٖ لَّكُم مِّنۡ أَبِيكُمۡۚ أَلَا تَرَوۡنَ
أَنِّيٓ أُوفِي ٱلۡكَيۡلَ وَأَنَا۠ خَيۡرُ ٱلۡمُنزِلِينَ ٥٩ فَإِن لَّمۡ تَأۡتُونِي بِهِۦ فَلَا
كَيۡلَ لَكُمۡ عِندِي وَلَا تَقۡرَبُونِ ٦٠ قَالُواْ سَنُرَٰوِدُ عَنۡهُ أَبَاهُ
وَإِنَّا لَفَٰعِلُونَ ٦١ وَقَالَ لِفِتۡيَٰنِهِ ٱجۡعَلُواْ بِضَٰعَتَهُمۡ فِي رِحَالِهِمۡ
لَعَلَّهُمۡ يَعۡرِفُونَهَآ إِذَا ٱنقَلَبُوٓاْ إِلَىٰٓ أَهۡلِهِمۡ لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ
٦٢ فَلَمَّا رَجَعُوٓاْ إِلَىٰٓ أَبِيهِمۡ قَالُواْ يَٰٓأَبَانَا مُنِعَ مِنَّا ٱلۡكَيۡلُ
فَأَرۡسِلۡ مَعَنَآ أَخَانَا نَكۡتَلۡ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ٦٣

ЎН УЧИНЧИ ПОРА

53. Нафсимни оқламайман. Зеро, нафс ёмонликка ундовчидир. Фақат Раббим раҳм қилганлар бундан мустаснодир. Албатта, Раббим кечиримли ва раҳмли зотдир».

54. Шоҳ: «Уни ҳузуримга келтирингиз, уни ўзимга хос кишилардан қилиб олай!», – деди. У билан сўзлашгач (шоҳ): «Сен бугун(дан бошлаб) бизнинг ҳузуримизда мартабали ва ишончли (шахс)дирсан», – деди.

55. (Юсуф) деди: «Мени шу ернинг хазинабони қилиб қўй! Зеро, мен (омонатни) сақловчи ва (ўз ишини пухта) билувчидирман»*.

56. Шундай қилиб, Юсуфни (ўша) ернинг ўзи хоҳлаган жойида истиқомат қиладиган қилиб қўйдик*. Раҳматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва эзгу иш қилувчилар мукофотини зое қилмайдурмиз.

57. Охират мукофоти эса, имон келтирган ва тақволи бўлганлар учун яхшироқдир.

58. Юсуфнинг биродарлари (Мисрга) келишиб, унинг ҳузурига кирганларида, уларни таниди. Улар эса, уни танимас эдилар.

59. Уларни сармоялари билан жиҳозлагач, (Юсуф) деди: «Ўша, ота бир иниларингизни менинг ҳузуримга келтирингиз. Ахир, мен сизларга яхши мезбонлик қилиб, (донларни) тўла ҳолда ўлчаб бераётганимни кўраяпсизми?

60. Бас, агар уни менинг ҳузуримга олиб келмасангиз, у ҳолда менинг даргоҳимда сизлар учун ўлчанадиган нарса йўқ ва менга яқин келмай қўя қолингиз».

61. Улар: «Отасидан уни (бизга қўшиб юборишни) сўраймиз. Албатта, бизлар (шундай) қилувчимиз», – дедилар.

62. (Юсуф ўзининг тарозибон) йигитларига: «Уларнинг, (донга алмаштириш учун) келтирган нарсаларини юкларининг ичига (қайтариб) солиб қўйингиз. Шояд, уйларига қайтган вақтларида, уларни таниб, яна қайтиб келсалар», – деди.

63. Оталарининг олдига қайтиб келишгач, дедилар: "Эй, ота, (бундан кейин) бизларга ўлчов (озиқ-овқат) берилмайдиган бўлди. Биз билан бирга инимизни (Биняминни) юборгин, шунда ўлчаб ола биламиз. Бизлар, албатта, уни муҳофаза қилувчимиз».

55-оят. Пайғамбаримиз (а.с.) айтган эканлар: "Аллоҳ биродарим Юсуфни раҳмат қилсин, агар хазинабонлик лавозимини шошиб ўзи сўрамаганида ҳам бир йил ўтмасдан унга шу лавозим берилар эди". Зеро, Китфирнинг вафоти яқин эди. Лекин Юсуф (а.с.)нинг мансаб сўраши бу ҳолатда тўғри бўлган. Зеро, бу лавозимга у зотдек адолатли одам йўқ эди (Мд.).

56-оят. Шоҳ Юсуф (а.с.)ни дабдаба билан кутиб олиб, Китфирнинг ўрнига хазинабонликка тайинлайди. Шу йили Китфир ўлгач, шоҳ амри билан Зулайхо Юсуф (а.с.)га никоҳ қилиниб, икки ўғил, бир қиз кўришади – Афросим, Мишо ва Айюб (а.с.)нинг хотини Раҳма (Мд. ИК.).

قَالَ هَلْ ءَامَنُكُمْ عَلَيْهِ إِلَّا كَمَآ أَمِنتُكُمْ عَلَىٰٓ أَخِيهِ مِن
قَبْلُ فَٱللَّهُ خَيْرٌ حَٰفِظًا وَهُوَ أَرْحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ﴿٦٤﴾ وَلَمَّا فَتَحُوا۟
مَتَٰعَهُمْ وَجَدُوا۟ بِضَٰعَتَهُمْ رُدَّتْ إِلَيْهِمْ قَالُوا۟ يَٰٓأَبَانَا
مَا نَبْغِى هَٰذِهِۦ بِضَٰعَتُنَا رُدَّتْ إِلَيْنَا وَنَمِيرُ أَهْلَنَا وَنَحْفَظُ
أَخَانَا وَنَزْدَادُ كَيْلَ بَعِيرٍ ذَٰلِكَ كَيْلٌ يَسِيرٌ ﴿٦٥﴾ قَالَ لَنْ
أُرْسِلَهُۥ مَعَكُمْ حَتَّىٰ تُؤْتُونِ مَوْثِقًا مِّنَ ٱللَّهِ لَتَأْتُنَّنِى بِهِۦٓ إِلَّآ
أَن يُحَاطَ بِكُمْ فَلَمَّآ ءَاتَوْهُ مَوْثِقَهُمْ قَالَ ٱللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ وَكِيلٌ
﴿٦٦﴾ وَقَالَ يَٰبَنِىَّ لَا تَدْخُلُوا۟ مِنۢ بَابٍ وَٰحِدٍ وَٱدْخُلُوا۟ مِنْ أَبْوَٰبٍ
مُّتَفَرِّقَةٍ وَمَآ أُغْنِى عَنكُم مِّنَ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا
لِلَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَعَلَيْهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٦٧﴾ وَلَمَّا
دَخَلُوا۟ مِنْ حَيْثُ أَمَرَهُمْ أَبُوهُم مَّا كَانَ يُغْنِى عَنْهُم
مِّنَ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ إِلَّا حَاجَةً فِى نَفْسِ يَعْقُوبَ قَضَىٰهَا وَإِنَّهُۥ
لَذُو عِلْمٍ لِّمَا عَلَّمْنَٰهُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ
﴿٦٨﴾ وَلَمَّا دَخَلُوا۟ عَلَىٰ يُوسُفَ ءَاوَىٰٓ إِلَيْهِ أَخَاهُ قَالَ
إِنِّىٓ أَنَا۠ أَخُوكَ فَلَا تَبْتَئِسْ بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٦٩﴾

64. (Яъқуб) деди: «Мен уни сизларга илгари акасини ишонганимдек яна ишонайинми?! Бас, Аллоҳ энг яхши асрагувчидир ва У меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир».

65. (Олиб келган) юкларини очиб кўришгач, (алмаштириб келиш учун олиб борган) нарсаларини ўзларига қайтарилганини кўриб, дедилар: «Эй, ота, мана нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди. (Яна) бизга нима керак?! (Инимизни қўшиб юборсанг), яна оиламизга озиқ-овқат келтирурмиз, инимизни муҳофаза қилурмиз ва (унинг учун ҳам) бир туя юкни ортиқроқ олурмиз. Бу (Миср хазинабони учун арзимаган) озгина ўлчовдир».

66. Яъқуб айтди: «Уни (Биняминни) менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васиқа келтирмагунингизга қадар (яъни Аллоҳ номига қасам ичмагунингизча) – қуршовда қолишингиз бундан мустасно – уни сира сизлар билан бирга юбормасман». Унга васиқаларини келтиришгач, (Яъқуб): «Бу айтаётган гапларимизга Аллоҳ гувоҳдир», – деди.

67. (Сўнгра уларни сафарга кузатаётиб) айтди: «Эй, ўғилларим! (Мисрга) бир дарвозадан кирмангиз, балки турли хил дарвозалардан кирингиз!* Мен сизлардан Аллоҳнинг бирор ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм фақат Аллоҳнинг измидадир. Унгагина таваккул қилдим. Барча таваккул қилувчилар (ҳам) Унинг Ўзигагина таваккул қилсинлар!»

68. Уларнинг оталари буюрган тарзда (Мисрга) киришлари улардан Аллоҳнинг бирор ҳукмини қайтарувчи эмасдир. (Бу) фақат Яъқубнинг дилидаги (фарзандларига нисбатан меҳридан пайдо бўлган) бир ҳожат бўлиб, у ўшани қондирган эди, холос. Зотан, у Биз (ваҳий орқали) берган таълимимиз сабабли (чуқур) билим эгасидир. Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

69. Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у иниси (Бинямин)ни ўзига тортиб: «Мен сенинг акангман. Энди улар (яъни акаларимиз) қилаётган нарса (ҳасад ва адоватлари)дан ташвиш чекма!», – деди*.

67-оят. Яъқуб (а.с.) ўғилларига ҳаммаси бир дарвозадан биргаликда кирсалар, уларга кўз тегишидан қўрққани учун шу таклифни берган. Олдинги биринчи бор кирганларида якка-якка ҳолда кирган эдилар. Бизнинг эътиқодимиз бўйича кўз тегиши бор нарса. Пайғамбаримиз (а.с.) набиралари Ҳасан билан Ҳусайнга кўз тегмасин деб қилган дуолари ҳадисларда келган. Мўътазилийлар пешволаридан Жуббоий кўз тегишини рад этган (Мд. Хз.).

69-оят. Юсуф (а.с.) акаларидан ҳар икки кишини бир дастурхонга ўтиришга таклиф этади. Ўнта ака-ука бешта дастурхонга ўтиргач, Бинямин ўзи якка қолиб, қани энди менинг ҳалок бўлган акам Юсуф тирик бўлганида бирга ўтирган бўлур эдим деб, йиғламсирайди. Шунда Юсуф (а.с.) унга, мени унинг ўрнига акаликка қабул қиласанми, деганида, у рози бўлади. Шундан кейин ўзини танитади (Мд. Хз.).

فَلَمَّا جَهَّزَهُم بِجَهَازِهِمْ جَعَلَ ٱلسِّقَايَةَ فِى رَحْلِ أَخِيهِ ثُمَّ
أَذَّنَ مُؤَذِّنٌ أَيَّتُهَا ٱلْعِيرُ إِنَّكُمْ لَسَٰرِقُونَ ﴿٧٠﴾ قَالُوا۟ وَأَقْبَلُوا۟
عَلَيْهِم مَّاذَا تَفْقِدُونَ ﴿٧١﴾ قَالُوا۟ نَفْقِدُ صُوَاعَ ٱلْمَلِكِ
وَلِمَن جَآءَ بِهِۦ حِمْلُ بَعِيرٍ وَأَنَا۠ بِهِۦ زَعِيمٌ ﴿٧٢﴾ قَالُوا۟ تَٱللَّهِ
لَقَدْ عَلِمْتُم مَّا جِئْنَا لِنُفْسِدَ فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا كُنَّا سَٰرِقِينَ
﴿٧٣﴾ قَالُوا۟ فَمَا جَزَٰٓؤُهُۥٓ إِن كُنتُمْ كَٰذِبِينَ ﴿٧٤﴾ قَالُوا۟ جَزَٰٓؤُهُۥ
مَن وُجِدَ فِى رَحْلِهِۦ فَهُوَ جَزَٰٓؤُهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلظَّٰلِمِينَ
﴿٧٥﴾ فَبَدَأَ بِأَوْعِيَتِهِمْ قَبْلَ وِعَآءِ أَخِيهِ ثُمَّ ٱسْتَخْرَجَهَا مِن
وِعَآءِ أَخِيهِ ۚ كَذَٰلِكَ كِدْنَا لِيُوسُفَ ۖ مَا كَانَ لِيَأْخُذَ أَخَاهُ
فِى دِينِ ٱلْمَلِكِ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ ۚ نَرْفَعُ دَرَجَٰتٍ مَّن نَّشَآءُ ۗ
وَفَوْقَ كُلِّ ذِى عِلْمٍ عَلِيمٌ ﴿٧٦﴾ ۞ قَالُوٓا۟ إِن يَسْرِقْ
فَقَدْ سَرَقَ أَخٌ لَّهُۥ مِن قَبْلُ ۚ فَأَسَرَّهَا يُوسُفُ فِى نَفْسِهِۦ
وَلَمْ يُبْدِهَا لَهُمْ ۚ قَالَ أَنتُمْ شَرٌّ مَّكَانًا ۖ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا
تَصِفُونَ ﴿٧٧﴾ قَالُوا۟ يَٰٓأَيُّهَا ٱلْعَزِيزُ إِنَّ لَهُۥٓ أَبًا شَيْخًا كَبِيرًا
فَخُذْ أَحَدَنَا مَكَانَهُۥٓ ۖ إِنَّا نَرَىٰكَ مِنَ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٧٨﴾

70. Бас, уларнинг юкларини тайёр қилгач, инисининг юки орасига (билдирмай) бир (сув ичадиган) чўмични* солиб қўйди. Сўнгра жарчи: «Эй, карвон (эгалари!) Сизлар ўғрисиз», – деб жар солди.

71. Улар келишгач: «Нима йўқотдингиз?», – дедилар.

72. (Жарчилардан бири) айтди: «Подшоҳнинг ўлчов идишини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга кафилман».

73. Улар дедилар: «Аллоҳга қасамки, бизлар бу ерга бузғунчилик қилиш учун келмаганимизни биласиз. (Биз) ўғри эмасмиз».

74. «Агар ёлғончи бўлсангиз, (ўғрининг) жазоси нима бўлур?», – сўрашди (жарчилар).

75. Улар дедилар: «Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, шунинг ўзи унинг жазосидир. Бизлар зулм (ўғрилик) қилувчи кимсаларни худди шундай жазолаймиз»*.

76. Бас, (Юсуфнинг хизматкори ахтаришни) унинг биродари (Бинямин)нинг идишидан олдин уларнинг (яъни акаларининг) идишларидан бошлади. Сўнгра уни укаси идишидан «топиб» чиқарди. Биз Юсуфга мана шундай ҳийла (тадбир)ни қилдик (билдирдик). (Чунки) подшоҳнинг (жорий) ҳукми бўйича ўз биродарини – Аллоҳ хоҳламаса – (бошқа йўл билан) олиб қола олмас эди*. Биз (ўзимиз) хоҳлаган кишиларнинг даражаларини кўтарурмиз. Ҳар бир илм эгаси узра (ундан) билимдонроқ (олим) бордир.

77. Улар: «Агар бу (Бинямин) ўғрилик қилган бўлса (қилгандир, чунки) илгари унинг акаси ҳам ўғрилик қилган эди», – дедилар. Бас, Юсуф бу гапни ичига солиб, уларга билдирмади ва «Сизлар ёмон (тубан) мартабада экансиз. Аллоҳ сиз тавсиф этаётган нарсани яхши билувчидир», – деди.

78. Улар дедилар: «Эй, азиз, унинг бир кекса отаси бор. Сен унинг (Биняминнинг) ўрнига бизлардан биримизни олиб қолгин. Бизлар сенинг эзгу ишларни қилувчи зотлардан эканингни кўриб турибмиз».

70-оят. Шоҳнинг тилла ёки кумуш ёхуд забаржаддан ясалган идиши бўлиб, у билан сув ичиб юрар эди. Кейинчалик уни ўлчов идиши қилиб қўйган эди. Иниси юкига яшириб қўйиши уни ўз ҳузурида олиб қолиш учун ўйлаб топган ҳийласи эди. Олдинги шариатларда тилла ёки кумуш идишларда ейиш-ичишда фойдаланиш жоиз бўлган (Лс.).

75-оят. Яъқуб (а.с.) шариатида тутилган ўғрининг жазоси бир йил муддатга қулликда хизмат қилдириш эди. Шу жазо қўлланилгач, Бинямин акаси ҳузурида қолишга рози бўлди. Бундан ўша даврда Мисрда хорижлик киши жиноят қилса, унинг ўз юрти қонуни бўйича жазолаш жоиз бўлгани ҳам маълум бўлади.

76-оят. Шоҳнинг жорий ҳукми ўғирланган нарсани икки баробар миқдорида ўғридан ундириб олиш эди. Агар Юсуф (а.с.) бу ҳукмни қўлламаганида укасини олиб қололмас эди. (Мд.)

قَالَ مَعَاذَ ٱللَّهِ أَن نَّأْخُذَ إِلَّا مَن وَجَدْنَا مَتَٰعَنَا عِندَهُۥٓ إِنَّآ
إِذًا لَّظَٰلِمُونَ ﴿٧٩﴾ فَلَمَّا ٱسْتَيْـَٔسُوا۟ مِنْهُ خَلَصُوا۟ نَجِيًّا
قَالَ كَبِيرُهُمْ أَلَمْ تَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ أَبَاكُمْ قَدْ أَخَذَ عَلَيْكُم
مَّوْثِقًا مِّنَ ٱللَّهِ وَمِن قَبْلُ مَا فَرَّطتُمْ فِى يُوسُفَ فَلَنْ أَبْرَحَ
ٱلْأَرْضَ حَتَّىٰ يَأْذَنَ لِىٓ أَبِىٓ أَوْ يَحْكُمَ ٱللَّهُ لِى وَهُوَ خَيْرُ ٱلْحَٰكِمِينَ
﴿٨٠﴾ ٱرْجِعُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَبِيكُمْ فَقُولُوا۟ يَٰٓأَبَانَآ إِنَّ ٱبْنَكَ سَرَقَ
وَمَا شَهِدْنَآ إِلَّا بِمَا عَلِمْنَا وَمَا كُنَّا لِلْغَيْبِ حَٰفِظِينَ
﴿٨١﴾ وَسْـَٔلِ ٱلْقَرْيَةَ ٱلَّتِى كُنَّا فِيهَا وَٱلْعِيرَ ٱلَّتِىٓ أَقْبَلْنَا فِيهَا
وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿٨٢﴾ قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنفُسُكُمْ أَمْرًا
فَصَبْرٌ جَمِيلٌ عَسَى ٱللَّهُ أَن يَأْتِيَنِى بِهِمْ جَمِيعًا إِنَّهُۥ هُوَ
ٱلْعَلِيمُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٨٣﴾ وَتَوَلَّىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَٰٓأَسَفَىٰ عَلَىٰ
يُوسُفَ وَٱبْيَضَّتْ عَيْنَاهُ مِنَ ٱلْحُزْنِ فَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٨٤﴾
قَالُوا۟ تَٱللَّهِ تَفْتَؤُا۟ تَذْكُرُ يُوسُفَ حَتَّىٰ تَكُونَ حَرَضًا
أَوْ تَكُونَ مِنَ ٱلْهَٰلِكِينَ ﴿٨٥﴾ قَالَ إِنَّمَآ أَشْكُوا۟ بَثِّى
وَحُزْنِىٓ إِلَى ٱللَّهِ وَأَعْلَمُ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾

79. (Юсуф) айтди: «(Йўқотган) матоҳимизни идишидан топиб олган кимсадан ўзгани олиб қолишдан Аллоҳ сақласин! Акс ҳолда биз золим кимсалардан бўлиб қолурмиз».

80. Ундан умидлари узилгач, (оға-инилар) бир четга чиқиб шивирлашдилар. Уларнинг тўнғичи* айтди: «Отангиз зиммангизга Аллоҳдан васиқа олиб қолганини билмай қолдингизми?! Илгари Юсуф тўғрисида ҳам шундай сусткашлик қилган эдингиз. Бас, то отам менга изн бермагунича ёки Аллоҳ мен учун (бирор) ҳукм қилмагунича мана шу ердан сира жилмайман. У (Аллоҳ) ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир.

81. Сизлар отангиз олдига қайтиб, (унга) айтингиз: «Эй, ота! Ўғлингиз ўғрилик қилди. Бизлар фақат билган нарсамизга гувоҳлик бермоқдамиз. (Олдин Юсуф ҳақида ваъда қилганимизда) ғайбни (яъни келажакда нима бўлишини) эса билувчи эмас эдик.

82. Биз унда бўлиб қайтган шаҳар (аҳли)дан ва бирга кетган карвондан сўрагин. Албатта, бизлар рост сўзловчилармиз».

83. (Улар бориб Яъқубга айтишгач, у) деди: «Йўқ! Сизларга ҳавойи нафсингиз (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган. Бас, (менинг ишим) чиройли сабрдир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг (Юсуф, Бинямин ва Мисрда қолган ўғлимнинг) барчаларини (бағримга) қайтарса. Албатта, У билим ва ҳикмат соҳибидир».

84. Кейин улардан юз ўгириб: «Эсизгина Юсуф!» деди. Ғам-ғуссадан унинг кўзлари оқариб (ожиз бўлиб) қолди* ва у энди маҳзундир.

85. (Шунда ўғиллари): «Аллоҳ ҳаққи, то чала ўлик бўлиб қолгунингизча ёки (бир йўла) ҳалок бўлгунингизча, Юсуфни эслайверар экансизда?!», – дедилар.

86. У айтди: «Мен ғам ва ташвишларимдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қиламан ва мен Аллоҳнинг (меҳрибонлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман»*.

80-оят. Тўнғичи Рубил ёки Яҳудо эканида ихтилоф бор.

Рубил ёш жиҳатдан катта, Яҳудо ақлу заковатда ортиқ, Шамъун эса, ҳаммасининг устидан раҳбар эди, деган тафсир ҳам бор. Шунинг учун Мисрда қолгани Рубил билан Яҳудодан бири бўлиши керак (Мд. Хз. Абс.).

84-оят. Яъқуб (а.с.) 80 йил суюкли ўғли Юсуф (а.с.)нинг фироқида кўп йиғлаганидан кўзлари оқариб, охири кўр бўлиб қолади. Бу йиғи бесабрлик йиғиси бўлмай, инсонга Аллоҳ ато этган туғма табиат бўлиб, оталик меҳридан далолатдир. Муҳаммад (а.с.) ҳам Иброҳим исмли норасида ўғиллари вафот этганида кўзларидан беихтиёр ёш тўкилгани ҳадисда бор (Мд.).

86-оят. Яъқуб (а.с.)га тушида жон олувчи фаришта Юсуф (а.с.)нинг тирик экани тўғрисида хабар бериб, уни излаш билан бирга ушбу дуони ўргатган: “Эй, битмас-туганмас, ўзингдан бошқаси саноғига етмайдиган доимий ва абадий яхшилик эгаси! Мендан кулфатни арит!” (Мд.).

يَٰبَنِيَّ ٱذۡهَبُواْ فَتَحَسَّسُواْ مِن يُوسُفَ وَأَخِيهِ وَلَا تَاْيۡـَٔسُواْ
مِن رَّوۡحِ ٱللَّهِۖ إِنَّهُۥ لَا يَاْيۡـَٔسُ مِن رَّوۡحِ ٱللَّهِ إِلَّا ٱلۡقَوۡمُ ٱلۡكَٰفِرُونَ
٨٧ فَلَمَّا دَخَلُواْ عَلَيۡهِ قَالُواْ يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡعَزِيزُ مَسَّنَا وَأَهۡلَنَا ٱلضُّرُّ
وَجِئۡنَا بِبِضَٰعَةٖ مُّزۡجَىٰةٖ فَأَوۡفِ لَنَا ٱلۡكَيۡلَ وَتَصَدَّقۡ عَلَيۡنَآۖ
إِنَّ ٱللَّهَ يَجۡزِي ٱلۡمُتَصَدِّقِينَ ٨٨ قَالَ هَلۡ عَلِمۡتُم مَّا فَعَلۡتُم
بِيُوسُفَ وَأَخِيهِ إِذۡ أَنتُمۡ جَٰهِلُونَ ٨٩ قَالُوٓاْ أَءِنَّكَ
لَأَنتَ يُوسُفُۖ قَالَ أَنَا۠ يُوسُفُ وَهَٰذَآ أَخِيۖ قَدۡ مَنَّ ٱللَّهُ
عَلَيۡنَآۖ إِنَّهُۥ مَن يَتَّقِ وَيَصۡبِرۡ فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجۡرَ
ٱلۡمُحۡسِنِينَ ٩٠ قَالُواْ تَٱللَّهِ لَقَدۡ ءَاثَرَكَ ٱللَّهُ عَلَيۡنَا
وَإِن كُنَّا لَخَٰطِـِٔينَ ٩١ قَالَ لَا تَثۡرِيبَ عَلَيۡكُمُ
ٱلۡيَوۡمَۖ يَغۡفِرُ ٱللَّهُ لَكُمۡۖ وَهُوَ أَرۡحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ٩٢
ٱذۡهَبُواْ بِقَمِيصِي هَٰذَا فَأَلۡقُوهُ عَلَىٰ وَجۡهِ أَبِي يَأۡتِ بَصِيرٗا
وَأۡتُونِي بِأَهۡلِكُمۡ أَجۡمَعِينَ ٩٣ وَلَمَّا فَصَلَتِ
ٱلۡعِيرُ قَالَ أَبُوهُمۡ إِنِّي لَأَجِدُ رِيحَ يُوسُفَۖ لَوۡلَآ أَن
تُفَنِّدُونِ ٩٤ قَالُواْ تَٱللَّهِ إِنَّكَ لَفِي ضَلَٰلِكَ ٱلۡقَدِيمِ ٩٥

87. «Эй, ўғилларим! Борингиз-да, Юсуф ва унинг укасини излангиз ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирлар қавмигина ноумид бўлур»*.

88. (Улар бор сармояларини олишиб, яна Миср томонга равона бўлишди). Унинг (Юсуфнинг) ҳузурига киришгач, *дедилар*: «Эй, азиз зот! Бизга ва аҳлу оиламизга очарчилик етди. Бизлар (бу сафар) ўтмас матоҳларни олиб келдик. Бас, бизга ўлчов (озиқ-овқат)ни тўла беравер ва бизга хайр-садақа қилгин*. Аллоҳ, албатта, садақа берувчиларни мукофотлагай».

89. (Юсуф) *деди*: «Жаҳолатда бўлган пайтингизда Юсуф ва унинг укасига нима ишлар қилганингизни биласизми?»

90. Улар: «Сен ўша Юсуфмисан?», – *дедилар*. У: «Ҳа, мен Юсуфман, бу эса укамдир. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди. Дарҳақиқат, кимки Аллоҳдан қўрқиб, сабр қилса, албатта, Аллоҳ эзгу иш қилувчиларнинг мукофотини зое қилмагай», – *деди*.

91. (Улар) *дедилар*: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени бизлардан афзал қилибди. Биз эса, ҳақиқатан, хато қилувчилардан бўлдик».

92. У *деди*: «Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир».

93. «Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, шунда кўрадиган бўлиб қолур. Сўнг барча аҳлу оилаларингиз билан бирга менинг олдимга келингиз!».

94. Карвон (Мисрдан) чиқиши билан оталари (Яъқуб ўз ҳузуридаги кишиларга): «Мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман. Мени ақлдан озганга чиқармасангиз, бас», – *деди*.

95. (Улар) айтдилар: «Аллоҳга қасамки, сиз (ҳали ҳам) ўша эски хатойингизда турибсиз».

87-оят. Яъқуб (а.с.)нинг мазкур сўзларидан Юсуф (а.с.)нинг мусофир юртларда кўрган-кечирганлари тўғрисида маълумотга эга бўлиб турса-да, бу ҳақда ўғилларига гапирмаган. Бинямин Мисрда қолган кезлари Яъқуб (а.с.) Юсуф (а.с.)га хат ёзиб, ўзига ва боболари бошига тушган синовлар, икки ўғли фироқида қайғу чекаётгани, агар Бинямини қўйиб юбормаса, дуои бад қилишини ёзган. Шундан кейин Юсуф (а.с.) таъсирланиб, акаларига ўзини танитган (Хз.).

88-оят. Олдинги пайғамбарларга садақа ейиш жоизлиги хусусида ихтилоф бор. Суфён ибн Уяйна (рҳ.)дан бошқа мужтаҳидлар жоиз эмас, деганлар. Оятдаги садақани эса, ўлчовда кенгчилик қилиш ва Бинямини қайтариб бериш билан карам кўрсатишга йўйганлар. Ҳасан Басрий (рҳ.) сўзига кўра, Аллоҳга дуо қилганда “садақа қил!”, деб бўлмайди. Балки “инъом эт, фазл қил, ато эт!” каби сўзларни қўллаш керак бўлади. Зеро, садақа савобга эга бўлиш мақсадида қилинади. Аллоҳ эса, савобга муҳтож эмас (Хз.).

فَلَمَّآ أَن جَآءَ ٱلْبَشِيرُ أَلْقَىٰهُ عَلَىٰ وَجْهِهِۦ فَٱرْتَدَّ بَصِيرًا ۖ قَالَ
أَلَمْ أَقُل لَّكُمْ إِنِّىٓ أَعْلَمُ مِنَ ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٩٦﴾ قَالُوا۟
يَـٰٓأَبَانَا ٱسْتَغْفِرْ لَنَا ذُنُوبَنَآ إِنَّا كُنَّا خَـٰطِـِٔينَ ﴿٩٧﴾ قَالَ سَوْفَ
أَسْتَغْفِرُ لَكُمْ رَبِّىٓ ۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٩٨﴾ فَلَمَّا
دَخَلُوا۟ عَلَىٰ يُوسُفَ ءَاوَىٰٓ إِلَيْهِ أَبَوَيْهِ وَقَالَ ٱدْخُلُوا۟ مِصْرَ
إِن شَآءَ ٱللَّهُ ءَامِنِينَ ﴿٩٩﴾ وَرَفَعَ أَبَوَيْهِ عَلَى ٱلْعَرْشِ وَخَرُّوا۟
لَهُۥ سُجَّدًا ۖ وَقَالَ يَـٰٓأَبَتِ هَـٰذَا تَأْوِيلُ رُءْيَـٰىَ مِن قَبْلُ قَدْ جَعَلَهَا
رَبِّى حَقًّا ۖ وَقَدْ أَحْسَنَ بِىٓ إِذْ أَخْرَجَنِى مِنَ ٱلسِّجْنِ وَجَآءَ بِكُم
مِّنَ ٱلْبَدْوِ مِنۢ بَعْدِ أَن نَّزَغَ ٱلشَّيْطَـٰنُ بَيْنِى وَبَيْنَ إِخْوَتِىٓ ۚ إِنَّ
رَبِّى لَطِيفٌ لِّمَا يَشَآءُ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٠٠﴾ ۞ رَبِّ
قَدْ ءَاتَيْتَنِى مِنَ ٱلْمُلْكِ وَعَلَّمْتَنِى مِن تَأْوِيلِ ٱلْأَحَادِيثِ ۚ فَاطِرَ
ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ أَنتَ وَلِىِّۦ فِى ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةِ ۖ تَوَفَّنِى
مُسْلِمًا وَأَلْحِقْنِى بِٱلصَّـٰلِحِينَ ﴿١٠١﴾ ذَٰلِكَ مِنْ أَنۢبَآءِ ٱلْغَيْبِ
نُوحِيهِ إِلَيْكَ ۖ وَمَا كُنتَ لَدَيْهِمْ إِذْ أَجْمَعُوٓا۟ أَمْرَهُمْ وَهُمْ يَمْكُرُونَ
﴿١٠٢﴾ وَمَآ أَكْثَرُ ٱلنَّاسِ وَلَوْ حَرَصْتَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٣﴾

96. Бас, хушхабарчи келиб, уни (кўйлакни Яъқубнинг) юзига ташлагач, у кўрадиган бўлиб қолди. «Сизларга мен Аллоҳнинг (меҳрибонлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман, демаганмидим», – деди у.

97. Улар дедилар: «Эй, ота, (Аллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўранг! Албатта, бизлар хато қилувчилардан бўлган эканмиз».

98. У айтди: «Албатта, Раббимдан сизларни мағфират қилишини сўрайман. Албатта, У мағфират қилувчи ва меҳрибон зотдир».

99. Бас, (шаҳар ташқарисида чодирда кутаётган) Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у ота-онасини ўз бағрига босди ва «иншоаллоҳ, Мисрга тинч-омон киргайсиз», – деди*.

100. (Кейин, Мисрга кириб саройда бўлганларида) у ота-онасини ўз тахтига чиқарди ва улар (яъни ота-она ва акалари Юсуфга) сажда қилган ҳолларида (ерга) йиқилдилар. У деди: «Эй, отажон! Мана шу (кўп йил) илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Раббим уни рост қилди. Дарҳақиқат, у менга яхшилик қилди – мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан акаларим орасини бузиб иғво қилганидан кейин, мана сизларни саҳродан (Мисрга соғ-саломат ҳолингизда) келтирди. Албатта, Раббим Ўзи хоҳлаган нарсани лутф билан амалга оширувчидир. Албатта, Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир.

101. Эй, Раббим! Менга подшоҳлик ато этдинг*, яна барча гап (туш)ларнинг таъвил (таъбир)ларидан менга таълим бердинг. Эй, осмонлар ва Ерни ижод этган зот! Дунёю охиратда Ўзинг эгамдирсан. (Ажалим етганида) мусулмон ҳолимда вафот эттир ва мени солиҳлар (қатори)га қўшгин!»

102. (Эй, Муҳаммад!) Бу Биз Сизга ваҳий қилаётган ғайб хабарларидандир. (Чунки сиз Юсуфнинг акалари) макр-ҳийла билан ўзларининг ишларига келишиб, иттифоқ тузишаётган пайтларида уларнинг ҳузурларида йўқ эдингиз.

103. Одамларнинг кўплари, гарчи Сиз жуда истасангиз-да, мўмин бўлмайдилар.

99-оят. Юсуф (а.с.) акалари орқали ота-онаси ва барча аҳлу авлодларини Мисрга олиб келиш учун икки юзта туя ва анжом-ускуналарни бериб юборган эди. Уларни кутиб олиш учун ўзи ва Миср шоҳи тўрт минг лашкари билан шаҳар ташқарисига чиқиб, чодир тикиб ўтирганда улар етиб келадилар. Меҳмонлар сони 70 дан зиёд эди (Мд. Хз.).

101-оят. Миср шоҳи – Фиръавн (Райён) ўз тожи, тахти, муҳри, қиличини Юсуф (а.с.)га бериб, асосий подшоҳликни унга топширди. Ўзи фахрий шоҳ мақомида юрди. Охири имон келтириб, мусулмон бўлди. Юсуф (а.с.) тожни киймади.

Суранинг ушбу ва 54–56-оятларига кўра, пайғамбар ёки олим киши золим, кофир ёки фосиқ подшоҳнинг қўл остида мансаб ва лавозимларда ишлаши жоиз, деганлар. Чунончи, салафларимиз золим ҳукмдорлар қўл остида қозилик қилгани каби (Мд.).

وَمَا تَسْـَٔلُهُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِّلْعَٰلَمِينَ ﴿١٠٤﴾
وَكَأَيِّن مِّنْ ءَايَةٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ يَمُرُّونَ عَلَيْهَا
وَهُمْ عَنْهَا مُعْرِضُونَ ﴿١٠٥﴾ وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُم بِٱللَّهِ إِلَّا
وَهُم مُّشْرِكُونَ ﴿١٠٦﴾ أَفَأَمِنُوٓا۟ أَن تَأْتِيَهُمْ غَٰشِيَةٌ مِّنْ عَذَابِ ٱللَّهِ
أَوْ تَأْتِيَهُمُ ٱلسَّاعَةُ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٠٧﴾ قُلْ هَٰذِهِۦ
سَبِيلِىٓ أَدْعُوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا۠ وَمَنِ ٱتَّبَعَنِى وَسُبْحَٰنَ
ٱللَّهِ وَمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٠٨﴾ وَمَآ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ
إِلَّا رِجَالًا نُّوحِىٓ إِلَيْهِم مِّنْ أَهْلِ ٱلْقُرَىٰٓ أَفَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى
ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ
وَلَدَارُ ٱلْءَاخِرَةِ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٠٩﴾ حَتَّىٰٓ
إِذَا ٱسْتَيْـَٔسَ ٱلرُّسُلُ وَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُمْ قَدْ كُذِبُوا۟ جَآءَهُمْ
نَصْرُنَا فَنُجِّىَ مَن نَّشَآءُ وَلَا يُرَدُّ بَأْسُنَا عَنِ ٱلْقَوْمِ ٱلْمُجْرِمِينَ
﴿١١٠﴾ لَقَدْ كَانَ فِى قَصَصِهِمْ عِبْرَةٌ لِّأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ مَا كَانَ
حَدِيثًا يُفْتَرَىٰ وَلَٰكِن تَصْدِيقَ ٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ
وَتَفْصِيلَ كُلِّ شَىْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿١١١﴾

104. Сиз улардан бу (даъватингиз) учун бирор ажр (ҳақ) сўрамайсиз. У (Қуръон) фақатгина (барча) оламлар учун бир эслатмадир, холос.

105. Осмонлар ва Ерда қанчадан-қанча (Аллоҳ ва унинг сифатларига далолат қилувчи) аломатлар бор. (Лекин) улар ёнидан юз ўгирган ҳолларида (бепарво) ўтиб кетадилар.

106. Уларнинг аксарияти Аллоҳга фақат мушриклик ҳолларидагина «имон» келтирадилар (оғир пайтда Аллоҳга илтижо қиладилар).

107. Ёки улар Аллоҳнинг азоби сифатида бирор қамраб олувчи (бало) келиб қолишидан ё тўсатдан улар сезмаган ҳолларида қиёмат қойим бўлишидан хотиржаммилар?!

108. Айтинг: «Менинг йўлим – шу! Мен ва менга эргашганлар аниқ ҳужжат билан Аллоҳга даъват этамиз*. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни пок деб биламан. (Зеро) мен мушриклардан эмасман».

109. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сиздан олдин ҳам фақат шаҳар аҳлларидан бўлган кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юборганмиз. Ахир, (одамлар) ер юзида саёҳат қилиб, ўзларидан аввалги (имонсиз) кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Тақволи бўлганлар учун, шубҳасиз, охират диёри (бу фоний дунёдан) яхшироқдир. (Бу тўғрида) ақл юргизмайсизми?!

110. Ҳар қачон (ўша) пайғамбарлар ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи бўлдик», – деб гумон қила бошлаганларида, уларга Бизнинг нусратимиз (ёрдамимиз) келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аммо) жиноятчилар қавмидан Бизнинг азобимиз қайтарилмас!

111. Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида* ақл эгалари учун (катта) ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқариладиган гап эмас, балки ўзидан олдинги нарсаларни (яъни, самовий китобларни) тасдиқ этувчи, унга имон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи ҳидоят ва раҳмат (манбаи бўлган бир Китоб)дир.

108-оят. Ибн Аббос (рз.) айтади: “Муҳаммад (а.с.) ва саҳобалари тўғри йўлда, рушду ҳидоятда бўлганлар. Улар илм ва имоннинг хазинаси, Раҳмоннинг аскари эдилар”. Ибн Масъуд (рз.) айтади: “Кимгадир эргашмоқчи бўлган киши Пайғамбар (а.с.)нинг саҳобалари йўлига эргашсин. Улар умматнинг сараси, қалби пок, илми чуқур, камтакаллуф кишилар бўлиб, Аллоҳ уларга Ўз пайғамбари суҳбатини насиб этган ва дин ўшалар орқали ёйилган. Улардан ахлоқ ва йўл-йўриқларни ўрганингиз, улар тўғри йўлда эдилар” (Хз.).

111-оят. Пайғамбарларнинг ёки Юсуф (а.с.) билан биродарларининг қиссаларида кўп ибратли ишлар бордир. Масалан, суюкли ўғил – Юсуф (а.с.)нинг кудуққа тушиб қолиши, бўйрада ўтирган “қул”нинг тахтга эга бўлиши, сабр-тоқат, макр-ҳийла натижалари, ака-ука ўртасидаги оқибат ва бошқалар (Мд.).

Раъд сураси

Мадинада нозил қилинган. 43 оят.

سُورَةُ الرَّعۡدِ
آياتها ٤٣ — ترتيبها ١٣

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓمٓرۚ تِلۡكَ ءَايَٰتُ ٱلۡكِتَٰبِۗ وَٱلَّذِيٓ أُنزِلَ إِلَيۡكَ مِن رَّبِّكَ ٱلۡحَقُّ
وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يُؤۡمِنُونَ ١ ٱللَّهُ ٱلَّذِي رَفَعَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ بِغَيۡرِ
عَمَدٖ تَرَوۡنَهَاۖ ثُمَّ ٱسۡتَوَىٰ عَلَى ٱلۡعَرۡشِۖ وَسَخَّرَ ٱلشَّمۡسَ وَٱلۡقَمَرَۖ كُلّٞ
يَجۡرِي لِأَجَلٖ مُّسَمّٗىۚ يُدَبِّرُ ٱلۡأَمۡرَ يُفَصِّلُ ٱلۡأٓيَٰتِ لَعَلَّكُم بِلِقَآءِ
رَبِّكُمۡ تُوقِنُونَ ٢ وَهُوَ ٱلَّذِي مَدَّ ٱلۡأَرۡضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَٰسِيَ
وَأَنۡهَٰرٗاۖ وَمِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ جَعَلَ فِيهَا زَوۡجَيۡنِ ٱثۡنَيۡنِۖ يُغۡشِي ٱلَّيۡلَ
ٱلنَّهَارَۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يَتَفَكَّرُونَ ٣ وَفِي ٱلۡأَرۡضِ
قِطَعٞ مُّتَجَٰوِرَٰتٞ وَجَنَّٰتٞ مِّنۡ أَعۡنَٰبٖ وَزَرۡعٞ وَنَخِيلٞ صِنۡوَانٞ
وَغَيۡرُ صِنۡوَانٖ يُسۡقَىٰ بِمَآءٖ وَٰحِدٖ وَنُفَضِّلُ بَعۡضَهَا عَلَىٰ بَعۡضٖ
فِي ٱلۡأُكُلِۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يَعۡقِلُونَ ٤
۞ وَإِن تَعۡجَبۡ فَعَجَبٞ قَوۡلُهُمۡ أَءِذَا كُنَّا تُرَٰبًا أَءِنَّا لَفِي خَلۡقٖ
جَدِيدٍۗ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِرَبِّهِمۡۖ وَأُوْلَٰٓئِكَ ٱلۡأَغۡلَٰلُ
فِيٓ أَعۡنَاقِهِمۡۖ وَأُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ٥

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Мим, Ро. Ушбу (сура оятлари) Китоб (Қуръон) оятларидир. (Эй, Муҳаммад!) Сизга нозил қилинган бу нарса (Қуръон) ҳақиқатдир, лекин одамларнинг аксарияти имон келтирмайдилар.

2. Аллоҳ осмонларни, кўриб турганингиздек, устунсиз кўтариб қўйган, сўнгра Арш узра "муставий" бўлган* ҳамда қуёш ва ойни (Ўз амрига) бўйин сундирган зотдир. Ҳар бири муайян муддатгача (яъни қиёмат қойим бўлгунича) жараёнда (ҳаракатда) бўлур. (Аллоҳ барча) ишнинг тадбирини қилур ва сизлар (қиёматда) Раббингизга рўбарў бўлишга имон келтиришингиз учун оятларни муфассал баён қилур.

3. У Ерни ёйиб қўйган* ва унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У Ердаги меваларни (ва бошқа нарсаларнинг) иккитадан – жуфт-жуфт қилиб яратди. У тун (зулмати) билан кундузни ўрайди. Албатта, бу (мисоллар)да фикр юритадиган қавм учун аломатлар бордир.

4. Ерда бир-бирига ёнма-ён, бўлак-бўлак (унумдор ва унумсиз) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаган ва шохламаган хурмолар бўлиб, (ҳаммаси) бир сув билан суғорилур. Биз уларнинг биридан бирининг таъмини тотлироқ қилиб қўюрмиз. Албатта, бунда ақли билан англайдиган қавм учун аломатлар бордир.

5. Агар ажаблансангиз, у ҳолда уларнинг (кофирларнинг): «Тупроқ бўлиб кетгач, яна янгитдан яратиламизми?», – деган гаплари (бунданда) ажиброқдир. Ана ўшалар Парвардигорларини инкор этганлардир*. (Қиёмат кунида) ана ўшаларнинг бўйинларида занжирлар бўлур. Ана ўшалар дўзах аҳли бўлиб, (улар) ўша жойда мангу қолурлар.

---

13. РАЪД СУРАСИ

Раъд – момақалдироқ. Бу ном берилишига сабаб сурада ҳамма мавжудот қатори момақалдироқ ҳам Аллоҳни улуғлаб, Унга тасбеҳ айтиб туришидир.

Сурада имон билан куфр, ҳақиқат билан ботиллик ўртасидаги кураш, ҳаёт ва мамот, қиёмат ва ҳисобот ва бошқа илоҳий кўрсатмалар баён этилган.

2-оят. "Муставий" сўзининг тафсири хусусида тўрт мазҳаб соҳиблари, "Истиво" сўзининг луғавий маъноси маълум. Кайфияти номаълум. Унга имон келтириш вожиб. Кайфиятидан сўраш бидъат, деб айтганлар (Бғ.).

3-оят. "Ерни ёйиб қўйган" жумласи асосида қадимий тафсирларда Ер думалоқ эмас, балки кафтдек текис қилиб яратилган, деган фикр қувватланиб, табиийёт фани олимларининг Ер думалоқ шаклда, деган фикрлари рад этилган. Кейинги пайтларда ёзилган тафсирларда Ернинг туяқуш тухуми шаклида экани ҳатто, оятлар асосида исбот этилмоқда. "Нозиот" сурасининг 30-оятига қаралсин.

5-оят. Ушбу оятга кўра, қиёмат куни қайта тирилишни инкор этган одам кофирдир. Зеро, уни инкор этиш Аллоҳ қудратини инкор этиш билан тенгдир (Хз.).

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِٱلسَّيِّئَةِ قَبْلَ ٱلْحَسَنَةِ وَقَدْ خَلَتْ مِن
قَبْلِهِمُ ٱلْمَثُلَٰتُ وَإِنَّ رَبَّكَ لَذُو مَغْفِرَةٍ لِّلنَّاسِ عَلَىٰ ظُلْمِهِمْ
وَإِنَّ رَبَّكَ لَشَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ٦ وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْلَآ
أُنزِلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦٓ إِنَّمَآ أَنتَ مُنذِرٌ وَلِكُلِّ قَوْمٍ هَادٍ
٧ ٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَحْمِلُ كُلُّ أُنثَىٰ وَمَا تَغِيضُ ٱلْأَرْحَامُ
وَمَا تَزْدَادُ وَكُلُّ شَىْءٍ عِندَهُۥ بِمِقْدَارٍ ٨ عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ
وَٱلشَّهَٰدَةِ ٱلْكَبِيرُ ٱلْمُتَعَالِ ٩ سَوَآءٌ مِّنكُم مَّنْ أَسَرَّ
ٱلْقَوْلَ وَمَن جَهَرَ بِهِۦ وَمَنْ هُوَ مُسْتَخْفٍۭ بِٱلَّيْلِ وَسَارِبٌۢ
بِٱلنَّهَارِ ١٠ لَهُۥ مُعَقِّبَٰتٌ مِّنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِۦ يَحْفَظُونَهُۥ
مِنْ أَمْرِ ٱللَّهِ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا۟ مَا بِأَنفُسِهِمْ
وَإِذَآ أَرَادَ ٱللَّهُ بِقَوْمٍ سُوٓءًا فَلَا مَرَدَّ لَهُۥ وَمَا لَهُم مِّن دُونِهِۦ مِن
وَالٍ ١١ هُوَ ٱلَّذِى يُرِيكُمُ ٱلْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا
وَيُنشِئُ ٱلسَّحَابَ ٱلثِّقَالَ ١٢ وَيُسَبِّحُ ٱلرَّعْدُ بِحَمْدِهِۦ
وَٱلْمَلَٰٓئِكَةُ مِنْ خِيفَتِهِۦ وَيُرْسِلُ ٱلصَّوَٰعِقَ فَيُصِيبُ بِهَا
مَن يَشَآءُ وَهُمْ يُجَٰدِلُونَ فِى ٱللَّهِ وَهُوَ شَدِيدُ ٱلْمِحَالِ ١٣

6. Улар Сиздан яхшилик (Аллоҳ раҳмати)дан аввал ёмонлик (азоби)ни талаб қиладилар*. Улардан олдин ҳам бундай мисоллар ўтгандир. Албатта, Раббингиз одамларга (улар) зулм қилувчи бўлсалар ҳам мағфиратли ва албатта, Раббингиз азоби қаттиқ зотдир ҳам.

7. Кофир бўлганлар: «Унга (Муҳаммадга) Парвардигори томонидан бирор мўъжиза нозил қилинса эди», – дейдилар. Сиз эса фақат огоҳлантирувчидирсиз. Ҳар бир қавм учун ҳидоят қилувчи (пайғамбар) бордир.

8. Фақат Аллоҳгина ҳар бир аёлнинг ҳомиласини*, бачадонлар (муддатидан илгари) ташлайдиган (бола)ни ҳам, (тўққиз ойдан) ортиқроқ туриб қоладиган (бола)ни ҳам билур. Унинг даргоҳида ҳар бир нарса ўлчовлидир.

9. (У) махфий ва ошкора (нарса)ни билувчи буюк ва олий зотдир.

10. Сизларнинг орангиздаги ўз гапини яширган киши ҳам, уни ошкора қилган киши ҳам, кеча қоронғусида яширинувчи ҳам, кундузи (ошкора) юрувчи ҳам (Унинг учун) баробардир.

11. Унинг (инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб этувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни муҳофаза қилиб турурлар*. Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас*. Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни раво кўрса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга бошқарувчи йўқдир.

12. У сизларга (момақалдироқ овозидан) қўрққан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда чақмоқни кўрсатадиган ва оғир булутларни пайдо қиладиган зотдир.

13. Момақалдироқ (ҳам) Унга ҳамд билан тасбеҳ айтур. Фаришталар ҳам Ундан қўрққанларидан (тасбеҳ айтурлар). Чақмоқлар юбориб, улар билан Ўзи хоҳлаган кимсаларни Аллоҳ хусусида талашиб-тортишиб турган ҳолларида, урар. У қаттиқ тадбирли зотдир.

6-оят. Куфр ва ширк аҳли пайғамбарлардан илоҳий мўъжиза сифатида унинг раҳматини, эзгулигини сўраш ўрнига доим азоб юборишини сўраб келган. Лекин Аллоҳ таоло уларнинг қилмишларига яраша тезлик билан жазо юбормаган. Балки муҳлат бериб, кечириб турган. Азоб қиладиган бўлса, азоби ҳам қаттиқ экани айтилмоқда. Расул (а.с.)дан азобни масхара қилиш мақсадида талаб қилишган эди (Мд.).

8-оят. Ҳомиланинг биринчи кунданоқ ўғил-қизлиги, шакл-шамойили, бўйи-басти чиройли-хунуклиги, бутун ёки ногирон туғилиши каби хусусиятларни фақат яратувчининг Ўзи билур (Мд.).

* Яна “Анфол” сураси 53-оятининг таржима ва тафсирига қаралсин.

11-оят. Инсонни бало-офатлардан асраб, унга қўриқчилик қилувчи фаришталар бўлиб, улар тунда ва кундузи навбат алмашиб турадилар. Ҳадисда улар аср билан бомдод намозлари пайтида навбат алмашиб туришлари айтилган (Хз.).

14. Ҳақиқий дуо фақат Унга (қилинур). Ундан ўзга дуо қилаётган (бут)лари эса, уларнинг бирорта дуосини мустажоб қилмас. Илло, улар кафтларини сувга чўзиб, у сув оғзига етишини кутиб турган бир кимсага ўхшайдилар. Ҳолбуки, у (сув) унинг оғзига етувчи эмасдир. Кофирларнинг дуолари мутлақо зоедир.

15. Осмонлар ва Ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбуран, эртаю кеч саждани Аллоҳга қиладилар*.

16. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Осмонлар ва Ернинг Парвардигори ким?», (яна ўзингиз) «Аллоҳ», – деб жавоб қилинг! «Бас, Уни қўйиб, ўзларига на фойда ва на зарар етказишга қодир бўлмайдиган (бут ва санам)ларни дўст тутдингизми?», – денг! Яна айтинг: «Кўр (гумроҳ) билан кўрувчи (ҳидоят топган киши) баробар бўлурми? Ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?» Ё улар Аллоҳга Унинг яратиши каби ярата оладиган бутларни шерик қилиб олишган ва улар ҳам яратганлар-у, сўнгра уларга (икки) яратиш ўхшаш бўлиб қолдими?! Айтинг: «Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир ва У танҳо ва ғолибдир».

17. (Аллоҳ) осмондан сув (ёмғир) ёғдирганида жилғалар миқдори билан оқиб, (бу) сел ўз устида кўпикларни ҳам кўтариб келур. (Одамлар) зеб-зийнат ёки асбоб-ускуна (ясаш) учун ёқадиган (олов)лардан ҳам шунга ўхшаш (чиқинди пайдо) бўлур. Аллоҳ ҳақ билан ботилни (мана шундай мисол билан) баён қилур. Бас, кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетур. Одамларга фойдали бўлган нарса эса Ерда қолур. Аллоҳ мисолларни мана шундай баён қилур*.

لَهُۥ دَعْوَةُ ٱلْحَقِّ ۖ وَٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِهِۦ لَا يَسْتَجِيبُونَ لَهُم بِشَىْءٍ إِلَّا
كَبَـٰسِطِ كَفَّيْهِ إِلَى ٱلْمَآءِ لِيَبْلُغَ فَاهُ وَمَا هُوَ بِبَـٰلِغِهِۦ ۚ وَمَا دُعَآءُ ٱلْكَـٰفِرِينَ
إِلَّا فِى ضَلَـٰلٍ ﴿١٤﴾ وَلِلَّهِ يَسْجُدُ مَن فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ طَوْعًا
وَكَرْهًا وَظِلَـٰلُهُم بِٱلْغُدُوِّ وَٱلْـَٔاصَالِ ۩ ﴿١٥﴾ قُلْ مَن رَّبُّ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ قُلِ ٱللَّهُ ۚ قُلْ أَفَٱتَّخَذْتُم مِّن دُونِهِۦٓ أَوْلِيَآءَ لَا يَمْلِكُونَ لِأَنفُسِهِمْ
نَفْعًا وَلَا ضَرًّا ۚ قُلْ هَلْ يَسْتَوِى ٱلْأَعْمَىٰ وَٱلْبَصِيرُ أَمْ هَلْ تَسْتَوِى
ٱلظُّلُمَـٰتُ وَٱلنُّورُ ۗ أَمْ جَعَلُوا۟ لِلَّهِ شُرَكَآءَ خَلَقُوا۟ كَخَلْقِهِۦ فَتَشَـٰبَهَ ٱلْخَلْقُ
عَلَيْهِمْ ۚ قُلِ ٱللَّهُ خَـٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ وَهُوَ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّـٰرُ ﴿١٦﴾ أَنزَلَ مِنَ
ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَسَالَتْ أَوْدِيَةٌۢ بِقَدَرِهَا فَٱحْتَمَلَ ٱلسَّيْلُ زَبَدًا رَّابِيًا ۚ
وَمِمَّا يُوقِدُونَ عَلَيْهِ فِى ٱلنَّارِ ٱبْتِغَآءَ حِلْيَةٍ أَوْ مَتَـٰعٍ زَبَدٌ مِّثْلُهُۥ ۚ كَذَٰلِكَ
يَضْرِبُ ٱللَّهُ ٱلْحَقَّ وَٱلْبَـٰطِلَ ۚ فَأَمَّا ٱلزَّبَدُ فَيَذْهَبُ جُفَآءً ۖ وَأَمَّا مَا
يَنفَعُ ٱلنَّاسَ فَيَمْكُثُ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ كَذَٰلِكَ يَضْرِبُ ٱللَّهُ ٱلْأَمْثَالَ ﴿١٧﴾
لِلَّذِينَ ٱسْتَجَابُوا۟ لِرَبِّهِمُ ٱلْحُسْنَىٰ ۚ وَٱلَّذِينَ لَمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَهُۥ
لَوْ أَنَّ لَهُم مَّا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُۥ مَعَهُۥ لَٱفْتَدَوْا۟ بِهِۦٓ ۚ
أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُمْ سُوٓءُ ٱلْحِسَابِ وَمَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمِهَادُ ﴿١٨﴾

18. Парвардигорлари (даъвати)га ижобат этганлар учун гўзал мукофот (жаннат) бордир. Унга ижобат қилмаганлар эса, мабодо ердаги бор нарса (яна) икки баробар (кўпайиб) уларники бўлса, уни (Аллоҳнинг азобидан қутулиш учун) фидо қилган бўлур эдилар. Улар учун ёмон ҳисоб-китоб бўлур. Уларнинг (борар) жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон жой у!

15-оят. Сажда ояти. Ҳар бир инсоннинг сояси Аллоҳга сажда қилади. Мўминнинг сояси ўз хоҳиши билан, кофир ва мунофиқники эса мажбурий равишда сажда қилади. “Эртаю кеч” иборасини келтирилишига боис, соя эртадан кечгача бир қисқариб, бир узайиб туради. Эрта билан кечқурун соянинг узайгани ва қисқаргани кўзга янада аниқроқ кўринади (Қз. Мд.).

17-оят. Имом Бухорий билан Имом Муслим (рҳ.)лар ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: “Мен билан юборилган ҳидоят ва илм бамисоли ерга ёққан ёмғирдир. Ер ҳам турли бўлади. Сувни яхши қабул қилиб, ўзидан ҳар хил гиёҳларни ундирадигани ҳам, аксинча сувни қабул қилмайдиган, бирор гиёҳни ундирмайдиган қуруқ-бўз ерлар ҳам бўлади. Шунга ўхшаш Аллоҳнинг дини ва мен келтирган илмларни ўрганиб, унга амал қилиб, бошқаларга ҳам ўргатадиган кишилар бўлганидек, илм ва ҳидоятни қабул қилмайдиган кимсалар ҳам бўлади” (Хз.).

أَفَمَن يَعْلَمُ أَنَّمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ ٱلْحَقُّ كَمَنْ هُوَ أَعْمَىٰٓ ۚ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ
أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَـٰبِ ﴿١٩﴾ ٱلَّذِينَ يُوفُونَ بِعَهْدِ ٱللَّهِ وَلَا يَنقُضُونَ ٱلْمِيثَـٰقَ
﴿٢٠﴾ وَٱلَّذِينَ يَصِلُونَ مَآ أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ
وَيَخَافُونَ سُوٓءَ ٱلْحِسَابِ ﴿٢١﴾ وَٱلَّذِينَ صَبَرُوا۟ ٱبْتِغَآءَ وَجْهِ رَبِّهِمْ
وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَأَنفَقُوا۟ مِمَّا رَزَقْنَـٰهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً وَيَدْرَءُونَ
بِٱلْحَسَنَةِ ٱلسَّيِّئَةَ أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُمْ عُقْبَى ٱلدَّارِ ﴿٢٢﴾ جَنَّـٰتُ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا
وَمَن صَلَحَ مِنْ ءَابَآئِهِمْ وَأَزْوَٰجِهِمْ وَذُرِّيَّـٰتِهِمْ ۖ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ يَدْخُلُونَ
عَلَيْهِم مِّن كُلِّ بَابٍ ﴿٢٣﴾ سَلَـٰمٌ عَلَيْكُم بِمَا صَبَرْتُمْ ۚ فَنِعْمَ عُقْبَى ٱلدَّارِ
﴿٢٤﴾ وَٱلَّذِينَ يَنقُضُونَ عَهْدَ ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مِيثَـٰقِهِۦ وَيَقْطَعُونَ مَآ
أَمَرَ ٱللَّهُ بِهِۦٓ أَن يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ ۙ أُو۟لَـٰٓئِكَ لَهُمُ ٱللَّعْنَةُ
وَلَهُمْ سُوٓءُ ٱلدَّارِ ﴿٢٥﴾ ٱللَّهُ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ ۚ وَفَرِحُوا۟
بِٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ إِلَّا مَتَـٰعٌ ﴿٢٦﴾ وَيَقُولُ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْهِ ءَايَةٌ مِّن رَّبِّهِۦ ۗ قُلْ إِنَّ ٱللَّهَ يُضِلُّ
مَن يَشَآءُ وَيَهْدِىٓ إِلَيْهِ مَنْ أَنَابَ ﴿٢٧﴾ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَتَطْمَئِنُّ
قُلُوبُهُم بِذِكْرِ ٱللَّهِ ۗ أَلَا بِذِكْرِ ٱللَّهِ تَطْمَئِنُّ ٱلْقُلُوبُ ﴿٢٨﴾

19. (Эй, Муҳаммад!) Ахир, Сизга Раббингиз томонидан нозил қилинган нарса аниқ ҳақиқат эканини биладиган киши (маънан) кўр кимсага ўхшайдими? (Бу оятлардан) албатта, ақл эгаларигина эслатма олурлар.

20. Улар Аллоҳга берган аҳдларига вафо қиладиган ва “ал-Мийсоқ”ни (ваъдани) бузмайдиганлардир*.

21. Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни қариндошлар билан алоқани) боғлайдилар*, Парвардигорларидан қўрқадилар ва (охиратда) ҳисоб-китобнинг нохуш кечишидан чўчийдилар.

22. Парвардигорларининг «юзини» истаб, (турли машаққатларга) сабр қилиб, намозларини баркамол адо этган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилган ҳамда ёмонликка яхшилик қайтарадиган зотлар, айнан ўшалар учун дунё оқибати (жаннат) бордир.

23. (У) абадийлик боғлари бўлиб, (улар) у жойларга ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳ (банда)лар билан бирга кирурлар. Сўнгра уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар):

24. «(Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай. Дунё оқибати (жаннат) нақадар яхши!»

25. Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир.

26. Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. (Мушриклар) мана шу дунё ҳаёти билан шодмон бўлдилар, ҳолбуки, бу дунё ҳаёти охират олдида фақат (бир арзимас) матодир.

27. Куфрда бўлганлар: «Унга (Муҳаммадга) Парвардигори томонидан бирор мўъжиза нозил қилинса эди», – дейдилар. Айтинг: «Албатта, Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаганини адаштирур ва (Унга) қайтган кишини ҳидоятга бошлар».

28. Улар имон келтирган ва қалблари Аллоҳнинг зикри билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизки, Аллоҳни зикр этиш билан қалблар ором олур (ва таскин топур).

20-оят. “Ал-Мийсоқ”дан мурод Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари ёки олган тарихий аҳди. Яна “Аъроф” сураси, 172-ояти таржима ва тафсирига қаранг.

21-оят. Ҳадисда: “Силаи раҳм қилмаган, яъни қаришдошларидан алоқани узган одам жаннатга кирмайди. Силаи раҳм доимий борди-келди эмас, балки узоқлашиб кетган қариндош ҳолидан хабар олишдир” (Бх. Мс.).

ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ طُوبَىٰ لَهُمۡ وَحُسۡنُ
مَـَٔابٖ ٢٩ كَذَٰلِكَ أَرۡسَلۡنَٰكَ فِيٓ أُمَّةٖ قَدۡ خَلَتۡ مِن قَبۡلِهَآ أُمَمٞ
لِّتَتۡلُوَاْ عَلَيۡهِمُ ٱلَّذِيٓ أَوۡحَيۡنَآ إِلَيۡكَ وَهُمۡ يَكۡفُرُونَ بِٱلرَّحۡمَٰنِۚ
قُلۡ هُوَ رَبِّي لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ عَلَيۡهِ تَوَكَّلۡتُ وَإِلَيۡهِ مَتَابِ ٣٠
وَلَوۡ أَنَّ قُرۡءَانٗا سُيِّرَتۡ بِهِ ٱلۡجِبَالُ أَوۡ قُطِّعَتۡ بِهِ ٱلۡأَرۡضُ أَوۡ كُلِّمَ
بِهِ ٱلۡمَوۡتَىٰۗ بَل لِّلَّهِ ٱلۡأَمۡرُ جَمِيعًاۗ أَفَلَمۡ يَاْيۡـَٔسِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ
أَن لَّوۡ يَشَآءُ ٱللَّهُ لَهَدَى ٱلنَّاسَ جَمِيعٗاۗ وَلَا يَزَالُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ
تُصِيبُهُم بِمَا صَنَعُواْ قَارِعَةٌ أَوۡ تَحُلُّ قَرِيبٗا مِّن دَارِهِمۡ حَتَّىٰ يَأۡتِيَ
وَعۡدُ ٱللَّهِۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُخۡلِفُ ٱلۡمِيعَادَ ٣١ وَلَقَدِ ٱسۡتُهۡزِئَ بِرُسُلٖ
مِّن قَبۡلِكَ فَأَمۡلَيۡتُ لِلَّذِينَ كَفَرُواْ ثُمَّ أَخَذۡتُهُمۡۖ فَكَيۡفَ كَانَ
عِقَابِ ٣٢ أَفَمَنۡ هُوَ قَآئِمٌ عَلَىٰ كُلِّ نَفۡسِۭ بِمَا كَسَبَتۡۗ وَجَعَلُواْ
لِلَّهِ شُرَكَآءَ قُلۡ سَمُّوهُمۡۚ أَمۡ تُنَبِّـُٔونَهُۥ بِمَا لَا يَعۡلَمُ فِي ٱلۡأَرۡضِ أَم
بِظَٰهِرٖ مِّنَ ٱلۡقَوۡلِۗ بَلۡ زُيِّنَ لِلَّذِينَ كَفَرُواْ مَكۡرُهُمۡ وَصُدُّواْ عَنِ
ٱلسَّبِيلِۗ وَمَن يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنۡ هَادٖ ٣٣ لَّهُمۡ عَذَابٞ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَاۖ وَلَعَذَابُ ٱلۡأٓخِرَةِ أَشَقُّۖ وَمَا لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ مِن وَاقٖ ٣٤

29. Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар учун “тубо” (хушнудлик)* ва гўзал оқибат (жаннат) бордир.

30. (Эй, Муҳаммад!) Шундай қилиб, Сизни (кўпдан-кўп) умматлардан кейин келган бир умматга – улар ар-Раҳмон (Аллоҳни)* инкор қилиб турган ҳолларида – (Биз) Сизга ваҳий қилган нарсаларни тиловат қилиб беришингиз учун пайғамбар қилиб юбордик. Айтинг: «У менинг Раббимдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унгагина таваккул қилдим ва тавбам Унгагинадир».

31. Борди-ю, бир Қуръон бўлиб, унинг (кучи) билан тоғлар (жойидан) жилдирилса ё унинг (кучи) билан Ер ёрилса ёки унинг (кучи) билан ўликлар тилга киритилганда ҳам (кофирлар имон келтирмайдилар). Аксинча, барча иш Аллоҳ (изми)дадир. Имон келтирганлар агар Аллоҳ хоҳласа, барча одамларни албатта ҳидоят қилишини билмадиларми? То Аллоҳнинг ваъдаси келгунича (яъни Макка фатҳ қилингунича), куфрдаги кимсаларга ўзларининг қилмишлари сабабли турли балолар етар ёки уларнинг диёрларига яқин жойларга (офат) тушар (ва уларни нотинч қилар). Албатта, Аллоҳ ваъдага хилоф қилмагай.

32. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам масхара қилинганида, (Мен) ўша куфр йўлида бўлган кимсаларга (бироз) муҳлат бериб, сўнгра уларни (Ўзимнинг азобим билан) ушлаганман. Бас, (уларга берган) жазоларим қандай бўлди?!

33. Ҳар бир жоннинг қилган амали устидан (кузатиб) турувчи Зот (ҳис-туйғусиз бут-санамларга ўхшайдими?!) Улар (турли нарсаларни) Аллоҳга шерик қилиб олдилар. (Уларга) айтинг: «У бутларингизнинг номларини (ва қила оладиган ишларини) айтингиз-чи? Балки, (Аллоҳга) Ер юзидаги билмайдиган бирор нарсадан хабар берарсиз?! Ёки фақат юзаки гап билан (сўзларига ишониб, сиғиниб, юраверасизми?)» Йўқ! Куфрда бўлган кимсаларга ўзларининг макрлари чиройли қилиб кўрсатилди ва улар (ҳақиқий) йўлдан тўсилдилар. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, унинг учун бирор ҳидоятга солувчи (зот) бўлмас.

34. Улар учун дунё ҳаётида азоб бўлур. Охират азоби эса оғирроқдир. Уларни Аллоҳ (азоби)дан сақловчи (куч) йўқдир.

29-оят. “Тубо” сўзининг хушнудликдан бошқа бир неча маънолари ҳам бор. Масалан, ҳабаш тилида “Тубо” “жаннат”дир. “Тубо” жаннатдаги серсоя бир дарахтнинг номи. Ҳадисда: “Тубо – жаннат дарахти. Жаннат аҳлининг кийимлари ўша дарахтнинг гулғунчалари ичидан олинади” дейилган (Хз.).

30-оят. Пайғамбаримиз (а.с.) бир куни: “Ё Аллоҳ, Ё Раҳмон!” деб дуо қилиб турганларида Абу Жаҳл эшитиб қолиб, мушриклар орасида Муҳаммаднинг икки худоси бор экан, деган гапни тарқатган ва “Ар-Раҳмон” бу Ямома қабиласининг раҳмони – Мусайлимадир, деб гап тарқатган экан. Шу сабаб мазкур оят раддия сифатида нозил қилинган (Хз.).

۞ مَّثَلُ ٱلْجَنَّةِ ٱلَّتِى وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ ۖ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۖ
أُكُلُهَا دَآئِمٌ وَظِلُّهَا ۚ تِلْكَ عُقْبَى ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوا۟ ۖ وَّعُقْبَى
ٱلْكَٰفِرِينَ ٱلنَّارُ ﴿٣٥﴾ وَٱلَّذِينَ ءَاتَيْنَٰهُمُ ٱلْكِتَٰبَ يَفْرَحُونَ
بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْكَ ۖ وَمِنَ ٱلْأَحْزَابِ مَن يُنكِرُ بَعْضَهُۥ ۚ قُلْ إِنَّمَآ أُمِرْتُ
أَنْ أَعْبُدَ ٱللَّهَ وَلَآ أُشْرِكَ بِهِۦٓ ۚ إِلَيْهِ أَدْعُوا۟ وَإِلَيْهِ مَـَٔابِ ﴿٣٦﴾
وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَٰهُ حُكْمًا عَرَبِيًّا ۚ وَلَئِنِ ٱتَّبَعْتَ أَهْوَآءَهُم بَعْدَ مَا
جَآءَكَ مِنَ ٱلْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن وَلِىٍّ وَلَا وَاقٍ ﴿٣٧﴾ وَلَقَدْ
أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُمْ أَزْوَٰجًا وَذُرِّيَّةً ۚ وَمَا كَانَ
لِرَسُولٍ أَن يَأْتِىَ بِـَٔايَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۗ لِكُلِّ أَجَلٍ كِتَابٌ ﴿٣٨﴾
يَمْحُوا۟ ٱللَّهُ مَا يَشَآءُ وَيُثْبِتُ ۖ وَعِندَهُۥٓ أُمُّ ٱلْكِتَٰبِ ﴿٣٩﴾
وَإِن مَّا نُرِيَنَّكَ بَعْضَ ٱلَّذِى نَعِدُهُمْ أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ فَإِنَّمَا عَلَيْكَ
ٱلْبَلَٰغُ وَعَلَيْنَا ٱلْحِسَابُ ﴿٤٠﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا نَأْتِى ٱلْأَرْضَ نَنقُصُهَا
مِنْ أَطْرَافِهَا ۚ وَٱللَّهُ يَحْكُمُ لَا مُعَقِّبَ لِحُكْمِهِۦ ۚ وَهُوَ سَرِيعُ
ٱلْحِسَابِ ﴿٤١﴾ وَقَدْ مَكَرَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَلِلَّهِ ٱلْمَكْرُ جَمِيعًا ۖ
يَعْلَمُ مَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ ۗ وَسَيَعْلَمُ ٱلْكُفَّٰرُ لِمَنْ عُقْبَى ٱلدَّارِ ﴿٤٢﴾

35. Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) жорий, мевалари ва соялари боқийдир*. Бу тақво қилганларнинг оқибати (мукофоти)дир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир.

36. Биз Китоб (Таврот, Инжил) ато этган кишилар Сизга нозил қилинган нарса (Қуръон) сабабли шодланадилар. (Яҳудий ва насронийлардан иборат) гуруҳлар орасида (Қуръоннинг) айрим қисмини инкор этадиганлар ҳам бордир. (Уларга) айтинг: «Албатта, мен ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга ва Унга (бировни) шерик қилмасликка буюрилганман. Ўша зотгагина (ибодат қилишга) даъват этурман ва қайтишим (ҳам) Унинг ҳузуригадир».

37. Шунингдек, Биз уни (Қуръонни) арабий ҳукм сифатида нозил қилдик. Қасамки, агар Сизга келган (шу) билимдан сўнг уларнинг ҳаво (хоҳиш)ларига эргашсангиз, (билиб қўйингки) Сиз учун Аллоҳ (томони)дан бирор дўст ҳам, ҳимоячи ҳам йўқдир.

38. Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганмиз ва уларга хотинлар ва зурриётлар берганмиз. Ҳеч бир пайғамбар учун Аллоҳнинг изнисиз бирор мўъжиза келтириш мумкин эмас. Ҳар бир вақт учун (муносиб) битик (ҳукм) бордир.

39. Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукмни) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган ҳукмни) қолдиради. Она Китоб (Лавҳул-маҳфуз) Унинг ҳузуридадир*.

40. Агар Сизга (улар учун) ваъда қилган баъзи нарсаларни (яъни азобларимизни) кўрсатсак ҳам ёки Сизни (олдинроқ) вафот қилдирсак ҳам, албатта, Сизнинг зиммангизда (динни одамларга тўла) етказиш, Бизнинг зиммамизда эса ҳисоб (сўроқ) қилиш бордир.

41. (Макка мушриклари) Биз ер(лари)га келиб, уни атрофидан қисқартираётганимизни (фатҳ қилиниб келаётганини) кўрмадиларми?! Аллоҳ ҳукм қилур – Унинг ҳукмини таъқиб этувчи бўлмас. У тез ҳисоб (сўроқ) қилувчидир.

42. Улардан илгариги кимсалар ҳам (ўзларининг пайғамбарларига нисбатан) макр қилганлар. Бас, “макр”нинг ҳаммаси Аллоҳникидир. У ҳар бир жоннинг қилаётган ишини билур. Яқинда кофирлар диёр (охират) оқибати кимники эканини билажаклар.

35-оят. Жаннатда қуёш, ой, зулмат йўқ. Лекин доимий ёруғлик ва соя бор. Жаҳмия фирқаси жаннатдаги ноз-неъматлар маълум муддатдан кейин тугайди, деса, бошқалар – Абдулжаббор исмли бир мўътазилий жаннат ҳали-ҳануз яратилмаган, деб даъво қилган ва ноўрин далил келтирган (Хз.)

39-оят. Ушбу оят тафсирида ихтилофли фикрлар кўп. Масалан, шаръий ҳукмларни насх (бекор) қилиш ёки асл ҳолида қолдириш; тақдирда ёзилган битикларга ўзгартириш киритиш; номаи аъмолдаги ўзгаришлар; “Она китоб”дан мурод Лавҳул-маҳфуз ёки бошқа китоб экани тўғрисида ҳам ихтилофли тафсирлар бор (Тб. Мд. Хз.).

وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَسۡتَ مُرۡسَلٗاۚ قُلۡ كَفَىٰ بِٱللَّهِ
شَهِيدَۢا بَيۡنِي وَبَيۡنَكُمۡ وَمَنۡ عِندَهُۥ عِلۡمُ ٱلۡكِتَٰبِ ٤٣

ترتيبها ١٤ — سُورَةُ إِبۡرَٰهِيمَ — آياتها ٥٢

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓرۚ كِتَٰبٌ أَنزَلۡنَٰهُ إِلَيۡكَ لِتُخۡرِجَ ٱلنَّاسَ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ
إِلَى ٱلنُّورِ بِإِذۡنِ رَبِّهِمۡ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَمِيدِ ١
ٱللَّهِ ٱلَّذِي لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ وَوَيۡلٞ
لِّلۡكَٰفِرِينَ مِنۡ عَذَابٖ شَدِيدٍ ٢ ٱلَّذِينَ يَسۡتَحِبُّونَ
ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا عَلَى ٱلۡأٓخِرَةِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ
وَيَبۡغُونَهَا عِوَجًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ فِي ضَلَٰلِۢ بَعِيدٖ ٣ وَمَآ أَرۡسَلۡنَا
مِن رَّسُولٍ إِلَّا بِلِسَانِ قَوۡمِهِۦ لِيُبَيِّنَ لَهُمۡۖ فَيُضِلُّ ٱللَّهُ
مَن يَشَآءُ وَيَهۡدِي مَن يَشَآءُۚ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ
٤ وَلَقَدۡ أَرۡسَلۡنَا مُوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَآ أَنۡ أَخۡرِجۡ
قَوۡمَكَ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ وَذَكِّرۡهُم بِأَيَّىٰمِ
ٱللَّهِۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّكُلِّ صَبَّارٖ شَكُورٖ ٥

43. Кофир бўлган кимсалар (Сизга): «Пайғамбар эмассан», – дейдилар. Айтинг: «Мен билан сизларнинг орамизда Аллоҳ ва Китоб (Қуръон) илмидан хабардор бўлган кишилар гувоҳлик бўйича кифоя қилур».

Иброҳим сураси

Маккада нозил қилинган. 52 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Ро. (Эй, Муҳаммад! Бу Қуръон) Парвардигорларининг изни билан одамларни зулматлардан нурга, яъни қудрат ва ҳамд эгасининг йўлига олиб чиқишингиз учун Сизга Биз нозил қилган Китобдир.

2. (У) осмонлар ва Ердаги бор нарса Уники бўлган Аллоҳнинг (йўлидир). Қаттиқ азоб сабабидан кофирлар ҳолига вой!

3. Улар дунё ҳаётини охиратдан афзал биладиган, (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан қайтарадиган ва уни қинғир қилишни истайдиган кимсалардир. Улар (ҳақ йўлдан) йироқдаги гумроҳликдадирлар.

4. Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юбордик*. Бас, Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кимсани йўлдан оздирур ва (Ўзи) хоҳлаган кишини ҳидоят қилур. У қудратли ва ҳикматли зотдир.

5. Дарҳақиқат, Биз Мусони (Бани Исроил қавмига) мўъжизаларимиз* билан юбориб (унга дедик): «Қавмингни зулматлар* (куфр)дан нур (имон)га олиб чиққин ва уларга Аллоҳнинг кунларини (ўтмиш воқеаларини ёки неъматларини) эслатгин! Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукр қилувчи киши учун аломатлар бордир».

---

14. ИБРОҲИМ СУРАСИ

Иброҳим – пайғамбар номи.

Иброҳим (а.с.)нинг Қудс шаҳридан Маккага келишлари, у ерда қилган дуолари ҳақида оятлар бўлгани учун сурага шу ном берилган. Унда асосан – тавҳид, эътиқод, қиёмат, жаннат, дўзах, ҳисобот, пайғамбарларнинг юборилишидан кўзланган мақсад ва бошқа маълумотлар мавжуд.

4-оят. Муҳаммад (а.с.)ни араб миллатидан ҳамда араб тилида гапирувчи пайғамбар қилиб юборганидан бошқа миллатга мансуб кишилар у зотга уммат бўлишдан чиқиб қолмайди. Зеро, бошқа оятлардан бутун инсониятга юборилган пайғамбар эканлари ҳаммага маълум. Бундан ташқари Қуръон ва ҳадисларда баён этилган маълумотларни араб тилидан бошқа тилларга таржима қилиш мумкинлиги назарда тутилган (Мд. Хз.).

5-оят. Мусо (а.с.)га тўққиз хил мўъжиза берилган: ёруғлик таратувчи қўл, мўъжизакор асо, тўфон, чигиртка, бит-бурга, бақалар, қон-қаҳатчилик, меваларга етган офатлар (Абс.).

* “Зулматлар” сўзининг кўпликда келишидан мурод куфр, ширк, залолат, жаҳл ва бошқа кўп салбий сифатлардир. “Нур” сўзи бирликда келган. Зеро, ундан мурод – имон бўлиб, унинг йўли биттадир. У ҳам бўлса, чин эътиқод (Хз.).

وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ اذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ
إِذْ أَنجَاكُم مِّنْ آلِ فِرْعَوْنَ يَسُومُونَكُمْ سُوءَ الْعَذَابِ
وَيُذَبِّحُونَ أَبْنَاءَكُمْ وَيَسْتَحْيُونَ نِسَاءَكُمْ ۚ وَفِي
ذَٰلِكُم بَلَاءٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَظِيمٌ ﴿٦﴾ وَإِذْ تَأَذَّنَ
رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ۖ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ
عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾ وَقَالَ مُوسَىٰ إِن تَكْفُرُوا أَنتُمْ وَمَن فِي الْأَرْضِ
جَمِيعًا فَإِنَّ اللَّهَ لَغَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿٨﴾ أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَبَأُ الَّذِينَ
مِن قَبْلِكُمْ قَوْمِ نُوحٍ وَعَادٍ وَثَمُودَ ۛ وَالَّذِينَ مِن
بَعْدِهِمْ ۛ لَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا اللَّهُ ۚ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ
فَرَدُّوا أَيْدِيَهُمْ فِي أَفْوَاهِهِمْ وَقَالُوا إِنَّا كَفَرْنَا بِمَا أُرْسِلْتُم
بِهِ وَإِنَّا لَفِي شَكٍّ مِّمَّا تَدْعُونَنَا إِلَيْهِ مُرِيبٍ ﴿٩﴾ ۞ قَالَتْ
رُسُلُهُمْ أَفِي اللَّهِ شَكٌّ فَاطِرِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۖ يَدْعُوكُمْ
لِيَغْفِرَ لَكُم مِّن ذُنُوبِكُمْ وَيُؤَخِّرَكُمْ إِلَىٰ أَجَلٍ
مُّسَمًّى ۚ قَالُوا إِنْ أَنتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا تُرِيدُونَ أَن تَصُدُّونَا
عَمَّا كَانَ يَعْبُدُ آبَاؤُنَا فَأْتُونَا بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ ﴿١٠﴾

6. Ўшанда Мусо қавмига айтди: «Аллоҳнинг сизларга берган неъматини – сизларни оғир азоблар билан қийнаётган, ўғилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн зодагонларидан қутқарганимизни эслангиз. Ана ўша (иш)ларда Парвардигорингиз томонидан улкан синов бордир».

7. Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: «Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир»*.

8. Мусо (яна) деди: «Агар сизлар (Ўзингиз) ва Ер юзидаги барча кишилар кофир бўлсангиз ҳам (Аллоҳга ҳеч қандай зарар етказа олмайсиз). Зеро, Аллоҳ (сизларнинг шукр қилишингиздан) беҳожат ва ҳамд эгасидир».

9. Сизларга илгари ўтган кишиларнинг – Нуҳ, Од, Самуд қавмларининг ва улардан кейин ўтган, фақат Аллоҳгина биладиган қавмларнинг хабари келмадими? Уларга пайғамбарлари ҳужжатлари билан келганларида, улар қўллари билан (пайғамбарларнинг) оғизларини тўсиб, дедилар: «Биз сизлар элчи қилиб юборилган нарса (дин)га куфр келтирдик. Сизлар бизни даъват қилаётган нарсангиз (динингиз)дан биз шак(-шубҳа)дадирмиз».

10. Пайғамбарлари айтдилар: «Осмонлар ва Ернинг яратувчиси – Аллоҳ (борлиги ва бирлиги) хусусида шак борми?! У сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилиш ва ўзларингизни маълум муддатгача (ҳалок қилмай) кечиктириш учун (имонга) даъват қилмоқда-ку?!» Улар дедилар: «Сизлар (ҳам) бизга ўхшаган одамларсиз, фақат бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб ўтган нарсадан (бут ва санамларга сиғинишдан) қайтармоқчисиз, холос. Бас, (агар чин пайғамбар бўлсангиз) бизга аниқ бир ҳужжат (мўъжиза) келтирингиз-чи?!»

7-оят. Гарчи ушбу оятда шукр қилиш ва ношукрлик оқибатлари Исроил авлодига қарата айтилган бўлса-да, лекин унинг ҳукми умумий бўлиб, то қиёматга қадар келадиган барча инсонларга тегишлидир. Шукр қилиш ўз-ўзидан бўлмайди, балки ўзидаги моддий ва маънавий неъматлар ҳақида кўп мулоҳаза қилиш, улар берилган тақдирда қандай ҳолатда бўлишини тасаввур этиш, ўзидан қашшоқроқ, қийналганроқ кишиларни ёдга келтириш инсонни ўзидаги неъматлар учун Аллоҳга шукр қилишга ундайди. Бу иши инъом этувчига ҳам манзур бўлади. Натижада неъматнинг янада зиёда бўлишига сабаб бўлади. Аксинча ношукрлик, нонкўрлик каби ҳолатлар инъом этувчида нафрат ва ғазаб пайдо бўлишига олиб келади. Натижада берган неъматларини қайтариб олиш ёки бошқа офат ёхуд мусибатларга дучор қилиш йўли билан жазолаши жоиз бўлиб қолади (Хз.).

Ношукрлик инсонлараро муносабатларда ҳам ўзининг салбий натижаларини беради. Яхшиликни қадрлаб, имкони бўлса қайтариш айнан олижанобликдир.

قَالَتْ لَهُمْ رُسُلُهُمْ إِن نَّحْنُ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ
يَمُنُّ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۖ وَمَا كَانَ لَنَآ أَن نَّأْتِيَكُم
بِسُلْطَٰنٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ
﴿١١﴾ وَمَا لَنَآ أَلَّا نَتَوَكَّلَ عَلَى ٱللَّهِ وَقَدْ هَدَىٰنَا سُبُلَنَا ۚ
وَلَنَصْبِرَنَّ عَلَىٰ مَآ ءَاذَيْتُمُونَا ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُتَوَكِّلُونَ
﴿١٢﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِرُسُلِهِمْ لَنُخْرِجَنَّكُم مِّنْ
أَرْضِنَآ أَوْ لَتَعُودُنَّ فِى مِلَّتِنَا ۖ فَأَوْحَىٰٓ إِلَيْهِمْ رَبُّهُمْ لَنُهْلِكَنَّ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٣﴾ وَلَنُسْكِنَنَّكُمُ ٱلْأَرْضَ مِنۢ بَعْدِهِمْ ۚ
ذَٰلِكَ لِمَنْ خَافَ مَقَامِى وَخَافَ وَعِيدِ ﴿١٤﴾ وَٱسْتَفْتَحُوا۟
وَخَابَ كُلُّ جَبَّارٍ عَنِيدٍ ﴿١٥﴾ مِّن وَرَآئِهِۦ جَهَنَّمُ وَيُسْقَىٰ
مِن مَّآءٍ صَدِيدٍ ﴿١٦﴾ يَتَجَرَّعُهُۥ وَلَا يَكَادُ يُسِيغُهُۥ
وَيَأْتِيهِ ٱلْمَوْتُ مِن كُلِّ مَكَانٍ وَمَا هُوَ بِمَيِّتٍ ۖ وَمِن
وَرَآئِهِۦ عَذَابٌ غَلِيظٌ ﴿١٧﴾ مَّثَلُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِرَبِّهِمْ ۖ
أَعْمَٰلُهُمْ كَرَمَادٍ ٱشْتَدَّتْ بِهِ ٱلرِّيحُ فِى يَوْمٍ عَاصِفٍ ۖ لَّا يَقْدِرُونَ
مِمَّا كَسَبُوا۟ عَلَىٰ شَىْءٍ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلضَّلَٰلُ ٱلْبَعِيدُ ﴿١٨﴾

11. Пайғамбарлар уларга айтдилар: «(Тўғри) биз худди сизларга ўхшаган одамлармиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган бандаларига (пайғамбарлик) инъом қилур. Биз сизларга Аллоҳнинг иродасисиз бирор ҳужжат келтира олмаймиз. Имон келтирганлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар!*

12. Бизни (тўғри) йўлларимизга ҳидоят қилган Аллоҳга нечун таваккул қилмайлик?! Албатта, биз сизлар етказган азиятларга сабр қилурмиз! Таваккул қилувчилар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар!»

13. Куфр йўлидаги кимсалар ўз пайғамбарларига: «Албатта, биз сизларни еримиздан (ҳайдаб) чиқарурмиз ёки сизлар бизнинг динимизга қайтурсиз», – дедилар. Шунда Парвардигорлари уларга (пайғамбарларга): «Албатта, Биз золимларни ҳалок қилурмиз,

14. улардан сўнг (шу) ерга сизларни жойлаштирурмиз. Бу (ваъда) Менинг ҳузуримда (ҳисобот учун) туришдан қўрқувчи* ва Менинг огоҳлантиришимдан хавф қилувчи кишилар учундир»,– деб ваҳий юборди.

15. (Сўнгра пайғамбарлар Аллоҳдан) мадад тиладилар. Ҳар бир жабр ва саркашлик эгаси умидсиз бўлур.

16. Унинг рўпарасида жаҳаннам турар. (Жаҳаннамда) унга йиринг сувидан берилур.

17. Уни ютмоқчи бўлади-ю, (томоғидан) ўтказа олмайди, унга ҳар томондан ўлим келади-ю, у ўла олмайди. Унинг ортида (бундан ҳам) оғир азоб бордир.

18. Парвардигорларига кофир бўлганларнинг амаллари бамисоли бўронли кунда қаттиқ шамол учириб кетган кулдир – улар қилган амалларидан бирор (яхши) нарсага эга бўла олмайдилар. Бу ўта гумроҳликдир.

11-оят. Аллоҳга таваккул қилиш деганда, имонли кишиларнинг бошига тушган мусибат, балоофат ва синовлар Аллоҳнинг илми ва тақдири билан бўлаётганига ишонч ва имон ҳосил қилган ҳолда уларни даф қилишга ўзининг мажоли етмагач, Аллоҳнинг иродасига ҳавола қилиб, Ўзидан мадад сўраб туриш ва шу билан безовта бўлишдан ўзини тийиб, хотиржам ҳолатга тушиш, деб билиш лозим (Хз.).

14-оят. Қиёмат куни барча инсонлар Аллоҳнинг ҳузурида ҳисобот бериш учун жам бўлиб туриши жуда даҳшатли кечади. Улар ўша ерда уч юз йил тик ҳолда турар, ўтириш, дам олишга рухсат берилмас экан. Мўминларга бу туриш осон қилиб қўйилар экан, чунончи, намозларда тик туриш малол келмаганидек. Аммо кофирларга бу узоқ муддат тик туриш оғирлик қилганидан терлаб, оқиб тушган терларининг кўплигидан у кўлга айланиб, унда сузиб юрар эканлар. Мўминларга ҳисоб-китоб натижасини кутиб ўтиришлари учун оситиларига курсилар қўйилиб, устиларига булутлар соя солиб турар экан. Шунинг учун уларга мазкур узоқ муддат бир куннинг айрим соатларига тенг ўтгандек туюлар экан (Лс.).

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ إِن يَشَأْ
يُذْهِبْكُمْ وَيَأْتِ بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿١٩﴾ وَمَا ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ بِعَزِيزٍ
﴿٢٠﴾ وَبَرَزُوا۟ لِلَّهِ جَمِيعًا فَقَالَ ٱلضُّعَفَٰٓؤُا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوٓا۟
إِنَّا كُنَّا لَكُمْ تَبَعًا فَهَلْ أَنتُم مُّغْنُونَ عَنَّا مِنْ عَذَابِ ٱللَّهِ
مِن شَىْءٍ قَالُوا۟ لَوْ هَدَىٰنَا ٱللَّهُ لَهَدَيْنَٰكُمْ سَوَآءٌ عَلَيْنَآ
أَجَزِعْنَآ أَمْ صَبَرْنَا مَا لَنَا مِن مَّحِيصٍ ﴿٢١﴾ وَقَالَ ٱلشَّيْطَٰنُ
لَمَّا قُضِىَ ٱلْأَمْرُ إِنَّ ٱللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعْدَ ٱلْحَقِّ وَوَعَدتُّكُمْ
فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِىَ عَلَيْكُم مِّن سُلْطَٰنٍ إِلَّآ أَن دَعَوْتُكُمْ
فَٱسْتَجَبْتُمْ لِى فَلَا تَلُومُونِى وَلُومُوٓا۟ أَنفُسَكُم مَّآ أَنَا۠
بِمُصْرِخِكُمْ وَمَآ أَنتُم بِمُصْرِخِىَّ إِنِّى كَفَرْتُ بِمَآ
أَشْرَكْتُمُونِ مِن قَبْلُ إِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ
﴿٢٢﴾ وَأُدْخِلَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٍ
تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ تَحِيَّتُهُمْ
فِيهَا سَلَٰمٌ ﴿٢٣﴾ أَلَمْ تَرَ كَيْفَ ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا كَلِمَةً طَيِّبَةً
كَشَجَرَةٍ طَيِّبَةٍ أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِى ٱلسَّمَآءِ ﴿٢٤﴾

19. (Эй, инсон!) Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратиб қўйганини кўрмадингми?! Агар у хоҳласа сизларни кетказиб, (ўрнингизга) янги халқни келтирур.

20. Бу (иш) Аллоҳ учун қийин эмасдир.

21. (Қиёмат кунида) барча (халойиқ) Аллоҳга рўбарў бўлур. Бечораҳол (эргашувчи)лар мутакаббир (собиқ йўлбошчи бўлган)ларга: «Бизлар сизларга эргашувчи эдик, энди сизлар бизларни Аллоҳнинг бирор азобидан қутқара олурмисиз?» деганларида, улар айтадилар: «Агар Аллоҳ бизни (ҳақ йўлга) ҳидоят қилганида, биз ҳам сизларни ҳидоят қилган бўлур эдик. (Энди эса) бардошсизлик қиламизми, сабр-тоқат қиламизми, биз учун баробар. Биз учун ҳеч қандай паноҳ йўқдир»*.

22. Қачонки, иш битгач (яъни жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилингач), шайтон дейди: «Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен ҳам ваъда бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чорладим. Сизлар менга ижобат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам берувчи эмассиз. Сизлар илгари мени (Аллоҳга) шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, золимлар (кофирлар) учун (охиратда) аламли азоб бордир».

23. Имон келтирган ва эзгу ишлар қилганлар остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритилиб, Парвардигорларининг изни билан у жойда мангу қолурлар. Уларнинг (жаннатдаги) кўришишлари (ўзаро) саломлашишдан иборатдир.

24. (Эй, инсон!) Аллоҳ пок сўзга (яъни имон калимасига)* қандай мисол келтирганини кўрмадингми?! (У сўз) худди бир яхши дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи (ер остига) ўрнашган, шохи эса осмондадир.

21-оят. Демак, қиёмат куни Аллоҳ таоло бир-бирини тўғри йўлдан чалғитиб адаштирганларга ўзаро баҳслашиб олишларига ҳам имконият яратиб берар экан. Ўшанда ўз ортидан эргаштирган, катта ваъдаларни берган “раҳнамолар”нинг айтганлари ҳам, уларнинг сўзига учиб, залолатда ўтган гумроҳларнинг узри ҳам Аллоҳнинг ҳузурида қабул қилинмас экан. Ҳатто, шайтон ҳам ўзини оқлаб, ҳамма айбни инсоннинг ўзига ағдариб қўяр экан.

24-оят. Имон калимаси – “Ло илоҳа иллаллоҳ”. “Яхши дарахт” – хурмо дарахти. Дарахтдан мурод – имон. Имоннинг асли, яъни илдизи дилдаги тасдиқ. Шохи эса, тилдаги иқрор, деб изоҳ берилган. Имоннинг меваси амалдир. Меваси бўлмаса ҳам дарахт саналганидек, мўмин кишининг амали бўлмаса ҳам шаръан мўминлик номи туради, кофир ҳисобланмайди. Лекин дарахт одатда мева олиш учун экилади. Мевасиз дарахт эса, оловга ўтин бўлишга лойиқдир.

تُؤۡتِيٓ أُكُلَهَا كُلَّ حِينِۢ بِإِذۡنِ رَبِّهَاۗ وَيَضۡرِبُ ٱللَّهُ ٱلۡأَمۡثَالَ
لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمۡ يَتَذَكَّرُونَ ٢٥ وَمَثَلُ كَلِمَةٍ خَبِيثَةٖ
كَشَجَرَةٍ خَبِيثَةٍ ٱجۡتُثَّتۡ مِن فَوۡقِ ٱلۡأَرۡضِ مَا لَهَا مِن قَرَارٖ
٢٦ يُثَبِّتُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱلۡقَوۡلِ ٱلثَّابِتِ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَا وَفِي ٱلۡأٓخِرَةِۖ وَيُضِلُّ ٱللَّهُ ٱلظَّٰلِمِينَۚ وَيَفۡعَلُ
ٱللَّهُ مَا يَشَآءُ ٢٧ ۞ أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ بَدَّلُواْ نِعۡمَتَ ٱللَّهِ كُفۡرٗا
وَأَحَلُّواْ قَوۡمَهُمۡ دَارَ ٱلۡبَوَارِ ٢٨ جَهَنَّمَ يَصۡلَوۡنَهَاۖ وَبِئۡسَ
ٱلۡقَرَارُ ٢٩ وَجَعَلُواْ لِلَّهِ أَندَادٗا لِّيُضِلُّواْ عَن سَبِيلِهِۦۗ قُلۡ
تَمَتَّعُواْ فَإِنَّ مَصِيرَكُمۡ إِلَى ٱلنَّارِ ٣٠ قُل لِّعِبَادِيَ ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ يُقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُنفِقُواْ مِمَّا رَزَقۡنَٰهُمۡ سِرّٗا وَعَلَانِيَةٗ
مِّن قَبۡلِ أَن يَأۡتِيَ يَوۡمٞ لَّا بَيۡعٞ فِيهِ وَلَا خِلَٰلٌ ٣١ ٱللَّهُ ٱلَّذِي خَلَقَ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَأَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَأَخۡرَجَ
بِهِۦ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ رِزۡقٗا لَّكُمۡۖ وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلۡفُلۡكَ لِتَجۡرِيَ
فِي ٱلۡبَحۡرِ بِأَمۡرِهِۦۖ وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلۡأَنۡهَٰرَ ٣٢ وَسَخَّرَ لَكُمُ
ٱلشَّمۡسَ وَٱلۡقَمَرَ دَآئِبَيۡنِۖ وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَ ٣٣

25. Парвардигорининг изни билан (у) мудом мева берур. Аллоҳ одамлар эслатма олишлари учун мана шундай мисолларни келтирур.

26. Ёмон сўзнинг (яъни куфр сўзининг) мисоли эса ер юзасидан (илдизи) узилиб қолган, бир жойда қарори йўқ нопок дарахтга ўхшар*.

27. Аллоҳ имон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор Сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилур*. Золимларни эса, Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган ишни қилур.

28. (Эй, инсон!) Аллоҳнинг неъмати (имон)ни куфрга алмаштириб юборган ва қавмларини “ҳалокат диёри”га қулатган кимсаларни кўрмадингми?!*

29. (Ҳалокат диёри) улар куйдириладиган жаҳаннамдир. Нақадар ёмон қароргоҳ!

30. Улар (одамларни) Унинг йўлидан оздириш учун Аллоҳга «тенг» (маъбуда)ларни (ўйлаб) топдилар. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Фойдаланиб қолингиз! Бас, албатта, охири борадиган жойингиз дўзахдир».

31. (Эй, Муҳаммад!) Имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни баркамол адо этсинлар ҳамда савдо-сотиқ ва ошна-оғайнигарчилик бўлмайдиган Кун (қиёмат) келмай туриб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилсинлар!

32. Аллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у сабабли сизларга ризқ бўладиган меваларни чиқарган зотдир. У (Ўз) амри билан денгизда сузиб юриши учун кемаларни сизларга бўйин сундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўйин сундирди.

33. (У) доимо фаолият кўрсатиб турувчи қуёш ва ойни ҳам сизларга бўйин сундирди. Яна кеча ва кундузни сизларга бўйин сундирди.

26-оят. Анас (рз.) айтади: “Расул (а.с.) бир куни бир идишда хурмо мевасини олиб келиб бизга, илдизи ерда собит, шохи фалак узра, Парвардигори изни билан мудом мева берадиган дарахт мана шу хурмонинг дарахтидир. Ерда қарор топмай, илдизи узилган дарахт эса, Абу Жаҳл тарвузи (итхамак)дир, дедилар” (Тр. Хз.).

27-оят. Мўминларни имон калимаси билан собитқадам қилиши ушбу ҳадисда ҳам қайд қилинган: “Банда қабрга қўйилиб, одамлар қайтганда маййит уларнинг оёқ товушларини эшитиб ётади. Шундан сўнг икки фаришта кириб, Муҳаммад (а.с.) тўғрисида нима дейсан, деб сўрайди. Агар маййит мўмин бўлса, У Аллоҳнинг бандаси ва расули, деб гувоҳлик беради. Шунда фаришталар дўзахдаги жойини кўрсатиб, уни Аллоҳ жаннатдаги бир жойга алмаштириб қўйганини айтади. У ҳар икки жойни кўради. Аммо кофир Муҳаммад (а.с.) тўғрисида нотўғри ва ботил эътиқодда бўлганини айтгач, унга қаттиқ азоб берилади. Қабр азоби туфайли қилган фарёдини инсу жиндан бошқа ҳамма жонзот эшитади” (Бх. Мс.).

Ушбу оят ва мазкур ҳадис қабр азоби ҳақлигига далилдир.

وَءَاتَىٰكُم مِّن كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ ۚ وَإِن تَعُدُّوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ
لَا تُحْصُوهَآ ۗ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴿٣٤﴾ وَإِذْ
قَالَ إِبْرَٰهِيمُ رَبِّ ٱجْعَلْ هَٰذَا ٱلْبَلَدَ ءَامِنًا وَٱجْنُبْنِى وَبَنِىَّ
أَن نَّعْبُدَ ٱلْأَصْنَامَ ﴿٣٥﴾ رَبِّ إِنَّهُنَّ أَضْلَلْنَ كَثِيرًا مِّنَ ٱلنَّاسِ ۖ
فَمَن تَبِعَنِى فَإِنَّهُۥ مِنِّى ۖ وَمَنْ عَصَانِى فَإِنَّكَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٦﴾
رَّبَّنَآ إِنِّىٓ أَسْكَنتُ مِن ذُرِّيَّتِى بِوَادٍ غَيْرِ ذِى زَرْعٍ عِندَ بَيْتِكَ
ٱلْمُحَرَّمِ رَبَّنَا لِيُقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ فَٱجْعَلْ أَفْـِٔدَةً مِّنَ ٱلنَّاسِ
تَهْوِىٓ إِلَيْهِمْ وَٱرْزُقْهُم مِّنَ ٱلثَّمَرَٰتِ لَعَلَّهُمْ يَشْكُرُونَ ﴿٣٧﴾
رَبَّنَآ إِنَّكَ تَعْلَمُ مَا نُخْفِى وَمَا نُعْلِنُ ۗ وَمَا يَخْفَىٰ عَلَى ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ
فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا فِى ٱلسَّمَآءِ ﴿٣٨﴾ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى وَهَبَ لِى
عَلَى ٱلْكِبَرِ إِسْمَٰعِيلَ وَإِسْحَٰقَ ۚ إِنَّ رَبِّى لَسَمِيعُ ٱلدُّعَآءِ ﴿٣٩﴾
رَبِّ ٱجْعَلْنِى مُقِيمَ ٱلصَّلَوٰةِ وَمِن ذُرِّيَّتِى ۚ رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ
دُعَآءِ ﴿٤٠﴾ رَبَّنَا ٱغْفِرْ لِى وَلِوَٰلِدَىَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ
ٱلْحِسَابُ ﴿٤١﴾ وَلَا تَحْسَبَنَّ ٱللَّهَ غَٰفِلًا عَمَّا يَعْمَلُ
ٱلظَّٰلِمُونَ ۚ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ ٱلْأَبْصَٰرُ ﴿٤٢﴾

34. Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, инсон (ўзига) ўта золим ва (Раббига) жуда ношукрдир.

35. (Эй, Муҳаммад!) Эсланг, Иброҳим айтган эди: «Эй, Раббим! Бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч қилгин, мени ва авлодларимни санамларга сиғинишдан йироқ қилгин!

36. Эй, Раббим! У (санам)лар кўп одамларни йўлдан оздирди. Бас, ким менга эргашса, ана ўша мендандир (менинг динимдадир). Ким менга итоатсизлик қилса, яна Ўзинг кечиримли ва меҳрибонсан.

37. Эй, Раббимиз! Мен зурриётимдан (бир қисмини – ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим*. Эй, Раббимиз! (Улар) намозни баркамол адо этсинлар деб (шундай қилдим). Бас, Сен Ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйгин ва уларни (барча) мевалардан озиқлантиргин, шояд (шунда) шукр қилсалар.

38. Эй, Раббимиз! Сен бизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсамизни ҳам билурсан. Аллоҳга Ерда ҳам, осмонда ҳам бирор нарса махфий эмасдир.

39. Менга кексаликда Исмоил ва Исҳоқни берган Аллоҳга ҳамд айтаман. Албатта, Раббим дуони (қабул қилиш учун) эшитувчидир.

40. Эй, Раббим! Мени ва зурриётимдан (кўп фарзандларимни) намозни баркамол адо этувчи қилгин!* Эй, Раббимиз! Дуоимни қабул эт!

41. Эй, Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!»

42. (Эй, Муҳаммад!) Сиз зинҳор золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан Аллоҳни ғофил, деб ҳисобламанг! Фақат Аллоҳ уларни (жазолашни) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган кунга (қиёматга) қолдирмоқда, холос.

37-оят. Иброҳим (а.с.)нинг катта хотини Сора туғмагандан кейин, унинг чўриси Ҳожарга уйланади. У ҳомиладор бўлгач, Сора рашк қилавергач, бир ривоятда Ҳожар туғишидан олдин, бошқа ривоятда Исмоилни туққанидан кейин Иброҳим (а.с.) она-болани Макка водийсига элтиб қўяди. Демак, Исмоил (а.с.) Қудс ёки Маккада туғилган бўлади. Ҳар икки ривоят ҳам оятга тўғри келаверади. Ҳожар билан ёш Исмоилга биринчи навбатда сув керак эди. Ҳақ таоло ўз қудрати билан жазирама водийдан Замзам булоғини оқизиб қўяди. Шундан кейин Сора ҳам ўғил туғади. Отини Исҳоқ қўядилар.

40-оят. Ибн Аббос (рз.) айтади: "Қиёматгача Иброҳим (а.с.) зурриётидан мусулмон авлод туғилиб туради". Оятдан ҳамма зурриёти эмас, маълум қисми исломда, қолган қисми куфрда бўлишини ваҳий орқали билганлари маълум бўлади (Мд.).

مُهۡطِعِينَ مُقۡنِعِي رُءُوسِهِمۡ لَا يَرۡتَدُّ إِلَيۡهِمۡ طَرۡفُهُمۡۖ وَأَفۡـِٔدَتُهُمۡ
هَوَآءٞ ٤٣ وَأَنذِرِ ٱلنَّاسَ يَوۡمَ يَأۡتِيهِمُ ٱلۡعَذَابُ فَيَقُولُ ٱلَّذِينَ
ظَلَمُواْ رَبَّنَآ أَخِّرۡنَآ إِلَىٰٓ أَجَلٖ قَرِيبٖ نُّجِبۡ دَعۡوَتَكَ وَنَتَّبِعِ
ٱلرُّسُلَۗ أَوَلَمۡ تَكُونُوٓاْ أَقۡسَمۡتُم مِّن قَبۡلُ مَا لَكُم
مِّن زَوَالٖ ٤٤ وَسَكَنتُمۡ فِي مَسَٰكِنِ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓاْ
أَنفُسَهُمۡ وَتَبَيَّنَ لَكُمۡ كَيۡفَ فَعَلۡنَا بِهِمۡ وَضَرَبۡنَا
لَكُمُ ٱلۡأَمۡثَالَ ٤٥ وَقَدۡ مَكَرُواْ مَكۡرَهُمۡ وَعِندَ ٱللَّهِ
مَكۡرُهُمۡ وَإِن كَانَ مَكۡرُهُمۡ لِتَزُولَ مِنۡهُ ٱلۡجِبَالُ
٤٦ فَلَا تَحۡسَبَنَّ ٱللَّهَ مُخۡلِفَ وَعۡدِهِۦ رُسُلَهُۥٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٞ
ذُو ٱنتِقَامٖ ٤٧ يَوۡمَ تُبَدَّلُ ٱلۡأَرۡضُ غَيۡرَ ٱلۡأَرۡضِ وَٱلسَّمَٰوَٰتُۖ
وَبَرَزُواْ لِلَّهِ ٱلۡوَٰحِدِ ٱلۡقَهَّارِ ٤٨ وَتَرَى ٱلۡمُجۡرِمِينَ يَوۡمَئِذٖ
مُّقَرَّنِينَ فِي ٱلۡأَصۡفَادِ ٤٩ سَرَابِيلُهُم مِّن قَطِرَانٖ وَتَغۡشَىٰ
وُجُوهَهُمُ ٱلنَّارُ ٥٠ لِيَجۡزِيَ ٱللَّهُ كُلَّ نَفۡسٖ مَّا كَسَبَتۡۚ
إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ٥١ هَٰذَا بَلَٰغٞ لِّلنَّاسِ وَلِيُنذَرُواْ
بِهِۦ وَلِيَعۡلَمُوٓاْ أَنَّمَا هُوَ إِلَٰهٞ وَٰحِدٞ وَلِيَذَّكَّرَ أُوْلُواْ ٱلۡأَلۡبَٰبِ ٥٢

43. (У куни) улар бошларини (осмонга) кўтариб, (чорланган томонга) югурган ҳолда (бўлурлар). Кўзлари (қотганича) ўзларига қайтмайди. Юраклари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур*.

44. (Эй, Муҳаммад!) Одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келадиган куни (қиёматда) зулм қилганлар: «Эй, Раббимиз! Бизларга озгина муҳлат бергин, Сенинг даъватингга ижобат қилурмиз ва пайғамбарларга эргашурмиз», – дейдилар. (Уларга шундай жавоб қилинур): «Илгари (ёруғ дунёда) заволга юз тутмаслигингиз (ўлмаслигингиз) ҳақида қасам ичган эмасмидингиз?!

45. Сизлар ўзларига зулм қилганларнинг масканларига (ўлганларидан кейин) жойлашган эдингиз. Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ бўлган эди. Биз сизлар учун мисоллар ҳам келтирган эдик».

46. Дарҳақиқат, улар (мушриклар) ўзларининг макрларини қилдилар. (Лекин) агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг (бу) макрлари Аллоҳ ҳузурида (қайд этилган)дир.

47. (Эй, Муҳаммад!) Аллоҳни ўз пайғамбарларига берадиган ваъдасига хилоф қилувчи, деб ҳисобламанг! Албатта, Аллоҳ қудратли ва интиқом (ўч) олувчидир.

48. Бу Ер бошқа Ерга ва осмонлар (ўзга осмонларга) алмаштириладиган* ҳамда (барча одамлар) ёлғиз ва ғолиб Аллоҳга рўбарў бўладиган Кунда (қиёматда интиқом олувчи)дир.

49. (Эй,Муҳаммад!) Ўша (қиёмат) куни жиноятчиларни кишанлар билан боғланган ҳолларида кўражаксиз.

50. Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов ўраб олур.

51. Аллоҳ ҳар бир жонга қилмишига яраша жазо бериш учун (шундай қилур). Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчидир.

52. Бу (оятлар) одамлар огоҳлантирилишлари ва (Аллоҳ) ягона илоҳ эканини билишлари ҳамда ақл эгалари эслатма олишлари учун бир баёнотдир.

43-оят. Қиёмат шиддатидан юракларида қувват ва шижоатдан асар қолмайди.

48-оят. Қиёмат куни бу дунёда кўриб, яшаб юрган еримиз, кўриб юрган осмонимиз ҳам янгиланар экан. Лекин ўзими ёки сифати ўзгарадими, бу хусусда турли тафсирлар бор. Масалан, Ибн Аббос (рз.) Ер ва осмонларнинг ўзи эмас, сифатлари ўзгаради. Масалан, Ердаги тоғлар кетиб, сувлар қуриб, текис ҳолатга айланади. Осмондан қуёш, ой, юлдузлар олиб ташланиб, эшиклар очилади, деса, Ибн Масъуд (рз.), Ер кумушдан, осмонлар олтиндан қайта ясалади, дейди. Убай ибн Каъб (рз.), Ер дўзахга, осмонлар жаннатга айлантирилади, дейди. Ер яхлит нонга айланади ва ундан жаннат аҳли тановул қилиб туради, деган ривоят ҳам бор (Хз. Мд.).



ЎН ТЎРТИНЧИ ПОРА

Ҳижр сураси

Маккада нозил қилинган. 99 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбу (оят)лар Китоб (Таврот, Инжил) ва аниқ Қуръон оятларидир.

2. Кофир бўлганлар (дунёда) мусулмон бўлмаганлари учун (қиёматда) армонда бўлурлар.

3. (Эй, Муҳаммад!) Уларга қўйиб беринг: есинлар, фойдалансинлар ва орзулар уларни машғул қилаверсин! Бас, яқинда (қилмишларининг оқибатини) билиб олурлар.

4. Бирор шаҳар (аҳолиси)ни унинг учун маълум муддат ўтмагунча ҳалок қилмаганмиз.

5. Бирор уммат ўз ажалидан илгари кета олмайди ва (ундан) кечикмайди ҳам.

6. Улар (Макка кофирлари Муҳаммадга) айтадилар: «Эй, зикр (Қуръон) нозил қилинган киши, дарҳақиқат, сен мажнунсан.

7. Агар (даъвоингда) ростгўйлардан бўлсанг, бизга (гувоҳ) фаришталарни келтир!»

8. Биз эса, фаришталарни фақат ҳақ (ҳикмат) билангина туширурмиз ва бу ҳолда улар (кофирлар)ни кутиб турилмас (ҳалок қилинурлар).

9. Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагувчидирмиз.

10. Биз Сиздан олдин, аввалги тоифаларга ҳам (пайғамбарлар) юборганмиз.

11. Улар ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилмасдан қўймас эдилар.

12. Шунингдек, уни (масхара қилиш истагини) барча жиноятчиларнинг дилларига солиб қўюрмиз.

13. (Улар) унга (Қуръонга) имон келтирмайдилар. Ҳолбуки, аввалгиларнинг йўллари (тажрибадан) ўтган эди.

14. Борди-ю, уларга осмондан бир дарвоза очиб қўйсаг-у, ундан (осмонга) кўтарила бошласалар ҳам,

15. «шаксиз, бизларнинг кўзларимиз боғланиб қолди, балки бизлар сеҳрланиб қолган қавмдирмиз», – деган бўлур эдилар.

---

15. ҲИЖР СУРАСИ

Ҳижр – Мадина билан Шом ўртасидаги водийлардан бири.

Сурада пайғамбарларга мухолифлик қилган умматларнинг ҳалокати, Еру осмон, қуёш, ой, шамол, сув каби неъматларнинг ҳаммаси инсон хизматида экани, Одам (а.с.)ни лойдан ясалганига таъна қилиб, оловдан яратилган шайтоннинг унга сажда қилишдан бош тортгани, Иброҳим, Лут, Шуайб, Солиҳ (а.с.)ларнинг қиссалари ва бошқа маълумотлар баён этилган.

16. (Биз) осмонда буржлар* яратдик ва кузатувчилар учун уни (юлдузлар билан) безаб қўйдик.

17. Яна уни (осмонни) барча қувғин этилган шайтонлардан муҳофаза қилдик*.

18. Илло (у жинлардан) бирортаси (малоикаларнинг сўзини) яширинча эшитиб олса, бас, уни очиқ (учар) юлдуз қувиб етар (ҳалок этар).

19. Ерни эса, уни ёйдик ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда (ҳар ернинг ўзига) мос турли нарсаларни (ўсимлик ва меваларни) ундирдик.

20. Яна унда (ерда) сизлар учун ҳам, сизлар ризқлантирувчиси саналмайдиганлар* учун ҳам тирикчилик (ризқу-насибалар)ни яратиб қўйдик.

21. Ҳар бир нарсанинг хазиналари Бизнинг даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни маълум ўлчов билан (сизларга) туширурмиз.

22. Биз шамолларни (булутларга) «ҳомиладор» бўлган ҳолида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан суғордик. Сизлар уни ғамлаб олувчи эмассиз.

23. Албатта, Биз (барча жонзотни) тирилтирурмиз ва ўлдирурмиз. Биз – ворислардирмиз.

24. Биз сизлардан илгари ўтганларни билдик. Биз яна кейин келувчиларни ҳам билдик.

25. Албатта, Раббингизнинг Ўзи (қиёмат куни) уларни тўплагай. Албатта, У ҳикмат ва билим соҳибидир.

26. Биз инсонни (Одамни) қора балчиқдан (олиб) қуритилган лойдан яратганмиз.

27. Жин (яъни Иблис)ни эса (Одамдан) илгари алангали оловдан яратган эдик*.

28. (Эй, Муҳаммад!) Эсланг, Раббингиз фаришталарга: «Мен (асли) қора балчиқдан (олиб) қуритилган лойдан инсон яратувчиман.

وَلَقَدۡ جَعَلۡنَا فِي ٱلسَّمَآءِ بُرُوجٗا وَزَيَّنَّٰهَا لِلنَّٰظِرِينَ ﴿١٦﴾
وَحَفِظۡنَٰهَا مِن كُلِّ شَيۡطَٰنٖ رَّجِيمٍ ﴿١٧﴾ إِلَّا مَنِ ٱسۡتَرَقَ ٱلسَّمۡعَ
فَأَتۡبَعَهُۥ شِهَابٞ مُّبِينٞ ﴿١٨﴾ وَٱلۡأَرۡضَ مَدَدۡنَٰهَا وَأَلۡقَيۡنَا فِيهَا
رَوَٰسِيَ وَأَنۢبَتۡنَا فِيهَا مِن كُلِّ شَيۡءٖ مَّوۡزُونٖ ﴿١٩﴾ وَجَعَلۡنَا لَكُمۡ فِيهَا
مَعَٰيِشَ وَمَن لَّسۡتُمۡ لَهُۥ بِرَٰزِقِينَ ﴿٢٠﴾ وَإِن مِّن شَيۡءٍ إِلَّا عِندَنَا
خَزَآئِنُهُۥ وَمَا نُنَزِّلُهُۥٓ إِلَّا بِقَدَرٖ مَّعۡلُومٖ ﴿٢١﴾ وَأَرۡسَلۡنَا ٱلرِّيَٰحَ
لَوَٰقِحَ فَأَنزَلۡنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَأَسۡقَيۡنَٰكُمُوهُ وَمَآ أَنتُمۡ لَهُۥ
بِخَٰزِنِينَ ﴿٢٢﴾ وَإِنَّا لَنَحۡنُ نُحۡيِۦ وَنُمِيتُ وَنَحۡنُ ٱلۡوَٰرِثُونَ ﴿٢٣﴾
وَلَقَدۡ عَلِمۡنَا ٱلۡمُسۡتَقۡدِمِينَ مِنكُمۡ وَلَقَدۡ عَلِمۡنَا ٱلۡمُسۡتَـٔۡخِرِينَ ﴿٢٤﴾
وَإِنَّ رَبَّكَ هُوَ يَحۡشُرُهُمۡۚ إِنَّهُۥ حَكِيمٌ عَلِيمٞ ﴿٢٥﴾ وَلَقَدۡ خَلَقۡنَا ٱلۡإِنسَٰنَ
مِن صَلۡصَٰلٖ مِّنۡ حَمَإٖ مَّسۡنُونٖ ﴿٢٦﴾ وَٱلۡجَآنَّ خَلَقۡنَٰهُ مِن قَبۡلُ مِن نَّارِ
ٱلسَّمُومِ ﴿٢٧﴾ وَإِذۡ قَالَ رَبُّكَ لِلۡمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّي خَٰلِقُۢ بَشَرٗا مِّن
صَلۡصَٰلٖ مِّنۡ حَمَإٖ مَّسۡنُونٖ ﴿٢٨﴾ فَإِذَا سَوَّيۡتُهُۥ وَنَفَخۡتُ فِيهِ مِن
رُّوحِي فَقَعُواْ لَهُۥ سَٰجِدِينَ ﴿٢٩﴾ فَسَجَدَ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ كُلُّهُمۡ
أَجۡمَعُونَ ﴿٣٠﴾ إِلَّآ إِبۡلِيسَ أَبَىٰٓ أَن يَكُونَ مَعَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٣١﴾

29. Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!»,– деди.

30. Барча фаришталар жам бўлиб, унга (Одамга) сажда қилдилар.

31. Фақат Иблис сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди.

16-оят. Осмоннинг ўн икки буржи – ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадий, далв, ҳут бўлиб, қуёш уларни 360 даража билан бир йил мобайнида кесиб ўтади. Ойнинг ҳам шу каби ўн икки буржи мавжуд.

Осмон буржларидан мурод улардаги ўн икки қаср бўлиб, у ерда қўриқчи фаришталар туради, деган тафсир ҳам бор (Хз.).

17-оят. Ибн Аббос (рз.) айтади: “Жин ва шайтонлар учун осмон эшиклари очиқ эди. Улар фаришталардан кўп хабарларни эшитиб олиб, ердаги коҳин, фолбинларга етказиб турар эдилар. Исо (а.с.) туғилганида учта осмон, Муҳаммад (а.с.) туғилганларида барча осмонлардан тўсилиб қолишди. Иблисга бу ҳақда шикоят қилишганда, Ерда бирор ҳодиса рўй берган-дир, дейди. Ерга тушиб қарашса, Муҳаммад (а.с.) Қуръон ўқиб ўтирган эканлар” (Мд. Хз.).

20-оят. Яъни аҳлу аёлларингиз, хизматкорларингиз, чорваларингиз учун ҳам аслида Биз ризқ ато этамиз (Мд.).

27-оят. Иблисга Аллоҳ таоло кўп илмларни билдирган эди.

قَالَ يَٰٓإِبۡلِيسُ مَا لَكَ أَلَّا تَكُونَ مَعَ ٱلسَّٰجِدِينَ ٣٢ قَالَ لَمۡ أَكُن
لِّأَسۡجُدَ لِبَشَرٍ خَلَقۡتَهُۥ مِن صَلۡصَٰلٖ مِّنۡ حَمَإٖ مَّسۡنُونٖ ٣٣ قَالَ
فَٱخۡرُجۡ مِنۡهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٞ ٣٤ وَإِنَّ عَلَيۡكَ ٱللَّعۡنَةَ إِلَىٰ يَوۡمِ
ٱلدِّينِ ٣٥ قَالَ رَبِّ فَأَنظِرۡنِيٓ إِلَىٰ يَوۡمِ يُبۡعَثُونَ ٣٦ قَالَ فَإِنَّكَ
مِنَ ٱلۡمُنظَرِينَ ٣٧ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡوَقۡتِ ٱلۡمَعۡلُومِ ٣٨ قَالَ رَبِّ بِمَآ
أَغۡوَيۡتَنِي لَأُزَيِّنَنَّ لَهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَأُغۡوِيَنَّهُمۡ أَجۡمَعِينَ ٣٩
إِلَّا عِبَادَكَ مِنۡهُمُ ٱلۡمُخۡلَصِينَ ٤٠ قَالَ هَٰذَا صِرَٰطٌ عَلَيَّ
مُسۡتَقِيمٌ ٤١ إِنَّ عِبَادِي لَيۡسَ لَكَ عَلَيۡهِمۡ سُلۡطَٰنٌ إِلَّا مَنِ
ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلۡغَاوِينَ ٤٢ وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمَوۡعِدُهُمۡ أَجۡمَعِينَ ٤٣
لَهَا سَبۡعَةُ أَبۡوَٰبٖ لِّكُلِّ بَابٖ مِّنۡهُمۡ جُزۡءٞ مَّقۡسُومٌ ٤٤ إِنَّ
ٱلۡمُتَّقِينَ فِي جَنَّٰتٖ وَعُيُونٍ ٤٥ ٱدۡخُلُوهَا بِسَلَٰمٍ ءَامِنِينَ ٤٦
وَنَزَعۡنَا مَا فِي صُدُورِهِم مِّنۡ غِلٍّ إِخۡوَٰنًا عَلَىٰ سُرُرٖ مُّتَقَٰبِلِينَ
٤٧ لَا يَمَسُّهُمۡ فِيهَا نَصَبٞ وَمَا هُم مِّنۡهَا بِمُخۡرَجِينَ ٤٨
۞ نَبِّئۡ عِبَادِيٓ أَنِّيٓ أَنَا ٱلۡغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ٤٩ وَأَنَّ عَذَابِي
هُوَ ٱلۡعَذَابُ ٱلۡأَلِيمُ ٥٠ وَنَبِّئۡهُمۡ عَن ضَيۡفِ إِبۡرَٰهِيمَ ٥١

32. (Шунда Аллоҳ) деди: «Эй, Иблис! Сенга не бўлдики, сажда қилувчилар билан бирга бўлмадинг?»

33. (У) айтди: «Мен қора балчиқдан олиб, (одам сурати берилгач) қуритилган лойдан Сен яратган башарга сажда қилувчи эмасман».

34. (Аллоҳ) деди: «Бас, ундан (жаннатдан)* чиқ! Энди сен, (Менинг даргоҳимдан) қувилган – малъунсан.

35. То жазо куни (қиёмат)гача сенга лаънат бўлур».

36. (У) деди: «Эй, Раббим! У ҳолда менга (улар) қайта тириладиган кунгача (қиёматгача) муҳлат бергин!»

37. (Аллоҳ) деди: «Бас, сен муҳлат берилганлардансан

38. маълум вақт (қиёмат) кунигача».

39. (Иблис) айтди: «Эй, Раббим! Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли, албатта, уларга (Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта, уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман.

40. Илло уларнинг орасидаги ихлосли бандаларинггина (бундан мустаснодир).

41. (Аллоҳ) деди: «Менинг зиммамдаги тўғри йўл шуки,

42. Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир, илло сенга эргашган гумроҳларнигина (йўлдан оздира олурсан)».

43. Уларнинг (кофир ва гумроҳларнинг) барчаси учун ваъда қилинган жой жаҳаннамдир.

44. Унинг етти дарвозаси бўлиб*, ҳар бир дарвоза учун уларнинг бир тўдаси тақсим (тайин) этилгандир.

45. Тақводорлар эса, албатта, (жаннатдаги) боғлар ва булоқлардадирлар.

46. «У (ер)га соғ-саломат, тинч-омон киринги!» (дейилур).

47. Биз (жаннатдаги) сўриларда биродар бўлиб, бир-бирларига юзма-юз ўтирганларнинг дилларидаги гина (ва адоватлар)ни чиқариб ташлагаймиз.

48. У жойда уларга чарчоқ етмас ва улар у жойдан чиқарилувчи ҳам эмаслар.

49. (Эй, Муҳаммад!) Бандаларимга билдириб қўйингки, албатта, кечиримли ва раҳмли зот Менинг ўзимдирман.

50. Шунингдек, Менинг азобим ҳам энг аламли азобдир.

51. Яна уларга Иброҳимнинг меҳмон(лар)и ҳақида хабар беринг!

34-оят. Эҳтимолки, осмондан ёки фаришталар ичидан чиқ, деган бўлса (Мд.).

44-оят. Дўзах ёки жаҳаннамнинг етти дарвозаси деганда, унинг етти қават экани тушунилиши лозим. Биринчи қаватига вақтинча тушган гуноҳкор мўминлар, иккинчисига Муҳаммад (а.с.)га имон келтирмаган яҳудийлар, учинчисига шу каби насронийлар, тўртинчисига собиинлар, бешинчисига мажусийлар, олтинчисига мушриклар, еттинчисига мунофиқлар тушгай (Мд.).

إِذۡ دَخَلُواْ عَلَيۡهِ فَقَالُواْ سَلَٰمٗا قَالَ إِنَّا مِنكُمۡ وَجِلُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُواْ
لَا تَوۡجَلۡ إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِغُلَٰمٍ عَلِيمٖ ﴿٥٣﴾ قَالَ أَبَشَّرۡتُمُونِي عَلَىٰٓ أَن
مَّسَّنِيَ ٱلۡكِبَرُ فَبِمَ تُبَشِّرُونَ ﴿٥٤﴾ قَالُواْ بَشَّرۡنَٰكَ بِٱلۡحَقِّ
فَلَا تَكُن مِّنَ ٱلۡقَٰنِطِينَ ﴿٥٥﴾ قَالَ وَمَن يَقۡنَطُ مِن رَّحۡمَةِ
رَبِّهِۦٓ إِلَّا ٱلضَّآلُّونَ ﴿٥٦﴾ قَالَ فَمَا خَطۡبُكُمۡ أَيُّهَا ٱلۡمُرۡسَلُونَ
﴿٥٧﴾ قَالُوٓاْ إِنَّآ أُرۡسِلۡنَآ إِلَىٰ قَوۡمٖ مُّجۡرِمِينَ ﴿٥٨﴾ إِلَّآ ءَالَ لُوطٍ
إِنَّا لَمُنَجُّوهُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿٥٩﴾ إِلَّا ٱمۡرَأَتَهُۥ قَدَّرۡنَآ إِنَّهَا لَمِنَ
ٱلۡغَٰبِرِينَ ﴿٦٠﴾ فَلَمَّا جَآءَ ءَالَ لُوطٍ ٱلۡمُرۡسَلُونَ ﴿٦١﴾ قَالَ
إِنَّكُمۡ قَوۡمٞ مُّنكَرُونَ ﴿٦٢﴾ قَالُواْ بَلۡ جِئۡنَٰكَ بِمَا كَانُواْ فِيهِ
يَمۡتَرُونَ ﴿٦٣﴾ وَأَتَيۡنَٰكَ بِٱلۡحَقِّ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿٦٤﴾ فَأَسۡرِ
بِأَهۡلِكَ بِقِطۡعٖ مِّنَ ٱلَّيۡلِ وَٱتَّبِعۡ أَدۡبَٰرَهُمۡ وَلَا يَلۡتَفِتۡ مِنكُمۡ أَحَدٞ
وَٱمۡضُواْ حَيۡثُ تُؤۡمَرُونَ ﴿٦٥﴾ وَقَضَيۡنَآ إِلَيۡهِ ذَٰلِكَ ٱلۡأَمۡرَ أَنَّ
دَابِرَ هَٰٓؤُلَآءِ مَقۡطُوعٞ مُّصۡبِحِينَ ﴿٦٦﴾ وَجَآءَ أَهۡلُ ٱلۡمَدِينَةِ
يَسۡتَبۡشِرُونَ ﴿٦٧﴾ قَالَ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ ضَيۡفِي فَلَا تَفۡضَحُونِ ﴿٦٨﴾ وَٱتَّقُواْ
ٱللَّهَ وَلَا تُخۡزُونِ ﴿٦٩﴾ قَالُوٓاْ أَوَلَمۡ نَنۡهَكَ عَنِ ٱلۡعَٰلَمِينَ ﴿٧٠﴾

52. Ўшанда улар унинг ҳузурига кириб: «Салом!», – дедилар. (Таомга қўл чўзишмагач) у: «Биз сизлардан қўрқмоқдамиз (кимсизлар ўзи?)», – деди.

53. Улар дедилар: «Қўрқмагин! (Биз фаришталармиз) Биз сенга бир доно ўғил (яъни Исҳоқни) хушхабарини етказурмиз».

54. У деди: «Менга кексалик етган пайтида (фарзанд кўришим ҳақида) хушхабар келтирдингизми? Энди менга (бу ёшимда) ниманинг ҳам хушхабарини берурсиз?»

55. Улар айтдилар: «Биз сенга ростдан ҳам (фарзанд кўришинг) хушхабарини келтирдик. Бас, сен умидсизлардан бўлмагин!»

56. У деди: «Парвардигорининг раҳматидан фақат гумроҳ кимсаларгина ноумид бўлурлар».

57. (Сўнгра, уларга қараб) деди: «Эй, элчилар! Арзингиз не?»

58. Улар дедилар: «Бизлар бир жиноятчи қавмга (Лут қавмига, уларни ҳалок қилиш учун) юборилганмиз.

59. Лекин биз Лутнинг бутун оиласини қутқарувчидирмиз.

60. Фақат унинг хотинига (нажот йўқдир)». (Чунки Биз – Аллоҳ) унинг (азоб-уқубатда) қолувчилардан бўлишини тақдир қилиб қўйганмиз.

61. Қачонки, Лут оиласига элчиларимиз келгач,

62. У (Лут) деди: «Сизлар нотаниш қавмсиз».

63. (Улар) дедилар: «Йўқ! (аксинча, биз) сенга улар (яъни, қавминг) шак қилаётган нарсани (Аллоҳнинг азобини) келтирдик.

64. Биз ҳақиқатан сенга (азобни) келтирдик. Биз, албатта, ростгўйдирмиз.

65. Энди сен туннинг бир қисмида оиланг билан йўлга туш ва ўзинг уларнинг ортида юр! Сизлардан ҳеч ким атрофга алангламасдан буюрилган тарафга қараб кетаверингиз!»*

66. Биз унга (Лутга) тонг пайтида ана ўшалар (кофирлар)нинг думи қирқилиши (ҳалок бўлиши) ҳақидаги мана шу фармонни ваҳий қилдик.

67. Шаҳар* аҳолиси (меҳмонларни эшитиб) хурсанд бўлган ҳолларида келдилар (чунки улар бачабозлик қилишга одатланган эдилар).

68. (Шунда Лут) деди: «Бу (йигит)лар менинг меҳмонларимдир. Мени (улар олдида) шарманда қилмангиз.

69. Аллоҳдан қўрқингиз! Мени (уялтириб) расво қилмангиз!»*

70. Айтдилар: «Биз сени барча оламдан (одамлар ҳимоясидан) қайтармаганмидик?!»

65-оят. Чиқиб кетишга буюрилган тараф Шом, Миср ёки Урдун (Иордания) томони эди (Хз. Мд.)

67-оят. Лут (а.с.) қавми яшаган шаҳарнинг номи Садум эди.

69-оят. Яъни меҳмонларимни ножўя қилиқларингиз билан хафа қилишингиз гўё мени хафа қилганингиз бўлади (Мд.).

قَالَ هَٰٓؤُلَآءِ بَنَاتِيٓ إِن كُنتُمۡ فَٰعِلِينَ ﴿٧١﴾ لَعَمۡرُكَ إِنَّهُمۡ لَفِي سَكۡرَتِهِمۡ
يَعۡمَهُونَ ﴿٧٢﴾ فَأَخَذَتۡهُمُ ٱلصَّيۡحَةُ مُشۡرِقِينَ ﴿٧٣﴾ فَجَعَلۡنَا عَٰلِيَهَا
سَافِلَهَا وَأَمۡطَرۡنَا عَلَيۡهِمۡ حِجَارَةٗ مِّن سِجِّيلٍ ﴿٧٤﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ
لَأٓيَٰتٖ لِّلۡمُتَوَسِّمِينَ ﴿٧٥﴾ وَإِنَّهَا لَبِسَبِيلٖ مُّقِيمٍ ﴿٧٦﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ
لَأٓيَةٗ لِّلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٧٧﴾ وَإِن كَانَ أَصۡحَٰبُ ٱلۡأَيۡكَةِ لَظَٰلِمِينَ ﴿٧٨﴾
فَٱنتَقَمۡنَا مِنۡهُمۡ وَإِنَّهُمَا لَبِإِمَامٖ مُّبِينٖ ﴿٧٩﴾ وَلَقَدۡ كَذَّبَ أَصۡحَٰبُ
ٱلۡحِجۡرِ ٱلۡمُرۡسَلِينَ ﴿٨٠﴾ وَءَاتَيۡنَٰهُمۡ ءَايَٰتِنَا فَكَانُواْ عَنۡهَا مُعۡرِضِينَ
﴿٨١﴾ وَكَانُواْ يَنۡحِتُونَ مِنَ ٱلۡجِبَالِ بُيُوتًا ءَامِنِينَ ﴿٨٢﴾ فَأَخَذَتۡهُمُ
ٱلصَّيۡحَةُ مُصۡبِحِينَ ﴿٨٣﴾ فَمَآ أَغۡنَىٰ عَنۡهُم مَّا كَانُواْ يَكۡسِبُونَ ﴿٨٤﴾
وَمَا خَلَقۡنَا ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَمَا بَيۡنَهُمَآ إِلَّا بِٱلۡحَقِّۗ وَإِنَّ
ٱلسَّاعَةَ لَأٓتِيَةٞۖ فَٱصۡفَحِ ٱلصَّفۡحَ ٱلۡجَمِيلَ ﴿٨٥﴾ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ
ٱلۡخَلَّٰقُ ٱلۡعَلِيمُ ﴿٨٦﴾ وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَٰكَ سَبۡعٗا مِّنَ ٱلۡمَثَانِي وَٱلۡقُرۡءَانَ
ٱلۡعَظِيمَ ﴿٨٧﴾ لَا تَمُدَّنَّ عَيۡنَيۡكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعۡنَا بِهِۦٓ أَزۡوَٰجٗا مِّنۡهُمۡ
وَلَا تَحۡزَنۡ عَلَيۡهِمۡ وَٱخۡفِضۡ جَنَاحَكَ لِلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿٨٨﴾ وَقُلۡ إِنِّيٓ
أَنَا ٱلنَّذِيرُ ٱلۡمُبِينُ ﴿٨٩﴾ كَمَآ أَنزَلۡنَا عَلَى ٱلۡمُقۡتَسِمِينَ ﴿٩٠﴾

71. (Лут) деди: «Агар (алоқа) қилувчи бўлсангиз, ана – қизларим. (Ўшаларни никоҳларингизга олаверингиз!)»

72. (Эй, Муҳаммад!) Умрингизга қасамки, улар ўз «мастликларида» гангиб юрар эдилар.

73. Тонг пайтида (тўсатдан) уларни даҳшатли қичқириқ тутди*.

74. Бас, Биз у шаҳарни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан (ясалган) тош ёғдирдик.

75. Албатта, бу (ҳодиса)да фаросатли кишилар учун аломатлар бордир.

76. Дарвоқе, у (аҳолиси ҳалок этилган шаҳар) доимий йўл устидадир*.

77. Албатта, бунда мўминлар учун аломатлар бордир.

78. Шубҳасиз, Айка (ўрмон) эгалари (Шуайб қавми) ҳам золим (кофир) бўлган эдилар.

79. Бас, (Биз) улардан интиқом олдик. Дарвоқе, уларнинг (яъни Лут ва Шуайб қавмларининг шаҳарлари) иккиси ҳам аниқ йўл устидадир.

80. Аниқки, Ҳижр (водий) эгалари (Самуд қавми) ҳам пайғамбарларни, (хусусан, Солиҳни) ёлғончига чиқарган эдилар.

81. Биз уларга Ўз оятларимизни келтирган эдик, лекин улардан юз ўгирувчи бўлдилар.

82. (Улар) тоғлардан йўниб, уй ясаб хавфсиз юрар эдилар.

83. Бас, уларни тонг палласида даҳшатли қичқириқ тутди.

84. Уларга қилиб юрган нарсалари (тошдан ясалган қалъалари) фойда бермади.

85. (Биз) осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ (ҳикмат) билан яратдик. Қиёмат ҳам, шаксиз, келувчидир. Бас, (шундай экан, жоҳилларнинг азиятларига сабр қилинг ва уларни) чиройли юз ўгириш билан тарк этинг!

86. Албатта, Раббингизнинг ўзигина яратувчи ва билувчидир.

87. Дарҳақиқат, Биз Сизга етти такрорланувчи (етти оятли «Фотиҳа» сураси)ни ва улуғ Қуръонни ато этдик.

88. Кўзларингизни Биз у (кофирлардан айрим) тоифаларни баҳраманд қилган нарсаларга (уларнинг бойликларига) тикманг!* Уларнинг (имонсизликлари) устида ғамгин ҳам бўлманг! Мўминлар учун қанотингизни қуйи тутинг (камтар бўлинг)!

89. (Уларга) айтинг: «Албатта, мен (сизларга Аллоҳнинг азобидан) ошкора огоҳлантирувчидирман».

90. (Бу) худди тақсимлаб олувчиларга (аҳли китобларга) нозил қилганимиз кабидир.

73-оят. Жаброил (а.с.) наъра тортиб, бир қичқирганида унинг товушидан ҳалок бўлдилар.

76-оят. Яъни Ҳижоз (ҳозирги Саудия)дан Шом (Сурия) томонга қараб ўтган йўл бўйидадир. Унинг асоратларини йўловчилар кўриб, ибрат олишлари мумкин (Хз.).

88-оят. Яъни куфр аҳлининг бу дунёда моддий жиҳатдан фаровон яшаётганини кўриб, уларга Сиз ҳавас кўзи билан боқманг!

91. Улар Қуръонни (ўзларича) бўлак-бўлак қилиб олган эдилар*.

92. Раббингизга қасамки, албатта, уларнинг барчасини сўроқ қилгайман

93. қилган ишлари тўғрисида.

94. Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни ҳақ динга даъватни) ошкора қилинг ва мушриклардан (ҳозирча) юз ўгиринг!

95. Албатта, Биз сизни масхара қилувчиларни (жазолаш учун) кифоя қилурмиз.

96. (Улар) Аллоҳга бошқа «илоҳ»ни (шерик) қилурлар. Бас, яқинда (қилмишларининг оқибатини) билиб олурлар.

97. Шаксиз, Биз уларнинг (Сизни масхара қилиб) айтаётган сўзларидан юрагингиз сиқилаётганини билиб турибмиз.

98. Бас, Сиз Раббингизга ҳамд билан Унга тасбеҳ айтинг ва сажда қилувчилардан бўлинг!

99. (Шунингдек) Сизга аниқ нарса (ўлим) келгунига қадар Раббингизга ибодат қилаверинг!

Наҳл сураси

Маккада нозил қилинган. 128 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Аллоҳнинг амри (қиёмат) келди*. Бас, сизлар (эй, мушриклар!) Уни қистамай қўя қолингиз! (Аллоҳ) улар келтираётган ширкдан пок ва юксакдир.

2. (Аллоҳ ўз) амри билан хоҳлаган бандаларига фаришталарни (шундай) ваҳий билан туширур: («Эй, пайғамбарларим! Инсонларни) огоҳлантирингизки, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, (барчаларингиз) Мендангина қўрқингиз!»

3. (У) осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратди. (Мушриклар) келтираётган ширкдан У юксакдир.

ٱلَّذِينَ جَعَلُواْ ٱلۡقُرۡءَانَ عِضِينَ ﴿٩١﴾ فَوَرَبِّكَ لَنَسۡـَٔلَنَّهُمۡ
أَجۡمَعِينَ ﴿٩٢﴾ عَمَّا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ﴿٩٣﴾ فَٱصۡدَعۡ بِمَا تُؤۡمَرُ وَأَعۡرِضۡ
عَنِ ٱلۡمُشۡرِكِينَ ﴿٩٤﴾ إِنَّا كَفَيۡنَٰكَ ٱلۡمُسۡتَهۡزِءِينَ ﴿٩٥﴾ ٱلَّذِينَ
يَجۡعَلُونَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَۚ فَسَوۡفَ يَعۡلَمُونَ ﴿٩٦﴾ وَلَقَدۡ نَعۡلَمُ
أَنَّكَ يَضِيقُ صَدۡرُكَ بِمَا يَقُولُونَ ﴿٩٧﴾ فَسَبِّحۡ بِحَمۡدِ رَبِّكَ وَكُن
مِّنَ ٱلسَّٰجِدِينَ ﴿٩٨﴾ وَٱعۡبُدۡ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأۡتِيَكَ ٱلۡيَقِينُ ﴿٩٩﴾

سُورَةُ النَّحۡلِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

أَتَىٰٓ أَمۡرُ ٱللَّهِ فَلَا تَسۡتَعۡجِلُوهُۚ سُبۡحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشۡرِكُونَ
﴿١﴾ يُنَزِّلُ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةَ بِٱلرُّوحِ مِنۡ أَمۡرِهِۦ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦٓ
أَنۡ أَنذِرُوٓاْ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱتَّقُونِ ﴿٢﴾ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضَ بِٱلۡحَقِّۚ تَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ﴿٣﴾ خَلَقَ
ٱلۡإِنسَٰنَ مِن نُّطۡفَةٖ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٞ مُّبِينٞ ﴿٤﴾ وَٱلۡأَنۡعَٰمَ
خَلَقَهَاۖ لَكُمۡ فِيهَا دِفۡءٞ وَمَنَٰفِعُ وَمِنۡهَا تَأۡكُلُونَ
﴿٥﴾ وَلَكُمۡ فِيهَا جَمَالٌ حِينَ تُرِيحُونَ وَحِينَ تَسۡرَحُونَ ﴿٦﴾

4. Инсонни нутфа (бир томчи маний)дан яратди. У эса, баногоҳ, очиқ «рақиб»дир.

5. У яна сизлар учун иссиқ (кийим) ва (турли) манфаатлар бўлсин, деб, чорва молларини ҳам яратди ва улардан тановул ҳам қилурсиз.

6. Яна сизлар учун уларда кечқурун (ўтлоқдан) қайтаётган ва тонгда (ўтлоққа) кетаётган пайтида гўзал манзара пайдо бўлур.

91-оят. Яъни оятларнинг баъзисига имон келтириб, баъзисини инкор этган эдилар.

16. НАҲЛ СУРАСИ

Наҳл – асаларилар.

Сурада асалариларнинг намунали ҳаёт тарзи ҳақида оятлар мавжудлиги учун унга шу ном берилган. Сурада қиёматга пухта тайёргарлик кўришга даъват этилади. Унда яна ширк, куфр, ношукурлик каби иллатлар қораланиб, имон, эътиқод, шукр, солиҳ амалларга ташвиқот этилади.

1-оят. Ҳали келмаган нарсани келди, дейиш ҳамма тилда ҳам келиши яқин ва аниқ нарсага ишлатилади. Қиёмат куни ҳам исломда келиши аниқ ва муддати яқин нарсалардан ҳисобланади. Муҳаммад (а.с.) бир ҳадисларида: "Мен билан қиёмат шу икки бармоғимдек бир-бирига яқиндир", – деганлар. Яъни менинг охирги пайғамбар бўлиб келишимнинг ўзи қиёмат яқинлигидан дарак беради, демоқчилар. Лекин бу яқинлик миқдори қанча эканини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди.

وَتَحۡمِلُ أَثۡقَالَكُمۡ إِلَىٰ بَلَدٖ لَّمۡ تَكُونُواْ بَٰلِغِيهِ إِلَّا بِشِقِّ
ٱلۡأَنفُسِۚ إِنَّ رَبَّكُمۡ لَرَءُوفٞ رَّحِيمٞ ﴿٧﴾ وَٱلۡخَيۡلَ وَٱلۡبِغَالَ
وَٱلۡحَمِيرَ لِتَرۡكَبُوهَا وَزِينَةٗۚ وَيَخۡلُقُ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ﴿٨﴾
وَعَلَى ٱللَّهِ قَصۡدُ ٱلسَّبِيلِ وَمِنۡهَا جَآئِرٞۚ وَلَوۡ شَآءَ لَهَدَىٰكُمۡ
أَجۡمَعِينَ ﴿٩﴾ هُوَ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗۖ لَّكُم مِّنۡهُ
شَرَابٞ وَمِنۡهُ شَجَرٞ فِيهِ تُسِيمُونَ ﴿١٠﴾ يُنۢبِتُ لَكُم
بِهِ ٱلزَّرۡعَ وَٱلزَّيۡتُونَ وَٱلنَّخِيلَ وَٱلۡأَعۡنَٰبَ وَمِن كُلِّ
ٱلثَّمَرَٰتِۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لِّقَوۡمٖ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١١﴾
وَسَخَّرَ لَكُمُ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَ وَٱلشَّمۡسَ وَٱلۡقَمَرَۖ وَٱلنُّجُومُ
مُسَخَّرَٰتُۢ بِأَمۡرِهِۦٓۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يَعۡقِلُونَ
﴿١٢﴾ وَمَا ذَرَأَ لَكُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ مُخۡتَلِفًا أَلۡوَٰنُهُۥٓۚ إِنَّ
فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لِّقَوۡمٖ يَذَّكَّرُونَ ﴿١٣﴾ وَهُوَ ٱلَّذِي
سَخَّرَ ٱلۡبَحۡرَ لِتَأۡكُلُواْ مِنۡهُ لَحۡمٗا طَرِيّٗا وَتَسۡتَخۡرِجُواْ
مِنۡهُ حِلۡيَةٗ تَلۡبَسُونَهَاۖ وَتَرَى ٱلۡفُلۡكَ مَوَاخِرَ فِيهِ
وَلِتَبۡتَغُواْ مِن فَضۡلِهِۦ وَلَعَلَّكُمۡ تَشۡكُرُونَ ﴿١٤﴾

7. Шунингдек, улар (мазкур ҳайвонлар) сизлар жонларингизни қийнаб етадиган юртларга юкларингизни кўтариб борур. Албатта, Раббингиз меҳрибон ва раҳмлидир.

8. У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди)*. Яна, сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур.

9. Тўғри йўлни қасд этиш (унга ҳидоят этиш) ёлғиз Аллоҳ зиммасидадир. (Зотан, йўллар) ичида қинғири ҳам бордир. Агар (Аллоҳ) хоҳлаганида, сизларнинг барчангизни (Тўғри йўлга) ҳидоят қилган бўлур эди.

10. У осмондан сизлар учун ундан ичимлик бўладиган сувни (ёмғирни) ёғдирган зотдир. (Ҳайвонларингизни) боқадиган гиёҳлар ҳам ўша сувдан (суғорилур).

11. У сизлар учун ўша (сув) билан (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундирур. Албатта, бу (иш)да тафаккур қиладиган қавм учун аломат бордир.

12. У сизлар учун кеча ва кундузни, қуёш ва ойни бўйин сундириб қўйди. Юлдузлар ҳам Унинг амрига бўйин сундирилгандир. Албатта, бунда англайдиган қавм учун (Унинг қудратига далолат қилувчи) аломатлар бордир.

13. Яна У сизлар учун ерда яратиб қўйган ранг-баранг нарсаларни ҳам (сизларга бўйин сундирди). Албатта, бунда эслатма оладиган қавм учун аломат бордир.

14. У янги гўшт (балиқ гўшти) ейишларингиз ва тақадиган тақинчоқлар чиқариб олишларингиз учун (сизларга) денгизни ҳам бўйин сундириб қўйган зотдир. Унда яна (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасиз. Унинг фазли (ризқи)дан талаб этишингиз ва (неъматларига) шукр қилишингиз учун (шундай қилди).

8-оят. Ушбу оятни далил қилиб, Ибн Аббос (рз.), Абу Ҳанифа, Имом Молик (рҳ.)лар от гўштини истеъмол қилиш ҳаром деб билганлар. Ҳасан, Шурайҳ, Ато, Саййид ибн Жубайр, Шофиий, Аҳмад, Исҳоқ, Абу Юсуф, Муҳаммад (рҳ.)лар ҳадисларга суянган ҳолда от гўшти ҳалол деб фатво берганлар. Асмо (рз.) айтади: “Расул (а.с.) замонларида от сўйиб, гўштидан еганмиз”. Бир ривоятда “Мадинада” деган сўз қўшилган (Бх. Мс.).

Жобир (рз.) айтади: “Расул (а.с.) хонаки эшак гўштини ейишдан қайтардилар. От гўштини тақиқламадилар” (Бх. Мс.).

Ҳалол деювчиларнинг далили шуки, оятдаги “минишингиз учун” ибораси уларда бошқа манфаатлар йўқ эканини билдирмайди. Олдинги оятда юк ташиш зикр этилиб, бу ерда айтилмаганидек, от гўштининг ҳукми зикр этилмаган бўлиши мумкин. Маълумки, оятда аниқ баён этилмаган ҳукмлар ҳадислар билан шарҳланади. Бу ҳам ҳадислар орқали аниқланган (Хз. Мд.).

Абу Ҳанифа (рҳ.) вафотларидан уч кун олдин от гўшти ҳаром деган сўзларидан қайтган деган ривоят бор (Жр.).

Бия сутининг ҳалоллиги тўғрисида ихтилоф йўқ.

وَأَلْقَىٰ فِي ٱلْأَرْضِ رَوَٰسِيَ أَن تَمِيدَ بِكُمْ وَأَنْهَٰرًا وَسُبُلًا
لَّعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥﴾ وَعَلَٰمَٰتٍ ۚ وَبِٱلنَّجْمِ هُمْ يَهْتَدُونَ
﴿١٦﴾ أَفَمَن يَخْلُقُ كَمَن لَّا يَخْلُقُ ۗ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿١٧﴾ وَإِن
تَعُدُّوا۟ نِعْمَةَ ٱللَّهِ لَا تُحْصُوهَآ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٨﴾
وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُسِرُّونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ﴿١٩﴾ وَٱلَّذِينَ يَدْعُونَ
مِن دُونِ ٱللَّهِ لَا يَخْلُقُونَ شَيْـًٔا وَهُمْ يُخْلَقُونَ ﴿٢٠﴾ أَمْوَٰتٌ غَيْرُ
أَحْيَآءٍ ۖ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبْعَثُونَ ﴿٢١﴾ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ ۚ
فَٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْـَٔاخِرَةِ قُلُوبُهُم مُّنكِرَةٌ وَهُم مُّسْتَكْبِرُونَ
﴿٢٢﴾ لَا جَرَمَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعْلِنُونَ ۚ إِنَّهُۥ
لَا يُحِبُّ ٱلْمُسْتَكْبِرِينَ ﴿٢٣﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُم مَّاذَآ أَنزَلَ رَبُّكُمْ ۙ
قَالُوٓا۟ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٤﴾ لِيَحْمِلُوٓا۟ أَوْزَارَهُمْ كَامِلَةً
يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۙ وَمِنْ أَوْزَارِ ٱلَّذِينَ يُضِلُّونَهُم بِغَيْرِ عِلْمٍ ۗ أَلَا
سَآءَ مَا يَزِرُونَ ﴿٢٥﴾ قَدْ مَكَرَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ
فَأَتَى ٱللَّهُ بُنْيَٰنَهُم مِّنَ ٱلْقَوَاعِدِ فَخَرَّ عَلَيْهِمُ ٱلسَّقْفُ
مِن فَوْقِهِمْ وَأَتَىٰهُمُ ٱلْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٦﴾

15. У яна, сизларни тебратмаслиги учун Ерда тоғларни барпо қилди, (ичимлик ва экинларингиз учун) дарёларни (оқизиб қўйди) ва тўғри юришингиз учун йўлларни (пайдо қилди).

16. (Йўлларга) белгилар ҳам (қўйди). Юлдузлар билан ҳам улар йўл топурлар*.

17. (Эй, мушриклар!) Ахир (барча мавжудотни) яратадиган зот (Аллоҳ) билан (ҳеч нарса) ярата олмайдиган (бут-санамларингиз) баробарми?! Бас, (яхшилаб) ўйламайсизми?!

18. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

19. Аллоҳ яширган нарсаларингизни ҳам, ошкор қилган нарсаларингизни ҳам билур.

20. (Мушрикларнинг) Аллоҳни қўйиб, сиғинаётган нарсалари (маъбудалари) бирор нарсани яратувчи эмасдир, балки ўзлари яратилувчидирлар.

21. (Маъбудалари) ўликдир, тирик эмасдир. Улар (ўзларига сиғинаётган мушриклар) қачон қайта тирилишини ҳам сезмайди.

22. Илоҳингиз ягона илоҳдир. Бас, охиратга имон келтирмайдиганларнинг диллари (Унинг ягона эканини) инкор қилур ва улар мутакаббирлардир.

23. Шубҳа йўқки, Аллоҳ уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билур. Албатта, У мутакаббирларни севмагай.

24. Уларга: «Раббингиз (Муҳаммадга) нимани нозил қилди?», – дейилса, улар (масхара қилишиб): «Аввал ўтганларнинг афсоналарини»,– дейдилар.

25. Улар (бу ёлғон сўзларни) қиёмат кунида, ўзларининг барча гуноҳларини ҳамда ўзлари жоҳилона йўлдан оздирган кимсаларнинг гуноҳларидан ҳам (бир қисми)ни бўйинларига олиш учун (айтгандирлар). Огоҳ бўлингизки, улар бўйнига олган нарса (гуноҳлар оқибати) жуда ёмондир.

26. Улардан олдинги (кофир)лар ҳам (ўз пайғамбарларига шундай) макрларни қилган эдилар. Шунда Аллоҳ уларнинг (макр билан қурган) биноларини пойдеворлари билан қўпориб ташлади. Бас, том ўзларининг устига қулади ва уларга ўзлари сезмаган (кутмаган) тарафдан азоб келди.

16-оят. Суддий (рҳ.)нинг сўзига кўра, мусофирликда юрган йўловчилар борадиган жойларига янглишмай етиб олишлари учун Аллоҳ таоло ерда тоғлар, баланд-пастликлар, шамол йўли, осмонда эса, Ернинг тўрт томонини ва қиблани аниқлаш учун сурайё, етти оғайни, олтин қозиқ, қутб юлдузлари каби аломатларни мўлжал сифатида яратиб қўйган (Қз. Хз.).

ثُمَّ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ يُخْزِيهِمْ وَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ
كُنتُمْ تُشَـٰٓقُّونَ فِيهِمْ ۚ قَالَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ إِنَّ ٱلْخِزْىَ
ٱلْيَوْمَ وَٱلسُّوٓءَ عَلَى ٱلْكَـٰفِرِينَ ﴿٢٧﴾ ٱلَّذِينَ تَتَوَفَّىٰهُمُ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ
ظَالِمِىٓ أَنفُسِهِمْ ۖ فَأَلْقَوُا۟ ٱلسَّلَمَ مَا كُنَّا نَعْمَلُ مِن سُوٓءٍۭ ۚ بَلَىٰٓ
إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٨﴾ فَٱدْخُلُوٓا۟ أَبْوَٰبَ جَهَنَّمَ
خَـٰلِدِينَ فِيهَا ۖ فَلَبِئْسَ مَثْوَى ٱلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٢٩﴾ ۞ وَقِيلَ
لِلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ مَاذَآ أَنزَلَ رَبُّكُمْ ۚ قَالُوا۟ خَيْرًا ۗ لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا۟ فِى
هَـٰذِهِ ٱلدُّنْيَا حَسَنَةٌ ۚ وَلَدَارُ ٱلْـَٔاخِرَةِ خَيْرٌ ۚ وَلَنِعْمَ دَارُ ٱلْمُتَّقِينَ
﴿٣٠﴾ جَنَّـٰتُ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ ۖ لَهُمْ فِيهَا
مَا يَشَآءُونَ ۚ كَذَٰلِكَ يَجْزِى ٱللَّهُ ٱلْمُتَّقِينَ ﴿٣١﴾ ٱلَّذِينَ تَتَوَفَّىٰهُمُ
ٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ طَيِّبِينَ ۙ يَقُولُونَ سَلَـٰمٌ عَلَيْكُمُ ٱدْخُلُوا۟ ٱلْجَنَّةَ بِمَا
كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٣٢﴾ هَلْ يَنظُرُونَ إِلَّآ أَن تَأْتِيَهُمُ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ
أَوْ يَأْتِىَ أَمْرُ رَبِّكَ ۚ كَذَٰلِكَ فَعَلَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ وَمَا ظَلَمَهُمُ
ٱللَّهُ وَلَـٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٣٣﴾ فَأَصَابَهُمْ
سَيِّـَٔاتُ مَا عَمِلُوا۟ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٣٤﴾

27. Сўнгра қиёмат кунида (Аллоҳ) уларни яна расво қилур ва айтур: «Сизлар ёнларини олиб тортишиб юрган Менинг «шерик»ларим қаерда қолишди?!» (Шунда) илм берилган (пайғамбар ва уламо)лар дерлар: «Дарҳақиқат, бугун расволик ва нохушлик кофирларгадир».

28. Уларни ўзларига зулм қилган ҳолларида фаришталар вафот этдирурлар. Шунда улар сулҳга келишиб: «Бизлар бирор ёмонлик қилган эмасмиз» (дерлар). Йўқ! Шаксиз, Аллоҳ қилган ишларингизни билувчидир.

29. Энди ўзларингиз мангу қоладиган жаҳаннам дарвозаларидан кирингиз! Мутакаббирларнинг жойлари нақадар ёмон!

30. Тақволи бўлган (имон келтирган)ларга: «Раббингиз (Ўз пайғамбарига) нимани нозил қилди?», – дейилганида, улар: «Яхшиликни», – дерлар*. Бу дунёда чиройли иш қилганлар учун чиройли мукофот бўлур. Лекин, шубҳа йўқки, охират диёри янада яхшироқдир. Тақводорларнинг диёрлари нақадар яхши!

31. Улар остидан анҳорлар оқиб турадиган мангу жаннатларга кирурлар. Улар учун у ерда хоҳлаган нарсалари бордир. Тақводорларни Аллоҳ мана шундай мукофотлагай.

32. Улар (ширк ва гуноҳдан) пок бўлган ҳолларида, фаришталар вафот этдира туриб: «Сизларга салом! Қилиб ўтган амалларингиз билан жаннатга кирингиз!», – дерлар*.

33. (Кофирлар эса) фақат ўзларига (ўлим) фаришталари келишини ёки Раббингизнинг амри (азоби) келишини кутарлар. Улардан олдин ўтган (кофир)лар ҳам мана шундай қилган эдилар. Уларга Аллоҳ зулм қилгани йўқ, балки улар ўзларига зулм қилувчи эдилар.

34. Бас, қилган ёмонликлари ўзларига етди ва масхара қилган нарсалари ўзларини тутди.

30-оят. Бу оятнинг нозил бўлиш сабабларидан бири – ҳижратдан олдинги даврда ҳаж мавсумида Маккага узоқ жойлардан Каъба зиёрати ва бошқа мақсадларда одамлар келиб турар эди. Макка йўлида турган кофирлар уларни қарши олиб гаплашган пайтларида янги пайғамбар ким ва қандай экани ҳақида сўрашса, улар, у сеҳргар, коҳин, шоир, каззоб, мажнун, уни кўрмаган афзал, дейишларига қарамай, Маккага кириб, Расул (а.с.)нинг саҳобаларидан у зот ҳақида тўғри маълумотларни олиб қайтишар эди. Оятда шу каби воқеаларга ишора этилмоқда (Хз.).

Мадина шаҳридан Маккага келиб-кетиб турган кишиларнинг кўпчилиги ҳижратдан олдин худди шу тариқа исломни қабул қилган эдилар.

32-оят. Жаннатга кириш учун бу дунёда қилинган амаллар, яъни савобли ишлар, тоат-ибодатларнинг ўзи асосий сабаб бўла олмаслиги, балки Аллоҳ таолонинг фазлу карами туфайлигина имонли кишилар жаннат аҳли бўлиши мумкин экани саҳиҳ ҳадисларда баён қилинган. Бинобарин, мўминларнинг амал билан жаннатга кириши ҳам Аллоҳнинг фазлидандир (Ақ.).

وَقَالَ ٱلَّذِينَ أَشْرَكُوا۟ لَوْ شَآءَ ٱللَّهُ مَا عَبَدْنَا مِن دُونِهِۦ مِن
شَىْءٍ نَّحْنُ وَلَآ ءَابَآؤُنَا وَلَا حَرَّمْنَا مِن دُونِهِۦ مِن شَىْءٍ ۚ كَذَٰلِكَ
فَعَلَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ فَهَلْ عَلَى ٱلرُّسُلِ إِلَّا ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ
﴿٣٥﴾ وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِى كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ
وَٱجْتَنِبُوا۟ ٱلطَّٰغُوتَ ۖ فَمِنْهُم مَّنْ هَدَى ٱللَّهُ وَمِنْهُم مَّنْ
حَقَّتْ عَلَيْهِ ٱلضَّلَٰلَةُ ۚ فَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَٱنظُرُوا۟ كَيْفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٦﴾ إِن تَحْرِصْ عَلَىٰ هُدَىٰهُمْ
فَإِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى مَن يُضِلُّ ۖ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٣٧﴾
وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ ۙ لَا يَبْعَثُ ٱللَّهُ مَن يَمُوتُ ۚ بَلَىٰ
وَعْدًا عَلَيْهِ حَقًّا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٨﴾
لِيُبَيِّنَ لَهُمُ ٱلَّذِى يَخْتَلِفُونَ فِيهِ وَلِيَعْلَمَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّهُمْ
كَانُوا۟ كَٰذِبِينَ ﴿٣٩﴾ إِنَّمَا قَوْلُنَا لِشَىْءٍ إِذَآ أَرَدْنَٰهُ أَن نَّقُولَ
لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٤٠﴾ وَٱلَّذِينَ هَاجَرُوا۟ فِى ٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ مَا ظُلِمُوا۟
لَنُبَوِّئَنَّهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً ۖ وَلَأَجْرُ ٱلْءَاخِرَةِ أَكْبَرُ ۚ لَوْ كَانُوا۟
يَعْلَمُونَ ﴿٤١﴾ ٱلَّذِينَ صَبَرُوا۟ وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٤٢﴾

35. Мушрик бўлганлар: «Агар Аллоҳ хоҳлаганида, биз (ҳам), ота-боболаримиз (ҳам) Ундан ўзга бирор нарсага сиғинмаган ва Унинг (ҳукмисиз) бирор нарсани ҳаром қилмаган бўлур эдик», – дейдилар. Улардан олдин ўтган (кофир)лар ҳам шундай қилган эдилар. Пайғамбарлар зиммасида фақат (Аллоҳнинг ваҳийсини одамларга) очиқ етказиш (вазифаси) бордир.

36. Дарвоқе, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилингиз ва шайтондан йироқлашингиз!» (деган ваҳий билан) пайғамбар юборганмиз. Шунда улар орасида Аллоҳ ҳидоят қилганлари ҳам, шунингдек, йўлдан озиши қатъий бўлганлар ҳам бўлган. Бас, Ер юзида сайр қилиб, (пайғамбарларини) ёлғончига чиқарганларнинг оқибати қандай бўлганини кўрингиз!

37. (Эй, Муҳаммад!) Агар Сиз у (мушрик)ларнинг ҳидоят топишларига қизиқувчан бўлсангиз (билингки), Аллоҳ ўзи адаштирадиган кимсаларни сира ҳидоят қилмас ва уларга мадад берувчилар ҳам бўлмас.

38. Улар зўр бериб: «Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтирмайди», – деб Аллоҳ номига қасам ичдилар. Йўқ! (Албатта, тирилтирур!) Бу – Унинг ҳаққоний ваъдасидир. Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар*.

39. Уларга ўзлари ихтилоф қилаётган нарсаларини ажрим қилиб бериш учун ҳамда кофир бўлганлар ўзларининг ёлғончи эканлигини билишлари учун ҳам (қайта тирилтирур).

40. Биз бирор нарсани ирода қилсак, унга айтадиган сўзимиз: «Бўл!» – дейишдир. Бас, (ўша нарса) бўлур.

41. Зулм қилинганларидан сўнг, Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганларни, албатта, бу дунёда ҳам гўзал (мақомлар)га жойлаштирурмиз*. Охират мукофоти эса, янада каттароқдир. Қани, энди (буни одамлар) билсалар эди!

42. Улар сабр қилган ва Парвардигорларигагина таваккул этадиганлардир.

38-оят. Аллоҳ таолони қудрати чексиз эканида мутлақо шак-шубҳа қилиш жоиз эмас. Акс ҳолда имондан ажраб қолиш хавфи бор. Куфр ва ширк аҳли инкор этадиган хабарлардан бири қиёматда ҳамманинг қайта тирилиш масаласидир. Қудсий ҳадисда айтилади: “Бандам Мени ноҳақ ҳақорат қилади ва Мени ноҳақ ёлғончига чиқаради. Ҳақорат қилиши – Аллоҳнинг фарзанди бор, дейишидир. Ёлғончига чиқариши – қайта тирилтирмайди, дейишидир” (Бх.).

41-оят. Маккада биринчилардан бўлиб имон келтирганлардан Билол, Суҳайб, Хаббоб, Обис, Жубайр, Абу Жандал кабиларни мушриклар қаттиқ таъқиб остига олганлар, имон ва исломдан қайтариш учун турли азоб билан қийнаганлар. Оятдаги “зулм қилинганлар” ўшалар ёки Ҳабашистон билан Мадинага ҳижрат қилган мусулмонлардир, деган тафсирлар бор (Хз.).

وَمَآ أَرۡسَلۡنَا مِن قَبۡلِكَ إِلَّا رِجَالٗا نُّوحِيٓ إِلَيۡهِمۡۖ فَسۡـَٔلُوٓاْ أَهۡلَ
ٱلذِّكۡرِ إِن كُنتُمۡ لَا تَعۡلَمُونَ ٤٣ بِٱلۡبَيِّنَٰتِ وَٱلزُّبُرِۗ وَأَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ
ٱلذِّكۡرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيۡهِمۡ وَلَعَلَّهُمۡ يَتَفَكَّرُونَ
٤٤ أَفَأَمِنَ ٱلَّذِينَ مَكَرُواْ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن يَخۡسِفَ ٱللَّهُ بِهِمُ ٱلۡأَرۡضَ
أَوۡ يَأۡتِيَهُمُ ٱلۡعَذَابُ مِنۡ حَيۡثُ لَا يَشۡعُرُونَ ٤٥ أَوۡ يَأۡخُذَهُمۡ
فِي تَقَلُّبِهِمۡ فَمَا هُم بِمُعۡجِزِينَ ٤٦ أَوۡ يَأۡخُذَهُمۡ عَلَىٰ تَخَوُّفٖ فَإِنَّ
رَبَّكُمۡ لَرَءُوفٞ رَّحِيمٌ ٤٧ أَوَلَمۡ يَرَوۡاْ إِلَىٰ مَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَيۡءٖ
يَتَفَيَّؤُاْ ظِلَٰلُهُۥ عَنِ ٱلۡيَمِينِ وَٱلشَّمَآئِلِ سُجَّدٗا لِّلَّهِ وَهُمۡ دَٰخِرُونَ
٤٨ وَلِلَّهِ يَسۡجُدُ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِ مِن دَآبَّةٖ
وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ وَهُمۡ لَا يَسۡتَكۡبِرُونَ ٤٩ يَخَافُونَ رَبَّهُم مِّن فَوۡقِهِمۡ
وَيَفۡعَلُونَ مَا يُؤۡمَرُونَ ۩ ٥٠ ۞ وَقَالَ ٱللَّهُ لَا تَتَّخِذُوٓاْ إِلَٰهَيۡنِ
ٱثۡنَيۡنِۖ إِنَّمَا هُوَ إِلَٰهٞ وَٰحِدٞ فَإِيَّٰيَ فَٱرۡهَبُونِ ٥١ وَلَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضِ وَلَهُ ٱلدِّينُ وَاصِبًاۚ أَفَغَيۡرَ ٱللَّهِ تَتَّقُونَ ٥٢ وَمَا بِكُم مِّن
نِّعۡمَةٖ فَمِنَ ٱللَّهِۖ ثُمَّ إِذَا مَسَّكُمُ ٱلضُّرُّ فَإِلَيۡهِ تَجۡـَٔرُونَ ٥٣ ثُمَّ
إِذَا كَشَفَ ٱلضُّرَّ عَنكُمۡ إِذَا فَرِيقٞ مِّنكُم بِرَبِّهِمۡ يُشۡرِكُونَ ٥٤

43. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан олдин ҳам фақат (Сиз каби) кишиларнигина (пайғамбар қилиб) юбориб, уларга ваҳий нозил этиб турганмиз. Агар (бу ҳақда) билмайдиган бўлсангиз, аҳли зикрлардан (яъни Таврот ва Инжилни биладиганлардан) сўрангиз!*

44. (Биз пайғамбарларни) ҳужжатлар ва китоблар билан (юборганмиз). Сизга эса одамларга нозил қилинган (маълумотлар)ни баён (тафсир) қилиб беришингиз учун ва тафаккур қилсинлар, деб бу зикрни (Қуръонни) нозил қилдик.

45. Ёмонликларни макр йўли билан қилганлар ўзларини ер ютишидан ёки сезмаган тарафларидан азоб келиб қолишидан хотиржаммилар?!

46. Ёки (сафарда) айланиб юрганларида уларни (офат) тутгач, (ҳеч кимни) ожиз қолдира олмасларидан

47. ёки (қилмишлари оқибатидан) қўрқиб юрган пайтларида, уларни (бирор офат) ушлаб қолишидан (қўрқмайдиларми?!) Дарҳақиқат, (яна ҳам) Раббингиз меҳрибон ва раҳмлидир.

48. Ахир, улар Аллоҳ яратган барча нарсаларнинг соялари Аллоҳга бўйин суниб, сажда қилган ҳолларида ўнгу сўлларига узайиб-қисқариб турганини кўрмаганмилар?!*

49. Осмонлар ва Ердаги барча нарса – жониворлар ва фаришталар ҳам кибр қилмаган ҳолларида фақат Аллоҳга сажда қилурлар*.

50. Улар (фаришталар) устиларидаги (кузатиб турган) Парвардигорларидан қўрқурлар ва ўзларига буюрилган буйруқларини бажарурлар*.

51. Аллоҳ: «Икки (сохта) илоҳни маъбуд қилиб олмангиз!* Албатта, У ягона илоҳдир! Бас, Мендангина қўрқингиз!», – деди.

52. Осмонлардаги ва Ердаги барча нарсалар Унинг мулкидир. Дин (итоат қилиш) Унгагина (бўлиши) вожибдир. Аллоҳдан ўзгасидан қўрқасизми?!

53. Сизларда қайси бир неъмат бор бўлса, албатта, у Аллоҳдандир. Шунингдек, қачон сизларга мусибат етса ҳам фақат Унгагина ёлворасизлар.

54. Сўнгра (У) сизлардан (ўша) мусибатни даф этгач, сизларнинг орангиздан бир тўда (кимсалар чиқиб) Парвардигорларига ширк келтирурлар.

43-оят. Аллоҳ Макка аҳлига хитоб қилиб, ўтган пайғамбарлар ва умматлар тўғрисидаги тарихий маълумотни Таврот ва Инжил аҳлидан сўранг, деб буюрмокда (Мд. Хз.).

48-оят. Ҳар бир нарсанинг сояси қуёш чиқиб, кўтарила бошлагач, қисқариб боради. Тушдан кейин узайиб бориб, яна олдинги ҳолатига қайтади шу жараён сажда сифатида таъриф этилаётир (Хз.).

49–50-оятлар. Сажда ояти.

51-оят. Мажусийлар каби (Лс.).

لِيَكْفُرُوا۟ بِمَآ ءَاتَيْنَٰهُمْ فَتَمَتَّعُوا۟ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٥٥﴾ وَيَجْعَلُونَ
لِمَا لَا يَعْلَمُونَ نَصِيبًا مِّمَّا رَزَقْنَٰهُمْ تَٱللَّهِ لَتُسْـَٔلُنَّ عَمَّا كُنتُمْ
تَفْتَرُونَ ﴿٥٦﴾ وَيَجْعَلُونَ لِلَّهِ ٱلْبَنَٰتِ سُبْحَٰنَهُۥ وَلَهُم مَّا يَشْتَهُونَ
﴿٥٧﴾ وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِٱلْأُنثَىٰ ظَلَّ وَجْهُهُۥ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ
﴿٥٨﴾ يَتَوَٰرَىٰ مِنَ ٱلْقَوْمِ مِن سُوٓءِ مَا بُشِّرَ بِهِۦٓ أَيُمْسِكُهُۥ عَلَىٰ هُونٍ
أَمْ يَدُسُّهُۥ فِى ٱلتُّرَابِ أَلَا سَآءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٥٩﴾ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ
بِٱلْـَٔاخِرَةِ مَثَلُ ٱلسَّوْءِ وَلِلَّهِ ٱلْمَثَلُ ٱلْأَعْلَىٰ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ
﴿٦٠﴾ وَلَوْ يُؤَاخِذُ ٱللَّهُ ٱلنَّاسَ بِظُلْمِهِم مَّا تَرَكَ عَلَيْهَا مِن دَآبَّةٍ وَلَٰكِن
يُؤَخِّرُهُمْ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَإِذَا جَآءَ أَجَلُهُمْ لَا يَسْتَـْٔخِرُونَ
سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٦١﴾ وَيَجْعَلُونَ لِلَّهِ مَا يَكْرَهُونَ
وَتَصِفُ أَلْسِنَتُهُمُ ٱلْكَذِبَ أَنَّ لَهُمُ ٱلْحُسْنَىٰ لَا جَرَمَ أَنَّ
لَهُمُ ٱلنَّارَ وَأَنَّهُم مُّفْرَطُونَ ﴿٦٢﴾ تَٱللَّهِ لَقَدْ أَرْسَلْنَآ إِلَىٰٓ أُمَمٍ مِّن
قَبْلِكَ فَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ أَعْمَٰلَهُمْ فَهُوَ وَلِيُّهُمُ ٱلْيَوْمَ وَلَهُمْ
عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦٣﴾ وَمَآ أَنزَلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ إِلَّا لِتُبَيِّنَ لَهُمُ
ٱلَّذِى ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٦٤﴾

55. Бу уларга берганларимизга ношукрчиликларидир. Бас, (эй, мушриклар!) «Фойдаланиб» қолингиз! Яқинда, (қиёмат кунида ҳақиқатни) билурсиз.

56. Улар Биз ризқ қилиб берган нарсалардан ўзлари билмайдиган нарса (бутлари) учун насиба ажратурлар. (Эй, мушриклар!) Аллоҳга қасамки, албатта, сизлар ўзларингиз тўқиб олган нарса (бутларингиз) тўғрисида, албатта, сўралурсиз.

57. Улар «Фаришталар Аллоҳнинг қизлари» деб, даъво қилишади, У (бундай бўҳтондан) покдир. Ўзларига эса кўнгиллари хушлайдиган нарсани (яъни ўғилларни) нисбат беришади*.

58. Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади.

59. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа кўмиш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг «ёмон»лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир.

60. Охиратга имон келтирмайдиганларда ёмон масал бордир. Аллоҳда эса энг олий масал (сифат) бордир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир.

61. Агар Аллоҳ одамларни зулмлари сабабли ушлайдиган (жазолайдиган) бўлса, унда (Ер юзида) бирор жониворни (тирик) қўймаган бўлур эди. Лекин уларни маълум муддатгача қўйиб берур. Ўша муддатлари етиб келганида эса, уни бирор соат кейинга ҳам сура олмайдилар, олдинга ҳам.

62. Улар ўзлари ёмон кўрадиган нарса (қиз болалар)ни Аллоҳга тиркаб, яна тиллари ўзларига чиройли мукофот (жаннат) бўлиши ҳақида ёлғон сўзлайди. Шубҳа йўқки, улар дўзах аҳлидир ва албатта, улар (дўзахга) биринчилар (қаторида тушувчилар)дир.

63. (Эй, Муҳаммад!) Аллоҳ (номим)га қасамки, дарҳақиқат, Биз Сиздан олдинги умматларга ҳам пайғамбарлар юборганимизда, шайтон уларга ўзларининг (разил) ишларини чиройли қилиб кўрсатган эди. У бугун (бу дунёда) уларнинг «дўсти»дир. (Охиратда эса) улар учун аламли азоб бордир.

64. Биз Сизга имон келтирадиган қавм учун ҳидоят ва раҳмат бўлмиш Китоб (Қуръон)ни уларга ўзлари ихтилоф этаётган нарсаларини аниқ қилиб беришингиз учунгина нозил қилдик.

57-оят. Яъни уларнинг ақидаларига кўра, икки жинснинг аълоси саналган ўғил жинсини ўзларига, заифи саналган қиз жинсини эса, Аллоҳга нисбат беришади. Ваҳоланки, қиз фарзандни ҳатто, ўзларига ҳам муносиб кўришмайди. Бу уларнинг дунёқарашларига биноан мантиқий баҳсдир. Аслида эса Аллоҳнинг наздида қиз билан ўғилнинг қадри баробардир.

وَٱللَّهُ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَحۡيَا بِهِ ٱلۡأَرۡضَ بَعۡدَ مَوۡتِهَآۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ
لَأٓيَةٗ لِّقَوۡمٖ يَسۡمَعُونَ ٦٥ وَإِنَّ لَكُمۡ فِي ٱلۡأَنۡعَٰمِ لَعِبۡرَةٗۖ نُّسۡقِيكُم مِّمَّا
فِي بُطُونِهِۦ مِنۢ بَيۡنِ فَرۡثٖ وَدَمٖ لَّبَنًا خَالِصٗا سَآئِغٗا لِّلشَّٰرِبِينَ ٦٦
وَمِن ثَمَرَٰتِ ٱلنَّخِيلِ وَٱلۡأَعۡنَٰبِ تَتَّخِذُونَ مِنۡهُ سَكَرٗا وَرِزۡقًا
حَسَنًاۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لِّقَوۡمٖ يَعۡقِلُونَ ٦٧ وَأَوۡحَىٰ رَبُّكَ إِلَى ٱلنَّحۡلِ
أَنِ ٱتَّخِذِي مِنَ ٱلۡجِبَالِ بُيُوتٗا وَمِنَ ٱلشَّجَرِ وَمِمَّا يَعۡرِشُونَ ٦٨ ثُمَّ كُلِي
مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ فَٱسۡلُكِي سُبُلَ رَبِّكِ ذُلُلٗاۚ يَخۡرُجُ مِنۢ بُطُونِهَا
شَرَابٞ مُّخۡتَلِفٌ أَلۡوَٰنُهُۥ فِيهِ شِفَآءٞ لِّلنَّاسِۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗ لِّقَوۡمٖ
يَتَفَكَّرُونَ ٦٩ وَٱللَّهُ خَلَقَكُمۡ ثُمَّ يَتَوَفَّىٰكُمۡۚ وَمِنكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰٓ أَرۡذَلِ
ٱلۡعُمُرِ لِكَيۡ لَا يَعۡلَمَ بَعۡدَ عِلۡمٖ شَيۡـًٔاۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٞ قَدِيرٞ ٧٠ وَٱللَّهُ
فَضَّلَ بَعۡضَكُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖ فِي ٱلرِّزۡقِۚ فَمَا ٱلَّذِينَ فُضِّلُواْ بِرَآدِّي
رِزۡقِهِمۡ عَلَىٰ مَا مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُهُمۡ فَهُمۡ فِيهِ سَوَآءٌۚ أَفَبِنِعۡمَةِ
ٱللَّهِ يَجۡحَدُونَ ٧١ وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنۡ أَنفُسِكُمۡ أَزۡوَٰجٗا
وَجَعَلَ لَكُم مِّنۡ أَزۡوَٰجِكُم بَنِينَ وَحَفَدَةٗ وَرَزَقَكُم مِّنَ
ٱلطَّيِّبَٰتِۚ أَفَبِٱلۡبَٰطِلِ يُؤۡمِنُونَ وَبِنِعۡمَتِ ٱللَّهِ هُمۡ يَكۡفُرُونَ ٧٢

65. Аллоҳ осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, у сабабли «ўлик» ерни «тирилтирди». Албатта, бунда (насиҳатга) қулоқ тутадиган қавм учун аломат бордир.

66. Дарвоқе, сизлар учун чорва ҳайвонларида ҳам ибрат бордир; сизларни уларнинг қоринларидаги нажосат ва қон ораларидан чиқувчи, (лекин) ичувчилар учун иштаҳали тоза сутдан ичирурмиз.

67. Хурмо ва узумларнинг меваларидан эса, май ва гўзал ризқ олурсиз. Албатта, бунда ҳам англайдиган қавм учун аломат бордир*.

68. (Эй, Муҳаммад!) Раббингиз асалариларга ваҳий (буйруқ) қилди: «Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) барпо қиладиган нарсаларга ин қурингиз.

69. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юрингиз!» Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун аломат бордир.

70. Сизларни Аллоҳ яратди. Сўнгра вафот эттиради ҳам. Сизларнинг орангизда энг тубан умр* кўришга (кексайиб, заиф ҳолатга) қайтарилиб, илгари билган нарсаларининг ҳеч бирини билмай қоладиган кишилар ҳам бордир. Албатта, Аллоҳ билимли ва қудратлидир.

71. Аллоҳ баъзиларингиздан баъзиларингизни ризқда юқори қилиб қўйди. Бас, бу (ризқда) юқори қилинганлар ўзларининг ризқларини қўл остидаги (қул)ларига бермайдиларки, барчалари (ризқда) баробар бўлиб олсалар. Бас, Аллоҳнинг неъматини инкор этадиларми?!

72. Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб*, жуфтларингиздан сизлар учун ўғиллар ва набиралар пайдо қилди ва сизларни пок нарсалардан ризқлантиради. Бас, (улар) ботил (бутлар)га имон келтириб, Аллоҳнинг неъматини инкор этадиларми?!

67-оят. Бу оят Маккада нозил қилинган бўлиб, май ҳануз тақиқланмаган эди. “Гўзал ризқ” – сирка, шинни, майиз ва бошқа маҳсулотлар (Мд. Хз.).

70-оят. "Арзалул-умр" – бу, энг тубан умр, қариялик даври. У неча ёшдан бошланади, деган масалада турли тафсирлар бор: бирида 60 дан деса, бошқасида 75 дан, яна бир ривоятда 80 дан, бошқасида 90 дан кейин бошланади, дейилади. Пайғамбаримиз (а.с.) дуоларида мазкур “тубан умр” бермаслигини Аллоҳдан сўрар эдилар (Мд. Хз. Бх.).

72-оят. “Ўзларингиздан”, яъни инсон жинсидан. Бу оятда ишорат борки, жуфтларимизнинг жинлардан ёки фаришталардан бўлмай, ўз жинсимиз – одамзот наслидан бўлиши ҳам улуғ неъмат экан. Акс ҳолда ўртада мутаносиблик бўлмас эди.

وَيَعۡبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَمۡلِكُ لَهُمۡ رِزۡقٗا مِّنَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضِ شَيۡـٔٗا وَلَا يَسۡتَطِيعُونَ ﴿٧٣﴾ فَلَا تَضۡرِبُواْ لِلَّهِ ٱلۡأَمۡثَالَۚ
إِنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ وَأَنتُمۡ لَا تَعۡلَمُونَ ﴿٧٤﴾ ۞ ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا عَبۡدٗا
مَّمۡلُوكٗا لَّا يَقۡدِرُ عَلَىٰ شَيۡءٖ وَمَن رَّزَقۡنَٰهُ مِنَّا رِزۡقًا حَسَنٗا
فَهُوَ يُنفِقُ مِنۡهُ سِرّٗا وَجَهۡرًاۖ هَلۡ يَسۡتَوُۥنَۚ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِۚ
بَلۡ أَكۡثَرُهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ﴿٧٥﴾ وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلٗا رَّجُلَيۡنِ
أَحَدُهُمَآ أَبۡكَمُ لَا يَقۡدِرُ عَلَىٰ شَيۡءٖ وَهُوَ كَلٌّ عَلَىٰ
مَوۡلَىٰهُ أَيۡنَمَا يُوَجِّههُّ لَا يَأۡتِ بِخَيۡرٍ هَلۡ يَسۡتَوِي هُوَ وَمَن
يَأۡمُرُ بِٱلۡعَدۡلِ وَهُوَ عَلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ﴿٧٦﴾ وَلِلَّهِ غَيۡبُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ وَمَآ أَمۡرُ ٱلسَّاعَةِ إِلَّا كَلَمۡحِ ٱلۡبَصَرِ
أَوۡ هُوَ أَقۡرَبُۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ﴿٧٧﴾ وَٱللَّهُ
أَخۡرَجَكُم مِّنۢ بُطُونِ أُمَّهَٰتِكُمۡ لَا تَعۡلَمُونَ شَيۡـٔٗا وَجَعَلَ
لَكُمُ ٱلسَّمۡعَ وَٱلۡأَبۡصَٰرَ وَٱلۡأَفۡـِٔدَةَ لَعَلَّكُمۡ تَشۡكُرُونَ
﴿٧٨﴾ أَلَمۡ يَرَوۡاْ إِلَى ٱلطَّيۡرِ مُسَخَّرَٰتٖ فِي جَوِّ ٱلسَّمَآءِ
مَا يُمۡسِكُهُنَّ إِلَّا ٱللَّهُۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّقَوۡمٖ يُؤۡمِنُونَ ﴿٧٩﴾

73. Аллоҳни қўйиб, улар учун осмонлар ва ердан бирор нарсани ризқ қилиб бермайдиган ва бера олмайдиган (бут)ларга сиғинадилар.

74. Бас, Аллоҳга нисбатан нақл тўқимангиз! Албатта, Аллоҳ билур, сизлар эса билмайсиз.

75. Аллоҳ шундай бир мисол келтирур: ҳеч нарсага кучи етмайдиган қарам қул билан Биз ўз тарафимиздан яхшигина ризқ бериб, ўша ризқдан яширин ва ошкора эҳсон қилаётган (ҳур) киши баробар бўладими?! Ҳамд Аллоҳга (хос)дир. Лекин уларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

76. Аллоҳ яна икки киши ҳақида мисол келтирур: улардан бири ҳеч нарсага кучи етмайдиган соқовдир. У эгасига (ортиқча) юк бўлиб (хожаси) уни қаерга юборса, бирор яхшилик (фойда) келтирмайди. Ўша кимса билан ўзи тўғри йўлда бўлгани ҳолда, (ўзгаларни ҳам) адолатга буюрадиган киши баробар бўлурми?!

77. Осмонлар ва Ернинг ғайб (илм)и Аллоҳга хосдир. Қиёмат иши (қойим бўлиши) кўзни очиб-юмишдек ёки ундан ҳам яқинроқдир*. Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.

78. Аллоҳ сизларни оналарингиз қоринларидан бирор нарсани билмайдиган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга қулоқ, кўзлар ва қалбларни берди*.

79. Осмон фазосида (учишга) бўйин сундирилган қушларга боқмайдиларми?! Уларни фақат Аллоҳ тутиб турибди-ку! Албатта, бунда имон келтирадиган қавм учун аломатлар бордир.

77-оят. Қиёматнинг қачон қойим бўлиши Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга маълум эмас. Аллоҳ таолонинг қудрати ҳамма нарсага етса-да, ҳамма ишни шошилинч равишда қилиб юборавермайди, балки ҳар бир ишни қачон ва қандай қилиши ёки қилмаслиги ҳам илоҳий ҳикмат ва сирлар асосидадир (Хз.)

78-оят. Қудсий ҳадисда Аллоҳ айтади: “Менинг дўстимга ким душманлик қилса, демак, у мен билан уришмоқчи бўлибди. Менга бандамни яқин (дўст) қиладиган энг яхши амал ўзига Мен фарз қилган амалларни адо этишдир. Менга у нафл ибодат ва амаллар билан яқинлашган сайин Мен уни суйиб боравераман. Суйиб қолганимдан кейин эса, Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ишлайдиган қўли, юрадиган оёғига айланаман. Сўраганини бераман, дуосини қабул қиламан, паноҳ тиласа асрайман. Жонини олишда иккиланаман. Чунки у ўлимни ёқтирмайди. Мен эса уни хафа қилгим йўқ. Ўлмасликдан эса унга бошқа чора йўқ!” (Бх.).

Ҳадис изоҳи: Аллоҳга суюкли бўлган банданинг қулоғи, кўзи, қўли ва оёқлари фақат Аллоҳни рози қиладиган амаллар билан машғул бўлиб қолади. Бу мақомга эришгач, унинг дуолари мустажоб, соҳибкаромат авлиёлар даражасига етган бўлади.

وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنۢ بُيُوتِكُمۡ سَكَنٗا وَجَعَلَ لَكُم مِّن جُلُودِ
ٱلۡأَنۡعَٰمِ بُيُوتٗا تَسۡتَخِفُّونَهَا يَوۡمَ ظَعۡنِكُمۡ وَيَوۡمَ إِقَامَتِكُمۡ
وَمِنۡ أَصۡوَافِهَا وَأَوۡبَارِهَا وَأَشۡعَارِهَآ أَثَٰثٗا وَمَتَٰعًا إِلَىٰ حِينٖ
٨٠ وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّمَّا خَلَقَ ظِلَٰلٗا وَجَعَلَ لَكُم
مِّنَ ٱلۡجِبَالِ أَكۡنَٰنٗا وَجَعَلَ لَكُمۡ سَرَٰبِيلَ تَقِيكُمُ
ٱلۡحَرَّ وَسَرَٰبِيلَ تَقِيكُم بَأۡسَكُمۡۚ كَذَٰلِكَ يُتِمُّ نِعۡمَتَهُۥ
عَلَيۡكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تُسۡلِمُونَ ٨١ فَإِن تَوَلَّوۡاْ فَإِنَّمَا عَلَيۡكَ
ٱلۡبَلَٰغُ ٱلۡمُبِينُ ٨٢ يَعۡرِفُونَ نِعۡمَتَ ٱللَّهِ ثُمَّ يُنكِرُونَهَا
وَأَكۡثَرُهُمُ ٱلۡكَٰفِرُونَ ٨٣ وَيَوۡمَ نَبۡعَثُ مِن كُلِّ أُمَّةٖ
شَهِيدٗا ثُمَّ لَا يُؤۡذَنُ لِلَّذِينَ كَفَرُواْ وَلَا هُمۡ يُسۡتَعۡتَبُونَ
٨٤ وَإِذَا رَءَا ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ ٱلۡعَذَابَ فَلَا يُخَفَّفُ عَنۡهُمۡ وَلَا هُمۡ
يُنظَرُونَ ٨٥ وَإِذَا رَءَا ٱلَّذِينَ أَشۡرَكُواْ شُرَكَآءَهُمۡ
قَالُواْ رَبَّنَا هَٰٓؤُلَآءِ شُرَكَآؤُنَا ٱلَّذِينَ كُنَّا نَدۡعُواْ مِن دُونِكَۖ
فَأَلۡقَوۡاْ إِلَيۡهِمُ ٱلۡقَوۡلَ إِنَّكُمۡ لَكَٰذِبُونَ ٨٦ وَأَلۡقَوۡاْ
إِلَى ٱللَّهِ يَوۡمَئِذٍ ٱلسَّلَمَۖ وَضَلَّ عَنۡهُم مَّا كَانُواْ يَفۡتَرُونَ ٨٧

80. Аллоҳ сизлар учун уйларингизни оромгоҳ қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларининг териларидан кўчадиган кунингизда ва қўнадиган кунингизда енгил кўтариб кета оладиган овуллар (бунёд) этди ҳамда (қўйларнинг) жунларидан, (туяларнинг) юнгларидан ва (эчкиларнинг) тивитларидан маълум бир вақтга қадар фойдаланиладиган жиҳоз ва матоҳлар (яратди).

81. Аллоҳ сизлар учун ўзи яратган нарсалардан соя жойлар (бунёд) этди ва сизлар учун тоғлардан бошпаналар қилди ҳамда сизлар учун иссиқ (ва совуқ)дан асрайдиган кийимлар ва сизларни (турли) хавфдан сақлайдиган совутлар яратди. (Имон келтириб) мусулмон бўлурсиз, деб У сизларга ўз неъматини шу тарзда мукаммал етказиб туради.

82. (Эй, Муҳаммад!) Агар улар (имондан) юз ўгирсалар, у ҳолда Сизнинг зиммангизда фақат (ҳақиқатни) равшан қилиб етказиш бор, холос.

83. (Улар) Аллоҳнинг неъматини биладилар, сўнгра уни инкор этадилар. Уларнинг аксарияти кофирлардир.

84. Ҳар бир умматдан Биз бир гувоҳни (ўша умматнинг пайғамбарини) келтириб қўядиган кунни эсланг! Сўнгра кофир бўлганларга (узр айтиш учун) изн берилмас ҳамда улардан (Аллоҳни) рози қилиш ҳам талаб қилинмас.

85. Зулм қилганлар (қиёмат куни) азобни кўрганларида улардан (у азоб) енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас*.

86. (Ўша куни) мушрик бўлган кимсалар ўзларининг келтирган ширкларини кўрган вақтларида: «Эй, Раббимиз! Анавилар Бизлар Сени қўйиб, сиғинган илоҳларимиз», – деганларида, (маъбудалар бунга жавобан): «Сизлар, ҳақиқатан, ёлғончидирсиз», – деб сўз қотурлар*.

87. Улар у Кунда Аллоҳга (ўзларини) таслим қилурлар ва ўзлари тўқиб олган («илоҳ»)лари эса улардан ғойиб бўлур*.

85-оят. Жаҳаннамга маҳкум этилганлар етмиш минг тизгин билан жиловланиб олиб кетилади. Ҳар бир тизгинни етмиш минг фаришта ушлаб боради. Тиз чўккан ҳолларида борар эканлар, фаришталар уларга қилмишларини эслатиб, Аллоҳга ширк келтирган ва ёвузликда умр ўтказган осий бандаларнинг жазоси шундай бўлишини айтиб борадилар (ИК).

86-оят. Қиёмат куни Аллоҳ таоло мушриклар сиғиниб юрган бут ва санамларга тил ато этиб, ўзларини ҳақиқий маъбуд эмас, балки жонсиз, онгсиз оддий нарса бўлганлари, ҳеч кимни ўзларига сиғинишга чақирмаганларини айтиб беришлари учун сиғинувчиларга рўбарў қилар экан. Мушриклар уларни илоҳ деб айтган гаплари ва эътиқодлари нотўғри ва ёлғон эканига маъбудаларнинг ўзи гувоҳлик берар экан (Тб. Мд.).

87-оят. Дўзахга ташланади.

88. Куфрда бўлган ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсган кимсаларга бузғунчилик қилганлари сабабли азоб устига азобни зиёда қилурмиз.

89. Ҳар бир уммат ичидан ўзлари учун ўзларидан бир гувоҳни (яъни пайғамбарни) келтирадиган кунимизни эсланг! Сизни эса (Эй, Муҳаммад!) Ана улар (ўз умматингиз)га гувоҳ қилиб келтирурмиз. Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун башорат бўлган Китоб (Қуръон)ни нозил қилдик*.

90. Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради ҳамда бузуқчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтаради. Эслатма олурсиз, деб (У) сизларга (доимо) насиҳат қилур.

91. Аҳдлашганингизда, Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Аллоҳни кафил қилиб ичган қасамларингизни (Аллоҳ номи билан) мустаҳкам қилганингиздан кейин бузмангиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур.

92. Сизлар бир жамоа бошқа бир жамоадан (сон ё бойлик жиҳатидан) ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни (бузиб) уни алдов воситаси қилишингиз билан худди ўзи тўқиган нарсасини пухта чиққанидан сўнг парчалаб бузиб ташлаган аёлга ўхшаб қолмангиз! Албатта, Аллоҳ бу билан сизларни синовдан ўтказур ва албатта, қиёмат кунида сизларга (келиша олмай) ихтилоф қилиб юрган нарсаларингизни баён қилиб берур.

ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ زِدْنَٰهُمْ عَذَابًا فَوْقَ
ٱلْعَذَابِ بِمَا كَانُوا۟ يُفْسِدُونَ ﴿٨٨﴾ وَيَوْمَ نَبْعَثُ فِى كُلِّ
أُمَّةٍ شَهِيدًا عَلَيْهِم مِّنْ أَنفُسِهِمْ ۖ وَجِئْنَا بِكَ شَهِيدًا عَلَىٰ
هَٰٓؤُلَآءِ ۚ وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ تِبْيَٰنًا لِّكُلِّ شَىْءٍ وَهُدًى
وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ ﴿٨٩﴾ ۞ إِنَّ ٱللَّهَ يَأْمُرُ بِٱلْعَدْلِ
وَٱلْإِحْسَٰنِ وَإِيتَآئِ ذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَيَنْهَىٰ عَنِ ٱلْفَحْشَآءِ
وَٱلْمُنكَرِ وَٱلْبَغْىِ ۚ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ
﴿٩٠﴾ وَأَوْفُوا۟ بِعَهْدِ ٱللَّهِ إِذَا عَٰهَدتُّمْ وَلَا تَنقُضُوا۟ ٱلْأَيْمَٰنَ
بَعْدَ تَوْكِيدِهَا وَقَدْ جَعَلْتُمُ ٱللَّهَ عَلَيْكُمْ كَفِيلًا ۚ إِنَّ
ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ ﴿٩١﴾ وَلَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّتِى نَقَضَتْ
غَزْلَهَا مِنۢ بَعْدِ قُوَّةٍ أَنكَٰثًا تَتَّخِذُونَ أَيْمَٰنَكُمْ دَخَلًۢا
بَيْنَكُمْ أَن تَكُونَ أُمَّةٌ هِىَ أَرْبَىٰ مِنْ أُمَّةٍ ۚ إِنَّمَا يَبْلُوكُمُ
ٱللَّهُ بِهِۦ ۚ وَلَيُبَيِّنَنَّ لَكُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ مَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٩٢﴾
وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَٰحِدَةً وَلَٰكِن يُضِلُّ مَن
يَشَآءُ وَيَهْدِى مَن يَشَآءُ ۚ وَلَتُسْـَٔلُنَّ عَمَّا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٩٣﴾

93. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта, сизларни бир уммат қилган бўлур эди. Лекин, У, ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва ўзи хоҳлаган кишиларни (Тўғри йўлга) ҳидоят қилур. Албатта, (сизлар бу дунёда) қилиб ўтган ишларингиздан сўралурсиз.

89-оят. Қуръони каримда, ҳақиқатан, барча нарса баён этилган. Лекин ҳамма ҳам уларни мукаммал англаб ҳаётга татбиқ этишга қодир эмас. Шунинг учун Аллоҳ таоло шу суранинг 44-оятида айтганидек, Пайғамбаримиз (а.с.) ҳадислари орқали оятларга изоҳ ва тафсир беришга буюрилганлар. Демак, Қуръон билан Сунна Ислом динининг энг асосий манбалари экан. Учинчи манба, яъни "Ижмоъ" ҳамда тўртинчи манба – "Қиёс" ҳам шаръан эътироф этилган асосий манбалар ҳисобланади. Зеро, ҳадиси шарифда мусулмонлар ҳеч қачон нотўғри нарсада ҳамфикр бўлмасликлари ва Қуръон билан Суннада йўқ ҳукмларда раъй ва ижтиҳод билан фатво чиқариш жоизлиги аниқ кўрсатилган. Бу тўрт манбага кейинчалик давр тақозоси билан ўндан ортиқ қўшимча манбалар ҳам қабул қилинган. Масалан, истеҳсон, масолиҳи мурсала, урф, истисҳоб, собиқ умматлар шариати, саҳобалар сўзи, балвои омма, зарурат, дафъи фитна, икки зарарнинг енгилини танлаш, мужтаҳид ва муфтийларнинг фатвоси ва ҳк.

وَلَا تَتَّخِذُوٓا۟ أَيْمَٰنَكُمْ دَخَلًۢا بَيْنَكُمْ فَتَزِلَّ قَدَمٌۢ بَعْدَ ثُبُوتِهَا
وَتَذُوقُوا۟ ٱلسُّوٓءَ بِمَا صَدَدتُّمْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ وَلَكُمْ عَذَابٌ
عَظِيمٌ ﴿٩٤﴾ وَلَا تَشْتَرُوا۟ بِعَهْدِ ٱللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا ۚ إِنَّمَا عِندَ ٱللَّهِ
هُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٩٥﴾ مَا عِندَكُمْ يَنفَدُ ۖ
وَمَا عِندَ ٱللَّهِ بَاقٍ ۗ وَلَنَجْزِيَنَّ ٱلَّذِينَ صَبَرُوٓا۟ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ
مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾ مَنْ عَمِلَ صَٰلِحًا مِّن ذَكَرٍ
أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهُۥ حَيَوٰةً طَيِّبَةً ۖ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ
أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٩٧﴾ فَإِذَا قَرَأْتَ ٱلْقُرْءَانَ
فَٱسْتَعِذْ بِٱللَّهِ مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ ٱلرَّجِيمِ ﴿٩٨﴾ إِنَّهُۥ لَيْسَ لَهُۥ سُلْطَٰنٌ
عَلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٩٩﴾ إِنَّمَا
سُلْطَٰنُهُۥ عَلَى ٱلَّذِينَ يَتَوَلَّوْنَهُۥ وَٱلَّذِينَ هُم بِهِۦ مُشْرِكُونَ
﴿١٠٠﴾ وَإِذَا بَدَّلْنَآ ءَايَةً مَّكَانَ ءَايَةٍ ۙ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ
بِمَا يُنَزِّلُ قَالُوٓا۟ إِنَّمَآ أَنتَ مُفْتَرٍۭ ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ
﴿١٠١﴾ قُلْ نَزَّلَهُۥ رُوحُ ٱلْقُدُسِ مِن رَّبِّكَ بِٱلْحَقِّ لِيُثَبِّتَ
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ ﴿١٠٢﴾

94. Қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб олмангиз! Акс ҳолда (Ислом йўлида) маҳкам ўрнашган оёқ тойилиб кетар ва Аллоҳ йўлидан тўсганингиз сабабли ёмонлик (бало ва мусибатлар)ни тотиб қолурсиз ҳамда (охиратда ҳам) сизлар учун улкан азоб бордир.

95. Аллоҳнинг аҳдини озгина баҳога сотиб юбормангиз! Агар билсангиз, албатта, Аллоҳ даргоҳидаги нарса (ажр-савоб) сизлар учун (дунё матоҳларидан) яхшироқдир.

96. Сизларнинг ҳузурингиздаги нарсалар тугаб кетур. Аллоҳ даргоҳидаги нарсалар эса боқийдир. Биз, албатта, сабр этганларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз.

97. Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирор эзгу иш қилса, бас, Биз унга ёқимли ҳаёт бахш этурмиз* ва уларни ўзлари қилиб ўтган гўзал (солиҳ) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз.

98. Қачонки, Қуръон ўқисангиз, албатта, қувғин этилган шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрангиз!

99. Албатта, имон келтирган ва фақат Парвардигорларига таваккул қиладиганлар устидан у (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир.

100. Унинг ҳукмронлиги фақат уни дўст тутиб, Унга ширк келтирувчилар устидандир.

101. Қачонки, (Биз) бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирсак, – ҳолбуки, Аллоҳ ўзи нозил қиладиган оятларни яхши билувчидир – улар (пайғамбарга): «Ҳақиқатан, сен ўзинг тўқиб олувчисан», – дейдилар! Йўқ! Уларнинг кўплари (бунинг ҳикматини) билмайдилар!

102. (Эй, Муҳаммад! Уларга) уни (яъни Қуръонни) Руҳул-Қудус (Жаброил) Раббингиз (тарафи)дан имон келтирганларни (динда) собитқадам қилиш учун мусулмонларга ҳидоят ва башорат бўлган ҳолида барҳақ нозил қилганини (уларга) айтиб қўйинг!

97-оят. Чин солиҳ мўмин бу дунёда бой ёки камбағал ҳолда яшамасин, барибир, унинг ҳаёти ўзига ёқимли ва мақбулдир; бой бўлгандаги ҳолати маълум. Бордию, у фақирликда яшаётган бўлса ҳам унда яна бир катта бойлик – қаноат борки, у туфайли ғам-ташвиш тортмайди. Аммо кофирга қийин; у ҳар икки ҳолатда ҳам ғам-ташвишдан холи эмас – камбағаликка сира тоқат қила олмайди, ҳар кўйга кириб бўлса ҳам бойлик орттириш илинжида жони ҳалак. Агар у бойиб кетса, бойлигини эзгулик ва савоб йўлига сарф этмайди, балки бахиллик ва туғён балосига мубтало бўлиб, турли номаъқулчиликлар билан азиз умрини ўтказади. Бу дунёда бойликни асраш ташвиши, охиратда ҳисоб-китоб учун Аллоҳнинг ҳузурида туриши ибратли ҳолдир. Лекин бой бўлиш билан бирга имон-эътиқодли, аҳли солиҳ бўлса, нур устига нур (Мд.).

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُۥ بَشَرٌ لِّسَانُ
ٱلَّذِى يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمِىٌّ وَهَٰذَا لِسَانٌ عَرَبِىٌّ
مُّبِينٌ ﴿١٠٣﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ لَا يَهْدِيهِمُ
ٱللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٠٤﴾ إِنَّمَا يَفْتَرِى ٱلْكَذِبَ ٱلَّذِينَ
لَا يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَٰذِبُونَ
﴿١٠٥﴾ مَن كَفَرَ بِٱللَّهِ مِنۢ بَعْدِ إِيمَٰنِهِۦٓ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ
وَقَلْبُهُۥ مُطْمَئِنٌّۢ بِٱلْإِيمَٰنِ وَلَٰكِن مَّن شَرَحَ بِٱلْكُفْرِ صَدْرًا
فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٠٦﴾
ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمُ ٱسْتَحَبُّوا۟ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا عَلَى ٱلْـَٔاخِرَةِ
وَأَنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿١٠٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ
ٱلَّذِينَ طَبَعَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَسَمْعِهِمْ وَأَبْصَٰرِهِمْ ۖ
وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْغَٰفِلُونَ ﴿١٠٨﴾ لَا جَرَمَ أَنَّهُمْ فِى
ٱلْـَٔاخِرَةِ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿١٠٩﴾ ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ
لِلَّذِينَ هَاجَرُوا۟ مِنۢ بَعْدِ مَا فُتِنُوا۟ ثُمَّ جَٰهَدُوا۟
وَصَبَرُوٓا۟ إِنَّ رَبَّكَ مِنۢ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٠﴾

103. Аниқки, (Биз) уларнинг: «Унга (Муҳаммадга Қуръонни) бирор одам ўргатмоқда», – деяётганларини билурмиз. (Лекин) улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий (арабий эмас), бу (Қуръон) эса аниқ арабийдир*.

104. Албатта, Аллоҳнинг оятларига имон келтирмайдиганларни Аллоҳ ҳидоят қилмас. Улар учун аламли азоб бордир.

105. Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳ оятларига имон келтирмайдиганларгина тўқийдилар. Айнан ўшаларнинг ўзлари ёлғончилардир.

106. Ким Аллоҳга имон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса (ҳолига вой!) Лекин кимнинг қалби имон билан хотиржам ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, у мустаснодир. Аммо кимки кўнгилни куфрга очса, бас, у (каби)ларга Аллоҳ (томони)дан ғазаб ва улкан азоб бордир*.

107. Бу (азоб-уқубатлар)га сабаб уларнинг дунё ҳаётини охиратдан афзал билишлари ва Аллоҳнинг кофирлар қавмини ҳидоят қилмаслигидир.

108. Ана ўшалар қалблари, қулоқлари ва кўзларини Аллоҳ муҳрлаб қўйган кишилардир ва ана ўшалар ғофиллардир.

109. Шак йўқки, охиратда зиён кўрувчилар ҳам ўшалардир.

110. Сўнгра, албатта, Раббингиз, фитна (синов)ларга дучор бўлганларидан кейин (Мадинага) ҳижрат қилган, сўнгра (Аллоҳ йўлида) жиҳод қилиб,* (машаққатларга) сабр қилганлар учун, албатта, Раббингиз шулардан кейин (уларни) мағфират қилувчи ва раҳм этувчидир.

103-оят. Пайғамбаримиз (а.с.) бир ажамий, яъни араб бўлмаган кишига унинг тилида Исломдан таълим бераётганини кўрган мушриклар "Муҳаммад Қуръонни балки шу одамдан ўрганиб, бизга ўқиб бераётгандир", – деган туҳматни қилишганда, Аллоҳ таоло "Сизлар айтаётган одам ажамий бўлса, Қуръон тили соф араб тилида бўлса, қандай қилиб ажамий бўлган одам Пайғамбарга бу каби мўъжизали Қуръондан таълим бера олади?!", – деб раддия билдирмоқда.

106-оят. Бу оятлар имон йўлида заҳмат чеккан Аммор ибн Ёсир тўғрисида нозил қилинган. Уни Ислом динидан қайтариш мақсадида қаттиқ қийнаганлар ва Ҳубал исмли бутнинг номини атасанг қўйиб юборамиз деганларида, жонини сақлаб қолиш учун уларнинг талабини бажарган. Сўнгра Расул (а.с.) ҳузурларига йиғлаб бориб: "Энди менинг имоним нима бўлди?", – деб сўраганида, ул зот: "Агар дилингни имон билан мустаҳкам қилиб туриб, фақат тилинг билангина айтган бўлсанг зарари йўқ", – деб марҳамат қилганлар.

Оятга кўра салаф уламолари Амморнинг ҳолатига тушиб қолган кишига икки хил фатво берганлар: дилни мустаҳкам қилиб, куфр сўзини айтиш ёки Билолдек сабр-тоқат қилиш (ИК).

110-оят. "Жиҳод" сўзининг изоҳи учун "Нисо" сураси, 95-оят ва "Тавба" сураси, 88-оят тафсирларига қаралсин.

۞ يَوْمَ تَأْتِي كُلُّ نَفْسٍ تُجَٰدِلُ عَن نَّفْسِهَا وَتُوَفَّىٰ كُلُّ
نَفْسٍ مَّا عَمِلَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿١١١﴾ وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا
قَرْيَةً كَانَتْ ءَامِنَةً مُّطْمَئِنَّةً يَأْتِيهَا رِزْقُهَا رَغَدًا
مِّن كُلِّ مَكَانٍ فَكَفَرَتْ بِأَنْعُمِ ٱللَّهِ فَأَذَٰقَهَا ٱللَّهُ لِبَاسَ
ٱلْجُوعِ وَٱلْخَوْفِ بِمَا كَانُوا۟ يَصْنَعُونَ ﴿١١٢﴾ وَلَقَدْ
جَآءَهُمْ رَسُولٌ مِّنْهُمْ فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَهُمُ ٱلْعَذَابُ وَهُمْ
ظَٰلِمُونَ ﴿١١٣﴾ فَكُلُوا۟ مِمَّا رَزَقَكُمُ ٱللَّهُ حَلَٰلًا طَيِّبًا
وَٱشْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ ﴿١١٤﴾
إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ ٱلْمَيْتَةَ وَٱلدَّمَ وَلَحْمَ ٱلْخِنزِيرِ وَمَآ
أُهِلَّ لِغَيْرِ ٱللَّهِ بِهِۦ فَمَنِ ٱضْطُرَّ غَيْرَ بَاغٍ وَلَا عَادٍ فَإِنَّ
ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١١٥﴾ وَلَا تَقُولُوا۟ لِمَا تَصِفُ أَلْسِنَتُكُمُ
ٱلْكَذِبَ هَٰذَا حَلَٰلٌ وَهَٰذَا حَرَامٌ لِّتَفْتَرُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ
إِنَّ ٱلَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ لَا يُفْلِحُونَ ﴿١١٦﴾ مَتَٰعٌ قَلِيلٌ
وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١١٧﴾ وَعَلَى ٱلَّذِينَ هَادُوا۟ حَرَّمْنَا مَا قَصَصْنَا عَلَيْكَ
مِن قَبْلُ وَمَا ظَلَمْنَٰهُمْ وَلَٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿١١٨﴾

111. Ҳар бир жон (эгаси) фақат ўзи учун тортишадиган ва ҳар бир жон (эгаси) қилган амалининг (мукофотини) ноҳақлик қилинмаган ҳолда тўла оладиган Кунни (эсланг!)

112. Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукурлик қилгач, Аллоҳ унга (аҳолисига) бу «ҳунарлари» сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни “тотиш”га мажбур этди*.

113. Дарҳақиқат, уларга ўзларидан (чиққан) бир пайғамбар келганида, уни ёлғончига чиқаришгач, золим бўлган ҳолларида уларни азоб тутди.

114. Бас, (эй, мўминлар!) Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покларини енг ҳамда, агар Аллоҳга ибодат этувчи бўлсангиз, Унинг неъматларига шукр қилингиз!

115. У сизларга ўлимтикни, қонни, чўчқа гўштини ва Аллоҳдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина ҳаром қилди. Бас, кимки зулм қилмаган ва ҳаддан ошмаган ҳолда заруратга учраса (мазкур нарсалардан ўлмагудек миқдорда еса), бас, албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир*.

116. Аллоҳ номидан ёлғон тўқиб, тилларингизга келган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром» деявермангиз! Чунки, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар сира нажот топмагайлар.

117. (Ундай кимсалар учун дунёда) озгина роҳат (бўлур). (Охиратда эса) улар учун аламли азоб бордир.

118. (Эй, Муҳаммад!) Яҳудий бўлган кимсаларга (ҳайвонлардан) илгари Сизга Биз сўзлаб берган нарсаларни ҳаром қилдик*. Биз уларга зулм қилмадик, балки улар ўзларига (ўзлари) зулм қилувчи бўлдилар.

112-оят. Макка шаҳри тинч, осойишта жой бўлиб, аҳолиси ҳам фаровон ҳаёт кечирар эди. Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлиб юборилганларидан кейин улар имон келтириш ўрнига ул зотга ва мусулмонларга чексиз азият етказиб, охири ҳижрат қилишга мажбур этганларидан кейин Расул (а.с.)нинг уларни дуои бад қилишлари натижасида етти йил қаҳатчилик балосига мубтало бўлганлар. Очликдан ҳайвон пўстларини чайнашгача етганлари ривоятларда бор (Тб. Хз.).

115-оят. Ушбу оятдаги ҳукмлар “Бақара” сураси, 173-ояти ва “Моида” сураси, 3-ояти ва “Анъом” сураси, 145-оятларида ҳам такроран зикр этилган.

118-оят. Яна “Анъом” сураси 119, 138, 146, 147, 148, 151-оятларига қаралсин.

Мазкур оятларда мўминларнинг “изтирорий”, яъни ночор ҳолатларда тақиқланган нарсалардан ҳожатга яраша истеъмол қилишга рухсат этилиши ислом дини нақадар инсонпарвар дин эканининг далилидир (ИК).

ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ عَمِلُوا۟ ٱلسُّوٓءَ بِجَهَٰلَةٍ ثُمَّ تَابُوا۟ مِنۢ
بَعْدِ ذَٰلِكَ وَأَصْلَحُوٓا۟ إِنَّ رَبَّكَ مِنۢ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ ١١٩
إِنَّ إِبْرَٰهِيمَ كَانَ أُمَّةً قَانِتًا لِّلَّهِ حَنِيفًا وَلَمْ يَكُ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ
١٢٠ شَاكِرًا لِّأَنْعُمِهِ ٱجْتَبَىٰهُ وَهَدَىٰهُ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ
١٢١ وَءَاتَيْنَٰهُ فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً وَإِنَّهُۥ فِى ٱلْءَاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ
١٢٢ ثُمَّ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ أَنِ ٱتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ
مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ١٢٣ إِنَّمَا جُعِلَ ٱلسَّبْتُ عَلَى ٱلَّذِينَ
ٱخْتَلَفُوا۟ فِيهِ وَإِنَّ رَبَّكَ لَيَحْكُمُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ فِيمَا
كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ١٢٤ ٱدْعُ إِلَىٰ سَبِيلِ رَبِّكَ بِٱلْحِكْمَةِ
وَٱلْمَوْعِظَةِ ٱلْحَسَنَةِ وَجَٰدِلْهُم بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ إِنَّ رَبَّكَ
هُوَ أَعْلَمُ بِمَن ضَلَّ عَن سَبِيلِهِۦ وَهُوَ أَعْلَمُ بِٱلْمُهْتَدِينَ ١٢٥
وَإِنْ عَاقَبْتُمْ فَعَاقِبُوا۟ بِمِثْلِ مَا عُوقِبْتُم بِهِۦ وَلَئِن صَبَرْتُمْ
لَهُوَ خَيْرٌ لِّلصَّٰبِرِينَ ١٢٦ وَٱصْبِرْ وَمَا صَبْرُكَ إِلَّا بِٱللَّهِ
وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُ فِى ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ
١٢٧ إِنَّ ٱللَّهَ مَعَ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوا۟ وَّٱلَّذِينَ هُم مُّحْسِنُونَ ١٢٨

119. Сўнгра (билингки), албатта, Раббингиз, билмаган ҳолда гуноҳ қилиб қўйиб, кейин тавба қилган ва ўзларини тузатган кишилар учун, шубҳасиз, ўша (тавбалари)дан сўнг Раббингиз кечиримли ва раҳмлидир.

120. Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоат қилувчи, ҳақ йўлдан чалғимаган бир уммат (пешво) эди, мушриклардан эмас эди*.

121. (Аллоҳнинг) неъматларига шукр қилувчи эди. (Аллоҳ) уни (пайғамбарликка) танлаб, Тўғри йўлга ҳидоят этди.

122. Унга бу дунёда эзгулик ато этдик. Албатта, у охиратда ҳам солиҳлардандир.

123. Сўнгра, (Эй, Муҳаммад!) Сизга ҳақ йўлдан чалғимаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик.

124. «Шанба» (у кунни улуғлаш) фақатгина у кун ҳақида ихтилоф қилган кимсаларнинг (Исроил авлодининг) зиммасига (фарз) қилинган эди. Албатта, Раббингиз қиёмат куни уларнинг ўртасида ўзлари ихтилоф қилиб ўтган нарсалар тўғрисида ҳукм қилур.

125. (Эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват этинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Парвардигорингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган кимсаларни яхши билувчи ва ҳидоят топганларни ҳам У билувчироқдир.

126. (Эй, имон келтирганлар!) Агар интиқом олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда фақат сизларга етказилган зиён баробарида интиқом олингиз! Агар (интиқом олмай) сабр қилсангиз, албатта, бу сабр қилувчи кишилар учун яхшироқдир.

127. (Эй, Муҳаммад!) Сабр қилинг. Сабр қилишингиз эса фақат Аллоҳ (ёрдами) билангина мумкиндир. Уларга (яъни мушрикларнинг қилмишлари сабабли) ғамгин бўлманг! Уларнинг макр қилишларидан сиқилманг ҳам!

128. Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир.

120-оят. Ибн Масъуд (рз.): “Муоз ибн Жабал (рз.) тўғрисида унинг Иброҳим (а.с.)га ўхшаб “қонит уммат”, яъни итоаткор, пешво эди”, деганида бошқалар эътироз билдириб, унга: “Йўқ! Бу сифатлар фақат Халилуллоҳга хос”, – дейдилар. Шунда Ибн Масъуд (рз.): “Уммат” сўзи яхшиликни танийдиган, “қонит” сўзи эса, Аллоҳ ва расулига итоатли деган маъноларни билдиради. Муоз эса, худди шундай сифатларга эга эди”, – деб жавоб берган экан. Умар (рз.) эса, Муоз (рз.) тўғрисида шундай деган: “Агар Муоз тирик бўлганида халифаликни унга топширар эдим. Зеро, Расул (а.с.)дан эшитганманки, Абу Убайда – ушбу умматнинг амини, Муоз – Аллоҳнинг уммати, Унга муте. Қиёмат куни Аллоҳга пайғамбарлардан кейин энг яқин киши Муоз бўлади, деганлар” (Мд.).

Муҳаммад (а.с.) Макка мушрикларини Иброҳим (а.с.)нинг тавҳидга асосланган динига даъват қилишларининг боиси – улар Иброҳим (а.с.)ни ўзларининг бобокалони деб ҳисоблар эди. Улардан лоақал шуни мулоҳаза қилиш кутилган эди (ИК).



ЎН БЕШИНЧИ ПОРА

Исро сураси

Маккада нозил қилинган. 111 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. (Ўз) бандаси (Муҳаммад)ни, унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжиди Ҳаромдан (Қудсдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжиди Ақсога тунда сайр қилдирган зотга тасбеҳ айтилур*. Дарҳақиқат, У эшитувчи ва кўрувчидир.

2. (Биз) Мусога Китоб (Таврот)ни ато этдик ва уни Исроил авлоди учун ҳидоят қилиб (дедик): «Мендан ўзгани вакил қилиб олмангиз!»

3. «(Эй) Биз (ғарқ бўлишдан қутқариб) Нуҳ билан бирга (кемада сув узра) кўтариб нажот берган кишиларнинг зурриётлари! Албатта, у (Нуҳ) кўп шукр қилувчи банда эди».

4. Шунингдек, Биз Исроил авлодига Китобда: «Сизлар, албатта, (Шомдек) заминда икки марта бузғунчилик қилурсиз ва катта туғёнга (исёнга) кетурсиз», – деб хабар бердик.

5. Бас, қачонки, у (бузғунчилик)лардан аввалгисининг белгиланган вақти келганида, сизларнинг устингизга (жазолаш учун) куч-қувватга эга бўлган бандаларимизни* юбордик. Улар ҳовлима-ҳовли кездилар. (Бу ваъда) адо этилувчи ваъда эди.

6. Сўнгра (тавба қилганингиздан кейин) уларнинг (Бобил ҳукмдорининг) устидан ғалабани сизларга қайтардик ва сизларга мол-дунё ва фарзандлар билан мадад бериб, ададингизни кўпайтирдик.

7. Агар (шундан кейин) эзгу иш қилсангиз – ўзларингизга эзгулик қилган бўлурсиз. Агар ёвузлик қилсангиз ҳам ўзингиз учундир. Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) белгиланган вақти келганида, (улар яна) юзларингизни шувут қилишлари, олдинги сафар кирганлари каби Масжид (Байтул-Мақдис)га кириб, (уни топташлари) учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (душманларингизни яна устингизга юборурмиз).

---

17. ИСРО СУРАСИ

"Исро" – тунда сайр қилдириш. Сурада тавҳид, имон, эътиқод, ибодат, солиҳ амаллар, ота-онани рози қилиш каби фазилатларга тарғиб билан бир қаторда ширк, куфр, маъсият, зулм каби ёмон сифатлардан холи бўлишга даъват этувчи оятлар сурадан жой олган.

1-оят. Исро билан меърожнинг бир-биридан фарқлаш лозим. Исро – бу Муҳаммад (а.с.) нинг Маккадан Қудсга – Ақсо масжидига боришлари. Меърож Ақсодан осмонга кўтарилиб самовий сайр қилиб қайтганларидир. Шу меърож кечасида мусулмонлар зиммасига беш вақт намоз ўқиш фарз қилинган. Исро ва меърож кечаси ҳар йили ражаб ойининг 27-кечаси диний байрам сифатида нишонланади.

5-оят. Улар Шом заминида мазкур икки бузғунчиликдан бирига қўл уриб, Армиё пайғамбарни ҳибс, Закариёни қатл қилганларидан кейин уларнинг устига Бобил ҳукмдори Бухтинассир қўшин тортиб келиб, юртни вайрон қилади ва Тавротни куйдириб, 70000 нафар халқини қириб ташлайди. Бошқа ривоятларда Бухтинассир ўрнига Жолут ёки Найнаво ҳукмдори Санжориб эди, дейилади (Мд. Хз.).

عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يَرْحَمَكُمْ ۚ وَإِنْ عُدتُّمْ عُدْنَا ۘ وَجَعَلْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ
حَصِيرًا ﴿٨﴾ إِنَّ هَٰذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ
الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا ﴿٩﴾
وَأَنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٠﴾
وَيَدْعُ الْإِنسَانُ بِالشَّرِّ دُعَاءَهُ بِالْخَيْرِ ۖ وَكَانَ الْإِنسَانُ عَجُولًا ﴿١١﴾
وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ آيَتَيْنِ ۖ فَمَحَوْنَا آيَةَ اللَّيْلِ وَجَعَلْنَا آيَةَ
النَّهَارِ مُبْصِرَةً لِّتَبْتَغُوا فَضْلًا مِّن رَّبِّكُمْ وَلِتَعْلَمُوا عَدَدَ
السِّنِينَ وَالْحِسَابَ ۚ وَكُلَّ شَيْءٍ فَصَّلْنَاهُ تَفْصِيلًا ﴿١٢﴾ وَكُلَّ
إِنسَانٍ أَلْزَمْنَاهُ طَائِرَهُ فِي عُنُقِهِ ۖ وَنُخْرِجُ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كِتَابًا
يَلْقَاهُ مَنشُورًا ﴿١٣﴾ اقْرَأْ كِتَابَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ الْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا
﴿١٤﴾ مَّنِ اهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ ۖ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ
عَلَيْهَا ۚ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۗ وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ
رَسُولًا ﴿١٥﴾ وَإِذَا أَرَدْنَا أَن نُّهْلِكَ قَرْيَةً أَمَرْنَا مُتْرَفِيهَا فَفَسَقُوا فِيهَا
فَحَقَّ عَلَيْهَا الْقَوْلُ فَدَمَّرْنَاهَا تَدْمِيرًا ﴿١٦﴾ وَكَمْ أَهْلَكْنَا مِنَ
الْقُرُونِ مِن بَعْدِ نُوحٍ ۗ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ بِذُنُوبِ عِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا ﴿١٧﴾

8. (Агар тавба қилсангиз), шояд Раббингиз сизларга раҳм қилса. Агар (яна бузғунчиликка) қайтсангиз, биз ҳам (ҳалок этишга) қайтурмиз. Кофирлар учун эса жаҳаннамни зиндон қилиб қўйганмиз.

9. Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят этур ва эзгу ишларни қиладиган мўминларга катта мукофот борлиги (ҳақида) башорат берур.

10. Шунингдек, охиратга ишонмайдиганлар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганимизни(нг) ҳам («башорати»ни берур).

11. Инсон (Аллоҳдан) яхшилик сўраб дуо қилгани каби (гоҳо сиқилган пайтларида) ёмонлик тилаб ҳам дуо қилур. Инсон (мана шундай) шошқалоқдир.

12. Биз кеча ва кундузни (қудратимизни кўрсатиб турадиган) икки белги қилиб қўйдик. Кечанинг белгисини ўчирдик*. Кундуз аломатини эса, Раббингиздан фазл (ризқ) исташларингиз учун ҳамда йиллар саноғини ва ҳисобини билишингиз учун ёруғлик қилиб қўйдик. Барча нарсани батафсил баён қилиб қўйганмиз.

13. Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз. Қиёмат кунида унга очиқ ҳолда учратадиган китобни (Номаи аъмолини) чиқариб берурмиз.

14. (Унга айтилур): «Китобингни ўқи! Бугун ўз шахсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир».

15. Ким ҳидоят йўлига юрса, бас, ўзи учун юрар. Ким (ҳидоят) йўлидан чалғиса, у ҳам ўз зиёнига чалғир. Ҳеч бир (юк) кўтарувчи (гуноҳкор шахс) ўзга жоннинг юкини (гуноҳини) кўтармас. То пайғамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) азобловчи бўлмадик.

16. Бирор шаҳарни ҳалок қилишни истасак, ундаги маишат аҳлини (итоат этишга) буюрамиз ва улар итоатсизлик қилишгач, у шаҳар (аҳолиси) устига (азоб ҳақидаги) сўз муқаррар бўлур. Бас, биз уни вайронага айлантирурмиз.

17. Нуҳ (қавми)дан кейин ҳам қанча авлодларни ҳалок қилдик. Раббингиз ўз бандаларининг гуноҳларидан етарли хабардор ва кўрувчи зотдир.

12-оят. Яъни тунни зулматдан иборат қилиб зиёсиз, ҳеч нарса кўринмайдиган қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, тунда ойнинг ёруғи ёки чироқ бўлмаса, инсон кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Кўршапалаклар ва баъзи жонзотлар бундан мустасно. Ибн Аббос (рз.)дан қилинган ривоятга кўра, қуёшда ҳам, ойда ҳам 70 ҳиссадан нур бўлган. Лекин ойдаги нурнинг 69 ҳиссаси қуёшга олиб берилган. Яна шундай ҳикоят қиладиларки, Аллоҳнинг амри билан Жаброил (а.с.) бир қаноти билан ойнинг юзига уч бор ургани да унинг зиёси кетиб ҳозирги нури қолган. Али (рз.)дан ойнинг юзидаги қора доғлар нимадан, деб сўралганида: “Жаброил (а.с.) қанотининг излари”, – деб жавоб берган (Хз.).

Агар кун билан тун бўлмаганида сана ҳисоби қийин бўлур эди.

مَّن كَانَ يُرِيدُ ٱلۡعَاجِلَةَ عَجَّلۡنَا لَهُۥ فِيهَا مَا نَشَآءُ لِمَن نُّرِيدُ ثُمَّ
جَعَلۡنَا لَهُۥ جَهَنَّمَ يَصۡلَىٰهَا مَذۡمُومٗا مَّدۡحُورٗا ١٨ وَمَنۡ أَرَادَ
ٱلۡأٓخِرَةَ وَسَعَىٰ لَهَا سَعۡيَهَا وَهُوَ مُؤۡمِنٞ فَأُوْلَٰٓئِكَ كَانَ
سَعۡيُهُم مَّشۡكُورٗا ١٩ كُلّٗا نُّمِدُّ هَٰٓؤُلَآءِ وَهَٰٓؤُلَآءِ مِنۡ عَطَآءِ
رَبِّكَۚ وَمَا كَانَ عَطَآءُ رَبِّكَ مَحۡظُورًا ٢٠ ٱنظُرۡ كَيۡفَ فَضَّلۡنَا
بَعۡضَهُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖۚ وَلَلۡأٓخِرَةُ أَكۡبَرُ دَرَجَٰتٖ وَأَكۡبَرُ تَفۡضِيلٗا
٢١ لَّا تَجۡعَلۡ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ فَتَقۡعُدَ مَذۡمُومٗا مَّخۡذُولٗا ٢٢
۞ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعۡبُدُوٓاْ إِلَّآ إِيَّاهُ وَبِٱلۡوَٰلِدَيۡنِ إِحۡسَٰنًاۚ إِمَّا
يَبۡلُغَنَّ عِندَكَ ٱلۡكِبَرَ أَحَدُهُمَآ أَوۡ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُل لَّهُمَآ
أُفّٖ وَلَا تَنۡهَرۡهُمَا وَقُل لَّهُمَا قَوۡلٗا كَرِيمٗا ٢٣ وَٱخۡفِضۡ
لَهُمَا جَنَاحَ ٱلذُّلِّ مِنَ ٱلرَّحۡمَةِ وَقُل رَّبِّ ٱرۡحَمۡهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي
صَغِيرٗا ٢٤ رَّبُّكُمۡ أَعۡلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمۡۚ إِن تَكُونُواْ صَٰلِحِينَ
فَإِنَّهُۥ كَانَ لِلۡأَوَّٰبِينَ غَفُورٗا ٢٥ وَءَاتِ ذَا ٱلۡقُرۡبَىٰ حَقَّهُۥ
وَٱلۡمِسۡكِينَ وَٱبۡنَ ٱلسَّبِيلِ وَلَا تُبَذِّرۡ تَبۡذِيرًا ٢٦ إِنَّ ٱلۡمُبَذِّرِينَ
كَانُوٓاْ إِخۡوَٰنَ ٱلشَّيَٰطِينِۖ وَكَانَ ٱلشَّيۡطَٰنُ لِرَبِّهِۦ كَفُورٗا ٢٧

18. Кимки нақд (дунё)ни истаса, Биз (шу дунёда) Ўзимиз истаган кимсаларга хоҳлаганимизча нақд қилиб берурмиз. Сўнгра (охиратда) унга жаҳаннамни хор ва зор бўлган ҳолида куядиган жой қилиб берурмиз.

19. Кимки охиратни истаса ва мўминлик ҳолида (ўз) саъйи билан ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг саъйи (Аллоҳ наздида) манзурдир*.

20. (Эй, Муҳаммад!) Барчага – мана бу (мўмин)ларга ҳам, анави (кофир)ларга ҳам Раббингизнинг неъматидан ато этурмиз. Раббингизнинг неъмати (ҳеч кимдан) ман этилувчи эмас.

21. (Бу дунёда) уларнинг бирларидан бирларини (ризқ ва мартабада) қандай устун қилганимизни кўринг! Шак йўқки, охират даражалари каттароқ ва афзалроқдир.

22. Аллоҳга яна бирор «илоҳ»ни қўша кўрманг! Акс ҳолда қораланувчи ва маҳрум ҳолда ўтириб қолурсиз.

23. Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!*

24. Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!»

25. (Эй, инсонлар!) Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангиз, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир.

26. Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг* ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!

27. Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди.

19-оят. Салаф уламоларидан бири шундай дейди: “Кимда учта хислат бўлмаса, қилган амали унга фойда бермайди: мустаҳкам имон, холис ният ва тўғри бажарилган амал. Зеро, оятда учта шарт айтилган: охират истагида бўлиш, буйруқларни бажаришда саъй-ҳаракат қилиш ва мустаҳкам имонли бўлиш” (Мд.).

23-оят. “Уларга ёқимли сўз” деганда ота-онани номи билан чақирмаслик, балки “отажон, онажон” каби сўзлар билан ёш гўдакларга хос муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушиниш керак (Мд. Хз.).

Ибн Масъуд ва Убай ибн Каъб (рз.)лар ўзлари учун кўчириб олган Қуръон нусхаларида “амр этди” жумласи ўрнига “тавсия этди” деб ёзилган. Лекин машҳур қироатда “қазо”, яъни “амр этди” дея битилган (Кр.).

26-оят. Маҳрам бўлган муҳтож қариндошга нафақа, мискин ва йўловчига закот бериш билан ҳақлари адо этилади (Мд.)

وَإِمَّا تُعْرِضَنَّ عَنْهُمُ ٱبْتِغَآءَ رَحْمَةٍ مِّن رَّبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُل لَّهُمْ قَوْلًا
مَّيْسُورًا ﴿٢٨﴾ وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا
كُلَّ ٱلْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا ﴿٢٩﴾ إِنَّ رَبَّكَ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ
لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ بِعِبَادِهِۦ خَبِيرًۢا بَصِيرًا ﴿٣٠﴾ وَلَا تَقْتُلُوٓا۟
أَوْلَٰدَكُمْ خَشْيَةَ إِمْلَٰقٍ ۖ نَّحْنُ نَرْزُقُهُمْ وَإِيَّاكُمْ ۚ إِنَّ قَتْلَهُمْ كَانَ
خِطْـًٔا كَبِيرًا ﴿٣١﴾ وَلَا تَقْرَبُوا۟ ٱلزِّنَىٰٓ ۖ إِنَّهُۥ كَانَ فَٰحِشَةً وَسَآءَ
سَبِيلًا ﴿٣٢﴾ وَلَا تَقْتُلُوا۟ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ ۗ وَمَن
قُتِلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لِوَلِيِّهِۦ سُلْطَٰنًا فَلَا يُسْرِف فِّى
ٱلْقَتْلِ ۖ إِنَّهُۥ كَانَ مَنصُورًا ﴿٣٣﴾ وَلَا تَقْرَبُوا۟ مَالَ ٱلْيَتِيمِ إِلَّا بِٱلَّتِى
هِىَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُۥ ۚ وَأَوْفُوا۟ بِٱلْعَهْدِ ۖ إِنَّ ٱلْعَهْدَ كَانَ
مَسْـُٔولًا ﴿٣٤﴾ وَأَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ إِذَا كِلْتُمْ وَزِنُوا۟ بِٱلْقِسْطَاسِ ٱلْمُسْتَقِيمِ ۚ
ذَٰلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٣٥﴾ وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِۦ عِلْمٌ ۚ
إِنَّ ٱلسَّمْعَ وَٱلْبَصَرَ وَٱلْفُؤَادَ كُلُّ أُو۟لَٰٓئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْـُٔولًا ﴿٣٦﴾
وَلَا تَمْشِ فِى ٱلْأَرْضِ مَرَحًا ۖ إِنَّكَ لَن تَخْرِقَ ٱلْأَرْضَ وَلَن تَبْلُغَ
ٱلْجِبَالَ طُولًا ﴿٣٧﴾ كُلُّ ذَٰلِكَ كَانَ سَيِّئُهُۥ عِندَ رَبِّكَ مَكْرُوهًا ﴿٣٨﴾

28. Агар Сиз Раббингиз (томони)дан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда улардан (қариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган (ёрдам бермайдиган) бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг!

29. (Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз*.

30. Шубҳасиз, Раббингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг ҳам, танг ҳам қилур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир.

31. (Эй, инсонлар!) Болаларингизни қашшоқликдан қўрқиб ўлдирмангиз – уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир.

32. Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир.

33. Аллоҳ тақиқлаган жонни ўлдирмангиз, магар ҳақ (шаръий сабаб) билангина мумкин. Кимки зулман (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, Биз унинг эгаси (вориси) учун (қасос олишга) салтанат (ҳуқуқ) бердик. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин!* Зеро, у ёрдам берилувчи шахсдир.

34. Етимнинг молига, то у вояга етгунича, яқинлашмангиз, илло чиройли йўсинда бўлса майли. Аҳдга вафо қилингиз! Зеро, аҳд-паймон (қиёмат куни) сўраладиган ишдир.

35. (Савдо-сотиқда) ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўкис қилингиз ва тўғри тарозида тортингиз! Мана шу яхши ва чиройли ечим (ҳукм)дир.

36. (Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур).

37. Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан.

38. Буларнинг барчаси Раббингиз наздида макруҳ бўлган гуноҳ(лар)дир.

29-оят. Жобир (рз.) айтади: “Бир норасида бола келиб, Расул (а.с.)га онаси бир кўйлак сўраётганини билдирди. Он ҳазрат бошқа вақтда келишини буюрган эди. Онаси уни иккинчи бор юбориб эгнидаги кўйлагини бўлса ҳам беришини сўрайди. Бола келгач, Расул (а.с.) ҳужраларига кириб ечиниб кўйлакларини узатиб юборадилар. Шу пайт Билол (рз.) азон айтади. Жанобнинг намозга чиқмаганидан хавотирланиб, ҳузурларига кириб қарашса, кийимсиз ҳолда ўтирибдилар, чунки бошқа кўйлаклари бўлмаган эди”. Шу сабабли мазкур оят нозил бўлган экан.

Айтишларича, бир мусулмон аёл яҳудия бўлмиш кундоши билан Мусо (а.с.) сахийроқми ёки Муҳаммад (а.с.)ми, деган мавзуда тортишиб қолгач, ўғлини Расул (а.с.) ҳузурига юбориб кўйлак сўратган, дейилади (Мд. Хз.).

33-оят. Қасосда қотил қолиб, бошқа шахсни ўлдирмаслик, бир қотил эвазига биттадан ортиқ кишини ўлдирмаслик ёки жазо асносида жазоланувчига ғайри инсоний қийновлар бермаслик шарт қилинган.

ذَٰلِكَ مِمَّآ أَوۡحَىٰٓ إِلَيۡكَ رَبُّكَ مِنَ ٱلۡحِكۡمَةِۗ وَلَا تَجۡعَلۡ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا
ءَاخَرَ فَتُلۡقَىٰ فِي جَهَنَّمَ مَلُومٗا مَّدۡحُورًا ﴿٣٩﴾ أَفَأَصۡفَىٰكُمۡ رَبُّكُم
بِٱلۡبَنِينَ وَٱتَّخَذَ مِنَ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةِ إِنَٰثًاۚ إِنَّكُمۡ لَتَقُولُونَ قَوۡلًا عَظِيمٗا ﴿٤٠﴾
وَلَقَدۡ صَرَّفۡنَا فِي هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانِ لِيَذَّكَّرُواْ وَمَا يَزِيدُهُمۡ إِلَّا نُفُورٗا ﴿٤١﴾
قُل لَّوۡ كَانَ مَعَهُۥٓ ءَالِهَةٞ كَمَا يَقُولُونَ إِذٗا لَّٱبۡتَغَوۡاْ إِلَىٰ ذِي ٱلۡعَرۡشِ سَبِيلٗا
﴿٤٢﴾ سُبۡحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يَقُولُونَ عُلُوّٗا كَبِيرٗا ﴿٤٣﴾ تُسَبِّحُ لَهُ ٱلسَّمَٰوَٰتُ
ٱلسَّبۡعُ وَٱلۡأَرۡضُ وَمَن فِيهِنَّۚ وَإِن مِّن شَيۡءٍ إِلَّا يُسَبِّحُ بِحَمۡدِهِۦ وَلَٰكِن
لَّا تَفۡقَهُونَ تَسۡبِيحَهُمۡۚ إِنَّهُۥ كَانَ حَلِيمًا غَفُورٗا ﴿٤٤﴾ وَإِذَا قَرَأۡتَ
ٱلۡقُرۡءَانَ جَعَلۡنَا بَيۡنَكَ وَبَيۡنَ ٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ بِٱلۡأٓخِرَةِ حِجَابٗا
مَّسۡتُورٗا ﴿٤٥﴾ وَجَعَلۡنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمۡ أَكِنَّةً أَن يَفۡقَهُوهُ وَفِيٓ ءَاذَانِهِمۡ
وَقۡرٗاۚ وَإِذَا ذَكَرۡتَ رَبَّكَ فِي ٱلۡقُرۡءَانِ وَحۡدَهُۥ وَلَّوۡاْ عَلَىٰٓ أَدۡبَٰرِهِمۡ نُفُورٗا
﴿٤٦﴾ نَّحۡنُ أَعۡلَمُ بِمَا يَسۡتَمِعُونَ بِهِۦٓ إِذۡ يَسۡتَمِعُونَ إِلَيۡكَ وَإِذۡ هُمۡ نَجۡوَىٰٓ
إِذۡ يَقُولُ ٱلظَّٰلِمُونَ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلٗا مَّسۡحُورًا ﴿٤٧﴾ ٱنظُرۡ
كَيۡفَ ضَرَبُواْ لَكَ ٱلۡأَمۡثَالَ فَضَلُّواْ فَلَا يَسۡتَطِيعُونَ سَبِيلٗا ﴿٤٨﴾
وَقَالُوٓاْ أَءِذَا كُنَّا عِظَٰمٗا وَرُفَٰتًا أَءِنَّا لَمَبۡعُوثُونَ خَلۡقٗا جَدِيدٗا ﴿٤٩﴾

39. (Эй, Муҳаммад!) Бу (оятлар) Раббингизнинг Сизга ваҳий қилган ҳикматларидан (баъзилари)дир. Аллоҳга бошқа бирор «илоҳ»ни нисбат берманг! Акс ҳолда маломатланган ва (Аллоҳ раҳматидан) маҳрум бўлган ҳолда жаҳаннамга ташланурсиз.

40. (Эй, мушриклар!) Раббингиз сизларни ўғиллар билан мумтоз этиб, (Ўзига) фаришталарни қиз қилиб олибдими?! Дарҳақиқат, сизлар оғир сўзни сўзламоқдасиз!

41. Албатта, бу Қуръонда уларнинг эслатма олишлари учун (турли масал ва ҳикматларни) баён қилдик. (Лекин бу эслатмалар) уларни янада (ҳақдан) йироқлаштирмоқда.

42. Айтинг: «Агар улар айтганларидек Аллоҳ билан бирга (бошқа) илоҳлар ҳам бўлса эди, у ҳолда улар Арш соҳиби (Аллоҳ) сари йўл излаган бўлур эдилар»*.

43. Улар айтган нарсадан У пок ва ниҳоят даражада юксакдир.

44. Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот Унга тасбеҳ айтур. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбеҳ айтур*. Лекин сизлар уларнинг тасбеҳларини англамайсиз. Дарҳақиқат, У ҳалим ва кечиримли зотдир.

45. (Эй, Муҳаммад!) Сиз Қуръон қироат қилганингизда, Биз Сиз билан охиратга ишонмайдиганлар ўртасига кўринмас парда тортиб қўюрмиз.

46. Шунингдек, (Қуръонни) англамасинлар деб уларнинг дилларида тўсиқлар ва қулоқларида оғирлик (карлик) пайдо қилурмиз. Қачонки, Сиз Қуръонда ёлғиз Раббингизни зикр қилсангиз, (мушриклар дарҳол) орқаларига бурилиб кетурлар.

47. Биз уларнинг Сизга (қироатингизга) қулоқ тутаётган пайтларида нима сабабдан қулоқ тутаётганларини ва золимлар ўзаро шивирлашиб, (мўминларга): «Аниқки, сеҳрланган ва ақлдан озган кишига эргашмоқдасиз», – деяётганларини жуда яхши билурмиз.

48. (Эй, Муҳаммад!) Улар Сизнинг ҳақингизда (сеҳрланган, мажнун, шоир деб) қандай мисол келтирганларини, бас, адашиб, сўнг йўлни топа олмаётганларини кўринг!

49. Улар: «Суяк ва (чирик) мурдаларга айланиб кетгач, ҳақиқатан ҳам янгитдан яралиб, тирилурмиканмиз?!», – дейдилар.

42-оят. Яъни Аллоҳга яқин дўст бўлиб, Ундан мадад олиш ниятида, Уни излаган бўлур эдилар.

44-оят. Биринчи жумладаги “жонзот”дан мурод Ер ва осмондаги инсонлар, фаришталар, жинлар. Кейинги жумладаги тасбеҳ айтадиган нарсалардан мурод жонли ёки жонсиз нарсалар эканида ихтилоф бор. Дарахтлар, гиёҳлар, сув, кийим, таом, ҳайвонлар, қушлар ҳам “Субҳоналлоҳи ва биҳамдиҳ” деб тасбеҳ айтар экан. Жонсиз нарсаларнинг гапириши ва тасбеҳ айтиши тўғрисида ҳадисларда айтилган. Суддий (рҳ.) сўзига кўра, ҳар бир нарса асл ҳолида турганда тасбеҳ айтади, бошқа нарсага айлангач, тасбеҳдан тўхтайди. Масалан, дарахт шохлари тасбеҳ айтади, улардан кесиб олиб буюм ясалгач, тасбеҳ айтишдан тўхтайди (Хз).

۞ قُلْ كُونُوا۟ حِجَارَةً أَوْ حَدِيدًا ﴿٥٠﴾ أَوْ خَلْقًا مِّمَّا يَكْبُرُ فِى
صُدُورِكُمْ ۚ فَسَيَقُولُونَ مَن يُعِيدُنَا ۖ قُلِ ٱلَّذِى فَطَرَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ ۚ
فَسَيُنْغِضُونَ إِلَيْكَ رُءُوسَهُمْ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هُوَ ۖ قُلْ عَسَىٰٓ أَن
يَكُونَ قَرِيبًا ﴿٥١﴾ يَوْمَ يَدْعُوكُمْ فَتَسْتَجِيبُونَ بِحَمْدِهِۦ
وَتَظُنُّونَ إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٥٢﴾ وَقُل لِّعِبَادِى يَقُولُوا۟ ٱلَّتِى هِىَ
أَحْسَنُ ۚ إِنَّ ٱلشَّيْطَـٰنَ يَنزَغُ بَيْنَهُمْ ۚ إِنَّ ٱلشَّيْطَـٰنَ كَانَ لِلْإِنسَـٰنِ
عَدُوًّا مُّبِينًا ﴿٥٣﴾ رَّبُّكُمْ أَعْلَمُ بِكُمْ ۖ إِن يَشَأْ يَرْحَمْكُمْ أَوْ إِن يَشَأْ
يُعَذِّبْكُمْ ۚ وَمَآ أَرْسَلْنَـٰكَ عَلَيْهِمْ وَكِيلًا ﴿٥٤﴾ وَرَبُّكَ أَعْلَمُ
بِمَن فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ عَلَىٰ بَعْضٍ ۖ
وَءَاتَيْنَا دَاوُۥدَ زَبُورًا ﴿٥٥﴾ قُلِ ٱدْعُوا۟ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُم مِّن دُونِهِۦ فَلَا
يَمْلِكُونَ كَشْفَ ٱلضُّرِّ عَنكُمْ وَلَا تَحْوِيلًا ﴿٥٦﴾ أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ ٱلْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ
رَحْمَتَهُۥ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُۥٓ ۚ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا ﴿٥٧﴾
وَإِن مِّن قَرْيَةٍ إِلَّا نَحْنُ مُهْلِكُوهَا قَبْلَ يَوْمِ ٱلْقِيَـٰمَةِ
أَوْ مُعَذِّبُوهَا عَذَابًا شَدِيدًا ۚ كَانَ ذَٰلِكَ فِى ٱلْكِتَـٰبِ مَسْطُورًا ﴿٥٨﴾

50. Айтинг: «Хоҳ тош ё темир бўлингиз

51. ёки кўнгилларингизда (тирилиши) қийин бўлган бошқа бирор махлуқ бўлингиз, (барибир Аллоҳ сизларни тирилтирур)». Ҳали улар: «Бизларни ким қайта тирилтира олур?», – дейдилар. «Сизларни илк бор яратган зот» деб айтинг! Ҳали улар бошларини чайқаб: «У (кун) қачон бўлур?» деб (сўрайдилар). «Шоядки, яқин бўлса» деб айтинг!

52. У сизларни чорлайдиган кунда (қиёматда) Унга ҳамд (айтиш) билан жавоб берурсиз ва ўзларингизнинг (дунёда) оз (муддат)гина турганингизни ўйлаб қолурсиз.

53. Бандаларимга айтинг (ширк аҳлига) гўзал (сўзлардан) сўзласинлар*. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур. Дарҳақиқат, шайтон инсонга аниқ душмандир.

54. (Эй, инсонлар!) Раббингиз сизларни яхши билувчидир. Хоҳласа сизларга раҳм қилур, хоҳласа – сизларга азоб берур. (Эй, Муҳаммад! Биз) Сизни (одамлар) устидан вакил (соқчи) қилиб юборган эмасмиз*.

55. Раббингиз осмонлар ва Ердаги бор жонзотни яхши билувчидир. Ҳақиқатан, (Биз) баъзи пайғамбарларни баъзиларидан афзал қилдик ва Довудга Забур (китоби)ни бердик*.

56. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Уни (Аллоҳни) қўйиб (илоҳ) деб гумон қилган (маъбуда)ларингизга илтижо этингиз-чи, улар сизлардан бирор зарарни арита олармиканлар ва (уни) буриб юбора олармиканлар?!»

57. Улар (илоҳ деб) илтижо қилаётганларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қайси биридир яқинроқ бўлишга йўл излайдилар. Унинг раҳматидан умид қилурлар, азобидан эса қўрқурлар. Дарҳақиқат, Раббингизнинг азоби қўрқинчлидир.

58. (Ер юзида) бирор қишлоқ (ва шаҳар аҳли) йўқки, Биз уларни қиёмат куни (келиши)дан илгари ҳалок қилувчи бўлмасак ёки уларни қаттиқ азоб билан азобловчи бўлмасак. Бу ҳукм Китобда (Лавҳул-маҳфузда) битилгандир.

53-оят. Бу оятлар билан ҳижратдан олдин, мушриклар мусулмонларга турли азиятлар билан таъқиб қилаётган даврда, уларга Аллоҳдан ҳидоят тилаб вақтинча муроса қилиб туриш лозимлиги уқтирилмоқда. Мадина даврида нозил қилинган оятлардан сўнг бу каби оятлар мансух қилинган (Мд. Хз.).

54-оят. Яъни Сизни Ислом таълимотини умматингизга фақат илоҳий ваҳий асосида етказиб қўйиш учун юборганмиз.

55-оят. Довуд (а.с.)га нозил қилинган Забур китоби 150 сурадан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси Аллоҳга ҳамду сано, дуою илтижолардан иборат эди. Унда ҳалол, ҳаром, фарз, худуд (олий жазолар) каби аҳкомлар бўлмаган. Лекин унда Муҳаммад (а.с.) пайғамбарларнинг охиргиси, уммати барча умматларнинг яхшиси экани тўғрисида ёзилган. “Анбиё” сурасининг 105-оятида “Албатта (жаннатдек) ерга фақат Менинг солиҳ бандаларим (Муҳаммад уммати) ворис бўлурлар” дейилган (Мд. Хз.).

وَمَا مَنَعَنَآ أَن نُّرْسِلَ بِٱلْـَٔايَٰتِ إِلَّآ أَن كَذَّبَ بِهَا ٱلْأَوَّلُونَ
وَءَاتَيْنَا ثَمُودَ ٱلنَّاقَةَ مُبْصِرَةً فَظَلَمُوا۟ بِهَا ۚ وَمَا نُرْسِلُ بِٱلْـَٔايَٰتِ
إِلَّا تَخْوِيفًا ﴿٥٩﴾ وَإِذْ قُلْنَا لَكَ إِنَّ رَبَّكَ أَحَاطَ بِٱلنَّاسِ ۚ وَمَا
جَعَلْنَا ٱلرُّءْيَا ٱلَّتِىٓ أَرَيْنَٰكَ إِلَّا فِتْنَةً لِّلنَّاسِ وَٱلشَّجَرَةَ ٱلْمَلْعُونَةَ
فِى ٱلْقُرْءَانِ ۚ وَنُخَوِّفُهُمْ فَمَا يَزِيدُهُمْ إِلَّا طُغْيَٰنًا كَبِيرًا ﴿٦٠﴾
وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ
قَالَ ءَأَسْجُدُ لِمَنْ خَلَقْتَ طِينًا ﴿٦١﴾ قَالَ أَرَءَيْتَكَ هَٰذَا ٱلَّذِى
كَرَّمْتَ عَلَىَّ لَئِنْ أَخَّرْتَنِ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ لَأَحْتَنِكَنَّ
ذُرِّيَّتَهُۥٓ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٦٢﴾ قَالَ ٱذْهَبْ فَمَن تَبِعَكَ مِنْهُمْ فَإِنَّ
جَهَنَّمَ جَزَآؤُكُمْ جَزَآءً مَّوْفُورًا ﴿٦٣﴾ وَٱسْتَفْزِزْ مَنِ ٱسْتَطَعْتَ
مِنْهُم بِصَوْتِكَ وَأَجْلِبْ عَلَيْهِم بِخَيْلِكَ وَرَجِلِكَ وَشَارِكْهُمْ
فِى ٱلْأَمْوَٰلِ وَٱلْأَوْلَٰدِ وَعِدْهُمْ ۚ وَمَا يَعِدُهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ إِلَّا
غُرُورًا ﴿٦٤﴾ إِنَّ عِبَادِى لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَٰنٌ ۚ وَكَفَىٰ
بِرَبِّكَ وَكِيلًا ﴿٦٥﴾ رَّبُّكُمُ ٱلَّذِى يُزْجِى لَكُمُ ٱلْفُلْكَ
فِى ٱلْبَحْرِ لِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا ﴿٦٦﴾

59. (Эй, Муҳаммад! Мушриклар сўраган) мўъжизаларни юборишдан Бизни фақат аввалги (уммат)лар у (мўъжиза)ларни ёлғонга чиқарганларигина ман этди. Самуд қабиласига очиқ (мўъжиза сифатида) туяни ато этганимизда, унга зулм этдилар. Биз мўъжизаларни фақат (одамларни ҳалокатдан) қўрқитиш учунгина юборурмиз.

60. Эсланг, (эй, Муҳаммад!) Сизга Раббингиз (барча) одамларни иҳота қилиб (ўраб) олгандир, деган эдик. Биз Сизга кўрсатган тушни ва Қуръонда лаънатланган (Заққум номли) дарахтни одамлар учун фақат синов қилдик. Биз (мушрикларни шу каби хабарлар билан) қўрқитурмиз, аммо бу уларнинг туғёнларини янада кучайтиради, холос*.

61. Эсланг, (Биз) фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан сажда қилдилар. Фақат иблис (кибрланиб): «Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?», – деди.

62. У (яна шундай) деди: «Менга хабар бергин-чи, мана шу кимсани мендан кўра мукаррам қилдингми? Қасамки, агар мени Қиёмат кунигача (тирик) қолдирсанг, албатта, мен унинг зурриётини қириб юборурман (яъни ҳалокат йўлларига буриб юборурман), фақат озчисмигина (ҳақ йўлда) қолурлар».

63. (Аллоҳ) айтди: «Бор, (сенга Қиёматгача муҳлат бердим). Бас, улардан кимки сенга эргашса, у ҳолда, шубҳасиз, жаҳаннам сизларга тўлиқ жазо бўлур!

64. Улардан кучинг етган кимсани овозинг (васвасанг) билан қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда (лашкарингни) торт, бойликлари ва фарзандларида уларга шерик бўл (уларни ҳаромдан орттиришга унда), уларга (ёлғон) ваъда бер!». Дарҳақиқат, шайтон уларга фақат алдов нарсаларнигина ваъда қилур.

65. «Менинг (мустаҳкам, солиҳ) бандаларим устидан эса, сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) бўлмас! Парвардигоринг етарли ваколат эгасидир».

66. (Эй, инсонлар!) Раббингиз Унинг фазлидан (ризқ) излашларингиз учун сизларга денгизда кемаларни юргизиб қўйган зотдир. Дарҳақиқат, У сизларга (нисбатан) раҳмлидир.

60-оят. Бу оятдаги "Туш" тафсири турлича баён этилган. Жумладан, баъзи муфассирлар Бадр жангидан олдин кўрган тушлари деб изоҳлаб, унда мусулмонлар ғалабаси ҳақида башорат берилган эди, дейдилар. Бошқалари эса, бу тушдан мақсад меърож воқеалари, деб талқин этадилар. Шу икки хил тафсирга биноан меърожнинг уйғоқ ҳолда ёки тушда кечганлиги ҳақида икки хил талқин пайдо бўлган. Тушни меърож дейилса, Пайғамбаримиз (а.с.) жисмонан эмас, руҳан меърожга чиққан бўладилар. Уни Бадр жангидаги ғалаба деб олинса, Расулуллоҳ жисмонан исро ва меърожда бўлганлар, деган маъно келиб чиқади. Биз – ҳанафийлар исро ва меърож воқеаси жисмонан уйғоқ ҳолларида рўй берган, деб биламиз.

Макка мушрикларига Бадр ғалабаси ҳамда Заққум дарахти тўғрисида гапирганларида, улар Расулуллоҳни масхара қилганлар. Олов ичида дарахт ўсишини улар ақлларига сиғдира олмай инкор этганлар (Мд. Хз.).

67. Денгизда сизларга бирор мусибат етса, сизлар илтижо қиладиган Ундан бошқа (маъбуда)лар ғойиб бўлур. Сизларга нажот бериб қуруқликка чиқариб қўйгач эса, (Ундан) юз ўгирурсиз. Дарҳақиқат, инсон ношукурдир.

68. Сизларни (У) қуруқлик томонидан (ерга) юттириб юбориши ёхуд устингиздан тош ёғдириши, сўнгра ўзларингиз учун бирор вакил (сақловчи) тополмай қолиш (хавфи)дан хотиржаммисиз?!

69. Ёки У сизларни яна (денгизга) қайтариб, устингизга қаттиқ шамол юборишидан, бас, кофир бўлганингиз сабабли ғарқ қилишидан, сўнгра сизларга Биздан ўч олиб берувчи топа олмай қолишдан ҳам хотиржаммисиз?!

70. Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик.

71. Биз барча одамларни ўз китоблари (номаи аъмоли)* билан чақирадиган кун (Қиёмат)ни (эслангиз!) Бас, кимгаки китоби ўнг қўлидан берилса, айнан ўшалар ўзларига заррача ноҳақлик қилинмаган ҳолда, китобларини ўқирлар.

72. Кимки, бу (дунё)да кўр (гумроҳ) экан, бас, у охиратда ҳам кўр ва бутунлай йўлдан озувчидир.

73. (Эй, Муҳаммад! Мушриклар) Сизни Бизнинг шаънимизга, (ваҳийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун – Биз Сизга ваҳий қилган оятлардан буриб юборишларига оз қолди. Худди ўшанда Сизни «дўст» қилиб олмоқчи бўлдилар*.

وَإِذَا مَسَّكُمُ ٱلضُّرُّ فِي ٱلْبَحْرِ ضَلَّ مَن تَدْعُونَ إِلَّآ إِيَّاهُ ۖ فَلَمَّا نَجَّىٰكُمْ
إِلَى ٱلْبَرِّ أَعْرَضْتُمْ ۚ وَكَانَ ٱلْإِنسَٰنُ كَفُورًا ﴿٦٧﴾ أَفَأَمِنتُمْ أَن يَخْسِفَ
بِكُمْ جَانِبَ ٱلْبَرِّ أَوْ يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا ثُمَّ لَا تَجِدُوا۟ لَكُمْ
وَكِيلًا ﴿٦٨﴾ أَمْ أَمِنتُمْ أَن يُعِيدَكُمْ فِيهِ تَارَةً أُخْرَىٰ فَيُرْسِلَ
عَلَيْكُمْ قَاصِفًا مِّنَ ٱلرِّيحِ فَيُغْرِقَكُم بِمَا كَفَرْتُمْ ۙ ثُمَّ لَا تَجِدُوا۟
لَكُمْ عَلَيْنَا بِهِۦ تَبِيعًا ﴿٦٩﴾ ۞ وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِىٓ ءَادَمَ وَحَمَلْنَٰهُمْ
فِي ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ وَرَزَقْنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَفَضَّلْنَٰهُمْ عَلَىٰ
كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾ يَوْمَ نَدْعُوا۟ كُلَّ أُنَاسٍۭ
بِإِمَٰمِهِمْ ۖ فَمَنْ أُوتِىَ كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ يَقْرَءُونَ
كِتَٰبَهُمْ وَلَا يُظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٧١﴾ وَمَن كَانَ فِي هَٰذِهِۦٓ
أَعْمَىٰ فَهُوَ فِي ٱلْـَٔاخِرَةِ أَعْمَىٰ وَأَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٧٢﴾ وَإِن كَادُوا۟
لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ ٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ لِتَفْتَرِىَ عَلَيْنَا غَيْرَهُۥ ۖ
وَإِذًا لَّٱتَّخَذُوكَ خَلِيلًا ﴿٧٣﴾ وَلَوْلَآ أَن ثَبَّتْنَٰكَ لَقَدْ كِدتَّ
تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْـًٔا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾ إِذًا لَّأَذَقْنَٰكَ ضِعْفَ
ٱلْحَيَوٰةِ وَضِعْفَ ٱلْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٥﴾

74. Агар (Биз) Сизни (ҳақ йўлда) собитқадам қилмаганимизда, уларга бироз мойил бўлишингизга оз қолган эди.

75. У ҳолда, албатта, Биз Сизга дунё (азоби)ни ҳам, охират (азоби)ни ҳам икки ҳисса қилиб тоттирган бўлур эдик, сўнгра Биз сари ўзингизга бирор мададкор топа олмаган бўлур эдингиз.

71-оят. Номаи аъмол – амаллар китоби. Яъни бу дунёда қилган яхши-ёмон ишлар фаришталар томонидан битиб юриладиган иш дафтари ёки китоби. У фақат қиёмат куни ўз эгасига берилади.

73-оят. Бу оятнинг нозил бўлиш сабабларидан бири – Расул (а.с.) Каъбага келиб, унинг пойдеворидаги қора тошни ўпмоқчи бўлганларида Қурайш мушриклари олдин кириб маъбудаларни зиёрат қилиб, қўл билан ушлаб чиқишни таклиф қилишган. Шундай изтиробда турганларида нозил бўлган. Бошқа сабаби – мушриклар маъбудаларининг номларини айтиб туриш шарти билан Муҳаммад (а.с.) келтирган динни қабул қилишга розилик билдиришган. Шунда нозил бўлган. Ибн Аббос (рз.) айтади: “Мушриклар Расул (а.с.)га: “Учта шарт билан исломга кирамиз: намозда эгилиб рукуъ, сажда қилмаслик, санамларимизни ўз қўлларимиз билан синдирмаслик Лот, Уззо номли маъбудаларимизга бир йил сиғинмасак-да, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиб туришимиз”, – деганларида нозил қилинган (Хз.).

وَإِن كَادُوا۟ لَيَسْتَفِزُّونَكَ مِنَ ٱلْأَرْضِ لِيُخْرِجُوكَ مِنْهَا ۖ
وَإِذًا لَّا يَلْبَثُونَ خِلَٰفَكَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٧٦﴾ سُنَّةَ مَن قَدْ
أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِن رُّسُلِنَا ۖ وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا ﴿٧٧﴾ أَقِمِ
ٱلصَّلَوٰةَ لِدُلُوكِ ٱلشَّمْسِ إِلَىٰ غَسَقِ ٱلَّيْلِ وَقُرْءَانَ ٱلْفَجْرِ ۖ إِنَّ
قُرْءَانَ ٱلْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا ﴿٧٨﴾ وَمِنَ ٱلَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِۦ
نَافِلَةً لَّكَ عَسَىٰٓ أَن يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا مَّحْمُودًا ﴿٧٩﴾ وَقُل رَّبِّ
أَدْخِلْنِى مُدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجْنِى مُخْرَجَ صِدْقٍ وَٱجْعَل لِّى مِن
لَّدُنكَ سُلْطَٰنًا نَّصِيرًا ﴿٨٠﴾ وَقُلْ جَآءَ ٱلْحَقُّ وَزَهَقَ ٱلْبَٰطِلُ ۚ
إِنَّ ٱلْبَٰطِلَ كَانَ زَهُوقًا ﴿٨١﴾ وَنُنَزِّلُ مِنَ ٱلْقُرْءَانِ مَا هُوَ شِفَآءٌ
وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ۙ وَلَا يَزِيدُ ٱلظَّٰلِمِينَ إِلَّا خَسَارًا ﴿٨٢﴾ وَإِذَآ
أَنْعَمْنَا عَلَى ٱلْإِنسَٰنِ أَعْرَضَ وَنَـَٔا بِجَانِبِهِۦ ۖ وَإِذَا مَسَّهُ ٱلشَّرُّ كَانَ يَـُٔوسًا
﴿٨٣﴾ قُلْ كُلٌّ يَعْمَلُ عَلَىٰ شَاكِلَتِهِۦ فَرَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَنْ هُوَ أَهْدَىٰ
سَبِيلًا ﴿٨٤﴾ وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلرُّوحِ ۖ قُلِ ٱلرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّى
وَمَآ أُوتِيتُم مِّنَ ٱلْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٨٥﴾ وَلَئِن شِئْنَا لَنَذْهَبَنَّ
بِٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ بِهِۦ عَلَيْنَا وَكِيلًا ﴿٨٦﴾

76. Улар Сизни (бу) ердан (Маккадан)* чиқариб юбориш учун қўзғаб юборишларига оз қолди. У тақдирда ўзлари ҳам Сиздан кейин озгина (муддат) тура олардилар, холос (сўнгра, ҳалок қилинур эдилар).

77. (Бу) Сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан қолган йўлдир. Бизнинг йўлимиз учун ўзгариш топмайсиз.

78. Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни баркамол адо этинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (адо этинг!) Зеро, тонгги ўқиш (фаришталар) ҳозир бўладиган (намоз)дир*.

79. Тунда (ярим кечада) уйғониб ўзингиз учун таҳажжуд (нафл) намозини ўқинг! Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиладиган) мақомда тирилтирса.

80. Яна айтингки: «Эй, Раббим! Мени (қабрга) содиқлик билан (гуноҳларим кечирилган ҳолимда) киритгин ва (тирилтирганингда ҳам) содиқлик (розилигинг билан) чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан бир мадад берувчи ҳужжат ато қилгин».

81. Яна айтинг: «Ҳақиқат (яъни Ислом) келди ва ботил (куфр) йўқолди. Чунки ботил нарса йўқолувчидир».

82. (Биз) Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз. (Лекин бу оятлар) золим (кофир)ларга фақат зиённи орттирур.

83. Қачон (Биз) инсонга (тинчлик, саломатлик, фаровонликни) инъом этсак, у (шукр қилишдан) юз ўгириб, ўз ҳолича кетур. Қачон унга (хасталик, камбағаллик каби) бирор ёмонлик етса, ноумид бўлур.

84. Айтинг: «Ҳар ким ўз равишига қараб амал қилур. Раббингиз ким тўғри йўлда эканини яхши билувчидир».

85. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ фақат Раббимнинг ишидандир». Сизларга эса оз илм берилгандир*.

86. Қасамки, агар хоҳласак, албатта, Сизга қилган ваҳий (Қуръон)ни кетказурмиз, сўнгра ўзингизга (Қуръонни қайтариб олиш учун) Бизга қарши бирор вакил (ҳомий) топа олмассиз.

76-оят. Маккадан эмас, Мадинадан Шомга чиқариб юборишмоқчи бўлишган, деган ривоят ҳам бор. Мадинага келганларидан кейин яҳудийлар пайғамбарлар жойи – Шом, деб кетишга кўндиришларига оз қолган эди, дейилган (Хз.).

78-оят. Ушбу оятдан беш вақт фарз намозларининг вақтларини англаб олиш мумкин. Масалан, қуёш оғиши билан пешин намози, соя икки баробарга етгач, аср намозининг вақти киради. Қоронғи тушиши билан, яъни қуёш ботиши билан шом, сўнгра хуфтон намозларининг вақти киради. “Тонгги ўқиш” эса – бомдод намозидир (Мд.).

85-оят. Руҳ тўғрисида ҳақиқатан, инсон оз маълумотга эга. Шу оз маълумотига асосланиб олимлар руҳ тўғрисида кўп асарлар битган. Лекин қанча уринмасин, бандаси руҳ каби нарсаларни билишда Аллоҳнинг илмига яқин кела олмайди.

إِلَّا رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ ۚ إِنَّ فَضْلَهُۥ كَانَ عَلَيْكَ كَبِيرًا ﴿٨٧﴾ قُل
لَّئِنِ ٱجْتَمَعَتِ ٱلْإِنسُ وَٱلْجِنُّ عَلَىٰٓ أَن يَأْتُوا۟ بِمِثْلِ هَـٰذَا ٱلْقُرْءَانِ
لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِۦ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا ﴿٨٨﴾ وَلَقَدْ
صَرَّفْنَا لِلنَّاسِ فِى هَـٰذَا ٱلْقُرْءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٍ فَأَبَىٰٓ أَكْثَرُ ٱلنَّاسِ
إِلَّا كُفُورًا ﴿٨٩﴾ وَقَالُوا۟ لَن نُّؤْمِنَ لَكَ حَتَّىٰ تَفْجُرَ لَنَا مِنَ
ٱلْأَرْضِ يَنۢبُوعًا ﴿٩٠﴾ أَوْ تَكُونَ لَكَ جَنَّةٌ مِّن نَّخِيلٍ وَعِنَبٍ
فَتُفَجِّرَ ٱلْأَنْهَـٰرَ خِلَـٰلَهَا تَفْجِيرًا ﴿٩١﴾ أَوْ تُسْقِطَ ٱلسَّمَآءَ كَمَا
زَعَمْتَ عَلَيْنَا كِسَفًا أَوْ تَأْتِىَ بِٱللَّهِ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةِ قَبِيلًا ﴿٩٢﴾
أَوْ يَكُونَ لَكَ بَيْتٌ مِّن زُخْرُفٍ أَوْ تَرْقَىٰ فِى ٱلسَّمَآءِ وَلَن نُّؤْمِنَ
لِرُقِيِّكَ حَتَّىٰ تُنَزِّلَ عَلَيْنَا كِتَـٰبًا نَّقْرَؤُهُۥ ۗ قُلْ سُبْحَانَ رَبِّى هَلْ
كُنتُ إِلَّا بَشَرًا رَّسُولًا ﴿٩٣﴾ وَمَا مَنَعَ ٱلنَّاسَ أَن يُؤْمِنُوٓا۟ إِذْ جَآءَهُمُ
ٱلْهُدَىٰٓ إِلَّآ أَن قَالُوٓا۟ أَبَعَثَ ٱللَّهُ بَشَرًا رَّسُولًا ﴿٩٤﴾ قُل لَّوْ كَانَ
فِى ٱلْأَرْضِ مَلَـٰٓئِكَةٌ يَمْشُونَ مُطْمَئِنِّينَ لَنَزَّلْنَا عَلَيْهِم
مِّنَ ٱلسَّمَآءِ مَلَكًا رَّسُولًا ﴿٩٥﴾ قُلْ كَفَىٰ بِٱللَّهِ
شَهِيدًۢا بَيْنِى وَبَيْنَكُمْ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ بِعِبَادِهِۦ خَبِيرًۢا بَصِيرًا ﴿٩٦﴾

87. Илло Раббингизнинг марҳамати билангина (Қуръонни қайтариб олишингиз мумкин). Дарҳақиқат, Сизга Унинг фазли каттадир.

88. Айтинг: «Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириш учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар».

89. Аниқки, (Биз) ушбу Қуръонда одамлар учун турли масал (маъно)лардан баён қилдик. Лекин одамларнинг кўплари фақат инкор этишнигина ихтиёр этдилар.

90. Айтдилар: «Токи бизлар учун (мана шу) ерни ёриб, бир булоқ чиқариб бермасанг, биз сенга сира имон келтирмаймиз*.

91. Ё сенинг хурмозор, узумзор боғинг бўлиб, унинг ўртасидан ёриб анҳорлар пайдо қилмасанг

92. ёки ўзинг даъво қилганингдек, осмонни устимизга парча-парча қилиб туширмагунингча, ёки Аллоҳ ва фаришталарини олдимизга келтирмагунингча

93. ёки сенинг олтиндан бир уйинг бўлмагунича (сенга имон келтирмаймиз). Яна бизларга ўқийдиган (бирор) китоб туширмас экансан, (осмонга) кўтарилишингга ҳам сира ишонмаймиз». Айтинг (Эй, Муҳаммад!): «Эй, Пок Парвардигоро, мен фақат пайғамбар бўлмиш бир одам эдим-ку!»

94. Одамларга ҳидоят келган пайтда, фақат: «Аллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайғамбар қилиб юборибдими?!», – дейишларигина уларни имон келтиришларидан тўсди.

95. Айтинг: «Агар Ерда (одамлар эмас) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта, Биз уларга осмондан пайғамбар фариштани туширган бўлур эдик».

96. Айтинг: «Мен билан сизларнинг ўртамизда Аллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб турувчи зотдир».

90-оят. Қуръони каримга ўхшаш китоб ёзишдан ожизлик қилганларидан кейин Макка зодагонларидан 15 таси Каъба ёнига йиғилиб Муҳаммад (а.с.)ни чақиртириб келадилар. Ушбу даъват ишидан қайтариш мақсадида ул зотга бойлик, подшоҳлик каби нарсаларни ваъда қиладилар. Он ҳазрат кўнмайдилар. Шундан кейин мазкур оятлардаги мўъжизаларни кўрсатишни талаб қилишади (Хз.).

Расул (а.с.)дан бойлик ва салтанат эвазига пайғамбарликни тарк қилишни талаб қилган ва рад жавобини олган 15 нафар мушриклар ичида Абу Жаҳл, Умайя ибн Халаф, Валид ибн Муғира, Рабианинг икки ўғли – Утба билан Шайба, Абу Суфён, Ос ибн Воил ва Қурайш қабиласининг бошқа зодагонлари бор эди (ИК, Қр.).

Расул (а.с.) айтадилар: “Раббим менга Макка атрофидаги қир, адирлар тўла олтин бериб, тўқ яшашимни таклиф этди. Мен Унга рад жавобини бериб, менга бир кун оч, бир кун тўқ юрганим оч қолганимда Ўзингга илтижо қилганим ҳамда тўқлигимда Ўзингга ҳамд ва шукр айтиб юрганим афзалдир, дедим” (Тб.).

وَمَن يَهْدِ ٱللَّهُ فَهُوَ ٱلْمُهْتَدِ ۖ وَمَن يُضْلِلْ فَلَن تَجِدَ لَهُمْ أَوْلِيَآءَ
مِن دُونِهِۦ ۖ وَنَحْشُرُهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ عُمْيًا وَبُكْمًا
وَصُمًّا ۖ مَّأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ ۖ كُلَّمَا خَبَتْ زِدْنَٰهُمْ سَعِيرًا ﴿٩٧﴾
ذَٰلِكَ جَزَآؤُهُم بِأَنَّهُمْ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَقَالُوٓا۟ أَءِذَا كُنَّا عِظَٰمًا
وَرُفَٰتًا أَءِنَّا لَمَبْعُوثُونَ خَلْقًا جَدِيدًا ﴿٩٨﴾ ۞ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ
ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ قَادِرٌ عَلَىٰٓ أَن يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ
وَجَعَلَ لَهُمْ أَجَلًا لَّا رَيْبَ فِيهِ فَأَبَى ٱلظَّٰلِمُونَ إِلَّا كُفُورًا ﴿٩٩﴾
قُل لَّوْ أَنتُمْ تَمْلِكُونَ خَزَآئِنَ رَحْمَةِ رَبِّىٓ إِذًا لَّأَمْسَكْتُمْ خَشْيَةَ
ٱلْإِنفَاقِ ۚ وَكَانَ ٱلْإِنسَٰنُ قَتُورًا ﴿١٠٠﴾ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَىٰ تِسْعَ
ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ ۖ فَسْـَٔلْ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ إِذْ جَآءَهُمْ فَقَالَ لَهُۥ فِرْعَوْنُ
إِنِّى لَأَظُنُّكَ يَٰمُوسَىٰ مَسْحُورًا ﴿١٠١﴾ قَالَ لَقَدْ عَلِمْتَ مَآ أَنزَلَ
هَٰٓؤُلَآءِ إِلَّا رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ بَصَآئِرَ وَإِنِّى لَأَظُنُّكَ
يَٰفِرْعَوْنُ مَثْبُورًا ﴿١٠٢﴾ فَأَرَادَ أَن يَسْتَفِزَّهُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ
فَأَغْرَقْنَٰهُ وَمَن مَّعَهُۥ جَمِيعًا ﴿١٠٣﴾ وَقُلْنَا مِنۢ بَعْدِهِۦ لِبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ
ٱسْكُنُوا۟ ٱلْأَرْضَ فَإِذَا جَآءَ وَعْدُ ٱلْءَاخِرَةِ جِئْنَا بِكُمْ لَفِيفًا ﴿١٠٤﴾

97. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, улар учун Ундан ўзга дўстларни топа олмассиз, уларни Қиёмат кунида юзтубан ҳолларида кўр, соқов, кар қилиб тирилтирурмиз*. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдир. Ҳар қачон (жаҳаннам олови) сусайса, уларга оловни ловуллатиб юборурмиз.

98. Бу – Бизнинг оятларимизга кофир бўлганлари ҳамда: «Суяк ва (чирик) мурдаларга айланган вақтимизда, янгитдан яралиб, қайта тирилурмизми?!», – деганларининг жазосидир.

99. Ахир, улар (кофирлар) осмонлар ва Ерни яратган зот уларнинг мислини ҳам яратишга қодир эканини кўрмадиларми?! (Аллоҳ) улар учун, шубҳа йўққи, бир муддатни белгилаб қўйгандир. Лекин золимлар куфрдан бошқасига кўнмайдилар.

100. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Агар сизлар Раббимнинг раҳмат (ризқ) хазиналарига эга бўлсангиз, ўшанда ҳам (уни) ишлатишдан қўрқиб, мумсиклик (бахиллик) қилган бўлур эдингиз». (Чунки) инсон зоти хасис бўлур.

101. (Биз) Мусога тўққизта аниқ мўъжиза ато этдик*. Сўнгра у (Фиръавн ҳузурига) келган пайтида, (унга): «Исроил авлодини (ўз юртлари – Шомга қўйиб юборишини, Фиръавндан) сўрагин!», (деб буюрдик). Шунда Фиръавн унга: «Эй, Мусо, ҳақиқатан, мен сени сеҳрланган, деб ўйламоқдаман», – деди.

102. (Мусо) деди: «(Эй, Фиръавн!) Сен анави (мўъжиза)ларни фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигори ҳужжат қилиб нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шуҳба йўққи, эй, Фиръавн, мен сени ҳалок қилинувчи деб билурман».

103. Шунда (Фиръавн Мусо ва унинг қавмини) у ердан қўзғатмоқчи бўлганида, Биз уни (Фиръавнни) ва у билан бирга бўлганларнинг барчаларини (денгизга) ғарқ қилдик.

104. (Фиръавндан) сўнг, Исроил авлодига: «Шу ер (Миср)ни маскан тутингиз. Энди қачонки ваъда қилинган охират келганида, сизларнинг барчалларингизни бир тўп қилиб (маҳшаргоҳга) келтирурмиз», – дедик.

97-оят. Ҳадисда айтилади: “Қиёмат куни одамлар уч хил ҳолатда юрадилар – пиёда, уловда ва юзтубан”. Шунда саҳобалар: “Қандай қилиб юзтубан юрадилар?”, – деб сўрашганда Расул (а.с.) айтдилар: “Бу дунёда икки оёқ устида юргизиб қўйган зот охиратда юзтубан ҳолатда юргизиб қўйишга ҳам қодирдир. Уларга нотекис ерлар ва тиканлардан сақланиш имконияти ҳам берилади” (Тб.).

101-оят. Мусо (а.с.)га ато этилган тўққиз мўъжиза тўғрисида хар хил ривоятлар мавжуд. Бир ривоятда улар – қўлларининг ёғдуси, асолари, тўфон, чигиртка, бит-бурга, қурбақалар, қон, тош суви, Тур тоғи дейилса, бошқасида тошдан сув чиқиши, Тур тоғи ўрнига қаҳатчилик ва мевасизлик дейилади (Мд.).

Оятдаги “тўққиз мўъжиза” ибораси Тавротдаги Мусо (а.с.) қавмига қаратилган тўққизта буйруқ, деган ривоят ҳам бор (Хз.).

105. Биз уни (Қуръонни) ҳақиқат (ҳикмат) билан нозил қилдик ва (у ҳам) ҳақиқат билан нозил бўлди. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни (мўминларга) фақат хушхабар берувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантирувчи қилиб юбордик.

106. Қуръонни одамларга вақти-вақти билан ўқиб беришингиз учун уни бўлакларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик.

107. Айтинг: «(Эй, мушриклар!) Хоҳ (унга) ишонингиз, хоҳ ишонмангиз, (ҳечқиси йўқ). Зотан, илгари илм (Таврот) берилган кишилар (Қуръон) тиловат қилинган вақтида, сажда қилган ҳолларида ияк (юз)лари билан йиқилурлар»*.

108. Шунингдек улар: «Раббимизга тасбиҳ айтамизки, бешак Раббимизнинг («Мен сўнгги пайғамбаримни юборурман ва унга Қуръон нозил қилурман» деган) ваъдаси адо этилувчи ваъдадир», – дейдилар.

109. Улар, йиғлаган ҳолларида, юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) уларнинг камтарликларини зиёда қилур*.

110. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Аллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангиз ҳам (жоиздир). Зеро, Унинг гўзал исмлари бордир». (Эй, Муҳаммад!) Сиз намозингизни жуда жаҳрий (баланд овозда, ошкора) ҳам қилиб юборманг (токи мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар) ва ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи саҳобаларингиз тинглаб, фойдалансинлар). Шуларнинг (жаҳрийлик билан махфийлик) ўртасидаги йўлни истанг!

111. «Ҳамд фарзанд тутмаган, подшоҳлигида шериги йўқ, хорликдан (қутқарувчи) дўсти бўлмаган (яъни ҳеч кимга муҳтож бўлмайдиган) зот – Аллоҳга хосдир», – денг ва (улуғлаб) Унга такбир айтинг!

Каҳф сураси

Маккада нозил қилинган. 110 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

وَبِٱلۡحَقِّ أَنزَلۡنَٰهُ وَبِٱلۡحَقِّ نَزَلَۗ وَمَآ أَرۡسَلۡنَٰكَ إِلَّا مُبَشِّرٗا وَنَذِيرٗا ١٠٥
وَقُرۡءَانٗا فَرَقۡنَٰهُ لِتَقۡرَأَهُۥ عَلَى ٱلنَّاسِ عَلَىٰ مُكۡثٖ وَنَزَّلۡنَٰهُ تَنزِيلٗا ١٠٦
قُلۡ ءَامِنُواْ بِهِۦٓ أَوۡ لَا تُؤۡمِنُوٓاْۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡعِلۡمَ مِن قَبۡلِهِۦٓ إِذَا يُتۡلَىٰ
عَلَيۡهِمۡ يَخِرُّونَۤ لِلۡأَذۡقَانِۤ سُجَّدٗا ١٠٧ وَيَقُولُونَ سُبۡحَٰنَ رَبِّنَآ إِن كَانَ
وَعۡدُ رَبِّنَا لَمَفۡعُولٗا ١٠٨ وَيَخِرُّونَ لِلۡأَذۡقَانِ يَبۡكُونَ وَيَزِيدُهُمۡ
خُشُوعٗا۩ ١٠٩ قُلِ ٱدۡعُواْ ٱللَّهَ أَوِ ٱدۡعُواْ ٱلرَّحۡمَٰنَۖ أَيّٗا مَّا تَدۡعُواْ فَلَهُ
ٱلۡأَسۡمَآءُ ٱلۡحُسۡنَىٰۚ وَلَا تَجۡهَرۡ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافِتۡ بِهَا وَٱبۡتَغِ
بَيۡنَ ذَٰلِكَ سَبِيلٗا ١١٠ وَقُلِ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي لَمۡ يَتَّخِذۡ وَلَدٗا وَلَمۡ يَكُن
لَّهُۥ شَرِيكٞ فِي ٱلۡمُلۡكِ وَلَمۡ يَكُن لَّهُۥ وَلِيّٞ مِّنَ ٱلذُّلِّۖ وَكَبِّرۡهُ تَكۡبِيرَۢا ١١١

سُورَةُ ٱلۡكَهۡفِ

ءَايَاتُهَا ١١٠ — تَرۡتِيبُهَا ١٨

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ عَلَىٰ عَبۡدِهِ ٱلۡكِتَٰبَ وَلَمۡ يَجۡعَل لَّهُۥ عِوَجَاۜ ١
قَيِّمٗا لِّيُنذِرَ بَأۡسٗا شَدِيدٗا مِّن لَّدُنۡهُ وَيُبَشِّرَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٱلَّذِينَ
يَعۡمَلُونَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أَنَّ لَهُمۡ أَجۡرًا حَسَنٗا ٢ مَّٰكِثِينَ
فِيهِ أَبَدٗا ٣ وَيُنذِرَ ٱلَّذِينَ قَالُواْ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدٗا ٤

1. (Ўз) бандаси (Муҳаммад)га Китоб (Қуръон)ни нозил қилган зот (Аллоҳ)га – ҳамд! Уни (Қуръонни маъно ва мазмунда) қинғир қилмади,

2. (балки, у) тўғри (ҳақ ва рост)дир. Ҳузуридан (келувчи) қаттиқ азоб билан огоҳлантириш ва эзгу ишларни қиладиган мўминларга яхши мукофот (жаннат) хушхабарини бериш,

3. (дарвоқе, улар) у ер (жаннат)да мангу қолувчилардир,

4. шунингдек, «Аллоҳнинг фарзанди бор» деганларни огоҳлантириш учун (Китобни нозил қилди).

107-оят. Сажда ояти.

109-оят. Ҳанафийдан бошқа мазҳабларда сажда ояти.

18. КАҲФ СУРАСИ

Каҳф – ғор. Сурада ажиб бир тарихий воқеа, "Асҳоби каҳф" воқеаси баён этилган. Унда тавҳид, имон йўлида золим шоҳ зулмидан қочиб, бир ғорга яширинган йигитлар ва Мусо билан Хизр (а.с.), Зулқарнайн қиссалари ўз ифодасини топган.

Ҳадисда бу суранинг боши ва охиридан 10 оятдан ўқиш Дажжолдан ҳимоядир, дейилган (ИК).

مَّا لَهُم بِهِۦ مِنۡ عِلۡمٖ وَلَا لِأٓبَآئِهِمۡۚ كَبُرَتۡ كَلِمَةٗ تَخۡرُجُ مِنۡ
أَفۡوَٰهِهِمۡۚ إِن يَقُولُونَ إِلَّا كَذِبٗا ٥ فَلَعَلَّكَ بَٰخِعٞ نَّفۡسَكَ
عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِمۡ إِن لَّمۡ يُؤۡمِنُواْ بِهَٰذَا ٱلۡحَدِيثِ أَسَفًا ٦ إِنَّا
جَعَلۡنَا مَا عَلَى ٱلۡأَرۡضِ زِينَةٗ لَّهَا لِنَبۡلُوَهُمۡ أَيُّهُمۡ أَحۡسَنُ عَمَلٗا
٧ وَإِنَّا لَجَٰعِلُونَ مَا عَلَيۡهَا صَعِيدٗا جُرُزًا ٨ أَمۡ حَسِبۡتَ
أَنَّ أَصۡحَٰبَ ٱلۡكَهۡفِ وَٱلرَّقِيمِ كَانُواْ مِنۡ ءَايَٰتِنَا عَجَبًا ٩
إِذۡ أَوَى ٱلۡفِتۡيَةُ إِلَى ٱلۡكَهۡفِ فَقَالُواْ رَبَّنَآ ءَاتِنَا مِن لَّدُنكَ رَحۡمَةٗ
وَهَيِّئۡ لَنَا مِنۡ أَمۡرِنَا رَشَدٗا ١٠ فَضَرَبۡنَا عَلَىٰٓ ءَاذَانِهِمۡ فِي
ٱلۡكَهۡفِ سِنِينَ عَدَدٗا ١١ ثُمَّ بَعَثۡنَٰهُمۡ لِنَعۡلَمَ أَيُّ ٱلۡحِزۡبَيۡنِ
أَحۡصَىٰ لِمَا لَبِثُوٓاْ أَمَدٗا ١٢ نَّحۡنُ نَقُصُّ عَلَيۡكَ نَبَأَهُم بِٱلۡحَقِّۚ
إِنَّهُمۡ فِتۡيَةٌ ءَامَنُواْ بِرَبِّهِمۡ وَزِدۡنَٰهُمۡ هُدٗى ١٣ وَرَبَطۡنَا
عَلَىٰ قُلُوبِهِمۡ إِذۡ قَامُواْ فَقَالُواْ رَبُّنَا رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ
لَن نَّدۡعُوَاْ مِن دُونِهِۦٓ إِلَٰهٗاۖ لَّقَدۡ قُلۡنَآ إِذٗا شَطَطًا ١٤ هَٰٓؤُلَآءِ
قَوۡمُنَا ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةٗۖ لَّوۡلَا يَأۡتُونَ عَلَيۡهِم
بِسُلۡطَٰنِۭ بَيِّنٖۖ فَمَنۡ أَظۡلَمُ مِمَّنِ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبٗا ١٥

5. (Мушриклар) зотан, уни (фарзанд моҳиятини) ўзлари ҳам, ота-боболари ҳам (яхши) билмаслар. Оғизларидан чиқувчи (бу) сўз оғирдир. (Улар) фақат ёлғонни сўзлаяптилар.

6. (Эй, Муҳаммад!) Улар ушбу Сўзга (Қуръонга) имон келтирмасалар, эҳтимол, Сиз уларнинг ортидан, афсуслик билан ўзингизни ҳалок қилувчидирсиз?!

7. Албатта, Биз (одамлардан) қайсилари чиройлироқ амал қилишларини синаш учун Ер юзидаги бор нарсани унга (Ерга) зийнат қилиб қўйдик.

8. (Биз) шубҳасиз, унинг (Ернинг) устини (безаксиз) силлиқ ва қуруқ қилиб қўювчи ҳамдирмиз.

9. Балки, “Каҳф” (ғор) ва “Рақим”* (битик) эгаларини Бизнинг мўъжизаларимизнинг энг ажойибидан, деб ҳисоблагандирсиз?

10. Қайсики, йигитлар ғорга паноҳ истаб боришиб: «Эй, Раббимиз! Бизларга ўз ҳузурингдан раҳмат ато этгин ва бизларнинг ишимизни Ўзинг тўғрилагин!», – дедилар.

11. Бас, (ўша) ғорда бир неча йил уларнинг «қулоқларига уриб» (ухлатиб) қўйдик.

12. Сўнгра (уларнинг ичидаги) икки гуруҳдан қайси бири турган муддатларини (тўғри) ҳисоблашларини билиш (синаш) учун уларни уйғотдик.

13. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга уларнинг хабарини ҳақиқатан айтиб берурмиз. Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига имон келтирган ва Биз уларга ҳидоятни зиёда қилган йигитлардир.

14. Биз уларнинг диллари (имонларини) қувватлантирдик – ўшанда улар (золим шоҳ қаршисида) туриб дедилар: «Бизнинг Раббимиз осмонлар ва Ернинг Парвардигоридир. Бизлар Ундан ўзга «илоҳ»га сира илтижо қилмаймиз. Акс ҳолда, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз.

15. Ана у қавмимиз эса, Ундан ўзгаларни «илоҳ» қилиб олдилар. Кошки ўзлари учун бирор аниқ ҳужжат келтирсалар. Бас, Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?!»

9-оят. Машҳур муаррих ва сийратнавис Муҳаммад ибн Исҳоқ (80-150 ҳ.й)нинг ёзишига кўра, Исо (а.с.)дан кейин насроний динининг асл ва ҳақиқий таълимотига амал қиладиган диндорлар камайиб, ботил динларга эътиқод қилувчилар кўпайиб борган. Рум мулкининг қайсари (шоҳи) Дақёнус худди шундай бутпарастликка ружу қўйган, насроний динидаги кишиларга зулм ўтказган ҳукмдор эди. У бут ва санамларга сиғинишдан бош тортган, тавҳид динига амал қилувчи руҳонийларни таъқиб қилиб, қўлга тушганларини қатли ом қиларди. Унинг зулмидан қутулиш ва тавҳидга асосланган соф насроний динини асраб қолиш мақсадида Аллоҳнинг розилигини истаб, юртини тарк этган ва уларни қўриқлаб борувчи бир итлари билан тоғдаги бир ғорга қочиб бориб яширинган бир гуруҳ ёш йигитлар тарихда “Асҳоби Каҳф” (“Ғор кишилари”) ёки “Асҳоби рақим” (“Битик эгалари”) деган номлар билан машҳур бўлганлар. “Битик” – мазкур йигитларнинг ғор оғзидаги қопқоқ устига битиб қўйилган номларидир (Хз.).

وَإِذِ ٱعْتَزَلْتُمُوهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ إِلَّا ٱللَّهَ فَأْوُۥٓا۟ إِلَى ٱلْكَهْفِ
يَنشُرْ لَكُمْ رَبُّكُم مِّن رَّحْمَتِهِۦ وَيُهَيِّئْ لَكُم مِّنْ أَمْرِكُم مِّرْفَقًا
١٦ ۞ وَتَرَى ٱلشَّمْسَ إِذَا طَلَعَت تَّزَٰوَرُ عَن كَهْفِهِمْ ذَاتَ
ٱلْيَمِينِ وَإِذَا غَرَبَت تَّقْرِضُهُمْ ذَاتَ ٱلشِّمَالِ وَهُمْ فِى فَجْوَةٍ
مِّنْهُ ذَٰلِكَ مِنْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ مَن يَهْدِ ٱللَّهُ فَهُوَ ٱلْمُهْتَدِ وَمَن
يُضْلِلْ فَلَن تَجِدَ لَهُۥ وَلِيًّا مُّرْشِدًا ١٧ وَتَحْسَبُهُمْ أَيْقَاظًا
وَهُمْ رُقُودٌ وَنُقَلِّبُهُمْ ذَاتَ ٱلْيَمِينِ وَذَاتَ ٱلشِّمَالِ وَكَلْبُهُم
بَٰسِطٌ ذِرَاعَيْهِ بِٱلْوَصِيدِ لَوِ ٱطَّلَعْتَ عَلَيْهِمْ لَوَلَّيْتَ مِنْهُمْ
فِرَارًا وَلَمُلِئْتَ مِنْهُمْ رُعْبًا ١٨ وَكَذَٰلِكَ بَعَثْنَٰهُمْ
لِيَتَسَآءَلُوا۟ بَيْنَهُمْ قَالَ قَآئِلٌ مِّنْهُمْ كَمْ لَبِثْتُمْ قَالُوا۟ لَبِثْنَا
يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالُوا۟ رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا لَبِثْتُمْ فَٱبْعَثُوٓا۟
أَحَدَكُم بِوَرِقِكُمْ هَٰذِهِۦٓ إِلَى ٱلْمَدِينَةِ فَلْيَنظُرْ أَيُّهَآ أَزْكَىٰ
طَعَامًا فَلْيَأْتِكُم بِرِزْقٍ مِّنْهُ وَلْيَتَلَطَّفْ وَلَا يُشْعِرَنَّ
بِكُمْ أَحَدًا ١٩ إِنَّهُمْ إِن يَظْهَرُوا۟ عَلَيْكُمْ يَرْجُمُوكُمْ
أَوْ يُعِيدُوكُمْ فِى مِلَّتِهِمْ وَلَن تُفْلِحُوٓا۟ إِذًا أَبَدًا ٢٠

16. (Бир-бирларига дедилар:) «Модомики улардан (мушриклардан) ва Аллоҳдан ўзга улар сиғинаётган нарсалардан юз ўгирган экансиз, энди ғорга паноҳ излаб борингиз! Раббингиз сизларга Ўз раҳматини кенг қилур ва ишларингиздан бирор яхши натижа чиқарур».

17. Қуёш чиқишида ғорларининг ўнг тарафидан ўтиб кетганини, ботишида эса уларнинг чап томони бўйлаб йироқлашиб кетганини, улар эса ҳамон унинг кенг бағрида эканларини кўрасиз. Бу ҳам Аллоҳнинг мўъжизаларидан (бири)дир. Кимни Аллоҳ ҳидоят этса, бас, ўшагина ҳидоят топувчидир. Кимни адаштирса, бас, унинг учун Тўғри йўлга солувчи дўст топа олмассиз.

18. Ухлоқ бўлсалар-да, (кўзлари очиқ бўлгани учун) уларни уйғоқ, деб ўйлайсан. Биз уларни (чириб кетмаслиги учун) ўнг томон, сўл томонга айлантириб турармиз*. Уларнинг ити эса, остонада икки олд оёқларини узатиб ётур. Агар уларни кўриб қолсангиз, даҳшатга тушиб, улардан юз ўгириб қочиб кетган бўлур эдингиз.

19. Ўзаро савол-жавоб қилишлари учун уларни шу тарзда уйғотдик. Улардан бири деди: «Қанча турдингиз?» Улар(нинг айримлари): «Бир кун ё ярим кун», – дедилар. (Қолганлари эса): «Қанча (ухлаб) турганингизни Раббингиз билур. Энди бирортангизни шу пулингиз билан шаҳарга жўнатингиз, у энг покроқ таомларни қараб, сизларга ундан озуқа олиб келсин. У лутф билан эҳтиёткорона юрсин ва сизларни ҳеч кимга сездириб қўймасин*.

20. Чунки улар (шаҳар аҳли) сизлардан огоҳ бўлиб қолсалар, сизларни тошбўрон қилурлар ёки сизларни ўзларининг (ботил) динларига қайтарурлар ва у ҳолда, сира нажот топа олмайсиз», – дейишди.

18-оят. Бир йилда уларнинг жасади ерга сингиб кетмаслиги учун бир ёки икки марта айлантириб турилар экан. Уларга ҳамроҳ бўлган итнинг номи Қитмир ё Райён ёки Саҳбон бўлганида ихтилоф бор. Ит ҳам асҳоблар билан жаннатга кириши ривоят қилинади. Муовия (рз.) Румга ғазот қилиб борганида "Асҳоби каҳф" ғорининг оғзига ҳам боришган. Ғор ичига кирмоқчи бўлганида Ибн Аббос (рз.) унга: "Сендан яхшироқ зот (Муҳаммадга) ҳам уларни кўрсанг қўрқиб қочиб кетардингиз, дейилган эди", – деб розилик бермайди. Шунда Муовия (рз.) бир гуруҳ кишиларни ғорга кириб чиқишга буюради. Улар ғорга қадам қўйиши билан бир алангали шамол келиб, уларни куйдириб юборган (Мд. Хз.).

Ғорда ухлаб ётган йигитларнинг жасадлари чириб кетмаслиги учун Аллоҳ таоло уларнинг кўзларини очиқ ҳолда қолдирган (ИК).

19-оят. Бундан бир аср олдин Ҳиндистонда чоп этилган ва қориларимиз қўлида ҳозиргача «Қори Қуръон» номи билан фойдаланилиб келинаётган Қуръон нусхаларида шу оятдаги «валяталаттаф» калимаси Қуръони каримнинг қоқ ўртаси сифатида белгиланган.

وَكَذَٰلِكَ أَعْثَرْنَا عَلَيْهِمْ لِيَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَأَنَّ
ٱلسَّاعَةَ لَا رَيْبَ فِيهَآ إِذْ يَتَنَٰزَعُونَ بَيْنَهُمْ أَمْرَهُمْ ۖ فَقَالُوا۟
ٱبْنُوا۟ عَلَيْهِم بُنْيَٰنًا ۖ رَّبُّهُمْ أَعْلَمُ بِهِمْ ۚ قَالَ ٱلَّذِينَ غَلَبُوا۟ عَلَىٰٓ
أَمْرِهِمْ لَنَتَّخِذَنَّ عَلَيْهِم مَّسْجِدًا ﴿٢١﴾ سَيَقُولُونَ ثَلَٰثَةٌ
رَّابِعُهُمْ كَلْبُهُمْ وَيَقُولُونَ خَمْسَةٌ سَادِسُهُمْ كَلْبُهُمْ رَجْمًۢا
بِٱلْغَيْبِ ۖ وَيَقُولُونَ سَبْعَةٌ وَثَامِنُهُمْ كَلْبُهُمْ ۚ قُل رَّبِّىٓ أَعْلَمُ
بِعِدَّتِهِم مَّا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ ۗ فَلَا تُمَارِ فِيهِمْ إِلَّا مِرَآءً ظَٰهِرًا
وَلَا تَسْتَفْتِ فِيهِم مِّنْهُمْ أَحَدًا ﴿٢٢﴾ وَلَا تَقُولَنَّ لِشَا۟ىْءٍ
إِنِّى فَاعِلٌ ذَٰلِكَ غَدًا ﴿٢٣﴾ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ ۚ وَٱذْكُر رَّبَّكَ
إِذَا نَسِيتَ وَقُلْ عَسَىٰٓ أَن يَهْدِيَنِ رَبِّى لِأَقْرَبَ مِنْ هَٰذَا رَشَدًا
﴿٢٤﴾ وَلَبِثُوا۟ فِى كَهْفِهِمْ ثَلَٰثَ مِا۟ئَةٍ سِنِينَ وَٱزْدَادُوا۟ تِسْعًا
﴿٢٥﴾ قُلِ ٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا لَبِثُوا۟ ۖ لَهُۥ غَيْبُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ
أَبْصِرْ بِهِۦ وَأَسْمِعْ ۚ مَا لَهُم مِّن دُونِهِۦ مِن وَلِىٍّ وَلَا يُشْرِكُ
فِى حُكْمِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٦﴾ وَٱتْلُ مَآ أُوحِىَ إِلَيْكَ مِن كِتَابِ
رَبِّكَ ۖ لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَٰتِهِۦ وَلَن تَجِدَ مِن دُونِهِۦ مُلْتَحَدًا ﴿٢٧﴾

21. Шундай қилиб, Аллоҳнинг (қайта тирилтириши ҳақидаги) ваъдаси ҳақ эканини ва қиёматнинг (келиши) шаксиз эканини билишлари учун (одамларни ғор йигитларидан) хабардор қилдик. Ўшанда (вафот этишгач) ўзаро уларнинг ишлари ҳақида тортиша бошладилар. Бас, (баъзи кишилар): «Уларнинг устига уйлар бино қилингиз! Парвардигорлари уларни яхши билувчидир», – дедилар. Уларнинг устидан ҳукмронлик қилаётганлар (янги имонли шоҳ ва сарой аъёнлари): «Албатта, биз улар (Асҳоби Каҳф қабри) узра (ғор оғзига яхши ниятда) бир масжид қуриб олурмиз», – дейишди.

22. Ҳали улар (Муҳаммадга замондош яҳудий, насоро ва мусулмонларнинг айримлари ўша Асҳоби Каҳф ададини): «Учтадир, тўртинчилари итларидир», десалар, (бошқалари) «бешта бўлиб, олтинчилари итларидир», деб "ғайбга тош отурлар" (тахминан гап сотурлар). Яна: «(Улар) еттитадирлар, саккизинчилари итларидир» ҳам дейдилар*. (Эй, Муҳаммад!) «Уларнинг саноғини Раббим яхши билувчидир. Уларни жуда оз киши билур», денг! Бас, улар хусусида фақат (ваҳий асосида) очиқ мунозара қилинг ва (Асҳоби Каҳф) ҳақида уларнинг бирортасидан савол сўраманг!

23. Бирор нарса ҳақида: «Мен, албатта, эртага шуни қилувчиман», дея кўрманг!

24. Илло, «Иншоаллоҳ, (Аллоҳ хоҳласа)» (денг. Бу сўзни) унутган вақтингизда (ёдингизга келиши билан) Раббингизни зикр қилинг (яъни «иншоаллоҳ», денг) ва: «Шояд, Раббим мени бундан ҳам яқинроқ Тўғри йўлга ҳидоят этса», денг!*

25. (Улар) ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз (йил)ни зиёда қилдилар*.

26. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Уларнинг қанча турганларини Аллоҳ яхши билувчидир. Осмонлар ва Ернинг сирлари фақат Унга оиддир. У нақадар кўрувчи ва эшитувчидир! Улар (одамлар) учун Ундан ўзга бирор дўст йўқдир. У (Ўз) ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас».

27. (Эй, Муҳаммад!) Сизга ваҳий қилинган Раббингизнинг Китоби (Қуръон)ни тиловат қилинг! Унинг сўзларини ўзгартирувчи (куч) йўқдир. Ундан ўзга сира паноҳ топа олмассиз.

22-оят. Асҳоби Каҳфнинг номлари тўғрисида турли ривоятлар мавжуд. Мадорик тафсирида Али ибн Аби Толиб (рз.)дан нақл қилинишича уларнинг номлари – Ямлихо, Макшалино, Машлино, Марнуш, Дабарнуш, Шознуш, Кашфиттанус (Мд.).

23, 24-оятлар. Бу икки оят нозил бўлишининг сабаби ривоятларга қараганда, бир гуруҳ яҳудий диндорлари келиб, Муҳаммад (а.с.) дан имтиҳон учун "Руҳ, Ғор воқеаси ва Зулқарнайн" ҳақида сўрашган. Он ҳазрат: "Жавобини сизларга эртага айтаман", – деганлар, лекин "Иншоаллоҳ" демаганлари учун Аллоҳ таоло ул зотга ваҳий келишини бир неча кун тўхтатиб қўйган. Саволларга кечроқ, ваҳий тушгандан кейин жавоб қилганлар.

25-оят. Яъни мелодий йил ҳисоби билан тўла 300 йил, қамарий йилга ҳисоб қилиш учун эса, яна 9 йил қўшиш кераклиги уқдирилмоқда (Хз.).

وَٱصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُم بِٱلْغَدَوٰةِ وَٱلْعَشِىِّ
يُرِيدُونَ وَجْهَهُۥ ۖ وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ ٱلْحَيَوٰةِ
ٱلدُّنْيَا ۖ وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُۥ عَن ذِكْرِنَا وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ وَكَانَ
أَمْرُهُۥ فُرُطًا ﴿٢٨﴾ وَقُلِ ٱلْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ ۖ فَمَن شَآءَ فَلْيُؤْمِن وَمَن
شَآءَ فَلْيَكْفُرْ ۚ إِنَّآ أَعْتَدْنَا لِلظَّٰلِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهِمْ سُرَادِقُهَا ۚ
وَإِن يَسْتَغِيثُوا۟ يُغَاثُوا۟ بِمَآءٍ كَٱلْمُهْلِ يَشْوِى ٱلْوُجُوهَ ۚ بِئْسَ
ٱلشَّرَابُ وَسَآءَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٢٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّٰلِحَٰتِ إِنَّا لَا نُضِيعُ أَجْرَ مَنْ أَحْسَنَ عَمَلًا ﴿٣٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ
لَهُمْ جَنَّٰتُ عَدْنٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهِمُ ٱلْأَنْهَٰرُ يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ
مِن ذَهَبٍ وَيَلْبَسُونَ ثِيَابًا خُضْرًا مِّن سُندُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُّتَّكِـِٔينَ
فِيهَا عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ ۚ نِعْمَ ٱلثَّوَابُ وَحَسُنَتْ مُرْتَفَقًا ﴿٣١﴾ ۞ وَٱضْرِبْ
لَهُم مَّثَلًا رَّجُلَيْنِ جَعَلْنَا لِأَحَدِهِمَا جَنَّتَيْنِ مِنْ أَعْنَٰبٍ وَحَفَفْنَٰهُمَا
بِنَخْلٍ وَجَعَلْنَا بَيْنَهُمَا زَرْعًا ﴿٣٢﴾ كِلْتَا ٱلْجَنَّتَيْنِ ءَاتَتْ أُكُلَهَا وَلَمْ
تَظْلِم مِّنْهُ شَيْـًٔا ۚ وَفَجَّرْنَا خِلَٰلَهُمَا نَهَرًا ﴿٣٣﴾ وَكَانَ لَهُۥ ثَمَرٌ فَقَالَ
لِصَٰحِبِهِۦ وَهُوَ يُحَاوِرُهُۥٓ أَنَا۠ أَكْثَرُ مِنكَ مَالًا وَأَعَزُّ نَفَرًا ﴿٣٤﴾

28. Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорлари «юзи»ни истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга сабр қилишга ундан! Дунё ҳаёти зийнатини деб кўзларингиз улардан четламасин! Шунингдек, қалбини Биз зикримиздан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!

29. Айтинг: «(Бу Қуръон) Раббингиз (томони)дан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин». Аниқки, Биз золим (кофир)лар учун алангалари уларни қамраб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйганмиз. Агар улар (ташналикка чидамай) ялинсалар, эритилган (қиздирилган) ёғ каби юзларни куйдирувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!

30. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар эса, (билиб қўйсинларки) албатта, Биз яхши амалларни қилган кишининг мукофотини зое қилмасмиз.

31. Айнан улар учун остиларидан анҳорлар оқиб турадиган мангу жаннатлар бор бўлиб, улар у жойда олтин билакузуклар билан безанурлар ва яшнаб турувчи шойи либослар кийиб, сўриларда суяниб ўтирурлар. Нақадар яхши мукофот у, нақадар гўзал жой у!

32. (Эй, Муҳаммад! Кофирларга) икки киши мисолини келтиринг. Улардан бири учун икки узумзор боғ қилиб, у иккисини хурмозор билан ўраган ва ўртасини экинзор қилган эдик*.

33. Ҳар икки боғ ўз ҳосилини бекаму кўст берар, уларнинг ўртасидан бир анҳор ҳам ўтказган эдик.

34. Яна унинг бойлиги ҳам бор эди. Бас, у биродарига мурожаат қилиб: «Менинг бойлигим сеникидан кўпроқ ва одамларим кучлироқ», – деди.

32-оят. Бу оятдан то 44-оятгача ибратли бир қисса баён этилмоқда. Қисқача мазмуни шуки, Бани Исроил ичида бир кофир, иккинчиси мўмин бўлган бир ака-ука бор эди. Кофирининг исми – Қутрус, мўмини Яҳудо эди. Оталаридан 8000 динор мерос қолган бўлиб, уни тенг бўлишиб оладилар. Қутрус минг динорга ер сотиб олади. Яҳудо Аллоҳга илтижо қилиб: “Эй, Раббим! Биродарим минг динорга ер сотиб олди. Мен ўзимдаги минг динорга жаннатдан ер сотиб оламан”, – деб минг динорни садақа қилиб юборади. Сўнгра кофир биродари минг динор сарф қилиб қаср қуради. Мўмин биродари Аллоҳдан жаннат қасрини сўраб, яна минг динорини садақа қилади. Кофир минг динор сарфлаб уйланиб олади. Мўмин жаннатдаги ҳурлар маҳрига атаб минг динор садақа қилади. Кофир қолган минг динорига хизматкорларни сотиб олади. Мўмин жаннатдаги хизматкорларни сўраб охирги минг динорини ҳам садақа қилиб юборади ва ночор аҳволда ўтирганда кофир биродари унинг устидан кулиб ўтиб кетади (Мд.).

Бошқа ривоятда мазкур ака-ука қиссаси қуйидагича ёзилган: Макка шаҳрида Бани Махзум

وَدَخَلَ جَنَّتَهُۥ وَهُوَ ظَالِمٌ لِّنَفْسِهِۦ قَالَ مَآ أَظُنُّ أَن تَبِيدَ هَٰذِهِۦٓ
أَبَدًا ﴿٣٥﴾ وَمَآ أَظُنُّ ٱلسَّاعَةَ قَآئِمَةً وَلَئِن رُّدِدتُّ إِلَىٰ رَبِّى
لَأَجِدَنَّ خَيْرًا مِّنْهَا مُنقَلَبًا ﴿٣٦﴾ قَالَ لَهُۥ صَاحِبُهُۥ وَهُوَ يُحَاوِرُهُۥٓ
أَكَفَرْتَ بِٱلَّذِى خَلَقَكَ مِن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ سَوَّىٰكَ رَجُلًا
﴿٣٧﴾ لَّٰكِنَّا۠ هُوَ ٱللَّهُ رَبِّى وَلَآ أُشْرِكُ بِرَبِّىٓ أَحَدًا ﴿٣٨﴾ وَلَوْلَآ إِذْ
دَخَلْتَ جَنَّتَكَ قُلْتَ مَا شَآءَ ٱللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِٱللَّهِ ۚ إِن تَرَنِ أَنَا۠
أَقَلَّ مِنكَ مَالًا وَوَلَدًا ﴿٣٩﴾ فَعَسَىٰ رَبِّىٓ أَن يُؤْتِيَنِ خَيْرًا مِّن
جَنَّتِكَ وَيُرْسِلَ عَلَيْهَا حُسْبَانًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ فَتُصْبِحَ صَعِيدًا
زَلَقًا ﴿٤٠﴾ أَوْ يُصْبِحَ مَآؤُهَا غَوْرًا فَلَن تَسْتَطِيعَ لَهُۥ طَلَبًا ﴿٤١﴾
وَأُحِيطَ بِثَمَرِهِۦ فَأَصْبَحَ يُقَلِّبُ كَفَّيْهِ عَلَىٰ مَآ أَنفَقَ فِيهَا وَهِىَ خَاوِيَةٌ
عَلَىٰ عُرُوشِهَا وَيَقُولُ يَٰلَيْتَنِى لَمْ أُشْرِكْ بِرَبِّىٓ أَحَدًا ﴿٤٢﴾ وَلَمْ تَكُن لَّهُۥ
فِئَةٌ يَنصُرُونَهُۥ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَمَا كَانَ مُنتَصِرًا ﴿٤٣﴾ هُنَالِكَ ٱلْوَلَٰيَةُ
لِلَّهِ ٱلْحَقِّ ۚ هُوَ خَيْرٌ ثَوَابًا وَخَيْرٌ عُقْبًا ﴿٤٤﴾ وَٱضْرِبْ لَهُم مَّثَلَ ٱلْحَيَوٰةِ
ٱلدُّنْيَا كَمَآءٍ أَنزَلْنَٰهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ فَٱخْتَلَطَ بِهِۦ نَبَاتُ ٱلْأَرْضِ
فَأَصْبَحَ هَشِيمًا تَذْرُوهُ ٱلرِّيَٰحُ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ مُّقْتَدِرًا ﴿٤٥﴾

35. Ўзига зулм қилган ҳолда, боғига кираётиб, айтди: «Бу (боғу бойлигим) ҳеч қачон йўқ бўлмайди.

36. Қиёмат ҳам қойим бўлмайди, деб ўйлайман. Қасамки, агар мабодо Раббимга қайтарилсам (қайта тирилсам), албатта, бундан ҳам яхшироқ оқибат (бахт)ни топурман».

37. Биродари унга мурожаат қилиб, деди: «Сени (Одамни) тупроқдан, сўнг бир томчи «сув»дан яратиб, сўнгра инсон қилиб ростлаган зот (Аллоҳ)га кофир бўлдингми?!

38. Мен эса: «У Аллоҳ Раббимдир» (дейман) ва Раббимга ҳеч кимни шерик қилмайман.

39. Сен боғингга кирганингда: «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), бор куч-қувват ёлғиз Аллоҳ биландир», деганингда эди! Борди-ю, мени бойлик ва фарзанд жиҳатидан ўзингдан камроқ деб билсанг,

40. шоядки, Раббим менга сенинг боғингдан яхшироқ (боғ) ато этар, (сенинг боғингга эса) осмондан офат юборур, бас, у тойғоқ (текис) ерга айланиб қолур.

41. Ёки унинг суви (ер қаърига) сингиб кетиб, сен уни истаб топа олмай қолурсан».

42. (Дарҳақиқат), унинг меваси (боғи) иҳота (ҳалок) қилинди. Ўзи эса ҳувиллаб қолган ишкомларни (кўриб) ва уларга сарфланган нарсаларни (ўйлаб), чапак чалганича (пушаймон бўлиб): «Қани эди, мен ҳам Раббимга ҳеч кимни шерик қилмаганимда!», – деб қолади.

43. Шунингдек, унинг учун Аллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган гуруҳ бўлди ва на ўзи (ўзига) ёрдам бера олувчи бўлди.

44. У жойда (Қиёматда) мадад фақат Ҳақ – Аллоҳ (изми)дадир. У мукофоти яхши ва оқибати хайрли зотдир*.

45. (Эй, Муҳаммад! Одамларга) дунё ҳаёти мисолини келтиринг. (У) худди бир сув кабидирки, Биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ер ўсимликлари (бир-бирига) аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнгра (кузда) шамоллар учириб кетадиган хашакка айланиб қолур*. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир зотдир.

қабиласига мансуб Абу Салама ва Асвад исмли ака-ука бўлиб, бири мўмин, иккинчиси кофир бўлган. Яна бир ривоятда оятлардаги қисса Уяйна билан Салмон ва уларнинг шериклари хусусида бўлиб, икки томон кишиларини икки киши деб таъбир этилган, дейилади (Хз.).

44-оят. Мазкур оятларда зикр этилган қисса "Вас-саффот" сурасининг 51–60-оятларида баён этилган қиссанинг муқаддимасидир (Мд.).

45-оят. Инсон умрининг баҳори – ёшлик даври ва кузи – кексалик айёми экани ҳақида мисол келтирилмоқда. "Юнус" сурасининг 24-ояти ва "Ҳадид" сурасининг 20-оятида ҳам бу дунёнинг моҳияти ва инсон умрининг қисқалиги тўғрисида мазкур оят билан ҳамоҳанг маънолар ўз ифодасини топган.

ٱلْمَالُ وَٱلْبَنُونَ زِينَةُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَٱلْبَٰقِيَٰتُ ٱلصَّٰلِحَٰتُ
خَيْرٌ عِندَ رَبِّكَ ثَوَابًا وَخَيْرٌ أَمَلًا ﴿٤٦﴾ وَيَوْمَ نُسَيِّرُ ٱلْجِبَالَ وَتَرَى
ٱلْأَرْضَ بَارِزَةً وَحَشَرْنَٰهُمْ فَلَمْ نُغَادِرْ مِنْهُمْ أَحَدًا ﴿٤٧﴾ وَعُرِضُوا۟
عَلَىٰ رَبِّكَ صَفًّا لَّقَدْ جِئْتُمُونَا كَمَا خَلَقْنَٰكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍۭ ۚ بَلْ زَعَمْتُمْ
أَلَّن نَّجْعَلَ لَكُم مَّوْعِدًا ﴿٤٨﴾ وَوُضِعَ ٱلْكِتَٰبُ فَتَرَى ٱلْمُجْرِمِينَ
مُشْفِقِينَ مِمَّا فِيهِ وَيَقُولُونَ يَٰوَيْلَتَنَا مَالِ هَٰذَا ٱلْكِتَٰبِ
لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّآ أَحْصَىٰهَا ۚ وَوَجَدُوا۟ مَا عَمِلُوا۟
حَاضِرًا ۗ وَلَا يَظْلِمُ رَبُّكَ أَحَدًا ﴿٤٩﴾ وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟
لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ كَانَ مِنَ ٱلْجِنِّ فَفَسَقَ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِۦٓ ۗ
أَفَتَتَّخِذُونَهُۥ وَذُرِّيَّتَهُۥٓ أَوْلِيَآءَ مِن دُونِى وَهُمْ لَكُمْ عَدُوٌّۢ ۚ
بِئْسَ لِلظَّٰلِمِينَ بَدَلًا ﴿٥٠﴾ ۞ مَّآ أَشْهَدتُّهُمْ خَلْقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ وَلَا خَلْقَ أَنفُسِهِمْ وَمَا كُنتُ مُتَّخِذَ ٱلْمُضِلِّينَ عَضُدًا
﴿٥١﴾ وَيَوْمَ يَقُولُ نَادُوا۟ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُمْ فَدَعَوْهُمْ
فَلَمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَهُمْ وَجَعَلْنَا بَيْنَهُم مَّوْبِقًا ﴿٥٢﴾ وَرَءَا ٱلْمُجْرِمُونَ
ٱلنَّارَ فَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُم مُّوَاقِعُوهَا وَلَمْ يَجِدُوا۟ عَنْهَا مَصْرِفًا ﴿٥٣﴾

46. Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир. Раббингиз наздида эса, боқий қолувчи солиҳ амаллар* савоблироқ ва орзу қилишга лойиқроқдир.

47. Тоғларни (булутлардек) юргизадиган ва сизлар Ерни теп-текис (тоғу боғларсиз) кўрадиган Кунни (Қиёматни эслангиз)! (У Кунда Биз) улардан бирортасини қўймай йиғамиз.

48. Улар саф тортган ҳолларида Раббингизга рўбарў қилинадилар (ва Биз уларга айтурмиз): «Мана сизларни илк бор қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда, (кийимсиз ҳолингизда) ҳузуримизга келдингиз. Балки сизларга Биз ваъда қилган Кунни (Қиёматни пайдо) қила олмас, деб ўйлагандирсиз?!»

49. (Сўнгра ҳар бир кишининг) номаи аъмоли (ўз қўлига) қўйилур. Бас, гуноҳкорларнинг унда (битилган) нарсалардан даҳшатга тушиб: «Ҳолимизга вой! Бу қандай китобки, на кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб қўйибди?», дейишларини кўрурсиз. (Улар) қилган (барча) амалларини нақд ҳолда топурлар. Раббингиз ҳеч кимга зулм қилмас.

50. Эсланг, (Эй, Муҳаммад!) Фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан сажда қилдилар. Фақат иблис (сажда қилмади). У жинлардан эди. Бас, Парвардигорининг амрига бўйин сунишдан бош тортди. Энди сизлар (эй, Одам болалари,) Мени қўйиб, уни (иблисни) ва зурриётларини дўст тутасизми?! Улар сизларга душман-ку! У (иблис) золимлар учун (Аллоҳнинг ўрнига) нақадар ёмон «ўринбосар-дир!»

51. Мен уларни (иблис ва унинг зурриётини) на осмонлар ва Ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилган эмасман, шунингдек, (бу) йўлдан оздирувчиларни (Ўзимга) дастёр қилиб ҳам олганим йўқ.

52. У Кунда (Қиёматда Аллоҳ): «Сизлар Менинг шерикларим деб ўйлаган (бутларингизни) чақирингиз!» дер. Бас, уларни чақирганларида, (улар) жавоб қилмайдилар. (Чунки) Биз уларнинг ўрталарида ҳалокат чоҳини (дўзахни) пайдо қилиб қўйган бўламиз.

53. Гуноҳкорлар дўзахни кўриб, ўзларининг унга тушувчи эканларини биладилар, аммо ундан қочишга жой топмайдилар.

46-оят. Боқий қолувчи солиҳ амаллар қайсилар? Шу ҳақда Расул (а.с.)дан сўралганида: “Улар такбир, яъни “Аллоҳу акбар”, ҳамд, яъни “Алҳамду лиллоҳ”, ҳавқала, яъни “ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳ” деб жавоб берганлар (Мс.).
Солиҳ амалларга беш вақт намоз, “Субҳоналлоҳи, валҳамду лиллоҳи вало илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар” калималари ҳам киради, деб тафсир қилинган (Мд.). Ҳадисларда бундан бошқа калималар ҳам кўрсатилган.

وَلَقَدۡ صَرَّفۡنَا فِي هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانِ لِلنَّاسِ مِن كُلِّ مَثَلٖۚ وَكَانَ
ٱلۡإِنسَٰنُ أَكۡثَرَ شَيۡءٖ جَدَلٗا ﴿٥٤﴾ وَمَا مَنَعَ ٱلنَّاسَ أَن يُؤۡمِنُوٓاْ
إِذۡ جَآءَهُمُ ٱلۡهُدَىٰ وَيَسۡتَغۡفِرُواْ رَبَّهُمۡ إِلَّآ أَن تَأۡتِيَهُمۡ سُنَّةُ
ٱلۡأَوَّلِينَ أَوۡ يَأۡتِيَهُمُ ٱلۡعَذَابُ قُبُلٗا ﴿٥٥﴾ وَمَا نُرۡسِلُ ٱلۡمُرۡسَلِينَ
إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَۚ وَيُجَٰدِلُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِٱلۡبَٰطِلِ
لِيُدۡحِضُواْ بِهِ ٱلۡحَقَّۖ وَٱتَّخَذُوٓاْ ءَايَٰتِي وَمَآ أُنذِرُواْ هُزُوٗا ﴿٥٦﴾ وَمَنۡ
أَظۡلَمُ مِمَّن ذُكِّرَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِۦ فَأَعۡرَضَ عَنۡهَا وَنَسِيَ مَا قَدَّمَتۡ يَدَاهُۚ
إِنَّا جَعَلۡنَا عَلَىٰ قُلُوبِهِمۡ أَكِنَّةً أَن يَفۡقَهُوهُ وَفِيٓ ءَاذَانِهِمۡ وَقۡرٗاۖ
وَإِن تَدۡعُهُمۡ إِلَى ٱلۡهُدَىٰ فَلَن يَهۡتَدُوٓاْ إِذًا أَبَدٗا ﴿٥٧﴾ وَرَبُّكَ
ٱلۡغَفُورُ ذُو ٱلرَّحۡمَةِۖ لَوۡ يُؤَاخِذُهُم بِمَا كَسَبُواْ لَعَجَّلَ لَهُمُ
ٱلۡعَذَابَۚ بَل لَّهُم مَّوۡعِدٞ لَّن يَجِدُواْ مِن دُونِهِۦ مَوۡئِلٗا ﴿٥٨﴾
وَتِلۡكَ ٱلۡقُرَىٰٓ أَهۡلَكۡنَٰهُمۡ لَمَّا ظَلَمُواْ وَجَعَلۡنَا لِمَهۡلِكِهِم
مَّوۡعِدٗا ﴿٥٩﴾ وَإِذۡ قَالَ مُوسَىٰ لِفَتَىٰهُ لَآ أَبۡرَحُ حَتَّىٰٓ
أَبۡلُغَ مَجۡمَعَ ٱلۡبَحۡرَيۡنِ أَوۡ أَمۡضِيَ حُقُبٗا ﴿٦٠﴾ فَلَمَّا بَلَغَا
مَجۡمَعَ بَيۡنِهِمَا نَسِيَا حُوتَهُمَا فَٱتَّخَذَ سَبِيلَهُۥ فِي ٱلۡبَحۡرِ سَرَبٗا ﴿٦١﴾

54. (Биз) бу Қуръонда одамларга турли масаллардан баён қилдик. Дарҳақиқат, инсон кўп жанжал (баҳс) қилувчидир.

55. Одамларга ҳидоят келганда имон келтиришларидан ва Парвардигордан мағфират сўрашларидан тўсган нарса – бу фақат уларга ўтганларнинг йўли (ҳалокати) келиши ёки очиқ азоб келиши (интизорлиги)дир*.

56. Биз пайғамбарларни фақат хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчилар сифатидагина юборурмиз. Кофир бўлганлар эса, ботил (ҳужжатлар) билан тортишиб, унинг ёрдамида ҳақиқатни тойдирмоқчи бўлурлар ҳамда оятларимни ва ўзлари огоҳлантирилган нарсани (охират азобини) масхара қилиб олурлар.

57. Парвардигорининг оятлари билан насиҳат қилингач, улардан юз ўгирган, ўзи қилиб ўтган (гуноҳ)ларини унутиб қўйган кимсадан кўра ким золимроқдир?! Дарҳақиқат, Биз (Қуръонни) англамасликлари учун уларнинг дилларини пардалаб, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. Демак, агар Сиз уларни ҳидоятга чақирсангиз ҳам сира ҳидоятга юрмаслар.

58. Раббингиз мағфиратли ва раҳм (шафқат) соҳибидир. Агар уларни қилган гуноҳлари сабабли тутганида, уларга азобни нақд қилган бўлур эди. Йўқ, улар учун ваъда қилинган бир вақт (Қиёмат) борки, Ундан ўзга бирор паноҳ топа олмаслар.

59. Ана у шаҳарлар (аҳолиси)ни зулм қилишгач, ҳалокат пайтларини аниқ белгилаб қўйиб, ҳалок қилдик.

60. Мусо ўз йигитига (шогирди Ювшаъ ибн Нунга): «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман», – деган пайтини эслангиз*.

61. Қачонки, у иккиси (икки денгиз) қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у (балиқ) денгиз қаърига йўл олди.

55-оят. Ўтганларнинг йўлидан мурод – уларга ўхшаб имон келтирмай итоатсизлик қилган қавмларга келган азобнинг буларга ҳам келиши мумкинлиги ёки келадиган азобга ишонмай, масхара учун унинг келишини кутиб ўтиришларидир.

60-оят. Шу оят билан Мусо ва Хизр (а.с.)лар қиссаси бошланади. Қиссанинг бошланиши шундай бўлган: Мусо (а.с.) бир куни ўз қавми ҳузурида таъсирли ваъз ўқийди. Шунда бир киши ундан: “Ҳаммадан олимроқ киши ким?”, – деб сўраганда у: “Мен” – деб жавоб қилади. Бу Аллоҳга хуш келмайди ва унга “Сендан кўра олимроқ киши бор”, – дейди. Мусо (а.с.): "Уни қайси ердан топурман?", – деганида, "Бир балиқни саватчага солиб денгиз бўйидан юриб борасан. Балиқ йўқолган жойда уни топасан", – дейди. Балиқни саватчага солиб, уни шогирди Ювшаъ ибн Нун қўлига бериб йўлга равона бўладилар. “Айнул-ҳаёт” деган жойда ухлашганда балиқ денгизга тушиб ғойиб бўлади (ИК).

62. Бас, қачонки (у ердан) ўтишгач, (Мусо) йигитига: «Нонуштамизни келтир, ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик», – деди.

63. У (Ювшаъ) айтди: «Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга бориб (ором олган) пайтимизда, мен балиқни унутибман. (Буни сизга) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди. У (балиқ) денгизга йўл олибди, ажабо!».

64. (Мусо) деди: «Мана шу биз истаган нарса эди». Сўнгра (Хизрни) қидириб, изларига қайтдилар*.

65. Бас, бандаларимиздан бир бандани (Хизрни) топдилар. Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик*.

66. Мусо унга: «Сенга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?», – деди.

67. У (Хизр) айтди: «Аниқки, сен мен билан бирга (илм муаммоларига) сабр қила олмайсан.

68. (Зотан) ўзинг эгаллаб хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қилурсан?!»

69. (Мусо) деди: «Иншоаллоҳ, сен менинг сабрли эканимни кўрурсан. Мен бирор ишда сенга итоатсизлик қилмасман».

70. У (Хизр) айтди: «Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча, бирор нарса ҳақида мендан сўрамагин!»

71. Бас, иккиси йўлга тушдилар. Бориб бир кемага минишлари билан (Хизр кемани) тешиб қўйди. (Мусо) айтди: «Одамларини ғарқ қилиш учун уни тешдингми?! Жуда ножўя иш қилдингку!»

72. У (Хизр) деди: «Мен билан бирга сабр қилишга тоқатинг сира етмайди, демаганмидим?!»

فَلَمَّا جَاوَزَا قَالَ لِفَتَىٰهُ ءَاتِنَا غَدَآءَنَا لَقَدْ لَقِينَا مِن سَفَرِنَا
هَٰذَا نَصَبًا ﴿٦٢﴾ قَالَ أَرَءَيْتَ إِذْ أَوَيْنَآ إِلَى ٱلصَّخْرَةِ فَإِنِّى نَسِيتُ
ٱلْحُوتَ وَمَآ أَنسَىٰنِيهُ إِلَّا ٱلشَّيْطَٰنُ أَنْ أَذْكُرَهُۥ ۚ وَٱتَّخَذَ سَبِيلَهُۥ
فِى ٱلْبَحْرِ عَجَبًا ﴿٦٣﴾ قَالَ ذَٰلِكَ مَا كُنَّا نَبْغِ ۚ فَٱرْتَدَّا عَلَىٰٓ ءَاثَارِهِمَا
قَصَصًا ﴿٦٤﴾ فَوَجَدَا عَبْدًا مِّنْ عِبَادِنَآ ءَاتَيْنَٰهُ رَحْمَةً مِّنْ
عِندِنَا وَعَلَّمْنَٰهُ مِن لَّدُنَّا عِلْمًا ﴿٦٥﴾ قَالَ لَهُۥ مُوسَىٰ هَلْ أَتَّبِعُكَ
عَلَىٰٓ أَن تُعَلِّمَنِ مِمَّا عُلِّمْتَ رُشْدًا ﴿٦٦﴾ قَالَ إِنَّكَ لَن تَسْتَطِيعَ
مَعِىَ صَبْرًا ﴿٦٧﴾ وَكَيْفَ تَصْبِرُ عَلَىٰ مَا لَمْ تُحِطْ بِهِۦ خُبْرًا ﴿٦٨﴾ قَالَ
سَتَجِدُنِىٓ إِن شَآءَ ٱللَّهُ صَابِرًا وَلَآ أَعْصِى لَكَ أَمْرًا ﴿٦٩﴾ قَالَ
فَإِنِ ٱتَّبَعْتَنِى فَلَا تَسْـَٔلْنِى عَن شَىْءٍ حَتَّىٰٓ أُحْدِثَ لَكَ مِنْهُ ذِكْرًا
﴿٧٠﴾ فَٱنطَلَقَا حَتَّىٰٓ إِذَا رَكِبَا فِى ٱلسَّفِينَةِ خَرَقَهَا ۖ قَالَ أَخَرَقْتَهَا
لِتُغْرِقَ أَهْلَهَا لَقَدْ جِئْتَ شَيْـًٔا إِمْرًا ﴿٧١﴾ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ إِنَّكَ
لَن تَسْتَطِيعَ مَعِىَ صَبْرًا ﴿٧٢﴾ قَالَ لَا تُؤَاخِذْنِى بِمَا نَسِيتُ وَلَا
تُرْهِقْنِى مِنْ أَمْرِى عُسْرًا ﴿٧٣﴾ فَٱنطَلَقَا حَتَّىٰٓ إِذَا لَقِيَا غُلَٰمًا فَقَتَلَهُۥ
قَالَ أَقَتَلْتَ نَفْسًا زَكِيَّةًۢ بِغَيْرِ نَفْسٍ لَّقَدْ جِئْتَ شَيْـًٔا نُّكْرًا ﴿٧٤﴾

73. (Мусо) айтди: «Унутганим учун мени айбламагин ва бу ишим сабабли мени машаққатга дучор ҳам қилмагин!».

74. Сўнгра яна йўлга тушдилар. Бориб бир болани учратганларида (Хизр) уни қатл этди. (Буни кўрган Мусо) деди: «Наҳот бировни ўлдирмаган бир бегуноҳ жонни ўлдирсанг?! Ҳақиқатан, (сен) хунук иш қилдинг!»

64-оят. Хизрнинг исми Билё ибн Милкон, куняси – Абул Аббос. У Исроил авлодидан ёки тарки дунё қилган шаҳзода экани, вафоти ва ҳануз тирик экани тўғрисида турли нақллар бор. Ҳақиқатини Аллоҳ билур (Хз.).

65-оят. Ато этилган раҳматдан мурод пайғамбарлик, илм ёки узоқ умр экани ҳақида турли фикрлар бор. Хизр пайғамбар бўлганми ёки валийми? Кўпроқ уламолар серкаромат валий бўлганликларини таъкидлайдилар. “Хизр” ёки “Хазир” сўзининг луғавий маъноси яшил рангли кўкариб турган гиёҳдир. Ҳадисда: “Хизр деб номланишига боис у оқ пўстакка ўтирганида унинг остидан гиёҳ униб чиқиб уни кўтариб юборган”, – дейилган (Бх.).

۞ قَالَ أَلَمۡ أَقُل لَّكَ إِنَّكَ لَن تَسۡتَطِيعَ مَعِيَ صَبۡرٗا ﴿٧٥﴾ قَالَ إِن
سَأَلۡتُكَ عَن شَيۡءِۭ بَعۡدَهَا فَلَا تُصَٰحِبۡنِيۖ قَدۡ بَلَغۡتَ مِن لَّدُنِّي عُذۡرٗا
﴿٧٦﴾ فَٱنطَلَقَا حَتَّىٰٓ إِذَآ أَتَيَآ أَهۡلَ قَرۡيَةٍ ٱسۡتَطۡعَمَآ أَهۡلَهَا فَأَبَوۡاْ
أَن يُضَيِّفُوهُمَا فَوَجَدَا فِيهَا جِدَارٗا يُرِيدُ أَن يَنقَضَّ فَأَقَامَهُۥۖ
قَالَ لَوۡ شِئۡتَ لَتَّخَذۡتَ عَلَيۡهِ أَجۡرٗا ﴿٧٧﴾ قَالَ هَٰذَا فِرَاقُ بَيۡنِي
وَبَيۡنِكَۚ سَأُنَبِّئُكَ بِتَأۡوِيلِ مَا لَمۡ تَسۡتَطِع عَّلَيۡهِ صَبۡرًا ﴿٧٨﴾ أَمَّا
ٱلسَّفِينَةُ فَكَانَتۡ لِمَسَٰكِينَ يَعۡمَلُونَ فِي ٱلۡبَحۡرِ فَأَرَدتُّ أَنۡ أَعِيبَهَا
وَكَانَ وَرَآءَهُم مَّلِكٞ يَأۡخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصۡبٗا ﴿٧٩﴾ وَأَمَّا ٱلۡغُلَٰمُ
فَكَانَ أَبَوَاهُ مُؤۡمِنَيۡنِ فَخَشِينَآ أَن يُرۡهِقَهُمَا طُغۡيَٰنٗا وَكُفۡرٗا
﴿٨٠﴾ فَأَرَدۡنَآ أَن يُبۡدِلَهُمَا رَبُّهُمَا خَيۡرٗا مِّنۡهُ زَكَوٰةٗ وَأَقۡرَبَ رُحۡمٗا
﴿٨١﴾ وَأَمَّا ٱلۡجِدَارُ فَكَانَ لِغُلَٰمَيۡنِ يَتِيمَيۡنِ فِي ٱلۡمَدِينَةِ وَكَانَ
تَحۡتَهُۥ كَنزٞ لَّهُمَا وَكَانَ أَبُوهُمَا صَٰلِحٗا فَأَرَادَ رَبُّكَ أَن يَبۡلُغَآ
أَشُدَّهُمَا وَيَسۡتَخۡرِجَا كَنزَهُمَا رَحۡمَةٗ مِّن رَّبِّكَۚ وَمَا فَعَلۡتُهُۥ
عَنۡ أَمۡرِيۚ ذَٰلِكَ تَأۡوِيلُ مَا لَمۡ تَسۡطِع عَّلَيۡهِ صَبۡرٗا ﴿٨٢﴾ وَيَسۡـَٔلُونَكَ
عَن ذِي ٱلۡقَرۡنَيۡنِۖ قُلۡ سَأَتۡلُواْ عَلَيۡكُم مِّنۡهُ ذِكۡرًا ﴿٨٣﴾

ЎН ОЛТИНЧИ ПОРА

75. У (Хизр) деди: «Сенга мен билан бирга сабр қилишга сира тоқатинг етмас, демаганмидим?!»

76. (Мусо) деди: «Агар бундан кейин сендан бирор нарса ҳақида сўрасам, менга ҳамроҳ бўлмагин. Мен томондан узр (қабул қилиш меъёри)га етган бўлурсан»*.

77. Сўнгра (улар) яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб, улардан таом сўраган эдилар, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди. Кейин ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: «Агар хоҳласанг, бу (ишинг) учун ҳақ олишинг мумкин эди».

78. У (Хизр) айтди: «Мана шу сен билан менинг ажрашимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳи)дан огоҳ қилурман:

79. Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча (бутун) кемаларни тортиб олаётган бир подшоҳ бор эди.

80. Ҳалиги боланинг эса, ота-онаси мўмин кишилар эди. Бас, биз у (бола) туғён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик.

81. Шу сабабдан, уларга Парвардигорлари у (бола)дан кўра покизароқ ва ундан кўра меҳрибонроқ (бошқа бир болани) бадал (эваз) қилиб беришини истадик.

82. Энди девор эса, шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг отаси солиҳ киши эди. Бас, Раббинг улар вояга етиб, Раббингнинг раҳмати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу (ишларни) ўзимча қилганим йўқ*. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳи)».

83. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Мен сизларга у ҳақдаги хабарни ҳозир ўқиб берурман».

76-оят. Узрнинг меъёрини Мусо (а.с.) уч марта деб чегаралаб қўйганидан кейин бошқа илож қолмайди. Ҳадисда: “Биродарим Мусони Аллоҳ раҳмат қилсин – бу сўзни яна узр айтишга уялганидан айтди. Агар узр айтишни чегараламай Хизр билан юраверганида кўп ажойиб-ғаройиб ишларни кўрарди”, – дейилган. Шу мазмундаги ҳадисни Бухорий ва Муслим (рҳ.)лар ҳам ривоят қилганлар.

82-оят. Ушбу оят далолат қиладики, Мусо (а.с.) билан чиққан сафари асносида Хизр (а.с.) мазкур уч хил одатга хилоф ишларни ўз ихтиёри билан қилмаган. Балки уларни Аллоҳ таолонинг илҳоми ёки амри асосида қилган (Мд. Лс. Хз.).

إِنَّا مَكَّنَّا لَهُۥ فِى ٱلْأَرْضِ وَءَاتَيْنَٰهُ مِن كُلِّ شَىْءٍ سَبَبًا ﴿٨٤﴾ فَأَتْبَعَ سَبَبًا
﴿٨٥﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ مَغْرِبَ ٱلشَّمْسِ وَجَدَهَا تَغْرُبُ فِى عَيْنٍ حَمِئَةٍ
وَوَجَدَ عِندَهَا قَوْمًا ۗ قُلْنَا يَٰذَا ٱلْقَرْنَيْنِ إِمَّآ أَن تُعَذِّبَ وَإِمَّآ أَن تَتَّخِذَ
فِيهِمْ حُسْنًا ﴿٨٦﴾ قَالَ أَمَّا مَن ظَلَمَ فَسَوْفَ نُعَذِّبُهُۥ ثُمَّ يُرَدُّ إِلَىٰ رَبِّهِۦ
فَيُعَذِّبُهُۥ عَذَابًا نُّكْرًا ﴿٨٧﴾ وَأَمَّا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا فَلَهُۥ جَزَآءً
ٱلْحُسْنَىٰ ۖ وَسَنَقُولُ لَهُۥ مِنْ أَمْرِنَا يُسْرًا ﴿٨٨﴾ ثُمَّ أَتْبَعَ سَبَبًا ﴿٨٩﴾ حَتَّىٰٓ
إِذَا بَلَغَ مَطْلِعَ ٱلشَّمْسِ وَجَدَهَا تَطْلُعُ عَلَىٰ قَوْمٍ لَّمْ نَجْعَل لَّهُم مِّن
دُونِهَا سِتْرًا ﴿٩٠﴾ كَذَٰلِكَ وَقَدْ أَحَطْنَا بِمَا لَدَيْهِ خُبْرًا ﴿٩١﴾ ثُمَّ أَتْبَعَ
سَبَبًا ﴿٩٢﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ بَيْنَ ٱلسَّدَّيْنِ وَجَدَ مِن دُونِهِمَا قَوْمًا
لَّا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ قَوْلًا ﴿٩٣﴾ قَالُوا۟ يَٰذَا ٱلْقَرْنَيْنِ إِنَّ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ
مُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ فَهَلْ نَجْعَلُ لَكَ خَرْجًا عَلَىٰٓ أَن تَجْعَلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ
سَدًّا ﴿٩٤﴾ قَالَ مَا مَكَّنِّى فِيهِ رَبِّى خَيْرٌ فَأَعِينُونِى بِقُوَّةٍ أَجْعَلْ بَيْنَكُمْ
وَبَيْنَهُمْ رَدْمًا ﴿٩٥﴾ ءَاتُونِى زُبَرَ ٱلْحَدِيدِ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا سَاوَىٰ بَيْنَ ٱلصَّدَفَيْنِ
قَالَ ٱنفُخُوا۟ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَعَلَهُۥ نَارًا قَالَ ءَاتُونِىٓ أُفْرِغْ عَلَيْهِ قِطْرًا
﴿٩٦﴾ فَمَا ٱسْطَٰعُوٓا۟ أَن يَظْهَرُوهُ وَمَا ٱسْتَطَٰعُوا۟ لَهُۥ نَقْبًا ﴿٩٧﴾

84. Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқарнайнга) Ерда мартаба бердик ва (истаган) барча нарсасига йўл (имконият) ато этдик*.

85. Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди.

86. (Кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач, у (қуёшнинг) бир лойқа (ёки қайноқ) булоқ (орти)га ботаётганини кўрди ва (булоқ)нинг олдида бир қавмни учратди. Биз: «Эй, Зулқарнайн! Ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», – дедик.

87. У айтди: «Зулм қилган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни янада хунук азоб билан азоблагай.

88. Энди имон келтириб эзгу иш қилган кишига келсак, унинг учун гўзал мукофот (жаннат) бўлур. Биз ҳам унга ишимиздан осонларини буюрурмиз».

89. Сўнгра, у (Шарққа қараб) йўл олди.

90. (Кетаётиб) кун чиқишга етиб боргач, унинг (қуёшнинг) бир қавм узра чиқаётганини кўрди. Биз у қавм учун қуёшдан (сақланадиган) бирор парда қилмаган эдик.

91. (Унинг иши) шунақа. Албатта, Биз унинг ҳузуридаги илмларни иҳота қилиб олганмиз.

92. Сўнгра, у яна йўл олди.

93. (Кетаётиб) икки тоғ ўртасига етиб келгач, у (тоғлар ортида) гапни сира англамайдиган қавмни учратди.

94. Улар: «Эй, Зулқарнайн! Албатта, (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабилалари) Ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар сенга бир (миқдор) ҳақ тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берурмисан?», – дедилар.

95. У (Зулқарнайн) айтди: «Раббимнинг менга ато этгани (неъматлари) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам берингиз, токи мен сизлар билан уларнинг (Яъжуж ва Маъжужнинг) ўртангизга бир тўсиқ (тўғон) бино қилай.

96. Сизлар менга темир парчаларини келтирингиз, то (парчалар) иккала тоғ ёнбағирлари билан баробар бўлгач, дам урингиз!», – деди. Бас, қачон у (темир-терсакларни қиздириб) ўт қилгач (эритгач), деди: «Менга эритилган мис (ҳам) келтирингиз, токи унинг (темир парчаларининг) устидан қуяй!

97. Энди улар (Яъжуж ва Маъжуж) у (тўсиқ)нинг устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир эмаслар.

84-оят. Қуръонда зикр этилган Зулқарнайннинг исми Искандар бўлиб, Сулаймон (а.с.) каби дунёни эгаллаган ҳукмдорлардандир. Ўтмишда кофирлардан ҳам икки подшоҳ – Намруд ва Бухтунассир дунёга ҳукмдор бўлишга уриниб кўрган, дейилади. Зулқарнайннинг пайғамбар ёки валий ёхуд подшоҳ эканида ихтилофли ривоятлар бор. Али (рз.): "У солиҳ банда бўлган ва Аллоҳ унга Ер подшоҳлигини, илм ва ҳикматни ато этган. Аллоҳ йўлида бошига урилган зарбадан икки бор ўлиб тирилгани учун унга "зулқарнайн", яъни икки шохли лақаби берилган", – деганлар (Мд.).

Унинг исми ва лақаби тўғрисида бошқа ривоятлар ҳам кўп.

قَالَ هَٰذَا رَحْمَةٌ مِّن رَّبِّي ۖ فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ رَبِّي جَعَلَهُ دَكَّاءَ ۖ وَكَانَ وَعْدُ رَبِّي
حَقًّا ﴿٩٨﴾ ۞ وَتَرَكْنَا بَعْضَهُمْ يَوْمَئِذٍ يَمُوجُ فِي بَعْضٍ ۖ وَنُفِخَ فِي الصُّورِ
فَجَمَعْنَاهُمْ جَمْعًا ﴿٩٩﴾ وَعَرَضْنَا جَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ لِّلْكَافِرِينَ عَرْضًا ﴿١٠٠﴾
الَّذِينَ كَانَتْ أَعْيُنُهُمْ فِي غِطَاءٍ عَن ذِكْرِي وَكَانُوا لَا يَسْتَطِيعُونَ
سَمْعًا ﴿١٠١﴾ أَفَحَسِبَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَن يَتَّخِذُوا عِبَادِي مِن دُونِي
أَوْلِيَاءَ ۚ إِنَّا أَعْتَدْنَا جَهَنَّمَ لِلْكَافِرِينَ نُزُلًا ﴿١٠٢﴾ قُلْ هَلْ نُنَبِّئُكُم بِالْأَخْسَرِينَ
أَعْمَالًا ﴿١٠٣﴾ الَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ
يُحْسِنُونَ صُنْعًا ﴿١٠٤﴾ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ وَلِقَائِهِ
فَحَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فَلَا نُقِيمُ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَزْنًا ﴿١٠٥﴾ ذَٰلِكَ جَزَاؤُهُمْ
جَهَنَّمُ بِمَا كَفَرُوا وَاتَّخَذُوا آيَاتِي وَرُسُلِي هُزُوًا ﴿١٠٦﴾ إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا
وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا ﴿١٠٧﴾ خَالِدِينَ
فِيهَا لَا يَبْغُونَ عَنْهَا حِوَلًا ﴿١٠٨﴾ قُل لَّوْ كَانَ الْبَحْرُ مِدَادًا لِّكَلِمَاتِ رَبِّي
لَنَفِدَ الْبَحْرُ قَبْلَ أَن تَنفَدَ كَلِمَاتُ رَبِّي وَلَوْ جِئْنَا بِمِثْلِهِ مَدَدًا ﴿١٠٩﴾ قُلْ
إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَاحِدٌ ۖ فَمَن كَانَ يَرْجُو
لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴿١١٠﴾

98. «Бу Раббим (томони)дан бўлмиш бир марҳаматдир. Энди, қачонки, Раббимнинг (Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (Қиёмат олдидан), Ўзи у (тўсиқ)ни теп-текис қилиб қўяр. Раббимнинг ваъдаси ҳақдир», – деди у.

99. У Кунда (Қиёматда, одамларни) бир-бирларига аралаштириб ташлаймиз. Сур(най) чалингач, уларнинг барчаларини тўплаймиз.

100. У Кунда кофирларга жаҳаннамни намойиш қилурмиз.

101. Уларнинг кўзлари (дунёда) Менинг зикримдан тўсилган бўлиб, улар (насиҳатларимни) эшитишга ҳам қодир эмас эдилар.

102. Ёки кофир бўлганлар Мени қўйиб, бандаларимни дўст тутишни ўйладиларми?! Ҳақиқатан, Биз жаҳаннамни кофирлар тушадиган жой қилиб қўйгандирмиз.

103. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Сизларга қилмишларидан энг кўп зиён кўрувчиларнинг хабарини берайликми?!

104. Улар қилган саъй (ҳаракат)лари дунё ҳаётидаёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо ўзларини ишни чиройли қилаётган ҳисоблайдилар».

105. Улар Парвардигорларининг оятларини ва У зот билан мулоқотда бўлишни инкор этишиб, бутун иш (амал)лари беҳуда кетган кимсалардир. Бас, Биз Қиёмат кунида улар (амаллари) учун ҳеч қандай вазнни қоим қилмасмиз!

106. Кофир бўлганлари ҳамда оятларимни ва пайғамбарларимни масхара қилганлари сабабли, уларнинг жазолари ўша жаҳаннамдир!

107. Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур.

108. (Улар) у жойларда мангу қолиб, ундан (бошқа жойга) кўчишни истамаслар.

109. Айтинг: «Борди-ю, денгиз (суви) Раббимнинг сўзлари (илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Раббимнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар».

110. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Дарҳақиқат, мен ҳам сизлар каби бир башардирман. (Фақат) менга илоҳингиз ёлғиз Илоҳ экани ҳақида ваҳий этилмоқда. Бас, кимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишда ҳеч кимни (Унга) шерик қилмасин!»

Жумладан, исми Марзубон ибн Марзуба Юнони; Яманнинг Ҳимяр вилоятидан бўлиб, исми Абу Караб ва ҳоказо. Зулқарнайн лақабини олишига ҳам кўп сабабларни кўрсатадилар. Масалан, машриқ билан мағрибни забт этгани; Рум билан Форсни забт этгани; икки узун кокили бўлгани; тожи остида икки шохи бўлгани; икки бор ўлиб, тирилгани кабилар (Лс. Мд. Хз.).

Қуръонда зикр этилган Зулқарнайн билан Филипп ўғли Искандар (Александр) Макдуний иккисининг тарихи ўхшаш бўлгани учун тарих ва тафсир китобларида чалкашлик бор (Лс. Мд. Хз.).



Марям сураси

Маккада нозил қилинган. 98 оят.



بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

كٓهيعٓصٓ ﴿١﴾ ذِكۡرُ رَحۡمَتِ رَبِّكَ عَبۡدَهُۥ زَكَرِيَّآ ﴿٢﴾
إِذۡ نَادَىٰ رَبَّهُۥ نِدَآءً خَفِيّٗا ﴿٣﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّي وَهَنَ ٱلۡعَظۡمُ
مِنِّي وَٱشۡتَعَلَ ٱلرَّأۡسُ شَيۡبٗا وَلَمۡ أَكُنۢ بِدُعَآئِكَ رَبِّ
شَقِيّٗا ﴿٤﴾ وَإِنِّي خِفۡتُ ٱلۡمَوَٰلِيَ مِن وَرَآءِي وَكَانَتِ
ٱمۡرَأَتِي عَاقِرٗا فَهَبۡ لِي مِن لَّدُنكَ وَلِيّٗا ﴿٥﴾ يَرِثُنِي وَيَرِثُ
مِنۡ ءَالِ يَعۡقُوبَۖ وَٱجۡعَلۡهُ رَبِّ رَضِيّٗا ﴿٦﴾ يَٰزَكَرِيَّآ
إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِغُلَٰمٍ ٱسۡمُهُۥ يَحۡيَىٰ لَمۡ نَجۡعَل لَّهُۥ مِن قَبۡلُ سَمِيّٗا
﴿٧﴾ قَالَ رَبِّ أَنَّىٰ يَكُونُ لِي غُلَٰمٞ وَكَانَتِ ٱمۡرَأَتِي
عَاقِرٗا وَقَدۡ بَلَغۡتُ مِنَ ٱلۡكِبَرِ عِتِيّٗا ﴿٨﴾ قَالَ كَذَٰلِكَ
قَالَ رَبُّكَ هُوَ عَلَيَّ هَيِّنٞ وَقَدۡ خَلَقۡتُكَ مِن قَبۡلُ وَلَمۡ تَكُ
شَيۡـٔٗا ﴿٩﴾ قَالَ رَبِّ ٱجۡعَل لِّيٓ ءَايَةٗۖ قَالَ ءَايَتُكَ أَلَّا
تُكَلِّمَ ٱلنَّاسَ ثَلَٰثَ لَيَالٖ سَوِيّٗا ﴿١٠﴾ فَخَرَجَ عَلَىٰ قَوۡمِهِۦ
مِنَ ٱلۡمِحۡرَابِ فَأَوۡحَىٰٓ إِلَيۡهِمۡ أَن سَبِّحُواْ بُكۡرَةٗ وَعَشِيّٗا ﴿١١﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Коф, Ҳо, Ё, Айн, Сод.

2. (Эй, Муҳаммад! Бу) Раббингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикри (қиссаси)дир.

3. Қачонки, у (Закариё) Парвардигорига хуфёна (товушсиз) дуо қилиб,

4. деган эди: «Эй, Раббим! Дарҳақиқат, менинг суякларим мўртлашди, кексаликдан бошим (сочим) оқарди. Эй, Раббим! Мен сенга дуо қилиб (ҳеч қачон) бахтсиз бўлган эмасман.

5. Мени ортимда қоладиган қариндошларим (динни зое қилиб юборишлари)дан хавфдаман. Хотиним эса туғмас бўлиб қолган. Энди Сен Ўз даргоҳингдан менга бир дўст (фарзанд) бер.

6. У менга ва (бобом) Яъқуб наслига меросхўр бўлсин ва ундан барчани рози қилгин!»

7. (Аллоҳ айтди): «Эй, Закариё! Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмиз; унинг исми Яҳё бўлиб, илгари унга бирор (кимсани) ҳамном қилган эмасмиз».

8. (Закариё) деди: «Эй, Раббим! Хотиним туғмас бўлиб қолган, ўзим эса, кексаликни нотавон ҳолатига етиб қолган бўлсам, менга фарзанд қаёқдан бўлсин?»

9. (Аллоҳ) айтди: «Шундай. Раббинг айтурки, бу (иш) Менга осондир. (Ахир) Мен сени илгари ҳеч нарса бўлмаган пайтингда (ҳам) яратган эдим-ку!»

10. «Эй, Раббим! Мен учун (кампирим ҳомилали бўлганига) бирор белги қилсанг», – деди у (Закариё). (Аллоҳ) айтди: «Сенга белги шуки, соғ бўла туриб, уч кеча (ва кундуз)гача одамларга гапирмайсан».

11. Бас, (Закариё) ибодатхонадан қавмининг олдига чиқиб, уларга эртаю кеч (Аллоҳга) тасбеҳ айтишни ишора билан билдирди*.

---

19. МАРЯМ СУРАСИ

Марям – Имрон қизи, Исо пайғамбарнинг онаси. Сурада Марямдан Исо (а.с.)нинг отасиз туғилиши, бешикда гапиргани ва бошқа мўъжизалари ҳақида оятлар бўлгани учун у “Марям” сураси деб аталган. Сурада пайғамбарлардан Нуҳ, Идрис, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Ҳорун, Закариё ва Яҳё (а.с.)лар ҳақида ҳам оятлар мавжуд.

Қолган оятларда тавҳид, имон, ақида, жаннат, дўзах, охират, Аллоҳнинг фазли, раҳмати ва мағфирати каби маънавий тушунчалар ўз ифодасини топган.

11-оят. Закариё ваҳий билан билдики, туғмас хотини ҳомиладор бўлар экан. Бунинг аломати эса, пайғамбарнинг тили Тавротўқиш, тасбеҳ айтишдан бошқасига айланмай қолиши эди. Одамлар билан фақат имо-ишора орқали гаплашиб турди. Яҳё (а.с.) туғилди. Унга Ҳақ таоло гўдаклик чоғидаёқ ваҳий юборди.

يَٰيَحۡيَىٰ خُذِ ٱلۡكِتَٰبَ بِقُوَّةٖۖ وَءَاتَيۡنَٰهُ ٱلۡحُكۡمَ صَبِيّٗا ١٢
وَحَنَانٗا مِّن لَّدُنَّا وَزَكَوٰةٗۖ وَكَانَ تَقِيّٗا ١٣ وَبَرَّۢا بِوَٰلِدَيۡهِ وَلَمۡ
يَكُن جَبَّارًا عَصِيّٗا ١٤ وَسَلَٰمٌ عَلَيۡهِ يَوۡمَ وُلِدَ وَيَوۡمَ يَمُوتُ
وَيَوۡمَ يُبۡعَثُ حَيّٗا ١٥ وَٱذۡكُرۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ مَرۡيَمَ إِذِ ٱنتَبَذَتۡ
مِنۡ أَهۡلِهَا مَكَانٗا شَرۡقِيّٗا ١٦ فَٱتَّخَذَتۡ مِن دُونِهِمۡ حِجَابٗا
فَأَرۡسَلۡنَآ إِلَيۡهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرٗا سَوِيّٗا ١٧ قَالَتۡ إِنِّيٓ
أَعُوذُ بِٱلرَّحۡمَٰنِ مِنكَ إِن كُنتَ تَقِيّٗا ١٨ قَالَ إِنَّمَآ أَنَا۠ رَسُولُ
رَبِّكِ لِأَهَبَ لَكِ غُلَٰمٗا زَكِيّٗا ١٩ قَالَتۡ أَنَّىٰ يَكُونُ لِي
غُلَٰمٞ وَلَمۡ يَمۡسَسۡنِي بَشَرٞ وَلَمۡ أَكُ بَغِيّٗا ٢٠ قَالَ كَذَٰلِكِ
قَالَ رَبُّكِ هُوَ عَلَيَّ هَيِّنٞۖ وَلِنَجۡعَلَهُۥٓ ءَايَةٗ لِّلنَّاسِ وَرَحۡمَةٗ
مِّنَّاۚ وَكَانَ أَمۡرٗا مَّقۡضِيّٗا ٢١ ۞ فَحَمَلَتۡهُ فَٱنتَبَذَتۡ
بِهِۦ مَكَانٗا قَصِيّٗا ٢٢ فَأَجَآءَهَا ٱلۡمَخَاضُ إِلَىٰ جِذۡعِ ٱلنَّخۡلَةِ
قَالَتۡ يَٰلَيۡتَنِي مِتُّ قَبۡلَ هَٰذَا وَكُنتُ نَسۡيٗا مَّنسِيّٗا ٢٣
فَنَادَىٰهَا مِن تَحۡتِهَآ أَلَّا تَحۡزَنِي قَدۡ جَعَلَ رَبُّكِ تَحۡتَكِ سَرِيّٗا ٢٤
وَهُزِّيٓ إِلَيۡكِ بِجِذۡعِ ٱلنَّخۡلَةِ تُسَٰقِطۡ عَلَيۡكِ رُطَبٗا جَنِيّٗا ٢٥

12. (Биз унга): «Эй, Яҳё! Китобни (яъни Тавротни) жиддийлик билан қўлга ол!», – (дедик) ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат (ва илм) ато этдик*.

13. Яна унга Ўз даргоҳимиздан меҳр ҳамда поклик (ато этдик) ва у тақволи бўлди.

14. У ота-онасига меҳрибон бўлди, жабр қилувчи, итоатсиз бўлмади.

15. Унга туғилган кунида ҳам, вафот этадиган кунида ҳам, қайта тириладиган (қиёмат) кунида ҳам салом (омонлик) бўлур.

16. (Эй, Муҳаммад!) Ушбу Китобда (Қуръонда) Марямни ёд этинг! У ўз оиласидан четга – шарқ томонга кетди.

17. Улардан пардага беркиниб олган пайтида, Биз унга руҳимиз (яъни Жаброил)ни юбордик. Бас, у (Марямга) чин одам бўлиб кўринди.

18. (Марям унга): «Мен Раҳмонга илтижо қилиб, сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар (Аллоҳдан) қўрқувчи бўлсанг (менга зиён етказмагин)», – деди.

19. (Жаброил) айтди: «(Қўрқмагин!) Мен фақат сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) Парвардигоринг элчисидирман, холос».

20. (Марям) деди: «Менга одамзот «тегмаган» бўлса, бузуқ аёл ҳам бўлмасам, менга қаёқдан фарзанд бўлсин?!»

21. (Жаброил) айтди: «Шундай. Раббинг айтурки, бу (иш) Менга осондир. Биз у (болани) одамлар учун мўъжиза ва Ўз томонимиздан бўлган раҳмат (манбаи) қилурмиз. Бу ҳал қилинган ишдир».

22. Бас, (Марям) унга (ўғилга) ҳомиладор бўлиб, у билан бирга йироқ бир жойга кетди*.

23. Бас, тўлғоқ дарди уни бир хурмо дарахти тубига олиб борди ва у деди: «Қани эди, мана шундан (туғишдан) олдин ўлиб, бутунлай унутилиб кетсам».

24. Шунда (хурмо дарахтининг) остидан (Жаброил) нидо қилди: «Ғамгин бўлма, Раббинг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди.

25. (Мана шу қуриб қолган) хурмо шохини силкитгин, токи у (Менинг қудратим билан) сенга янги хурмо меваларини тўксин!

12-оят. Яҳё (а.с.) уч ёшида Таврот китобини бемалол ўқиган. Тенгқур болалар кўчада ўйнашга чақиришса, Яҳё уларга: “Ўйин учун яратилмаганмиз”, – дер экан. Шунинг учун Қуръонни балоғат ёшига етмай туриб ёд олган қорилар ҳам Яҳё (а.с.) каби ҳикмат ато этилган зотлардан саналар экан (Мд. Хз.).

22-оят. Марям (а.с.) ҳомиласини яшириб, Байтуллаҳм деган жойга бориб кўзи ёрийди. Шу пайтда Марям (а.с.)нинг ёши 16 ёшдан ошмаган бўлиб, ҳомиладорлик муддати ҳам узоқ чўзилмай, бир соат, 6, 7, 8, 9 ой деган ривоятлар бор (Мд. Хз.).

فَكُلِي وَٱشْرَبِي وَقَرِّي عَيْنًا فَإِمَّا تَرَيِنَّ مِنَ ٱلْبَشَرِ أَحَدًا فَقُولِيٓ
إِنِّي نَذَرْتُ لِلرَّحْمَٰنِ صَوْمًا فَلَنْ أُكَلِّمَ ٱلْيَوْمَ إِنسِيًّا ﴿٢٦﴾
فَأَتَتْ بِهِۦ قَوْمَهَا تَحْمِلُهُۥ قَالُوا۟ يَٰمَرْيَمُ لَقَدْ جِئْتِ شَيْـًٔا
فَرِيًّا ﴿٢٧﴾ يَٰٓأُخْتَ هَٰرُونَ مَا كَانَ أَبُوكِ ٱمْرَأَ سَوْءٍ وَمَا كَانَتْ
أُمُّكِ بَغِيًّا ﴿٢٨﴾ فَأَشَارَتْ إِلَيْهِ قَالُوا۟ كَيْفَ نُكَلِّمُ مَن كَانَ فِى
ٱلْمَهْدِ صَبِيًّا ﴿٢٩﴾ قَالَ إِنِّى عَبْدُ ٱللَّهِ ءَاتَىٰنِىَ ٱلْكِتَٰبَ وَجَعَلَنِى
نَبِيًّا ﴿٣٠﴾ وَجَعَلَنِى مُبَارَكًا أَيْنَ مَا كُنتُ وَأَوْصَٰنِى بِٱلصَّلَوٰةِ
وَٱلزَّكَوٰةِ مَا دُمْتُ حَيًّا ﴿٣١﴾ وَبَرًّۢا بِوَٰلِدَتِى وَلَمْ يَجْعَلْنِى
جَبَّارًا شَقِيًّا ﴿٣٢﴾ وَٱلسَّلَٰمُ عَلَىَّ يَوْمَ وُلِدتُّ وَيَوْمَ أَمُوتُ
وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا ﴿٣٣﴾ ذَٰلِكَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ قَوْلَ ٱلْحَقِّ
ٱلَّذِى فِيهِ يَمْتَرُونَ ﴿٣٤﴾ مَا كَانَ لِلَّهِ أَن يَتَّخِذَ مِن وَلَدٍ سُبْحَٰنَهُۥٓ
إِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٣٥﴾ وَإِنَّ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبُّكُمْ
فَٱعْبُدُوهُ هَٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ﴿٣٦﴾ فَٱخْتَلَفَ ٱلْأَحْزَابُ مِنۢ
بَيْنِهِمْ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن مَّشْهَدِ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٣٧﴾ أَسْمِعْ بِهِمْ
وَأَبْصِرْ يَوْمَ يَأْتُونَنَا لَٰكِنِ ٱلظَّٰلِمُونَ ٱلْيَوْمَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٣٨﴾

26. Бас, еб-ичгин ва шод бўлгин! Бас, агар одамзотдан бирортасини кўриб қолсанг (ва у савол сўраса) у ҳолда: «Мен Раҳмон (розилиги) учун рўза тутишни назр (аҳд) қилганман, бас, бугун бирор инсонга сўзламайман», дегин!

27. Сўнгра (Марям боласини) кўтарган ҳолда қавми ҳузурига келганида улар: «Эй, Марям! Сен қизиқ иш қилибсан-ку!

28. Эй, Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!», – дедилар.

29. Шунда (Марям ўзи гапирмай, боласига) ишора қилди. Улар айтдилар: «Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!»

30. (Шу пайт чақалоқ тилга кириб) деди: «Мен Аллоҳнинг бандасидирман. (У) менга Китоб (Инжил) ато этди ва мени пайғамбар қилди*.

31. Яна мени қаерда бўлсам баракотли қилди ва модомики, ҳаёт эканман, менга намозни ва закотни (адо этишни) буюрди.

32. Шунингдек, (мени) онамга меҳрибон (қилди) ва мени такаббурли, бадбахт қилмади.

33. Менга туғилган кунимда ҳам, вафот этадиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам салом (омонлик) бўлур».

34. Улар (яъни яҳудий ва насронийлар) шубҳа қилаётган Исо ибн Марям – “Ҳақнинг сўзи” мана шудир*.

35. Аллоҳга ҳеч қандай фарзанд тутиш мумкин эмас – У (бундай) нуқсондан покдир. У бирор ишни қилишни истаса, фақат унга «Бўл!» дер. Бас, (ўша иш) бўлур.

36. (Исо айтди): «Албатта, Аллоҳ Раббим ва Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир».

37. Сўнгра фирқалар (Исо хусусида) ўзаро ихтилоф қилдилар*. Бас, улуғ кун (қиёмат) манзарасидан кофир бўлганлар ҳолига вой!

38. Улар Бизга келадиган кунда жуда (аниқ) кўрадиган ва эшитадиган бўлиб қолурлар. Лекин (у) золимлар бугун аниқ залолатдадирлар.

30-оят. Аллоҳ ирода қилса бешикдаги бола ҳам гапирар, ҳатто пайғамбар ҳам бўлиши мумкин экан. Гапирган вақтида Исо (а.с.) бир кунлик ёки қирқ кунлик чақалоқ бўлгани тўғрисида ривоятлар бор (Мд. Хз.).

34-оят. Исо (а.с.)нинг лақаблари бир нечта – Масиҳ, Калиматуллоҳ, Қавлул-Ҳақ (Ҳақнинг сўзи). Калима ёки сўздан мурод Аллоҳнинг “Бўл!” деган сўзидир. Шу илоҳий амр ва қудрат билан Исо (а.с.) отасиз дунёга келган.

37-оят. Исо (а.с.) тўғрисида турли нотўғри эътиқодларни пайдо қилган фирқалар: настурия, яъқубия ва милкония фирқаларидир. Улар Исо (а.с.) Аллоҳнинг ўғли, Аллоҳнинг ўзи, учта илоҳнинг бири каби ақидаларда бўлганлар (Мд. Лс.).

Аҳли Сунна эътиқодига кўра, Исо (а.с.) Аллоҳнинг қудрати билан Одам (а.с.) каби илоҳий мўъжиза сифатида отасиз яратилган бандаси ва пайғамбаридир (Ақ.).

وَأَنذِرْهُمْ يَوْمَ ٱلْحَسْرَةِ إِذْ قُضِىَ ٱلْأَمْرُ وَهُمْ فِى غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ
﴿٣٩﴾ إِنَّا نَحْنُ نَرِثُ ٱلْأَرْضَ وَمَنْ عَلَيْهَا وَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴿٤٠﴾ وَٱذْكُرْ
فِى ٱلْكِتَٰبِ إِبْرَٰهِيمَ إِنَّهُۥ كَانَ صِدِّيقًا نَّبِيًّا ﴿٤١﴾ إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ يَٰٓأَبَتِ
لِمَ تَعْبُدُ مَا لَا يَسْمَعُ وَلَا يُبْصِرُ وَلَا يُغْنِى عَنكَ شَيْـًٔا ﴿٤٢﴾ يَٰٓأَبَتِ
إِنِّى قَدْ جَآءَنِى مِنَ ٱلْعِلْمِ مَا لَمْ يَأْتِكَ فَٱتَّبِعْنِىٓ أَهْدِكَ صِرَٰطًا
سَوِيًّا ﴿٤٣﴾ يَٰٓأَبَتِ لَا تَعْبُدِ ٱلشَّيْطَٰنَ إِنَّ ٱلشَّيْطَٰنَ كَانَ لِلرَّحْمَٰنِ
عَصِيًّا ﴿٤٤﴾ يَٰٓأَبَتِ إِنِّىٓ أَخَافُ أَن يَمَسَّكَ عَذَابٌ مِّنَ ٱلرَّحْمَٰنِ
فَتَكُونَ لِلشَّيْطَٰنِ وَلِيًّا ﴿٤٥﴾ قَالَ أَرَاغِبٌ أَنتَ عَنْ ءَالِهَتِى
يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ لَئِن لَّمْ تَنتَهِ لَأَرْجُمَنَّكَ وَٱهْجُرْنِى مَلِيًّا ﴿٤٦﴾ قَالَ
سَلَٰمٌ عَلَيْكَ سَأَسْتَغْفِرُ لَكَ رَبِّىٓ إِنَّهُۥ كَانَ بِى حَفِيًّا ﴿٤٧﴾
وَأَعْتَزِلُكُمْ وَمَا تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَأَدْعُوا۟ رَبِّى عَسَىٰٓ
أَلَّآ أَكُونَ بِدُعَآءِ رَبِّى شَقِيًّا ﴿٤٨﴾ فَلَمَّا ٱعْتَزَلَهُمْ وَمَا يَعْبُدُونَ
مِن دُونِ ٱللَّهِ وَهَبْنَا لَهُۥٓ إِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ وَكُلًّا جَعَلْنَا نَبِيًّا ﴿٤٩﴾
وَوَهَبْنَا لَهُم مِّن رَّحْمَتِنَا وَجَعَلْنَا لَهُمْ لِسَانَ صِدْقٍ عَلِيًّا ﴿٥٠﴾
وَٱذْكُرْ فِى ٱلْكِتَٰبِ مُوسَىٰٓ إِنَّهُۥ كَانَ مُخْلَصًا وَكَانَ رَسُولًا نَّبِيًّا ﴿٥١﴾

39. (Эй, Муҳаммад!) Уларни (Макка мушрикларини) барча иш битирилган ҳасрат куни – (Қиёмат)дан қўрқитинг!* Улар (бугун) ғафлатдадирлар, (шу сабабдан) улар имон келтирмайдилар.

40. Албатта, Биз Ўзимиз бу Ерни ва ундаги бор жонзотни мерос қилиб олурмиз ва фақат Бизгагина қайтарилурлар.

41. (Эй, Муҳаммад!) Китобда Иброҳим (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у жуда садоқатли пайғамбар эди.

42. Қайсики, у отасига: «Эй, ота! Нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирор фойда етказа олмайдиган нарсага ибодат қилурсан?

43. Эй, ота! Дарҳақиқат, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргашгин! Сени тўғри йўлга ҳидоят қилурман.

44. Эй, ота! Шайтонга ибодат қилмагин! Чунки шайтон Раҳмонга итоатсиз бўлган.

45. Эй, ота! Ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон (томони)дан азоб етиб, (дўзахда) шайтоннинг ёнида бўлиб қолишингдан қўрқаман», – деди.

46. (Отаси) айтди: «Сен менинг илоҳларимдан юз ўгирувчимисан, эй, Иброҳим?! Қасамки, агар сен (бу ишингдан) қайтмасанг, албатта, сени тошбўрон қилурман ва (ёки) мени бир замон тарк эт!»

47. (Иброҳим): «Саломат бўл! Энди Раббимдан сенга кечирим сўрайман. Зеро, У менга меҳрибон зотдир.

48. Мен сизлардан ҳам, Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган (бут)ларингиздан ҳам четланурман ва (ёлғиз) Раббимга илтижо қилурман. Раббимга илтижо қилиш билан бахтсиз бўлиб қолмасман, деган умиддаман».

49. Бас, (Иброҳим) улардан ва Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларидан четлангач, (Биз) унга (фарзанд ва набира) Исҳоқ ва Яъқубни бердик ва барчаларини пайғамбар қилдик.

50. Шунингдек, уларга Ўз раҳматимиздан инъом этдик ва уларга олий даражадаги “садоқат тили”ни* пайдо қилдик.

51. (Эй, Муҳаммад!) Китобда (Қуръонда) Мусо (қиссаси)ни ёд этинг! Дарҳақиқат, у танлаб олинган элчи – пайғамбар эди.

39-оят. Дўзах аҳлига жаннатдаги жойларини кўрсатиб: “Агар мўмин бўлганингизда жойингиз шу ерда бўлур эди”, – дейилган кун – ҳасрат-надомат кунидир. Худди шу куни ҳадисда айтилишига кўра, жаннат билан дўзах ўртасида ўлим бир қўчқор шаклида олиб келиниб, ҳамманинг кўз ўнгида сўйиб юборилар экан. Дўзах аҳли буни кўриб, абадий азобланишларини билиб ҳасрат-надомат чекар экан.

50-оят. “Садоқат тили” ҳақиқий, воқеий мақтовдир. Иброҳим (а.с.) ва унинг зурриёти доимо тилларда мақталиб, уларга салавот юбориб турилади (Тб. Мд.).

وَنَٰدَيۡنَٰهُ مِن جَانِبِ ٱلطُّورِ ٱلۡأَيۡمَنِ وَقَرَّبۡنَٰهُ نَجِيّٗا ﴿٥٢﴾ وَوَهَبۡنَا لَهُۥ مِن
رَّحۡمَتِنَآ أَخَاهُ هَٰرُونَ نَبِيّٗا ﴿٥٣﴾ وَٱذۡكُرۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ إِسۡمَٰعِيلَۚ إِنَّهُۥ كَانَ
صَادِقَ ٱلۡوَعۡدِ وَكَانَ رَسُولٗا نَّبِيّٗا ﴿٥٤﴾ وَكَانَ يَأۡمُرُ أَهۡلَهُۥ بِٱلصَّلَوٰةِ
وَٱلزَّكَوٰةِ وَكَانَ عِندَ رَبِّهِۦ مَرۡضِيّٗا ﴿٥٥﴾ وَٱذۡكُرۡ فِي ٱلۡكِتَٰبِ إِدۡرِيسَۚ
إِنَّهُۥ كَانَ صِدِّيقٗا نَّبِيّٗا ﴿٥٦﴾ وَرَفَعۡنَٰهُ مَكَانًا عَلِيًّا ﴿٥٧﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
أَنۡعَمَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِم مِّنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مِن ذُرِّيَّةِ ءَادَمَ وَمِمَّنۡ حَمَلۡنَا مَعَ نُوحٖ
وَمِن ذُرِّيَّةِ إِبۡرَٰهِيمَ وَإِسۡرَٰٓءِيلَ وَمِمَّنۡ هَدَيۡنَا وَٱجۡتَبَيۡنَآۚ إِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡ
ءَايَٰتُ ٱلرَّحۡمَٰنِ خَرُّواْۤ سُجَّدٗاۤ وَبُكِيّٗا ۩ ﴿٥٨﴾ ۞ فَخَلَفَ مِنۢ بَعۡدِهِمۡ
خَلۡفٌ أَضَاعُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَٱتَّبَعُواْ ٱلشَّهَوَٰتِۖ فَسَوۡفَ يَلۡقَوۡنَ غَيًّا
﴿٥٩﴾ إِلَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحٗا فَأُوْلَٰٓئِكَ يَدۡخُلُونَ ٱلۡجَنَّةَ
وَلَا يُظۡلَمُونَ شَيۡـٔٗا ﴿٦٠﴾ جَنَّٰتِ عَدۡنٍ ٱلَّتِي وَعَدَ ٱلرَّحۡمَٰنُ عِبَادَهُۥ
بِٱلۡغَيۡبِۚ إِنَّهُۥ كَانَ وَعۡدُهُۥ مَأۡتِيّٗا ﴿٦١﴾ لَّا يَسۡمَعُونَ فِيهَا لَغۡوًا إِلَّا سَلَٰمٗاۖ
وَلَهُمۡ رِزۡقُهُمۡ فِيهَا بُكۡرَةٗ وَعَشِيّٗا ﴿٦٢﴾ تِلۡكَ ٱلۡجَنَّةُ ٱلَّتِي نُورِثُ مِنۡ
عِبَادِنَا مَن كَانَ تَقِيّٗا ﴿٦٣﴾ وَمَا نَتَنَزَّلُ إِلَّا بِأَمۡرِ رَبِّكَۖ لَهُۥ مَا بَيۡنَ
أَيۡدِينَا وَمَا خَلۡفَنَا وَمَا بَيۡنَ ذَٰلِكَۚ وَمَا كَانَ رَبُّكَ نَسِيّٗا ﴿٦٤﴾

52. Биз унга Тур (тоғи)нинг ўнг томонидан нидо қилдик ва уни муножот қилган ҳолида (Ўзимизга) яқин этдик.

53. Биз унга Ўз фазлимиз билан биродари – Ҳорунни (ёрдамчи) пайғамбар қилиб бердик.

54. (Эй, Муҳаммад!) Китобда Исмоил (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у ваъдасида содиқ турувчи набий ва расул эди.

55. У ўз аҳли (ва уммати)ни намоз ва рўзага буюрар эди ва Парвардигори ундан рози бўлган киши эди.

56. Яна (ушбу) Китобда Идрис (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у садоқатли пайғамбар эди.

57. Биз уни юксак мақомга кўтардик*.

58. Айнан ўшалар Одам зурриётидан (Идрис каби), Биз Нуҳ билан бирга (кемада) кўтариб (тўфон балосидан нажот берган) кишилардан (яъни уларнинг фарзандларидан), Иброҳим зурриётидан (Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб каби), Исроил (Яъқуб зурриётидан бўлган Мусо, Ҳорун, Закариё, Яҳё ва Исо каби) ва Биз ҳидоят қилган ва танлаб олган кишилардан бўлмиш Аллоҳ инъом этган пайғамбарлардир. Уларга қачон Раҳмон оятлари тиловат қилинса, сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида ерга бош қўярлар*.

59. Сўнгра уларнинг ортидан намозни зое қилган ва шаҳватларга эргашган кимсалар ўрин олдилар. Энди улар, албатта, ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқурлар.

60. Илло, имон келтириб, эзгу ишларни қилган зотларгина (бундан мустаснодир). Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирор нарсада ноҳақлик қилинмас.

61. Улар Раҳмон ғойибона Ўз бандаларига ваъда қилган мангу (яшаладиган) жаннатларга (кирурлар). Албатта, Унинг ваъдаси (ўз вақтида) келувчидир.

62. У жойда улар беҳуда сўз эшитмаслар, балки «салом» (сўзини эшитурлар). У жойда улар учун эртаю кеч ризқлари ҳозирдир.

63. У (жой) бандаларимиздан тақводор бўлганларига Биз мерос қилиб берадиган жаннатдир.

64. (Жаброил деди): «Биз ёлғиз Раббингиз амри билангина нозил бўлурмиз. Олдимиздаги (охират) ҳам, ортимиздаги (дунё) ҳам, (иккиси) ўртасидаги барча ишлар ҳам фақат Унинг измидадир. Парвардигорингиз унутувчи эмасдир».

57-оят. Бу оятдаги “юксак мақом” пайғамбарлик мақоми ёки тўртинчи осмонга чиқиб кетгани ёхуд жаннатга кирганидир, деб тафсир қилинган. Меърожга тааллуқли ҳадисда Расул (а.с.) тўртинчи осмонда Идрис (а.с.)ни кўрганлари нақл қилинган.

Ҳасан Басрий (рҳ.) айтади: “Идрис (а.с.)нинг ибодати фаришталарга ёқиб қолади. Ўлим фариштаси Аллоҳдан изн сўраб унинг зиёратига борганида Идрис (а.с.) унга: "Менга бир ўлим аччиғини тоттиргин, токи кейин осон жон берай", – дейди. У рози бўлади. Қайта тирилгач: «Энди бир дўзахга ҳам киритиб чиқар, токи ундан кўпроқ қўрқай», – дейди. Фаришта бу илтимосини ҳам бажаради. "Энди жаннатга ҳам бир олиб кир, токи унга рағбатим ортсин", – дейди. Киргач, қайтиб чиқишдан бош тортиб: "Ўлимни

رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا بَيۡنَهُمَا فَٱعۡبُدۡهُ وَٱصۡطَبِرۡ لِعِبَٰدَتِهِۦۚ
هَلۡ تَعۡلَمُ لَهُۥ سَمِيّٗا ٦٥ وَيَقُولُ ٱلۡإِنسَٰنُ أَءِذَا مَا مِتُّ لَسَوۡفَ
أُخۡرَجُ حَيًّا ٦٦ أَوَلَا يَذۡكُرُ ٱلۡإِنسَٰنُ أَنَّا خَلَقۡنَٰهُ مِن قَبۡلُ
وَلَمۡ يَكُ شَيۡـٔٗا ٦٧ فَوَرَبِّكَ لَنَحۡشُرَنَّهُمۡ وَٱلشَّيَٰطِينَ ثُمَّ
لَنُحۡضِرَنَّهُمۡ حَوۡلَ جَهَنَّمَ جِثِيّٗا ٦٨ ثُمَّ لَنَنزِعَنَّ مِن كُلِّ
شِيعَةٍ أَيُّهُمۡ أَشَدُّ عَلَى ٱلرَّحۡمَٰنِ عِتِيّٗا ٦٩ ثُمَّ لَنَحۡنُ أَعۡلَمُ بِٱلَّذِينَ
هُمۡ أَوۡلَىٰ بِهَا صِلِيّٗا ٧٠ وَإِن مِّنكُمۡ إِلَّا وَارِدُهَاۚ كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ
حَتۡمٗا مَّقۡضِيّٗا ٧١ ثُمَّ نُنَجِّي ٱلَّذِينَ ٱتَّقَواْ وَّنَذَرُ ٱلظَّٰلِمِينَ
فِيهَا جِثِيّٗا ٧٢ وَإِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡ ءَايَٰتُنَا بَيِّنَٰتٖ قَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ
لِلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ أَيُّ ٱلۡفَرِيقَيۡنِ خَيۡرٞ مَّقَامٗا وَأَحۡسَنُ نَدِيّٗا ٧٣ وَكَمۡ
أَهۡلَكۡنَا قَبۡلَهُم مِّن قَرۡنٍ هُمۡ أَحۡسَنُ أَثَٰثٗا وَرِءۡيٗا ٧٤ قُلۡ مَن
كَانَ فِي ٱلضَّلَٰلَةِ فَلۡيَمۡدُدۡ لَهُ ٱلرَّحۡمَٰنُ مَدًّاۚ حَتَّىٰٓ إِذَا رَأَوۡاْ مَا يُوعَدُونَ
إِمَّا ٱلۡعَذَابَ وَإِمَّا ٱلسَّاعَةَ فَسَيَعۡلَمُونَ مَنۡ هُوَ شَرّٞ مَّكَانٗا
وَأَضۡعَفُ جُندٗا ٧٥ وَيَزِيدُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ٱهۡتَدَوۡاْ هُدٗىۗ
وَٱلۡبَٰقِيَٰتُ ٱلصَّٰلِحَٰتُ خَيۡرٌ عِندَ رَبِّكَ ثَوَابٗا وَخَيۡرٞ مَّرَدًّا ٧٦

65. (У) осмонлар, Ер ва уларнинг орасидаги бор нарсаларнинг мураббийсидир. Бас, Унга ибодат қилинг ва ибодатига тоқатли бўлинг! Унга тенг бирор зотни билурмисиз?!*

66. (Кофир) инсон: «Ўлганимдан сўнг яна тирик ҳолимда (қабримдан) чиқарилурманми?!», – дер.

67. Ахир, ўша инсон Биз уни илгари ўзи ҳеч нарса* бўлмаган пайтида яратганимизни эсламайдими?!

68. Бас, (эй, Муҳаммад!) Раббингизга қасамки, албатта, Биз уларни шайтонлари билан бирга тўплармиз, сўнгра (барчаларини) жаҳаннам атрофида тиз чўккан ҳолларида ҳозир қилурмиз.

69. Кейин ҳар бир гуруҳдан қайсиниси Раҳмонга қаттиқроқ осий бўлса, (ўшани) суғуриб олурмиз (ва жаҳаннамга солурмиз).

70. Сўнгра, Биз ўзимиз унда (жаҳаннамда) куйишига лойиқ кимсаларни яхшироқ билувчидирмиз.

71. Сизлардан ҳар бирингиз унга (жаҳаннамга) тушувчидирсиз*. (Бу) Раббингиз (иродасига биноан) вожиб бўлган ҳукмдир.

72. Сўнгра тақводор бўлганларни (ундан) қутқарурмиз ва золим кимсаларни тиз чўккан ҳолларида (жаҳаннамда) қолдирурмиз.

73. Қачонки, уларга (инсонларга) аниқ оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлганлар имон келтирганларга: «Қайсиниси яхшироқ мартаба ва гўзалроқ манзилда?», – дейдилар.

74. Ҳолбуки, Биз улардан олдин қанча анжомлари ва кўринишлари чиройли бўлган авлодларни ҳалок қилганмиз!

75. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Ким залолатда бўлса, бас, Раҳмон унинг муддатини узайтирсин, токи ўзларига ваъда қилинган (дунё) азобини ёки қиёматни кўрганларида, албатта, кимнинг мартабаси ёмонроқ ва лашкари ожизроқ эканини билурлар.

76. Аллоҳ ҳақ йўлдаги кишиларга янада ҳидоятни зиёда қилур. Раббингиз наздида боқий эзгу (иш)лар савоб жиҳатидан ҳам, оқибат жиҳатидан ҳам ортиқроқдир».

тотдим, дўзахга кириб чиқдим. Жаннатга кирганлар қайта чиқарилмагай", – дейди. Фаришта Аллоҳга арз қилганида У: "Бу ишлар ҳаммаси Менинг изним билан бўлди. Қўй, у жаннатда қолаверсин!", – деган экан. (Мд.).

58-оят. Сажда ояти.

65-оят. Яъни унга ўхшаш ёки тенг ёхуд ҳамном зот йўқдир. Ҳатто, бут ва санамларга сиғинувчилар ҳам уларни "Аллоҳ" деб эмас, "илоҳ" деб аташган (Қз.).

67-оят. Аҳли Сунна ақоидига кўра, "маъдум", яъни яратилмаган, оламда йўқ нарсага "нарса" номи берилмайди. Қачон у яратилади ёки тасаввур этилади, ўшанда уни нарса деб аташ мумкин. Мазкур оят бунга далилдир. Мўътазилийлар "маъдум" ҳам нарса, дейдилар (Мд. Ақ.).

71-оят. Оятга кўра, мўминлар ҳам, кофирлар ҳам жаҳаннамга тушишлари шарт. Лекин Иброҳим (а.с.)га олов салқин ва саломатлик бўлганидек, мўминларни имон нури олов таъсиридан ҳимоя қилади ёки бу ерда пулсирот кўприги муроддир (Мд. Хз.)

77. (Эй, Муҳаммад!) Оятларимизга кофир бўлган ва: «Қасамки, албатта, (охиратда ҳам) менга мол-мулк ва фарзанд ато этилур», – деган кимсани кўрдингизми?

78. У ғайб (илми)дан* хабардор бўлибдими ёки Раҳмон даргоҳидан аҳд олибдими?!

79. Йўқ! Албатта, (Биз) унинг айтаётган сўзини ёзиб қўюрмиз ҳамда унга азобни зиёда қилурмиз.

80. У айтаётган (мол-мулк)ни (Биз) мерос олурмиз, у эса, ҳузуримизга ёлғиз келур.

81. Улар (Макка мушриклари) Аллоҳни қўйиб, ўзларига ҳимоячи бўлиши учун «илоҳлар» тутдилар.

82. Йўқ! (Қиёмат куни бутлари) улар қилган ибодатларни инкор қилурлар ва уларга зид бўлурлар.

83. (Эй, Муҳаммад!) Биз кофирларга уларни (гуноҳ ишларига) қўзғатадиган шайтонларни юборганимизни кўрмадингизми?!

84. Бас, Сиз уларга (азоб сўрашда) шошқалоқлик қилманг! Албатта, Биз уларни (гуноҳларини) аниқ ҳисоблаб турурмиз.

85. Тақводорларни Биз сувора ҳолларида* Раҳмон даргоҳига тўплайдиган,

86. жиноятчи-кофирларни эса, жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган кунимизни (эсланг!)

87. (У кунда) фақат Раҳмон наздида аҳд (изн) олган кишиларгина (гуноҳкор мўминларни) шафоат қилишга эга бўлурлар.

88. (Мушриклар): «Раҳмон фарзанд тутди», – дедилар.

89. (Эй, мушриклар!) Сизлар шундай оғир гап айтингизки,

90. унинг (оғирлигидан) осмонлар ёрилиб, Ер бўлиниб, тоғлар қулаб, парчаланиб кетаёзур.

أَفَرَءَيْتَ ٱلَّذِى كَفَرَ بِـَٔايَـٰتِنَا وَقَالَ لَأُوتَيَنَّ مَالًا وَوَلَدًا
﴿٧٧﴾ أَطَّلَعَ ٱلْغَيْبَ أَمِ ٱتَّخَذَ عِندَ ٱلرَّحْمَـٰنِ عَهْدًا ﴿٧٨﴾ كَلَّا ۚ
سَنَكْتُبُ مَا يَقُولُ وَنَمُدُّ لَهُۥ مِنَ ٱلْعَذَابِ مَدًّا ﴿٧٩﴾ وَنَرِثُهُۥ
مَا يَقُولُ وَيَأْتِينَا فَرْدًا ﴿٨٠﴾ وَٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ ءَالِهَةً
لِّيَكُونُوا۟ لَهُمْ عِزًّا ﴿٨١﴾ كَلَّا ۚ سَيَكْفُرُونَ بِعِبَادَتِهِمْ وَيَكُونُونَ
عَلَيْهِمْ ضِدًّا ﴿٨٢﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّآ أَرْسَلْنَا ٱلشَّيَـٰطِينَ عَلَى ٱلْكَـٰفِرِينَ
تَؤُزُّهُمْ أَزًّا ﴿٨٣﴾ فَلَا تَعْجَلْ عَلَيْهِمْ ۖ إِنَّمَا نَعُدُّ لَهُمْ عَدًّا ﴿٨٤﴾
يَوْمَ نَحْشُرُ ٱلْمُتَّقِينَ إِلَى ٱلرَّحْمَـٰنِ وَفْدًا ﴿٨٥﴾ وَنَسُوقُ ٱلْمُجْرِمِينَ
إِلَىٰ جَهَنَّمَ وِرْدًا ﴿٨٦﴾ لَّا يَمْلِكُونَ ٱلشَّفَـٰعَةَ إِلَّا مَنِ ٱتَّخَذَ عِندَ
ٱلرَّحْمَـٰنِ عَهْدًا ﴿٨٧﴾ وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱلرَّحْمَـٰنُ وَلَدًا ﴿٨٨﴾ لَّقَدْ
جِئْتُمْ شَيْـًٔا إِدًّا ﴿٨٩﴾ تَكَادُ ٱلسَّمَـٰوَٰتُ يَتَفَطَّرْنَ مِنْهُ
وَتَنشَقُّ ٱلْأَرْضُ وَتَخِرُّ ٱلْجِبَالُ هَدًّا ﴿٩٠﴾ أَن دَعَوْا۟ لِلرَّحْمَـٰنِ وَلَدًا
﴿٩١﴾ وَمَا يَنۢبَغِى لِلرَّحْمَـٰنِ أَن يَتَّخِذَ وَلَدًا ﴿٩٢﴾ إِن كُلُّ مَن فِى
ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ إِلَّآ ءَاتِى ٱلرَّحْمَـٰنِ عَبْدًا ﴿٩٣﴾ لَّقَدْ أَحْصَىٰهُمْ
وَعَدَّهُمْ عَدًّا ﴿٩٤﴾ وَكُلُّهُمْ ءَاتِيهِ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ فَرْدًا ﴿٩٥﴾

91. Сабаб – Раҳмонга фарзанд даъво қилишларидир.

92. Раҳмон (шаънига) учун фарзанд тутиш лойиқ эмасдир.

93. Осмонлар ва Ердаги бор жонзот (қиёмат кунида) Раҳмон (ҳузурига) бўйин сунган ҳолда келур.

94. У уларни (олган нафасларигача) ҳисоблаб, ададини санаб қўйгандир.

95. Уларнинг барчаси қиёмат куни Унинг ҳузурига (ҳисобот учун) якка ҳолда келувчидир.

78-оят. Яъни “Лавҳул-маҳфуз”-дан ўқиб хабардор бўлибдими?!

85-оят. Ҳадисда айтилишига кўра, қиёмат куни кимлардир пиёда, кимлардир сувора (уловда), кимлардир юзтубан ҳолатда юради. Саҳобалардан бири юзтубан юриш қийин-ку, деганида Расул (а.с.): “Бу дунёда икки оёқда юргизиб қўйган зот охиратда юзтубан юргизишга ҳам қодир”, – деган эканлар (Бх. Хз.).

إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ سَيَجۡعَلُ لَهُمُ
ٱلرَّحۡمَٰنُ وُدّٗا ﴿٩٦﴾ فَإِنَّمَا يَسَّرۡنَٰهُ بِلِسَانِكَ لِتُبَشِّرَ بِهِ
ٱلۡمُتَّقِينَ وَتُنذِرَ بِهِۦ قَوۡمٗا لُّدّٗا ﴿٩٧﴾ وَكَمۡ أَهۡلَكۡنَا قَبۡلَهُم
مِّن قَرۡنٍ هَلۡ تُحِسُّ مِنۡهُم مِّنۡ أَحَدٍ أَوۡ تَسۡمَعُ لَهُمۡ رِكۡزَۢا ﴿٩٨﴾

سُورَةُ طه

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

طه ﴿١﴾ مَآ أَنزَلۡنَا عَلَيۡكَ ٱلۡقُرۡءَانَ لِتَشۡقَىٰٓ ﴿٢﴾ إِلَّا تَذۡكِرَةٗ
لِّمَن يَخۡشَىٰ ﴿٣﴾ تَنزِيلٗا مِّمَّنۡ خَلَقَ ٱلۡأَرۡضَ وَٱلسَّمَٰوَٰتِ ٱلۡعُلَى ﴿٤﴾
ٱلرَّحۡمَٰنُ عَلَى ٱلۡعَرۡشِ ٱسۡتَوَىٰ ﴿٥﴾ لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي
ٱلۡأَرۡضِ وَمَا بَيۡنَهُمَا وَمَا تَحۡتَ ٱلثَّرَىٰ ﴿٦﴾ وَإِن تَجۡهَرۡ بِٱلۡقَوۡلِ
فَإِنَّهُۥ يَعۡلَمُ ٱلسِّرَّ وَأَخۡفَى ﴿٧﴾ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۖ لَهُ ٱلۡأَسۡمَآءُ
ٱلۡحُسۡنَىٰ ﴿٨﴾ وَهَلۡ أَتَىٰكَ حَدِيثُ مُوسَىٰٓ ﴿٩﴾ إِذۡ رَءَا نَارٗا
فَقَالَ لِأَهۡلِهِ ٱمۡكُثُوٓاْ إِنِّيٓ ءَانَسۡتُ نَارٗا لَّعَلِّيٓ ءَاتِيكُم مِّنۡهَا بِقَبَسٍ
أَوۡ أَجِدُ عَلَى ٱلنَّارِ هُدٗى ﴿١٠﴾ فَلَمَّآ أَتَىٰهَا نُودِيَ يَٰمُوسَىٰٓ ﴿١١﴾
إِنِّيٓ أَنَا۠ رَبُّكَ فَٱخۡلَعۡ نَعۡلَيۡكَ إِنَّكَ بِٱلۡوَادِ ٱلۡمُقَدَّسِ طُوٗى ﴿١٢﴾

96. Албатта, имон келтириб, эзгу (иш)ларни қилган зотлар учун Раҳмон (уларнинг қалбида Ўзига нисбатан) дўстликни пайдо қилур.

97. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Биз тақво эгаларига хушхабар беришингиз учун ва саркаш қавмни огоҳлантиришингиз учун уни (Қуръон тиловатини) Сизнинг тилингизга осон қилиб қўйдик.

98. Биз улардан (Макка мушрикларидан) олдин ҳам қанчалаб (итоат этмаган) авлодларни ҳалок этгандирмиз. Сиз улардан бирортасини сезяпсизми ёки овозларини эшитяпсизми?!

Тоҳо сураси

Маккада нозил қилинган. 135 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. То, ҳо.

2. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун эмас,

3. балки (Аллоҳдан) қўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида нозил қилдик.

4. (У) Ерни ва юксак осмонларни яратган зот (Аллоҳ томони)дан нозил қилингандир.

5. (У) Арш узра «муставий» бўлмиш Раҳмондир.

6. Осмонлардаги, Ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда замин остидаги бор нарса Уникидир.

7. Агар (Сиз) ошкора гапирсангиз ҳам (ёки хуфёна гапирсангиз ҳам), албатта, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур.

8. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг гўзал исмлари бордир.

9. (Эй, Муҳаммад!) Сизга Мусо ҳақидаги хабар келдими?

10. Эсланг, у (узоқдан) бир оловни кўриб оиласига: «(Шу ерда) турингиз! Мен бир оловни кўриб қолдим, шоядки, сизларга бирор чўғ олиб келсам ёки шу ўт (атрофи)да бирор йўл (кўрсатувчи) топсам»,– *деди**.

11. Бас, олов (яқини)га келгач: «Эй, Мусо!» – деб нидо қилинди.

12. «(Эй, Мусо!) Мен сенинг Раббингдирман. Бас, оёқ кийимингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидадирсан.

---

20. ТОҲО СУРАСИ

То, ҳо – Бу икки рамзий ҳарфлардан мурод нима экани фақат Аллоҳгагина маълум.

Сурада илоҳий кўрсатмалар билан бир қаторда Мусо (а.с.), биродари Ҳорун (а.с.) ҳамда Фиръавн ва вазири Ҳомон ҳақидаги қисса батафсил баён қилинади. Шунинг учун ҳам у "Мусо" сураси деб ҳам номланган.

10-оят. Мусо (а.с.) қайнотаси Шуайб (а.с.)дан изн сўраб, хотини – Сафура ва бошқалар билан Мадяндан Мисрга, яъни ўз юртига онаси ва опасининг зиёрати учун тунда кетаётиб, йўлда адашиб қоладилар (Бғ.).

وَأَنَا ٱخْتَرْتُكَ فَٱسْتَمِعْ لِمَا يُوحَىٰٓ ﴿١٣﴾ إِنَّنِىٓ أَنَا ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠
فَٱعْبُدْنِى وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِذِكْرِىٓ ﴿١٤﴾ إِنَّ ٱلسَّاعَةَ ءَاتِيَةٌ
أَكَادُ أُخْفِيهَا لِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍۭ بِمَا تَسْعَىٰ ﴿١٥﴾ فَلَا يَصُدَّنَّكَ
عَنْهَا مَن لَّا يُؤْمِنُ بِهَا وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ فَتَرْدَىٰ ﴿١٦﴾ وَمَا تِلْكَ
بِيَمِينِكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿١٧﴾ قَالَ هِىَ عَصَاىَ أَتَوَكَّؤُا۟ عَلَيْهَا
وَأَهُشُّ بِهَا عَلَىٰ غَنَمِى وَلِىَ فِيهَا مَـَٔارِبُ أُخْرَىٰ ﴿١٨﴾ قَالَ أَلْقِهَا
يَٰمُوسَىٰ ﴿١٩﴾ فَأَلْقَىٰهَا فَإِذَا هِىَ حَيَّةٌ تَسْعَىٰ ﴿٢٠﴾ قَالَ خُذْهَا
وَلَا تَخَفْ سَنُعِيدُهَا سِيرَتَهَا ٱلْأُولَىٰ ﴿٢١﴾ وَٱضْمُمْ يَدَكَ
إِلَىٰ جَنَاحِكَ تَخْرُجْ بَيْضَآءَ مِنْ غَيْرِ سُوٓءٍ ءَايَةً أُخْرَىٰ ﴿٢٢﴾ لِنُرِيَكَ
مِنْ ءَايَٰتِنَا ٱلْكُبْرَى ﴿٢٣﴾ ٱذْهَبْ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ إِنَّهُۥ طَغَىٰ ﴿٢٤﴾ قَالَ
رَبِّ ٱشْرَحْ لِى صَدْرِى ﴿٢٥﴾ وَيَسِّرْ لِىٓ أَمْرِى ﴿٢٦﴾ وَٱحْلُلْ عُقْدَةً مِّن
لِّسَانِى ﴿٢٧﴾ يَفْقَهُوا۟ قَوْلِى ﴿٢٨﴾ وَٱجْعَل لِّى وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِى ﴿٢٩﴾ هَٰرُونَ
أَخِى ﴿٣٠﴾ ٱشْدُدْ بِهِۦٓ أَزْرِى ﴿٣١﴾ وَأَشْرِكْهُ فِىٓ أَمْرِى ﴿٣٢﴾ كَىْ نُسَبِّحَكَ
كَثِيرًا ﴿٣٣﴾ وَنَذْكُرَكَ كَثِيرًا ﴿٣٤﴾ إِنَّكَ كُنتَ بِنَا بَصِيرًا ﴿٣٥﴾ قَالَ قَدْ
أُوتِيتَ سُؤْلَكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿٣٦﴾ وَلَقَدْ مَنَنَّا عَلَيْكَ مَرَّةً أُخْرَىٰٓ ﴿٣٧﴾

13. Мен сени (пайғамбарликка) танладим. Бас, (сенга) юбориладиган ваҳийга қулоқ тут!

14. Дарҳақиқат, Мен – Аллоҳдирман! Мендан ўзга илоҳ йўқ! Бас, Менгагина ибодат қил ва Мени эслаганингда намозни адо эт!*

15. Қиёмат албатта келувчидир. (Лекин) ҳар бир жон қиладиган саъй-ҳаракати сабабли жазоланиши учун уни (қачон қойим бўлишини) яширишни истайман.

16. Бас, унга (қиёматга) ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар сени ундан* тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан.

17. Ана у – қўлингдаги нимадир, эй, Мусо?!»

18. (Мусо) деди: «У ҳассамдир. Унга таянурман ва у билан қўйларимга (барг) қоқиб берурман. Яна унда мен учун бошқа ҳожатлар ҳам бор».

19. (Аллоҳ) айтди: «Уни (ерга) ташлагин, эй, Мусо!»

20. Бас, (Мусо) уни ташлаган эди, бирданига у ҳаракатланувчи жонли илон бўлиб қолди.

21. (Аллоҳ) деди: «Уни ол! Қўрқмагин, Биз уни аввалги ҳолига қайтарурмиз.

22. Қўлингни қўлтиғингга тиққин, у ҳеч қандай ёмонликсиз* оппоқ бўлиб чиқур. (Бу) яна бир бошқа мўъжизадир.

23. Биз сенга катта мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик).

24. (Энди) Фиръавннинг ҳузурига бор! Ҳақиқатан, у ҳаддан ошди («Худоман» деб даъво қилди)».

25. (Мусо) деди: «Эй, Раббим! (Бу қийин вазифага) бағримни кенг қилгин

26. ва ишимни осон қилгин

27. ҳамда тилимдан тугунни (дудуқликни) ечиб юборгин,

28. (токи) улар (қавмим) гапимни (яхши) англасинлар.

29. Менга ўз аҳлимдан вазир қилиб бергин

30. – биродарим Ҳорунни!

31. У билан белимни бақувват қилгин

32. ва уни ишимда (яъни, пайғамбарлик ишида) шерик қилгин,

33. токи, биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтайлик

34. ва Сени кўпроқ ёд этайлик.

35. Албатта, Сен бизни кўрувчи зотсан».

36. (Аллоҳ) айтди: «Сўраган нарсанг сенга ато этилди, эй, Мусо!

37. Биз сенга (гўдаклик чоғингда ҳам) бир карра инъом этган эдик.

14-оят. Оятнинг арабчасидаги “лизикрий” сўзи тафсирларда турлича изоҳланган. Масалан, Мужоҳид (рҳ.) “Мени эслашинг учун”, Муқотил (рҳ.) “Унутиб ўқимаган намозингни ёдингга тушганда ўқи!”, – деб тафсир қилганлар. Ҳадисда: “Ким намозни унутиб тарк этган бўлса, эсига келиши билан ўқиб олсин!”, –дейилган. Расул (а.с.) бу ҳадисни ўзлари бомдод намозидан ухлаб қолиб, қуёш чиқиб қолганда айтганлар (Лс. Мд. Бғ.).

16-оят. “Ундан”, яъни қиёматни тасдиқ этишдан (Лс. Бғ.).

22-оят. Яъни песлик касалига чалинганидан эмас.

إِذۡ أَوۡحَيۡنَآ إِلَىٰٓ أُمِّكَ مَا يُوحَىٰٓ ﴿٣٨﴾ أَنِ ٱقۡذِفِيهِ فِي ٱلتَّابُوتِ فَٱقۡذِفِيهِ
فِي ٱلۡيَمِّ فَلۡيُلۡقِهِ ٱلۡيَمُّ بِٱلسَّاحِلِ يَأۡخُذۡهُ عَدُوّٞ لِّي وَعَدُوّٞ لَّهُۥۚ وَأَلۡقَيۡتُ
عَلَيۡكَ مَحَبَّةٗ مِّنِّي وَلِتُصۡنَعَ عَلَىٰ عَيۡنِيٓ ﴿٣٩﴾ إِذۡ تَمۡشِيٓ أُخۡتُكَ
فَتَقُولُ هَلۡ أَدُلُّكُمۡ عَلَىٰ مَن يَكۡفُلُهُۥۖ فَرَجَعۡنَٰكَ إِلَىٰٓ أُمِّكَ كَيۡ تَقَرَّ
عَيۡنُهَا وَلَا تَحۡزَنَۚ وَقَتَلۡتَ نَفۡسٗا فَنَجَّيۡنَٰكَ مِنَ ٱلۡغَمِّ وَفَتَنَّٰكَ فُتُونٗاۚ
فَلَبِثۡتَ سِنِينَ فِيٓ أَهۡلِ مَدۡيَنَ ثُمَّ جِئۡتَ عَلَىٰ قَدَرٖ يَٰمُوسَىٰ ﴿٤٠﴾
وَٱصۡطَنَعۡتُكَ لِنَفۡسِي ﴿٤١﴾ ٱذۡهَبۡ أَنتَ وَأَخُوكَ بِـَٔايَٰتِي وَلَا تَنِيَا
فِي ذِكۡرِي ﴿٤٢﴾ ٱذۡهَبَآ إِلَىٰ فِرۡعَوۡنَ إِنَّهُۥ طَغَىٰ ﴿٤٣﴾ فَقُولَا لَهُۥ قَوۡلٗا لَّيِّنٗا
لَّعَلَّهُۥ يَتَذَكَّرُ أَوۡ يَخۡشَىٰ ﴿٤٤﴾ قَالَا رَبَّنَآ إِنَّنَا نَخَافُ أَن يَفۡرُطَ عَلَيۡنَآ
أَوۡ أَن يَطۡغَىٰ ﴿٤٥﴾ قَالَ لَا تَخَافَآۖ إِنَّنِي مَعَكُمَآ أَسۡمَعُ وَأَرَىٰ
﴿٤٦﴾ فَأۡتِيَاهُ فَقُولَآ إِنَّا رَسُولَا رَبِّكَ فَأَرۡسِلۡ مَعَنَا بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ
وَلَا تُعَذِّبۡهُمۡۖ قَدۡ جِئۡنَٰكَ بِـَٔايَةٖ مِّن رَّبِّكَۖ وَٱلسَّلَٰمُ عَلَىٰ مَنِ ٱتَّبَعَ
ٱلۡهُدَىٰٓ ﴿٤٧﴾ إِنَّا قَدۡ أُوحِيَ إِلَيۡنَآ أَنَّ ٱلۡعَذَابَ عَلَىٰ مَن كَذَّبَ
وَتَوَلَّىٰ ﴿٤٨﴾ قَالَ فَمَن رَّبُّكُمَا يَٰمُوسَىٰ ﴿٤٩﴾ قَالَ رَبُّنَا ٱلَّذِيٓ أَعۡطَىٰ
كُلَّ شَيۡءٍ خَلۡقَهُۥ ثُمَّ هَدَىٰ ﴿٥٠﴾ قَالَ فَمَا بَالُ ٱلۡقُرُونِ ٱلۡأُولَىٰ ﴿٥١﴾

38. Ўшанда онангга (Биз шундай) ваҳий юборган эдик:

39. «Уни (Мусони) сандиққа солиб, дарёга ташлагин, бас, уни дарё (тўлқини) соҳилга отсин! (Шунда) уни Менинг ҳам, унинг ҳам душмани (Фиръавн, яъни жориялари) тутиб олур». (Эй, Мусо! Барчага суюкли бўлишинг) ва Менинг кўз ўнгимда (ҳимоямда) ўсишинг учун сенга Ўз томонимдан муҳаббат (жозиба) ташладим*.

40. Ўшанда опанг (сени дарёдан тутиб олганлар ортидан) юриб: «Сизларни бу (бола)-га кафил (эмизадиган аёл) олдига бошлаб борайми?», – деганларини (эслагин)! Сўнгра Биз сени кўзлари қувонсин, ташвиш чекмасин, деб онангга қайтарган эдик. (Йигитлик чоғингда) бир жонни ўлдириб қўйганингда ҳам Биз сени бу ғамдан қутқарган эдик. (Кейин) Биз сени кўп синовлар билан синаб кўрдик. Мадян аҳли орасида ҳам (неча) йиллар турдинг, сўнгра (пайғамбарлик учун белгилаб қўйилган) муддат бўйича* (бу ерга) келдинг, эй Мусо!

41. Сени Ўзимга (пайғамбарлик учун) танладим.

42. (Эй, Мусо!) Сен ўзинг ва биродаринг (Ҳорун) Менинг оятларимни (одамларга) олиб борингиз ва Мени зикр қилишда сустлик қилмангиз!

43. Иккингиз Фиръавннинг олдига борингиз, чунки у («Мен – худоман»), деб ҳаддидан ошди.

44. Бас, унга юмшоқ сўз айтингиз! Шояд, у эслатма олса ёки (ҳалок қилишимдан) қўрқса».

45. Иккови деди: «Эй, Раббимиз! Дарҳақиқат, биз (даъват этсак) у бизга тезлик (ғазаб) қилишидан ёки (баттар) ҳаддан ошиб кетишидан қўрқамиз».

46. (Аллоҳ) айтди: «Қўрқмангиз! Албатта, Мен сизлар билан биргаман – эшитаман ва кўраман.

47. Бас, сизлар унинг олдига бориб: «Биз Парвардигорингнинг элчиларидирмиз. Исроил авлодини биз билан бирга қўйиб юборгин, уларни азобламагин! (Биз) сенга Раббинг (томони)дан ҳужжат келтирдик. Ҳидоятга эргашганларга салом (омонлик) бўлур.

48. Бизга шундай ваҳий қилинди: «(Аллоҳнинг пайғамбарларини) ёлғончи қилган ва (имон келтиришдан) юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур».

49. (Фиръавнга келиб, Аллоҳнинг сўзларини айтишгач) у деди: «Иккингизнинг Раббингиз ким, эй, Мусо?»

50. (Мусо) айтди: «Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир».

51. (Фиръавн) деди: «Унда, аввалги авлодларнинг ҳоли недир? (Раббинг уларни ҳам азоблаганми?)»

39-оят. Яъни сени шундай ёқимтой қилиб қўйдимки, кўрган киши шу менинг ўғлим бўлса экан, деб орзу қиладиган бўлди. Қатода (рҳ.) сўзига кўра, Мусо (а.с.)нинг кўзлари жозибали, малоҳатли бўлганидан уни кўрган одам севиб қолар эди (Мд. Хз.).

40-оят. Яъни 40 ёшингда қайнотанг Шуайб (а.с.) яшайдиган Мадян шаҳрида 18 йил туриб Мисрга келдинг (Мд.).

قَالَ عِلْمُهَا عِندَ رَبِّي فِي كِتَٰبٖۖ لَّا يَضِلُّ رَبِّي وَلَا يَنسَى ﴿٥٢﴾
ٱلَّذِي جَعَلَ لَكُمُ ٱلۡأَرۡضَ مَهۡدٗا وَسَلَكَ لَكُمۡ فِيهَا سُبُلٗا وَأَنزَلَ
مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَأَخۡرَجۡنَا بِهِۦٓ أَزۡوَٰجٗا مِّن نَّبَاتٖ شَتَّىٰ ﴿٥٣﴾ كُلُواْ
وَٱرۡعَوۡاْ أَنۡعَٰمَكُمۡۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّأُوْلِي ٱلنُّهَىٰ ﴿٥٤﴾ ۞ مِنۡهَا
خَلَقۡنَٰكُمۡ وَفِيهَا نُعِيدُكُمۡ وَمِنۡهَا نُخۡرِجُكُمۡ تَارَةً أُخۡرَىٰ ﴿٥٥﴾ وَلَقَدۡ
أَرَيۡنَٰهُ ءَايَٰتِنَا كُلَّهَا فَكَذَّبَ وَأَبَىٰ ﴿٥٦﴾ قَالَ أَجِئۡتَنَا لِتُخۡرِجَنَا
مِنۡ أَرۡضِنَا بِسِحۡرِكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿٥٧﴾ فَلَنَأۡتِيَنَّكَ بِسِحۡرٖ مِّثۡلِهِۦ
فَٱجۡعَلۡ بَيۡنَنَا وَبَيۡنَكَ مَوۡعِدٗا لَّا نُخۡلِفُهُۥ نَحۡنُ وَلَآ أَنتَ مَكَانٗا
سُوٗى ﴿٥٨﴾ قَالَ مَوۡعِدُكُمۡ يَوۡمُ ٱلزِّينَةِ وَأَن يُحۡشَرَ ٱلنَّاسُ ضُحٗى
﴿٥٩﴾ فَتَوَلَّىٰ فِرۡعَوۡنُ فَجَمَعَ كَيۡدَهُۥ ثُمَّ أَتَىٰ ﴿٦٠﴾ قَالَ لَهُم
مُّوسَىٰ وَيۡلَكُمۡ لَا تَفۡتَرُواْ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبٗا فَيُسۡحِتَكُم بِعَذَابٖۖ
وَقَدۡ خَابَ مَنِ ٱفۡتَرَىٰ ﴿٦١﴾ فَتَنَٰزَعُوٓاْ أَمۡرَهُم بَيۡنَهُمۡ وَأَسَرُّواْ
ٱلنَّجۡوَىٰ ﴿٦٢﴾ قَالُوٓاْ إِنۡ هَٰذَٰنِ لَسَٰحِرَٰنِ يُرِيدَانِ أَن يُخۡرِجَاكُم
مِّنۡ أَرۡضِكُم بِسِحۡرِهِمَا وَيَذۡهَبَا بِطَرِيقَتِكُمُ ٱلۡمُثۡلَىٰ ﴿٦٣﴾ فَأَجۡمِعُواْ
كَيۡدَكُمۡ ثُمَّ ٱئۡتُواْ صَفّٗاۚ وَقَدۡ أَفۡلَحَ ٱلۡيَوۡمَ مَنِ ٱسۡتَعۡلَىٰ ﴿٦٤﴾

52. (Мусо) айтди: «Улар ҳақидаги маълумот Раббим ҳузуридаги Китоб (Лавҳул-маҳфуз)дадир. Раббим адашмас ва унутмас».

53. У Ерни сизлар учун бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан турли ўсимлик навларини ундириб чиқардик.

54. Сизлар (улардан) тановул қилинг ва чорваларингизни боқинг! Албатта, бунда ақл эгалари учун аломатлар бордир.

55. Биз сизларни ундан (ердан) яратдик, унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир марта ундан чиқарурмиз.

56. Дарҳақиқат, Биз унга (Фиръавнга) ҳамма (тўққизта) мўъжизаларимизни кўрсатдик. Бас, у (уларни) ёлғонга чиқарди ва юз ўгирди.

57. (У) деди: «Сен ўз сеҳринг билан бизларни еримиздан чиқариш учун келдингми, эй, Мусо?

58. У ҳолда, бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтирурмиз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртамизда бир жой танлагинки, у сен ҳам, бизлар ҳам қаршилик қилмайдиган ўрта бир жой бўлсин».

59. (Мусо) айтди: «Ваъда зийнат (байрам) кунидир*. Одамлар чошгоҳда тўпланурлар».

60. Бас, Фиръавн бориб, ўзининг макрини (сеҳргарларини) йиғди*. Сўнгра (ваъда қилинган жойга) келди.

61. Мусо уларга (сеҳргарларга) деди: «Ҳолларингга вой! Сизлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқимангиз (мўъжизани сеҳр демангиз), акс ҳолда (Аллоҳ) сизларни азоб билан ҳалок қилур! Ёлғон тўқиганлар ноумид бўлишлари аниқдир».

62. Бас, улар (қиладиган) ишларини ўзаро баҳслашиб, аста шивирлаша бошладилар*.

63. (Сўнгра бир-бирларига) айтдилар: «Албатта, бу иккови (Мусо ва Ҳорун) ўз сеҳрлари билан сизларни eрингиздан чиқаришни ва юксак йўлингизни (динингизни) йўқотишни истайдиган сеҳргарлардир.

64. Бас, бор макр-ҳийлангизни йиғингиз, сўнгра саф тортиб келингиз! Бугун устун бўлганлар нажот топажаклар».

59-оят. Мисрда ўша даврда ҳар йили одамлар ясаниб чиқиб байрам қиладиган махсус кун бўлиб, у Ошуро куни ёки Наврўз куни эканида ихтилоф бор. Фиръавн Мусо (а.с.)ни кўпчилик гувоҳлигида енгиб, шарманда қилиш ниятида шу байрам кунини танлаган эди (Мд. Хз. Қз.).

60-оят. Фиръавн сеҳргарларининг адади ҳам турлича нақл қилинган. Уларнинг сони 72, 400, 470 минг эди, деган ривоятлар бор (Абс. Хз. Мд.).

62-оят. Сеҳргарлар Фиръавндан яширинча: “Мусонинг гапларидан у сеҳргарга ўхшамайди. Агар биз енгилсак, унинг ҳақиқий пайғамбар экани маълум бўлади ва биз унга имон келтирамиз”, – деб келишиб олишган эди (Бғ.).

قَالُوا۟ يَٰمُوسَىٰٓ إِمَّآ أَن تُلْقِىَ وَإِمَّآ أَن نَّكُونَ أَوَّلَ مَنْ أَلْقَىٰ ٦٥ قَالَ
بَلْ أَلْقُوا۟ ۖ فَإِذَا حِبَالُهُمْ وَعِصِيُّهُمْ يُخَيَّلُ إِلَيْهِ مِن سِحْرِهِمْ أَنَّهَا تَسْعَىٰ
٦٦ فَأَوْجَسَ فِى نَفْسِهِۦ خِيفَةً مُّوسَىٰ ٦٧ قُلْنَا لَا تَخَفْ إِنَّكَ
أَنتَ ٱلْأَعْلَىٰ ٦٨ وَأَلْقِ مَا فِى يَمِينِكَ تَلْقَفْ مَا صَنَعُوٓا۟ ۖ إِنَّمَا صَنَعُوا۟
كَيْدُ سَٰحِرٍ ۖ وَلَا يُفْلِحُ ٱلسَّاحِرُ حَيْثُ أَتَىٰ ٦٩ فَأُلْقِىَ ٱلسَّحَرَةُ سُجَّدًا
قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِرَبِّ هَٰرُونَ وَمُوسَىٰ ٧٠ قَالَ ءَامَنتُمْ لَهُۥ قَبْلَ أَنْ ءَاذَنَ
لَكُمْ ۖ إِنَّهُۥ لَكَبِيرُكُمُ ٱلَّذِى عَلَّمَكُمُ ٱلسِّحْرَ ۖ فَلَأُقَطِّعَنَّ أَيْدِيَكُمْ
وَأَرْجُلَكُم مِّنْ خِلَٰفٍ وَلَأُصَلِّبَنَّكُمْ فِى جُذُوعِ ٱلنَّخْلِ وَلَتَعْلَمُنَّ
أَيُّنَآ أَشَدُّ عَذَابًا وَأَبْقَىٰ ٧١ قَالُوا۟ لَن نُّؤْثِرَكَ عَلَىٰ مَا جَآءَنَا مِنَ
ٱلْبَيِّنَٰتِ وَٱلَّذِى فَطَرَنَا ۖ فَٱقْضِ مَآ أَنتَ قَاضٍ ۖ إِنَّمَا تَقْضِى هَٰذِهِ
ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَآ ٧٢ إِنَّآ ءَامَنَّا بِرَبِّنَا لِيَغْفِرَ لَنَا خَطَٰيَٰنَا وَمَآ أَكْرَهْتَنَا
عَلَيْهِ مِنَ ٱلسِّحْرِ ۗ وَٱللَّهُ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰٓ ٧٣ إِنَّهُۥ مَن يَأْتِ رَبَّهُۥ مُجْرِمًا
فَإِنَّ لَهُۥ جَهَنَّمَ لَا يَمُوتُ فِيهَا وَلَا يَحْيَىٰ ٧٤ وَمَن يَأْتِهِۦ مُؤْمِنًا قَدْ
عَمِلَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمُ ٱلدَّرَجَٰتُ ٱلْعُلَىٰ ٧٥ جَنَّٰتُ عَدْنٍ
تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ وَذَٰلِكَ جَزَآءُ مَن تَزَكَّىٰ ٧٦

65. (Маслаҳатлари битгач) дедилар: «Эй, Мусо! Сен (қўлингдаги асойингни) ташлайсанми ёки биз биринчи ташловчи бўлайликми?»

66. (Мусо сеҳргарларга) айтди: «Йўқ, сиз ташлангиз!» (улар қўлларидаги асо ва ипларни ташлаган эдилар) бирданига иплари ва таёқлари – сеҳрлари сабабли – унга (Мусога) юриб кетаётгандек туюлди*.

67. Бас, Мусо ичида бир қўрқувни ҳис этди.

68. Биз айтдик: «Қўрқмагин! Албатта, сен ўзинг олий (ғолиб)дирсан.

69. Қўлингдаги нарсани (асойингни) ташлагин – улар ясаган нарсаларни ютиб юборсин! Уларнинг ясагани фақат бир сеҳргарнинг макридир. Сеҳргар эса, қаерда бўлмасин зафар топмагай».

70. (Мусо ҳассасини ташлагач, аждаҳога айланиб, улар ясаган нарсаларини ютиб юборди). Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида (ерга) йиқилиб: «Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига имон келтирдик»,– дедилар.

71. (Фиръавн) айтди: «Мен изн бермай туриб, унга имон келтирдингизми?! Шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, энди (мен), албатта, оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига (ўнг қўл, чап оёғингизни ёки аксинча) кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман, (ўшанда) қайсимизнинг (яъни менинг ёки Мусонинг худоси) азоби қаттиқроқ ва боқийроқ эканини билиб олурсиз».

72. Улар дедилар: «Бизлар ўзимизга келган ҳужжатларни ва бизларни яратган зотни (Аллоҳни) қўйиб, сира сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер! Сен фақат шу дунёдагина ҳукм қилурсан.

73. Бизларга эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат (гуноҳимизни) кечириши учун Раббимизга имон келтирдик. Аллоҳ (нинг савоби) яхшироқ ва (азоби) боқийроқдир».

74. Ҳақиқатан, кимки (охиратда) Парвардигорнинг ҳузурига жиноятчи (кофир) ҳолида келса, албатта, унинг учун жаҳаннам бор, у жойда у на ўла олур ва на яшай олур.

75. Шунингдек, кимки у зотга (Аллоҳ ҳузурига) яхши амалларни қилиб, мўмин ҳолида келса, бас, ана ўшалар учун юксак даражалар,

76. остидан анҳорлар оқадиган, улар доимий қоладиган мангулик жаннатлари бўлур. Бу (ширк ва куфрдан) пок бўлган кишиларнинг мукофотидир!

66-оят. Сеҳргарлар қўлларида олиб келган ип ва таёқлари симоб эритмасидан тайёрланган, илон шакли берилган нарсалар бўлиб, куёшнинг иссиғи таъсирида ҳаракат қиларди. Ундан кўзлар қамашиб кетарди. Мусо (а.с.) ҳам бу манзарани кўриб, бироз чўчиган эди (Кз. Мд. Хз.).

وَلَقَدْ أَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنْ أَسْرِ بِعِبَادِى فَٱضْرِبْ لَهُمْ طَرِيقًا
فِى ٱلْبَحْرِ يَبَسًا لَّا تَخَٰفُ دَرَكًا وَلَا تَخْشَىٰ ﴿٧٧﴾ فَأَتْبَعَهُمْ فِرْعَوْنُ
بِجُنُودِهِۦ فَغَشِيَهُم مِّنَ ٱلْيَمِّ مَا غَشِيَهُمْ ﴿٧٨﴾ وَأَضَلَّ فِرْعَوْنُ قَوْمَهُۥ
وَمَا هَدَىٰ ﴿٧٩﴾ يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ قَدْ أَنجَيْنَٰكُم مِّنْ عَدُوِّكُمْ وَوَٰعَدْنَٰكُمْ
جَانِبَ ٱلطُّورِ ٱلْأَيْمَنَ وَنَزَّلْنَا عَلَيْكُمُ ٱلْمَنَّ وَٱلسَّلْوَىٰ ﴿٨٠﴾ كُلُوا۟
مِن طَيِّبَٰتِ مَا رَزَقْنَٰكُمْ وَلَا تَطْغَوْا۟ فِيهِ فَيَحِلَّ عَلَيْكُمْ غَضَبِى
وَمَن يَحْلِلْ عَلَيْهِ غَضَبِى فَقَدْ هَوَىٰ ﴿٨١﴾ وَإِنِّى لَغَفَّارٌ لِّمَن تَابَ
وَءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحًا ثُمَّ ٱهْتَدَىٰ ﴿٨٢﴾ ۞ وَمَآ أَعْجَلَكَ عَن
قَوْمِكَ يَٰمُوسَىٰ ﴿٨٣﴾ قَالَ هُمْ أُو۟لَآءِ عَلَىٰٓ أَثَرِى وَعَجِلْتُ إِلَيْكَ
رَبِّ لِتَرْضَىٰ ﴿٨٤﴾ قَالَ فَإِنَّا قَدْ فَتَنَّا قَوْمَكَ مِنۢ بَعْدِكَ وَأَضَلَّهُمُ
ٱلسَّامِرِىُّ ﴿٨٥﴾ فَرَجَعَ مُوسَىٰٓ إِلَىٰ قَوْمِهِۦ غَضْبَٰنَ أَسِفًا ۚ قَالَ
يَٰقَوْمِ أَلَمْ يَعِدْكُمْ رَبُّكُمْ وَعْدًا حَسَنًا ۚ أَفَطَالَ عَلَيْكُمُ
ٱلْعَهْدُ أَمْ أَرَدتُّمْ أَن يَحِلَّ عَلَيْكُمْ غَضَبٌ مِّن رَّبِّكُمْ فَأَخْلَفْتُم
مَّوْعِدِى ﴿٨٦﴾ قَالُوا۟ مَآ أَخْلَفْنَا مَوْعِدَكَ بِمَلْكِنَا وَلَٰكِنَّا حُمِّلْنَآ
أَوْزَارًا مِّن زِينَةِ ٱلْقَوْمِ فَقَذَفْنَٰهَا فَكَذَٰلِكَ أَلْقَى ٱلسَّامِرِىُّ ﴿٨٧﴾

77. Биз Мусога: «Сен бандаларимни (Исроил авлодини Мисрдан) тунда олиб кет ва (ортингдан) етиб келишдан хавф қилмаган ва (ғарқ бўлишдан ҳам) қўрқмаган ҳолингда денгиздан уларга қуруқ йўл оч!», – деб ваҳий юбордик.

78. Бас, Фиръавн уларнинг ортидан ўз лашкари билан қувган эди, уларни денгиз ўраганича-ўради (яъни ғарқ бўлдилар)*.

79. Фиръавн ўз қавмини адаштирди, тўғри йўлга бошламади.

80. Аллоҳ деди: «Эй, Исроил авлоди! Биз сизларга душманингиздан нажот бердик ва сизларга (Мусога Таврот нозил қилиш учун) Тур (тоғи)нинг ўнг томонини ваъдалашдик ва сизларга ширинлик ва беданалар ёғдирдик.

81. Пок ризқларимиздан тановул қилингиз ва уларга (шукр қилмаслик билан) ҳаддан ошмангиз! Акс ҳолда сизларга Менинг ғазабим етар. Кимга менинг ғазабим етса, у албатта йиқилур (ҳалок бўлур).

82. Мен тавба қилган ҳамда имон келтириб, эзгу иш қилган, сўнгра тўғри юрган кишиларни, албатта, мағфират қилувчидирман».

83. «Қавмингдан илгарилаб кетишингга нима сабаб бўлди, эй Мусо?»

84. У айтди: «Улар – ана, изимдан келмоқда. Мен эса, рози бўлишинг учун Сен томон шошдим эй, Раббим!»

85. (Аллоҳ) деди: «Ҳақиқатан, Биз сендан (Менинг ҳузуримга кетганингдан) кейин қавмингни имтиҳон қилдик. Сомирий* уларни йўлдан оздирди».

86. Бас, Мусо қавмига ғазабланган ва афсусланган ҳолда қайтиб келиб, деди: «Эй, қавмим! Парвардигорингиз сизларга (Таврот нозил этиши ҳақида) чиройли ваъда қилмаганмиди?! Сизларга (кечган) вақт узун (кўриниб) кетдими ёки сизга Раббингиз томонидан ғазаб етишини хоҳлаб, менга берган ваъдангизни буздингизми?!»

87. Улар айтдилар: «Бизлар сенга берган ваъдани ўз ихтиёримиз билан бузганимиз йўқ. Лекин бизлар (Мисрдан чиқиб келаётганимизда), қавм зеб-зийнатларидан иборат нарсаларни кўтариб чиққан эдик, бас, (Сомирийнинг амри билан) уларни (оловга) ташладик. Сўнгра Сомирий ҳам (нарсаларини оловга) ташлади.

78-оят. Мусо (а.с.) етмиш минг нафар қавми билан тунда Мисрдан чиқиб кетади. Бундан хабар топган Фиръавн 600 минг лашкари билан улар ортидан қувиб боради. Мусо (а.с.)га ато этилган мўъжиза туфайли таёғини денгизга уриши билан ундан йўл очилади. Қавм ўтиб олгач, Фиръавн лашкари билан улар ортидан юради. Сувнинг ўртасига боришганда йўл ёпилиб, Фиръавн ва лашкари сувга ғарқ бўлади.

85-оят. Мусо (а.с.) Тур водийсига кетиш олдидан Аллоҳдан ўзгага сиғинмаслик ҳақида Исроил авлодига қаттиқ кўрсатма бериб кетган эди. Бироқ улар Ҳорунга бўйсунмай, Сомирий исмли бир сеҳргар ясаган олтин бузоққа сиғиниб, аҳдни бузадилар.

فَأَخْرَجَ لَهُمْ عِجْلًا جَسَدًا لَّهُۥ خُوَارٌ فَقَالُوا۟ هَٰذَآ إِلَٰهُكُمْ
وَإِلَٰهُ مُوسَىٰ فَنَسِىَ ﴿٨٨﴾ أَفَلَا يَرَوْنَ أَلَّا يَرْجِعُ إِلَيْهِمْ قَوْلًا وَلَا
يَمْلِكُ لَهُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا ﴿٨٩﴾ وَلَقَدْ قَالَ لَهُمْ هَٰرُونُ مِن قَبْلُ
يَٰقَوْمِ إِنَّمَا فُتِنتُم بِهِۦ ۖ وَإِنَّ رَبَّكُمُ ٱلرَّحْمَٰنُ فَٱتَّبِعُونِى وَأَطِيعُوٓا۟
أَمْرِى ﴿٩٠﴾ قَالُوا۟ لَن نَّبْرَحَ عَلَيْهِ عَٰكِفِينَ حَتَّىٰ يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَىٰ
﴿٩١﴾ قَالَ يَٰهَٰرُونُ مَا مَنَعَكَ إِذْ رَأَيْتَهُمْ ضَلُّوٓا۟ ﴿٩٢﴾ أَلَّا تَتَّبِعَنِ ۖ
أَفَعَصَيْتَ أَمْرِى ﴿٩٣﴾ قَالَ يَبْنَؤُمَّ لَا تَأْخُذْ بِلِحْيَتِى وَلَا بِرَأْسِىٓ ۖ
إِنِّى خَشِيتُ أَن تَقُولَ فَرَّقْتَ بَيْنَ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ وَلَمْ تَرْقُبْ
قَوْلِى ﴿٩٤﴾ قَالَ فَمَا خَطْبُكَ يَٰسَٰمِرِىُّ ﴿٩٥﴾ قَالَ بَصُرْتُ
بِمَا لَمْ يَبْصُرُوا۟ بِهِۦ فَقَبَضْتُ قَبْضَةً مِّنْ أَثَرِ ٱلرَّسُولِ
فَنَبَذْتُهَا وَكَذَٰلِكَ سَوَّلَتْ لِى نَفْسِى ﴿٩٦﴾ قَالَ
فَٱذْهَبْ فَإِنَّ لَكَ فِى ٱلْحَيَوٰةِ أَن تَقُولَ لَا مِسَاسَ ۖ وَإِنَّ لَكَ
مَوْعِدًا لَّن تُخْلَفَهُۥ ۖ وَٱنظُرْ إِلَىٰٓ إِلَٰهِكَ ٱلَّذِى ظَلْتَ عَلَيْهِ
عَاكِفًا ۖ لَّنُحَرِّقَنَّهُۥ ثُمَّ لَنَنسِفَنَّهُۥ فِى ٱلْيَمِّ نَسْفًا ﴿٩٧﴾ إِنَّمَآ
إِلَٰهُكُمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِى لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۚ وَسِعَ كُلَّ شَىْءٍ عِلْمًا ﴿٩٨﴾

88. Сўнгра (Сомирий уларни оловда эритиб) овозли бузоқ ҳайкалини (ясаб) чиқариб берди*. Кейин (Сомирий ва унинг шериклари): «Сизларнинг ҳам, Мусонинг ҳам илоҳи шу эди, бас, (Мусо уни) унутди (ва излаб бошқа ерга кетди)», – дедилар.

89. Ахир, унинг уларга сўз қайтара олмаслигини ва зиён ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмайдиларми?!

90. Ҳолбуки, (бузоққа сиғинишларидан) олдин Ҳорун уларга: «Эй, қавмим! Сизлар бу билан имтиҳон қилиндингиз. Шубҳа йўққи, сизларнинг Раббингиз Раҳмондир. Бас, менга эргашингиз ва амримга итоат қилингиз!», – деган эди.

91. Улар: «То бизга Мусо қайтмагунича, унга (маъбудага) сиғинишдан сира тинмаймиз», – деган эдилар.

92. (Мусо қайтиб келгач) деди: «Эй, Ҳорун! Уларнинг адашганларини кўрганингда (тўхтатиб қолишдан) сенга нима тўсқинлик қилди?!

93. Менинг ортимдан нега бормадинг? Амримга итоатсизлик қилдингми?!»

94. (Ҳорун) деди: «Эй, онамнинг ўғли! Сен менинг сочимдан ҳам, соқолимдан ҳам тутмагин! Мен (ортингдан борсам) «Менинг сўзимни кутмай, Исроил авлодини бўлиб юборибсан» дейишингдан қўрқдим».

95. (Сўнгра Мусо Сомирийга қараб): «Бу қилиғинг нимаси, эй, Сомирий?», – деди.

96. У айтди: «Мен улар кўрмаган нарсани кўрдим*. Бас, элчи (Жаброил)нинг изидан бир сиқим олиб, уни (бузоқнинг ҳайкалига) сочган эдим (ундан тирик бузоқ каби овоз чиқди). Нафсим ана шундай қилишни менга чиройли кўрсатди».

97. (Мусо) деди: «Бас, кет! Энди сен учун ҳаётда «(Менга) тега кўрманг!» дейишгина қолур*. Охиратда эса сен учун сира хилоф қилинмайдиган бир ваъда (азоб) бордир. Сен устидан жилмай сиғинаётган «илоҳинг» (ҳоли)ни кўриб қўй! Биз, албатта, уни ёндириб, сўнгра (кулини) денгизга сочиб юборурмиз».

98. Илоҳингиз Аллоҳдирки, ундан ўзга илоҳ йўқ, У ўз илми билан барча нарсани қамраб олгандир.

88-оят. Мусо (а.с.) қавми Мисрдан чиқаётганида бойликларини қибтийларга гаровга қўйиб, ўрнига уларнинг тилла-буюм, зеб-зийнатларини олган эдилар. Сомирий шу нарсаларни оловда эритиб, бузоқ ясаган ва Жаброил (а.с.) миниб келган отининг туёқлари изидан тупроқ олиб ҳайкал ичига солганида ундан овоз чиққан. Ширкка мойил халқ Мусо (а.с.) келгунича қирқ кун бузоққа сиғина бошлаган (Мд. Хз.)

96-оят. Кўрган нарсаси – Жаброил миниб келган отнинг туёғи теккан нарсага жон киргани эди.

97-оят. Яъни умринг охиригача яккамохов бўлиб яшайсан.

كَذَٰلِكَ نَقُصُّ عَلَيْكَ مِنْ أَنۢبَآءِ مَا قَدْ سَبَقَ ۚ وَقَدْ ءَاتَيْنَٰكَ مِن لَّدُنَّا
ذِكْرًا ﴿٩٩﴾ مَّنْ أَعْرَضَ عَنْهُ فَإِنَّهُۥ يَحْمِلُ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ وِزْرًا
﴿١٠٠﴾ خَٰلِدِينَ فِيهِ ۖ وَسَآءَ لَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ حِمْلًا ﴿١٠١﴾ يَوْمَ يُنفَخُ
فِى ٱلصُّورِ ۚ وَنَحْشُرُ ٱلْمُجْرِمِينَ يَوْمَئِذٍ زُرْقًا ﴿١٠٢﴾ يَتَخَٰفَتُونَ
بَيْنَهُمْ إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا عَشْرًا ﴿١٠٣﴾ نَّحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ إِذْ يَقُولُ
أَمْثَلُهُمْ طَرِيقَةً إِن لَّبِثْتُمْ إِلَّا يَوْمًا ﴿١٠٤﴾ وَيَسْـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلْجِبَالِ
فَقُلْ يَنسِفُهَا رَبِّى نَسْفًا ﴿١٠٥﴾ فَيَذَرُهَا قَاعًا صَفْصَفًا ﴿١٠٦﴾
لَّا تَرَىٰ فِيهَا عِوَجًا وَلَآ أَمْتًا ﴿١٠٧﴾ يَوْمَئِذٍ يَتَّبِعُونَ ٱلدَّاعِىَ
لَا عِوَجَ لَهُۥ ۖ وَخَشَعَتِ ٱلْأَصْوَاتُ لِلرَّحْمَٰنِ فَلَا تَسْمَعُ إِلَّا هَمْسًا
﴿١٠٨﴾ يَوْمَئِذٍ لَّا تَنفَعُ ٱلشَّفَٰعَةُ إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ ٱلرَّحْمَٰنُ وَرَضِىَ لَهُۥ
قَوْلًا ﴿١٠٩﴾ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِهِۦ
عِلْمًا ﴿١١٠﴾ ۞ وَعَنَتِ ٱلْوُجُوهُ لِلْحَىِّ ٱلْقَيُّومِ ۖ وَقَدْ خَابَ مَنْ
حَمَلَ ظُلْمًا ﴿١١١﴾ وَمَن يَعْمَلْ مِنَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَا
يَخَافُ ظُلْمًا وَلَا هَضْمًا ﴿١١٢﴾ وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَٰهُ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا
وَصَرَّفْنَا فِيهِ مِنَ ٱلْوَعِيدِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ أَوْ يُحْدِثُ لَهُمْ ذِكْرًا ﴿١١٣﴾

99. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга ўтиб кетган (авлод)лар хабарларидан шу тарзда сўзлаб берурмиз. Шунингдек, (Биз) Сизга ўз даргоҳимиздан зикр (Қуръон) келтирдик.

100. Ким ундан юз ўгирса, бас, албатта, у қиёмат кунида юк (гуноҳ)ни кўтарур.

101. Улар у юк (ости)да мангу қолурлар. У (юк) қиёмат кунида улар учун жуда ёмон юк бўлур.

102. (У) сур* чалинадиган кундир. У кунда Биз жиноятчиларни кўзлари (қўрқувдан) кўк (нурсиз) бўлиб қолган ҳолларида йиғурмиз.

103. Улар ўзаро шивирлашиб: «(Дунёда) ўн кунгина турдингиз» (дейдилар).

104. Биз уларни айтадиган сўзларини яхши билурмиз. Ўшанда уларнинг йўл-йўриққа чечан (доно)лари: «Бир кунгина турдингиз»,– дейди(лар).

105. (Эй, Муҳаммад!) Улар Сиздан тоғлар (қиёматда нима бўлиши) ҳақида сўрасалар, бас, айтинг: «Парвардигорим уларни (чанг-тўзон каби) сочиб юборур».

106. Сўнгра (Ерни) теп-текис қилиб қўяр.

107. Унда на эгрилик (пастлик) ва на баландликни кўрасиз.

108. У кунда (одамлар маҳшаргоҳга) чорловчи (фариштага) эгилмай-букилмай (сўзсиз) эргашурлар*. Овозлар ҳам Раҳмонга бўйин сунур, бас, фақат пичирлашнигина эшитурсиз.

109. У кунда шафоат (оқлов) фақат Раҳмон изн берган ва сўзидан У рози бўлган кишидан бошқага фойда бермас.

110. (У) улардан (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсаларни билур. Улар эса, Уни илм билан иҳота қила олмаслар. (Яъни Унинг моҳиятини била олмаслар)

111. Юзлар (инсонлар) тирик ва мангу турувчи (Аллоҳ)га таъзим қилурлар. Зулмни (ширкни) кўтариб келган киши, албатта, (охират нажотидан) ноумид бўлур.

112. Кимки мўмин бўлган ҳолда эзгу ишларни қилса, бас, у зулмдан (қилмаган гуноҳларга жавоб беришдан), камайишдан (савоби тўла берилмай қолишидан) ҳам хавфсирамас.

113. Шунингдек, Биз уни араб тилидаги Қуръон шаклида туширдик ва унда қўрқинчли ваъдаларни баён қилдик. Шоядки, улар (ширк ва куфрдан) сақлансалар ё (бу ваъдалар) уларда эслатма пайдо қилса.

102-оят. Сур – қиёмат олдидан Исрофил (а.с.) барча тирик жонни ўлдириш учун чаладиган ҳайвон шохи шаклидаги карнай. Биринчи чалганида ҳамма ўлади. Иккинчисида ҳамма тирилади. Бу ерда иккинчи чалишидир (Хз.).

108-оят. Исрофил (а.с.) Байтил-мақдисдаги муаллақ тош устига чиқиб: “Эй, чириган суяклар, терилар ва гўштлар, келинг Раҳмон ҳузурига!”, – дейди (Мд. Хз.).

فَتَعَٰلَى ٱللَّهُ ٱلْمَلِكُ ٱلْحَقُّ وَلَا تَعْجَلْ بِٱلْقُرْءَانِ مِن قَبْلِ أَن
يُقْضَىٰٓ إِلَيْكَ وَحْيُهُۥ وَقُل رَّبِّ زِدْنِى عِلْمًا ﴿١١٤﴾ وَلَقَدْ عَهِدْنَآ
إِلَىٰٓ ءَادَمَ مِن قَبْلُ فَنَسِىَ وَلَمْ نَجِدْ لَهُۥ عَزْمًا ﴿١١٥﴾ وَإِذْ قُلْنَا
لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِءَادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ أَبَىٰ
﴿١١٦﴾ فَقُلْنَا يَٰٓـَٔادَمُ إِنَّ هَٰذَا عَدُوٌّ لَّكَ وَلِزَوْجِكَ فَلَا يُخْرِجَنَّكُمَا
مِنَ ٱلْجَنَّةِ فَتَشْقَىٰٓ ﴿١١٧﴾ إِنَّ لَكَ أَلَّا تَجُوعَ فِيهَا وَلَا تَعْرَىٰ ﴿١١٨﴾
وَأَنَّكَ لَا تَظْمَؤُا۟ فِيهَا وَلَا تَضْحَىٰ ﴿١١٩﴾ فَوَسْوَسَ إِلَيْهِ
ٱلشَّيْطَٰنُ قَالَ يَٰٓـَٔادَمُ هَلْ أَدُلُّكَ عَلَىٰ شَجَرَةِ ٱلْخُلْدِ وَمُلْكٍ
لَّا يَبْلَىٰ ﴿١٢٠﴾ فَأَكَلَا مِنْهَا فَبَدَتْ لَهُمَا سَوْءَٰتُهُمَا وَطَفِقَا
يَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا مِن وَرَقِ ٱلْجَنَّةِ وَعَصَىٰٓ ءَادَمُ رَبَّهُۥ فَغَوَىٰ ﴿١٢١﴾
ثُمَّ ٱجْتَبَٰهُ رَبُّهُۥ فَتَابَ عَلَيْهِ وَهَدَىٰ ﴿١٢٢﴾ قَالَ ٱهْبِطَا مِنْهَا
جَمِيعًۢا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُم مِّنِّى هُدًى
فَمَنِ ٱتَّبَعَ هُدَاىَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَىٰ ﴿١٢٣﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن
ذِكْرِى فَإِنَّ لَهُۥ مَعِيشَةً ضَنكًا وَنَحْشُرُهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ
أَعْمَىٰ ﴿١٢٤﴾ قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِىٓ أَعْمَىٰ وَقَدْ كُنتُ بَصِيرًا ﴿١٢٥﴾

114. Ҳаққоний Подшоҳ бўлмиш Аллоҳ олий зотдир. (Эй, Муҳаммад!) Сизга (Қуръон) ваҳийси тугамай туриб, қироат қилишга шошманг ва айтинг: «Эй, Раббим! Менга илмни зиёда эт!»*

115. Биз илгари Одам билан (жаннатдаги бир дарахтга* яқинлашмаслиги ҳақида) аҳдлашган эдик, у (аҳдни) унутди ва Биз унда (Одамда) қатъиятни кўрмадик.

116. Эсланг, Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилингиз!», – дейишимиз билан сажда қилдилар, фақат иблис бош тортди.

117. Бас, айтдик: «Эй, Одам! Аниқки, бу (иблис) сенга ҳам, хотинингга ҳам душмандир. Бас, у икковингни жаннатдан зинҳор чиқармасинки, бахтсиз бўлиб қолурсан.

118. Шубҳасиз, сен у жойда (жаннатда) оч ва яланғоч ҳам қолмайсан.

119. Шунингдек, сен у жойда ташна ҳам бўлмайсан ва иссиқда ҳам қолмайсан».

120. Сўнгра шайтон унга васваса қилиб: «Эй, Одам! Мен сени абадият дарахти ва чиримас (йўқ бўлмас) мулкка бошлаб борайми?», – деди.

121. Бас, (Одам билан Ҳавво) ундан ейишлари билан авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Одам Парвардигорига осий бўлиб, янглишди.

122. Сўнгра Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва ҳидоятга йўллади.

123. (Аллоҳ) айтди: «Ундан (жаннатдан) ҳар иккингиз тушингиз. Бирингиз бирингизга душмандирсиз*. Бас, сизларга Мен (тараф)дан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас.

124. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз».

125. У: «Раббим! Нега мени кўр ҳолда тирилтирдинг, ахир (дунёда яшаган вақтимда) кўрувчи эдим-ку?!», – дейди.

114-оят. Жаброил (а.с.) келиб нозил бўлган оятларнинг ҳаммасини ўқиб бўлмасидан бурун Расул (а.с.) қироат қилишга бошлаганларида шу оят нозил бўлган. Яъни ўқиб турмасам ёд бўлмай қолади, деб қўрқманг, балки Мендан мустаҳкам ва баракали илм сўранг, деб Аллоҳ таоло дилларига таскин бермоқда (Лс.).

Мазкур оят мазмуни "Қиёмат" сурасининг 16, 17-оятларида бор.

115-оят. Тақиқланган дарахт – узум ё анжир ёки олма ёхуд буғдой экани ривоят қилинган.

123-оят. Яъни сиз иккингиз (Одам билан Ҳавво) шайтонга, шайтон эса, иккингизга душмандир (Тб.).

Одам билан Ҳавво ва уларнинг зурриётига Иблис ва унинг зурриёти қиёматгача душманлик қилиб, ҳидоят йўлидан чалғитишга ҳаракат қиладилар (ИК).

قَالَ كَذَٰلِكَ أَتَتْكَ ءَايَٰتُنَا فَنَسِيتَهَا ۖ وَكَذَٰلِكَ ٱلْيَوْمَ تُنسَىٰ ١٢٦ وَكَذَٰلِكَ
نَجْزِى مَنْ أَسْرَفَ وَلَمْ يُؤْمِنۢ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِۦ ۚ وَلَعَذَابُ ٱلْءَاخِرَةِ أَشَدُّ
وَأَبْقَىٰٓ ١٢٧ أَفَلَمْ يَهْدِ لَهُمْ كَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُم مِّنَ ٱلْقُرُونِ يَمْشُونَ
فِى مَسَٰكِنِهِمْ ۗ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّأُو۟لِى ٱلنُّهَىٰ ١٢٨ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ
سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ لَكَانَ لِزَامًا وَأَجَلٌ مُّسَمًّى ١٢٩ فَٱصْبِرْ عَلَىٰ
مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ ٱلشَّمْسِ وَقَبْلَ غُرُوبِهَا ۖ
وَمِنْ ءَانَآئِ ٱلَّيْلِ فَسَبِّحْ وَأَطْرَافَ ٱلنَّهَارِ لَعَلَّكَ تَرْضَىٰ ١٣٠ وَلَا
تَمُدَّنَّ عَيْنَيْكَ إِلَىٰ مَا مَتَّعْنَا بِهِۦٓ أَزْوَٰجًا مِّنْهُمْ زَهْرَةَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا
لِنَفْتِنَهُمْ فِيهِ ۚ وَرِزْقُ رَبِّكَ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ ١٣١ وَأْمُرْ أَهْلَكَ بِٱلصَّلَوٰةِ
وَٱصْطَبِرْ عَلَيْهَا ۖ لَا نَسْـَٔلُكَ رِزْقًا ۖ نَّحْنُ نَرْزُقُكَ ۗ وَٱلْعَٰقِبَةُ لِلتَّقْوَىٰ
١٣٢ وَقَالُوا۟ لَوْلَا يَأْتِينَا بِـَٔايَةٍ مِّن رَّبِّهِۦٓ ۚ أَوَلَمْ تَأْتِهِم بَيِّنَةُ مَا فِى
ٱلصُّحُفِ ٱلْأُولَىٰ ١٣٣ وَلَوْ أَنَّآ أَهْلَكْنَٰهُم بِعَذَابٍ مِّن قَبْلِهِۦ
لَقَالُوا۟ رَبَّنَا لَوْلَآ أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا رَسُولًا فَنَتَّبِعَ ءَايَٰتِكَ مِن
قَبْلِ أَن نَّذِلَّ وَنَخْزَىٰ ١٣٤ قُلْ كُلٌّ مُّتَرَبِّصٌ فَتَرَبَّصُوا۟ ۖ
فَسَتَعْلَمُونَ مَنْ أَصْحَٰبُ ٱلصِّرَٰطِ ٱلسَّوِىِّ وَمَنِ ٱهْتَدَىٰ ١٣٥

126. (Аллоҳ) айтур: «Шундай. (Лекин) сенга Бизнинг оятларимиз келганида, уларни унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай «унутилурсан».

127. Ҳаддан ошган ва Парвардигорининг оятларига имон келтирмаганларни мана шундай жазолагаймиз. Охират азоби эса, шубҳасиз, (бундан-да) қаттиқроқ ва боқийроқдир.

128. Улардан илгари ҳам масканларида (яшаб) юрган қанча авлодларни (куфрлари сабабли) ҳалок қилганимиз уларни тўғри йўлга солмадими?! Албатта, бунда ақл эгалари учун аломатлар бордир.

129. Агар Раббингиз (томони)дан (мукофот ва жазолар охиратда бўлиши хусусида) лафз* ва белгиланган муддат (қиёмат) бўлмаганида эди, албатта, (уларга дарҳол азоб берилиши) лозим эди.

130. Бас, (эй, Муҳаммад!) Улар айтаётган сўзларга сабр қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Раббингизга ҳамд билан (Унга) тасбеҳ айтинг (намоз ўқинг)! Кеча(нинг боши ва охирги) вақтларида ҳамда кундуз(нинг аввалги ва охирги) тарафларида ҳам тасбеҳ айтинг (намоз ўқинг), шояд розиликка эришсангиз*.

131. Сиз (кофирлардан айрим) тоифаларни синашимиз учун баҳраманд қилган дунё ҳаёти гўзалликларидан иборат нарсаларга кўзларингизни термултирманг!* Раббингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир.

132. Аҳлингизни намоз (ўқиш)га буюринг ва (ўзингиз ҳам) унга (намозга) бардошли бўлинг! Сиздан ризқ сўрамаймиз, (аксинча), Биз сизга ризқ берурмиз. Оқибат (яхшилиги) тақво (аҳли)гадир.

133. (Мушриклар: «Муҳаммад) Парвардигори томонидан бизларга бирор ҳужжат келтирса эди», – дейдилар. Ахир, уларга илгариги саҳифалардаги (илоҳий китобларда башорат берилган) ҳужжат (Қуръон) келмадими?!

134. Агар Биз уларни ундан (Муҳаммад ёки Қуръондан) илгари бирор азоб билан ҳалок қилганимизда, улар, албатта: «Парвардигоро, бизларга бирор пайғамбар юборганингда эди, бизлар хор-зор ва шарманда бўлмай Сенинг оятларингга эргашар эдик», – деган бўлур эдилар.

135. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Барча(миз) кутувчидир(миз). Бас, кутаверингиз! Яқинда (қиёматда) кимлар Тўғри йўл эгалари ва кимлар ҳидоят топганини билурсиз».

129-оят. Оятдаги “лафз”дан мурод Лавҳул-маҳфузда ёзиб қўйилган тақдирдир. Яъни Муҳаммад умматига азобни кечиктиришим ҳақида лафз қилиб қўймаганимда ва қиёмат куни учун белгиланган муддат бўлмаганида жазони тезлатар эдим, деб огоҳлантирмоқда. Ҳадисда: “Жаннатда фақат “Тоҳо” ва “Ёсин” сураларини тиловат қилурлар” (Мд.).

130-оят. Оятда беш вақт намоз вақтлари кўрсатилган.

131-оят. Оятдаги тақиқ Муҳаммад (а.с.)га хос бўлмай, у барчага тааллуқлидир. Хувайдо (қ.с.) айтганларидек: “Бу дунё сижни мўмин, жаннати кофир”дир.



ЎН ЕТТИНЧИ ПОРА

Анбиё сураси

Маккада нозил қилинган. 112 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Одамларга ҳисобот (кун)лари (қиёмат) яқинлашиб қолди. Улар ҳануз ғафлатда, (имон ва амалдан) юз ўгирувчидирлар.

2. Уларга Парвардигорлари (томони)дан бирор янги эслатма (оят) келса, уни, албатта, ўйнаб (масхаралаб) туриб тинглайдилар.

3. Диллари эса ғофилдир. Золим (кофир)лар: «Бу (Муҳаммад) ўзларингизга ўхшаган бир одам-ку! Кўриб туриб, сеҳрга (алданиш учун) келаверасизми?!», – (деб) ўзаро шивирлашди.

4. (Шунда Муҳаммад) айтди: «Раббим осмону заминдаги (ҳар бир) сўзни билур. У эшитувчи ва билувчидир».

5. «Балки, – дедилар улар. – (Муҳаммад ваҳий деб даъво қилаётган сўзлар) – алғов-далғов тушлардир, балки уни ўзи тўқиб олгандир, балки у шоирдир. Бўлмаса, у ҳам илгари юборилган пайғамбарлар каби бирор мўъжиза келтирсин!»

6. Улардан олдин Биз ҳалок қилган бирор шаҳар (аҳолиси) имон келтирган эмас, бас, улар (Макка аҳли) имон келтирармиди?!

7. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сиздан илгари ҳам фақат эркакларни ўзимиз ваҳий қилган ҳолда (пайғамбар этиб) юборганмиз. Бас, (эй, Макка аҳли!) Агар билмайдиган бўлсангиз, (Таврот, Инжилни биладиган) зикр аҳлидан сўрангиз!*

8. Биз у (пайғамбар)ларни таом емайдиган бир жасад қилган эмасмиз ва улар мангу ҳаёт кечирувчи ҳам эмас эдилар.

9. Сўнгра (берган) ваъдамизга вафо қилиб, у (пайғамбар)ларга Ўзимиз хоҳлаган имонли кишилар билан бирга нажот берганмиз ва ҳаддан ошувчиларни ҳалок қилганмиз.

10. Дарҳақиқат, сизларга Китоб (Қуръон) нозил қилдик. Унда сизларнинг зикрингиз бордир. (Буни) англамайсизми?!

---

21. АНБИЁ СУРАСИ

Анбиё – пайғамбарлар. Сурада Аллоҳнинг ягоналигига ақлий далиллар, барча мавжудотлар Аллоҳнинг ҳикмати ва қудрати билан яратилгани, ақоид ва ибодатга доир оятлар, шунингдек, Идрис, Нуҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Лут, Довуд, Сулаймон, Айюб, Зул-Кифл, Зуннун (Юнус), Закариё ва Исо (а.с.)лар тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

7-оят. Макка мушриклари Муҳаммад (а.с.)га имон келтирмаган аҳли китобларга кўпроқ ишонар эдилар. Аҳли китоблар олдинги ўтган пайғамбарлар башар жинсидан бўлганини инкор этмас эдилар. “Зикр аҳли”дан Қуръон аҳли мурод қилинган деган тафсир ҳам бор (Бғ. Хз.).

وَكَمْ قَصَمْنَا مِن قَرْيَةٍ كَانَتْ ظَالِمَةً وَأَنشَأْنَا بَعْدَهَا قَوْمًا
ءَاخَرِينَ ﴿١١﴾ فَلَمَّآ أَحَسُّواْ بَأْسَنَآ إِذَا هُم مِّنْهَا يَرْكُضُونَ ﴿١٢﴾
لَا تَرْكُضُواْ وَٱرْجِعُوٓاْ إِلَىٰ مَآ أُتْرِفْتُمْ فِيهِ وَمَسَٰكِنِكُمْ لَعَلَّكُمْ
تُسْـَٔلُونَ ﴿١٣﴾ قَالُواْ يَٰوَيْلَنَآ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿١٤﴾ فَمَا زَالَت تِّلْكَ
دَعْوَىٰهُمْ حَتَّىٰ جَعَلْنَٰهُمْ حَصِيدًا خَٰمِدِينَ ﴿١٥﴾ وَمَا خَلَقْنَا
ٱلسَّمَآءَ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا لَٰعِبِينَ ﴿١٦﴾ لَوْ أَرَدْنَآ أَن نَّتَّخِذَ لَهْوًا
لَّٱتَّخَذْنَٰهُ مِن لَّدُنَّآ إِن كُنَّا فَٰعِلِينَ ﴿١٧﴾ بَلْ نَقْذِفُ بِٱلْحَقِّ
عَلَى ٱلْبَٰطِلِ فَيَدْمَغُهُۥ فَإِذَا هُوَ زَاهِقٌ وَلَكُمُ ٱلْوَيْلُ مِمَّا تَصِفُونَ
﴿١٨﴾ وَلَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَنْ عِندَهُۥ لَا يَسْتَكْبِرُونَ
عَنْ عِبَادَتِهِۦ وَلَا يَسْتَحْسِرُونَ ﴿١٩﴾ يُسَبِّحُونَ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ
لَا يَفْتُرُونَ ﴿٢٠﴾ أَمِ ٱتَّخَذُوٓاْ ءَالِهَةً مِّنَ ٱلْأَرْضِ هُمْ يُنشِرُونَ
﴿٢١﴾ لَوْ كَانَ فِيهِمَآ ءَالِهَةٌ إِلَّا ٱللَّهُ لَفَسَدَتَا فَسُبْحَٰنَ ٱللَّهِ رَبِّ ٱلْعَرْشِ
عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٢٢﴾ لَا يُسْـَٔلُ عَمَّا يَفْعَلُ وَهُمْ يُسْـَٔلُونَ ﴿٢٣﴾ أَمِ
ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً قُلْ هَاتُواْ بُرْهَٰنَكُمْ هَٰذَا ذِكْرُ مَن مَّعِىَ
وَذِكْرُ مَن قَبْلِى بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ٱلْحَقَّ فَهُم مُّعْرِضُونَ ﴿٢٤﴾

11. Қанчалаб золим қишлоқ (аҳли)ни ҳалок қилдик ва уларнинг ортидан бошқа қавмларни пайдо қилдик.

12. Бас, қачонки, улар азобимиз (келиши)ни сезиб қолишгач, бирданига у жойдан қочиб қолурлар.

13. (Шу пайт фаришталар): «Қочмангиз, маишатга ботган жойларингизга, ўз масканларингизга қайтингиз, балким сўроқ қилинурсиз!», – (деганларида):

14. (Улар ўзаро): «Эй, ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар золим эканмиз», – дедилар.

15. Бас, то Биз уларни (гиёҳ каби) ўрилган, (олов каби) ўчган (ўлган) ҳолга келтиргунимизча шу (ҳол) уларнинг даъво (фарёд)лари сифатида давом этди.

16. Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни (шунчаки) ўйнаб (беҳуда) яратганимиз йўқ.

17. Борди-ю, ўйин-кулги қилишни (хотин ва фарзанд орттиришни) истаб (шундай) қилувчи бўлганимизда ҳам уни ўз ҳузуримиздан (яъни фаришталардан ёки жаннат ҳурларидан) қилган бўлур эдик.

18. Йўқ, (Биз) Ҳақ (Қуръон)ни ботил (жаҳолат)нинг устига ташлаймиз, бас, уни эзиб юборгач, бехос (ботил) йўқ бўлур. Сизларга эса (эй, мушриклар! Аллоҳнинг бундай) сифатлаганингиз сабабли ҳолингизга вой!

19. Осмонлар ва Ердаги борлиқ Уникидир. Унинг ҳузуридаги зотлар (фаришталар) Унинг ибодатидан орланмайдилар ва чарчамайдилар ҳам.

20. Улар туну кун сусткашлик қилмасдан (Аллоҳга) тасбеҳ айтадилар.

21. Ёки улар (мушриклар) ердан (тош, ёғочлардан ўликларни) тирилтира оладиган «илоҳларни» ясаб олибдиларми?!

22. Агар иккиси (Ер ва осмон)да Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетган бўлур эди*. Бас, Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир.

23. У ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида жавобгар эмас, балки улар (Аллоҳнинг олдида бандалар) жавобгардирлар.

24. Ёки Уни қўйиб (бошқа) «илоҳ»ларни ўзлаштирдиларми?! (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Ҳужжатингизни келтиринг! Мана шу мен билан бирга бўлган (мўминларнинг) эслатмаси (Қуръон) ва мендан аввалгиларнинг эслатмалари (Таврот, Инжил). Йўқ, уларнинг аксарияти Ҳақиқатни билмай туриб, (Тавҳид ва итоатдан) юз ўгирувчилардир».

22-оят. Аллоҳ таолога шерик бўлиши ақлан ҳам мумкин эмаслиги баён этилмоқда. Мабодо бошқа илоҳлар бўлганида ўзаро келиша олмай Еру осмонлар вайронага айланган бўлур эди.

وَمَآ أَرۡسَلۡنَا مِن قَبۡلِكَ مِن رَّسُولٍ إِلَّا نُوحِيٓ إِلَيۡهِ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ
إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعۡبُدُونِ ٢٥ وَقَالُواْ ٱتَّخَذَ ٱلرَّحۡمَٰنُ وَلَدٗاۗ سُبۡحَٰنَهُۥۚ
بَلۡ عِبَادٞ مُّكۡرَمُونَ ٢٦ لَا يَسۡبِقُونَهُۥ بِٱلۡقَوۡلِ وَهُم
بِأَمۡرِهِۦ يَعۡمَلُونَ ٢٧ يَعۡلَمُ مَا بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَمَا خَلۡفَهُمۡ
وَلَا يَشۡفَعُونَ إِلَّا لِمَنِ ٱرۡتَضَىٰ وَهُم مِّنۡ خَشۡيَتِهِۦ مُشۡفِقُونَ
٢٨ ۞ وَمَن يَقُلۡ مِنۡهُمۡ إِنِّيٓ إِلَٰهٞ مِّن دُونِهِۦ فَذَٰلِكَ نَجۡزِيهِ
جَهَنَّمَۚ كَذَٰلِكَ نَجۡزِي ٱلظَّٰلِمِينَ ٢٩ أَوَلَمۡ يَرَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ
أَنَّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ كَانَتَا رَتۡقٗا فَفَتَقۡنَٰهُمَاۖ وَجَعَلۡنَا
مِنَ ٱلۡمَآءِ كُلَّ شَيۡءٍ حَيٍّۚ أَفَلَا يُؤۡمِنُونَ ٣٠ وَجَعَلۡنَا فِي ٱلۡأَرۡضِ
رَوَٰسِيَ أَن تَمِيدَ بِهِمۡ وَجَعَلۡنَا فِيهَا فِجَاجٗا سُبُلٗا لَّعَلَّهُمۡ
يَهۡتَدُونَ ٣١ وَجَعَلۡنَا ٱلسَّمَآءَ سَقۡفٗا مَّحۡفُوظٗاۖ وَهُمۡ عَنۡ
ءَايَٰتِهَا مُعۡرِضُونَ ٣٢ وَهُوَ ٱلَّذِي خَلَقَ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَ وَٱلشَّمۡسَ
وَٱلۡقَمَرَۖ كُلّٞ فِي فَلَكٖ يَسۡبَحُونَ ٣٣ وَمَا جَعَلۡنَا لِبَشَرٖ مِّن قَبۡلِكَ
ٱلۡخُلۡدَۖ أَفَإِيْن مِّتَّ فَهُمُ ٱلۡخَٰلِدُونَ ٣٤ كُلُّ نَفۡسٖ ذَآئِقَةُ
ٱلۡمَوۡتِۗ وَنَبۡلُوكُم بِٱلشَّرِّ وَٱلۡخَيۡرِ فِتۡنَةٗۖ وَإِلَيۡنَا تُرۡجَعُونَ ٣٥

25. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан илгари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менга ибодат қилингиз!», – деб ваҳий юборгандирмиз.

26. Улар (яъни мушриклар): «Раҳмоннинг (фаришталардан) боласи бор», – дейдилар*. У эса бундан мутлақо покдир! Йўқ, (фаришталар) мукаррам бандалардир.

27. (Фаришталар) Ундан илгари бирор сўз айтмайдилар. Улар (Аллоҳнинг) амри билангина иш қилурлар.

28. (У) улардан (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсаларни билур. Улар фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қилурлар. Уларнинг (ўзлари) Ундан хавфсираб қўрқиб турурлар.

29. Улардан қайси бири: «Мен ҳам (Аллоҳдан) ўзга бир илоҳман», деса, бас, Биз ўшани жаҳаннам билан жазолаймиз. Барча золимларни ана шундай жазолаймиз.

30. Кофир бўлганлар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, бас, Биз уларни ёриб юборганимизни ва барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам имон келтирмайдиларми?!*

31. Ер уларни (одамларни) тебратмаслиги учун унда тоғларни (пайдо) қилдик ва йўл топиб юришлари учун унда кенг дара ва йўлларни пайдо қилдик.

32. Осмонни сақланиб турувчи том қилиб қўйдик. Улар (мушриклар) эса, уларнинг аломатларидан юз ўгирувчидирлар.

33. У кеча ва кундузни, қуёш ва ойни яратган зотдир. (Бу иккисининг) ҳар бири фалакда сузиб юрар.

34. (Эй, Муҳаммад!) Биз сиздан аввал бирор одамзотга мангу ҳаёт берган эмасмиз – Сиз ўладигану, улар мангу қолувчиларми?!

35. Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Биз сизларни ёмонлик билан ҳам, яхшилик билан ҳам синаб, имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизнинг ҳузуримизгагина қайтарилурсиз.

26-оят. Йирик араб қабилаларидан Азд қабиласидан ажраб чиққан Хузоа номли кичик қабила кишилари фаришталар Аллоҳнинг қизлари, деган бузуқ ақидада бўлганлар (Мд.).

30-оят. Суфён Саврий (рҳ.) айтади: “Ибн Аббос (рз.) сўзига кўра, Ер билан осмонлар илк яратилган пайтда яхлит бўлган. Бинобарин, қоронғулик ёруғликдан олдин яратилган бўлади. Осмондан ёмғир ёғмас, Ер гиёҳ кўкартирмас эди. Ерда инсонларни яратишни ирода қилгач, Аллоҳ яхлит турган мавжудотдан етти қават осмон ва етти қават ерни ажратиб қўйгач, ораларида ҳаво пайдо бўлди” (ИК).

Имом Қуртубий (рҳ.) мазкур оят тафсирида Ер ва осмонларнинг яратилиши ҳамда уларнинг сирсиноатлари ҳақида ғаройиб маълумотларни келтирган.

36. (Эй, Муҳаммад!) Кофир бўлганлар Сизни кўрганларида фақат (бир-бирларига Сизни кўрсатишиб): «Илоҳларингизни айблайдиган кимса мана шуми?» – деб масхара қилишади*. Ҳолбуки, уларнинг ўзлари Раҳмоннинг зикри (Қуръон)ни инкор этувчилардир.

37. (Ҳақиқатан) инсон шошқалоқ қилиб яратилгандир*. Яқинда Мен сизларга ўз аломатларимни кўрсатурман. Бас, (Ўзим ирода этгунумга қадар) Мени шошилтирмангиз!

38. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз (айтингчи), мана шу (қиёмат тўғрисидаги) ваъда қачон бўлади?», – дерлар.

39. Агар кофир бўлганлар на олдиларидан ва на ортларидан оловни тўса олмай қолишадиган, уларга ёрдам берилмайдиган вақтни (қиёмат куни шиддатини) билсалар эди, (бу сўзларни айтмаган бўлур эдилар).

40. Йўқ, (қиёмат) тўсатдан келиб, уларни ҳайрону лол қилиб қўяр, бас, уни қайтаришга кучлари етмас, уларга (тавба қилиб, имон келтириш учун) муҳлат ҳам берилмас.

41. (Эй, Муҳаммад!) Аниқки, Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам масхара қилинган. Бас, уларнинг устидан кулган кимсаларни ўзлари масхара қилган нарсалари (Аллоҳнинг азоби) қамраб олгандир.

42. Айтинг: «Тунда ва кундузи сизларни Раҳмон (азоби)дан ким сақлай олур?!» Йўқ, улар Парвардигорлари зикридан (тавҳид ва Қуръондан) юз ўгирувчилардир.

43. Ёки улар учун Биздан ўзга ҳимоя қиладиган «илоҳлар» борми?! Улар ўзларига ёрдам қилишга ҳам қодир эмаслар ва улар Биз (томон)дан ҳам ҳимоя қилинмаслар.

وَإِذَا رَءَاكَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ إِن يَتَّخِذُونَكَ إِلَّا هُزُوًا
أَهَٰذَا ٱلَّذِي يَذۡكُرُ ءَالِهَتَكُمۡ وَهُم بِذِكۡرِ ٱلرَّحۡمَٰنِ
هُمۡ كَٰفِرُونَ ٣٦ خُلِقَ ٱلۡإِنسَٰنُ مِنۡ عَجَلٖۚ سَأُوْرِيكُمۡ
ءَايَٰتِي فَلَا تَسۡتَعۡجِلُونِ ٣٧ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلۡوَعۡدُ
إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ٣٨ لَوۡ يَعۡلَمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ حِينَ
لَا يَكُفُّونَ عَن وُجُوهِهِمُ ٱلنَّارَ وَلَا عَن ظُهُورِهِمۡ وَلَا
هُمۡ يُنصَرُونَ ٣٩ بَلۡ تَأۡتِيهِم بَغۡتَةٗ فَتَبۡهَتُهُمۡ فَلَا
يَسۡتَطِيعُونَ رَدَّهَا وَلَا هُمۡ يُنظَرُونَ ٤٠ وَلَقَدِ ٱسۡتُهۡزِئَ
بِرُسُلٖ مِّن قَبۡلِكَ فَحَاقَ بِٱلَّذِينَ سَخِرُواْ مِنۡهُم مَّا كَانُواْ بِهِۦ
يَسۡتَهۡزِءُونَ ٤١ قُلۡ مَن يَكۡلَؤُكُم بِٱلَّيۡلِ وَٱلنَّهَارِ مِنَ
ٱلرَّحۡمَٰنِۚ بَلۡ هُمۡ عَن ذِكۡرِ رَبِّهِم مُّعۡرِضُونَ ٤٢ أَمۡ
لَهُمۡ ءَالِهَةٞ تَمۡنَعُهُم مِّن دُونِنَاۚ لَا يَسۡتَطِيعُونَ نَصۡرَ
أَنفُسِهِمۡ وَلَا هُم مِّنَّا يُصۡحَبُونَ ٤٣ بَلۡ مَتَّعۡنَا هَٰٓؤُلَآءِ
وَءَابَآءَهُمۡ حَتَّىٰ طَالَ عَلَيۡهِمُ ٱلۡعُمُرُۗ أَفَلَا يَرَوۡنَ أَنَّا نَأۡتِي
ٱلۡأَرۡضَ نَنقُصُهَا مِنۡ أَطۡرَافِهَآۚ أَفَهُمُ ٱلۡغَٰلِبُونَ ٤٤

44. Йўқ, Биз уларни (кофирларни) ва ота-боболарини (дунё матоҳларидан шундай) фойдалантирдикки, ҳатто, уларга умр узун кўринди. Ахир, улар Биз ерни атрофидан камайтириб келаётганимизни (куфр дунёси қисқариб бораётганини) кўрмайдиларми?! Бас, (Бизми ёки) улар ғолибми?!

36-оят. Ушбу оят Расул (а.с.)нинг ёнларидан Абу Жаҳл ўтиб кетаётганида: “Абдуманоф авлодидан чиққан пайғамбар шуми?”, – деб истеҳзоли кулиб гапиргани сабабли нозил қилинган (Мд. Хз.).

37-оят. Оятнинг бошқача тафсири ҳам бор. Масалан, Одам (а.с.)ни Аллоҳ таоло жума кунининг охирги қисмида қуёш ботмасдан олдинроқ оз муддатда шошилинч яратган. Шунинг учун инсон зоти аслига тортиб ҳамма ишда шошқалоқлик қилаверади.

Мужоҳид (рҳ.) сўзига кўра, Одам (а.с.)нинг танаси яратилгач, кўзларига ва тилига жон кириши биланоқ, оёқларига жон киришга улгурмай туриб: “Эй, Раббим! Мени тезроқ, қуёш ботмай туриб тамомла!”, – деган экан (Тб.).

قُلْ إِنَّمَآ أُنذِرُكُم بِٱلْوَحْيِ ۚ وَلَا يَسْمَعُ ٱلصُّمُّ ٱلدُّعَآءَ إِذَا
مَا يُنذَرُونَ ﴿٤٥﴾ وَلَئِن مَّسَّتْهُمْ نَفْحَةٌ مِّنْ عَذَابِ رَبِّكَ
لَيَقُولُنَّ يَٰوَيْلَنَآ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿٤٦﴾ وَنَضَعُ ٱلْمَوَٰزِينَ
ٱلْقِسْطَ لِيَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْـًٔا ۖ وَإِن كَانَ
مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِّنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا ۗ وَكَفَىٰ بِنَا حَٰسِبِينَ
﴿٤٧﴾ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ٱلْفُرْقَانَ وَضِيَآءً وَذِكْرًا
لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٨﴾ ٱلَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِٱلْغَيْبِ وَهُم مِّنَ
ٱلسَّاعَةِ مُشْفِقُونَ ﴿٤٩﴾ وَهَٰذَا ذِكْرٌ مُّبَارَكٌ أَنزَلْنَٰهُ ۚ أَفَأَنتُمْ لَهُۥ
مُنكِرُونَ ﴿٥٠﴾ ۞ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَآ إِبْرَٰهِيمَ رُشْدَهُۥ مِن قَبْلُ وَكُنَّا
بِهِۦ عَٰلِمِينَ ﴿٥١﴾ إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِۦ مَا هَٰذِهِ ٱلتَّمَاثِيلُ ٱلَّتِىٓ
أَنتُمْ لَهَا عَٰكِفُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا۟ وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا لَهَا عَٰبِدِينَ ﴿٥٣﴾
قَالَ لَقَدْ كُنتُمْ أَنتُمْ وَءَابَآؤُكُمْ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٥٤﴾ قَالُوٓا۟
أَجِئْتَنَا بِٱلْحَقِّ أَمْ أَنتَ مِنَ ٱللَّٰعِبِينَ ﴿٥٥﴾ قَالَ بَل رَّبُّكُمْ رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ٱلَّذِى فَطَرَهُنَّ وَأَنَا۠ عَلَىٰ ذَٰلِكُم مِّنَ ٱلشَّٰهِدِينَ
﴿٥٦﴾ وَتَٱللَّهِ لَأَكِيدَنَّ أَصْنَٰمَكُم بَعْدَ أَن تُوَلُّوا۟ مُدْبِرِينَ ﴿٥٧﴾

45. Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан огоҳлантирурман. (Лекин) «карлар» огоҳлантирилаётган вақтларида даъватни (қабул қилиш учун) эшитмайдилар».

46. Қасамки, агар уларга Раббингизнинг азобидан андак етса, албатта, улар: «Ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар (ўзимизга) золим эканмиз», – деб қолурлар.

47. Биз қиёмат куни учун адолатли тарозилар қўюрмиз, бас, бирор жонга заррача зулм қилинмас*. Агар хантал (ўсимлиги) уруғидек (яхши ёки ёмон амали) бўлса ҳам, ўшани келтирурмиз! Биз ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчидирмиз.

48. Дарҳақиқат, Биз Мусо ва Ҳорунга Фурқон (Таврот), зиё ва тақводор кишилар учун эслатма ато этдик.

49. Улар Парвардигорларидан ғойибона қўрқурлар ва қиёматдан ҳам улар хавфсираб турувчилардир.

50. Бу (Қуръон) Биз нозил қилган муборак эслатмадир. Ҳали сиз уни инкор қилувчимисиз?!

51. Дарҳақиқат, Биз (Мусодан) илгари Иброҳимга тўғри йўлни ато этдик. Биз уни билувчимиз.

52. Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: «Сизлар доимо сиғинадиган бу ҳайкаллар нимадир?!», – *деди*.

53. (Улар) айтдилар: «Бизлар ота-боболаримизни уларга сиғинган ҳолда топганмиз».

54. (У) *деди*: «Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансиз».

55. (Улар) айтдилар: «Бизга ҳақ нарсани келтирдингми ёки сен ўйин қилувчиларданмисан?»

56. (У) *деди*: «Йўқ! Сизларнинг Раббингиз (бутлар эмас, балки) осмонлар ва Ернинг Парвардигорики, уларни ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик берувчилардандирман.

57. Аллоҳ номига қасамки, сизлар ўгирилиб (байрамга) кетганларингиздан кейин бутларингизга макр (ҳужум) қилурман».

47-оят. Довуд (а.с.) Аллоҳдан қиёмат тарозусини бир кўрсатишни сўраган экан. Кўрса, ҳар бир палласи машриқдан мағрибгача эмиш. Ҳайратдан эси оғиб қолибди. Ҳушига келгач, Аллоҳдан: “Раббим, бундай катта паллани ким ўз савоблари билан тўлдира олади?”, – деб сўрабди. Жавобига Аллоҳ: “Эй, Довуд, агар мен бандамдан рози бўлсам, у садақа қилган бир дона хурмо билан ҳам савоб палласини тўлдириб қўяман”, – деган экан. Шунга кўра, инсоннинг қилган амалларини вазн билан ўлчашнинг икки йўли бор: Бири – амал ёзилган номаи аъмол саҳифалари тортилади. Иккинчиси – савоблари оқ жавоҳирларга, гуноҳлари қора жавоҳирларга айлантирилиб тортилади. Кофир ва мушрикларнинг амаллари тарозуда тортилмайди (Хз.)

فَجَعَلَهُمْ جُذَٰذًا إِلَّا كَبِيرًا لَّهُمْ لَعَلَّهُمْ إِلَيْهِ يَرْجِعُونَ
﴿٥٨﴾ قَالُوا۟ مَن فَعَلَ هَٰذَا بِـَٔالِهَتِنَآ إِنَّهُۥ لَمِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٩﴾
قَالُوا۟ سَمِعْنَا فَتًى يَذْكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُۥٓ إِبْرَٰهِيمُ ﴿٦٠﴾ قَالُوا۟ فَأْتُوا۟ بِهِۦ
عَلَىٰٓ أَعْيُنِ ٱلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَشْهَدُونَ ﴿٦١﴾ قَالُوٓا۟ ءَأَنتَ فَعَلْتَ
هَٰذَا بِـَٔالِهَتِنَا يَٰٓإِبْرَٰهِيمُ ﴿٦٢﴾ قَالَ بَلْ فَعَلَهُۥ كَبِيرُهُمْ
هَٰذَا فَسْـَٔلُوهُمْ إِن كَانُوا۟ يَنطِقُونَ ﴿٦٣﴾ فَرَجَعُوٓا۟ إِلَىٰٓ
أَنفُسِهِمْ فَقَالُوٓا۟ إِنَّكُمْ أَنتُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٦٤﴾ ثُمَّ نُكِسُوا۟ عَلَىٰ
رُءُوسِهِمْ لَقَدْ عَلِمْتَ مَا هَٰٓؤُلَآءِ يَنطِقُونَ ﴿٦٥﴾ قَالَ
أَفَتَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَنفَعُكُمْ شَيْـًٔا وَلَا
يَضُرُّكُمْ ﴿٦٦﴾ أُفٍّ لَّكُمْ وَلِمَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَفَلَا
تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾ قَالُوا۟ حَرِّقُوهُ وَٱنصُرُوٓا۟ ءَالِهَتَكُمْ إِن كُنتُمْ
فَٰعِلِينَ ﴿٦٨﴾ قُلْنَا يَٰنَارُ كُونِى بَرْدًا وَسَلَٰمًا عَلَىٰٓ إِبْرَٰهِيمَ ﴿٦٩﴾
وَأَرَادُوا۟ بِهِۦ كَيْدًا فَجَعَلْنَٰهُمُ ٱلْأَخْسَرِينَ ﴿٧٠﴾ وَنَجَّيْنَٰهُ
وَلُوطًا إِلَى ٱلْأَرْضِ ٱلَّتِى بَٰرَكْنَا فِيهَا لِلْعَٰلَمِينَ ﴿٧١﴾ وَوَهَبْنَا
لَهُۥٓ إِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ نَافِلَةً وَكُلًّا جَعَلْنَا صَٰلِحِينَ ﴿٧٢﴾

58. Бас, у (бутларни) парчалаб ташлади. Фақат, «(мушриклар бутларнинг) каттасига мурожаат қилсинлар» (деб) ўшанигина (қолдирди).

59. Улар (қайтиб келиб): «Бизнинг илоҳларимизни ким бундай қилди? (Ким бўлса ҳам) у золимлардан экан», – дедилар.

60. Улар (айримлари) айтишди: «Уларни гапириб (айблаб) юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик».

61. (Шунда уларнинг катталари): «Уни одамлар олдига келтирингиз, шояд, улар гувоҳ бўлишса», – дейишди.

62. (Уни келтиришгач): «Илоҳларимизни сен шундай қилдингми, эй, Иброҳим?», – деб (сўрашди).

63. (Иброҳим) айтди: «Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси – мана бу (ҳайкал) қилди. Бас, улардан сўрангиз, башарти гапира олсалар»*.

64. Бас, (мушриклар) ўзларига (ҳушларига) келиб (бир-бирларига): «Сизлар ўзингиз золимсиз», – дедилар.

65. Сўнгра, яна бошлари айланиб: «Сен уларнинг гапирмасликларини яхши билардинг-ку?!», – дейишди.

66. (Иброҳим) айтди: «Ахир, Аллоҳни қўйиб, сизларга бирор фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сиғинасизми?!

67. Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам туф-е! Ахир, ақл юргизмайсизми?!»

68. (Намруд бошчилигидаги мушриклар) дедилар: «Уни ёқиб юборингиз! Агар (бирор нарса) қилувчи бўлсангиз (шу иш билан) илоҳларингизга ёрдам қилингиз!»*

69. Биз айтдик: «Эй, олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!»

70. Улар (Иброҳимга) макр қилмоқчи бўлдилар. Биз эса, уларнинг ўзларини кўпроқ зиён кўрувчи қилиб қўйдик.

71. Унга ҳамда Лутга нажот бериб, (уларни) Биз барча оламлар учун муборак қилган ер (Шом)га (юбордик).

72. Биз (Иброҳимга) Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам (набира қилиб) қўшиб бердик ҳамда барчаларини солиҳ кишилар қилдик.

63-оят. Бухорий ва Муслим (рҳ.)лар ривоят қилган ҳадисда айтилган: "Иброҳим (а.с.) фақат уч марта ёлғон гапирган. Биринчиси, мен бетобман, деб мушриклар билан байрамга бормай бутхонада ёлғиз қолиб, бутларни синдирганида. Иккинчиси – кичик бутларни синдирган уларнинг каттаси, деб мушриклар онгини очмоқчи бўлганида. Учинчиси – хотини Сорани синглим деб золим шоҳ тажовузидан асраб қолганида" (Хз. ИК).

68-оят. Мушриклар катта олов ёқиб, Иброҳим (а.с.)ни манжаниқ (махсус тош отиш қуроли)га боғлаб, оловга отдилар.

وَجَعَلْنَٰهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَآ إِلَيْهِمْ فِعْلَ
ٱلْخَيْرَٰتِ وَإِقَامَ ٱلصَّلَوٰةِ وَإِيتَآءَ ٱلزَّكَوٰةِ ۖ وَكَانُوا۟ لَنَا
عَٰبِدِينَ ﴿٧٣﴾ وَلُوطًا ءَاتَيْنَٰهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَنَجَّيْنَٰهُ مِنَ
ٱلْقَرْيَةِ ٱلَّتِى كَانَت تَّعْمَلُ ٱلْخَبَٰٓئِثَ ۗ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمَ سَوْءٍ
فَٰسِقِينَ ﴿٧٤﴾ وَأَدْخَلْنَٰهُ فِى رَحْمَتِنَآ ۖ إِنَّهُۥ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ
﴿٧٥﴾ وَنُوحًا إِذْ نَادَىٰ مِن قَبْلُ فَٱسْتَجَبْنَا لَهُۥ فَنَجَّيْنَٰهُ
وَأَهْلَهُۥ مِنَ ٱلْكَرْبِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٧٦﴾ وَنَصَرْنَٰهُ مِنَ ٱلْقَوْمِ
ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَآ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمَ سَوْءٍ فَأَغْرَقْنَٰهُمْ
أَجْمَعِينَ ﴿٧٧﴾ وَدَاوُۥدَ وَسُلَيْمَٰنَ إِذْ يَحْكُمَانِ فِى ٱلْحَرْثِ إِذْ
نَفَشَتْ فِيهِ غَنَمُ ٱلْقَوْمِ وَكُنَّا لِحُكْمِهِمْ شَٰهِدِينَ ﴿٧٨﴾
فَفَهَّمْنَٰهَا سُلَيْمَٰنَ ۚ وَكُلًّا ءَاتَيْنَا حُكْمًا وَعِلْمًا ۚ وَسَخَّرْنَا
مَعَ دَاوُۥدَ ٱلْجِبَالَ يُسَبِّحْنَ وَٱلطَّيْرَ ۚ وَكُنَّا فَٰعِلِينَ ﴿٧٩﴾
وَعَلَّمْنَٰهُ صَنْعَةَ لَبُوسٍ لَّكُمْ لِتُحْصِنَكُم مِّنۢ بَأْسِكُمْ ۖ
فَهَلْ أَنتُمْ شَٰكِرُونَ ﴿٨٠﴾ وَلِسُلَيْمَٰنَ ٱلرِّيحَ عَاصِفَةً تَجْرِى بِأَمْرِهِۦٓ
إِلَى ٱلْأَرْضِ ٱلَّتِى بَٰرَكْنَا فِيهَا ۚ وَكُنَّا بِكُلِّ شَىْءٍ عَٰلِمِينَ ﴿٨١﴾

73. Яна уларни Бизнинг амримиз билан (одамларни) ҳидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни баркамол адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизгагина ибодат қилувчи бўлдилар.

74. Лутга эса ҳикмат ва илм ато этдик ва уни ифлос ишларни қилувчи қишлоқ (аҳли)дан қутқардик. Дарҳақиқат, улар ёмон ва бузуқ қавм эдилар.

75. Уни (Лутни) ўз раҳматимизга дохил қилдик. Ҳақиқатан, у солиҳлардандир*.

76. Нуҳни (эсланг!) У илгари нидо қилганида, Биз уни (нидосини) мустажоб қилиб, ўзини ва аҳлини буюк ғамдан қутқардик*.

77. Унга оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм устидан ғалаба ато этдик. Дарҳақиқат, улар ёмон қавм эдилар. Бас, уларни барчасини (тўфонга) ғарқ қилиб юбордик.

78. Довуд ва (ўғли) Сулаймоннинг экинзор хусусида ҳукм қилган кезларини (эсланг!) Ўшанда унга қавмининг қўйлари (тунда) кирган (ва уни пайҳон қилган) эди. Биз уларнинг (чиқарган) ҳукмига шоҳид эдик.

79. Бас, Биз уни Сулаймонга англатдик*. Биз ҳар иккисига ҳикмат (пайғамбарлик) ва илм ато этдик. Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйин сундириб қўйдик. Биз шундай қила олувчидирмиз.

80. Унга (Довудга) сизларга зиён етишдан сақлайдиган совут ясаш санъатини таълим бердик. Бас, сизлар шукр қилувчимисиз?!

81. Сулаймонга эса бўронли шамолни (бўйин сундириб), унинг амри билан Биз муборак қилган замин (Шом) сари эсадиган (қилиб қўйдик). Биз барча нарсани билувчидирмиз.

75-оят. Лут (а.с.) Иброҳим (а.с.)нинг Ҳорон исмли биродарининг ўғли. Халилуллоҳнинг яна бир биродари Нохур бўлиб, бу уч ака-ука Торах (Озар)нинг ўғилларидир. Кўпчилик муаррихлар сўзига кўра, Иброҳим (а.с.) Ироқнинг Кусо номли шаҳрида туғилган. Кусо Бобил шаҳрига қарашли бўлиб, Намруд уни оловга ташлаган жойи ҳам шу ердир. Иброҳим (а.с.) Лут (а.с.) билан кейинчалик Шоми шарифга кўчиб кетганлар (Саъл.).

76-оят. Буюк ғам бу ерда тўфон балосидир.

79-оят. Довуд билан Сулаймон (а.с.)лар ҳузурига икки даъвогар келиб, улардан бирининг қўйлари иккинчисининг экинзорига кириб, пайҳон қилиб кетганини айтиб, фатво сўрайдилар. Довуд (а.с.) қўйлар экинзор эгасига бериб юборилсин, дейди. Шунда Сулаймон (а.с.) бу фатвога эътироз билдириб, пайҳон қилган қўйларни экинзор эгасига, ерни эса қўйларнинг эгасига бериб, у экинзорни аввалги ҳолига келтирганидан кейингина қўйларини унга қайтариб беришга, бу вақтгача омонат қўйлардан туғилган қўзилар экинзор эгасида қолдирилишини таклиф этади. Довуд (а.с.) бу ҳукмнинг адолатлироқ эканига қаноат ҳосил қилганидан кейин унга рози бўлади, деган ривоят тафсирларда мавжуддир (Мд.).

وَمِنَ ٱلشَّيَٰطِينِ مَن يَغُوصُونَ لَهُۥ وَيَعۡمَلُونَ عَمَلٗا
دُونَ ذَٰلِكَۖ وَكُنَّا لَهُمۡ حَٰفِظِينَ ٨٢ ۞ وَأَيُّوبَ إِذۡ
نَادَىٰ رَبَّهُۥٓ أَنِّي مَسَّنِيَ ٱلضُّرُّ وَأَنتَ أَرۡحَمُ ٱلرَّٰحِمِينَ ٨٣
فَٱسۡتَجَبۡنَا لَهُۥ فَكَشَفۡنَا مَا بِهِۦ مِن ضُرّٖۖ وَءَاتَيۡنَٰهُ أَهۡلَهُۥ
وَمِثۡلَهُم مَّعَهُمۡ رَحۡمَةٗ مِّنۡ عِندِنَا وَذِكۡرَىٰ لِلۡعَٰبِدِينَ ٨٤
وَإِسۡمَٰعِيلَ وَإِدۡرِيسَ وَذَا ٱلۡكِفۡلِۖ كُلّٞ مِّنَ ٱلصَّٰبِرِينَ
٨٥ وَأَدۡخَلۡنَٰهُمۡ فِي رَحۡمَتِنَآۖ إِنَّهُم مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ
٨٦ وَذَا ٱلنُّونِ إِذ ذَّهَبَ مُغَٰضِبٗا فَظَنَّ أَن لَّن نَّقۡدِرَ عَلَيۡهِ
فَنَادَىٰ فِي ٱلظُّلُمَٰتِ أَن لَّآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنتَ سُبۡحَٰنَكَ إِنِّي
كُنتُ مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ ٨٧ فَٱسۡتَجَبۡنَا لَهُۥ وَنَجَّيۡنَٰهُ
مِنَ ٱلۡغَمِّۚ وَكَذَٰلِكَ نُـۨجِي ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٨٨ وَزَكَرِيَّآ
إِذۡ نَادَىٰ رَبَّهُۥ رَبِّ لَا تَذَرۡنِي فَرۡدٗا وَأَنتَ خَيۡرُ ٱلۡوَٰرِثِينَ
٨٩ فَٱسۡتَجَبۡنَا لَهُۥ وَوَهَبۡنَا لَهُۥ يَحۡيَىٰ وَأَصۡلَحۡنَا
لَهُۥ زَوۡجَهُۥٓۚ إِنَّهُمۡ كَانُواْ يُسَٰرِعُونَ فِي ٱلۡخَيۡرَٰتِ
وَيَدۡعُونَنَا رَغَبٗا وَرَهَبٗاۖ وَكَانُواْ لَنَا خَٰشِعِينَ ٩٠

82. Яна шайтон (жин)лардан у (Сулаймон) учун ғаввослик қиладиган ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиганларини (яратдик). Яна Биз уларни қўриқлаб турувчи бўлдик*.

83. Айюбнинг эса Раббига нидо қилиб: «(Эй, Раббим!) Менга мусибат етди. Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан», – деб илтижо қилган пайтини (эсланг!)

84. Бас, Биз уни (яъни дуосини) ижобат қилиб, ундаги заҳматни кетказдик ҳамда ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилувчиларга эслатма бўлсин, деб (Айюбга) оиласини ва улар билан қўшиб, яна уларнинг баробарида аҳлу авлод ато этдик*.

85. Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни (эсланг). Барчалари сабр қилувчилардандир.

86. Биз уларни ўз раҳматимизга дохил қилдик. Дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир.

87. Зуннун (Юнус)нинг (ўз қавмидан) ғазабланган ҳолда (қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғи зулматлар ичра: «Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим», – деб нидо қилган (пайтини эсланг!)

88. Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз.

89. Закариёнинг: «Эй, Раббим! Мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт!) Сен (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан», – деб нидо қилган пайтини (эсланг!)

90. Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яҳёни ато этдик ҳамда жуфти (ҳалоли)ни ўнглаб (туғадиган қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга (барча буйруқларимизга) итоат этувчи эдилар.

82-оят. Сулаймон (а.с.)га шамолдан ташқари жинлар ҳам бўйсундириб қўйилган эди. Жинлар ул зотнинг амрига муте эди. Денгиздан ғаввослик қилиб дурларни олиб чиқиш, бинолар қуриш, ҳайкаллар ясаш, элчи-хабарчилик қилиш ва бошқа вазифаларни бажаришар эди. Ҳасан Басрий (рҳ.) сўзига кўра, Сулаймон (а.с.) олдин чиройли отда юрар эди. Кейинчалик у билан машғул бўлиб, намозни қазо қилиб қўйганидан кейин Аллоҳ таоло отни шамолга алмаштириб қўйган (Мд. Хз.)

84-оят. Айюб пайғамбар тарихда сабр-тоқат бобида машҳур бўлиб, бу фазилати тилларда зарбулмасалга айланиб кетган. Унга шайтон ҳасад қилиб, бойлиги, фарзандларининг кўплиги ва танасининг соғломлиги учун кўп ибодат қилади, деганида, унга жавобан Аллоҳнинг юборган барча мусибат ва дардларига бардош берган, шикоят қилмаган. Бу қилган сабр-тоқатининг мукофотини ёруғ дунёда ҳам қисман олишга муяссар бўлган.

وَٱلَّتِيٓ أَحۡصَنَتۡ فَرۡجَهَا فَنَفَخۡنَا فِيهَا مِن رُّوحِنَا
وَجَعَلۡنَٰهَا وَٱبۡنَهَآ ءَايَةٗ لِّلۡعَٰلَمِينَ ٩١ إِنَّ هَٰذِهِۦٓ
أُمَّتُكُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَأَنَا۠ رَبُّكُمۡ فَٱعۡبُدُونِ ٩٢
وَتَقَطَّعُوٓاْ أَمۡرَهُم بَيۡنَهُمۡۖ كُلٌّ إِلَيۡنَا رَٰجِعُونَ ٩٣
فَمَن يَعۡمَلۡ مِنَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَهُوَ مُؤۡمِنٞ فَلَا كُفۡرَانَ
لِسَعۡيِهِۦ وَإِنَّا لَهُۥ كَٰتِبُونَ ٩٤ وَحَرَٰمٌ عَلَىٰ قَرۡيَةٍ
أَهۡلَكۡنَٰهَآ أَنَّهُمۡ لَا يَرۡجِعُونَ ٩٥ حَتَّىٰٓ إِذَا فُتِحَتۡ
يَأۡجُوجُ وَمَأۡجُوجُ وَهُم مِّن كُلِّ حَدَبٖ يَنسِلُونَ ٩٦
وَٱقۡتَرَبَ ٱلۡوَعۡدُ ٱلۡحَقُّ فَإِذَا هِيَ شَٰخِصَةٌ أَبۡصَٰرُ ٱلَّذِينَ
كَفَرُواْ يَٰوَيۡلَنَا قَدۡ كُنَّا فِي غَفۡلَةٖ مِّنۡ هَٰذَا بَلۡ كُنَّا
ظَٰلِمِينَ ٩٧ إِنَّكُمۡ وَمَا تَعۡبُدُونَ مِن دُونِ
ٱللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ أَنتُمۡ لَهَا وَٰرِدُونَ ٩٨ لَوۡ كَانَ
هَٰٓؤُلَآءِ ءَالِهَةٗ مَّا وَرَدُوهَاۖ وَكُلّٞ فِيهَا خَٰلِدُونَ ٩٩
لَهُمۡ فِيهَا زَفِيرٞ وَهُمۡ فِيهَا لَا يَسۡمَعُونَ ١٠٠ إِنَّ ٱلَّذِينَ
سَبَقَتۡ لَهُم مِّنَّا ٱلۡحُسۡنَىٰٓ أُوْلَٰٓئِكَ عَنۡهَا مُبۡعَدُونَ ١٠١

91. Яна ўз номусини сақлаган аёлни (Марямни эсланг!) Бас, руҳимиздан унга “пуфладик” (у Исога ҳомиладор бўлди)* ва уни ҳамда ўғлини оламлар учун аломат қилдик.

92. (Эй, инсонлар!) Сизларнинг ушбу динингиз (аслида) бир дин (яъни Ислом)дир. Мен эса (барчангизнинг) Раббингиздирман. Бас, Менга ибодат қилингиз!

93. (Одамлар эса) ишларини (динларини) ўзаро бўлиб ташладилар. Ҳамма (одамлар) Биз сари қайтувчидир.

94. Бас, ким мўминлик ҳолида солиҳ (амал)лардан қилса, унинг саъй-ҳаракати зое кетмас. Биз, албатта, уни ёзиб қўювчидирмиз.

95. Биз ҳалок қилган қишлоқ (аҳли қиёматда) (ҳаётга) қайтмаслиги мумкин эмасдир.

96. То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган,

97. ҳаққоний ваъда (қиёмат) яқин бўладиган вақтда бехос кофир бўлганларнинг кўзлари қотиб: «Эй, ҳолимизга вой! Бизлар бундан ғафлатда эканмиз. (Йўқ), балки бизлар золим эканмиз» (дейдилар)*.

98. (Эй, мушриклар!) Сизлар ва Аллоҳни қўйиб сиғинаётган (бут)ларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар унга тушувчидирсиз!

99. Агар ўша (маъбуда)лар (чиндан ҳам) илоҳлар бўлганида, (жаҳаннамга) тушмаган бўлур эдилар. Барчаси у ерда мангу қолувчидир.

100. Улар (мушриклар) учун у жойда (фақат) дод-фарёд қилишгина бўлур. Улар у ерда (ҳеч нарсани) эшитмаслар.

101. Албатта, Биз (томон)дан олдин гўзал (мартаба) берилган зотлар – айнан ўшалар (жаҳаннамдан) узоқ қилинувчилардир.

91-оят. Аллоҳ таоло Исо (а.с.)-ни ўз қудратини намоён қилиш учун дунёга отасиз келтиришни ирода қилгач, Жаброил (а.с.)га буюрди, у келиб Марям бинт Имроннинг ёқаси ичига Аллоҳ ҳузуридан келтирган руҳни пуфлади, у ҳомиладор бўлди.

92-оят. Ушбу оятга кўра, ўтган барча пайғамбарларнинг дини ҳам тавҳидга асосланган ислом дини бўлган ва Аллоҳнинг барча бандалари Ўзи томонидан нозил этилган шу динда бўлишга буюрилган (Мд. Хз.).

97-оят. Ҳузайфа (рз.) айтади: “Бир куни биз қиёматнинг қачон бўлиши тўғрисида ўзаро баҳслашиб турган эдик, ногоҳ Расул (а.с.) келиб қолдилар ва айтдиларки, ўнта аломат рўй бермай туриб, қиёмат қойим бўлмайди: дунёни тутун босиши, Дажжолнинг чиқиши, Ердан бир махлуқ чиқиб кофир ва мунофиқларни айира бошлаши, қуёшнинг ғарбдан чиқиши, осмондан Исо (а.с.)-нинг тушиши, Яъжуж ва Маъжужнинг чиқиши, Машриқ билан Мағрибда ва Араб жазирасида ер ютиш ҳодисалари ва Ямандан бир олов чиқиб, одамларни бир жойга тўплаши” (Мс. Хз.).

لَا يَسْمَعُونَ حَسِيسَهَا ۖ وَهُمْ فِي مَا اشْتَهَتْ أَنفُسُهُمْ
خَالِدُونَ ﴿١٠٢﴾ لَا يَحْزُنُهُمُ الْفَزَعُ الْأَكْبَرُ وَتَتَلَقَّاهُمُ
الْمَلَائِكَةُ هَٰذَا يَوْمُكُمُ الَّذِي كُنتُمْ تُوعَدُونَ
﴿١٠٣﴾ يَوْمَ نَطْوِي السَّمَاءَ كَطَيِّ السِّجِلِّ لِلْكُتُبِ ۚ كَمَا
بَدَأْنَا أَوَّلَ خَلْقٍ نُّعِيدُهُ ۚ وَعْدًا عَلَيْنَا ۚ إِنَّا كُنَّا فَاعِلِينَ
﴿١٠٤﴾ وَلَقَدْ كَتَبْنَا فِي الزَّبُورِ مِن بَعْدِ الذِّكْرِ أَنَّ الْأَرْضَ
يَرِثُهَا عِبَادِيَ الصَّالِحُونَ ﴿١٠٥﴾ إِنَّ فِي هَٰذَا لَبَلَاغًا
لِّقَوْمٍ عَابِدِينَ ﴿١٠٦﴾ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ
﴿١٠٧﴾ قُلْ إِنَّمَا يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَاحِدٌ ۖ
فَهَلْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿١٠٨﴾ فَإِن تَوَلَّوْا فَقُلْ آذَنتُكُمْ
عَلَىٰ سَوَاءٍ ۖ وَإِنْ أَدْرِي أَقَرِيبٌ أَم بَعِيدٌ مَّا تُوعَدُونَ ﴿١٠٩﴾
إِنَّهُ يَعْلَمُ الْجَهْرَ مِنَ الْقَوْلِ وَيَعْلَمُ مَا تَكْتُمُونَ
﴿١١٠﴾ وَإِنْ أَدْرِي لَعَلَّهُ فِتْنَةٌ لَّكُمْ وَمَتَاعٌ إِلَىٰ حِينٍ ﴿١١١﴾ قَالَ
رَبِّ احْكُم بِالْحَقِّ ۗ وَرَبُّنَا الرَّحْمَٰنُ الْمُسْتَعَانُ عَلَىٰ مَا تَصِفُونَ ﴿١١٢﴾

سُورَةُ الْحَجِّ

102. Улар унинг (дўзах оловининг) шарпасини ҳам эшитмаслар. Улар ўзлари истаган неъматларда мангу қолувчилардир.

103. Уларни буюк даҳшат (қиёмат) ғамгин қилмас. Уларни фаришталар: «Мана шу сизларга ваъда қилинган кундир», – деб кутиб олурлар.

104. У кунда Биз осмонни худди мактуб ёзилган саҳифани ўраган каби ўраб, биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша яхлит ҳолига) қайтарурмиз. (Бу) Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз (шундай) қилувчидирмиз.

105. Биз Зикрдан* сўнг Забурда: «Албатта, ерга фақат Менинг солиҳ бандаларим* ворис бўлурлар», – деб ёзиб қўйгандирмиз.

106. Албатта, бунда (Қуръонда) ибодат қилувчилар қавми учун хушхабар бордир.

107. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат* қилиб юборганмиз.

108. Айтинг: «Менга илоҳингиз ягона Илоҳ экани ваҳий қилинмоқда. Бас, (энди) сизлар мусулмонмисиз?»

109. Бас, агар юз ўгирсалар, айтинг: «Мен сизларга (ваҳийни) баробар эшиттирдим. Сизларга ваъда қилинган (қиёмат азоби) яқин ёки йироқ эканини эса билмасман.

110. Албатта, У сўзнинг ошкорасини ҳам билур, сизлар яширадиган (сўзлар)ни ҳам билур.

111. Билмайман, эҳтимол бу (жазонинг кечиктирилиши) сизлар учун бир синов ва бироз вақтгача (ўлгунингизгача) имкониятдир».

112. (Муҳаммад) айтди: «Эй, Раббим! Ўзинг ҳаққоний ҳукм қилгин! Раббимиз меҳрибондир ва сизларнинг (ноўрин) сифатлашларингизга қарши Ундан мадад сўралувчи зотдир».

Ҳаж сураси

Мадинада нозил қилинган. 78 оят.

105-оят. Бу ердаги "Зикр" сўзидан мурод Таврот китоби ёки Лавҳул-маҳфуз экани тўғрисида ривоятлар бор.

* “Солиҳ бандалар”дан мурод Муҳаммад (а.с.) ва умматларидир, деган тафсир ҳам бор. “Ер”дан мурод Шом замини ёки жаннат ери, деб ҳам изоҳ берилган (Мд. Тб.).

107-оят. Оятдаги “раҳмат” жуда кенг маънони англатади. Уларни билиш учун Муҳаммад (а.с.)нинг ахлоқ-одоблари, сийрат ва шамоиллари, шариатларининг бағрикенглиги, ҳатто, куфр ва ширк аҳлига ҳам зулмни раво кўрмаслиги, меҳр-оқибат, эзгулик каби фазилатлар манбаи эканидан хабардор бўлиш зарур.

22. ҲАЖ СУРАСИ

Сурада ҳаж ибодатининг фарз этилиши, Каъба биносининг қурилиш тарихи ҳақида оятлар борлиги учун унга “Ҳаж” сураси деб ном берилган.

Сурада савоб, гуноҳ, охират, қиёмат воқеалари, маҳшаргоҳдаги ҳолатлар, имон, эътиқод, илоҳий ўгитлар кенг ёритилган.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱتَّقُواْ رَبَّكُمۡۚ إِنَّ زَلۡزَلَةَ ٱلسَّاعَةِ شَيۡءٌ
عَظِيمٞ ١ يَوۡمَ تَرَوۡنَهَا تَذۡهَلُ كُلُّ مُرۡضِعَةٍ عَمَّآ
أَرۡضَعَتۡ وَتَضَعُ كُلُّ ذَاتِ حَمۡلٍ حَمۡلَهَا وَتَرَى ٱلنَّاسَ
سُكَٰرَىٰ وَمَا هُم بِسُكَٰرَىٰ وَلَٰكِنَّ عَذَابَ ٱللَّهِ شَدِيدٞ
٢ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَٰدِلُ فِي ٱللَّهِ بِغَيۡرِ عِلۡمٖ وَيَتَّبِعُ كُلَّ
شَيۡطَٰنٖ مَّرِيدٖ ٣ كُتِبَ عَلَيۡهِ أَنَّهُۥ مَن تَوَلَّاهُ فَأَنَّهُۥ يُضِلُّهُۥ
وَيَهۡدِيهِ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلسَّعِيرِ ٤ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمۡ فِي
رَيۡبٖ مِّنَ ٱلۡبَعۡثِ فَإِنَّا خَلَقۡنَٰكُم مِّن تُرَابٖ ثُمَّ مِن نُّطۡفَةٖ ثُمَّ
مِنۡ عَلَقَةٖ ثُمَّ مِن مُّضۡغَةٖ مُّخَلَّقَةٖ وَغَيۡرِ مُخَلَّقَةٖ لِّنُبَيِّنَ لَكُمۡۚ
وَنُقِرُّ فِي ٱلۡأَرۡحَامِ مَا نَشَآءُ إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمّٗى ثُمَّ نُخۡرِجُكُمۡ
طِفۡلٗا ثُمَّ لِتَبۡلُغُوٓاْ أَشُدَّكُمۡۖ وَمِنكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ
وَمِنكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰٓ أَرۡذَلِ ٱلۡعُمُرِ لِكَيۡلَا يَعۡلَمَ مِنۢ
بَعۡدِ عِلۡمٖ شَيۡـٔٗاۚ وَتَرَى ٱلۡأَرۡضَ هَامِدَةٗ فَإِذَآ أَنزَلۡنَا عَلَيۡهَا
ٱلۡمَآءَ ٱهۡتَزَّتۡ وَرَبَتۡ وَأَنۢبَتَتۡ مِن كُلِّ زَوۡجِۭ بَهِيجٖ ٥

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

***1**. Эй, инсонлар! Раббингиздан қўрқингиз! Зеро, қиёмат зилзиласи улкан (даҳшатли) нарсадир*.*

***2**. Уни кўрадиган кунингизда ҳар бир эмизикли она эмизиб тургани (боласи)ни унутар ва ҳар бир ҳомиладор ўз ҳомиласини ташлар ҳамда одамларни «маст» ҳолда кўрасиз, ҳолбуки, улар маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир*.*

***3**. Одамлар орасида ўзи билмаган ҳолда Аллоҳ хусусида мунозара қиладиган ва ҳар қандай итоатсиз шайтонга эргашиб кетадиган кимсалар ҳам бордир.*

***4**. Уни (шайтонни) дўст тутган кимсани, албатта, йўлдан оздириш ва дўзах азобига йўллаш унга (тақдирига) ёзиб қўйилгандир.*

***5**. Эй, инсонлар! Агар сизлар қайта тирилишдан шубҳада бўлсангиз, (ўйлаб кўринг:) Биз сизларга (Аллоҳнинг қудратини) баён қилиш учун сизларни (отангиз Одамни) тупроқдан, сўнгра (Одам наслини) манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра (шаклланиб) битган ва битмаган парча гўштдан яратдик. Биз (сизларни) хоҳлаганимизча – муайян муддатгача бачадонларда қолдириб, сўнгра чақалоқ ҳолингизда (дунёга) чиқарурмиз, сўнгра вояга етгунларингизгача (тарбия қилурмиз). Сизлардан (гўдаклик ва ёшликда) вафот этадиганлар ҳам бўлур, яна сизлардан билимларни билганидан сўнг ҳеч нарсани билмай қоладиган энг тубан умрга (ўта кексаликка) қайтариладиганлар ҳам бўлур. Ерни қўриқ ҳолида кўрасиз. Бас, қачонки, Биз унинг устидан (ёмғир) ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли гўзал жуфтларни (икки жинсли гиёҳларни) ундирур.*

1-оят. Қиёматнинг энг дахшатли аломатларидан бири Ернинг зилзиласидир. Шунинг учун суранинг бошида ўша мудҳиш кун келишидан олдин тақво билан Аллоҳдан қўрқиш ва солиҳ амаллар билан унга тайёргарлик кўришга даъват этилмоқда.

2-оят. Қиёмат қойим бўлишига ишонч ҳосил бўлгач, ҳар бир инсон ўзининг охиратдаги ҳолини ўйлаб қолади. Ёш болаларнинг сочи оқариб кетиши, катта ёшдагиларнинг маст ҳолатга тушиши, ҳомиладорларнинг бола ташлаши, буларнинг ҳаммаси ўша куннинг нақадар даҳшатли ва оғир кечишидан далолатдир.

Расул (а.с.) бир куни саҳобаларга мингдан бир киши жаннатга, қолганлар дўзахга тушади, дедилар. Шунда улар хавотирга тушиб йиғладилар. Буни кўриб, Он ҳазрат айтдиларки, ҳар икки пайғамбар оралиғидаги жоҳилият даврида яшаган куфр аҳли, Яъжуж ва Маъжуж, инсу жиндан куфрда ўтганлари ҳисобига мингдан тўққиз юз тўқсон тўққиз ҳиссаси тўлади. Шунда сиз – аҳли жаннатлар ҳайвон терисидаги қашқа ёки холдек оз миқдорда бўласиз, дўзах аҳли эса кўпчиликни ташкил этади (Лс.).

ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡحَقُّ وَأَنَّهُۥ يُحۡيِ ٱلۡمَوۡتَىٰ وَأَنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ
٦ وَأَنَّ ٱلسَّاعَةَ ءَاتِيَةٞ لَّا رَيۡبَ فِيهَا وَأَنَّ ٱللَّهَ يَبۡعَثُ مَن فِي
ٱلۡقُبُورِ ٧ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَٰدِلُ فِي ٱللَّهِ بِغَيۡرِ عِلۡمٖ وَلَا هُدٗى
وَلَا كِتَٰبٖ مُّنِيرٖ ٨ ثَانِيَ عِطۡفِهِۦ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِۖ لَهُۥ فِي
ٱلدُّنۡيَا خِزۡيٞۖ وَنُذِيقُهُۥ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ عَذَابَ ٱلۡحَرِيقِ ٩ ذَٰلِكَ
بِمَا قَدَّمَتۡ يَدَاكَ وَأَنَّ ٱللَّهَ لَيۡسَ بِظَلَّٰمٖ لِّلۡعَبِيدِ ١٠ وَمِنَ ٱلنَّاسِ
مَن يَعۡبُدُ ٱللَّهَ عَلَىٰ حَرۡفٖۖ فَإِنۡ أَصَابَهُۥ خَيۡرٌ ٱطۡمَأَنَّ بِهِۦۖ وَإِنۡ أَصَابَتۡهُ
فِتۡنَةٌ ٱنقَلَبَ عَلَىٰ وَجۡهِهِۦ خَسِرَ ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةَۚ ذَٰلِكَ هُوَ
ٱلۡخُسۡرَانُ ٱلۡمُبِينُ ١١ يَدۡعُواْ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُۥ
وَمَا لَا يَنفَعُهُۥۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلضَّلَٰلُ ٱلۡبَعِيدُ ١٢ يَدۡعُواْ لَمَن
ضَرُّهُۥٓ أَقۡرَبُ مِن نَّفۡعِهِۦۚ لَبِئۡسَ ٱلۡمَوۡلَىٰ وَلَبِئۡسَ ٱلۡعَشِيرُ ١٣
إِنَّ ٱللَّهَ يُدۡخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٖ
تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَفۡعَلُ مَا يُرِيدُ ١٤ مَن كَانَ
يَظُنُّ أَن لَّن يَنصُرَهُ ٱللَّهُ فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِ فَلۡيَمۡدُدۡ بِسَبَبٍ إِلَى
ٱلسَّمَآءِ ثُمَّ لۡيَقۡطَعۡ فَلۡيَنظُرۡ هَلۡ يُذۡهِبَنَّ كَيۡدُهُۥ مَا يَغِيظُ ١٥

6. Бу (айтилганларнинг ҳаммаси) Аллоҳнинг ҳақ экани ва Унинг ўзи ўликларни тирилтириши ҳамда У ҳамма нарсага қодир зот эканидандир.

7. Яна аниқки, қиёмат шаксиз келувчидир ва албатта, Аллоҳ қабрдагиларни тирилтирур.

8. Одамлар орасида Аллоҳ ҳақида мунозара қилади-ю, лекин ўзи илмсиз, ҳидоят топмаган, бирор нурафшон Китоби йўқ,

9. (тўғри йўлдан) бўйин товлаб, (ўзгаларни ҳам) Аллоҳ йўлидан оздириш мақсадида юрадиган (кимса) ҳам бордир. Унинг учун бу дунёда расволик бўлур, қиёмат кунида эса, унга ўт (дўзах) азобини тотдирурмиз*.

10. (Унга дермиз:) «Бу (азоб) ўз қўлларинг (билан) қилган гуноҳинг сабаблидир. Зеро, Аллоҳ сира бандаларига зулм қилувчи эмасдир»*.

11. Одамлар орасида Аллоҳга шак узра ибодат қиладигани ҳам борки, унга яхшилик етса, ўша сабабли хотиржам бўлур, агар бирор бахтсизлик етса, (диндан) юз ўгириб кетур*. (У) дунё ва охиратда зиён кўргай. Бу эса аниқ зиёндир.

12. У, Аллоҳни қўйиб, ўзига зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган нарсаларга илтижо қилур. Бу қаттиқ адашишнинг ўзидир.

13. У зарари фойдасидан яқинроқ бўлган «кимса»га илтижо қилур. У нақадар ёмон «дўст» ва нақадар ёмон «ошно»дир!

14. Албатта, Аллоҳ имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилур. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган (иш)ини қилур.

15. Кимда-ким: «Аллоҳ унга (Пайғамбарига) дунё ва охиратда сира ёрдам қилмас», – деб гумон қилса, бир арқон билан шифтга осилиб, (ўзини) бўғсин, сўнгра қарасин, (бу) макри ғазабини кетказармикан*.

8,9,10-оятлар. Бу оятлар ашаддий мушриклардан Абу Жаҳл ёки Назр ибн Ҳарс хусусида нозил бўлган (Мд. Хз.).

11-оят. Оятнинг нозил бўлиш сабаби – Мадина шаҳри атрофида яшайдиган мусулмон аъробийлар Мадинага ҳижрат қилиб келишгандан кейин ишлари юнгидан келса, яъни соғлом юрса, чорваси кўпайса, хотини ўғил туғса, кўнгли таскин топиб жим юрар, борди-ю, бунинг акси бўлиб, бетоб бўлиб қолса ёки хотини қиз туғиб қўйса, диндан юз ўгириб кетишар эди (Мд. Кз.).

Мазкур аъробийлар, яъни бадавийлик шароитида яшаган кишиларнинг аксарияти куфр ва мунофиқликда ашаддий бўлиши тўғрисида “Тавба” сурасининг 97-оятида ҳам айтиб ўтилган эди.

15-оят. Яъни Пайғамбарга кўрсатилаётган ёрдамни кўриб, куйиш ўрнига, яхшиси ҳасадгўйлар ўзларини дорга осиб қўяқолсинлар, деган киноядир.

وَكَذَٰلِكَ أَنزَلْنَٰهُ ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ وَأَنَّ ٱللَّهَ يَهْدِى مَن يُرِيدُ
﴿١٦﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱلَّذِينَ هَادُوا۟ وَٱلصَّٰبِـِٔينَ وَٱلنَّصَٰرَىٰ
وَٱلْمَجُوسَ وَٱلَّذِينَ أَشْرَكُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ يَفْصِلُ بَيْنَهُمْ
يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ﴿١٧﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ
يَسْجُدُ لَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ وَٱلشَّمْسُ وَٱلْقَمَرُ
وَٱلنُّجُومُ وَٱلْجِبَالُ وَٱلشَّجَرُ وَٱلدَّوَآبُّ وَكَثِيرٌ مِّنَ ٱلنَّاسِ ۖ
وَكَثِيرٌ حَقَّ عَلَيْهِ ٱلْعَذَابُ ۗ وَمَن يُهِنِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن مُّكْرِمٍ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ يَفْعَلُ مَا يَشَآءُ ۩ ﴿١٨﴾ ۞ هَٰذَانِ خَصْمَانِ ٱخْتَصَمُوا۟
فِى رَبِّهِمْ ۖ فَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ قُطِّعَتْ لَهُمْ ثِيَابٌ مِّن نَّارٍ يُصَبُّ
مِن فَوْقِ رُءُوسِهِمُ ٱلْحَمِيمُ ﴿١٩﴾ يُصْهَرُ بِهِۦ مَا فِى بُطُونِهِمْ
وَٱلْجُلُودُ ﴿٢٠﴾ وَلَهُم مَّقَٰمِعُ مِنْ حَدِيدٍ ﴿٢١﴾ كُلَّمَآ أَرَادُوٓا۟
أَن يَخْرُجُوا۟ مِنْهَا مِنْ غَمٍّ أُعِيدُوا۟ فِيهَا وَذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلْحَرِيقِ
﴿٢٢﴾ إِنَّ ٱللَّهَ يُدْخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ يُحَلَّوْنَ فِيهَا مِنْ
أَسَاوِرَ مِن ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا ۖ وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ ﴿٢٣﴾

16. Биз уни (Қуръонни) мана шундай баён этувчи оятлар шаклида нозил қилдик. Аллоҳ ўзи ирода этган кишиларни ҳидоятга йўллагай.

17. Дарҳақиқат, имон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собиийлар (фаришталарга сиғинувчилар), насронийлар, мажусийлар (оташпарастлар) ва мушрик бўлганлар – аниқки, Аллоҳ қиёмат кунида уларнинг ўртасини ажрим қилур*. Албатта, Аллоҳ барча нарсага шоҳиддир.

18. (Эй, Муҳаммад!) Осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўп инсонларнинг (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми? Кўп (одам)ларга эса (кофир бўлганлари сабабли) азоб ҳақ бўлгандир. Кимни Аллоҳ хор қилса, бас, уни азиз қилувчи йўқдир. Албатта, Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишини қилур!*

19. Мана шу икки рақиб (мўминлар билан кофирлар) Парвардигорлари(нинг дини) хусусида талашдилар*. Бас, кофир бўлганлар учун (охиратда) оловдан кийимлар бичилиб, бошларидан қайноқ сув қуюлур.

20. У (сув) билан уларнинг қоринларидаги нарсалар ҳам, терилари ҳам эритиб юборилур.

21. Улар учун темир гурзилар бордир.

22. Ҳар гал ғам туфайли ундан (дўзахдан қочиб) чиқмоқчи бўлсалар, (гурзилар билан урилиб) яна унга қайтарилурлар ва (уларга): «Ўт (дўзах) азобини тотингиз!» (дейилур).

23. Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни Аллоҳ (жаннатдаги) остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга киритур. Улар у жойда олтин билакузуклар ва марваридлар билан безалурлар, либослари эса ҳарир (ипак) бўлур.

17-оят. Собиийлар насронийларнинг бир тури бўлгани учун уларнинг дини алоҳида мустақил дин деб ҳисобланмаса, динлар бешта. Борди-ю, уни қўшиб ҳисобланса, олтита дин бўлиб, улардан биттаси, яъни ислом дини Раҳмоний, қолганлари шайтоний динлардир (Мд. Хз.).

18-оят. Сажда ояти. Оятдаги охирги жумла мўътазилийлар ақидасини синдиради. Улар Аллоҳни кўп нарсани хоҳлайди, лекин амалда уларни қилмайди, дейдилар (Мд.).

19-оят. Оятнинг нозил бўлиш сабаби турлича кўрсатилган. Ибн Исҳоқ (рҳ.) сўзига кўра, Бадр жанги олдидан мушриклардан уч нафар, яъни Рабианинг икки ўғли – Утба билан Шайба ва Валид ибн Утба, мусулмонлардан ҳам уч нафар, яъни Убайда ибн Ҳарс, Ҳамза ибн Абдулмутталиб ва Али ибн Аби Толиб (рз.)лар ўртага чиқиб муборaза, яъни якка-якка жанг қилишган. Амир Ҳамза Шайба билан тушиб, дарҳол уни қатл қилади. Ҳазрат Али ҳам Валидни ер тишлатади. Убайда билан Утба бир-бирини ярадор қилади. Жангда мусулмонлар ғолиб бўлади (Бғ. Хз.).

وَهُدُوٓاْ إِلَى ٱلطَّيِّبِ مِنَ ٱلۡقَوۡلِ وَهُدُوٓاْ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلۡحَمِيدِ
٢٤ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلۡمَسۡجِدِ
ٱلۡحَرَامِ ٱلَّذِي جَعَلۡنَٰهُ لِلنَّاسِ سَوَآءً ٱلۡعَٰكِفُ فِيهِ وَٱلۡبَادِۚ
وَمَن يُرِدۡ فِيهِ بِإِلۡحَادِۭ بِظُلۡمٖ نُّذِقۡهُ مِنۡ عَذَابٍ أَلِيمٖ ٢٥
وَإِذۡ بَوَّأۡنَا لِإِبۡرَٰهِيمَ مَكَانَ ٱلۡبَيۡتِ أَن لَّا تُشۡرِكۡ بِي
شَيۡـٔٗا وَطَهِّرۡ بَيۡتِيَ لِلطَّآئِفِينَ وَٱلۡقَآئِمِينَ وَٱلرُّكَّعِ
ٱلسُّجُودِ ٢٦ وَأَذِّن فِي ٱلنَّاسِ بِٱلۡحَجِّ يَأۡتُوكَ رِجَالٗا وَعَلَىٰ
كُلِّ ضَامِرٖ يَأۡتِينَ مِن كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٖ ٢٧ لِّيَشۡهَدُواْ
مَنَٰفِعَ لَهُمۡ وَيَذۡكُرُواْ ٱسۡمَ ٱللَّهِ فِيٓ أَيَّامٖ مَّعۡلُومَٰتٍ
عَلَىٰ مَا رَزَقَهُم مِّنۢ بَهِيمَةِ ٱلۡأَنۡعَٰمِۖ فَكُلُواْ مِنۡهَا وَأَطۡعِمُواْ
ٱلۡبَآئِسَ ٱلۡفَقِيرَ ٢٨ ثُمَّ لۡيَقۡضُواْ تَفَثَهُمۡ وَلۡيُوفُواْ
نُذُورَهُمۡ وَلۡيَطَّوَّفُواْ بِٱلۡبَيۡتِ ٱلۡعَتِيقِ ٢٩ ذَٰلِكَ وَمَن
يُعَظِّمۡ حُرُمَٰتِ ٱللَّهِ فَهُوَ خَيۡرٞ لَّهُۥ عِندَ رَبِّهِۦۗ وَأُحِلَّتۡ
لَكُمُ ٱلۡأَنۡعَٰمُ إِلَّا مَا يُتۡلَىٰ عَلَيۡكُمۡۖ فَٱجۡتَنِبُواْ
ٱلرِّجۡسَ مِنَ ٱلۡأَوۡثَٰنِ وَٱجۡتَنِبُواْ قَوۡلَ ٱلزُّورِ ٣٠

24. Улар (бу дунёда) ёқимли сўзга («Аллоҳ ягонадир», деган сўзга) ҳидоят қилинганлар ва ҳамд эгаси (Аллоҳ) йўлига йўллангандардир.

25. Албатта, ўзлари кофир бўлган ва (ўзгаларни) Аллоҳ йўлидан ҳамда Биз Макка аҳли билан (хориждан) келувчилар учун баробар қилиб қўйган Масжиди Ҳаромдан қайтарадиган кимсаларга* ва у жойда зулм билан йўлдан чиқмоқчи бўлган кимсага аламли азобдан тотдириб қўюрмиз.

26. (Эй, Муҳаммад!) Эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳ ўрнини белгилаб бериб, (унга шундай дедик): «Менга бирор нарсани шерик қилмагин ва Менинг Байтимни тавоф қилувчилар, (намозда) тикка турувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар (яъни ҳожилар ва намозхонлар) учун тозалаб қўйгин!

27. Одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чорлагин! (Шунда) улар сенга (Каъбага) пиёда ва ҳар қандай туяда узоқ йўллардан келурлар.

28. Улар ўз (диний ва дунёвий) манфаатларига шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда* (Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларига (қурбонлик учун сўйишда) Аллоҳ номини зикр қилиш учун келурлар. Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверингиз, бечора камбағалларга ҳам едирингиз!

29. Сўнгра (ҳожилар) кирларини кетказсинлар (яъни, эҳромдан чиқиб, соч олдириб, тоза либосларини кийсинлар), назрларини (ҳаж мажбуриятларини) адо қилсинлар ва «Қўҳна уй» (Каъба)ни тавоф қилсинлар!

30. (Гап) шудир. Кимки Аллоҳ ҳаром этган нарсаларни эъзозласа (риоя қилса), бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир. Сизлар учун (ҳаром эканлиги) тиловат қилинадиган нарсалардан бошқа (барча) чорва моллари ҳалол қилинди. Бас, бутлардан иборат нажосатдан узоқлашиб, ёлғон сўздан ҳам четда бўлингиз!

25-оят. Оятнинг шу жумласига кўра, Абу Ҳанифа (рҳ.) Макка шаҳридаги ҳовли-жойларнинг сотилиши ҳам, ижарага берилиши ҳам жоиз эмас, яъни мавсум пайтида хориждан келганлар билан ерли аҳоли хусусий манзиллардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи бўйича тенгдирлар, деган. Лекин Товус, Амр ибн Динор, Шофиий (рҳ.)лар Маккадаги ҳовли-жойларнинг савдоси ҳам, ижараси ҳам жоиз, деганлар. Ҳар икки ижтиҳодга ҳам далиллар бор. Масалан, Абу Ҳанифа (рҳ.)нинг далили оятдан ташқари яна Абдураҳмон ибн Собитнинг сўзидир. У деган: “Биз яшаган даврда Маккага хориждан келган ҳожилардан кўра Макка аҳли ўз манзилига ҳақлироқ эмас эди. Умар (рз.) ҳаж мавсумида одамларни уй эшикларини беркитиб қўйишдан ман қиларди”. Ибн Аббос, Саид ибн Жубайр (рз.)лар, Қатода, Ибн Зайд ва Мужоҳид (рҳ.)лар ҳам мусофир билан ерли халқ манзилларда туришга тенг ҳуқуқлидир, деганлар. Шофиий (рҳ.)нинг далили Маккадан ҳижрат қилган мусулмонлар хусусида келган оятда”...ўз диёрларидан ноҳақ чиқарилганлар”

حُنَفَآءَ لِلَّهِ غَيۡرَ مُشۡرِكِينَ بِهِۦۚ وَمَن يُشۡرِكۡ بِٱللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ
ٱلسَّمَآءِ فَتَخۡطَفُهُ ٱلطَّيۡرُ أَوۡ تَهۡوِي بِهِ ٱلرِّيحُ فِي مَكَانٖ سَحِيقٖ
﴿٣١﴾ ذَٰلِكَۖ وَمَن يُعَظِّمۡ شَعَٰٓئِرَ ٱللَّهِ فَإِنَّهَا مِن تَقۡوَى ٱلۡقُلُوبِ
﴿٣٢﴾ لَكُمۡ فِيهَا مَنَٰفِعُ إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمّٗى ثُمَّ مَحِلُّهَآ إِلَى ٱلۡبَيۡتِ
ٱلۡعَتِيقِ ﴿٣٣﴾ وَلِكُلِّ أُمَّةٖ جَعَلۡنَا مَنسَكٗا لِّيَذۡكُرُواْ ٱسۡمَ
ٱللَّهِ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُم مِّنۢ بَهِيمَةِ ٱلۡأَنۡعَٰمِۗ فَإِلَٰهُكُمۡ إِلَٰهٞ وَٰحِدٞ
فَلَهُۥٓ أَسۡلِمُواْۗ وَبَشِّرِ ٱلۡمُخۡبِتِينَ ﴿٣٤﴾ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتۡ
قُلُوبُهُمۡ وَٱلصَّٰبِرِينَ عَلَىٰ مَآ أَصَابَهُمۡ وَٱلۡمُقِيمِي ٱلصَّلَوٰةِ وَمِمَّا
رَزَقۡنَٰهُمۡ يُنفِقُونَ ﴿٣٥﴾ وَٱلۡبُدۡنَ جَعَلۡنَٰهَا لَكُم مِّن شَعَٰٓئِرِ
ٱللَّهِ لَكُمۡ فِيهَا خَيۡرٞۖ فَٱذۡكُرُواْ ٱسۡمَ ٱللَّهِ عَلَيۡهَا صَوَآفَّۖ فَإِذَا وَجَبَتۡ
جُنُوبُهَا فَكُلُواْ مِنۡهَا وَأَطۡعِمُواْ ٱلۡقَانِعَ وَٱلۡمُعۡتَرَّۚ كَذَٰلِكَ سَخَّرۡنَٰهَا
لَكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَشۡكُرُونَ ﴿٣٦﴾ لَن يَنَالَ ٱللَّهَ لُحُومُهَا وَلَا دِمَآؤُهَا
وَلَٰكِن يَنَالُهُ ٱلتَّقۡوَىٰ مِنكُمۡۚ كَذَٰلِكَ سَخَّرَهَا لَكُمۡ لِتُكَبِّرُواْ
ٱللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَىٰكُمۡۗ وَبَشِّرِ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ﴿٣٧﴾ ۞ إِنَّ ٱللَّهَ
يُدَٰفِعُ عَنِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٖ كَفُورٍ ﴿٣٨﴾

31. Аллоҳга чин ихлос қилиб, Унга ширк келтирмаган ҳолингизда (мазкурларни бажаринг)! Кимки Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўё осмондан қулаган ва уни қушлар (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки уни (қаттиқ) шамол йироқ жойга учириб кетган (жонсиз нарса) кабидир.

32. (Гап) шудир. Яна кимки Аллоҳнинг шиорлари (қурбонликлар)ни улуғ деб билса, бас, албатта, (бу) дилларнинг тақвосидандир.

33. Сизлар учун уларда (қурбонликларингизда) маълум муддатгача манфаатлар бордир (яъни йўлда уларни қўзилатиб, соғиб, миниб фойдаланиб кетишларингиз мумкин). Сўнгра «Кўҳна уй» (Каъба) уларнинг (сўйиш) жойидир*.

34. Биз (ўтган) барча умматга Аллоҳ берган чорва ҳайвонларини (сўйиш) олдидан Унинг номини зикр қилишлари учун – қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, (барчаларингизнинг) илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйин сунингиз ва (эй, Муҳаммад!) Итоат қилувчиларга хушхабар беринг!

35. Улар Аллоҳ зикр қилинганида диллари қўрқувга тушадиган, ўзларига етган балоларга сабр қиладиган, намозни баркамол адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қиладиган зотлардир.

36. (Қурбон қилинадиган) туя ва сигирларни Биз сизлар учун Аллоҳнинг шиорларидан қилдик. Сизлар учун уларда яхшилик бордир. Бас, уларга (сўйиш учун) саф тортган ҳолларида Аллоҳ номини зикр қилингиз! Энди қачон ёнбошлари билан тушганларида (жонлари чиққанда) улардан (ўзларингиз ҳам) еяверинглар, тиланчига ва сўраёлмай турган муҳтожга ҳам едирингиз! Шукр қилишингиз учун Биз уларни (чорва молларини) сизларга буйсундириб қўйдик.

37. Аллоҳга (қурбонлик) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли – У зотни улуғлашларингиз учун – уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!

38. Албатта, Аллоҳ имон келтирганларни мудофаа қилур. Албатта, Аллоҳ барча хоин ва ношукурларни суймас.

дейилгани, Расул (а.с.)нинг Макка фатҳи куни “Ким дарвозасини беркитиб олса, ким Абу Суфённинг уйига кириб олса, ўша одам хавфсиздир” деган сўзлари ва Умар (рз.)нинг Маккада қамоқхона учун 4000 дирҳамга бир ҳовлини сотиб олганидир (Тб. Хз. Лс.).

28-оят. Қурбонликни маълум белгиланган кунлари сўйиш шарт. Масалан, унинг вақти ҳанафий мазҳабида Қурбон ҳайит кунининг бомдод намозидан сўнг учинчи куннинг қуёши ботгунга қадар давом этади.

33-оят. “Каъба”дан мурод Макка шаҳридир. Ҳадисда: “Макканинг ҳамма томонлари қурбонлик сўйиладиган жойдир”, – деб айтилган (Дв. Мж.).

أُذِنَ لِلَّذِينَ يُقَٰتَلُونَ بِأَنَّهُمۡ ظُلِمُواْۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ نَصۡرِهِمۡ
لَقَدِيرٌ ﴿٣٩﴾ ٱلَّذِينَ أُخۡرِجُواْ مِن دِيَٰرِهِم بِغَيۡرِ حَقٍّ إِلَّآ أَن
يَقُولُواْ رَبُّنَا ٱللَّهُۗ وَلَوۡلَا دَفۡعُ ٱللَّهِ ٱلنَّاسَ بَعۡضَهُم بِبَعۡضٖ لَّهُدِّمَتۡ
صَوَٰمِعُ وَبِيَعٞ وَصَلَوَٰتٞ وَمَسَٰجِدُ يُذۡكَرُ فِيهَا ٱسۡمُ ٱللَّهِ
كَثِيرٗاۗ وَلَيَنصُرَنَّ ٱللَّهُ مَن يَنصُرُهُۥٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَقَوِيٌّ
عَزِيزٌ ﴿٤٠﴾ ٱلَّذِينَ إِن مَّكَّنَّٰهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ أَقَامُواْ ٱلصَّلَوٰةَ
وَءَاتَوُاْ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَمَرُواْ بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَنَهَوۡاْ عَنِ ٱلۡمُنكَرِۗ
وَلِلَّهِ عَٰقِبَةُ ٱلۡأُمُورِ ﴿٤١﴾ وَإِن يُكَذِّبُوكَ فَقَدۡ كَذَّبَتۡ
قَبۡلَهُمۡ قَوۡمُ نُوحٖ وَعَادٞ وَثَمُودُ ﴿٤٢﴾ وَقَوۡمُ إِبۡرَٰهِيمَ وَقَوۡمُ لُوطٖ ﴿٤٣﴾
وَأَصۡحَٰبُ مَدۡيَنَۖ وَكُذِّبَ مُوسَىٰ فَأَمۡلَيۡتُ لِلۡكَٰفِرِينَ ثُمَّ
أَخَذۡتُهُمۡۖ فَكَيۡفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿٤٤﴾ فَكَأَيِّن مِّن قَرۡيَةٍ
أَهۡلَكۡنَٰهَا وَهِيَ ظَالِمَةٞ فَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَىٰ عُرُوشِهَا
وَبِئۡرٖ مُّعَطَّلَةٖ وَقَصۡرٖ مَّشِيدٍ ﴿٤٥﴾ أَفَلَمۡ يَسِيرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ
فَتَكُونَ لَهُمۡ قُلُوبٞ يَعۡقِلُونَ بِهَآ أَوۡ ءَاذَانٞ يَسۡمَعُونَ بِهَاۖ فَإِنَّهَا
لَا تَعۡمَى ٱلۡأَبۡصَٰرُ وَلَٰكِن تَعۡمَى ٱلۡقُلُوبُ ٱلَّتِي فِي ٱلصُّدُورِ ﴿٤٦﴾

39. (Мушриклар томонидан) ҳужумга учраётган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир*.

40. Улар ўз диёрларидан фақатгина «Роббимиз Аллоҳдир», деганлари учун ноҳақ қувилган эдилар. Агар Аллоҳ одамларнинг баъзиларини баъзилари билан даф этиб турмас экан, албатта, Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларда) узлатгоҳлар, (насронийларда) бутхоналар, (яҳудийларда) ибодатхоналар ва (мусулмонларда) масжидлар вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ ўзига (динига) ёрдам берадиганларга ёрдам берур. Шубҳасиз, Аллоҳ кучли ва қудратлидир!*

41. (Улар) шундай кишиларки, агар Биз уларни ер юзига ғолиб қилсак – намозни баркамол адо этадилар, закотни берадилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг измидадир (барча ишнинг тақдирини У белгилайди).

42. (Эй, Муҳаммад!) Агар улар (Макка мушриклари) Сизни ёлғончига чиқарсалар (билингки), улардан илгари Нуҳ қавми, Од, Самуд (қабилалари) ҳам (ўзларига юборилган пайғамбарларни) ёлғончига чиқарганлар.

43. Иброҳим қавми, Лут қавми ҳам худди шундай.

44. Мадян (шаҳрининг) аҳолиси ҳам (шундай эдилар). Мусо ҳам ёлғончига чиқарилди. Мен кофирларга муҳлат бериб қўйиб, сўнгра уларни (ўз азобим билан) ушладим. Бас, Менинг инкорим (ва эътирозим) қандай бўлди?!

45. Зотан, қанчадан-қанча золим (кофир) бўлган ҳолларида Биз ҳалок қилган, томлари (йиқилиб) ҳувиллаб қолган қишлоқ (шаҳар)лар, (қанча) ташландиқ қудуқлар ва юксак (лекин кимсасиз) қасрлар бордир.

46. Ахир, улар (Макка мушриклари) ер юзида сайр қилмайдиларми, (ана ўшанда) улар учун идрокли қалблар, тинглайдиган қулоқлар бўлур эди. Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкраклардаги қалблар кўр бўлур.

39-оят. Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.) Маккада турган йиллари мушрик ва кофирлардан ҳар қанча азият чеккан, мусулмонлар турли тазйиқ ва зулму истибдодларга дучор бўлсалар ҳам Аллоҳ томонидан куфр ва ширк аҳлига қарши жанг қилишга рухсат берилмаган, балки улар билан муросасозлик қилишга, сабр-қаноатли бўлишга буюрилганлар. Ҳижратдан кейин эса, қасос ва интиқом мақсадида, мусулмонлардан зулман тортиб олинган мол-мулкларининг бир қисмини бўлса-да, қайтариб олишлари учун жанг қилишга изн берилди. Мазкур оятда шу ҳақда сўз бормоқда.

40-оят. Бошқа диндаги кишиларнинг ибодатхоналари ҳам мусулмонларнинг масжидлари қаторида, ижобий маънода зикр этилиши диққатга сазовордир.

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِالْعَذَابِ وَلَن يُخْلِفَ اللَّهُ وَعْدَهُ وَإِنَّ يَوْمًا
عِندَ رَبِّكَ كَأَلْفِ سَنَةٍ مِّمَّا تَعُدُّونَ ﴿٤٧﴾ وَكَأَيِّن مِّن
قَرْيَةٍ أَمْلَيْتُ لَهَا وَهِيَ ظَالِمَةٌ ثُمَّ أَخَذْتُهَا وَإِلَيَّ الْمَصِيرُ
﴿٤٨﴾ قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا أَنَا لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٤٩﴾ فَالَّذِينَ
آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٥٠﴾
وَالَّذِينَ سَعَوْا فِي آيَاتِنَا مُعَاجِزِينَ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَحِيمِ
﴿٥١﴾ وَمَا أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ مِن رَّسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ إِلَّا إِذَا تَمَنَّىٰ
أَلْقَى الشَّيْطَانُ فِي أُمْنِيَّتِهِ فَيَنسَخُ اللَّهُ مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ
ثُمَّ يُحْكِمُ اللَّهُ آيَاتِهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٢﴾ لِّيَجْعَلَ
مَا يُلْقِي الشَّيْطَانُ فِتْنَةً لِّلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ وَالْقَاسِيَةِ
قُلُوبُهُمْ وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَفِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿٥٣﴾ وَلِيَعْلَمَ
الَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِن رَّبِّكَ فَيُؤْمِنُوا بِهِ
فَتُخْبِتَ لَهُ قُلُوبُهُمْ وَإِنَّ اللَّهَ لَهَادِ الَّذِينَ آمَنُوا إِلَىٰ صِرَاطٍ
مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٤﴾ وَلَا يَزَالُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي مِرْيَةٍ مِّنْهُ حَتَّىٰ
تَأْتِيَهُمُ السَّاعَةُ بَغْتَةً أَوْ يَأْتِيَهُمْ عَذَابُ يَوْمٍ عَقِيمٍ ﴿٥٥﴾

47. Улар Сиздан (истеҳзо билан Аллоҳ ваъда этган) азобни қистамоқдалар. Ҳолбуки, Аллоҳ ваъдасига сира хилоф қилмас. Дарвоқе, Раббингиз наздидаги бир кун сизларнинг ҳисобингиздаги минг йилга баробардир.

48. Қанчадан-қанча золим (кофир) бўлган ҳолларида Мен муҳлат бериб қўйиб, сўнгра (азобим билан) ушлаган қишлоқ (шаҳарлар) бўлган. Менгагина қайтиш(ингиз) бордир.

49. Айтинг: «Эй, инсонлар! Мен сизлар учун аниқ огоҳлантирувчидирман, холос».

50. Бас, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганлар учун мағфират ва фаровон ризқ бордир.

51. Оятларимизни ожиз қолдиришга уринган кимсалар, ана ўшалар дўзах аҳлидирлар.

52. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сиздан илгари юборган ҳар бир элчи ва пайғамбар қачон (ўзига нозил бўлган оятларни) қироат қилса, шайтон унинг қироатига (бошқа нарсаларни) ташлаган (қўшган). Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани бекор қилур, сўнгра Аллоҳ ўз оятларини мустаҳкам этур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир.

53. (Аллоҳ) шайтон ташлайдиган нарсани дилларида иллати бўлган (мунофиқлар), тошбағир кимсалар (кофирлар) учун синов сифатида (пайдо қилур). Дарҳақиқат, золим (кофир)лар узоқ тортишувдадирлар.

54. Илм ато этилган кишилар эса, у (Қуръон)нинг Раббингиз томонидан келган ҳақиқат эканини билиб, унга имон келтиришлари, қалблари у сабабли ихлосли бўлиши учун (Аллоҳ шундай қилур). Дарҳақиқат, Аллоҳ имон келтирганларни Тўғри йўлга ҳидоят қилувчидир*.

55. Кофир бўлганлар, то уларга тўсатдан қиёмат келмагунича ёки (бу) «туғмас» (туни бўлмас) Куннинг* азоби келмагунича, ундан (Қуръоннинг ҳақлигидан) шак-шубҳададирлар.

52, 53, 54-оятлар. Мазкур оятлардан шайтоннинг ўтган пайғамбарлар қироатига ваҳий қилинмаган сўзларни қўшиб чалғитгани, Муҳаммад (а.с.)ни эса, чалғита олмаслиги маълум бўлади. Пайғамбаримиз (а.с.) намозда "Нажм" сурасини қироат қилаётганларида, чалғиб қироатни бошқача ўқиганлар, деган ривоят нотўғри. Аслида воқеа бундай бўлган: Пайғамбаримиз (а.с.) "Нажм" сурасини намозда ўқиётганларида 20-оятни ўқиб, бироз тўхтаб қолганлар. Шунда шайтон бир жумлани ўзи тўқиб, Пайғамбаримиз овозига ўхшатиб ўқиб юборган. Буни эшитган баъзи намозхонлар Пайғамбар янглишди, деб ўйлаганлар. Шайтоннинг овози баъзида эшитилиб туриши тарихдан маълум. Масалан, Уҳуд жангида “Муҳаммад ўлдирилди” деб овоза тарқатиб, мусулмонлар юрагига ғулғула солгани, Бадр жангида ҳам шу каби сўзлар билан фитна чиқармоқчи бўлгани ривоят қилинган.

55-оят. “Туғмас кун”дан мурод қиёмат куни ёки Бадр жангидаги мусулмонлар ғалабаси куни деб тафсир қилинган.

ٱلۡمُلۡكُ يَوۡمَئِذٖ لِّلَّهِ يَحۡكُمُ بَيۡنَهُمۡۚ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فِي جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ٥٦ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ
وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا فَأُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ عَذَابٞ مُّهِينٞ ٥٧
وَٱلَّذِينَ هَاجَرُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ثُمَّ قُتِلُوٓاْ أَوۡ مَاتُواْ
لَيَرۡزُقَنَّهُمُ ٱللَّهُ رِزۡقًا حَسَنٗاۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَهُوَ خَيۡرُ
ٱلرَّٰزِقِينَ ٥٨ لَيُدۡخِلَنَّهُم مُّدۡخَلٗا يَرۡضَوۡنَهُۥۚ وَإِنَّ
ٱللَّهَ لَعَلِيمٌ حَلِيمٞ ٥٩ ۞ ذَٰلِكَۖ وَمَنۡ عَاقَبَ بِمِثۡلِ
مَا عُوقِبَ بِهِۦ ثُمَّ بُغِيَ عَلَيۡهِ لَيَنصُرَنَّهُ ٱللَّهُۚ إِنَّ ٱللَّهَ
لَعَفُوٌّ غَفُورٞ ٦٠ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ يُولِجُ ٱلَّيۡلَ فِي
ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِي ٱلَّيۡلِ وَأَنَّ ٱللَّهَ سَمِيعُۢ بَصِيرٞ
٦١ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدۡعُونَ مِن
دُونِهِۦ هُوَ ٱلۡبَٰطِلُ وَأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡعَلِيُّ ٱلۡكَبِيرُ ٦٢
أَلَمۡ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَتُصۡبِحُ ٱلۡأَرۡضُ
مُخۡضَرَّةًۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٞ ٦٣ لَّهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَهُوَ ٱلۡغَنِيُّ ٱلۡحَمِيدُ ٦٤

56. У кунда ҳукмронлик (ёлғиз) Аллоҳгагина хосдир. Улар ўртасида (У) ҳукм қилур. Бас, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар (жаннатдаги) ноз-неъмат боғларидадирлар.

57. Кофир бўлган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар, ана ўшалар учун (охиратда) хор қилувчи азоб бордир.

58. Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган, сўнгра қатл этилган ёки вафот топган зотларни, албатта, Аллоҳ гўзал ризқ (мангу жаннат) билан ризқлантирур. Дарҳақиқат, Аллоҳ ризқ берувчиларнинг яхшисидир*.

59. Албатта, (Аллоҳ) уларни ўзлари рози бўладиган жойга (жаннатга) киритур. Дарҳақиқат, Аллоҳ доно ва ҳалим зотдир.

60. (Гап) шудир. Ким ўзига берилган уқубат баробарида ўч олса, сўнгра яна унга зулм қилинса, албатта, Аллоҳ у (мазлум)га ёрдам қилур*. Дарҳақиқат, Аллоҳ (хатоларни) афв этувчи ва (гуноҳларни) кечирувчидир.

61. Бунга сабаб Аллоҳ кечани кундузга киритиши (кечани қисқартириб, кундузни узайтириши) ва (аксинча) кундузни кечага киритиши ва ҳақиқатан, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зот эканидир.

62. Бунга (яна бир) сабаб Аллоҳнинг ўзигина ҳақиқий Илоҳ экани ва сизлар Уни қўйиб илтижо қилаётган нарса (бут)лар эса айни ботил экани ҳамда Аллоҳнинг ўзигина энг олий ва буюк зот эканидир.

63. Аллоҳ осмондан сув (ёмғир) ёғдиргач, ернинг ям-яшил бўлишини кўрмадингизми?! Дарҳақиқат, Аллоҳ лутфли ва хабардор зотдир.

64. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Уникидир ва ҳақиқатан, Аллоҳнинг ўзигина беҳожат ва ҳамд соҳибидир.

58-оят. Шундай савол туғилиши мумкин: ҳаммага ризқ берувчи ёлғиз Аллоҳнинг ўзи-ку, нега бу ерда “ризқ берувчилар” ибораси қўлланилган? Жавоб шуки, ҳақиқий розиқ ва раззоқ Аллоҳнинг ўзи, лекин баъзида мажозий маънода ризқ бериш нисбати бошқаларга ҳам берилади. Масалан, подшоҳ аскарига ризқ берди, яъни Аллоҳ ёзган ризқни подшоҳ уларга топширди, дегани бўлади (Хз.).

60-оят. Оятнинг нозил бўлиш сабаби – уруш ҳаром қилинган муҳаррам ойида мушриклар мусулмонларга қарши жанг бошлаган. Мусулмонлар бу ойда урушишни хоҳламаган ҳолда қаршилик кўрсатишган. Жангда Аллоҳнинг мадади билан мусулмонлар ғалаба қилганлар. Шунда айрим мусулмонлар тақиқ ойларида уруш қилиш жоиз экан, деб гумон қилиб турганларида Аллоҳ бу каби тақиқ ойларида уруш қилишнинг ҳаром экани ўз ўрнида қолиши фақат уларни риоя қилмай, ҳаддан ошувчиларнинг тажовузкорлигига қарши мудофааланиш мақсадидагина қурол ишлатиш жоизлиги ҳақида огоҳлантирмоқда (Лс. Хз.).

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِي الْأَرْضِ وَالْفُلْكَ تَجْرِي فِي الْبَحْرِ
بِأَمْرِهِ وَيُمْسِكُ السَّمَاءَ أَن تَقَعَ عَلَى الْأَرْضِ إِلَّا بِإِذْنِهِ ۗ إِنَّ
اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٥﴾ وَهُوَ الَّذِي أَحْيَاكُمْ
ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ۗ إِنَّ الْإِنسَانَ لَكَفُورٌ ﴿٦٦﴾
لِّكُلِّ أُمَّةٍ جَعَلْنَا مَنسَكًا هُمْ نَاسِكُوهُ ۖ فَلَا يُنَازِعُنَّكَ
فِي الْأَمْرِ ۚ وَادْعُ إِلَىٰ رَبِّكَ ۖ إِنَّكَ لَعَلَىٰ هُدًى مُّسْتَقِيمٍ ﴿٦٧﴾
وَإِن جَادَلُوكَ فَقُلِ اللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٦٨﴾ اللَّهُ يَحْكُمُ
بَيْنَكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٦٩﴾
أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ ۗ إِنَّ ذَٰلِكَ
فِي كِتَابٍ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٧٠﴾ وَيَعْبُدُونَ مِن دُونِ
اللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِ سُلْطَانًا وَمَا لَيْسَ لَهُم بِهِ عِلْمٌ ۗ وَمَا لِلظَّالِمِينَ
مِن نَّصِيرٍ ﴿٧١﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُنَا بَيِّنَاتٍ تَعْرِفُ فِي
وُجُوهِ الَّذِينَ كَفَرُوا الْمُنكَرَ ۖ يَكَادُونَ يَسْطُونَ
بِالَّذِينَ يَتْلُونَ عَلَيْهِمْ آيَاتِنَا ۗ قُلْ أَفَأُنَبِّئُكُم بِشَرٍّ مِّن
ذَٰلِكُمُ ۗ النَّارُ وَعَدَهَا اللَّهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ۖ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿٧٢﴾

65. Аллоҳ сизларга ердаги нарсаларни ва денгизда Унинг амри билан сузаётган кемаларни бўйин сундириб қўйганини ҳамда ўзи осмонни Ерга изнисиз қулаб тушишдан тутиб туришини кўрмадингизми?! Дарҳақиқат, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибон ва раҳмлидир*.

66. У сизларга ҳаёт берган, сўнгра ўлим берадиган, сўнгра (қиёматда яна) тирилтирадиган зотдир. Дарҳақиқат, инсон ношукурдир.

67. Биз ҳар бир умматга қурбонлик қилиш (амалини) буюрганмиз – улар унга амал қилувчидирлар. Бас, (эй, Муҳаммад!) Улар Сиз билан бу ишда сира тортишмасинлар! Сиз (уларни) Раббингиз (дини)га даъват қилинг! Албатта, Сиз Тўғри йўлдадирсиз*.

68. Агар улар Сиз билан мунозара қилсалар, айтинг: «Аллоҳ сизлар қилаётган (ёмон) ишларни жуда яхши билувчидир».

69. Аллоҳ сизлар келиша олмаган нарсалар ҳақида ўртангизда қиёмат куни ҳукм қилур.

70. (Эй, Муҳаммад!) Сиз Аллоҳ осмон ва Ердаги бор нарсани билишини билмадингизми?! Албатта, бу Китобда (Лавҳул-маҳфузда ёзиб қўйилган)дир*. Албатта, бу Аллоҳга осондир.

71. Улар (Макка кофирлари) Аллоҳни қўйиб, У бирор ҳужжат туширмаган ва ўзлари ҳам билмаган нарсаларга ибодат қилурлар. Золимлар учун бирор ёрдамчи йўқдир.

72. Қачонки, уларга Бизнинг аниқ оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлганларнинг юзларида инкор (аломати)ни сезурсиз. Оятларимизни уларга тиловат қилаётганларга (нисбатан) куч ишлатишларига оз қолар эди. (Уларга) айтинг: «Энди, Мен сизларга бундан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? (У нарса) кофир бўлганларга Аллоҳ ваъда қилган дўзахдир. Нақадар ёмон оқибат у!»*

65-оят. Суранинг 58-оятидан ушбу оятигача бўлган 8 та оятда Аллоҳнинг қудрати, фазлу карами ва неъматлари зикридан кейин Унинг 15 та номлари қайд этилди. Абу Ҳанифа (рҳ.): “Шу ўн бешта ном – Аллоҳнинг “исми аъзам”ларидир. Кимки уларни ўқиб дуо қилса, дуоси мустажоб бўлур”, – деганлар (Мд.).

67-оят. Ушбу оят бир гуруҳ мушриклар мусулмонларга таъна қилиб: “Нега ўзларингиз ўлдирган (сўйган) ҳайвон гўштини ейсиз-у, Аллоҳ ўлдирган ҳайвонлар (ўлимтик) гўштини емайсиз?”, – деганларида шу оят нозил қилинган (Мд. Хз.).

70-оят. Ҳадисда: “Ер ва осмонларни яратишдан 50 минг йил олдин Аллоҳ таоло барча махлуқот ва мавжудотларнинг тақдирини ўлчов билан белгилаб қўйган. У пайтда Унинг Арши сув устида эди”, – деб айтилган (ИК).

72-оят. Расул (а.с.)нинг саҳобалари баъзида ҳидоятга далолат қилиш мақсадида Қурайш мушрикларига Қуръон оятларини тиловат қилиб беришар эди. Лекин бундан уларнинг жаҳли чиқиб, саҳобаларни уриб юборгудек ҳолатга тушар эдилар. Бундан ҳам дўзахдаги ҳолатлари баттар бўлиши тўғрисида хабар берилмоқда (Тб.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ضُرِبَ مَثَلٌ فَٱسْتَمِعُوا۟ لَهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ
تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ لَن يَخْلُقُوا۟ ذُبَابًا وَلَوِ ٱجْتَمَعُوا۟ لَهُۥ ۖ
وَإِن يَسْلُبْهُمُ ٱلذُّبَابُ شَيْـًٔا لَّا يَسْتَنقِذُوهُ مِنْهُ ۚ ضَعُفَ
ٱلطَّالِبُ وَٱلْمَطْلُوبُ ﴿٧٣﴾ مَا قَدَرُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِۦٓ ۗ إِنَّ
ٱللَّهَ لَقَوِىٌّ عَزِيزٌ ﴿٧٤﴾ ٱللَّهُ يَصْطَفِى مِنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ
رُسُلًا وَمِنَ ٱلنَّاسِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌۢ بَصِيرٌ ﴿٧٥﴾ يَعْلَمُ
مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۗ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ ﴿٧٦﴾
يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱرْكَعُوا۟ وَٱسْجُدُوا۟ وَٱعْبُدُوا۟
رَبَّكُمْ وَٱفْعَلُوا۟ ٱلْخَيْرَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ۩ ﴿٧٧﴾
وَجَٰهِدُوا۟ فِى ٱللَّهِ حَقَّ جِهَادِهِۦ ۚ هُوَ ٱجْتَبَىٰكُمْ وَمَا جَعَلَ
عَلَيْكُمْ فِى ٱلدِّينِ مِنْ حَرَجٍ ۚ مِّلَّةَ أَبِيكُمْ إِبْرَٰهِيمَ ۚ هُوَ سَمَّىٰكُمُ
ٱلْمُسْلِمِينَ مِن قَبْلُ وَفِى هَٰذَا لِيَكُونَ ٱلرَّسُولُ شَهِيدًا عَلَيْكُمْ
وَتَكُونُوا۟ شُهَدَآءَ عَلَى ٱلنَّاسِ ۚ فَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ
وَٱعْتَصِمُوا۟ بِٱللَّهِ هُوَ مَوْلَىٰكُمْ ۖ فَنِعْمَ ٱلْمَوْلَىٰ وَنِعْمَ ٱلنَّصِيرُ ﴿٧٨﴾

آياتها ١١٨ — سُورَةُ ٱلْمُؤْمِنُونَ — ترتيبها ٢٣

73. Эй, инсонлар! (Сизларга) зарбулмасал қилинди. Бас, унга қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб, сиғинаётган нарсаларингизнинг барчаси бирлашганда ҳам, бир пашшани ярата олмаслар, агар пашша улардан бирор нарсани тортиб олса, уни ундан айириб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб этилувчи (бутлар) ҳам заифлик қилурлар.

74. Улар Аллоҳни ҳаққоний равишда қадрламадилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ кучли ва қудратлидир.

75. Аллоҳ элчиларни фаришталардан танлайди, инсонлардан ҳам. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир!

76. (У) улардан (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги (бўладиган) нарсаларни билур*. Ва (барча) ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилур.

77. Эй, имон келтирганлар! Рукуъ қилингиз, сажда қилингиз ва Раббингизга ибодат қилиб эзгу иш қилингиз – шоядки, нажот топсангиз!*

78. Аллоҳ (тоати йўли)да ҳаққоний жидду жаҳд қилингиз! Сизларни (шу дин учун) У танлади ва динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади. Отангиз Иброҳимнинг дини (Ислом)ни (ушлангиз)! Токи (қиёматда) пайғамбар сизларга гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса (қолган) одамларга гувоҳ бўлишингиз учун (Аллоҳнинг) ўзи сизларни илгари (муқаддас китобларда) атагандек, мана шу (Қуръон) да ҳам мусулмонлар деб атади. Бас, намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ва Аллоҳга боғланингиз! У сизларнинг хожангиздир. Бас, У нақадар яхши хожа ва (мадад сўраган мўминларга) нақадар яхши мададкордир!

ЎН САККИЗИНЧИ ПОРА

Муъминун сураси

Маккада нозил қилинган. 118 оят.

76-оят. “Олдинги (бўлган)” нарса – уларни яратмасдан олдинги ишлар. “Кейинги (бўладиган)” нарса – яратилганларидан кейинги ишлардир. Бу оят билан Аллоҳ таоло Ўзининг қадимлардан қадим, яъни ибтидосиз ҳамда боқийлардан боқий, яъни интиҳосиз эканини билдирмоқда.

77-оят. Бу оятдаги сажда қилишга қаратилган буйруқ ҳанафий мазҳабимиз бўйича намоздаги саждадир, тиловат саждаси эмас. Зеро, Исломнинг илк даврида мусулмонлар рукуъ ва саждасиз намоз ўқир эдилар.

"Рукуъ ва сажда қилингиз!" деган иборадан "Намоз ўқингиз!" деган буйруқни англаш ҳам мумкин (Мд.).

23. МУЪМИНУН СУРАСИ

Муъминун – мўминлар. Мўмин-мусулмонларга лойиқ сифатлар зикри билан бошлангани учун шундай ном берилган. Унда Муҳаммад (а.с.) нинг Маккадаги даврларида аҳли Исломга мушриклар тарафидан берилган азиятларга сабр қилиш, охират саодати учун бу дунёда қилиш зарур бўлган солиҳ амаллар, пайғамбарлар қиссаси ва бошқа илоҳий ўгитлар баён этилган.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
قَدۡ أَفۡلَحَ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ﴿١﴾ ٱلَّذِينَ هُمۡ فِي صَلَاتِهِمۡ خَٰشِعُونَ ﴿٢﴾
وَٱلَّذِينَ هُمۡ عَنِ ٱللَّغۡوِ مُعۡرِضُونَ ﴿٣﴾ وَٱلَّذِينَ هُمۡ لِلزَّكَوٰةِ
فَٰعِلُونَ ﴿٤﴾ وَٱلَّذِينَ هُمۡ لِفُرُوجِهِمۡ حَٰفِظُونَ ﴿٥﴾ إِلَّا عَلَىٰٓ
أَزۡوَٰجِهِمۡ أَوۡ مَا مَلَكَتۡ أَيۡمَٰنُهُمۡ فَإِنَّهُمۡ غَيۡرُ مَلُومِينَ ﴿٦﴾
فَمَنِ ٱبۡتَغَىٰ وَرَآءَ ذَٰلِكَ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡعَادُونَ ﴿٧﴾ وَٱلَّذِينَ هُمۡ
لِأَمَٰنَٰتِهِمۡ وَعَهۡدِهِمۡ رَٰعُونَ ﴿٨﴾ وَٱلَّذِينَ هُمۡ عَلَىٰ صَلَوَٰتِهِمۡ
يُحَافِظُونَ ﴿٩﴾ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡوَٰرِثُونَ ﴿١٠﴾ ٱلَّذِينَ يَرِثُونَ
ٱلۡفِرۡدَوۡسَ هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿١١﴾ وَلَقَدۡ خَلَقۡنَا ٱلۡإِنسَٰنَ مِن
سُلَٰلَةٖ مِّن طِينٖ ﴿١٢﴾ ثُمَّ جَعَلۡنَٰهُ نُطۡفَةٗ فِي قَرَارٖ مَّكِينٖ ﴿١٣﴾ ثُمَّ
خَلَقۡنَا ٱلنُّطۡفَةَ عَلَقَةٗ فَخَلَقۡنَا ٱلۡعَلَقَةَ مُضۡغَةٗ فَخَلَقۡنَا
ٱلۡمُضۡغَةَ عِظَٰمٗا فَكَسَوۡنَا ٱلۡعِظَٰمَ لَحۡمٗا ثُمَّ أَنشَأۡنَٰهُ خَلۡقًا
ءَاخَرَۚ فَتَبَارَكَ ٱللَّهُ أَحۡسَنُ ٱلۡخَٰلِقِينَ ﴿١٤﴾ ثُمَّ إِنَّكُم بَعۡدَ ذَٰلِكَ
لَمَيِّتُونَ ﴿١٥﴾ ثُمَّ إِنَّكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ تُبۡعَثُونَ ﴿١٦﴾ وَلَقَدۡ
خَلَقۡنَا فَوۡقَكُمۡ سَبۡعَ طَرَآئِقَ وَمَا كُنَّا عَنِ ٱلۡخَلۡقِ غَٰفِلِينَ ﴿١٧﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Мўминлар нажот топдилар.

2. Улар намозларида ўзларини камтар тутувчидирлар.

3. Улар беҳуда (сўз ва ишлар)дан юз ўгирувчидирлар.

4. Улар закотни адо этувчидирлар.

5. Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчидирлар.

6. Илло, ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилар (чўрилар) бундан мустаснодир. Бас, албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар.

7. Бас, кимки шундан ўзгани (ҳаром қилинган нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчидирлар.

8. Улар (мўминлар) (одамларнинг берган) омонатларига ва (ўзаро боғлаган) аҳд-паймонларига риоя этувчидирлар.

9. Улар намозларини асрагувчи (вақтида адо этувчи)дирлар*.

10. Айнан ўшалар меросхўрдирлар –

11. Фирдавс (жаннати)га ворис бўлишиб, улар у ерда (жаннатда) мангу қолувчидирлар.

12. Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик.

13. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон)даги маний қилдик.

14. Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киритиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ баракотлидир!*

15. Сўнгра, албатта, сизлар (эй, инсонлар!) Мана шундан кейин, албатта, вафот этувчидирсиз.

16. Сўнгра сизлар, албатта, қиёмат куни қайта тирилурсиз.

17. Дарвоқе, Биз устингизда етти йўлни* (етти қават осмонни) яратдик. Биз яратувчиликдан ғофил бўлмадик.

9-оят. Расул (а.с.)нинг вафотларидан кейин саҳобалар Ойша (рз.)дан: “Пайғамбаримиз (а.с.)нинг хулқлари қандай эди?”, – деб сўраганларида жавобига ушбу суранинг то 9-оятигача ўқиб, хулқлари худди шу оятларда айтилгандек эди, деган экан (Нс. ИК)

14-оят. Оятдаги ҳомиланинг ривожланиш босқичлари воқеликда айнан Қуръонда кўрсатилгандек эканини ҳозирги илмий кашфиётлар ҳам тасдиқ этмоқда. Бу борада дунёнинг йирик олимлари талай илмий изланишлар натижасида, Қуръони каримнинг илоҳий мўъжиза эканини яна бир бор исботладилар.

17-оят. Етти йўл – фаришталарнинг осмонлараро йўли.

وَأَنزَلْنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءًۢ بِقَدَرٍ فَأَسْكَنَّٰهُ فِى ٱلْأَرْضِ ۖ وَإِنَّا عَلَىٰ ذَهَابٍۭ
بِهِۦ لَقَٰدِرُونَ ﴿١٨﴾ فَأَنشَأْنَا لَكُم بِهِۦ جَنَّٰتٍ مِّن نَّخِيلٍ وَأَعْنَٰبٍ
لَّكُمْ فِيهَا فَوَٰكِهُ كَثِيرَةٌ وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿١٩﴾ وَشَجَرَةً تَخْرُجُ مِن
طُورِ سَيْنَآءَ تَنۢبُتُ بِٱلدُّهْنِ وَصِبْغٍ لِّلْءَاكِلِينَ ﴿٢٠﴾ وَإِنَّ لَكُمْ فِى
ٱلْأَنْعَٰمِ لَعِبْرَةً ۖ نُّسْقِيكُم مِّمَّا فِى بُطُونِهَا وَلَكُمْ فِيهَا مَنَٰفِعُ كَثِيرَةٌ
وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٢١﴾ وَعَلَيْهَا وَعَلَى ٱلْفُلْكِ تُحْمَلُونَ ﴿٢٢﴾ وَلَقَدْ
أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦ فَقَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ
غَيْرُهُۥٓ ۚ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ ٱلْمَلَؤُا۟ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن قَوْمِهِۦ مَا هَٰذَآ
إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُرِيدُ أَن يَتَفَضَّلَ عَلَيْكُمْ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَأَنزَلَ
مَلَٰٓئِكَةً مَّا سَمِعْنَا بِهَٰذَا فِىٓ ءَابَآئِنَا ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٤﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا
رَجُلٌۢ بِهِۦ جِنَّةٌ فَتَرَبَّصُوا۟ بِهِۦ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٢٥﴾ قَالَ رَبِّ ٱنصُرْنِى
بِمَا كَذَّبُونِ ﴿٢٦﴾ فَأَوْحَيْنَآ إِلَيْهِ أَنِ ٱصْنَعِ ٱلْفُلْكَ بِأَعْيُنِنَا
وَوَحْيِنَا فَإِذَا جَآءَ أَمْرُنَا وَفَارَ ٱلتَّنُّورُ ۙ فَٱسْلُكْ فِيهَا مِن
كُلٍّ زَوْجَيْنِ ٱثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَن سَبَقَ عَلَيْهِ ٱلْقَوْلُ
مِنْهُمْ ۖ وَلَا تُخَٰطِبْنِى فِى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ ۖ إِنَّهُم مُّغْرَقُونَ ﴿٢٧﴾

18. Биз осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, уни ерга жойлаб қўйдик ва Биз уни кетказишга ҳам, албатта, қодирдирмиз*.

19. Сўнгра Биз сизлар учун у (сув) билан хурмо ва узум боғларини пайдо қилдик. Сизлар учун у (боғ)ларда кўп мевалар бор ва сизлар улардан ейсиз.

20. Яна (Биз сизлар учун) Тури Сайно (тоғи)дан* чиқадиган ёғ ва егувчилар учун нонхуруш ҳолда ўсадиган бир дарахтни (зайтунни яратдик)*.

21. Албатта, сизлар учун чорва молларида ҳам ибрат бордир: сизларга уларнинг қорнидаги нарса (сути)дан ичирурмиз, яна сизлар учун уларда кўп фойдалар бордир, шунингдек, улар(нинг гўшт-ёғлари)дан ейсиз.

22. Яна, (қуруқликда) улар устига ва (денгизларда) кемаларга миниб юрасиз.

23. Дарвоқе, Биз Нуҳни ўз қавмига пайғамбар қилдик. Бас, у: «Эй, қавмим! Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ахир, қўрқмайсизми?», – деди.

24. Шунда унинг қавмидан кофир бўлган зодагонлар: «Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. (Фақат) сизлардан устун бўлиб олмоқчи. Агар Аллоҳ (пайғамбар юборишни) хоҳласа, фаришталарни туширган бўлур эди. Бизлар бу (Нуҳ сўзлари)ни аввалги ота-боболаримиздан эшитган эмасмиз.

25. У (яъни Нуҳ) фақат бир жинни одамдир. Бас, уни бир (оз) вақтгача кузатиб турингиз!», – дедилар.

26. (Нуҳ) айтди: «Эй, Раббим! Уларнинг менга нисбатан инкорига қарши Ўзинг менга ёрдам қилгин!»*

27. Бас, Биз унга ваҳий қилдик: «Бизнинг ҳимоямизда ва ваҳийимиз билан бир кема ясагин! Бас, қачонки, Бизнинг амримиз келиб, таннурдан (олов ўрнига) фавворалар отилган вақтида, у кемага ҳар (жонивор)дан бир жуфтдан ва оилангни солгин! Лекин кофирлардан ким ҳақида Бизни сўзимиз (ғарқ бўлиши ҳақидаги ҳукмимиз) кечган бўлса (уларни тарк қилгин) ҳамда улар ҳақида (нажот сўраб) Менга хитоб (илтижо) қилмагин! Улар, албатта, (тўфон сувига) ғарқ қилинувчидирлар!

18-оят. Ҳадисда шундай дейилади: “Сайҳун (Сирдарё), Жайҳун (Амударё), Фурот (Ироқдаги дарё) ва Нил дарёлари жаннатдан чиқарилиб қўйилган дарёлардир” (Мс. Хз.).

20-оят. “Тури Сайно”, “Тури Сино” ёки “Тури Синин” деб аталадиган тоғ Миср билан Айла шаҳри ўртасидаги муборак тоғ бўлиб, у Мусо (а.с.) Аллоҳ билан гаплашган жойдир (Тб.).

* Зайтун дарахти тўфондан кейин илк бор кўкариб чиққан дарахт бўлиб, у уч минг йилгача қуримай туриши мумкин, дейилади (Хз.).

26-оят. Нуҳ (а.с.) қавмининг имон келтиришидан ноумид бўлгач, уларни дуои бад қилади. Натижада тўфон балоси келади.

فَإِذَا ٱسْتَوَيْتَ أَنتَ وَمَن مَّعَكَ عَلَى ٱلْفُلْكِ فَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى نَجَّىٰنَا
مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٢٨﴾ وَقُل رَّبِّ أَنزِلْنِى مُنزَلًا مُّبَارَكًا وَأَنتَ خَيْرُ
ٱلْمُنزِلِينَ ﴿٢٩﴾ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ وَإِن كُنَّا لَمُبْتَلِينَ ﴿٣٠﴾ ثُمَّ أَنشَأْنَا
مِنۢ بَعْدِهِمْ قَرْنًا ءَاخَرِينَ ﴿٣١﴾ فَأَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولًا مِّنْهُمْ أَنِ ٱعْبُدُوا۟
ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَـٰهٍ غَيْرُهُۥٓ ۖ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣٢﴾ وَقَالَ ٱلْمَلَأُ مِن قَوْمِهِ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِلِقَآءِ ٱلْـَٔاخِرَةِ وَأَتْرَفْنَـٰهُمْ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا
مَا هَـٰذَآ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يَأْكُلُ مِمَّا تَأْكُلُونَ مِنْهُ وَيَشْرَبُ مِمَّا
تَشْرَبُونَ ﴿٣٣﴾ وَلَئِنْ أَطَعْتُم بَشَرًا مِّثْلَكُمْ إِنَّكُمْ إِذًا لَّخَـٰسِرُونَ
﴿٣٤﴾ أَيَعِدُكُمْ أَنَّكُمْ إِذَا مِتُّمْ وَكُنتُمْ تُرَابًا وَعِظَـٰمًا أَنَّكُم مُّخْرَجُونَ
﴿٣٥﴾ ۞ هَيْهَاتَ هَيْهَاتَ لِمَا تُوعَدُونَ ﴿٣٦﴾ إِنْ هِىَ إِلَّا حَيَاتُنَا
ٱلدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا نَحْنُ بِمَبْعُوثِينَ ﴿٣٧﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا رَجُلٌ
ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا وَمَا نَحْنُ لَهُۥ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٣٨﴾ قَالَ رَبِّ
ٱنصُرْنِى بِمَا كَذَّبُونِ ﴿٣٩﴾ قَالَ عَمَّا قَلِيلٍ لَّيُصْبِحُنَّ نَـٰدِمِينَ ﴿٤٠﴾
فَأَخَذَتْهُمُ ٱلصَّيْحَةُ بِٱلْحَقِّ فَجَعَلْنَـٰهُمْ غُثَآءً ۚ فَبُعْدًا لِّلْقَوْمِ
ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٤١﴾ ثُمَّ أَنشَأْنَا مِنۢ بَعْدِهِمْ قُرُونًا ءَاخَرِينَ ﴿٤٢﴾

28. Энди қачонки, ўзинг ва сен билан бирга бўлган кишилар кемага жойлашиб олгач, айтгин: «Бизларни золимлар қавмидан қутқарган Аллоҳга ҳамд (айтамиз)».

29. Яна айт: «Эй, Раббим! Мени бир муборак манзилга туширгин! Сен (манзилга) туширувчиларнинг яхшисидирсан».

30. Албатта, бунда (Нуҳ ва тўфон воқеасида) аломатлар бордир. Биз (одамларни) синовчидирмиз.

31. Сўнгра Биз улардан кейин бошқа авлодни (Од қабиласини) пайдо қилдик.

32. Бас, уларга ўзларидан бир пайғамбарни (Ҳудни) юбордик. (У айтди): «Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, (Унга ширк келтиришдан) қўрқмайсизми?!»

33. Унинг қавмидан кофир бўлган, охират мулоқотини инкор этган ва Биз дунё ҳаётида маишатпараст қилиб қўйган кимсалар дедилар: «Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. У ҳам сизлар ейдиган нарсадан ейди, сизлар ичадиган нарсадан ичади.

34. Қасамки, агар сизлар ўзингизга ўхшаган одамга итоат қилсангиз, у ҳолда сизлар, албатта, зиён кўрувчидирсиз.

35. У сизларга ўлиб, тупроқ ва суякларга айланганингиздан кейин, албатта, (қабрларингиздан) чиқарилувчидирсиз, деб ваъда бермоқдами?

36. Сизларга ваъда қилинаётган нарса (ақлдан) жуда-жуда узоқдир!

37. Ҳаёт фақат (шу) дунёдаги ҳаётимиздир. (Айримларимиз) ўлсак, (бошқаларимиз) яшайверамиз. Биз қайта тирилувчи эмасмиз.

38. У (Ҳуд) фақат Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган шахсдир. Бизлар унга имон келтирувчи эмасмиз».

39. (Шунда Ҳуд) айтди: «Эй, Раббим! Мени ёлғончи қилганлари боис менга ёрдам қилгин!»

40. (Аллоҳ) деди: «Бироздан кейин улар, албатта, пушаймон бўлувчиларга айланиб қолурлар».

41. Бас, ҳақиқатан ҳам, уларни (мудҳиш бир) қичқириқ тутди. Биз эса уларни хазонга айлантирдик. Золимлар қавмига ҳалокат бўлгай!

42. Сўнгра улардан кейин бошқа авлодларни пайдо қилдик*.

42-оят. Яъни Ҳуд (а.с.)нинг қавми саналмиш Од қабиласи ҳалок қилингандан кейин Солиҳ, Лут, Шуайб (а.с.) қавмларини дунёга келтирдик. Солиҳ (а.с.), Лут (а.с.), Шуайб (а.с.)ларнинг қавмлари мушрик ҳолларида пайғамбарларга итоатсизлик қилганлари туфайли Аллоҳнинг ғазабига учраб, ҳалок бўлиб кетдилар. Улар ичида имон келтирганлари оз эди.

مَا تَسۡبِقُ مِنۡ أُمَّةٍ أَجَلَهَا وَمَا يَسۡتَـٔۡخِرُونَ ٤٣ ثُمَّ أَرۡسَلۡنَا رُسُلَنَا تَتۡرَاۖ
كُلَّ مَا جَآءَ أُمَّةٗ رَّسُولُهَا كَذَّبُوهُۖ فَأَتۡبَعۡنَا بَعۡضَهُم بَعۡضٗا وَجَعَلۡنَٰهُمۡ
أَحَادِيثَۚ فَبُعۡدٗا لِّقَوۡمٖ لَّا يُؤۡمِنُونَ ٤٤ ثُمَّ أَرۡسَلۡنَا مُوسَىٰ وَأَخَاهُ
هَٰرُونَ بِـَٔايَٰتِنَا وَسُلۡطَٰنٖ مُّبِينٍ ٤٥ إِلَىٰ فِرۡعَوۡنَ وَمَلَإِيْهِۦ
فَٱسۡتَكۡبَرُواْ وَكَانُواْ قَوۡمًا عَالِينَ ٤٦ فَقَالُوٓاْ أَنُؤۡمِنُ لِبَشَرَيۡنِ مِثۡلِنَا
وَقَوۡمُهُمَا لَنَا عَٰبِدُونَ ٤٧ فَكَذَّبُوهُمَا فَكَانُواْ مِنَ ٱلۡمُهۡلَكِينَ
٤٨ وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا مُوسَى ٱلۡكِتَٰبَ لَعَلَّهُمۡ يَهۡتَدُونَ ٤٩ وَجَعَلۡنَا
ٱبۡنَ مَرۡيَمَ وَأُمَّهُۥٓ ءَايَةٗ وَءَاوَيۡنَٰهُمَآ إِلَىٰ رَبۡوَةٖ ذَاتِ قَرَارٖ وَمَعِينٖ
٥٠ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرُّسُلُ كُلُواْ مِنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَٱعۡمَلُواْ صَٰلِحًاۖ إِنِّي بِمَا
تَعۡمَلُونَ عَلِيمٞ ٥١ وَإِنَّ هَٰذِهِۦٓ أُمَّتُكُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَأَنَا۠ رَبُّكُمۡ
فَٱتَّقُونِ ٥٢ فَتَقَطَّعُوٓاْ أَمۡرَهُم بَيۡنَهُمۡ زُبُرٗاۖ كُلُّ حِزۡبِۭ بِمَا لَدَيۡهِمۡ
فَرِحُونَ ٥٣ فَذَرۡهُمۡ فِي غَمۡرَتِهِمۡ حَتَّىٰ حِينٍ ٥٤ أَيَحۡسَبُونَ أَنَّمَا
نُمِدُّهُم بِهِۦ مِن مَّالٖ وَبَنِينَ ٥٥ نُسَارِعُ لَهُمۡ فِي ٱلۡخَيۡرَٰتِۚ بَل لَّا يَشۡعُرُونَ
٥٦ إِنَّ ٱلَّذِينَ هُم مِّنۡ خَشۡيَةِ رَبِّهِم مُّشۡفِقُونَ ٥٧ وَٱلَّذِينَ هُم
بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمۡ يُؤۡمِنُونَ ٥٨ وَٱلَّذِينَ هُم بِرَبِّهِمۡ لَا يُشۡرِكُونَ ٥٩

43. Ҳеч бир уммат ўз ажалидан ўзиб ҳам кета олмас, (уни) ортга ҳам сура олмас!

44. Сўнгра пайдар-пай пайғамбарлар юбордик. Ҳар гал бирор умматга (ўз) пайғамбари келса, уни инкор этдилар. Бас, Биз уларни бирин-кетин (ҳалок) қилдик ва уларни (одамлар оғзида юрадиган) гапга айлантириб қўйдик. Бас, имон келтирмайдиган қавмга ҳалокат бўлгай!

45. Сўнгра Биз Мусо ва унинг биродари Ҳорунни мўъжизаларимиз ва аниқ ҳужжат билан юбордик.

46. Фиръавн ва унинг зодагонларига (юбордик). Улар эса кибр-ҳавога берилдилар. Улар мутакаббирлар қавми эди.

47. Бас, айтдилар: «Худди ўзимизга ўхшаган (шу) икки кишига имон келтирамизми?! Ҳолбуки, уларнинг қавми (Исроил авлоди) бизларга қулдирлар».

48. Бас, иккисини ёлғончига чиқаришиб, ҳалок қилинувчилардан бўлдилар.

49. Дарҳақиқат, Мусога ҳидоят топишлари учун Китоб (Таврот)ни ато этдик.

50. (Кейин) Марямнинг ўғли (Исо)ни ва унинг онасини аломат қилдик ва иккисини бир оқин сувли баланд қароргоҳга жойладик*.

51. (Пайғамбарларимизга шундай дедик:) «Эй, пайғамбарлар! Пок (таом)лардан тановул қилингиз ва эзгу (иш) қилингиз! Албатта, Мен қилаётган ишларингизни билувчидирман.

52. Албатта, бу (динингиз) бир миллатдир (яъни ислом динидир). Мен эса, сизларнинг Раббингиздирман, бас, Мендан қўрқингиз!»

53. Сўнгра (одамлар) ишларини (динларини) турларга бўлиб юбордилар. Ҳар бир гуруҳ ўз олдиларидаги нарса (дин) билан мамнундирлар.

54. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз уларни (маълум) вақтгача ўз ғафлатларига қўйиб беринг!

55. Биз уларга бераётган бойлик ва фарзандларни

56. ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимиз (белгиси) деб ҳисоблайдиларми?! Йўқ, улар (бунинг ҳикматини) сезмайдилар!

57. Албатта, Парвардигорларидан қўрқиб, хавфда турувчилар,

58. Парвардигорларининг оятларига имон келтирадиганлар,

59. Парвардигорларига ширк келтирмайдиганлар,

50-оят. Марям ва Исо (а.с.)лар жойлашган “баланд қароргоҳ”дан Байтил-мақдис ё Дамашқ ёки Рамла шаҳри назарда тутилган. Ундан мурод Фаластин ёхуд Миср деган ривоятлар ҳам бор. Қайси жой бўлганда ҳам сувга сероб, обод жой экани оятдан маълум бўлиб турибди (Мд.).

وَٱلَّذِينَ يُؤْتُونَ مَآ ءَاتَوا۟ وَّقُلُوبُهُمْ وَجِلَةٌ أَنَّهُمْ إِلَىٰ رَبِّهِمْ رَٰجِعُونَ ﴿٦٠﴾
أُو۟لَٰٓئِكَ يُسَٰرِعُونَ فِى ٱلْخَيْرَٰتِ وَهُمْ لَهَا سَٰبِقُونَ ﴿٦١﴾ وَلَا نُكَلِّفُ
نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ۖ وَلَدَيْنَا كِتَٰبٌ يَنطِقُ بِٱلْحَقِّ ۚ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ ﴿٦٢﴾
بَلْ قُلُوبُهُمْ فِى غَمْرَةٍ مِّنْ هَٰذَا وَلَهُمْ أَعْمَٰلٌ مِّن دُونِ ذَٰلِكَ هُمْ لَهَا
عَٰمِلُونَ ﴿٦٣﴾ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَخَذْنَا مُتْرَفِيهِم بِٱلْعَذَابِ إِذَا هُمْ يَجْـَٔرُونَ
﴿٦٤﴾ لَا تَجْـَٔرُوا۟ ٱلْيَوْمَ ۖ إِنَّكُم مِّنَّا لَا تُنصَرُونَ ﴿٦٥﴾ قَدْ كَانَتْ ءَايَٰتِى
تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فَكُنتُمْ عَلَىٰٓ أَعْقَٰبِكُمْ تَنكِصُونَ ﴿٦٦﴾ مُسْتَكْبِرِينَ
بِهِۦ سَٰمِرًا تَهْجُرُونَ ﴿٦٧﴾ أَفَلَمْ يَدَّبَّرُوا۟ ٱلْقَوْلَ أَمْ جَآءَهُم مَّا لَمْ يَأْتِ
ءَابَآءَهُمُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٦٨﴾ أَمْ لَمْ يَعْرِفُوا۟ رَسُولَهُمْ فَهُمْ لَهُۥ مُنكِرُونَ
﴿٦٩﴾ أَمْ يَقُولُونَ بِهِۦ جِنَّةٌۢ ۚ بَلْ جَآءَهُم بِٱلْحَقِّ وَأَكْثَرُهُمْ لِلْحَقِّ
كَٰرِهُونَ ﴿٧٠﴾ وَلَوِ ٱتَّبَعَ ٱلْحَقُّ أَهْوَآءَهُمْ لَفَسَدَتِ ٱلسَّمَٰوَٰتُ
وَٱلْأَرْضُ وَمَن فِيهِنَّ ۚ بَلْ أَتَيْنَٰهُم بِذِكْرِهِمْ فَهُمْ عَن
ذِكْرِهِم مُّعْرِضُونَ ﴿٧١﴾ أَمْ تَسْـَٔلُهُمْ خَرْجًا فَخَرَاجُ رَبِّكَ خَيْرٌ ۖ
وَهُوَ خَيْرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ﴿٧٢﴾ وَإِنَّكَ لَتَدْعُوهُمْ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٧٣﴾
وَإِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ عَنِ ٱلصِّرَٰطِ لَنَٰكِبُونَ ﴿٧٤﴾

60. шунингдек, садақаларини (қиёматда) Парвардигорга қайтувчи эканларидан диллари қўрқиб турган ҳолда берадиган кишилар,

61. айнан ўшалар яхшиликларни қилишга шошурлар ва унда ўзиб кетувчидирлар.

62. Биз ҳеч бир жон (эгаси)ни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз. Бизнинг даргоҳимизда фақат ҳақни сўзлайдиган битик бордир*. Уларга ноҳақлик қилинмас.

63. Йўқ, (кофирларнинг) диллари бундан ғафлатдадир. Улар учун бундан бошқа ўзлари қилувчи бўлган (бефойда) ишлар бордир.

64. Токи Биз уларнинг тўқ (мағрур) яшайдиганларини (бирор) азобга гирифтор қилганимизда, бехос улар фарёд қилурлар*.

65. «Бугун энди фарёд қилмангиз! Биз (томон)дан сизларга асло ёрдам берилмас.

66. (Чунки) сизларга оятларим тиловат қилинганида, сизлар ортингизга қараб юрган эдингиз.

67. («Байтуллоҳ ҳарамидамиз», деб) у билан мутакаббирлик қилиб, тунги суҳбатларингизда (Қуръон хусусида) беҳуда сўзларни айтар эдингиз».

68. Ахир, улар бу Сўзни (Қуръонни) чуқурроқ фикрлаб кўрмадиларми ёки уларга аввал ўтган ота-боболарига келмаган нарса келибдими?!

69. Ёки ўз пайғамбарларини танимай, уни инкор қилувчи бўлдиларми?!

70. Ёхуд: «Унда (Муҳаммадда) жиннилик бор», – дейдиларми?! Йўқ! (У) уларга ҳақиқатни келтирди. Уларнинг аксарияти эса, ҳақиқатни ёмон кўрувчилардир.

71. Агар Ҳақ (Аллоҳ) уларнинг ҳавойи нафсларига эргашса эди, албатта, осмонлар, Ер ва улардаги бор жонзот бузилиб (ҳалок) бўлган бўлур эди. Йўқ, Биз улар учун эслатма келтирдик, улар эса, ўзларига (келган) эслатмадан юз ўгирувчидирлар.

72. (Эй, Муҳаммад!) Ёки Сиз улардан харж (ҳақ) сўрамоқдамисиз! Раббингизнинг харжи (ажри) яхшироқдир. У ризқ берувчиларнинг яхшисидир!

73. Албатта, Сиз уларни фақат тўғри йўлга даъват қилурсиз.

74. Охиратга имон келтирмайдиганлар йўлдан озувчидирлар.

62-оят. “Битик” дан мурод Лавҳул-маҳфуз ёки ҳар бир кишининг номаи аъмолидир.

64-оят. Ҳижратдан олдинги даврда Расул (а.с.)га Макка мушриклари ҳаддан зиёд азоб бериб, мусулмонларга қаттиқ тазйиқ ўтказганларидан кейин уларни дуои бад қилганлар. Шундан кейин уларга Аллоҳ таоло етти йил қаҳатчилик балосини юборган (Мд. Хз.).

۞ وَلَوْ رَحِمْنَٰهُمْ وَكَشَفْنَا مَا بِهِم مِّن ضُرٍّ لَّلَجُّوا۟ فِى طُغْيَٰنِهِمْ
يَعْمَهُونَ ﴿٧٥﴾ وَلَقَدْ أَخَذْنَٰهُم بِٱلْعَذَابِ فَمَا ٱسْتَكَانُوا۟ لِرَبِّهِمْ
وَمَا يَتَضَرَّعُونَ ﴿٧٦﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا فَتَحْنَا عَلَيْهِم بَابًا ذَا عَذَابٍ شَدِيدٍ
إِذَا هُمْ فِيهِ مُبْلِسُونَ ﴿٧٧﴾ وَهُوَ ٱلَّذِىٓ أَنشَأَ لَكُمُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ
وَٱلْأَفْـِٔدَةَ ۚ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿٧٨﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى ذَرَأَكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ
وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٧٩﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى يُحْىِۦ وَيُمِيتُ وَلَهُ ٱخْتِلَٰفُ
ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٨٠﴾ بَلْ قَالُوا۟ مِثْلَ مَا قَالَ
ٱلْأَوَّلُونَ ﴿٨١﴾ قَالُوٓا۟ أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَٰمًا أَءِنَّا
لَمَبْعُوثُونَ ﴿٨٢﴾ لَقَدْ وُعِدْنَا نَحْنُ وَءَابَآؤُنَا هَٰذَا مِن قَبْلُ إِنْ هَٰذَآ
إِلَّآ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٨٣﴾ قُل لِّمَنِ ٱلْأَرْضُ وَمَن فِيهَآ إِن
كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨٤﴾ سَيَقُولُونَ لِلَّهِ ۚ قُلْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ
﴿٨٥﴾ قُلْ مَن رَّبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ ٱلسَّبْعِ وَرَبُّ ٱلْعَرْشِ ٱلْعَظِيمِ
﴿٨٦﴾ سَيَقُولُونَ لِلَّهِ ۚ قُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٨٧﴾ قُلْ مَنۢ بِيَدِهِۦ
مَلَكُوتُ كُلِّ شَىْءٍ وَهُوَ يُجِيرُ وَلَا يُجَارُ عَلَيْهِ إِن
كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨٨﴾ سَيَقُولُونَ لِلَّهِ ۚ قُلْ فَأَنَّىٰ تُسْحَرُونَ ﴿٨٩﴾

75. Агар Биз уларга раҳм қилсак ва улардаги нарсани (қаҳатчиликни) аритсак, шаксиз, улар яна ўз туғёнларида гангиб юрган бўлур эдилар*.

76. Мана, Биз уларни азобга тутдик. Улар эса на Парвардигорга бўйин эгдилар ва на (тавба) тазарру қилдилар.

77. То қачонки, Биз уларга қаттиқ азоб (қаҳатчилик) эшигини очиб қўядиган бўлсак, бехос улар ноумид бўлувчидирлар.

78. У (Аллоҳ) сизларга қулоқ(лар)ни, кўзларни ва дилларни пайдо қилган зотдир. (Сизлар бунга) жуда кам шукр қилурсиз.

79. У сизларни ер юзида яратган ва тарқатган зотдир. Сизлар (қиёмат куни) Унинг ҳузурига тўпланурсиз.

80. У тирилтирадиган ва ўлдирадиган зотдир. Кеча ва кундузнинг ўзгариб туриши ҳам Унга (боғлиқ)дир. Ахир, ақл юргизмайсизми?!

81. Йўқ, улар ҳам худди аввалгилар (ўтган пайғамбарлар) айтган сўзларни айтдилар.

82. Дедилар: «Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланганимизда, (қиёмат куни) яна қайта тирилувчимизми?!

83. Дарвоқе, бизларга ҳам, ота-боболаримизга ҳам олдин мана шу ваъда қилинган эди. Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир».

84. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Агар билувчи бўлсангиз (айтингиз-чи), Ер ва ундаги бор жонзот кимники?»

85. Улар: Албатта, «Аллоҳникидир», – дерлар. Айтинг: «Бас, (шундай экан, улардан) эслатма олмайсизми?!»

86. Айтинг: «Етти осмоннинг Рабби, яъни улуғ Аршнинг Рабби кимдир?»

87. Улар: «(Булар ҳам) Аллоҳникидир»,– дерлар. Айтинг: «Ахир қўрқмайсизми?!»

88. Айтинг: «Агар билсангиз (айтинглар-чи), барча нарсанинг ҳукмронлиги «қўли»да бўлган, Ўзи (барчага) ҳомийлик қиладиган, Унга қарши ҳомийлик қилинмайдиган зот кимдир?»

89. Улар: «(Булар ҳам) Аллоҳникидир», – дерлар. Айтинг: «Бас, (унда) нечук (ҳақиқатни қабул қилиш ўрнига) сеҳрланмоқдасиз?!»

75-оят. Макка мушриклари қаҳатчилик ва очарчиликдан жуда қийналдилар. Ҳатто, ҳайвон териси, суяклари ва ит гўштини еийишгача етганларида, Абу Суфён Расул (а.с.)нинг ҳузурларига келиб: “Сен бутун оламга раҳмат қилиб юборилдим, демаганмидинг?”, – деб меҳр-шафқат талаб қилган. Оятда Аллоҳ улардан бу бало ва мусибатларни аритган тақдиримизда ҳам улар тавба-тазарру қилиб, имон келтирмайдилар, деган ғайб хабарини бермоқда (Мд. Хз.).

بَلْ أَتَيْنَٰهُم بِٱلْحَقِّ وَإِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿٩٠﴾ مَا ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ مِن وَلَدٍ
وَمَا كَانَ مَعَهُۥ مِنْ إِلَٰهٍ إِذًا لَّذَهَبَ كُلُّ إِلَٰهٍۭ بِمَا خَلَقَ وَلَعَلَا
بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ سُبْحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٩١﴾ عَٰلِمِ
ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ فَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٩٢﴾ قُل رَّبِّ
إِمَّا تُرِيَنِّى مَا يُوعَدُونَ ﴿٩٣﴾ رَبِّ فَلَا تَجْعَلْنِى فِى ٱلْقَوْمِ
ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٩٤﴾ وَإِنَّا عَلَىٰٓ أَن نُّرِيَكَ مَا نَعِدُهُمْ لَقَٰدِرُونَ ﴿٩٥﴾
ٱدْفَعْ بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ ٱلسَّيِّئَةَ نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَصِفُونَ ﴿٩٦﴾
وَقُل رَّبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ هَمَزَٰتِ ٱلشَّيَٰطِينِ ﴿٩٧﴾ وَأَعُوذُ بِكَ
رَبِّ أَن يَحْضُرُونِ ﴿٩٨﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَ أَحَدَهُمُ ٱلْمَوْتُ قَالَ رَبِّ
ٱرْجِعُونِ ﴿٩٩﴾ لَعَلِّىٓ أَعْمَلُ صَٰلِحًا فِيمَا تَرَكْتُ كَلَّآ إِنَّهَا كَلِمَةٌ
هُوَ قَآئِلُهَا وَمِن وَرَآئِهِم بَرْزَخٌ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٠٠﴾ فَإِذَا نُفِخَ
فِى ٱلصُّورِ فَلَآ أَنسَابَ بَيْنَهُمْ يَوْمَئِذٍ وَلَا يَتَسَآءَلُونَ ﴿١٠١﴾
فَمَن ثَقُلَتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٢﴾ وَمَنْ
خَفَّتْ مَوَٰزِينُهُۥ فَأُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ فِى جَهَنَّمَ
خَٰلِدُونَ ﴿١٠٣﴾ تَلْفَحُ وُجُوهَهُمُ ٱلنَّارُ وَهُمْ فِيهَا كَٰلِحُونَ ﴿١٠٤﴾

90. Аксинча, Биз уларга (қайта тирилишлари ҳақидаги) ҳақиқатни келтирдик. Улар эса ҳануз (Аллоҳ шаънига) ёлғон тўқувчилардир.

91. Аллоҳ фарзанд тутган эмас ва У билан бирга бирор илоҳ ҳам бўлган эмасдир. Акс ҳолда, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан (кибрга) кетиб, бир-биридан устун бўлиб олур эди (натижада Еру осмон бузилиб кетган бўлур эди). Аллоҳ улар васф этаётган нарсадан покдир.

92. У махфий (сир) ва ошкора (гап ва ишлар)ни билувчидир. Бас, келтираётган ширкларидан У олий (пок)дир.

93. Айтинг: «Эй, Раббим! Менга (кофирларга) ваъда қилинаётган нарса (азоб)ни кўрсатсанг-чи?!

94. Эй, Раббим! (ўшанда) мени у золимлар қавми ичида (турувчи) қилмагин!»

95. Албатта, Биз уларга ваъда қилаётган нарса (азоб)ни Сизга кўрсатишга қодирмиз.

96. Сиз (улар қилаётган) ёмонликни гўзал (сўзлар) билан даф этинг!* Биз улар сифатлаётган нарсани яхши билувчидирмиз.

97. Айтинг: «Эй, Раббим! Мен Сендан шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман.

98. Яна мен Сендан, эй, Раббим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ сўрайман».

99. Токи улардан (мушриклардан) бирортасига ўлим келганида: «Эй, Раббим! Мени (яна ҳаётга) қайтарингиз*!

100. Шояд, мен тарк этган жойим (дунё)да яхши амал қилсам», – дер. Йўқ! (У асло қайтарилмас). Бу ҳақиқатан у айтувчиси бўлган сўздир. Уларнинг ортида, то қайта тириладиган кунларигача, (икки дунё ўртасини тўсиб турадиган) бир тўсиқ бордир*.

101. Бас, қачонки, сур чалинганида (қиёмат бошланганида) ана ўша куни уларнинг ўрталарида (ҳеч қандай) насаблар қолмас ва улар ўзаро савол-жавоб ҳам қила олмаслар.

102. Бас, кимларнинг (яхшилик) тарозулари оғир келса, бас, ўшаларгина нажот топувчилардир.

103. Кимнинг (савоб) вазнлари енгил бўлса, бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Улар жаҳаннамда мангу қолувчилардир.

104. Юзларини ўт куйдиргач, улар у ерда бадбашара бўлиб қолувчидирлар.

96-оят. Бу оятни салаф муфассирлари турлича тафсир қилганлар. Масалан: "Мушрикларнинг ширкига нисбатан тавҳид калимаси, фаҳш гапларига нисбатан салом билан, гуноҳ ишларига нисбатан насиҳат билан жавоб қайтаринг!", – деб буюрилмоқда, деганлар (Мд.).

99-оят. Бу ердаги илтижода Аллоҳга кўплик лафзини ишлатиш "Аллоҳ" лафзини кўп айтиш ўрнида ишлатилган (Хз.).

100-оят. Дунё билан охират ўртасидаги оралиқ "барзах"дир .

105. (Уларга): «Сизларга менинг оятларим тиловат қилинганида, сизлар уларни ёлғонга йўйиган эмасмидингиз?!» (дейилганида)

106. улар дейдилар: «Эй, Раббимиз! Бадбахтлигимиз бизларга ғолиб келиб, адашган қавм бўлиб қолган эканмиз.

107. Парвардигоро, бизларни (жаҳаннамдан дунёга) чиқаргин! Бас, агар яна (куфр ва итоатсизликка) қайтсак, у ҳолда биз шаксиз (ўзимизга) зулм қилувчидирмиз».

108. (Аллоҳ) айтади: «Унда (жаҳаннамда) хор бўлингиз ва Менга сўз қотмангиз!

109. Дарвоқе, Менинг бандаларим ичида бир гуруҳ бор эди. Улар: «Эй, Раббимиз! (Ўзингга) имон келтирдик. Бас, бизларни мағфират қилгин ва бизларга раҳм айла! Сен ўзинг раҳм қилувчиларнинг яхшисидирсан», – дер эдилар.

110. Бас, сизлар уларни масхара қилдингиз, ҳатто, у (кулиш) сизларга Мени эслашни унуттирди. Сизлар улардан кулган эдингиз.

111. Мен бугун уларни сабр қилганлари сабабли мукофотладим – улар ҳақиқатан ютуққа эришувчидирлар».

112. «Ерда йиллар ҳисоби (билан фикрингиз) бўйича қанча турдингиз?», – дейди (Аллоҳ).

113. Улар айтадилар: «Бир кун ёки ярим кун. Санаб турувчи (фаришталар)дан сўрагин!»

114. (Аллоҳ) дейди: «Агар сизлар биладиган бўлсангиз, (дунёда) жуда оз турдингиз.

115. Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда яратдиг-у, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизми?!»

116. Зотан, ҳаққоний Подшоҳ – Аллоҳ юксакдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир ва (У) улуғ Аршнинг парвардигоридир.

117. Кимки ўзида ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа (бирор) «илоҳ»га илтижо қилса, бас, унинг ҳисоб-китоби Парвардигорнинг ҳузуридадир. Албатта, кофирлар (охиратда) нажот топмаслар.

118. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Эй, Раббим! (Гуноҳларимизни) мағфират эт ва (ҳолимизга) раҳм айла! Сен (ўзинг) раҳм қилувчиларнинг яхшисидирсан».

أَلَمۡ تَكُنۡ ءَايَٰتِي تُتۡلَىٰ عَلَيۡكُمۡ فَكُنتُم بِهَا تُكَذِّبُونَ ١٠٥ قَالُواْ
رَبَّنَا غَلَبَتۡ عَلَيۡنَا شِقۡوَتُنَا وَكُنَّا قَوۡمٗا ضَآلِّينَ ١٠٦ رَبَّنَآ
أَخۡرِجۡنَا مِنۡهَا فَإِنۡ عُدۡنَا فَإِنَّا ظَٰلِمُونَ ١٠٧ قَالَ ٱخۡسَـُٔواْ فِيهَا
وَلَا تُكَلِّمُونِ ١٠٨ إِنَّهُۥ كَانَ فَرِيقٞ مِّنۡ عِبَادِي يَقُولُونَ رَبَّنَآ
ءَامَنَّا فَٱغۡفِرۡ لَنَا وَٱرۡحَمۡنَا وَأَنتَ خَيۡرُ ٱلرَّٰحِمِينَ ١٠٩ فَٱتَّخَذۡتُمُوهُمۡ
سِخۡرِيًّا حَتَّىٰٓ أَنسَوۡكُمۡ ذِكۡرِي وَكُنتُم مِّنۡهُمۡ تَضۡحَكُونَ ١١٠
إِنِّي جَزَيۡتُهُمُ ٱلۡيَوۡمَ بِمَا صَبَرُوٓاْ أَنَّهُمۡ هُمُ ٱلۡفَآئِزُونَ ١١١ قَٰلَ
كَمۡ لَبِثۡتُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ عَدَدَ سِنِينَ ١١٢ قَالُواْ لَبِثۡنَا يَوۡمًا أَوۡ بَعۡضَ
يَوۡمٖ فَسۡـَٔلِ ٱلۡعَآدِّينَ ١١٣ قَٰلَ إِن لَّبِثۡتُمۡ إِلَّا قَلِيلٗاۖ لَّوۡ أَنَّكُمۡ
كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ١١٤ أَفَحَسِبۡتُمۡ أَنَّمَا خَلَقۡنَٰكُمۡ عَبَثٗا وَأَنَّكُمۡ
إِلَيۡنَا لَا تُرۡجَعُونَ ١١٥ فَتَعَٰلَى ٱللَّهُ ٱلۡمَلِكُ ٱلۡحَقُّۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا
هُوَ رَبُّ ٱلۡعَرۡشِ ٱلۡكَرِيمِ ١١٦ وَمَن يَدۡعُ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا
ءَاخَرَ لَا بُرۡهَٰنَ لَهُۥ بِهِۦ فَإِنَّمَا حِسَابُهُۥ عِندَ رَبِّهِۦٓۚ إِنَّهُۥ لَا يُفۡلِحُ
ٱلۡكَٰفِرُونَ ١١٧ وَقُل رَّبِّ ٱغۡفِرۡ وَٱرۡحَمۡ وَأَنتَ خَيۡرُ ٱلرَّٰحِمِينَ ١١٨

آياتها ٦٤ سُورَةُ النُّورِ ترتيبها ٢٤



Нур сураси

Мадинада нозил қилинган. 64 оят.



---

24. НУР СУРАСИ

Сурада Аллоҳнинг Еру осмонлар нури экани ва бу нур ҳақида тафсир берилгани учун унга "Нур" сураси деб ном берилган.

Ижтимоий ҳаёт иллатларидан бири сифатида зинокорлик Ислом шариати бўйича улкан гуноҳ саналиши, у исботланган тақдирда бу фаҳш ишга қўл урган икки томонга белгиланадиган жазолар, шунингдек, бировни бадном қилиш мақсадида уюштирилган сохта гувоҳларнинг жазоланиши, инсоннинг обрўсини тўкишдан сақланиш, никоҳли турмуш қуришнинг аҳамияти ва бошқа масалалар сурада ўз аксини топган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

سُورَةٌ أَنزَلْنَاهَا وَفَرَضْنَاهَا وَأَنزَلْنَا فِيهَا آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ لَّعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ
١ الزَّانِيَةُ وَالزَّانِي فَاجْلِدُوا كُلَّ وَاحِدٍ مِّنْهُمَا مِائَةَ جَلْدَةٍ وَلَا تَأْخُذْكُم
بِهِمَا رَأْفَةٌ فِي دِينِ اللَّهِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلْيَشْهَدْ
عَذَابَهُمَا طَائِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ ٢ الزَّانِي لَا يَنكِحُ إِلَّا زَانِيَةً أَوْ
مُشْرِكَةً وَالزَّانِيَةُ لَا يَنكِحُهَا إِلَّا زَانٍ أَوْ مُشْرِكٌ وَحُرِّمَ ذَٰلِكَ عَلَى
الْمُؤْمِنِينَ ٣ وَالَّذِينَ يَرْمُونَ الْمُحْصَنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَأْتُوا بِأَرْبَعَةِ شُهَدَاءَ
فَاجْلِدُوهُمْ ثَمَانِينَ جَلْدَةً وَلَا تَقْبَلُوا لَهُمْ شَهَادَةً أَبَدًا وَأُولَٰئِكَ هُمُ
الْفَاسِقُونَ ٤ إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا مِن بَعْدِ ذَٰلِكَ وَأَصْلَحُوا فَإِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ
رَّحِيمٌ ٥ وَالَّذِينَ يَرْمُونَ أَزْوَاجَهُمْ وَلَمْ يَكُن لَّهُمْ شُهَدَاءُ إِلَّا أَنفُسُهُمْ
فَشَهَادَةُ أَحَدِهِمْ أَرْبَعُ شَهَادَاتٍ بِاللَّهِ إِنَّهُ لَمِنَ الصَّادِقِينَ ٦
وَالْخَامِسَةُ أَنَّ لَعْنَتَ اللَّهِ عَلَيْهِ إِن كَانَ مِنَ الْكَاذِبِينَ ٧ وَيَدْرَأُ
عَنْهَا الْعَذَابَ أَن تَشْهَدَ أَرْبَعَ شَهَادَاتٍ بِاللَّهِ إِنَّهُ لَمِنَ الْكَاذِبِينَ
٨ وَالْخَامِسَةَ أَنَّ غَضَبَ اللَّهِ عَلَيْهَا إِن كَانَ مِنَ الصَّادِقِينَ ٩
وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ وَأَنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ حَكِيمٌ ١٠

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Ушбу) Биз нозил қилган ва уни (яъни ҳукмларини) фарз қилган бир сурадирки, унда сизлар эслатма олишингиз учун аниқ оятларни нозил қилдик.

2. Зинокор аёл ва зинокор эркакнинг ҳар бирига юз дарра урингиз!* Агар Аллоҳга ва охират кунига имон келтирувчи бўлсангиз, Аллоҳнинг дини (ҳукми)да сизларни уларга (зинокорларга) нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин! Уларнинг жазоланишига бир гуруҳ мўминлар ҳозир бўлсин!

3. Зинокор эркак фақат зинокор аёлни ёки мушрикани никоҳлаб олур. Зинокор аёлни ҳам фақат зинокор эркак ёки мушрик никоҳлаб олур. Бу (иш) мўминларга ҳаром қилинди*.

4. Иффатли аёлларни (зинокор деб) ҳақоратлаган, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон даррадан урингиз ва абадул-абад уларнинг гувоҳликларини қабул қилмангиз! Ана ўшалар фосиқ кишилардир.

5. Магар сўнгра тавба қилиб, (ўзларини) тузатган кишиларгина (фосиқ эмасдирлар). Зеро, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.

6. Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолда ўз хотинларини (бузуқ деб) бадном қиладиган (эр)ларнинг ҳар бири ўзини албатта, мен ростгўйлардан деб, Аллоҳ номига тўрт (марта) гувоҳлик бериши (талаб қилинади).

7. Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): «Агар ёлғончилардан бўлсам, менга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» (дейишидир).

8. «У (яъни эрим) албатта ёлғончилардан», – деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши, ундан (аёлдан) жазони даф қилур.

9. Бешинчиси (яъни гувоҳлиги): «Агар (эрим) ростгўйлардан бўлса, унга (менга) Аллоҳнинг ғазаби бўлсин!» (дейишидир).

10. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида ҳамда Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва ҳикмат соҳиби бўлмаганида эди (мазкур ҳолатларда шарманда бўлур эдингиз).

2-оят. Юз дарра уриш жазоси уйланмаган эркак ва турмушга чиқмаган аёл учундир. Суранинг шу жойидаги уйланган эркак ва турмушдаги аёлга бериладиган жазо ҳукмига доир оят матни Қуръондан Пайғамбаримиз амри билан олиб ташланган. Демак, мазкур оятнинг қироати мансух, ҳукми боқийдир. Ҳукми эса тошбўрон қилиш эди (Мд. Мх.).

3-оят. Оятдаги "Бу иш" тафсири турлича келган. Агар уни зинокорликка ишорат деб олинса, зинокорлик мўминларга ҳаром қилинган, лекин зинокор аёлга уйланиш жоиз дегани бўлади. Борди-ю, "Бу иш"ни олдинги жумладаги "никоҳлаб олур" жумласига ишорат деб олинса, мўминларга зинокор аёлни никоҳлаб олиш ҳаром қилинди, деган маъно чиқади. Ҳасан Басрий (рҳ.)дан бошқа кўпчилик муштаҳидлар зино қилган аёлни мўмин киши никоҳлаб олиши жоиз, деганлар (Мд. Бғ.).

إِنَّ ٱلَّذِينَ جَآءُو بِٱلۡإِفۡكِ عُصۡبَةٞ مِّنكُمۡۚ لَا تَحۡسَبُوهُ شَرّٗا لَّكُمۖ بَلۡ هُوَ
خَيۡرٞ لَّكُمۡۚ لِكُلِّ ٱمۡرِيٕٖ مِّنۡهُم مَّا ٱكۡتَسَبَ مِنَ ٱلۡإِثۡمِۚ وَٱلَّذِي تَوَلَّىٰ
كِبۡرَهُۥ مِنۡهُمۡ لَهُۥ عَذَابٌ عَظِيمٞ ﴿١١﴾ لَّوۡلَآ إِذۡ سَمِعۡتُمُوهُ ظَنَّ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ
وَٱلۡمُؤۡمِنَٰتُ بِأَنفُسِهِمۡ خَيۡرٗا وَقَالُواْ هَٰذَآ إِفۡكٞ مُّبِينٞ ﴿١٢﴾ لَّوۡلَا
جَآءُو عَلَيۡهِ بِأَرۡبَعَةِ شُهَدَآءَۚ فَإِذۡ لَمۡ يَأۡتُواْ بِٱلشُّهَدَآءِ فَأُوْلَٰٓئِكَ
عِندَ ٱللَّهِ هُمُ ٱلۡكَٰذِبُونَ ﴿١٣﴾ وَلَوۡلَا فَضۡلُ ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ وَرَحۡمَتُهُۥ
فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِ لَمَسَّكُمۡ فِي مَآ أَفَضۡتُمۡ فِيهِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٤﴾
إِذۡ تَلَقَّوۡنَهُۥ بِأَلۡسِنَتِكُمۡ وَتَقُولُونَ بِأَفۡوَاهِكُم مَّا لَيۡسَ لَكُم بِهِۦ عِلۡمٞ
وَتَحۡسَبُونَهُۥ هَيِّنٗا وَهُوَ عِندَ ٱللَّهِ عَظِيمٞ ﴿١٥﴾ وَلَوۡلَآ إِذۡ سَمِعۡتُمُوهُ
قُلۡتُم مَّا يَكُونُ لَنَآ أَن نَّتَكَلَّمَ بِهَٰذَا سُبۡحَٰنَكَ هَٰذَا بُهۡتَٰنٌ عَظِيمٞ
﴿١٦﴾ يَعِظُكُمُ ٱللَّهُ أَن تَعُودُواْ لِمِثۡلِهِۦٓ أَبَدًا إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ﴿١٧﴾
وَيُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلۡأٓيَٰتِۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿١٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
يُحِبُّونَ أَن تَشِيعَ ٱلۡفَٰحِشَةُ فِي ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ
فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِۚ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ وَأَنتُمۡ لَا تَعۡلَمُونَ ﴿١٩﴾ وَلَوۡلَا
فَضۡلُ ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ وَرَحۡمَتُهُۥ وَأَنَّ ٱللَّهَ رَءُوفٞ رَّحِيمٞ ﴿٢٠﴾

11. Албатта, (бу) бўҳтонни (вужудга) келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлмиш бир тўда кимсалардир. Уни (бўҳтонни) сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламангиз, балки у сизлар учун яхшидир. Улардан (бўҳтончилардан) ҳар бир киши учун ўзи орттирган гуноҳ (жазоси) бордир. Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимса (Абдуллоҳ ибн Убай) учун эса улкан жазо (жаҳаннам) бордир*.

12. (Эй, мўминлар!) Сизлар (бу бўҳтонни) эшитган пайтингизда мўмин ва мўминалар ўзлари (бир-бирлари) ҳақида яхшиликни гумон қилиб: «Бу аниқ бўҳтон-ку!», – десалар бўлмасмиди?!

13. Улар (Ойшани бадном қилмоқчи бўлганлар) тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, агар гувоҳ келтира олмасалар, демак, Аллоҳ наздида улар ёлғончидирлар.

14. Агар сизларга дунё ва охиратда Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаса эди, албатта, ошириб-тошириб сўзлаганингиз сабабли сизларни улкан жазо тутган бўлур эди.

15. Ўшанда сизлар уни тилдан тилга кўчириб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўзлар ва буни енгил фаҳмлар эдингиз. Ҳолбуки, у Аллоҳ наздида улкан (гуноҳ)дир.

16. Уни эшитган пайтингизда: «Бу (миш-мишни) гапириш биз учун жоиз эмас. Эй, пок Парвардигор! Бу улкан бўҳтон!», – десангиз бўлмасмиди?!

17. Агар мўмин бўлсангиз, сира унга ўхшаган нарсаларга қайтмаслигингизни Аллоҳ сизларга насиҳат қилур.

18. Аллоҳ сизларга (Ўз) оятларини баён қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидир.

19. Албатта, имон келтирган кишилар ўртасида ёмон гаплар ёйилишини истайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. (Ҳамма нарсани) Аллоҳ билур, сизлар эса билмассиз.

20. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ҳамда Аллоҳ меҳрибон ва раҳмли бўлмаса эди (жазони нақд қилган бўлур эди).

11-оят. Бу оятдаги бўҳтон қиссаси бундай бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с.) жангдан Мадинага қайтаётганларида, бир жойда дам оладилар. Шу пайт Ойша онамиз ҳожат учун бир чеккароқ жойга кетади. Қайтиб келгунича карвон кетиб қолади. Фақат Сафвон исмли бир саҳобий орқадан қолган нарсаларни йиғиб келаётиб, Ойша онамизни кўриб қолади ва туясига миндириб, карвонга етиб боради. Буни кўрган баъзи мунофиқлар турли миш-мишларни тарқатиб, Ойша (рз.)ни бадном қилмоқчи бўлади. Бу қуруқ туҳматдан ҳатто, Пайғамбар (а.с.) ҳам шубҳаланиб, бир ой мобайнида завжаларидан аразлаб юрадилар. Лекин ёлғоннинг умри

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّبِعُواْ خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِۚ وَمَن يَتَّبِعۡ
خُطُوَٰتِ ٱلشَّيۡطَٰنِ فَإِنَّهُۥ يَأۡمُرُ بِٱلۡفَحۡشَآءِ وَٱلۡمُنكَرِۚ وَلَوۡلَا فَضۡلُ
ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ وَرَحۡمَتُهُۥ مَا زَكَىٰ مِنكُم مِّنۡ أَحَدٍ أَبَدٗا وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يُزَكِّي
مَن يَشَآءُۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٞ ﴿٢١﴾ وَلَا يَأۡتَلِ أُوْلُواْ ٱلۡفَضۡلِ مِنكُمۡ
وَٱلسَّعَةِ أَن يُؤۡتُوٓاْ أُوْلِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَٱلۡمَسَٰكِينَ وَٱلۡمُهَٰجِرِينَ فِي
سَبِيلِ ٱللَّهِۖ وَلۡيَعۡفُواْ وَلۡيَصۡفَحُوٓاْۗ أَلَا تُحِبُّونَ أَن يَغۡفِرَ ٱللَّهُ لَكُمۡۚ
وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٌ ﴿٢٢﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَرۡمُونَ ٱلۡمُحۡصَنَٰتِ ٱلۡغَٰفِلَٰتِ
ٱلۡمُؤۡمِنَٰتِ لُعِنُواْ فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِ وَلَهُمۡ عَذَابٌ عَظِيمٞ ﴿٢٣﴾
يَوۡمَ تَشۡهَدُ عَلَيۡهِمۡ أَلۡسِنَتُهُمۡ وَأَيۡدِيهِمۡ وَأَرۡجُلُهُم بِمَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ
﴿٢٤﴾ يَوۡمَئِذٖ يُوَفِّيهِمُ ٱللَّهُ دِينَهُمُ ٱلۡحَقَّ وَيَعۡلَمُونَ أَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡحَقُّ
ٱلۡمُبِينُ ﴿٢٥﴾ ٱلۡخَبِيثَٰتُ لِلۡخَبِيثِينَ وَٱلۡخَبِيثُونَ لِلۡخَبِيثَٰتِۖ
وَٱلطَّيِّبَٰتُ لِلطَّيِّبِينَ وَٱلطَّيِّبُونَ لِلطَّيِّبَٰتِۚ أُوْلَٰٓئِكَ مُبَرَّءُونَ
مِمَّا يَقُولُونَۖ لَهُم مَّغۡفِرَةٞ وَرِزۡقٞ كَرِيمٞ ﴿٢٦﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ لَا تَدۡخُلُواْ بُيُوتًا غَيۡرَ بُيُوتِكُمۡ حَتَّىٰ تَسۡتَأۡنِسُواْ
وَتُسَلِّمُواْ عَلَىٰٓ أَهۡلِهَاۚ ذَٰلِكُمۡ خَيۡرٞ لَّكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾

21. Эй, имон келтирганлар! Шайтоннинг изидан эргашмангиз! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, (шайтон) бузуқлик ва ёвузликка буюрур. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганда эди, сизлардан бирор киши (туҳматдан) пок бўлмас эди. Лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

22. Сизлардан фазилат ва кенг мол-мулк эгалари қариндошларга, мискинларга ва муҳожирларга Аллоҳ йўлида эҳсон қилмасликка қасам ичмасин, балки уларни афв қилиб, кечирсинлар!* Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизми?!* Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.

23. Албатта, (фаҳш ишлардан) бехабар, иффатли мўмина аёлларни бадном қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатланурлар. Уларга улкан азоб бордир.

24. (У кун) уларнинг қилиб ўтган иш (бўҳтон)лари билан тиллари, қўл ва оёқлари уларга гувоҳлик берадиган кундир.

25. Ўша куни Аллоҳ уларнинг ҳақиқий жазоларини тўла-тўкис берур ва улар Аллоҳнинг аниқ ҳақ эканини билурлар.

26. Нопок аёллар нопок эркаклар учун (лойиқ)дир, нопок эркаклар нопок аёллар учун (лойиқ)дир. Покиза аёллар покиза эркаклар учун, покиза эрлар покиза аёллар учундир. Айнан ўшалар (покиза эрлар ва покиза аёллар) уларнинг айтаётган бўҳтонларидан покдирлар. Улар учун мағфират ва фаровон ризқ (жаннат неъматлари) бордир.

27. Эй, имон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангиз.

қисқалик қилиб, Ойша онамизнинг пок экани тўғрисида оятлар нозил бўлади.

22-оят. Бу оят Абу Бакр (рз.) хусусида нозил бўлган. Ойша онамиз тўғрисида бўҳтон тўқиганларга қўшилиб кетганлардан бири Абу Бакр (рз.)нинг холаваччаси Мусаттаҳ эди. У Бадр жангида қатнашган бўлиб, ўзи мискинликда яшарди. Абу Бакр (рз.) унинг бу ишидан кейин зинҳор моддий ёрдам бермасликка қасам ичади. Пайғамбар (а.с.) оятни унга ўқиб берганларида ундаги саволга: "Йўғ-е, Аллоҳнинг мағфират қилишини истайман", – деб яна қариндошига ёрдам беришни давом эттирган экан (Мд. Хз.).

Аллоҳ таоло тўрт нафар улуғ зотларни тўрт сабаб билан туҳматдан халос этган: Юсуф (а.с.) Зулайхо туҳматидан норасида бола гувоҳлиги билан, Мусо (а.с.)дан жинсий нуқсони бор деб гумонда бўлишганда соҳилда кийимларини ўраб юмалаб кетган тош билан, Марям (а.с.) зинодан туғди, дейишганда бешикдаги гўдак гувоҳлиги билан, Ойша (рз.)ни ояти карималар билан бўҳтондан халос этди (Мд.).

فَإِن لَّمْ تَجِدُوا۟ فِيهَآ أَحَدًا فَلَا تَدْخُلُوهَا حَتَّىٰ يُؤْذَنَ لَكُمْ ۖ وَإِن
قِيلَ لَكُمُ ٱرْجِعُوا۟ فَٱرْجِعُوا۟ ۖ هُوَ أَزْكَىٰ لَكُمْ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ
عَلِيمٌ ﴿٢٨﴾ لَّيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَدْخُلُوا۟ بُيُوتًا غَيْرَ مَسْكُونَةٍ
فِيهَا مَتَٰعٌ لَّكُمْ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا تَكْتُمُونَ ﴿٢٩﴾
قُل لِّلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا۟ مِنْ أَبْصَٰرِهِمْ وَيَحْفَظُوا۟ فُرُوجَهُمْ ۚ
ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ لَهُمْ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾ وَقُل لِّلْمُؤْمِنَٰتِ
يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَٰرِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ
زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا ۖ وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ ۖ
وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ ءَابَآئِهِنَّ أَوْ
ءَابَآءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَآئِهِنَّ أَوْ أَبْنَآءِ بُعُولَتِهِنَّ
أَوْ إِخْوَٰنِهِنَّ أَوْ بَنِىٓ إِخْوَٰنِهِنَّ أَوْ بَنِىٓ أَخَوَٰتِهِنَّ أَوْ نِسَآئِهِنَّ
أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُنَّ أَوِ ٱلتَّٰبِعِينَ غَيْرِ أُو۟لِى ٱلْإِرْبَةِ مِنَ
ٱلرِّجَالِ أَوِ ٱلطِّفْلِ ٱلَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا۟ عَلَىٰ عَوْرَٰتِ ٱلنِّسَآءِ ۖ
وَلَا يَضْرِبْنَ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ مِن زِينَتِهِنَّ ۚ وَتُوبُوٓا۟
إِلَى ٱللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ ٱلْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٣١﴾

28. Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангиз, унда то сизларга изн берилмагунча уларга кирмангиз! Агар сизларга «қайтингиз!» дейилса, қайтиб кетаверингиз! Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган ишларингизни билувчидир.

29. (Хусусий) маскан бўлмаган (меҳмонхона, карвонсарой каби) сизлар фойдаланадиган уйларга (изн сўрамасдан) киришингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Аллоҳ ошкор қилаётган нарсангизни ҳам, яшираётган нарсангизни ҳам билур.

30. (Эй, Муҳаммад!) Мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёллардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўл)дир. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган (сир) синоатларидан хабардордир*.

31. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркаклардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар! Шунингдек, (одатда) кўриниб турадиганидан бошқа зийнатларини* кўрсатмасинлар ва рўмолларини кўкраклари узра тушириб олсинлар! Улар зеб-зийнатларини эрлари ё оталари, ё эрларининг оталари, ё ўғиллари, ё эрларининг ўғиллари, ё ўзларининг оға-инилари, ё оға-иниларининг ўғиллари, ё опа-сингилларининг ўғиллари, ё ўзлари (каби) аёллар, ё қўл остиларидаги (чўри)лар, ё (аёллардан) беҳожат бўлган (яъни жуда кексайиб қолганлар, хунасалар ёки ақлсиз-девоналар каби) эркак хизматкорлар, аёлларнинг авратларидан хабардор бўлмаган гўдаклардан бошқа кишиларга кўрсатмасинлар! Яна, яширган зийнатларини билдириб, оёқларини (ерга) урмасинлар! Барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз, эй, мўминлар! Шояд, (шунда) нажот топсангиз.

30-оят. Расул (а.с.)нинг жуфти ҳалоллари ҳузурига баъзан бир хунаса одам хайр-садақа сўраб кириб турар ва улар ундан қочмас эканлар. Бир куни у кириб уларга бир семиз аёлнинг таъриф-тавсифини қилиб турганида Он ҳазрат келиб қоладилар ва унинг гапини эшитиб: “У бу ердагиларни тушунадиган кўринади, унинг киришига бошқа рухсат бермангиз! Фақат бир ҳафтада бир марта жума куни келиб садақа олиб кетиши мумкин”, – деган эканлар (Мс. Хз.).

31-оят. Кўриниб турадиган зийнатлардан мурод – ҳанафий мазҳабида аёлнинг юзи, икки кафти ва икки оёқларининг тўпуғидан пастки қисмидир. Мазкур жойларни ёпиб юришда аёллар учун қийинчилик бор. Қийинчилик эса, шаръий узрлардан ҳисобланади. Моликий мазҳабида ҳам шундай. Шофиий ва ҳанбалий мазҳабларида аёл кишининг юзи, икки кафти ва икки оёқларининг тўпуғидан пастки қисми ҳам аврат ҳисобланади (Мх.).

Кўрсатилиши тақиқланган “зеб-зийнатлар”дан мурод – зирак, билагузук, мунчоқ каби тақинчоқларнинг ўзи эмас, балки улар тақиладиган жойлар назарда тутилган. Яъни қулоқ, бўйин, кўкрак, билак ва оёқлар (Мд.).

وَأَنكِحُوا۟ ٱلْأَيَٰمَىٰ مِنكُمْ وَٱلصَّٰلِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَآئِكُمْ ۚ إِن
يَكُونُوا۟ فُقَرَآءَ يُغْنِهِمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿٣٢﴾
وَلْيَسْتَعْفِفِ ٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ نِكَاحًا حَتَّىٰ يُغْنِيَهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ ۗ
وَٱلَّذِينَ يَبْتَغُونَ ٱلْكِتَٰبَ مِمَّا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْ فَكَاتِبُوهُمْ إِنْ
عَلِمْتُمْ فِيهِمْ خَيْرًا ۖ وَءَاتُوهُم مِّن مَّالِ ٱللَّهِ ٱلَّذِىٓ ءَاتَىٰكُمْ ۚ وَلَا
تُكْرِهُوا۟ فَتَيَٰتِكُمْ عَلَى ٱلْبِغَآءِ إِنْ أَرَدْنَ تَحَصُّنًا لِّتَبْتَغُوا۟ عَرَضَ ٱلْحَيَوٰةِ
ٱلدُّنْيَا ۚ وَمَن يُكْرِههُّنَّ فَإِنَّ ٱللَّهَ مِنۢ بَعْدِ إِكْرَٰهِهِنَّ غَفُورٌ رَّحِيمٌ
﴿٣٣﴾ وَلَقَدْ أَنزَلْنَآ إِلَيْكُمْ ءَايَٰتٍ مُّبَيِّنَٰتٍ وَمَثَلًا مِّنَ ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟
مِن قَبْلِكُمْ وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٣٤﴾ ۞ ٱللَّهُ نُورُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۚ مَثَلُ نُورِهِۦ كَمِشْكَوٰةٍ فِيهَا مِصْبَاحٌ ۖ ٱلْمِصْبَاحُ فِى زُجَاجَةٍ ۖ
ٱلزُّجَاجَةُ كَأَنَّهَا كَوْكَبٌ دُرِّىٌّ يُوقَدُ مِن شَجَرَةٍ مُّبَٰرَكَةٍ زَيْتُونَةٍ
لَّا شَرْقِيَّةٍ وَلَا غَرْبِيَّةٍ يَكَادُ زَيْتُهَا يُضِىٓءُ وَلَوْ لَمْ تَمْسَسْهُ نَارٌ ۚ
نُّورٌ عَلَىٰ نُورٍ ۗ يَهْدِى ٱللَّهُ لِنُورِهِۦ مَن يَشَآءُ ۚ وَيَضْرِبُ ٱللَّهُ ٱلْأَمْثَٰلَ
لِلنَّاسِ ۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٣٥﴾ فِى بُيُوتٍ أَذِنَ ٱللَّهُ أَن تُرْفَعَ
وَيُذْكَرَ فِيهَا ٱسْمُهُۥ يُسَبِّحُ لَهُۥ فِيهَا بِٱلْغُدُوِّ وَٱلْءَاصَالِ ﴿٣٦﴾

32. Сизларнинг орангиздаги тул (эркак ва аёл)ларни ҳамда қул ва чўриларингиздан яроқлиларини уйлантирингиз!* Агар (улар) камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва доно зотдир.

33. Никоҳ (учун лозим маблағ) топа олмайдиган кишилар то Аллоҳ уларни ўз фазли билан бойитгунча ўзларини (ҳаромдан, зинокорликдан) пок тутсинлар! (Эй, мўминлар!) Қўл остингиздаги (қул)лардан мукотаб* бўлишини истайдиганлари бўлса у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни билсангиз, уларни мукотаб қилингиз ва уларга Аллоҳнинг сизларга ато этган молидан берингиз! Иффатни истаган чўриларингизни дунё ҳаёти матоҳлари кўйида зинокорлик қилишга мажбурламангиз! Ким уларни мажбур этса, бас, албатта, Аллоҳ мажбурлаганларидан сўнг (у чўриларни) мағфират қилувчи ва (уларга) раҳмлидир*.

34. (Эй, мўминлар!) Дарҳақиқат, Биз сизларга (ушбу) баён этувчи оятларни, сизлардан илгари ўтганлар тўғрисидаги мисолларни ва тақводорлар учун насиҳатни нозил қилдик.

35. Аллоҳ осмонлар ва Ернинг «нури»дир*. Нурининг мисоли худди бир токча ичидаги чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дурдан яралган юлдузга ўхшайди. У (чироқ) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайтун дарахти (мойи)дан ёқилур. Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекдир. (Мазкурлар қўшилганда эса) нур устига нур (бўлур). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисолларни келтирур. Аллоҳ барча нарсани билувчидир.

36. (У чироқ) кўтарилишига (қурилишига) ва уларда ўзининг номи зикр қилинишига Аллоҳ изн берган уйларда (масжидларда)дир. У (масжид)ларда эртаю кеч Унга тасбеҳ айтадиган

32-оят. Бу ердаги буйруқ қатъий эмас, балки мандубдир, яъни қилса савоб, қилмаса гуноҳкор бўлмайди ёки ижро этиш – савоб, тарк этиш мубоҳдир. Ҳанафий мазҳабига кўра, уйланиш уйланмасдан умрини ибодатда ўтказишдан афзал, балки суннатдир. Шофиий мазҳаби бўйича уйланмай, умрини ибодатга бағишлаш афзал (Мд. Хз.).

33-оят. Мукотаб – хожасига маълум миқдорда пул топиб, унга бериш эвазига озод бўлиши келишилган қул. Бу билан у қисман озод бўлиб, бошқа жойларга ҳам кетиб, ишлаб келиш ҳуқуқига эга бўлади (Мх.).

* Чўрилар ҳуқуқига доир бу оят ҳам ҳозирда йўқ бўлиб кетган қулдорчилик даврига доир оятлардандир.

35-оят. Аллоҳнинг нури унинг ҳидоятидир. Лекин бу оятдаги «нур» сўзининг кенгроқ маъноларидан огоҳ бўлишни истаган киши тафсир китобларига ва Абу Ҳомид Ғаззолийнинг "Мишкотул-анвор" китобига мурожаат қилиши мумкин.

رِجَالٌ لَّا تُلْهِيهِمْ تِجَٰرَةٌ وَلَا بَيْعٌ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ وَإِقَامِ ٱلصَّلَوٰةِ وَإِيتَآءِ
ٱلزَّكَوٰةِ يَخَافُونَ يَوْمًا تَتَقَلَّبُ فِيهِ ٱلْقُلُوبُ وَٱلْأَبْصَٰرُ ﴿٣٧﴾
لِيَجْزِيَهُمُ ٱللَّهُ أَحْسَنَ مَا عَمِلُوا۟ وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ يَرْزُقُ
مَن يَشَآءُ بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٣٨﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَعْمَٰلُهُمْ كَسَرَابٍۭ
بِقِيعَةٍ يَحْسَبُهُ ٱلظَّمْـَٔانُ مَآءً حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَهُۥ لَمْ يَجِدْهُ شَيْـًٔا
وَوَجَدَ ٱللَّهَ عِندَهُۥ فَوَفَّىٰهُ حِسَابَهُۥ ۗ وَٱللَّهُ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿٣٩﴾
أَوْ كَظُلُمَٰتٍ فِى بَحْرٍ لُّجِّىٍّ يَغْشَىٰهُ مَوْجٌ مِّن فَوْقِهِۦ مَوْجٌ مِّن
فَوْقِهِۦ سَحَابٌ ۚ ظُلُمَٰتٌۢ بَعْضُهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَآ أَخْرَجَ يَدَهُۥ لَمْ
يَكَدْ يَرَىٰهَا ۗ وَمَن لَّمْ يَجْعَلِ ٱللَّهُ لَهُۥ نُورًا فَمَا لَهُۥ مِن نُّورٍ ﴿٤٠﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّ
ٱللَّهَ يُسَبِّحُ لَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱلطَّيْرُ صَٰٓفَّٰتٍ ۖ كُلٌّ قَدْ
عَلِمَ صَلَاتَهُۥ وَتَسْبِيحَهُۥ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌۢ بِمَا يَفْعَلُونَ ﴿٤١﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿٤٢﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يُزْجِى
سَحَابًا ثُمَّ يُؤَلِّفُ بَيْنَهُۥ ثُمَّ يَجْعَلُهُۥ رُكَامًا فَتَرَى ٱلْوَدْقَ يَخْرُجُ مِنْ
خِلَٰلِهِۦ وَيُنَزِّلُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مِن جِبَالٍ فِيهَا مِنۢ بَرَدٍ فَيُصِيبُ بِهِۦ مَن يَشَآءُ
وَيَصْرِفُهُۥ عَن مَّن يَشَآءُ ۖ يَكَادُ سَنَا بَرْقِهِۦ يَذْهَبُ بِٱلْأَبْصَٰرِ ﴿٤٣﴾

37. кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на савдо (ишлари) Аллоҳнинг зикридан, намозни баркамол адо этишдан ва закот беришдан чалғита олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган кун (қиёмат)дан қўрқурлар.

38. Улар қилган эзгу амаллари сабабли Аллоҳнинг мукофотлаши ва яна уларга ўз фазли билан зиёда (савобларни ато) этиши учун (ибодат қилурлар). Аллоҳ (ўзи) хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур.

39. Куфрда бўлганларнинг қилган амаллари эса, саҳродаги саробга ўхшайди. Ташна одам уни сув деб ўйлар, унинг олдига келгач эса, ҳеч нарса топа олмас ва Аллоҳни унинг (қилган амалининг) олдида топур. Бас, У унинг ҳисоб-китобини мукаммал қилур. Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир.

40. Ёки (кофирларнинг қилган амаллари) қаватма-қават тўлқин ва унинг устида (қора) булут қоплаб олган сермавж денгиздаги зулматларга ўхшайди. (Улар) устма-уст зулматлардир: қўлини чиқариб (қараса) уни кўра олмас*. Кимга Аллоҳ нур (имон) бермаса, бас, унинг (учун) ҳеч қандай нур йўқдир.

41. (Эй, Муҳаммад!) Аллоҳга осмонлар ва Ердаги бор жонзот, саф тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтишларини кўрмадингизми? Ҳар бири ўз дуо ва тасбеҳини билур*. Аллоҳ эса, уларнинг қилаётган (барча) ишларини билувчидир.

42. Осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Аллоҳга хосдир. Қайтиш ҳам Аллоҳнинг ҳузуригадир.

43. Аллоҳнинг булутларни ҳайдашини, сўнгра уларни бирлаштиришини, сўнгра уларни устма-уст қалаштиришини кўрмадингизми? Сўнгра (булут) орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасиз. (Аллоҳ) осмондан – ундаги тоғ (булут)лардан дўл ёғдириб, уни ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Чақмоғининг ёруғлиги кўзларни кетказгудекдир*.

40-оят. Аллоҳ таоло кофирларнинг қилган ишларини бир саробга ўхшатса, бир зулматларга ўхшатади. Оятда Аллоҳ таоло уч зулмат – денгиз зулмати, тўлқинлар зулмати ва булут зулматини зикр этган. Кофирда ҳам учта зулмат бор – эътиқодий зулмат, куфрона сўзлар зулмати ва амал зулмати (Хз.).

Демак, ширк ва куфр аҳлининг дуоси мустажоб бўлмаганидек, уларнинг имонсиз ҳолда қилган амаллари учун ҳам Аллоҳнинг ажру савобига эга бўлмас экан.

41-оят. Еру осмондаги жонзотларга Аллоҳ таоло айтадиган тасбеҳи, ўқийдиган дуоси ҳамда кўп дақиқ илм ва синоатларни ўргатиб қўйганки, улардан ҳатто, онгли мавжудот саналмиш инсонлар ҳам бехабардир (Мд.).

43-оят. Осмонга кўтарилган буғ иссиқ ҳавога учраб эриб кетмасдан фазонинг совуқ қатламига етиб борса, ҳаво билан аралашиб, булут пайдо бўлади. Совуқ ҳаво сақланиб турмаса, у ёмғир бўлиб ерга ёғилади. Агар совуқ ҳаво кучайиб, майда буғланиш босқичига етиб борса, у қорга айланиб ерга ёғилади. Борди-ю, етиб бормаса, дўлга айланади.

يُقَلِّبُ ٱللَّهُ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَعِبْرَةً لِّأُو۟لِى ٱلْأَبْصَٰرِ ﴿٤٤﴾
وَٱللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَآبَّةٍ مِّن مَّآءٍ ۖ فَمِنْهُم مَّن يَمْشِى عَلَىٰ بَطْنِهِۦ وَمِنْهُم مَّن
يَمْشِى عَلَىٰ رِجْلَيْنِ وَمِنْهُم مَّن يَمْشِى عَلَىٰٓ أَرْبَعٍ ۚ يَخْلُقُ ٱللَّهُ مَا يَشَآءُ ۚ
إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٤٥﴾ لَّقَدْ أَنزَلْنَآ ءَايَٰتٍ مُّبَيِّنَٰتٍ ۚ
وَٱللَّهُ يَهْدِى مَن يَشَآءُ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٤٦﴾ وَيَقُولُونَ
ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَبِٱلرَّسُولِ وَأَطَعْنَا ثُمَّ يَتَوَلَّىٰ فَرِيقٌ مِّنْهُم مِّنۢ بَعْدِ
ذَٰلِكَ ۚ وَمَآ أُو۟لَٰٓئِكَ بِٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِذَا دُعُوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ
لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ إِذَا فَرِيقٌ مِّنْهُم مُّعْرِضُونَ ﴿٤٨﴾ وَإِن يَكُن لَّهُمُ ٱلْحَقُّ
يَأْتُوٓا۟ إِلَيْهِ مُذْعِنِينَ ﴿٤٩﴾ أَفِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ أَمِ ٱرْتَابُوٓا۟ أَمْ يَخَافُونَ
أَن يَحِيفَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ وَرَسُولُهُۥ ۚ بَلْ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿٥٠﴾
إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ ٱلْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ
أَن يَقُولُوا۟ سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۚ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٥١﴾ وَمَن
يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَيَخْشَ ٱللَّهَ وَيَتَّقْهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَآئِزُونَ
﴿٥٢﴾ ۞ وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ لَئِنْ أَمَرْتَهُمْ لَيَخْرُجُنَّ ۖ قُل
لَّا تُقْسِمُوا۟ ۖ طَاعَةٌ مَّعْرُوفَةٌ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿٥٣﴾

44. Аллоҳ кеча ва кундузнинг ўринларини алмаштириб турар. Албатта, бунда кўз эгалари (оқиллар) учун ибрат бордир.

45. Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди*. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам, икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт (оёқ)да юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир!

46. Дарҳақиқат, Биз (сизларга ҳақиқатни) баён этувчи оятларни нозил қилдик. Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни Тўғри йўлга бошлар.

47. Улар (яъни, мунофиқлар): «Аллоҳга ва пайғамбарга имон келтирдик ва бўйин сундик», – дейдилар-у, шундан кейин улардан бир гуруҳи юз ўгириб кетур. Ана ўшалар мўмин эмасдирлар.

48. Қачонки, ўрталарида ҳукм чиқариш учун Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сари чорлансалар, бирданига улардан бир гуруҳи (пайғамбар ҳузурига келишдан) бош тортувчилардир.

49. Агар ҳақиқат улар (тараф)да бўлса, (пайғамбар олдига) бўйин суниб келардилар.

50. Уларнинг дилларида мараз борми ёки (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканига) шубҳаландиларми ёхуд Аллоҳ ва Унинг пайғамбари уларга адолатсиз ҳукм қилишидан қўрқадиларми?! Йўқ! Улар айнан (адолатсиз) золимлардир.

51. Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи «эшитдик ва бўйин сундик» (демоқдир). Ана ўшаларгина нажот топувчилардир.

52. Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса ва Аллоҳдан қўрқиб, тақво қилса, бас, айнан ўшаларгина ютуқ эгаларидирлар.

53. (Мунофиқлар) агар Сиз амр этсангиз, албатта, (жиҳодга) чиқишлари ҳақида (жон-) жаҳдлари билан қасам ичдилар. Айтинг: «Қасам ичмангиз! (Жиҳод) маълум бир тоатдир (унинг учун қасам ичишга ҳожат йўқдир). Албатта, Аллоҳ (барча) қилаётган ишларингиздан хабардордир».

Бунинг ҳаммаси Вожибул-вужуднинг иродаси билан кечади (Қз.).

Шундай совуқ булутлар ичида чақмоқнинг пайдо бўлиб, унга боққан одамнинг кўзларини қамаштириши илоҳий қудрат ва ҳикматдан бошқа нарса эмас. Сўфи Оллоёр ушбу байтни худди шу оят мазмунидан олиб айтган бўлса керак:

Агарчи ўт била сувда
бўлур фарқ,
Чиқарди сув маконидин
начук барқ.

45-оят. Оятдаги “сув” хусусида турли тафсирлар бор. Масалан, у барча мавжудот яратилмасдан олдин мавжуд бўлган сув; ундан уч унсур – олов, шамол, тупроқни яратган, сўнгра оловдан жинларни, шамол ва нурдан фаришталарни, лойдан инсон ва жониворларни яратган; “сув” маний сувидир ҳам дейилган (Мд. Хз. Бғ.).

قُلْ أَطِيعُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُوا۟ ٱلرَّسُولَ ۖ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَإِنَّمَا عَلَيْهِ مَا حُمِّلَ
وَعَلَيْكُم مَّا حُمِّلْتُمْ ۖ وَإِن تُطِيعُوهُ تَهْتَدُوا۟ ۚ وَمَا عَلَى ٱلرَّسُولِ
إِلَّا ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ ﴿٥٤﴾ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنكُمْ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِى ٱلْأَرْضِ كَمَا ٱسْتَخْلَفَ
ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ ٱلَّذِى ٱرْتَضَىٰ لَهُمْ
وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّنۢ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا ۚ يَعْبُدُونَنِى لَا يُشْرِكُونَ بِى
شَيْـًٔا ۚ وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٥٥﴾
وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَطِيعُوا۟ ٱلرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ
تُرْحَمُونَ ﴿٥٦﴾ لَا تَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مُعْجِزِينَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ
وَمَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ ۖ وَلَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٥٧﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
لِيَسْتَـْٔذِنكُمُ ٱلَّذِينَ مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْ وَٱلَّذِينَ لَمْ يَبْلُغُوا۟ ٱلْحُلُمَ مِنكُمْ
ثَلَٰثَ مَرَّٰتٍ ۚ مِّن قَبْلِ صَلَوٰةِ ٱلْفَجْرِ وَحِينَ تَضَعُونَ ثِيَابَكُم مِّنَ ٱلظَّهِيرَةِ
وَمِنۢ بَعْدِ صَلَوٰةِ ٱلْعِشَآءِ ۚ ثَلَٰثُ عَوْرَٰتٍ لَّكُمْ ۚ لَيْسَ عَلَيْكُمْ
وَلَا عَلَيْهِمْ جُنَاحٌۢ بَعْدَهُنَّ ۚ طَوَّٰفُونَ عَلَيْكُم بَعْضُكُمْ عَلَىٰ
بَعْضٍ ۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْـَٔايَٰتِ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٨﴾

54. Айтинг: «Аллоҳга бўйин сунингиз ва Пайғамбарга бўйин сунингиз! Шундан сўнг агар юз ўгирсангиз, бас, (Пайғамбар) зиммасида ўзига юкланган нарса (Аллоҳнинг буйруғини етказиш) ва сизларнинг зиммангизда ўзларингизга юкланган нарса (унга бўйин суниш) бордир. Агар унга итоат этсангиз, ҳидоят топурсиз. Пайғамбар зиммасида фақат (сизларга ҳақ динни) аниқ етказиш бордир.

55. Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларга худди илгари ўтган (имонли) зотларни (ер юзига) халифа (ҳукмрон) қилганидек, уларни ҳам ер юзига халифа қилишни ва улар учун ўзи рози бўлган (Ислом) динини мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (Маккадаги кўрган) хавф-хатарларидан сўнг (Мадинада) хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди*. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирор нарсани шерик қилмаслар. Кимки мана шу (ваъда)дан кейин ношукурлик қилса, бас, улар фосиқлардир.

56. (Эй, мўминлар!) Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз, зора (шунда) раҳм қилинсангиз.

57. (Эй, Муҳаммад!) Кофир бўлганларни ер юзида (Аллоҳни) ожиз қолдирувчи (ғолиб)лар деб ўйламанг! Уларнинг (борар) жойлари дўзахдир. Нақадар ёмон оқибат у!

58. Эй, имон келтирганлар! Қўл остингиздаги (қул ва чўри)ларингиз ҳамда балоғатга етмаган (фарзанд)ларингиз уч марта (ҳузурингизга киришда) сизлардан изн сўрасинлар – бомдод намозидан илгари, пешин вақтида (иссиқдан) кийимларингизни ташлаган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин. (Бу) уч (вақт) сизларнинг авратларингиз (очиқ бўлиши мумкин бўлган вақтлар)дир. Улар ўша (вақтлар)дан сўнг (изн сўрамай кирсалар) сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқдир. (Чунки) улар сизларга, бирингиз бирингизга келиб-кетиб турувчидирсиз. Аллоҳ оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир.

55-оят. Аллоҳ таоло ушбу оятдаги ваъдаларини тез фурсатда рўёбга чиқарди. Мадина даври, хулафои рошидин даври ислом дини равнақ топган ва у кўп мамлакатларга тарқалиб куфр ўрнини хотиржамлик эгаллаган давр бўлди. Ҳотам Тойнинг ўғли Адий (рз.) айтади: “Расул (а.с.) ҳузурида ўтирган эдим. Бир киши келиб, қашшоқлигидан, бошқаси келиб, қароқчилардан шикоят қилди. Шунда менга қараб, эй, Адий! Ҳийра деган жойни кўрганмисан, деб сўрадилар. Мен кўрмаганман, лекин эшитганман, дедим. Шундан кейин айтдиларки, агар тирик бўлсанг кўрасан – ўша Ҳийра (Ироқдаги бир шаҳар)дан аёл киши тахтиравонда (йўлларнинг тинчлиги туфайли) маҳрамсиз йўлга ёлғиз чиқиб Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмасдан Каъбани тавоф этиб кетаверади. Умринг боқий бўлса, Ҳурмуз ўғли Хисрав (Кисро)нинг хазиналари

وَإِذَا بَلَغَ ٱلْأَطْفَٰلُ مِنكُمُ ٱلْحُلُمَ فَلْيَسْتَـْٔذِنُوا۟ كَمَا ٱسْتَـْٔذَنَ
ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمْ ءَايَٰتِهِۦ ۗ وَٱللَّهُ
عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٥٩﴾ وَٱلْقَوَٰعِدُ مِنَ ٱلنِّسَآءِ ٱلَّٰتِى لَا يَرْجُونَ
نِكَاحًا فَلَيْسَ عَلَيْهِنَّ جُنَاحٌ أَن يَضَعْنَ ثِيَابَهُنَّ
غَيْرَ مُتَبَرِّجَٰتٍۭ بِزِينَةٍ ۖ وَأَن يَسْتَعْفِفْنَ خَيْرٌ لَّهُنَّ ۗ وَٱللَّهُ
سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٦٠﴾ لَّيْسَ عَلَى ٱلْأَعْمَىٰ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْأَعْرَجِ
حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْمَرِيضِ حَرَجٌ وَلَا عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ أَن تَأْكُلُوا۟
مِنۢ بُيُوتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ ءَابَآئِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أُمَّهَٰتِكُمْ
أَوْ بُيُوتِ إِخْوَٰنِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَخَوَٰتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ
أَعْمَٰمِكُمْ أَوْ بُيُوتِ عَمَّٰتِكُمْ أَوْ بُيُوتِ أَخْوَٰلِكُمْ
أَوْ بُيُوتِ خَٰلَٰتِكُمْ أَوْ مَا مَلَكْتُم مَّفَاتِحَهُۥٓ
أَوْ صَدِيقِكُمْ ۚ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَن تَأْكُلُوا۟
جَمِيعًا أَوْ أَشْتَاتًا ۚ فَإِذَا دَخَلْتُم بُيُوتًا فَسَلِّمُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ
تَحِيَّةً مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ مُبَٰرَكَةً طَيِّبَةً ۚ كَذَٰلِكَ
يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمُ ٱلْءَايَٰتِ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦١﴾

59. Қачонки, гўдакларингиз балоғатга етса, бас, улар ҳам худди ўзларидан олдинги (балоғатга етган)лар каби изн сўрасинлар! Аллоҳ Ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир.

60. Хотинлардан ўтириб (кексайиб) қолган, никоҳни (эрга тегишни) ўйламайдиганлари бирор зийнат билан ясанмаган ҳолларида кийимларини (ёпинчиқларини) ечиб қўйишларида уларга гуноҳ йўқдир. Ўзларини пок (ёпинчиқда) тутишлари улар учун яхшироқдир. Аллоҳ эшитувчи ва доно зотдир.

61. (Жангга чиқмасликда) кўзи ожиз кишига гуноҳ йўқдир, чўлоққа ҳам гуноҳ йўқдир, беморга ҳам гуноҳ йўқдир. (Эй, мўминлар!) Ўз уйларингиздан, ё оталарингизнинг уйларидан, ё оналарингизнинг уйларидан, ё ака-укаларингизнинг уйларидан, ё опа-сингилларингизнинг уйларидан, ё амакиларингизнинг уйларидан, ё аммаларингизнинг уйларидан, ё тоғаларингизнинг уйларидан, ё холаларингизнинг уйларидан, ё сизлар калитларига эга бўлган уйлардан, ё дўстингизнинг уйидан (изн сўрамасдан) таомланишингизда сизларга (гуноҳ йўқдир). Тўпланган ё бўлинган ҳолларингизда овқатланишингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Бас, қачонки, уйларга кирсангиз, бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтингиз (яъни «Ассалому алайкум» денг!) Сизлар ақл юргизишларингиз учун Аллоҳ ўз оятларини сизларга мана шундай баён қилур.

фатҳ этилишини ҳам кўрасан. Яшасанг, қўли тўла олтин кўтариб юриб, уни текинга оладиган одам топа олмай юрадиганларни ҳам кўрасан, дедилар” (Бх.).

Адий (рз.) сўзига кўра, у ҳаётлик пайтида Ҳийра шаҳридан тахтиравонда ёлғиз ўзи келиб, Каъбани зиёрат қилган аёлни кўрган ва Кисро хазиналарини фатҳ этишда ўзи ҳам иштирок этган (Хз.).

Мазкур ҳадисга асосланиб, “Субулус-салом”ва “Фиқҳус-сунна” китобларида аёл киши ҳажга агар йўл тинч бўлса ёки ишончли ҳамроҳлари бўлса, эрсиз, маҳрамсиз бориши жоиз, деб фатво берилгани нақл қилинган.

Умар (рз.) ўзининг охирги ҳаж сафарида Расул (а.с.)нинг завжаларига ҳамроҳ қилиб Усмон ибн Аффон билан Абдурраҳмон ибн Авф (рз.)ларни Мадинадан Маккага ҳажга юборгани тўғрисида ривоят бор.

Имом Куртубий (рҳ.) тафсирига кўра, аёллар шариат кўрсатмасига биноан кийиниш билан бирга тақво либоси билан ҳам кийинган бўлишлари керак. Чунончи “Аъроф” сурасининг 26-оятида Аллоҳ таоло “Тақво либоси ҳамма либосдан яхшидир”, – деган.

Ойша (рз.) ҳузурига бир гуруҳ аёллар келиб: “Аёлларнинг бўйниши, тилла зирак, билагузук каби тақинчоқларни тақиши ва нафис кийимларни кийиб юриши тўғрисида нима дейсиз?”, – деб сўрашганда шундай деган: “Эй, аёллар! Ҳаммангизнинг муаммоларингиз бир хил. Аллоҳ таоло сизларга барча зийнатни ҳалол қилди. Фақат очилиб-сочилиб кўринмасангиз бас” (Кр. ИК).

إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَإِذَا كَانُوا۟ مَعَهُۥ
عَلَىٰٓ أَمْرٍ جَامِعٍ لَّمْ يَذْهَبُوا۟ حَتَّىٰ يَسْتَـْٔذِنُوهُ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَسْتَـْٔذِنُونَكَ
أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۚ فَإِذَا ٱسْتَـْٔذَنُوكَ
لِبَعْضِ شَأْنِهِمْ فَأْذَن لِّمَن شِئْتَ مِنْهُمْ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُمُ
ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٦٢﴾ لَّا تَجْعَلُوا۟ دُعَآءَ ٱلرَّسُولِ
بَيْنَكُمْ كَدُعَآءِ بَعْضِكُم بَعْضًا ۚ قَدْ يَعْلَمُ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ
يَتَسَلَّلُونَ مِنكُمْ لِوَاذًا ۚ فَلْيَحْذَرِ ٱلَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِۦٓ
أَن تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٦٣﴾ أَلَآ إِنَّ لِلَّهِ
مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ قَدْ يَعْلَمُ مَآ أَنتُمْ عَلَيْهِ وَيَوْمَ
يُرْجَعُونَ إِلَيْهِ فَيُنَبِّئُهُم بِمَا عَمِلُوا۟ ۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌۢ ﴿٦٤﴾

سُورَةُ ٱلْفُرْقَانِ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَـٰنِ ٱلرَّحِيمِ

تَبَارَكَ ٱلَّذِى نَزَّلَ ٱلْفُرْقَانَ عَلَىٰ عَبْدِهِۦ لِيَكُونَ لِلْعَـٰلَمِينَ نَذِيرًا
﴿١﴾ ٱلَّذِى لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ
يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ وَخَلَقَ كُلَّ شَىْءٍ فَقَدَّرَهُۥ تَقْدِيرًا ﴿٢﴾

62. Албатта, мўминлар фақат Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига имон келтирган зотлардир. Улар (Пайғамбар) билан бирор умумий иш устида бирга бўлган вақтларида – то ундан изн сўрамагунларича – кетмаслар. Фақат Сиздан изн сўрайдиган зотлар – айнан ўшаларгина Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига имон келтирадиган зотлардир. Энди, қачонки, улар Сиздан баъзи бир ишлари учун изн сўрасалар, бас, улардан хоҳлаганларингизга изн беринг ва Аллоҳдан уларга мағфират сўранг! Албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир*.

63. (Эй, мўминлар!) Пайғамбарни чақиришни ўрталарингизда бир-бирларингизни чақириш каби қилмангиз! Сизлардан беркинган ҳолларида (пайғамбар ҳузуридан) суғурилиб чиқиб кетадиган кимсаларни Аллоҳ яхши билур. (Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш тутадиган кимсалар ўзларига бирор кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан сақлансинлар!

64. Огоҳ бўлингизким, осмонлар ва Ердаги бор нарсалар, албатта, Аллоҳникидир! У сизлар нимада эканингизни (мўмин ёки мунофиқлигингизни) ҳам, ўзига қайтариладиган (қиёмат) кунини ҳам яхши билур. Бас, уларни (ўшанда) қилиб ўтган ишларидан хабардор қилур. Аллоҳ барча нарсани билувчидир.

Фурқон сураси

Маккада нозил қилинган. 77 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Оламлар (инсонлар ва жинлар)га огоҳлантирувчи бўлиши учун Ўз бандаси (Муҳаммад)га Фурқон (Қуръон)ни нозил этган зот баракотли (буюк)дир.

2. У (яна) осмонлар ва Ернинг ҳукмронлигига эга, фарзанд тутмаган, подшоҳликда шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчови билан ўлчаб қўйган зотдир.

62-оят. Ушбу оятда Пайғамбар (а.с.) билан мусулмонлар бирор иш ёки тадбирда бирга бўлсалар ва кимдир юмуши ёки ҳожати билан кетмоқчи бўлса, албатта, рухсат сўраб кетиши тавсия этилмоқда. Бу ҳукм хоҳ жанг тараддудида бўлсин, хоҳ жамоат намози асносида бўлсин жорийдир. Уларнинг кечирим сўрашга буюрилишларига қараганда бу каби жойлардан изн сўраб кетган тақдирда ҳам гуноҳкор бўлиб қолиш мумкинлиги чиқади. Бу интизом барча мусулмонларга ҳам тааллуқлидир (Мд. Хз.).

25. ФУРҚОН СУРАСИ

Фурқон – ажрим этувчи. Муфассирлар бунинг маъносини “ҳақ билан ботилни, ҳидоят билан залолатни ажрим қилиб берувчи илоҳий китоб. Ундан мурод Таврот, Забур, Инжилнинг асл нусхалари ёки Қуръони карим”, – деб шарҳлаганлар.

Сурада ислом ақидаларига оид масалалар, имон, ислом, куфр, ширк, жаннат, дўзах, пайғамбарлар, ҳидоят, залолат ва бошқа маълумотларни ўқийсиз.

وَٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً لَّا يَخْلُقُونَ شَيْـًٔا وَهُمْ يُخْلَقُونَ
وَلَا يَمْلِكُونَ لِأَنفُسِهِمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَلَا يَمْلِكُونَ مَوْتًا
وَلَا حَيَوٰةً وَلَا نُشُورًا ﴿٣﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنْ هَـٰذَآ إِلَّآ إِفْكٌ
ٱفْتَرَىٰهُ وَأَعَانَهُۥ عَلَيْهِ قَوْمٌ ءَاخَرُونَ ۖ فَقَدْ جَآءُو ظُلْمًا وَزُورًا
﴿٤﴾ وَقَالُوٓا۟ أَسَـٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ٱكْتَتَبَهَا فَهِىَ تُمْلَىٰ
عَلَيْهِ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٥﴾ قُلْ أَنزَلَهُ ٱلَّذِى يَعْلَمُ ٱلسِّرَّ
فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٦﴾ وَقَالُوا۟
مَالِ هَـٰذَا ٱلرَّسُولِ يَأْكُلُ ٱلطَّعَامَ وَيَمْشِى فِى ٱلْأَسْوَاقِ ۙ
لَوْلَآ أُنزِلَ إِلَيْهِ مَلَكٌ فَيَكُونَ مَعَهُۥ نَذِيرًا ﴿٧﴾ أَوْ يُلْقَىٰٓ
إِلَيْهِ كَنزٌ أَوْ تَكُونُ لَهُۥ جَنَّةٌ يَأْكُلُ مِنْهَا ۚ وَقَالَ
ٱلظَّـٰلِمُونَ إِن تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلًا مَّسْحُورًا ﴿٨﴾ ٱنظُرْ
كَيْفَ ضَرَبُوا۟ لَكَ ٱلْأَمْثَالَ فَضَلُّوا۟ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ
سَبِيلًا ﴿٩﴾ تَبَارَكَ ٱلَّذِىٓ إِن شَآءَ جَعَلَ لَكَ خَيْرًا مِّن ذَٰلِكَ
جَنَّـٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَـٰرُ وَيَجْعَل لَّكَ قُصُورًۢا ﴿١٠﴾ بَلْ
كَذَّبُوا۟ بِٱلسَّاعَةِ ۖ وَأَعْتَدْنَا لِمَن كَذَّبَ بِٱلسَّاعَةِ سَعِيرًا ﴿١١﴾

3. (Мушриклар) эса Уни қўйиб, бирор нарса ярата олмайдиган, (балки) ўзлари яралувчи бўлган, ўзларига ҳам бирор зарар ёки фойда беришга эга бўлмайдиган ва на ўлим беришга, на ҳаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган «илоҳлар»ни тутдилар (уларга сиғиндилар).

4. Куфрда бўлганлар: «Бу (Қуръон) фақат (Муҳаммад) ўзи тўқиб олган бир уйдирмадир. Унга бу (ишда) бошқа қавмлар (баъзи аҳли китоблар) ёрдам берган», – деб ноҳақлик билан бўҳтон ёғдирдилар*.

5. Яна улар: «(Бу) аввалгиларнинг афсоналаридир, (Муҳаммад) уларни кўчириб олган. Бас, (бу афсоналар) унга эртаю кеч ўқиб берилур», – дедилар*.

6. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Уни осмонлар ва Ердаги (барча) сирни биладиган зот нозил қилгандир. Албатта, У мағфиратли ва раҳмлидир».

7. (Яна) дедилар: «Бу қандай пайғамбарки, (оддий одамлардек) таом еса ва бозорларда юрса?! Унга (пайғамбарлигини тасдиқлайдиган) бирор фаришта туширилиб, у билан бирга огоҳлантирувчи бўлса эди

8. ёки унга (осмондан эҳтиёжи учун) хазина ташланса эди ёхуд унинг учун бир боғ бўлиб, у (боғ)дан овқатланса эди». Золимлар (мўминларга): «Сизлар фақат бир сеҳрланган кишига эргашмоқдасиз»,– дедилар.

9. (Эй, Муҳаммад!) Улар Сизга қандай нақлларни тўқиганларига қаранг! Бас, улар (ҳақ) йўлдан оздилар. Энди улар йўл (топиш)га қодир бўлмайдилар.

10. Агар хоҳласа, Сиз учун (шу дунёдаёқ) ўшандан (улар айтган боғ ва хазинадан) яхшироқ нарсани – остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларни қилиб бера оладиган ва Сиз учун қасрларни қуриб берадиган зот (Аллоҳ) баракотли (буюк)дир.

11. Йўқ, улар қиёматни инкор этдилар. Биз эса қиёматни инкор этганлар учун (аллақачон) дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз.

4-оят. Назр ибн Ҳарс Муҳаммад (а.с.)га бўҳтон қилиб: "Унга яҳудийлар, Аддос ибн Убайд, Ясор, Абу Фукайҳа ар-Румий, Убайд Ҳабаший ал-Қоҳин, Жабр каби руҳонийлар оятлар тўқишида ёрдам бераяпти" деган гап тарқатган эди (Мд. Хз.).

5-оят. Ҳадисда айтилади: "Кимки, мен айтмаган гапни айтди, деб тухмат қилса ёки ўзининг ота-онасини инкор этиб, ўз насабини бошқалардан деб даъво қилса ёки қул ўзининг хожаси туриб, бошқасига ўз нисбатини берса, ундай одам жаҳаннам ичидан ўзига жой танлайверсин!" Пайғамбаримиз (а.с.)ни бир шоир деб кўрдилар, бир мажнун деб айтдилар, бир сеҳргар дедилар. Лекин уларнинг ҳаммаси ноҳақ, ул зот эса, Аллоҳнинг фазли ва марҳамати билан ғолиб ва ҳақ чиқдилар (ИК).

12. (Дўзах) уларни узоқ жойдан кўргандаёқ унинг ғалаёни ва чинқириғини эшитурлар.

13. Қачонки, кишанланган ҳолларида унинг тор жойига ташланганларида, ўша жойда (ўзларига) ҳалокат тилаб қолурлар.

14. (Шунда уларга): «Сизлар бугун бир ҳалокат эмас, кўп ҳалокатларни тилангиз!» (дейилур).

15. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Шу (дўзах) яхшироқми ёки тақводорларга ваъда қилинган мангулик жаннатими?!» Улар учун (бу) мукофот ва натижа бўлур эди.

16. Улар учун ўша жойда мангулик ҳолларида барча хоҳлаган нарсалари муҳайё бўлур. (Бу) Раббингиз зиммасидаги сўралувчи ваъдадир*.

17. (Аллоҳ) уларни (мушрикларни) ҳам, Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларини ҳам тўплаб (уларга): «Менинг анави бандаларимни сизлар йўлдан оздирдингизми ёки уларнинг ўзлари йўлдан оздиларми?», – дейдиган кунда,

18. улар дерлар: «Эй, пок Парвардигор! Бизлар учун Сендан ўзгаларни дўст тутиш жоиз эмас эди. Лекин (Сен) уларни ва ота-боболарини (шундай) таъминладингки, ҳатто, улар (Сени) эслашни ҳам унутдилар ва ҳалокат қавми бўлиб қолдилар»*.

19. (Эй, мушриклар!) Мана, улар (сизлар «Худо»лар деб сиғинган бутлар) айтаётган сўзларингизда сизларни ёлғончи қилдилар. Энди (азобдан) қутулишга ҳам, (ўзларингга) ёрдам қилишга ҳам қодир эмассиз. Сизлардан ким золим – мушрик бўлса, Биз унга катта азобни тотдирурмиз.

إِذَا رَأَتْهُم مِّن مَّكَانٍۭ بَعِيدٍ سَمِعُوا۟ لَهَا تَغَيُّظًا وَزَفِيرًا ﴿١٢﴾ وَإِذَآ
أُلْقُوا۟ مِنْهَا مَكَانًا ضَيِّقًا مُّقَرَّنِينَ دَعَوْا۟ هُنَالِكَ ثُبُورًا ﴿١٣﴾
لَّا تَدْعُوا۟ ٱلْيَوْمَ ثُبُورًا وَٰحِدًا وَٱدْعُوا۟ ثُبُورًا كَثِيرًا ﴿١٤﴾ قُلْ
أَذَٰلِكَ خَيْرٌ أَمْ جَنَّةُ ٱلْخُلْدِ ٱلَّتِى وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ ۚ كَانَتْ
لَهُمْ جَزَآءً وَمَصِيرًا ﴿١٥﴾ لَّهُمْ فِيهَا مَا يَشَآءُونَ خَٰلِدِينَ ۚ
كَانَ عَلَىٰ رَبِّكَ وَعْدًا مَّسْـُٔولًا ﴿١٦﴾ وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ وَمَا
يَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ فَيَقُولُ ءَأَنتُمْ أَضْلَلْتُمْ عِبَادِى
هَٰٓؤُلَآءِ أَمْ هُمْ ضَلُّوا۟ ٱلسَّبِيلَ ﴿١٧﴾ قَالُوا۟ سُبْحَٰنَكَ مَا كَانَ
يَنۢبَغِى لَنَآ أَن نَّتَّخِذَ مِن دُونِكَ مِنْ أَوْلِيَآءَ وَلَٰكِن مَّتَّعْتَهُمْ
وَءَابَآءَهُمْ حَتَّىٰ نَسُوا۟ ٱلذِّكْرَ وَكَانُوا۟ قَوْمًۢا بُورًا ﴿١٨﴾ فَقَدْ
كَذَّبُوكُم بِمَا تَقُولُونَ فَمَا تَسْتَطِيعُونَ صَرْفًا وَلَا
نَصْرًا ۚ وَمَن يَظْلِم مِّنكُمْ نُذِقْهُ عَذَابًا كَبِيرًا ﴿١٩﴾
وَمَآ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ إِلَّآ إِنَّهُمْ لَيَأْكُلُونَ
ٱلطَّعَامَ وَيَمْشُونَ فِى ٱلْأَسْوَاقِ ۗ وَجَعَلْنَا بَعْضَكُمْ
لِبَعْضٍ فِتْنَةً أَتَصْبِرُونَ ۗ وَكَانَ رَبُّكَ بَصِيرًا ﴿٢٠﴾

20. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан илгари Биз юборган барча пайғамбарлар ҳам, албатта, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Биз сизларнинг баъзиларингизни баъзиларингиз учун синов қилиб қўйдик – (қани) сабр қила олурмисиз? Раббингиз эса кўриб турувчи зотдир*.

16-оят. Аллоҳнинг зиммасидаги сўралувчи ваъда – бу дунёда мўминларнинг: “Эй, Раббимиз! Бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликларни ато эт, дўзах азобидан бизни сақла!” каби дуоларни ўқиганлари ва Аллоҳнинг “Менга илтижо қилингиз, ижобат этаман” деб берган ваъдасига биноан айтилган сўздир. Аллоҳнинг ўзи ваъда қилгани учун унга вафо қилиши муқаррардир. Акс ҳолда Унинг зиммасига ҳеч қандай вазифа вожиб бўлмайди. Фақат Ўзи таъкидлаганидек, У берган ваъдасига сира хилоф қилмайди (Мд. Хз.).

18-оят. Қиёмат куни сохта маъбудалар, яъни бут ва санамларга Аллоҳ таоло тил ато қилиб, уларга сиғинганлар билан юзма-юз сўроқ қилганида маъбудаларнинг ўзи уларнинг зарарига гувоҳлик бергач, ботил ақидалари фош бўлар экан.

20-оят. Қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло айтади: “Эй, расулим! Мен Сизнинг синагувчингизман ва Сиз орқали бошқаларни синайман” (Мс. ИК).

Умуман бу дунё синов майдонидир. Синов натижалари эса, охиратда маълум бўлади.

۞ وَقَالَ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا لَوْلَآ أُنزِلَ عَلَيْنَا ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ
أَوْ نَرَىٰ رَبَّنَا ۗ لَقَدِ ٱسْتَكْبَرُوا۟ فِىٓ أَنفُسِهِمْ وَعَتَوْ عُتُوًّا كَبِيرًا
﴿٢١﴾ يَوْمَ يَرَوْنَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ لَا بُشْرَىٰ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُجْرِمِينَ وَيَقُولُونَ
حِجْرًا مَّحْجُورًا ﴿٢٢﴾ وَقَدِمْنَآ إِلَىٰ مَا عَمِلُوا۟ مِنْ عَمَلٍ فَجَعَلْنَٰهُ
هَبَآءً مَّنثُورًا ﴿٢٣﴾ أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ يَوْمَئِذٍ خَيْرٌ مُّسْتَقَرًّا
وَأَحْسَنُ مَقِيلًا ﴿٢٤﴾ وَيَوْمَ تَشَقَّقُ ٱلسَّمَآءُ بِٱلْغَمَٰمِ وَنُزِّلَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ
تَنزِيلًا ﴿٢٥﴾ ٱلْمُلْكُ يَوْمَئِذٍ ٱلْحَقُّ لِلرَّحْمَٰنِ ۚ وَكَانَ يَوْمًا عَلَى
ٱلْكَٰفِرِينَ عَسِيرًا ﴿٢٦﴾ وَيَوْمَ يَعَضُّ ٱلظَّالِمُ عَلَىٰ يَدَيْهِ يَقُولُ
يَٰلَيْتَنِى ٱتَّخَذْتُ مَعَ ٱلرَّسُولِ سَبِيلًا ﴿٢٧﴾ يَٰوَيْلَتَىٰ لَيْتَنِى لَمْ أَتَّخِذْ
فُلَانًا خَلِيلًا ﴿٢٨﴾ لَّقَدْ أَضَلَّنِى عَنِ ٱلذِّكْرِ بَعْدَ إِذْ جَآءَنِى ۗ
وَكَانَ ٱلشَّيْطَٰنُ لِلْإِنسَٰنِ خَذُولًا ﴿٢٩﴾ وَقَالَ ٱلرَّسُولُ
يَٰرَبِّ إِنَّ قَوْمِى ٱتَّخَذُوا۟ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانَ مَهْجُورًا ﴿٣٠﴾ وَكَذَٰلِكَ
جَعَلْنَا لِكُلِّ نَبِىٍّ عَدُوًّا مِّنَ ٱلْمُجْرِمِينَ ۗ وَكَفَىٰ بِرَبِّكَ هَادِيًا
وَنَصِيرًا ﴿٣١﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ ٱلْقُرْءَانُ جُمْلَةً
وَٰحِدَةً ۚ كَذَٰلِكَ لِنُثَبِّتَ بِهِۦ فُؤَادَكَ ۖ وَرَتَّلْنَٰهُ تَرْتِيلًا ﴿٣٢﴾

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ПОРА

21. Мулоқотимизни умид қилмайдиганлар: «Бизларга (пайғамбарлик учун) фаришталар туширилса эди ёки бизлар Раббимизни (кўзларимиз билан) кўрсак эди», – дедилар. Дарҳақиқат, улар ўзларига бино қўйдилар ва ҳаддан жуда ошиб кетдилар.

22. Улар фаришталарни кўрадиган кунни (қиёмат кунини эсланг!) Ўша кунда жиноятчилар учун (ҳеч қандай) хушхабар бўлмас. (Фаришталар уларга) дерлар: «(Сизлар учун хушхабар эшитиш) бутунлай ҳаромдир!»

23. (Зотан) Биз улар қилган ҳар бир амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби фойдасиз) қилиб қўйгандирмиз.

24. Жаннат аҳли эса, у кунда энг яхши қароргоҳ ва энг гўзал оромгоҳларда бўлурлар.

25. Булутли осмон ёрилиб, фаришталар (ер юзига) тушириладиган кун (қиёмат)ни эсланг!*

26. Ўша кунда ҳаққоний подшоҳлик (ёлғиз) Раҳмон учундир. У (кун) кофирларга кўп қийин кун бўлур.

27. У кунда золим қўлларини (бармоқларини) тишлаб (пушаймон қилиб), дер: «Эҳ, қани эди, мен ҳам пайғамбар билан бирга бир йўлни тутганимда!

28. Ҳолимга вой! Кошки эди, фалончи (гумроҳ)ни дўст тутмаганимда!

29. Аниқки, менга эслатма (Қуръон) келганидан сўнг, ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди». (У кунда) шайтон (ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз қўювчидир*.

30. Пайғамбар айтди: «Эй, Раббим! Дарҳақиқат, менинг қавмим (Қурайш қабиласи) ушбу Қуръонни тарк этдилар».

31. Биз (Сиздан олдинги) ҳар бир пайғамбар учун (ҳам) жиноятчи кимсалардан мана шундай душман(лар) қилганмиз. Раббингизнинг Ўзи етарли раҳнамо ва ёрдамчидир!

32. Кофир бўлган кимсалар: «(Нега бу Қуръон унга (пайғамбарга) яхлит бир тўплам ҳолида нозил қилинмади?», – дедилар. (Эй, Муҳаммад!) Биз у (Қуръон) билан сизнинг дилингизни устивор қилиш учун мана шундай (оз-оздан нозил қилдик) ва уни тартили* билан (равон) ўқиб бердик.

25-оят. Ибн Аббос (рз.) сўзига кўра, қиёмат куни биринчи галда Ерга яқин турган осмон ёрилиб, унинг устидаги фаришталар Ерга тушади. Уларнинг сони Ердаги инсу жинлардан кўп бўлади. Сўнгра иккинчи осмон ҳам ёрилиб, ундаги фаришталар ҳам Ерга тушади. Уларнинг адади биринчи осмондагиларнинг ададидан кўп бўлади. Худди шу тарзда еттинчи осмон, охирида Аршни кўтариб турган фаришталар ҳам Ерга тушади (Хз.).

29-оят. Қиёмат куни бармоқларни тишлаб, пушаймон бўлувчи золимдан мурод мазкур оятларда Ақаба ибн Аби Муайтдир. Уни Исломдан қайтарган шахс Убай ибн Халаф эди.

32-оят. Тартил – бу Қуръонни дона-доналаб, аниқ ва равон ўқиш. Бу ерда Жаброил (а.с.)нинг ўқиб бериши кўзда тутилган.

وَلَا يَأْتُونَكَ بِمَثَلٍ إِلَّا جِئْنَٰكَ بِٱلْحَقِّ وَأَحْسَنَ تَفْسِيرًا ﴿٣٣﴾
ٱلَّذِينَ يُحْشَرُونَ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ إِلَىٰ جَهَنَّمَ أُو۟لَٰٓئِكَ شَرٌّ
مَّكَانًا وَأَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٣٤﴾ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ
وَجَعَلْنَا مَعَهُۥٓ أَخَاهُ هَٰرُونَ وَزِيرًا ﴿٣٥﴾ فَقُلْنَا ٱذْهَبَآ إِلَى
ٱلْقَوْمِ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا فَدَمَّرْنَٰهُمْ تَدْمِيرًا ﴿٣٦﴾ وَقَوْمَ
نُوحٍ لَّمَّا كَذَّبُوا۟ ٱلرُّسُلَ أَغْرَقْنَٰهُمْ وَجَعَلْنَٰهُمْ لِلنَّاسِ
ءَايَةً وَأَعْتَدْنَا لِلظَّٰلِمِينَ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٣٧﴾ وَعَادًا وَثَمُودَا۟
وَأَصْحَٰبَ ٱلرَّسِّ وَقُرُونًۢا بَيْنَ ذَٰلِكَ كَثِيرًا ﴿٣٨﴾ وَكُلًّا ضَرَبْنَا
لَهُ ٱلْأَمْثَٰلَ وَكُلًّا تَبَّرْنَا تَتْبِيرًا ﴿٣٩﴾ وَلَقَدْ أَتَوْا۟ عَلَى ٱلْقَرْيَةِ
ٱلَّتِىٓ أُمْطِرَتْ مَطَرَ ٱلسَّوْءِ أَفَلَمْ يَكُونُوا۟ يَرَوْنَهَا بَلْ
كَانُوا۟ لَا يَرْجُونَ نُشُورًا ﴿٤٠﴾ وَإِذَا رَأَوْكَ إِن يَتَّخِذُونَكَ
إِلَّا هُزُوًا أَهَٰذَا ٱلَّذِى بَعَثَ ٱللَّهُ رَسُولًا ﴿٤١﴾ إِن كَادَ
لَيُضِلُّنَا عَنْ ءَالِهَتِنَا لَوْلَآ أَن صَبَرْنَا عَلَيْهَا وَسَوْفَ
يَعْلَمُونَ حِينَ يَرَوْنَ ٱلْعَذَابَ مَنْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٢﴾ أَرَءَيْتَ
مَنِ ٱتَّخَذَ إِلَٰهَهُۥ هَوَىٰهُ أَفَأَنتَ تَكُونُ عَلَيْهِ وَكِيلًا ﴿٤٣﴾

33. Улар Сизга (Қуръонни айблаш мақсадида юқоридаги каби) бирор мисолни келтирсалар, албатта, Биз Сизга ҳақ (жавоб)ни ва гўзал тафсирни келтириб бердик.

34. Улар юзтубан ҳолларида жаҳаннам томонга жам қилинурлар. Ана ўшалар энг ёмон мақомли ва йўлдан озган кимсалардир.

35. Қасамки, Биз Мусога Китоб (Таврот) ато этдик ва биродари Ҳорунни у билан бирга вазир этдик.

36. Сўнгра дедик: «Бизнинг оятларимизни ёлғонга йўйган қавм (Фиръавн ва унинг қавми) олдига борингиз!» Бас, (ўз куфрларидан қайтишмагач,) Биз уларни (денгизга ғарқ қилиш билан) қириб ташладик.

37. Нуҳ қавмини (эсланг!) Қачонки, улар пайғамбарларни* инкор этишгач, Биз уларни ғарқ қилдик ва уларни одамлар учун ибрат қилиб қўйдик. Яна Биз (бу каби) золимлар учун (охиратда ҳам) аламли азоб тайёрлаб қўйгандирмиз.

38. Од, Самуд (қабилаларини) ва қудуқ эгаларини* ҳамда шу орадаги кўп авлодларни (эсланг)!

39. Барчаларига мисоллар келтирдик ва (гап кор қилмагач), барчаларини бутунлай йўқ қилиб юбордик.

40. Аниқки, улар (сафар кезларида) шумли ёмғир (яъни тош) ёғдирилган шаҳардан ўтгандирлар. Ахир, улар уни кўрмасмидилар (ибрат олмасмидилар)?! Йўқ, улар қайта тирилишга умид қилмаган кимсалардир!

41. (Эй, Муҳаммад!) Қачонки, улар Сизни кўрсалар: «Аллоҳ мана шуни пайғамбар қилиб юбордими?!

42. Агар сабр қилиб (маҳкам турмаганимизда), ҳақиқатан, у бизларни илоҳларимиздан оздираёзди-я», – деб Сизни масхара қилурлар. Яқинда – азобни кўрган вақтларида, ким йўлдан кўпроқ озган эканини билиб олурлар.

43. Кўрдингизми, ким (нафсу) ҳавосини илоҳ қилиб олган бўлса, Сиз унга вакил (ундан қайтариб туришга масъул) бўлармидингиз?!*

37-оят. "Пайғамбарларни" сўзининг кўпликда келишига икки хил изоҳ берилган. Биринчиси – Нуҳ (а.с.) ва ундан олдин ўтган пайғамбарларни инкор этишгани. Иккинчиси – Нуҳ (а.с.)ни инкор этишгани барча пайғамбарларни инкор этишгани ҳисобланиши.

38-оят. Қудуқ эгалари – Шуайб (а.с.)нинг ҳалокатга учраган итоатсиз қавми.

43-оят. Ривоятларга кўра, санамларга сиғинувчи мушриклар бир тошга сиғиниб турганида ундан чиройли тошни кўриб қолса, дарҳол олдингисини ташлаб юбориб, янгисига сиғина бошлар эканлар. Яъни кўнгилларига келган фикрга эргашиб кетаверар эканлар (Мд. Хз.).

أَمْ تَحْسَبُ أَنَّ أَكْثَرَهُمْ يَسْمَعُونَ أَوْ يَعْقِلُونَ ۚ إِنْ هُمْ إِلَّا
كَالْأَنْعَامِ ۖ بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٤﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَىٰ رَبِّكَ كَيْفَ مَدَّ
الظِّلَّ وَلَوْ شَاءَ لَجَعَلَهُ سَاكِنًا ثُمَّ جَعَلْنَا الشَّمْسَ عَلَيْهِ دَلِيلًا
﴿٤٥﴾ ثُمَّ قَبَضْنَاهُ إِلَيْنَا قَبْضًا يَسِيرًا ﴿٤٦﴾ وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ
لَكُمُ اللَّيْلَ لِبَاسًا وَالنَّوْمَ سُبَاتًا وَجَعَلَ النَّهَارَ نُشُورًا ﴿٤٧﴾
وَهُوَ الَّذِي أَرْسَلَ الرِّيَاحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ۚ وَأَنْزَلْنَا
مِنَ السَّمَاءِ مَاءً طَهُورًا ﴿٤٨﴾ لِنُحْيِيَ بِهِ بَلْدَةً مَيْتًا وَنُسْقِيَهُ
مِمَّا خَلَقْنَا أَنْعَامًا وَأَنَاسِيَّ كَثِيرًا ﴿٤٩﴾ وَلَقَدْ صَرَّفْنَاهُ بَيْنَهُمْ
لِيَذَّكَّرُوا فَأَبَىٰ أَكْثَرُ النَّاسِ إِلَّا كُفُورًا ﴿٥٠﴾ وَلَوْ شِئْنَا
لَبَعَثْنَا فِي كُلِّ قَرْيَةٍ نَذِيرًا ﴿٥١﴾ فَلَا تُطِعِ الْكَافِرِينَ
وَجَاهِدْهُمْ بِهِ جِهَادًا كَبِيرًا ﴿٥٢﴾ ۞ وَهُوَ الَّذِي مَرَجَ
الْبَحْرَيْنِ هَٰذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ وَهَٰذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ وَجَعَلَ بَيْنَهُمَا بَرْزَخًا
وَحِجْرًا مَحْجُورًا ﴿٥٣﴾ وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ مِنَ الْمَاءِ بَشَرًا فَجَعَلَهُ
نَسَبًا وَصِهْرًا ۗ وَكَانَ رَبُّكَ قَدِيرًا ﴿٥٤﴾ وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ
مَا لَا يَنْفَعُهُمْ وَلَا يَضُرُّهُمْ ۗ وَكَانَ الْكَافِرُ عَلَىٰ رَبِّهِ ظَهِيرًا ﴿٥٥﴾

44. Ёки Сиз уларнинг кўпларини (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар деб ўйлайсизми?! (Йўқ, асло!) Улар ҳайвонларнинг худди ўзи. Балки, улар янада йўлдан озганроқдирлар*.

45. Раббингиз сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми?! Агар хоҳласа, уни сокин қилиб қўйган бўлур эди. Сўнгра қуёшни унга (соянинг борлигига) далил қилдик.

46. Сўнгра уни астагина Ўзимизга тортиб олурмиз.

47. (Аллоҳ) сизлар учун тунни либос (парда), уйқуни ором қилиб қўйган, кундузни эса (сизлар учун) саъй-ҳаракат (вақти) қилган зотдир.

48. У Ўз раҳмати (ёмғири) олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборган зотдир. Осмондан пок сув (ёмғир) ёғдирдик.

49. Бу ўлик шаҳар (ерларини) тирилтириш ва Ўзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ҳамда инсонларни суғориш учундир.

50. У (сув)ни эслатма олишлари учун (одамлар) ораларида тақсимлаб қўйдик, (аммо) одамларнинг кўплари (неъматларимизга нисбатан) фақат ношукурликни истадилар.

51. Агар Биз хоҳласак, ҳар қишлоқ (ва шаҳар)га бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) юборган бўлур эдик.

52. Бас, Сиз кофирларга итоат этманг ва у (Қуръон)нинг ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг!*

53. (Аллоҳ) икки денгиз (дарё)ни буниси жуда чучук, униси жуда шўр қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ ва пухта парда қилиб қўйган зотдир.

54. У (ҳақир) сувдан (манийдан) инсонни яратиб, сўнг уни (насл) – насабли ва қуда-анда қилиб қўйган зотдир. Дарҳақиқат, Раббингиз (ҳар ишга) қодирдир.

55. (Кофирлар) Аллоҳни қўйиб, ўзларига фойда ҳам, зарар ҳам етказмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар. Кофир ўз Парвардигорига қарши (туриб шайтонга) ёрдам берувчидир.

44-оят. Оятлардан билдикки, Еру осмонлардаги барча нарсалар, шу жумладан, ҳайвонлар ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтиб, сажда ҳам қиладилар. Онгли мавжудот бўла туриб яратганни тан олмаган ва Унинг неъматларига ношукурлик қилган инсонлар яхшиликни биладиган, эгасининг хизматидан бош тортмайдиган баъзи онгсиз ҳайвонлардан бадтар экани таъкидланмоқда (Мд.).

52-оят. Макка мушриклари Ҳазрат Расул (а.с.)га ота-боболари сиғинган сохта маъбудаларга сиғиниш ва янги тавҳид динини тарк этишни таклиф қилганларида, Аллоҳ таоло уларнинг бу таклифини рад этишга ва улар билан илоҳий оятлар асосида баҳс юритишга буюрмоқда.

وَمَآ أَرۡسَلۡنَٰكَ إِلَّا مُبَشِّرٗا وَنَذِيرٗا ٥٦ قُلۡ مَآ أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ
مِنۡ أَجۡرٍ إِلَّا مَن شَآءَ أَن يَتَّخِذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ سَبِيلٗا ٥٧ وَتَوَكَّلۡ
عَلَى ٱلۡحَيِّ ٱلَّذِي لَا يَمُوتُ وَسَبِّحۡ بِحَمۡدِهِۦۚ وَكَفَىٰ بِهِۦ بِذُنُوبِ
عِبَادِهِۦ خَبِيرًا ٥٨ ٱلَّذِي خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَمَا بَيۡنَهُمَا
فِي سِتَّةِ أَيَّامٖ ثُمَّ ٱسۡتَوَىٰ عَلَى ٱلۡعَرۡشِۖ ٱلرَّحۡمَٰنُ فَسۡـَٔلۡ بِهِۦ
خَبِيرٗا ٥٩ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱسۡجُدُواْۤ لِلرَّحۡمَٰنِ قَالُواْ وَمَا ٱلرَّحۡمَٰنُ
أَنَسۡجُدُ لِمَا تَأۡمُرُنَا وَزَادَهُمۡ نُفُورٗا ۩ ٦٠ تَبَارَكَ ٱلَّذِي جَعَلَ
فِي ٱلسَّمَآءِ بُرُوجٗا وَجَعَلَ فِيهَا سِرَٰجٗا وَقَمَرٗا مُّنِيرٗا ٦١ وَهُوَ
ٱلَّذِي جَعَلَ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَ خِلۡفَةٗ لِّمَنۡ أَرَادَ أَن يَذَّكَّرَ أَوۡ أَرَادَ
شُكُورٗا ٦٢ وَعِبَادُ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلَّذِينَ يَمۡشُونَ عَلَى ٱلۡأَرۡضِ
هَوۡنٗا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ ٱلۡجَٰهِلُونَ قَالُواْ سَلَٰمٗا ٦٣ وَٱلَّذِينَ
يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمۡ سُجَّدٗا وَقِيَٰمٗا ٦٤ وَٱلَّذِينَ يَقُولُونَ
رَبَّنَا ٱصۡرِفۡ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَۖ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا
٦٥ إِنَّهَا سَآءَتۡ مُسۡتَقَرّٗا وَمُقَامٗا ٦٦ وَٱلَّذِينَ إِذَآ أَنفَقُواْ
لَمۡ يُسۡرِفُواْ وَلَمۡ يَقۡتُرُواْ وَكَانَ بَيۡنَ ذَٰلِكَ قَوَامٗا ٦٧

56. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни фақат (мўминларга жаннатдан) хушхабар берувчи, (кофирларни эса охират азобидан) огоҳлантирувчи қилиб юбордик.

57. Айтинг: «Мен сизлардан унинг (пайғамбарлик) устидан (ҳеч қандай) ҳақ сўрамайман, (менга) фақат Парвардигори сари йўл тутишни хоҳлайдиган кишилар бўлса бас».

58. Ўлмайдиган барҳаёт зотга таваккул қилинг ҳамда Унинг ҳамди билан тасбеҳ айтинг! У Ўз бандаларининг гуноҳларидан етарлича хабардордир.

59. У осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги (барча) нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра «муставий» бўлган зотдир*. У Раҳмондир. Бас, У зот ҳақида хабардор (билимдон киши)дан сўранг!

60. Қачонки, (мушрикларга): «Раҳмонга сажда қилингиз!», – дейилса, улар: «Нима у Раҳмон? Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?», – дейишади ва (бу сўз) уларни янада (имондан) йироқлаштиради*.

61. Осмонда буржларни бунёд этган ва унда чироқ (қуёш) ва нурафшон ойни пайдо қилган зот баракотли (буюк)дир.

62. У эслатма олмоқчи ёки шукр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирига) ўринбосар қилиб қўйган зотдир.

63. Раҳмоннинг (суюкли) бандалари* ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда «Саломатлик бўлсин!» деб жавоб қиладиган кишилардир.

64. Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир.

65. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг биздан жаҳаннам азобини даф этгин. Дарҳақиқат, унинг азоби ҳалокатлидир.

66. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон мақомдир»,– дейдиган кишилардир.

67. Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир.

59-оят. "Муставий" сўзининг тафсири олдинги сураларда баён этилди. Мушриклар "ар-Раҳмон" сўзи Аллоҳнинг номларидан бири эканига ишонмас, балки Ямома қабиласидан чиққан ва пайғамбарлик даъво қилган Мусайлимани "Ямома раҳмони" деб билишар эди. Уларга "ар-Раҳмон" ҳақида маълумот олиш учун аҳли китоблардан сўрасинлар. Зеро, уларнинг илоҳий китобларида Аллоҳнинг бу номи зикр этилган, дейилмоқда.

60-оят. Сажда ояти.

63-оят. Шу оятдан бошлаб 76-оятгача мустаҳкам имон ва чин ихлосли солиҳ мўминларнинг яхши сифатлари мадҳ этилган. Гарчи, улар тавсиф шаклида зикр этилган бўлса-да, барча мўмин-мусулмонлар уларни илоҳий тавсия, ҳатто, буйруқ сифатида қабул қилишлари лозимдир.

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَٰهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ
الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ يَلْقَ
أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَاعَفْ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدْ فِيهِ
مُهَانًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا مَن تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا
فَأُولَٰئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا
رَّحِيمًا ﴿٧٠﴾ وَمَن تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ
مَتَابًا ﴿٧١﴾ وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ
مَرُّوا كِرَامًا ﴿٧٢﴾ وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ
لَمْ يَخِرُّوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا ﴿٧٣﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا
هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا
لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا ﴿٧٤﴾ أُولَٰئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا
صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا تَحِيَّةً وَسَلَامًا ﴿٧٥﴾ خَالِدِينَ
فِيهَا ۚ حَسُنَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا ﴿٧٦﴾ قُلْ مَا يَعْبَأُ بِكُمْ رَبِّي
لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ ۖ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ يَكُونُ لِزَامًا ﴿٧٧﴾

آياتها ٢٢٧ — سُورَةُ الشُّعَرَاءِ — ترتيبها ٢٦

68. Улар Аллоҳга қўшиб, бошқа «илоҳ»га илтижо қилмаслар ва Аллоҳ ўлдиришни ман этган жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлар)ни (имонсиз ҳолда) қилса, гуноҳга (уқубатга) учрар,

69. қиёмат кунида унга азоб бир неча баробар зиёда қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур.

70. Илло, кимки (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр*. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

71. Кимки тавба қилиб эзгу (ишларни) қилса, бас, албатта, у Аллоҳ (ризоси ва мағфирати)га қайтган бўлур.

72. Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва беҳуда (сўз ё иш) олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан (ундан юз ўгирган ҳолда) ўтарлар.

73. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида уларга (эҳтиром юзасидан) кар ва кўр ҳолларида йиқилмайдилар (балки уларни англаб-билиб амал қилурлар).

74. Улар: «Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини бахш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин!», – дейдиган кишилардир.

75. Айнан ўшалар сабр қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва омонлик билан қарши олинурлар.

76. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гўзал қароргоҳ ва энг гўзал даргоҳдир.

77. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Агар дуоларингиз бўлмаганида, Парвардигорим сизларга парво қилмас эди. Бас, сизлар (У юборган пайғамбарни) инкор этдингиз. Энди, албатта, сизларга (азоб-уқубат) лозим бўлур».

Шуаро сураси

Маккада нозил қилинган. 227 оят.

70-оят. Гуноҳнинг савобга айланиб қолиши қандай маъно касб этиши хусусида турлича тафсирлар бор. Масалан, собиқ гуноҳлари тавба билан ўчиб, ўрнига савобли ишларни қилиш билан; гуноҳ қилиш қобилияти савобли иш қилиш қобилиятига айланиши билан; Аллоҳнинг тавфиқи сабабли тоат-ибодат ва хайрли иш қилишга ўтиш билан ва ҳоказо. Ҳадисда баъзи мўминларнинг кабира гуноҳлари кечирилиб, сағира гуноҳлари ҳасанотга айлантирилиши ҳақида башорат қилинган (Мс. Мд. Кз.).

26. ШУАРО СУРАСИ

Шуаро – шоирлар.

Сурада тавҳид, имон, ислом, инсоний фазилатларга даъват, коинот ва самовот сирлари, пайғамбарларнинг даъват асносида чеккан заҳматлари, охиратга тааллуқли маълумотлар бор.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. То, Син, Мим.

2. Ушбулар аниқ Китоб оятларидир.

3. (Эй, Муҳаммад!) Эҳтимол, Сиз (Макка мушриклари) мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок қилмоқчидирсиз.

4. Агар Биз хоҳласак, уларга осмондан мўъжиза нозил қилар эдик-да, у сабабли бўйинлари эгилиб қолар эди.

5. Уларга Раҳмон (томони)дан янги эслатма келиши билан, албатта, улар ундан юз ўгирувчи бўлдилар.

6. Бас, улар (пайғамбарни) инкор этдилар. Уларга эса ўзлари масхара қилган нарсанинг ахбороти ҳадемай келиб қолур.

7. Ахир, (улар) ерга боқиб, унда барча турдаги фойдали навлардан қанчасини ундириб қўйганимизни кўрмадиларми?!

8. Албатта, бунда аломат бордир. (Лекин) уларнинг кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

9. Раббингиз эса, У қудратли ва раҳмлидир.

10. (Эй, Муҳаммад!) Эсланг, Раббингиз Мусога нидо қилиб: «Золимлар қавмига боргин –

11. Фиръавн қавмига. Улар (Мендан) қўрқмайдиларми?!» (деган эди).

12. Мусо айтди: «Эй, Раббим! (Мен борурман, лекин) улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқаман.

13. Дилим танг бўлур, тилим равон эмас*. Бас, (биродарим) Ҳорунга ҳам (пайғамбарлик) юборгин!

14. Яна улар наздида менинг гуноҳим бор*. Бас, мени ўлдириб қўйишларидан қўрқаман».

15. (Аллоҳ) деди: «Йўқ (ўлдира олмаслар)! Бас, (Ҳорун билан бирга) мўъжизаларимизни олиб борингиз! Албатта, Биз сизлар билан бирга (савол-жавобларингизни) тинглаб турувчидирмиз.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

طسٓمٓ (١) تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُبِينِ (٢) لَعَلَّكَ بَٰخِعٌ نَّفْسَكَ
أَلَّا يَكُونُوا۟ مُؤْمِنِينَ (٣) إِن نَّشَأْ نُنَزِّلْ عَلَيْهِم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ ءَايَةً فَظَلَّتْ
أَعْنَٰقُهُمْ لَهَا خَٰضِعِينَ (٤) وَمَا يَأْتِيهِم مِّن ذِكْرٍ مِّنَ ٱلرَّحْمَٰنِ مُحْدَثٍ
إِلَّا كَانُوا۟ عَنْهُ مُعْرِضِينَ (٥) فَقَدْ كَذَّبُوا۟ فَسَيَأْتِيهِمْ أَنۢبَٰٓؤُا۟ مَا كَانُوا۟
بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ (٦) أَوَلَمْ يَرَوْا۟ إِلَى ٱلْأَرْضِ كَمْ أَنۢبَتْنَا فِيهَا مِن كُلِّ زَوْجٍ
كَرِيمٍ (٧) إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ (٨) وَإِنَّ
رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ (٩) وَإِذْ نَادَىٰ رَبُّكَ مُوسَىٰٓ أَنِ ٱئْتِ ٱلْقَوْمَ
ٱلظَّٰلِمِينَ (١٠) قَوْمَ فِرْعَوْنَ أَلَا يَتَّقُونَ (١١) قَالَ رَبِّ إِنِّىٓ أَخَافُ
أَن يُكَذِّبُونِ (١٢) وَيَضِيقُ صَدْرِى وَلَا يَنطَلِقُ لِسَانِى فَأَرْسِلْ
إِلَىٰ هَٰرُونَ (١٣) وَلَهُمْ عَلَىَّ ذَنۢبٌ فَأَخَافُ أَن يَقْتُلُونِ (١٤) قَالَ
كَلَّا فَٱذْهَبَا بِـَٔايَٰتِنَآ إِنَّا مَعَكُم مُّسْتَمِعُونَ (١٥) فَأْتِيَا فِرْعَوْنَ
فَقُولَآ إِنَّا رَسُولُ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ (١٦) أَنْ أَرْسِلْ مَعَنَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ
(١٧) قَالَ أَلَمْ نُرَبِّكَ فِينَا وَلِيدًا وَلَبِثْتَ فِينَا مِنْ عُمُرِكَ سِنِينَ (١٨)
وَفَعَلْتَ فَعْلَتَكَ ٱلَّتِى فَعَلْتَ وَأَنتَ مِنَ ٱلْكَٰفِرِينَ (١٩)

16. Бас, икковингиз Фиръавнга бориб айтинг: «Ҳақиқатан, биз оламлар Парвардигорининг элчиларимиз.

17. Исроил авлодини бизга қўшиб (ўз юртлари – Фаластинга) жўнатгин!»

18. (Фиръавн ҳузурига келишгач, у Мусога) деди: «Биз сени болалик чоғингда ўз ичимизда тарбияламаганмидик, умрингнинг бир неча йилида орамизда турган эдинг-ку!

19. Кейин ношукурлардан бўлиб, қилган ишингни қилдинг».

13-оят. Мусо (а.с.)нинг тили дудуқ эди. Лекин бу ерда у Фиръавннинг ҳайбатидан ёки ҳаяжондан яхши гапира олмай қолишини кўзда тутган бўлиши ҳам мумкин (Абс. Хз.).

14-оят. Яъни мисрлик бир қибтий йигитни ўлдирганим учун қасосдан қўрқаман, демоқчи.

قَالَ فَعَلْتُهَآ إِذًا وَأَنَا۠ مِنَ ٱلضَّآلِّينَ ﴿٢٠﴾ فَفَرَرْتُ مِنكُمْ لَمَّا خِفْتُكُمْ
فَوَهَبَ لِى رَبِّى حُكْمًا وَجَعَلَنِى مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٢١﴾ وَتِلْكَ نِعْمَةٌ تَمُنُّهَا
عَلَىَّ أَنْ عَبَّدتَّ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٢٢﴾ قَالَ فِرْعَوْنُ وَمَا رَبُّ ٱلْعَٰلَمِينَ
﴿٢٣﴾ قَالَ رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَآ إِن كُنتُم مُّوقِنِينَ
﴿٢٤﴾ قَالَ لِمَنْ حَوْلَهُۥٓ أَلَا تَسْتَمِعُونَ ﴿٢٥﴾ قَالَ رَبُّكُمْ وَرَبُّ ءَابَآئِكُمُ
ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٢٦﴾ قَالَ إِنَّ رَسُولَكُمُ ٱلَّذِىٓ أُرْسِلَ إِلَيْكُمْ لَمَجْنُونٌ ﴿٢٧﴾
قَالَ رَبُّ ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ وَمَا بَيْنَهُمَآ إِن كُنتُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢٨﴾ قَالَ
لَئِنِ ٱتَّخَذْتَ إِلَٰهًا غَيْرِى لَأَجْعَلَنَّكَ مِنَ ٱلْمَسْجُونِينَ ﴿٢٩﴾ قَالَ
أَوَلَوْ جِئْتُكَ بِشَىْءٍ مُّبِينٍ ﴿٣٠﴾ قَالَ فَأْتِ بِهِۦٓ إِن كُنتَ مِنَ
ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٣١﴾ فَأَلْقَىٰ عَصَاهُ فَإِذَا هِىَ ثُعْبَانٌ مُّبِينٌ ﴿٣٢﴾ وَنَزَعَ يَدَهُۥ
فَإِذَا هِىَ بَيْضَآءُ لِلنَّٰظِرِينَ ﴿٣٣﴾ قَالَ لِلْمَلَإِ حَوْلَهُۥٓ إِنَّ هَٰذَا لَسَٰحِرٌ
عَلِيمٌ ﴿٣٤﴾ يُرِيدُ أَن يُخْرِجَكُم مِّنْ أَرْضِكُم بِسِحْرِهِۦ فَمَاذَا
تَأْمُرُونَ ﴿٣٥﴾ قَالُوٓا۟ أَرْجِهْ وَأَخَاهُ وَٱبْعَثْ فِى ٱلْمَدَآئِنِ حَٰشِرِينَ
﴿٣٦﴾ يَأْتُوكَ بِكُلِّ سَحَّارٍ عَلِيمٍ ﴿٣٧﴾ فَجُمِعَ ٱلسَّحَرَةُ
لِمِيقَٰتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿٣٨﴾ وَقِيلَ لِلنَّاسِ هَلْ أَنتُم مُّجْتَمِعُونَ ﴿٣٩﴾

20. (Мусо) айтди: «Ўшанда мен у ишни янглишганлардан бўлиб қилган эдим.

21. Сўнгра сизлардан қўрқиб қочиб кетдим. Кейин Раббим менга ҳикмат берди ва мени пайғамбарлардан қилди.

22. Ўша сен менга миннат қилаётган неъмат (аслида) сен Исроил авлодини қул қилиб олишинг туфайлидир»*.

23. Фиръавн деди: «Оламлар Парвардигори (деганинг) нимаси яна?»

24. (Мусо) айтди: «Агар ишонадиган бўлсангиз, У осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларнинг Парвардигори (мураббийси)дир».

25. (Фиръавн) атрофидаги (аъён)ларга: «Эшитмаяпсизларми?!», – деди.

26. (Мусо) айтди: «(У) сизларнинг ҳам, ўтган ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигоридир».

27. (Фиръавн) деди: «Сизларга юборилган (бу) пайғамбарингиз, қасамки, жиннидир».

28. (Мусо) айтди: «Агар ақл ишлатувчи бўлсангиз, У машриқ ва мағриб ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг (ҳам) Парвардигоридир».

29. (Фиръавн) деди: «Қасамки, агар мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта, мен сени зиндонбандлардан қилурман!»

30. (Мусо) айтди: «Агар мен сенга аниқ нарса (мўъжиза) келтирсам-чи?»

31. (Фиръавн) деди: «Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, ўша (мўъжизанг)ни келтир-чи?!»

32. (Мусо) асосини ташлаган эди, бирданига у чин аждаҳога айланди.

33. Қўлини (қўйнидан) чиқарган эди, бехос у қараб турганларга оппоқ (нурли) бўлиб кўринди, (ҳолбуки, Мусо ўзи қорамтир одам эди).

34. (Фиръавн) атрофидаги зодагонларга: «Аниқки, бу (Мусо) анча билимли сеҳргардир.

35. У ўз сеҳри билан сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи. Нима дейсиз?», – деди.

36. Улар айтишди: «Уни ва биродари (Ҳорун)ни қўйиб тургин-да, ҳамма шаҳарларга (сеҳргарларни йиғиб келадиган кишиларни) жўнатгин!

37. Улар сенга барча ўткир сеҳргарларни келтирсинлар!»

38. Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойга тўпландилар*.

39. Одамларга айтилди: «Сизлар тўпланиб бўлдингизми?

22-оят. Яъни ўзинг ўтказган зулминг туфайли мен сенинг саройингга келиб қолганман. Акс ҳолда, ўз оиламда тарбия топган бўлур эдим. Шунинг учун мени парвариш қилганингни миннат қилма, демоқчи (Мд.).

38-оят. Фиръавн таклиф этган сеҳргарларнинг сони бир неча минг экани олдинги суралар тафсирида айтиб ўтилди. Уларнинг энг машҳурлари – Собур, Озур, Ҳатҳат ва Мусаффий эди. Бошқалари шу тўртта бош сеҳргарларга тобе эди (ИК).

لَعَلَّنَا نَتَّبِعُ ٱلسَّحَرَةَ إِن كَانُوا۟ هُمُ ٱلْغَٰلِبِينَ ﴿٤٠﴾ فَلَمَّا جَآءَ ٱلسَّحَرَةُ
قَالُوا۟ لِفِرْعَوْنَ أَئِنَّ لَنَا لَأَجْرًا إِن كُنَّا نَحْنُ ٱلْغَٰلِبِينَ ﴿٤١﴾ قَالَ نَعَمْ
وَإِنَّكُمْ إِذًا لَّمِنَ ٱلْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٢﴾ قَالَ لَهُم مُّوسَىٰٓ أَلْقُوا۟ مَآ أَنتُم مُّلْقُونَ
﴿٤٣﴾ فَأَلْقَوْا۟ حِبَالَهُمْ وَعِصِيَّهُمْ وَقَالُوا۟ بِعِزَّةِ فِرْعَوْنَ إِنَّا لَنَحْنُ
ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿٤٤﴾ فَأَلْقَىٰ مُوسَىٰ عَصَاهُ فَإِذَا هِىَ تَلْقَفُ مَا يَأْفِكُونَ
﴿٤٥﴾ فَأُلْقِىَ ٱلسَّحَرَةُ سَٰجِدِينَ ﴿٤٦﴾ قَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٧﴾
رَبِّ مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ ﴿٤٨﴾ قَالَ ءَامَنتُمْ لَهُۥ قَبْلَ أَنْ ءَاذَنَ لَكُمْ ۖ إِنَّهُۥ
لَكَبِيرُكُمُ ٱلَّذِى عَلَّمَكُمُ ٱلسِّحْرَ فَلَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ۚ لَأُقَطِّعَنَّ أَيْدِيَكُمْ
وَأَرْجُلَكُم مِّنْ خِلَٰفٍ وَلَأُصَلِّبَنَّكُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٩﴾ قَالُوا۟ لَا ضَيْرَ ۖ إِنَّآ
إِلَىٰ رَبِّنَا مُنقَلِبُونَ ﴿٥٠﴾ إِنَّا نَطْمَعُ أَن يَغْفِرَ لَنَا رَبُّنَا خَطَٰيَٰنَآ أَن كُنَّآ
أَوَّلَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥١﴾ ۞ وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنْ أَسْرِ بِعِبَادِىٓ إِنَّكُم
مُّتَّبَعُونَ ﴿٥٢﴾ فَأَرْسَلَ فِرْعَوْنُ فِى ٱلْمَدَآئِنِ حَٰشِرِينَ ﴿٥٣﴾ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ
لَشِرْذِمَةٌ قَلِيلُونَ ﴿٥٤﴾ وَإِنَّهُمْ لَنَا لَغَآئِظُونَ ﴿٥٥﴾ وَإِنَّا لَجَمِيعٌ حَٰذِرُونَ
﴿٥٦﴾ فَأَخْرَجْنَٰهُم مِّن جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿٥٧﴾ وَكُنُوزٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ ﴿٥٨﴾
كَذَٰلِكَ وَأَوْرَثْنَٰهَا بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٥٩﴾ فَأَتْبَعُوهُم مُّشْرِقِينَ ﴿٦٠﴾

40. Балки, биз, сеҳргарлар ғолиб чиқса, уларга эргашурмиз»

41. Қачонки, сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга: «Агар биз ютиб чиқсак, албатта, биз учун (катта) мукофот бўлурми?», – дейишди.

42. (У:) «Ҳа, у ҳолда, албатта, сизлар менинг яқинларимдан бўлурсиз», – деди.

43. Мусо уларга: «Ташлайдиган нарсаларингизни ташлангиз!», – деди.

44. Бас, улар арқон ва асоларни (ерга) ташладилар ва: «Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта, биз ғолиб чиқувчидирмиз», – дедилар.

45. Сўнгра Мусо асосини ташлаган эди, бирдан у (асо) уларнинг «ясама» (илон)ларини юта бошлади.

46. Бас, у сеҳргарлар (енгилдилар ва) сажда қилган ҳолларида ерга йиқилдилар.

47. «Барча оламларнинг Парвардигорига,

48. Яъни, Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига имон келтирдик», – дедилар.

49. (Фиръавн ғазаб билан) айтди: «Мен изн бермай туриб унга имон келтирдингизми?! Албатта, у (Мусо) сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, яқинда билурсиз. Албатта, мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршисига (ўнг қўл, чап оёғингизни ёки аксинча) кесурман ва сизларнинг барчангизни осиб ташлайман!»

50. Улар дедилар: «Зарари йўқ. Зеро, биз Раббимизга қайтувчидирмиз.

51. Биз (Мусога) имон келтирганларнинг биринчиси бўлганимиз сабабли, Раббимиз бизнинг гуноҳларимизни мағфират этишини умид қилурмиз».

52. Биз Мусога: «Бандаларим (Исроил авлоди) билан тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур», – деб ваҳий юбордик.

53. Бас, Фиръавн барча шаҳарларга (аскар) йиғувчиларни жўнатди (ва деди):

54. «Аниқки, улар озгина кишилардир.

55. Дарҳақиқат, улар (чиқиб кетишлари билан) бизларни ғазаблантирувчидирлар!

56. Бизлар эҳтиёткор жамоадирмиз».

57. Бас, уларни (Фиръавн ва унга эргашганларни) боғлар ва булоқлардан айирдик.

58. Хазиналар ва шинам маскандан ҳам.

59. Яна уларга (хазина ва масканларга) Исроил авлодини ворис қилдик*.

60. Бас, (Фиръавн лашкари) тонг пайтида уларнинг изига тушдилар.

59-оят. Ҳасан Басрий (рҳ.) сўзига кўра, Фиръавн билан унинг аскари сувга ғарқ бўлгандан кейин Мусо (а.с.)нинг қавми Мисрга қайтиб келиб, қибтийларнинг манзил ва бойликларини собиқ зулмларининг қасоси сифатида ўзлаштириб олганлар (Мд. Хз.).

فَلَمَّا تَرَٰٓءَا ٱلۡجَمۡعَانِ قَالَ أَصۡحَٰبُ مُوسَىٰٓ إِنَّا لَمُدۡرَكُونَ ﴿٦١﴾ قَالَ
كَلَّآۖ إِنَّ مَعِيَ رَبِّي سَيَهۡدِينِ ﴿٦٢﴾ فَأَوۡحَيۡنَآ إِلَىٰ مُوسَىٰٓ أَنِ ٱضۡرِب
بِّعَصَاكَ ٱلۡبَحۡرَۖ فَٱنفَلَقَ فَكَانَ كُلُّ فِرۡقٖ كَٱلطَّوۡدِ ٱلۡعَظِيمِ ﴿٦٣﴾
وَأَزۡلَفۡنَا ثَمَّ ٱلۡأٓخَرِينَ ﴿٦٤﴾ وَأَنجَيۡنَا مُوسَىٰ وَمَن مَّعَهُۥٓ أَجۡمَعِينَ ﴿٦٥﴾
ثُمَّ أَغۡرَقۡنَا ٱلۡأٓخَرِينَ ﴿٦٦﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗۖ وَمَا كَانَ أَكۡثَرُهُم
مُّؤۡمِنِينَ ﴿٦٧﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٦٨﴾ وَٱتۡلُ عَلَيۡهِمۡ
نَبَأَ إِبۡرَٰهِيمَ ﴿٦٩﴾ إِذۡ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوۡمِهِۦ مَا تَعۡبُدُونَ ﴿٧٠﴾ قَالُواْ
نَعۡبُدُ أَصۡنَامٗا فَنَظَلُّ لَهَا عَٰكِفِينَ ﴿٧١﴾ قَالَ هَلۡ يَسۡمَعُونَكُمۡ إِذۡ
تَدۡعُونَ ﴿٧٢﴾ أَوۡ يَنفَعُونَكُمۡ أَوۡ يَضُرُّونَ ﴿٧٣﴾ قَالُواْ بَلۡ وَجَدۡنَآ ءَابَآءَنَا
كَذَٰلِكَ يَفۡعَلُونَ ﴿٧٤﴾ قَالَ أَفَرَءَيۡتُم مَّا كُنتُمۡ تَعۡبُدُونَ ﴿٧٥﴾ أَنتُمۡ
وَءَابَآؤُكُمُ ٱلۡأَقۡدَمُونَ ﴿٧٦﴾ فَإِنَّهُمۡ عَدُوّٞ لِّيٓ إِلَّا رَبَّ ٱلۡعَٰلَمِينَ
﴿٧٧﴾ ٱلَّذِي خَلَقَنِي فَهُوَ يَهۡدِينِ ﴿٧٨﴾ وَٱلَّذِي هُوَ يُطۡعِمُنِي وَيَسۡقِينِ
﴿٧٩﴾ وَإِذَا مَرِضۡتُ فَهُوَ يَشۡفِينِ ﴿٨٠﴾ وَٱلَّذِي يُمِيتُنِي ثُمَّ
يُحۡيِينِ ﴿٨١﴾ وَٱلَّذِيٓ أَطۡمَعُ أَن يَغۡفِرَ لِي خَطِيٓـَٔتِي يَوۡمَ ٱلدِّينِ
﴿٨٢﴾ رَبِّ هَبۡ لِي حُكۡمٗا وَأَلۡحِقۡنِي بِٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٨٣﴾

61. Бас, қачонки, икки жамоа бир-бирини (узоқдан) кўргач, Мусонинг ҳамроҳлари: «Бизлар аниқ тутилдик», – дедилар.

62. (Мусо) айтди: «Йўқ, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени (хавфсиз) йўлга бошлар».

63. Бас, Биз Мусога: «Асойинг билан денгизни ургин!», – деб ваҳий юбордик. Бас, (денгиз) бўлиниб, ҳар бир бўлак (сув баландга кўтарилиб) улкан тоғ каби бўлди.

64. Бошқаларни (Фиръавн ва унинг лашкарини ҳам) ўша (йўл)га яқинлаштирдик.

65. Мусо ва у билан бирга бўлганларнинг барчаларини (Фиръавн таъқибидан) қутқардик.

66. Сўнгра бошқаларни (денгизга) ғарқ қилиб юбордик*.

67. Албатта, бунда ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

68. Албатта, Раббингиз қудратли ва раҳмлидир.

69. (Эй, Муҳаммад!) Уларга Иброҳим хабарини ўқиб беринг!

70. Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?», – деди.

71. Улар: «Санамларга ибодат қилмоқдамиз. Бас, уларга сиғинишда давом этурмиз», – дедилар.

72. (Иброҳим) айтди: «Илтижо қилган пайтларингизда (бутларингиз) сизларни (илтижоларингизни) эшитадиларми?

73. Ёки сизларга фойда ё зарар етказа оладиларми?»

74. Улар дедилар: «Йўқ, бизлар ота-боболаримизнинг мана шундай қилишларини кўрганмиз».

75. (Иброҳим) айтди: «Сиғинаётган нарсаларингни (ўйлаб) кўрдиларингизми?

76. Ўзларинг ва олдин ўтган ота-боболарингиз ҳам?

77. Албатта, улар менга душмандир. (Мен уларга эмас), оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман).

78. У мени яратгандир, бас, У мени ҳидоят қилур.

79. Унинг Ўзигина мени едирур ва ичирур.

80. Касал бўлганимда, Унинг Ўзи менга шифо берур.

81. У мени ўлдирур, сўнгра (қиёмат куни қайта) тирилтирур.

82. У жазо куни (қиёматда) менинг хатоларимни мағфират этишини умид қилурман.

83. Эй, Раббим! Менга ҳикмат бахш этгин ва мени солиҳ (банда)ларга қўшгин!

66-оят. Фиръавн ғарқ бўлган бу денгиз – Қизил денгизнинг ҳозирги Сувайш канали ўтган Қулзум қишлоғи ёнидаги тор қисми ёки Нил дарёси экани тафсирларда қайд этилган (Мд. Қз.).

وَٱجۡعَل لِّي لِسَانَ صِدۡقٖ فِي ٱلۡأٓخِرِينَ ٨٤ وَٱجۡعَلۡنِي مِن وَرَثَةِ جَنَّةِ
ٱلنَّعِيمِ ٨٥ وَٱغۡفِرۡ لِأَبِيٓ إِنَّهُۥ كَانَ مِنَ ٱلضَّآلِّينَ ٨٦ وَلَا تُخۡزِنِي يَوۡمَ
يُبۡعَثُونَ ٨٧ يَوۡمَ لَا يَنفَعُ مَالٞ وَلَا بَنُونَ ٨٨ إِلَّا مَنۡ أَتَى ٱللَّهَ بِقَلۡبٖ
سَلِيمٖ ٨٩ وَأُزۡلِفَتِ ٱلۡجَنَّةُ لِلۡمُتَّقِينَ ٩٠ وَبُرِّزَتِ ٱلۡجَحِيمُ لِلۡغَاوِينَ
٩١ وَقِيلَ لَهُمۡ أَيۡنَ مَا كُنتُمۡ تَعۡبُدُونَ ٩٢ مِن دُونِ ٱللَّهِ هَلۡ يَنصُرُونَكُمۡ
أَوۡ يَنتَصِرُونَ ٩٣ فَكُبۡكِبُواْ فِيهَا هُمۡ وَٱلۡغَاوُۥنَ ٩٤ وَجُنُودُ إِبۡلِيسَ
أَجۡمَعُونَ ٩٥ قَالُواْ وَهُمۡ فِيهَا يَخۡتَصِمُونَ ٩٦ تَٱللَّهِ إِن كُنَّا لَفِي
ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ٩٧ إِذۡ نُسَوِّيكُم بِرَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٩٨ وَمَآ أَضَلَّنَآ
إِلَّا ٱلۡمُجۡرِمُونَ ٩٩ فَمَا لَنَا مِن شَٰفِعِينَ ١٠٠ وَلَا صَدِيقٍ حَمِيمٖ ١٠١
فَلَوۡ أَنَّ لَنَا كَرَّةٗ فَنَكُونَ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ١٠٢ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَةٗۖ وَمَا كَانَ
أَكۡثَرُهُم مُّؤۡمِنِينَ ١٠٣ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ١٠٤ كَذَّبَتۡ
قَوۡمُ نُوحٍ ٱلۡمُرۡسَلِينَ ١٠٥ إِذۡ قَالَ لَهُمۡ أَخُوهُمۡ نُوحٌ أَلَا تَتَّقُونَ ١٠٦
إِنِّي لَكُمۡ رَسُولٌ أَمِينٞ ١٠٧ فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ١٠٨ وَمَآ أَسۡـَٔلُكُمۡ
عَلَيۡهِ مِنۡ أَجۡرٍۖ إِنۡ أَجۡرِيَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ١٠٩ فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ
وَأَطِيعُونِ ١١٠ ۞ قَالُوٓاْ أَنُؤۡمِنُ لَكَ وَٱتَّبَعَكَ ٱلۡأَرۡذَلُونَ ١١١

84. Яна мен учун (менинг ҳақимда) кейингилар ўртасида яхши гаплар пайдо этгин!

85. Яна мени (охиратда) неъматлар боғининг ворисларидан қилгин!

86. Отамни мағфират қилгин! У адашганлардан (мушриклардан) эди.

87. Қайта тириладиган кунда (қиёматда) мени шарманда қилмагин!».

88. У кунда на мол-дунё ва на фарзандлар фойда бермас,

89. Фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур).

90. (У кунда) жаннат тақводорларга (кўриб қувониш ва киришлари учун) яқинлаштирилур.

91. Дўзах эса йўлдан озганларга (кўриб пушаймон чекишлари учун) намойиш қилинур.

92. Ва уларга: «Ибодат қилиб ўтганларингиз (бут ва санамларингиз) қани

93. Аллоҳни қўйиб? Улар сизларга ёрдам бера оларми ёки ўзлари (сизлардан) ёрдам ола билурми?!», – дейилур.

94. Бас, унга у (бут)лар билан бирга йўлдан озган кимсалар (дўзахга) улоқтирилур

95. ва иблис лашкарларининг барчалари ҳам.

96. Улар (дўзахда) баҳслашар эканлар, дейдилар:

97. «Аллоҳга қасамки, албатта, биз (дунёда бўлганимизда) аниқ залолатда эканмиз –

98. ўша сизларни оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда.

99. Бизларни (ўшанда) айнан жиноятчилар йўлдан оздирдилар.

100. Энди бизлар учун на оқловчилар бор,

101. на бирор қадрдон дўст.

102. Бас, кошки, бизга яна бир марта (яшаш) бўлса-ю, бизлар ҳам мўминлардан бўлсак».

103. Албатта, бунда аломат (ибрат) бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

104. Албатта, Раббингиз (ўз бандаларига нисбатан) қудратли ва раҳмлидир.

105. Нуҳ қавми (Нуҳни ва ундан олдин ўтган) пайғамбарларни инкор этди.

106. Ўшанда уларга биродарлари Нуҳ айтган эди: «Аллоҳдан қўрқмайсизми?!

107. Албатта, мен сизларга юборилган ишончли пайғамбардирман!

108. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (Аллоҳнинг динига чақирганимда) итоат этингиз!

109. Мен сизлардан бу (даъватим) учун мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

110. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (даъватларимни қабул этиб) итоат этингиз!»

111. Улар дедилар: «Сенга разил (камбағал) одамлар эргашгандан кейин бизлар сенга имон келтирармидик?!»

قَالَ وَمَا عِلْمِي بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١١٢﴾ إِنْ حِسَابُهُمْ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّي
لَوْ تَشْعُرُونَ ﴿١١٣﴾ وَمَا أَنَا بِطَارِدِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٤﴾ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ مُبِينٌ
﴿١١٥﴾ قَالُوا لَئِنْ لَمْ تَنْتَهِ يَا نُوحُ لَتَكُونَنَّ مِنَ الْمَرْجُومِينَ ﴿١١٦﴾ قَالَ
رَبِّ إِنَّ قَوْمِي كَذَّبُونِ ﴿١١٧﴾ فَافْتَحْ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ فَتْحًا وَنَجِّنِي وَمَنْ
مَعِيَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾ فَأَنْجَيْنَاهُ وَمَنْ مَعَهُ فِي الْفُلْكِ الْمَشْحُونِ
﴿١١٩﴾ ثُمَّ أَغْرَقْنَا بَعْدُ الْبَاقِينَ ﴿١٢٠﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ
أَكْثَرُهُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٢١﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿١٢٢﴾ كَذَّبَتْ
عَادٌ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٢٣﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ هُودٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٢٤﴾ إِنِّي لَكُمْ
رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٢٥﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٢٦﴾ وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ
مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٢٧﴾ أَتَبْنُونَ بِكُلِّ رِيعٍ
آيَةً تَعْبَثُونَ ﴿١٢٨﴾ وَتَتَّخِذُونَ مَصَانِعَ لَعَلَّكُمْ تَخْلُدُونَ ﴿١٢٩﴾
وَإِذَا بَطَشْتُمْ بَطَشْتُمْ جَبَّارِينَ ﴿١٣٠﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٣١﴾
وَاتَّقُوا الَّذِي أَمَدَّكُمْ بِمَا تَعْلَمُونَ ﴿١٣٢﴾ أَمَدَّكُمْ بِأَنْعَامٍ وَبَنِينَ ﴿١٣٣﴾
وَجَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٣٤﴾ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ
﴿١٣٥﴾ قَالُوا سَوَاءٌ عَلَيْنَا أَوَعَظْتَ أَمْ لَمْ تَكُنْ مِنَ الْوَاعِظِينَ ﴿١٣٦﴾

112. (Нуҳ) айтди: «Мен уларнинг нима иш қилаётганларини билмасман.

113. Агар сезсаларингиз, уларнинг ҳисоб-китоби фақат Раббимнинг зиммасидадир.

114. Мен (сизларнинг сўзингизга кириб) мўминларни (ҳузуримдан) ҳайдовчи эмасман.

115. Мен фақат (сизларни Аллоҳнинг азоби ҳақида) очиқ огоҳлантирувчидирман».

116. Улар дедилар: «Қасамки, агар (даъватингдан) тўхтамасанг, эй, Нуҳ, албатта, тошбўрон қилинувчилардан бўлурсан!»

117. (Шунда Нуҳ) айтди: «Эй, Раббим! Қавмим мени инкор этди.

118. Энди Сен ўзинг мен билан уларнинг орасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин!»

119. Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга (ичи) тўла кемада нажот бердик.

120. Сўнгра, (кема нажотидан) кейин қолганларни (тўфон сувига) ғарқ қилдик.

121. Албатта, бунда аломат (ибрат) бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари (шундан кейин ҳам) имон келтирувчи бўлмадилар.

122. Албатта, Раббингиз (ҳамма нарсага) қудратли ва (бандаларига) раҳмлидир.

123. Од (қабиласи ўз пайғамбарлари ва бошқа) пайғамбарларни инкор этди.

124. Ўшанда уларга биродарлари Ҳуд айтган эди: «(Аллоҳдан) қўрқмайсизми?

125. Албатта, мен сизларга (Аллоҳ томонидан юборилган) ишончли пайғамбардирман.

126. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (Аллоҳнинг амрини етказганимда) итоат этингиз!

127. Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

128. Сизлар (фақат шу дунёни деб) ҳар бир тепаликка ўйин-кулги учун бир белги (баланд бино) қуравересизми?!

129. Гўё (ўлмаймиз, балки) мангу яшаймиз, деб қасрларни солаверасизми?!

130. Қачон (бирор кишини жазога) тутсангиз, бераҳмларча тутасизми?!

131. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (айтганларимга) итоат этингиз!

132. Сизларни ўзларингиз биладиган (моддий) неъматлар билан сийлаган зотдан (Аллоҳдан) қўрқингиз!

133. У сизларни чорва ҳайвонлари ва (сиз ёқтирадиган) ўғиллар билан қўллади,

134. боғлар ва булоқлар билан ҳам.

135. Мен сизларнинг устингизга улуғ кун (қиёмат)нинг азоби (етиши)дан қўрқаман».

136. Улар дедилар: «Сенинг ваъзхонлик қилишинг ҳам, ваъз қилувчилардан бўлмаслигинг ҳам бизлар учун баробардир.

إِنْ هَٰذَآ إِلَّا خُلُقُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣٧﴾ وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿١٣٨﴾ فَكَذَّبُوهُ
فَأَهْلَكْنَٰهُمْ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٣٩﴾ وَإِنَّ
رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٤٠﴾ كَذَّبَتْ ثَمُودُ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٤١﴾ إِذْ قَالَ
لَهُمْ أَخُوهُمْ صَٰلِحٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٤٢﴾ إِنِّى لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٤٣﴾
فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٤٤﴾ وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِىَ
إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٤٥﴾ أَتُتْرَكُونَ فِى مَا هَٰهُنَآ ءَامِنِينَ ﴿١٤٦﴾
فِى جَنَّٰتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٤٧﴾ وَزُرُوعٍ وَنَخْلٍ طَلْعُهَا هَضِيمٌ ﴿١٤٨﴾
وَتَنْحِتُونَ مِنَ ٱلْجِبَالِ بُيُوتًا فَٰرِهِينَ ﴿١٤٩﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ
﴿١٥٠﴾ وَلَا تُطِيعُوٓا۟ أَمْرَ ٱلْمُسْرِفِينَ ﴿١٥١﴾ ٱلَّذِينَ يُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ
وَلَا يُصْلِحُونَ ﴿١٥٢﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّمَآ أَنتَ مِنَ ٱلْمُسَحَّرِينَ ﴿١٥٣﴾ مَآ أَنتَ
إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا فَأْتِ بِـَٔايَةٍ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿١٥٤﴾ قَالَ
هَٰذِهِۦ نَاقَةٌ لَّهَا شِرْبٌ وَلَكُمْ شِرْبُ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿١٥٥﴾ وَلَا تَمَسُّوهَا
بِسُوٓءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابُ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٥٦﴾ فَعَقَرُوهَا فَأَصْبَحُوا۟
نَٰدِمِينَ ﴿١٥٧﴾ فَأَخَذَهُمُ ٱلْعَذَابُ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَةً وَمَا كَانَ
أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٥٨﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٥٩﴾

137. Албатта, бу (айшу ишратга берилиш бизга) аввалгилардан қолган хулқ (одат)дир.

138. Бизлар (дунёда ҳам, охиратда ҳам) жазоланувчи эмасмиз».

139. Бас, улар (Ҳудни) ёлғончига чиқаришгач, Биз уларни ҳалок этдик. Албатта, бунда ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

140. Албатта, Раббингиз (ҳамма нарсага) қудратли ва (бандаларига) раҳмлидир.

141. Самуд (қабиласи ўтган барча) пайғамбарларни инкор этди.

142. Ўшанда биродарлари Солиҳ уларга айтган эди: «(Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!

143. Албатта, мен сизларга (Аллоҳ томонидан юборилган) ишончли пайғамбардирман!

144. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (даъватларимизни қабул этиб) итоат этингиз!

145. Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

146. Сизлар тинчгина бу ердаги нарсаларга –

147. боғлар, булоқлар,

148. экинлар ва новдалари мулойим хурмо дарахтлари ичига (мангу) қўйиб қўйилурмисиз?! (Йўқ, балки бу неъматлар вақтинчадир)

149. Яна усталик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасиз (ясамоқдасиз)ми?!

150. Бас, (ношукурлик қилишга) Аллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат этингиз!

151. (Ширк ва маъсиятлар билан) ҳаддан ошувчиларнинг амрига итоат этмангиз!

152. Улар ер юзида бузғунчилик қилурлар ва (ҳеч нарсани) ислоҳ қила олмайдилар».

153. Улар дедилар: «Сен (пайғамбар эмас, балки) аниқ сеҳрланган кимсалардандирсан.

154. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар (даъвоингда) ростгўйлардан бўлсанг, бирор мўъжиза келтир!»

155. У айтди: «(Менинг мўъжизам) мана шу туядир. (Маълум бир кун сув) ичиш навбати уникидир. Маълум бир кун эса сизларнинг ичиш навбатингиздир.

156. Яна унга бирор ёмонлик етказа кўрмангиз, акс ҳолда сизларни улуғ кун (қиёмат)нинг азоби тутар».

157. Бас, улар (итоатсизлик қилиб туяни) сўйдилар-да, надомат қилувчиларга айландилар.

158. Уларни азоб тутди. Албатта, бунда аломат (ибрат) бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

159. Албатта, Раббингиз (барча нарсага) қудратли ва (бандаларига) раҳмлидир.

كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٦٠﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ أَخُوهُمْ لُوطٌ أَلَا تَتَّقُونَ
﴿١٦١﴾ إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٦٢﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٦٣﴾ وَمَآ
أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦٤﴾
أَتَأْتُونَ ٱلذُّكْرَانَ مِنَ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٦٥﴾ وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُم
مِّنْ أَزْوَٰجِكُم بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ ﴿١٦٦﴾ قَالُوا۟ لَئِن لَّمْ تَنتَهِ يَٰلُوطُ
لَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلْمُخْرَجِينَ ﴿١٦٧﴾ قَالَ إِنِّي لِعَمَلِكُم مِّنَ ٱلْقَالِينَ ﴿١٦٨﴾
رَبِّ نَجِّنِي وَأَهْلِي مِمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٦٩﴾ فَنَجَّيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥٓ أَجْمَعِينَ ﴿١٧٠﴾
إِلَّا عَجُوزًا فِي ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿١٧١﴾ ثُمَّ دَمَّرْنَا ٱلْـَٔاخَرِينَ ﴿١٧٢﴾ وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِم
مَّطَرًا فَسَآءَ مَطَرُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿١٧٣﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَـَٔايَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم
مُّؤْمِنِينَ ﴿١٧٤﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٧٥﴾ كَذَّبَ أَصْحَٰبُ
لْـَٔيْكَةِ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿١٧٦﴾ إِذْ قَالَ لَهُمْ شُعَيْبٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾ إِنِّي لَكُمْ
رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٧٨﴾ فَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ ﴿١٧٩﴾ وَمَآ أَسْـَٔلُكُمْ عَلَيْهِ
مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿١٨٠﴾ ۞ أَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ وَلَا
تَكُونُوا۟ مِنَ ٱلْمُخْسِرِينَ ﴿١٨١﴾ وَزِنُوا۟ بِٱلْقِسْطَاسِ ٱلْمُسْتَقِيمِ ﴿١٨٢﴾
وَلَا تَبْخَسُوا۟ ٱلنَّاسَ أَشْيَآءَهُمْ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِي ٱلْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿١٨٣﴾

160. *Лут* қавми пайғамбарларни инкор этди.

161. Ўшанда уларга биродарлари *Лут* айтган эди: «(Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!

162. Албатта, мен сизларга (Аллоҳ юборган) ишончли пайғамбардирман.

163. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (буйруқларимга) итоат этингиз!

164. Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

165. Сизлар оламлардан фарқли равишда (шаҳват билан) эркакларга «келасиз»ми?!

166. Ҳамда Раббингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қиласизми?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз».

167. Улар дедилар: «Қасамки, агар (бу ишингдан) тўхтамасанг, эй, *Лут*, албатта, сургун қилинувчилардан бўлурсан!»

168. У айтди: «Албатта, мен сизларнинг (бу) ишларингизни ёқтирмайдиганлардандман.

169. Эй, Раббим! Менга ва аҳлимга (мўминларга) улар қилаётган иш (касофати)дан нажот бергин!»

170. Бас, Биз унга ва унинг барча аҳлига (юборган жазомиздан) нажот бердик.

171. Илло (азобда) қолувчилардан бўлган бир кампирга (*Лут*нинг имонсиз хотинига нажот бермадик).

172. Сўнгра бошқаларни ҳалок қилдик.

173. Улар устига ёмғир (тош) ёғдирдик. Бас, огоҳлантирилган (бу) кимсаларнинг ёмғири нақадар ёмон бўлди!

174. Албатта, бунда аломат (ибрат) бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари (шундан кейин ҳам) имон келтирувчи бўлмадилар.

175. Албатта, Раббингиз (барча нарсага) қудратли ва (бандаларига) раҳмлидир.

176. Айка халқи («Дарахтзор эгалари» Шуайб пайғамбар қавми ўтган барча) пайғамбарларни инкор этдилар.

177. Ўшанда уларга Шуайб айтган эди: («Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!

178. Албатта, мен сизларга (Аллоҳ юборган) ишончли пайғамбардирман.

179. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (Аллоҳнинг амрларига) итоат этингиз!

180. Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир.

181. Ўлчовни тўла ўлчангиз ва (одамларга) зиён етказувчилардан бўлмангиз!

182. Шунингдек, (вазнли нарсаларни) тўғри тарози билан тортингиз!

183. Одамларга нарсаларни камайтириб бермангиз ва ер юзида бузғунчилик тарқатиб юрмангиз!

وَاتَّقُوا الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالْجِبِلَّةَ الْأَوَّلِينَ ﴿١٨٤﴾ قَالُوا إِنَّمَا أَنتَ
مِنَ الْمُسَحَّرِينَ ﴿١٨٥﴾ وَمَا أَنتَ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا وَإِن نَّظُنُّكَ لَمِنَ
الْكَاذِبِينَ ﴿١٨٦﴾ فَأَسْقِطْ عَلَيْنَا كِسَفًا مِّنَ السَّمَاءِ إِن كُنتَ
مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿١٨٧﴾ قَالَ رَبِّي أَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨٨﴾ فَكَذَّبُوهُ
فَأَخَذَهُمْ عَذَابُ يَوْمِ الظُّلَّةِ إِنَّهُ كَانَ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٨٩﴾
إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً وَمَا كَانَ أَكْثَرُهُم مُّؤْمِنِينَ ﴿١٩٠﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ
الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿١٩١﴾ وَإِنَّهُ لَتَنزِيلُ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٩٢﴾ نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ
الْأَمِينُ ﴿١٩٣﴾ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴿١٩٤﴾ بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ
مُّبِينٍ ﴿١٩٥﴾ وَإِنَّهُ لَفِي زُبُرِ الْأَوَّلِينَ ﴿١٩٦﴾ أَوَلَمْ يَكُن لَّهُمْ آيَةً أَن يَعْلَمَهُ
عُلَمَاءُ بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿١٩٧﴾ وَلَوْ نَزَّلْنَاهُ عَلَىٰ بَعْضِ الْأَعْجَمِينَ ﴿١٩٨﴾
فَقَرَأَهُ عَلَيْهِم مَّا كَانُوا بِهِ مُؤْمِنِينَ ﴿١٩٩﴾ كَذَٰلِكَ سَلَكْنَاهُ
فِي قُلُوبِ الْمُجْرِمِينَ ﴿٢٠٠﴾ لَا يُؤْمِنُونَ بِهِ حَتَّىٰ يَرَوُا الْعَذَابَ
الْأَلِيمَ ﴿٢٠١﴾ فَيَأْتِيَهُم بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٢٠٢﴾ فَيَقُولُوا
هَلْ نَحْنُ مُنظَرُونَ ﴿٢٠٣﴾ أَفَبِعَذَابِنَا يَسْتَعْجِلُونَ ﴿٢٠٤﴾ أَفَرَأَيْتَ
إِن مَّتَّعْنَاهُمْ سِنِينَ ﴿٢٠٥﴾ ثُمَّ جَاءَهُم مَّا كَانُوا يُوعَدُونَ ﴿٢٠٦﴾

184. Шунингдек, сизларни ҳам, олдин яралганларни ҳам яратган Зотдан қўрқингиз!»

185. Улар дедилар: «Аниқки, сен (пайғамбар эмас, балки) сеҳрланган кимсалардандирсан.

186. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бизлар сени ёлғончи кимсалардан деб гумон қилаяпмиз.

187. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмоннинг бир бўлагини ташлаб юбор!»

188. У айтди: «Раббим сизларнинг қилаётган амалларингизни яхши билувчидир».

189. Бас, улар (Шуайбни) инкор этишгач, уларни «соябон куни»нинг азоби тутди. Дарҳақиқат, у улкан (даҳшатли) куннинг азоби эди*.

190. Албатта, бунда аломат (ибрат) бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари имон келтирувчи бўлмадилар.

191. Албатта, Раббингиз (ҳар ишни қилишга) қудратли ва (бандаларига) раҳмлидир.

192. Албатта, (бу Қуръон) оламлар Парвардигорининг нозил қилган (китоб)идир.

193. Уни Руҳул-амин (Жаброил) олиб келиб,

194. огоҳлантирувчи (пайғамбар)лардан бўлишингиз учун қалбингизга туширди,

195. у аниқ араб тилида эди.

196. Албатта, (Қуръондаги айрим хабарлар) аввалгиларнинг китобларида ҳам бордир.

197. Ахир, (Қуръон ҳақида) Исроил авлоди уламо (руҳоний)ларининг билишлари улар учун далил эмасми?!

198. Агар Биз (Қуръонни) ажамлардан (араб бўлмаганлардан) бирига нозил қилган тақдирда

199. ва уни уларга ўқиб берганда ҳам унга имон келтирувчи бўлмас эдилар*.

200. Жиноятчи кимсаларнинг дилларига куфрни мана шундай йўллаб қўйганмиз.

201. Улар то аламли азобни кўрмагунларича, унга (Қуръонга) имон келтирмайдилар.

202. Бас, у (азоб) уларга ўзлари сезмаган ҳолларида тўсатдан келур.

203. Сўнгра улар: «Бизларга (бироз) муҳлат берилармикан», – деб қолурлар.

204. Бас, улар Бизнинг азобимизни (тезроқ келсин деб) қистаяптиларми?!

205. (Эй, Муҳаммад!) Кўрдингизми, агар Биз уларни (узоқ) йиллар (сиҳат-саломатлик, мол-давлат билан) фойдалантирсак,

206. сўнгра уларга ваъда қилинган нарса (яъни азоб) келганда

189-оят. Шуайб қавми итоатсизлик қилавергандан кейин Аллоҳ таоло уларнинг бошига иссиқлик балосини юборган. Улар булут остидаги сояга тўпланиб турганларида осмондан олов тушиб, уларни куйдириб юборган.

199-оят. Шу тўрт оят мазмунидан келиб чиқиб, Имом Насафий (рҳ.) Қуръон арабчадан бошқа тилга таржима қилинса ҳам Қуръонлигича қолади ва форс тилига таржима қилинган оятларни намозда ўқиш жоиз бўлади, деб ёзган (Мд.).

Бинобарин, баъзи уламоларнинг Қуръоннинг бошқа тилларга қилинган таржима китобларини таҳоратсиз ушлаш жоиз деб берган фатволари нотўғри бўлиб чиқади.

مَآ أَغۡنَىٰ عَنۡهُم مَّا كَانُواْ يُمَتَّعُونَ ٢٠٧ وَمَآ أَهۡلَكۡنَا مِن قَرۡيَةٍ إِلَّا
لَهَا مُنذِرُونَ ٢٠٨ ذِكۡرَىٰ وَمَا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ٢٠٩ وَمَا تَنَزَّلَتۡ بِهِ
ٱلشَّيَٰطِينُ ٢١٠ وَمَا يَنۢبَغِي لَهُمۡ وَمَا يَسۡتَطِيعُونَ ٢١١ إِنَّهُمۡ
عَنِ ٱلسَّمۡعِ لَمَعۡزُولُونَ ٢١٢ فَلَا تَدۡعُ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ فَتَكُونَ
مِنَ ٱلۡمُعَذَّبِينَ ٢١٣ وَأَنذِرۡ عَشِيرَتَكَ ٱلۡأَقۡرَبِينَ ٢١٤ وَٱخۡفِضۡ
جَنَاحَكَ لِمَنِ ٱتَّبَعَكَ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٢١٥ فَإِنۡ عَصَوۡكَ فَقُلۡ إِنِّي
بَرِيٓءٞ مِّمَّا تَعۡمَلُونَ ٢١٦ وَتَوَكَّلۡ عَلَى ٱلۡعَزِيزِ ٱلرَّحِيمِ ٢١٧ ٱلَّذِي
يَرَىٰكَ حِينَ تَقُومُ ٢١٨ وَتَقَلُّبَكَ فِي ٱلسَّٰجِدِينَ ٢١٩ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ
ٱلۡعَلِيمُ ٢٢٠ هَلۡ أُنَبِّئُكُمۡ عَلَىٰ مَن تَنَزَّلُ ٱلشَّيَٰطِينُ ٢٢١ تَنَزَّلُ عَلَىٰ
كُلِّ أَفَّاكٍ أَثِيمٖ ٢٢٢ يُلۡقُونَ ٱلسَّمۡعَ وَأَكۡثَرُهُمۡ كَٰذِبُونَ ٢٢٣
وَٱلشُّعَرَآءُ يَتَّبِعُهُمُ ٱلۡغَاوُۥنَ ٢٢٤ أَلَمۡ تَرَ أَنَّهُمۡ فِي كُلِّ وَادٖ
يَهِيمُونَ ٢٢٥ وَأَنَّهُمۡ يَقُولُونَ مَا لَا يَفۡعَلُونَ ٢٢٦ إِلَّا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَذَكَرُواْ ٱللَّهَ كَثِيرٗا وَٱنتَصَرُواْ مِنۢ
بَعۡدِ مَا ظُلِمُواْۗ وَسَيَعۡلَمُ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓاْ أَيَّ مُنقَلَبٖ يَنقَلِبُونَ ٢٢٧

ترتيبها ٢٧ — سُورَةُ النَّمۡلِ — آياتها ٩٣

207. уларга (дунёда) фойдаланган нарсалари асқотмайди.

208. Биз бирорта ҳам огоҳлантирувчиси бўлмаган қишлоқ (шаҳар)ни ҳалок қилмадик.

209. Эслатма бўлсин, деб (шундай қилдик), Биз золим эмасмиз.

210. (Қуръонни осмондан) шайтонлар (жинлар) олиб тушганлари йўқ.

211. Улар учун бунинг имкони йўқ ва улар бунга қодир ҳам эмаслар.

212. Чунки улар (ваҳийни хуфёна) эшитиб олишдан четлатилгандирлар.

213. Бас, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳга қўшиб бошқа (бирор) «илоҳ»га илтижо қилманг! Акс ҳолда азобланувчилардан бўлиб қолурсиз.

214. Яқин қариндошларингизни (Аллоҳ азобидан) огоҳлантиринг!

215. Сизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг!

216. Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: «Албатта, мен сизлар қилаётган ишдан покдирман».

217. Қудратли ва раҳмли (Аллоҳ)га (барча ишларингизда) таваккул қилинг!

218. У Сизни (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам кўради,

219. сажда қилувчилар (намоз ўқувчилар) орасида кезган* (вақтингизда ҳам) кўриб турур.

220. Албатта, У эшитувчи ва билувчидир.

221. (Эй, Муҳаммад! Айтинг): «Мен сизларга шайтонлар (жинлар) кимларга тушиши ҳақида хабар берайми?

222. Улар барча бўҳтончи, гуноҳга ботган (фолчи-ромчи, коҳин)ларга тушурлар.

223. Эшитиб олганларини уларга ташларлар. (Лекин) Уларнинг кўплари ёлғончилардир».

224. Шоирларга йўлдан озганлар эргашурлар.

225. Уларнинг ҳар водийда (мавзуда) дайдишларини кўрмадингизми?!*

226. Ўзлари қилмайдиган нарсаларни гапиришларини ҳам?!

227. Аммо имон келтирган ва эзгу ишларни қилган ҳамда доим Аллоҳни ёд этган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом равнақ топгач) ғолиб бўлган кишилар (мустаснодирлар). Зулм қилганлар эса, яқинда қандай оқибат сари кетаётганларини билиб олурлар.

Намл сураси

Маккада нозил қилинган. 93 оят.

219-оят. Яъни тунда таҳажжуд намозини ўқиётган саҳобаларингиз ҳолидан хабар олиб юришингизни ҳам Аллоҳ кўриббилиб туради.

225–226-оятлар. Бу оятлардаги шоирлардан мурод ўша даврдаги ёмон ниятли, лаганбардор, ёлғон тўқувчи маддоҳ шоирлардир. Аммо яхши шоирлар тўғрисида қатор ҳадислар борки, уларда шеър ҳикматдан холи эмаслиги, шоирлар қалами билан қилич қила олмайдиган ишларни бажариш мумкинлиги ва бошқа фазилатлари баён қилинган.

27. НАМЛ СУРАСИ

Намл – чумолилар. Сурада чумолилар тўғрисида ибратли қисса бор. Унда Мусо, Солиҳ, Сулаймон (а.с.)лар ҳақида оятлар бор. Сулаймон (а.с.) билан Сабо мамлакатининг маликаси Билқис қиссаси ҳам шу сурададир.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. То, Син. Ушбулар Қуръон ва аниқ Китоб (*Лавҳул-маҳфуз*) оятларидир.

2. (*Бу оятлар*) шундай мўминларга ҳидоят ва хушхабардирки,

3. *улар намозни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ва охиратга* (*кўрмасдан ғойибона*) *аниқ ишонадилар.*

4. Албатта, охиратга имон келтирмайдиган кимсаларнинг (*қилаётган*) амалларини ўзларига чиройли кўрсатиб қўйгандирмиз. Бас, улар гангиб юраверадилар.

5. Ана ўшалар учун (*дунёда ҳам*) энг ёмон азоб бордир ва улар охиратда энг кўп зиён кўрувчилардир.

6. (*Эй, Муҳаммад!*) Албатта, Сизга (*бу*) Қуръон ҳаким ва доно зот даргоҳидан берилур*.

7. *Мусо ўз оиласига: «Мен олов кўриб қолдим. Сизларга ундан* (*бирор*) *хабар келтирурман ёки сизларга исиниб олишингиз учун чўғ келтирурман», – деганини эсланг!**

8. Бас, (*у олов ёнига*) келгач, унга нидо қилинди: «Олов олдидаги кишига (*Мусога*) ва унинг атрофидаги зотларга (*фаришталарга*) баракот бўлсин! Оламларнинг Рабби – Аллоҳга тасбеҳ айтамиз.

9. Эй, Мусо, албатта, Мен қудратли ва ҳикматли Аллоҳдирман!

10. *Асойингни ташла!» Бас, қачонки,* (*Мусо*) *унинг илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди.* (*Шунда Биз дедик*): *«Эй, Мусо, қўрқмагин! Зеро, Менинг ҳузуримда пайғамбарлар қўрқмаслар.*

11. *Лекин ким зулм қилса-ю, сўнгра* (*бу*) *ёмонликлардан кейин уни чиройли* (*иш*)*га алмаштирса, бас, албатта, Мен кечиримли ва раҳмлидирман.*

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
طسٓ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱلْقُرْءَانِ وَكِتَابٍ مُّبِينٍ ١ هُدًى وَبُشْرَىٰ
لِلْمُؤْمِنِينَ ٢ ٱلَّذِينَ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم
بِٱلْءَاخِرَةِ هُمْ يُوقِنُونَ ٣ إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ زَيَّنَّا لَهُمْ
أَعْمَٰلَهُمْ فَهُمْ يَعْمَهُونَ ٤ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَهُمْ سُوٓءُ ٱلْعَذَابِ
وَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ هُمُ ٱلْأَخْسَرُونَ ٥ وَإِنَّكَ لَتُلَقَّى ٱلْقُرْءَانَ مِن
لَّدُنْ حَكِيمٍ عَلِيمٍ ٦ إِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِأَهْلِهِۦٓ إِنِّىٓ ءَانَسْتُ نَارًا سَـَٔاتِيكُم
مِّنْهَا بِخَبَرٍ أَوْ ءَاتِيكُم بِشِهَابٍ قَبَسٍ لَّعَلَّكُمْ تَصْطَلُونَ ٧ فَلَمَّا
جَآءَهَا نُودِىَ أَنۢ بُورِكَ مَن فِى ٱلنَّارِ وَمَنْ حَوْلَهَا وَسُبْحَٰنَ ٱللَّهِ رَبِّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ٨ يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّهُۥٓ أَنَا ٱللَّهُ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ٩ وَأَلْقِ عَصَاكَ
فَلَمَّا رَءَاهَا تَهْتَزُّ كَأَنَّهَا جَآنٌّ وَلَّىٰ مُدْبِرًا وَلَمْ يُعَقِّبْ يَٰمُوسَىٰ لَا تَخَفْ
إِنِّى لَا يَخَافُ لَدَىَّ ٱلْمُرْسَلُونَ ١٠ إِلَّا مَن ظَلَمَ ثُمَّ بَدَّلَ حُسْنًۢا بَعْدَ
سُوٓءٍ فَإِنِّى غَفُورٌ رَّحِيمٌ ١١ وَأَدْخِلْ يَدَكَ فِى جَيْبِكَ تَخْرُجْ بَيْضَآءَ
مِنْ غَيْرِ سُوٓءٍ فِى تِسْعِ ءَايَٰتٍ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَقَوْمِهِۦٓ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمًا فَٰسِقِينَ
١٢ فَلَمَّا جَآءَتْهُمْ ءَايَٰتُنَا مُبْصِرَةً قَالُوا۟ هَٰذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ١٣

12. Қўлингни қўйнингга тиқ, у ҳеч қандай ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур. (*Бу мўъжизалар*) сен (*Фиръавн ва унинг қавмига*) олиб борадиган тўққиз мўъжиза ичидадир. Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлдилар.

13. *Бас, қачонки, уларга мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар: «Бу аниқ сеҳрдир», – дедилар.*

6-оят. Ушбу оят Қуръоннинг илму ҳикматга асосланган китоб эканига далилдир. Қози Байзовий (рҳ.) сўзига кўра, илм умумий маълумотларга далолат қилади. Ҳикмат эса, чуқур илм билан бирга ишни пухта бажара олишдир. Қуръондаги илм бу ундаги қиссалар ва ғайб хабарлари, ҳикмат эса, ундаги ақоид ва шаръий ҳукмлардир (Кз.).

7-оят. Мусо (а.с.) оила аъзолари билан қайнотаси Шуайб (а.с.)дан ижозат сўраб, Мадян шаҳридан чиқиб Мисрга, онаси билан опаси ҳузурига кетаётиб тунда адашиб қолишгани бошқа сураларда ҳам зикр этилган.

وَجَحَدُواْ بِهَا وَٱسۡتَيۡقَنَتۡهَآ أَنفُسُهُمۡ ظُلۡمٗا وَعُلُوّٗاۚ فَٱنظُرۡ كَيۡفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلۡمُفۡسِدِينَ ١٤ وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا دَاوُۥدَ وَسُلَيۡمَٰنَ عِلۡمٗاۖ
وَقَالَا ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي فَضَّلَنَا عَلَىٰ كَثِيرٖ مِّنۡ عِبَادِهِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ١٥
وَوَرِثَ سُلَيۡمَٰنُ دَاوُۥدَۖ وَقَالَ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ عُلِّمۡنَا مَنطِقَ ٱلطَّيۡرِ
وَأُوتِينَا مِن كُلِّ شَيۡءٍۖ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلۡفَضۡلُ ٱلۡمُبِينُ ١٦ وَحُشِرَ
لِسُلَيۡمَٰنَ جُنُودُهُۥ مِنَ ٱلۡجِنِّ وَٱلۡإِنسِ وَٱلطَّيۡرِ فَهُمۡ يُوزَعُونَ ١٧
حَتَّىٰٓ إِذَآ أَتَوۡاْ عَلَىٰ وَادِ ٱلنَّمۡلِ قَالَتۡ نَمۡلَةٞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّمۡلُ ٱدۡخُلُواْ
مَسَٰكِنَكُمۡ لَا يَحۡطِمَنَّكُمۡ سُلَيۡمَٰنُ وَجُنُودُهُۥ وَهُمۡ لَا يَشۡعُرُونَ
١٨ فَتَبَسَّمَ ضَاحِكٗا مِّن قَوۡلِهَا وَقَالَ رَبِّ أَوۡزِعۡنِيٓ أَنۡ أَشۡكُرَ
نِعۡمَتَكَ ٱلَّتِيٓ أَنۡعَمۡتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَٰلِدَيَّ وَأَنۡ أَعۡمَلَ صَٰلِحٗا
تَرۡضَىٰهُ وَأَدۡخِلۡنِي بِرَحۡمَتِكَ فِي عِبَادِكَ ٱلصَّٰلِحِينَ ١٩
وَتَفَقَّدَ ٱلطَّيۡرَ فَقَالَ مَالِيَ لَآ أَرَى ٱلۡهُدۡهُدَ أَمۡ كَانَ مِنَ
ٱلۡغَآئِبِينَ ٢٠ لَأُعَذِّبَنَّهُۥ عَذَابٗا شَدِيدًا أَوۡ لَأَاْذۡبَحَنَّهُۥٓ
أَوۡ لَيَأۡتِيَنِّي بِسُلۡطَٰنٖ مُّبِينٖ ٢١ فَمَكَثَ غَيۡرَ بَعِيدٖ فَقَالَ
أَحَطتُ بِمَا لَمۡ تُحِطۡ بِهِۦ وَجِئۡتُكَ مِن سَبَإِۭ بِنَبَإٖ يَقِينٍ ٢٢

14. Ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибрга берилиб, уларни (мўъжизаларни) инкор этдилар. Бас, (эй, Муҳаммад!) бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!

15. Қасамки, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва улар: «Бизни кўп мўмин бандаларидан афзал қилиб қўйган зот – Аллоҳга ҳамд (айтамиз)», – дедилар.

16. Сулаймон (пайғамбарлик ва подшоҳликда) Довудга ворис бўлди ва айтди: «Эй, одамлар! Бизга қушлар тили билдирилди. Албатта, бу аниқ фазлнинг ўзидир»*.

17. Сулаймон (хизмати) учун жин, инс ва қушлардан иборат лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар*.

18. То улар чумолилар водийсига етганларида, бир чумоли: «Эй, чумолилар! Уяларингизга кирингиз, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни эзиб кетмасинлар!», – деди.

19. (Сулаймон) унинг сўзидан кулиб, табассум қилди ва деди: «Эй, Раббим! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга мени муваффақ этгин ва мени Ўз фазлинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин!»

20. У қушларни кўздан кечириб: «Нега мен ҳудҳудни кўрмаяпман, балки у (берухсат) ғойиб бўлувчилардандир?!

21. Албатта, уни қаттиқ азоб билан жазолайман ё сўйиб юборурман ёки менга (узрини баён қилиб) аниқ ҳужжат келтирур», – деди.

22. Сўнгра узоқ (вақт) қолмай (ҳудҳуд келиб) деди: «Мен сен огоҳ бўлмаган нарсалардан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (шаҳри)дан* ишончли хабар келтирдим.

16-оят. Сулаймон (а.с.) қушлар тилини уларнинг ўзларидек тушунар эди. Унинг сўзига қараганда товус: “Диёнатингга яраша жазоланурсан”, – деб, ҳудҳуд: “Эй, гуноҳкорлар! Истиғфор айтинг”, – деб, қалдирғоч: “Қилган яхшилигингиз ўзингизга қайтур”, – деб, қузғун: “Субҳона раббиял-аъло”, – деб, хўроз: “Эй, ғофиллар! Аллоҳни эсланг!”, – деб, бургут: “Эй, Одам боласи! Хоҳлаганингча яша, охири ўласан!”, – деб, булбул: “Аллоҳ билан расули билувчироқ”, – деб, говкаптар: “Ўлим учун туғингиз, вайрона учун қурингиз!”, – деб сайрар экан (Мд. Хз.).

17-оят. Сулаймон (а.с.)га жинлар тилла ва ипакдан катта гилам тўқиб берган бўлиб, унинг ўртасига тилла тахт устига ўзи, атрофидаги тилла ва кумушдан ясалган 600 минг курсида набийлар ва уламолар, уларнинг атрофида одамлар, уларнинг атрофида жинлар ўтирар, осмонда қушлар қаноти билан соя солиб турар, шамол гиламни кўтариб, айтилган жойга элтар экан (Мд.).

22-оят. Яман диёридаги Билқис маликалик қилган мамлакатнинг номи араб тилида Сабаъ. Ўзбек тилида ва адабиётларда уни енгил талаффуз билан Сабо деб аташ жорий бўлган.

إِنِّي وَجَدتُّ ٱمۡرَأَةٗ تَمۡلِكُهُمۡ وَأُوتِيَتۡ مِن كُلِّ شَيۡءٖ وَلَهَا
عَرۡشٌ عَظِيمٞ ٢٣ وَجَدتُّهَا وَقَوۡمَهَا يَسۡجُدُونَ لِلشَّمۡسِ مِن
دُونِ ٱللَّهِ وَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيۡطَٰنُ أَعۡمَٰلَهُمۡ فَصَدَّهُمۡ عَنِ ٱلسَّبِيلِ
فَهُمۡ لَا يَهۡتَدُونَ ٢٤ أَلَّا يَسۡجُدُواْۤ لِلَّهِ ٱلَّذِي يُخۡرِجُ ٱلۡخَبۡءَ
فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَيَعۡلَمُ مَا تُخۡفُونَ وَمَا تُعۡلِنُونَ ٢٥ ٱللَّهُ
لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ ٱلۡعَرۡشِ ٱلۡعَظِيمِ ۩ ٢٦ ۞ قَالَ سَنَنظُرُ
أَصَدَقۡتَ أَمۡ كُنتَ مِنَ ٱلۡكَٰذِبِينَ ٢٧ ٱذۡهَب بِّكِتَٰبِي هَٰذَا
فَأَلۡقِهۡ إِلَيۡهِمۡ ثُمَّ تَوَلَّ عَنۡهُمۡ فَٱنظُرۡ مَاذَا يَرۡجِعُونَ ٢٨ قَالَتۡ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلۡمَلَؤُاْ إِنِّيٓ أُلۡقِيَ إِلَيَّ كِتَٰبٞ كَرِيمٌ ٢٩ إِنَّهُۥ مِن سُلَيۡمَٰنَ وَإِنَّهُۥ بِسۡمِ
ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ٣٠ أَلَّا تَعۡلُواْ عَلَيَّ وَأۡتُونِي مُسۡلِمِينَ ٣١
قَالَتۡ يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمَلَؤُاْ أَفۡتُونِي فِيٓ أَمۡرِي مَا كُنتُ قَاطِعَةً أَمۡرًا حَتَّىٰ
تَشۡهَدُونِ ٣٢ قَالُواْ نَحۡنُ أُوْلُواْ قُوَّةٖ وَأُوْلُواْ بَأۡسٖ شَدِيدٖ وَٱلۡأَمۡرُ إِلَيۡكِ
فَٱنظُرِي مَاذَا تَأۡمُرِينَ ٣٣ قَالَتۡ إِنَّ ٱلۡمُلُوكَ إِذَا دَخَلُواْ قَرۡيَةً
أَفۡسَدُوهَا وَجَعَلُوٓاْ أَعِزَّةَ أَهۡلِهَآ أَذِلَّةٗۚ وَكَذَٰلِكَ يَفۡعَلُونَ ٣٤
وَإِنِّي مُرۡسِلَةٌ إِلَيۡهِم بِهَدِيَّةٖ فَنَاظِرَةُۢ بِمَ يَرۡجِعُ ٱلۡمُرۡسَلُونَ ٣٥

23. Мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси экан. Унга барча нарсадан ато этилган бўлиб, улкан тахти ҳам бордир*.

24. Мен унинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилаётганларини кўрдим». Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир. Бас, улар ҳидоят топмаслар.

25. (Уларнинг мақсади) осмонлар ва Ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни биладиган Аллоҳга сажда қилмасликдир*.

26. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ! У улкан Аршнинг (ҳам) раббидир.

27. (Сулаймон) деди: «Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрармиз.

28. Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташлагин, сўнгра улардан четланиб кузатгинчи, нима (жавоб) қайтарар эканлар».

29. (Ҳудҳуд мактубни олиб келиб малика Билқис олдига ташлагач) у деди: «(Эй, зодагонлар!) Ҳақиқатан менга шарафли бир мактуб ташланди.

30. Албатта, у Сулаймондандир ва у (мактубда): «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

31. Сизлар Менга катталик қилмай ҳузуримга итоатли ҳолингизда келингиз!» (деб ёзилган).

32. (Малика) айтди: «Эй, зодагонлар! Менга бу ишимда фатво (маслаҳат) берингиз! Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирор ишни қатъий қилувчи эмасман».

33. Улар дедилар: «Бизлар қувват ва ашаддий матонат эгаларидирмиз. (Ишга) буюриш сенинг ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўравер!»

34. У айтди: «Аниқки, подшоҳлар қачон бирор қишлоққа (бостириб) кирсалар уни вайрон этурлар, аҳолисининг азиз кишиларини эса хор қилурлар. Улар шу тарзда иш қилурлар.

35. Мен уларга (синов учун) бир совға юбориб кўрай-чи, элчилар нима (хабар) билан қайтар эканлар»*.

23-оят. Бу аёл Яман мулкининг подшоҳи Шароҳилнинг қизи Билқис эди. Шароҳил ўзига муносиб хотин топа олмай юрганида овда бир қора илон оқ илонни қийнаб ўлдираётганини кўриб, қорасини ўлдиради ва оқини хушига келтиргач, қўйиб юборади. Шоҳ ҳузурига мазкур оқ илон шаклида бўлган жин, йигит қиёфасида келиб совға беради. Шоҳ совғани олмай, агар қизинг бўлса уйланай, дейди. У рози бўлади. Ҳадисда Билқис инс ва жиндан туғилгани айтилган (Хз.).

25-оят. Сажда ояти.

35-оят. Билқис Сулаймонга совға юбориб, қабул қилиш ёки қилмаслигини билмоқчи бўлади. Агар ҳақиқий пайғамбар бўлса, совғани олмаслиги керак.

فَلَمَّا جَآءَ سُلَيۡمَٰنَ قَالَ أَتُمِدُّونَنِ بِمَالٖ فَمَآ ءَاتَىٰنِۦَ ٱللَّهُ خَيۡرٞ مِّمَّآ
ءَاتَىٰكُمۚ بَلۡ أَنتُم بِهَدِيَّتِكُمۡ تَفۡرَحُونَ ٣٦ ٱرۡجِعۡ إِلَيۡهِمۡ فَلَنَأۡتِيَنَّهُم
بِجُنُودٖ لَّا قِبَلَ لَهُم بِهَا وَلَنُخۡرِجَنَّهُم مِّنۡهَآ أَذِلَّةٗ وَهُمۡ صَٰغِرُونَ ٣٧ قَالَ
يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمَلَؤُاْ أَيُّكُمۡ يَأۡتِينِي بِعَرۡشِهَا قَبۡلَ أَن يَأۡتُونِي مُسۡلِمِينَ ٣٨
قَالَ عِفۡرِيتٞ مِّنَ ٱلۡجِنِّ أَنَا۠ ءَاتِيكَ بِهِۦ قَبۡلَ أَن تَقُومَ مِن مَّقَامِكَۖ وَإِنِّي
عَلَيۡهِ لَقَوِيٌّ أَمِينٞ ٣٩ قَالَ ٱلَّذِي عِندَهُۥ عِلۡمٞ مِّنَ ٱلۡكِتَٰبِ أَنَا۠ ءَاتِيكَ
بِهِۦ قَبۡلَ أَن يَرۡتَدَّ إِلَيۡكَ طَرۡفُكَۚ فَلَمَّا رَءَاهُ مُسۡتَقِرًّا عِندَهُۥ قَالَ هَٰذَا
مِن فَضۡلِ رَبِّي لِيَبۡلُوَنِيٓ ءَأَشۡكُرُ أَمۡ أَكۡفُرُۖ وَمَن شَكَرَ فَإِنَّمَا يَشۡكُرُ
لِنَفۡسِهِۦۖ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ رَبِّي غَنِيّٞ كَرِيمٞ ٤٠ قَالَ نَكِّرُواْ لَهَا عَرۡشَهَا
نَنظُرۡ أَتَهۡتَدِيٓ أَمۡ تَكُونُ مِنَ ٱلَّذِينَ لَا يَهۡتَدُونَ ٤١ فَلَمَّا جَآءَتۡ قِيلَ
أَهَٰكَذَا عَرۡشُكِۖ قَالَتۡ كَأَنَّهُۥ هُوَۚ وَأُوتِينَا ٱلۡعِلۡمَ مِن قَبۡلِهَا وَكُنَّا مُسۡلِمِينَ
٤٢ وَصَدَّهَا مَا كَانَت تَّعۡبُدُ مِن دُونِ ٱللَّهِۖ إِنَّهَا كَانَتۡ مِن قَوۡمٖ كَٰفِرِينَ
٤٣ قِيلَ لَهَا ٱدۡخُلِي ٱلصَّرۡحَۖ فَلَمَّا رَأَتۡهُ حَسِبَتۡهُ لُجَّةٗ وَكَشَفَتۡ عَن
سَاقَيۡهَاۚ قَالَ إِنَّهُۥ صَرۡحٞ مُّمَرَّدٞ مِّن قَوَارِيرَۗ قَالَتۡ رَبِّ إِنِّي
ظَلَمۡتُ نَفۡسِي وَأَسۡلَمۡتُ مَعَ سُلَيۡمَٰنَ لِلَّهِ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٤٤

36. Бас, қачонки, (Билқис элчиси совғани олиб) Сулаймон (ҳузури)га келгач, у деди: «Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда (билингизки), Аллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва подшоҳлик) У зот сизларга берган (мол-дунё)дан яхшироқдир. Балки, сизлар совғаларингиз билан хурсанд бўларсизлар.

37. Сен (қавмингга) қайтиб бор! Албатта, биз уларга шундай қўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва албатта, биз уларни (юртларидан) мағлуб ҳолларида чиқарурмиз».

38. (Сулаймон): «Эй, зодагонлар! Улар менинг ҳузуримга бўйин сунган ҳолларида келишларидан илгари қайси бирингиз менга унинг (Билқиснинг) тахтини келтира олур?», – деди. (Билқис бу пайтда йўлда эди)

39. (Шунда) жинлардан бир алвасти айтди: «Мен уни сенга ўрнингдан туришингдан илгари келтирурман. Албатта, мен бунга қодир ва ишончлидирман».

40. Китобдан (Исми аъзамдан) хабардор бўлган зот* эса: «Мен кўзинг ўзингга қайтгунича (кўз очиб юмгунингча) уни сенга келтирурман», – деди. Бас, унинг (тахтнинг) ўз ҳузурида турганини кўргач, деди: «Бу Раббимнинг шукр қиламанми ёки ношукурлик қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлидандир. Ким шукр қилса, бас, албатта у фақат ўзи учун шукр қилур. Ким ношукурлик қилса, бас, албатта, Раббим (ҳамма нарсадан) беҳожат ва карамлидир».

41. (Сулаймон маликанинг фаросатини синаш учун) деди: «Унинг тахтини танимайдиган қилиб, ўзгартириб қўйингиз! Шунда у (танишга) йўл топадими ёки йўл топа олмайдиганлардан бўладими, кўргаймиз».

42. Бас, у келгач: «Тахтинг шундаймиди?», – дейилди. У: «Худди ўшанинг ўзи», – деди. (Сулаймон айтди: «Алҳамду лиллоҳки) бизга ундан илгари илм берилиб, мусулмон бўлганмиз.

43. Уни эса Аллоҳни қўйиб ибодат қилган нарсаси (мусулмон бўлишдан) тўсгандир. Чунки у кофирлар қавмидан эди».

44. (Билқисга:) «Саройга кир!», – дейилди. Бас, у (саройни) кўргач, уни сув ҳавзаси деб ўйлаб, оёқларини очган эди, (Сулаймон): «Бу ойнадан ясалган силлиқ қасрдир», – деди. (Шунда малика) айтди: «Эй, Раббим! Дарҳақиқат, мен (қуёшга сиғиниш билан) жонимга жабр қилибман, (энди) Сулаймон билан бирга оламлар эгаси – Аллоҳга бўйин сундим»*.

40-оят. У зот Сулаймоннинг котиби Осиф ибн Бархиё эди. У "Исми аъзам" ни билар ва уни ўқиб дуо қилса, ижобат бўларди. Исми аъзам: "Ё Ҳайю, ё Қайюм! Ё Зал-жалоли вал-икром!" ёки "Ё илоҳано ва илоҳа кулли шайъин илоҳан воҳидан. Ло илоҳа илло Ант". Валлоҳу аълам (Мд.).

44-оят. Билқис исломга киргач, Сулаймон (а.с.) унга уйланиб, ўз юртида маликаликда қолдиради. Бир ойда бир бориб, уч кун туриб келарди. Билқисдан бир ўғил туғилган (Мд. Хз.).

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَآ إِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَٰلِحًا أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ فَإِذَا
هُمْ فَرِيقَانِ يَخْتَصِمُونَ ﴿٤٥﴾ قَالَ يَٰقَوْمِ لِمَ تَسْتَعْجِلُونَ
بِٱلسَّيِّئَةِ قَبْلَ ٱلْحَسَنَةِ ۖ لَوْلَا تَسْتَغْفِرُونَ ٱللَّهَ لَعَلَّكُمْ
تُرْحَمُونَ ﴿٤٦﴾ قَالُوا۟ ٱطَّيَّرْنَا بِكَ وَبِمَن مَّعَكَ ۚ قَالَ طَٰٓئِرُكُمْ
عِندَ ٱللَّهِ ۖ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ تُفْتَنُونَ ﴿٤٧﴾ وَكَانَ فِى ٱلْمَدِينَةِ تِسْعَةُ
رَهْطٍ يُفْسِدُونَ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ ﴿٤٨﴾ قَالُوا۟
تَقَاسَمُوا۟ بِٱللَّهِ لَنُبَيِّتَنَّهُۥ وَأَهْلَهُۥ ثُمَّ لَنَقُولَنَّ لِوَلِيِّهِۦ مَا شَهِدْنَا
مَهْلِكَ أَهْلِهِۦ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ ﴿٤٩﴾ وَمَكَرُوا۟ مَكْرًا
وَمَكَرْنَا مَكْرًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٠﴾ فَٱنظُرْ كَيْفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ مَكْرِهِمْ أَنَّا دَمَّرْنَٰهُمْ وَقَوْمَهُمْ أَجْمَعِينَ
﴿٥١﴾ فَتِلْكَ بُيُوتُهُمْ خَاوِيَةًۢ بِمَا ظَلَمُوٓا۟ ۗ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ
لَءَايَةً لِّقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٥٢﴾ وَأَنجَيْنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَكَانُوا۟ يَتَّقُونَ ﴿٥٣﴾ وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ
أَتَأْتُونَ ٱلْفَٰحِشَةَ وَأَنتُمْ تُبْصِرُونَ ﴿٥٤﴾ أَئِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ
ٱلرِّجَالَ شَهْوَةً مِّن دُونِ ٱلنِّسَآءِ ۚ بَلْ أَنتُمْ قَوْمٌ تَجْهَلُونَ ﴿٥٥﴾

45. Қасамки, Биз Самуд (қабиласи)га биродарлари Солиҳни пайғамбар этиб юбордик. (У): «Аллоҳга ибодат қилингиз!» (деди). Бас, бехос улар келиша олмайдиган икки гуруҳга (кофирлар ва мўминларга) бўлиндилар.

46. (У) айтди: «Эй, қавмим, нега сизлар азоб сўраш билан яхшилик (раҳмат)дан илгари ёмонлик (азоб)ни шоштирмоқдасиз?! Сизларга раҳм қилиниши учун Аллоҳдан мағфират сўрасангиз бўлмасми?!»

47. Улар дедилар: «Бизлар (бошимизга тушган қаҳатчиликни) сен ва сен билан бирга бўлганлардан деб шумландик». У айтди: «Сизларнинг ишингиз Аллоҳ ҳузуридадир. Аксинча, сизлар имтиҳон қилинаётган қавмдирсиз».

48. У шаҳарда (Ҳижр шаҳрида) ислоҳот ўрнига ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган тўққиз нафар (бойвачча) кимсалар бор эди.

49. Ўшалар Аллоҳ номига қасам ичишиб (бир-бирларига) айтдилар: «Албатта, (Солиҳни) ва унинг аҳли (тобелари)ни тунда ҳалок қилурмиз, сўнгра унинг ворисига: «Бизлар (на Солиҳнинг ва на) унинг аҳлини ҳалокатига гувоҳ бўлган эмасмиз. Албатта, бизлар ростгўй кишилардирмиз», – деймиз».

50. Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолларида (уларни ҳалок қилиш билан) «макр» қилдик*.

51. Бас, уларнинг қилган макрлари оқибати қандай бўлганини кўринг – Биз уларни ва қавмларининг барчасини тор-мор қилдик.

52. Мана, ноҳақлик қилганлари сабабли уларнинг уйлари ҳувиллаб қолди! Албатта, бунда биладиган қавм учун ибрат бордир.

53. Имон келтирган ва тақволи бўлган зотларга эса нажот бердик*.

54. Лутни ҳам (эсланг). Қайсики у қавмига айтган эди: «Сизлар кўриб (билиб) туриб фаҳш ишларни қиласизми?!

55. Сизлар хотинларингизни қўйиб, шаҳватни эркакларга келтирасизми?! Ҳа, сизлар жоҳил қавмдирсиз»*.

50-оят. Солиҳ (а.с.) бир қоядаги ғор ичини ибодатгоҳ қилиб олиб, ўша ерда намоз ўқиб юрар эди. Уни қатл этмоқчи бўлиб мазкур бебош йигитлардан бир нечтаси ғорга олдинроқ бориб яширинган пайтларида, Аллоҳнинг амри билан бир харсанг тош юмалаб келиб, ғор оғзини қоплайди. Йигитлар шу жойда ҳалок бўлишади. Ташқаридаги осий халқ улардан бехабар ҳолда ўзлари ҳам Аллоҳнинг ғазабига учраб, Жаброил (а.с.) наъраси билан ҳалок бўлишади (Мд. Хз.).

53-оят. Солиҳ (а.с.)нинг қавми, яъни Самуд қабиласидан имон келтирган ва ҳалокатдан омон қолганлар сони тўрт минг киши эди, дейилган (Мд.).

55-оят. Лут (а.с.) қавми мазкур фаҳш ишларни ҳеч кимдан яширмай ошкора қилганлар, ваҳоланки бу ишнинг гуноҳ эканини ва Аллоҳга итоатсизлик қилганлар ўтмишда ҳалок қилингани ҳақида хабардор эдилар (Мд.)

۞ فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِۦٓ إِلَّآ أَن قَالُوٓاْ أَخْرِجُوٓاْ ءَالَ
لُوطٍ مِّن قَرْيَتِكُمْ إِنَّهُمْ أُنَاسٌ يَتَطَهَّرُونَ ٥٦ فَأَنجَيْنَٰهُ
وَأَهْلَهُۥٓ إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ قَدَّرْنَٰهَا مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ٥٧ وَأَمْطَرْنَا
عَلَيْهِم مَّطَرًا فَسَآءَ مَطَرُ ٱلْمُنذَرِينَ ٥٨ قُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ وَسَلَٰمٌ
عَلَىٰ عِبَادِهِ ٱلَّذِينَ ٱصْطَفَىٰٓ ءَآللَّهُ خَيْرٌ أَمَّا يُشْرِكُونَ ٥٩
أَمَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَأَنزَلَ لَكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ
مَآءً فَأَنۢبَتْنَا بِهِۦ حَدَآئِقَ ذَاتَ بَهْجَةٍ مَّا كَانَ لَكُمْ
أَن تُنۢبِتُواْ شَجَرَهَآ أَءِلَٰهٌ مَّعَ ٱللَّهِ بَلْ هُمْ قَوْمٌ يَعْدِلُونَ ٦٠
أَمَّن جَعَلَ ٱلْأَرْضَ قَرَارًا وَجَعَلَ خِلَٰلَهَآ أَنْهَٰرًا وَجَعَلَ لَهَا
رَوَٰسِىَ وَجَعَلَ بَيْنَ ٱلْبَحْرَيْنِ حَاجِزًا أَءِلَٰهٌ مَّعَ ٱللَّهِ بَلْ
أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ٦١ أَمَّن يُجِيبُ ٱلْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ
وَيَكْشِفُ ٱلسُّوٓءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَآءَ ٱلْأَرْضِ أَءِلَٰهٌ
مَّعَ ٱللَّهِ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ٦٢ أَمَّن يَهْدِيكُمْ فِى
ظُلُمَٰتِ ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ وَمَن يُرْسِلُ ٱلرِّيَٰحَ بُشْرًۢا بَيْنَ يَدَىْ
رَحْمَتِهِۦٓ أَءِلَٰهٌ مَّعَ ٱللَّهِ تَعَٰلَى ٱللَّهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ٦٣

56. (Лут) қавмининг жавоби эса, фақат «Лут аҳлини қишлоғингиздан (қувиб) чиқарингиз! Дарҳақиқат, улар жуда «пок»ланиб кетаётган кишилардир», – дейишлари бўлди.

57. Сўнгра Биз (Лутга) ва унинг аҳлига нажот бердик. Илло, унинг хотини (нажот топмади, чунки) ҳалок бўлувчилардан эканини тақдир қилиб – белгилаб қўйган эдик.

58. Уларнинг устига ёмғир (тош) ёғдирдик! Бас, огоҳлантирилувчилар ёмғири нақадар ёмон бўлди!

59. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Аллоҳга – ҳамд ва (пайғамбарлик учун) танлаган бандаларига – салом!* Аллоҳ яхшироқми ёки улар шерик қилаётган нарсаларими?!»

ЙИГИРМАНЧИ ПОРА

60. Ёки осмонлар ва Ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, у билан гўзал боғларни ўстирган зот (яхши)ми?! Сизларга у (боғ)ларнинг дарахтларини ўстириш имкони йўқ эди. Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?!* Йўқ, улар (Аллоҳга ўзгаларни) тенг (деб) биладиган қавмдир.

61. Ёки Ерни қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун тутқич сифатида (тоғ)ларни барпо қилган ҳамда икки (шўр ва чучук) денгиз (дарё) ўртасида тўсиқ иншо этган зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг аксарияти (ҳақиқатни) билмайдилар!

62. Ёки ноилож одам дуо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (ундан) ёмонлик (мусибат)ни йўқ қиладиган ҳамда сизларни Ернинг ўринбосарлари қиладиган зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?! (Насиҳатдан) камдан-кам эслатма олурсиз.

63. Ёки сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида тўғри йўлни кўрсатадиган ва Ўз раҳмати (ёмғири) олдидан шамолларни хушхабар қилиб жўнатадиган зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга яна (бирор) илоҳ борми?! Аллоҳ уларнинг келтираётган ширкларидан (яхши ва) юксакдир.

59-оят. Бу хитоб Муҳаммад (а.с.)га қаратилган бўлса, шу ергача айтилган оятларда Аллоҳнинг ўз пайғамбарларига ато этган мўъжиза ва неъматлари учун Унга ҳамд айтишга ҳамда мазкур пайғамбарларга салом юборишга буюрилган бўладилар. Борди-ю, хитоб Лут (а.с.)га қаратилган бўлса, ул зотга азият етказган кофирлар қавмини ҳалок қилгани учун Аллоҳга ҳамд ва шукр айтишга ҳамда азобдан омон қолган солиҳ кишиларга салом юборишга буюрилган бўлади (Қз. Мд.).

60-оят. “Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?!”, – деган савол сурада беш марта келган. Аллоҳ таоло бирор муҳимроқ гапни бандаларига уқдирмоқчи бўлса, такрор-такрор зикр этади. Бу “инкорий истифҳом” деб аталувчи инкор маъносидаги савол Қуръони каримда ақлий далил сифатида ширкка қаратилган кескин зарбалардандир.

أَمَّن يَبْدَؤُا الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ وَمَن يَرْزُقُكُم مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ
أَءِلَٰهٌ مَّعَ اللَّهِ قُلْ هَاتُوا بُرْهَٰنَكُمْ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٦٤﴾
قُل لَّا يَعْلَمُ مَن فِي السَّمَٰوَٰتِ وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ وَمَا يَشْعُرُونَ
أَيَّانَ يُبْعَثُونَ ﴿٦٥﴾ بَلِ ادَّٰرَكَ عِلْمُهُمْ فِي الْآخِرَةِ بَلْ هُمْ
فِي شَكٍّ مِّنْهَا بَلْ هُم مِّنْهَا عَمُونَ ﴿٦٦﴾ وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا
أَءِذَا كُنَّا تُرَٰبًا وَءَابَاؤُنَا أَئِنَّا لَمُخْرَجُونَ ﴿٦٧﴾ لَقَدْ وُعِدْنَا
هَٰذَا نَحْنُ وَءَابَاؤُنَا مِن قَبْلُ إِنْ هَٰذَا إِلَّا أَسَٰطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٦٨﴾
قُلْ سِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ الْمُجْرِمِينَ
﴿٦٩﴾ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُن فِي ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ ﴿٧٠﴾
وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا الْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٧١﴾ قُلْ عَسَىٰٓ
أَن يَكُونَ رَدِفَ لَكُم بَعْضُ الَّذِي تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٧٢﴾ وَإِنَّ رَبَّكَ
لَذُو فَضْلٍ عَلَى النَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾ وَإِنَّ
رَبَّكَ لَيَعْلَمُ مَا تُكِنُّ صُدُورُهُمْ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٧٤﴾ وَمَا مِنْ غَائِبَةٍ
فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ إِلَّا فِي كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٧٥﴾ إِنَّ هَٰذَا الْقُرْءَانَ
يَقُصُّ عَلَىٰ بَنِيٓ إِسْرَٰٓءِيلَ أَكْثَرَ الَّذِي هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٧٦﴾

64. Ёки илк бор Ўзи яратиб, сўнгра (охиратда) қайта яратадиган зот (яхши)ми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур? Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?! (Эй, Муҳаммад! Кофирларга) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтирингиз!»

65. Айтинг: «Аллоҳдан бошқа осмонлар ва Ердаги бирор кимса ғайбни билмас». Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар.

66. Балки уларнинг охират ҳақидаги (имонга олиб борувчи) билимлари пишиб етилгандир?! Йўқ, улар (охиратдан) шак-шубҳададирлар! Йўқ, улар у тўғрида кўрдирлар!

67. Кофир бўлган кимсалар дедилар: «Ўзимиз ҳам, ота-боболаримиз ҳам тупроққа айланиб кетганимизда (тирилиб яна қабрларимиздан) чиқарилувчимизми?!

68. Дарҳақиқат, бизларнинг ўзимизга ҳам, илгари ота-боболаримизга ҳам мана шу ваъда қилинганди. Бу фақат ўтганларнинг (тўқиб чиқарган) афсоналаридир».

69. Айтинг: «Ерни айланиб, жиноятчи кимсаларнинг оқибатлари қандай (аянчли ва ибратли) бўлганини кўрингиз!»

70. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларнинг (имон келтирмаганлари) устида ғам чекманг ва улар қилаётган макрлардан сиқилманг ҳам!

71. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз (айтингчи), мана шу ваъда (азоб) қачон бўлади?», – дейдилар.

72. Айтинг: «Эҳтимол сизлар шоштираётган нарса (азоб)нинг баъзиси сизларнинг изингизга тушиб қолгандир».

73. Албатта, Раббингиз одамларга нисбатан фазллидир. Лекин уларнинг аксарияти (бунинг учун) шукр қилмайдилар.

74. Албатта, Раббингиз уларнинг диллари яширадиган нарсани ҳам, ошкор қиладиган нарсани ҳам билур!

75. Осмон ва заминдаги ҳар бир сир аниқ Китобда (Лавҳул-маҳфузда) мавжуддир.

76. Албатта, ушбу Қуръон Исроил авлодига улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпгина қиссасини баён қилиб берур*.

76-оят. Аллоҳ таоло ушбу оят мазмунига далолат қилувчи бошқа кўп оятларни ҳам нозил қилган. Исроил авлоди Исо (а.с.) ва Узайр (а.с.) ҳақларида тўғри бир эътиқодга келиш ўрнига ширкка сабаб бўлувчи ақидаларни тўқиб чиқариб, турли фирқаларга бўлиниб кетганлар. Муҳаммад (а.с.) тўғрисида ҳам билиб-билмай ботил ақидалар билан бу дунёдан ўтиб кетганларидан кейин қиёмат куни шу ақидалари нотўғри экани Аллоҳ томонидан исботлаб берилади. Шу дунёнинг ўзида ҳам Қуръон ва ҳадислар орқали бор ҳақиқат баён этилган. Лекин уни ўзига сингдириш учун инсоннинг қабул қулоғи, ибрат кўзи ва мусаффо қалби бўлиши керак.

وَإِنَّهُۥ لَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٧٧﴾ إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِي بَيْنَهُم
بِحُكْمِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٧٨﴾ فَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۖ إِنَّكَ عَلَى
ٱلْحَقِّ ٱلْمُبِينِ ﴿٧٩﴾ إِنَّكَ لَا تُسْمِعُ ٱلْمَوْتَىٰ وَلَا تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ ٱلدُّعَآءَ
إِذَا وَلَّوْا۟ مُدْبِرِينَ ﴿٨٠﴾ وَمَآ أَنتَ بِهَٰدِي ٱلْعُمْيِ عَن ضَلَٰلَتِهِمْ ۖ إِن
تُسْمِعُ إِلَّا مَن يُؤْمِنُ بِـَٔايَٰتِنَا فَهُم مُّسْلِمُونَ ﴿٨١﴾ ۞ وَإِذَا
وَقَعَ ٱلْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجْنَا لَهُمْ دَآبَّةً مِّنَ ٱلْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ
ٱلنَّاسَ كَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا لَا يُوقِنُونَ ﴿٨٢﴾ وَيَوْمَ نَحْشُرُ مِن كُلِّ أُمَّةٍ
فَوْجًا مِّمَّن يُكَذِّبُ بِـَٔايَٰتِنَا فَهُمْ يُوزَعُونَ ﴿٨٣﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُو
قَالَ أَكَذَّبْتُم بِـَٔايَٰتِي وَلَمْ تُحِيطُوا۟ بِهَا عِلْمًا أَمَّاذَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ
﴿٨٤﴾ وَوَقَعَ ٱلْقَوْلُ عَلَيْهِم بِمَا ظَلَمُوا۟ فَهُمْ لَا يَنطِقُونَ ﴿٨٥﴾ أَلَمْ
يَرَوْا۟ أَنَّا جَعَلْنَا ٱلَّيْلَ لِيَسْكُنُوا۟ فِيهِ وَٱلنَّهَارَ مُبْصِرًا ۚ إِنَّ فِي
ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٨٦﴾ وَيَوْمَ يُنفَخُ فِي ٱلصُّورِ فَفَزِعَ
مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِي ٱلْأَرْضِ إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُ ۚ وَكُلٌّ أَتَوْهُ
دَٰخِرِينَ ﴿٨٧﴾ وَتَرَى ٱلْجِبَالَ تَحْسَبُهَا جَامِدَةً وَهِيَ تَمُرُّ مَرَّ ٱلسَّحَابِ ۚ
صُنْعَ ٱللَّهِ ٱلَّذِيٓ أَتْقَنَ كُلَّ شَيْءٍ ۚ إِنَّهُۥ خَبِيرٌۢ بِمَا تَفْعَلُونَ ﴿٨٨﴾

77. Албатта, у (яъни Қуръон) мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир.

78. Албатта, Раббингиз (одамлар) ўртасини Ўз ҳукми билан ажрим қилур. У қудратли ва билимлидир!

79. Бас, Сиз Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, Сиз аниқ ҳақиқат узрадирсиз!

80. Аниқки, Сиз (ўз даъватингизни) «ўликлар»га уқтира олмассиз ва юз ўгириб кетаётган «карлар»га ҳам даъватни уқтира олмассиз.

81. Яна Сиз «кўрлар»ни ҳам залолатларидан (чиқариб, ҳақ йўлга) ҳидоят қила олувчи эмассиз. Сиз фақат оятларимизга имон келтирадиганларгагина уқтира олурсиз. Бас, улар мусулмондирлар.

82. Қачон уларнинг (кофирларнинг) устига сўз (азоб) тушганда (яъни, қиёмат олдидан) Биз улар учун ердан бир махлуқни чиқарурмиз. У уларга одамлар оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида гапирур*.

83. Биз ҳар бир умматдан оятларимизни инкор этадиган бир гуруҳни тўплаганимизда улар тизилиб турадиган кунни (эсланг)!

84. Бас, улар (ҳисобот бериладиган жойга) келишгач, (Аллоҳ) айтади: «Сизлар аниқ билмаган ҳолингизда оятларимни ёлғон дедингизми ёки нима қилувчи бўлдингиз?!»

85. Золим (кофир) бўлганлари сабабли уларнинг устига (азоб тўғрисидаги) сўз тушади. Бас, улар (ўзларини оқлаш учун) сўзлай олмаслар.

86. Биз улар таскин топишлари учун кечани пайдо қилганимизни ва кундузни ёруғ қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Албатта, бунда (тақдири азалда битилгандек) имон келтирадиган қавм учун ибратлар бордир.

87. Сур чалиниб, Аллоҳ ўзи хоҳлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва Ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот (ҳузури)га таслим қилган ҳолда келадиган кунни (қиёматни эсланг)!

88. Сиз тоғларни кўриб (мангу) қотиб турувчи, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар (сузиб) юргандек (ҳавода сузиб) юрарлар*. (Бу) барча нарсани пухта қилган зот – Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У зот сизлар қилаётган (барча) ишлардан огоҳдир.

82-оят. Ислом ақоидига биноан, қиёмат қойим бўлиш олдидан Еру осмонда турли ғайритабиий аломатлар зоҳир бўлади. Шулардан бири "Доббатул – Арз", яъни Ер махлуқи. Унинг сифатлари тўғрисида турли тафсирлар мавжуд (Қр.).

88-оят. Тоғларнинг сузиб юришини икки хил тасаввур қилиш мумкин. Биринчиси – қиёмат куни тоғлар туя юнги каби ҳавода тўзиб юриши. Бу ҳақда "Қориа" сураси, 5-оятда ҳам айтилган. Иккинчиси – Ер курраси фазодан кузатилганда тоғлар ҳам Ер билан биргаликда булутлар каби сайр этаётгандек кўриниши.

مَن جَآءَ بِٱلۡحَسَنَةِ فَلَهُۥ خَيۡرٞ مِّنۡهَا وَهُم مِّن فَزَعٖ يَوۡمَئِذٍ ءَامِنُونَ ٨٩
وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ فَكُبَّتۡ وُجُوهُهُمۡ فِي ٱلنَّارِ هَلۡ تُجۡزَوۡنَ
إِلَّا مَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٩٠ إِنَّمَآ أُمِرۡتُ أَنۡ أَعۡبُدَ رَبَّ هَٰذِهِ
ٱلۡبَلۡدَةِ ٱلَّذِي حَرَّمَهَا وَلَهُۥ كُلُّ شَيۡءٖۖ وَأُمِرۡتُ أَنۡ أَكُونَ مِنَ
ٱلۡمُسۡلِمِينَ ٩١ وَأَنۡ أَتۡلُوَاْ ٱلۡقُرۡءَانَۖ فَمَنِ ٱهۡتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهۡتَدِي
لِنَفۡسِهِۦۖ وَمَن ضَلَّ فَقُلۡ إِنَّمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلۡمُنذِرِينَ ٩٢ وَقُلِ ٱلۡحَمۡدُ
لِلَّهِ سَيُرِيكُمۡ ءَايَٰتِهِۦ فَتَعۡرِفُونَهَاۚ وَمَا رَبُّكَ بِغَٰفِلٍ عَمَّا تَعۡمَلُونَ ٩٣

سُورَةُ القَصَصِ

ترتيبها ٢٨ — آياتها ٨٨

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

طسٓمٓ ١ تِلۡكَ ءَايَٰتُ ٱلۡكِتَٰبِ ٱلۡمُبِينِ ٢ نَتۡلُواْ عَلَيۡكَ
مِن نَّبَإِ مُوسَىٰ وَفِرۡعَوۡنَ بِٱلۡحَقِّ لِقَوۡمٖ يُؤۡمِنُونَ ٣ إِنَّ
فِرۡعَوۡنَ عَلَا فِي ٱلۡأَرۡضِ وَجَعَلَ أَهۡلَهَا شِيَعٗا يَسۡتَضۡعِفُ
طَآئِفَةٗ مِّنۡهُمۡ يُذَبِّحُ أَبۡنَآءَهُمۡ وَيَسۡتَحۡيِۦ نِسَآءَهُمۡۚ إِنَّهُۥ كَانَ
مِنَ ٱلۡمُفۡسِدِينَ ٤ وَنُرِيدُ أَن نَّمُنَّ عَلَى ٱلَّذِينَ ٱسۡتُضۡعِفُواْ
فِي ٱلۡأَرۡضِ وَنَجۡعَلَهُمۡ أَئِمَّةٗ وَنَجۡعَلَهُمُ ٱلۡوَٰرِثِينَ ٥

89. Ким яхшилик (савоб) билан келса, бас, унинг учун (ўша савобидан) яхшироқ мукофот бўлиб, улар ўша (қиёмат қойим бўлган) куни даҳшатдан омондадирлар.

90. Ким ёмонлик (куфр) билан келса, бас, юзтубан ҳолларида дўзахга ташланурлар (ва уларга айтилур): «Сизларга фақат қилиб ўтган амалларингизнинг жазоси берилур».

91. (Эй, Муҳаммад! Айтинг:) «Мен мана шу шаҳарнинг (Макканинг) Парвардигоригагина ибодат қилишга буюрилгандирман. (У бу шаҳарни) ҳарам қилгандир (яъни бу шаҳарда қон тўкилиши, зулм қилиниши, ов қилиш кабилар тақиқлангандир). Барча нарса Уникидир! Мен (Аллоҳ томонидан) мусулмонлардан бўлишга буюрилгандирман.

92. Шунингдек, Қуръонни тиловат қилишга ҳам (буюрилгандирман). Бас, ким ҳақ йўлга юрса, фақат ўзи учун юрар. Ким йўлдан озса, у ҳолда айтингки: «Мен фақат (сизларни) огоҳлантирувчи (пайғамбар)лардандирман».

93. Айтинг: «Ҳамд Аллоҳгаким, У яқинда сизларга Ўз мўъжизаларини кўрсатур. Бас, сизлар уларни (мўъжизаларни) тан олурсиз (лекин у кундагиси фойда бермас)». Раббингиз сизларнинг қилаётган ишларингиздан ғофил эмасдир.

Қасас *сураси*

Маккада нозил қилинган. 88 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман)*.

1. То, Син, Мим.

2. Ушбу (оятлар) аниқ Китоб оятларидир.

3. (Эй, Муҳаммад!) Имон келтирадиган қавм учун Сизга Мусо ва Фиръавн хабарини ҳақиқати билан тиловат қилиб берурмиз.

4. Дарҳақиқат, Фиръавн ерда (Мисрда) туғёнга* кетиб, унинг аҳолисини бўлиб ташлади. Улардан бир тоифани (Исроил авлоди қавмини) хорлаб, ўғилларини сўяр, қизларини тирик қўяр эди. Албатта, у бузғунчилардандир.

5. Биз эса, у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хорликдан чиқариб, намунали) пешво зотларга айлантиришни ва уларни (Фиръавн мулкига) меросхўр қилишни истаймиз.

---

28. ҚАСАС СУРАСИ

Қасас – қисса.

Сурада Мусо(а.с.) нинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида кенгроқ маълумот берилади. Ёвузлик тимсоли сифатида Фиръавн ва Қорун каби бойлик ва жоҳу салтанат туфайли қутурган шахслар ҳақида ибратомуз оятлар берилган. Қолган оятларда, тавҳид, имон, эътиқод, тақво ва солиҳ амалларга тарғибот, куфр, ширк, маъсият каби разилликлардан покланишга қаратилган даъватлар талқин этилади.

4-оят. Туғён – ҳаддан ошиб, барча илоҳий ва башарий қонун-қоидаларни бузишдир.

وَنُمَكِّنَ لَهُمْ فِي ٱلْأَرْضِ وَنُرِيَ فِرْعَوْنَ وَهَٰمَٰنَ وَجُنُودَهُمَا
مِنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَحْذَرُونَ ٦ وَأَوْحَيْنَآ إِلَىٰٓ أُمِّ مُوسَىٰٓ
أَنْ أَرْضِعِيهِ ۖ فَإِذَا خِفْتِ عَلَيْهِ فَأَلْقِيهِ فِى ٱلْيَمِّ وَلَا تَخَافِى
وَلَا تَحْزَنِىٓ ۖ إِنَّا رَآدُّوهُ إِلَيْكِ وَجَاعِلُوهُ مِنَ ٱلْمُرْسَلِينَ ٧
فَٱلْتَقَطَهُۥٓ ءَالُ فِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَزَنًا ۗ إِنَّ
فِرْعَوْنَ وَهَٰمَٰنَ وَجُنُودَهُمَا كَانُوا۟ خَٰطِـِٔينَ ٨
وَقَالَتِ ٱمْرَأَتُ فِرْعَوْنَ قُرَّتُ عَيْنٍ لِّى وَلَكَ ۖ لَا تَقْتُلُوهُ عَسَىٰٓ
أَن يَنفَعَنَآ أَوْ نَتَّخِذَهُۥ وَلَدًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ٩ وَأَصْبَحَ
فُؤَادُ أُمِّ مُوسَىٰ فَٰرِغًا ۖ إِن كَادَتْ لَتُبْدِى بِهِۦ لَوْلَآ أَن
رَّبَطْنَا عَلَىٰ قَلْبِهَا لِتَكُونَ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ١٠ وَقَالَتْ
لِأُخْتِهِۦ قُصِّيهِ ۖ فَبَصُرَتْ بِهِۦ عَن جُنُبٍ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ
١١ ۞ وَحَرَّمْنَا عَلَيْهِ ٱلْمَرَاضِعَ مِن قَبْلُ فَقَالَتْ هَلْ أَدُلُّكُمْ
عَلَىٰٓ أَهْلِ بَيْتٍ يَكْفُلُونَهُۥ لَكُمْ وَهُمْ لَهُۥ نَٰصِحُونَ ١٢
فَرَدَدْنَٰهُ إِلَىٰٓ أُمِّهِۦ كَىْ تَقَرَّ عَيْنُهَا وَلَا تَحْزَنَ وَلِتَعْلَمَ
أَنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ١٣

6. Яна уларни ўша ерда барқарор қилиб, Фиръавн ва (унинг вазири) Ҳомонга ҳамда икковининг лашкарларига улар хавотирланаётган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)*.

7. Биз Мусонинг онасига ваҳий* қилдикки: «Уни эмизавер. Бас, агар (уни ўлдириб кетишларидан) қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро, Биз уни сенга қайтарувчи ва уни пайғамбарлардан қилувчидирмиз».

8. Бас, Фиръавннинг хонадон аҳли уни (ўсиб-улғайганида) ўзларига «душман ва ташвиш бўлиши учун» тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари янглишган эдилар.

9. Фиръавннинг хотини (унга): «(Бу бола) мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирмангиз! Шоядки, унинг бизларга нафи тегса ёки уни фарзанд қилиб олсак», – деди. Ваҳоланки, улар (ҳақиқатни) сезмас эдилар.

10. Мусо онасининг қалби (ташвишдан) фориғ бўлди. Агар Биз («Мусони ўзингга қайтарурмиз», деган ваъдамиз)га ишонувчилардан бўлиши учун унинг кўнглини хотиржам қилмаганимизда, албатта, у (ўз ўғли экани)ни фош қилиб қўйган бўлур эди.

11. (Она Мусонинг) опасига: «Унинг (ортидан) тушгин!», – деди. Бас, у улар сезмаган ҳолларида (Мусони) бир четдан кузатиб турди.

12. Биз олдиндан (Мусога барча) эмизувчи аёлларни тақиқладик (у ҳеч бир аёлни эммади), шунда (унинг опаси келиб): «Мен сизларга унга кафил бўлиб (эмизадиган) ва унга холис (доялик қиладиган) бир оилани кўрсатайми?», – деди.

13. Шундай қилиб, Биз (Мусонинг онасининг) кўзлари қувониши ва ғам чекмаслиги учун ҳамда Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билиши учун уни онасига қайтардик. Лекин кўпчилиги (бунинг ҳикматини) билмайдилар.

6-оят. Қибтийларнинг хавотирланган нарсаси мол-мулк мероси билан ҳукмронлик Исроил авлоди қўлига ўтиб кетиши бўлиб, улар шундан чўчир эдилар.

7-оят. Мусо (а.с.) онасининг исми Юҳонед, Юхоел, Нажиб, Ножия ёки Иохавед эканида ихтилофли тафсирлар мавжуд. У Яъқуб (а.с.)нинг ўғилларидан бири – Ловий наслидан бўлиб, унга қилинган ваҳий пайғамбарларга қилинадиган ваҳийлардек эмас, балки Марямга қилинган ваҳий каби илҳом ёки туш ҳукмидадир. Зеро, аёллардан пайғамбар бўлиши мумкин эмас. Лекин баъзида улар каби машҳур солиҳа аёллар номи келганда “алайҳиссалом” деб қўйиш жоиз. Бу билан улар пайғамбарлардан ҳисобланган бўлмайди. Чунончи, Хизр (а.с.) деганимиз каби. Онаси Мусони уч ой ёки кўпроқ эмизгач, Фиръавн айғоқчиларидан хавотирга тушиб, уни кажавага солиб Нил дарёсига ташлаб оқизиб юборади (Лс. Мд. Хз.).

وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُۥ وَٱسْتَوَىٰٓ ءَاتَيْنَٰهُ حُكْمًا وَعِلْمًا ۚ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِى
ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٤﴾ وَدَخَلَ ٱلْمَدِينَةَ عَلَىٰ حِينِ غَفْلَةٍ مِّنْ أَهْلِهَا
فَوَجَدَ فِيهَا رَجُلَيْنِ يَقْتَتِلَانِ هَٰذَا مِن شِيعَتِهِۦ وَهَٰذَا مِنْ عَدُوِّهِۦ ۖ
فَٱسْتَغَٰثَهُ ٱلَّذِى مِن شِيعَتِهِۦ عَلَى ٱلَّذِى مِنْ عَدُوِّهِۦ فَوَكَزَهُۥ مُوسَىٰ
فَقَضَىٰ عَلَيْهِ ۖ قَالَ هَٰذَا مِنْ عَمَلِ ٱلشَّيْطَٰنِ ۖ إِنَّهُۥ عَدُوٌّ مُّضِلٌّ مُّبِينٌ
﴿١٥﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّى ظَلَمْتُ نَفْسِى فَٱغْفِرْ لِى فَغَفَرَ لَهُۥٓ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ
ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٦﴾ قَالَ رَبِّ بِمَآ أَنْعَمْتَ عَلَىَّ فَلَنْ أَكُونَ
ظَهِيرًا لِّلْمُجْرِمِينَ ﴿١٧﴾ فَأَصْبَحَ فِى ٱلْمَدِينَةِ خَآئِفًا يَتَرَقَّبُ فَإِذَا
ٱلَّذِى ٱسْتَنصَرَهُۥ بِٱلْأَمْسِ يَسْتَصْرِخُهُۥ ۚ قَالَ لَهُۥ مُوسَىٰٓ إِنَّكَ لَغَوِىٌّ
مُّبِينٌ ﴿١٨﴾ فَلَمَّآ أَنْ أَرَادَ أَن يَبْطِشَ بِٱلَّذِى هُوَ عَدُوٌّ لَّهُمَا قَالَ
يَٰمُوسَىٰٓ أَتُرِيدُ أَن تَقْتُلَنِى كَمَا قَتَلْتَ نَفْسًۢا بِٱلْأَمْسِ ۖ إِن تُرِيدُ إِلَّآ
أَن تَكُونَ جَبَّارًا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا تُرِيدُ أَن تَكُونَ مِنَ ٱلْمُصْلِحِينَ ﴿١٩﴾
وَجَآءَ رَجُلٌ مِّنْ أَقْصَا ٱلْمَدِينَةِ يَسْعَىٰ قَالَ يَٰمُوسَىٰٓ إِنَّ ٱلْمَلَأَ
يَأْتَمِرُونَ بِكَ لِيَقْتُلُوكَ فَٱخْرُجْ إِنِّى لَكَ مِنَ ٱلنَّٰصِحِينَ ﴿٢٠﴾
فَخَرَجَ مِنْهَا خَآئِفًا يَتَرَقَّبُ ۖ قَالَ رَبِّ نَجِّنِى مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢١﴾

14. Қачонки, у вояга етиб, (қирқ ёшга) тўлгач, Биз унга ҳукм (пайғамбарлик) ва илм ато этдик*. Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.

15. (Кунлардан бирида Мусо) шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтида* кирган эди, унда икки кишини урушаётган ҳолатда топди. Буниси ўз гуруҳидан (Исроил авлоди қавмидан) ва униси душманидан (қибтийлардан) эди. (Бас, Мусонинг) гуруҳидан бўлган киши ундан душманига қарши ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди. (Сўнг пушаймон бўлиб) деди: «Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у аниқ адаштирувчи душмандир».

16. (Кейин Аллоҳга илтижо қилиб) деди: «Эй, Раббим! Дарҳақиқат, мен ўзимга зулм қилиб қўйдим. Бас, мени мағфират эт». (Аллоҳ) уни мағфират этди. Албатта, Унинг ўзигина мағфиратли ва раҳмли зотдир.

17. У (яна) деди: «Эй, Раббим! Менга қилган инъоминг ҳаққи энди сира жиноятчиларга ёрдам қилувчи бўлмасман».

18. Бас, у эрта тонгда (яна) шаҳарда қўрқувга тушиб, (бирор кўнгилсизликка) кўз тутган ҳолда кетаётган эди*, қараса, бирдан кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақираётибди. Мусо унга деди: «Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан».

19. Энди у иккисига душман бўлган кимсани (қибтийни) тутмоқчи бўлган эди, (у:) «Эй, Мусо! Кеча бир жонни ўлдирганинг каби (бугун) мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! Сен фақат ер юзида жабр қилувчи бўлмоқчисан. Сен ислоҳ қилувчилардан бўлишни истамайсан»,– деди.

20. Шаҳарнинг ичкарисидан бир киши шошганча келиб: «Эй, Мусо! Зодагонлар сени ўлдириш учун тил бириктирмоқдалар. Бас, сен (бу шаҳардан) чиқиб кетгин! Албатта, мен сенга насиҳатгўй кишилардандирман»,– деди.

21. Бас, у қўрқувга тушиб, (атрофни) кузатган ҳолда у ердан чиқиб, деди: «Эй, Раббим! Ўзинг менга (бу) золимлар қавмидан нажот бергин!»

14-оят. Мусо (а.с.)га берилган “ҳукм”дан пайғамбарлик ёки Таврот китоби ва “илм”дан диний билим назарда тутилган, деб тафсир қилган муфассирлар кўпчиликни ташкил этади. У иккисидан пайғамбарликдан олдин берилган ақлу заковат ва илму ҳикмат муроддир, деб ҳам тафсир қилинган (Мд. Хз. ИК).

15-оят. Аҳоли ғафлатда бўлган пайт – шом билан хуфтон орасидаги вақт ёки пешиндаги уйқу пайти. Бундай пайтни танлашига сабаб – у пайғамбарлик даъватини ошкора бошлагач, унга шаҳарга кириш тақиқлаб қўйилган эди (Мд. Хз.).

18-оят. Қибтийни ўлдириб қўйгани тўғрисидаги хабар Фиръавнга етган эди. У қотилни қидириш учун шаҳарга айғоқчиларни юборганини билгач, Мусо (а.с.) хавотирга тушган эди (Хз.)

وَلَمَّا تَوَجَّهَ تِلْقَآءَ مَدْيَنَ قَالَ عَسَىٰ رَبِّيٓ أَن يَهْدِيَنِي سَوَآءَ
ٱلسَّبِيلِ ﴿٢٢﴾ وَلَمَّا وَرَدَ مَآءَ مَدْيَنَ وَجَدَ عَلَيْهِ أُمَّةً مِّنَ
ٱلنَّاسِ يَسْقُونَ وَوَجَدَ مِن دُونِهِمُ ٱمْرَأَتَيْنِ تَذُودَانِۖ
قَالَ مَا خَطْبُكُمَاۖ قَالَتَا لَا نَسْقِي حَتَّىٰ يُصْدِرَ ٱلرِّعَآءُۖ وَأَبُونَا
شَيْخٌ كَبِيرٌ ﴿٢٣﴾ فَسَقَىٰ لَهُمَا ثُمَّ تَوَلَّىٰٓ إِلَى ٱلظِّلِّ فَقَالَ
رَبِّ إِنِّي لِمَآ أَنزَلْتَ إِلَيَّ مِنْ خَيْرٍ فَقِيرٌ ﴿٢٤﴾ فَجَآءَتْهُ إِحْدَىٰهُمَا
تَمْشِي عَلَى ٱسْتِحْيَآءٍ قَالَتْ إِنَّ أَبِي يَدْعُوكَ لِيَجْزِيَكَ
أَجْرَ مَا سَقَيْتَ لَنَاۚ فَلَمَّا جَآءَهُۥ وَقَصَّ عَلَيْهِ ٱلْقَصَصَ قَالَ
لَا تَخَفْۖ نَجَوْتَ مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٢٥﴾ قَالَتْ إِحْدَىٰهُمَا
يَٰٓأَبَتِ ٱسْتَـْٔجِرْهُۖ إِنَّ خَيْرَ مَنِ ٱسْتَـْٔجَرْتَ ٱلْقَوِيُّ ٱلْأَمِينُ
﴿٢٦﴾ قَالَ إِنِّيٓ أُرِيدُ أَنْ أُنكِحَكَ إِحْدَى ٱبْنَتَيَّ هَٰتَيْنِ عَلَىٰٓ أَن
تَأْجُرَنِي ثَمَٰنِيَ حِجَجٍۖ فَإِنْ أَتْمَمْتَ عَشْرًا فَمِنْ عِندِكَۖ
وَمَآ أُرِيدُ أَنْ أَشُقَّ عَلَيْكَۚ سَتَجِدُنِيٓ إِن شَآءَ ٱللَّهُ مِنَ
ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٢٧﴾ قَالَ ذَٰلِكَ بَيْنِي وَبَيْنَكَۖ أَيَّمَا ٱلْأَجَلَيْنِ
قَضَيْتُ فَلَا عُدْوَٰنَ عَلَيَّۖ وَٱللَّهُ عَلَىٰ مَا نَقُولُ وَكِيلٌ ﴿٢٨﴾

22. Қачонки, Мадян (шаҳри) томонга равона бўлгач, *деди*: «Зора, Раббим мени тўғри йўлга ҳидоят этса».

23. Қачонки, Мадяннинг суви (қудуғи)га етиб келгач, *у* жойда бир тўп одамлар (чорваларини) суғораётганларини кўрди ва *улардан* берироқда икки аёл (ўз қўйларини) қўриқлаб турганларини кўриб: «Сизларга не бўлди?», – *деди*. *Улар*: «Биз, то подачилар (молларини) қайтармагунча, суғора олмаймиз*. Отамиз эса қари *чол*», – *дедилар*.

24. Шунда (Мусо) *уларга* (қўйларини) суғориб берди. Сўнгра (бир четдаги) сояга бориб (ўтириб), *деди*: «Эй, Раббим! Мен учун нима яхшилик (ризқ) туширсанг, ўшанга муҳтождирман»*.

25. Сўнгра, *улардан* (икки қиздан) бири ҳаё билан юриб келиб: «Отам сени бизларга (қўйларимизни) суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда»,– *деди*. Бас, (Мусо Шуайбнинг ҳузурига) келиб, унга ўз қиссасини, сўйлаб бергач, *у*: «Қўрқмагин! Сен *золимлар* қавмидан нажот топдинг», – *деди*.

26. (Қизлардан) бири: «Эй, ота, уни (ишга) ёллагин! Зеро, сен ёллайдиган (бу) яхши киши кучли ва ишончли кишидир», – *деди*.

27. (Шуайб) айтди: «Менга саккиз *йил* ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман*. Энди, агар ўн йилни битирсанг (ўн йил ишлаб берсанг) ўзингдан (марҳамат)дир. Мен сени қийнашни истамайман. Иншоаллоҳ, менинг солиҳ кишилардан эканимни *билурсан*».

28. (Мусо) *деди*: «Мана шу сен билан менинг ўртамиздаги (битим)дир. Икки муддатдан қай бирини адо қилсам, бас, менга адоват қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга гувоҳдир».

23-оят. Бу икки қиз кўзлари ожиз бўлиб қолган пайғамбар Шуайб (а.с.)нинг қизлари эди. Иккиси қўйларини кудуққа суғоргани олиб келиб, эркаклар кўп бўлгани учун улардан ҳаё қилиб яқинлаша олмай турганларида, Мусо (а.с.) уларга ёрдам бергач, улар бориб оталарига бу ҳақда хабар берадилар.

24-оят. Мусо (а.с.)нинг қорни очлигидан бир бурда нон ёки яримта хурмо сўраб, Аллоҳга илтижо қилган. Зеро, у бир ҳафта туз тотмаган эди.

Мусо (а.с.)нинг сояга бориб дам олганлигидан бу дунёда ҳам баъзан ҳордиқ чиқариш ва истироҳат қилишнинг жоизлиги маълум бўлади (Мд. Хз.).

27-оят. Шуайб (а.с.) уйида Одам (а.с.) жаннатдан олиб чиққан асо пайғамбарлар орқали қўлма-қўл ўтиб сақланиб келинаётган эди. Уни Мусо (а.с.)га беради. Пайғамбар бўлганидан кейин шу асодан кўп мўъжизалар содир бўлади. Келишилган шартномага биноан Мусо (а.с.) Шуайб (а.с.) қўйларини ўн йил боққанидан кейин унга Сафуро исмли қизини никоҳлаб беради.

Мусо (а.с.)га қизини берган киши Шуайб (а.с.) эмас, балки унинг биродари Байрун эди, деган тафсир ҳам бор (Бғ.).

۞ فَلَمَّا قَضَىٰ مُوسَى ٱلْأَجَلَ وَسَارَ بِأَهْلِهِۦٓ ءَانَسَ مِن جَانِبِ
ٱلطُّورِ نَارًا قَالَ لِأَهْلِهِ ٱمْكُثُوٓا۟ إِنِّىٓ ءَانَسْتُ نَارًا لَّعَلِّىٓ ءَاتِيكُم
مِّنْهَا بِخَبَرٍ أَوْ جَذْوَةٍ مِّنَ ٱلنَّارِ لَعَلَّكُمْ تَصْطَلُونَ
﴿٢٩﴾ فَلَمَّآ أَتَىٰهَا نُودِىَ مِن شَٰطِئِ ٱلْوَادِ ٱلْأَيْمَنِ فِى ٱلْبُقْعَةِ
ٱلْمُبَٰرَكَةِ مِنَ ٱلشَّجَرَةِ أَن يَٰمُوسَىٰٓ إِنِّىٓ أَنَا ٱللَّهُ رَبُّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٣٠﴾ وَأَنْ أَلْقِ عَصَاكَ فَلَمَّا رَءَاهَا تَهْتَزُّ كَأَنَّهَا
جَآنٌّ وَلَّىٰ مُدْبِرًا وَلَمْ يُعَقِّبْ يَٰمُوسَىٰٓ أَقْبِلْ وَلَا تَخَفْ إِنَّكَ
مِنَ ٱلْءَامِنِينَ ﴿٣١﴾ ٱسْلُكْ يَدَكَ فِى جَيْبِكَ تَخْرُجْ بَيْضَآءَ مِنْ
غَيْرِ سُوٓءٍ وَٱضْمُمْ إِلَيْكَ جَنَاحَكَ مِنَ ٱلرَّهْبِ فَذَٰنِكَ
بُرْهَٰنَانِ مِن رَّبِّكَ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِۦٓ إِنَّهُمْ كَانُوا۟
قَوْمًا فَٰسِقِينَ ﴿٣٢﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّى قَتَلْتُ مِنْهُمْ نَفْسًا فَأَخَافُ
أَن يَقْتُلُونِ ﴿٣٣﴾ وَأَخِى هَٰرُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّى لِسَانًا
فَأَرْسِلْهُ مَعِىَ رِدْءًا يُصَدِّقُنِىٓ إِنِّىٓ أَخَافُ أَن يُكَذِّبُونِ ﴿٣٤﴾
قَالَ سَنَشُدُّ عَضُدَكَ بِأَخِيكَ وَنَجْعَلُ لَكُمَا سُلْطَٰنًا فَلَا
يَصِلُونَ إِلَيْكُمَا بِـَٔايَٰتِنَآ أَنتُمَا وَمَنِ ٱتَّبَعَكُمَا ٱلْغَٰلِبُونَ ﴿٣٥﴾

29. Бас, қачонки, Мусо (келишилган) муддатни ўтаб, оиласи билан (Миср томон) йўлга тушгач, Тур (тоғи) тарафидан бир оловни кўриб қолди. У оиласига: «Сизлар (шу ерда) кутиб турингиз! Мен бир оловни кўриб қолдим. Шояд, сизларга бирор хабар ёки исиниб олишларингиз учун (у) оловдан чўғ олиб келсам», – деди.

30. Бас, унинг олдига етиб келгач, у муборак жойдаги водийнинг ўнг тарафидан – дарахтдан унга нидо қилинди: «Эй, Мусо! Мен (барча) оламларнинг Парвардигори – Аллоҳдирман.

31. Асойингни (ерга) ташла!» Бас, қачонки, (Мусо) уни илондек қимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. (Унга дейилди:) «Эй, Мусо, қайт ва қўрқма! Зеро, сен (хавфу-хатардан) омонликдаги кишилардандирсан.

32. Қўлингни қўйнингга тиққин, бирор ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қанотингни (яъни қўлингни) қўрққанингда (яна) қўйнингга тиқ (шунда у ўз ҳолига қайтур)!* Бас, шу иккиси (асо билан қўл) Раббинг томонидан Фиръавн ва унинг зодагонларига икки ҳужжатдир. Дарҳақиқат, улар фосиқлар қавми эди».

33. (Мусо) деди: «Эй, Раббим! Мен улардан (бўлмиш) бир жонни ўлдириб қўйганман. Бас, мени ўлдиришларидан қўрқурман.

34. Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурроқ*. Бас, уни ҳам мен билан бирга мени тасдиқлайдиган ёрдамчи қилиб юборгин. Чунки улар мени ёлғончи қилишларидан қўрқаман».

35. (Аллоҳ) айтди: «Биз сени биродаринг билан қувватлантирурмиз ва иккингиз учун салтанат (ғалаба ато) қилурмиз. Бас, улар сизларга (бирор) зиён етказа олмаслар. Бизнинг мўъжизаларимиз билан сизлар ҳам, сизларга эргашганлар ҳам ғолибдирлар».

32-оят. Аллоҳ таоло мазкур оятлар орқали Мусо (а.с.)га ато этган мўъжизалардан қандай фойдаланишни таълим бермоқда. Демак, ўнг қўлини чап қўлтиғи остига тиқиб чиқарса, оппоқ бўлиб чиқиб, тунда йўлни ёритиши мумкин. Агар бирор нарсадан қўрқса ҳам қўлини қўйнига ёки кўксига тиқса, қўрқинч босилиб, дили таскин топар экан. Ибн Аббос (рз.) айтади: “Мусо (а.с.) илондан қўрққанида қўрқувни бостириш учун Аллоҳ таоло қўлини кўксига босишга буюрган. Демак, у зотдан кейин ҳам кимки қўрққан пайтида шундай қилса хавф-хатар кетиб қалб таскин топади” (Мд. Хз.).

34-оят. Мусо (а.с.)нинг тили дудуқ эди. Бунинг сабаби – Фиръавн Мусонинг чақалоқлик пайтида қўлига олиб эркалаб турган чоғида Фиръавннинг соқолини юлиб олади. Шунда Фиръавн келажакда менинг қотилим шу экани маълум бўлди, деб уни қатл этишга чоғланганида хотини Осия ўртага тушиб, у ҳали чўғ билан дурни фарқини билмайдиган чақалоқ бўлса, деб ҳимоя қилади. Фиръавн уни синаш учун олдига чўғ билан дурни қўйганда у чўғни олиб оғзига солганида тили куйиб, дудуқ бўлиб қолган эди (Лс. ИК).

فَلَمَّا جَآءَهُم مُّوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَا بَيِّنَٰتٖ قَالُواْ مَا هَٰذَآ إِلَّا سِحۡرٞ
مُّفۡتَرٗى وَمَا سَمِعۡنَا بِهَٰذَا فِيٓ ءَابَآئِنَا ٱلۡأَوَّلِينَ ٣٦ وَقَالَ
مُوسَىٰ رَبِّيٓ أَعۡلَمُ بِمَن جَآءَ بِٱلۡهُدَىٰ مِنۡ عِندِهِۦ وَمَن تَكُونُ
لَهُۥ عَٰقِبَةُ ٱلدَّارِۚ إِنَّهُۥ لَا يُفۡلِحُ ٱلظَّٰلِمُونَ ٣٧ وَقَالَ فِرۡعَوۡنُ
يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡمَلَأُ مَا عَلِمۡتُ لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرِي فَأَوۡقِدۡ
لِي يَٰهَٰمَٰنُ عَلَى ٱلطِّينِ فَٱجۡعَل لِّي صَرۡحٗا لَّعَلِّيٓ أَطَّلِعُ إِلَىٰٓ
إِلَٰهِ مُوسَىٰ وَإِنِّي لَأَظُنُّهُۥ مِنَ ٱلۡكَٰذِبِينَ ٣٨ وَٱسۡتَكۡبَرَ
هُوَ وَجُنُودُهُۥ فِي ٱلۡأَرۡضِ بِغَيۡرِ ٱلۡحَقِّ وَظَنُّوٓاْ أَنَّهُمۡ إِلَيۡنَا
لَا يُرۡجَعُونَ ٣٩ فَأَخَذۡنَٰهُ وَجُنُودَهُۥ فَنَبَذۡنَٰهُمۡ فِي
ٱلۡيَمِّۖ فَٱنظُرۡ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلظَّٰلِمِينَ ٤٠
وَجَعَلۡنَٰهُمۡ أَئِمَّةٗ يَدۡعُونَ إِلَى ٱلنَّارِۖ وَيَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ
لَا يُنصَرُونَ ٤١ وَأَتۡبَعۡنَٰهُمۡ فِي هَٰذِهِ ٱلدُّنۡيَا لَعۡنَةٗۖ
وَيَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ هُم مِّنَ ٱلۡمَقۡبُوحِينَ ٤٢ وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا
مُوسَى ٱلۡكِتَٰبَ مِنۢ بَعۡدِ مَآ أَهۡلَكۡنَا ٱلۡقُرُونَ ٱلۡأُولَىٰ
بَصَآئِرَ لِلنَّاسِ وَهُدٗى وَرَحۡمَةٗ لَّعَلَّهُمۡ يَتَذَكَّرُونَ ٤٣

36. Бас, Мусо уларга Бизнинг аниқ мўъжизаларимизни келтиргач, улар: «Бу сеҳрдан бошқа нарса эмас. Бизлар бу нарсани ўтган ота-боболаримиз (замони)да бўлганини эшитган эмасмиз»,– дедилар.

37. Мусо айтди: «Раббим Ўзининг ҳузуридан кимга ҳидоят келтирганини ҳам, охират диёридаги оқибат кимга бўлишини ҳам жуда яхши билувчидир. Албатта, золимлар (охиратда) нажот топмаслар».

38. Фиръавн: «Эй, одамлар! Мен сизлар учун ўзимдан бошқа (бирор) илоҳни билмасман. Бас, эй, Ҳомон! Лойни пишириб, (ғишт қуйиб) мен учун бир баланд бурж (минора) бино қил! Шоядки, мен (унинг устига чиқиб) Мусонинг илоҳини кўрсам*. Мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман», – деди.

39. У (Фиръавн) ва унинг лашкарлари ер юзида ноҳақ кибрландилар ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар.

40. Бас, Биз уни ва лашкарларини тутдик-да, денгизга ташладик. Бас, золимларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!*

41. Уларни дўзахга чорлайдиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат кунида ҳам уларга (ҳеч ким томонидан) ёрдам берилмас.

42. Биз бу дунёда уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунида ҳам улар қабиҳ (бахтсиз) кимсалардандирлар.

43. Биз аввалги авлодларни (куфрлари сабабли) ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат бўлган Китоб (Тавротни) ато этдик. Шояд, улар (уни ўқиб, илоҳий ўгитлардан) эслатма олсалар.

38-оят. Муқотил (рҳ.)сўзига кўра, тарихда биринчи бўлиб лойни оловда куйдириб пишиқ ғишт тайёрлашни бошлаб берган одам Фиръавн бўлган экан. Яъни унинг ўзи ихтирочи олим бўлмаса-да, ўша пайтда ривожланган турли касб эгаларини ишга жалб этган (Мд. Лс.).

Фиръавннинг вазири Ҳомон эллик минг қурувчи чорлаб, баланд минора қурдиради. Қурилишда пишиқ ғишт, ёғоч, мих, ганж каби қурилиш воситаларидан фойдаланадилар. Осмонўпар минора битгач, бир арғумоққа миниб унинг чўққисига кўтарилиб чиқади ва камондан осмонга қараб ўқ отади. Аллоҳ унинг ғурури ва гумроҳлиги янада ошаверсин деб, отган ўқини қонга бўяб туширади. Буни кўриб, Фиръавн: "Мусонинг худосини отиб ўлдирдим", – деб жар солади. Сўнгра қуёш ботгач, Аллоҳнинг амрига биноан Жаброил (а.с.) келиб, қанотлари билан минорани уриб, уч бўлак қилиб ташлайди. Бир бўлаги Фиръавн аскари устига тушиб, кўпчилик қисмини ҳалок қилади. Иккинчи бўлаги денгизга, учинчиси эса, мағрибга бориб тушади (Бғ).

40-оят. Бу ерда Фиръавн ўз лашкари билан Мусо (а.с.) ортидан бориб, тўқнашиш арафасида сувга ғарқ бўлгани қайд этилмоқда.

وَمَا كُنتَ بِجَانِبِ ٱلْغَرْبِيِّ إِذْ قَضَيْنَآ إِلَىٰ مُوسَى ٱلْأَمْرَ وَمَا كُنتَ
مِنَ ٱلشَّـٰهِدِينَ ﴿٤٤﴾ وَلَـٰكِنَّآ أَنشَأْنَا قُرُونًا فَتَطَاوَلَ عَلَيْهِمُ
ٱلْعُمُرُ ۚ وَمَا كُنتَ ثَاوِيًا فِىٓ أَهْلِ مَدْيَنَ تَتْلُوا۟ عَلَيْهِمْ
ءَايَـٰتِنَا وَلَـٰكِنَّا كُنَّا مُرْسِلِينَ ﴿٤٥﴾ وَمَا كُنتَ بِجَانِبِ
ٱلطُّورِ إِذْ نَادَيْنَا وَلَـٰكِن رَّحْمَةً مِّن رَّبِّكَ لِتُنذِرَ قَوْمًا
مَّآ أَتَىٰهُم مِّن نَّذِيرٍ مِّن قَبْلِكَ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٤٦﴾
وَلَوْلَآ أَن تُصِيبَهُم مُّصِيبَةٌۢ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ فَيَقُولُوا۟
رَبَّنَا لَوْلَآ أَرْسَلْتَ إِلَيْنَا رَسُولًا فَنَتَّبِعَ ءَايَـٰتِكَ وَنَكُونَ
مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾ فَلَمَّا جَآءَهُمُ ٱلْحَقُّ مِنْ عِندِنَا قَالُوا۟
لَوْلَآ أُوتِىَ مِثْلَ مَآ أُوتِىَ مُوسَىٰٓ ۚ أَوَلَمْ يَكْفُرُوا۟ بِمَآ أُوتِىَ
مُوسَىٰ مِن قَبْلُ ۖ قَالُوا۟ سِحْرَانِ تَظَـٰهَرَا وَقَالُوٓا۟ إِنَّا بِكُلٍّ كَـٰفِرُونَ
﴿٤٨﴾ قُلْ فَأْتُوا۟ بِكِتَـٰبٍ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ هُوَ أَهْدَىٰ مِنْهُمَآ أَتَّبِعْهُ
إِن كُنتُمْ صَـٰدِقِينَ ﴿٤٩﴾ فَإِن لَّمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَكَ فَٱعْلَمْ
أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَآءَهُمْ ۚ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنِ ٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ بِغَيْرِ
هُدًى مِّنَ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ ﴿٥٠﴾

44. (Эй, Муҳаммад!) Биз Мусога ишни (гаплашиш ва нажотни) ҳукм қилган пайтда Сиз (Тур тоғининг) ғарб томонида (Биз билан Мусо ваъдалашган жойда)* бўлмагансиз ва гувоҳлардан ҳам эмас эдингиз.

45. Лекин Биз (Мусодан сўнг, кўп) авлодларни пайдо қилдик, бас, уларга умр (замон) чўзилиб кетди. Сиз Мадян аҳли орасида турувчи ҳам, уларга оятларимизни тиловат қилувчи ҳам бўлмагансиз. Лекин Биз (Сизни) пайғамбар қилиб юборувчи бўлдик.

46. Биз (Мусога) нидо қилган пайтда Сиз Турнинг ёнида бўлмагансиз*. Лекин Раббингиз (томони)дан раҳмат сифатида Сиздан илгари бирор огоҳлантирувчи келмаган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун (пайғамбар қилиндингиз). Шояд, (улар) эслатма олсалар.

47. Борди-ю, уларга ўз қилмишлари сабабли бирор мусибат етганида: «Парвардигоро, бизларга пайғамбар юборганингда эди, Сенинг оятларингга эргашар ва имон келтирувчилардан бўлур эдик», – дейишмаганда (Биз Сизни уларга пайғамбар қилиб юбормас эдик).

48. Бас, қачонки, уларга Бизнинг ҳузуримиздан барҳақ (пайғамбар) келгач эса, улар: «Унга (яъни Муҳаммадга) ҳам худди Мусога берилган нарса (мўъжиза) берилганида эди (бизлар унга эргашган бўлардик)»,– дедилар. Ахир, улар илгари Мусога берилган нарса (мўъжиза)ни ҳам инкор қилмаганмидилар?! Улар: «(Таврот ва Қуръон) бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган икки сеҳрдир»,– дедилар ва: «Бизлар (бу икки китобнинг) ҳар бирига кофирдирмиз»,– дедилар.

49. Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, Аллоҳ ҳузуридан у икки (Китоб)дан кўра тўғрироқ бўлган бирор китоб келтирингиз, мен унга эргашайин!

50. Бас, агар улар Сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки, улар фақат ҳавойи нафсларигагина эргашурлар. Аллоҳ (томони)дан ҳидоят қилинмаган ҳолда ўз ҳавойи нафсига эргашган кимсадан кўра ким ҳам адашганроқдир?! Албатта, Аллоҳ (ширк аҳлидан иборат) золимлар қавмини* ҳидоят этмас.

44-оят. Тур тоғи ҳозирги Миср ҳудудига кирувчи Синай ярим оролидаги тоғ. Шу ердаги махсус жойда Мусо (а.с.) Аллоҳ таоло билан гаплашган ва илоҳий битикларни қабул қилиб олган.

46-оят. Ваҳб (рҳ.) сўзига кўра, Мусо (а.с.) Тур тоғида Аллоҳдан Муҳаммад (а.с.)нинг умматини кўрсатишни сўраган. Аллоҳ уларни кўрсатмаса-да, овозларини эшиттиришини айтади ва “Эй, Муҳаммад уммати!”, – деб нидо қилади. Мусо (а.с.)нинг қулоғига “Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк. Ло шарика лак” деган овоз эшитилади... (Хз.).

Абу Ҳурайра (рз.) сўзига кўра, оятдаги “нидо” – Аллоҳнинг Муҳаммад (а.с.) умматига қарата “Дуо қилмасингиздан олдин ижобат қилдим, сўрамасингиздан олдин ато этдим”, – деган нидосидир (Нс. Лс.).

50-оят. Қуръонда “зулм” сўзи баъзан ширк маъносида келади.

۞ وَلَقَدۡ وَصَّلۡنَا لَهُمُ ٱلۡقَوۡلَ لَعَلَّهُمۡ يَتَذَكَّرُونَ ٥١ ٱلَّذِينَ
ءَاتَيۡنَٰهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ مِن قَبۡلِهِۦ هُم بِهِۦ يُؤۡمِنُونَ ٥٢ وَإِذَا يُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡ
قَالُوٓاْ ءَامَنَّا بِهِۦٓ إِنَّهُ ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّنَآ إِنَّا كُنَّا مِن قَبۡلِهِۦ مُسۡلِمِينَ ٥٣
أُوْلَٰٓئِكَ يُؤۡتَوۡنَ أَجۡرَهُم مَّرَّتَيۡنِ بِمَا صَبَرُواْ وَيَدۡرَءُونَ بِٱلۡحَسَنَةِ
ٱلسَّيِّئَةَ وَمِمَّا رَزَقۡنَٰهُمۡ يُنفِقُونَ ٥٤ وَإِذَا سَمِعُواْ ٱللَّغۡوَ
أَعۡرَضُواْ عَنۡهُ وَقَالُواْ لَنَآ أَعۡمَٰلُنَا وَلَكُمۡ أَعۡمَٰلُكُمۡ سَلَٰمٌ عَلَيۡكُمۡ
لَا نَبۡتَغِي ٱلۡجَٰهِلِينَ ٥٥ إِنَّكَ لَا تَهۡدِي مَنۡ أَحۡبَبۡتَ وَلَٰكِنَّ
ٱللَّهَ يَهۡدِي مَن يَشَآءُۚ وَهُوَ أَعۡلَمُ بِٱلۡمُهۡتَدِينَ ٥٦ وَقَالُوٓاْ إِن
نَّتَّبِعِ ٱلۡهُدَىٰ مَعَكَ نُتَخَطَّفۡ مِنۡ أَرۡضِنَآۚ أَوَلَمۡ نُمَكِّن لَّهُمۡ
حَرَمًا ءَامِنٗا يُجۡبَىٰٓ إِلَيۡهِ ثَمَرَٰتُ كُلِّ شَيۡءٖ رِّزۡقٗا مِّن لَّدُنَّا وَلَٰكِنَّ
أَكۡثَرَهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ٥٧ وَكَمۡ أَهۡلَكۡنَا مِن قَرۡيَةِۭ
بَطِرَتۡ مَعِيشَتَهَاۖ فَتِلۡكَ مَسَٰكِنُهُمۡ لَمۡ تُسۡكَن مِّنۢ بَعۡدِهِمۡ
إِلَّا قَلِيلٗاۖ وَكُنَّا نَحۡنُ ٱلۡوَٰرِثِينَ ٥٨ وَمَا كَانَ رَبُّكَ مُهۡلِكَ
ٱلۡقُرَىٰ حَتَّىٰ يَبۡعَثَ فِيٓ أُمِّهَا رَسُولٗا يَتۡلُواْ عَلَيۡهِمۡ ءَايَٰتِنَاۚ وَمَا
كُنَّا مُهۡلِكِي ٱلۡقُرَىٰٓ إِلَّا وَأَهۡلُهَا ظَٰلِمُونَ ٥٩

51. Эслатма олсинлар деб уларга Сўзни (Қуръон оятларини) етказиб турдик.

52. Биз (Қуръондан) илгари Китоб (Таврот, Инжил) берган зотлар (яҳудий ва насронийлар) унга (Қуръон)га имон келтирурлар*.

53. Қачонки, уларга (Қуръон) тиловат қилинса: «Бизлар унга имон келтирдик. Албатта, у Раббимиз томонидан (келган) ҳақиқатдир. Бизлар (Қуръон нозил бўлишидан) илгари ҳам мусулмон эдик», – дерлар.

54. Ана ўша зотларга (имон йўлида) сабр қилганлари сабабли мукофотлари икки баробар ато этилур. Улар ёмонликни (яъни кофирларнинг озорларини) яхшилик (сабр) билан даф қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилурлар.

55. Қачонки, беҳуда гапни эшитсалар, ундан юз ўгирурлар ва: «Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир. Омон бўлингиз! Бизлар нодон кимсаларни истамаймиз», – дерлар.

56. (Эй, Муҳаммад!) Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топувчиларни яхши билувчидир.

57. Улар (Қурайш кофирлари): «(Эй, Муҳаммад!) Агар бизлар сен билан бирга тўғри йўлга эргашсак, еримизни олдириб қўямиз»,– дедилар. Ахир, Биз уларга осойишта Ҳарамни мақом қилиб бермадикми?! Барча нарсанинг ҳосиллари Бизнинг даргоҳимиздан ризқ бўлган ҳолда ўша жойга йиғилади-ку! Лекин уларнинг аксарияти (буни) билмаслар.

58. Биз қанчадан-қанча маишати ҳаддан ошган юртларни (яъни аҳолисини) ҳалок қилдик. Бас, масканларида улардан кейин камдан-кам истиқомат қилинди. (Уларнинг мулку диёрларига) Биз ворис бўлдик.

59. Раббингиз барча юртларнинг марказларига оятларимизни уларга тиловат қиладиган пайғамбар юбормагунича, у (юртлар)ни ҳалок қилувчи бўлмади. Биз юртларни фақат уларнинг аҳолиси золим (кофир) бўлгандагина ҳалок қилувчи бўлдик.

52-оят. Ушбу оятдан то 55-оятгача аҳли китобларнинг мўминлари тўғрисида сўз боради. Таврот ва Инжил китобларида охирги пайғамбар келиши ҳақида башорат берилган бўлиб, аҳли китобларнинг бир қисми Муҳаммад (а.с.) келмасларидан олдин унга имон келтириб, келганларидан кейин шу имонда собит қолган эдилар. Ибн Аббос (рз.) сўзига кўра, улар 40 та нажронлик насронийлар, 32 та ҳабашистонлик насронийлар, 8 та Шомдан келиб, имон келтирган яҳудийлардир. Ҳадисга кўра, уларга янги пайғамбар келгунга қадар ўз пайғамбарларига, сўнгра Муҳаммад (а.с.)га имон келтирганлари учун икки ҳисса ажр ёзилади (Лс. Хз. Абс.).

وَمَآ أُوتِيتُم مِّن شَيْءٍ فَمَتَٰعُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَزِينَتُهَا ۚ وَمَا عِندَ
ٱللَّهِ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰٓ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٠﴾ أَفَمَن وَعَدْنَٰهُ وَعْدًا حَسَنًا
فَهُوَ لَٰقِيهِ كَمَن مَّتَّعْنَٰهُ مَتَٰعَ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ثُمَّ هُوَ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ
مِنَ ٱلْمُحْضَرِينَ ﴿٦١﴾ وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ فَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ
كُنتُمْ تَزْعُمُونَ ﴿٦٢﴾ قَالَ ٱلَّذِينَ حَقَّ عَلَيْهِمُ ٱلْقَوْلُ رَبَّنَا هَٰٓؤُلَآءِ
ٱلَّذِينَ أَغْوَيْنَآ أَغْوَيْنَٰهُمْ كَمَا غَوَيْنَا ۖ تَبَرَّأْنَآ إِلَيْكَ ۖ مَا كَانُوٓا۟ إِيَّانَا
يَعْبُدُونَ ﴿٦٣﴾ وَقِيلَ ٱدْعُوا۟ شُرَكَآءَكُمْ فَدَعَوْهُمْ فَلَمْ يَسْتَجِيبُوا۟
لَهُمْ وَرَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ ۚ لَوْ أَنَّهُمْ كَانُوا۟ يَهْتَدُونَ ﴿٦٤﴾ وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ
فَيَقُولُ مَاذَآ أَجَبْتُمُ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٦٥﴾ فَعَمِيَتْ عَلَيْهِمُ ٱلْأَنۢبَآءُ
يَوْمَئِذٍ فَهُمْ لَا يَتَسَآءَلُونَ ﴿٦٦﴾ فَأَمَّا مَن تَابَ وَءَامَنَ وَعَمِلَ
صَٰلِحًا فَعَسَىٰٓ أَن يَكُونَ مِنَ ٱلْمُفْلِحِينَ ﴿٦٧﴾ وَرَبُّكَ
يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ وَيَخْتَارُ ۗ مَا كَانَ لَهُمُ ٱلْخِيَرَةُ ۚ سُبْحَٰنَ
ٱللَّهِ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٨﴾ وَرَبُّكَ يَعْلَمُ مَا تُكِنُّ
صُدُورُهُمْ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٦٩﴾ وَهُوَ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ لَهُ
ٱلْحَمْدُ فِى ٱلْأُولَىٰ وَٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَلَهُ ٱلْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٧٠﴾

60. Сизларга нима берилган бўлса фақат дунё ҳаётининг мато ва зийнатларидир. Аллоҳ ҳузуридаги (мукофот) эса яхшироқ ва боқийроқдир. Ахир, ақл юргизмайсизми?!*

61. Ахир, Биз гўзал ваъда (жаннат)ни ваъда қилган ва унга эришган киши, Биз дунё ҳаёти матосидан озгина фойдалантирган, сўнгра қиёмат кунида (мангу азобга) ҳозир қилинувчи кимса каби бўлурми?!*

62. (Эсланг, Аллоҳ қиёмат куни) уларга нидо қилур: «Сизлар (бор деб) эътиқод қилиб юрган «шерикларим» қани?!»

63. Устиларидан (азоб ҳақидаги) лафз муқаррар бўлган кимсалар: «Эй, Раббимиз! Ана у бизлар йўлдан оздирган кимсаларни ҳам худди ўзимиз озган каби йўлдан оздиргандик. Бизлар Сенга (айбдор эмас) бегуноҳдирмиз. Улар бизга ибодат қилувчи бўлмаганлар», – дерлар.

64. Уларга: «Ширкларингизни (ёрдамга) чорлангиз!»,– дейилур, уларга илтижо қилганларида (улар) жавоб қилмаслар ва улар азобни кўрганларида кошки эди, (дунёда) ҳидоят топган бўлсак (дерлар).

65. (Аллоҳ) уларга нидо қилиб: «Пайғамбарларимга не жавоб қилган эдингиз?», – дейдиган кунда,

66. ўша кунда уларга хабарлар (бирорта баҳона ва сабаб) кўринмай қолур, бас, бирбирларидан ҳам сўрай олмаслар.

67. Бас, ким (шу дунёда) тавба қилиб, имон келтириб, солиҳ амал қилган бўлса, шоядки, (у) нажот топувчилардан бўлса.

68. Раббингиз ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур*. Уларда (бандаларида) ихтиёр йўқдир. Аллоҳ уларнинг (келтираётган) ширкларидан пок ва юксакдир.

69. Раббингиз уларнинг диллари яширган нарсаларини (сирларини) ҳам, ошкор қилган нарсаларини (сўзларини) ҳам билур.

70. У Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Аввалу охирда (яъни дунё ва охиратда) ҳамд фақат Унга хосдир. Ҳукм ҳам Уникидир ва (қиёмат куни) Унгагина қайтарилурсиз.

60-оят. Оят охирида таъкид билан фоний дунёдан кўра, охират яхши экани тўғрисида ақлни ишлатишга тарғиб этилмокда. Шунинг учун донолар: “Охиратни дунёдан устун қўймаган одам ақлсиздир”, – деганлар (Хз.).

61-оят. Бу оятдаги тенг бўлмайдиган икки кишидан бири Муҳаммад (а.с.), иккинчиси, яъни қиёматда мангу азобга маҳкум бўлувчи кимса Абу Жаҳл ибн Ҳишом ёки Амир Ҳамза билан Ҳазрат Али (рз.)лар ҳамда уларнинг муқобилида Абу Жаҳлдир, деган тафсирлар бор (Тб.).

68-оят. Яъни барча ихтиёр хоҳиш ва ирода Аллоҳга хосдир. Банданинг ихтиёри ва хоҳиши Аллоҳнинг ирода ва хоҳишидан асло устун бўлмайди (Мд.).

قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِن جَعَلَ ٱللَّهُ عَلَيْكُمُ ٱلَّيْلَ سَرْمَدًا إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ
مَنْ إِلَٰهٌ غَيْرُ ٱللَّهِ يَأْتِيكُم بِضِيَآءٍ ۖ أَفَلَا تَسْمَعُونَ ﴿٧١﴾
قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِن جَعَلَ ٱللَّهُ عَلَيْكُمُ ٱلنَّهَارَ سَرْمَدًا إِلَىٰ
يَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ مَنْ إِلَٰهٌ غَيْرُ ٱللَّهِ يَأْتِيكُم بِلَيْلٍ تَسْكُنُونَ
فِيهِ ۖ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٧٢﴾ وَمِن رَّحْمَتِهِۦ جَعَلَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ
وَٱلنَّهَارَ لِتَسْكُنُوا۟ فِيهِ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ
﴿٧٣﴾ وَيَوْمَ يُنَادِيهِمْ فَيَقُولُ أَيْنَ شُرَكَآءِىَ ٱلَّذِينَ كُنتُمْ
تَزْعُمُونَ ﴿٧٤﴾ وَنَزَعْنَا مِن كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا فَقُلْنَا
هَاتُوا۟ بُرْهَٰنَكُمْ فَعَلِمُوٓا۟ أَنَّ ٱلْحَقَّ لِلَّهِ وَضَلَّ عَنْهُم مَّا كَانُوا۟
يَفْتَرُونَ ﴿٧٥﴾ ۞ إِنَّ قَٰرُونَ كَانَ مِن قَوْمِ مُوسَىٰ فَبَغَىٰ
عَلَيْهِمْ ۖ وَءَاتَيْنَٰهُ مِنَ ٱلْكُنُوزِ مَآ إِنَّ مَفَاتِحَهُۥ لَتَنُوٓأُ بِٱلْعُصْبَةِ
أُو۟لِى ٱلْقُوَّةِ إِذْ قَالَ لَهُۥ قَوْمُهُۥ لَا تَفْرَحْ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْفَرِحِينَ
﴿٧٦﴾ وَٱبْتَغِ فِيمَآ ءَاتَىٰكَ ٱللَّهُ ٱلدَّارَ ٱلْءَاخِرَةَ ۖ وَلَا تَنسَ
نَصِيبَكَ مِنَ ٱلدُّنْيَا ۖ وَأَحْسِن كَمَآ أَحْسَنَ ٱللَّهُ إِلَيْكَ ۖ
وَلَا تَبْغِ ٱلْفَسَادَ فِى ٱلْأَرْضِ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٧٧﴾

71. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар Аллоҳ кечани қиёмат кунигача устингизда мангу қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси «илоҳ» сизларга бирор ёруғлик келтира олур?! Ахир, эшитмайсизми?!»*

72. Айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар Аллоҳ кундузни қиёмат кунигача устингизда мангу қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси «илоҳ» сизларга таскин топадиган кечани келтира олур?! Ахир, кўрмайсизларми?!

73. (Аллоҳнинг) сизлар учун кеча ва кундузни унда (яъни кечада) ором олишингиз, (кундузи эса) Унинг фазли (ризқи)дан исташингиз ва шукр қилишингиз учун пайдо қилиб қўйгани Унинг раҳматидандир.

74. (Эсланг, Аллоҳ қиёмат кунида) уларга нидо қилиб: «Сизлар (бор деб) гумон қилиб юрган «шерикларим» қани?!», – дер.

75. Биз (у кунда) ҳар бир умматдан бир гувоҳни (пайғамбарни) чиқариб, (келтирган ширкларингизга) ҳужжатларингизни келтирингиз-чи», – деймиз. Бас, улар ҳақиқат Аллоҳ томонда эканини биладилар ва ўзлари тўқиб олганлари («худолари») эса, (номаълум томонга) улардан ғойиб бўлур.

76. Албатта, Қорун* Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавм)ларга кибр қилди. Биз хазиналардан унга калитлари бақувват жамоатга ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавми унга: «Мағрурланмагин! Чунки, Аллоҳ мағрурланувчиларни суймас.

77. Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама! Чунки, Аллоҳ бузғунчиларни суймас», – дедилар.

71-оят. Аллоҳ таолонинг бу дунёда қоронғу кечани ва ёруғ кунни яратиб, у иккисини ўрин алмашиб турадиган қилиб қўйганида инсонлар учун жуда катта манфаат бор. Шундай бўлишини инсоннинг яшаши, ишлаши, ижод қилиши, шу билан бирга дам олиб куч-қувватини тиклаб олиши учун бўлган зарурат тақозо этади. Аммо жаннатда чарчаш, меҳнат, машаққат каби туйғулар бўлмагани учун қоронғу кечага ҳам эҳтиёж бўлмайди. Шунинг учун у ерда доимий ёруғлик ҳукм суради (Хз.).

76-оят. Қорун Мусо (а.с.)га амакивачча эди. Тавротни яхши ўқиб, ўрганган бўлса-да, Сомирийга ўхшаб мунофиқ, ҳасадгўй ва мутакаббир эди. Бойлиги шу қадар беҳисоб эдики, хазиналарининг калитлари олтмишта хачирга юк бўлар эди. Кейинги оятларда унинг тақдири нима билан якун топгани ҳақида ибратли маълумотларни ўқиймиз (Мд.).

Қорун кимё илмини ҳаммадан яхши билган. Айтишларича, мисдан тилла, қўрғошиндан кумуш ясаш сирларини билгани учун хазиналари кўпайиб кетган.

78. (У:) «Мен унга фақат ўзимдаги билим сабаблигина эришдим»,– *деди**. Ахир, у ўзидан аввал Аллоҳ ундан кўра қувватлироқ ва захираси ҳам кўпроқ (қанчадан-қанча) авлодларни ҳалок қилганини билмаганми?! Жиноятчилардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас!

79. Сўнгра (Қорун) қавми олдига ясаниб чиққан эди, дунё ҳаётини истайдиган кимсалар: «Эҳ, қани эди, бизларда ҳам Қорунга ато этилган нарса (бойлик) бўлса. Дарҳақиқат, у улкан насиба эгасидир», – *дедилар*.

80. Илм ато этилган кишилар (руҳонийлар) эса: «Ўлим келсин сизларга! Имон келтирган ва эзгу иш қилган киши учун Аллоҳнинг савоби яхшироқ-ку! У (савоб)га фақат сабрли кишиларгина эришурлар», – *дедилар*.

81. Бас, Биз уни ҳам, (бойлик тўла) масканини ҳам ерга юттирдик*. Сўнгра унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирор жамоа бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади.

82. Куни кеча унинг мақомини орзу қилганлар: «Во ажаб! Аллоҳ бандаларидан ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилиб, (Ўзи хоҳлаганларининг ризқини) танг қилар эканда! Агар Аллоҳ бизларга марҳамат қилмаганида, бизларни ҳам (ерга) юттирган бўлур эди. Во ажаб! Кофирлар нажот топмас экан-да!», – *деб қолдилар*.

83. Биз ўша (сизларга маълум) охират диёрини ер юзида зулм ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун яратурмиз. Оқибат эса, тақволи кишиларникидир.

قَالَ إِنَّمَآ أُوتِيتُهُۥ عَلَىٰ عِلْمٍ عِندِىٓ ۚ أَوَلَمْ يَعْلَمْ أَنَّ ٱللَّهَ قَدْ أَهْلَكَ
مِن قَبْلِهِۦ مِنَ ٱلْقُرُونِ مَنْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُ قُوَّةً وَأَكْثَرُ جَمْعًا ۚ
وَلَا يُسْـَٔلُ عَن ذُنُوبِهِمُ ٱلْمُجْرِمُونَ ﴿٧٨﴾ فَخَرَجَ عَلَىٰ قَوْمِهِۦ
فِى زِينَتِهِۦ ۖ قَالَ ٱلَّذِينَ يُرِيدُونَ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا يَـٰلَيْتَ لَنَا
مِثْلَ مَآ أُوتِىَ قَـٰرُونُ إِنَّهُۥ لَذُو حَظٍّ عَظِيمٍ ﴿٧٩﴾ وَقَالَ
ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ وَيْلَكُمْ ثَوَابُ ٱللَّهِ خَيْرٌ لِّمَنْ ءَامَنَ
وَعَمِلَ صَـٰلِحًا ۚ وَلَا يُلَقَّىٰهَآ إِلَّا ٱلصَّـٰبِرُونَ ﴿٨٠﴾ فَخَسَفْنَا
بِهِۦ وَبِدَارِهِ ٱلْأَرْضَ فَمَا كَانَ لَهُۥ مِن فِئَةٍ يَنصُرُونَهُۥ مِن دُونِ
ٱللَّهِ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُنتَصِرِينَ ﴿٨١﴾ وَأَصْبَحَ ٱلَّذِينَ تَمَنَّوْا۟
مَكَانَهُۥ بِٱلْأَمْسِ يَقُولُونَ وَيْكَأَنَّ ٱللَّهَ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن
يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ وَيَقْدِرُ ۖ لَوْلَآ أَن مَّنَّ ٱللَّهُ عَلَيْنَا لَخَسَفَ بِنَا ۖ
وَيْكَأَنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلْكَـٰفِرُونَ ﴿٨٢﴾ تِلْكَ ٱلدَّارُ ٱلْـَٔاخِرَةُ نَجْعَلُهَا
لِلَّذِينَ لَا يُرِيدُونَ عُلُوًّا فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا فَسَادًا ۚ وَٱلْعَـٰقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ
﴿٨٣﴾ مَن جَآءَ بِٱلْحَسَنَةِ فَلَهُۥ خَيْرٌ مِّنْهَا ۖ وَمَن جَآءَ بِٱلسَّيِّئَةِ فَلَا
يُجْزَى ٱلَّذِينَ عَمِلُوا۟ ٱلسَّيِّـَٔاتِ إِلَّا مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٨٤﴾

84. Ким савобли амал билан келса, бас, унинг учун ундан яхшироқ (мукофот) бўлур. Ким гуноҳ билан келса, бас, гуноҳларни қилган кимсалар фақат ўзлари қилган қилмишлари баробаридагина жазоланурлар.

78-оят. Қоруннинг бадавлат бўлишига Аллоҳ сабаб қилган илм қай бири экани хусусида баъзи тафсирда Тавротни яхши билиши дейилса, бошқасида у пухта билган кимё илми, деб ёзилган. Иккинчи тафсир ҳақиқатга яқинроқдир.

81-оят. Ёзилишича, Мусо (а.с.) Қорунга бойлигидан закот беришни таклиф этади. Ҳар минг динордан бир динор, минг дирҳамдан бир дирҳам бериш кераклигини эшитиб, Қорун бахиллик қилади ва закотни беришдан бош тортибгина қолмай бошқа бойларни ҳам Мусо (а.с.)га қарши қайраб, туҳмат уюштиради. Бир фоҳиша аёлни ёллаб, Мусо (а.с.)ни шарманда қилмоқчи бўлишади. Лекин аёл пайғамбар ҳузурида тўғрисини гапириб бергач, Мусо (а.с.) дарғазаб бўлиб, Аллоҳдан Қорунга жазо сўрайди. Аллоҳ қандай жазо беришни Мусо (а.с.) ихтиёрига ҳавола қилади. У ерга уни ютишни буюради. Тиззасигача ютганда Қорун Мусо (а.с.)га ёлборишни бошлайди. Сўнгра елкасигача, охири бутунлай ерга ботиб кетади. Шунда Аллоҳ Мусо (а.с.)-га: “Қорун сенга уч бор ялинди, кечирмадинг. Мен бир марта ялинганни кечираман”, – деди. Одамлар Мусо (а.с.) Қоруннинг бойлигини олиш учун ўлдирди дейишгач, хазиналарини ҳам ер ютишини сўрайди (Мд.).

إِنَّ ٱلَّذِى فَرَضَ عَلَيْكَ ٱلْقُرْءَانَ لَرَآدُّكَ إِلَىٰ مَعَادٍ قُل رَّبِّىٓ
أَعْلَمُ مَن جَآءَ بِٱلْهُدَىٰ وَمَنْ هُوَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٨٥﴾ وَمَا كُنتَ
تَرْجُوٓا۟ أَن يُلْقَىٰٓ إِلَيْكَ ٱلْكِتَٰبُ إِلَّا رَحْمَةً مِّن رَّبِّكَ
فَلَا تَكُونَنَّ ظَهِيرًا لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٨٦﴾ وَلَا يَصُدُّنَّكَ عَنْ ءَايَٰتِ
ٱللَّهِ بَعْدَ إِذْ أُنزِلَتْ إِلَيْكَ وَٱدْعُ إِلَىٰ رَبِّكَ وَلَا تَكُونَنَّ مِنَ
ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٨٧﴾ وَلَا تَدْعُ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا
هُوَ كُلُّ شَىْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُۥ لَهُ ٱلْحُكْمُ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٨٨﴾

ترتيبها ٢٩ — سُورَةُ ٱلْعَنكَبُوتِ — آياتها ٦٩

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓمٓ ﴿١﴾ أَحَسِبَ ٱلنَّاسُ أَن يُتْرَكُوٓا۟ أَن يَقُولُوٓا۟ ءَامَنَّا وَهُمْ لَا
يُفْتَنُونَ ﴿٢﴾ وَلَقَدْ فَتَنَّا ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ
صَدَقُوا۟ وَلَيَعْلَمَنَّ ٱلْكَٰذِبِينَ ﴿٣﴾ أَمْ حَسِبَ ٱلَّذِينَ يَعْمَلُونَ
ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن يَسْبِقُونَا سَآءَ مَا يَحْكُمُونَ ﴿٤﴾ مَن كَانَ يَرْجُوا۟
لِقَآءَ ٱللَّهِ فَإِنَّ أَجَلَ ٱللَّهِ لَءَاتٍ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٥﴾ وَمَن
جَٰهَدَ فَإِنَّمَا يُجَٰهِدُ لِنَفْسِهِۦٓ إِنَّ ٱللَّهَ لَغَنِىٌّ عَنِ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦﴾

85. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Сизга (ушбу) Қуръонни фарз қилган* зот, шак-шубҳасиз, Сизни қайтиш жойига (Маккага) қайтарувчидир. (Мушрикларга) айтинг: «Раббим ҳидоят билан келган кишиларни ҳам, аниқ залолатдаги кимсаларни ҳам яхши билувчидир».

86. Сиз ўзингизга Китоб (Қуръон) туширилишидан умидвор ҳам эмасдингиз. Фақат Раббингиз (томони)дан раҳмат сифатида (у нозил қилинди). Бас, кофирларга сира (динларини ёқлаб) ҳимоячи бўлманг!

87. Сизга Аллоҳнинг оятлари нозил қилинганидан сўнг зинҳор улар Сизга тўсқинлик қилмасин! Сиз (одамларни) Раббингизга (имон келтириб, солиҳ амалларни қилишга) чорланг ва сира мушриклардан бўлманг!

88. Аллоҳга қўшиб бошқа «илоҳ»га илтижо қилманг! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг «юзи»дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир. Ҳукм Уникидир ва (барчангиз) Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз.

Анкабут сураси

Маккада нозил қилинган. 69 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Мим.

2. Одамлар: «Имон келтирдик», – дейишлари билангина, синалмаган ҳолларида қолдириладилар, деб ўйладиларми?!

3. Биз улардан олдинги (имонли) кишиларни синаган эдик-ку! Бас, (шу синов билан ва усиз ҳам) албатта, Аллоҳ (имонда) содиқ кишиларни билур ва (шунингдек,) ёлғончиларни ҳам аниқ билур.

4. Ёки ёвуз ишларни қиладиган кимсалар Биздан ўзиб кетишни (қутулишни) ўйлайдиларми?! Нақадар ёмон ҳукм чиқарадилар!

5. Кимки Аллоҳга юзма-юз бўлишдан умидвор бўлса, бас, Аллоҳнинг (белгилаган) фурсати, албатта, келувчидир. У эшитувчи ва билувчи зотдир.

6. Ким жиҳод қилса, фақат ўзи учун жиҳод қилур. Зеро, Аллоҳ (барча) оламлардан беҳожатдир*.

85-оят. Қуръонни фарз қилгани – уни тиловат қилишни, ҳукмига амал қилишни ва уни умматга етказишни Пайғамбарнинг зиммасига фарз қилганидир. Маккага қайтиш эса, ҳижратдан кейинги орзуларидан бири эди.

29. АНКАБУТ СУРАСИ

Анкабут – ўргимчак, тортанак.

Сурада ўзлари ясаган бут ва санамларга ўзлари сиғинувчи мушриклар ўзи тўқиган тўрига ишониб яшовчи ўргимчакка ўхшатилади. Шунингдек, унда имон-эътиқодли ва яхши одамлар бошига синов учун кўпроқ мусибатлар тушиши, пайғамбарларга етган азиятлар ва бошқа маълумотлар мавжуд.

6-оят. Жиҳод ҳақида “Тавба” сураси, 88-оятига қаралсин.

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَنُكَفِّرَنَّ عَنْهُمْ سَيِّـَٔاتِهِمْ
وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَحْسَنَ ٱلَّذِى كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٧﴾ وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ
بِوَٰلِدَيْهِ حُسْنًا ۖ وَإِن جَٰهَدَاكَ لِتُشْرِكَ بِى مَا لَيْسَ لَكَ بِهِۦ عِلْمٌ
فَلَا تُطِعْهُمَآ ۚ إِلَىَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾
وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ فِى ٱلصَّٰلِحِينَ
﴿٩﴾ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَقُولُ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ فَإِذَآ أُوذِىَ فِى ٱللَّهِ جَعَلَ
فِتْنَةَ ٱلنَّاسِ كَعَذَابِ ٱللَّهِ وَلَئِن جَآءَ نَصْرٌ مِّن رَّبِّكَ لَيَقُولُنَّ
إِنَّا كُنَّا مَعَكُمْ ۚ أَوَلَيْسَ ٱللَّهُ بِأَعْلَمَ بِمَا فِى صُدُورِ ٱلْعَٰلَمِينَ
﴿١٠﴾ وَلَيَعْلَمَنَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَلَيَعْلَمَنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ
﴿١١﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّبِعُوا۟ سَبِيلَنَا
وَلْنَحْمِلْ خَطَٰيَٰكُمْ وَمَا هُم بِحَٰمِلِينَ مِنْ خَطَٰيَٰهُم مِّن
شَىْءٍ ۖ إِنَّهُمْ لَكَٰذِبُونَ ﴿١٢﴾ وَلَيَحْمِلُنَّ أَثْقَالَهُمْ وَأَثْقَالًا
مَّعَ أَثْقَالِهِمْ ۖ وَلَيُسْـَٔلُنَّ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ عَمَّا كَانُوا۟ يَفْتَرُونَ
﴿١٣﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِۦ فَلَبِثَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ
إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا فَأَخَذَهُمُ ٱلطُّوفَانُ وَهُمْ ظَٰلِمُونَ ﴿١٤﴾

7. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларнинг гуноҳларини, албатта, ўчирурмиз ва уларни қилиб ўтган чиройли амаллари билан мукофотлагаймиз.

8. Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. (Аммо) агар улар сен билмаган нарсаларни (сохта маъбудаларни) Менга шерик қилишингга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин!* (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас, Мен (ўшанда) сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берурман.

9. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни, албатта, солиҳ бандалар (қатори)га киритурмиз.

10. Одамлар орасида шундай кимсалар (ҳам) борки, ўзлари: «Аллоҳга имон келтирдик», – дейди-да, сўнг Аллоҳ (йўли)да озорланса, одамларнинг (бу) фитналарини Аллоҳнинг азобидек билур. Қасамки, агар Раббингиз (томони)дан ғалаба келса, шубҳасиз улар: «Албатта, бизлар сизлар билан бирга эдик», – дерлар. Ахир, Аллоҳ (барча) оламларнинг дилларидаги нарсаларни яхши билувчи эмасми?!

11. Албатта, Аллоҳ имон келтирганларни ҳам, мунофиқларни ҳам яхши билур.

12. Кофир бўлганлар имон келтирганларга: «Сизлар бизларнинг йўлимизга эргашингиз, гуноҳларингизни биз кўтарурмиз»,– дейдилар. Ҳолбуки, уларнинг гуноҳларидан бирор нарсани кўтара олувчи эмасдирлар. Албатта, улар ёлғончидирлар.

13. Албатта, улар ўзларининг юк (гуноҳ)ларини ҳам, у юклари билан бирга (бошқа) юкларни ҳам кўтарурлар ва албатта, қиёмат кунида ўзлари тўқиб олган (ёлғон)лари тўғрисида сўралурлар.

14. Биз Нуҳни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди*. Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди.

8-оят. Саъд ибн Аби Ваққос ёки Саъд ибн Молик (рз.) хусусида нозил бўлган оят. Саъд (рз.)нинг отаси имон келтирган, лекин онаси мушрика бўлиб, ўғли исломдан ширкка қайтмагунча ўлсам ҳам емайман ва ичмайман, ўлсам сени одамлар онасининг қотили, деб маломат қилишади, деб икки кунни очликда ўтказади. Саъд (рз.) айтади: “Эй, она! Агар юзта жонинг бўлиб, юз марта ўлсанг ҳам исломдан воз кечиб ширкка қайтмайман”, – дегач, онаси ундан ҳафсаласи совиб, очликни тарк этган. Саъд (рз.) Расул (а.с.) ҳузурларига бориб, онасидан шикоят қилганида, унга жавобан ушбу ва “Луқмон” сураси, 14-ояти билан, “Аҳқоф” сураси, 15-ояти нозил бўлиб, уларда ота-она агар ширк, куфр, гуноҳ ишларга буюрса, уларга итоат қилинмайди. Лекин улар билан яхши муомалада бўлиб, силаи раҳмни узмаслик лозимлиги айтилади (Мд. Хз. ИК).

14-оят. Бу 950 йил турди, дегандан таъсирлироқдир.

فَأَنجَيۡنَٰهُ وَأَصۡحَٰبَ ٱلسَّفِينَةِ وَجَعَلۡنَٰهَآ ءَايَةٗ لِّلۡعَٰلَمِينَ
١٥ وَإِبۡرَٰهِيمَ إِذۡ قَالَ لِقَوۡمِهِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ وَٱتَّقُوهُۖ ذَٰلِكُمۡ
خَيۡرٞ لَّكُمۡ إِن كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ ١٦ إِنَّمَا تَعۡبُدُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِ أَوۡثَٰنٗا وَتَخۡلُقُونَ إِفۡكًاۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ تَعۡبُدُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِ لَا يَمۡلِكُونَ لَكُمۡ رِزۡقٗا فَٱبۡتَغُواْ عِندَ ٱللَّهِ ٱلرِّزۡقَ
وَٱعۡبُدُوهُ وَٱشۡكُرُواْ لَهُۥٓۖ إِلَيۡهِ تُرۡجَعُونَ ١٧ وَإِن تُكَذِّبُواْ
فَقَدۡ كَذَّبَ أُمَمٞ مِّن قَبۡلِكُمۡۖ وَمَا عَلَى ٱلرَّسُولِ إِلَّا ٱلۡبَلَٰغُ
ٱلۡمُبِينُ ١٨ أَوَلَمۡ يَرَوۡاْ كَيۡفَ يُبۡدِئُ ٱللَّهُ ٱلۡخَلۡقَ ثُمَّ
يُعِيدُهُۥٓۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٞ ١٩ قُلۡ سِيرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ
فَٱنظُرُواْ كَيۡفَ بَدَأَ ٱلۡخَلۡقَۚ ثُمَّ ٱللَّهُ يُنشِئُ ٱلنَّشۡأَةَ ٱلۡأٓخِرَةَۚ
إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ٢٠ يُعَذِّبُ مَن يَشَآءُ وَيَرۡحَمُ
مَن يَشَآءُۖ وَإِلَيۡهِ تُقۡلَبُونَ ٢١ وَمَآ أَنتُم بِمُعۡجِزِينَ فِي
ٱلۡأَرۡضِ وَلَا فِي ٱلسَّمَآءِۖ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِن وَلِيّٖ
وَلَا نَصِيرٖ ٢٢ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَلِقَآئِهِۦٓ
أُوْلَٰٓئِكَ يَئِسُواْ مِن رَّحۡمَتِي وَأُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ٢٣

15. Сўнгра Биз унга (Нуҳга) ва кемадаги ҳамроҳларига (тўфон балосидан) нажот бердик* ва уни (барча) оламларга ибрат қилиб қўйдик.

16. Иброҳимни (эсланг), у ўз қавмига деган эди: «Аллоҳга ибодат қилингиз ва Ундан қўрқингиз! Агар билувчи бўлсангиз, мана шу ишингиз сизлар учун яхшироқдир.

17. Сизлар Аллоҳни қўйиб фақат бутларга ибодат қилмоқдасиз ва (уларни илоҳлар деб) ёлғон тўқимоқдасиз. Аниқки, сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсалар сизларга ризқ беришга қодир эмаслар. Бас, (шундай экан) сизлар ризқни Аллоҳ даргоҳидан истангиз ва Унгагина ибодат қилингиз ва Унга шукр қилингиз! Сизлар (охиратда) Унгагина қайтарилурсизлар.

18. Агар сизлар (мени) ёлғончига чиқарсангиз, бас, сизлардан аввалги умматлар ҳам (ўз пайғамбарларини) ёлғончига чиқаргандирлар. Пайғамбар зиммасида эса, фақат (Аллоҳнинг буйруқларини бандаларига) аниқ етказиш бордир, холос».

19. Ахир, улар Аллоҳ қандай қилиб илк бор (йўқдан) яратиб, сўнгра (қиёмат кунида) У ўша (яратган нарсаси)ни қайтаришини (ўйлаб) кўрмадиларми?! Албатта, бу Аллоҳга осондир.

20. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Ерда сайр қилиб, (Аллоҳ) қандай қилиб яратишни бошлаганини кўрингиз! Сўнгра Аллоҳ (қиёматда) иккинчи (марта) пайдо қилур*. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир.

21. (Аллоҳ) хоҳлаган кимсаларни азоблар ва хоҳлаган кишиларига раҳм қилур. (Охиратда) Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз.

22. Сизлар на ерда ва на осмонда (ҳеч кимни) ожиз қолдирувчи эмасдирсиз. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга (бирор) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир».

23. Аллоҳнинг оятларини ва У билан мулоқотда бўлишни инкор қилган кимсалар, айнан ўшалар Менинг раҳматимдан ноумид (маҳрум) кимсалардир ва улар учун (қилмишлари туфайли қиёматда) аламли азоб бордир.

15-оят. Кемада Нуҳ (а.с.)нинг уч ўғли – Сом, Ҳом, Ёфас ва уларнинг хотинлари билан қўшиб ҳисоблаганда 78 киши бўлиб, уларнинг ярми эркак, ярми аёллар эди (Мд.).

Уларнинг адади 10 та ёки 80 та эди, деган ривоят ҳам бор.

20-оят. Аллоҳнинг биринчи марта пайдо қилгани маълум. Қиёматда иккинчи марта пайдо қилиши аввалгисидан фарқ қилади. Зеро, биринчи бўлиб Аллоҳ айрим мавжудотларни йўқдан бор этиб яратган. Сўнгра уларнинг айримларидан бошқа нарсаларни яратган. Аммо охиратда айрим нарсаларни йўқдан яратса-да, инсонларни чириб кетган суякларидан тортиб барча аъзоларини қайтадан, йўқдан эмас, балки аслини қайта тиклаш, дунёдаги ҳолига келтириш йўли билан яратади (Мд. Ақ.).

فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِۦٓ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ ٱقْتُلُوهُ أَوْ حَرِّقُوهُ
فَأَنجَىٰهُ ٱللَّهُ مِنَ ٱلنَّارِ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ
﴿٢٤﴾ وَقَالَ إِنَّمَا ٱتَّخَذْتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ أَوْثَـٰنًا مَّوَدَّةَ بَيْنِكُمْ
فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ ثُمَّ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ يَكْفُرُ بَعْضُكُم
بِبَعْضٍ وَيَلْعَنُ بَعْضُكُم بَعْضًا وَمَأْوَىٰكُمُ ٱلنَّارُ
وَمَا لَكُم مِّن نَّـٰصِرِينَ ﴿٢٥﴾ ۞ فَـَٔامَنَ لَهُۥ لُوطٌ ۘ وَقَالَ
إِنِّى مُهَاجِرٌ إِلَىٰ رَبِّىٓ ۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢٦﴾ وَوَهَبْنَا
لَهُۥٓ إِسْحَـٰقَ وَيَعْقُوبَ وَجَعَلْنَا فِى ذُرِّيَّتِهِ ٱلنُّبُوَّةَ وَٱلْكِتَـٰبَ
وَءَاتَيْنَـٰهُ أَجْرَهُۥ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ وَإِنَّهُۥ فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّـٰلِحِينَ
﴿٢٧﴾ وَلُوطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِۦٓ إِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلْفَـٰحِشَةَ
مَا سَبَقَكُم بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِّنَ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٢٨﴾
أَئِنَّكُمْ لَتَأْتُونَ ٱلرِّجَالَ وَتَقْطَعُونَ ٱلسَّبِيلَ وَتَأْتُونَ
فِى نَادِيكُمُ ٱلْمُنكَرَ ۖ فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِۦٓ إِلَّآ
أَن قَالُوا۟ ٱئْتِنَا بِعَذَابِ ٱللَّهِ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّـٰدِقِينَ
﴿٢٩﴾ قَالَ رَبِّ ٱنصُرْنِى عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْمُفْسِدِينَ ﴿٣٠﴾

24. Бас, (Иброҳимга) қавмининг жавоби фақат: «Уни ўлдирингиз ёки ёқиб юборингиз!», – дейишлари бўлди. Сўнгра Аллоҳ унга оловдан нажот берди. Албатта, бунда имон келтирадиган қавм учун ибратлар бордир.

25. (Иброҳим) айтди: «Сизлар фақат дунё ҳаётидаги ўзаро дўстлашишингизни кўзлаб, Аллоҳни қўйиб, бутларни тутдингиз. Сўнгра қиёмат кунида баъзиларингиз (пешволарингиз) баъзиларингиздан (эргашувчилардан) тонур, баъзиларингиз баъзиларингизни лаънатлар. Борар жойингиз дўзахдир. (У жойда) сизлар учун ёрдам берувчилар йўқдир».

26. Бас, *Лут* унга имон келтирди*. (Иброҳим) айтди: «Албатта, мен Раббим (буюрган томон)-га ҳижрат қилувчидирман*. Албатта, Унинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат эгасидир».

27. Биз унга Исҳоқ ва (набираси) Яъқубни ато этдик ҳамда пайғамбарликни ва (самовий) китоб(лар)ни унинг зурриётига (хос) қилдик* ва унга шу дунёда ҳам мукофотини бердик, албатта, у охиратда ҳам солиҳ зотлардандир.

28. *Лут* ўз қавмига: «Албатта, сизлар шундай фаҳш ишни қилмоқдасизки, сизлардан олдин оламлардан ҳеч ким уни қилмаган эди.

29. Ҳақиқатан ҳам сизлар (хотинларингизни қўйиб) эркакларга боришингиз, қароқчилик қилишингиз, мажлисгоҳларингизда ёмон ишлар қилишингиз ростми?!» – деган эди*. Бас, (*Лут*) қавмининг жавоби: «Агар сен ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга Аллоҳнинг азобини келтир!», – дейишлари бўлди, холос.

30. (Шунда) у айтди: «Эй, Раббим! Бу бузғунчилар қавми устидан Ўзинг мени ғолиб қил!»

26-оят. Иброҳим (а.с.)ни оловга ташлаганларида ёниб кетмасдан омон қолганини кўриб, Лут (а.с.) биринчи бўлиб, унинг барҳақ пайғамбарлигини тасдиқ этиб, имон келтирган. Лут (а.с.) Иброҳим (а.с.)нинг Ҳорон исмли акасининг ўғли эди (Мд.).

* Иброҳим (а.с.) она юрти – Ироқнинг Кусо қишлоғидан Намруд оловидан омонда қолганидан кейин хотини – Сора ва бошқа ўзига қарашли кишилар билан Лут (а.с.) ҳамроҳлигида Ҳаррон шаҳрига, ундан Фаластинга ҳижрат қилиб кўчиб бориб яшаган. Лут (а.с.) эса, Садум деган қишлокда истиқомат қилган (Мд. Хз.).

27-оят. Иброҳим (а.с.)дан кейинги барча пайғамбарлар унинг наслидан бўлгани учун у зот "Абул-Анбиё", яъни "Пайғамбарлар отаси" деб ҳам аталади. Бу ерда Исмоил (а.с.)нинг номи айтилмагани у зотнинг номи шундай ҳам машҳур бўлганидандир (Мд. Хз. Қз.).

29-оят. Лут (а.с.)нинг қавми баччабозликдан ташқари яна маънавий бузуқлик ва одобсизликнинг барча турларини қилар эдилар. Пайғамбарга итоатсизлиги, куфр ва ширкда бўлишдан ташқари бу қавмнинг одоб-ахлокда ҳам ўта таназзулга тушгани сабабли Аллоҳ таоло уларни ҳалок этди.

Аллоҳ таоло бу каби ибратли қиссаларни Қуръонда баён этишининг сабаби – улар Муҳаммад (а.с.) умматим учун сабоқ манбаи бўлишини мақсад қилганидир.

وَلَمَّا جَآءَتْ رُسُلُنَآ إِبْرَٰهِيمَ بِٱلْبُشْرَىٰ قَالُوٓا۟ إِنَّا مُهْلِكُوٓا۟
أَهْلِ هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِ ۖ إِنَّ أَهْلَهَا كَانُوا۟ ظَٰلِمِينَ ﴿٣١﴾
قَالَ إِنَّ فِيهَا لُوطًا ۚ قَالُوا۟ نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَن فِيهَا ۖ لَنُنَجِّيَنَّهُۥ
وَأَهْلَهُۥٓ إِلَّا ٱمْرَأَتَهُۥ كَانَتْ مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٣٢﴾ وَلَمَّآ
أَن جَآءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِىٓءَ بِهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا
وَقَالُوا۟ لَا تَخَفْ وَلَا تَحْزَنْ ۖ إِنَّا مُنَجُّوكَ وَأَهْلَكَ إِلَّا ٱمْرَأَتَكَ
كَانَتْ مِنَ ٱلْغَٰبِرِينَ ﴿٣٣﴾ إِنَّا مُنزِلُونَ عَلَىٰٓ أَهْلِ
هَٰذِهِ ٱلْقَرْيَةِ رِجْزًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ بِمَا كَانُوا۟ يَفْسُقُونَ
﴿٣٤﴾ وَلَقَد تَّرَكْنَا مِنْهَآ ءَايَةًۢ بَيِّنَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ
﴿٣٥﴾ وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا فَقَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟
ٱللَّهَ وَٱرْجُوا۟ ٱلْيَوْمَ ٱلْءَاخِرَ وَلَا تَعْثَوْا۟ فِى ٱلْأَرْضِ مُفْسِدِينَ
﴿٣٦﴾ فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَتْهُمُ ٱلرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا۟ فِى
دَارِهِمْ جَٰثِمِينَ ﴿٣٧﴾ وَعَادًا وَثَمُودَا۟ وَقَد تَّبَيَّنَ
لَكُم مِّن مَّسَٰكِنِهِمْ ۖ وَزَيَّنَ لَهُمُ ٱلشَّيْطَٰنُ
أَعْمَٰلَهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ ٱلسَّبِيلِ وَكَانُوا۟ مُسْتَبْصِرِينَ ﴿٣٨﴾

31. Элчиларимиз (фаришталар) Иброҳимга (фарзанд кўриши ҳақидаги) хушхабарни келтиришгач, айтдилар: «Албатта, бизлар мана шу (Садум номли) қишлоқ аҳлини ҳалок қилувчидирмиз. Чунки, унинг аҳолиси золимдирлар».

32. (Иброҳим): «Ахир, у ерда Лут бор-ку?», – деди. Улар айтдилар: «Биз у жойда ким борлигини билувчироқдирмиз. Албатта, бизлар уни (Лутни) ва аҳлини қутқарурмиз. Илло, унинг хотини (кофир бўлгани сабабли) қолувчи (ҳалок бўлувчи)лардандир».

33. Элчиларимиз Лутнинг олдига келганларида, у бундан ёмон ҳолатга тушди ва улар туфайли юраги сиқилди*. Улар дедилар: «Қўрқма ва ғам чекма! Албатта, бизлар сенга ва аҳлингга нажот берувчилардирмиз. Магар хотининг қолувчи (ҳалок бўлувчи)лардандир».

34. Биз фосиқ (фаҳш ишларни қилувчи) бўлганлари учун бу қишлоқ аҳли устига осмондан азоб (тош) ёғдирувчидирмиз.

35. Биз ақл юргизадиган қавмга (ибрат учун) у (қишлоқ)дан аниқ асорат қолдирганмиз*.

36. Мадян (қавми)га ўз биродарлари Шуайбни (пайғамбар қилдик). Бас, у айтди: «Эй, қавмим! Аллоҳга ибодат қилингиз ва охират кунидан умидвор бўлингиз ҳамда Ер (юзи)да бузғунчилик қилиб юрмангиз!»

37. Улар (Шуайбни) ёлғончига чиқаришгач, уларни даҳшатли зилзила тутиб, турган жойларида мурдага айландилар.

38. Од ва Самуд* (қабилаларини ҳам ҳалок қилдик). (Бу) сизларга уларнинг (харобага айланган) масканларидан кўриниб турибди. Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (ҳақ) йўлдан тўсди. Ҳолбуки, улар ақл-идрокли кишилар эди.

33-оят. Лут (а.с.) ҳузурига чиройли, барно йигитлар қиёфасида келган фаришталарни кўриб, ёмон ҳолатга тушганининг сабаби – уларни танимай, қавмим уларни ўзларининг ахлоқсизлиги билан хафа қилиб қўяди, деб хавотирга тушган эди. Фаришталар икки вазифа билан келган эдилар. Биринчиси, Иброҳим (а.с.)га фарзанд кўриши ҳақидаги хушхабарни етказиш, иккинчиси, Лут (а.с.) қавмини ҳалок қилиш (Мд.).

35-оят. Ҳалокатга учраган Садум қишлоғидан Муҳаммад (а.с.)гача сақланиб қолган асорат нима экани хусусида бир неча хил ривоятлар бор. Масалан, харобага айланган масканларининг қолдиқлари; қишлоқ ўрнида пайдо бўлган қора рангли сув кўли; осмондан ёғилган тошларнинг қолдиқлари; Қуръонда ва тилларда айтилиб келинаётган улар ҳақидаги ибратли қиссалар (Мд. Қз. Ас.).

38-оят. Бу икки қабила Яман диёрининг машҳур қабилаларидан бўлиб, Од қабиласига Ҳуд (а.с.), Самуд қабиласига Солиҳ (а.с.) пайғамбар қилиб юборилган эдилар.

وَقَٰرُونَ وَفِرۡعَوۡنَ وَهَٰمَٰنَۖ وَلَقَدۡ جَآءَهُم مُّوسَىٰ
بِٱلۡبَيِّنَٰتِ فَٱسۡتَكۡبَرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَمَا كَانُواْ سَٰبِقِينَ
٣٩ فَكُلًّا أَخَذۡنَا بِذَنۢبِهِۦۖ فَمِنۡهُم مَّنۡ أَرۡسَلۡنَا عَلَيۡهِ حَاصِبٗا
وَمِنۡهُم مَّنۡ أَخَذَتۡهُ ٱلصَّيۡحَةُ وَمِنۡهُم مَّنۡ خَسَفۡنَا بِهِ
ٱلۡأَرۡضَ وَمِنۡهُم مَّنۡ أَغۡرَقۡنَاۚ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظۡلِمَهُمۡ
وَلَٰكِن كَانُوٓاْ أَنفُسَهُمۡ يَظۡلِمُونَ ٤٠ مَثَلُ ٱلَّذِينَ
ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَوۡلِيَآءَ كَمَثَلِ ٱلۡعَنكَبُوتِ
ٱتَّخَذَتۡ بَيۡتٗاۖ وَإِنَّ أَوۡهَنَ ٱلۡبُيُوتِ لَبَيۡتُ ٱلۡعَنكَبُوتِۖ
لَوۡ كَانُواْ يَعۡلَمُونَ ٤١ إِنَّ ٱللَّهَ يَعۡلَمُ مَا يَدۡعُونَ مِن
دُونِهِۦ مِن شَيۡءٖۚ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٤٢ وَتِلۡكَ
ٱلۡأَمۡثَٰلُ نَضۡرِبُهَا لِلنَّاسِۖ وَمَا يَعۡقِلُهَآ إِلَّا ٱلۡعَٰلِمُونَ
٤٣ خَلَقَ ٱللَّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ بِٱلۡحَقِّۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ
لَأٓيَةٗ لِّلۡمُؤۡمِنِينَ ٤٤ ٱتۡلُ مَآ أُوحِيَ إِلَيۡكَ مِنَ ٱلۡكِتَٰبِ
وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَۖ إِنَّ ٱلصَّلَوٰةَ تَنۡهَىٰ عَنِ ٱلۡفَحۡشَآءِ
وَٱلۡمُنكَرِۗ وَلَذِكۡرُ ٱللَّهِ أَكۡبَرُۗ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ مَا تَصۡنَعُونَ ٤٥

39. Қорун, Фиръавн ва Ҳомонни* ҳам (ҳалок қилдик). Мусо уларга (пайғамбар эканига) ҳужжатларни келтирганида, улар ер (юзи)да кибрҳаво қилдилар ва (лекин Аллоҳдан) ўзиб кетувчи бўлмадилар.

40. Биз (уларнинг) ҳар бирини ўз гуноҳи билан тутдик. Бас, уларнинг орасида Биз устига тош ёғдирганлар ҳам, улар орасида даҳшатли қичқириқ тутганлар ҳам, улар орасида Биз ерга юттирганлар ва улар орасида Биз (сувга) чўктирган кимсалар ҳам бордир*. Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм қилувчи бўлдилар.

41. Аллоҳдан ўзгаларни дўст тутган кимсаларнинг мисоли худди ин қуриб олган ўргимчакка ўхшайди. Зотан, инларнинг энг нимжони, албатта, ўргимчак инидир, агар билсалар*.

42. Албатта, Аллоҳ уларнинг Уни қўйиб, илтижо қилишаётган нарсаларини билур. У қудрат ва ҳикмат эгасидир.

43. Ушбу мисолларни Биз одамлар (ибрат олишлари) учун айтурмиз. (Лекин) уларни фақат олимларгина англагайлар*.

44. Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳикмат билан яратгандир. Албатта, бунда (ҳикмат ва қудрат яратишида) мўминлар учун аломат бордир.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ПОРА

45. (Эй, Муҳаммад!) Китоб (Қуръон)дан Сизга ваҳий қилинган нарсани тиловат қилинг ва намозни баркамол адо этинг! Албатта, намоз фаҳш ва ёмон ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри (барча нарсадан) улуғдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур.

39-оят. Ҳомон – Фиръавнга баланд минора қуриб берган итоаткор вазири.

40-оят. Устига тош ёғдирилиб, ҳалок бўлган қавм – Лут (а.с.)-нинг қавми. Даҳшатли қичқириқ тутган қавм – Мадян ва Самуд қавми. Ер ютган кимса – Қорун. Сувга ғарқ бўлганлар – Нуҳ (а.с.) қавми.

41-оят. Мушрикларнинг сиғинадиган бут ва санамлари ўргимчакнинг инига ўхшатилмоқда. Унинг ини на совуқдан, на иссиқдан, на офатлардан сақлайди. Сохта маъбудалар ҳам ўзларига сиғинувчиларни ҳеч қандай офатдан сақламайди ва фойдаси ҳам тегмайди. Аммо ўргимчакнинг бут ва санамлардан афзал томонлари кўп. Масалан, ўргимчак ўзи қурган уйидан ов қилиш мақсадида фойдаланади. Мушриклар эса, бут ва санамлардан фойдаланиш у ёқда турсин, аксинча, зарар қиладилар. Бу дунёда бузуқ ақида, ботил амаллар билан азиз умрни ўтказиш билан зарар кўрсалар, охиратда Аллоҳнинг ширк аҳлига берадиган азоб-уқубати билан зарар кўрувчилардан бўлурлар.

43-оят. Ушбу оятга кўра, Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига қилган насиҳатларини ва ўзининг қудрати ва ҳикмати беқиёс экани тўғрисидаги ақлий далилларни фақат тафаккур этувчи олимларгина тўғри ва яхши англайдилар.

۞ وَلَا تُجَٰدِلُوٓاْ أَهۡلَ ٱلۡكِتَٰبِ إِلَّا بِٱلَّتِي هِيَ أَحۡسَنُ إِلَّا
ٱلَّذِينَ ظَلَمُواْ مِنۡهُمۡۖ وَقُولُوٓاْ ءَامَنَّا بِٱلَّذِيٓ أُنزِلَ إِلَيۡنَا وَأُنزِلَ
إِلَيۡكُمۡ وَإِلَٰهُنَا وَإِلَٰهُكُمۡ وَٰحِدٞ وَنَحۡنُ لَهُۥ مُسۡلِمُونَ ٤٦
وَكَذَٰلِكَ أَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ ٱلۡكِتَٰبَۚ فَٱلَّذِينَ ءَاتَيۡنَٰهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ
يُؤۡمِنُونَ بِهِۦۖ وَمِنۡ هَٰٓؤُلَآءِ مَن يُؤۡمِنُ بِهِۦۚ وَمَا يَجۡحَدُ بِـَٔايَٰتِنَآ
إِلَّا ٱلۡكَٰفِرُونَ ٤٧ وَمَا كُنتَ تَتۡلُواْ مِن قَبۡلِهِۦ مِن كِتَٰبٖ
وَلَا تَخُطُّهُۥ بِيَمِينِكَۖ إِذٗا لَّٱرۡتَابَ ٱلۡمُبۡطِلُونَ ٤٨ بَلۡ هُوَ
ءَايَٰتُۢ بَيِّنَٰتٞ فِي صُدُورِ ٱلَّذِينَ أُوتُواْ ٱلۡعِلۡمَۚ وَمَا يَجۡحَدُ
بِـَٔايَٰتِنَآ إِلَّا ٱلظَّٰلِمُونَ ٤٩ وَقَالُواْ لَوۡلَآ أُنزِلَ عَلَيۡهِ
ءَايَٰتٞ مِّن رَّبِّهِۦۖ قُلۡ إِنَّمَا ٱلۡأٓيَٰتُ عِندَ ٱللَّهِ وَإِنَّمَآ أَنَا۠ نَذِيرٞ
مُّبِينٌ ٥٠ أَوَلَمۡ يَكۡفِهِمۡ أَنَّآ أَنزَلۡنَا عَلَيۡكَ ٱلۡكِتَٰبَ
يُتۡلَىٰ عَلَيۡهِمۡۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَرَحۡمَةٗ وَذِكۡرَىٰ لِقَوۡمٖ
يُؤۡمِنُونَ ٥١ قُلۡ كَفَىٰ بِٱللَّهِ بَيۡنِي وَبَيۡنَكُمۡ شَهِيدٗاۖ
يَعۡلَمُ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۗ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
بِٱلۡبَٰطِلِ وَكَفَرُواْ بِٱللَّهِ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡخَٰسِرُونَ ٥٢

46. (Эй, мўминлар!) Сизлар аҳли китоблар билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилингиз*, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустастнодирлар. Шунингдек, айтингиз: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам имон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бирдир ва бизлар Унгагина (имон ва итоат билан) бўйин сунувчимиз».

47. (Эй, Муҳаммад!) Шунингдек, Сизга Китоб (Қуръон) нозил қилдик. Бас, Биз Китоб (Таврот ва Инжил) ато этган кишилар ҳам унга (Қуръонга) имон келтирурлар. Ана улар (Макка аҳли ораси)да ҳам унга имон келтирадиган кишилар бордир. Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор қилурлар.

48. Сиз илгари бирор китобни тиловат қилувчи эмас эдингиз ва қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда бузғунчилар, албатта, шубҳага тушган бўлур эдилар*.

49. Йўқ, у (Қуръон) илм берилган зотларнинг дилларидаги аниқ оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор қилурлар.

50. Улар (кофирлар): «Унга (Муҳаммадга) ҳам Парвардигори томонидан мўъжизалар тушганида эди», – дедилар. Айтинг: «Мўъжизалар Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен эса, (сизларни) аниқ огоҳлантирувчиман, холос».

51. Ахир, уларга тиловат қилинаётган (шу) Китобни Биз Сизга нозил қилганимиз улар учун етарли эмасми?! Албатта, бу (Китоб)да имон келтирадиган қавм учун раҳмат (мўъжиза) ва эслатма бордир.

52. Айтинг: «Аллоҳ мен билан сизларнинг ўртангизда етарли гувоҳдир. У осмонлар ва Ердаги бор нарсани билур. Ботил нарсага (бут ва санамларга) имон келтириб, Аллоҳга кофир бўлганлар – ана ўшалар (охиратда) зиён кўрувчиларнинг ўзидирлар!»

46-оят. Оятнинг далолат қилишига кўра, мўминларга кофирлар ва аҳли китоблар билан дин хусусида баҳс-мунозара қилиш жоиздир. Шунингдек, оятдан калом илми билан шуғулланишнинг жоиз экани ҳам маълум бўлади. Зеро, ҳар қандай илмий мунозара фақат калом илми билангина ҳосил бўлади (Мд.). Мунозара пайтида сабр-тоқат, бағрикенглик қилиш талаб этилади. Лекин улар Аллоҳга фарзанд нисбатини берсалар ёки Аллоҳга ботил сифатларни нисбат берсалар, уларга, албатта, тегишли раддия билан жавоб қилиш керак бўлади (Мд. Ас.).
Аҳли китоблар билан мушрикларнинг ўртасидаги фарқ шуки, мушрикларда Аллоҳ ва пайғамбарларга нисбатан умуман имон йўқ. Аммо аҳли китоблар Аллоҳга, пайғамбарларга, охиратга, китобларга имон келтирадилар. Фақат Муҳаммад (а.с.) ва Қуръонга имон келтирмайдилар.
48-оят. Улар: "Муҳаммад Қуръонни ўзи тўқиб ёзаётир", – деб шубҳа қилишган бўларди.

53. Улар Сиздан азобни тезлатишни талаб қилмоқдалар. Агар белгиланган муддат (қиёмат куни) бўлмаса эди, албатта, уларга (дарҳол) азоб келган бўлур эди. (Келганда ҳам) албатта, улар сезмаган ҳолларида тўсатдан келур.

54. Улар Сиздан азобни тезлатишни талаб қилмоқдалар. Албатта, жаҳаннам кофирларни (ўз қаърига) қамраб олувчидир.

55. У кунда азоб уларнинг устиларидан ҳам, оёқларининг остидан ҳам ўраб олур ва (Аллоҳ) айтур: «Дунёда қилган гуноҳ ишларингизнинг жазосини тотингиз!»

56. Эй, имон келтирган бандаларим! Албатта, Менинг Ерим кенгдир*. Бас, Менгагина (имон, ихлос билан) ибодат қилингиз!

57. Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир. Сўнгра (қиёмат куни) Бизга қайтарилурсиз*.

58. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни, албатта, жаннатда остидан анҳорлар оқиб турадиган кўшкларга жойлаштирурмиз. Улар у ерда мангу қолурлар. (Яхши) амал қилувчиларнинг (қиёмат куни оладиган) мукофоти нақадар яхшидир!

59. Улар сабр қилган ва ёлғиз Парвардигорларигагина таваккул қиладиган зотлардир.

60. Ўз ризқини кўтара (топа) олмайдиган қанчалаб жонзотлар бор. Аллоҳ уларга ҳам, сизларга ҳам (ўз хазинасидан турли йўллар билан) ризқ берур. У эшитувчи ва билувчидир.

61. Қасамки, агар Сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни яратган, қуёш ва ойни (тоатига) бўйин сундирган зот ким?», – деб сўрасангиз, албатта, улар: «Аллоҳ», – дерлар. Бас, (шундай экан), қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!

وَيَسْتَعْجِلُونَكَ بِالْعَذَابِ وَلَوْلَا أَجَلٌ مُسَمًّى لَجَاءَهُمُ الْعَذَابُ
وَلَيَأْتِيَنَّهُمْ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٣﴾ يَسْتَعْجِلُونَكَ بِالْعَذَابِ
وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمُحِيطَةٌ بِالْكَافِرِينَ ﴿٥٤﴾ يَوْمَ يَغْشَاهُمُ الْعَذَابُ
مِنْ فَوْقِهِمْ وَمِنْ تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ وَيَقُولُ ذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ
﴿٥٥﴾ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ أَرْضِي وَاسِعَةٌ فَإِيَّايَ فَاعْبُدُونِ
﴿٥٦﴾ كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ ثُمَّ إِلَيْنَا تُرْجَعُونَ ﴿٥٧﴾ وَالَّذِينَ
آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُبَوِّئَنَّهُمْ مِنَ الْجَنَّةِ غُرَفًا تَجْرِي
مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا نِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ ﴿٥٨﴾ الَّذِينَ
صَبَرُوا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٥٩﴾ وَكَأَيِّنْ مِنْ دَابَّةٍ لَا تَحْمِلُ
رِزْقَهَا اللَّهُ يَرْزُقُهَا وَإِيَّاكُمْ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٦٠﴾ وَلَئِنْ
سَأَلْتَهُمْ مَنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ
لَيَقُولُنَّ اللَّهُ فَأَنَّىٰ يُؤْفَكُونَ ﴿٦١﴾ اللَّهُ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ
عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ إِنَّ اللَّهَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿٦٢﴾ وَلَئِنْ سَأَلْتَهُمْ
مَنْ نَزَّلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ مِنْ بَعْدِ مَوْتِهَا
لَيَقُولُنَّ اللَّهُ قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٦٣﴾

62. Аллоҳ бандаларидан ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчидир.

63. Қасамки, агар Сиз улардан: «Осмондан сув (ёмғир) ёғдириб ерни «ўлганидан» сўнг «тирилтирган» зот ким?», – деб сўрасангиз, албатта, улар: «Аллоҳ», дерлар. Сиз (уларга): «Аллоҳга – ҳамд!»,– деб айтинг! Йўқ, уларнинг аксарияти ақл юргизмайдилар.

56-оят. Оятнинг нозил бўлиш сабаби – Макка мусулмонлари мушрикларнинг таъқиб ва қийновларидан тоқатлари тоқ бўлган пайтда Мадинага ҳижрат қилишга тарғиб қилиш эди. Ҳадисда: “Ким динини асраб қолиш мақсадида бир қарич бўлса ҳам кўчса, ўзига жаннатни муқаррар қилиб олган бўлур”, – дейилган (Мд. Хз.).

57-оят. Ҳар бир жон эртами, кечми ўлим аччиғини тотиши аниқ эканига ишонч ҳосил қилган оқил инсон бу фоний дунёни эмас, боқий дунёни кўпроқ эслайди. Оят давомида қиёмат куни ҳар бир инсон Аллоҳ ҳузурида ҳисобот бериши таъкидланмоқда. Бу эса, ўша кунга пухта тайёргарлик кўришга ундайди.

وَمَا هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا لَهْوٌ وَلَعِبٌ ۚ وَإِنَّ ٱلدَّارَ ٱلْءَاخِرَةَ
لَهِىَ ٱلْحَيَوَانُ ۚ لَوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ﴿٦٤﴾ فَإِذَا رَكِبُوا۟ فِى
ٱلْفُلْكِ دَعَوُا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ فَلَمَّا نَجَّىٰهُمْ إِلَى ٱلْبَرِّ إِذَا
هُمْ يُشْرِكُونَ ﴿٦٥﴾ لِيَكْفُرُوا۟ بِمَآ ءَاتَيْنَٰهُمْ وَلِيَتَمَتَّعُوا۟ ۖ فَسَوْفَ
يَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا جَعَلْنَا حَرَمًا ءَامِنًا وَيُتَخَطَّفُ
ٱلنَّاسُ مِنْ حَوْلِهِمْ ۚ أَفَبِٱلْبَٰطِلِ يُؤْمِنُونَ وَبِنِعْمَةِ ٱللَّهِ يَكْفُرُونَ
﴿٦٧﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ بِٱلْحَقِّ
لَمَّا جَآءَهُۥٓ ۚ أَلَيْسَ فِى جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٦٨﴾ وَٱلَّذِينَ
جَٰهَدُوا۟ فِينَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبُلَنَا ۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ لَمَعَ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٦٩﴾

سُورَةُ ٱلرُّومِ — آيَاتُهَا ٦٠ — تَرْتِيبُهَا ٣٠

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓمٓ ﴿١﴾ غُلِبَتِ ٱلرُّومُ ﴿٢﴾ فِىٓ أَدْنَى ٱلْأَرْضِ وَهُم مِّنۢ بَعْدِ
غَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ ﴿٣﴾ فِى بِضْعِ سِنِينَ ۗ لِلَّهِ ٱلْأَمْرُ
مِن قَبْلُ وَمِنۢ بَعْدُ ۚ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿٤﴾
بِنَصْرِ ٱللَّهِ ۚ يَنصُرُ مَن يَشَآءُ ۖ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥﴾

64. Бу дунё ҳаёти фақат (озгина) ўйин-кулгидир. Агар улар билсалар, охират диёригина (ҳақиқий) ҳаёт (жойи)дир.

65. (Улар) кемага минганларида (ғарқ бўлишдан қўрқиб) Аллоҳга чин ихлос билан илтижо қилурлар. Бас, қачонки, (Аллоҳ уларни қуруқликка чиқариб) нажот берганида эса, бирданига улар (яна Аллоҳга) ширк келтирурлар.

66. (Ҳозирча) уларга ато этган (неъмат)ларимизга ношукурлик қилаверсинлар ва (шу дунёдаги ҳаётдан) «фойдаланиб» қолсинлар. Ҳали яқинда (ҳақиқатни) билиб олажаклар.

67. Улар ўзларининг атрофларидаги одамлар қирғинга учраб турган бир пайтда, Биз (Маккани) осойишта ҳарам қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Наҳотки, улар ботил (сохта маъбудалар)га имон келтириб, Аллоҳнинг неъмати (Ислом)ни инкор этсалар?!

68. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ҳақиқат (Қуръон) келган чоғда уни ёлғонга йўйган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?! Кофирлар учун жаҳаннамда жой бор эмасми?!

69. Бизнинг тўғримизда (йўлимизда) жиҳод (жидду жаҳд) қилганларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят этурмиз. Албатта, Аллоҳ эзгу иш қилувчилар билан биргадир!

Рум сураси

Маккада нозил қилинган. 60 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Мим.

2. Рум (қўшини Форс қўшинидан) мағлуб бўлди

3. жуда яқин ерда. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг, (форслар устидан) албатта, ғалаба қилурлар

4. бир неча йил ичида. Олдин ҳам, кейин ҳам иш Аллоҳникидир. Ўша кунда мўминлар (румликларнинг ғалабасидан) шодланурлар

5. Аллоҳ (аҳли китобларга) мадад бергани сабабли. (У) хоҳлаган кишига мадад берур. У қудратли ва раҳмлидир*.

---

30. РУМ СУРАСИ

Рум – Византия давлати.

Сурада VII асрнинг энг йирик давлатлари – Рум билан Форс ўртасида бошланган жангда Румнинг мағлубиятга учрагани, лекин яқин келажакда у ғалабага эришиши тўғрисида хабар берилади. Дарҳақиқат, етти йилдан сўнг Қуръон хабари исботланиб, румликлар форслар устидан ғалаба қозонади. Бошқа оятларда илоҳий даъват ва ибратли қиссалар давом эттирилади.

5-оят. Форсларнинг румликлар устидан қозонган ғалабаси Макка мушрикларини шодлантирди. Зеро, румликлар насроний динида бўлиб, илоҳий китоб – Инжилга, мусулмонлар ҳам илоҳий китоб – Қуръонга амал қилар эдилар. Макка мушриклари илоҳий китобга амал қилувчилар бизга ўхшаган мушрик-мажусий форслардан енгилди, деб фахрланган пайтларида мазкур оятлар нозил қилинди.

وَعۡدَ ٱللَّهِۖ لَا يُخۡلِفُ ٱللَّهُ وَعۡدَهُۥ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ
٦ يَعۡلَمُونَ ظَٰهِرٗا مِّنَ ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا وَهُمۡ عَنِ ٱلۡأٓخِرَةِ هُمۡ غَٰفِلُونَ
٧ أَوَلَمۡ يَتَفَكَّرُواْ فِيٓ أَنفُسِهِمۗ مَّا خَلَقَ ٱللَّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ
وَمَا بَيۡنَهُمَآ إِلَّا بِٱلۡحَقِّ وَأَجَلٖ مُّسَمّٗىۗ وَإِنَّ كَثِيرٗا مِّنَ ٱلنَّاسِ
بِلِقَآيِٕ رَبِّهِمۡ لَكَٰفِرُونَ ٨ أَوَلَمۡ يَسِيرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَيَنظُرُواْ
كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡۚ كَانُوٓاْ أَشَدَّ مِنۡهُمۡ قُوَّةٗ
وَأَثَارُواْ ٱلۡأَرۡضَ وَعَمَرُوهَآ أَكۡثَرَ مِمَّا عَمَرُوهَا وَجَآءَتۡهُمۡ
رُسُلُهُم بِٱلۡبَيِّنَٰتِۖ فَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظۡلِمَهُمۡ وَلَٰكِن كَانُوٓاْ
أَنفُسَهُمۡ يَظۡلِمُونَ ٩ ثُمَّ كَانَ عَٰقِبَةَ ٱلَّذِينَ أَسَٰٓـُٔواْ ٱلسُّوٓأَىٰٓ
أَن كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَكَانُواْ بِهَا يَسۡتَهۡزِءُونَ ١٠ ٱللَّهُ
يَبۡدَؤُاْ ٱلۡخَلۡقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ ثُمَّ إِلَيۡهِ تُرۡجَعُونَ ١١ وَيَوۡمَ تَقُومُ
ٱلسَّاعَةُ يُبۡلِسُ ٱلۡمُجۡرِمُونَ ١٢ وَلَمۡ يَكُن لَّهُم مِّن شُرَكَآئِهِمۡ
شُفَعَٰٓؤُاْ وَكَانُواْ بِشُرَكَآئِهِمۡ كَٰفِرِينَ ١٣ وَيَوۡمَ
تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يَوۡمَئِذٖ يَتَفَرَّقُونَ ١٤ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَهُمۡ فِي رَوۡضَةٖ يُحۡبَرُونَ ١٥

6. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар (бу каби ҳақиқатларни) билмаслар*.

7. Улар охиратдан ғофил (бехабар) бўлган ҳолларида фақат (шу фоний) дунё ҳаётининг зоҳиринигина билурлар.

8. Ахир, улар ўзларича Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда улар орасидаги бор нарсани фақат ҳақ (ҳикмат) ва белгиланган муддат билан яратганини тафаккур қилиб кўрмадиларми?! Дарҳақиқат, одамларнинг аксарияти (қайта тирилиб) Парвардигорларига (ҳисобот учун) юзма-юз бўлишни инкор қилувчидирлар!

9. Ахир, улар ер юзида сайр этишиб, ўзларидан аввалги пайғамбарларни инкор қилиб, имонсиз (кетган) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Ўшалар булардан (Макка кофирларидан) кўра қувватлироқ бўлган ва (ўз) ерларини булар обод қилганидан кўра кўпроқ ишлов бериб, обод қилган эдилар-ку! Уларга ҳам ўз пайғамбарлари ҳужжатларни келтирганлар. Бас, Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм қилувчи бўлдилар.

10. Сўнгра (охиратда) Аллоҳнинг оятларини ёлғон дейиш ва уларнинг устидан кулиш билан ёмонлик қилган кимсаларнинг оқибати янада ёмонроқ бўлур.

11. Аллоҳ яратишни бошлар, сўнгра уни (бу яратишни қиёматда) такрорлар. Сўнгра (ҳисоб-китоб учун) Унга қайтарилурсизлар.

12. Қиёмат қойим бўладиган кунда жиноятчилар ноумид бўлурлар.

13. (У кунда) улар учун келтирган ширклари (томони)дан оқловчилар бўлмас ва улар (ўзлари) келтирган ширкларини инкор этурлар.

14. Қиёмат қойим бўладиган кун – ана ўша кунда (мўминлар билан кофирлар) бир-бирларидан ажралурлар.

15. Бас, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларгина равзада (жаннатда ашула, ўйин кулги ва бошқа роҳат йўллари билан) хурсандчилик қилурлар.

6-оят. Аллоҳнинг келажакда бўладиган воқеалардан Расулини хабардор қилиши у зотнинг чин пайғамбар эканига далолат қилувчи мўъжизалардандир. Шу оят нозил бўлганида Абу Бакр Сиддиқ (рз.) ашаддий мушрик Убай ибн Халаф билан гаров ўйнашган, унга кўра, тўққиз йил ичида румликлар форслар устидан ғалаба қилса, Убай юзта туяни Абу Бакр (рз.)га, агар шу муддат ўтиб кетса, Абу Бакр (рз.) Убайга юзта туя бериши керак. Бу гаровни Расул (а.с.) ҳам қўллаб-қувватладилар. Етти йил ўтиши билан Абу Бакр (рз.)нинг оятга асосланиб берган башорати тўғри чиқди. Убай ўлиб кетгани сабабли унинг меросхўрларидан юзта туяни олиб, садақа қилиб юборилган (Мд. Ас.).

Рум билан Форс ўртасида кечган ҳарбий тўқнашув Ҳудайбия воқеаси ёки Бадр жангги йили содир бўлган. Мазкур оятга кўра, Қатода, Абу Ҳанифа, Му-

وَأَمَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا وَلِقَآئِ ٱلْـَٔاخِرَةِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ
فِى ٱلْعَذَابِ مُحْضَرُونَ ﴿١٦﴾ فَسُبْحَٰنَ ٱللَّهِ حِينَ تُمْسُونَ
وَحِينَ تُصْبِحُونَ ﴿١٧﴾ وَلَهُ ٱلْحَمْدُ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ
وَعَشِيًّا وَحِينَ تُظْهِرُونَ ﴿١٨﴾ يُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ
ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ وَيُحْىِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا ۚ وَكَذَٰلِكَ تُخْرَجُونَ
﴿١٩﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ إِذَآ أَنتُم بَشَرٌ
تَنتَشِرُونَ ﴿٢٠﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦٓ أَنْ خَلَقَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ
أَزْوَٰجًا لِّتَسْكُنُوٓا۟ إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُم مَّوَدَّةً وَرَحْمَةً ۚ
إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦ خَلْقُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱخْتِلَٰفُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَٰنِكُمْ ۚ إِنَّ
فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَٰتٍ لِّلْعَٰلِمِينَ ﴿٢٢﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦ مَنَامُكُم بِٱلَّيْلِ
وَٱلنَّهَارِ وَٱبْتِغَآؤُكُم مِّن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَٰتٍ
لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٢٣﴾ وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦ يُرِيكُمُ ٱلْبَرْقَ
خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنَزِّلُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَيُحْىِۦ بِهِ ٱلْأَرْضَ
بَعْدَ مَوْتِهَآ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٢٤﴾

16. Аммо куфр йўлини тутган ва оятларимизни ҳамда охират мулоқотини инкор этган кимсалар – ана ўшалар (қиёмат куни мангу) азобга ҳозир қилинурлар.

17. Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтингиз!

18. Осмонлар ва Ердаги (айтилаётган барча) ҳамд Унга хосдир. Кечки пайтда ҳам, қуёш заволи пайтига киришингизда ҳам (Унга тасбеҳ айтингиз)!*

19. (Аллоҳ) ўликдан тирикни чиқарур, тирикдан ўликни чиқарур ва ерни «ўлганидан» кейин (баҳорда қайта) «тирилтирур». Сизлар ҳам (қиёмат кунида қабрларингиздан) шу тарзда (худди гиёҳлар унганидек) чиқарилурсиз.

20. Унинг аломатларидан (бири) – У сизларни (Одамни) тупроқдан яратгани, сўнгра сизлар башарга айланиб, (ер юзи бўйлаб) тарқалишларингиздир.

21. Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир.

22. Унинг белгиларидан (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир.

23. Унинг белгиларидан (яна бири) – кечаси ва кундузи ухлашингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазли (ризқи)дан исташингиздир. Албатта, бунда (қабул қулоғи билан) эшитадиган кишилар учун аломатлар бордир.

24. Унинг белгиларидан (яна бири) – сизларга (момақалдироқдан) қўрққан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда чақмоқни кўрсатиши ва осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, у билан ерни «ўлганидан» сўнг «тирилтиришидир». Албатта, бунда ақл юргизадиган кишилар учун аломатлар бордир.

ҳаммад (рҳ.)лар мусулмонлар билан кофирлар ўртасида “рибо”га ўхшаш шаръан ножоиз ишларда ўзаро шартнома ва битимлар тузиш мумкин, деганлар (Мд.).

18-оят. Ибн Аббос (рз.)дан: “Қуръонда беш вақт намоз тўғрисида бирор оятни учратганмисан?”, – деб сўрашганда мазкур 17, 18-оятларни ўқиб берган экан. Демак, оятдаги “тунга кириш пайти” – шом билан хуфтон намозлари. “Тонгга кириш пайти” – бомдод намози. “Кечки пайт” – аср. “Қуёш заволга оғган пайт” – пешин намозининг вақтидир (Мд.).

Инсонлар бутун умрини ибодатга сарф қилишлари мумкин эмаслиги, балки тирикчилик учун ҳам вақт зарурлигини эътиборга олиб, Аллоҳ таоло куннинг бошланиш қисми, ўртаси ва охири ҳамда туннинг боши ва охирги қисмида, яъни беш маҳал намоз ўқишни фарз қилди. Витр намози вожиб амаллардандир.

وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦٓ أَن تَقُومَ ٱلسَّمَآءُ وَٱلْأَرْضُ بِأَمْرِهِۦۚ ثُمَّ إِذَا دَعَاكُمْ
دَعْوَةً مِّنَ ٱلْأَرْضِ إِذَآ أَنتُمْ تَخْرُجُونَ ﴿٢٥﴾ وَلَهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِۖ كُلٌّ لَّهُۥ قَٰنِتُونَ ﴿٢٦﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ
ثُمَّ يُعِيدُهُۥ وَهُوَ أَهْوَنُ عَلَيْهِۚ وَلَهُ ٱلْمَثَلُ ٱلْأَعْلَىٰ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢٧﴾ ضَرَبَ لَكُم مَّثَلًا مِّنْ
أَنفُسِكُمْۖ هَل لَّكُم مِّن مَّا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُم مِّن شُرَكَآءَ فِى
مَا رَزَقْنَٰكُمْ فَأَنتُمْ فِيهِ سَوَآءٌ تَخَافُونَهُمْ كَخِيفَتِكُمْ
أَنفُسَكُمْۚ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٢٨﴾
بَلِ ٱتَّبَعَ ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ أَهْوَآءَهُم بِغَيْرِ عِلْمٍۖ فَمَن يَهْدِى
مَنْ أَضَلَّ ٱللَّهُۖ وَمَا لَهُم مِّن نَّٰصِرِينَ ﴿٢٩﴾ فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ
حَنِيفًاۚ فِطْرَتَ ٱللَّهِ ٱلَّتِى فَطَرَ ٱلنَّاسَ عَلَيْهَاۚ لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ
ٱللَّهِۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ
لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾ ۞ مُنِيبِينَ إِلَيْهِ وَٱتَّقُوهُ وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ
وَلَا تَكُونُوا۟ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿٣١﴾ مِنَ ٱلَّذِينَ فَرَّقُوا۟
دِينَهُمْ وَكَانُوا۟ شِيَعًا كُلُّ حِزْبٍۭ بِمَا لَدَيْهِمْ فَرِحُونَ ﴿٣٢﴾

25. Унинг белгиларидан (яна бири) – осмон ва Ер Унинг амри билан (фазода муаллақ) туришидир. Сўнгра (қиёматда) У сизларни (ётган) ерларингиздан бир бор чақириши билан барчангиз бирдан чиқурсизлар.

26. Осмонлар ва Ердаги (бор) жонзотлар Уникидир. Ҳаммаси Унга бўйин сунур.

27. У илк бор Ўзи яратиб, сўнгра (қиёмат куни) Ўзи яна қайта яратадиган зотдир. У зотга (бу) осонроқдир*. Осмонлар ва Ердаги энг олий мисол (яратишдаги олий намуналик) Унга хосдир. У қудратли ва ҳикматлидир.

28. (Аллоҳ) сизларга ўзларингиздан бир мисол келтирур: сизлар учун қўлларингиз остидаги (қул)лардан Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсага (мол-мулкка) шерик бўлиб олувчилар бормики, сизлар унда баробар бўлсангиз, ҳолбуки, улардан гўё ўзларингиздан қўрққандай қўрқасиз. Ақл юргизадиган қавм учун оятларни мана шундай кенг баён қилурмиз*.

29. Йўқ, золим кимсалар бирор билим (ҳужжат)сиз ҳавойи нафсларига эргашдилар. Бас, Аллоҳ йўлдан оздирган кимсани ким ҳидоят қила олур?! Улар учун (охиратда) ёрдам берувчилар ҳам бўлмас.

30. Бас, (эй, Муҳаммад!) Юзингиз (ўзингиз)ни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!) Аллоҳнинг яратишига ўзгартириш йўқ. Энг тўғри дин шудир, лекин кўп одамлар (буни) билмаслар.

31. Унга ўзингизни топширган ҳолларингизда (динини маҳкам тутингиз) ва Ундан қўрқингиз ҳамда намозни баркамол адо этингиз, мушриклардан бўлмангиз!

32. Улар (мушриклар) динларини бўлиб юбориб, (турли) фирқаларга ажралгандирлар. Ҳар бир фирқа (одамлари) ўз наздиларидаги нарса (ақида) билан шоддирлар.

27-оят. Бу нисбат инсонлар ақлига биноан айтилмоқда. Зеро, Аллоҳнинг қудрати олдида биринчи яратиш билан қайта яратиш ўртасида қийин ва осонлик бўйича мутлақо фарқ йўқ. Лекин инсон онги кўпроқ табиат қонунига кўниккани боис Аллоҳ таоло бу оятда гўё: “Сизлар илк бор ихтиро қилиш қийин, ихтиродан кейин қайта яратиш осон, деган ақидангизга кўра ҳам қиёмат куни инсонларни қайта тиклаб, асл ҳолига келтиришга Аллоҳнинг қудрати етади, деб билишингиз керак эди”, – демоқчи (Мд.).

28-оят. Яъни қўл остингиздаги қулларингиз сизлардаги бойликларга ва бошқа барча имкониятларингизга шерик бўлиб, уларга сизлардек эга бўлиб олишларини хоҳламаганингиздек, Аллоҳ таоло ҳам ўз бандаларининг илоҳиятда инсонлар томонидан пайдо қилинган жонсиз ва онгсиз сохта маъбудаларнинг Унга шерик бўлишини мутлақо хоҳламайди, балки бу каби ширк ва шаккокликни кечирилмас гуноҳлардан ҳисоблаб, бут ва санамларга сиғинувчилардан қаттиқ қаҳру ғазабга келади. Ўзига ширк келтиришни зинҳор қабул қилмайди.

وَإِذَا مَسَّ ٱلنَّاسَ ضُرٌّ دَعَوْا۟ رَبَّهُم مُّنِيبِينَ إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَآ أَذَاقَهُم
مِّنْهُ رَحْمَةً إِذَا فَرِيقٌ مِّنْهُم بِرَبِّهِمْ يُشْرِكُونَ ﴿٣٣﴾ لِيَكْفُرُوا۟ بِمَآ
ءَاتَيْنَٰهُمْ ۚ فَتَمَتَّعُوا۟ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٣٤﴾ أَمْ أَنزَلْنَا عَلَيْهِمْ
سُلْطَٰنًا فَهُوَ يَتَكَلَّمُ بِمَا كَانُوا۟ بِهِۦ يُشْرِكُونَ ﴿٣٥﴾ وَإِذَآ أَذَقْنَا
ٱلنَّاسَ رَحْمَةً فَرِحُوا۟ بِهَا ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌۢ بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ
إِذَا هُمْ يَقْنَطُونَ ﴿٣٦﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ
وَيَقْدِرُ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٣٧﴾ فَـَٔاتِ ذَا ٱلْقُرْبَىٰ
حَقَّهُۥ وَٱلْمِسْكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ ۚ ذَٰلِكَ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يُرِيدُونَ
وَجْهَ ٱللَّهِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٣٨﴾ وَمَآ ءَاتَيْتُم مِّن رِّبًا
لِّيَرْبُوَا۟ فِىٓ أَمْوَٰلِ ٱلنَّاسِ فَلَا يَرْبُوا۟ عِندَ ٱللَّهِ ۖ وَمَآ ءَاتَيْتُم مِّن زَكَوٰةٍ
تُرِيدُونَ وَجْهَ ٱللَّهِ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُضْعِفُونَ ﴿٣٩﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِى
خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يُحْيِيكُمْ ۖ هَلْ مِن
شُرَكَآئِكُم مَّن يَفْعَلُ مِن ذَٰلِكُم مِّن شَىْءٍ ۚ سُبْحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ
عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٤٠﴾ ظَهَرَ ٱلْفَسَادُ فِى ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ بِمَا كَسَبَتْ
أَيْدِى ٱلنَّاسِ لِيُذِيقَهُم بَعْضَ ٱلَّذِى عَمِلُوا۟ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٤١﴾

33. Қачонки, одамларга бирор зиён етса, Парвардигорларига қайтиб, унга илтижо қилурлар, сўнгра қачонки, (Аллоҳ) уларга Ўз томонидан марҳаматни тоттириб қўйса, бехос улардан бир гуруҳи (яна) Парвардигорларига ширк келтира бошлайдилар.

34. Улар Биз ато этган неъматларга ношукурлик қилаверсинлар! Бас, (эй, мушриклар!) Фойдаланиб қолингиз! Бас, яқинда (қиёматда ҳақиқатни) билиб олурсиз.

35. Ёки Биз уларга (осмондан) уларнинг ширк келтиришларини (тўғри деб) сўзлайдиган бирор ҳужжат нозил қилдикми?!

36. Қачонки, Биз одамларга бирор марҳаматни тоттирсак, улар бундан шодланадилар. Агар ўз қилмишлари сабабли уларга бирор ёмонлик (мусибат) етса, бирданига улар (Бизнинг марҳаматимиздан) ноумид бўла бошлайдилар.

37. Аллоҳнинг хоҳлаган кишилар ризқини фаровон қилиши ва (бошқалар ризқини) танг қилишини кўрмадиларми?! Албатта, бунда имон келтирувчи қавм учун аломатлар бордир.

38. Бас, қариндошга ҳаққини адо этинг! Мискин ва мусофирга ҳам*. Ана шу Аллоҳнинг «юзи»ни истайдиганлар учун яхшидир. Айнан ўшалар (охиратда) нажот топувчилардир.

39. Одамларнинг мол-мулкига кўпайсин деб сизлар берган рибо (фоиз) Аллоҳ наздида асло кўпаймайди. Аллоҳнинг «юзи»ни мақсад қилиб берган закотингиз эса, бас, айнан ўшалар (ўз савобларини) кўпайтирувчилардир*.

40. Сизларни яратган, сўнгра сизларни ризқлантирган, сўнгра вафот эттирадиган, сўнгра (қиёматда) тирилтирадиган зот Аллоҳдир. (Келтираётган) ширкларингиз ичида шу (мазкур)лардан бирортасини қила оладигани борми?! Аллоҳ уларнинг келтираётган ширкларидан пок ва юксакдир.

41. Одамларнинг қилмишлари туфайли қуруқлик ва денгизда бузғунчилик пайдо бўлди. Бу уларнинг (ўз қилмишларидан) қайтишлари учун қилган баъзи (ёмон) ишлари (жазоси)ни уларга тоттириш учундир*.

38-оят. Қариндош ҳаққи – силаи раҳм, яъни маҳрам саналадиган қариндошларнинг нафақаси ўзига тўқ бой қариндошнинг зиммасига вожибдир. Мискин ва гадойлар ҳаққи – уларга бирор нарса садақа қилишдир. Мусофир ва меҳмон ҳаққи – яхши кутиб олиб, борини баҳам кўриб, яхши кузатишдир (Мд. Лс.)

39-оят. Яъни берилган закот бойликни камайтириш ўрнига унга барака киритади. Рибо (судхўрлик) эса, бойликни кўпайтираётганга ўхшагани билан баракани кетказади ва Аллоҳнинг қаҳрига сабаб бўлади.

41-оят. Яъни қаҳатчилик, курғоқчилик, зироат ва тижоратдан бараканинг кетиши, ўт, сув балоси каби офатлар одамларнинг қилмишларига яраша жазо ҳисобланиб, шу билан бирга уларни огоҳлантириш учундир (Мд.).

42. Айтинг: «Ерда сайр қилингиз ва олдингиларнинг оқибати не бўлганини кўрингиз!* Уларнинг аксарияти мушриклар эди.

43. Аллоҳ (томони)дан (орқага) қайтарилмайдиган кун (қиёмат) келмай туриб, тўғри дин (Ислом)га юзингизни қаратинг! Ўша кунда (одамлар турли қисмларга) бўлинурлар.

44. Кимки кофир бўлган бўлса, бас, куфри ўзига! Кимки солиҳ (амал) қилган бўлса, бас, ўзлари учун олдини олган бўладилар.

45. (Бу) имон келтириб, солиҳ (амал)ларни қилганларни Ўз фазлидан мукофотлаши учундир*. У кофирларни суймас.

46. Унинг белгиларидан бири (ёмғир ёғишидан) хушхабар берувчи, Унинг раҳмати (ёмғири)дан сизларни баҳраманд этиши учун, Унинг амри билан кемалар сузиши учун, Унинг фазли (ризқи)дан исташингиз ва шукр қилишингиз учун шамолларни юборишидир.

47. Сиздан олдин ҳам пайғамбарларни ўз қавмларига юборганмиз. Бас, (элчиларимиз) уларга ҳужжатларни келтирганлар. Жиноятчилардан эса интиқом (ўч) олганмиз. Бизнинг зиммамизда (кофирларни ҳалок этганимизда) мўминларга мадад бериш ҳаққи бор эди*.

48. Аллоҳ шундай зотки, (У) шамолларни юбориб, булутларни қўзғайди, бас, уни осмон бўйлаб хоҳлаганича ёяди ва уни бўлак-бўлак қилгач, уни орасидан ёмғир чиқишини кўрасиз. Бас, қачонки уни (ёмғирни) Ўз бандаларидан хоҳлаган кишисига етказганда, улар бирдан шодланиб кетурлар,

قُلْ سِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَٱنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَـٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلُ ۚ
كَانَ أَكْثَرُهُم مُّشْرِكِينَ ﴿٤٢﴾ فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ ٱلْقَيِّمِ مِن
قَبْلِ أَن يَأْتِىَ يَوْمٌ لَّا مَرَدَّ لَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ ۖ يَوْمَئِذٍ يَصَّدَّعُونَ ﴿٤٣﴾ مَن
كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُۥ ۖ وَمَنْ عَمِلَ صَـٰلِحًا فَلِأَنفُسِهِمْ يَمْهَدُونَ ﴿٤٤﴾
لِيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ مِن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ
ٱلْكَـٰفِرِينَ ﴿٤٥﴾ وَمِنْ ءَايَـٰتِهِۦٓ أَن يُرْسِلَ ٱلرِّيَاحَ مُبَشِّرَٰتٍ وَلِيُذِيقَكُم
مِّن رَّحْمَتِهِۦ وَلِتَجْرِىَ ٱلْفُلْكُ بِأَمْرِهِۦ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ
تَشْكُرُونَ ﴿٤٦﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ رُسُلًا إِلَىٰ قَوْمِهِمْ فَجَآءُوهُم
بِٱلْبَيِّنَـٰتِ فَٱنتَقَمْنَا مِنَ ٱلَّذِينَ أَجْرَمُوا۟ ۖ وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ
ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٤٧﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِى يُرْسِلُ ٱلرِّيَـٰحَ فَتُثِيرُ سَحَابًا فَيَبْسُطُهُۥ
فِى ٱلسَّمَآءِ كَيْفَ يَشَآءُ وَيَجْعَلُهُۥ كِسَفًا فَتَرَى ٱلْوَدْقَ يَخْرُجُ مِنْ
خِلَـٰلِهِۦ ۖ فَإِذَآ أَصَابَ بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦٓ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ
﴿٤٨﴾ وَإِن كَانُوا۟ مِن قَبْلِ أَن يُنَزَّلَ عَلَيْهِم مِّن قَبْلِهِۦ لَمُبْلِسِينَ
﴿٤٩﴾ فَٱنظُرْ إِلَىٰٓ ءَاثَـٰرِ رَحْمَتِ ٱللَّهِ كَيْفَ يُحْىِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ
مَوْتِهَآ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ لَمُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾

49. гарчи олдин уларга (ёмғир) ёғмай турганда улар ноумид бўлсалар ҳам.

50. Аллоҳнинг раҳмати (ёмғири) асоратларига боқинг – ерни «ўлгани»дан кейин қандай қилиб уни «тирилтиради». Албатта, У (Аллоҳ) ўликларни тирилтирувчи ва У ҳар нарсага қодир зотдир.

42-оят. Ўтиб кетганларнинг оқибатини кўриш икки хил бўлади: Биринчиси – уларнинг ҳалок қилинганлари устига ёғдирилган тошлар, маскан ва манзилларининг қолдиқлари. Уларни кўз билан кўриш мумкин бўлади. Иккинчиси – улар тўғрисидаги оят ва ҳадисларни ўқиб ёки эшитиб, уларнинг оқибати қандай бўлгани ҳақида мулоҳаза қилиб кўрилади. Яъни қалб кўзи билан кўрилади (Қз.).

45-оят. Оятдан яна шундай маъно чиқадики, инсон имон келтириб, солиҳ амалларни қилиши билангина охиратда жаннатга киришга ҳақли бўлиб қолмайди, балки унга дохил бўлиш учун Аллоҳнинг фазли ва карамига муҳтож бўлади. Бу хусусда кўпгина ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган (Ақ.).

47-оят. Аллоҳ таоло ўзининг ҳабиби ва расули Муҳаммад (а.с.)га башорат тарзида олдинги умматларнинг тажовузкор, осий ва фисқу фужурга берилганларини жазолагани ва пайғамбарлар билан бирга бўлган мўминларга Ўзининг мадади билан нажот бергани ҳақида хабар бермоқда.

وَلَئِنْ أَرْسَلْنَا رِيحًا فَرَأَوْهُ مُصْفَرًّا لَّظَلُّوا۟ مِنۢ بَعْدِهِۦ يَكْفُرُونَ
﴿٥١﴾ فَإِنَّكَ لَا تُسْمِعُ ٱلْمَوْتَىٰ وَلَا تُسْمِعُ ٱلصُّمَّ ٱلدُّعَآءَ إِذَا وَلَّوْا۟
مُدْبِرِينَ ﴿٥٢﴾ وَمَآ أَنتَ بِهَٰدِ ٱلْعُمْىِ عَن ضَلَٰلَتِهِمْ ۖ إِن تُسْمِعُ إِلَّا
مَن يُؤْمِنُ بِـَٔايَٰتِنَا فَهُم مُّسْلِمُونَ ﴿٥٣﴾ ۞ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَكُم
مِّن ضَعْفٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنۢ بَعْدِ ضَعْفٍ قُوَّةً ثُمَّ جَعَلَ مِنۢ بَعْدِ
قُوَّةٍ ضَعْفًا وَشَيْبَةً ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۖ وَهُوَ ٱلْعَلِيمُ ٱلْقَدِيرُ ﴿٥٤﴾
وَيَوْمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يُقْسِمُ ٱلْمُجْرِمُونَ مَا لَبِثُوا۟ غَيْرَ سَاعَةٍ ۚ
كَذَٰلِكَ كَانُوا۟ يُؤْفَكُونَ ﴿٥٥﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ وَٱلْإِيمَٰنَ
لَقَدْ لَبِثْتُمْ فِى كِتَٰبِ ٱللَّهِ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْبَعْثِ ۖ فَهَٰذَا يَوْمُ ٱلْبَعْثِ
وَلَٰكِنَّكُمْ كُنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٥٦﴾ فَيَوْمَئِذٍ لَّا يَنفَعُ ٱلَّذِينَ
ظَلَمُوا۟ مَعْذِرَتُهُمْ وَلَا هُمْ يُسْتَعْتَبُونَ ﴿٥٧﴾ وَلَقَدْ ضَرَبْنَا
لِلنَّاسِ فِى هَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٍ ۚ وَلَئِن جِئْتَهُم بِـَٔايَةٍ
لَّيَقُولَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِنْ أَنتُمْ إِلَّا مُبْطِلُونَ ﴿٥٨﴾ كَذَٰلِكَ
يَطْبَعُ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِ ٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٥٩﴾ فَٱصْبِرْ إِنَّ
وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ ۖ وَلَا يَسْتَخِفَّنَّكَ ٱلَّذِينَ لَا يُوقِنُونَ ﴿٦٠﴾

51. Борди-ю, шамолни юборсак ва уни (экинни қуриб) сарғайган ҳолда кўрсалар, шундан кейин ҳам (барибир) кофирликларича қолаверган бўлардилар*.

52. Аниқки, Сиз «ўликлар»га (сўзингизни) англата олмассиз, орқа ўгириб кетаётган «кар»ларга ҳам даъватни уқтира олмассиз.

53. Яна Сиз «кўр»ларни ўз залолатларидан (чиқариб) ҳидоятга солиб қўювчи эмассиз. Сиз фақат бизнинг оятларимизга имон келтирадиган кишиларгагина (ўз сўзингизни) уқтира олурсиз. Бас, ўшалар мусулмонлардир.

54. Аллоҳ шундай зотдирки, сизларни заиф нарсадан (бир томчи сувдан) яратди, сўнгра (сизларга) заифликдан кейин (қувват пайдо) қилди. Сўнгра қувватдан кейин яна заифлик ва қариликни (пайдо) қилди. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У билимдон ва қудратлидир.

55. Қиёмат қойим бўладиган кунда жиноятчи кимсалар (дунёда) бир соатдан ортиқ турмаганларига қасам ичурлар. Улар (дунёда ҳам) мана шундай (ростдан ёлғонга) бурилувчи (енгилтак) эдилар.

56. (Ўша куни) илм ва имон берилган зотлар айтурлар: «Аниқки, сизлар Аллоҳ (Лавҳул-маҳфузда) ёзиб қўйганидек, тирилиш кунигача турдингиз. Бас, мана шу тирилиш кунидир. Лекин сизлар (қизиқмаганингиз сабабли бунинг ҳақ эканини) билмас эдингиз».

57. Ана ўша кунда зулм қилган (куфрда бўлган) кимсаларга узр (баҳона)лари фойда бермас ва улардан қайтиш ҳам талаб қилинмас.

58. Биз ушбу Қуръонда одамлар учун ҳар (турли) мисолдан баён этдик. Қасамки, агар Сиз, (эй, Муҳаммад!) Уларга (талаб қилишган) мўъжизани келтирсангиз ҳам, албатта, кофир бўлган кимсалар: «Сизлар, албатта, ёлғон ва пуч гапларни тўқувчидирсиз», – деган бўлур эди.

59. Аллоҳ (ҳақиқатни) билмайдиган кимсаларнинг дилларини ана шундай муҳрлаб қўяр*.

60. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сабр қилинг! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. (Охиратга) ишонмайдиган кимсалар (қилмишлари) Сизни енгилтакликка (қарғашга) олиб келмасин!

51-оят. Яъни кофирлар мазкур уч ҳолатда ҳам бир хилдирлар: Ёмғир ёғмаса, Аллоҳдан умид қилмайдилар. Чунки Унга имон келтирмаганлар. Агар ёмғир ёғса, хурсанд бўладилар, лекин Аллоҳга шукр қилмайдилар. Агар экинига офат шамолини юбориб, сарғайтириб, қуритиб қўйса, балога сабр қилиш ҳам уларга бегона. Фалакдан нолиб, куфрда давом этаверадилар (Мд. Лс.).

59-оят. Аллоҳ таоло ўзининг азалий илми билан барча инсонларнинг тақдирини, дунёда нима ишлар қилиб ўтишини олдиндан билган. Кимларнидир ҳидоят йўлига кирмаслигини билгач, шу ҳолларида умр ўтказиб, охиратга имонсиз боришларини ирода қилган. Дилларни муҳрлаб қўйгани шудир. Агар кимнидир залолатдан ҳидоятга буриб қўйса, бу Унинг фазлидандир (Ақ.).

Луқмон сураси

Маккада нозил қилинган. 34 оят.

سُورَةُ لُقۡمَانَ

ترتيبها ٣١ — آياتها ٣٤

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓمٓ ١ تِلۡكَ ءَايَٰتُ ٱلۡكِتَٰبِ ٱلۡحَكِيمِ ٢ هُدٗى وَرَحۡمَةٗ
لِّلۡمُحۡسِنِينَ ٣ ٱلَّذِينَ يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَيُؤۡتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم
بِٱلۡأٓخِرَةِ هُمۡ يُوقِنُونَ ٤ أُوْلَٰٓئِكَ عَلَىٰ هُدٗى مِّن رَّبِّهِمۡۖ وَأُوْلَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلۡمُفۡلِحُونَ ٥ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَشۡتَرِي لَهۡوَ ٱلۡحَدِيثِ
لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ بِغَيۡرِ عِلۡمٖ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ
عَذَابٞ مُّهِينٞ ٦ وَإِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِ ءَايَٰتُنَا وَلَّىٰ مُسۡتَكۡبِرٗا
كَأَن لَّمۡ يَسۡمَعۡهَا كَأَنَّ فِيٓ أُذُنَيۡهِ وَقۡرٗاۖ فَبَشِّرۡهُ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ٧
إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُمۡ جَنَّٰتُ ٱلنَّعِيمِ ٨
خَٰلِدِينَ فِيهَاۖ وَعۡدَ ٱللَّهِ حَقّٗاۚ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٩ خَلَقَ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ بِغَيۡرِ عَمَدٖ تَرَوۡنَهَاۖ وَأَلۡقَىٰ فِي ٱلۡأَرۡضِ رَوَٰسِيَ أَن تَمِيدَ
بِكُمۡ وَبَثَّ فِيهَا مِن كُلِّ دَآبَّةٖۚ وَأَنزَلۡنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءٗ فَأَنۢبَتۡنَا فِيهَا
مِن كُلِّ زَوۡجٖ كَرِيمٍ ١٠ هَٰذَا خَلۡقُ ٱللَّهِ فَأَرُونِي مَاذَا
خَلَقَ ٱلَّذِينَ مِن دُونِهِۦۚ بَلِ ٱلظَّٰلِمُونَ فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ١١

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Мим.

2. Ушбулар ҳикматли Китоб оятларидир,

3. эзгу амал қилувчилар учун ҳидоят ва раҳмат (манбаи экани) жиҳатидан.

4. Улар намозни баркамол адо этадилар, закотни (ўз жойига) берадилар ва охиратга аниқ ишонадилар.

5. Парвардигорлари (тарафи)дан ҳидоят топганлар ана ўшалардир ва нажот топувчилар ҳам ўшаларнинг ўзидир.

6. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳ йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўз(лар)ни сотиб олурлар*. Ана ўшалар учун хор қилувчи азоб бордир.

7. Қачонки, унга оятларимиз тиловат қилинса, гўё уларни эшитмагандек ёки қулоқларида оғирлик (карлик) бордек, кибру ҳаво билан юз ўгириб кетур. Бас, унга аламли азоб ҳақида «хушхабар» бериб қўйинг!

8. Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар учун (жаннатда) неъмат боғлари бордир,

9. у жойда мангу қолурлар. (Бу) Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. У қудрат ва ҳикмат эгасидир.

10. Кўраяпсизки, осмонларни устунларсиз яратиб, сизларни тебратмаслиги учун Ерда тоғларни барпо қилди ва унда турли жондор(лар)ни тарқатиб қўйди. Яна Биз осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, (ерда) турли саховатли (ўсимликларни) ундириб қўйдик.

11. Булар Аллоҳ яратган нарсалардир. Энди, (эй, мушриклар!) Сизлар Менга Ундан ўзгалар нималарни яратганини кўрсатингиз-чи! Йўқ, у золимлар аниқ залолатдадирлар.

---

31. ЛУҚМОН СУРАСИ

Луқмон – тарихда Луқмони ҳаким деб шуҳрат топган ҳабаший бир доно шахс. Уламолар унинг пайғамбар ёки валий бўлгани ҳақида бир фикрга келиша олмаганлар. Чунки на Қуръонда ва на ҳадисларда унинг тўғрисида аниқ маълумот учрамайди. Фақат Қуръонда унинг ўз ўғлига қилган айрим насиҳатлари берилган.

Суранинг бошқа оятларида тавҳид ва имонга даъват, куфр ва ширкдан қайтариш каби ўгитлар талқин этилади.

6-оят. Оят Назр ибн Ҳорис исмли кофир хусусида нозил бўлган. У Форс диёрига тижорат билан борганида қўлига кирган афсона ва достонга доир китоблардан олиб келиб, Муҳаммад ҳадисдан гапирса, мен сизларга тарихдан ўқиб бераман, деб одамларни исломдан чалғитар эди. Оятдаги "беҳуда сўз"дан мазкур афсоналар, тунги бефойда суҳбатлар, қўшиқ ва қўшиқчи жориялар мурод деган тафсирлар ҳам бор (Мд. Лс.)

Мусиқани мубоҳ деб санагувчи Имом Ғаззолий бу оят қўшиқнинг ҳаром эканига далолат қилмайди, деган (Иҳёу улумид-дин).

وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا لُقۡمَٰنَ ٱلۡحِكۡمَةَ أَنِ ٱشۡكُرۡ لِلَّهِۚ وَمَن يَشۡكُرۡ فَإِنَّمَا
يَشۡكُرُ لِنَفۡسِهِۦۖ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٞ ١٢ وَإِذۡ قَالَ
لُقۡمَٰنُ لِٱبۡنِهِۦ وَهُوَ يَعِظُهُۥ يَٰبُنَيَّ لَا تُشۡرِكۡ بِٱللَّهِۖ إِنَّ ٱلشِّرۡكَ
لَظُلۡمٌ عَظِيمٞ ١٣ وَوَصَّيۡنَا ٱلۡإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيۡهِ حَمَلَتۡهُ أُمُّهُۥ
وَهۡنًا عَلَىٰ وَهۡنٖ وَفِصَٰلُهُۥ فِي عَامَيۡنِ أَنِ ٱشۡكُرۡ لِي وَلِوَٰلِدَيۡكَ
إِلَيَّ ٱلۡمَصِيرُ ١٤ وَإِن جَٰهَدَاكَ عَلَىٰٓ أَن تُشۡرِكَ بِي مَا لَيۡسَ
لَكَ بِهِۦ عِلۡمٞ فَلَا تُطِعۡهُمَاۖ وَصَاحِبۡهُمَا فِي ٱلدُّنۡيَا مَعۡرُوفٗاۖ
وَٱتَّبِعۡ سَبِيلَ مَنۡ أَنَابَ إِلَيَّۚ ثُمَّ إِلَيَّ مَرۡجِعُكُمۡ فَأُنَبِّئُكُم
بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ١٥ يَٰبُنَيَّ إِنَّهَآ إِن تَكُ مِثۡقَالَ حَبَّةٖ مِّنۡ
خَرۡدَلٖ فَتَكُن فِي صَخۡرَةٍ أَوۡ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ أَوۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ يَأۡتِ
بِهَا ٱللَّهُۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٞ ١٦ يَٰبُنَيَّ أَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ وَأۡمُرۡ
بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَٱنۡهَ عَنِ ٱلۡمُنكَرِ وَٱصۡبِرۡ عَلَىٰ مَآ أَصَابَكَۖ إِنَّ ذَٰلِكَ
مِنۡ عَزۡمِ ٱلۡأُمُورِ ١٧ وَلَا تُصَعِّرۡ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمۡشِ فِي ٱلۡأَرۡضِ
مَرَحًاۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخۡتَالٖ فَخُورٖ ١٨ وَٱقۡصِدۡ فِي مَشۡيِكَ
وَٱغۡضُضۡ مِن صَوۡتِكَۚ إِنَّ أَنكَرَ ٱلۡأَصۡوَٰتِ لَصَوۡتُ ٱلۡحَمِيرِ ١٩

12. Биз Луқмонга* ҳикмат ато этдик (ва унга дедик): «Аллоҳга шукр қилгин! Кимки шукр қилса, фақат ўзи учун шукр қилур. Кимки ношукурлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва ҳамд эгасидир».

13. Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: «Эй, ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки, ширк улкан зулмдир».

14. Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) «Сен Менга ва отаонангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир».

15. Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни қиёмат кунида) қайтиш Менинг ҳузуримгадир, бас, сизларга (ўшанда) қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман.

16. (Луқмон яна деди): «Эй, ўғилчам! Шубҳа йўққи, агар хантал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирор харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро, Аллоҳ лутфли ва огоҳ зотдир.

17. Эй, ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир.

18. Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас.

19. (Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин!* Чунки, овозларнинг энг ёқимсизи эшаклар овозидир».

12-оят. Луқмон Боуронинг ўғли. У Озар (Торах) авлодидан, Айюб (а.с.)нинг синглиси ёки холасининг ўғли. Минг йил умр кўриб, Довуд (а.с.) давригача яшаб ундан илм ўрганган. Довуд (а.с.) пайғамбар бўлгунича Луқмон муфтийлик қилган. Унинг ҳунари тикувчилик ёки дурадгорлик ёхуд подачилик эканида ихтилоф бор. Икрима, Суддий ва Шаъбий (рҳ.)лар у пайғамбар бўлган, деса, қолган уламолар ҳаким бўлган, деб иттифоқ қилганлар. Ҳаким деб сўзи ва ишида ўта аниқлик бўлган кишига айтилади. Яна айтишларига кўра, Луқмони ҳаким мингта пайғамбарга шогирд бўлиб, мингта пайғамбарга устозлик қилган. Ибн Аббос (рз.) сўзига кўра, Луқмон ҳабаший қул бўлган (Мд. Лс.).

У хожасининг саволига берган жавобида, энг ширин гўшт юрак билан тил, энг бемаза гўшт ҳам шу икки аъзодир, деб айтган сўзи ривоят қилинади.

19-оят. Умар (рз.) ўзини қийнаб, қаттиқ азон айтган муаззинни койигани нақл қилинган (Кр.).

أَلَمْ تَرَوْا أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَسْبَغَ
عَلَيْكُمْ نِعَمَهُ ظَاهِرَةً وَبَاطِنَةً ۗ وَمِنَ النَّاسِ مَن يُجَادِلُ فِي اللَّهِ
بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَابٍ مُّنِيرٍ ﴿٢٠﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا
مَا أَنزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا ۚ أَوَلَوْ كَانَ
الشَّيْطَانُ يَدْعُوهُمْ إِلَىٰ عَذَابِ السَّعِيرِ ﴿٢١﴾ ۞ وَمَن يُسْلِمْ
وَجْهَهُ إِلَى اللَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَىٰ ۗ
وَإِلَى اللَّهِ عَاقِبَةُ الْأُمُورِ ﴿٢٢﴾ وَمَن كَفَرَ فَلَا يَحْزُنكَ كُفْرُهُ ۚ
إِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ فَنُنَبِّئُهُم بِمَا عَمِلُوا ۚ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ
﴿٢٣﴾ نُمَتِّعُهُمْ قَلِيلًا ثُمَّ نَضْطَرُّهُمْ إِلَىٰ عَذَابٍ غَلِيظٍ ﴿٢٤﴾
وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ اللَّهُ ۚ قُلِ
الْحَمْدُ لِلَّهِ ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٥﴾ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضِ ۚ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْغَنِيُّ الْحَمِيدُ ﴿٢٦﴾ وَلَوْ أَنَّمَا فِي الْأَرْضِ
مِن شَجَرَةٍ أَقْلَامٌ وَالْبَحْرُ يَمُدُّهُ مِن بَعْدِهِ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ
مَّا نَفِدَتْ كَلِمَاتُ اللَّهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٧﴾ مَّا خَلْقُكُمْ
وَلَا بَعْثُكُمْ إِلَّا كَنَفْسٍ وَاحِدَةٍ ۗ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿٢٨﴾

20. (Эй, инсонлар!) Аллоҳ осмонлар ва Ердаги барча нарсаларни сизларга бўйин сундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини* комил берганини кўрмадингизми?! Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар ўзлари билмаган, ҳидоят топмаган ва аниқ китоб (ҳужжат)-га эга бўлмаган ҳолларида Аллоҳ хусусида (Пайғамбар билан) мунозара қилурлар*.

21. Қачонки, уларга: «Аллоҳ нозил этган нарсага эргашингиз!»,– дейилса, улар: «Йўқ, бизлар ота-боболаримизни не узра топган бўлсак, (ана ўшанга) эргашурмиз», – дейишади. Борди-ю, шайтон уларни (ўзининг алдови билан) дўзах ўт азобига чақириб турган бўлса-чи?!

22. Кимки чиройли амал қилувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам тутқични ушлабди. Барча ишлар оқибати (қандай бўлиши) фақат Аллоҳга оиддир.

23. Кимки кофир бўлса, бас, Сизни (эй, Муҳаммад!) Унинг куфри ғамга солмасин! Бизга қайтажаклар, бас, Биз уларга қилган амалларининг хабарини берурмиз. Зеро, Аллоҳ диллардаги (яширин) сирларни ҳам билувчидир.

24. Биз уларни (бу дунёда) озгина (муддат) фойдалантириб, сўнгра (қиёмат куни) қаттиқ азоб (тортиш)га мажбур қилурмиз.

25. Қасамки, агар улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?», – деб сўрасангиз, албатта, «Аллоҳ», – дерлар. Сиз «Аллоҳга – ҳамд!», – денг! Йўқ, уларнинг аксарияти (ҳақиқатни) билмаслар.

26. Осмонлар ва Ердаги (бор) нарсалар Аллоҳникидир. Албатта, Аллоҳ (барча нарсадан) беҳожат ва ҳамдга лойиқ зотдир.

27. Агар Ердаги дарахтлар қалам, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз унга мадад берса (қўшилиб сиёҳ бўлиб, ёзиб чиқилса) Аллоҳнинг сўзлари (асло) тугамас*. Албатта, Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир.

28. (Эй, инсонлар!) Сизларни яратиш ҳам, қайта тирилтириш ҳам худди бир жонни (яратиш ва қайта тирилтиришнинг) ўзгинасидир (осондир)*. Албатта, Аллоҳ (барча нарсани) эшитувчи ва кўрувчи зотдир.

20-оят. Зоҳирий ва ботиний неъматлар нима экани хусусида муфассирлар турли фикр айтганлар. Масалан, Ибн Аббос (рз.) Аллоҳнинг зоҳирий неъмати – аъзоларнинг бус-бутунлиги, ботиний неъмати – гуноҳ ва айбларингни фош қилмагани, деган. Умуман инсонга ато этган моддий, маънавий, кўринувчи ва кўринмайдиган неъматлари шунчалик кўпки, уларни санаб тугатиш амри маҳол (Мд.).

* Бу шахслар Назр ибн Ҳорис, Убай ибн Халаф, Умайя ибн Халаф каби мушриклар бўлиб, улар Муҳаммад (а.с.) билан илм ёки ҳужжатсиз Аллоҳнинг зоти ва сифатлари борасида баҳслашиб турар эдилар (Бғ.).

27-оят. Яна “Каҳф” сураси 109-оятига қаранг.

28-оят. Аллоҳга бирор нарсани яратишда ироданинг ўзи кифоя.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يُولِجُ ٱلَّيْلَ فِى ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِى ٱلَّيْلِ
وَسَخَّرَ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِىٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى وَأَنَّ ٱللَّهَ
بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٩﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْحَقُّ وَأَنَّ مَا يَدْعُونَ
مِن دُونِهِ ٱلْبَٰطِلُ وَأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْكَبِيرُ ﴿٣٠﴾ أَلَمْ تَرَ أَنَّ
ٱلْفُلْكَ تَجْرِى فِى ٱلْبَحْرِ بِنِعْمَتِ ٱللَّهِ لِيُرِيَكُم مِّنْ ءَايَٰتِهِۦٓ إِنَّ
فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ ﴿٣١﴾ وَإِذَا غَشِيَهُم مَّوْجٌ
كَٱلظُّلَلِ دَعَوُا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ فَلَمَّا نَجَّىٰهُمْ إِلَى ٱلْبَرِّ
فَمِنْهُم مُّقْتَصِدٌ وَمَا يَجْحَدُ بِـَٔايَٰتِنَآ إِلَّا كُلُّ خَتَّارٍ كَفُورٍ
﴿٣٢﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱتَّقُوا۟ رَبَّكُمْ وَٱخْشَوْا۟ يَوْمًا لَّا يَجْزِى وَالِدٌ
عَن وَلَدِهِۦ وَلَا مَوْلُودٌ هُوَ جَازٍ عَن وَالِدِهِۦ شَيْـًٔا إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ
حَقٌّ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا وَلَا يَغُرَّنَّكُم بِٱللَّهِ
ٱلْغَرُورُ ﴿٣٣﴾ إِنَّ ٱللَّهَ عِندَهُۥ عِلْمُ ٱلسَّاعَةِ وَيُنَزِّلُ ٱلْغَيْثَ
وَيَعْلَمُ مَا فِى ٱلْأَرْحَامِ وَمَا تَدْرِى نَفْسٌ مَّاذَا تَكْسِبُ غَدًا
وَمَا تَدْرِى نَفْسٌۢ بِأَىِّ أَرْضٍ تَمُوتُ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌۢ ﴿٣٤﴾

سُورَةُ ٱلسَّجْدَةِ (ترتيبها ٣٢ — آياتها ٣٠)

29. Аллоҳнинг кечани кундузга киритишини, кундузни кечага киритишини ҳамда қуёш ва ойнинг ҳар бирини белгиланган муддатгача жорий бўладиган қилиб бўйин сундириб қўйганини ва яна Аллоҳнинг қилаётган амалларингиздан огоҳ эканини кўрмадингизми?!

30. Бунга Аллоҳнинг ўзигина ҳаққоний (илоҳ) экани, улар (мушриклар) Уни қўйиб илтижо қилаётган (бутлар)и эса ботил нарса экани ва Аллоҳнинг ўзигина олий ва буюк зот эканидандир.

31. Сизларга Аллоҳнинг мўъжизаларидан кўрсатиш учун кемалар Унинг марҳамати билан денгизда (сузиб) юрганини кўрмадингизми?! Албатта, бунда барча (қийинчиликларга) сабр қилувчи ва (неъматларга) шукр қилувчилар учун аломатлар бордир.

32. Қачонки, (кофирларни) тоғлардек тўлқин(лар) ўраб олса, улар чин ихлос билан Аллоҳга дуо ва илтижо қилурлар. Бас, қачонки, (Аллоҳ) уларга нажот бериб, қуруқликка (чиқарса), у ҳолда улардан (айримларигина) тўғри йўл тутувчидир. Оятларимизни фақат барча хоин ва ношукур кимсаларгина инкор этурлар.

33. Эй, инсонлар! Парвардигорингиздан қўрқингиз ва яна шундай бир кундан қўрқингизки, (у кунда) бирор ота ўз боласи томонидан (гуноҳни) ўта олмас ва бола ҳам отаси томонидан бирор нарсани ўта олувчи бўлмас. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин ва сизларни алдамчи (шайтон) Аллоҳ (кечаверади, деган алдов) билан алдаб қўймасин!

34. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ҳузуридагина қиёмат (қачон бўлиши тўғрисида) билим бордир. У (хоҳлаганича) ёмғир ёғдирур ва бачадонлардаги нарса (ҳомила)ни билур. Бирор жон эртага нима иш қилишини билмас. Бирор жон қаерда ўлишини ҳам билмас*. Албатта, Аллоҳ (ҳамма нарсани) билувчи ва хабардор зотдир.

Сажда сураси

Маккада нозил қилинган. 30 оят.

34-оят. Ушбу оятда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким аниқ билмайдиган бешта нарса санаб ўтилган. Асримизда фан тараққий этиши натижасида она қорнидаги ҳомиланинг ўғил ёки қиз эканини билиш имконияти туғилди. Лекин бу унинг ҳамма хусусиятларини билишга эришилди, деган эмас. Ҳомиланинг кимга ўхшаши, хулқ-атвори, ақл-заковати, умри, ризқи, бахтли ёки бахтсизлиги каби дақиқ маълумотларни билишга ҳали ҳануз фан ожизлик қилади.

32. САЖДА СУРАСИ

Суранинг 15-оятида сажда ояти келгани учун унга шу ном берилган.

Сурада Ер ва осмонларнинг яратилиши, дунёнинг фонийлиги, охиратнинг эса боқий экани, қиёмат куни қайта тирилишнинг ҳақ экани, ўша куни ҳар бир инсон ҳисобот бериши, худди шу оғир кечадиган кун учун тайёрланиш зарурлиги уқтирилади.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Алиф, Лом, Мим.

2. Бу Китобнинг (Қуръоннинг) нозил қилиниши, шубҳасиз, (барча) оламларнинг Парвардигори (томони)дандир.

3. Балки: «Уни (Муҳаммаднинг ўзи) тўқиб олган», – дерлар?! Йўқ, У (яъни Қуръон) Сиздан илгари (олти аср давомида) бирор огоҳлантирувчи келмаган қавмни огоҳлантиришингиз учун Раббингиз (томони)дан (нозил қилинган) Ҳақиқатдир, шояд, улар ҳидоят топсалар.

4. Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра «муставий» бўлган зотдир. Сизлар учун Ундан ўзга бирор дўст ва оқловчи йўқдир. Ахир (бундан) эслатма олмайсизми?!

5. (У) осмондан ергача бўлган барча ишни тадбирини кўрар (бошқарар), сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизча минг йилга тенг келадиган (бир) кунда (яъни қиёматда) Унинг ўзига кўтарилур*.

6. Ана ўша ғойиб ва ҳозирни билувчи, қудратли ва меҳрибон,

7. барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир. Инсонни яратишни эса (илк бор) лойдан бошлади.

8. Сўнгра унинг наслини ҳақир бир сувдан иборат нутфа (маний)дан пайдо қилди.

9. Сўнгра уни битказиб, ичига Ўз (мулкидаги) руҳидан киритди. Сизлар учун қулоқ, кўз ва юракларни пайдо қилди. (Бу неъматлар учун) шукрни эса, кам қилурсиз.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

الٓمٓ ١ تَنزِيلُ ٱلۡكِتَٰبِ لَا رَيۡبَ فِيهِ مِن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ
٢ أَمۡ يَقُولُونَ ٱفۡتَرَىٰهُۚ بَلۡ هُوَ ٱلۡحَقُّ مِن رَّبِّكَ لِتُنذِرَ قَوۡمٗا
مَّآ أَتَىٰهُم مِّن نَّذِيرٖ مِّن قَبۡلِكَ لَعَلَّهُمۡ يَهۡتَدُونَ ٣ ٱللَّهُ
ٱلَّذِي خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَمَا بَيۡنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٖ
ثُمَّ ٱسۡتَوَىٰ عَلَى ٱلۡعَرۡشِۖ مَا لَكُم مِّن دُونِهِۦ مِن وَلِيّٖ وَلَا شَفِيعٍۚ أَفَلَا
تَتَذَكَّرُونَ ٤ يُدَبِّرُ ٱلۡأَمۡرَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ إِلَى ٱلۡأَرۡضِ ثُمَّ يَعۡرُجُ
إِلَيۡهِ فِي يَوۡمٖ كَانَ مِقۡدَارُهُۥٓ أَلۡفَ سَنَةٖ مِّمَّا تَعُدُّونَ ٥ ذَٰلِكَ
عَٰلِمُ ٱلۡغَيۡبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ ٱلۡعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ٦ ٱلَّذِيٓ أَحۡسَنَ
كُلَّ شَيۡءٍ خَلَقَهُۥۖ وَبَدَأَ خَلۡقَ ٱلۡإِنسَٰنِ مِن طِينٖ ٧ ثُمَّ جَعَلَ
نَسۡلَهُۥ مِن سُلَٰلَةٖ مِّن مَّآءٖ مَّهِينٖ ٨ ثُمَّ سَوَّىٰهُ وَنَفَخَ فِيهِ
مِن رُّوحِهِۦۖ وَجَعَلَ لَكُمُ ٱلسَّمۡعَ وَٱلۡأَبۡصَٰرَ وَٱلۡأَفۡـِٔدَةَۚ قَلِيلٗا
مَّا تَشۡكُرُونَ ٩ وَقَالُوٓاْ أَءِذَا ضَلَلۡنَا فِي ٱلۡأَرۡضِ أَءِنَّا لَفِي
خَلۡقٖ جَدِيدِۭۚ بَلۡ هُم بِلِقَآءِ رَبِّهِمۡ كَٰفِرُونَ ١٠ ۞ قُلۡ يَتَوَفَّىٰكُم
مَّلَكُ ٱلۡمَوۡتِ ٱلَّذِي وُكِّلَ بِكُمۡ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمۡ تُرۡجَعُونَ ١١

10. Улар (кофирлар): «Бизлар ер (ости)да гумдон бўлиб кетгач, ҳақиқатан ҳам яна янгитдан яралурмизми?», – дедилар. Йўқ, улар Парвардигорларининг (улар билан бўладиган) мулоқотини инкор қилувчидирлар.

11. Айтинг: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз ҳузурига қайтарилурсиз».

4-оят. “Муставий” сўзининг тафсири тўғрисида “Раъд” сурасининг 2-оятида ҳам изоҳ берилган. Жаъфари Содиқ, Ҳасан Басрий, Абу Ҳанифа, Молик ибн Анас (рҳ.)лар сўзига кўра, “истиво” сўзининг луғавий маъноси маълум, кайфият ва ҳолати номаълум унга имон келтириш вожиб, уни инкор этиш куфр, унинг кайфияти ҳақида савол қилиш ва баҳслашиш бидъатдир. Аммо “Мушаббиҳа” фирқасига ўхшаб “Арш”ни тахт, “истиво”ни ўрнашиб ўтириш деб тафсир қилиш нотўғри ақидадир. Демак, биз Аллоҳ Арш узра “муставий” дир, деб айтамиз, лекин Аршнинг устига ўрнашди демаймиз. Зеро, Аллоҳ Аршдан олдин ҳам, кейин ҳам бордир. У макон ва замондан холидир (Мд.).

5-оят. Қиёмат кунларининг ҳар бир куни дунё ҳисоби бўйича минг йилга тўғри келади. Ушбу оят машҳур муфассирлар томонидан турлича тафсир қилинган.

وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذِ ٱلْمُجْرِمُونَ نَاكِسُوا۟ رُءُوسِهِمْ عِندَ رَبِّهِمْ
رَبَّنَآ أَبْصَرْنَا وَسَمِعْنَا فَٱرْجِعْنَا نَعْمَلْ صَٰلِحًا إِنَّا مُوقِنُونَ
﴿١٢﴾ وَلَوْ شِئْنَا لَءَاتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدَىٰهَا وَلَٰكِنْ حَقَّ ٱلْقَوْلُ
مِنِّى لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنَ ٱلْجِنَّةِ وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١٣﴾
فَذُوقُوا۟ بِمَا نَسِيتُمْ لِقَآءَ يَوْمِكُمْ هَٰذَآ إِنَّا نَسِينَٰكُمْ
وَذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلْخُلْدِ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾ إِنَّمَا يُؤْمِنُ
بِـَٔايَٰتِنَا ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا۟ بِهَا خَرُّوا۟ سُجَّدًا وَسَبَّحُوا۟ بِحَمْدِ
رَبِّهِمْ وَهُمْ لَا يَسْتَكْبِرُونَ ۩ ﴿١٥﴾ تَتَجَافَىٰ جُنُوبُهُمْ
عَنِ ٱلْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ
يُنفِقُونَ ﴿١٦﴾ فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّآ أُخْفِىَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَآءًۢ
بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٧﴾ أَفَمَن كَانَ مُؤْمِنًا كَمَن كَانَ فَاسِقًا
لَّا يَسْتَوُۥنَ ﴿١٨﴾ أَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَلَهُمْ
جَنَّٰتُ ٱلْمَأْوَىٰ نُزُلًۢا بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ فَسَقُوا۟
فَمَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ كُلَّمَآ أَرَادُوٓا۟ أَن يَخْرُجُوا۟ مِنْهَآ أُعِيدُوا۟ فِيهَا وَقِيلَ
لَهُمْ ذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلنَّارِ ٱلَّذِى كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿٢٠﴾

12. Агар Сиз (қиёмат кунида) Парвардигорлари ҳузурида бошларини қуйи тутиб турувчи жиноятчиларнинг: «Парвардигоро, кўрдик (кўзимиз очилди) ва эшитдик (қулоғимиз очилди), бас, бизларни (ҳаётга) қайтаргин, бизлар яхши амал қилайлик! Энди биз, албатта, ишонувчидирмиз», – (дейишларини) кўрсангиз эди!*

13. Агар Биз хоҳласак, албатта, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини ато этган бўлур эдик, лекин Мен томондан бу сўз муқаррар бўлгандир: «Мен жаҳаннамни барча (куфрдаги) жин ва одамлар билан тўлдиргайман».

14. Бас, (эй, кофирлар!) Ушбу кунингиздаги мулоқотни унутиб қўйганингиз сабабли (азобни) тотингиз! Дарвоқе, Биз ҳам (бугун) сизларни «унутдик». Қилмишларингиз сабабли мангу азобни тотингиз!

15. Бизнинг оятларимизга фақат улар билан насиҳат қилинганда сажда қилган ҳолларида йиқиладиган ва кибр қилмаган ҳолларида ҳамд билан Парвардигорларига тасбеҳ айтадиган зотларгина имон келтирурлар*.

16. Уларнинг ёнбошлари (ибодат қилиш учун) ўриндиқлардан ажраб турар (оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилурлар.

17. Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот учун яшириб қўйилган кўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас.

18. Ахир, мўмин киши билан фосиқ (итоатсиз) кимса тенг бўлурми?! (Йўқ), баробар бўлмаслар!

19. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар учун қилган амаллари сабабли жаннат масканлари манзил бўлур.

20. Фосиқ бўлган кимсаларнинг масканлари эса дўзахдир. Ҳар қачон ундан чиқмоқчи бўлсалар, яна унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзларингиз (дунёда ишониш ўрнига) инкор этган дўзах азобини тотингиз!», – дейилур.

12-оят. Жиноятчилар – дунёда куфр, ширк ва залолатда бўлганлар. Бошларини қуйи тутиб туришлари хорлик, айбига иқрорлик, ўз қилмишидан уялиш ва пушаймонлик белгисидир (Мд. Қз.).

15-оят. Сажда ояти.

16-оят. Бу оятдаги "оз ухлайдиганлар"дан кимлар назарда тутилгани тўғрисида турли тафсирлар бор. Кўпроқ муфассирлар тунда, хуфтон билан бомдод вақти оралиғида ўқиладиган нафл, таҳажжуд намозларини ўқийдиганлар, деб ёзганлар. Баъзилари хуфтон намозини ўқимагунча ухламайдиганлар деб айтганлар. Шом намозидан кейин то хуфтон вақтигача масжиддан кетмай нафл ўқиган муҳожирлар ёки саҳарда Аллоҳга дуо, истиғфор айтувчи бандалар, деб ҳам тафсир қилинган (Мд. Ол.).

Қудсий ҳадис: "Солиҳ бандаларим учун кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва хаёлга келмаган неъматларни тайёрлаб қўйдим".

وَلَنُذِيقَنَّهُم مِّنَ ٱلْعَذَابِ ٱلْأَدْنَىٰ دُونَ ٱلْعَذَابِ ٱلْأَكْبَرِ
لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٢١﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن ذُكِّرَ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِۦ ثُمَّ
أَعْرَضَ عَنْهَآ ۚ إِنَّا مِنَ ٱلْمُجْرِمِينَ مُنتَقِمُونَ ﴿٢٢﴾ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا
مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ فَلَا تَكُن فِى مِرْيَةٍ مِّن لِّقَآئِهِۦ ۖ وَجَعَلْنَٰهُ
هُدًى لِّبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ﴿٢٣﴾ وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُونَ
بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا۟ ۖ وَكَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا يُوقِنُونَ ﴿٢٤﴾ إِنَّ رَبَّكَ
هُوَ يَفْصِلُ بَيْنَهُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ فِيمَا كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ
﴿٢٥﴾ أَوَلَمْ يَهْدِ لَهُمْ كَمْ أَهْلَكْنَا مِن قَبْلِهِم مِّنَ ٱلْقُرُونِ
يَمْشُونَ فِى مَسَٰكِنِهِمْ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَٰتٍ ۖ أَفَلَا يَسْمَعُونَ
﴿٢٦﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا نَسُوقُ ٱلْمَآءَ إِلَى ٱلْأَرْضِ ٱلْجُرُزِ فَنُخْرِجُ
بِهِۦ زَرْعًا تَأْكُلُ مِنْهُ أَنْعَٰمُهُمْ وَأَنفُسُهُمْ ۖ أَفَلَا يُبْصِرُونَ ﴿٢٧﴾
وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْفَتْحُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٢٨﴾
قُلْ يَوْمَ ٱلْفَتْحِ لَا يَنفَعُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِيمَٰنُهُمْ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ
﴿٢٩﴾ فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ وَٱنتَظِرْ إِنَّهُم مُّنتَظِرُونَ ﴿٣٠﴾

سُورَةُ ٱلْأَحْزَابِ

21. Албатта, Биз уларнинг (итоатсизликдан) қайтишлари учун уларга катта азобдан илгари яқин азобни (дунё азобини ҳам) тоттирурмиз.

22. Парвардигорининг оятлари билан насиҳат қилинганидан сўнг, улардан юз ўгирган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?! Албатта, Биз (ундай) жиноятчилардан (дунё ва охиратда) интиқом олувчидирмиз.

23. Биз Мусога Китобни (Тавротни) ато этдик, Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз унинг мулоқотидан* шубҳада бўлманг! Биз уни (Тавротни) Исроил авлоди учун (залолатдан қутқарувчи) ҳидоят (манбаи) қилдик.

24. Улар сабр қилишгач, Биз улардан ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар оятларимизга пухта ишонар эдилар.

25. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Раббингизнинг ўзи қиёмат кунида (одамлар) ўзаро ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ажрим қилур.

26. Ахир, уларга (мушрикларга) Биз улардан илгари қанча авлодларни ҳалок қилганимиз ва ўзлари ўшаларнинг масканларида юрганлари маълум эмасми?! Албатта, бунда аломатлар бор. Ахир, улар эшитмайдиларми?!

27. Ахир, улар қуруқ ерга сув ҳайдаб, унинг воситасида уларнинг чорвалари ҳам, ўзлари ҳам ейдиган экинларни чиқаришимизни билмадиларми?! Ахир, (буни) кўрмайдиларми?!

28. Улар (мусулмонларга): «Агар ростгўй бўлсангиз, қачон мана шу фатҳ (ғалаба) рўй берур?», – дерлар.

29. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Фатҳ кунида* кофир бўлган кимсаларга имон келтиришлари фойда бермай қолур ва уларга (тавба учун) муҳлат ҳам берилмас».

30. Бас, улардан юз ўгиринг ва (не бўлишини) кутинг! Зеро, улар ҳам кутувчидирлар.

Аҳзоб сураси

Мадинада нозил қилинган. 73 оят.

23-оят. “Унинг мулоқоти” жумласидан нима назарда тутилгани тўғрисида турли фикрлар айтилган. Масалан, Мусо (а.с.)нинг китобни қабул қилиб олиши; Муҳаммад (а.с.)нинг Мусо (а.с.) билан меърож кечасида учрашганлари; Мусо (а.с.)нинг заҳматларга учраши ва бошқа изоҳлар берилган (Мд. Ол.).

29-оят. “Фатҳ куни” – қиёмат куни ёки Бадр жанги куни ёхуд Макка фатҳи куни (Мд.).

33. АҲЗОБ СУРАСИ

Аҳзоб – фирқалар, гуруҳлар. Бирлиги "ҳизб".

Сурада "зиҳор", "табанний", сатри аврат, маҳрам ва номаҳрамлар, никоҳ, талоқ каби масалаларга доир шаръий ҳукмлар, мушрик ва яҳудий қабилаларининг бирлашиб, мусулмонларга қарши қилган ҳужумлари ҳақида ҳам оятлар берилган.

Сурада ҳижратнинг тўртинчи йили, шаввол ойида мусулмонларга қарши уюштирилган Хандақ жанги вақтида юз берган ҳодисалар ва мусулмонларнинг ғалабаси талқин этилади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ ٱتَّقِ ٱللَّهَ وَلَا تُطِعِ ٱلۡكَٰفِرِينَ وَٱلۡمُنَٰفِقِينَۚ إِنَّ ٱللَّهَ
كَانَ عَلِيمًا حَكِيمٗا ١ وَٱتَّبِعۡ مَا يُوحَىٰٓ إِلَيۡكَ مِن
رَّبِّكَۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعۡمَلُونَ خَبِيرٗا ٢ وَتَوَكَّلۡ عَلَى ٱللَّهِۚ
وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلٗا ٣ مَّا جَعَلَ ٱللَّهُ لِرَجُلٖ مِّن قَلۡبَيۡنِ فِي
جَوۡفِهِۦۚ وَمَا جَعَلَ أَزۡوَٰجَكُمُ ٱلَّٰٓـِٔي تُظَٰهِرُونَ مِنۡهُنَّ أُمَّهَٰتِكُمۡۚ
وَمَا جَعَلَ أَدۡعِيَآءَكُمۡ أَبۡنَآءَكُمۡۚ ذَٰلِكُمۡ قَوۡلُكُم بِأَفۡوَٰهِكُمۡۖ وَٱللَّهُ
يَقُولُ ٱلۡحَقَّ وَهُوَ يَهۡدِي ٱلسَّبِيلَ ٤ ٱدۡعُوهُمۡ لِأٓبَآئِهِمۡ
هُوَ أَقۡسَطُ عِندَ ٱللَّهِۚ فَإِن لَّمۡ تَعۡلَمُوٓاْ ءَابَآءَهُمۡ فَإِخۡوَٰنُكُمۡ
فِي ٱلدِّينِ وَمَوَٰلِيكُمۡۚ وَلَيۡسَ عَلَيۡكُمۡ جُنَاحٞ فِيمَآ أَخۡطَأۡتُم
بِهِۦ وَلَٰكِن مَّا تَعَمَّدَتۡ قُلُوبُكُمۡۚ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورٗا رَّحِيمًا
٥ ٱلنَّبِيُّ أَوۡلَىٰ بِٱلۡمُؤۡمِنِينَ مِنۡ أَنفُسِهِمۡۖ وَأَزۡوَٰجُهُۥٓ أُمَّهَٰتُهُمۡۗ
وَأُوْلُواْ ٱلۡأَرۡحَامِ بَعۡضُهُمۡ أَوۡلَىٰ بِبَعۡضٖ فِي كِتَٰبِ ٱللَّهِ
مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ وَٱلۡمُهَٰجِرِينَ إِلَّآ أَن تَفۡعَلُوٓاْ إِلَىٰٓ أَوۡلِيَآئِكُم
مَّعۡرُوفٗاۚ كَانَ ذَٰلِكَ فِي ٱلۡكِتَٰبِ مَسۡطُورٗا ٦

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, Пайғамбар! Аллоҳдан қўрқинг! Кофирлар ва мунофиқларга итоат этманг! Албатта, Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир.

2. Раббингиз (томони)дан Сизга ваҳий қилинадиган оятларга эргашинг! Албатта, Аллоҳ сизлар қилаётган амаллардан огоҳдир.

3. Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳни ўзи етарли вакил (ҳомий)дир.

4. Аллоҳ бир кишининг ичида икки қалб яратган эмас. Сизлар «зиҳор»* қиладиган хотинларингизни ҳам сизларга она қилган эмас ва асранди болаларингизни ўз болаларингиз қилган эмасдир. Бу сизларнинг оғизларингиздаги сўзингиздир*. Аллоҳ эса ҳақиқатни айтур ва Унинг ўзи (тўғри) йўлга бошлар.

5. Уларни (асранди фарзандларни) ўз оталари (исми) билан чақирингиз. Шу Аллоҳ наздида адолатлироқдир. Бас, агар уларнинг оталарини билмасангиз, у ҳолда (улар) сизларнинг диний биродарларингиз ва дўстларингиздир. Қилган хатоларингиз сабабли сизларга гуноҳ йўқдир, лекин кўнгилларингиз (билан) қасд қилинган нарсадагина (гуноҳкор бўлурсиз). Аллоҳ кечиримли ва меҳрибон зотдир.

6. Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақлироқдир, унинг хотинлари эса уларнинг оналаридир*. Аллоҳнинг Китобида қариндошлар (меросхўрликда) бир-бирларига (қариндош бўлмаган) мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақлироқдирлар. Магар сизлар (диний) дўстларингизга (мерос беришлик билан) яхшилик қилишингиз (мумкин). Бу (ҳукмлар) Китобда (Лавҳул-маҳфузда) битилгандир.

4-оят. “Зиҳор”да эр ўз хотинига: "Сен менга онамнинг бадани каби ҳаромсан", – деб айтиши билан қаттиқ гуноҳкор бўлади, лекин хотини ўз онасига айланиб қолмайди. Бу гуноҳни ювиш учун эр маълум миқдорда каффорат (жарима) тўлаши зарур бўлади.

* Оятдаги иккинчи масала асранди бола ҳақида. Боқиб олинган асранди болани тарбиялаб, вояга етказиш динимиз бўйича савобли ишлардан ҳисобланади. Лекин билиб қўйиш лозимки, у ҳеч қачон боқувчининг оиласига маҳрам бўлиб қолмайди. Никоҳ ва мерос масалаларида уларнинг ҳуқуқи бегоналар ҳуқуқи билан баробар. Масалан, бир оилада асранди ўғил вояга етса, шу оиладаги "сингил" га уйланиши мумкин. Суранинг 37-оятида Муҳаммад (а.с.) асраб олган Зайд ибн Ҳориса (рз.) воқеаси баён этилади.

6-оят. Расул (а.с.)нинг хотинлари барча мусулмонларнинг оналари ҳукмида бўлишига икки сабаб бор. Биринчиси – ҳурмат юзасидан. Иккинчиси – Расул (а.с.) вафотларидан кейин бирорта мусулмон Пайғамбар (а.с.)нинг завжаларига уйланишга умидвор бўлмаслиги. Расул (а.с.)ни “ота” дейишдан ман этилишининг ҳам икки сабаби бор: биринчидан, “ота” деб мурожаат қилгандан “Расулуллоҳ” деб мурожаат қилишнинг афзаллиги. Иккинчидан, Расул (а.с.) мўминларга ота бўлгач, мўминаларга ҳам ота ҳисобланадилар. Натижада бир отанинг ўғли, ўз отасининг қизига уйланишига тўғри келиб қолади (Ун.).

وَإِذْ أَخَذْنَا مِنَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ مِيثَـٰقَهُمْ وَمِنكَ وَمِن نُّوحٍ وَإِبْرَٰهِيمَ
وَمُوسَىٰ وَعِيسَى ٱبْنِ مَرْيَمَ ۖ وَأَخَذْنَا مِنْهُم مِّيثَـٰقًا غَلِيظًا ﴿٧﴾
لِّيَسْـَٔلَ ٱلصَّـٰدِقِينَ عَن صِدْقِهِمْ ۚ وَأَعَدَّ لِلْكَـٰفِرِينَ عَذَابًا أَلِيمًا
﴿٨﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَةَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ جَآءَتْكُمْ
جُنُودٌ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا وَجُنُودًا لَّمْ تَرَوْهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ
بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿٩﴾ إِذْ جَآءُوكُم مِّن فَوْقِكُمْ وَمِنْ أَسْفَلَ
مِنكُمْ وَإِذْ زَاغَتِ ٱلْأَبْصَـٰرُ وَبَلَغَتِ ٱلْقُلُوبُ ٱلْحَنَاجِرَ
وَتَظُنُّونَ بِٱللَّهِ ٱلظُّنُونَا۠ ﴿١٠﴾ هُنَالِكَ ٱبْتُلِىَ ٱلْمُؤْمِنُونَ وَزُلْزِلُوا۟
زِلْزَالًا شَدِيدًا ﴿١١﴾ وَإِذْ يَقُولُ ٱلْمُنَـٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم
مَّرَضٌ مَّا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ إِلَّا غُرُورًا ﴿١٢﴾ وَإِذْ قَالَت طَّآئِفَةٌ
مِّنْهُمْ يَـٰٓأَهْلَ يَثْرِبَ لَا مُقَامَ لَكُمْ فَٱرْجِعُوا۟ ۚ وَيَسْتَـْٔذِنُ فَرِيقٌ
مِّنْهُمُ ٱلنَّبِىَّ يَقُولُونَ إِنَّ بُيُوتَنَا عَوْرَةٌ وَمَا هِىَ بِعَوْرَةٍ ۖ إِن يُرِيدُونَ إِلَّا
فِرَارًا ﴿١٣﴾ وَلَوْ دُخِلَتْ عَلَيْهِم مِّنْ أَقْطَارِهَا ثُمَّ سُئِلُوا۟ ٱلْفِتْنَةَ
لَءَاتَوْهَا وَمَا تَلَبَّثُوا۟ بِهَآ إِلَّا يَسِيرًا ﴿١٤﴾ وَلَقَدْ كَانُوا۟ عَـٰهَدُوا۟
ٱللَّهَ مِن قَبْلُ لَا يُوَلُّونَ ٱلْأَدْبَـٰرَ ۚ وَكَانَ عَهْدُ ٱللَّهِ مَسْـُٔولًا ﴿١٥﴾

7. Эсланг, Биз (барча) пайғамбарлардан ва Сиздан, Нуҳдан, Иброҳим, Мусо ва Исо ибн Марямдан аҳд олгандик. Улардан олган аҳдимиз қатъий эди*.

8. Бу ростгўйлардан (қиёматда) содиқликлари ҳақида сўраш учун эди. (Аллоҳ) кофирлар учун аламли азоб тайёрлаб қўйгандир.

9. Эй, имон келтирганлар! Сизларга (қарши) қўшинлар келган пайтда Биз уларнинг устига шамол ва сизлар кўрмаган қўшинлар (фаришталар)ни юборганимизни – Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эслангиз!* Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчи зотдир.

10. Ўшанда улар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, сизлардан қуйи (томон)дан ҳам (бостириб) келган эдилар. Ўшанда кўзлар тиниб, юраклар бўғизга тиқилиб қолган ва сизлар Аллоҳ ҳақида (турли) гумонлар қила бошлаган эдингиз.

11. Ана ўша жойда мўминлар имтиҳон қилиндилар ва (даҳшат ва хавф-хатардан) қаттиқ ларзага тушдилар.

12. Ўшанда мунофиқлар ва дилларида иллат бўлган (эътиқодлари заиф) кимсалар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар», – дея бошладилар.

13. Ўшанда улардан бир тоифаси деди: «Эй, Ясриб (Мадина) аҳли! Сизлар учун (бу қадар кўп сонли ёвга қарши) туриш имкони йўқдир. Бас, (ўз уйларингизга) қайтиб кетингиз!» Улардан яна бир гуруҳи эса: «Уйларимиз очиқ-сочиқ», – деб Пайғамбардан изн сўрадилар. Ҳолбуки, (уйлари) очиқ-сочиқ эмас эди. Улар фақат (жангдан) қочишнигина истардилар.

14. Агар уларнинг (мунофиқларнинг) устига (Мадинанинг турли) томонларидан кирилса, сўнгра улардан фитна талаб қилинса, албатта, улар кўп (иккиланиб) турмасдан унга (фитнага) келган (қўшилиб кетган) бўлур эдилар.

15. Ҳолбуки, улар илгари ортга чекинмаслик ҳақида Аллоҳ билан аҳдлашган эдилар. Аллоҳга берилган аҳд эса (қиёматда) сўралувчидир.

7-оят. Аллоҳ таоло қайси бир пайғамбарни юборса, албатта, унинг зиммасига Аллоҳнинг буйруқларини бандаларига етказиш ва Унинг динига даъват қилиш вазифасини юклайди. Улар бунга рози бўладилар. Шуни “мисоқ”, яъни “аҳд” дейилади. Бу ерда Муҳаммад (а.с.) улардан кейин юборилган бўлсалар-да, биринчи зикр этилишлари ул зотнинг ҳамма пайғамбарлардан афзал бўлганлари учундир (Мд.).

9-оят. Уҳуд жангидан бир йил кейин кечган “Хандақ” ёки “Аҳзоб” жанги тўғрисида нозил бўлган оятларда Қурайш мушриклари билан Мадинада яшовчи Ғатафон, Қурайза, Назир каби яҳудий қабилаларидан ташкил топган ёв қўшинлари иттифоқ тузиб, мусулмонлар устига Мадинага бостириб келишгани ва Аллоҳнинг ислом аҳлига мадад бергани зикр этилган. Бу жангда хандақ қазиш фикри Салмон Форсий (рз.)дан чиққан эди.

قُل لَّن يَنفَعَكُمُ ٱلْفِرَارُ إِن فَرَرْتُم مِّنَ ٱلْمَوْتِ أَوِ ٱلْقَتْلِ وَإِذًا
لَّا تُمَتَّعُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٦﴾ قُلْ مَن ذَا ٱلَّذِى يَعْصِمُكُم مِّنَ ٱللَّهِ إِنْ
أَرَادَ بِكُمْ سُوٓءًا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ رَحْمَةً وَلَا يَجِدُونَ لَهُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ
وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿١٧﴾ ۞ قَدْ يَعْلَمُ ٱللَّهُ ٱلْمُعَوِّقِينَ مِنكُمْ وَٱلْقَآئِلِينَ
لِإِخْوَٰنِهِمْ هَلُمَّ إِلَيْنَا ۖ وَلَا يَأْتُونَ ٱلْبَأْسَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٨﴾ أَشِحَّةً
عَلَيْكُمْ ۖ فَإِذَا جَآءَ ٱلْخَوْفُ رَأَيْتَهُمْ يَنظُرُونَ إِلَيْكَ تَدُورُ أَعْيُنُهُمْ
كَٱلَّذِى يُغْشَىٰ عَلَيْهِ مِنَ ٱلْمَوْتِ ۖ فَإِذَا ذَهَبَ ٱلْخَوْفُ سَلَقُوكُم
بِأَلْسِنَةٍ حِدَادٍ أَشِحَّةً عَلَى ٱلْخَيْرِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ لَمْ يُؤْمِنُوا۟ فَأَحْبَطَ
ٱللَّهُ أَعْمَٰلَهُمْ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿١٩﴾ يَحْسَبُونَ ٱلْأَحْزَابَ
لَمْ يَذْهَبُوا۟ ۖ وَإِن يَأْتِ ٱلْأَحْزَابُ يَوَدُّوا۟ لَوْ أَنَّهُم بَادُونَ
فِى ٱلْأَعْرَابِ يَسْـَٔلُونَ عَنْ أَنۢبَآئِكُمْ ۖ وَلَوْ كَانُوا۟ فِيكُم
مَّا قَٰتَلُوٓا۟ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٢٠﴾ لَّقَدْ كَانَ لَكُمْ فِى رَسُولِ ٱللَّهِ أُسْوَةٌ
حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلْيَوْمَ ٱلْءَاخِرَ وَذَكَرَ ٱللَّهَ كَثِيرًا ﴿٢١﴾
وَلَمَّا رَءَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلْأَحْزَابَ قَالُوا۟ هَٰذَا مَا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ
وَصَدَقَ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ ۚ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّآ إِيمَٰنًا وَتَسْلِيمًا ﴿٢٢﴾

16. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Агар сизлар ўлишдан ё ўлдирилишдан қочсангиз, бу қочиш сизларга сира фойда бермас, демак, сизлар (ҳаётдан) жуда оз фойдаланурсиз».

17. Айтинг: «Агар Аллоҳ сизларга ёмонликни ирода этса, сизларни ким ундан асрай олур ёки У сизларга марҳаматни ирода қилса (ким уни тўса олур)?!» Улар ўзларига Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмаслар.

18. Аллоҳ сизларнинг орангиздаги (жиҳодга) тўсқинлик қиладиган ва ўз дўстларига: «Биз томонга ўтингиз!», – дейдиган кимсаларни аниқ билур. Улар жангга камдан-кам келурлар.

19. (Бу) сизларга нисбатан бахилликларидир. Бас, қачонки, (ёв томонидан) хавф келса, сиз уларни ўлим ўраб беҳуш бўлган кимса каби кўзлари ўйнаб, сиз томонга қараётганларини кўрасиз. Бас, қачонки, хавф кетса, улар яхшилик (ўлжалар) устида очкўзлик қилиб, сизларни ўткир тиллар билан ранжитурлар. Ана ўшалар имон келтирмаганлар, бас, (шу сабабли) Аллоҳ уларнинг амалларини беҳуда кетказди. Бу Аллоҳга осондир.

20. Улар (мунофиқлар) у фирқаларни (ёвни) кетмаган деб ўйлайдилар ва агар у фирқалар (қайтиб) келиб қолсалар, кўчманчи бадавийлар орасида бўлиб, сизлардан хабар сўраб туришни истайдилар. Агарда улар сизларнинг орангизда бўлганларида ҳам камдан-кам жанг қилган бўлур эдилар*.

21. (Эй, имон келтирганлар!) Сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарида гўзал намуна бордир*.

22. Мўминлар фирқаларни (ёвни) кўрган вақтларида: «Бу Аллоҳ ва пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир (имтиҳондир). Аллоҳ ва пайғамбарининг сўзи ростдир», – дедилар ва (бу сўзлари) уларнинг имон ва итоатларини янада зиёда қилди*.

20-оят. Бу ерда мунофиқларнинг қўрқоқликлари фош қилинмоқда. “Аҳзоб” қўшинлари Мадинага мусулмонлар устига бостириб кирмоқчи бўлганида, Салмон Форсий (рз.) маслаҳати билан Мадина теварагига хандақ ковлангани ва ёв қўшинлари унга қулаб ҳалок бўлгани ҳам мусулмонларнинг ғалабаси сабабларидан бири бўлган.

21-оят. Бу оят жангга беузр чиқмаганлар учун танбеҳ сифатида нозил қилинган (Қр.).

22-оят. Расул (а.с.) ёв қўшинларининг бостириб кириши тўғрисида тўққиз кун олдин хабар бергандилар. Сўзлари ўз тасдиғини топгач, мусулмонлар мазкур дил сўзларини айтиб, Аллоҳнинг мадади ва ажридан умид қилиб жангга тайёр бўлиб турдилар. “Бақара” сурасининг 214-оятида ҳам Аллоҳ йўлида заҳмат чекмасдан туриб жаннатдан умид қилмаслик лозимлиги ва ғалаба тўғрисида башорат берилган эди. Мусулмонлар ўша оятни ҳам эслашиб, жанговар ҳолатда бўлдилар (Бғ. Мд.).

مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا۟ مَا عَٰهَدُوا۟ ٱللَّهَ عَلَيْهِ ۖ فَمِنْهُم مَّن
قَضَىٰ نَحْبَهُۥ وَمِنْهُم مَّن يَنتَظِرُ ۖ وَمَا بَدَّلُوا۟ تَبْدِيلًا ﴿٢٣﴾ لِّيَجْزِىَ
ٱللَّهُ ٱلصَّٰدِقِينَ بِصِدْقِهِمْ وَيُعَذِّبَ ٱلْمُنَٰفِقِينَ إِن شَآءَ
أَوْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٤﴾ وَرَدَّ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ بِغَيْظِهِمْ لَمْ يَنَالُوا۟ خَيْرًا ۚ وَكَفَى ٱللَّهُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ٱلْقِتَالَ ۚ
وَكَانَ ٱللَّهُ قَوِيًّا عَزِيزًا ﴿٢٥﴾ وَأَنزَلَ ٱلَّذِينَ ظَٰهَرُوهُم مِّنْ
أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ مِن صَيَاصِيهِمْ وَقَذَفَ فِى قُلُوبِهِمُ ٱلرُّعْبَ
فَرِيقًا تَقْتُلُونَ وَتَأْسِرُونَ فَرِيقًا ﴿٢٦﴾ وَأَوْرَثَكُمْ أَرْضَهُمْ
وَدِيَٰرَهُمْ وَأَمْوَٰلَهُمْ وَأَرْضًا لَّمْ تَطَـُٔوهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ
شَىْءٍ قَدِيرًا ﴿٢٧﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ قُل لِّأَزْوَٰجِكَ إِن كُنتُنَّ تُرِدْنَ
ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا وَزِينَتَهَا فَتَعَالَيْنَ أُمَتِّعْكُنَّ وَأُسَرِّحْكُنَّ
سَرَاحًا جَمِيلًا ﴿٢٨﴾ وَإِن كُنتُنَّ تُرِدْنَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَٱلدَّارَ
ٱلْءَاخِرَةَ فَإِنَّ ٱللَّهَ أَعَدَّ لِلْمُحْسِنَٰتِ مِنكُنَّ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٢٩﴾
يَٰنِسَآءَ ٱلنَّبِىِّ مَن يَأْتِ مِنكُنَّ بِفَٰحِشَةٍ مُّبَيِّنَةٍ يُضَٰعَفْ
لَهَا ٱلْعَذَابُ ضِعْفَيْنِ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرًا ﴿٣٠﴾

23. Мўминлар орасида Аллоҳга берган аҳдига содиқ кишилар бордир. Бас, улардан ўз назрига вафо қилгани (шаҳид бўлгани) ва улардан (шаҳид бўлишни) кутаётгани бордир*. Улар (аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ.

24. Аллоҳ (аҳдига) содиқ кишиларни садоқатлари сабабли мукофотлаш учун, мунофиқларни эса, агар хоҳласа, азобга гирифтор этиш ёки тавбаларини қабул қилиш учун (мазкур синовни ўтказди). Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон зотдир.

25. Аллоҳ кофирларни дарғазаб ҳолларида қайтарди. Улар бирор яхшилик (фойда)га эришмадилар. Аллоҳ мўминларга жанг тўғрисида кифоя қилди (мўминларни жангсиз ғолиб қилди). Аллоҳ кучли ва қудратли зотдир.

26. У (фирқаларга) ёрдам берган, аҳли китобдан иборат кимсаларни (Аллоҳ) ўз қалъаларидан туширди ва дилларига қўрқув солди. (Улардан) бир гуруҳни ўлдирурсиз, бир гуруҳни асир олурсиз*.

27. Сизларни (Аллоҳ) уларнинг ерларига, масканларига, мол-мулкларига ва оёқларингиз етмаган ерларига ворис қилди. Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир.

28. Эй, Пайғамбар! Хотинларингизга айтинг: «Агар сизлар дунё ҳаётини ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда келингиз, мен сизларни (ўша нарсалар билан) баҳраманд қилай ва яхшилаб кузатай (талоқ қилай)!

29. Борди-ю, Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва охират диёрини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда Аллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилувчилар учун улкан мукофот (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандир».

30. Эй, Пайғамбар аёллари! Сизлардан ким аниқ фаҳш ишини қилар экан, унинг учун азоб икки баробар зиёда қилинур. Бу (каби жазоларни бериш) Аллоҳга осондир.

23-оят. “Назрига вафо қилиш” жумласидан жанг олдидан шаҳид бўлишга ҳам рози бўлган саҳобийларнинг ёв томонидан қатл этилишлари назарда тутилган. Аксарият тафсирларга кўра, бу ерда Уҳуд ва Бадр жангларида шаҳид бўлганлар ҳам назарда тутилган. Масалан, Амир Ҳамза, Мусъаб ибн Умайр, Анас ибн Назр (рз.)лар каби. Шаҳид бўлишни кутиб яшаганлардан Усмон ибн Аффон ва Талҳа (рз.)лар муроддир, дейилган (Қз.).

26-оят. Расул (а.с.) Хандақ жангидан қайтиб, Фотима (рз.) ҳузурида турганларида Жаброил (а.с.) келиб, Бани Қурайза кофирларига қарши жангга чиқишлари тўғрисида Аллоҳнинг амрини етказади. Уларга мадад бериш учун осмондан тушган фаришталар ҳам уруш қуролларини ечмай мунтазир бўлиб туришгани ҳақида ҳам хабар беради. Расул (а.с.) дарҳол мусулмонларга тезлик билан Бани Қурайза сари равона бўлишга, то у ерга етиб бормагунларича аср намозини ўқимасликка буюрадилар. Ҳазрат

۞ وَمَن يَقْنُتْ مِنكُنَّ لِلَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَتَعْمَلْ صَٰلِحًا نُّؤْتِهَآ
أَجْرَهَا مَرَّتَيْنِ وَأَعْتَدْنَا لَهَا رِزْقًا كَرِيمًا ﴿٣١﴾ يَٰنِسَآءَ ٱلنَّبِىِّ
لَسْتُنَّ كَأَحَدٍ مِّنَ ٱلنِّسَآءِ ۚ إِنِ ٱتَّقَيْتُنَّ فَلَا تَخْضَعْنَ بِٱلْقَوْلِ
فَيَطْمَعَ ٱلَّذِى فِى قَلْبِهِۦ مَرَضٌ وَقُلْنَ قَوْلًا مَّعْرُوفًا ﴿٣٢﴾ وَقَرْنَ
فِى بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ ٱلْجَٰهِلِيَّةِ ٱلْأُولَىٰ ۖ وَأَقِمْنَ
ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتِينَ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَطِعْنَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ ۚ إِنَّمَا
يُرِيدُ ٱللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنكُمُ ٱلرِّجْسَ أَهْلَ ٱلْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ
تَطْهِيرًا ﴿٣٣﴾ وَٱذْكُرْنَ مَا يُتْلَىٰ فِى بُيُوتِكُنَّ مِنْ
ءَايَٰتِ ٱللَّهِ وَٱلْحِكْمَةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ لَطِيفًا خَبِيرًا ﴿٣٤﴾
إِنَّ ٱلْمُسْلِمِينَ وَٱلْمُسْلِمَٰتِ وَٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ
وَٱلْقَٰنِتِينَ وَٱلْقَٰنِتَٰتِ وَٱلصَّٰدِقِينَ وَٱلصَّٰدِقَٰتِ وَٱلصَّٰبِرِينَ
وَٱلصَّٰبِرَٰتِ وَٱلْخَٰشِعِينَ وَٱلْخَٰشِعَٰتِ وَٱلْمُتَصَدِّقِينَ
وَٱلْمُتَصَدِّقَٰتِ وَٱلصَّٰٓئِمِينَ وَٱلصَّٰٓئِمَٰتِ وَٱلْحَٰفِظِينَ
فُرُوجَهُمْ وَٱلْحَٰفِظَٰتِ وَٱلذَّٰكِرِينَ ٱللَّهَ كَثِيرًا
وَٱلذَّٰكِرَٰتِ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ПОРА

31. Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса ва эзгу амал қилса, Биз унинг мукофотини икки ҳисса қилиб берурмиз ва унинг учун фаровон ризқ (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандирмиз.

32. Эй, Пайғамбар аёллари! Агар тақводор бўлсангиз, (ўзга) аёлларнинг бирортаси каби эмасдирсиз. Бас, сизлар (номаҳрам эркакларга) майин сўз қилмангиз, акс ҳолда қалбида бузуқлик бўлган кимса (сиздан) тама қилиб қолур. Яхши (тўғри) сўзни сўзлангиз!

33. Ўз уйларингизда қарор топингиз, (кўчага чиққанингизда) илгариги жоҳилият (даври) ясанишидек ясанмангиз! Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этингиз! Эй, (Пайғамбарнинг) хонадон аҳли! Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни обдон поклашни истайди, холос.

34. Уйларингизда Аллоҳнинг тиловат қилинадиган оятлари ва ҳикмат (яъни, пайғамбар ҳадислари)ни зикр қилингиз! Албатта, Аллоҳ лутфли ва хабардор зотдир.

35. Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир*.

Али (рз.) байроқни кўтариб, олдинда боради. Бани Қурайзага Шом вақти кирганда етиб борадилар. Баъзи саҳобалар кун ботишдан олдинроқ, яъни йўлда аср намозини ўқийдилар. Бошқалари ҳадиснинг зоҳирига амал қилиб, Бани Қурайзага етиб боргач, шомдан кейин қазо қилиб ўқийдилар. Кейин бу ҳақда Расул (а.с.)дан сўрашганда ҳар икки тоифа ҳам тўғри қилибдилар, деб жавоб берадилар. Шу гапларидан келиб чиқиб, мужтаҳид ўз ижтиҳодида хато қилса ҳам ажр олаверади, дейилган (Лс.).

Бани Қурайза кофирлари ўз қалъаларида йигирма беш кун қамалда турганларидан кейин таслим бўлиб, Саъд ибн Муоз (рз.)нинг ҳакам бўлишига рози бўлишади. Унинг ҳукмига асосан ёвнинг 600 аскари қириб ташланиб, аёл ва болалари асирга олинади ва бойликлари ўлжа сифатида мусулмонларга тақсим қилиб берилади (Мд. Лс.).

35-оят. Бу оят мадиналик Умму Амора (рз.)нинг Расул (а.с.)га: “Қуръонда фақат эркаклар тўғрисида аҳкомлар нозил бўлмоқда. Аёллар зикр қилинмаётир”, – деганида нозил қилинган (Кр.).

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ أَمْرًا أَن يَكُونَ
لَهُمُ ٱلْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًا
مُّبِينًا ﴿٣٦﴾ وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِىٓ أَنْعَمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ
أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَٱتَّقِ ٱللَّهَ وَتُخْفِى فِى نَفْسِكَ مَا ٱللَّهُ
مُبْدِيهِ وَتَخْشَى ٱلنَّاسَ وَٱللَّهُ أَحَقُّ أَن تَخْشَىٰهُ ۖ فَلَمَّا قَضَىٰ زَيْدٌ
مِّنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَٰكَهَا لِكَىْ لَا يَكُونَ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِىٓ
أَزْوَٰجِ أَدْعِيَآئِهِمْ إِذَا قَضَوْا۟ مِنْهُنَّ وَطَرًا ۚ وَكَانَ أَمْرُ ٱللَّهِ مَفْعُولًا
﴿٣٧﴾ مَّا كَانَ عَلَى ٱلنَّبِىِّ مِنْ حَرَجٍ فِيمَا فَرَضَ ٱللَّهُ لَهُۥ ۖ سُنَّةَ ٱللَّهِ فِى
ٱلَّذِينَ خَلَوْا۟ مِن قَبْلُ ۚ وَكَانَ أَمْرُ ٱللَّهِ قَدَرًا مَّقْدُورًا ﴿٣٨﴾ ٱلَّذِينَ
يُبَلِّغُونَ رِسَٰلَٰتِ ٱللَّهِ وَيَخْشَوْنَهُۥ وَلَا يَخْشَوْنَ أَحَدًا إِلَّا ٱللَّهَ ۗ وَكَفَىٰ
بِٱللَّهِ حَسِيبًا ﴿٣٩﴾ مَّا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَآ أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَٰكِن
رَّسُولَ ٱللَّهِ وَخَاتَمَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٤٠﴾
يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴿٤١﴾ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً
وَأَصِيلًا ﴿٤٢﴾ هُوَ ٱلَّذِى يُصَلِّى عَلَيْكُمْ وَمَلَٰٓئِكَتُهُۥ لِيُخْرِجَكُم
مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ ۚ وَكَانَ بِٱلْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا ﴿٤٣﴾

36. Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилганда – ҳеч бир мўмин ва мўминага (уни бажариш ёки бажармаслик) ишларида ихтиёр бўлиши мумкин эмасдир. Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилса, бас, у аниқ залолат билан йўлдан озибди.

37. (Эй, Муҳаммад!) Эсланг, Аллоҳ ва Сиз (неъматларни) инъом этган кишига (Зайд ибн Ҳорисага): «Жуфтингни ўзингда сақла (талоқ қилишга шошма)! Аллоҳдан қўрққин!», – деб, Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизда яширган эдингиз ва Аллоҳдан қўрқишга ҳақлироқ бўлган ҳолингизда, Сиз одамлардан (таъналаридан) қўрққан эдингиз*. Бас, Зайд ундан (Зайнабдан) ҳожатини адо этгач (уни талоқ қилгач), Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо этишгач (талоқ қилишгач), уларга (уйланишларида) қийинчилик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Аллоҳнинг амри эса бажарилувчидир.

38. Аллоҳнинг пайғамбарга фарз (ҳалол) қилган нарсада унга танглик йўқдир. (Бу) илгари ўтган (пайғамбарлар) ҳақидаги Аллоҳнинг йўлидир. Аллоҳнинг иши ўлчовли тақдирдир.

39. Улар (ўтган пайғамбарлар) Аллоҳнинг фармонларини (бандаларга) етказадиган, Ундан қўрқиб, Аллоҳдан ўзгадан қўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг ўзи (бандаларининг амалларига нисбатан) етарли ҳисобдондир.

40. Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир*. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир.

41. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилингиз

42. ва эртаю кеч Унга тасбеҳ айтингиз!

43. У сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга марҳамат кўрсатадиган зотдир. Унинг фаришталари ҳам (сизларга мағфират тилайдилар). У мўминларга меҳрибондир.

37-оят. Муҳаммад (а.с.) Зайнаб бинт Жаҳшни асранди ўғлига, яъни Зайд ибн Ҳориса (рз.)га никоҳлаб беришларидан олдин ўзларида у аёлга нисбатан мойиллик сезмаган эдилар. Никоҳдан кейин кўрганларида дилларида бир туйғу пайдо бўлганди. Шунда беихтиёр: “Субҳоналлоҳи Муқаллибил-қулуб”, – деб тасбеҳ айтиб юборадилар. Буни Зайнаб эшитиб, эри – Зайдга гапириб қўяди. Шундан бошлаб Зайд ундан совий бошлайди ва бир куни Расул (а.с.)га: “Мен ундан ажралмоқчиман. Зеро, у ўзини мендан юқори тутмоқда”, – деганида, Расул (а.с.) бундан уни қайтарадилар. Зеро, одамларнинг: “Ўғлининг хотинига уйланибди”, – деган таънасидан қўрқдилар. Лекин Аллоҳнинг иродаси устунлик қилади ва Зайнаб Зайддан ажралиб, Расул (а.с.)га турмушга чиқади (Мд.).

40-оят. Бу ерда Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)ни "Пайғамбарларнинг муҳри" деб атади. Зеро, ҳар бир муҳим ёзма ҳужжат сўнггида муҳр босилгани каби охирги пайғамбар келгач, пайғамбарлар китобига ҳам муҳр босилгандек бўлди.

تَحِيَّتُهُمْ يَوْمَ يَلْقَوْنَهُۥ سَلَٰمٌ ۚ وَأَعَدَّ لَهُمْ أَجْرًا كَرِيمًا ﴿٤٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلنَّبِىُّ إِنَّآ أَرْسَلْنَٰكَ شَٰهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٤٥﴾ وَدَاعِيًا
إِلَى ٱللَّهِ بِإِذْنِهِۦ وَسِرَاجًا مُّنِيرًا ﴿٤٦﴾ وَبَشِّرِ ٱلْمُؤْمِنِينَ بِأَنَّ لَهُم
مِّنَ ٱللَّهِ فَضْلًا كَبِيرًا ﴿٤٧﴾ وَلَا تُطِعِ ٱلْكَٰفِرِينَ وَٱلْمُنَٰفِقِينَ
وَدَعْ أَذَىٰهُمْ وَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ وَكِيلًا ﴿٤٨﴾
يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا نَكَحْتُمُ ٱلْمُؤْمِنَٰتِ ثُمَّ طَلَّقْتُمُوهُنَّ
مِن قَبْلِ أَن تَمَسُّوهُنَّ فَمَا لَكُمْ عَلَيْهِنَّ مِنْ عِدَّةٍ تَعْتَدُّونَهَا ۖ
فَمَتِّعُوهُنَّ وَسَرِّحُوهُنَّ سَرَاحًا جَمِيلًا ﴿٤٩﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ إِنَّآ
أَحْلَلْنَا لَكَ أَزْوَٰجَكَ ٱلَّٰتِىٓ ءَاتَيْتَ أُجُورَهُنَّ وَمَا مَلَكَتْ
يَمِينُكَ مِمَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَيْكَ وَبَنَاتِ عَمِّكَ وَبَنَاتِ عَمَّٰتِكَ
وَبَنَاتِ خَالِكَ وَبَنَاتِ خَٰلَٰتِكَ ٱلَّٰتِى هَاجَرْنَ مَعَكَ وَٱمْرَأَةً
مُّؤْمِنَةً إِن وَهَبَتْ نَفْسَهَا لِلنَّبِىِّ إِنْ أَرَادَ ٱلنَّبِىُّ أَن يَسْتَنكِحَهَا
خَالِصَةً لَّكَ مِن دُونِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ۗ قَدْ عَلِمْنَا مَا فَرَضْنَا
عَلَيْهِمْ فِىٓ أَزْوَٰجِهِمْ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ لِكَيْلَا
يَكُونَ عَلَيْكَ حَرَجٌ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٥٠﴾

44. Унга (Аллоҳга) рўбарў бўладиган кундаги уларга (Аллоҳнинг) истиқбол сўзи «салом»дир*. Улар учун (У) ёқимли мукофот (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандир.

45. Эй, Пайғамбар! Дарҳақиқат, Биз Сизни (қиёматда барча умматларга) гувоҳ бўлувчи, (жаннат хақида) хушхабар берувчи ва (дўзах азобидан) огоҳлантирувчи этиб юбордик.

46. Аллоҳнинг изни билан (Сизни) Унга (Унинг динига) даъват қилувчи ва (йўл кўрсатувчи) нурли чироқ* қилиб ҳам (юбордик).

47. Аллоҳ томонидан берилажак катта фазл (жаннат) ҳақида мўминларга хушхабар беринг!

48. Кофирлар ва мунофиқларга бўйин сунманг ва уларнинг азиятларига парво қилманг ҳамда Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳнинг Ўзи етарли вакил (ҳимоячи)дир.

49. Эй, мўминлар! Қачонки, сизлар мўминаларни* никоҳингизга олсангиз-у, сўнгра уларга «тегиш»дан илгари уларни талоқ қилсангиз, у ҳолда сизлар учун уларнинг зиммасида санайдиган идда йўқдир. Бас, сизлар уларни (озгина моддий) баҳраманд этиб, чиройли кузатиш билан кузатингиз!

50. Эй, Пайғамбар! Албатта, Биз Сизга маҳрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ Сизга ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, Сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини яна (ҳар қандай) мўмина аёлни – агар у ўзини пайғамбарга тортиқ этса-ю, пайғамбар уни (маҳрсиз) ўз никоҳига олишни истаса, (мазкур аёлларни Сиз учун) ҳалол қилдик. (Маҳрсиз уйланиш барча) мўминлар учун эмас, холис сиз учундир*. Биз (мўминларга) жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимизни, албатта, биламиз. Бу Сизга танглик бўлмаслиги учундир. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

44-оят. Яъни Аллоҳ мўмин бандаларини жаннатда "Ассалому алайкум!" деб кутиб олажак, иншоаллоҳу таоло (Мд.).

46-оят. Муҳаммад (а.с.)ни Аллоҳ таоло "нурли чироқ" деб атаганини икки хил тафсир қилиш мумкин. Биринчидан, ул зот бамисоли қоронғу кечада йўлни ёритиб берувчи чироқдирларки, умматларини ширк зулматидан имон нури сари олиб чиқдилар. Иккинчидан, "нурли чироқ" – бу Қуръони карим. Бу тафсирга кўра, Расул (а.с.) шу нурли чироқнинг эгаси, деб изоҳланади (Мд.).

49-оят. Оятда мўминларга қарата "мўминаларни никоҳингизга олсангиз" деб хитоб қилинишидан, зарурат тақозоси билан мусулмонларга китобия аёлларни никоҳлаб олиш шаръан жоиз бўлса-да, лекин муслима аёлларга уйланишнинг афзаллиги маълум бўлади (Мд.).

50-оят. Бу ва бошқа оятлардан аёллар маҳрининг риоя этилиши шаръан нақадар аҳамиятли экани маълум бўлади.

۞ تُرْجِي مَن تَشَآءُ مِنْهُنَّ وَتُـْٔوِيٓ إِلَيْكَ مَن تَشَآءُ ۖ وَمَنِ ٱبْتَغَيْتَ
مِمَّنْ عَزَلْتَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكَ ۚ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰٓ أَن تَقَرَّ أَعْيُنُهُنَّ
وَلَا يَحْزَنَّ وَيَرْضَيْنَ بِمَآ ءَاتَيْتَهُنَّ كُلُّهُنَّ ۚ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ
مَا فِي قُلُوبِكُمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَلِيمًا ﴿٥١﴾ لَّا يَحِلُّ لَكَ
ٱلنِّسَآءُ مِنۢ بَعْدُ وَلَآ أَن تَبَدَّلَ بِهِنَّ مِنْ أَزْوَٰجٍ وَلَوْ أَعْجَبَكَ
حُسْنُهُنَّ إِلَّا مَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ رَّقِيبًا
﴿٥٢﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَدْخُلُوا۟ بُيُوتَ ٱلنَّبِيِّ إِلَّآ أَن
يُؤْذَنَ لَكُمْ إِلَىٰ طَعَامٍ غَيْرَ نَـٰظِرِينَ إِنَىٰهُ وَلَـٰكِنْ إِذَا دُعِيتُمْ
فَٱدْخُلُوا۟ فَإِذَا طَعِمْتُمْ فَٱنتَشِرُوا۟ وَلَا مُسْتَـْٔنِسِينَ لِحَدِيثٍ ۚ إِنَّ
ذَٰلِكُمْ كَانَ يُؤْذِي ٱلنَّبِيَّ فَيَسْتَحْيِۦ مِنكُمْ ۖ وَٱللَّهُ لَا
يَسْتَحْيِۦ مِنَ ٱلْحَقِّ ۚ وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَـٰعًا فَسْـَٔلُوهُنَّ مِن
وَرَآءِ حِجَابٍ ۚ ذَٰلِكُمْ أَطْهَرُ لِقُلُوبِكُمْ وَقُلُوبِهِنَّ ۚ وَمَا كَانَ
لَكُمْ أَن تُؤْذُوا۟ رَسُولَ ٱللَّهِ وَلَآ أَن تَنكِحُوٓا۟ أَزْوَٰجَهُۥ
مِنۢ بَعْدِهِۦٓ أَبَدًا ۚ إِنَّ ذَٰلِكُمْ كَانَ عِندَ ٱللَّهِ عَظِيمًا ﴿٥٣﴾ إِن
تُبْدُوا۟ شَيْـًٔا أَوْ تُخْفُوهُ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا ﴿٥٤﴾

51. Сиз улардан ўзингиз хоҳлаганингизни қолдириб, хоҳлаганингиз билан ҳамёстиқ бўлурсиз (бирга тунарсиз). Ўзингиз четлатган аёлларингиздан бирортасини (ҳамёстиқликка) истасангиз, Сизга ҳеч қандай гуноҳ бўлмас. Бу уларнинг кўзлари қувонишига, ғамгин бўлмасликларига ва Сиз уларга ато этган нарсага барчалари рози бўлишларига яқинроқ (йўл)дир. Аллоҳ сизларнинг дилларингиздаги нарсани (ҳам) билур. Аллоҳ билимдон ва ҳалим зотдир.

52. (Эй, Муҳаммад!) Сиз учун бундан сўнг аёллар (яъни уйланишингиз) ҳалол бўлмас*. Гарчи уларнинг (бошқа хотинларнинг) ҳусни Сизни қизиқтирса ҳам* уларни (ўз аёлларингизга) алмаштириш ҳам (ҳалол бўлмас). Илло, қўл остингизда бўлган чўрилар (ҳалолдир). Аллоҳ барча нарса устидан кузатиб турувчи зотдир.

53. Эй, имон келтирганлар! Пайғамбарнинг уйларига фақат сизларни бирор таомга чақирилсагина кирингиз! (Ўшанда ҳам) унга эришишга кўз тутиб турмангиз, балки чақирилганингизда кирингиз ва таомдан сўнг гапга берилиб кетмай, тарқалингиз! Зеро, бу Пайғамбарга озор берур, у эса сизлардан ийманар. Аллоҳ ҳақ (гап)дан тортинмас. Қачонки, сизлар улардан (пайғамбар аёлларидан) бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўрангиз! Мана шу сизларнинг дилларингиз ва уларнинг дилларига нисбатан ҳам тозароқ (иш)дир. Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига озор бериш ва ундан кейин аёлларига уйланишингиз асло мумкин эмасдир. Чунки, бу Аллоҳ наздида улкан (гуноҳ)дир.

54. Агар сизлар бирор нарсани ошкор қилсангиз ҳам ёки яширсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир.

52-оят. Аллоҳ таоло 50-оятда Расул (а.с.)га уйланиш хусусида танлов ихтиёрини бергач, хотинлари тўққизтага етади. Шундан кейин уйланмаслик ва бирортасини талоқ қўйиб, ўрнига бошқасини олмасликка буюрилганлар. Муҳаммад (а.с.) вафот этганларида қуйидаги тўққизта хотинлари бева қолган: Ойша, Ҳафса, Умму Ҳабиба, Савда, Умму Салама, Сафия, Маймуна, Зайнаб, Жувайрия (Мд.).

Аллоҳнинг ҳикмати билан Расул (а.с.) улардан бирорта зурриёт қолдирмаганлар. Фақат Хадича (рз.)дан туғилган Фотима (рз.)-нинг икки ўғли Имом Ҳасан билан Имом Ҳусайн (рз.)лар қолган. Ҳозиргача давом этиб келаётган саййидзодалар шажарасининг нисбати мазкур икки набираларига бориб қўшилади.

* Жаъфар ибн Аби Толиб (рз.) вафот этганида, унинг беваси Асмо бинт Умайс деган аёлга Расул (а.с.) уйланмоқчи бўлганларида Аллоҳ томонидан мазкур тақиқ нозил бўлган (Лс. Бғ.).

Оятдаги "...ҳусни Сизни қизиқтирса ҳам" жумласи ва ҳадисда уйланаётган саҳобийга Расул (а.с.)дан берилган кўрсатма уйланишга мўлжалланган қизнинг юзи ва қўл кафтларини кўриш шаръан жоиз эканига далилдир. Шофиий ва Аҳмад (рҳ.)лар аёл ёпинчиқда турган бўлса, изнсиз кўриш жоиз, деганлар (Қр.).

لَّا جُنَاحَ عَلَيۡهِنَّ فِيٓ ءَابَآئِهِنَّ وَلَآ أَبۡنَآئِهِنَّ وَلَآ إِخۡوَٰنِهِنَّ وَلَآ أَبۡنَآءِ
إِخۡوَٰنِهِنَّ وَلَآ أَبۡنَآءِ أَخَوَٰتِهِنَّ وَلَا نِسَآئِهِنَّ وَلَا مَا مَلَكَتۡ
أَيۡمَٰنُهُنَّۗ وَٱتَّقِينَ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ شَهِيدًا
﴿٥٥﴾ إِنَّ ٱللَّهَ وَمَلَٰٓئِكَتَهُۥ يُصَلُّونَ عَلَى ٱلنَّبِيِّۚ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ صَلُّواْ عَلَيۡهِ وَسَلِّمُواْ تَسۡلِيمًا ﴿٥٦﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُؤۡذُونَ
ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُ فِي ٱلدُّنۡيَا وَٱلۡأٓخِرَةِ وَأَعَدَّ لَهُمۡ عَذَابٗا
مُّهِينٗا ﴿٥٧﴾ وَٱلَّذِينَ يُؤۡذُونَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ وَٱلۡمُؤۡمِنَٰتِ
بِغَيۡرِ مَا ٱكۡتَسَبُواْ فَقَدِ ٱحۡتَمَلُواْ بُهۡتَٰنٗا وَإِثۡمٗا مُّبِينٗا ﴿٥٨﴾
يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ قُل لِّأَزۡوَٰجِكَ وَبَنَاتِكَ وَنِسَآءِ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ يُدۡنِينَ
عَلَيۡهِنَّ مِن جَلَٰبِيبِهِنَّۚ ذَٰلِكَ أَدۡنَىٰٓ أَن يُعۡرَفۡنَ فَلَا يُؤۡذَيۡنَۗ وَكَانَ
ٱللَّهُ غَفُورٗا رَّحِيمٗا ﴿٥٩﴾ ۞ لَّئِن لَّمۡ يَنتَهِ ٱلۡمُنَٰفِقُونَ وَٱلَّذِينَ
فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٞ وَٱلۡمُرۡجِفُونَ فِي ٱلۡمَدِينَةِ لَنُغۡرِيَنَّكَ
بِهِمۡ ثُمَّ لَا يُجَاوِرُونَكَ فِيهَآ إِلَّا قَلِيلٗا ﴿٦٠﴾ مَّلۡعُونِينَۖ
أَيۡنَمَا ثُقِفُوٓاْ أُخِذُواْ وَقُتِّلُواْ تَقۡتِيلٗا ﴿٦١﴾ سُنَّةَ ٱللَّهِ فِي
ٱلَّذِينَ خَلَوۡاْ مِن قَبۡلُۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّةِ ٱللَّهِ تَبۡدِيلٗا ﴿٦٢﴾

55. (Пайғамбарнинг аёллари) ўз оталарига, ўғилларига, оға-иниларига, оға-иниларининг ўғилларига, опа-сингилларининг ўғилларига, (мўмина) аёлларга ва қўл остиларидаги (чўри)ларга (ҳижобсиз кўринишларида) уларга гуноҳ йўқдир*. (Эй, пайғамбар аёллари!) Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ барча нарсага шаҳид* (гувоҳ)дир.

56. Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар. Эй мўминлар! (сизлар ҳам) унга салавот ва салом айтингиз!*

57. Албатта, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Аллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлар ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйгандир.

58. Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўҳтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар.

59. Эй, Пайғамбар! Хотинларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг хотинларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ташлаб олсинлар! Мана шу уларнинг (ким эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин (воситадир). Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

60. Қасамки, агар мунофиқлар, дилларида бузуқлик бўлган кимсалар ва Мадинада миш-миш тарқатиб юрувчилар (ўз қилмишларидан) тийилмасалар, албатта, Биз Сизни уларга қарши қўзғатурмиз, сўнгра улар (Мадинада) озчиликдан бошқаси Сиз билан ёнма-ён тура олмай қолурлар

61. лаънатга дучор бўлган ҳолларида. (У пайтда) улар қаерда топилсалар, ушланурлар ва қириб ташланурлар.

62. (Бу) илгари ўтган зотлар хусусидаги Аллоҳнинг йўлидир. Аллоҳнинг йўлига эса, сира ўзгартириш топмассиз.

55-оят. Амаки ва тоға ҳам мазкурлар жумласидандир. Зеро, улар ота-она ҳукмидадирлар. “Бақара” сурасининг 133-оятида Яъқуб (а.с.)га амакиси Исмоил (а.с.)нинг ота нисбати берилган. Аммо қуллар ўз бекаларига нисбатан бегона эркаклар ҳукмидадир.

* Бу ерда ва кўп оятларда Аллоҳни шаҳид деб сифатланган. Шаҳид билан шоҳид бир хил маънода, яъни гувоҳ маъносида келади. Лекин Аллоҳга нисбатан шоҳид эмас, шаҳид дейилади. Зеро, шоҳид зоҳиран кўриниб ёки эшитилиб турганга гувоҳ бўлишдир. Шаҳид эса, инсоннинг дилидан кечаётган фикр ва хаёлларни ҳам билиб турувчи гувоҳдир (Мд.).

56-оят. Муҳаммад (а.с.)га салавот ва саломлар тилаб дуо қилиш жуда савобли иш ҳисобланади. Ҳадисларда ҳам унга тарғибот кўп. Имом Таҳовий (рҳ.) умрида бир марта салавот айтса кифоя деган. Лекин қолган уламолар Имом Кархий (рҳ.) сўзини қувватлаб, Муҳаммад (а.с.)нинг номлари қачон зикр этилса салавот айтиш керак деганлар (Мд.).

Расул (а.с.)га бағишлаб ёзилган салавот тўпламлари ичида “Далоил ал-хайрот” машҳурдир.

يَسْـَٔلُكَ ٱلنَّاسُ عَنِ ٱلسَّاعَةِۖ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِندَ ٱللَّهِۚ وَمَا يُدْرِيكَ
لَعَلَّ ٱلسَّاعَةَ تَكُونُ قَرِيبًا ﴿٦٣﴾ إِنَّ ٱللَّهَ لَعَنَ ٱلْكَـٰفِرِينَ وَأَعَدَّ
لَهُمْ سَعِيرًا ﴿٦٤﴾ خَـٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًاۖ لَّا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا
﴿٦٥﴾ يَوْمَ تُقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِى ٱلنَّارِ يَقُولُونَ يَـٰلَيْتَنَآ أَطَعْنَا ٱللَّهَ
وَأَطَعْنَا ٱلرَّسُولَا۠ ﴿٦٦﴾ وَقَالُوا۟ رَبَّنَآ إِنَّآ أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَآءَنَا
فَأَضَلُّونَا ٱلسَّبِيلَا۠ ﴿٦٧﴾ رَبَّنَآ ءَاتِهِمْ ضِعْفَيْنِ مِنَ ٱلْعَذَابِ
وَٱلْعَنْهُمْ لَعْنًا كَبِيرًا ﴿٦٨﴾ يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَكُونُوا۟ كَٱلَّذِينَ
ءَاذَوْا۟ مُوسَىٰ فَبَرَّأَهُ ٱللَّهُ مِمَّا قَالُوا۟ۚ وَكَانَ عِندَ ٱللَّهِ وَجِيهًا ﴿٦٩﴾
يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَقُولُوا۟ قَوْلًا سَدِيدًا ﴿٧٠﴾ يُصْلِحْ
لَكُمْ أَعْمَـٰلَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْۗ وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ
فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٧١﴾ إِنَّا عَرَضْنَا ٱلْأَمَانَةَ عَلَى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ وَٱلْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَن يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا
ٱلْإِنسَـٰنُۖ إِنَّهُۥ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا ﴿٧٢﴾ لِّيُعَذِّبَ ٱللَّهُ ٱلْمُنَـٰفِقِينَ
وَٱلْمُنَـٰفِقَـٰتِ وَٱلْمُشْرِكِينَ وَٱلْمُشْرِكَـٰتِ وَيَتُوبَ ٱللَّهُ
عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَـٰتِۗ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًۢا ﴿٧٣﴾

63. Одамлар Сиздан қиёмат (қачон бўлиши) ҳақида сўрайдилар. «У ҳақдаги маълумот фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир», – деб айтинг! Қаердан билурсиз, эҳтимол, қиёмат яқинда бўлар*.

64. Албатта, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва улар учун дўзахни тайёрлаб қўйди.

65. (Улар) на бирор дўст ва на бирор ёрдамчи топмаган ҳолларида у жойда мангу қолурлар.

66. Юзлари оловда айлантириладиган кунда, улар: «Кошки эди, Аллоҳга итоат этганимизда, пайғамбарга итоат этганимизда», – дерлар.

67. Яна улар: «Парвардигоро, дарҳақиқат, бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйин сундик, бас, улар бизларни (тўғри) йўлдан оздирдилар.

68. Парвардигоро, уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин!», – дерлар.

69. Эй, мўминлар! Сизлар Мусога озор берган кимсалар каби бўлмангиз! Бас, Аллоҳ (Мусони) улар айтган нарса (айблар)дан оқлади*. Аллоҳ назидида у обрўли киши эди.

70. Эй, мўминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз!

71. (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират этар. Кимки Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас, у улуғ ютуққа эришибди.

72. Биз (бу) омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилувчи ва нодондир*.

73. Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларни, мушрик ва мушрикаларни жазолаш учун ҳамда мўмин ва мўминаларнинг тавбаларини қабул қилиш учун (бу омонатни инсон зиммасига юклади). Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

63-оят. Пайғамбар (а.с.)дан мушриклар қиёматнинг қачон қойим бўлиши ҳақида масхара юзасидан сўрасалар, яхудийлар синаш учун сўрар эдилар. Зеро, Тавротда ҳам қиёматнинг аниқ вақти ёзилмаган эди. Расул (а.с.) бу каби саволларга Аллоҳнинг амрисиз жавоб қайтармас эдилар. Аллоҳ таоло қиёмат куни қачон бўлишини ҳатто, ўз пайғамбарларидан ҳам сир тутган (Мд.).

69-оят. Бу ерда Мусо (а.с.)га Қорун тухмат уюштириб, бир фоҳиша аёлни ёллаб, шарманда қилмоқчи бўлганида оқлангани ёки бир тош кийимларини ўраб кетганида таъначилар олдида баданида айби йўқлиги оқланганини ёхуд Ҳорунни у қатл этмагани исбот этилгач, унинг оқлангани назарда тутилган (Мд. Қз.).

72-оят. Ҳадисда: “Одам (а.с.) омонатни қабул қилиб олгач, кўп ўтмай жаннатда уни кўтара олмасдан тақиқланган дарахт мевасидан еб қўйди”,– дейилган (Тр.).



بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى لَهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ وَلَهُ ٱلْحَمْدُ
فِى ٱلْءَاخِرَةِ وَهُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْخَبِيرُ ١ يَعْلَمُ مَا يَلِجُ فِى ٱلْأَرْضِ
وَمَا يَخْرُجُ مِنْهَا وَمَا يَنزِلُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ وَمَا يَعْرُجُ فِيهَا وَهُوَ
ٱلرَّحِيمُ ٱلْغَفُورُ ٢ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَا تَأْتِينَا ٱلسَّاعَةُ
قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّى لَتَأْتِيَنَّكُمْ عَٰلِمِ ٱلْغَيْبِ لَا يَعْزُبُ عَنْهُ مِثْقَالُ
ذَرَّةٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ وَلَآ أَصْغَرُ مِن ذَٰلِكَ
وَلَآ أَكْبَرُ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ٣ لِّيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ
كَرِيمٌ ٤ وَٱلَّذِينَ سَعَوْ فِىٓ ءَايَٰتِنَا مُعَٰجِزِينَ أُو۟لَٰٓئِكَ
لَهُمْ عَذَابٌ مِّن رِّجْزٍ أَلِيمٌ ٥ وَيَرَى ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ
ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ هُوَ ٱلْحَقَّ وَيَهْدِىٓ إِلَىٰ صِرَٰطِ
ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَمِيدِ ٦ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ هَلْ نَدُلُّكُمْ عَلَىٰ رَجُلٍ
يُنَبِّئُكُمْ إِذَا مُزِّقْتُمْ كُلَّ مُمَزَّقٍ إِنَّكُمْ لَفِى خَلْقٍ جَدِيدٍ ٧

Сабаъ сураси

Маккада нозил қилинган. 54 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Ҳамд Аллоҳга (хос)дир. У шундай зотки, осмонлардаги ва Ердаги (бор) нарса Уникидир. Охиратда ҳам ҳамд фақат Унга (хос)дир. У ҳикматли ва хабардор зотдир.

2. У Ерга кирадиган нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган нарсаларни ҳам, самодан тушадиган нарсаларни ҳам, унга кўтариладиган нарсаларни ҳам билур. У раҳмли ва мағфиратлидир.

3. Кофир бўлган кимсалар: «Бизларга қиёмат келмас», – дедилар. Айтинг: «Йўқ! Ғайбни билувчи Раббимга қасамки, шак-шубҳасиз, у (қиёмат) сизларга келур! Осмонлар ва Ердаги бир зарра мисолича, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирор нарса Ундан махфий бўлмас ва албатта, (у) аниқ Китобда (Лавҳул-маҳфузда) мавжуддир».

4. Токи (Аллоҳ) имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни мукофотлаши учун (қиёмат қойим бўлур). Ана ўшалар учун мағфират ва (жаннатда) фаровон ризқ бордир.

5. Оятларимизга (қарши) курашиш ҳаракатида юрган кимсалар учун аламли азоб жазоси бордир.

6. (Эй, Муҳаммад!) Илм берилган зотлар* Сизга Раббингиз (томони)дан нозил қилинган (Қуръон)нинг ҳақ (китоб) эканини ва у (китоб ёки Аллоҳ) қудратли, ҳамдга лойиқ зотнинг йўлига ҳидоят қилади, деб билурлар.

7. Кофир бўлган кимсалар дерлар: «Сизларга (чириб) титилиб бўлак-бўлак бўлиб кетган вақтингизда, албатта, сизлар яна янгитдан яратилурсиз, деб хабар берадиган бир кишини (Муҳаммадни) кўрсатайликми?*

34. САБАЪ СУРАСИ

Сабаъ – Яман диёридаги қадимий шаҳар номи. Унда Билқис исмли малика ҳукмдор бўлган ва Сулаймон (а.с.) билан ўрталарида кечган можаролар тўғрисида “Намл” сурасида баён қилинди. Бу сурада мазкур Сабаъ қабиласининг ношукурликлари сабабли ноз-неъматлардан маҳрум бўлгани Довуд ва Сулаймон (а.с.) қиссалари, ҳақ билан ботилнинг ўзаро кураши, эзгуликка берилажак ажру савоблар, ёвузликка аталган уқубат ва жазолар тўғрисида оятлар баён этилган. Айниқса, жинлар ҳам инсон каби ғайбий сирларни билмаслиги тўғрисидаги муҳим маълумотлар ушбу сурада ўз аксини топган.

6-оят. Илм берилган зотлар – Муҳаммад (а.с.)нинг саҳобалари ва уларнинг издошлари ёки аҳли китобларнинг уламоларидан Абдуллоҳ ибн Салом (рз.) ва унинг шериклари каби исломга кирган кишилардир, деган тафсирлар мавжуд (Мд. Лс.).

7-оят. Кофирлар бу гапи билан Расул (а.с.)ни Аллоҳ номидан ёлғон тўқияпти ёки жинни бўлгани учун беихтиёр алжираяпти, деб ғирт ёлғончига чиқармоқчи бўлдилар. Зеро, ҳар икки ҳолатда ҳам ул зотни пайғамбарликлари қатъий инкор этилмоқда.

8. У Аллоҳ шаънига ёлғон тўқидими ёки унда жиннилик борми?», – дедилар. Йўқ, (балки) охиратга ишонмайдиганлар (дўзахдаги) азобда ва (ҳидоятдан) узоқ залолатдадирлар.

9. Ахир, улар олдиларидаги ва ортларидаги (атрофларидаги) нарсаларга – осмону заминга боқмайдиларми?! Агар Биз хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз ёки устиларига осмондан парчалар туширурмиз. Албатта, бунда ҳар бир (Аллоҳга имон ва ихлос билан) қайтувчи банда учун аломат бордир.

10. Биз Довудга (улуғ) фазл (мартаба) ато этдик: «Эй, тоғлар ва қушлар! (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтингиз!» Яна унинг учун темирни (хамирдек) мулойим қилиб қўйдик*.

11. (Довудга дедик): «Совутлар ясагин ва (уларни) ясашда меъёрни билгин! (Эй, Довуд оиласи!) Яхши амал қилингиз! Зеро, Мен қилаётган (яхши-ёмон) амалларингизни кўриб турувчидирман».

12. Сулаймонга эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйин сундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб қўйдик. Яна жинлардан ҳам Парвардигорининг изни билан унинг қўл остида ишлайдиган (жин)ларни (бўйин сундириб қўйгандирмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан четласа, Биз унга ўт азобидан тоттириб қўюрмиз.

13. Улар (Сулаймонга мисдан у) хоҳлаган нарсаларни – меҳроблар (ибодатхоналар), тимсоллар (ҳайкаллар, суратлар), ҳовузлар каби (катта) лаганлар ва (ўчоқларга) ўрнашувчи қозонларни ясаб берурлар. «(Эй) Довуд оиласи! (бу неъматларнинг) шукронаси учун амал (ибодат) қилингиз! Бандаларим орасида (Аллоҳга) шукр қилувчиси оздир».

أَفْتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ كَذِبًا أَم بِهِۦ جِنَّةُۢ ۗ بَلِ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ
فِى ٱلْعَذَابِ وَٱلضَّلَٰلِ ٱلْبَعِيدِ ﴿٨﴾ أَفَلَمْ يَرَوْا۟ إِلَىٰ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ
وَمَا خَلْفَهُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ ۚ إِن نَّشَأْ نَخْسِفْ بِهِمُ
ٱلْأَرْضَ أَوْ نُسْقِطْ عَلَيْهِمْ كِسَفًا مِّنَ ٱلسَّمَآءِ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ
لَءَايَةً لِّكُلِّ عَبْدٍ مُّنِيبٍ ﴿٩﴾ ۞ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا دَاوُۥدَ مِنَّا فَضْلًا ۖ
يَٰجِبَالُ أَوِّبِى مَعَهُۥ وَٱلطَّيْرَ ۖ وَأَلَنَّا لَهُ ٱلْحَدِيدَ ﴿١٠﴾ أَنِ ٱعْمَلْ
سَٰبِغَٰتٍ وَقَدِّرْ فِى ٱلسَّرْدِ ۖ وَٱعْمَلُوا۟ صَٰلِحًا ۖ إِنِّى بِمَا تَعْمَلُونَ
بَصِيرٌ ﴿١١﴾ وَلِسُلَيْمَٰنَ ٱلرِّيحَ غُدُوُّهَا شَهْرٌ وَرَوَاحُهَا شَهْرٌ ۖ
وَأَسَلْنَا لَهُۥ عَيْنَ ٱلْقِطْرِ ۖ وَمِنَ ٱلْجِنِّ مَن يَعْمَلُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِإِذْنِ
رَبِّهِۦ ۖ وَمَن يَزِغْ مِنْهُمْ عَنْ أَمْرِنَا نُذِقْهُ مِنْ عَذَابِ ٱلسَّعِيرِ ﴿١٢﴾
يَعْمَلُونَ لَهُۥ مَا يَشَآءُ مِن مَّحَٰرِيبَ وَتَمَٰثِيلَ وَجِفَانٍ كَٱلْجَوَابِ
وَقُدُورٍ رَّاسِيَٰتٍ ۚ ٱعْمَلُوٓا۟ ءَالَ دَاوُۥدَ شُكْرًا ۚ وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِىَ
ٱلشَّكُورُ ﴿١٣﴾ فَلَمَّا قَضَيْنَا عَلَيْهِ ٱلْمَوْتَ مَا دَلَّهُمْ عَلَىٰ مَوْتِهِۦٓ
إِلَّا دَآبَّةُ ٱلْأَرْضِ تَأْكُلُ مِنسَأَتَهُۥ ۖ فَلَمَّا خَرَّ تَبَيَّنَتِ ٱلْجِنُّ
أَن لَّوْ كَانُوا۟ يَعْلَمُونَ ٱلْغَيْبَ مَا لَبِثُوا۟ فِى ٱلْعَذَابِ ٱلْمُهِينِ ﴿١٤﴾

14. Бас, қачонки, Биз (Сулаймонга) ўлимни ҳукм қилганимизда, унинг ўлимига фақат ҳассасини еяётган кемирувчи қуртгина далолат қилди. Бас, қачонки, у қулаб тушгач, жинлар аниқ билдиларки, агар улар ғайбни билувчи бўлганларида бу хор қилувчи азобда (меҳнатда узоқ муддат) қолмаган бўлур эдилар*.

10-оят. Довуд (а.с.)га Аллоҳ таоло пайғамбарликдан ташқари яна мафтункор овоз ва темирчилик касбини ҳам ато этганки, Забур китобини тиловат қилганида қушлар ҳам мафтун бўлиб, унга жўр бўлар, атрофдаги тоғу тошлар ҳам акс садо бериб тиловатга қўшилишар, тасбеҳни бирга айтишар экан. Темирчиликда ҳам тенгсиз хусусиятли бўлиб, темир унинг қўлида хамирдек эриб кетар, ундан хоҳлаган буюмни ясай олар экан.

14-оят. Сулаймон (а.с.)га ҳам Аллоҳ таоло пайғамбарликдан ташқари инсу жин, паррандаю даррандалар устидан подшоҳлик қилиш неъматини ато этган бўлиб, бир мис булоқ ҳам у кишига бўйсундириб қўйилган экан. Пайғамбар итоатидаги жинлар ўша булоқдан мис эритмасини олиб, Сулаймон (а.с.) буюрган буюм ва шаклларни ясашар экан.

Мазкур оятда жинларнинг ғайбий сирлардан ҳамиша огоҳ бўлавермаслиги ҳам баён этилган.

لَقَدۡ كَانَ لِسَبَإٖ فِي مَسۡكَنِهِمۡ ءَايَةٞۖ جَنَّتَانِ عَن يَمِينٖ وَشِمَالٖۖ
كُلُواْ مِن رِّزۡقِ رَبِّكُمۡ وَٱشۡكُرُواْ لَهُۥۚ بَلۡدَةٞ طَيِّبَةٞ وَرَبٌّ غَفُورٞ
١٥ فَأَعۡرَضُواْ فَأَرۡسَلۡنَا عَلَيۡهِمۡ سَيۡلَ ٱلۡعَرِمِ وَبَدَّلۡنَٰهُم بِجَنَّتَيۡهِمۡ
جَنَّتَيۡنِ ذَوَاتَيۡ أُكُلٍ خَمۡطٖ وَأَثۡلٖ وَشَيۡءٖ مِّن سِدۡرٖ قَلِيلٖ
١٦ ذَٰلِكَ جَزَيۡنَٰهُم بِمَا كَفَرُواْۖ وَهَلۡ نُجَٰزِيٓ إِلَّا ٱلۡكَفُورَ ١٧
وَجَعَلۡنَا بَيۡنَهُمۡ وَبَيۡنَ ٱلۡقُرَى ٱلَّتِي بَٰرَكۡنَا فِيهَا قُرٗى ظَٰهِرَةٗ
وَقَدَّرۡنَا فِيهَا ٱلسَّيۡرَۖ سِيرُواْ فِيهَا لَيَالِيَ وَأَيَّامًا ءَامِنِينَ ١٨
فَقَالُواْ رَبَّنَا بَٰعِدۡ بَيۡنَ أَسۡفَارِنَا وَظَلَمُوٓاْ أَنفُسَهُمۡ فَجَعَلۡنَٰهُمۡ
أَحَادِيثَ وَمَزَّقۡنَٰهُمۡ كُلَّ مُمَزَّقٍۚ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَأٓيَٰتٖ لِّكُلِّ صَبَّارٖ
شَكُورٖ ١٩ وَلَقَدۡ صَدَّقَ عَلَيۡهِمۡ إِبۡلِيسُ ظَنَّهُۥ فَٱتَّبَعُوهُ إِلَّا
فَرِيقٗا مِّنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٢٠ وَمَا كَانَ لَهُۥ عَلَيۡهِم مِّن سُلۡطَٰنٍ
إِلَّا لِنَعۡلَمَ مَن يُؤۡمِنُ بِٱلۡأٓخِرَةِ مِمَّنۡ هُوَ مِنۡهَا فِي شَكّٖۗ وَرَبُّكَ
عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٍ حَفِيظٞ ٢١ قُلِ ٱدۡعُواْ ٱلَّذِينَ زَعَمۡتُم مِّن دُونِ
ٱللَّهِ لَا يَمۡلِكُونَ مِثۡقَالَ ذَرَّةٖ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِي
ٱلۡأَرۡضِ وَمَا لَهُمۡ فِيهِمَا مِن شِرۡكٖ وَمَا لَهُۥ مِنۡهُم مِّن ظَهِيرٖ ٢٢

15. Сабаъ (аҳолиси) учун ўз масканларида (Аллоҳнинг фазлига доир) бир аломат бор эди – ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб, (Биз уларга): «Парвардигорингиз ризқидан баҳраманд бўлингиз ва Унга шукр қилингиз! (Шаҳрингиз) покиза шаҳар, (Парвардигорингиз) мағфиратли Парвардигордир» (деган эдик)*.

16. Бас, улар (шукрдан) юз ўгиргач, Биз уларнинг устига тўғон билан (тўсиб қўйилган) селни (очиб) юбордик ва уларнинг боғларини аччиқ мевали, юлғунзор ва сийрак бутазор «боғлар»га айлантириб қўйдик.

17. Кофир бўлганлари сабабли уларни мана шу (жазо билан) жазоладик. Биз кофирдан ўзга кимсага жазо берармидик?!

18. Биз улар билан Ўзимиз муборак қилган шаҳарларнинг орасида кўриниб турадиган қишлоқларни барпо қилиб, улар орасида юриш (масофаси)ни ҳам ўлчаб, (уларга): «Бу (қишлоқларда) кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинчгина юраверингиз!» (деган эдик).

19. Улар эса (бу неъматларга ношукурлик қилиб): «Парвардигоро, сафарларимиз орасидаги (масофани) йироқ қилгин!», – дейишиб, ўзларига зулм қилдилар, бас, Биз уларни (одамлар оғзидаги) чўпчакка айлантириб қўйдик ва уларни бўлиб-бўлиб ташладик*. Албатта, бунда ҳар бир сабрли ва шукр қилувчи (инсон) учун аломатлар бордир.

20. Дарҳақиқат, иблис уларнинг устидаги («Мен уларни йўлдан оздира олурман», – деган) гумонини рўёбга чиқарди, бас, (Сабаъ қабиласи иблисга) эргашдилар, фақат бир гуруҳ мўминларгина (қолдилар).

21. (Иблиснинг) улар устидаги ҳукмронлиги фақат охиратга имон келтирадиган кишиларни ундан (охиратдан) шубҳада турган кимсалардан ажратиб олишимиз учун бўлди. Раббингиз барча нарсани кузатиб турувчидир.

22. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар деб) гумон қилган (бут)ларингизга илтижо қилаверингиз! Улар на осмонларда ва на Ерда бир зарра ванича (нарса)га эга эмасдирлар ва улар учун шериклик ҳам йўқдир ҳамда улардан Унга бирор мададкор ҳам йўқ (ва керак ҳам эмас)дир.

15-оят. Сабаъ шаҳри Санъодан уч фарсах узоқликда бўлиб, жуда обод, сермева дарахтлари билан машҳур бўлган. Агар бир аёл бошида сават билан дарахтлар остидан ўтса, дарҳол ўзи тўкилиб тушган хурмолар билан тўлиб қолар экан. Дарранда ва газандалар ҳам у ерда бўлмас экан. Ношукурликлари оқибатидан сел балоси билан жазоланиб, боғу роғлардан асар қолмагани нақл этилади (Мд.).

19-оят. Яманнинг шаҳар ва қишлоқлари тарқатиб юборилган. Масалан, Ғассон Шомга, Анмор Ясрибга (Мадинага), Жузом Тиҳомага, Азд Аммонга кўшилиб кетади (Мд. Қз.)

Бу жуғрофий бўлиниш, албатта, кейинчалик яна ўзгариб кетган.

وَلَا تَنفَعُ الشَّفَاعَةُ عِندَهُ إِلَّا لِمَنْ أَذِنَ لَهُ حَتَّىٰ إِذَا فُزِّعَ عَن
قُلُوبِهِمْ قَالُوا مَاذَا قَالَ رَبُّكُمْ قَالُوا الْحَقَّ وَهُوَ الْعَلِيُّ الْكَبِيرُ
﴿٢٣﴾ قُلْ مَن يَرْزُقُكُم مِّنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ قُلِ اللَّهُ
وَإِنَّا أَوْ إِيَّاكُمْ لَعَلَىٰ هُدًى أَوْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٢٤﴾ قُل
لَّا تُسْأَلُونَ عَمَّا أَجْرَمْنَا وَلَا نُسْأَلُ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٢٥﴾ قُلْ
يَجْمَعُ بَيْنَنَا رَبُّنَا ثُمَّ يَفْتَحُ بَيْنَنَا بِالْحَقِّ وَهُوَ الْفَتَّاحُ الْعَلِيمُ
﴿٢٦﴾ قُلْ أَرُونِيَ الَّذِينَ أَلْحَقْتُم بِهِ شُرَكَاءَ كَلَّا بَلْ هُوَ اللَّهُ
الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٢٧﴾ وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ
بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٨﴾
وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا الْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٩﴾
قُل لَّكُم مِّيعَادُ يَوْمٍ لَّا تَسْتَأْخِرُونَ عَنْهُ سَاعَةً وَلَا تَسْتَقْدِمُونَ
﴿٣٠﴾ وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَن نُّؤْمِنَ بِهَٰذَا الْقُرْآنِ وَلَا
بِالَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ وَلَوْ تَرَىٰ إِذِ الظَّالِمُونَ مَوْقُوفُونَ عِندَ
رَبِّهِمْ يَرْجِعُ بَعْضُهُمْ إِلَىٰ بَعْضٍ الْقَوْلَ يَقُولُ الَّذِينَ
اسْتُضْعِفُوا لِلَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا لَوْلَا أَنتُمْ لَكُنَّا مُؤْمِنِينَ ﴿٣١﴾

23. (Қиёмат куни Аллоҳ) ҳузурида фақат У изн берган кишиларнинг шафоати (оқлови)гина фойда берур. То қачонки, (изн берилиб) дилларидан қўрқув кетказилгач, улар (бир-бирларига): «Парвардигорингиз нима деди (изн бердими)?», – деб (савол қилишиб), «Ҳақни (айтди, шафоатга изн берди), У олий ва буюк зотдир», – деб (жавоб қилурлар)*.

24. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Ким сизларни осмонлардан ва ердан ризқлантирур?» (Жавобини ҳам ўзингиз бериб:) «Аллоҳ, денг! Бизлар ёки сизлар эса, ҳидоят узрадирмиз ёки аниқ залолатдадирмиз».

25. Айтинг: «Биз қилган гуноҳ тўғрисида сизлар масъул бўлмассиз ва сизлар қилаётган амаллар тўғрисида бизлар масъул бўлмасмиз».

26. Айтинг: «Раббимиз (қиёмат куни) ўртамизни жамлар, сўнгра ўртамизда ҳақиқат (адолат) билан ҳукм қилур. Фақат Угина (адолат билан) ҳукм қилувчи ва (ҳақиқатни) билувчидир».

27. Айтинг: «(Эй, мушриклар!) Сизлар Унга (Аллоҳга) қўшиб олган ширкларингизни менга кўрсатингиз-чи?! Йўқ. Балки Аллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат эгасидир».

28. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизни, ҳақиқатан, барча одамларга хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда (пайғамбар қилиб) юбордик. Лекин одамларнинг аксарияти (бу ҳақиқатни) билмаслар.

29. Улар: «Агар ростгўй бўлсангиз (айтингизчи), мана шу ваъда (қиёмат) қачон бўлади?», – дерлар.

30. Айтинг: «Сизлар учун шундай бир куннинг ваъдаси борки, ундан бирор соат орқага ҳам, илгарига ҳам сура олмассиз».

31. Кофир бўлган кимсалар: «Бизлар бу Қуръонга ҳам, ундан олдинги (Китобларга) ҳам сира имон келтирмаймиз!», – дедилар. (Эй, Муҳаммад!) Агар Сиз ўша золим кимсаларни (қиёмат куни) Парвардигор ҳузурида тик тургизиб қўйилиб, бир-бирларига гап қайтараётганларини кўрсангиз эди?! (Ўшанда) заиф саналган кимсалар мутакаббир кимсаларга (ўз пешволарига): «Агар сизлар бўлмаганингизда, бизлар, албатта, мўминлар бўлур эдик», – дейдилар.

23-оят. Бу оят тафсирида шундай дейилган: Қиёмат куни шафоатга мухтож мўминлар пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиқлар ва солиҳ бандалардан ўртага тушиб, гуноҳлари кечирилишини Аллоҳдан сўраб бериш, жаннатга дохил бўлишда кўмаклашишни илтимос қилганларида ҳаммалари биргаликда Аллоҳнинг изнини кутиб турадилар. Изн бўлмай қолишидан хавотирга тушадилар. Маълум бир вақт ўтгач, уларга Аллоҳ томонидан шафоат қилишга изн берилади. Бу хабарни интизорлик билан кутаётган мазкур кишилар эшитиб шодланадилар. Бу оятдан бут ва санамлар ўз сиғинувчиларига шафоат қила олмасликлари ҳам ўз-ўзидан маълум бўлади (АС).

قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسۡتَكۡبَرُواْ لِلَّذِينَ ٱسۡتُضۡعِفُوٓاْ أَنَحۡنُ صَدَدۡنَٰكُمۡ
عَنِ ٱلۡهُدَىٰ بَعۡدَ إِذۡ جَآءَكُمۖ بَلۡ كُنتُم مُّجۡرِمِينَ ٣٢ وَقَالَ ٱلَّذِينَ
ٱسۡتُضۡعِفُواْ لِلَّذِينَ ٱسۡتَكۡبَرُواْ بَلۡ مَكۡرُ ٱلَّيۡلِ وَٱلنَّهَارِ إِذۡ
تَأۡمُرُونَنَآ أَن نَّكۡفُرَ بِٱللَّهِ وَنَجۡعَلَ لَهُۥٓ أَندَادٗاۚ وَأَسَرُّواْ ٱلنَّدَامَةَ
لَمَّا رَأَوُاْ ٱلۡعَذَابَۚ وَجَعَلۡنَا ٱلۡأَغۡلَٰلَ فِيٓ أَعۡنَاقِ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْۚ
هَلۡ يُجۡزَوۡنَ إِلَّا مَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ٣٣ وَمَآ أَرۡسَلۡنَا فِي قَرۡيَةٖ
مِّن نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتۡرَفُوهَآ إِنَّا بِمَآ أُرۡسِلۡتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ٣٤
وَقَالُواْ نَحۡنُ أَكۡثَرُ أَمۡوَٰلٗا وَأَوۡلَٰدٗا وَمَا نَحۡنُ بِمُعَذَّبِينَ ٣٥
قُلۡ إِنَّ رَبِّي يَبۡسُطُ ٱلرِّزۡقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقۡدِرُ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ
لَا يَعۡلَمُونَ ٣٦ وَمَآ أَمۡوَٰلُكُمۡ وَلَآ أَوۡلَٰدُكُم بِٱلَّتِي تُقَرِّبُكُمۡ عِندَنَا
زُلۡفَىٰٓ إِلَّا مَنۡ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَٰلِحٗا فَأُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ جَزَآءُ ٱلضِّعۡفِ
بِمَا عَمِلُواْ وَهُمۡ فِي ٱلۡغُرُفَٰتِ ءَامِنُونَ ٣٧ وَٱلَّذِينَ يَسۡعَوۡنَ فِيٓ
ءَايَٰتِنَا مُعَٰجِزِينَ أُوْلَٰٓئِكَ فِي ٱلۡعَذَابِ مُحۡضَرُونَ ٣٨ قُلۡ
إِنَّ رَبِّي يَبۡسُطُ ٱلرِّزۡقَ لِمَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦ وَيَقۡدِرُ لَهُۥۚ وَمَآ
أَنفَقۡتُم مِّن شَيۡءٖ فَهُوَ يُخۡلِفُهُۥۖ وَهُوَ خَيۡرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ٣٩

32. Мутакаббир бўлганлар (қиёматда) заиф саналганларга: «Сизларга ҳидоят келганидан сўнг, сизларни (ундан) биз тўсдикми? Йўқ, ўзларингиз жиноят қилувчи эдингиз», – дерлар.

33. Заиф саналганлар мутакаббир бўлганларга: «Йўқ, кеча ва кундузги макр(сизларда бор эди). Ўшанда сизлар бизларни Аллоҳга кофир бўлишга ва Унга «тенг шериклар» қилишга буюрар эдингиз», – дейдилар. Азобни (ўз кўзлари билан) кўрган вақтларида улар ичларида надомат қиладилар ва кофир бўлган кимсаларнинг бўйинларига кишанларни солурмиз. Уларга (дунёда) қилиб ўтган қилмишларига ярашагина жазо берилур.

34. Биз қайси бир қишлоққа бирор огоҳлантирувчи (пайғамбар) юбормайлик, албатта, у жойнинг маишатпарастлари: «Биз сизлар элчи қилиб юборилган (дин)га кофирмиз», – деганлар.

35. Яна улар: «Бизларнинг молларимиз ва фарзандларимиз кўпроқ (бинобарин), бизлар азобланувчи эмасмиз», – дедилар.

36. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Албатта, Раббим Ўзи хоҳлаганларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганларнинг ризқини) танг қилур. Лекин кўп одамлар (буни) билмаслар»*.

37. На молларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Бизнинг даргоҳимизга яқин қилувчи эмасдир. Фақат имон келтирган ва солиҳ амал қилган зотлар – айнан ўшаларгагина қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бордир ва улар (жаннатдаги) кўшкларда осойишталикда бўлурлар*.

38. Бизнинг оятларимизга (қарши) курашиш ҳаракатида юрадиган кимсалар – улар азобга ҳозир қилинувчидирлар.

39. Айтинг: «Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир».

36-оят. Мазкур оятларда олдинги ўтган пайғамбарларнинг умматларидан кўпчилиги итоатсиз бўлгани, бойлик ва фарзандлари билан фахрланиб, фақат шу дунё фароғати билан мафтун бўлиб ўтганларини айтиб, Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)нинг дилларига таскин бермоқда. Зеро, ул зотнинг уммати ичида ҳам худди ўшалардек кимсалар кўпчиликни ташкил этарди (Мд.).

37-оят. Имон келтирган ва эзгу ишларни қилиб ўтганлар истисно қилинмоқда. Зеро, улар ўз бойликларини Аллоҳнинг йўлида муносиб жойларга сарфлаган, фарзандларига яхши тарбия бериб, дину диёнат, илму маърифат соҳиблари бўлишига моддий ва маънавий жиҳатдан жидду жаҳд қилганлари учун Аллоҳ таоло уларга савобларини кўпайтириб беришни ваъда қилмоқда (Мд.).

وَيَوْمَ يَحْشُرُهُمْ جَمِيعًا ثُمَّ يَقُولُ لِلْمَلَٰٓئِكَةِ أَهَٰٓؤُلَآءِ إِيَّاكُمْ كَانُوا۟
يَعْبُدُونَ ٤٠ قَالُوا۟ سُبْحَٰنَكَ أَنتَ وَلِيُّنَا مِن دُونِهِم ۖ بَلْ كَانُوا۟
يَعْبُدُونَ ٱلْجِنَّ ۖ أَكْثَرُهُم بِهِم مُّؤْمِنُونَ ٤١ فَٱلْيَوْمَ لَا يَمْلِكُ
بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ نَّفْعًا وَلَا ضَرًّا وَنَقُولُ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ذُوقُوا۟ عَذَابَ
ٱلنَّارِ ٱلَّتِى كُنتُم بِهَا تُكَذِّبُونَ ٤٢ وَإِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُنَا بَيِّنَٰتٍ
قَالُوا۟ مَا هَٰذَآ إِلَّا رَجُلٌ يُرِيدُ أَن يَصُدَّكُمْ عَمَّا كَانَ يَعْبُدُ ءَابَآؤُكُمْ
وَقَالُوا۟ مَا هَٰذَآ إِلَّآ إِفْكٌ مُّفْتَرًى ۚ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِلْحَقِّ لَمَّا
جَآءَهُمْ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ ٤٣ وَمَآ ءَاتَيْنَٰهُم مِّن كُتُبٍ
يَدْرُسُونَهَا ۖ وَمَآ أَرْسَلْنَآ إِلَيْهِمْ قَبْلَكَ مِن نَّذِيرٍ ٤٤ وَكَذَّبَ
ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَمَا بَلَغُوا۟ مِعْشَارَ مَآ ءَاتَيْنَٰهُمْ فَكَذَّبُوا۟ رُسُلِى ۖ
فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ٤٥ ۞ قُلْ إِنَّمَآ أَعِظُكُم بِوَٰحِدَةٍ ۖ أَن
تَقُومُوا۟ لِلَّهِ مَثْنَىٰ وَفُرَٰدَىٰ ثُمَّ تَتَفَكَّرُوا۟ ۚ مَا بِصَاحِبِكُم
مِّن جِنَّةٍ ۚ إِنْ هُوَ إِلَّا نَذِيرٌ لَّكُم بَيْنَ يَدَىْ عَذَابٍ شَدِيدٍ ٤٦
قُلْ مَا سَأَلْتُكُم مِّنْ أَجْرٍ فَهُوَ لَكُمْ ۖ إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ ۖ وَهُوَ عَلَىٰ
كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ٤٧ قُلْ إِنَّ رَبِّى يَقْذِفُ بِٱلْحَقِّ عَلَّٰمُ ٱلْغُيُوبِ ٤٨

40. (Эсланг, Аллоҳ) уларнинг (мушрикларнинг) барчаларини тўплаб, сўнгра фаришталарга: «Ана у (мушрик)лар сизларга ибодат қилувчи бўлганмидилар?», – дейдиган кунда

41. (фаришталар): «Пок Парвардигоро, улар эмас, Ўзинг бизларнинг дўстимиздирсан. Ҳа, улар жинларга ибодат қилар эдилар. Уларнинг аксарияти уларга имон келтирувчидирлар», – дерлар.

42. Бас, бу кунда бирингиз бирингизга на фойда ва на зарар етказишга эга бўлмас ва Биз, золим бўлганларга: «Ўзларингиз ёлғон деган дўзах азобини тотиб кўрингиз!», – дермиз.

43. Қачонки, уларга Бизнинг оятларимиз аниқ ҳолда тиловат қилинса, улар: «Бу (Муҳаммад) фақат сизларни ота-боболарингиз ибодат қилиб ўтган нарсалардан тўсмоқчи бўлган кимсадир», – дерлар ва «Бу (Қуръон) фақат тўқилган бир бўҳтондир», – дерлар. Кофир бўлганлар уларга ҳақиқат (Қуръон) келган вақтда у ҳақда: «Бу аниқ сеҳрдан бошқа нарса эмас», – дедилар.

44. Ҳолбуки, (Исодан кейин) Биз уларга (ўқиб) ўрганадиган китобларни келтирган эмасмиз ва уларга Сиздан аввал бирор огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам юборган эмасмиз.

45. Улардан илгари (ўтган уммат)лар ҳам (ўз пайғамбарларини) инкор этган эдилар. Ҳолбуки, (Макка мушриклари) Биз уларга ато этган (неъмат)ларнинг ўндан бирига ҳам етганлари йўқ*. Бас, (ўшалар) Менинг пайғамбарларимни инкор этишгач, Менинг эътирозим қандай бўлган эди?! (Шулар ҳақида эслаб кўринг!)

46. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Мен сизларга фақат биргина нарсани – Аллоҳ учун жуфт ҳолда ва якка ҳолингизда туришга, сўнгра тафаккур қилингиз, деб насиҳат қилурман. Соҳибингиз (Муҳаммад)да ҳеч қандай жиннилик йўқдир. У фақат қаттиқ азоб олдидан сизларга (юборилган) бир огоҳлантирувчи (пайғамбардир), холос».

47. Айтинг: «Мен сизлардан (пайғамбарлигим учун) ажр (ҳақ) сўрамасман. Бас, у сизларга бўла қолсин. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир. У барча нарсага (гапимнинг рост эканига ҳам) гувоҳдир».

48. Айтинг: «Албатта, Раббим (ботилликни) ҳақиқат (Қуръон оятлари) билан (четга) улоқтирур*. У ғайб (нарса)ларни аниқ билувчидир».

45-оят. Яъни Муҳаммад (а.с.) умматига олдинги ўтган умматларнинг умри, куч-қудрати, бойлик ва фарзандларига нисбатан ўндан бир ҳисса ҳам берилмаган. Шунга қарамай куфр, ширк ва ношукурликда уларга тенгдир.

48-оят. Бу оятдаги "ҳақиқат билан улоқтирур" жумласини бошқача тафсир қилиш ҳам мумкин. Масалан, Аллоҳ ҳақни, яъни ҳақ гапни (оятларни) ўз пайғамбарларига туширур ёки ҳақни (Исломни) Ер юзининг кўп ҳудуди бўйлаб тарқатади (Мд. АС).

قُلْ جَآءَ ٱلْحَقُّ وَمَا يُبْدِئُ ٱلْبَٰطِلُ وَمَا يُعِيدُ ﴿٤٩﴾ قُلْ إِن ضَلَلْتُ
فَإِنَّمَآ أَضِلُّ عَلَىٰ نَفْسِى ۖ وَإِنِ ٱهْتَدَيْتُ فَبِمَا يُوحِىٓ إِلَىَّ رَبِّىٓ ۚ إِنَّهُۥ
سَمِيعٌ قَرِيبٌ ﴿٥٠﴾ وَلَوْ تَرَىٰٓ إِذْ فَزِعُوا۟ فَلَا فَوْتَ وَأُخِذُوا۟ مِن
مَّكَانٍ قَرِيبٍ ﴿٥١﴾ وَقَالُوٓا۟ ءَامَنَّا بِهِۦ وَأَنَّىٰ لَهُمُ ٱلتَّنَاوُشُ مِن
مَّكَانٍۭ بَعِيدٍ ﴿٥٢﴾ وَقَدْ كَفَرُوا۟ بِهِۦ مِن قَبْلُ ۖ وَيَقْذِفُونَ
بِٱلْغَيْبِ مِن مَّكَانٍۭ بَعِيدٍ ﴿٥٣﴾ وَحِيلَ بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ مَا يَشْتَهُونَ
كَمَا فُعِلَ بِأَشْيَاعِهِم مِّن قَبْلُ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ فِى شَكٍّ مُّرِيبٍۭ ﴿٥٤﴾

ترتيبها ٣٥ — سُورَةُ فَاطِرٍ — آياتها ٤٥

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ جَاعِلِ ٱلْمَلَٰٓئِكَةِ رُسُلًا أُو۟لِىٓ
أَجْنِحَةٍ مَّثْنَىٰ وَثُلَٰثَ وَرُبَٰعَ ۚ يَزِيدُ فِى ٱلْخَلْقِ مَا يَشَآءُ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ
شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾ مَّا يَفْتَحِ ٱللَّهُ لِلنَّاسِ مِن رَّحْمَةٍ فَلَا مُمْسِكَ لَهَا ۖ
وَمَا يُمْسِكْ فَلَا مُرْسِلَ لَهُۥ مِنۢ بَعْدِهِۦ ۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٢﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلنَّاسُ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ ۚ هَلْ مِنْ خَٰلِقٍ غَيْرُ ٱللَّهِ يَرْزُقُكُم
مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ ۚ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٣﴾

49. Айтинг: «Ҳақиқат (Қуръон) келди. Сохталик (қайтадан ширкни) бошлай олмас ва (уни аслига ҳам) қайтара олмас»*.

50. Айтинг: «Агар мен (йўлдан) озсам, бас, фақат ўз зараримга озурман ва агар ҳидоят топсам ҳам Раббим менга қилаётган ваҳий сабаблигинадир. Албатта, У (қалб ва тиллардаги гапларни) эшитувчи ва (бандаларига) яқиндир».

51. (Эй, Муҳаммад!) Агар Сиз (мушрик ва кофирларни) даҳшатга тушган, йўқолишнинг иложи йўқ ва яқин бир макондан (дўзах сари) олиб кетилаётган пайтларида кўрсангиз эди!

52. (Ўша кунда) улар: «Имон келтирдик», – дейдилар. Йироқ бир жойдан (тавбага) эришиш қаёқда экан уларга?!

53. Ҳолбуки, улар илгари (дунёда) унга кофир бўлган эдилар. Ҳолбуки, улар йироқдан туриб, ғайбга (охиратга тош) отар эдилар.

54. (Мана энди) худди улардан олдинги ҳамфикрларига қилингани каби, улар билан истайдиган нарсалари (имон) ўртаси тўсиб қўйилди, зеро, улар (дунёда) шак-шубҳада эдилар.

Фотир сураси

Маккада нозил қилинган. 45 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳамд осмонлар ва Ернинг илк бор яратувчиси ҳамда фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилувчи Аллоҳгадир. У яратган нарсаларида нимани хоҳласа (ўшани) зиёда қилур*. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир.

2. Аллоҳ одамлар учун қайси бир раҳматни очиб (равона қилиб) қўйса, бас, уни тутиб қолувчи бўлмас ва нимани тутиб қолса, бас, Ундан сўнг уни (бандаларга) юборувчи бўлмас. У (буюк) қудрат ва (чексиз илму)ҳикмат эгасидир.

3. Эй, инсонлар! Сизларга (ато этган) Аллоҳнинг неъматини эслангиз! Сизларга осмону заминдан ризқ берадиган Аллоҳдан ўзга яратувчи борми?! Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, (тўғри йўлдан) қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?!

49-оят. Ибн Масъуд (рз.) ривоятига кўра, Муҳаммад (а.с.) Макка фатҳида Каъбага келиб, ундаги бут ва санамларни қўлларидаги таёқ билан бирма-бир уриб: “Ҳақиқат келди, сохталик кетди. Сохталик энди қайтадан ширкни бошлай олмас ва уни аслига ҳам қайтара олмас”, – мазмунидаги оятларни такрорлаган эканлар (Мд.).

35. ФОТИР СУРАСИ

Фотир сўзи "илк бор яратувчи" деган маънони билдиради.

Сурада Аллоҳнинг чексиз илми ва қудратига далолат қилувчи ақлий далиллар, фаришталар, дунё ва охират, куфр ва имон, тажовузкорлик ва бошқалар тўғрисида маълумотлар мавжуд.

1-оят. Фаришталарни зиёдаси билан яратгани каби бошқа нарсаларга ҳам У хоҳлаганича ортиқлик ва зиёдалик ато этади.

وَإِن يُكَذِّبُوكَ فَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِّن قَبْلِكَ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ
﴿٤﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ ۖ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا ۖ
وَلَا يَغُرَّنَّكُم بِٱللَّهِ ٱلْغَرُورُ ﴿٥﴾ إِنَّ ٱلشَّيْطَٰنَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَٱتَّخِذُوهُ
عَدُوًّا ۚ إِنَّمَا يَدْعُوا۟ حِزْبَهُۥ لِيَكُونُوا۟ مِنْ أَصْحَٰبِ ٱلسَّعِيرِ ﴿٦﴾ ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُم
مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿٧﴾ أَفَمَن زُيِّنَ لَهُۥ سُوٓءُ عَمَلِهِۦ فَرَءَاهُ حَسَنًا ۖ
فَإِنَّ ٱللَّهَ يُضِلُّ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِى مَن يَشَآءُ ۖ فَلَا تَذْهَبْ نَفْسُكَ
عَلَيْهِمْ حَسَرَٰتٍ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٨﴾ وَٱللَّهُ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ
ٱلرِّيَٰحَ فَتُثِيرُ سَحَابًا فَسُقْنَٰهُ إِلَىٰ بَلَدٍ مَّيِّتٍ فَأَحْيَيْنَا بِهِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ
مَوْتِهَا ۚ كَذَٰلِكَ ٱلنُّشُورُ ﴿٩﴾ مَن كَانَ يُرِيدُ ٱلْعِزَّةَ فَلِلَّهِ ٱلْعِزَّةُ جَمِيعًا ۚ
إِلَيْهِ يَصْعَدُ ٱلْكَلِمُ ٱلطَّيِّبُ وَٱلْعَمَلُ ٱلصَّٰلِحُ يَرْفَعُهُۥ ۚ وَٱلَّذِينَ
يَمْكُرُونَ ٱلسَّيِّـَٔاتِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ ۖ وَمَكْرُ أُو۟لَٰٓئِكَ هُوَ يَبُورُ
﴿١٠﴾ وَٱللَّهُ خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ أَزْوَٰجًا ۚ
وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنثَىٰ وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِۦ ۚ وَمَا يُعَمَّرُ مِن مُّعَمَّرٍ
وَلَا يُنقَصُ مِنْ عُمُرِهِۦٓ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١١﴾

4. (Эй, Муҳаммад!) Агар (мушриклар) Сизни инкор этсалар, бас, (билингки) Сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам инкор этилгандирлар. (Барча) ишлар, албатта, Аллоҳга қайтарилур.

5. Эй, инсонлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, сизларни дунё ҳаёти сира алдаб қўймасин! Яна сизларни алдамчи (шайтон) алдаб қўймасин!*

6. Албатта, шайтон сизларга душмандир, бас, уни душман тутингиз! У ўз фирқасини (ўзига эргашганларни) дўзах аҳли бўлишга даъват қилур.

7. Кофир бўлган кимсалар учун (охиратда) қаттиқ азоб бордир. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилганлар учун эса, мағфират ва катта мукофот бордир.

8. Ахир, (қилган) ёмон иши ўзига чиройли кўрсатилиб, уни гўзал (иш) деб ўйлаган кимса (ҳидоят топган зот каби бўлармиди)?! Зотан, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас, (Эй, Муҳаммад!) Уларга ҳасратлар чекиб жонингиз (чиқиб) кетмасин. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган сир-синоатларини билувчидир.

9. Аллоҳ шамолларни юбориб, булутни қўзғатгач, Биз уни «ўлик» шаҳарга ҳайдаб, у билан «ўлган» ерни «тирилтирдик». Қиёматда қайта тирилиш ҳам шу тарздадир*.

10. Кимки қудратни истайдиган бўлса, бас, барча қудрат Аллоҳникидир*. (Ҳар бир) ёқимли сўз Унинг ҳузури сари чиқур. Солиҳ амални эса, (Аллоҳ Ўз даргоҳига) кўтарур. Ёмонликлар билан макр қиладиганлар учун қаттиқ азоб бордир ва уларнинг макрлари ҳам ҳалок бўлур (беҳуда кетур).

11. Аллоҳ сизларни (Одамни) тупроқдан, сўнгра (унинг наслини) нутфадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт (эркак-аёл) қилиб қўйди. Ҳар бир аёлнинг ҳомиладор бўлиши ва кўзи ёриши фақат Унинг илми билан бўлур. Бирор узоқ умр кўрувчининг умри узайтирилган бўлса ёки умридан камайтирилган бўлса, албатта, у Китобда (Лавҳул-маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир.

5-оят. Яъни, сизларга шайтон Аллоҳ номидан ваъда қилиб: "Гуноҳ ишларни қилаверингиз! тоат-ибодат шарт эмас, Аллоҳ кечирувчидир" каби сўзлар билан алдаб қўймасин! (Мд.).

9-оят. Яъни қўриқ ерни ёмғир суви билан унумдор ҳолатга келтиргандан кейин гиёҳлар ўсиб чиққани каби Аллоҳ таоло ҳам қиёматда ўлиб, чириб кетган инсонларни ердан қайта тирилтириб чиқаришда Арш остидан ерга махсус ёмғир ёғдиради. Шу сувнинг таъсирида ерга сингиб кетган жасадлар Аллоҳнинг амри билан гиёҳ унгандек “униб” чиқади (Мд. Қз. ИК).

10-оят. Оятнинг мазмуни – кимки дунёда куч-қувватли бўлишни истаса, Аллоҳга тоат-ибодат қилсин, шунда унинг мақсуди ҳосил бўлади. Зеро, дунё ва охират неъматларининг ҳақиқий эгаси Унинг ўзидир (ИК). Демак, Ундан ҳожатни ибодат воситаси билан сўраш лозим.

وَمَا يَسْتَوِي ٱلْبَحْرَانِ هَٰذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ سَآئِغٌ شَرَابُهُۥ وَهَٰذَا
مِلْحٌ أُجَاجٌ ۖ وَمِن كُلٍّ تَأْكُلُونَ لَحْمًا طَرِيًّا وَتَسْتَخْرِجُونَ
حِلْيَةً تَلْبَسُونَهَا ۖ وَتَرَى ٱلْفُلْكَ فِيهِ مَوَاخِرَ لِتَبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِهِۦ
وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢﴾ يُولِجُ ٱلَّيْلَ فِى ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ
ٱلنَّهَارَ فِى ٱلَّيْلِ وَسَخَّرَ ٱلشَّمْسَ وَٱلْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِى
لِأَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ ٱلْمُلْكُ ۚ وَٱلَّذِينَ
تَدْعُونَ مِن دُونِهِۦ مَا يَمْلِكُونَ مِن قِطْمِيرٍ ﴿١٣﴾ إِن
تَدْعُوهُمْ لَا يَسْمَعُوا۟ دُعَآءَكُمْ وَلَوْ سَمِعُوا۟ مَا ٱسْتَجَابُوا۟ لَكُمْ ۖ
وَيَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ يَكْفُرُونَ بِشِرْكِكُمْ ۚ وَلَا يُنَبِّئُكَ مِثْلُ خَبِيرٍ
﴿١٤﴾ ۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ أَنتُمُ ٱلْفُقَرَآءُ إِلَى ٱللَّهِ ۖ وَٱللَّهُ هُوَ ٱلْغَنِىُّ
ٱلْحَمِيدُ ﴿١٥﴾ إِن يَشَأْ يُذْهِبْكُمْ وَيَأْتِ بِخَلْقٍ جَدِيدٍ ﴿١٦﴾
وَمَا ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ بِعَزِيزٍ ﴿١٧﴾ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۚ وَإِن
تَدْعُ مُثْقَلَةٌ إِلَىٰ حِمْلِهَا لَا يُحْمَلْ مِنْهُ شَىْءٌ وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰٓ ۗ
إِنَّمَا تُنذِرُ ٱلَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِٱلْغَيْبِ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ
وَمَن تَزَكَّىٰ فَإِنَّمَا يَتَزَكَّىٰ لِنَفْسِهِۦ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٨﴾

12. Икки денгиз (суви)* тенг бўлмас – буниси чучук-тотли ва ютумли, униси эса шўр-нордондир. Сизлар (у иккисининг) ҳар биридан янги гўшт (балиқ) ейсиз ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб олурсизлар. (Аллоҳнинг) фазлидан (ризқидан) исташингиз учун (сувни) ёриб кетаётган кемаларни кўрасиз. Шояд, (шундай неъматлари учун Аллоҳга) шукр қилсангиз.

13. (Аллоҳ) кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур, У қуёш ва ойни ҳам (сизлар учун) бўйин сундириб қўйгандир – ҳар бири муайян муддатгача сайрда бўлур. Ана шу сизларнинг Раббингиз – Аллоҳдир, Подшоҳлик фақат Уникидир. (Эй, мушриклар!) Сизлар Уни қўйиб илтижо қилаётган нарса (сохта маъбуда)ларингиз эса, хурмо данагининг пардасича нарсага ҳам эга эмасдир.

14. Агар сизлар уларни чорласангиз, чақириқларингизни эшитмаслар. Эшитганларида ҳам сизларга жавоб қила олмаслар ва қиёмат кунида ширкларингизни инкор қилурлар. (Эй, Муҳаммад!) Сизга хабардор зот (Аллоҳ)дек (ҳеч ким) хабар бера олмас.

15. Эй, инсонлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсиз. Аллоҳ эса, албатта, беҳожат ва ҳамдга лойиқ зотдир.

16. Агар У хоҳласа, сизларни (ер юзидан) кетказиб, (ўрнингизга) янги бир халқни келтирур.

17. Бу (иш) Аллоҳга қийин эмасдир.

18. (Қиёмат кунида) ҳеч бир кўтарувчи (гуноҳкор) ўзга (жон)нинг юкини (гуноҳини) кўтармас. Агар оғир гуноҳ эгаси ўз юки – (гуноҳини кўтариш)га чорланса, (гарчи чорланувчи) қариндоши бўлса-да, у (гуноҳ)дан бирор нарса юклатилмас*. (Эй, Муҳаммад!) Сиз фақат Парвардигорларидан ғойибона қўрқадиган ва намозни баркамол адо этган зотларнигина огоҳлантира олурсиз. Кимки покланса, у фақат ўзи учун покланган бўлур. Қайтиш фақат Аллоҳ саридир.

12-оят. Бу ерда денгизнинг шўр суви билан дарёнинг чучук суви тенг бўлмаслиги назарда тутилмоқда. Одатда ҳамма халқлар тилида ҳам “тағлиб” қоидаси бўйича иккита бир-бирига ўхшаш нарсаларнинг ўртасида баъзи жиҳатларда катта тафовут бўлса ҳам бир жинсдек талаффуз этилади. Бу айниқса араб тилида кўп учрайди. Масалан, “қамарайн” – ой билан қуёш; “Умарайн” – Абу Бакр билан Умар (рз.)лар; “завжайн” – эр билан хотин ва ҳоказо. Оятда мўмин билан кофирнинг тенг бўлмаслиги учун мисол келтирилган.

18-оят. Қиёмат куни амаллар тарозуда тортилганида жаннатга кириши учун бир савоб етмай қолиши ёки бир гуноҳи ортиқчалик қилиб қолиши мумкин. Шунда унга ҳеч ким савобидан бермас экан. Бу хусусда ота билан бола, эр билан хотин ёки бошқа қариндошлар ўртасида ҳам оқибат кўтарилган бўлиб, ҳамма ўзининг фойдасини ўйлаб қоладиган кун (қиёмат) тўғрисида огоҳлантирилмоқда.

وَمَا يَسْتَوِي الْأَعْمَىٰ وَالْبَصِيرُ ﴿١٩﴾ وَلَا الظُّلُمَاتُ وَلَا النُّورُ
﴿٢٠﴾ وَلَا الظِّلُّ وَلَا الْحَرُورُ ﴿٢١﴾ وَمَا يَسْتَوِي الْأَحْيَاءُ وَلَا الْأَمْوَاتُ
إِنَّ اللَّهَ يُسْمِعُ مَن يَشَاءُ ۖ وَمَا أَنتَ بِمُسْمِعٍ مَّن فِي الْقُبُورِ ﴿٢٢﴾ إِنْ
أَنتَ إِلَّا نَذِيرٌ ﴿٢٣﴾ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا ۚ وَإِن مِّنْ
أُمَّةٍ إِلَّا خَلَا فِيهَا نَذِيرٌ ﴿٢٤﴾ وَإِن يُكَذِّبُوكَ فَقَدْ كَذَّبَ الَّذِينَ
مِن قَبْلِهِمْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ وَبِالزُّبُرِ وَبِالْكِتَابِ
الْمُنِيرِ ﴿٢٥﴾ ثُمَّ أَخَذْتُ الَّذِينَ كَفَرُوا ۖ فَكَيْفَ كَانَ نَكِيرِ ﴿٢٦﴾
أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ أَنزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ ثَمَرَاتٍ مُّخْتَلِفًا
أَلْوَانُهَا ۚ وَمِنَ الْجِبَالِ جُدَدٌ بِيضٌ وَحُمْرٌ مُّخْتَلِفٌ أَلْوَانُهَا
وَغَرَابِيبُ سُودٌ ﴿٢٧﴾ وَمِنَ النَّاسِ وَالدَّوَابِّ وَالْأَنْعَامِ
مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ كَذَٰلِكَ ۗ إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ ۗ
إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ ﴿٢٨﴾ إِنَّ الَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ
وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً
يَرْجُونَ تِجَارَةً لَّن تَبُورَ ﴿٢٩﴾ لِيُوَفِّيَهُمْ أُجُورَهُمْ
وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِ ۚ إِنَّهُ غَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٣٠﴾

19. Кўр (кофир) билан кўрувчи (мўмин) баробар бўлмас,

20. зулматлар (куфр) билан нур (имон) ҳам.

21. Соя (жаннат) билан жазирама (дўзах) ҳам (баробар бўлмас).

22. Тириклар (мўминлар) билан ўликлар (кофирлар) ҳам баробар бўлмас. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга (қулоқларига) эшиттирур. (Эй, Муҳаммад!) Сиз қабрлардаги кимсаларга (қалби ўликларга гапингизни) эшиттира олувчи эмасдирсиз*.

23. Сиз фақат огоҳлантирувчидирсиз.

24. Албатта, Биз Сизни ҳақ (дин) билан, хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Ҳар бир уммат ичида ҳам, албатта, бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) ўтгандир.

25. Агар (мушриклар) Сизни инкор этсалар, бас, (билингки) улардан аввалгилар ҳам (пайғамбарларни) инкор этганлар. Ҳолбуки, пайғамбарлари уларга аниқ мўъжизалар, (илоҳий) саҳифалар ва нурафшон Китоб келтирган эдилар.

26. Сўнгра кофир бўлганларни (куфрлари сабабли) ушладим (жазоладим). Бас, Менинг инкорим (азобим) қандай бўлди?!

27. Аллоҳ осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у билан ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бордир.

28. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ҳар хил ранглилари бордир. Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина қўрқарлар*. Ҳақиқатан, Аллоҳ қудратли ва мағфиратлидир.

29. Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни баркамол адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар сира касод бўлмайдиган тижоратдан (ажру савоб бўлишидан) умидвордирлар.

30. Зеро, (Аллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлини уларга янада зиёда қилур. Албатта, У мағфиратли ва ўта шукр қилувчидир*.

22-оят. Аллоҳ таоло азалдан ким ҳидоят йўлига кириб, имон келтиради, ким куфрда қолади, ҳаммасини билган. Шунинг учун ҳам кўп оятларда уларга ҳар қанча ҳақ гапни уқтирмоқчи бўлсангиз ҳам уқмайдилар, имон келтирмайдилар, деб ғайбдан хабар бериб туради. Аммо Расул (а.с.) эса, бундан хабарсиз бўлганлари учун уларни ҳидоятга даъват қилаверадилар. Даъватни қабул қилмайдиган кофирлар ўликларга ўхшатилмоқда (Мд.).

28-оят. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари, қудрати ва ҳикматларини қанча кўп билса, шунча кўп Ундан қўрқади.

30-оят. Аллоҳнинг шукр қилиши озгина савобли иш учун кўпгина мукофот ато этишидир.

وَالَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَـٰبِ هُوَ الْحَقُّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ
يَدَيْهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِۦ لَخَبِيرٌۢ بَصِيرٌ ﴿٣١﴾ ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَـٰبَ
الَّذِينَ اصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا ۖ فَمِنْهُمْ ظَالِمٌ لِّنَفْسِهِۦ وَمِنْهُم
مُّقْتَصِدٌ وَمِنْهُمْ سَابِقٌۢ بِالْخَيْرَٰتِ بِإِذْنِ اللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ
الْفَضْلُ الْكَبِيرُ ﴿٣٢﴾ جَنَّـٰتُ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا يُحَلَّوْنَ
فِيهَا مِنْ أَسَاوِرَ مِن ذَهَبٍ وَلُؤْلُؤًا ۖ وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ ﴿٣٣﴾
وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِىٓ أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزَنَ ۖ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٌ
شَكُورٌ ﴿٣٤﴾ الَّذِىٓ أَحَلَّنَا دَارَ الْمُقَامَةِ مِن فَضْلِهِۦ لَا يَمَسُّنَا
فِيهَا نَصَبٌ وَلَا يَمَسُّنَا فِيهَا لُغُوبٌ ﴿٣٥﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ
نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُم مِّنْ
عَذَابِهَا ۚ كَذَٰلِكَ نَجْزِى كُلَّ كَفُورٍ ﴿٣٦﴾ وَهُمْ يَصْطَرِخُونَ
فِيهَا رَبَّنَآ أَخْرِجْنَا نَعْمَلْ صَـٰلِحًا غَيْرَ الَّذِى كُنَّا نَعْمَلُ ۚ
أَوَلَمْ نُعَمِّرْكُم مَّا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَن تَذَكَّرَ وَجَآءَكُمُ النَّذِيرُ ۖ
فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّـٰلِمِينَ مِن نَّصِيرٍ ﴿٣٧﴾ إِنَّ اللَّهَ عَـٰلِمُ
غَيْبِ السَّمَـٰوَٰتِ وَالْأَرْضِ ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٣٨﴾

31. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга ваҳий қилган Китоб (Қуръон) ўзидан аввалги (илоҳий) китобларни тасдиқловчи ҳақиқат (Китоб)дир. Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан огоҳ ва (ишларини) кўриб турувчидир.

32. Сўнгра Биз (бу) Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган кишиларни (умматингизни) ворис қилдик. Бас, уларнинг орасида (унга амал қилмай) ўз жонига (гуноҳ қилиб) жабр қилувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Аллоҳнинг изни билан мудом яхшиликларда ўзиб кетувчи ҳам бордир*. Ана ўша (Қуръонга ворис бўлиш ёки танланиш ёхуд ўзиш) катта фазлдир.

33. Улар мангу (яшайдиган) жаннатларга кирурлар ва олтин билакузуклар ва маржонлар билан безанган бўлурлар. У жойда уларнинг либослари ҳарир – (ипак) бўлур.

34. (Жаннатга кирган чоғларида) дейдилар: «Бизлардан қайғуни кетказган зот – Аллоҳга ҳамд (айтамиз). Дарҳақиқат, Раббимиз мағфиратли ва шукр соҳибидир.

35. У Ўз фазли билан бизларни шундай мангу турадиган диёрга туширдики, у жойда бизларга на машаққат етар ва у жойда бизга на чарчоқ етар».

36. Кофир бўлган кимсаларга эса, шундай жаҳаннам ўти бордирки, на уларга ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур. Ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз.

37. Улар у жойда: «Парвардигоро, бизларни (азобдан) чиқаргин – бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқача яхши (амалларни) қилайлик!», – деб фарёд қилурлар. Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (жазоларингизни) тотаверингиз! Золимлар (кофирлар) учун ёрдамчи бўлмас.

38. Албатта, Аллоҳ осмонлар ва Ернинг ғайбини (сирларини) билувчидир. Ҳақиқатан, У диллардаги бор нарсани ҳам аниқ билувчидир.

32-оят. Ушбу оят Муҳаммад (а.с.)нинг имонли умматлари учун жуда катта хушхабар ҳисобланади. Зеро, бу ердаги уч тоифа кишиларнинг ҳаммаси ҳам жаннатга киришлари ваъда қилинмоқда. Ҳадисда: “Яхшиликларда ўзиб кетувчимиз жаннатга олдинроқ кирур. Ўртача амал қилувчимиз дўзахдан нажот топувчидир. Ўз жонига жабр қилувчимиз гуноҳлари кечирилувчидир”, – дейилган. Яна бир бошқа ҳадисда: “Амалда ўзиб кетувчи жаннатга ҳисоб-китобсиз кирур. Ўртача амал қилувчи енгил ҳисоб-китобдан кейин жаннатга кирур. Ўз жонига жабр қилувчи гуноҳкор эса, жаннатга киритилмай, ушлаб турилур. Маълум бир вақт ўтгандан кейин ноумидликка тушай деб турганида, Аллоҳнинг раҳмати билан жаннатга дохил бўлур”, – дейилган. Абу Юсуф (рҳ.) ҳам мазкур 32–35-оятларнинг ҳаммаси жаннат аҳли саналмиш аҳли имон кишилар тўғрисидадир. 36-оятдан бошлаб эса, куфр аҳлининг аҳволи тўғрисида баён қилинур, деган (Мд.).

هُوَ ٱلَّذِى جَعَلَكُمْ خَلَٰٓئِفَ فِى ٱلْأَرْضِ ۚ فَمَن كَفَرَ فَعَلَيْهِ كُفْرُهُۥ ۖ وَلَا
يَزِيدُ ٱلْكَٰفِرِينَ كُفْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ إِلَّا مَقْتًا ۖ وَلَا يَزِيدُ ٱلْكَٰفِرِينَ
كُفْرُهُمْ إِلَّا خَسَارًا ﴿٣٩﴾ قُلْ أَرَءَيْتُمْ شُرَكَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِ أَرُونِى مَاذَا خَلَقُوا۟ مِنَ ٱلْأَرْضِ أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
أَمْ ءَاتَيْنَٰهُمْ كِتَٰبًا فَهُمْ عَلَىٰ بَيِّنَتٍ مِّنْهُ ۚ بَلْ إِن يَعِدُ ٱلظَّٰلِمُونَ
بَعْضُهُم بَعْضًا إِلَّا غُرُورًا ﴿٤٠﴾ ۞ إِنَّ ٱللَّهَ يُمْسِكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضَ أَن تَزُولَا ۚ وَلَئِن زَالَتَآ إِنْ أَمْسَكَهُمَا مِنْ أَحَدٍ مِّنۢ بَعْدِهِۦٓ ۚ
إِنَّهُۥ كَانَ حَلِيمًا غَفُورًا ﴿٤١﴾ وَأَقْسَمُوا۟ بِٱللَّهِ جَهْدَ أَيْمَٰنِهِمْ لَئِن
جَآءَهُمْ نَذِيرٌ لَّيَكُونُنَّ أَهْدَىٰ مِنْ إِحْدَى ٱلْأُمَمِ ۖ فَلَمَّا جَآءَهُمْ نَذِيرٌ
مَّا زَادَهُمْ إِلَّا نُفُورًا ﴿٤٢﴾ ٱسْتِكْبَارًا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَكْرَ ٱلسَّيِّئِ ۚ
وَلَا يَحِيقُ ٱلْمَكْرُ ٱلسَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِۦ ۚ فَهَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا سُنَّتَ
ٱلْأَوَّلِينَ ۚ فَلَن تَجِدَ لِسُنَّتِ ٱللَّهِ تَبْدِيلًا ۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّتِ ٱللَّهِ تَحْوِيلًا
﴿٤٣﴾ أَوَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن
قَبْلِهِمْ وَكَانُوٓا۟ أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً ۚ وَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيُعْجِزَهُۥ مِن شَىْءٍ
فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ عَلِيمًا قَدِيرًا ﴿٤٤﴾

39. У сизларни Ерда халифа қилиб қўйган зотдир. Бас, ким кофир бўлса, унинг куфри фақат ўзининг зарарига бўлур. Кофир бўлган кимсаларнинг куфри уларга Парвардигор ҳузурида фақат ғазабнигина зиёда қилур; кофир бўлган кимсаларнинг куфри уларга фақат зиённигина зиёда қилур.

40. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Хабар берингиз-чи, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган (маъбуда)ларингиз Ердаги бирор нарсани яратганми ёки уларнинг осмонлар(ни яратиш)да шериклиги борми ёхуд Биз уларга бирор китоб ато этдикмики, улар ундан ҳужжатларни топсалар?! Менга (шуларни) кўрсатингиз!» Йўқ! Золимлар бир-бирига фақат алдовни ваъда қилурлар.

41. Албатта, Аллоҳ осмонлар ва Ерни завол топишларидан сақлаб турар. Агар заволга юз тутсалар, У зотдан сўнг (Ундан ўзга) ҳеч ким уларни сақлай олмас. Дарҳақиқат, У ҳалим ва мағфиратли зотдир.

42. (Макка кофирлари) агар уларга бирор огоҳлантирувчи (пайғамбар) келса, албатта, (унга эргашиб) ҳар қандай умматлардан ҳам ҳидоят топувчироқ бўлишлари ҳақида жон-жаҳдлари билан қасам ичгандилар*. Бас, уларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) келгач, (бу) уларни янада (ҳидоятдан) узоқлаштирди.

43. Ерда мутакаббирлик қилган ва (пайғамбарга қарши) ёмон макр қилган ҳолларида (шундай бўлди). Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олур (ҳалок қилур). Бас, улар фақат аввалгиларнинг йўлларига (жазоларига) кўз тутмоқдалар. Бас, Аллоҳнинг суннатига (олам учун жорий қилган қонунига) сира ўзгартириш топмассиз ва Аллоҳнинг суннатига сира алмаштириш ҳам топмассиз.

44. Ахир, улар Ерда сайр қилиб, ўзларидан олдинги (динсизларнинг) оқибати қандай бўлганини кўрмайдиларми?!* Ҳолбуки, (улар) булардан (Макка мушрикларидан) кўра қувватлироқ эдилар. На осмонларда ва на Ерда Аллоҳни ожиз қолдирувчи нарса йўқдир. Зотан, У билим ва қудрат эгасидир.

42-оят. Аҳли китоблар, яъни яҳудийлар билан насронийлар ўзларининг пайғамбарлари – Мусо ва Исо (а.с.)ларга куфр келтириб, уларни ёлғончиларга чиқаришган, деган хабарни Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлмасларидан олдинроқ Қурайш мушриклари эшитишган эди. Ўшанда улар агар бизга пайғамбар келса, унга имон келтириб, ҳидоят топувчи умматларнинг пешқадами бўламиз, деб Аллоҳнинг номи билан қасам ичган эдилар. Лекин улар сўзларида турмадилар (Мд.).

44-оят. Макка аҳлининг тижоратчилари қишда Яман диёрига, ёзда Шом ва Ироқ томонларига сафар қилиб туришар эди. Мазкур уч мамлакатда узоқ ўтмишда куфр ва жиноий ишлари туфайли Аллоҳнинг ғазабига учраб ҳалок қилинган умматларнинг асоратларини топиб кўриш имконияти бор эди. Ўша асоратлардан ибрат олишга буюрилмоқда (Мд.).

وَلَوۡ يُؤَاخِذُ ٱللَّهُ ٱلنَّاسَ بِمَا كَسَبُواْ مَا تَرَكَ عَلَىٰ
ظَهۡرِهَا مِن دَآبَّةٖ وَلَٰكِن يُؤَخِّرُهُمۡ إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمّٗىۖ
فَإِذَا جَآءَ أَجَلُهُمۡ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِعِبَادِهِۦ بَصِيرَۢا ٤٥

سُورَةُ يسٓ — ٣٦ — ٨٣

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
يسٓ ١ وَٱلۡقُرۡءَانِ ٱلۡحَكِيمِ ٢ إِنَّكَ لَمِنَ ٱلۡمُرۡسَلِينَ ٣ عَلَىٰ
صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ ٤ تَنزِيلَ ٱلۡعَزِيزِ ٱلرَّحِيمِ ٥ لِتُنذِرَ قَوۡمٗا مَّآ
أُنذِرَ ءَابَآؤُهُمۡ فَهُمۡ غَٰفِلُونَ ٦ لَقَدۡ حَقَّ ٱلۡقَوۡلُ عَلَىٰٓ أَكۡثَرِهِمۡ
فَهُمۡ لَا يُؤۡمِنُونَ ٧ إِنَّا جَعَلۡنَا فِيٓ أَعۡنَٰقِهِمۡ أَغۡلَٰلٗا فَهِيَ إِلَى
ٱلۡأَذۡقَانِ فَهُم مُّقۡمَحُونَ ٨ وَجَعَلۡنَا مِنۢ بَيۡنِ أَيۡدِيهِمۡ سَدّٗا
وَمِنۡ خَلۡفِهِمۡ سَدّٗا فَأَغۡشَيۡنَٰهُمۡ فَهُمۡ لَا يُبۡصِرُونَ ٩ وَسَوَآءٌ
عَلَيۡهِمۡ ءَأَنذَرۡتَهُمۡ أَمۡ لَمۡ تُنذِرۡهُمۡ لَا يُؤۡمِنُونَ ١٠ إِنَّمَا تُنذِرُ
مَنِ ٱتَّبَعَ ٱلذِّكۡرَ وَخَشِيَ ٱلرَّحۡمَٰنَ بِٱلۡغَيۡبِۖ فَبَشِّرۡهُ بِمَغۡفِرَةٖ
وَأَجۡرٖ كَرِيمٍ ١١ إِنَّا نَحۡنُ نُحۡيِ ٱلۡمَوۡتَىٰ وَنَكۡتُبُ
مَا قَدَّمُواْ وَءَاثَٰرَهُمۡۚ وَكُلَّ شَيۡءٍ أَحۡصَيۡنَٰهُ فِيٓ إِمَامٖ مُّبِينٖ ١٢

45. Агар Аллоҳ одамларни улар қилган гуноҳлари билан жазоласа эди, (Ер) устида бирор жониворни қўймаган бўлур эди. Лекин У уларни (жазолашни) белгиланган муддатгача (қиёмат кунигача) кечиктирур. Бас, ўша муддат келгач эса (огоҳ бўлингизки), албатта, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчи зотдир.

Ёсин сураси

Маккада нозил қилинган. 83 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ё, Син.

2. (Эй, Муҳаммад! Ушбу) ҳикматли Қуръон билан қасамёд этаманки,

3. ҳақиқатан, Сиз пайғамбарлардандирсиз!

4. (Сиз) тўғри йўлдадирсиз.

5. (Бу Қуръон) қудратли ва раҳмли (Аллоҳ)нинг нозил қилган (Китоб)идир,

6. токи ота-боболари огоҳлантирилмай, ғофил бўлиб қолган қавмни огоҳлантиргайсиз.

7. Уларнинг кўпларига (куфрда бўлурлар деган) лафз муқаррар бўлгандир. Бас, улар имон келтирмаслар.

8. Дарҳақиқат, Биз уларнинг бўйинларига, кишанларни солиб қўйдик. Улар (кишанлар) то иякларигачадир. Бас, улар кеккаювчидирлар.

9. Яна уларнинг олдиларидан бир тўсиқ (парда), ортларидан бир тўсиқ (парда) қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар «кўра» олмаслар*.

10. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларни огоҳлантирдингизми ёки огоҳлантирмадингизми – уларга баробардир – имон келтирмаслар.

11. Сиз фақат Зикр (Қуръон)га эргашган ва Раҳмондан ғойибона қўрққан кишиларнигина огоҳлантира олурсиз. Бас, ўшаларга мағфират ва улуғ мукофот (жаннат) хушхабарини беринг!

12. Албатта, Биз ўликларни тирилтирурмиз ва уларнинг (ўлимидан олдин) юборган амалларини ҳамда (қолдирган) асоратларини (оммага фойдали ёки зарарли ишларини) ёзиб қўюрмиз. (Биз) аниқлаб берувчи Имом (Лавҳул-маҳфуз)да барча нарсани ҳисобга олганмиз.

---

36. ЁСИН СУРАСИ

"Ё, Син" сўзи тафсирида "Эй, инсон!", "Эй, Муҳаммад!", "Эй, Саййид!" каби ривоятлар бор.

Сурада Муҳаммад (а.с.)нинг ҳақиқий пайғамбар эканликлари, Исо (а.с.) томонидан Антокияга (Византиянинг қадимий шаҳри) юборилган элчиларнинг кўрган кечирганлари, Ҳабиб ан-Нажжор исмли шахснинг имон йўлида қурбон бўлиши, қуёш, ой, юлдузларнинг илоҳий қонуният асосида фаолият кўрсатиб туриши, шунингдек, жаннат ва дўзах аҳлининг қиёмат кунидаги ҳолатлари, тавҳид, қайта тирилиш ҳақлигига далолат қилувчи оятлар баён этилган.

"Ёсин" сурасининг фазилатлари тўғрисида кўпгина ҳадиси шарифлар ривоят қилинган.

9-оят. Бу оят Абу Жаҳл Махзумий ҳақида нозил бўлган. У Расул (а.с.)ни намоз ўқиётган пайтларида бошларига тош билан уриб мажруҳ қилишга қасам ичган бўлиб, мақсадини амалга оширмоқчи бўлганида тошни кўтарганича қўллари тошга ёпишиб қолади. Шарманда бўлиб ўз қавмига қайтиб келгач, бошқа бири "Бу ишни мен бажараман", – деб йўлга равона бўлганида, Аллоҳ таоло амри билан унинг кўзи кўр бўлиб қолади (Мд.).

وَٱضۡرِبۡ لَهُم مَّثَلًا أَصۡحَٰبَ ٱلۡقَرۡيَةِ إِذۡ جَآءَهَا ٱلۡمُرۡسَلُونَ ﴿١٣﴾
إِذۡ أَرۡسَلۡنَآ إِلَيۡهِمُ ٱثۡنَيۡنِ فَكَذَّبُوهُمَا فَعَزَّزۡنَا بِثَالِثٖ فَقَالُوٓاْ إِنَّآ
إِلَيۡكُم مُّرۡسَلُونَ ﴿١٤﴾ قَالُواْ مَآ أَنتُمۡ إِلَّا بَشَرٞ مِّثۡلُنَا وَمَآ أَنزَلَ
ٱلرَّحۡمَٰنُ مِن شَيۡءٍ إِنۡ أَنتُمۡ إِلَّا تَكۡذِبُونَ ﴿١٥﴾ قَالُواْ رَبُّنَا يَعۡلَمُ إِنَّآ
إِلَيۡكُمۡ لَمُرۡسَلُونَ ﴿١٦﴾ وَمَا عَلَيۡنَآ إِلَّا ٱلۡبَلَٰغُ ٱلۡمُبِينُ ﴿١٧﴾
قَالُوٓاْ إِنَّا تَطَيَّرۡنَا بِكُمۡۖ لَئِن لَّمۡ تَنتَهُواْ لَنَرۡجُمَنَّكُمۡ وَلَيَمَسَّنَّكُم
مِّنَّا عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿١٨﴾ قَالُواْ طَٰٓئِرُكُم مَّعَكُمۡۚ أَئِن ذُكِّرۡتُمۚ
بَلۡ أَنتُمۡ قَوۡمٞ مُّسۡرِفُونَ ﴿١٩﴾ وَجَآءَ مِنۡ أَقۡصَا ٱلۡمَدِينَةِ رَجُلٞ
يَسۡعَىٰ قَالَ يَٰقَوۡمِ ٱتَّبِعُواْ ٱلۡمُرۡسَلِينَ ﴿٢٠﴾ ٱتَّبِعُواْ مَن
لَّا يَسۡـَٔلُكُمۡ أَجۡرٗا وَهُم مُّهۡتَدُونَ ﴿٢١﴾ وَمَا لِيَ لَآ أَعۡبُدُ ٱلَّذِي
فَطَرَنِي وَإِلَيۡهِ تُرۡجَعُونَ ﴿٢٢﴾ ءَأَتَّخِذُ مِن دُونِهِۦٓ ءَالِهَةً إِن
يُرِدۡنِ ٱلرَّحۡمَٰنُ بِضُرّٖ لَّا تُغۡنِ عَنِّي شَفَٰعَتُهُمۡ شَيۡـٔٗا وَلَا
يُنقِذُونِ ﴿٢٣﴾ إِنِّيٓ إِذٗا لَّفِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ﴿٢٤﴾ إِنِّيٓ ءَامَنتُ
بِرَبِّكُمۡ فَٱسۡمَعُونِ ﴿٢٥﴾ قِيلَ ٱدۡخُلِ ٱلۡجَنَّةَۖ قَالَ يَٰلَيۡتَ قَوۡمِي
يَعۡلَمُونَ ﴿٢٦﴾ بِمَا غَفَرَ لِي رَبِّي وَجَعَلَنِي مِنَ ٱلۡمُكۡرَمِينَ ﴿٢٧﴾

13. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларга қишлоқ (аҳли)ни – у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг!*

14. Ўшанда Биз уларга (Исо орқали) иккита (элчи)ни юборганимизда (улар) иккисини ёлғончига чиқаришгач, учинчи (элчи) билан қувватлантирдик. Бас, (уччала элчи Антокия аҳлига): «Ҳақиқатан, биз сизларга (имонга даъват қилиш учун юборилган) элчилармиз», – дедилар.

15. Улар: «Сизлар ҳам худди бизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (Аллоҳ) бирор нарса (ваҳий) нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасиз», – дедилар.

16. (Элчилар) айтдилар: «Раббимиз билурки, бизлар, албатта, сизларга (юборилган) элчилардирмиз!

17. Бизларнинг зиммамизда фақат (Аллоҳнинг ваҳийсини сизларга) аниқ етказишгина бордир».

18. (Улар) дедилар: «Бизлар сизлардан шумланмоқдамиз. Қасамки, агар (даъватларингизни) тўхтатмасангиз, сизларни, албатта, тошбўрон қилурмиз ва сизларга биз томондан аламли азоб етар!»

19. (Элчилар) айтдилар: «Шумланишингиз (сабаби) ўзларингиз биландир. Сизларга насиҳат қилинса (шумланасизларми)?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошган қавмдирсиз!»

20. (Шу пайт) бир киши шаҳарнинг чекка жойидан шошганча келиб, деди: «Эй, қавмим! (Бу) элчиларга эргашингиз!

21. Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан ҳақ сўрамайдиган зотларга эргашингиз!»*

ЙИГИРМА УЧИНЧИ ПОРА

22. (У яна айтди:) «Нега мен ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин? (Сизлар ҳам) Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз.

23. Мен Ундан ўзгаларни илоҳ қилиб олайми?! (Ҳолбуки), агар Раҳмон менга бирор зарар етказишни истаса, у («илоҳ»)ларнинг шафоатлари менга бирор фойда бера олмас ва улар мени (азобдан) қутқара олмаслар.

24. У ҳолда мен, албатта, аниқ залолатда бўлурман-ку!

25. Ҳақиқатан, мен Раббингизга имон келтирганман, мени эшитиб қўйингиз!»

26. (Сўзларига боқмай уни қатл қилишгач, унга) «Жаннатга кир!»,– дейилди. (У жойдаги ноз-неъмат ва иззат-икромни кўргач) у айтди: «Қани эди, қавмим билса

27. мени Раббим мағфират этганини ва мени мукаррам кишилардан қилганини!»

13-оят. Қишлоқнинг номи Антокия бўлиб, у Румнинг (қадимги Византия давлатининг) қишлоқларидан бири эди.

21-оят. Бу таклифни халойиққа айтган киши Ҳабиб исмли бир художўй дурадгор бўлиб, у шаҳар четида яшар эди. Исо (а.с.)нинг элчилари келаётиб, унинг шал бўлиб ётган ўғлини ва бошқа беморларни тузатиб, мўъжиза кўрсатишган эди (Мд.).

۞ وَمَآ أَنزَلۡنَا عَلَىٰ قَوۡمِهِۦ مِنۢ بَعۡدِهِۦ مِن جُندٖ مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَمَا
كُنَّا مُنزِلِينَ ﴿٢٨﴾ إِن كَانَتۡ إِلَّا صَيۡحَةٗ وَٰحِدَةٗ فَإِذَا هُمۡ خَٰمِدُونَ
﴿٢٩﴾ يَٰحَسۡرَةً عَلَى ٱلۡعِبَادِۚ مَا يَأۡتِيهِم مِّن رَّسُولٍ إِلَّا كَانُواْ بِهِۦ
يَسۡتَهۡزِءُونَ ﴿٣٠﴾ أَلَمۡ يَرَوۡاْ كَمۡ أَهۡلَكۡنَا قَبۡلَهُم مِّنَ ٱلۡقُرُونِ
أَنَّهُمۡ إِلَيۡهِمۡ لَا يَرۡجِعُونَ ﴿٣١﴾ وَإِن كُلّٞ لَّمَّا جَمِيعٞ لَّدَيۡنَا مُحۡضَرُونَ
﴿٣٢﴾ وَءَايَةٞ لَّهُمُ ٱلۡأَرۡضُ ٱلۡمَيۡتَةُ أَحۡيَيۡنَٰهَا وَأَخۡرَجۡنَا مِنۡهَا حَبّٗا
فَمِنۡهُ يَأۡكُلُونَ ﴿٣٣﴾ وَجَعَلۡنَا فِيهَا جَنَّٰتٖ مِّن نَّخِيلٖ
وَأَعۡنَٰبٖ وَفَجَّرۡنَا فِيهَا مِنَ ٱلۡعُيُونِ ﴿٣٤﴾ لِيَأۡكُلُواْ مِن ثَمَرِهِۦ
وَمَا عَمِلَتۡهُ أَيۡدِيهِمۡۚ أَفَلَا يَشۡكُرُونَ ﴿٣٥﴾ سُبۡحَٰنَ ٱلَّذِي
خَلَقَ ٱلۡأَزۡوَٰجَ كُلَّهَا مِمَّا تُنۢبِتُ ٱلۡأَرۡضُ وَمِنۡ أَنفُسِهِمۡ
وَمِمَّا لَا يَعۡلَمُونَ ﴿٣٦﴾ وَءَايَةٞ لَّهُمُ ٱلَّيۡلُ نَسۡلَخُ مِنۡهُ ٱلنَّهَارَ
فَإِذَا هُم مُّظۡلِمُونَ ﴿٣٧﴾ وَٱلشَّمۡسُ تَجۡرِي لِمُسۡتَقَرّٖ لَّهَاۚ
ذَٰلِكَ تَقۡدِيرُ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡعَلِيمِ ﴿٣٨﴾ وَٱلۡقَمَرَ قَدَّرۡنَٰهُ مَنَازِلَ حَتَّىٰ
عَادَ كَٱلۡعُرۡجُونِ ٱلۡقَدِيمِ ﴿٣٩﴾ لَا ٱلشَّمۡسُ يَنۢبَغِي لَهَآ أَن تُدۡرِكَ
ٱلۡقَمَرَ وَلَا ٱلَّيۡلُ سَابِقُ ٱلنَّهَارِۚ وَكُلّٞ فِي فَلَكٖ يَسۡبَحُونَ ﴿٤٠﴾

28. Биз ундан (дурадгор Ҳабиб қатлидан) кейин унинг қавми устига осмондан бирор қўшин (азоб фаришталарини) туширмадик. Биз (шошилинч) туширувчи эмасмиз.

29. Фақат биргина қичқириқ* бўлди-ю, бас, бирдан улар «ўчиб» (ўлиб) қолувчилардир.

30. Бандаларга ҳасрат (надомат) бўлгайки, уларга пайғамбар келиши билан уни масхара қилувчи бўлдилар.

31. Ахир, улар ўзларидан олдин ҳам қанча авлодларни ҳалок қилганимизни – ўшалар уларнинг олдига (дунёга) қайтиб келмаётганини кўрмадиларми?!

32. Албатта, барчалари (қиёматда) Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилинувчидирлар.

33. Ўлик (қўриқ) ер улар учун (қайта тирилишга) бир аломатдир, Биз уни (сув билан) тирилтирдик ва ундан (турли) донларни ундириб чиқардик. Бас, улар ундан емоқдалар.

34. Яна Биз унда (ерда) хурмозор ва узумзор боғларни (пайдо) қилдик ва у ерда булоқларни оқизиб қўйдик

35. токи (одамлар) мевасидан есинлар. Ҳолбуки, у (мевалар)ни ўз қўллари (билан) қилмаган эдилар. Ахир шукр қилмайдиларми?!

36. Ер ундирадиган нарсалардан, (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Аллоҳ)га тасбеҳ айтилур.

37. Тун ҳам улар учун (қудратимиздан) бир аломатдир. Биз ундан кундузни суғуриб олишимиз билан бирданига улар зулматда қолурлар.

38. Қуёш (тинмай) ўз қароргоҳи сари сайр қилур. Бу қудратли ва билимли зот (Аллоҳ)нинг ўлчовидир*.

39. Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутоғидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (бўтадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз*.

40. На қуёш ойга етиши мумкин ва на кеча кундуздан ўзувчидир. (Қуёш, ой ва юлдузларнинг) ҳар бири (бир) фалакда сузадилар.

29-оят. Жаброил (а.с.) Аллоҳнинг амри билан бир марта қичқириқ қилади. Унинг даҳшатли овозидан дурадгор Нажжорни қатл қилган қавм ҳалок бўлади.

38-оят. Қуёшнинг қароргоҳи икки хил тафсир қилинган: ҳадисга кўра, у ҳар куни ботгандан сўнг Арш остига бориб, Аллоҳга сажда қилади. Сўнгра Аллоҳнинг амри билан яна қайтиб сайрини давом эттиради. Сажда қилиб турган вақти қароргоҳидир; қиёмат куни қуёш ўз сайридан тўхтаб, қарор топади. Оятга кўра, ўша пайтгача у қанча сайр қилиши ўлчаб қўйилган (Бх. ИК).

39-оят. “Мадорик” тафсирида ёзилишича, ой агар қисқа бўлса, у ҳилоллик кунидан бошлаб 28 жойда кўринади. Сўнгра бир ёки икки кеча кўринмасдан, яна бошидан бошлаб такрорланаверади. Шу манзилларга қараб ойнинг нури ҳам озайиб-кўпайиб туради. Яна “Юнус” сурасининг 5-ояти тафсирига қаралсин.

وَءَايَةٌ لَّهُمْ أَنَّا حَمَلْنَا ذُرِّيَّتَهُمْ فِى ٱلْفُلْكِ ٱلْمَشْحُونِ ﴿٤١﴾ وَخَلَقْنَا
لَهُم مِّن مِّثْلِهِۦ مَا يَرْكَبُونَ ﴿٤٢﴾ وَإِن نَّشَأْ نُغْرِقْهُمْ فَلَا صَرِيخَ لَهُمْ
وَلَا هُمْ يُنقَذُونَ ﴿٤٣﴾ إِلَّا رَحْمَةً مِّنَّا وَمَتَٰعًا إِلَىٰ حِينٍ ﴿٤٤﴾ وَإِذَا
قِيلَ لَهُمُ ٱتَّقُوا۟ مَا بَيْنَ أَيْدِيكُمْ وَمَا خَلْفَكُمْ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٤٥﴾
وَمَا تَأْتِيهِم مِّنْ ءَايَةٍ مِّنْ ءَايَٰتِ رَبِّهِمْ إِلَّا كَانُوا۟ عَنْهَا مُعْرِضِينَ
﴿٤٦﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ أَنفِقُوا۟ مِمَّا رَزَقَكُمُ ٱللَّهُ قَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
لِلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَنُطْعِمُ مَن لَّوْ يَشَآءُ ٱللَّهُ أَطْعَمَهُۥٓ إِنْ أَنتُمْ إِلَّا فِى
ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٤٧﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ
﴿٤٨﴾ مَا يَنظُرُونَ إِلَّا صَيْحَةً وَٰحِدَةً تَأْخُذُهُمْ وَهُمْ يَخِصِّمُونَ
﴿٤٩﴾ فَلَا يَسْتَطِيعُونَ تَوْصِيَةً وَلَآ إِلَىٰٓ أَهْلِهِمْ يَرْجِعُونَ ﴿٥٠﴾
وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ فَإِذَا هُم مِّنَ ٱلْأَجْدَاثِ إِلَىٰ رَبِّهِمْ يَنسِلُونَ
﴿٥١﴾ قَالُوا۟ يَٰوَيْلَنَا مَنۢ بَعَثَنَا مِن مَّرْقَدِنَا ۜ هَٰذَا مَا وَعَدَ ٱلرَّحْمَٰنُ
وَصَدَقَ ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٥٢﴾ إِن كَانَتْ إِلَّا صَيْحَةً
وَٰحِدَةً فَإِذَا هُمْ جَمِيعٌ لَّدَيْنَا مُحْضَرُونَ ﴿٥٣﴾ فَٱلْيَوْمَ لَا تُظْلَمُ
نَفْسٌ شَيْـًٔا وَلَا تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٥٤﴾

41. Биз уларнинг зурриётларини (Нуҳ пайғамбар ясаган) тўла кемада кўтарганимиз (ва тўфондан қутқарганимиз) улар учун (қудратимиздан яна бир) аломатдир.

42. Яна Биз уларга худди ўша (кемага) ўхшаш (от, туя каби) минадиган нарсаларни ҳам яратдик.

43. Агар Биз хоҳласак, уларни ғарқ қилурмиз-да, сўнг улар учун бирор ёрдамчи бўлмас ва улар қутқарилмаслар ҳам.

44. Фақат Биз томондан бўлган марҳамат сабабли ва (маълум) бир вақтгача (ҳаётдан) баҳраманд бўлишлари учун (муҳлат берилур).

45. Қачонки, уларга: «Раҳматга эришишингиз учун олдингиздаги (охират)дан ва ортингиздаги (дунё)дан қўрқингиз!»,– дейилса, (қулоқ солмаслар).

46. Уларга Парвардигорларининг оятларидан бирор оят келса, албатта, улар (ўша оятдан) юз ўгирувчи бўлурлар.

47. Қачонки, уларга: «Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилингиз!», – дейилса, кофир бўлган кимсалар имон келтирган зотларга (истеҳзо билан): «Агар Аллоҳ хоҳласа, Ўзи озиқлантирадиган кишиларга бизлар таом берамизми? Сизлар, шубҳасиз, аниқ залолатдадирсиз», – дерлар.

48. Яна улар: «Агар ростгўй бўлсангиз (айтингиз-чи), мана шу ваъда (азоб) қачон бўлади?», – дерлар.

49. Улар ўзаро баҳслашиб турганларида, уларни тутувчи биргина (даҳшатли) қичқириқни кутмоқдалар, холос*.

50. Бас, улар на бирор васият қилишга ва на (оила) аҳлига қайтишга қодир бўлурлар.

51. (Қиёмат куни) сур чалиниши билан бирданига улар қабрларидан Парвардигорлари сари суғурилиб чиқурлар*.

52. Улар: «Ҳолимизга вой! Ким бизларни ухлаётган жойимиздан уйғотди?» – деганларида, (уларга айтилур): «Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар сўзлаган рост нарса (қиёмат)дир».

53. Фақатгина бир қичқириқ*, бас, бирданига уларнинг барчаси Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилинувчидирлар.

54. Мана бугун ҳеч бир жонга ноҳақлик қилинмас ва сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингизга қараб тақдирланурсиз.

49-оят. Бу Исрофил (а.с.)нинг биринчи галда чаладиган сурининг овози бўлиб, ҳамма ўз юмуши билан банд бўлиб турганда чалинади. Бирор тирик жон қолмай ҳалок бўлгач, Аллоҳга маълум бир қанча муддат сукунат сақланади.

51-оят. Бу Исрофил (а.с.)нинг иккинчи марта сур чалишидир. Бунда ҳамма инсонлар тирилиб, қабрларидан чиқадилар.

53-оят. Бу учинчи марта чалинган сурнинг овози бўлиб, у одамларни маҳшаргоҳга йиғиш учун чалинади. Исрофил (а.с.) сурни Қудс шаҳридаги муаллақ тош устига чиқиб чалади.

إِنَّ أَصْحَٰبَ ٱلْجَنَّةِ ٱلْيَوْمَ فِى شُغُلٍ فَٰكِهُونَ ٥٥ هُمْ وَأَزْوَٰجُهُمْ
فِى ظِلَٰلٍ عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ مُتَّكِـُٔونَ ٥٦ لَهُمْ فِيهَا فَٰكِهَةٌ وَلَهُم
مَّا يَدَّعُونَ ٥٧ سَلَٰمٌ قَوْلًا مِّن رَّبٍّ رَّحِيمٍ ٥٨ وَٱمْتَٰزُوا۟ ٱلْيَوْمَ
أَيُّهَا ٱلْمُجْرِمُونَ ٥٩ ۞ أَلَمْ أَعْهَدْ إِلَيْكُمْ يَٰبَنِىٓ ءَادَمَ أَن لَّا
تَعْبُدُوا۟ ٱلشَّيْطَٰنَ إِنَّهُۥ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ٦٠ وَأَنِ ٱعْبُدُونِى
هَٰذَا صِرَٰطٌ مُّسْتَقِيمٌ ٦١ وَلَقَدْ أَضَلَّ مِنكُمْ جِبِلًّا كَثِيرًا
أَفَلَمْ تَكُونُوا۟ تَعْقِلُونَ ٦٢ هَٰذِهِۦ جَهَنَّمُ ٱلَّتِى كُنتُمْ تُوعَدُونَ
٦٣ ٱصْلَوْهَا ٱلْيَوْمَ بِمَا كُنتُمْ تَكْفُرُونَ ٦٤ ٱلْيَوْمَ نَخْتِمُ
عَلَىٰٓ أَفْوَٰهِهِمْ وَتُكَلِّمُنَآ أَيْدِيهِمْ وَتَشْهَدُ أَرْجُلُهُم بِمَا كَانُوا۟
يَكْسِبُونَ ٦٥ وَلَوْ نَشَآءُ لَطَمَسْنَا عَلَىٰٓ أَعْيُنِهِمْ فَٱسْتَبَقُوا۟
ٱلصِّرَٰطَ فَأَنَّىٰ يُبْصِرُونَ ٦٦ وَلَوْ نَشَآءُ لَمَسَخْنَٰهُمْ
عَلَىٰ مَكَانَتِهِمْ فَمَا ٱسْتَطَٰعُوا۟ مُضِيًّا وَلَا يَرْجِعُونَ
٦٧ وَمَن نُّعَمِّرْهُ نُنَكِّسْهُ فِى ٱلْخَلْقِ أَفَلَا يَعْقِلُونَ ٦٨
وَمَا عَلَّمْنَٰهُ ٱلشِّعْرَ وَمَا يَنۢبَغِى لَهُۥٓ إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ وَقُرْءَانٌ مُّبِينٌ
٦٩ لِّيُنذِرَ مَن كَانَ حَيًّا وَيَحِقَّ ٱلْقَوْلُ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ ٧٠

55. Албатта, жаннат аҳли у кунда (роҳат ва фароғат) иш(лари) билан шоддирлар.

56. Улар ўз жуфтлари (хотинлари) билан бирга сояларда, сўриларда суяниб ўтирурлар.

57. Уларга у жойда (турли) мевалар ва улар учун истаган нарсалари мавжуддир.

58. (Уларга) раҳмли Парвардигор (томони)дан салом (айтилур).

59. Эй, жиноятчилар! Бугун энди (мўминлардан) ажралингиз!

60. Мен сизларга (дунёда) билдириб: «Эй, Одам болалари! Шайтонга ибодат (итоат) қилмангиз, чунки, у сизларга очиқ душмандир,

61. Менга ибодат қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир»,– демаганмидим?!

62. (Шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир, ақл юритувчи эмасмидингиз?!

63. Сизларга (дунёда) ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир.

64. (Дунёдан) кофир бўлиб ўтганингиз сабабли бугун унда (жаҳаннамда) куйингиз!

65. Бугун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қўйгаймиз. Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида қўллари сўзлаб, оёқлари гувоҳлик берур*.

66. Агар Биз хоҳласак, уларнинг кўзларини йўқ қилган бўлур эдик. Ана у ҳолда улар йўлга шошардилар-у, (лекин) қаёқдан (йўлни) кўра олсинлар?!

67. Агар Биз хоҳласак, уларни турган жойларида (маймун, тўнғиз ё тош каби) нарсаларга айлантириб қўйган бўлур эдик. Сўнгра улар (олдинга) юришга ҳам қодир эмаслар ва (орқаларига ҳам) қайта олмаслар.

68. Биз кимга узоқ умр берсак, унинг вужудини хам (эгик, заиф) қилиб қўюрмиз. Ахир, ақл юргизмайдиларми?!

69. (Муҳаммадга) шеърни таълим бермадик ва унга (шоирлик) мумкин ҳам эмас*. У (ваҳий) фақат зикр (эслатма) ва аниқ Қуръондир.

70. (У) тирик (ақлли) кишиларни огоҳлантириш ва кофирларга (азоб ҳақидаги) лафз муқаррар бўлиши учун (нозил қилинган)дир.

65-оят. Ширк ва куфрда бўлган бандалар қиёмат куни дунёда қилган қилмишларидан тониб, тиллари билан нотўғри гувоҳлик беришга ҳаракат қилишар экан. Қўшнилари ва қариндошлари уларнинг мушрик бўлгани ҳақида гувоҳлик беришса ҳам тан олишмас экан. Аллоҳ таоло уларнинг оғизларини муҳрлаб қўйишга буюргач, қолган аъзолари унинг кирдикорларини бирма-бир айтиб, гувоҳлик берар экан (Мд.).

69-оят. Агар Расул (а.с.) шеърни билганларида, кофирлар ул зотни шоир, деб тўқиган даъволари қувватланиб қолар эди. Баъзи ривоятларда Расул (а.с.)-нинг айтган шеърлари шеър эмас, балки тасодифан шеърга ўхшаб қолган сўзлари эди (Лс.).

أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّا خَلَقْنَا لَهُم مِّمَّا عَمِلَتْ أَيْدِينَآ أَنْعَٰمًا فَهُمْ لَهَا
مَٰلِكُونَ ﴿٧١﴾ وَذَلَّلْنَٰهَا لَهُمْ فَمِنْهَا رَكُوبُهُمْ وَمِنْهَا يَأْكُلُونَ ﴿٧٢﴾
وَلَهُمْ فِيهَا مَنَٰفِعُ وَمَشَارِبُ ۖ أَفَلَا يَشْكُرُونَ ﴿٧٣﴾ وَٱتَّخَذُوا۟
مِن دُونِ ٱللَّهِ ءَالِهَةً لَّعَلَّهُمْ يُنصَرُونَ ﴿٧٤﴾ لَا يَسْتَطِيعُونَ
نَصْرَهُمْ وَهُمْ لَهُمْ جُندٌ مُّحْضَرُونَ ﴿٧٥﴾ فَلَا يَحْزُنكَ قَوْلُهُمْ
إِنَّا نَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعْلِنُونَ ﴿٧٦﴾ أَوَلَمْ يَرَ ٱلْإِنسَٰنُ أَنَّا
خَلَقْنَٰهُ مِن نُّطْفَةٍ فَإِذَا هُوَ خَصِيمٌ مُّبِينٌ ﴿٧٧﴾ وَضَرَبَ لَنَا
مَثَلًا وَنَسِىَ خَلْقَهُۥ ۖ قَالَ مَن يُحْىِ ٱلْعِظَٰمَ وَهِىَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾
قُلْ يُحْيِيهَا ٱلَّذِىٓ أَنشَأَهَآ أَوَّلَ مَرَّةٍ ۖ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ
﴿٧٩﴾ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُم مِّنَ ٱلشَّجَرِ ٱلْأَخْضَرِ نَارًا فَإِذَآ أَنتُم
مِّنْهُ تُوقِدُونَ ﴿٨٠﴾ أَوَلَيْسَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ
بِقَٰدِرٍ عَلَىٰٓ أَن يَخْلُقَ مِثْلَهُم ۚ بَلَىٰ وَهُوَ ٱلْخَلَّٰقُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٨١﴾
إِنَّمَآ أَمْرُهُۥٓ إِذَآ أَرَادَ شَيْـًٔا أَن يَقُولَ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٨٢﴾
فَسُبْحَٰنَ ٱلَّذِى بِيَدِهِۦ مَلَكُوتُ كُلِّ شَىْءٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٨٣﴾

سُورَةُ الصَّافَّات

71. Ахир, улар учун Ўз «қўлимиз» иши билан чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Мана улар ўша (ҳайвон)ларга эгадирлар.

72. Биз ўша (ҳайвон)ларни уларга бўйин сундириб қўйганмиз. Ана уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша (ҳайвон)лардан ва ўшалардан (гўштларидан) егайлар.

73. Яна улар учун ўша (ҳайвон)ларда (турли) фойдалар ва ичимлик (сут-қаймоқ)лар бордир. Ахир, шукр қилмайдиларми?!

74. Аллоҳ (ибодати)ни қўйиб, ёрдам олиш умидида «илоҳ»ларни тутдилар.

75. Улар (сохта илоҳлар) нақд «қўшин» бўла туриб, уларга ёрдам беришга ярамайдилар.

76. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сизни уларнинг сўзлари ғамгин қилмасин! Зотан, Биз уларнинг яширадиган нарсаларини ҳам, ошкор қиладиган нарсаларини ҳам билурмиз.

77. Инсон (кофир), Биз уни нутфадан (бир томчи шаҳват сувидан) яратганимизни, энди эса, у бирданига (Ўзимизга) ошкора хусумат қилувчи бўлиб қолганини кўрмадими?!

78. У Бизга: «Чириб кетган суякларни ким ҳам тирилтира олур?»– деб, нақл келтирди-ю, (аммо) ўзининг (қандай) яралганини унутиб қўйди.

79. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «У (чириган суяк)ларни дастлаб пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У турли хил яратиш(лар)ни билувчидир».

80. У сизлар учун яшил дарахтдан олов пайдо қилган зотдир. Бас, сизлар ўшандан олов ёқурсизлар.

81. Осмонлар ва Ерни яратган зот яна (қайтадан) уларнинг худди ўзидек яратишга қодир эмасми?! Йўқ, (албатта, қодирдир). У яратувчи ва билувчидир.

82. Бирор нарса (яратиш)ни ирода қилганида, Унинг иши фақатгина: «Бўл!»– дейишдир. У (нарса) эса бўлур (вужудга келур).

83. Бас, барча нарсанинг эгалиги Ўз «қўли»да бўлган (Аллоҳ)га тасбеҳ (айтилур) ва (қиёматда) Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз!

Соффот сураси

Маккада нозил қилинган. 182 оят.

37. СОФФОТ СУРАСИ

"Соффот" – саф тортиб турувчилар.

Сурада имон-эътиқод, куфр ва ширк, инс ва жин, жаннат ва дўзах, пайғамбарлар, хусусан, Одам, Нуҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Мусо, Лут, Ҳорун, Юнус, Илёс ва Муҳаммад (а.с.) қиссалари ва бошқа маълумотлар баён қилинади.

Саф тортиб турувчилардан мурод бу ерда Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турувчи фаришталар ва мўминлардир.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ
وَالصَّٰٓفَّٰتِ صَفًّا ﴿١﴾ فَالزَّٰجِرَٰتِ زَجْرًا ﴿٢﴾ فَالتَّٰلِيَٰتِ ذِكْرًا ﴿٣﴾
إِنَّ إِلَٰهَكُمْ لَوَٰحِدٌ ﴿٤﴾ رَّبُّ السَّمَٰوَٰتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَرَبُّ
الْمَشَٰرِقِ ﴿٥﴾ إِنَّا زَيَّنَّا السَّمَآءَ الدُّنْيَا بِزِينَةٍ الْكَوَاكِبِ ﴿٦﴾ وَحِفْظًا
مِّن كُلِّ شَيْطَٰنٍ مَّارِدٍ ﴿٧﴾ لَّا يَسَّمَّعُونَ إِلَى الْمَلَإِ الْأَعْلَىٰ وَيُقْذَفُونَ
مِن كُلِّ جَانِبٍ ﴿٨﴾ دُحُورًا وَلَهُمْ عَذَابٌ وَاصِبٌ ﴿٩﴾ إِلَّا مَنْ خَطِفَ
الْخَطْفَةَ فَأَتْبَعَهُۥ شِهَابٌ ثَاقِبٌ ﴿١٠﴾ فَاسْتَفْتِهِمْ أَهُمْ أَشَدُّ خَلْقًا
أَم مَّنْ خَلَقْنَآ إِنَّا خَلَقْنَٰهُم مِّن طِينٍ لَّازِبٍ ﴿١١﴾ بَلْ عَجِبْتَ
وَيَسْخَرُونَ ﴿١٢﴾ وَإِذَا ذُكِّرُوا لَا يَذْكُرُونَ ﴿١٣﴾ وَإِذَا رَأَوْا ءَايَةً يَسْتَسْخِرُونَ
﴿١٤﴾ وَقَالُوٓا إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾ أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَٰمًا
أَءِنَّا لَمَبْعُوثُونَ ﴿١٦﴾ أَوَءَابَآؤُنَا الْأَوَّلُونَ ﴿١٧﴾ قُلْ نَعَمْ وَأَنتُمْ دَٰخِرُونَ
﴿١٨﴾ فَإِنَّمَا هِيَ زَجْرَةٌ وَٰحِدَةٌ فَإِذَا هُمْ يَنظُرُونَ ﴿١٩﴾ وَقَالُوا يَٰوَيْلَنَا هَٰذَا
يَوْمُ الدِّينِ ﴿٢٠﴾ هَٰذَا يَوْمُ الْفَصْلِ الَّذِي كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿٢١﴾
۞ احْشُرُوا الَّذِينَ ظَلَمُوا وَأَزْوَٰجَهُمْ وَمَا كَانُوا يَعْبُدُونَ ﴿٢٢﴾ مِن دُونِ
اللَّهِ فَاهْدُوهُمْ إِلَىٰ صِرَٰطِ الْجَحِيمِ ﴿٢٣﴾ وَقِفُوهُمْ إِنَّهُم مَّسْـُٔولُونَ ﴿٢٤﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Аллоҳ йўлида) саф тортиб турувчи,

2. (гуноҳ ишлардан) мудом тўсувчи,

3. (Аллоҳнинг каломини) доимо зикр қилувчи (фаришталар ва инсонлардан иборат барча) зотлар билан қасамёд этаманки,

4. ҳақиқатан, илоҳингиз ягонадир!

5. (У) осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг Раббидир. (У яна) машриқ (ва мағриб) томонларнинг ҳам Раббидир.

6. Дарҳақиқат, Биз (сизларга) яқин осмонни юлдузлар билан зийнатладик.

7. (Уни) ҳар қандай итоатсиз шайтондан (жиндан) сақладик.

8. У (жин)лар олий мавжудот бўлмиш (фаришталар сўзлари)ни эшита олмаслар, уларга ҳар томондан (юлдузлар) отилур*

9. ҳайдаш учун. Уларга (охиратда) доимий азоб бордир.

10. Илло, бирор марта (бирор сўзни) илиб олгани бўлса, унга ҳам учар юлдуз қувиб етар (ва ҳалок этар).

11. Бас, (эй, Муҳаммад! Макка кофирларидан) сўранг-чи, улар(ни) яратиш қийинроқми ёки Биз яратган (бошқа йирик) нарсаларнимиди?!* Зотан, Биз уларни (Одамни) ёпишқоқ лойдан яратгандирмиз.

12. Балки Сиз (улардан) таажжубдадирсиз, (аммо) улар эса масхара қилурлар.

13. Уларга (Қуръон билан) насиҳат қилинса, насиҳатни олмаслар.

14. Бирор мўъжизани кўрсалар, (имон келтириш ўрнига) масхара қилурлар

15. ва дерлар: «Бу аниқ сеҳрдан бошқа нарса эмас.

16. Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетганимизда (ростдан ҳам), яна қайта тирилувчи эканмизми?!

17. Аввалги (ўтиб кетган) ота-боболаримиз ҳам-а?!»

18. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Ҳа! Сизлар (ўша куни) хор бўлувчидирсиз».

19. У (яъни қайта тирилиш) фақатгина (Исрофилнинг сури билан чалинувчи) бир қичқириқдир, холос, бас, улар (қайта тирилиб, ҳукмга) қараб турурлар.

20. «Ҳолимизга вой! Бу жазо куни-ку!», – деб қолурлар.

21. Мана шу сизлар (дунёда) ёлғон деб ўтган Ажрим кунидир.

22. (Эй, фаришталар!) Золим (кофир) бўлган кимсалар ва уларнинг ёронларини ҳамда ибодат қилиб ўтган нарсаларини тўплангиз,

23. Аллоҳдан ўзга. Бас, уларни дўзах йўлига бошлангиз!

24. (Аммо фармоним келгунича) уларни тўхтатиб (дўзахга ташламай) турингиз! Чунки, улар (қилмишлари тўғрисида) сўралувчидирлар.

8-оят. Ҳадисга кўра, юлдузнинг учиши кимнингдир ўлими ёки туғилишининг белгиси эмас, балки Аллоҳ таоло Ерда бўладиган бирор ишни Аршни кўтариб турган фаришталарга эшиттириб эълон қилгач, улардан етти осмон фаришталари эшитади. Ерга яқин осмон фаришталаридан жинлар эшитиб олиб, сўнгра унга ёлғон гапларни қўшиб Ерга тушмоқчи бўлганларида уларни ҳалок қилиш учун юлдузларнинг отилишидир (Тр. Лс.).

11-оят. Кофирлар ақидаси бўйича Ер ва осмонларни яратиш инсонни яратишдан қийин. Қийинига кудрати етган зот осонини яратишга ҳам қодир дейилмокда (Мд.).

مَا لَكُمْ لَا تَنَاصَرُونَ ﴿٢٥﴾ بَلْ هُمُ ٱلْيَوْمَ مُسْتَسْلِمُونَ ﴿٢٦﴾ وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ
عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَآءَلُونَ ﴿٢٧﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّكُمْ كُنتُمْ تَأْتُونَنَا عَنِ ٱلْيَمِينِ ﴿٢٨﴾
قَالُوا۟ بَل لَّمْ تَكُونُوا۟ مُؤْمِنِينَ ﴿٢٩﴾ وَمَا كَانَ لَنَا عَلَيْكُم مِّن سُلْطَٰنٍۭ
بَلْ كُنتُمْ قَوْمًا طَٰغِينَ ﴿٣٠﴾ فَحَقَّ عَلَيْنَا قَوْلُ رَبِّنَآ ۖ إِنَّا لَذَآئِقُونَ ﴿٣١﴾
فَأَغْوَيْنَٰكُمْ إِنَّا كُنَّا غَٰوِينَ ﴿٣٢﴾ فَإِنَّهُمْ يَوْمَئِذٍ فِى ٱلْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ
﴿٣٣﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَفْعَلُ بِٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٣٤﴾ إِنَّهُمْ كَانُوٓا۟ إِذَا قِيلَ لَهُمْ
لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ يَسْتَكْبِرُونَ ﴿٣٥﴾ وَيَقُولُونَ أَئِنَّا لَتَارِكُوٓا۟ ءَالِهَتِنَا
لِشَاعِرٍ مَّجْنُونٍۭ ﴿٣٦﴾ بَلْ جَآءَ بِٱلْحَقِّ وَصَدَّقَ ٱلْمُرْسَلِينَ ﴿٣٧﴾ إِنَّكُمْ
لَذَآئِقُوا۟ ٱلْعَذَابِ ٱلْأَلِيمِ ﴿٣٨﴾ وَمَا تُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ
﴿٣٩﴾ إِلَّا عِبَادَ ٱللَّهِ ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿٤٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ رِزْقٌ مَّعْلُومٌ ﴿٤١﴾
فَوَٰكِهُ ۖ وَهُم مُّكْرَمُونَ ﴿٤٢﴾ فِى جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿٤٣﴾ عَلَىٰ سُرُرٍ مُّتَقَٰبِلِينَ
﴿٤٤﴾ يُطَافُ عَلَيْهِم بِكَأْسٍ مِّن مَّعِينٍۭ ﴿٤٥﴾ بَيْضَآءَ لَذَّةٍ لِّلشَّٰرِبِينَ
﴿٤٦﴾ لَا فِيهَا غَوْلٌ وَلَا هُمْ عَنْهَا يُنزَفُونَ ﴿٤٧﴾ وَعِندَهُمْ قَٰصِرَٰتُ
ٱلطَّرْفِ عِينٌ ﴿٤٨﴾ كَأَنَّهُنَّ بَيْضٌ مَّكْنُونٌ ﴿٤٩﴾ فَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ
بَعْضٍ يَتَسَآءَلُونَ ﴿٥٠﴾ قَالَ قَآئِلٌ مِّنْهُمْ إِنِّى كَانَ لِى قَرِينٌ ﴿٥١﴾

25. (Уларга айтилур:) «Нега бир-бирларингизга ёрдам бермаяпсиз?!»

26. Йўқ, улар бу Кунда таслим бўлувчидирлар!

27. Уларнинг баъзиси баъзисига қараб савол-жавоб қилурлар:

28. (Алданганлар ўз пешволарига): «Ҳақиқатан, сизлар бизларга ўнг томондан (яъни ишончли томондан) келар эдингиз», – дейдилар.

29. (Пешволар) айтурлар: «Йўқ, сизлар ўзларингиз мўмин бўлмаган эдингиз.

30. (Ахир) бизлар учун сизларнинг устингиздан ҳукмронлик йўқ эди-ку! Йўқ, сизлар ўзларингиз ҳаддан ошувчи қавм эдингиз.

31. Бас, энди бизларга Парвардигоримизнинг Сўзи (азоби) муқаррар бўлди. Бизлар (уни) тотувчидирмиз.

32. Чунки, бизлар йўлдан озувчи бўлганимиз сабабли сизларни ҳам йўлдан оздирдик».

33. Бас, албатта, улар (озганлар ва уларнинг пешволари) ўша кунда (қиёматда) азобда шерик бўлувчидирлар.

34. Дарҳақиқат, Биз жиноятчиларга мана шундай (муомала) қилурмиз.

35. Чунки, уларга: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ»,– дейилганда, кибрланган эдилар.

36. Улар: «Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб илоҳларимизни тарк этар эканмизми?», – дер эдилар.

37. Йўқ, (Муҳаммад) ҳақ (дин)ни олиб келди ва (ўтган) барча пайғамбарларни тасдиқ этди.

38. (Эй, жиноятчилар!) Сизлар, албатта, аламли азобни тотувчидирсиз.

39. Сизлар фақат қилиб ўтган жиноятларингиз сабабли жазоланурсиз.

40. Илло, Аллоҳнинг шундай (куфр ва ширкдан) дили пок бандалари бордирки,

41. айнан ўшалар учун (жаннатда) маълум ризқ,

42. (турли) мевалар бўлур. Улар иззат-икромдадирлар,

43. неъмат боғларида,

44. сўрилар устида бир-бирларига юзма-юз бўлиб ўтирурлар.

45. Уларга (май чиқиб турадиган) оқин чашмадан (олинган) қадаҳлар айлантирилур.

46. Оппоқ ва (май тўла қадаҳлар) ичувчилар учун лаззатлидир.

47. У (шароб)да ақлдан оздирувчи нарса бўлмас ва улар ундан маст ҳам бўлмаслар.

48. Яна уларнинг олдиларида нигоҳлари (бегонага қарашдан) чегараланган, кенг ва катта кўзли (ҳур қиз)лар бўлур.

49. Улар гўё (пардага) ўралган (оппоқ) тухумдекдирлар.

50. Бас, (жаннат аҳли) бир-бирларига қараб савол-жавоб қилурлар*.

51. Улардан бири дейди: «Менинг (дунёда) бир яқин танишим бор эди.

50-оят. 40-оятдан ушбу оятгача диллари куфр ва ширкдан пок бўлган мўмин бандаларнинг жаннатдаги моддий ва маънавий жиҳатдан қандай баҳраманд бўлишлари тавсиф этилмоқда. Оятларни кенгроқ мулоҳаза қилсангиз, жаннат неъматларининг нақадар мукаммал эканини идрок этасиз.

يَقُولُ أَءِنَّكَ لَمِنَ ٱلْمُصَدِّقِينَ ﴿٥٢﴾ أَءِذَا مِتْنَا وَكُنَّا تُرَابًا وَعِظَٰمًا أَءِنَّا
لَمَدِينُونَ ﴿٥٣﴾ قَالَ هَلْ أَنتُم مُّطَّلِعُونَ ﴿٥٤﴾ فَٱطَّلَعَ فَرَءَاهُ فِى سَوَآءِ
ٱلْجَحِيمِ ﴿٥٥﴾ قَالَ تَٱللَّهِ إِن كِدتَّ لَتُرْدِينِ ﴿٥٦﴾ وَلَوْلَا نِعْمَةُ رَبِّى
لَكُنتُ مِنَ ٱلْمُحْضَرِينَ ﴿٥٧﴾ أَفَمَا نَحْنُ بِمَيِّتِينَ ﴿٥٨﴾ إِلَّا مَوْتَتَنَا
ٱلْأُولَىٰ وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿٥٩﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٦٠﴾
لِمِثْلِ هَٰذَا فَلْيَعْمَلِ ٱلْعَٰمِلُونَ ﴿٦١﴾ أَذَٰلِكَ خَيْرٌ نُّزُلًا أَمْ شَجَرَةُ
ٱلزَّقُّومِ ﴿٦٢﴾ إِنَّا جَعَلْنَٰهَا فِتْنَةً لِّلظَّٰلِمِينَ ﴿٦٣﴾ إِنَّهَا شَجَرَةٌ
تَخْرُجُ فِىٓ أَصْلِ ٱلْجَحِيمِ ﴿٦٤﴾ طَلْعُهَا كَأَنَّهُۥ رُءُوسُ ٱلشَّيَٰطِينِ
﴿٦٥﴾ فَإِنَّهُمْ لَءَاكِلُونَ مِنْهَا فَمَالِـُٔونَ مِنْهَا ٱلْبُطُونَ ﴿٦٦﴾ ثُمَّ إِنَّ لَهُمْ
عَلَيْهَا لَشَوْبًا مِّنْ حَمِيمٍ ﴿٦٧﴾ ثُمَّ إِنَّ مَرْجِعَهُمْ لَإِلَى ٱلْجَحِيمِ ﴿٦٨﴾
إِنَّهُمْ أَلْفَوْا۟ ءَابَآءَهُمْ ضَآلِّينَ ﴿٦٩﴾ فَهُمْ عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِمْ يُهْرَعُونَ ﴿٧٠﴾
وَلَقَدْ ضَلَّ قَبْلَهُمْ أَكْثَرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٧١﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا فِيهِم
مُّنذِرِينَ ﴿٧٢﴾ فَٱنظُرْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُنذَرِينَ ﴿٧٣﴾
إِلَّا عِبَادَ ٱللَّهِ ٱلْمُخْلَصِينَ ﴿٧٤﴾ وَلَقَدْ نَادَىٰنَا نُوحٌ فَلَنِعْمَ
ٱلْمُجِيبُونَ ﴿٧٥﴾ وَنَجَّيْنَٰهُ وَأَهْلَهُۥ مِنَ ٱلْكَرْبِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٧٦﴾

52. У (менга): «Ростдан ҳам сен (қайта тирилишимизни) тасдиқ этувчиларданмисан?

53. Ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам (тирилтирилиб) жазоланувчимизми?», – дер эди.

54. (Жаннатдаги сўриларда бирга ўтирган биродарларига:) «Сизлар (ҳам ўша танишимнинг дўзахдаги ҳолини) кўраяпсизми?», – дейди.

55. Сўнгра ўзи (ҳам ўша таниши томонга) қараб уни дўзахнинг ўртасида кўргач,

56. дейди: «Аллоҳга қасамки, дарҳақиқат, сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг.

57. Агар Раббимнинг неъмати (ҳидояти) бўлмаганида, албатта, мен ҳам (сен билан бирга дўзахга) ҳозир қилинувчилардан бўлур эдим.

58. (Қани энди менга айт-чи) бизлар ўлувчи эмас эканмизми?!

59. Ўша биринчи ўлимимиздан бошқа-я?! (Сўнг) азобланувчи ҳам эмас эканмизми?!

60. Албатта, мана шу (жаннат неъматлари) улкан ютуқнинг ўзидир.

61. Бас, айнан мана шундай ютуқ учун амал қилувчилар амал қилсинлар!»

62. Мана шу яхши зиёфатми ёки (дўзахдаги) заққум дарахтими?

63. Ҳақиқатан, Биз уни (заққум дарахтини) золимлар учун фитна (синов ва азоб) қилиб қўйдик*.

64. Дарҳақиқат, у дўзах қаърида чиқадиган (ўсадиган) бир дарахтдир.

65. Унинг бутоқлари(даги мевалари хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар.

66. Бас, улар (дўзах аҳли), албатта, ундан еювчи ва қоринларни у билан тўлдирувчидирлар.

67. Сўнгра, албатта, улар учун унинг (заққум мевалари) узра қайноқ сувдан аралаштириш бордир.

68. Сўнгра уларнинг (бундай «зиёфат»дан) қайтиши, албатта, дўзах (олдинги жойлари) саридир.

69. Албатта, улар (Макка мушриклари) ўзларининг ота-боболарини адашган ҳолда топдилар.

70. Бас, ўзлари ҳам уларнинг изларидан чопмоқдалар.

71. Улардан аввал ўтганларнинг кўплари ҳам йўлдан озган эдилар.

72. Ҳолбуки, Биз уларнинг орасига огоҳлантирувчи (пайғамбар)ларни юборган эдик.

73. Бас, огоҳлантирилганларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг!

74. Илло, Аллоҳнинг (куфр ва ширкдан) диллари пок бандаларигина (ҳалокатга дучор бўлмадилар).

75. Қасамки, Нуҳ (қавмидан шикоят этиб) Бизга нидо (илтижо) қилди. Бас, (Биз) нақадар яхши ижобат қилувчидирмиз!

76. Биз унга ва унинг аҳли (оиласи)га улкан ташвишдан (ғарқ бўлишдан) нажот бердик.

63-оят. “Заққум” дўзахда ўсувчи бир ғайритабиий дарахт бўлиб, у тўғридаги хабарни эшитган кофирлар оловда дарахт ўсишини ақлларига сиғдира олмаганлар. Бу билан Аллоҳ ўзининг чексиз қудратига бандалари қай даражада имон келтиришларини синовдан ўтказган. Мўмин киши Аллоҳ ва Унинг расулидан келган ҳар қандай хабар ва маълумотларга, гарчи ақлига сиғмаса ҳам хеч иккиланмай ишонади ва имон келтиради. Куфр аҳли эса, бунинг аксидир.

وَجَعَلْنَا ذُرِّيَّتَهُۥ هُمُ ٱلْبَاقِينَ ﴿٧٧﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِى ٱلْءَاخِرِينَ ﴿٧٨﴾ سَلَٰمٌ
عَلَىٰ نُوحٍ فِى ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٧٩﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٨٠﴾ إِنَّهُۥ مِنْ
عِبَادِنَا ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٨١﴾ ثُمَّ أَغْرَقْنَا ٱلْءَاخَرِينَ ﴿٨٢﴾ ۞ وَإِنَّ مِن
شِيعَتِهِۦ لَإِبْرَٰهِيمَ ﴿٨٣﴾ إِذْ جَآءَ رَبَّهُۥ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٤﴾ إِذْ قَالَ
لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِۦ مَاذَا تَعْبُدُونَ ﴿٨٥﴾ أَئِفْكًا ءَالِهَةً دُونَ ٱللَّهِ تُرِيدُونَ
﴿٨٦﴾ فَمَا ظَنُّكُم بِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٨٧﴾ فَنَظَرَ نَظْرَةً فِى ٱلنُّجُومِ ﴿٨٨﴾
فَقَالَ إِنِّى سَقِيمٌ ﴿٨٩﴾ فَتَوَلَّوْا۟ عَنْهُ مُدْبِرِينَ ﴿٩٠﴾ فَرَاغَ إِلَىٰٓ ءَالِهَتِهِمْ
فَقَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ ﴿٩١﴾ مَا لَكُمْ لَا تَنطِقُونَ ﴿٩٢﴾ فَرَاغَ عَلَيْهِمْ ضَرْبًۢا
بِٱلْيَمِينِ ﴿٩٣﴾ فَأَقْبَلُوٓا۟ إِلَيْهِ يَزِفُّونَ ﴿٩٤﴾ قَالَ أَتَعْبُدُونَ مَا تَنْحِتُونَ
﴿٩٥﴾ وَٱللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴿٩٦﴾ قَالُوا۟ ٱبْنُوا۟ لَهُۥ بُنْيَٰنًا فَأَلْقُوهُ
فِى ٱلْجَحِيمِ ﴿٩٧﴾ فَأَرَادُوا۟ بِهِۦ كَيْدًا فَجَعَلْنَٰهُمُ ٱلْأَسْفَلِينَ ﴿٩٨﴾
وَقَالَ إِنِّى ذَاهِبٌ إِلَىٰ رَبِّى سَيَهْدِينِ ﴿٩٩﴾ رَبِّ هَبْ لِى مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ
﴿١٠٠﴾ فَبَشَّرْنَٰهُ بِغُلَٰمٍ حَلِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَمَّا بَلَغَ مَعَهُ ٱلسَّعْىَ قَالَ
يَٰبُنَىَّ إِنِّىٓ أَرَىٰ فِى ٱلْمَنَامِ أَنِّىٓ أَذْبَحُكَ فَٱنظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ۚ قَالَ
يَٰٓأَبَتِ ٱفْعَلْ مَا تُؤْمَرُ ۖ سَتَجِدُنِىٓ إِن شَآءَ ٱللَّهُ مِنَ ٱلصَّٰبِرِينَ ﴿١٠٢﴾

77. Унинг зурриётини боқий қолувчи кишилар қилиб қўйдик*.

78. Кейинги (авлод)лар орасида у ҳақда (мақтовлар) қолдирдик.

79. Оламларда Нуҳга салом!

80. Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз.

81. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир.

82. Сўнгра бошқаларни (Нуҳни инкор этганларни) ғарқ қилиб юбордик.

83. Ҳақиқатан, Иброҳим ҳам у (Нуҳ)нинг гуруҳидандир.

84. Қайсики, Парвардигорига соғлом қалб билан келди.

85. Ўшанда у отаси (Озар) ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасиз?!

86. Аллоҳни қўйиб, (ибодат учун) сохта илоҳларни истайсизми?!

87. У ҳолда (барча) оламларнинг Парвардигори (жазоси) ҳақида не гумонингиз бор?!», – деган эди.

88. Бас, у юлдузларга тикилиб қаради.

89. Сўнгра: «Ҳақиқатан, мен бетобман», – деди. (Бу байрамга чиқмасликка баҳона эди)

90. Дарҳол ундан юз ўгириб кетдилар.

91. Бас, (Иброҳим) уларнинг «илоҳлари» олдига аста келиб деди: «(Олдиларингиздаги таомни) емайсизми?!

92. Не бўлди сизларга, сўзламайсиз?!»

93. Сўнгра уларга яқин келиб, ўнг қўли(даги болта) билан урди.

94. Бас, (қавми бундан хабар топиб) унинг олдига шоша-пиша келишди.

95. У деди: «Ўзларингиз йўниб (ясаб) олган нарсаларга ибодат қиласизми?!

96. Ҳолбуки, сизларни ҳам, сиғинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!»

97. Улар (бир-бирларига) дедилар: «(Иброҳим) учун (ичида олов ёнадиган) бинолар қуриб, уни ўша оловга ташлангиз!»

98. Бас, улар (Иброҳимга) макр қилмоқчи (оловда ёндириб юбормоқчи) бўлдилар. Бас, Биз уларни тубан (мағлуб) қилдик.

99. (У олов ичидан саломат чиқди) ва деди: «Албатта, мен Раббим (буюрган тараф)га кетувчидирман. Унинг ўзи мени (тўғри йўлга) ҳидоят қилур.

100. Эй, Раббим! Ўзинг менга солиҳ (фарзанд)лардан ато этгин!»

101. Бас, Биз унга бир ҳалим ўғил (туғилиши тўғрисидаги) хушхабарни бердик.

102. Бас, қачонки у (отаси) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): «Эй, ўғилчам! Мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин!», – деган эди, у айтди: «Эй, отажон! Сизга (тушингизда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилинг! Иншоаллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсиз».

77-оят. Қатода (рҳ.) сўзига кўра, дунёдаги барча одамлар Нуҳ (а.с.)нинг зурриёти саналади. Барча халқлар унинг уч ўғлидан, яъни Сомдан араб, форс, рум халқлари, Ҳомдан мағрибдан машриққача бўлган қора танли халқлар, Ёфасдан турк ва Осиё халқлари тарқаган (Мд.).

فَلَمَّآ أَسۡلَمَا وَتَلَّهُۥ لِلۡجَبِينِ ﴿١٠٣﴾ وَنَٰدَيۡنَٰهُ أَن يَٰٓإِبۡرَٰهِيمُ ﴿١٠٤﴾ قَدۡ
صَدَّقۡتَ ٱلرُّءۡيَآۚ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجۡزِي ٱلۡمُحۡسِنِينَ ﴿١٠٥﴾ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ
ٱلۡبَلَٰٓؤُاْ ٱلۡمُبِينُ ﴿١٠٦﴾ وَفَدَيۡنَٰهُ بِذِبۡحٍ عَظِيمٖ ﴿١٠٧﴾ وَتَرَكۡنَا عَلَيۡهِ فِي
ٱلۡأٓخِرِينَ ﴿١٠٨﴾ سَلَٰمٌ عَلَىٰٓ إِبۡرَٰهِيمَ ﴿١٠٩﴾ كَذَٰلِكَ نَجۡزِي ٱلۡمُحۡسِنِينَ
﴿١١٠﴾ إِنَّهُۥ مِنۡ عِبَادِنَا ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿١١١﴾ وَبَشَّرۡنَٰهُ بِإِسۡحَٰقَ نَبِيّٗا مِّنَ
ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١١٢﴾ وَبَٰرَكۡنَا عَلَيۡهِ وَعَلَىٰٓ إِسۡحَٰقَۚ وَمِن ذُرِّيَّتِهِمَا
مُحۡسِنٞ وَظَالِمٞ لِّنَفۡسِهِۦ مُبِينٞ ﴿١١٣﴾ وَلَقَدۡ مَنَنَّا عَلَىٰ مُوسَىٰ
وَهَٰرُونَ ﴿١١٤﴾ وَنَجَّيۡنَٰهُمَا وَقَوۡمَهُمَا مِنَ ٱلۡكَرۡبِ ٱلۡعَظِيمِ
﴿١١٥﴾ وَنَصَرۡنَٰهُمۡ فَكَانُواْ هُمُ ٱلۡغَٰلِبِينَ ﴿١١٦﴾ وَءَاتَيۡنَٰهُمَا ٱلۡكِتَٰبَ
ٱلۡمُسۡتَبِينَ ﴿١١٧﴾ وَهَدَيۡنَٰهُمَا ٱلصِّرَٰطَ ٱلۡمُسۡتَقِيمَ ﴿١١٨﴾ وَتَرَكۡنَا
عَلَيۡهِمَا فِي ٱلۡأٓخِرِينَ ﴿١١٩﴾ سَلَٰمٌ عَلَىٰ مُوسَىٰ وَهَٰرُونَ
﴿١٢٠﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجۡزِي ٱلۡمُحۡسِنِينَ ﴿١٢١﴾ إِنَّهُمَا مِنۡ
عِبَادِنَا ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ﴿١٢٢﴾ وَإِنَّ إِلۡيَاسَ لَمِنَ ٱلۡمُرۡسَلِينَ ﴿١٢٣﴾
إِذۡ قَالَ لِقَوۡمِهِۦٓ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٢٤﴾ أَتَدۡعُونَ بَعۡلٗا وَتَذَرُونَ أَحۡسَنَ
ٱلۡخَٰلِقِينَ ﴿١٢٥﴾ ٱللَّهَ رَبَّكُمۡ وَرَبَّ ءَابَآئِكُمُ ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿١٢٦﴾

103. Бас, қачонки, иккиси ҳам (Аллоҳнинг амрига) бўйин суниб, (Исмоилни қурбонликка) пешонаси билан (ерга) ётқизган эдики,

104. унга Биз нидо қилдик: «Эй, Иброҳим!

105. Дарҳақиқат, сен тушни тасдиқ этдинг. Албатта, Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз».

106. Албатта, бу (қурбонликка буюришим) айни синовдир*.

107. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (қўчқор) сўйишни бадал қилиб бердик.

108. Кейинги (авлод)лар орасида у (Иброҳим) ҳақида яхши гапларни қолдирдик.

109. Иброҳимга салом!

110. Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.

111. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир.

112. Яна, Биз унга солиҳлардан (бўлғуси) пайғамбар Исҳоқнинг хушхабарини бердик.

113. Унга (Иброҳимга) ҳам, Исҳоққа ҳам баракот бердик. Уларнинг зурриётидан эзгу амал қилувчи ҳам, ўзига аниқ зулм қилувчи ҳам бўлур.

114. Қасамки, Биз Мусо ва Ҳорунга (пайғамбарлик) ато этдик.

115. Биз иккисига ва уларнинг қавмига улуғ ғамдан нажот бердик.

116. Уларга мадад бердик, бас, улар (Фиръавн устидан) ғолиб бўлдилар.

117. Биз уларга аниқ Китоб (Таврот) ато этдик.

118. Ҳамда уларни тўғри йўлга ҳидоят қилдик.

119. Кейинги (авлод)лар орасида у иккиси ҳақида (яхши гапларни) қолдирдик.

120. Мусо ва Ҳорунга салом!

121. Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.

122. Дарҳақиқат, иккиси ҳам Бизнинг мўмин бандаларимиздандир.

123. Илёс ҳам, албатта, пайғамбарлардандир.

124. Қайсики, у ўз қавмига деган эди: «(Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!

125. Сизлар яратувчиларнинг яхшисини (Аллоҳни) қўйиб, Баъл (номли бут)га сиғиняпсизми?

126. Сизларнинг ҳам Раббингиз ва аввалги ота-боболарингизнинг ҳам Раббини қўйиб-а?!»

106-оят. Иброҳим (а.с.) туш кўрган кечанинг эртаси Зил-ҳижжа ойининг ёлғон арафа (тарвия) куни эди. Кўрган туши Раҳмонданми ёки шайтонданми, била олмагани учун шу ном берилган. Иккинчи кеча туши аниқ бўлгани учун эртаси кун “арафа” деб аталган. Учинчи кеча яна ўша тушни кўриб, тонгда қурбонликка азму қарор қилгани учун у кун Қурбонлик (Наҳр) кунидир (Мд.).
Қурбонликка Исмоил (а.с.) ёки Исҳоқ (а.с.)ни ётқизгани тўғрисида ихтилоф бор. Ибн Масъуд, Али, Аббос, Умар, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Салом (рз.)лар ва Муқотил, Каъб, Масруқ, Суддий, Ато, Икрима, Қатода (рҳ.)лар ва аҳли китоблар Исҳоқ эди дейдилар. Абу Бакр, Ибн Аббос, Ибн Умар (рз.)лар, Ҳасан, Саид, Шаъбий, Мужоҳид (рҳ.)лар Исмоил (а.с.) эди, деганлар. Исмоил (а.с.) экани оят ва ҳадисларга кўра, аниқроқдир (Мд. Лс. Хз.).

127. Бас, (Илёсни) ёлғончига чиқардилар. Бас, албатта, улар (дўзахга) ҳозир қилинувчидирлар,

128. илло, Аллоҳнинг (диллари куфрдан пок) ихлосли бандаларигина (ҳозир бўлмаслар).

129. Биз кейинги (авлод)лар орасида унинг (Илёснинг) ҳақида (гўзал мақтовлар) қолдирдик.

130. Илёсга салом!

131. Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.

132. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир.

133. Лут ҳам, албатта, пайғамбарлардандир.

134. Қайсики, Биз унга ва унинг барча аҳлига (тошбўрон балосидан) нажот берган эдик.

135. Фақат (азобда) қолувчилардан бўлмиш бир кампирга (Лутнинг хотинига нажот бермадик).

136. Сўнгра бошқаларни ҳалок қилдик.

137. (Эй, Макка аҳли!) Аниқки, сизлар уларнинг устидан тонгда ўтиб турурсиз,

138. тунда ҳам. Ахир, ақл юргизмайсизми?!

139. Юнус ҳам, албатта, пайғамбарлардандир.

140. Қайсики (ўз қавмидан ғазабланиб) тўла юкли кемага қараб қочган эди.

141. Бас, (кемадагилар билан) қуръа ташлашди ва мағлуб бўлди*.

142. Бас, маломатга қолган ҳолида уни бир наҳанг балиқ ютиб юборди.

143. Бас, агар у (Аллоҳга доимо) тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганида,

144. албатта, у (балиқ) қорнида, то (одамлар) қайта тириладиган кунларигача (қиёматгача), қолиб кетган бўлур эди.

145. Бас, Биз уни хаста ҳолида (сувдан чиқариб) қуруқликка улоқтирдик.

146. Унинг устида (соя ташлаб туриши учун) қовоқ дарахтини ундириб қўйдик.

147. Биз уни юз минг, балки ундан ҳам кўпроқ (одам)га пайғамбар қилдик.

فَكَذَّبُوهُ فَإِنَّهُمْ لَمُحْضَرُونَ ﴿١٢٧﴾ إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿١٢٨﴾
وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿١٢٩﴾ سَلَامٌ عَلَىٰ إِلْ يَاسِينَ ﴿١٣٠﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ
نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣١﴾ إِنَّهُ مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾ وَإِنَّ لُوطًا
لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٣﴾ إِذْ نَجَّيْنَاهُ وَأَهْلَهُ أَجْمَعِينَ ﴿١٣٤﴾ إِلَّا عَجُوزًا
فِي الْغَابِرِينَ ﴿١٣٥﴾ ثُمَّ دَمَّرْنَا الْآخَرِينَ ﴿١٣٦﴾ وَإِنَّكُمْ لَتَمُرُّونَ عَلَيْهِمْ
مُصْبِحِينَ ﴿١٣٧﴾ وَبِاللَّيْلِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿١٣٨﴾ وَإِنَّ يُونُسَ لَمِنَ
الْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٩﴾ إِذْ أَبَقَ إِلَى الْفُلْكِ الْمَشْحُونِ ﴿١٤٠﴾ فَسَاهَمَ فَكَانَ
مِنَ الْمُدْحَضِينَ ﴿١٤١﴾ فَالْتَقَمَهُ الْحُوتُ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿١٤٢﴾ فَلَوْلَا أَنَّهُ
كَانَ مِنَ الْمُسَبِّحِينَ ﴿١٤٣﴾ لَلَبِثَ فِي بَطْنِهِ إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٤٤﴾
۞ فَنَبَذْنَاهُ بِالْعَرَاءِ وَهُوَ سَقِيمٌ ﴿١٤٥﴾ وَأَنْبَتْنَا عَلَيْهِ شَجَرَةً
مِنْ يَقْطِينٍ ﴿١٤٦﴾ وَأَرْسَلْنَاهُ إِلَىٰ مِائَةِ أَلْفٍ أَوْ يَزِيدُونَ ﴿١٤٧﴾
فَآمَنُوا فَمَتَّعْنَاهُمْ إِلَىٰ حِينٍ ﴿١٤٨﴾ فَاسْتَفْتِهِمْ أَلِرَبِّكَ الْبَنَاتُ
وَلَهُمُ الْبَنُونَ ﴿١٤٩﴾ أَمْ خَلَقْنَا الْمَلَائِكَةَ إِنَاثًا وَهُمْ
شَاهِدُونَ ﴿١٥٠﴾ أَلَا إِنَّهُمْ مِنْ إِفْكِهِمْ لَيَقُولُونَ ﴿١٥١﴾ وَلَدَ
اللَّهُ وَإِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ ﴿١٥٢﴾ أَصْطَفَى الْبَنَاتِ عَلَى الْبَنِينَ ﴿١٥٣﴾

148. Бас, улар (Юнусга) имон келтирдилар. Сўнгра Биз уларни (маълум) бир муддатгача (ажаллари етгунча ҳаётдан) баҳраманд этдик.

149. Энди, (эй, Муҳаммад! Макка кофирларидан) сўранг-чи, қизлар (фаришталар) Парвардигорингизники-ю, ўғиллар уларникими?!

150. Ёки Биз фаришталарни уларнинг гувоҳликларида қиз қилиб яратибмизми?!

151. Огоҳ бўлингизким, улар ёлғончиликлари туфайли айтадилар:

152. «Аллоҳ фарзандли бўлган». Улар, албатта, ёлғончидирлар.

153. (Аллоҳ) ўғилларни қўйиб, қизларни танлабдими?!

141-оят. Юнус (а.с.) ўз қавмининг қилмишларидан озорланиб, уларга ваъда қилинган жазо келавермагач, ўзи бош олиб чиқиб кетиб, бир денгиз бўйига етиб боради. Жўнаб кетаётган бир кемага минганида, денгиз ўртасига бориб, кема тўхтаб қолади. Кемачилар: "Ичимизда ўз хожасидан қочган қул бўлса керак. Уни топмасак кемамиз тураверади", – деб қуръа ташлайдилар. Қуръада Юнус (а.с.) номи чиққач, ул зотни денгизга ташлаб юборадилар.

مَا لَكُمْ كَيْفَ تَحْكُمُونَ ﴿١٥٤﴾ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٥﴾ أَمْ لَكُمْ سُلْطَانٌ مُّبِينٌ
﴿١٥٦﴾ فَأْتُوا بِكِتَابِكُمْ إِن كُنتُمْ صَادِقِينَ ﴿١٥٧﴾ وَجَعَلُوا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجِنَّةِ
نَسَبًا ۚ وَلَقَدْ عَلِمَتِ الْجِنَّةُ إِنَّهُمْ لَمُحْضَرُونَ ﴿١٥٨﴾ سُبْحَانَ اللَّهِ عَمَّا
يَصِفُونَ ﴿١٥٩﴾ إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿١٦٠﴾ فَإِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ ﴿١٦١﴾
مَا أَنتُمْ عَلَيْهِ بِفَاتِنِينَ ﴿١٦٢﴾ إِلَّا مَنْ هُوَ صَالِ الْجَحِيمِ ﴿١٦٣﴾ وَمَا مِنَّا إِلَّا
لَهُ مَقَامٌ مَّعْلُومٌ ﴿١٦٤﴾ وَإِنَّا لَنَحْنُ الصَّافُّونَ ﴿١٦٥﴾ وَإِنَّا لَنَحْنُ الْمُسَبِّحُونَ
﴿١٦٦﴾ وَإِن كَانُوا لَيَقُولُونَ ﴿١٦٧﴾ لَوْ أَنَّ عِندَنَا ذِكْرًا مِّنَ الْأَوَّلِينَ ﴿١٦٨﴾ لَكُنَّا
عِبَادَ اللَّهِ الْمُخْلَصِينَ ﴿١٦٩﴾ فَكَفَرُوا بِهِ ۖ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿١٧٠﴾ وَلَقَدْ
سَبَقَتْ كَلِمَتُنَا لِعِبَادِنَا الْمُرْسَلِينَ ﴿١٧١﴾ إِنَّهُمْ لَهُمُ الْمَنصُورُونَ ﴿١٧٢﴾ وَإِنَّ
جُندَنَا لَهُمُ الْغَالِبُونَ ﴿١٧٣﴾ فَتَوَلَّ عَنْهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿١٧٤﴾ وَأَبْصِرْهُمْ فَسَوْفَ
يُبْصِرُونَ ﴿١٧٥﴾ أَفَبِعَذَابِنَا يَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٧٦﴾ فَإِذَا نَزَلَ بِسَاحَتِهِمْ فَسَاءَ
صَبَاحُ الْمُنذَرِينَ ﴿١٧٧﴾ وَتَوَلَّ عَنْهُمْ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿١٧٨﴾ وَأَبْصِرْ فَسَوْفَ
يُبْصِرُونَ ﴿١٧٩﴾ سُبْحَانَ رَبِّكَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿١٨٠﴾
وَسَلَامٌ عَلَى الْمُرْسَلِينَ ﴿١٨١﴾ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٨٢﴾

ترتيبها ٣٨ — سُورَةُ صٓ — آياتها ٨٨

154. (Эй, Макка аҳли!) Сизларга нима бўлди?! Қандай ҳам (ноҳақ ҳукм чиқармоқдасиз?!
155. Ахир эслатма олмайсизми?!
156. Ёки сизлар учун (Аллоҳнинг фарзанди ҳақида) бирор аниқ ҳужжат борми?!
157. Бас, агар ростгўй бўлсангиз, китобингизни келтирингиз!
158. (Мушриклар) У билан жинлар (фаришталар) ўртасида насаб (ота-болалик бор, деб гумон) қилдилар. Ҳолбуки, жинлар (фаришталар) уларнинг Аллоҳ азобига ҳозир қилинувчи эканларини билганлар.
159. Аллоҳ уларнинг («фарзанди бор», деб) сифатлашларидан покдир.
160. Илло, Аллоҳнинг (имонда) ихлосли бандаларигина (Аллоҳни тўғри сифатлайдилар).
161. (Эй, Макка аҳли!) Шак-шубҳа йўқки, сизлар ҳам, сиғинаётган бутларингиз ҳам
162. (Аллоҳ)га қарши фитнага солувчи (алдай олувчи) эмасдирсиз,
163. илло, (Аллоҳнинг тақдирида) дўзахда куювчи бўлган кимсаларнигина (алдай олурсиз).
164. (Фаришталар дедилар): «Бизларнинг ҳар биримиз учун (осмонларда) аниқки, маълум бир мақом бордир.
165. Дарҳақиқат, бизлар (Аллоҳ хизматида) саф тортиб турувчилардирмиз.
166. Яна, бизлар (Аллоҳга) тасбеҳ айтувчилардирмиз».
167. Дарвоқе, (Макка аҳли) айтар эдилар:
168. «Агар бизнинг олдимизда ҳам аввалгилар(нинг китоблари)дан бирор эслатма (Китоб) бўлса эди,
169. албатта, бизлар ҳам Аллоҳнинг (имонда) ихлосли бандалари бўлур эдик».
170. Бас, (Қуръон нозил бўлгач) уни инкор қилдилар. Бас, яқинда (бунинг оқибатини) билурлар.
171. Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақидаги (ушбу) лафзимиз кечгандир:
172. «Шубҳасиз, улар қўллаб-қувватланувчилардир
173. ва албатта, Бизнинг қўшинимиз (яъни пайғамбарлар ва мўминлар) ғолибдирлар».
174. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз улардан (мушриклардан) вақтинча юз ўгиринг!
175. Уларни (мағлуб бўлганларида) кўринг! Бас, яқинда улар ҳам (куфрларининг оқибатини) кўражаклар.
176. Ҳали улар Бизнинг азобимизни қистамоқдамилар?!
177. Бас, қачонки, (азобимиз) уларнинг масканларига (устиларига) тушганида (ўша) огоҳлантирилган кимсаларнинг тонглари хайрли бўлмас.
178. Сиз улардан (маълум) бир вақтгача юз ўгиринг!
179. Уларнинг (мағлуб бўлганларида) кўринг! Бас, яқинда улар ҳам (куфрларининг оқибатини) кўражаклар.
180. Қудрат эгаси бўлмиш Раббингиз улар қилаётган сифатлардан (айбу нуқсондан) покдир.
181. Пайғамбарларга салом!
182. Ҳамд эса, (барча) оламларнинг Раббига (хосдир).

Сод сураси

Маккада нозил қилинган. 88 оят.

---

38. СОД СУРАСИ

"Сод" – У ниманинг рамзи эканини фақат Аллоҳгагина маълум.

Сурада мушрикларнинг Расул (а.с.)га нисбатан ўтказган тазйиқлари, охиратда берилажак мукофот ва жазолар, инсоний фазилатларга тарғибот каби илоҳий кўрсатмалар мужассам.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Сод. Зикр манбаи бўлмиш Қуръонга қасамёд этаман!*

2. Ҳа, кофир бўлган кимсалар (ҳақиқатни қабул қилишдан) ғурурда ва мухолифликда (доимий)дирлар.

3. Биз улардан илгари қанча авлодни (куфрлари сабабли) ҳалок қилганимизда улар ёрдам сўраб нидо (илтижо) қилганлар, (аммо у вақт азобдан) қочиб қутулиш вақти эмас эди.

4. (Макка мушриклари) уларга ўзларидан (башар авлодидан) огоҳлантирувчи (пайғамбар) келганидан ажабландилар ва кофирлар айтдилар: «Бу (бир) ёлғончи сеҳргардир.

5. (Шунча) илоҳларни битта илоҳ қилиб олибдими?! Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса!»

6. Улардан катталари (бир-бирларига) дедилар: «Юрингиз, ўз илоҳларингизга (сиғинишда) сабрли бўлингиз! Албатта, бу ирода этиладиган (бўлиб турадиган) нарсадир.

7. Бизлар бу ҳақда (тавҳид ҳақида) сўнгги динда эшитмаганмиз. Бу фақат бир уйдирмадир.

8. Бизларнинг орамизда (зодагонлар туриб) ўша (Муҳаммад)га зикр (Қуръон) нозил қилинибдими?!» Ҳа, улар Менинг эслатмам (Қуръон)дан шак-шубҳададирлар. Ҳа, улар ҳали Менинг азобимни тотиб кўрганлари йўқ.

9. Ёки уларнинг олдиларида қудратли ва саховатли Раббингизнинг раҳмат хазиналари бор эканми?!

10. Ёки осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги (бор) нарсаларнинг ҳукмронлиги уларники эканми?! У ҳолда (осмонга қараб) нарвонларга чиқаверсинлар!

11. (Эй, Муҳаммад! Макка мушриклари) ўша ернинг ўзида енгилиб битувчи фирқалардан бир қўшиндир, холос.

12. Улардан илгари ҳам Нуҳ қавми, Од (қабиласи) ва қозиқлар (аҳромлар ва қасрлар) эгаси бўлган Фиръавн (ҳам пайғамбарларни) ёлғончига чиқаргандилар.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
صٓ وَٱلْقُرْءَانِ ذِى ٱلذِّكْرِ ﴿١﴾ بَلِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فِى عِزَّةٍ وَشِقَاقٍ ﴿٢﴾
كَمْ أَهْلَكْنَا مِن قَبْلِهِم مِّن قَرْنٍ فَنَادَوا۟ وَّلَاتَ حِينَ مَنَاصٍ ﴿٣﴾ وَعَجِبُوٓا۟
أَن جَآءَهُم مُّنذِرٌ مِّنْهُمْ ۖ وَقَالَ ٱلْكَٰفِرُونَ هَٰذَا سَٰحِرٌ كَذَّابٌ ﴿٤﴾
أَجَعَلَ ٱلْءَالِهَةَ إِلَٰهًا وَٰحِدًا ۖ إِنَّ هَٰذَا لَشَىْءٌ عُجَابٌ ﴿٥﴾ وَٱنطَلَقَ ٱلْمَلَأُ
مِنْهُمْ أَنِ ٱمْشُوا۟ وَٱصْبِرُوا۟ عَلَىٰٓ ءَالِهَتِكُمْ ۖ إِنَّ هَٰذَا لَشَىْءٌ يُرَادُ ﴿٦﴾
مَا سَمِعْنَا بِهَٰذَا فِى ٱلْمِلَّةِ ٱلْءَاخِرَةِ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا ٱخْتِلَٰقٌ ﴿٧﴾ أَءُنزِلَ
عَلَيْهِ ٱلذِّكْرُ مِنۢ بَيْنِنَا ۚ بَلْ هُمْ فِى شَكٍّ مِّن ذِكْرِى ۖ بَل لَّمَّا يَذُوقُوا۟ عَذَابِ
﴿٨﴾ أَمْ عِندَهُمْ خَزَآئِنُ رَحْمَةِ رَبِّكَ ٱلْعَزِيزِ ٱلْوَهَّابِ ﴿٩﴾ أَمْ لَهُم
مُّلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ۖ فَلْيَرْتَقُوا۟ فِى ٱلْأَسْبَٰبِ ﴿١٠﴾
جُندٌ مَّا هُنَالِكَ مَهْزُومٌ مِّنَ ٱلْأَحْزَابِ ﴿١١﴾ كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ
نُوحٍ وَعَادٌ وَفِرْعَوْنُ ذُو ٱلْأَوْتَادِ ﴿١٢﴾ وَثَمُودُ وَقَوْمُ لُوطٍ وَأَصْحَٰبُ
لْـَٔيْكَةِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلْأَحْزَابُ ﴿١٣﴾ إِن كُلٌّ إِلَّا كَذَّبَ ٱلرُّسُلَ
فَحَقَّ عِقَابِ ﴿١٤﴾ وَمَا يَنظُرُ هَٰٓؤُلَآءِ إِلَّا صَيْحَةً وَٰحِدَةً مَّا لَهَا
مِن فَوَاقٍ ﴿١٥﴾ وَقَالُوا۟ رَبَّنَا عَجِّل لَّنَا قِطَّنَا قَبْلَ يَوْمِ ٱلْحِسَابِ ﴿١٦﴾

13. Шунингдек, Самуд (қабиласи), Лут қавми ва «дарахтзор эгалари» ҳам. Ана ўшалар (ҳам Сизнинг қавмингиз каби) фирқалардир.

14. Барчаларига фақат пайғамбарларни инкор этганлари сабабли Менинг жазоим муқаррар бўлди.

15. Ана ўшалар бир зумда келадиган биргина қичқириқни кутмоқдалар, холос.

16. Улар (Макка мушриклари масхара қилишиб): «Парвардигоро, бизларга (ваъда қилинган азобдан) насибамизни Ҳисоб кунидан илгари тезроқ келтира қолгин!», – дедилар.

1-оят. Оятдаги "зикр" сўзини Ибн Аббос (рз.) "баён" деб тафсир қилган. "Зикр" сўзи ўзбекчада ҳам зикр шаклида ишлатилади. Фақат мазмунда фарқ қилиши мумкин. Масалан "зикр" сўзининг эслаш, айтиш, ёд олган нарсаларини ўқиш, баён этиш каби маънолари мавжуд. Бинобарин, бу ерда "зикр манбаи" дейилса, мазмун умумийроқ бўлиши кўзда тутилган.

ٱصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَٱذْكُرْ عَبْدَنَا دَاوُۥدَ ذَا ٱلْأَيْدِ ۖ إِنَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿١٧﴾
إِنَّا سَخَّرْنَا ٱلْجِبَالَ مَعَهُۥ يُسَبِّحْنَ بِٱلْعَشِىِّ وَٱلْإِشْرَاقِ ﴿١٨﴾ وَٱلطَّيْرَ
مَحْشُورَةً ۖ كُلٌّ لَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿١٩﴾ وَشَدَدْنَا مُلْكَهُۥ وَءَاتَيْنَٰهُ ٱلْحِكْمَةَ
وَفَصْلَ ٱلْخِطَابِ ﴿٢٠﴾ ۞ وَهَلْ أَتَىٰكَ نَبَؤُا۟ ٱلْخَصْمِ إِذْ تَسَوَّرُوا۟
ٱلْمِحْرَابَ ﴿٢١﴾ إِذْ دَخَلُوا۟ عَلَىٰ دَاوُۥدَ فَفَزِعَ مِنْهُمْ ۖ قَالُوا۟ لَا تَخَفْ ۖ
خَصْمَانِ بَغَىٰ بَعْضُنَا عَلَىٰ بَعْضٍ فَٱحْكُم بَيْنَنَا بِٱلْحَقِّ وَلَا تُشْطِطْ
وَٱهْدِنَآ إِلَىٰ سَوَآءِ ٱلصِّرَٰطِ ﴿٢٢﴾ إِنَّ هَٰذَآ أَخِى لَهُۥ تِسْعٌ وَتِسْعُونَ نَعْجَةً
وَلِىَ نَعْجَةٌ وَٰحِدَةٌ فَقَالَ أَكْفِلْنِيهَا وَعَزَّنِى فِى ٱلْخِطَابِ ﴿٢٣﴾ قَالَ
لَقَدْ ظَلَمَكَ بِسُؤَالِ نَعْجَتِكَ إِلَىٰ نِعَاجِهِۦ ۖ وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ ٱلْخُلَطَآءِ لَيَبْغِى
بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَقَلِيلٌ
مَّا هُمْ ۗ وَظَنَّ دَاوُۥدُ أَنَّمَا فَتَنَّٰهُ فَٱسْتَغْفَرَ رَبَّهُۥ وَخَرَّ رَاكِعًا وَأَنَابَ
۩ ﴿٢٤﴾ فَغَفَرْنَا لَهُۥ ذَٰلِكَ ۖ وَإِنَّ لَهُۥ عِندَنَا لَزُلْفَىٰ وَحُسْنَ مَـَٔابٍ
﴿٢٥﴾ يَٰدَاوُۥدُ إِنَّا جَعَلْنَٰكَ خَلِيفَةً فِى ٱلْأَرْضِ فَٱحْكُم بَيْنَ ٱلنَّاسِ
بِٱلْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ ٱلْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱلَّذِينَ يَضِلُّونَ
عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌۢ بِمَا نَسُوا۟ يَوْمَ ٱلْحِسَابِ ﴿٢٦﴾

17. (Эй, Муҳаммад!) Сиз улар айтаётган сўзларга сабр қилинг ва Бизнинг бандамиз бўлмиш (тоат-ибодатда) бақувват бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат, у (Аллоҳ йўлига ўзини бағишлаб) бутунлай қайтувчидир.

18. Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб (мудом) у (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб, бўйин сундириб қўйдик.

19. Шунингдек, (ҳар тарафдан) тўпланувчи қушларни ҳам. (Тоғлар ва қушларнинг) барчаси Довудга бутунлай қайтувчидир*.

20. Унинг ҳукмронлигини ҳам мустаҳкам қилдик ва унга ҳикмат ҳамда қатъий хитоб (ҳаққоний ҳукм чиқариш илмини) ато этдик.

21. (Эй, Муҳаммад!) Сизга даъвогар (икки жамоат) хабари келдими? Ўшанда улар (Довуд ибодат қилаётган баландликдаги) масжидга чиқишди.

22. Довуд ҳузурига киришганда, у улардан қўрқиб кетди. Улар дедилар: «Қўрқмагин, (Бизлар) биримиз биримизга ноҳақлик қилган икки даъвогардирмиз. Бас, сен бизларнинг ўртамизда ҳаққоний ҳукм қилгин ва (бизлардан бирортамизга) жабр қилмагин ҳамда бизларни тўғри йўлга бошлагин!»

23. (Уларнинг бири деди:) «Дарвоқе, мана бу менинг бoriginal биродарим, унинг тўқсон тўққиз совлиқ қўйи бор, менинг эса биргина совлиғим бордир. Бас, у: «Ўшани ҳам менга топширгин!», – деди ва мени баҳсда енгиб қўйди».

24. (Довуд иккинчи даъвогарни тингламасданоқ) деди: «Дарҳақиқат, у сенинг совлиғингни ўз совлиқларига (қўшиб олишни) сўраб сенга зулм қилибди. Дарвоқе, кўп ошна-оғайнилар бир-бирларига зулм қилурлар. Фақат имон келтирган ва яхши амалларни қилган кишиларгина (зулм қилмаслар), Улар эса жуда оздирлар». Довуд уни имтиҳон қилганимизни билдида, Парвардигоридан (шошиб ҳукм чиқаргани учун) мағфират қилишни сўради* ва (саждага) эгилган ҳолида йиқилиб, тавба қилди*.

25. Бас, Биз уни ўша (хатоси)ни кечирдик. Албатта, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда қурбат (яқинлик) ва гўзал оқибат (жаннат) бордир.

26. Эй, Довуд! Дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, сен (нафсу) ҳавога эргашиб кетмагин! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир.

19-оят. Довуд (а.с.) Аллоҳга тасбеҳ айтганида, ундан таъсирланган қушлар ҳам чуғурлашиб, бирга тасбеҳ айтар экан.

24-оят. Довуд (а.с.)нинг тавба қилишига сабаб бўлган хатоси даъвогарларнинг иккисидан баробар сўраб, муаммони аниқлаб, сўнгра ҳукм чиқармасдан, бир томоннинг гапи билан ҳукм қилиб юборгани эди (Мд.).

* Сажда ояти.

وَمَا خَلَقْنَا ٱلسَّمَآءَ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا بَٰطِلًا ۚ ذَٰلِكَ ظَنُّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ
فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنَ ٱلنَّارِ ٢٧ أَمْ نَجْعَلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟
ٱلصَّٰلِحَٰتِ كَٱلْمُفْسِدِينَ فِى ٱلْأَرْضِ أَمْ نَجْعَلُ ٱلْمُتَّقِينَ كَٱلْفُجَّارِ
٢٨ كِتَٰبٌ أَنزَلْنَٰهُ إِلَيْكَ مُبَٰرَكٌ لِّيَدَّبَّرُوٓا۟ ءَايَٰتِهِۦ وَلِيَتَذَكَّرَ أُو۟لُوا۟
ٱلْأَلْبَٰبِ ٢٩ وَوَهَبْنَا لِدَاوُۥدَ سُلَيْمَٰنَ ۚ نِعْمَ ٱلْعَبْدُ ۖ إِنَّهُۥٓ أَوَّابٌ
٣٠ إِذْ عُرِضَ عَلَيْهِ بِٱلْعَشِىِّ ٱلصَّٰفِنَٰتُ ٱلْجِيَادُ ٣١ فَقَالَ إِنِّىٓ
أَحْبَبْتُ حُبَّ ٱلْخَيْرِ عَن ذِكْرِ رَبِّى حَتَّىٰ تَوَارَتْ بِٱلْحِجَابِ ٣٢
رُدُّوهَا عَلَىَّ ۖ فَطَفِقَ مَسْحًۢا بِٱلسُّوقِ وَٱلْأَعْنَاقِ ٣٣ وَلَقَدْ فَتَنَّا
سُلَيْمَٰنَ وَأَلْقَيْنَا عَلَىٰ كُرْسِيِّهِۦ جَسَدًا ثُمَّ أَنَابَ ٣٤ قَالَ رَبِّ ٱغْفِرْ
لِى وَهَبْ لِى مُلْكًا لَّا يَنۢبَغِى لِأَحَدٍ مِّنۢ بَعْدِىٓ ۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْوَهَّابُ ٣٥
فَسَخَّرْنَا لَهُ ٱلرِّيحَ تَجْرِى بِأَمْرِهِۦ رُخَآءً حَيْثُ أَصَابَ ٣٦ وَٱلشَّيَٰطِينَ
كُلَّ بَنَّآءٍ وَغَوَّاصٍ ٣٧ وَءَاخَرِينَ مُقَرَّنِينَ فِى ٱلْأَصْفَادِ ٣٨ هَٰذَا
عَطَآؤُنَا فَٱمْنُنْ أَوْ أَمْسِكْ بِغَيْرِ حِسَابٍ ٣٩ وَإِنَّ لَهُۥ عِندَنَا لَزُلْفَىٰ وَحُسْنَ
مَـَٔابٍ ٤٠ وَٱذْكُرْ عَبْدَنَآ أَيُّوبَ إِذْ نَادَىٰ رَبَّهُۥٓ أَنِّى مَسَّنِىَ ٱلشَّيْطَٰنُ
بِنُصْبٍ وَعَذَابٍ ٤١ ٱرْكُضْ بِرِجْلِكَ ۖ هَٰذَا مُغْتَسَلٌۢ بَارِدٌ وَشَرَابٌ ٤٢

27. Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни шунчаки беҳуда яратган эмасмиз. Бу (беҳуда яратилган деган гап) кофир бўлган кимсаларнинг гумонидир. Бас, кофир бўлган кимсалар учун дўзахдан иборат ҳалокат бўлгай.

28. Имон келтирган ва яхши амалларни қилган зотларни Биз ерда бузғунчилик қилиб юрувчи кимсалардек қиламизми?! Ёки тақводор зотларни фисқу фужур қилиб юрган кимсалар каби қилар эканмизми?!

29. (Эй, Муҳаммад! Ушбу Қуръон) оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун Биз Сизга нозил қилган муборак Китобдир.

30. Довудга Сулаймонни ато этдик. (Сулаймон) нақадар яхши бандадир! Дарҳақиқат, у (Аллоҳ йўлига) бутунлай қайтувчидир.

31. Эсланг, унга (Сулаймонга бир куни) кечки пайт гижинглаб турувчи учқур отлар рўбарў қилинган эди.

32. Бас, у *деди*: «Дарҳақиқат, мен Парвардигорим зикридан (яъни намозимдан қолиб) бу яхши (от)ларга кўнгил қўйишга берилиб кетибман. Ҳатто, (қуёш) парда билан беркинибди (ботибди).

33. У (от)ларни менга қайтарингиз-чи!» Бас, у (қилич билан отларнинг) оёқ ва бўйинларини «силаш»га киришди (сўйиб қурбонлик қилди).

34. Сулаймонни имтиҳон қилдик ва унинг тахти устига (жонсиз) жасадни (ўғлининг мурдасини) ташладик. Сўнгра у тавба қилиб,

35. *деди*: "Эй, Раббим! Ўзинг мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган бир мулк (ҳукмронлик) ато этгин! Сенинг Ўзинггина (барча яхшиликларни) ато этувчисан».

36. Бас, (тилагани бажо қилиб) унга у истаган томонга унинг амри билан майин эсадиган шамолни бўйин сундирдик.

37. Шунингдек, барча (қасрларни) бино қилувчи ва (денгизлар қаърига шўнғувчи) ғаввос шайтонларни (жинларни) ҳам.

38. Бошқа (бўйин сунмайдиган жин)ларни эса кишанлар билан банди қилдик.

39. (Сулаймонга *дедик*): «Мана шу Бизнинг (сенга) ато этганимиздир. Бас, сен (уларни) эҳсон қил (қўйиб юбор) ёки (ўзингда) сақла, (сендан бу тўғрида) ҳисобот олинмас».

40. Албатта, (Сулаймон) учун Бизнинг ҳузуримизда (охиратда) яқинлик (ажру савоблар) ва гўзал оқибат (жаннат) бордир.

41. (Эй, Муҳаммад!) Бандамиз Айюб Парвардигорига нидо қилиб: «Мени шайтон машаққат ва азобга тутди», – деган пайтини эсланг!

42. (Шунда унга айтилди): «Оёғинг билан (ерни) тепгин! (чашма отилиб чиқур). Мана шу чўмиладиган ва ичимлик совуқ сувдир».

وَوَهَبْنَا لَهُۥٓ أَهْلَهُۥ وَمِثْلَهُم مَّعَهُمْ رَحْمَةً مِّنَّا وَذِكْرَىٰ لِأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ
﴿٤٣﴾ وَخُذْ بِيَدِكَ ضِغْثًا فَٱضْرِب بِّهِۦ وَلَا تَحْنَثْ ۗ إِنَّا وَجَدْنَٰهُ صَابِرًا ۚ
نِّعْمَ ٱلْعَبْدُ ۖ إِنَّهُۥٓ أَوَّابٌ ﴿٤٤﴾ وَٱذْكُرْ عِبَٰدَنَآ إِبْرَٰهِيمَ وَإِسْحَٰقَ وَيَعْقُوبَ
أُو۟لِى ٱلْأَيْدِى وَٱلْأَبْصَٰرِ ﴿٤٥﴾ إِنَّآ أَخْلَصْنَٰهُم بِخَالِصَةٍ ذِكْرَى
ٱلدَّارِ ﴿٤٦﴾ وَإِنَّهُمْ عِندَنَا لَمِنَ ٱلْمُصْطَفَيْنَ ٱلْأَخْيَارِ ﴿٤٧﴾ وَٱذْكُرْ
إِسْمَٰعِيلَ وَٱلْيَسَعَ وَذَا ٱلْكِفْلِ ۖ وَكُلٌّ مِّنَ ٱلْأَخْيَارِ ﴿٤٨﴾ هَٰذَا ذِكْرٌ ۚ
وَإِنَّ لِلْمُتَّقِينَ لَحُسْنَ مَـَٔابٍ ﴿٤٩﴾ جَنَّٰتِ عَدْنٍ مُّفَتَّحَةً لَّهُمُ ٱلْأَبْوَٰبُ
﴿٥٠﴾ مُتَّكِـِٔينَ فِيهَا يَدْعُونَ فِيهَا بِفَٰكِهَةٍ كَثِيرَةٍ وَشَرَابٍ ﴿٥١﴾
۞ وَعِندَهُمْ قَٰصِرَٰتُ ٱلطَّرْفِ أَتْرَابٌ ﴿٥٢﴾ هَٰذَا مَا تُوعَدُونَ لِيَوْمِ
ٱلْحِسَابِ ﴿٥٣﴾ إِنَّ هَٰذَا لَرِزْقُنَا مَا لَهُۥ مِن نَّفَادٍ ﴿٥٤﴾ هَٰذَا ۚ وَإِنَّ
لِلطَّٰغِينَ لَشَرَّ مَـَٔابٍ ﴿٥٥﴾ جَهَنَّمَ يَصْلَوْنَهَا فَبِئْسَ ٱلْمِهَادُ ﴿٥٦﴾ هَٰذَا
فَلْيَذُوقُوهُ حَمِيمٌ وَغَسَّاقٌ ﴿٥٧﴾ وَءَاخَرُ مِن شَكْلِهِۦٓ أَزْوَٰجٌ ﴿٥٨﴾
هَٰذَا فَوْجٌ مُّقْتَحِمٌ مَّعَكُمْ ۖ لَا مَرْحَبًۢا بِهِمْ ۚ إِنَّهُمْ صَالُوا۟ ٱلنَّارِ ﴿٥٩﴾
قَالُوا۟ بَلْ أَنتُمْ لَا مَرْحَبًۢا بِكُمْ ۖ أَنتُمْ قَدَّمْتُمُوهُ لَنَا ۖ فَبِئْسَ ٱلْقَرَارُ ﴿٦٠﴾
قَالُوا۟ رَبَّنَا مَن قَدَّمَ لَنَا هَٰذَا فَزِدْهُ عَذَابًا ضِعْفًا فِى ٱلنَّارِ ﴿٦١﴾

43. Биз Ўз томонимиздан марҳамат кўрсатиб ҳамда ақл эгаларига эслатма бўлиши учун, (Айюбга) аҳли (оиласи)ни ва улар билан қўшиб, яна ўшаларнинг мислича (фарзанд) ато этдик.

44. (Яна Биз Айюбга айтдик): «Қўлингга бир боғ (новдани) олиб, у билан (хотинингни) ургин-да, қасамингни бузмагин!» Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи деб топдик. У нақадар яхши бандадир! Ҳақиқатан, у (Аллоҳ йўлига) бутунлай қайтувчидир*.

45. (Эй, Муҳаммад!) Қувват ва фаросат эгалари бўлган бандаларимиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларни эсланг!

46. Биз уларни (бир) хислат – (боқий) диёр эслатмаси билан хос қилдик.

47. Яна улар Бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир.

48. Яна Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-Кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир.

49. Бу бир эслатмадир. Шубҳасиз, тақводор зотлар учун гўзал оқибат – бу,

50. улар учун барча дарвозалари очиб қўйилган мангу жаннатлардир.

51. Улар у жойларда (сўриларда) суяниб ўтириб, мўл-кўл мева-чева ва шароб чақирурлар.

52. Уларнинг олдиларида кўзлари (эрларидан боқишда) чекланган (ёш ва ҳуснда) тенгқур (қиз)лар бўлур.

53. Бу (нарсалар) сизларга Ҳисоб куни учун ваъда қилинаётган нарсалардир.

54. Албатта, бу Бизнинг (жаннат аҳлига берадиган) ризқимиздирки, унда тугаш бўлмас.

55. (Ҳақиқат) шудир. Дарвоқе, ҳаддан ошувчи кимсалар учун энг ёмон оқибат – бу,

56. улар тушадиган жаҳаннамдир. Бас, нақадар ёмон жой у!

57. Мана бу қайноқ сув ва йирингдир. Бас, улар уни тотиб кўрсинлар!

58. Бошқа (азоб-уқубатлар) ҳам, ўша шаклда бўлур.

59. (Уларга эргашган кимсаларни кўрсатилиб:) «Мана бу (одамлар) сизлар билан бирга (сизлар сабабли жаҳаннамга) ташланувчи жамоатдир» (дейилганида, пешволар айтурлар:) «Хуш келмадилар! Ҳақиқатан, уларнинг ўзлари дўзахда тобланувчилардир».

60. Улар (эргашганлар) дейдилар: «Йўқ, сизлар хуш келмадингиз! (Чунки) сизлар у (азоб)ни бизларга келтирдингиз. Бас, нақадар ёмон қароргоҳ (у дўзах)!»

61. Улар (яна) дерлар: «Парвардигоро, ким бизларга мана шу (азоб)ни келтирган бўлса, бас, Ўзинг унга дўзахда азобни бир неча баробар зиёда қилгин!»

44-оят. "Ҳийлаи шаръий" деган ибора шу оятга ўхшаган далилларга асосланиб тўқилган бўлиши керак.

Айюб (а.с.) оғир бетоб бўлганида, хотини яхши парвариш қилмагани туфайли "Тузалганимдан кейин сени юз қамчи ураман", – деб қасам ичиб қўйган экан. Шу қасамига амал қилиб, гуноҳкор бўлиб қолмаслик учун Аллоҳ таоло унга юзта майда новдани бир даста қилиб, ўша билан хотинини бир марта уриб қўйишликни буюрган экан. Аллоҳ таолонинг ушбу буйруғида аёлларни қаттиқ урмаслик зарурлигига ишорат бордир (Кр.).

وَقَالُوا مَا لَنَا لَا نَرَىٰ رِجَالًا كُنَّا نَعُدُّهُم مِّنَ الْأَشْرَارِ ﴿٦٢﴾ أَتَّخَذْنَاهُمْ
سِخْرِيًّا أَمْ زَاغَتْ عَنْهُمُ الْأَبْصَارُ ﴿٦٣﴾ إِنَّ ذَٰلِكَ لَحَقٌّ تَخَاصُمُ أَهْلِ
النَّارِ ﴿٦٤﴾ قُلْ إِنَّمَا أَنَا مُنذِرٌ ۖ وَمَا مِنْ إِلَٰهٍ إِلَّا اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ ﴿٦٥﴾
رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا الْعَزِيزُ الْغَفَّارُ ﴿٦٦﴾ قُلْ هُوَ نَبَأٌ
عَظِيمٌ ﴿٦٧﴾ أَنتُمْ عَنْهُ مُعْرِضُونَ ﴿٦٨﴾ مَا كَانَ لِيَ مِنْ عِلْمٍ بِالْمَلَإِ الْأَعْلَىٰ
إِذْ يَخْتَصِمُونَ ﴿٦٩﴾ إِن يُوحَىٰ إِلَيَّ إِلَّا أَنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٧٠﴾ إِذْ قَالَ رَبُّكَ
لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي خَالِقٌ بَشَرًا مِّن طِينٍ ﴿٧١﴾ فَإِذَا سَوَّيْتُهُ وَنَفَخْتُ فِيهِ
مِن رُّوحِي فَقَعُوا لَهُ سَاجِدِينَ ﴿٧٢﴾ فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ
أَجْمَعُونَ ﴿٧٣﴾ إِلَّا إِبْلِيسَ اسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٧٤﴾ قَالَ
يَا إِبْلِيسُ مَا مَنَعَكَ أَن تَسْجُدَ لِمَا خَلَقْتُ بِيَدَيَّ ۖ أَسْتَكْبَرْتَ أَمْ كُنتَ
مِنَ الْعَالِينَ ﴿٧٥﴾ قَالَ أَنَا خَيْرٌ مِّنْهُ ۖ خَلَقْتَنِي مِن نَّارٍ وَخَلَقْتَهُ مِن طِينٍ
﴿٧٦﴾ قَالَ فَاخْرُجْ مِنْهَا فَإِنَّكَ رَجِيمٌ ﴿٧٧﴾ وَإِنَّ عَلَيْكَ لَعْنَتِي إِلَىٰ يَوْمِ
الدِّينِ ﴿٧٨﴾ قَالَ رَبِّ فَأَنظِرْنِي إِلَىٰ يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿٧٩﴾ قَالَ فَإِنَّكَ مِنَ
الْمُنظَرِينَ ﴿٨٠﴾ إِلَىٰ يَوْمِ الْوَقْتِ الْمَعْلُومِ ﴿٨١﴾ قَالَ فَبِعِزَّتِكَ
لَأُغْوِيَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٨٢﴾ إِلَّا عِبَادَكَ مِنْهُمُ الْمُخْلَصِينَ ﴿٨٣﴾

62. (Жаҳаннам аҳли бир-бирларига) айтурлар: «Нега бизлар (дунёда) ёмонлардан деб ҳисоблаб юрган кишиларни (мўминларни дўзахда) кўрмаяпмиз?!

63. Бизлар масхара қилишга ўшаларни танлаган эдикми?! Ёки (улар шу ерда-ю,) кўзларимиз улардан чалғидимикан?!»

64. Албатта, дўзах аҳлининг ана шундай тортишишлари, албатта, ҳақдир.

65. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Мен фақат (бир) огоҳлантирувчидирман. Ягона ва ғолиб Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ.

66. У осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсанинг қудратли ва мағфиратли Парвардигоридир».

67. Айтинг: «Бу (сўзлар) буюк бир хабардир.

68. Сизлар эса ундан юз ўгирувчидирсизлар.

69. Менда баҳслашаётган олий гуруҳ (фаришталар) ҳақида ҳеч қандай билим йўқ эди.

70. Менга фақат ўзимнинг аниқ огоҳлантирувчи эканлигим ваҳий қилинади, холос».

71. Эсланг, Раббингиз фаришталарга деган эди: «Албатта, мен лойдан башар яратувчидирман.

72. Бас, қачонки, уни ростлаб, унга руҳимдан пуфлаганимдан сўнг, унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!»

73. Бас, фаришталарнинг барчалари жам бўлиб, (Одам учун) сажда қилдилар.

74. Фақат Иблисгина кибрланиб, (сажда қилмади ва) кофирлардан бўлди.

75. (Шунда Аллоҳ) деди: «Эй, Иблис! «Қўлим» билан яратган нарсага сажда қилишдан сени нима ман этди?! Кибр қилдингми ёки сен (Одамга нисбатан) олий (зот)лардан эдингми?!»

76. У айтди: «Мен ундан яхшироқдирман. Мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратдинг».

77. (Аллоҳ) деди: «Бас, ундан (жаннатдан) чиқ! Зеро, сен (даргоҳимдан) қувилган (малъун)сан.

78. Яна, то жазо куни (қиёмат)гача сенга Менинг лаънатим бўлур».

79. (Иблис илтижо қилиб) деди: «Парвардигорим, у ҳолда менга улар тириладиган кунгача (ўлмасликка) муҳлат бергин!»

80. (Аллоҳ) деди: «Сен муҳлат берилганлардандирсан

81. маълум вақт кунигача (қиёматгача)».

82. (Иблис) айтди: «Энди, Сенинг қудратингга қасамки, албатта, уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирурман.

83. Фақат уларнинг орасидаги (айрим) ихлосли бандаларинггина (озмай қолурлар)».

قَالَ فَٱلۡحَقُّ وَٱلۡحَقَّ أَقُولُ ﴿٨٤﴾ لَأَمۡلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنكَ وَمِمَّن تَبِعَكَ
مِنۡهُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿٨٥﴾ قُلۡ مَآ أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ مِنۡ أَجۡرٖ وَمَآ أَنَا۠ مِنَ ٱلۡمُتَكَلِّفِينَ
﴿٨٦﴾ إِنۡ هُوَ إِلَّا ذِكۡرٞ لِّلۡعَٰلَمِينَ ﴿٨٧﴾ وَلَتَعۡلَمُنَّ نَبَأَهُۥ بَعۡدَ حِينِۭ ﴿٨٨﴾

سُورَةُ الزُّمَرِ — آياتها ٧٥ — ترتيبها ٣٩

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

تَنزِيلُ ٱلۡكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡحَكِيمِ ﴿١﴾ إِنَّآ أَنزَلۡنَآ إِلَيۡكَ
ٱلۡكِتَٰبَ بِٱلۡحَقِّ فَٱعۡبُدِ ٱللَّهَ مُخۡلِصٗا لَّهُ ٱلدِّينَ ﴿٢﴾ أَلَا
لِلَّهِ ٱلدِّينُ ٱلۡخَالِصُۚ وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءَ
مَا نَعۡبُدُهُمۡ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَآ إِلَى ٱللَّهِ زُلۡفَىٰٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَحۡكُمُ بَيۡنَهُمۡ
فِي مَا هُمۡ فِيهِ يَخۡتَلِفُونَۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي مَنۡ هُوَ كَٰذِبٞ
كَفَّارٞ ﴿٣﴾ لَّوۡ أَرَادَ ٱللَّهُ أَن يَتَّخِذَ وَلَدٗا لَّٱصۡطَفَىٰ مِمَّا
يَخۡلُقُ مَا يَشَآءُۚ سُبۡحَٰنَهُۥۖ هُوَ ٱللَّهُ ٱلۡوَٰحِدُ ٱلۡقَهَّارُ ﴿٤﴾
خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ بِٱلۡحَقِّۖ يُكَوِّرُ ٱلَّيۡلَ عَلَى ٱلنَّهَارِ
وَيُكَوِّرُ ٱلنَّهَارَ عَلَى ٱلَّيۡلِۖ وَسَخَّرَ ٱلشَّمۡسَ وَٱلۡقَمَرَۖ
كُلّٞ يَجۡرِي لِأَجَلٖ مُّسَمًّىۗ أَلَا هُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡغَفَّٰرُ ﴿٥﴾

84. (Аллоҳ) деди: «(Мен) ҳақдирман. Фақат ҳақиқатни* айтурманки,

85. албатта, Мен жаҳаннамни сен ва улар орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!»

86. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Мен (пайғамбарлигим учун) сизлардан ҳақ сўрамайман ва мен (пайғамбарликни ўзимча) даъво қилувчилардан ҳам эмасман.

87. У (Қуръон) фақат оламлар учун эслатмадир.

88. Қасамки, сизлар унинг (илоҳий ваҳий экани ҳақидаги) хабарини (озгина) вақтдан сўнг (қиёмат куни), албатта, билурсиз».

Зумар сураси

Маккада нозил қилинган. 75 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Ушбу Қуръон) қодир ва ҳаким – Аллоҳ (томони)дан нозил қилинган Китобдир.

2. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга бу Китобни ҳақиқатан нозил қилдик, бас, Сиз Аллоҳга – динни Унга (ширкдан) холис қилган ҳолда ибодат қилинг!

3. (Эй, инсонлар!) Огоҳ бўлингизки, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир. Ундан ўзга «дўстлар»ни («илоҳ») қилиб олган кимсалар: «Биз фақат уларга бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз» (дерлар). Шубҳа йўқки, Аллоҳ (қиёмат кунида) улар ихтилоф қилаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва ношукур кимсаларни ҳидоят қилмас.

4. Агар Аллоҳ фарзанд тутишни истаса, сўзсиз, Ўзи яратган нарсаларидан хоҳлаганини танлаб олган бўлур эди. У (бундай айбдан) покдир. У ягона ва ғолиб Аллоҳдир.

5. У осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратгандир. У кечани кундузнинг устидан ўрар, кундузни кечанинг устидан ўрар. У қуёшни ҳам, ойни ҳам (Ўз амрига) бўйин сундириб қўйгандир. (Уларнинг) ҳар бири маълум муддатгача сайрда бўлур. Огоҳ бўлингизки, У қудратли ва ўта кечиримли зотдир!

84-оят. Оятдаги биринчи “ҳақ” сўзи Аллоҳнинг номларидан бўлиши ҳам, “ҳақиқат” маъносини билдирувчи сўз бўлиши ҳам мумкин. Аммо иккинчи “ҳақ” ҳақиқат ва ҳақ гап маъноларини билдиради. “Фақат ҳақиқатни айтурман” жумласи қасамёд маъносини билдиради (Мд.)

39. ЗУМАР СУРАСИ

Зумар – гуруҳлар демакдир. Сурада қиёмат куни одамларни фаришталар жаннат ва дўзахга гуруҳ-гуруҳ қилиб олиб боришлари тасвирланган. Ундаги оятларда Аллоҳ таоло ўз бандаларига турли ҳаётий мисоллар келтириб, Ўзининг қудрат ва ҳикматларини баён этиш билан охиратга солиҳ амаллар билан тайёрланиш йўлларини кўрсатади.

خَلَقَكُم مِّن نَّفْسٍ وَاحِدَةٍ ثُمَّ جَعَلَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَأَنزَلَ لَكُم
مِّنَ الْأَنْعَامِ ثَمَانِيَةَ أَزْوَاجٍ يَخْلُقُكُمْ فِي بُطُونِ أُمَّهَاتِكُمْ
خَلْقًا مِّن بَعْدِ خَلْقٍ فِي ظُلُمَاتٍ ثَلَاثٍ ذَٰلِكُمُ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ
الْمُلْكُ لَا إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ فَأَنَّىٰ تُصْرَفُونَ ﴿٦﴾ إِن تَكْفُرُوا فَإِنَّ
اللَّهَ غَنِيٌّ عَنكُمْ وَلَا يَرْضَىٰ لِعِبَادِهِ الْكُفْرَ وَإِن تَشْكُرُوا يَرْضَهُ
لَكُمْ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُم مَّرْجِعُكُمْ
فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ إِنَّهُ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٧﴾
۞ وَإِذَا مَسَّ الْإِنسَانَ ضُرٌّ دَعَا رَبَّهُ مُنِيبًا إِلَيْهِ ثُمَّ إِذَا خَوَّلَهُ
نِعْمَةً مِّنْهُ نَسِيَ مَا كَانَ يَدْعُو إِلَيْهِ مِن قَبْلُ وَجَعَلَ لِلَّهِ أَندَادًا
لِّيُضِلَّ عَن سَبِيلِهِ قُلْ تَمَتَّعْ بِكُفْرِكَ قَلِيلًا إِنَّكَ مِنْ أَصْحَابِ
النَّارِ ﴿٨﴾ أَمَّنْ هُوَ قَانِتٌ آنَاءَ اللَّيْلِ سَاجِدًا وَقَائِمًا يَحْذَرُ
الْآخِرَةَ وَيَرْجُو رَحْمَةَ رَبِّهِ قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ
لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٩﴾ قُلْ يَا عِبَادِ الَّذِينَ
آمَنُوا اتَّقُوا رَبَّكُمْ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا فِي هَٰذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةٌ
وَأَرْضُ اللَّهِ وَاسِعَةٌ إِنَّمَا يُوَفَّى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُم بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿١٠﴾

6. (У) сизларни бир жондан (Одамдан) яратди, сўнгра ундан жуфтини (Ҳаввони пайдо) қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларидан саккиз жуфтни туширди (дунёга келтирди)*. У сизларни оналарингизнинг қорнида уч (қават) зулмат ичида* аста-секин яратур. Мана шу Аллоҳ – Раббингиздир. Ҳукмронлик фақат Уникидир. Ундан ўзга (ҳеч) илоҳ йўқ. Бас, (Унга ибодат қилмай) қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?!

7. Агар сизлар кофир бўлсангиз, бас, албатта, Аллоҳ сизлардан беҳожатдир*. У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас. Агар шукр қилсангиз (ва имон келтирсангиз) У сизлар учун рози бўлур. Ҳеч бир кўтарувчи (гуноҳкор) ўзга (кўтарувчи)нинг юкини (гуноҳини) кўтармас. Сўнгра қайтишларингиз Раббингиз ҳузуригадир. Бас, У сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берур. Албатта, У диллардаги сирларни билувчидир.

8. Инсонга бирор зиён етганда, у Парвардигорига тавба-тазарру билан дуо қилур. Сўнгра (Аллоҳ) Ўз томонидан унга бирор неъмат ато этганида эса, илгари (Аллоҳга) қилган дуоларини унутиб қўяр ва (ўзгаларни ҳам) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун Унга «тенг»ларни (ўйлаб) топур. (Эй, Муҳаммад!) айтинг: «Сен ўз куфринг билан (дунёда) озгина фойдаланиб қол! Албатта, сен дўзах аҳлидандирсан».

9. Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвадигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан бошқалар баробарми?!) Айтинг: «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!*» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олурлар.

10. (Эй, Муҳаммад!) Менинг имон келтирган бандаларимга айтинг: «Парвардигорингиздан қўрқингиз! Бу дунёда эзгу иш қилган зотлар учун (охиратда) чиройли (оқибат – жаннат) бордир. Аллоҳнинг Ери кенгдир. Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари беҳисоб берилур».

6-оят. Саккиз жуфт чорва моллари деганда – туя, мол, қўй ва эчкиларнинг эркак ва урғочиси бирга ҳисобланганн назарда тутилган.

* Уч қават зулмат – бу, онанинг бачадонидаги, ҳомилани ўраб турувчи парда остидаги ва қорин ичидаги қоронғуликлар (ИК).

7-оят. Қудсий ҳадисда Аллоҳ айтади: “Эй, бандаларим! Олдингилару охиргилар, инслару жинларнинг ҳаммаси бир хил ашаддий фосиқ қалб эгасидек итоатсиз бўлсалар ҳам Менинг подшоҳлигимдан бирор нарсани камайтириб қўя олмайди” (Бх.).

Бу билан Аллоҳ яхши бўлсангиз ҳам ёмон бўлсангиз ҳам ўзингизга, демоқчи. Дарҳақиқат, У ҳеч кимнинг ибодати ёки тақвосига муҳтож эмас. Балки ибодат ва тақво эгалари Унга муҳтождир.

9-оят. Яъни олимлар билан жоҳил (илмсиз)лар маърифатда ёки мўминлар билан кофирлар савоб ва тоатда ёхуд пайғамбарни тасдиқ этувчилар билан уни инкор этувчилар Аллоҳнинг ҳузурида тенг бўлмайдилар. Яъни жазо ва мукофотда фарқ бўлади (Лс.).

قُلْ إِنِّيٓ أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ ٱللَّهَ مُخْلِصًا لَّهُ ٱلدِّينَ ﴿١١﴾ وَأُمِرْتُ لِأَنْ أَكُونَ
أَوَّلَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿١٢﴾ قُلْ إِنِّيٓ أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ
﴿١٣﴾ قُلِ ٱللَّهَ أَعْبُدُ مُخْلِصًا لَّهُۥ دِينِي ﴿١٤﴾ فَٱعْبُدُوا۟ مَا شِئْتُم مِّن دُونِهِۦ
قُلْ إِنَّ ٱلْخَٰسِرِينَ ٱلَّذِينَ خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ أَلَا
ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْخُسْرَانُ ٱلْمُبِينُ ﴿١٥﴾ لَهُم مِّن فَوْقِهِمْ ظُلَلٌ مِّنَ ٱلنَّارِ
وَمِن تَحْتِهِمْ ظُلَلٌ ذَٰلِكَ يُخَوِّفُ ٱللَّهُ بِهِۦ عِبَادَهُۥ يَٰعِبَادِ فَٱتَّقُونِ ﴿١٦﴾
وَٱلَّذِينَ ٱجْتَنَبُوا۟ ٱلطَّٰغُوتَ أَن يَعْبُدُوهَا وَأَنَابُوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ لَهُمُ ٱلْبُشْرَىٰ
فَبَشِّرْ عِبَادِ ﴿١٧﴾ ٱلَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ ٱلْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ أَحْسَنَهُۥٓ
أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ هَدَىٰهُمُ ٱللَّهُ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمْ أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿١٨﴾
أَفَمَنْ حَقَّ عَلَيْهِ كَلِمَةُ ٱلْعَذَابِ أَفَأَنتَ تُنقِذُ مَن فِى ٱلنَّارِ ﴿١٩﴾
لَٰكِنِ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ رَبَّهُمْ لَهُمْ غُرَفٌ مِّن فَوْقِهَا غُرَفٌ مَّبْنِيَّةٌ تَجْرِى
مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ وَعْدَ ٱللَّهِ لَا يُخْلِفُ ٱللَّهُ ٱلْمِيعَادَ ﴿٢٠﴾ أَلَمْ تَرَ
أَنَّ ٱللَّهَ أَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَسَلَكَهُۥ يَنَٰبِيعَ فِى ٱلْأَرْضِ ثُمَّ
يُخْرِجُ بِهِۦ زَرْعًا مُّخْتَلِفًا أَلْوَٰنُهُۥ ثُمَّ يَهِيجُ فَتَرَىٰهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ
يَجْعَلُهُۥ حُطَٰمًا إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَذِكْرَىٰ لِأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿٢١﴾

11. Айтинг: «Мен Аллоҳга динни Унга холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман*.

12. Яна, (мен) мусулмонларнинг аввали бўлишга буюрилганман».

13. Айтинг: «Албатта, мен Раббимга осий бўлишга улуғ Куннинг азобидан қўрқгайман».

14. Айтинг: «Мен фақат Аллоҳга, динимни Унга холис қилган ҳолда ибодат қилурман.

15. Энди сизлар (эй, мушриклар!) Уни қўйиб, хоҳлаган нарсаларингизга ибодат қилаверингиз». (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Ҳақиқий зиён кўрувчилар қиёмат кунида ўзларига ҳам, аҳли (оила)ларига ҳам зиён қилувчи кимсалардир. Огоҳ бўлингизки, ана шу аниқ зиёндир!»

16. Улар учун устиларидан ҳам оловдан бўлган «соябонлар», остиларидан ҳам (оловдан бўлган) «соябонлар» бўлур. Бу (бўлажак азоб-уқубат) билан Аллоҳ ўз бандаларини қўрқитишидир. Эй, бандаларим! Мендан қўрқингиз!

17. Шайтонга ибодат қилишдан четда бўлган ва Аллоҳга қайтган зотлар учун хушхабар бордир. Бас, (эй, Муҳаммад!) Менинг шундай бандаларимга хушхабар берингки,

18. улар гапни тинглаб, сўнг унинг энг гўзалига (фойдалисига) эргашадилар*. Айнан ўшалар Аллоҳ ҳидоят этган зотлардир ва айнан ўшаларгина ақл эгаларидир.

19. Ахир, бир кимсага азоб лафзи муқаррар бўлса (Сиз уни ҳидоят қила олармидингиз)?! Ахир, Сиз дўзахдаги кимсани қутқара олармидингиз?!

20. Лекин Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун (жаннатда) устма-уст қурилган кўшклар бўлиб, уларнинг остидан анҳорлар оқиб турар. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас.

21. Аллоҳ осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, уни ерда булоқлар шаклида оқизиб қўйганини кўрмадингизми? Сўнгра у (сув)нинг воситасида ҳар хил экинларни чиқарур, сўнгра у қуригач, Сиз уни сарғайган ҳолда кўрасиз, сўнгра (Аллоҳ) уни хазонга айлантирур. Албатта, бунда ақл эгалари учун эслатма бордир.

11-оят. Макка мушриклари Муҳаммад (а.с.)га: "Қара, отанг Абдуллоҳ, бобонг Абдулмутталиб ва қабилангнинг улуғ кишилари бошқа динда бўлишган-ку, сен ҳам уларга тақлид қилсанг бўлмайдими?", – дейишганида шу оятлар нозил қилинган.

18-оят. Бу оят ҳам турлича тафсир қилинган. Масалан, вожиб билан мустаҳаб баробар келиб қолса, вожибни, мустаҳаб билан мубоҳ учраб қолса, мустаҳабни танлаш, бошқа гапларни қўйиб Қуръонни, Аллоҳнинг буйруқларидаги (афв каби) савоби кўпроқ ҳукмни ихтиёр этиш ёки одамларнинг турли мавзудаги гапларини эшитиб, фойдалисига эргашувчилар ҳидоят топган ақлли кишилардир (Мд.).

22. Ахир, кўксини Аллоҳ Ислом учун (кенг) очиб қўйган, ўзи эса, Парвардигори (томони)дан нур (ҳидоят) узра турган киши (бошқалар билан баробар бўлурми)?! Бас, диллари Аллоҳни эслашдан қотиб қолган кимсалар ҳолига вой! Улар аниқ залолатдадирлар.

23. Аллоҳ гўзал Сўзни (оятлари балоғатда) бир-бирига ўхшаган, (ҳукмлари) такрор-такрор келувчи бир Китоб (Қуръон) қилиб нозил қилдики*, ундан (ўқилганда) Парвардигоридан қўрқадиган зотларнинг терилари (баданлари) титраб кетар, сўнгра терилари ва диллари Аллоҳнинг зикрига юмшар (мойил бўлур). Мана шу (Китоб) Аллоҳнинг ҳидоятидирки, унга Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирор ҳидоят қилувчи бўлмас.

24. Ахир, қиёмат куни ёмон азобдан юзи билан «сақланадиган» кимса (азобдан тинч киши билан баробар бўлурми)?! (У кунда) золим (кофир)ларга: «Ўзларингиз касб қилиб олган нарсани (динсизлик «мева»сини) тотиб кўрингиз!», – дейилади.

25. Улардан олдингилар ҳам (ўз пайғамбарларини) ёлғончига чиқарганларида, уларга ўзлари сезмайдиган томондан азоб келган эди.

26. Бас, Аллоҳ уларга мана шу дунё ҳаётида расволикни тоттирди. Охират азоби эса, янада каттароқдир. Агар улар (жазонинг қаттиқлигини) билсалар эди (пайғамбарларни инкор этмаган бўлур эдилар).

27. Биз ушбу Қуръонда одамлар учун турли мисолларни келтирдик. Шояд эслатма олсалар.

28. (Биз уни) қинғир жойи бўлмаган араб тилидаги Қуръон ҳолида (нозил қилдик). Шояд (Аллоҳдан) қўрқсалар.

أَفَمَن شَرَحَ ٱللَّهُ صَدۡرَهُۥ لِلۡإِسۡلَٰمِ فَهُوَ عَلَىٰ نُورٖ مِّن رَّبِّهِۦۚ فَوَيۡلٞ
لِّلۡقَٰسِيَةِ قُلُوبُهُم مِّن ذِكۡرِ ٱللَّهِۚ أُوْلَٰٓئِكَ فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ٢٢
ٱللَّهُ نَزَّلَ أَحۡسَنَ ٱلۡحَدِيثِ كِتَٰبٗا مُّتَشَٰبِهٗا مَّثَانِيَ تَقۡشَعِرُّ مِنۡهُ
جُلُودُ ٱلَّذِينَ يَخۡشَوۡنَ رَبَّهُمۡ ثُمَّ تَلِينُ جُلُودُهُمۡ وَقُلُوبُهُمۡ
إِلَىٰ ذِكۡرِ ٱللَّهِۚ ذَٰلِكَ هُدَى ٱللَّهِ يَهۡدِي بِهِۦ مَن يَشَآءُۚ وَمَن
يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنۡ هَادٍ ٢٣ أَفَمَن يَتَّقِي بِوَجۡهِهِۦ سُوٓءَ
ٱلۡعَذَابِ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۚ وَقِيلَ لِلظَّٰلِمِينَ ذُوقُواْ مَا كُنتُمۡ تَكۡسِبُونَ
٢٤ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡ فَأَتَىٰهُمُ ٱلۡعَذَابُ مِنۡ حَيۡثُ
لَا يَشۡعُرُونَ ٢٥ فَأَذَاقَهُمُ ٱللَّهُ ٱلۡخِزۡيَ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَاۖ وَلَعَذَابُ
ٱلۡأٓخِرَةِ أَكۡبَرُۚ لَوۡ كَانُواْ يَعۡلَمُونَ ٢٦ وَلَقَدۡ ضَرَبۡنَا لِلنَّاسِ فِي
هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٖ لَّعَلَّهُمۡ يَتَذَكَّرُونَ ٢٧ قُرۡءَانًا عَرَبِيًّا
غَيۡرَ ذِي عِوَجٖ لَّعَلَّهُمۡ يَتَّقُونَ ٢٨ ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلٗا رَّجُلٗا فِيهِ
شُرَكَآءُ مُتَشَٰكِسُونَ وَرَجُلٗا سَلَمٗا لِّرَجُلٍ هَلۡ يَسۡتَوِيَانِ مَثَلًاۚ
ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِۚ بَلۡ أَكۡثَرُهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ٢٩ إِنَّكَ مَيِّتٞ وَإِنَّهُم مَّيِّتُونَ
٣٠ ثُمَّ إِنَّكُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ عِندَ رَبِّكُمۡ تَخۡتَصِمُونَ ٣١

29. Аллоҳ (шундай) бир мисол келтирди: бир киши (қул) бўлиб, унинг устида талашувчи шериклар бор. Яна бир киши (қул) борки, бутунича бир кишиникидир. Иккисининг мисоли баробар бўлурми?! Ҳамд Аллоҳ учундир. Ҳа, уларнинг кўплари (ҳақиқатни кўра) билмаслар.

30. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Сиз ҳам ўлувчидирсиз, улар (мушриклар) ҳам ўлувчидирлар.

31. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат куни Раббингиз ҳузурида даъволашурсиз*.

23-оят. Айрим мусулмонлар аҳли китобларнинг исломга кирганларидан: “Тавротда ҳамма нарса баён қилинган, дейишади. Бизга у ҳақида сўзлаб берсангиз”, – деб илтимос қилганларида ушбу оят нозил бўлиб, унда Қуръони карим бошқа ҳамма китобларнинг ўрнига ўтиши ҳақида баён этилмоқда (Лс.).

31-оят. Саҳобалар: “Қиёмат куни ҳеч ким билан даъволашмаймиз”, – деб юрар эдилар. Усмон (рз.)ни қатл этишгач: “Энди хусумат билан даъволашадиган бўлдик”, – деган эканлар (Мд.).

Ҳадисда кимнинг кимда ҳаққи бўлса, шу дунёда орани очиқ қилиб олсин! Қиёматда динор, дирҳам ўрнига ўз савобидан беришга тўғри келади, дейилган (Бх.).

۞ فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّن كَذَبَ عَلَى ٱللَّهِ وَكَذَّبَ بِٱلصِّدْقِ
إِذْ جَآءَهُۥٓ ۚ أَلَيْسَ فِى جَهَنَّمَ مَثْوًى لِّلْكَٰفِرِينَ ﴿٣٢﴾ وَٱلَّذِى
جَآءَ بِٱلصِّدْقِ وَصَدَّقَ بِهِۦٓ ۙ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُتَّقُونَ ﴿٣٣﴾
لَهُم مَّا يَشَآءُونَ عِندَ رَبِّهِمْ ۚ ذَٰلِكَ جَزَآءُ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٣٤﴾
لِيُكَفِّرَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ أَسْوَأَ ٱلَّذِى عَمِلُوا۟ وَيَجْزِيَهُمْ أَجْرَهُم
بِأَحْسَنِ ٱلَّذِى كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٣٥﴾ أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِكَافٍ
عَبْدَهُۥ ۖ وَيُخَوِّفُونَكَ بِٱلَّذِينَ مِن دُونِهِۦ ۚ وَمَن يُضْلِلِ
ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنْ هَادٍ ﴿٣٦﴾ وَمَن يَهْدِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن مُّضِلٍّ ۗ
أَلَيْسَ ٱللَّهُ بِعَزِيزٍ ذِى ٱنتِقَامٍ ﴿٣٧﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ ۚ قُلْ أَفَرَءَيْتُم مَّا تَدْعُونَ
مِن دُونِ ٱللَّهِ إِنْ أَرَادَنِىَ ٱللَّهُ بِضُرٍّ هَلْ هُنَّ كَٰشِفَٰتُ ضُرِّهِۦٓ
أَوْ أَرَادَنِى بِرَحْمَةٍ هَلْ هُنَّ مُمْسِكَٰتُ رَحْمَتِهِۦ ۚ قُلْ حَسْبِىَ
ٱللَّهُ ۖ عَلَيْهِ يَتَوَكَّلُ ٱلْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٣٨﴾ قُلْ يَٰقَوْمِ ٱعْمَلُوا۟
عَلَىٰ مَكَانَتِكُمْ إِنِّى عَٰمِلٌ ۖ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾
مَن يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٤٠﴾

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ПОРА

32. Ахир, Аллоҳ шаънига (ширк ва фарзандни нисбат бериб) ёлғон сўзлаган ва ростгўйликни (ваҳийни) ўзига келган пайтидаёқ инкор этган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир ёки жаҳаннамда кофирлар учун жой йўқми?!

33. Ростликни келтирган зот (Муҳаммад) ва уни тасдиқ этганлар (мўминлар) – айнан ўшалар тақволи зотлардир.

34. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида (жаннатда) хоҳлаган нарсалари бордир. Бу эзгу иш қилувчи кишиларнинг мукофотидир.

35. (Бу) Аллоҳнинг улар қилган ёмон амалларини ўчириб, қилиб ўтган чиройли амалларининг савоби билан мукофотлаши учундир.

36. Аллоҳ Ўз бандасига (Муҳаммадга, уни асрашда) етарли эмасми?! (Эй, Муҳаммад!) Улар Сизни (Аллоҳдан) ўзга нарсалар билан қўрқитурлар*. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун (бирор) ҳидоят қилувчи бўлмас.

37. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, унинг учун бирор йўлдан оздирувчи бўлмас. Аллоҳ қудратли ва (душманлардан) интиқом олувчи эмасми?!

38. Қасамки, агар Сиз улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?»,– деб сўрасангиз, улар, албатта: «Аллоҳ», – дерлар. Айтинг: «Энди хабар берингиз-чи, сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз – агар Аллоҳ менга бирор зиён етказишни истаса – улар Унинг зиёнини арита олувчимилар? Ёки (Аллоҳ) менга бирор марҳамат қилишни ирода қилса, ўша (бутлар) Унинг марҳаматини ушлаб қолувчимилар?!*» Айтинг: «Менга Аллоҳнинг ўзи етарлидир. Таваккул қилувчилар фақат Унга таваккул қилурлар».

39. Айтинг: «Эй, қавмим! Жойингизда туриб (яъни куфрдан қайтмай) амалингизни қилаверингиз! Мен ҳам амал қилувчидирман. Бас, яқинда билурсиз,

40. кимга расво қиладиган азоб келишини ва мангу азоб тушишини».

36-оят. Улар Муҳаммад (а.с.)ни қўрқитиш мақсадида: "Сен бизнинг маъбудаларимизни таҳқирлаганинг учун улар сенга бирор мусибат етказишлари керак", – дер эдилар.

38-оят. Аллоҳ таоло мушриклар сиғинадиган бут ва санамларни оятда “кошифот” ва “мумсикот” деб аёл жинсида (муаннас шаклида) келтиришининг икки сабаби бор. Бири – уларнинг ўзи маъбудаларини асосан аёл жинсида атар эдилар. Масалан, Лот, Уззо, Манот каби. Иккинчиси – мушриклар устидан кулиш. Яъни сизлар аёл жинсларига сиғинасиз. Ваҳоланки, аёллар сизларнинг ақидангиз бўйича энг паст табақадаги кимсалар ҳисобланади, деб уларни мулзам қилиш (Мд.).

Шунинг учун сохта илоҳларни одатда маъбудалар дейилади.

إِنَّآ أَنزَلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَٰبَ لِلنَّاسِ بِٱلْحَقِّ ۖ فَمَنِ ٱهْتَدَىٰ
فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۖ وَمَآ أَنتَ عَلَيْهِم
بِوَكِيلٍ ﴿٤١﴾ ٱللَّهُ يَتَوَفَّى ٱلْأَنفُسَ حِينَ مَوْتِهَا وَٱلَّتِى
لَمْ تَمُتْ فِى مَنَامِهَا ۖ فَيُمْسِكُ ٱلَّتِى قَضَىٰ عَلَيْهَا ٱلْمَوْتَ
وَيُرْسِلُ ٱلْأُخْرَىٰٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ
لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾ أَمِ ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ شُفَعَآءَ ۚ
قُلْ أَوَلَوْ كَانُوا۟ لَا يَمْلِكُونَ شَيْـًٔا وَلَا يَعْقِلُونَ ﴿٤٣﴾
قُل لِّلَّهِ ٱلشَّفَٰعَةُ جَمِيعًا ۖ لَّهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ ثُمَّ
إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٤٤﴾ وَإِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَحْدَهُ ٱشْمَأَزَّتْ
قُلُوبُ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ ۖ وَإِذَا ذُكِرَ ٱلَّذِينَ مِن
دُونِهِۦٓ إِذَا هُمْ يَسْتَبْشِرُونَ ﴿٤٥﴾ قُلِ ٱللَّهُمَّ فَاطِرَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ عَٰلِمَ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ أَنتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ
فِى مَا كَانُوا۟ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٤٦﴾ وَلَوْ أَنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟
مَا فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا وَمِثْلَهُۥ مَعَهُۥ لَٱفْتَدَوْا۟ بِهِۦ مِن سُوٓءِ ٱلْعَذَابِ
يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ وَبَدَا لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ مَا لَمْ يَكُونُوا۟ يَحْتَسِبُونَ ﴿٤٧﴾

41. Биз Сизга (бу) Китобни ҳақиқатан барча одамлар учун нозил қилдик. Бас, кимки ҳидоят йўлига юрса, ўзи учун юрган бўлур. Кимки (йўлдан) озса ҳам ўзининг зарарига озган бўлур. Сиз уларнинг устидаги вакил (қўриқчи) эмассиз.

42. Аллоҳ жонларни ўлган вақтида, ўлмаганларни эса ухлаётган пайтларида олур. Бас, Ўзи ўлимга ҳукм қилган жонларни (қайтармасдан) ушлаб қолур, бошқаларини эса белгиланган бир муддатгача (ажаллари етгунча) қўйиб юборур*. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир.

43. Балки улар Аллоҳдан ўзга «оқловчилар»ни ушлагандирлар. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Агар улар бирор нарсага эга бўла олмайдиган ва (ҳақиқатни) англамайдиган бўлсалар-чи?!»

44. Айтинг: «Барча шафоат (оқлов) фақат Аллоҳникидир. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги ҳам Уникидир. Сўнгра (қиёматда барчангиз) Унгагина қайтарилурсизлар».

45. Қачон ёлғиз Аллоҳ зикр қилинса, охиратга имон келтирмайдиган кимсаларнинг диллари сиқилиб кетар. Қачон У зотдан ўзга (маъбуда)лар зикр қилинса, бирдан улар шодланиб кетурлар.

46. Айтинг: «Аллоҳим! Эй, осмонлар ва Ернинг илк яратувчиси, яширин ва ошкор нарсаларни билувчи зот! Ёлғиз Ўзинггина бандаларинг ўртасида улар ихтилоф қилиб ўтган нарсалар хусусида ҳукм қилурсан».

47. Агар золим (кофир) кимсалар учун ердаги (бор) нарса ва у билан бирга яна ўшанинг мислича нарса бўлса, албатта, улар қиёмат кунидаги азобнинг қаттиқлигидан, ўша (нарсалар)ни тўлов қилиб бериб юборган бўлур эдилар*. (Чунки у кунда) уларга Аллоҳ томонидан улар (дунёда яшаган пайтларида) ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар (азоблар) намоён бўлур.

42-оят. Тафсирларда ёзилишига кўра, инсонда “катта ўлим” ва “кичик ўлим” бўлади. Каттаси – ажал етганда руҳнинг танадан чиқиб кетиши. Кичик ўлим – бу, уйқу. Ухлоқ одам ўликка ўхшатилади. Чунки, ўлик каби у ҳам бешта сезги аъзолари ва ақлдан вақтинча бўлса ҳам холи ҳисобланади. Қуръони каримда “вафот” сўзининг ўзагидан олинган ва “уйқу” маъносини ифода этадиган иборалар келган (Мд. ИК).
“Оли Имрон” сураси, 55-оят, “Анъом” сураси, 60-оятнинг таржима ва тафсирларига қаралсин.

47-оят. Ушбу оят гарчи ширк ва куфрда умр ўтказиш билан ўз жонларига жабр қилган мушриклар хусусида нозил қилинган бўлса-да, мўмин-мусулмонлар ҳам ундан ўзларига яраша хулоса чиқарсалар айни муддао бўлур эди. Зеро, охират азобидан холос топиш ва жаннатдан умидвор бўлиш учун тирик пайтида Аллоҳнинг йўлида бир дунё бойликни эмас, имконига яраша муносиб жойларга садақа ва хайрэҳсон қилишга буюрилгандир.

وَبَدَا لَهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا كَسَبُوا۟ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ
يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤٨﴾ فَإِذَا مَسَّ ٱلْإِنسَـٰنَ ضُرٌّ دَعَانَا ثُمَّ إِذَا خَوَّلْنَـٰهُ
نِعْمَةً مِّنَّا قَالَ إِنَّمَآ أُوتِيتُهُۥ عَلَىٰ عِلْمٍ ۚ بَلْ هِىَ فِتْنَةٌ وَلَـٰكِنَّ
أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٩﴾ قَدْ قَالَهَا ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَمَآ أَغْنَىٰ
عَنْهُم مَّا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٥٠﴾ فَأَصَابَهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا كَسَبُوا۟ ۚ
وَٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ مِنْ هَـٰٓؤُلَآءِ سَيُصِيبُهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا كَسَبُوا۟
وَمَا هُم بِمُعْجِزِينَ ﴿٥١﴾ أَوَلَمْ يَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ
لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَـَٔايَـٰتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٢﴾
۞ قُلْ يَـٰعِبَادِىَ ٱلَّذِينَ أَسْرَفُوا۟ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا۟ مِن
رَّحْمَةِ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يَغْفِرُ ٱلذُّنُوبَ جَمِيعًا ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ
﴿٥٣﴾ وَأَنِيبُوٓا۟ إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلِمُوا۟ لَهُۥ مِن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ
ٱلْعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾ وَٱتَّبِعُوٓا۟ أَحْسَنَ مَآ أُنزِلَ
إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ ٱلْعَذَابُ
بَغْتَةً وَأَنتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٥٥﴾ أَن تَقُولَ نَفْسٌ يَـٰحَسْرَتَىٰ
عَلَىٰ مَا فَرَّطتُ فِى جَنۢبِ ٱللَّهِ وَإِن كُنتُ لَمِنَ ٱلسَّـٰخِرِينَ ﴿٥٦﴾

48. Уларга ўзлари касб этган ёмонликлари фош бўлади ва ўзлари (дунёда) масхара қилиб юрган нарса (азоб) уларни ўраб олади.

49. Бас, қачон инсонга бирор зиён етса, бизга дуо қилур. Сўнгра, қачон Биз ўз томонимиздан унга бирор неъмат ато этсак, у, шубҳасиз, бу (неъмат) менга ўзимнинг билимдонлигим сабабли берилди», – дер. Аслида у синовдир. Лекин уларнинг аксарияти (бунинг синов эканини) билмаслар.

50. У (гап)ни улардан аввалгилар ҳам айтган эдилар. Бас, уларга ўзлари қўлга киритган нарсалари (дунё матоҳлари) асқотгани йўқ*.

51. Бас, қилган ёмонликлари улар (боши)га етди. Ана улардан (Макка мушрикларидан) бўлмиш золимлар (боши)га ҳам яқинда ёмонликлари етар. Улар (балодан қутилиш учун бирор ишни) уддалай олувчи эмасдирлар.

52. Ахир, улар Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишининг ризқини кенг қилишини ва (Ўзи хоҳлаган кишининг ризқини) танг қилишини билмадиларми?! Албатта, бунда имон келтирадиган кишилар учун аломатлар бордир.

53. (Эй, Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи мағфиратли ва раҳмли зотдир*.

54. Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари Раббингизга қайтингиз ва Унга бўйин сунингиз!

55. Сизларга, ўзларингиз сезмаган ҳолингизда тўсатдан азоб келиб қолишидан илгари, Раббингиз (томони)дан сизларга нозил қилинган гўзал нарса (Қуръон)га эргашингиз!

56. Бирор жон: «Аллоҳ ҳақида (Унга ибодат қилишда) сусткашлик қилганимга афсус! Ростдан ҳам мен масхара қилувчилардан бўлган эдим», – деб қолмаслиги учун

50-оят. Улардан илгари “Бойликларимни ўз илмим ва ҳунарим орқасидан топганман”, – деган шахс Қорун ва унинг шериклари ёки Аллоҳга маълум ўтмишдаги бошқа бой кишилар бўлиши мумкин. Уларнинг беҳисоб бойликлари ўзларига буюрмаганидек, синов учун берилган бойликни ҳар қандай инсон Аллоҳдан деб билиши, ношукурлик қилмаслиги, балки бундай моддий имкониятдан ҳаётлик пайтида охират саодати йўлида фойдаланиб қолишга жиддий ҳаракат қилиши лозимдир.

53-оят. Бу оят Ибн Касир (рҳ.) таъбири билан айтганда, кофирлар учун ҳам, мўминлар учун ҳам баробар даъватдир. Зеро, куфр ва ширкдан шу дунёда тавба қилиб имон келтирган кишининг тавбаси ва имони қабул қилиниши аниқ. Шунингдек, мўмин бўла туриб, дарёнинг кўпигидек кўп гуноҳ қилган кимсанинг ҳам гуноҳларини Аллоҳ таоло ўз фазли билан кечиб юбориши мумкин экани ҳам оят ва ҳадислардан маълумдир (Ақ.).

أَوۡ تَقُولَ لَوۡ أَنَّ ٱللَّهَ هَدَىٰنِي لَكُنتُ مِنَ ٱلۡمُتَّقِينَ ٥٧
أَوۡ تَقُولَ حِينَ تَرَى ٱلۡعَذَابَ لَوۡ أَنَّ لِي كَرَّةٗ فَأَكُونَ
مِنَ ٱلۡمُحۡسِنِينَ ٥٨ بَلَىٰ قَدۡ جَآءَتۡكَ ءَايَٰتِي فَكَذَّبۡتَ بِهَا
وَٱسۡتَكۡبَرۡتَ وَكُنتَ مِنَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ٥٩ وَيَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ
تَرَى ٱلَّذِينَ كَذَبُواْ عَلَى ٱللَّهِ وُجُوهُهُم مُّسۡوَدَّةٌۚ أَلَيۡسَ فِي
جَهَنَّمَ مَثۡوٗى لِّلۡمُتَكَبِّرِينَ ٦٠ وَيُنَجِّي ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ
بِمَفَازَتِهِمۡ لَا يَمَسُّهُمُ ٱلسُّوٓءُ وَلَا هُمۡ يَحۡزَنُونَ ٦١ ٱللَّهُ
خَٰلِقُ كُلِّ شَيۡءٖۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ وَكِيلٞ ٦٢ لَّهُۥ مَقَالِيدُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۗ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ أُوْلَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلۡخَٰسِرُونَ ٦٣ قُلۡ أَفَغَيۡرَ ٱللَّهِ تَأۡمُرُوٓنِّيٓ أَعۡبُدُ أَيُّهَا
ٱلۡجَٰهِلُونَ ٦٤ وَلَقَدۡ أُوحِيَ إِلَيۡكَ وَإِلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِكَ لَئِنۡ
أَشۡرَكۡتَ لَيَحۡبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ٦٥ بَلِ ٱللَّهَ
فَٱعۡبُدۡ وَكُن مِّنَ ٱلشَّٰكِرِينَ ٦٦ وَمَا قَدَرُواْ ٱللَّهَ حَقَّ قَدۡرِهِۦ
وَٱلۡأَرۡضُ جَمِيعٗا قَبۡضَتُهُۥ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ وَٱلسَّمَٰوَٰتُ
مَطۡوِيَّٰتُۢ بِيَمِينِهِۦۚ سُبۡحَٰنَهُۥ وَتَعَٰلَىٰ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ٦٧

57. ёки: «Агар Аллоҳ мени ҳидоят қилганида, албатта, тақводорлардан бўлур эдим», – деб қолмаслиги учун

58. ёки азобни кўрган чоғида: «Қани эди, мен учун яна бир карра (яшашнинг имкони) бўлса-ю, мен ҳам чиройли амал қилувчилардан бўлсам», – деб қолмаслиги учун (Қуръонга эргашингиз)!

59. «Йўқ, сенга Менинг оятларим келганида, сен уларни ёлғон деган эдинг ва кибрланиб, кофирлардан бўлган эдинг».

60. Қиёмат кунида Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган кимсаларни юзлари қорайган ҳолда кўрасиз. Жаҳаннамда мутакаббир кимсалар учун жой йўқмиди?! (Албатта, бор)

61. Аллоҳ, тақво қилган зотларни ютуқлари сабабли (охират азобидан) қутқарур, уларга бирор нохушлик ҳам етмас ва улар ғамгин ҳам бўлмаслар.

62. Аллоҳ барча нарсанинг яратувчисидир. У барча нарсага вакил (ҳомий)дир.

63. Осмонлар ва Ернинг калитлари Ундадир*. Аллоҳ оятларига кофир бўлган кимсалар – ана ўшаларгина зиён кўрувчилардир.

64. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Ҳали сизлар мени Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишга буюряпсизми, эй, нодонлар!»

65. Дарҳақиқат, Сизга ва Сиздан олдинги (пайғамбарларга) (шундай) ваҳий қилинган эди: «Қасамёд этаманки, агар мушрик бўлсанг, албатта, қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсан!

66. Балки фақат Аллоҳгагина ибодат қилгин ва шукр қилувчилардан бўлгин!»

67. Улар Аллоҳни ҳаққоний (равишда) қадрламадилар (танимадилар). Бутун Ер қиёмат кунида Унинг бир тутамидир. Осмонлар эса, Унинг «қўли»га йиғилувчидир*. У уларнинг келтираётган ширкларидан пок ва юксакдир!

63-оят. “Еру осмонларнинг калитлари Ундадир” деганда уларнинг тасарруфи Унинг қўлида, қандай хоҳласа, шундай бошқаради, деб тафсир қилинади. Оятнинг яна бошқача тафсири ҳам бор. У ҳам бўлса, Усмон (рз.) бир куни Расул (а.с.)дан мазкур оятнинг тафсирини сўраганида Еру осмондаги яхшиликларга эришиш учун ўқиладиган махсус такбир, ҳамду сано ва тамжид калималарини ўқиб кўрсатиб берган эканлар (Мд.).

67-оят. Мушриклар Аллоҳнинг қанчалик буюк қудрат ва ҳикмат соҳиби эканини идрок этмасдан, Уни қўйиб, заиф ва хор нарсаларга сиғинганлари учун оятда Еру осмонлар шунча улкан мавжудот бўла туриб, Аллоҳнинг буюклиги олдида бир сиқим ёки бир тутам нарса экани эслатилмоқда. Шояд, шунда Уни тўғри қадрласалар. Лекин уларнинг аксарияти илоҳий ўгитларни қабул қулоғи билан тингламаслар.

وَنُفِخَ فِي ٱلصُّورِ فَصَعِقَ مَن فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِي ٱلۡأَرۡضِ
إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُۖ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخۡرَىٰ فَإِذَا هُمۡ قِيَامٞ يَنظُرُونَ
﴿٦٨﴾ وَأَشۡرَقَتِ ٱلۡأَرۡضُ بِنُورِ رَبِّهَا وَوُضِعَ ٱلۡكِتَٰبُ وَجِاْيٓءَ
بِٱلنَّبِيِّـۧنَ وَٱلشُّهَدَآءِ وَقُضِيَ بَيۡنَهُم بِٱلۡحَقِّ وَهُمۡ لَا يُظۡلَمُونَ
﴿٦٩﴾ وَوُفِّيَتۡ كُلُّ نَفۡسٖ مَّا عَمِلَتۡ وَهُوَ أَعۡلَمُ بِمَا يَفۡعَلُونَ ﴿٧٠﴾
وَسِيقَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ إِلَىٰ جَهَنَّمَ زُمَرًاۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوهَا
فُتِحَتۡ أَبۡوَٰبُهَا وَقَالَ لَهُمۡ خَزَنَتُهَآ أَلَمۡ يَأۡتِكُمۡ رُسُلٞ مِّنكُمۡ
يَتۡلُونَ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتِ رَبِّكُمۡ وَيُنذِرُونَكُمۡ لِقَآءَ يَوۡمِكُمۡ
هَٰذَاۚ قَالُواْ بَلَىٰ وَلَٰكِنۡ حَقَّتۡ كَلِمَةُ ٱلۡعَذَابِ عَلَى ٱلۡكَٰفِرِينَ
﴿٧١﴾ قِيلَ ٱدۡخُلُوٓاْ أَبۡوَٰبَ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَاۖ فَبِئۡسَ مَثۡوَى
ٱلۡمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٢﴾ وَسِيقَ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ رَبَّهُمۡ إِلَى
ٱلۡجَنَّةِ زُمَرًاۖ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءُوهَا وَفُتِحَتۡ أَبۡوَٰبُهَا وَقَالَ لَهُمۡ
خَزَنَتُهَا سَلَٰمٌ عَلَيۡكُمۡ طِبۡتُمۡ فَٱدۡخُلُوهَا خَٰلِدِينَ ﴿٧٣﴾
وَقَالُواْ ٱلۡحَمۡدُ لِلَّهِ ٱلَّذِي صَدَقَنَا وَعۡدَهُۥ وَأَوۡرَثَنَا ٱلۡأَرۡضَ
نَتَبَوَّأُ مِنَ ٱلۡجَنَّةِ حَيۡثُ نَشَآءُۖ فَنِعۡمَ أَجۡرُ ٱلۡعَٰمِلِينَ ﴿٧٤﴾

68. Сур чалиниши билан осмонлар ва Ердаги бор жонзот ўлади, илло Аллоҳ хоҳлаган зотларгина (тирик қолурлар)*. Сўнгра у яна бир бор чалинганда, ногоҳ улар (барча халойиқ тирилиб, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) қараб тургайлар.

69. Ер (маҳшаргоҳ) Парвардигорининг нури билан ёришур; китоб (номаи аъмол ҳозирлаб) қўйилур; пайғамбарлар ва гувоҳлар (фаришталар) келтирилади ва уларнинг ўрталарида зулм қилинмаган ҳолда ҳаққоний ҳукм қилинади.

70. Ҳар бир жонга қилган амали (учун мукофот ёки жазо) комил қилиб берилади. У уларнинг (дунёда) қилаётган ишларини жуда яхши билувчидир.

71. Кофир бўлган кимсалар гуруҳ-гуруҳ қилиниб, жаҳаннамга ҳайдалур. То қачонки, улар (жаҳаннамга) келганларида, унинг дарвозалари очилади ва унинг қўриқчилари уларга: «Сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар – Раббингиз оятларини сизларга тиловат қилиб сизларни мана шу кунингиздаги мулоқотдан огоҳланиш учун келмаганмидилар?», – деганларида, улар: «Ҳа, (келганлар), лекин (Аллоҳнинг) азоб лафзи* кофирлар бўйича ҳақ бўлиб чиқди»,– дейдилар.

72. (Шунда уларга) айтилади: «Жаҳаннам дарвозаларидан кирингиз! Сизлар ўша жойда мангу қолурсиз!» Бас, кибрли кимсаларнинг жойлари нақадар ёмон!

73. Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга бошлаб борилур. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: «Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кирингиз!», – деганларида (улар беҳад шодланурлар).

74. Айтурлар: «Бизларга рост ваъда қилган ва бизларни (бу) ерга ворис қилган Аллоҳга ҳамдки, жаннатдан ўзимиз хоҳлаган ердан ўрин оляпмиз», – дерлар. Бас, (шу дунёда солиҳ) амал қилувчиларнинг (жаннатдаги) мукофоти нақадар яхшидир!

68-оят. Исрофил (а.с.) биринчи марта сурни чалганида ҳамма жонзот ўлиб, фақат Жаброил, Мекоил, Исрофил, Азроил, Аршни кўтариб турувчи фаришталар, жаннат ризвони (ходимлари), ундаги ҳурлар, дўзах ходимлари тирик қолурлар (Мд.).

69-оят. Абу Мансур Мотуридий (рҳ.) сўзига кўра, қиёмат куни маҳшаргоҳ қуёш нури билан эмас, балки Ўзининг махсус яратадиган нури билан ёритилиши мумкин (Мд.).

71-оят. Қуръонда “Калиматул-азоб”, “қавл” сўзлари кўп келади. Улардан мурод Аллоҳ таоло ўзининг азалий илми билан куфрни ихтиёр қилувчиларни олдиндан билгач, уларни кофирлик ҳолларида дунёдан ўтиб, дўзахда азобланадилар, деб қўйгани ёки Қуръоннинг тўрт жойида “жаҳаннамни тўлдираман” деган оят бор. Демак, Аллоҳ лафз қилиб қўйган. Шу лафзини муносиб жойларда эслатиб туради.

75. (Эй, Муҳаммад!) Сиз (ўша кунда) фаришталар Арш атрофини ўраб олиб, Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтаётганларини кўрасиз. (Зеро) уларнинг (пайғамбарлар ва умматларининг) ўрталарида ҳаққоний ҳукм қилинди ва «Ҳамд (барча) оламларнинг Парвардигори Аллоҳгадир!» дейилди.

Ғофир сураси

Маккада нозил қилинган. 85 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. (Ушбу Қуръон) қудратли ва билимли Аллоҳ (томони)дан нозил қилинган Китобдир.

3. (У) гуноҳни мағфират қилувчи, тавбани қабул этувчи, азоби қаттиқ ва эҳсон эгасидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Қайтиш (қиёмат куни) фақат Унинг ўзигадир.

4. Аллоҳнинг оятлари ҳақида кофир бўлганларгина тортишурлар. Бас, уларнинг шаҳарлараро кезишлари* Сизни алдаб қўймасин!

5. Улардан (Макка кофирларидан) олдин Нуҳ қавми ва улардан кейинги (Од, Самуд қабилалари каби) фирқалар ҳам (ўз пайғамбарларини) ёлғончига чиқарганлар. Ҳар бир миллат ўз пайғамбарини тутишга (ўлдиришга) қасд қилган ва ботил (ҳужжатлар) билан тортишиб, унинг ёрдамида ҳақни енгмоқчи бўлган эдилар. Бирдан Мен уларни (Ўз азобим билан) тутдим. Бас, азобим қандай бўлди?!

6. (Эй, Муҳаммад! Қавмингиз орасида) кофир бўлган кимсалар устига ҳам Раббингизнинг (азоби тўғрисидаги) лафзи мана шундай муқаррар бўлгандир – албатта, улар дўзах аҳлидирлар.

وَتَرَى ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ حَآفِّينَ مِنْ حَوْلِ ٱلْعَرْشِ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ
رَبِّهِمْ ۖ وَقُضِىَ بَيْنَهُم بِٱلْحَقِّ وَقِيلَ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ٧٥

سُورَةُ غَافِرٍ — ترتيبها ٤٠ — آياتها ٨٥

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ١ تَنزِيلُ ٱلْكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْعَلِيمِ ٢ غَافِرِ
ٱلذَّنۢبِ وَقَابِلِ ٱلتَّوْبِ شَدِيدِ ٱلْعِقَابِ ذِى ٱلطَّوْلِ ۖ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ
إِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ ٣ مَا يُجَٰدِلُ فِىٓ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ إِلَّا ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
فَلَا يَغْرُرْكَ تَقَلُّبُهُمْ فِى ٱلْبِلَٰدِ ٤ كَذَّبَتْ قَبْلَهُمْ قَوْمُ
نُوحٍ وَٱلْأَحْزَابُ مِنۢ بَعْدِهِمْ ۖ وَهَمَّتْ كُلُّ أُمَّةٍۭ بِرَسُولِهِمْ
لِيَأْخُذُوهُ ۖ وَجَٰدَلُوا۟ بِٱلْبَٰطِلِ لِيُدْحِضُوا۟ بِهِ ٱلْحَقَّ فَأَخَذْتُهُمْ ۖ
فَكَيْفَ كَانَ عِقَابِ ٥ وَكَذَٰلِكَ حَقَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ عَلَى
ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّهُمْ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ٦ ٱلَّذِينَ يَحْمِلُونَ ٱلْعَرْشَ
وَمَنْ حَوْلَهُۥ يُسَبِّحُونَ بِحَمْدِ رَبِّهِمْ وَيُؤْمِنُونَ بِهِۦ وَيَسْتَغْفِرُونَ
لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ رَبَّنَا وَسِعْتَ كُلَّ شَىْءٍ رَّحْمَةً وَعِلْمًا
فَٱغْفِرْ لِلَّذِينَ تَابُوا۟ وَٱتَّبَعُوا۟ سَبِيلَكَ وَقِهِمْ عَذَابَ ٱلْجَحِيمِ ٧

7. Аршни кўтариб турадиган ва унинг атрофидаги (фаришта)лар (яккаю ягона) Парвардигорларига ҳамд билан тасбеҳ айтурлар ва Унга имон келтирурлар ҳамда имон келтирган кишиларни мағфират этишини сўрарлар: «Парвардигоро, Ўзинг раҳмат ва илм жиҳатдан барча нарсани эгаллагандирсан. Бас, тавба қилган ва йўлингга эргашган кишиларни мағфират эт ва уларни дўзах азобидан сақла!

---

40. ҒОФИР СУРАСИ

Бу сурани уч хил ном билан атаганлар. Биринчиси – суранинг ўзидан олинган Аллоҳнинг исми – “Ғофир”. Иккинчиси – “Мўмин”. У суранинг 40-оятидан олинган. Учинчиси – “Ҳо, мим”.

Сурада Ислом ақидасига оид маълумотлар, имон, эътиқод, куфр, ширк, ҳақ ва ноҳақлик, умуман, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш, фаришталар ва пайғамбарлар қиссаси, хусусан, Мусо (а.с.) билан Фиръавн ўртасида кечган можаролар ўз ифодасини топган.

4-оят. Яъни кофирларнинг шаҳарма-шаҳар тижорат ва бошқа сабаблар билан сайр ва саёҳат қилиб юришлари Сизни (мусулмонларни) ўкситиб қўймасин. Зеро, уларнинг бу дунёдаги маишатлари қанчалик юқори савияда бўлмасин, у фоний ва охиратда кўрадиган зарарларига қараганда арзимаган нарса ҳисобланиши муқаррардир.

رَبَّنَا وَأَدْخِلْهُمْ جَنَّٰتِ عَدْنٍ ٱلَّتِى وَعَدتَّهُمْ وَمَن صَلَحَ
مِنْ ءَابَآئِهِمْ وَأَزْوَٰجِهِمْ وَذُرِّيَّٰتِهِمْ ۚ إِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ
ٱلْحَكِيمُ ﴿٨﴾ وَقِهِمُ ٱلسَّيِّـَٔاتِ ۚ وَمَن تَقِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ
يَوْمَئِذٍ فَقَدْ رَحِمْتَهُۥ ۚ وَذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٩﴾ إِنَّ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يُنَادَوْنَ لَمَقْتُ ٱللَّهِ أَكْبَرُ مِن مَّقْتِكُمْ
أَنفُسَكُمْ إِذْ تُدْعَوْنَ إِلَى ٱلْإِيمَٰنِ فَتَكْفُرُونَ ﴿١٠﴾
قَالُوا۟ رَبَّنَآ أَمَتَّنَا ٱثْنَتَيْنِ وَأَحْيَيْتَنَا ٱثْنَتَيْنِ فَٱعْتَرَفْنَا بِذُنُوبِنَا
فَهَلْ إِلَىٰ خُرُوجٍ مِّن سَبِيلٍ ﴿١١﴾ ذَٰلِكُم بِأَنَّهُۥٓ إِذَا دُعِىَ
ٱللَّهُ وَحْدَهُۥ كَفَرْتُمْ ۖ وَإِن يُشْرَكْ بِهِۦ تُؤْمِنُوا۟ ۚ فَٱلْحُكْمُ لِلَّهِ
ٱلْعَلِىِّ ٱلْكَبِيرِ ﴿١٢﴾ هُوَ ٱلَّذِى يُرِيكُمْ ءَايَٰتِهِۦ وَيُنَزِّلُ
لَكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ رِزْقًا ۚ وَمَا يَتَذَكَّرُ إِلَّا مَن يُنِيبُ ﴿١٣﴾
فَٱدْعُوا۟ ٱللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿١٤﴾
رَفِيعُ ٱلدَّرَجَٰتِ ذُو ٱلْعَرْشِ يُلْقِى ٱلرُّوحَ مِنْ أَمْرِهِۦ عَلَىٰ مَن
يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ لِيُنذِرَ يَوْمَ ٱلتَّلَاقِ ﴿١٥﴾ يَوْمَ هُم بَٰرِزُونَ ۖ لَا يَخْفَىٰ
عَلَى ٱللَّهِ مِنْهُمْ شَىْءٌ ۚ لِّمَنِ ٱلْمُلْكُ ٱلْيَوْمَ ۖ لِلَّهِ ٱلْوَٰحِدِ ٱلْقَهَّارِ ﴿١٦﴾

8. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳ бўлган кишиларни ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган мангу (жаннат) боғларига дохил қилгин! Албатта, Сен қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан.

9. Ўзинг уларни барча ёмонликлардан асрагин, Кимни ўша кунда (қиёматда) ёмонликлардан асрасанг, бас, ҳақиқатан унга раҳм қилган бўласан. Мана шу улкан ютуқдир» (деб дуо қилурлар).

10. Кофир бўлган кимсаларга (қиёмат куни): «Сизларни (дунёда) имонга чақирилганда, кофир бўлганингиз сабаб Аллоҳнинг ёмон кўриши (бу кундаги) ўзларингизни ёмон кўришингиздан каттароқдир», – деб нидо қилинур.

11. Улар дейдилар: «Парвардигоро, Сен бизларни икки бор ўлдирдинг ва икки бор тирилтирдинг*. Бас, бизлар (дунёда қилган) гуноҳларимизни эътироф этдик. Энди (бу азобдан) чиқишга бирор йўл борми?»

12. (Йўқ!) Бунга сабаб, (сизларни) Аллоҳга (ибодат қилишга) даъват қилинганда кофир бўлиб, агар Унга ширк келтирилса, ишониб кетишингиздир. Бас, (барча) ҳукм олий ва буюк Аллоҳникидир*.

13. У сизларга Ўз аломатларини кўрсатур ва сизларга осмондан ризқ ёғдирур. (Лекин бу аломатлардан) фақат (Аллоҳга) инобат (таслим) қиладиган кишигина эслатма олур.

14. Бас, (эй, мўминлар!) Гарчи кофирлар ёмон кўрсалар-да, Аллоҳга – Унга динни холис қилган ҳолингизда дуо (ибодат) қилингиз!

15. (У) даражаларни кўтарувчи ва Аршнинг (ҳам) соҳибидир. Бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларга (пайғамбарларга) мулоқот кунидан (қиёматдан) огоҳлантириши учун Ўз амри билан руҳ (ваҳий) туширар.

16. Улар (қабрларидан) чиқадиган кунда (қиёматда) Аллоҳга улардан бирор нарса махфий бўлиб қолмас. «Бугун подшоҳлик кимникидир?» (деб сўраб Ўзи айтур:) «Ягона ва ғолиб Аллоҳникидир».

11-оят. Икки бор ўлдириб, икки бор тирилтиришдан мурод – она қорнида то тўрт ойгача жонсиз бўлиши, сўнгра жонланиб, яшаши, ажали етганда вафот этиши, сўнгра қиёмат кунидаги тирилишидир (Мд.).

12-оят. Қатода (рҳ.) сўзига кўра, Али (рз.)га қарши чиққан хаворижлар фирқаси “муҳаккима” ёки “муҳаккимун” деб ҳам номланар эди. Али (рз.) “Улар кимлар?”, – деганида, кимдир уларни таърифлаб: “Улар ҳукм Аллоҳники, дейдиган фирқадир”, – деганида Али (рз.): “Ноҳақ нарсани ният қилиб туриб айтилган ҳақ сўздир у”, – деган экан (Мд.).

Дарҳақиқат, қадимдан кўп фирқалар оғизларида ҳақ сўзларни гапириб, одамларга ўзларини ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатишга уриниб келадилар. Лекин уларнинг ният ва ғаразларини амалда қилган кирдикорлари фош қилиб қўйгач, одамлар ҳақиқатни кеч бўлса ҳам тушуниб етадилар.

17. Бу кунда (қиёматда) ҳар бир жон ўзи қилган иши (амали) билан жазоланур. Бу кунда (ҳеч кимга) зулм (ноҳақлик) қилиш йўқ*. Албатта, Аллоҳ ҳисоби тез зотдир.

18. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларни яқин кундан (қиёматдан) огоҳлантиринг! Ўшанда улар юраклари ҳалқумларига тиқилиб, қайғуларини ютиб турурлар. Золим (кофир) кимсалар учун (у кунда) бирор дўст ҳам, маъқулланадиган шафоатчи ҳам бўлмас.

19. (Аллоҳ) кўзларнинг хиёнатини (қараш ман этилган нарсага ўғринча кўз ташлашини) ҳам, диллар яширадиган нарсаларни (ёмон ниятларни) ҳам билур*.

20. Аллоҳ ҳаққоний ҳукм қилур. Улар (Аллоҳни) қўйиб сиғинаётган нарсалари эса, бирор нарсага ҳукм қила олмаслар. Албатта, Аллоҳнинг ўзи (барча гапларни) эшитувчи ва (барча нарсаларни) кўриб турувчи зотдир.

21. Ахир, улар ер юзида сайр қилишиб, ўзларидан аввал ўтган (имонсиз, итоатсиз бўлган) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Улар (Макка мушриклари)дан кўра кучда ва ердаги осори атиқалари жиҳатидан зўррoқ эдилар. Бас, Аллоҳ уларни гуноҳлари сабабли ушлади ва улар учун Аллоҳдан ўзга бирор сақловчи бўлмади.

22. Бунга сабаб – уларга пайғамбарлари ҳужжатларни келтирганларида, улар инкор этдилар. Бас, Аллоҳ уларни ушлади (ҳалок қилди). Зеро, У қувватли ва азоби қаттиқдир.

23. Биз Мусони, мўъжизаларимиз ва аниқ ҳужжат билан юбордик

ٱلۡيَوۡمَ تُجۡزَىٰ كُلُّ نَفۡسِۭ بِمَا كَسَبَتۡۚ لَا ظُلۡمَ ٱلۡيَوۡمَۚ إِنَّ
ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ١٧ وَأَنذِرۡهُمۡ يَوۡمَ ٱلۡأٓزِفَةِ إِذِ ٱلۡقُلُوبُ
لَدَى ٱلۡحَنَاجِرِ كَٰظِمِينَۚ مَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنۡ حَمِيمٖ وَلَا شَفِيعٖ
يُطَاعُ ١٨ يَعۡلَمُ خَآئِنَةَ ٱلۡأَعۡيُنِ وَمَا تُخۡفِي ٱلصُّدُورُ ١٩
وَٱللَّهُ يَقۡضِي بِٱلۡحَقِّۖ وَٱلَّذِينَ يَدۡعُونَ مِن دُونِهِۦ لَا يَقۡضُونَ
بِشَيۡءٍۗ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡبَصِيرُ ٢٠ ۞ أَوَلَمۡ يَسِيرُواْ فِي
ٱلۡأَرۡضِ فَيَنظُرُواْ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ كَانُواْ مِن قَبۡلِهِمۡۚ
كَانُواْ هُمۡ أَشَدَّ مِنۡهُمۡ قُوَّةٗ وَءَاثَارٗا فِي ٱلۡأَرۡضِ فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُ
بِذُنُوبِهِمۡ وَمَا كَانَ لَهُم مِّنَ ٱللَّهِ مِن وَاقٖ ٢١ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ
كَانَت تَّأۡتِيهِمۡ رُسُلُهُم بِٱلۡبَيِّنَٰتِ فَكَفَرُواْ فَأَخَذَهُمُ ٱللَّهُۚ إِنَّهُۥ
قَوِيّٞ شَدِيدُ ٱلۡعِقَابِ ٢٢ وَلَقَدۡ أَرۡسَلۡنَا مُوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَا
وَسُلۡطَٰنٖ مُّبِينٍ ٢٣ إِلَىٰ فِرۡعَوۡنَ وَهَٰمَٰنَ وَقَٰرُونَ
فَقَالُواْ سَٰحِرٞ كَذَّابٞ ٢٤ فَلَمَّا جَآءَهُم بِٱلۡحَقِّ مِنۡ
عِندِنَا قَالُواْ ٱقۡتُلُوٓاْ أَبۡنَآءَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مَعَهُۥ وَٱسۡتَحۡيُواْ
نِسَآءَهُمۡۚ وَمَا كَيۡدُ ٱلۡكَٰفِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَٰلٖ ٢٥

24. Фиръавн, Ҳомон ва Қорун ҳузурига. Улар: «(Мусо) ёлғончи, сеҳргардир», – дедилар.

25. Бас, қачонки, (Мусо) уларга ҳузуримиздан ҳақ (пайғамбарлик) билан келганида, улар: «У билан бирга имон келтирганларнинг ўғилларини ўлдириб, қизларини тирик қолдирингиз!», – дедилар. (Лекин) кофирларнинг макрлари, албатта, залолатда (зоеликда)дир.

17-оят. Қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло айтади: “Эй, бандаларим! Мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим. Сизларнинг орангизда ҳам зулм бўлишини ҳаром қилдим. Бас, зулм қилмангиз!” (Мс. ИК).

19-оят. Ушбу оятни Ибн Аббос (рз.) тафсир қилиб: “Бунинг мисоли – бировнинг хонадонига кирган одамлар ичида ёки олдидан бир оила аъзолари ўтиб қолганда улар ичида чиройли қиз бўлиб, унга тикилиб қарайверади. Қизнинг ёнидагилар унинг қараётганини сезганда кўзини олиб қочади, сезмаганда яна тикилаверади. Аллоҳ унинг кўнглидан не ўйлар кечаётганини, яъни имкони бўлса авратига ҳам қарашга тайёр эканини билиб туради”, – деган. Ҳадисда: “Тасодифан кўзинг бегона аёлга бир марта тушиб қолса, зарари йўқ. Лекин унга такроран қарамагин!”, – дейилган (Қр.).

Заҳҳок (рҳ.) тафсирига кўра, кўрмаган нарсасини кўрдим, кўрган нарсасини кўрмадим, деб гапириш ёки сўзсиз кўз билан ишорат қилишдир (ИК).

وَقَالَ فِرۡعَوۡنُ ذَرُونِيٓ أَقۡتُلۡ مُوسَىٰ وَلۡيَدۡعُ رَبَّهُۥٓۖ إِنِّيٓ أَخَافُ
أَن يُبَدِّلَ دِينَكُمۡ أَوۡ أَن يُظۡهِرَ فِي ٱلۡأَرۡضِ ٱلۡفَسَادَ ٢٦
وَقَالَ مُوسَىٰٓ إِنِّي عُذۡتُ بِرَبِّي وَرَبِّكُم مِّن كُلِّ مُتَكَبِّرٖ
لَّا يُؤۡمِنُ بِيَوۡمِ ٱلۡحِسَابِ ٢٧ وَقَالَ رَجُلٞ مُّؤۡمِنٞ مِّنۡ ءَالِ
فِرۡعَوۡنَ يَكۡتُمُ إِيمَٰنَهُۥٓ أَتَقۡتُلُونَ رَجُلًا أَن يَقُولَ رَبِّيَ
ٱللَّهُ وَقَدۡ جَآءَكُم بِٱلۡبَيِّنَٰتِ مِن رَّبِّكُمۡۖ وَإِن يَكُ كَٰذِبٗا
فَعَلَيۡهِ كَذِبُهُۥۖ وَإِن يَكُ صَادِقٗا يُصِبۡكُم بَعۡضُ ٱلَّذِي
يَعِدُكُمۡۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي مَنۡ هُوَ مُسۡرِفٞ كَذَّابٞ ٢٨ يَٰقَوۡمِ
لَكُمُ ٱلۡمُلۡكُ ٱلۡيَوۡمَ ظَٰهِرِينَ فِي ٱلۡأَرۡضِ فَمَن يَنصُرُنَا مِنۢ
بَأۡسِ ٱللَّهِ إِن جَآءَنَاۚ قَالَ فِرۡعَوۡنُ مَآ أُرِيكُمۡ إِلَّا مَآ أَرَىٰ وَمَآ
أَهۡدِيكُمۡ إِلَّا سَبِيلَ ٱلرَّشَادِ ٢٩ وَقَالَ ٱلَّذِيٓ ءَامَنَ يَٰقَوۡمِ إِنِّيٓ
أَخَافُ عَلَيۡكُم مِّثۡلَ يَوۡمِ ٱلۡأَحۡزَابِ ٣٠ مِثۡلَ دَأۡبِ قَوۡمِ نُوحٖ
وَعَادٖ وَثَمُودَ وَٱلَّذِينَ مِنۢ بَعۡدِهِمۡۚ وَمَا ٱللَّهُ يُرِيدُ ظُلۡمٗا لِّلۡعِبَادِ ٣١
وَيَٰقَوۡمِ إِنِّيٓ أَخَافُ عَلَيۡكُمۡ يَوۡمَ ٱلتَّنَادِ ٣٢ يَوۡمَ تُوَلُّونَ مُدۡبِرِينَ
مَا لَكُم مِّنَ ٱللَّهِ مِنۡ عَاصِمٖۗ وَمَن يُضۡلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِنۡ هَادٖ ٣٣

26. Фиръавн деди: «Менга қўйиб беринг, Мусони ўлдирай. (Қани) у Парвардигорига дуо қилсин-чи (унга нажот берармикан)! Мен (Мусо) сизларнинг динингизни ўзгартириб юборишидан ёки ер юзида бузғунчиликни авж олдиришидан қўрқмоқдаман».

27. Мусо айтди: «Мен Раббим ва Раббингиз (бўлмиш Аллоҳ)дан ҳисоб кунига имон келтирмайдиган барча мутакаббирларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўрайман».

28. (Шунда) Фиръавн зодагонларидан имонини яшириб юрадиган бир мўмин киши* деди: «Бир кишини, «Менинг Раббим Аллоҳдир», – дегани учун ўлдирасизми?! Ҳолбуки, у сизларга Раббингиз томонидан ҳужжатларни келтиргандир. Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзига! Борди-ю, ростгўй бўлса, (у ҳолда) сизларга у ваъда қилаётган (азоблардан) айримлари етиб қолади-ку! Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошувчи ва ёлғончи кимсаларни ҳидоятга йўлламас.

29. Эй, қавмим, бугун-ку ҳукмронлик сизларники, (шу) ерда ғолибсизлар. Энди, агар бизларга Аллоҳнинг азоби келса, ким бизларга ёрдам берур?!» Фиръавн айтди: «Мен сизларга фақат ўзим фикр қилаётган нарсани (Мусони ўлдиришни) кўрсатаяпман ва мен сизларни фақат Тўғри йўлга етаклайман».

30. Имон келтирган киши деди: «Эй, қавмим! Мен сизларнинг устингизга ҳам худди (ўтган) фирқалар куни (тушиб қолиши)дан қўрқаман.

31. (Улар) Нуҳ қавми, Од, Самуд (қабилалари) ва улардан кейинги (куфр йўлини тутган) кимсаларнинг иши кабидир. Ҳолбуки, Аллоҳ бандалари учун зулм қилишни истамас.

32. Эй, қавмим! Ҳақиқатан, мен сизларга нидолашув кунидан (қиёмат кунидан) қўрқаман.

33. У кунда сизлар юз ўгириб қочурсиз, (аммо) сизлар учун Аллоҳ (азоби)дан сақловчи бўлмас. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, бас, унинг учун бирор ҳидоятга йўлловчи бўлмас.

26-оят. Фиръавн озгина баҳона билан олдамларни қатл қилаверадиган раҳмсиз бўла туриб, ўзининг очиқ душмани – Мусо (а.с.)ни ўлдиришга қавмидан изн сўраб: “Қўйиб беринг!”, – деб гапни чўзиб ўтиришининг сабаби у Мусо (а.с.)нинг барҳақ пайғамбар эканини унинг мўъжизаларини кўрганда аниқ билган эди. Шунинг учун уни қатл этса Аллоҳнинг азоби келиб қолишидан хавфсирар эди (Мд.).

28-оят. Имонини яшириб юрадиган киши қибтий ёки яҳудий эканида ихтилоф бор. У Фиръавннинг амакиваччаси ҳам дейилган. Унинг исми Самъон, Ҳабиб, Ҳизбил ёки Жибрил каби исмлардан бири экани ҳақида ривоят қилинган. У Мусо (а.с.)га келтирган имонини Фиръавндан яшириб юрар эди (Мд. Хз.).

У Қоруннинг амакиваччаси, ота томонидан Фиръавнга қариндош, онаси эса яҳудий эди, деган ривоят ҳам бор (Лс.).

“Қасас” сураси, 20-оятда Мусо (а.с.)га келиб суиқасд тўғрисида огоҳлантирган ҳам шу киши эди.

وَلَقَدْ جَآءَكُمْ يُوسُفُ مِن قَبْلُ بِٱلْبَيِّنَٰتِ فَمَا زِلْتُمْ فِى شَكٍّ
مِّمَّا جَآءَكُم بِهِۦ ۖ حَتَّىٰٓ إِذَا هَلَكَ قُلْتُمْ لَن يَبْعَثَ ٱللَّهُ
مِنۢ بَعْدِهِۦ رَسُولًا ۚ كَذَٰلِكَ يُضِلُّ ٱللَّهُ مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ
مُّرْتَابٌ ﴿٣٤﴾ ٱلَّذِينَ يُجَٰدِلُونَ فِىٓ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَٰنٍ
أَتَىٰهُمْ ۖ كَبُرَ مَقْتًا عِندَ ٱللَّهِ وَعِندَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ۚ كَذَٰلِكَ
يَطْبَعُ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ قَلْبِ مُتَكَبِّرٍ جَبَّارٍ ﴿٣٥﴾ وَقَالَ فِرْعَوْنُ
يَٰهَٰمَٰنُ ٱبْنِ لِى صَرْحًا لَّعَلِّىٓ أَبْلُغُ ٱلْأَسْبَٰبَ ﴿٣٦﴾ أَسْبَٰبَ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ فَأَطَّلِعَ إِلَىٰٓ إِلَٰهِ مُوسَىٰ وَإِنِّى لَأَظُنُّهُۥ كَٰذِبًا ۚ
وَكَذَٰلِكَ زُيِّنَ لِفِرْعَوْنَ سُوٓءُ عَمَلِهِۦ وَصُدَّ عَنِ ٱلسَّبِيلِ ۚ
وَمَا كَيْدُ فِرْعَوْنَ إِلَّا فِى تَبَابٍ ﴿٣٧﴾ وَقَالَ ٱلَّذِىٓ
ءَامَنَ يَٰقَوْمِ ٱتَّبِعُونِ أَهْدِكُمْ سَبِيلَ ٱلرَّشَادِ ﴿٣٨﴾
يَٰقَوْمِ إِنَّمَا هَٰذِهِ ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا مَتَٰعٌ وَإِنَّ ٱلْءَاخِرَةَ هِىَ
دَارُ ٱلْقَرَارِ ﴿٣٩﴾ مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُجْزَىٰٓ إِلَّا مِثْلَهَا ۖ
وَمَنْ عَمِلَ صَٰلِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ
فَأُو۟لَٰٓئِكَ يَدْخُلُونَ ٱلْجَنَّةَ يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ ﴿٤٠﴾

34. Дарвоқе, илгари Юсуф* сизларга (ажлодларингизга) ҳужжатларни келтирганида ҳам, сизларга келтирган нарсаларга шак (ва шубҳа)да қаттиқ туриб олган эдингиз. Қачонки, у ҳалок бўлганида эса: «(Энди, Юсуфдан) сўнг Аллоҳ сира пайғамбар юбормас», – дедингиз. Ҳаддан ошувчи ва шак келтирувчи кимсаларни Аллоҳ мана шундай (тўғри) йўлдан оздириб қўйгай.

35. Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган (бирор) ҳужжатсиз тортишадиган кимсалар Аллоҳ наздида ҳам, имон келтирган зотлар наздида ҳам катта нафратга дучор бўлурлар. Аллоҳ ҳар бир мутакаббир ва зўравоннинг* қалбини мана шундай муҳрлаб қўйгай.

36. Фиръавн айтди: «Эй, Ҳомон! Мен учун бир (баланд) минора қургин, шоядки мен (унинг устига чиқиб) йўлларга етсам

37. осмонларнинг йўлларига*. (Зора) Мусонинг илоҳини кўрсам, дарҳақиқат, мен уни ёлғончи деб гумон қилмоқдаман». Фиръавнга ўзининг ёмон амали мана шундай чиройли кўрсатилди ва у (тўғри) йўлдан тўсилди. Фиръавннинг барча макри, албатта, ҳалокатдадир.

38. Имон келтирган киши деди: «Эй, қавмим! Менга эргашингиз! Мен сизларни тўғри йўлга етаклайман.

39. Эй, қавмим! Бу дунё ҳаёти фақат бир (арзимас) матоҳдир. Албатта, охиратгина (мангу) барқарорлик диёридир.

40. Кимки бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробаридагина жазо берилур. Эркакми, аёлми – кимки мўминлик ҳолида бирор яхшилик қилса, айнан ўшалар жаннатга дохил бўлурлар. У жойда уларга беҳисоб ризқ берилур.

34-оят. Юсуф (а.с.) давридаги Фиръавн билан Мусо (а.с.) давридаги Фиръавн бир, деган Ваҳб ибн Мунаббаҳнинг сўзи қолган ҳамма муфассирларнинг тафсирига зиддир (Лс.).

35-оят. Оятдаги “зўравон” сўзининг арабчаси “жаббор” шаклида келган. Бу сўз Аллоҳнинг гўзал исмлари таркибида бор ва у Ўзига хос маъно касб этади. Аммо у инсонга сифат шаклида қўлланилганда бошқачароқ маънони ифода этади. Масалан, Икрима ва Шаъбий (рҳ.)лардан ривоят қилинишига кўра, араблар “жаббор” сифатини энг камида иккита инсонни ноҳақ қатл этган кимсага қўллар эканлар (ИК).

37-оят. Фиръавннинг баланд минора қуришдан яна бошқа мақсади бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ундан расадхона сифатида фойдаланиб, юлдузларни кузатиш орқали ерда бўладиган ҳодисаларни аниқлаш, Мусо (а.с.)-ни ёлғончига чиқаришга бирор далил топиш каби мақсади ҳам бўлиши мумкин (Қз.).

“Осмонларнинг йўллари” – ҳар бир осмондан бошқасига ўтадиган эшиклар.

Фиръавн қурдирган минора тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун яна “Қасас” сураси, 38-оят тафсирига қаралсин.

۞ وَيَٰقَوۡمِ مَا لِيٓ أَدۡعُوكُمۡ إِلَى ٱلنَّجَوٰةِ وَتَدۡعُونَنِيٓ إِلَى
ٱلنَّارِ ٤١ تَدۡعُونَنِي لِأَكۡفُرَ بِٱللَّهِ وَأُشۡرِكَ بِهِۦ مَا لَيۡسَ
لِي بِهِۦ عِلۡمٞ وَأَنَا۠ أَدۡعُوكُمۡ إِلَى ٱلۡعَزِيزِ ٱلۡغَفَّٰرِ ٤٢ لَا جَرَمَ
أَنَّمَا تَدۡعُونَنِيٓ إِلَيۡهِ لَيۡسَ لَهُۥ دَعۡوَةٞ فِي ٱلدُّنۡيَا وَلَا فِي ٱلۡأٓخِرَةِ
وَأَنَّ مَرَدَّنَآ إِلَى ٱللَّهِ وَأَنَّ ٱلۡمُسۡرِفِينَ هُمۡ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِ
٤٣ فَسَتَذۡكُرُونَ مَآ أَقُولُ لَكُمۡۚ وَأُفَوِّضُ أَمۡرِيٓ إِلَى
ٱللَّهِۚ إِنَّ ٱللَّهَ بَصِيرُۢ بِٱلۡعِبَادِ ٤٤ فَوَقَىٰهُ ٱللَّهُ سَيِّـَٔاتِ
مَا مَكَرُواْۖ وَحَاقَ بِـَٔالِ فِرۡعَوۡنَ سُوٓءُ ٱلۡعَذَابِ ٤٥ ٱلنَّارُ
يُعۡرَضُونَ عَلَيۡهَا غُدُوّٗا وَعَشِيّٗاۚ وَيَوۡمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ أَدۡخِلُوٓاْ
ءَالَ فِرۡعَوۡنَ أَشَدَّ ٱلۡعَذَابِ ٤٦ وَإِذۡ يَتَحَآجُّونَ فِي
ٱلنَّارِ فَيَقُولُ ٱلضُّعَفَٰٓؤُاْ لِلَّذِينَ ٱسۡتَكۡبَرُوٓاْ إِنَّا كُنَّا
لَكُمۡ تَبَعٗا فَهَلۡ أَنتُم مُّغۡنُونَ عَنَّا نَصِيبٗا مِّنَ ٱلنَّارِ
٤٧ قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسۡتَكۡبَرُوٓاْ إِنَّا كُلّٞ فِيهَآ إِنَّ ٱللَّهَ
قَدۡ حَكَمَ بَيۡنَ ٱلۡعِبَادِ ٤٨ وَقَالَ ٱلَّذِينَ فِي ٱلنَّارِ لِخَزَنَةِ
جَهَنَّمَ ٱدۡعُواْ رَبَّكُمۡ يُخَفِّفۡ عَنَّا يَوۡمٗا مِّنَ ٱلۡعَذَابِ ٤٩

41. Эй, қавмим! Нега мен сизларни нажотга (жаннатга) чорласам, сизлар мени дўзахга чорламоқдасиз?!

42. Сизлар мени Аллоҳга кофир бўлишга ва ўзим билмайдиган нарсаларни Унга шерик қилишга чақирмоқдасиз. Мен эса, сизларни қудратли ва ўта мағфиратли зотга (имон келтиришга) чорламоқдаман.

43. Шубҳа йўқки, албатта, сизлар мени (ибодат қилишга) чақираётган нарсаларингиз на дунёда ва на охиратда (ҳеч кимни) даъват қила олмас. Албатта, (барчамизнинг) Аллоҳга қайтишимиз бордир. Дарҳақиқат, ҳаддан ошувчилар – ўшаларгина дўзах аҳлидирлар.

44. Ҳали мен сизларга айтаётган сўзларни эслайсизлар. Мен ўз ишимни Аллоҳга топшируман. Зеро, Аллоҳ бандаларини кўриб турувчидир».

45. Бас, Аллоҳ у (имон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрларидан сақлади ва Фиръавн зодагонларини ёмон азоб ўраб олди.

46. (У азоб қабрдаги бир) оловдирки, улар эртаю кеч унга тутиб турилурлар. Қиёмат қойим бўладиган кунда эса, (дўзах фаришталарига): «Фиръавн зодагонларини энг қаттиқ азобга киритингиз!» (дейилур)*.

47. Ўшанда улар дўзахда ўзаро тортишиб, заифлар мутакаббирларга (собиқ йўлбошчиларига): «Бизлар сизларга эргашган эдик, энди сизлар биздан дўзах (азоби)нинг бирор бўлагини даф қила олурмисиз?», – дерлар.

48. Мутакаббир кимсалар айтурлар: «Бизларнинг барчамиз, шубҳасиз, унда (дўзахда)дирмиз. Аллоҳ бандалари ўртасида ўз ҳукмини чиқариб бўлди».

49. (Шунда) дўзахдаги кимсалар жаҳаннам қўриқчиларига: «Парвардигорингизга дуо қилингиз, бизлардан бирор кун азобни енгиллатсин!», – деганларида,

46-оят. Ушбу оят қабр азобининг ҳақ эканига далолат қилади. Ҳадисда: “Ҳар бирингиз вафот этганингиздан кейин ҳар куни эртаю кеч жаннатдаги жойингиз, мабодо дўзах аҳли бўлсангиз, дўзахдаги жойингиз ўзингизга кўрсатиб турилади. Бу ҳолат қиёмат кунигача давом этади”, – дейилган (Бх. Мс.).

Ибн Масъуд (рз.) сўзига кўра, сувга ғарқ бўлиб ўлган Фиръавн зодагонларининг руҳлари махсус яратилган қандайдир қора қушларнинг қорнида сақланиб, қиёмат кунигача эртаю кеч дўзахга тўқнаштириб турилади (Бғ.).

Қабр азоби деганда, мурданинг албатта, қабрга дафн қилинган ёки жасаднинг бутун сақланган бўлиши шарт эмас. Зеро, Фиръавн ва унинг лашкари сувга ғарқ бўлган. Лекин руҳларининг азобда бўлиши оят ва ҳадисларда баён этилишига кўра, қабр азоби жасадга эмас, руҳга берилиши маълум бўлади.

50. улар айтурлар: «Ахир, сизларга пайғамбарларингиз ҳужжатларни келтирмаганмидилар?!» «Йўғ-е, (келтиргандилар, лекин уларни ёлғончи қилган эдик)» – дейдилар. (Шунда фаришталар уларга) айтурлар: «У ҳолда дуо қилаверингиз! (Лекин) кофирларнинг дуоси, албатта, зоедир».

51. Албатта, Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга дунё ҳаётида ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз*.

52. У кунда золимларга (кофирларга) узрлари фойда бермас. Уларга лаънат бўлур ва уларга энг ёмон жой (дўзах) бўлур.

53. Биз Мусога ҳидоят ато этдик ва Исроил авлодига мерос қилиб,

54. ақлли кишиларга ҳидоят ва эслатма бўлмиш Китоб (Таврот)ни бердик.

55. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сабр қилинг! Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир ва гуноҳингизга мағфират сўранг* ҳамда туну кун Раббингиз ҳамди билан тасбеҳ айтинг!

56. Албатта, Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирор ҳужжатсиз тортишадиган кимсалар, аниқки, уларнинг дилларида шундай кибр бордирки, улар ўшанга етувчи эмасдирлар. Бас, Сиз Аллоҳдан паноҳ сўранг!* Албатта, Унинг ўзигина эшитувчи ва кўриб турувчидир.

57. Албатта, осмонлар ва Ерни яратиш инсонларни яратишдан каттароқ (иш)дир. Лекин, кўп одамлар (буни) билмайдилар.

قَالُوٓاْ أَوَلَمۡ تَكُ تَأۡتِيكُمۡ رُسُلُكُم بِٱلۡبَيِّنَٰتِۖ قَالُواْ
بَلَىٰۚ قَالُواْ فَٱدۡعُواْۗ وَمَا دُعَٰٓؤُاْ ٱلۡكَٰفِرِينَ إِلَّا فِي ضَلَٰلٍ
٥٠ إِنَّا لَنَنصُرُ رُسُلَنَا وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ ٱلدُّنۡيَا
وَيَوۡمَ يَقُومُ ٱلۡأَشۡهَٰدُ ٥١ يَوۡمَ لَا يَنفَعُ ٱلظَّٰلِمِينَ مَعۡذِرَتُهُمۡۖ
وَلَهُمُ ٱللَّعۡنَةُ وَلَهُمۡ سُوٓءُ ٱلدَّارِ ٥٢ وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا مُوسَى
ٱلۡهُدَىٰ وَأَوۡرَثۡنَا بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱلۡكِتَٰبَ ٥٣ هُدٗى
وَذِكۡرَىٰ لِأُوْلِي ٱلۡأَلۡبَٰبِ ٥٤ فَٱصۡبِرۡ إِنَّ وَعۡدَ ٱللَّهِ
حَقّٞ وَٱسۡتَغۡفِرۡ لِذَنۢبِكَ وَسَبِّحۡ بِحَمۡدِ رَبِّكَ بِٱلۡعَشِيِّ
وَٱلۡإِبۡكَٰرِ ٥٥ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُجَٰدِلُونَ فِيٓ ءَايَٰتِ
ٱللَّهِ بِغَيۡرِ سُلۡطَٰنٍ أَتَىٰهُمۡ إِن فِي صُدُورِهِمۡ إِلَّا كِبۡرٞ
مَّا هُم بِبَٰلِغِيهِۚ فَٱسۡتَعِذۡ بِٱللَّهِۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ
ٱلۡبَصِيرُ ٥٦ لَخَلۡقُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ أَكۡبَرُ مِنۡ
خَلۡقِ ٱلنَّاسِ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ ٥٧
وَمَا يَسۡتَوِي ٱلۡأَعۡمَىٰ وَٱلۡبَصِيرُ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ
ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَلَا ٱلۡمُسِيٓءُۚ قَلِيلٗا مَّا تَتَذَكَّرُونَ ٥٨

58. Кўр билан кўрувчи ва имон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар билан ёмонлик қилувчи кимса баробар бўлмас. Эслатмани эса, камдан кам (қабул қилиб) олурсиз.

51-оят. Аллоҳнинг бу сўзидан пайғамбарлар ва мўминларга ҳамма вақт истисносиз ёрдам бериши чиқмайди, балки баъзи пайтларда синов учун ёрдамини солиҳ бандаларидан ҳам дариғ тутади (Мд.).

55-оят. Бу жумладан Расул (а.с.) ҳам гуноҳ иш қилган эканлар, деб тушунмаслик керак. Бу ерда ул зотдан содир бўлган айрим кичкина саҳву хатолар ёки мандуб ва мустаҳаб даражасидаги кичик амалларни тарк этганлари “гуноҳ” деб аталган бўлиши ёхуд ул зотга қаратилган буйруқ умматига ҳам тегишлидир, деб тафсир қилиниши мумкин (Лс. Мд.).

56-оят. Ушбу оят Дажжол тўғрисида турли-туман гапларни мунозара қилаётган бир гуруҳ яҳудийлар хусусида нозил қилинган, деган ривоят ҳам бор. Унга кўра, Расул (а.с.) Аллоҳга илтижо қилиб Дажжолнинг ёмонлигидан паноҳ тилашга буюрилган бўладилар (Лс.).

Қиёмат аломатларидан саналмиш Дажжол ҳақида Расул (а.с.) ўз ҳадисларида кўп огоҳлантирганлар.

Оятдаги яҳудийлар етиб бориши мумкин бўлмаган “кибр” (“катталик”) нима экани тўғрисида турли тафсирлар мавжуд. Шулардан бири Дажжол. Қолганлари Муҳаммад (а.с.)ни пайғамбар деб тан олмаган ҳар бир кофир, пайғамбарлик орзуси, Пайғамбарни қатл этиш ва бошқа қора ниятлар (Қр.).

إِنَّ ٱلسَّاعَةَ لَآتِيَةٌ لَّا رَيْبَ فِيهَا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ
لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٥٩﴾ وَقَالَ رَبُّكُمُ ٱدْعُونِيٓ أَسْتَجِبْ لَكُمْ
إِنَّ ٱلَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ
دَاخِرِينَ ﴿٦٠﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِي جَعَلَ لَكُمُ ٱلَّيْلَ لِتَسْكُنُوا۟
فِيهِ وَٱلنَّهَارَ مُبْصِرًا ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَذُو فَضْلٍ عَلَى ٱلنَّاسِ
وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٦١﴾ ذَٰلِكُمُ
ٱللَّهُ رَبُّكُمْ خَٰلِقُ كُلِّ شَيْءٍ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ
﴿٦٢﴾ كَذَٰلِكَ يُؤْفَكُ ٱلَّذِينَ كَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ يَجْحَدُونَ
﴿٦٣﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِي جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ قَرَارًا وَٱلسَّمَآءَ
بِنَآءً وَصَوَّرَكُمْ فَأَحْسَنَ صُوَرَكُمْ وَرَزَقَكُم مِّنَ
ٱلطَّيِّبَٰتِ ۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ ۖ فَتَبَارَكَ ٱللَّهُ رَبُّ
ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٤﴾ هُوَ ٱلْحَيُّ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ فَٱدْعُوهُ
مُخْلِصِينَ لَهُ ٱلدِّينَ ۗ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٥﴾ ۞ قُلْ
إِنِّي نُهِيتُ أَنْ أَعْبُدَ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ لَمَّا جَآءَنِيَ
ٱلْبَيِّنَٰتُ مِن رَّبِّي وَأُمِرْتُ أَنْ أُسْلِمَ لِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٦٦﴾

59. Албатта, қиёмат келувчидир, у ҳақда шубҳа йўқдир. Лекин кўп одамлар (унга) имон келтирмаслар (ишонмаслар).

60. Парвардигорингиз: «Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) мустажоб қилай!», – деди*. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар.

61. Аллоҳ сизларга ором олишингиз учун кечани ва (касб ва сайр қилишингиз учун) кундузни ёруғ қилиб яратган зотдир. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан фазл эгасидир. Лекин одамларнинг аксарияти шукр қилмайдилар.

62. Мана шу Аллоҳ – Парвардигорингиздир. (У) барча нарсанинг яратувчисидир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, (тўғри йўлдан) қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?!

63. Аллоҳнинг оятларини инкор этувчи кимсалар мана шундай бурилиб кетурлар.

64. Аллоҳ сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйган ва сизларга сурат-(шакл) бериб, суратларингизни гўзал қилган ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирган зотдир*. Мана шу Аллоҳ – Парвардигорингиздир. Бас, (барча) оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ баракот соҳибидир.

65. У тирикдир*. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, (эй, мўминлар!) Сизлар Унга динни холис қилган ҳолингизда дуо (ибодат) қилингиз! Ҳамд (барча) оламларнинг Рабби Аллоҳга (хос)дир.

66. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Мен ўзимга Раббим (томони)дан ҳужжатлар келиши биланоқ сизлар Аллоҳни қўйиб сиғинаётган нарсаларингизга ибодат қилишдан ман этилганман* ва (барча) оламларнинг Раббига бўйин сунишга буюрилганман.

60-оят. Оятдаги "дуо" сўзи "ибодат" маъносида ҳам келади. Бу ерда ҳам у "илтижо", "тавҳид" ва "ибодат" каби маъноларни ифода этиши айтилган. Ҳадисда: "Дуо – бу, айни ибодат", – дейилган (Тр. Мж. Мд.).

64-оят. Ибн Аббос (рз.) айтади: "Аллоҳ таоло инсонни тик юрадиган ва таомни қўли билан олиб ейдиган қилиб яратди. Бошқа ҳайвонлар эса, бевосита оғзи билан ейди". Дарҳақиқат, мабодо инсонни ҳам тўрт оёқлаб юрадиган, таомни оғзи билан олиб ейдиган қилиб яратганида қандай хунук бўлишини тасаввур қилинг! Яна Аллоҳ таоло инсонга ризқ қилиб покиза, ҳалол ва лаззатли нарсаларни тановул этадиган қилиб яратган. Чорва моллари ва бошқа жонзотларнинг озуқасидан инсоннинг ризқи-рўзи кўп жиҳатлардан фарқ қилиши маълум.

65-оят. Унинг тириклиги руҳ ёки жон билан эмас, балки Ўзига хос сифат биландир (Ақ.).

66-оят. Яъни "пайғамбар бўлишимдан олдин ҳам сизларнинг маъбудаларингизга сиғинмаганман, бундан кейин ҳам уларга сиғинмайман", – деб айтинг.

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ
يُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوٓا۟ أَشُدَّكُمْ ثُمَّ لِتَكُونُوا۟
شُيُوخًا ۚ وَمِنكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ مِن قَبْلُ ۖ وَلِتَبْلُغُوٓا۟ أَجَلًا مُّسَمًّى
وَلَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾ هُوَ ٱلَّذِى يُحْىِۦ وَيُمِيتُ ۖ فَإِذَا
قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٦٨﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ
يُجَٰدِلُونَ فِىٓ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ أَنَّىٰ يُصْرَفُونَ ﴿٦٩﴾ ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟
بِٱلْكِتَٰبِ وَبِمَآ أَرْسَلْنَا بِهِۦ رُسُلَنَا ۖ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ
﴿٧٠﴾ إِذِ ٱلْأَغْلَٰلُ فِىٓ أَعْنَٰقِهِمْ وَٱلسَّلَٰسِلُ يُسْحَبُونَ ﴿٧١﴾
فِى ٱلْحَمِيمِ ثُمَّ فِى ٱلنَّارِ يُسْجَرُونَ ﴿٧٢﴾ ثُمَّ قِيلَ لَهُمْ أَيْنَ
مَا كُنتُمْ تُشْرِكُونَ ﴿٧٣﴾ مِن دُونِ ٱللَّهِ ۖ قَالُوا۟ ضَلُّوا۟ عَنَّا بَل لَّمْ
نَكُن نَّدْعُوا۟ مِن قَبْلُ شَيْـًٔا ۚ كَذَٰلِكَ يُضِلُّ ٱللَّهُ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٧٤﴾
ذَٰلِكُم بِمَا كُنتُمْ تَفْرَحُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ
تَمْرَحُونَ ﴿٧٥﴾ ٱدْخُلُوٓا۟ أَبْوَٰبَ جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۖ فَبِئْسَ
مَثْوَى ٱلْمُتَكَبِّرِينَ ﴿٧٦﴾ فَٱصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ ۚ فَإِمَّا
نُرِيَنَّكَ بَعْضَ ٱلَّذِى نَعِدُهُمْ أَوْ نَتَوَفَّيَنَّكَ فَإِلَيْنَا يُرْجَعُونَ ﴿٧٧﴾

67. У сизларни (Одамни) тупроқдан, сўнгра (авлодларини) нутфадан, сўнгра лахта қондан яратган зотдир. Сўнгра У сизларни (она қорнидан) чақалоқ ҳолингизда (дунёга) чиқарур. Сўнгра (У) сизларни вояга етишингизга, сўнгра қаришингизга (имкон берур). Сизларнинг орангизда (балоғат ёки кексалик ёшидан) илгари вафот топадиган кишилар ҳам бўлур. (У) сизларни белгиланган ажалга етишингизга (қўйиб берур). Шоядки, (бу тўғрида) ақл юргизсангиз.

68. У тирилтирадиган ва ўлдирадиган зотдир. Бас, қачон бирор ишни ҳукм қилса, унга фақат: «Бўл!» – деса бас, у (иш) бўлур.

69. Аллоҳнинг оятлари ҳақида тортишадиган кимсаларни кўрмадингизми? Қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!*

70. Китоб (Қуръон)ни ва Биз пайғамбарларимиз билан юборган нарсаларни (Китобларни) ёлғон деган кимсалар яқинда (қиёмат Кунида) билажаклар.

71. Ўшанда улар бўйинларида кишан ва занжирлар билан судралурлар

72. қайноқ сув ичига. Сўнгра оловда куйдирилурлар.

73. Сўнгра уларга айтилур: «Сизлар ширк келтириб ўтган нарсаларингиз қани,

74. Аллоҳни қўйиб?» Улар: «У (бут)лар биз(нинг кўзимиз)дан ғойиб бўлиб қолишди. Йўқ-йўқ, бизлар илгари (дунёда) ҳеч нарсага дуо (ибодат) қилган эмасмиз», – дейдилар. Аллоҳ кофирларни шу тарзда йўлдан оздирур.

75. Мана шу азобга (йўлиқишларингиз)га сабаб – сизлар ерда ноҳақ шоду хуррам ва кибрҳаволи бўлганингиздир.

76. Жаҳаннам даврозаларидан у жойда мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кирингиз! Бас, мутакаббир бўлганларнинг жойи нақадар ёмондир!

77. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сабр қилинг! Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, агар Биз Сизга ўша (кофирлар)га ваъда қилаётган (азоб)дан айримларини кўрсатсак* ёки Сизни (азоб тушишидан олдин) вафот эттирсак ҳам, бас, (улар) фақат Ўзимизга қайтарилурлар.

69-оят. Яъни Аллоҳ таоло Муҳаммад (а.с.)га айтадики, қандай ҳам таажжубда бўлмайсиз, ваҳоланки, Аллоҳнинг оятларини инкор этаётган, ҳақ билан ботил тўғрисида беҳуда баҳс юритаётган бу кофирларнинг ақллари ҳидоят томонидан залолат томонига бурилиб кетмоқда (ИК).

77-оят. Бу оятдан маълум бўладики, Расул (а.с.)нинг тирик вақтларида ул зотга итоат қилиш ўрнига озор берган айрим кофирларга бериладиган жазони Муҳаммад (а.с.) ҳаётлик пайтларида турли жангларда қатл этиш ёки асирга олиш билан ижро этилишини кўриб дунёдан ўтадилар ва бу жазо вафотларидан кейин ҳам давом этади. Охиратдаги жазо эса, янада қаттиқроқдир.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِنْهُم مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ
وَمِنْهُم مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ ۗ وَمَا كَانَ لِرَسُولٍ أَن يَأْتِيَ
بِآيَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ ۚ فَإِذَا جَاءَ أَمْرُ اللَّهِ قُضِيَ بِالْحَقِّ وَخَسِرَ
هُنَالِكَ الْمُبْطِلُونَ ﴿٧٨﴾ اللَّهُ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَنْعَامَ
لِتَرْكَبُوا مِنْهَا وَمِنْهَا تَأْكُلُونَ ﴿٧٩﴾ وَلَكُمْ فِيهَا
مَنَافِعُ وَلِتَبْلُغُوا عَلَيْهَا حَاجَةً فِي صُدُورِكُمْ وَعَلَيْهَا وَعَلَى
الْفُلْكِ تُحْمَلُونَ ﴿٨٠﴾ وَيُرِيكُمْ آيَاتِهِ فَأَيَّ آيَاتِ
اللَّهِ تُنكِرُونَ ﴿٨١﴾ أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنظُرُوا كَيْفَ
كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْهُمْ وَأَشَدَّ
قُوَّةً وَآثَارًا فِي الْأَرْضِ فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُم مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ
﴿٨٢﴾ فَلَمَّا جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَرِحُوا بِمَا عِندَهُم
مِّنَ الْعِلْمِ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٨٣﴾ فَلَمَّا
رَأَوْا بَأْسَنَا قَالُوا آمَنَّا بِاللَّهِ وَحْدَهُ وَكَفَرْنَا بِمَا كُنَّا بِهِ
مُشْرِكِينَ ﴿٨٤﴾ فَلَمْ يَكُ يَنفَعُهُمْ إِيمَانُهُمْ لَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا ۖ سُنَّتَ
اللَّهِ الَّتِي قَدْ خَلَتْ فِي عِبَادِهِ ۖ وَخَسِرَ هُنَالِكَ الْكَافِرُونَ ﴿٨٥﴾

78. Биз Сиздан олдин (кўп) пайғамбарларни юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бор, яна улардан Биз Сизга қиссасини айтмаганимиз ҳам бордир*. Бирор пайғамбарга Аллоҳнинг изнисиз бирор мўъжиза келтириш жоиз эмас. Бас, қачонки, Аллоҳнинг амри келгач, ҳаққоний ҳукм қилинур ва ўшанда бузғунчилар зиён кўргайлар.

79. Аллоҳ сизлар учун ҳайвонлардан баъзиларини минишларингиз учун ва баъзиларини ейишларингиз учун пайдо қилди.

80. Сизларга улардан (кўп) фойдалар бордир. (У ҳайвонлар) сизлар уларнинг устида дилларингиздаги ҳожатларингизга етишларингиз учун ҳам (яратилгандирлар). Сизларни (қуруқликда) ўша (ҳайвон)лар устида ва (денгизларда) эса кемаларда элтиб қўйилур.

81. (Аллоҳ) сизларга Ўз аломатларини кўрсатур. Бас, сизлар Аллоҳнинг қайси аломатларини инкор қилурсиз?!

82. Ахир, улар ер юзида сайр қилишиб, ўзларидан аввалгиларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?! Улар кўпроқ ҳамда куч-қувват ва ердаги осори атиқалари жиҳатидан улардан зўррок эдилар. (Аммо) уларга орттирган нарсалари асқотгани йўқ.

83. Чунки уларга пайғамбарлари ҳужжатларни келтирганларида улар ўзларининг олдиларидаги (дунёвий) билимлари билан шодландилар*. Уларни ўзлари (йўқ нарса деб) масхара қилиб юрган (азоб) ўраб олди.

84. Бас, қачонки, улар Бизнинг азобимизни кўришгач: «Якка Аллоҳга имон келтирдик ва (илгари Аллоҳга) шерик қилиб олган нарса (бут)ларимизга кофир бўлдик», – дедилар.

85. (Лекин) Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги имонлари уларга фойда берувчи бўлмади. (Бу) Аллоҳнинг (барча) бандалари ҳақида (жорий қилган) йўлидир*. Ўшанда (имонлари қабул бўлмагач) кофирлар зиён кўрдилар.

78-оят. Қуръони каримда 25 та пайғамбарнинг номи аниқ ва равшан зикр этилган. Ҳаммаси бўлиб неча пайғамбар юборилгани тўғрисида турли ривоятлар бор. Анас (рз.) сўзига кўра, тўрт мингта Исроил (Яъқуб) авлодидан, қолган тўрт минги бошқа сулолалардандир. Бошқа ривоятда 124 минг пайғамбар юборилган, дейилади. Али (рз.) сўзига кўра, ҳабаш миллатидан ҳам бир пайғамбар чиққан. Лекин у Қуръонда зикр этилмаган (Тб. Мд. АС.).

Ақоидга доир китобларда пайғамбарлар адади ҳақида қатъий бир рақам тайин этилмагани яхши, дейилган. Зеро, Аллоҳ ўз Пайғамбаридан ҳам уни сир тутгани оятдан зоҳир бўлиб турибди (Ақ.).

83-оят. Дунёвий илм ва фанлар бўйича машҳур бўлган кўп файласуфлар ўтмишда диний ва ухровий илмларни қадрламаган ва уларни умуман илмлар қаторига қўшмаган (Мд.).

85-оят. Ақоид бўйича жон бериш олдидан келтирилган имон ҳам қабул бўлмайди (Ақ.).

Фуссилат сураси

Маккада нозил қилинган. 54 оят.

سُورَةُ فُصِّلَتْ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلٌ مِّنَ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ ﴿٢﴾ كِتَٰبٌ فُصِّلَتْ
ءَايَٰتُهُۥ قُرْءَانًا عَرَبِيًّا لِّقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ بَشِيرًا وَنَذِيرًا فَأَعْرَضَ
أَكْثَرُهُمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٤﴾ وَقَالُوا۟ قُلُوبُنَا فِىٓ أَكِنَّةٍ
مِّمَّا تَدْعُونَآ إِلَيْهِ وَفِىٓ ءَاذَانِنَا وَقْرٌ وَمِنۢ بَيْنِنَا وَبَيْنِكَ حِجَابٌ
فَٱعْمَلْ إِنَّنَا عَٰمِلُونَ ﴿٥﴾ قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰٓ إِلَىَّ
أَنَّمَآ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ فَٱسْتَقِيمُوٓا۟ إِلَيْهِ وَٱسْتَغْفِرُوهُ ۗ وَوَيْلٌ
لِّلْمُشْرِكِينَ ﴿٦﴾ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ ٱلزَّكَوٰةَ وَهُم بِٱلْءَاخِرَةِ
هُمْ كَٰفِرُونَ ﴿٧﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُمْ
أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٨﴾ ۞ قُلْ أَئِنَّكُمْ لَتَكْفُرُونَ بِٱلَّذِى خَلَقَ
ٱلْأَرْضَ فِى يَوْمَيْنِ وَتَجْعَلُونَ لَهُۥٓ أَندَادًا ۚ ذَٰلِكَ رَبُّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٩﴾
وَجَعَلَ فِيهَا رَوَٰسِىَ مِن فَوْقِهَا وَبَٰرَكَ فِيهَا وَقَدَّرَ فِيهَآ أَقْوَٰتَهَا فِىٓ
أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَآءً لِّلسَّآئِلِينَ ﴿١٠﴾ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰٓ إِلَى ٱلسَّمَآءِ وَهِىَ دُخَانٌ
فَقَالَ لَهَا وَلِلْأَرْضِ ٱئْتِيَا طَوْعًا أَوْ كَرْهًا قَالَتَآ أَتَيْنَا طَآئِعِينَ ﴿١١﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. (Ушбу Қуръон) меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ томонидан нозил қилингандир.

3. У биладиган кишилар учун арабий Қуръон ҳолида (нозил қилиниб), оятлари муфассал баён қилинган Китобдир.

4. (У) хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчидир. Бас, (кофирларнинг) кўплари ундан юз ўгирдилар. Демак, улар «эшитмаслар».

5. Улар дедилар: «Дилларимиз сен бизларни даъват қилаётган нарсадан тўсилган, қулоқларимизда эса оғирлик (карлик) бордир ва сен билан бизларнинг ўртамизда (бир) парда бордир. Бас, Сен ҳам (ўз) амалингни қилавер, бизлар ҳам, албатта, амал қилувчидирмиз».

6. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Ҳақиқатан, мен ҳам худди сизлар каби бир башардирман. Менга «Илоҳингиз – ёлғиз Аллоҳ» деб ваҳий қилинмоқда. Бас, сизлар Унинг Ўзига тўғри (тоат-ибодатда) бўлингиз ва Ундан мағфират сўрангиз! Мушрикларнинг ҳолига вой!»

7. (Улар) закот бермайдиган ва ўзлари охиратга ишонмайдиган кимсалардир.

8. Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун (охиратда) битмас-туганмас мукофот бордир.

9. Айтинг: «Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган зотга кофир бўлурмисиз ва ўзгаларни Унга тенглаштирурмисиз?! Ана Ўша (барча) оламларнинг Парвардигори-ку?!

10. У (Ернинг) устида тўла тўрт кунда тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини белгилади (тақсимлади). (Бу тафсилот Еру осмонлар ҳақида) сўровчиларга мосдир*.

11. Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этиб, унга ва Ерга: «(Фармонимга) ихтиёрий ёки мажбурий ҳолда келингиз!» – деган эди, улар: «Ўз ихтиёримиз билан келдик», – дедилар.

---

41. ФУССИЛАТ СУРАСИ
"Фуссилат" сўзи суранинг 3-оятидан олинган бўлиб, муфассал баён қилинди, деган маънони англатади.

Сурада дунё ҳаётининг фонийлиги, охиратдаги абадий ҳаёт учун эзгу амаллар қилиш билан унга тайёргарлик кўришнинг муҳимлиги, инсоннинг аъзолари қилган қилмишларини сўйлаб бериб, гувоҳлик бериши каби эслатма ва насиҳатлар бор.

10-оят. Ҳадисга кўра, Аллоҳ таоло Ерни якшанба ва душанба кунлари яратган. Тоғларни сешанба куни, дарахтлар, сув, обод ва хароб ерларни чоршанба куни яратган. Шу билан тўрт кун ўтган. Пайшанба куни осмонларни, жума куни эса юлдузлар, қуёш, ой, фаришталар ва куннинг охирида Одам (а.с.)ни яратган. У чарчамаган, дам олмаган (Мд.).

فَقَضَىٰهُنَّ سَبْعَ سَمَٰوَاتٍ فِي يَوْمَيْنِ وَأَوْحَىٰ فِي كُلِّ سَمَآءٍ أَمْرَهَاۚ
وَزَيَّنَّا ٱلسَّمَآءَ ٱلدُّنْيَا بِمَصَٰبِيحَ وَحِفْظًاۚ ذَٰلِكَ تَقْدِيرُ ٱلْعَزِيزِ
ٱلْعَلِيمِ ﴿١٢﴾ فَإِنْ أَعْرَضُوا۟ فَقُلْ أَنذَرْتُكُمْ صَٰعِقَةً مِّثْلَ صَٰعِقَةِ
عَادٍ وَثَمُودَ ﴿١٣﴾ إِذْ جَآءَتْهُمُ ٱلرُّسُلُ مِنۢ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ
خَلْفِهِمْ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّا ٱللَّهَۖ قَالُوا۟ لَوْ شَآءَ رَبُّنَا لَأَنزَلَ مَلَٰٓئِكَةً
فَإِنَّا بِمَآ أُرْسِلْتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ﴿١٤﴾ فَأَمَّا عَادٌ فَٱسْتَكْبَرُوا۟ فِي
ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَقَالُوا۟ مَنْ أَشَدُّ مِنَّا قُوَّةًۖ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ
ٱلَّذِي خَلَقَهُمْ هُوَ أَشَدُّ مِنْهُمْ قُوَّةًۖ وَكَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا يَجْحَدُونَ
﴿١٥﴾ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا صَرْصَرًا فِيٓ أَيَّامٍ نَّحِسَاتٍ لِّنُذِيقَهُمْ
عَذَابَ ٱلْخِزْيِ فِي ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَاۖ وَلَعَذَابُ ٱلْءَاخِرَةِ أَخْزَىٰۖ وَهُمْ
لَا يُنصَرُونَ ﴿١٦﴾ وَأَمَّا ثَمُودُ فَهَدَيْنَٰهُمْ فَٱسْتَحَبُّوا۟ ٱلْعَمَىٰ عَلَى
ٱلْهُدَىٰ فَأَخَذَتْهُمْ صَٰعِقَةُ ٱلْعَذَابِ ٱلْهُونِ بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ
﴿١٧﴾ وَنَجَّيْنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَكَانُوا۟ يَتَّقُونَ ﴿١٨﴾ وَيَوْمَ يُحْشَرُ
أَعْدَآءُ ٱللَّهِ إِلَى ٱلنَّارِ فَهُمْ يُوزَعُونَ ﴿١٩﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا مَا جَآءُوهَا شَهِدَ
عَلَيْهِمْ سَمْعُهُمْ وَأَبْصَٰرُهُمْ وَجُلُودُهُم بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢٠﴾

12. Бас, икки кунда етти осмонни барпо қилди* ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) ишни (вазифаси)ни ваҳий қилди. Биз қуйи (Ерга яқин) осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва (уни офатлардан) сақладик. Бу қудратли ва билимли зотнинг тақдири (ўлчови)дир.

13. Бас, агар улар (Макка мушриклари) юз ўгирсалар, у ҳолда айтинг: «Мен сизларни худди Од ва Самуд (қабилаларини урган) чақмоққа ўхшаган бир чақмоқ (ҳалокат)дан огоҳлантирдим».

14. Ўшанда пайғамбарлари уларнинг олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам келишиб: «Фақат Аллоҳгагина ибодат қилингиз!» (деганларида), улар: «Агар Раббимиз (пайғамбар юборишни) хоҳлаганида, албатта, фаришталарни нозил қилган бўлур эди. Бас, (сизлар одамзот экансиз) сизлар элчи қилиб юборилган нарсага (динга) биз кофирдирмиз», – дедилар.

15. Бас, Од (қабиласи) ерда ноҳақ кибрландилар ва «Куч-қувватда бизлардан ким зўрроқ?», – дедилар. Ахир, улар ўзларини яратган Аллоҳ куч-қувватда улардан зўррок эканини билмадиларми?! Улар Бизнинг оятларимизни инкор этувчи бўлдилар.

16. Бас, уларга (мана шу) дунё ҳаётида хор қилувчи азобни тоттириб қўйиш учун наҳс кунларда* устиларига бир даҳшатли бўрон юбордик. Охират азоби эса, шубҳасиз, янада хор қилувчироқдир ва уларга ёрдам берилмас ҳам.

17. Самуд (қабиласи) эса, бас, уларни (тўғри йўлга) ҳидоят қилган эдик, улар ҳидоятни қўйиб, кўрликни (залолатни) ихтиёр қилдилар. Бас, ўз қилмишлари сабабли уларни хор этувчи азоб чақмоғи урди.

18. Имон келтирган ва тақволи бўлган зотларга нажот бердик.

19. Аллоҳнинг душманлари (ширк ва куфр аҳли) дўзахга (ҳайдалиш учун) тўпланиб, тизилиб турадиган кунни (қиёматни эсланг).

20. Бас, қачонки, улар (дўзахга) келишгач, уларнинг қулоқлари, кўзлари ва терилари улар қилиб ўтган нарса (иш)лари ҳақида ўзларига қарши гувоҳлик берур.

12-оят. Ушбу тўрт оят мазмунига кўра, Ер биринчи, осмонлар иккинчи навбатда яратилгани маълум бўлади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин “Нозиот” сурасининг 30-оятида гўё осмонларни яратгандан кейин Ерни яратгандек маъно чиқади. Аслида ундай эмас, балки Ерни ва ундаги нарсаларни биринчи навбатда тўрт кунда яратган, лекин ёйиб, текислаб муаяйн шаклга келтирмаган. Пайшанба ва жума кунлари осмонлар, қуёш, ой, фаришталар ва Одамни яратиб бўлгач, Ерни туякуш тухуми шаклида ёйиб, текислаб қўйган (Тб. Мд. ИК).

16-оят. Наҳс кунлар – Шаввол ойи охирининг чоршанба кунидан келаси чоршанба кунигача. Шу бир ҳафта мобайнида бўрон бўлган. Яъни етти кеча ва саккиз кун ичида қавм ҳалок қилинган.

وَقَالُوا۟ لِجُلُودِهِمْ لِمَ شَهِدتُّمْ عَلَيْنَا ۖ قَالُوٓا۟ أَنطَقَنَا ٱللَّهُ ٱلَّذِىٓ
أَنطَقَ كُلَّ شَىْءٍ وَهُوَ خَلَقَكُمْ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢١﴾
وَمَا كُنتُمْ تَسْتَتِرُونَ أَن يَشْهَدَ عَلَيْكُمْ سَمْعُكُمْ وَلَآ أَبْصَٰرُكُمْ
وَلَا جُلُودُكُمْ وَلَٰكِن ظَنَنتُمْ أَنَّ ٱللَّهَ لَا يَعْلَمُ كَثِيرًا مِّمَّا تَعْمَلُونَ
﴿٢٢﴾ وَذَٰلِكُمْ ظَنُّكُمُ ٱلَّذِى ظَنَنتُم بِرَبِّكُمْ أَرْدَىٰكُمْ فَأَصْبَحْتُم
مِّنَ ٱلْخَٰسِرِينَ ﴿٢٣﴾ فَإِن يَصْبِرُوا۟ فَٱلنَّارُ مَثْوًى لَّهُمْ ۖ وَإِن
يَسْتَعْتِبُوا۟ فَمَا هُم مِّنَ ٱلْمُعْتَبِينَ ﴿٢٤﴾ ۞ وَقَيَّضْنَا لَهُمْ
قُرَنَآءَ فَزَيَّنُوا۟ لَهُم مَّا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَحَقَّ عَلَيْهِمُ
ٱلْقَوْلُ فِىٓ أُمَمٍ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِم مِّنَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ ۖ إِنَّهُمْ
كَانُوا۟ خَٰسِرِينَ ﴿٢٥﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَا تَسْمَعُوا۟ لِهَٰذَا ٱلْقُرْءَانِ
وَٱلْغَوْا۟ فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَغْلِبُونَ ﴿٢٦﴾ فَلَنُذِيقَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ عَذَابًا
شَدِيدًا وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَسْوَأَ ٱلَّذِى كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٢٧﴾ ذَٰلِكَ جَزَآءُ
أَعْدَآءِ ٱللَّهِ ٱلنَّارُ ۖ لَهُمْ فِيهَا دَارُ ٱلْخُلْدِ ۖ جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا يَجْحَدُونَ
﴿٢٨﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ رَبَّنَآ أَرِنَا ٱلَّذَيْنِ أَضَلَّانَا مِنَ ٱلْجِنِّ
وَٱلْإِنسِ نَجْعَلْهُمَا تَحْتَ أَقْدَامِنَا لِيَكُونَا مِنَ ٱلْأَسْفَلِينَ ﴿٢٩﴾

21. Улар териларига (баданларига): «Нима учун бизга қарши гувоҳлик бердингиз?», – дейишганида, (терилари): «Бизларни, барча нарсани сўзлатган зот – Аллоҳ сўзлатди*. Сизларни илк бор У яратган ва сизлар яна Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз», – дейдилар.

22. Сизлар (дунёда гуноҳ ишларда) қулоқларингиз, кўзларингиз ва териларингиз сизларга гувоҳ бўлишидан яширинмас эдингиз. Лекин сизлар қилаётган амалларингиздан кўпини Аллоҳ билмайди, деб ўйладингиз.

23. Раббингиз ҳақида ўйлаган мана шу гумонингиз сизларни ҳалок қилди. Бас, сизлар зиён кўрувчиларга айланиб қолдингиз.

24. Энди, агар улар (азобга) чидасалар, ана ўша дўзах жойларидир. Агар ортга қайтишни талаб қилсалар, энди улар қайтарилувчилардан эмаслар.

25. Биз улар учун (йўлдан оздирадиган) «дўстлар» тайёрлаб қўйдик, бас, ўшалар уларга олдиларидаги ва орқаларидаги (гуноҳларини) чиройли кўрсатдилар ва уларга ҳам, ўзларидан аввал ўтиб ҳалок бўлган инсу жиндан иборат умматлар каторида, (азоб ҳақидаги) лафз муқаррар бўлди. Ҳақиқатан, улар зиён кўрган бўлдилар.

26. Кофир бўлган кимсалар (бир-бирларига: «Муҳаммад тиловат қилаётган вақтда) сизлар бу Қуръонга қулоқ солмангиз ва (уни чалғитиш учун) жаврайверингиз! (Шунда) зора ғолиб бўлсангиз», – дедилар.

27. Бас, албатта, (ўша) кофир бўлган кимсаларга қаттиқ азобни тоттирурмиз ва уларни ўз қилмишлари учун (охиратда) энг ёмон жазо билан жазолаймиз.

28. Бу (азоб) Аллоҳ душманларининг жазоси бўлмиш дўзахдир. Улар учун оятларимизни инкор қилувчи бўлганлари сабабли ўша жойда мангу қолиш бордир.

29. Кофир бўлган кимсалар дейдилар: «Парвардигоро, бизларни (Тўғри йўлингдан) оздирган инсу жиндан бўлмиш икки кимсани бизларга кўрсатгин*, уларни оёқости қилайлик, токи улар (дўзахнинг қаъридаги) энг тубан (хор) кимсалардан бўлсинлар!»

21-оят. Ибн Аббос (рз.) сўзига кўра, қиёмат куни дўзах аҳлига ҳукм қилингач, ўзларининг дунёда қилган барча куфр ва гуноҳ ишларидан қасам билан тониб, бўйинларига олмас эканлар. Шунда Аллоҳ таоло уларнинг оғизларини муҳрлаб қўйиб, танасининг барча аъзоларига гапириш қобилиятини бериб, уларнинг гувоҳлиги билан жазо муқаррар бўлар экан (ИК).

29-оят. Йўлдан оздирган икки кимса – иблис билан ўз укасини ўлдирган Қобил, деб тафсир қилинган. Али (рз.)дан ривоят қилинишига кўра, Иблис одамларни ширк келтиришга буюрса, Қобил қатл каби кабира гуноҳларни қилишга буюради. Ҳадисда: “Кимки ноҳақ қатл қилинган бўлса, унинг хунидан бир ҳиссаси қотилликни бошлаб берган Қобилга ёзилади” дейилган (ИК).

إِنَّ ٱلَّذِينَ قَالُواْ رَبُّنَا ٱللَّهُ ثُمَّ ٱسۡتَقَٰمُواْ تَتَنَزَّلُ عَلَيۡهِمُ
ٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ أَلَّا تَخَافُواْ وَلَا تَحۡزَنُواْ وَأَبۡشِرُواْ بِٱلۡجَنَّةِ
ٱلَّتِي كُنتُمۡ تُوعَدُونَ ﴿٣٠﴾ نَحۡنُ أَوۡلِيَآؤُكُمۡ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَا وَفِي ٱلۡأٓخِرَةِۖ وَلَكُمۡ فِيهَا مَا تَشۡتَهِيٓ أَنفُسُكُمۡ
وَلَكُمۡ فِيهَا مَا تَدَّعُونَ ﴿٣١﴾ نُزُلٗا مِّنۡ غَفُورٖ رَّحِيمٖ ﴿٣٢﴾
وَمَنۡ أَحۡسَنُ قَوۡلٗا مِّمَّن دَعَآ إِلَى ٱللَّهِ وَعَمِلَ صَٰلِحٗا وَقَالَ
إِنَّنِي مِنَ ٱلۡمُسۡلِمِينَ ﴿٣٣﴾ وَلَا تَسۡتَوِي ٱلۡحَسَنَةُ وَلَا ٱلسَّيِّئَةُۚ
ٱدۡفَعۡ بِٱلَّتِي هِيَ أَحۡسَنُ فَإِذَا ٱلَّذِي بَيۡنَكَ وَبَيۡنَهُۥ عَدَٰوَةٞ كَأَنَّهُۥ
وَلِيٌّ حَمِيمٞ ﴿٣٤﴾ وَمَا يُلَقَّىٰهَآ إِلَّا ٱلَّذِينَ صَبَرُواْ وَمَا يُلَقَّىٰهَآ
إِلَّا ذُو حَظٍّ عَظِيمٖ ﴿٣٥﴾ وَإِمَّا يَنزَغَنَّكَ مِنَ ٱلشَّيۡطَٰنِ نَزۡغٞ
فَٱسۡتَعِذۡ بِٱللَّهِۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلۡعَلِيمُ ﴿٣٦﴾ وَمِنۡ ءَايَٰتِهِ
ٱلَّيۡلُ وَٱلنَّهَارُ وَٱلشَّمۡسُ وَٱلۡقَمَرُۚ لَا تَسۡجُدُواْ لِلشَّمۡسِ
وَلَا لِلۡقَمَرِ وَٱسۡجُدُواْۤ لِلَّهِ ٱلَّذِي خَلَقَهُنَّ إِن كُنتُمۡ
إِيَّاهُ تَعۡبُدُونَ ﴿٣٧﴾ فَإِنِ ٱسۡتَكۡبَرُواْ فَٱلَّذِينَ عِندَ
رَبِّكَ يُسَبِّحُونَ لَهُۥ بِٱلَّيۡلِ وَٱلنَّهَارِ وَهُمۡ لَا يَسۡـَٔمُونَ۩ ﴿٣٨﴾

30. Албатта: «Раббимиз – Аллоҳ», – деб сўнгра тўғри бўлган зотлар* ҳузурига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): «Қўрқмангиз ва ғамгин ҳам бўлмангиз! Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланингиз!

31. Дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам биз сизларнинг дўстларингиздирмиз. Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсалар ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз муҳайёдир*.

32. (Бу) мағфиратли ва меҳрибон зот (томони)дан бўлмиш зиёфатдир».

33. Аллоҳ (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солиҳ амал қилиб, «Мен мусулмонлардандирман», – деган кишидан кўра ким чиройлироқ сўзловчидир?!

34. Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур.

35. Унга фақат сабрли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур.

36. Агар Сизни шайтон томонидан васваса тутмоқчи бўлса, у ҳолда Аллоҳдан паноҳ сўранг! Зеро, У эшитувчи ва билувчи зотдир.

37. Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг аломатларидандир. Агар сизлар (Аллоҳга) ибодат қилувчи бўлсангиз, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилмангиз, (балки) уларни яратган зот – Аллоҳга сажда қилингиз!*

38. Бас, агар (сажда қилишдан) кибрлансалар, бас, (билингки) Раббингиз ҳузуридаги зотлар (фаришталар) кеча ва кундуз (ҳеч) малолланмасдан Унга тасбеҳ айтурлар (сажда қилурлар)*.

30-оят. “Тўғри бўлган зотлар” қандай кишилар экани тўғрисида турли хил фикрлар айтилган. Масалан, Абу Бакр (рз.): “Сўзи билан иши бир бўлган одамлар”, – деса, Умар (рз.): “Мунофиқлик қилмайдиганлар”, – деган. Усмон (рз.): “Амални ихлос билан адо этувчилар”, – деса, Али (рз.): “Фарз амалларни бажариб юрувчилар” , – деган. Абу Бакр (рз.) айрим саҳобалардан: “Мазкур “тўғри бўлиш” (арабчаси “истиқомат”) нима?”, – деб сўраганида улар: “Гуноҳ қилмаслик”, – деб жавоб беришган. Шунда у: “Жуда қийин ишга айлантириб юбордингиз. Ундай эмас, балки имон келтиргандан кейин қайта бут ва санамларга ибодат қилиб ширкка қайтмаслик”, – деб жавоб берган экан (Мд. Тб.).

31-оят. Ушбу оятни замондошимиз бўлган мисрлик муфассир олим Шайх Муҳаммад Мутаввалий Шаъровий (ваф. 1997й.) шундай тафсир қилган эди: “Замонавий фан ютуқлари энг авжига чиққанда ҳам кўнгил тилаган нарсани махсус тугмача топиб босмагунча муҳайё қила олмаслар. Жаннатда эса, кўнгилга келтирилса бас, у муҳайёдир. Жиҳозга ҳожат йўқ”.

37–38-оятлар. Иккиси бирга сажда ояти ҳисобланади (ЖР).

وَمِنْ ءَايَٰتِهِۦٓ أَنَّكَ تَرَى ٱلْأَرْضَ خَٰشِعَةً فَإِذَآ أَنزَلْنَا عَلَيْهَا ٱلْمَآءَ
ٱهْتَزَّتْ وَرَبَتْ ۚ إِنَّ ٱلَّذِىٓ أَحْيَاهَا لَمُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰٓ ۚ إِنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ
قَدِيرٌ ﴿٣٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِىٓ ءَايَٰتِنَا لَا يَخْفَوْنَ عَلَيْنَآ ۗ أَفَمَن
يُلْقَىٰ فِى ٱلنَّارِ خَيْرٌ أَم مَّن يَأْتِىٓ ءَامِنًا يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ ٱعْمَلُوا۟ مَا شِئْتُمْ ۖ
إِنَّهُۥ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٤٠﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِٱلذِّكْرِ لَمَّا جَآءَهُمْ ۖ
وَإِنَّهُۥ لَكِتَٰبٌ عَزِيزٌ ﴿٤١﴾ لَّا يَأْتِيهِ ٱلْبَٰطِلُ مِنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ
خَلْفِهِۦ ۖ تَنزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ ﴿٤٢﴾ مَّا يُقَالُ لَكَ إِلَّا مَا قَدْ قِيلَ
لِلرُّسُلِ مِن قَبْلِكَ ۚ إِنَّ رَبَّكَ لَذُو مَغْفِرَةٍ وَذُو عِقَابٍ أَلِيمٍ ﴿٤٣﴾
وَلَوْ جَعَلْنَٰهُ قُرْءَانًا أَعْجَمِيًّا لَّقَالُوا۟ لَوْلَا فُصِّلَتْ ءَايَٰتُهُۥٓ ۖ ءَا۬عْجَمِىٌّ
وَعَرَبِىٌّ ۗ قُلْ هُوَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ هُدًى وَشِفَآءٌ ۖ وَٱلَّذِينَ
لَا يُؤْمِنُونَ فِىٓ ءَاذَانِهِمْ وَقْرٌ وَهُوَ عَلَيْهِمْ عَمًى ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ
يُنَادَوْنَ مِن مَّكَانٍۭ بَعِيدٍ ﴿٤٤﴾ وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا مُوسَى ٱلْكِتَٰبَ
فَٱخْتُلِفَ فِيهِ ۗ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ لَقُضِىَ
بَيْنَهُمْ ۚ وَإِنَّهُمْ لَفِى شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ ﴿٤٥﴾ مَّنْ عَمِلَ صَٰلِحًا
فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَنْ أَسَآءَ فَعَلَيْهَا ۗ وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٤٦﴾

39. Унинг аломатларидан (бири) ерни хор (қўриқ) ҳолда кўришингиздир. Бас, қачонки, Биз унинг устига сув (ёмғир) ёғдирсак, у ҳаракатга келар ва унар. Албатта, ўша ерни тирилтирган зот ўликларни ҳам тирилтира олувчидир. Зеро, У барча ишга қодирдир.

40. Албатта, Бизнинг оятларимизда (тафсирида) қинғирлик қиладиган кимсалар Бизга махфий бўлиб қолмаслар. Ахир, дўзахга ташланадиган кимса яхшироқми ёки қиёмат кунида (Аллоҳнинг азобидан) хотиржам ҳолда келадиган кишими?! Нимани хоҳласангиз, ўшани қилаверингиз! Албатта, У қилаётган ишларингизни кўриб турувчидир.

41. Ўзларига Зикр (Қуръон) келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар (азобга йўлиқурлар). Шубҳасиз, у азиз Китобдир.

42. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил (ноҳақлик) келмас. (У) ҳикмат ва ҳамд эгаси (томони)дан нозил қилингандир.

43. (Эй, Муҳаммад!) Сизга ҳам, фақат Сиздан аввалги пайғамбарларга (кофирлар томонидан) айтилган сўзларгина айтилур. Шубҳасиз, Раббингиз мағфиратли ва аламли азоб соҳибидир.

44. Агар, Биз (Қуръонни) ажам тилидаги (араб тилида бўлмаган) Қуръон қилганимизда, албатта, улар: «Унинг оятлари (ўз тилимизда) баён қилинмабди-да. (Муҳаммаднинг ўзи) арабку, (нега унга) ажамий (Қуръон тушибди?)» – деган бўлур эдилар»*. Айтинг: «(Ушбу Қуръон) имон келтирган зотлар учун ҳидоят ва (дилдаги маънавий иллат учун) шифодир». Имон келтирмайдиган кимсаларнинг эса, қулоқларида оғирлик (карлик) бордир ва у (Қуръон) уларга кўрлик (омили) бўлур. Улар (гўё) узоқ бир жойдан чақирилаётган кишилар (каби гаранг)дир*.

45. (Эй, Муҳаммад!) Дарҳақиқат, Биз Мусога Китоб (Таврот) ато этганимизда, у (Таврот) ҳақида ҳам ихтилоф қилинган. Агар Раббингиз томонидан (жазо қиёмат куни бўлиши ҳақида) лафз қилмаганида, уларнинг ўртасида ажрим қилинган бўлур эди. Ҳақиқатан ҳам, улар у (Қуръон) ҳақида шак-шубҳададирлар.

46. Кимки яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса ҳам ўз зиёнигадир. Раббингиз бандаларга ноҳақлик қилувчи эмасдир.

44-оят. Оятдан Қуръон араб тилида ҳам, ажам тилида ҳам нозил бўлиши мумкин эканини назарда тутиб Абу Ҳанифа (рҳ.) намозда форс тилида қироат қилиш жоиз, деб фатво берганлиги ҳақида ривоят бор (Мд.).

* Бу мисол “Бақара” сурасининг 171-оятидаги кофирларга келтирилган мисол билан ҳамоҳангдир. Суддий (рҳ.) айтади: “Умар (рз.)дан бир киши масала сўраб ўтирганида, бирдан у: “Лаббай!”, – деб юборибди. Умар ундан сабабини сўраганида у: “Денгизнинг нариги соҳилидан бир киши мени чақирди”, – дебди. Шунда Умар (рз.) ушбу оятдан иқтибос қилиб: “Улар узоқ бир жойдан чақирилаётган кишилардир”, –деб қўйган экан (ИК).

۞ إِلَيۡهِ يُرَدُّ عِلۡمُ ٱلسَّاعَةِۚ وَمَا تَخۡرُجُ مِن ثَمَرَٰتٖ مِّنۡ أَكۡمَامِهَا
وَمَا تَحۡمِلُ مِنۡ أُنثَىٰ وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلۡمِهِۦۚ وَيَوۡمَ يُنَادِيهِمۡ أَيۡنَ
شُرَكَآءِي قَالُوٓاْ ءَاذَنَّٰكَ مَا مِنَّا مِن شَهِيدٖ ٤٧ وَضَلَّ
عَنۡهُم مَّا كَانُواْ يَدۡعُونَ مِن قَبۡلُۖ وَظَنُّواْ مَا لَهُم مِّن مَّحِيصٖ ٤٨
لَّا يَسۡـَٔمُ ٱلۡإِنسَٰنُ مِن دُعَآءِ ٱلۡخَيۡرِ وَإِن مَّسَّهُ ٱلشَّرُّ فَيَـُٔوسٞ
قَنُوطٞ ٤٩ وَلَئِنۡ أَذَقۡنَٰهُ رَحۡمَةٗ مِّنَّا مِنۢ بَعۡدِ ضَرَّآءَ مَسَّتۡهُ
لَيَقُولَنَّ هَٰذَا لِي وَمَآ أَظُنُّ ٱلسَّاعَةَ قَآئِمَةٗ وَلَئِن رُّجِعۡتُ إِلَىٰ
رَبِّيٓ إِنَّ لِي عِندَهُۥ لَلۡحُسۡنَىٰۚ فَلَنُنَبِّئَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِمَا عَمِلُواْ
وَلَنُذِيقَنَّهُم مِّنۡ عَذَابٍ غَلِيظٖ ٥٠ وَإِذَآ أَنۡعَمۡنَا عَلَى ٱلۡإِنسَٰنِ
أَعۡرَضَ وَنَـَٔا بِجَانِبِهِۦ وَإِذَا مَسَّهُ ٱلشَّرُّ فَذُو دُعَآءٍ عَرِيضٖ
٥١ قُلۡ أَرَءَيۡتُمۡ إِن كَانَ مِنۡ عِندِ ٱللَّهِ ثُمَّ كَفَرۡتُم
بِهِۦ مَنۡ أَضَلُّ مِمَّنۡ هُوَ فِي شِقَاقِۭ بَعِيدٖ ٥٢ سَنُرِيهِمۡ
ءَايَٰتِنَا فِي ٱلۡأٓفَاقِ وَفِيٓ أَنفُسِهِمۡ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمۡ أَنَّهُ ٱلۡحَقُّۗ
أَوَلَمۡ يَكۡفِ بِرَبِّكَ أَنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ شَهِيدٌ ٥٣ أَلَآ إِنَّهُمۡ
فِي مِرۡيَةٖ مِّن لِّقَآءِ رَبِّهِمۡۗ أَلَآ إِنَّهُۥ بِكُلِّ شَيۡءٖ مُّحِيطُۢ ٥٤

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ПОРА

47. Қиёматнинг маълумоти Унинг ўзигагина қайтарилур. Барча меваларнинг ўз шоналаридан чиқиши ҳам, бир аёлнинг ҳомила олиб, кўз ёриши ҳам, албатта, Унинг илми билан бўлур*. У зот (мушрикларга): «Менинг «шерикларим» қани»?! – деб нидо қиладиган кунда, улар (қиёматда): «Биз Сенга билдирурмизки, орамизда («шерикларинг» борлигига) бирорта ҳам гувоҳ йўқдир», – дейдилар.

48. Ўзлари илгари (дунё ҳаётида) сиғиниб ўтган нарсалари улардан ғойиб бўлур. Улар ўзлари учун қочадиган бирор жой йўқ эканига (ўша куни) ишонадилар.

49. Инсон (ўзи учун) яхшилик тилашдан малолланмас. Агар унга ёмонлик етиб қолса, (у) бирданига умидсиз ва мотамзададир.

50. Қасамки, агар унга бирор кулфат етганидан сўнг Биз ўз томонимиздан бирор марҳаматни тоттирсак, албатта, у: «Бу ёлғиз ўзимдан. Мен қиёмат қойим бўлишига ишонмайман. Қасамки, агар (қиёмат бўлиб), мен Парвардигоримга қайтарилсам, ҳеч шак-шубҳасиз, Унинг даргоҳида ҳам мен учун гўзал (оқибат) (жаннат) бўлур», – дер. Бас, албатта, Биз кофир бўлган кимсаларга ўзлари қилган амалларининг хабарини берурмиз ва албатта, уларга ашаддий азобдан тоттирурмиз.

51. Қачонки, Биз инсонга инъом этсак, у (Биздан) юз ўгирар ва ўз томонига кетар. Қачонки, унга ёмонлик етиб қолганда эса, у узундан-узоқ дуо-илтижо қилувчидир.

52. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Хабар беринг-чи, агар (Қуръон) ҳақиқатан ҳам Аллоҳ ҳузуридан (келган) бўлса-ю, сўнгра сизлар у (Қуръон)га кофир бўлсангиз, (у ҳолда) ким (сизлардек) чуқур ихтилофда бўлган кимсалардан адашганроқ бўлур?!»

53. Токи уларга унинг (Қуръоннинг) ҳақ экани аниқ маълум бўлгунича, албатта, Биз уларга атрофдаги ва ўз вужудларидаги аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир, (уларга) Раббингизнинг барча нарсага гувоҳ экани кифоя эмасми?!

54. Огоҳ бўлингизки, албатта, улар Парвардигорлари билан мулоқотда бўлишдан шубҳададирлар! Огоҳ бўлингизким, албатта, У барча нарсани иҳота этувчидир!

47-оят. Ушбу оятдан Аллоҳ таолонинг чексиз илм соҳиби экани, ҳар бир кичик ва катта мавжудотнинг моҳияти, сир-асрори, пайдо бўлиши ва ривожланиши, ҳатто, она қорнидаги ҳомиланинг ранги-рўйидан тортиб, шаклу шамоили, чиройли ёки хунуклиги, умри, ризқи ва бошқа сифатларини мукаммал билиб туриши маълум бўлади (Мд.).

Бас, шундай экан, мўмин киши билан яқинлари ўртасида бирор муаммо туғилиб қолса, ортиқча ташвиш чекиб, ўзини ўққа-чўққа урмасдан Аллоҳнинг ўзига таваккал қилиб, Ўзидангина мадад сўраб туриши айни муддаодир.

Шўро сураси

Маккада нозил қилинган. 53 оят.



Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. Айн, Син, Қоф*.

3. (Эй, Муҳаммад!) Қудратли ва ҳикматли Аллоҳ Сизга ва Сиздан олдинги (пайғамбар)ларга шу тарзда ваҳий қилур.

4. Осмонлар ва Ердаги (бор) нарсалар Уникидир. У олий ва буюкдир.

5. (Мушриклар ширкидан) устиларидаги осмонлар ёрилиб кетишга яқин қолур*. Фаришталар эса, Парвардигорлари ҳамди билан тасбеҳ айтурлар ва ердаги (мўмин-мусулмон)лар учун (Аллоҳдан) мағфират сўрарлар. Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг ўзигина мағфират қилувчи ва раҳмлидир!

6. (Аллоҳни) қўйиб (бошқа) «дўстлар»ни ушлаган (уларга сиғинган) кимсалар устидан Аллоҳ кузатиб турувчидир. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларга вакил (қўриқчи) эмасдурсиз.

7. (Барча) шаҳарлар онаси (Макка аҳлини) ва унинг атрофидаги кишиларни огоҳлантиришингиз учун ва шубҳаси йўқ «тўпланиш куни» (қиёмат куни)дан огоҳлантиришингиз учун Биз Сизга мана шундай араб тилидаги Қуръонни ваҳий қилдик. (У кунда) бир гуруҳ жаннатда бўлса, бир гуруҳ дўзахдадир.

8. Агар Аллоҳ хоҳлаганида, албатта, уларни (инсонларни) бир миллат (бир динда – Исломда) қилган бўлур эди. Лекин, У ўзи хоҳлаган кишиларни раҳматига (жаннатига) дохил қилур. Золимлар (кофирлар) учун эса, бирор дўст ва ёрдамчи йўқдир.

سُورَةُ الشُّورَىٰ — ترتيبها ٤٢ — آياتها ٥٣

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ﴿١﴾ عٓسٓقٓ ﴿٢﴾ كَذَٰلِكَ يُوحِيٓ إِلَيۡكَ وَإِلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِكَ
ٱللَّهُ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ﴿٣﴾ لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۖ وَهُوَ
ٱلۡعَلِيُّ ٱلۡعَظِيمُ ﴿٤﴾ تَكَادُ ٱلسَّمَٰوَٰتُ يَتَفَطَّرۡنَ مِن فَوۡقِهِنَّۚ
وَٱلۡمَلَٰٓئِكَةُ يُسَبِّحُونَ بِحَمۡدِ رَبِّهِمۡ وَيَسۡتَغۡفِرُونَ لِمَن فِي
ٱلۡأَرۡضِۗ أَلَآ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٥﴾ وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ
مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءَ ٱللَّهُ حَفِيظٌ عَلَيۡهِمۡ وَمَآ أَنتَ عَلَيۡهِم بِوَكِيلٖ
﴿٦﴾ وَكَذَٰلِكَ أَوۡحَيۡنَآ إِلَيۡكَ قُرۡءَانًا عَرَبِيّٗا لِّتُنذِرَ أُمَّ ٱلۡقُرَىٰ وَمَنۡ
حَوۡلَهَا وَتُنذِرَ يَوۡمَ ٱلۡجَمۡعِ لَا رَيۡبَ فِيهِۚ فَرِيقٞ فِي ٱلۡجَنَّةِ وَفَرِيقٞ فِي
ٱلسَّعِيرِ ﴿٧﴾ وَلَوۡ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَهُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَلَٰكِن يُدۡخِلُ
مَن يَشَآءُ فِي رَحۡمَتِهِۦۚ وَٱلظَّٰلِمُونَ مَا لَهُم مِّن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٍ ﴿٨﴾
أَمِ ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءَۖ فَٱللَّهُ هُوَ ٱلۡوَلِيُّ وَهُوَ يُحۡيِ ٱلۡمَوۡتَىٰ وَهُوَ
عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ﴿٩﴾ وَمَا ٱخۡتَلَفۡتُمۡ فِيهِ مِن شَيۡءٖ فَحُكۡمُهُۥٓ
إِلَى ٱللَّهِۚ ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبِّي عَلَيۡهِ تَوَكَّلۡتُ وَإِلَيۡهِ أُنِيبُ ﴿١٠﴾

9. Ёки улар (Аллоҳни) қўйиб (бошқа)ларни дўст тутиб олдиларми (ўшаларга сиғинмоқдаларми)?! (Йўқ) Аллоҳнинг ўзигина (чин) дўстдир. У ўликларни тирилтирур ва У барча нарсага қодирдир.

10. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Сизлар ихтилоф қилган ҳар бир нарсанинг ҳукми Аллоҳга ҳаволадир. Мана шу Аллоҳ Раббимдир. Унга таваккул қилдим ва Унга илтижо қилурман».

---

42. ШЎРО СУРАСИ

Шўро – маслаҳат, кенгаш демакдир.

Сурада мусулмонлар диний ва дунёвий ишларини ўзаро маслаҳат ва кенгаш асосида амалга оширишлари мақтовга сазовор экани айтилади. Шунингдек, унда қиёмат, жаннат, дўзах, тавҳид, имон, куфр, ширк, зулм каби тушунчаларнинг Ислом таълимоти бўйича кенг тафсилоти ва бир неча машҳур пайғамбарларнинг номлари ҳамда охиратда бўладиган воқеалар зикр этилади.

2-оят. Ибн Аббос (рз.) сўзига кўра, китоб нозил қилинган барча пайғамбарларга "Ҳо, Мим, Айн, Син, Қоф" ҳарфларидан иборат оятлар ваҳий қилинган (Мд.).

5-оят. Оятдан маълум бўладики, банданинг ишлари ичида Аллоҳ таолонинг қаттиқ ғазабига сабаб бўладиган амал – Унга ширк келтириш экан. Аллоҳга ширк келтирилганда ҳатто, осмонлар ёрилиб кетай дер экан.

فَاطِرُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا
وَمِنَ ٱلْأَنْعَٰمِ أَزْوَٰجًا يَذْرَؤُكُمْ فِيهِ لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ
وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ ﴿١١﴾ لَهُۥ مَقَالِيدُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ
يَبْسُطُ ٱلرِّزْقَ لِمَن يَشَآءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُۥ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٢﴾
۞ شَرَعَ لَكُم مِّنَ ٱلدِّينِ مَا وَصَّىٰ بِهِۦ نُوحًا وَٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ
إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِۦٓ إِبْرَٰهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَىٰٓ أَنْ أَقِيمُوا۟ ٱلدِّينَ
وَلَا تَتَفَرَّقُوا۟ فِيهِ كَبُرَ عَلَى ٱلْمُشْرِكِينَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ ٱللَّهُ
يَجْتَبِىٓ إِلَيْهِ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِىٓ إِلَيْهِ مَن يُنِيبُ ﴿١٣﴾ وَمَا
تَفَرَّقُوٓا۟ إِلَّا مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْعِلْمُ بَغْيًۢا بَيْنَهُمْ وَلَوْلَا كَلِمَةٌ
سَبَقَتْ مِن رَّبِّكَ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى لَّقُضِىَ بَيْنَهُمْ وَإِنَّ ٱلَّذِينَ
أُورِثُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ مِنۢ بَعْدِهِمْ لَفِى شَكٍّ مِّنْهُ مُرِيبٍ ﴿١٤﴾
فَلِذَٰلِكَ فَٱدْعُ وَٱسْتَقِمْ كَمَآ أُمِرْتَ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَهُمْ
وَقُلْ ءَامَنتُ بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ مِن كِتَٰبٍ وَأُمِرْتُ لِأَعْدِلَ
بَيْنَكُمُ ٱللَّهُ رَبُّنَا وَرَبُّكُمْ لَنَآ أَعْمَٰلُنَا وَلَكُمْ أَعْمَٰلُكُمْ
لَا حُجَّةَ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ ٱللَّهُ يَجْمَعُ بَيْنَنَا وَإِلَيْهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٥﴾

11. (У) осмонлар ва Ернинг илк яратувчисидир. У сизлар учун ўзларингиздан бўлмиш жуфтларни яратди ва чорва ҳайвонларидан ҳам жуфт-жуфт (яратди). У сизларни ўшанда (жуфтликда) кўпайтирур. Унинг мислидек* бирор нарса йўқдир. У эшитувчи ва кўрувчидир.

12. Осмонлар ва Ер (хазиналарининг) калитлари Уникидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва танг қилур. Дарҳақиқат, У барча нарсани билувчидир.

13. (Эй, имон келтирганлар! Аллоҳ) сизлар учун дин бўйича Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сизга (Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани – шариат қилди: «Динни барпо қилингиз ва унда фирқа-фирқага бўлинмангиз!» (Эй, Муҳаммад!) Мушрикларга Сиз даъват қилаётган нарса (тавҳид) оғирлик қилди. Аллоҳ унга (динга) Ўзи хоҳлаган кишиларни танлар ва Унга инобат қиладиган кишиларни ҳидоят сари йўллар.

14. Улар (ўтган қавмлар) ўзларига (бўлинмаслик ҳақида) билим (ҳужжат) келганидан сўнг ўзаро ҳасад (адоват) қилишиб, фирқа-фирқа бўлиб кетганлар. Агар Раббингиз томонидан белгиланган муддатгача (қиёматгача кечиктириш ҳақидаги) Сўз кечмаганида, албатта, уларнинг ўртаси ажрим қилинган бўлур эди. Албатта, улардан кейин Китобга (Таврот ва Инжилга) ворис қилинган кимсалар (яҳудий ва насронийлар) ҳам ундан (ўз Китобларидан) шак-шубҳададирлар.

15. Бас, (эй, Муҳаммад!) Мана шунинг учун даъват қилинг ва ўзингизга буюрилганидек, тўғри йўлда бўлинг ҳамда уларнинг (мушрикларнинг) ҳавойи нафсларига эргашманг ва айтинг: «Мен Аллоҳ нозил қилган Китобга имон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда адолатли бўлишга буюрилдим. Аллоҳ Раббимиз ва Раббингиздир. Бизларнинг амалларимиз ўзимизга, сизларнинг амалларингиз ўзларингизгадир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда (бирор) хусумат йўқдир. Аллоҳ (қиёматда) барчамизни жамлар ва қайтишлик ҳам (ўша куни) фақат Унинг ҳузуригадир».

11-оят. Оятдаги “мислидек” сўзи “зотидек” деб тафсир қилинган. Акс ҳолда Унинг мисли бор, лекин мислидек нарса йўқ, деганга ўхшаб қолади. Оятнинг арабчасида ҳам иккита ташбеҳ калимаси ёнма-ён келган (“камислиҳи”). Бу хилдаги иборалар араб тилида кўп бўлгани боис, ҳеч ким унинг зоҳирий маъносини ҳисобга олмай ишлатаверади. Ўзбек тилида ҳам шунга ўхшаш иборалар кўп. Масалан, “на ўқийди ва на ишлайди” ўрнига гоҳо “на ўқимайди ва на ишламайди” деймиз, гарчи зоҳирий маъноси “ўқийди ва ишлайди” бўлиб қолса ҳам. Оятдаги икки ташбеҳ калимасининг бири зиёда келган, деб изоҳ берган олимлар ҳам бор.

وَٱلَّذِينَ يُحَآجُّونَ فِي ٱللَّهِ مِنۢ بَعۡدِ مَا ٱسۡتُجِيبَ لَهُۥ حُجَّتُهُمۡ
دَاحِضَةٌ عِندَ رَبِّهِمۡ وَعَلَيۡهِمۡ غَضَبٞ وَلَهُمۡ عَذَابٞ شَدِيدٌ
﴿١٦﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ ٱلۡكِتَٰبَ بِٱلۡحَقِّ وَٱلۡمِيزَانَۗ وَمَا يُدۡرِيكَ
لَعَلَّ ٱلسَّاعَةَ قَرِيبٞ ﴿١٧﴾ يَسۡتَعۡجِلُ بِهَا ٱلَّذِينَ لَا يُؤۡمِنُونَ
بِهَاۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مُشۡفِقُونَ مِنۡهَا وَيَعۡلَمُونَ أَنَّهَا ٱلۡحَقُّۗ
أَلَآ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُمَارُونَ فِي ٱلسَّاعَةِ لَفِي ضَلَٰلِۭ بَعِيدٍ ﴿١٨﴾
ٱللَّهُ لَطِيفُۢ بِعِبَادِهِۦ يَرۡزُقُ مَن يَشَآءُۖ وَهُوَ ٱلۡقَوِيُّ ٱلۡعَزِيزُ
﴿١٩﴾ مَن كَانَ يُرِيدُ حَرۡثَ ٱلۡأٓخِرَةِ نَزِدۡ لَهُۥ فِي حَرۡثِهِۦۖ وَمَن
كَانَ يُرِيدُ حَرۡثَ ٱلدُّنۡيَا نُؤۡتِهِۦ مِنۡهَا وَمَا لَهُۥ فِي ٱلۡأٓخِرَةِ مِن
نَّصِيبٍ ﴿٢٠﴾ أَمۡ لَهُمۡ شُرَكَٰٓؤُاْ شَرَعُواْ لَهُم مِّنَ ٱلدِّينِ
مَا لَمۡ يَأۡذَنۢ بِهِ ٱللَّهُۚ وَلَوۡلَا كَلِمَةُ ٱلۡفَصۡلِ لَقُضِيَ بَيۡنَهُمۡۗ
وَإِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ لَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿٢١﴾ تَرَى ٱلظَّٰلِمِينَ
مُشۡفِقِينَ مِمَّا كَسَبُواْ وَهُوَ وَاقِعُۢ بِهِمۡۗ وَٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فِي رَوۡضَاتِ ٱلۡجَنَّاتِۖ
لَهُم مَّا يَشَآءُونَ عِندَ رَبِّهِمۡۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَضۡلُ ٱلۡكَبِيرُ ﴿٢٢﴾

16. Аллоҳ (дини) ҳақида уни (одамлар томонидан) қабул қилинганидан сўнг тортишадиган кишиларнинг ҳужжатлари Парвардигор наздида ботил (беҳуда)дир*. Уларга (бу дунёда) ғазаб, (охиратда эса) қаттиқ азоб бордир.

17. Аллоҳ чиндан ҳам Китобни ва тарози (адолат)ни нозил қилган зотдир. Қаердан ҳам билар эдингиз, эҳтимол, қиёмат яқиндир.

18. Унга (қиёматга) имон келтирмайдиган кимсалар уни қистагайлар. Имон келтирган зотлар эса ундан қўрқувчидирлар. Улар унинг ҳақ эканини билурлар. Огоҳ бўлингизки, қиёмат хусусида тортишадиган кимсалар (ҳидоятдан) узоқ залолатдадирлар!

19. Аллоҳ бандаларига меҳрибондир. У Ўзи хоҳлаган кишиларга (фаровон) ризқ берур*. У кучли ва қудратлидир.

20. Кимки, охират экинини (савобини) истар экан, Биз унга экини (ҳосили)ни зиёда қилурмиз. Кимки дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан берурмиз ва унинг учун охиратда насиба (савоб) бўлмас.

21. Балки улар (мушриклар) учун диндан Аллоҳ рухсат этмаган нарсаларни уларга шариат қилиб берган шериклари (бутлари) бордир?! Агар (қиёматда жазолайман деган) лафз бўлмаганида, албатта, уларнинг ўрталарида (шу дунёдаёқ) ҳукм қилинган бўлур эди. Золимлар учун, албатта, аламли азоб бордир.

22. (Қиёмат кунида ўша) золимларни ўз қилмишларидан қўрқиб турган ҳолларида кўрасиз. У (жазо барибир) уларга тушувчидир! Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар эса жаннатларнинг боғларида бўлишиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурида хоҳлаган нарсалари бордир. Мана шу катта фазлнинг ўзидир.

16-оят. Ислом динига кирган мусулмонларни яна эски ҳолатларига қайтариш мақсадида яҳудий ва насронийлар: “Бизнинг китобимиз сизнинг китобингиздан олдин тушган ва пайғамбаримиз ҳам сизнинг пайғамбарингиздан олдин келган”, – деганларида ушбу оят орқали Аллоҳ таоло уларнинг бу сўзлари ноҳақ эканини билдирмоқда (Мд.).

19-оят. Ҳадисда: “Менинг мўмин бандаларим ичида шундайлари борки, улар бой бўлганлари сабабли имонлари жойида туради. Борди-ю, уларни камбағал қилиб қўйсам имонлари сусайиб кетади. Яна шундайлари ҳам борки, улар камбағал бўлганлари сабабли имонлари жойида туради. Борди-ю, уларни бойитиб қўйсам, у туфайли имонларига футур етади” (Мд.).

Демак, Аллоҳнинг ҳар бир иши, гарчи бизга эриш туюлган тақдирда ҳам бизга номаълум қандайдир ҳикматдан холи эмас. Фақат биз кўпинча Аллоҳнинг ишларига ақлимиз етмай, Унинг шаънига нолойиқ сўзларни айтиб қўямиз. Ваҳоланки, Унинг барча сўзи ва иши тўғри ва ҳақ эканига имонимиз комилдир.

ذَٰلِكَ ٱلَّذِي يُبَشِّرُ ٱللَّهُ عِبَادَهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِۗ قُل لَّآ
أَسۡـَٔلُكُمۡ عَلَيۡهِ أَجۡرًا إِلَّا ٱلۡمَوَدَّةَ فِي ٱلۡقُرۡبَىٰۗ وَمَن يَقۡتَرِفۡ حَسَنَةٗ نَّزِدۡ
لَهُۥ فِيهَا حُسۡنًاۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ شَكُورٌ ٢٣ أَمۡ يَقُولُونَ ٱفۡتَرَىٰ عَلَى ٱللَّهِ
كَذِبٗاۖ فَإِن يَشَإِ ٱللَّهُ يَخۡتِمۡ عَلَىٰ قَلۡبِكَۗ وَيَمۡحُ ٱللَّهُ ٱلۡبَٰطِلَ وَيُحِقُّ ٱلۡحَقَّ
بِكَلِمَٰتِهِۦٓۚ إِنَّهُۥ عَلِيمُۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ٢٤ وَهُوَ ٱلَّذِي يَقۡبَلُ ٱلتَّوۡبَةَ
عَنۡ عِبَادِهِۦ وَيَعۡفُواْ عَنِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ وَيَعۡلَمُ مَا تَفۡعَلُونَ ٢٥
وَيَسۡتَجِيبُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَيَزِيدُهُم مِّن فَضۡلِهِۦۚ
وَٱلۡكَٰفِرُونَ لَهُمۡ عَذَابٞ شَدِيدٞ ٢٦ ۞ وَلَوۡ بَسَطَ ٱللَّهُ ٱلرِّزۡقَ
لِعِبَادِهِۦ لَبَغَوۡاْ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَٰكِن يُنَزِّلُ بِقَدَرٖ مَّا يَشَآءُۚ إِنَّهُۥ بِعِبَادِهِۦ
خَبِيرُۢ بَصِيرٞ ٢٧ وَهُوَ ٱلَّذِي يُنَزِّلُ ٱلۡغَيۡثَ مِنۢ بَعۡدِ مَا قَنَطُواْ
وَيَنشُرُ رَحۡمَتَهُۥۚ وَهُوَ ٱلۡوَلِيُّ ٱلۡحَمِيدُ ٢٨ وَمِنۡ ءَايَٰتِهِۦ خَلۡقُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا بَثَّ فِيهِمَا مِن دَآبَّةٖۚ وَهُوَ عَلَىٰ جَمۡعِهِمۡ
إِذَا يَشَآءُ قَدِيرٞ ٢٩ وَمَآ أَصَٰبَكُم مِّن مُّصِيبَةٖ فَبِمَا
كَسَبَتۡ أَيۡدِيكُمۡ وَيَعۡفُواْ عَن كَثِيرٖ ٣٠ وَمَآ أَنتُم بِمُعۡجِزِينَ
فِي ٱلۡأَرۡضِۖ وَمَا لَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ مِن وَلِيّٖ وَلَا نَصِيرٖ ٣١

23. Аллоҳнинг имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган бандаларига берадиган хушхабари ана шудир. (Эй, Муҳаммад!) айтинг: «Мен сизлардан бу (даъватим) учун ҳақ сўрамайман, фақат қариндошликдаги дўстлик (яқинлик)нигина (сўрайман)»*. Кимки бирор чиройли амал қилса, Биз унинг учун ўша (амали)да яна ҳуснни зиёда қилурмиз (зиёда савоб ато этурмиз). Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва яхшиликни билувчидир.

24. Ёки улар: «Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиди» дейдиларми?! (Ундоқ эмас) чунки агар (Сиз ёлғон тўқийдиган бўлсангиз) Аллоҳ хоҳласа, дилингизни муҳрлаб қўйгай. Аллоҳ Ўз сўзлари билан ботил (ноҳақ гаплар)ни йўқ қилур ва Ҳақни ҳақ қилур (рўёбга чиқарур). Албатта, У диллардаги (сирлар)ни билувчидир.

25. У бандаларидан тавбани қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қиладиган ишларингизни биладиган зотдир.

26. У имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни (дуоларини) ижобат қилур ва уларга Ўз фазлидан зиёдалик ато қилур. Кофирлар учун эса қаттиқ азоб бордир.

27. Агар Аллоҳ бандаларининг ризқларини кенг-мўл қилиб юборса, албатта, улар ер юзида тажовузкорликка ўтиб кетган бўлур эдилар. Лекин У ўзи хоҳлаганича ўлчов билан (ризқ) туширур. Албатта, У бандаларидан хабардор ва (ҳамма нарсани) кўриб турувчидир.

28. У (одамлар) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳмат (баракот)ини кенг ёядиган зотдир. У дўст (мўминларга) ва ҳамд эгасидир.

29. Осмонлар ва Ернинг яратилиши ҳамда улардаги (Аллоҳ) тарқатиб юборган жонзотлар Унинг аломатларидандир. У Ўзи хоҳлаган вақтида уларни йиғиб олишга қодирдир.

30. (Эй, инсонлар!) Сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир. Яна У кўп (гуноҳлар)ни афв этиб турур. (Акс ҳолда мусибат бундан ҳам кўп бўлур эди.)

31. Сизлар ерда (ҳеч кимни) ожиз қолдирувчи эмассизлар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирор (ҳақиқий) дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир.

23-оят. Бу оятдаги "қариндошликдаги дўстлик" жумласи турлича тафсир қилинган. Жумладан, Расул (а.с.) Қурайш қабиласидан бўлганлари учун, шу қабила мушрикларидан озор бермасликни сўраганлар; даъватлари эвазига ҳақ сўрамасалар-да, ўзларининг авлод ва зурриётига силаи раҳмда бўлишга чақирганлар; Аллоҳга яқинлик йўлида дўстлашишга чақирганлар; мусулмонларни бир-бири билан қариндошликдаги дўстликни сақлашга буюрганлар. Имом Табарий (рҳ.) айтилган тафсирлардан биринчисини маъқуллаб, Қурайш аҳолисининг Муҳаммад (а.с.) билан қариндошлиги ҳурматидан ул зот билан дўстона муомалада бўлишга, силаи раҳмни узмасликка чақирганлари оят мазмунига мос рокдир, деган (Тб. Лс. Мд.).

32. Денгиздаги сузиб юрувчи тоғлардек кемалар ҳам Унинг аломатларидандир.

33. Агар (Аллоҳ) хоҳласа, шамолга таскин берур, бас, улар у (денгиз)нинг устида тўхтаб қолурлар. Албатта, бунда ҳар бир (балога) сабр қилувчи, (Аллоҳнинг неъматларига) шукр қилувчи учун ибратлар бордир.

34. Ёки (кемадаги одамларни) қилган гуноҳлари сабабли у (кема)ларни ҳалок (ғарқ) қилур ва кўпларни (ҳалокатдан қутқариб) афв этур

35. (токи) оятларимиз хусусида тортишадиган кимсалар ўзлари учун (Аллоҳнинг азобидан) қочиб қутуладиган жой йўқ эканини билиб олсинлар.

36. Бас, (эй, инсонлар!) Сизларга ато этилган нарса(лар) дунё ҳаёти матосидир ва имон келтирган ҳамда ёлғиз Парвардигорларига таваккул қиладиган зотлар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарсалар (дунё матоларидан) яхшироқ ва боқийроқдир*.

37. Улар катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадиган, ғазабланган вақтларида эса кечириб юборадиган зотлардир.

38. Улар Парвардигорларига ижобат этган ва намозни баркамол адо этган зотлардир. Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан (муҳтожларга) эҳсон қилурлар*.

39. Улар ўзларига тажовуз қилинганда (унга қарши курашиб) ғолиб бўладиган зотлардир.

40. (Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаш ёмонликдир. Бас, кимки афв этиб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У золим (тажовузкор)ларни севмас.

41. Албатта, кимки мазлум бўлганидан сўнг (зулм қилган кимсадан) ғолиб бўлса (интиқом олса), бас, улар(ни айблаш)га йўл йўқдир.

وَمِنْ ءَايَٰتِهِ ٱلْجَوَارِ فِى ٱلْبَحْرِ كَٱلْأَعْلَٰمِ ﴿٣٢﴾ إِن يَشَأْ يُسْكِنِ ٱلرِّيحَ
فَيَظْلَلْنَ رَوَاكِدَ عَلَىٰ ظَهْرِهِۦٓ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّكُلِّ صَبَّارٍ شَكُورٍ
﴿٣٣﴾ أَوْ يُوبِقْهُنَّ بِمَا كَسَبُوا۟ وَيَعْفُ عَن كَثِيرٍ ﴿٣٤﴾ وَيَعْلَمَ ٱلَّذِينَ
يُجَٰدِلُونَ فِىٓ ءَايَٰتِنَا مَا لَهُم مِّن مَّحِيصٍ ﴿٣٥﴾ فَمَآ أُوتِيتُم مِّن شَىْءٍ فَمَتَٰعُ
ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا ۖ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ خَيْرٌ وَأَبْقَىٰ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ
يَتَوَكَّلُونَ ﴿٣٦﴾ وَٱلَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَٰٓئِرَ ٱلْإِثْمِ وَٱلْفَوَٰحِشَ وَإِذَا مَا
غَضِبُوا۟ هُمْ يَغْفِرُونَ ﴿٣٧﴾ وَٱلَّذِينَ ٱسْتَجَابُوا۟ لِرَبِّهِمْ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ
وَأَمْرُهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣٨﴾ وَٱلَّذِينَ إِذَآ أَصَابَهُمُ
ٱلْبَغْىُ هُمْ يَنتَصِرُونَ ﴿٣٩﴾ وَجَزَٰٓؤُا۟ سَيِّئَةٍ سَيِّئَةٌ مِّثْلُهَا ۖ فَمَنْ عَفَا
وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُۥ عَلَى ٱللَّهِ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٤٠﴾ وَلَمَنِ ٱنتَصَرَ
بَعْدَ ظُلْمِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ مَا عَلَيْهِم مِّن سَبِيلٍ ﴿٤١﴾ إِنَّمَا ٱلسَّبِيلُ عَلَى ٱلَّذِينَ
يَظْلِمُونَ ٱلنَّاسَ وَيَبْغُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ
عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٢﴾ وَلَمَن صَبَرَ وَغَفَرَ إِنَّ ذَٰلِكَ لَمِنْ عَزْمِ ٱلْأُمُورِ
﴿٤٣﴾ وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن وَلِىٍّ مِّنۢ بَعْدِهِۦ ۗ وَتَرَى ٱلظَّٰلِمِينَ
لَمَّا رَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ يَقُولُونَ هَلْ إِلَىٰ مَرَدٍّ مِّن سَبِيلٍ ﴿٤٤﴾

42. Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақлик билан ҳадларидан ошадиган кимсалар(ни айблаб жазолаш)гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир.

43. Албатта, кимки (азиятларга) сабр қилса ва (Аллоҳ учун) кечириб юборса, албатта, бу пухта ишлардандир.

44. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса, бас, унга ўшандан кейин бирор (йўл кўрсатувчи) дўст йўқдир. (Ундай) золимларнинг (қиёмат куни) азобни кўрган вақтларида: «(Яна дунёга) қайтишга бирор йўл бормикан?», – деяётганларини кўрарсиз.

36-оят. Бу оят Абу Бакр (рз.) Аллоҳнинг йўлида ҳамма бойликларини эҳсон қилиб юборганида одамлар уни маломат қилишгач, нозил қилинган (Мд.).

38-оят. Бу оят ансорлар (мадиналик мусулмонлар) хусусида нозил қилинган бўлиб, уларда мазкур яхши сифатлар мавжуд эди. Оятда маслаҳатли ишнинг фазилати ва хайр-саховатли бўлишга тарғибот мужассамдир.

وَتَرَىٰهُمْ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا خَٰشِعِينَ مِنَ ٱلذُّلِّ يَنظُرُونَ
مِن طَرْفٍ خَفِيٍّ ۗ وَقَالَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّ ٱلْخَٰسِرِينَ ٱلَّذِينَ
خَسِرُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ وَأَهْلِيهِمْ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ أَلَآ إِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ
فِى عَذَابٍ مُّقِيمٍ ﴿٤٥﴾ وَمَا كَانَ لَهُم مِّنْ أَوْلِيَآءَ يَنصُرُونَهُم
مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۗ وَمَن يُضْلِلِ ٱللَّهُ فَمَا لَهُۥ مِن سَبِيلٍ ﴿٤٦﴾ ٱسْتَجِيبُوا۟
لِرَبِّكُم مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ يَوْمٌ لَّا مَرَدَّ لَهُۥ مِنَ ٱللَّهِ ۚ مَا لَكُم
مِّن مَّلْجَإٍ يَوْمَئِذٍ وَمَا لَكُم مِّن نَّكِيرٍ ﴿٤٧﴾ فَإِنْ أَعْرَضُوا۟
فَمَآ أَرْسَلْنَٰكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا ۖ إِنْ عَلَيْكَ إِلَّا ٱلْبَلَٰغُ ۗ وَإِنَّآ إِذَآ
أَذَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ مِنَّا رَحْمَةً فَرِحَ بِهَا ۖ وَإِن تُصِبْهُمْ سَيِّئَةٌۢ
بِمَا قَدَّمَتْ أَيْدِيهِمْ فَإِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ كَفُورٌ ﴿٤٨﴾ لِّلَّهِ مُلْكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ يَهَبُ لِمَن يَشَآءُ إِنَٰثًا
وَيَهَبُ لِمَن يَشَآءُ ٱلذُّكُورَ ﴿٤٩﴾ أَوْ يُزَوِّجُهُمْ ذُكْرَانًا وَإِنَٰثًا ۖ
وَيَجْعَلُ مَن يَشَآءُ عَقِيمًا ۚ إِنَّهُۥ عَلِيمٌ قَدِيرٌ ﴿٥٠﴾ ۞ وَمَا كَانَ
لِبَشَرٍ أَن يُكَلِّمَهُ ٱللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِن وَرَآئِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ
رَسُولًا فَيُوحِىَ بِإِذْنِهِۦ مَا يَشَآءُ ۚ إِنَّهُۥ عَلِىٌّ حَكِيمٌ ﴿٥١﴾

45. Уларнинг хорлик туфайли камтар ва (дўзахга) кўз қири билан боққан ҳолларида унга кўндаланг қилинаётганини кўрасиз. Имон келтирган зотлар: «Албатта, (чин) зиён кўрувчилар қиёмат кунида ўзларига, аҳли (оила)ларига зиён қилган кимсалар экан», – дейдилар. Огоҳ бўлингизки (ўзига ширк билан) зулм қилувчилар мангу азобдадирлар.

46. Уларга Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган ҳеч қандай дўстлар бўлмас. Кимни Аллоҳ йўлдан оздирса (ҳидоятга буриб қўймаса), бас, унинг учун бирор (тўғри) йўл йўқдир.

47. (Эй, инсонлар!) Аллоҳ томонидан ҳеч қайтариб бўлмайдиган бир кун (қиёмат) келиб қолишидан илгари Раббингизга ижобат (итоат) этингиз! У кунда сизлар учун паноҳ ҳам бўлмас ва сизлар учун (қилмишларингизни) инкор қилиш (имкони) ҳам бўлмас.

48. (Эй, Муҳаммад!) Агар (мушриклар) энди ҳам (имон келтиришдан) юз ўгирсалар, бас, Биз Сизни уларнинг устига қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ. Сизнинг зиммангизда фақат (ваҳийни) етказиш бор, холос. Дарҳақиқат, Биз инсонга Ўз томонимиздан раҳматни (неъматни) тоттирган вақтимизда у билан шодланур, (аммо) агар уларга ўз қўллари қилган нарсалари (гуноҳлари) сабабли бирор ёмонлик етса, бас, албатта, инсон (зоти) ношукурдир*.

49. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга (хос)дир. (У) хоҳлаган нарсани яратур. Хоҳлаган кишисига қизларни ҳадя этур ва хоҳлаган кишисига ўғилларни ҳадя этур.

50. Ёки уларга ўғиллар ва қизларни қўшиб берур ва хоҳлаган кишисини фарзанд кўрмайдиган қилиб қўйгай*. Албатта, У (бунинг ҳикматини) билувчи ва (ўзи хоҳлаган нарсани яратишга) қодирдир.

51. Инсон билан Аллоҳ (бевосита) сўзлашиши мумкин эмас. Фақат ваҳий орқали ё парда ортидан ёки элчи (фаришта) юбориб, изни билан хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши мумкин. Албатта, У (шаъни) олий ва ҳикмат соҳибидир.

48-оят. Дарҳақиқат, инсон ўзига қилинган яхшиликларни унутувчи, бировга қилган яхшилигини эсида сақловчи ва миннат қилувчидир. Бошига бирор мусибат тушса ёки омади келмаса айбни ўзидан қидириш ўрнига сабрсизлик ва ношукурликка ўтади.

50-оят. Фарзанд ато этиш Аллоҳ таолонинг ихтиёрида бўлгани учун ҳатто, пайғамбарларга ҳам бир хил жинсда ёки бир хил миқдорда фарзанд бермаган. Масалан, Лут ва Шуайб (а.с.)ларга фақат қиз фарзандлар, Иброҳим (а.с.)га фақат ўғил фарзандлар, Муҳаммад (а.с.)га ҳам қиз, ҳам ўғил фарзандлар, Яҳё ва Исо (а.с.)ларни эса фарзандсиз бўлишларини ирода этган (Мд.).

Бу илоҳий тақсимот бандаларининг синови учундир. Бинобарин, бандасидан неъматга шукр ва мусибатга сабр матлубдир.

وَكَذَٰلِكَ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا ۚ مَا كُنتَ تَدْرِى مَا ٱلْكِتَٰبُ
وَلَا ٱلْإِيمَٰنُ وَلَٰكِن جَعَلْنَٰهُ نُورًا نَّهْدِى بِهِۦ مَن نَّشَآءُ مِنْ عِبَادِنَا ۚ
وَإِنَّكَ لَتَهْدِىٓ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٥٢﴾ صِرَٰطِ ٱللَّهِ ٱلَّذِى لَهُۥ
مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ أَلَآ إِلَى ٱللَّهِ تَصِيرُ ٱلْأُمُورُ ﴿٥٣﴾

سُورَةُ الزُّخْرُفِ

ترتيبها ٤٣ — آياتها ٨٩

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ﴿١﴾ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلْمُبِينِ ﴿٢﴾ إِنَّا جَعَلْنَٰهُ قُرْءَٰنًا عَرَبِيًّا
لَّعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٣﴾ وَإِنَّهُۥ فِىٓ أُمِّ ٱلْكِتَٰبِ لَدَيْنَا
لَعَلِىٌّ حَكِيمٌ ﴿٤﴾ أَفَنَضْرِبُ عَنكُمُ ٱلذِّكْرَ صَفْحًا
أَن كُنتُمْ قَوْمًا مُّسْرِفِينَ ﴿٥﴾ وَكَمْ أَرْسَلْنَا مِن نَّبِىٍّ فِى
ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٦﴾ وَمَا يَأْتِيهِم مِّن نَّبِىٍّ إِلَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ
﴿٧﴾ فَأَهْلَكْنَآ أَشَدَّ مِنْهُم بَطْشًا وَمَضَىٰ مَثَلُ ٱلْأَوَّلِينَ
﴿٨﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ
خَلَقَهُنَّ ٱلْعَزِيزُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٩﴾ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ
مَهْدًا وَجَعَلَ لَكُمْ فِيهَا سُبُلًا لَّعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٠﴾

52. (Эй, Муҳаммад!) Шундай қилиб, амримиз билан Сизга Руҳни (Қуръонни) ваҳий қилдик. Сиз (бундан) олдин на Китобни (Қуръонни) ва на имонни (моҳиятини) билувчи эдингиз. Лекин Биз уни (Қуръонни шундай) нур қилдикки, у билан бандаларимиздан Биз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилурмиз. Албатта, Сиз (ваҳий ёрдамида) тўғри йўлга бошлайсиз.

53. (У йўл) осмонлардаги ва Ердаги (бор) нарса ўзиники бўлмиш Аллоҳнинг йўлидир. Огоҳ бўлингизки, (барча) ишлар Аллоҳга қайтур!

Зухруф сураси

Маккада нозил қилинган. 89 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. Аниқ Китобга (Қуръонга) қасамёд этаманки,

3. албатта, Биз уни сизлар англашингиз учун араб тилидаги Қуръон қилдик!

4. Дарҳақиқат, у (Қуръон) даргоҳимиздаги Асл Китобда (Лавҳул – маҳфузда)* олий мақом ва пур ҳикмат (битик)дир.

5. Бас, ҳаддан ошувчи қавм бўлсангиз, сизлардан (бу) эслатмани буриб (ўз ҳолингизга ташлаб) қўяйликми?!

6. Аввалгиларга ҳам қанчадан-қанча пайғамбар юборганмиз.

7. Улар ҳам ўзларига келган пайғамбарни фақат масхара қилар эдилар.

8. Бас, улардан (Макка кофирларидан) кучлироқларни ҳам ҳалок қилганмиз. (Қуръонда) аввалгиларнинг мисоллари (қисса)лари ўтди.

9. (Эй, Муҳаммад!) Қасамки, агар улардан: «Осмонлар ва Ерни ким яратган?», – деб сўрасангиз, албатта: «Уларни қудратли ва билимли (Аллоҳ) яратган», – дерлар*.

10. Ўша зот сизлар учун Ерни бешик (қароргоҳ) қилиб қўйди ва (сафарларда) йўл топишингиз учун унда (Ерда) йўлларни (пайдо) қилди.

---

43. ЗУХРУФ СУРАСИ
Зухруф – зеб-зийнат демакдир. Сурада бу ҳақда оят нозил бўлгани учун унга шу ном берилган. Унда Аллоҳнинг беадад неъматлари, мушрикларнинг Аллоҳ шаънига тўқиган бўҳтонлари, Иброҳим ва Мусо пайғамбарларнинг қиссаларидан лавҳалар ва бошқа маълумотлар мавжуд.

4-оят. Лавҳул-маҳфузнинг “Она Китоб” деб номланишига боис – барча нозил қилинган илоҳий китоблар ва саҳифаларнинг манбаи бўлганидир. Қуръони каримнинг мавқеи нақадар буюк экани ушбу оятдан бошқа яна “Воқеа” сурасининг 77–80 ва “Абаса” сурасининг 11–16-оятларида ҳам таъкидлангани учун уни таҳоратсиз ушлаш шаръан тақиқланган (Мд. ИК).

9-оят. Мушриклар Қуръон ва Муҳаммад (а.с.)ни инкор этсалар-да, Ер ва осмонларни Аллоҳ яратган, дер эдилар. Лекин ислом таълимоти бўйича Аллоҳга ишонишнинг ўзи етарли бўлмайди, балки Ундан келган барча хабарларга ҳам ишонч ва имон ҳосил қилиш шартдир. Ўша хабарлардан бирортасини инкор этган киши кофирдир (Ақ.).

وَٱلَّذِى نَزَّلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءًۢ بِقَدَرٍ فَأَنشَرْنَا بِهِۦ بَلْدَةً مَّيْتًا ۚ
كَذَٰلِكَ تُخْرَجُونَ ﴿١١﴾ وَٱلَّذِى خَلَقَ ٱلْأَزْوَٰجَ كُلَّهَا وَجَعَلَ
لَكُم مِّنَ ٱلْفُلْكِ وَٱلْأَنْعَٰمِ مَا تَرْكَبُونَ ﴿١٢﴾ لِتَسْتَوُۥا۟ عَلَىٰ ظُهُورِهِۦ
ثُمَّ تَذْكُرُوا۟ نِعْمَةَ رَبِّكُمْ إِذَا ٱسْتَوَيْتُمْ عَلَيْهِ وَتَقُولُوا۟ سُبْحَٰنَ
ٱلَّذِى سَخَّرَ لَنَا هَٰذَا وَمَا كُنَّا لَهُۥ مُقْرِنِينَ ﴿١٣﴾ وَإِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا
لَمُنقَلِبُونَ ﴿١٤﴾ وَجَعَلُوا۟ لَهُۥ مِنْ عِبَادِهِۦ جُزْءًا ۚ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ
لَكَفُورٌ مُّبِينٌ ﴿١٥﴾ أَمِ ٱتَّخَذَ مِمَّا يَخْلُقُ بَنَاتٍ وَأَصْفَىٰكُم
بِٱلْبَنِينَ ﴿١٦﴾ وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِمَا ضَرَبَ لِلرَّحْمَٰنِ مَثَلًا
ظَلَّ وَجْهُهُۥ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿١٧﴾ أَوَمَن يُنَشَّؤُا۟ فِى
ٱلْحِلْيَةِ وَهُوَ فِى ٱلْخِصَامِ غَيْرُ مُبِينٍ ﴿١٨﴾ وَجَعَلُوا۟ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ
ٱلَّذِينَ هُمْ عِبَٰدُ ٱلرَّحْمَٰنِ إِنَٰثًا ۚ أَشَهِدُوا۟ خَلْقَهُمْ ۚ سَتُكْتَبُ
شَهَٰدَتُهُمْ وَيُسْـَٔلُونَ ﴿١٩﴾ وَقَالُوا۟ لَوْ شَآءَ ٱلرَّحْمَٰنُ مَا عَبَدْنَٰهُم ۗ
مَّا لَهُم بِذَٰلِكَ مِنْ عِلْمٍ ۖ إِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ ﴿٢٠﴾ أَمْ ءَاتَيْنَٰهُمْ
كِتَٰبًا مِّن قَبْلِهِۦ فَهُم بِهِۦ مُسْتَمْسِكُونَ ﴿٢١﴾ بَلْ قَالُوٓا۟
إِنَّا وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّهْتَدُونَ ﴿٢٢﴾

11. Ўша зот осмондан (аниқ) ўлчов билан сув (ёмғир) ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан «ўлик» ерни «тирилтирдик» (гиёҳларни ундирдик). Сизлар ҳам (қиёматда қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсиз.

12. Ўша зот барча жуфт нарсаларни яратди ва сизлар учун кемалар ва чорва ҳайвонларидан уловларни (пайдо) қилди.

13. Токи сизлар уларнинг устига мингайсиз, сўнгра унга ўрнашиб олгач, Раббингиз неъматини эслаб айтурсиз: «Бизларга бу (улов)ни бўйсундириб қўйган зотга тасбеҳ айтамиз. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик*.

14. Албатта, бизлар (барчамиз) Раббимиз (ҳузури)га қайтувчидирмиз»*.

15. Улар (мушриклар) Ўзининг бандаларидан (фаришталарни) Унга аъзо қилдилар*. Зотан, инсон аниқ ношукурдир.

16. Ёки (Аллоҳ) Ўзи яратадиган нарсалардан қизларни олиб, сизларга ўғилларни танлаб бердими?!

17. Қачонки, уларнинг бирортасига Раҳмонга мисол қилган нарса (қиз туғилгани) ҳақида «хушхабар» берилса, ғазабга тўлиб, юзи қорайиб кетар.

18. Зеб-зийнат ичида ўстириладиган, муҳокамада (ўз мақсадини) очиқ баён қила олмайдиган кимса (заифа)ни (Аллоҳ танлайдими)?!

19. Раҳмоннинг бандалари бўлмиш фаришталарни «қизлар» дедилар. Ё уларни (фаришталарни) яратишга гувоҳ бўлганми улар?! Уларнинг бу «гувоҳ»ликлари, албатта, ёзилур ва улар (қиёмат кунида) сўроқ қилинурлар.

20. Улар: «Агар Раҳмон хоҳлаганида, бизлар уларга (бутларга) ибодат қилмаган бўлур эдик», – дейдилар. Улар учун бунга (ҳеч қандай) билим (асос) йўқдир. Улар фақат ёлғон сўзламоқдалар.

21. Ёки Биз уларга ундан (Қуръондан) олдин (бирор) китоб ато этганмиз-у, улар ўшани (яъни таълимотни) тутувчимилар?!

22. Балки улар (шундай) дерлар: «Бизлар ота-боболаримизни бир дин узра топганмиз ва албатта, бизлар уларнинг изларидан бориб ҳидоят топувчилардирмиз».

13–14-оят. Пайғамбаримиз (а.с.) қачон уловга минмоқчи бўлсалар оёқларини узангига қўйишлари билан: "Бисмиллоҳ", – дер эканлар. Эгарга ўрнашиб олганларидан кейин: "Алҳамду лиллоҳи ало кулли ҳол. Субҳоналлазий саххара лано ҳозо, вамо кунно лаҳу муқринин. Ва инно ило Раббино ламунқалибун", – деб қўяр эканлар (Қз. ИК).

Уловга миниладиган ҳайвонлардан ташқари замонавий йўл воситалари ҳам киради.

15-оят. Яъни: "Фаришталар Аллоҳнинг қизлари" дедилар. Ваҳоланки, фаришталарда ўғил ва қиз жинсларининг ўзи йўқ.

وَكَذَٰلِكَ مَآ أَرۡسَلۡنَا مِن قَبۡلِكَ فِي قَرۡيَةٖ مِّن نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتۡرَفُوهَآ
إِنَّا وَجَدۡنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٖ وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّقۡتَدُونَ ٢٣
۞ قُلۡ أَوَلَوۡ جِئۡتُكُم بِأَهۡدَىٰ مِمَّا وَجَدتُّمۡ عَلَيۡهِ ءَابَآءَكُمۡۖ قَالُوٓاْ
إِنَّا بِمَآ أُرۡسِلۡتُم بِهِۦ كَٰفِرُونَ ٢٤ فَٱنتَقَمۡنَا مِنۡهُمۡۖ فَٱنظُرۡ كَيۡفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلۡمُكَذِّبِينَ ٢٥ وَإِذۡ قَالَ إِبۡرَٰهِيمُ لِأَبِيهِ وَقَوۡمِهِۦٓ
إِنَّنِي بَرَآءٞ مِّمَّا تَعۡبُدُونَ ٢٦ إِلَّا ٱلَّذِي فَطَرَنِي فَإِنَّهُۥ سَيَهۡدِينِ
٢٧ وَجَعَلَهَا كَلِمَةَۢ بَاقِيَةٗ فِي عَقِبِهِۦ لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ ٢٨ بَلۡ
مَتَّعۡتُ هَٰٓؤُلَآءِ وَءَابَآءَهُمۡ حَتَّىٰ جَآءَهُمُ ٱلۡحَقُّ وَرَسُولٞ مُّبِينٞ ٢٩
وَلَمَّا جَآءَهُمُ ٱلۡحَقُّ قَالُواْ هَٰذَا سِحۡرٞ وَإِنَّا بِهِۦ كَٰفِرُونَ ٣٠ وَقَالُواْ
لَوۡلَا نُزِّلَ هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانُ عَلَىٰ رَجُلٖ مِّنَ ٱلۡقَرۡيَتَيۡنِ عَظِيمٍ ٣١ أَهُمۡ
يَقۡسِمُونَ رَحۡمَتَ رَبِّكَۚ نَحۡنُ قَسَمۡنَا بَيۡنَهُم مَّعِيشَتَهُمۡ فِي ٱلۡحَيَوٰةِ
ٱلدُّنۡيَاۚ وَرَفَعۡنَا بَعۡضَهُمۡ فَوۡقَ بَعۡضٖ دَرَجَٰتٖ لِّيَتَّخِذَ بَعۡضُهُم
بَعۡضٗا سُخۡرِيّٗاۗ وَرَحۡمَتُ رَبِّكَ خَيۡرٞ مِّمَّا يَجۡمَعُونَ ٣٢ وَلَوۡلَآ
أَن يَكُونَ ٱلنَّاسُ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ لَّجَعَلۡنَا لِمَن يَكۡفُرُ بِٱلرَّحۡمَٰنِ
لِبُيُوتِهِمۡ سُقُفٗا مِّن فِضَّةٖ وَمَعَارِجَ عَلَيۡهَا يَظۡهَرُونَ ٣٣

23. (Эй, Муҳаммад!) Шунингдек, Сиздан илгари қайси бир шаҳарга огоҳлантирувчи (пайғамбар) юбормайлик, у жойнинг маишатпарастлари: «Албатта, бизлар ота-боболаримизни (маълум) бир дин узра топдик ва албатта, бизлар уларнинг изларидан эргашувчидирмиз», – деганлар.

24. (Пайғамбар уларга) «Агар мен сизларга сиз ота-боболарингизни топган ўша нарса (диндан) тўғрироқ (дин)ни келтирган бўлсамчи?», – деганида, улар: «Албатта, бизлар сизлар элчи қилиб юборилган (дин)га кофирдирмиз», – дедилар.

25. Бас, улардан интиқом олдик. Бас, у (пайғамбарларни) ёлғончи қилувчиларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг!

26. Эсланг, Иброҳим отасига ва қавмига деган эди: «Мен сизлар ибодат қилаётган маъбудалардан безордирман.

27. Илло, мени яратган Зотгагина (ибодат қилурман). Бас, У мени (ҳақ динга) ҳидоят қилажак».

28. У (Иброҳим) зора қайтсалар, деб ўша (насиҳат)ни ўз ортида қолувчи сўз қилди.

29. Мен эса (у қолдирган сўзга итоат этмаган) ана уни (Макка аҳолисини) ҳам, уларнинг ота-боболарини ҳам – то уларга ҳақиқат (Қуръон) ва аниқ пайғамбар (Муҳаммад) келгунича (фаровон ҳаётдан) фойдалантирдим.

30. (Аммо) уларга Ҳақиқат (Қуръон) келгач: «Бу сеҳрдир, бизлар унга кофирдирмиз», – дедилар.

31. Яна улар: «Бу Қуръон икки шаҳар(нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди», – дедилар*

32. (Эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг раҳматини (пайғамбарликни) улар тақсимлайдиларми?! Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз тақсимлаганмиз ва бир-бирларини бўйин сундириш (ишлатиш)лари учун баъзиларини баъзиларидан даражаларини кўтариб қўйганмиз. Раббингизнинг раҳмати эса улар тўплайдиган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир.

33. Агар одамларнинг бир миллат бўлиб олишлари (кофир бўлиб кетишлари) бўлмаганида эди, албатта, Раҳмонга кофир бўладиган кимсаларга уйларининг шифтларини ҳам, унга чиқадиган нарвонларни ҳам кумушдан қилиб қўйган бўлур эдик*.

31-оят. Икки шаҳар – Макка ва Тоиф шаҳарлари. Макка мушриклари ўзларининг бузуқ эътиқодларига кўра, агар Қуръон ҳақиқатан Аллоҳ томонидан нозил қилинган бўлганида эди, маккалик Валид ибн Муғира ёки тоифлик Урва ибн Масъуд ас-Сақафий каби бой-бадавлат, машҳур зодагонлардан бирига нозил қилинган бўлур эди, деб шак ва шубҳада бўлар эдилар (Мд.).

وَلِبُيُوتِهِمْ أَبْوَٰبًا وَسُرُرًا عَلَيْهَا يَتَّكِـُٔونَ ﴿٣٤﴾ وَزُخْرُفًا وَإِن
كُلُّ ذَٰلِكَ لَمَّا مَتَٰعُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَٱلْـَٔاخِرَةُ عِندَ رَبِّكَ
لِلْمُتَّقِينَ ﴿٣٥﴾ وَمَن يَعْشُ عَن ذِكْرِ ٱلرَّحْمَٰنِ نُقَيِّضْ لَهُۥ شَيْطَٰنًا
فَهُوَ لَهُۥ قَرِينٌ ﴿٣٦﴾ وَإِنَّهُمْ لَيَصُدُّونَهُمْ عَنِ ٱلسَّبِيلِ وَيَحْسَبُونَ
أَنَّهُم مُّهْتَدُونَ ﴿٣٧﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا جَآءَنَا قَالَ يَٰلَيْتَ بَيْنِى وَبَيْنَكَ
بُعْدَ ٱلْمَشْرِقَيْنِ فَبِئْسَ ٱلْقَرِينُ ﴿٣٨﴾ وَلَن يَنفَعَكُمُ ٱلْيَوْمَ
إِذ ظَّلَمْتُمْ أَنَّكُمْ فِى ٱلْعَذَابِ مُشْتَرِكُونَ ﴿٣٩﴾ أَفَأَنتَ تُسْمِعُ
ٱلصُّمَّ أَوْ تَهْدِى ٱلْعُمْىَ وَمَن كَانَ فِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٤٠﴾
فَإِمَّا نَذْهَبَنَّ بِكَ فَإِنَّا مِنْهُم مُّنتَقِمُونَ ﴿٤١﴾ أَوْ نُرِيَنَّكَ ٱلَّذِى
وَعَدْنَٰهُمْ فَإِنَّا عَلَيْهِم مُّقْتَدِرُونَ ﴿٤٢﴾ فَٱسْتَمْسِكْ بِٱلَّذِىٓ أُوحِىَ
إِلَيْكَ إِنَّكَ عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٤٣﴾ وَإِنَّهُۥ لَذِكْرٌ لَّكَ وَلِقَوْمِكَ
وَسَوْفَ تُسْـَٔلُونَ ﴿٤٤﴾ وَسْـَٔلْ مَنْ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ مِن رُّسُلِنَآ
أَجَعَلْنَا مِن دُونِ ٱلرَّحْمَٰنِ ءَالِهَةً يُعْبَدُونَ ﴿٤٥﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا
مُوسَىٰ بِـَٔايَٰتِنَآ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ وَمَلَإِي۟هِۦ فَقَالَ إِنِّى رَسُولُ
رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٦﴾ فَلَمَّا جَآءَهُم بِـَٔايَٰتِنَآ إِذَا هُم مِّنْهَا يَضْحَكُونَ ﴿٤٧﴾

34. Яна уларнинг уйларининг эшикларини ҳам, ўзлари устида ястаниб ўтирадиган сўриларни ҳам (кумушдан қилиб қўйган бўлур эдик)*.

35. Яна (тилла ва жавоҳирдан иборат) зебзийнатни ҳам (уларга берган бўлур эдик). (Зеро, буларнинг) барчаси фақат дунё ҳаёти матоҳларидир*. Охират эса, Раббингиз наздида, тақводорлар учундир.

36. Кимки Раҳмон зикридан (Қуръон насиҳатларидан) кўр бўлиб олса (юз ўгирса), Биз унга шайтонни улфат қилиб қўйгаймиз, бас, у унга ҳамроҳдир.

37. Албатта, улар (шайтонлар) уларни («кўрлар»ни) йўлдан тўссалар ҳам (тўсилганлар) ўзларини ҳидоят топувчилар, деб ҳисоблайдилар.

38. То қачонки, Бизнинг ҳузуримизга келгач, (ўша шайтонга қараб): «Қани энди, мен билан сенинг орамиз Шарқ билан Ғарбнинг орасидек узоқ бўлса. Бас,(сен) нақадар ёмон ҳамроҳ экансан!», – дер.

39. Зулм қилганингиз сабабли бугун (яъни қиёмат куни) азобда шерик бўлишингиз сизларга сира фойда бермас.

40. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз «кар»ларга эшиттира олурмисиз, ёки «кўр»лар ва аниқ залолатдаги кимсаларни ҳидоят қила олурмисиз?!

41. Бас, агар Биз Сизни кетказсак (вафот эттирсак ҳам), албатта, Биз улардан (охиратда) интиқом олувчидирмиз.

42. Ёки Биз уларга ваъда қилган нарсани (уларни азоблашимизни ҳаётлик чоғингиздаёқ) Сизга кўрсатайликми?! Зеро, Биз уларга (азоб беришга) қодирмиз.

43. Бас, Сиз ўзингизга ваҳий қилинган нарсани (Қуръонни) маҳкам ушланг! Албатта, Сиз тўғри йўлдадирсиз!

44. Албатта, у (Қуръон) Сиз учун ҳам, қавмингиз (умматингиз) учун ҳам шарафдир ва яқинда (қиёматда ҳаммангиз) сўралурсиз.

45. (Эй, Муҳаммад!) Сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан сўраб боқинг-чи, Раҳмондан ўзга ибодат қилинадиган «илоҳ»лар қилганмиканмиз?!

46. Биз Мусони мўъжизаларимиз билан Фиръавн ва унинг зодагонларига юбордик. Бас, у (Мусо): «Мен (барча) оламлар Парвардигорининг пайғамбаридирман», – деди.

47. Бас, мўъжизаларимизни уларга келтирганида, улар бирданига улардан (мўъжизалардан) кула бошладилар.

33, 34, 35-оятлар. Бу оятлардан хулоса шуки, агар кофирларнинг бой-бадавлат яшашларини кўриб, мусулмонлар биз ҳам кофир бўлсак бўларкан, деб куфрга ўтиб кетмайдиган бўлганларида эди, Аллоҳ таоло кофирларни бундан ҳам бойроқ қилиб қўяр эди. Дунё бойлиги Аллоҳнинг наздида охират неъматларига нисбатан пашшанинг қанотича ҳам қадри йўқ матоҳдир.

وَمَا نُرِيهِم مِّنْ ءَايَةٍ إِلَّا هِيَ أَكْبَرُ مِنْ أُخْتِهَا ۖ وَأَخَذْنَٰهُم
بِٱلْعَذَابِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ ﴿٤٨﴾ وَقَالُوا۟ يَٰٓأَيُّهَ ٱلسَّاحِرُ ٱدْعُ لَنَا
رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ عِندَكَ إِنَّنَا لَمُهْتَدُونَ ﴿٤٩﴾ فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُمُ
ٱلْعَذَابَ إِذَا هُمْ يَنكُثُونَ ﴿٥٠﴾ وَنَادَىٰ فِرْعَوْنُ فِى قَوْمِهِۦ
قَالَ يَٰقَوْمِ أَلَيْسَ لِى مُلْكُ مِصْرَ وَهَٰذِهِ ٱلْأَنْهَٰرُ تَجْرِى مِن
تَحْتِىٓ ۖ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٥١﴾ أَمْ أَنَا۠ خَيْرٌ مِّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى هُوَ مَهِينٌ
وَلَا يَكَادُ يُبِينُ ﴿٥٢﴾ فَلَوْلَآ أُلْقِىَ عَلَيْهِ أَسْوِرَةٌ مِّن ذَهَبٍ أَوْ جَآءَ
مَعَهُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ مُقْتَرِنِينَ ﴿٥٣﴾ فَٱسْتَخَفَّ قَوْمَهُۥ
فَأَطَاعُوهُ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمًا فَٰسِقِينَ ﴿٥٤﴾ فَلَمَّآ ءَاسَفُونَا
ٱنتَقَمْنَا مِنْهُمْ فَأَغْرَقْنَٰهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٥٥﴾ فَجَعَلْنَٰهُمْ
سَلَفًا وَمَثَلًا لِّلْءَاخِرِينَ ﴿٥٦﴾ ۞ وَلَمَّا ضُرِبَ ٱبْنُ مَرْيَمَ
مَثَلًا إِذَا قَوْمُكَ مِنْهُ يَصِدُّونَ ﴿٥٧﴾ وَقَالُوٓا۟ ءَأَٰلِهَتُنَا
خَيْرٌ أَمْ هُوَ ۚ مَا ضَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًۢا ۚ بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِمُونَ ﴿٥٨﴾
إِنْ هُوَ إِلَّا عَبْدٌ أَنْعَمْنَا عَلَيْهِ وَجَعَلْنَٰهُ مَثَلًا لِّبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ
﴿٥٩﴾ وَلَوْ نَشَآءُ لَجَعَلْنَا مِنكُم مَّلَٰٓئِكَةً فِى ٱلْأَرْضِ يَخْلُفُونَ ﴿٦٠﴾

48. Биз уларга (Исроил авлодига) қайси бир мўъжизани кўрсатсак, албатта, у (ўзидан аввалги) шеригидан каттароқ эди. Шояд (имонга) қайтсалар, деб уларни (турли) азобга тутдик.

49. Улар мўъжизаларимизни кўришгач, Мусога: «Эй, сеҳргар! Сенга берган ваъдасига биноан Раббингга бизлар учун дуо қил. (Агар У азобларни аритса) албатта, бизлар ҳидоят топувчидирмиз», – дедилар.

50. Бас, қачонки, Биз улардан азобни аритсак, бирданига улар (ўз аҳдларини яна) буза бошлайдилар.

51. Фиръавн ўз қавмига шундай нидо қилди: «Эй, қавмим! Миср подшоҳлиги ва мана бу остимдан оқиб турган дарёлар* меники эмасми?! Ахир, кўраяпсизлармиз?!

52. Ёки мана бу ҳозир (мақсадини) очиқ баён қила олмайдиган (тили дудуқ) кимсадан (Мусодан)* мен яхшироқ эмасманми?!

53. Бас, унга (Мусога) олтин билагузуклар ташланганида ёки у билан бирга фаришталар ҳамроҳ бўлиб келганида эди!»

54. Бас, у ўз қавмини (Мусога қарши) қўзғатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат, улар фосиқлар қавми эдилар.

55. Бас, қачонки, улар ғазабимизни оширишгач, Биз улардан интиқом олдик – барчаларини (сувга) ғарқ қилиб юбордик.

56. Бас, уларни кейингилар учун ўтмиш (кишилари) ва масал (нақл) қилиб қўйдик.

57. (Эй, Муҳаммад!) Қачонки, Марям ўғли (Исо) мисол қилиб келтирилса, бирданига қавмингиз (шодланиб) қичқира бошлайдилар.

58. Улар: «Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми?!», – дейдилар. Улар (бу мисолни) Сизга фақат тортишиш учунгина келтирадилар. Аслида, улар хусуматчи (жанжалкаш) қавмдирлар.

59. У (Исо) фақатгина Биз (пайғамбарлик) инъом этган бир бандадир. Биз уни (отасиз яратиш билан) Исроил авлоди учун бир мисол (ибрат) қилдик.

60. Агар хоҳлаганимизда, албатта, сизларнинг ўрнингизга Ердаги ўринбосарликка фаришталарни (пайдо) қилган бўлар эдик.

51-оят. Нил дарёси битта. Лекин у Миср ҳудудига яқинлашгач, тўртта кичик дарёга бўлиниб кетган. Улар: “Наҳрул-малик”, “Наҳру Тулун”, “Наҳру Димёт”, “Наҳру Тиннис” бўлиб, улардан бири Фиръавннинг саройи остидан оқиб ўтар эди (Қз.).

52-оят. Мусо (а.с)нинг тили ёшлигида олов чўғини оғзига солганида куйиб, дудуқ бўлиб қолган эди. Сўнгра Аллоҳдан дудуқликни аритиб, тилини равон қилишини сурагач, “Тоҳо” сурасининг 36-оятига кўра, тилаги бажо келтирилган (ИК).
Айтишларича, Мусо (а.с)нинг дудуқлиги тўла кетказилмаган.

وَإِنَّهُۥ لَعِلۡمٞ لِّلسَّاعَةِ فَلَا تَمۡتَرُنَّ بِهَا وَٱتَّبِعُونِۚ هَٰذَا صِرَٰطٞ
مُّسۡتَقِيمٞ ٦١ وَلَا يَصُدَّنَّكُمُ ٱلشَّيۡطَٰنُۖ إِنَّهُۥ لَكُمۡ عَدُوّٞ مُّبِينٞ
٦٢ وَلَمَّا جَآءَ عِيسَىٰ بِٱلۡبَيِّنَٰتِ قَالَ قَدۡ جِئۡتُكُم بِٱلۡحِكۡمَةِ
وَلِأُبَيِّنَ لَكُم بَعۡضَ ٱلَّذِي تَخۡتَلِفُونَ فِيهِۖ فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُونِ
٦٣ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ رَبِّي وَرَبُّكُمۡ فَٱعۡبُدُوهُۚ هَٰذَا صِرَٰطٞ مُّسۡتَقِيمٞ
٦٤ فَٱخۡتَلَفَ ٱلۡأَحۡزَابُ مِنۢ بَيۡنِهِمۡۖ فَوَيۡلٞ لِّلَّذِينَ ظَلَمُواْ
مِنۡ عَذَابِ يَوۡمٍ أَلِيمٍ ٦٥ هَلۡ يَنظُرُونَ إِلَّا ٱلسَّاعَةَ أَن
تَأۡتِيَهُم بَغۡتَةٗ وَهُمۡ لَا يَشۡعُرُونَ ٦٦ ٱلۡأَخِلَّآءُ يَوۡمَئِذِۭ
بَعۡضُهُمۡ لِبَعۡضٍ عَدُوٌّ إِلَّا ٱلۡمُتَّقِينَ ٦٧ يَٰعِبَادِ لَا خَوۡفٌ
عَلَيۡكُمُ ٱلۡيَوۡمَ وَلَآ أَنتُمۡ تَحۡزَنُونَ ٦٨ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِـَٔايَٰتِنَا
وَكَانُواْ مُسۡلِمِينَ ٦٩ ٱدۡخُلُواْ ٱلۡجَنَّةَ أَنتُمۡ وَأَزۡوَٰجُكُمۡ
تُحۡبَرُونَ ٧٠ يُطَافُ عَلَيۡهِم بِصِحَافٖ مِّن ذَهَبٖ وَأَكۡوَابٖۖ
وَفِيهَا مَا تَشۡتَهِيهِ ٱلۡأَنفُسُ وَتَلَذُّ ٱلۡأَعۡيُنُۖ وَأَنتُمۡ فِيهَا
خَٰلِدُونَ ٧١ وَتِلۡكَ ٱلۡجَنَّةُ ٱلَّتِيٓ أُورِثۡتُمُوهَا بِمَا كُنتُمۡ
تَعۡمَلُونَ ٧٢ لَكُمۡ فِيهَا فَٰكِهَةٞ كَثِيرَةٞ مِّنۡهَا تَأۡكُلُونَ ٧٣

61. Албатта, (Исо) қиёмат учун аломатдир. Бас, сизлар у (қиёмат) ҳақида сира шубҳа қилмангиз!* (Эй, Муҳаммад! Макка аҳлига айтинг): «Менга эргашингиз! Мана шу Тўғри йўлдир».

62. Сизларни шайтон (Аллоҳнинг динига эътиқод қилишдан) сира тўсмасин! Албатта, у сизларга аниқ душмандир.

63. Исо (ўз қавмига) ҳужжатларни келтиргач, деди: «Мана мен сизларга Ҳикмат (Инжил)ни (келтирдим ва) сизларга ўзларингиз ихтилоф қилаётган айрим нарсаларни баён қилиб бериш учун (келдим). Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга итоат этингиз!

64. Албатта, Аллоҳнинг ўзи Раббим ва Раббингиздир, бас, Унга ибодат қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир».

65. Сўнгра (насронийлар ичидан чиққан) фирқалар (Исо хусусида) ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, (ундай) зулм қилганларга аламли кун (қиёмат) азоби – ҳалокат бўлгай!

66. Улар фақат ўзлари сезмаган ҳолларида қиёмат тўсатдан келиб қолишини кутмоқдалар, холос.

67. У кунда тақводорлардан ўзга дўстлар бир-бирларига душмандирлар.

68. (У кунда тақво аҳлига айтилур:) «Эй, бандаларим! Бугун сизларга хавф йўқдир ва сизлар асло ғам чекмайсиз.

69. (Сизлар дунёда) оятларимизга имон келтирган ва мусулмон бўлгансиз.

70. Ўзингиз ҳам, хотинларингиз ҳам мамнунлик ҳолларингизда жаннатга кирингиз!»

71. Уларга олтин лаганлар(да таомлар) ва қадаҳлар(да шароблар) айлантирилур. У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда (жаннатда) мангу қолурсиз.

72. Қилиб ўтган амалларингиз учун сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир.

73. Сизлар учун у жойда кўплаб мева(лар) бўлиб, сизлар улардан егайсиз.

61-оят. Ислом таълимотига кўра, Исо (а.с.) қиёмат қойим бўлиши арафасида осмондан Ер юзига нозил бўлиб, 40 йил Ислом шариати бўйича раҳнамолик қилади ва Дажжолни ҳалок этади. Вафот этгач, жанозасини мусулмонлар ўқийди. Бунинг далили сифатида оят ва ҳадисларни келтирганлар. Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Ҳурайра (рз.)лар, Қатода, Абул-Олия, Икрима, Ҳасан Басрий, Заҳҳок (рҳ.)лар мазкур қиёмат аломатлари хусусидаги ҳадисларни ривоят қилганлар (Тб. Мд. Хз. ИК). “Нисо” сурасининг 159-оятида ҳам Исо (а.с.) вафот этмасидан олдин ҳамма аҳли китоблар унга “Аллоҳнинг ўғли эмас, балки пайғамбари”, – деб имон келтиришлари тўғрисида хабар берилган эди. Шунга кўра, Исо (а.с.) осмонда тирик ҳолатдадир.

إِنَّ ٱلْمُجْرِمِينَ فِى عَذَابِ جَهَنَّمَ خَٰلِدُونَ ﴿٧٤﴾ لَا يُفَتَّرُ عَنْهُمْ وَهُمْ
فِيهِ مُبْلِسُونَ ﴿٧٥﴾ وَمَا ظَلَمْنَٰهُمْ وَلَٰكِن كَانُوا۟ هُمُ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٧٦﴾
وَنَادَوْا۟ يَٰمَٰلِكُ لِيَقْضِ عَلَيْنَا رَبُّكَ ۖ قَالَ إِنَّكُم مَّٰكِثُونَ ﴿٧٧﴾ لَقَدْ
جِئْنَٰكُم بِٱلْحَقِّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَكُمْ لِلْحَقِّ كَٰرِهُونَ ﴿٧٨﴾ أَمْ أَبْرَمُوٓا۟ أَمْرًا
فَإِنَّا مُبْرِمُونَ ﴿٧٩﴾ أَمْ يَحْسَبُونَ أَنَّا لَا نَسْمَعُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَىٰهُم ۚ بَلَىٰ
وَرُسُلُنَا لَدَيْهِمْ يَكْتُبُونَ ﴿٨٠﴾ قُلْ إِن كَانَ لِلرَّحْمَٰنِ وَلَدٌ فَأَنَا۠ أَوَّلُ
ٱلْعَٰبِدِينَ ﴿٨١﴾ سُبْحَٰنَ رَبِّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ رَبِّ ٱلْعَرْشِ
عَمَّا يَصِفُونَ ﴿٨٢﴾ فَذَرْهُمْ يَخُوضُوا۟ وَيَلْعَبُوا۟ حَتَّىٰ يُلَٰقُوا۟ يَوْمَهُمُ
ٱلَّذِى يُوعَدُونَ ﴿٨٣﴾ وَهُوَ ٱلَّذِى فِى ٱلسَّمَآءِ إِلَٰهٌ وَفِى ٱلْأَرْضِ
إِلَٰهٌ ۚ وَهُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٨٤﴾ وَتَبَارَكَ ٱلَّذِى لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَعِندَهُۥ عِلْمُ ٱلسَّاعَةِ وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ
﴿٨٥﴾ وَلَا يَمْلِكُ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ مِن دُونِهِ ٱلشَّفَٰعَةَ إِلَّا مَن
شَهِدَ بِٱلْحَقِّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَهُمْ
لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ ۖ فَأَنَّىٰ يُؤْفَكُونَ ﴿٨٧﴾ وَقِيلِهِۦ يَٰرَبِّ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ قَوْمٌ
لَّا يُؤْمِنُونَ ﴿٨٨﴾ فَٱصْفَحْ عَنْهُمْ وَقُلْ سَلَٰمٌ ۚ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٨٩﴾

74. Албатта, жиноятчилар (кофирлар) жаҳаннам азобида мангу қолувчидирлар.

75. Улардан (азоб) енгиллатилмас ва улар у ерда бутунлай ноумиддирлар.

76. Уларга Биз зулм қилмадик, лекин (ўзларига) ўзлари зулм қилувчи бўлдилар.

77. Улар (дўзах фариштасига): «Эй, Молик! Парвардигоринг бизга Ўз ҳукмини қилсин (жонимизни олсин!)», – деб нидо қилганларида, у (фаришта): «Сизлар (шу азобда мангу) қолувчидирсиз», – дейди.

78. Биз сизларга ҳақиқатни (Қуръонни) келтирдик, лекин сизларнинг кўпларингиз ҳақиқатни ёмон кўрувчидирсиз.

79. Ёки улар (яъни, Макка мушриклари) бирор ишга қарор қилдиларми?! Бас, албатта, Биз ҳам қарор қилувчидирмиз.

80. Балки уларнинг гумонларича, Биз уларнинг сирларини (билмасмиз) ва пичирлашувларини эшитмасмиз?! Йўқ! Бизнинг элчиларимиз (фаришталар) уларнинг олдиларида (қилган ишларини) ёзиб турурлар.

81. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Агар Раҳмоннинг фарзанди бўлганида мен (у болага) ибодат қилувчиларнинг биринчиси бўлур эдим».

82. Осмонлар ва Ернинг Парвардигори ва Аршнинг эгаси (бўлмиш Аллоҳ) улар сифатлаётган нарса (айблар)дан покдир.

83. Бас, Сиз уларни тарк этинг! Улар, то ўзларига ваъда қилинган кунга (қиёматга) рўбарў бўлгунларича (гуноҳ лойига) ботиб, ўйнаб юраверсинлар!

84. У (Аллоҳ) осмонда ҳам илоҳ, ерда ҳам илоҳдир. У ҳикмат ва илм эгасидир.

85. Осмонлар ва Ер ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг ҳукмронлигига эга бўлган зот (Аллоҳ) баракотлидир. Қиёмат илми ҳам ёлғиз Унинг ҳузуридадир ва Унгагина қайтарилурсиз.

86. (Аллоҳни) қўйиб, сиғинаётган нарсалари (қиёмат куни) шафоат қилишга эга бўла олмас, илло ўзлари билган ҳолларида ҳаққоний гувоҳлик берган кишиларгина (шафоат қилишга изн олурлар).

87. (Эй, Муҳаммад!) Қасамки, агар улардан ўзларини ким яратгани ҳақида сўрасангиз, албатта, улар: «Аллоҳ», – дерлар. Бас, (ундай бўлса) қаёққа бурилиб кетмоқдалар?!

88. (Аллоҳ ўз расулининг): «Эй, Раббим! Дарҳақиқат, ана улар имон келтирмайдиган қавмдир», – деганини ҳам (билур).

89. Бас, (Эй, Муҳаммад!) Улардан юз ўгиринг ва «Саломатлик бўлсин» денг! Бас, улар яқинда (ҳақиқатни) билиб олажаклар.



Духон сураси

Маккада нозил қилинган. 59 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. Аниқ Китобга (Қуръонга) қасамёд этурманки,

3. албатта, Биз уни муборак кечада* нозил қилдик. Дарҳақиқат, Биз огоҳлантирувчидирмиз.

4. У (муборак кеча)да барча ҳикматли иш(лар) ажрим қилинур.

5. (У ишлар) Бизнинг ҳузуримиздан бўлган ишлардир. Дарҳақиқат, Биз (пайғамбар) юборувчидирмиз.

6. Бу Раббингиз (томони)дан раҳматдир. Албатта, Унинг ўзи эшитувчи ва билувчидир.

7. Агар (чиндан) ишонувчи бўлсангиз, (Раббингиз) осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг ҳам Парвардигоридир.

8. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ўлдиради ва тирилтиради. Сизларнинг Парвардигорингиз ҳам, аввалги ота-боболарингизнинг Парвардигори ҳам (Унинг ўзидир).

9. Йўқ, улар (ҳали ҳам) шак ичра (масхара қилиб) ўйнарлар.

10. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз осмон аниқ тутунни* келтирадиган кунни кутинг!

11. У (тутун барча) одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир.

12. «Эй, Раббимиз! Бизлардан (бу) азобни аритгин! Албатта, бизлар имон келтирувчидирмиз» (деб илтижо қилурлар).

13. Уларда қаёқдан ҳам эслатма бўлсин, ҳолбуки, уларга аниқ пайғамбар келган эди.

14. Сўнгра ундан юз ўгирдилар ва: «(Унга Қуръон бировлар томонидан) ўргатиб қўйилган, (у) мажнун», – дедилар.

15. Биз бу азобни (сизлардан) бироз аритувчидирмиз, сизлар ҳам (ўз куфру исёнларингизга) қайтувчидирсиз.

16. Даҳшатли тутиш билан тутадиган кунимизда (Бадр жангида ёки қиёматда) Биз интиқом олувчидирмиз.

17. Биз улардан илгари Фиръавн қавмини ҳам имтиҳон қилганмиз ва уларга бир улуғ пайғамбар (Мусо) келган эди.

18. (У уларга деган эди:) «Сизлар менга Аллоҳнинг бандаларини (Исроил авлодини) топширингиз! Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман.

---

44. ДУХОН СУРАСИ

Духон – тутун. Суранинг 10-оятида тутун ҳақида хабар бор.

Сурада Макка мушрикларининг мусулмонларга, хусусан Расул (а.с.)га берган азиятлари, Мусо (а.с.) билан Фиръавн ўртасидаги можаролар ва бошқа маълумотлар баён этилган.

3-оят. Муборак кеча –“Лайлатул-қадр” кечаси. Ҳадисга кўра, у Рамазон ойининг 27-кечасидир.

Ушбу суранинг 4-ояти ва “Қадр” сурасининг 4-оятига қараганда, шу кечада келгуси йилнинг шу кечасигача қилинадиган барча ишларни фаришталар ўлчаб-ҳисоблаб қўядилар.

10-оят. Оятдаги “тутун”дан мурод Макка мушриклари бошига тушган қурғоқчилик йиллари ердан кўтарилувчи чанг-тўзон одамлар кўзига бамисоли тутун бўлиб кўринганидир.

19. Аллоҳга кибр қилмангиз! Мен сизларга (пайғамбар эканимга) аниқ ҳужжат (мўъжиза) келтирурман.

20. Мен Раббим ва Раббингиздан мени тошбўрон қилишларингиздан паноҳ сўрадим.

21. Агар менга имон келтирмасангиз, у ҳолда мендан четланингиз!»

22. Бас, у Парвардигорига: «Улар жиноятчи қавмдир», – деб дуо қилди.

23. Бас, (Мусога ваҳий бўлдики:) «Бандаларим (Исроил авлоди) билан бирга тунда йўлга чиққин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур (ортингиздан Фиръавн таъқиб қилур).

24. Денгизни сокин қўявергин! Улар ғарқ қилинувчи қўшиндир».

25-26. Улар қанчадан-қанча боғларни, чашмаларни, экинзорларни ва сўлим жойларни қолдириб (ғарқ бўлиб) кетдилар.

27. Яна (қанчадан-қанча) ўзлари баҳраманд бўлган неъматларни (қолдириб кетдилар).

28. Мана шундай. Биз у (неъматлар)ни бошқа қавмга мерос қилиб бердик.

29. Бас, уларга осмон ҳам, Ер ҳам (аза тутиб) «йиғлагани» йўқ ва уларга (тавба қилиш учун) муҳлат ҳам берилмади.

30. Дарҳақиқат, Биз Исроил авлодига хор қилувчи азобдан нажот бердик,

31. Фиръавндан. У, ҳақиқатан, мутакаббир ва ҳаддан ошувчилардан эди.

32. Дарҳақиқат, Биз уларни (Исроил авлодини) билган ҳолимизда оламлардан (одамлар ичидан) танлаган эдик.

33. Яна уларга мўъжизалардан замирида аниқ синов борларини ато этдик.

34. Албатта, ана улар айтадилар:

35. «Ўлим фақат биринчи ўлимимиздир ва бизлар қайта тирилувчи эмасмиз.

36. Бас, агар («охират бор» деган сўзларингизда) ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни (қайта тирилтириб) келтирингиз-чи?», – дерлар.

37. Улар (куч-қувватда) яхшироқми ёки Туббаъ қавми* ва улардан аввалги кишиларми?! Биз уларни ҳалок қилдик. Чунки, улар жиноятчи эдилар.

38. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб (беҳуда) яратганимиз йўқ.

39. Биз уларни фақат ҳақиқат (жиддият) билан яратганмиз. Лекин уларнинг аксарияти (бунинг ҳикматини) билмайдилар.

وَأَن لَّا تَعْلُوا عَلَى اللَّهِ إِنِّي آتِيكُم بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ ﴿١٩﴾ وَإِنِّي عُذْتُ
بِرَبِّي وَرَبِّكُمْ أَن تَرْجُمُونِ ﴿٢٠﴾ وَإِن لَّمْ تُؤْمِنُوا لِي فَاعْتَزِلُونِ ﴿٢١﴾ فَدَعَا
رَبَّهُ أَنَّ هَٰؤُلَاءِ قَوْمٌ مُّجْرِمُونَ ﴿٢٢﴾ فَأَسْرِ بِعِبَادِي لَيْلًا إِنَّكُم
مُّتَّبَعُونَ ﴿٢٣﴾ وَاتْرُكِ الْبَحْرَ رَهْوًا إِنَّهُمْ جُندٌ مُّغْرَقُونَ ﴿٢٤﴾ كَمْ
تَرَكُوا مِن جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿٢٥﴾ وَزُرُوعٍ وَمَقَامٍ كَرِيمٍ ﴿٢٦﴾ وَنَعْمَةٍ
كَانُوا فِيهَا فَاكِهِينَ ﴿٢٧﴾ كَذَٰلِكَ وَأَوْرَثْنَاهَا قَوْمًا آخَرِينَ ﴿٢٨﴾
فَمَا بَكَتْ عَلَيْهِمُ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ وَمَا كَانُوا مُنظَرِينَ ﴿٢٩﴾ وَلَقَدْ
نَجَّيْنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ مِنَ الْعَذَابِ الْمُهِينِ ﴿٣٠﴾ مِن فِرْعَوْنَ إِنَّهُ
كَانَ عَالِيًا مِّنَ الْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾ وَلَقَدِ اخْتَرْنَاهُمْ عَلَىٰ عِلْمٍ عَلَى
الْعَالَمِينَ ﴿٣٢﴾ وَآتَيْنَاهُم مِّنَ الْآيَاتِ مَا فِيهِ بَلَاءٌ مُّبِينٌ
﴿٣٣﴾ إِنَّ هَٰؤُلَاءِ لَيَقُولُونَ ﴿٣٤﴾ إِنْ هِيَ إِلَّا مَوْتَتُنَا الْأُولَىٰ وَمَا
نَحْنُ بِمُنشَرِينَ ﴿٣٥﴾ فَأْتُوا بِآبَائِنَا إِن كُنتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣٦﴾ أَهُمْ
خَيْرٌ أَمْ قَوْمُ تُبَّعٍ وَالَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ أَهْلَكْنَاهُمْ إِنَّهُمْ كَانُوا مُجْرِمِينَ
﴿٣٧﴾ وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا لَاعِبِينَ ﴿٣٨﴾
مَا خَلَقْنَاهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾

37-оят. "Туббаъ қавми" қадимда Яман диёрида яшаб ўтган Туббаъ исмли бир мўмин подшоҳнинг фуқаролари бўлиб, улар жуда бадавлат ва басавлат бўлишган. Ўз подшоҳларига итоат этмаганларидан кейин Аллоҳ таоло у қавмни ҳалок қилиб юборган. Туббаъ қабридан топилган мактуб Муҳаммад (а.с.)га ёзилгани ва ўзининг имонли экани маълум бўлган. Макка аҳлининг итоатсизлиги туфайли уларга ҳам шу каби жазо келиб қолиши ҳақида огоҳлантирилмоқда (Тб.).

إِنَّ يَوْمَ ٱلْفَصْلِ مِيقَـٰتُهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٠﴾ يَوْمَ لَا يُغْنِى مَوْلًى
عَن مَّوْلًى شَيْـًٔا وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ ﴿٤١﴾ إِلَّا مَن رَّحِمَ ٱللَّهُ
إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٤٢﴾ إِنَّ شَجَرَتَ ٱلزَّقُّومِ ﴿٤٣﴾
طَعَامُ ٱلْأَثِيمِ ﴿٤٤﴾ كَٱلْمُهْلِ يَغْلِى فِى ٱلْبُطُونِ ﴿٤٥﴾ كَغَلْىِ
ٱلْحَمِيمِ ﴿٤٦﴾ خُذُوهُ فَٱعْتِلُوهُ إِلَىٰ سَوَآءِ ٱلْجَحِيمِ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ
صُبُّوا۟ فَوْقَ رَأْسِهِۦ مِنْ عَذَابِ ٱلْحَمِيمِ ﴿٤٨﴾ ذُقْ إِنَّكَ
أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْكَرِيمُ ﴿٤٩﴾ إِنَّ هَـٰذَا مَا كُنتُم بِهِۦ تَمْتَرُونَ
﴿٥٠﴾ إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى مَقَامٍ أَمِينٍ ﴿٥١﴾ فِى جَنَّـٰتٍ وَعُيُونٍ
﴿٥٢﴾ يَلْبَسُونَ مِن سُندُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُّتَقَـٰبِلِينَ ﴿٥٣﴾
كَذَٰلِكَ وَزَوَّجْنَـٰهُم بِحُورٍ عِينٍ ﴿٥٤﴾ يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ
فَـٰكِهَةٍ ءَامِنِينَ ﴿٥٥﴾ لَا يَذُوقُونَ فِيهَا ٱلْمَوْتَ
إِلَّا ٱلْمَوْتَةَ ٱلْأُولَىٰ ۖ وَوَقَىٰهُمْ عَذَابَ ٱلْجَحِيمِ ﴿٥٦﴾ فَضْلًا
مِّن رَّبِّكَ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿٥٧﴾ فَإِنَّمَا يَسَّرْنَـٰهُ بِلِسَانِكَ
لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٥٨﴾ فَٱرْتَقِبْ إِنَّهُم مُّرْتَقِبُونَ ﴿٥٩﴾

سُورَةُ الجَاثِيَة

40. Ажрим куни (қиёмат куни) барчаларининг (ҳисоб-китоб) вақтидир.

41. У кунда дўст дўстга бирор нарсада асқотмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.

42. Илло, Аллоҳ раҳмат қилган кишиларгагина (ёрдам берилур). Албатта, Унинг ўзи қудратли ва раҳмлидир.

43. Албатта, (дўзахдаги) Заққум дарахти

44. гуноҳкорнинг таомидир.

45. (У) қоринларда ёғдек қайнар

46. қайноқ сувнинг қайнашидек.

47. (Фаришталар:) «Уни (гуноҳкорни) ушлаб дўзахнинг ўртасига судраб олиб борингиз

48. сўнгра бошидан қайноқ сув азобидан қуйингиз!», – дерлар.

49. (Унга масхара сифатида: «Мана бу азобни) тотиб кўргин! Дарҳақиқат, сен «азиз ва мукаррам»дирсан.

50. Дарвоқе, бу (азоб) сизлар шубҳа қилиб юрган нарсангиздир!» (дейилур.)

51. Албатта, тақволи зотлар (у кунда) осойишта жойда –

52. боғлар ва чашмалар устида бўлурлар.

53. Улар бир-бирларига юзма-юз бўлган ҳолда, қалин ва юпқа шойидан либослар киюрлар.

54. Мана шундай! Яна, Биз уларга оппоқ юзли катта ва чиройли кўзли ҳур қизларни жуфт қилиб берурмиз*.

55. Улар у жойда хотиржам бўлган ҳолларида ҳар турли мевани чорлагайлар.

56. Улар (жаннатда) биринчи (дунёдаги) ўлимдан бошқа ўлимни тотмаслар. (Аллоҳ) уларни дўзах азобидан сақлагандир.

57. (Бу) Парвардигорингиз (томони)дан бўлмиш фазлдир. Мана шу улкан ютуқдир.

58. Бас, (эй, Муҳаммад!) дарҳақиқат, эслатма олишлари учун Биз (бу Қуръонни) Сизнинг тилингиз билан* осон (енгил) қилиб қўйдик.

59. Бас, энди Сиз (кофирлар ҳоли не кечишига) кўз тутинг! Улар ҳам, албатта, (Сизнинг ҳалокатингизга) кўз тутувчидирлар.

Жосия *сураси*

Маккада нозил қилинган. 37 оят.

54-оят. Жаннатдаги ҳур қизлар бу дунёдаги жория, чўри қизлар каби никоҳсиз алоқа қилинаверади. Жаннат аҳлининг дилига бошқаларнинг аёлларини ҳавас қилиш мутлақо келмайди (Ол.).

58-оят. “Сизнинг тилингиз”, яъни Қуръонни фасиҳ араб тилида нозил қилиш билан ўқишга ва тушунишга осон қилиб қўйдик, дейилмоқда.

45.ЖОСИЯ СУРАСИ

Жосия – тиз чўкиб ўтирувчи деган маънони билдиради. Суранинг 28-оятида қиёмат куни ҳар бир уммат ўз тақдири нима бўлишини кутиб, тиз чўккан ҳолда ўтиришлари тасвирланган. Шу сабабли сурага мазкур ном берилган.

Сурада Исроил авлодининг Аллоҳга нисбатан итоатсизлик ва ношукурчиликлари, умуман, инсоннинг дунё бойлигига ортиқча меҳр қўйиши ва бахиллик қилиши мудҳиш оқибатларга олиб келиши ҳақида танбеҳ берилган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلُ ٱلْكِتَٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَكِيمِ ﴿٢﴾ إِنَّ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ لَءَايَٰتٍ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٣﴾ وَفِى خَلْقِكُمْ وَمَا يَبُثُّ مِن دَآبَّةٍ ءَايَٰتٌ
لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ ﴿٤﴾ وَٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ وَمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ
مِن رِّزْقٍ فَأَحْيَا بِهِ ٱلْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَتَصْرِيفِ ٱلرِّيَٰحِ ءَايَٰتٌ لِّقَوْمٍ
يَعْقِلُونَ ﴿٥﴾ تِلْكَ ءَايَٰتُ ٱللَّهِ نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِٱلْحَقِّ فَبِأَىِّ حَدِيثٍۭ بَعْدَ
ٱللَّهِ وَءَايَٰتِهِۦ يُؤْمِنُونَ ﴿٦﴾ وَيْلٌ لِّكُلِّ أَفَّاكٍ أَثِيمٍ ﴿٧﴾ يَسْمَعُ ءَايَٰتِ
ٱللَّهِ تُتْلَىٰ عَلَيْهِ ثُمَّ يُصِرُّ مُسْتَكْبِرًا كَأَن لَّمْ يَسْمَعْهَا فَبَشِّرْهُ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ
﴿٨﴾ وَإِذَا عَلِمَ مِنْ ءَايَٰتِنَا شَيْـًٔا ٱتَّخَذَهَا هُزُوًا أُو۟لَٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ
مُّهِينٌ ﴿٩﴾ مِّن وَرَآئِهِمْ جَهَنَّمُ وَلَا يُغْنِى عَنْهُم مَّا كَسَبُوا۟ شَيْـًٔا
وَلَا مَا ٱتَّخَذُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَوْلِيَآءَ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿١٠﴾ هَٰذَا
هُدًى وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِـَٔايَٰتِ رَبِّهِمْ لَهُمْ عَذَابٌ مِّن رِّجْزٍ أَلِيمٌ ﴿١١﴾
۞ ٱللَّهُ ٱلَّذِى سَخَّرَ لَكُمُ ٱلْبَحْرَ لِتَجْرِىَ ٱلْفُلْكُ فِيهِ بِأَمْرِهِۦ وَلِتَبْتَغُوا۟ مِن
فَضْلِهِۦ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٢﴾ وَسَخَّرَ لَكُم مَّا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى
ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا مِّنْهُ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٣﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. (Бу Қуръон) қудратли ва ҳикматли Аллоҳ (томони)дан нозил қилинган китобдир.

3. Ҳақиқатан, осмонлар ва Ерда мўминлар учун (Аллоҳнинг борлиги ва ягоналигига далолат қиладиган) аломатлар бордир*.

4. Яна сизларнинг яратилишингизда ва (Аллоҳ Ер юзига) тарқатиб юборган жониворларда ҳам қатъий ишонадиган кишилар учун аломатлар бордир.

5. Яна кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмондан ёғдириб, у билан «ўлган» ерни «тирилтирган» ризқ (ёмғир)да ҳамда шамолларнинг йўналтирилишида ақл юргизадиган кишилар учун аломатлар бордир.

6. (Эй, Муҳаммад!) Булар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, уларни Сизга ҳаққонийлик билан тиловат қилиб бермоқдамиз. Бас, улар (Макка кофирлари) Аллоҳ ва Унинг оятларини қўйиб, қайси сўзга имон келтирмоқдалар ўзи?!

7. Ҳар қандай бўҳтончи ва гуноҳкорнинг ҳолига вой!

8. (У) ўзига тиловат қилинаётган Аллоҳ оятларини эшитар, сўнгра гўё уларни эшитмагандек, кибрланган ҳолда (ўз куфрида) давом этар. Бас, (эй, Муҳаммад!) Унга аламли азоб «хушхабари»ни беринг!

9. Қачон (у) оятларимиздан бирор нарсани билиб олса, уни масхара қилур. Ана ўшаларга (қиёматда) хор қилувчи азоб бордир.

10. Уларнинг ортида жаҳаннам бор! Топгани (бойлик ва фарзандлари) ҳам, Аллоҳни қўйиб тутган «дўстлари» ҳам уларга бирор нарсада асқотмас. Уларга улкан азоб бордир.

11. Ушбу (Қуръон) ҳидоятдир. Парвардигорларининг оятларига кофир бўлган кимсалар учун эса, аламли уқубат азоби бордир.

12. Аллоҳ амри билан кемаларнинг сузиши ҳамда (у кемаларда) Унинг фазли (ризқи)дан исташингиз ва шукр қилишларингиз учун сизларга денгизни бўйин сундириб қўйган зотдир.

13. У ўз томонидан сизларга осмонлардаги ва Ердаги барча нарсаларни бўйин сундирди. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир.

3-оят. Аллоҳ таоло ушбу ва кейинги икки оят орқали Ўзининг яккаю ягона экани, ҳикмати ва қудратининг нақадар чексизлигини идрок этишга далолат қиладиган аломатларнинг кўплиги, уларни коинот, ҳайвонот ва наботот оламидан излаш кераклиги ҳақида эслатма бермоқда. Аллоҳнинг яратган мавжудотлари хусусида тафаккур қилиш ва эътиқодни мустаҳкамлаш учун ақлий далиллардан фойдаланишга буюрилмоқда. Зеро, тафаккур ҳам ибодат ҳукмидадир.

قُل لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ يَغۡفِرُواْ لِلَّذِينَ لَا يَرۡجُونَ أَيَّامَ ٱللَّهِ لِيَجۡزِيَ
قَوۡمَۢا بِمَا كَانُواْ يَكۡسِبُونَ ١٤ مَنۡ عَمِلَ صَٰلِحٗا فَلِنَفۡسِهِۦۖ
وَمَنۡ أَسَآءَ فَعَلَيۡهَاۖ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمۡ تُرۡجَعُونَ ١٥ وَلَقَدۡ ءَاتَيۡنَا
بَنِيٓ إِسۡرَٰٓءِيلَ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحُكۡمَ وَٱلنُّبُوَّةَ وَرَزَقۡنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ
وَفَضَّلۡنَٰهُمۡ عَلَى ٱلۡعَٰلَمِينَ ١٦ وَءَاتَيۡنَٰهُم بَيِّنَٰتٖ مِّنَ ٱلۡأَمۡرِۖ
فَمَا ٱخۡتَلَفُوٓاْ إِلَّا مِنۢ بَعۡدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلۡعِلۡمُ بَغۡيَۢا بَيۡنَهُمۡۚ إِنَّ
رَبَّكَ يَقۡضِي بَيۡنَهُمۡ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ فِيمَا كَانُواْ فِيهِ يَخۡتَلِفُونَ
١٧ ثُمَّ جَعَلۡنَٰكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٖ مِّنَ ٱلۡأَمۡرِ فَٱتَّبِعۡهَا وَلَا تَتَّبِعۡ
أَهۡوَآءَ ٱلَّذِينَ لَا يَعۡلَمُونَ ١٨ إِنَّهُمۡ لَن يُغۡنُواْ عَنكَ مِنَ ٱللَّهِ
شَيۡـٔٗاۚ وَإِنَّ ٱلظَّٰلِمِينَ بَعۡضُهُمۡ أَوۡلِيَآءُ بَعۡضٖۖ وَٱللَّهُ وَلِيُّ ٱلۡمُتَّقِينَ
١٩ هَٰذَا بَصَٰٓئِرُ لِلنَّاسِ وَهُدٗى وَرَحۡمَةٞ لِّقَوۡمٖ يُوقِنُونَ
٢٠ أَمۡ حَسِبَ ٱلَّذِينَ ٱجۡتَرَحُواْ ٱلسَّيِّـَٔاتِ أَن نَّجۡعَلَهُمۡ كَٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ سَوَآءٗ مَّحۡيَاهُمۡ وَمَمَاتُهُمۡۚ سَآءَ
مَا يَحۡكُمُونَ ٢١ وَخَلَقَ ٱللَّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ بِٱلۡحَقِّ
وَلِتُجۡزَىٰ كُلُّ نَفۡسِۭ بِمَا كَسَبَتۡ وَهُمۡ لَا يُظۡلَمُونَ ٢٢

14. (Эй, Муҳаммад!) Имон келтирган кишиларга айтинг, улар Аллоҳ кунлари (қиёмат)дан умид қилмайдиган кимсаларни кечириб юбораверсинлар! Шунда (у сабрли) кишиларни қилган ишлари (кечиришлари) сабабли мукофотлагай!

15. Кимки яхшилик қилса, бас, ўзи учундир. Кимки ёмонлик қилса, бас, ўз зараригадир. Сўнгра Раббингиз ҳузурига қайтарилурсиз.

16. Дарҳақиқат, Биз Исроил авлодига Китоб (Таврот), ҳикмат ва пайғамбарлик ато этдик ва уларни покиза нарсалардан ризқлантирдик ҳамда уларни (ўз замонасидаги) оламлардан афзал қилдик.

17. Яна уларга (дини) ишнинг ҳужжатларини ато этдик. Бас, улар илм (ҳужжат) келганидан сўнггина ўзаро адоват сабабли ихтилоф қилдилар. Албатта, Раббингиз қиёмат куни ўрталарида ихтилоф қилган нарсалари ҳақида ҳукм қилур.

18. Сўнгра (эй, Муҳаммад!) Биз Сизни (диний) ишдан иборат шариат узра (барқарор) қилдик. Бас, Сиз ўшанга эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи (фикр)ларига эргашманг!

19. Чунки, улар Сиздан Аллоҳ (томони)дан бўлмиш (бирор) нарсани (азобни) қайтара олмаслар. Албатта, золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллоҳ эса тақводорларнинг дўстидир.

20. Ушбу (оятлар) одамлар учун дил кўзгуларидир ва аниқ ишонадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳмат (манбаи)дир.

21. Балки (куфр ва бошқа) гуноҳларни касб этганлар ўзларини имон келтириб, солиҳ амалларни қилган зотлар билан тенг қилишимизни ва ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар деб ўйлагандирлар?! Қандай ҳам ёмон (ноҳақ) ҳукм қилурлар?!*

22. Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратди ва барча жон (қиёмат куни) ноҳақлик қилинмаган ҳолларида ўзлари қилган амалларига яраша жазоланурлар.

21-оят. Ушбу оятнинг зоҳирий маъноси жуда оғир бўлганидан баъзи улуғ кишилар ундан таъсирланиб бетоқат бўлганлари нақл қилинади. Масалан, Тамим ад-Дорий (рз.) тунда Каъбадаги “Мақоми Иброҳим” ёнида нафл намоз ўқиётиб, шу оятга келганида ундан таъсирланиб йиғлай бошлабди ва тонг отгунга қадар шу бир оятни қайта-қайта такрорлаб чиққан экан. Фузайл ибн Иёз (қ.с.) эса, мазкур оятни кўп такрорлаб, ўзига-ўзи: “Эй, Фузайл! Кошки, сен бу икки тоифанинг қайси биридан эканингни билсанг!”, – дер экан (Мд.).

Дарҳақиқат, оят сўзма-сўз таржима қилинса, мўмин бўла туриб гунох ишлардан сақланмаган кишилар билан имон келтириб, солиҳ амалларни қилган ва гуноҳлардан сақланган кишилар асло тенг бўлмаслиги чиқади. Гуноҳдан сақланишнинг эса, имкони йўқ. Улуғ зотларни йиғлатган нарса шу эди (Мд.).

أَفَرَءَيْتَ مَنِ ٱتَّخَذَ إِلَٰهَهُۥ هَوَىٰهُ وَأَضَلَّهُ ٱللَّهُ عَلَىٰ عِلْمٍ وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِۦ
وَقَلْبِهِۦ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِۦ غِشَٰوَةً فَمَن يَهْدِيهِ مِنۢ بَعْدِ ٱللَّهِ ۚ أَفَلَا
تَذَكَّرُونَ ﴿٢٣﴾ وَقَالُوا۟ مَا هِىَ إِلَّا حَيَاتُنَا ٱلدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا يُهْلِكُنَآ
إِلَّا ٱلدَّهْرُ ۚ وَمَا لَهُم بِذَٰلِكَ مِنْ عِلْمٍ ۖ إِنْ هُمْ إِلَّا يَظُنُّونَ ﴿٢٤﴾ وَإِذَا تُتْلَىٰ
عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُنَا بَيِّنَٰتٍ مَّا كَانَ حُجَّتَهُمْ إِلَّآ أَن قَالُوا۟ ٱئْتُوا۟ بِـَٔابَآئِنَآ إِن
كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٢٥﴾ قُلِ ٱللَّهُ يُحْيِيكُمْ ثُمَّ يُمِيتُكُمْ ثُمَّ يَجْمَعُكُمْ إِلَىٰ يَوْمِ
ٱلْقِيَٰمَةِ لَا رَيْبَ فِيهِ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَيَوْمَ تَقُومُ ٱلسَّاعَةُ يَوْمَئِذٍ يَخْسَرُ ٱلْمُبْطِلُونَ
﴿٢٧﴾ وَتَرَىٰ كُلَّ أُمَّةٍ جَاثِيَةً ۚ كُلُّ أُمَّةٍ تُدْعَىٰٓ إِلَىٰ كِتَٰبِهَا ٱلْيَوْمَ تُجْزَوْنَ مَا كُنتُمْ
تَعْمَلُونَ ﴿٢٨﴾ هَٰذَا كِتَٰبُنَا يَنطِقُ عَلَيْكُم بِٱلْحَقِّ ۚ إِنَّا كُنَّا نَسْتَنسِخُ
مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٢٩﴾ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ
فَيُدْخِلُهُمْ رَبُّهُمْ فِى رَحْمَتِهِۦ ۚ ذَٰلِكَ هُوَ ٱلْفَوْزُ ٱلْمُبِينُ ﴿٣٠﴾ وَأَمَّا
ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَفَلَمْ تَكُنْ ءَايَٰتِى تُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فَٱسْتَكْبَرْتُمْ وَكُنتُمْ قَوْمًا
مُّجْرِمِينَ ﴿٣١﴾ وَإِذَا قِيلَ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ وَٱلسَّاعَةُ لَا رَيْبَ فِيهَا قُلْتُم
مَّا نَدْرِى مَا ٱلسَّاعَةُ إِن نَّظُنُّ إِلَّا ظَنًّا وَمَا نَحْنُ بِمُسْتَيْقِنِينَ ﴿٣٢﴾

23. (Эй, Муҳаммад!) Ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни (азалдан гумроҳ бўлишини) билган ҳолда адаштириб, қулоқ ва қалбини муҳрлаб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани кўрдингизми? Бас, уни Аллоҳ (адаштиргани)дан сўнг ким ҳидоят қила олур?! Ахир, (бундан) эслатма олмайсизларми?!

24. Улар (қиёматни инкор этувчилар): «(Ҳаёт) фақат шу дунёдаги ҳаётимиздир. (Биримиз) ўлиб, (биримиз) яшаб юраверамиз. Бизларни (Аллоҳ эмас, балки) фақат замон (ўтиши)гина ўлдиради», – дедилар*. Ҳолбуки, уларда бу тўғрида бирор билим (ҳужжат) йўқдир. Улар фақат (ўзларича) гумон қилурлар, холос.

25. Қачон уларга (қайта тирилиш нималигини баён этувчи ҳолида оятларимиз тиловат қилинса, уларнинг (Бизга қарши) «ҳужжатлари» фақат: «Агар ростгўй бўлсангиз, ота-боболаримизни (тирилтириб) келтиринг-чи», – дейишларигина бўлур.

26. Айтинг: «Аллоҳ сизларга ҳаёт берур, сўнгра (ажалларингиз етгач) ўлдирур, сўнгра сизларни ҳеч шубҳасиз (келадиган) қиёмат кунига тўплар. Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмаслар».

27. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга хосдир. Қиёмат қойим бўладиган куни – ана ўша кунда бузғунчилар зиён тортурлар.

28. (У кунда) барча умматни (даҳшат ва изтиробдан) тиз чўккан ҳолда кўрасиз. Ҳар бир уммат ўз номаи аъмолига чақирилиб (сўнгра уларга дейилур): «Бугун қилиб ўтган амалларингиз (натижаси) билан тақдирланурсиз.

29. Мана бу ёзувимиз (номаи аъмолингиз) сизларга ҳақиқатни айтур. Дарҳақиқат, Биз сизларнинг қилиб юрган амалларингизни (ушбу номаи аъмолга) кўчириб юрар эдик».

30. Бас, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар эса, уларни Парвардигор Ўз раҳмати (жаннати)га дохил қилур. Бу аниқ ютуқнинг ўзидир.

31. Энди, кофир бўлган кимсаларга келсак, (уларга айтилур:) «Ахир, (дунёда бўлган вақтингизда) сизларга Менинг оятларим тиловат қилинган эмасмиди?! Бас, сизлар кибрландингиз ва жиноятчи қавм бўлдингиз».

32. Қачонки, (сизларга:) «Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ваъдаси ростдир, қиёмат шубҳасиз (келувчи)дир», – дейилса, сизлар: «Биз қиёмат нима эканини билмаймиз, фақат гумон қиламиз, холос. Биз (қиёмат бўлишига) аниқ ишонувчи эмасмиз», – дедингиз.

24-оят. Даҳрийлар дунё ҳодисотларини вақт, замон, давр, фалак, тасодиф каби нарсаларга нисбат берар эдилар ва оғир кунларда мазкур нарсалардан шикоят қилиб, барча айбни ўшаларга юклардилар. Шунинг учун ҳадисда: “Даҳрни (фалакни) сўкмангиз! Зеро, уни айлантириб турувчиси Аллоҳдир. Яъни фалакдан нолиш Аллоҳдан нолиш демакдир”, – дейилган (Мд.).

وَبَدَا لَهُمْ سَيِّـَٔاتُ مَا عَمِلُوا۟ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٣٣﴾
وَقِيلَ ٱلْيَوْمَ نَنسَىٰكُمْ كَمَا نَسِيتُمْ لِقَآءَ يَوْمِكُمْ هَـٰذَا وَمَأْوَىٰكُمُ ٱلنَّارُ وَمَا
لَكُم مِّن نَّـٰصِرِينَ ﴿٣٤﴾ ذَٰلِكُم بِأَنَّكُمُ ٱتَّخَذْتُمْ ءَايَـٰتِ ٱللَّهِ هُزُوًا وَغَرَّتْكُمُ
ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا ۚ فَٱلْيَوْمَ لَا يُخْرَجُونَ مِنْهَا وَلَا هُمْ يُسْتَعْتَبُونَ ﴿٣٥﴾
فَلِلَّهِ ٱلْحَمْدُ رَبِّ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَرَبِّ ٱلْأَرْضِ رَبِّ ٱلْعَـٰلَمِينَ ﴿٣٦﴾ وَلَهُ
ٱلْكِبْرِيَآءُ فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿٣٧﴾

ترتيبها ٤٦ — سُورَةُ ٱلْأَحْقَافِ — آياتها ٣٥

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَـٰنِ ٱلرَّحِيمِ

حمٓ ﴿١﴾ تَنزِيلُ ٱلْكِتَـٰبِ مِنَ ٱللَّهِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَكِيمِ ﴿٢﴾ مَا خَلَقْنَا
ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَآ إِلَّا بِٱلْحَقِّ وَأَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ وَٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ عَمَّآ أُنذِرُوا۟ مُعْرِضُونَ ﴿٣﴾ قُلْ أَرَءَيْتُم مَّا تَدْعُونَ مِن
دُونِ ٱللَّهِ أَرُونِى مَاذَا خَلَقُوا۟ مِنَ ٱلْأَرْضِ أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ ۖ
ٱئْتُونِى بِكِتَـٰبٍ مِّن قَبْلِ هَـٰذَآ أَوْ أَثَـٰرَةٍ مِّنْ عِلْمٍ إِن كُنتُمْ
صَـٰدِقِينَ ﴿٤﴾ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُوا۟ مِن دُونِ ٱللَّهِ مَن
لَّا يَسْتَجِيبُ لَهُۥٓ إِلَىٰ يَوْمِ ٱلْقِيَـٰمَةِ وَهُمْ عَن دُعَآئِهِمْ غَـٰفِلُونَ ﴿٥﴾

33. (Мана энди) уларга қилиб ўтган ёмонликлари фош бўлди ва ўзлари масхара қилиб юрган (азоб)лари уларни ўраб олди.

34. (Уларга) дейилади: «Сизлар мана шу кунингиздаги учрашувни унутганингиздек, Биз ҳам бугун сизларни «унутгаймиз». Сизларнинг жойингиз дўзахдир ва сизлар учун (азобдан қутқарувчи) ёрдамчилар ҳам йўқдир.

35. Бунга сабаб – сизлар Аллоҳнинг оятларини масхара қилиб олган эдингиз ва сизларни дунё ҳаёти алдаб қўйган эди». Бас, улар бугун ундан (дўзахдан) чиқарилмас ва улардан (яхши амалларга) қайтишга ҳам имконият берилмас.

36. Бас, осмонларнинг Рабби, Ернинг Рабби, (бутун) оламларнинг Рабби бўлмиш Аллоҳга ҳамд!

37. Осмонлар ва Ердаги барча буюклик ёлғиз Уникидир!* У қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ПОРА

Аҳқоф сураси

Маккада нозил қилинган. 35 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳо, Мим.

2. (Бу Қуръон) қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлмиш Аллоҳ (томони)дан нозил қилинган Китобдир.

3. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақиқат (ҳикмат) ва (қиёматгача деб) белгиланган муддат билан яратдик. Кофир бўлган кимсалар эса, ўзлари огоҳлантирилган (қиёматга имон келтиришдан) нарсадан юз ўгирувчидирлар.

4. (Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган нарса (бутларингиз) ҳақида хабар бериб, менга кўрсатингиз-чи, улар ердан нимани яратганлар?! Ёки улар учун осмонлар(ни яратиш)да шериклик борми?! Агар ростгўй бўлсангиз, менга ушбу (Қуръон)дан илгари (нозил бўлган) бирор китобни ёки бирор илмий асарни (ҳужжатни) келтирингиз!»

5. Аллоҳни қўйиб, қиёмат кунигача ҳам (дуони) мустажоб қила олмайдиганларга илтижо қиладиган кимсадан кўра ким ҳам адашганроқдир?! Ҳолбуки, у (жонсиз бут)лар ўша (мушрик)ларнинг дуоларидан ғофил (бехабар)дирлар.

37-оят. Шунинг учун ҳам оят ва ҳадисларда инсоннинг кибру ҳавога берилиши тақиқланган.

46. АҲҚОФ СУРАСИ

"Аҳқоф" сўзининг маъноси кумтепалар демакдир. Сурада пайғамбарлардан Худ (а.с.)нинг Яман қумтепаликларида яшовчи Од қабиласи билан ўрталарида ўтган можаролар, уларнинг Аллоҳ томонидан жазоланиши, Муҳаммад (а.с.) ўз умматларининг бахтсаодати йўлида чеккан жафолари ва бошқа маълумотлар ўз ифодасини топган.

وَإِذَا حُشِرَ ٱلنَّاسُ كَانُوا۟ لَهُمْ أَعْدَآءً وَكَانُوا۟ بِعِبَادَتِهِمْ كَٰفِرِينَ ﴿٦﴾ وَإِذَا
تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُنَا بَيِّنَٰتٍ قَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِلْحَقِّ لَمَّا جَآءَهُمْ هَٰذَا
سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٧﴾ أَمْ يَقُولُونَ ٱفْتَرَىٰهُ ۖ قُلْ إِنِ ٱفْتَرَيْتُهُۥ فَلَا تَمْلِكُونَ
لِى مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا ۖ هُوَ أَعْلَمُ بِمَا تُفِيضُونَ فِيهِ ۖ كَفَىٰ بِهِۦ شَهِيدًۢا بَيْنِى
وَبَيْنَكُمْ ۖ وَهُوَ ٱلْغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ ﴿٨﴾ قُلْ مَا كُنتُ بِدْعًا مِّنَ ٱلرُّسُلِ
وَمَآ أَدْرِى مَا يُفْعَلُ بِى وَلَا بِكُمْ ۖ إِنْ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰٓ إِلَىَّ وَمَآ أَنَا۠
إِلَّا نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٩﴾ قُلْ أَرَءَيْتُمْ إِن كَانَ مِنْ عِندِ ٱللَّهِ وَكَفَرْتُم بِهِۦ
وَشَهِدَ شَاهِدٌ مِّنۢ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ عَلَىٰ مِثْلِهِۦ فَـَٔامَنَ وَٱسْتَكْبَرْتُمْ ۖ
إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿١٠﴾ وَقَالَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَوْ كَانَ خَيْرًا مَّا سَبَقُونَآ إِلَيْهِ ۚ وَإِذْ لَمْ يَهْتَدُوا۟ بِهِۦ
فَسَيَقُولُونَ هَٰذَآ إِفْكٌ قَدِيمٌ ﴿١١﴾ وَمِن قَبْلِهِۦ كِتَٰبُ مُوسَىٰٓ
إِمَامًا وَرَحْمَةً ۚ وَهَٰذَا كِتَٰبٌ مُّصَدِّقٌ لِّسَانًا عَرَبِيًّا لِّيُنذِرَ
ٱلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ وَبُشْرَىٰ لِلْمُحْسِنِينَ ﴿١٢﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ قَالُوا۟ رَبُّنَا
ٱللَّهُ ثُمَّ ٱسْتَقَٰمُوا۟ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿١٣﴾
أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَنَّةِ خَٰلِدِينَ فِيهَا جَزَآءًۢ بِمَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٤﴾

6. (Қиёмат куни) инсонлар (ҳисобот учун) жам қилинганда, ўша (сохта маъбудалар) уларга (мушрикларга) душман ва уларнинг ибодат қилганларини ҳам инкор этувчи бўлурлар.

7. Қачон уларга Бизнинг оятларимиз баён этувчи ҳолида тиловат қилинса, кофир бўлган кимсалар ҳақиқат (Қуръон) тўғрисида у ўзларига келган вақтидаёқ: «Бу аниқ сеҳрдир», – дедилар.

8. Ёки улар: («Қуръонни Муҳаммаднинг) ўзи тўқиган»,– дейдиларми?! Айтинг: «Агар уни ўзим тўқиган бўлсам, у ҳолда, сизлар мен учун Аллоҳ (азоби)дан бирор нарса(ни даф қилиш)га эга бўла олмассиз. У сизлар кўпиртираётган нарсани (уйдирма гапларингизни) жуда яхши билувчидир. Унинг Ўзи мен билан сизларнинг ўртангизда етарли гувоҳдир. У мағфиратли ва раҳмли зотдир».

9. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Мен пайғамбарларнинг янгиси (биринчиси) эмасман. Мен (келажакда) на ўзимга ва на сизларга нима қилинишини билмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинадиган нарсага эргашурман. Мен фақат аниқ огоҳлантирувчидирман».

10. Айтинг: «(Эй, Исроил авлоди!) Хабар берингиз-чи, агар (ушбу Қуръон) Аллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сизлар унга кофир бўлсангиз ва Исроил авлодидан бўлган бир гувоҳ* ҳам у (Қуръон)нинг ўхшашига гувоҳлик бериб, имон келтирса-ю, сизлар (имон келтирмай) кибр қилганингиз нимаси?!* Албатта, Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят этмас».

11. Кофир бўлганлар имон келтирганлар ҳақида: «Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга биздардан илгари бормаган бўлур эдилар», – дедилар. Улар ўзлари у (Қуръон) билан ҳидоят топишмагач: «Бу эски уйдирмадир»,– дерлар.

12. У (Қуръон)дан илгари Мусонинг пешво ва раҳмат бўлмиш Китоби (Таврот) бор эди. Бу (Қуръон) араб тилидаги (олдинги илоҳий китобларни) тасдиқловчи бир Китобдир. У золим (кофир) бўлганларни (охират азобидан) огоҳлантириш ва эзгулик қилувчиларга (жаннат ҳақида) хушхабар сифатида (нозил қилингандир).

13. «Албатта, Раббимиз – Аллоҳ», – деб, сўнгра (тўғри йўлда) устувор бўлган зотлар учун хавф йўқдир ва улар қайғу ҳам чекмаслар*.

14. Айнан ўшалар жаннат аҳли бўлиб, у жойда мангу қолурлар. (Бу) улар қилиб ўтган амалларининг мукофотидир.

10-оят. У гувоҳ Абдуллоҳ ибн Салом (рз.) бўлиб, у яҳудий руҳонийлари ичида Тавротни яхши ўқиган ва билганлардан эди.

* Абдуллоҳ ибн Салом (рз.) Қуръондаги оятлар Тавротдаги оятлар билан бир хил маънода эканини билгач, имон келтирган.

13-оят. Яна ушбу оят мазмунини кенгроқ ифода этувчи “Фуссилат” сурасининг 30-ояти тафсирига мурожаат қилинсин.

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ إِحْسَٰنًا ۖ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ
كُرْهًا ۖ وَحَمْلُهُۥ وَفِصَٰلُهُۥ ثَلَٰثُونَ شَهْرًا ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُۥ وَبَلَغَ
أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِىٓ أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتَ
عَلَىَّ وَعَلَىٰ وَٰلِدَىَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَٰلِحًا تَرْضَىٰهُ وَأَصْلِحْ لِى فِى
ذُرِّيَّتِىٓ ۖ إِنِّى تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّى مِنَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿١٥﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ
نَتَقَبَّلُ عَنْهُمْ أَحْسَنَ مَا عَمِلُوا۟ وَنَتَجَاوَزُ عَن سَيِّـَٔاتِهِمْ فِىٓ أَصْحَٰبِ
ٱلْجَنَّةِ ۖ وَعْدَ ٱلصِّدْقِ ٱلَّذِى كَانُوا۟ يُوعَدُونَ ﴿١٦﴾ وَٱلَّذِى قَالَ
لِوَٰلِدَيْهِ أُفٍّ لَّكُمَآ أَتَعِدَانِنِىٓ أَنْ أُخْرَجَ وَقَدْ خَلَتِ ٱلْقُرُونُ مِن
قَبْلِى وَهُمَا يَسْتَغِيثَانِ ٱللَّهَ وَيْلَكَ ءَامِنْ إِنَّ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقٌّ فَيَقُولُ
مَا هَٰذَآ إِلَّآ أَسَٰطِيرُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ حَقَّ عَلَيْهِمُ
ٱلْقَوْلُ فِىٓ أُمَمٍ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِهِم مِّنَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ ۖ إِنَّهُمْ كَانُوا۟
خَٰسِرِينَ ﴿١٨﴾ وَلِكُلٍّ دَرَجَٰتٌ مِّمَّا عَمِلُوا۟ ۖ وَلِيُوَفِّيَهُمْ أَعْمَٰلَهُمْ وَهُمْ
لَا يُظْلَمُونَ ﴿١٩﴾ وَيَوْمَ يُعْرَضُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ عَلَى ٱلنَّارِ أَذْهَبْتُمْ طَيِّبَٰتِكُمْ
فِى حَيَاتِكُمُ ٱلدُّنْيَا وَٱسْتَمْتَعْتُم بِهَا فَٱلْيَوْمَ تُجْزَوْنَ عَذَابَ ٱلْهُونِ
بِمَا كُنتُمْ تَسْتَكْبِرُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ تَفْسُقُونَ ﴿٢٠﴾

15. Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир. Унга ҳомиладорлик ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир*. Бас, қачонки, у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: «Эй, Раббим! Менга ва ота-онамга иньом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман», – дейди*.

16. Айнан ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан қилган гўзал амалларини қабул қилурмиз ва жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонликларидан ўтиб юборурмиз. (Бу) уларга ваъда қилиб юрилган ҳаққоний ваъдадир*.

17. Яна шундай кимса борки, ота-онасига: «Уҳ, сизларга! Сизлар менга (қайта тирилиб, қабрдан) чиқарилишимни ваъда қиляпсизми?! Ҳолбуки, мендан илгари ҳам авлодлар ўтган (улар тирилмади-ку)?!», – дер. У иккиси Аллоҳдан мадад тилаган ҳолларида (ўғилларига қараб): «Ҳалок бўлгур, имон келтиргин! Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир» (десалар), у: «Бу фақат аввалгиларнинг афсоналаридир», – дер*.

18. Ана ўшалар шундай кимсалардирки, уларга ўзларидан илгари ўтган инсонлар ва жинлардан иборат (кофир) умматлар қаторида (қилинган) лафз (азоб) ҳақ бўлгандир. Албатта, улар зиён кўрувчилардир.

19. Ҳамма учун қилган амаллари сабабли даражалар бордир. (Аллоҳ) уларга қилган амаллари (мукофоти ва жазолари)ни мукаммал берур ва уларга ноҳақлик қилинмас.

20. Кофир бўлган кимсалар дўзахга дучор қилинадиган кунда (уларга дейилур): «Сизлар ўз ҳузур-ҳаловатларингизни дунёдаги ҳаётингиздаёқ кетказдингиз ва улардан фойдаланиб бўлдингиз. Энди, бугун у ерда ноҳақ кибр қилганингиз ва фосиқ бўлганингиз сабабли, хорлик азоби билан жазоланурсиз».

15-оят. Ушбу оятдан ҳомиланинг энг кам муддати олти ой экани маълум бўлади. Зеро, “Бақара” сурасининг 233-оятида чақалоқ тўла икки йил эмизилиши белгилаб қўйилган. 30 ойдан 24 ой эмизишга кетса олти ой қолади. Ҳомила одатда тўққиз ойда туғилса-да, унинг энг кам муддати 6 ой, кўп муддати эса, 24 ой, деганлар. Бу табобатда ҳам тасдиқланган (Мд. Қз.).

* Ушбу ва кейинги оят Абу Бакр (рз.), отаси Абу Қаҳофа, онаси Уммулхайр ва фарзандлари хусусида нозил бўлган. У 38 ёшида имон келтириб, 40 ёшида ота-онасини дуо қилган. Саҳобалар ичида оила аъзолари билан ҳаммаси имон келтирган хонадон фақат Абу Бакр (рз.)нинг хонадони ҳисобланади (Мд.).

17-оят. Бу оят кўп тафсир китобларида Абу Бакр (рз.)нинг Абдурраҳмон исмли мушрик ўғли ҳақида нозил бўлган. Унда у ислом динини қабул қилмаган вақти эди, деб ёзилган. Лекин бу ривоятни ҳазрати Ойша (рз.) рад этган (Ол. Мд.).

21. (Эй, Муҳаммад!) Од (қабиласи)нинг биродарини (Ҳудни) эсланг! Ўшанда у ўзининг қумтепалардаги* қавмини: «Сизлар Аллоҳгагина ибодат қилингиз! Мен, ҳақиқатан, сизларга улуғ кун (қиёмат)нинг азобидан қўрқаман»,– деб огоҳлантирган эди. Ваҳоланки, ундан олдин ва кейин ҳам огоҳлантирувчилар (пайғамбарлар) ўтгандир.

22. Улар: «Сен бизларни худоларимиздан буриш учун келдингми?! У ҳолда агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга ваъда қилаётган нарсангни (азобни) келтиргин-чи?», – дедилар.

23. У айтди: «(азоб ҳақидаги) билим фақат Аллоҳ ҳузуридадир. Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган (дин)ни етказурман. Лекин мен сизларни жоҳил қавм эканингизни кўриб турибман».

24. Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булут ҳолида кўришгач: «Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир», – дедилар. Йўқ, у ўзларингиз қистаган нарса бўрондир-ки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир.

25. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон қилур. Бас, (у бўрон келиб) тонг отганида фақат уларнинг (қолдиқ) масканларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи кишиларни мана шундай жазолаймиз*.

26. Ҳолбуки, (эй, Макка аҳли!) Биз уларни (бойлик ва қувватда) сизларни қодир қилмаган нарсаларга қодир қилган эдик ва уларга қулоқ, кўз ва диллар (ато) қилган эдик. (Лекин) улар Аллоҳнинг оятларини инкор этганлари учун уларга қулоқ-кўзлари ҳам, диллари ҳам бирор фойда бермади ва уларни ўзлари масхара қилиб юрган нарсалари (азоб) ўраб олди.

۞ وَٱذۡكُرۡ أَخَا عَادٍ إِذۡ أَنذَرَ قَوۡمَهُۥ بِٱلۡأَحۡقَافِ وَقَدۡ خَلَتِ ٱلنُّذُرُ
مِنۢ بَيۡنِ يَدَيۡهِ وَمِنۡ خَلۡفِهِۦٓ أَلَّا تَعۡبُدُوٓاْ إِلَّا ٱللَّهَ إِنِّيٓ أَخَافُ عَلَيۡكُمۡ
عَذَابَ يَوۡمٍ عَظِيمٖ ﴿٢١﴾ قَالُوٓاْ أَجِئۡتَنَا لِتَأۡفِكَنَا عَنۡ ءَالِهَتِنَا فَأۡتِنَا
بِمَا تَعِدُنَآ إِن كُنتَ مِنَ ٱلصَّٰدِقِينَ ﴿٢٢﴾ قَالَ إِنَّمَا ٱلۡعِلۡمُ عِندَ ٱللَّهِ
وَأُبَلِّغُكُم مَّآ أُرۡسِلۡتُ بِهِۦ وَلَٰكِنِّيٓ أَرَىٰكُمۡ قَوۡمٗا تَجۡهَلُونَ ﴿٢٣﴾
فَلَمَّا رَأَوۡهُ عَارِضٗا مُّسۡتَقۡبِلَ أَوۡدِيَتِهِمۡ قَالُواْ هَٰذَا عَارِضٞ مُّمۡطِرُنَاۚ
بَلۡ هُوَ مَا ٱسۡتَعۡجَلۡتُم بِهِۦۖ رِيحٞ فِيهَا عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿٢٤﴾ تُدَمِّرُ كُلَّ
شَيۡءِۭ بِأَمۡرِ رَبِّهَا فَأَصۡبَحُواْ لَا يُرَىٰٓ إِلَّا مَسَٰكِنُهُمۡۚ كَذَٰلِكَ نَجۡزِي
ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡمُجۡرِمِينَ ﴿٢٥﴾ وَلَقَدۡ مَكَّنَّٰهُمۡ فِيمَآ إِن مَّكَّنَّٰكُمۡ فِيهِ
وَجَعَلۡنَا لَهُمۡ سَمۡعٗا وَأَبۡصَٰرٗا وَأَفۡـِٔدَةٗ فَمَآ أَغۡنَىٰ عَنۡهُمۡ سَمۡعُهُمۡ
وَلَآ أَبۡصَٰرُهُمۡ وَلَآ أَفۡـِٔدَتُهُم مِّن شَيۡءٍ إِذۡ كَانُواْ يَجۡحَدُونَ
بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُواْ بِهِۦ يَسۡتَهۡزِءُونَ ﴿٢٦﴾ وَلَقَدۡ
أَهۡلَكۡنَا مَا حَوۡلَكُم مِّنَ ٱلۡقُرَىٰ وَصَرَّفۡنَا ٱلۡأٓيَٰتِ لَعَلَّهُمۡ يَرۡجِعُونَ
﴿٢٧﴾ فَلَوۡلَا نَصَرَهُمُ ٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِ ٱللَّهِ قُرۡبَانًا ءَالِهَةَۢۖ
بَلۡ ضَلُّواْ عَنۡهُمۡۚ وَذَٰلِكَ إِفۡكُهُمۡ وَمَا كَانُواْ يَفۡتَرُونَ ﴿٢٨﴾

27. (Эй, Макка аҳли!) Биз сизларнинг атрофингиздаги қишлоқ (ва шаҳар)ларни ҳалок қилдик. Биз уларга шояд (яхши йўлга) қайтсалар, деб оятларни батафсил баён қилган эдик.

28. Ахир, ўзлари Аллоҳни қўйиб, (Аллоҳга) яқин қиладиган «худолар», деб тутган (сиғинган) нарсалари уларга ёрдам берсалар бўлмасмиди?! Йўқ, улардан ғойиб бўлиб қолишди! Бу уларнинг уйдирмалари ва (Аллоҳ шаънига) тўқиган бўҳтонларидир.

21-оят. “Қумтепалар” араб тилида “аҳқоф” бўлиб, суранинг номи шундан олинган. Худ (а.с.)-нинг қавми қайси жойда яшагани тўғрисида бир-биридан фарқ қилувчи ривоятлар бор. Шулардан бирига кўра, улар Яманнинг Муҳра деган жойи билан Аммон ўртасидаги қумтепаларда чодирларда яшаган (Мд. Ол.).

25-оят. Худ қавми, яъни Од қабиласини Аллоҳ таоло ҳалок этишни ирода қилгач, ёмғирга ташна бўлиб турганларида бир булутни юборади. Улар уни кўриб ҳаммаси ўша булут остига тўпланиб туришганда қаттиқ шамол келади. Натижада улар етти кечаю, саккиз кун қум остида қоладилар. Сўнгра шамол ҳаммасини учириб бориб денгизга улоқтиради. Худ (а.с.) билан бирга қолган мўминлар хавфсиз жойда омонда қоладилар (Мд. Ол.).

وَإِذۡ صَرَفۡنَآ إِلَيۡكَ نَفَرٗا مِّنَ ٱلۡجِنِّ يَسۡتَمِعُونَ ٱلۡقُرۡءَانَ فَلَمَّا
حَضَرُوهُ قَالُوٓاْ أَنصِتُواْۖ فَلَمَّا قُضِيَ وَلَّوۡاْ إِلَىٰ قَوۡمِهِم مُّنذِرِينَ
﴿٢٩﴾ قَالُواْ يَٰقَوۡمَنَآ إِنَّا سَمِعۡنَا كِتَٰبًا أُنزِلَ مِنۢ بَعۡدِ مُوسَىٰ
مُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ يَدَيۡهِ يَهۡدِيٓ إِلَى ٱلۡحَقِّ وَإِلَىٰ طَرِيقٖ مُّسۡتَقِيمٖ
﴿٣٠﴾ يَٰقَوۡمَنَآ أَجِيبُواْ دَاعِيَ ٱللَّهِ وَءَامِنُواْ بِهِۦ يَغۡفِرۡ لَكُم مِّن
ذُنُوبِكُمۡ وَيُجِرۡكُم مِّنۡ عَذَابٍ أَلِيمٖ ﴿٣١﴾ وَمَن لَّا يُجِبۡ دَاعِيَ ٱللَّهِ
فَلَيۡسَ بِمُعۡجِزٖ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَلَيۡسَ لَهُۥ مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءُۚ أُوْلَٰٓئِكَ
فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٍ ﴿٣٢﴾ أَوَلَمۡ يَرَوۡاْ أَنَّ ٱللَّهَ ٱلَّذِي خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضَ وَلَمۡ يَعۡيَ بِخَلۡقِهِنَّ بِقَٰدِرٍ عَلَىٰٓ أَن يُحۡـِۧيَ ٱلۡمَوۡتَىٰۚ بَلَىٰٓ
إِنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٞ ﴿٣٣﴾ وَيَوۡمَ يُعۡرَضُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ عَلَى ٱلنَّارِ
أَلَيۡسَ هَٰذَا بِٱلۡحَقِّۖ قَالُواْ بَلَىٰ وَرَبِّنَاۚ قَالَ فَذُوقُواْ ٱلۡعَذَابَ بِمَا
كُنتُمۡ تَكۡفُرُونَ ﴿٣٤﴾ فَٱصۡبِرۡ كَمَا صَبَرَ أُوْلُواْ ٱلۡعَزۡمِ مِنَ ٱلرُّسُلِ
وَلَا تَسۡتَعۡجِل لَّهُمۡۚ كَأَنَّهُمۡ يَوۡمَ يَرَوۡنَ مَا يُوعَدُونَ لَمۡ يَلۡبَثُوٓاْ إِلَّا
سَاعَةٗ مِّن نَّهَارِۭۚ بَلَٰغٞۚ فَهَلۡ يُهۡلَكُ إِلَّا ٱلۡقَوۡمُ ٱلۡفَٰسِقُونَ ﴿٣٥﴾

ترتيبها ٤٧ — سُورَةُ مُحَمَّدٍ — آياتها ٣٨

29. (Эй, Муҳаммад!) Эсланг, ҳузурингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик*. Бас, қачонки, улар ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): «Жим бўлингиз!», – дедилар. Бас, қачонки, (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар.

30. Улар дедилар: «Эй, қавмимиз! Дарҳақиқат, биз Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китоб)ларни тасдиқ қилувчи ҳақ (дин)га ва тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир Китобни (Қуръонни) тингладик.

31. Эй, қавмимиз! Аллоҳнинг даъватчиси (Муҳаммад)ни қабул қилингиз ва унга имон келтирингиз! (Шунда Аллоҳ) гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур.

32. Ким Аллоҳнинг даъватчисини қабул қилмаса, бас, у ер юзида қочиб қутулувчи эмасдир ва унинг учун (Аллоҳдан) ўзга «дўстлар» ҳам йўқдир. Ана ўшалар аниқ залолатдадирлар».

33. Ахир, улар (охиратни инкор этувчилар) осмонлар ва Ерни яратган, уларни яратишда чарчамаган Аллоҳ ўликларни тирилтиришга ҳам қодир эканини (ўйлаб) кўрмадиларми?! Йўқ! Албатта, У барча нарсага қодирдир.

34. Кофир бўлган кимсалар дўзахга дучор қилинадиган кунда (уларга): «Ушбу (азоб) ҳақ эмас эканми?!» (дейилганида) улар: «Йўғ-е, Раббимизга қасамки, (ҳақ экан)», – дерлар. (Шунда Аллоҳ) айтур: «Бас, кофир бўлганингиз сабабли (мана шу) азобни тотингиз!»

35. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз ҳам матонатли пайғамбарлар сабр қилганларидек сабр қилинг ва уларга (тушадиган азобни) қистаманг! Улар ўзларига ваъда қилинаётган азобни кўрадиган кунда гўё (бу дунёда) фақат кундуздан бир соатгина тургандек бўлиб қолурлар. (Бу Аллоҳ томонидан) бир баёнотдир. Бас, фақат фосиқ (кофир) кишиларгина ҳалок қилинур.

Муҳаммад сураси

Мадинада нозил қилинган. 38 оят.

29-оят. Жинларнинг адади 7 ёки 9 нафар эди, дейилган. Улар келиб Расул (а.с.)ни таҳажжуд ёки бомдод намозида топадилар ва қилган қироатини тинглайдилар. Бошқа ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд (рз.) билан Макканинг юқори томонидаги Ҳужун номли қояга борадилар ва Абдуллоҳ (рз.)ни ўша ерда қолдириб бироз нари кетадилар. Қайтиб келиб жинлар тўдасига “Алақ” сурасини ўқиб берганлари ривоят қилинган (Мд. ИК).

47. МУҲАММАД СУРАСИ

Сурада Муҳаммад (а.с.)нинг исми шарифлари зикр этилгани учун унга шу ном берилган.

Сурада мўминлар учун уруш жабҳаларида риоя этиш лозим бўлган қонун-қоидалар, Аллоҳнинг дини йўлида холис хизмат қилиш, мунофиқликнинг ёмон оқибатлари, Аллоҳга ва Расулига итоат қилишнинг фазлу фазоиллари ва бошқа илоҳий кўрсатмалар баён этилган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ أَضَلَّ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿١﴾ وَٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَءَامَنُوا۟ بِمَا نُزِّلَ عَلَىٰ مُحَمَّدٍ وَهُوَ ٱلْحَقُّ مِن
رَّبِّهِمْ كَفَّرَ عَنْهُمْ سَيِّـَٔاتِهِمْ وَأَصْلَحَ بَالَهُمْ ﴿٢﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
ٱتَّبَعُوا۟ ٱلْبَٰطِلَ وَأَنَّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱتَّبَعُوا۟ ٱلْحَقَّ مِن رَّبِّهِمْ كَذَٰلِكَ يَضْرِبُ
ٱللَّهُ لِلنَّاسِ أَمْثَٰلَهُمْ ﴿٣﴾ فَإِذَا لَقِيتُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ فَضَرْبَ ٱلرِّقَابِ حَتَّىٰٓ
إِذَآ أَثْخَنتُمُوهُمْ فَشُدُّوا۟ ٱلْوَثَاقَ فَإِمَّا مَنًّۢا بَعْدُ وَإِمَّا فِدَآءً حَتَّىٰ تَضَعَ ٱلْحَرْبُ
أَوْزَارَهَا ذَٰلِكَ وَلَوْ يَشَآءُ ٱللَّهُ لَٱنتَصَرَ مِنْهُمْ وَلَٰكِن لِّيَبْلُوَا۟ بَعْضَكُم
بِبَعْضٍ وَٱلَّذِينَ قُتِلُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَلَن يُضِلَّ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿٤﴾ سَيَهْدِيهِمْ
وَيُصْلِحُ بَالَهُمْ ﴿٥﴾ وَيُدْخِلُهُمُ ٱلْجَنَّةَ عَرَّفَهَا لَهُمْ ﴿٦﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوٓا۟ إِن تَنصُرُوا۟ ٱللَّهَ يَنصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ ﴿٧﴾ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
فَتَعْسًا لَّهُمْ وَأَضَلَّ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿٨﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ كَرِهُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ
فَأَحْبَطَ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿٩﴾ ۞ أَفَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ
كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ دَمَّرَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ وَلِلْكَٰفِرِينَ أَمْثَٰلُهَا ﴿١٠﴾
ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ مَوْلَى ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَأَنَّ ٱلْكَٰفِرِينَ لَا مَوْلَىٰ لَهُمْ ﴿١١﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Кофир бўлган ва (ўзгаларни ҳам) Аллоҳ йўлидан тўсган кимсаларнинг (хайрли ва эзгу) амалларини (Аллоҳ) зое кетказур.

2. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган ҳамда Муҳаммадга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) – ҳолбуки, у Парвардигорлари томонидан келган ҳақиқатдир – имон келтирган зотларнинг эса ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчирур ва ишларини ислоҳ этур.

3. Бунга сабаб – кофир бўлганларнинг ноҳақ (йўл)га эргашганлари, имон келтирганларининг эса Парвардигорлари (томони)дан бўлмиш ҳақ (Қуръон йўли)га эргашганларидир. Аллоҳ инсонларга уларнинг мисолларини мана шундай баён қилур.

4. Бас, (эй, мўминлар!) Қачонки, сизлар кофир бўлганлар билан тўқнашганингизда, «бўйинларга урингиз!»* Бас, қачонки, уларни қирғинга тутиб асир олганингиздан кейин яхшилаб боғлаб қўйингиз! Сўнгра ё (уларни озод қилиб) марҳамат кўрсатурсиз, ё (қўйиб юбориб) фидя (товон) олурсиз. Токи уруш юкларини қўйгунича (тўхтагунича, сизларга буйруқ) мана шудир. Агар Аллоҳ хоҳласа, улар устидан (жангсиз ҳам) ғалаба қилур эди, лекин У сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун (сизларни жангга буюрди). Аллоҳ йўлида ўлдирилганларнинг амалларини (У) сира зое кетказмагай.

5. Уларни (жаннат йўлига) ҳидоят қилур ва ишларини ислоҳ этур.

6. Уларни (Аллоҳ) ўзи таърифлаган жаннатга киритур.

7. Эй, имон келтирганлар! Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангиз (динининг ривожи учун ҳаракат қилсангиз), У ҳам сизларга ёрдам берур ва қадамларингизни собит (барқарор) қилур.

8. Кофир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур ва (Аллоҳ) уларнинг (хайрли ва эзгу) амалларини (ажрсиз) зое кетказур.

9. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсаларни (Қуръон ва ундаги ҳукмларни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Аллоҳ) уларнинг амалларини беҳуда кетказур.

10. Ахир, улар ер юзида сайр (саёҳат) қилиб, ўзларидан аввалги (имонсиз) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими? Аллоҳ уларни яксон этди-ку! Кофирлар учун ҳам худди ўша (оқибат)ларнинг ўхшаши бўлур.

11. Бунга сабаб имон келтирганлар Аллоҳнинг дўсти (ҳомийси) экани ва кофирларга эса ҳеч қандай ҳомий йўқ эканидир.

4-оят. Шу оятдан бошлаб, ҳижратнинг учинчи йили Мадина худудидаги Уҳуд тоғи этагида мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасида кечган жангга оид оятлар баён этилмоқда.

إِنَّ ٱللَّهَ يُدْخِلُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن
تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يَتَمَتَّعُونَ وَيَأْكُلُونَ كَمَا تَأْكُلُ ٱلْأَنْعَٰمُ
وَٱلنَّارُ مَثْوًى لَّهُمْ ﴿١٢﴾ وَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ هِىَ أَشَدُّ قُوَّةً مِّن قَرْيَتِكَ
ٱلَّتِىٓ أَخْرَجَتْكَ أَهْلَكْنَٰهُمْ فَلَا نَاصِرَ لَهُمْ ﴿١٣﴾ أَفَمَن كَانَ عَلَىٰ بَيِّنَةٍ
مِّن رَّبِّهِۦ كَمَن زُيِّنَ لَهُۥ سُوٓءُ عَمَلِهِۦ وَٱتَّبَعُوٓا۟ أَهْوَآءَهُم ﴿١٤﴾ مَّثَلُ ٱلْجَنَّةِ
ٱلَّتِى وُعِدَ ٱلْمُتَّقُونَ ۖ فِيهَآ أَنْهَٰرٌ مِّن مَّآءٍ غَيْرِ ءَاسِنٍ وَأَنْهَٰرٌ مِّن لَّبَنٍ لَّمْ
يَتَغَيَّرْ طَعْمُهُۥ وَأَنْهَٰرٌ مِّنْ خَمْرٍ لَّذَّةٍ لِّلشَّٰرِبِينَ وَأَنْهَٰرٌ مِّنْ عَسَلٍ مُّصَفًّى ۖ
وَلَهُمْ فِيهَا مِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ وَمَغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ ۖ كَمَنْ هُوَ خَٰلِدٌ فِى ٱلنَّارِ
وَسُقُوا۟ مَآءً حَمِيمًا فَقَطَّعَ أَمْعَآءَهُمْ ﴿١٥﴾ وَمِنْهُم مَّن يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ
حَتَّىٰٓ إِذَا خَرَجُوا۟ مِنْ عِندِكَ قَالُوا۟ لِلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ مَاذَا قَالَ ءَانِفًا ۚ
أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ طَبَعَ ٱللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَٱتَّبَعُوٓا۟ أَهْوَآءَهُمْ ﴿١٦﴾ وَٱلَّذِينَ
ٱهْتَدَوْا۟ زَادَهُمْ هُدًى وَءَاتَىٰهُمْ تَقْوَىٰهُمْ ﴿١٧﴾ فَهَلْ يَنظُرُونَ إِلَّا
ٱلسَّاعَةَ أَن تَأْتِيَهُم بَغْتَةً ۖ فَقَدْ جَآءَ أَشْرَاطُهَا ۚ فَأَنَّىٰ لَهُمْ إِذَا جَآءَتْهُمْ
ذِكْرَىٰهُمْ ﴿١٨﴾ فَٱعْلَمْ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا ٱللَّهُ وَٱسْتَغْفِرْ لِذَنۢبِكَ
وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَىٰكُمْ ﴿١٩﴾

12. Албатта, Аллоҳ имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритур. Кофир бўлган кимсалар эса, (дунё лаззатларидан) фойдаланиб, чорва ҳайвонлари еганидек еб-ичурлар* ва дўзах уларнинг жойларидир.

13. (Эй, Муҳаммад!) Сизни ҳайдаб чиқарган шаҳар (Макка аҳли)дан кўра (аҳолиси) қувватлироқ бўлган қанчадан-қанча шаҳарни ҳалок қилганмиз. Бас, уларга (Бизнинг азобимиздан қутқарадиган) бирор ёрдамчи бўлмаган.

14. Ахир, Парвардигори томонидан (аниқ) ҳужжатга (Қуръонга) эга бўлган киши (Сиз ва мўминлар) билан қилган ёмон иши ўзига чиройли кўринган ва ҳавойи нафсига эргашган (кофир) баробар бўлурми?!

15. Тақволи зотлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (сифати будир): Унда айнимас сувдан иборат анҳорлар ҳам, таъми ўзгармас сутдан иборат анҳорлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (ақлдан оздирмайдиган) майдан бўлмиш анҳорлар ҳам ва мусаффо асалдан иборат анҳорлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (у жойда) Парвардигорлари (томони)дан мағфират бордир. (Ана шундай зотлар) дўзахда мангу қоладиган ва қайноқ сув билан суғорилганда ичакларини тилка-пора қилиб ташлайдиган (кофир)лар каби бўлурмилар?!

16. (Эй, Муҳаммад!) Уларнинг (мунофиқларнинг) орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар Сизга қулоқ солиб туради-да, ҳузурингиздан чиққач, илм ато этилган зотлардан (масхара сифатида): «Ҳозиргина (Муҳаммад) нима деди?», – деб сўрайдилар. Ана ўшалар Аллоҳ дилларини муҳрлаб қўйган ва ўзларининг ҳавойи нафсларига эргашган кимсалардир.

17. Ҳидоят топган зотларга эса (Аллоҳ) уларга янада ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур.

18. Улар(мунофиқлар) энди фақат тўсатдан қиёмат келиб қолишинигина кутмоқдалар. Дарвоқе, унинг аломатлари келди*. Бас, уларга (қиёмат) келган вақтида, уларнинг эслатма олишлари қандай (мумкин) бўлур?!

19. Бас, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезадиган жойларингизни ҳам, (охиратда) борадиган жойларингизни ҳам билур.

12-оят. Ширк ва куфр аҳли умри давомида қилган амаллари бўйича охиратда ҳисобот бериш тўғрисида ўйламай, ҳаёт имкониятларидан тўла фойдаланишга мойил бўладилар. Ҳайвонлар ҳам ҳеч нарсани ўйламай, дуч келган ем-хашакни еяверади. Булар ўртасида кўп ўхшашликлар борлиги эслатилмоқда (Мд.).

18-оят. Аломатлари – охирги пайғамбарнинг келиши, ой ёрилиши, қаҳатчилик ёки силаи раҳм озайиб, пасткаш одамларнинг кўпайиб кетиши кабилар (Мд.).

وَيَقُولُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَوْلَا نُزِّلَتْ سُورَةٞۖ فَإِذَآ أُنزِلَتْ سُورَةٞ
مُّحْكَمَةٞ وَذُكِرَ فِيهَا ٱلْقِتَالُ رَأَيْتَ ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٞ
يَنظُرُونَ إِلَيْكَ نَظَرَ ٱلْمَغْشِيِّ عَلَيْهِ مِنَ ٱلْمَوْتِۖ فَأَوْلَىٰ لَهُمْ
﴿٢٠﴾ طَاعَةٞ وَقَوْلٞ مَّعْرُوفٞۚ فَإِذَا عَزَمَ ٱلْأَمْرُ فَلَوْ صَدَقُواْ ٱللَّهَ
لَكَانَ خَيْرٗا لَّهُمْ ﴿٢١﴾ فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِن تَوَلَّيْتُمْ أَن تُفْسِدُواْ
فِي ٱلْأَرْضِ وَتُقَطِّعُوٓاْ أَرْحَامَكُمْ ﴿٢٢﴾ أُوْلَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ لَعَنَهُمُ ٱللَّهُ
فَأَصَمَّهُمْ وَأَعْمَىٰٓ أَبْصَٰرَهُمْ ﴿٢٣﴾ أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلْقُرْءَانَ
أَمْ عَلَىٰ قُلُوبٍ أَقْفَالُهَآ ﴿٢٤﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱرْتَدُّواْ عَلَىٰٓ أَدْبَٰرِهِم
مِّنۢ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ ٱلْهُدَى ٱلشَّيْطَٰنُ سَوَّلَ لَهُمْ وَأَمْلَىٰ
لَهُمْ ﴿٢٥﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ قَالُواْ لِلَّذِينَ كَرِهُواْ مَا نَزَّلَ
ٱللَّهُ سَنُطِيعُكُمْ فِي بَعْضِ ٱلْأَمْرِۖ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ إِسْرَارَهُمْ
﴿٢٦﴾ فَكَيْفَ إِذَا تَوَفَّتْهُمُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ يَضْرِبُونَ وُجُوهَهُمْ
وَأَدْبَٰرَهُمْ ﴿٢٧﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمُ ٱتَّبَعُواْ مَآ أَسْخَطَ ٱللَّهَ
وَكَرِهُواْ رِضْوَٰنَهُۥ فَأَحْبَطَ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿٢٨﴾ أَمْ حَسِبَ
ٱلَّذِينَ فِي قُلُوبِهِم مَّرَضٌ أَن لَّن يُخْرِجَ ٱللَّهُ أَضْغَٰنَهُمْ ﴿٢٩﴾

20. Имон келтирган зотлар: «(Мушриклар билан жанг қилишга буюрадиган) бирор сура нозил қилинса эди», – дерлар. Бас, қачонки, қатъий бир сура нозил қилиниб, унда жанг зикр этилса, дилларида мараз* бўлган кимсаларнинг Сизга худди ўлимдан (қўрқиб) беҳуш бўлиб қолган кимсанинг қарашидек қарашаётганини кўрасиз. (Ҳолбуки,) уларга лойиқ нарса –

21. итоат этиш ва яхши сўз (сўзлаш) эди. Энди, қачонки, иш (жанг) муқаррар бўлганда, агар улар Аллоҳга содиқ (ростгўй) бўлганларида, албатта, ўзлари учун яхши бўлур эди.

22. Агар (имондан) бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қиларсизлар ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узасиз, албатта.

23. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини) «кар», кўзларини «кўр» қилиб қўйгандир.

24. Ахир, улар Қуръон (оятлари) ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларда «қулфлари»* бордир?!

25. Ҳақиқатан, ўзларига ҳидоят (йўли) равшан бўлганидан кейин яна ортларига (куфрга) қайтиб кетган кимсаларга (бу ишларни) шайтон чиройли қилиб кўрсатди ва улар учун (пуч орзуларни) узайтириб қўйди.

26. Бунга (куфрга қайтишларига) сабаб – уларнинг Аллоҳ нозил қилган нарсани (Қуръонни) ёмон кўрган кимсаларга: «Биз айрим ишларда сизларга итоат этамиз», – деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг яширган нарсаларини (сирларини) билур.

27. Бас, фаришталар уларнинг юзлари ва кетларига уриб, жонларини олар вақтида, (ҳоллари) не кечур?!

28. Бунга сабаб – уларнинг Аллоҳни ғазаблантирган нарсага (мунофиқликка) эргашиб, Унинг розилигини (кофирларга қарши жанг қилишни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Аллоҳ) уларнинг (қилган яхши) амалларини (ажрсиз ҳолда) беҳуда кетказди.

29. Балки, дилларида мараз (мунофиқлик) бўлган кимсалар, Аллоҳ уларнинг (дилларидаги) адоватларни ошкор қилмас, деб ўйлагандирлар?!

20-оят. “Мараз”нинг луғавий маъноси касаллик. Бу ерда мунофиқликдир. Зеро, молу жонларини сақлаб қолиш мақсадида “имон” келтириб мусулмонлар сафига қўшилиб юрган мунофиқ кишиларнинг сирлари жангга чиқиш зарур бўлиб қолган пайтларда ошкора бўлиб қолар эди. Лекин тилларида ва амалда ислом кўрсатмаларига риоя қилиб юрганлари туфайли улар кофирликда айбланмас эдилар. Ислом шариатида зоҳирига қараб ҳукм қилинади. Қалбдаги ниятлар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола (Ақ.).

24-оят. Бу ердаги баъзи мунофиқларнинг дилларида, эҳтимол, келажакда имон келтириш ниятининг ўзи йўқдир. Балким уларнинг дилларига Аллоҳ “имон келтирмайди” деб муҳр босиб қўйгандир, дейилмоқда. Қуръон оятлари ҳақида фикр юритишга ҳам ўша муҳрланган қалбларда салоҳият бўлмаслиги мантиқ юзасидан барчага маълум.

وَلَوْ نَشَاءُ لَأَرَيْنَٰكَهُمْ فَلَعَرَفْتَهُم بِسِيمَٰهُمْ وَلَتَعْرِفَنَّهُمْ فِي
لَحْنِ الْقَوْلِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ أَعْمَٰلَكُمْ ٣٠ وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ حَتَّىٰ نَعْلَمَ
الْمُجَٰهِدِينَ مِنكُمْ وَالصَّٰبِرِينَ وَنَبْلُوَا۟ أَخْبَارَكُمْ ٣١ إِنَّ الَّذِينَ
كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَشَاقُّوا۟ الرَّسُولَ مِنۢ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ
لَهُمُ الْهُدَىٰ لَن يَضُرُّوا۟ اللَّهَ شَيْـًٔا وَسَيُحْبِطُ أَعْمَٰلَهُمْ ٣٢
۞ يَٰٓأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَطِيعُوا۟ اللَّهَ وَأَطِيعُوا۟ الرَّسُولَ وَلَا تُبْطِلُوٓا۟
أَعْمَٰلَكُمْ ٣٣ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوا۟ عَن سَبِيلِ اللَّهِ ثُمَّ مَاتُوا۟
وَهُمْ كُفَّارٌ فَلَن يَغْفِرَ اللَّهُ لَهُمْ ٣٤ فَلَا تَهِنُوا۟ وَتَدْعُوٓا۟ إِلَى السَّلْمِ
وَأَنتُمُ الْأَعْلَوْنَ وَاللَّهُ مَعَكُمْ وَلَن يَتِرَكُمْ أَعْمَٰلَكُمْ ٣٥ إِنَّمَا
الْحَيَوٰةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَإِن تُؤْمِنُوا۟ وَتَتَّقُوا۟ يُؤْتِكُمْ أُجُورَكُمْ
وَلَا يَسْـَٔلْكُمْ أَمْوَٰلَكُمْ ٣٦ إِن يَسْـَٔلْكُمُوهَا فَيُحْفِكُمْ
تَبْخَلُوا۟ وَيُخْرِجْ أَضْغَٰنَكُمْ ٣٧ هَٰٓأَنتُمْ هَٰٓؤُلَآءِ تُدْعَوْنَ
لِتُنفِقُوا۟ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَمِنكُم مَّن يَبْخَلُ وَمَن يَبْخَلْ
فَإِنَّمَا يَبْخَلُ عَن نَّفْسِهِۦ وَاللَّهُ الْغَنِيُّ وَأَنتُمُ الْفُقَرَآءُ وَإِن
تَتَوَلَّوْا۟ يَسْتَبْدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُونُوٓا۟ أَمْثَٰلَكُم ٣٨

30. (Эй, Муҳаммад!) Агар хоҳласак, албатта, Сизга уларни (мунофиқларни) кўрсатиб (таниб) қўйган бўлур эдик, у ҳолда Сиз уларни белгиларидан таниб олган бўлур эдингиз. (Қасамки, энди) албатта, Сиз уларни сўз оҳанги (услуби)дан таниб олурсиз. Аллоҳ (барча) амалларингизни билиб турур*.

31. Албатта, Биз, то сизларнинг орангиздаги жиҳод қилувчи ва сабр қилувчиларни билгунимизча ҳамда сизларнинг хабарларингизни синаб бўлгунимизча, сизларни имтиҳон қилурмиз*.

32. Албатта, кофир бўлган ва (ўзгаларни ҳам) Аллоҳнинг йўлидан тўсган ҳамда ўзларига ҳидоят (йўли) равшан бўлганидан кейин яна Пайғамбарга мухолифлик қилган кимсалар Аллоҳга бирор зарар етказа олмаслар ва (Аллоҳ) уларнинг ишларини беҳуда кетказур.

33. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз! Амалларингизни зое қилмангиз!

34. Албатта, кофир бўлган ва (ўзгаларни ҳам) Аллоҳ йўлидан тўсган, сўнгра кофирлик ҳолларида ўлган кимсаларни (қиёмат куни) Аллоҳ сира мағфират этмас.

35. Бас, (эй, мўминлар! Жангда) сусткашлик қилмангиз ва ўзларингиз устун бўла туриб (уларни) сулҳга чақирмангиз! Аллоҳ сизлар билан биргадир ва У қилган амалларингиз (савоби)ни сира камайтирмас.

36. Албатта, бу дунё ҳаёти фақат ўйин ва беҳудаликдир. Агар сизлар имон келтирсангиз ва тақволи бўлсангиз, У сизларга мукофотларингизни берур ва сизлардан молларингизни (беришни) сўрамас.

37. Агар (Аллоҳ) сизлардан (молларингизни) сўраб, сизларни қийнайдиган бўлса, сизлар бахиллик қилурсиз ва У сизларнинг (дилларингиздаги) гина (адоват)ларингизни фош қилур.

38. Эй, сизлар! Аллоҳ йўлида эҳсон қилиш учун чақирилмоқдасиз. Бас, (аниқки) сизларнинг орангизда бахиллик қиладиган кимсалар ҳам бордир. Ким бахиллик қилса, бас, фақат ўз зарарига бахиллик қилур. Аллоҳ бой, сизлар эса фақирдирсиз. Агар сизлар (Аллоҳга итоат этишдан) бош тортсангиз, У (ўрнингизга) сизлардан бошқа бир қавмни алмаштириб қўяр, сўнгра улар сизларга ўхшаган бўлмаслар*, (балки Аллоҳга итоат қилурлар).

30–31-оятлар. Мунофиқларни турли синовлар орқали Расул (а.с.)га танитиб қўйиш учун Аллоҳ таоло мазкур оятларни нозил этган. Фузайл ибн Иёз (қ.с.) ушбу оятни ўқиганда йиғлаб: “Эй, Худойим! Бизни имтиҳон қилма! Акс ҳолда шарманда бўлиб, азобингга лойиқ бўлиб қоламиз”, –деб илтижо қилар экан (Мд.).

38-оят. Расул (а.с.) шу оятни ўқиб берганларида саҳобалар: “Аллоҳга итоат этишдан бош тортсак ўрнимизга ким келади?”, – деб сўрашди. Ул зот: Салмони Форсий (рз.)нинг елкасига қўлларини қўйиб: “Мана шу инсон ва унинг миллати”, – дедилар (Ол.).

Фатҳ сураси

Мадинада нозил қилинган. 29 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга аниқ фатҳ (ғалаба) бахш этдик.

2. (Бу фатҳ) Сиз учун Аллоҳнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни кечиши*, Сизга Ўз неъматини мукаммал қилиб бериши, Сизни Тўғри йўлга ҳидоят қилиши,

3. шунингдек, Аллоҳнинг Сизга кучли ёрдам бериши учундир.

4. У (Аллоҳ) Ўз имонларига яна имон қўшилиши учун мўминларни дилларига таскин туширган зотдир. Осмонлар ва Ер қўшинлари (фаришталари) фақат Аллоҳникидир. Аллоҳ билимли ва ҳикматли зотдир.

5. У мўмин ва мўминаларни остидан анҳорлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган (жаннатдаги) боғларга киритиш учун ва улардан ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчириш учун (шундай қилди). Бу Аллоҳ наздида улкан ютуқдир.

6. Шунингдек, Аллоҳ ҳақида (мўминларга мадад бермайди деб) ёмон гумон қилувчи мунофиқ ва мунофиқаларни ҳамда мушрик ва мушрикаларни азоблаш (учун шундай қилди). Улар узра ҳалокат балоси тушувчидир. Аллоҳ улардан дарғазаб бўлди, уларни лаънатлади ва улар учун жаҳаннамни тайёрлаб қўйди. Нақадар ёмон жойдир у!

7. Осмонлар ва Ер қўшинлари (фаришталар) Аллоҳникидир. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

سُورَةُ الفَتْحِ (٤٨ – ٢٩)

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا ﴿١﴾ لِّيَغْفِرَ لَكَ ٱللَّهُ مَا تَقَدَّمَ مِن ذَنۢبِكَ
وَمَا تَأَخَّرَ وَيُتِمَّ نِعْمَتَهُۥ عَلَيْكَ وَيَهْدِيَكَ صِرَٰطًا مُّسْتَقِيمًا ﴿٢﴾
وَيَنصُرَكَ ٱللَّهُ نَصْرًا عَزِيزًا ﴿٣﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ ٱلسَّكِينَةَ فِى قُلُوبِ
ٱلْمُؤْمِنِينَ لِيَزْدَادُوٓا۟ إِيمَٰنًا مَّعَ إِيمَٰنِهِمْ ۗ وَلِلَّهِ جُنُودُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلْأَرْضِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿٤﴾ لِّيُدْخِلَ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ
جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا وَيُكَفِّرَ عَنْهُمْ
سَيِّـَٔاتِهِمْ ۚ وَكَانَ ذَٰلِكَ عِندَ ٱللَّهِ فَوْزًا عَظِيمًا ﴿٥﴾ وَيُعَذِّبَ
ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتِ وَٱلْمُشْرِكِينَ وَٱلْمُشْرِكَٰتِ ٱلظَّآنِّينَ
بِٱللَّهِ ظَنَّ ٱلسَّوْءِ ۚ عَلَيْهِمْ دَآئِرَةُ ٱلسَّوْءِ ۖ وَغَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ
وَلَعَنَهُمْ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَهَنَّمَ ۖ وَسَآءَتْ مَصِيرًا ﴿٦﴾ وَلِلَّهِ جُنُودُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿٧﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَٰكَ
شَٰهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٨﴾ لِّتُؤْمِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ
وَتُعَزِّرُوهُ وَتُوَقِّرُوهُ وَتُسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٩﴾

8. (Эй, Муҳаммад!) Ҳақиқатан, Биз Сизни (қиёмат куни умматларга) гувоҳлик берувчи, (мўминларга) хушхабар элтувчи ва (кофирларни) огоҳлантирувчи қилиб юборгандирмиз.

9. (Биз, Муҳаммадни) Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтиришларингиз учун ва уни (Расулини) қўллаб-қувватлаб, иззат-икром қилишларингиз ҳамда эртаю кеч Унга (Аллоҳга) тасбеҳ айтишларингиз учун (юбордик).

---

48. ФАТҲ СУРАСИ

“Фатҳ” сўзининг маъноси ғалаба. У қайси жангдаги ғалаба экани хусусида турли ривоятлар мавжуд. Масалан, Макка аҳлининг тинчлик йўли билан Исломга кириши, Ҳудайбия жанги, Рум фатҳи ёки Хайбар жангидаги ғалабалардан бири эканига далолат қилувчи ривоятлар бор (Қз.).

Сурада мунофиқлик қилувчи, кўпчилик билан бирга ёвга қарши чиқиш ўрнига, ундан турли баҳоналар билан бош тортувчилар қораланади.

2-оят. Расул (а.с.)нинг кабира ва сағира гуноҳлари бўлмаса ҳам бу оятда “гуноҳларингизни кечириши” иборасининг келтирилишига сабаб ул зотдан баъзи саҳву хатоликлар содир бўлгани ва уларни Расул (а.с.) ўзларининг мақомларига нисбатан гуноҳ деб билганлари ёки Одам (а.с.)-нинг хатоси билан ўз умматларининг гуноҳлари назарда тутилганидир, дейилган (Лс. Ол.).

إِنَّ ٱلَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ ٱللَّهَ يَدُ ٱللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْۚ
فَمَن نَّكَثَ فَإِنَّمَا يَنكُثُ عَلَىٰ نَفْسِهِۦۖ وَمَنْ أَوْفَىٰ بِمَا عَٰهَدَ عَلَيْهُ
ٱللَّهَ فَسَيُؤْتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿١٠﴾ سَيَقُولُ لَكَ ٱلْمُخَلَّفُونَ
مِنَ ٱلْأَعْرَابِ شَغَلَتْنَآ أَمْوَٰلُنَا وَأَهْلُونَا فَٱسْتَغْفِرْ لَنَاۚ يَقُولُونَ
بِأَلْسِنَتِهِم مَّا لَيْسَ فِى قُلُوبِهِمْۚ قُلْ فَمَن يَمْلِكُ لَكُم مِّنَ ٱللَّهِ
شَيْـًٔا إِنْ أَرَادَ بِكُمْ ضَرًّا أَوْ أَرَادَ بِكُمْ نَفْعًۢاۚ بَلْ كَانَ ٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ
خَبِيرًۢا ﴿١١﴾ بَلْ ظَنَنتُمْ أَن لَّن يَنقَلِبَ ٱلرَّسُولُ وَٱلْمُؤْمِنُونَ إِلَىٰٓ
أَهْلِيهِمْ أَبَدًا وَزُيِّنَ ذَٰلِكَ فِى قُلُوبِكُمْ وَظَنَنتُمْ ظَنَّ ٱلسَّوْءِ
وَكُنتُمْ قَوْمًۢا بُورًا ﴿١٢﴾ وَمَن لَّمْ يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ فَإِنَّآ
أَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ سَعِيرًا ﴿١٣﴾ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِۚ
يَغْفِرُ لِمَن يَشَآءُ وَيُعَذِّبُ مَن يَشَآءُۚ وَكَانَ ٱللَّهُ غَفُورًا
رَّحِيمًا ﴿١٤﴾ سَيَقُولُ ٱلْمُخَلَّفُونَ إِذَا ٱنطَلَقْتُمْ إِلَىٰ
مَغَانِمَ لِتَأْخُذُوهَا ذَرُونَا نَتَّبِعْكُمْۖ يُرِيدُونَ أَن يُبَدِّلُوا۟
كَلَٰمَ ٱللَّهِۚ قُل لَّن تَتَّبِعُونَا كَذَٰلِكُمْ قَالَ ٱللَّهُ مِن قَبْلُۖ
فَسَيَقُولُونَ بَلْ تَحْسُدُونَنَاۚ بَلْ كَانُوا۟ لَا يَفْقَهُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٥﴾

10. (Эй, Муҳаммад!) Ҳақиқатан, Сизга байъат (қасамёд) қиладиганлар, албатта, Аллоҳга байъат қилган бўлурлар. Аллоҳнинг «қўли» уларнинг қўллари узрадир*. Бас, кимки (ўз қасамёдини) бузса, бас, (у) фақат ўз зарарига бузур. Кимки Аллоҳ билан аҳдлашган нарсасига вафо қилса, у ҳолда (Аллоҳ) унга улкан мукофот ато этур.

11. (Эй, Муҳаммад!) Ҳали (Мадинага қайтилгач) Сизга аъробийлардан (жангга чиқмай, уйда) қолган (мунофиқ)лар: «Бизларни молларимиз ва аҳл (оила)ларимиз банд қилиб қўйди. Энди ўзинг бизлар учун (Аллоҳдан) мағфират сўрагин!», – дерлар. Улар тиллари билан дилларида бўлмаган нарсани (ёлғонни) айтурлар. Айтинг: «Агар (Аллоҳ) сизларга бирор зарар (етказиш)ни истаса ёки У сизларга бирор манфаат (етказиш)ни истаса, бас, ким сизлар учун Аллоҳ (томони)дан бўлган бирор нарсани (даф қилиш)га эга бўла олур?! Йўқ, Аллоҳ сизлар қилаётган амалларингиздан хабардордир.

12. Балки сизлар Пайғамбар ва мўминлар (бу жангдан) ўз аҳл (оила)ларига сира қайтиб келмайдилар, деб ўйладингиз ва бу дилларингизга чиройли кўрсатилиб, ёмон гумон қилдингиз ҳамда ҳалок бўлувчи қавм бўлдингиз».

13. Кимки Аллоҳга ва унинг пайғамбарига имон келтирмаган бўлса, бас, албатта, Биз (ундай) кофирлар учун дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз.

14. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Аллоҳга хосдир. (У) хоҳлаган кишиларни мағфират қилур ва хоҳлаган кимсаларни азоблар. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир.

15. Ҳали сизлар (Хайбар жангидаги) ўлжаларни олиш учун кетаётган вақтингизда (жиҳодга чиқмай уйда) қолган кимсалар: «Бизларга ҳам (ўлжа олиш учун) сизларга эргашишимизга (йўл) қўйингиз», – дерлар. Улар Аллоҳнинг каломини ўзгартирмоқчи бўладилар. Айтинг: «Сира ҳам бизларга эргашмайсиз. Аллоҳ илгари мана шундай дегандир». Бас, улар: «Балки, сизлар бизларга ҳасад (бахиллик) қилаётгандирсиз», – дерлар. Йўқ, улар камдан-кам (нарсаларнигина) англарлар.

10-оят. Яъни Расул (а.с.) мўминлар билан қўлни қўлга қўйиб байъат қилганларида Аллоҳнинг “қўли” ҳам уларнинг қўллари устига қўйиб турилгандек бўлиши ёки Пайғамбар (а.с.)нинг қўли мўминлар қўли устига қўйилгани гўё Аллоҳнинг “қўли” қўйилгани билан баробардир. Гўё бошқа оятда: “Расулга итоат этган киши Аллоҳга итоат этган бўлади”, – дейилгани каби (Мд.).

Ҳудайбия водийсидаги бир туп дарахт остида бир ярим мингга яқин мусулмонлар Расул (а.с.)га ҳар қандай шароитда ҳам содиқ бўлишлари ҳақида қасамёд этганлар. Бу воқеа ислом тарихида “Байъатур – ризвон” номи билан машҳурдир. Унинг маъноси Аллоҳ рози бўладиган қасамёддир.

Яна мазкур байъат тўғрисида шу суранинг 18-ояти таржима ва

قُل لِّلْمُخَلَّفِينَ مِنَ ٱلْأَعْرَابِ سَتُدْعَوْنَ إِلَىٰ قَوْمٍ أُو۟لِى بَأْسٍ شَدِيدٍ
تُقَٰتِلُونَهُمْ أَوْ يُسْلِمُونَ ۖ فَإِن تُطِيعُوا۟ يُؤْتِكُمُ ٱللَّهُ أَجْرًا حَسَنًا ۖ
وَإِن تَتَوَلَّوْا۟ كَمَا تَوَلَّيْتُم مِّن قَبْلُ يُعَذِّبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٦﴾ لَّيْسَ
عَلَى ٱلْأَعْمَىٰ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْأَعْرَجِ حَرَجٌ وَلَا عَلَى ٱلْمَرِيضِ حَرَجٌ ۗ
وَمَن يُطِعِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ يُدْخِلْهُ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ ۖ
وَمَن يَتَوَلَّ يُعَذِّبْهُ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿١٧﴾ ۞ لَّقَدْ رَضِىَ ٱللَّهُ عَنِ
ٱلْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ ٱلشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِى قُلُوبِهِمْ
فَأَنزَلَ ٱلسَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَٰبَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿١٨﴾ وَمَغَانِمَ
كَثِيرَةً يَأْخُذُونَهَا ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٩﴾ وَعَدَكُمُ ٱللَّهُ
مَغَانِمَ كَثِيرَةً تَأْخُذُونَهَا فَعَجَّلَ لَكُمْ هَٰذِهِۦ وَكَفَّ أَيْدِىَ
ٱلنَّاسِ عَنكُمْ وَلِتَكُونَ ءَايَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ وَيَهْدِيَكُمْ صِرَٰطًا
مُّسْتَقِيمًا ﴿٢٠﴾ وَأُخْرَىٰ لَمْ تَقْدِرُوا۟ عَلَيْهَا قَدْ أَحَاطَ ٱللَّهُ بِهَا ۚ
وَكَانَ ٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرًا ﴿٢١﴾ وَلَوْ قَٰتَلَكُمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
لَوَلَّوُا۟ ٱلْأَدْبَٰرَ ثُمَّ لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا ﴿٢٢﴾ سُنَّةَ
ٱللَّهِ ٱلَّتِى قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلُ ۖ وَلَن تَجِدَ لِسُنَّةِ ٱللَّهِ تَبْدِيلًا ﴿٢٣﴾

16. Аъробийлардан (жиҳодга чиқмай) қолган (мунофиқ) кимсаларга айтинг: «Яқинда сизлар ашаддий куч эгалари* бўлмиш бир қавм (билан жанг қилиш)га чорланурсиз. (Ўшанда ё) улар билан урушарсиз ёки улар (жангсиз) Исломга кирурлар. Бас, агар (ўшанда) итоат этсангиз, Аллоҳ сизларга гўзал мукофот ато этур. Агар илгари юз ўгириб кетганингиздек юз ўгириб кетсангиз, (Аллоҳ) сизларни аламли азоб билан азоблагай.

17. (Жиҳодга чиқмасликда) кўзи ожиз кишига ҳараж (тазйиқ) йўқдир. Чўлоққа ҳам ҳараж йўқдир, беморга ҳам ҳараж йўқдир. Кимки Аллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этса, (У) уни остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритур. Кимки юз ўгириб кетса, уни аламли азоб билан азоблагай.

18. (Эй, Муҳаммад!) Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида Сизга байъат (қасамёд) қилаётган вақтларида – рози бўлди*. Бас, У уларнинг дилларидаги нарса (садоқат)ни билиб, уларга хотиржамлик туширди ва уларни (Хайбар жангидаги) яқин ғалаба билан мукофотлади.

19. (Улар) оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан ҳам (мукофотлади). Аллоҳ қудратли ва ҳикматли зотдир.

20. (Эй, мўминлар!) Аллоҳ сизларга ўзингиз оладиган кўпгина ўлжалар ваъда қилди. Энди мана бу (Хайбар жангидаги ўлжалар)ни эса нақд қилиб қўйди ва (душман) кишиларнинг қўлларини сизлардан тўсиб қўйди*. Токи (бу неъматлар) мўминларга аломат бўлгай ва (Аллоҳ) сизларни Тўғри йўлга ҳидоят қилгай.

21. Яна ҳали сизлар қодир бўлмаган бошқа (ўлжа)лар ҳам борки, Аллоҳ уларни иҳота қилиб қўйгандир. Аллоҳ барча нарсага қодир зотдир.

22. Агар кофир бўлган кимсалар сизлар билан жанг қилганларида, албатта, (улар) ортларига қараб қочган бўлур эдилар. Сўнгра улар на бир дўст ва на бир ёрдамчи топурлар.

23. (Бу) Аллоҳнинг йўли (қонуни) бўлиб, илгари ҳам ўтгандир. Аллоҳнинг йўлига эса ўзгартириш топа олмассиз.

16-оят. “Ашаддий куч эгалари” қайси душманлар экани тўғрисида турли тафсирлар бор. Улар Бану Ҳанифа қабиласи кишилари, исломдан қайтган муртадлар ёки форс қўшинлари бўлиши мумкин (Қз. Мд.).

18-оят. Бинобарин, бу байъат “Байъатур-ризвон” дейилади. Байъат қилган эркак ва аёл мусулмонларнинг адади 1300, 1400, 1500 киши эди, деган ривоятлар бор. У дарахтнинг номи Самура ёки Сидра (Мд.).

Мазкур дарахтни мусулмонлар табаррук қадамжо сифатида зиёрат қилишга ружу қўйганлари сабабли Умар (рз.) ширкка айланиб кетишидан қўрқиб, уни жойидан олдириб ташлаган.

20-оят. Ҳижратнинг еттинчи йили Зил-ҳижжа билан Муҳаррам ойлари орасида Хайбар жанги бўлиб ўтган.

وَهُوَ ٱلَّذِى كَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ عَنْهُم بِبَطْنِ مَكَّةَ مِنۢ
بَعْدِ أَنْ أَظْفَرَكُمْ عَلَيْهِمْ ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا ﴿٢٤﴾ هُمُ
ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَصَدُّوكُمْ عَنِ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ وَٱلْهَدْىَ
مَعْكُوفًا أَن يَبْلُغَ مَحِلَّهُۥ ۚ وَلَوْلَا رِجَالٌ مُّؤْمِنُونَ وَنِسَآءٌ مُّؤْمِنَٰتٌ
لَّمْ تَعْلَمُوهُمْ أَن تَطَـُٔوهُمْ فَتُصِيبَكُم مِّنْهُم مَّعَرَّةٌۢ بِغَيْرِ عِلْمٍ ۖ
لِّيُدْخِلَ ٱللَّهُ فِى رَحْمَتِهِۦ مَن يَشَآءُ ۚ لَوْ تَزَيَّلُوا۟ لَعَذَّبْنَا ٱلَّذِينَ
كَفَرُوا۟ مِنْهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴿٢٥﴾ إِذْ جَعَلَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟
فِى قُلُوبِهِمُ ٱلْحَمِيَّةَ حَمِيَّةَ ٱلْجَٰهِلِيَّةِ فَأَنزَلَ ٱللَّهُ سَكِينَتَهُۥ
عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَعَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ وَأَلْزَمَهُمْ كَلِمَةَ ٱلتَّقْوَىٰ
وَكَانُوٓا۟ أَحَقَّ بِهَا وَأَهْلَهَا ۚ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٢٦﴾
لَّقَدْ صَدَقَ ٱللَّهُ رَسُولَهُ ٱلرُّءْيَا بِٱلْحَقِّ ۖ لَتَدْخُلُنَّ ٱلْمَسْجِدَ
ٱلْحَرَامَ إِن شَآءَ ٱللَّهُ ءَامِنِينَ مُحَلِّقِينَ رُءُوسَكُمْ وَمُقَصِّرِينَ
لَا تَخَافُونَ ۖ فَعَلِمَ مَا لَمْ تَعْلَمُوا۟ فَجَعَلَ مِن دُونِ ذَٰلِكَ
فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٧﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ
ٱلْحَقِّ لِيُظْهِرَهُۥ عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿٢٨﴾

24. У (Аллоҳ) Макканинг ичкарисида (кечган жангда) уларнинг (Макка мушрикларининг) устидан сизларни ғалаба қилдирганидан кейин уларнинг қўлларини сизлардан, сизларнинг қўлларингизни улардан тўсган (жангни тўхтатган) зотдир*. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

25. Улар (Макка мушриклари) кофир бўлган ва сизларни Масжидул-ҳаромдан, қурбонликни эса маҳбус ҳолида, ўз жойига етишдан тўсган кимсалардир. Агар (Маккада) сизлар билмаган мўмин кишилар ва мўмина аёллар бўлмаса эди – сизлар уларни билмаган ҳолингизда (мушрик деб ўйлаб) оёқости қилиб қўйиб, улар сабабли сизларга зарар етмаганида (Аллоҳ сизларни Маккага юришдан қайтармаган бўлур эди). Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни раҳматига дохил қилиш учун (шундай қилди). Агар (мўминлар) ажралиб олганларида, албатта, улардан (Макка аҳлидан) кофир бўлганларини аламли азоб билан азоблаган бўлур эдик.

26. Ўшанда кофир бўлган кимсалар дилларига ғурур – жоҳилият ғурурини солганларида Аллоҳ ўз пайғамбарининг ва мўминларнинг устига хотиржамлигини туширди ва уларга тақво калимасини (яъни «Ло илоҳа иллаллоҳ»ни) лозим қилди. Улар ўша (калима)га жуда ҳақли ва аҳл эдилар. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир.

27. Қасамки, Аллоҳ ўз пайғамбарига (у кўрган) тушни рўёбга чиқарди, албатта, сизлар (эй, мўминлар!) Масжидул-ҳаромга эмин-эркин, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда қўрқмасдан кирурсиз, иншоаллоҳ. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир ғалабани (Хайбар ғалабасига эга) қилди*.

28. У ўз пайғамбари (Муҳаммад)ни ҳидоят ва Ҳақ дин (Ислом) билан, у (дин)ни барча дин(лар)га ғолиб қилиши учун юборган зотдир. Аллоҳнинг ўзи (бунга) етарли гувоҳдир.

24-оят. Бу оятдаги “Макка ичкариси” – Макка шаҳри ёки Ҳудайбия водийси эканида ихтилоф бор. Бу ердаги ғалаба ҳам Макка фатҳи ёки Ҳудайбия сулҳи бўлиши мумкин. Яна Ҳудайбия куни мусулмонлар устига бостириб кириб, тўқнашувда енгилган ва таслим бўлган 80 киши деган ривоят ҳам бор. Абу Ҳанифа (рҳ.) оятдаги “ғалаба”ни Макка фатҳи деб билгани туфайли Макка шаҳри сулҳ билан эмас, ҳарбий юриш билан фатҳ этилган деб ҳисоблайди (Мд. Лс.).

27-оят. Пайғамбар (а.с.) Ҳудайбия сулҳидан олдин тушларида саҳобалар билан Маккага тинч ҳолатда кириб, Каъбани зиёрат қилганлар ва уларнинг баъзилари сочларини қирдирган, баъзилари эса сочини қисқартирган. Лекин ўша йили Маккага кира олмаганлар, балки Ҳудайбия сулҳи ту-зилган. Макка фатҳидан олдин яна бир ғалабани ваъда қилинганини назарда тутилса бу фатҳ Хайбар фатҳи, навбатдагиси эса, Макка фатҳи экани маълум бўлади.

29. Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминларга нисбатан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб рукуъ ва сажда қилаётган ҳолларида кўрарсиз. Уларнинг юзларида сажда асоратидан (қолган) белгилари бордир. Мана шу (сифатлар) уларнинг Тавротдаги мисолларидир. Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса, худди шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб ўз новдасида тик турган, деҳқонларни ажаблантирадиган ўсимликка ўхшайди*. (Бу) улар сабабли кофирлар жаҳлини чиқариш учундир. Аллоҳ улардан имон келтириб, солиҳ амалларни қилган зотларга мағфират ва улкан мукофот ваъда қилгандир.

Ҳужурот сураси

Мадинада нозил қилинган. 18 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳ ва унинг пайғамбари олдида (иккисининг изнисиз бирор сўз ёки ишни) тақдим этмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир.

2. Эй, имон келтирганлар! Амалларингиз ўзингиз сезмаган ҳолингизда зое бўлиб кетмаслиги учун сизлар овозларингизни Пайғамбарнинг овозидан юқори кўтармангиз ва унга бирбирларингизга баланд овоз (дағал сўз) қилгандек баланд овоз қилмангиз!

3. Аллоҳнинг пайғамбари ҳузурида овозларини паст қилган кишилар – айнан ўшалар

مُّحَمَّدٌ رَّسُولُ ٱللَّهِ ۚ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ أَشِدَّآءُ عَلَى ٱلْكُفَّارِ رُحَمَآءُ بَيْنَهُمْ ۖ
تَرَىٰهُمْ رُكَّعًا سُجَّدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنًا ۖ سِيمَاهُمْ
فِى وُجُوهِهِم مِّنْ أَثَرِ ٱلسُّجُودِ ۚ ذَٰلِكَ مَثَلُهُمْ فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ ۚ وَمَثَلُهُمْ
فِى ٱلْإِنجِيلِ كَزَرْعٍ أَخْرَجَ شَطْـَٔهُۥ فَـَٔازَرَهُۥ فَٱسْتَغْلَظَ فَٱسْتَوَىٰ
عَلَىٰ سُوقِهِۦ يُعْجِبُ ٱلزُّرَّاعَ لِيَغِيظَ بِهِمُ ٱلْكُفَّارَ ۗ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِنْهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًۢا ﴿٢٩﴾

ترتيبها ٤٩ سُورَةُ الحُجُرَات آياتها ١٨

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تُقَدِّمُوا۟ بَيْنَ يَدَىِ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ
إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَرْفَعُوٓا۟ أَصْوَٰتَكُمْ
فَوْقَ صَوْتِ ٱلنَّبِىِّ وَلَا تَجْهَرُوا۟ لَهُۥ بِٱلْقَوْلِ كَجَهْرِ بَعْضِكُمْ
لِبَعْضٍ أَن تَحْبَطَ أَعْمَٰلُكُمْ وَأَنتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٢﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
يَغُضُّونَ أَصْوَٰتَهُمْ عِندَ رَسُولِ ٱللَّهِ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ ٱمْتَحَنَ ٱللَّهُ
قُلُوبَهُمْ لِلتَّقْوَىٰ ۚ لَهُم مَّغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٣﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
يُنَادُونَكَ مِن وَرَآءِ ٱلْحُجُرَٰتِ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٤﴾

Аллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган зотлардир. Улар учун мағфират ва улкан мукофот бордир.

4. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, (хотинларингиз яшайдиган) ҳужралар ортидан туриб, Сизни чақирадиган кимсаларнинг кўплари (андиша ва фаросат билан) ақл ишлатмайдилар.

29-оят. Бу зарбулмасал мусулмонларнинг дастлаб заиф, кам сонли ва хорланган бўлганлари, кейинроқ эса, ислом дини равнақ топиб, кучайиб кетганини ифода этади.

49. ҲУЖУРОТ СУРАСИ

“Ҳужурот” – ҳужралар. Бу ерда Расул (а.с.)нинг ўз завжалари билан бирга яшаган Мадина шаҳридаги тўққизта ҳужралари.

Сурада Аллоҳ билан Расулининг кўрсатмаларисиз диний ишларда мустақил равишда бирор амални қилмаслик, Расул (а.с.) билан муомала қилиш одоблари, мўмин киши эшитган гапига аниқламасдан ишониб кетишининг нотўғрилиги, ўзаро низоларни тинчлик йўли билан бостириш зарурлиги, масхара, лақаб қўйиш, ғийбат, бадгумонлик каби разил сифатлардан сақланишга тарғиб, барча инсонларнинг асли бир ота ва бир онадан экани, инсоннинг афзаллиги миллати билан эмас, балки эзгуликка қанчалик интилиши ва тақво билан белгиланиши каби сабоқлар баён этилган.

وَلَوۡ أَنَّهُمۡ صَبَرُواْ حَتَّىٰ تَخۡرُجَ إِلَيۡهِمۡ لَكَانَ خَيۡرٗا لَّهُمۡۚ وَٱللَّهُ غَفُورٞ
رَّحِيمٞ ﴿٥﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن جَآءَكُمۡ فَاسِقُۢ بِنَبَإٖ فَتَبَيَّنُوٓاْ
أَن تُصِيبُواْ قَوۡمَۢا بِجَهَٰلَةٖ فَتُصۡبِحُواْ عَلَىٰ مَا فَعَلۡتُمۡ نَٰدِمِينَ ﴿٦﴾
وَٱعۡلَمُوٓاْ أَنَّ فِيكُمۡ رَسُولَ ٱللَّهِۚ لَوۡ يُطِيعُكُمۡ فِي كَثِيرٖ مِّنَ ٱلۡأَمۡرِ لَعَنِتُّمۡ
وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ حَبَّبَ إِلَيۡكُمُ ٱلۡإِيمَٰنَ وَزَيَّنَهُۥ فِي قُلُوبِكُمۡ وَكَرَّهَ إِلَيۡكُمُ
ٱلۡكُفۡرَ وَٱلۡفُسُوقَ وَٱلۡعِصۡيَانَۚ أُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلرَّٰشِدُونَ ﴿٧﴾
فَضۡلٗا مِّنَ ٱللَّهِ وَنِعۡمَةٗۚ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ﴿٨﴾ وَإِن طَآئِفَتَانِ
مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ ٱقۡتَتَلُواْ فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَهُمَاۖ فَإِنۢ بَغَتۡ إِحۡدَىٰهُمَا
عَلَى ٱلۡأُخۡرَىٰ فَقَٰتِلُواْ ٱلَّتِي تَبۡغِي حَتَّىٰ تَفِيٓءَ إِلَىٰٓ أَمۡرِ ٱللَّهِۚ فَإِن فَآءَتۡ
فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَهُمَا بِٱلۡعَدۡلِ وَأَقۡسِطُوٓاْۖ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُقۡسِطِينَ
﴿٩﴾ إِنَّمَا ٱلۡمُؤۡمِنُونَ إِخۡوَةٞ فَأَصۡلِحُواْ بَيۡنَ أَخَوَيۡكُمۡۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ
لَعَلَّكُمۡ تُرۡحَمُونَ ﴿١٠﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا يَسۡخَرۡ قَوۡمٞ مِّن قَوۡمٍ
عَسَىٰٓ أَن يَكُونُواْ خَيۡرٗا مِّنۡهُمۡ وَلَا نِسَآءٞ مِّن نِّسَآءٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُنَّ خَيۡرٗا
مِّنۡهُنَّۖ وَلَا تَلۡمِزُوٓاْ أَنفُسَكُمۡ وَلَا تَنَابَزُواْ بِٱلۡأَلۡقَٰبِۖ بِئۡسَ ٱلِٱسۡمُ
ٱلۡفُسُوقُ بَعۡدَ ٱلۡإِيمَٰنِۚ وَمَن لَّمۡ يَتُبۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ﴿١١﴾

5. Агар улар, то (Сиз ўзингиз) уларнинг олдига чиққунингизгача сабр қилганларида, албатта, ўзлари учун яхши бўлур эди*. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.

6. Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!

7. Билингизки, ораларингизда Аллоҳнинг Пайғамбари бордир. Агар у кўп иш(лар)да сизларга бўйин сунса, албатта, сизлар машаққатларга дучор бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ сизларга имонни суюкли қилди ва уни дилларингизга безак қилди ҳамда сизларга куфрни, фисқ-фужурни ва итоатсизликни ёмон кўрсатиб қўйди. Ана ўшаларгина тўғри йўл топувчилардир.

8. (Бу) Аллоҳ (томони)дан бўлмиш фазл (марҳамат) ва неъматдир. Аллоҳ билимли ва ҳикматлидир.

9. Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз! Бас, агар улардан бири, иккинчисининг устига тажовузкорлик қилса, бас, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича, сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушингиз! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан тузатиб қўйинглар ва адолатли бўлингиз! Зеро, Аллоҳ адолатлиларни севар.

10. Албатта, мўминлар динда ўзаро биродардирлар. Бас, сизлар икки биродарингиз ўртасини тузатиб қўйингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, шояд, раҳм қилинсангиз.

11. Эй, мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимолки, (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингизни (бир-бирларингизни) мазах қилмангиз ва бир-бирларингизни лақаблар билан атамангиз! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Кимки тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир.

5-оят. Бу ва ундан олдинги оятнинг нозил бўлиш сабаби – Бани Тамим ва Бани Анбар қабиласидан Ақраъ ибн Ҳобис, Уяйна ибн Ҳисн ва бошқалардан иборат бир гуруҳ кофирлар ўзларининг асирга тушган одамларини Расул (а.с.)дан қайтариб олиш учун келиб, ҳужралари ортидан чақиришади. Туш пайти, ҳаво иссиқ бўлгани боис Пайғамбар (а.с.) ухлаётган бўладилар. Безовта бўлиб уларнинг олдига чиқадилар ва ҳожатларини раво қиладилар. Лекин ул зотга қилинган бу беодоблик Аллоҳга ҳам хуш келмагач, уларга қаратилган мазкур танбеҳлар оятга муҳрланиб, ҳамма учун доимий ибрат манбаларидан бирига айланиб қолди (Лс. Мд.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱجْتَنِبُوا۟ كَثِيرًا مِّنَ ٱلظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ ٱلظَّنِّ إِثْمٌ
وَلَا تَجَسَّسُوا۟ وَلَا يَغْتَب بَّعْضُكُم بَعْضًا ۚ أَيُحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن
يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ تَوَّابٌ
رَّحِيمٌ ﴿١٢﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَٰكُم مِّن ذَكَرٍ وَأُنثَىٰ وَجَعَلْنَٰكُمْ
شُعُوبًا وَقَبَآئِلَ لِتَعَارَفُوٓا۟ ۚ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِندَ ٱللَّهِ أَتْقَىٰكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴿١٣﴾ ۞ قَالَتِ ٱلْأَعْرَابُ ءَامَنَّا ۖ قُل لَّمْ تُؤْمِنُوا۟ وَلَٰكِن
قُولُوٓا۟ أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلِ ٱلْإِيمَٰنُ فِى قُلُوبِكُمْ ۖ وَإِن تُطِيعُوا۟ ٱللَّهَ
وَرَسُولَهُۥ لَا يَلِتْكُم مِّنْ أَعْمَٰلِكُمْ شَيْـًٔا ۚ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤﴾
إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا۟
وَجَٰهَدُوا۟ بِأَمْوَٰلِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ
ٱلصَّٰدِقُونَ ﴿١٥﴾ قُلْ أَتُعَلِّمُونَ ٱللَّهَ بِدِينِكُمْ وَٱللَّهُ
يَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۚ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ
﴿١٦﴾ يَمُنُّونَ عَلَيْكَ أَنْ أَسْلَمُوا۟ ۖ قُل لَّا تَمُنُّوا۟ عَلَىَّ إِسْلَٰمَكُم ۖ بَلِ ٱللَّهُ
يَمُنُّ عَلَيْكُمْ أَنْ هَدَىٰكُمْ لِلْإِيمَٰنِ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿١٧﴾ إِنَّ ٱللَّهَ
يَعْلَمُ غَيْبَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَٱللَّهُ بَصِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١٨﴾

12. Эй, мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасизку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир.

13. Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир.

14. Аъробийлар: «Имон келтирдик», – дедилар. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Сизлар имон келтирганингиз йўқ, лекин сизлар «Исломга кирдик» денг! (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир*. Агар сизлар Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этсангиз, У сизларга (қилган яхши) амалларингиздан (савобидан) бирор нарсани камайтирмас. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир».

15. Ҳақиқий мўминлар Аллоҳ ва унинг пайғамбарига имон келтириб, сўнгра шубҳа қилмаган ва моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлардир. Айнан ўшаларгина (имонларида) содиқдирлар*.

16. (Эй, Муҳаммад! Аъробийларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳга динингизни ўргатмоқчимисиз?! Ваҳоланки, Аллоҳ осмонлардаги ва Ердаги (бор) нарсани билур. Аллоҳ барча нарсани билувчидир».

17. Улар Сизга исломга кирганларини миннат қилмоқдалар. Айтинг: «Сизлар менга исломингизни миннат қилмангиз, балки агар (имонингизда) содиқ бўлсангиз, билингизки, Аллоҳ сизларни имонга ҳидоят қилганини миннат қилур.

18. Албатта, Аллоҳ осмонлар ва Ердаги ғайб (сирлар)ни билур. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир».

14-оят. Шу ояти каримадан маълум бўладики, имон билан ислом, мўмин билан мусулмон мазмун жиҳатдан фарқ қилади. Имон – бу илоҳий таълимотни тан олиб тасдиқ этиш бўлса, ислом – илоҳий кўрсатма ва буйруқларни амалда бажаришдир.

Бу оятда мўминликни даъво қилаётган бир гуруҳ аъробийларга Аллоҳ таоло раддия бериб, "Йўқ! Сизларда имон йўқ, балки ўзларингизни мусулмон кўрсатиш учун амал қилиб турибсиз",– деган мазмунда танбеҳ берган.

15-оят. Фақат тилида имон келтириб, дилида имон қарор топмаган аъробийлар (бадавий араблар) билан комил имонли, ихлос ва итоатли мўминлар ўртасидаги фарқ баён этилмоқда.

Жиҳод ҳақида “Нисо” сурасининг 95 ва “Тавба” сурасининг 88-оятлари тафсирига қаралсин.



Қоф сураси

Маккада нозил қилинган. 45 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Қоф. Улуғ Қуръон билан қасамёд этаман!*
2. Ҳа, уларга (фаришта ўрнига) ўзларидан бўлмиш бир огоҳлантирувчи (пайғамбар) келганидан ажабландилар. Шунда кофирлар айтдилар: «Бу жуда қизиқ нарса-ку!
3. Бизлар ўлиб, тупроққа айланганимизда (яна тириламизми)?! Бу жуда узоқ (ақлга сиғмас) қайтишдир».
4. Биз улар(нинг мурдалари) ни ер камайтираётганини (чириб тупроққа айланаётганини) билганмиз. Бизнинг ҳузуримизда эса, (қилмишларини битик ҳолда ўзида) сақловчи Китоб (Лавҳул-маҳфуз) бордир.
5. Йўқ, уларга ҳақиқат (Қуръон) келганда, уни ҳам ёлғонга йўйдилар. Бас, улар изтиробли ишга (ҳолга) тушиб қолгандирлар*.
6. Ахир, улар устиларидаги осмонни – Биз уни қандай бино қилиб, (юлдузлар билан) безаб қўйганимизни ва унинг тешик (ёриқ)лари йўқ эканини кўрмадиларми?!
7. Ерни эса ёйиқ (кенг) қилдик ва унга тоғларни ўрнатиб қўйдик ҳамда унда (ўсимлик, мевалардан) ҳар турли гўзал жуфтларни ундирдик.
8. (Парвардигорга) қайтувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма бўлиши учун (шундай қилдик).
9. Биз осмондан баракотли сув (ёмғир) ёғдириб, у билан боғларни ва ўриб олинадиган донларни ундирдик.
10. Шунингдек, зич мевали, шохлари баланд хурмоларни ҳам.
11. Бандаларга ризқ бўлсин учун (шундай қилдик). Яна у (сув) билан «ўлик» шаҳарни (ерни) «тирилтирдик». (Қабрлардан тирилиб) чиқиш ҳам мана шундай бўлур.
12. Улардан (Макка кофирларидан) олдин Нуҳ қавми, қудуқ эгалари (Шуайб қавми), Самуд (қабиласи) инкор қилган эдилар.
13. Шунингдек, Од (қабиласи), Фиръавн (қавми), Лутнинг «биродарлари»,
14. дарахтзор эгалари (Шуайб қавми) ва Туббаъ қавми ҳам. (Уларнинг) барчалари пайғамбарларни инкор этишгач, Менинг ваъдам (азобим уларга) муқаррар бўлди.
15. Ахир, Биз аввалги яратишга (йўқдан бор қилишга) ожизлик қилдикми? Йўқ, улар эса янги яралишдан шубҳададирлар.

---

50. ҚОФ СУРАСИ
Қоф – араб алифбосининг 21-ҳарфи. Сурада имон, эътиқод, куфр, ширк, дунё ва охират, хусусан, ўлгандан кейин қиёматда тирилиб, Аллоҳ ҳузурида ҳисобот бериш каби маълумотлар ўз ифодасини топган.

1-оят. Қасамёд этилди, лекин қасамнинг жавоби, яъни нимага қасамёд этилгани оятда зикр этилмади. Бунинг сабаби қасам жавобининг кейинги оятлар мазмунидан аён бўлиб турганидир. Демак, қасамнинг жавоби – Сиз, эй, Муҳаммад! Қайта тирилиш ҳақ эканини ҳар қанча исботламоқчи бўлсангиз ҳам Макка аҳли ишонмайди, деган гапдир.

5-оят. Изтиробли ҳоллари – мушриклар Қуръонга нисбатан сеҳр, шеър, афсона, фолбинлик китоби деб таъна қилганларида тушган маъюс ҳолатларидир.

16. Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак,) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз.

17. Зотан, ўнг ва чап (томон)да ўтирган икки (ёзиб турувчи фаришта) қабул қилиб (ёзиб) турурлар.

18. У бирор сўзни талаффуз қилса, албатта, унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи (сўзни ёзиб олувчи фаришта) бордир.

19. Мана ўлим мастлиги (жон чиқиш пайти) ҳақиқатан (етиб) келди. (Эй, инсон!) Бу (ўлим) сен ундан қочувчи бўлган нарсадир.

20. (Тасаввур қилинг) Сур ҳам чалинди. Бу (кофирларга азоб) ваъда қилинган кундир.

21. Ҳар бир жон ўзи билан бирга (уни маҳшарга) ҳайдовчи (бир фаришта) ва (амалларига) гувоҳлик берувчи (иккинчи фаришта) билан бирга келур.

22. (Эй, инсон!) Сен бу (оғир кун)дан ғафлатда эдинг. Бас, Биз сендан пардангни очиб юбордик. Энди, бугун кўзинг ўткирдир.

23. Унинг (кофирнинг) яқини (бўлган фаришта) дейди: «Мана бу (номаи аъмол) менинг ҳузуримда (доимо) ҳозир бўлган нарсадир».

24. (Дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур:) «Ҳар бир ношукур, қайсарни жаҳаннамга ташлангиз!

25. Шунингдек, яхшиликни ман этувчи, тажовузкор ва (Аллоҳга) шак келтирувчини ҳамки,

26. у Аллоҳ билан бошқа «илоҳ»ни шерик қиган эди. Уни қаттиқ азобга ташлангиз!»

27. Унинг яқини (шайтон): «Парвардигоро, уни мен туғёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи (ҳақ йўлдан) йироқ залолатда бўлди»,– дейди.

28. (Аллоҳ) айтади: «Менинг даргоҳимда баҳслашмангиз! Мен илгари сизларга таҳдид (огоҳлантириш) қилганман.

29. Менинг даргоҳимда (қилинган) сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга ноҳақлик қилувчи ҳам эмасдирман».

وَلَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ وَنَعْلَمُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِۦ نَفْسُهُۥ ۖ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ
مِنْ حَبْلِ ٱلْوَرِيدِ ﴿١٦﴾ إِذْ يَتَلَقَّى ٱلْمُتَلَقِّيَانِ عَنِ ٱلْيَمِينِ وَعَنِ ٱلشِّمَالِ قَعِيدٌ
﴿١٧﴾ مَّا يَلْفِظُ مِن قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴿١٨﴾ وَجَآءَتْ سَكْرَةُ
ٱلْمَوْتِ بِٱلْحَقِّ ۖ ذَٰلِكَ مَا كُنتَ مِنْهُ تَحِيدُ ﴿١٩﴾ وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ ۚ ذَٰلِكَ
يَوْمُ ٱلْوَعِيدِ ﴿٢٠﴾ وَجَآءَتْ كُلُّ نَفْسٍ مَّعَهَا سَآئِقٌ وَشَهِيدٌ ﴿٢١﴾ لَّقَدْ
كُنتَ فِى غَفْلَةٍ مِّنْ هَٰذَا فَكَشَفْنَا عَنكَ غِطَآءَكَ فَبَصَرُكَ ٱلْيَوْمَ حَدِيدٌ
﴿٢٢﴾ وَقَالَ قَرِينُهُۥ هَٰذَا مَا لَدَىَّ عَتِيدٌ ﴿٢٣﴾ أَلْقِيَا فِى جَهَنَّمَ كُلَّ كَفَّارٍ
عَنِيدٍ ﴿٢٤﴾ مَّنَّاعٍ لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ مُّرِيبٍ ﴿٢٥﴾ ٱلَّذِى جَعَلَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا
ءَاخَرَ فَأَلْقِيَاهُ فِى ٱلْعَذَابِ ٱلشَّدِيدِ ﴿٢٦﴾ ۞ قَالَ قَرِينُهُۥ رَبَّنَا مَآ أَطْغَيْتُهُۥ
وَلَٰكِن كَانَ فِى ضَلَٰلٍۭ بَعِيدٍ ﴿٢٧﴾ قَالَ لَا تَخْتَصِمُوا۟ لَدَىَّ وَقَدْ قَدَّمْتُ
إِلَيْكُم بِٱلْوَعِيدِ ﴿٢٨﴾ مَا يُبَدَّلُ ٱلْقَوْلُ لَدَىَّ وَمَآ أَنَا۠ بِظَلَّٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٢٩﴾
يَوْمَ نَقُولُ لِجَهَنَّمَ هَلِ ٱمْتَلَأْتِ وَتَقُولُ هَلْ مِن مَّزِيدٍ ﴿٣٠﴾ وَأُزْلِفَتِ
ٱلْجَنَّةُ لِلْمُتَّقِينَ غَيْرَ بَعِيدٍ ﴿٣١﴾ هَٰذَا مَا تُوعَدُونَ لِكُلِّ أَوَّابٍ حَفِيظٍ
﴿٣٢﴾ مَّنْ خَشِىَ ٱلرَّحْمَٰنَ بِٱلْغَيْبِ وَجَآءَ بِقَلْبٍ مُّنِيبٍ ﴿٣٣﴾ ٱدْخُلُوهَا
بِسَلَٰمٍ ۖ ذَٰلِكَ يَوْمُ ٱلْخُلُودِ ﴿٣٤﴾ لَهُم مَّا يَشَآءُونَ فِيهَا وَلَدَيْنَا مَزِيدٌ ﴿٣٥﴾

30. У кунда Биз жаҳаннамга «тўлдингми?», – дермиз. У эса: «Яна қўшимча борми?», – дер.

31. Жаннат тақводор зотларга йироқ бўлмаган (бир маконга) келтирилур

32. (ва уларга:) «Мана шу (неъматлар) сизларга – (Аллоҳга) қайтувчи, (аҳдини) сақловчига (ваъда қилиниб юрган нарсадир).

33. Шунингдек, Раҳмондан ғойибона қўрққан ва тавба қилувчи қалб билан келган кишиларга ҳам.

34. Унга (жаннатга) саломат кирингиз! Бу (кун) мангулик кунидир» (дейилур).

35. Уларга у жойда хоҳлаган нарсалари бордир. Бизнинг даргоҳимизда яна қўшимча (инъомлар) ҳам бордир.

وَكَمْ أَهْلَكْنَا قَبْلَهُم مِّن قَرْنٍ هُمْ أَشَدُّ مِنْهُم بَطْشًا فَنَقَّبُوا فِي
الْبِلَادِ هَلْ مِن مَّحِيصٍ ﴿٣٦﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَذِكْرَىٰ لِمَن كَانَ
لَهُ قَلْبٌ أَوْ أَلْقَى السَّمْعَ وَهُوَ شَهِيدٌ ﴿٣٧﴾ وَلَقَدْ خَلَقْنَا
السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ وَمَا مَسَّنَا
مِن لُّغُوبٍ ﴿٣٨﴾ فَاصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ
قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ الْغُرُوبِ ﴿٣٩﴾ وَمِنَ اللَّيْلِ فَسَبِّحْهُ
وَأَدْبَارَ السُّجُودِ ﴿٤٠﴾ وَاسْتَمِعْ يَوْمَ يُنَادِ الْمُنَادِ مِن مَّكَانٍ قَرِيبٍ
﴿٤١﴾ يَوْمَ يَسْمَعُونَ الصَّيْحَةَ بِالْحَقِّ ذَٰلِكَ يَوْمُ الْخُرُوجِ ﴿٤٢﴾ إِنَّا
نَحْنُ نُحْيِي وَنُمِيتُ وَإِلَيْنَا الْمَصِيرُ ﴿٤٣﴾ يَوْمَ تَشَقَّقُ الْأَرْضُ
عَنْهُمْ سِرَاعًا ذَٰلِكَ حَشْرٌ عَلَيْنَا يَسِيرٌ ﴿٤٤﴾ نَّحْنُ أَعْلَمُ بِمَا يَقُولُونَ
وَمَا أَنتَ عَلَيْهِم بِجَبَّارٍ فَذَكِّرْ بِالْقُرْآنِ مَن يَخَافُ وَعِيدِ ﴿٤٥﴾

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

وَالذَّارِيَاتِ ذَرْوًا ﴿١﴾ فَالْحَامِلَاتِ وِقْرًا ﴿٢﴾ فَالْجَارِيَاتِ يُسْرًا ﴿٣﴾
فَالْمُقَسِّمَاتِ أَمْرًا ﴿٤﴾ إِنَّمَا تُوعَدُونَ لَصَادِقٌ ﴿٥﴾ وَإِنَّ الدِّينَ لَوَاقِعٌ ﴿٦﴾

36. Улардан (Қурайш кофирларидан) олдин улардан қувватлироқ қанчалаб авлодни ҳалок қилдик. Бас, ўшалар нажот бормикан, деб шаҳарларни кезиб юрдилар.

37. Албатта, бунда (уйғоқ) қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлиб, қулоқ тутган киши учун эслатма бордир.

38. Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги (бор) нарсани олти кунда яратдик ва Бизга ҳеч қандай чарчоқ етгани йўқ.

39. Бас, (эй, Муҳаммад!) Улар (кофирлар) айтаётган сўзларга сабр қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг (намоз ўқинг)!

40. Яна кечанинг (бир қисмида) ва саждалар (намозлар) ортидан тасбеҳ айтинг!*

41. Жарчи (Исрофил фаришта) яқин бир макондан туриб жар соладиган кунда (унга) қулоқ тутинг!

42. У кунда улар (барча халойиқ) у (даҳшатли) қичқириқни чинакамига эшитурлар. Бу (қабрлардан) чиқиш кунидир.

43. Албатта, Биз (барча жонзотни) тирилтирурмиз ва ўлдирурмиз. Қайтиш эса Бизнинг ҳузуримиз саридир.

44. У кунда уларнинг устидаги ер ёрилиб, (улар) шошган ҳолларида (чиқиб келурлар). Бу фақат Бизгагина осон бўлган тўплашдир.

45. Биз улар (кофирлар) айтаётган гапларни яхши билурмиз. (Эй, Муҳаммад!) Сиз уларнинг устида (имонга) зўрловчи эмассиз. Бас, ушбу Қуръон билан Менинг таҳдидимдан қўрқадиган кишиларга насиҳат қилинг!

Зориёт сураси

Маккада нозил қилинган. 60 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман (булутларни) ҳайдаб юрувчи (шамол)лар билан,

2. юк (ёмғир) ташувчи (булут)лар билан,

3. (сув юзида) енгил сузувчи (кема)лар билан

4. ва (Аллоҳ буюрган) иш(лар)ни тақсимловчи (фаришта)лар биланки,

5. сизларга ваъда қилинаётган нарса (қайта тирилиш), шубҳасиз, ростдир

6. ва албатта, (қиёмат кунида ҳисоб-китоб қилингандан кейин) жазо (ва мукофот) ҳам воқе бўлувчидир!

40-оят. Ушбу ва олдинги 39-оятларда беш вақт намознинг вақтларига ишорат бордир. Масалан, "қуёш чиқишидан илгари" жумласи бомдод намозининг вақтига, "ботишидан аввал" жумласи пешин билан аср намозларининг вақтлари, 40-оятдаги "кечанинг бир қисмида" жумласи шом билан хуфтон намозларининг вақтларидир (Мд.).

51. ЗОРИЁТ СУРАСИ

"Зориёт" – ҳайдовчилар. Яъни булутларни ҳайдаб юрувчи шамоллар. Шу сўз билан қасамёд этилгани сабабли сурага шу ном қўйилган. Сурада Аллоҳ таоло Ўз бандаларини охиратдан огоҳ этиб, эзгу амал билан унга ҳозирлик кўриш лозимлигини таъкидлайди.

7. (Юлдузлар ҳаракат қиладиган) йўллар эгаси бўлмиш осмон билан қасамёд этаманки,

8. албатта, сизлар (ушбу Пайғамбар хусусида) қарама-қарши сўз узрадирсиз!

9. Ундан (Қуръондан ва Пайғамбардан) бурилган (бахтсиз) кимса оғиб кетур.

10. (Ўша) ёлғончиларга – ўлим!

11. Улар (жаҳолат) гирдобида адашиб юрувчи кимсалардир.

12. (Улар) жазо (қиёмат) куни қачон бўлишини сўрарлар.

13. (У кун) улар дўзахда синаладиган кундир.

14. (Ўшанда уларга айтилур): «Синовингизни тотингиз! Сизлар (дунёдалик пайтингизда) шоштирган нарса мана шудир».

15. Албатта, тақводорлар (жаннатдаги) боғларда ва булоқлар узра бўлурлар.

16. Парвардигорлари уларга ато этган нарсаларни (мукофотларни) олган ҳолларида (бўлурлар). Зеро, улар бундан илгари (дунёда) эзгу ишларни қилувчи эдилар.

17. (Улар) туннинг озгина (қисмидагина) ухлар эдилар.

18. Саҳарларда улар (Аллоҳдан) мағфират сўрар эдилар.

19. Уларнинг мол-мулкларида тиланчи ва маҳрум (муҳтож) кишилар учун (ажратилган) ҳақ (улуш) бўлар эди.

20. (Эй, инсонлар!) Ерда ишонувчилар учун аломатлар бордир,

21. ўзларингизда ҳам. Ахир, (уларни) кўрмайсизми?!

22. Осмонда эса, сизларнинг ризқларингиз (ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (жаннат) бордир.

23. Бас, осмон ва Ернинг Парвардигорига қасамки, албатта, у (ваъда) худди сизларнинг сўзлашингиз каби (ҳақ ва рост)дир!

24. (Эй, Муҳаммад!) Сизга Иброҳимнинг азиз меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими?

25. Ўшанда улар (Иброҳим) ҳузурига кириб: «Салом!», –дейишганда, у ҳам: «Салом! (Булар) нотаниш қавм-ку!», – деди.

وَٱلسَّمَآءِ ذَاتِ ٱلْحُبُكِ ﴿٧﴾ إِنَّكُمْ لَفِى قَوْلٍ مُّخْتَلِفٍ ﴿٨﴾ يُؤْفَكُ عَنْهُ مَنْ
أُفِكَ ﴿٩﴾ قُتِلَ ٱلْخَرَّٰصُونَ ﴿١٠﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ فِى غَمْرَةٍ سَاهُونَ ﴿١١﴾
يَسْـَٔلُونَ أَيَّانَ يَوْمُ ٱلدِّينِ ﴿١٢﴾ يَوْمَ هُمْ عَلَى ٱلنَّارِ يُفْتَنُونَ ﴿١٣﴾ ذُوقُوا۟
فِتْنَتَكُمْ هَٰذَا ٱلَّذِى كُنتُم بِهِۦ تَسْتَعْجِلُونَ ﴿١٤﴾ إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى جَنَّٰتٍ
وَعُيُونٍ ﴿١٥﴾ ءَاخِذِينَ مَآ ءَاتَىٰهُمْ رَبُّهُمْ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَبْلَ ذَٰلِكَ مُحْسِنِينَ
﴿١٦﴾ كَانُوا۟ قَلِيلًا مِّنَ ٱلَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ ﴿١٧﴾ وَبِٱلْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ
﴿١٨﴾ وَفِىٓ أَمْوَٰلِهِمْ حَقٌّ لِّلسَّآئِلِ وَٱلْمَحْرُومِ ﴿١٩﴾ وَفِى ٱلْأَرْضِ ءَايَٰتٌ
لِّلْمُوقِنِينَ ﴿٢٠﴾ وَفِىٓ أَنفُسِكُمْ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿٢١﴾ وَفِى ٱلسَّمَآءِ رِزْقُكُمْ
وَمَا تُوعَدُونَ ﴿٢٢﴾ فَوَرَبِّ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ إِنَّهُۥ لَحَقٌّ مِّثْلَ مَآ أَنَّكُمْ
تَنطِقُونَ ﴿٢٣﴾ هَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ ضَيْفِ إِبْرَٰهِيمَ ٱلْمُكْرَمِينَ ﴿٢٤﴾
إِذْ دَخَلُوا۟ عَلَيْهِ فَقَالُوا۟ سَلَٰمًا قَالَ سَلَٰمٌ قَوْمٌ مُّنكَرُونَ ﴿٢٥﴾ فَرَاغَ إِلَىٰٓ
أَهْلِهِۦ فَجَآءَ بِعِجْلٍ سَمِينٍ ﴿٢٦﴾ فَقَرَّبَهُۥٓ إِلَيْهِمْ قَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ
﴿٢٧﴾ فَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا۟ لَا تَخَفْ وَبَشَّرُوهُ بِغُلَٰمٍ عَلِيمٍ
﴿٢٨﴾ فَأَقْبَلَتِ ٱمْرَأَتُهُۥ فِى صَرَّةٍ فَصَكَّتْ وَجْهَهَا وَقَالَتْ عَجُوزٌ عَقِيمٌ
﴿٢٩﴾ قَالُوا۟ كَذَٰلِكِ قَالَ رَبُّكِ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْحَكِيمُ ٱلْعَلِيمُ ﴿٣٠﴾

26. Сўнгра у аста оиласи олдига чиқиб, бир семиз бузоқни (сўйиб, пишириб) келтирди.

27. Уни уларга яқин қилиб, «(Таомдан) емайсизми?», – деди.

28. (Лекин овқатга қўл чўзишмагач) улардан хавфсирай бошлади. (Шунда) улар: «Қўрқмагин! (Биз фаришталар таом емаймиз)», – дедилар ва (Иброҳимга) бир доно ўғил (туғилиши) хушхабарини бердилар.

29. Шунда (Иброҳимнинг) хотини қичқирганча келди-да, (ажабланганидан) ўзининг юзига уриб: «(Ахир, мен) туғмас кампир(ман)ку!», – деди.

30. Улар айтдилар: «Парвардигоринг мана шундай, деди. Албатта, Унинг ўзи ҳикмат ва билим соҳибидир».

۞ قَالَ فَمَا خَطْبُكُمْ أَيُّهَا ٱلْمُرْسَلُونَ ﴿٣١﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّآ أُرْسِلْنَآ إِلَىٰ قَوْمٍ
مُّجْرِمِينَ ﴿٣٢﴾ لِنُرْسِلَ عَلَيْهِمْ حِجَارَةً مِّن طِينٍ ﴿٣٣﴾ مُّسَوَّمَةً عِندَ رَبِّكَ
لِلْمُسْرِفِينَ ﴿٣٤﴾ فَأَخْرَجْنَا مَن كَانَ فِيهَا مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٣٥﴾ فَمَا وَجَدْنَا
فِيهَا غَيْرَ بَيْتٍ مِّنَ ٱلْمُسْلِمِينَ ﴿٣٦﴾ وَتَرَكْنَا فِيهَآ ءَايَةً لِّلَّذِينَ يَخَافُونَ
ٱلْعَذَابَ ٱلْأَلِيمَ ﴿٣٧﴾ وَفِى مُوسَىٰٓ إِذْ أَرْسَلْنَٰهُ إِلَىٰ فِرْعَوْنَ بِسُلْطَٰنٍ
مُّبِينٍ ﴿٣٨﴾ فَتَوَلَّىٰ بِرُكْنِهِۦ وَقَالَ سَٰحِرٌ أَوْ مَجْنُونٌ ﴿٣٩﴾ فَأَخَذْنَٰهُ وَجُنُودَهُۥ
فَنَبَذْنَٰهُمْ فِى ٱلْيَمِّ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿٤٠﴾ وَفِى عَادٍ إِذْ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ ٱلرِّيحَ
ٱلْعَقِيمَ ﴿٤١﴾ مَا تَذَرُ مِن شَىْءٍ أَتَتْ عَلَيْهِ إِلَّا جَعَلَتْهُ كَٱلرَّمِيمِ ﴿٤٢﴾
وَفِى ثَمُودَ إِذْ قِيلَ لَهُمْ تَمَتَّعُوا۟ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٤٣﴾ فَعَتَوْا۟ عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ
فَأَخَذَتْهُمُ ٱلصَّٰعِقَةُ وَهُمْ يَنظُرُونَ ﴿٤٤﴾ فَمَا ٱسْتَطَٰعُوا۟ مِن قِيَامٍ
وَمَا كَانُوا۟ مُنتَصِرِينَ ﴿٤٥﴾ وَقَوْمَ نُوحٍ مِّن قَبْلُ إِنَّهُمْ كَانُوا۟ قَوْمًا
فَٰسِقِينَ ﴿٤٦﴾ وَٱلسَّمَآءَ بَنَيْنَٰهَا بِأَيْي۟دٍ وَإِنَّا لَمُوسِعُونَ ﴿٤٧﴾ وَٱلْأَرْضَ
فَرَشْنَٰهَا فَنِعْمَ ٱلْمَٰهِدُونَ ﴿٤٨﴾ وَمِن كُلِّ شَىْءٍ خَلَقْنَا زَوْجَيْنِ
لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿٤٩﴾ فَفِرُّوٓا۟ إِلَى ٱللَّهِ إِنِّى لَكُم مِّنْهُ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٥٠﴾
وَلَا تَجْعَلُوا۟ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ إِنِّى لَكُم مِّنْهُ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٥١﴾

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ПОРА

31. (Иброҳим) деди: «Эй, элчилар! Юмушларингиз недир?»

32. Айтдилар: «Бизлар бир жиноятчи қавмга (Лут қавмига) юборилдик.

33. Лой сополидан қилинган тошни улар узра ёғдиришимиз керак.

34. Парвардигоринг наздида ҳаддан ошувчи кимсалар учун (ҳар бир тошга) белги қўйилган (номлари ёзиб қўйилган)».

35. Бас, Биз у жойдаги мўминлардан бўлмиш кишиларни чиқариб юбордик.

36. У жойда бир хонадондан (Лут хонадонидан) ўзга мусулмонларни топмадик.

37. Биз (кофирларни ҳалок қилганимиздан сўнг) аламли азобдан қўрқадиган зотлар учун у жойда аломат қолдирдик.

38. Мусо (қиссаси)да ҳам (ибрат бордир). Эсланг, Биз уни аниқ ҳужжат билан Фиръавн олдига юборган эдик.

39. У ўз аркони (давлати)га суяниб, имон келтиришдан юз ўгирди ва: «(Мусо) сеҳргар ёки мажнун», – деди.

40. Бас, Биз уни ҳам, қўшинларини ҳам ушлаб, уларни денгизга отдик (ғарқ қилиб юбордик). У маломатга лойиқдир.

41. Од (қабиласи қиссаси)да ҳам (ибрат бордир). Қайсики, Биз уларнинг устига яхлит (фойдасиз) бўронни юборган эдик.

42. У (бўрон) ниманинг устидан ўтса, албатта, уни (ҳалок этиб), худди чириган суяклардек қилиб қўяр эди.

43. Самуд (қабиласининг қиссаси)да ҳам (ибрат бордир). Қайсики, уларга (ман этилган туяни сўйиб юборганларида) «бир вақтгача (яъни уч кунгача тириклик неъматидан) баҳраманд бўлингиз!», – дейилган эди.

44. Бас, улар Парвардигорнинг амри (итоати)дан кибр қилишгач, қараб турган ҳолларида уларни чақмоқ урди.

45. Бас, улар (қочиш учун тикка) туришга ҳам қодир бўлмадилар ва (ҳеч ким томонидан уларга) ёрдам берилувчи ҳам бўлмадилар.

46. (Мазкур қавмлардан) олдин Нуҳ қавмини ҳам (ҳалок қилгандирмиз). Чунки, улар фосиқ (итоатсиз) қавм эдилар.

47. Осмонни Биз «қўллар» билан барпо этдик. Дарҳақиқат, Биз қудратлидирмиз.

48. Ерни эса (ёйиб) тўшаб қўйдик. Бас, (Биз) нақадар яхши ёювчидирмиз!

49. Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик.

50. (Эй, Муҳаммад! Уларга айтинг): «Бас, Аллоҳга (имон келтириш учун) қочингиз! Албатта, мен сизлар учун У зот(нинг азоби)дан аниқ огоҳлантирувчидирман.

51. Аллоҳ билан бирга яна бошқа илоҳ бор, демангиз! Албатта, мен сизлар учун У(нинг азоби)дан аниқ огоҳлантирувчидирман».

52. Худди шунингдек, улардан (Макка мушрикларидан) аввалги (кофир)ларга (бирор) пайғамбар келса, улар ҳам, албатта, уни сеҳргар ёки мажнун, дер эдилар.

53. Улар ўша (сўз)ни бир-бирларига васият қилиб қолдирганмилар? Йўқ! Улар туғёнга кетган қавмдирлар!

54. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз улардан юз ўгиринг! Энди Сиз маломат қилинувчи эмассиз.

55. Эслатинг! Зеро, эслатма мўминларга манфаат етказур.

56. Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим.

57. Мен улардан бирор ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини ҳам истамасман.

58. Зеро, Аллоҳнинг ўзи (барча халойиққа) ризқ берувчи, қувват соҳиби ва қудратлидир.

59. Бас, золим (кофир)лар учун, шубҳасиз, худди (илгари ўтган кофир) дўстларининг насибалари каби (азобдан) насиба бордир. Бас, улар Мени(нг азобимни) қистамай қўя қолсинлар!

60. Бас, кофир бўлган кимсаларга ваъда қилинаётган кунларида уларнинг ҳолларига вой!

Тур сураси

Маккада нозил қилинган. 49 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман Тур (тоғи) билан,

2. битилган Китоб (Қуръон) биланки,

3. (у) очиқ саҳифададир;

4. яна Байтул-маъмур билан*,

5. баланд кўтарилган том (осмон) билан

6. ва тўлқинланган денгиз биланки,

7. Раббингизнинг азоби, (қиёмат куни) шубҳасиз, воқе бўлувчидир!

كَذَٰلِكَ مَآ أَتَى ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِم مِّن رَّسُولٍ إِلَّا قَالُوا۟ سَاحِرٌ أَوْ مَجْنُونٌ
﴿٥٢﴾ أَتَوَاصَوْا۟ بِهِۦ ۚ بَلْ هُمْ قَوْمٌ طَاغُونَ ﴿٥٣﴾ فَتَوَلَّ عَنْهُمْ فَمَآ أَنتَ
بِمَلُومٍ ﴿٥٤﴾ وَذَكِّرْ فَإِنَّ ٱلذِّكْرَىٰ تَنفَعُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٥﴾ وَمَا
خَلَقْتُ ٱلْجِنَّ وَٱلْإِنسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾ مَآ أُرِيدُ مِنْهُم مِّن رِّزْقٍ
وَمَآ أُرِيدُ أَن يُطْعِمُونِ ﴿٥٧﴾ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلرَّزَّاقُ ذُو ٱلْقُوَّةِ ٱلْمَتِينُ
﴿٥٨﴾ فَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُوا۟ ذَنُوبًا مِّثْلَ ذَنُوبِ أَصْحَٰبِهِمْ فَلَا يَسْتَعْجِلُونِ
﴿٥٩﴾ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن يَوْمِهِمُ ٱلَّذِى يُوعَدُونَ ﴿٦٠﴾

آياتها ٤٩ — سُورَةُ ٱلطُّورِ — ترتيبها ٥٢

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلطُّورِ ﴿١﴾ وَكِتَٰبٍ مَّسْطُورٍ ﴿٢﴾ فِى رَقٍّ مَّنشُورٍ ﴿٣﴾ وَٱلْبَيْتِ
ٱلْمَعْمُورِ ﴿٤﴾ وَٱلسَّقْفِ ٱلْمَرْفُوعِ ﴿٥﴾ وَٱلْبَحْرِ ٱلْمَسْجُورِ ﴿٦﴾ إِنَّ
عَذَابَ رَبِّكَ لَوَٰقِعٌ ﴿٧﴾ مَّا لَهُۥ مِن دَافِعٍ ﴿٨﴾ يَوْمَ تَمُورُ ٱلسَّمَآءُ
مَوْرًا ﴿٩﴾ وَتَسِيرُ ٱلْجِبَالُ سَيْرًا ﴿١٠﴾ فَوَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ
﴿١١﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ فِى خَوْضٍ يَلْعَبُونَ ﴿١٢﴾ يَوْمَ يُدَعُّونَ إِلَىٰ نَارِ
جَهَنَّمَ دَعًّا ﴿١٣﴾ هَٰذِهِ ٱلنَّارُ ٱلَّتِى كُنتُم بِهَا تُكَذِّبُونَ ﴿١٤﴾

8. Уни даф этувчи (куч) йўқдир.

9. У кунда осмон айланур.

10. Тоғлар ҳам (фазода тўзон каби) сайр қилур.

11. Ана ўша кунда (пайғамбарларни) инкор этувчилар ҳолига вой!

12. Улар (залолатга) чўмиб, бепарво ўйнаб юрадиган кимсалардир.

13. У кунда улар жаҳаннам олови сари ҳайдалурлар.

14. (Уларга дейилур): «Сизлар ёлғон деб юрган дўзах мана шудир.

---

52. ТУР СУРАСИ

“Тур” – тоғ номи. Мусо (а.с.) Аллоҳ билан шу тоғда сўзлашган. У Миср Араб Республикасининг Синай ярим ороли ҳудудида жойлашган.

4-оят. "Байтул-маъмур"нинг мазмуни обод уй демакдир. Ундан мурод осмондаги бир ибодатгоҳдирки, у қибла сифатида беадад фаришталар томонидан зиёрат қилиб турилади.

أَفَسِحْرٌ هَٰذَآ أَمْ أَنتُمْ لَا تُبْصِرُونَ ﴿١٥﴾ ٱصْلَوْهَا فَٱصْبِرُوٓا۟
أَوْ لَا تَصْبِرُوا۟ سَوَآءٌ عَلَيْكُمْ ۖ إِنَّمَا تُجْزَوْنَ مَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾
إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى جَنَّٰتٍ وَنَعِيمٍ ﴿١٧﴾ فَٰكِهِينَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمْ رَبُّهُمْ
وَوَقَىٰهُمْ رَبُّهُمْ عَذَابَ ٱلْجَحِيمِ ﴿١٨﴾ كُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ هَنِيٓـًٔۢا بِمَا
كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ مُتَّكِـِٔينَ عَلَىٰ سُرُرٍ مَّصْفُوفَةٍ ۖ وَزَوَّجْنَٰهُم
بِحُورٍ عِينٍ ﴿٢٠﴾ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَٱتَّبَعَتْهُمْ ذُرِّيَّتُهُم بِإِيمَٰنٍ أَلْحَقْنَا
بِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَمَآ أَلَتْنَٰهُم مِّنْ عَمَلِهِم مِّن شَىْءٍ ۚ كُلُّ ٱمْرِئٍۭ بِمَا كَسَبَ
رَهِينٌ ﴿٢١﴾ وَأَمْدَدْنَٰهُم بِفَٰكِهَةٍ وَلَحْمٍ مِّمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٢٢﴾ يَتَنَٰزَعُونَ
فِيهَا كَأْسًا لَّا لَغْوٌ فِيهَا وَلَا تَأْثِيمٌ ﴿٢٣﴾ ۞ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ غِلْمَانٌ
لَّهُمْ كَأَنَّهُمْ لُؤْلُؤٌ مَّكْنُونٌ ﴿٢٤﴾ وَأَقْبَلَ بَعْضُهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ يَتَسَآءَلُونَ
﴿٢٥﴾ قَالُوٓا۟ إِنَّا كُنَّا قَبْلُ فِىٓ أَهْلِنَا مُشْفِقِينَ ﴿٢٦﴾ فَمَنَّ ٱللَّهُ
عَلَيْنَا وَوَقَىٰنَا عَذَابَ ٱلسَّمُومِ ﴿٢٧﴾ إِنَّا كُنَّا مِن قَبْلُ
نَدْعُوهُ ۖ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلْبَرُّ ٱلرَّحِيمُ ﴿٢٨﴾ فَذَكِّرْ فَمَآ أَنتَ بِنِعْمَتِ
رَبِّكَ بِكَاهِنٍ وَلَا مَجْنُونٍ ﴿٢٩﴾ أَمْ يَقُولُونَ شَاعِرٌ نَّتَرَبَّصُ بِهِۦ رَيْبَ
ٱلْمَنُونِ ﴿٣٠﴾ قُلْ تَرَبَّصُوا۟ فَإِنِّى مَعَكُم مِّنَ ٱلْمُتَرَبِّصِينَ ﴿٣١﴾

15. Қани, бу ҳам сеҳрми ёки сизлар кўрмаяпсизларми?!

16. Унда куйингиз! Энди (унинг азобига) хоҳ сабр қилинг, хоҳ сабр қилманг – сизларга баробардир! Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган қилмишларингиз жазосини олурсиз».

17. Тақводор зотлар эса боғлар ва неъматлар ичрадирлар.

18. Парвардигорлари ато этган нарсалар билан шод-хуррамдирлар. Парвардигорлари уларни дўзах азобидан сақлагандир.

19. (Уларга айтилур): «Сизлар қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли бемалол еб-ичингиз

20. қатор сўриларда ястанган ҳолларингизда!» Биз уларга оппоқ юзли, катта ва чиройли кўзли ҳур қизларни жуфт қилиб берурмиз.

21. Ўзлари имон келтириб, зурриётлари ҳам уларга имон билан эргашган зотларга (ўша) зурриётларини ҳам қўшамиз*. Уларга қилган амалларидан бирор нарсани камайтирмаймиз. Ҳар бир кимса ўзи қилган иши билан гаровлангандир.

22. Яна Биз уларни кўнгиллари истайдиган мева ва гўшт билан қувватлантирурмиз.

23. Улар у жойда (шундай шароб тўла) қадаҳларни талашурлар (қўлма-қўл қилиб ичурлар)-ки, унда на беҳуда гап ва на гуноҳ иш бўлур.

24. Уларнинг устида гўё (садаф ичида) яширинган гавҳардек (пок ва хушсурат) ғуломлар айланиб (хизмат қилиб) юрар.

25. Улар (суҳбат асносида) бир-бирларига қараб, савол-жавоб қилишур.

26. Айтурлар: «Ҳақиқатан, бизлар илгари (дунёда) оиламиз орасида (Аллоҳ азобидан) қўрқувчи эдик.

27. Мана, Аллоҳ бизларни мамнун этди ва бизларни «самум» (дўзах шамоли)дан сақлади.

28. Дарҳақиқат, бизлар илгари (дунёда) Унга дуо қилар эдик. Албатта, Унинг ўзи марҳаматли ва раҳмли зотдир».

29. Бас, (эй, Муҳаммад!) (Инсонларга) эслатма бераверинг! Чунки Сиз Раббингизнинг неъмати сабабли коҳин (фолбин) ҳам, мажнун ҳам эмасдирсиз.

30. Балки, улар (мушриклар): «(Муҳаммад) шоирдир. Бизлар унга замон ҳодисотлари (етиши)ни кутармиз», – дерлар?!

31. Айтинг: «Кутаверингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчилардандирман».

21-оят. Жаннатда мабодо баъзи ота-оналарнинг мақом ва мартабалари юқори бўлиб, уларнинг фарзанд ва зурриётлари пастроқ мақомларга эга бўлиб қолсалар, уларни бир-бирларига яқинлаштириб хурсанд қилиш мақсадида Аллоҳ таоло уларнинг мақомларини ҳам кўтариб, тенглаштириб қўяди. Муқотил (рҳ.) сўзига кўра, балоғат ёшига етмасдан вафот этган сағир ва сағираларни жаннатда ота-оналари билан бирга қўшиб қўйилади (Мд. Лс.).

أَمۡ تَأۡمُرُهُمۡ أَحۡلَٰمُهُم بِهَٰذَآۚ أَمۡ هُمۡ قَوۡمٞ طَاغُونَ ٣٢ أَمۡ يَقُولُونَ تَقَوَّلَهُۥۚ
بَل لَّا يُؤۡمِنُونَ ٣٣ فَلۡيَأۡتُواْ بِحَدِيثٖ مِّثۡلِهِۦٓ إِن كَانُواْ صَٰدِقِينَ
٣٤ أَمۡ خُلِقُواْ مِنۡ غَيۡرِ شَيۡءٍ أَمۡ هُمُ ٱلۡخَٰلِقُونَ ٣٥ أَمۡ خَلَقُواْ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَۚ بَل لَّا يُوقِنُونَ ٣٦ أَمۡ عِندَهُمۡ خَزَآئِنُ
رَبِّكَ أَمۡ هُمُ ٱلۡمُصَيۡطِرُونَ ٣٧ أَمۡ لَهُمۡ سُلَّمٞ يَسۡتَمِعُونَ فِيهِۖ فَلۡيَأۡتِ
مُسۡتَمِعُهُم بِسُلۡطَٰنٖ مُّبِينٍ ٣٨ أَمۡ لَهُ ٱلۡبَنَٰتُ وَلَكُمُ ٱلۡبَنُونَ ٣٩
أَمۡ تَسۡـَٔلُهُمۡ أَجۡرٗا فَهُم مِّن مَّغۡرَمٖ مُّثۡقَلُونَ ٤٠ أَمۡ عِندَهُمُ ٱلۡغَيۡبُ فَهُمۡ
يَكۡتُبُونَ ٤١ أَمۡ يُرِيدُونَ كَيۡدٗاۖ فَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ هُمُ ٱلۡمَكِيدُونَ ٤٢
أَمۡ لَهُمۡ إِلَٰهٌ غَيۡرُ ٱللَّهِۚ سُبۡحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ٤٣ وَإِن يَرَوۡاْ كِسۡفٗا
مِّنَ ٱلسَّمَآءِ سَاقِطٗا يَقُولُواْ سَحَابٞ مَّرۡكُومٞ ٤٤ فَذَرۡهُمۡ حَتَّىٰ يُلَٰقُواْ
يَوۡمَهُمُ ٱلَّذِي فِيهِ يُصۡعَقُونَ ٤٥ يَوۡمَ لَا يُغۡنِي عَنۡهُمۡ كَيۡدُهُمۡ شَيۡـٔٗا
وَلَا هُمۡ يُنصَرُونَ ٤٦ وَإِنَّ لِلَّذِينَ ظَلَمُواْ عَذَابٗا دُونَ ذَٰلِكَ وَلَٰكِنَّ
أَكۡثَرَهُمۡ لَا يَعۡلَمُونَ ٤٧ وَٱصۡبِرۡ لِحُكۡمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعۡيُنِنَاۖ وَسَبِّحۡ
بِحَمۡدِ رَبِّكَ حِينَ تَقُومُ ٤٨ وَمِنَ ٱلَّيۡلِ فَسَبِّحۡهُ وَإِدۡبَٰرَ ٱلنُّجُومِ ٤٩

آياتها ٦٢ سُورَةُ النَّجۡمِ ترتيبها ٥٣

32. Балки, уларни «ақллари» мана шунга буюраётгандир?! Ёки улар туғёнга кетган кишилармиди?!
33. Балки, улар: «(Муҳаммад Қуръонни) ўзи ичидан тўқиб олган»,– дерлар?! Йўқ, улар (барибир) имон келтирмаслар.
34. Бас, агар ростгўй бўлсалар, ўзлари ҳам унга ўхшаш бирор гап (китоб) келтирсинлар-чи?!
35. Ёки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолганмилар?! Ёки улар ўзлари яратувчимилар?!
36. Ёки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратганми?! Йўқ! Улар (барибир) имон келтирмаслар.
37. Ёки уларнинг ҳузурида Раббингизнинг хазиналари борми?! Ёки улар (бутун борлиқни) бошқариб турувчими?!
38. Балки уларда (чиқиб, фаришталар сўзини) эшитиб оладиган нарвон бордир?! У ҳолда уларнинг эшитиб олувчиси аниқ ҳужжат келтирсин!
39. Ёхуд қизлар (фаришталар) Унга-ю, ўғиллар сизгами?*
40. (Эй, Муҳаммад!) Балки Сиз улардан (пайғамбарлигингиз учун) ҳақ сўраётгандирсизки, улар (ўша) тўловдан қийналгандирлар?!
41. Ёки уларнинг ҳузурида ғайб (илми) бўлиб, улар (ундан кўчириб) ёзиб олаётирлармиди?!
42. Ёки улар (Сизни ҳалок қилиш учун) бирор ҳийла қилмоқчимилар?! У ҳолда ўша кофир бўлган кимсаларнинг ўзлари «ҳийла»га учрагайлар.
43. Ёхуд улар учун Аллоҳдан ўзга илоҳ борми?! Аллоҳ уларнинг ширкларидан покдир!
44. Агар улар (устиларига) осмоннинг бир парчаси тушаётганини кўрсалар ҳам «Бу (Аллоҳнинг азоби эмас) қалин булутдир», – дерлар.
45. Бас, (эй, Муҳаммад!) Сиз уларни, то ўзлари ҳалок қилинадиган кунларига рўбарў бўлгунларича, қўйиб беринг!
46. У кунда уларнинг ҳийлалари ҳеч фойда бермас ва уларга ёрдам ҳам берилмас.
47. Албатта, золим (кофир) бўлган кимсалар учун бундан (қиёматдан) илгари (дунёда) ҳам азоб(лар) бордир. *Лекин* уларнинг аксарияти (буни) билмаслар.
48. (Эй, Муҳаммад!) Сиз Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг! Зотан, Сиз Бизнинг кўз ўнгимизда (ҳимоямизда)дирсиз! (Тонгда уйқудан) турган пайтингизда, Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг!

49. Шунингдек, тундан (маълум вақт ажратиб) ва юлдузлар юз ўгиргач (ботгач, саҳарда) ҳам Унга тасбеҳ айтинг!

Нажм сураси

Маккада нозил қилинган. 62 оят.

---

53. НАЖМ СУРАСИ

"Нажм" – юлдуз. Сурада келган энг ажиб маълумотлардан бири – бу меърож кечасининг таърифидир. Яъни Муҳаммад (а.с.) Маккадан то Масжиди Ақсогача, сўнгра у ердан осмонлар узра парвоз қилиб, Аллоҳ буюрган жойгача самовий сайр қилган кеча ушбу сурада баён этилади.

39-оят. Яъни Аллоҳ таоло мушрикларнинг сўзларидан олиб ўзларига раддия қилмоқда. Уларнинг бузуқ эътиқодига қарши "мабодо Аллоҳ фарзанд тутмоқчи бўлганда эди, қизларни эмас ўғил фарзанд тутган бўлмасмиди?!", – дейилмоқда.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلنَّجْمِ إِذَا هَوَىٰ ﴿١﴾ مَا ضَلَّ صَاحِبُكُمْ وَمَا غَوَىٰ ﴿٢﴾ وَمَا يَنطِقُ
عَنِ ٱلْهَوَىٰٓ ﴿٣﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْىٌ يُوحَىٰ ﴿٤﴾ عَلَّمَهُۥ شَدِيدُ ٱلْقُوَىٰ ﴿٥﴾
ذُو مِرَّةٍ فَٱسْتَوَىٰ ﴿٦﴾ وَهُوَ بِٱلْأُفُقِ ٱلْأَعْلَىٰ ﴿٧﴾ ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّىٰ ﴿٨﴾
فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَىٰ ﴿٩﴾ فَأَوْحَىٰٓ إِلَىٰ عَبْدِهِۦ مَآ أَوْحَىٰ ﴿١٠﴾
مَا كَذَبَ ٱلْفُؤَادُ مَا رَأَىٰٓ ﴿١١﴾ أَفَتُمَٰرُونَهُۥ عَلَىٰ مَا يَرَىٰ ﴿١٢﴾ وَلَقَدْ رَءَاهُ
نَزْلَةً أُخْرَىٰ ﴿١٣﴾ عِندَ سِدْرَةِ ٱلْمُنتَهَىٰ ﴿١٤﴾ عِندَهَا جَنَّةُ ٱلْمَأْوَىٰٓ ﴿١٥﴾
إِذْ يَغْشَى ٱلسِّدْرَةَ مَا يَغْشَىٰ ﴿١٦﴾ مَا زَاغَ ٱلْبَصَرُ وَمَا طَغَىٰ ﴿١٧﴾ لَقَدْ رَأَىٰ
مِنْ ءَايَٰتِ رَبِّهِ ٱلْكُبْرَىٰٓ ﴿١٨﴾ أَفَرَءَيْتُمُ ٱللَّٰتَ وَٱلْعُزَّىٰ ﴿١٩﴾ وَمَنَوٰةَ
ٱلثَّالِثَةَ ٱلْأُخْرَىٰٓ ﴿٢٠﴾ أَلَكُمُ ٱلذَّكَرُ وَلَهُ ٱلْأُنثَىٰ ﴿٢١﴾ تِلْكَ إِذًا قِسْمَةٌ
ضِيزَىٰٓ ﴿٢٢﴾ إِنْ هِىَ إِلَّآ أَسْمَآءٌ سَمَّيْتُمُوهَآ أَنتُمْ وَءَابَآؤُكُم مَّآ أَنزَلَ
ٱللَّهُ بِهَا مِن سُلْطَٰنٍ ۚ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ وَمَا تَهْوَى ٱلْأَنفُسُ ۖ
وَلَقَدْ جَآءَهُم مِّن رَّبِّهِمُ ٱلْهُدَىٰٓ ﴿٢٣﴾ أَمْ لِلْإِنسَٰنِ مَا تَمَنَّىٰ ﴿٢٤﴾ فَلِلَّهِ
ٱلْءَاخِرَةُ وَٱلْأُولَىٰ ﴿٢٥﴾ ۞ وَكَم مِّن مَّلَكٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ لَا تُغْنِى
شَفَٰعَتُهُمْ شَيْـًٔا إِلَّا مِنۢ بَعْدِ أَن يَأْذَنَ ٱللَّهُ لِمَن يَشَآءُ وَيَرْضَىٰٓ ﴿٢٦﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ботиб кетаётган юлдуз билан қасамёд этаманки,

2. сизларнинг соҳибингиз (Муҳаммад) залолатга кетгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ!

3. (Яна у Қуръонни) хомхаёлдан олиб сўзлаётгани ҳам йўқ!

4. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) нозил қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир.

5. Унга (тиловатни) мустаҳкам қувватга эга бўлмиш зот (Жаброил) таълим берди.

6. (У) ҳусн ва иқтидор эга (фаришта)дир. Бас, у (самода ўз суратига кириб) турди.

7. Ўзи олий уфқда эди.

8. Сўнгра яқинлашиб, пастлади.

9. Бас, (Муҳаммадга) икки камон оралиғидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди.

10. Бандасига (Муҳаммадга) Аллоҳ туширган ваҳийни келтирди.

11. Кўрган нарсасида қалби ёлғончи бўлмади. (Кўзи билан Жаброилни ёки қалби билан Аллоҳни кўрди)

12. Энди сизлар, (эй, мушриклар! Пайғамбар) кўриб турган нарсаси устида у билан тортишурмисиз?!

13. Қасамки, (Муҳаммад Жаброилни илк бор Ерда кўргач, яна) иккинчи бор кўрди.

14. «Сидратул-мунтаҳо» дарахти олдида.

15. «Маъво боғи» ҳам ўша (дарахт)нинг олдидадир.

16. Ўшанда «Сидра» дарахтини ўраган нарса (нур ёки олтин паррандалар) ўраб олган эди.

17. (Пайғамбарнинг) кўзи (четга) оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ.

18. Дарҳақиқат, у (ўша соатда) Парвардигорининг буюк аломатларини кўрди.

19. (Эй, мушриклар!) Кўрдингизми (санамларингиз) – «Лот, «Уззо»ни

20. ва яна учинчилари бўлмиш «Манот»ни?

21. Эркак (жинси) сизларники-ю, аёл (жинси) У зотникими?!

22. У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?!

23. У (ном)лар фақат сиз ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлардир. Аллоҳ улар (илоҳ экани) ҳақида бирор ҳужжат туширган эмас. У (мушрик)ларга Парвардигорлари томонидан ҳидоят (Қуръон) келиб турган ҳолда улар фақат гумонга ва ҳавойи нафсларигагина эргашмоқдалар.

24. Ёки инсонга орзу қилган нарсаси (ҳаётда воқе) бўлаверадими?!

25. Бас, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Аллоҳга қарашлидир.

26. Осмонларда қанчадан-қанча фаришталар бўлиб, ўшаларнинг шафоатлари ҳам – Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ва рози бўлган кишиларга (шафоатга) изн бермагунича – фойда бермас.

إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْءَاخِرَةِ لَيُسَمُّونَ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ تَسْمِيَةَ ٱلْأُنثَىٰ ﴿٢٧﴾
وَمَا لَهُم بِهِۦ مِنْ عِلْمٍ ۖ إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا ٱلظَّنَّ ۖ وَإِنَّ ٱلظَّنَّ لَا يُغْنِى مِنَ
ٱلْحَقِّ شَيْـًٔا ﴿٢٨﴾ فَأَعْرِضْ عَن مَّن تَوَلَّىٰ عَن ذِكْرِنَا وَلَمْ يُرِدْ إِلَّا ٱلْحَيَوٰةَ
ٱلدُّنْيَا ﴿٢٩﴾ ذَٰلِكَ مَبْلَغُهُم مِّنَ ٱلْعِلْمِ ۚ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ أَعْلَمُ بِمَن ضَلَّ عَن
سَبِيلِهِۦ وَهُوَ أَعْلَمُ بِمَنِ ٱهْتَدَىٰ ﴿٣٠﴾ وَلِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا
فِى ٱلْأَرْضِ لِيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ أَسَٰٓـُٔوا۟ بِمَا عَمِلُوا۟ وَيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ أَحْسَنُوا۟
بِٱلْحُسْنَى ﴿٣١﴾ ٱلَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَٰٓئِرَ ٱلْإِثْمِ وَٱلْفَوَٰحِشَ إِلَّا ٱللَّمَمَ ۚ
إِنَّ رَبَّكَ وَٰسِعُ ٱلْمَغْفِرَةِ ۚ هُوَ أَعْلَمُ بِكُمْ إِذْ أَنشَأَكُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ
وَإِذْ أَنتُمْ أَجِنَّةٌ فِى بُطُونِ أُمَّهَٰتِكُمْ ۖ فَلَا تُزَكُّوٓا۟ أَنفُسَكُمْ ۖ هُوَ أَعْلَمُ
بِمَنِ ٱتَّقَىٰٓ ﴿٣٢﴾ أَفَرَءَيْتَ ٱلَّذِى تَوَلَّىٰ ﴿٣٣﴾ وَأَعْطَىٰ قَلِيلًا وَأَكْدَىٰٓ
﴿٣٤﴾ أَعِندَهُۥ عِلْمُ ٱلْغَيْبِ فَهُوَ يَرَىٰٓ ﴿٣٥﴾ أَمْ لَمْ يُنَبَّأْ بِمَا فِى صُحُفِ
مُوسَىٰ ﴿٣٦﴾ وَإِبْرَٰهِيمَ ٱلَّذِى وَفَّىٰٓ ﴿٣٧﴾ أَلَّا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ
﴿٣٨﴾ وَأَن لَّيْسَ لِلْإِنسَٰنِ إِلَّا مَا سَعَىٰ ﴿٣٩﴾ وَأَنَّ سَعْيَهُۥ سَوْفَ
يُرَىٰ ﴿٤٠﴾ ثُمَّ يُجْزَىٰهُ ٱلْجَزَآءَ ٱلْأَوْفَىٰ ﴿٤١﴾ وَأَنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ ٱلْمُنتَهَىٰ
﴿٤٢﴾ وَأَنَّهُۥ هُوَ أَضْحَكَ وَأَبْكَىٰ ﴿٤٣﴾ وَأَنَّهُۥ هُوَ أَمَاتَ وَأَحْيَا ﴿٤٤﴾

27. Дарвоқе, охиратга имон келтирмайдиган кимсалар фаришталарни аёл номи билан атайдилар.

28. Ҳолбуки, улар учун бу ҳақда бирор билим (ҳужжат) йўқдир. Улар фақат гумон (тахмин)га эргашурлар, холос. Гумон эса, асло ҳақиқат ўрнига ўтмас.

29. Бас, (эй, Муҳаммад!) Бизнинг эслатмамиздан юз ўгириб кетган ва фақат дунё ҳаётинигина истаган кимсалардан воз кечинг!

30. Уларнинг «илм»дан етган жойлари мана шудир. Албатта, Раббингизнинг Ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни яхши билувчидир ва У ҳидоят топганни ҳам яхши билувчидир.

31. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарсалар фақат Аллоҳникидир. У ёмонлик (гуноҳ) қилиб ўтган кимсаларни қилган амаллари билан жазолагай ва эзгу амал қилган зотларни гўзал (савоб, жаннат) билан мукофотлагай.

32. Улар (жаннат аҳли) кичик хатолардан эмас, катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан йироқ юрадиган зотлардир. Албатта, Раббингиз мағфирати кенг зотдир. У (Одамни) ердан (тупроқдан) пайдо қилган пайтиданоқ ва сизлар оналарингиз қорнида ҳомила бўлган пайтингизданоқ сизларни яхши билувчидир. Бас, сизлар ўзларингизни оқламай қўяқолингиз! У тақводор кишиларни яхши билувчидир.

33. (Эй, Муҳаммад!) Кўрдингизми, ким (имондан) юз ўгириб кетди,

34. ва озгина мол бериб, (кейин шарт қилинган молни беришни) тўхтатди?!*

35. Унинг ҳузурида ғайб илми бормидики, у (ундан келажакни) кўра олса?!

36. Ёки (у) Мусо саҳифаларидаги нарсалардан бехабарми?!

37. Ёки вафодор зот – Иброҳимнинг (саҳифаларидан) ҳамми?!

38. (Уларда ёзилган эдики:) ҳеч бир кўтарувчи (гуноҳкор) ўзга (жон)нинг юкини (гуноҳини) кўтармас.

39. Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур.

40. Унинг қилган саъйи (ҳаракати) яқинда (қиёматда) кўринур.

41. Сўнгра у тўла жазо (ёки мукофот) олур.

42. Албатта, охирги манзил ёлғиз Раббингиз ҳузурига (қайтиш)дир.

43. Албатта, кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг ўзидир.

44. Албатта, ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам Унинг ўзидир.

34-оят. Макка мушрикларидан Валид ибн Муғира бўлиб, бошқа бир мушрик билан агар Исломга кирмасанг охиратдаги гуноҳларингни ўз бўйнимга оламан, лекин ҳозир маълум миқдорда менга ҳақ тўлайсан, деб шартлашган. Валид рози бўлиб, пулни бир қисмини бериб, қолган қисмини бермаган (Мд.).

Валид ҳақида яна “Қалам” сурасининг 10–16-оятларига қаранг.

وَأَنَّهُۥ خَلَقَ ٱلزَّوۡجَيۡنِ ٱلذَّكَرَ وَٱلۡأُنثَىٰ ٤٥ مِن نُّطۡفَةٍ إِذَا تُمۡنَىٰ ٤٦ وَأَنَّ
عَلَيۡهِ ٱلنَّشۡأَةَ ٱلۡأُخۡرَىٰ ٤٧ وَأَنَّهُۥ هُوَ أَغۡنَىٰ وَأَقۡنَىٰ ٤٨ وَأَنَّهُۥ هُوَ رَبُّ
ٱلشِّعۡرَىٰ ٤٩ وَأَنَّهُۥٓ أَهۡلَكَ عَادًا ٱلۡأُولَىٰ ٥٠ وَثَمُودَاْ فَمَآ أَبۡقَىٰ ٥١
وَقَوۡمَ نُوحٖ مِّن قَبۡلُۖ إِنَّهُمۡ كَانُواْ هُمۡ أَظۡلَمَ وَأَطۡغَىٰ ٥٢ وَٱلۡمُؤۡتَفِكَةَ
أَهۡوَىٰ ٥٣ فَغَشَّىٰهَا مَا غَشَّىٰ ٥٤ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكَ تَتَمَارَىٰ ٥٥
هَٰذَا نَذِيرٞ مِّنَ ٱلنُّذُرِ ٱلۡأُولَىٰٓ ٥٦ أَزِفَتِ ٱلۡأٓزِفَةُ ٥٧ لَيۡسَ لَهَا مِن
دُونِ ٱللَّهِ كَاشِفَةٌ ٥٨ أَفَمِنۡ هَٰذَا ٱلۡحَدِيثِ تَعۡجَبُونَ ٥٩ وَتَضۡحَكُونَ
وَلَا تَبۡكُونَ ٦٠ وَأَنتُمۡ سَٰمِدُونَ ٦١ فَٱسۡجُدُواْۤ لِلَّهِۤ وَٱعۡبُدُواْ ۩ ٦٢

سُورَةُ القَمَرِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱقۡتَرَبَتِ ٱلسَّاعَةُ وَٱنشَقَّ ٱلۡقَمَرُ ١ وَإِن يَرَوۡاْ ءَايَةٗ يُعۡرِضُواْ
وَيَقُولُواْ سِحۡرٞ مُّسۡتَمِرّٞ ٢ وَكَذَّبُواْ وَٱتَّبَعُوٓاْ أَهۡوَآءَهُمۡۚ
وَكُلُّ أَمۡرٖ مُّسۡتَقِرّٞ ٣ وَلَقَدۡ جَآءَهُم مِّنَ ٱلۡأَنۢبَآءِ
مَا فِيهِ مُزۡدَجَرٌ ٤ حِكۡمَةُۢ بَٰلِغَةٞۖ فَمَا تُغۡنِ ٱلنُّذُرُ
٥ فَتَوَلَّ عَنۡهُمۡۘ يَوۡمَ يَدۡعُ ٱلدَّاعِ إِلَىٰ شَيۡءٖ نُّكُرٍ ٦

45. У эркак ва аёл – жуфтларни яратгандир

46. шитоб билан чиқадиган нутфа (маний)дан.

47. Албатта, (қиёматда) иккинчи бор пайдо қилиш ҳам фақат Унинг зиммасидадир.

48. Албатта, бой қилган ҳам, бадавлат қилган ҳам Унинг ўзидир.

49. Албатта, Шеъро* (юлдузи)нинг Парвардигори ҳам Унинг ўзидир.

50. Ҳақиқатан, У аввалги Од (қабиласи)ни ҳалок этди.

51. Яна Самуд (қабиласи)ни ҳам. Бас, (улардан бирортасини тирик) қолдирмади.

52. Яна У илгари Нуҳ қавмини ҳам (ҳалок қилган эди). Чунки уларнинг ўзлари ўта золим ва туғёнга кетган кимсалар эди.

53. Яна У зот остин-устин бўлган қишлоқни (Лут қавмини) ҳам (ҳалок этган).

54. Уни ўраган нарса (ёғилган тошлар) билан ўраб ташлади.

55. Бас, (эй, инсон!) Парвардигорингнинг қайси неъматлари ҳақида шубҳа қилурсан?!

56. Бу (Муҳаммад) ҳам аввалги огоҳлантирувчилардан бир огоҳлантирувчидир.

57. Яқин бўлувчи (қиёмат) яқин қолди.

58. Унинг учун Аллоҳдан ўзга очувчи (билувчи) йўқдир.

59. (Эй, мушриклар!) Ҳали сизлар мана шу гапдан (Қуръондан) ажабланаяпсизми?!

60. Йиғламасдан, кулаяпсизларми?!

61. Ғофиллик ҳолларингда-я?!

62. Бас, Аллоҳга сажда ва ибодат қилингиз!*

Қамар сураси

Маккада нозил қилинган. 55 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қиёмат яқинлашди. (Мана, илоҳ мўъжиза сифатида) Ой ҳам бўлинди.

2. Агар улар (Қурайш кофирлари бирор мўъжиза кўрсалар) юз ўгирурлар ва «(Бу) давом этаётган сеҳр-ку!» дерлар*.

3. Улар (пайғамбарни) инкор этдилар ва хомхаёлларига эргашдилар. Ҳар бир иш қарорини топувчидир.

4. Уларга (тарихий) хабарлар келган ва уларда (ёвузликдан) тақиқ бор эди.

5. (Қуръон) етук ҳикмат (манбаи) бўлса-да, огоҳлантиришлар фойда бермади.

6. (Эй, Муҳаммад!) Энди Сиз улардан юз ўгиринг! Чақирувчи (Исрофил) нотаниш нарсага (ҳисоб-китобга) чақирадиган кунда (қиёматда)

49-оят. “Шеъро” – У жавзо юлдузидан кейин чиқадиган юлдуз бўлиб, Хузоа қабиласи кишилари уни муқаддас билиб, маъбуда сифатида унга сиғинар эди.

62-оят. Сажда ояти.

54. ҚАМАР СУРАСИ

“Қамар” – Ой. Сурада Ойнинг иккига бўлиниб, мўъжиза юз бергани ҳақида оятлар бўлгани учун номи шундай аталган.

2-оят. Макка мушриклари Пайғамбар (а.с.)га "Агар осмондаги ойни иккига бўлсанг, сенга ишонамиз", – дедилар. Расул (а.с.) Аллоҳдан сўраганларида, шу мўъжиза юз берган. Лекин улар буни ҳам сеҳрга йўйганлар.

خُشَّعًا أَبْصَٰرُهُمْ يَخْرُجُونَ مِنَ ٱلْأَجْدَاثِ كَأَنَّهُمْ جَرَادٌ مُّنتَشِرٌ ﴿٧﴾
مُّهْطِعِينَ إِلَى ٱلدَّاعِ يَقُولُ ٱلْكَٰفِرُونَ هَٰذَا يَوْمٌ عَسِرٌ ﴿٨﴾ ۞ كَذَّبَتْ
قَبْلَهُمْ قَوْمُ نُوحٍ فَكَذَّبُوا۟ عَبْدَنَا وَقَالُوا۟ مَجْنُونٌ وَٱزْدُجِرَ ﴿٩﴾ فَدَعَا
رَبَّهُۥٓ أَنِّى مَغْلُوبٌ فَٱنتَصِرْ ﴿١٠﴾ فَفَتَحْنَآ أَبْوَٰبَ ٱلسَّمَآءِ بِمَآءٍ مُّنْهَمِرٍ
﴿١١﴾ وَفَجَّرْنَا ٱلْأَرْضَ عُيُونًا فَٱلْتَقَى ٱلْمَآءُ عَلَىٰٓ أَمْرٍ قَدْ قُدِرَ ﴿١٢﴾
وَحَمَلْنَٰهُ عَلَىٰ ذَاتِ أَلْوَٰحٍ وَدُسُرٍ ﴿١٣﴾ تَجْرِى بِأَعْيُنِنَا جَزَآءً لِّمَن كَانَ
كُفِرَ ﴿١٤﴾ وَلَقَد تَّرَكْنَٰهَآ ءَايَةً فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿١٥﴾ فَكَيْفَ كَانَ
عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿١٦﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا ٱلْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ
﴿١٧﴾ كَذَّبَتْ عَادٌ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿١٨﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ
رِيحًا صَرْصَرًا فِى يَوْمِ نَحْسٍ مُّسْتَمِرٍّ ﴿١٩﴾ تَنزِعُ ٱلنَّاسَ كَأَنَّهُمْ أَعْجَازُ
نَخْلٍ مُّنقَعِرٍ ﴿٢٠﴾ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٢١﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا ٱلْقُرْءَانَ
لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿٢٢﴾ كَذَّبَتْ ثَمُودُ بِٱلنُّذُرِ ﴿٢٣﴾ فَقَالُوٓا۟ أَبَشَرًا
مِّنَّا وَٰحِدًا نَّتَّبِعُهُۥٓ إِنَّآ إِذًا لَّفِى ضَلَٰلٍ وَسُعُرٍ ﴿٢٤﴾ أَءُلْقِىَ ٱلذِّكْرُ عَلَيْهِ
مِنۢ بَيْنِنَا بَلْ هُوَ كَذَّابٌ أَشِرٌ ﴿٢٥﴾ سَيَعْلَمُونَ غَدًا مَّنِ ٱلْكَذَّابُ
ٱلْأَشِرُ ﴿٢٦﴾ إِنَّا مُرْسِلُوا۟ ٱلنَّاقَةِ فِتْنَةً لَّهُمْ فَٱرْتَقِبْهُمْ وَٱصْطَبِرْ ﴿٢٧﴾

7. (улар) кўзлари (қўрқувдан) қуйига боққан ҳолларида, гўё тўзиган чигирткалар каби қабрларидан чиқиб келурлар.

8. Чақирувчи томонига шошганларича борар эканлар, кофирлар: «Бу оғир кундир», – дерлар.

9. Улардан (Макка кофирларидан) олдин Нуҳ қавми ҳам (уни) инкор этган эди. Улар бандамиз (Нуҳ)ни ёлғончига чиқаришиб: «(У) бир мажнун», – дедилар ва у (пайғамбарлик ижросидан) тўсилиб қолди.

10. Шунда у Парвардигорига: «Мен мағлубдирман, ёрдам қилгин!» – деб дуо қилди.

11. Биз осмон дарвозаларини (тинимсиз) қуйилувчи сув билан очиб юбордик.

12. Яна ердан булоқлар чиқариб қўйдик. Бас, (осмон ва Ер) суви тақдир қилиб қўйилган бир иш узра учрашдилар.

13. Уни (Нуҳни) эса тахталар ва михлар ёрдамида ясалган кемада кўтардик.

14. У (кема) Бизнинг «кўзларимиз» ўнгида (ҳимоямизда) сузар. (Бу) инкор қилинган киши (Нуҳ) учун мукофотдир.

15. Биз уни (кемани) бир аломат қилиб қолдирдик*. Бас, эслатма олувчи борми?!

16. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай экан?!

17. Ҳақиқатан, Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

18. Од (қабиласи ҳам пайғамбарни) инкор этди. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай бўлди?!

19. Биз уларнинг устига давомли наҳс (шум) кунида* бир даҳшатли бўронни юбордик.

20. (У) одамларни суғурилувчи хурмо (дарахти) таналаридек суғуриб кетар эди.

21. Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай экан?!

22. Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

23. Самуд (қабиласи ҳам) огоҳлантиришларни (ёки пайғамбарларни) инкор этди.

24. Бас, айтдилар: «Бизлар ўзимизнинг орамиздаги бир одамга эргашамизми?! У ҳолда бизлар ҳақиқатан ҳам гумроҳлик ва нодонликда бўлурмиз-ку!

25. Бизларнинг орамиздан ўшанга эслатма (ваҳий) ташланибдими?! Йўқ, у каззоб ва кибрлидир».

26. Улар эртага (охиратда) ким каззоб ва кибрли эканини билиб олурлар.

27. Биз уларни синаш учун бир туя юборувчидирмиз. Бас, (эй, Солиҳ!) Сен (уларни) кузат ва (азиятларига) сабр қилиб тур!

15-оят. Нуҳ (а.с.) кемаси Жудий тоғи тепасида узоқ сақлангани, Муҳаммад (а.с.)нинг замони саодатларида уни айрим кишилар кўргани нақл этилади. Иккинчи тафсири – Нуҳ (а.с.) биринчи бўлиб кема ясаган ва шундан кейин одамлар кема билан сувда сайр қилишни одат қилган (Лс. Мд.). Яна “Ҳуд” сураси, 44-оят тафсирига қаралсин.

19-оят. Шаввол ойининг охирги чоршанбасидан бошлаб бир ҳафта 7 кеча, 8 кун (Ол. Мд.).

وَنَبِّئْهُمْ أَنَّ ٱلْمَآءَ قِسْمَةٌۢ بَيْنَهُمْ ۖ كُلُّ شِرْبٍ مُّحْتَضَرٌ ﴿٢٨﴾ فَنَادَوْا۟ صَاحِبَهُمْ
فَتَعَاطَىٰ فَعَقَرَ ﴿٢٩﴾ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٣٠﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ
صَيْحَةً وَٰحِدَةً فَكَانُوا۟ كَهَشِيمِ ٱلْمُحْتَظِرِ ﴿٣١﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا ٱلْقُرْءَانَ
لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿٣٢﴾ كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍۭ بِٱلنُّذُرِ ﴿٣٣﴾ إِنَّآ أَرْسَلْنَا
عَلَيْهِمْ حَاصِبًا إِلَّآ ءَالَ لُوطٍ ۖ نَّجَّيْنَٰهُم بِسَحَرٍ ﴿٣٤﴾ نِّعْمَةً مِّنْ عِندِنَا ۚ
كَذَٰلِكَ نَجْزِى مَن شَكَرَ ﴿٣٥﴾ وَلَقَدْ أَنذَرَهُم بَطْشَتَنَا فَتَمَارَوْا۟
بِٱلنُّذُرِ ﴿٣٦﴾ وَلَقَدْ رَٰوَدُوهُ عَن ضَيْفِهِۦ فَطَمَسْنَآ أَعْيُنَهُمْ فَذُوقُوا۟
عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٣٧﴾ وَلَقَدْ صَبَّحَهُم بُكْرَةً عَذَابٌ مُّسْتَقِرٌّ ﴿٣٨﴾
فَذُوقُوا۟ عَذَابِى وَنُذُرِ ﴿٣٩﴾ وَلَقَدْ يَسَّرْنَا ٱلْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ
﴿٤٠﴾ وَلَقَدْ جَآءَ ءَالَ فِرْعَوْنَ ٱلنُّذُرُ ﴿٤١﴾ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا كُلِّهَا فَأَخَذْنَٰهُمْ
أَخْذَ عَزِيزٍ مُّقْتَدِرٍ ﴿٤٢﴾ أَكُفَّارُكُمْ خَيْرٌ مِّنْ أُو۟لَٰٓئِكُمْ أَمْ لَكُم بَرَآءَةٌ
فِى ٱلزُّبُرِ ﴿٤٣﴾ أَمْ يَقُولُونَ نَحْنُ جَمِيعٌ مُّنتَصِرٌ ﴿٤٤﴾ سَيُهْزَمُ ٱلْجَمْعُ
وَيُوَلُّونَ ٱلدُّبُرَ ﴿٤٥﴾ بَلِ ٱلسَّاعَةُ مَوْعِدُهُمْ وَٱلسَّاعَةُ أَدْهَىٰ وَأَمَرُّ
﴿٤٦﴾ إِنَّ ٱلْمُجْرِمِينَ فِى ضَلَٰلٍ وَسُعُرٍ ﴿٤٧﴾ يَوْمَ يُسْحَبُونَ فِى ٱلنَّارِ
عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ ذُوقُوا۟ مَسَّ سَقَرَ ﴿٤٨﴾ إِنَّا كُلَّ شَىْءٍ خَلَقْنَٰهُ بِقَدَرٍ ﴿٤٩﴾

28. Сувнинг улар билан (туя)* ўртасида тақсимлаб қўйилгани ва ҳар бир ичишга (навбат билан) ҳозир бўлиш (лозимлиги) ҳақида уларга хабар бергин!

29. Сўнгра улар (Самуд қабиласи) ўзларининг бир шеригини (туяни сўйишга) чорлаган эдилар, у ишга киришди ва (туяни) сўйиб юборди.

30. Бас, (уларга) Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай бўлди?!

31. Биз уларнинг устига бир қичқириқ юборган эдик, улар худди қўранинг чўплари каби (яксон) бўлдилар.

32. Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?

33. Лут қавми (у келтирган) огоҳлантиришларни инкор этди.

34. Дарвоқе, Биз уларнинг устига (тошли) бўрон юбордик. Илло, Лут оиласигагина (тонг) саҳарда нажот бердик.

35. (Бу) Бизнинг ҳузуримиздан бўлмиш неъматдир. Шукр қилганларни мана шундай мукофотлаймиз.

36. (Лут) Бизнинг (азобга) тутишимиздан уларни (ўз қавмини) огоҳлантирган эди, (аммо) улар огоҳлантиришларга (ёки элчиларга) шубҳа билан қарадилар.

37. Улар ундан (Лутдан) меҳмон(лар)ини нафсни қондиришга ундашни сўрадилар. Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик. Бас, Менинг азобимни ва огоҳлантиришларимни тотиб кўрингиз!

38. Ҳақиқатан, эрта тонгда уларга (Лут қавмига) устувор азоб келди.

39. Бас, Менинг азобимни ва огоҳлантиришларимни тотиб (инкор этиб) кўрингиз!

40. Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!

41. Фиръавн зодагонларига ҳам огоҳлантиришлар (ёки пайғамбарлар) келди.

42. Улар Бизнинг мўъжизаларимизни инкор этганларидан сўнг, Биз уларни кучли ва қудратли зот ушлаши билан ушладик (жазоладик).

43. (Эй, Макка аҳли!) Сизларнинг кофирларингиз ана улардан яхшироқми ёки сизлар учун (самовий) китобларда оқлов (васиқаси) борми?!

44. Балки улар: «Биз енгувчи жамоатдирмиз», – дейишар?!

45. Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар*.

46. (Бугина эмас) балки уларга (жазолашга) ваъда қилинган вақт қиёматдир. Қиёмат эса, янада ҳалокатли ва аччиқроқдир.

47. Албатта, жиноятчилар гумроҳлик ва хатоликдадирлар.

48. Улар юз тубан ҳолларида дўзах сари судраладиган кунда (уларга): «Дўзах таъсирини тотиб кўрингиз!», – (дейилур).

49. Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик.

28-оят. Солиҳ (а.с.)дан қавми мўъжиза сифатида тошдан бир туя чиқаришни талаб қилгач, Аллоҳ уларнинг талабларини қондиради. Улар эса, шартларни бузиб, туяни сўйиб еб юборадилар.

45-оят. Бу мусулмонларнинг Бадр жангида эришажак ғалаба-

50. Бизнинг фармонимиз фақат биргина («Бўл!», – деган сўз)дир. (Муддати) кўз юмиб очгунчадир.

51. Биз сизларга ўхшаш гуруҳларни ҳалок қилдик. Бас, эслатма олувчи борми?

52. Улар қилган ҳар бир нарса битикларда (номаи аъмолларида)дир.

53. Ҳар бир кичик ва катта (иш Лавҳул-маҳфузда) битилгандир.

54. Албатта, тақводорлар (жаннатдаги) боғларда ва дарёлар узрадирлар.

55. (Улар) қудратли подшоҳнинг (Аллоҳнинг) ҳузуридаги садоқат мақомида бўлурлар.

Ар-Раҳмон сураси

Мадинада нозил қилинган. 78 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Ар-Раҳмон (исмли Раббимиз)

2. Қуръонни таълим берди.

3. (У) инсонни яратди.

4. Унга баённи (нутқни) таълим берди.

5. Қуёш ҳам, ой ҳам (аниқ) ҳисоб билан (сайр қилурлар).

6. Полиз экинлари (ёки юлдузлар) ва дарахтлар ҳам (Аллоҳга) сажда қилур (бўйин сунур).

7. Осмонни баланд қилиб қўйди ва мезонни (меъёр ва адолатни) жорий қилди.

8. Токи, меъёрдан тажовуз қилмагайсиз.

9. (Эй, инсонлар! Муомалада) вазнда адолат ўрнатингиз ва тарозида зиёнкорлик қилмангиз!

10. (У) Ерни одамлар учун (текислаб) қўйди.

11. Унда (турли) мева ва ғунчаларга эга хурмо дарахтлари бор.

12. Яна (унда) сомонли донлар ва райҳон (ва бошқа гуллар) бор.

وَمَآ أَمْرُنَآ إِلَّا وَٰحِدَةٌ كَلَمْحٍۭ بِٱلْبَصَرِ ﴿٥٠﴾ وَلَقَدْ أَهْلَكْنَآ
أَشْيَاعَكُمْ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ ﴿٥١﴾ وَكُلُّ شَىْءٍ فَعَلُوهُ
فِى ٱلزُّبُرِ ﴿٥٢﴾ وَكُلُّ صَغِيرٍ وَكَبِيرٍ مُّسْتَطَرٌ ﴿٥٣﴾ إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ
فِى جَنَّٰتٍ وَنَهَرٍ ﴿٥٤﴾ فِى مَقْعَدِ صِدْقٍ عِندَ مَلِيكٍ مُّقْتَدِرٍۭ ﴿٥٥﴾

سُورَةُ ٱلرَّحْمَٰنِ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱلرَّحْمَٰنُ ﴿١﴾ عَلَّمَ ٱلْقُرْءَانَ ﴿٢﴾ خَلَقَ ٱلْإِنسَٰنَ ﴿٣﴾
عَلَّمَهُ ٱلْبَيَانَ ﴿٤﴾ ٱلشَّمْسُ وَٱلْقَمَرُ بِحُسْبَانٍ ﴿٥﴾ وَٱلنَّجْمُ
وَٱلشَّجَرُ يَسْجُدَانِ ﴿٦﴾ وَٱلسَّمَآءَ رَفَعَهَا وَوَضَعَ ٱلْمِيزَانَ
﴿٧﴾ أَلَّا تَطْغَوْا۟ فِى ٱلْمِيزَانِ ﴿٨﴾ وَأَقِيمُوا۟ ٱلْوَزْنَ بِٱلْقِسْطِ
وَلَا تُخْسِرُوا۟ ٱلْمِيزَانَ ﴿٩﴾ وَٱلْأَرْضَ وَضَعَهَا لِلْأَنَامِ ﴿١٠﴾
فِيهَا فَٰكِهَةٌ وَٱلنَّخْلُ ذَاتُ ٱلْأَكْمَامِ ﴿١١﴾ وَٱلْحَبُّ ذُو ٱلْعَصْفِ
وَٱلرَّيْحَانُ ﴿١٢﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿١٣﴾ خَلَقَ
ٱلْإِنسَٰنَ مِن صَلْصَٰلٍ كَٱلْفَخَّارِ ﴿١٤﴾ وَخَلَقَ ٱلْجَآنَّ
مِن مَّارِجٍ مِّن نَّارٍ ﴿١٥﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿١٦﴾

13. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

14. У инсонни (Одамни) сопол янглиғ обдон қуритилган лойдан яратди.

15. Жинларни (ва Иблисни ҳам) оловнинг тутунсиз алангасидан яратди.

16. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

---

55. АР-РАҲМОН СУРАСИ
"Ар-Раҳмон" – Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири. Сурада Аллоҳ таоло инсон ва жинларга бу дунё ва охиратда ато этган ва этажак неъматларидан баъзиларини эслатиб, ўттиз бир марта: "Бас, Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!", – дейди.

20-оят. Адан кўрфази билан Қизил денгиз туташган Боб ал-Мандаб бўғозида ва Атлантика океани билан Оқ денгиз (Ўрта Ер денгизи) туташган Жабали Ториқ (Гибралтар) бўғозида икки денгиз суви бир-бирига аралашмаган ҳолда оқар экан. Бу ҳақда 14 аср аввал зикр қилинганини билгач, машҳур сайёҳ капитан Кусто ҳам Қуръони каримнинг илоҳий мўъжиза эканини тан олган.

29-оят. Аллоҳ таоло кеча ва кундузнинг ҳар бир дақиқа ва сониясида бирор ишни қилиб турган бўлади. Масалан, бировни кечиради, бировнинг ҳожатини чиқаради, кимнингдир даражасини кўтаради ёки пастлатади, ниманидир яратади, кимларнидир вафот эттиради ва ҳоказо.

رَبُّ ٱلْمَشْرِقَيْنِ وَرَبُّ ٱلْمَغْرِبَيْنِ ﴿١٧﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿١٨﴾
مَرَجَ ٱلْبَحْرَيْنِ يَلْتَقِيَانِ ﴿١٩﴾ بَيْنَهُمَا بَرْزَخٌ لَّا يَبْغِيَانِ ﴿٢٠﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ
رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢١﴾ يَخْرُجُ مِنْهُمَا ٱللُّؤْلُؤُ وَٱلْمَرْجَانُ ﴿٢٢﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٣﴾ وَلَهُ ٱلْجَوَارِ ٱلْمُنشَـَٔاتُ فِى ٱلْبَحْرِ كَٱلْأَعْلَٰمِ
﴿٢٤﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٢٥﴾ كُلُّ مَنْ عَلَيْهَا فَانٍ ﴿٢٦﴾ وَيَبْقَىٰ
وَجْهُ رَبِّكَ ذُو ٱلْجَلَٰلِ وَٱلْإِكْرَامِ ﴿٢٧﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٢٨﴾ يَسْـَٔلُهُۥ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ كُلَّ يَوْمٍ هُوَ فِى شَأْنٍ ﴿٢٩﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٠﴾ سَنَفْرُغُ لَكُمْ أَيُّهَ ٱلثَّقَلَانِ ﴿٣١﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٢﴾ يَٰمَعْشَرَ ٱلْجِنِّ وَٱلْإِنسِ إِنِ ٱسْتَطَعْتُمْ
أَن تَنفُذُوا۟ مِنْ أَقْطَارِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ فَٱنفُذُوا۟ ۚ لَا تَنفُذُونَ
إِلَّا بِسُلْطَٰنٍ ﴿٣٣﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٤﴾ يُرْسَلُ عَلَيْكُمَا
شُوَاظٌ مِّن نَّارٍ وَنُحَاسٌ فَلَا تَنتَصِرَانِ ﴿٣٥﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا
تُكَذِّبَانِ ﴿٣٦﴾ فَإِذَا ٱنشَقَّتِ ٱلسَّمَآءُ فَكَانَتْ وَرْدَةً كَٱلدِّهَانِ
﴿٣٧﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٣٨﴾ فَيَوْمَئِذٍ لَّا يُسْـَٔلُ عَن ذَنۢبِهِۦٓ
إِنسٌ وَلَا جَآنٌّ ﴿٣٩﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٠﴾

17. (Аллоҳ) икки машриқнинг (яъни кун ва ой чиқадиган томонларнинг) ҳам, икки мағрибнинг (кун ва ой ботадиган томонларнинг) ҳам Парвардигоридир.

18. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

19. У икки (хил) денгизни бир-бири билан ёнма-ён турадиган ҳолда чиқариб қўйди.

20. (Аммо) у иккисининг ўртасида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) ошиб ўтмаслар*.

21. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

22. У иккисидан (шўр сувлисидан) марварид ва маржонлар чиқур.

23. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

24. Унинг денгизда (елканлари) тоғлардек баланд кўтарилган кемалари ҳам бордир.

25. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

26. (Ер) юзидаги барча мавжудот фонийдир.

27. Улуғлик ва икром соҳиби бўлмиш Раббингизнинг «юзи» боқий қолур.

28. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

29. Осмонлар ва Ердаги (барча) жонзот (ҳожатларини) Ундан сўрар. Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир*.

30. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

31. Яқинда (қиёматда) сизлар(ни ҳисоб-китоб қилиш) учун фориғ бўлажакмиз, эй, инсонлар ва жинлар!

32. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

33. Эй, жинлар ва инсонлар жамоаси! Агар сизлар (Аллоҳнинг жазосидан қочиб) осмонлар ва Ер ҳудудларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангиз, ўтиб кетаверингиз! Куч-қудратсиз (улардан) сира ўтиб кета олмагайсиз!

34. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

35. (У кунда) устингизга (кофирларингиз узра) оловдан иборат бир аланга ва тутун юборилурки, сизлар (унга қарши) ёрдам топа олмассиз.

36. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

37. Бас, қачонки, (қиёмат қойим бўлгач) осмонлар ёрилиб (жаҳаннам ҳароратидан) ёғнинг дурдаси каби бўлур (қизариб қолур).

38. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

39. Ана ўша кунда на инсонлар ва на жинлардан (қилиб ўтган) гуноҳи тўғрисида сўралар.

40. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

41. (Балки) жиноятчи (осий) кимсалар ўз белгиларидан танилиб, пешона сочи ва оёқларидан тутилурлар (ва жаҳаннамга ташланурлар).

42. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

43. Жиноятчи (кофир)лар ёлғон дейдиган жаҳаннам мана шудир.

44. Улар ўша (жаҳаннам) билан ўта қайноқ сув ўртасида айланиб турурлар.

45. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

46. Парвардигори (ҳузурида) туришдан (сўралишдан) қўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир.

47. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

48. (У икки жаннат боғи қалин) шох-новдаларга эгадир.

49. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

50. У иккисида икки оқин чашма бордир.

51. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

52. У иккисида (жаннатнинг икки боғида) барча мевадан икки нави бордир.

53. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

54. (Жаннат аҳли) астарлари шойидан бўлган кўрпачалар узра ястанган ҳолда (ўтирурлар). У икки боғнинг меваси (узувчига) яқиндир.

55. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

56. У (жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркаклардан) тиювчи (ҳур қиз)лар борки, уларга илгари на инсон ва на жинлар теккан.

57. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

58. Улар(нинг баданлари тиниқлик ва силлиқликда) гўёки ёқут ва маржондирлар.

59. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

يُعْرَفُ ٱلْمُجْرِمُونَ بِسِيمَٰهُمْ فَيُؤْخَذُ بِٱلنَّوَٰصِى وَٱلْأَقْدَامِ ﴿٤١﴾ فَبِأَىِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٢﴾ هَٰذِهِۦ جَهَنَّمُ ٱلَّتِى يُكَذِّبُ بِهَا ٱلْمُجْرِمُونَ
﴿٤٣﴾ يَطُوفُونَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ حَمِيمٍ ءَانٍ ﴿٤٤﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٤٥﴾ وَلِمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِۦ جَنَّتَانِ ﴿٤٦﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٤٧﴾ ذَوَاتَآ أَفْنَانٍ ﴿٤٨﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٤٩﴾ فِيهِمَا عَيْنَانِ
تَجْرِيَانِ ﴿٥٠﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥١﴾ فِيهِمَا مِن كُلِّ فَٰكِهَةٍ
زَوْجَانِ ﴿٥٢﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٣﴾ مُتَّكِـِٔينَ عَلَىٰ فُرُشٍۭ
بَطَآئِنُهَا مِنْ إِسْتَبْرَقٍ ۚ وَجَنَى ٱلْجَنَّتَيْنِ دَانٍ ﴿٥٤﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا
تُكَذِّبَانِ ﴿٥٥﴾ فِيهِنَّ قَٰصِرَٰتُ ٱلطَّرْفِ لَمْ يَطْمِثْهُنَّ إِنسٌ قَبْلَهُمْ
وَلَا جَآنٌّ ﴿٥٦﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٧﴾ كَأَنَّهُنَّ ٱلْيَاقُوتُ
وَٱلْمَرْجَانُ ﴿٥٨﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٥٩﴾ هَلْ جَزَآءُ
ٱلْإِحْسَٰنِ إِلَّا ٱلْإِحْسَٰنُ ﴿٦٠﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٦١﴾ وَمِن دُونِهِمَا جَنَّتَانِ ﴿٦٢﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٦٣﴾ مُدْهَآمَّتَانِ ﴿٦٤﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٥﴾ فِيهِمَا
عَيْنَانِ نَضَّاخَتَانِ ﴿٦٦﴾ فَبِأَىِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٧﴾

60. Эҳсон (эзгулик)нинг мукофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир.

61. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

62. У иккисидан бошқа яна икки боғ бордир.

63. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

64. Иккиси (серсув ва серсояликдан) тўқ яшилдирлар.

65. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

66. У иккисида (суви) тинмай отилиб турувчи икки чашма бордир.

67. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

فِيهِمَا فَٰكِهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُمَّانٌ ﴿٦٨﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٦٩﴾
فِيهِنَّ خَيْرَٰتٌ حِسَانٌ ﴿٧٠﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٧١﴾ حُورٌ
مَّقْصُورَٰتٌ فِى ٱلْخِيَامِ ﴿٧٢﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٧٣﴾
لَمْ يَطْمِثْهُنَّ إِنسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا جَآنٌّ ﴿٧٤﴾ فَبِأَيِّ ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ
﴿٧٥﴾ مُتَّكِـِٔينَ عَلَىٰ رَفْرَفٍ خُضْرٍ وَعَبْقَرِىٍّ حِسَانٍ ﴿٧٦﴾ فَبِأَيِّ
ءَالَآءِ رَبِّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿٧٧﴾ تَبَٰرَكَ ٱسْمُ رَبِّكَ ذِى ٱلْجَلَٰلِ وَٱلْإِكْرَامِ ﴿٧٨﴾

ترتيبها ٥٦ — سُورَةُ الوَاقِعَةِ — آياتها ٩٦

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِذَا وَقَعَتِ ٱلْوَاقِعَةُ ﴿١﴾ لَيْسَ لِوَقْعَتِهَا كَاذِبَةٌ ﴿٢﴾ خَافِضَةٌ رَّافِعَةٌ
﴿٣﴾ إِذَا رُجَّتِ ٱلْأَرْضُ رَجًّا ﴿٤﴾ وَبُسَّتِ ٱلْجِبَالُ بَسًّا ﴿٥﴾
فَكَانَتْ هَبَآءً مُّنۢبَثًّا ﴿٦﴾ وَكُنتُمْ أَزْوَٰجًا ثَلَٰثَةً ﴿٧﴾ فَأَصْحَٰبُ
ٱلْمَيْمَنَةِ مَآ أَصْحَٰبُ ٱلْمَيْمَنَةِ ﴿٨﴾ وَأَصْحَٰبُ ٱلْمَشْـَٔمَةِ مَآ أَصْحَٰبُ
ٱلْمَشْـَٔمَةِ ﴿٩﴾ وَٱلسَّٰبِقُونَ ٱلسَّٰبِقُونَ ﴿١٠﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلْمُقَرَّبُونَ ﴿١١﴾
فِى جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ ﴿١٢﴾ ثُلَّةٌ مِّنَ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾ وَقَلِيلٌ مِّنَ ٱلْـَٔاخِرِينَ
﴿١٤﴾ عَلَىٰ سُرُرٍ مَّوْضُونَةٍ ﴿١٥﴾ مُّتَّكِـِٔينَ عَلَيْهَا مُتَقَٰبِلِينَ ﴿١٦﴾

68. У иккисида (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир.

69. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

70. У (жаннат)ларда хушхулқ ва ҳусндор (ҳур қиз)лар бордир.

71. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

72. (Улар) чодирларда асралувчи ҳурлардир.

73. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

74. Уларга илгари на инсонлар ва на жинлар теккан. (Улар онадан туғилмай, хос яратилган)

75. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

76. (Жаннат аҳли) яшил ёстиқлар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўтирурлар).

77. Бас, (эй, инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!

78. Улуғлик ва икром соҳиби бўлмиш Раббингизнинг исми баракотлидир.

Воқеа *сураси*

Маккада нозил қилинган. 96 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қачонки, қиёмат воқе (қойим) бўлганда –

2. унинг воқе бўлишининг ёлғони йўқдир –

3. (у одамларни) остин-устун этувчидир.

4. Ер ларзага келган,

5. тоғлар титилиб (тўзиб),

6. тўзонга айланган (бўлур).

7. Сизлар эса уч тоифа бўлурсиз.

8. Бас, (у учтанинг биринчиси) ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир!

9. (Иккинчи тоифа) чап томон эгаларидир. Чап томон эгалари (бўлмоқ) не (бахтсизлик)дир!*

10. (Учинчи тоифа эзгу ишларда) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир.

11. Айнан ўшалар (Аллоҳга) яқин зотлардир

12. ноз-неъмат боғларида

13. (Ўзиб кетганлар) аввалги (уммат)лардан кўпчилик,

14. кейингилар (Муҳаммад умматлари)дан эса озчиликдир.

15. (Улар олтиндан) ясалган сўриларда,

16. ястанган ҳолларида бир-бирларига юзма-юз бўлиб (ўтирурлар).

---

56. ВОҚЕА СУРАСИ

“Воқеа” – қиёматнинг номларидан бири.

Сурада қиёмат қойим бўлганда рўй берадиган мудҳиш ҳодисалар баёнидан бошлаб, охиратда мўмин бандаларга бериладиган мукофотлар, яъни жаннат неъматлари, шунингдек, кофирларнинг жазоси, яъни уларга бериладиган дўзахдаги азоб-уқубатлар баён этилади.

9-оят. Қиёмат куни бу дунёда қилган савоб ва гуноҳлар ёзилган номаи аъмоллар қайси тарафдан берилишига қараб инсоннинг тақдири маълум бўлади. Ўнг томондан берилса, бу жаннатга киришнинг аломати. Чап томондан ёки орқа томондан берилиши эса, дўзахга киришнинг белгиси.

17. Устиларида эса мангу ёш болалар айланиб (хизматда) юрурлар

18. оқар чашмадан олинган (май тўла) қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан.

19. У (май)лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар.

20. Яна ўзлари танлаб оладиган мева билан,

21. иштаҳалари тортадиган қуш гўштлари билан ҳам (таъминлаб турурлар).

22. Яна (улар учун) оппоқ юзли катта ва чиройли кўзли ҳур қизлар ҳам бўлурки,

23. улар худди (пардага) ўралган дурлар кабидирлар.

24. (Бу) улар (дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир.

25. Улар у жойда беҳуда ва гуноҳ (сўз)ни эшитмаслар,

26. фақат (бир-бирларига айтадиган) «Салом-салом» сўзинигина (эшитурлар).

27. Ўнг томон эгалари – ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир!

28. (Улар) тикансиз бутазорларда,

29. тизилган бананзорларда,

30. ёйиқ соя (ости)да,

31. оқизиб қўйилган сув (бўйи)да,

32. кўплаб мева (узра)ки,

33. (улар) туганмас ва ман этилмасдир.

34. Шунингдек, (улар) баланд тўшалган кўрпачалар (усти)дадирлар.

35. Биз уларни (ҳур қизларни) дафъатан пайдо қилдик (онадан туғилмадилар).

36. Кейин уларни бокира қизлар қилдик.

37. (Улар) жозибали ва тенгқурдирлар.

38. (Улар) ўнг томон эгалари учундир.

39. (Ўнг томон эгалари) аввалги (уммат)лардан ҳам кўпчилик,

40. кейингилардан (Муҳаммад умматларидан) ҳам кўпчиликдир.

41. Чап томон эгалари – чап томон эгалари (бўлмоқ) не (бахтсизлик)дир!

42. (Улар) Самум (шамоли)* ва қайноқ сув ичида,

يَطُوفُ عَلَيۡهِمۡ وِلۡدَٰنٞ مُّخَلَّدُونَ ١٧ بِأَكۡوَابٖ وَأَبَارِيقَ وَكَأۡسٖ مِّن مَّعِينٖ
١٨ لَّا يُصَدَّعُونَ عَنۡهَا وَلَا يُنزِفُونَ ١٩ وَفَٰكِهَةٖ مِّمَّا يَتَخَيَّرُونَ
٢٠ وَلَحۡمِ طَيۡرٖ مِّمَّا يَشۡتَهُونَ ٢١ وَحُورٌ عِينٞ ٢٢ كَأَمۡثَٰلِ ٱللُّؤۡلُوِٕ
ٱلۡمَكۡنُونِ ٢٣ جَزَآءَۢ بِمَا كَانُواْ يَعۡمَلُونَ ٢٤ لَا يَسۡمَعُونَ فِيهَا لَغۡوٗا وَلَا
تَأۡثِيمًا ٢٥ إِلَّا قِيلٗا سَلَٰمٗا سَلَٰمٗا ٢٦ وَأَصۡحَٰبُ ٱلۡيَمِينِ مَآ أَصۡحَٰبُ
ٱلۡيَمِينِ ٢٧ فِي سِدۡرٖ مَّخۡضُودٖ ٢٨ وَطَلۡحٖ مَّنضُودٖ ٢٩ وَظِلّٖ مَّمۡدُودٖ
٣٠ وَمَآءٖ مَّسۡكُوبٖ ٣١ وَفَٰكِهَةٖ كَثِيرَةٖ ٣٢ لَّا مَقۡطُوعَةٖ وَلَا
مَمۡنُوعَةٖ ٣٣ وَفُرُشٖ مَّرۡفُوعَةٍ ٣٤ إِنَّآ أَنشَأۡنَٰهُنَّ إِنشَآءٗ ٣٥ فَجَعَلۡنَٰهُنَّ
أَبۡكَارًا ٣٦ عُرُبًا أَتۡرَابٗا ٣٧ لِّأَصۡحَٰبِ ٱلۡيَمِينِ ٣٨ ثُلَّةٞ مِّنَ
ٱلۡأَوَّلِينَ ٣٩ وَثُلَّةٞ مِّنَ ٱلۡأٓخِرِينَ ٤٠ وَأَصۡحَٰبُ ٱلشِّمَالِ مَآ أَصۡحَٰبُ
ٱلشِّمَالِ ٤١ فِي سَمُومٖ وَحَمِيمٖ ٤٢ وَظِلّٖ مِّن يَحۡمُومٖ ٤٣ لَّا بَارِدٖ
وَلَا كَرِيمٍ ٤٤ إِنَّهُمۡ كَانُواْ قَبۡلَ ذَٰلِكَ مُتۡرَفِينَ ٤٥ وَكَانُواْ يُصِرُّونَ
عَلَى ٱلۡحِنثِ ٱلۡعَظِيمِ ٤٦ وَكَانُواْ يَقُولُونَ أَئِذَا مِتۡنَا وَكُنَّا تُرَابٗا
وَعِظَٰمًا أَءِنَّا لَمَبۡعُوثُونَ ٤٧ أَوَ ءَابَآؤُنَا ٱلۡأَوَّلُونَ ٤٨ قُلۡ إِنَّ
ٱلۡأَوَّلِينَ وَٱلۡأٓخِرِينَ ٤٩ لَمَجۡمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَٰتِ يَوۡمٖ مَّعۡلُومٖ ٥٠

43. қора тутун сояси остидадирларки,

44. на совуқдир (у жой) ва на ёқимли.

45. Улар бундан илгари (дунёда) маишатпараст эдилар. (Дунёда яйраб олайлик дер эдилар)

46. Яна улкан гуноҳ (ширк) узра устивор эдилар. (Имон келтиришдан бош тортардилар)

47. Яна айтар эдилар: «Бизлар ўлиб тупроқ ва суякларга айлангач, ростдан ҳам қайта тирилтирилувчимизми?!

48. Аввалги ота-боболаримиз ҳамми?!»

49. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Албатта, аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам

50. маълум кундаги белгиланган вақтда (қиёматда), албатта, тўпланувчидирлар.

42-оят. “Самум” – қаттиқ иссиқ шамол, гармсел.

ثُمَّ إِنَّكُمْ أَيُّهَا ٱلضَّآلُّونَ ٱلْمُكَذِّبُونَ ﴿٥١﴾ لَءَاكِلُونَ مِن شَجَرٍ مِّن زَقُّومٍ ﴿٥٢﴾
فَمَالِـُٔونَ مِنْهَا ٱلْبُطُونَ ﴿٥٣﴾ فَشَٰرِبُونَ عَلَيْهِ مِنَ ٱلْحَمِيمِ ﴿٥٤﴾ فَشَٰرِبُونَ
شُرْبَ ٱلْهِيمِ ﴿٥٥﴾ هَٰذَا نُزُلُهُمْ يَوْمَ ٱلدِّينِ ﴿٥٦﴾ نَحْنُ خَلَقْنَٰكُمْ فَلَوْلَا
تُصَدِّقُونَ ﴿٥٧﴾ أَفَرَءَيْتُم مَّا تُمْنُونَ ﴿٥٨﴾ ءَأَنتُمْ تَخْلُقُونَهُۥٓ أَمْ نَحْنُ
ٱلْخَٰلِقُونَ ﴿٥٩﴾ نَحْنُ قَدَّرْنَا بَيْنَكُمُ ٱلْمَوْتَ وَمَا نَحْنُ بِمَسْبُوقِينَ ﴿٦٠﴾
عَلَىٰٓ أَن نُّبَدِّلَ أَمْثَٰلَكُمْ وَنُنشِئَكُمْ فِى مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦١﴾ وَلَقَدْ
عَلِمْتُمُ ٱلنَّشْأَةَ ٱلْأُولَىٰ فَلَوْلَا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾ أَفَرَءَيْتُم مَّا تَحْرُثُونَ
﴿٦٣﴾ ءَأَنتُمْ تَزْرَعُونَهُۥٓ أَمْ نَحْنُ ٱلزَّٰرِعُونَ ﴿٦٤﴾ لَوْ نَشَآءُ لَجَعَلْنَٰهُ
حُطَٰمًا فَظَلْتُمْ تَفَكَّهُونَ ﴿٦٥﴾ إِنَّا لَمُغْرَمُونَ ﴿٦٦﴾ بَلْ نَحْنُ مَحْرُومُونَ
﴿٦٧﴾ أَفَرَءَيْتُمُ ٱلْمَآءَ ٱلَّذِى تَشْرَبُونَ ﴿٦٨﴾ ءَأَنتُمْ أَنزَلْتُمُوهُ مِنَ ٱلْمُزْنِ
أَمْ نَحْنُ ٱلْمُنزِلُونَ ﴿٦٩﴾ لَوْ نَشَآءُ جَعَلْنَٰهُ أُجَاجًا فَلَوْلَا تَشْكُرُونَ
﴿٧٠﴾ أَفَرَءَيْتُمُ ٱلنَّارَ ٱلَّتِى تُورُونَ ﴿٧١﴾ ءَأَنتُمْ أَنشَأْتُمْ شَجَرَتَهَآ أَمْ
نَحْنُ ٱلْمُنشِـُٔونَ ﴿٧٢﴾ نَحْنُ جَعَلْنَٰهَا تَذْكِرَةً وَمَتَٰعًا لِّلْمُقْوِينَ
﴿٧٣﴾ فَسَبِّحْ بِٱسْمِ رَبِّكَ ٱلْعَظِيمِ ﴿٧٤﴾ ۞ فَلَآ أُقْسِمُ
بِمَوَٰقِعِ ٱلنُّجُومِ ﴿٧٥﴾ وَإِنَّهُۥ لَقَسَمٌ لَّوْ تَعْلَمُونَ عَظِيمٌ ﴿٧٦﴾

51. Сўнгра сизлар, эй, (қайта тирилишни) инкор этувчи гумроҳлар!

52. Албатта, (жаҳаннам гиёҳи) Заққум дарахтидан (ночор, роҳатланиш умидида) егувчи,

53. ундан қоринларни тўлдирувчидирсиз. (Лекин бундан асло роҳат топмаслар)

54. Сўнг унинг устига қайноқ сувдан ичувчи,

55. (ичганда ҳам) ташна туялар каби ичувчидирсиз. (Лекин ташналик асло босилмас)

56. Мана шу жазо кунидаги уларнинг «зиёфати»дир.

57. (Эй, инсонлар!) Сизларни Биз яратдик-ку! Бас, (яна қайта ярата олишимизни) тасдиқ этмайсизми?!

58. Сизлар (хотинларингиз бачадонига) тўкадиган маний (уруғ)ни (ўйлаб) кўрдингизми?

59. Уни сизлар (инсон қилиб) яратурмисиз ёки Биз яратувчимизми?!

60. Сизларнинг ўртангиздаги ўлимни (ажални) ҳам Биз ўлчаб қўйгандирмиз. (Бу каби ишларда) Биздан ўзиб кетилмас.

61. Биз (ўрнингизга) сизларга ўхшаганларни алмаштириб қўйишга ҳамда сизларни ўзларингиз билмайдиган ҳолат – суратда қайта пайдо қилишга ҳам (ожиз эмасмиз).

62. Сизлар илк бор пайдо бўлишингиз (қандай бўлгани)ни билдингиз-ку! Бас, (чексиз қудратимизни кўриб) эслатма олмайсизми?!

63. Сизлар экаётган зироатларингиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми?!

64. Уни сизлар ундирурмисиз ёки Биз ундирувчимизми?!

65. Агар Биз хоҳласак, уни (офат юбориб) қуруқ чўп қилиб қўйган бўлур эдик, сизлар эса ажабланиб қолаверар (ва айтар) эдингиз:

66. «Бизлар зиён кўрувчилармиз.

67. Балки бизлар (ризқимиздан) маҳрумдирмиз» (деб надоматда қолган бўлур эдингиз).

68. Сизлар ўзларингиз ичаётган сувни (ўйлаб) кўрдингизми?!

69. Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки Биз ёғдирувчимизми?!

70. Агар Биз хоҳласак, уни шўр ва аччиқ қилиб қўйган бўлур эдик. Бас, (шу оби ҳаёт учун ҳам) шукр қилмайсизми?!

71. Сизлар ёқаётган оловни (ўйлаб) кўрдингизми?!

72. Унинг дарахтини (ўтинларини) сизлар пайдо қилдингизми ёки Биз пайдо қилувчимизми?!

73. Биз уни (жаҳаннам ҳақида) бир эслатма ва йўловчилар учун фойдаланадиган нарса қилиб қўйдик.

74. Бас, (Эй, Муҳаммад!) Улуғ Раббингиз номини (поклаб) тасбеҳ айтинг!

75. Мен юлдузларнинг ботиш жойлари билан қасамёд этурман –

76. бу (қасам) агар билсангиз, албатта, буюк қасамдир –

77. албатта, у Қуръони каримдирки,

78. (у) яширин Китобда (Лавҳул-маҳфузда)-дир.

79. Уни (Қуръонни) таҳоратли кишилардан ўзгалар ушламаслар.

80. (У) оламлар Парвардигори (томони)дан нозил қилингандир.

81. Бас, (эй, кофирлар!) Сизлар шу Каломга (Қуръонга) бепарволик қилаяпсизми?!

82. Яна (Қуръонни) ёлғонга чиқаришингизни ўз ризқингиз («шукри») қилиб олаяпсизми?!

83. Бас, қачонки, (кишининг жони) ҳалқумга етганида (жон бериш пайтида),

84. ҳолбуки, ўша вақтда сизлар (қўлингиздан ҳеч иш келмай) қараб турурсиз.

85. Биз унга сизлардан кўра яқинроқдирмиз, лекин сизлар (буни) кўрмассиз.

86. Бас, қани энди, сизлар жазоланмайдиган

87. ва ростгўй бўлсангиз-у, ўшани (жонни) қайтара олсангиз! (Шуни хоҳлайсиз)

88. Бас, агар ўша (вафот этган киши Аллоҳ-га) яқин зотлардан бўлса,

89. (унинг учун) роҳат, райҳон (бўйи) ва неъ-матлар жаннати бордир.

90. Энди, агар у ўнг томон эгаларидан (ўрта-ҳол солиҳ бандалардан) бўлса,

91. бас, (эй, саодатли банда!) Сенга ўнг то-мон эгаларидан салом!

92. Борди-ю, у (динни) инкор этувчи гумроҳ-лардан (чап томон эгаларидан) бўлса,

93. бас, қайноқ сувдан иборат «зиёфат»

94. ва дўзахда куйиш бордир.

95. Албатта, бу (зикр қилинган нарсалар) ай-ни ҳақиқатдир.

96. Бас, Улуғ Раббингиз исми билан тасбеҳ айтинг! (Унинг гўзал исмлари кўп)

إِنَّهُۥ لَقُرۡءَانٞ كَرِيمٞ ٧٧ فِي كِتَٰبٖ مَّكۡنُونٖ ٧٨ لَّا يَمَسُّهُۥٓ إِلَّا
ٱلۡمُطَهَّرُونَ ٧٩ تَنزِيلٞ مِّن رَّبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ٨٠ أَفَبِهَٰذَا ٱلۡحَدِيثِ
أَنتُم مُّدۡهِنُونَ ٨١ وَتَجۡعَلُونَ رِزۡقَكُمۡ أَنَّكُمۡ تُكَذِّبُونَ ٨٢ فَلَوۡلَآ
إِذَا بَلَغَتِ ٱلۡحُلۡقُومَ ٨٣ وَأَنتُمۡ حِينَئِذٖ تَنظُرُونَ ٨٤ وَنَحۡنُ أَقۡرَبُ
إِلَيۡهِ مِنكُمۡ وَلَٰكِن لَّا تُبۡصِرُونَ ٨٥ فَلَوۡلَآ إِن كُنتُمۡ غَيۡرَ مَدِينِينَ
٨٦ تَرۡجِعُونَهَآ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ٨٧ فَأَمَّآ إِن كَانَ مِنَ ٱلۡمُقَرَّبِينَ
٨٨ فَرَوۡحٞ وَرَيۡحَانٞ وَجَنَّتُ نَعِيمٖ ٨٩ وَأَمَّآ إِن كَانَ مِنۡ أَصۡحَٰبِ
ٱلۡيَمِينِ ٩٠ فَسَلَٰمٞ لَّكَ مِنۡ أَصۡحَٰبِ ٱلۡيَمِينِ ٩١ وَأَمَّآ إِن كَانَ مِنَ
ٱلۡمُكَذِّبِينَ ٱلضَّآلِّينَ ٩٢ فَنُزُلٞ مِّنۡ حَمِيمٖ ٩٣ وَتَصۡلِيَةُ جَحِيمٍ
٩٤ إِنَّ هَٰذَا لَهُوَ حَقُّ ٱلۡيَقِينِ ٩٥ فَسَبِّحۡ بِٱسۡمِ رَبِّكَ ٱلۡعَظِيمِ ٩٦

ترتيبها ٥٧ سُورَةُ الحَدِيدِ آياتها ٢٩

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۖ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ١ لَهُۥ مُلۡكُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۖ يُحۡيِۦ وَيُمِيتُۖ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيۡءٖ قَدِيرٌ ٢
هُوَ ٱلۡأَوَّلُ وَٱلۡأٓخِرُ وَٱلظَّٰهِرُ وَٱلۡبَاطِنُۖ وَهُوَ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٌ ٣

Ҳадид сураси

Мадинада нозил қилинган. 29 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Осмонлар ва Ердаги (бор) нарса Аллоҳга тасбеҳ айтур. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

2. Осмонлар ва Ер ҳукмронлиги Унга хос-дир. У тирилтиради ҳам, ўлдиради ҳам. У ҳар нарсага қодирдир.

3. У Аввал, Охир, Зоҳир ва Ботиндир. У барча нарсани билувчидир*.

---

57. ҲАДИД СУРАСИ

“Ҳадид” – темир. Суранинг 25-оятида металл турлари ва уларнинг хислатлари ҳақида баён этилган. Шунингдек, сурада илоҳий кўрсатмалар ва ақидавий масалаларга доир оятлар баён этилган.

3-оят. Аллоҳнинг сифатларидан баъзилари келтирилмоқда. “Аввал”, яъни бошланиши йўқ. “Охир”, яъни интиҳоси йўқ, У азалий ва абадийдир. “Зоҳир”, яъни Унинг борлиги ҳамма нарсадан билиниб туради. “Ботин”, яъни Уни бу дунёда инсондаги бешта сезги аъзолари билан ҳис этилмайди, ақл билан танилади.

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ فِى سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ ٱسْتَوَىٰ
عَلَى ٱلْعَرْشِ ۚ يَعْلَمُ مَا يَلِجُ فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا يَخْرُجُ مِنْهَا وَمَا يَنزِلُ مِنَ
ٱلسَّمَآءِ وَمَا يَعْرُجُ فِيهَا ۖ وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنتُمْ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ
بَصِيرٌ ﴿٤﴾ لَّهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ تُرْجَعُ ٱلْأُمُورُ
﴿٥﴾ يُولِجُ ٱلَّيْلَ فِى ٱلنَّهَارِ وَيُولِجُ ٱلنَّهَارَ فِى ٱلَّيْلِ ۚ وَهُوَ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ
ٱلصُّدُورِ ﴿٦﴾ ءَامِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَأَنفِقُوا۟ مِمَّا جَعَلَكُم
مُّسْتَخْلَفِينَ فِيهِ ۖ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنكُمْ وَأَنفَقُوا۟ لَهُمْ أَجْرٌ كَبِيرٌ ﴿٧﴾
وَمَا لَكُمْ لَا تُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ ۙ وَٱلرَّسُولُ يَدْعُوكُمْ لِتُؤْمِنُوا۟ بِرَبِّكُمْ وَقَدْ
أَخَذَ مِيثَٰقَكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ ﴿٨﴾ هُوَ ٱلَّذِى يُنَزِّلُ عَلَىٰ عَبْدِهِۦٓ
ءَايَٰتٍۭ بَيِّنَٰتٍ لِّيُخْرِجَكُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ ۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ بِكُمْ
لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴿٩﴾ وَمَا لَكُمْ أَلَّا تُنفِقُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَلِلَّهِ مِيرَٰثُ
ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ لَا يَسْتَوِى مِنكُم مَّنْ أَنفَقَ مِن قَبْلِ ٱلْفَتْحِ
وَقَٰتَلَ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ أَعْظَمُ دَرَجَةً مِّنَ ٱلَّذِينَ أَنفَقُوا۟ مِنۢ بَعْدُ وَقَٰتَلُوا۟ ۚ
وَكُلًّا وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْحُسْنَىٰ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٠﴾ مَّن ذَا
ٱلَّذِى يُقْرِضُ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضَٰعِفَهُۥ لَهُۥ وَلَهُۥٓ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١١﴾

4. У осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Арш узра «муставий» бўлган зотдир. У ерга кирадиган нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган нарсаларни ҳам, осмондан тушадиган нарсаларни ҳам, унга (осмонга) кўтариладиган (яхши амал ва дуолар каби) нарсаларни ҳам билур. Сизлар қаерда бўлсангиз, У сизлар билан биргадир. Аллоҳ қилаётган (барча) амалларингизни кўриб турувчидир.

5. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Унга хосдир. Ишлар фақат Аллоҳга қайтарилур.

6. У кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур*. У диллардаги сирларни билувчидир.

7. (Эй, инсонлар!) Аллоҳга ва унинг пайғамбари (Муҳаммад)га имон келтирингиз ҳамда У сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан (бойликларингиздан) эҳсон қилингиз! Бас, сизлардан имон келтирган ва эҳсон қилган зотлар учун катта мукофот бордир.

8. Агар сизлар имон келтирувчи бўлсангиз, Пайғамбар сизларни Раббингизга имон келтиришга даъват этиб, аҳду паймонингизни олгач*, нега Аллоҳга имон келтирмаяпсиз?!

9. У ўз бандаси (Муҳаммад)га сизларни зулматлардан (куфрдан) нурга (имонга) олиб чиқиши учун аниқ оятларни нозил қиладиган зотдир. Албатта, Аллоҳ, сизларга (нисбатан) меҳрибон ва раҳмлидир.

10. Нега сизлар Аллоҳ йўлида эҳсон қилмаяпсиз?! Ҳолбуки, осмонлар ва Ер мероси ёлғиз Аллоҳники-ку?! Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари эҳсон қилган ва (кофирларга қарши) урушган кишилар (фатҳдан кейин эҳсон қилган ва урушганлар билан) баробар бўлмагай. Улар кейин эҳсон қилган ва урушган кишилардан улуғроқ мартабададирлар. Барчаларига Аллоҳ гўзал (мукофот – жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган (барча) амалларингиздан хабардордир.

11. Аллоҳга «қарзи ҳасана»* (Унинг йўлида эҳсон) қиладиган киши бормики, (У) ўша (киши)га бир неча ҳисса зиёдаси билан қайтарса! Унинг учун яна яхшигина мукофот ҳам бордир.

6-оят. Оятни икки хил тафсир қилиш мумкин. Биринчиси – тун келганда кундуз кетиши, кундуз бўлганда туннинг кетиши. Яна тунни қисқа қилиб, унинг ҳиссасини кундузга қўшиб қўйиши ва кундузни қисқартириб, унинг ҳиссасини тунга қўшиб қўйиши. Иккинчиси – кеча-кундузда кечадиган йигирма тўрт соат кун билан тун ўртасида ҳар куни турлича тақсим бўлиб туриши (Лс.).

8-оят. Бу "ал-Мийсоқ" воқеасидир. Яъни Аллоҳ таоло дунёга келувчи барча инсонларнинг руҳларини илк бор яратиб, улардан: "Мен Раббингиз эмасманми?!", – деб сўраган. Шунда бўлажак мўминларнинг руҳлари "Раббимизсан" деб жавоб беришган. Мийсоқ – аҳд. Яна "Аъроф" сурасининг 172-оятига ва тафсирига қаралсин.

11-оят. Эҳсон "қарз" деб аталиши – унинг эвазига бериладиган мукофот қарзни узишдек тўланиши эътибори билан эканини билдирадир.

يَوْمَ تَرَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ يَسْعَىٰ نُورُهُم بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِم
بُشْرَاكُمُ الْيَوْمَ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ۚ ذَٰلِكَ
هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٢﴾ يَوْمَ يَقُولُ الْمُنَافِقُونَ وَالْمُنَافِقَاتُ لِلَّذِينَ
آمَنُوا انظُرُونَا نَقْتَبِسْ مِن نُّورِكُمْ قِيلَ ارْجِعُوا وَرَاءَكُمْ فَالْتَمِسُوا نُورًا
فَضُرِبَ بَيْنَهُم بِسُورٍ لَّهُ بَابٌ بَاطِنُهُ فِيهِ الرَّحْمَةُ وَظَاهِرُهُ مِن قِبَلِهِ
الْعَذَابُ ﴿١٣﴾ يُنَادُونَهُمْ أَلَمْ نَكُن مَّعَكُمْ ۖ قَالُوا بَلَىٰ وَلَٰكِنَّكُمْ فَتَنتُمْ
أَنفُسَكُمْ وَتَرَبَّصْتُمْ وَارْتَبْتُمْ وَغَرَّتْكُمُ الْأَمَانِيُّ حَتَّىٰ جَاءَ أَمْرُ
اللَّهِ وَغَرَّكُم بِاللَّهِ الْغَرُورُ ﴿١٤﴾ فَالْيَوْمَ لَا يُؤْخَذُ مِنكُمْ فِدْيَةٌ وَلَا
مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا ۚ مَأْوَاكُمُ النَّارُ ۖ هِيَ مَوْلَاكُمْ ۖ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ
﴿١٥﴾ ۞ أَلَمْ يَأْنِ لِلَّذِينَ آمَنُوا أَن تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللَّهِ
وَمَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ وَلَا يَكُونُوا كَالَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِن قَبْلُ
فَطَالَ عَلَيْهِمُ الْأَمَدُ فَقَسَتْ قُلُوبُهُمْ ۖ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ فَاسِقُونَ ﴿١٦﴾
اعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يُحْيِي الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا ۚ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ
لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٧﴾ إِنَّ الْمُصَّدِّقِينَ وَالْمُصَّدِّقَاتِ وَأَقْرَضُوا
اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا يُضَاعَفُ لَهُمْ وَلَهُمْ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١٨﴾

12. Мўмин ва мўминаларнинг олдилари ва ўнг томонларида нурлари* юрганини кўрадиган кунни (эсланг)! (Ўша куни уларга *дейилур*:) «Сизлар учун бугунги хушхабар – остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу қолинадиган (жаннатдаги) боғлардир. Бу улкан ютуқнинг ўзидир!»

13. У кунда мунофиқ ва мунофиқалар имон келтирган зотларга: «Бизга қарангиз! Биз ҳам сизларнинг нурингиздан озгина олиб фойдаланайлик», – десалар, (уларга:) «Ортингизга қайтиб нур истангиз!», – *дейилур**. Сўнгра улар (билан мўминлар) ўртасида дарвозали бир девор урилурки, унинг ичида раҳмат (жаннат), ташқарисида эса азоб (дўзах) бўлур.

14. Улар (мўминларга:) «Биз (дунёда) сизлар билан бирга эмасмидик», – деб нидо қилганларида, (мўминлар) дерлар: «Ҳа, лекин сизлар ўзингизни фитнага солдингиз ва (бизга мусибат етишига) кўз тутдингиз ҳамда (динимиз тўғрисида) шубҳаландингиз ва то Аллоҳнинг амри (ўлим) келгунича хом хаёллар сизларни алдади. Сизларни Аллоҳ ҳақида алдовчи (шайтон) ҳам алдаб қўйди».

15. Мана бугун сизлардан ҳам, (эй, мунофиқлар!) Кофир бўлганлардан ҳам (азобдан қутулишингиз учун) тўлов олинмас. Жойингиз дўзахдир. У сизларнинг муносиб жойингиздир. Нақадар ёмон оқибат бу!

16. Имон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳақ (Қуръон)-га мойил бўлиш (вақти) келмадими?! (Яна улар учун) илгари китоб ато этилган, сўнгра (пайғамбарларидан кейинги) муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар (яъни, яҳудий ва насронийлар) каби бўлиб қолмаслик (вақти келмадими)?! Уларнинг кўпи фосиқ (итоатсиз)-дирлар!

17. (Эй, мўминлар!) Билингизки, албатта, Аллоҳ «ўлган» ерни тирилтирур. Мана Биз ақл юргизишингиз учун сизларга (қудратимизга далолат қиладиган) оятларни батафсил баён қилдик.

18. Албатта, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар ҳамда Аллоҳга «қарзи ҳасана» берганлар учун (садақалари) бир неча ҳисса зиёдаси билан қайтарилур ва улар учун яна шарафли мукофот бордир.

12-оят. Мўмин ва мўминаларнинг номаи аъмоллари олд томон ва ўнг томонидан берилганда имон ва солиҳ амалларининг рамзи сифатида нурлар ҳам худди шу томонларида ёғду сочган ҳолда жаннатгача уларга ҳамроҳ бўлиб боради. Фаришталар уларни жаннатдаги ноз-неъматлардан бохабар қилган ҳолда кутиб оладилар (Мд.).

13-оят. Абу Умома (рҳ.) сўзига кўра, инсонлар қилкўприк олдига келганда ҳаммаёқни зулмат қоплайди. Сўнгра мўминларга нур берилади, кофир ва мунофиқлар зулматда қолади ва мўминлардан нур сўрайди (Лс.)

وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦٓ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلصِّدِّيقُونَ ۖ وَٱلشُّهَدَآءُ
عِندَ رَبِّهِمْ لَهُمْ أَجْرُهُمْ وَنُورُهُمْ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَكَذَّبُوا۟
بِـَٔايَٰتِنَآ أُو۟لَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلْجَحِيمِ ﴿١٩﴾ ٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا ٱلْحَيَوٰةُ
ٱلدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌۢ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِى ٱلْأَمْوَٰلِ
وَٱلْأَوْلَٰدِ ۖ كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ ٱلْكُفَّارَ نَبَاتُهُۥ ثُمَّ يَهِيجُ فَتَرَىٰهُ
مُصْفَرًّا ثُمَّ يَكُونُ حُطَٰمًا ۖ وَفِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ
مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنٌ ۚ وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا مَتَٰعُ ٱلْغُرُورِ ﴿٢٠﴾
سَابِقُوٓا۟ إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ ٱلسَّمَآءِ
وَٱلْأَرْضِ أُعِدَّتْ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِٱللَّهِ وَرُسُلِهِۦ ۚ ذَٰلِكَ فَضْلُ
ٱللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ ذُو ٱلْفَضْلِ ٱلْعَظِيمِ ﴿٢١﴾ مَآ أَصَابَ
مِن مُّصِيبَةٍ فِى ٱلْأَرْضِ وَلَا فِىٓ أَنفُسِكُمْ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ
مِّن قَبْلِ أَن نَّبْرَأَهَآ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٢٢﴾ لِّكَيْلَا
تَأْسَوْا۟ عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا۟ بِمَآ ءَاتَىٰكُمْ ۗ وَٱللَّهُ
لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿٢٣﴾ ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ وَيَأْمُرُونَ
ٱلنَّاسَ بِٱلْبُخْلِ ۗ وَمَن يَتَوَلَّ فَإِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْغَنِىُّ ٱلْحَمِيدُ ﴿٢٤﴾

19. Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига имон келтирган зотлар – айнан ўшалар Парвардигорлари ҳузурида сиддиқлар* ва шаҳидларнинг ўзидирлар. Улар учун (охиратда) мукофотлари ва (йўлларини ёритувчи) нурлари бўлур. Кофир бўлган ва оятларимизни инкор этган кимсалар – улар дўзах эгаларидир.

20. Билингизки, бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат, ўзаро фахрланиш ва молдунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир*. (У) бамисоли бир ёмғирки, унинг (сабабидан униб чиққан) гиёҳ кофирларни таажжубга солур. Сўнгра у қуригач, уни сарғайган ҳолда кўрасиз. Сўнгра у ўтин бўлиб қолур. Охиратда эса (қай бирларингиз учун) қаттиқ азоб (қай бирларингиз учун) Аллоҳ томонидан мағфират ва розилик бордир. Дунё ҳаёти фақат алдов матоҳидир.

21. (Эй, инсонлар!) Раббингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига имон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва Ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилингиз!* Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этур. Аллоҳ улуғ фазл соҳибидир.

22. Хоҳ ерга ва хоҳ ўзларингизга бирор мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Аллоҳга осондир.

23. Токи, сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсиз ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) ҳам кетмагайсиз. Аллоҳ ҳар қандай кибрли ва мақтанчоқ кимсани суймагай.

24. Улар бахиллик қиладиган ва одамларни ҳам бахилликка буюрадиган кимсалардир. Ким (бахиллик қилиб эҳсон қилишдан) юз ўгирса, бас, албатта, Аллоҳнинг ўзи беҳожат ва ҳамдга лойиқ зотдир.

19-оят. “Сиддиқлар” имонида садоқатли кишилардир. Тасаввуфда “Сиддиқлик” пайғамбарликдан кейинги юқори мақомдир. Бу мақомга биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ (рз.) эришганлар. Сиддиқ – сўзида, ниятида, амалида ва ваъдасида садоқатли кишидир. Бу кўпчилик уламоларнинг таърифи. Лекин Ибн Аббос (рз.): “Кимки Аллоҳга ва У юборган барча пайғамбарларга имон келтирган бўлса ўша сиддиқдир”, – деган (Лс.).

Дарҳақиқат, бу таъриф Қуръони карим оятига тўла мувофиқдир.

20-оят. Дунё вақтинчалик озгина фурсат эканига ишорат қилиб Расул (а.с.) шундай деганлар: “Менинг наздимда дунё гўё ёз иссиғида бир отлиқ йўловчи бир дарахт соясида озгина дам олиб, сўнгра кетгани кабидир” (Лс.).

21-оят. Олдинги оятда дунёнинг фоний экани баён қилингач, бу оят боқий дунёдаги ери кенг ва ноз-неъматлари мангу бўлмиш жаннатга эришиш учун солиҳ амалларни қилишга шошилиш зарурлиги айтилмоқда.

Оятдаги “шаҳидлар” сўзидан бошлаб янги жумла бошланади, деган тафсир ҳам бор ва ундан мурод гувоҳлар ёки жангдаги шаҳидлар экани тўғрисида ҳам уламолар ихтилоф қилишган.

لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَأَنزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ
وَالْمِيزَانَ لِيَقُومَ النَّاسُ بِالْقِسْطِ ۖ وَأَنزَلْنَا الْحَدِيدَ فِيهِ
بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنَافِعُ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ مَن يَنصُرُهُ وَرُسُلَهُ
بِالْغَيْبِ ۚ إِنَّ اللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٌ ﴿٢٥﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا وَإِبْرَاهِيمَ
وَجَعَلْنَا فِي ذُرِّيَّتِهِمَا النُّبُوَّةَ وَالْكِتَابَ ۖ فَمِنْهُم مُّهْتَدٍ ۖ
وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ فَاسِقُونَ ﴿٢٦﴾ ثُمَّ قَفَّيْنَا عَلَىٰ آثَارِهِم
بِرُسُلِنَا وَقَفَّيْنَا بِعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ وَآتَيْنَاهُ الْإِنجِيلَ
وَجَعَلْنَا فِي قُلُوبِ الَّذِينَ اتَّبَعُوهُ رَأْفَةً وَرَحْمَةً وَرَهْبَانِيَّةً
ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ إِلَّا ابْتِغَاءَ رِضْوَانِ اللَّهِ فَمَا
رَعَوْهَا حَقَّ رِعَايَتِهَا ۖ فَآتَيْنَا الَّذِينَ آمَنُوا مِنْهُمْ أَجْرَهُمْ ۖ
وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ فَاسِقُونَ ﴿٢٧﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ
وَآمِنُوا بِرَسُولِهِ يُؤْتِكُمْ كِفْلَيْنِ مِن رَّحْمَتِهِ وَيَجْعَل لَّكُمْ
نُورًا تَمْشُونَ بِهِ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ۚ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٨﴾ لِّئَلَّا يَعْلَمَ
أَهْلُ الْكِتَابِ أَلَّا يَقْدِرُونَ عَلَىٰ شَيْءٍ مِّن فَضْلِ اللَّهِ ۙ وَأَنَّ
الْفَضْلَ بِيَدِ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ ۚ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٢٩﴾

25. Биз ўз элчиларимизни* ҳужжат (мўъжиза)лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон (тарози ёки меъёр) туширдик. Яна, Биз темирни туширдик. Унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир*. Аллоҳ Ўзига ва пайғамбарларига (Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ғойибона ёрдам берадиган кишиларни билиш учун ҳам (темирни яратди). Албатта, Аллоҳ кучли ва қудратлидир.

26. Биз Нуҳ ва Иброҳимни (ўз қавмларига) юбордик ҳамда пайғамбарлик ва Китобни (Таврот, Инжил, Забур ва Қуръонни) ҳам икковининг зурриётларига (ато) қилдик. Бас, уларнинг орасида ҳидоят топувчи (кишилар) ҳам бор, (аммо) уларнинг орасида аксарияти фосиқ (кофир)дирлар.

27. Сўнгра уларнинг изларидан кетма-кет пайғамбарларимизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг) ортидан юбордик ва унга Инжил (китобини) ато этдик ҳамда унга эргашган кишиларнинг дилларида меҳрибонлик ва шафқат (пайдо) қилдик. Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга уни (роҳибликни) ёзганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг ризолигини истаб (роҳиблик) қилдилар-у, сўнгра унга тўла риоя қила олмадилар. Бас, улардан имон келтирганларига мукофотларни ато этдик. (Аммо) уларнинг орасида аксарияти фосиқ (кофир)дирлар.

28. Эй, (Исога) имон келтирган зотлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва Унинг пайғамбари (Муҳаммад)га ҳам имон келтирингиз, (шунда) У сизларга ўз раҳматидан икки баробар ато этур ва сизларга (қиёматда ёритувчи) нур пайдо қилур ҳамда сизларни мағфират қилур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.

29. Аҳли китоблар ўзлари Аллоҳнинг фазлидан бирор нарсага (етишга) қодир бўла олмасларини ва фазл Аллоҳнинг «қўли»да бўлиб, уни фақат Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этишини билишлари учун (Аллоҳ шундай қилди). Аллоҳ (бандаларига нисбатан) улуғ фазл эгасидир.

25-оят. Яъни фаришталаримизни пайғамбарларга ёки пайғамбарларимизни ўз умматларига юбордик (Қз. Мд.).

* Темирдаги қувват – унинг қаттиқ ва чидамли жисм бўлгани учун уруш қуролларининг ундан тайёрланиши. Манфаатлари эса беҳисоб. Масалан, касб-ҳунар, саноат ва зироат ишларида фойдаланиладиган асбобларнинг деярли ҳаммаси темир маҳсулотларидан иборатдир.

Оятда учта муҳим мавзу ёритилган. Биринчидан, пайғамбарларнинг илоҳий китоблар билан келиб дин аҳкомларини ўз умматларига етказишлари. Иккинчидан, меъёр ва мезон билан адолат ўрнатиш мавзуси. Бунда ижтимоий адолатни барпо этиш ва одамлар ўртасидаги муомалаларда ноҳақлик ва хиёнатга барҳам бериш. Учинчидан, зулм ва жиноят аҳлининг жазоси учун қурол тайёрлашда темирни пайдо қилишидир (Мд.).



ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ПОРА

Мужодала *сураси*

Мадинада нозил қилинган. 22 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Аллоҳ Сиз билан ўз эри ҳақида баҳслашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшитди. Аллоҳ сиз иккингизнинг сўзлашувингизни эшитур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчидир*.

2. Ораларингиздаги ўз хотинларини «зиҳор» қиладиган кимсаларга улар (хотинлари асло) оналари эмасдирлар. Уларнинг (чин) оналари уларни туққан (аёл)лардир. Улар, ҳақиқатан, номақбул ва ёлғон сўз айтурлар. (Лекин) Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчидир.

3. Ўз хотинларини «зиҳор» қилиб, сўнгра айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар (зиммасида) қўшилишларидан илгари бир (мўмин ёки кофир) қулни озод қилиш бордир*. Бу сизларга қилинаётган насиҳатдир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

4. Бас, кимки (қул) топа олмаса, қўшилишларидан илгари (зиммасида) пайдар-пай икки ой рўза тутиш бордир. Бас, ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, (унинг зиммасида) олтмишта мискинга таом бериш бордир*. Бу (ҳукмлар) сизлар Аллоҳ ва унинг пайғамбарига имон келтиришларингиз учундир. Булар Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) чегараларидир. (Илоҳий қонунларни инкор этувчи) кофирлар учун эса (охиратда) аламли азоб бордир.

5. Албатта, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухолифлик қилувчи кимсалар худди ўзларидан аввалгилар ҳалок қилингани каби ҳалок қилинурлар. Дарвоқе, Биз аниқ оятларни нозил қилдик. (Уларни инкор этувчи) кофирларга (охиратда) хор қилувчи азоб бордир.

6. (Ўша) кунда Аллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтириб, (дунёда) қилган амалларининг хабарини берур. У (амаллар)ни Аллоҳ ҳисоблаб қўйган. Улар эса унутиб юборганлар. Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир.

---

58. МУЖОДАЛА СУРАСИ

“Мужодала” – баҳслашиш.

Сурада имон, эътиқод ва эзгу ишларга даъват, куфр, ширк, зулм каби разил сифатлардан пок бўлишга чақирилади.

1-оят. Саҳобий Убода (рз.)нинг биродари Авс ибн Сомитнинг хотини Ҳавла бинт Саълаба Пайғамбар (а.с.)га келиб, эри "зиҳор" қилганини айтади. Зиҳор ўз хотинига: "Сен менга онамнинг қорни ёки бадани кабисан" дейишдир. Бу тўғрида шаръий ҳукм ҳали нозил бўлмаган эди. Пайғамбар (а.с.) талоқ тушади деганларида, аёл норози бўлиб, Аллоҳга шикоят қилади. Шунда оят нозил бўлиб, талоқ тушмаслиги, лекин жаримасига бир қул озод қилиш буюрилади (Мд.).

3-оят. Шофиий мазҳабида қулнинг мўмин бўлиши шарт.

4-оят. Ҳанафий мазҳабида ҳаммасини бир мискинга бериш жоиз. Шофиий мазҳабида таомни 60 та мискинга бериш шарт.

أَلَمْ تَرَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۖ مَا يَكُونُ
مِن نَّجْوَىٰ ثَلَٰثَةٍ إِلَّا هُوَ رَابِعُهُمْ وَلَا خَمْسَةٍ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ
وَلَآ أَدْنَىٰ مِن ذَٰلِكَ وَلَآ أَكْثَرَ إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ أَيْنَ مَا كَانُوا۟ ۖ ثُمَّ يُنَبِّئُهُم
بِمَا عَمِلُوا۟ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٧﴾ أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ
نُهُوا۟ عَنِ ٱلنَّجْوَىٰ ثُمَّ يَعُودُونَ لِمَا نُهُوا۟ عَنْهُ وَيَتَنَٰجَوْنَ بِٱلْإِثْمِ
وَٱلْعُدْوَٰنِ وَمَعْصِيَتِ ٱلرَّسُولِ وَإِذَا جَآءُوكَ حَيَّوْكَ بِمَا لَمْ يُحَيِّكَ
بِهِ ٱللَّهُ وَيَقُولُونَ فِىٓ أَنفُسِهِمْ لَوْلَا يُعَذِّبُنَا ٱللَّهُ بِمَا نَقُولُ ۚ حَسْبُهُمْ
جَهَنَّمُ يَصْلَوْنَهَا ۖ فَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٨﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِذَا
تَنَٰجَيْتُمْ فَلَا تَتَنَٰجَوْا۟ بِٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ وَمَعْصِيَتِ ٱلرَّسُولِ وَتَنَٰجَوْا۟
بِٱلْبِرِّ وَٱلتَّقْوَىٰ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ٱلَّذِىٓ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٩﴾ إِنَّمَا ٱلنَّجْوَىٰ
مِنَ ٱلشَّيْطَٰنِ لِيَحْزُنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَلَيْسَ بِضَآرِّهِمْ شَيْـًٔا
إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٠﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُوٓا۟ إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوا۟ فِى ٱلْمَجَٰلِسِ فَٱفْسَحُوا۟ يَفْسَحِ
ٱللَّهُ لَكُمْ ۖ وَإِذَا قِيلَ ٱنشُزُوا۟ فَٱنشُزُوا۟ يَرْفَعِ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
مِنكُمْ وَٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْعِلْمَ دَرَجَٰتٍ ۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١١﴾

7. Аллоҳ осмонлардаги ва Ердаги бор нарсани билишини кўрмадингизми?! Уч кишининг ўзаро шивирлашиб гаплашиши бўлса, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир. Беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир. Бундан оз бўладими ё кўп бўладими, қаерда бўлсалар ҳам, албатта, У улар билан биргадир. Сўнгра қиёмат куни уларга қилган амалларининг хабарини берур. Албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчидир.

8. (Эй, Муҳаммад!) Ўзаро шивирлашишдан қайтарилганларидан сўнг яна тақиқланган нарсага қайтадиган ҳамда гуноҳ, адоват ва пайғамбарга итоатсизлик қилиш тўғрисида ўзаро шивирлашадиган кимсаларни кўрмадингизми?! Қачонки, улар Сизнинг олдингизга келсалар, Аллоҳ Сизга салом беришда ишлатмаган ибора билан Сизга салом берурлар*. Яна ўзларича: «Айтаётган сўзимиз сабабли Аллоҳ бизларни азобламаса эди?!», – дерлар. Уларга ўзлари куядиган жаҳаннам бас келур. Нақадар ёмон тақдир бу!

9. Эй, мўминлар! Сизлар ўзаро шивирлашиб гаплашганингизда гуноҳ, адоват ва пайғамбарга итоатсизлик қилиш тўғрисида шивирлашмангиз, (балки) яхшилик ва тақво ҳақида шивирлашингиз ҳамда сизлар ҳузурига (бориб) тўпланадиган зот – Аллоҳдан қўрқингиз!

10. Ўзаро шивирлашиш фақат шайтон томонидан бўлиб, имон келтирган зотларни ғамгин қилиш учундир. (Лекин) у Аллоҳнинг изнисиз уларга зарар етказа олувчи эмасдир. Бас, мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар!

11. Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга йиғилишларда: «(даврани) кенгайтирингиз!», – дейилса, бас, кенгайтирингиз, Аллоҳ сизларга ҳам (керак пайтида кенг) жой берур. Яна қачонки, «турингиз!», – дейилса, дарҳол турингиз!* Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур*. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир.

8-оят. Яҳудийлар Расул (а.с.)га дуч келиб қолсалар, "Ассому алайкум!", яъни "Сизга ўлим бўлсин!", – дер эдилар. Ваҳоланки, уларнинг қора нияти Аллоҳга ва Расулига маълум эди (Мд.).

11-оят. Яъни намозга, жангга ёки бошқа хайрли ишларга чақирилсангиз, дарҳол туриб равона бўлинг, дейилмоқда (Мд.).

* Илм ва олимларнинг фазилатлари, икки дунёда эришадиган даража ва мартабаларига доир оят ва ҳадислар жуда кўп учрайди. Расул (а.с.)дан олим кишининг бир кунлик ибодати илмсиз обиднинг қирқ йиллик ибодатига тенг экани, қиёматда шафоат қилиши, агар у таълим ҳам берса, Ер ва осмонлардаги барча жонзот Аллоҳдан унга мағфират сўраши ва бошқа кўп башоратлар саҳиҳ ҳадислар орқали ривоят қилинган (Мд.).

Сулаймон (а.с.)га Аллоҳ таоло илм, бойлик ва подшоҳликдан бирини танлашни буюрганида у илмни танлайди. Илмнинг шарофатидан унга бойлик ва подшоҳликни ҳам қўшиб беради (Кр.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا نَٰجَيۡتُمُ ٱلرَّسُولَ فَقَدِّمُواْ بَيۡنَ يَدَيۡ نَجۡوَىٰكُمۡ
صَدَقَةٗۚ ذَٰلِكَ خَيۡرٞ لَّكُمۡ وَأَطۡهَرُۚ فَإِن لَّمۡ تَجِدُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٞ رَّحِيمٌ
﴿١٢﴾ ءَأَشۡفَقۡتُمۡ أَن تُقَدِّمُواْ بَيۡنَ يَدَيۡ نَجۡوَىٰكُمۡ صَدَقَٰتٖۚ فَإِذۡ لَمۡ تَفۡعَلُواْ
وَتَابَ ٱللَّهُ عَلَيۡكُمۡ فَأَقِيمُواْ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُواْ ٱلزَّكَوٰةَ وَأَطِيعُواْ ٱللَّهَ
وَرَسُولَهُۥۚ وَٱللَّهُ خَبِيرُۢ بِمَا تَعۡمَلُونَ ﴿١٣﴾ ۞ أَلَمۡ تَرَ إِلَى ٱلَّذِينَ تَوَلَّوۡاْ قَوۡمًا
غَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيۡهِم مَّا هُم مِّنكُمۡ وَلَا مِنۡهُمۡ وَيَحۡلِفُونَ عَلَى ٱلۡكَذِبِ
وَهُمۡ يَعۡلَمُونَ ﴿١٤﴾ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُمۡ عَذَابٗا شَدِيدًاۖ إِنَّهُمۡ سَآءَ مَا كَانُواْ
يَعۡمَلُونَ ﴿١٥﴾ ٱتَّخَذُوٓاْ أَيۡمَٰنَهُمۡ جُنَّةٗ فَصَدُّواْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِ فَلَهُمۡ
عَذَابٞ مُّهِينٞ ﴿١٦﴾ لَّن تُغۡنِيَ عَنۡهُمۡ أَمۡوَٰلُهُمۡ وَلَآ أَوۡلَٰدُهُم مِّنَ ٱللَّهِ
شَيۡـًٔاۚ أُوْلَٰٓئِكَ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِۖ هُمۡ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿١٧﴾ يَوۡمَ يَبۡعَثُهُمُ
ٱللَّهُ جَمِيعٗا فَيَحۡلِفُونَ لَهُۥ كَمَا يَحۡلِفُونَ لَكُمۡ وَيَحۡسَبُونَ أَنَّهُمۡ عَلَىٰ شَيۡءٍۚ أَلَآ
إِنَّهُمۡ هُمُ ٱلۡكَٰذِبُونَ ﴿١٨﴾ ٱسۡتَحۡوَذَ عَلَيۡهِمُ ٱلشَّيۡطَٰنُ فَأَنسَىٰهُمۡ ذِكۡرَ
ٱللَّهِۚ أُوْلَٰٓئِكَ حِزۡبُ ٱلشَّيۡطَٰنِۚ أَلَآ إِنَّ حِزۡبَ ٱلشَّيۡطَٰنِ هُمُ ٱلۡخَٰسِرُونَ
﴿١٩﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ يُحَآدُّونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ أُوْلَٰٓئِكَ فِي ٱلۡأَذَلِّينَ ﴿٢٠﴾
كَتَبَ ٱللَّهُ لَأَغۡلِبَنَّ أَنَا۠ وَرُسُلِيٓۚ إِنَّ ٱللَّهَ قَوِيٌّ عَزِيزٞ ﴿٢١﴾

12. Эй, имон келтирганлар! Қачонки, сизлар Пайғамбар билан суҳбатлашишни истасангиз, суҳбатларингиз олдидан (камбағал ва мискинларга) садақа тақдим этингиз! Бу ўзларингиз учун яхшироқ ва (хатоларингизни) покловчироқдир. Бас, агар (садақага нарса) топа олмасангиз, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ўз бандаларига нисбатан) кечиримли ва раҳмлидир*.

13. Суҳбатларингиз олдидан садақалар тақдим этишдан (камбағал бўлиб қоламиз деб) қўрқдингизми? Бас, сизлар (садақа) қилмасангиз ҳам Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилгандан кейин намозни баркамол адо этингиз ва закотни берингиз ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этингиз! Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

14. (Эй, Муҳаммад!) Аллоҳнинг ғазабига учраган қавмни (яҳудийларни) дўст тутган (мунофиқ)ларни кўрмайсизми?! У (мунофиқ)лар сизлардан (мусулмонлардан) ҳам, улардан (яҳудийлардан) ҳам эмасдирлар. Яна улар билиб туриб, («Биз мусулмонмиз» деб) қасам ҳам ичурлар.

15. Аллоҳ улар учун қаттиқ азобни тайёрлаб қўйган. Дарҳақиқат, уларнинг қилган ишлари нақадар ёмондир!

16. Улар ўзларининг (ёлғон) қасамларини қалқон қилиб олиб, (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Бас, улар учун (охиратда) хор қилувчи азоб бордир.

17. Уларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳ томонидан (бўладиган) нарсани (азобни) улардан даф қила олмас. Улар дўзах аҳлидирлар. Улар ўша жойда мангу қолувчидирлар.

18. У кунда (қиёматда) Аллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтирганда, улар худди сизларга ҳозир қасам ичаётганларидек, У зотга ҳам қасам ичурлар ва ўзларига (қасамлари сабабли) бирор нарса (фойда) бўлади деб ҳисоблайдилар. Огоҳ бўлингизки, албатта, улар айнан ёлғончилардир!

19. Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳнинг зикрини унуттирди. Ана ўшалар шайтоннинг ҳизби (гуруҳи)дирлар. Огоҳ бўлингки, албатта, шайтоннинг ҳизби зиён кўрувчидир!

20. Албатта, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухолифлик қилганлар, айнан, ўшалар энг хор кимсалар ичида бўлурлар.

21. Аллоҳ (Лавҳул-маҳфузда): «Албатта, Мен ўз пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўлурман», – деб ёзиб қўйган. Албатта, Аллоҳ (ҳар нарсани қилишга) кучли ва қудратлидир.

12-оят. Али (рз.)нинг бисотида бир динори бўлиб, Расул (а.с.)дан ҳар гал савол сўраши олдидан бир дирҳам садақа қилар экан. Ўнта масала сўраб бўлиши билан кейинги оят нозил бўлиб олдинги оят мансух бўлган. Собиқ оятга ундан бошқа ҳеч ким амал қилиб улгурмаган (Мд.).

لَّا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ يُوَآدُّونَ مَنْ
حَآدَّ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَلَوْ كَانُوٓا۟ ءَابَآءَهُمْ أَوْ أَبْنَآءَهُمْ
أَوْ إِخْوَٰنَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ كَتَبَ فِى قُلُوبِهِمُ
ٱلْإِيمَٰنَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِّنْهُ ۖ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى
مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ رَضِىَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا۟
عَنْهُ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ حِزْبُ ٱللَّهِ ۚ أَلَآ إِنَّ حِزْبَ ٱللَّهِ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٢٢﴾

ترتيبها ٥٩ — سُورَةُ الحَشْرِ — آياتها ٢٤

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۖ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ
﴿١﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَخْرَجَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِنْ أَهْلِ ٱلْكِتَٰبِ مِن دِيَٰرِهِمْ
لِأَوَّلِ ٱلْحَشْرِ ۚ مَا ظَنَنتُمْ أَن يَخْرُجُوا۟ ۖ وَظَنُّوٓا۟ أَنَّهُم مَّانِعَتُهُمْ
حُصُونُهُم مِّنَ ٱللَّهِ فَأَتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُوا۟ ۖ وَقَذَفَ
فِى قُلُوبِهِمُ ٱلرُّعْبَ ۚ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُم بِأَيْدِيهِمْ وَأَيْدِى ٱلْمُؤْمِنِينَ
فَٱعْتَبِرُوا۟ يَٰٓأُو۟لِى ٱلْأَبْصَٰرِ ﴿٢﴾ وَلَوْلَآ أَن كَتَبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمُ
ٱلْجَلَآءَ لَعَذَّبَهُمْ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ وَلَهُمْ فِى ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابُ ٱلنَّارِ ﴿٣﴾

22. Аллоҳга ва охират кунига имон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухолифлик қилувчилар билан – гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки оға-инилари ёки қариндошлари бўлсалар ҳам – дўстлашаётган ҳолда топмассиз. Айнан ўшаларнинг дилларига (Аллоҳ) имонни битиб қўйган ва уларни Ўз (томон)идан бўлмиш руҳ (имон нури ёки Қуръон) билан қувватлантирган. У уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган (жаннатдаги) боғларга киритур. Аллоҳ улардан рози, улар ҳам (Аллоҳдан) рози бўлурлар. Айнан ўшалар Аллоҳнинг ҳизби (динининг ҳимоячилари)дир. Огоҳ бўлингки, албатта, Аллоҳнинг ҳизбигина нажот топувчидир!

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтур. У (чексиз) қудрат ва (етук) ҳикмат соҳибидир.

2. У аҳли китоблардан (яҳудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи «тўплаш»даёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир. (Эй, мўминлар!) Сизлар уларни чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз, улар ҳам ўзларининг қалъаларини Аллоҳ (азоби)дан тўсувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига қўрқинч солди. Улар уйларини ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан бузар эдилар. Бас, эй, кўз эгалари! (Улардан) ибрат олингиз!*

3. Агар Аллоҳ уларга сургунни ёзмаганида, албатта, уларни мана шу дунёда (қатл қилиш ёки асирга олиш билан) азоблаган бўлур эди. Улар учун охиратда дўзах азоби ҳам бордир.

---

59. ҲАШР СУРАСИ

"Ҳашр" – тўплаб сургун қилиш. Сурада Мадинадаги Бану Назир деб аталувчи яҳудийлар қабиласининг ёвуз кирдикорлари туфайли юртларидан сургун қилиниши тўғрисида маълумот бор. Шунингдек, унда мўминлар ва мунофиқлар, яхшилар ва ёмонларнинг таъриф ва тавсифлари ифода этилган.

2-оят. Расул (а.с.) Мадинага келганларида у ердаги яҳудий қабилаларидан бири – Бану Назир кишилари бетарафликда бўлишни зиммаларига олиб, ул зот билан сулҳ тузишган эди. Бадр жангида мусулмонлар ғалаба қилганда улар: "Ҳа, бу ўша Тавротда васфи келган пайғамбар экан", – деб туришди. Лекин кейинги йили мусулмонлар устидан Макка мушриклари ғалаба қилгач, мазкур Бану Назир қабиласи кишилари шубҳага тушдилар ва сулҳ шартномасини буздилар. Уларнинг сардори Каъб ибн Ашраф қирқта отлиқ йигити билан Маккага бориб, мушриклар сардори Абу Суфён билан Каъба олдида мусулмонларга қарши уруш қилиш учун ўзаро иттифоқ тузади. Бундан хабар топган Пайғамбар (а.с.) Муҳаммад ибн Маслама (рз.)га буюриб, Каъб ибн Ашрафни қатл

ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمْ شَآقُّوا۟ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ ۖ وَمَن يُشَآقِّ ٱللَّهَ فَإِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ
ٱلْعِقَابِ ﴿٤﴾ مَا قَطَعْتُم مِّن لِّينَةٍ أَوْ تَرَكْتُمُوهَا قَآئِمَةً
عَلَىٰٓ أُصُولِهَا فَبِإِذْنِ ٱللَّهِ وَلِيُخْزِىَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٥﴾ وَمَآ أَفَآءَ ٱللَّهُ
عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنْهُمْ فَمَآ أَوْجَفْتُمْ عَلَيْهِ مِنْ خَيْلٍ وَلَا رِكَابٍ
وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يُسَلِّطُ رُسُلَهُۥ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ
قَدِيرٌ ﴿٦﴾ مَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنْ أَهْلِ ٱلْقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ
وَلِذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ كَىْ لَا يَكُونَ
دُولَةًۢ بَيْنَ ٱلْأَغْنِيَآءِ مِنكُمْ ۚ وَمَآ ءَاتَىٰكُمُ ٱلرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا
نَهَىٰكُمْ عَنْهُ فَٱنتَهُوا۟ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٧﴾
لِلْفُقَرَآءِ ٱلْمُهَٰجِرِينَ ٱلَّذِينَ أُخْرِجُوا۟ مِن دِيَٰرِهِمْ وَأَمْوَٰلِهِمْ
يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنًا وَيَنصُرُونَ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥٓ ۚ أُو۟لَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلصَّٰدِقُونَ ﴿٨﴾ وَٱلَّذِينَ تَبَوَّءُو ٱلدَّارَ وَٱلْإِيمَٰنَ مِن قَبْلِهِمْ
يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِى صُدُورِهِمْ حَاجَةً
مِّمَّآ أُوتُوا۟ وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰٓ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ ۚ
وَمَن يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٩﴾

4. Бунга сабаб, уларнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига мухолиф бўлганларидир. Кимки Аллоҳга қарши турса, бас, Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир.

5. (Эй, имон келтирганлар!) Сизлар (Бану Назир хурмозорларидан) бирор хурмо дарахтини кесдингизми ёки уни ўз таналарида турган ҳолида қолдирдингизми, бас, (қилинган иш) Аллоҳнинг изни билан ва фосиқ (имонсиз) кимсаларни расво қилиш учун бўлди.

6. Аллоҳ ўз пайғамбарига улардан ўлжа қилиб берган нарсалар устига сизлар от ва туяларни миниб борганингиз йўқ (қийналиб қўлга киритганингиз йўқ), лекин Аллоҳ ўз пайғамбарларини Ўзи хоҳлаган кимсалардан устун қилиб қўяр. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир.

7. Аллоҳ шаҳарларнинг (кофир) аҳолисидан ўз пайғамбарига ўлжа қилиб берган нарсалар, сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина қўлма-қўл бўлиб юраверадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун Аллоҳга, Пайғамбарга ва (у зотнинг) қариндошлари, етимлар, мискинлар ва мусофирларга тегишлидир. Пайғамбар сизларга келтирган нарсани олингиз, у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ жазоси қаттиқ зотдир.

8. (У ўлжалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган камбағал муҳожирларникидир, зеро, улар Аллоҳдан фазл ва ризолик истайдилар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ёрдам берадилар. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар.

9. Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадинадек) диёрда яшаган ва имонни сақлаганлар (ансорлар) эса ўзлари (ёнлари)га ҳижрат қилиб келган кишиларни суйгайлар ва дилларида уларга берилган нарса (ўлжалар) сабабли ҳасад сезмаслар ҳамда ўзларида эҳтиёж бўла туриб, (эҳсон қилишда бошқа муҳтожларни) ихтиёр қилурлар. Кимки ўз нафси бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар (охиратда) нажот топувчидирлар*.

Сўнгра ўзлари бир бўлинма жангчилар билан бориб Бану Назир қабиласини ўз қалъаларида йигирма бир кун қамалда ушлаб турадилар. Умидсизликка тушган Бану Назир қабиласи кишилари иккинчи бор сулҳ тузишни таклиф қилади, лекин Расул (а.с.) бир марта сулҳга хиёнат қилган бу қабила билан сулҳ тузишдан бош тортадилар ва нарсаларини олиб юртдан чиқиб кетишларини та-лаб қиладилар. Талаб амалга ошади. Улар Шомнинг Ариҳо ва Азруот шаҳарларига кўчиб кетадилар (Мд.).

9-оят. Бу ояти каримада мадиналик мусулмонлар қанчалик олиҳиммат мурувватли ва саховатли эканлиги таъриф этилган. Ўзлари муҳтож бўла туриб, нарсаларини ўзга муҳтожларга эҳсон қилиш ("ийсор") саховат ва карамнинг энг юқори чўққисидир. Тасаввуфда ҳам "ийсор" суфийларнинг ахлоқий фазилатлари ичида энг олий мақомдир.

10. Улардан кейин (дунёга) келган зотлар* айтурлар: «Эй, Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй, Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли зотдирсан!»

11. (Эй, Муҳаммад!) Мунофиқ кимсалар ўзларининг аҳли китоблардан (яҳудийлардан) бўлмиш кофир биродарларига: «Қасамки, агар сизлар (Мадинадан) қувиб чиқарилсангиз, албатта, бизлар ҳам сизлар билан бирга чиқиб кетурмиз ва сизлар(га қарши ҳаракат)да ҳеч қачон ҳеч кимга итоат этмасмиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта, бизлар сизларга ёрдам берурмиз»,– дейишларини кўрмайсизми? Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар, албатта, ёлғончидирлар.

12. Қасамки, агар (яҳудийлар ўз диёрларидан) қувиб чиқарилсалар, (мунофиқлар) улар билан бирга чиқиб кетмаслар. Қасамки, агар (яҳудийларга қарши) жанг қилинса, (мунофиқлар) уларга ёрдам ҳам бермаслар. Мабодо ёрдам берсалар ҳам, албатта, яҳудийлар (мағлуб бўлиб) ортларига қараб қочурлар ва кейин уларга ёрдам берилмас.

13. (Эй, мўминлар!) Сизлар (мунофиқларнинг) дилларида Аллоҳдан кўра қўрқинчлироқдирсиз. Бунга сабаб, улар (Аллоҳнинг қудратини) англамайдиган қавм эканидир.

14. Улар (мунофиқ ва яҳудийлар) ҳаммаси сизлар билан фақат қалъали қишлоқлар (ичида беркиниб) ёки деворлар ортидагина жанг қила олурлар. Улар ўз ўрталарида «кучли»дирлар. (Сўзларидан) уларни бир деб ҳисоблайсиз-у, (аммо) диллари хилма-хилдир. Бунга сабаб уларнинг ақлсиз қавм эканидир.

وَٱلَّذِينَ جَآءُو مِنۢ بَعۡدِهِمۡ يَقُولُونَ رَبَّنَا ٱغۡفِرۡ لَنَا
وَلِإِخۡوَٰنِنَا ٱلَّذِينَ سَبَقُونَا بِٱلۡإِيمَٰنِ وَلَا تَجۡعَلۡ فِي قُلُوبِنَا
غِلّٗا لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ رَبَّنَآ إِنَّكَ رَءُوفٞ رَّحِيمٌ ١٠ ۞ أَلَمۡ تَرَ إِلَى
ٱلَّذِينَ نَافَقُواْ يَقُولُونَ لِإِخۡوَٰنِهِمُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنۡ أَهۡلِ
ٱلۡكِتَٰبِ لَئِنۡ أُخۡرِجۡتُمۡ لَنَخۡرُجَنَّ مَعَكُمۡ وَلَا نُطِيعُ فِيكُمۡ
أَحَدًا أَبَدٗا وَإِن قُوتِلۡتُمۡ لَنَنصُرَنَّكُمۡ وَٱللَّهُ يَشۡهَدُ إِنَّهُمۡ لَكَٰذِبُونَ
١١ لَئِنۡ أُخۡرِجُواْ لَا يَخۡرُجُونَ مَعَهُمۡ وَلَئِن قُوتِلُواْ لَا يَنصُرُونَهُمۡ
وَلَئِن نَّصَرُوهُمۡ لَيُوَلُّنَّ ٱلۡأَدۡبَٰرَ ثُمَّ لَا يُنصَرُونَ ١٢
لَأَنتُمۡ أَشَدُّ رَهۡبَةٗ فِي صُدُورِهِم مِّنَ ٱللَّهِۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَوۡمٞ
لَّا يَفۡقَهُونَ ١٣ لَا يُقَٰتِلُونَكُمۡ جَمِيعًا إِلَّا فِي قُرٗى
مُّحَصَّنَةٍ أَوۡ مِن وَرَآءِ جُدُرِۭۚ بَأۡسُهُم بَيۡنَهُمۡ شَدِيدٞۚ تَحۡسَبُهُمۡ
جَمِيعٗا وَقُلُوبُهُمۡ شَتَّىٰۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ قَوۡمٞ لَّا يَعۡقِلُونَ ١٤
كَمَثَلِ ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِهِمۡ قَرِيبٗاۖ ذَاقُواْ وَبَالَ أَمۡرِهِمۡ وَلَهُمۡ عَذَابٌ
أَلِيمٞ ١٥ كَمَثَلِ ٱلشَّيۡطَٰنِ إِذۡ قَالَ لِلۡإِنسَٰنِ ٱكۡفُرۡ فَلَمَّا كَفَرَ
قَالَ إِنِّي بَرِيٓءٞ مِّنكَ إِنِّيٓ أَخَافُ ٱللَّهَ رَبَّ ٱلۡعَٰلَمِينَ ١٦

15. (Улар) худди ўзларидан озгина олдин ўтган, ўз қилмишларининг уволига қолган кимсаларнинг (Бадр жангида енгилган мушрикларнинг) ўхшашидирлар. Уларга (охиратда ҳам) аламли азоб бордир.

16. (Улар) худди шайтоннинг ўхшашидирлар. Қайсики, у инсонга: «Кофир бўл!», – дейди. Бас, қачонки, (инсон) кофир бўлгач, (шайтон унга): «Мен сендан безорман. Зеро, мен (барча) оламлар Парвардигори – Аллоҳдан қўрқаман», – дейди (ва инсонни тарк этади).

10-оят. Муҳожир ва ансорлардан кейин келган зотлар – кейинроқ ҳижрат қилганлар ёки тобеинлар ёхуд қиёматгача келадиган мўминлар, деган тафсирлар бор (Мд. Қз.). Ойша (рз.) муҳожир ва ансорлар дунёдан ўтиб кетишгандан кейин мусулмонлар ўртасида чиққан фитналардан афсусланиб, Урва ибн Зубайр ибн Авом (рҳ.)га қараб: “Эй, жиян! Қарагин, ўтган саҳобаларнинг гуноҳларини Аллоҳдан сўраб, дуо қилишга буюрилган мусулмонлар эндиликда улар учун истиғфор айтиш ўрнига уларни ҳақорат қилмоқдалар”, – деб афсусланган экан.

فَكَانَ عَٰقِبَتَهُمَآ أَنَّهُمَا فِي ٱلنَّارِ خَٰلِدَيۡنِ فِيهَاۚ وَذَٰلِكَ جَزَٰٓؤُاْ
ٱلظَّٰلِمِينَ ١٧ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَلۡتَنظُرۡ
نَفۡسٞ مَّا قَدَّمَتۡ لِغَدٖۖ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَۚ إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرُۢ بِمَا تَعۡمَلُونَ
١٨ وَلَا تَكُونُواْ كَٱلَّذِينَ نَسُواْ ٱللَّهَ فَأَنسَىٰهُمۡ أَنفُسَهُمۡۚ أُوْلَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلۡفَٰسِقُونَ ١٩ لَا يَسۡتَوِيٓ أَصۡحَٰبُ ٱلنَّارِ وَأَصۡحَٰبُ
ٱلۡجَنَّةِۚ أَصۡحَٰبُ ٱلۡجَنَّةِ هُمُ ٱلۡفَآئِزُونَ ٢٠ لَوۡ أَنزَلۡنَا هَٰذَا
ٱلۡقُرۡءَانَ عَلَىٰ جَبَلٖ لَّرَأَيۡتَهُۥ خَٰشِعٗا مُّتَصَدِّعٗا مِّنۡ خَشۡيَةِ
ٱللَّهِۚ وَتِلۡكَ ٱلۡأَمۡثَٰلُ نَضۡرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمۡ يَتَفَكَّرُونَ
٢١ هُوَ ٱللَّهُ ٱلَّذِي لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۖ عَٰلِمُ ٱلۡغَيۡبِ وَٱلشَّهَٰدَةِۖ
هُوَ ٱلرَّحۡمَٰنُ ٱلرَّحِيمُ ٢٢ هُوَ ٱللَّهُ ٱلَّذِي لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ
ٱلۡمَلِكُ ٱلۡقُدُّوسُ ٱلسَّلَٰمُ ٱلۡمُؤۡمِنُ ٱلۡمُهَيۡمِنُ ٱلۡعَزِيزُ
ٱلۡجَبَّارُ ٱلۡمُتَكَبِّرُۚ سُبۡحَٰنَ ٱللَّهِ عَمَّا يُشۡرِكُونَ
٢٣ هُوَ ٱللَّهُ ٱلۡخَٰلِقُ ٱلۡبَارِئُ ٱلۡمُصَوِّرُۖ لَهُ ٱلۡأَسۡمَآءُ ٱلۡحُسۡنَىٰۚ
يُسَبِّحُ لَهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۖ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٢٤

ترتيبها ٦٠ — سُورَةُ ٱلۡمُمۡتَحِنَةِ — آياتها ١٣

17. Бас, иккисининг (шайтон ва кофирнинг) оқибати дўзахга кириб, унда мангу қолишлари бўлди. Золим кимсаларнинг жазоси шудир.

18. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва (ҳар бир) жон (эгаси) эртанги кун (қиёмат) учун нимани (қандай амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

19. Сизлар Аллоҳни унутиб қўйганлар, бас, (шундан кейин Аллоҳ) уларга ўзларини ҳам унутдириб қўйган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ўшалар фосиқлар (кофирлар)дир.

20. Дўзах аҳли билан жаннат аҳли баробар бўлмас. Жаннат аҳли (қиёматда) ютуққа эришувчи зотлардир.

21. Агар Биз ушбу Қуръонни бирор тоғ узра нозил қилганимизда эди, албатта, у (тоғ)ни Аллоҳнинг қўрқувидан ўзини хор тутган ва ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз. Биз бу мисолларни одамларга зора улар тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз*.

22. У шундай Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) яширин ва ошкора нарсаларни билувчидир. У меҳрибон ва раҳмлидир.

23. У шундай Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) подшоҳ, (барча айб-нуқсонлардан) пок, (бандаларига) омонлик берувчи, кузатиб турувчи, қудрат соҳиби, бўйин сундирувчи ва кибр эгасидир. Аллоҳ (мушриклар) келтираётган ширкдан покдир.

24. У – Аллоҳ, яратувчи, (йўқдан) бор қилувчи, (барча нарсага) сурат (ва шакл) берувчидир. Унинг гўзал исмлари бордир. Осмонлар ва Ердаги (бор) нарса Унга тасбеҳ айтур. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

Мумтаҳана сураси

Мадинада нозил қилинган. 13 оят.

21-оят. Яъни Қуръони каримнинг қанчалик оғир масъулият ва ибрат манбаи экани, ундаги илоҳий таълимот шунчалик таъсир кучига эгаки, оятдаги “тамсил”, яъни тасвирий мисолга кўра, агар бирор тоққа онг ато этилиб, унга шу Китоб туширилганида ҳатто, тоғ ҳам тоқат қила олмай, унинг масъулиятидан қўрқиб ёрилиб кетадиган бўлса, биз ақлли инсонлар нега бу муқаддас китоб ва илоҳий хитобга бепарволик қиламиз, деб тафаккур қилсинлар, демоқчи.

60. МУМТАҲАНА СУРАСИ

“Мумтаҳана” – имтиҳон қилинувчи аёл.

Сурада мушриклардан қочиб Мадинага ҳижрат қилиб келувчи баъзи аёлларни ҳақиқатан мўмина эканини синаб кўриш лозимлиги, мусулмонларга қарши урушмаётган, қувғин қилмаётган ғайридинлар билан яхши ва одилона муомалада бўлиш жоизлиги каби тавсиялар баён этилади.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تَتَّخِذُواْ عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمۡ أَوۡلِيَآءَ تُلۡقُونَ
إِلَيۡهِم بِٱلۡمَوَدَّةِ وَقَدۡ كَفَرُواْ بِمَا جَآءَكُم مِّنَ ٱلۡحَقِّ يُخۡرِجُونَ ٱلرَّسُولَ
وَإِيَّاكُمۡ أَن تُؤۡمِنُواْ بِٱللَّهِ رَبِّكُمۡ إِن كُنتُمۡ خَرَجۡتُمۡ جِهَٰدٗا فِي سَبِيلِي
وَٱبۡتِغَآءَ مَرۡضَاتِيۚ تُسِرُّونَ إِلَيۡهِم بِٱلۡمَوَدَّةِ وَأَنَا۠ أَعۡلَمُ بِمَآ أَخۡفَيۡتُمۡ
وَمَآ أَعۡلَنتُمۡۚ وَمَن يَفۡعَلۡهُ مِنكُمۡ فَقَدۡ ضَلَّ سَوَآءَ ٱلسَّبِيلِ ١ إِن
يَثۡقَفُوكُمۡ يَكُونُواْ لَكُمۡ أَعۡدَآءٗ وَيَبۡسُطُوٓاْ إِلَيۡكُمۡ أَيۡدِيَهُمۡ وَأَلۡسِنَتَهُم
بِٱلسُّوٓءِ وَوَدُّواْ لَوۡ تَكۡفُرُونَ ٢ لَن تَنفَعَكُمۡ أَرۡحَامُكُمۡ وَلَآ أَوۡلَٰدُكُمۡۚ
يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ يَفۡصِلُ بَيۡنَكُمۡۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ٣ قَدۡ
كَانَتۡ لَكُمۡ أُسۡوَةٌ حَسَنَةٞ فِيٓ إِبۡرَٰهِيمَ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ إِذۡ قَالُواْ لِقَوۡمِهِمۡ
إِنَّا بُرَءَٰٓؤُاْ مِنكُمۡ وَمِمَّا تَعۡبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ كَفَرۡنَا بِكُمۡ وَبَدَا بَيۡنَنَا
وَبَيۡنَكُمُ ٱلۡعَدَٰوَةُ وَٱلۡبَغۡضَآءُ أَبَدًا حَتَّىٰ تُؤۡمِنُواْ بِٱللَّهِ وَحۡدَهُۥٓ إِلَّا
قَوۡلَ إِبۡرَٰهِيمَ لِأَبِيهِ لَأَسۡتَغۡفِرَنَّ لَكَ وَمَآ أَمۡلِكُ لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن شَيۡءٖۖ
رَّبَّنَا عَلَيۡكَ تَوَكَّلۡنَا وَإِلَيۡكَ أَنَبۡنَا وَإِلَيۡكَ ٱلۡمَصِيرُ ٤ رَبَّنَا لَا تَجۡعَلۡنَا
فِتۡنَةٗ لِّلَّذِينَ كَفَرُواْ وَٱغۡفِرۡ لَنَا رَبَّنَآۖ إِنَّكَ أَنتَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٥

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, имон келтирганлар! Менинг душманим ва сизларнинг душманингизни (яъни мушрикларни) дўст тутмангиз! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хабар) юборурсиз, ҳолбуки, улар сизларга келган ҳақиқатни (Қуръонни) инкор этгандирлар. (Яна) улар Пайғамбарни ва сизларни Раббингиз – Аллоҳга имон келтирганингиз учун (ўз диёрларингиздан) ҳайдаб чиқармоқдалар. Агар сизлар Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиққан бўлсангиз (уларни дўст тутмангиз)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасиз. Ҳолбуки, Мен сизлар яширган ва ошкор қилган нарсани яхши билувчидирман. Сизлардан кимки шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у тўғри йўлдан озибди*.

2. (Эй, мўминлар!) Агар улар (мушриклар) сизлардан устун келса, душманингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзурлар. Яна улар сизларни (имондан қайтиб) кофир бўлишингизни истарлар.

3. (Шундай бир кун келурки) сизларга қариндошларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам сира фойда бермас! Қиёмат куни (Аллоҳ) ўрталарингизни ажратиб қўяр. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

4. Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда гўзал намуна бордир. Қайсики, улар ўз қавмларига: «Бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсаларингиздан безормиз. Бизлар сизларни инкор этдик. Токи, сизлар ёлғиз Аллоҳга имон келтирмагунингизгача, сизлар билан бизнинг ўртамизда мангу адоват ва нафрат пайдо бўлди», – дедилар. Фақат Иброҳимнинг ўз отасига: «Албатта, мен (Аллоҳдан) сен учун мағфират сўрайман, (лекин) сенга Аллоҳ томонидан бўладиган бирор нарсани (азобни) қайтаришга молик эмасман», – деган сўзи бундан мустаснодир. (Иброҳим ва бирга бўлган мўминлар дуоси бу эди): «Эй, Раббимиз! Сенгагина таваккул қилдик, Ўзингга қайтдик ва қайтишимиз ҳам фақат Сенинг ҳузуринг саридир.

5. Эй, Раббимиз! Бизни кофир бўлган кимсаларга алданувчи қилиб қўймагин, бизни мағфират этгин! Эй, Раббимиз! Албатта, Сен ўзинг қудрат ва ҳикмат соҳибидирсан».

1-оят. Ҳижратнинг саккизинчи йили Пайғамбармиз (а.с.) Макка фатҳи учун ҳозирлик кўраётган пайтларида Макка мушрикларини бундан огоҳлантириб, уларнинг наздида ўз обрўсини кўтариш мақсадида Ҳотиб ибн Аби Балтаа исмли имони суст бир мусулмон Сора исмли бир аёлни ёллаб, у орқали Макка мушрикларига хат жўнатади. Расул (а.с.)га бу ҳақда Аллоҳдан ваҳий бўлгач, Али, Аммор, Умар, Талҳа, Зубайр, Миқдод, Абу Мирсид (рз.)ларни юбориб, хатни қўлга киритадилар. Ҳотиб ибн Аби Балтаа Макка фатҳидан кейин узр айтганида, узрини Расул (а.с.) қабул этганлар. Лекин бу иш бошқаларга ибрат бўлиши учун оятда огоҳлантирилмоқда (Мд.).

لَقَدۡ كَانَ لَكُمۡ فِيهِمۡ أُسۡوَةٌ حَسَنَةٞ لِّمَن كَانَ يَرۡجُواْ ٱللَّهَ وَٱلۡيَوۡمَ ٱلۡأٓخِرَۚ
وَمَن يَتَوَلَّ فَإِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلۡغَنِيُّ ٱلۡحَمِيدُ ٦ ۞ عَسَى ٱللَّهُ أَن يَجۡعَلَ
بَيۡنَكُمۡ وَبَيۡنَ ٱلَّذِينَ عَادَيۡتُم مِّنۡهُم مَّوَدَّةٗۚ وَٱللَّهُ قَدِيرٞۚ وَٱللَّهُ غَفُورٞ رَّحِيمٞ
٧ لَّا يَنۡهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ ٱلَّذِينَ لَمۡ يُقَٰتِلُوكُمۡ فِي ٱلدِّينِ وَلَمۡ يُخۡرِجُوكُم
مِّن دِيَٰرِكُمۡ أَن تَبَرُّوهُمۡ وَتُقۡسِطُوٓاْ إِلَيۡهِمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُقۡسِطِينَ
٨ إِنَّمَا يَنۡهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ ٱلَّذِينَ قَٰتَلُوكُمۡ فِي ٱلدِّينِ وَأَخۡرَجُوكُم
مِّن دِيَٰرِكُمۡ وَظَٰهَرُواْ عَلَىٰٓ إِخۡرَاجِكُمۡ أَن تَوَلَّوۡهُمۡۚ وَمَن يَتَوَلَّهُمۡ فَأُوْلَٰٓئِكَ
هُمُ ٱلظَّٰلِمُونَ ٩ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا جَآءَكُمُ ٱلۡمُؤۡمِنَٰتُ
مُهَٰجِرَٰتٖ فَٱمۡتَحِنُوهُنَّۖ ٱللَّهُ أَعۡلَمُ بِإِيمَٰنِهِنَّۖ فَإِنۡ عَلِمۡتُمُوهُنَّ مُؤۡمِنَٰتٖ
فَلَا تَرۡجِعُوهُنَّ إِلَى ٱلۡكُفَّارِۖ لَا هُنَّ حِلّٞ لَّهُمۡ وَلَا هُمۡ يَحِلُّونَ لَهُنَّۖ وَءَاتُوهُم
مَّآ أَنفَقُواْۚ وَلَا جُنَاحَ عَلَيۡكُمۡ أَن تَنكِحُوهُنَّ إِذَآ ءَاتَيۡتُمُوهُنَّ أُجُورَهُنَّۚ
وَلَا تُمۡسِكُواْ بِعِصَمِ ٱلۡكَوَافِرِ وَسۡـَٔلُواْ مَآ أَنفَقۡتُمۡ وَلۡيَسۡـَٔلُواْ مَآ أَنفَقُواْۚ
ذَٰلِكُمۡ حُكۡمُ ٱللَّهِ يَحۡكُمُ بَيۡنَكُمۡۖ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٞ ١٠ وَإِن فَاتَكُمۡ
شَيۡءٞ مِّنۡ أَزۡوَٰجِكُمۡ إِلَى ٱلۡكُفَّارِ فَعَاقَبۡتُمۡ فَـَٔاتُواْ ٱلَّذِينَ ذَهَبَتۡ
أَزۡوَٰجُهُم مِّثۡلَ مَآ أَنفَقُواْۚ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ ٱلَّذِيٓ أَنتُم بِهِۦ مُؤۡمِنُونَ ١١

6. Дарҳақиқат, сизлардек Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган кишилар учун уларда (мазкурларда) гўзал намуна бордир. Кимки (Бизнинг амримиздан) юз ўгириб кетса, бас, албатта, Аллоҳ (ҳар нарсадан) беҳожат ва ҳамдга лойиқ зотдир.

7. Эҳтимол, Аллоҳ сизлар билан сизлар душман тутиб юрган кимсалар ўртасида (уларни Исломга киритиб) дўстлик пайдо қилиб қўяр. Аллоҳ (бундай ишларга) қодирдир. Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир.

8. Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар.

9. Аллоҳ фақат сизларни дин тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалар билан дўстлашишингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар айнан золим кимсалардир.

10. Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга (Макка кофирлари томонидан) мўмина аёллар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўрингиз! Аллоҳ уларнинг имонларини (бор ёки йўқлигини) яхшироқ билувчидир. Бас, агар уларнинг (ҳақиқатан) мўмина аёллар эканини билсангиз, у ҳолда уларни кофирларга қайтармангиз! Булар (улар) учун ҳалол эмас ва улар булар учун ҳалол эмасдир. Уларга сарфлаган маҳрларини эрларига (қайтариб) берингиз! Қачонки, уларга (эрларига) маҳрларини берсангиз, уларни (аёлларини) никоҳингизга олишда сизларга гуноҳ йўқдир. (Шунингдек) сизлар ҳам кофираларнинг қўлларини тутмангиз!* Ўзларингиз сарфлаган маҳрни талаб қилингиз ва улар ҳам сарфлаган маҳрларини (мўминлардан) талаб қилсин! Бу Аллоҳнинг ҳукмидир*. У сизларнинг ўртангизда ҳукм қилаётир. Аллоҳ илм ва ҳикмат соҳибидир.

11. Агар жуфтларингиздан бирортаси кофирлар томонига ўтиб кетиб, (маҳрини олдинги эрига қайтармаса) сўнгра сизлар жазоласангиз (ва ўлжа олсангиз) у ҳолда жуфтлари (кофирлар томонига ўтиб) кетган кишиларга улар сарфлаган маҳр миқдорини берингиз ва ўзларингиз имон келтирувчиси бўлган Аллоҳдан қўрқингиз!

10-оят. Яъни кофира хотинлар кофирлар билан қолишни истасалар, қаршилик қилмангиз.

***** “Бу Аллоҳнинг ҳукмидир” оятигача маҳрни қайтариб беришга доир ҳукмлар мансух бўлган, яъни амалдан қолдирилган. Мўмина аёлларни мушрик эрларига қайтармасдан олиб қолишга бўлган буйруқ Ҳудайбия сулҳидан кейин нозил бўлган.

Сулҳ шартига кўра, мушриклар томонидан мусулмонлар томонига ўтганларни қайтариб юбориш керак эди. Лекин Аллоҳ таоло бундан уларнинг имон келтирган аёллари мустасно эканини баён қилмоқда (Мд.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ إِذَا جَآءَكَ ٱلْمُؤْمِنَٰتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَىٰٓ أَن لَّا يُشْرِكْنَ
بِٱللَّهِ شَيْـًٔا وَلَا يَسْرِقْنَ وَلَا يَزْنِينَ وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَٰدَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ
بِبُهْتَٰنٍ يَفْتَرِينَهُۥ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِينَكَ
فِى مَعْرُوفٍ فَبَايِعْهُنَّ وَٱسْتَغْفِرْ لَهُنَّ ٱللَّهَ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ
﴿١٢﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَتَوَلَّوْا۟ قَوْمًا غَضِبَ ٱللَّهُ عَلَيْهِمْ
قَدْ يَئِسُوا۟ مِنَ ٱلْءَاخِرَةِ كَمَا يَئِسَ ٱلْكُفَّارُ مِنْ أَصْحَٰبِ ٱلْقُبُورِ ﴿١٣﴾



بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

سَبَّحَ لِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ
﴿١﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٢﴾
كَبُرَ مَقْتًا عِندَ ٱللَّهِ أَن تَقُولُوا۟ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴿٣﴾ إِنَّ
ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلَّذِينَ يُقَٰتِلُونَ فِى سَبِيلِهِۦ صَفًّا كَأَنَّهُم
بُنْيَٰنٌ مَّرْصُوصٌ ﴿٤﴾ وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِۦ يَٰقَوْمِ لِمَ
تُؤْذُونَنِى وَقَد تَّعْلَمُونَ أَنِّى رَسُولُ ٱللَّهِ إِلَيْكُمْ فَلَمَّا
زَاغُوٓا۟ أَزَاغَ ٱللَّهُ قُلُوبَهُمْ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٥﴾

12. Эй, Пайғамбар! Қачонки, Сизнинг олдингизга мўмина аёллар келиб, Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасликка, ўғирлик қилмасликка, зино қилмасликка, ўз болаларини ўлдирмасликка, қўл ва оёқлари орасида тўқиб оладиган бўҳтонни келтирмасликка* ҳамда бирор яхши ишда Сизга итоатсизлик қилмасликка ҳузурингизда қасамёд этсалар, Сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг! Албатта, Аллоҳ (ўз бандаларига нисбатан) кечиримли ва раҳмлидир*.

13. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавм (мушриклар ёки яҳудийлар) билан дўстлашмангиз! Худди (барча) кофирлар қабр эгалари (қайта тирилиш)дан ноумид бўлганларидек, улар ҳам охиратдан ноумид бўлгандирлар.



Саф сураси

Мадинада нозил қилинган. 14 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Осмонлардаги ва Ердаги (бор) нарса Аллоҳга (ҳамду санолар билан) тасбеҳ айтур. У қудрат ва ҳикмат соҳибидир.

2. Эй, имон келтирганлар! Сизлар нега ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қилдик ёки қиламиз деб) айтурсиз?!

3. Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишингиз Аллоҳ наздида катта нафрат (боиси)дир.

4. Албатта, Аллоҳ ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек саф тортиб, жанг қиладиган зотларни севар. Эсланг, Мусо ўз қавмига: «Эй, қавмим! Нега сизлар менга Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбари эканимни била туриб, озор берурсиз?», – деган эди.

5. Бас, қачонки, улар (тўғри йўлдан) оғишгач, Аллоҳ уларнинг дилларини (ҳидоятдан) оғдириб қўйди. (Зотан) Аллоҳ фосиқлар (кофирлар) қавмини ҳидоят этмас.

12-оят. Макка фатҳидан сўнг Расул (а.с.) эркаклардан кейин аёллар билан байъат қилишни бошладилар. Бу Сафо тепалигида эди. Умар (рз.) Пайғамбар (а.с.)дан пастроқда ўтириб олиб, ул зотнинг номидан имон келтирган аёлларга оятдаги шартларни етказиб байъат қилган. Аёллар ичида Амир Ҳамза (рз.)нинг мурдасидан ўч олган Ҳинд ҳам бор эди. У Расул (а.с.)дан қўрқиб юзини тўсиб олган эди. Байъат асносида ўзини танитиб қўйди ва кечирим сўрагач, унга марҳамат кўрсатиб, қилмишларини авф этадилар (Мд.).

* Бу оятдаги бўҳтон тўқишдан мурод бошқадан туғилган болани ўз эрига сендан деб ўтказишдир.

61. САФ СУРАСИ

“Саф” – саф тортиб туриш.

Сурада Мусо ва Исо (а.с.)ларнинг ўз қавмларидан озорланишлари, Муҳаммад (а.с.)ни охирги пайғамбар қилиб юборилишлари ҳақида Исо (а.с.)нинг берган башоратлари, Аллоҳ динининг ривожи учун қилинадиган ҳаракатлар тафсилоти мавжуд.

وَإِذْ قَالَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ إِنِّى رَسُولُ ٱللَّهِ إِلَيْكُم مُّصَدِّقًا
لِّمَا بَيْنَ يَدَىَّ مِنَ ٱلتَّوْرَىٰةِ وَمُبَشِّرًۢا بِرَسُولٍ يَأْتِى مِنۢ بَعْدِى ٱسْمُهُۥٓ أَحْمَدُ ۖ فَلَمَّا
جَآءَهُم بِٱلْبَيِّنَٰتِ قَالُوا۟ هَٰذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴿٦﴾ وَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنِ ٱفْتَرَىٰ
عَلَى ٱللَّهِ ٱلْكَذِبَ وَهُوَ يُدْعَىٰٓ إِلَى ٱلْإِسْلَٰمِ ۚ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّٰلِمِينَ
﴿٧﴾ يُرِيدُونَ لِيُطْفِـُٔوا۟ نُورَ ٱللَّهِ بِأَفْوَٰهِهِمْ وَٱللَّهُ مُتِمُّ نُورِهِۦ وَلَوْ كَرِهَ
ٱلْكَٰفِرُونَ ﴿٨﴾ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ ٱلْحَقِّ لِيُظْهِرَهُۥ
عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦ وَلَوْ كَرِهَ ٱلْمُشْرِكُونَ ﴿٩﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ هَلْ أَدُلُّكُمْ
عَلَىٰ تِجَٰرَةٍ تُنجِيكُم مِّنْ عَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿١٠﴾ تُؤْمِنُونَ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَتُجَٰهِدُونَ
فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ بِأَمْوَٰلِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١١﴾
يَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَيُدْخِلْكُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ وَمَسَٰكِنَ
طَيِّبَةً فِى جَنَّٰتِ عَدْنٍ ۚ ذَٰلِكَ ٱلْفَوْزُ ٱلْعَظِيمُ ﴿١٢﴾ وَأُخْرَىٰ تُحِبُّونَهَا ۖ نَصْرٌ
مِّنَ ٱللَّهِ وَفَتْحٌ قَرِيبٌ ۗ وَبَشِّرِ ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُونُوٓا۟
أَنصَارَ ٱللَّهِ كَمَا قَالَ عِيسَى ٱبْنُ مَرْيَمَ لِلْحَوَارِيِّۦنَ مَنْ أَنصَارِىٓ إِلَى ٱللَّهِ ۖ
قَالَ ٱلْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنصَارُ ٱللَّهِ ۖ فَـَٔامَنَت طَّآئِفَةٌ مِّنۢ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ
وَكَفَرَت طَّآئِفَةٌ ۖ فَأَيَّدْنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ عَلَىٰ عَدُوِّهِمْ فَأَصْبَحُوا۟ ظَٰهِرِينَ ﴿١٤﴾

6. Эсланг, Исо ибн Марям: «Эй, Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар берувчиман»*, – деган эди. Бас, қачонки, (Исо) уларга (пайғамбар эканига) ҳужжат (мўъжиза)ларни келтиргач, улар: «Бу аниқ сеҳр», – дедилар.

7. Ўзи Исломга даъват қилинаётганда (уни қабул қилиш ўрнига) Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан кўра ким ҳам золимроқдир?! Аллоҳ золимлар (кофирлар) қавмини ҳидоят этмас.

8. Улар Аллоҳнинг нурини (Исломни) оғизлари (беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар ёқтирмаса-да, Ўз нурини (динини) камолга етказувчидир.

9. У ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар ёқтирмаса-да, барча динлар узра ғолиб қилиш учун юборган зотдир.

10. Эй, имон келтирганлар! Сизларни аламли азобдан қутқарадиган бир «тижорат»га далолат қилайинми?

11. (Ўша «тижорат» шуки) Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига имон келтирурсиз ва Аллоҳ йўлида молларингиз ва жонларингиз билан жиҳод қилурсиз. Мана шу, агар билсангиз, ўзларингиз учун яхши (иш)дир*.

12. (Агар шундай қилсангиз, Аллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ҳамда сизларни остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга ва абадийлик боғларидаги покиза масканларга киритур. Бу эса улкан ютуқдир.

13. (Аллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар суядиган (бир неъматни ҳам берурки, у) Аллоҳ томонидан бўлажак ғалаба ва яқин(да рўй берувчи) фатҳдир*. (Эй, Муҳаммад!) Мўминларга (мана шу) хушхабарни етказинг!

14. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз! Худди Исо ибн Марям ҳаворийларга: «Аллоҳга (яъни унинг динига даъват қилишимда) ким менинг ёрдамчиларим бўлур?», – деганидек. Ҳаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам берувчилармиз». Бас, Исроил авлодидан бир тоифа (Исога) имон келтирди ва бир тоифа кофир бўлди. Бас, Биз имон келтирган зотларни душманларидан кучли қилдик, бас, улар ғолиб бўлдилар.

6-оят. Исо (а.с.) Исроил авлодидан чиққан пайғамбарларнинг энг охиргиси сифатида Мусо (а.с.)нинг Таврот китобидаги тавҳид дини ва шариатнинг кўп қисмини тасдиқ этган ҳолда ўзига нозил қилинган Инжил китобида охирги пайғамбар – Муҳаммад (а.с.) тўғрисида башорат берган. Расул (а.с.)нинг муборак исмларидан бири Аҳмаддир.

11-оят. Жиҳод ҳақида “Тавба” сураси, 88-оятга қаралсин.

13-оят. У Макка фатҳидир. Бу воқеа ҳижратнинг саккизинчи йили рўй берди. Макка аҳли қуролли тўқнашувсиз ўз ихтиёри билан Исломга кирди.

Жумъа сураси

Мадинада нозил қилинган. 11 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Осмонлардаги ва Ердаги (бор) нарса (мутлақ) подшоҳ, (нуқсонлардан) пок, қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлмиш Аллоҳга тасбеҳ айтур.

2. У (Аллоҳ) омилар (саводсиз кишилар)* орасига ўзларидан бўлган, уларга (Унинг) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикмат (Ҳадис)ни ўргатадиган (бир) пайғамбарни (Муҳаммадни) юборган зотдир. Ҳақиқатан, улар пайғамбар келишидан) илгари аниқ залолатда эдилар.

3. (Аллоҳ уни) яна улардан бошқаларга – уларга етиша олмаганларга (дунёга кейин келадиган инсонларга) ҳам (юборди). У (чексиз) қудрат ва (етук) ҳикмат соҳибидир.

4. Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ улуғ фазл соҳибидир.

5. Таврот юклатилган (берилган), сўнгра уни кўтармаган (унга амал қилмаган) кимсаларнинг мисоли худди китобларни ортиб кетаётган эшакка ўхшайди. Аллоҳнинг оятларини инкор этган кишиларнинг мисоли нақадар ёмондир. Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят этмас.

6. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Эй, яҳудий бўлганлар! Агар сизлар (бошқа) одамларни эмас, фақат ўзларингизни Аллоҳнинг дўстлари деб даъво қилсангиз – агар (шу даъволарингизда) ростгўй бўлсангиз – ўлимни орзу қилингиз-чи!»

سُورَةُ الجُمُعَةِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِ ٱلۡمَلِكِ ٱلۡقُدُّوسِ ٱلۡعَزِيزِ
ٱلۡحَكِيمِ ١ هُوَ ٱلَّذِي بَعَثَ فِي ٱلۡأُمِّيِّـۧنَ رَسُولٗا مِّنۡهُمۡ يَتۡلُواْ
عَلَيۡهِمۡ ءَايَٰتِهِۦ وَيُزَكِّيهِمۡ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَإِن كَانُواْ
مِن قَبۡلُ لَفِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ ٢ وَءَاخَرِينَ مِنۡهُمۡ لَمَّا يَلۡحَقُواْ بِهِمۡۚ
وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ٣ ذَٰلِكَ فَضۡلُ ٱللَّهِ يُؤۡتِيهِ مَن يَشَآءُۚ وَٱللَّهُ
ذُو ٱلۡفَضۡلِ ٱلۡعَظِيمِ ٤ مَثَلُ ٱلَّذِينَ حُمِّلُواْ ٱلتَّوۡرَىٰةَ ثُمَّ لَمۡ
يَحۡمِلُوهَا كَمَثَلِ ٱلۡحِمَارِ يَحۡمِلُ أَسۡفَارَۢاۚ بِئۡسَ مَثَلُ ٱلۡقَوۡمِ
ٱلَّذِينَ كَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِۚ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ٥
قُلۡ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ هَادُوٓاْ إِن زَعَمۡتُمۡ أَنَّكُمۡ أَوۡلِيَآءُ لِلَّهِ مِن
دُونِ ٱلنَّاسِ فَتَمَنَّوُاْ ٱلۡمَوۡتَ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ٦ وَلَا يَتَمَنَّوۡنَهُۥٓ
أَبَدَۢا بِمَا قَدَّمَتۡ أَيۡدِيهِمۡۚ وَٱللَّهُ عَلِيمُۢ بِٱلظَّٰلِمِينَ ٧ قُلۡ إِنَّ
ٱلۡمَوۡتَ ٱلَّذِي تَفِرُّونَ مِنۡهُ فَإِنَّهُۥ مُلَٰقِيكُمۡۖ ثُمَّ تُرَدُّونَ
إِلَىٰ عَٰلِمِ ٱلۡغَيۡبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمۡ تَعۡمَلُونَ ٨

7. Қўллари (билан) қилиб қўйган ишлари (Тавротга хилоф қилмишлари) сабабли ҳеч қачон (ўлимни) орзу қила олмаслар. Аллоҳ золимларни билувчидир.

8. Айтинг: «Сизлар қочаётган ўлим, албатта, сизларга йўлиқувчидир! Сўнгра сизлар яширин ва ошкора нарсаларни билувчи зотга (Аллоҳга) қайтарилурсиз. Бас, (У) сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур».

---

62. ЖУМЪА СУРАСИ

Сурада бир неча ғайбий маълумотлар қаторида жумъа намозининг аҳамияти, унга азон айтилганда, савдони тўхтатиб унинг сари равона бўлиш лозимлиги, Таврот ва Инжилга амал қилмаган аҳли китобларнинг мисоли ва бошқа эслатмалар ўз ифодасини топган.

2-оят. Саводсиз, оми халқ деганда араб миллати назарда тутилган. Зеро, ўша даврда араблар ўқимайдиган, ёзмайдиган халқ бўлиб, саводхонлари жуда кам эди. Ёзувни араблар Тоиф шаҳридан, Тоиф аҳли Ҳийра аҳлидан, улар эса, Анбор (Ироқ) аҳлидан олган, дейилади (Мд.).

Араб ёзуви Пайғамбаримиз (а.с.)нинг замоналаридан бошлаб бутун ислом оламида тез суръатлар билан ривожланган.

Ўқиш ва ёзишга тарғиб этадиган оят ва ҳадисларга амал қилиш натижасида араб ёзуви ҳозирги такомиллашган шаклига келган.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَوٰةِ مِن يَوۡمِ ٱلۡجُمُعَةِ
فَٱسۡعَوۡاْ إِلَىٰ ذِكۡرِ ٱللَّهِ وَذَرُواْ ٱلۡبَيۡعَۚ ذَٰلِكُمۡ خَيۡرٞ لَّكُمۡ إِن كُنتُمۡ
تَعۡلَمُونَ ٩ فَإِذَا قُضِيَتِ ٱلصَّلَوٰةُ فَٱنتَشِرُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ
وَٱبۡتَغُواْ مِن فَضۡلِ ٱللَّهِ وَٱذۡكُرُواْ ٱللَّهَ كَثِيرٗا لَّعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ
١٠ وَإِذَا رَأَوۡاْ تِجَٰرَةً أَوۡ لَهۡوًا ٱنفَضُّوٓاْ إِلَيۡهَا وَتَرَكُوكَ قَآئِمٗاۚ قُلۡ
مَا عِندَ ٱللَّهِ خَيۡرٞ مِّنَ ٱللَّهۡوِ وَمِنَ ٱلتِّجَٰرَةِۚ وَٱللَّهُ خَيۡرُ ٱلرَّٰزِقِينَ ١١

سُورَةُ المُنَافِقُونَ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِذَا جَآءَكَ ٱلۡمُنَٰفِقُونَ قَالُواْ نَشۡهَدُ إِنَّكَ لَرَسُولُ ٱللَّهِۗ وَٱللَّهُ يَعۡلَمُ
إِنَّكَ لَرَسُولُهُۥ وَٱللَّهُ يَشۡهَدُ إِنَّ ٱلۡمُنَٰفِقِينَ لَكَٰذِبُونَ ١
ٱتَّخَذُوٓاْ أَيۡمَٰنَهُمۡ جُنَّةٗ فَصَدُّواْ عَن سَبِيلِ ٱللَّهِۚ إِنَّهُمۡ سَآءَ مَا كَانُواْ
يَعۡمَلُونَ ٢ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ ءَامَنُواْ ثُمَّ كَفَرُواْ فَطُبِعَ عَلَىٰ قُلُوبِهِمۡ
فَهُمۡ لَا يَفۡقَهُونَ ٣ ۞ وَإِذَا رَأَيۡتَهُمۡ تُعۡجِبُكَ أَجۡسَامُهُمۡۖ
وَإِن يَقُولُواْ تَسۡمَعۡ لِقَوۡلِهِمۡۖ كَأَنَّهُمۡ خُشُبٞ مُّسَنَّدَةٞۖ يَحۡسَبُونَ كُلَّ
صَيۡحَةٍ عَلَيۡهِمۡۚ هُمُ ٱلۡعَدُوُّ فَٱحۡذَرۡهُمۡۚ قَٰتَلَهُمُ ٱللَّهُۖ أَنَّىٰ يُؤۡفَكُونَ ٤

9. Эй, имон келтирганлар! Қачонки, жумъа кунидаги намозга (азон) чақирилса, дарҳол Аллоҳнинг зикри сари (имом хутбасини тинглаш учун) ҳаракатга тушингиз ва савдо-сотиқни тарк қилингиз! Агар биладиган бўлсангиз, мана шу (иш) ўзларингиз учун яхшидир*.

10. Бас, қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз.

11. Қачонки, улар бирор тижоратни ёки беҳуда ишни кўриб қолсалар, ўша томонга тарқалиб кетиб, Сизни (минбарда) тик турган ҳолингизда тарк этурлар*. Айтинг: «Аллоҳ ҳузуридаги нарса (мукофотлар) беҳуда ишдан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир. Аллоҳ ризқ берувчиларнинг яхшисидир».

Мунофиқун *сураси*

Мадинада нозил қилинган. 11 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Мунофиқлар ҳузурингизга келиб: “Гувоҳлик берамизки, Сиз, албатта, Аллоҳнинг пайғамбаридирсиз», – дерлар. Сиз Унинг пайғамбари эканингизни Аллоҳ албатта билур ва Аллоҳ мунофиқларнинг ҳақиқатан ёлғончи эканига ҳам гувоҳлик берур.

2. Улар ўзларининг (ёлғон) қасамларини қалқон қилиб олиб, (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсдилар. Уларнинг қилиб юрган амаллари нақадар ёмондир!

3. Бунга сабаб уларнинг (тилларида) имон келтириб, сўнгра (дилларида) кофир бўлганларидир. Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди. Энди улар (ҳақиқатни) англай олмаслар.

4. Уларга қарасангиз, уларнинг гавдалари Сизни ажаблантирур, сўзлаганларида сўзларига беихтиёр қулоқ солурсиз. Улар гўё (деворга) суяб қўйилган (чирик) ёғочларга ўхшайдилар. Улар ҳар бир қичқириқ (овоз)ни устиларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиладилар. Улар душмандирлар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг! Уларни Аллоҳ урсин! (Ҳақиқат турганда улар) қаёққа оғиб кетмоқдалар?!

9-оят. Жумъа намози фазилатлари ҳадисларда кўп зикр этилган. Беузр унда қатнашмаслик қаттиқ қораланади. Абу Ҳанифа (рҳ.) наздида жумъа намозини ўқиш учун камида тўрт киши, Абу Юсуф (рҳ.) наздида уч киши, Ҳ. Басрий (рҳ.) наздида икки киши, Имом Шофиий (рҳ.) наздида қирқ киши бўлиши шарт (Хз.).

11-оят. Мадинада жумъа намози олдидан Расул (а.с.) минбарда хутба айтиб турганларида тижоратчилар карвони юк билан келиб қолади. Буни сезган намозхонларнинг кўпчилиги намозни тарк этиб, карвон сари кетиб қоладилар.

63. МУНОФИҚУН СУРАСИ
Мунофиқ – тилида имон келтириб, дилида куфрни яширган кишидир. Сурада мунофиқларнинг қилмишлари, охират ҳақида эслатма ва ўгитлар мавжуд.

5. Қачонки, уларга: «Келингиз, Аллоҳнинг пайғамбари сизлар учун мағфират сўрасин!», – дейилса, албатта, улар бошларини буриб кетурлар ва уларни кибрланган ҳолларида юз ўгиришларини кўрасиз*.

6. (Эй,Муҳаммад!) Сиз улар учун мағфират сўрадингизми ёки мағфират сўрамадингизми – уларга баробардир – Аллоҳ уларни сира мағфират қилмас. Албатта, Аллоҳ фосиқлар қавмини ҳидоят сари йўлламас*.

7. Улар (ўзларининг тобеларига): «Аллоҳнинг пайғамбари ҳузуридаги кишиларга эҳсон қилмангиз, токи улар тарқалиб кетсинлар!», – дейдиган кимсалардир. Ҳолбуки, осмонлар ва Ер хазиналари фақат Аллоҳникидир. Лекин мунофиқлар (буни) англамаслар.

8. Улар: «Қасамки, агар (Бани Мусталиқ жангидан) Мадинага қайтсак, албатта, кучлилар кучсизларни ундан (ҳайдаб) чиқарур», – дерлар. Ҳолбуки, куч-қудрат фақат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмаслар.

9. Эй, имон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Унга ибодат қилишдан) чалғитиб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир.

10. Сизларнинг (ҳар) бирингизга ўлим келганда: «Эй, Раббим! Мени озгина (тирик) қолдирсанг-чи, мен садақа қилиб, солиҳ (банда)лардан бўлсам!», – деб қолишидан илгари Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилингиз!

وَإِذَا قِيلَ لَهُمْ تَعَالَوْا يَسْتَغْفِرْ لَكُمْ رَسُولُ ٱللَّهِ لَوَّوْا رُءُوسَهُمْ
وَرَأَيْتَهُمْ يَصُدُّونَ وَهُم مُّسْتَكْبِرُونَ ﴿٥﴾ سَوَآءٌ عَلَيْهِمْ
أَسْتَغْفَرْتَ لَهُمْ أَمْ لَمْ تَسْتَغْفِرْ لَهُمْ لَن يَغْفِرَ ٱللَّهُ لَهُمْ إِنَّ
ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلْفَٰسِقِينَ ﴿٦﴾ هُمُ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ
لَا تُنفِقُوا عَلَىٰ مَنْ عِندَ رَسُولِ ٱللَّهِ حَتَّىٰ يَنفَضُّوا وَلِلَّهِ
خَزَآئِنُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَٰكِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَا يَفْقَهُونَ
﴿٧﴾ يَقُولُونَ لَئِن رَّجَعْنَآ إِلَى ٱلْمَدِينَةِ لَيُخْرِجَنَّ ٱلْأَعَزُّ
مِنْهَا ٱلْأَذَلَّ وَلِلَّهِ ٱلْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِۦ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَٰكِنَّ
ٱلْمُنَٰفِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٨﴾ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ
أَمْوَٰلُكُمْ وَلَآ أَوْلَٰدُكُمْ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ وَمَن يَفْعَلْ
ذَٰلِكَ فَأُولَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْخَٰسِرُونَ ﴿٩﴾ وَأَنفِقُوا مِن مَّا رَزَقْنَٰكُم
مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِىَ أَحَدَكُمُ ٱلْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَآ أَخَّرْتَنِىٓ
إِلَىٰٓ أَجَلٍ قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقَ وَأَكُن مِّنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿١٠﴾ وَلَن
يُؤَخِّرَ ٱللَّهُ نَفْسًا إِذَا جَآءَ أَجَلُهَا وَٱللَّهُ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ ﴿١١﴾

آياتها ١٨ سُورَةُ التَّغَابُنِ ترتيبها ٦٤

11. Аллоҳ бирор жонни ажали келганида кечга қолдирмас. Аллоҳ қилаётган (барча) амалларингиздан хабардордир.

Тағобун *сураси*

Мадинада нозил қилинган. 18 оят.

5-оят. Бу оятлар машҳур мунофиқ Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳақида нозил қилинган. У муҳожирларни ҳақорат қилиб, сўнгра қасам ичиб қилмишидан тонган ва Расул (а.с.) ҳузурига бориб узр сўрашдан бош тортган. Кибру ҳавоси бунга йўл қўймаган. Оят билан унинг ёлғон гапи фош бўлгач, уни Умар (рз.) қатл қилмоқчи бўлганида Расул (а.с.) рухсат бермаганлар (Мд.).

6-оят. Аллоҳ таоло мунофиқларга ўлимдан ҳам қаттиқ хабарни билдирди. У ҳам бўлса улар номидан Пайғамбар истиғфор айтса ҳам кечирмаслиги ва уларни ҳидоят сари йўлламаслигидир. Зеро, гуноҳкор ва гумроҳ ҳолида охиратга сафар қилишнинг оқибати қандай хатарли экани маълум. Суранинг бошидан 8-оятигача мунофиқлар хусусида зикр этилган.

64. ТАҒОБУН СУРАСИ

“Тағобун” – бир-бирини муомалада алдашдир. Сурада қиёмат куни ва қайта тирилишнинг ҳақлиги, бу дунёнинг бевафо ва муваққатлиги, оила ва фарзандларга муносабат, итоаткор бўлишга даъват ва бошқа илоҳий кўрсатмалар ўз ифодасини топган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ
يُسَبِّحُ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ ۖ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ ۖ
وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿١﴾ هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ فَمِنكُمْ كَافِرٌ
وَمِنكُم مُّؤْمِنٌ ۚ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢﴾ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ وَصَوَّرَكُمْ فَأَحْسَنَ صُوَرَكُمْ ۖ وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ ﴿٣﴾
يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُسِرُّونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ۚ وَاللَّهُ
عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ ﴿٤﴾ أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَبَأُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِن قَبْلُ
فَذَاقُوا وَبَالَ أَمْرِهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٥﴾ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُ كَانَت تَّأْتِيهِمْ
رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَقَالُوا أَبَشَرٌ يَهْدُونَنَا فَكَفَرُوا وَتَوَلَّوا ۚ وَّاسْتَغْنَى
اللَّهُ ۚ وَاللَّهُ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿٦﴾ زَعَمَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَن لَّن يُبْعَثُوا ۚ قُلْ بَلَىٰ وَرَبِّي
لَتُبْعَثُنَّ ثُمَّ لَتُنَبَّؤُنَّ بِمَا عَمِلْتُمْ ۚ وَذَٰلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٧﴾ فَآمِنُوا بِاللَّهِ
وَرَسُولِهِ وَالنُّورِ الَّذِي أَنزَلْنَا ۚ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٨﴾ يَوْمَ
يَجْمَعُكُمْ لِيَوْمِ الْجَمْعِ ۖ ذَٰلِكَ يَوْمُ التَّغَابُنِ ۗ وَمَن يُؤْمِن بِاللَّهِ وَيَعْمَلْ
صَالِحًا يُكَفِّرْ عَنْهُ سَيِّئَاتِهِ وَيُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا
الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ۚ ذَٰلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٩﴾

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Осмонлардаги ва Ердаги (ҳамма) нарса Аллоҳга тасбеҳ айтур. Ҳукмронлик фақат Уникидир ва ҳамд ёлғиз Унга хосдир. У ҳар нарсага қодирдир.

2. У сизларни яратган зотдир. Бас, сизлардан (баъзиларингиз) кофир ва сизлардан (баъзиларингиз) мўминдир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир.

3. У осмонлар ва Ерни ҳақиқат (ҳикмат) билан яратди ва сизларга сурат (шакл) берди – суратларингизни гўзал қилди*. Қайтиш фақат Унинг ҳузуригадир.

4. У осмонлар ва Ердаги (ҳамма) нарсани билур. Аллоҳ диллардаги сирларни билувчидир.

5. (Эй, Макка кофирлари!) Сизларга олдин кофир бўлиб, сўнгра (шу дунёдаёқ) ўз ишларининг зиёнини тотган кимсаларнинг хабари келмадими?! Яна уларга (охиратда) аламли азоб ҳам бордир.

6. Бунга сабаб, уларга пайғамбарлари ҳужжатларни келтирганларида, улар: «Бизларни (ўзимизга ўхшаган) башар (авлодлари) ҳидоят қиладиларми?!», – дейишиб, кофир бўлганлари ва (имондан) юз ўгириб кетганларидир. (Шунда) Аллоҳ ўзининг бой эканини кўрсатди. Аллоҳ беҳожат ва ҳамдга лойиқ зотдир.

7. Кофир бўлган кимсалар ўзларини ҳеч қачон қайта тирилмаймиз, деб гумон қилдилар. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «Йўқ! Раббимга қасамки, албатта, қайта тирилтирилурсиз, сўнгра, албатта, сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир».

8. Бас, сизлар Аллоҳга, Унинг пайғамбарига ва Биз нозил қилган Нурга (Қуръонга) имон келтирингиз! Аллоҳ қилаётган (барча) амалларингиздан хабардордир.

9. (Аллоҳ) сизларни тўплайдиган «тўпланиш куни»ни (эслангиз)! Бу (одамлар) ўзаро алданиб қоладиган кундир. Кимки Аллоҳга имон келтирган ва яхши амал қилган бўлса, (Аллоҳ) унинг ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчирур ва уни остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий қолинадиган жаннатларга киритур. Бу эса, (мўминлар учун) улкан мукофотдир.

3-оят. “Тин” сурасининг 4-ояти билан бир хил мазмундаги бу оятнинг ҳақиқатга қанчалик тўғри келишига мисол қилиб айтганларки, инсон ҳамма жонзот ва ҳайвонот турларидан гўзал эканидан у уларнинг бирортасига ўхшаш сурат ва шаклда яратилмаганига афсусланмайди, ҳавас ҳам қилмайди. Тўғри, шоирлар маҳбубалар юзини ойга, қоматини сарв дарахтига, сочини занжирга ўхшатиб мадҳ этадилар. Лекин бу жузъий ва хаёлий қиёсдир. Балоғат фанида, шеъриятда бу каби ташбеҳлар жоиз. Улардан мажозий маънолар мақсад қилиб олинади. Ҳақиқат эса, ўз моҳиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Ўхшатишлардан эса, жузъий маънода фойдаланилади.

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَآ أُوْلَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ
ٱلنَّارِ خَٰلِدِينَ فِيهَاۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٠﴾ مَآ أَصَابَ مِن
مُّصِيبَةٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِۗ وَمَن يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ يَهْدِ قَلْبَهُۥۚ وَٱللَّهُ بِكُلِّ
شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١١﴾ وَأَطِيعُواْ ٱللَّهَ وَأَطِيعُواْ ٱلرَّسُولَۚ فَإِن
تَوَلَّيْتُمْ فَإِنَّمَا عَلَىٰ رَسُولِنَا ٱلْبَلَٰغُ ٱلْمُبِينُ ﴿١٢﴾ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ
إِلَّا هُوَۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١٣﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِنَّ مِنْ أَزْوَٰجِكُمْ وَأَوْلَٰدِكُمْ عَدُوًّا
لَّكُمْ فَٱحْذَرُوهُمْۚ وَإِن تَعْفُواْ وَتَصْفَحُواْ وَتَغْفِرُواْ
فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿١٤﴾ إِنَّمَآ أَمْوَٰلُكُمْ وَأَوْلَٰدُكُمْ
فِتْنَةٌۚ وَٱللَّهُ عِندَهُۥٓ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾ فَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ مَا ٱسْتَطَعْتُمْ
وَٱسْمَعُواْ وَأَطِيعُواْ وَأَنفِقُواْ خَيْرًا لِّأَنفُسِكُمْۗ وَمَن
يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِۦ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿١٦﴾ إِن تُقْرِضُواْ
ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا يُضَٰعِفْهُ لَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْۚ وَٱللَّهُ شَكُورٌ
حَلِيمٌ ﴿١٧﴾ عَٰلِمُ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٨﴾

سُورَةُ ٱلطَّلَاقِ — آياتها ١٢ — ترتيبها ٦٥

10. Кофир бўлган ва оятларимизни инкор этган кимсалар – ана ўшалар дўзах аҳли бўлиб, ўша жойда мангу қолувчидирлар. Нақадар ёмон оқибат бу!

11. (Инсонга) бирор мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина (етур). Кимки Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қилур. Аллоҳ ҳар нарсани билувчидир.

12. Аллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга бўйин сунингиз! Бас, агар (итоатдан) бош тортсангиз, у ҳолда (билингизки) Бизнинг (юборган) пайғамбаримиз зиммасида фақат (ваҳийларимизни сизларга) аниқ етказиш бор, холос.

13. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, мўминлар фақат Аллоҳгагина таваккул қилсинлар!

14. Эй, мўминлар! Албатта, хотинларингиз ва фарзандларингиздан сизлар учун душман (бўладиганлари) ҳам бордир. Бас, улардан эҳтиёт бўлингиз! Агар сизлар (уларни) афв этсангиз, койимасангиз ва кечирсангиз, у ҳолда, албатта, Аллоҳ (ҳам сизларга нисбатан) мағфиратли ва раҳмлидир*.

15. Сизларнинг мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фақат бир синовдир. Улуғ мукофот эса Аллоҳнинг ҳузуридадир.

16. Бас, тоқатингиз етганича Аллоҳга тақвода бўлингиз, (насиҳатга) қулоқ тутингиз ва итоат этингиз ҳамда эҳсон қилингиз, (мана шу) ўзларингиз учун яхшироқдир. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, айнан ўшалар нажот топувчидирлар.

17. Агар сизлар Аллоҳга «қарзи ҳасана» берсангиз (муҳтожларга эҳсон қилсангиз), У сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур ва (гуноҳларингизни) мағфират қилур. Аллоҳ миннатдор (оз олиб, кўп берувчи) ва ҳалимдир.

18. (У) яширин ва ошкора ишларни билувчи, (буюк) қудрат ва (етук) ҳикмат соҳибидир.

Талоқ сураси

Мадинада нозил қилинган. 12 оят.

14-оят. Исломга кирган айрим маккалик кишилар Пайғамбар (а.с.) ҳижратларидан кейин Мадинага кўчиб кетмоқчи бўлганларида хотинлари ва фарзандлари қаршилик қилган. Кейинроқ билсалар, ҳижрат қилган мусулмонлар диний билимлардан анчагина эгаллаб олишга улгурибдилар. Шунда аламларидан хотин ва фарзандларини койиганларида шу оят нозил қилинган (Лс.).

65. ТАЛОҚ СУРАСИ

Эридан ажраган, яъни талоқ қилинган аёл қанча идда ўтириши, уни то иддаси чиққунга қадар жой ва нафақа билан таъминлаб туриш эрнинг бурчи экани, Пайғамбар (а.с.)нинг ўз умматларига нисбатан жаҳолат зулматидан имон нури сари етаклаб чиқувчи халоскор эканлари ва бошқа илоҳий насиҳатлар бу сурадан жой олган.

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِيُّ إِذَا طَلَّقْتُمُ ٱلنِّسَآءَ فَطَلِّقُوهُنَّ لِعِدَّتِهِنَّ وَأَحْصُوا۟
ٱلْعِدَّةَ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ رَبَّكُمْ ۖ لَا تُخْرِجُوهُنَّ مِنۢ بُيُوتِهِنَّ
وَلَا يَخْرُجْنَ إِلَّآ أَن يَأْتِينَ بِفَٰحِشَةٍ مُّبَيِّنَةٍ ۚ وَتِلْكَ حُدُودُ
ٱللَّهِ ۚ وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ ٱللَّهِ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُۥ ۚ لَا تَدْرِى لَعَلَّ
ٱللَّهَ يُحْدِثُ بَعْدَ ذَٰلِكَ أَمْرًا ﴿١﴾ فَإِذَا بَلَغْنَ أَجَلَهُنَّ فَأَمْسِكُوهُنَّ
بِمَعْرُوفٍ أَوْ فَارِقُوهُنَّ بِمَعْرُوفٍ وَأَشْهِدُوا۟ ذَوَىْ عَدْلٍ مِّنكُمْ
وَأَقِيمُوا۟ ٱلشَّهَٰدَةَ لِلَّهِ ۚ ذَٰلِكُمْ يُوعَظُ بِهِۦ مَن كَانَ يُؤْمِنُ
بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ ۚ وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجْعَل لَّهُۥ مَخْرَجًا ﴿٢﴾ وَيَرْزُقْهُ
مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ ۚ وَمَن يَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُۥٓ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ
بَٰلِغُ أَمْرِهِۦ ۚ قَدْ جَعَلَ ٱللَّهُ لِكُلِّ شَىْءٍ قَدْرًا ﴿٣﴾ وَٱلَّٰٓـِٔى يَئِسْنَ
مِنَ ٱلْمَحِيضِ مِن نِّسَآئِكُمْ إِنِ ٱرْتَبْتُمْ فَعِدَّتُهُنَّ ثَلَٰثَةُ أَشْهُرٍ
وَٱلَّٰٓـِٔى لَمْ يَحِضْنَ ۚ وَأُو۟لَٰتُ ٱلْأَحْمَالِ أَجَلُهُنَّ أَن يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ ۚ
وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يَجْعَل لَّهُۥ مِنْ أَمْرِهِۦ يُسْرًا ﴿٤﴾ ذَٰلِكَ أَمْرُ ٱللَّهِ أَنزَلَهُۥٓ
إِلَيْكُمْ ۚ وَمَن يَتَّقِ ٱللَّهَ يُكَفِّرْ عَنْهُ سَيِّـَٔاتِهِۦ وَيُعْظِمْ لَهُۥٓ أَجْرًا ﴿٥﴾

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Эй, Пайғамбар! Қачонки, сизлар (мўминлар) хотинларингизни талоқ қилсангиз, уларнинг иддаларида (поклик пайтларида) талоқ қилингиз ва иддани санангиз!* Раббингиз – Аллоҳдан қўрқингиз! (Идда тугагунча) уларни (яшаб турган) уйларидан (ҳайдаб) чиқармангиз ва улар ҳам ўзларича чиқиб кетмасинлар! Фақат улар очиқ фаҳш (бузуқлик ёки идда ўтмай чиқиб кетиш каби) ишни қилсаларгина (уйларидан чиқарилурлар). Бу Аллоҳнинг чегараларидир. Кимки, Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, демак, у ўзига зулм қилибди. Сиз билмассиз, эҳтимол, Аллоҳ бу (талоқ)дан кейин бирор ишни пайдо қилар.

2. Бас, қачонки, (талоқ қилинган аёллар идда) муддатига етсалар, бас, уларни яхшилик билан олиб қолингиз ёки яхшилик билан (маҳрларини бериб) ажрашингиз! Ва (ярашаётган ёки ажралишаётганда) ўзларингиздан (мусулмонлардан) икки адолатли гувоҳни ҳозир қилингиз ва гувоҳликни Аллоҳ учун баркамол адо этингиз! Бу (ҳукм)дан фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирувчи киши ўгит олур. Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур.

3. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур. Кимки Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ ўзи (хоҳлаган) ишига етувчидир. Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир.

4. Хотинларингиз орасидаги (кексайиб) ҳайз кўришдан умид узганлари, агар сизлар (иддалари хусусида) шубҳалансангиз, бас, (билингизки) уларнинг иддалари уч ойдир, яна (бирор марта) ҳайз кўрмаганларнинг (иддалари) ҳам. Ҳомиладорларнинг (идда) муддатлари ҳомилаларини қўйишлари (кўз ёришлари)дир. Кимки Аллоҳга тақво қилса, (Аллоҳ) унинг ишини осон қилур.

5. Бу Аллоҳнинг сизларга нозил қилган амридир. Кимки Аллоҳга тақво қилса, унинг ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчирур ва унинг мукофотини буюк қилур.

1-оят. Оят ва ҳадислардан келиб чиқиб, фуқаҳолар “абғазул-ҳалол”, яъни рухсат этилган, лекин Аллоҳга ёқимсиз саналмиш талоқ масаласини чуқур таҳлил этганлар. Фақат зарурат тақозоси билан талоқ қилиш жоиз деб билган ҳолда, эр агар суннатга мувофиқ бўлсин деса, хотини ҳайздан пок бўлган пайтида, жинсий алоқа қилмай туриб бир талоқ қўяди. Агар буларнинг аксини қилса, бидъат иш қилган бўлади, лекин айтган талоғи тушаверади. Оятларда талоқ масалалари аниқ баён этилган. Лекин талоқ турлари, шартлари ва унга доир фатволардан чуқурроқ хабардор бўлмаган кишилар ўзларича ҳукм чиқармасдан бу каби мураккаб масалаларни муфтий, қози мақомидаги уламоларга ҳавола қилишлари мақсадга мувофиқдир.

أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنتُم مِّن وُجْدِكُمْ وَلَا تُضَآرُّوهُنَّ لِتُضَيِّقُوا
عَلَيْهِنَّ وَإِن كُنَّ أُولَٰتِ حَمْلٍ فَأَنفِقُوا عَلَيْهِنَّ حَتَّىٰ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّ
فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَـَٔاتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ وَأْتَمِرُوا بَيْنَكُم بِمَعْرُوفٍ وَإِن
تَعَاسَرْتُمْ فَسَتُرْضِعُ لَهُۥٓ أُخْرَىٰ ﴿٦﴾ لِيُنفِقْ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِۦ
وَمَن قُدِرَ عَلَيْهِ رِزْقُهُۥ فَلْيُنفِقْ مِمَّآ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ لَا يُكَلِّفُ ٱللَّهُ نَفْسًا
إِلَّا مَآ ءَاتَىٰهَا سَيَجْعَلُ ٱللَّهُ بَعْدَ عُسْرٍ يُسْرًا ﴿٧﴾ وَكَأَيِّن مِّن قَرْيَةٍ
عَتَتْ عَنْ أَمْرِ رَبِّهَا وَرُسُلِهِۦ فَحَاسَبْنَٰهَا حِسَابًا شَدِيدًا وَعَذَّبْنَٰهَا
عَذَابًا نُّكْرًا ﴿٨﴾ فَذَاقَتْ وَبَالَ أَمْرِهَا وَكَانَ عَٰقِبَةُ أَمْرِهَا خُسْرًا ﴿٩﴾
أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُمْ عَذَابًا شَدِيدًا فَٱتَّقُوا ٱللَّهَ يَٰٓأُولِى ٱلْأَلْبَٰبِ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا
قَدْ أَنزَلَ ٱللَّهُ إِلَيْكُمْ ذِكْرًا ﴿١٠﴾ رَّسُولًا يَتْلُوا عَلَيْكُمْ ءَايَٰتِ ٱللَّهِ مُبَيِّنَٰتٍ
لِّيُخْرِجَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ
وَمَن يُؤْمِنۢ بِٱللَّهِ وَيَعْمَلْ صَٰلِحًا يُدْخِلْهُ جَنَّٰتٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا
ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا قَدْ أَحْسَنَ ٱللَّهُ لَهُۥ رِزْقًا ﴿١١﴾ ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ
سَبْعَ سَمَٰوَٰتٍ وَمِنَ ٱلْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَتَنَزَّلُ ٱلْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوٓا أَنَّ
ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ ٱللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَىْءٍ عِلْمًۢا ﴿١٢﴾

6. Уларга (талоқ иддасини сақлаётган хотинларингизга) ўзларингиз маскан тутган жойдан тоқатингизга қараб жой берингиз ва уларни (турган жойларидан) сиқиб чиқариш мақсадида уларга зарар етказмангиз! Агар улар ҳомиладор бўлсалар, у ҳолда, то ҳомилаларини қўйгунларича, уларга нафақа бериб турингиз!* Бас, агар (талоқ қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар, у ҳолда уларнинг ҳақларини берингиз! (Эмизиш хусусида) яхшилик билан ўзаро келишиб олингиз! Агар (келиша олмасдан) танг ҳолга тушсангиз, бас, у (ота) учун (боласини) бошқа (бир аёл) эмизур.

7. Бой киши ўз бойлигидан нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда, Аллоҳ унга ато этган нарсадан (ҳолига яраша) нафақа берсин! Аллоҳ ҳеч бир жонни Ўзи унга ато этган (ризқ)дан бошқа нарсага таклиф қилмас. Аллоҳ танглик (камбағаллик)дан кейин енгиллик (бойлик)ни ҳам пайдо қилур.

8. Қанчадан-қанча (ўтмишда) шаҳарлар аҳолиси ўзларининг Парвардигори ва пайғамбарлари амридан бош тортдилар, бас, Биз уларни қаттиқ ҳисоб-китоб қилдик ва хунук азоб (турлари) билан азобладик.

9. Бас, (шаҳарларнинг аҳли) ўз қилмишларининг уволини тотдилар ва бу ишларининг оқибати (ўзлари учун) зиён кўриш бўлди.

10. Аллоҳ уларга (яна охиратда ҳам) қаттиқ азобни тайёрлаб қўйгандир. Бас, эй, имон келтирган ақл эгалари! Аллоҳдан қўрқингиз! Дарвоқе, У зот, сизларга Зикрни (Қуръон)ни нозил қилди.

11. Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Аллоҳнинг баён этувчи оятларини тиловат қиладиган пайғамбарни (Муҳаммадни юборди). Кимки Аллоҳга имон келтирса ва солиҳ амал қилса, (Аллоҳ) уни остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий қолинадиган (жаннатдаги) боғларга киритур. Ҳақиқатан, Аллоҳ унинг учун гўзал ризқ (жаннат ризқини ато) этган бўлур.

12. Аллоҳ етти осмонни ва Ердан ҳам ўшанча миқдорни (етти қаватни) яратган зотдир. (Аллоҳнинг) амри (фармони) уларнинг (осмон ва Ер) ўртасида нозил бўлиб турар. Токи сизлар Аллоҳнинг барча нарсага қодир эканини ва Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан иҳота қилиб олганини билишларингиз учун (У шундай қилди).

6-оят. Талоқ қилинган хотинга эрининг берадиган муваққат нафақасига оид шартлар хусусида уламолар ўртасида баъзи фарқлар бор. Масалан, “ражъий” талоқ қилинган хотинга иддаси чиққунга қадар жой, таом, кийим билан таъминлаб туришнинг вожиб эканида ихтилоф йўқ. Аммо “боин” ва уч талоқ қилинган хотин нафақаси хусусида турли қарашлар мавжуд. Масалан, Ибн Аббос (рз.), Ҳ. Басрий, Шаъбий, Шофиий ва Аҳмад (рҳ.)лар ҳомила бўлмаса нафақа вожиб эмас, дейдилар. Ибн Масъуд (рз.), Иброҳим Нахаий, Саврий ва ҳанафий уламолари наздида ҳар қандай ҳолатда ҳам талоқ қилинган аёлга иддаси чиққунгача нафақа вожиб саналади (Хз. Мд. Лс.).



Таҳрим сураси

Мадинада нозил қилинган. 12 оят

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, Пайғамбар! Нега хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ Сиз учун ҳалол қилган нарсани (асални) ҳаром қилиб олурсиз! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир*.

2. Дарвоқе, Аллоҳ сизлар учун (маълум миқдорда каффорат – жарима тўлаб) қасамларингизни ҳалоллаб олишни фарз қилган. Аллоҳ хожаларингиздир. У (барча нарсани) билувчи ва (етук) ҳикмат соҳибидир.

3. Пайғамбар хотинларидан бирига (Ҳафсага) бир гапни (чўриси Мория талоғи ва халифаликни) хуфёна айтганини эсланг! Бас, қачонки, (Ҳафса) у (сир) ҳақида (Ойшага) хабар бергач, Аллоҳ уни бундан воқиф қилди ва у (Ҳафсага ўзи билган нарсанинг) баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди (билдирмади). Бас, қачонки, (Пайғамбар Ҳафсага) хабарни айтгач, у: «Ким Сизга бу хабарни берди?», – деди, (Пайғамбар): «Менга билувчи ва хабардор зот (Аллоҳ) хабар берди», – деди.

4. (Эй, Ҳафса ва Ойша!) Агар сизлар Аллоҳга тавба қилсангиз (ўзларингизга яхши). Чунки дилларингиз (ҳақ йўлдан) тойиб кетди! (Аммо) агар сизлар унинг (Пайғамбарнинг) зарарига ҳамкорлик қилсангиз, у ҳолда, шубҳасиз, Аллоҳнинг ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг ҳимоячисидирлар. Яна, булардан кейин фаришталар ҳам (Пайғамбарга ҳамма ишларида) ёрдамчидир.

5. (Унинг) Парвардигори – агар у сизларни талоқ қилса – унга сизлардан яхшироқ жуфтларни – муслима, мўмина (Аллоҳ ва унинг пайғамбарига) итоат этувчи, тавба-тазарру қилувчи, обида, (мудом Аллоҳнинг йўлида) юрувчи жувон ва қизларни алмаштириб бериши мумкин.

6. Эй, имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангизки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар).

7. Эй, кофир бўлганлар! Бугун узр айтмай қўя қолингиз! Сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз билан жазоланурсиз.

---

66. ТАҲРИМ СУРАСИ

“Таҳрим” – ҳаром қилиш, тақиқлаш. Сурада Пайғамбар (а.с.) билан манкуҳалар ўрталарида ўтган баъзи можаролар, оила ва фарзанд тарбияси, тавба қилишга тарғиб ва ниҳоят, Нуҳ ва Лут (а.с.)лардек пайғамбарларнинг аёллари кофир бўлгани, Фиръавндек кофирнинг аёли Осия ва шунингдек, Биби Марям бинт Имронлар эса мўмина ва солиҳа бўлганлари баён этилган.

1-оят. Пайғамбар (а.с.) бир куни Зайнаб бинт Жаҳш исмли хотинлари ҳузурида асал истеъмол қилиб бироз қолиб кетадилар. Буни пайқаган бошқа хотинлари – Ойша билан Ҳафса оналаримизнинг рашклари келиб, ул зотни “жазолаб қўйишга” ўзаро келишиб оладилар ва Он ҳазрат чиқишлари билан: "Оғзингиздан бадбўй ҳид келмоқда, нима едингиз?", – дейдилар. Бадбўй ҳидни ёқтирмайдиган Пайғамбар (а.с.) бироз қизишиб: "Асал егандим", – дейдилар ва бундан кейин асал емасликка қасамёд қиладилар (Бх.).

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ تُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ
أَن يُكَفِّرَ عَنكُمْ سَيِّـَٔاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُمْ جَنَّٰتٍ تَجْرِى
مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ يَوْمَ لَا يُخْزِى ٱللَّهُ ٱلنَّبِىَّ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ
مَعَهُۥ نُورُهُمْ يَسْعَىٰ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَٰنِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَآ
أَتْمِمْ لَنَا نُورَنَا وَٱغْفِرْ لَنَآ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ٨
يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّبِىُّ جَٰهِدِ ٱلْكُفَّارَ وَٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱغْلُظْ عَلَيْهِمْ
وَمَأْوَىٰهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ ٩ ضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا
لِّلَّذِينَ كَفَرُواْ ٱمْرَأَتَ نُوحٍ وَٱمْرَأَتَ لُوطٍ كَانَتَا تَحْتَ
عَبْدَيْنِ مِنْ عِبَادِنَا صَٰلِحَيْنِ فَخَانَتَاهُمَا فَلَمْ يُغْنِيَا عَنْهُمَا
مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا وَقِيلَ ٱدْخُلَا ٱلنَّارَ مَعَ ٱلدَّٰخِلِينَ ١٠
وَضَرَبَ ٱللَّهُ مَثَلًا لِّلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱمْرَأَتَ فِرْعَوْنَ إِذْ
قَالَتْ رَبِّ ٱبْنِ لِى عِندَكَ بَيْتًا فِى ٱلْجَنَّةِ وَنَجِّنِى مِن فِرْعَوْنَ
وَعَمَلِهِۦ وَنَجِّنِى مِنَ ٱلْقَوْمِ ٱلظَّٰلِمِينَ ١١ وَمَرْيَمَ ٱبْنَتَ
عِمْرَٰنَ ٱلَّتِىٓ أَحْصَنَتْ فَرْجَهَا فَنَفَخْنَا فِيهِ مِن رُّوحِنَا
وَصَدَّقَتْ بِكَلِمَٰتِ رَبِّهَا وَكُتُبِهِۦ وَكَانَتْ مِنَ ٱلْقَٰنِتِينَ ١٢

8. Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса! У кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга имон келтирганларни шармисор қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрар. Улар: «Эй, Раббимиз! Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират этгин. Албатта, Сен ҳар нарсага қодирдирсан», – дерлар.

9. Эй, Пайғамбар! Кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга нисбатан (Сиз ҳам) дағаллик қилинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар мудҳиш қисмат бу!*

10. Аллоҳ кофир бўлган кимсалар ҳақида Нуҳнинг хотини ва Лутнинг хотинини мисол келтирди*. У иккиси Бизнинг бандаларимиздан икки солиҳ банданинг (қўл) остида эдилар. Бас, у (аёл)лар уларга хиёнат қилдилар. (Нуҳ ва Лут) Аллоҳ(нинг азоби)дан бирор нарсани у иккисидан даф қила олмадилар. (Уларга): «Кирувчилар билан бирга дўзахга кирингиз!», – дейилди.

11. Аллоҳ имон келтирган зотлар ҳақида Фиръавннинг хотинини мисол келтирди. Ўшанда у: «Эй, Раббим! Ўзинг мен учун ҳузурингда (жаннатда) бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин. Мени золимлар қавмидан халос этгин!», – деди*.

12. Яна ўз номусини сақлаган аёл – Марям бинт Имронни (мисол келтирди). Бас, Биз ўз (даргоҳимиздаги) руҳимиздан унга пуфладик (ва у Исога ҳомиладор бўлди). У Парвардигорининг сўзларини ва китобларини тасдиқ этди ҳамда (Унинг амрига) итоат этувчилардан бўлди.

9-оят. Куфр ва нифоқ аҳлига нисбатан муносабатнинг бу қадар салбийлашувига уларнинг ўзлари сабаб бўлгани ҳақида “Тавба” сураси, 73-оят тафсирида айтиб ўтилди.

10-оят. Яъни шундай улуғ пайғамбарлар билан бирга турмуш қуриб, ҳамхона бўлишларига қарамай, уларнинг хотинлари ёвузликларича қолдилар ва Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўлдилар.

11-оят. Фиръавннинг хотини Осия Мусо (а.с.)га имон келтирганидан хабар топгач, эри уни қаттиқ жазолайди. Шунда у Аллоҳ таолога мазкур илтижони қилади. “Руҳул-маоний” тафсирида “Духон” сурасининг 54-оятига ёзилган тафсирда жумладан шундай дейилади: “Жаннатга кофирнинг имон келтириб ўтган хотини кирса, Аллоҳ таоло уни Ўзи хоҳлаган жаннат аҳлига хотинликка беради. Шу жумладан Фиръавннинг хотини Осия ҳам Муҳаммад (а.с.)нинг хотинлари сафига қўшилиши ривоят қилинган. Шунингдек, бу дунёда бир киши бир неча хотинга уйланган бўлса, уларнинг талоқ қилинмаганлари жаннатда эри билан бирга бўладилар. Аёл киши бир неча эрга теккан бўлса, у охирги эри билан бирга бўлади. Эрга чиқмай оламдан ўтган аёллар, хоҳ улар балоғат ёшига етган ёки етмаган бўлсин Аллоҳ уни Ўзи хоҳлаган кишига беради” (Ол.).



ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ПОРА

Мулк сураси

Маккада нозил қилинган. 30 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Мутлақ) ҳукмронлик «қўли»да бўлган зот – Аллоҳ баракотли (буюк)дир ва У ҳар нарсага қодирдир.

2. (У) сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ (савоблироқ) амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва кечиримлидир

3. (У) етти осмонни қатма-қат қилиб яратган зотдир. (Эй, инсон!) Раҳмоннинг яратишида бирор тафовутни (нуқсонни) кўрмайсан. Бас, кўзингни яна (самога) қайтаргин-чи, (унда) бирор ёриқни кўрармикансан?

4. Сўнгра кўзингни қайта-қайта (самога) қарат, кўзинг сенга хор ва толиққан ҳолда қайтур.

5. Ҳақиқатан, Биз (Ерга) яқин осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик. Яна улар (шайтонлар) учун (охиратда) дўзах азобини ҳам тайёрлаб қўйгандирмиз.

6. Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу!

7. Қачонки, улар (жаҳаннамга) ташланганларида, қайнаб турган (жаҳаннамнинг) ўкирик (фарёди)ни эшитурлар.

8. У ғазабдан парчаланиб кетгудек бўлур. Ҳар гал унга бир тўда (кофир бўлганлар) ташланганида, унинг қўриқчилари улардан: «Сизларга (дунёда бирор) огоҳлантирувчи (пайғамбар) келмаганмиди?», – деб сўрайдилар.

9. (Улар) дерлар: «Ҳа, ҳақиқатан, бизга огоҳлантирувчи келган эди, (лекин бизлар уни) ёлғончига чиқарганмиз ва: «Аллоҳ (ҳеч кимга) ҳеч нарса нозил қилган эмас, сизлар фақат катта залолат (гумроҳлик)дадирсиз», – деганмиз.

10. Улар (кофирлар) яна: «Агар бизлар (пайғамбар сўзларини) тинглаб, ақл юргизувчи бўлганимизда, дўзах аҳлидан бўлмас эдик»,– дерлар.

11. Бас, улар ўз гуноҳларини (шу тарзда) эътироф этадилар. Энди, дўзах аҳлига (Аллоҳнинг раҳматидан) узоқлик бўлгай!

12. Парвардигорларидан ғойибона қўрқадиган зотлар учун эса, (охиратда) мағфират ва катта мукофот бордир.

---

67. МУЛК СУРАСИ

“Мулк” – подшоҳлик, ҳукмронлик. Ўзбек тилида “мулк” сўзи бу маънода кам ишлатилиб, бойлик, ашё, хусусий ёки давлат мулки каби мазмунларда кўпроқ ишлатилади.

Сурада Ер, осмон ва бошқа мавжудотларни яратишдаги Аллоҳнинг ҳикмат ва қудрати, имонсиз ўтганларнинг охиратдаги надоматлари, ризқ-рўзи талаб қилиш, ҳидоят ва залолат каби мавзулар мужассамдир.

Ҳадисда: “Қуръонда 30 оятли бир сура борки, уни ўқиганни у шафоат қилади, ҳатто, қиёмат куни дўзахдан халос этиб жаннатга киришига сабаб бўлади. У “Таборак” сурасидир” деб башорат берилган (Тр.).

وَأَسِرُّوا۟ قَوْلَكُمْ أَوِ ٱجْهَرُوا۟ بِهِۦٓ ۖ إِنَّهُۥ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿١٣﴾ أَلَا
يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ ٱللَّطِيفُ ٱلْخَبِيرُ ﴿١٤﴾ هُوَ ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ
ٱلْأَرْضَ ذَلُولًا فَٱمْشُوا۟ فِى مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا۟ مِن رِّزْقِهِۦ ۖ وَإِلَيْهِ ٱلنُّشُورُ
﴿١٥﴾ ءَأَمِنتُم مَّن فِى ٱلسَّمَآءِ أَن يَخْسِفَ بِكُمُ ٱلْأَرْضَ فَإِذَا هِىَ
تَمُورُ ﴿١٦﴾ أَمْ أَمِنتُم مَّن فِى ٱلسَّمَآءِ أَن يُرْسِلَ عَلَيْكُمْ حَاصِبًا ۖ
فَسَتَعْلَمُونَ كَيْفَ نَذِيرِ ﴿١٧﴾ وَلَقَدْ كَذَّبَ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ فَكَيْفَ
كَانَ نَكِيرِ ﴿١٨﴾ أَوَلَمْ يَرَوْا۟ إِلَى ٱلطَّيْرِ فَوْقَهُمْ صَٰٓفَّٰتٍ وَيَقْبِضْنَ ۚ مَا
يُمْسِكُهُنَّ إِلَّا ٱلرَّحْمَٰنُ ۚ إِنَّهُۥ بِكُلِّ شَىْءٍۭ بَصِيرٌ ﴿١٩﴾ أَمَّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى
هُوَ جُندٌ لَّكُمْ يَنصُرُكُم مِّن دُونِ ٱلرَّحْمَٰنِ ۚ إِنِ ٱلْكَٰفِرُونَ إِلَّا فِى غُرُورٍ
﴿٢٠﴾ أَمَّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى يَرْزُقُكُمْ إِنْ أَمْسَكَ رِزْقَهُۥ ۚ بَل لَّجُّوا۟ فِى عُتُوٍّ
وَنُفُورٍ ﴿٢١﴾ أَفَمَن يَمْشِى مُكِبًّا عَلَىٰ وَجْهِهِۦٓ أَهْدَىٰٓ أَمَّن يَمْشِى سَوِيًّا
عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٢٢﴾ قُلْ هُوَ ٱلَّذِىٓ أَنشَأَكُمْ وَجَعَلَ لَكُمُ ٱلسَّمْعَ
وَٱلْأَبْصَٰرَ وَٱلْأَفْـِٔدَةَ ۖ قَلِيلًا مَّا تَشْكُرُونَ ﴿٢٣﴾ قُلْ هُوَ ٱلَّذِى ذَرَأَكُمْ
فِى ٱلْأَرْضِ وَإِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٤﴾ وَيَقُولُونَ مَتَىٰ هَٰذَا ٱلْوَعْدُ إِن كُنتُمْ
صَٰدِقِينَ ﴿٢٥﴾ قُلْ إِنَّمَا ٱلْعِلْمُ عِندَ ٱللَّهِ وَإِنَّمَآ أَنَا۠ نَذِيرٌ مُّبِينٌ ﴿٢٦﴾

13. (Эй, инсонлар! Гапираётган) сўзингизни яширингиз ёки ошкора қилингиз, (барибир) У диллардаги сирларни ҳам билувчидир.

14. (Ахир) яратган зот (Ўзи яратган нарсаларини) билмайдими?! У лутфли ва (барча нарсадан) хабардор зотдир.

15. У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юраверингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир.

16. (Эй, Макка кофирлари!) Ё сизлар осмондаги зот (Аллоҳ) сизларни ерга юттириб юборишидан, бас, бирданига (Ер) ларзага келишидан (сизларни ҳалок қилишидан) хотиржаммисиз (қўрқмайсизми)?!

17. Ёки сизлар «осмондаги» зот (Аллоҳ) устингизга тош ёғдиришидан хотиржаммисиз?! Ҳали (азоб келганда), Менинг огоҳлантиришим қандай эканини билиб олажаксиз.

18. Дарвоқе, улардан аввалги кимсалар ҳам (ўз пайғамбарларини) ёлғончига чиқаргандилар. Бас, Менинг инкорим (азобим) қандай бўлди?!

19. Улар устиларида (қанотларини) ёювчи ва йиққан ҳолда (учиб юрган) қушларни кўрмаганмилар?! У (қуш)ларни ёлғиз Раҳмонгина (самода) тутиб турар. Албатта, У барча нарсани кўриб турувчидир.

20. (Эй, мушриклар!) Раҳмондан ўзга сизларга ёрдам берадиган қўшинингиз ким экан ўзи?! Кофирлар фақат мағрурликдадирлар.

21. Ёки (Раҳмон) Ўз ризқини тўхтатиб қўйса, сизларга ризқ берадиган (бошқа) зот ким ўзи?! Йўқ, улар (кофирлар) қайсарликда ва (ҳақдан) йироқлашишда давом этдилар.

22. Ахир, юзтубан (ерга қараб) юрадиган кимса (кофир) тўғри йўлни топувчироқми ёки тик ҳолда тўғри йўлда юрадиган (мўмин) кишими?!*

23. (Эй, Муҳаммад! (Кофирларга) айтинг: «У (Аллоҳ) сизларни пайдо қилган ва сизлар учун қулоқ, кўзлар ва дилларни яратган зотдир. (Сизлар эса Аллоҳнинг неъматларига) камдан-кам шукр қилурсиз».

24. Айтинг: «У сизларни Ер (юзи)да яратиб қўйган зотдир. Сизлар (қиёматда) Унинг ҳузурига тўпланурсиз».

25. Улар (Пайғамбар ва саҳобаларга): «Агар ростгўй бўлсангиз, (айтинглар-чи) ушбу ваъда (қиёмат куни) қачон бўлади?», – дерлар.

22-оят. Оятда кофирларни бу дунёда ҳидоятдан бенасиблиги ва залолатда юриши худди ерга қараб юрувчи одамга ўхшатилган. Одатда ерга қараб юрган киши мўлжални топиши қийин бўлади. Қатода (рҳ.) сўзига кўра, кофирлар қиёматда ҳам бошлари ерга эгик ҳолда бўлурлар (Лс.).

فَلَمَّا رَأَوۡهُ زُلۡفَةٗ سِيٓـَٔتۡ وُجُوهُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَقِيلَ هَٰذَا ٱلَّذِي
كُنتُم بِهِۦ تَدَّعُونَ ٢٧ قُلۡ أَرَءَيۡتُمۡ إِنۡ أَهۡلَكَنِيَ ٱللَّهُ وَمَن مَّعِيَ
أَوۡ رَحِمَنَا فَمَن يُجِيرُ ٱلۡكَٰفِرِينَ مِنۡ عَذَابٍ أَلِيمٖ ٢٨ قُلۡ هُوَ
ٱلرَّحۡمَٰنُ ءَامَنَّا بِهِۦ وَعَلَيۡهِ تَوَكَّلۡنَاۖ فَسَتَعۡلَمُونَ مَنۡ هُوَ فِي ضَلَٰلٖ مُّبِينٖ
٢٩ قُلۡ أَرَءَيۡتُمۡ إِنۡ أَصۡبَحَ مَآؤُكُمۡ غَوۡرٗا فَمَن يَأۡتِيكُم بِمَآءٖ مَّعِينِۭ ٣٠

ترتيبها ٦٨ — سُورَةُ القَلَمِ — آياتها ٥٢

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

نٓۚ وَٱلۡقَلَمِ وَمَا يَسۡطُرُونَ ١ مَآ أَنتَ بِنِعۡمَةِ رَبِّكَ بِمَجۡنُونٖ ٢
وَإِنَّ لَكَ لَأَجۡرًا غَيۡرَ مَمۡنُونٖ ٣ وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٖ ٤
فَسَتُبۡصِرُ وَيُبۡصِرُونَ ٥ بِأَييِّكُمُ ٱلۡمَفۡتُونُ ٦ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ
أَعۡلَمُ بِمَن ضَلَّ عَن سَبِيلِهِۦ وَهُوَ أَعۡلَمُ بِٱلۡمُهۡتَدِينَ ٧ فَلَا تُطِعِ
ٱلۡمُكَذِّبِينَ ٨ وَدُّواْ لَوۡ تُدۡهِنُ فَيُدۡهِنُونَ ٩ وَلَا تُطِعۡ كُلَّ
حَلَّافٖ مَّهِينٍ ١٠ هَمَّازٖ مَّشَّآءِۭ بِنَمِيمٖ ١١ مَّنَّاعٖ لِّلۡخَيۡرِ مُعۡتَدٍ
أَثِيمٍ ١٢ عُتُلِّۭ بَعۡدَ ذَٰلِكَ زَنِيمٍ ١٣ أَن كَانَ ذَا مَالٖ وَبَنِينَ ١٤
إِذَا تُتۡلَىٰ عَلَيۡهِ ءَايَٰتُنَا قَالَ أَسَٰطِيرُ ٱلۡأَوَّلِينَ ١٥

26. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: «(Қиёмат ҳақидаги) билим, албатта, Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен фақат аниқ огоҳлантирувчидирман».

27. Бас, қачонки, улар (қиёматда азобни) яқин ҳолда кўришгач, у кофирларнинг юзлари шувит бўлур ва (уларга): «Мана шу сизлар (қачон бўлади, деб) сўраган нарсадир», – дейилур.

28. (Кофирларга) айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар Аллоҳ мени ва мен билан бирга бўлган кишиларни ҳалок қилса ёки (ҳалок қилмай) бизларга шафқат қилса (Ўзининг ихтиёридадир). Аммо кофирларни (сизларни) аламли азобдан ким ҳимоя қилур?!»

29. Айтинг: «У Раҳмон (меҳрибон)дир. Бизлар Унга имон келтирдик ва Унгагина таваккул қилдик. Ҳали сизлар ким аниқ залолатда эканини (қиёмат куни) билиб олажаксиз».

30. Айтинг: «Хабар берингиз-чи, агар сувингиз (ер қаърига) сингиб кетса, бас, ким сизларга оқин сувни келтира олур?!» (Ўзидан бошқа ҳеч ким)

Қалам сураси

Маккада нозил қилинган. 52 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Нун. Қалам ва (у билан) ёзадиган нарсалар (битиклар)* билан қасамёд этаманки,

2. (эй, Муҳаммад!) Сиз Раббингизнинг неъмати боис мажнун эмасдирсиз!

3. Албатта, Сизга (сабр қилганингиз учун) туганмас мукофот бордир.

4. Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!*

5. Ҳали яқинда кўражаксиз ва улар ҳам кўражаклар

6. қайси бирингиз (Сизми ёки уларми) мафтун (мажнун) эканингизни.

7. Албатта, Раббингизнинг ўзи Унинг йўлидан озган кимсаларни яхши билувчидир ва У ҳидоят топувчиларни ҳам яхши билувчидир.

8. Бас, (эй, Муҳаммад!) (Ислом динини) инкор этувчиларга (мушрикларга) итоат этманг!

9. Улар (билан) муросасоз бўлишингизни, шунда улар ҳам (Сиз билан) муросасоз бўлишни истарлар.

10. (Эй, Муҳаммад!) Ҳар қандай тубан қасамхўрга (Валид ибн Муғирага) итоат этманг!

11. (У) ғийбатчи, гап ташувчи,

12. яхшиликни ман этувчи (бахил), тажовузкор, гуноҳкор,

13. қўпол ва булардан ташқари бенасаб (ҳароми)дир.

14. (У) мол-мулк ва ўғилларга эга бўлгани учун (шундай қилади).

15. Қачонки, унга оятларимиз тиловат қилинса: «Булар аввалгиларнинг афсоналари-ку!», – дейди.

68. ҚАЛАМ СУРАСИ

Сурада қалам ва ёзув қуролларининг шаъни улуғланади ва улар билан қасамёд этиб, Аллоҳ ўз пайғамбарининг ҳақ экани, мушрикларнинг инкори ва бўҳтонлари ботил эканини исботлайди. Сурада бахиллик қораланади ва унинг ёмон оқибатлари ифода этилади.

1-оят. “Битадиганлар” фаришталар ёки инсонлар бўлиши мумкин. Ҳар икки тафсир ҳам ўринлидир.

4-оят. “Буюк хулқ”нинг маънолари ҳақида турли тафсирлар бор. Аввало хулқ бу ерда ўзининг асл маъносида ишлатилгани маъқул. Ҳадисда Расул (а.с.)нинг ўзлари: “Мен макорими ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман”, – деганлар. Ҳақиқатан, Муҳаммад (а.с.) биринчи даражадаги комил инсон эканларига асло шубҳа йўқ.

Бошқача тафсир қилувчилар бу оятдаги “буюк хулқ”дан мурод – Қуръон ёки улуғ дин, яъни ислом дини деб

16. Яқинда унинг тумшуғига «тамға» босиб қўяжакмиз*.

17. Дарҳақиқат, Биз уларни (Макка аҳлини) боғ эгаларини синаганимиздек имтиҳон қилдик. Ўшанда улар, албатта, уни (боғ ҳосилини) эрта тонгда узиб оламиз деб қасам ичган эдилар.

18. Лекин истисно қилмаган эдилар (Худо хоҳласа, демаган эдилар).

19. Бас, (тунда) улар уйқуда бўлган чоғларида, у (боғ) узра Парвардигорингиз томонидан бўлмиш айланувчи (офат – олов) айланди.

20. Бас, (ҳосил) йиғилгандек бўлиб қолди (боғ куйиб кул бўлди).

21. Эрта тонгда туришиб, бир-бирини чақиришди:

22. «Агар (ҳосилни) узмоқчи бўлсангиз, зироатгоҳингизга бора қолингиз!», – (деб).

23. Сўнгра шивирлашиб жўнадилар.

24. «Бугун (боғда ҳосил тераётган вақтда) устиларингизга бирор мискин кириб қолмасин-да», – дер эдилар.

25. Улар (ўзларича мазкур) ғаразга қодир бўлган ҳолларида тонг-саҳарлаб бордилар.

26. Бас, қачонки, уни (кулга айланган боғни) кўришгач, (аввал): «Шубҳасиз, бизлар (йўлдан) адашиб қолдик (яъни бошқа боққа келиб қолдик)», – дедилар.

27. (Сўнгра:) «Йўқ, бизлар (боғимиздан) маҳрум бўлибмиз» (дедилар).

28. (Шунда) уларнинг ўртаҳолроғи: «Мен сизларга (Аллоҳга) тасбеҳ айтмайсизми (ҳосил шукронасига камбағаллар улушини бермайсизми) демаганмидим?», – деди.

29. Улар (кеч бўлса-да): «Раббимизга тасбеҳ айтамиз. Ҳақиқатан, бизлар (ўзимизга) зулм қилувчи бўлдик», – дедилар.

30. Сўнгра улар бир-бирларига қараб, маломат қила бошладилар.

31. (Улар) дедилар: «Ҳолимизга вой! Дарҳақиқат, бизлар ҳаддан ошувчи эканмиз.

32. Шоядки, Раббимиз бизларга у (боғ)дан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Бизлар, албатта, Раббимиз сари интилувчидирмиз».

33. Азоб – мана шундай! Агар билсалар, албатта, охират азоби янада каттароқдир.

34. Албатта, тақводорлар учун Парвардигорлари ҳузурида неъмат боғлари бордир.

35. Ахир, Биз мусулмонларни жиноятчиларга (кофирларга) баробар қилармидик?!

36. (Эй, мушриклар!) Сизларга не бўлди? Қандай ҳукм чиқармоқдасиз?!

سَنَسِمُهُۥ عَلَى ٱلۡخُرۡطُومِ ﴿١٦﴾ إِنَّا بَلَوۡنَٰهُمۡ كَمَا بَلَوۡنَآ أَصۡحَٰبَ ٱلۡجَنَّةِ إِذۡ أَقۡسَمُواْ
لَيَصۡرِمُنَّهَا مُصۡبِحِينَ ﴿١٧﴾ وَلَا يَسۡتَثۡنُونَ ﴿١٨﴾ فَطَافَ عَلَيۡهَا طَآئِفٞ مِّن رَّبِّكَ
وَهُمۡ نَآئِمُونَ ﴿١٩﴾ فَأَصۡبَحَتۡ كَٱلصَّرِيمِ ﴿٢٠﴾ فَتَنَادَوۡاْ مُصۡبِحِينَ ﴿٢١﴾ أَنِ
ٱغۡدُواْ عَلَىٰ حَرۡثِكُمۡ إِن كُنتُمۡ صَٰرِمِينَ ﴿٢٢﴾ فَٱنطَلَقُواْ وَهُمۡ يَتَخَٰفَتُونَ ﴿٢٣﴾
أَن لَّا يَدۡخُلَنَّهَا ٱلۡيَوۡمَ عَلَيۡكُم مِّسۡكِينٞ ﴿٢٤﴾ وَغَدَوۡاْ عَلَىٰ حَرۡدٖ قَٰدِرِينَ ﴿٢٥﴾ فَلَمَّا
رَأَوۡهَا قَالُوٓاْ إِنَّا لَضَآلُّونَ ﴿٢٦﴾ بَلۡ نَحۡنُ مَحۡرُومُونَ ﴿٢٧﴾ قَالَ أَوۡسَطُهُمۡ أَلَمۡ أَقُل
لَّكُمۡ لَوۡلَا تُسَبِّحُونَ ﴿٢٨﴾ قَالُواْ سُبۡحَٰنَ رَبِّنَآ إِنَّا كُنَّا ظَٰلِمِينَ ﴿٢٩﴾ فَأَقۡبَلَ
بَعۡضُهُمۡ عَلَىٰ بَعۡضٖ يَتَلَٰوَمُونَ ﴿٣٠﴾ قَالُواْ يَٰوَيۡلَنَآ إِنَّا كُنَّا طَٰغِينَ ﴿٣١﴾ عَسَىٰ
رَبُّنَآ أَن يُبۡدِلَنَا خَيۡرٗا مِّنۡهَآ إِنَّآ إِلَىٰ رَبِّنَا رَٰغِبُونَ ﴿٣٢﴾ كَذَٰلِكَ ٱلۡعَذَابُۖ وَلَعَذَابُ
ٱلۡأٓخِرَةِ أَكۡبَرُۚ لَوۡ كَانُواْ يَعۡلَمُونَ ﴿٣٣﴾ إِنَّ لِلۡمُتَّقِينَ عِندَ رَبِّهِمۡ جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ
﴿٣٤﴾ أَفَنَجۡعَلُ ٱلۡمُسۡلِمِينَ كَٱلۡمُجۡرِمِينَ ﴿٣٥﴾ مَا لَكُمۡ كَيۡفَ تَحۡكُمُونَ ﴿٣٦﴾ أَمۡ
لَكُمۡ كِتَٰبٞ فِيهِ تَدۡرُسُونَ ﴿٣٧﴾ إِنَّ لَكُمۡ فِيهِ لَمَا تَخَيَّرُونَ ﴿٣٨﴾ أَمۡ لَكُمۡ أَيۡمَٰنٌ
عَلَيۡنَا بَٰلِغَةٌ إِلَىٰ يَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِ إِنَّ لَكُمۡ لَمَا تَحۡكُمُونَ ﴿٣٩﴾ سَلۡهُمۡ أَيُّهُم
بِذَٰلِكَ زَعِيمٌ ﴿٤٠﴾ أَمۡ لَهُمۡ شُرَكَآءُ فَلۡيَأۡتُواْ بِشُرَكَآئِهِمۡ إِن كَانُواْ صَٰدِقِينَ ﴿٤١﴾
يَوۡمَ يُكۡشَفُ عَن سَاقٖ وَيُدۡعَوۡنَ إِلَى ٱلسُّجُودِ فَلَا يَسۡتَطِيعُونَ ﴿٤٢﴾

37. Ёки сизларда (осмондан туширилган) бирор китоб бўлиб, ундан ўрганаяпсизми?!

38. Унда сизлар учун ўзларингиз хоҳлаган нарса борми?!

39. Ёки сизлар учун Бизнинг зиммамизда: «Ўзларингиз ҳукм қилган нарса сизларники бўлур», – деган то қиёмат кунигача етувчи қасамлар (аҳд-паймонлар) борми?!

40. (Эй, Муҳаммад!) Улардан сўранг-чи, қайсилари бунга (даъволарининг ҳақ эканига) кафил бўла олар экан?!

41. Ёки уларнинг шериклари борми?! У ҳолда ростгўй бўлсалар, ўша шерикларини келтирсинлар!

42. «Болдирлар очиладиган» (ишлар мушкуллашадиган) ва сажда қилишга чорланишганда, (саждага) кучлари етмай қоладиган кунни (қиёматни эсланг)!

16-оят. Бу оятлардаги салбий сифатлар машҳур кофир Валид ибн Муғирага мансубдир. Дарҳақиқат, у Бадр жангида "тумшуғидан тамғаланади", яъни бурнидан қилич еб, сўнгра шу чандиғи билан одамлар орасида мазах бўлиб юради.

Кейинги оятларда Яман диёрида бир сахий боғбон бўлиб, у ҳар йили кузда меваларни териш учун камбағал-мискинларни таклиф этиб, дарахтдан тергани боғбонга, ерга тушгани терувчиларга деб уларни сийлар экан. У оламдан ўтгач, фарзандлари бахиллик қилишгани, сўнгра қилмишларидан пушаймон бўлишгани ибрат учун зикр этилган.

خَٰشِعَةً أَبۡصَٰرُهُمۡ تَرۡهَقُهُمۡ ذِلَّةٞۖ وَقَدۡ كَانُواْ يُدۡعَوۡنَ إِلَى ٱلسُّجُودِ وَهُمۡ سَٰلِمُونَ
﴿٤٣﴾ فَذَرۡنِي وَمَن يُكَذِّبُ بِهَٰذَا ٱلۡحَدِيثِۖ سَنَسۡتَدۡرِجُهُم مِّنۡ حَيۡثُ
لَا يَعۡلَمُونَ ﴿٤٤﴾ وَأُمۡلِي لَهُمۡۚ إِنَّ كَيۡدِي مَتِينٌ ﴿٤٥﴾ أَمۡ تَسۡـَٔلُهُمۡ أَجۡرٗا فَهُم
مِّن مَّغۡرَمٖ مُّثۡقَلُونَ ﴿٤٦﴾ أَمۡ عِندَهُمُ ٱلۡغَيۡبُ فَهُمۡ يَكۡتُبُونَ ﴿٤٧﴾ فَٱصۡبِرۡ
لِحُكۡمِ رَبِّكَ وَلَا تَكُن كَصَاحِبِ ٱلۡحُوتِ إِذۡ نَادَىٰ وَهُوَ مَكۡظُومٞ ﴿٤٨﴾ لَّوۡلَآ
أَن تَدَٰرَكَهُۥ نِعۡمَةٞ مِّن رَّبِّهِۦ لَنُبِذَ بِٱلۡعَرَآءِ وَهُوَ مَذۡمُومٞ ﴿٤٩﴾ فَٱجۡتَبَٰهُ رَبُّهُۥ
فَجَعَلَهُۥ مِنَ ٱلصَّٰلِحِينَ ﴿٥٠﴾ وَإِن يَكَادُ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ لَيُزۡلِقُونَكَ بِأَبۡصَٰرِهِمۡ
لَمَّا سَمِعُواْ ٱلذِّكۡرَ وَيَقُولُونَ إِنَّهُۥ لَمَجۡنُونٞ ﴿٥١﴾ وَمَا هُوَ إِلَّا ذِكۡرٞ لِّلۡعَٰلَمِينَ ﴿٥٢﴾

آياتها ٥٢ — سُورَةُ الحَاقَّة — ترتيبها ٦٩

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

ٱلۡحَآقَّةُ ﴿١﴾ مَا ٱلۡحَآقَّةُ ﴿٢﴾ وَمَآ أَدۡرَىٰكَ مَا ٱلۡحَآقَّةُ ﴿٣﴾ كَذَّبَتۡ ثَمُودُ
وَعَادُۢ بِٱلۡقَارِعَةِ ﴿٤﴾ فَأَمَّا ثَمُودُ فَأُهۡلِكُواْ بِٱلطَّاغِيَةِ ﴿٥﴾ وَأَمَّا
عَادٞ فَأُهۡلِكُواْ بِرِيحٖ صَرۡصَرٍ عَاتِيَةٖ ﴿٦﴾ سَخَّرَهَا عَلَيۡهِمۡ
سَبۡعَ لَيَالٖ وَثَمَٰنِيَةَ أَيَّامٍ حُسُومٗاۖ فَتَرَى ٱلۡقَوۡمَ فِيهَا صَرۡعَىٰ
كَأَنَّهُمۡ أَعۡجَازُ نَخۡلٍ خَاوِيَةٖ ﴿٧﴾ فَهَلۡ تَرَىٰ لَهُم مِّنۢ بَاقِيَةٖ ﴿٨﴾

43. (Ўшанда) кўзлари қуйида (ерга қараган) ва уларни хорлик эгаллаган ҳолда бўлурлар. Улар соғлом бўлган ҳолларида сажда қилишга чорланар эдилар (аммо ундан бош тортгандилар).

44. Бас, (эй, Муҳаммад!) Ушбу Сўзни (Қуръонни) ёлғонга чиқарадиган кимсаларни Менга қўйиб беринг! Яқинда Биз уларни ўзлари билмайдиган (сезмайдиган) томондан даражама-даража тутгаймиз (ҳалокатга дучор қилажакмиз)!

45. Мен уларга муҳлат бериб тураман. Зеро, Менинг «макрим» жуда қаттиқдир.

46. Ёки Сиз (эй, Муҳаммад! Даъватингиз учун) улардан ҳақ сўраяпсиз-у, улар қарздан оғирсинаяптиларми?!

47. Ёки уларни ҳузурида ғайб (Лавҳул-маҳфуз) бор-у, улар (айтаётган сўзларини ўшандан) ёзиб оляптиларми?!

48. Бас, (эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва наҳанг (балиқ) соҳиби (Юнус пайғамбар) каби (бетоқат) бўлманг! Қайсики, у (балиқ қорнида туриб) ғамга тўлган ҳолда (Парвардигорга) нидо қилган эди.

49. Агар унга Парвардигори (томони)дан неъмат етмаганида, албатта, қораланган ҳолида қуруқликка улоқтирилган бўлур эди.

50. Бас, Парвардигори уни (қайтадан пайғамбарликка) танлаб, солиҳ (пайғамбар)лардан қилди.

51. Албатта, кофир бўлган кимсалар Зикрни (Қуръонни) эшитган вақтларида, Сизни кўзлари билан (тикилиб) йиқитаёзурлар ва «албатта, у мажнун», – дерлар.

52. Ҳолбуки, у (Қуръон барча) оламлар учун эслатмадир.

Ҳоққа сураси

Маккада нозил қилинган. 52 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (У) ҳақиқатан рўй берувчидир.

2. (Ўша) ҳақиқатан рўй берувчи нимадир?

3. (Эй, Муҳаммад!) Ҳақиқатан рўй берувчининг нима эканини қаердан (ҳам) билар эдингиз?! (У қиёматдир)

4. Самуд ва Од (қабилалари) «қаттиқ зарба берувчи»ни (қиёмат кунини) инкор этдилар.

5. Бас, Самуд (Солиҳ пайғамбар қавми) ҳаддан ташқари нарса (қичқириқ ёки зилзила) билан ҳалок қилиндилар*.

6. Од (Ҳуд пайғамбар қавми) эса, даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар.

7. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳукмрон қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавмни (чириб) ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек қулаб, ҳалок бўлиб ётганини кўрасиз.

8. Бас, улардан (бирор) асоратни кўраяпсизми?! (Асло! Уларнинг барчалари ҳалок бўлиб битдилар).

69. ҲОҚҚА СУРАСИ

"Ҳоққа" – ҳақиқатан рўй берувчи воқеа, яъни қиёмат демакдир.

Сурада қиёмат манзараси, унинг бошланишида рўй берадиган ҳодисалар, номаи аъмолларни ўнг ёки чап томондан берилиши, Муҳаммад (а.с.)нинг ҳақ пайғамбар эканларининг тасдиғи, Қуръони каримнинг буюк илоҳий китоб экани ва бошқа маълумотлар мавжуд.

5-оят. Солиҳ (а.с.)нинг қавми, яъни Самуд қабиласи ҳозирги Саудия Арабистонининг жануби-ғарбий томонидаги Таймо деб аталувчи водийга тўғри келади. У ерда ҳозиргача бутпараст Самуд қавмининг осори атиқалари сақланиб қолган.

وَجَآءَ فِرۡعَوۡنُ وَمَن قَبۡلَهُۥ وَٱلۡمُؤۡتَفِكَٰتُ بِٱلۡخَاطِئَةِ ﴿٩﴾ فَعَصَوۡاْ رَسُولَ
رَبِّهِمۡ فَأَخَذَهُمۡ أَخۡذَةٗ رَّابِيَةً ﴿١٠﴾ إِنَّا لَمَّا طَغَا ٱلۡمَآءُ حَمَلۡنَٰكُمۡ فِي ٱلۡجَارِيَةِ
﴿١١﴾ لِنَجۡعَلَهَا لَكُمۡ تَذۡكِرَةٗ وَتَعِيَهَآ أُذُنٞ وَٰعِيَةٞ ﴿١٢﴾ فَإِذَا نُفِخَ فِي ٱلصُّورِ
نَفۡخَةٞ وَٰحِدَةٞ ﴿١٣﴾ وَحُمِلَتِ ٱلۡأَرۡضُ وَٱلۡجِبَالُ فَدُكَّتَا دَكَّةٗ وَٰحِدَةٗ ﴿١٤﴾
فَيَوۡمَئِذٖ وَقَعَتِ ٱلۡوَاقِعَةُ ﴿١٥﴾ وَٱنشَقَّتِ ٱلسَّمَآءُ فَهِيَ يَوۡمَئِذٖ وَاهِيَةٞ
﴿١٦﴾ وَٱلۡمَلَكُ عَلَىٰٓ أَرۡجَآئِهَاۚ وَيَحۡمِلُ عَرۡشَ رَبِّكَ فَوۡقَهُمۡ يَوۡمَئِذٖ ثَمَٰنِيَةٞ
﴿١٧﴾ يَوۡمَئِذٖ تُعۡرَضُونَ لَا تَخۡفَىٰ مِنكُمۡ خَافِيَةٞ ﴿١٨﴾ فَأَمَّا مَنۡ أُوتِيَ
كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ فَيَقُولُ هَآؤُمُ ٱقۡرَءُواْ كِتَٰبِيَهۡ ﴿١٩﴾ إِنِّي ظَنَنتُ أَنِّي مُلَٰقٍ
حِسَابِيَهۡ ﴿٢٠﴾ فَهُوَ فِي عِيشَةٖ رَّاضِيَةٖ ﴿٢١﴾ فِي جَنَّةٍ عَالِيَةٖ ﴿٢٢﴾
قُطُوفُهَا دَانِيَةٞ ﴿٢٣﴾ كُلُواْ وَٱشۡرَبُواْ هَنِيٓـَٔۢا بِمَآ أَسۡلَفۡتُمۡ فِي ٱلۡأَيَّامِ
ٱلۡخَالِيَةِ ﴿٢٤﴾ وَأَمَّا مَنۡ أُوتِيَ كِتَٰبَهُۥ بِشِمَالِهِۦ فَيَقُولُ يَٰلَيۡتَنِي لَمۡ أُوتَ كِتَٰبِيَهۡ
﴿٢٥﴾ وَلَمۡ أَدۡرِ مَا حِسَابِيَهۡ ﴿٢٦﴾ يَٰلَيۡتَهَا كَانَتِ ٱلۡقَاضِيَةَ ﴿٢٧﴾ مَآ أَغۡنَىٰ
عَنِّي مَالِيَهۡۜ ﴿٢٨﴾ هَلَكَ عَنِّي سُلۡطَٰنِيَهۡ ﴿٢٩﴾ خُذُوهُ فَغُلُّوهُ ﴿٣٠﴾ ثُمَّ ٱلۡجَحِيمَ
صَلُّوهُ ﴿٣١﴾ ثُمَّ فِي سِلۡسِلَةٖ ذَرۡعُهَا سَبۡعُونَ ذِرَاعٗا فَٱسۡلُكُوهُ ﴿٣٢﴾ إِنَّهُۥ
كَانَ لَا يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ ٱلۡعَظِيمِ ﴿٣٣﴾ وَلَا يَحُضُّ عَلَىٰ طَعَامِ ٱلۡمِسۡكِينِ ﴿٣٤﴾

9. Фиръавн ҳам, ундан аввалги ўтган (динсиз)лар ҳам, остин-устун бўлган қишлоқлар (Лут қавмининг қишлоқлари аҳолиси) ҳам хато иш қилдилар.

10. Бас, улар Парвардигорларининг пайғамбарига итоатсизлик қилдилар. Бас, У зот уларни ўта қаттиқ ушлаш билан ушлади (қаттиқ азоблади).

11. Дарвоқе, Биз сув туғёнга кетган вақтида сизларни (Нуҳ пайғамбар ясаган) кемада кўтардик.

12. Биз буни сизларга эслатма қилиш учун ва англовчи қулоқлар англаб олишлари учун (қилдик).

13. Бас, қачонки, сур бир бор чалинганида,

14. Ер ва тоғлар (ўз жойларидан) кўтарилиб, (бир-бирларига) бир бор урилганда,

15. ана ўша кунда Воқеа содир бўлур (қиёмат қойим бўлур)!

16. Осмонлар ҳам ёрилур. Чунки, (осмон) у кунда заиф бўлиб қолур.

17. Фаришталар эса (осмон) атрофида (Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) турурлар. Уларнинг устида Раббингиз Аршини у кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур.

18. Ўша кунда сизлар (ҳисобот учун Аллоҳга) кўндаланг қилинурсиз, сизларнинг бирор сирингиз махфий қолмас.

19. Бас, ўз китоби (номаи аъмоли) ўнг томонидан берилган киши айтур: «Мана, менинг китобимни ўқингиз!

20. Дарҳақиқат, мен ҳисоботимга рўбарў бўлишимни билар эдим», – дер.

21. Бас, у қониқарли маишатда,

22. олий жаннатда,

23. мевалари (узиб олувчига) яқиндир.

24. (Жаннат аҳлига): «Ўтган кунларда (дунёда) қилиб ўтган (эзгу) амалларингиз сабабли (ушбу ноз-неъматларни) ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверингиз!» (дейилур).

25. Энди, китоби чап томонидан берилган кимса эса дер: «Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса

26. ва ҳисоб-китобим қандай бўлишини билмасам!

27. Эҳ, қанийди, ўша (биринчи ўлимим ҳамма ишни) якунловчи бўлса!

28. Менга мол-мулким ҳам асқотмади.

29. Салтанатим ҳам ҳалок бўлиб мендан кетди».

30. «(Эй, жаҳаннам қўриқчилари!) Уни ушлаб кишанлангиз!

31. Сўнгра уни оловда куйдирингиз!

32. Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солингиз!»

33. Чунки, у (дунёдалик пайтида) Улуғ Аллоҳга имон келтирмас эди.

34. Мискинга таом беришга (ўзини ва ўзгаларни) тарғиб қилмас эди.

فَلَيْسَ لَهُ ٱلْيَوْمَ هَٰهُنَا حَمِيمٌ ﴿٣٥﴾ وَلَا طَعَامٌ إِلَّا مِنْ غِسْلِينٍ ﴿٣٦﴾ لَّا يَأْكُلُهُۥٓ
إِلَّا ٱلْخَٰطِـُٔونَ ﴿٣٧﴾ فَلَآ أُقْسِمُ بِمَا تُبْصِرُونَ ﴿٣٨﴾ وَمَا لَا تُبْصِرُونَ ﴿٣٩﴾
إِنَّهُۥ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿٤٠﴾ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ ۚ قَلِيلًا مَّا تُؤْمِنُونَ ﴿٤١﴾
وَلَا بِقَوْلِ كَاهِنٍ ۚ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾ تَنزِيلٌ مِّن رَّبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٤٣﴾ وَلَوْ
تَقَوَّلَ عَلَيْنَا بَعْضَ ٱلْأَقَاوِيلِ ﴿٤٤﴾ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِٱلْيَمِينِ ﴿٤٥﴾ ثُمَّ لَقَطَعْنَا
مِنْهُ ٱلْوَتِينَ ﴿٤٦﴾ فَمَا مِنكُم مِّنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَٰجِزِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِنَّهُۥ لَتَذْكِرَةٌ
لِّلْمُتَّقِينَ ﴿٤٨﴾ وَإِنَّا لَنَعْلَمُ أَنَّ مِنكُم مُّكَذِّبِينَ ﴿٤٩﴾ وَإِنَّهُۥ لَحَسْرَةٌ عَلَى
ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٥٠﴾ وَإِنَّهُۥ لَحَقُّ ٱلْيَقِينِ ﴿٥١﴾ فَسَبِّحْ بِٱسْمِ رَبِّكَ ٱلْعَظِيمِ ﴿٥٢﴾

ترتيبها ٧٠ — سُورَةُ ٱلْمَعَارِجِ — آياتها ٤٤

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

سَأَلَ سَآئِلٌۢ بِعَذَابٍ وَاقِعٍ ﴿١﴾ لِّلْكَٰفِرِينَ لَيْسَ لَهُۥ دَافِعٌ ﴿٢﴾ مِّنَ
ٱللَّهِ ذِى ٱلْمَعَارِجِ ﴿٣﴾ تَعْرُجُ ٱلْمَلَٰٓئِكَةُ وَٱلرُّوحُ إِلَيْهِ فِى
يَوْمٍ كَانَ مِقْدَارُهُۥ خَمْسِينَ أَلْفَ سَنَةٍ ﴿٤﴾ فَٱصْبِرْ صَبْرًا جَمِيلًا ﴿٥﴾
إِنَّهُمْ يَرَوْنَهُۥ بَعِيدًا ﴿٦﴾ وَنَرَىٰهُ قَرِيبًا ﴿٧﴾ يَوْمَ تَكُونُ ٱلسَّمَآءُ كَٱلْمُهْلِ
﴿٨﴾ وَتَكُونُ ٱلْجِبَالُ كَٱلْعِهْنِ ﴿٩﴾ وَلَا يَسْـَٔلُ حَمِيمٌ حَمِيمًا ﴿١٠﴾

35. Бас, бугун бу ерда унга бирор дўст йўқдир.

36. Йирингдан бошқа бирор таом ҳам йўқдир.

37. Уни эса, фақат хатога (куфрга) кетганларгина егайлар.

38. Қасамёд этаман, сизлар кўрадиган нарсалар билан

39. ва сизлар кўрмайдиган нарсалар биланки,

40. у (Қуръон), албатта, мукаррам элчининг (Аллоҳ номидан айтган) сўзидир!

41. У бирор шоирнинг сўзи эмасдир. Сизлар (ушбу Қуръонга) камдан-кам имон келтирурсиз.

42. (У) бирор коҳин (фолбин)нинг сўзи ҳам эмасдир. Сизлар камдан-кам эслатма олурсиз.

43. (У барча) оламлар Парвардигори (томони)дан нозил қилинган (Китоб)дир.

44. Агар (пайғамбар) Бизнинг номимиздан (Биз айтмаган) баъзи сўзларни тўқиб айтганда эди,

45. албатта, Биз унинг ўнг қўлидан тутган,

46. сўнгра унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик.

47. У ҳолда сизлардан бирор киши ундан (пайғамбардан ҳалокатни) тўса олувчи бўлмас эди.

48. Ҳақиқатан, у (Қуръон) тақводорлар учун эслатмадир.

49. Биз сизларнинг орангизда (Қуръонни) инкор этувчилар бор эканини аниқ билурмиз.

50. Албатта, у (Қуръон) кофирларга (қиёмат кунида) ҳасрат (надомат) бўлур.

51. Албатта, у (Қуръон) аниқ ҳақиқатдир.

52. Бас, улуғ Раббингиз номи билан тасбеҳ айтинг!

Маориж сураси

Маккада нозил қилинган. 44 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Бир) тилагувчи (Назр ибн Ҳорис ёки бошқа кофирлар) тушадиган азобни тилади

2. кофирларга (аталган азобни)ки, уни қайтарувчи (куч) йўқдир.

3. Албатта, (у азоб) меърожлар эгаси (Аллоҳ)дандир*. (Назр Бадр жангида қатл этилди.)

4. Фаришталар ва Руҳ (Жаброил) миқдори (масофаси) эллик минг йилга тенг (бўлган) бир кунда* (қиёмат кунида) Унинг ҳузурига кўтарилурлар.

5. Бас, (Эй, Муҳаммад! Кофирларнинг азиятларига) чиройли сабр билан сабр қилинг!

6. Чунки, улар у (кун)ни узоқ деб билурлар,

7. Биз эса уни яқин билурмиз.

8. У кунда осмон ёғнинг қуйқасидек бўлиб қолур.

9. Тоғлар эса юнг каби (тўзон) бўлиб кетар.

10. Дўст дўстидан (ҳол-аҳвол) сўрамас.

---

70. МАОРИЖ СУРАСИ

“Маориж” – меърожлар, яъни поғоналар, зиналар, нарвонлар.

Сурада охират ҳақида огоҳлантириш, у пайтда ҳар ким ўзи учун жавоб бериши, инсон иродасининг заифлиги, уни фақат имон ва итоат билан мустаҳкамлаш мумкинлиги ва бошқа илоҳий эслатмалар ўз ифодасини топган.

3-оят. Меърожлар – бу ерда осмон қаватлари ёки эшиклари.

4-оят. 50000 рақамининг тафсирлари: 1. Аршдан Ер остигача. 2. Олам яратилган кундан қиёмат кунигача. 3. Кофирлар учун қиёматнинг бир кунлик миқдори. 4. Дунё билан охират ўртасини ажратиб турувчи бир кун (ИК).

Мазкур рақамнинг бундан бошқача тафсирлари ҳам мавжуд.

11. (Ҳолбуки) улар (бир-бирларига) кўрсатилурлар. Жиноятчи (кофир) у куннинг азобидан (қутулиш учун) ўғилларини,

12. хотини ва биродарини,

13. уни ўз паноҳига оладиган қариндошини

14. ва Ердаги барча кишиларни тўлов қилиб бериб, унга нажот беришни истар.

15. Йўқ! Ахир, у шундай дўзахдирки,

16. териларни сидириб олувчидир.

17. У (ҳақ йўлдан) юз ўгириб, терс қараб кетганни (ўзига) чақирур.

18. (Бойликни) йиғиб сақлаган (яхши жойларга сарфламаган) кимсаларни ҳам.

19. Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилгандир.

20. Қачонки, унга ёмонлик (камбағаллик ёки мусибат) етса, у ўта бардошсизлик қилувчидир.

21. Қачонки, унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса, у ўта ман этувчи (бахил)дир.

22. Фақат намозхонлар бундан мустасно бўлган ҳолларида

23. намозларида мунтазам (давоматли),

24. (топган) мол-мулкларидан (ажратилган) маълум ҳақ борки, у

25. тиланчи ва маҳрум кишилар учундир.

26. Улар яна жазо (қиёмат) кунини тасдиқ этувчи,

27. Парвардигорларининг азобидан қўрқувчи зотлардир.

28. Зотан, Парвардигорларининг азобидан (ҳеч ким) хотиржам эмасдир.

29. Улар яна авратларини (зинодан) сақловчилардир,

30. илло ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилари (чўрилари) мустаснодирлар. Улар маломат қилинмаслар.

31. Бас, кимки бунинг аксини (зинокорликни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчи кимсалардир.

32. Яна улар (намозхонлар) ўзларига ишонилган омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳдпаймонларига риоя қилувчилардир.

يُبَصَّرُونَهُمْ يَوَدُّ الْمُجْرِمُ لَوْ يَفْتَدِي مِنْ عَذَابِ يَوْمِئِذٍ بِبَنِيهِ ﴿١١﴾
وَصَاحِبَتِهِ وَأَخِيهِ ﴿١٢﴾ وَفَصِيلَتِهِ الَّتِي تُؤْوِيهِ ﴿١٣﴾ وَمَن فِي الْأَرْضِ
جَمِيعًا ثُمَّ يُنجِيهِ ﴿١٤﴾ كَلَّا إِنَّهَا لَظَىٰ ﴿١٥﴾ نَزَّاعَةً لِّلشَّوَىٰ ﴿١٦﴾ تَدْعُوا
مَنْ أَدْبَرَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٧﴾ وَجَمَعَ فَأَوْعَىٰ ﴿١٨﴾ ۞ إِنَّ الْإِنسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا
﴿١٩﴾ إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا ﴿٢٠﴾ وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا ﴿٢١﴾ إِلَّا
الْمُصَلِّينَ ﴿٢٢﴾ الَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ دَائِمُونَ ﴿٢٣﴾ وَالَّذِينَ فِي
أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ ﴿٢٤﴾ لِّلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ ﴿٢٥﴾ وَالَّذِينَ يُصَدِّقُونَ
بِيَوْمِ الدِّينِ ﴿٢٦﴾ وَالَّذِينَ هُم مِّنْ عَذَابِ رَبِّهِم مُّشْفِقُونَ ﴿٢٧﴾ إِنَّ عَذَابَ
رَبِّهِمْ غَيْرُ مَأْمُونٍ ﴿٢٨﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَافِظُونَ ﴿٢٩﴾ إِلَّا عَلَىٰ
أَزْوَاجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٣٠﴾ فَمَنِ ابْتَغَىٰ وَرَاءَ
ذَٰلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْعَادُونَ ﴿٣١﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمَانَاتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ
﴿٣٢﴾ وَالَّذِينَ هُم بِشَهَادَاتِهِمْ قَائِمُونَ ﴿٣٣﴾ وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ
﴿٣٤﴾ أُولَٰئِكَ فِي جَنَّاتٍ مُّكْرَمُونَ ﴿٣٥﴾ فَمَالِ الَّذِينَ كَفَرُوا قِبَلَكَ مُهْطِعِينَ
﴿٣٦﴾ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشِّمَالِ عِزِينَ ﴿٣٧﴾ أَيَطْمَعُ كُلُّ امْرِئٍ مِّنْهُمْ
أَن يُدْخَلَ جَنَّةَ نَعِيمٍ ﴿٣٨﴾ كَلَّا إِنَّا خَلَقْنَاهُم مِّمَّا يَعْلَمُونَ ﴿٣٩﴾

33. Улар ўз гувоҳликларида тўғри турувчилардир.

34. Яна улар намозларини (вақтида адо этиб) юрувчилардир.

35. Айнан ўшалар (жаннатдаги) боғларда иззат-икром этилувчилардир.

36. Бас, (Эй, Муҳаммад!) Бу кофир бўлган кимсаларга не бўлдики, Сиз томонга қараб чопурлар

37. ўнг ва сўлдан, тўда-тўда бўлиб?!

38. Ё улардан ҳар бир киши неъмат жаннатига киритилишни тама қилурми?!

39. Йўқ! Ахир, Биз уларни ўзлари биладиган нарсадан (бир томчи маний сувидан инсон қилиб) яратдик!

فَلَآ أُقۡسِمُ بِرَبِّ ٱلۡمَشَٰرِقِ وَٱلۡمَغَٰرِبِ إِنَّا لَقَٰدِرُونَ ﴿٤٠﴾ عَلَىٰٓ أَن نُّبَدِّلَ خَيۡرٗا مِّنۡهُمۡ
وَمَا نَحۡنُ بِمَسۡبُوقِينَ ﴿٤١﴾ فَذَرۡهُمۡ يَخُوضُواْ وَيَلۡعَبُواْ حَتَّىٰ يُلَٰقُواْ يَوۡمَهُمُ ٱلَّذِي
يُوعَدُونَ ﴿٤٢﴾ يَوۡمَ يَخۡرُجُونَ مِنَ ٱلۡأَجۡدَاثِ سِرَاعٗا كَأَنَّهُمۡ إِلَىٰ نُصُبٖ يُوفِضُونَ
﴿٤٣﴾ خَٰشِعَةً أَبۡصَٰرُهُمۡ تَرۡهَقُهُمۡ ذِلَّةٞۚ ذَٰلِكَ ٱلۡيَوۡمُ ٱلَّذِي كَانُواْ يُوعَدُونَ ﴿٤٤﴾

ترتيبها ٧١ — سُورَةُ نُوحٍ — آياتها ٢٨

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِنَّآ أَرۡسَلۡنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوۡمِهِۦٓ أَنۡ أَنذِرۡ قَوۡمَكَ مِن قَبۡلِ أَن يَأۡتِيَهُمۡ
عَذَابٌ أَلِيمٞ ﴿١﴾ قَالَ يَٰقَوۡمِ إِنِّي لَكُمۡ نَذِيرٞ مُّبِينٌ ﴿٢﴾ أَنِ ٱعۡبُدُواْ
ٱللَّهَ وَٱتَّقُوهُ وَأَطِيعُونِ ﴿٣﴾ يَغۡفِرۡ لَكُم مِّن ذُنُوبِكُمۡ وَيُؤَخِّرۡكُمۡ
إِلَىٰٓ أَجَلٖ مُّسَمًّىۚ إِنَّ أَجَلَ ٱللَّهِ إِذَا جَآءَ لَا يُؤَخَّرُۚ لَوۡ كُنتُمۡ تَعۡلَمُونَ
﴿٤﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّي دَعَوۡتُ قَوۡمِي لَيۡلٗا وَنَهَارٗا ﴿٥﴾ فَلَمۡ يَزِدۡهُمۡ دُعَآءِيٓ إِلَّا
فِرَارٗا ﴿٦﴾ وَإِنِّي كُلَّمَا دَعَوۡتُهُمۡ لِتَغۡفِرَ لَهُمۡ جَعَلُوٓاْ أَصَٰبِعَهُمۡ
فِيٓ ءَاذَانِهِمۡ وَٱسۡتَغۡشَوۡاْ ثِيَابَهُمۡ وَأَصَرُّواْ وَٱسۡتَكۡبَرُواْ ٱسۡتِكۡبَارٗا
﴿٧﴾ ثُمَّ إِنِّي دَعَوۡتُهُمۡ جِهَارٗا ﴿٨﴾ ثُمَّ إِنِّيٓ أَعۡلَنتُ لَهُمۡ وَأَسۡرَرۡتُ
لَهُمۡ إِسۡرَارٗا ﴿٩﴾ فَقُلۡتُ ٱسۡتَغۡفِرُواْ رَبَّكُمۡ إِنَّهُۥ كَانَ غَفَّارٗا ﴿١٠﴾

40. Бас, машриқ ва мағриб томонларнинг Парвардигори билан қасамёд этаманки, албатта, Биз қодирдирмиз

41. улардан яхшироқ (инсонларга) алмаштириб қўйишга. Биздан (бу ишда) ўзиб кетилмас.

42. Бас, (эй, Муҳаммад!) Уларга қўйиб беринг! Улар, то ўзларига ваъда қилинаётган кунларига йўлиққунларича, (хом хаёлларига) шўнғиб, ўйнаб юраверсинлар!

43. У кунда улар гўё (сиғиниш учун) бут ва санамларга қараб чопишаётгандек шошилган,

44. кўзлари қўрқувда, хорлик уларни эгаллаб олган ҳолларида қабрларидан чиқиб келурлар. Мана шу уларга (дунёда яшаган пайтларида) ваъда қилинган кундир.

Нуҳ сураси

Маккада нозил қилинган. 28 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ҳақиқатан, Биз Нуҳни: «Қавмингни уларга аламли азоб келмай туриб огоҳлантиргин!», – деб ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик.

2. У деди: «Эй, қавмим! Албатта, мен сизларга (юборилган) аниқ огоҳлантирувчидирман.

3. Аллоҳга ибодат қилингиз, Ундан қўрқингиз ва менга итоат этингиз!

4. (Шунда Аллоҳ) сизларни гуноҳларингиздан ўтар ва сизларни белгиланган муддатгача (ажалингиз етгунича тирик) қолдирар. Агар билувчи бўлсангиз, Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) муддати келганда, асло кечга қолдирилмас».

5. (У яна) деди: «Эй, Раббим! Мен қавмимни кечаю кундуз (имонга) даъват этдим.

6. (Аммо) менинг даъватим уларга фақат (имондан) қочишни зиёда қилди, холос.

7. Дарвоқе, ҳар гал мен уларни Сенинг мағфиратингга (дин йўлига) даъват этсам, улар (эшитмаслик учун) бармоқларини қулоқларига тиқиб, кийимларига ўралиб оладилар ва (ўз куфрларида) қаттиқ туриб оладилар ҳамда (менга итоат этишга) кибр қиладилар.

8. Сўнгра мен уларни ошкора даъват этдим.

9. Сўнгра мен уларга (ўз даъватимни) (очиқ) эълон ҳам қилдим, пинҳона қилиб ҳам айтдим.

10. Бас, дедимки: «Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир.

71. НУҲ СУРАСИ

Сурада Нуҳ (а.с.) ўз қавмини имонга даъват қилган кезларида улардан кўрган жабру жафолари ва охири тавфиқ топмаган кофир қавмларининг туғёни авж олиб кетгандан кейин уларнинг ҳақларига дуои бад қилганлари тўғрисида оятлар баён этилган.

“Анкабут” сурасининг 14-оятига кўра Нуҳ (а.с.) 950 йил пайғамбарлик қилган. Охири Аллоҳ томонидан тўфон балоси юборилиб, куфр ва зулм эгалари тамомила ҳалок этилади.

Нуҳ (а.с.)нинг неча йил умр кўргани тўғрисида турли хил тафсирлар мавжуд.

يُرۡسِلِ ٱلسَّمَآءَ عَلَيۡكُم مِّدۡرَارٗا ١١ وَيُمۡدِدۡكُم بِأَمۡوَٰلٖ وَبَنِينَ وَيَجۡعَل
لَّكُمۡ جَنَّٰتٖ وَيَجۡعَل لَّكُمۡ أَنۡهَٰرٗا ١٢ مَّا لَكُمۡ لَا تَرۡجُونَ لِلَّهِ وَقَارٗا ١٣
وَقَدۡ خَلَقَكُمۡ أَطۡوَارًا ١٤ أَلَمۡ تَرَوۡاْ كَيۡفَ خَلَقَ ٱللَّهُ سَبۡعَ سَمَٰوَٰتٖ
طِبَاقٗا ١٥ وَجَعَلَ ٱلۡقَمَرَ فِيهِنَّ نُورٗا وَجَعَلَ ٱلشَّمۡسَ سِرَاجٗا ١٦
وَٱللَّهُ أَنۢبَتَكُم مِّنَ ٱلۡأَرۡضِ نَبَاتٗا ١٧ ثُمَّ يُعِيدُكُمۡ فِيهَا وَيُخۡرِجُكُمۡ
إِخۡرَاجٗا ١٨ وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُمُ ٱلۡأَرۡضَ بِسَاطٗا ١٩ لِّتَسۡلُكُواْ مِنۡهَا
سُبُلٗا فِجَاجٗا ٢٠ قَالَ نُوحٞ رَّبِّ إِنَّهُمۡ عَصَوۡنِي وَٱتَّبَعُواْ مَن لَّمۡ يَزِدۡهُ
مَالُهُۥ وَوَلَدُهُۥٓ إِلَّا خَسَارٗا ٢١ وَمَكَرُواْ مَكۡرٗا كُبَّارٗا ٢٢ وَقَالُواْ
لَا تَذَرُنَّ ءَالِهَتَكُمۡ وَلَا تَذَرُنَّ وَدّٗا وَلَا سُوَاعٗا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ
وَنَسۡرٗا ٢٣ وَقَدۡ أَضَلُّواْ كَثِيرٗاۖ وَلَا تَزِدِ ٱلظَّٰلِمِينَ إِلَّا ضَلَٰلٗا ٢٤
مِّمَّا خَطِيٓـَٰٔتِهِمۡ أُغۡرِقُواْ فَأُدۡخِلُواْ نَارٗا فَلَمۡ يَجِدُواْ لَهُم مِّن دُونِ
ٱللَّهِ أَنصَارٗا ٢٥ وَقَالَ نُوحٞ رَّبِّ لَا تَذَرۡ عَلَى ٱلۡأَرۡضِ مِنَ ٱلۡكَٰفِرِينَ
دَيَّارًا ٢٦ إِنَّكَ إِن تَذَرۡهُمۡ يُضِلُّواْ عِبَادَكَ وَلَا يَلِدُوٓاْ إِلَّا فَاجِرٗا
كَفَّارٗا ٢٧ رَّبِّ ٱغۡفِرۡ لِي وَلِوَٰلِدَيَّ وَلِمَن دَخَلَ بَيۡتِيَ
مُؤۡمِنٗا وَلِلۡمُؤۡمِنِينَ وَٱلۡمُؤۡمِنَٰتِۖ وَلَا تَزِدِ ٱلظَّٰلِمِينَ إِلَّا تَبَارَۢا ٢٨

11. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур,

12. сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур.

13. Нега сизлар Аллоҳни улуғлашни (ибодат қилишни) ўйламайсиз?!

14. Ҳолбуки, У сизларни (она қорнидаги вақтингиздан бошлаб) босқичма-босқич яратган бўлса?!

15. Кўрмадингизми, Аллоҳ етти осмонни қандай қаватма-қават қилиб яратди.

16. Ойни улар ичида нур қилиб*, Қуёшни эса чироқ қилиб қўйди.

17. Аллоҳ сизларни (Одамни) ердан ундирди (пайдо қилди).

18. Сўнгра (вафот этганларингизда) сизларни яна (ерга) қайтарур ва (қиёматда) сизларни яна чиқарур.

19. Аллоҳ ерни сизлар учун тўшак қилди,

20. токи ундаги кенг йўлларда юргайсизлар».

21. Нуҳ (яна) айтди: «Эй, Раббим! Дарҳақиқат, улар менга итоатсизлик қилдилар ҳамда (топган) мол-дунёси ва фарзандлари ўзига фақат зиённи оширадиган кимсаларга эргашиб кетдилар».

22.(Улар) жуда катта макр қилдилар.

23. (Ўзларига эргашган кимсаларга:) «Сизлар ўз илоҳларингизни сира тарк этмангиз! «Вадд»-ни ҳам, «Сувоъ»ни ҳам, «Яғус»ни ҳам, «Яъуқ»ни ва «Наср»ни ҳам сира тарк этмангиз!», – дедилар*.

24. Дарҳақиқат, улар (Нуҳ қавмининг кофирлари) кўп (кишилар)ни йўлдан оздирдилар. «(Эй, Раббим!) Золимларга фақат гумроҳликни зиёда қилгин!» (деди Нуҳ).

25. Улар ўз хато (гуноҳ)лари сабабли ғарқ қилиниб, (сув балосидан сўнг) оловга киритилдилар*. Бас, ўзларига Аллоҳдан ўзга ёрдам берувчиларни топмадилар.

26. Нуҳ айтди: «Эй, Раббим! Ер юзида кофирлардан бирорта (тирик) юрувчини қолдирмагин!

27. Чунки, агар Сен уларни қолдирсанг, бандаларингни йўлдан оздирурлар ва фақат, фосиқ, ношукур(лар)ни туғарлар.

28. Эй, Раббим! Мени, ота-онамни, уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўминну мўминаларни мағфират этгин! Золимларга эса фақат ҳалокатни зиёда қилгин!»

16-оят. Тафсирларда ёзилишича, Ой биринчи, Қуёш эса тўртинчи осмонда нур ва зиё таратиб туради. Абдуллоҳ ибн Аббос (рз.)дан қилинган ривоятда айтилишича, Ойнинг ҳам, Қуёшнинг ҳам юз (олд) томонлари осмонга, орқа томонлари Ерга қараб туради (Мд.).

23-оят. Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъуқ, Наср – Нуҳ қавмининг сиғинадиган маъбуда санамларининг номларидир.

25-оят. Бу қабр азобига далолат қиладиган оятлардандир.



Жин сураси

Маккада нозил қилинган. 28 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи (тиловатимни) эшитиб, (ўз қавмларига бориб) дедилар: «Дарҳақиқат, бизлар ажиб бир Қуръонни эшитдик.

2. У тўғри йўлга ҳидоят қилади. Бас, дарҳол унга имон келтирдик. Бизлар (энди) Раббимизга ҳеч кимни сира шерик қилмагаймиз.

3. Албатта, буюклиги олий бўлмиш Раббимиз бирорта хотин ҳам, фарзанд ҳам тутган эмасдир.

4. Албатта, бизнинг ичимиздаги аблаҳ (иблис) Аллоҳ шаънига («Унинг хотини ва фарзанди бор», – деб) тутуриқсиз сўз айтар эди.

5. Яна инсонлар ҳам, жинлар ҳам Аллоҳ шаънига сира ёлғон сўзламас, деб ўйлар эдик.

6. Инсонлардан бўлмиш (айрим) кишилар жинлардан бўлмиш кимсалардан паноҳ тилашар, уларга эса янада ҳаддан ошишни зиёда қилур эдилар.

7. Албатта, улар (инсонларнинг кофирлари) ҳам худди сизлар гумон қилганингиздек, Аллоҳ бирор кимсани қайта тирилтирмас, деб гумон қилганлар.

8. Бизлар (фариштлардан ваҳийни эшитиб олиш учун) осмонга дахлдор бўлган эдик, унинг кучли қўриқчи (фаришта)лар ва (жинларга отилувчи учар) юлдузлар билан тўла эканини кўрдик.

9. Биз (илгари) ундан (осмондаги баъзи) жойларга (фаришталар сўзларини) эшитиб олиш учун ўтириб олар эдик. Энди ҳозир (Муҳаммад пайғамбар бўлгач) кимки (қайси жин) тингламоқчи бўлса, ўзини кузатиб турган бир (учар) юлдузни топар.

10. Биз ердаги кишиларга (Аллоҳ томонидан) ёмонлик ирода қилинганми ёки Парвардигорлари уларга тўғри йўлни ирода қилганми, билмасмиз.

11. Албатта, бизнинг орамизда яхшилар ҳам бор ва (шунингдек) орамизда ундан берироқлар (ёмонлар) ҳам бордир. Биз (бундан илгари) турли-туман йўлларда эдик.

12. Бизлар яна (Қуръонни эшитганимиздан сўнг) билдикки, Ер (юзи)да Аллоҳни ожиз қолдира олмасмиз ва Ундан (жазосидан) қочиб қутила олмасмиз.

13. Биз Ҳидоятни (Қуръонни) эшитдиг-у, унга имон келтирдик. Бас, кимки Парвардигорига имон келтирса, демак, у (яхшиликларнинг) камайиб қолишидан ҳам, (ёмонликларнинг) ортиб кетишидан ҳам хавфи бўлмас.

---

72. ЖИН СУРАСИ

Сурада бир гуруҳ жинлар тоифаси Расул (а.с.) ҳузурига келиб, Қуръон тиловатини тинглаб, сўнг имон келтирганлари, умуман, жинлар билан инсонлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг самовий ваҳийларга алоқаси ва бошқа маълумотлар ўз ифодасини топган.

Маълумки, Муҳаммад (а.с.) инсонларга ҳам, жинларга ҳам баробар пайғамбар этиб юборилганлар. Бинобарин, жинлар ичида ҳам мўминлари ва кофирлари, яхшилари ва ёмонлари бор. Энг ёвузлари шайтонлар деб аталади. Жинлар тутунсиз оловдан, фаришталар эса соф нурдан яратилган.

وَأَنَّا مِنَّا ٱلْمُسْلِمُونَ وَمِنَّا ٱلْقَـٰسِطُونَ ۖ فَمَنْ أَسْلَمَ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ
تَحَرَّوْا۟ رَشَدًا ﴿١٤﴾ وَأَمَّا ٱلْقَـٰسِطُونَ فَكَانُوا۟ لِجَهَنَّمَ حَطَبًا ﴿١٥﴾
وَأَلَّوِ ٱسْتَقَـٰمُوا۟ عَلَى ٱلطَّرِيقَةِ لَأَسْقَيْنَـٰهُم مَّآءً غَدَقًا ﴿١٦﴾ لِّنَفْتِنَهُمْ
فِيهِ ۚ وَمَن يُعْرِضْ عَن ذِكْرِ رَبِّهِۦ يَسْلُكْهُ عَذَابًا صَعَدًا ﴿١٧﴾ وَأَنَّ
ٱلْمَسَـٰجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا۟ مَعَ ٱللَّهِ أَحَدًا ﴿١٨﴾ وَأَنَّهُۥ لَمَّا قَامَ عَبْدُ ٱللَّهِ
يَدْعُوهُ كَادُوا۟ يَكُونُونَ عَلَيْهِ لِبَدًا ﴿١٩﴾ قُلْ إِنَّمَآ أَدْعُوا۟ رَبِّى وَلَآ أُشْرِكُ
بِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٠﴾ قُلْ إِنِّى لَآ أَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا رَشَدًا ﴿٢١﴾ قُلْ إِنِّى
لَن يُجِيرَنِى مِنَ ٱللَّهِ أَحَدٌ وَلَنْ أَجِدَ مِن دُونِهِۦ مُلْتَحَدًا ﴿٢٢﴾ إِلَّا بَلَـٰغًا
مِّنَ ٱللَّهِ وَرِسَـٰلَـٰتِهِۦ ۚ وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَإِنَّ لَهُۥ نَارَ جَهَنَّمَ
خَـٰلِدِينَ فِيهَآ أَبَدًا ﴿٢٣﴾ حَتَّىٰٓ إِذَا رَأَوْا۟ مَا يُوعَدُونَ فَسَيَعْلَمُونَ
مَنْ أَضْعَفُ نَاصِرًا وَأَقَلُّ عَدَدًا ﴿٢٤﴾ قُلْ إِنْ أَدْرِىٓ أَقَرِيبٌ
مَّا تُوعَدُونَ أَمْ يَجْعَلُ لَهُۥ رَبِّىٓ أَمَدًا ﴿٢٥﴾ عَـٰلِمُ ٱلْغَيْبِ فَلَا
يُظْهِرُ عَلَىٰ غَيْبِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٦﴾ إِلَّا مَنِ ٱرْتَضَىٰ مِن رَّسُولٍ فَإِنَّهُۥ
يَسْلُكُ مِنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَمِنْ خَلْفِهِۦ رَصَدًا ﴿٢٧﴾ لِّيَعْلَمَ أَن قَدْ أَبْلَغُوا۟
رِسَـٰلَـٰتِ رَبِّهِمْ وَأَحَاطَ بِمَا لَدَيْهِمْ وَأَحْصَىٰ كُلَّ شَىْءٍ عَدَدًۢا ﴿٢٨﴾

14. Орамизда мусулмонлар ҳам бор, (шунингдек) орамизда (йўлдан) озганлар ҳам бордир. Бас, кимки мусулмон бўлса, демак, айнан ўшалар тўғри йўлни мақсад қилиб олибдилар.

15. Аммо (йўлдан) озганларга эса, бас, улар жаҳаннамга ўтин бўлувчи кимсалардир».

16. Албатта, агар улар (тўғри) йўлда устувор турганларида, албатта, Биз уларни сероб қилган бўлур эдик.

17. Бу билан уларни синаган бўлур эдик. Кимки Парвардигорининг зикридан (Қуръондан) юз ўгирса, (У) уни қаттиқ азобга йўллар.

18. Албатта, (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан қўшиб яна бирор кимсага дуо (ибодат) қилмангиз!

19. Яна Аллоҳнинг бандаси (Муҳаммад) Унга ибодат қилиб турганида, улар (жинлар Қуръон эшитиш учун) унинг устида ғуж-ғуж бўлиб йиғила бошладилар.

20. (Эй, Муҳаммад! Кофирларга) айтинг: «Мен фақат Раббимгагина ибодат қилурман ва Унга ҳеч кимни шерик қилмасман».

21. Айтинг: «Мен сизларга зарар ва (ёки) тўғри йўл (бериш)га молик эмасдирман».

22. Айтинг: «Албатта мени Аллоҳдан (яъни азобидан) бирор кимса ҳимоя қила олмас ва мен Ундан ўзга паноҳ ҳам топа олмасман.

23. (Мен) фақат Аллоҳ томонидан етказишга ва Унинг элчилик вазифаларигагина (эгадирман). Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилса, бас, албатта, унга жаҳаннам олови бордирки, (улар) ўша жойда мангу қолурлар.

24. Ўзларига ваъда қилинаётган азобни кўрганларидан кейингина кимнинг ёрдамчиси заифроқ ва саноғи ҳам озроқ эканини билажаклар».

25. (Эй, Муҳаммад! Кофирларга) айтинг: «Сизларга ваъда қилинаётган азоб яқинми ёки Раббим унга (узоқроқ) муҳлат қилганми, билмасман».

26. (У) ғайбни билувчидир. Бас, Ўз ғайбидан бирор кимсани хабардор қилмас.

27. Фақат Ўзи рози бўлган (танлаган) пайғамбарнигина (икки дунёнинг баъзи сирларидан огоҳ этар). Бас, албатта, У (Аллоҳ) (ҳар бир пайғамбарнинг) олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатувчи (фаришта) йўллар.

28. Токи (пайғамбарлар) Парвардигорларининг элчилик вазифаларини (умматга) етказганликларини билиш (синаш) учун (шундай қилур). У (пайғамбарлар) ҳузуридаги (бор) нарсани (илм ва амалларни) иҳота қилиб олгандир ва (борлиқдаги) ҳар бир нарсанинг саноғини ҳисоблаб қўйгандир».



Муззаммил сураси

Маккада нозил қилинган. 20 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. Эй, (кийимларига) ўралиб олган киши (Муҳаммад!)

2. Тунда (бедор бўлиб, намозга) туринг! Фақат озгина (ухлашга вақт қолсин!)

3. Яъни ярми (қолсин) ёки ярмидан ҳам бироз камайтиринг!

4. Ёхуд унга (бироз вақт) қўшинг (ярмидан кўпроғида ухланг) ва Қуръонни «тартил» билан (дона-дона қилиб) тиловат қилинг!

5. Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни (Қуръонни) туширажакмиз.

6. Албатта, кечаси (ибодат учун бедор бўлиб) туриш фаолият жиҳатидан оғирроқдир, (лекин) сўз (сўзлаш, қироат қилиш) жиҳатидан қулайроқдир.

7. Албатта, Сиз учун кундузи (пайғамбарлик ишлари билан) давомли машғулот бордир.

8. Раббингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай ажралинг!

9. (У) машриқ ва мағрибнинг Парвардигоридир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, Унигина вакил (ҳимоячи) қилиб олинг!

10. Улар (мушриклар) айтаётган сўзларга (озорларига) сабр қилинг ҳамда уларни чиройли тарзда тарк этинг!

11. (Сизни) инкор этувчи (ўша) фароғат аҳлини Менга қўйиб беринг ва уларга озгина муҳлат беринг!

12. Ҳақиқатан, Бизнинг ҳузуримизда кишанлар ва дўзах бордир.

13. Яна (томоқдан) яхши ўтмайдиган (йиринг ва қон каби) «таом» ҳамда аламли азоб бордир.

14. У кунда Ер ва тоғлар ларзага келар ва тоғлар тўзиб кетувчи қумтепаларга айланиб қолур.

15. (Эй, Макка аҳли!) Биз сизларга худди Фиръавнга пайғамбар юборганимиз каби устингиздан гувоҳлик берувчи пайғамбарни (Муҳаммадни) юбордик.

16. (Ўшанда) Фиръавн (Мусо) пайғамбарга итоатсизлик қилгач, Биз уни қаттиқ ушлаш (жазолаш) билан ушладик.

17. Бас, агар сизлар кофир бўлсангиз, (ўз даҳшати билан) болаларни қаритиб, оқсочларга айлантириб қўядиган кун(нинг – қиёматнинг азоби)дан қандай сақланурсиз?!

18. У (даҳшат) сабабли осмон ҳам ёрилувчи, (Аллоҳнинг) ваъдаси амалга ошувчидир.

19. Албатта, ушбу (оятлар) эслатмадир. Бас, ким хоҳласа, (шу эслатмадан таъсирланиб) Парвардигори сари йўл тутар.

---

73. МУЗЗАММИЛ СУРАСИ

“Муззаммил” – ўралиб олган, яъни бирор нарсадан қўрққан киши араблар одати бўйича кийим ёки тўшакларга ўралиб олар экан. Пайғамбаримиз (а.с.) ҳам мушрикларнинг берган азиятларидан хафа бўлиб ўралиб ётганларида, шу суранинг оятлари нозил бўлган.

Унда Расул (а.с.)га Аллоҳ таоло тунги ибодат қоидаларидан таълим беради. Тунни фақат уйқу билан ҳам эмас ёки фақат ибодат билан ҳам эмас, балки ҳар иккисига ҳам маълум вақт ажратиш тўғрисида кўрсатма берилади. Қуръони каримни Жаброил (а.с.) оят-оят, сура-сура шаклида Пайғамбар (а.с.)га олиб келганида уни қабул қилиш жараёни қанчалик оғир кечса, улардаги аҳкомларни ҳаётга татбиқ этиш ундан-да оғир кечар эди.

20. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Раббингиз Сиз ва Сиз билан бирга бир тоифа (саҳобаларингиз) кечанинг учдан иккисидан озроғида, баъзида унинг ярмида ва (гоҳо) учдан бирида (бедор бўлиб, намозда) туришларингизни билур. Кеча ва кундуз (миқдори)ни Аллоҳ белгилар. У саноғига ета олмаслигингизни билиб, тавбаларингизни қабул этди. Энди (кечалари намозларингизда) Қуръондан (ўзингизга) осон бўлган даражада ўқийверингиз! У сизларнинг орангизда беморлар бўлишини, бошқалар Аллоҳнинг фазли (ризқи)ни истаб, ер юзида сафар қилишларини ва яна бошқалар эса Аллоҳ йўлида жангга чиқиб кетишларини билган. Бас, (қийналмай Қуръондан) осон бўлган миқдорда ўқийверинг! Намозни баркамол адо этингиз, закотни (ўз жойига) берингиз ва (мискинларга эҳсон қилиш билан) Аллоҳга «қарзи ҳасана» берингиз! Ўзларингиз учун тақдим қиладиган яхшиликни (қиёмат куни) Аллоҳнинг ҳузурида янада яхшироқ ва улуғроқ мукофот ҳолида топурсиз. Аллоҳдан мағфират сўрангиз! Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.

Муддассир сураси

Маккада нозил қилинган. 56 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Эй, (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад!)

2. Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида) огоҳлантиринг,

3. Раббингизни улуғланг,

4. либосларингизни покланг,

5. бутлардан йироқ бўлинг,

6. (бераётган нарсангизни) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг,

7. Раббингиз учунгина сабр қилинг!

8. Қачонки, (қиёмат эълони учун) сур чалинганида,

9. ана ўша кун қийин кундир.

10. Кофирларга осон бўлмаган (кундир).

إِنَّ رَبَّكَ يَعْلَمُ أَنَّكَ تَقُومُ أَدْنَىٰ مِن ثُلُثَيِ ٱلَّيْلِ وَنِصْفَهُۥ وَثُلُثَهُۥ وَطَآئِفَةٌ مِّنَ
ٱلَّذِينَ مَعَكَ ۚ وَٱللَّهُ يُقَدِّرُ ٱلَّيْلَ وَٱلنَّهَارَ ۚ عَلِمَ أَن لَّن تُحْصُوهُ فَتَابَ
عَلَيْكُمْ ۖ فَٱقْرَءُوا۟ مَا تَيَسَّرَ مِنَ ٱلْقُرْءَانِ ۚ عَلِمَ أَن سَيَكُونُ مِنكُم مَّرْضَىٰ ۙ
وَءَاخَرُونَ يَضْرِبُونَ فِى ٱلْأَرْضِ يَبْتَغُونَ مِن فَضْلِ ٱللَّهِ ۙ وَءَاخَرُونَ
يُقَٰتِلُونَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ فَٱقْرَءُوا۟ مَا تَيَسَّرَ مِنْهُ ۚ وَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتُوا۟
ٱلزَّكَوٰةَ وَأَقْرِضُوا۟ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا ۚ وَمَا تُقَدِّمُوا۟ لِأَنفُسِكُم مِّنْ خَيْرٍ تَجِدُوهُ
عِندَ ٱللَّهِ هُوَ خَيْرًا وَأَعْظَمَ أَجْرًا ۚ وَٱسْتَغْفِرُوا۟ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌۢ ﴿٢٠﴾

سُورَةُ ٱلْمُدَّثِّرِ

ترتيبها ٧٤ — آياتها ٥٦

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

يَٰٓأَيُّهَا ٱلْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنذِرْ ﴿٢﴾ وَرَبَّكَ فَكَبِّرْ ﴿٣﴾ وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾
وَٱلرُّجْزَ فَٱهْجُرْ ﴿٥﴾ وَلَا تَمْنُن تَسْتَكْثِرُ ﴿٦﴾ وَلِرَبِّكَ فَٱصْبِرْ ﴿٧﴾
فَإِذَا نُقِرَ فِى ٱلنَّاقُورِ ﴿٨﴾ فَذَٰلِكَ يَوْمَئِذٍ يَوْمٌ عَسِيرٌ ﴿٩﴾ عَلَى ٱلْكَٰفِرِينَ
غَيْرُ يَسِيرٍ ﴿١٠﴾ ذَرْنِى وَمَنْ خَلَقْتُ وَحِيدًا ﴿١١﴾ وَجَعَلْتُ لَهُۥ مَالًا
مَّمْدُودًا ﴿١٢﴾ وَبَنِينَ شُهُودًا ﴿١٣﴾ وَمَهَّدتُّ لَهُۥ تَمْهِيدًا ﴿١٤﴾ ثُمَّ يَطْمَعُ
أَنْ أَزِيدَ ﴿١٥﴾ كَلَّآ ۖ إِنَّهُۥ كَانَ لِءَايَٰتِنَا عَنِيدًا ﴿١٦﴾ سَأُرْهِقُهُۥ صَعُودًا ﴿١٧﴾

11. (Эй, Муҳаммад!) Мен сўққабош қилиб яратган кимсани (Валидни) Ўзимга қўйиб беринг!

12. Мен унга кенг-мўл бойлик бердим.

13. (Хизматига) ҳозиру нозир ўғилларни ҳам.

14. Яна унга (ҳаёт неъматларини) муҳайё қилиб қўйдим.

15. Сўнгра у (борига қаноат қилмай) яна зиёда қилишимни тама қилур.

16. Йўқ! Чунки, у оятларимизга (имон келтириш ўрнига) қаршилик қилувчи эди.

17. Яқинда Мен уни (дўзахдаги) баланд довонга дучор қилажакман.

---

74. МУДДАССИР СУРАСИ

"Муддассир"нинг маъноси ҳам олдинги сурадаги "муззаммил" маъноси билан бир хилдир.

Сурада Ислом динига даъват этишда Пайғамбар (а.с.)га юкланган бурч ва вазифалар, қиёматда бўладиган ишлар, жаннат, дўзах, ҳисоб-китоб, жаннат аҳли билан дўзах аҳли ўртасидаги савол-жавоблар ва бошқа илоҳий ўгитлар мавжуд.

إِنَّهُۥ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾ فَقُتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ قُتِلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿٢٠﴾ ثُمَّ نَظَرَ
﴿٢١﴾ ثُمَّ عَبَسَ وَبَسَرَ ﴿٢٢﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ وَٱسْتَكْبَرَ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا سِحْرٌ
يُؤْثَرُ ﴿٢٤﴾ إِنْ هَٰذَآ إِلَّا قَوْلُ ٱلْبَشَرِ ﴿٢٥﴾ سَأُصْلِيهِ سَقَرَ ﴿٢٦﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ
مَا سَقَرُ ﴿٢٧﴾ لَا تُبْقِى وَلَا تَذَرُ ﴿٢٨﴾ لَوَّاحَةٌ لِّلْبَشَرِ ﴿٢٩﴾ عَلَيْهَا تِسْعَةَ عَشَرَ
﴿٣٠﴾ وَمَا جَعَلْنَآ أَصْحَٰبَ ٱلنَّارِ إِلَّا مَلَٰٓئِكَةً ۙ وَمَا جَعَلْنَا عِدَّتَهُمْ إِلَّا فِتْنَةً
لِّلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لِيَسْتَيْقِنَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ وَيَزْدَادَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِيمَٰنًا ۙ
وَلَا يَرْتَابَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَٰبَ وَٱلْمُؤْمِنُونَ ۙ وَلِيَقُولَ ٱلَّذِينَ فِى قُلُوبِهِم مَّرَضٌ
وَٱلْكَٰفِرُونَ مَاذَآ أَرَادَ ٱللَّهُ بِهَٰذَا مَثَلًا ۚ كَذَٰلِكَ يُضِلُّ ٱللَّهُ مَن يَشَآءُ وَيَهْدِى
مَن يَشَآءُ ۚ وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ ۚ وَمَا هِىَ إِلَّا ذِكْرَىٰ لِلْبَشَرِ ﴿٣١﴾ كَلَّا
وَٱلْقَمَرِ ﴿٣٢﴾ وَٱلَّيْلِ إِذْ أَدْبَرَ ﴿٣٣﴾ وَٱلصُّبْحِ إِذَآ أَسْفَرَ ﴿٣٤﴾ إِنَّهَا لَإِحْدَى
ٱلْكُبَرِ ﴿٣٥﴾ نَذِيرًا لِّلْبَشَرِ ﴿٣٦﴾ لِمَن شَآءَ مِنكُمْ أَن يَتَقَدَّمَ أَوْ يَتَأَخَّرَ ﴿٣٧﴾ كُلُّ
نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ ﴿٣٨﴾ إِلَّآ أَصْحَٰبَ ٱلْيَمِينِ ﴿٣٩﴾ فِى جَنَّٰتٍ يَتَسَآءَلُونَ
﴿٤٠﴾ عَنِ ٱلْمُجْرِمِينَ ﴿٤١﴾ مَا سَلَكَكُمْ فِى سَقَرَ ﴿٤٢﴾ قَالُوا۟ لَمْ نَكُ مِنَ
ٱلْمُصَلِّينَ ﴿٤٣﴾ وَلَمْ نَكُ نُطْعِمُ ٱلْمِسْكِينَ ﴿٤٤﴾ وَكُنَّا نَخُوضُ مَعَ
ٱلْخَآئِضِينَ ﴿٤٥﴾ وَكُنَّا نُكَذِّبُ بِيَوْمِ ٱلدِّينِ ﴿٤٦﴾ حَتَّىٰٓ أَتَىٰنَا ٱلْيَقِينُ ﴿٤٧﴾

18. Чунки, у (Қуръон тўғрисида ёмон) фикр юритди ва (нима дейишни) ўйлаб кўйди.

19. Ҳалок қилингур, қандай ҳисобга олди?!

20. Яна ҳалок қилингур, қандай ҳисобга олди?!

21. Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради.

22. Сўнгра (Қуръондан айб топа олмагач) юзини тириштирди ва буриштирди.

23. Сўнгра (Ҳақдан) юз ўгирди ва кибр қилди.

24. Бас, деди: «Бу (Қуръон) сеҳрнинг ўзидир.

25. Бу айни башарнинг сўзидир».

26. Яқинда Мен уни Сақарда (жаҳаннамда) куйдиражакман.

27. (Эй, Муҳаммад!) Сақарнинг нима эканлигини қаердан ҳам билар эдингиз?!

28. У (бирор кофирни) қолдирмас ҳам, (ўз ҳолига) қўймас ҳам (балки куйдириб, азоб берур).

29. (У) териларни қорайтириб куйдирувчидир.

30. Унинг устида ўн тўққиз* (фаришта қўриқчилик қилур).

31. Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари (қўриқчилари) қилдик ва Биз фақат куфрга кетган кимсаларни синаш учун уларнинг саноғини (ўн тўққизта) қилдик. Токи китоб берилган кимсалар аниқ билгайлар* ва имон келтирган зотларнинг имонлари янада зиёда бўлгай ҳамда китоб берилган кимсалар ҳам, мўминлар ҳам (бу хусусда) шак-шубҳа қилмагайлар. Яна дилларида мараз (мунофиқлик) бўлган кимсалар ва кофирлар: «Бу мисол билан Аллоҳ нима демоқчи?», – дегайлар. Аллоҳ ўзи хоҳлаган кимсаларни мана шундай йўлдан оздириб қўяр ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Парвардигорингизнинг қўшинларини (фаришталарнинг адади ва сифатларини) Унинг ўзигина билур. У (жаҳаннам ҳақидаги хабар) инсонлар учунгина бир эслатмадир.

32. Йўқ! Ой билан қасамёд этаман,

33. ўтиб кетган тун билан ҳам,

34. ёришиб келаётган тонг билан ҳамки,

35. албатта, у (жаҳаннам охиратдаги) улкан (бало)лардан бири,

36. инсонлар учун огоҳлантирувчи,

37. сизлардан илгарилашга ёки чекинишга ихтиёрли кишилар учун (тайёрлаб қўйилган)дир*.

38. Ҳар бир жон ўзи (дунёда) қилган (яхши ва ёмон) амали билан гаровлидир.

39. Фақат ўнг томон эгаларигина

40. жаннатларда бир-бирлари билан савол-жавоб қилурлар

41. жиноятчи (кофир)лар ҳақида

42. (Улар дўзах аҳлига): «Сизларни Сақарга нима киритди?» (деганларида),

43. улар айтурлар: «Бизлар (дунёда яшаганимизда) намозхонлардан эмас эдик,

44. мискинга (бизга берган Аллоҳнинг бойлигидан) таом берувчи ҳам бўлмадик.

45. Бизлар (беҳуда сўзларга) шўнғийдиганлар билан бирга шўнғир эдик.

46. Жазо кунини (қиёматни) ёлғонга чиқарар эдик

47. то аниқ нарса (ўлим) келгунича».

30-оят. 19 рақами, шунингдек, бошқа оятларда ҳам учрайдиган турли рақамлар асосида кейинги вақтда ҳар хил илоҳий мўъжизаларни кашф этишга уринишлар рўй бермоқда. Биз оятлар замирида бизга номаълум яширин бошқа маънолар ҳам борлигини тўла тасдиқ этган ҳолда қадимий тафсирларга суяниб, рақамлардаги илоҳий сир-синоатларни тафсир қилишни лозим топмадик.

31-оят. Таврот ва Инжилда ҳам қўриқчи фаришталар сони 19 та деб қайд этилгани эслатилмоқда.

37-оят. Илгарилаётган, яъни эзгулик сари; чекинаётган, яъни,

48. Энди шафоатчиларнинг шафоати уларга фойда бермас.
49. Нега улар (илоҳий ваҳий ва) эслатмадан юз ўгирувчидирлар?!
50. Худди чўчиган эшакларга ўхшаб
51. шердан қочиб.
52. Йўқ! Улардан ҳар бир кимса ўзига очиқ саҳифалар берилишини истар.
53. Йўқ! Балки, улар охиратдан қўрқмаслар.
54. Йўқ! У (Қуръон) бир эслатмадир.
55. Бас, хоҳлаган киши ундан эслатма олур.
56. Улар фақат Аллоҳ хоҳлаганидагина (Қуръондан) эслатма олурлар. У (Ундан) қўрқишга аҳл (лойиқ) ва мағфират аҳли ҳамдир.

فَمَا تَنفَعُهُمْ شَفَٰعَةُ ٱلشَّٰفِعِينَ ﴿٤٨﴾ فَمَا لَهُمْ عَنِ ٱلتَّذْكِرَةِ مُعْرِضِينَ
﴿٤٩﴾ كَأَنَّهُمْ حُمُرٌ مُّسْتَنفِرَةٌ ﴿٥٠﴾ فَرَّتْ مِن قَسْوَرَةٍۭ ﴿٥١﴾ بَلْ يُرِيدُ
كُلُّ ٱمْرِئٍ مِّنْهُمْ أَن يُؤْتَىٰ صُحُفًا مُّنَشَّرَةً ﴿٥٢﴾ كَلَّا ۖ بَل لَّا يَخَافُونَ
ٱلْءَاخِرَةَ ﴿٥٣﴾ كَلَّآ إِنَّهُۥ تَذْكِرَةٌ ﴿٥٤﴾ فَمَن شَآءَ ذَكَرَهُۥ ﴿٥٥﴾
وَمَا يَذْكُرُونَ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُ ۚ هُوَ أَهْلُ ٱلتَّقْوَىٰ وَأَهْلُ ٱلْمَغْفِرَةِ ﴿٥٦﴾

Қиёмат сураси

Маккада нозил қилинган. 40 оят.

سُورَةُ ٱلْقِيَٰمَةِ

ترتيبها ٧٥ — آياتها ٤٠

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

لَآ أُقْسِمُ بِيَوْمِ ٱلْقِيَٰمَةِ ﴿١﴾ وَلَآ أُقْسِمُ بِٱلنَّفْسِ ٱللَّوَّامَةِ ﴿٢﴾ أَيَحْسَبُ
ٱلْإِنسَٰنُ أَلَّن نَّجْمَعَ عِظَامَهُۥ ﴿٣﴾ بَلَىٰ قَٰدِرِينَ عَلَىٰٓ أَن نُّسَوِّىَ بَنَانَهُۥ ﴿٤﴾ بَلْ
يُرِيدُ ٱلْإِنسَٰنُ لِيَفْجُرَ أَمَامَهُۥ ﴿٥﴾ يَسْـَٔلُ أَيَّانَ يَوْمُ ٱلْقِيَٰمَةِ ﴿٦﴾ فَإِذَا بَرِقَ ٱلْبَصَرُ
﴿٧﴾ وَخَسَفَ ٱلْقَمَرُ ﴿٨﴾ وَجُمِعَ ٱلشَّمْسُ وَٱلْقَمَرُ ﴿٩﴾ يَقُولُ ٱلْإِنسَٰنُ يَوْمَئِذٍ
أَيْنَ ٱلْمَفَرُّ ﴿١٠﴾ كَلَّا لَا وَزَرَ ﴿١١﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ ٱلْمُسْتَقَرُّ ﴿١٢﴾ يُنَبَّؤُا۟ ٱلْإِنسَٰنُ
يَوْمَئِذٍۭ بِمَا قَدَّمَ وَأَخَّرَ ﴿١٣﴾ بَلِ ٱلْإِنسَٰنُ عَلَىٰ نَفْسِهِۦ بَصِيرَةٌ ﴿١٤﴾ وَلَوْ أَلْقَىٰ
مَعَاذِيرَهُۥ ﴿١٥﴾ لَا تُحَرِّكْ بِهِۦ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِۦٓ ﴿١٦﴾ إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُۥ
وَقُرْءَانَهُۥ ﴿١٧﴾ فَإِذَا قَرَأْنَٰهُ فَٱتَّبِعْ قُرْءَانَهُۥ ﴿١٨﴾ ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا بَيَانَهُۥ ﴿١٩﴾

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Қиёмат куни билан қасамёд этурман,
2. яна маломатчи нафс билан қасамёд этурманки, (қиёмат куни қайта тирилиб, ҳисоб-китоб қилинурсиз)!
3. Инсон унинг (чириб кетган) суякларини сира тўплай (тиклай) олмайди, деб Биздан гумон қилурми?!
4. Йўқ, Биз (ўша куни) унинг бармоқларини (ҳам тиклаб) текислаб қўйишга қодирмиз!
5. Балки, инсон келгусида фужур (гуноҳ ишларни) қилишни истайди.
6. «Қиёмат куни қачон ўзи?», – деб сўрайди.
7. Бас, (қиёмат даҳшатларидан) кўз қамашганда,
8. ой ҳам тутилганда,
9. қуёш ва ой бирлаштирилганда,
10. ана ўша кунда инсон: «(Жазодан) қочадиган жой қаерда?», – деб қолур.
11. Йўқ! Бошпана йўқдир!
12. У кунда (эй, инсон!) Ёлғиз Раббинг (ҳузурида) қарор топишгина бордир.
13. У кунда инсонга (дунёдалик чоғида) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларнинг хабари берилур.
14. Балки, (у кунда) инсон (аъзолари) ўзининг зарарига гувоҳлик берувчидир.
15. Гарчи (у) узрларини (ўртага) ташласа ҳам.
16. (Эй, Муҳаммад! Қуръонни) тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан (кўп) қимирлатмай қўя қолинг*.
17. Зеро, уни (Сизнинг дилингизда) жамлаш ҳам, (тилингиздаги) қироати ҳам Бизнинг зиммамиздадир.
18. Бас, қачон Биз (Жаброил тилида) уни ўқисак, Сиз ҳам уни ўқишга эргашинг!
19. Сўнгра уни (Қуръонни) баён қилиб бериш ҳам, албатта, Бизнинг зиммамиздадир.

---

75. ҚИЁМАТ СУРАСИ

Сурада қиёмат куни рўй берадиган ҳодисалар, қайта тирилишнинг ҳақлиги, ҳисоб-китоб, жазо ва мукофотлар, дунёпарастликнинг салбий оқибатлари, охиратда жаннат ичра Аллоҳ ўзи танлаган солиҳ бандаларига дийдорини кўрсатиши, ширк ва куфрда ўтганларнинг юзлари қорайиб кетиши, ўлим аччиғи ва бошқа маълумотлар баён этилган.

16-оят. Одатда Пайғамбар (а.с.) Қуръон суралари ва оятларини Жаброил (а.с.)дан қабул қилиб олганларидан кейин ўзларини қийнаб бўлсада, ёддан чиқармаслик учун кўп такрорлар эдилар. Ҳақ таоло ул зотни бу машаққатдан озод этди. Бинобарин, Қуръон оятларини Жаброил (а.с.)дан бир эшитишларида ёд олиш қобилияти ато этилди.

كَلَّا بَلْ تُحِبُّونَ ٱلْعَاجِلَةَ ﴿٢٠﴾ وَتَذَرُونَ ٱلْـَٔاخِرَةَ ﴿٢١﴾ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَّاضِرَةٌ ﴿٢٢﴾
إِلَىٰ رَبِّهَا نَاظِرَةٌ ﴿٢٣﴾ وَوُجُوهٌ يَوْمَئِذٍۭ بَاسِرَةٌ ﴿٢٤﴾ تَظُنُّ أَن يُفْعَلَ بِهَا فَاقِرَةٌ ﴿٢٥﴾
كَلَّآ إِذَا بَلَغَتِ ٱلتَّرَاقِىَ ﴿٢٦﴾ وَقِيلَ مَنْ ۜ رَاقٍ ﴿٢٧﴾ وَظَنَّ أَنَّهُ ٱلْفِرَاقُ ﴿٢٨﴾ وَٱلْتَفَّتِ
ٱلسَّاقُ بِٱلسَّاقِ ﴿٢٩﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ يَوْمَئِذٍ ٱلْمَسَاقُ ﴿٣٠﴾ فَلَا صَدَّقَ وَلَا صَلَّىٰ
﴿٣١﴾ وَلَٰكِن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿٣٢﴾ ثُمَّ ذَهَبَ إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ يَتَمَطَّىٰٓ ﴿٣٣﴾ أَوْلَىٰ لَكَ
فَأَوْلَىٰ ﴿٣٤﴾ ثُمَّ أَوْلَىٰ لَكَ فَأَوْلَىٰٓ ﴿٣٥﴾ أَيَحْسَبُ ٱلْإِنسَٰنُ أَن يُتْرَكَ سُدًى ﴿٣٦﴾
أَلَمْ يَكُ نُطْفَةً مِّن مَّنِىٍّ يُمْنَىٰ ﴿٣٧﴾ ثُمَّ كَانَ عَلَقَةً فَخَلَقَ فَسَوَّىٰ ﴿٣٨﴾ فَجَعَلَ مِنْهُ
ٱلزَّوْجَيْنِ ٱلذَّكَرَ وَٱلْأُنثَىٰٓ ﴿٣٩﴾ أَلَيْسَ ذَٰلِكَ بِقَٰدِرٍ عَلَىٰٓ أَن يُحْۦِىَ ٱلْمَوْتَىٰ ﴿٤٠﴾

ترتيبها ٧٦ — سُورَةُ ٱلْإِنسَانِ — آياتها ٣١

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

هَلْ أَتَىٰ عَلَى ٱلْإِنسَٰنِ حِينٌ مِّنَ ٱلدَّهْرِ لَمْ يَكُن شَيْـًٔا مَّذْكُورًا ﴿١﴾
إِنَّا خَلَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ مِن نُّطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَّبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَٰهُ سَمِيعًۢا
بَصِيرًا ﴿٢﴾ إِنَّا هَدَيْنَٰهُ ٱلسَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا ﴿٣﴾
إِنَّآ أَعْتَدْنَا لِلْكَٰفِرِينَ سَلَٰسِلَا۟ وَأَغْلَٰلًا وَسَعِيرًا ﴿٤﴾ إِنَّ
ٱلْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِن كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿٥﴾

20. Йўқ! (Эй, Макка мушриклари!) Балки сизлар нақд (дунё)ни яхши кўрасиз.

21. Охиратни (унга тайёрланишни) эса тарк этасиз.

22. У кунда баъзи юзлар яшнаб турувчи,

23. Парвардигорларига боқувчидир.

24. Яна у кунда баъзи юзлар буришган ҳолда

25. ўзларига нохушлик бўлишини ўйлаб (кутиб) турарлар.

26. Дарҳақиқат, (жон) ҳалқумга етганда,

27. (вафот этаётганга): «Дам солувчи киши борми?», – деб қолинганда,

28. (жон таслим қилаётган кимсанинг) ўзи (бу дунёдан) ажралиш эканини англаганда,

29. (жон бериш қийинлигидан) оёқ – оёққа чалишиб қолган бир вақтда

30. ёлғиз Раббингиз (ҳузури)га ҳайдалиш бордир.

31. На (Қуръон ва пайғамбарни) тасдиқ этди (у) ва на намоз ўқиди.

32. Балки, у (Қуръонни) ёлғон деди ва (имондан) юз ўгирди.

33. Сўнгра гердайганича ўз аҳли томон кетди.

34. (Эй, кўрнамак инсон!) Ҳолингга вой сенинг, яна вой!

35. Сўнгра ҳолингга вой сенинг, яна вой!

36. Инсон ўзини бекор ташлаб қўйилади деб ўйлайдими?!

37. Ахир, у (бачадонга) тўкиладиган манийдан иборат бир (ҳақир) нутфа эмасмиди?!

38. Сўнгра лахта қон бўлди. Бас, (Аллоҳ уни) яратиб, тиклади.

39. Сўнгра ундан жуфтлар – эркак ва аёлни (пайдо) қилди.

40. Ана шу (Аллоҳ қиёмат куни) ўликларни тирилтиришга қодир эмасми?! (Албатта қодир)

Инсон сураси

Мадинада нозил қилинган. 31 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Аниқки, инсон узра қачондир тилга олгулик нарса бўлмаган вақт (муддат) кечган*.

2. Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бир нутфадан яратдик. Бас, уни эшитувчи ва кўрувчи қилиб қўйдик.

3. Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилувчи (мусулмон) бўлсин ва хоҳ ношукр (кофир) бўлсин, йўлга йўлладик.

4. Албатта, Биз кофирлар учун занжирлар, кишанлар ва аланга (дўзах)ни тайёрлаб қўйганмиз.

5. Албатта, яхши (солиҳ киши)лар (жаннатда) мизожи* кофур (ўсимлигидек хушбўй) бўлмиш қадаҳдан (май) ичурлар.

---

76. ИНСОН СУРАСИ

Сурада Аллоҳ таоло инсон зотини йўқдан бор қилгани, сўнгра икки қарама-қарши йўналишга равона қилиб қўйгани, куфр ва имон эгаларининг оқибатлари, Пайғамбар (а.с.)га тасалли берувчи ўгитлар ва бошқа илоҳий кўрсатмалар мавжуд.

1-оят. Ўша тилга олишга арзимас вақт қайсилиги тўғрисида икки хил тафсир бор. Биринчиси – бу вақт Одам (а.с.) яратилгач, жон киргунча ўтган давр. Иккинчиси – инсоннинг она қорнидаги вақтидан то жон киргунича кечган вақт (Мд.).

5-оят. Мизожи, яъни табиати, хусусияти, аралаштирилган нарса.

عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا عِبَادُ ٱللَّهِ يُفَجِّرُونَهَا تَفْجِيرًا ﴿٦﴾ يُوفُونَ بِٱلنَّذْرِ وَيَخَافُونَ
يَوْمًا كَانَ شَرُّهُۥ مُسْتَطِيرًا ﴿٧﴾ وَيُطْعِمُونَ ٱلطَّعَامَ عَلَىٰ حُبِّهِۦ مِسْكِينًا
وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا ﴿٨﴾ إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ ٱللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنكُمْ جَزَآءً وَلَا شُكُورًا
﴿٩﴾ إِنَّا نَخَافُ مِن رَّبِّنَا يَوْمًا عَبُوسًا قَمْطَرِيرًا ﴿١٠﴾ فَوَقَىٰهُمُ ٱللَّهُ شَرَّ ذَٰلِكَ
ٱلْيَوْمِ وَلَقَّىٰهُمْ نَضْرَةً وَسُرُورًا ﴿١١﴾ وَجَزَىٰهُم بِمَا صَبَرُوا۟ جَنَّةً وَحَرِيرًا
﴿١٢﴾ مُّتَّكِـِٔينَ فِيهَا عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ ۖ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمْهَرِيرًا ﴿١٣﴾
وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَـٰلُهَا وَذُلِّلَتْ قُطُوفُهَا تَذْلِيلًا ﴿١٤﴾ وَيُطَافُ عَلَيْهِم بِـَٔانِيَةٍ
مِّن فِضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرَا۠ ﴿١٥﴾ قَوَارِيرَا۟ مِن فِضَّةٍ قَدَّرُوهَا تَقْدِيرًا ﴿١٦﴾
وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنجَبِيلًا ﴿١٧﴾ عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّىٰ سَلْسَبِيلًا
﴿١٨﴾ ۞ وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَٰنٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنثُورًا
﴿١٩﴾ وَإِذَا رَأَيْتَ ثَمَّ رَأَيْتَ نَعِيمًا وَمُلْكًا كَبِيرًا ﴿٢٠﴾ عَـٰلِيَهُمْ ثِيَابُ سُندُسٍ
خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ ۖ وَحُلُّوٓا۟ أَسَاوِرَ مِن فِضَّةٍ وَسَقَىٰهُمْ رَبُّهُمْ شَرَابًا
طَهُورًا ﴿٢١﴾ إِنَّ هَـٰذَا كَانَ لَكُمْ جَزَآءً وَكَانَ سَعْيُكُم مَّشْكُورًا ﴿٢٢﴾ إِنَّا
نَحْنُ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ ٱلْقُرْءَانَ تَنزِيلًا ﴿٢٣﴾ فَٱصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ وَلَا تُطِعْ
مِنْهُمْ ءَاثِمًا أَوْ كَفُورًا ﴿٢٤﴾ وَٱذْكُرِ ٱسْمَ رَبِّكَ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٢٥﴾

6. Аллоҳнинг бандалари (жаннатда) ичадиган (бу) чашмани (ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб (оқизиб) олурлар.

7. Улар (ҳозирда ўз зиммаларига олган) назрларини адо қилурлар ва ёмонлиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи кундан қўрқурлар.

8. Таомни эса суюб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни едирурлар.

9. (Улар айтурлар): «Бизлар сизларни фақат Аллоҳ «юзи» учун таомлантирурмиз. Сизлардан (бу иш учун) бирор мукофот ва миннатдорчилик кутмасмиз*.

10. Бизлар Раббимиз (томони)дан бўладиган, (азобдан юзлар) тиришиб, буришиб қолувчи бир кундан (қиёматдан) қўрқармиз».

11. Бас, Аллоҳ уларни ўша куннинг ёмонлигидан сақлар ва улар(нинг юзлари)га тароват, (дилларига) сурур бахш этар.

12. Яна сабрлари сабабли уларни жаннат ва (эгниларига) ипак (либослар) билан мукофотлар.

13. Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмаслар.

14. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узишга осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлур.

15. Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, шаффофликда) шиша бўлиб кетган қадаҳлар(да шароблар) айлантирилур.

16. Шиша бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар.

17. (Жаннат аҳли) у жойда мизожи занжабил бўлмиш қадаҳларда (май) ичирилур.

18. У ердаги чашманинг номи «Салсабил» деб аталур*.

19. Уларнинг устида мангу ёш ходимлар (хизмат қилиб) айланиб турурларки, уларни кўрганингизда сочиб юборилган дурлар деб ўйларсиз.

20. У жойга қараганингизда, ноз-неъматларни ва катта подшоҳликни кўрурсиз.

21. Устиларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безанган бўлурлар ва Парвардигорлари уларга пок шароб ичирур.

22. Албатта, бу сизлар учун мукофот ва сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз (Аллоҳ наздида) мақбулдир.

23. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга бу Қуръонни бўлиб-бўлиб нозил қилдик.

24. Бас, Сиз Раббингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва улардан (кофирлардан) бирор гуноҳкор ёки ношукурга итоат этманг!

25. Эртаю кеч Раббингиз номини ёд этинг!

9-оят. Аллоҳ таоло жаннат аҳлини тавсиф этганда муҳтожларга холис садақа ва эҳсон қилиб, улардан миннатдорчилик ёки мукофот кутмаганларини ҳам қайд қилиб қўйгани ҳамма учун сабоқ бўлиши керак. Бировга қилган яхшилиги ва моддий ёрдамини миннат қилган киши савобини шамолга совурган бўлади. Аллоҳ амаллар ичида фақат ўзининг ризоси учун холисона қилинган амални қабул қилади.

18-оят. "Салсабил" – суви ўтимли, тотимли бўлган чашма.

وَمِنَ ٱلَّيۡلِ فَٱسۡجُدۡ لَهُۥ وَسَبِّحۡهُ لَيۡلٗا طَوِيلًا ﴿٢٦﴾ إِنَّ
هَٰٓؤُلَآءِ يُحِبُّونَ ٱلۡعَاجِلَةَ وَيَذَرُونَ وَرَآءَهُمۡ يَوۡمٗا ثَقِيلٗا ﴿٢٧﴾ نَّحۡنُ
خَلَقۡنَٰهُمۡ وَشَدَدۡنَآ أَسۡرَهُمۡۖ وَإِذَا شِئۡنَا بَدَّلۡنَآ أَمۡثَٰلَهُمۡ تَبۡدِيلًا
﴿٢٨﴾ إِنَّ هَٰذِهِۦ تَذۡكِرَةٞۖ فَمَن شَآءَ ٱتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ سَبِيلٗا ﴿٢٩﴾
وَمَا تَشَآءُونَ إِلَّآ أَن يَشَآءَ ٱللَّهُۚ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلِيمًا حَكِيمٗا ﴿٣٠﴾
يُدۡخِلُ مَن يَشَآءُ فِي رَحۡمَتِهِۦۚ وَٱلظَّٰلِمِينَ أَعَدَّ لَهُمۡ عَذَابًا أَلِيمَۢا ﴿٣١﴾

سُورَةُ المُرۡسَلَاتِ (ترتيبها ٧٧ — آياتها ٥٠)

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلۡمُرۡسَلَٰتِ عُرۡفٗا ﴿١﴾ فَٱلۡعَٰصِفَٰتِ عَصۡفٗا ﴿٢﴾ وَٱلنَّٰشِرَٰتِ نَشۡرٗا ﴿٣﴾
فَٱلۡفَٰرِقَٰتِ فَرۡقٗا ﴿٤﴾ فَٱلۡمُلۡقِيَٰتِ ذِكۡرًا ﴿٥﴾ عُذۡرًا أَوۡ نُذۡرًا ﴿٦﴾ إِنَّمَا
تُوعَدُونَ لَوَٰقِعٞ ﴿٧﴾ فَإِذَا ٱلنُّجُومُ طُمِسَتۡ ﴿٨﴾ وَإِذَا ٱلسَّمَآءُ فُرِجَتۡ
﴿٩﴾ وَإِذَا ٱلۡجِبَالُ نُسِفَتۡ ﴿١٠﴾ وَإِذَا ٱلرُّسُلُ أُقِّتَتۡ ﴿١١﴾ لِأَيِّ يَوۡمٍ أُجِّلَتۡ
﴿١٢﴾ لِيَوۡمِ ٱلۡفَصۡلِ ﴿١٣﴾ وَمَآ أَدۡرَىٰكَ مَا يَوۡمُ ٱلۡفَصۡلِ ﴿١٤﴾ وَيۡلٞ يَوۡمَئِذٖ
لِّلۡمُكَذِّبِينَ ﴿١٥﴾ أَلَمۡ نُهۡلِكِ ٱلۡأَوَّلِينَ ﴿١٦﴾ ثُمَّ نُتۡبِعُهُمُ ٱلۡأٓخِرِينَ
﴿١٧﴾ كَذَٰلِكَ نَفۡعَلُ بِٱلۡمُجۡرِمِينَ ﴿١٨﴾ وَيۡلٞ يَوۡمَئِذٖ لِّلۡمُكَذِّبِينَ ﴿١٩﴾

26. Яна кечанинг бир қисмида ҳам Унга сажда қилинг ва узун тунда унга тасбеҳ ҳам айтинг!

27. Албатта, ана у (кофир)лар нақд (дунё)ни суюрлар ва ортларидаги оғир кунни (қиёматни) эса (эсдан чиқариб) қўюрлар.

28. Биз уларни яратдик ва (барча) аъзоларини мустаҳкам қилдик ва хоҳлаган вақтимизда (уларни ҳалок қилиб) уларга ўхшаш (бошқа одам)ларга алмаштириб қўюрмиз.

29. Албатта, бу (сура) бир эслатмадир. Бас, ким хоҳласа (уни қабул қилиб), Парвардигори томонга йўл олур.

30. (Эй, инсонлар!) Истакларингиз фақат Аллоҳ хоҳласагина рўёбга чиқур. Албатта, Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир.

31. У хоҳлаган кишиларни Ўз раҳматига (жаннатига) киритур. Золимлар учун эса аламли азобни тайёрлаб қўйгандир.

Мурсалот сураси

Маккада нозил қилинган. 50 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман, пайдар-пай эсдириладиган (шамол)лар билан,

2. қутурадиган (бўрон)лар билан,

3. (булутларни) ёйиб юборадиган,

4. (ҳақ билан ноҳақликни) ажратиб берадиган,

5. эслатма олиб тушиб,

6. (мўминларни) узр (мағфират) қилиш ёки (кофирларни) огоҳлантириш учун (хизмат қиладиган фаришталар) биланки,

7. албатта, сизларга ваъда қилинаётган нарса (қиёмат ва ҳисоб-китоб) воқе бўлувчидир!

8. Бас, қачонки, юлдузлар (нурлари) сўндирилгач,

9. осмон (қобиғи) очилгач,

10. тоғлар (қумлар каби) сочилгач

11. ва пайғамбарларга белгиланган вақт келгач (қиёмат қойим бўлур).

12. (Пайғамбарлар ўз қавмлари билан ҳисоблашишлари) қайси кунга белгиланган ўзи?!

13. Ажрим кунига (албатта).

14. (Эй, инсон!) Ажрим куни нима (эканлигини) сен қаердан ҳам билурсан?!

15. У кунда (ҳаётлик вақтларида қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

16. Ахир, Биз аввалги (осий уммат)ларни ҳалок қилмадикми?!

17. Сўнгра кейингиларни ҳам (агар куфрда бўлсалар) уларга қўшурмиз!

18. Жиноятчи (кофир)ларни мана шундай (ҳалок) қилурмиз.

19. У кунда (қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

---

77. МУРСАЛОТ СУРАСИ

“Мурсалот” – Аллоҳ томонидан юборилган (шамол).

Сурада қиёмат куни ҳақ эканини исботлаш учун Аллоҳ таоло маълум мавжудотлар номи билан қасамёд этади. Ундаги оятларда инсоннинг яратилиб, дунёга келиши, дунёда яшашдан асосий мақсад охират учун ҳозирлик кўриш экани, ҳозирлик кўриш ўрнига фоний дунё маишати йўлида охиратини бой бериб қўйганларнинг аҳволи ачинарли бўлиши ифода этилган.

20. Ахир, Биз сизларни бир ҳақир сувдан (манийдан) яратмадикми?!

21. Сўнгра у (сувни – нутфа)ни пухта қарор (топадиган жой)га қўймадикми?!

22. (Яъни она қорнида) маълум муддатгача.

23. Бас, Биз (ундан инсонни яратишга) қодир бўлдик. Нақадар қудратлидирмиз!

24. У кунда (қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

25. Ахир, Биз Ерни (ҳар қандай нарсани ўзига) йиғувчи қилиб қўймадикми

26. тирикларни ҳам, ўликларни ҳам?!

27. Яна Биз (Ерда) баланд тоғларни (пайдо) қилдик ва сизларга (тоғлардан оқиб тушадиган) чучук сувни ичирдик.

28. У кунда (қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

29. (У кунда кофирларга дейилур): «Сизлар (дунёдалик пайтингизда) ёлғон деб юрган нарсага (энди) борингиз!

30. Уч бўлакли сояга борингиз!

31. Ҳеч қандай салқинлик бермайдиган ва алангани ҳам тўсмайдиган («соя»дир у).

32. Дарвоқе, у (жаҳаннам баландликда) қасрдек (улкан) алангаларни отур.

33. (Улар) худди сариқ туяларга ўхшар.

34. У кунда (қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

35. Бу (кунда) улар сўзлай олмайдиган

36. ҳамда улар учун узр айтишларига ҳам изн берилмайдиган кундир!

37. У кунда (қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

38. Бу Ажрим кунидир! (Эй, бу кунни ёлғон деган кимсалар! Мана) Биз сизларни ҳам, аввалгиларни ҳам жамладик.

39. Бас, агар сизларда (дўзахдан қутқарадиган) бирор ҳийла бўлса, Менга ўша ҳийлангизни кўрсатингиз!

40. У кунда (қиёматни) инкор этувчилар ҳолига вой!

41. Тақводор зотлар эса (у кунда), албатта, соя-салқинлар ва чашмаларда

42. ва кўнгиллари истаган (турли хил) мевалар ичида бўлурлар.

أَلَمْ نَخْلُقكُّم مِّن مَّآءٍ مَّهِينٍ ﴿٢٠﴾ فَجَعَلْنَٰهُ فِى قَرَارٍ مَّكِينٍ ﴿٢١﴾ إِلَىٰ قَدَرٍ
مَّعْلُومٍ ﴿٢٢﴾ فَقَدَرْنَا فَنِعْمَ ٱلْقَٰدِرُونَ ﴿٢٣﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٤﴾
أَلَمْ نَجْعَلِ ٱلْأَرْضَ كِفَاتًا ﴿٢٥﴾ أَحْيَآءً وَأَمْوَٰتًا ﴿٢٦﴾ وَجَعَلْنَا فِيهَا رَوَٰسِىَ
شَٰمِخَٰتٍ وَأَسْقَيْنَٰكُم مَّآءً فُرَاتًا ﴿٢٧﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٨﴾
ٱنطَلِقُوٓا۟ إِلَىٰ مَا كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿٢٩﴾ ٱنطَلِقُوٓا۟ إِلَىٰ ظِلٍّ ذِى ثَلَٰثِ
شُعَبٍ ﴿٣٠﴾ لَّا ظَلِيلٍ وَلَا يُغْنِى مِنَ ٱللَّهَبِ ﴿٣١﴾ إِنَّهَا تَرْمِى بِشَرَرٍ
كَٱلْقَصْرِ ﴿٣٢﴾ كَأَنَّهُۥ جِمَٰلَتٌ صُفْرٌ ﴿٣٣﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٤﴾
هَٰذَا يَوْمُ لَا يَنطِقُونَ ﴿٣٥﴾ وَلَا يُؤْذَنُ لَهُمْ فَيَعْتَذِرُونَ ﴿٣٦﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ
لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٧﴾ هَٰذَا يَوْمُ ٱلْفَصْلِ جَمَعْنَٰكُمْ وَٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣٨﴾ فَإِن كَانَ
لَكُمْ كَيْدٌ فَكِيدُونِ ﴿٣٩﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٠﴾ إِنَّ ٱلْمُتَّقِينَ فِى
ظِلَٰلٍ وَعُيُونٍ ﴿٤١﴾ وَفَوَٰكِهَ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٤٢﴾ كُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ هَنِيٓـًٔا
بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٤٣﴾ إِنَّا كَذَٰلِكَ نَجْزِى ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿٤٤﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ
لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٥﴾ كُلُوا۟ وَتَمَتَّعُوا۟ قَلِيلًا إِنَّكُم مُّجْرِمُونَ ﴿٤٦﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ
لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٧﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱرْكَعُوا۟ لَا يَرْكَعُونَ ﴿٤٨﴾ وَيْلٌ
يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿٤٩﴾ فَبِأَىِّ حَدِيثٍ بَعْدَهُۥ يُؤْمِنُونَ ﴿٥٠﴾

43. (Уларга дейилур:) «Қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли (жаннат неъматларини) ёқимли иштаҳа билан еб-ичаверингиз!»

44. Албатта, Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.

45. У кунда инкор этувчилар ҳолига вой!

46. (Эй, кофирлар!) Озгина вақт еб, фойдаланиб қолингиз! Зеро, сизлар (куфрингиз туфайли) жиноятчидирсизлар.

47. У кунда инкор этувчилар ҳолига вой!

48. Қачон уларга: «Рукуъ қилингиз, (намоз ўқингиз!)», – дейилса, рукуъ қилмаслар.

49. У кунда инкор этувчилар ҳолига вой!

50. Ахир, улар (Қуръондан) кейин (шундай азиз Китобга имон келтирмасдан бошқа) қандай сўзга имон келтирурлар?!


سُورَةُ النَّبَإِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

عَمَّ يَتَسَاءَلُونَ ﴿١﴾ عَنِ النَّبَإِ الْعَظِيمِ ﴿٢﴾ الَّذِي هُمْ فِيهِ مُخْتَلِفُونَ ﴿٣﴾
كَلَّا سَيَعْلَمُونَ ﴿٤﴾ ثُمَّ كَلَّا سَيَعْلَمُونَ ﴿٥﴾ أَلَمْ نَجْعَلِ الْأَرْضَ مِهَادًا ﴿٦﴾
وَالْجِبَالَ أَوْتَادًا ﴿٧﴾ وَخَلَقْنَاكُمْ أَزْوَاجًا ﴿٨﴾ وَجَعَلْنَا نَوْمَكُمْ سُبَاتًا
﴿٩﴾ وَجَعَلْنَا اللَّيْلَ لِبَاسًا ﴿١٠﴾ وَجَعَلْنَا النَّهَارَ مَعَاشًا ﴿١١﴾ وَبَنَيْنَا
فَوْقَكُمْ سَبْعًا شِدَادًا ﴿١٢﴾ وَجَعَلْنَا سِرَاجًا وَهَّاجًا ﴿١٣﴾ وَأَنْزَلْنَا
مِنَ الْمُعْصِرَاتِ مَاءً ثَجَّاجًا ﴿١٤﴾ لِنُخْرِجَ بِهِ حَبًّا وَنَبَاتًا ﴿١٥﴾ وَجَنَّاتٍ
أَلْفَافًا ﴿١٦﴾ إِنَّ يَوْمَ الْفَصْلِ كَانَ مِيقَاتًا ﴿١٧﴾ يَوْمَ يُنْفَخُ فِي الصُّورِ
فَتَأْتُونَ أَفْوَاجًا ﴿١٨﴾ وَفُتِحَتِ السَّمَاءُ فَكَانَتْ أَبْوَابًا ﴿١٩﴾ وَسُيِّرَتِ
الْجِبَالُ فَكَانَتْ سَرَابًا ﴿٢٠﴾ إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٢١﴾ لِلطَّاغِينَ
مَآبًا ﴿٢٢﴾ لَابِثِينَ فِيهَا أَحْقَابًا ﴿٢٣﴾ لَا يَذُوقُونَ فِيهَا بَرْدًا وَلَا شَرَابًا
﴿٢٤﴾ إِلَّا حَمِيمًا وَغَسَّاقًا ﴿٢٥﴾ جَزَاءً وِفَاقًا ﴿٢٦﴾ إِنَّهُمْ كَانُوا
لَا يَرْجُونَ حِسَابًا ﴿٢٧﴾ وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا كِذَّابًا ﴿٢٨﴾ وَكُلَّ شَيْءٍ
أَحْصَيْنَاهُ كِتَابًا ﴿٢٩﴾ فَذُوقُوا فَلَنْ نَزِيدَكُمْ إِلَّا عَذَابًا ﴿٣٠﴾

ЎТТИЗИНЧИ ПОРА

Набаъ сураси

Маккада нозил қилинган. 40 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Мушриклар) бир-бирлари билан нима ҳақида савол-жавоб қилмоқдалар?!

2. Улуғ хабар (қиёмат) ҳақида.

3. Қайсики, у ҳақда улар (доимий равишда) тортишувчидирлар.

4. Йўқ! (Уларнинг гумонлари беҳудадир). Улар яқинда (бу хабарнинг ҳақ эканини қабрда) билиб олажаклар.

5. Сўнгра, яна йўқ! (Охиратда) билиб олажаклар!

6. Биз Ерни тўшак қилиб қўймадикми?!

7. Тоғларни эса (Ерни тутиб турувчи) қозиқлар қилиб қўймадикми?!

8. Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик.

9. Уйқуларингизни (бадан ва асабларингиз учун) ором қилдик.

10. Кечани (барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик.

11. Кундузни эса, тирикчилик вақти қилдик.

12. Тепангизда етти (қават) мустаҳкам (осмонни) бино қилдик.

13. Яна чарақлаб турувчи чироқни (қуёшни пайдо) қилдик.

14. Яна Биз сиқиб чиқарувчи (булут)лардан дув-дув сув (ёмғир) ёғдирдик.

15. Токи, у сабабли дон ва наботот (ундириб) чиқарурмиз.

16. Шунингдек, қалин (сердарахт) боғларни ҳам.

17. Албатта, Ажрим куни (ҳисоб-китоб учун) белгиланган вақтдир.

18. У кунда Сур чалинур, бас, сизлар тўп-тўп бўлиб (маҳшаргоҳга) келурсиз.

19. Осмон ҳам очилиб, (фаришталар учун) дарвозаларга айланиб қолур.

20. Тоғлар ҳам (жойларидан) тўзитиб юборилур. Бас, у саробга айланиб қолур.

21. Албатта, жаҳаннам (тушувчиларни) кутувчи,

22. ҳаддан ошганларнинг борадиган жойидир.

23. (Улар) у жойда узоқ замонлар (абадул-абад) қолувчидирлар.

24. У жойда совуқлик ва ичимликни тотмаслар.

25. Фақат қайноқ сув ва йирингнигина (тотурлар).

26. (Мана шу қилмишларига) лойиқ жазодир.

27. Чунки, улар (қиёматдаги) ҳисоб-китобдан умид қилмас (қўрқмас) эдилар.

28. Оятларимизни (илоҳий ваҳий деб билиш ўрнига) бутунлай инкор этар эдилар.

29. Ҳолбуки, Биз барча нарсани ҳисоб-китоб қилиб, (ёзиб) қўйгандирмиз.

30. Бас, (эй, жаҳаннам аҳли! Азобимизни) тотиб кўрингиз! Энди сизларга фақат азобнигина зиёда қилурмиз.

---

78. НАБАЪ СУРАСИ

“Набаъ” – хабардир. Сурада улуғ хабар, яъни қиёмат тўғрисида бахслашган Макка мушрикларига аниқ жавоблар берилади. Яна унда Аллоҳ ўз қудрати билан яратган борлиқ, коинот ва мавжудотлар, қиёмат кунининг шиддати, жаннатдаги роҳат-фароғат, имонсиз ўтганларнинг қиёмат куни пушаймон бўлиб ҳатто тупроқ бўлиб кетишни орзу қилишлари каби маълумотлар баён этилган.

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿٣١﴾ حَدَآئِقَ وَأَعْنَـٰبًا ﴿٣٢﴾ وَكَوَاعِبَ أَتْرَابًا ﴿٣٣﴾ وَكَأْسًا
دِهَاقًا ﴿٣٤﴾ لَّا يَسْمَعُونَ فِيهَا لَغْوًا وَلَا كِذَّٰبًا ﴿٣٥﴾ جَزَآءً مِّن رَّبِّكَ عَطَآءً
حِسَابًا ﴿٣٦﴾ رَّبِّ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ٱلرَّحْمَـٰنِ لَا يَمْلِكُونَ
مِنْهُ خِطَابًا ﴿٣٧﴾ يَوْمَ يَقُومُ ٱلرُّوحُ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ صَفًّا لَّا يَتَكَلَّمُونَ
إِلَّا مَنْ أَذِنَ لَهُ ٱلرَّحْمَـٰنُ وَقَالَ صَوَابًا ﴿٣٨﴾ ذَٰلِكَ ٱلْيَوْمُ ٱلْحَقُّ فَمَن
شَآءَ ٱتَّخَذَ إِلَىٰ رَبِّهِۦ مَـَٔابًا ﴿٣٩﴾ إِنَّآ أَنذَرْنَـٰكُمْ عَذَابًا قَرِيبًا يَوْمَ
يَنظُرُ ٱلْمَرْءُ مَا قَدَّمَتْ يَدَاهُ وَيَقُولُ ٱلْكَافِرُ يَـٰلَيْتَنِى كُنتُ تُرَٰبًۢا ﴿٤٠﴾

٧٩ سُورَةُ النَّازِعَاتِ آياتها ٤٦

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَـٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلنَّـٰزِعَـٰتِ غَرْقًا ﴿١﴾ وَٱلنَّـٰشِطَـٰتِ نَشْطًا ﴿٢﴾ وَٱلسَّـٰبِحَـٰتِ سَبْحًا
﴿٣﴾ فَٱلسَّـٰبِقَـٰتِ سَبْقًا ﴿٤﴾ فَٱلْمُدَبِّرَٰتِ أَمْرًا ﴿٥﴾ يَوْمَ تَرْجُفُ ٱلرَّاجِفَةُ
﴿٦﴾ تَتْبَعُهَا ٱلرَّادِفَةُ ﴿٧﴾ قُلُوبٌ يَوْمَئِذٍ وَاجِفَةٌ ﴿٨﴾ أَبْصَـٰرُهَا
خَـٰشِعَةٌ ﴿٩﴾ يَقُولُونَ أَءِنَّا لَمَرْدُودُونَ فِى ٱلْحَافِرَةِ ﴿١٠﴾ أَءِذَا كُنَّا
عِظَـٰمًا نَّخِرَةً ﴿١١﴾ قَالُوا۟ تِلْكَ إِذًا كَرَّةٌ خَاسِرَةٌ ﴿١٢﴾ فَإِنَّمَا هِىَ زَجْرَةٌ
وَٰحِدَةٌ ﴿١٣﴾ فَإِذَا هُم بِٱلسَّاهِرَةِ ﴿١٤﴾ هَلْ أَتَىٰكَ حَدِيثُ مُوسَىٰٓ ﴿١٥﴾

31. Албатта, тақводорлар учун (жаннатда катта) нажот (ва неъматлар) бордир.

32. Яъни боғлар ва узумлар,

33. (ёш ва ҳуснда) тенгқур, бўлиқ сийнали (ҳур қиз)лар

34. ва (шароб) тўла қадаҳлар бордир.

35. Улар у жойда бирор беҳуда ва ёлғон сўз эшитмаслар.

36. (Бу) Раббингиз (томони)дан бўлмиш мукофот ва ҳисоб(-китоб)дир.

37. (У) осмонлар ва Ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги (бор) нарсанинг Парвардигори Меҳрибон зотдир. Ундан (изн бўлмагунча қиёмат куни) сўзлаш имкониятига эга бўлмаслар.

38. Руҳ (Жаброил) ва (барча) фаришталар саф тортиб турадиган кунда (одамлар) гапирмаслар, фақат Меҳрибон зот изн берган кишигина (сўзлар) ва (фақат) рост сўзлар.

39. Бу ҳақ (ва рост) кундир. Бас, ким хоҳласа, Парвардигори томон қайтадиган йўлни тутар.

40. (Эй, Макка кофирлари!) Дарҳақиқат, Биз сизларни яқин(да воқе бўладиган) азобдан огоҳлантирдик. У кунда (ҳар бир) киши ўзи қилиб ўтган нарсани (яъни барча яхши-ёмон амалларини) кўрар ва кофир кимса: «Эҳ, кошки, тупроқ бўлсам!», – дер*.

Нозиот сураси

Маккада нозил қилинган. 46 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Қасамёд этаман кофирларнинг жонларини баданларининг) қаъридан суғуриб олувчи (фаришта)лар билан,

2. (мўминларнинг жонларини осонлик билан) чиқариб оладиган (фаришта)лар билан,

3. (осмондан) сузиб тушувчи,

4. (ўз вазифаларини адо этишда) ўзиб юрувчи

5. (Аллоҳ буюрган барча) иш тадбирини тузиб турувчи (фаришта)лар биланки, (албатта, қайта тирилиб, ҳисобот берурсиз)!

6. У кунда ларзага келувчи (Сур) ларзага келади.

7. Ортидан келувчи (иккинчи бор чалинган Сур овози) эргашур.

8. У кунда диллар қўрқувга тушувчидир.

9. Кўзлар эса (даҳшатдан) қамашиб қолувчидир.

10. Улар (бу дунёда) дерлар: «Ҳақиқатан ҳам биз (ўлгач) аввалги ҳолатимизга қайтарилувчимизми?

11. Чирик суякларга айланиб қолган вақтимизда-я?»

12. Улар (истеҳзо билан): «Ундай бўлса, бу (биз учун) роса зиён қилувчи қайтиш-ку!», – дейдилар.

13. Бас, (у қайтиш) фақат биргина сайҳадир (Сурнинг иккинчи марта чалинишидир).

14. Сўнгра улар бирдан (тирилиб) ер устида бўлиб қолурлар.

15. (Эй, Муҳаммад!) Сизга Мусо (билан Фиръавн ўрталарида кечган воқеалар) хабари келдими?

40-оят. Пушаймон бўлган кофирнинг бу сўзидан икки хил маъно олиш мумкин. Биринчиси – кошки тупроқ бўлсам, яъни дунёда илк бор яратилганимда инсон эмас, балки тупроқ қилиб яратилганимда, шу кунларга қолмас эдим, демоқчи. Иккинчиси – кошки дўзахга маҳкум бўлишимдан илгари тупроққа айланиб кетсам-у, азобдан қутулсам, демоқчи.

79. НОЗИОТ СУРАСИ

"Нозиот" – суғурувчилар. Бу ерда танадан жонни суғуриб олувчи фаришталар назарда тутилган.

Сурада қиёмат қойим бўлиш жараёни, Мусо (а.с.) билан Фиръавн ўртасида ўтган можаролар, бу дунёнинг фоний экани каби илоҳий ўгитлар билан бирга Пайғамбар (а.с.)-нинг дилларига тасалли берилган.

إِذۡ نَادَىٰهُ رَبُّهُۥ بِٱلۡوَادِ ٱلۡمُقَدَّسِ طُوًى ﴿١٦﴾ ٱذۡهَبۡ إِلَىٰ فِرۡعَوۡنَ إِنَّهُۥ طَغَىٰ ﴿١٧﴾
فَقُلۡ هَل لَّكَ إِلَىٰٓ أَن تَزَكَّىٰ ﴿١٨﴾ وَأَهۡدِيَكَ إِلَىٰ رَبِّكَ فَتَخۡشَىٰ ﴿١٩﴾ فَأَرَىٰهُ
ٱلۡأٓيَةَ ٱلۡكُبۡرَىٰ ﴿٢٠﴾ فَكَذَّبَ وَعَصَىٰ ﴿٢١﴾ ثُمَّ أَدۡبَرَ يَسۡعَىٰ ﴿٢٢﴾ فَحَشَرَ
فَنَادَىٰ ﴿٢٣﴾ فَقَالَ أَنَا۠ رَبُّكُمُ ٱلۡأَعۡلَىٰ ﴿٢٤﴾ فَأَخَذَهُ ٱللَّهُ نَكَالَ ٱلۡأٓخِرَةِ وَٱلۡأُولَىٰٓ
﴿٢٥﴾ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَعِبۡرَةً لِّمَن يَخۡشَىٰٓ ﴿٢٦﴾ ءَأَنتُمۡ أَشَدُّ خَلۡقًا أَمِ ٱلسَّمَآءُۚ بَنَىٰهَا
﴿٢٧﴾ رَفَعَ سَمۡكَهَا فَسَوَّىٰهَا ﴿٢٨﴾ وَأَغۡطَشَ لَيۡلَهَا وَأَخۡرَجَ ضُحَىٰهَا ﴿٢٩﴾
وَٱلۡأَرۡضَ بَعۡدَ ذَٰلِكَ دَحَىٰهَآ ﴿٣٠﴾ أَخۡرَجَ مِنۡهَا مَآءَهَا وَمَرۡعَىٰهَا ﴿٣١﴾
وَٱلۡجِبَالَ أَرۡسَىٰهَا ﴿٣٢﴾ مَتَٰعًا لَّكُمۡ وَلِأَنۡعَٰمِكُمۡ ﴿٣٣﴾ فَإِذَا جَآءَتِ ٱلطَّآمَّةُ
ٱلۡكُبۡرَىٰ ﴿٣٤﴾ يَوۡمَ يَتَذَكَّرُ ٱلۡإِنسَٰنُ مَا سَعَىٰ ﴿٣٥﴾ وَبُرِّزَتِ ٱلۡجَحِيمُ
لِمَن يَرَىٰ ﴿٣٦﴾ فَأَمَّا مَن طَغَىٰ ﴿٣٧﴾ وَءَاثَرَ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا ﴿٣٨﴾ فَإِنَّ ٱلۡجَحِيمَ
هِيَ ٱلۡمَأۡوَىٰ ﴿٣٩﴾ وَأَمَّا مَنۡ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِۦ وَنَهَى ٱلنَّفۡسَ عَنِ ٱلۡهَوَىٰ
﴿٤٠﴾ فَإِنَّ ٱلۡجَنَّةَ هِيَ ٱلۡمَأۡوَىٰ ﴿٤١﴾ يَسۡـَٔلُونَكَ عَنِ ٱلسَّاعَةِ أَيَّانَ مُرۡسَىٰهَا
﴿٤٢﴾ فِيمَ أَنتَ مِن ذِكۡرَىٰهَآ ﴿٤٣﴾ إِلَىٰ رَبِّكَ مُنتَهَىٰهَآ ﴿٤٤﴾ إِنَّمَآ أَنتَ مُنذِرُ
مَن يَخۡشَىٰهَا ﴿٤٥﴾ كَأَنَّهُمۡ يَوۡمَ يَرَوۡنَهَا لَمۡ يَلۡبَثُوٓاْ إِلَّا عَشِيَّةً أَوۡ ضُحَىٰهَا ﴿٤٦﴾

ترتيبها ٨٠ — سُورَةُ عَبَسَ — آياتها ٤٢

16. Қайсики, Парвардигори унга муқаддас Туво водийсида (шундай) нидо қилган эдики:
17. – (Эй, Мусо!) Фиръавннинг олдига боргин, зеро, у ҳаддидан ошди.
18. Бас, (унга) айт: «Сенинг (куфрдан) покланишга хоҳишинг борми?
19. Мен сени Парвардигоринг (йўлига) ҳидоят қилсам, бас, сен (У зотдан) қўрқсанг».
20. (Сўнг Мусо) унга бир улкан мўъжиза кўрсатди.
21. (Фиръавн) уни ёлғонга чиқарди ва (Аллоҳга) итоатсизлик қилди.
22. Сўнгра шошганича (Мусодан) юз ўгириб кетди.
23. Сўнгра (ўз одамларини) тўплади ва жар солди:
24. «Мен сизларнинг олий Парвардигорингиздирман», – деди.
25. Бас, Аллоҳ уни (Фиръавнни) охират ва дунё азоби билан ушлади*.
26. Албатта, бу (қисса)да (Аллоҳдан) қўрқадиган кишилар учун ибрат бордир.
27. (Эй, мушриклар!) Сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонларними?! (Биласизки) Аллоҳ уни бино қилди,
28. қаддини баланд қилиб, битирди.
29. Яна у (осмон)нинг тунини қоронғу қилиб, (ундан) кундузини чиқарди.
30. Шундан кейин Ерни (туяқуш тухуми шаклида) ёйиб, текислаб қўйди.
31. Ундан суви ва яйловларини чиқарди.
32. Тоғларни эса (Ерга) ўрнаштирди.
33. (Буларнинг барчаси) сизларга ва чорва ҳайвонларингизга манфаат бўлсин деб (қилинди).
34. Бас, қачон балойи азим (қиёмат) келганида –
35. инсон ўз қилмишини эслаб қоладиган кунда,
36. кўрадиган (ҳар бир) кишига дўзах намоён қилинганида,
37. бас, ўшанда кимки (дунёда) ҳаддан ошган
38. ва дунё ҳаётини (охиратдан) устун қўйган бўлса,
39. у ҳолда, фақат жаҳаннамгина (унга) макон бўлур.
40. Аммо, кимки Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва ҳисобот бериши)дан қўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса,
41. бас, фақат жаннатгина (унга) макон бўлур.
42. (Эй, Муҳаммад! Мушриклар) Сиздан қиёмат қачон қойим бўлиши ҳақида сўрарлар.
43. Сиз қаёқдасиз-у, уни зикр қилиш (айтиб бериш қаёқда)?!
44. Унинг ҳақидаги маълумот фақат Раббингизга (бориб тўхтар).
45. Сиз фақат ундан (қиёматдан) қўрқадиган кишиларни огоҳлантирувчисиз.
46. Улар уни (қиёматни) кўрган куни (бу дунёда қанча кўп умр кўрган бўлсалар ҳам) гўё бир оқшом ёки чошгоҳ пайти миқдорича тургандек бўлурлар.

Абаса сураси

Маккада нозил қилинган. 42 оят.

25-оят. Дунёдаги азоби унинг денгизга ғарқ қилиниши, охиратдагиси эса дўзах азобидан иборатдир.

80. АБАСА СУРАСИ

“Абаса” – юзини буриштирди, хўмрайди деган маъноларни англатади.

Сура аввалида Расул (а.с.) ҳузурларига Абдуллоҳ ибн Умми Мактум исмли бир кўзи ожиз мусулмон келиб, диний масала сўрамоқчи бўлганида, уни малол олиб, илтифот қилмай, Макка зодагонларини даъват қилиш билан овора бўлганлари учун Аллоҳдан олган танбеҳлари баён этилган.

Сура давомида инсоннинг яратилиши, яшаши ва вафот этиши, у истеъмол қиладиган ноз-неъматлар, қиёмат кунидаги одамларнинг ғамташвишлари, ҳамма ўзи билан овора бўлиб қолиши, яхшиларнинг юзлари ёруғ, ёмонларнинг юзлари эса шувит бўлиши каби маълумотлар берилади.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. (Муҳаммад) юзини буриштирди ва юз ўгирди.

2. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди*.

3. (Эй, Муҳаммад!) Сиз қаердан ҳам билурсиз, эҳтимол, у (Сиздан фойдаланиб, ўз гуноҳларидан) покланар

4. ёки эслатма олар-да, сўнгра бу эслатма унга фойда берар?!

5. Аммо (Сизни машғул қилган) бой кимсага эса,

6. бас, Сиз (эътибор бериб) мутасаддилик қилмоқдасиз.

7. Ҳолбуки, унинг (ўз куфридан) покланмаслиги Сизга зарарли эмас эди.

8. Энди, олдингизга югурган ҳолда

9. (Аллоҳдан) қўрқиб келган киши эса,

10. бас, Сиз ундан чалғимоқдасиз.

11. Йўқ! (Бундай қилманг!) Албатта, улар (Қуръон оятлари) айни эслатмадир.

12. Бас, ким хоҳласа, (уни) ёд этар.

13. (У оятлар Аллоҳ наздида) мукаррам саҳифаларда

14. (яъни) қадри баланд, покиза (саҳифаларда)

15. котиб (фаришта)лар қўлларидадир.

16. (Улар) мукаррам ва итоатли зотдирлар.

17. Ҳалок бўлгур инсон, бунчалар кофир бўлмаса!

18. (Аллоҳ) уни қайси нарсадан яратди ўзи?!

19. (Бир ҳақир) нутфадан яратиб, кейин уни (туғилиш вақтини) белгилаб қўйди.

20. Сўнгра унга (туғилишида) йўлни осон қилди.

21. Сўнгра унга ўлим юбориб, қабрга киритур.

22. Сўнгра Ўзи хоҳлаган пайтда, уни қайта тирилтирур.

23. Йўқ! (У Аллоҳ) буюрган нарсани сира адо этмади.

24. Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан қуйидаги неъматларимизга бир) боқсин:

25. Биз (осмондан) сувни мўл ёғдирдик.

26. Сўнгра ерни (гиёҳлар унсин, деб) ёрдик.

27. Сўнгра Биз унда донларни ундирдик,

28. узум ва кўкатларни,

29. зайтун ва хурмоларни,

30. қалин дарахтзор боғларни,

31. меваю гиёҳларни ҳам.

32. (Буларни) сизларнинг ва чорва ҳайвонларингизнинг истеъмоли учун (яратдик).

33. Бас, қачонки, (қулоқларни) кар қилувчи (чинқириқ) келганда (Сур иккинчи марта чалинганда),

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
عَبَسَ وَتَوَلَّىٰٓ ١ أَن جَآءَهُ ٱلْأَعْمَىٰ ٢ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّهُۥ يَزَّكَّىٰٓ ٣ أَوْ
يَذَّكَّرُ فَتَنفَعَهُ ٱلذِّكْرَىٰٓ ٤ أَمَّا مَنِ ٱسْتَغْنَىٰ ٥ فَأَنتَ لَهُۥ تَصَدَّىٰ ٦
وَمَا عَلَيْكَ أَلَّا يَزَّكَّىٰ ٧ وَأَمَّا مَن جَآءَكَ يَسْعَىٰ ٨ وَهُوَ يَخْشَىٰ ٩ فَأَنتَ
عَنْهُ تَلَهَّىٰ ١٠ كَلَّآ إِنَّهَا تَذْكِرَةٌ ١١ فَمَن شَآءَ ذَكَرَهُۥ ١٢ فِى صُحُفٍ مُّكَرَّمَةٍ
١٣ مَّرْفُوعَةٍ مُّطَهَّرَةٍۭ ١٤ بِأَيْدِى سَفَرَةٍ ١٥ كِرَامٍۭ بَرَرَةٍ ١٦ قُتِلَ ٱلْإِنسَٰنُ
مَآ أَكْفَرَهُۥ ١٧ مِنْ أَىِّ شَىْءٍ خَلَقَهُۥ ١٨ مِن نُّطْفَةٍ خَلَقَهُۥ فَقَدَّرَهُۥ ١٩ ثُمَّ
ٱلسَّبِيلَ يَسَّرَهُۥ ٢٠ ثُمَّ أَمَاتَهُۥ فَأَقْبَرَهُۥ ٢١ ثُمَّ إِذَا شَآءَ أَنشَرَهُۥ ٢٢ كَلَّا لَمَّا
يَقْضِ مَآ أَمَرَهُۥ ٢٣ فَلْيَنظُرِ ٱلْإِنسَٰنُ إِلَىٰ طَعَامِهِۦٓ ٢٤ أَنَّا صَبَبْنَا ٱلْمَآءَ صَبًّا
٢٥ ثُمَّ شَقَقْنَا ٱلْأَرْضَ شَقًّا ٢٦ فَأَنۢبَتْنَا فِيهَا حَبًّا ٢٧ وَعِنَبًا وَقَضْبًا ٢٨
وَزَيْتُونًا وَنَخْلًا ٢٩ وَحَدَآئِقَ غُلْبًا ٣٠ وَفَٰكِهَةً وَأَبًّا ٣١ مَّتَٰعًا لَّكُمْ
وَلِأَنْعَٰمِكُمْ ٣٢ فَإِذَا جَآءَتِ ٱلصَّآخَّةُ ٣٣ يَوْمَ يَفِرُّ ٱلْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ٣٤
وَأُمِّهِۦ وَأَبِيهِ ٣٥ وَصَٰحِبَتِهِۦ وَبَنِيهِ ٣٦ لِكُلِّ ٱمْرِئٍ مِّنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ
يُغْنِيهِ ٣٧ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ مُّسْفِرَةٌ ٣٨ ضَاحِكَةٌ مُّسْتَبْشِرَةٌ ٣٩ وَوُجُوهٌ
يَوْمَئِذٍ عَلَيْهَا غَبَرَةٌ ٤٠ تَرْهَقُهَا قَتَرَةٌ ٤١ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَفَرَةُ ٱلْفَجَرَةُ ٤٢

34. ўша куни киши ўз биродаридан қочур.

35. Яна онаси ва отасидан ҳам,

36. хотини ва ўғилларидан ҳам (қочур).

37. (Чунки) у кунда улардан ҳар бир кишида ўзига етарли нарса (ташвиш) бўлур.

38. У кунда (баъзи) юзлар ёруғ,

39. шоду хуррам (бўлур).

40. У кунда (бошқа бир) юзлар узра ғубор бўлиб,

41. уларни қоралик қоплар.

42. Ана ўшалар (дунёда яшаган пайтларида фисқу) фужур қилувчи кофирларнинг ўзидирлар.

2-оят. Бу келган одам Абдуллоҳ ибн Умми Мактум исмли кўзи ожиз киши эди. У Расул (а.с.)нинг банд эканларини сезмай, ўзининг саволларига жавоб олишга ҳаракат қилади. Ундан малолланган Пайғамбаримиз (а.с.)нинг юзлари буришади ва саволларига жавоб ҳам бермайдилар. Бу муомала Ҳақ таолога хуш келмади ва мазкур оятлар билан танбеҳ берди. Танбеҳни ҳам: "Юзингни буриштирдинг" демасдан, "Юзини буриштирди", -деб учинчи шахс шаклида айтди. Бу эса унча қаттиқ ботмайди. Пайғамбарнинг ўзлари олий хулқ эгаси бўлатуриб, кўзи ожиз одамга шундай совуқ муомала қилдиларми, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, асло! Биринчидан, ўзлари Макка зодагонларини ҳидоят сари йўналтира олармиканман, деб ҳаракат қилиб турганларида биров келиб бундан чалғитган ҳолатни тасаввур қилиб кўринг. Бошқа ҳар қандай одам ул зотнинг ўрнида бўлганида уни жеркиб ташлаган бўлур эди. Лекин Расул (а.с.) юзларини буриштириш билан кифояландилар. Буни у киши пайқагани ҳам йўқ. Лекин улуғларнинг озгина саҳву хатоси ҳам бошқаларга нисбатан катта нуқсон ҳисобланади. Бинобарин, Ҳақ таоло ўз ҳабибини огоҳлантириб қўйди. Чунончи, тасаввуфда бир ибора бор: "Оддий яхши одамларнинг савобли ишлари Аллоҳга яқин зотларнинг гуноҳлари билан баробардир". Яъни улар буюк амалларни қилишлари матлуб.



Таквир сураси

Маккада нозил қилинган. 29 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қуёш ўраб қўйилганида,
2. юлдузлар ҳам (ўз фалакларидан) тўкилганида,
3. тоғлар ҳам (ўз жойларидан) жилдирилганида,
4. (қорнидаги боласи) ўн ойлик бўғоз туялар ҳам қаровсиз қолганида,
5. ваҳший ҳайвонлар ҳам (бир жойга) тўпланиб қолганида,
6. денгизлар қуйдирилганида,
7. руҳлар (қайтадан жасадларга) қўшилганида,
8. (ҳар бир) тириклай кўмилган қиздан сўралганида
9. «не гуноҳи учун ўлдирилган?», – деб.
10. Яна саҳифалар (номаи аъмол) очилганида,
11. осмон (Ер устидан) сидириб олинганида,
12. дўзах (кофирлар учун) қиздирилганида,
13. жаннат (тақводорларга) яқин қилинганида,
14. (яъни қиёмат куни ҳар бир) жон ўзи (шу кун учун) ҳозирлаб келган нарсани (яхши-ёмон амалларини саҳифадан ўқиб) билур.
15. Бас, қасамёд этурман қайта-қайта чиқиб (кўриниб) турувчи (юлдузлар) билан,
16. (бешта) яширинувчи сайёралар билан*,
17. ўз зулмати билан келиб-кетаётган тун
18. ва (отаётган) тонг биланки,
19. албатта, у (Қуръон) бир улуғ элчи (Жаброил Аллоҳ ҳузуридан келтирган ваҳий) сўзидир.
20. (Жаброил) қувватли, Аршнинг соҳиби (Аллоҳ) наздида мартабали,
21. у жойда (фаришталар томонидан) итоат этилувчи ва ишончли зотдир.
22. Сизларнинг соҳибингиз (Муҳаммад) мажнун эмасдир.
23. Дарҳақиқат, уни (Жаброилни баҳайбат суратда) аниқ уфқда кўрди.
24. У (Муҳаммад) ғайбга (ваҳийга) бахил ҳам эмасдир*.
25. У (Қуръон) қувилган (малъун) шайтоннинг сўзи эмасдир.
26. Бас, сизлар (уни инкор этиб) қаёққа кетмоқдасиз?!
27. У (Қуръон), ҳақиқатан, бутун олам (халқи) учун эслатмадир.
28. Орангиздаги тўғри йўлда бўлишни хоҳлаган кишилар учун (албатта).
29. Сизлар фақат оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсиз.

Инфитор сураси

Маккада нозил қилинган. 19 оят.

---

81. ТАКВИР СУРАСИ

"Таквир" – ўраб қўйиш.

Сурада қиёмат қойим бўлганда, Қуёш ўраб йиғиштириб қўйилиши, юлдузлар, тоғлар, денгизлар ва бошқа катта-кичик мавжудотларда рўй берадиган ўзгаришлар тасвирланади. Шунингдек, ҳисоб-китоб жараёни ва бошқа ҳодисалар ўз баёнини топади.

16-оят. Бешта сайёра юлдуз – Миррих, Зуҳал, Аторуд, Зуҳра, Муштарий.

24-оят. Ваҳийга бахил эмасликлари келган ҳар бир ваҳийни, оят ва сурани дарҳол мусулмонларга бекаму кўст етказишлари, мураккаб жойларини эса изоҳлаб беришларидир.

82. ИНФИТОР СУРАСИ

"Инфитор" – ёрилиш. Бу ерда осмонларнинг ёрилиши, яъни қиёматдаги рўй берадиган ҳодисалардан баъзилари бу сурада келтирилади. Унда охиратда инсон ўзи қилган яхши-ёмон амалларидан сўралиши, бу дунёда қилинадиган ҳар бир иш – ҳаракат инсоннинг номаи аъмолига фаришталар томонидан ёзилиб туриши ва жазо куни ҳақида маълумотлар мавжуд.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

إِذَا السَّمَاءُ انفَطَرَتْ ﴿١﴾ وَإِذَا الْكَوَاكِبُ انتَثَرَتْ ﴿٢﴾ وَإِذَا الْبِحَارُ
فُجِّرَتْ ﴿٣﴾ وَإِذَا الْقُبُورُ بُعْثِرَتْ ﴿٤﴾ عَلِمَتْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ
وَأَخَّرَتْ ﴿٥﴾ يَا أَيُّهَا الْإِنسَانُ مَا غَرَّكَ بِرَبِّكَ الْكَرِيمِ ﴿٦﴾ الَّذِي
خَلَقَكَ فَسَوَّاكَ فَعَدَلَكَ ﴿٧﴾ فِي أَيِّ صُورَةٍ مَّا شَاءَ رَكَّبَكَ ﴿٨﴾
كَلَّا بَلْ تُكَذِّبُونَ بِالدِّينِ ﴿٩﴾ وَإِنَّ عَلَيْكُمْ لَحَافِظِينَ ﴿١٠﴾ كِرَامًا
كَاتِبِينَ ﴿١١﴾ يَعْلَمُونَ مَا تَفْعَلُونَ ﴿١٢﴾ إِنَّ الْأَبْرَارَ لَفِي نَعِيمٍ ﴿١٣﴾ وَإِنَّ
الْفُجَّارَ لَفِي جَحِيمٍ ﴿١٤﴾ يَصْلَوْنَهَا يَوْمَ الدِّينِ ﴿١٥﴾ وَمَا هُمْ عَنْهَا بِغَائِبِينَ
﴿١٦﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمُ الدِّينِ ﴿١٧﴾ ثُمَّ مَا أَدْرَاكَ مَا يَوْمُ الدِّينِ
﴿١٨﴾ يَوْمَ لَا تَمْلِكُ نَفْسٌ لِّنَفْسٍ شَيْئًا ۖ وَالْأَمْرُ يَوْمَئِذٍ لِّلَّهِ ﴿١٩﴾

سُورَةُ الْمُطَفِّفِينَ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا اكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾
وَإِذَا كَالُوهُمْ أَو وَّزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿٣﴾ أَلَا يَظُنُّ أُولَٰئِكَ أَنَّهُم
مَّبْعُوثُونَ ﴿٤﴾ لِيَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٥﴾ يَوْمَ يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٦﴾

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Осмонлар ёрилганида,

2. юлдузлар (ҳар томонга) сочилганида,

3. денгизлар қўшилиб тўсиқлар очилганида,

4. қабрлар ағдарилганида (яъни қиёмат қойим бўлганида)

5. (ҳар бир) жон (дунёда) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларни (амалларини) билур!

6. Эй, инсон! Карамли Парвардигорингга нисбатан (ибодат қилма деб) сени алдаб қўйган нарса нима?!

7. У сени яратиб, сўнг (барча аъзоларингни) тиклаб, сўнг (қоматингни) рост қилиб қўйган зот-ку!

8. У сени Ўзи қайси суратни хоҳлаган бўлса (ўша суратда) таркиб топтирди-ку!

9. Йўқ! Балки, сизлар жазо (куни)ни ёлғон дерсизлар.

10. Ҳолбуки, сизларнинг устингизда (барча сўзингиз ва ишингизни) ёдлаб турувчи (фаришталар) бор.

11. (Улар номаи аъмолга) ёзувчи улуғ зотлардир.

12. (Улар) сиз қилаётган ишларни билурлар.

13. Албатта, яхшилар (мўминлар) неъмат (жаннат)дадирлар.

14. Фожирлар (кофирлар) эса дўзахдадирлар.

15. Улар унда жазо кунида куйгайлар.

16. Ундан (дўзахдан) ғойиб бўлувчи (қутилувчи) эмасдирлар.

17. (Эй, Муҳаммад!) Жазо куни нима эканини Сизга не ҳам англатур?!

18. Сўнгра (яна) жазо куни нима эканини Сизга не ҳам англатур?!

19. У кунда ҳеч бир жон (бошқа) бир жон учун бирор нарса қилишга (ёрдамга) эга бўлмас! У куни барча иш Аллоҳга (ҳавола қилинувчи)дир.

***Мутаффифун** сураси*

Маккада нозил қилинган. 36 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. (Савдо-сотиқда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!

2. Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган,

3. уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир.

4. Улар (ўлгандан кейин) қайта тирилувчи эканларини ўйламайдиларми

5. Улуғ кунда (қиёматда) –

6. одамлар (бутун) оламлар Парвардигори ҳузурида (ҳисоб-китоб бериш учун) тик турадиган кунда?!*

83. МУТАФФИФУН СУРАСИ

Суранинг номи "уриб қолувчилар" деган маънони англатади. Яъни тарози ва ўлчовдан уриб қолиб, харидор ҳақига хиёнат қилувчилар. Бу Муҳаммад (а.с.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб кетаётганларида йўлда нозил қилинган суралардан биридир (Абс.).

Унда яхшилар ва ёмонларнинг қилган амаллари ёзилган битикларнинг қаерда сақланиши, қиёмат воқеалари ва қатор илоҳий ўгитлар мужассамдир.

6-оят. Ҳадисда: “Қиёмат куни ҳисобот бериш учун одамлар Аллоҳнинг ҳузурида ярим кун, яъни 500 йил туриб қоладилар. Лекин бу муддат мўминларга нисбатан Қуёшнинг оғишига тенг қисқа фурсат ичида ўтади”, – дейилган (Лс.).

Лекин бировнинг ҳақига хиёнат қилган киши гарчи мўмин бўлса ҳам ҳисоби оғир кечиши бошқа ҳадисларда баён этилган. Зеро, Аллоҳ таоло фақат ўзининг ҳақинигина кечиши мумкиндир.

كَلَّآ إِنَّ كِتَٰبَ ٱلْفُجَّارِ لَفِى سِجِّينٍ ﴿٧﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا سِجِّينٌ ﴿٨﴾ كِتَٰبٌ
مَّرْقُومٌ ﴿٩﴾ وَيْلٌ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ ﴿١٠﴾ ٱلَّذِينَ يُكَذِّبُونَ بِيَوْمِ ٱلدِّينِ ﴿١١﴾
وَمَا يُكَذِّبُ بِهِۦٓ إِلَّا كُلُّ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾ إِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ ءَايَٰتُنَا قَالَ أَسَٰطِيرُ
ٱلْأَوَّلِينَ ﴿١٣﴾ كَلَّا ۖ بَلْ ۜ رَانَ عَلَىٰ قُلُوبِهِم مَّا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿١٤﴾ كَلَّآ إِنَّهُمْ
عَن رَّبِّهِمْ يَوْمَئِذٍ لَّمَحْجُوبُونَ ﴿١٥﴾ ثُمَّ إِنَّهُمْ لَصَالُوا۟ ٱلْجَحِيمِ ﴿١٦﴾ ثُمَّ يُقَالُ
هَٰذَا ٱلَّذِى كُنتُم بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿١٧﴾ كَلَّآ إِنَّ كِتَٰبَ ٱلْأَبْرَارِ لَفِى عِلِّيِّينَ
﴿١٨﴾ وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا عِلِّيُّونَ ﴿١٩﴾ كِتَٰبٌ مَّرْقُومٌ ﴿٢٠﴾ يَشْهَدُهُ ٱلْمُقَرَّبُونَ
﴿٢١﴾ إِنَّ ٱلْأَبْرَارَ لَفِى نَعِيمٍ ﴿٢٢﴾ عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ يَنظُرُونَ ﴿٢٣﴾ تَعْرِفُ فِى
وُجُوهِهِمْ نَضْرَةَ ٱلنَّعِيمِ ﴿٢٤﴾ يُسْقَوْنَ مِن رَّحِيقٍ مَّخْتُومٍ ﴿٢٥﴾
خِتَٰمُهُۥ مِسْكٌ ۚ وَفِى ذَٰلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ ٱلْمُتَنَٰفِسُونَ ﴿٢٦﴾ وَمِزَاجُهُۥ
مِن تَسْنِيمٍ ﴿٢٧﴾ عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا ٱلْمُقَرَّبُونَ ﴿٢٨﴾ إِنَّ ٱلَّذِينَ
أَجْرَمُوا۟ كَانُوا۟ مِنَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يَضْحَكُونَ ﴿٢٩﴾ وَإِذَا مَرُّوا۟ بِهِمْ
يَتَغَامَزُونَ ﴿٣٠﴾ وَإِذَا ٱنقَلَبُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَهْلِهِمُ ٱنقَلَبُوا۟ فَكِهِينَ ﴿٣١﴾
وَإِذَا رَأَوْهُمْ قَالُوٓا۟ إِنَّ هَٰٓؤُلَآءِ لَضَآلُّونَ ﴿٣٢﴾ وَمَآ أُرْسِلُوا۟ عَلَيْهِمْ
حَٰفِظِينَ ﴿٣٣﴾ فَٱلْيَوْمَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنَ ٱلْكُفَّارِ يَضْحَكُونَ ﴿٣٤﴾

7. Йўқ! Албатта, фожирларнинг (кофирларнинг) номаи аъмоллари «Сижжин»да бўлур.

8. (Эй, Муҳаммад!) «Сижжин» нима эканини қаердан ҳам билурсиз?!

9. (У амаллар) битилган китобдир*.

10. У кунда инкор этувчилар ҳолига вой!

11. Улар жазо (қиёмат) кунини инкор этадиган кимсалардир.

12. У (кун)ни гуноҳга ботган ҳар бир тажовузкоргина инкор этар.

13. Қачонки, (ундай кимсага) оятларимиз тиловат қилинса, у: «(Бу) аввалгиларнинг афсоналари», – дер.

14. Йўқ (ундай эмас)! Балки, уларнинг дилларини ўзларининг қилмишлари (гуноҳлари) қоплаб олгандир.

15. Шубҳа йўққи, улар ўша куни Парвардигорлари (дийдори)дан тўсилувчидирлар.

16. Сўнгра, албатта, улар дўзахда куювчидирлар.

17. Сўнгра (уларга): «Мана шу сизлар ёлғон деб юрган нарсадир», – дейилур.

18. Дарҳақиқат, яхшиларнинг номаи аъмоллари, албатта, «Иллийюн»дадир.

19. (Эй, Муҳаммад!) «Иллийюн» нима эканини қаердан ҳам билурсиз?!

20. (У ҳам амаллар) битилган китобдирки,

21. унга (Аллоҳга) яқин зотлар (фаришталар) гувоҳ бўлурлар*.

22. Албатта, яхшилар (мўминлар жаннат) неъматлари ичрадирлар.

23. Улар сўриларда, (атрофга) қараб ўтирурлар.

24. Уларнинг юзларида неъматларнинг тароватини (бир қарашда) билиб оласиз.

25. Уларга (жаннатда идишлари) муҳрланган мусаффо майдан ичирилурки,

26. у (май)нинг муҳри мушкдир. Бас, мусобақачилар шу (неъматлар) йўлида мусобақа қилсинлар!

27. У (май)нинг мизожи юқори навдандир.

28. (У навнинг номи «тасним» бўлиб, у Аллоҳга) яқин (банда)лар ичадиган бир чашмадир.

29. Дарвоқе, жинояткор (кофир)лар имон келтирган зотлардан (масхара) қилиб кулар эдилар.

30. Қачонки, уларнинг олдидан ўтсалар, бирбирларига кўз қисишиб, имо-ишора қилардилар*.

31. Қачонки, уйларига қайтсалар, (қилмишларидан) завқланиб қайтардилар.

32. Қачонки, уларни (мўминларни) кўрсалар, «Ана улар, шубҳасиз, йўлдан озган кимсалардир», – дердилар.

33. Ҳолбуки, улар (мўминларнинг) устига қўриқчи қилиб юборилган эмасдилар.

34. Энди бугун (аксинча) имон келтирганлар кофирлар (усти)дан кулурлар.

9-оят. "Сижжин" – кофир ва фосиқ кишиларнинг қилган амаллари ёзилган китоб бўлиб, у етти қават ер остида сақланади.

20–21-оятлар. "Иллийюн" эса, яхши, солиҳ кишиларнинг қилган амаллари ёзилиб турадиган китоб бўлиб, у еттинчи осмонда сақланади.

30-оят. Али (рз.) мунофиқлар ёнидан ўтиб кетаётганида улар бир-бирларига кўз қисиб: "Ана у калбошни қарангиз?", – деб масхара қилишганида шу оят нозил қилинган (Мд.). Али (рз.) саҳобалар ичида ягона соч қўймаган киши бўлган. Сабабини сўрашганда мен сершаҳват одамман. Ғусл қилганда соч халақит беради, деб жавоб берган.

35. Улар (жаннатдаги) сўриларда (дўзахдаги кофирлар аҳволига) боқиб ўтирурлар*.
36. Кофирлар қилмишларининг «савоби»ни (жазосини) олдиларми?!

Иншиқоқ *сураси*

Маккада нозил қилинган. 25 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Осмонлар ёрилганда,
2. (бу билан у) Парвардигори (амри)га қулоқ тутганда ва (шу амрга) лойиқ топилганда,
3. (шунингдек) Ер ёйилганда,
4. ўз ичидаги (жасадларни) чиқариб ташлаб, бўшаб қолганда
5. ва у Парвардигори (амри)га қулоқ тутганда ва (шу амрга) лойиқ топилганда (ҳар бир инсон Аллоҳга ҳисобот берур)!
6. Эй, инсон! Албатта, сен меҳнат-машаққат чекиб Раббингга (яъни Унинг мукофоти ёки жазоси сари) борувчисан, бас, (сўнгра) У зотга йўлиқувчисан.
7. Бас, кимнинг номаи аъмоли (қиёмат куни) ўнг томонидан берилса,
8. бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак,
9. ва (жаннатга тушган) ўз аҳли (оиласи)га шоду хуррам ҳолда қайтажак.
10. Аммо, кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса,
11. бас, (ўзига) ўлим тилаб қолажак
12. ва дўзахда куяжак.
13. Дарвоқе, (дунёдалик пайтида) у аҳли оиласида шоду хуррам эди,
14. ўзини ҳеч қачон (Парвардигор ҳузурига) қайтмасман деб ўйлар эди.
15. Йўқ! Парвардигори уни, шубҳасиз, кўриб турувчи эди.
16. Бас, қасамёд этаман (Қуёш ботаётган пайтдаги) шафақ билан,
17. тун ва у қамраб олган (барча) нарса билан
18. ҳамда тўлин Ой биланки,
19. албатта сизлар босқичма-босқич (яшаб) келурсиз!

عَلَى ٱلْأَرَآئِكِ يَنظُرُونَ ﴿٣٥﴾ هَلْ ثُوِّبَ ٱلْكُفَّارُ مَا كَانُوا۟ يَفْعَلُونَ ﴿٣٦﴾

ترتيبها ٨٤ — سُورَةُ الانْشِقَاقِ — آياتها ٢٥

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِذَا ٱلسَّمَآءُ ٱنشَقَّتْ ﴿١﴾ وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحُقَّتْ ﴿٢﴾ وَإِذَا ٱلْأَرْضُ مُدَّتْ
﴿٣﴾ وَأَلْقَتْ مَا فِيهَا وَتَخَلَّتْ ﴿٤﴾ وَأَذِنَتْ لِرَبِّهَا وَحُقَّتْ ﴿٥﴾ يَٰٓأَيُّهَا
ٱلْإِنسَٰنُ إِنَّكَ كَادِحٌ إِلَىٰ رَبِّكَ كَدْحًا فَمُلَٰقِيهِ ﴿٦﴾ فَأَمَّا مَنْ أُوتِىَ
كِتَٰبَهُۥ بِيَمِينِهِۦ ﴿٧﴾ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴿٨﴾ وَيَنقَلِبُ
إِلَىٰٓ أَهْلِهِۦ مَسْرُورًا ﴿٩﴾ وَأَمَّا مَنْ أُوتِىَ كِتَٰبَهُۥ وَرَآءَ ظَهْرِهِۦ ﴿١٠﴾ فَسَوْفَ
يَدْعُوا۟ ثُبُورًا ﴿١١﴾ وَيَصْلَىٰ سَعِيرًا ﴿١٢﴾ إِنَّهُۥ كَانَ فِىٓ أَهْلِهِۦ مَسْرُورًا ﴿١٣﴾
إِنَّهُۥ ظَنَّ أَن لَّن يَحُورَ ﴿١٤﴾ بَلَىٰٓ إِنَّ رَبَّهُۥ كَانَ بِهِۦ بَصِيرًا ﴿١٥﴾ فَلَآ أُقْسِمُ
بِٱلشَّفَقِ ﴿١٦﴾ وَٱلَّيْلِ وَمَا وَسَقَ ﴿١٧﴾ وَٱلْقَمَرِ إِذَا ٱتَّسَقَ ﴿١٨﴾
لَتَرْكَبُنَّ طَبَقًا عَن طَبَقٍ ﴿١٩﴾ فَمَا لَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٢٠﴾ وَإِذَا قُرِئَ
عَلَيْهِمُ ٱلْقُرْءَانُ لَا يَسْجُدُونَ ۩ ﴿٢١﴾ بَلِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ يُكَذِّبُونَ
﴿٢٢﴾ وَٱللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا يُوعُونَ ﴿٢٣﴾ فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٢٤﴾
إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٢٥﴾

20. Бас, нега улар имон келтирмайдилар?!
21. Уларга Қуръон қироат қилинганда, (Яратганга) сажда қилмайдилар?!*
22. Аксинча, кофир бўлганлар (Қуръонни ва қайта тирилишни) инкор этурлар.
23. Аллоҳ эса улар ичларида яшириб юрган нарсаларни яхши билувчидир.
24. Бас, (эй, Муҳаммад!) Уларга аламли азоб ҳақида «хушхабар» беринг!
25. Аммо имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар учун (охиратда) битмас-туганмас мукофот бордир.

35-оят. Дўзахдан жаннатга томон бир дарвоза очиб қўйилган бўлиб, мўминлар кофирларни чорлар эканлар. Улар дарвозага яқин келишлари билан у ёпилиб қолар экан. Шунда мўминлар кулиб юборишар экан. Буларнинг барчаси имонли кишилар устидан кулиб юрган кофирларнинг жазосидир (Мд.).

84. ИНШИҚОҚ СУРАСИ

Суранинг номи ўзидан олинган бўлиб, ёрилиш деган маънони билдиради. Зеро, сурада қиёматда осмонлар ёрилиб, кўп аломатлар рўй бериши баён этилган.

Бу сура инсон доимий равишда ҳаракатда бўлиб, ё эзгу ёки ёвуз ишлар билан банд бўлиши, охиратда шу ишлари бўйича савол-жавоб бўлиши ва азоб-уқубатлар билан бир қаторда солиҳ бандалар учун улуғ мукофотлар тайёрлаб қўйилгани ҳақидадир.

21-оят. Сажда ояти.



Буруж сураси

Маккада нозил қилинган. 22 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман (ўн иккита) буржларга эга осмон билан,

2. ваъда қилинмиш кун (қиёмат) билан,

3. (ўша кунда) гувоҳ ва гувоҳлик берилувчи биланки («Чоҳ эгалари» қиссаси ҳақиқатдир)!

4. «Чоҳ эгалари»га – лаънат!

5. Қайсики, у (чоҳ) ёқилғили олов эди.

6. Ўшанда улар ўша (чоҳ)нинг устида ўтирувчи

7. ва мўминларга нисбатан қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ эдилар*.

8. Улар (мўминлар)дан фақат қудратли ва ҳамд эгаси бўлмиш Аллоҳга имон келтирганлари учунгина ўч олдилар.

9. Осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Унга хосдир. Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир.

10. Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра тавба қилмаган кимсаларга жаҳаннам азоби ва улар учун ўт азоби бордир.

11. Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларга остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар бордир. Бу эса катта ютуқдир.

12. (Эй, Муҳаммад!) Шубҳасиз, Раббингизнинг (азобга) тутиши қаттиқдир.

13. Албатта, Унинг ўзи (яратишни) бошлар ва қайтарур (қайта тирилтирур).

14. У (мўминларга нисбатан) кечиримли ва дўст,

15. Арш соҳиби Буюк

16. ва истаган нарсасини амалга оширувчидир.

17. (Эй, Муҳаммад!) Сизга «қўшинлар»нинг хабари келдими?

18. Фиръавн ва Самуд (қўшинлари)нинг.

19. Йўқ! Кофир бўлган кимсалар (ҳақ динни доимий) инкор қилишдадирлар.

20. Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг ортида (барча нарсани билиб) иҳота қилиб турувчидир.

21. Балки, у (инкор этилган нарса) улуғ Қуръондирки,

22. (унинг асл нусхаси) Лавҳул-маҳфуздадир.

Торик сураси

Маккада нозил қилинган. 17 оят.

---

85. БУРУЖ СУРАСИ

“Буруж” – буржлар, яъни осмондаги Қуёш ва Ой буржлари.

Сурада Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари нақадар буюк экани таъриф этилиши билан бирга мўминларга азият етказган ва улар ўртасида фитна-фасод, бузғунчилик ишларини жорий қилган кимсаларга қаттиқ жазолар муқаррар экани ва Қуръони каримнинг Лавҳул-маҳфуздан кўчирилган илоҳий муқаддас калом экани каби маълумотлар бор.

7-оят. Муҳаммад (а.с.)дан олдин ўтган умматлар ичида золим подшоҳ буйруғи билан имонли кишиларга қаттиқ азоб берилгани, охири улар учун қазилган чоҳга золимларнинг ўзлари қулагани, чоҳ ичидаги олов мўминларни эмас, балки уларнинг ўзларини куйдириб юборгани сурада баён этилмоқда.

86. ТОРИҚ СУРАСИ

“Торик” – Зуҳал юлдузи. У билан қасамёд этиб, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни турли бало-қазолардан қўриқловчи малоикалар борлиги, улар унинг қилмишларини ҳам ёзиб боришлари, Қуръони каримнинг муқаддас экани, охират ҳодисалари, мушриклар билан муроса қилиш ва бошқа маълумотлардан ўз бан-

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

وَالسَّمَاءِ وَالطَّارِقِ ﴿١﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الطَّارِقُ ﴿٢﴾ النَّجْمُ الثَّاقِبُ ﴿٣﴾ إِن كُلُّ
نَفْسٍ لَّمَّا عَلَيْهَا حَافِظٌ ﴿٤﴾ فَلْيَنظُرِ الْإِنسَانُ مِمَّ خُلِقَ ﴿٥﴾ خُلِقَ مِن مَّاءٍ
دَافِقٍ ﴿٦﴾ يَخْرُجُ مِن بَيْنِ الصُّلْبِ وَالتَّرَائِبِ ﴿٧﴾ إِنَّهُ عَلَىٰ رَجْعِهِ لَقَادِرٌ ﴿٨﴾
يَوْمَ تُبْلَى السَّرَائِرُ ﴿٩﴾ فَمَا لَهُ مِن قُوَّةٍ وَلَا نَاصِرٍ ﴿١٠﴾ وَالسَّمَاءِ ذَاتِ الرَّجْعِ ﴿١١﴾
وَالْأَرْضِ ذَاتِ الصَّدْعِ ﴿١٢﴾ إِنَّهُ لَقَوْلٌ فَصْلٌ ﴿١٣﴾ وَمَا هُوَ بِالْهَزْلِ ﴿١٤﴾ إِنَّهُمْ
يَكِيدُونَ كَيْدًا ﴿١٥﴾ وَأَكِيدُ كَيْدًا ﴿١٦﴾ فَمَهِّلِ الْكَافِرِينَ أَمْهِلْهُمْ رُوَيْدًا ﴿١٧﴾

آياتها ١٩ — سُورَةُ الأَعْلَىٰ — ترتيبها ٨٧

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

سَبِّحِ اسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَى ﴿١﴾ الَّذِي خَلَقَ فَسَوَّىٰ ﴿٢﴾ وَالَّذِي قَدَّرَ فَهَدَىٰ
﴿٣﴾ وَالَّذِي أَخْرَجَ الْمَرْعَىٰ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُ غُثَاءً أَحْوَىٰ ﴿٥﴾ سَنُقْرِئُكَ
فَلَا تَنسَىٰ ﴿٦﴾ إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ إِنَّهُ يَعْلَمُ الْجَهْرَ وَمَا يَخْفَىٰ ﴿٧﴾ وَنُيَسِّرُكَ
لِلْيُسْرَىٰ ﴿٨﴾ فَذَكِّرْ إِن نَّفَعَتِ الذِّكْرَىٰ ﴿٩﴾ سَيَذَّكَّرُ مَن يَخْشَىٰ ﴿١٠﴾
وَيَتَجَنَّبُهَا الْأَشْقَى ﴿١١﴾ الَّذِي يَصْلَى النَّارَ الْكُبْرَىٰ ﴿١٢﴾ ثُمَّ لَا يَمُوتُ
فِيهَا وَلَا يَحْيَىٰ ﴿١٣﴾ قَدْ أَفْلَحَ مَن تَزَكَّىٰ ﴿١٤﴾ وَذَكَرَ اسْمَ رَبِّهِ فَصَلَّىٰ ﴿١٥﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Осмонлар ва Зуҳал (юлдузи) билан қасамёд этаман*.

2. (Эй, Муҳаммад!) Сиз Зуҳал нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?!

3. (У нури) ўткир юлдуздир.

4. Ҳар бир жон (эгаси – инсон) устида (уни сақловчи ва амалларини) ёд олувчи (фаришта) бордир.

5. Бас, инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин!

6. (У) отилиб чиқувчи бир «сув»дан яралган.

7. (У «сув» эса) отанинг пушти камари ва онанинг кўкрак суягидан чиқур.

8. Албатта, У (Аллоҳ йўқдан яратгач) уни қайта тирилтиришга (ҳам) қодирдир.

9. Сирлар фош қилинадиган (қиёмат) куни

10. унга (Аллоҳнинг азобидан қутқарувчи) бирор куч ҳам, бирор ёрдамчи ҳам бўлмас.

11. Қасамёд этаман ёмғирли осмон билан

12. ва (у сабабли донлар ва ўт-ўланлар учун) ёриб чиқиш эгаси (онаси) бўлмиш Ер биланки,

13. шубҳасиз, у (Қуръон ҳақ билан ботилни) ажрим этувчи Сўздир.

14. У ҳазил (беҳуда сўз) эмасдир.

15. Албатта, улар (кофирлар) макр қилурлар.

16. Мен ҳам «макр» қилурман.

17. Бас, (эй, Муҳаммад!) Кофирларга озгина муҳлат ва бир муддат қўйиб беринг!

Аъло *сураси*

Маккада нозил қилинган. 19 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Энг олий зот бўлмиш Раббингизнинг исми билан тасбеҳ айтинг!

2. Зеро, У (барча нарсани) яратиб, барпо қилган,

3. барчага муносиб йўлни белгилаб, (ўша йўлга) ҳидоят қилиб қўйган,

4. ўтлоқни ундириб чиқариб,

5. сўнгра уни қорамтир хазон қилиб қўйган зотдир*.

6. (Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга (Жаброил воситасида Қуръонни) қироат қилдирурмиз. Бас, Сиз (уни) эсдан чиқармассиз.

7. Илло, Аллоҳ (унуттиришни) хоҳлаган оятлар бундан мустаснодир. Албатта, У ошкора (сўз ва ишлар)ни ҳам, яширин нарсаларни ҳам билур.

8. Биз Сизни осон (дин)га муваффақ қилурмиз.

9. Бас, эслатма фойда берса, (кишиларга) эслатинг!

10. (Аллоҳдан) қўрқадиган киши эслатма олар.

11. Бахтсиз киши эса ундан (эслатмадан) четлаб ўтиб,

12. Катта ўт (дўзах)да куяжак.

13. Сўнгра у жойда на ўла олур ва на яшай олур!

14. Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) пок бўлур

15. ва Парвардигорининг исмини ёд этиб, (беш вақт) намоз ўқир.

1-оят. Зуҳал (Сатурн) ўрнига баъзи тафсирларда Зуҳра (Венера) ёки Сурайё юлдузлари дейилган.

87. АЪЛО СУРАСИ

“Аъло” – олий зот, яъни Аллоҳ таоло. Сурада инсон Аллоҳнинг ўз қудрати ва ҳикмати билан яратилгани, Қуръон оятларидан баъзиларининг унутилиши Аллоҳнинг иродасига боғлиқ экани, илоҳий насиҳатлар ҳаммага ҳам таъсир этмаслиги, охиратдаги ҳолатлар, Қуръондаги шу каби кўп ўгитлар Иброҳим ва Мусо (а.с)ларга нозил этилган саҳифаларда ҳам мавжуд экани баён этилади.

5-оят. Баъзи олимлар бу оятдаги “ғусоъ” сўзини нефт деб таъвил қиладилар ва у сел кўпикларига қоришган чирик япроқ хазонларининг куйқасидан ҳосил бўлади, деб изоҳлайдилар.



16. Ҳа, сизлар, (эй, кофирлар!) Дунё ҳаётини (охиратдан) устун қўюрсиз.
17. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир.
18. Дарвоқе, бу (оятлар) аввалги (пайғамбарларга нозил бўлган) саҳифаларда —
19. Иброҳим ва Мусо саҳифаларида (ҳам) бордир.

Ғошия сураси

Маккада нозил қилинган. 26 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*
1. (Эй, Муҳаммад!) Сизга (даҳшати билан) қоплаб олувчининг (қиёматнинг) қиссаси дарҳақиқат (етиб) келди*.
2. У кунда (баъзи) юзлар сўлғин,
3. меҳнат-машаққат чекувчидир.
4. (Улар) қизиган дўзахда куйгайлар,
5. қайноқ булоқ (суви)дан ичирилгай.
6. Улар учун таом бўлмас, бўлганда ҳам фақат заҳарли гиёҳдан бўлиб,
7. (у) семиртирмайди ҳам, очликдан ҳам халос этмайди.
8. (Бошқа бир) юзлар эса у кунда (неъматлардан) мамнун,
9. (дунёда қилган) саъй-ҳаракатларидан розидир.
10. (Улар) олий жаннатдадирлар.
11. У жойда беҳуда сўз эшитмаслар.
12. У жойда оқар булоқ бордир.
13. У жойда баланд сўрилар,
14. қўйилган қадаҳлар,
15. тизиб қўйилган ёстиқлар
16. ва тўшалган гиламлар бордир.
17. Ахир, улар туяларга қараб, қандай яратилганига,
18. осмонларнинг қандай кўтариб қўйилганига,
19. тоғларнинг қандай тикланганига
20. ва Ернинг қандай ёйиб – текислаб қўйилганига боқмайдиларми?!
21. Бас, (эй, Муҳаммад! Умматингизга) эслатинг! Зотан, Сиз (ҳозирча) фақат эслатувчидирсиз.
22. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз.
23. Илло, кимки (бу эслатмадан) юз ўгириб, кофир бўлса,
24. у ҳолда, (Сиз эмас, балки) Аллоҳ уни (қиёматда) энг катта азоб билан азоблагай.
25. Зеро, қайтишлари ёлғиз Ўзимизгадир!
26. Сўнгра уларни (қиёмат куни) ҳисоб-китоб қилиш ҳам фақат Бизнинг зиммамиздадир.

---

88. ҒОШИЯ СУРАСИ

"Ғошия" – ўраб олувчи. Қиёматнинг сифатларидан бири. Дарҳақиқат, у ҳамма мавжудотни ўз таъсир доирасига олувчи бўлгани учун унинг номларидан бирига айланган.

Сурада туя, осмон, тоғ ва ерларнинг илоҳий ҳикмат асосида ажойиб ва ғаройиб шаклда яратилгани, уларга ибрат ва маърифат назари билан боқиш зарурлиги, шунингдек, Макка мушриклари томонидан қаттиқ қаршиликка учраган Пайғамбар (а.с.) то Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келганларидан сўнг ислом дини шонушавкатга эга бўлгунича ўз умматини насиҳат ва эслатма услубида даъват қилишдан иборат экани зикр этилади.

1-оят. Оятнинг арабчасидаги "ҳал" калимаси бу ерда сўроқ ҳарфи эмас, балки "қад" калимаси мазмунида келган. Яъни "албатта" ёки "дарҳақиқат" каби маънони ифода этади (Мд. Қз. Абс.).

Фажр сураси

Маккада нозил қилинган. 30 оят.

سُورَةُ الفَجْرِ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

وَالْفَجْرِ ﴿١﴾ وَلَيَالٍ عَشْرٍ ﴿٢﴾ وَالشَّفْعِ وَالْوَتْرِ ﴿٣﴾ وَاللَّيْلِ إِذَا يَسْرِ
﴿٤﴾ هَلْ فِي ذَٰلِكَ قَسَمٌ لِّذِي حِجْرٍ ﴿٥﴾ أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِعَادٍ
﴿٦﴾ إِرَمَ ذَاتِ الْعِمَادِ ﴿٧﴾ الَّتِي لَمْ يُخْلَقْ مِثْلُهَا فِي الْبِلَادِ ﴿٨﴾
وَثَمُودَ الَّذِينَ جَابُوا الصَّخْرَ بِالْوَادِ ﴿٩﴾ وَفِرْعَوْنَ ذِي الْأَوْتَادِ ﴿١٠﴾
الَّذِينَ طَغَوْا فِي الْبِلَادِ ﴿١١﴾ فَأَكْثَرُوا فِيهَا الْفَسَادَ ﴿١٢﴾ فَصَبَّ
عَلَيْهِمْ رَبُّكَ سَوْطَ عَذَابٍ ﴿١٣﴾ إِنَّ رَبَّكَ لَبِالْمِرْصَادِ ﴿١٤﴾ فَأَمَّا
الْإِنسَانُ إِذَا مَا ابْتَلَاهُ رَبُّهُ فَأَكْرَمَهُ وَنَعَّمَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَكْرَمَنِ
﴿١٥﴾ وَأَمَّا إِذَا مَا ابْتَلَاهُ فَقَدَرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ فَيَقُولُ رَبِّي أَهَانَنِ ﴿١٦﴾
كَلَّا بَل لَّا تُكْرِمُونَ الْيَتِيمَ ﴿١٧﴾ وَلَا تَحَاضُّونَ عَلَىٰ طَعَامِ
الْمِسْكِينِ ﴿١٨﴾ وَتَأْكُلُونَ التُّرَاثَ أَكْلًا لَّمًّا ﴿١٩﴾
وَتُحِبُّونَ الْمَالَ حُبًّا جَمًّا ﴿٢٠﴾ كَلَّا إِذَا دُكَّتِ الْأَرْضُ دَكًّا
دَكًّا ﴿٢١﴾ وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ﴿٢٢﴾ وَجِيءَ يَوْمَئِذٍ
بِجَهَنَّمَ يَوْمَئِذٍ يَتَذَكَّرُ الْإِنسَانُ وَأَنَّىٰ لَهُ الذِّكْرَىٰ ﴿٢٣﴾

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман тонг (вақти) билан,

2. «Ўн кеча» билан*,

3. жуфт ва тоқ (нарсалар) билан

4. ва ўтаётган тун биланки (албатта, кофирларга жазо муқаррардир)!

5. Мана шу (нарса)ларда ақл эгаси учун (етарли) қасам бордир!

6. Раббингиз Од (қабиласи)ни нима қилди, кўрмадингизми?!

7. (Улар) баланд устунли Ирам (шаҳридан) бўлиб,

8. (бошқа) юртларда унинг ўхшаши яратилмаган*.

9. Водийда харсанг тошларни (уй солиш учун) кесган Самуд (қабиласи)ни,

10. қозиқлар (аҳромлар ва қасрлар) эгаси бўлмиш Фиръавнни (қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)?!

11. Улар юртларида ҳадларидан ошиб,

12. у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар.

13. Бас, Раббингиз уларнинг устига турли азоб ёғдирди.

14. Албатта, Раббингиз (барча нарсани) кузатиб турувчидир.

15. Бас, энди инсонни қачонки, Парвардигори синов учун икром этиб, унга неъмат ато этса, дарҳол: «Парвардигорим (лойиқ бўлганим учун) мени икром этди», – дер.

16. Аммо, қачонки, (Парвардигори) уни синов учун, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: «Парвардигорим мени хор қилди», – дер.

17. Йўқ! Аксинча, сизлар етимни (ҳолидан хабар олиб) икром қилмайсиз.

18. Мискин (бечорага) таом беришга ҳам бир-бирингизни тарғиб этмайсиз.

19. Меросни эса (ўз улушингизга ўзгаларникини) қўшиб еяверасиз.

20. Яна (фоний эканини била туриб) мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан севасиз.

21. Йўқ! Қачонки, Ер қаттиқ силкинганда

22. ва Раббингиз (ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда

23. ҳамда ўша куни жаҳаннам ҳам (яқин) келтириб қўйилганда – ана ўша кунда инсон (бу кўрганларидан) эслатма олур. (Аммо вақт ўтгач, энди) унга эслатма қаёқда экан?!

---

89. ФАЖР СУРАСИ

“Фажр” – тонг, бомдод вақти.

Сурада Фиръавн, Од ва Самуд қавмлари каби кофирларнинг қилмишлари, бойликка меҳр қўймаслик зарурлиги, қиёмат ҳодисалари, инсоннинг ношукурлиги, жаннат аҳлидан бўлиш учун нима ишлар қилиш лозимлиги талқин этилади.

2-оят. Бу оятдаги "Ўн кеча" дан мурод Зил-ҳижжа ойининг ёки Муҳаррам ойининг биринчи ўн кунлари ёхуд Рамазон ойининг учинчи ўн кунлиги деган тафсир мавжуд.

7-оят. Ирам ёки Эрам – Нуҳ (а.с.)-нинг сулоласидан бўлган шоҳ исми. Унинг исми билан шаҳар, боғ ва қабила номланган.

Ривоят қилинишича, Одининг икки ўғлидан бири Шаддод осмонда Аллоҳ мислсиз боғ-жаннат бино қилган деб эшитгач, У билан тенглашиш ниятида Адн (Яман) саҳросида бир ғаройиб боғ барпо эттирган. Боғ 300 йилда битган. Одининг ўзи 900 йил умр кўрган. Лекин такаббурлик билан қурган боғини кўриш ўзига насиб этмаган. Кўриш учун лашкар тортиб кетаётганда, ярим йўлда Аллоҳ томонидан юборилган қаттиқ бўронга учраб ҳалок бўлган. Кейинчалик "Боғи Эрам" шеър ва достонларда зарбулмасалга айланиб кетган.

24. У: «Эҳ, кошки эди мен ҳаёт вақтимда (яхши амалларни) тақдим этган бўлсам!», – дер.
25. У кундаги (Аллоҳнинг) азобидек ҳеч ким азобламас.
26. Унинг (кишан ва занжирларни) боғлашидек ҳам ҳеч ким боғламас.
27. «Эй, хотиржам (сокин) жон!
28. (Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ томонидан) ҳам рози бўлинган ҳолингда, Раббинг (ҳузури)га қайтгин!
29. Бас, (солиҳ) бандаларим (сафи)га қўшилгин
30. ва жаннатимга киргин!»*

Балад сураси

Маккада нозил қилинган. 20 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*
1. (Эй, Муҳаммад!) Мана шу шаҳар (Макка) билан қасамёд этурман,
2. ҳолбуки, Сиз шу шаҳарда мавжуддирсиз
3. ҳамда ота ва болаларга (яъни Одам ва зурриётлари билан) қасамёд этурманки,
4. ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва) машаққатда (бўлиш учун) яратдик.
5. Унга (жиноятлари учун жазо беришга) ҳеч кимнинг кучи етмайди, деб ўйлайдими?!
6. У (мақтаниб): «Жуда кўп мол-дунёни (топдим ва сарфлаб) йўқ қилдим», – дер.
7. Уни ҳеч ким кўрмаган, деб ўйлайдими?!
8. Ахир, Биз унга икки кўз,
9. тил ва икки лаб пайдо қилмадикми?!
10. Яна уни икки баландликка (икки хил йўлга) йўллаб қўйдик-ку!*
11. Бас, у (Аллоҳ йўлида бирор) довонни ошиб ўтмади.
12. (Эй, Муҳаммад!) Довон (ошиш) нима эканини Сиз қаердан ҳам билар эдингиз?!
13. (У) бўйинни (қулни) озод қилиш,
14. ёки очарчилик кунида (муҳтожга) таом беришдир.
15. Хоҳ (у) қариндош етим бўлсин,
16. хоҳ тупроқли (хор) мискин.
17. Сўнгра у (мазкур инсон) имон келтирган ва бир-бирларини сабр қилишга тавсия этган, бир-бирларини (бандаларга) марҳаматли бўлишга ундаган зотлардан бўлди.
18. Ана ўшалар (фазилатларга эга бўлган зотлар) «ўнг томон эгалари»дир.
19. Оятларимизни инкор қилган кимсалар эса, улар «чап томон эгалари»дир.
20. Уларни (қиёмат куни) қамраб олувчи олов (дўзах) муқаррардир.

Шамс сураси

Маккада нозил қилинган. 15 оят.

30-оят. Бу хитоб Аллоҳ таоло томонидан мўмин кишига вафоти олдидан ёки жаннатга кириши арафасида ёки қиёматда қабридан туришида айтилади (Мд.).

90. БАЛАД СУРАСИ

“Балад” – шаҳар, бу ерда Макка шаҳри назарда тутилган.

10-оят. Икки баландликдан мурод икки йўл. Яъни ҳидоят ва залолат йўллари.

91. ШАМС СУРАСИ

“Шамс” – Қуёш.

Сурада Аллоҳ таоло қасамёд билан нафсини поклаган кишининг нажот топиши, гуноҳга ботганларнинг ноумидликда қолиши каби танбеҳлар билан бирга Солиҳ (а.с.) қавми Самуд қабиласининг қилмишлари учун берилган жазо ҳақида хабар беради.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман Қуёш ва унинг зиёси билан,

2. унинг (Қуёшнинг) ортидан келган Ой билан,

3. уни (Ерни Қуёш) ёритган пайтидаги кундузи билан,

4. уни (Қуёшни) қоплаган тун билан,

5. осмонлар ва (Аллоҳ) бино қилган (бошқа) нарсалар билан,

6. Ер ва (У) ёйиб қўйган (бошқа) нарсалар билан,

7. нафс ва (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар) билан*.

8. Дарвоқе, унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам (У) илҳом қилиб қўйган.

9. (Мазкурлар билан қасамёд этаманки) ҳақиқатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топур

10. ва у (нафс)ни (гуноҳлар билан) кўмиб, хорлаган кимса эса (Аллоҳнинг раҳматидан) ноумид бўлур!

11. Самуд (қабиласи) ҳаддан ошгани сабабли (ўзларининг пайғамбарини) ёлғончига чиқардилар.

12. Қайсики, уларнинг энг бадбахти (туяни сўйиш учун) қўзғалди.

13. (Шунда) Аллоҳнинг пайғамбари (Солиҳ) уларга: «Аллоҳнинг туясидан (уни сўйишдан) ва уни сув ичишидан (унга тўсқинлик қилишдан) сақланингиз!», – *деди.*

14. Бас, улар (пайғамбарни) ёлғончи қилишиб, у (туя)ни сўйиб юбордилар. Бас, Парвардигорлари уларнинг гуноҳлари сабабли устиларига қирғин юбориб, уни (барчага) баробар қилди.

15. (Зотан, Аллоҳ ўз ишининг) оқибатидан қўрқмагай.

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
وَٱلشَّمۡسِ وَضُحَىٰهَا ﴿١﴾ وَٱلۡقَمَرِ إِذَا تَلَىٰهَا ﴿٢﴾ وَٱلنَّهَارِ إِذَا جَلَّىٰهَا ﴿٣﴾
وَٱلَّيۡلِ إِذَا يَغۡشَىٰهَا ﴿٤﴾ وَٱلسَّمَآءِ وَمَا بَنَىٰهَا ﴿٥﴾ وَٱلۡأَرۡضِ وَمَا طَحَىٰهَا
﴿٦﴾ وَنَفۡسٖ وَمَا سَوَّىٰهَا ﴿٧﴾ فَأَلۡهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقۡوَىٰهَا ﴿٨﴾ قَدۡ
أَفۡلَحَ مَن زَكَّىٰهَا ﴿٩﴾ وَقَدۡ خَابَ مَن دَسَّىٰهَا ﴿١٠﴾ كَذَّبَتۡ ثَمُودُ
بِطَغۡوَىٰهَآ ﴿١١﴾ إِذِ ٱنۢبَعَثَ أَشۡقَىٰهَا ﴿١٢﴾ فَقَالَ لَهُمۡ رَسُولُ ٱللَّهِ
نَاقَةَ ٱللَّهِ وَسُقۡيَٰهَا ﴿١٣﴾ فَكَذَّبُوهُ فَعَقَرُوهَا فَدَمۡدَمَ
عَلَيۡهِمۡ رَبُّهُم بِذَنۢبِهِمۡ فَسَوَّىٰهَا ﴿١٤﴾ وَلَا يَخَافُ عُقۡبَٰهَا ﴿١٥﴾

سُورَةُ ٱللَّيۡلِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
وَٱلَّيۡلِ إِذَا يَغۡشَىٰ ﴿١﴾ وَٱلنَّهَارِ إِذَا تَجَلَّىٰ ﴿٢﴾ وَمَا خَلَقَ ٱلذَّكَرَ وَٱلۡأُنثَىٰٓ ﴿٣﴾
إِنَّ سَعۡيَكُمۡ لَشَتَّىٰ ﴿٤﴾ فَأَمَّا مَنۡ أَعۡطَىٰ وَٱتَّقَىٰ ﴿٥﴾ وَصَدَّقَ بِٱلۡحُسۡنَىٰ ﴿٦﴾
فَسَنُيَسِّرُهُۥ لِلۡيُسۡرَىٰ ﴿٧﴾ وَأَمَّا مَنۢ بَخِلَ وَٱسۡتَغۡنَىٰ ﴿٨﴾ وَكَذَّبَ بِٱلۡحُسۡنَىٰ
﴿٩﴾ فَسَنُيَسِّرُهُۥ لِلۡعُسۡرَىٰ ﴿١٠﴾ وَمَا يُغۡنِي عَنۡهُ مَالُهُۥٓ إِذَا تَرَدَّىٰٓ ﴿١١﴾ إِنَّ عَلَيۡنَا
لَلۡهُدَىٰ ﴿١٢﴾ وَإِنَّ لَنَا لَلۡأٓخِرَةَ وَٱلۡأُولَىٰ ﴿١٣﴾ فَأَنذَرۡتُكُمۡ نَارٗا تَلَظَّىٰ ﴿١٤﴾

Лайл сураси

Маккада нозил қилинган. 21 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман қоплаб келаётган тун билан,

2. ёришиб келаётган кун билан,

3. (Аллоҳ) яратган эркак ва аёл биланки,

4. албатта, сизларнинг саъй-ҳаракатингиз турличадир!

5. Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса ва (Аллоҳдан) қўрқса,

6. ҳамда гўзал (нарса)ни* тасдиқ этса,

7. бас, унга осонликни муяссар қилурмиз.

8. Аммо кимки бахиллик қилса ва (ўзини) беҳожат (бой) санаса,

9. ҳамда гўзал (нарса)ни ёлғонга чиқарса,

10. бас, унга оғирликни муяссар қилурмиз.

11. (У) ҳалок бўлган вақтида бойлиги унга фойда бермагай.

12. Албатта, ҳидоят (тўғри йўлга йўллаш) фақат Бизнинг зиммамиздадир.

13. Ҳақиқатан, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Бизнинг тасарруфимиздадир.

14. Сизларни (Қуръон ва пайғамбар орқали) ловуллаб ёнувчи дўзах ҳақида огоҳлантирдим.

7-оят. Сура оятларидаги тушум ва қаратқич келишикларига далолат қилувчи "ҳо" замир (олмош)ларнинг тааллуқ топадиган жойлари хусусида машҳур муфассирлардан Мужоҳид, Қатода, Табарий, Ибн Касир ва бошқалар ҳам ихтилоф қилганлар. Бинобарин, уларнинг тафсирларидан истифода этган ҳолда таржима ва тафсир қилишга ҳаракат қилинди. Улар ичида Аллоҳнинг ўз зоти билан қасамёд этиши, деб қилинган тафсирлар ўрнига бошқа хилдаги тафсирларни қўйишни афзал деб топдик.

92. ЛАЙЛ СУРАСИ

"Лайл" – кеча, тун.

6-оят. Гўзал нарсадан мурод ислом дини ёки жаннат ёхуд имон калимаси.

لَا يَصْلَىٰهَآ إِلَّا ٱلْأَشْقَى ﴿١٥﴾ ٱلَّذِى كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٦﴾ وَسَيُجَنَّبُهَا
ٱلْأَتْقَى ﴿١٧﴾ ٱلَّذِى يُؤْتِى مَالَهُۥ يَتَزَكَّىٰ ﴿١٨﴾ وَمَا لِأَحَدٍ عِندَهُۥ مِن
نِّعْمَةٍ تُجْزَىٰٓ ﴿١٩﴾ إِلَّا ٱبْتِغَآءَ وَجْهِ رَبِّهِ ٱلْأَعْلَىٰ ﴿٢٠﴾ وَلَسَوْفَ يَرْضَىٰ ﴿٢١﴾

سُورَةُ الضُّحَىٰ — ترتيبها ٩٣ — آياتها ١١

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلضُّحَىٰ ﴿١﴾ وَٱلَّيْلِ إِذَا سَجَىٰ ﴿٢﴾ مَا وَدَّعَكَ رَبُّكَ وَمَا قَلَىٰ ﴿٣﴾
وَلَلْءَاخِرَةُ خَيْرٌ لَّكَ مِنَ ٱلْأُولَىٰ ﴿٤﴾ وَلَسَوْفَ يُعْطِيكَ رَبُّكَ
فَتَرْضَىٰٓ ﴿٥﴾ أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَـَٔاوَىٰ ﴿٦﴾ وَوَجَدَكَ ضَآلًّا
فَهَدَىٰ ﴿٧﴾ وَوَجَدَكَ عَآئِلًا فَأَغْنَىٰ ﴿٨﴾ فَأَمَّا ٱلْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ
﴿٩﴾ وَأَمَّا ٱلسَّآئِلَ فَلَا تَنْهَرْ ﴿١٠﴾ وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ ﴿١١﴾

سُورَةُ الشَّرْحِ — ترتيبها ٩٤ — آياتها ٨

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ ﴿١﴾ وَوَضَعْنَا عَنكَ وِزْرَكَ ﴿٢﴾ ٱلَّذِىٓ
أَنقَضَ ظَهْرَكَ ﴿٣﴾ وَرَفَعْنَا لَكَ ذِكْرَكَ ﴿٤﴾ فَإِنَّ مَعَ ٱلْعُسْرِ يُسْرًا ﴿٥﴾ إِنَّ
مَعَ ٱلْعُسْرِ يُسْرًا ﴿٦﴾ فَإِذَا فَرَغْتَ فَٱنصَبْ ﴿٧﴾ وَإِلَىٰ رَبِّكَ فَٱرْغَب ﴿٨﴾

15. Унда фақат бахтсиз (одам) куйгай.
16. Қайсики, (динни) инкор этиб, (итоатдан) бош тортган бўлса.
17. Тақволи киши эса ундан (дўзахдан) узоқлаштирилур.
18. Қайсики, у мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган бўлса.
19. Унинг (сарф қилувчининг) ҳузурида (зиммасида) бирор кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир.
20. У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг «юзи»ни истаб (эҳсон қилур).
21. (У) яқинда (қиёмат куни ато этилажак мукофотдан) рози бўлур.

Зуҳо сураси

Маккада нозил қилинган. 11 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*
1. Қасамёд этурман чошгоҳ вақти билан
2. ва (ўз зулмати билан атрофни) қоплаб турган тун биланки,
3. (эй, Муҳаммад!) Раббингиз Сиздан воз кечгани ҳам йўқ, ёмон кўриб қолгани ҳам йўқ!
4. Албатта, Сиз учун охират (саодати) дунё (фароғати)дан яхшироқдир.
5. Яқинда Раббингиз Сизга (шундай неъматларни) ато этурки, Сиз, албатта, (ундан) рози бўлурсиз.
6. (Эй, Муҳаммад! Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бошпана бермадими?!*
7. Яна Сизни гумроҳ (ғофил) ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадими?!
8. Сизни камбағал ҳолда топиб, (Хадичага уйланишинингиз туфайли) бой қилиб қўймадими?!
9. Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг!
10. Соил (гадо)ни эса (малол олиб) жеркиманг!
11. Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъмати ҳақида эса (одамларга) сўзланг!

Шарҳ сураси

Маккада нозил қилинган. 8 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*
1. (Эй, Муҳаммад!) Кўксингизни (илму-ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?!
2. Сиздан юкингизни олиб қўйдик (енгиллатдик),
3. қайсики, белингизни эзиб турган эди*.
4. Зикрингизни (исмингизни) ҳам баланд кўтариб қўйдик*.
5. Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир.
6. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир.
7. Бас, (эй, Муҳаммад!) Қачонки, (намоздан) фориғ бўлсангиз, (ўрнингиздан) туринг
8. ва Раббингиз сари рағбат (билан дуо) қилинг!*

---

93. ЗУҲО СУРАСИ

“Зуҳо” – чошгоҳ вақти.

6-оят. Пайғамбар (а.с.) ота-онадан жуда ёш етим қолганларида боболари Абдулмутталиб, унинг вафотидан кейин амакилари Абу Толиб ўз қарамоғларига олиб, тарбия қилганларига ишорат қилинмоқда.

94. ШАРҲ СУРАСИ

“Шарҳ” – очиш.

3-оят. Белларини эзиб турган юк пайғамбарлик ташвишлари ёки Расул (а.с.)дан содир бўлган баъзи кичик саҳву хатолар. Чунончи “Абаса” сураси тафсирида қайд этилди.

4-оят. Муҳаммад (а.с.) исми Аллоҳнинг исми билан ёнма-ён келадиган жойлар кўп. Масалан, шаҳодат калимасида, азон ва такбирда, хутба ҳамда ташаҳҳудда шунингдек, Қуръоннинг кўп оятларида (Мд.).

7–8-оят. “Даъватдан ёки жиҳоддан фориғ бўлгач, ибодат қилинг!”, – деб ҳам тафсир қилинган (Абс. Мд.).

Тин сураси

Маккада нозил қилинган. 8 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этурман анжир ва зайтун билан,
2. Тури Синин (тоғи) билан,
3. мана шу тинч-осойишта шаҳар (Макка) биланки,
4. ҳақиқатан, Биз инсонни хушбичим ва хушсурат (шаклда) яратдик.
5. Сўнгра (қариган сари), уни асфаласофилинга (қомати хам бўлишга) қайтардик*.
6. Илло, имон келтирган ва яхши амалларни қилганларга битмас-туганмас ажр (мукофот) бордир.
7. Бас, (эй, инсон!) Шундай бўлгач, жазо (куни)ни инкор этишга сени нима мажбур этмоқда?!
8. Ахир, Аллоҳ (ўша кунда) ҳукм чиқарувчиларнинг адолатлиси эмасми?!

Алақ сураси

Маккада нозил қилинган. 19 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Ўқинг (эй, Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан!
2. (У) инсонни лахта қондан яратди.
3. Ўқинг! Раббингиз эса карамли зотдир.
4. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди.
5. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди.
6. Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар.
7. (Бунга) сабаб ўзини бой – беҳожат санашидир.
8. (Эй, инсон!) Албатта, қайтиш Раббинг ҳузуригадир.
9. (Эй, инсон!) Кўрдингми, қайтараётан кимсани
10. бандани намоз ўқиганда?!
11. Кўрдингми – агар у (қайтарувчи) ўзи тўғри йўлда бўлса экан,
12. ёки (ўзгаларни) тақвога (Аллоҳдан қўрқишга) буюрса экан!
13. Кўрдингми, агар у (намоздан) тўсувчи кимса (аксинча ҳақни) инкор этса ва (у имон келтиришдан) юз ўгирса,
14. албатта, Аллоҳ (унинг бу қилмишларини)

سُورَةُ التِّينِ — آياتها ٨ — ترتيبها ٩٥

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

وَالتِّينِ وَالزَّيْتُونِ ﴿١﴾ وَطُورِ سِينِينَ ﴿٢﴾ وَهَٰذَا الْبَلَدِ الْأَمِينِ ﴿٣﴾
لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ ﴿٤﴾ ثُمَّ رَدَدْنَاهُ أَسْفَلَ سَافِلِينَ
﴿٥﴾ إِلَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ أَجْرٌ غَيْرُ مَمْنُونٍ ﴿٦﴾
فَمَا يُكَذِّبُكَ بَعْدُ بِالدِّينِ ﴿٧﴾ أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَحْكَمِ الْحَاكِمِينَ ﴿٨﴾

سُورَةُ الْعَلَقِ — آياتها ١٩ — ترتيبها ٩٦

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ الْإِنسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾ اقْرَأْ وَرَبُّكَ
الْأَكْرَمُ ﴿٣﴾ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ﴿٤﴾ عَلَّمَ الْإِنسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾ كَلَّا إِنَّ
الْإِنسَانَ لَيَطْغَىٰ ﴿٦﴾ أَن رَّآهُ اسْتَغْنَىٰ ﴿٧﴾ إِنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ الرُّجْعَىٰ ﴿٨﴾ أَرَأَيْتَ
الَّذِي يَنْهَىٰ ﴿٩﴾ عَبْدًا إِذَا صَلَّىٰ ﴿١٠﴾ أَرَأَيْتَ إِن كَانَ عَلَى الْهُدَىٰ ﴿١١﴾ أَوْ أَمَرَ
بِالتَّقْوَىٰ ﴿١٢﴾ أَرَأَيْتَ إِن كَذَّبَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١٣﴾ أَلَمْ يَعْلَم بِأَنَّ اللَّهَ يَرَىٰ ﴿١٤﴾ كَلَّا لَئِن
لَّمْ يَنتَهِ لَنَسْفَعًا بِالنَّاصِيَةِ ﴿١٥﴾ نَاصِيَةٍ كَاذِبَةٍ خَاطِئَةٍ ﴿١٦﴾ فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ
﴿١٧﴾ سَنَدْعُ الزَّبَانِيَةَ ﴿١٨﴾ كَلَّا لَا تُطِعْهُ وَاسْجُدْ وَاقْتَرِب ۩ ﴿١٩﴾

кўриб туришини билмаганмиди?!*
15. Йўқ! Қасамки, агар у (бу йўлидан) қайтмаса, албатта, Биз унинг пешона сочидан тутамиз
16. ўша ёлғончи, адашган (кимсанинг) пешона сочидан (тутиб жаҳаннамга отурмиз)!
17. Бас, у ўзининг жамоасини (ёрдамга) чақираверсин!
18. Биз эса азоб фаришталарини чақиражакмиз!
19. Йўқ! (Эй, Муҳаммад!) Сиз унга итоат этманг ва (ёлғиз) Аллоҳга сажда (ибодат) қилиб, (Унга) яқин бўлинг!*

---

95. ТИН СУРАСИ

"Тин" – анжир.

5-оят. "Асфаласофилин" – пастларнинг пасти. Бу сўздан икки хил мазмун олиш мумкин. Биринчиси, таржимадаги қарилик бўлса, иккинчиси кейинги имонли солиҳ бандаларга бериладиган неъматлар зикри далолатига биноан қалбида куфри бўлган мунофиқлар дўзахнинг энг паст жойига юборилишига ишорат бўлиши мумкин.

96. АЛАҚ СУРАСИ

"Алақ" – лахта қон. Бу ерда она қорнидаги ҳомиланинг ривожланиш жараёнидаги бир босқич, яъни лахта қуюқ қонга айланган ҳолати.

8–14-оятлар. Бу оятлар машҳур кофир Абу Жаҳл хусусида нозил қилинган. У Пайғамбар (а.с.)га азият ва зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлиб, Ҳақ таоло бу танбеҳлар билан уни огоҳлантирган.

19-оят. Сажда ояти.

Қадр сураси

Маккада нозил қилинган. 5 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Албатта, Биз уни (Қуръонни «Лавҳул-маҳфуз»дан биринчи осмонга) Қадр кечасида нозил қилдик.

2. (Эй, Муҳаммад!) Қадр кечаси нима эканини Сизга не ҳам англатур?!

3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир*.

4. У (кеча)да фаришталар ва Руҳ (Жаброил) Парвардигорларининг изни билан (йил давомида қилинадиган) барча ишлар (режаси) билан (осмондан ерга) тушарлар.

5. У (кеча) то тонг отгунича саломатликдир.

Баййина сураси

Мадинада нозил қилинган. 8 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Аҳли китоблар ва мушриклардан иборат кофир кимсалар, то уларга Ҳужжат келмагунича, (куфрга оид ботил ақидаларидан) ажралувчи бўлмадилар.

2. (У Ҳужжат) Аллоҳ (томони)дан (юборилган) пайғамбар (Муҳаммаддир. У уларга) покиза саҳифаларни (Қуръонни) тиловат қилур.

3. У (саҳифа)ларда қимматли ёзувлар (аҳкомлар) мавжуддир.

4. Аҳли китоблар фақат уларга Ҳужжат (пайғамбар) келганидан кейингина бўлиниб кетдилар.

5. Ҳолбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, Унинг учун динни (ширкдан) холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни баркамол адо этишга ҳамда закот беришга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри (ҳаққоний) диндир.

6. Албатта, аҳли китоб ва мушриклардан иборат кофирлар жаҳаннам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу қолурлар. Ана ўшалар халойиқнинг энг ёмонидирлар.

7. Албатта, имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотлар – айнан ўшалар халойиқнинг энг яхшисидирлар.

---

97. ҚАДР СУРАСИ

“Қадр” сўзининг турлича маъънолари бор. Жумладан қадр-қиммат, ўлчов, миқдор. Бу ерда буларнинг ҳар бири тўғри келаверади. Зеро, бу кечанинг қадр-қиммати минг ойдан улуғлиги ва бу кечада бир йиллик ишлар ўлчаниб, режалаштирилиши бунга далилдир.

3-оят. Бу улуғ кеча Рамазон ойининг 27-кечаси эканига далолат қиладиган ҳадислар кўпдир. Қадр кечаси Рамазон ойининг нечанчи кечаси эканини Аллоҳ ва Расули томонидан сир тутилган эди. Лекин саҳобалар Расул (а.с.)дан уни аниқлаб айтиб беришларини кўп сўраганларидан кейин дастлаб ойнинг учинчи ўн кунлигида, кейинроқ тоқ кечаларидан излаш кераклиги ҳақида айтганлар. Охири у кечанинг аломатларини айтганларидан сўнг 27 кеча экани маълум бўлган (Бғ.).

98. БАЙЙИНА СУРАСИ

“Баййина” – ҳужжат. Ҳужжатдан мурод бу ерда, Муҳаммад (а.с.) дирлар. Суранинг номи “Лам якун” деб ҳам юритилади. Унда кофир ва мушриклар, то Муҳаммад (а.с.) пайғамбар бўлиб келгунларича, ўзларининг куфроний ақидаларидан ажрамаганлари, кейин эса баъзилари куфрдан халос топиб, Исломга киргани ва баъзилари куфрда қолгани, ибодатда ихлос зарурлиги, охиратда мўминларга ва кофирларга қилинадиган муомалалар тўғрисида маълумот берилади.

8. Парвардигорлари ҳузуридаги уларнинг мукофотлари – остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) мангу боғлардир. Улар ўша жойда абадулабад қолувчидирлар. Аллоҳ улардан рози бўлур, улар (Аллоҳдан) рози бўлурлар. Бу (мукофот) Парвардигоридан қўрққан киши учундир.

Залзала сураси

Мадинада нозил қилинган. 8 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қачонки, Ер ўзининг (энг даҳшатли) зилзиласи билан қимирлаганида,

2. Ер (ўз қаъридаги конлару мурдалардан иборат) «юк»ларини (юзага) чиқариб ташлаганида

3. ва (қайта тирилишни инкор қилувчи) инсон (даҳшатга тушиб): «Унга не бўлди экан?», – деб қолганида

4. – ана ўша кунда Ер ўз хабарларини сўзлар*.

5. (Сўзлашга) Раббингиз ваҳий (билан рухсат) қилганини айтур.

6. Ўша куни (яъни қиёмат қойим бўлгач) одамлар, уларга (номаи) аъмолларини кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар.

7. Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар.

8. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар.

Одиёт сураси

Маккада нозил қилинган. 11 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Қасамёд этаман пишқириб чопадиган,

2. (чопганда туёқларидан) чақмоқ чақнатадиган,

3. тонг пайтида (ёв сари) бостириб борадиган,

4. бас, ўша пайтда (ортида) чанг қолдирадиган,

5. шу (чанг) билан (душман) жамоасининг ўртасига кириб борадиган (от)лар биланки,

جَزَآؤُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ جَنَّٰتُ عَدْنٍ تَجْرِى مِن تَحْتِهَا ٱلْأَنْهَٰرُ خَٰلِدِينَ
فِيهَآ أَبَدًا ۖ رَّضِىَ ٱللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا۟ عَنْهُ ۚ ذَٰلِكَ لِمَنْ خَشِىَ رَبَّهُۥ ﴿٨﴾

ترتيبها ٩٩ — سُورَةُ الزَّلْزَلَةِ — آياتها ٨

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِذَا زُلْزِلَتِ ٱلْأَرْضُ زِلْزَالَهَا ﴿١﴾ وَأَخْرَجَتِ ٱلْأَرْضُ أَثْقَالَهَا
﴿٢﴾ وَقَالَ ٱلْإِنسَٰنُ مَا لَهَا ﴿٣﴾ يَوْمَئِذٍ تُحَدِّثُ أَخْبَارَهَا ﴿٤﴾
بِأَنَّ رَبَّكَ أَوْحَىٰ لَهَا ﴿٥﴾ يَوْمَئِذٍ يَصْدُرُ ٱلنَّاسُ أَشْتَاتًا
لِّيُرَوْا۟ أَعْمَٰلَهُمْ ﴿٦﴾ فَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا
يَرَهُۥ ﴿٧﴾ وَمَن يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُۥ ﴿٨﴾

ترتيبها ١٠٠ — سُورَةُ الْعَادِيَاتِ — آياتها ١١

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلْعَٰدِيَٰتِ ضَبْحًا ﴿١﴾ فَٱلْمُورِيَٰتِ قَدْحًا ﴿٢﴾ فَٱلْمُغِيرَٰتِ صُبْحًا
﴿٣﴾ فَأَثَرْنَ بِهِۦ نَقْعًا ﴿٤﴾ فَوَسَطْنَ بِهِۦ جَمْعًا ﴿٥﴾ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ
لِرَبِّهِۦ لَكَنُودٌ ﴿٦﴾ وَإِنَّهُۥ عَلَىٰ ذَٰلِكَ لَشَهِيدٌ ﴿٧﴾ وَإِنَّهُۥ لِحُبِّ
ٱلْخَيْرِ لَشَدِيدٌ ﴿٨﴾ ۞ أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بُعْثِرَ مَا فِى ٱلْقُبُورِ ﴿٩﴾

6. ҳақиқатан, (кофир бўлган) инсон Парвардигори (ато этган неъматлар)га ношукурдир!

7. Яна у бунга (ношукур эканига ўзи) гувоҳдир.

8. Яна у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилувчи)дир.

9. Ахир, у билмайдими, (қиёмат қойим бўлиб), қабрдагилар (тирилтирилиб) чиқарилганида

---

99. ЗАЛЗАЛА СУРАСИ

“Залзала” – зилзила, ер қимирлаши.

Бу сурада қиёматнинг қойим бўлишида Ернинг жунбушга келиб қимирлаши ва тилга кириб гапириши, номаи аъмол битиклари тасвирланган.

4-оят. “Ернинг хабарлари” унинг устида юрган бандаларнинг қилмишларидир. Улар ҳақида Ернинг Аллоҳ олдида гувоҳлик бериши ўта даҳшатли ҳодисадир.

Суранинг давомида ҳар бир банда дунёда қилиб ўтган яхши-ёмон ишлари битилган номаи аъмоли қўлига берилгач, уни ўқиб кўриши таъкидланади. Бу оятлардаги илоҳий ҳикматларни тафаккур билан поёнига етиш жуда қийин. Баъзи улуғ олимларнинг ёзишига қараганда, ҳар бир инсон охиратда ўз номасини ўқиб кўради. Лекин бошқа одам буни ўқимайди, билмайди ҳам. Акс ҳолда баъзи ишларидан хижолат бўлишга тўғри келади. Аллоҳ таоло ўша жойда ҳам бандаларининг ношойиста қилмишларини ҳаманинг олдида фош қилмай, ўзининг раҳмат ва мағфиратини намоён қилиши ҳақида бу ерда башорат берилмоқда (“Анисул-жалис” китобидан).

100. ОДИЁТ СУРАСИ

“Одиёт” – чопувчи (от)лар. Сурада жангларда матонат кўрсатадиган чопқир отлар номига қасамёд этиш билан Аллоҳ таоло баъзи ношукур инсонларнинг Аллоҳга итоатсиз ва дунёпараст эканини таъкидлайди.



10. ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида –

11. ана ўша кунда, албатта, Парвардигорлари улардан (қилиб ўтган ишларидан) хабардор-ку!

Қориа сураси

Маккада нозил қилинган. 11 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. (У) зарба берувчидир.

2. Зарба берувчи недур?!

3. (Эй, Муҳаммад!) Зарба берувчи нима эканини Сизга не ҳам англатур?! (У қиёмат кунидир)

4. У куни одамлар тўзитиб юборилган кўршапалаклар каби бўлурлар.

5. Тоғлар эса титилган юнг каби (ҳавода учиб юрадиган) бўлур.

6. Бас, энди (ўша куни) кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) оғир келса,

7. ана ўша қониқарли маишатда (жаннатда) бўлур.

8. Аммо, кимнинг тарозида тортилган нарсалари (савобли амаллари) енгил келса,

9. унинг жойи (дўзахдаги) «жарлик»дир.

10. Унинг нима эканини Сизга не ҳам англатур?!

11. (У) (дўзахдаги) ловуллаб ёнувчи оловдир.



Такосур сураси

Маккада нозил қилинган. 8 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. (Эй, инсонлар!) Сизларни (мол-дунё) кўпайтириш (Аллоҳга ибодат қилишдан) машғул қилди.

2. Ҳатто, мақбараларингиз (кўплиги билан фахрланиш)гача бордингиз.

3. Йўқ! Яқинда (бунинг оқибатини) билурсиз.

4. Яна бир бор йўқ! Яқинда билурсиз!

5. Йўқ! Агар (дунёпарастлик оқибатини) аниқ илм билан билганингизда эди (уни дўст тутмас эдингиз).

6. Қасамки, албатта, сизлар дўзахни кўрасиз!

7. Яна бир бор қасамки, сизлар уни айни ишонч билан кўрасиз!

8. Сўнгра ана ўша кунда (қиёматда), албатта, (сизларга ато этилган барча) неъматлар тўғрисида сўроқ қилинурсиз!

---

101. ҚОРИА СУРАСИ

"Қориа" – зарба берувчи, яъни қиёмат. Зеро, у инсонлар қалбини ларзага келтириб, ваҳимага солади.

Сурада маҳшаргоҳдаги одамларнинг кўршапалаклар каби тўзиб юришлари, тоғу тошлар шунчалик оғир жисм бўлишига қарамай Аллоҳнинг амри билан тўзиган юнг каби тўзонга айланиши каби қиёмат ҳодисалари тасвирланади. Ана ўша куни кимнинг амал тарозиси оғир келса – бахтли, енгил келса – бахтсиз бўлиши ва дўзахга маҳкум этилиши таъкидланади.

102. ТАКОСУР СУРАСИ

"Такосур" – бирор нарсани тўплаб, кўпайтириш иштиёқида бўлиш.

Сурада мол-дунё тўплаш ҳаракати билан овора бўлиб, Аллоҳни ёд этиш ва Унинг буйруқларини бажаришга вақт topолмай қолган дунёпараст кишилар қораланади. Лекин улар ҳақиқатни билиб, чуқур идрок этганларида бундай қилмасликлари, дунёпарастлик оқибатини эса яқинда, яъни ҳаётдан кўз юмгач ҳамда охиратдаги жазони муқаррар эканини кўриб билганларидан кейингина англашлари, шунингдек, ўша куни дунёда ато этилган неъматлардан ҳисобот олиниши тўғрисида огоҳлантирилади.

Ҳадисда: "Қиёматда банданинг авратини беркитгудек кийими, қувватини сақлагудек таоми ва иссиқ-совуқдан асрагудек бошпанасидан ташқари барча нарсаларидан сўралур" (Лс.).

Аср сураси

Маккада нозил қилинган. 3 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Аср билан* қасамёд этурманки,

2. (ҳар бир) инсон зиёнда (бахтсизликда)дир!

3. Фақат имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган, бир-бирларига ҳақиқатпарвар бўлишни тавсия этган ва бир-бирларига сабрли бўлишни тавсия этган зотларгина бундан мустаснодирлар.

Ҳумаза сураси

Маккада нозил қилинган. 9 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Кишилар ортидан) ғийбат қилувчи, (олдида) масхара қилувчи ҳар бир кимсанинг ҳолига вой!

2. Қайсики, у мол-дунёни йиғиб, уни санагани-санаган

3. ва моли (бойлиги) уни абадий қолдиради деб ўйлайдиган кимсадир.

4. Йўқ! Қасамки, албатта, у «Ҳутама»га ташланур!

5. (Эй, инсон!) «Ҳутама» нима эканлигини сенга не ҳам англатур?!

6. (У) ёқиб қўйилган Аллоҳнинг бир оловидирки,

7. (у баданларни тешиб ўтиб) юракларга қадар етур.

8. Албатта, у (олов) уларни қамраб олувчидир.

9. (Ўзлари) узун устунларда (занжирбанд) бўлурлар.

Фил сураси

Маккада нозил қилинган. 5 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Раббингиз «фил эгалари»ни не қилганини кўрмадингизми?

سُورَةُ الْعَصْرِ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَٱلْعَصْرِ ١ إِنَّ ٱلْإِنسَٰنَ لَفِى خُسْرٍ ٢ إِلَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟
وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَتَوَاصَوْا۟ بِٱلْحَقِّ وَتَوَاصَوْا۟ بِٱلصَّبْرِ ٣

سُورَةُ الْهُمَزَةِ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ ١ ٱلَّذِى جَمَعَ مَالًا وَعَدَّدَهُۥ ٢
يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُۥٓ أَخْلَدَهُۥ ٣ كَلَّا ۖ لَيُنۢبَذَنَّ فِى ٱلْحُطَمَةِ ٤
وَمَآ أَدْرَىٰكَ مَا ٱلْحُطَمَةُ ٥ نَارُ ٱللَّهِ ٱلْمُوقَدَةُ ٦ ٱلَّتِى تَطَّلِعُ
عَلَى ٱلْأَفْـِٔدَةِ ٧ إِنَّهَا عَلَيْهِم مُّؤْصَدَةٌ ٨ فِى عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍۭ ٩

سُورَةُ الْفِيلِ

بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَٰبِ ٱلْفِيلِ ١ أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ
فِى تَضْلِيلٍ ٢ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ٣ تَرْمِيهِم
بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ ٤ فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍۭ ٥

2. (У) уларнинг макрларини йўққа чиқармадими?!

3. Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди.

4. (Улар) сопол тошлар билан уларни отар эди.

5. (Бас) уларни (Каъбани бузишга келганларни) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди*.

---

103. АСР СУРАСИ

Аср билан Аллоҳ таоло қасамёд этиб, сурада баён этилган тўрт хислатдан маҳрумликда яшаган инсоннинг бутун умри зиёнкорлик ва бахтсизликда ўтгандир, деб таъкидлайди.

1-оят. "Аср" сўзи араб тилида бир неча мазмунга далолат қилади. Жумладан, аср намози, ҳар юз йиллик муддат, Пайғамбаримиз (а.с.) яшаган аср каби маъноларни ўз ичига олади.

104. ҲУМАЗА СУРАСИ

"Ҳумаза" – бировнинг ортидан имо-ишора ва истеҳзо билан ғийбат қилувчи шахсдир.

Сурада дунёпарастликка ўта берилиб кетган, фақат бойликка суянувчи, ўзгаларни писанд қилмай устиларидан кулувчи куфрга кетган шахслар қораланиб, уларнинг охирати ачинарли экани уқтирилади.

105. ФИЛ СУРАСИ

"Фил" – маълум ҳайвон.

Сурада Пайғамбаримиз (а.с.) таваллуд топган йилда рўй берган тарихий ва ибратли воқеа қисқача баён этилган.

5-оят. Милодий 570 йили Яман ҳокими мушрик Абраҳа Маккадаги Каъбани зиёрат қилинишига ҳасад қилиб, Яманда бир ибодатгоҳ қурдирган ва одамларни уни зиёрат қилишга ундаган. Бир гуруҳ зиёратчилар келиб, унинг ичига турли ахлатлар ташлаб, ифлос бир ҳолга келтириб кетишган. Буни кўрган Абраҳа дарғазаб бўлиб ўз қўшини олдига иморатларни бузишда фойдаланиладиган филни солиб йўлга тушади. Каъбага яқин қолганда Аллоҳ таоло улар устига бир гала қушларни юборади. Уларнинг ҳар бири тумшуғига қизитилган тош билан Абраҳа қўшинлари устига ёпирилиб келиб тош ёғдирадилар. Бу йил "Омул-фил" – ("Фил йили") деб номланган. Муҳаммад (а.с.) шу йили таваллуд топганлар.

سُورَةُ قُرَيْشٍ
بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
لِإِيلَٰفِ قُرَيْشٍ ۝١ إِۦلَٰفِهِمْ رِحْلَةَ ٱلشِّتَآءِ وَٱلصَّيْفِ
۝٢ فَلْيَعْبُدُوا۟ رَبَّ هَٰذَا ٱلْبَيْتِ ۝٣ ٱلَّذِىٓ أَطْعَمَهُم
مِّن جُوعٍ وَءَامَنَهُم مِّنْ خَوْفٍۭ ۝٤
سُورَةُ ٱلْمَاعُونِ
بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
أَرَءَيْتَ ٱلَّذِى يُكَذِّبُ بِٱلدِّينِ ۝١ فَذَٰلِكَ ٱلَّذِى
يَدُعُّ ٱلْيَتِيمَ ۝٢ وَلَا يَحُضُّ عَلَىٰ طَعَامِ ٱلْمِسْكِينِ ۝٣
فَوَيْلٌ لِّلْمُصَلِّينَ ۝٤ ٱلَّذِينَ هُمْ عَن صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ
۝٥ ٱلَّذِينَ هُمْ يُرَآءُونَ ۝٦ وَيَمْنَعُونَ ٱلْمَاعُونَ ۝٧
سُورَةُ ٱلْكَوْثَرِ
بِسْمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ
إِنَّآ أَعْطَيْنَٰكَ ٱلْكَوْثَرَ ۝١ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَٱنْحَرْ ۝٢
إِنَّ شَانِئَكَ هُوَ ٱلْأَبْتَرُ ۝٣

Қурайш сураси

Маккада нозил қилинган. 4 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Қурайш (аҳолиси)га қулай қилиб қўйгани учун,
2. яъни уларга қишда (Яманга) ва ёзда (Шомга) сафар қилишни қулай қилиб қўйгани учун
3. мана шу Уй(Каъба)нинг Парвардигорига ибодат қилсинлар!
4. Зеро, (У) уларни очликдан (қутқариб) тўйдирди ва хавф (ва хатар)дан хотиржам қилди*.

Моъун сураси

Маккада нозил қилинган. 7 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. Динни (охират жазосини) инкор этадиган кимсани кўрганмисиз?!
2. Бас, у етимни жеркийдиган
3. ва мискин (бечора)га таом беришга тарғиб қилмайдиган (кофир) кимсадир*.
4. Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки,
5. улар намозларини «унутиб» қўядилар,
6. риёкорлик қиладилар
7. ва рўзғор буюмларини (кишилар омонатга сўрашганда) ман этадилар.

Кавсар сураси

Маккада нозил қилинган. 3 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Албатта, Биз Сизга Кавсарни* ато этдик.
2. Бас, Раббингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайти учун) намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг!
3. Албатта, ғанимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир*.

---

106. ҚУРАЙШ СУРАСИ

“Қурайш” – Маккадаги ўн икки қабилалардан бирининг номи. Муҳаммад (а.с.) шу қабилага мансубдирлар.

Сурада Аллоҳ таоло Қурайш аҳлига Ўзи ато этган неъматларни эслатиб, уларнинг шукронаси учун Байтуллоҳ эгасига ибодат қилишга буюради.

4-оят. Макка аҳли ёзнинг иссиқ кунлари Яман диёрлари ўта қизиб кетишини билиб, бу фаслда салқинроқ Шом диёрига тижорат сафарини уюштирар, қишда кунлар бироз совиганда эса Яман диёрига сафар қилар эдилар.

107. МОЪУН СУРАСИ

“Моъун” – рўзғор буюм ва анжомлари.

Сурада имонсиз бандаларнинг разил сифатларидан баъзилари санаб ўтилади. Жумладан, охират жазосини инкор этиш, етим ҳолидан хабар олмаслик, намозни унутиш, риёкорлик қилиш ва рўзғор буюмларини қизғаниш каби нуқсонлар.

3-оят. Бу сифат эгалари Макканинг ашаддий кофирларидан Ос ибн Воил, Валид ибн Муғира кабилардир. Оят улар шаънига доир бўлса-да, унинг ҳукми умумий бўлиб, ҳар бир мўмин-мусулмон бу каби салбий хусусиятлардан холи бўлишга ҳаракат қилиши зарурдир.

108. КАВСАР СУРАСИ

“Кавсар” – Муҳаммад (а.с.)га атаб яратилган жаннатдаги бир ажиб дарё ёки ҳовузнинг номи. Унинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан оқ. Ундан ичган киши абадий чанқоқлик кўрмайди.

1-оят. Кавсар сўзининг дарё ва ҳовуздан бошқа маънолари ҳам мавжуд. Масалан, Кавсар – бу касир сўзининг муболаға сийғаси, яъни жуда кўп (яхши) нарсалар, яхшиликларни ато этдик, деган маънони ҳам англатади.

3-оят. Сура охирида Пайғамбар душманларини таърифлаб, Аллоҳ таоло улар – абтар, дейди. “Абтар” сўзининг ҳам бир неча тафсирлари мавжуд. Масалан абтар – барча яхшиликлардан маҳрум; номи ўчадиган; насл-насаби қурийдиган; сулоласи қирқилган ва ҳоказо. Пайғамбар (а.с.)га нисбатан мушриклар бу сўзни қўллаб, ундан ўғил фарзанд қолмади, демак унинг номи ҳам, зурриёти ҳам қирқилди, деб таъна қилганларида, Аллоҳ таоло шу қисқа сура орқали уларга раддия берган.

Кофирун *сураси*

Маккада нозил қилинган. 6 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Эй, кофирлар!

2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсага (бут ва санамларга) ибодат қилмасман.

3. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз.

4. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилувчи эмасман.

5. Сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмассиз.

6. Сизга – ўзингизнинг динингиз, менга – ўзимнинг диним».

Наср *сураси*

Мадинада нозил қилинган. 3 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. (Эй, Муҳаммад!) Қачонки, Аллоҳнинг нусрати (мадади) ва ғалаба* келганида,

2. одамлар тўп-тўп бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрганингизда,

3. дарҳол Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этувчи зотдир.

Масад *сураси*

Маккада нозил қилинган. 5 оят.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан *(бошлайман).*

1. Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин (ҳалок бўлсин)! Ҳалок бўлди ҳам.

2. Мол-мулки ва топган-тутгани (бойликлари) унга асқотмади.

سُورَةُ الكَافِرُونَ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

قُلۡ يَٰٓأَيُّهَا ٱلۡكَٰفِرُونَ ١ لَآ أَعۡبُدُ مَا تَعۡبُدُونَ ٢

وَلَآ أَنتُمۡ عَٰبِدُونَ مَآ أَعۡبُدُ ٣ وَلَآ أَنَا۠ عَابِدٞ مَّا عَبَدتُّمۡ ٤

وَلَآ أَنتُمۡ عَٰبِدُونَ مَآ أَعۡبُدُ ٥ لَكُمۡ دِينُكُمۡ وَلِيَ دِينِ ٦

سُورَةُ النَّصۡرِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

إِذَا جَآءَ نَصۡرُ ٱللَّهِ وَٱلۡفَتۡحُ ١ وَرَأَيۡتَ ٱلنَّاسَ

يَدۡخُلُونَ فِي دِينِ ٱللَّهِ أَفۡوَاجٗا ٢ فَسَبِّحۡ بِحَمۡدِ رَبِّكَ

وَٱسۡتَغۡفِرۡهُۚ إِنَّهُۥ كَانَ تَوَّابَۢا ٣

سُورَةُ المَسَدِ

بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

تَبَّتۡ يَدَآ أَبِي لَهَبٖ وَتَبَّ ١ مَآ أَغۡنَىٰ عَنۡهُ مَالُهُۥ وَمَا

كَسَبَ ٢ سَيَصۡلَىٰ نَارٗا ذَاتَ لَهَبٖ ٣ وَٱمۡرَأَتُهُۥ

حَمَّالَةَ ٱلۡحَطَبِ ٤ فِي جِيدِهَا حَبۡلٞ مِّن مَّسَدِۭ ٥

3. Яқинда (у) алангали оловда куяжак.

4. Шунингдек, ўтин ташувчи хотини ҳам.

5. Бўйнида пухта эшилган арқони ҳам бўлур*.

---

109. КОФИРУН СУРАСИ

“Кофирун” – кофирлар демакдир.

Макка мушриклари Аллоҳга ибодат қилишга бир шарт билан розилик билдирдилар. У ҳам бўлса, бир йил Муҳаммад (а.с.) уларнинг бутларига сиғинар эмишлар, сўнгра бир йил улар Муҳаммад (а.с.)нинг Раббига сиғинар эмишлар. Бу таклифни қабул қилмасликларини таъкидлаб, Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига буюриб, уларга бу каби ширк аралашган ибодатдан кўра ҳозирча ҳар икки тараф ўз динида қолиб, ўз динида бўлишининг афзаллиги ҳақида хабар берган.

110. НАСР СУРАСИ

“Наср” – мадад, ғалаба.

Сурада ислом дини равнақ топиб, одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, унга кираётгани Аллоҳнинг улуғ неъматларидан экани, бунинг учун Аллоҳга шукрона сифатида ҳамд, тасбеҳ ва истиғфор айтиш зарурлиги баён этилади.

1-оят. Бу оят билан Аллоҳ ўз расули ва ҳабибига яқинда Макка аҳлининг ҳаммаси гуруҳ-гуруҳ бўлиб исломга кириши ҳақида башорат берган.

111. МАСАД СУРАСИ

“Масад” – пухта тола, дўзах олови. Суранинг номи "Таббат" деб ҳам аталади.

Унда Пайғамбар (а.с.)нинг амакиларидан бири, ашаддий кофир Абу Лаҳаб ва унинг бетавфиқ хотини Умму Жамилнинг жазоланишлари, ҳар икки дунёдаги тортадиган азоб-уқубатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

5-оят. Абу Лаҳабнинг асл номи Абдул-Уззо бўлган. Маъноси “Уззо деган бутнинг қули”, – демакдир. Аллоҳ таоло ўз қулини бут қули деб атамади, балки уни “Абу Лаҳаб” – алангали, деб лақаблади. Бу ердаги аланга икки нарсага далолат қилади. Бири унинг юзи доимо қизариб турганидан шу лақаб берилган бўлса, иккинчидан, охиратда дўзах алангасида ёниши муқаррар эканига далолатдир.

Абу Лаҳаб билан унинг хотини Муҳаммад (а.с.)га энг кўп азият етказган кофирлардан ҳисобланади. Бу бетавфиқ хотин тиканли ўтинларни териб келиб, Расул (а.с.) юрадиган йўлларига ташлар экан. Сурада унинг бўйнида ўтин боғлаб юрган арқони боғлиқ ҳолда эри билан бирга жаҳаннамга тушажаги тўғрисида хабар берилган.



Ихлос сураси

Маккада нозил қилинган. 4 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*
1. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир.
2. Аллоҳ эҳтиёжсиз, (лекин) ҳожатбарордир*.
3. У туғмаган ва туғилмаган ҳам.
4. Шунингдек, Унинг ҳеч бир тенгги йўқдир»*.

Фалақ сураси

Маккада нозил қилинган. 5 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*
1. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига,
2. яратган нарсалари ёвузлигидан,
3. зулматга чўмган тун ёвузлигидан,
4. тугунчаларга дам солувчи аёллар ёвузлигидан
5. ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан*.

Нос сураси

Маккада нозил қилинган. 6 оят.

***Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман).*
1. (Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Паноҳ тилаб илтижо қилурман одамлар Парвардигорига,
2. одамлар Подшоҳига,
3. одамлар Илоҳига
4. (инсон Аллоҳни эслаганда) чекиниб, (эсламаганда) васваса қилувчи (шайтон) ёвузлигиданки,
5. (у) одамларнинг дилларига васваса солур.
6. (Ўзи) жинлар ва одамлар жинсидандир»*.

---

112. ИХЛОС СУРАСИ

"Ихлос" – холис қилиш, (имонни) поклаш. Сура Макка мушрикларининг Аллоҳ тўғрисидаги нотўғри эътиқодларига раддия ҳамда Пайғамбаримизга "Парвардигорингнинг наслу насаби не?" деб берган жоҳилона саволларига жавоб тариқасида нозил қилинган. Зеро, уларнинг ақидалари бўйича, Аллоҳ ягона эмас, у баъзи нарсаларга муҳтож, Унинг фарзандлари бор, бошқа маъбудаларда ҳам илоҳий куч-қудрат бор деган бузуқ ва ботил мафкура мавжуд эди.

2-оят. "Самад" сўзининг бошқача тафсирлари ҳам бор.

4-оят. "Ихлос" сурасининг фазилатлари ҳақида кўпгина ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Уларга кўра, бу сура Қуръони каримнинг учдан бирига тенглиги, уни ўн бор ўқиган кишига жаннатда бир қаср барпо этилиши, уни қироат қилиш жаннатийлик сабаби экани каби башоратлар мавжуд.

113. ФАЛАҚ СУРАСИ

"Фалақ" – тонг. Бу ва бундан кейинги сурани қўшиб туриб, уларга "муаввазатайн", "паноҳ сўралувчи икки сура" деб ҳам аталади.

5-оят. Бу суранинг фазилатлари тўғрисида кўпгина ҳадиси шарифлар мавжуд. Барча ёмонлик ва ёвузликлардан омонда бўлиш учун "Фалақ", "Нос", "Ихлос" сураларини ўқиб, Аллоҳдан нажот сўрашнинг фойдалари тўғрисида ҳадисларда кўп башоратлар бор.

114. НОС СУРАСИ

"Нос" – одамлар. Бу сурада инсонлар ва жинларнинг ёвузлари, яъни шайтонларидан омонда бўлиш учун Аллоҳдан паноҳ сўраш таълим берилади. 6-оятдан маълум бўлишича, жинларнинг шайтони бўлганидек, одамларнинг ҳам шайтони бўлар экан. Ҳар икки тоифанинг иши ҳам одамларни васваса қилиб йўлдан оздиришдир.

6-оят. Ривоят қилинишича, яҳудийлардан Лабид ибн ал-Аъсам деган бир мунофиқ ўзини мусулмон кўрсатиб, Пайғамбар ҳузурларига келиб-кетиб юрар ва баъзи ҳожатларини адо этишда хизмат қилиб турар экан. Уни қўлга олиб бир гуруҳ яҳудийлар Расул (а.с.)-нинг тўкилган сочлари ва тароғидан синиб тушган тишларини қўлга туширадилар ва шу нарсаларга сеҳр жоду қилиб бир эски қудуққа ташлайдилар. Шундан кейин Расул (а.с.)нинг сочлари тўкилиб, олти ой бетоб бўлиб ётиб қоладилар. Бир куни икки фаришта келиб, бири тиззалари рўпарасига, иккинчиси бош томонларига ўтириб бир-бири билан савол-жавоб қилишади. Бири:

– Унга нима бўлибди? -деса, иккинчиси:
– Сеҳрланибди, – дер эди.
– Ким сеҳрлабди?
– Лабид ибн ал-Аъсам исмли бир яҳудий.
– Сеҳрни нимага ўқибди?
– Тўкилган сочлари ва тароқ тишларига.
– Сеҳр ўқилган нарсалар қаерда?
– Зарвон номли қудуқда.

Шундан кейин одам юбориб кўрсалар, ҳақиқатан, ўша қудуқда соч толалари, тароқ тишлари ва нина суқилган яна ўн иккита тугун бор экан. Шу пайтда Аллоҳ таоло мазкур икки сурани нозил қилади. Жаброил (а.с.) сураларни ҳар бир марта ўқиганида, биттадан тугун ечилар экан. Шундай қилиб, ўн икки марта ўқиганларида, дарддан бутунлай фориғ бўлиб кетган эканлар (Мд.).

СУРАЛАРНИНГ НОЗИЛ БЎЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

Маълумки, Қуръони карим Муҳаммад (а.с.) га **610** милодий йилдан бошлаб нозил бўла бошлаган. Ҳар бир сура ва оят ўз макони ва замонига қараб Пайғамбар (а.с.)нинг даъват ишларига йўлланма сифатида келиб турар эди. Макка мушриклари ва аҳли китобларнинг қаршиликлари ва бошқа воқеалар ҳам нозил бўлаётган ваҳийнинг мазмунига ўз таъсирини ўтказар эди. Шунинг учун ҳижратгача нозил қилинган сураларда асосан ислом ақоиди, тавҳид билан ширк ўртасидаги фарқлар, сохта маъбудаларга ибодат қилишдан қайтариш каби кўрсатмалар баён қилинган. Ҳижратдан кейин, яъни **622** йилдан бошлаб Мадина даврида нозил бўлган сураларда эса, шариат аҳкомлари, ибодат арконлари, мунофиқлар ва аҳли китоблар билан муносабат, жиҳод, сулҳ каби масалалар мужассам эканини кўрамиз. Демак, **13** йил Макка даври, **10** йил Мадина даврида турли муносабатлар билан суралар нозил қилинган. Қуйида қаерда, қачон ва қайси сура нозил қилингани тўғрисида қисқача маълумот берилмоқда.

I. Муҳаммад (а.с.)нинг пайғамбар бўлган кунларидан бошлаб етти йил Ҳабашистон ҳижратигача ўтган даврда нозил бўлган суралар:

1. “Алақ”
2 “Қалам”
3. “Муззаммил”
4. “Муддассир”
5. “Фотиҳа”
6. “Масад”
7. “Таквир”
8. “Аъло”
9. “Лайл”
10. “Фажр”
11. “Зуҳо”
12. “Шарҳ”
13. “Аср”
14. “Одиёт”
15. “Кавсар”
16. “Такосур”
17. “Моъун”
18. “Кофирун”
19. “Фил”
20. “Фалақ”
21. “Нос”
22. “Ихлос”

II. Ҳабашистон ҳижратидан “Исро ва Меърож”воқеасигача, яъни ваҳий нозил бўлганидан бошлаб **12**-йили, Мадина ҳижратидан бир йил олдинги давргача нозил бўлган суралар:

1. “Нажм”
2. “Абаса”
3. “Қадр”
4. “Шамс”
5. “Буруж”
6. “Тин”
7. “Қурайш”
8. “Қориа”
9. “Қиёмат”
10. “Ҳумаза”
11. “Мурсалот”
12. “Қоф”
13. “Балад”
14. “Ториқ”
15. “Қамар”
16. “Сод”
17. “Аъроф”
18. “Жин”
19. “Ёсин”
20. “Фурқон”
21. “Фотир”
22. “Марям”
23. “Тоҳо”
24. “Воқеа”
25. “Шуаро”
26. “Намл”
27. “Қасас”

III. “Исро ва Меърож” воқеасидан то Мадина ҳижратигача ўтган даврда нозил бўлган суралар:

1. “Исро”
2. “Юнус”
3. “Ҳуд”
4. “Юсуф”
5. “Ҳижр”
6. “Анъом”
7. “Соффот”
8. “Луқмон”
9. “Сабаъ”
10. “Зумар”
11. “Ғофир”
12. “Фуссилат”
13. “Шўро”
14. “Зухруф”
15. “Духон”
16. “Жосия”
17. “Аҳқоф”
18. “Зориёт”
19. “Ғошия”
20. “Каҳф”
21. “Наҳл”
22. “Нуҳ”
23. “Иброҳим”
24. “Анбиё”
25. “Муъминун”
26. “Сажда”
27. “Тур”
28. “Мулк”
29. “Ҳоққа”
30. “Маориж”
31. “Набаъ”
32. “Нозиот”
33. “Инфитор”
34. “Иншиқоқ”
35. “Рум”
36. “Анкабут”
37. “Мутаффифун”

IV Мадина ҳижратидан то ҳижратнинг иккинчи йилида бўлиб ўтган Бадр жангигача “Бақара” сурасининг оятлари вақти-вақти билан тадрижий тарзда нозил бўлган.

V. Бадр жангидан ҳижратнинг олтинчи йили тузилган Ҳудайбия сулҳигача нозил бўлган суралар:

1. “Анфол”
2. “Оли Имрон”
3. “Аҳзоб”

VI. Ҳудайбия сулҳидан ҳижратнинг тўққизинчи йили кечган Табук ғазотигача нозил бўлган суралар:

1. "Мумтаҳана"
2. "Нисо"
3. "Залзала"
4. "Ҳадид"
5. "Муҳаммад"
6. "Раъд"
7. "Ар-Раҳмон"
8. "Инсон"
9. "Талоқ"
10. "Баййина"
11. "Ҳашр"
12. "Нур"
13. "Ҳаж"
14 "Мунофиқун"
15. "Мужодала"
16. "Ҳужурот"
17. "Таҳрим"
18. "Тағобун"
19. "Саф"
20. "Жумъа"
21. "Фатҳ"
22. "Моида"

VII. Табук ғазотидан Муҳаммад (а.с.)нинг вафотларигача "Тавба" ва "Наср" суралари нозил бўлган.

УШБУ КИТОБДА НОМЛАРИ КЕЛГАН МАШҲУР МУФАССИРЛАР

1. **Абдуллоҳ ибн Аббос**. Саҳобий, Муҳаммад (а.с.)нинг амакиваччаси. "Муфассирлар тожи" деган унвон берилган. Ҳижратнинг ***68***-йили ***70*** ёшда Тоиф шаҳрида вафот этган.

2. **Абдуллоҳ ибн Масъуд**. Саҳобий. Умар (рз.)нинг халифалик давридан бошлаб умрининг охиригача Куфа шаҳрида яшаган. Ҳижратнинг ***32***-йили Мадина шаҳрида ***60*** ёшда вафот этган.

3. **Али ибн Аби Толиб.** Саҳобий. Муҳаммад (а.с.)нинг амакиваччаси ва куёви. Абдуллоҳ ибн Аббос (рз.)нинг тафсир илми бўйича устози. Ҳижратнинг ***40***-йили вафот этган.

4. **Убай ибн Каъб.** Саҳобий, Қуръон қироати ва тафсири соҳасида машҳур бўлган. Умар ёки Усмон (рз.)лар халифалик даврларида вафот этган.

5. **Анас ибн Молик.** Саҳобий, ҳижрат йили ўн ёш бўлиб, Расул (а.с.)нинг вафотларигача бирга бўлган. ***93*** ҳ.й.да ***103*** ёшида вафот этган.

6. **Абдуллоҳ ибн Салом.** Саҳобий, аҳли китобларнинг билимдон руҳонийларидан, миллати яҳудий. ***43*** ҳ.й.да Мадинада вафот этган.

7. **Саъид ибн Жубайр.** Тобиинлардан, Ибн Аббос (рз.)нинг шогирди. ***95*** ҳ.й.да ***49*** ёшида Ҳажжож томонидан қатл этилган.

8. **Мужоҳид ибн Жабр (Жубайр).** Тобиинлардан, Ибн Аббос (рз.)нинг шогирди. ***104*** ҳ.й.да Макка шаҳрида ***83*** ёшида вафот этган.

9. **Икрима Абу Абдуллоҳ ал-Барбарий.** Тобиинлардан, Ибн Аббос (рз.)нинг озод қилган қули ва шогирди.***104*** ҳ.й.да вафот этган.

10. **Товус ибн Кайсон ал-Ямaний.** Тобиинлардан, Ибн Аббос (рз.)нинг шогирди. ***106*** ҳ.й.да Маккада вафот этган.

11. **Абул Олия Рафиъ ибн Маҳрон.** Тобиинлардан, Убай ибн Каъб (рз.)нинг шогирди. ***90*** ҳ.й.да вафот этган.

12. **Зайд ибн Аслам ал-Адавий.** Тобиинлардан, Убай ибн Каъб (рз.)нинг шогирди. ***136*** ҳ.й.да вафот этган.

13. **Алқама ибн Қайс ан-Нахаий**. Тобиинлардан, Ибн Масъуд (рз.)нинг шогирди. ***61*** ҳ.й.да ***90*** ёшида вафот этган.

14. **Масруқ ибн ал-Аждаъ (Абдурраҳмон).** Тобиинлардан, Ибн Масъуд (рз.)нинг шогирди. ***63*** ҳ.й.да вафот этган.

15. **Омир Аш-Шаъбиий.** Тобиинлардан, беш юз саҳобани кўрган, ***48*** тасидан ривоят қилган. ***109*** ҳ.й.да вафот этган.

16. **Ҳасан Басрий.** Тобиинлардан. ***110*** ҳ.й.да ***88*** ёшида вафот этган.

17. **Қатода ибн Диома.** Тобиинлардан. ***117*** ҳ.й.да ***56*** ёшида вафот этган.

18. **Ато ибн Аби Рабоҳ.** Тобиинлардан. Макка шаҳрининг муфтийси бўлган. ***115*** ҳ.й.да ***88*** ёшида вафот этган.

19. **Заҳҳок ибн Музоҳим ал-Хуросоний.** Тобиинлардан. Балх ва Самарқандда ҳам бўлган. Катта фиқҳ мактаби соҳиби бўлган. ***102*** ҳ.й.да вафот этган.

20. **Молик ибн Динор.** Тобиинларнинг зоҳидларидан. Қуръон кўчирган машҳур хаттотлардан бири бўлган. Анас ибн Молик (рз.)нинг шогирди. ***127*** ёки ***130*** ҳ.й.да вафот этган.

21. **Суфён Саврий (ибн Саъид ибн Масруқ).** Табаа тобиинлардан. Отаси Саъид Имом Шаъбийнинг шогирдларидан бўлган. ***162*** ҳ.й.да вафот этган.

22. **Суфён ибн Уяйна (ибн Аби Имрон Маймун).** Табаа тобиинлардан. ***107*** ҳ.й.да Куфада туғилиб, ***198*** ҳ.й.да ***91*** ёшида вафот этган.

23. **Фузайл ибн Иёз.** Табаа тобиинлардан. У тафсирдан ташқари тасаввуфда ҳам машҳур бўлган. ***105*** ҳ.й.да туғилиб, ***187*** ҳ.й.да вафот этган.

24. **Абу Мансур Мотуридий (Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Самарқандий).** Буюк муфассир, мутакаллим, фақиҳ ва тасаввуф шайхи бўлган. ***238*** ҳ.й.да туғилиб, ***333*** ҳ.й.да вафот этган. Мақбараси Самарқанд шаҳрида.

САҲОБАЛАРНИНГ ШАХСИЙ МУСҲАФЛАРИДА СУРАЛАРНИНГ НОЗИЛ БЎЛИШ ТАРТИБИДАГИ ФАРҚЛАР

№	Усмон	Ибн Аббос	Али
1.	Алақ	Алақ	Алақ
2.	Қалам	Қалам	Қалам
3.	Муззаммил	Зуҳо	Муззаммил
4.	Муддассир	Муззаммил	Муддассир
5.	Фотиҳа	Муддассир	Масад
6.	Масад	Фотиҳа	Таквир
7.	Таквир	Масад	Аъло
8.	Аъло	Таквир	Лайл
9.	Лайл	Аъло	Фажр
10.	Фажр	Лайл	Зуҳо
11.	Зуҳо	Фажр	Шарҳ
12.	Шарҳ	Шарҳ	Аср
13.	Аср	Ар-Раҳмон	Одиёт
14.	Одиёт	Аср	Кавсар
15.	Кавсар	Кавсар	Такосур
16.	Такосур	Такосур	Моъун
17.	Моъун	Моъун	Кофирун
18.	Кофирун	Фил	Фил
19.	Фил	Кофирун	Фалақ
20.	Фалақ	Ихлос	Нос
21.	Нос	Нажм	Ихлос
22.	Ихлос	Абаса	Нажм
23.	Нажм	Қадр	Абаса
24.	Абаса	Шамс	Қадр
25.	Қадр	Буруж	Шамс
26.	Шамс	Тин	Буруж
27.	Буруж	Қурайш	Тин
28.	Тин	Қориа	Қурайш
29.	Қурайш	Қиёмат	Қориа
30.	Қориа	Ҳумаза	Қиёмат
31.	Қиёмат	Мурсалот	Ҳумаза
32.	Ҳумаза	Қоф	Мурсалот
33.	Мурсалот	Балад	Қоф
34.	Қоф	Ториқ	Балад
35.	Балад	Қамар	Ториқ
36.	Ториқ	Сод	Қамар
37.	Қамар	Аъроф	Сод
38.	Сод	Жин	Аъроф
39.	Аъроф	Ёсин	Жин
40.	Жин	Фурқон	Ёсин
41.	Ёсин	Фотир	Фурқон
42.	Фурқон	Марям	Фотир
43.	Фотир	Тоҳо	Марям
44.	Марям	Шуаро	Тоҳо
45.	Тоҳо	Намл	Воқеа
46.	Воқеа	Қасас	Шуаро
47.	Шуаро	Исро	Намл
48.	Намл	Юнус	Қасас
49.	Қасас	Ҳуд	Исро
50.	Исро	Юсуф	Юнус
51.	Юнус	Ҳижр	Ҳуд
52.	Ҳуд	Анъом	Юсуф
53.	Юсуф	Соффот	Ҳижр
54.	Ҳижр	Луқмон	Анъом
55.	Анъом	Сабаъ	Соффот
56.	Соффот	Зумар	Луқмон
57.	Луқмон	Ғофир	Сабаъ
58.	Сабаъ	Фуссилат	Зумар
59.	Зумар	Шўро	Ғофир
60.	Ғофир	Зухруф	Фуссилат
61.	Фуссилат	Духон	Шўро
62.	Шўро	Жосия	Зухруф
63.	Зухруф	Аҳқоф	Духон
64.	Духон	Зориёт	Жосия
65.	Жосия	Ғошия	Аҳқоф
66.	Аҳқоф	Каҳф	Зориёт
67.	Зориёт	Наҳл	Ғошия
68.	Ғошия	Нуҳ	Каҳф
69.	Каҳф	Иброҳим	Наҳл
70.	Наҳл	Анбиё	Нуҳ
71.	Нуҳ	Муъминун	Иброҳим
72.	Иброҳим	Раъд	Анбиё
73.	Анбиё	Тур	Муъминун
74.	Муъминун	Мулк	Сажда
75.	Сажда	Ҳоққа	Тур
76.	Тур	Маориж	Мулк
77.	Мулк	Набаъ	Ҳоққа
78.	Ҳоққа	Нозиот	Маориж
79.	Маориж	Инфитор	Набаъ
80.	Набаъ	Иншиқоқ	Нозиот
81.	Нозиот	Рум	Инфитор
82.	Инфитор	Анкабут	Иншиқоқ
83.	Иншиқоқ	Мутаффифун	Рум
84.	Рум	Бақара	Анкабут
85.	Анкабут	Анфол	Мутаффифун
86.	Мутаффифун	Оли Имрон	Бақара
87.	Бақара	Ҳашр	Анфол
88.	Анфол	Аҳзоб	Оли Имрон
89.	Оли Имрон	Нур	Аҳзоб
90.	Аҳзоб	Мумтаҳана	Мумтаҳана
91.	Мумтаҳана	Фатҳ	Нисо
92.	Нисо	Нисо	Залзала
93.	Залзала	Залзала	Ҳадид
94.	Ҳадид	Ҳаж	Муҳаммад
95.	Муҳаммад	Ҳадид	Раъд
96.	Раъд	Муҳаммад	Ар-Раҳмон
97.	Ар-Раҳмон	Инсон	Инсон
98.	Инсон	Талоқ	Талоқ
99.	Талоқ	Баййина	Баййина
100.	Баййина	Жумъа	Ҳашр
101.	Ҳашр	Сажда	Наср
102.	Нур	Мунофиқун	Нур
103.	Ҳаж	Мужодала	Ҳаж
104.	Мунофиқун	Ҳужурот	Мунофиқун
105.	Мужодала	Таҳрим	Мужодала
106.	Ҳужурот	Тағобун	Ҳужурот
107.	Таҳрим	Саф	Таҳрим
108.	Тағобун	Моида	Саф
109.	Саф	Тавба	Жумъа
110.	Жумъа	Наср	Тағобун
111.	Фатҳ	Воқеа	Фатҳ
112.	Моида	Одиёт	Тавба
113.	Тавба	Фалақ	Моида
114.	Наср	Нос	—

СУРАЛАР МУНДАРИЖАСИ

Мавзулар бўйича оятлар кўрсаткичи

Намоз, ғусл, таҳорат ва таяммум

Закот, садақа ва эҳсон

Рўза, Қадр кечаси

Ҳаж ва умра

Ота-она ва қариндошларга яхшилик қилиш

Оила, никоҳ, талоқ, разоъ (бола эмизиш) ва идда

Мерос, васият, табанний (бола асраш)

Ямин (қасам)

Рибо (судхўрлик), хамр (ичкилик), майсир (қимор)

Молиявий муносабат ва муомалалар

55.Ар-Раҳмон – 7-9;
62.Жумъа – 9-11;
70.Маориж – 32;
83.Мутаффифин – 1, 6;
94.Шарҳ – 6.

Одамларни яраштириш, бирлик ва маслаҳат

3.Оли Имрон – 103, 159;
4.Нисо – 35, 114, 128;
8.Анфол – 1, 45-46;
42. Шўро – 38;
49. Ҳужурот – 9-10, 13;

Тўғри гувоҳлик бериш, адолатли ҳукм, бурчларни омонатдорлик ила адо этиш

2.Бақара – 188, 282-283;
4.Нисо – 29, 58, 135, 161;
5.Моида – 2, 8, 42-50, 62-63;
6.Анъом – 152;
7.Аъроф – 29;
16.Наҳл – 90;
22.Ҳаж – 30;
24.Нур – 24-25;
25.Фурқон – 72;
33.Аҳзоб – 58, 70-72;
42.Шўро – 15;
57.Ҳадид – 25;
70.Маориж – 33;

Қасос

2.Бақара – 178-179, 194-195, 251;
4.Нисо – 29-30, 92-93;
5.Моида – 32-34, 38-39, 45;
6.Анъом – 151;
7.Аъроф – 33;
16.Наҳл – 90;
22.Ҳаж – 40;
24.Нур – 2-9, 19,23-25, 30-33;
25.Фурқон – 68-69;
33.Аҳзоб – 58;
60.Мумтаҳана – 12;

Жиҳод, жанг, сулҳ

2.Бақара – 154, 190-194, 216-218, 244;
3.Оли Имрон – 13, 121-127, 139-160, 165-175, 195, 200;
4.Нисо – 71-78, 83-84, 89-91, 94-96, 101, 104;
5.Моида – 2, 11, 35, 54;
8.Анфол – 1, 5-18, 38-48, 57-72, 74-75;
9.Тавба – 5, 12-16, 19-20, 24-29, 36-41, 44, 51, 73, 81, 83, 86, 88, 90-96, 111, 120-123;
16.Наҳл – 110;
22.Ҳаж – 38-41, 58-59, 78;
29.Анкабут – 6, 69;
33.Аҳзоб – 9-27;
47.Муҳаммад – 4-9, 20-21, 31, 35;
48.Фатҳ – 1-4, 11-12, 15-27, 29;
49.Ҳужурот – 9, 10;
57.Ҳадид – 10, 25;
59.Ҳашр – 2-10, 14;
60.Мумтаҳана – 1;
61.Саф – 4, 11-14;
66.Таҳрим – 9;
73.Муззаммил – 20;
110.Наср – 1-3;

Одоб, ахлоқ ва насиҳат

2.Бақара – 48, 224,237,263-264;
3.Оли Имрон – 104, 110, 114, 119-120, 134-135, 159, 188, 200;
4.Нисо – 5, 17-18, 32, 49, 85-86, 107-108, 110, 114, 140, 148-149;
5.Моида – 28-29, 39, 45. 79, 87;
6.Анъом – 17-18, 54, 165;
7.Аъроф – 31, 157. 165, 199, 204-205;
8.Анфол – 2, 46, 61, 85;
9.Тавба – 4, 6, 51, 67, 71, 102, 104, 112, 118, 126;
10.Юнус – 41, 44, 49, 107;
11.Ҳуд – 3, 9, 52, 61, 90, 112, 115;
13.Раъд – 20, 22;
15.Ҳижр – 56, 85, 88, 94;
16.Наҳл – 42, 91, 95, 98, 114, 119, 125, 127;
17.Исро– 25-27, 29-30, 32, 36-37, 53, 84;
20.Тоҳо – 32, 44, 82, 130-131;
21.Анбиё – 49;
22.Ҳаж – 24, 41, 77;
23.Муъминун – 8, 96;
24.Нур – 19, 22-31, 33, 59-63;
25.Фурқон – 63, 67;
26.Шуаро – 88-89, 165-166, 183-184, 217;
28.Қасас – 45, 55, 76-77, 83;
29.Анкабут – 46;
31.Луқмон – 17-19, 22;
33.Аҳзоб – 3, 21, 32-33, 35-36, 39, 53, 57, 58, 70;
34.Сабаъ – 47;
36.Ёсин – 76;
38.Сод – 17;
39.Зумар – 18, 22, 54;
40.Ғофир – 3, 7, 55;
41.Фуссилат – 33-35, 46;
42.Шўро – 25, 26-40, 43;
43.Зухруф – 36, 89;
46.Аҳқоф – 35;
49.Ҳужурот – 2-5, 11-13;
50.Қоф – 16, 18,39;
51.Зориёт – 10;
53.Нажм – 3, 29, 32;
54.Қамар – 6;
55.Ар-Раҳмон – 60;
57.Ҳадид – 21-23;
58.Мужодала – 7-11, 22;
59.Ҳашр – 9, 10, 19;
60.Мумтаҳана – 13;
64.Тағобун – 11, 14;
66.Таҳрим – 6, 8;
67.Мулк – 22;
68.Қалам –10-14;
73.Муззаммил – 2-4, 10, 20;
74.Муддассир – 4-7, 38;
81.Таквир – 29;
90.Балад – 17;
93.Зуҳо – 9-11;
99.Залзала – 7-8;
100.Одиёт – 8;
107.Моъун – 4-7;
110.Наср – 3.

Шукр, дуо, муножот, тасбеҳ, паноҳ тилаш

1.Фотиҳа – 1-7;
2.Бақара – 127, 201, 250, 255, 285-286;
3.Оли Имрон – 8-9, 16, 26-27, 38, 53, 147, 191, 193-194;
5.Моида – 83;
6.Анъом – 79, 161-164;
7.Аъроф – 23, 43, 47, 89, 126, 151, 155-156, 180, 188, 200;
9.Тавба – 51, 129;
10.Юнус – 10, 49, 85, 107;
11.Ҳуд – 6, 56;
12.Юсуф – 101;
13.Раъд – 28, 30;
14.Иброҳим – 38, 40-41;
15.Ҳижр – 49;
17.Исро – 24, 80-81, 110-111;
18.Каҳф – 10;
20.Тоҳо – 25-28, 114;
21.Анбиё – 83, 89, 112;
23.Муъминун – 26, 28-29, 94, 97-98, 107, 118;
25.Фурқон – 65, 74;
26.Шуаро – 77-88, 117-118, 169;
27.Намл – 19;
28.Қасас – 16-17, 21, 24, 70, 85;
29.Анкабут – 30, 60;
34.Сабаъ – 26;
35.Фотир – 2, 34;
36.Ёсин – 58, 78-79, 82-83;
37.Соффот – 57, 99, 100, 159, 180-182;
39.Зумар – 10, 38, 44, 46, 53, 61-62;
40.Ғофир – 7-8, 27, 44;

41.Фуссилат – 36;
43.Зухруф – 13, 85;
44.Духон – 12;
45.Жосия – 36-37;
46.Аҳқоф – 15;
53.Нажм – 57-58;
54.Қамар – 10;
55.Ар-Раҳмон – 78;
59.Ҳашр – 10, 22, 23-24;
60.Мумтаҳана – 4-5;
64.Тағобун – 1, 13;
66.Таҳрим – 8;
71.Нуҳ – 28;
95.Тин – 8;
112.Ихлос – 1-4;
113.Фалақ – 1-5;
114.Нос – 1-6

ҚУРЪОНИ КАРИМ ВА УНИНГ ҚИРОАТИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Қуръони карим Аллоҳнинг муқаддас каломи бўлгани учун уни қироат қилишнинг ўзига хос вожибот ва одоблари бор:

Жумладан:

Қуръон китобини ушлаб қироат қилишни ният қилган одам таҳоратли бўлиши шарт.

Имкони бўлса у пок кийимларини кийиб-ясаниб олсин.

Қироат учун оғзини ва тишларини тозаласин.

Қироатига халал бериши мумкин бўлган нарсаларни атрофидан четлатсин ёки қулай, дахлсиз жой топиб, ўша ерда тиловат қилсин.

Имкони бўлса қиблага юзланган ҳолда қироат қилиш афзал ҳисобланади.

Намоздан ташқарида ўқиганда ўтириб қироат қилингани маъқулдир.

Ёнбошлаб, бирор нарсага суяниб, чордона қуриб ўтирган ҳолда, юриб қироат қилишдан кўра, тиз чўкиб ўтирган ҳолатда қироат қилиш одобдандир.

Ёд ўқигандан кўра Қуръонга қараб ўқишнинг савоби кўпроқдир. Зеро, қироат бир ибодат бўлса, Китобга назар қилиш ҳам бир ибодат ҳисобланади.

Қуръони каримни ерга қўймагай, балки, ўтирганда кўкраги баробаридаги баландликка қўйиб ўқигай.

Қироат бошида бир бор *«Аузу биллоҳи минаш-шайтонир-ражим»*ни ўқигай. Ҳар бир сура бошида *«аузу»*ни ўқимагай. У ерларда *«Бисмиллоҳ»*нинг ўзи кифоядир.

*«Аузу»*ни ўқигандан кейин саломга алик олса ёки азонга жавоб айтса ёхуд зикру тасбеҳ ўқиса «Аузу»ни қайта айтиши шарт эмас. Аммо ўртада овқатланса ёки кўпроқ иш қилиб қўйса *«Аузу»*ни қайта ўқигай.

*«Аузу»*дан кейин суранинг боши бўлса *«Бисмиллоҳ»*ни ҳам ўқигай. Бўлмаса ихтиёр ўзида. Лекин ўқигани афзал.

Тиловат қилганда оятларнинг мазмунларини ўйлаб, тадаббур билан ўқисин. Борди-ю, арабчани билмаса, Аллоҳнинг каломини ўқиётганини ёдила тутсин.

Хаёли сочилиб оятларни ғафлат билан ўқиган бўлса, хаёлини жамлагандан кейин ўша жойларини қайта ўқисин.

Баъзи улуғлар дебдурларки, тадаббур ва тафаккур билан бир оят қироат қилиш ўттиз пора Қуръоннинг бошдан оёқ тадаббурсиз ўқиб чиққандан яхшидир.

Қўлидан келса Қуръони каримни араб лаҳни (савти) билан тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқисин. Имкони борича ўзининг миллий куй ва оҳангига солмай ўқисин. Бунинг учун ҳозирда маълум ва машҳур араб қориларининг қироатлари ёзилган магнит ёзувларидан эшитиб машқ қилиш тавсия этилади. Лаҳн ёки савт қиламан деб ашула айтгандек чўзмайдиган жойини чўзиб, чўзадиган жойларини қисқартириб ўқимасин.

Оятларни кулиб ёки жилмайиб эмас, балки ғамгин, ўйчан ҳолатда ўқисин. Имкони бўлса йиғламсираб ўқисин. Йиғини келтириш учун эса Аллоҳнинг Қуръонда хабар бераётган азоб-уқубатларини, қабр ва дўзах азобларини, қиёмат шиддатини ва ҳисоб-китоб оғирлиги каби ишларни ёдга келти-

риш, ўзини бундай синовларга тайёр эмаслигини эслаши керак бўлади. Бақириш, кийимини йиртиш, юзига уриш, ортиқча безовталаниш жоиз эмас.

Қуръонни тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда, ҳарфларни ўз жойидан чиқариб, донадор, аниқ ва равон ўқисин.

Керагидан ортиқча баланд овоз билан қироат қилмасин.

Раҳмат оятларини ўқиганда раҳмат сўраб, азоб оятларини ўқиганда Ундан паноҳ сўраб илтижо қилишга ҳаракат қилсин. Аллоҳнинг номлари келган жойда тасбеҳ айтсин.

Баъзи мураккаброқ оятни қайта-қайта ўқиб, то маъноларини англагунга қадар такрорласин.

Қироат асносида зарурат юзасидан бирор жойга туриб, бориб келишга тўғри келса, Қуръонни очиқ ҳолда тарк этмасин.

Эснаш, йўталиш, аксириш зарурати туғилганда қироатни тўхтатиб туриш лозим.

Бошқалардан яхши ўқияпман деб кибру ҳавога берилмасин.

Бозорда юрганда, мазах қилувчилар ҳузурида, жоҳиллар йиғилган жойларда жаҳрий қироат қилмасин.

Қуръон оятларида келган исмлар ва кўчирма гапларни бирор шахсга ҳазиллашиб ишлатмасин.

Қуръонни хатм қилганда яна бошидан эллик оят ўқиб қўйсин. Бу шайтонни ғамгин қиладиган ишдир. Хатмдан сўнг дуо қилиб, Аллоҳдан ҳожатини сўрасин. Бундай пайтда қилинган дуо мустажобдир.

Қуръонни оғзаки, бетаҳорат, юриб, ёнбошлаб, ҳатто, ётиб ўқиш жоиз, лекин юқорида айтилган одобларга риоя қилинганда савоби кўпроқ, фазли зиёдароқ бўлур.

Ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳа) айтган эканлар: «Кимики Қуръони каримни намоздан ташқарида тик туриб ўқиса, ҳар бир ҳарфига **100** савоб, ўтириб ўқиса ҳар бир ҳарфига **50** савоб, таҳоратли ўқиса **25** савоб, таҳоратсиз ўқиса **10** савоб ёзилур. Жунуб ҳолатда қироат қилиш ёки Қуръонни ушлаш мутлақо жоиз эмас».

Мусҳаф устига ҳеч нарса, ҳатто, ҳар қандай бошқа китобни қўйиш ҳам жоиз эмас.

Қуръонни машҳур ва машруъ этилган етти қироатдан хоҳлаган бирини танлаб ўқиши мумкин. Лекин бир қироатга кўникиб қолган мусулмонлар даврасида ўқиганда, турли гариб қироатлардан сақлангай, токи тингловчилар фитнага тушмасинлар.

Қироатни тунлари, тинч, сукунат пайтида ўқишни одат қилгай. Бунинг фойдалари бисёрдир.

Ҳайз ёки нифосдаги аёллар, жанобатдан ғусл қилмаганлар оғзаки қироат қилишлари ҳам жоиз эмас. Таҳоратсиз одам Қуръонни ушламай ўқиши мумкин. Мазкурларнинг ҳаммаси ғилофли Қуръонни ушлашлари мумкин. Ғилоф муқовага ёпиштирилмаган бўлиши шарт.

Балоғат ёшига етмаган болалар ўқиб, ўрганишлари учун Қуръонни бетаҳорат тутишлари мумкин. Акс ҳолда ҳофизи Қуръонлар чиқишига халал етади, деб фатво берилган.

*«Аузу биллоҳ»*ни фақат Қуръон қироат қилганда ўқилади. Ундан бошқа китоб, дуо ёки дарс бошлаш кабиларда ўқилмайди, балки улар *«Бисмиллоҳ»* билан бошланади.

«Тавба» сурасини «Анфол» сурасидан кейин бефосила ўқиганда *«Бисмиллоҳ»*ни ўқимайди. Аммо, «Тавба» сурасининг ўзидан бошлаб ўқиса, *«Аузу»*дан кейин *«Бисмиллоҳ»*ни ўқиши жоиз.

Қуръонни бошидан охиригача ёд олиш ҳамма мусулмонларга фарз эмас, балки у фарзи кифоядир. Аммо намоздаги қироатга яраша сура ва оятларни ёдлаш ҳар бир муслим ва муслимага фарзи айндир.

Озода ва покиза ҳаммомда паст овоз билан қироат қилиш жоиз. Тасбеҳ, таҳлил ва дуоларни баланд овоз билан ўқиш ҳам мумкин.

Ҳожатхона, ғуслхона, ахлатхона каби нопок жойларда Қуръон ўқилмайди.

Фиқҳий китоб мутолаа қилаётган ёки ёзаётган, намоз ўқиётган одам ёнида уларга эшиттириб қироат қилиш ҳам макруҳдир.

Қабристонда Қуръони каримдан қироат қилиш Абу Ҳанифа (рҳ.) наздида макруҳ. Аммо имом Муҳаммад ибн Ҳасанким, мужтаҳидлик мақомига етишган шогирдларидан биридир, унинг наздида макруҳ эмас, балки қироатдан қабристон аҳли баҳраманд бўлурлар. Фатво ҳам шунисига берилган.

Кофир ва мушрикларга ҳам Қуръон ёки фиқҳдан таълим бериш мумкин. Зеро, Пайғамбаримиз (а.с.) Қуръони каримдан мушрикларга ўқиб берар эдилар. Лекин уларга ғусл қилмаган ҳолларида Қуръонни ушлаш жоиз эмас.

Қуръондан таълим бериш учун ҳақ олиш жоиз, деб мутааххир уламолар фатво берганлар.

Юриб кетаётиб қироат қилмоқчи бўлса, овозини баланд кўтармагай.

Иш қилиб туриб қироат қилиш янглишиб кетмайдиган бўлса жоиз.

Қироат қилиб ўтирганда уйга ота-онаси, устози ёки бирор олим киши кириб қолса, уларнинг ҳурмати учун ўрнидан турса жоиз. Бошқалар учун жоиз эмас.

Қуръонни ўпиб, юзига суртиш савобли иш. Усмон ибн Аффон (рз.) ҳар тонг Мусҳафни ўпиб, юзларига суртар эканлар.

Ўқиётган Қуръон китобини сафарда олдириб қўйишдан қўрқса, бошининг остига қўйиб ётиши мумкин.

Қуръон турган уйда жинсий алоқа қилинишига рухсат берилган. Зеро, одатда мусулмонлар уйи Қуръон китобидан холи бўлмайди. Тақиқланган тақдирда мусулмонларга қийинчилик туғилар эди.

Йиртилиб, ўқишга яроқсиз бўлиб қолган Қуръон варақларини латтага ўраб, одамни дафн этгандек чуқур кавлаб, лаҳадга кўмиш лозим. Баъзи уламолар ёндириб юборишга ҳам рухсат бор, дейдилар. Бунга Усмон (рз.)нинг Қуръонни кўчиртириб бўлгач, қолган барча оят ёзилган саҳифаларни ёндиришга буйруқ берганларини далил сифатида келтирадилар.

Ерга тўшаладиган нарсаларга оят ёзиш жоиз эмас. Девор ва меҳробларга оятлардан битишни баъзи уламолар жоиз деб билурлар.

Қуръони каримнинг оятлари бир жойда эмас, балки Макка, Мадина, Тоиф, Жуҳфа, Байтилмақдис, Ҳудайбия каби шаҳарларда ва Мино, Арафот, Бадр, Уҳуд каби жойларда нозил қилинган. Лекин ҳижратгача нозил қилинган сураларнинг ҳаммаси маккия, ҳижратдан кейин хоҳ Мадинада, хоҳ бошқа жойларда нозил қилинган сураларни умумий ҳолда мадания деб аталаверади.

Қуръони карим **30** пора **114** сура, **6236** оятдан иборатдир.

Оятларнинг **63** фоизини Маккада, **37** фоизини Мадинада нозил бўлган оятлар ташкил этади. Яъни, маккия оятлар **4780**, мадания оятлар **1456**, жами бўлиб **6236** оят.

Энг қисқа оятлар «Тоҳо» ва «Ёсин», энг узун оят "Бақара" сурасининг 282-оятидир.

Қайси сурада «Калло» сўзи бўлса, у маккиядир. Бу лафз кўпроқ Қуръони каримнинг иккинчи ярмида учрайди.

"Бақара" сурасидан бошқа қайси сурада Одам (а.с.) билан шайтон қиссаси келган бўлса у ҳам маккия.

Қайси сурада куфр ва ширк аҳли билан жанг, шариат ҳукмлари баён этилган бўлса у маданиядир.

"Бақара" ва "Оли Имрон" сураларидан бошқа қайси сура «ҳуруфи муқаттаот» (якка ҳарфлар) билан бошланган бўлса, улар маккиядир.

Тарихий воқеалар баён қилинган суралар маккиядир.

Қуръони карим етти хил араб шевасига мувофиқ келадиган «расми хат» услубида битилган. Шу услубга асосланган ҳолда етти қироат қорилари ва ўн тўртта ровийлар орқали нақл қилинган.

ҚОРИЛАР ОДОБИ

Каломуллоҳни дилига жо қилган ҳофизи Қуръонлар оддий мусулмонлардан маънавиятларининг юксаклиги билан фарқ қилиб туришлари лозим. Қуйида уларга лозим бўлган баъзи одобларни баён қиламиз:

Қорилар сийрату шамоиллари, феълу атворлари юқори савияда бўлиши лозим.

Қуръони каримга амал қилган ҳолда унда тақиқланган ишлардан ўзини узоқ олиб юриши керак.

Мутакаббир, золим ва жоҳил кишилар олдида ўзини хор тутмаслиги, оддий ва солиҳ бандаларга нисбатан эса камтарлик изҳор этиши талаб этилади.

Виқорли, оғир, сокин, сабр-бардошли бўлмоғи лозим.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (рз.) айтган эканлар: «Ҳофизи Қуръон доимо бошқалардан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб туриши керак. Масалан, тунда одамлар ухлаганда у Қуръон тиловати билан бедор, кундузи одамлар овқатланганда, у рўзадор, одамлар ғафлатда ўйинкулги билан банд, у эса охират ташвиши билан ғамгин, одамлар турли бемаъни гаплар билан машғул, у эса тафаккур оғушида сокин».

Ҳасан ибн Али (рз.) демишлар: «Саҳобалар Қуръонни Аллоҳдан келган мактуб деб билар, тунлари уни ўқиб чиқиб, кундузи уни ҳаётга татбиқ этар эдилар».

Фузайл ибн Иёздан нақл этилибдурки, ҳофизи Қуръон ҳожат сўраб ҳеч кимнинг ҳузурига, ҳеч қандай амалдор олдига бормаслиги лозим. Зеро, у ислом туғини кўтариб юрувчи инсондурки, унга чалғиш ҳам, хаёлини паришон қилиш ҳам мумкин эмас.

Ҳофизи Қуръон Аллоҳнинг каломини зинҳор тирикчилик воситаси қилиб олмаслиги керак. Ҳадиси шарифда воридким: «Қуръонни ўқингиз, лекин у туфайли ризқ емангиз, унинг қироатини тарк этмангиз ва унда ғулувга кетиб, оғиб кетмангиз!»

ИЗОҲ: Бундан хатми Қуръонларда қориларга ихтиёрий равишда бериладиган пул ва буюмларни олиш жоиз эмас деган хулоса чиқмайди. Балки олдиндан маълум миқдордаги маблағга шартлашмаган, аксинча, қориларга ҳадя сифатида ихлос билан берилган ашёлар мубоҳдир, деб фатво берилган.

Қорилар Қуръонни мунтазам, такрор ва такрор ўқиб туришлари лозим. Салафи солиҳлар ичида бир ойда, бир ҳафтада, уч кунда, бир кечада бир бор хатми Қуръон қиладиганлар бўлгани манбаларда кўрсатилган. Бир кечаю кундузда саккиз марта хатм қилувчилар ҳам бўлган экан. Ҳар шом билан хуфтон ўртасида бир бор хатм қилувчи бўлганлардан Мужоҳид ибн Жубайр билан Али Аздийни, бир ракаатда хатми Қуръон қилганлардан Усмон ибн Аффон, Тамим ад-Дорий, Саид ибн Жубайрларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Лекин салафи солиҳларнинг кўпчилиги бир ҳафтада бир хатм қилишни маъқул кўрганлар. Яна дебдурларки, илму фан билан шуғулланувчи олимлар Қуръонни хатм қилишда вақтни чегараламаганлари яхши. Улар илмий ишларига халал етказмаган ҳолда хатм муддатини ўзлари белгилашлари лозим.

Мазкур зотларга Аллоҳ таоло ғайри оддий иқтидор ато этгани боис оз муддатда кўп зикр ва қироат қила билганлар. Лекин оддий қорилар учун хатми Қуръонга уч кундан кам вақт ажратиш жоиз эмас. Зеро, ҳадиси шарифда: «Ҳар ким Қуръони каримни уч кундан кам вақтда ўқиб чиққан бўлса, демак ҳеч нарса тушунмабди» – деганлар (Имом Абу Довуд, Термизий ривоятлари).

Қуръоннинг ҳаммасини ёки баъзисини ёдлаб, сўнгра эсидан чиқариб, унутиб юборган кишиларга нисбатан охиратда қаттиқ уқубатлар бўлиши ҳадиси шарифларда таъкидланган.

ҚУРЪОННИНГ ХАТ УСЛУБИ – УСМОНИЙ

Қуръони каримнинг барча нусхалари Ҳазрат Усмон ибн Аффон даврида эъробу ҳаракатларсиз (зер-забарсиз), қадим куфий ёзувида бўлган.

Тўртинчи халифа Ҳазрат Али ибн Аби Толиб даврида эса, қироатда янглишиш ҳоллари рўй бера бошлагач, Абул-Асвад Дуалий деган олим кишига халифа оятларга нуқта ва ҳаракатлар қўйиб чиқишни буюради. Баъзи олимлар Дуалийга Али эмас, балки Зиёд ёки Абдулмалик ибн Марвон буюрган, дейдилар.

Шундай қилиб, аввало, соддароқ шаклда бошланган белгилар, вақт ўтган сари такомиллашиб, ҳозирги ҳолатига етиб келган. Лекин асл ёзув (хат) ўша қадимлигича сақланиб келмоқда. Масалан, раҳмат, жаннат, Раҳмон, имон, ислом, шайтон каби сўзлар алифсиз, узун "те" ҳарфи билан ёзилади.

Лекин бу қоидага Қуръоннинг ўзида ёки асл хат сақланиши шарт бўлган битикларда риоя қилиниши талаб этилади. Аммо газета, журнал ёки мақолага ўхшаган жойларда Қуръон оятларидан иқтибос келтирилганда, асл хатга риоя қилиш шарт эмас, балки ҳозирги араб адабий ёзуви имлосида қандай қабул этилган бўлса, шундай ёзилишига рухсат этилади. Масалан, ислом, имон, жаннат каби сўзларни "алиф" билан, салот, закот каби сўзлардаги "вов" ҳарфини алифга айлантириш ва ҳоказо. Шунингдек, ҳозирга келиб, оятлар боши ва охирида, баъзи узун оятларнинг ўрталарида келадиган вақф ва ибтидо аломатларининг ҳам турлари кўпайиб кетган. Тажвидга доир китобларда Қуръоннинг бирор оятидан кейин вақф қилиш вожиблиги буюрилмаган.

Қуръони каримда беузр вақф қилиш жоиз бўлмаган оятлар ҳам мавжуд.

ЕТТИ ҚИРОАТ ҚОРИЛАРИ:

1. Абдуллоҳ ибн Касир ал-Маккий ал-Қурашийй. У тобиинлардан. Қироатни Абдуллоҳ ибн Зубайр ва бошқалардан тинглаган. ***120*** ҳ.й.да Маккада вафот этган. У Анас ибн Молик ва Абу Айюб Ансорийлар билан ҳам мулоқотда бўлган.

2. Нофеъ ибн Абдурраҳмон ибн Аби Наъим ал-Исбаҳоний ал-Маданий. ***169*** ҳ.й. да Мадинада вафот этган. Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Ҳурайра каби саҳобаларнинг шогирдларидан қироатни таълим олган.

3. Абдуллоҳ ибн Омир ал-Қозий ад-Димашқий. Йирик тобиинлардан. ***118*** ҳ.й.да ***110*** ёшида Дамашқда вафот этган. Усмон ибн Аффоннинг шогирди Муғира ибн Аби Шиҳоб ал-Махзумийдан қироат ўрганган.

4. Абу Амр ибн Ало ал-Басрий. Куфада ***154*** ҳ.й. да вафот этган. Мужоҳид ибн Жубайр, Абдуллоҳ ибн Аббос орқали Убай ибн Каъб қироатини нақл этган.

5. Осим ибн Абиннужуд ал-Куфий. Куфада ***128***ҳ.й.да вафот этган. Зурр ибн Ҳубайш орқали Абдуллоҳ ибн Масъуддан қироат нақл этган.

6. Ҳамза ибн Ҳабиб ибн Имора ат-Таймий ал-Куфий. ***156*** ҳ. да Ҳулвонда вафот этган. Сулаймон ибн Меҳрондан қироатни таълим олган.

7. Ал-Кисоий (Али ибн Ҳамза ал-Асадий). ***189*** ҳ. да вафот этган. У Ҳамзада қироат ўқиб, аббосий халифа Маъмун даврида етти қори сафига қўшилган. Унгача Яъқуб Ҳазрамий еттинчи эди.

Мазкур қориларнинг фақат ***3***- ва ***4***-лари араб миллатидан, қолганлари ажамлардан.

Ҳозирда бутун Ислом олами бўйича икки хил қироат машҳур. Биринчиси Имом Ҳафс ривояти билан Имом Осим қироати. Иккинчиси Имом Варш ривояти билан Имом Нофеъ қироати. Бизнинг диёримизда биринчи қироат, яъни Имом Осим қироати бўйича Қуръон ўқилади.

Қуръони каримни тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқиш шарт. Акс ҳолда намоз ҳам комил бўлмайди. Намоз қироатига яраша тажвиди билан қироат ўрганиш ҳар бир мусулмон зиммасидаги фарзи айндир. Лекин ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам тили тажвидли қироатга мослаша олмайдиган одам зарурат юзасидан тили келганича қироат билан намозини ўқийверса, Аллоҳнинг афв этишидан умид қилинади.

ҲАДИСИ ШАРИФЛАРДА ҚОРИЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

1. «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръони каримни таълим олиб, таълим берувчиларингиздир» (Имом Бухорий ривояти).
2. «Қуръонни маҳорат билан ўқувчи қорилар улуғ фаришталар билан биргадирлар. Тили қийналиб ўқийдиган қориларга икки ҳисса ажр берилур» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).
3. «Қуръон ўқингиз! Зеро, Қуръон ўзининг қориларини қиёмат куни шафоат қилур» (Имом Муслим ривояти).
4. «Кимки Аллоҳнинг каломидан бир ҳарф ўқиса, унга бир савоб. Савоб эса ўн баробар кўпайтирилиб ёзилур. «Алиф, Лом, Мим»ни бир ҳарф демайман, балки, Алиф – ҳарф, Лом – ҳарф, Мим – ҳарфдир» (Имом Термизий ривояти).
5. «Ҳар ким Қуръонни ўқиб, унга амал қилса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг ота-онаси бошига бу дунё қуёшидан ҳам чиройли нур берувчи тожни кийдирур» (Абу Довуд ривояти).
6. «Қуръон ўқингиз! Зеро, Қуръон жойлашган қалбни Аллоҳ азобламас. Ушбу Қуръон Аллоҳнинг зиёфатидир. Ҳар ким унинг меҳмони бўлса, у омонда бўлур. Кимки Қуръонни севса, унга хушхабар бордир» (Имом Доримий ривояти).
7. «Сочи исломда оқарган мўйсафид, Қуръонни ёд олиб, унда ғулув (чуқур кетиб, чалғиш)га мубтало бўлмаган қори ва одил подшоҳларни иззат-икром қилиш – Аллоҳни улуғлашнинг турларидандир» (Абу Довуд ривояти).

ХАТМИ ҚУРЪОН ДУОСИ

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ. وَالْعَاقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ. وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِنَا مُحَمَّدٍ وَءَالِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ.

اَللّٰهُمَّ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ. وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ. وَاهْدِنَا وَوَفِّقْنَا إِلَى الْحَقِّ وَإِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ بِبَرَكَةِ الْقُرْءَانِ الْعَظِيمِ.

اَللّٰهُمَّ ارْحَمْنَا بِالْقُرْءَانِ وَاجْعَلْهُ لَنَا إِمَامًا وَنُورًا وَهُدًى وَرَحْمَةً. اَللّٰهُمَّ ذَكِّرْنَا مِنْهُ مَا نَسِينَا وَعَلِّمْنَا مِنْهُ مَا جَهِلْنَا، وَارْزُقْنَا تِلَاوَتَهُ ءَانَاءَ اللَّيْلِ وَأَطْرَافَ النَّهَارِ، وَاجْعَلْهُ لَنَا حُجَّةً يَا رَبَّ الْعَالَمِينَ.

اَللّٰهُمَّ زَيِّنَّا بِزِينَةِ الْقُرْءَانِ. وَأَكْرِمْنَا بِكَرَامَةِ الْقُرْءَانِ. وَشَرِّفْنَا بِشَرَافَةِ الْقُرْءَانِ. وَأَلْبِسْنَا بِخِلْعَةِ الْقُرْءَانِ وَأَدْخِلْنَا الْجَنَّةَ بِشَفَاعَةِ الْقُرْءَانِ. وَعَافِنَا مِنْ كُلِّ بَلَاءِ الدُّنْيَا وَعَذَابِ الْأَخِرَةِ بِحُرْمَةِ الْقُرْءَانِ.

اَللّٰهُمَّ اجْعَلِ الْقُرْءَانَ لَنَا فِي الدُّنْيَا قَرِينًا، وَفِي الْقَبْرِ مُؤْنِسًا، وَفِي الْقِيَامَةِ شَفِيعًا، وَعَلَى الصِّرَاطِ نُورًا، وَإِلَى الْجَنَّةِ رَفِيقًا، وَمِنَ النَّارِ سِتْرًا وَحِجَابًا، وَإِلَى الْخَيْرَاتِ كُلِّهَا دَلِيلًا وَإِمَامًا بِفَضْلِكَ وَجُودِكَ وَكَرَمِكَ يَا كَرِيمُ. اَللّٰهُمَّ اهْدِنَا بِهِدَايَةِ الْقُرْءَانِ، وَنَجِّنَا مِنَ النِّيرَانِ بِكَرَامَةِ الْقُرْءَانِ، وَارْفَعْ دَرَجَاتِنَا بِفَضِيلَةِ الْقُرْءَانِ، وَكَفِّرْ عَنَّا سَيِّئَاتِنَا بِتِلَاوَةِ الْقُرْءَانِ يَا ذَا الْفَضْلِ وَالْإِحْسَانِ. رَبَّنَا ءَاتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْأَخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ. وَصَلَّى اللّٰهُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى ءَالِهِ وَصَحْبِهِ وَسَلَّمَ. سُبْحَانَ رَبِّكَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ، وَسَلَامٌ عَلَى الْمُرْسَلِينَ وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР
(шартли қисқартмалар изоҳи билан)

1. (Мд.) – ***«Мадорикут-танзил ва ҳақоиқут-таъвил»*** номли тафсир. Муфассир: Абул-баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий ал-Ҳанафий (вафоти 701ҳ.й.). Истанбул нашри. 1324 ҳ.й.

2. (Лс.) – ***«Баҳрул-улум»*** тафсири. Муфассир: Абул-лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий (вафоти 375 ҳ.й.). Байрут нашри. 1993 й.

3. (Қз.) – ***«Анворут-танзил ва асрорут-таъвил»*** тафсири. Муфассир: Қозий Носируддин Абу Саид Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байзовий аш-Шофиий (вафоти 685 ҳ.й.). Истанбул нашри. 1324 ҳ.й.

4. (Хз.)– ***«Лубобут-таъвил фи маонит-танзил»*** тафсири. Муфассир: Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бағдодий ас-Суфий аш-Шофиий (Хозин). Вафоти 735 ҳ.й. Истанбул нашри. 1324 ҳ.й.

5. (Тб.) – ***«Жомеул-баён ан таъвили ойил-Қуръон»*** номли тафсир. Муфассир: Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (вафоти 310 ҳ.й.). Байрут нашри. 1988 й.

6. (ИК) – ***«Тафсирул-Қуръонил-азим».*** Муфассир: Абул-фидо ал-Ҳофиз Ибн Касир ад-Димашқий (вафоти 774 ҳ.й.). Байрут нашри. 1988 й.

7. (Ол.) – ***«Руҳул-маъоний»*** тафсири. Муфассир: Абус-Сано Шаҳобиддин ас-Саййид Маҳмуд Афанди ал-Олусий ал-Бағдодий (вафоти 1270 ҳ.й.). Қозон нашри. 1321 ҳ.й.

8. (Бғ.) – ***«Маолимут-танзил»*** тафсири. Муфассир: Абу Муҳаммад ал-Ҳусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад ал-Фарро ал-Бағавий аш-Шофиий (вафоти 516 ҳ.й.). Байрут нашри. 1993 й.

9. (Қр.) – ***«Ал-Жомеъ лиаҳком ал-Қуръон»*** тафсири. Муфассир: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хазражий ал-Андалусий ал-Моликий. Байрут нашри. 1992 й.

10. (АС) – ***«Иршодул-ақл ас-салим»*** тафсири. Муфассир: Абус-Саъуд Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мустафо ал-Амодий ал-Ҳанафий (893–982 ҳ.й.). Қозон нашри 1311 ҳ.й.

11. (Абс.) – ***«Танвирул-миқбос»*** тафсири. Абдуллоҳ ибн Аббос (рз.)дан ривоят қилинган тафсирларни тўплам шаклига келтирувчи: Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Ферузободий аш-Шофиий. (вафоти 817 ҳ.й.). Истанбул нашри. 1320 ҳ.й.

12. ***«Имлоу мо манна биҳир-Раҳмон»*** тафсири. Муфассир: Муҳиббуддин Абул-бақо ал-Укбарий аз-Зарир ал-Ҳанбалий (538-616 ҳ.й.). Миср нашри. 1306 ҳ.й.

13. ***«Азвоул-баён фи изоҳил-Қуръон бил-Қуръон»*** тафсири. Муфассир: Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Мухтор ал-Жаканий аш-Шанқитий (вафоти 1393 ҳ.й.). Қоҳира нашри. 1988 й.

14. ***«Таъвилоту Аҳлис-Сунна»*** қўлёзма китоби. Муаллиф: Абу Мансур Мотуридий (вафоти 333 ҳ.й./ 944 м.)

15. (Бх.) – Имом Бухорий ривоят қилган ҳадис.

16. (Мс.) – Имом Муслим ривоят қилган ҳадис.

17. (Тр.) – Имом Термизий ривоят қилган ҳадис.

18. (Дв.) – Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадис.

19. (Нс.) – Имом Насаий ривоят қилган ҳадис.

20. (Мж.) – Ибн Можа ривоят қилган ҳадис.

21. (Аҳ.) – Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадис.

22. (Ун.) – ***«Унмузаж»*** китоби. Муаллиф: Муҳаммад Абу Бакр ибн Абдулқодир ар-Розий (вафоти 721 ҳ.й.), «Мухторус-сиҳоҳ» луғатининг муаллифи.

23. (Ҳд.) – ***«Ал-ҳидоя»*** китоби. Муаллиф: Бурҳонуддин Абул Ҳасан Али ибн Аби Бакр ибн Абдилжалил ар-Рошидоний ал-Марғиноний (таваллуди 1123м. вафоти 1197м/593 ҳ.й.)

24. (Мх.) – ***«Мухтасарул-Виқоя»*** китоби. Муаллиф: Убайдулло ибн Масъуд. Қозон нашри. 1902 й.

25. (ЖР) – ***«Жомеур-румуз»*** китоби. У «Мухтасарул-Виқоя» китобининг шарҳи. Шориҳ: Шамсиддин Муҳаммад ал-Хуросоний ал-Қуҳистоний (вафоти 962 ҳ.й.). Қозон нашри 1902 й.

26. (С.а.н.) – ***«Сияру аъломин-нубало»*** китоби. Муаллиф: Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий (вафоти 748 ҳ.й.). Байрут нашри. 1997 й.

27. (М.з.) – ***«Муружуз-заҳаб»*** китоби. Муаллиф: Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Масъудий (вафоти 346 ҳ.й.). Байрут нашри. 1984 й.

28. (Саъл) – ***«Қисасул-анбиё»*** китоби. Муаллиф Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саълабий ан-Найсобурий (вафоти 427 ҳ.й.). Қоҳира нашри.1912 й.

29. ***«Мабоҳис фи улумил-Қуръон».*** Муаллиф: Манноул Қаттон. Байрут нашри, 1980й.

30. ***«Китобут-Тибён фи одоби ҳамалатил-Қуръон».*** Муаллиф: Муҳйиддин Яҳё ибн Шараф ан-Нававий (вафоти 676 ҳ.й.). Қоҳира нашри. 1307 ҳ.й.

31. ***«Канзул-ибод»*** шарҳи. Матн муаллифи: Шиҳобуддин ас-Суҳравардий аш-Шофиий (таваллуди 587 ҳ.й./ 1191м.) Шориҳ: Али ибн Аҳмад ал-Ғурий ал-Ҳанафий.

32. ***«Маал-Қуръонил-карим».*** Муаллиф: Шайх Жодул-ҳақ Али Жодул-ҳақ (Шайхул Азҳар). Қоҳира нашри. 1991 й.

33. ***«Қуръон, тафсир ва муфассирлар».*** Муаллиф: Раҳматуллоҳ қори Обидов. Тошкент, «Мовароуннаҳр». 2003 й.

34. ***«Ан-Назм ал-фанний фил-Қуръон».*** Муаллиф: Абдулмутаол ас-Саъидий. Қоҳира нашри. 1987 й.

35. ***«Ал-Мунжид»*** қомуси. Байрут нашри. 1986 й.

36. ***«Ўзбек тилининг изоҳли луғати».*** Москва нашри. 1981 й.

37. ***«Ўзбек тилининг имло луғати»***. «Фан» нашриёти. 1976 й.

(а.с.) – алайҳис-салом (у кишига салом бўлсин).

(рз.) – разияллоҳу анҳу (у кишидан Аллоҳ рози бўлсин).

(рҳ.) – раҳимаҳуллоҳ (у кишини Аллоҳ раҳмат қилсин).

(қ.с.) – қуддиса сирруҳу (у кишининг руҳи муқаддас бўлсин).

ҚУРЪОНИ КАРИМ

маъноларининг таржима ва тафсири

Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз МАНСУР

Масъул муҳаррир Зуҳриддин ҲУСНИДДИНОВ

Муҳаррирлар Дурбек РАҲИМЖОНОВ,
Неъматулло МУҲАМЕДОВ

Тошкент ислом университети ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Аброр АДҲАМОВ

Бош муҳаррир Олимбой РАҲИМОВ

Мусаҳҳиҳ Сарвар ОЧИЛОВ

Бадиий муҳаррир Абдубоқи ИМОМХОН ўғли

Техник муҳаррирлар Бахтишод ЭСОНОВ,
Камолиддин АХУНОВ

Компьютерда терувчилар Раҳима СОЛИҲОВА,
Шуҳрат ҲАСАНОВ,
Олимжон АДИЛОВ

86.38
Қ83

Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири /Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур; таҳрир ҳайъати: Абдурашид қори Баҳромов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З.Ҳусниддинов.–Т.: "Тошкент ислом университети", 2004. – 624 б.
Матн араб ва ўзбек тилларида.

ББК 86.38

Теришга берилди 29.01.2004 й. Босишга рухсат этилди 20.04.2004 й.
Бичими 84Х108 $^1/_{16}$. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 65,5.
Нашриёт босма табоғи 52,5. Адади 25000 нусха. Буюртма №1.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
700011, А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

Шартнома рақами 05-01-04.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700083, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

لا إله إلا الله محمد رسول الله

ҚУРЪОНИ КАРИМ

قرآن كريم

ترجمة و تفسير معانيه الى
اللغة الاوزبيكية

طشقند
٢٠٠٤